



**TOSHKENT DAVLAT
IQTISODIYOT UNIVERSITETI**



**2021-YIL
25-NOYABR**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTINI RIVOJLANTIRISHNING ILMIY-INNOVATSION YO‘NALISHLARI

**XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMANI
MAQOLALAR TO‘PLAMI**

TOSHKENT – “IQTISODIYOT” – 2021

UO'K: 338 (S75.1.072)

KBK: 65.050.9(2)

Yangi O'zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishning ilmiy-innovatsion yo'nalishlari. *Xalqaro ilmiy-amaliy anjumani maqolalar to'plami (2021-yil 25-noyabr).* – T.: “IQTISODIYOT”, 2021. – 160 b.

Ushbu to'plam Toshkent davlat iqtisodiyot universitetining 90 yilligiga bag'ishlangan bo'lib, unda mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishning ilmiy-innovatsion yo'nalishlarining dolzarb masalalari borasidagi ilmiy tadqiqot ishlarini takomillashtirish va ilmiy qarashlari aks ettirilgan materiallarning bayoni keltirilgan.

To'plamga oliy o'quv yurtlarida iqtisodiy muammolar bo'yicha ilmiy izlanishlar olib borayotgan professor-o'qituvchilar, doktorantlar, tadqiqotchilar, vazirlik, qo'mita va turli mulkchilik shaklidagi korxonalar va tashkilotlarning yetakchi mutaxassislari, magistrning ilmiy izlanishlari natijalari kiritilgan.

To'plamda keltirilgan materiallarning mazmuni, undagi statistik ma'lumotlar va keltirilgan xuquqiy-me'yoriy xujjatlarning haqqoniyligi, tanqidiy fikr mulohazalar va takliflarga mualliflarning o'zlari mas'uldirlar.

Mas'ul muharrir – *t.f.d., prof. K.A. Sharipov*

Tahrir hay'ati: *PhD., dots. U.R. Xalikov*
i.f.d., prof., Usmanov A.S.,
i.f.d., prof., Qodirov A.M.,
i.f.n., dots., Ortiqov X.A.
i.f.d. dots., Mamadaliyeva X.X.,
i.f.f.d. dots., Isaev F.I.

Taqrizchilar: *i.f.d., prof. Salimov B.,*
i.f.d., prof. Maxmudov N.M.

ISBN 978-9943-7329-4-0

© “IQTISODIYOT”, 2021



MUNDARIJA

Кириш6

ANJUMAN YALPI YIG‘ILISHI MA’RUZALARI

| | |
|--|--|
| <i>Kalonov M.B., Khakimov F.X.</i> | The role and impact of enterprizes, production organizations and taxes in the development of the economy budget in the Republic of Uzbekistan8 |
| <i>Abduvosikov A.A., Ashurmetova N.A., Muratova M.G.</i> | Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва унинг мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигига таъсири..... 12 |
| <i>Abdukahtarova S.A.</i> | Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш йўли..... 19 |
| <i>Abdulazizova U.N.</i> | Взаимосвязь уровня инфляции и ставки рефинансирования центрального банка Узбекистана.....26 |
| <i>Ahmedieva A.T., Majmurov B.X.</i> | Рақамли трансформациянинг моҳияти ҳамда унинг иқтисодий самарадорликка таъсири.....31 |
| <i>Ashurmetova N.A., Turgunov N.G.</i> | Мева-сабзавотчилик соҳаси инвестицион жозибadorлигини оширишнинг йўллари37 |
| <i>Gulmurodov K.A.</i> | Меҳнат миграциясининг аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда тутган ўрни42 |
| <i>Ilhamov S.H.</i> | Особенности аудита инвестиционной деятельности50 |
| <i>Kodirov A.M., Shamsuddinov N.N.</i> | Қашқадарё вилоятининг инновацион салоҳиятини баҳолаш бўйича ижтимоий тадқиқот услулари.....67 |

| | | |
|--|---|-----|
| Қодиров А.М., Маъмуров Б.Х. | Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантириш хусусиятлари ва концептуал асослари. | 63 |
| Мамадалиева Х.Х. | Иқтисодий ва демографик жараёнларнинг ўзаро алоқадорлигининг назарий асослари. | 68 |
| Мамиров А. | Ўзбекистонда толерантлик маданиятини ривожлантиришда ички ва ташқи туризмнинг таъсири ва роли..... | 76 |
| Ортиқов Х.А. | Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича операциялар ҳисоби | 81 |
| Саидов М.Х., Очилов И.С. | Янги Ўзбекистонда кластерлар фаолияти таҳлилини такомиллаштиришда хориж тажрибаларидан фойдаланиш масалалари..... | 85 |
| Саидов М.Х., Ашурметова Н.А. | Теория добавленной стоимости и ее значение в сельском хозяйстве..... | 89 |
| Саифназаров И., Эрназаров Д.З., Усмонов Ф.А. | Туркистон халқларининг миллий ўзлигини англашда жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий жиҳатлари..... | 94 |
| Саифназаров И. | Замонавий иқтисодчи кадрларни тайёрлашда ижтимоий фанларнинг ўрни..... | 104 |
| Султанов М.А. | Фонд бозорини ривожлантиришда молиявий саводхонликни ошириш зарурияти. | 110 |
| Умаржонов С.С. | Ижтимоий фанларни ўқитишда фахриддин розий асарларининг ўрни ва аҳамияти. | 116 |
| Усманов А.С. | Методологические и методические подходы к разработке стратегии развития конкуренции на товарных и финансовых рынках | 124 |

| | |
|-------------------|---|
| Усмонов Б.Б. | Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг шонли 90 йиллиги даврида ўқув жараёнини такомиллаштириш бўйича университетда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар128 |
| Исаев Ф.И. | Солиқ таҳлилини ўрганиш зарурияти.....135 |
| Хамдамов Ш.Р. | Ўзбекистонда интенсив иқтисодий ўсиш омилларининг ўзаро салмоғини статистик усуллар орқали аниқлаш138 |
| Холбаева С.Р. | Роль и значение инвестиций в формировании человеческого капитала142 |
| Яхшимуратова С.Р. | Хорижий инвестицияларни жалб қилишда эркин иқтисодий зоналарнинг роли.....150 |
| Отақўзиева С.А. | Рақамлаштириш шароитида аҳоли бандлигидаги трансформациялар.....155 |

KIRISH

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 21-sentyabrdagi "2019–2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5544-son Farmonida ilm-fan va texnika yutuqlarini keng qo'llagan holda iqtisodiyot tarmoqlariga, ijtimoiy va boshqa sohalarga zamonaviy innovatsion texnologiyalarni tezkor joriy etish O'zbekiston Respublikasi jadal rivojlanishining muhim sharti hisoblanishini ta'kidlab o'tilgan.

Shuningdek, jamiyat va davlat hayotining barcha sohaları shiddat bilan rivojlanayotgani islohotlarni mamlakatimizning jahon sivilizatsiyasi yetakchilari qatoriga kirish yo'lida tez va sifatli ilgariylashini ta'minlaydigan zamonaviy innovatsion g'oyalar, ishlanmalar va texnologiyalarga asoslangan holda amalga oshirishni taqozo etadi.

Shu bilan birga, o'tkazilgan tahlil ishlab chiqarishni modernizatsiya, diversifikatsiya qilish, uning hajmini oshirish hamda ichki va tashqi bozorlarda raqobatbardosh mahsulotlar turlarini kengaytirish borasidagi ishlar lozim darajada olib borilmayotganini ko'rsatdi.

Ushbu to'plamda fan va texnologiyalar taraqqiyotining o'zaro muvofiqlashtirish, innovatsion faoliyatni moliyalashtirishni yaxshilash, fan bilan ishlab chiqarish o'rtasidagi aloqalarni kengaytirish, mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishning ilmiy-innovatsion yo'nalishlarining dolzarb masalalari har tomonlama yoritilgan.

The background of the cover features a photograph of the Tashkent State University of Economics building. The building is a tall, modern structure with a curved facade. The text "TASHKENT STATE UNIVERSITY OF ECONOMICS" is visible on the building's facade. The image is overlaid with a large, semi-transparent purple graphic element that contains the main title text.

ANJUMAN YALPI YIG'ILISHI MA'RUZALARI

THE ROLE AND IMPACT OF ENTERPRISES, PRODUCTION ORGANIZATIONS AND TAXES IN THE DEVELOPMENT OF THE ECONOMY BUDGET IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

***M.B. Kalonov, Doctor of Economic Sciences, Professor,
Director of the Research Center "Scientific Basis and
Problems of Economic Development of Uzbekistan" –
Vice Rector of TSUE,
F.X. Khakimov,
2nd year student of Finance and Accounting faculty,
Tashkent State University of Economics***

Annotation: This article is dedicated to the analysis of economical changes in Uzbekistan. The economic development of inner and outer categories determined from the Committee of Statistics of Uzbekistan. The widespread influence of the Covid 19 to the world economy is accurately described by the author. In addition, special emphasis was placed on the role of taxes in the formation of the state budget and the mechanism of tax policy.

Key words: Rapid changes, reforms, liberalizing technique, action strategy, Monetary fund, personal income, tax rate, budget revenues, balance sheets, national budget.

Introduction.

In 2021 year Uzbekistan has had big development in economy. Recent indicators suggest Uzbekistan already made progress in Trade foreign exchange liberalization which took place 2020-2021 and the authorities have gradually improved domestic finance by rising interest rates on and removing policy loans from banks' balance sheets. Besides that, COVID19 influenced on not only economy, but also policy responses. The pandemic hit the economy hard in the first half of 2020, inflicting considerable hardship, but the recessions was moderated by strong and timely containment and support measures. Nonetheless, the pandemic temporarily halted progress income convergence and vulnerabilities have increased.

Family businesses, economic development, employment and are an important factor in increasing income. In recent years, a number of measures have been taken in our country to attract the population to entrepreneurship, support family entrepreneurship, and provide comprehensive assistance to young people in the implementation of business ideas.

Materials and methods.

Economy is one of the main aspects of every country. In Uzbekistan there are plethora of facilities are available for production organization, young entrepreneurs

to start their own businesses. On this goal in February 2017, President Shavkat Mirziyoyev approved the “Action strategy for the five priority areas of Uzbekistan during 2017-2021”. According to that new stage of reforms in all spheres of life, peculiarly in developing and liberalizing the economy, began. The first step was the presidential decree on “On the liberalization of foreign exchange policy” which allowed legal entities and individuals to freely convert currency. At present stage of reforms, much attention is paid to integration into the world economy in collaboration with International Cooperation by investing money inputs. For example Uzbekistan been implementing more than 2.5 billions \$ 30 major investment projects since 2003 in collaboration with Islamic Development Bank. These include the construction of schools, affordable housing, roads, electricity and drinking water, and the modernization of health care facilities

On the following International Monetary Fund, formed in Washington D.C., researched the economic changes of the Republic of Uzbekistan between the years 2018-2022:

| | 2018 | 2019 | 2020 Est. | 2021 Proj. | 2022 Proj. |
|--|-------|-------|------------------|---------------|---------------|
| National income 1/ | | | | | |
| Real GDP growth (percent change) | 5.4 | 5.8 | 1.6 | 5.0 | 5.3 |
| GDP per capita (in U.S. dollars) | 1,543 | 1,736 | 1,702 | 1,780 | 1,922 |
| Population (in millions) | 32.7 | 33.3 | 33.9 | 34.4 | 35.0 |
| Prices | | | | | |
| | | | (Percent change) | | |
| Consumer price inflation (eop) | 14.3 | 15.2 | 11.1 | 9.8 | 10.6 |
| GDP deflator | 27.5 | 18.6 | 11.9 | 9.8 | 11.5 |
| External sector | | | | | |
| | | | (Percent of GDP) | | |
| Current account balance | -7.1 | -5.8 | -5.4 | -6.4 | -5.9 |
| External debt | 34.3 | 43.9 | 58.4 | 62.3 | 63.8 |
| | | | (Level) | | |
| Exchange rate (in sums per U.S. dollar; eop) | 8,340 | 9,516 | 10,477 | ... | ... |
| Real effective exchange rate (ave, 2015 =100, decline = depreciation) | 60.6 | 64.5 | 64.6 | ... | ... |
| Government finance | | | | | |
| | | | (Percent of GDP) | | |
| Budget revenues | 28.7 | 28.7 | 27.6 | 27.6 | 27.7 |
| Budget expenditures | 30.8 | 32.6 | 32.0 | 33.1 | 31.6 |
| Budget balance | -2.1 | -3.9 | -4.4 | -5.5 | -4.0 |
| Consolidated revenues 1/ | 27.8 | 28.1 | 26.6 | 26.6 | 27.0 |
| Consolidated expenditures 1/ | 26.0 | 28.3 | 29.9 | 30.1 | 29.8 |
| Consolidated fiscal balance | 1.7 | -0.3 | -3.3 | -3.5 | -2.8 |
| Policy-based lending | 3.9 | 3.7 | 1.2 | 2.0 | 1.2 |
| Overall fiscal balance | -2.1 | -3.9 | -4.4 | -5.5 | -4.0 |
| Public debt | 20.3 | 29.3 | 37.8 | 42.1 | 44.2 |
| Money and credit | | | | | |
| | | | (Percent change) | | |
| Reserve money | -1.9 | 17.8 | 15.4 | 10.0 | 12.1 |
| Broad money | 13.2 | 13.8 | 17.9 | 15.7 | 17.2 |
| Credit to the economy | 51.3 | 23.8 | 34.4 | 19.7 | 17.6 |

Fig1. Uzbekistan: selected Economic Indicators, 2018-22

Sources: Country authorities; and IMF staff estimates.

According to tax payment regimes, agricultural enterprises are divided into enterprises operating in general and comprehensively concluded tax regimenation. In accordance with the documents of the country, the documents of tax legislation,

agricultural enterprises producing agricultural products and their rehabilitation, their reputation is the only one.

The incomes and outcomes of the country budget of The Republic in comparative diagrams:




Fig 2. Structure of the state budgeted expenditures, forecast, for 2021, billion UZS

Results and discussions.

In Uzbekistan, the Personal Income Tax Rate is a tax collected from individuals and is imposed on different sources of income like labor, pensions, interest and dividends. The benchmark we use refers to the Top Marginal Tax Rate for individuals. Revenues from the Personal Income Tax Rate are an important source of income for the government of Uzbekistan.

Forecast of the state budget revenues for 2021:

The share of indirect taxes, which provide 42.4 percent of Y's income, is increasing.




Fig 3. The total budget revenues in 2021 as part of state budget revenues

Profit tax Value added tax Property tax Turnover tax Excise tax Land tax Income taxes taken from individuals Customs duty Taxes for using the depth of the Earth taxes using for water recourses Others.

There is a single tax system in the territory of the Republic of Uzbekistan. Only the OIY of the Republic of Uzbekistan is the right to introduce taxes. Taxes, fees, duties, levied on legal entities and other obligatory payments and other obligatory principles, methods, the sum of tax control is the tax system.

Conclusion.

It should be said that the dynamic growth of the Uzbek economy, which has been observed in recent years, as well as the economies of other countries, was slowed down by the COVID 19 pandemic, but this year it is actively recovering. GDP in the first three months of 2021 increased by 3%. The World Bank predicts that economic growth in Uzbekistan in 2021 and 2022 will reach 4.8% and 5.5%, respectively and the EBRD - 5.6% in 2021 and 6% in 2022. The ongoing economic reforms are already producing a tangible positive effect, which will only intensify in the context of the post-pandemic recovery growth of the world economy. The main development factor is reforms. It is unlikely that a country that is marking time in one place will develop. If you have taken a certain line and set a specific goal, you should only walk confidently. Uzbekistan has been following this path for the fifth year already. Does not hesitate, does not stop, does not back away. Therefore, domestic and foreign policies have changed radically.

The high attention paid to the development of education by our state, the significant investments made have borne fruit, and the national pride and patriotism of our youth is growing. All this is being done under the motto "Let's live freely and abundantly in the new Uzbekistan!"

Reference

1. Sharipov.K.A (2021) "Confidence and perseverance are the guarantee of development". September 16 № 37 (762).
2. Kalonov M.B., Mahkamboyev A.T. & Temirov F.T. (2021), Features of Accounting in other industries. – "Sano Standard"//Архив научных исследований.-2021.-№ 19. 98-100p
3. Kalonov M.B "Fifth Spring of Development, or What Can You Learn from Malaysia?" *Tasema "Народное Слово" от 4 августа 2021 года, №161 (7910)*
4. Kalonov M.B & Khakimov F,(2021) The role of taxes in the formation of the state budget of the Republic of Uzbekistan. June 2-T.: TSUE. 207-211.
5. The Constitutiton of the Republic of Uzbekistan, article 123, 28p. T.: 2020
6. <https://www.eureporter.com> Development of the economy of Uzbekistan in the first half of 2021, published on July 27, 2021, by Guest contributor
7. <https://review.uz> Uzbekistan's economy in independent development, article by the director of Center for Economic research and Reforms Dr. Obid Khakimov.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИНГ МАМЛАКАТ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАЪСИРИ

А.А. Абдувосиков, и.ф.н.

Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор, ТДАУ

Н.А. Ашурметова, и.ф.н.

Агроиқтисодиёт кафедраси доценти, ТДАУ

М.Г. Муратова,

Агроиқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси, ТДАУ

Аннотация. Мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омили бу қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, мақолада қишлоқ хўжалигини ривожланиши кўрсаткичлари таҳлил қилинган ва бу борадаги камчилик ва муаммоларни бартараф этиши учун амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар, механизмлар келтирилган.

Таянч иборалар: ишлаб чиқариш, озиқ-овқат маҳсулотлари, озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалиги, барқарор ривожланиш.

Кириш.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида биринчи устувор йўналиш сифатида “Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш” белгиланган бўлиб, бу йўналишнинг асосий мақсади республиканинг барча аҳолиси озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни самарали амалга ошириш ҳисобланади. Бу эса Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ), шу жумладан БМТнинг 2-БРМ «Очликка барҳам бериш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолини яхшилаш ва барқарор қишлоқ хўжалигини тарғиб қилиш»да белгиланган мақсадларга эришишга хизмат қилади. [1]

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ўзаро боғлиқ аграр ва иқтисодий соҳадаги ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг ортиб боришига ва натижада аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, яъни дон, картошка, сут, тухум, гўшт ва мева-сабзавот маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланишига эришилди. Хусусан, охирги 10 йилда аҳоли даромадлари 2,2 мартага кўпайиб, гўшт, парранда гўшти, тухум ва сут истеъмоли 6-10 мартага ортди. Мол гўшти истеъмоли эса тавсия этилган тиббий меъёрларга етди. Шунингдек, аҳоли жон бошига мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2012 йилдаги 417 кгдан

2020 йилда 609 кга етиб, Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотининг меъёрий стандартларига тўлиқ жавоб бериш билан бирга мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш салоҳияти ортди. Табиий-иқлим шароитларига кўра республикада етиштирилиши мумкин бўлмаган маҳсулотлар бундан мустасно. Натижада, республикада ишлаб чиқариш ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлаш даражаси ғаллада 1,5 барабар, мева-сабзавотда – 2 барабар, гўшт-сутда – 1,5 барабарни ташкил қилди.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида эришилган ижобий натижалар билан биргаликда мавжуд имкониятларни юзага чиқаришда қатор муаммо ва камчиликлар мавжуд. Мамлакатда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошиб бораётганлигига қарамай, тўйиб овқат емайдиган аҳоли 1,9 млн ёки аҳолининг 6,3 фоизини ташкил этмоқда. Маълумот учун, бу кўрсаткич Европа давлатларида 1,8 фоизни, Туркияда 2,3 фоизни, Россияда эса 2,5 фоизни ташкил этади.

Қайд этилган ҳолат кечиктириб бўлмайдиган аниқ механизми озиқ-овқат тизимини таъсирчан ва манзилли ривожлантиришга қаратилган чоратadbирларни амалга оширишни талаб этади.

Тадқиқот методологияси.

Мақолани таёрлашда киёсий таҳлил, абстракт фикрлаш, иктисодий ҳисоб-китоб, эксперт баҳолаш ва монографик кузатиш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқот натижалари.

Ўзбекистон охириги йилларда тўйиб овқатланмаслик даражасини камайтириш юзасидан ижобий натижаларга эришди, хусусан, 2000–2002 йиллари умумий аҳоли сонидан 18,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2017–2019 йилларда 2,6 фоизни ташкил этмоқда, шунга қарамасдан 800 минг киши тўйиб овқатланмайдиганлар тоифасига киритилмоқда. [4]

Озиқ-овқат таъминоти ва хавфсизлиги биринчи навбатда аграр секторнинг салоҳиятига таянади. Гарчи 2000-2019 йилларда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги салмоғи 34,4 дан 28,2 фоизга, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўтган йилларга нисбатан йиллик ўсиш суръатлари 3,1 дан 3,0 фоизгача пасайган бўлсада, аграр сектор ҳамон мамлакат иқтисодиётининг йирик таянч тармоқларидан бири бўлиб қолмоқда (1-жадвал).

2020 йил якунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 3,0 фоиз даражасидаги ижобий ўсиш суръатлари деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг 3,4 фоизга (2019 йилда – 4,8 фоизга ўсиш, 2018 йилда – 4,2 фоизга камайтириш) ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг 2,1 фоизга ўсиши (2019 йилда – 1,6 фоизга ўсиш, 2018- йилда – 5,7 фоизга ўсиш) билан боғлиқ. [5]



1-расм. Ўзбекистонда тўйиб овқатланмайдиганлар сони (киши)

1-жадвал

Республикада аграр сектор ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари динамикаси, 2000-2020 йиллар, фоизда

| Кўрсаткичлар | 2000 йил | 2005 йил | 2010 йил | 2015 йил | 2020 йил |
|---|----------|----------|----------|----------|----------|
| Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг салмоғи* | 34,4 | 29,5 | 32,9 | 34,1 | 28,2 |
| Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг йиллик ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан | 103,1 | 105,4 | 106,3 | 106,1 | 103,0 |
| Асосий капиталга киритилган инвестицияларда қишлоқ хўжалигининг салмоғи | 5,7 | 4,4 | 3,5 | 3,3 | 8,9 |

*Ўрмон ва балиқчилик тармоқларини қўшган ҳолда

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси статистик тўпламлари ва пресс-релизлари асосида тузилган.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан мунтазам ошириб бориш ва шу асосда озиқ-

овқат таъминотини мустаҳкамлаш борасида муайян натижалар қўлга киритилди. Натижада асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошиб борди (2-жадвал).

2-жадвал

Республикада асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси (барча тонфадаги хўжаликларда), минг тонна

| Маҳсулот тури | 2000 й. | 2005 й. | 2010 й. | 2015 й. | 2020 й. | 2020 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиш суръати, фоизда |
|------------------------------|----------|----------|----------|----------|----------|---|
| Дон ва дуккакли дон экинлари | 4101,4 | 6540,9 | 7504,3 | 8173,5 | 7566,6 | 184,5 |
| Бугдой | 3684,2 | 6057,2 | 6745 | 6964,7 | 6016,3 | 163,3 |
| Шоли | 173,3 | 171,7 | 249,8 | 425,7 | 284,9 | 164,4 |
| Дуккакли дон экинлари | 9,2 | 21,8 | 38,7 | 76,4 | 330,9 | 3596,7 |
| Картошка | 731,1 | 924,2 | 1694,8 | 2586,8 | 3143,5 | 429,9 |
| Сабзавотлар, жами | 2644,7 | 3517,5 | 6262,4 | 9390 | 10459,5 | 395,5 |
| Полиз, жами | 451,4 | 615,3 | 1182,4 | 1853,6 | 2134,4 | 472,8 |
| Мевалар ва резаворлар | 790,9 | 949,3 | 1676,3 | 2467,9 | 2864 | 362,1 |
| Узум | 624,2 | 641,6 | 979,3 | 1518,2 | 1639,2 | 262,6 |
| Гўшт (тирик вазнда) | 841,8 | 1 061,50 | 1 461,4 | 2 033,4 | 2 526,2 | 300,1 |
| Сут | 3 632,50 | 4 554,90 | 6 169,00 | 9 027,80 | 11 009,9 | 303,1 |
| Тухум, миллион дона | 1 254,4 | 1 966,7 | 3 061,2 | 5 535,40 | 7 825,0 | 623,8 |

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига қараганда 2000-2020 йиллар оралигида мамлакатимиз доимий аҳолиси сони 1,4 мартага ошиб, жами экин майдонлари ҳажми 12,1 фоизга қисқарган бўлишига қарамай, озиқ-овқат маҳсулотларидан бугдой ишлаб чиқариш 1,63, картошка 4,29, сабзавотлар 3,5, полиз 4,72, мевалар 3,62, узум 2,62, гўшт (тирик вазнда) 3,0, сут 3,03 ва тухум 6,23 мартага ошди. Энг муҳими бу ўсиш экстенсив омиллар эмас, балки ҳосилдорлик ва маҳсулдорлик каби интенсив омиллар таъсирида юз берди.

Шу билан бирга, республикамизда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишга, соҳага инвестицияларни кенг жалб этишга, ишлаб чиқарувчиларнинг юқори даромад олишига ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга тўсқинлик қилиб келаётган омиллар ҳам мавжуд.

Хулоса ва таклифлар.

Озиқ-овқат маҳсулотлари танқис бўлган мамлакатларда иқтисодий ўсиш секинлашганлиги ва аксинча, фуқаролари етарли рационда овқатланган давлатларда ривожланиш тезлашгани кузатилган.

Овқатланиш доираси ва иқтисодий ўсиш борасидаги изланишлар шуни кўрсатадики, 1 фоиз миқдордан кўпроқ оқсил моддасини истеъмолад қилиш ялпи миллий маҳсулотнинг (ЯМХ) йилига 0,49 фоиз ўсишини таъминлайди.

Ялпи миллий маҳсулот йилига 1 фоизга ўсиб борса, аҳолининг даромади 72 йилда 2 бараварга, ялпи миллий маҳсулот 2 фойизга кўпайса одамларнинг пул маблағлари 36 йилда 4 бароварга ошади ва ҳоказо. Шу сабабли аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. [2]

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутади. Қуйидагилар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари ҳисобланади:

- қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан унумли, самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари улущининг юқори бўлишига эришиш;

- қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларининг зарур ҳажмларда етиштирилиши йўлида сувдан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш;

- мулк ҳуқуқи ва ердан фойдаланиш дахлсизлигини давлат томонидан қатъий муҳофаза қилиш орқали аграр секторда меҳнат унумдорлигини ошириш механизмларини ривожлантириш;

- қишлоқ хўжалиги экинлари навларини районлаштириш ва илмий асосланган алмашлаб экиш тизимини йўлга қўйиш;

- озиқ-овқат маҳсулотларини даладан дастурхонга етказиб беришдаги нобудгарчиликларни олдини олиш;

- озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш ва халқаро сифат стандартларини жорий этишни кенгайтириш;

- рақамли ва инновацион, ресурс тежамкор технологияларни жорий этишни жадаллаштириш эвазига “ақлли қишлоқ хўжалиги”ни ривожлантириш;

- органик деҳқончиликни ривожлантиришни давлат бюджетидан субсидиялар орқали қўллаб-қувватлаш ва бошқалар.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизмлари белгиланган мақсадли мезонлар асосида куйидаги тадбирлар уйғунлигида амалга ошириш орқали таъминлаш мақсадга мувофиқдир:

- республиканинг барча хуудлари даражасида озиқ-овқат хавфсизлигини аниқлаш, баҳолаш ва кутилиши мумкин бўлган хавфни олдиндан билиш тизимини жорий қилиш;

- озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро талабларга уйғунлашган меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими жорий қилиш;

- республиканинг барча хуудлари даражасида белгиланган мақсадли мезонларни бажаришни таъминловчи агросаноат мажмуасини барқарор ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни тартибга солиш ва бошқариш тизимини жорий қилиш. [3]

Деҳқончилик маҳсулотлари ҳосилдорлиги ва чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш вазифаларини ҳал этиш учун замонавий агротехнологиялар жорий этилишини рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш ва тайёрлаш, тақсимлаш, қайта ишлаш ва сотишнинг самарали тизимини яратиш ҳам муҳим. Хусусан, бутун йил мобайнида ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайдиган, ҳам нархларнинг мавсумий ўзгариб туришини пасайтирадиган механизм яратиш лозим. Шу нуқтаи назардан янги ва қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашнинг самарали усулларини татбиқ этиш лозим.

2025 йилга бориб Ўзбекистон ўртача даражадан юқори даромад оладиган мамлакатлар гуруҳига ўтиши мақсад қилинган. Бу турмуш тарзи, ҳуқуқатвор андозалари, овқатланиш таркибини тегишли тарзда ўзгаришига олиб келади. Шуларни эътиборга олган ҳолда бир қанча товарлар бўйича қайта ишланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари улуши ўсишини таъминлаш зарур бўлади.

Қолаверса, овқатланиш стандартлари ва меъёрларини жорий этиш (шу жумладан, микроэлементлар ва зарур нутриентлар мавжуд бўлиши, зарарли моддалар, турли қўшимчалар, бўёқлар, таъм берувчилар, эмульгаторларни назорат қилиш, тайёрлаш, ташиш технологияларига риоя қилишни назорат қилиш), шунингдек, овқатланиш сифати устидан назорат қилиш механизминини янада ривожлантириш лозим. Аҳолининг овқатланиш моделини яхшилаш мақсадида соғлом овқатланиш тўғрисидаги зарур ахборотни тарқатиш, бу борада тиббиёт муассасалари фаолигини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришининг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони.
2. Саидова Д.Н., Рустамова И.Б., Турсунов Ш.А. Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. –Т.: ЎзР Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси нашриёти. 2016 й. – 260 б.
3. Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. // 08.00.02 - Макроиқтисодиёт ихтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. ЎзР БМА. 2018 й.
4. www.fao.org/sustainable-development-goals.
5. www.stat.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИ

С.А. Абдукаҳарова,

**ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари”
ИТМ таянч докторанти**

Аннотация. Юқори технологияларни ривожлантириши, илмий-технологик ва инновация тадбиркорлигининг барқарор ривожланишини таъминлаш, кичик инновация корхоналарини ташиқил этиши, миллий ва хорижий бозорларда рақобатдош, илмий-ҳажмдор маҳсулотлар ишлаб чиқаришини ва етказиб беришни йўлга қўйиши учун қулай муҳит шакллантириши хозирги давр талаби ҳисобланади. Ушбу мақсадларни амалга оширишида амалга оширилган сай-харакатлар сифатида охириги йилларда мамлакатимизда талайгина ишлар амалга оширилди ҳамда ўз натижаларини кўрсатмоқда.

Таянч иборалар: рақамли технологиялар, инновация, экотизим, институционал механизм, ноу-хау, нанотехнология.

Кириш.

Замонавий технологияларсиз бозор иқтисодиёти миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг оширилишини таъминлаб беришга қодир эмас. Маъмурий бошқарувни бозор механизмлари билан алмаштиришни ҳам ўз ичига олган янги тамойилларга асосланган технологик инновацияларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг ишлаб чиқиши Ўзбекистонда амалга ошириладиган ислохотларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бундай вазиятда республикадаги етарли даражада юқори илмий салоҳиятининг катта қисми инновацион жараёнлар самарадорлигининг пастлиги туфайли кучсизланади.

Янги билим ва технологияларга эга бўлиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишда улардан самарали тарзда фойдаланиш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва ролини, аҳолининг турмуш даражасини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони[2], Президентнинг 2020 йилда мамлакатни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномасида илм-фан ва рақамли технологияларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган[1].

Тадқиқот методологияси.

Инновацион ривожланиш йўлига ўтиш миллий ва минтақавий инновацион экотизим (innovation ecosystem)ни яратиш ҳисобига эри-

шилади, бу эса АҚШда ўтказилган тадқиқотларга кўра, XX асрнинг асосий ютуғидир. Аввалги саноат ривожланишининг қонуниятли натижаси сифатида инновацион экотизим институтларнинг самарали тизими сифатида юқори ривожланган мамлакатларга етакчилик технологик сакрашни таъминлаш ва ўз иқтисодийётининг рақобатбардошлигини энг юқори даражада сақлаб қолиш имконини берди.

«Рақамли иқтисодиёт»нинг жадал ривожланиши, капитал бозорлари ва янги технологиялар ўртасидаги алоқалари жадаллашиб бориши, янги технологияларнинг ижтимоий йўналганлигини мустақамлаш, билим, ахборот-коммуникация технологиялари, маҳсулотлар ва хизматларни яратиш ва улардан кенг кўламли фойдаланиш ҳудудларни инновацион ривожлантириш учун институционал асос сифатида минтақавий экотизимлар пайдо бўлишига олиб келди[4].

Бу чуқур жараёнлар глобал муаммоларга жавоб сифатида зарур шарт-шароитларни яратиб, уларсиз инновацион фаолиятнинг асосий бўлимлари, субъектлари ва объектларини ягона интеграциялашган экотизимга органик равишда боғлаш мумкин эмас эди. Бундай шартлар сифатида қуйидагилар эътироф этиш мумкин: 3.0 моделига асосланган университет тизими (тадқиқот, технологик занжирлар, малакали кадр ресурслари, тижоратлаштириш ва бошқалар), тармоқ технологиялари, ягона рақамли макон, иқтисодий ва институционал муҳит, миллий ва минтақавий миқёсдаги йирик инновацион лойиҳалар, давлатнинг интеграцион роли, жамиятнинг инновацион маданияти ва бошқалар.

Ўзбекистонучуниқтисодиётдаинновационжараёнларнидавлаттомонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан ижодий фойдаланиш ҳозирги пайтда алоҳида аҳамиятга ега бўлди, бу охир-оқибат инновацияларни рағбатлантиришнинг ички тизимини шакллантиришга имкон беради.

Инновацион соҳадаги давлат органларининг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

инновациялар учун маблағларни тўплаш;

инновацион фаолиятни мувофиқлаштириш;

бу соҳадаги инновацияларни, рақобатни рағбатлантириш, инновацион хатарларни сугурталаш, ескирган маҳсулотларни чиқариш учун давлат санкцияларини жорий этиш;

инновацион жараёнларнинг қонунчилик базасини яратиш, шу жумладан инноваторларнинг муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш тизимини яратиш;

инновацион фаолиятни кадрлар билан таъминлаш;

инновацион инфратузилмани шакллантириш;

давлат секторидаги инновацион жараёнларни институционал қўллаб-қувватлаш;

инновацияларнинг ижтимоий ва экологик йўналишини таъминлаш;

инновацион фаолиятнинг ижтимоий мақомини ошириш;

инновацион жараёнларни минтақавий тартибга солиш;

инновацион жараёнларнинг халқаро жиҳатларини тартибга солиш.

Тадқиқот натижалари.

Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш, давлат идораларининг инновацион соҳадаги иқтисодий манфаатларга таъсир кўрсатиши орқали амалга оширилади, унинг самарадорлиги шарти сифатида ушбу институтларнинг ҳаракатларга бўлган муносабатини тахмин қилади. давлат ташкилотлари. Шундай қилиб, давлат органи керакли натижаларни олиш учун инновация объектига тартибга солувчи таъсир ўтказди. Мамлакатимизда инновацион фаолиятни ташкил этиш, ривожлантириш ва такомиллаштиришда ҳукумат томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2017-2021 йилларда 19 та Қарор ва Фармонлар қабул қилинган.

Ушбу йўналишдаги муҳим босқичлардан бири Инновацион ривожланиш вазирлигини - Республиканинг инновацион ва илмий-техникавий ривожланиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи органи яратиш эди. Унинг ҳузурида Инновацион ривожланиш ва инновацион гоёларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди. 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг таълими тўғрисида» ги ПФ-5264-сонли Президент Фармони қабул қилинди. Унда Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Инновацион ривожланишни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди. Шунингдек, ушбу Фармон билан Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишлари аниқланди:

мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишнинг узок муддатли сценарийлари асосида устувор йўналишлар ва соҳаларни инновацион ривожлантиришнинг келажақдаги моделларини шакллантиришга имкон берадиган стратегик режалаштириш тизимини яратиш;

давлат бошқарувининг инновацион шакллари жорий этиш, давлат хизматларини кўрсатиш тартибларини оптималлаштириш ва соддалаштиришни таъминлаш, давлат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш;

худудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши, шунингдек, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлашга қодир бўлган фан ва инновацияларни ривожлантириш учун замонавий инфратузилмани шакллантириш;

инновацион гоёлар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга инвестицияларни кенг жалб қилиш; уларнинг кейинги ривожланишини таъминлаш;

илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни, авваламбор, ёш авлоднинг ижодий гоёлари ва ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, шунингдек, ушбу тадбирда иқтидорли ёшларнинг фаол иштироки учун қулай шароитлар яратиш;

илмий-тадқиқот ва инновация соҳасида истиқболли маҳаллий ютуқларни тарғиб қилиш ва жорий этишининг самарали механизмларини яратиш, шу жумладан илмий ва експериментал ихтисослаштирилган лабораториялар, юқори технологиялар марказлари, технопарклар ва бошқа инновацион йўналтирилган тузилмаларнинг моддий-техника базасини ташкил этиш ва мустаҳкамлаш, шу жумладан хорижий инвесторлар иштирокида;

атроф-муҳитни, ресурсларни ва энергия тежайдиган технологияларни фаол жорий этиш, шу жумладан муқобил энергия манбаларини, сувни тозалаш ва шўрсизлантиришнинг замонавий шаклларида кенг фойдаланиш, ундан оқилана фойдаланиш;

соғлиқни сақлаш соҳасида касалликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш, ўз вақтида ва самарали даволанишга имкон берадиган илгор технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган яхлит тизимни яратиш;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги инновацион гоёлар, ишланмалар ва технологияларни, шу жумладан қишлоқ хўжалиги екинларининг янги наслчилик навларини тарғиб қилиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва экспорт салоҳиятини оширишга, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшади;

иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини ҳар томонлама ривожлантиришни таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация, саноат ва бошқа инновацион технологияларни жадал жорий этиш;

инновация соҳасидаги етакчи хорижий (халқаро) ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, жумладан, ноу-хау, нанотехнология ва юқори технологияли товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш учун ички бозорга жалб қилиш орқали[3].

2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясида инновацион фаолиятни узлуксиз молиялаштиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида Коронавирус пандемияси шароитида инновацион фаолиятни молиялаштиришни қисқартирмаслик имкониятини ўрганиш ривожланаётган иқтисодиёти билан Ўзбекистон учун жуда муҳим вазифадир. Бунинг сабаби шундаки, яқинда мамлакатда деярли барча инновацион стартаплар ташкил етилди; ил-

мий-тадқиқот инфратузилмасини янгилаш бўйича ишлар, худди инфратузилма сингари, бошлангич босқичида. Инновацияларни доимий равишда молиялаштириш, шароит яратиш бўйича доимий ишлар ва янги молиялаштириш механизмларини жорий этишга устувор аҳамият бериш керак. Аввало, сўнгги уч йил ичида давлат асосий ислоҳотчи сифатида инновацион ривожланиш йўлидаги барча қадамларни молиялаштирди. Пандемия пайтида бу жараён тўхтамади, аксинча, тўртта йўналиш (математика, биология, кимё ва геология) устувор йўналишлар сифатида аниқланди. Рақамлаштиришга қўшимча маблағлар ажратилди, илмий-тадқиқот институтлари ва тегишли тармоқлар ўртасидаги ҳамкорлик таъминланди. Пандемия даврида кичик бизнесни ривожлантиришга, инновацияларни амалга оширишда асосий бўлган ва инқирозга қарши махсус бюджет маблағларини ажратишга урғу берилиши глобал инқироз даврида инновацияларни молиялаштиришнинг қисқаришини олдини олди.

Инновацияларни молиялаштириш динамикасини тахлили шуни кўрсатдики мамлакатимизда бюджет томонидан молиялаштириш йилдан йилга ошмоқда (1-жадвал).

Жадвалда келтирилган статистик маълумотлардан кўриниб турганидек 2019 йилда 2015 йилга нисбатан энг кўп инновацияларни молиялаштириш Бухоро вилояти (16.5 марта), Сирдарё вилояти (10.1 марта), Тошкент шаҳри (3.9 марта), Фарғона вилояти (3.9 марта)га тўғри келган. Энг кам молиялаштириш Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё вилояти ва Тошкент вилоятида қайд этилган. Инновацияларни молиялаштиришга қилинган харажатлар миқдори бўйича Тошкент шаҳрига 2019 йилда 3592682,2 минг сўм, Тошкент вилояти 884191,4 минг сўм миқдоридан маблағ ажратилди. Энг кам маблағ Қашқадарё вилояти 11183,7 минг сўм, Сурхондарё вилоятига 29662,4 минг сўм ажратилган. Харажатлар миқдори ҳудудлардаги жорий қилинган ҳамда мавжуд инновациялар миқдори жиҳатидан бир биридан катта фарқ қилганини кўришимиз мумкин.

Хулоса.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида амалга оширилаётган давлат фан-техника сиёсати фан-техника салоҳиятини сақлаб қолиш ва унинг янада ривожланишини таъминлаб бериш, инновация фаолиятини шакллантириш, иқтисодийда чуқур ўзгаришлар амалга оширилаётган шароитларда барчакучларни ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш мақсадаари учун тўплашга йўналтирилди. Мана шундай долзарб муаммоларни муваффақиятли равишда ҳал этиш инновацион ривожланиш стратегиясини яратиш ва амалга ошириш самарадорлигини таъминлайди, бу эса ўз навбатида, мамлакат иқтисодийотини янада жадал ривожлантириш ва унинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишга кенг имкониятлар яратади.

1-жадвал
Молиялаштириш манбалари ва хуудалар бўйича технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар
 (минг сўм)¹

| Хуудалар | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | Ўзгаришлар | |
|--------------------------------|------------------|----------------|------------------|------------------|------------------|------------------|--------------|
| | | | | | | (+), (-) | (%) |
| Ўзбекистон Республикаси | 5528278,7 | 2571406 | 4162263,7 | 4707211,8 | 6603474,9 | 1075196,2 | 119,4 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 3567838,7 | 108079 | 53907,3 | 26055,2 | 55363,0 | -3512475 | 150 |
| вилоятлар | | | | | | | |
| Андажон | 34499,6 | 259907 | 41272,5 | 35676,1 | 109763,2 | 75263,6 | 3,1 марта |
| Бухоро | 19012,5 | 11717,6 | 26790,9 | 46748,7 | 315100,7 | 296088,2 | 16,5 марта |
| Жиззах | 41840,0 | 13798,3 | 9768,3 | 102264,0 | 109091,4 | 67251,4 | 2,6 марта |
| Қашқадарё | 7269,4 | 3213,0 | 3811,0 | 4711,3 | 11183,7 | 3914,3 | 153,8 |
| Навоий | 180066,2 | 152791 | 521343,7 | 748790,4 | 449402,4 | 269336,2 | 2,4 марта |
| Наманган | 43288,8 | 28618,6 | 55608,2 | 136723,6 | 318091,7 | 274802,9 | 7,3 марта |
| Самарқанда | 74002,4 | 28529,4 | 886627,9 | 99977,5 | 248427,8 | 174425,4 | 3,3 марта |
| Сурхондарё | 15394,4 | 15259 | 32441,8 | 111580,6 | 29662,4 | 14268 | 192,6 |
| Сирдарё | 16503,6 | 10940 | 46872,5 | 298843,3 | 167176,0 | 150672,4 | 10,1 марта |
| Тошкент в | 547656,4 | 463909 | 295498,4 | 1055526,0 | 884191,4 | 336535 | 161,4 |
| Фарғона | 57295,0 | 80630 | 131498,0 | 82544,3 | 225872,3 | 168577,3 | 3,9 марта |
| Хоразм | 23581,5 | 28451 | 21944,3 | 1158,8 | 87466,9 | 63885,4 | 3,7 марта |
| Тошкент ш. | 900030,2 | 1365563,0 | 2034878,8 | 1956611,9 | 3592682,2 | 2692652 | 3,9 марта |

¹ Муаллифлар томонидан тузилган

Давлат бюджетидан илмий-тадқиқот дастурларини тўлиқ молиялаштириш ва янги даврда ушбу кўрсаткични йилига камида 20 фоизга ошириш, Инновациялар вазирлиги ҳузурида Инновацион ривожланиш ва инновацион гоаяларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш фондлари, олий ўқув юртларида ишланмаларни тижоратлаштириш учун маблағлар инновацияларни барқарор молиялаштириш тизимини яратди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси. 20 январь 2020 йил <http://press-servis.uz>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
3. «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг таълими тўғрисида» ги 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сонли Фармони.
4. Дагаев А.А., Яковлева А.Ю. Экосистема инноваций (региональные особенности формирования и развития) // Федерализм. 2011. № 4(64). С. 55-64.

ВЗАИМОСВЯЗЬ УРОВНЯ ИНФЛЯЦИИ И СТАВКИ РЕФИНАНСИРОВАНИЯ ЦЕНТРАЛЬНОГО БАНКА УЗБЕКИСТАНА

У. Н. Абдулазизова,

Докторант НИЦ “Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана” при ТГЭУ

Аннотация. В области экономического развития большую роль играет макроэкономическая ситуация через конкретные ее показатели в национальной экономике, которая прямым образом воздействует на условия развития всей экономики. Применяя методы выявления причинно-следственных связей, большое значение имеет выявление среди системы показателей базовых показателей, в зависимости от которых формируются другие показатели. В связи с этим, в статье критически оценены показатели уровня инфляции и отмечены основные инфляционные факторы.

Ключевые слова: конкуренция, уровень инфляции, ставка рефинансирования, банковская система.

Введение.

В соответствии со Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах [1], дальнейшее укрепление макроэкономической стабильности и сохранение высоких темпов роста экономики остается приоритетным направлением реализации задачи по дальнейшему развитию и либерализации экономики. В рамках реализации Стратегии действий осуществляется целый ряд реформ, направленных на обеспечение макроэкономической стабильности, создание благоприятных условий для развития бизнеса и формирования позитивного имиджа страны на международной арене.

Вместе с тем, из практики мы видим, что конъюнктура мировой экономики постоянно меняется, а конкуренция на рынках всё более и более усиливается. В настоящее время макроэкономические показатели имеют огромное значение для принятия правительством решений, касающихся политической и социально-экономических сфер деятельности, а также являются ориентиром для предпринимателей и инвесторов.

Методы исследования.

В статье использовались следующие методы исследований: выявление причинно-следственных связей, логический метод и сравнительный анализ.

Анализ и результаты.

В области экономического развития большую роль играет макроэкономическая ситуация через конкретные ее показатели в национальной

экономике, которая прямым образом воздействует на условия экономического развития всей экономики, а главное - реального сектора экономики. Но при этом, именно применяя метод выявления причинно-следственных связей, большое значение имеет выявление среди этой системы показателей, базовые показатели, в зависимости от которых формируются другие макроэкономические показатели, как то, к примеру, ставка рефинансирования Центрального банка, общий уровень процента, сложившийся в кредитной политике и темпы инфляции.

Говоря об инфляции, отметим, что это устойчивая тенденция к повышению общего уровня цен и выражает долговременный процесс снижения покупательной способности денег. Это макроэкономический показатель, на который ориентируется как предприниматели, так и инвесторы. Инфляция — это совсем не новый феномен, однако является одной из центральных макроэкономических проблем для многих стран мира, как развивающихся, так и экономически развитых.

По нашему мнению, одним из основных инфляционных факторов для Узбекистана являются ставка рефинансирования. В статье 26 Закона «О Центральном банке Республики Узбекистан» отмечается, что в целях обеспечения стабильности цен, Центральный банк осуществляет денежно-кредитную политику посредством разных мер, одной из которых выступает установление ставки рефинансирования. На практике ставка рефинансирования служит индикатором процентных ставок в экономике и устанавливается исходя из изменения уровня экономического роста и инфляции.

Сторонники неоллиберальной школы считают, что для того, чтобы сдерживать развитие инфляции на рынке, необходимо установить ставку рефинансирования на уровне выше относительно инфляции, тем самым уменьшив размер привлеченных средств участниками экономических отношений, что, в свою очередь, уменьшит объем денежной массы в обороте. Это цепочка причинно-следственных связей могла бы быть верной, но в силу того, что понятие «денежная масса» состоит из составляющих его денежных средств и денежных обязательств (требований), второе составляющее которое в своей основе являются тоже есть денежными средствами, привлеченными на некоторое время для пользования на определенных условиях, здесь происходит двойной учет одних и тех же величин. Таким образом, увеличение объема денежных требований – обязательств, вследствие снижения ставки ЦБ и соответственно процента коммерческих банков в принципе не может привести к увеличению суммы цен продаваемых товаров – приобретаемых товарных продуктов, то есть оно не обуславливает инфляцию на рынке [4].

В ходе выступления Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева на встрече с предпринимателями страны 20 августа 2021 года, было отмечено, что “сорок процентов обращений связано с финансированием и кредитованием бизнеса. В них в основном отмечаются высокие процентные ставки по кредитам, большинство из которых выдаются на короткие сроки и на условиях, неудобных для предпринимателей” [3].

За период с 2017г. по 2020г. процентные ставки по банковскому кредиту (усредненный показатель процентных ставок по всем выделенным кредитам, кроме льготных кредитов) в национальной валюте варьируются от 13,9% до 25,4%, что выше ставки рефинансирования на 4,9п.п. и 9,4 п.п. соответственно (см. рис.1). Процентные ставки по потребительскому кредиту значительно выше усредненного значения всех банковских кредитов, что затрудняет положение потребителя на рынке кредитования, завышая сумму задолженности перед банком [5].




Рис.1. Средние процентные ставки на кредитном рынке Узбекистана, в %

Источник: составлено и рассчитано автором по данным статистического бюллетеня Центрального банка Республики Узбекистан за 2018г., 2020г.

Обращаясь к опыту зарубежных стран, отметим, что средневзвешенные процентные ставки по кредитам бизнесу заметно отличаются от ставок в Узбекистане. В графике приведены средневзвешенные процентные ставки по кредитам бизнесу в национальных валютах как развитых, так и развивающихся экономик. В первой группе стран (Россия, Казахстан, Грузия) средневзвешенные процентные ставки по кредитам бизнесу составили в 2020 году от 8,59% до 15,37%. Во второй группе (Германия, США, Япония) – от 1,05% до 3,25%.




Рис. 2. Средневзвешенные процентные ставки по кредитам бизнесу в зарубежных странах в 2016-2020 гг., в %

Источник: составлено автором по данным официальных сайтов Банка России, Национального банка Казахстана, Национального банка Грузии, Банка Японии, Немецкого федерального банка и Федеральной резервной системы США

Выводы и предложения.

Считаем необходимым отказаться от практики установления высокой ставки рефинансирования, т.к. считаем, что не инфляция порождает ставку, а наоборот, именно ставка рефинансирования является основным инфляционным фактором. Вследствие чего процентные ставки по кредиту необоснованно высокие, что ограничивает право выбора потребителя кредитных услуг.

Отказавшись от высокой ставки рефинансирования, считаем необходимым дать рынку возможность саморегуляции по законам спроса и предложения. Впоследствии процентные ставки по кредитам в разы сократятся, но это приведет к увеличению массы выдаваемых кредитов. Увеличение же процентных ставок по депозитам создаст базу для увеличения капитала для кредитования. В результате данного принципа, больший эффект от кредитования будут получать именно потребители кредитов, т.е. предприятия, развитие которых приведет к увеличению возможностей их дальнейшего получения кредитов, и в том числе приведет к расширению налогооблагаемой базы в экономике.

Именно снижение уровня инфляции, запланированное в 2021 году до 10 процентов и в течение следующих двух лет - до 5 процентов, как отметил Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев на встрече с предпринимателями страны 20 августа 2021 года, «... позволит естественным

образом снизить ставки и продлить сроки кредитов до оптимального уровня...» и «... поставить процесс банковского кредитования на полноценные рыночные рельсы...» [3].

Список использованной литературы

1. Указ Президента Республики Узбекистан УП-4847 от 07.02.2017г «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»
2. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису 28.12.2018г.
3. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на встрече с предпринимателями страны в формате открытого диалога 20.08.2021г., <https://president.uz/ru/lists/view/4551>
4. Ю.А. Кропин. Связь ставки ЦБ и уровня инфляциив условиях современной денежной системы. Вестник МФЮА № 4 / 2016
5. Абдулазизова У.Н. Потребитель на рынке банковских услуг/ Экономическое обозрение, №11 (239), 2019. – с.88-96
6. Абдулазизова Ў.Н. – «Анализ взаимоотношений Центрального банка с коммерческими банками Узбекистана» - статья в журнале ВАК «Иқтисодиёт ва таълим», №3, 2021, стр. 57-63, <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/102/93>
7. Официальный сайт Центрального банка Республики Узбекистан. <http://cbi.uz/ru/statistics/bankstats/2019/01/158559/>

РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯНИНГ МОҲИЯТИ ҲАМДА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИККА ТАЪСИРИ

Ахмедиева А.Т., и.ф.н.

*Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш
кафедраси доценти, ТДИУ.*

Маъмуров Б.Х.,

*ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва
муаммолари” ИТМ таянч докторанти.*

Аннотация: Ушбу мақолада рақамли трансформация ва унинг иқтисодиётга таъсири масалалари кўриб чиқилган, муаллифларнинг назарий ёндашувлари, мамлакатда рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар очиб берилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, рақамлаштириш, ижтимоий иқтисодиёт, глобаллашув, булутли технологиялар, сунъий интеллект, блокчейн.

Кириш.

Жаҳонда шиддат билан ривожланаётган рақамли технологиялар мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти, иқтисодий сиёсати ва давлат бошқаруви тузилишини сифат ҳамда технологик жиҳатдан тубдан ўзгаришига олиб келмоқда. Рақамли технологияларнинг кириб келиши ва уларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётда кенг татбиқ этиш суръатларининг турличалиги оқибатида мамлакатлар ўртасидаги ривожланиш тафовутларининг янада кучайишига сабаб бўлмоқда.

Бугунгикунда жаҳон иқтисодчи олимлари бугунги рақамлашиб бораётган глобал оламда рақамли иқтисодиётнинг қиймати ва самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона интеграл индикаторни яратиш бўйича муаммоларга дуч келишмоқда. Ушбу ҳолатларни бартараф этишда эмпирик ва статистик маълумотларнинг етишмаслиги, технологик ривожланиш жараёнларининг шиддат билан ўзгариб бораётганлиги, институционал ўзгаришларнинг тез суръатларда амалга ошаётганлиги сабаб бўлмоқда. Замонавий тараққиётнинг кейинги истиқболда “Big Data” (улкан маълумотлар), “Cloud Computing” (булут технологияси), “Artificial intelligence” (сунъий интеллект)дан фойдаланиш истиқболлари ва краудсорсинг, “Blockchain technology” (блокчейн технологиялари)ни татбиқ этишнинг услубий жиҳатлари ҳамда ушбу технологияларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирини тадқиқ қилиш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда сўнги йилларда миллий иқтисодий тубдан модернизация қилиш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар доирасида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва давлат бошқаруви тизимига рақамли технологияларни жорий этиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида рақамли иқтисодий ривожлантириш, иқтисодий давлат бошқаруви камайтириш, давлат ва хусусий секторларнинг ўзаро фойдали ҳамкорлигининг замонавий шакллари, “Электрон ҳукумат” тизimini ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш устувор вазибалар сифатида белгилаб берилган.

Адабиётлар таҳлили.

Рақамли иқтисодий, унинг шакллари ва таъсир этувчи омилларининг илмий-методологик жиҳатлари кўплаб хорижлик олимлар, жумладан: Д.Гёлди, Е.Геллер, К.Гирц, П.Друкер, Р.Йенсен, М.Кастельс, С.Кузнец, Э.Лемберг, Дж.Лихтгайм, Г.Маклюэн, Р.Макридис, Г.Менш, А.Пшеворский, Д.Рисмен, М.Фриден, Ф.Фукуяма, К.Шваб, Й.Шумпетер ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Ўзбекистон иқтисодиётида ахборот технологияларидан фойдаланиш, рақамли иқтисодий жорий этишнинг долзарб масалалари ва ижтимоий-иқтисодий таъсирини ўлчаш билан боғлиқ тадқиқотлар С.С.Гулямов², О.М.Абдуллаев¹, К.Х.Абдурахмонов³, Р.Х.Аюпов⁴, Г.Р.Балтабаева³, О.Умаров⁵ ва мамлакатимизнинг бошқа кўплаб етакчи иқтисодчи олимлари томонидан олиб борилган. Уларнинг илмий тадқиқот ишларида истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг эҳтиёжларини таъминлайдиган, шунингдек, улар ўртасида тўғридан-тўғри ўзаро алоқа қилиш имкониятини берадиган функциялар тўпламига эга бўлган рақамли муҳит бўйича изланишлар ўрин олган.

Бугунги трансформация жараёнлари кучайиб бораётган шароитда рақамли иқтисодий ягона тизим сифатида мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига таъсирини ўрганиш, ҳудудларнинг бир бутунликда, комплекс ривожланиши ва жон бошига тўғри келадиган даромаднинг ўсишига таъсирини баҳолаш тадқиқотимизнинг долзарблигини белгилайди.

² Гулямов С.С. ва бошқалар. Рақамли иқтисодий блокчейн технологиялари // Тошкент - 2019

³ Абдурахмонов К.Х. Рақамли иқтисодий: Жанубий Корея тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш истиқболлари – <https://bit.ly/3szIKDV>

⁴ Аюпов Р.Х., Балтабаева Г.Р. Рақамли иқтисодий: муаммолар ва ечимлар. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, 2019

⁵ Умаров О. Рақамли иқтисодий ва унинг ривожланиш тенденциялари. “Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2018 йил.

Асосий қисм.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Рақамли трансформация (инг. digital transformation, DT ёки DX) кенг маънодарақамли технологияларни қабул қилиш билан таъминланган стратегия, моделлар, операциялар, маҳсулотлар, маркетинг ёндашуви ва мақсадларни қайта кўриб чиқиш орқали бошқарув тизимини ўзгартиришдир. У савдо-сотиқ, бизнес ва умумий иқтисодиётнинг ўсишини тезлаштириш ҳамда нотижорат ташкилотларнинг (масалан, университетлар ва бошқа ўқув муассасалари) самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Рақамли трансформация тор маънода “қоғозсиз офис” ёки “рақамли бизнес”ни англатиши мумкин, бу алоҳида корхоналар, иқтисодиёт, ҳукумат, санъат, тиббиёт ва фан каби жамиятнинг барча қатламларига таъсир қилади. Рақамли ечимлар нафақат анъанавий усулларни такомиллаштириш ва қўллаб-қувватлаш, балки янги турдаги инновациялар ва ижодкорликнинг пайдо бўлишини рағбатлантиради. Рақамли трансформация-бир томондан катта муаммо ва бошқа томондан эса катта имкониятдир. Рақамли ўзгаришларни амалга оширишни режалаштираётган корхоналар, ҳудудлар ёки давлатлар юзага келадиган маданий ўзгаришларни ҳисобга олишлари керак, чунки янги технологияларга мослашишга маълум вақт талаб этилади. Рақамли трансформация бозор учун ноёб қийинчиликлар ва имкониятлар яратди, корхоналар, ҳудудлар ҳамда давлатлар ўртасида рақобатни кучайтирди.

Рақамли трансформациянинг белгиловчи омили унинг суръати ҳисобланади. Технология ривожланишининг тезлиги ва натижада ижтимоий-иқтисодий, инфратузилмавий ўзгаришларнинг инсон ҳаёти билан боғлиқлиги ривожланиш тезлигида сифатли погонани кўрсатиш имконини беради, бу эса янги даврга ўтишни англатади.

Рақамли трансформация корхона ва ташкилотлар ўз манфаатдор томонларига кўпроқ қиймат бериш учун ўз иш услубини ўзгартирганда юз беради. Муваффақиятли трансформацияни таъминлайдиган технология тури иккинчи даражали масала ҳисобланади.

Давлат секторида рақамли трансформация жараёнлари, рақамли маҳсулотларни тезкор яратиш ва ривожлантиришга бўлган эҳтиёж, рақамли хизматларни бошқариш рақамли трансформациялар учун масъул бўлган давлат бошқарув органларининг ташкилий ва функционал тузилмаларига, шунингдек, рақамли жамоалар таркибига ёндашувларни қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5-октябрдаги ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони рақамли трансформация жараёнларини тартибга солувчи ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Республикада рақамли индустрияни жадал ривожлантириш, миллий иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қатор вазифалар белгиланган. Жумладан, кейингиикки йилда ҳудуд ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш доирасида:

аҳоли пунктларини Интернет тармоғига улаш даражаси, шу жумладан кенг полосали уланиш портларини 2,5 млн.гача кўпайтириш, 20 минг километр оптик-толали алоқа линияларини қуриш ва мобил алоқа тармоқларини ривожлантириш орқали 78 %дан 95 %га етказиш;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг турли соҳаларида 400 дан ортиқ ахборот тизимлари, электрон хизматлар ва бошқа дастурий маҳсулотлар жорий этиш;

“Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 500 минг нафар ёшларни қамраб олиш орқали компьютер дастурлаш асосларига ўқитишни ташкиллаш;

иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларидаги корхоналарда бошқарув, ишлаб чиқариш ва логистика жараёнларини автоматлаштириш бўйича 280 дан ортиқ ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар жорий этиш;

ҳудудларда ҳокимлар, давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш учун тегишли олий таълим муассасаларига бириктириш ҳамда уларнинг 12 минг нафар ходимини ахборот технологиялари соҳасида ўқитиш режалаштирилган.

Айтиш жоизки, рақамли трансформация кўплаб имкониятларни очиб беради. Биринчидан, тушум ўсади. Бу бизнес, маҳсулот ва хизматларнинг янги йўналишларини ишга тушириш ҳисобига юз беради. Масалан, телекоммуникациялар соҳасида бу мусиқа ва видео стриминги (оқимли онлайн эшиттириш) учун рақамли сервислар ёки ақли уй учун булутли платформалар бўлиши мумкин.

Иккинчи ижобий самара операцион харажатларнинг пасайиши ва жараёнлар самарадорлиги ошишида намоён бўлади. Бухгалтерия, солиқ ва кадрлар ҳисобини юритишни автоматлаштириш ахборотнинг катта ҳажмини тез ва сифатли бошқариш имконини беради. Маълумотларни “Big Data”

усули билан қайта ишлаш мақсадли мижозларни муайян мезонлар бўйича ўта аниқлик билан ажратиб олиш (таргетлаш) имкониятларини очиб беради. Бу эса маркетинг тадбирларининг муваффақиятига бевосита таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, бошқарув қарорларининг сифати ҳам ошади.

Рақамли трансформация жараёнидан сўнг раҳбар масъул бўлимлар тўплайдиган ҳисоботларга боғлиқ бўлиб қолмайди, балки тизимни очиши ва умумий маълумотлардан аниқ кўрсаткичларга ўтиши, олинган натижаларни эса дарҳол олдинги давр натижалари билан солиштириши мумкин бўлади. Жараёнларни автоматлаштириш туфайли прогноз моделлари анча аниқ бўлиб боради.

Бундан ташқари, маълумотларнинг тартибга солинганлиги ва шаффофлиги туфайли корхонанинг хорижий инвесторларни жалб қилиш имкониятлари ошиб, халқаро лойиҳаларда иштирок этиш учун шароит яратилади.

Ўзбекистонда давлат иштирокидаги компаниялар иқтисодийётнинг анчагина улушини эгаллайди. Шунинг учун уларни рақамлаштириш мамлакат ЯИМ ўсишига бевосита таъсир қилади. Бошқача қилиб айтганда, давлат секторининг рақамли трансформацияси Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг муҳим драйверларидан бири бўла олади. Мисол учун, “Рақамли Қозоғистон” давлат дастури⁶ни кўриб чиқиш мумкин. Расмий маълумотларга кўра, уни амалга оширишдан жами иқтисодий самарадорлик 2018-2019 йилларда 2 млрд. АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этди.

Хулоса ва тавсиялар.

Таҳлилимиз якунида шуни таъкидлаш жоизки, замонавий иқтисодийётда “рақамлаштириш пойгаси” авжида ва шунга мувофиқ, бизнес ва жамиятнинг рақамли ўзгариши муқаррар. Шу сабабли, рақамли трансформацияни биринчи бўлиб бошлайдиган иқтисодий тузилмалар яқин келажақда рақобатбардош устунликларга эга бўладилар.

Макроиқтисодийётнинг турли секторларида (давлат, тадбиркорлик ва уй хўжалиги) замонавий рақамли трансформацияни амалга ошириш мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилади. Рақамли иқтисодийётни самарали ривожлантириш мамлакат тараққиёти даражасидан келиб чиққан ҳолда рақамли иқтисодийётни ривожлантириш шарт-шароитлари турли даражаларга туркумланиб, ҳар бир даражага тегишли чора-тадбирларни амалга оширишнинг “қуйидан-юқорига” йўналтирилган тизимли ислоҳатлар орқали амалга оширилади.

Рақамли иқтисодийётни татбиқ этиш бўйича хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси ҳамда Инсон тараққиёти индексида белгиланган принцип ва ҳисоблаш методикасига асосланган ҳолда мамлакатимизда рақамли иқтисодийётнинг ривожланиш индексини юритиш мақсадга мувофиқ

⁶ <https://digitalkz.kz/>, <https://bit.ly/39ozHOI>

хисобланади. АКТ соҳасида яратилган қўшилган қийматнинг ошиши ва рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши мамлакат ЯИМнинг ортишига энг асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Гулямов С.С. ва бошқалар. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари// Тошкент - 2019
2. Абдурахмонов К.Х. Рақамли иқтисодиёт: Жанубий Корея тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиши истиқболлари – <https://bit.ly/3szIKDV>
3. Аюпов Р.Х., Балтабоева Г.Р. Рақамли иқтисодиёт: муаммолар ва ечимлар.// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, 2019
4. Умаров О. Рақамли иқтисодиёт ва унинг ривожланиши тенденциялари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2018 йил.
5. Б.Х.Маъмуров, “Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг концептуал асослари ва хориж тажрибаси” “Иқтисодиёт ва таълим” илмий журнали, 4-сон, 2020 й. 38-43-бетлар.
6. <https://digitalkz.kz/>, <https://bit.ly/39ozHOI>

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК СОҲАСИ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ

**Н.А. Ашурметова, и.ф.н.,
Агроиқтисодиёт
кафедраси доценти, ТДАУ
Н.Г. Тургунов, магистр, ТДАУ**

Аннотация. Мақолада мева-сабзавотчилик соҳаси таҳлил қилинган, соҳа инфратузилмасини шакллантириши ва экспорт салоҳиятини оширишда инвестицияларни ўрни асосланган. Мева-сабзавотчилик соҳаси инвестицион жозибадорлигини ошириши ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўллари кўрсатилган.

Таянч иборалар. Мева-сабзавотчилик мажмуаси, мева-сабзавотчиликда кооперация, интеграция ва инвестиция, инвестицион жозибадорлик, мева-сабзавотчилик инфратузилмаси.

Кириш.

Республикаимиз аграр соҳаси тизимида мева-сабзавотчилик мажмуаси муҳим ўрин тутди. Ушбу мажмуа нафақат аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, балки барқарор иш жойи, кафолатланган даромад, мустаҳкам ижтимоий ҳимоя билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, мева-сазавотчилик соҳасини қўллаб-қувватлаш доимо давлат ва ҳукумат диққат-эътиборида бўлиб келган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси ва унда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича «Йўл харита»сида ушбу соҳани мажмуали ривожлантириш, иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини ошириш, соҳа инвестицион жозибадорлигини ошириш асосида инвестицияларни, айниқса хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган ҳудудлар экспорт салоҳитини ошириш устувор вазифалар сирасига киритилган.

Бу борада салмоқли ва самарали чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги ва амалга оширилаётганлигига қарамасдан, соҳа иқтисодий-ижтимоий самарадорлигини ва экспорт салоҳиятини оширишни таъминловчи ҳамда ўз ечимини кутаётган қатор муаммо ва вазифалар мавжуд.

Соҳадаги мавжуд муаммолар. Мева-сабзавотчилик мажмуи инвестицион жозибадорлигини оширишда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Республикаимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган мева маҳсулот-

лари етиштиришни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати ва дастурида белгиланган чора-тадбирларни барча хуудларда амалга оширилишини таъминлашга меъёрий-хуқуқий шароит ва молиявий имкониятлар суст яратилаётганлиги;

- Мева-сабзавотчилик мажмуаси инфратузилмасини ривожлантириш, маҳсулотлар сифат ва стандартини таъминлаш ҳамда улар устидан мониторинг-назоратини кучайтириш, соҳада юқори қўшилган қийматли мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни таъминловчи қулай агро-тадбиркорлик муҳитини шаллантиришдаги молиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш тизимларининг тез ўзгарувчанлиги;

- Мева-сабзавотчилик мажмуаси тармоқ ва соҳаларини ЖСТ ва ЕОИИ талабларига мос маҳсулот етиштиришни кўзлаган ҳолда модернизациялаш, нафақат маҳсулотлар экспорти балки импорти соҳасини диверсификациялаш, бунда давлат-хусусий шерикчилик асосида соҳага инвестицияларни жалб этишга устуворлик беришни қишлоқ хуудларига йўналтиришдаги масалаларнинг суст ҳал бўлаётганлиги (хуудларда инфратузилма соҳаси ҳолати инобатга олган ҳолда йирик корхоналар ва кластерларни шакллантириш ҳамда кооперацияни ривожлантириш);

- Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари етиштириш соҳасида ер ва сув ресурслардан оқилон ва самарали фойдаланишни таъминловчи тизимни молиялаштиришнинг барқарорлиги пастлиги, қўллаб-қувватлаш тугагандан кейин уларнинг иқтисодий имкониятининг чекланганлиги боис инновацион технологияларни жорий этишда имкониятининг мавжуд эмаслиги;

- Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари етиштириш соҳасида кластер тизimini ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, кооперация ва интеграция муносабатлари суст даражада эканлиги, ягона мақсадни кўзлаган корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш, бу тизимда меҳнат муносабатларини такомиллаштириш талаб даражасида эмаслиги;

- Мева-сабзавотчилик соҳасига IT технологияларга асосланган рақамли иқтисодиёт тизимини жорий этиш суръати ва кўлами аксарият хуудларда сустлиги ва бошқалар.

Тадқиқот натижалари.

Маълумки охириги 4-5 йиллар давомида республикамизда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳажмларини кўпайтиришда инвестициялар асосан ушбу маҳсулотлар етиштиришга ихтисослашган хуудларга ажратишга устуворлик берилмоқда. Шундай хуудлардан бири Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани ҳисобланиб, туман ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 35,7%ни деҳқончилик маҳсулотлари ташкил этади. Бугунги кунда туманда етиштирилаётган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 82,5%, шу жумладан деҳқончилик маҳсулотларининг 68,8% деҳқон хўжаликларида яратилмоқда. Шунингдек, сабзавотнинг 88,5%, мева ва резавор меванинг 67,1%, узумнинг

76,1% ва картошканинг 69,3% деҳқон хўжаликлари томонидан етказиб берилмоқда.

Туманда миқёсида вилоятда инвестиция ҳажмининг 7 фоиз тўғри келаётган бўлиб, бу 2017 йилга нисбатан 6,1 мартадан кўпроқни ташкил этмоқда. Шу йиллар мобайнида аҳоли жон бошига тўғри келаётган асосий капиталга инвестиция ҳажми 6 марта ошиб, ҳисобот йилида 8479,0 минг сўмни ташкил этмоқда. Инвестицияларнинг 95,1 фоизи хусусий секторга йўналтирилган. Ушбу инвестицияларнинг 23,9 фоиз хорижий сармоя ҳисобланади. Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 67,5 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасига йўналтирилган.

Туман экспорт товарлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар 11,8 %ни ташкил этиб, унинг ҳажми охириги уч йил мобайнида 2,7 мартадан ошган. Экспорт қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари қиймати улуши (ХССТ - 6513, 0545, 0545, 0579 кодлар бўйича) 83,0 фоизни ташкил этади.

Эътиборлиси шундаки экспортга йўналтирилаётган мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари бевосита истеъмол қилиш учун, бирламчи ва иккиламчи қайта ишланмасдан, қўшимча қиймат яратилмасдан экспортга бевосита йўналтирилмоқда.

Шунингдек, туманда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш соҳасида юқори қийматли қўшилган қиймат занжирини шакллантиришга шароит бўла туриб, бу соҳага инвестицияларнинг етарли ҳажмларда йўналтирилмаганлиги боис, вилоят бўйича қайта ишланган меванинг 3,8 фоизи, узумнинг 0,2 фоизи ва сабзавотнинг 4,9 фоиздан кўпроғи айнан ушбу туман худудида қайта ишланмоқда.

Демак, мева-сабзавотчилик мажмуида соҳаси инвестицион жозибадорлигини ошириш, тармоқ самарадорлигини кўтариш, унинг асосий омили ҳисобланган қўшилган қиймат яратиш соҳасини ривожлантиришга инвестицияларни жалб этиш ҳам иқтисодий ҳам ижтимоий жиҳатдан муҳим вазифалардан ҳисобланиб, уни тадқиқ этиш ва асосий йўналишларини илмий-амалий жиҳатдан асослаш долзарб ҳисобланади.

Дарҳақиқат, маълумотларга биноан 2020 йил май ойи ҳолатида республикамиз божхона омборхоналарида ўз истеъмолчиларига етказилиши лозим бўлган қиймати 1,8 млрд. АҚШ доллари бўлган 1,2 млн. тонна товар маҳсулотлари, шу жумладан 40,1 млн. АҚШ долл. миқдоридagi 83,1 минг тонна озиқ-овқат маҳсулотлари тўпланиб қолган бўлиб, бу ҳол мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ва импорт, логистикаси, божхона хизматлари тизимини такомиллаштиришга, мева-сабзавотчилик мажмуи инфратузилмасини ривожлантириш, қўллаб-қувватлашга инвестицияларни жалб қилишга устуворлик беришни тақозо

ЭТМОҚДА.

Хулоса ва таклифлар.

Мева-сабзавотчилик соҳаси инвестицион жозибадорлигини оширишнинг асосий йўллари:

- Мева-сабзавот маҳсулотлари сифатини яхшилаш ва бозор стандартлари талабларида етиштиришни таъминлаш, бу Республикамиз ҳудудлари ва минтақалари ўртасида маҳсулотлар баҳоси бўйича рақобатбардошликни оширишни таъминлайди;

- Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, соҳага хизмат кўрсатиш тизими иш тартиби ва хизмат механизмини такомиллаштириш, бу соҳада кооперацион алоқалар ва интеграцион муносабатларни кучайтиради;

- Мева-сабзавотчиликда сифатли ва стандарт талабларига жавоб берадиган маҳсулот етиштиришни таъминлайдиган уруғчилик, кўчатчилик ва ниҳолчилик етказиб бериш тизимини жаҳон андозалари даражасида ташкил этишга инвестицияларни жалб этишга устуворлик бериш;

- Мева-сабзавотчилик соҳаси инфратузилмасини ривожлантиришга инвестицияларни жалб этишни қўллаб-қувватлаш асосида мажмуа инвестицион жозибадорлигини таъминлаш;

- Мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштириш учун қулай табиий шарт-шароит мавжуд бўлган ҳудудларда ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларни бошқа ҳудудларга нисбатан устувор қўллаб-қувватлаш, нисбатан қулай шартлардаги инвестициялар билан таъминлаш, нисбатан енгил ва имтиёзли солиқ ва молиявий юкламалар тизимини жорий этиш. Бу соҳа инвестицион жозибадорлигини оширади, инвестициялар ва айниқса хорижий инвестициялар оқимини кучайтиради, маҳсулот ҳажмини ошириш ва таннархини пасайтиришга имкон яратади, нафақат минтақавий ёки ҳудудий ва ташқи бозорларда етиштирилаётган маҳсулот рақобатбардошлигини оширишни таъминлайди. Пировард мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши таъминланади, тадбиркорлик раванг топади, табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишга эришилади, аҳоли бандлиги таъминланиб барқарор даромадга эга бўлади;

- Мева-сабзавотчилик соҳаси маҳсулотлари савдоси бўйича ҳудудлар ва минтақалар ўртасида кооперация ва интеграция муносабатларни тартибга солиш, соддалаштириш, енгиллаштиришга ва такомиллаштиришга йўналтирилган институционал ўзгаришларга инвестициялар ҳажмини ошириш. Бу ҳар бир ҳудуддаги мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштирувчи тадбиркорлик субъектларнинг ушбу маҳсулотлар билан савдо қилишда унинг мавқени оширади, мустаҳкамлайди ва бозор иштирокчилари ўртасида рақобатбардошлигини кучайтириб, нуфузини оширади. Пировард натижада ушбу соҳа меъёрий-ҳуқуқий ва институционал базаси такомиллашади, соҳанинг ЖСТ ва ЕСЭСга босқи-

ча-босқич, силкиниш ва бўҳронларсиз кириб боришини таъминлайди;

- Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган ҳудудлараро ҳамда йирик шаҳар ва саноат марказлари, шунингдек, қайта ишлаш ва сақлаш ҳамда логистик марказлар ўртасидаги транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга инвестицияларни йўналтириш. Бу мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган ҳудудларда транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга, пировард маҳсулотларнинг тез ва муддатида етказишни ҳамда янги иш жойларини шакллантиришни таъминлайди;

- Мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган ҳудудларни муқобил электр қуввати (куёш батареяси ва шамол энергияси) билан таъминлашга йўналтирилган инвестицияларга устуворлик бериш;

- Мева-сабзавотчилик соҳаси инфратузилмаси тизимида мева-сабзавотчилик логистика марказларини нафақат трансегаравий ҳудудларда, балки йирик шаҳарлар, шунингдек, географик-сиёсий жиҳатдан муҳим ҳисобланган ҳудудларда шакллантиришни давлат-хусусий шерикчилиги тизими асосида барпо этишга инвестицияларни йўналтиришга устуворлик бериш. Бунда ушбу йўналишдаги лойиҳаларни молиялаштиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг инклюзив (гео-сиёсий талабларга мос келадиган) тартиб ва механизмларини жорий этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришининг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги 5853-сон қарори.

2. "Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илгор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чоратadbирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 июлдаги 5200-сон қарори.

3. <https://review.uz/post/skolko-prodovolstviya-xranitsya-na-tamojennx-skladax-uzbekistana>

МЕХНАТ МИГРАЦИЯСИНИНГ АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ТУТГАН ЎРНИ

К.А. Гулмуродов,
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодийтини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари”
илмий-тадқиқот маркази таянч докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон иқтисодийтининг ривожланиш шароитида, меҳнат ресурсларининг миграцион ҳаракати, сабаблари, миграциядаги муаммолар, аҳолининг иш билан бандлик муаммоси ва бошқа муаммоларни ҳал этиш масалалари кўрилган.

Таянч иборалар. Миграция, ташиқ миграция, доимий миграция, мавсумий миграция, тебранма миграция, кўчиб юриш интенсивлиги, миллий таркиб.

Кириш.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни ўтказишда миграциянинг муҳим ижтимоий функцияси – аҳолининг ташаббускорлиги ҳисобига иш билан таъминлашнинг муқобил ва оммабоп тизимини яратишдир. Бу муаммони ечими сифатида меҳнат ресурсларини яқин, яъни ички ва узоқ чет давлатларга экспорт қилиш ҳисобланади. Бундай меҳнат фаолиятига аҳолининг эҳтиёжи жуда катта. Шуни таъкидлаш керакки, фуқаролар чет элга фақат камбағал бўлганликлари ёки ўз уйларида иш топа олмаганликлари учунгина ёки бўлмаса фақат моддий таъминотни уйлаб чет элда ишлашга интилишмайдилар. Меҳнат жойининг алмашинуви объектив воқелиқдир. Унда асосан янгиликларни билишга, замонавий технологияларда қатнашиш, илғор тажрибалар орттиришга интилувчи ёшлар ҳам салмоқли ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 5052-сонли Фармони мамлакатимиздаги меҳнат муносабатларини янги босқичга олиб чиқишда муҳим ҳужжатлардан бири тариқасида қабул қилинди.

Миграция жараёни иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига бевосита таъсир кўрсатувчи ва ўз навбатида аҳоли жойлашувидаги муҳим муаммолар билан боғлиқ аҳолининг ҳудудий ҳаракатидир. Шунинг учун ҳам жамият тараққиётида у ёки бу даражада аҳамиятли бўлган ўзгаришлар миграция жараёнлари таъсирида ўз аксини топади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Меҳнат миграцияси неча асрлар олдин пайдо бўлган ва ўтган давр ичида жиддий ўзгаришларни бошдан кечирди. Халқаро миграция муаммолари пайдо

бўла бошлади. Асосий ғоя шундан иборатки, ишлаб чиқариш омилларидан бири бўлган меҳнат ресурсларининг халқаро жойлашуви иқтисодий ўсиш суръатига таъсир кўрсатади, унинг сабаби бўлиб меҳнатга ҳақ тўлаш даражасида давлатлар ўртасида фарқлар ҳисобланади.

Меҳнат миграцияси масалалари билан жаҳонда кўплаб иқтисодчи олимлар шугулланиб келишмоқда. Адамчук В.В., Волгин Н.А., Генкин Б.М., Колосницына М.Г., Кузьмина Н.М., Павленков В.А., Руденко Г.Г., Токарский Б.Л., Тониянц Г.С. ва бошқалар ўз тадқиқотларини меҳнат миграцияси масалаларини тадқиқ қилишга қаратганлар.

Халқаро миграция жараёнларида муаммоларни ўрганишда фойдаланиладиган асосий миграцион қолдиқ “ақлларнинг оқиб кетиши” тушунчаси проф. И.П.Николаева томонидан таклиф этилган. Ўзбекистон Республикаси миқёсида Абдурахмонов Қ.Х., Максакова А.П., Мамарасулов Ф.У., Худойбердиев З.Я ва бошқаларнинг номларини келтириб ўтиш мумкин.

Меҳнат ресурсларининг миграциясини тадқиқ қилишда унинг жинси, ёши, маълумоти, оилавий аҳволи, касби, бўйича тартибга академик Қ. Абдурахмонов илмий тадқиқотларида эътибор берилган. Тавсифлар мигрантлар жойлашган ва чиқиб кетган жойлардаги ишчи кучининг таркиби билан қиёслаб кўрилади, бу эса миграциянинг фақат меҳнат ресурсларининг сонига эмас, балки сифат кўрсаткичларига янада тўлароқ ва ҳар томонлама баҳо бериш имконини беради.

Тадқиқот методологияси.

Аҳолини иш билан бандлигини оширишда меҳнат миграциясини аҳамиятини илмий мушоҳада, абстракт-мантиқий, тизимли таҳлил, анализ ва синтез тамойиллари асосидаги усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотларига кўра 2020 йил бошида 1 миллиондан ортиқ фуқаролар хорижий давлатларда меҳнат қилганлар, бу жами иқтисодий фаол аҳолининг 7,8 фоизини ташкил этади[5]. Бундай ҳолат меҳнат миграцияси масалаларига давлат даражасида янада жиддийроқ эътибор қаратиш, уни тартибга солиш бўйича мавжуд механизмларни доимий равишда такомиллаштириб боришни талаб қилади. Ушбу муҳим вазифаларни - миграциясининг омиллари, йўналишлари ва натижалари ҳамда унда иштирок этаётган меҳнат ресурслари бўйича аниқ маълумотларга эга бўлмасдан ҳал этишнинг имкони мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3001-сонли қарори[2] билан тасдиқланган “Меҳнат органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури”да Халқаро Меҳнат Ташкилотининг меҳнат мигрантлари

тўғрисидаги 97-сонли Конвенциясини [3] ратификация қилиш имкониятларини ўрганиб чиқиш белгиланган. Ушбу Конвенцияда мигрантларнинг меҳнат фаолияти, уларнинг мол-мулки ва оилавий миграция билан боғлиқ бўлган барча жиҳатлар қамраб олинган.

Маълумки, аҳоли миграциясининг ҳаракати турли хил омил ва сабабларнинг ўзаро таъсири натижасида юзага келади. Аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришига мажбур қилувчи сабаблардан энг муҳими иқтисодий-ижтимоий сабаблар, яъни ишсизлик, муносиб иш топиш, олий ва ўрта махсус маълумот олиш, яъни ўқиш ажралиб туради.


Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элда меҳнат фаолиятини амалга оширишлари ҳамда чет эл фуқароларининг Ўзбекистондаги меҳнат фаолиятини ташкил этишлари учун қонуний асос яратилиши, бошқариб бўлмайдиган ноқонуний миграция фаолиятлари бартараф этишда кўмаклашади.

Ўрганишлар доирасида амалга оширилган таҳлиллар меҳнат миграцияси иштирокчиларининг ижтимоий-демографик таркиби, меҳнат миграция жараёнлари омиллари, йўналишлари, географиясини аниқлаш, мигрантларнинг хориждаги яшаш, меҳнат шароитлари, даромадларини баҳолаш, уларнинг келгуси режалари, ўзлари яшайдиган жойдаги иш топиш имкониятлари хусусидаги, меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш юзасидан фикр ва таклифларини ўз ичига олган. Таъкидлаш жоизки, меҳнат миграцияси жараёнларида ёшлар ва аёлларнинг иштирокини алоҳида ўрганиш мақсадида ўрганишлар доирасида мазкур гуруҳларни мумкин қадар кенгроқ қамраб олиш вазифаси қўйилганлиги боис, мигрантлар таркибида уларнинг улуши олдинги йилларда ўтказилган ўрганишларга қараганда бир қадар ошишига сабаб бўлди.

Ҳозирги вақтда энг катта миграция тўлақини ривожланаётган мамлакатлардан ривожланган мамлакатларга томон йўналган. Бунда энг кўп хорижий мигрантларни АҚШ қабул қилади. Охириги йилларда бу давлатдаги иммигрантлар сони 45 млн. кишидан ошгани қайд этилган. Ғарбий Европа давлатлари орасида эса энг кўп иммигрантлар Германия, Буюк Британия ва Францияга келган. Бу давлатларнинг ҳар бирида 7-10 млн. иммигрант яшамоқда. Ғарбий Европага иммигрантларнинг асосий қисми Жануби-ғарбий ва Жанубий Осиё, Шимолий Африка ҳамда Шарқий Европа бормоқдалар. Бошқа ривожланган давлатлардан Австралия, Канада, Янги Зеландия, Исроил ва ЖАР кўплаб хорижий мигрантларни қабул қилмоқда. Шундай экан, барча ривожланган давлатларда миграция салдоси (баланси) мусбат ҳисобланади.

Аксарият қисми манфий миграция балансига эга бўлган ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ҳам йирик миграцион оқимлар вужудга келган. Жумладан, катта миқдордаги хорижий мигрантларни Форс қўлтиғидаги араб мамла-

катлари, айниқса, Саудия Арабистони ва БАА ҳамда Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия сингари янги саноатлашган давлатлар жалб қилмоқда. Бу давлатларга Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Яман, Индонезия, Ветнам, Миср каби Осиё ҳамда Африка мамлакатларидан миллионлаб иммигрантлар бориб меҳнат қилишмоқда.



1-расм. Хорижда пул ўтказмаларининг умумий даромаддаги ҳудудлар бўйича улуши (фоизда)⁷

Лотин Америкаси, Осиё ва Африка қитъаларида қўшни давлатлар орасида нафақат иқтисодий, балки сиёсий, экологик, этник омилларга боғлиқ ҳолда сони жиҳатидан йирик, лекин ҳудудий кўлами нуқтаи назаридан локал (маҳаллий) миграцион оқимлар ҳам рўй бермоқда. Масалан, Суриядан Туркияга, Афғонистондан Эронга, Угандадан Кенияга миллионлаб кишилар кўчиб бормоқдалар. Йирик миграция оқимлари МДХ ҳудудида ҳам мавжуд бўлиб, кўпроқ Россияга йўналган.

Маълумотларга кўра, 3,1 миллиондан ортиқ ўзбекистонлик меҳнат мигранти сифатида хорижда истиқомат қилади. Уларнинг оилаларига жўнатаётган пул ўтказмалари ҳажми республика вилоятига қараб, умумий аҳоли даромадининг 5 фоиздан 23 фоизгача бўлган қисмини ташкил этади.

Бу айрим вилоятларда ўртача статистик оила даромадининг йигирмадан бир қисмини, бошқа вилоятларда эса аҳоли даромадларининг, тахминан, тўртдан ёки бешдан бир қисмидан иборат деганидир.

Ўзбекистонликларнинг аксарият қисми Россияда меҳнат қилади. Охириги 4 йилда Россияда миграция ҳисобига олинган ўзбекистонликларнинг сони 3,3

⁷ www.uzanalytics.com – O'zbekiston analitik ma'lumotlar bazasi

миллиондан (2016 йилда) 4,8 миллион нафар кишига (2020 йилда) ошган, яъни 45 фоизга. Мазкур давр мобайнида ушбу йўналиш миграциясининг умумий кўрсаткичлари барқарор ўсишига қарамай, миграциянинг айрим кўрсаткичлари бўйича қарама-қарши тенденциялар кузатилмоқда. Жумладан, Россия фуқаролигини қабул қилаётган ўзбекистонликлар сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бундан ташқари, Россияда вақтинча яшаш учун рухсатномага эга Ўзбекистон фуқаролари сонининг камайиб бораётгани ҳам кузатилмоқда.

Россияда миграция ҳисобига олинган ўзбекистонликларнинг аксарият қисми – деярли 82 фоизи меҳнат муҳожирларидир. 2019 йилда Ўзбекистон фуқаролари ушбу давлатда “Иш” сафари мақсадида ҳисобга олинган чет эллик фуқароларнинг 38 фоизини ташкил қилди. Бу кўрсаткич бўйича 2-ўринда Тожикистон фуқаролари (22%), 3-чи ва 4-чи ўринда эса Қирғизистон (8%) ва Украина (8%) фуқароларидир. Юқорида кўрсатилган рақамлардан кўришиб турибдики, ўтган йилда Марказий Осиёнинг учта давлат фуқаролари (Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон) Россиядаги чет эллик ишчи кучи ресурсларинг 68 фоизини, Ўзбекистон ва Тожикистон фуқаролари эса биргаликда ярмидан кўп – 60 фоизини ташкил қилган.

Миграциянинг бошқа кўрсаткичлари бўйича ўзбекистонликларнинг улуши бошқа давлатлар фуқароларининг улушига нисбатан анча кам. Жумладан, 2019 йилда Россияда доимий яшаш ҳуқуқини олган чет эллик фуқаролари орасида украиналиклар (29%) ва тожикистонликлар (16%) етакчи ўринларни эгаллаган бўлишса, Ўзбекистон фуқаролари 11 фоизни ташкил қилиб 3-ўринда. Шунингдек, ўтган йили Россия фуқаролигини қабул қилган чет элликлар орасида ҳам ўзбекистонликларнинг улуши жуда кам, атиги 4 фоизни ташкил қилади.

2016-2019 йилларда Ўзбекистон фуқароларининг Россияга миграциясини сафар мақсадлари бўйича олиб қарасак, таълим олиш мақсадида борганлар сони ушбу давр мобайнида 2 баробарга, “хусусий” мақсадда борганлар сони 50 фоизга, ишлаш учун борганлар сони эса 47 фоизга ошган. Охириги 4 йилда Россияга ишлаш мақсадида борган ўзбекистонликлар сони бирламчи миграция ҳисобиган олинган Ўзбекистон фуқаролари умумий сонининг 81 дан 84 фоизгача бўлган қисмини ташкил қилган.

Сўнги 4 йилда Ўзбекистон-Россия йўналиши бўйича миграциянинг умумий кўрсаткичлари барқарор ўсишига қарамай, айрим кўрсаткичларда бутунлай қарама-қарши тенденциялар кузатилмоқда. Хусусан, ушбу давр мобайнида Россия фуқаролигини олган ўзбекистонликлар сони 17 фоизга, Россияда вақтинча яшаш учун Ўзбекистон фуқароларига берилган рухсатномалар сони 39 фоизга, ушбу рухсатномага эга Ўзбекистон фуқаролари сони эса 31 фоизга камайган. Миграциянинг бу кўрсаткичларида барқарор пасайиш тенденцияси кузатилмоқда.

Иш топиш мақсадидаги миграция географияси сўнгги 4 йилда ўзгара бошлади ҳамда АҚШ, Туркия, Исроил, Жанубий Корея, БАА ва Қозоғистонга ишчилар оқими тобора ўсиб бораётгани кузатишмоқда.

Ўзбекистоннинг иқтисодий фаол аҳолиси сони кўпайиши баробарида иш қидириб четга чиқаётган фуқаролар сони ҳам ошиб бормоқда. Шуниси қизиқки, бу рақамларнинг ўзаро нисбати 10 – 11 фоиз атрофида деярли ўзгармас бўлиб турибди. Бошқача айтганда, Ўзбекистоннинг ҳар ўнинчи иқтисодий фаол фуқароси ҳар йили иш топиш мақсадида хорижга чиқади. Шу ўринда 2020 йилда бу кўрсаткич камайган.

Бироқ бу хорижда меҳнат қилаётган ўзбекистонлик мигрантларнинг умумий сонини акс эттирмайди. Ушбу рақамга ойдинлик киритиш учун меҳнат миграциясининг “хаммабон” йўналиши бўйича статистикага мурожаат қиламиз. Россия Федерацияси ИИВ ва Марказий банкидан олинган маълумотларга кўра, сўнгги 3 йилда йилига қарийб 4,8 миллион Ўзбекистон фуқароси ушбу мамлакатда миграция ҳисобига қўйилган. Уларнинг қарийб ярми Россияга “иш” топиш мақсадида борган.

Ушбу рақам Ўзбекистондан Россияга чиқиб кетганлар миқдори билан таққосланганда, мантқиқсизлик бордай кўринади. Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитасининг маълум қилишича, 2018-2020 йиллар мобайнида бу кўрсаткич паст бўлган.

Бундай тафовутнинг иккита сабаби бор. Биринчидан, Ўзбекистон фуқаролари йил мобайнида икки ёки уч маротаба, масалан, ҳар сафар 3 ойдан ҳисобга қўйилган бўлиши мумкин. Иккинчидан, кўплаб ўзбекистонликлар Россияга узоқ муддатга – бир неча йилга боради. Улар ўз ватанига қайтмаган ҳолда регистрацияни узайтиради ёки қайта миграция ҳисобига қўйилади.

Россиядаги Ўзбекистон фуқаролари сони тобора ортиб бормоқда. Буни миграция ҳисобининг ижобий салдоси ҳам тасдиқлайди – ҳисобга қўйилган ва ҳисобдан чиқарилган Ўзбекистон фуқаролари сони ўртасидаги фарқ йилига анчагинани ташкил этади.

Россиядан Ўзбекистонга пул ўтказмалари динамикаси алоҳида эътиборга лойиқ. Ушбу ўтказмаларнинг умумий миқдори Россия фуқаролари ва норезидентлар – Ўзбекистон фуқаролари жўнатган маблағлардан иборат.

Меҳнат миграциянинг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, халқаро мигрантларнинг сифат таркиби (масалан, таълим даражаси нуқтайи назаридан) ўзгариб бормоқда, давлатлараро миграция оқимларида юқори малакали мутахассисларнинг иштироки фаоллашмоқда.

Бу вазият иммиграция марказлари бўлиш ривожланган давлатлар учун ижобий аҳамият касб этса, эмиграция ўчоқлари – ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётидаги давлатлар учун эса бунинг акси, яъни салбий ҳолат ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнат миграциясини самарали ташкил этиш аҳоли бандлик даражасини оширишда муҳим роль ўйнайди. Бу ишларни амалга оширишда қуйидаги йўналишлар долзарб ҳисобланади:

Ташкилий-ҳуқуқий:

- Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонунини ишлаб чиқиш;
- туманларидаги бандликка кўмаклашиш марказлари тасарруфида меҳнат миграцияси масалалари билан шугулланувчи махсус бўлим ташкил қилиш;
- меҳнат ресурслари тақчил ҳудудларда кенг тармоқли ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш;
- меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида бошқа ҳудудга кўчаётган фуқароларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини белгиланган тартибда таъминлаш;
- мигрантларини аниқ ахборотлар билан таъминлаш учун тегишли бепул хизмат кўрсатиш;
- меҳнат миграциясини ҳисобга оладиган ягона электрон автоматлаштирилган тизимни яратиш ҳ.к.

Иқтисодий:

- бошқа ҳудудлардан меҳнат ресурслари билан кам таъминланган туманларга кўчиб келувчилар иш ҳақиға махсус устамалар бериш;
- яшаш билан боғлиқ сарф-харажатлари учун ойлик пул компенсацияси тўлаш;
- чекка туманларда бўшаб қолган ва эгасиз уй-жойларни бошқа ҳудудлардан ихтиёрий равишда кўчиб келадиган муҳтож оилаларға текин бериш ва ушбу уй жойни шахсий мулки сифатида расмийлаштириб бериш;
- қишлоқ фуқаролар йигинлари кўчиб кетувчи ва келувчи оилаларға тадбиркорлик билан шугулланишлари учун тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар олишларида амалий ёрдам кўрсатиш;
- меҳнат миграцияси билан кам таъминланган ҳудудларда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи янги ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларини барча турдаги солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод қилиш;
- меҳнат мигрантларининг фарзандлари учун мактабгача таълим муассасалари, болаларни ўқитиш учун ота-оналарнинг ойлик тўловидан 1 йилгача озод қилиш ва ҳ.к.

Ижтимоий:

- ҳар бир маҳаллаларда меҳнат ресурслари кам таъминланган ҳудудлардаги бўш иш ўринлари, иш характери, маош, ишчилардан талаб этиладиган малакалар ҳақида маълумотларни тўплаб бориш ва эълон қилиш;
- кўчиб келувчи оилаларни ётоқ жойлар билан таъминлаш;

- маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ички меҳнат мигрантларининг янги яшаш жойига тезда мослашишига амалий ёрдам кўрсатиш;
- меҳнат мигрантларининг оила аъзоларига зарур тиббий ёрдамларни кўрсатиш;
- мигрантлар фарзандларининг таълим олишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш ва ҳ.к.

Ички миграция муаммосини ҳал этиш ташқи меҳнат миграциясини камайишига олиб келади. Ташқи меҳнат миграцияси жараёнида кўп учрайдиган муаммолардан бири бу мигрантларнинг ҳуқуқларини бузилиши, одам савдоси ва дискриминация ҳолатларидир. Шунингдек, мигрантларнинг, айниқса, норасмий равишда фаолият олиб бораётган меҳнат мигрантларининг транспорт воситаларида хорижга чиқишлари ёки уйга қайтишларида уларнинг шахсий хавфсизлиги таъминланмаганлиги ҳам бутунги кунда энг муаммоли масалалардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020-йил 29-декабрдаги 2021 йил учун мўлжалланган вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. www.uza.uz - Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги портали.
2. Абдураҳмонов Қ.Х. “Меҳнат иқтисодиёти назария ва амалиёт” Т.: “ФАН” Наширети – 2019 й.
3. Холмўминов Ш.Р., Хомитов К.З., Арабов Н.У., Бобоназарова Ж.Х., Абдураманов Х.Х. Қишлоқ аҳолисини иши билан таъминлашнинг назарий ва амалий асослари. Т.: 2018.-89 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси www.stat.uz-
5. Холмўминов Ш.Р., Хомитов К.З., Арабов Н.У., Бобоназарова Ж.Х., Абдураманов Х.Х. Қишлоқ аҳолисини иши билан таъминлашнинг назарий ва амалий асослари. Т.: 2018. 90 б.

ОСОБЕННОСТИ АУДИТА ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Ш.И. Илхамов, DSc.,
Ташкентский государственный
экономический университет

Аннотация: В статье изучены вопросы организации аудита инвестиционной деятельности предприятий. Рассмотрены системные определяющие факторы организации аудита инвестиционных процессов.

Ключевые слова: аудит, объекты аудита, инвестиционная деятельность, инвестиционный процесс, объекты инвестиции, пользователи информации.

Введение.

Инвестиционный процесс предполагает участие многочисленных субъектов инвестиционной деятельности, которые ставят перед собой различные цели и задачи, что обуславливает не только различие в потребляемой ими промежуточной и результатной информации, но и применение аудитором различных процедур, направленных на обеспечение достоверности такой информации.

Обзор литературы.

Выделяют, «как минимум, следующие группы пользователей информации, относящейся к инвестиционным проектам:

- внутренние пользователи информации. К ним относят прежде всего пользователей объектами инвестирования. Их можно подразделить на внутренних пользователей, имеющих административные полномочия (директор коммерческой организации, куратор проекта, финансовый директор и т.д.), и на прочих сотрудников организации, которые в той или иной мере используют информацию по инвестиционным проектам (экономисты, финансисты, бухгалтеры и т.д.);
- внешние пользователи информации. К ним относят субъектов инвестиционной деятельности, которые принимают решение о вложении средств в тот или иной проект;
- сторонние пользователи информации: юридические лица, предоставляющие банковские, страховые, посреднические и иные услуги;
- пользователи информации, относящиеся к государственным структурам: налоговые инспекции, судебные органы, органы государственного финансового контроля, администрации муниципальных образований и другие» [1].

Выделение групп пользователей информации, относящейся к инвестиционному процессу, позволяет ее сегментировать для целей аудита и внутреннего

контроля и обеспечить ее конфиденциальность. Сегментирование информации может осуществляться по следующим признакам:

- по объему представления тем или иным группам пользователей;
- по субъектам контроля.

В ходе такого сегментирования выделяется информация, проверяемая непосредственно внешним аудитором и силами внутреннего контроля. По нашему мнению, контроль достоверности информации, относящейся к группе внутренних пользователей, можно обеспечить силами внутреннего контроля, в то время как государственные органы власти должны оперировать информацией, прошедшей внешний независимый контроль.

- по применяемым аудиторским процедурам. Разнородность информации предполагает целесообразность применения различных аудиторских процедур, а также процедур внутреннего контроля для организации аудита различных информационных сегментов.

Таким образом, одним из системных определяющих факторов организации аудита инвестиционных процессов является то, в интересах каких групп пользователей информации проводятся контрольные мероприятия.

Одной из важнейших особенностей аудита инвестиционной деятельности является многообразие объектов инвестиций, что лежит в основе многовариантности объектов аудита. Как уже упоминалось, «основными объектами аудита инвестиций являются: вновь создаваемые объекты или реконструируемые действующие предприятия; расширение действующего предприятия (т.е. строительство второй и последующих очередей функционирующего предприятия); расширение существующих цехов; техническое перевооружение предприятий» [2].

Объектами инвестиций могут являться и модернизируемые основные производственные фонды предприятий; оборотные средства; ценные бумаги; целевые денежные накопительные вклады; новая научно - техническая продукция; производство новых видов изделий на имеющихся площадях в рамках действующего производства; интеллектуальные ценности; имущественные права; реальное личное имущество; имущественные вложения в реальные активы фирмы. Учитывая это, можно сказать, что выделение организационных этапов аудита, представленное в экономической литературе, требует своего уточнения с позиции учета специфики объектов инвестиционной деятельности.

Так, возникает ситуация, когда при аудите крупномасштабных инвестиций контролю подвергаются практически все аспекты финансово-хозяйственной деятельности коммерческой организации, как и при обязательном аудите. Однако акцент целевых установок инвестиционного аудита несколько смещается в сторону определения доброкачественности информации по инвестиционным проектам, а не в целом финансовой отчетности организации;

выявления потенциальных и скрытых резервов; достижения запланированных показателей работы. Исследование затрат трудовых ресурсов на достижение указанных целей показывает, «что обеспечить их достижение силами внешнего аудита возможно, но требует слишком большого количества трудозатрат» [3]. Именно поэтому целесообразно структурировать цели и задачи инвестиционного аудита с последующим разделением их на задачи, выполняемые силами внутреннего контроля, и задачи, выполняемые внешними аудиторами. Более того, необходимо учитывать, что различные задачи, даже выполняемые одинаковыми контрольными процедурами, влияют на объем и детализацию применения этой процедуры. Например, «инвентаризация как часть процедур по подтверждению сальдо по счету 1000 «Материалы» может проводиться выборочно, в то время как инвентаризация с целью подтверждения наличия имущества у материально ответственного лица должна проводиться сплошным способом» [4].

Анализ и результаты.

Таким образом, цели и задачи инвестиционного аудита, по нашему мнению, можно дифференцировать на общие, локальные и частные. К общим задачам относятся задачи установления достоверности отчетности инвестиционной деятельности. Выполнению этой задачи подчинена работа и внешнего аудитора, и системы внутреннего контроля. К более локальным задачам можно отнести контроль достоверности сметной документации, аудит управленческих решений, аудит тех или иных конкретных инвестиционных проектов и другие. Локальные задачи могут выполняться как внешним аудитором, так и системой внутреннего контроля. Частные задачи в виде контроля расходов и доходов, закрепления материальной ответственности, отражения фактов финансово-хозяйственной деятельности в системе бухгалтерского учета целесообразно поручить структурам внутреннего контроля. В этом случае часть контрольных процедур внешнего аудита делегируется внутреннему аудитору.

Отличительной особенностью аудита инвестиционных проектов является вариантность их продолжительности, которая проявляется в различных жизненных циклах проектов. С точки зрения организации аудита и внутреннего контроля инвестиционной деятельности можно выделить следующие типы инвестиционных проектов:

- 1) краткосрочные инвестиционные проекты, длительностью менее одного отчетного года. В данную категорию проектов входят инвестиции, основанные на покупке функционирующего бизнеса, готовых к производству продукции мощностей (технологических линий, комплексов), а также на вложении средств в нематериальные активы (товарные знаки, лицензии, патенты). С точки зрения организации аудита указанные инвестиционные проекты могут ана-

лизироваться как в ходе обязательного ежегодного аудита как его часть, так и в качестве самостоятельной проверки. Объекты аудита по таким проектам включают как специфические для инвестиционного аудита составляющие (проектно-сметная документация), так и результатные данные (производственные отчеты, бухгалтерская и финансовая отчетность). Именно поэтому организация аудита краткосрочных инвестиционных проектов включает в себя и элементы комплексного экономического анализа, анализа плановых и фактических показателей;

2) долгосрочные инвестиционные проекты, длительностью более одного отчетного года. Их можно подразделить на:

- долгосрочные проекты с получением результата в конце инвестиционного периода. В этом случае в течение отчетного периода в организации аудита в качестве объектов участвуют лишь проектные и плановые данные, а результатные (например, рост объема готовой продукции) только спустя несколько лет. В методике аудита акценты целесообразно перенести на документальные методы контроля, т.к. достаточного количества объектов для фактического контроля может и не быть. Исходя из этого, многократно повышается роль внутреннего аудита как источника информации для независимого внешнего контроля;

- долгосрочные проекты с получением результата уже в течение инвестиционного периода. Организация аудита таких инвестиционных проектов отличается постоянно изменяющимися объектами контроля (результатными данными, плановыми показателями), т.к. по результатам, полученным в ходе внедрения проекта, могут корректироваться дальнейшие этапы его внедрения и параметры функционирования. В связи с этим организация аудита указанных инвестиционных проектов должна предусматривать не только оперативную корректировку объектов контроля и нормативной информации, но и привлечение экспертов для оценки обоснованности корректировок параметров проекта.

Сложным вопросом, отражающим специфику контроля инвестиционной деятельности, является осуществление проверок параллельно сразу несколькими субъектами (внутренний аудитор, внешний аудитор, государственные контрольно-ревизионные органы, представители инвестора, банковские и страховые организации).

Анализ показывает, «что в течение одного и того же периода по одним и тем же вопросам за один и тот же проверяемый период хозяйствующий субъект может быть подвергнута проверкам со стороны различных субъектов контроля, в то время как по некоторым из них проверка проводится только силами внутреннего аудитора. Считаем, что такая ситуация во многом определена несовершенством взаимодействия различных контролирующих органов. Необходимо отметить, что проверка одних и тех же объектов не означает

наличия дублирования функций, т.к. проводится в интересах различных групп пользователей информации, с различной степенью детализации контрольной информации» [5]. В то же время при эффективном разграничении функций и объектов контроля можно несколько сгладить эффект дублирования. Считаем, что эффективный, оперативный и методически обеспеченный контроль со стороны службы внутреннего аудита, а также унификация стандартов контроля - необходимое условие для смещения акцентов контроля от представителей инвестора, банков, страховых организаций, государственных органов и частично внешних аудиторов к системе внутреннего аудита. В этом случае все прочие субъекты контроля будут организовывать свою работу, учитывая данные, полученные внутренними аудиторами, что, по нашему мнению, неизбежно скажется на упорядочивании (снижении) количества проверок финансово-хозяйственной деятельности хозяйствующего субъекта - получателя инвестиций.

Исходя из оценки влияния особенностей инвестиционного процесса, мы попытались предложить меры, позволяющие скоординировать организацию внешнего и внутреннего контроля. Организация внешнего и внутреннего аудита инвестиционной деятельности представляет собой процесс, в ходе которого решается ряд не только организационных, но и методических, а также технических проблем.

Необходимо отметить, что взаимодействие внутреннего и внешнего аудита возможно и целесообразно на каждом организационно-технологическом этапе инвестиционного аудита. Более того, «информация системы внутреннего контроля и, в частности, внутреннего аудита должна являться основной базой всех прочих видов и субъектов контроля» [6]. Первым организационным этапом инвестиционного аудита хозяйствующего субъекта является этап определения общих целей и задач, достижение которых в той или иной степени будет являться показателем качества работы как внешнего, так и внутреннего аудитора. Данный этап включает анализ документов хозяйствующих субъектов, в том числе и не относящихся к процессам инвестирования, но позволяющих установить стратегические, тактические и оперативные цели самого предприятия, для наилучшей интеграции общих целей и задач контроля и самим хозяйствующим субъектом, в том числе внутри связи «внутренний и внешний аудит».

Заключение.

Отдельно отметим тот факт, что результаты работы по организации внешнего и внутреннего инвестиционного аудита могут влиять на содержание предыдущих организационных этапов. Например, детальная разработка планов и программ контроля может выявить необходимость уточнения тех или иных стратегических и локальных целей и задач.

Для целей настоящего исследования к рабочей документации внутреннего аудитора по контролю инвестиционной деятельности относятся документы, которые условно можно разделить на группы:

- документы, составленные непосредственно внутренним аудитором, прямо относящиеся к аудиту инвестиционных проектов;
- документы, составленные непосредственно внутренним аудитором в ходе аудита прочих объектов контроля;
- документы, представляющие корпоративную информацию коммерческой организации;
- документы по инвестиционной деятельности, полученные от третьих лиц.

Такое деление обусловлено различным порядком проверки и хранения документов, а также обеспечения конфиденциальности информации.

Основным принципом составления рабочей документации внутреннего аудита является принцип достаточности. Он предполагает документирование аудиторского процесса с такой тщательностью, которая обеспечивает доказательность и однозначную интерпретацию полученных выводов.

Список использованной литературы

1. Бочаров В.В. *Инвестиции* - Спб.: Питер, 2019г.
2. Шеремет А.Д. *Аудит. Учебник.* – М.: ИНФРА-М, 2020.
3. Мельник М.В. *Аудит: Учебник.* -М.: Экономистъ, 2018.
4. Тулаходжаева М.М., Илхамов Ш.И., Ахмеджанов К.Б. и др. *Аудит. Учебник.* – Ташкент.: Экономика, 2018.
5. Данилевский Ю.А. *Аудит промышленных акционерных обществ.* –М.: ФинСтатИнформ. - 2020. -517с.
6. Макальская А. К. *Внутренний аудит: Учебно-практ. пособие.* – М.: Дело и Сервис, 2018.- 112с.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТ УСУЛАРИ

А.М. Қодиров, и.ф.д., проф.,
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон
иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий
асослари ва муаммолари” ИТМ, сектор мудири

Н.Н. Шамсуддинов,
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон
иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари”
ИТМ мустақил изланувчиси

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда давлат-хусусий сектор ҳамкорлигини механизмларини амалга ошириши ва унинг республика минталарида инновацион фаолиятни фаоллаштиришга таъсирини баҳолаш жараёнлари таҳлил қилиниб ҳисоб – китоб қилинган.

Таянч иборалар: давлат-хусусий сектор ҳамкорлигини механизмлари, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи илмий тадқиқотдаги омилларнинг статистик маълумотлари, корреляция коэффицентини, корреляцион матрицаси, регрессион тенгламаси

Кириш.

Рақобатбардош бозорларнинг ўсиши шароитида ҳудудлар иқтисодиётини инновацион ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш муаммоларини услубий жиҳатдан етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш доирасида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлигини чеклайди. Ҳудудларда инновацион жараёнларни бошқариш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларни амалий ҳал қилиш зарурати, шунингдек, уларнинг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги илмий тадқиқотнинг устувор йўналиўлари сифатида танлаб олиш имконини бериб.

Адабиётлар таҳлили.

А. Ишназаров, Ш. Нуруллаева, М. Муминова, Н. Рўзиметова томонидан республика минталарида инновацион фаолиятни фаоллаштиришга таъсирини баҳолаш жараёнлари таҳлил қилиниб ҳисоб – китоб қилинган. А.Н. Авдулов томонидан эса илмий-техник салоҳият кўрсаткичлари. Қиёсий таҳлил усуллари илмий томондан ососланган.

С.Д.Проскурнин ўз илмий тадқиқотларида махсус ҳудудий ривожланиш

соҳаларида ўз-ўзини ташкил этувчи инновацион экотизимни яратиш бўйича тадқиқотларни олиб борган.

Тадқиқот методологияси.

Мамлакатимизда давлат-хусусий сектор ҳамкорлигини механизмларини амалга ошириш ва унинг республика минталарида инновацион фаолиятни фаоллаштиришга таъсирини баҳолаш жараёнлари омилларини тадқиқ этиш, тадқиқот натижаларини тизимлаштириш асосида илмий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишда илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг инновацион салоҳиятини баҳолаш кўрсаткичлари усуллардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари.

Социологик тадқиқотларнинг методика ва техникасини билиш эмпирик ва амалий тадқиқотларни олиб бориш учун зарур ҳисобланади. Амалий ва эмпирик тадқиқотлар амалий социологиянинг предмет ҳудуди ҳисобланиб, у назарий жиҳатдан социологик тадқиқотларнинг услубиётини асослаш, амалий жиҳатдан эса ушбу тадқиқотларни олиб бориш механизмини ўзида намоён этади. Амалий социология нафақат маркетинг жараёнларни ташхис қўйиш, балки тавсияларни ишлаб чиқиш орқали алоҳида олинган бозор сегментида жараёнга таъсир кўрсатиш ва уни ўзгартиришга имкон беради.

Ҳозирги жамиятда маркетинг фаолияти самарадорлигини шартловчи омилларнинг таҳлили, тамойилларни ишлаб чиқиш, экспертиза қилиш – булар социологик тадқиқотларнинг методика ва техникадан фойдаланиш билан ҳал этилиши мумкин бўлган социологиянинг айримгина назарий ва амалий вазибалардир.

Тадқиқот дастури одатда қуйидаги масалаларнинг нисбатан муфассал ва якунланган изоҳини ўз ичига олади:

услубий қисми – муаммони шакллантириш ва асослаш, мақсади кўрсатиш, тадқиқот объекти ва предметини аниқлаш, асосий тушунчаларни мантиқий таҳлил қилиш (тушунчаларни операциялизиация қилиш), тадқиқот гипотеза ва вазибаларни шакллантириш;

методик қисми – тадқиқ этилаётган йўналишларни аниқлаш, социологияга оид дастлабки ахборотларни йиғиш бўйича қўлланилаётган усулларнинг тавсифлаш, ма зкур ахборотларни йиғиш кетма-кетлиги, уни компьютерда қайта ишлаш бўйича мантиқий чизмаларни ташкил этиш.

Дастур ишчи режа билан тўлдирилади, ушбу режада иш босқичлари, тадқиқотларни олиб бориш муддатлари тартибга келтирилади, зарур ресурслар баҳоланади.

Социологик тадқиқотларнинг ўзига хос хусусияти танлама усулидан фойдаланиш ҳисобланиб, унинг моҳияти танлаш жараёнида объектнинг асосий хусусиятларни ҳар томонлама аниқлашдан иборат. Танлаш жараёни ижтимоий объектларнинг сифат тавсифлари ва белгиларининг ўзаро боғланганлиги ҳамда

ўзаро бир-бирини шартланганлиги, шунингдек, унинг бир қисмини яхлит бир бутуннинг микромоделли сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлигига асосланган. Танлаш жараёни ҳодиса ёки жараёнларнинг хусусиятлари тўғрисида гипотезаларни текшириш учун иқтисоднинг энг самарали воситалардан бири ҳисобланади. Амалий социологияда бир бутун деб бош йигиндиси (N билан белгиланади), яъни бутун тадқиқот объекти тушунилади. Танлаб олиш – бошқа йиғиндисининг бир қисмидир. Танлаш йиғиндиси ёки тадқиқ этилаётган йиғиндиси унсурлари респондентлар (сўралаётганлар) ҳисобланади. Танлаб олишни шакллантириш қоидалари шундай-ки, дастлабки босқичда тадқиқот бирлиги сифатида ҳар доим ҳам сўралаётганлар бўлмайти, аввал корхона, муассаса, кейин ўқув гуруҳлари, сўнг эса респондентлар танлаб олинади.

Эҳтимол (ихтиёрий) танлаб олиш “катта сонлар қонуни”га асосланади, у статистика эҳтимолиги тушунчаси билан боғланган. Умумий маънода: қутилаётган воқеанинг эҳтимолик даражаси қутилаётган воқеаларнинг сони барча мумкин бўлган воқеалар сонига бўлган нисбатига тенг бўлган ҳолларда.

Ижтимоий ҳодиса ва жараёнларни ўлчаш учун индикатор ёки шкалалар, яъни жавоб вариантлари қўлланилади. Одатда асосий шкалалар сони учта бўлади: номинал, ранг (тартиб) бўйича ва интервал. Номинал шкаласи кўпинча респондентнинг объектив белгилари (жинси, оилавий ҳолати ёки реал харақатлари)ни ўлчайди.

Социологияда ўлчаш респондентларнинг у ёки бу ашё ёки инсонга нисбатан изоҳлаб берадиган субъектив индикаторларга асосланган. Ранг бўйича шкаласи қатъий тартибда энг юқори қийматдан энг қуйи қийматгача жойлаштирилади. Баҳолаш учун фойдаланилаётган ранг бўйича шкаласисиметрик ҳолда жойлаштирилади. Ижобий қийматга эга бўлган кўрсаткичлар сони салбий қийматга эга бўлган кўрсаткичлар сонига тенг, улар ўртасида эса нейтрал (нол қийматга эга бўлган) кўрсаткич жой олади.

Ечилаётган масала ва қабул қилинаётган методикага қараб қуйидаги социологик тадқиқотлар турларини фарқлайди (1-жадвал).

Қўйилган мақсадларга қараб тадқиқотлар назарий-амалий (ижтимоий тизимлар ривожланишининг умумий тенденцияларни тадқиқ этиш, уларда рўй бераётган қарама-қаршилиқларни таҳлил қилиш, уларни ҳал этиш услуб ва усулларни, яъни умумий назарияни ишлаб чиқишга қаратилган) ва амалий (оптимал бошқарув қарорларни қабул қилиш мақсадида аниқ ижтимоий муаммолар билан боғлиқ) тадқиқотлар бўлиши мумкин.

Ижтимоий ҳодиса ва жараёнларни аниқ эмпирик тадқиқот усулларининг ранг-баранглигини таҳлил қилишда шунини таъкидлаш лозимки, ушбу усулларнинг ҳар бири ўз устун ва заиф томонларга эга ҳамда фақатгина

ижтимоий объектларни ўрганиш бўйича турли усуллардан уйғунлашган ҳолда фойдалангандагина ўрганилаётган объектлар ҳақида тўлиқ ва ишончли билимларни олиб мумкин. Ҳар бир аниқ тадқиқот учун усуллар тўпламини танлаб олиш ўрганилаётган объектининг ўзига хос хусусияти, социолог ёки социологик гуруҳнинг имкониятлари, амалга оширилаётган лойиҳанинг мақсад ва вазифалари билан белгиланади.

I-жадвал

Социологик тадқиқот турлари⁸

| | | |
|--------------------|---|--|
| Мақсад | Назарий-амалий Амалий | |
| Вазифалар | Қидириш (пилотли) Изоҳли Таҳлилий Тажрибали Лойҳа-конструкторли | |
| Объект | Монографик Таққослама | |
| Даврийлиги | Бир марталик Такрор бўладиган | Панелли Трендли Лонгитюдли Мониторингли Когортли |
| Олиб бориш муддати | Узоқ муддатли Ўрта муддатли Қисқа муддатли Экспресс-тадқиқотлар | |
| Миқёс | Халқаро Умуммиллий Минтақавий Тармоқлар Локал | |

Иқтисодий сиёсат чора-тадбирларни амалга ошириш ва стратегик режаларни ишлаб чиқиш бўйича замонави амалиётчилар унинг иқтисодий ривожланиши учун инновацион жараёнларнинг аҳамиятлилигини кўрсатади. Республика ва ҳудудлар даражасида инновацион салоҳиятни таҳлил қилиш инновацион соҳада у ёки бу ўзгаришларнинг истиқболлилиги ва устуворлилигини баҳолаш, уларнинг аниқ бир ҳудудга мослаша олиш даражасини ҳамда аҳоли томонидан уларга бўлган муносабатлар тавсифини прогноз қилиш.

Шу муносабат билан тадқиқотнинг асосий вазифалари қуйидагилар

⁸ Зборовский Г.Е., Шуклина Е.А. Прикладная социология. М., 2004, с.54.

хисобланади:

Ўзбекистон Республикаси минтақалари аҳолиси ва хўжалик субъектларининг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларда инновацияларга бўлган муносабатини аниқлаш;

иқтисодий соҳасида хўжалик субъектларининг инновацион ҳаракатининг асосий стратегияларни ажратиб олиш ва изоҳлаб бериш;

минтақа инновацион салоҳиятининг ўзаришига таъсир этувчи Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва хўжалик субъектларининг ҳаракат тавсифларини аниқлаш;

истиқболда минтақада инновацияларнинг ёйилишига хизмат кўрсатадиган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-демографик ресурсларни таҳли қилиш;

Ўзбекистон Республикаси инновацион салоҳиятининг ривожланишида минтақавий фарқларнинг аҳамиятлилигини баҳолаш.



1-расм. Минтақанинг инновацион салоҳиятни баҳолаш учун бирламчи маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш тузилмаси⁹

Агар минтақанинг инновацион салоҳиятни баҳолаш бўйича тадқиқотлар

⁹ Муаллифлар томонидан илмий адабиётларни умумлаштириш асосида тузилган

тизимли равишда олиб борилса, тасодифий тавсифга эга бўлмаса ҳамда турли маълумот манбаларини қамраб оладиган бўлса, улар самарали амалга оширилади.

Мазкур тадқиқотларнинг ахборот манбалари статистик (тармоқ ва тармоқдан ташқари) ҳисобот маълумотлари ва ўрганиш (анкеталаш, сўровнома, аҳолининг фокус-гурӯҳлари ва бошқа) натижалари ҳисобланади.

Тадқиқотни олиб бориш учун тадқиқотнинг услубий архитектураси ишлаб чиқилган бўлиб, у ҳам статистик маълумотларнинг иккиламчи таҳлилни, ҳам бирламчи социологик маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилишни ўз ичига олади (1-расм).

Минтақаларни танлаб олиш мезонларида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда минтақалар типологиясига амал қилиш мумкин. Бу иерархик типологияси бўлиб, у минтақаларни маконда иккита табақалаштирилган белгилари (иқтисодий ривожланиш даражаси ва ҳудудий инновацион тизимнинг ривожланиш даражаси) бўйича жойлаштиради.

Минтақалар даражасида инновацион ҳаракат стратегиялари тўғрисидаги мазмунли хулоса олиш учун социологик маълумотларни миқдорий таҳлил қилиш, асосий инновацион гурӯҳларни ҳамда уларнинг ҳаракат стратегияларини аниқлаш амалга оширилади. Бунинг учун куйидаги миқдорий социология усуллари қўлланилиши мумкин:

анкета саволлари бўйича частотали тасимлашларни таҳлил қилиш;

корреляцион таҳлил ёрдамида ўзаро алоқаларни таҳлил қилиш ва ўзгарувчилар ўртасида статистик аҳамиятга эга бўлган алоқаларни ажратиб олиш;

бир омили дисперсия таҳлили усули билан ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқлигини таҳлил қилиш;

омиллий таҳлил усули билан кўрсаткичлар дисперсиясига таъсир кўрсатувчи яширин ўзгарувчиларни аниқлаш;

кластер таҳлил уули билан маълумолар массивининг тузилмасини таҳлил қилиш.

Хулоса ва тақлифлар.

Инновацион фаолият минтақалар даражасида ҳудудларнинг инновацион салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида ҳудуднинг рақобатбардошликни ошириш омили ҳисобланади. Ҳозирги шароитда фан ва инновацион фаолият ютуқларидан кенг фойдаланилиши минтақаларнинг барча жабаҳарни изчил ва барқарор ривожланишининг энг муҳим омилига айланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги “О мерах по коренному улучшению условий для развития отрасли информационных технологий в республике” ПФ-5099-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июндаги «Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида инновация технопаркини ташкил қилиш тўғрисида» ПФ-5068-сонли Фармони.

4. Авдулов А.Н., Показатели научно – технического потенциала. Методы сравнительного анализа [Электронный ресурс]/ А.Н. Авдулов, А.М. Кулькин // Курьер российской академической науки и высшей школы, - 2001, - №12, - Режим доступа: <http://informika.ru/text/tagaz/newspaper/messed/cour0112/2700.htm>.

5. Бельченко О.А., Кожевникова Т.М., Подходы к оценке инновационного уровня развития регионов - <http://cyberleninka.ru/article/n/podhody-k-otsenke-innovatsionnogourovnya-razvitiya-regionov>.

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Қодиров А.М., и.ф.д., проф.
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари
ва муаммолари” ИТМ, сектор мудури
Маъмуров Б.Х.,
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон
иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий
асослари ва муаммолари” ИТМ таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада рақамли иқтисодиётни шакллантириш хусусиятлари ва концептуал асослари масалалари кўриб чиқилган, муаллифларнинг назарий ёндашувлари ҳамда мамлакатда рақамли иқтисодиётнинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар очиб берилган.

Таянч иборалар: рақамли иқтисодиёт, рақамлаштириш, иқтимоий иқтисодиёт, глобаллашув, ҳудудий иқтисодиёт.

Кириш.

Глобаллашув ва фан-техника тараққиёти шароитида дунёнинг етакчи мамлакатлари иқтисодиёти рақамли технологияларни ривожлантириш, ушбу технологияларни жорий этиш, улардан фойдаланиш даражаси билан тавсифланади. Кўпгина мамлакатлар рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш устуворлигига асосланиб, миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун янги моделни яратишга киришадилар. Ўзбекистондаги рақамли иқтисодиётнинг қурилиши – турли даражаларда ва иқтисодиётнинг турли соҳаларида миллий хавфсизлик, рақобатбардошлик ҳамда ривожланиш самарадорлигини таъминлайдиган стратегик вазифадир.

Адабиётлар таҳлили.

Ўзбекистонда иқтисодиётда ахборот коммуникация технологиялари ва рақамли иқтисодиётдан кенг фойдаланиш, ҳудудларни ривожлантириш масалалари республикамиз иқтисодчи олимларининг бу борадаги илмий қизиқишлари предмети бўлиб келмоқда. Жумладан, Қ.Абдурахманов, А.Қодиров, С.Зиёдуллаев, К.Бедринцев, К.Хасанжанов, Э.Раҳимов, М.Абдусаломов, Р.Досумов, Э.Ахмедов, А.Усмонов, Б.Рузметов, А.Содиқов, ва бошқа иқтисодчи олимлар ўз илмий асарларида рақамлаштириш шароитида ҳудудларни алоҳида ва комплекс ривожлантириш, ҳудудларнинг рақобатбардошлигини ошириш каби масалаларни чуқур тадқиқ этганлар.

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабҳаларига кенг кириб келаётган рақамли иқтисодиёт шароитида ҳудудий ривожланиш стратегиясининг назарий ва амалий жиҳатлари кенг тадқиқ этилмаган. Ҳозирги вақтга келиб, рақамли иқтисодиёт назарияси тўлалигича ҳали шаклланмаган ва кўпчилик иқтисодчилар томонидан кенг миқёсда ўрганилмоқда.

Тадқиқот натижалари.

Ҳозирги кунда рақамли иқтисодиёт – рақамли технологиялардан фойдаланган иқтисод деган ҳулосага келинди. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг ҳозирги ривожланиш даражаси мамлакатда рақамли иқтисодиётни, шу жумладан замонавий қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун муҳим илмий ва ресурс салоҳиятига эга эканлигини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунга келиб, рақамли иқтисодиёт тушунчаси қатор мамлакатларнинг иқтисодий назарияси ва амалиётида пайдо бўлди. Бу рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши, ахборот соҳасида инқилоб ва иқтисодиётнинг глобаллашув жараёнларини тезлаштириш билан ажралиб туради. Улардан фойдаланиш самарадорлиги ортиб бораётган билимларга асосланади ва ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг тобора кенгайиб бориши билан изоҳланади.

Бозор субъектларининг фаолиятида рақамли трансформацияларнинг асосий омили аввало рақамли маданиятни ривожлантиришдан иборат. Жамиятни ижтимоий ва иқтисодий ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида атроф-муҳит жамиятнинг институционал тузилишига хос хусусиятларини келтириб чиқармоқда ва бу асосда янги тушунчалар ва ёндашувларни шакллантиришга зарурат тугилмоқда.

Ўтган 10 йил мобайнида Ўзбекистон Республикасининг ахборот коммуникация технологияларининг бозори кенг миқёсда бутун мамлакат бўйлаб телекоммуникация тармоқларини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш орқали ўзгарди. Жумладан, Республикамининг барча вилоят марказларида рақамли шаҳарлараро станциялар ўрнатилди, шаҳарлараро ва вилоят ичидаги алоқа линияларида оптик толали кабеллар ҳамда рақамли радио линиялари ўрнатилди, телевидение ва радио узатиш мосламалари модернизация қилинди ва ўрнатилди, CDMA симсиз радиоалоқа тизими жорий этилди. Республиканинг шаҳарлар ва туман марказларининг рақамли телекоммуникацияларни қамраб олиш даражаси 100 фоизга етди. Қишлоқ аҳоли пунктларини телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олиш даражаси 90 фоизни ташкил этиб, ундан рақамли радио линиялари - 52 фоизни ташкил этди. Ўзбекистоннинг телекоммуникация тизими жаҳоннинг 180 та мамлакатига оптик толали ва йўдошли тизимлардан фойдаланган ҳолда 28 та йўналиш бўйича бевосита халқаро каналларга эгаллиги ўз навбатида мамлакатда рақамли иқтисодиётга ўтиш имкониятини беради.

Тараққиёт ва замонавий технологиялар бир жойда тўхтаб турмайди. У мунтазам такомиллашгани сайин, табиийки, соҳанинг қонунчилик асослари ҳам мустаҳкамланиб бораверади.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони ана шундай шиддатли давр талабига ҳамоҳанг равишда ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат эканлиги билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистонда замонавий қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодий тизимининг барқарорлиги ва унинг минтақалар хавфсизлигининг кафолати ҳисобланади.

Бошқа тармоқлар каби қишлоқ хўжалиги ҳам жаҳон иқтисодиётида ўзгаришларга дуч келмоқда. Жаҳон иқтисодиётининг ривожланишидаги асосий тенденциялардан бири рақамли иқтисодиётнинг фаол ривожланиши ҳисобланади. Мамлакатларнинг миллий иқтисоди ҳам жаҳон иқтисодиётида юз берадиган ўзгаришларга мослашади ва баъзан бу ривожланишнинг аввалги даражасига кўра мувофиқлаштирилади. Рақамли технологияларни ривожлантириш даражаси қишлоқ хўжалигига аста-секин таъсир кўрсатади, бу эса янги юқори технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда сунъий ақл имкониятларини кенгайтириш ва бошқа жараёнларни намоён этиш имконини беради.

Ахборот-коммуникация технологиялари, компьютерлаштириш, Интернет, мобиль алоқа ва бошқа хусусиятларга эга бўлган инновацияларни фаол равишда амалга оширадиган замонавий илғор жамиятни ривожлантиришнинг ажралмас қисмидир. Бу эса ҳозирги кунда дунёда ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқилган иқтисодий тизимлар субъектлари маҳсулотлари реализациясида маҳсулотни реклама қилмасдан ахборот билан таъминлайдиган рақамли технологиялардан фойдаланмасдан тасаввур қилиб бўлмайди.

Дунёдаги рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг яна бир сабабчиси жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув жараёнида трансмиллий компанияларнинг фаолияти бўлиб, у алоҳида тармоқлар ва миллий иқтисодиёт тармоқларининг тор доирасини йўқотишга олиб келади ҳамда маҳаллий ва халқаро иқтисодий муносабатларни ривожланишига олиб келади.

Ушбу компаниялар ривожланаётган ташкилотларнинг энг самарали усулларини излашга, корхоналар ичида ўзаро таъсир ўтказиш механизмга, ташқи ва ички харажатларни камайтиришга ҳаракат қиладилар. Бу замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш туфайли амалга оширилади.

Ўз навбатида, кичик компаниялар ўз фаолиятларида рақамли технологияларни фаол равишда қўллашади. Одатда, ушбу технологияларни жорий этиш катта моддий ва молиявий харажатларни талаб қилмайди ҳамда

ушбу технологияларни жорий этишдан олинган натижалар сарф қилинган харажатлардан сезиларли даражада ошади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун имкониятларни аниқлашда репродуктив ёндашувдан фойдаланиш асос бўлади. Бугунги кунда рақамли иқтисодиётнинг ривожланишининг бир қатор асосий кўрсаткичларни келтириш мумкин.

Дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг фаол ривожланиши йигирма йил аввал, 1990 йилларда бошланган бўлиб, бу кўп жиҳатдан World Wide Web, Рақамли Интернет, компьютерлаштириш, роботлаштириш, ахборот-коммуникация компаниялари фаолияти билан боғлиқ. Вақт ўтиши билан рақамли технологиялар аста-секин инсон ҳаётининг барча соҳаларига, шу жумладан, унинг иқтисодий фаолиятига кириб, натижада жаҳон иқтисодиётида фаол равишда тарқалган миллий иқтисодиётнинг кўплаб тармоқлари ва соҳаларига таъсир кўрсатди. Иқтисодиётда мавжуд бўлган “рақамли иқтисод”нинг кўплаб таърифлари орасида энг кенг тарқалган: рақамли иқтисод – ишлаб чиқаришнинг асосий омили рақамли шаклда маълумотлар, катта ҳажмларни ишлов бериш ва таҳлидан фойдаланадиган хўжалик фаолиятидир. Рақамли иқтисодиётни анъанавий бошқарув усуллари билан таққослаганда маҳсулот ишлаб чиқариш, технология, жиҳозлар, сақлаш, сотиш, товарлар ва хизматларни етказиб беришнинг самарадорлигини сезиларли даражада ошириш ҳамда харажатларнинг камайиши мумкинлигидир.

Рақамли технологияларни ривожлантиришнинг ҳозирги даражаси ва уларнинг давом этаётган жараёнларга таъсири бизга рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда “рақамли иқтисод” атамаси таърифини беришга имкон беради. Шу маънода фикримизча, “Рақамли иқтисодиёт – иқтисодиётнинг таркибий қисмлари сифатида сунъий ақллардан фойдаланиш, иш жараёнларини роботлаштириш, ишлаб чиқариш жараёнида турмуш меҳнат харажатларини камайиши, махсус компьютер дастурлари ёрдамида иқтисодий тизимларни моделлаштириш ва дастурий қобилиятини ошириши” – деб, таъриф бериш ўринли.

Фикримизча, рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига ҳисса қўшадиган ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг интеграл элементлари қуйидагилар:

ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларга ахборот бериш ҳамда интернет орқали маълумот алмашиш имконияти;

тезкор ахборот алмашишнинг интерфаол имконияти ва турли бозорларда маҳсулотларни илгари суриш;

бозор майдонини ва рақамли банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

сунъий ақл, робот ускуналари ва бошқа жараёнлар учун мўлжалланган дастурий таъминотдан унумли фойдаланиш асосида тезкор қарор қабул қилиш.

Рақамли иқтисодиёт келажақдаги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади ва шунингдек, айрим саноат тармоқларини, жумладан, қишлоқ хўжалигини самарали ривожлантиришни рағбатлантиради. Ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йирик ва кичик корхоналар ўртасида маҳсулотларни рағбатлантириш учун тенг имкониятлар яратади, бу ўз фаолиятининг самарадорлигини оширади ва соҳада рақобатни таъминлаш учун тенг имкониятлар яратади.

Хулоса ва тавсиялар.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли технологияларни тадбиқ этиш фақат ишлаб чиқариш жараёнининг зарур инфратузилмаси сифатида эмас, балки ишлаб чиқариш жараёнида бевосита сунъий ақлни қўллаш соҳаси, рақамли тизимини яратиш ва ривожлантириш каби имкониятга эга. Шунингдек, рақамли иқтисодиётни қўллашни янада кенгайтириш, тўпланган билим даражаси, фанни ривожлантириш, ишлаб чиқариш жараёнларини техник ва технологик жиҳозлаш ҳамда маҳсулотнинг ҳаётининг даврини барча босқичларида жараёнларни назорат қилиш қобилияти билан чамбарчас боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Гулямов С.С. ва бошқалар. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари// Тошкент - 2019
2. Абдурахмонов К.Х. Рақамли иқтисодиёт: Жанубий Корея тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш истиқболлари – <https://bit.ly/3szIKDV>
3. Аюпов Р.Х., Балтабоева Г.Р. Рақамли иқтисодиёт: муаммолар ва ечимлар.// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, 2019
4. Умаров О. Рақамли иқтисодиёт ва унинг ривожланиш тенденциялари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2018 йил.

ИҚТИСОДИЙ ВА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Х.Х. Мамадалиева, и.ф.д.

**ТДИУ хузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришининг муаммолари ва илмий
асослари” илмий-тадқиқот маркази сектор мудири,**

Анотация. Мақолада демографик ва иқтисодий жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги масалаларининг назарий асослари кўриб чиқилган, аҳоли сонининг ўсиши ва шу жумладан иқтисодиёт ҳолатидаги ўзгаришлари, технологик жараёнларни ўз ичига олган иқтисодий ривожланиш ўртасидаги алоқадорлик таҳлил этилган, мамлакатдаги ижтимоий –иқтисодий ҳолатнинг демографик жараёнларга таъсири меҳнатга лаёқатли ёндаги аҳолига нисбатан боқимандалар сонининг камайганлиги ривожланиш учун қўшимча инвестициялар йўналтириши имкониятларини очиқ беришлари кўрсатилган.

Таянч иборалар. Демографик вазият, ижтимоий –иқтисодий ҳолат, аҳолишиунослик, инвестиция, меҳнат бозори, инсон капитали, иқтисодий фаровонлик.

Кириш.

Иқтисодий тараққиёт ва демографик жараёнлар ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги тўғрисидаги илмий мунозараларнинг тарихи узоққа бориб тақалади. Антик дунё донишмандлари аҳоли ҳолатининг ёмонлашуви мамлакат куч-қудратини заифлашувининг омили эканлигини айтиб ўтганлар. Эрамиздан аввалги иккинчи асрда яшаб ўтган грециялик донишманд Полибий шундай деб ёзган: “Давомли урушлар ва эпидемия ҳолатлари кузатилмаган бўлсада, бизнинг давримизда бутун Грецияда туғилиш жуда паст даражага тушиб кетди ва аҳоли сони шу даражада қисқардики, шаҳарлар бўшаб, ерлар ишловсиз қолди”. [1] Римлик тарихчи Тацит, император Августни давлатнинг зарур шарт-шароитлар яратилмасдан туриб, аҳолини кўпайишини рағбатлантиришга қаратилган омадсиз ислохотларини танқид қилиб, қуйидагиларни ёзган эди: “Натижада никоҳлар сони ҳам, туғилиш ҳам ошмади. Фарзанд кўрмаслик хоҳиши устун келди”. [2] Тарихчиларнинг фикрича, айнан туғилишнинг пасайиб кетганлиги қудратли Рим империяси таназулининг асосий омили бўлди. Босқинчилар ҳужум қилганда, уларга қарши чиқадиغان аскарлар етишмади.

Тадқиқот методологияси.

Танланган методология умумий тадқиқот стратегияси, комплекс таҳлил усуллари, маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш, статистик таҳлил усулларидан фойдаланишнинг комбинациясидир. Улар биргаликда ишда белгиланган мақсад ва вазифаларга еришиш учун муаммонинг кенг

камровли илмий тадқиқотини ўтказишга қаратилган. Таҳлил жараёнида социологик ҳодисаларни тарихий таққослашга асосланган хулосалар олишга қаратилган мотивация ҳақидаги қиёсий маълумотлар жалб қилинади.

Тадқиқот натижалари.

Янги тарихий шароитларда ҳам демографик ва иқтисодий жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги муаммоси ўз долзарблигини йўқотмади. Мунозаралар икки юз йилдан бери давом этиб келмоқда. Шу ўринда Томас Роберт Мальтуснинг “Аҳолишунослик ва уни жамият фаровонлигини яхшиланишига таъсири қонуни тўғрисида тажриба” (1798 й.) номли памфлетини эслаш жоиз. Мазкур ишида Т.Мальтус математик ҳисоб –китобларга асосланган ҳолда, илк бор аҳоли сони ошишининг салбий оқибатлари тўғрисидаги гоёни илгари сурди. Мана шу ва бошқа ишларида Т. Мальтус аҳоли сонининг озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга нисбатан тез ўсиши тўғрисидаги назарияни илгари сурди ҳамда уни асослаб берди ва бу назария ҳозирда ҳам ўз тарафдорларига эга.

19 – асрнинг бошларида илмий доираларда аҳоли сонининг ўсиши ва шу жумладан иқтисодиёт ҳолатидаги ўзгаришлар ва технологик жараёнларни ҳам ичига олган иқтисодий ривожланиш ўртасидаги алоқадорлик мавжудлиги тан олинди. Лекин, Ричард А. Истерлиннинг фикрича, кейинчалик, аҳоли ва иқтисодиёт ўртасидаги боғлиқлик масалаларининг қисқа даврдаги жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилди ва натижада узоқ йиллар давомида илмий адабиётларда бу масалалар етарли даражада ёритилмади, “Ғарбда демографик шароитларда ўзгаришлар содир бўлганда эса, Мальтус тасаввурлари ўз аҳамиятини йўқотди, унинг ўзи эса сохта башоратчи деб эълон қилинди” [3] Бу даврда аҳолишунослик масалаларининг иқтисодий муаммолар билан ҳеч қандай алоқаси йўқ, деган фикр ҳукм сурди. Кейинчалик, жамият ривожланишининг узоқ муддатли муаммолари юзга келгандан сўнг, аҳолишуносликни ўрганиш масаласи яна долзарб бўлиб қолди.[4]

Мана шундай фикрни “Рим клуби” аъзолари ҳам илгари сурдилар. Уларнинг тадқиқотлари демографик омиллар ва иқтисодиётнинг ўзаро боғлиқлиги иқтисодий ўсиш ва турмуш тарзи учун ўта муҳим, деган хулосага келиш имконини берди. “Рим клуби” аъзолари ўз ҳисоб – китобларида истеъмол ҳажмларининг тез ошиши, табиий ресурсларнинг тугаб бориши ва шимол ва жануб ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг кучайиб бориши шароитида аҳоли сони ўсиши чегараларини белгилаб бердилар. [5]

Демографик ва иқтисодий жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги масалалари билан совет фани ҳам шуғулланган, лекин уларга режали жараён сифатида қаралган, яъни режага асосланган хўжалиқда ривожланаётган иқтисодиёт

шунга мувофиқ равишда ўсиб бораётган аҳоли ва меҳнат ресурслари билан таъминланиши зарур. Бу даврда демографик жараёнларнинг ижобий динамикаси йирик ижтимоий дастурларни амалга ошириш, бепул медицина ёрдами кўрсатиш ва ўқитиш орқали таъминланган. Шу ўринда узоқ вақт давомида таъминланган ижобий демографик динамика меҳнат унумдорлигининг юқори суръатлари ва иқтисодий юксалиш билан бирга кечганлиги бежиз эмаслигини таъкидлаш жоиз.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида мамлакатнинг демографик ва иқтисодий ривожланишининг ўзаро алоқадорлиги шубҳа остига олинмай қўйди. Ҳозирги даврда нафақат аҳоли ҳолати иқтисодиётга, балки иқтисодиёт ҳолати ҳам демографик шароитга, жумладан, аҳоли ва меҳнат ресурслари сонининг шаклланиш жараёни ва сифатига боғлиқ эканлиги аён бўлиб қолди.

Аҳоли ва иқтисодиёт ўртасидаги боғлиқликка бўлган ўзига хос ёндашувни Э.Фелпс асарларида кўриш мумкин. Унинг ёндашуви барқарор иқтисодий ўсишга эришиш билан бир вақтда демографик шароитни ҳам яхшилаш концепциясига асосланган. У мамлакатларда “авлодни давом эттиришнинг олтин қоидаси”га риоя қилган ҳолда иқтисодий –демографик ривожланиш Концепциясини ишлаб чиқишни таклиф этган. Мазкур иборани Э.Фелпс илмий доираларга “капитал жамғаришнинг олтин қоидаси” (истеъмолнинг юқори даражаси билан бирга, иқтисодиётни барқарор ҳолатини ҳам таъминлаш имконини берувчи капитал жамғариш даражасига эришиш) иборасидан келиб чиқиб олиб кирди. У ривожланиш даражаси паст бўлган мамлакатларда аҳоли сонининг ўсиши иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди, деган фикрдан келиб чиқади. Шунинг учун “авлодни давом эттиришнинг олтин қоидаси” моделининг асосий қоидаси қуйидагича бўлиши керак: “туғилиш коэффициенти қанчалик паст бўлса, аҳоли жон бошига тўғри келадиган доимий даромад шунчалик юқори бўлади”. Э.Фелпсининг фикрича, “авлодни давом эттиришнинг олтин қоидаси” туғилиш махсус коэффициенти ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмолга боғлиқ бўлган ижтимоий фаровонлик функциясининг максималлашувини таъминловчи барқарор ўсишнинг мувозанатини белгилайди” / [6]

XX асрнинг 80-йилларида Японияда “миллий куч–удрат” концепцияси ишлаб чиқилди. Унинг асосий жиҳати аҳоли ҳолатини алоҳида эътиборга олинганлигида бўлди. Айни пайтда мазкур концепцияда марказий ўринни учта категория эгаллайди: [7]

- “халқаро ҳамжамиятга ҳисса қўшиш қобилияти”;
- инқирозлар ва халқаро миқёсдаги экстримал ҳолатларга дош бера олиш қобилияти”;
- “давлатнинг бошқа мамлакатларга ўз иродасини ўткази билиш қобилияти

сифатида куч ишлата олиш имконияти борасидаги” салоҳияти.

Мазкур кўрсаткичларнинг ўртача миқдори ҳар бир давлат учун “ миллий куч-қудрат” индексини ифодалайди. Таъкидлаш жоизки, дош бера олиш қобилиятига аҳоли сони ва миллий ҳуққ–атвор, ахлоқ–одоб каби кўрсаткичлар киритилган.

XX асрнинг 90-йилларда кўпчилик мамлакатларда жамият манфаатлари тизимида устуворликлар ва демографик муаммоларга бўлган муносабатларда ўзгаришлар рўй берди. Буни Россия ва ҳатто Ўзбекистон мисолида ҳам кўриш мумкин. Мамлакатдаги ижтимоий –иқтисодий ва ҳатто ижтимоий– сиёсий ҳолатларнинг демографик жараёнларга таъсири кучайиб борди. Россия ижтимоий–иқтисодий ҳолатнинг кескин ёмонлашуви таъсирида демографик инқирозга қараб юз тутди ва уни 20 йилдан бери енгил шимонияти топилганича йўқ. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ЯИМ ҳажмининг ўсиш суръатлари пасайиб, аҳолини катта қисмининг турмуш даражаси сезиларли даражада ёмонлашди. Бундай шароитларда аҳоли такрор барпо бўлиши кўрсаткичлари ҳам пасайиб кетди. Республика Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 90-йиллар давомида туғилишнинг умумий коэффициенти 34 дан 19 промиллега, туғилишнинг махсус коэффициенти 4,199 дан 2,347гача пасайиб кетди. Бир неча ўн йилликлар давомида шакланган кўпболалилик тенденциялари ҳисобга олинган бўлса, туғилишнинг бу даражада пасайиб кетишини тасаввур қилиш қийин. Кейинчалик бундай тенденцияларни иқтисодий ўсишнинг тезлашиши ва аҳоли турмуш даражасининг ошиб бориши билан бартараф этиш имконияти пайдо бўлди.

Инсон капитали ишлаб чиқаришнинг муҳим омилига айланган ҳозирги даврда демографик жараёнлардаги ва аҳоли таркибидаги ўзгаришлар иқтисодиётга, айниқса ижтимоий маҳсулотни қайта ишлаб чиқаришга бевосита таъсир кўрсатади. Ҳозирда айниқса демографик вазият мураккаб бўлган мамлакатларда, бу борадаги муаммоларга миллий ва иқтисодий хавфсизлик нуқтаи назаридан қарала бошланди.[8] Жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларида демографик хавфсизлик масалалари ўзининг муҳимлиги жиҳатидан харбий, иқтисодий ва сиёсий хавфсизликка тенглаштирилмоқда. Шунинг учун ҳам демографик устуворликларга умуммиллий манфаатлар сифатида қараш давлатнинг муҳим вазифаси бўлиб қолимоқда.

Демографик жараёнлар билан иқтисодий ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги мунозаралар давом этаётган бўлсада, кейинги йилларда мазкур воқеликлар орасидаги алоқадорлик борасидаги фикрлар анча мустаҳкамлана бошлади. Айни пайтда мамлакатлардаги иқтисодий муаммолар аҳолининг ҳам кенгайтирилган, ҳам тор такрор барпо бўлиши билан боғлиқликда ўрганилмоқда. БМТнинг Аҳолишунослик фонди маърузаларида

экспертларнинг ривожланаётган мамлакатлар мисолидаги кузатувлари натижалари келтирилади. Уларда аҳоли сонининг тез ўсиши ва кўпболалилик иқтисодий ўсишни секинлаштириши ва қашшоқликнинг сақланиб қолишига сабаб бўлиши таъкидланади. Лекин тугилиш кўрсаткичлари паст бўлган мамлакатларда иқтисодий ўсиш муаммолари аҳоли ва ишчи кучинининг камайиши билан боғлиқ эканлиги ҳам эътироф этилади. Россиялик тадқиқотчиларнинг хулосаларидан шу маълум бўладики, демографик ва иқтисодий тизимнинг ривожланиш суръатларидаги номуносиблик ишчи кучи бозорини ривожланишига таъсир этувчи қарама-қаршиликларни келтириб чиқариши Россиядаги демографик ҳолатнинг хусусиятини акс эттиради.[9] Демак, бундан давлатлар иқтисодий ўсишни тезлаштириш учун демографик муаммоларни ҳал этишлари керак бўлади, деган хулоса чиқиш келади.

БМТ аҳолишунослик бўйича экспертларининг таъкидлашича фақатгина демографик ўсиш эмас, балки ёш пирамидасининг ўзгариши, яъни меҳнатга яроқли ёшдаги аҳоли сонининг боқимандалар сонига бўлган нисбати асосий демографик омил бўлиб ҳисобланади. Бу шуни англатадики, ишчи кучини ўзига тортувчи меҳнат бозори имкониятларининг кенгайиши иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошишини таъминлайди. Бу билан иқтисодий ўсишнинг “демографик дивидендлари” яратилади ва бу ўз навбатида омонат, жамғарма ва инвестицияларнинг ошишига олиб келади. Бундай шароитларда аҳоли ва ишчи кучини сифат жиҳатдан ривожланиши учун зарур шарт–шароитлар яратилади. Кам болали оилалар ўз болаларининг таълими ва саломатлиги учун каттароқ маблағ сарфлаш имкониятига эга бўлади ва бу ишчи кучини янада самарали қилади. Лекин иқтисодиёт ва жамият “демографик дивидендлар”ни автоматик тарзда ўзидан – ўзи ололмайди. Масалан, Лотин Америкаси мамлакатларидаги қулай демографик вазият тўғри танланган ривожланиш стратегиясига таянмаганлиги оқибатида мазкур дивидендлар самарадорлигининг ва шунингдек, аҳолининг катта қисмини, айниқса кам таъминланган оилалар даромадлари даражасининг пасайишига олиб келди.

Демографик ва иқтисодий жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги борасидаги юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар мана шу алоқадорликнинг қарама-қарши ҳолатини ифода этадиган иккита йўналишни ажратиш кўрсатиш мақсадга мувофиқлигидан далолат беради, яъни “аҳоли- иқтисодиёт” ва “иқтисодиёт–аҳоли”. Илмий адабиётларда ижтимоий–иқтисодий ривожланишнинг қиёсий параметрларидан, жумладан, иш билан бандлик ва ишсизлик, (бунда масаланинг гендер жиҳатларига ҳам эътибор қаратилади), аҳоли турмуш даражаси, камбағаллик ва кам таъминланганлик, аҳолининг уй –жой билан таъминланганлиги, таълим тизимининг ҳолати ва

бошқалардан фойдаланилган ҳолда иқтисодиётнинг аҳолига таъсири кўриб чиқилади. “Аҳоли-иқтисодиёт” муаммосига, одатда, демографик такрор барпо бўлиш муаммолари анча ўткир бўлган мамлакатларда алоҳида эътибор қаратилади.

Юқорида қайд этилган алоқадорликнинг иккинчи - “иқтисодиёт–аҳоли” йўналиши ҳам шубҳасиз муҳим ҳисобланади. Жаҳон мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодий ривожланиш суръатларининг тезлашиши ва пасайиши кўп жиҳатдан демографик ҳолат, шу билан бирга, аҳолининг сони ва жойлашуви, унинг ёш таркиби, зичлиги, миграция даражаси ва сальдосига боғлиқдир.

Ҳозирги шароитда жаҳон демографик фанида оила ривожланишининг иқтисодий жиҳатлари, шу жумладан, авлодларни ўрганиш борасидаги тадқиқотлар миқёслари кенгайиб бормоқда. Бу соҳада тадқиқотларнинг иқтисодий жиҳатлари бевосита оилага таалуқдир. Иқтисодий жиҳатдан авлодларни ўрганишга бўлган қизиқиш тарихи узоққа бориб тақалади. 19-20 асрлар чегарасида россиялик иқтисодчи А.В.Чаянов авлодлар ўртасидаги муносабатларни деҳқон хўжаликлари мисолида тадқиқ қилган. Кейинчалик немис социологи Карл Манхейм авлодга ижтимоий жараёнлар эволюциясининг энг асосий ҳаракатланувчи кучи сифатида қараш зарурлигини асослаб берган, ва авлодлар муаммосини ўрганиш ижтимоий ва интеллектуал хатти–ҳаракатларни англаб етишда жуда муҳим эканлигини таъқиқлаб ўтган.[10] 60-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, авлодлар ва авлодлараро трансфертлар иқтисодий тадқиқотларнинг ажралмас қисми бўлиб қолди. Жумладан, илмий ва амалий доираларда “болаларга йўналтирилган инвестициялар портфели” деган ибора ишлатила бошланди. Инвестиция портфелининг шаклланиши, уларни мақсадли йўналтирилиши жараёнларини тадқиқ қилишга бўлган услубий ёндашувлар ишлаб чиқиладиган бошланди. Болаларга йўналтирилган инвестициялар портфели шаклланишининг хусусиятлари ва асосий йўналишлари, ва шунингдек ўсиб келаётган ёш авлодга йўналтирилган молиявий маблағлар, яъни ёш болаларга қилинган инвестициялар, катта фарзандларга трансфертлар, ота-оналардан мерос қолган маблағ ва мол-мулкни тақсимлаш имкониятлари тадқиқ қилинди. Бу шуни англатадики, ота-оналар фарзанд туғилганда танловни амалга оширишлари мумкин: маблағларни инсон капиталига йўналтириш (оиладаги ёш болаларга инвестиция қилиш) керакми, ёки ёши катта фарзандларга мерос қолдириш керакми. Ҳозирги шарт –шароитларда оиладаги авлодлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг долзарблиги ортиб бормоқда. Чунки улар нафақат ота – оналарнинг фарзандлар тарбияси бўйича мажбуриятларининг иқтисодий жиҳатларини, балки ёш авлоднинг кекса авлод олдидиги

масъулияти масалаларини ҳам ўз ичига олади. Машхур француз демографи Альфред Сови барча мамлакатларда ўз фарзандларига мол-мулк, ижтимоий мақом ва ақл-заковотида акс этган ўз номидан ҳам юксакроқ бирор бир нарсани мерос қилиб қолдириш қудратли ҳаракатлантирувчи куч, фаолиятни амалга оширишга ундовчи омил бўлиб қолишини таъкидлаган эди.[11]

Ҳозирда Ўзбекистонда авлодлар ўртасидаги трансфертларни шаклланиши учун қулай шарт- шароитлар вужудга келмоқда. Иқтисодий ўсиш суръатларининг тезлашганлиги бунга асос бўлмоқда. Бундан ташқари аҳолининг ёш таркиби яхшиланди. Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, мустақил ривожланиш йилларида меҳнатга лаётқатли ёшдаги аҳоли улуши 49,1 дан 60,5% га етди. Бундай ҳолат боқимандалар улусининг камайганлиги ва ишлаётган кишилар сонининг ортиб борганлигини кўрсатади.

Жаҳон тажрибасидан кўринадики, аҳоли ёш таркибидаги бундай ўзгаришлар иқтисодий имкониятларда ўзига хос “демографик дарча” очиб беради. Бу ғарб илмий манбаларида “демографик дивидендлар”, деб аталади. Унинг мазмуни шундаки, меҳнатга лаётқатли ёшдаги аҳолига нисбатан боқимандалар сонининг камайганлиги ривожланиш учун қўшимча инвестициялар йўналтириш имкониятларини очиб беради.

Хулоса.

Ҳозирги вақтда иқтисодий ва демографик жараёнларнинг ўзаро самарали амал қилишига эришиш кўп жиҳатдан аҳолининг сифатига боғлиқ. Инновацион ривожланиш йўлига ўтиш шароитида аҳолининг ва инсон капиталининг сифат жиҳатдан ўсиши, нафақат иқтисодий ўсишнинг, балки мамлакат ва унинг иқтисодиётини дунё бозорида рақобатбардошлигини таъминлашнинг ҳам асосий омилларидан бири бўлиб қолмоқда.

Америкалик иқтисодчи Эдвард Дениссоннинг баҳолашига кўра 1929-1982 йиллар давомида АҚШ реал миллий даромадининг 14% ишчи кучи сифатини яхшилаш ҳисобига ўсган бўлиб, будеярли капитал ҳаражатлари (19,5%) омили таъсири билан тенг дейиш мумкин.[12] Бу шуни англадики, инсон капиталига йўналтирилган инвестициялар меҳнат унумдорлигини ўсишини ва умумий ҳолда иқтисодий ўсишни таъминлашда катта самара беради, таълимга йўналтирилган инвестициялар эса асбоб–усуналар, жиҳозларга қилинган инвестициялардан кам самара бермайди. Умумий таълим ва касб таълими тизимига инвестицияларни узлуксиз киритиш, илмий–педагог кадрлар малакасини ошириш тизимидаги ишларни такомиллаштириш, уларни самарадорлигини ошириш аҳоли ва ишчи кучи сифатини яхшилашга хизмат қилади. Бунинг натижасида иқтисодий ва демографик жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги самарадорлигини таъминлаш имкониятлари кенгайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Киселев С.Г. Основной инстинкт цивилизаций. М., 2002. С.306
2. Иқтибос қуйидаги бўйича: Демографические перспективы России. М.: 2008. С.64 б.
3. Политическая наука. Новые направления. М.: 1999. С.121
4. Истерлин Ричард А. Население: экономические аспекты проблемы в долгосрочной перспективе. В кн. «Современная экономическая мысль». М.: 1981. С.683
5. Иқтибос қуйидаги бўйича: Демографические перспективы России. М.: 2008. С.48-49
6. http://fullref.ru/job_6f58e99f19399d0a590475edde0662b.html
7. Демографические перспективы России. М.: 2008. С.79
8. Демографические перспективы России. М.: 2008. С.81
9. Каюков В.В. Взаимосвязь демографических процессов с состоянием экономики (текст) –Пермь: Меркурий, 2014. С.177-180
10. Манхейм К. Очерки социологии знания. Цит.по Экономика народонаселения. Учебник. МГУ. М.: Издание ИНФРА-М. 2007. С. 305
11. Сови А. Общая теория населения. М.: Прогресс, 1977. С. 264
12. Кэмпбел Р. Макконнелл, Стенли Л. Брю. Экономикс. Том 1. М.: Республика. 1982. С. 384

ЎЗБЕКИСТОНДА ТОЛЕРАНТЛИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИЧКИ ВА ТАШҚИ ТУРИЗМНИНГ ТАЪСИРИ ВА РОЛИ

А. Мамиров,
“Ижтимоий гуманитар фанлар”
кафедраси таянч докторанти, ТДИУ

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон аҳолисининг толерантлик маданиятини ривожлантиришида ички ва ташқи туризмнинг таъсири ва роли аниқ фактологик материаллар, муаллифнинг шахсий кузатувлари асосида таҳлил этилган.

Таянч иборалар: толерантлик маданияти, туризм, сайёҳлар, инфраструктура, хорижий давлатлар, қонун ва қонуности хужжатлар.

Кириш.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатнинг туб моҳиятида миллатлараро толерантлик ва бағрикенглик ғоялари ётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда бутунги кунда юртимизда ўзга давлатлардан сайёҳларни жалб қилиш ва шу билан бирга ватанимизда туризм соҳасини ривожлантириш ишларига давлат даражасида аҳамият берилмоқда.

“Малулки, туркий тили мамлакатлар халқлари бутун инсониятнинг бойлиги ҳисобланган ўзига хос бебаҳо маданий-тарихий ва маънавий меросга эга. Мамлакатимизда туркий ва ислом цивилизациясининг тарихий ёдгорликлари, буюк олимлар, шоир ва мутафаккирлар, рассомларнинг мероси асраб-авайланади. Бу бебаҳо бойлик бутун инсоният мулки бўлиб, ундан бутун дунё баҳраманд бўлиши керак. Зиёрат туризмини фаол ривожлантириш бунга хизмат қилади. Туризм индустрияси иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида мамлакатлар ва халқларни яқинлаштиришда муҳим рол ўйнайди¹⁰.”

Қайси давлатда ички ва ташқи туристик имкониятлар кенг ривожлантирилса, бу шубҳасиз ўша давлатда миллатлараро тотувлик, тенглик, толерантлик маданиятининг ривожланишига олиб келади. Чунки инсон қанчалик кўп бошқа давлат ва элатларнинг урф-одатлари ва маданияти билан таниш бўлса, шунчалик унга бўлган ҳурмат ва иззат ортади.

Таҳлил ва натижалар.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ички ва ташқи туризм хизматлари таркибини диверсификация қилиш ва туризмнинг янги турларини

¹⁰ Шавкат Мирзиёев. «Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари». Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020. - 266-267-б.

ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар олиб борилди. Хусусан, МІСЕ туризм яни, Ўзбекистонда турли учрашув, конференция ва кўргазмаларни ташкил этиш орқали сайёҳлар оқимини кўпайтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Хоразмда анъанавий тарзда ўтказиладиган «Баҳодирлар ўйини» спорт турнири, Сурхондарёда «Бахшичилик санъати» фестивали, Қорақалпоғистонда «Муйнак-2019» авторалли мусобақалари ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистонда МІСЕ-туризмни ривожлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб тасдиқланди.

Тарихга назар ташласак, Ўзбекистон тарихида жуда кўп маданиятлар қоришмасини кўришимиз мумкин. Ўзбекистонга бўлган турли ҳил босқинчилик юришлари, юрт чегараларининг кенгайиши, араб, мўғул ва рус миллатларининг диёримизда узоқ йиллар давомида муқим фаолияти туфайли мамлакатимизда ўзига хос бўлган, ислом дини руҳида суғорилган аралаш маданият юзага келди. Бундай маданиятнинг юзага келишида шубҳасиз бошқа элат вакилларининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Шунинг учун ҳам юртимизга келган ҳар бир сайёҳ, ватанимизда жойлашган тарихий обидаларда, музейларида ва маданият марказларида қисман бўлса ҳам ўз юртига ва маданиятига тегишли қирраларни кўриши мумкин. Юртимизда ҳар бир миллат вакили ўз ўрнида тенг эканлигини, толерантлик тамойилларига азал-азалдан риоя қилиб келинганлигини мана шу маданиятлар қоришмасидан билишимиз мумкин.

Юртимизда зиёрат туризмни ривожлантириш учун жуда кенг имкониятлар мавжуд. Хусусан икки минг йиллик тарихга эга обидаларимиз, ўрта асрларга тегишли тарихий иншоотларимиз ҳали ўз ичида қандай тарихий сирларни яшириб ётгани, фанга яна улкан ҳиссасини қўшиши мумкин бўлган янгилеклар бор эканлигини ҳали биламаймиз. Бу борада юртимизда кенг ислохотлар, илмий изланишлар олиб борилмоқда. Агар баъзи бир олимларимиз қолдирган илмий қарашлар тасдиқланса юртимиз туристик имкониятлари янада кенгайиб, бутун дунёга кенг юз очиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

“Тарихий тажриба, анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши – буларнинг барчаси янгидан –янги авлодларни тарбиялайдиган қадриятларга айланиб қолмоғи лозим. Бизнинг маданиятимиз бутун инсониятни ўзига ром этиб келаётган марказ бўлиб қолаётганлиги тасодифий эмас. Самарқанд, Бухоро, Хива фақат олимлар ва санъат ихлосмандлари учунгина эмас, балки тарих ва тарихий қадриятлар билан қизиқувчи барча кишилар учун зиёратгоҳга айланган¹¹.”

¹¹ И.Каримов. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва

Ички ва ташқи туризмни такомиллаштиришнинг асосий мақсади – ноёб туристик ва рекреацион ресурслардан, ички урф-одатлардан, туризм соҳаси тадқиқотларининг илмий ютуқларидан фойдаланган ҳолда ҳамда асосий вазифалар ечимини таъминлаш асосида замонавий ва рақобатдош туристик комплексни яратишдир:

- Маҳаллий, МДХ ва хорижий мамлакатлар фуқароларининг эҳтиёжларини қондириш, меҳмонларга тенг ҳуқуқли юқори сифатли туристик хизматлар ва аҳолининг дам олишлари учун шарт-шароит яратиш;

- Худудлар иқтисодиётини ривожлантиришда туристик комплекснинг ҳиссасини ошириш;

- Табиий ресурслар ва курортларни, илмий, маданий ва тарихий меросни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш.

Бизнинг фикримизча, белгиланган мақсадларга эришиш учун бир қатор асосий тамойилларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Улар қуйидагилардан иборат:

- Хусусий туризм соҳасидаги объектларнинг тўлиқ инвентаризациясини ўтказиш, ушбу объектларни рўйхатдан ўтказиш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ва хусусий туристик объектларнинг реестрини шакллантириш;

- Ташкилий-ҳуқуқий шакллар ва мулкчилик турининг барча турдаги туристик ташкилотларининг муваффақиятли ишлаши мақсадида, туризмни ривожлантириш учун меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

- Худудларда туристик ташкилотларнинг ривожланишини рағбатлантириш учун оқилона солиқ сиёсати ва иқтисодий механизмларни шакллантириш;

- Давлат кафолатлари ва маҳаллий қўллаб-қувватлашнинг бошқа чоралари билан туризмга инвестицияларни жалб қилиш;

- Табиий ресурслар ва дам олиш масканларини сақлаш, улардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш;

- Туристик хизматларнинг юқори технологик ва рақобатбардош ички бозорини шакллантириш мақсадида транспорт, қишлоқ хўжалиги, саноат, банк ва инвестиция тузилмалари, сўғурта компаниялари ва реклама агентликлари билан туристик ташкилотларнинг ҳамкорлиги учун шароит ва имкониятларни яратиш;

- Хизматларни сертификатлашнинг халқаро тизими орқали соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тартибга солишни кучайтириш;

- Туризм соҳасида раҳбарлар ва мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, сертификатлаш тизими орқали ягона кадрлар сиёсатини амалга ошириш. Туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солиш шакллари туристик маҳсулотлар ва хизматларга талаб ва таклиф

таракқиёт кафолатлари”. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1997. -140-141бетлар.

ўртасида динамик мутаносибликка эришиш мақсадида соҳани барқарор ривожлантиришга таъсир этишнинг асосий йўналишларини назарда тутди.

“Туризмни иқтисодийнинг стратегик тармоғига айлантириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолади.

Хукумат олдидаги энг муҳим вазифалардан бири – жорий йилда юртимизга келадиган туристлар сонини 7,5 миллионга етказишдан иборат.

Маълумки, қатор нуфузли хорижий оммавий ахборот воситалари 2020 йилда Ўзбекистонни саёҳатга албатта бориш тавсия этилган мамлакатлар қаторига киритди. Биз бундай имкониятдан унумли фойдаланишимиз керак.

Катта салоҳиятга эга бўлган зиёрат ва тиббиёт туризмини ҳам жадаллик билан ривожлантириш зарур¹².”

Ўзбекистон президентининг юқорида келтирилган сўзларидан хулоса қилсак, юртимизда туризм соҳаси аҳамияти жиҳатидан энг олдинги ўринларда туришини кўришимиз мумкин. Албатта туризм соҳаси барча миллат ва элатларнинг бирлашишида жуда катта рол ўйнайди. Зиёрат туризми – айниқса диний толерантлик маданиятини шакллантиришда жуда катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга дам олиш масканларининг кўпайтирилиши, боғлар ва кўнгил очар объектларнинг қурилиши ҳозирги кунда жадал суръатларда давом этмоқда.

Туризм ривожланиши ёшларимиз онгида энг аввало маданиятлар алмашинуви ривожига ва шу билан бир қаторда ўзга миллатлар урф-одатларига, қадриятларига, маънавий ва маданий меросларига ўзаро ҳурмат билан қараш тушунчаларини шакллантиради. Бу борада ёшларимиз онгида туристик маданиятини шакллантириш баробарида толерантлик маданиятини шакллантиришимиз, мамлакатимизда миллатлараро, конфессиялараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашимиз мамлакатимиз равнақи учун муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса.

Хулоса ва тақлиф ўрнида шунини айтиш мумкинки, ички ва ташқи туризмни ривожлантиришда жаҳон амалиёти шунини кўрсатадики, мазкур индустрияни юқори даромадли соҳага айлантириш учун давлат ва хусусий сектордаги барча иштирокчиларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва мустаҳкамлаш зарур. Бунда, ҳукуматнинг роли халқаро, миллатлараро ҳукумат ва хусусий сектор даражаларида туризм соҳасидаги ривожланиш сиёсатини мувофиқлаштириш ва режалаштиришни таъминлашдир.

Туризмни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал қилиш пандемиядан кейинги даврда Ўзбекистонда туризм имкониятларини

¹² Шавкат Мирзиёев. «Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари».Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020. -28-29-бет.

ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди. Туризм индустриясининг рав-нақи на фақат миллий иқтисодиёт, балки мамлакатимиз аҳолисининг толерантлик маданиятини ривожлантиришга ҳам катта таъсир кўрсатади, бу ўз ўрнида Ўзбекистонимизнинг бошқа давлатлар билан алоқасини янада ривожлантириш имкониятини кучайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шавкат Мирзиёев. «Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари». –Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2020.
2. И.Каримов. "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари". Тошкент: "Ўзбекистон", 1997.

МОЛ-МУЛКНИ ИШОНЧЛИ БОШҚАРИШ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ОПЕРАЦИЯЛАР ҲИСОБИ

Х.А. Ортиқов,

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий
асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази
“Молия бозори ва молия-банк тизимини ривожлантиришнинг
методологик муаммолари” сектори мудири*

Аннотация. мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини билан боғлиқ операцияларни таъсисчиси, фойда олувчи, ишончли бошқарувчининг бухгалтерия ҳисобида акс эттириши тартиби такомиллаштириши кўриб чиқилган ва Счётлар режасига қўшимча счётлар тавсия этилган.

Таянч иборалар: мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси, бошқарув таъсисчиси, ишончли бошқарувчи, фойда олувчи, мол-мулк комплекси, молиявий ҳисобот, даромад (харажат), фойда (зарар), асосий қарз.

Кириш.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда мулкий ислохотларнинг янги босқичи амалга оширилиши натижасида мулк ва мулкдорлик тушунчаларига бўлган қарашлар тубдан ўзгариб, хусусий мулкчиликка кенг эътибор қаратилганлиги мулкий муносабатларда хусусий манфаатларни ҳимоя қилиш тизими ва кафолатлари сезиларли даражада кучайганлиги мол-мулкнинг иқтисодий муомала объекти бўлишини таъминлашга катта ҳисса қўшди.

Иқтисодий қонунчилик тизимини хусусий мулк кафолатларини мустаҳкамлаш йўлидан ривожлантириш республикамызда мулкий муомаланинг самарали тартибга солиниши учун асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан мулкий муомаланинг ўзига хос шакли бўлган мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг (кейинги ўринларда – Шартнома) ҳуқуқий асосларини ривожлантириш ва мазкур шартномани қўллаш амалиётини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижалари.

Республикамызда мол-мулкни ишончли бошқаришнинг иқтисодий жиҳатини меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда ёритиш бўйича кенг қўламли тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шартноманинг меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 49-боби (849-861-моддалари) да назарда

тутилган. Бошқарув таъсисчиси, ишончли бошқарувчи ва фойда олувчи Шартноманинг субъектлари бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Шартномани амалга ошириш билан боғлиқ операцияларни солиққа тортиш тартибини тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Бунда келтирилган меъёрлар Шартномани амалга оширишда юзага келадиган солиқ мажбуриятлари бўйича аниқ ҳулосалар қилиш имконият беради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида, мол-мулкишончли бошқарувга топширилганда бошқарув таъсисчисининг солиқ мажбуриятини бажариш бўйича иккита вариант назарда тутилган: бошқарув таъсисчисининг солиқ мажбуриятини бажариш ишончли бошқарувчи юклатилади (кейинги ўринларда – биринчи ваприант) ёки бошқарув таъсисчиси томонидан бажарилади (кейинги ўринларда – иккинчи ваприант).

Шуни алоҳида такидлаш лозимки, юқорида айтиб ўтилган меъёрий ҳужжатларда асосан фақатгина Шартномани амалга оширишни ҳуқуқий ва ташкилий томонлари, солиқ аспекти келтирилган, бироқ ҳисобга олиш масалалари, яъни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш очиб берилмаган. Бунинг натижасида амалиётида Шартномани амалга ошириш жараёнини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича муаммолар юзага келмоқда.

Юқорида келтирилган иккита вариантда Шартномани амалга ошириш билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш тартиби ҳар хил бўлади.

Бошқарув таъсисчисининг бухгалтерия ҳисобида ишончли бошқарув объекти актив (дебиторлик қарзи) сифатида Шартнома кучга кирган санадаги баланс қиймати бўйича акс эттирилади.

Биринчи вариантда, Счётлар режасида 0941 «Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича узоқ муддатли дебитор қарзлар» счёти ва 4891 «Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича дебитор қарзлар – жорий қисми» счёти ишончли бошқарувчилар кесимида очилиши лозим.

Иккинчи вариантда, 4130 «Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича олинadиган счётлар» счёти ва 6130 «Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича тўланадиган счётлар» счёти ишончли бошқарувчилар кесимида очилиши лозим.

Бошқарув таъсисчиси томонидан Шартномага тўғри келадиган фойда ҳисобига олинган пул маблағлари ҳар бир ҳисобот даврида бошқа операцион даромадлар таркибида акс эттирилиши керак.

Бунда, биринчи вариантда ишончли бошқарувга берилган мол-мулкнинг актив (дебиторлик қарзи) сифатида ҳисобга олинган қиймати мазкур ишончли бошқарув объекти бўйича амортизация ажратмаси суммасига тенг қисми

(миқдори) ойма ой давр харажатларига бошқа операцион харажатлар сифатида олиб бориш йўли билан ҳисобдан чиқариб борилади.

Шартномадан фойда олувчига тегишли бўлган фойда ва мол-мулкни ишончли бошқариш вақти давомида аниқланган ишончли бошқарувчи томонидан қопланадиган бой берилган фойда, фойда олувчида бошқа операцион даромадлар сифатида акс эттирилиши лозим.

Ишончли бошқарувчи томонидан бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда ҳар бир Шартнома бўйича операцияларни мустақил ҳисобини, ишончли бошқарувчининг мол-мулки билан боғлиқ операциялардан алоҳида бўлиши таъминланади.

Шартнома бўйича асосий қарзни ҳисобга олиш мақсадида турли кредиторларга бўлган узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (7900) таркибида алоҳида 7930 «Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича узоқ муддатли қарзлар» счёти бошқарув таъсисчиси ва фойда олувчи кесимида очилиши лозим.

Корхонани тўлиқ мол-мулк комплекси сифатида ишончли бошқаришга берилган ҳолларда ишончли бошқарувчи томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш алоҳида балансга эга бўлган юридик шахслар учун ўрнатилган тартиблар бўйича амалга оширилиши лозим.

Хулоса.

Юқорида қайд этиб ўтилган таклиф ва мулоҳазалар бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича амалдаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилиши бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг жаҳон амалиётида қабул қилинган услубий тамойиллар билан мувофиқлигини, молиявий кўрсаткичларнинг хорижий мамлакатларда қўлланадиган айнан шундай кўрсаткичлар билан таққосланишини таъминлайди, ҳисоб сиёсати ва ҳисобот маълумотларини ватанимиз ва хорижий мутахассислар томонидан тушунилишидаги фарқларни тугатади, республикада бухгалтерия ҳисобининг сифати ва ишончилигини халқаро миқёсда тан олинishi корхоналарининг молиявий ҳисоботида ишончни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. Тошкент, 1996 йил 29 август.*
2. *Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Тошкент, 2019 йил 30 декабр.*
3. *Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонуни. Тошкент, 2016 йил 13 апрел.*
4. *Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БҲМС) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома»*

(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган).

5. Бугаев. А. В. Бухгалтерский учет – Витебск : УО «ВГТУ», 2008. – 493 с.

6. Зеленская Т. Учет операций по доверительному управлению имуществом Главбух, Выпуск №1 - января 2017 г.

7. Калденбергер А., Учет договоров доверительного управления. Бухучет на практике, Выпуск №7 - июля 2018 г.

8. Топилдиев Б.Р. Мол-мулкни ишончли боиқариши шартномасини такомиллаштириши, Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати, Тошкент -2020 й.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА КЛАСТЕРЛАР ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

*М.Х. Саидов, и.ф.д., профессор,
Тошкент давлат аграр университети,
И.С. Очилов, и.ф.н., доценти,
Тошкент давлат аграр университети*

Аннотация: Мақолада янги Ўзбекистонда кластерлар фаолияти таҳлилин-
такомиллаштиришида хориж тажрибапларидан фойдаланиш масалалари келтирил-
ган. Муаллифлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари асосида
Ўзбекистонда кластерлар фаолияти самарадорлигини оширишига оид тақлифлар тав-
сия этилган.

Таянч иборалар: кластер, агрокластер, самарадорлик, озиқ-овқат, иқтисодий,
молиявий, замонавий, технология, инновация, интенсификация, экспорт, импорт, маҳсулот.

Кириш.

Дунё бўйича пандемия оқибатида очарчиликдан қийнаётган аҳоли сони ҳозиргидан 2 баробарга ошиб, 1 миллиард 600 миллионга етади. ФАО тадқиқотларига кўра, ер шарида 820 миллиондан ортиқ киши тўйиб овқатланмасликдан қийналади ва бу кўрсаткич 2050 йилга бориб 2 миллиардга етиши мумкин; дунё аҳолисининг ҳар учтадан биттаси тўлақонли рацион асосида овқатлана олмайди; дунё бўйича 5 ёшгача болалар ўлимнинг 45 %и тўйиб овқатланмаслик натижасида юз беради ва ҳар йили 3,1 миллион бола шу сабабли оламдан ўтади¹³.

Глобал иқтисодий шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш самарали корпоратив бошқарув тизимини жорий этилиши ва уни такомиллашиб бориши эвазига ўсиб бормоқда. Дунё мамлакатлари яппи ички маҳсулоти таркибий тузилишида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари турлича улуши кузатилаётганлигидан далолат бермоқда. Сўнгги беш йилликда дунё мамлакатлари ЯИМда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улуши Сингапур, Швеция, Бельгия, Германия, АҚШ, Япония, Австрияда 1% атрофида, Швеция, Франция, Поша, Эстония, Италияда 1-2%, Россияда 3%, Қозғистонда 5%, Хитойда 7%, Қирғизистонда 14%, Тожикистонда 19% бўлиб турган бир пайтда, Ўзбекистонда ўртача 28%ни ташкил этмоқда. Бу шундан далолат берадики, мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва ва аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни самарали ташкил этишга доир кенг қўламли

¹³ <http://www.fao.org/sustainable-development-goals>

имкониятлар ва иқтисодий масалалар мавжуд¹⁴.

Таҳлил ва натижалар.

Тадқиқотларимиз кўрсатмоқдаки, Ғарбий Европада маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган вақтнинг деярли 98 фоизи моддий-техник таъминот йўналишлари (хом-ашёни етказиб бериш, тайёр маҳсулотларни ташиш, уларни омборларга жойлаш ва сақлаш)га сарф бўлади. Умумий вақтдан ишлаб чиқаришга атиги 2 фоизгина, транспортировкага 50 фоиз сарфланади. Бундан ташқари Ғарбий Европа мамлакатларида барча фаолиятлар учун моддий-техник таъминот билан бўладиган харажатлар миллий япи маҳсулотнинг 13 фоиз қиймати миқдорини ташкил қилади. Бу қийматнинг тақсимоли қуйидагича: транспортировкага 41 фоиз, маҳсулотни сақлашга 21 фоиз, моддий захираларга 23 фоиз, маъмурий харажатларга 15 фоиз сарфланади. Мамлакатимизда йилига ўртача 16 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот, полиз ва дуккакли маҳсулотлар, 1,5 миллион тоннага яқин гўшт, 10 миллион тоннага яқин сут ишлаб чиқарилса-да, уларни саноат усулида қайта ишлаш даражаси ўртача 15-20 фоизни ташкил қилмоқда. Агросаноат тизими яхши ривожланмаган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва саралаш хизматлари талаб даражасида эмаслиги ҳосилнинг қарийб 30 фоизи исроф бўлишига олиб келмоқда.

Мамлакатимизда етиштирилаётган сабзавот маҳсулотларининг бор-йўти 3-4 фоизи, меванинг 11 фоизи экспорт қилинмоқда. Демак, бу борада ҳам ҳали ўрганилиши, жорий этилиши зарур бўлган жиҳатлар мавжуд. Мева маҳсулотлари экспорти бўйича юқори кўрчаткич АҚШ, Испания ва Мексика давлатларига тўғри келса, сабзавот маҳсулотлари бўйича Хитой, Голландия ва Испания давлатларига тўғри келмоқда. Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларининг ички истеъмол билан экспортга чиқарилиши орасидаги фарқни таҳлил қиладиган бўлсак, сўнгги йилларда ўртача 52,8% дуккакли маҳсулотлар экспортга, қолгани ички истеъмолга, узум 13,2%, мева 9,6%, сабзавот 4,6%, полиз 1,7%и экспортга, мос равишда қолгани ички истеъмолга йўналтирилмоқда¹⁵.

2017 йилдан бошлаб мамлакатимиз аграр тармоғида илгор технологияларга асосланган инфратузилмани яратиш учун ишлаб чиқаришнинг замонавий шакллари - кластер ва кооперация тизими жадаллик билан жорий этилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам ҳудудий агрокластерларнинг муваффақиятли йўлга қўйилиши ва фаолияти жамиятда иқтисодий сиёсатга нисбатан ишончли оширади. АҚШ ва Европада бу борадаги ишонч юқори эканлиги бежиз эмас.

¹⁴ <https://w3.unecp.org/PXWeb/ru/Table?IndicatorCode=6>, https://ru.theglobaleconomy.com/rankings/share_of_agriculture/

¹⁵ Saidov M., Ochilov I., Khasanov N, Muratova M. Peculiarities of Organization of Modern Clusters In Field of Fruit and Vegetable Production // International Journal of Advanced Scientific and Technology, Volume 29 №8, 2020, Scopus. - PP 3244-3253.

Чунки ушбу худудларда айнан давлат томонидан кичик ва ўрта бизнес учун “ишонч ниҳоллари” ни экиб берадиган кластерлар шакллантирилади ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Пировардида уларда кластерлар аллақачон ишонч манбаи ва ишбилармонлик инкубаторига айланиб улгурган. Бу фикрни уларда кластерга кириш учун тўсиқлар бошқа ҳамма жойлардагига нисбатан жуда кам, деярли йўқ эканлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

2017-2021 йиллар давомида аграр соҳада бозор механизмларини жорий этиш ва соҳада самарали бошқарув тизимини яратиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та фармони, 8 та қарори ва 9 та Ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Пахта ва галла етиштиришда давлат буюртмаси бекор қилиниб, қишлоқ хўжалигида эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойиллари жорий этилди.

Ўтган қисқа даврда ушбу тизим ўзини ҳар томонлама оқлаганлигини эришилаётган натижаларда кўришимиз мумкин.

Хусусан, 2017-2021 йилларда барча соҳаларга кластерлар тизими кенг жорий этилиб, 463 та агрокластерларнинг (122 та пахта-тўқимачилик, 1 033,8 минг га (3 млн тонна 100%), 157 та галлачилик, 1 038,1 минг га (7,2 млн тонна, 100%), 146 та мева-сабзавотчилик, 116 минг га (1 млн 567 минг тонна, 9%), 29 та шолчилик 21,1 минг га (98,7 минг тонна 16,5 %) 9 та дориворчилик кластерларига 1 406 га ер майдонлари бириктирилган) фаолияти самарали йўлга қўйилди.

Ялпи қишлоқ хўжалигини маҳсулотларининг 18,5 фоизи агрокластерлар томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу амалга оширилган ишлар натижа-сида сўнгги 5 йилда худудларда 152 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, кластерлар табиий ва моддий ресурслардан оқилонга фойдаланиб юқори ҳосилдорликка эришган ҳолда ишлаб чиқарувчиларнинг даромадини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилади.

2019-2021 йилларда кластерлар ва уларнинг ҳамкорлари (фермер хўжалик-лари) томонидан 394,3 минг гектар майдонлар қайта фойдаланишга киритил-ди. 256 минг гектар ер майдонларида сув тежовчи технологиялар жорий этилди.

Хулоса.

Хулоса ўрнида, Ўзбекистон иқтисодиётида аграр соҳа ва кластерлар фаолияти таҳлилини такомиллаштириш учун куйидагиларни тавсия этамиз:

кластерлар назариясини тадқиқ этиш асосида кластерлар фаолиятини таснифлаш ҳамда уни ташкил этиш ва илмий-услубий жиҳатдан тако-миллаштириш;

кластерлар фаолиятининг ташкилий-иқтисодий ва молиявий механизмлари самарадорлигини баҳолаш тўғрисидаги қарашларларни таҳлил қилиш;

кластерлар фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш;

кластерлар фаолияти молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ҳамда уларни таҳлил қилиш услубиётини такомиллаштириш;

кластерлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар самарадорлигини баҳолаш усулларини такомиллаштириш;

кластерлар фаолияти самарадорлигини комплекс кўрсаткич асосида баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармогини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4549-сон Қарори.

2. Saidov M., Ochilov I., Khasanov N, Muratova M. Peculiarities of Organization of Modern Clusters In Field of Fruit and Vegetable Production // International Journal of Advanced Scientific and Technology, Volume 29 №8, 2020, Scopus. - PP 3244-3253

3. Фролова О.А. Агрпромышленные кластеры: российская модель/ Вестник НГИЭИ <https://cyberleninka.ru/article/n/agropromyshlennye-klastery-rossiyskaya-model>.

4. Очиллов И.С., Файзуллаев Ш. Ўзбекистон иқтисодиётида давлат хусусий шериклик ва маркетинг масалалари. Biznes-Эксперт, №5.- Тошкент: 2019. –Б 23-29.

5. Saidov M., Ochilov I., Yangibaev H. Cluster - An Innovative Structure Based on High Technologies in the Economy of Uzbekistan // Solid State Technology Volume: 63, Issue: 4, Publication Year: 2020 Scopus. - PP 205-212.

ТЕОРИЯ ДОБАВЛЕННОЙ СТОИМОСТИ И ЕЕ ЗНАЧЕНИЕ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ

М.Х. Саидов, профессор, д.э.н.
заведующий кафедры Агрэкономика ТГАУ,
Н.А. Ашурметова, к.э.н.
доцент кафедры “Агрэкономика” ТГАУ

Аннотация. Эффективное развитие аграрного сектора обуславливается большим многообразием факторов, в числе которых показатель добавленной стоимости. В статье приведены показатели добавленной стоимости сельского хозяйства и уточнены факторы, влияющие на формирование добавленной стоимости сельскохозяйственных предприятий.

Ключевые слова: валовой продукт, добавленная стоимость, промежуточный продукт, сельское хозяйство, цепочка ценности (стоимости), эффективность.

Введение.

Во всех странах мира агропродовольственный сектор играет ключевую роль в плане обеспечения населения необходимыми продуктами питания, формирования рынка труда и занятости, а также поддержания жизненного уровня в сельской местности. От состояния и темпов развития данного сектора зависит обеспечение продовольственной независимости, и как следствие, сохранение экономической, социальной и политической безопасности государства. В свою очередь, в современных условиях для устойчивого развития и повышения конкурентоспособности агропродовольственного сектора обществу необходима аграрная экономика нового типа, основанная на использовании передовых достижений науки и техники, цифровых технологий, необходимо осуществление государственной политики в сфере на основе новых подходов. С учетом всего этого, правительством Узбекистана уделяется особое внимание разработке целевых программ развития, направленных на улучшение условий развития аграрного сектора и эффективное использование его потенциала.

Стратегия развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы служит основой для реализации данных задач. Стратегия включает девять приоритетных направлений, в числе которых создание благоприятного агробизнес-климата и цепочек добавленной стоимости. [1] Добавленная стоимость является одним из важнейших показателей экономического развития, отражающего результаты хозяйственной деятельности, рациональность и эффективность использования средств производства.

Понятие цепочка добавленной стоимости впервые было использовано в 1985 году Майклом Портером, который считал, что при рассмотрении конкурентного преимущества “необходимо исследовать все осуществляемые компанией виды деятельности и разобраться в их взаимодействиях”. [3] Для этого он использовал понятие цепочка создания стоимости, под которым подразумевается последовательность процессов по созданию продукта, начиная с момента возникновения концепции продукта до его реализации конечному потребителю на рынке. В цепочку создания стоимости входят такие виды деятельности, как разработка, производство, маркетинг, продажа, доставка, обслуживание. При этом, продукт проходит через все процессы в данной цепочке в определенном порядке и во время каждого процесса образуется дополнительная стоимость. По мнению М.Портера, различия в цепочках создания стоимости у компаний работающих в одной отрасли являются источником конкурентных преимуществ, которые получает компания, занимающаяся стратегически важным видом деятельности с меньшими затратами или более эффективно, чем конкуренты.

Методология исследования.

Анализ в данной статье начинается с краткого обзора сельского хозяйства с использованием данных официальной статистики. В ходе исследования состояния развития аграрной отрасли были использованы экономико-статистический метод, а также общие методы научного познания: наблюдение, анализ, сравнение, обобщение.

Результаты и анализ исследования.

Роль и место сельского хозяйства в экономике страны характеризует, прежде всего, такой показатель, как валовая добавленная стоимость сельского хозяйства, который определяется как разница между стоимостью произведенных товаров и услуг (выпуском) и стоимостью товаров и услуг, полностью потребленных в процессе производства (промежуточным потреблением). В свою очередь, валовой выпуск продукции (услуг) сельского, лесного и рыбного хозяйства включает в себя валовой выпуск продукции (услуг) растениеводства и животноводства, стоимость произведенной продукции (услуг) в охотничьем хозяйстве, лесоводстве и лесозаготовках, рыболовстве и аквакультуре. [2] Так, по официальным данным Государственного комитета по статистике Республики Узбекистан, общий объем продукции (услуг) сельского, лесного и рыбного хозяйства в январе - декабре 2020 года составил 260,3 трлн. сум, в том числе в растениеводстве и животноводстве, охоте и предоставлении услуг в этих областях – 251,8 трлн. сум, лесном хозяйстве – 6,7 трлн. сум, рыбном хозяйстве – 1,8 трлн. сум.

Но как уже было отмечено, ВДС сельского хозяйства исключает промежуточный продукт, то, естественно, что данный показатель ниже

валового выпуска на сумму всех материальных затрат (на сырьё, материалы, топливо, энергию, покупные комплектующие изделия, полуфабрикаты и производственные услуги сторонних организаций, оказанные предприятию и оплаченные им), которые в 2020 году составили около 109 трлн. сум.

В целом, на протяжении прошедших 2016-2020 годов, несмотря на снижение доли сельского хозяйства в ВВП, валовая добавленная стоимость сельского хозяйства имеет динамику роста. Так, ВДС сельского хозяйства вырос с 74 779,0 млрд. сум в 2016 году до 151 251,0 млрд. сум в 2020 году, т.е. более чем в 1,7 раза (рис.1).




Рис. 1. ВВП, ВДС сельского хозяйства в Узбекистане [5]

Говоря о тенденциях развития валовой добавленной стоимости сельского хозяйства следует отметить, что цепочка стоимостей сельского хозяйства образуется из таких элементов, как цепь издержек поставщиков, цепь издержек покупателя, цепь издержек распространения, цепь издержек отрасли. [4] В сельском хозяйстве поставщики производят и поставляют сырьё и материалы (корма, семена, удобрения и средства защиты растений, сельскохозяйственная техника и др.), которые используются в цепочке ценностей отрасли и образуют их стоимость. Издержки покупателя связаны с затратами отрасли по производству и реализации готовой сельскохозяйственной продукции, которые формируют цену. Издержки распространения формируются на основе затрат работы дилеров и дистрибьюторов, от качества которой зависит степень удовлетворения спроса покупателя.

Цепь издержек отрасли состоит из затрат на первичные и вторичные операции. К первичным операциям относятся материально-техническое снабжение, производство сельскохозяйственного сырья (зерно, хлопок, свежие овощи и фрукты и т.д.), промежуточной продукции (семена, саженцы, корма,

племенной скот и т.д.), производство готовой продовольственной продукции, реализация (оптовая и розничная торговля, переработка, общественное питание). Вторичные операции связаны с разработкой технологий, работой с персоналом, формированием инфраструктуры отрасли. При осуществлении названных действий (операций) в системе ценностей отрасли возникают вертикальные и горизонтальные связи. При вертикальной интеграции осуществляются тесные взаимосвязи с поставщиками и покупателями в целях совместной разработки стратегий малых затрат или дифференциации для общей, но обычно неравномерно распределяющейся выгоды.

Цепочка добавленной стоимости в сельском хозяйстве характеризуется сложной структурой участников и является скорее горизонтальной, чем вертикальной. Горизонтальные связи в стоимостной цепочке отрасли направлены на взаимосвязанные действия на взаимовыгодных условиях, способствующие снижению затрат при создании стоимости.

Анализ цепочки стоимостей в сельском хозяйстве позволяет получить информацию о том, где в цепочке может быть увеличена ценность для потребителя и где может быть уменьшена себестоимость. К примеру, при выявлении высокой стоимости на стадии производства целесообразно оптимизировать производственные процессы посредством применения инновационных (в т.ч. цифровых) технологий, использования наиболее производительной и экономичной техники, углубления специализации и концентрации производства, совершенствования организации и управления производством.

В цепи издержек поставщиков и реализации проблему высоких издержек можно решить путем усиления службы маркетинга, внедрения новых технологий управления, организации взаимовыгодных связей (кооперативных, договорных) между поставщиками сырья и производителями, покупателями (дистрибьютерами) и производителями. Возможна организация внутри хозяйства подразделения, способного обеспечить необходимым сырьем и материалом или создание собственной сбытовой сети. Применение IT-технологий дадут возможность не только предопределять и контролировать природные факторы, непосредственно влияющие на результаты производства в сельском хозяйстве, но также проектировать точные бизнес-процессы и прогнозировать результаты с математической точностью.

Выводы и предложения.

Таким образом, можно сказать, что исследование всех элементов цепочки добавленной стоимости и выявление узловых моментов являются предпосылками для выработки механизмов объединения всех участников в единую цепочку добавленной стоимости в сельском хозяйстве. При этом, приоритетными направлениями в обеспечении высокой добавленной

стоимости в сельском хозяйстве считаются углубление интеграции и кооперации, развитие кластерной системы, усиление партнерских отношений участников цепи, а также активизация инновационных процессов, автоматизация и цифровизация деятельности всех предприятий (хозяйств, фирм), создающих добавленную стоимость.

Список использованной литературы

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 23.10.2019 г. N УП-5853 «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы».

2. Методические положения по расчету валового выпуска продукции (услуг) сельского, лесного и рыбного хозяйства /Приложение к Постановлению Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике от 28 июля 2021 года № 26.

3. Майкл Портер. Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость, 1985

4. Тимофеева Н.С. Цепочка ценностей М.Портера в системе издержек сельского хозяйства региона //Актуальные вопросы экономики и агробизнеса: сборник статей VIII Международной научно-практической конференции (17 марта 2017 г., г. Брянск). В 4 ч. Ч. I. – Брянск: Изд-во Брянского ГАУ, 2017. с.237-241.

5. <https://www.stat.uz>

ТУРКИСТОН ХАЛҚЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИНИ АНГЛАШДА ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВА ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ

*И. Саифназаров, ф.ф.д.,
“Ижтимоий-гуманитар фанлар”
кафедраси профессори, ТДИУ*

*Д.З. Эрназаров, с.ф.д., (PhD)
“Ижтимоий-гуманитар фанлар”
кафедраси доценти, ТДИУ*

*Ф.А. Усмонов,
“Ижтимоий-гуманитар фанлар”
кафедраси катта ўқитувчиси, ТДИУ*

Аннотация. Мазкур мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида жадидларнинг миллий ўзликни англашига қаратилган ҳаракатига бағишланган масалалар ёритилган. Шунингдек, уларнинг миллат онги ва тафаккурини ўстиришига қаратилган, Туркистонда илм-фан ва тараққиётни ривожлантиришига қўшган улкан ишлари тарихий-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

Таянч иборалар: жадидчилик, халқ таълими, миллат, миллий ўзликни англаш, маърифатпарварлар, газета, театр, инқилоб.

Кириш.

Жадидлар Туркистон ўлкасининг халқаро алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашда жуда фаол бўлишган. Улар Россия, Татаристон, Туркия, Миср ва бошқа мамлакатлардаги жадидчилик ҳаракатлари ҳамда уларнинг ижтимоий-сиёсий ғояларидан хабардор бўлганлар. 1905-1906 йилги Россиядаги инқилобий ҳаракатлар Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий муҳитига катта таъсир кўрсатди. Ижтимоий-сиёсий фаол кучлар жипслаша бошладилар ва жадидлар маърифатчилик фаолиятини жадаллаштирдилар. Бу фақатгина мактабларда эмас, балки жонли матбуотчилик фаолиятида ҳам яққол кўринади. 1906 йилда Исмоил Обидовнинг муҳаррирлигида «Тараққий», шу йили Мунавварқори муҳаррирлигида «Хуршид», 1907-1908 йилларда Абдулла Авлоний муҳаррирлигида «Шухрат», Ахмаджон Бектемиров муҳаррирлигида «Осиё» ижтимоий-сиёсий рўзномалари чоп этилди.

Маърифатчиликнинг янги тўлкинида 1913-1915 йилларда «Самарқанд», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона», «Бухорои шариф», «Турон», 1917 йилда эса «Эл байроғи», «Кенгаш», «Хуррият», «Улуғ Туркистон» газетала-

ри, «Ойина» журнали каби ижтимоий-сиёсий ОАВ ҳам пайдо бўлди.

Россия февраль инқилоби арафасида Туркистон жадидчилиги етук сиёсий ҳаракатга айланди. Агар Биринчи Жаҳон урушидан кейин жадидлар парламентар монархия учун курашган бўлсалар, февраль инқилобидан кейин Туркистон жадидларининг «таракқий парварлар» оқимини ташкил қилган радикал қисми анча кенг қамровли, бир қатор сиёсий талабларни илгари сурди. Улар қаторига маҳаллий аҳоли ҳуқуқларини кенгайтириш томон ўлкани бошқариш юзасидан асосли ислохотлар ўтказиш, ўлкага Давлат Думасидан аҳоли сонига қараб ўрин бериш, асосий демократик эркинликлар, аввало, миллий матбуот эркинлигини таъминлаш, чоризмни конституцион тузум билан алмаштириш кабилар киради. Россиядаги Февраль демократик инқилоби Россияда янги давлат тузуми ўрнатилгандан сўнг федератив давлат шаклида муҳторият олишга умид боғлаган жадидларни руҳлантириб юборди. Айни пайтда, миллий сиёсий партиялар ва ташкилотлар, жумладан, жадидлар томонидан «Шўрои Исломия», «Иттифоқи муслимин», «Турон» каби бир қатор ташкилотлар тузилди. Бу пайтга келганда жадидлар туб ерли аҳоли ижтимоий таркибининг турли қатламларини ўз ортларидан эргаштира олдилар, улар онгида мусулмонлар бирлигини мустахкамлаш, жипслаштириш ҳиссини уйғотдилар. Бу эса миллий ўзликни англашга қўйилган катта қадамлардан бири эди.

Аммо, улар тез кунларда тушундиларки, Россиядаги Муваққат ҳукумат ва унинг Туркистон Қўмитаси ҳам ўлкада аввалгидек мустамакачилик сиёсатини давом эттириш йўлини тутмоқда. Чунончи, бу сиёсат Таъсис мажлисини чақиришга тайёргарликда яққол намоён бўлди. Шу вақтдан жадидлар учун мустақиллик ва муҳторият ё ҳаёт, ё мамот муаммосига айланди ва жадал сиёсий жанглар бошланди. Улар ҳукуматнинг мустамакачилик сиёсатини қаттиқ танқид остига олдилар. Жадидларнинг дастурий ҳужжатларида асосий эътибор миллий-худудий муҳториятнинг асосий тамойилларини амалга ошириш механизмлари Туркистон Федератив Республикаси имкониятларига тааллуқли бўлган масалалар бўйича, қонунлар чиқаришни амалга ошириш учун чақирилган мустақил ваколатли ўлка ҳокимиятининг олий органлари, бошқаруви ва суди механизмларини ишлаб чиқиш, ўз давлат тузилишини барпо этишга қаратилди. Бу эса ўз навбатида, миллий ўзликни англашдаги энг катта жиддий ҳаракатлардан бири эди.

Тадқиқот натижалари.

Бошқарувнинг пойдевори сифатида республика шакли танлаб олинди. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берилган ҳамда конституцион жиҳатдан кафолатланиши лозим бўлган демократик жамиятни шакллантириш устувор мақсад қилиб белгиланди. Туркистон жадидлари давлат мустақиллиги ҳақида-

ги ўз гоёларини ҳаётга татбиқ этишни мамлакатдаги турли ижтимоий кучлар ўртасида тинчлик ва келишувчилик, демократик асосда шакллантирилган Россия Таъсис мажлисини чақиритиш билан боғланганликлари ҳам диққатга сазовор.

Албатта, миллий давлатчиликка интиланган халқ ўзининг миллий ўзлигини англаган, келажакка интиланган ва келгуси авлодларга озод ва обод Ватан қолдиришни ўйлашган.

Бироқ, Туркистондаги октябръ воқеалари ва большевикларнинг зўравонлик билан ҳокимиятни эгаллаши уларга ўз мақсадларини охиригача амалга оширишларига имкон бермади. Шунга қарамай, улар Петроградда тузилган Ленин бошчилигидаги большевиклар ҳокимиятининг «Россия халқлари Декларацияси» (1917 йил 2 ноябръ), «Россия ва шарқнинг барча мусулмон мехнаткашларига» Мурожаатнома (1917 йил 20 ноябръ), ҳужжатларда кўрсатилган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши тўғрисидаги ҳуқуқлардан фойдаланиб, Туркистон мухторияти ҳукуматини эълон қилдилар. Уч ойгина яшаган бу мухтор республика тугатилиши оқибатида жадидлар таъқибга учрадилар. Мунавварқори Абдурашидхоновнинг гувоҳлик беришича, «Иттиҳоди тараққий» (1917-1920), «Миллий иттиҳод» (1920-1925), «Миллий истиқлол» (1925-1929) ва «Туркистон Миллий Бирлиги» (1921-1923) (раиси Аҳмад Закий Валидий) махфий ташкилотлари ўлкада ҳокимиятни қўлга олиш мақсадида фаолият юритган.

Баъзи тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, айнан шу вазиятда жадидчилик ҳаракатида бўлинишнинг вужудга келиши халқни миллий гоё атрофида бирлашиши ва сиёсий саҳнада яқдил ҳаракат қилишига имкон бермади.

Миллий ўзликни англаш йўлида жадидлар ўз фаолиятлари билан халқ таълими санъатини ривожлантиришга, маърифий ишларни тараққий эттиришга ҳаракат қилдилар. Жадидларнинг айрим қисми мустабид тузумнинг сиёсатига кўникмай хорижга кетиб қолдилар. Мустақиллик ҳаракатига гоёвий раҳнамолик қилиш, айниқса, совет органларида ишлаб, миллий мустақиллик гоёларини тарғиб қилишдаги саъй-ҳаракатлари жадидларнинг советлар томонидан 1929, 1937-1938 йилларда оммавий қиргин қилинишига олиб келди.

1920-1924 йилларда Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларида жадидлар миллий ўзликни англаш ва мустақиллик учун кураш орқали мамлакатни тараққий қилдиришга интидилар. Бироқ совет режими аввал Бухоро ва Хоразм давлатлари мавжудлигига чек қўйган бўлса, кейинчалик барча жадидчиларни бирин-кетин қатл қилди.

Умуман олганда, хх аср бошида юзага келган жадидчилик ҳаракати Туркистон халқларининг миллий ўзликни англаш, миллий озодлик, мустақиллик

учун дастлаб чор Россияси, сўнгра совет мустамлакачилигига қарши курашда муҳим ўрин тутди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жаҳидчилик ҳаракатининг вужудга келиши ва улар томонидан халқнинг миллий ўзликни англашга бўлган интилишининг объектив ва субъектив сабаблари бор. Жаҳид маърифатпарварлари: Аҳмад Донишнинг “Наводир ал-вақое” (“Нодир воқеалар”) ҳамда “Рисолаи тарихи амирон мангит” (“Мангит амирлари тарихи ҳақида рисола”) асарларида, тарихчи Мирза Муҳаммад Абдулазим Сомий Бўстониининг “Тарихи салотини мангитийа дор уссалтанаи Бухорои шариф” (“Бухоро шариф салтанатидаги мангит ҳукмдорлари тарихи”), тарихчи Мирзо Салимбек ибн Муҳаммад Раҳимнинг “Тарихий Салимий” асарларига таяниб, ва Абдурауф Фитратнинг “Мунозара” ва “Баёнати сайёҳи хинди” асарларида миллий ўзликни англаш орқали мустақилликка эришиш мумкин деган гоя ётади.

Чоризмнинг босқинчилик ҳаракати ўлкамизни мустамлакага айлантириш билан чегараланиб қолмай, маҳаллий аҳолининг миллий маданияти ва маънавий асосларига путур етказишга ҳам қаратилганлиги унинг сиёсати давомида ўз аксини топиб борди. Туркистон мустамлакачилари маҳаллий халқларни ўта қолоқликда ушлашни ўзларига шиор қилиб олган. Уларнинг кўрсатмаси билан халққа-иложи борича мумкин қадар кўпроқ пахта эктириш, уларни тинимсиз ишлашга мажбур этиш, токи бу халқнинг бошқа нарсаларни ўйлашга, сиёсий воқеаларни англаб етишга бир зум ҳам вақти, хоҳиши қолмаслигини доимо назарда тутиб келган.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, Чор Россияси Туркистонни мустамлакага айлантириш ва руслаштириш жараёнида маҳаллий халқларга нисбатан камситувчилик сиёсатини олиб борган ҳамда ўзбек ва бошқа туб аҳолига сиёсий ва инсоний ҳуқуқларни беришни хаёлига ҳам келтирмаган. Бу гоя маъмурларнинг Ўрта Осиёдаги стратегик режаларининг асосини ташкил қилган. Бундан мақсад ўлкада мавжуд бўлган ижтимоий ҳаёт қонунлари ва анъаналарини издан чиқариш, маҳаллий жамиятнинг диний-маънавий негизини барбод қилиш, миллий-маданият ва таълимни обрўсизлантириш ва секин-аста бетарафлаштириш, пировард натижада “янги, рус Туркистони” ни барпо этишни назарда тутувчи мустамлакачилик анъаналарини зўравонлик билан сингдиришга қаратилганлигини кўрсатади. Натижада, Туркистон заминида мустамлакачилик ва улуғ миллатчиликка асосланган сиёсий-маъмурий тизим ҳукм сурди.

Мустақилликнинг йўқотилиши, сиёсий ҳақсизлик ва адолатсизлик бутун жамият аҳлини рус давлатига қарши кучли муҳолифатга айлантирди. Халқнинг норозилиги ва халқ ичидан етишиб чиққан зиёлиларнинг мустабид тузумга нисбатан норозилиги ва нафрати ҳали XIX асрнинг 80-йилларига қадар ҳам

шаклланиб ва кучайиб борганлигини кўрсатмоқда.

Жадид ҳаракатнинг вужудга келишида хорижий мамлакатлардаги турли хил илгор ижтимоий-сиёсий, фалсафий, диний оқимларнинг маълум даражадаги таъсири бўлса-да, аммо бу илмий ва миллий уйғониш ҳаракатининг юзга келишини таъминловчи асосий омил, замин ва шароит бу ўлканинг ўзида етилиб пишган эди.

Биз жадидчилик ҳаракатининг мазмун-моҳияти ҳақида гапиришдан олдин тарихимиз саҳифаларида “оқ доғлар” деб аталадиган бу ҳаракатнинг асл моҳиятини, мақсад-муддаоларини холисона ўрганиш ва баҳолаш ўз ечимини кутаётганлигини таъкидламоқчимиз. Чунки, гоёвий муҳолифлар яқин кунларгача жадидчиликни фақат маърифатчилик ҳаракати, деб баҳолаб келдилар. Мақсад – жадидчиликнинг доирасини торайтириш, социалистик-коммунистик мафкурадан бошқаси кенг халқ онгини қамраб олиши, эгаллаши мумкин эмас, деган сохта тушунчанинг асорати эди. Шунинг учун ҳам гоёвий муҳолифлар жадидчилик ҳаракатининг буржуа либерал, миллатчилик ҳаракати, майда буржуа мафкурасини ифодаловчи оқим сифатида қараб келинган эди.

Бизнинг назаримизда жадидчилик:

1) жамиятнинг барча қатламларини бир гоёга ишонишга жалб эта олди. Ушбу гоё миллий ўзликни англаш ва миллий уйғониш мафкураси бўлиб хизмат қилди;

2) жадидлар ўз гоёвий ва амалий ҳаракатлари орқали миллат мустақиллиги учун кураш олиб борди;

3) маориф, санъат ва маданиятни, матбуотни ижтимоий-сиёсий мақсадлар асосида шакллантира олди ва миллатни миллий ўзликни англашга чақирди.

Мана шундай кенг кўламди ислохотларни амалга ошириш орқали жадидлар маҳаллий аҳолини жаҳоннинг тараққий этган давлатларида бўлаётган ўзгаришлар ва янгилашишлардан хабардор қилиб бориш лозимлигини яхши англаганлар.

Олимларимиздан бири профессор Б.Қосимовнинг жадидчиликка берган таърифи ҳам эътиборлидир. “Жадидчилик, дейди Б.Қосимов, -ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий, ҳам маданий ҳаракатдир. Шунинг учун ижтимоийки, у жамиятнинг барча қатламларини жалб эта олди, миллий уйғониш идеологияси бўлиб хизмат қилди. Шунинг учун сиёсийки, у мустақиллик учун кураш олиб борди... У маданий ҳаракат ҳам эди – адабиётни янгилади, матбуот ва театрчиликни йўлга қўйди, маорифда эса “янги мактаб концепцияси” билан чинакам инқилоб ясади. Энг муҳими, буларнинг барчасини ижтимоий-сиёсий мақсадларга мослаб кўриб чиқди” [1]

Дарҳақиқат, миллий ўзликни англашнинг ўсишига муҳим туртки бўлган ва миллий озодлик гоёсини шакллантириб, ўз фаолияти билан уни амалга

оширишга уринган кучли прогрессив ҳаракат – жадиличлик бўлган. У жаҳондаги умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланиб, жамиятнинг пишиб етилган ривожланиш тараққиёти ва ўлка туб ерли аҳолисининг зарур манфаатларига жавоб берарди. Қолоқлик ва жаҳолат, аҳолининг аянчли аҳволи, Туркистоннинг жаҳон цивилизациясидан орқада қолиб келиши, Ислом ва шариатнинг оёқ ости қилиниши ва бундай оғир фожиали ҳаётдан қутулиш, эрк ва озодликка эришиш ҳақида ўз замонасининг илғор зиёли, мунавварларидан фикр-мулоҳазалар пайдо бўлди.

“Жадиждлар диний бағрикенгликни тарғиб қила олган ва унга амал қилган. Айниқса у бир миллатнинг иккинчи бир миллат томонидан камситилишини ва миллатлараро никоҳга қарши бўлганларга кенг тарғибот ишларини олиб борган ва “ҳар бир мусулмон китобий халқлар билан турмуш қуришга мухтордир”, деб таъкидлаган. [2]

Жадиждларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларида оила ва оиламуносабатлари масалалари кенг ўрин олди. Жадиждларнинг фикрича, оила асосини тўғри қурмасдан ва ёш авлодни тўлақонли тўғри йўлда тарбияламасдан туриб, жамиятни ислоҳ қилиш, унинг ривожини тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмас ва охир оқибатда миллат тақдири унинг оиласининг ҳолатига боғлиқ. Бу ғоялар Фитратнинг асарида шундай ифодаланади: “Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса, шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади”. [3]

“Халқнинг ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши, заиф бўлиб хорликка тушиши, фақирлик жомасини кийиб, бахтсизлик юкини тортиб эътибордан қолиши, ўзгаарга тобе, қул ва асир бўлиши болаликдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқ. [4]

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир миллатнинг келажакги унинг жипслиги ва қатъий тартиб интизомига боғлиқ. Халқнинг давлатманд ва бахтли бўлиши унинг иззат эҳтиром қилиниши билан боғлиқ. Бир миллатнинг иккинчи бир миллат томонидан камситилиши унинг миллий ўзлиги ва номусининг топталишига олиб келади, деган хавотирли хулосалар қилиш мумкин.

Файласуф Қ.Назаровнинг фикрича гарчанд жадиализм, масалан француз маърифатпарварлигидан бир неча аср кейин юз берган ҳодиса бўлса-да, у ўз моҳияти билан инқилобга қадар бўлган Ўзбекистоннинг маданий ва маърифий ҳаётида, француз маърифатпарварлиги сингари, ижобий роль ўйнади. [5]

Хуллас, жидидлар ҳаракати қолақлик ва қарамлик уйқусидан уйғониш тарихий заруриятга, ривожланишнинг объектив талаб ва эҳтиёжига

айланди. Миллий демократлар бўлган жади́дчилик ҳаракатининг энг муҳим жиҳатларидан бири миллий озодлик кураши мафқураси ва тактикасини ўрганишга қаратилган эди. Улар Европа мамлакатларининг давлат қурилиши ва қонунчилиги, Россия ва Шарқ халқларининг мустамлакачиликка қарши кураши ва демократик ҳаракатлари мафқураси ҳамда тактикасининг тенг амалий жиҳатларини ўрганиб, ундан ўз мамлакатларига мосини, тўғри келадиганини танлаб олишди.

Натижада, миллий зиёлиларнинг мафқуравий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти кучайиши, жади́дларни иккига ажралишига яъни соф маданий-маърифий ишлар тарафдорлари ва иккинчидан ижтимоий-сиёсий институтларни ислох қилиш, мустамлакачилик ва феодализм кишанларидан озод бўлиш тарафдорларига бўлинишларига шароит яратди. Жади́дчилик давлат, тузум, бошқарувни ислох этиш, ва миллатни ривожлантириш орқали, умуман, жамиятни янги ҳаёт босқичига олиб чиқади.

2020 йилнинг бошида давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида: “Биз жади́дчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади”, [6] дея сўз юритиб, буюк аждодларимиз, хусусан, жади́длар фаолиятини ўрганиш, уларнинг эзгу ғояларини замонамизга мос ҳолда давом эттириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири эканлиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукамал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради. [7]

Жаҳон геосиёсий майдонидаги ўзгаришлар, глобаллашув жараёнларининг кучайиши ҳамда замонавий ахборот технологияларининг жадал ривожланиши ер юзидаги давлатлар тарихида кескин бурилиш ясади. Инсоният мутлақо ўзгача муҳит, янги талаб ва илгарилари кузатилмаган хавф-хатар ҳамда таҳди́длар кучайган бир шароитда яшашига тўғри қелмоқда.

Дунё миқёсида шиддат билан кечаётган бундай жараёнлар ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига, жумладан, маънавий-маърифий соҳаларга ҳам жиддий таъсир ўтказмоқда.

Шунингдек, сўнгги йилларда дунёнинг турли минтақа ва давлатларида содир бўлаётган аянчли воқеалар таҳлили оммавий ахборот воситалари,

замонавий ахборот технологиялари, жумладан, интернет тизими, ижтимоий тармоқлар ва электрон нашрлар кўп ҳолларда айрим бузғунчи кучлар қўлида турли сохта, зарари ғоя ва мафқураларни тарғиб этишининг қулай ва тезкор воситасига айланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда.

Бу каби таҳдидлар миллий ва умуминсоний қадриятлар емирилишига, зўравонлик, инсон тақдири, жамият ҳаётига беписандлик, масъулиятсизлик, лоқайдлик, андишасизлик, беҳаёлик каби иллатлар илдиз отишига, одамзотнинг ўз тарихий, диний, миллий-маънавий илдизларидан узилиб қолишига сабаб бўлмоқда ва жаҳондаги кўплаб давлатларда умумий тенденцияга айланиб бормоқда.

Бундай мураккаб шароитда миллий ва умуминсоний қадриятларни асраш, мустақилликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий барқарорликни таъминлаш ҳар бир давлат ва жамият олдида турган устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Зеро, жаҳонда юз бераётган геосиёсий вазият ва унинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш, вужудга қелаётган сиёсий воқелик ва ўзгаришларни миллий ва умуминсоний манфаатлар асосида таҳлил этиш, мавжуд таҳдид ва хавф-хатарлар келиб чиқиш сабабларини идрок этган ҳолда уларга қарши курашда бутун жамиятни сафарбар этиш мамлакат келажаги ва барқарор тараққиётининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Замонавий босқичда Ўзбекистон жамиятини сафарбар этувчи куч сифатида эса бу жараёнда азалдан халқнинг маънавий-руҳий таянчи бўлган миллий ғоя ва миллий ўзликни англаш концепциясини яратиш зарурияти муҳим ўрин тутган.

Миллий ғоя барча замонларда ҳам долзарб аҳамият касб этадиган, миллати, тили, маданияти, маънавияти ва динидан қатъий назар, жамият аъзоларининг эзгу орзу-интилишлари, туб манфаатларини ўзида акс эттирадиган ва шу йўлда бирлаштирадиган, сафарбар этадиган, муттасил ривожланиб борадиган энг муҳим тушунча ва тамойиллар тизимидир.

Биз, миллий ғоя ва миллий ўзликни англаш концепциясини соғлом, аниқ, тиниқ фикрлайдиган ҳар бир шахс ва фуқарода миллий гурур-ифтихор, ор-номусни уйғотадиган, ўзликни англадиган, халқнинг мақсади ва орзу умидлари рўёбга чиқишига куч-қудрат берадиган, миллатни ўз келажаги учун ҳаракатга келтирадиган қудратли омил, деб ҳисоблаймиз.

Миллий ғоя ва ўзликни англашни Ватан туйғусидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Айнан шунинг учун ҳам муайян бир мамлакатда яшаётган халқнинг тақдири ва келажаги шу давлат ва жамият ривожига боғлиқ эканини чуқур англашиш, бу туйғуни уларда амалий ҳаракатга, ҳаёт тарзига айлантириш миллий ғоянинг энг муҳим хусусиятидир.

Ўзбекистон тарихида халқимизнинг юксалиши уларнинг маънавий, гоявий бирлашувидан бошланган. Улар айнан миллий гоя асосида мураккаб синовлардан муваффақиятли ўтган. Миллий гоя ҳар қачон уларни Ватанга бўлган садоқати, маънавияти ва маданиятини юксалтириб, буюк мақсадлар сари сафарбар этган.

Ривожланган демократик мамлакатларда миллий гоя тараққиётга ундовчи куч сифатида халқларнинг азалий миллий қадрият ва хусусиятларига боғлаб сингдирилган. Унинг қудратли мафкуравий таъсири мамлакат аҳолисини умумий мақсадлар йўлида бирлаштирган.

Шу боис ҳам, мамлакатимиз тараққиётининг бугунги Янги Ўзбекистон босқичида кўп миллатли халқимизнинг ягона миллий гояси дунё ижобий тажрибасининг нафақат маънавий-маърифий, тарбиявий-ахлоқий жиҳатларини, балки ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги, жумладан шахснинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва инсон капитални ривожлантириш билан боғлиқ муҳим ютуқларини ҳам ўзида мужассам этади.

Хулоса.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, миллий гоя ва миллий ўзликни англаш Ўзбекистоннинг тарихий, маданий, илмий ва фалсафий манбаларидан, жумладан юқорида таъкидланганидек, Туркистон жадидларининг сермазмун, юксак илми, фалсафаси, маърифати, маданияти ва санъатидан озиқланади ҳамда бугунги кунда шиддат билан ривожланаётган дунёга мос равишда ўсиб, такомиллашиб боради. Бу ўз навбатида, Ўзбекистон халқининг порлоқ келажги ва жаҳон саҳнасида етук миллат сифатида эътироф қилинишига олиб келади. Бизнингча, яна бир хулоса ёки парадокс шундан иборатки, миллатимиз равнақи учун ҳозир ҳам ўз тарихий-фалсафий мероси билан хизмат бажарётган буюк жадид алломаларимизнинг пайдо бўлишига Чор Россиясининг ўлкамизни босиб олиши сабаб бўлса, уларнинг йўқ қилинишига советларнинг гайри инсоний, утопик мафкураси сабабчи бўлди, буни эсдан чиқармаслигимиз зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Қосимов Б. Жадидчилик ва жадид адабиёти (Давра суҳбати) // "Туркистон", 1997. 17 май
2. Қосимов С. Бехўдудий ва жадидчилик. // "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1990, 26 январь.
3. Фитрат Абдурауф. Оила ёки оила бошқариши тартиблари. –Т.: "Маънавият", 2000.-Б.4
4. Фитрат Абдурауф. Танланган асарлар: Ж. IV. Дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий мақола ва тадқиқотлар/ Абдурауф Фитрат; [Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев, Н.Каримов, Д.Алимова ва бошқ.; Масъул муҳаррир Б.Қосимов; Наширга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев.] –Т.: "Маънавият", 2006. –336

5. Назаров. Фалсафа асослари. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2012.-Б.98.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.01.2020 <https://uza.uz/uz/posts/milliy-marifatimiz-ustunlari-16-10-2020>

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.01.2020 <https://uza.uz/uz/posts/milliy-marifatimiz-ustunlari-16-10-2020>

ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДЧИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ИЖТИМОЙ ФАНЛАРНИНГ ЎРНИ

И. Саифназаров, ф.ф.д.,
“Ижтимоий-гуманитар фанлар”
кафедраси профессори, ТДИУ

Аннотация: Узибу мақолада олий маълумотли иқтисодчи кадрларни тайёрлаш, уларнинг дунёқарашини шакллантиришида ижтимоий фанларнинг роли ва турли даврларда қандай фанлар ўқитилганлиги, улар шакли, мазмуни қандай ўзгаришларга эга бўлганлиги, Янги Ўзбекистон даврида ижтимоий фанларнинг талабалар янги дунёқарашини шакллантиришида муҳим ўрни борлиги асосланади, олий таълимда қандай фанлар ўқитилиши ҳақида тавсиялар берилган.

Таянч иборалар: Янги ўзбекистон стратегияси, янги дунёқараш, талабалар, ижтимоий фанлар, иқтисодчи кадрлар, фанлар мазмуни ва шакли.

Кириш.

Кўҳна тарих тажрибаси эл-юртига, ватанига садоқатли, иймон-этиқоди бутун, мард ва жасур, маънавияти юксак фарзандлар жамиятнинг чинакам бойлиги эканлигидан далолат беради. Ана шундай ноёб фазилатларга эга авлодни тарбиялаб, вояга етказётган халқ келажаги порлоқ бўлишига шубҳа йўқ.

Айниқса, глобаллашув деб аталимиш шиддатли жараёнлар кечаётган, поёни кўринмаётган иқтисодий ва молиявий инқироз давом этаётган, атрофимизда хавфли можаролар рўй бериб, «ёт маданиятлар экспансия»си бўй кўрсатиб турган бир пайтда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи умуммиллий, умумдават миқёсидаги вазифа бўлиб қолаётганини яна бир марта таъкидлаб ўтиш ўринли бўларди.

Таҳлиллар.

Жаҳон тараққиётининг, шу жумладан, Ўзбекистон ривожининг ҳаракатлантирувчи кучи, тараққиётни тезлаштирадиган омил бу малакали, замон талабларига жавоб бера оладиган, профессионал мутахассислар ҳисобланади. Бундай кадрларни шубҳасиз, олий таълим тизими тайёрлаб беради. Шу сабабли бутун дунё тараққиётнинг тамал тоши, мамлакатни қудратли, миллатни буюк эта оладиган илм-фан, таълим ва тарбияга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатимизда малакали кадрларни тайёрлаш, таълим тизимини замонавийлаштириш, уни коррупциядан ҳоли қилиш учун жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланилмоқда.

Аммо шуни ҳам қайд этиш лозимки, ҳар қандай халқаро тажрибани кўр-кўрона, ўз қадриятларимизни ҳисобга олмасдан туриб, тўғридан-тўғри

табқиқ этиш, унинг ҳар бир элементини чуқур таҳлил қилмасдан, илмий асосларга таянган ҳолда амалга оширилмас экан, келажакда маълум бир салбий ҳолатларнинг юзага келишини ҳам унутмаслик керак. Яъни ушбу тизим бизнинг дунёқарашимиз, шарт-шароит, баркамол инсонни вояга етказишга қаратилган қадриятларимизга тўла-тўқис мос келади, дегани ҳам эмас. Шу сабабли, ижтимоий фанларни ўқитишни ҳам чуқурлаштиришимиз керак. Бусиз ватанпарвар, мукамал, салоҳиятли, юрт тақдирига бефарқ бўлмаган кадрларни тарбиялаш қийин. Яъни таълим ва тарбияни уйғун равишда олиб борсак, мақсадга эришамиз. Президентимиз ҳам ҳар бир чиқишларида ёшлар, уларнинг таълим-тарбияси ва маънавияти масаласига эътибор қаратаётганлари бежиз эмас. Узоққа бормайлик. Президентимизнинг яқинда чоп этилган “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида бу масалаларга атрофлича тўхталганлар. Бугун қайси соҳани олмайлик, ҳатто «Замонавий иқтисодчи кадрларни тайёрлашда ижтимоий фанларнинг ўрни» ниҳоятда муҳим. Китобнинг 228 бетидан тортиб 236 бетигача ижтимоий фанларнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида сўз боради.

Савол пайдо бўлади? Нега иқтисодчи кадрларни таёрлашда ижтимоий фанларнинг ўрни муҳим? Чунки бизга аниқ фуқаролик позициясига эга бўлган, жамият, давлат манфаатларини ҳимоя қиладиган, халқ ҳаётидаги ўзгаришлар ва ислохотларда фаол қатнашадиган, замонавий ва кенг тафаккурли ёшлар авлоди ҳозирги шароитда биз учун ниҳоятда муҳим. Биз шундай кадрларни етиштирмасак, ёшларимиз бир томонлама тарбия топади. Манқуртга айланиб қолади агар маънавиятли бўлмаса. “Кўпдан бери мени ўйлантириб юрган ва қарийб 40-45 йиллик кузатувларим натижасида шаклланган бир мулоҳаза билан ўртоқлашимиз лозим, деб ҳисоблайман”, дейди Президентимиз¹⁶.

Советлар даврида ҳам ижтимоий фанларни ўқитишга эътибор кучли эди. Айниқса, фалсафа, тарих, ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик каби гуманитар фанлардан дарслар йўлга қўйилган. Аммо ижтимоий фанларнинг барчаси марксизм-ленинизм ғояларига бўйсундирилган бўлиб, замини пуч бу ғоялар комил инсонни тарбиялай олмади, кадрларни боши берк кўчага киритиб қўйди. Оқибатда жамият таназзулга юз тутди. Мустақилликнинг илк йилларида ижтимоий фанларни янги призмадан ўқитиш йўлга қўйилди.

Бирок Ўзбекистонда 1990 йиллар ўрталаридан ижтимоий фанларга нисбатан бир томонлама технократик ёндашув, бу борадаги масалаларга “ўғай” қараш шакллана бошлади. Афсус билан таъкидлаш керакки, ҳалигача узлуксиз таълим босқичларида, айниқса, олий таълим тизимида ижтимоий фанларни қанча ҳажмда ва қандай йўналишларда, қай бир шаклда ва қандай мазмунда ўқитиш ва ўргатиш бўйича яхлит концепция йўқ. Айрим узоқни кўра

¹⁶ Ш. Мирзиёев “Янги Ўзбекистон Стратегияси”. Т.: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021.-231 б.

олмайдиган “арбоблар” нинг “Ижтимоий фанлардан фойда йўқ” кабилидаги нождўя қарашлари оқибатида ушбу фанларнинг салмоғи ва сифатини тушириб юборишга йўл қўйилди. Бу йўналишда кимнингдир субъектив ёндашуви таъсирида бирор-бир фанни жорий этиш, бошқа бирини эса йўқотиш, кафедраларни қўшиш ва уларда профессор-ўқитувчилар сонининг ҳаддан ортиб кетиши билан боғлиқ тез-тез рўй бериб турадиган “тажрибалар”, ижтимоий фанлар олимлари ва мутахассислари, профессор-ўқитувчиларнинг меҳнатига муттасил скептик муносабатда бўлиш ҳолатлари соҳага жиддий зиён етказди. Айнан ана шундай ҳолат ушбу йўналишнинг айрим вакилларида “Биз ва бизнинг фанларимиз керак эмасми, бизга ҳам ҳеч нарса керак эмас. Шунчаки топшириқларни бажариб, фанларимизни ўқитиб ва дарсларимизни ўз вақтида ўтиб юрсак бўлди”, деган тасаввур шаклланишига сабаб бўлган. Ваҳоланки, ижтимоий-гуманитар фанлар – тарих, фалсафа, ҳуқуқшунослик, археология, шарқшунослик, тилшунослик ва адабиётшунослик, санъатшунослик ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришилган.

Бизнинг назаримизда ОТМларда ижтимоий фанларни ўқитишни жиддий қайта кўриб чиқиб, ижтимоий фанларни мазмунан бойитган ҳолда уларни ўқитишни йўлга қўйиш учун Президентнинг шу тавсияси ва талаби етарли асос деб ҳисоблаймиз. Зеро, ижтимоий соҳа бошқа техник ва иқтисодий, тижорат, молия, хўжалик соҳалари каби тўғридан-тўғри катта даромадлар келтирмайди. Лекин, жамиятнинг маънавий бўшлиғи орқали юз берадиган оқибатлар ва офатлар тузатиб бўлмайдиган кулфатларга сабаб бўлиши мумкинлигини бугун ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Афсуски, бундай ҳаракат тарафдорлари бизнинг юртдошларимиз ва диндошларимиз орасида ҳам учраб турипти. Яна бир глобал таҳдид ҳисобланган диний мутаассиблик, унинг оқибатларидан бири бўлган глобал терроризм, жоҳилона адоваткорликка асосланган диний оқимларнинг пайдо бўлиши бизни ижтимоий фанлар ўрнида пайдо бўлган бўшлиқни, саводи ҳаминқадар бўлган, чаламулаалар ва уларнинг хориждаги гунаҳдорларининг на динга на инсоний маънавиятга мос келмайдиган гояларнинг урчиб кетишига олиб келдики, бунинг оқибатини тасаввур қилиш инсонни даҳшатга солади. Ижтимоий фанларни камайтирган ҳолда етук мутахассисларни тайёрлаш мумкин. Аммо, ҳақиқий ватанпарвар, миллат учун ғам чекадиган инсонни тарбиялаш анча мушкул иш. Учунчи Ренессанс ҳақида қанчалик кўп гапирмайлик, ҳаракат қилмайдиқ, унинг туб моҳиятини ижтимоий-гуманитар фанларнинг ёрдамисиз ёшлар онгига сингдириб бўлмайди. Ижтимоий-гуманитар фанлар учунчи Ренессанс бошланиши ва ривожланишининг «Катализатори» ҳисобланади. Айнан, ижтимоий-гуманитар фанлар ҳалқни ва бутун миллатни уйғотишга қодир «юксак куч» ҳисобланади.

Бугун биз замонавий билим ва технологияларни, иқтисодиётни эгаллаган авлодни тайёрлашимиз керак. Табиий-техник ва ихтисослик фанлари бундай

мутахассисларни тайёрлаш учун асосий омил экани ҳам шубҳасиз. Аммо янги авлодни халқ ва жамият, миллат ва давлат манфаатларини кўзлайдиган, ўзини юрт манфаатлари билан бирга кўрадиган ва ислоҳотларга дахлдорлигини, ижтимоий масъуллигини сезадиган, етук инсон этиб тарбиялаш учун ушбу фанларнинг ўзи кифоя қилмайди. Биз давлат ва жамият манфаатлари йўлида ҳалол меҳнат қилган, бу борада барча ижтимоий чақириқ ва даъватларга “лаббай” деб жавоб берган ота-боболаримиз авлоди таъсирида тарбияландик. Уларнинг бундай авлод бўлишида ижтимоий фанлар тизимининг шани ва аҳамияти катта бўлгани барчамизга маълум.

Аслида, бизнинг авлодимиз ҳам ўша тизим таъсирида шакланган. Ота-оналаримиз авлодига хос маънавий мезонлар, ижтимоий талабларга ҳозиржавоблик, жамоавийлик тамойилларига риоя қилиш каби хусусиятлар бизнинг авлодимизга ҳам ўтган. Бутунги кунда эса ёшларни асосан, чет эл андозалари, гоёсизлик тамойиллари ва ижтимоий фанлар тизими қарийб йўқотилган таълим таъсирида шакллантириш тарафдорларининг кўпчилиги яқин келажақда ушбу авлоднинг асл қиёфаси, давлат ва жамиятга муносабати қандай бўлиши ҳақида яхлит тасаввурга эга эмаслар, деб ўйлайди киши. Биз ҳали –ҳамон гоёсизликка асосланган таълим ва гуманитар фанлар тизими таъсиридан ҳалос бўлган келажақ авлоди билан яшаганимиз ва ишлаганимиз йўқ, яъни у билан бевосита юзма-юз келганимиз, мулоқотга киришганимиз йўқ. Шундай экан, ижтимоий фанларга эътибор бермаслик оқибатида дунёқараши бир томонлама шакланган, ўзидан бошқани ўйламайдиган, халқ, давлат ва жамият тушунчаларидан бегона бўлган ва бутунги кунда чет элларда “бой берилган авлод” дея аталаётган ёшлар авлоди бизда ҳам вужудга келмайдими? Бундан 60-70 йил илгари иккинчи жаҳон урушидан кейинги қийинчилик ва моддий тақчиллик йилларида хорижда ишлаб чиқилган ва асосан, маънавият ва гуманитар таълимга пул сарфлаш зарур эмас, деб ҳисобланган ва мутлақ гоёсизликка асосланган ижтимоий концепциянинг оқибатлари қандай бўлганини бугун кўриб турибмиз¹⁷.

Мана бу мисолнинг ўзи замонавий кадрларни тайёрлаш қанчалик зарурлигини кўрсатади. Эрамиздан аввалги VI асрда яшаган Хитой файласуфи Сун Цзи кўлланмаларида ахборот хуружларининг бошқачароқ тури, яъни психологик урушларда фойдаланиш мумкин бўлган услублар баён қилинади. Файласуфнинг фикрича, ўз ғанимини енгиш учун, энг аввало, “душманингиз мамлакатадаги ҳамма яхши нарсаларни пароканда қилинг, раҳбарлари обрўини тўкинг ва ўрни келганда уларни жамоатчилик олдида изза қилинг, шу мақсадда энг қабиҳ ва разил кишилар билан ҳамкорликдан фойдаланинг, фуқаролари орасида низо ва тўқнашувлар келтириб чиқаринг, ахборот ва шериклар сотиб олиш учун тақлиф ва совғаларга сахий бўлинг, ёшларни кексаларга гиж-гижланг, умуман пулни ҳам, ваъдаларни ҳам, аяманг чунки улар ажойиб натижалар

¹⁷ Ш. Мирзиёев “Янги Ўзбекистон Стратегияси”. Т.: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021.-234 б.

беради” қабиладаги маслаҳатлар берилади.

Давлатимиз хавфсизлигини таъминлашнинг асоси — мамлакатимиз ёшлари. Ёшлар — бизнинг таянчимиз, эртанги кундан умидимиз, савоб ишларимизнинг давомчилари деб кўп гапирамиз. Нафақат хавфсизлигимиз, шу билан бирга юрт тинчлиги, ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги гоёсининг амалга ошиши, давлатимизнинг келажакда барқарор бўлиши ҳам ёшларимиз қандай шаклланишига бевосита боғлиқ. Иморатнинг мустақамлиги уйнинг пойдеворига боғлиқ. Пойдевор қанчалик бақувват бўлса, иморат ҳам шунчалик умрбоқий туради. Заиф пойдевор устига қурилган ҳар қандай мухташам бино ҳам бир марта бўрон турса бас, ўша заҳоти қулаб тушади. Мамлакатимиз пойдевори эса шубҳасиз, аҳолисининг 60 фоиздан кўпрогини ташкил этган ёшлардир.

Шундай экан, таълим тизимининг барча босқичларида ижтимоий фанларни қай тарзда тақсимлаш, ўқитиш ва амалиёт соатларини қандай ташкил этишга доир махсус концепцияни ишлаб чиқиш зарур эҳтиёжга айланди. Шу сабабли Президентимиз ўзининг “Янги Ўзбекистон Стратегияси” асарида айтганидек, “Узлуксиз таълим тизимида ижтимоий фанларни ўқитиш тартиби ва тамойиллари тўғрисида” қонун ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш эҳтиёжи мавжуд. Бу жиҳатдан, 2022-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим ва тарбия соҳасини гуманитарлаштириш стратегияси” яратилиши ва амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Шундагина биз иқтисод соҳасида ҳам чинакам ҳар томонлама билимли замонавий кадрларни тайёрлашга эришамиз¹⁸. Ҳақиқатдан ҳам, биз катта ниятлар билан пойдеворини кўяётган янги Уйғониш – Ренессанс даври мамлакатимизда мана шундай улкан бойлик яратишга, халқимиз ҳаётини фаровон қилишга ва келгуси авлодларга ўзимиздан муносиб мерос қолдиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, Ижтимоий фанлар соҳасида одоб-ахлоқ қоидалари ва маънавиятнинг оддий тушунчалари ва содда талабларини бошланғич синфлардан ўргата бошлаш; ОТМларда “Ижтимоий фанларни ўқитиш концепциясини” ишлаб чиқиш; Янги Ўзбекистонни - обод ва фаровон, демократик мамлакатни, Учинчи Ренессансни барпо этишда педагоглар, профессор-ўқитувчилар, ижодкор зиёлилар энг катта куч, таянч ва суянч эканлиги ва уларнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиб бериш талаб этилади. ОТМ ларнинг тўлиқ кредит модули тизимига ўтиши муносабати билан, ижтимоий фанларнинг кўпайиши кадрлар тайёрлаш харажатларини ошириб, уларнинг рақобатдошлигини камайтирадиган ҳолат юзага келса, бу фанларнинг баъзиларини давлат қоплаб бериши мақсадга мувофиқ. Нодавлат ОТМ ларда эса ижтимоий фанларнинг ўқитилиши тўлиқ давлат буюртмаси сифатида бўлиши мумкин.

Ижтимоий фанларни таълим соҳаларига қараб тақсимлаш мумкин. Масалан, педагогик ва гуманитар йўналишга, техника инженерлик, иқтисодиёт ва

¹⁸ Ш. Мирзиёев “Янги Ўзбекистон Стратегияси”. Т.: “O'zbekiston” нашриёти, 2021.-236 б.

бизнес соҳаларига алоҳида ижтимоий фанларни ўқув режаларига киритиш мантиқли бўлади. Олий таълим вазирлигида Ижтимоий фанларни ўқитиш масалари бўйича алоҳида бошқарма ва жамоатчилик асосида экспертлар Кенгаши тузиш мақсадга мувофиқ. Қолаверса, Янги Ўзбекистон стратегиясидан келиб чиқиб ОТМларда Ўзбекистоннинг энг янги тарихи; Фалсафа(+Мантик, Этика, Эстетика); Янги Ўзбекистон Стратегияси; Диншунослик; Ижтимоий антропология; Сиёсатшунослик; Ҳуқуқшунослик(таълим йўналиши ҳисобга олинган ҳолда); Педагогик ва гуманитар ОТМларга: Маънавиятшунослик; Социология; Фалсафа тарихи; Мантиқ фанлари ўқитилса замонавий етук кадрларни тайёрлаш борасидаги ишимиз енгиллашади.

Хулоса.

Келгусида Ўзбекистонда «Ижтимоий-гуманитар фанлар университети» ташкил қилиш ҳамда бу соҳада чуқур ихтисослашувни ташкил этиш ўринли бўлади. Бундан ташқари, табиий ва аниқ фанлар соҳаларига ҳам ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитилишини таъминлаш ва дарс соатларини ошириш; олий таълимда ижтимоий-гуманитар фанларнинг қамровини кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш; олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантиришда Фалсафа ва фалсафий тафаккурни жорий қилиш; ҳар бир мутахассислик йўналишида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш; коррупцияга қарши курашиш, шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмлари сифатида ижтимоий-гуманитар фанларга кенг имкониятлар яратиш каби таклиф ва тавсияларни ҳам илгари сурмоқчиман. Бу иқтисодиёт соҳасида ҳам замонавий, малакали ва профессионал кадрларни тайёрлаш ишига хизмат қилади.

ФОНД БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МОЛЯВИЙ САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШ ЗАРУРИЯТИ

М.А. Султанов, PhD

**ТДИУ хузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва
муаммолари” илмий тадқиқот маркази к.и.х.**

Аннотация. Мақолада фонд бозори савдолари фаоллигини оширишда молявий саводхонликнинг ўрни ва зарурияти ёритиб берилган. Умумтаълим муассасаларида молявий саводхонлик асослари ва қимматли қозғозлар бозорини ўрганиши бўйича мультимедиа технологияларига асосланган ўқув курси платформасини ишлаб чиқиши бўйича таклифлар берилган.

Таянч иборалар: молявий саводхонлик, фонд бозори, қимматли қозғозлар бозори, мультимедиа технологиялари, фонд бозори савдоси, ўқув курси платформаси, риск.

Кириш.

Кейинги йилларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, камбағалликни камайтириш, ҳамда тадбиркорлик ишларини юритиш учун кўп миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ушбу кредитларнинг маълум бир қисми мақсадли ўзлаштирилмаганлиги сабабли мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишига салбий таъсири ўтказиб келди. Бундай ҳолатларни камайтириш ва фуқароларнинг “расмий иқтисодиёт”даги фаоллигини ошириш Республикамиз Президенти Ш. Мирзиёев куйидаги фикрларини илгари сурган. “Ҳар бир ҳудудда биттадан касб-хунар коллежида хорижлик мутахассисларни жалб қилган ҳолда бизнес ва касбга ўқитиш марказлари ташкил қилинади. Камбағалликни камайтириш - бу оиланинг ойлик ёки нафақасини кўпайтириш, оммавий кредит бериш, дегани эмас. Таъбир жоиз бўлса, шу вақтгача биз одамларимизга балиқ бердик. Бу тажриба ўзини мутлақо оқламади. Халқимизга балиқ тутишни ўргатишимиз, қармоқ беришимиз лозим» [1] деган эди. Бундан шундай хулоса қилиш керакки, ҳар бир фуқаро даромад топиши учун ўз салоҳиятини ишга солиши, иқтисодиётимизнинг ўзлаштирилмаган соҳаси сифатида қаралаётган молия сектори ҳам даромад топиш имкониятларини синаб кўриши лозим. Бунинг учун фуқароларни молявий саводхонлигини оширишда айнан молия бозорининг таркибий қисмларидан ҳисобланган фонд бозори (қимматли қозғозлар)га аҳамият қаратиш лозим. Шундай экан жаҳон иқтисодиётида қимматли қозғозлар (фонд) бозори муносиб ўринга эга бўлиб, ривожланган ва ривожланаётган давлатларда қимматли қозғозлари савдосида фуқаролар учун қўшича даромад олиш манбаси бўлиб хизмат қилади. Ҳозирда

инвестицион воситачилар ёрдамида қимматли қоғозлар бозорига аҳоли маблағларини жалб этиш борасида Ўзбекистон Республика Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг «иқтисодиётни ривожлантиришда аҳоли қўлида тўпланган маблағларни инвестиция шаклида ҳаракатга келтириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини кучайтириш муҳим вазифаларимиздан биридир.....» [2], - деб билдирган фикрлари Ўзбекистон капитал бозорини истиқболини белгилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таҳлил ва натижалар.


Республикада мустақилликнинг илк давридан бошлаб инвестицион сиёсатнинг бош мақсади сифатида, фонд бозори савдоларини фаоллаштириш ва молия секторига аҳоли жамғармаларини инвестицион воситачи инвестиция фондларини тузиш орқали жалб этиш масаласи илгари сурилди. Мамлакатимизда фонд бозорининг ривожланиши, давлат мулкни хусусийлаштириш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, савдо ҳажмининг аксарият қисми 1994 – 2000 йилларда фуқароларни ўрта мулкдорлар синфига айлантиришни мақсад қилган хусусийлаштирилган инвестиция фондлар фаол даврини эътироф этиш мумкин. Кейинчалик, 2017 йилларгача ушбу бозор, қандайдир маънода ҳукумат эътиборидан четда қолган.

Бугунги кунда, мамлакатимизда замонавий қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, ҳамда жаҳон ҳамжамиятига интеграциялауви, ҳамда иқтисодиётдаги аҳамиятини баҳолаш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, фонд бозорининг иқтисодиётдаги улушининг талаб даражада эмаслиги хусусида “2020 йил якунлари бўйича капитал бозоридаги савдо ҳажми 578 миллиард сўмни ташкил қилгани, бу 2019 йилга нисбатан 32 фоизга ўсган. Лекин, “Аҳоли ва маҳаллий компанияларнинг инвестициядаги иштироки минимал даражада. Мамлакатда институционал инвесторлар деярли мавжуд эмас. Ўзбекистонда капитал бозорининг ривожланиш даражаси дастлабки ҳолатда, яъни капиталлашув ЯИМга нисбатан таққосланса, 1 фоизни ташкил этади. Дунё миқёсида эса бу 93 фоиз” [4] – деб Сенат раисининг биринчи ўринбосари Содик Сафоев фикр билдирган эди. Шунингдек, ушбу бозорни жаҳон даражасига олиб чиқишда аҳоли молиявий саводхонлигини ошириш алоҳида аҳамият касб этиши хусусида А.Назиров, «Мамлакат капитал бозори максимал имконият билан ривожланиши учун бир неча тўсиқ мавжуд. Одамларда молиявий саводхонлик етишмайди. Бу эса соҳа кадрларининг профессионализмига таъсир кўрсатади. Таълим муассасаларида молиявий билимларнинг берилишига ургу бериш лозим» [5] -деган фикрни билдирган.

Иқтисодиётда молия секторининг улушини ошириш мақсадида, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда иқтисодиётга чет эл сармоясини жалб қилишга йўналтирилган ва изчиллик

билан олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз ривожланишининг янги босқичида барча соҳалар қатори фонд бозорини ривожлантиришга ҳам эътибор бериб келинмоқда. Жаҳон тажрибасидан маълумки, молия бозори иқтисодиётнинг қон томири сифатида намоён бўлади. Иқтисодиётдаги деярли барча лойиҳалар учун молиявий ресурслар молия бозорларидан қидирилади. Айниқса фонд бозорини алоҳида таъдидаб ўтиш даркор. Шу жиҳатдан қаралганда Ўзбекистон фонд бозори мамлакат тараққиёти учун зарурий молиявий ресурсларни жалб эта олиши алоҳида аҳамият касб этади.

Корея фонд биржаси (КРХ) кўмагида ишлаб чиқилган ва 2016 йилда ишга туширилган Ягона дастурий-техник мажмуа (www.fondbozori.uz) ва 2017 йилдаги валюта бозорининг либераллашуви республикаимиз фонд бозорини ривожлантириш учун сезиларли туртки бўлди, натижада 2018 йил якунида биржа савдолари ҳажми 2017 йилдагига нисбатан 2,7 баробарга ортиб, 814,5 млрд. сўмга етди (1-расм).



* йил боши ва йил якунидаги курсларнинг арифметик ўртачаси бўйича ҳисобланган

1-расм. Ўзбекистон фонд бозоридаги савдо ҳажми¹⁹

Аммо 2019 йил якунлари бўйича савдолар 2018 йилга нисбатан 40 %га камайганини кузатиш мумкин. 2020 йил якуни билан савдолар нисбатан “жонланган”ини кузатиш мумкин. Мамлакатимиз фонд бозоридаги савдолар ҳажми умумий тенденцияда ошиб бораётган бўлса-да, мавжуд салоҳиятга мос келмайди. 2020 йил давомида амалга оширилган савдолар ҳажми 2021 йил 1 январь ҳолатидаги акциялар номинал қийматига нисбатан 0,44 %ни ташкил этган. 2019 йилда эса ушбу кўрсаткич 0,51 %га тенг бўлган.

¹⁹ www.uzse.uz ва www.elsavdo.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Ўрганишлар натижасида хулосага келиш мумкинки, Ўзбекистон фонд бозорида молиявий инструментларнинг тури чекланган, давлат иштироки юқори ва савдолар ҳажми камлигича қолмоқда. Мисол учун, 01.04.2021 йил ҳолатига 117,8 трлн. сўм (238 та АЖ) давлат ва 4,4 трлн.сўм (174 та АЖ) хўжалик бошқарув органлари ҳиссасига тўғри келади. Бошқача айтганда, фонд бозоридаги мавжуд акцияларнинг 85 фоизида давлат иштироки мавжуд. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш ва фонд бозорининг иқтисодиётдаги аҳамиятини оширишга қаратилган тадбирлар «Ҳаракатлар стратегия»сида ва ундан келиб чиқиб 2017 - 2021 йил дастурлари доираси ҳал этиш зарур бўлган устиворвазифлар қаторидан жой олган.

Ўзбекистон фонд бозоридаги савдо ҳажмидан кўриниб турибдики, мамлакатимиз фонд бозорини янада ривожлантириш мақсадида молиявий саводхонлик таркибида, фонд бозори саводхонлигини ўрганиш муҳим зарурият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6207-сонли фармони айнан шу масалани ўзида акс эттирган. Хусусан,

умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳамда ноиқтисодий йўналишдаги олий таълим ташкилотлари талабалари учун “Молиявий саводхонлик” ўқув курсини фан сифатида жорий этиш;

ушбу фан доирасида маблағларни тўғри бошқариш, оқилона молиявий қарорлар қабул қилиш, жумладан молиявий инструментлар бўйича ўқитиш методологиясини ишлаб чиқиш;

миноритар инвесторлар, капитал бозорининг бошқа иштирокчилари ҳамда аҳоли кенг қатламларининг билимлари, кўникмалари ва молиявий саводхонлигини оширишни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида 2023 йил якунига қадар 40 минг нафар аҳолини қамраб олиш;

капитал бозори соҳасига оид масалалар бўйича аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш дастурларини амалга оширишда барқарор механизмларни жорий этиш [3].

Шу ва шу каби масалаларни юқори савияда ижро этиш мақсадида соҳага оид илмий тадқиқот муассасаларини кенг жалб қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юқорида келтирилган ПФ-6207-сонли фармонда халқаро молия бозорлари билан фаол интеграциялашув, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ва хорижда муваффақиятли синовдан ўтган илгор ёндашувларни қўллаш орқали барча тоифадаги инвесторлар учун капитал бозорининг қулайлигини ошириш масаласи ҳам кўтарилган.

Ушбу фармонни ўрганиш бизга, «Молия ва инвестиция саводхонлиги» дастурини амалга оширишда умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун «Умумтаълим муассасаларида молиявий саводхонлик асослари ва қимматли қоғозлар бозорини ўрганиш бўйича мултимедиа технологияларига асосланган ўқув курси плат-

формаси» ишлаб чиқиш ташаббусини илгари суриш гоёсини юзага келтирди. Бу ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 февралдаги ПФ-6207-сон Фармони 6-банди ва 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сон Фармони 2-илоvasи 21-бандининг ижроси таъминлага хизмат қилади. Ушбу ўқув курси платформасининг асосий мақсади билим ва кўникмалар асосида ўқувчилар келажакда кўшимча даромад топиш имконияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш, келгусида касб танлаш, ўқувчилар ўқув курси давомида курсдан ташқари вақт давомида зарурий маълумотларни эгаллаш ва савдода иштирок этиш мақсадида бўш вақтдан самарали фойдаланиши сабаб, бекорчиликдан келиб чиқувчи салбий оқибатлар камайишига сабаб бўлади.

“Умумтаълим муассасаларида молиявий саводхонлик асослари ва қимматли қоғозлар бозорини ўрганиш бўйича мултимедиа технологияларига асосланган ўқув курси платформаси” ёшларда:

1. Йил дастурида белгилан рақамлаштириш дастурларидан кенг фойдаланиб, ўқувчилар мобил дастурлар ва рақамли махсулотлардан кенг фойдаланиши;

2. хар бир фуқаро, ўсмир ёшдаги ўқувчи ва талабаларда букмекрлик (тотализатор, қимор) фаолиятида иштирок этиш учун мойиланкка эга бўлиши.

3. ўқувчиларни кўпроқ билим олишга қизиқтириш ва ундаш зарурати юзага келади.

Ушбу ўқув курси платформаси фонд бозорида жорий этиш зарурияти:

-инвесторлар базаси кам бўлиб, мунтазам равишда янги иштирокчиларни жалб этиб бориш учун эҳтиёж мавжуд;

- қизиқарли ва жозибадор;

- назария ва амалиётнинг ўзаро боғлиқ ўқитилиши

- малакали кадрлар етишмовчилиги;

- кенг жамоатчиликнинг қимматли қоғозларга нисбатан ишонч даражасининг пастлиги кузатилади.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса сифатида шуни такидлаш мумкинки, бугунги кунда умумтаълим муассасаларида молиявий саводхонлик асослари ва қимматли қоғозлар бозорини ўрганиш етарли даражада эмас. Муаммонинг асосий сабаби таълим амалиёт билан боғлиқ эмаслигида бўлиб, умумтаълим муассасаларида молиявий саводхонлик асослари ва қимматли қоғозлар бозорини ўрганиш бўйича мултимедиа технологияларига асосланган ўқув курси платформасини яратиш орқали ўқувчиларнинг келгусида шахсий молиявий қарорларни қабул қилиш ва кўшимча даромад топиш кўникмаларини шакллантириш мумкин. Келгусида ривожланиш салоҳияти юқори баҳоланаётган мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозорига профессионал кадрларни мактаб давридан бошлаб тайёрлаш зарурияти туғилмоқда.

Умумтаълим муассасаларида молиявий саводхонлик асослари ва қимматли қоғозлар бозорини ўрганиш бўйича мултимедиа технологияларига асосланган ўқув курси платформасинининг амалиётга жорий этилиши куйидаги муҳим натижаларга олиб келади:

- умумтаълим мактаблари ўқувчиларида келажакда қўшимча даромад топиш бўйича молиявий билим ва кўникмалар шакллантирилади, уларга келгусида муносиб касб танлаш учун ҳам имконият беради;

- ўқувчиларнинг курсни битириб амалиётда фонд бозоридаги савдоларда иштирок этишни бошлаши кўплаб соҳалар бўйича (корпоратив бошқарув, таҳлил, прогноزلаш, АКТ ва ҳуқуқий) саводхонликни оширади ва кўникмаларни шакллантиради;

- ўқувчиларнинг мактабдан ташқари бўш вақтларидан ўқув курси бўйича зарурий маълумотларни эгаллаш ва савдода иштирок этиш орқали самарали фойдаланиш имконияти яратилиб, ёшлар ўртасида бекорчиликдан келиб чиқувчи салбий оқибатлар камайишига эришилади;

- таклиф этилаётган ўқув курси платформаси ва тажрибаси тегишан давлат қарори билан белгиланган мактабларда 10-11 синфлар учун молиявий саводхонлик бўйича янги фан дарслигини жорий этиш учун асос бўлади;

- етишмовчилик кузатилаётган молиявий саводхонлик асослари ва қимматли қоғозлар бозорини ўқитиш соҳасида амалий молиявий кўникмаларга эга педагоглар ва мутахассислар жамоаси шаклланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь.*
2. Ш.М. Мирзиёев «Халқимизга балиқ эмас, қармоқ беришимиз керак» www.kun.uz/.
3. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6207-сонли фармони*
4. *Регуляторга кўпроқ имконият бериши керак. Молия бозори ривожига нималар тўсиқ бўлмоқда?* <https://kun.uz/news/>
5. *О. Назиров. Одамларимизда молиявий саводхонлик паст»* Kun.uz.

ИЖТИМОЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ФАҲРИДДИН РОЗИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

С. С. Умаржонов, PhD,
*“Ижтимоий-гуманитар фанлар”
кафеджаси таянч докторанти, ТДИУ*

Аннотация. Ушбу мақолада таълим муассасаларида ижтимоий фанларни ўқитишнинг қай даражада муҳим эланлиги ва уни давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги турли хил манбалар асосида очиб берилган. Шунингдек Фаҳриддин Розийнинг ижтимоий фанларга доир араб, форс тилларида ёзилган асарлари тахлил этилган.

Таянч иборалар. Миллий ва умумбашарий қадриятлар, миллий маънавият, “Янги Ўзбекистон стратегияси”, “Маънавиятишунослик” “Касб этикаси”, мавжудод, ҳақиқат, назарий фалсафа, амалий фалсафа, борлик, вожиб ул-вужуд, мумкин ул-вужуд, М.Н. Болтаев, замон ва макон

Кириш.

Маълумки, ёшлар интеллектуал салоҳият ва илгор технологияларни эгаллаш билан бирга миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигининг заруратини чуқур англаб етишлари зарур. Бу зарурият нима билан изоҳланади? Интеллектуал салоҳият ва илгор технологиялар аввало, жамиятнинг моддий асосларини, иқтисодий тараққиётини, харбий кудратини мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Шу билан биргаликда муайян даражада жамият аъзоларининг моддий фаровонлигини таъминлашга ҳам таъсир кўрсатади. Бу хизмат ва таъсирнинг жамият учун, жамият аъзолари учун қай даражада манфаатли бўлиши интеллектуал ва илгор технологиялардан қандай мақсадларни амалга ошириш учун фойдаланишга боғлиқ. Шу сабаб асосий ургу айнан миллий ва умумбашарий қадриятларнинг уйғунлигини, миллий маънавиятни теран англашга, яъни тафаккурлаш маданиятини шакллантиришга қаратилгандир. “Шу билан бирга, аниқ фуқаролик позитсиясига эга бўлган, жамият, давлат манфаатларини химоя қиладиган, халқ хаётидаги ўзгаришлар ва ислоҳатларда фаол қатнашадиган, замонавий ва кенг тафаккурли ёшлар авлодини шакллантириш вазифаси ҳам ниҳоятда муҳим, албатта”.²⁰ Ёшлар онгида миллий ва умумбашарий қадриятлар, миллий маънавият тушунчаларини шакллантиришда ижтимоий фанлар муҳим рўл ўйнайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ижтимоий фанларнинг муҳим

²⁰ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: “Ўзбекистон”. 2021. – Б 231

эканлигига “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида қуйидагича тўхталиб ўтган эди: “Таълим тизимининг барча босқичларида ижтимоий фанларни қай тарзда тақсимлаш, ўқитиш ва амалиёт соатларини қандай ташкил этишга доир махсус концепсияни ишлаб чиқиш зарур эҳтиёжга айланган. Шу сабабли “Узлуксиз таълим тизимида ижтимоий фанларни ўқитиш тартиби ва тамойиллари тўғрисида” қонун ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш эҳтиёжи мавжуд...”²¹ Президентимиз таклифи билан олий таълим бакалавр босқичи учун “Маънавиятшунослик”, магистрлар учун “Касб маънавияти” фанлари жорий этилмоқда.²² Президент томонидан ижтимоий фанларга бўлган бундай юксак эътибор ушбу фанларни жамиятимиз учун қай даражада муҳим эканлиги яққол намоён бўлади.

Тадқиқот натижалари ва таҳлиллари.

Фахриддин Розий ўз асарларида фалсафа, мантиқ, диншунослик, этика, тарихкаби ижтимоий фанларга доир кўплаб асарлар ёзган. Асарларида ўзининг фикрларини теран ва аниқ ифодалаган. Бизнинг фанимиз доирасида унинг фалсафий асарлари, улардаги ижтимоий-фалсафий, диний қарашлари муҳим аҳамиятга эга. Фахриддин Розийнинг оламга бўлган ижтимоий-фалсафий қарашлари бугунги кунда катта аҳамият касб этмоқда. Унинг фалсафий қарашлари ҳам турли хил фалсафий таълимотлар асосида, ҳам ўз тажрибаси ва билими асосида пайдо бўлган ва шакланган. Мутафаккирнинг фалсафий қарашлари унинг бир қатор асарларида ўз аксини топган. Жумладан “Буюмларнинг бир-бирига қарама-қарши туриши ва йўналиши ҳақида рисола” (“Рисолаи дар қафи чиз ва жиҳод”), “Мақсадга етиш ҳақида рисола”, (“Рисолаи таҳсил-ул-ҳақ”), “Қалб ҳақида рисола” (“Рисолаи сайри нафс”), “Билимлар тўплами” (“Жомеъ-ул-улум”), “Аввал ўтганларнинг кейингиларга (файласуфларга) бўлган фикрлари моҳияти ҳақида рисола” (“Мухассали афкори мутақаддимин ва мутааххирин”), “Фалсафа моҳиятини тушунтириш ҳақида рисола” (“Шарҳи аюн-ул-ҳикама”), “Теология ва метофизика ҳақида рисола” (“Ар-рисолат-ул-камолия ф-ил-ақоик-ул-илоҳия”), “Ибн Синонинг “Қонун” китобини шарҳлаш ҳақида рисола” (“Шарҳи-Қонун” – ва Абу Али), “Ибн Синонинг “Кўрсатма” китоби асосий қисмлари ҳақида рисола” (“Лубоб-ул-ишорот ва Абу Али”), “Мантиқ бўйича кичик китоб ҳақида рисола” (“Рисолаи мухаллас”), “Мантиқ бўйича катта китоб ҳақида рисола” (“Ал-мантиқ-ул-кабир”), “Онг чегараси ҳақида рисола” (“Ниҳотя –ул-укул”), “Фалсафани ривожлантириш ҳақида рисола” (“Таджиз-ул-фалсафа”), “Фалсафа ҳолати ҳақида рисола” (“Рисолаи дар аҳволи фалсафа”).

²¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021. – Б 236

²² Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021. – Б 231

Юқориди кўрсатиб ўтилган номлардан кўриниб турибдики, мутафаккирнинг фалсафа бўйича ишлари миқдор бўйича улкан ва таркиби борасида турлитуман. Уларнинг фалсафий мазмуни етарлича тадқиқ қилинмаган. Шу сабабли ушбу мақоламизда Розийнинг унга тегишли аслиятдаги алоҳида асарлари нуқтаи назари асосида баъзи бир ижтимоий-фалсафий ва умумий-сиёсий қарашлари ҳақида, айнан, “Латоиф ул-ғиёсиёт” (ҳақиқатнинг нозик жихатлари), “Жомеъ-ул-улум” (“Билимлар тўплами”), (“Ар-рисолат-ул-камолия ф-ил-акоику-ул-илоҳия”), “Теология ва метофизика ҳақида рисола”, “Шарх-ул-Ишорат в-ат-Танбеҳот” (“Ибн Синонинг “Кўрсатма ва буйруқлари” китобига шарҳлар”), “Чахордах рисола”, (“Ўн тўртта рисола”) каби унинг фалсафий таълими ёрқин акс этган маълумотларни беришга қарор қилдик.

Розий учун фалсафада улкан авторитет сифатида қадимий юнон мутафаккир-файласуфлари Аристотель, Гераклит, Демокрит, Эпикур ва унинг издошлари Ўрта Осиё ва мусулмон шарқининг буюк олимлари Ал-Киндий, Абу Носир ал-Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Суҳайл Масехий ва бир қатор шу каби олимлар бўлган. Шунинг учун, ушбу мутафаккир-файласуфлар номини бир қатор асарларда тилга олаётиб ва фалсафий фикрларни ривожлантиришдаги уларнинг хизматини тан олиб, Розий шундай ёзган эди: “Улар (яъни, Аристотель, Демокрит, Гераклит, Эпикур, Ал-Арабий, Ибн Сино, Абу Суҳайл Масехий) ўзларининг улкан илмлари билан фалсафа фанини бойитган ноёб файласуф ва йирик мутафаккир бўлишган. Гарчи бизнинг замондош-файласуфларимиз билимлар чўққисни забт этган бўлсалар-да, улар билан қиёсланса – улкан денгиз қаршисидаги томчи кабидир²³.”

Розийни фалсафа соҳасида Аристотель, Абу Носир ал-Форобий ва Ибн Синонинг маълум даражадаги издоши деб ҳисоблаш мумкин. Аммо у нафақат издош балки, юқориди кўрсатилган файласуфлар таълимотининг оддий шарҳловчиси ва тақлидчиси ва шунингдек уларнинг фалсафий ва табиий-илмий меросига ижодий ва танқидий руҳда ёндошган.

“Билимларнинг турли соҳаларида, шу жумладан, фалсафа борасида улкан миқдордаги асарлар ёзган Аристотель, – деб ёзади у, – файласуфлар ўртасида энг буюги эди. Абу Носир ал-Форобий ва Ибн Синодан бошқа ҳеч бир файласуф унинг ишларини бу қадар чуқур ўрганмаган, шу қадар шарҳлай олмаган. Фалсафа ихлосмандлари унинг асарлари ва ўзига катта ҳурмат билан муносабатда бўлишган. Мен ҳам унинг фалсафий асарларига жуда қизиққанман ва умримнинг бир қисмини унинг фалсафий асарларини ўрганишга сарфладим. Бунинг натижасида ўзимнинг фалсафий ишларимнинг бир қисмини ёза олдим, шуларнинг жумласига “Онг чегараси ҳақида рисола” (“Нихсат-ул-укул”), “Мантиқ бўйича кичик китоб ҳақида рисола” (“Ал-Мулаххас”), “Ибн Синонинг

²³ Фахриддин Розий. “Дар ахвали фалсафа”. // Мойл Херавий “Шарҳи ҳол ва зиндаги...” 228 -бет

“Кўрсатма” китоби асосий қисмлари ҳақида рисола” (“Шарҳи Ишорот ва Абу Али”) ²⁴ киради.

Ушбу парчадан маълум бўладики, гарчи Розий ҳаётининг бир қисмини Аристотелнинг илмий меросини ўрганишга сарфлаган ва унинг асарлари таъсири остида ўзининг бир қатор асарларини ёзган бўлса-да, шу қатори у ўзига хос асарлар яратган, уларда ўзидан аввал ўтганларнинг, шу жумладан, Аристотель, ал-Форобий ва Ибн Синоларнинг баъзи бир фалсафий долзарб, материалистик ғояларини ривожлантирган мутафаккир-файласуфҳам эди.

Розий ўзининг деярли барча, айниқса, соф фалсафий кўринишга эга асарларида ўз олдига фалсафанинг бир қатор муҳим ва долзарб муаммоларига жавоб бериш ва улар бўйича ўз фикрини айтишни мақсад қилиб қўйди. Айни пайтда, у фалсафанинг нафақат муаммовий масалаларини назарий тушунишга уринди, балки ушбу назарий мулоҳозаларни ҳаёт билан боғламоқчи бўлди. Ва айтиш мумкинки, баъзи жиҳатларда бу ғояларни амалга оширишга эришди.

Розий фалсафани энг қадимий фанлардан бири деб ҳисоблаган. Фалсафа, унинг кўрсатишича, атроф олами ўрганишда муҳим аҳамиятга эга, зеро, мавжуд ҳақиқий ҳаётни бутунлигича ўрганади. Шунинг учун ҳам Розий ўзидан аввал ўтганларнинг прогрессив материалистик ғояларига риоя қилган ўлароқ, фалсафани мулоҳоза юритишнинг ва турмушнинг, вужуднинг (“мавжудод”) объективлигини исботлашнинг энг зўр воситаси, ҳақиқатга (“ҳақиқат”) ²⁵ етишнинг тўғри йўли, деб ҳисоблайди. Зеро, дейди мутафаккир, фалсафанинг предмети борлиқ, мавжудлик ҳисобланади, объектив ҳақиқат эса уни англаш, шу боис илм қисмларга бўлинади. Унинг қарашларига кўра, предметлар ва ҳақиқий ҳаётнинг буюмлари икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга инсоннинг фаолияти ва ихтиёрига боғлиқ бўлмаган предметлар киради. Иккинчи гуруҳга, инсоннинг ҳаракатлари ва ақлига боғлиқ предмет ва буюмлар киради. Шундан келиб чиқиб, борлиқ ҳақидаги фан икки қисмга бўлинади. Мазкур фаннинг биринчи қисми, мақсади ҳақиқатни англаш бўлган назарий фалсафа, мақсади фаровонликка етиш бўлган амалий фалсафа ҳисобланади. Розий дейди: “Бизнинг файласуфларимиз, амалий ва назарий фалсафа масаласига ёндошаркан, уни қуйидагича тушунтирганлар: назарий фалсафа шуки, унинг воситасида инсон олами англайди. Амалий фалсафа воситасида эса инсон моддий бойликларни англайди. Шу сабабли ҳам улар фалсафани амалий ва назарий фалсафага бўлганлар, англашни (билишни) эса унинг ташқарисидаги ва ичидагига бўлганлар ва шунинг асосида борлиқни, қисман, бутун олам, деб тушунтирганлар” ²⁶.

²⁴ Фахридин Розий. “Дар ахвали фалсафа”.// Мойл Херавий “Чохордах рисола” 144- бет

²⁵ Чохордах рисола” 144- бет

²⁶ Фахридин Розий. Жомеъ ул-улом. Тошкент, 1331 хижрий, 417- бет

Розий борлиқнинг, мавжудоднинг чиндан ҳам мавжудлиги ва уни ҳиссиёт органлари ва онг воситасида англанишига шубҳа қилмайди. “Ташқи дунё мавжуд ва турли таналардан иборат эканлиги, – ёзади у, – ҳиссиёт органлари ва онг воситасида аниқ кўрамиз ва англаймиз”. (“Ин олами хоридж, ки аз мавжудод ва хар гуна дкисм иборат аст, мо мушохида мекунем ва уро бо хис ва ақл дармеёбем”)²⁷.

Розий таълимотига кўра, борлиқ бутун мавжудотни англатувчи умумий тушунчадир, онг туфайли мавжудодлар зарурий-борлиқ ва эҳтимолий-борлиққа бўлинади. Икки қисмга бўлинувчи нарса эса мазкур қисмлар учун умумий ҳисобланади, демакки, борлиқ барча мавжудот учун умумий (тушунча) ҳисобланади (“Тасавури вужуд тасавури бадехи аст зероки хар кас ба зарурати ақл домад, ки яз чиз ҳам маъдум ва ҳам мавжуд набувад ва на мавжуд за на маъдум мумкин набувад. Ва тасаввур собиқ бувад бар тасдиқ ва чун ин тасдиқ бадехи аст, он тасаввур, ки бар ин тасдиқ собиқ бошад, бояд ки ҳам бадехи бувад. Пас, тасаввур боях ки бадехи бувад. Вужуд ҳақиқи ас муштарак миёни мавжудод, зероки ба зарурат медонем, ки таксими мавжуд ба воджиб за мумкин тавонем кардан. Ва хар чи уро ба ду қисм тақсим тавон кардан бояд ки у муштарак бувад миёни он ду қисм. Пас, бояд ки вужуд муштарак бо адмиёни мавжудот”²⁸)

Демак, Розий, борлиқнинг чиндан ҳам мавжудлигига шубҳа қилмай, Абу Наср ал-Фаробий ва Ибн Сино сингари, борлиқ зарурий-борлиқ (вожиб ул-вужуд) ва эҳтимолий-борлиқ (мумкин ул-вужуд)²⁹ га бўлинади, деб ҳисоблаган. Ўз фикрини асослаш учун у ёзади: “Билгилки, борлиқ, мавжудод мавжудлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Шу боис агар зарурий борлиқ мавжуд бўлса эҳтимолий борлиқ ҳам мавжуддир. Шундай қилиб, маълум бўлдики, барча борлиқ, мавжудот иккига бўлинади – улардан бири зарурий-борлиқ, бошқаси, эҳтимолий-борлиқдир”³⁰.

Абу Наср ал-Фаробий, Ибн Сино ва Умар Хайём сингари Розий ҳам зарурий-борлиқ ҳамма мавжуд нарсаларнинг бошланғичи – биринчи сабаби яъни Аллоҳдир, ундан келиб чиқувчи бошқа борлиқ нарсалар вужуди мумкин³¹ деган фикрларига қўшилади. Бироқ унинг зарурий-борлиққа (худо) нисбатан фикри ўзгармай қолмади. Кейинчалик Розий худо мавжудлигини зарурий-борлиқ деб таъкидламайди, яъни, қандайдир яратувчи

²⁷ Чахордах рисола” 32- бет

²⁸ Фахриддин Розий. Ар-рисолат-ул-камолия, 27- бет

²⁹ Қодиров Муҳаммаджон. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури (ўрта асрлар) –Т.:ТДШИ, 2009. 101 б.

³⁰ Чахордах рисола,33-34- бет

³¹ Хайруллаев М.М. Абу Али Ибн Синонинг илмий-фалсафий ва ижтимоий қарашлари. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. –Т.: Ўзбекистон, 1995. –Б.63

борлигини шубҳа остига олади: “Эҳтимол, оламни яратувчи бор” (“Оламро офаридагоре хаёт”)³².

Юқорида келтирилган мисол Розий худонинг оламни яратувчиси сифатида чиндан ҳам бор эканлиги ҳақидаги шубҳалари, иккиланишларига гувоҳлик беради. Профессор М.Н. Болтаев таъкидлаганидек, бизни Розийнинг бундай салбий қарашлари эмас, балки унинг фалсафий таълимотидаги ижобий ва рационал томонлари қизиқтиради³³.

Розий, Эпикур сингари, худонинг мавжудлигини мавҳумий тан олади. Ундаги худонинг мавҳумий тан олинishi худонинг оламни чиндан ҳам яратувчиси сифатида рад қилинишига қарама-қарши қўйилади. Розий айтади: “Оламни яратувчи мана шу кўринишда мавжуд эмас, мабодо у мавжуд бўлганда ҳам, яратилган бошқа нарсаларга ўхшаш (бошқаларга) бўларди”. (“Сансо олам нест. Агар мавжуд бувад, мисли мавжудод бувад, агар мавжуд набувад, бояд ки маъдум бувад”³⁴).

Розийнинг масалани бу тарзда қўйиши Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг фалсафий ижтимоий фикри тарихида муҳим прогрессив аҳамиятга эга бўлган. Чунки бундай фикрлар сўзсиз, исломнинг, мусулмон мафкурасининг доғмаларига қарши эди, бунга кўра, худо нафақат оламни яратган, балки ҳар куни ердаги ишларни бошқарган деган ақида мажуд эди. Шундай ўткир чиқишлар ва худони чиндан ҳам мавжуд ва оламни яратувчи сифатида инкор этилгани боис аксарият реакцион кучлар, мисол учун, суфийлар, унга қарши чиқиб, уни худосизликда айблаганлар. Мисол учун, киризмидлар айтишича: “Худо, бу – замон ва маконда мавжуд бўлган ҳақиқий индивидуумдир. У осмон устидан жой олган ва ҳамма тана аъзоларига шу жумладан хоботга ҳам эга”³⁵.

Мазкур таъкидни танқид қилаётиб, Розий кўрсатадики, “уларнинг таълимоти ва шиорлари сеҳргарлик ва гирромлик, сурбетлик ва ҳўдожўйлик, фитнакорлик ва айёрлик, иккиюзламачилик ва алдовдан бошқа нарса эмас”³⁶.

Розий эҳтимолий-борлик тушунчаси остида, объектив борликда реал жойлашиб, ақлий ва ҳиссий сезгилар воситасида бизга англандиган ташқи оламдаги нарса ва предметларни таъкидлайди. “Ташқи оламда мавжуд ва ақл ҳамда ҳис ёрдамида англандиган нарсалар эҳтимолий-борлик ҳисобланади”³⁷.

³² Чахордах рисола, 57-бет

³³ Болтаев М.Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн-Сины и его школы. Душанбе, 1965 стр.195

³⁴ Чахордах рисола, 57-бет

³⁵ Чахордах рисола, 58-бет

³⁶ Чахордах рисола, 125-бет

³⁷ Чахордах рисола, 19-бет

Кўриб турибмизки, Розий, эҳтимоллий-борлиқ категорияси остида, биз ҳиссий органларимиз ва онгимиз орқали англайдиган моддий таналар ҳисобланадики, бу турли ҳис-туйғулар ва ҳолатни (кайфият) келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам борлиқ, материя масаласи, бошқача айтганда, ташқи олам масаласи борасида, у субъектив идеалист ва скептик эмасди³⁸.

Унинг таълимотига кўра борлиқ, моддият мавжудликнинг бир шаклидан иккинчи шаклига, бир сифат ҳолатидан бошқа сифат ҳолатига узликсиз ўтиб туриши, борлиқнинг, моддиятнинг табиий ҳолатидир. “Инсон танаси, – дейди у, – рухга айланади (ўтади), рух – юракка, юрак – гулга, гул – зарраларга, зарралар – йўқликка, йўқлик – борлиққа айланади”³⁹.

Розийнинг таълимотига кўра, биронта ҳам нарса йўқликка айланиб қолмайди, балки, маълум бир из қолдиради ва йўқликдан пайдо бўлмайди, балки, ҳар доим аниқ бир сабабга эга бўлади. Аниқ бир нарсанинг нобуд бўлиши унинг бошқа бир нарсага аланганини англатади холос, аниқ бир нарсанинг пайдо бўлиши эса унинг бошқа нарсадан келиб чиққанини билдиради.

Хулоса ва таклифлар.

Фахриддин Розий ижтимоий фанлар доирасида ўндан ошиқ асарлар ёзгани ва уларда ўзининг ижтимоий-фалсафий, диний қарашларини келтириб ўтганлигини гувоҳи бўлдик. Юқорида баён қилинган маълумотлардан кўра-мизки, Розий ташқи дунёнинг объектив мавжудлигини ва унинг билими туйғу органлари ва онг кўмагида, тўрт оддий унсурнинг бирлашуви натижасида но-органик ва органик табиатнинг ҳосил бўлиши ва ривожланишини тан олган, реал дунёдаги предмет ва ҳодисаларнинг сабабий алоқасини, ҳаракатнинг, кенгликнинг, вақтнинг ва уларнинг узлуксиз ўзаро алоқаси объектив борлигини тан олган. Бунинг барчаси, шубҳасиз, унинг таълимотидаги рационал марказни ташкил этади. Ва у, шубҳасиз, улкан ижобий роль ўйнади, зеро, бу – исломнинг асосий доғмаларига зиддир. Шунинг учун ҳам Розийни Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг илғор фалсафий фикрларини ривожлантиришда катта роль ўйнаган ўрта аср даврининг эркин фикрловчи ва илғор мутафаккир-файласуфлардан, шунингдек, Ўрта Осиё ва Шарқнинг бир қатор кейинги мутафаккир-файласуфларининг дунёқарашига улкан ижобий таъсир кўрсатганлардан бири деб бемалол ҳисоблаш мумкин. Бугунги глобал дунёда йошлар онгини ёд гоёлардан химоя қилиш, ёшлар тафаккурида танқидий фикрлашни шакллантириш, оламга, табиат ҳодисаларига, борлиқ ўзгаришларига бўлган муносабатини, дунёқарашини кенгайтиришда Фахриддин Розийнинг ижтимоий-фалсафий фикрлари муҳим рўл ўйнайди.

³⁸ Наимов Н. Философские и логические воззрения Фахриддин Розии: Дис. канд. фил. наук – Тошкент, 1975. – с 58

³⁹ Чахордах рисола, 26- бет

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: "Ўзбекистон". 2021. 454 б
2. Фахриддин Розий. "Дар ахвали фалсафа" (Қўлёзма форс тилида)
3. Фахриддин Розий "Чахордах рисола" (Қўлёзма форс тилида)
4. Мойл Херавий. Шарҳи ҳол ва зиндаги (Қўлёзма форс тилида)
5. Фахриддин Розий. Жомеъ ул-улум. Тошкент, 1331 ҳижрий, 417
6. Фахриддин Розий. Ар-рисолат-ул-камолия (Қўлёзма араб тилида)
7. Қодиров Муҳаммаджон. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури (ўрта асрлар) –Т.:ТДШИ, 2009. 191 б.
8. Хайруллаев М.М. Абу Али Ибн Синонинг илмий-фалсафий ва ижтимоий қарашлари. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. –Т.: Ўзбекистон, 1995. 320 б
9. Болтаев М.Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн-Сины и его школы. Душанбе, 1965 стр.195
10. Наимов Н. Философские и логические воззрения Фахриддин Розии: Дис. канд. фил. наук – Тошкент, 1975. – 135 с.

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ И МЕТОДИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К РАЗРАБОТКЕ СТРАТЕГИИ РАЗВИТИЯ КОНКУРЕНЦИИ НА ТОВАРНЫХ И ФИНАНСОВЫХ РЫНКАХ

А.С. Усманов,
*Зав.сектором НИЦ “Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана” при ТГЭУ;
профессор кафедры Ташкентского филиала
РЭУ им. Г.В. Плеханова*

Аннотация. В статье рассмотрены методологические и методические подходы к разработке стратегии развития конкуренции на товарных и финансовых рынках, изучены практические проблемы и даны предложения в целях дальнейшего развития товарных и финансовых рынков.

Ключевые слова: конкуренция, товарные рынки, финансовые рынки.

Введение.

Главной целью политики конкуренции является повышение эффективности производства, снижение себестоимости и улучшение качества товаров и услуг, то есть конкуренция не является самоцелью, а лишь одним из средств изложенной цели.

В связи с этим следует исходить из классификации рынков товаров и услуг на три группы: первая - естественно монопольные; вторая – высокой экономической концентрации; и третья группа – конкурентные рынки.

С целью определения рынков второй и третьей группы необходимо: во-первых, по основным видам производств рассмотреть технико-экономические параметры оптимальных размеров предприятий; во-вторых, провести сопоставительный анализ соотношения потребностей и спроса на товарных рынках с реальными объемами производства и потенциальными возможностями действующих в настоящее время предприятий. В результате данного анализа определяются рынки с целесообразностью сохранения высокой экономической концентрации (вторая группа) и рынки с необходимостью развития конкуренции (третья группа), и проводится дифференцированная конкурентная политика.

Основная часть.

По первой группе рынков - всем видам естественно монопольных видов производств - и по второй группе рынков провести анализ обоснованности применяемых цен и тарифов по каждому предприятию. При этом следует осуществляемые затраты (особенно по энергоносителям, сверхнормативные по-

тери) по видам продукции в натуральном выражении сопоставить с нормативами и мировой практикой. В результате данного анализа разработать программу мер по снижению затрат в натуральном выражении по каждому виду продукции и предприятию.

Во второй группе рынков проводится политика поддержания конкуренции между действующими предприятиями, в третьей группе – политика развития конкурентной среды.

Исходя из поведенческого подхода, следует вместо ведения Государственного реестра предприятий занимающих доминирующее положение и ввести Государственный реестр монополистов (предприятий и организаций нарушителей, включая органы государственного и хозяйственного управления, а также местной власти).

Действующий порядок декларирования цен и тарифов сохранить для первой группы рынков. Для второй группы ввести контроль (путем согласования) обоснованности производственных затрат. Для второй и третьей группы вести контроль монополю высокой цены на основе обращения субъектов покупателей на рынках.

Проводить постоянную инвентаризацию решений Правительства, государственных и хозяйственных органов и органов местной власти на предмет выявления противоречащих антимонопольному законодательству.

По финансовым рынкам анализ экономической концентрации проводить на основе классификации и сегментации рынков финансовых услуг с учетом классификации отраслей экономики.

Разработать и внедрить информационную систему регистрации, отбора и мониторинга сделок по слиянию и присоединению хозяйствующих субъектов, а также сделок по приобретению лицом и группой лиц акций (долей) в уставном капитале (фонде) хозяйствующего субъекта.

Практические проблемы и предложения.

1. Крайне недостаточно внимания уделяется анализу конкуренции и антимонопольному регулированию на финансовых рынках. На кредитном рынке Узбекистана 89% выданных кредитов в 2018 г., предоставлены банками с государственной долей. Более того, 69,3% из них предоставлены четырем крупными государственными банками (Узнацбанк, Узпромстройбанк, Асака банк, Ипотека банк). Присутствие государства на кредитном рынке не дает развития как внутриотраслевой, так и межотраслевой конкуренции.

Более того, в коммерческих банках схожи условия предоставления кредитов, в частности, в вопросах процентных ставок. Центральным банком установлена высокая ставка рефинансирования (с 20.07.2019г. – 16%), в связи с чем ставки по кредитованию на уровне 30%. Так, в Узбекистане наблюдается тенденция отсутствия широкого диапазона выбора для потребителя условий

кредитования, что ограничивает его право выбора и ухудшает качество оказываемых услуг, объясняющийся отсутствием конкуренции на рынке банковских услуг.

Если принять во внимание тот факт, что объемы оказываемых услуг коммерческими банками, также как и спрос на банковские услуги увеличивается с каждым годом, а количество действующих коммерческих банков практически не изменяется, то можно предположить, что уровень концентрации на рынке банковских услуг растет с каждым годом.

Анализ состояния конкуренции между сегментами финансового рынка показал, что в нынешнем состоянии рынок ценных бумаг также не является конкурентоспособным по отношению к кредитному рынку. Доля рынка финансовых услуг в отраслевой структуре биржевого оборота по сумме сделок за 2018г. составила 88,8%, причем 86,0% - доля коммерческих банков.

Анализ страхового рынка показывает отсутствие конкуренции в региональном разрезе. В регионах наблюдаются достаточно монополизированные рынки, на которых большую долю имеют такие лидеры, как АО Узагросгурта и НКЭИС Узбекивест, являющиеся государственными страховыми компаниями.

В целях дальнейшего развития конкуренции на рынке финансовых услуг предлагается:

- Сокращение участия государства в уставных капиталах хозяйствующих субъектов, осуществляющих деятельность на финансовых рынках путём продажи государственных акций;
- Развитие нормативно-правовых основ антимонопольного регулирования на финансовом рынке;
- Либерализация взаимоотношений Центрального банка и коммерческих банков.
- Одним из основных моментов регулирования финансовых рынков является контроль за недопущением установления монопольно высоких и монопольно низких цен на оказываемые услуги.

2. Актуальнейшей проблемой является необоснованно высокие тарифы на жилищно-коммунальные услуги. Главной причиной этого является монополизм производителей и поставщиков данных услуг, что, в свою очередь, позволяет им осуществлять необоснованные затраты, в том числе, сверх нормативные потери. Президент Ш. Мирзиёев отметил возможность снижения тарифов на коммунальные услуги в два раза.

Одним из главных путей снижения тарифов на коммунальные услуги является развитие конкуренции на рынках данных услуг. К примеру, производство и подача тепла, тарифы на которое в настоящее время самые высокие. Данную сферу целесообразно перевести из монопольной в

конкурентную и развить конкуренцию на основе участия малого бизнеса путем размещения мини производств тепла непосредственно в местах его потребления (жилые микро районы).

3. Глобальной системной проблемой является монополизм в агро-промышленной сфере экономики. Первая сфера АПК - производство сельхозтехники, минеральных удобрений и т.п. - в большинстве своем монопольные производства; третья сфера АПК – это монополия перерабатывающих сельхозпродукцию производств.

Список использованной литературы

1. Закон Республики Узбекистан «О конкуренции» от 6.01.2012г, ЗРУ-319
2. Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 07.02.2017г №УП-4847
3. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию системы управления государственными активами, антимонопольного регулирования и рынка капитала» от 14.01.2019г. №УП-5630
4. Указ Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию конкурентной среды и сокращению государственного участия в экономике» от 06.07.2020г. № УП-6019

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ШОНЛИ 90 ЙИЛЛИГИ ДАВРИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА УНИВЕРСИТЕТДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОҲОТЛАР

**Б.Б. Усмонов, и.ф.н.,
Академик бўлими доценти, ТДИУ**

Аннотация: Ушбу мақолада Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 90 йиллик ривожланиши босқичлари, халқаро ҳамкорлик доирасида ўрнатилган алоқалар ва бугунги кунда ўқув жараёнини такомиллаштириши бўйича университетда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ёритиб берилган.

Таянч иборалар: ривожланиши босқичлари, ҳамкорлик алоқалари, педагогик салоҳият, таълим стандарти, ўқув жараёни.

Кириш.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар таълим тизимида ўз ижобий натижасини бермоқда.

Шонли 90 йиллик даврни босиб ўтган ва юқори рейтингга эришаётган университет ҳам бундан мустасно эмас. Университетнинг бугунги кунга қадар босиб ўтган йўллари ва унинг ривожланиши бевосита мамлакатнинг ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Университет ривожланиши босқичларини республикада олиб борилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга боғлаб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот натижалари.

Институт ташкил этилган йилларда (1931) янги миллий кадрларни тайёрлаш жараёни жуда оғир кечди. Ёш мутахассисларни тайёрлаш учун ўзбек тилида дарс берадиган ўқитувчи мутахассислар деярли йўқ эди. Кўпчилик янги яратилган тармоқлар (машинасозлик, электроэнергетика, химия саноати ва бошқалар) бўйича маҳаллий аҳоли ичида мутахассислар йўқ эди. Шу боис олийгоҳлар жуда кам мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлардилар. Янги ташкил этилган олийгоҳлар маблағ етишмаслиги сабабли моддий-техника базасини тўлиқ шаклантира олмаганлар.

Кўпчилик машғулотлар рус олимлари томонидан ўтиларди. Кўпчилик олий ўқув юртлари янги тузилган бўлиб, ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалар Москвадан тасдиқланган ҳолда келиб, ўқитувчилар улар асосида дарс ўтганлар.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар етишмасди, айниқса ўзбек тилида. Аммо шунга қарамасдан институт олимлари давр талабига мос равишда ўқув режалар ва фан дастурларини ихтисосликларга мос равишда такомиллаштирдилар. 1938-1939

йилларда ихтисослаштирилган ўқув режалари қайта ишлаб чиқилди. Уларга мос равишда фан дастурлари қайта ишлаб чиқилди. Уларда қисман Ўзбекистон иқтисодиёти муаммолари ўз аксини топган эди.

Институт ўқув жараёнини ташкил этишда Москвалик ва Ленинградлик олимлар катта ёрдам кўрсатдилар. Ушбу олимлар орасида П.Каалинченко, И.Н.Тогаев, Д.О.Минаков, В.И.Плотников ва бошқалар бор эди.

Кейинроқ институт профессор-ўқитувчилар таркиби институт битирувчилари ва республиканинг бошқа олий ўқув юртлари битирувчилари ҳисобига кўпайди. 1932 йилда институтга 47 нафар талабалар қабул қилинган бўлса, 1940 йилда 240 нафар, 1942 йилда 205 нафар, 1943 йилда 296 нафар талаба қабул қилинган.

Институт ўз фаолиятини 10 та кафедра билан бошлаган. Ўқитувчиларнинг бирортасида ҳам илмий даража бўлмаган. 10 йилдан сўнг 58 нафар ўқитувчидан 10 нафари фан номзоди 1 нафари фан доктори илмий даражасига эга бўлди.

Уша йилларда асосий эътибор сифатга эмас, сонга бериларди. Ўқув машғулотларида маълумотлар етишмаслиги сабабли, Ўзбекистон иқтисодиётини ўзига хос хусусиятлари тўлиқ очиб берилмаган. Ўқув жараёнини ташкил этишнинг меъёрий ва услубий, ҳуқуқий талаblари ишлаб чиқилмаган эди. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, бундай шароитда мамлакат олий таълим тизимининг асосий фундаменти яратилди.

Уруш йиллари олий таълим тизими фаолиятини тубдан ўзгартириб юборди. Институт худудига харбий госпиталь жойлашди. Кўпчилик профессор-ўқитувчи ва талабалар харбий фронтларга жалб этилди. 1940 йилда институт фаолияти тўхтатилди.

Аммо 1942 охирига келиб институт ўз фаолиятини давом эттирди. Уруш йилларида Москва ва Ленинград молия-иқтисод университетларини ва бошқа шаҳарлар олийгоҳларини Тошкент шаҳрига кўчиб келиши ўқув жараёнини малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминлашга имкониятлар яратди.

1946 йили институт таркибига Ленинград хисоб-иқтисод институтини қўшилиши катта аҳамият касб этди. Институтда янги икки факультет очилди: кредит-иқтисодиёт ҳамда хисоб-иқтисодиёт, 1947 йилда режа-иқтисод факультети ташкил этилди. Шу йиллар институтда бухгалтерия ҳисоби мутахассислиги бўйича кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Ўрта Осиё ва Қозоғистонда иқтисодиётни барча тармоқларини кескин ривожланиши, ишлаб чиқаришда банд бўлиб, аммо ўқиш, билим олиш истаги юқори бўлган аҳоли қатламларини жалб этишни тақозо этди. Шу боис 1948 йилда кечки ва 1955 йилда сиртқи факультетлар ташкил этилди. 1950 йилларда институтда 5 факультет ва 15 кафедра ўз фаолиятини олиб борган. Уларда 95 профессор-ўқитувчилар машғулот ўтганлар, шу жумладан бир фан доктори, 29 фан

номзодлари. Институт 1960 йилга келиб тўрт-беш мутахассисликларни тайёрлайдиган тармоқ кичик олийгоҳдан, замон талабига мос равишда 11 зиёд мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаб бера оладиган серқиррали олий таълим муассасасига айланди. Институт моддий-техника ва илмий-педагогик салоҳияти кескин ўсди. Институт раҳбарияти республика ҳукуматиغا Тошкент молия-иқтисод институти номига ўз мавқеига муносиб бўлган Тошкент халқ хўжалиги институти деб номлаш таклифи билан чиқдилар. Ҳукумат жамоа таклифини маъқуллади ва 1962 йилининг июн ойида институти Тошкент халқ хўжалиги институти деб номлаш ҳақида қарор эълон қилинди.

Ривожланишнинг иккинчи босқичида 1963 йили республика бўйича аграр соҳа мутахассисларига катта талаб бўлганлиги сабабли институтда қишлоқ хўжалиги иқтисоди факультети ташкил этилди. 1968 йили Иқтисодий кибернетика, 1970 йилда давлат савдо ташкилотларини юқори малакали иқтисодчи кадрлар ва товаршуносларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Савдо иқтисодиёти факультети очилди.

Шу йиллар мобайнида Ҳисоблаш машиналари ва дастурлаш, Иқтисодий ахборотларни қайта ишлашни механизациялаш фанлари ўқитила бошланди. 1962 йилдан 1972 йилгача ўқитувчилар сони ошиб, 433 та ўқитувчидан 13 фан доктори, 153 фан номзоди, доцент фаолият юритиб илмий салоҳият 38% ташкил этган.

Ёш профессор-ўқитувчиларнинг педагогик салоҳиятини ошириш учун республиканинг энг салоҳиятли педагог олимларини жалб этган ҳолда малака ошириш машғулотлари мунтазам ўтказилди. Профессор-ўқитувчилар ўз машғулотларида вақтни оптимал тақсимлаш, мавзунинг энг қийин саволларини талабаларга оддий ёритиш, аудиторияни бошқариш, мустақил ишлар кўламини ошириш ва уларни ижросини ҳаққоний баҳолаш кўникмаларини ривожлантирдилар.

1980-1990 йилларда Тошкент халқ хўжалиги институти Марказий Осиё минтақасида иқтисодчи кадрлар тайёрлаш бўйича энг нуфузли олий ўқув юрти деб ҳисобланарди. Олий таълимни ислох қилиш, таълим тизимидаги узлуксизлик ва ўзаро боғлиқликни таъминлаш, юқори малакали иқтисодчи кадрлар тайёрлашдаги хизматларини эътиборга олиб 1991 йил июн ойида Тошкент халқ хўжалиги институти Тошкент давлат иқтисодиёт университетига айлантирилди. Шу даврдан бошлаб университет ўқув жараёни ривожланишининг учинчи ривожланиш босқичи бошланди. Бу босқичда асосий эътибор қуйидаги вазифаларга қаратилди. Булар:

- жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;
- чет тилларни ўқитиш кўламини ошириш, араб, корей, япон, хитой ва бошқа миллатлар тилларини ўргатиш;

- ўқув жараёнига халқаро, асосланган илғор педагогик технологияларни кенг жорий қилиш;
- Ўзбекистон иқтисодиёти муаммоларини ёритиш асосида янги авлод ўқув адабиётларини яратиш. Хориж университетлар олимларини дарсликларини таржима қилиш;
- педагог кадрларнинг касб маҳорати сифати ва савиясини, илмий-педагогик салоҳиятини мустаҳкамлаш, узлуксиз юксалтириш, университет моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;
- университетни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш, инфраструктурани ривожлантириш амалга оширилади.

Юқоридагилар билан бир қаторда университет Москва давлат университети, В.Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, Кембридж, Гарвард, Сарбонна, Буюк Британиянинг Ноттингем Трент университети, Вестминистер университети, Голландиянинг Фотис университети ва бошқалар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди.

Шу билан бирга университет Жахон банкининг Иқтисодий ривожланиш институти, Жахон банки қошидаги Вена институти, ТАСИС, TEMPUS, DAD, ACCELS, Британия Кенгаши каби ташкилотларининг лойиҳаларида иштирок этиб 12 млн .доллардан зиёд техника, адабиёт кўринишида инвестиция жалб этди.

Университет раҳбариятининг саъйи ҳаракати билан ҳар йили 2500 га яқин нусхада АҚШ, Европа, Россия ва бошқа бир қатор ривожланган давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртларида тайёрланган дарсликлар ,ўқув-услубий, илмий-педагогик адабиётлар АРМга олиб келинган.

Бугунги кунда университет халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) билан алоқалар ўрнатиб халқаро рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига кириш бўйича фаолият олиб бормоқда. Ўқув жараёни босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказилди. Ўқув жараёнига хорижий университетлар профессор-ўқитувчилари жалб этилмоқда.

Концепцияда қўйилган вазифалардан келиб чиқиб Тошкент давлат иқтисодиёт университетида, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини халқаро стандартларга мослаштириш бўйича борасида қўйидаги ишлар амалга оширилади:

- халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартлари жорий этилиб, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтилмоқда;

- университет ўқув жараёни босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824 сон қарорига мувофиқ 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида ўқув жараёни босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказилади[1]. Хужжат билан Европа тизими (European Credit Transfer and Accumulation System – ECTS) асосида Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди, таълим дастурлари ва талабалар билимини баҳолаш тизими халқаро стандартларга мослаштирилмоқда.

- ОТМда 3 йил ишлаб беришни назарда tutuvchi шартномани расмийлаштирган ҳолда профессор-ўқитувчилар нуфузли хорижий олий таълим ташкилотлари ва илмий муассасаларда стажировка ўтайди ва малака оширади;

- ОТМда 5 йил ишлаб беришни назарда tutuvchi шартномани расмийлаштирган ҳолда ўқитувчилар нуфузли хорижий олий таълим ташкилотлари ва илмий муассасаларнинг докторантураси дастурлари асосида ўқитилади.

Университет профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилари, докторантлари, бакалаврият ва магистратура талабаларининг юқори импакт-факторга эга нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиши, мақолаларга иқтибослик кўрсаткичлари ошиши, шунингдек республика илмий журналларини халқаро илмий-техник маълумотлар базасига босқичма-босқич киритилиши таъминланмоқда.

Ўзбекистон олий таълим тизимини Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи «хаб»га айлантирилмоқда.

Олий таълимнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, хорижий таълим ва илм-фан технологияларини жалб этилмоқда.

Шунингдек юртимиздаги 16 та олий таълим муассасалари қаторида университетда 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш фаолияти йўлга қўйилди. Университетда Урал давлат иқтисодиёт университети билан, Австриянинг Кремс амалий фанлар университети билан ҳамкорликда 3+1 шаклидаги қўшма таълим йўлга қўйилган бўлиб, 6 та таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрланмоқда, 2019 йили Австрия Аккредитация Агентлиги аккредитацияси қўлга киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1875-сонли қарори ижросини таъминлашдан келиб чиққан ҳолда[2], университетнинг мутахассислиги чет тили бўлмаган профессор-ўқитувчиларининг чет (инглиз, немис,

француз, испан, корейс, япон, араб,хитой) тиллари бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш дастури ишлаб чиқилган.

Ҳозирда университетда 150 та хорижий ОТМлар билан ўзаро келишув тўғрисидаги битимлар имзоланган. Келишувларда талабалар, магистрлар, докторантлар, профессор-ўқитувчилар, раҳбарият ходимлари алмашуви ва ҳамкорликда ўқув, услубий, илмий ишлар олиб бориш назарда тутилган.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, университетда хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, талаба-ёшларнинг академик фаолияти, муаммолари ва турмуш тарзи, ўқув жараёни ҳамда яратилган шароитлар бўйича талабалар фикр-мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида улар ўртасида ҳар йили университет бўйича сўров ўтказилмоқда. Бу мавжуд муаммоларни ўз вақтида олдини олишга ва бартараф этишга ёрдам беради.

Университет ўқув жараёнида, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқув-педагогик ва илмий фаолият юритиш учун хорижлик юқори малакали профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар, таълим ва илм-фан соҳасида фаолият юритиб, салмоқли ютуқларга эришган, юрт ривожига ҳисса қўшиш истагида бўлган хориждаги ватандошларни жалб этиш, бу борада уларга академик ва инфратузиламага оид қулайликлар яратиб берилди.

Шу билан бир қаторда «Эл-юрт умиди» жамғармаси кўмагида профессор-ўқитувчиларни хорижий мамлакатларда малакасини ошириш, стажировка ўташи, магистратура ва докторантурада ўқитиш орқали уларнинг касбий маҳорати ошириб борилмоқда. Ривожланган хорижий мамлакатлар таълим тизимидаги илғор тажрибани ўрганиш мақсадида 350 дан зиёд профессор-ўқитувчилар хорижий мамлакатлар университетларида малакаларини оширдилар.

Рақамли иқтисодиёт шароитида таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштирилмоқда, масофавий таълим хизматлари ривожлантирилди, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг жорий этилди.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурлари ташкил этилди.

Халқаро SciVal ахборот-таҳлил тизими ёрдамида жаҳондаги илмий-тадқиқот натижаларини таҳлил қилиб бориш асосида илм-фаннинг илғор ютуқлари билан уйғун ривожланиш таъминланиб, нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмлари жорий этилди.

Шунингдек, университет илмий журналларининг Scopus, ScienceDirect ва бошқа халқаро илмий-техник маълумотлар базаларига босқичма-босқич киритилиши таъминланди.

Олимлар, профессор-ўқитувчилар ҳамда ёш илмий изланувчилар халқаро илмий-техник маълумотлар базасига кирувчи нуфузли илмий нашрларда мақолалар эълон қилиш орқали фаолиятининг илмий натижалари халқаро даражада тан олиншини белгиловчи кўрсаткич «Хирш» индекси (h-индекс) юқори бўлганда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириб бориш тизимини жорий этилмоқда.

Хулоса.

Юқоридаги барча халқаро дастурлар, ўқув-илмий жараёнларига инновацион ёндошув ва рақамлаштиришни такомиллаштириш келгусида университетимизни ўқув ва илмий-тадқиқот жараёнлари тўлиқ халқаро стандартларга жавоб бериши, хорижий талабалар қамровини ошириш билан бир қаторда университет рейтингини янада кўтариш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/oliy_talim_muassalarida_-_kredit-modul_tizimi
2. <https://lex.uz/docs/>

СОЛИҚ ТАҲДИЛИНИ ЎРГАНИШ ЗАРУРИЯТИ

Ф.И. Исаев, PhD, доцент

**“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот
марказининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари**

Аннотация: Мақолада солиқ таҳмилини ўрганиш зарурияти борасида тадқиқот олиб борилган бўлиб, иқтисодчи олимларнинг тадқиқотлари асосида илмий адабиётлар ва меъёрий ҳужжатлари ўрганилган ҳамда хулосалар шакллантирилган.

Таянч иборалар: солиқ, таҳлил, солиқ таҳлили, солиқ қарздорлиги, солиқ тизими.

Кириш.

Жаҳон амалиётида солиқ таҳлили иқтисодий таҳлилининг таркибий қисми, муҳим элементларидан бири сифатида эътироф этилиб, ҳар бир давлатнинг макродаражадаги асосий кўрсаткичларини ҳисоблашда қўлланилиб келинмоқда. Солиқ таҳлили дунё мамлакатлари ва ҳудудлари бўйича микро, мезо, макродаражада амалга оширилиб, иқтисодиёт субъектларининг истеъмолчилар билан узвий алоқасида доимий равишда иштирок этувчи солиқларнинг ўрнига баҳо бериш, унинг оптимал миқдорини ўрнатиш каби масалаларда долзарб муаммолардан бўлиб келган. “Солиқ таҳлилин алоҳида объектлар ва муносабатлар бўйича ўтказилиб борилиши уларнинг йиғилувчанлигини ошириш билан бирга, солиқдан қочишни олдини олиши ҳамда солиқ қарздорлигини камайишига сабаб бўлган”⁴⁰.

Сўнгги йилларда жаҳонда юзага келган иқтисодий инқирозлар, молиявий-бошқарув соҳасидаги муаммолар, молиявий ресурслардан фойдаланишни таҳлил қилиш ҳамда аналитик ахборот фойдаланувчиларининг турли хил манфаатларининг мавжудлиги солиқ таҳлилига бўлган зурутатни оширмоқда. Солиқ таҳлили бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари турли даражада бўлиб, бунда АҚШ ва Ғарбий Европа олимлари кўпроқ унинг амалий аҳамиятига, МДҲ мамлакатларида эса илмий назарий жиҳатларига урғу бермоқда. Аммо олиб борилаётган тадқиқот ишлари айрим солиқ турлари билан чегараланиб, соҳани комплекс равишда ўрганилмаганлиги, уларда муаммоларнинг очиш даражасининг маълум тармоқлар доирасида бажарилганлиги солиқ таҳлилин ўрганишга бўлган зурутатни ошириб бормоқда.

⁴⁰ Mc.Afee. Introduction to Economic analysis, <http://www.introecon.com.6-195-199>.

Тадқиқот методологияси.

Илмий адабиётлар ва меъёрий ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида солиқ таҳлили ўрганилган. Илмий тадқиқотни иқтисодий таҳлилнинг янги тури бўлганлиги боис, унда бевосита анализ ва синтез, индукция ва дедукция асосида тадқиқот олиб бориб, асосланган.

Тадқиқот натижалари.

Солиқ таҳлили ХХI аср бошида илмий ва амалий тадқиқотларнинг мустақил элементи сифатида пайдо бўлиб, ҳали уни амалга оширишнинг аниқ усуллари ва тартиблари яхши ишлаб чиқилмаган. “Солиқ таҳлиlining вужудга келиши солиқ тизимининг иқтисодий фаолияти натижаларига, иқтисодий агентларнинг турли гуруҳларининг молиявий манфаатларига таъсир этувчи таъсирни баҳолаш ва ҳисобга олишнинг амалий эҳтиёжлари билан боғлиқ. Тўпланган амалий тажриба солиқ таҳлиlining предмети, усули ва мақсадларини аниқлашда қадамларни қўйишга имкон беради” (Чипуренко, 2011).

Васильевани (2010) таъкидлашича: Солиқ таҳлили - бу маълум солиқларга нисбатан мавжуд имтиёزلардан фойдаланиш, амалдаги қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш, солиқ сиёсатини тавсифлаш ва маълум вақт оралиғида солиқ имтиёзларини таҳлил қилиш усуллариининг тўплами.

Лытнева ва Парушина (2009) талқинида солиқ таҳлили-бу юридик шаклидан ва амалдаги солиқ тизимидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявийхўжалик фаолиятини комплекс иқтисодий таҳлил қилишнинг муҳим соҳаси.

Смирнов (2013) солиқ таҳлиliga қўйидагича таъриф берган: “Солиқ таҳлили деганда – корхонанинг ресурс салоҳиятини (потенциалини) ҳар томонлама ўрганиш, улардан самарали фойдаланиш ва солиққа тортишнинг таъсири даражаси, ҳамда аниқ даврда корпоратив солиқ сиёсатини таснифлашда фойдаланадиган қоида ва усуллар йиғиндиси тушунилади.

Гудков (2014): “Микро даражада солиқ таҳлили - бу хўжалик юритувчи субъект томонидан турли даврларда тўланган солиқлар ва йиғимлар йиғиндиси таҳлили, шунингдек солиқ тўловларини камайтиришга имкон берадиган солиқ ҳолатини баҳолаш. Солиқ таҳлили корхоналарни бошқаришнинг қўйи тизимларидан биридир. Солиқ таҳлиlining натижаси солиқ харажатларининг умумий даражасини оптималлаштириш ва солиқ тўловчи ташкилотнинг солиқ юкини камайтиришдан иборат бўлиши керак”.

Егорова (2015) солиқ таҳлили бўйича қўйидагича фикрни билдирган: “Тижорат ташкилотларида солиқ таҳлили деганда – ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига солиққа тортиш тизимининг таъсирини аниқлаш, асосланган иқтисодий қарорлар қабул қилиш мақсадида иқтисодий ахборотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилишда қўлланиладиган услубий ва тадқиқот усуллариининг комплекси тушунилади.

Симанова ва Клочколар (2018) солиқ таҳлиliga микро даржадаги таҳлил сифатида қараб, шу бўйича таърифларини келтириб утишган: “Микро даражадаги солиқ таҳлили - бу корхонанинг солиқ тўловларини режалаштириш ва прогноз қилиш ўртасидаги боғлиқлик; солиққа тортишнинг хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатига таъсирини ўрганишга ва корхонанинг солиқ оқимлари ўртасидаги алоқани ўрнатишга имкон берадиган усуллар тўплами”.

Хулоса ва тақлифлар.

Юқоридаги иқтисодчи олимларнинг фикрлари ва уларнинг олиб борган тадқиқотлари мазмунидан келиб чиққан ҳолда солиқ таҳлиliga қуйидагича таъриф берилди: “Солиқ таҳлили деганда-мамлакат бюджети даромад қисмини шакллантиришда, солиқ ва йиғимларни режалаштиришда, тушумларни прогноз қилишда қўлланиладиган усуллар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатига солиқ харажатларини таъсирини ҳисоблаш усуллари тушунилади”.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида» ги Фармони.*
2. *Васильева, М.В. Учётно-информационная база проведения налогового анализа как этапа налогового планирования на микроуровне / М.В. Васильева // Управленческий учет. - 2010. - №1. - С. 18.*
3. *Гудков А.А. “Сущность и роль налогового анализа в системе управления налогообложением”. Международный экономический форум 2014.*
4. *Егорова Е.В. Налоговый анализ в организациях. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н., М.:2015 11 стр. 124*
5. *Лытнева, Н.А. Налоговый анализ в сфере предпринимательства: показатели и методика / Н.А. Лытнева, Н.В. Парушина // Аудитор. - 2009. № 12 - С. 50.*
6. *Смирнов Е.С. Налоговый анализ финансовых результатов коммерческой организации. Автореферат дисс.к.э.н. Орел, 2013.10 с.*
7. *Симанова И.А., Клочко С.Н. Формирование и применение методик налогового анализа на предприятии /Экономическая наука и практика: материалы VI Междунар. науч. конф. (г. Чита, апрель 2018 г.). Издательство Молодой ученый, 2018. — С. 51-56.*
8. *Читуренко Е.В. “Методология налогового анализа и оценки влияния системы налогообложения на деятельность коммерческих организаций”. Автореферат дисс.д.э.н. М.: 2011. 16-17 с.*

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНТЕНСИВ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛЛАРИНИНГ ЎЗАРО САЛМОҒИНИ СТАТИСТИК УСУЛАР ОРҚАЛИ АНИҚЛАШ

Ш.Р.Хамдамов,
Тошкент давлат иқтисодийт университети
ҳузуридаги ИТМ докторанти

Аннотация: Ушбу илмий мақолада интенсив иқтисодий ўсиш омиллари гуруҳланган. Ҳар бир гуруҳ омиллари бўйича мамлакатдаги макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланган. Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш учун омиллар гуруҳинг аҳамиятли ўзаро улуши эконометрик усуллар ёрдамида ҳисоблаб чиқилган. Тадқиқот натижасида келгусида Ўзбекистонда интенсив иқтисодий ўсишни ошириш учун қайси омилларни оширишига кўпроқ аҳамият бериши кераклиги аниқланган ва илмий асосланган.

Тадқиқотда “Origin Pro” дастури орқали панел, бета коэффициент, ПEARсон корреляция усулларидан фойдаланилди.

Таянч иборалар: иқтисодий ўсиш, экологик барқарорлик, халқаро индекс, интенсив ўсиш.

Кириш.

Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш самарадорлигининг ортиб бориши, барқарор ўсиш давомийлигини таъминлаш билан бирга, унинг сифатини ҳам таъминламоқда.

Илмий-услубий тадқиқотларнинг кўрсатишича, иқтисодий ўсиш сифати ижтимоий барқарорлик билан бирга, экологик барқарорликни таъминловчи омиллар самарадорлигини ҳам ўз ичига олади ва улар барқарор ўсиш сифати ошишига мультипликатив таъсир қилади. Ўсиш сифатининг кўп омилли эканлигини инobatга олиб, ушбу омилларнинг соҳа ва тармоқлар кесимида натижавий жиҳатларини комплекс тарзда тадқиқ этиш лозим.

Тадқиқот натижалари.

Интенсив ўсиш омилларини ўлчашнинг маълум халқаро усуллари ва макроиқтисодий курсаткичлари мавжуд. Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида биз макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисобладик⁴¹. Кўрсаткичларнинг ўлчов бирликлари ва натижасини солиштириш мақсадида бирхиллаштириш учун

⁴¹ Хамдамов Ш.Р. Барқарор ривожланиш ва иқтисодий ўсиш бўйича янги услубий-амалий тавсиялар. Услубий тавсиянома. ТДИУ ҳузуридаги Илмий тадқиқот маркази № 2021/01/2-1 Тошкент-2021

уларни салбий натижа (минимум) “0” ва юқори ижобий натижа (максимум) “1” оралигида индексладик (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Ўзбекистонда интензив иқтисодий ўсиш омиллари таҳлили⁴²


| | Интенсив ўсиш омиллари | Халқаро индекслардаги ҳолат (мин 0-макс 1) | Ошириш керак бўлган нисбат (1-ХИХ) | Ўзаро улуши % да (Бета коэф-фициент) |
|-----|-------------------------------------|--|------------------------------------|--------------------------------------|
| 1. | Янги технологиялар ва инновациялар | 0,2 | 0,8 | 13,2 |
| 2. | Тадқиқот | 0,2 | 0,8 | 13,2 |
| 3. | Коррупциянинг йўқлиги | 0,21 | 0,79 | 13 |
| 4. | Қонун устуворлиги | 0,27 | 0,73 | 12 |
| 5. | Муқобил ва арзон энергия манбалари | 0,31 | 0,69 | 11,4 |
| 6. | Давлат бошқаруви сифати | 0,38 | 0,62 | 10,2 |
| 7. | Маданий ва бошқа омиллар | 0,48 | 0,52 | 8,6 |
| 8. | Бозор иқтисодиёти учун қулай шароит | 0,54 | 0,46 | 7,6 |
| 9. | Инфраструктура | 0,64 | 0,36 | 5,9 |
| 10. | Аҳолининг малакаси | 0,7 | 0,3 | 4,9 |

Халқаро индексларни ошириш керак бўлган нисбати ҳисобланди. Ва ушбу кўрсаткич ёрдамида эконометрик усуллардан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон учун интензив ўсиш омилларининг ўзаро салмоғи ҳисоблаб чиқилди.


Таҳлил натижасини аҳамиятлигини текшириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тадқиқотчилар учун тақдим этган “Origin Pro” эконометрик тадқиқотлар дастури орқали корреляцион таҳлил қилинди (1-расмга қаранг).

Пирсон корреляцион таҳлил натижасида оғиш бурчаги (mean) 1- ҳолатда 0,393 ни, 2- ҳолатда 10 ни ташкил этди. “Origin Pro” дастури хулосасига кўра натижа аҳамиятли деб топилади (2-tailed test of significance is used).

⁴² Жаҳон банки ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоблари.



1-расм. “Origin Pro” дастури орқали корреляцион таҳлил натижалари



2-расм. Ўзбекистонда Интенсив ўсиш омиларининг ўзаро улуши диаграммаси

Тадқиқот натижасида шу маълум бўлдики, бизнинг мамлакатимиз интенсив ўсиши усун Янги технологиялар ва инновацияларнинг улуши энг кўп 13 %ни ташкил этади. Тадқиқотнинг аҳамияти ҳам шунча 13%. Биз ушбу йўналишларни янада ривожлантириш буйича янги механизм ишлаб чиқишимиз

зарур. Коррупциянинг аҳамияти 87% (100-13)ни ташкил этмоқда. Халқаро кўрсаткичларга биноан Ўзбекистонда коррупция даражаси йилдан-йилга яхшиланаётганига қарамай, ҳамон салбийлигича қолмоқда. Бу чамбарчас кейинги омилар гуруҳи- Қонун устуворлиги (12%) билан ҳам боғлиқ (2-расмга қаранг).

Ўзбекистонда аҳоли малакаси омиллари нисбатан ижобий ҳолатда. Буни мамлакатда мажбурий ва текин ўрта ва ўрта-махсус таълим билан, шунингдек йилдан-йилга олий таълим қамрови ва уларда гранд ўринларининг ошиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Хулоса.

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистонда интенсив иқтисодий ўсишни таъминлаш учун таҳлилда гуруҳланган интенсив омиллариининг ўзаро аҳамиятли салмоғича аҳамиятини ошириш зарур. Буни келгуси давлат дастурларида амалга оширишни тавси этамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳжамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” №841 сонли қарори, <https://lex.uz/docs/4013356>*
2. *Хамдамов Ш.П. Барқарор ривожланиш ва иқтисодий ўсиш бўйича янги услубий-амалий тавсиялар. Услубий тавсиянома. ТДИУ ҳузуридаги Илмий тадқиқот маркази № 2021/01/2-1 Тошкент-2021*
3. *Khamdamov Sh. Analysis of International Indicators of Innovative Development and Inclusive Growth in the Republic of Uzbekistan/19th RSEP International Economics, Finance & Business Conference Proceedings Full papers. Pg.282-288. 2020 Prague, Czechia*
4. *Khamdamov Sh. Analysis of International Indicators of Innovative Development and Inclusive Growth in the Republic of Uzbekistan. 19th RSEP International Economics, Finance & Business Conference Proceedings Abstarcts. Pg. 22-23. 2020 Prague, Czechia*
5. *Khamdamov Sh. Analysis of the history of economic growth and its prospects/ Миллий иқтисодиётни ривожлантиришининг муаммолари ва истиқболлари: тенденциялар, ўсиш заҳиралари ва стратегиялари илмий мақолалар тўплами. ТДИУ ҳузуридаги ИТМ. Тошкент, 2019.*
6. *Khamdamov Sh. Analysis of the state of the green economy in Uzbekistan/ "Innovation in economics". Toshkent-2020. Pg107-114*
7. *Khamdamov Sh. Indicators and Conditions for Sustainable Development. 13th RSEP International Conference on Business, Economics & Finance, Istanbul, Turkey, 2019.*
8. *Obaidullah Jan, ACA, CFA Mar 14, 2019. <https://xplained.com/649939/cobb-douglas-production-function>*

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ИНВЕСТИЦИЙ В ФОРМИРОВАНИИ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА

С.Р. Холбаева,

**Докторант, Научно-исследовательском центре
«Научные основы и проблемы развития экономики
Узбекистана» при Ташкентском государственном
экономическом университете**

Аннотация. Люди приобретают полезные навыки и знания, которые являются одной из форм капитала. Этот капитал в значительной части представляет собой продукт обдуманных инвестиций, а его рост может влиять на экономическую систему. Инвестиции в человеческий капитал могут являться основной из причин увеличения производительности труда.

Ключевые слова: человеческий капитал, высококвалифицированные кадры, инвестиции, образование, здоровье, государство.

Введение.

Основным критерием, характеризующим экономический рост в настоящее время, выступает показатель ВВП, имеющий значительные недостатки. Обратим внимание, что и в период кризиса успехи стран также оценивались ростом ВВП, не включающим значение и роль человеческого капитала, важность учета которого сегодня очевидна. В ВВП не могут быть отражены качественные характеристики жизни, являющиеся наиболее актуальными в условиях современного общества и при росте которого реальное благосостояние населения может снижаться.

Просматривается тенденция, согласно которой основным фактором устойчивого развития становится человеческий капитал, а инвестиции в него являются стратегическим направлением, обеспечивающим социально-экономическое развитие любой страны. Расчеты Всемирного банка показывают, что в большинстве стран человеческий капитал составляет от двух третей до трех четвертей накопленного национального богатства, при этом доля воспроизводимого капитала составляет только 16 % накопленного богатства. Таким образом, человеческий капитал в любой стране превышает половину накопленного национального богатства.

Человеческий капитал – как определяют его большинство экономистов – состоит из приобретенных знаний, навыков, мотиваций и энергии, которыми наделены человеческие существа и которые могут использоваться в течение определенного периода времени в целях производства товаров и услуг. Он

есть форма капитала, потому что является источником будущих заработков или будущих удовлетворений, или того и другого вместе.

Весьма широко распространено в зарубежной литературе мнение о человеческом капитале как факторе экономического роста, включающем способности, умения, таланты работников, знания, способные обеспечивать добавочную стоимость. Но человеческий капитал охватывает прежде всего качественные характеристики и социальные аспекты развития экономики, поэтому более правильно использовать трактовку социально экономического роста на макроуровне и социальной экономической эффективности производства — на микроуровне.

Методы исследования.

В процессе исследования использованы общенаучные методы и инструментальные технологии научного познания, в том числе логический, категориальный, субъектно-объектный, а также методы абстракции и экспертных оценок.

Анализ и результаты.

Вложения в человеческий капитал являются не только расходами на воспроизводство рабочей силы вне зависимости от источника инансирования.⁴³ С другой стороны — это инвестиции, которые ведут к росту квалификации, расширяют способности, укрепляют здоровье человека, способствуют росту производительности труда и увеличению доходов работников.

Отдача от инвестиций в человеческий капитал содержит потребительский эффект. Прямые расходы на образование, здравоохранение и внутреннюю миграцию для получения лучшей работы являются яркими примерами. Такие инвестиции в человеческий капитал объясняют в большинстве случаев существенное увеличение заработной платы.

К примеру, разница между доходами людей с начальным образованием и людей с высшим образованием составляет в США около 1 млн. долл.⁴⁴

Под инвестициями в человеческий капитал понимаются затраты, необходимые для увеличения в будущем производительности труда, а также приводящие к повышению квалификации и способностей человека и влияющие в дальнейшем на увеличение доходов индивида, фирмы и государства. Предполагается, что человек, совершая такие инвестиции, жертвует чем-то меньшим в настоящий момент, чтобы получить что-то большее в будущем. Однако поступать так он будет в том случае, когда по его расчетам окупятся и покроются его затраты. С учетом этого инвестиции в человека представляют собой некое распределение ресурсов во времени, когда текущие блага

⁴³ Нестеров Л., Аширова Г. Национальное богатство и человеческий капитал // Вопросы экономики. 2003. № 2. С. 8—15.

⁴⁴ Ларина С.Е., Новикова В.Ф. Финансовое обеспечение образования. – М.: РАГС, 2007. 63 с

обмениваются на будущие блага в определенной пропорции.

Инвестициями в человеческий капитал называют любую меру, предпринятую для повышения производительности труда. К инвестициям в человеческий капитал относят, прежде всего, расходы на поддержание здоровья, на получение общего и специального образования; затраты, связанные с поиском работы, профессиональной подготовкой на производстве, миграцией, рождением и воспитанием детей, поиском экономически значимой информации о ценах и зарплатах.

Экономисты выделяют три вида инвестиций в человеческий капитал. А именно:

- расходы на образование, включая общее и специальное, формальное и неформальное, подготовку по месту работы;
- расходы на здравоохранение, складывающиеся из расходов на профилактику заболеваний, медицинское обслуживание, диетическое питание, улучшение жилищных условий;
- расходы на мобильность, благодаря которым работники мигрируют из мест с относительно низкой производительностью.

Кроме того, человеческий капитал может быть как общим, так и специфическим. Общие навыки и знания представляют собой ценность независимо от того, где они были получены, так как они могут использоваться в различных местах. Специфические навыки и знания могут применяться только там, где они были получены, поэтому при смене места работы они теряют свою ценность. В то же время большинство знаний и навыков, которыми обладают люди, не могут быть только общими, либо только специфическими. Подготовка в пределах системы формального образования преимущественно ориентируется на производство общего человеческого капитала, а подготовка на рабочих местах - на формирование специфического человеческого капитала.

К затратам на производство человеческого капитала относятся:

- 1) прямые затраты, в том числе плата за обучение и другие расходы на образование, смену места жительства и работы;
- 2) упущенный заработок, являющийся элементом альтернативных издержек, поскольку получение образования, смена места жительства и работы связаны с временной потерей доходов;
- 3) моральный ущерб, так как получение образования является трудным и часто неприятным занятием, поиск работы утомляет и истощает нервную систему, а миграция приводит к потере старых друзей и знакомых.

Из всех видов инвестиций в человеческий капитал наиболее важными являются вложения в здоровье и в образование.



Рисунок 4. Виды инвестиций в человеческий капитал⁴⁵

Выгоды от образования и других форм инвестиций в человеческий капитал могут иметь как финансовый (денежный), так и моральный (неденежный) характер, выступая в виде более высоких заработков в будущем, более широкого доступа к интересной, приятной и перспективной работе, высокого престижа профессии или повышенного удовольствия от нерыночных видов деятельности в будущем. Инвестиции в образование могут осуществляться на различных уровнях: на макроуровне - бюджетное финансирование, на мезоуровне - инвестиции со стороны предприятий и на микроуровне - инвестиции со стороны частных лиц.

Уровень развития образования и здравоохранения влияет на физическое и интеллектуальное развитие человека, его профессиональную подготовку и состояние его здоровья. Так, образование и профессиональная подготовка способствуют увеличению объема человеческого капитала, а забота о здоровье - продлению его «срока службы».

Качество жизни населения напрямую зависит от инвестиций в человека, которые увеличиваются в последние годы в развитых странах. Поэтому инвестиции в человеческий капитал возрастают там более быстрыми темпами, чем в физический, причем суммарные расходы в здравоохранение, образование и социальное обеспечение более чем в 3 раза превышают производственные капи-

⁴⁵ Васильев И.В. Классификация человеческого капитала и инвестиций в него // Балтийский экономический журнал. 2010. № 2. С. 8–18.

таловложения. По некоторым оценкам, норма отдачи от высшего образования колеблется от 8 до 12 %, при этом средняя норма прибыли от использования физического капитала редко превышает 4 %. Особенно значительным может быть вклад образования в прирост национального богатства (не менее 30 %).

Вполне закономерно, что люди, осуществляющие более значительные инвестиции в образование, впоследствии будут иметь более высокие доходы, причем на протяжении всей трудовой деятельности, нежели те, кто вложил меньше средств в образование. Полагаем, что инвестиции в человеческий капитал можно рассматривать как важную категорию при объяснении дифференциации заработной платы.

Доказано, что инвестиции в здравоохранение приносят доход. Американские ученые подсчитали, что смерть человека в возрасте до 16 лет представляет собой чистый ущерб для общества; человек, доживший до 40 лет, приносит обществу прибыль, а доживший до 65 лет - двойную прибыль.⁴⁶

Инвестиции в человеческий капитал имеют ряд особенностей, отличающих их от других видов инвестиций. Среди них можно выделить:

1. Отдача от инвестиций в человеческий капитал непосредственно зависит от срока жизни его носителя (от продолжительности трудоспособного периода). Чем раньше делаются вложения в человека, тем быстрее они начинают давать отдачу;

2. Человеческий капитал не только подвержен физическому и моральному износу, но и способен накапливаться и умножаться;

3. По мере накопления человеческого капитала его доходность повышается до определенного предела, ограниченного верхней границей активной трудовой деятельности (активного трудоспособного возраста), а затем резко снижается;

4. Не всякие инвестиции в человека могут быть призваны вложениями в человеческий капитал. Например, затраты, связанные с криминальной деятельностью, не являются инвестициями в человеческий капитал, поскольку общественно нецелесообразны и вредны для общества;

5. Характер и виды вложений в человека обусловлены историческими, национальными, культурными особенностями и традициями;

6. По сравнению с инвестициями в иные различные формы капитала инвестиции в человеческий капитал являются наиболее выгодными как с точки зрения отдельного человека, так и с точки зрения всего общества.

Инвестирование осуществляется на уровне семьи, фирмы, государства и самого индивида.

⁴⁶ Посылкина О. В., Баева О. И. Государственные инвестиции в человеческий капитал // Россия: тенденции и перспективы развития. 2015. №10-1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/gosudarstvennye-investitsii-v-chelovecheskiy-kapital> (дата обращения: 13.01.2020).



Рисунок 5. Обобщенная классификация инвестиций в человеческий капитал⁴⁷

Инвестиции в детей являются основной формой инвестирования в человеческий капитал на уровне семьи. Эти вложения дают отдачу в виде удовлетворения определенных потребностей родителей, прямой денежной помощи со стороны детей в будущем. Центральная роль в накоплении человеческого капитала детей принадлежит родителям. Правительства тратят государственные средства на образование, потому что хорошо образованное население поможет ускорить развитие страны. Работодатели готовы повышать квалификацию своих работников, поскольку они ожидают, что их расходы окупятся и они получают дополнительную прибыль благодаря более высокой производительности труда работников. А сами люди часто готовы тратить не только время, но и деньги, чтобы получить образование, так как в большинстве стран более образованные, обладающие лучшими навыками работники способны заработать больше.

В создании активов человеческого капитала немаловажную роль играют отдельные компании. Фирмы зачастую выступают в качестве самых эффективных производителей этого капитала, поскольку владеют условиями, при которых может быть дана соответствующая текущим потребностям подготовка персонала. Также обладают информацией о наиболее перспективных направлениях вложения средств в обучение и подготовку. Однако фирмы делают инвестиции до тех пор, пока эти инвестиции приносят чистый доход.

⁴⁷ Давыдова О. А. Инвестиции в человеческий капитал : динамика, оценка, эффективность : дис. канд. эк.наук. - М. : ПроСофт, 2002. - 142 с.

На микроуровне инвестиции в человеческий капитал представлены такими статьями затрат, как повышение квалификации работников; оплата больничных листов нетрудоспособности; затраты по охране труда; добровольное медицинское страхование, оплаченное фирмой; оплата медицинских и других социальных услуг за работника фирмы; благотворительная помощь социальным институтам и многое другое.

Накопление и интеллектуальных, и психофизиологических способностей человека в семье является фундаментом для дальнейшего развития и постоянного совершенствования человеческого капитала индивида. Инвестиции в развитие человеческого капитала детей не только являются основой их собственного развития, но и служат базой для формирования совокупного человеческого капитала будущих поколений. В результате воспитания и образования в семьях формируются различные типы человеческого капитала, создаются базовые психофизиологические умственные способности, формируется личность.

Выводы и предложения.

Таким образом, инвестирование предполагает преследование выгод. Так, для наемного работника – это удовлетворение от работы, повышение уровня доходов, улучшение условий труда, рост самоуважения. Для работодателя как собственника вещественного капитала – это повышение производительности, рост эффективности производства и сокращение потерь рабочего времени, что способствует повышению конкурентоспособности фирмы. Для государства – это рост валового дохода, повышение благосостояния и экономической активности граждан. Получение дохода позволяет носителю человеческого капитала осуществлять самоинвестирование, сочетающееся с инвестициями домашних хозяйств, государства в образование, здравоохранение, инвестициями фирм в обучение кадров, подготовку и переподготовку на производстве.

Теоретические постулаты и выводы свидетельствуют, что государству более выгодно инвестировать в человека, нежели этого не делать, так как в перспективе это приведет к росту эффективности всей национальной экономики.

Один из авторов теории человеческого капитала Т. Шульц своим расчетам на примере экономики США доказал, что доход от использования человеческого капитала гораздо выше, нежели от физического. В связи с этим он полагает, что развивающимся странам следует делать инвестиции, прежде всего в здравоохранение, образование и науку и в ряде случаев это гораздо выгоднее, чем строить новые предприятия.⁴⁸

Человеческий капитал становится фактором социально-экономического развития страны, регионов в условиях наступления постиндустриального об-

⁴⁸ Нестеров А., Аширова Г. Национальное богатство и человеческий капитал // Вопросы экономики. 2003. № 2. С. 8—15.

щества и формирования инновационной экономики и экономики знаний, тем более при классической ограниченности материальных ресурсов в рыночной экономике. Следовательно, инвестиции в него в современных условиях более выгодны, чем вложения в физический капитал.

Список использованной литературы

1. Беккер Г. Экономический взгляд на жизнь. Лекция лауреата Нобелевской премии в области экономических наук за 1992 г./ Вестник С.-Петербургского университета, серия 5, вып.3, 1993
2. Васильев И.В. Классификация человеческого капитала и инвестиций в него // Балтийский экономический журнал. 2010. № 2. С. 8–18.
3. Голенкова Зинаида Тихоновна, Кошарная Галина Борисовна, Кошарный Валерий Павлович Влияние образования на повышение конкурентоспособности работников на рынке труда // ИТС. 2018. №2
4. Давыдова О. А. Инвестиции в человеческий капитал : динамика, оценка, эффективность : дис.канд. эк.наук. - М. :ПроСофт, 2002. - 142 с.
5. Корчагин Ю. Человеческий капитал — интенсивный социально-экономический фактор развития личности, экономики, общества и государственности. Доклад в ВШЭ. М., Воронеж, 2011..
6. Ларина С.Е., Новикова В.Ф. Финансовое обеспечение образования. М.: РАГС, 2007. 63 с
7. Нестеров А., Аширова Г. Национальное богатство и человеческий капитал // Вопросы экономики. 2003. № 2. С. 8—15.
8. Посылкина О. В., Баева О. И. Государственные инвестиции в человеческий капитал // Россия: тенденции и перспективы развития. 2015. №10-1.

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИНГ РОЛИ

С.Р. Яхшимуратова,
Магистратура бўлими 2-курс
MRE-10 гуруҳи талабаси, ТДИУ

Аннотация. Ушбу мақолада эркин иқтисодий зоналарнинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни, жаҳондаги бу борада юзага келган жараёнлар тавсифи, мамлакат иқтисодиётига хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилишида эркин иқтисодий ҳудудларнинг аҳамияти ҳақида сўз боради.

Таянч иборалар. Эркин иқтисодий зона, имтиёз, солиқ, экспорт, ҳудуд иқтисодиёти, инвестиция, хорижий инвестициялар.

Кириш.

Бугунги шиддат билан тараққий этиб бораётган иқтисодиёт учун инновациялар, замонавий технология ва техникаларга асосланган соҳаларни ривожлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш замон талабига айланиб улгурган. Бунда миллий иқтисодиёт ҳудудлари ва соҳаларига инвестицияларни тўғри жойлаштириш ва улардан самарали фойдаланиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, уларни жалб қилиш ва фаолаштириш чора-тадбирларини кўриш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Жаҳон тажрибаси шунини кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди”⁴⁹ – деб таъкидлади. Бундай масалаларни ҳал қилиш ва кўзланган натижага эришишнинг асосий механизмларидан бири эса эркин иқтисодий зоналарни барпо этиш ва ривожлантириш ҳисобланади. Фаолияти тўғри йўлга қўйилган эркин иқтисодий зоналар ҳар бир ҳудуд ва мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши учун салмоқли ҳиссасини қўшади. Жаҳон амалиётида ҳам бу ўзини оқлаган механизмга айланиб улгурган.

Тадқиқот натижалари.

Ўзбекистон Республикасининг «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунини самарали ижро этилиши учун инвесторлар билан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, ҳокимликлар, хориждаги дипломатик ваколатхоналар ва тижорат банклари раҳбарлари ўринбосарларидан иборат

⁴⁹ Ш.М.Мирзиёев раислигида 2019 йилнинг I чорагида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва халқаро молия ташкилотлари ишгириқидаги лойиҳаларнинг амалга оширилишини таҳлил қилиш бўйича видеоселектор йиғилиши. Тошкент:08.04.2019 йил.

бўлган давлат ҳокимият органлари ҳамкорлигининг 4 босқичли механизми муваффақиятли йўлга қўйилган. Ушбу механизм инвесторларнинг барча сўровларига тезкор жавоб қайтариш ва қонунда назарда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилишининг самарадорлигини керакли тарзда назорат қилиш имконини беради.

Мамлакат ҳудудларига инвестицияларни кенг жалб қилиш ва ҳудудлар иқтисодий тараққиётига эришишнинг йўлларида бири ҳудудларнинг иқтисодий, табиий салоҳиятидан келиб чиқиб эркин иқтисодий(махсус, индустриал) зоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш ҳисобланади. Жаҳон тажрибасидан маълумки, тўғри ташкил этилган ҳамда оқилона фаолият юритишга замин яратилган Эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) ҳудудларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишида асосий драйвер вазифасини бажариши мумкин.

Эркин иқтисодий зона – мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун миллий ва чет эл капиталини, иқтиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир⁵⁰. Жаҳон амалиётининг гувоҳлик беришича, бундай иқтисодий зоналар мамлакатнинг яхлит ҳолда ёки иқтисодий фаолиятининг алоҳида йўналишлари бўйича рағбатлантирувчи восита бўлиши мумкин. Масалан, эркин иқтисодий зоналар экспортни ёки минтақавий ва саноат ривожланишини рағбатлантириши мумкин. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, бу каби зоналар воситасида экспортнинг ўсиш даражасини 20 фоизга, фойда нормасини 30-35 фоизга ошириш ва маблағ қўйилmalarини 3 йил муддат ичида қоплаши ҳар йил 7-10 миллиард доллар миқдоридagi кенг қамровли хорижий инвестицияларни жалб этиш мумкин. Эркин иқтисодий ҳудуд яратиш мамлакатнинг иқтисодий рақобатбардошлигини оширишнинг синалган ва энг самарали қуролидир. Эркин иқтисодий ҳудудлар фаолияти нафақат алоҳида минтақа иқтисодиёти, балки бутун мамлакат иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган. Шунинг учун ҳам эркин иқтисодий ҳудудлар яратиш фақатгина минтақавий муаммо эмас, балки бутун мамлакатнинг муаммосидир .

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий глобаллашув шароитида жаҳон миқёсида инвестицияларни жалб этиш борасида қатъий рақобатли кураш давом этмоқда. Бундай шароитда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишини таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсати-

⁵⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги 1996 йил 25 апрелдаги 220-И сонли қонуни

ни ўтказиш, маблағларни рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўналишларда жамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ЭИЗлар воситасида тегишли ҳудудларда халқаро стандартларга мос келадиган замонавий саноат ишлаб чиқариши ва технологияларни жорий этиш комплексларини яратиш, уларга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг қўламда жалб этиш кўзда тутилади. Бундай ЭИЗларда иқтисодийтимиз эҳтиёжларини қондириш ҳамда саноат ва илмталаб маҳсулотлар экспортини рағбатлантиришга қаратилган, саноат асосида чуқур қайта ишлов бериладиган, юқори технологияларга асосланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича инвестицион лойиҳалар амалга оширилади. Бундан ташқари, ЭИЗлар фан ва техниканинг илгор ютуқларига асосланган технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун ҳам шароит яратди. Бундай мақсаддаги ЭИЗлар технопарклар кўринишида ташкил этилмоқда.

Жаҳон хўжалигида ҳозирги кунда турли кўринишдаги 4500 дан ортиқ ЭИЗ фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, уларнинг 400 таси эркин савдо ҳудуди, 400 таси илмий ишлаб чиқариш ҳудуди, 300 таси ишлаб чиқаришга ихтисослашган экспорт ҳудуди, 100 таси эса махсус ҳудудлардан иборат.

Жаҳон иқтисодийотида ЭИЗларни ташкил этиш ва уларни ривожлантиришнинг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, халқаро иқтисодий муносабатлар тизимининг жаҳон бозорига чуқур интеграциялашуви билан боғлиқ бўлган ҳудудлар (эркин савдо, экспорт саноати, божхона ва бошқалар) билан бир қаторда маълум бир ишлаб чиқариш тармоқларига эга бўлган махсус ҳудудлар ҳам фаолият кўрсатади. Масалан, иқтисодий қолоқ ҳудудларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлайдиган ҳудудлар шулар жумласидандир. Шунинг учун ҳам эркин иқтисодий ҳудудлар ўзининг яратилиш сабаби ва мақсадлари билан бир-биридан ажралиб туради. Дарҳақиқат, АҚШ каби жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида эркин иқтисодий ҳудудлар асосан депрессив ҳудудларда кичик тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган ҳудудий сиёсатни амалга ошириш учун ташкил этилган.

ЭИЗда фаолият юритишда инвесторлар сармоя миқдорига қараб солиқ имтиёзларидан қуйидагича фойдаланишлари мумкин.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турганидек, агар инвестор 300 минг доллардан 3 миллион долларгача бўлган миқдорда ЭИЗга сармоя киритса 3 йил давомида юқорида ёритилган солиқ ва бошқа тўловларидан имтиёزلарга эга бўлади. Агар бу миқдор 3 миллиондан 5 миллионгача бўлса имтиёзлар муддати 5 йилгача берилади, 5 миллиондан ортиқ инвестиция киритилса 7 йил муддатда имтиёзлар амалда бўлади. 10 миллион ва ундан кўп АҚШ доллари ҳажмидаги инвестициялар сўнги 5 йилда амалдаги ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги

даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари қўлланган ҳолда — 10 йил муддатга берилади.

1-жадвал

Эркин иқтисодий зоналарда белгиланган имтиёзлар⁵¹

| Инвестиция суммаси, АҚШ доллари | Имтиёзли йиллар |
|---------------------------------|-----------------|
| 300 мингдан 3 млн.гача | 3 йил |
| 3млн.дан 5 млн.гача | 5 йил |
| 5 млн.дан юқори | 7 йил |

ЭИЗда иштирок этаётган корхоналар эркин иқтисодий зоналар фаолияти давомида экспортга йўналтириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган хом ашё, материал ва бутловчи буюмлар учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади.

Давлат эркин иқтисодий зоналарнинг қатнашчиларининг муҳнадислик-коммуникация тармоқларга, уларни ишлаб чиқариш майдончаларига ўз вақтида туташтирган ҳолда, кафолатли уланишини таъминлайди.

Бундай имтиёз ва енгиликлар инвесторлар учун жуда катта имкониятлар эшиги очиқлигидан далолат беради.

Юртимизда барпо этилган бу каби эркин иқтисодий зоналар хорижий инвестицияларни жалб қилишда, мамлакатимиз иқтисодий ривожланишида катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида мавжуд ЭИЗлар фаолиятини янада яхшилаш ва ривожлантириш борасида қатор чора-тадбирлар қилинмоқда. Нафақат индустриал, махсус шунингдек, фармацевтик, логистик, спорт, аграр соҳага оид эркин иқтисодий зоналар барпо этилмоқда.

Мамлакатда бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан бир қаторда куйидаги жихатларга эътибор қаратилса мақсадга янада мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз:

- ҳудудлар салоҳиятидан келиб чиқиб тор соҳа зоналарини яратиш;
- ҳудудларда “силикон водийси” каби илм-фанга асосланган, инновацион зоналарни яратиш;
- хорижий инвесторлар учун реклама-тарғибот ишларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш ҳамда мамлакат Махсус иқтисодий зоналар ягона портали фаолиятини тубдан яхшилаш;
- иқтисодий-ижтимоий ривожланиши орқада қолаётган ҳудудларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлайдиган зоналар яратиш;

⁵¹ <http://invest.gov.uz/uz/investor/sez-i-mpz>

- мамлакатимиз туман ва шаҳарларининг иқтисодий ва саноат салоҳиятидан тўла фойдаланиш ҳамда уларни жадал ва бир меъёردа ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рағбатлантириш;
- ривожланиш стратегиялари ва ривожланиш концепсиялари ишлаб чиқиш ва шу асосида эркин иқтисодий зоналар иқтисодий салоҳиятига мослаштирилган истиқболли инвестицияларни шакллаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги 1996 йил 25 апрелдаги 220-И сонли қонуни. www.Lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2019 йил. www.uza.uz
3. Алматова Д. Минтақаларда инвестициялар жалб этишининг муҳим йўналишлари. “O’ZIA” - “ЭВУ” 1/2012.
4. “Худудларнинг инвестицион жозибadorлиги: аниқлашнинг услубий жиҳатлари ва таъсир кўрсатадиган омилларнинг таснифий таҳлили” Мустафакулов Шерзод Игамбердиевич, Молия ва банк иши электрон илмий журнали 5-СОН ОКТЯБРЬ, 2016 84- 105 б.
5. Информационно-аналитический доклад об актуальных проблемах развития свободных экономических зон в республике Узбекистан. Ташкент – 2018. 30 с.

РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАР

С.А. Отақўзиева,

**ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодийтини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари”
Илмий-тадқиқот маркази таянч докторанти**

Аннотация: Мақолада иқтисодийтни рақамлаштириш шароитида меҳнат бозоридаги касб ва мутахассисликларга бўлган талаб ва тақлифнинг ўзгариши нуфузли илмий ташиқлотларнинг назарий-эмпирик тадқиқотлари асосида таҳлил этилган.

Таянч иборалар: рақамлаштириш, рақамли меҳнат бозори, меҳнат бозоридаги талаб ва тақлиф, рақамли касблар, рақамли билим ва кўникмалар

Кириш.

Глобаллашув шароитида ривожланган мамлакатларда XX асрнинг иккинчи ярмидан, ривожланаётган мамлакатларда XXI бошидан бошлаб кузатилаётган янги технологик инқилоб – рақамлаштиришнинг алоҳида бозорларга, жумладан меҳнат бозорига олиб кирадиган таҳдид, ҳамда имкониятлари кўплаб тадқиқотчилар, сиёсатчилар ва медиа соҳа вакиллари томонидан изчил муҳокама қилиниб келинмоқда.

Ҳозирги кунга қадар меҳнат бозори таркиби рақамли технологиялар таъсирида деярли ўзгармади, аммо рақамлаштириш жараёнининг жадаллашуви мамлакат ижтимоий-иқтисодий тармоқлари илгари дуч келмаган таҳдидларни юзага келтирмоқда. Рақамли иқтисодиёт тараққиёти даври эндиликда меҳнат бозоридаги талаб ва тақлифнинг ўзгаришига мослашишни, инсон капитали ва унинг сифатини ошириш учун инвестицияларнинг янги усуларини қўллашни ва давлат томонидан дастурий чора-тадбирларга тезкор жавоб беришни талаб қилади.

Адабиётлар таҳлили.

Кўплаб замонавий илмий қарашларга кўра, рақамлаштириш шароитида аҳоли бандлиги таркиби, хусусан касб ва мутахассисликларнинг турли даражада трансформациялашуви юзага келади. Бундай ўзгаришлар касбларнинг қисқариши ва йўқолиши билан бир қаторда янги касблар ва янги иш ўринларининг пайдо бўлишини ҳам назарда тутлади. Олимларнинг фикрича [1,2,3], рақамли технологиялар имкониятлари бирмунча бўрттирилмоқда. Замонавий технологиялар овоз, расм, биометрик маълумотлар, ҳамда инқироз,

прогноз ва катта маълумотлар базаси (Big data)ни қамраб олган ҳолда сунъий интеллект орқали кўплаб вазифаларни бажара олса ҳам, соғлиқни сақлаш, таълим, хавфсизлик, ҳуқуқ соҳаларидаги мантиқий қарорларга асосланган кўплаб вазифаларни ҳали бажаришга қодир эмас [4,5]. Шунинг учун турли соҳалардаги касб ва мутахассисликлар миқдорий ва таркибий жиҳатдан ўзгариб боради, айрим соҳаларда касблар сони қисқарса ёки бутунлай йўқолиб кетса, айрим соҳаларда янги касблар пайдо бўлади. Рақамлаштириш шароитида касблар давомийлигининг асосий шarti – бу креатив-танқидий фикрлаш қобилиятининг талаб этилиши, примитив такрорланмайдиган вазифаларни ўз ичига олмасликдир. Акс ҳолдаги мутахассисликлар рақамлаштириш тенденциялари ортган сари қисқариб, айрим ҳолларда бутунлай йўқ бўлиб кетиш эҳтимолига ҳам эга.

Тадқиқот методологияси.

Нуфузли хорижий илмий-тадқиқот ташкилотларининг назарий-эмпирик тадқиқотларига асосланган ҳолда рақамлаштириш шароитида касб-мутахассисликларни трансформациялашишига кўра таҳлил этиш мақоламиз тадқиқот методологиясини ташкил этади.

Тадқиқот натижаси.

Ҳозирги кунда рақамли технологияларнинг меҳнат бозорига таъсири шуни кўрсатмоқдаки, меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф тизимининг ўзи ўзгариб, янги мутахассисликлар учун янги мезонлар пайдо бўлмоқда. Эндиликда рақамли меҳнат бозорида афзаллик тор ихтисосликка эга бўлган стандарт таълим моделига эътибор қаратадиганлар учун эмас, балки технологик инқилоб маҳсулотларидан хабардор бўлган, янги билим ва кўникмаларга эга номзодлар учун берилади.

Рақамли меҳнат бозорида нарх, яъни иш ҳақи ҳам ўзгаради, чунончи, иш ҳақи бозордаги талаб ва таклиф даражаси асосида шаклланади. Рақамли иқтисодиётда меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф турли омиларга боғлиқ.

Рақамлаштириш шароитида микро-даражада меҳнатга бўлган талабга иқтисодий конъюнктура, меҳнатнинг рақамли технологиялар билан алмаштирилиш даражаси, давлат сиёсати ва қонунчилик базаси таъсир этади. Таклифга эса микро-даражада ижтимоий-иқтисодий инфратузилма ва аҳолининг демографик таркиби таъсир этади.

Умумжаҳон иқтисодий форумининг 2020 йил октябрь ойидаги прогнозига кўра, жадал ривожланиб келаётган рақамли ускуналарнинг кенг қўлланилиши натижасида 2025 йилга қадар, 85млн. иш ўринлари қисқариб, янги шаклланиб келаётган “рақамли меҳнат бозори” да 97 млн.га яқин янги иш ўринлари

яратилади⁵². Қуйида рақамлаштириш шароитида янги пайдо бўладиган касблар, ҳамда қисқариши энг кўп ва энг кам эҳтимолга эга мутахассисликлар таснифи келтирилган⁵³.

1-жадвал.

Рақамлаштириш шароитида касб-мутахассисликларнинг ўзгариши⁵⁴

| Рақамли иқтисодиётда пайдо бўладиган янги касблар | Рақамлашиб, қисқариши энг кўп эҳтимолга эга касблар | Рақамлашиб, қисқариши энг кам эҳтимолга эга касблар |
|---|---|---|
| Дата-аналитиклар, дата йигувчилар | Администрация ва девонхона ходимлари | Таълим, санъат ва медиа мутахассислари |
| Дастурий таъминот ва юклама яратувчилар | Савдо ва тижорат вакиллари | Хуқуқшунослар |
| Тармоқ ва сунъий интеллект мутахассислари | Транспорт ва логистика мутахассислари | Менежмент, меҳнат ресурсларини бошқариш |
| Сунъий машиналар, роботлар ва 3D бўйича мутахассислар | Саноат қорхоналари мутахассислари | Тадбиркорлар |
| Рақамли маркетинг ва электрон тижорат мутахассислари | Қурилиш мутахассислари | Молия соҳасидаги айрим касблар |
| | Молия соҳасига тегишли айрим касблар | Соғлиқни сақлаш ходимлари |
| | | Олимлар, илмий ходимлар |
| | | Хизмат соҳасидаги айрим касблар (ижтимоий касблар, сартарошлар ва б.) |

⁵² The Future of the jobs Report 2020. Электрон ресурс: <https://www.weforum.org>

⁵³ The Future of the jobs Report 2020. Электрон ресурс: <https://www.weforum.org>

⁵⁴ www.weforum.org

Россиянинг Олий иқтисодиёт мактаби (Высшая школа экономики) тадқиқотларига кўра, рақамлаштириш шароитидаги истиқболли касбларга Интернет-буюмлар муҳандиси, биоинформатик, дата-журналист, виртуал олам дизайнери, овозли интерфейслар дизайнери, Интернет-буюмлар интерфейси дизайнери, маълумотлар хавфсизлиги муҳандиси, робототехника муҳандис-оператори, маълумотлар тадқиқотчиси, АТ юристи, компьютер лингвисти, робота бўйича маслаҳатчи, киберпротезлар ва имплантатлар дастурчиси, нейроинтерфейслар дастурчиси, рақамли логистика мутахассиси, рақамли маркетинг, рақамли продюссерлар киради⁵⁵.

Хулоса.

Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида меҳнат бозори ривожланишини икки тарафлама изоҳлаш мумкин.

Биринчиси, оптимистик, яъни иқтисодиётнинг рақамлашини касбларнинг қисқариши ва йўқолиб кетиши билан бир қаторда янги касблар ва янги иш ўринлари пайдо бўлиши драйвери ҳисобланади. Бундан ташқари, Интернет ва махсус веб-хизматлар ишчилар ва иш берувчилар ҳақидаги маълумотларнинг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади. Ижтимоий-меҳнат муносабатлари ҳам ўзгариб, виртуал маконда ишчилар учун кўплаб имкониятлар шаклланади. Рақамли технологиялар ходимларга ўз малакасини ошириш ёки янги касбларни эгаллашлари учун масофавий электрон таълим орқали янги билим ва кўникмаларга эга бўлишларига ёрдам беради.

Иккинчиси, пессимистик прогнозга кўра, рақамли технологиялар юқори даражадаги ишсизликка сабаб бўлади, виртуал меҳнат макони ишчиларнинг ҳуқуқларининг паймол бўлишига сабаб бўлади ва ҳ.к.

Аmmo, хулосамизни рақамли иқтисодиётнинг меҳнат бозорига ижобий таъсирига ёндашган ҳолда, инновацион технологиялар билан ишлаш ва уларни яратиш билан боғлиқ янги касблар пайдо бўлишини инобатга олиб, шуни айтишимиз жоизки, рақамли трансформация шароитида “soft skills” – ижтимоий ва мантиқий интеллект ва “digital dexterity” – рақамли эпчиллик, яъни янги технологияларни касбий вазифалари ечими учун самарали фойдалана олиш қобилиятига эга бўлишлик ишчиларнинг меҳнат бозоридо доимий рақобатбардошлигини таъминлайди.

⁵⁵ Доклад НИУ ВШЭ при участии Всемирного банка “Что такое цифровая экономика? Тренды, компетенции, измерение”. Москва-2019.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Arntz M., Gregory T., Zierahn U. *The Risk of Automation for Jobs in OECD Countries: A Comparative Analysis*. OECD Social, Employment and Migration Working Paper No. 189. Paris: OECD Publishing, 2016.
2. BCG *The Impact of Artificial Intelligence (AI) on the Financial Job Market*, 2018.
3. McKinsey *Jobs Lost, Jobs Gained: What the Future of Work Will Mean for Jobs, Skills, and Wages*, 2017.
4. Bringsjord S., Govindarajulu N.S. (2018). *Artificial Intelligence*. *The Stanford Encyclopedia of Philosophy*. E.N. Zalta (ed.).
5. Gunning D. *Explainable Artificial Intelligence*. Defense Advanced Research Projects Agency (DARPA), 2017.
6. *The Future of the jobs Report 2020*. Электрон ресурс: <https://www.weforum.org>
7. *Что такое цифровая экономика? Тренды, компетенции, измерение*. Доклад НИУ ВШЭ при участии Всемирного банка, Москва-2019.



YANGI O‘ZBEKISTON
IQTISODIYOTINI RIVOJLANTIRISHNING
ILMIY-INNOVATSION YO‘NALISHLARI

Xalqaro ilmiy-amaliy anjumani maqolalar to‘plami

(2021-yil 25-noyabr)

“IQTISODIYOT” – 2021

Mas’ul muharrir:
Sharipov K.A.

Texnik muharrirlar:
Sirojiddinov Sh.,
Yaxshiyev H.T.

Musahhih:
Matxo‘jayev A.O.

Sahifalovchi:
Adilova I.N.

Litsenziya: №10-4286 14.02.2019. Bosishga 22.11.2021da ruxsat etildi.
Bichimi 70x100^{1/16}, Raqamli bosma usuli. «Arno Pro» garniturası.
Shartli bosma tabog‘i 10,0. Adadi 20 nusxa.

«ZARAFSHON FOTO» XK matbaa bo‘limida chop etildi,
100066, Toshkent sh. Islom Karimov ko‘chasi, 49-uy.





**TOSHKENT DAVLAT
IQTISODIYOT UNIVERSITETI**



**MAKROIQTISODIY BARQARORLIKNI TA'MINLASH,
REAL SEKTOR TARMOQLARINING ISHLAB
CHIQRISH SALOHİYATINI OSHIRISH
ASOSIDA HUDUHLARNI BARQAROR
RIVOJLANTIRISH, KAMBAG'ALLIKNI
QISQARTIRISH VA AHOLI BANDLIGINI
TA'MINLASHNING DOLZARB
MASALALARI**

**XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMANI
MAQOLALAR TO'PLAMI**

TOSHKENT — "IQTISODIYOT" — 2021

UO'K: 338 (575.1)
KBK: 65.9.053 (5Y)

Makroiqtisodiy barqarorlikni ta'minlash, real sektor tarmoqlarining ishlab chiqarish salohiyatini oshirish asosida hududlarni barqaror rivojlantirish, kambag'allikni qisqartirish va aholi bandligini ta'minlashning dolzarb masalalari. *Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya maqolalar to'plami (2021-yil 25-noyabr).* – T.: “IQTISODIYOT”, 2021. – 560 b.

Ushbu to'plam Toshkent davlat iqtisodiyot universitetining 90 yilligiga bag'ishlangan bo'lib, unda makroiqtisodiy barqarorlikni ta'minlash, real sektor tarmoqlarining ishlab chiqarish salohiyatini oshirish asosida hududlarni barqaror rivojlantirish, kambag'allikni qisqartirish va aholi bandligini ta'minlashning dolzarb masalalari borasidagi ilmiy tadqiqot ishlarini takomillashtirish va ilmiy qarashlari aks ettirilgan materiallarning bayoni keltirilgan.

To'plamga oliy o'quv yurtlarida iqtisodiy muammolar bo'yicha ilmiy izlanishlar olib borayotgan professor-o'qituvchilar, doktorantlar, tadqiqotchilar, vazirlik, qo'mita va turli mulkchilik shaklidagi korxonalar va tashkilotlarning yetakchi mutaxassislari, magistrnlarning ilmiy izlanishlari natijalari kiritilgan.

To'plamda keltirilgan materiallarning mazmuni, undagi statistik ma'lumotlar va keltirilgan huquqiy-me'yoriy hujjatlarning haqqoniyligi, tanqidiy fikr-mulohazalar va takliflarga mualliflarning o'zlari mas'uldirlar.

Ma'sul muharrir – *t.f.d., prof. K.A. Sharipov*

Tahrir hay'ati: *PhD., dots. U.R. Xalikov,
i.f.d., prof. M.P. Eshov,
i.f.d., prof. G.Q. Abduraxmanova,
i.f.n. L.F. Amirov,
i.f.n., dots. B.D. Xajiyev,
i.f.n., dots. I.S. Xotamov,
i.f.n., dots. M.T. Asqarova,
p.f.n., dots. M.N. Kamalova,
i.f.n., dots. S. G'oyibnazarov,
dots. B.E. Mamaraximov,
kat.o'q. D.T. Turgunov*

Taqrizchilar: *i.f.d., prof. B. Salimov,
i.f.d., prof. N.M. Maxmudov*

ISBN 978-9943-7329-5-7

© “IQTISODIYOT”, 2021



MUNDARIJA

| | |
|--------|---|
| Kirish | 9 |
|--------|---|

ANJUMAN YALPI YIG‘ILISHI MA’RUZALARI

| | |
|--|---|
| <i>Abduraхманов Қ.Х.</i> | Янги Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар сарҳисоби..... 12 |
| <i>Ходжаев Ј.А., Gulyatov S.S.</i> | Strategy «Digital Uzbekistan-2030»: innovative- integration digitalization of agriculture ecological- economic development and an important strategic directions of employment of the rural population..... 16 |
| <i>Эшов М.П.</i> | Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш иқтисодий ўсишга эришишнинг асосий йўналиши 27 |
| <i>Abdurakhmanova G.K., Kurbonov S.P.</i> | Promoting efficient and productive employment in the labor market 33 |
| <i>Амиров Л.Ф.</i> | Ўзбекистонда аграр соҳани барқарор ривожлантириш индикаторлари 48 |
| <i>Шаюсупова Н.Т. Хасанов М.А.</i> | Развитие государственной инновационной политики в сфере занятости..... 60 |
| <i>Хажиев Б.Д.</i> | Янги Ўзбекистон иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш – муҳим йўналиш 67 |
| <i>Хотамов И.С.</i> | Давлат компанияларини хусусийлаштириш ва трансформация қилишнинг ҳуқуқий асослари..... 79 |
| <i>Асқарова М.Т., Жамолов Ж.Ж.</i> | Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш..... 89 |
| <i>Goyirpazarov S.B. Fayzieva M.Kh.</i> | The assesment of the strategic roles of human resources professionals in the banking sector in Uzbekistan..... 98 |
| <i>Камалова М.Н.</i> | Воспитание нового поколения экономистов в Новом Узбекистане 106 |
| <i>Gulyatov S.S. Maksudova Sh. Rasulova M.T. Berdikulov S.V.</i> | Innovation of production processes in the agroindustrial complex..... 111 |

| | |
|---------------------------|--|
| <i>Шодмонов Ш.Ш.</i> | Ишлаб чиқарилаётган товарлар нафлигини ошириш барқарор иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили 115 |
| <i>Махмудов Н.М.</i> | Теории международной торговли и их применение в экономике..... 121 |
| <i>Беркинов Б.Б.</i> | Глобал пандемия даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш йўналишлари..... 130 |
| <i>Салимов Б.Т.</i> | |
| <i>Салимов Ш.Б.</i> | Кичик бизнес фаолиятини имитацион инновациялар ёрдамида ривожлантириш..... 136 |
| <i>Расулов А.Ф.</i> | Реформирование государственных предприятий – новые угрозы или новые возможности для развития экономики Узбекистана?..... 141 |
| <i>Қосимов М.С.</i> | Ташқи иқтисодий фаолият - барқарор иқтисодий ўсиш омили сифатида..... 148 |
| <i>Насырходжаева Д.С.</i> | |
| <i>Алимова Ш.А.</i> | Проблемы развития конкурентоспособности промышленных отраслей в период пандемии..... 156 |
| <i>Хайитов А.Б.</i> | Мамлакат тараққиётининг юксалиш босқичида аҳоли таркибида камбағалликни қисқартиришнинг фаол йўналишлари 161 |
| <i>Якубов И.О.,</i> | |
| <i>Хайитов С.Б.</i> | Ўзбекистонда халқаро минтақавий ҳисоблар тизими стандартларидан фойдаланиш имкониятлари..... 169 |
| <i>Захидов Ғ.Э.</i> | |
| <i>Жалолова М.Ш.</i> | Маҳаллани ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг кластер тизимини такомиллаштириш..... 177 |
| <i>Назарова Р.Р.,</i> | |
| <i>Туйчиев К.А.</i> | Особенности развития маркетинговой политики посредством альтернативных каналов реализации автомобилей..... 192 |
| <i>Мамбетжанов Қ.Қ.</i> | |
| <i>Каримова А.С.</i> | Янги Ўзбекистонда камбағалликни камайтиришнинг молиявий ва номолиявий воситаларидан самарали фойдаланиш йўллари..... 195 |
| <i>Ядгаров А.А.</i> | Агросуғурта-қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгаришини юмшатовчи молиявий восита сифатида 199 |
| <i>Бакиева И.А.</i> | Ўзбекистонда хотин-қизларнинг иш билан бандлигини ошириш 202 |
| <i>Матаракимов В.Е.</i> | Aholining demografik o`zgarishlari iqtisodiy taraqqiyotga ta'siri..... 207 |

| | | |
|--|---|-----|
| <i>Асомидинов Ғ.А.</i> | Мамлакат иқтисодий ривожланишига инсон капиталининг таъсири..... | 211 |
| <i>Умарова Ғ.Ғ.</i> | Тўқимачилик саноатини стратегик ривожлантиришда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерлари тизимининг роли | 216 |
| <i>Рўзиева Д.И.</i> | Ўзбекистон тараққиётида кичик бизнесни инвестициялаштиришнинг услубий ривожланиш концепцияси..... | 221 |
| <i>Абдулаева М.К.</i> | Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати тармоқларида ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришнинг асосий жиҳатлари | 230 |
| <i>Карабаева Г.Ш.</i> | Инновационные преобразования в подготовке конкурентоспособных кадров..... | 236 |
| <i>Қосимов А.А.</i> | Иқтисодиётнинг реал секторларини ривожлантиришда ахборот технологияларининг роли..... | 240 |
| <i>Маматов М.А.</i> | Ўзбекистонда иқтисодиётнинг институтционал тузилмасини такомиллаштиришда миллий инновацион тизимнинг таъсири | 244 |
| <i>Асидов Э.К.</i> | Автомобилсозлик саноати корхоналарида маҳсулотларни диверсификациялаш орқали ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш механизмлари..... | 248 |
| <i>Исмаилов А.М.</i> <i>Юлдашев Ғ.Т.</i> | Қурилиш ишлаб чиқариш жараёнида аҳоли бандлиги ва улар меҳнатидан самарали фойдаланиш | 253 |
| <i>Ахмедиева А.Т.</i> <i>Маъмуров Б. Х.</i> | Мамлакатда рақамли трансформациянинг иқтисодий самарадорликка таъсири..... | 256 |
| <i>Ирматова А.Б.</i> <i>Бустонов М.М.</i> | Гендерная сегрегация на рынке труда | 261 |
| | Янги Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида иқтисодий ўсиш сифат омилларининг таъсири | 267 |
| <i>Холмуродов С.Э.</i> | Аҳолини иш билан банд қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни | 272 |
| <i>Нажимадинов Р.Д.</i> | Демографик ўзгаришларнинг қишлоқ меҳнат бозорини бошқаришга таъсири..... | 275 |
| <i>Шарипов К.Б.</i> | Тармоқ бўйича ихтисослашув жараёнининг тадбиркорлик фаолияти ривожланишига таъсири..... | 279 |
| <i>Рахматуллаева Ш.Х.</i> | Норасмий секторнинг аҳоли унумли ва маҳсулдор бандлигига салбий таъсирларини сўндириш имкониятлари | 284 |



| | | |
|---------------------------------------|---|-----|
| <i>Махмудов М.Ф.</i> | Рақамли иқтисодиётга ўтишининг жаҳон тажрибаси: муаммо ва истиқбол..... | 292 |
| <i>Бустонов М.М.</i> | Аҳолини доимий иш ўринлари билан таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти..... | 296 |
| <i>Саидов Н.Р.</i> | Положительная динамика роста рабочих мест за 2020 год..... | 301 |
| <i>Хашимова Г.А.</i> | Literature review of the paper “the nature and growth of vertical specialization in world trade..... | 304 |
| <i>Shomurodov T.B.</i> | Открытость экономики нового Узбекистана: реалии настоящего и приоритеты для будущего развития..... | 310 |
| <i>Неделькина Н.И.</i> | Худудларида истиқомат қилаётган аҳолининг иш билан бандлиги даражасини ошириш истиқболлари..... | 318 |
| <i>Файзиева Д.Ш.</i> | Корхоналарнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора -тадбирлар..... | 323 |
| <i>Чориев Ф.Э.</i> | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш кластерини ташкил этиш асосида иш билан бандликни ошириш..... | 327 |
| <i>Бавев А.Х.</i> | Перспективы социально-экономического развития регионов Узбекистана..... | 331 |
| <i>Шатохина С.Ю.</i> | Язык – это история народа: колорема чёрный в узбекской фразеологии..... | 335 |
| <i>Кодирова Ф.</i> | Investment mechanisms for the development of cotton-textile clusters in the republic of Uzbekistan..... | 338 |
| <i>Makhtudov M.F., Kholikova R.S.</i> | Рекрутинг агентликлари - аҳолини иш билан таъминлашнинг истиқболли йўналиши сифатида..... | 343 |
| <i>Бозорова С.А.</i> | Ўзбекистонда аграр секторнинг ривожланиши тенденциялари ва унга таъсир этувчи омиллар..... | 351 |
| <i>Юсуфов М.С.</i> | Basic concepts and objectives of regional economic security..... | 356 |
| <i>Olitov M.K.</i> | Макроэкономические показатели в Центральной Азии за 10 лет включая в период пандемии с зонами риска..... | 357 |
| <i>Тургунов Д.Т.</i> | Ижтимоий соҳада давлат-хусусий шерикаликни ташкил этиш ва ривожлантириш йўллари..... | 366 |
| <i>Шакирова Г.А.</i> | Роль предпринимательства в сокращении нищеты..... | 372 |
| <i>Халилов М.Ш.</i> | The role of clusters in the development of agrolistics services..... | 375 |
| <i>Каримова М.Н.</i> | Формированию государственной политики в сфере занятости..... | 378 |
| <i>Хакимова Л.Ш.</i> | | |

| | | |
|---|--|-----|
| <i>Yuldasheva D.K.</i> | Specific aspects and components of ensuring food security of country | 386 |
| <i>Maturova M.</i> | Fiskal siyosatni ijtimoiy-iqtisodiy mazmuni..... | 389 |
| <i>Фозилова Ф.К.</i> | Маркетинговые исследования в формировании экспортного потенциала промышленных предприятий..... | 391 |
| <i>Солыева У.А.</i> | Женское предпринимательство XXI века, как фактор развития экономики..... | 397 |
| <i>Бабаев Ш.А.</i> | Реализация преемственности и статистического метода при изучении молекулярной физики в общеобразовательной школе..... | 402 |
| <i>Амрджанова С.С.</i> | Влияние экономического роста на развитие рынка труда Узбекистана..... | 407 |
| <i>Каримов И.А.</i> | Ижтимоий соҳа объектларининг қурилишига қиритилган инвестициялардан фойдаланиш | 415 |
| <i>Гулмуродов К.А.</i> | Меҳнат миграциясининг аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда тугтан ўрни..... | 418 |
| <i>Каримова Н.С.</i> | Камбағаллик - Янги Ўзбекистоннинг асосий ижтимоий-иқтисодий муаммосидир..... | 425 |
| <i>Qurbanova O.T.</i> | Features of pricing in modern economy..... | 430 |
| <i>Холматова Ш.М., Мамадалиева Ф.А.</i> | Современный переход реформирования системы образования в экономическом ВУЗе..... | 433 |
| <i>Kurbanov U.F.</i> | The role of reforms in the more development of real sectors of the economy..... | 437 |
| <i>Ғаниева Д.Б.</i> | Олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашишини таъминлашда карьера марказларининг хизматлари сифатини ошириш..... | 440 |
| <i>Хайдарова Ш.Д.</i> | Енгил саноат корхоналари ракобатбардошлигини маркетинг стратегиялари асосида ошириш | 446 |
| <i>Дадаханова С.М.</i> | Новые инструменты в привлечении инвестиций: рынок капитала и ЕТҒ как важный фактор повышения инвестиционной привлекательности региона..... | 452 |
| <i>Тураева А.И.</i> | Особенности развития уровня занятости населения в Республике Узбекистан..... | 456 |
| <i>Тўхтаева Х.Ф.</i> | Ходимлар меҳнат мотивациясини кучайтиришни такомиллаштириш йўналишлари | 461 |
| <i>Ismoilov A.J.</i> | Zamonaviy qishloq xo'jaligining rivojlanishida raqamli iqtisodiyotning o'rni | 466 |



| | | |
|-------------------|---|-----|
| Садуллаев Т.Х. | Инклюзив ривожланиш индекси - мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг омили сифатида..... | 472 |
| Бурхонова Ш.Б. | Рақамли иқтисодиёт шароитида иқтисодий имкониятлардан самарали фойдаланиш..... | 477 |
| Усмонов М.А. | Уй-жой қурилиш бозорида тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари..... | 481 |
| Исмаилова Г.Т. | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва ривожланиш тенденциялари | 484 |
| Салимов Н.Б. | Кичик ва ўрта бизнеснинг инновацион фаолиятда қатнашиш шакллари..... | 492 |
| Najmiddinov Ya. | Ensuring macroeconomic stability, reducing poverty, creating new jobs and stimulating employment..... | 496 |
| Исакузиева Р. | Теоретические основы выявления конкурентного преимущества национальных компаний | 503 |
| Бахромов Ш.Ш. | Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кадр ва мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш | 508 |
| Ганиев Б.З. | Ишчи кучи талаби ва таклифи ўртасидаги мутаносибликнинг назарий асослари..... | 513 |
| Бобаназарова Ж.Х. | Ёшлар ўртасида камбағалликни камайтириш чоралари | 519 |
| Махамматов Э.Я. | Камбағалликни қисқартиришда кичик бизнес ва тадбиркорлик – тараққиёт омили сифатида..... | 522 |
| Султонов М.Ғ. | Худудларни ривожлантириш орқали аҳолининг бандлигини ошириш | 529 |
| Шодиев Ф. | Инновацион иқтисодиётнинг ривожланишида инсон капиталининг ўрни | 535 |
| Шералиев Ж.Ж. | Бюджет қоидалари ва уларнинг бюджет барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти..... | 540 |
| Mirzarakhimova A. | Development of the digital economy in the Republic of Uzbekistan | 548 |
| Яҳшимуратова А.Р. | Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда инвестицияларнинг роли..... | 551 |
| Oqmullayev R. | Raqamli iqtisodiyot sharoitida inson resurlarini boshqarish tizimini takomillashtirish orqali qishloq aholisini ish bilan ta'minlashning zamonaviy yo'nalishlari..... | 555 |

KIRISH

O‘zbekiston Milliy iqtisodiyot taraqqiy topishi va mamlakat aholisi farovonligini ta‘minlashning eng birlamchi omili mamlakat hududlarining ijtimoiy-iqtisodiy salohiyati va undan samarali foydalanish bilan bevosita bog‘liqdir. Iqtisodiyotni jadal rivojlantirish hamda aholi turmush farovonligini oshirish, davlatimiz ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotini yanada mustahkamlash, O‘zbekistonda makroiqtisodiy barqarorlikni ta‘minlash, real sektor tarmoqlarining ishlab chiqarish salohiyatini oshirish asosida hududlarni barqaror rivojlantirish, kambag‘allikni qisqartirish va aholi bandligini ta‘minlash bugungi kunning dolzarb masalalaridandir. Zero, hududlarda barqaror rivojlanish ko‘rsatkichlariga erishmasdan turib, milliy iqtisodiyotni rivojlantirish va uning raqobatbardoshligini ta‘minlash haqida fikr bildirishning o‘zi mantiqiy nuqtai nazardan samarasiz bo‘lib hisoblanadi.

Shunday ekan, hozirgi rivojlanayotgan davrda va chuqur islohotlar fonida respublikamiz hududlarining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlarini atroflicha tahlil qilish muhim va oqilona iqtisodiy qarorlar qabul qilishda har qachongidan ham dolzarblik kasb etmoqda.

Mamlakatimizda hududlarni kompleks iqtisodiy rivojlantirish orqali aholi bandligi va daromadlilikini ta‘minlash hamda turmush farovonligini oshirish masalasiga strategik yo‘nalish sifatida e‘tibor qaratilib, so‘nggi yillarda izchil islohotlar amalga oshirilib kelinmoqda.

Jumladan, prezidentimiz Shavkat Mirziyoev boshchiligida keng jamoatchilik muhokamalari asosida qabul qilingan 2017–2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasida uchinchi ustuvor yo‘nalish “Iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirish”, deya nomlangan holda viloyat, tuman va shaharlarni kompleks va mutanosib ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish, ularning mavjud salohiyatidan samarali va optimal foydalanish alohida 3.5-yo‘nalish sifatida belgilanganligi ham bejiz emas. Harakatlar strategiyasida belgilangan vazifalar ijrosini ta‘minlash maqsadida 2017 yildan har bir hududni kompleks rivojlantirish borasida keng ko‘lamli ishlar boshlandi. Bu borada quyida atroflicha to‘xtalib o‘tamiz.

Bu borada, respublikamiz hududlarini barqaror va jadal rivojlantirish uchun ularning kompleks va mutanosib ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini, tabiiy xom-ashyo resurslaridan foydalanish samaradorligini, iqtisodiy va investitsiyaviy salohiyatini, shuningdek, hududlarning boshqa qiyosiy ustunliklarini baholashning yagona tizimini joriy etish maqsadida, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 1 mayda PQ-4702-son “Hududlarni

ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishni reyting baholash tizimini joriy etish to'g'risida"gi qarori [20] ga muvofiq statistik ko'rsatkichlar va so'rovnomalar natijalari asosida hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini reyting baholash tizimi joriy etildi. Bu esa, o'z navbatida respublika hududlarining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish ko'rsatkichlarini tahlil qilish borasidagi muammolarning amaliy yechimi bo'lib xizmat qilmoqda.

Ushbu to'plamda jamiyat va davlatni barqaror rivojlantirish bo'yicha ustuvor dasturiy hujjat bo'lgan Harakatlar strategiyasi doirasida boshlangan, mamlakatimiz ravnaqi sifat jihatidan mutlaqo yangi bosqichga ko'tarish va yangi O'zbekistonni barpo etish, Uchinchi Renessansga mustahkam asos yaratishga qaratilgan tub demokratik islohotlar holati va istiqbollari maqsad va vazifalar har tomonlama yoritilgan.

Murakkab pandemiya sharoitida davlatimiz tomonidan iqtisodiyot tarmoqlarini va tadbirkorlarni har tomonlama qo'llab-quvvatlash natijasi sifatida iqtisodiy barqarorlikni, ishlab chiqarish ko'rsatkichlarini hamda ish o'rinlarini saqlab qolishga erishildi.

Umid qilamizki, mazkur to'plamda yoritilgan mavzular bilan tanishish natijasida o'quvchi yangi O'zbekistonni barcha sohalari hamda tarmoqlarini yanada rivojlantirish bo'yicha so'ngi besh yilda izchil ravishda amalga oshirilayotgan keng ko'lamli ijtimoiy-iqtisodiy islohotlarning holati va istiqbollari, maqsad hamda bajarilishi lozim bo'lgan vazifalar haqida to'laqonli tasavvurga ega bo'ladi.



ANJUMAN YALPI YIG'ILISHI MA'RUZALARI

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР САРҲИСОБИ

Қ.Х. Абдурахманов,

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда сўнгги беш йилда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишлари ҳамда мамлакатда эришилган ижобий ўзгаришлар тизимли ва қиёсий таҳлил ҳамда статистик кузатув усуллари асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, яқин истиқболда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида эришилиши кўзда тутилган ижтимоий-иқтисодий натижалар баён этилган.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, тараққиёт стратегияси, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, эҳтиёжманд аҳоли, ижтимоий нафақа, учинчи ренессанс пойдевори

Кейинги вақтларда “давлат – жамият – инсон” тамойили ўзгариб, “Давлат – инсонлар учун” деган халқчил гоё ҳаётимизда қарор топмоқда. Унга кўра, инсон манфаатлари жамият ва давлат манфаатидан юқори ўринга кўтарилгани таҳсинга лойиқ.

Ўтган беш йилликни сарҳисоб қилар эканмиз, амалга оширилган улкан ўзгаришлар замирида ҳаётий бир ҳақиқат – давлат ва жамият бошқарувида очиқлик ва адолатга асосланган, инсонлар манфаатига хизмат қиладиган халқпарвар қарорлар қабул қилиш тизими шакллантирилди. Қайси соҳа ёки қандай масала бўлмасин, инсон манфаатлари устуворлиги бирламчи ўринга кўтарилди. Бинобарин, “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойил давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Бугун олиб борилаётган ислохотлар инсонварилikka йўғрилгани билан нафақат юртимизда, балки хорижий давлатларда ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, АҚШнинг “J.P.Morgan” инвестиция банки эълон қилган “Ўзбекистон: қуёш каби кўтарилиш” (“Uzbekistan: Soum`er Solstice”) номли таҳлилий ҳисоботида Ўзбекистон сўнгги 20 йил ичида Ўрта Осиё, Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва Африка (СЕМЕА) мамлакатлари орасида юқори ва барқарор ўсиш суръатига эриша олган санокли мамлакатлардан бири бўлганини эътироф этди. Энг асосийси, ҳисоботда Ўзбекистон иқтисодиёти 2021 йилда 8,1 фоиз, 2022 йилда 6,3 фоиз ўсишга эришиши келтирилади.

Кўлга киритилган шу каби юқори натижалар ҳақида гап кетганда 2017-2021 йилларда мамлакатимиз иқтисодиёти 24 фоиз, саноати 34 фоиз, экспорт ҳажми 1,5 баробар ўсгани, ўртача ойлик иш хақи 2,2 марта кўпайгани ҳам алоҳида қайд этиш зарур. Пандемия ҳар қадамда таҳдид солиб турган мураккаб бир

шароитда бу кўрсаткичларга осонликча эришилгани йўқ. Буларнинг замирида бизнес юритиш шартлари соддалаштирилгани, солиқ имтиёзлари берилгани, экспортни рағбатлантириш механизмлари жорий этилгани каби кўплаб ҳаётий дастурлар мажмуасидир.

Мустақил тараққиётимизнинг чорак асрлик даврида ижтимоий соҳаларда кўплаб муаммолар қалашиб кетди. Айниқса, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, табиий газ ва электр энергияси, ичимлик суви таъминоти, коммунал хизмат, йўл қурилишидаги камчиликлар одамларда ҳақли эътирозларни уйғотаётганди. Айниқса, уй-жойлар етишмаслиги мамлакат аҳолисини қийнаётган ўткир муаммога айланган эди.

Амалга оширилган ижтимоий лойиҳалар, хусусан, арзон уй-жойлар қуриш, эҳтиёжмандларнинг моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш тадбирлари Давлат бюджетига ортиқча юк бўлмади. Аксинча, амалий натижадорлик, инсон манфаати ислоҳотларимизнинг бош мақсадига айландики, пировардида сўнгги беш йил мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан юксалди. Жумладан сўнгги беш йилда 1 минг 136 та кўп қаватли, арзон уй-жойлар, жумладан, қишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар асосида 100 мингдан ортиқ тураржой бинолари барпо этилиши кўзда тутилганини инобатга олсак, ўтган даврда минг-минглаб оилалар ўз хонадонига эга бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта.

Барқарор ривожланиш тўғрисидаги адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, кўплаб олим ва мутахассислар инглизча «барқарор ривожланиш» концепциясининг таржимасини номувофиқлиги ва тўлиқ эмаслигини кўрсатиб,

уни «барқарор», «тартибга солинадиган», «қўллаб-қувватладиган», «мувозанат», «мувозанатли ривожланиш» деб таржима қилишган». Умумий қабул қилинган таржима 20 йилдан ортиқ вақт давомида «барқарор ривожланиш» атамаси бўлиб келган ва уни бошқача тавсифда ўзгартириш мақсадга мувофиқ эмас. «Барқарор ривожланиш» атамасининг кўпгина талқинлари у ёки бу тарзда Г.Х.Брундтланд Комиссияси томонидан берилган таърифга асосланган бўлиб, уни ҳақли равишда классик таъриф деб ҳисоблаш мумкин.

Тадқиқот методологияси.

Иқтисодиётда барқарорлик илгаридан иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ бўлган. А. Смит, Д. Риккардо ва бошқалар томонидан тақдим етилган классик иқтисодий мувозанат назариясида асосий тушунча талаб ва тақлифнинг тенглигига, даромадлар ва харажатлар, фойдани максималлаштиришгача қаратилган [4]. Иқтисодий мувозанатнинг янги назарияси рақобатдош мувозанат, нархларнинг эгиливчанлиги ва ресурслардан мақбул фойдаланиш концепциясига асосий ўрин берган [4].

Ҳозирги вақтда «барқарор ривожланиш» атамаси иқтисодий ривожланиш турини тавсифлашда кенг ишлатилмоқда. Ривожланиш, шунингдек ундан келиб чиқадиган маъно - иқтисодий тараққиёт, бир сифат ҳолатидан иккинчисига ўтиш даврида мураккабликнинг кучайиб бориши ва турларнинг ўзларининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган чизиқли бўлмаган (кескин ва узлуксиз) жараёни тавсифлайди. Шунинг учун ҳам жаҳон иқтисодий фанида иқтисодий ўсиш назариялари билан бир қаторда янги илмий йўналиш – иқтисодий ривожланиш назарияси кенг тарқалиши бежиз эмас.

«Иқтисодий ўсиш» ва «иқтисодий ривожланиш» тушунчалари бири-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Бизнинг фикримизча, барқарор иқтисодий ривожланиш барқарор иқтисодий ўсишни назарда тутди. Биринчиси, иккинчисига нисбатан кенг маънони англатади. Ўз навбатида, барқарор иқтисодий ўсиш иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини белгилайди. Тадқиқотчи С.Э.Желева ва бошқалар фикрига кўра, «Барқарор иқтисодий ривожланиш - бу узок вақт давомида иқтисодий тизим таркибий қисмларининг ижобий ўсиши ва мутаносиб ўзаро таъсири туфайли бир давлатнинг иккинчисининг изчил такомиллашиб бориши»дир [4].

«Барқарорлик» ва «барқарор ривожланиш» тушунчаларининг мазмунини ўрганиш асосида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин. Барқарорлик деганда ҳар қандай тизимнинг ташқи ва ички омиллар таъсиридан кейин маълум бир мувозанатни тиклаш қобилияти тушунилади. Барқарор ривожланишнинг илмий таърифи илмий адабиётларда кенг тарқалган: бу ҳозирги авлоднинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари келажак авлодларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш қобилиятига таҳдид солмасдан қондирилиши, деб ҳисоблаш мумкин. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъмин-

лаш унинг атроф-муҳит билан ўзаро алоқада инсон тараққиётига қанчалик мос келиши билан боғлиқ.

Ижтимоий-экологик ва иқтисодий тизимларнинг макро, мезо ва микро даражаларда – умуман иқтисодиёт, саноат, корхона даражасида барқарор ривожланишига ўтиш янги ҳуқуқий-институционал нормаларни, янги бошқарув тизимини талаб қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидагиларни айтиб ўтишимиз мумкин. Ҳозирги вақтда «барқарор ривожланиш» атамаси кўп маъноли атамага айланди. Илмий адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, барқарор ривожланишнинг кўплаб таърифлари мавжуд. Уларнинг аксарияти халқаро миқёсда кенг асосланган тушунча ва талқинлардир. Барқарор ривожланишнинг асосий муҳим хусусиятларидан бири – бу бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган иқтисодий, ижтимоий ва экологик қисмлардир.

Таҳлил ва натижалар

Аграр сектор ва унинг қишлоқ хўжалиги тармоғига оид илмий адабиётларда барқарор қишлоқ хўжалиги атамаси кенг қўлланилади. Бироқ, ҳозирги кунгача ушбу концепциянинг ягона таърифи мавжуд эмас.

Қишлоқ хўжалиги соҳасига нисбатан «барқарор ривожланиш» таърифи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг (ФАО) 1996 йилда Римда бўлиб ўтган сессиясида қабул қилинган материалларда қуйидагича шакланган [11]: барқарор қишлоқ хўжалиги ва қишлоқларни ривожлантириш дастурининг асосий мақсади озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш даражасини ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдир. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун таълимга оид ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий янгиликлардан фойдаланиш ва мақбул бўлган янги технологияларни ривожлантириш зарур.

Қишлоқ хўжалиги тармоғида барқарор ривожланиши бир-бири билан чамбарчас боғлиқ таркибий қисмлар - иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатдан белгиланади. Аҳолининг эҳтиёжларини қондириш, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга имкон бериш мақсадида хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши саноатнинг барқарор иқтисодий ривожланишининг асосий мезонлари ҳисобланади. Барқарор ривожланишнинг ижтимоий таркибий қисмига деҳқонлар турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, қишлоқдаги демографик ва миграция жараёнларини барқарорлаштириш киради.

Табиий ресурслардан барқарор ва мутаносиб фойдаланиш қишлоқ хўжалиги тизимларининг ҳозирги ва узоқ муддатли истиқболларини таъминлаш, атроф-муҳит сифатини яхшилаш ва табиий ресурсларни сақлаш билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалигининг барқарор экологик ривожланиши ишлов бериладиган ерларнинг ёмонлашиши ва йўқолишининг олдини олади ва тупроқ унумдорлигини оширади.

Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш концепцияси озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, иқтисодий ва интеллектуал ресурслардан самарали фойдаланиш, қишлоқ аҳолиси фаровонлиги ва турмуш сифатининг ошириши, табиий ресурслардан барқарор ва мутаносиб фойдаланиш билан узвий боғлиқдир. Иқтисодий, ижтимоий ва экологик таркибий қисмларнинг мутаносиблиги билангина соҳанинг узоқ вақт давомида барқарор ривожланиши таъминланади. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш таркибий қисмлари ўртасидаги яқин муносабатлар мавжуд (1-расм).



1-расм. Аграр сектор тармоқларини барқарор ривожланишининг таркибий қисмлари ўртасидаги боғлиқлик

Аграр соҳада ишлаб чиқаришнинг барқарорлиги саноатнинг ўзига хос хусусиятлари ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги бозор муносабатларига боғлиқ - табиий ва иқлим шароитларига катта боғлиқлик, бу қишлоқ хўжалиги соҳасини миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига nisbatan камроқ барқарор қилади; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш ва саноатлаштириш жараёнининг тугалланмаганлиги, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг мураккаблиги ва суст ривожланиб, унумдорлик ва иш ҳақининг паст даражаларига олиб келади; қишлоқ хўжалиги соҳаси бозор иқтисодиётининг замонавий моделига мос келмаслиги ва фақат давлат кўмаги билан ривожланиши мумкинлиги. Қишлоқ хўжалигида дехқон ва фермер хўжаликларининг барқарор фаолиятини асослашга ёндашувнинг хусусияти, бу

қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини комплекс ижтимоий-экологик-иқтисодий тизим сифатида ҳисобга олишдир.

Қишлоқ хўжалиги об-ҳаводан боғлиқ беқарор тизим сифатида ташқи таъсирсиз ўзини ривожлантира олмайди. Айниқса, об-ҳавоси ўзгарувчан ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига, деҳқонларнинг турмуш даражасини оширишга ва атроф-муҳитни келажак авлодлар учун сақлашга давлат таъсирини кучайтириш зарур.


Умуман олганда, аграр сектори тармоқларининг барқарор ривожланиши учта ўзаро боғлиқ таркибий қисм билан белгиланади: иқтисодий, ижтимоий ва экологик. Барқарор ривожланишга узоқ вақт давомида ишлаб чиқариш салоҳияти, инсон ресурслари ва табиий муҳитнинг такрор ишлаб чиқарилиши бирлик ва ўзаро таъсирда таъминланса эришилади. Аграр сектор ва жумладан қишлоқ хўжалиги ва унинг алоҳида тармоқлари барқарорлигини таъминлашда ҳал қилувчи ролни давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва аграр сиёсати ўйнайди.

Аграр соҳа тармоқлари барқарорлиги мураккаб ва кўп босқичли тизим сифатида турли омиллар ва шароитлар билан белгиланади. Шунини ҳисобга олганда, “омиллар” ва “шартлар” тушунчаларининг моҳиятини очиб бериш керак. Таҳлилларга кўра, омил “ҳаракатлантирувчи куч, баъзи бир жараён, ҳодисанинг сабаби” сифатида таърифланган [11]. Шарт - тушунчаси эса бу: 1) “бирон бир нарсага боғлиқ бўлган ҳолат”, 2) “ҳаёт, фаолиятнинг баъзи соҳаларида ўрнатилган қоидалар”, 3) “бирор нарса содир бўладиган муҳит” деган маънода ишлатилиши мумкин.

Аграр соҳанинг барқарорлигини ташкил этувчи омиллар ва шартларни таснифлашда қуйидаги қоидаларни ҳисобга олиш керак. Аграр соҳанинг қишлоқ хўжалиги тармоғи барқарорлигини иқтисодий, ижтимоий ва экологик таркибий қисмларга ажратиш энг мақбул ҳисобланади. Унга таъсир қилувчи омил ва шароитларнинг хилма-хилиги асосида уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: ташқи ва ички (2-расм).

Аграр секторнинг барқарор ривожланишида ташқи омиллар ва шароитлар ҳал қилувчи роль ўйнайди: институционал муҳит; ресурсларнинг мавжудлиги; рақобат муҳити; ички талабни ривожлантириш; давлат томонидан қўллаб-қувватлаш; тармоқлараро алмашинув шартлари; савдо бозорларининг қўлами ва ривожланиши; давлат илмий ва технологик сиёсати; инвестиция муҳити; нархлар ва солиқ сиёсати; табиий шароит; атроф-муҳит ва табиий ресурсларнинг ҳолати; агросаноат комплексидаги кооперация ва агрокластер алоқалар; қишлоқни ижтимоий ривожлантириш; ташқи иқтисодий шароитлар.

Биринчи гуруҳни “ташқи муҳит” тушунчаси билан белгилаш мумкин. Ташқи муҳит аграр сектор ва унинг хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг энг муҳим шартидир, уларнинг барча ички омилларини белгилайди.



2-расм. Аграр соҳанинг барқарор ривожланиш омиллари

Аграр секторда қишлоқ хўжалиги ва унинг айрим тармоқларини барқарор ривожланишига маҳаллий хусусиятларга мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жойлаштириш, ихтисослаштириш ва бир жойга тўплаш каби ички омиллар ва шароитлар ҳам таъсир қилади; иқтисодий ва интеллектуал ресурсларнинг салоҳияти; ички инфратузилма; потенциалдан фойдаланиш; маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлиги; корхонанинг ташкилий-иқтисодий шакллари; ишлаб чиқаришни ташкил етиш ва бошқариш; инвестиция ва инновацион фаолият; бозордаги талаб, таклиф ва нархларнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда; қувватлар, ресурслар, қишлоқ хўжалиги хом ашёлари захирасининг мавжудлиги; меҳнат мотивацияси.

Аграр соҳа тармоқлари мураккаб ишлаб чиқариш тизими сифатида барқарор ишлаб туради, бу агар барча ишлаб чиқариш омиллари мувозанатлаштирилса, ижтимоий-иқтисодий ва қишлоқ хўжалиги сиёсати юридик ва молиявий қўллаб-қувватланса юз беради. Ишлаб чиқариш омиллари мувозанатсиз бўлса ва ресурс салоҳиятидан фойдаланиш даражаси паст бўлса, тизим беқарор бўлади.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишда алоҳида ўрин барқарорликнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик таркибий қисмларини мослаштириш воситаси сифатида кўриладиган институционал муҳит ва унинг нормалари муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон қишлоқларидаги институционал муҳит зарурий равишда ишлаб чиқариш ва қишлоқ аҳолиси менталитетининг ўзига хос хусусиятларини шакллантирган ерга эгалик ҳуқуқининг ўзига хос намоён бўлиши давлатнинг ерга эгаллиги ва колхоз тузуми таъсири остида ривожланиб бормоқда.

Аграр сектор тармоқларининг барқарорлигини миқдорий тавсифлаш учун кўрсаткичлар (индикаторлар) тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир (3-расм).

Аграр сектор, шу жумладан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарорлик даражасини баҳолаш ҳам муҳимдир. Ушбу мақсадлар учун вақт оралигининг ҳақиқий даражаларидаги тебранишлар ўлчовини назарий даражаларга, ўзгаришларнинг барқарорлик коэффициенти ва даражаларнинг ўзаро боғлиқлик коэффициентини ўлчайдиган барқарорлик коэффициенти қўлланилади. Барқарорликни баҳолаш даражасига (маълум бир маҳсулот тури, sanoat, бутун қишлоқ хўжалиги) қараб, ушбу концепциянинг моҳиятини тавсифловчи кўрсаткичлар ҳам ўзгаради.

Аграр сектор барқарор ривожланиши кўрсаткичлари куйидаги мезонларга жавоб бериши керак: мамлакат, минтақа, sanoat, қишлоқ хўжалик корхонаси даражасида миқдорни аниқлаш ва ундан фойдаланиш қобилияти; мавжуд статистик ҳисоботга таяниш; чекланган миқдордаги асосий кўрсаткичлардан фойдаланиш.



3-расм. Аграр соҳани барқарор ривожлантириш индикаторлари тизими

Хулоса

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқот қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди.

1. Илмий адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, барқарор ривожланишнинг кўплаб таърифлари мавжуд. Ушбу атама барқарор ривожланиш келажак авлодларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш қобилиятига зиён етказмасдан ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган ривожланишдир.

2. Аграр секторнинг барқарор ривожланиши учта ўзаро боғлиқ таркибий қисм - иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатдан белгиланади. Барқарор ривожланишга узоқ вақт давомида ишлаб чиқариш салоҳияти, инсон ресурслари ва табиий муҳитнинг такрор ишлаб чиқарилиши бирлик ва ўзаро таъсирда таъминланса эришилиши мумкин.

3. Аграр соҳанинг барқарорлигига таъсир қилувчи омил ва шароитларнинг хилма-хиллигидан уларнинг икки гуруҳи ажратилади: ташқи ва ички. Барқарорликни таъминлашда ташқи омиллар ва шароитлар ҳал қилувчи роль ўйнайди.

4. Аграр секторнинг қишлоқ хўжалиги тармоғи мураккаб ишлаб чиқариш тизими сифатида барқарор ишлаб туради, агар барча ишлаб чиқариш омиллари мувозанатлаштирилса, ижтимоий-иқтисодий ва қишлоқ хўжалиги сиёсати юридик ва молиявий қўллаб-қувватланса. Агар ишлаб чиқариш омиллари мувозанатсиз бўлса ва ресурс салоҳиятидан фойдаланиш даражаси паст бўлса, тизим беқарор бўлади.

4. Аграр соҳа ишлаб чиқаришининг иқтисодий, ижтимоий ва экологик барқарорлиги даражасининг миқдорий тавсифи учун табиий, таннарх ва нисбий кўрсаткичлар тизими таклиф этилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришининг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 23-октябрь 2019-йил ПФ-5853-сонли Фармони.
2. Чепурных Н.В., Новоселов А.А., Мерзлов А.В. Региональное развитие: сельская местность / Н.В. – М.: Наука, 2006. – 384 с.
3. Иванов В.А., Пономарева А.С. Методологические основы устойчивого развития аграрного сектора. Экономические и социальные перемены: факты, тенденции, прогноз 4 (16) 2011. С. 109-129. Электрон манба: <http://esc.vscs.ac.ru/article/230/full>
4. Чепурных Н.В. Устойчивое развитие сельского хозяйства и проблема устойчивого развития сельской местности [Электронный ресурс] / Н.В. Чепурных. – Режим доступа: <http://www.icptacis.ru>
5. Мифы и реальность «устойчивого развития» / Г.С. Розенберг, С.А. Черникова, Г.П. Краснощекоев и др. // Проблемы прогнозирования. – 2009. – № 2. – 130-154 с.
6. Сдасюк Г.В. Природопользование и концепция устойчивого развития: традиционные и новые подходы / Г.В. Сдасюк // Природопользование и устойчивое развитие: мировые экосистемы и проблемы России. – М.: Т-во научных изданий КМК, 2006. – С. 22-47.
7. Концепция устойчивого развития в контексте глобализации // Мировая экономика и международные отношения. – 2007. – № 6. – С. 66-79.
8. Урсул А.Д. На пути к праву устойчивого развития: концептуально-методологические аспекты / А.Д. Урсул // Теоретическая и прикладная экология. – 2008. – № 1. – С. 20-31.
9. Львов Д.С. Путь в XXI век: стратегия, проблемы, перспективы российской экономики / Д.С. Львов. – М.: Экономика, 1999. – 168 с.
10. Классика экономической мысли: сочинения / В. Петти, А. Смит, Д. Рикардо, Д.М. Кейнс, М. Фридмен. – М.: ЭКСМО – Пресс, 2000. – 896 с.
11. Желаяева С.Э. Институциональные аспекты устойчивого развития социо-эколого-экономических систем различных типов / С.Э. Желаяева, В.Е. Сактаев, Е.Д. Цыренова. – Улан-Удэ: Изд-во ВСГТУ, 2005. – 156 с.
12. Promoting Sustainable Agriculture and Rural Development: Agenda 21 Chapter 14. Rome: FAO, 1996.
13. Ожегов, С.И. Словарь русского языка. – Изд. 6-е / С.И. Ожегов. – М.: Изд-во «Советская энциклопедия», 1964. – 900 с.
14. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. IV. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги. ЎзСТАТ, 2020 й.

РАЗВИТИЕ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ИННОВАЦИОННОЙ ПОЛИТИКИ В СФЕРЕ ЗАНЯТОСТИ

*Н.Т. Шаюсупова, к.э.н., доцент,
заместитель декана экономического факультета ТГЭУ
М.А. Хасанов,
соискатель, ТГЭУ*

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы развития национальной государственной инновационной политики в сфере занятости населения в Республике Узбекистан. Формирование и реализация инновационной политики основывается на создании такой системы, которая позволит в кратчайшие сроки и с высокой эффективностью использовать в производстве интеллектуальный и научно-технический потенциал страны. Благодаря использованию новых информационных технологий этими потенциалами могут пользоваться как малые, так и крупные организации в обеспечении занятости населения. Проведено анализ динамика структуры трудовых ресурсов, уровень участия населения Республики Узбекистан в трудовых ресурсах по полу, динамика уровня занятости и безработных в Республике Узбекистан.

Ключевые слова. Инновационная политика, научные разработки, рынок труда, занятость, безработица, трудовые ресурсы.

Введение

В современных условиях выход на мировой рынок возможен только на основе развития инновационных процессов, направленных на существенную модернизацию производства путем внедрения достижений науки и техники. Инновационные процессы представляют собой постоянный и непрерывный поток превращения конкретных технических или технологических идей на основе научных разработок в новые технологии или отдельные ее составные части и доведения их до освоения непосредственно в производстве с целью получения качественно новой продукции.

На сегодняшний день важной составной частью государственной социально-экономической политики является инновационная политика, определяющая цели инновационной стратегии и механизмы поддержки приоритетных инновационных программ и проектов. Особую актуальность приобретают проблемы повышения эффективности использования научных разработок и внедрения в производство результатов фундаментальных и прикладных исследований.

В Узбекистане обеспечивается внедрение механизма оказания государственной поддержки негосударственным учреждениям профессионального обучения для обучения безработных и бедных слоев населения востребованным профессиям на рынке труда, основам предпринимательства и иностранным языкам. Негосударственным учреждениям профессионального обучения

предоставляется право самостоятельного выбора учебных программ и преподавателей, передача в льготное использование учебного оборудования и инвентаря. Установлен гарантированный минимальный уровень государственного заказа на обучение в негосударственных профессиональных учебных заведениях за счет средств государственного фонда содействия занятости.

Методы исследования. В статье применены методы анализа и синтеза, корреляции и регрессии, сравнения и группировки, экспертной оценки, научной абстракции и другие.

Инновационная политика представляет собой мощный рычаг, с помощью которого возможно преодолеть спад в экономике, обеспечить ее структурную перестройку и насытить рынок разнообразной конкурентоспособной продукцией. Инновационная политика призвана обеспечить увеличение валового внутреннего продукта страны за счет освоения принципиально новых видов продукции и технологий, а также расширения на этой основе рынков сбыта отечественных товаров. С учетом современных реалий состояния экономики инновационная политика на современном этапе рыночных реформ должны способствовать развитию инновационной деятельности.

Таким образом, государство призвано оказывать особую поддержку инновациям, обеспечивающим социальную стабильность и поддержание экономического равновесия. Сегодня для развития и процветания экономики Узбекистана нужны интенсивные вложения капитала в инновации различных направлений, которые могут обеспечить не только экономический, но и социальный эффект.

Дальнейшее развитие наукоемких производств невозможно без серьезных финансовых вложений, которые, как показывает опыт развития многих зарубежных фирм, являются наиболее прибыльным видом инвестиций. Но привлечение инвестиций на развитие научных исследований требует разработки особых методов оценки их эффективности. Следовательно, разработка схемы и механизма определения экономической эффективности инвестиций в инновационную деятельность, направленную на улучшение отраслей национальной экономики является одним из основных факторов развития этих процессов. Так, например, для модернизации материально-технической базы требуется значительный объем инвестиций, превышающий реальные возможности национальной администрации и региональных операторов. Таким образом, задача привлечения инвестиций в экономику Узбекистана является очень важной.

Анализируя уровень безработицы и занятости, можно предположить, что в настоящее время в Узбекистане отмечается ситуация не полной занятости, при котором безработица не связана с колебаниями спроса на труд, а вызывается несовершенством рынка труда (издержками смены места работы, неполнотой информации о вакансиях и пр.).



Трудовые ресурсы Узбекистана, отличающиеся мобильной активностью и профессиональной подготовкой, предоставляют огромные возможности для дальнейшего развития экономики страны. В результате создания рабочих мест, роста занятости, доходов и благосостояния населения повысилась экономическая (трудовая) активность и занятость населения и, как следствие, отмечается стабильность основных индикаторов рынка труда.

Социально-экономическое развитие регионов Узбекистана в значительной степени зависит от устойчивой и производительной занятости населения. Узбекистан страна - которая обладает значительным трудовым потенциалом, и обеспечение занятости населения регионов является одним из актуальных вопросов.

В результате проведенного анализа было выявлено что, модель рынка труда Республики Узбекистана характеризуется сохраняющимся разрывом между предложением и спросом, а также несбалансированностью его профессионально-квалификационной структуры. Темпы роста производительности труда являются недостаточно высокими вследствие низкого уровня квалифицированности рабочей силы и ориентированности экономики на создание сезонных и не устойчивых рабочих мест в условиях относительно высоких издержек производства, что подтверждается высокими значениями дефлятора за последние годы. Требуется реализация комплекса мер по обеспечению повышения средней производительности труда посредством не только корректировок плановых параметров подготовки кадров исходя из потребностей экономики в них на краткосрочную и среднесрочную перспективу, но и повышения качества их подготовки и повышения мобильности рабочей силы. Кроме этого, необходимо создать условия (обеспечение снижения дефлятора ВВП, налогового бремени), обеспечивающие рост конкурентоспособности национальной экономики.

В настоящее время, как и в предыдущие годы на формирование трудовых ресурсов оказывают значительное влияние демографические факторы. На 1 января 2020 года численность постоянного населения страны составила 33905,8 тыс. человек и с начала года увеличилась на 650,3 тыс. человек, или на 2,0%. При этом число городского населения составляет 17122,4 тыс. человек (50,5%), сельского – 16783,4 тыс. человек (49,5%).

На динамику численности населения Узбекистана, как и в предыдущие годы, оказывают значительное влияние изменения в уровне рождаемости, смертности и миграции населения. Так, за 2015-2019 гг. общий коэффициент рождаемости колебался в пределах 23,5-24,3‰.

Население республики относительно молодое. Лица моложе трудоспособного возраста составляют 30,5% всего населения страны. Доля населения в трудоспособном возрасте составляет 58,9%, а старше трудоспособного возраста - 10,6%.

Следует отметить, что хотя численность трудоспособного населения увеличивается, его доля в общей численности населения имеет тенденцию к снижению. Так, за 2015-2019 годы число лиц в трудоспособном возрасте возросло на 820,0 тыс. человек или на 4,3 %, их доля в населении снизилась с 61,2% до 58,9%. При этом возрастает как абсолютно, так и относительно численность населения старше трудоспособного возраста.

В настоящее время численность трудовых ресурсов составляет более 19 млн. чел., а экономически активного населения - 14,8 млн. чел. Увеличивается число занятого в экономике населения. За анализируемый период оно возросло на 482,8 тыс. чел. и составило 13,5 млн. чел.

Отраслевая структура занятости республики в последнее время стабильно меняется в сторону увеличения численности занятых в промышленности путем высвобождения занятых из сельского хозяйства. Тем не менее, доля занятых в сфере услуг намного превышает долю занятых в промышленности, этим и объясняется низкая производительность труда в стране. Так, в 2019 году доля занятых в промышленности составила 13,4%, в сельском хозяйстве 26,8% и в сфере услуг 59,8%.

Несмотря на позитивные сдвиги на рынке труда республики, остается несколько нерешенных проблем, которые препятствуют снижению уровня безработицы и обеспечению производительной занятости на рынке труда Узбекистана. Следует отметить что, многие рабочие места в сфере услуг неустойчивые и носят сезонный характер (особенно в сфере общепита и торговли), а также именно в сфере услуг наблюдается высокое количество занятых в неформальном секторе. На сегодняшний день доля занятого населения в неформальном секторе составляет 58%, по сравнению с 2015 годом данный показатель снизился на 1,4 п.п. В разрезе областей самая высокая доля занятых в неформальном секторе экономики наблюдается в Самарканде и Фергане. Более половины мужчин, занятых неформально, работают на разовых, сезонных и временных рабочих местах. Если рассматривать отраслевую структуру неформальной занятости, здесь преобладает сфера услуг, особенно такие услуги как строительство, услуги по перевозкам и услуги по проживанию и питанию, а также торговля.

Анализ показывает, что за последние годы в занятости населения республики произошли определенные изменения, которые отличаются от тенденций предыдущих лет. Прежде всего, темпы роста занятости и трудовых ресурсов выровнялись. Длительное время в Узбекистане темпы роста занятости населения отставали от аналогичного показателя по трудовым ресурсам. В последнее 4-5 лет численность трудовых ресурсов и занятых возросла в среднем на 3,7%.

Анализ тенденций происходящих в занятости населения в разрезе пола показал, что в последние годы интенсивно растет занятость мужского населения,

при сокращении численности женщин занятых в экономике. Следовательно, меняется структура занятости по полу. В 2019 году доля женщин занятых в экономике составила 41,4 %, против 45,6 % в 2015 году. Соответственно за этот период удельный вес мужчины увеличился с 54,4% до 58,6%. За анализируемый период весь дополнительный прирост численности занятых пришелся на долю мужчин. Следует заметить, что в общем приросте численности занятых за 2010 - 2015 гг. доля мужчин составляла 53,2%. Такое положение обусловлено отраслевыми переливами рабочей силы, более глубокими преобразованиями в экономики, увеличением спроса на мужскую рабочую силу. Так, за анализируемый период при приросте численности работающих мужчин на 837,7 тыс. человек, число женщин занятых в экономике сократилось на 354,9 тыс. человек. В конечном итоге имеет место снижение уровня занятости женщин. Так, в 2020 г. работающие женщины составили 58,7% от общей численности женщин трудоспособного возраста против 64,2 % в 2016 г. За этот период уровень занятости мужчин увеличился с 71,1% до 76,2%.

Наиболее заметной тенденцией в структуре занятости является увеличение как абсолютных, так и относительных показателей численности работников в строительстве. За анализируемый период более 20 процентов прироста числа занятых приходился на долю данной отрасли. Хотя растет число занятых в промышленности их доля в общей численности остается на уровне 13%. Следует отметить, что несмотря на принятые меры со стороны государства по высвобождению занятого населения из сельского хозяйства и привлечению их в промышленность и сферу услуг, их доля в общей численности занятых остается высокой - 26,2% в 2019 г.

Анализ отраслевой структуры по полу показывает, что имеется значительный гендерный дисбаланс. В частности, в таких сферах, как образование и здравоохранение, большинство сотрудников составляют женщины. В то же время, в таких отраслях, как строительство или транспорт, женщины составляют только 10,4% и 14,7% от общего количества работников в отрасли. В таких отраслях, как промышленное производство, сельское хозяйство, торговля и финансовые услуги доля женщин в общем количестве работников варьирует от 40% до 55%. Карьерные перспективы для мужчин и женщин в Узбекистане не равны. В отраслях, где женщины составляют большинство сотрудников, доля женщин среди управленческого персонала незначительна. Практически во всех отраслях доля женщин среди управленцев значительно ниже доли женщин среди всех занятых в этой отрасли. В этом смысле весьма показательным распределение должностных позиций в самой «женской» отрасли – образовательном секторе. Женщины составляют более 70% педагогических работников в школах. В то же время доля женщин среди директоров школ едва достигает 36%. Таким образом, статистические данные и результаты анализа, приведенные в данном разделе,

показывают, что уровень экономической активности и занятости среди женщин значительно ниже аналогичных показателей для мужчин⁹. В последнее 5-6 лет в республике высокими темпами развивается сфера услуг, на сегодняшний день доля сферы услуг в ВВП составляет 47-48 %. В свою очередь увеличивается и численность занятых в сфере услуг, которая к 2019 году составила – 8,1 млн.чел., или 60,4% от всего занятого населения. В региональном разрезе самая высокая доля занятых в сфере услуг приходится на г.Ташкент, более 80% всех занятых трудятся в этой сфере, что свидетельствует о высоком развитии ее в столице. Такая же высокая доля занятых в сфере услуг наблюдается в Кашкадарьинской (63,5%) и Наманганской (62,5%) областях.

Выводы и предложения

Проведенный анализ занятости населения позволил выявить ряд проблем, в частности:

- в некоторых регионах страны наблюдается нехватка специалистов, особенно врачей и учителей, при этом врачей не хватает в основном в сельской местности Сурхандарьинской и Джизакской областей;

- в таких регионах как Сурхандарья, Хорезм, и Кашкадарья наблюдается низкая доля занятых в промышленности, что требует создания развития инфраструктуры по хранению, транспортировке и сбыту сельскохозяйственной продукции или создания промышленных зон для обеспечения занятости безработных людей в сельской местности;

- высокий уровень безработицы в Сурхандарье, Самарканде и Фергане требует создания дополнительных рабочих мест в данных регионах;

- наблюдается низкий уровень занятости в Республике Каракалпакстан и Джизакской области, следует обратить внимание созданию рабочих мест и обеспечения занятости населения именно на эти регионы.

Несмотря на позитивные сдвиги в области обеспечения занятости населения уровень безработицы в республике сохраняется на высоком уровне, который 2020 года составил 10,1% %, среди женщин этот показатель выше среднего - 14,7%, а среди молодежи 17,4%.

В заключении следует обратить внимание и на то, что направления развития инновационных процессов в сфере занятости тесно связаны с особенностями конкретного региона, которые отражают характерные природно-экономические условия, сложившуюся структуру производства, уровень научного обеспечения и формирование региональной научно-технической политики.

Зарубежный опыт освоения научных достижений на региональном уровне свидетельствует о том, что особенностью развития инновационных процессов

⁹ Неустойчивая занятость в Узбекистане: состояние, проблемы и пути их решения, ПРООН, 2018 (www.uz.undp.org)

является ориентация на профильные отрасли региона, приоритеты его развития, на максимальное использование тех или иных преимуществ региона. Кроме того, успешное развитие инновационной деятельности в большинстве зарубежных стран связано с системой государственной поддержки научно-инновационной сферы на региональном уровне. Следует отметить, что данный опыт позволит развитию национальной государственной инновационной политики в сфере занятости в Узбекистане.

Использованная литература:

1. Закон Республики Узбекистан «О занятости населения» N ЗРУ-642 от 20.10.2020 г. <http://lex.uz>

2. Приложение к Указу Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах». Lex.uz

3. Мирзиёев Ш.М. Послание Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису» 29.12.2020. <https://president.uz/ru/4049>.

4. Абдурахманов К.Х., Кудбиев Ш.Д. Рынок труда: Формирование и регулирование. Монография. – Т.: 2019. – 200 с.

5. Abdurakhmanova G.K., Gaibnazarov Sh.G., Shayusupova N.T. Creating a system of control over compliance with decent work principles of the Republic of Uzbekistan, *International Journal of Advanced Science and Technology*, № 9 2020, pp. 6401-6408.

6. Abdurakhmanova G.K., Gaibnazarov Sh.G., Shayusupova N.T. Methodical Aspects of Establishing a Control System over Compliance with Principles of Decent Work and Social Security in Textile Enterprises, *Jour of Adv Research in Dynamical & Control Systems*, № 5 2020, pp. 562-574.

7. <https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika/labor-market> - государственный комитет Республики Узбекистан по статистике.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – МУҲИМ ЙЎНАЛИШ

**Б. Д. Хажиев, и.ф.н., доцент,
Фундаментал иқтисодиёт
кафедраси мудири, ТДИУ**

Аннотация: Янги Ўзбекистонни барпо этишининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил қилинган ва ушбу соҳани ривожлантириши билан боғлиқ стратегик йўналишлар асосланган.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хусусий мулк, шартнома, трансакция харажатлари, халқ фаровонлиги.

Annotation: The aspects of building a new Uzbekistan related to small business and private entrepreneurship are analyzed and strategic directions for the development of this sector are based.

Keywords: New Uzbekistan, small business and private entrepreneurship, private property, contract, transaction costs, welfare of the people.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотлар ва янгиланишлар натижасида иқтисодиётимизда миқдор ва сифат ўзгаришлари қамрови тобора кенгайиб, замонавий тармоқ ва соҳаларнинг салмоғи жадал равишда ошиб бормоқда. Аҳолининг даромадлари аҳамиятли равишда ўсиб, бунинг натижасида турмуш даражасида сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Жумладан, статистик маълумотларга кўра, 2016-2020 йилларда аҳолининг умумий даромадлари 2,6 баравардан кўпроқ ўсган. Халқаро валюта фонди маълумотларига кўра, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича Ўзбекистон дунё рейтингига 2017 йилдаги 134-ўриндан 2020 йилда 121-ўринга кўтарилди. Шунингдек, 2021 йил 26 майда ўтказилган Халқаро рейтинглар ва индекслар билан ишлаш бўйича Республика Кенгашининг навбатдаги йиғилишида Глобал инновацион индексда Ўзбекистон 2015 йилга нисбатан ўз ўрнини 29 поғонага яхшилаб, 131 та мамлакат орасида 93-ўринни, Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари орасида эса 4-ўринни қайд этгани таъкидланди. Бу каби муваффақиятларнинг асосий омилларидан бири – давлатимиз томонидан олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат бўлиб, унинг таркибидан ўрин олган чора ва тадбирлар йўналишларининг тўғри шакллантирилганлиги ижобий натижалар гарови ҳисобланади. **Айниқса, Ўзбекистон тараққиётининг янги даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратиламоқда.**

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жаҳон мамлакатлари тажрибасида ўзининг юксак натижа ва муваффақиятлари билан мустаҳкам ўрин олган. Кўплаб ривожланган мамлакатларда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 60-70 фоизни ташкил этади. Кичик бизнеснинг ривожланиши иқтисодиётдаги жўшқинлик ва самарали рақобат муҳити учун қулай шарт-шароитларни яратиш, истеъмол секторини кенгайтириш орқали талабни рағбатлантириш, истеъмол бозорини товар ва хизматлар билан тўлдириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бюджет тушумларини кенгайтириш учун имкон яратади. Шунга кўра, аксарият ривожланган мамлакатлар кичик бизнес фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиладилар. Бу борада, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Ҳақиқатан ҳам, биз фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз” деб белгилаб бериши ўзига хос дастуруламал ҳисобланади.

Шу ўринда савол туғилиши табиий: айнан Ўзбекистон иқтисодиёти учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти нималарда намоён бўлмоқда?

Ушбу саволга бир мақола доирасида тўлиқ ва тугал жавоб бериб бўлмасда, бироқ бу борадаги асосий жиҳатларни кўрсатиб ўтиш ҳамда муайян мулоҳазалар билдириш, хулосалар чиқариш мумкин бўлади.

Энг аввало, иқтисодиётнинг етакчи соҳа ва тармоқларида кичик тадбиркорлик улушининг ошиши иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорлик таъминланишининг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади. Маълумки, тадбиркорлик – бу ташаббус ва фаоллиқни ўз қўлига олган ҳолда, келгусида юз бериши мумкин бўлган турли хатар (риск)ларни ҳисобга олиб, ўзининг масъулияти ва жавобгарлиги асосида амалга оширилувчи иқтисодий фаолиятдир. Тадбиркорлик эркинлиги, ижодкорлиги ҳамда рақобат муҳити уйғунликда жуда катта бунёдкорлик кучини ҳосил қилади. Айниқса, ўзининг фаолият кўлами жиҳатидан нисбатан ихчам бўлган кичик тадбиркорлик иқтисодиётдаги конъюнктуравий ўзгаришларга тезлик билан мослаша олиш, истеъмолчининг дид ва қизиқишларини тўлиқ англаш ва эътиборга олиш, ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, рақобат муҳитини кучайтирган ҳолда иқтисодиётга жўшқинлик бахш этиш каби хусусиятлари билан ажралиб туради.

Мамлакатимизда кичик тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, иқтисодий ўсиш ва барқарорликни таъминлашдаги ролини ҳисобга олган ҳолда давлатимиз томонидан яратилган шарт-шароитлар ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ялпи ички маҳсулотда аҳамиятли улушга эга бўлиб келмоқда (1-расм).



Ушбу кўрсаткичнинг салмоғини тасаввур этиш учун эслатиб ўтиш жоизки, у 1991 йилда атиги 1,5 фоизни, 2000 йилда 31 фоизни ташкил этган эди. Айниқса, мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичи сифатида эътироф этилган 2016 йилда мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўзининг энг юқори маррасига, яъни 64,9 фоизга етди. Мамлакатимизда тараққиётнинг янги босқичида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони деярли 2 баравар ўсиб, 2016 йилдаги 210,6 минг бирликдан 2020 йилда 411,2 минг бирликка етди, умумий корхона ва ташкилотлар таркибида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 2016 йилдаги 78,5 фоиздан 2020 йилда 86,5 фоизга қадар ўсди.

Шунингдек, кейинги йилларда мазкур улушдаги бир оз пасайиш ҳолатларини кузатиш мумкин. Бу ўринда, кичик тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги улушининг қисқариши асосан мамлакатимиздаги йирик саноат объектларининг ишга туширилиши туфайли йирик корхоналар улушининг нисбатан тезроқ ўсиши билан изоҳланади. Яъни, 2017 йилдан бошлаб мамлакатимизнинг йирик саноат объектларига жуда кагта ҳажмда хорижий инвестиция ва кредит маблағлари жалб этилиши натижасида улардаги ишлаб чиқариш ҳажми кескин ўса бошлади. Жумладан, бунинг ифодасини кичик бизнесни саноатдаги улушининг 2016 йилдаги 45,3 фоиздан 2020 йилда 27,5 фоизга қадар қисқариши орқали ҳам кўриш мумкин. Шу билан бирга, эътиборга олиш керакки, сўнгги икки йил мобайнида жаҳонда рўй бераётган коронавирус пандемиясининг иқтисодийга салбий таъсирлари мазкур кўрсаткичнинг маълум даражада пасайишига олиб келди. Чунки, мамлакатимизда жорий этилган карантин муносабати билан айрим оммавий тадбирлар, аҳоли ҳаракатининг чекланиши билан боғлиқ ҳолатлар биринчи навбатда кичик бизнес субъектлари фаолиятига ўз таъсирини кўрсатди.

Агар мажозий маънода иқтисодийдаги йирик корхона ва бирлашмаларни иқтисодий организмнинг суяк (скелет) қисми деб ҳисобланса, у ҳолда кичик бизнес ушбу қисмга қайишқоқлик, мослашувчанлик бахш этувчи, унинг бир маромдаги ҳаракатини таъминловчи мушак-тўқима қисмини ташкил этади. **Кичик бизнеснинг иқтисодийга қайишқоқлик, мослашувчанлик бахш этувчи**

хусусияти янги корхоналарнинг ташкил топиши жараёни орқали таъминланади. Яъни, кичик бизнес корхоналари иқтисодийётдаги талаб жадаллик билан ўсиб бораётган тармоқ ва соҳаларга жавобан янги ишлаб чиқаришни ташкил этади (2-расм).

Маълумотлардан кўринадики, 2017-2020 йиллар мобайнида мамлакатимизда жами 288 мингдан ортиқ корхоналар ташкил этилган. Шундан 14,8 мингтаси (жами корхоналарнинг 5,1 фоизи) йирик корхоналар, 273,2 мингтаси (94,9 фоизи) кичик бизнес корхоналари ҳисобланади. Эътиборли жиҳати шундаки, нисбатан узоқ муддатли талабни эътиборга олган ҳолда ташкил этилувчи йирик корхоналар динамикасида беқарорлик, аниқроғи, охириги йилларда пасайиш кузатилаётган. Кичик бизнес корхоналарида эса барқарор ўсиш тенденцияси сақланиб қолмоқда.



Тараққиётнинг янги босқичида мамлакатимизда кичик бизнес фаолият кўламининг тобора кенгайиб бораётганлигини ҳар 1000 нафар аҳолига тўғри келувчи фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони орқали ҳам кузатиш мумкин. Ушбу кўрсаткич 2017 йилда - 12,2 бирлик, 2018 йилда - 13,2 бирлик, 2019 йилда - 13,3 бирлик, 2020 - 15,6 бирликни ташкил этган. Ҳолбуки, бу даврда республикаимиз аҳолисининг сони ҳар йили 1,7 - 2 фоиз агрофида ошиб бормоқда. Эътиборлиси шундаки, кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг энг катта ўсиши иқтисодийётга пандемиянинг салбий таъсири шароитида рўй бермоқда.

Кичик бизнесга худди иқтисодийётга янги куч, янги қувват бахш этувчи соҳа сифатида қараш мумкин. Иқтисодийётда янгидан ташкил этилувчи корхоналар кейинги пайтда вужудга келган талабни, сўнги технологик янгилик ва ютуқларни маълум даражада ўзида жамлайди ва амалиётга жорий этади. Шунга кўра, корхоналарнинг янгиланиш даражаси ўзига хос кўрсаткич ҳисобланади (1-жадвал).

Мамлакатимиздаги ушбу кўрсаткичнинг ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, унинг кичик бизнес корхоналаридаги даражаси йирик корхоналарга

нисбатан 2016 йилда 6,2 марта, 2017 йилда 3,3 марта, 2018 йилда 1,8 марта, 2019 йилда 4,6 марта, 2020 йилда эса 6,9 марта юқори бўлганлигини кузатиш мумкин. Яъни, айнан кичик бизнес корхоналари иқтисодийтимизни модернизациялашда ўз фаоллигини намоён этмоқда.

1-жадвал.

**Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган ва янги ташкил этилган корхоналар
тўғрисида маълумот, минг бирлик**

| Йил | Жами корхоналар | | Йирик корхоналар | | Кичик бизнес корхоналари | | Янгиланиш даражаси | | |
|------|----------------------|---------------------|----------------------|---------------------|--------------------------|---------------------|--------------------|------------------|--------------------------|
| | Фаолият кўрсатаётган | Янги ташкил этилган | Фаолият кўрсатаётган | Янги ташкил этилган | Фаолият кўрсатаётган | Янги ташкил этилган | Жами корхоналар | Йирик корхоналар | Кичик бизнес корхоналари |
| 2016 | 268,4 | 32,7 | 57,8 | 1,4 | 210,6 | 31,3 | 12,2 | 2,4 | 14,9 |
| 2017 | 285,5 | 41 | 55,8 | 2,8 | 229,7 | 38,2 | 14,4 | 5,0 | 16,6 |
| 2018 | 323,5 | 55 | 60,6 | 6,1 | 262,9 | 48,9 | 17,0 | 10,1 | 18,6 |
| 2019 | 398,1 | 96,7 | 63,3 | 3,8 | 334,8 | 92,9 | 24,3 | 6,0 | 27,7 |
| 2020 | 475,2 | 95,3 | 64 | 2,1 | 411,2 | 93,2 | 20,1 | 3,3 | 22,7 |

Энг муҳими, кичик тадбиркорлик субъектлари қандайдир кўрсатма ёки ундовлар остида эмас, балки иқтисодий таъминотидаги конъюнктуранинг ҳисобга олган ҳолда эркин ва мустақил ташкил этилади. Айнан шу ҳолат иқтисодий тармоқларнинг умумий қўламини ўзига хос тузатишлар киритади. Жумладан, 2017-2020 йиллар давомида янгидан ташкил этилган кичик бизнес корхоналарининг энг катта салмоғи савдо (жами корхоналарнинг 32 фоизи), саноат (21 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиғи (12 фоизи), қурилиш (10 фоизи), яшаш ва овқатланиш (7 фоизи) тармоқларига тўғри келади. Бу эса мамлакатимиз етакчи тармоқ ва соҳалари ўртасидаги мақбул нисбатнинг шаклланишига хизмат қилади.

Кичик тадбиркорлик иқтисодий таъминотида рақобат муҳитини шакллантириш, унинг мослашувчанлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Иқтисодий таъминотидаги рақобат муҳити – бу турли маҳсулот ва хизматларнинг ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчилари ўртасида қулай шароитга эришиш ҳамда эришиши кўзда тутилаётган фойда ёки иқтисодий нафни максималлаштириш мақсадидаги иқтисодий беллашув (кураш) дур. Иқтисодий таъминотида монополияларнинг пайдо бўлиши ва амал қилиши – бу объектив жараён. Монополияларни бутунлай бартараф этиш имкониятдан ташқари ҳолат ҳисобланади. Айрим ҳолатларда давлатнинг монополияга қарши кураши ҳам дарҳол ўзининг етарли самарасини бермаслиғи мумкин. Шу ўринда яна кичик бизнес субъектлари ёрдамга келади. Янгидан янги кичик ишлаб чиқариш субъектларини ташкил этиш ва уларнинг ривожланиши учун етарли шарт-шароитларни яратиб бериш орқали бозордаги монополия даражасини пасайтириш мумкин.


Шунингдек, мазкур соҳаистеъмол бозоридаги талаб ва таклиф мувозанатини тиклаш ва таъминлашда асосий томонлардан биридир. Ҳозирда мамлакатимизда бирон бир маҳсулотнинг, хоҳ у озиқ-овқат товарлари бўлсин, хоҳ кийим-кечак ёки уй-рўзгор буюмлари бўлсин, кучли тақчиллигининг вужудга келишидан хавфсираш ҳолатлари мавжуд эмас. Чунки, ўз фаолият хусусиятига кўра истеъмолдаги аҳамиятсиз ўзгаришга ҳам ўта сезgirлик билан эътибор қаратувчи кичик тадбиркорлар қисқа муддат ичида бозордаги ҳар қандай тақчилликка ўз муносабатларини билдирадилар: тақчиллиги ортидан нархи кўтарилган маҳсулотни дастлаб бошқа ҳудуд ёки чет мамлакатлардан олиб келиш, ўрта ёки узоқ муддатли даврда эса унинг миллий ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш орқали бозордаги талаб ва таклиф мувозанатини тиклашга ҳаракат қиладилар.

Кичик бизнеснинг янги иш ўринларини яратиш, аҳолини иш билан бандлик даражасини оширишдаги фаоллиги унинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги яна бир аҳамиятли жиҳатини намоён этади. Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар ва унинг дастлабки палласида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, миллий ишлаб чиқаришнинг ташқи ва ички талабга мос келмаслиги оқибатида мамлакатимизда муайян даражада ишсизликвужудга келган эди. Шуниси эътиборлики, мустақил тараққиётнинг дастлабки палласида мазкур ҳолатиқтисодиётдаги аҳамиятли пасайиш оқибатида келиб чиққан циклик ишсизлик кўринишида намоён бўлса, ҳозирга келиб унинг асосий қисми мазмунан ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг таркибан номувофиқлигини ифодаловчи таркибий ишсизлик ҳисобланади. Ҳолбуки, мамлакатда иш ўринлари етишмовчилиги тўғрисида сўз борган бир вақтда, тегишли малакадаги ишчилар етишмаётган соҳалар ҳам мавжудлиги намоён бўлмоқда. Президентимиз томонидан шу йилнинг 16 июнидаги олий таълимни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғилишда бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасида 40 мингта, саноатда 38 мингта, қурилишда 12 мингта, қишлоқ хўжалигида 10 мингта, алоқа ва ахборот технологияларида 4 мингта олий маълумот талаб этадиган бўш иш ўринлари борлиги, лекин битирувчилар сон жиҳатидан ҳам, малака бўйича ҳам бу талабни қондира олмаслиги таъкидланди.

Шунгакўра, ишчи кучига бўлган талаб ватаклифни ўзаро мувофиқлаштириш, янги иш ўринларини яратиш орқали иш билан бандлик даражасини оширишда кичик тадбиркорлик субъектларининг салоҳиятидан кенг фойдаланилмоқда (3-расм).

Маълумотлардан кўринадики, 2016-2020 йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётдаги жами бандларнинг $\frac{3}{4}$ қисмидан кўпрогини қамраб олган бўлиб, бу ҳаттоки жаҳондаги бир қатор ривожланган мамлакатлар кўрсаткичларидан ҳам юқори ҳисобланади. Мазкур кўрсаткичнинг кейинги йиллардаги бир оз пасайиши эса, юқорига ўринларда

таъкидлаб ўтилганидек, кейинги йилларда иқтисодиётнинг йирик секторидаги бандликнинг нисбатан кенгайиши ҳамда коронавирус пендемиясининг кичик тадбиркорликдаги бандликка салбий таъсири нагижаси сифатида намоён бўлади.



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янги иш ўринлари яратиш борасидаги имконият ва салоҳияти унинг ҳаракатчанлиги, кўлам жиҳатидан ихчамлиги ва йўналишни тез ўзгартира олиши каби хусусиятлари орқали намоён бўлади. Тўғри, мантиқан алоҳида олинган йирик корхона кичик корхонага нисбатан бир неча ўнлаб, юзлаб, ҳаттоки, минглаб марта кўпроқ ишчиларни ёллаш орқали мутлақ устунликка эга бўлиши мумкин. Бироқ, масаланинг бошқа бир жиҳати мавжудки, бу йирик корхона ўз ходимлари таркибини бир марта тўлдиргандан сўнг, унинг янги иш ўрин яратиш имконияти кескин қисқаради ёки тугайди. Кичик тадбиркорлик субъектлари эса, яхлит соҳа сифатида, озгина қўшимча даромад олиш имконияти пайдо бўлган жойда узлуксиз тарзда ва тезлик билан янгидан янги иш ўринларини яратишга ҳаракат қилади.

Айниқса, мамлакатимизда бу борада маҳалла институти имкониятларидан кенгроқ фойдаланишга эътибор қаратилмоқда. 2021 йилнинг бошида Президентимиз томонидан иқтисодий ўсишнинг қўшимча захираларини топиш ва сафарбар қилиш борасида “маҳаллабай” тизимини йўлга қўйиш, ҳар бир маҳалладаги ўзига хос “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, уларни ривожлантириш вазифаси белгилаб берилди. Жумладан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истagini билдирган аҳолига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш, бўш бино ва ер участкаларини аниқлаб, улардан самарали фойдаланиш чораларини кўриш, маҳаллалардаги банд бўлмаган аҳолини касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўргатишни ташкил этиш орқали уларнинг бандлигига кўмаклашиш, банд бўлмаган аҳолини тадбиркорликка ва ўзини ўзи банд қилиб ишлаш фаолиятига жалб қилиш, ёшларнинг тадбиркорлик ташаббуслари ва стартап гояларини янада қувватлаш, устоз-шоғирд аънанаси

асосида банд бўлмаган аҳолини улар яшаётган туман (шаҳар) ва маҳаллада фаолият кўрсатаётган корхоналар ҳамда хунармандларга бириктириш вазифалари кўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 апрелдаги “2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-5094-сон қарорига кўра 2021 йилда доимий янги иш ўринларини ташкил этишнинг йиғма прогноз кўрсаткичларига биноан, жами ташкил этиладиган 457127 нафар янги иш ўринларининг 209507 нафари (деярли 46 фоизи) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига яратилади. Шундан, 121038 нафари (57,8 фоизи) янги кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига, 88469 нафари (42,2 фоизи) яқка тартибдаги тадбиркорликни, шу жумладан хунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига ташкил этилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янги иш ўринлари яратиш борасидаги имконият ва салоҳиятини янада кенгайтирувчи жиҳатларидан бири – бу иккиламчи бандликни ташкил этиш ҳисобланади. Бунда, бир томондан, ишчи кучидан янада самаралироқ фойдаланиш, бошқа томондан эса, ижтимоий жиҳатдан ёрдамга мухтож аҳоли гуруҳлари (масалан, аёллар, ўқувчилар, ногиронлар, пенсионерлар ва ҳ.к.) меҳнатидан фойдаланиш таъминланади. Яъни, асосий иш вақтидан бўш аҳоли кўшимча даромад олиш мақсадида кичик кўламдаги ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг уй меҳнати, касаначилик, ўзини ўзи банд қилиш (фрилансерлик) каби шакллари орқали иккиламчи тарзда банд бўлиши мумкин. Қолаверса, кичик корхоналардаги меҳнатни ташкил этишнинг мослашувчан тартиби аёллар, ўқувчилар, ногиронлар, пенсионерларнинг ҳам кўшимча бандлигини таъминлаб, мамлакатдаги умумий бандлик даражасини оширади. Айниқса, бугунги кунда жаҳондаги деярли барча мамлакатлар азият чекаётган коронавирус пандемияси шароитида ижтимоий бандликнинг таркибида, унинг мазмунида туб ўзгаришлар юз берди. Инсонларнинг анъанавий турмуш тарзи ўзгарди: масофадан туриб ишлаш, ижтимоий ихоталаниш, хизмат кўрсатишнинг яқка тартибини кучайтириш талаблари оилавий тадбиркорлик, фрилансерлик, маҳсулотларни етказиб бериш хизмати каби шакллари пайдо бўлиши ва ривожланишига туртки берди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимизда аҳоли даромадларини ошириш ҳамда ўрта мулкдорлар қатламини таркиб топтиришда етакчи роль ўйнамоқда. Одатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатдаги бандлик даражасини ошириш орқали аҳоли даромадлари даражасини оширишга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Жумладан, кичик тадбиркорлик субъектларининг хусусий даромадлари ҳамда улар томонидан ёлланма ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш орқали аҳоли даромадлари бевосита оширилса, мустақил равишда банд бўлишга имкон яратиш ва рағбатлантириш, мол-мулкдан олинган даромадлар ҳамда ижтимоий трансфертлардан олинган даромад-

лар учун манба яратишда иштирок этиш орқали аҳоли даромадлари ошишига билвосита таъсир кўрсатади.

Юқоридаги сингари таъсир омиллари натижасида мамлакатимизда аҳоли даромадларининг сезиларли ўсиб бориши кузатилмоқда. Статистик маълумотларга кўра, аҳолининг номинал умумий даромадлари 2016 йилдаги 151,7 трлн. сўмдан 2020 йилда 401,5 трлн. сўмга қадар ошган. Бунинг натижасида аҳоли жон бошига номинал умумий даромадлар, тегишли равишда 4,8 млн. сўмдан 11,7 млн. сўмга қадар ошган. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши аҳоли умумий даромадлари ҳажмида кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улушига бевосита таъсир кўрсатади (4-расм).

Маълумотлардан кўринадики, 2020 йилда аҳоли умумий даромадлари ҳажмида кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуши Жиззах (умумий даромадларнинг 68,8 фоизи), Бухоро (65,4 фоиз), Хоразм (63,1 фоиз) вилоятларида энг юқоридаражани ташкил этган. Қорақалпоғистон Республикаси (50,7 фоиз), Фарғона (57 фоиз), Навоий вилоятлари (51,9 фоиз) ҳамда Тошкент шаҳрида (44 фоиз) йирик саноат корхоналари ва ташкилотлардаги иш ҳақи кўринишидаги даромадларнинг салмоғи юқорилиги сабабли, тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуши нисбатан паст даражада бўлмоқда.

Тадбиркорликдан олинган даромадларнинг хусусиятли жиҳатларидан бири жамиятда ўрта мулкдорлар қатламининг шаклланиши ва ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Ўрта мулкдорлар қатлами мустақкам асосга эга бўлган жамият эса доимий барқарорлик ва ривожланишга, мамлакатда тинчлик ва осойишталикнинг таъминланишига мойил бўлади.



Мамлакатимиздаги инновация жараёнларини жадаллаштиришда кичик бизнес корхоналарининг ўрни беқийс. Айниқса, тараққиётнинг янги

босқичида инновацион ўсиш марказларини яратиш жараёнлари фаоллашиб, эркин иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари, ишлаб чиқариш кластерлари, технопарklar ва инновацион бизнеснинг бошқа шакллари пайдо бўлиши билан мазкур вазифанинг аҳамияти янада ошди.

Тадбиркорликнинг муҳим таркибий элементларидан бири – бу инновациялар ҳисобланади. Инновация – бу ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнига маҳсулот ёки хизматнинг истеъмол хусусиятларини оширувчи бирон бир янгиликнинг киритиб борилишидир. Ўз кўламига кўра кичик бўлган корхоналарда янги техника ва технологиялар нисбатан жадаллик билан жорий этилади, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланилади. Кичик тадбиркорлик соҳаси ўз ичига жуда катта инсон салоҳиятини, бир-бирдан қизиқарли ва фойдали бўлган тадбиркорлик гоёларини, ташаббускор ва гайратли инсонларни олади. Ушбу салоҳиятнинг кенг рўёбга чиқарилиши пировардида иқтисодиётдаги туб ислохотлар ва муҳим сифат ўзгаришларига олиб келади.

Мамлакатимиз кичик бизнес корхоналаридаги инновацион жараёнларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, агар 2016 йилда жорий қилинган инновациялар сони 818 бирликни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 4083 бирликка етган, яъни 5 баравар ошган. Натижада, бу даврда ишлаб чиқарилган инновацион товарлар 1671,9 млрд. сўмдан 8455,4 млрд. сўмга қадар, яъни 5,1 баравар ўсган.

Шу ўринда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш борасида ҳали фойдаланиш мумкин бўлган кўплаб имконият ва салоҳият мавжудлигини таъкидлаш лозим. Мазкур имкониятларни жадал ва изчил равишда ишга тушириш механизмларининг яратилиши соҳанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётни янада жадаллаштиришдаги иштирокчини оширади.

Фикримизча, мамлакатимиздаги ҳар 1000 нафар аҳолига тўғри келувчи кичик бизнес субъектлари сонини халқаро ҳамда ҳудудлар бўйича ўртача кўрсаткичларга етказиш орқали соҳа имкониятларини сезиларли кенгайтириш мумкин. Бунда, энг аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг салоҳиятидан самарали фойдаланишда ушбу кўрсаткичдан энг муҳим индикатор сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунки, бугунги кунда ҳудудлар бўйича таҳлил қилинганда, мазкур кўрсаткич бўйича жуда кескин табақаланишни кўриш мумкин. 2020 йилда ҳар 1000 нафар аҳолига тўғри келувчи кичик бизнес корхоналари сони Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида 63,1 бирлик (республика бўйича ўртача кўрсаткичдан 4 барвар юқори)ни ташкил этгани ҳолда, Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида атиги 7,0 бирлик (энг юқори кўрсаткичдан 9 баравар, республика бўйича ўртача кўрсаткичдан 4 барвар 2,2 баравар паст)ни ташкил этган. Вилоятлар кесимида олганда, энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида (32 бирлик), юқори кўрсаткичлар Сирдарё (21,1

бирлик), Жиззах (18,7 бирлик), Тошкент (17,4 бирлик), Бухоро (17,3 бирлик) вилоятларида таркиб топган. Аксинча, Сурхондарё (10,8 бирлик), Наманган ва Сирдарё (11,8 бирлик) вилоятларида энг паст кўрсаткичлар вужудга келган. Ушбу индикатор мамлакатдаги ишбилармонлик муҳити, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш даражаси, тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар, имтиёз ва енгилликларнинг яратилиши каби қўллаб тахлил қилиш ва рейтинг баҳолаш кўрсаткичларнинг барчаси учун қисқа ва лўнда, лекин ҳақиқий ва аниқ ҳолдаги баҳони ифода этади. Агар ушбу кўрсаткичнинг вилоятлар кесимидаги ўртачадан паст даражадаги (Сурхондарё, Наманган, Самарқанд, Хоразм, Андижон, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси) қийматларини ўртача даражага етказилса (юқори даражадаги кўрсаткичлар ўзгармагани ҳолда), у ҳолда мамлакат бўйича кичик бизнес корхоналарисонини тахминан 13 фойзга қадар ўстириш ва бунинг натижасида ҳар 1000 нафар аҳолига тўғри келувчи корхоналар сони 17,6 бирликка қадар ошириш имкони қўлга киритилади. Агар хорижий мамлакатлар, жумладан, Европа Иттифоқиға аъзо мамлакатлардаги энг қуйи кўрсаткич – 30 бирликка етказилса, яъни ҳозирги даражасига нисбатан 2 бараварга оширилса, у ҳолда кичик бизнес корхоналари сони 800 мингдан ошади.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг инновацион жараёнларнинг катализатори сифатидаги ролини кучайтириш керак. Бунинг учун инновацион тавсифдаги тадбиркорлик фаолияти учун рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш чораларини кенгайтириш лозим. Юқорида таъкидланганидек, 2016-2019 йилларда жорий қилинган инновациялар сони ва ишлаб чиқарилган инновацион товарлар қиймати 5 баравар ўсган. Бироқ, худди шу даврда технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга қилинган харажатлар 9 баравардан юқори бўлган. Бу эса, инновацион жараёнлар натижаларига салбий таъсир кўрсатиб, аксарият кичик бизнес субъектларининг ушбу жараёнларда иштирок этишга бўлган қизиқишни камайтиради. Шунга кўра, инновацион тавсифдаги кичик бизнес фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнларининг мунтазам мониторингини йўлга қўйиш ҳамда, дастлабки босқичда, уларнинг молиявий таъминотини субсидиялаш орқали иқтисодиётдаги мустақкам базасини шакллантириш муҳим ҳисобланади.

Яна бир жиҳат, кичик бизнеснинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини фаоллаштириш ҳисобланади. Бу борада соҳанинг 2020 йилда жами экспортдаги улуши 20,5% ни ташкил этгани ҳолда, жами импортдаги улуши 51,8% ни ташкил этган. Ҳозирда мамлакатимизда экспорт билан шугулланувчи кичик тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ, шунга қарамасдан, кўп ҳолатларда кичик экспортёр корхоналар фавқулодда ҳолатларга, турли муаммоларга дуч келмоқдалар. Фикримизча, кичик бизнес корхоналари ташқи савдо фаолиятининг махсус

инфратузилмасини талаб даражасида ривожлантириш мазкур масалаларнинг ижобий ечими ҳисобланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг муҳим йўналиши сифатида эътибор қаратилиб, соҳани янада ривожлантириш бўйича манзилли ва таъсирчан чора-тадбирлар амалга оширилмақда. Ўз навбатида, бунга жавобан мазкур соҳа ҳам иқтисодийетимизнинг турли жабҳаларида ўзининг бунёдкорлик ва яратувчанлик, фаоллик ва жўшқинлик бахш этувчи хусусиятларини намоён этиб, янги Ўзбекистоннинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. ЎзР Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 29-декабрь 2020 йилдаги Мурожаатномаси.
3. Янги Ўзбекистон: Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш одимлари. Ўқув қўлланма. – Тошкент, “Маънавият”. -2021. -Б.12-56.
4. Беркинов Б.Б., Эргашходжаева Ш.Дж. Трансакция харажатларини бошқаришнинг илмий-услубий асослари. –Т.: “FAN VA TECHNOLOGIYA”, 2017. -236 б.
5. Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. Учебник. – Т.: “Иқтисодиёт ва молия”. 2008. -340 с.

ДАВЛАТ КОМПАНИЯЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**И. С. Хотамов, и.ф.н., доцент,
“Тармоқлар иқтисодиёти”
кафедраси мудири, ТДИУ**

Аннотация. Ушбу мақолада давлат улуши юқори бўлган корхоналарни хусусийлаштириши ва трансформация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган, ушбу соҳани янада ривожлантириши бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: корхона, давлат, хусусийлаштириши, трансформация, рақобат муҳити, банкротлик, хусусий мулк, стратегия, режалаштириши.

Аннотация. В данной статье анализируются особенности приватизации и трансформации предприятий с высокой долей государства, разработаны рекомендации по дальнейшему развитию этого сектора.

Ключевые слова: предприятие, государство, приватизация, трансформация, конкурентная среда, банкротство, частная собственность, стратегия, планирование.

Abstract. This article analyses the peculiarities of privatization and transformation of enterprises with a high share of the state, develops proposals for further development of this sector.

Key words: enterprise, state, privatization, transformation, competitive environment, bankruptcy, private property, strategy, planning.

Республика иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини трансформация қилишнинг аҳамияти катта. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш керак¹⁰” лиги таъкидланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, иқтисодиётимизнинг айрим тармоқ ва соҳаларида давлат иштирокидаги корхоналар сони ва уларнинг ишлаб чиқаришдаги салмоғи йириклигича қолмоқда. Бу эса Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусийлаштиришни кенгайтириш бўйича белгиланган вазифаларни тўлақонли амалга оширишга тўсиқ бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 24 июль санасига республикамызда

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 29.12.2020 й. <https://president.uz/uz/lists/view/4056>

2769 та давлат улуши мавжуд компаниялар ёки улар таъсисчилигида фаолият кўрсатаётган корхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг 736 таси (26,6 фоизи) Тошкент шаҳрида, 243 таси Тошкент (8,8 фоизи), 228 таси Қашқадарё (8,2 фоизи), 197 таси Самарқанд (7,1 фоизи), 184 таси Фарғона (6,6 фоизи), 169 таси Андижон (6,1 фоизи), 153 таси Хоразм (5,5 фоизи), 151 таси Наманган (5,5 фоизи), 145 таси Сурхандарё (5,2 фоизи), 131 таси Бухоро (4,7 фоизи), 122 таси Жиззах (4,4 фоизи), 109 таси Сирдарё (3,9 фоизи), 100 таси Навоий (3,6 фоизи) вилоятларида ҳамда 101 таси Қорақалпоғистон Республикасида (3,6 фоизи) фаолият кўрсатган.

Мавжуд 2769 та давлат активларига эга корхоналарнинг 1018 таси масъулияти чекланган жамият (36,8 фоизи), 250 таси акциядорлик жамияти (9,0 фоизи) ва 1501 таси давлат унитар корхонаси (54,2 фоизи) шаклида фаолият кўрсатган (1-жадвал).

Иқтисодий тармоқлари ва соҳалар кесимида таҳлил этилганда давлат улуши мавжуд компаниялар ва улар таъсисчилигидаги корхоналарнинг 28,9 фоизи транспорт, савдо ва хизмат кўрсатиш, 19,7 фоизи бозор ва савдо комплекслари, 17,0 фоизи қурилиш, 12,3 фоизи ижтимоий соҳа, 10,6 фоизи қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат, 8,7 фоизи ахборот-коммуникация ва 2,8 фоизи бошқа соҳаларда фаолият кўрсатган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида давлат улуши мавжуд компаниялар ва улар таъсисчилигидаги корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва соҳалар бўйича таркиби¹¹, 24.07.2020 й.

| № | Кўрсаткичлар номи | Сони, бирлик | Жамига нисбатан, %да |
|-----------|--|--------------|----------------------|
| 1. | Ташкилий-ҳуқуқий шакли: | 2769 | 100 |
| 1.1. | Масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) | 1018 | 36,8 |
| 1.2. | Акциядорлик жамияти (АЖ) | 250 | 9,0 |
| 1.3. | Давлат унитар корхонаси (ДУК) | 1 501 | 54,2 |
| 2. | Иқтисодий тармоқлари ва соҳалар бўйича: | 2769 | 100 |
| 2.1. | Транспорт, савдо ва хизмат кўрсатиш | 800 | 28,9 |
| 2.2. | Бозор ва савдо комплекслари | 545 | 19,7 |
| 2.3. | Қурилиш ва саноат | 470 | 17,0 |
| 2.4. | Ижтимоий соҳа | 341 | 12,3 |
| 2.5. | Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат | 295 | 10,6 |
| 2.6. | Ахборот-коммуникация соҳаси | 241 | 8,7 |
| 2.7. | Бошқа соҳалар | 77 | 2,8 |

¹¹ <https://davaktivuz.uz/menu/davlat-aktivlarini-isobini-juritish-jnalishi-va-natizhalar>

Республикамиз иқтисодиётида давлат улушини қисқартириш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштиришни талаб этадиган асосий омиллардан бири – бу “ҳозирги вақтда давлат иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти молиявий барқарор бўлмагани учун давлатга оғир юк бўлиб қолаётганидир”¹².

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг маълумотларига кўра 2020 йилнинг 1 ноябри ҳолатига давлат активлари мавжуд 2689 та корхоналарнинг 295 таси (11,0 фоизи) зарар келтириб ишлаган, 15 тасига (0,6 фоизи) нисбатан банкротлик тамойили қўлланилган, 821 та (30,5 фоиз) давлат активлари умуман даромад келтирмаган (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикасида давлат улуши мавжуд компаниялар ва улар таъсисчилигидаги корхоналарнинг молиявий кўрсаткичлари,¹³ 01.11.2020 й. ҳолатига

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги ПФ-5552-сонли “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида кўрсатиб ўтилганидек бўш турган давлат мулки объектларини сотиш ва ер участкаларини беришда тадбиркорлик ва инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширишга тўсқинлик қилаётган бир қатор ортиқча бюрократик тартиботлар ва қийинчиликлар мавжуд бўлиб, уларни бартараф этиш бўйича қўшимча чоралар кўриш зарурияти юзага келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сонли “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашини тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниши мазкур муаммолар ечимини топиш ва бартараф этишда муҳим қадам бўлди. Давлат ак-

¹²Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 29.12.2020 й. <https://president.uz/uz/lists/view/4056>

¹³<https://davaktivuz>

тивларини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш мақсадида Фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси негизда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигини ташкил этилди ва унга давлатнинг, шу жумладан хориждаги активларини бошқариш, хусусийлаштириш тадбирларини амалга ошириш (хусусан, давлат улушларини сотиш), давлат мулкларини ижарага бериш, давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарувни жорий этиш, давлат иштирокидаги иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, банкротлик, баҳолаш фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни таъминлаш, мулкни баҳолаш стандартларини тасдиqlаш ва риэлторларни сертификатлаш бўйича вазифа, функция ва ваколатлар ўтказилди.

Давлат активларини бошқариш, давлат иштирокидаги иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- давлат иштирокидаги корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улушини бошқаришнинг бозор механизмларини ишлаб чиқиш;

- давлат иштирокидаги корхоналарда замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш, ушбу корхоналар фаолиятининг самарадорлиги учун уларнинг бошқарув органлари масъулиятини ошириш;

- давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштиришдан олдин тайёрлашнинг, шу жумладан уларнинг жозибадорлигини ва уларни бошқаришнинг самарадорлигини оширишни кўзда тутувчи самарали механизмларини жорий этиш бўйича хорижий, халқаро институтлар ва компаниялар билан самарали ишлашни ташкил этиш;

- давлат иштирокидаги корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улушларини босқичма-босқич қисқартириш, самарали ва шаффоф хусусийлаштиришни таъминлаш;

- давлат иштирокидаги иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда қатнашиш.

Мазкур фармоннинг аҳамиятли жиҳатларидан бири шундаки, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган бюджетдан ташқари “Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси” ташкил этилди.

Банк соҳасидаги ҳозирги ҳолат таҳлили банк секторида давлатнинг юқори даражадаги аралашуви, давлат иштирокидаги банкларда менежмент ва таваккалчиликларни бошқариш сифатининг етарли эмаслиги, иқтисодиётда молиявий воситачиликнинг паст даражаси каби банк секторини иқтисодий янгилашишлар ва жамият эҳтиёжларига мос равишда ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Банк хизматлари соҳа-

сида хусусий сектор ривожланишини рағбатлантириш, банкларнинг инвестициявий жозибадорлигини, банк хизматлари оммабоплиги ва сифатини ошириш учун банк секторини тубдан трансформация қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони қабул қилинди ва унда давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, банклардаги давлат акциялари пакетини зарур тажриба ва билимга эга бўлган инвесторларга танлов асосида сотиш, шунингдек, давлат улуши мавжуд тижорат банклари ва корхоналарни бир вақтнинг ўзида ислоҳ қилиш орқали банк секторида давлатнинг улушини камайтириш чоралари белгиланди. Жумладан:

- банк активларининг умумий ҳажмида давлат улуши бўлмаган банклар активлари улушини жорий 15 фоиздан 2025 йилга келиб 60 фоизгача ошириш;

- банклар мажбуриятларининг умумий ҳажмида банкларнинг хусусий сектор олдидаги мажбуриятлари улушини жорий 28 фоиздан 2025 йил якунига 70 фоизгача ошириш;

- 2025 йилга келиб давлат улуши мавжуд камида учта банк капиталларига зарур тажриба, билим ва обрўга эга камида учта стратегик хорижий инвесторларни жалб қилиш;

- умумий кредитлаш ҳажмида нобанк кредит ташкилотлари улушини жорий 0,35 фоиздан 2025 йилга келиб 4 фоизгача ошириш.

Халқаро молия институтлари кўмагида “Ипотека-банк» АТИБ, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ, “Асака” АТБ, АТ “Алоқабанк”, “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ ва “Туронбанк” АТБдаги давлат улушлари босқичма-босқич хусусийлаштириш, бунда биринчи босқичда уларни институционал ўзгартиришни (фаолиятини трансформация қилиш), иккинчи босқичда эса давлат акциялари пакетини сотиш белгиланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Давлат улушига эга тижорат банкларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш бўйича лойиҳа офиси ташкил этилди ҳамда унга қуйидаги ҳуқуқлар берилди:

- тижорат банкларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларига маслаҳатчи сифатида халқаро консультантларни жалб қилиш;

- тижорат банкларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш масалаларида халқаро молия институтлари ва салоҳиятли хорижий инвесторлар билан музокаралар олиб бориш ва битимлар тузиш.

Давлат улуши мавжуд бўлган корхоналарни хусусийлаштириш ҳамда трансформация қилиш борасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг ижроси бўйича амалга оширилган ишлар натижасида 2017-2020 йиллар давомида бир қатор давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштиришга эришилди (2-жадвал).

Келтирилган 2-жадвал маълумотларидан маълумки, республикада 2017 йилдан 2020 йилнинг 9 оyi якунига қадар жами 2851 давлат улуши мавжуд ва улар таъсисчилигидан ташкил этилган корхоналар ва объектлар хусусийлаштирилди. Агар 2017 йилда жами 542 та давлат улушига эга корхоналар ва объектлар хусусийлаштирилган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилда 835, 2019 йилда 842 ва 2020 йилнинг дастлабки 9 ойида 632 бирликни ташкил этди.

Хусусийлаштирилган давлат улушига эга корхоналар ва объектлар вилоятлар кесимида таҳлил этилганда, 2019 йилда жамига нисбатан Тошкент (13,9 %), Фарғона (13,3 %), Андижон (13,2 %), Наманган (9,1 %), Қорақалпоғистон Республикаси (8,0 %), Қашқадарё (7,6 %) ва Сурхандарё (7,1 %) вилоятлари етакчилик қилганини кўриш мумкин.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштириш динамикаси¹⁴

| Худудлар | 2017 йил | | 2018 йил | | 2019 йил | | 2020 йил (январь-сентябрь) | |
|------------------------------|----------|------|----------|------|----------|------|-------------------------------|------|
| | сони | %да | сони | %да | сони | %да | сони | %да |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 52 | 9,6 | 74 | 8,9 | 67 | 8,0 | 29 | 4,6 |
| вилоятлар: | | | | | | | | |
| Андижон | 61 | 11,2 | 66 | 8,0 | 111 | 13,2 | 52 | 8,2 |
| Бухоро | 9 | 1,7 | 43 | 5,1 | 47 | 5,6 | 42 | 6,6 |
| Жиззах | 50 | 9,2 | 38 | 4,6 | 37 | 4,4 | 63 | 10,0 |
| Қашқадарё | 16 | 3,0 | 69 | 8,2 | 64 | 7,6 | 62 | 9,8 |
| Навоий | 14 | 2,6 | 28 | 3,3 | 29 | 3,4 | 20 | 3,2 |
| Наманган | 52 | 9,6 | 65 | 7,8 | 77 | 9,1 | 15 | 2,5 |
| Самарқанд | 22 | 4,0 | 60 | 7,2 | 34 | 4,0 | 36 | 5,7 |
| Сурхандарё | 64 | 11,8 | 73 | 8,7 | 60 | 7,1 | 25 | 4,0 |
| Сирдарё | 18 | 3,3 | 38 | 4,6 | 26 | 3,1 | 19 | 3,0 |
| Тошкент | 84 | 15,5 | 133 | 15,9 | 117 | 13,9 | 93 | 14,7 |
| Фарғона | 40 | 7,4 | 84 | 10,1 | 112 | 13,3 | 118 | 18,7 |
| Хоразм | 39 | 7,2 | 52 | 6,2 | 31 | 3,7 | 18 | 2,8 |
| Тошкент ш. | 21 | 3,9 | 12 | 1,4 | 30 | 3,6 | 40 | 6,3 |
| Жами | 542 | 100 | 835 | 100 | 842 | 100 | 632 | 100 |

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги маълумотларига кўра 2020 йил январь-декабрь ойларида 1191 та давлат

¹⁴ Манба: "Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати" статистик тўплами асо-сида тузилган. www.stat.uz

активлари (208 та акция пакетлари (улушлари) ва 983 та бино ва иншоотлар) 5,3 трлн. сўм харид қийматида 4,7 трлн. сўм инвестиция киритиш ва 18,0 мингта иш ўринларини яратиш шarti билан савдога чиқарилган.

Шу даврда, 6,0 трлн. сўм қийматга эга 837 та давлат активлари хусусийлаштирилган, жумладан:

а) 775 та давлат активлари (92 та акция пакетлари (улушлари) ҳамда 683 та бино ва иншоотлар) 1,1 трлн.сўм харид қийматида 4,8 трлн.сўм инвестиция киритиш ва 13,9 мингта иш ўринларини яратиш шarti билан;

23 та йирик давлат активлари (13 та акция пакетлари (улушлари) ва 10 та бино ва иншоотлар) 898,5 млрд. сўм харид қийматида 3,6 млрд. сўм инвестиция киритиш ва 2,9 минг иш ўринларини яратиш шarti билан сотилган.

Илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, устав капиталида давлат улуши мавжуд бўлган корхоналарни трансформация қилиш жараёнлари билан биргаликда улар фаолият юритадиган соҳада бозор муносабатлари тамойилларига тўлиқ ўтиш, рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда хусусий секторни жалб қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, бозор ва савдо комплексларини замонавий кўринишга келтириш, санитария-гигиена талаблари даражасида сақлаш, бозор фаолияти учун зарур инфратузилмани шакллантириш бугунги кунда ҳал этилиши талаб қилинадиган муҳим вазифалардан саналади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қулай инвестициявий муҳитни яратиш, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тизимли ислоҳотлар амалга оширилганлигига қарамай, давлат улуши сақланиб қолаётган айрим тармоқлар ва йирик корхоналарда бозор механизмларига ўтишнинг кечикаётганлиги янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, илғор технологияларни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хусусий капитални фаол жалб қилган ҳолда янги иш ўринлари яратишга тўсқинлик қилмоқда.

Мазкур фармонга мувофиқ:

– 32 та йирик давлат корхоналари ва ҳўжалик бирлашмалари трансформация қилинади;

– 39 та давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарув ва молиявий аудит жорий этилиши орқали уларнинг операцион самарадорлиги оширилади;

– 62 та корхоналарнинг давлат акция пакетлари (улушлари) хусусийлаштиришдан олдин тайёрлаш ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш орқали оммавий савдоларда тўлиқлигича сотилади;

– 479 та корхоналарнинг давлат акция пакетлари (улушлари) тўлигича оммавий савдолар орқали хусусий секторга сотилади;

– 15 та давлат кўчмас мулки объектлари хусусий секторга сотилади.

Фармонда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун Молия вазирлиги марказий аппарати тузилмасида “Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация қилиш департаменти” ташкил этилди. Департаментнинг асосий вазифалари этиб трансформация қилинадиган давлат иштирокидаги корхоналарда қуйидагиларни амалга ошириш белгиланди:

- Молия вазирлиги томонидан давлат номидан акциядор (иштирокчи, мулкдор) ваколатлари ва функцияларини амалга оширишни ташкил этиш;

- 2021 йил 1 апрелга қадар 2019-2020 йиллар учун молиявий ҳисоботларни халқаро молиявий ҳисоботлар стандартлари (IFRS) асосида тайёрлаш ҳамда халқаро кредит рейтингларини олиш графигини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш;

- 2021 йил 1 апрелга қадар ҳар бир корхона учун нуфузли халқаро консалтинг ташкилотларини танлов асосида жалб қилган ҳолда молиявий соғломлаштириш, операцион самарадорликни ошириш ҳамда ўрта ва узок мuddатли ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш;

- 2021 йил 1 июлга қадар харидлар ва бошқарув тизимларини аудитдан ўтказиш ҳамда “мувофиқлик тизими” (комплаенс) ва коррупцияга қарши хизматларни шакллантиришни назарда тутадиган замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш;

- 2021 йил 1 июлга қадар кузатув кенгашларига ва корхоналар бошқарувига халқаро танлов асосида чет элик соҳа мутахассисларини (жумладан, ватандошларни) фаол жалб этиш орқали кузатув кенгашлари таркибининг камида 30 фоизини ва корхона бошқарувининг камида 3 нафар раҳбар ходимини малакали халқаро мутахассислар билан тўлдириш.

Фармонга кўра:

- давлат акция пакетлари (улушлари) тўлиғича оммавий савдолар орқали хусусий секторга сотиладиган корхоналар соф активларининг давлат акция пакетлари (улушлари)га нисбатан пропорционал қиймати 100 млн. сўмдан ошмаса, уларни истисно тариқасида, соф активларининг пропорционал улушига тенг (соф активлари устав капиталидан кам бўлганда номинал) қийматда оммавий савдоларга кўйиб бориш имконияти ярагилди;

- давлат акция пакетлари (улушлари) битта лот асосида савдога чиқарилади;

- соф активларининг пропорционал улушига тенг (соф активлари устав капиталидан кам бўлганда номинал) қийматда оммавий савдоларга чиқарилган қиймати 100 млн. сўмдан ошмаган давлат акция пакетлари (улушлари) уч ой давомида сотилмаган тақдирда, улушлар “1 сўм” бошланғич нархда, акция пакетлари “1 та акция — 1 сўмдан битта лот” тамойили асосида қайта савдога чиқарилади;

- давлат объектларини “ноль” харид қийматида сотиш амалиёти бекор қилинади ва улар ўз ваколати доирасида Қорақалпоғистон Республикаси

Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари ҳамда Давлат мулкани сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг қарорларига асосан инвестиция ҳамда ижтимоий мажбуриятлар асосида “**І сўм**” бошланғич қийматда оммавий савдоларга чиқарилади;

– давлат унитар корхоналари хўжалик жамиятларига ўзгартирилган ҳолда уларнинг давлат акция пакети (улуши) сотилади (давлат унитар корхоналарини хўжалик жамиятларига ўзгартиришда уларнинг устав капитали хатлов ва баҳолаш ўтказмаган ҳолда солиқ органларига топширилган охири бухгалтерия баланси маълумотлари асосида соф активлари қийматида, соф активлари манфий бўлган тақдирда, корхона устав капитали миқдорида белгиланади).

Фармон доирасида тадбиркорлик субъектларига ҳам бир қатор енгилликлар берилиши натижасида давлат активларини хусусийлаштиришни жадаллаштириш, шу асосда иқтисодиётга қўшимча инвестиция киритилишини таъминлаш кўзда тутилмоқда, жумладан:

а) давлат активларини сотиб олувчилар тўловларни қонунчиликда белгиланган тартибда бўлиб-бўлиб тўлаш шarti асосида амалга ошириши мумкин. Давлат улушларини бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотиб олиш шартномалари доирасида белгиланган графикка асосан қисман тўловни амалга оширган харидорларга тўлиқ тўловлар амалга оширилгунга қадар улуш қийматининг тўланган қисмига мутаносиб равишда жамият бошқарувида иштирок этиш ва дивидендлар олиш ҳуқуқи асосида “тасарруф этиш ҳуқуқисиз” эгаллик сертификати берилади;

б) давлат кўчмас мулки объектларини сотиб олиш шартномалари доирасида қисман тўловни амалга оширган харидорларга сотиб олиш тўловини тўлиқ амалга оширгунга қадар “тасарруф этиш ҳуқуқисиз” давлат ордери берилади.

Хусусийлаштиришдан олдин тайёрлаш ва инвестициявий жозибadorлигини оширишнинг манзили дастурлари орқали оммавий савдоларга чиқариладиган 197 та давлат активлари бўйича Республика ишчи гуруҳлари шакллантирилади ва тасдиқлаш учун Давлат тендер комиссияга киритилади. 2021 йил 1 февралга қадар халқаро молия институтлари (Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон банки ва бошқалар), шунингдек нуфузли халқаро ва маҳаллий консалтинг компаниялари (“Эрнст энд Янг Эдвайсорий”, “Делойт”, “Вайт энд Кейс”, “КейПиЭмДжи”, “Прайс Уотерхаус Куперс”) жалб қилинади. Жалб қилинган консалтинг ташкилотлари ёрдамида 2021 йил 1 мартга қадар комплекс молиявий ва юридик ўрганишлари амалга оширилади (кўчмас мулк объектлари бундан мустасно).

Давлат активлари ва корхоналарининг қатта қисмини хусусийлаштириш, қолганларини трансформациялаш, уларда замонавий корпоратив бошқарув

хамда комплаенс назорат тизимларини жорий этишга қаратилган бу чора-тадбирлар истиқболда уларнинг самарадорлигини ошириш ва бозор тамойилларини жорий этишга кенг имкон яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 29.12.2020 й. <https://president.uz/uz/lists/view/4056>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги ПФ-5552-сонли “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиши тартибини соддалаштириши бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони. www.lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сонли “Давлат активларини бошқариши, монополияга қариши курашини тартибга солиши тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. www.lex.uz
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиши стратегияси тўғрисида”ги фармони. www.lex.uz
5. <https://davaktiv.uz/uz/menu/davlat-aktivlarini-isobini-juritish-jnalishi-va-natizhalar>
6. <https://davaktiv.uz>

МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ҲАМДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИГА ЭРИШИШ

М.Т. Асқарова,

*Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозаштириш
кафедраси мудири, ТДИУ*

Ж.Ж. Жамолов,

*Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозаштириш
кафедраси ассистенти, ТДИУ*

Аннотация. Мақола макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсиш суратларини сақлаш масалаларига бағишланган. Тадқиқот натижаларидан макроиқтисодий барқарорлик омиллари улар ривожланишининг тармоқ параметрларини ҳисобга олган ҳолда баҳо беришда, шунингдек, ҳудудларда инвестицияларни мутаносиб тақсимлаш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Таянч сўзлар: макроиқтисодий барқарорлик иқтисодий ўсиш, яъни жамғариш, барқарор ривожланиш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш

Кириш (Introduction).

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг ҳар бир босқичида макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсишни таъминлаш асосий устувор вазифа сифатида белгиланиб келинди. Маълумки, макроиқтисодий барқарорлик мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотида намоён бўлади ва у давлатнинг иқтисодий қудратига баҳо беради. Глобал пандемия дунё мамлакатлари иқтисодиётига, шу жумладан, Марказий Осиё давлатлари қатори Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини кўрсата бошлади. Шу сабабдан, Ўзбекистонда ушбу таъсирларни камайтириш ва иқтисодиётни қўллаб-қувватлашга қаратилган тезкор чоралар кўрилди, 20 га яқин фармон ва қарорлар имзоланди. Жумладан, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини, аҳолини қўллаб-қувватлашга қаратилган иқтисодий чораларнинг жами қиймати 32,3 трлн. сўмдан ортиқни ташкил этди. Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиб, мазкур маблағлар коронавирус инфекциясига қарши кураш бўйича тадбирларга йўналтирилди.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology)

Макроиқтисодий барқарорлик- барқарор нархлар даражаси, ишсизликнинг паст даражаси, миллий валютани барқарорлиги, капитални эркин ҳаракати. Узок муддатли даврда инфляцияни меъёрий даражасида давлат томонидан инвестиция ва жамғармаларни оширишга шароит яратишдир.

Шу нуқтаи назардан, мақолада макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий суръатларни сақлашнинг назарий ва услубий асослари ўрганилган ҳамда макроиқтисодий барқарорлик омиллари таҳлил қилинган. Қиёсий ва

таркибий таҳлил қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан фойдаланилган. Ўрганиш жараёнида таҳлил, синтез ва қиёсий таҳлил усуларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси (Discussion)

Ўзбекистонда ҳукумат томонидан кўрилган чоралар макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга эришилади. Ҳаракатлар стратегиясининг 3-йўналиши иқтисодийётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларини ўз ичига олган.

Ушбу мақсадга таянган ҳолда, Ўзбекистон иқтисодийётини ривожлантиришнинг ўзаро боғлиқ устувор вазифаларини ҳал этишга қаратилган ёндашувни ифодаладиқ (1-расм).



1-расм. Барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш жарёнининг модели¹⁵

Таклиф этилаётган ёндашувнинг асосий моҳияти иқтисодий ўсишга иқтисодийётнинг ҳар бир тармоғи ёки соҳасининг мамлакат ЯИМ ҳажми ва унинг ўсиш суръатига қўшаётган улушларини (ҳиссаларини) максималлаштиришга қаратилган. Бунда уларнинг қуйидаги жиҳатлари ҳисобга олинади. Биринчидан, фаолият юритаётган ҳар бир тармоқ ёки иқтисодийёт соҳаси корхоналари ҳозирги кунда ўз ишлаб чиқариш салоҳиятига, яъни табиий ресурсларга, асосий фондларга, иш билан банд меҳнат ресурсларига ҳамда ишлаб чиқариш технологияларига эга.

¹⁵ Манба: муаллифлар ишланмаси

Иккинчидан, тармоқларнинг иқтисодий ўсишга қўшаётган ҳиссалари корхоналарнинг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланишига шунингдек, унинг асосий капитални янгилашга жалб этилган инвестициялари ҳажми ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва рағбатлантириш усулларига боғлиқ ҳисобланади. Ва ниҳоят учинчидан, иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари мамлакатда макроиқтисодий барқарорлик ҳамда давлатнинг пул – кредит ва бюджет – солиқ сиёсати, таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштиришга қаратилган чора – тадбирларни қанчалик ўз вақтида ва самарали бажарилишига боғлиқ ҳисобланади.

Иқтисодий ўсишни қўллаб – қувватлашнинг мазкур жиҳатларини ҳисобга олганда иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари ривожланишини алоҳида биз таклиф этаётган ёндашув орқали ўрганиш ва шу асосда улар ҳар бирини истиқболда ЯИМ даги улушини ўзгариши тенденцияларини прогноз қилиш, тармоқларда стратегик режаларни ишлаб чиқиш, шу орқали иқтисодий ўсиш, аҳоли даромадлари ва жамғармалари миқёсини аниқлашга имконият беради. Бу эса ўз навбатида Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиёт тармоқларининг ривожини ҳамда уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш юзасидан белгилаб қўйилган устувор вазифаларни самарали ҳал этишга қўмаклашади.

Шу билан бир вақтда Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегияси тамоиларига ва устувор йўналишларига амал қилган ҳолда ривожланишнинг стратегик мақсадлари жаҳон андозаларига мос равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Фармонлари, маърузалари ва чиқишларида белгилаб берилган барқарор иқтисодий ривожланишнинг устувор вазифаларини амалда ижросини таъминлаш, Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг ҳудудлари ривожланишини таъминламоқда.

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини баҳолаш мезонларидан бири сифатида иқтисодий ўсиш кўрсаткичи қабул қилинган. Ушбу кўрсаткич муайян давр мобайнида реал ЯИМ ҳажмининг ўзгариши, тўлиқ бандилик шароитига мос келувчи потенциал ишлаб чиқариш даражасини узоқ муддатли кўпайиши тенденциясини англатади. Шунини ҳисобга олганда, Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини ошириш, ижтимоий муаммоларни ечиш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги иқтисодий ва сиёсий мавқеини мустаҳкамлашга эришиш ва макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади қилиб белгилаб олинган.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда иқтисодиётни барқарор ривожланишининг муҳим йўналиши сифатида хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожлантиришга асосий эътибор қаратиш лозим. Шунини ҳисобга олиб, кичик бизнеснинг янги субъектларининг ташкил этилиши ва ривожланишини ҳар томонлама рағбатлантириш, кичик бизнес нуфузини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашни фаоллаштириш ҳамда ҳимоя қилишнинг институционал нормалари янада такомиллаштириш лозим. Шу билан бирга иқтисодий ўсишни барқарор суръатларига эришиш борасида, иқтисодиётнинг реал сектори

тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш учун бошқариш усуллари такомиллаштириш, иқтисодиётнинг базавий тармоқлари, айниқса саноат ва қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсиш ресурслардан фойдаланишни кенгайтириш ҳисоби-га эмас, балки сифат жиҳатдан такомиллаштирилган ишлаб чиқариш коопераци-яси ва кластер механизмини жорий этиш ҳисобига эришиш самарали йўл бўлиб ҳисобланади. Республикамизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, ва-люта бозорини эркинлаштириш, юқори ликвидли товарларни сотишнинг бозор усуллари жорий этиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар аҳолининг кенг қатламларини тадбир-корлик фаолиятига фаол жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар ҳамда иқтисо-дий ислохотларни изчил давом эттириш учун мустаҳкам замин яратди.

1-жадвал

Макроиқтисодий барқарорлаштириш чора-тадбирларидан кутилаётган натижалар

| Асосий сценарий | Муқобил (хатарли) сце- нарий |
|---|--|
| <ul style="list-style-type: none"> • иқтисодий ривожланиш тенденцияларининг давом этиши ва ташқи шароитларнинг сезиларли даражада ўзгармаслиги ҳамда солиқ соҳасида ва таркибий ислохотлар борасида босқичма-босқич кутилган натижаларга эришилиб борилиши назарда тутилган; • солиқ ислохотларининг самарали амалга оширилиши ҳамда иқтисодиётни кредитлаш ҳажмининг ўсиш суръатларининг мақбуллаштирилиши кўзда тутилган; • ЯИМ ўсиш суръати 2018 йил якунига кўра 5,2%, 2019 йилда эса 5,4% бўлди. Ўтган ва жорий йилларда инвестицион фаолликнинг ошиши ҳамда иқтисодиётнинг реал секторидида олиб борилаётган ислохотлар натижасида кейинги йилларда иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари янада тезлашиши кутилмоқда; • йиллик инфляция даражасининг кўрсаткичлари 2018 йилда 16–17%ни, 2019 йилда 13,5–15,5%ни ва 2020 йилда 11–12%ни ташкил этди | <p>ташқи иқтисодий шароитларнинг ёмонлашуви ва амалга ошириладиган таркибий ислохотларнинг секинлашуви тахмин қилинган;</p> <p>ташқи ва ички шароитларнинг ёмонлашуви ҳамда таркибий ислохотларнинг кутилган натижа бермаслиги ҳисобига 2021 йил якунига кўра инфляция даражасининг 10–11%гача ўсиши кутилмоқда.</p> |

Макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлашда марказий банкнинг масъулияти улкан эканлигини ҳисобга олиб, уни таъминлашда ўзининг асосий ва муқобил сценарийлари ишлаб чиқилди. Иккала сценарийда ҳам Марказий банк пул-кредит сиёсатини юритишда эҳтиёткорона ёндашувдан фойдаланиб, пул-кредит шароитларини бир маромда қатъийлаштириб боришни кўзда тутилган. Бунда муқобил сценарийда янада қатъийроқ чоралардан фойдаланилади. Унга кўра, истиқболда пул-кредит сиёсатининг муҳим вазифалари сифатида инфляция даражасини пасайтириш ва инфляцион таргетлаш режимига ўтиш учун асос яратиш, ш.ж. пул-кредит сиёсати инструментлари ва трансмиссион механизmlарини ривожлантириш зарур.

Инфляцияни келтириб чиқарувчи асосий омиллар инвестицион фаолликнинг ошиши натижасида иқтисодийда вужудга келадиган юқори талаб ва тартибга солинадиган нархларнинг либераллаштирилиш кутилмоқда. Бунда давлат корхоналарининг ислоҳ қилиниши (ш.ж. хусусийлаштириши) доирасида капитал кўйилмалар ҳажмининг ўсиши инвестицион фаолликни рағбатлантирувчи асосий омил бўлади.

Бугунги кунда барқарор иқтисодий ўсишнинг йўналишларидан бири сифатида мамлакатимизда ўзлаштирилаётган инвестициялар ҳажми алоҳида аҳамият касб этади. Инвестицияларнинг мамлакат иқтисодийга киритилиши натижасида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш корхоналарининг фаоллиги ошмоқда, бу эса ўз навбатида, аҳолининг иш билан бандлиги ва аҳоли даромадларини ошишига олиб келмоқда. Ушбу вазибаларни самарали амалга оширишда мамлакат ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг ўзгариш тенденциялари диққатимизни жалб этади.

2-жадвал

Иқтисодий фаолият турлари кесимида Ўзбекистон Республикасининг ЯИМ ҳажми¹⁶
(жорий нархларда, млрд.сўм)

| Кўрсаткичлар | 2016йил | 2017йил | 2018йил | 2019 йил | 2020 йил |
|--|----------|----------|-----------|-----------|-----------|
| I. ЯИМ | 242495,5 | 302536,8 | 406648,5 | 510 117,2 | 580 203,2 |
| шу жумладан: | | | | | |
| тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 220064,0 | 267744,8 | 361072,7 | 464 854,5 | 535 831,0 |
| маҳсулотларга соф солиқлар | 22 431,5 | 34 792,0 | 45 575,8 | 45 262,7 | 44 372,2 |
| II.Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 220064,0 | 267744,8 | 361072,7 | 464 854,5 | 535 831,0 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 74 779,0 | 90 983,9 | 113 660,7 | 130 306,9 | 151 251,0 |
| Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) | 58 545,9 | 74 799,0 | 117 05,0 | 166 698,6 | 190 216,5 |
| саноат | 45 397,9 | 59 570,4 | 95 803,9 | 136 103,2 | 152 728,0 |
| қурилиш | 13 148,0 | 15 228,6 | 22 101,1 | 30 595,4 | 37 488,5 |
| хизматлар | 86 739,1 | 101961,9 | 129507,0 | 167 849,0 | 194 363,5 |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 18 755,4 | 21 540,6 | 26 747,9 | 32 501,7 | 37 194,4 |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва аълоқа | 21 113,0 | 25 305,5 | 30 616,0 | 36 630,4 | 38 531,5 |
| бошқа хизмат тармоқлари | 46 870,7 | 55 115,8 | 72 143,1 | 98 716,9 | 118 637,6 |

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотлари

Юқоридаги жадвалда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг иқтисодий фаолият турлари кесими таҳлил қилинган. Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, иқтисодий ўсиш суръати миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир.

Миллий иқтисодиётнинг 2016 йилда ЯИМ 242 495,5 млрд. сўмини, ташкил қилган бўлса, Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати, 220 064,0 млрд. сўмини ташкил қилган. 2020 йилда бу кўрсаткичлар, ЯИМ 580 203,2 млрд. сўм, Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати 535 831,0 млрд. сўм Маҳсулотлар учун соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 44 372,2 млрд.сўм ташкил қилди.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва макроиқтисодий барқарорликни тахминлаш борасида натижалар кўзланаётган экан, бу вазифаларни бажариш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

– иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари учун узоқ муддатли ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва унинг изчиллик билан амалга оширилишини таъминлаш;

– мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди учун мавжуд салоҳиятни инобатга олган ҳолда махсус ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни таъминлаш;

– хусусий мулкчиликни ривжантириш, хусусий тадбиркорликнинг янада жадал ўсишини таъминлаш;

– нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида банк кредитларини айнан иқтисодиётнинг реал секторига жалб этилишини таъминлаш;

– аҳолининг истеъмоли учун зарур бўлган товар ва хизматларнинг таннархини ошиб кетмаслигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш воситаларини (асбоб ускуналар ва бошқаларни) импорт қилишни аста секинлик билан камайтириб бориш ҳамда уларнинг ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштириш;

– ялпи ички маҳсулот ҳажми ошишини таъминлайдиган, бугунги кунда дунёда долзарб масалага айланаётган ахборот-коммуникация хизматларини кескин даражада ўстириш;

– малакатдаги мавжуд илмий ва инновацион салоҳиятлардан унумли фойдаланиш;

– ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таркибини ва сифатини яхшилаб, уларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини таъминлаш;

– иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни кенгайтиришни рағбатлантириш механизмларини янада фаоллаштириш.

Назаримизда, ушбу тадбирлар зарурий дастурлар ва лойиҳалар асосида амалга оширилса, Ўзбекистондаги барқарор иқтисодий ўсишга эришиши имкониятлари ошади.

Пандемия даврида иқтисодиётни қўллаб-қувватлашда фискал сиёсат (фискал рағбатлантириш) асосий ўрин тутди. Айни пайтда Марказий банк томонидан банк тизимида амалга оширилган қуйидаги чора-тадбирлар ҳам макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилди:

1. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун кредит тўловлари муддатининг узайтириб берилиши. Карантин чоралари жорий этилган дастлабки кунлардан Марказий банк томонидан тижорат банкларига аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кредит тўловлари муддатини узайтириб бериш ва шу орқали карантин даврида даромадлари қисқарган ва пул тушумлари камайган аҳоли ва бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича тавсиялар берилди. Натижада иқтисодий субъектларининг жами 26,5 трлн. сўмлик (шундан 5,2 трлн. сўмлик жисмоний шахслар ва 21,3 трлн. сўмлик юридик шахслар) кредит тўловлари муддати 2020 йил 1 октябрга қадар узайтириб берилди. Шунингдек, тижорат банкларига мазкур кредитларни таснифлашда кредит сифатини ўзгартирмаслик ва заҳира шакллантирмаслик имконияти берилди.

2. Кредит тўловлари муддатининг узайтириб берилиши банк тизими ликвидлигига сезиларли таъсир этишини ҳисобга олиб, банк тизими ликвидлигини ва тўлов тизими барқарорлигини таъминлаш борасида ҳам тегишли чоралар кўрилди. Хусусан, 2020 йил 24 февралдан банк тизими ликвидлигини тартибга солиш мақсадида жорий этилган қисқа муддатли пул-кредит сиёсати инструментлари пандемия шароитида ўзининг ижобий самарасини берди ҳамда банкларга РЕПО ва валютавий своп операциялари орқали доимий равишда ликвидлик тақдим этилиб, инқироз шароитида ҳам тўловлар узлуксизлигини таъминлашга эришилди.

Шунингдек, мазкур даврда мажбурий захираларни ўртачалаш коэффициенти 2 марттаба – апрель ойида 25 фоиздан 35 фоизгача ва июнь ойида 35 фоиздан 75 фоизгача оширилди ва натижада тижорат банкларига жами 2,8 трлн. сўмлик ликвидлик қайтариб берилди. Бундан ташқари,

Марказий банк Бошқарувининг 2020 йил 11 июндаги қарори билан банкларга ликвидлик беришининг 2 та янги инструменти жорий этилди:

а) махсус инструментлар механизми - тижорат банкларига 3-6 ойлик муддатга ипотека кредитлари гарови остида кредит ажратиш механизми бўлиб, инқироз шароитида банк тизимини узоқ муддатли ликвидлик билан қўллаб-қувватлаш мақсадида 2020 йил якунига қадар вақтинчалик жорий этилди.

Иқтисодчи олимларнинг айримлари: В.Петти фақатгина олтин ва кумуш қазиб олишга сарфланган меҳнат қийматни яратади, деб, физиократлар эса фақатгина қишлоқ хўжалигига сарфланган меҳнат қийматни яратади, деб адашишга йўл қўйди. Холбуки, бу алоҳида олинган соҳаларга сарфланган меҳнат аниқ меҳнат бўлиб, маҳсулотнинг аниқ турларини, масалан, олтин қазиб олиш ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қаратилган меҳнат энг аввало аниқ меҳнат бўлиб, нафлиликни яратишга қаратилганлигини англай олмадилар. Нафлилик билан қийматнинг фарқини аниқ кўра олмадилар. Ўз даврининг йирик олимларидан бўлган Ж.Б.Сей ҳам товардаги икки хил хусусиятни ажрата олмади. Инглиз мумтоз иқтисодий мактабининг йирик намоёндалари бўлимиш А.Смитт ва Д.Рикардолар ҳам товарнинг қийматини меҳнат яратади, деб тўғри таъкидлаган бўлсаларда, товардаги икки хил хусусиятни меҳнатнинг қайси тавсифи товарнинг қайси хусусиятини яратилишини аниқ ажратиб кўрсата олмадилар. Чунки, улар товарнинг икки хил хусусиятини яратувчи меҳнатнинг икки томонлама тавсифини ҳали аниқ била олмаган эдилар.

Нафлилик ва қўшилган нафлилик назарияси Австрия мактаби намоёндалари К. Менгер, Е. Бем-Баверк, Л. Вальрас, У. Джевонсларининг тадқиқотларида кенгроқ ёритилган.

Кўриниб турибдики, иқтисодчи олимлар икки оқимга ажралиб, уларнинг айримлари товарнинг қийматига эътибор қаратган бўлса, айримлари унинг нафлиликка эътиборни қаратиб бир томонлама ёндашувга йўл қўйдилар ва улар ўртасида ҳозиргача тортишувлар, мунозаралар давом этмоқда. Ҳозирги замондаги кўпгина тадқиқотларда асосий эътибор товарнинг ёки маҳсулотнинг

қийматига қаратилиб, унинг энг муҳим ва зарур бўлган хусусияти нафлилик тамомила эътибордан четда қолмоқда. Ўта оддий, кичик, элементар иқтисодий ҳодиса ҳисобланган товарнинг нафлилик хусусиятини ва унинг келиб чиқиш сабабларини билмаслик натижасида назария ва амалиётда юз бераётган адашиш ва чалкашликларни ҳамда бу масалани ўрганишнинг ҳозирги давр учун ўта муҳим ва долзарблигини ҳамда унинг етарли даражада тадқиқ этилмаганлигини ҳисобга олиб ушбу мақолани ёзишга қўл урдим.

Тадқиқот методологияси

Мавзунитадқиқилишдадиалектик,индукция,дедукция,илмийабстракция, анализ ҳамда синтез сингари илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилади. Бу ерда биз алоҳида эътибор бериб қўллаган усул бу икки томонлама ёндашув ва таҳлил усулидир. Ушбу тадқиқот усуллари мавзунитадқиқилиш ва таҳлил қилиш илмий хулоса чиқариш ва тақлифларни тақдим этишда катта аҳамият касб этди.

Таҳлил ва натижалар

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир товар иқтисодиётнинг кичик бир хужайраси эканлигини, бутун иқтисодий муносабатлар шу хужайралар ҳаракати билан боғлиқ эканлиги кўпчилик тадқиқодчи олимларга маълум бўлса керак деб ўйлаймиз.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар қандай ишлаб чиқарилган нарса: маҳсулот ёки хизмат ҳам товар бўлавермайди, масалан, уй хўжалигида яратилган сифатсиз ёки талабдан ортиқча яратилган маҳсулот ва хизматлар товар ҳисобланмайди, товар бўлиши учун энг аввало, у бозорда сотиш учун ўзининг эмас, бошқаларнинг эҳтиёжини қондириш учун ишлаб чиқарилиши, унда бир-бирига қарама-қарши турган ва бир-бирини тақозо этадиган икки хусусият: нафлилик ва қиймат мавжуд бўлиши шарт.

Бунда маълум даражадаги капитал (ишлаб чиқариш воситалари) билан қуролланган аниқ меҳнат табиат ашёларидан фойдаланиб товарнинг нафлилигинияъниқишиларнинг бирон-бир нарсага бўлган эҳтиёжини қондириш қобилиятини яратади, яъни ернинг тупроқ унумдорлигидан фойдаланиб, турли хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаради, ер қаридан олинган темир, мис, алюминий ва бошқа рудалардан турли хил асбоб ускуналар, буюмлар, машиналар ясайди. Ўрмонда ўсиб турган дарахтлардан кесиб уйлар қуради, ёғоч буюмлар ясайди, шамол ва қуёш энергиясидан фойдаланади ва ҳ.к. Абстракт меҳнат эса унинг қийматини яратади. Албатта ҳар қандай меҳнат жараёни ишлаб чиқариш воситаларисиз амалга ошмайди. Гап шундаки, амалга ошириладиган меҳнатнинг икки томонлама табиати бир вақтнинг ўзида рўй беради ва бир вақтнинг ўзида товарнинг икки хил хусусияти яратилади. Товарнинг бир-бирига қарама-қарши турган икки томонини – қийматини ва нафлилигини, бу икки томоннинг доимо ҳаракатда, ривожланишда бўлиб, ўзгариб туришини, улар бир-бири билан ўзаро таъсирда ҳамда ўрин алмашиб, шакл алмашиб туришини

билмаслик натижасида сифат жиҳатдан бир-биридан фарқ қиладиган иқтисодий жараёнларни, уларнинг омиллари, манбалари ва натижаларини бир-бири билан адаштириш, уларга бир хил тушунча деб қараб, чалкашликларга йўл қўйиш хошларини келтириб чиқаради. Масалан, товарнинг қиймати ва нафлигининг фарқи бормаслик, уларни аниқ ажрата билмасдан бир хил тушунча деб қараш тараққиётга гав бўладиган назарий ва амалий жиҳатдан зарарли хулосалар, тавсиялар ва амалий ҳаракатлар қилинишига сабаб бўлади.

Товарнинг нафлиги унинг кишилар учун нафли эканлиги, муайян наф келтириши орқали намоён бўлади. У шахсий истеъмол буюми ёки ишлаб чиқариш воситалари сифатида кишиларнинг бирон-бир нарсага бўлган эҳтиёжини қондиради. Демак, **товарнинг нафлиги деб унинг кишиларнинг бирон-бир нарсага бўлган эҳтиёжларини қондира олиш қобилиятига айтилади.**

Нафлилик товар миқдорини, сифатини ва турини ўз ичига олади ва унинг миқдоран ўзгариши шу уч кўрсаткич билан боғлиқ бўлади.

Нафлиликнинг мазмунини аниқлашда ҳам турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан, маржинализм мактаби асосчилари ҳам, уларнинг кейинги давомчилари ҳам товарнинг нафлигига алоҳида эътибор берганлар. Бу ҳақда кўплаб асарлар ёзганлар, лекин улар услубий ҳатога йўл қўйиб масалага яъни товар таҳлилга фақат бир томонлама ёндошган, товарлар нафлигини аниқлашда алоҳида олинган индивиднинг ҳаёлидаги психологик ёндашув билан, яъни ҳеч ким билан алоқаси бўлмаган ўрмондаги чолнинг ёки кимсасиз оролда бир ўзи қолиб кетган Робинзоннинг ҳаёли билан аниқлаш усулини қўллайдилар. Ҳолбуки, товар айирбошлаш жамият аъзолари ўртасида, гавжум бозор қатнашчилари ўртасида реал қайноқ ҳаёт жараёнида содир бўлади. Улар нафлиликнинг негизида объектив иқтисодий жараён борлигини, нафлилик меҳнат жараёнида табиат ашёси билан ишлаб чиқариш воситалари ва жонли меҳнатнинг бирикиши натижасида, тўғрироғи нафлилик аниқ меҳнат билан табиат ашёсининг хусусиятлари ўзгартирилиши натижасида вужудга келишини, бу жараёнда учта омил: табиат, капитал ва жонли меҳнат қатнашини ўйлаб ҳам ўтирмайдилар. Товарлар нафлигини тўғри тушунишда юқоридагилар билан бир қаторда нафлиликнинг ижтимоийлигини тушуниш муҳим ҳисобланади. Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, маржиналистлар ҳам, бошқа иқтисодчиларнинг кўпчилиги ҳам нафлилик деган тушунча қотиб қолган тушунча эмаслигини, у ўзгариб, ривожланиб боришини эътиборга олмасдан келмоқдалар. Улар бу тушунчани ўзгармас, қотиб қолган тушунча деб тасаввур қиладилар. Ҳолбуки, у ўзгаради, ривожланади. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, нафлилик доимий бўлиб, товар муносабатлари бўлмаган даврларда ҳам бўлган. Масалан, нафлилик тушунчаси дастлаб товарнинг кишиларнинг бирон-бир нарсага бўлган эҳтиёжини қондириш қобилиятини ифодалайди. Лекин бу

тушунча дастлабки умумий тушунча бўлиб, у индивидуал (якка) нафлиликни ифодалайди ва ҳали товар муносабатларини билдирмайди. Қачонки ишлаб чиқарилган ёки келтирилган маҳсулот ўзининг эмас, бошқаларнинг яъни товар сотиб олувчиларнинг эҳтиёжларини қондирса бу ижтимоий нафлиликка айланади. Бунда ҳамма ҳатто товар ишлаб чиқарувчилар ҳам истеъмолчига айланади. У ҳам ўзининг, оиласининг истеъмоли ҳамда ишлаб чиқариш воситалари истеъмолчисига айланади. Бу нафлиликни тушунишнинг иккинчи поғонаси бўлади. Табиатда мавжуд бўлган ёки инсон меҳнати билан яратилган маҳсулотнинг ҳаммасида нафлилик мавжуд бўлиб, улар кишиларнинг бирон-бир нарсага бўлган эҳтиёжини қондириши мумкин, лекин товар сифатида ишлаб чиқарилган маҳсулот фақатгина ўзининг эмас, бошқаларнинг эҳтиёжини қондириш қобилиятига эга бўлиши керак. Чунки товар ўзи учун эмас, бошқаларга сотиш учун ишлаб чиқарилади. Шунинг учун товар айирбошлаш (олди-сотди) ривожланиши билан товардаги нафлилик ҳам ижтимоий тус олади, яъни у оддий нафлилик тушунчасидан “ижтимоий нафлилик” тушунчасига, ундан кейин эса ижтимоий зарурий нафлилик тушунчасига айланади. Демак, нафлиликни тушунишнинг учинчи поғонаси бўлиб, у ижтимоий зарурий нафлилик деб юритилади. Миқдори, тури ва сифати бўйича талабга мос келадиган нафлилик эса ижтимоий зарурий нафлилик дейилади. Албатта, табиатда мавжуд бўлган ёки инсон меҳнати билан яратилган ва сотишга мўлжалланган ҳар қандай товар ҳам нафлиликка эга бўлавермайди. Масалан, сифатсиз, кераксиз ишлаб чиқарилган ёки керагидан, талабдан ортиқча ишлаб чиқарилган товарлар нафлилиги жамият учун, бозор учун кераксиз бўлиб, тан олинмайди, чунки бозор товарнинг шу тури бўйича тўйинган бўлади. Шунинг учун ҳозирги даврдаги иқтисодий назарияси фанида ва реал бозорда ижтимоий зарурий нафлилик деган тушунча ишлатилади ва реал бозор ҳар қандай нафлиликни эмас, балки ижтимоий зарурий нафлиликни тан олади.

Ижтимоий зарурий нафлилик деб – талаб миқдори, тури ва сифатига мос келадиган миқдор ва сифатдаги нафлиликка айтилади.

Албатта замон, давр ўзгариши билан ижтимоий талаб ўзгариб боради. Шунга мос равишда нафлилик ҳам ўзгариб бориши табиий. Неъматлар товар бўлиши учун, улар айирбошлашга мўлжалланган, маълум меҳнат сарфланган, бозорга сотишга чиқарилган, бозор талабига мослашган бўлиши зарур. Шунга кўра, товар маҳсулотдан фарқланади. Шу билан бирга товар нафлилиги қийматни ташиб юрувчи ўзида олиб юрувчи моддий асосдир, нафлилик бўлмаса қиймат ҳам бўлмайди, нафсиз товарга сарфланган меҳнат ва бошқа сарфлар беҳуда сарфлар бўлиб, улар ҳисобга олинмайди. Товарнинг натурал-буюм ва ижтимоий-иқтисодий томонлари, хусусиятлари ана шундан келиб чиқади.

Биз юқорида нафлилик тўғрисида келтирилган назарий қоидалар, хулосалардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, керакли сифатдаги ва миқдордаги

яни ижтимоий зарурий миқдордаги нафтлиқни кўпайтириб бориш зарур. Бу ҳамма турдаги товарлар учун умумий бўлган қоида бўлиб, мамлакатимиз тараққиёти учун ўта муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шодмонов Ш, Рахматов М. Иқтисодиёт назарияси (дарслик). – Т, «Замин нашр», 2021. – 853 б.
2. Ш.Шодмонов, М.Рахматов “Иқтисодиёт назарияси” фанининг икки чигал тугуни ва унинг ечими. Монография. Тошкент: Иқтисодиёт, 2019 йил
3. Макконнел К.Р., Брю С.А. Экономикс: принциты, проблемы и политика: Учебник. / 17-изд. - М.: ИНФРА-М, 2014. – 916 с.
4. Сажина М.А. Экономическая теория: учеб. для вузов / М.А.Сажина, Г.Г.Чибриков. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Норма, 2007. – 672 с.
5. Самуэлсон Пол Э., Нордхаус Вильям Д. Экономика.: Учебник. / 18-е изд.: Пер с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2009. – 1360 с.
6. Ш.Ш.Шодмонов. Қўшимча маҳсулот иқтисодий тараққиётнинг мезони ва манбаидир // “Иқтисод ва молия” илмий журнали. –Т.: 2016 й. №7 сон, 11-б.
7. Шодмонов Ш. Нафтлиқ муҳимми ёки қиймат // Ишонч газетаси, 2021 йил 6 апрел сони.

ТЕОРИИ МЕЖДУНАРОДНОЙ ТОРГОВЛИ И ИХ ПРИМЕНЕНИЕ В ЭКОНОМИКЕ

Н.М. Махмудов,

Доктор экономических наук, профессор

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье анализируются теории международной торговли. Макроэкономический анализ теории международной торговли осуществляется путем изучения взглядов ученых. В статье также анализируется влияние международной торговли на иностранные инвестиции.

Ключевые слова: международная торговля, инвестиции, иностранные инвестиции, теория относительного превосходства, теория абсолютного превосходства.

Введение (Introduction)

Международная торговля - это способ покупки товаров, заключение договора с рядом посредников на конкретный товар или клиентов из разных стран с заранее определенным сроком предложения и посредниками, удобными для организаторов торговли. В наше время все большее распространение получают продажи, которые играют важную роль в поиске и выборе подрядчиков для заключения контракта, покупке оборудования, готовой сдаче строительных объектов. В развивающихся странах торговля часто используется как метод покупки. На развивающиеся страны приходится 80 процентов продаж оборудования. Бирма и Египет имеют государственную монополию на внешнюю торговлю, и почти все импортируемые товары и связанные с ними операции торгуются. Во многих странах Латинской Америки, таких как Уругвай, закупки и общественные работы также производятся за счет торговли. Эта форма закупок широко используется в Индии, Пакистане, Иране, Ираке и Шри-Ланке. Во всех развитых странах продажу импортных товаров осуществляют на 20-40% больше государственных структур. Появление внешней торговли можно объяснить двумя важными объективными причинами. Во-первых, это неравномерное распределение природных и сырьевых ресурсов между странами. Даже самые крупные или наиболее развитые страны не полностью обеспечены ресурсами. Они вынуждены экспортировать излишки ресурсов и импортировать дефицитные ресурсы в страну. Вторая важная причина, определяющая необходимость развития международной торговли, заключается в том, что не все страны могут производить все виды продукции с одинаковой эффективностью. То есть, если один товар дешево производится в Японии, другой товар можно дешево производить в Узбекистане. Таким образом, чтобы эффективно использовать ресурсы, страны специализируются и торгуют

друг с другом. Вот почему международная торговля всегда была актуальной проблемой.

Литературный обзор (*Literature review*)

Взгляды экономистов на международную торговлю отличаются от взглядов широкой общественности. Есть три основных отличия. Во-первых, многие неэкономисты предпочитают торговать с другими членами своей нации или этнической группы, а не с представителями других национальностей. Экономисты считают, что все формы торговли одинаково выгодны. Во-вторых, по мнению многих неэкономистов, экспорт лучше для экономики, чем импорт. Экономисты считают, что любая торговля приносит пользу экономике. В-третьих, по мнению многих неэкономических экспертов, торговый баланс страны определяется ее «конкурентоспособностью» по заработной плате, тарифам и другим факторам. По мнению экономистов, торговый баланс определяется многими факторами, в том числе указанными выше, а также различиями в национальных сбережениях и инвестициях.

Что касается международной торговли, то ряд ученых по-разному проводили научные исследования на примере разных стран. Ученые Бенедикт Хайд и Исаак Воззо (*Benedict Heid and Isaac Vozzo*) опубликовали в журнале «Экономические письма» (*Journal Economic Letters*) статью под названием «Влияние двусторонних инвестиционных договоров на международную торговлю» (*The International Trade Effects of Bilateral Investment Treaties*) [1].

В статье исследователи изучили влияние двусторонних торговых соглашений (ДТС) на международную торговлю и сравнили их с региональными торговыми соглашениями (РТС). Исследователи обнаружили, что если в РТС будут включены инвестиции, ДТС увеличит двусторонние торговые потоки на ту же сумму. ДТС оказывают большее влияние на международную торговлю, чем РТС без инвестиций. Результаты показывают, что необходимо контролировать влияние односторонних инвестиционных законов. Это означает, что при оценке торговых и инвестиционных соглашений следует также учитывать регулирование инвестиций.

Журнал экономического моделирования (*Journal of Economic Modeling*) опубликовал статью Джейджита Роя (*Jayjit Roy*) под названием «Влияние законодательства о защите занятости на международную торговлю» (*The Effect of Employment Protection Legislation on International Trade*) [2].

Важно проанализировать влияние внутреннего трудового законодательства на международную торговлю, поскольку широко распространены опасения, что торговые переговоры будут все больше ограничивать возможности стран проводить торговую политику и вести конкурентоспособные на международном уровне страны к «гонке вниз» в отношении стандартов

труда. Соответственно, используя данные примерно из 30 стран в 21 секторе обрабатывающей промышленности в 2001–2009 годах, исследователи изучили влияние законодательства о занятости на торговлю на промышленном уровне. те, кто вышел.

Кроме того, исследователи проанализировали актуальность трудового законодательства, используя вариативный подход. Используя разрозненные данные, а также стратегии по актуальности трудового законодательства, ученые изучат влияние трудового законодательства на торговлю и иностранные инвестиции и внесут новый вклад в литературу. В целом такое законодательство направлено на существенное стимулирование импорта в относительно трудоемких отраслях. На основе анализа исследователи обнаружили, что внутреннее трудовое регулирование тесно связано с международной торговлей.

Теории международной торговли - это просто разные теории, объясняющие международную торговлю. Торговля - это обмен товарами и услугами между двумя людьми или организациями. Тогда международная торговля - это концепция обмена между людьми или организациями в двух странах.

Люди или организации торгуют, потому что верят, что могут извлечь выгоду из фондового рынка. Они могут нуждаться в товарах или услугах. Несмотря на простоту, существует множество теорий, политик и бизнес-стратегий, из которых состоит международная торговля.

Характерной чертой современного мирового развития является стремительный рост внешнеэкономических связей, особенно внешней торговли. Внешняя торговля является важной формой международных экономических отношений, наряду с производственными, научными, техническими и другими формами международного сотрудничества (обучение, туризм и т. Д.). Совокупность внешней торговли всех стран составляет международную торговлю.

Методология (Methodology)

Теория абсолютного превосходства А. Смита (A. Smith's theory of absolute superiority).

Все теории международной торговли, которые возникли до сих пор, продвигают идею о том, что либерализация международной торговли принесет пользу всем странам. Одной из первых теорий о необходимости и пользе свободной внешней торговли была теория абсолютного превосходства Смита. Согласно этой теории, каждая страна имеет возможность производить определенный продукт с наименьшими затратами, в зависимости от условий и имеющихся ресурсов. Таким образом, страна специализируется на производстве товаров, имеющих абсолютное преимущество, и продает избыток этих товаров над собственным потреблением и покупает другие товары. Потому что эти товары производятся намного дешевле в странах, имеющих абсолютное преимущество

в их производстве. В результате у обеих стран будет меньше ресурсов и больше продукции.

Теория относительного превосходства Рикардо (Ricardo's theory of relative superiority).

Д. Рикардо в результате дальнейшего рассмотрения теории "абсолютного превосходства" А. Смита доказал, что эта теория является частью общего правила. В книге Рикардо «Начало политической экономии и налогов» он сбивает классическую теорию с проторенного пути. По его мнению, странам было бы целесообразно специализироваться на обеспечении эффективности производства или на производстве и продаже товаров, которые имеют больше преимуществ или меньше недостатков. В таких случаях торговля между двумя странами открывает больше возможностей. Каждая страна производит свои собственные специализированные продукты и таким образом добивается успеха. Его взгляды отражены в Теории относительного превосходства.

Таким образом, свободная торговля поощряет международную специализацию и создает следующие возможности: каждая страна будет тратить меньше материальных и трудовых затрат, чем в прошлом, до тех пор, пока она не станет специализироваться на производстве одного вида продукции. Однако не все теории на этот счет учитывают тот факт, что торговля происходит с участием валют стран. Потому что страны обменивают валюты для взаиморасчетов. Д. Рикардо смог объяснить и эту ситуацию. Как он пояснил, указанная возможность будет сохранена даже в контексте обмена валюты. В этом случае экспортно-импортные платежи не сбалансированы. Это может быть компенсировано изменениями обменных курсов или изменением всех цен в стране.

После того, как соотношение между ценами на сырьевые товары было определено, было введено понятие "условия торговли" для определения условий торговли. Этот показатель определяется по следующей формуле:

$$\text{Индекс торговых условий} = \frac{\text{Индекс экспортных цен}}{\text{Индекс цен на импорт}} * 100 = \frac{E_t}{I_t} * 100$$

Увеличение индекса (например, со 100 до 105) говорит об улучшении торговых условий. То есть, чтобы учесть этот объем импорта, требуется меньшая сумма экспорта.

На практике условия торговли зависят, прежде всего, от увеличения или уменьшения спроса на товары из-за изменения цен. Некоторые производители (например, нефти и нефтепродуктов) добились больших успехов, несмотря на изменение цен.

Во-вторых, торговые условия зависят от рыночной гибкости производителей или поставщиков.

В-третьих, условия торговли меняются в зависимости от изменений в условиях производства или потребления продукции.

Хотя Индекс условий торговли предоставляет информацию о положении страны в международной торговле, он не лишен недостатков. Один из основных заключается в том, что, хотя он улучшает общую ситуацию в стране, он не учитывает количество проданной продукции. Другими словами, улучшение условий торговли приведет к снижению экспорта и увеличению импорта. Это ухудшит платежный баланс.

В теории А. Смита и Д. Рикардо основным фактором, влияющим на производство, был труд. Цена продукта зависит от стоимости производства.

В последующих исследованиях была принята во внимание возможность использования таких факторов, как земля и капитал, как ключевых факторов производства. Если рыночная цена труда выражается в заработной плате, тогда цена капитала выражается в форме процентных ставок, а цена земли – в форме ренты.

Неоклассическая концепция Хекшера и Олина (Heckscher and Olin's neoclassical concept).

Сторонниками современного подхода к международной торговле являются шведские экономисты Эли Хекшер и Бертил Олин (1930-е годы).

Э.Хекшер и Б.Олин выдвинули принцип «выравнивания цен в зависимости от факторов производства». Это означает, что различия в национальном производстве зависят от таких факторов, как производство, рабочая сила, земля, капитал, а также от изменений во внутреннем потреблении того или иного продукта.

Основные положения их правил заключаются в следующем:

1. Страны экспортируют товары, которым требуется больше излишков, и, наоборот, импортируют товары, которым требуется больше излишков.

2. Если ограничения на международную торговлю будут сняты, произойдут изменения, например, выравнивание «факторной цены» (стоимости) товаров в разных странах.

3. Экспорт товаров постепенно заменяется экспортом факторов производства.

Если соотношение между количеством одного фактора производства в стране и количеством других факторов выше, чем в другой стране, этот фактор считается относительно избыточным в этой стране.

Капитал - ключевой фактор в производстве определенных видов продукции. Например, нефтепереработка, электроника и машиностроение являются капиталоемкими отраслями, в которых используется меньше рабочей силы. Страны с избытком капитала специализируются в этих областях. В то же время

странам, которые выращивают и разводят скот, потребуется больше земельных ресурсов, и они будут специализироваться в этой области.

Исследование концепции Хекшера-Олина привело к созданию “Чуда Леонтьева” в 1950-х годах. Леонтьев указывал, что в 1947 году, несмотря на то, что США были страной с избытком капитала, они экспортировали трудоемкие, а не капиталоемкие продукты. То есть возникает ситуация, которая противоречит концепции Хекшера-Олина. Последующие исследования показали, что в Соединенных Штатах земля, наука и технологии относительно превышают капитал. Именно эти факторы сделали США нетто-экспортером наиболее часто используемых товаров.

Анализ и результаты (Analysis and results)

Международная торговля - это совокупность отношений, которые возникают при обмене товарами и услугами между экономикками разных стран. Хотя международная торговля существует уже давно, она стала мировым рынком только в 19 веке, когда почти все развитые страны начали участвовать в международной торговле.

Международная торговля характеризуется такими показателями, как внешнеторговый оборот, экспорт и импорт, торговый баланс.

Экспорт - это экспорт товаров и услуг, произведенных в данной стране, иностранным клиентам. Экономическая эффективность и рентабельность экспорта определяется тем, что в стоимость производства в этой стране не входят товары, которые ниже, чем стоимость стран-импортеров. Объем экспортной выручки зависит от соотношения национальных и мировых цен на товар, производительности труда стран, участвующих в международном товарообороте товара.

Структура экспорта товаров в международной торговле меняется под влиянием научно-технической революции и углубления международного разделения труда. В настоящее время ведущей экспортной составляющей международной торговли является переработанная промышленная продукция, на которую приходится 3/4 мировой торговли. Доля продуктов питания, сырья и топлива составляет всего четверть.

Экспорт услуг отличается от экспорта товаров. Услуги для иностранных потребителей связаны с получением иностранной валюты, которое осуществляется на государственной границе (например, оказание почтовых, телеграфных услуг представителям иностранных компаний, туристических и других услуг для иностранных граждан). шоу и т. д.).

Экспорт капитала также имеет свои особенности. Экспорт капитала осуществляется в форме ссуд или целевых инвестиций в акции иностранных компаний, которые требуют притока средств из страны-экспортера в момент

выпуска капитала, тем самым уменьшая количество ресурсов, находящихся в ее распоряжении.

Многие страны с их ограниченной ресурсной базой и узкими внутренними рынками не в состоянии эффективно производить все товары, которые им необходимы для внутреннего потребления. Для таких стран импорт - основной способ получить нужные им товары.

Импорт, в отличие от экспорта, означает покупку товаров (услуг) у иностранных производителей и их ввоз в страну. Он импортирует товары, себестоимость внутреннего производства которых выше, чем закупленные за рубежом. При расчете эффективности внешней торговли учитываются экономические выгоды, которые страна получает от быстрого удовлетворения своих потребностей в определенных товарах за счет импорта, и экономия ресурсов, которые должны быть затрачены при производстве таких товаров внутри страны. Увеличение экспортных квот свидетельствует как об участии страны в международном разделении труда, так и о конкурентоспособности ее продукции. Экспорт страны на душу населения отражает «открытость» ее экономики.

Экспортный потенциал (экспортный потенциал) - это часть продукции страны, которая может продаваться на мировом рынке без ущерба для ее экономических интересов.

Сумма экспорта и импорта товаров составляет внешнеторговый оборот или внешнеторговый оборот. Реэкспорт происходит, когда страна покупает товары, произведенные в другой стране, для перепродажи в третью страну, а не для собственного потребления. Реэкспорт и реимпорт неразрывно связаны. Реимпорт означает покупку реэкспортируемых товаров из страны-потребителя.

Торги в зависимости от способа проведения:

- открытые торги;
- Будут закрытые торги.

К открытым торгам будут привлечены все заинтересованные иностранные компании. Открытые заявки часто включают заявки на стандартные и универсальные векселя.

Только приглашенные фирмы имеют право участвовать в закрытых торгах. Заказы на уникальные, сложные и особые личинки размещаются на закрытых торгах.

Внешняя торговля как традиционная форма международного обмена включает:

- товарообмен: топливо и сырье, сельскохозяйственная продукция, промышленная продукция;
- обмен услугами: инженерно-консультационные услуги;
- транспортные услуги, туризм и другие услуги. В настоящее время доля услуг в мировом экспорте превышает 30%;

• Обмен новой научно-технической информацией: лицензиями и ноу-хау. На их долю приходится около 10 процентов международной торговли. При анализе нефтеперерабатывающей отрасли в международной торговле можно наблюдать следующую ситуацию (Рисунок 1).




Рисунок 1. Ежемесячный темп переработки нефти (январь 1996 г. - август 2018 г.)¹⁷

Анализируется переработка нефти в Саудовской Аравии, России и США. Согласно анализу, в России этот показатель стабильно растет, в то время как в США он в одни периоды снижается, а в другие - растет. В последние годы в США наблюдается высокий рост в этой сфере. С другой стороны, в Саудовской Аравии за этот период наблюдался как рост, так и спад.

При анализе темпов роста объемов переработки нефти по регионам можно наблюдать следующую ситуацию (рисунок 2):

Основные максимумы в этот период наблюдались на Ближнем Востоке. А в последние годы Северная Америка стремительно растет. СНГ стабильно растет.




Рисунок 1. Темпы роста переработки нефти (1998-2018 гг.)¹⁸

¹⁷ Источник: <https://ourworldindata.org/grapher/share-of-world-merchandise-trade-by-type-of-trade>

¹⁸ Источник: <https://ourworldindata.org/grapher/share-of-world-merchandise-trade-by-type-of-trade>

Выводы (Conclusions)

Экономическая теория показывает, что международная торговля повышает уровень жизни. Сравнение открытой и закрытой экономики подтверждает преимущества торговли на практике. Международная торговля возникла по двум важным объективным причинам - неравномерному распределению природных и сырьевых ресурсов между странами и неравномерному развитию производительных сил в странах. Международная торговля включает обмен товарами, обмен услугами и обмен новой научно-технической информацией. Все эти обмены осуществляются посредством внешнеторговых операций - экспортных и импортных операций. Классическими версиями теории международной торговли являются Теория абсолютного превосходства А. Смита и Теория относительного превосходства Д. Рикардо. Теория относительного превосходства Рикардо утверждает, что страны, не обладающие абсолютным превосходством, также могут получать выгоду от внешней торговли. Неоклассическая концепция Хекшера-Олина интерпретировала теорию "относительного превосходства" с точки зрения предложения факторов производства.

Список использованной литературы

1. Benedikt Heid, Isaac Vozzo. (2020). *The international trade effects of bilateral investment treaties. Economics Letters*, 196-200.
2. Roy, J. (2020). *The effect of employment protection legislation on international trade. Economic modelling*, 221-234.
3. Гречикова И. Н. *Международное коммерческое дело. М "Банки и биржа" ЮНИТИ 2001*, 496 с
4. *Макроэкономика. Теория и российская практика / Под ред. Грязновой А.Г. и Думной Н. М., КНОРУС, 2005., 503-526 с. с.*
5. Г.Э. Захидов, М. Аскарлова, З.А. Джумаев, Л.Ф. Амиров, Х.А. Хакимов - *Макроэкономика. Тошкент 2019 (217-229 сс.)*
6. *Приципы международных коммерческих договоров. М.: Международные отношения, 2003г.*
7. Campbell R. McConnell, Stanley L. *Economics : principles, problems, and policies. Brue.– 17th ed.p. 2010 595 pg*
8. Данильцев А.В. *Международная торговля. Инструменты регулирования. Учебно-практическое пособие. Изд.2-е перераб. М.: Деловая литература, Палеотип, 2004г.*
9. Авазов Н.Р. (2020). ОСНОВНЫЕ ПОНЯТИЯ ИНВЕСТИЦИИ. *Архив научных исследований*, 1(22). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/2654>
10. Махтудов, N. & Avazov, N., (2020). INVESTMENT AS A SOURCE OF FINANCING. *Архив научных исследований*, 1(24). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/2803>
11. [https://doi.org/10.1016/S1573-4404\(84\)01008-X](https://doi.org/10.1016/S1573-4404(84)01008-X)
12. <https://www.sciencedirect.com/science/journal/15734404>

ГЛОБАЛ ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ

Б.Б. Беркинов, и.ф.д., профессор
“Институционал ва иқтисодий
тадқиқотлар маркази” раҳбари, ТДИУ

Аннотация: Янги Ўзбекистонни барпо этишининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил қилинган ва ушбу соҳани ривожлантириши билан боғлиқ стратегик йўналишлар асосланган. Улар уч гуруҳга ажратилган ва қўйилган муаммоларни ҳал этиши йўллари таклиф этилган.

Калим сўзлар: Янги Ўзбекистон, глобал пандемия, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хусусий мулк, шартнома, трансакция харажатлари, халқ фаровонлиги.

Annotation: The aspects of building a new Uzbekistan related to small business and private entrepreneurship are analyzed and strategic directions for the development of this sector are based. They were divided into three groups and suggested ways to solve the problems posed.

Keywords: New Uzbekistan, global pandemic, small business and private entrepreneurship, private property, contract, transaction costs, welfare of the people.

Кириш. Ўзбекистон ўз ривожланишининг жаҳон ҳамжамиятида тан олинган янги учинчи босқичига шаҳдам қадамлар билан ўтмоқда. Унинг негизини давлатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлини, янги дунёқарашни, янги иқтисодий муносабатларни янада юксак пағонага олиб чиқиш вазифалари ташкил этади. Ана шу устувор вазифалар ичида, Президентимиз Ш.Мирзиёев белгилганидек [1], тадбиркорликни ўз муаммолари гирдобига ташлаб қўймаслик асосий мақсадлардан бири сифатида қаралмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожлантириш, улар сонининг муттасил ошиб бориши билан ушбу соҳанинг самарадорлиги кўплаб масалаларни ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан Янги Ўзбекистонни ривожлантиришга мос стратегияларни ҳисобга олиб ҳал этишни талаб қилади.

Ушбу талабларга эътибор қаратганда, тадбиркорлик шаклларида қатъий назар, уларнинг мулкани ва унга бўлган ҳуқуқини қатъий ҳимоя қилиш, шартномавий шартларни ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш, ўзаро муносабатларда трансакция харажатларини кескин камайтириш зарур. Шуларни ҳисобга олиб ушбу тадқиқот бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Асосий қисм. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиёт ривожланишига, бандлик муаммоларининг ҳал этилишига, аҳоли даромадини ўсишига катта таъсир кўрсагади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик би-

лан кўпчилик шугулланиш имкониятига эга, чунки у катта миқдордаги дастлабки сармояни талаб қилмайди. Кичик бизнес бозор иқтисодиётига ихчамлиги билан тез мослашади. У йирик корхоналар учун фойдасиз ва зарарли бўлиб қолган товарларни ишлаб чиқаришда юқори рентабелликни таъминлайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада оқилона ишлаб чиқариш-хўжалик кооперацияси учун қулай шароит яратади. Хўжалик юртишнинг кичик бизнес шаклларининг энг муҳим устунлиги шундан иборатки, у янги корхона очиш ёки эски объектни реконструкция қилиш учун нисбатан қисқа муддатларни талаб қилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ушбу ва бошқа ижтимоий-иқтисодий функциялари, уни ривожлантиришни Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб давлатнинг энг муҳим устувор вазифалари қаторига кўйган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17.08.2021 йилда “Янги Ўзбекистон” газетаси мухбири саволарига жавобларида¹⁹ “Барчамиз бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз керак, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш – фуқаролар, халқимиз фаровонлигини оширишнинг энг самарали йўли, Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг пировард мақсадидир”, деб алоҳида таъкидлаган. Шу билан бирга Президентимиз, “Бу соҳадаги мавжуд камчилик ва нуқсонларни ҳал этиш мамлакатимиз ҳаётини янада эркинлаштириш, очиқлик ва ошқоралик муҳитини, жамоатчилик назоратини кенгайтириш муҳим роль ўйнайди, деб ишонаман” деган фикрни билдирган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган Янги Ўзбекистон стратегиясини муваффақияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш даражасига боғлиқдир. Шунинг учун мамлакатимизда амалга оширилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги давлат сиёсати иқтисодиётнинг хусусий секторини ривожлантиришга ҳамда ушбу соҳада ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришга йўналтирилган.

Ҳозирги вақтда республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Аҳоли томонидан оилавий тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши, микрофирмалар ва кичик корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун институционал ҳамда ҳуқуқий нормалар шакллантирилган [2,3], Ўзбекистон ҳукумати томонидан ўтган йиллар мобайнида яратилган ушбу чора-тадбирлар натижасида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишида макроиқтисодий ўсиш тенденциялари сақланиб қолди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ялпи ички маҳсулодаги улуши 2000 йилда 30,1 фоиздан 25,3 фоизгача, аҳоли бандлиги 49,7 фоиздан 73,8 фоизга ошди. Ушбу ўзгаришлар асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари со-

¹⁹ Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. ЎЗР Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволарига жавоблари.

нининг ошиши ҳамда йиллик инфляция ҳисобига товарлар нархи ошиши ҳисобига рўй бериши кузатилди (1-жадвал).

1-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши
(умумий ҳажмга нисбатан фонзда)²⁰

| Йиллар | ЯИМ | Саноат | Қурилиш | Бандалик | Экспорт | Импорт |
|----------|---------|--------|---------|----------|---------|--------|
| 2000 | 31,0* | 12,9* | 38,4* | 49,7* | 10,2 | 22,8 |
| 2001 | 33,8* | 12,5* | 40,4* | 51,8* | 9,3 | 26,7 |
| 2002 | 34,6* | 15,4* | 42,0* | 53,5* | 7,5 | 24,9 |
| 2003 | 35,0 | 10,8 | 39,9 | 56,7 | 7,3 | 33,7 |
| 2004 | 35,6 | 11,0 | 49,6 | 60,3 | 7,3 | 32,7 |
| 2005 | 38,2 | 10,0 | 50,9 | 64,8 | 6,0 | 33,7 |
| 2006 | 42,1 | 10,9 | 52,1 | 69,1 | 11,2 | 34,2 |
| 2007 | 45,7 | 13,2 | 55,4 | 72,1 | 14,8 | 32,0 |
| 2008 | 48,2 | 14,6 | 58,4 | 73,1 | 12,4 | 35,7 |
| 2009 | 50,1 | 17,9 | 42,4 | 73,9 | 14,6 | 42,5 |
| 2010 | 52,5 | 26,6 | 52,5 | 74,3 | 13,7 | 35,8 |
| 2011 | 54,0 | 28,6 | 67,6 | 75,1 | 18,8 | 34,3 |
| 2012 | 54,6 | 29,7 | 70,0 | 75,6 | 14,0 | 38,6 |
| 2013 | 55,8 | 33,0 | 70,6 | 76,7 | 26,2 | 42,4 |
| 2014 | 56,1 | 36,8 | 69,5 | 77,6 | 27,0 | 45,4 |
| 2015 | 62,9** | 40,6 | 66,7 | 77,9 | 27,0 | 44,5 |
| 2016 | 64,9** | 45,3 | 66,9 | 78,2 | 26,0 | 46,8 |
| 2017 | 63,4** | 41,2 | 64,8 | 78,0 | 22,0 | 53,6 |
| 2018 | 60,4** | 37,4 | 73,2 | 76,3 | 27,2 | 56,2 |
| 2019 | 56,5*** | 25,8 | 75,8 | 76,2 | 27,0 | 61,6 |
| 2020 йил | 56,7 | 25,3 | 71,5 | 73,8 | 22,3 | 48,7 |

*) Кичик ва ўрта бизнес

**) 2015-2018 йиллар учун маълумотлар аниқлик киритилган (қайта баҳолаб чиқилган) маълумотларни ҳисобга олган ҳолда келтирилган

***) Дастлабки маълумотлар

Шу билан бирга кичик бизнесни ривожлантиришнинг тармоқ хусусиятлари, уларни давлат йўли билан ва нодавлат ташкилотлари томонидан қўллаб – қувватлаш тизимининг ўзига хос хусусиятлари яхши ўрганилмаган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг Ўзбекистон иқтисодийтини стратегик ривожлантиришдаги роли ва аҳамиятига, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳудудий ва тармоқ таркибига етарлича баҳо берилмаган.

²⁰ Манба: ЎзР Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган

Шу билан бир вақтда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солишчи, рағбатлантирувчи институтлар ҳамда механизмларни такомиллаштириш ва ривожлантириш билан узвий боғлиқ ҳисобланади.

Таҳлиллар шундан далолат берадики, ислохотларнинг ҳозирги босқичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши бир неча муаммолар ечимига боғлиқ. Уларни шартли равишда учта гуруҳга ажратиш мумкин:

- хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш;
- шартномалар тузиш ва уларни бажарилишини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш ва трансакция харажатларини пасайтириш.

Маълумки, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ва давлат идоралари билан мулкчилик низоларига қонуний баҳо бериш хўжалик судларининг ваколатига киради. Шу нуқтаи назардан, кейинги йилларда хўжалик судларида тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича кўриб чиқилган ишлар сони бирмунча камайган. Шундан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоялаш юзасидан ишлар кўрилган ва тадбиркорлар фойдасига катта миқдордаги маблағлар ундирилган. Ушбу далиллар мамлакатимизда тадбиркорлар мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича эътиборли чора – тадбирлар амалга оширилаётганидан далолат беради. Шу билан бир вақтда таъкидлаш мумкинки, хўжалик судларига мурожаат этишлар ўтган йилларга нисбатан 30 фоиздан кўпроққа қисқарган бўлсада, ушбу йўналишда ҳали ўз ечимини топмаган масалалар мавжуд. Бундай масалалар бизнинг фикримизча, мулк ҳуқуқлари билан тадбиркор, давлат ҳамда бошқа учинчи томон ўртасида аниқ тақсимланмаганлиги туфайли юз бериши мумкин. Шунини ҳисобга олганда хусусий мулкчилик ҳуқуқларини тадбиркор билан давлат ва шартнома иштирокчилари ўртасида аниқ тақсимлаш ва умуман мулкчилик муносабатларини институционал нормаларини такомиллаштириш лозим.

Маълумки, бозор муносабатларини амалга оширишнинг асосини шартномалар ташкил қилади. Шартномалар классик, неоклассик ва имплицитив (туғалланмаган) турларга бўлинади. Ушбу ҳолатларда томонларнинг ўзаро ҳаракати билан (трансакция) сотиш ёки ёллаш шартномалари тузилади. Ушбу шартномаларни тузиш ва амалга ошириш маълум хатарларни ҳисобга олувчи ёки унга бефарқ бўлган шахслар ўртасида юзага келади. Шунини инобатга олганда тадбиркорлар ўзаро сотиш ёки ёллаш шартномалари шартлари ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган институционал нормаларни ҳамда механизмларни (жавобгарлик юзасидан) янада ривожлантириш, иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш босқичларида долзарб ҳисобланади. Бундай ёндашув ўзаро келишмовчилик, ноқонуний ҳатти – ҳаракат ва шу каби бошқа қонунчиликка зид бўлган ҳаракатларни камайштиришга олиб келади.

Шунини таъкидлаш ўринлики, шартнома шартларини бузилиши, уларни ўз вақтида бажарилмаслиги, нафақат шартлашган томонлар манфаатларига салбий таъсир этади, балким уларнинг ўз мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун

сарф қилинадиган харажатларни (трансакция харажатларини) ҳам ошиб кетишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатлар корхоналар молиявий аҳволини заифлашувига олиб келади.

Шуларни инобатга олганда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида трансакция харажатларини камайтириш йўллариини такомиллаштириш, бугунги кунда иқтисодий стратегик ривожлантиришнинг долзарб муаммолари қаторига киради.

Трансакция харажатларининг мазмун – моҳияти ва уларнинг таркибига кिरувчи харажат турлари [4] тадқиқот ишларида кенг ёритиб берилган.

Ҳар қандай корхонада, шу жумладан кичик бизнес корхоналарида ҳам трансакция харажатларига ўзaro иқтисодий ҳамкорлик қилиш (шартномалар тузиш), бозорни ўрганиш учун ахборотларни қидириш, умумлаштириш; шунингдек, ҳамкорлар билан музокаралар олиб бориш; шартномаларни имзолаш; шартномалар тузилгандан кейин уни бажариш учун сарфланадиган харажатлар киради. Бундай харажатлар одатда давр харажатлари таркибида сотиш, маъмурият ва бошқарув билан боғлиқ харажатлар шаклида иштирок этади. Шу билан бир вақтда тадбиркорлик субъектларининг янги техника ва технологияларни сотиб олиш ҳамда ўзининг ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиш учун сарфлаётган трансакция харажатлари ҳам кўпайиб бормоқда. Ушбу харажатларни камайтириш, мулк ҳуқуқлари тўғри тақсимланганда, корхонанинг рақобатбардошлиги ҳамда фойдалилик кўрсаткичлари юқори бўлишига олиб келади.

Мамлакатимизда тадбиркорлар сарфлаётган трансакция харажатларини камайтириш бўйича муҳим чоралар кўрилмоқда. Жумладан, корхоналар молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чора-тадбирлар механизмлари доирасида тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ер участкаларини расмийлаштириш, қурилиш лойиҳаларида қатнашиш ва шу каби бошқа рухсат бериш билан боғлиқ трансакция харажатлари қисқартирилишига эътибор қаратиш лозим. Шу билан бир вақтда, Ўзбекистон Президенти қарорлари билан кичик бизнес вакиллари фаолиятига тўсиқ бўлаётган рухсат бериш тартиблари ва чекловлар бекор қилинди.

Шу билан бир вақтда, мамлакатимизда асосий трансакция хизматлари кўрсатувчи давлат ва нодавлат ташкилотларининг хизматлари учун корхоналар томонидан тўланадиган шартномаларни тузиш ҳамда уларни бажариш билан боғлиқ трансакция харажатларини қисқартириш (айниқса, солиқ ва бошқалар) барқарор иқтисодий ўсишга асос яратади. Бунда дастлаб, корхоналарни экспортга маҳсулотлар чиқариши ва улар бўйича шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мулкый ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда консалтинг-маслаҳат хизматларини кўрсатиш; давлатга тегишли ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш жойларининг ижараси билан боғлиқ харажатларни пасайтириш; судларда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мулкый ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маҳсулот ва хом-ашё етказиб бериш шартномаларини тузиш, улар ижросини таъминлаш ҳамда томонларнинг гайриқонуний ҳаракатларидан ҳи-

моялаш билан боғлиқ харажатларни оптималлаштириш йўналишларида амалий ишларни олиб борилиши самарали ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти ва ривожини белгиловчи институтларни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш иқтисодий ўсишни ҳамда мамлакат рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хулоса

1. Янги Ўзбекистон стратегиясини биз эришган натижаларга таяниб янада кенг ва изчил ҳаётга киритиш учун давлатимизда, халқимизда етарлича кучли имкониятлар ва амалий тажрибалар мавжуд.

2. Янги Ўзбекистон стратегиясида мамлакат иқтисодиётини янада тараққий эттиришнинг асосий ҳаракатга келтирувчи кучларидан бири – бу хусусий тадбиркорлик ҳисобланади.

3. Мамлакатимизда ҳозирги босқичда хусусий тадбиркорликни янада кенг ҳамда самарали ривожлантириш учун етарли илмий инновацион, инвестициявий, технологик, ер-сув, меҳнат ҳамда институционал салоҳиятлар мавжуд.

4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига адолатли ёндашув бўлсагина, халқ ичида ушбу соҳани давлат, аҳоли манфаатлари учун самарали эканлигини исботлайди.

5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик салоҳиятидан тўғри фойдаланишда мулкий, шартномавий ва трансакция муносабатларини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. ЎзР Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 29-декабрь 2020 йилдаги Мурожаатномаси.

3. Янги Ўзбекистон: Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш одимлари. Ўқув қўлланма. –Тошкент, “Маънавият”. -2021. -Б.12-56.

4. Беркинов Б.Б., Эргашходжаева Ш.Дж. Трансакция харажатларини бошқаришнинг илмий-услубий асослари. –Т.: “Fan va Technology”, 2017. -236 б.

5. Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. Учебник. – Т.: “Иқтисодиёт ва молия”. 2008. -340 с.

КИЧИК БИЗНЕС ФАОЛИЯТИНИ ИМИТАЦИОН ИННОВАЦИЯЛАР ЁРДАМИДА РИВОЖЛАНТИРИШ

Б.Т. Салимов, и.ф.д., профессор,
ТДИУ, Тармоқлар иқтисодийети кафедраси
Ш.Б. Салимов,
Макроиқтисодий тадқиқотлар ва
прогнослаштириш институти тадқиқотчиси

Аннотация: Ишда Ўзбекистон шароитида кичик ва ўрта бизнестда имитацион инновациялардан фойдаланишнинг шарт-шароитлари, хусусиятлари кўрилган. Иммитацион инновацияларнинг устун томонлари очиб берилган. Худудларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, аниқланган интеграл индекслар ёрдамида тахмин қилинган. КУБ ни худудлар бўйича инновацион ривожланиш имкониятлари аниқланган.

Калит сўзлар: Кичик бизнес, инновация, имитацион инновация, индекс, интеграл индекс, техологик инновация, жараён инновация.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишда кичик ва ўрта бизнеснинг (КЎБ) муҳим аҳамият касб этиши бутун жаҳонда тан олинган, айниқса ривожланган давлатлар иқтисодиётида КЎБ муносиб ўринга эга ва муҳим сектор ҳисобланади. КЎБ маҳаллий хомашё ресурсларини ишлаб чиқаришга жалб этади, иш ўринлари яратади, аҳолининг катта қисмини даромад билан таъминлайди, бутун мамлакат ва ундаги худудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини белгилайди. КЎБ тармоқ ичида ва бошқа тармоқлар билан интеграцион алоқаларни кучайтиради.

АҚШ да олиб борилган тадқиқотларга кўра КЎБ да, ишчи бошига олиб қараганда, катта бизнесга нисбатан 16 баробар кўп патентлар яратилади [5]. Хитой халқ республикасида (ХХР) патентларнинг 85%, техник янгиликларнинг 75% ва янги маҳсулотларнинг 80% КЎБ га тегишли [3]. Европа Иттифоқи (ЕИ) давлатларида компанияларнинг 99% КЎБ компаниялари, ХХР сида 97%. Ўзбекистонда 2019 йилда 334767 кичик бизнес субъектлари фаолият юритган.

Мамлакатимиз иқтисодиётида кичик тадбиркорлик икки турга бўлинади: микрофирма ва кичик корхона. Ўзбекистон Республикасида ўрта бизнес тушунчаси мавжуд эмас. Ташкилотларни кичик тадбиркорлик субъектига киритиш Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги 275-сонли қарорига кўра ишлаб чиқилган классификацияга асосланади. Ўртача йиллик ишчилар сони 20 нафаргача бўлса, бундай корхоналар микрофирмалар ҳисобланади. Ишчилар сони 279 нафаргача бўлса, булар кичик корхоналар деб қаралади. Биз бу ерда юқори чегаранинг максимал қийматини олдик. Фаолият турлари бўйича

юқори чегара шу оралиқда ўзгаради.

Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда корхоналарни микрофирма ва кичик корхоналарга ажратишда ЕИ давлатлари тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ [1]. Чунки бу мезонлар ЕИга кирувчи 28 давлатга тегишли ҳисобланади. Микрофирмаларда ходимлар сони 1-9 нафар, кичик корхоналарда 10-49 нафар ва ўрта корхоналарда 50-249 нафар этиб белгиланиши давлатнинг КЎБни қўллаб-қувватлаш сиёсати янада аниқ ва мақсадли бўлишини таъминлайди.

Ҳозирги вақтда КЎБ корхоналари самарадорлиги ва рақобатдошлигини оширишда инновацион фаолиятни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Янги маҳсулот, хизматлар турини яратиш, янги технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш КУБ корхоналари барқарор ривожланишининг энг муҳим омили бўлиб қолмоқда. Маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, моддий ва меҳнат ресурсларини иқтисод қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда корхона фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ захира имкониятлар инновацион фаолият билан боғлиқ.

КУБ саноат корхоналарида инновацияларни киритишдан мақсад:

- ✓ фойдани ошириш;
- ✓ маҳсулот сифатини ошириш;
- ✓ маҳсулот таннархини пасайтириш;
- выделение в Инвестиционной программе в качестве специального направления объемов капитальных вложений на создание инженерной и транспортной инфраструктуры к малым промышленным зонам, что подразумевает оснащение создаваемых малых промышленных зон инженерной и транспортной инфраструктурой;

- переориентацию бюджетных ресурсов на первоочередное финансирование инфраструктурных проектов, оказывающих высокий кумулятивный эффект (подведение инженерных коммуникаций к местам более высокой концентрации предприятий промышленности, сельского хозяйства, услуг и населения) в целях более эффективного и рационального использования бюджетных средств.

³⁶ <https://review.uz/ru/post/konkurentosposobnost-imeet-reshayushee-znachenie-dlya-razvitiya-ona-sposobstvuet-uluchsheniyu-usloviy-jizni-grajdan-ekspert-ceir>

- оказание адресного содействия промышленным предприятиям для их восстановления (ожидаемый рост промышленности - 3,5%);
- разработку Стратегии промышленной политики на среднесрочную перспективу с определением новых драйверов развития и концентрацией финансирования «точек роста»;
- реализацию 14 отраслевых «дорожных карт конкурентоспособности» (автомобилестроение, сельхозмашиностроение, электротехническая, кожевенно-обувная, пищевая промышленность, производство строительных материалов, химия, текстиль, сельское хозяйство, фармацевтика);
- разработку программ роста производительности труда в экономике и каждой отрасли за счет оптимизации производственных затрат, внедрения современных технологий, цифровой автоматизации производственных процессов;³⁷
- снятие ограничений на осуществление государственных закупок товаров по соответствующим статьям госбюджета при условии их закупок у отечественных производителей. Проведение закрытых тендеров государственных и корпоративных закупок исключительно среди отечественных производителей по продукции. Строгий контроль за государственными закупками отечественных строительных материалов (цемент, металлопродукция);
- улучшение корпоративного менеджмента на предприятиях с участием государственной доли, подготовку их к приватизации, привлечение в этих целях иностранных специалистов, а также развитие рынка долговых инструментов и акций в целях ускорения процесса приватизации государственных предприятий;
- создание технопарков на примере бывшего «Ташкентского механического завода», на базе имеющихся в регионах, пустующих бездействующих и мало загруженных объектов;
- разработку на основе международных стандартов энергобаланса Узбекистана в разрезе отраслей (гармонизация энергобаланса страны с Международными рекомендациями по энергетической статистике (IRES), принятыми Статистической комиссией ООН, которые охватывают все аспекты процесса статистического производства, от базовых концепций, определений и классификаций до источников данных, стратегий составления данных, энергетических балансов, качества данных и распространения статистики, способствует снижению энергоемкости ВВП и повышению эффективности использования топливно-энергетических ресурсов);³⁸
- либерализацию рынка энергоресурсов (природный газ и электроэнер-

³⁷ <https://lex.uz/docs/5031048> (Указ Президента Республики Узбекистан № УП-6079 «Об утверждении стратегии «Цифровой Узбекистан - 2030» и мерах по её эффективной реализации» 05.10.2020 г.)

³⁸ Постановление Президента Республики Узбекистан 3 августа 2020 года №ПП-4796 «О мерах по дальнейшему совершенствованию и развитию национальной системы стати-

гия) с внедрением социального лимита или компенсационного механизма, что влечет оптимизацию работы энергосистемы Узбекистана и обеспечивает снижению совокупных затрат на производство, передачу и распределение энергии.

Крайне важно, понимать, что конкурентоспособность производственного сектора имеет решающее значение для развития и благосостояния и способствует улучшению условий жизни граждан.

Особо стоит отметить и то, что структурные изменения и модернизация производства является фундаментальным фактором преодоления бедности.

Своевременная и качественная реализация предложений по восстановлению и продолжению структурных реформ экономики в части развития конкурентоспособности промышленности позволит Узбекистану более успешно достигнуть поставленных целей в этом направлении.

Список использованной литературы

1. Указ Президента Республики Узбекистан 17 января 2019 года №УП-5635 «О Государственной программе по реализации Стратегий действий по пяти приоритетными направлениями развития Республики Узбекистан».

2. Указ Президента Республики Узбекистан 05.10.2020 года №УП-6079 «Об утверждении стратегии «Цифровой Узбекистан - 2030» и мерах по её эффективной реализации»

3. Постановление Президента Республики Узбекистан 9 сентября 2020 года № ПП-4821 «О мерах по ускоренному развитию пищевой промышленности республики и полноценному обеспечению населения качественной продовольственной продукцией»

4. Постановление Президента Республики Узбекистан 3 августа 2020 года №ПП-4796 «О мерах по дальнейшему совершенствованию и развитию национальной системы статистики Республики Узбекистан»

5. Щербakov В.Н. Ключевые проблемы инновационной деятельности промышленного предприятия. Журнал «Бизнес в законе». 2018

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЮКСАЛИШ БОСҚИЧИДА АҲОЛИ ТАРКИБИДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ ФАОЛ ЙЎНАЛИШЛАРИ

А.Б. Хайитов, и.ф.н.
доцент, ТДИУ

Аннотация. Мазкур мақолада мамлакат тараққиётининг юксалиш босқичида аҳоли таркибида камбағалликни қисқартиришининг фаол йўналишларининг ўрни ҳамда аҳамияти ёритилган. Аҳоли бандлигини таъминлашда янги иш ўринларини ташкил этиш ва шакллантириш ҳамда меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги режаларини амалга ошириш механизмларини, яратилган иш ўринларига биринчи навбатда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш вақтинчалик ҳақ тўланадиган жамоат ишлари касбга ўқитиш қайта ўқитиш ва малакасини ошириш, бандликка кўмаклашиш жамгармасидан субсидиялар ажратиш билан боғлиқ бўлган асосий йўналишлар ва бу борадаги бажарилиши лозим бўлган масалалар ўз аксини топган.

Калит сўзлар. Иқтисодиёт, янги иш ўринлари, давлат бюртмаси, аҳоли бандлиги, инвестиция лойиҳалари, яқка тартибдаги тадбиркорлик, вақтинчалик ҳақ тўланадиган жамоат ишлари, субсидиялар, касбга ўқитиш, қайта ўқитиш, малака ошириш.

Кириш. Ўтган 30 йиллик даврни мамлакат тараққиёти учун тикланиш ва юксалиш босқичларини ўз ичига олади. Бугунги кунда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муаммоси жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим макроиқтисодий хусусиятларидан бири бўлиб, ҳозирги кундаги энг долзарб муаммолардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида³⁹ аҳолини иш билан бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш, бунинг учун эса: "... янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблиги ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш" амалга оширилиши муҳим ҳисобланган устувор йўналиш сифатида белгиланган бўлиб, бундай мақсадларга эришиш учун "...меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва

³⁹ Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги, ПФ-4947-сонли Тошкент-2017

малакасини ошириш тизимини кенгайтириш” каби вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилади.⁴⁰

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган маросимдаги нутқида “Биз бундан буён ҳам аҳолимизнинг даромади ва турмуш даражасини мунтазам яхшилаб боришга жиддий аҳамият қаратамиз. Юртимизда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг ўзига хос янги тизими яратилганидан барчангиз яхши хабардорсиз. “Темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”, “меҳр дафтари”, “маҳаллабай” ишлаш усуллари айнан шу мақсадда жорий этилмоқда”⁴¹.

Меҳнат муаммолари, меҳнат ресурслари, жамиятнинг меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги масалалари билан шуғулланаётган кўплаб замонавий олимларнинг аксарияти ўз фикрларида ишлаб чиқариш омиллари ҳамда ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатини таъминлашда меҳнат бозорининг ҳал қилувчи роль ўйнашини эътироф қиладилар.

Тадқиқот методологияси. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотномалари ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Тадқиқотда тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, макроиқтисодий таҳлил, гуруҳлаш, эксперимент, декомпозиция, адаптив усуллар, инновацион ва интеграцион ёндашувлар, ёшлар ишсизлигини камайтириш бўйича халқаро тажрибалар таҳлили ва апробациясидан фойдаланилди

Тадқиқот натижалари. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахасизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечирishi, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Бугунги Глобаллашув шароитида ер юзида туб ўзгаришлар кечаётган мураккаб бир вазиятда Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда шунингдек, аҳоли, айниқса хотин-қизлар, ёшлар бандлигини таъминлаш, ишсиз фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилди.

Иқтисодчи олимлар И.А.Дубровин, А.С.Каменскийларни таъкидлашча, меҳнат бозорида юз берувчи жараёнлар мамлакатдаги демографик вазият, турли ёш жинс гуруҳлари динамикаси, туғилиш ва ўлим даражаси, қурилган никоҳлар

⁴⁰ Ўша асар.

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган нутқи. 2021 йил 31 август. lex.uz

ва амалга оширилган ажрашишлар сони, оила таркиби, оиладаги ўртача фарзандлар сони ва бошқа кўрсаткичлар билан бевосита боғлиқ⁴² бўлса, таниқли иқтисодчи профессор Ю.Г. Одегов, Г.Г. Руденколар эса, меҳнат бозори – иқтисодиётнинг муҳим элементи дидир, бу унинг шаклланиши ва амал қилишининг асосий қонуниятларини ўрганиш аҳамиятини белгилаб беради. Айнан унинг доирасида ишлаб чиқаришнинг муҳим омили – ишчи кучи олди-сотдиси жараёнларини амалга оширади⁴³ - деб таъкидлаганлар. Айни бир ҳолатда иқтисодчи олим профессор Г.П. Журавлева эса ишсизликни сақлаб қолиш мақсадида меҳнат бозорини тартибга солиш вазифаси қатор таркибий чораларга бўлинади, уларнинг баъзилари алоҳида тарзда амал қилиши мумкин⁴⁴ - деб, таъкидлаб ўтади.

Иқтисодчи олим, А.Я. Кибанов ўз тадқиқотларида, “Меҳнат бозори – бу ишчи кучи олди-сотдиси билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар йиғиндисини ўз ичига олувчи ижтимоий-иқтисодий тизимдир; бу шунингдек, иқтисодий муҳит - ишчи кучи харидорлари ва сотувчилари ўзаро муносабатда бўлувчи ишга жойлаштириш соҳаси, бу иш берувчилар ва тўлиқ ишчилар ўртасидаги меҳнат шартлари ва баҳосини келиштиришни таъминловчи механизмдир”⁴⁵, - деб асослашга ҳаракат қилган.

Иқтисодчи олим, А.И. Рофе, “бозор иқтисодиёти шароитида иш ҳақи – бу меҳнат учун ҳақ, унинг қиймати эса – бу талабнинг муайян меҳнат тури ва унинг тақлифи бўйича ўзаро муносабати натижасида меҳнат бозорида белгиланадиган меҳнат баҳосидир”⁴⁶-деб, баҳолайди.

Бизнинг фикримизча, меҳнат бозори - ишчи кучига талаб ва тақлиф ўртасидаги рақобатни тартибга солувчи очик ижтимоий - иқтисодий тизимдир.

Таҳсиллар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури доирасида бевосита Меҳнат вазирлиги маъсулигида 2017 йилда қабул қилинган ҳужжатлар сони 9 та ташкил этди.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони асосида ҳар йили “Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси”ни қабул қилиш механизми йўлга қўйилиб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари асосида ҳар йили 300-400 мингга яқин янги иш ўринлари ташкил этилиб келинмоқда. Ўтган 4 йил мобайнида жами 1,5 млн.та (*иундан, 2017 йилда 336,1 мингта, 2018 йилда 372,1 мингта, 2019 йилда 388,5 мингта, 2020 йилда 427,8 мингта*) доимий иш ўринлари ташкил этилди (*1-расм*).

⁴² И.А. Дубровин, А.С. Каменский “Экономика труда”. Учебник. Москва, 2012 г. Стр. 24-232.


⁴³ Ю.Г. Одегов, Г.Г. Руденко “Экономика труда” Учебник. Москва, 2011. Стр. 501. Об.ст 800.

⁴⁴ Г.П. Журавлева “Экономическая теория”. Учебник. Москва 2012. 240 стр. 920 стр.

⁴⁵ Под ред. Д.э.н. проф. Кибанова А.Я. Экономика и социология труда. 54 стр. 548 2012 г.


⁴⁶ Рафе А.И. Эк\ономика труда. –М., 2011-392 с. 304 стр.

Иккинчидан, ишсиз фуқароларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига кенг жалб этиш асосида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чоратadbирларни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги 799-сон қарори қабул қилинди.



1-расм. Ўзбекистонда янги иш ўринлари ташкил этилиши ҳолати (минг нафар)⁴⁷

Натижада, ўтган 4 йил мобайнида жами 1,2 млн. нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди ҳамда уларнинг иш ҳақи тўлови учун Жамоат ишлари жамғармасидан 1,0 трл.сўм молиялаштириб берилди. Шу жумладан, 2017 йил 27,1 минг нафар 12,0 млрд.сўм, 2018 йилда 355,9 минг нафар 305 млрд.сўм, 2019 йилда 263,2 минг нафар 278,4 млрд.сўм ҳамда 2020 йилда 521,7 минг фуқароларга иш ҳақи тўлови учун 496,7 млрд.сўм молиялаштирилиб берилган (2-расм).



2-расм. Ишсиз фуқароларни вақтинчалик ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш ҳолати⁴⁸

Учинчидан, ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахс-

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган

ларни ишга жойлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори қабул қилинди.

Бунинг натижасида, захираланган иш ўринларига 3 йилда жами 209,8 минг шундан, 2018 йилда 73,9 минг нафар, 2019 йилда 93,6 минг нафар, 2020 йилда Covid-19 пандемиясида корхона ва ташкилотларга вақтинчалик чекловлар ўрнатилиши сабабли 78,8 минг нафар ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар ишга жойлаштирилган.

Бу борада, 2018 йил 1 январдан бошлаб, халқаро стандартларга мувофиқ ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли сонини аниқлаш ҳар томонлама таҳлил қилиш, сифатли ва холисона баҳолаш бўйича методология амалиётга жорий қилинди.

Натижада, ишсизлик даражаси 2018 йилда 9,3 фоиз, 2019 йилда 0,3 фоизга камайиб 9,0 фоиз ва 2020 йилда коронавирус пандемияси сабабли жорий қилинган карантин чекловлари оқибатида 10,5 фоизни ташкил қилди.


Шунингдек, 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида расмий сектордаги банд аҳоли сони 5,7 млн.кишини ташкил қилиб, 2018 йил якунига нисбатан 0,6 фоизга ёки 329,4 минг кишига ошди.

2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон Фармони билан тасдиқланган Давлат дастурининг белгиланган вазифалар доирасида бевосита Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги масъулигида 12 та ҳужжат ишлаб чиқилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 сентябрда “Халқаро миграция ташкилоти конституциясини (Брюссель, 1953 йил 19 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида” ЎРҚ-510-сонли Қонуни қабул қилинди.

1. Меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш тизимини кенгайтириш, ишсиз фуқароларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларини моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 августда ПҚ-3913-сонли Қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, вазирликнинг ташкилий тузилмаси янгиланиб, вазирлик марказий девонида Кўникма, мувофиқлик ва малакани баҳолаш миллий тизимини мувофиқлаштириш бошқармаси, касбга қайта ўқитишни мувофиқлаштириш шўъбаси ҳамда битирувчиларни касбга йўналтириш шўъбалари ташкил этилди. Шунингдек, ягона инновациялар асосида Ўзбекистонда илк бор “Ишга марҳамат” банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатувчи “Мономарказ” МЧЖ ташкил этилиб, фаолияти йўлга қўйилди.

Бунинг натижасида, ўтган 3 йил мобайнида жами 109,5 минг ишсиз фуқаролар, айниқса ёшлар ва аёлларни касбга ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун 71,3 млрд.сўм (шундан, 2018 йилда 20,5 минг нафар, 12,8 млрд.сўм, 2019 йилда 36,8 минг нафар, 32,8 млрд.сўм, 2020 йилда 52,2 минг нафар, 25,5 млрд.сўм) ўқув харажатлари ва стипендия маблағлари Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан молиялаштириб берилди (3-расм).



3-расм. 2017-2020 йилларда касбга ўқитиш қайта ўқитиш ва малакасини оширишга юборилган фуқаролар тўғрисида⁴⁹

Давлат дастури доирасида аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги ПҚ-4227-сон қарорига мувофиқ, мамлакатимизда биринчи бор аҳоли бандлигини таъминлаш борасида бир нечта (янги) муҳим, фаол инструментлар жорий этилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, ишсизларни кафолатланган иш жойи билан таъминлаш ҳамда ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳолига Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тартиби тасдиқланди.

2019-2020 йиллар мобайнида жами 184,9 млрд.сўм бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан субсидия ажратиш ҳисобига 83,0 минг нафар (шундан, 2019 йилда 12,2 млрд.сўм, 12,9 минг нафар 2020 йилда 172,7 млрд.сўм, 70,1 минг) ишсизлар, кам таъминланган, айниқса “Темир дафтар”га киритилган оила аъзоларини бандлиги таъминланди (1-жадвал).

2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган Давлат дастурида бевосита вазирликка масъулигида сифатида 10та ҳужжат ишлаб чиқилди.

Хулоса ва таклифлар. Меҳнат бозоридаги барқарорикни таъминлаш, айниқса жаҳондаги пандемия инқирози жараёнида давлат томонидан ижтимоий-меҳнат муносабатларини бошқаришнинг энг муҳим ва устувор йўналиши эканлиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини берди.

Мамлакат тараққиётининг юксалиш босқичида аҳоли таркибида камбағалликни қисқаришишга айнан давлат томонидан амалга оширилаётган фаол йўналишларнинг самарали таъсири орқали эришилади.

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

**Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан субсидия
ажратиш бандлигини таъминланган фуқаролар тўғрисида⁵⁰**

| № | Худуд номи | 2019 йил | | | 2020 йил | | |
|----|------------------------------|-----------------|-------------------------------|--|-----------------|-------------------------------|--|
| | | Корхоналар сони | Бандлиги таъминланганлар сони | Ажратилган субсидия миқдори (млн. сўмда) | Корхоналар сони | Бандлиги таъминланганлар сони | Ажратилган субсидия миқдори (млн. сўм) |
| | Республика жами: | 687 | 12 926 | 12 166,5 | 955 | 70 115 | 172 742,4 |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 21 | 600 | 641,1 | 72 | 6 383 | 14 368,4 |
| 2 | Андижон вилояти | 99 | 1 020 | 798,2 | 73 | 7 327 | 15 063,9 |
| 3 | Бухоро вилояти | 68 | 1 907 | 2 228,7 | 66 | 4 455 | 13 829,9 |
| 4 | Жиззах вилояти | 41 | 458 | 315,0 | 41 | 3 792 | 6 682,5 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | 50 | 1 242 | 564,3 | 76 | 4 237 | 10 277,2 |
| 6 | Навоий вилояти | 24 | 1 159 | 1 078,8 | 40 | 3 914 | 7 873,6 |
| 7 | Наманган вилояти | 39 | 1 865 | 1 748,8 | 44 | 7 872 | 25 560,8 |
| 8 | Самарқанд вилояти | 24 | 761 | 720,1 | 88 | 6 941 | 17 332,3 |
| 9 | Сурхондарё вилояти | 52 | 900 | 1 172,7 | 135 | 7 633 | 19 923,5 |
| 10 | Сирдарё вилояти | 90 | 597 | 444,2 | 61 | 3 878 | 10 046,2 |
| 11 | Тошкент вилояти | 74 | 944 | 1 107,5 | 53 | 2 973 | 6 780,3 |
| 12 | Фарғона вилояти | 38 | 754 | 714,7 | 53 | 5 522 | 14 533,2 |
| 13 | Хоразм вилояти | 46 | 631 | 592,3 | 115 | 4 921 | 9 790,7 |
| 14 | Тошкент шаҳри | 21 | 88 | 40,1 | 38 | 267 | 680,0 |

Мазкур муаммоларнинг ўрганиш натижасида куйидаги асосий хулосаларга келдик:

– ҳар бир вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши меҳнат ресурслари сони таркиби, сифатини қай ҳолатда бўлиши шу худуд иқтисодий ривожланишига таъсир қилади. Бу эса, ўз навбатида вилоятнинг иқтисодий ижтимоий ривожланишининг истиқболларини белгилашда кенг фойдаланиш имконини беради, меҳнат ресурсларини таркибини ўрганиш билан боғлиқ ишлар етарли даражада амалга оширилмаган;

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

– иқтисодийётдаги таркибий ўзгаришлар, аҳолини иш билан бандлигига таъсири давлат секторининг қисқарилаётганлиги ёки нодавлат сектори улиши ҳозирги шароитда меҳнат бозорида таклиф этилаётган ишчи кучи салмоғи мониторинги олиб борилмаган;

– ҳар қандай ҳудудда аҳолининг самарали бандлиги, мазкур ҳудудларда аҳоли иш билан бандлиги дастурининг қай даражадаги бажарилиши билан белгиланади. Лекин ҳудудларда аҳолини иш билан бандлиги дастурини амалга ошишида айрим камчиликларга йўл қўйилган;

– меҳнат бозорини ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини ишлашга таъсир этувчи ҳудудий муаммоларни бартараф этиш чора -тадбирлари ишлаб чиқарилган, ушбу ҳолат меҳнат бозорида янада янги муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари эътиборга олинмаган.

Мақолада юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб, қўйидаги таклифларни берамиз:

- аҳолининг иш билан бандлиги таркибий тузилмасини такомиллаштириш ҳамда ишсиз темир дафтарга кирган аёллар ва ёшларни маҳаллабай тизими орқали меҳнат бозорида рақобатбардош касб-хунарга ўргатиш;

- ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, айниқса, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялашга эътиборни кучайтириш. Бу янги иш ўринлари яратиш билан бир қаторда ички ва ташқи истеъмолга мўлжалланган янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни ҳам кўзда тутади;

- туман ва шаҳар аҳоли бандликка кўмаклашиш марказлари фаолиятини такомиллаштириш. Бунда, ҳудудларнинг ижтимоий - иқтисодий ривожланиш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аҳолини иш билан таъминлаш учун ажратилаётган молиявий маблағларни оқилона тақсимлаш чора-тадбирларни амалга ишириш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган нутқи. 2021 йил 31 август. lex.uz*

2. *Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги йил ПФ-4947-сонли Тошкент-2017. lex.uz*

3. *И.А. Дубровин, А.С. Каменский "Экономика труда". Учебник. Москва, 2012 г. Стр.24-232.*

4. *Ю.Г. Одегов, Г.Г. Руденко "Экономика труда" Учебник. Москва, 2011. Стр. 501. Об.ст 800.*

5. *Г.П. Журавлева "Экономическая теория". Учебник. Москва 2012. 240 стр. 920 стр.*

6. *Под ред. Д.э.н. проф. Кибанова А.Я. Экономика и социология труда. 54 стр. 548 2012 г.*

7. *Рофе А.И. Экономика труда. –М., 2011-392 с. 304 стр.*

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО МИНТАҚАВИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИ СТАНДАРТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

И.О. Якубов,

*“Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозаштириш”
кафедраси доценти, ТДИУ*

С.Б. Хайитов,

*“Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозаштириш”
кафедраси ассистенти, ТДИУ*

Аннотация. Мазкур мақолада халқаро минтақавий ҳисоблар тизими стандартларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириши масалалари кўриб чиқилган. Бундан ташқари мақолада минтақавий ҳисоблар тизими асосида яли минтақавий маҳсулотни ҳисоблаш усуллари ва усуллар асосида ҳисоблаш тизими ўрганилган.

Калит сўзлар. Минтақа, минтақавий ҳисоблар, даромад, харажат, қўшилган қиймат, резидент, миллий ҳисоб, сўёт, ёлланма шичилар, яли қўшилган қиймат, бандлик.

Кириш.

Бугунги кунда минтақавий ҳисоблар тизими (МХТ) жахоннинг кўплаб мамлакатларида қўлланилади. Бу тизимлар халқаро ҳисоб-китоблар стандартлари ҳисобланади. Макроиқтисодий параметрларни ҳам ўз ичига олган миллий ҳисоблар тизими асосида ҳисобланади. (ЯИМ, СММ, МД, ШД, ИШД, ва бошқалар).

Маълумки, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожини ўрганишда маълум бир ахборотлар базасига эҳтиёж туғилади. Бу заруриятлар авваламбор ривожланиш борасида қарорлар қабул қилиш учун керак. Ҳозирда, минтақавий ҳисоблар тизими минтақавий даражадаги макроиқтисодий кўрсаткичлар борасидаги тадқиқотларда аҳамияти ортмоқда. Айниқса ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти таҳлилида бу ҳолат яққол намоён бўлади ва бунинг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

Биринчидан, мамлакат иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқаришда минтақаларро таҳлилларни амалга ошириш учун;

Иккинчидан, давлат бошқарувининг минтақалар ривожини таҳлил қилиш ва тартибга солиш инструменти сифатида мазкур ҳисобларнинг аҳамияти ортмоқда.

Адабиётлар шарҳи. Мақолани ёзишда муаллифлар бир қатор маҳаллий ва хорижий олимларнинг яли ҳудудий маҳсулотни динамикасини баҳолашдаги услубий ёндашуларга асосланишди.

Жумладан, И. Якубов ва бошқалар “Минтақавий иқтисодиёт” (2020) дарсида минтақавий ҳисоблар тизимини такомиллаштириш ҳақида тавсиялар берган [2, 20-бет].

С.В.Панков ва А.П.Цыпиннинг “Моделирование влияния социально-экономических факторов на валовой региональный продукт” (2015) номли асариде ижтимоий-иқтисодий омилларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотга таъсир даражаси белгилаб берилган [3, 243-бет].

Х.Абу ва И.В.Орловнинг “Сравнительный эконометрический анализ величины валового регионального продукта в регионах Российской Федерации” (2014) мақоласида эконометрик таҳлил асосларини баён қилади ва регрессия тенгламаси параметрларини баҳолайди, омилларнинг ЯХМга таъсирини тавсифлайди [4, п 9].

А.Нешадин ва В.Кашинларнинг “Динамика развития валового регионального продукта регионов РФ” (2013) мақоласида минтақаларни асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларга кўра фарқланиши тадқиқ этилади [5, с157].

С.С.Гордеев ва А.В.Кочеровнинг “Анализ и формализация динамики валового регионального продукта в условиях экономической нестабильности” (2014) омиллар таъсири ва ривожланиш даражасига қараб минтақаларнинг фарқланиши тўғрисида бир қатор хулосалар қилинади [6, с102].

Тадқиқот методологияси. Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг муттасил ўсиши минтақаларнинг келажакдаги ривожланишини ҳам белгилаб беради. Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг барқарор ўсиши минтақалар тараққиётининг асосий омилдир. Шу нуқтаи назардан, мақолада ЯХМнинг назарий ва услубий асосларини ўрганилган, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулот динамикасини таҳлил қилинган. Қиёсий ва таркибий таҳлил қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан фойдаланилган. Ўрганиш жараёнида таҳлил, синтез ва қиёсий таҳлил усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Минтақавий ҳисоблар тизими Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тавсия қиладиган миллий ҳисоблар тизимининг бир йўналиши ҳисобланади. Ялпи минтақавий маҳсулот (ЯММ) ни минтақавий ҳисоблар тизими МХТ асосида ҳисоблашни кўриб чиқамиз.

Айтиш жоизки, авваламбор ялпи минтақавий маҳсулот (ЯММ) ни (МХТ) асосида ҳисоблашнинг устувор йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

Ялпи минтақавий маҳсулот минтақалар кесимида:

- жорий баҳоларда ҳисобланади;
- ЯММ нинг физик ҳажми баҳоси индекси ҳисобланади;
- доимий баҳоларда ҳисобланади;
- даромадларни ҳисобга олган ҳолда уй хўжаликларининг пировард

истеъмолига қилинган харажатлар;

- асосий капиталнинг ялпи жамғармалари.

Юқоридаги кўрсаткичлар ялпи минтақавий маҳсулот (ЯММ) нинг шаклланиши, аниқроғи алоҳида тармоқларнинг қўшилган қиймати тўғрисида аниқ тасаввур беради. Хозирда, аксарият хамдўстлик мамлакатлари давр тақозоси билан (маъмурий хусусиятига қараб ЯММ ни ҳисоблайди). Ялпи минтақавий маҳсулотни ҳисоблашни члпи ички маҳсулот ҳисоблашнинг айнан ўзини қилиб олган. Бу борадаги қийинчиликлар турли мамлакатларда ҳар хил кечмоқда. Масалан, айрим мамлакатлардаги катта бир ҳудуд ва минтақа билан ўзаро мос келмаслигидадир. Ўзбекистонда ялпи минтақавий маҳсулот (ЯММ) ни ҳисоблашдаги зарур ахборот мавжуд. Шунинг учун ЯИМ ни бир оз қисқартириб ялпи минтақа маҳсулотини ҳисоблаш имконияти бор. Ўзбекистонда ялпи минтақавий маҳсулотни ҳисоблаш методологияси минтақавий ҳисоблар тизими (МХТ) халқаро стандарти ялпи минтақавий маҳсулотни ҳисоблаш қуйидаги усулларга таянади: “Қуйидан” – “Юқорига” ва “Юқорига” – “Қуйига” ёки “аралаш” усуллардан фойдаланилади.

- “Қуйидан” – “Юқорига” усулининг бирламчи ахбороти минтақа резидентлари суммасига таянади. Миллий даражадаги барча минтақалар суммасининг миллий даражасига.

- “Юқоридан” – “Қуйига” усули бирламчи ахборот базаси миллий даража кўрсаткичларидан минтақалар даражасигача тақсимланади. Бу усул минтақавий ва миллий кўрсаткичларни мувофиқлаштиради.

- “Аралаш” усули биринчи ва иккинчи усулларни комбинациясидир.

Ҳозирги кунда иқтисодий маконларни барқарор ва инновацион ривожлантиришга кучли эҳтиёж сезилмоқда. Шу нуқтаи нзрдан иқтисодий макон-минтақаларнинг иқтисодий фаолиятини ўзида акс эттирадиган кўрсаткичлар тизимини яратиш муҳим аҳамият касб қилмоқда. Ана шундай тизим миллий ҳисоблар тизими ва минтақалар даражасида унинг, яъни минтақавий ҳисоблар тизимининг мантиқий давоми ҳисобланади. Минтақавий ҳисоблар тизими – минтақа кўрсаткичларининг комплекс тизимидир. У минтақадаги хўжалик субъектлари фаолиятини акс эттиради. Бошқача айтганда институционал бирликларни иқтисодий операцияларини ўзида акс эттиради. Иқтисодий операцияга, иқтисодий муносабатларга қирувчи институтларнинг барча молиявий ва номолиявий активлари харакатини ўзида ифода қилади. Минтақавий ҳисоблар тизимини ўзига ҳос мақсади қуйидагилардан иборатдир:

- алоҳида минтақа даражасида макроиқтисодий таҳлил орқали минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожланиш сиёсатини ишлаб чиқилади.

- минтақалараро таққослаш орқали улар ўртасидаги тафовутларни аниқланади;

- миллий ҳисоблар тизими ва Минтақавий ҳисоблар тизими ўртасида интеграциялашган тизим яратиш ҳисобланади.

Минтақавий ҳисоблар тизими асосий методологияси уни миллий ҳисоблар тизими базасида ишлаб чиқишдир. Бошқача қилиб айтганда, минтақавий ҳисоблар тизими миллий ҳисоблар тизимининг синтези. Биринчи марта бу методологияни ишлаб чиқишга кўл урган олим, Нобел мукофоти лауреати (ўтган асрнинг 50 йиллар бошида) Роберт Стоундир.

Минтақавий ҳисоблар тизими – бу Миллий ҳисоблар тизимини тўғридан тўғри минтақалар даражасига ўтказиб қўйиш – деган тушунча нотўғри эмас. Нима учун? Чунки минтақавий ҳисоблар тизимига бўлган зарурият бир тарафдан, минтақавий иқтисодиётни очиқ иқтисодиёт эканлигида бўлса, иккинчи томондан, минтақалар даражасида миллий ҳисоблар тизимида ўзининг аксини топадиган миллий иқтисодиёт даражасидаги қатор фаолиятларни йўқлиги ёки бу фаолиятлар олиб борилмаслиги ва ҳисобга киритилмаслигидадир. Ҳозирги кунгача минтақавий ҳисоблар тизимини ягона стандарти Европа Иттифоқи мамлакатларида мавжуд. Алоҳида минтақаларда минтақавий ҳисоблар тизимини ишлаб чиқилишини қийинлигини ҳисобга олиб, Евростатнинг тавсияларидан фойдаланишга маслаҳат берилади. Бунда, яъни Евростатнинг минтақавий ҳисоблар тизими стандартида ҳар қайси минтақа алоҳида иқтисодий бирлик-деб қаралади. Бу ҳолда минтақаларнинг бошқа бир минтақалар билан бўладиган транзакциялари ўзига ҳос ташқи, ҳатто ташқи дунё билан алоқа - деб қаралади. Бундан ташқари айрим иқтимодий активлар ҳудуд ташқарисида- деб ҳисобланади. Булар:

- а) миллий хаво макони, трансчегаравий сувлар
- б) ҳудудий ташкилотлар, Элчихона ва Консуликлар;
- в) халқаро сув хавзалари қаридаги фойдали қазилмалар.

Назарий жиҳатдан минтақа даражасида ҳам товар ва хизматлар ҳисоби (счети), ишлаб чиқариш ҳисобламалари, даромадларнинг бирламчи ва иккиламчи таққослаш счети, даромадлардан фойдаланиш ҳисоби, капитал операциялар ҳисобларини ишлаб чиқиши мумкин. Амалда эса, бу ҳисобламаларни амалга ошириш қатор қийинчиликларга дуч келади. Буларни ҳисоблаш авваламбор, методологик ва ахборот борасидаги қийинчиликларга бориб тақалади. Кўпинча минтақавий ҳисоблар-тармоқларнинг ишлаб чиқариш фаолияти, уй хўжаликлари, маҳаллий ҳокимият фаолияти билан чекланиб қолади.

Айнан, мана шу чекланганликни ҳисобга олиб, Евростат қуйидаги кўрсаткичларни ҳисоблашни тавсия қилади.

1. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган минтақавий тармоқ агрегатлари, булар:

- ялпи қўшилган қиймат;
- ёлланма ишчилар иш ҳақи;
- умумий бандлик;
- асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши.

2. Ялпи минтақавий маҳсулот;
3. Уй хўжаликлари минтақавий ҳисобламалари.

Агарда солиқлар ва маҳсулотларга берилган субсидиялар маълум бўлса, яъни аниқ бўлса, ялпи минтақавий маҳсулот бозор баҳоларида ҳисобланади ва бу халқаро стандартга мос келади. Агар бу маълумот бўлмаса, асосий баҳоларда ҳисобланади. Бу ҳолда ялпи минтақавий маҳсулот ҳолатини бозор нуқтаи назаридан орқага кетиш билан изоҳлаш мумкин.

Жами ялпи минтақавий маҳсулот (Ўзбекистондаги 14 та минтақа) ЯИМ дан минтақалар ўртасида тақсимланмайдиган катталиқ ёки ҳажмда кам бўлади. Турли вақтларда тақсимланмайдиган қисм ўзгариб туради. Масалан, ташқи савдонинг қўшилган қиймати минтақалар бўйича тақсимланмас эди. Шунингдек, бозорни амал қилишини таъминловчи тижорат фаолияти, алоҳида нобозор коллектив хизматлари, мудофага хизмат қилувчи молиявий хизматлар ва бошқалар ҳам тақсимланмаган қисмга киради. Минтақалар бюджетини режалаштиришда ва уни мониторинг қилиш фаолиятида ялпи минтақавий маҳсулотдан фойдаланилади.

Минтақавий ҳисоблар тизимида унинг счетларини ҳисоблашда қайси кўрсаткичлари асосий баҳоларда ва қайси кўрсаткичларни бозор баҳоларида минтақавий ҳисоблар тизимини кўриб чиқиш лозим. Бунда минтақавий ҳисоблар тизимининг қуйидаги ҳисобламалари шаклланади:

- ишлаб чиқариш ҳисобламаси;
- даромадлар ҳосил бўлиш ҳисобламаси;
- даромадлардан фойдаланиш ҳисобламаси;
- капитал операциялаи ҳисоби;
- товар ва хизматлар ҳисоби.

Ишлаб чиқариш ҳисобламасини тузишда иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий баҳолардаги ялпи минтақавий маҳсулот ва қуйидагилар ҳисоблаб чиқилади:

- а) асосий баҳоларда Ялпи ишлаб чиқариш;
- б) оралиқ истеъмол;
- в) ялпи қўшилган қиймат.

(а-б) = Ялпи қўшилган қиймат, яъни асосий баҳолардаги ялпи миллий маҳсулот. Бу ерда нима ҳисобланмайди? Маҳсулотга солиқлар кирмайди. Субсидиялар эса киради. Миллий ҳисоблар тизимида ҳам минтақавий ҳисоблар тизимида ҳам қўшилган қиймат асосий баҳоларда ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у субсидияларни ўз ичига олади. Аммо маҳсулот солиқни ўз ичига олмайди. Маҳсулотга солиқ тўлови ишлаб чиқарилган маҳсулот ва амалга оширилган хизмат баҳосига боғлиқ (қўшилган қиймат солиғи, реализациядан солиқ, акциз солиқлар). Шу ўринда айтиш жоизки, соф солиқлар солиқлардан субсидияларни айирмасига тенг бўлади. Демак, ялпи қўшилган қиймат ёки ялпи минтақавий маҳсулот бозор баҳоларида қуйидагига тенг бўлади:

ЯММ(ялпи минтақавий маҳсулот)=ЯИ-ОИ=ЯҚҚ(асосий баҳоларда)+ маҳсулотга соф солиқ+ импортга соф солиқ.

Бу юқорида айтиб ўтилган ишлаб чиқариш усули ёки қўшилган қиймат усулида ҳисобланади. Куйидаги жадвал ҳам айнан шу усулда ҳисобланган.

Шунингдек, ялпи минтақавий маҳсулотни ҳисоблашни иккинчи усули бу- тақсимот усули ҳамда, учунчи усул пировард истеъмол усули ҳам мавжуд. Бу усуллар бўйича ҳисоблашда Ўзбекистонда ахборот базасидаги муаммолар бор. Тақсимот усулида ялпи минтақавий маҳсулот = Минтақалар ялпи фойдаси + ялпи аралаш даромад + иш ҳақи + ишлаб чиқариш ва импортга соф солиқ йигиндисида иборат.

1-жадвал

Аҳоли жон бошига ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот ҳажми⁵¹

(Жорий нархларда, минг сўм)

| Минтақалар | 2015й. | 2016й. | 2017й. | 2018й. | 2019й. | 2020й. |
|--------------------------------|----------------|----------------|----------------|-----------------|-----------------|-----------------|
| Ўзбекистон Республикаси | 6 715,4 | 7 614,2 | 9 340,8 | 12 339,1 | 15 190,9 | 16 949,1 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 3 504,1 | 4 453,8 | 5 597,6 | 8 086,9 | 10 126,2 | 11 093,5 |
| <i>Вилоятлар:</i> | | | | | | |
| Андижон | 4 672,3 | 5 322,1 | 6 429,7 | 8 720,1 | 10 732,7 | 12 006,0 |
| Бухоро | 6 563,8 | 7 532,5 | 8 888,1 | 11 254,4 | 14 338,4 | 15 892,4 |
| Жиззах | 5 002,2 | 5 702,5 | 6 967,3 | 9 019,7 | 11 302,4 | 12 494,3 |
| Қашқадарё | 5 520,5 | 6 268,3 | 6 571,7 | 7 920,5 | 9 595,4 | 10 466,5 |
| Навоий | 11 088,3 | 12 383,0 | 14 975,0 | 22 786,2 | 36 479,6 | 48 747,0 |
| Наманган | 3 976,4 | 4 636,4 | 5 419,0 | 6 619,5 | 8 319,8 | 9 380,5 |
| Самарқанд | 4 950,8 | 6 034,0 | 6 937,2 | 8 307,9 | 9 719,9 | 10 831,7 |
| Сурхондарё | 4 427,1 | 4 737,8 | 5 506,7 | 7 002,9 | 8 299,2 | 9 040,6 |
| Сирдарё | 6 050,2 | 7 175,0 | 7 945,8 | 9 802,3 | 13 672,3 | 14 274,7 |
| Тошкент | 7 582,9 | 8 083,9 | 9 787,6 | 13 463,8 | 18 409,5 | 21 113,1 |
| Фарғона | 4 517,5 | 4 891,4 | 5 521,9 | 7 287,2 | 8 558,6 | 9 651,1 |
| Хоразм | 4 894,5 | 5 543,3 | 6 397,8 | 8 373,6 | 9 987,0 | 11 076,9 |
| Тошкент шаҳри | 10 989,3 | 13 749,4 | 18 125,0 | 23 433,5 | 30 860,7 | 33 747,8 |

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида таёрланди.

Пировард истеъмол усулида ҳисобланадиган ЯИМ = пировард истеъмол + ялпи жамгарма + соф экспорт йигиндиларидан иборат бўлади. Даромадлар ҳосил бўлиши ҳисобламаси солиқ, субсидиялар ва ишлаб чиқарувчилар орасидаги ўзаро ҳаракатни ифодалайди. Даромадлардан фойдаланиш - яъни, ихтиёридаги даромадни қандай қилиб пировард истеъмол ва жамгармага бўлинишини ифодалайди.

2-жадвал

Худудлар ялпи худудий маҳсулотининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши⁵²

| Йиллар | 2000 | 2005 | 2010 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 |
|--------------------------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|
| Ўзбекистон Республикаси | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |
| <i>худудлар:</i> | | | | | | | | |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 3,4 | 3,3 | 2,7 | 3,0 | 3,3 | 3,4 | 3,7 | 3,7 |
| Андижон | 7,4 | 7,0 | 5,9 | 6,4 | 6,4 | 6,3 | 6,5 | 6,4 |
| Бухоро | 6,4 | 6,4 | 6,0 | 5,6 | 5,7 | 5,5 | 5,2 | 5,2 |
| Жиззах | 2,6 | 3,2 | 2,8 | 3,0 | 3,0 | 3,0 | 3,0 | 3,0 |
| Қашқадарё | 7,2 | 8,3 | 8,9 | 7,9 | 7,9 | 7,5 | 6,9 | 7,1 |
| Навоий | 4,5 | 6,9 | 5,6 | 4,9 | 4,8 | 4,7 | 5,4 | 7,2 |
| Наманган | 5,3 | 4,5 | 4,3 | 4,9 | 5,0 | 4,8 | 4,4 | 4,5 |
| Самарқанд | 8,1 | 7,3 | 8,4 | 8,4 | 9,0 | 8,5 | 7,7 | 7,3 |
| Сурхондарё | 5,1 | 4,5 | 4,3 | 5,0 | 4,8 | 4,5 | 4,4 | 4,4 |
| Сирдарё | 2,6 | 2,5 | 2,1 | 2,3 | 2,4 | 2,1 | 2,0 | 2,0 |
| Тошкент | 10,8 | 11,4 | 9,7 | 10,0 | 9,4 | 9,2 | 9,5 | 9,8 |
| Фарғона | 11,5 | 8,9 | 6,9 | 7,5 | 7,1 | 6,6 | 6,5 | 6,4 |
| Хоразм | 4,4 | 3,7 | 3,5 | 4,0 | 4,0 | 3,8 | 3,7 | 3,7 |
| Тошкент ш. | 12,2 | 11,9 | 11,7 | 12,5 | 13,7 | 13,5 | 13,5 | 14,6 |
| Жами ЯҲМ | 91,5 | 89,8 | 82,8 | 85,2 | 86,5 | 83,3 | 82,5 | 85,4 |
| Тақсимланмаган қисм | 8,5 | 10,2 | 17,2 | 14,8 | 13,5 | 16,7 | 17,5 | 14,6 |

Худудий якуний истеъмолни ҳисоблашда, минтақанинг моддий ва молиявий ресурсларининг муҳим қисми бошқа минтақалар билан алмашиниш йўли билан шакланганлиги ва бу алмашинувни рўйхатдан ўтказиш қийин бўлганлиги сабабли қийинчиликлар пайдо бўлади; натижада фойдаланиш кўрсаткичлари ҳажми худудий даражада ишлаб чиқариш ҳажмини акс эттирмаслиги мумкин, яъни фойдаланиш ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари Худудий даражада мувозанатлашмайди. Юқоридаги омиллар ЯҲМни ишлаб чиқариш усули

⁵² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган

билан минтақа иқтисодиётининг барча тармоқлари учун тармоқларда ишлаб чиқарилган қўшилган қийматлар йигиндиси сифатида ҳисоблашни тақозо этади. Маълумки, саноатнинг қўшимча қиймати ҳисобот даврида ишлаб чиқариш товарлар ва хизматлар қиймати (ишлаб чиқариш) ва ишлаб чиқариш жараёнида (оралиқ истеъмол) шу даврда истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Худудий ишлаб чиқариш, оралиқ истеъмол ва қўшимча қийматни ҳисоблаш методологияси республика даражасидаги принцип асосида амалга оширилади.

Хулоса. Юқорида айтиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси ҳам Халқаро миллий ҳисоблар тизими (МХТ) ва халқаро минтақавий ҳисоблар тизими стандартлари имкониятларидан тўла кенгайтириш имкониятларини кенгайтиришлозим. Бу биринчи навбатда бозор маҳсулотлари ва хизматларини тўла ва аниқ ҳисобга олиш имкониятларини яратади. Бу стандартлар авваламбор бозор механизмларининг ишлашига кенг йўл очиб бериши исботланган. Албатта, бунинг учун ахборот базасини, авваламбор тақсимот, пировард истеъмол, даромадлар ҳосил бўлиши ва улардан фойдаланиши борасидаги ахборот базасини йўлга қўйишни тақозо қилади ва буни амалга оширишнинг имконияти мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Т.: "Ўзбекистон", 2017й.
2. Якубов И. ва бошқалар "Минтақавий иқтисодиёт" (2020) [2, 20-бет].
3. Панкова С.В., Цытина А.П. Моделирование влияния социально-экономических факторов на валовой региональный продукт //Вестник Оренбургского государственного университета. 2015. №13. С. 243-248.
4. Абу Х., Орлова И.В. Сравнительный эконометрический анализ величины валового регионального продукта в регионах Российской Федерации//Современные наукоемкие технологии. 2014 № 7, С, 9-10.
5. Нецадин А., Кашин В. Динамика развития валового регионального продукта регионов РФ // Общество и экономика. 2013 № 6 С. 157-170.
6. Гордеева С.С., Кочеров А.В. Анализ и формализация динамики валового регионального продукта в условиях экономической нестабильности //Вестник Челябинского государственного университета. 2014. № 15. С. 102-107.
7. Королев М.А., Иванов Ю.Н., Карасева В.А. Опыт стран СНГ в измерении ненаблюдаемой экономики. // Вопросы статистики, №11/2004.
8. Бреднева Л.Б. К вопросу об измерении дифференциации регионов по уровню экономического развития //Вестник ХГАЭП. 2015. №1. С 75-77
9. Якубов И.А., Расулова И.А. Конкурентоспособность экономики регионов. Монография. Изд. Ўзбекистан. 2007 г.

МАҲАЛЛАНИ ИЖТИМОЙ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КЛАСТЕР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ғ.Э. Захидов,

*“Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш”
кафедраси доценти, ТДИУ*

М.Ш. Жалолова,

таънч докторанти, ТДИУ

Аннотация. Маҳалла давлат бошқарув тизими ва жамият учун, энг аввало, оила билан бевосита алоқада бўладиган тузилма сифатида зарур ва муҳимдир. Ижтимоий манфаатлар тизимида айнан маҳалла аҳолига энг яқин бўлиб, одамларнинг кайфияти, қизиқишлари ва орзу-ниятларини яхши ҳис қилади. Айнан маҳаллада давлат ва оила ўртасида энг узвий ўзаро алоқалар йўлга қўйилган. Бундай ўзаро ҳамкорлик оила ва маҳалла учун асосий ахборот манбаи бўлган ҳолда манфаатларни бир-бирига боғлайди.

Шуни инобатга олганда, Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгилаб берган мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни янада юқори пағонага кўтариши юзасидан қўйилган устувор вазифалар билан бирга аҳоли фаровонлигини, тинч осойишта яшашини таъминлаш вазифалари қўйилган. Бунинг учун тадқиқотда фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари роли ва мавқеини янада мустаҳкамлаш, маҳалла институтини қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш, оилалар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, ҳар бир маҳаллада янги меъзон ва тамойилларга асосланган йўналишларни ҳисобга олувчи кластерлар тизимини жорий этиш ўта долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Калитли сўзлар. Маҳалла, оила институти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, кластер, инновацион ривожланиш, фуқаролар йиғини, маҳалла комплекси, аҳоли бандлиги, камбағалликни қисқартириш, давлат-хусусий шериклиги, платформа, аҳоли фаровонлиги.

Кириш. Маҳалла мамлакатимизда энг кичик ҳудуд сифатида фаолият юритади. Ҳозирга кунда маҳаллалар ҳудудида 9 мингдан ортиқ фуқаролар йиғини ўз функцияларини бажариб келмоқда. Маҳалла фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида 18 минг киши ишлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сонли Фармони билан тасдиқланган “Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги” тузилмаларида 2059 киши бошқарув фаолиятини олиб боради. Миқёси бўйича ушбу соҳанинг ҳудудий тузилмаларида кенг миқёсли ташкилий – ҳуқуқий, ижтимоий – иқтисодий ҳамда бошқарув функция ва вазифалари ҳал этилади. Шу билан бирга

маҳалла тизимида ҳал этилаётган вазифалар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ўта мураккаб ва кенг қамровли ҳисобланади.

Шулар билан бир қаторда, мамлакатимизда амалга оширилаётган институционал ва иқтисодий ислохотлар жараёнида маҳалла ва оила институтларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг янги бошқарув тизими шаклланди [1]. Унинг негизини “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган янги тизимни амалиётга киритиш гоялари ташкил этади. Шуларни эътиборга олганда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўлаган Мурожаатномасида [2] “Маҳаллани институционал асосларини янада такомиллаштириш, маҳалланинг нуфузини, унинг ресурс ва имкониятларини ошириш бўйича дастур ишлаб чиқиш зарурлиги” алоҳида таъкидланган. Шуларни ҳисобга олганда “маҳаллалардаги муаммоларни ўрганиш ва уларга ечим топиш зарур”. Шу нуқтаи назардан қараганда, республикамизда маҳаллани янги меъзон ва дастурлар асосида фаол қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан устувор ривожлантириш ва уни бошқариш долзарб ҳисобланади.

Шу билан бир вақтда, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, кичик тадбиркорлик фаолияти, уларнинг бозор муносабатларида иштироки Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишнинг ҳозирги босқичида мамлакатни инновацион ривожлантириш, барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш талабларидан ортда қолмоқда. Ҳозиргача маҳалланинг фаолият юритиши ва ривожланиш қонуниятлари тўғрисида тизимлаштирилган билимлар етишмаслиги, улар фаолиятини тартибга солувчи, қўллаб-қувватловчи ҳамда рағбатлантирувчи институтлар етарли даражада ривожланмаганлиги кутилган натижаларга тўлиқ эришишга тўсиқ бўлаётган сабаблардан саналади. Айни пайтда маҳаллаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган фуқароларни иш билан банд қилиш ва қўшимча даромад топишга янада кенг имкониятлар яратиш, бунинг учун маҳалла ҳудудларида мавжуд ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Ушбу ҳолатларни ҳисобга олиб, рақамли технология асосида маҳалла ва оилани ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришнинг инновацион лойиҳаларини ҳал этиш долзарб ҳисобланади. Хорижий ҳамда мамлакатимиз амалий тажрибаларини ҳисобга олганда маҳалла аҳолисини ўзини-ўзи бандлигини таъминлашнинг ҳамда маҳалла комплекси доирасида давлат билан хусусий шериклик субъектлари ҳамкорлигини ўз ичига олувчи кўп тармоқли ҳудудий кластерлар тизимини яратиш ва амалиётга жорий этиш шулар қаторига киради.

Шу билан бир вақтда маҳаллани ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жиҳатдан мустаҳкамлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи янги институционал

ташкilotлар, кичик бизнес субъектларини ташкил қилиш юзасидан тақлифлар асосланади. Тадқиқотда шунингдек, ҳозирги даврда муҳим аҳамиятга эга бўлган маҳаллани бошқаришнинг ахборот сервис хизмати кўрсатишнинг рақамлаштириш тизимига ўтиш зарурдир.

Шуларни инобатга олганда тадқиқотнинг асосий мақсади - маҳалла институтини рақамли технологиялар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг кўп босқичли ҳудудий кластерлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили.

Ўзбекистонда маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш муаммоларига кўплаб олим ва мутахассисларнинг илмий ишлари бағишланган. Уларда маҳалла ва оилани жамиятдаги ижтимоий ҳамда иқтисодий муносабатлардаги ўрни ва роли, аёлларни ҳимоя қилиш муаммоларига эътибор қаратилган [6, 7, 12, 13, 14].

Тадқиқотчи Ш.Ш.Толипова [6] тадқиқотларида биринчи марта “Маҳалла” сўзининг моҳияти XI асрда Маҳмуд Қашқарийнинг “Девони луғатит-турк” асарида қўлланилганлиги ва у савдо-хунармандчилик мавзеи маъносини англатганлиги эътироф этилган. О.Р.Топиқдиев ишида, анъанавий тарзда маҳалла (жамоа; мавзе) бир мавзе аҳолисини қамраб олувчи, қўшниларга ёрдам берувчи, ўзини-ўзи бошқарадиган ҳудудий бирлашма сифатида қаралган.

Россиялик тадқиқотчи Т.А.Гурьонинг [8] илмий тадқиқотларида оила институтининг ривожланиши билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган. Муаллиф ўз ишида “Болаларнинг турли оилалар таркибида (отасиз, онасиз ёки ота-онасиз) муваффақиятли ривожланишига кўпроқ камбағаллик, ишсизлик, кам молиялаштирилмаган мактаб ва давлат хизматларида йўл қўядиган хатолар салбий таъсир кўрсатади ва уларни изчил камайтириб бориш зарур” деб таъкидлаган.

Ўзбекистонда оила моделлари шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда унинг янги моделига ўтиш билан боғлиқ муаммолар Д.Ғ.Тошмуҳаммедова ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган [12].

Шунингдек, маҳалла ва оила институтларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш муаммолари ва унинг алоҳида жиҳатлари, хорижий илмий тадқиқот институтлари ҳамда яқка тадқиқот олиб борувчилар билан боғлиқликда амалга оширилган [10, 11]. Унда хорижий илмий манбалардан интернет тармоқлари орқали олинган ахборотлардан кенг фойдаланилган. Шу билан бир қаторда, маҳаллани ривожлантириш билан боғлиқ тадқиқот ишлари етарли эмас. Айниқса, маҳалла ҳудудида кластер тизимини жорий этишнинг илмий-услубий жиҳатлар ўрганилмаган.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва аҳоли даромадларининг юқори даражасини таъминлашда жиддий муваффақиятларга эришган хорижий

мамлакатлар (коронавирус пандемиясидан илгари), шунингдек, Ўзбекистоннинг ривожланиш тажрибаси шундан далolat берадики, маҳаллани ривожлантиришга қаратилган ташаббуслар нафақат бандликни таъминлашда, балки оила даромадларини кўпайтириш, шу билан бирга ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарор омиллари сифатини оширишда тобора кўпроқ аҳамият касб этади.

Ҳозирги карантин вақтида дунё мамлакатларининг аксарият қисмини оилавий ҳамкорликни ташкил қилиш, оилани ижтимоий ва иқтисодий устуниклари, унинг субъектлари фаолият кўрсатишининг юқори самарадорлигини ва узок вақт давом этишини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Тадқиқотнинг методологияси.

Ўзбекистонда маҳалла ва оила институтларининг фаолият юритишини қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш қатор омиллар ҳамда шарт-шароитларга боғлиқ. Маҳалла ва оилани янада ривожланиши хорижий тажрибаларга қараганда кластер механизмини кенг жорий этишни талаб этади.

Шуларни ҳисобга олганда маҳалла комплексда кластер механизмини жорий этиш учун дастлаб кластер тизими назарий жиҳатдан таҳлил қилиниши керак (индуктив ёндашув). Кейин эса кластерни шакллантирувчи асосий омиллар таҳлил қилиниши мумкин (дедуктив ёндашув). Ушбу методологик ёндашувни ҳисобга олиб, маҳалла ҳудуди комплексда кўп босқичли кластер тизими яратилади ва уни назарий асослари ишлаб чиқилади. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– Ўзбекистонда маҳалла ва оила институтларини ривожланиш тенденциялари ва қонуниятларини ўрганиш ва улар тўғрисида янги билимлар олинади;

– чет эл ва мамлакатимиз тажрибалари асосида маҳалла кластерининг ижтимоий-иқтисодий функциялари ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг институционал ва ҳуқуқий асослари такомиллаштирилади, янги қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаси асослари ишлаб чиқилади;

– маҳалла фуқароларининг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва маҳалла тизимини ривожлантириш тамоиллари ва йўналишлари асосланади;

– маҳалла ва оила тизимини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмаларини шакллантириш босқичлари асосланади;

– хорижий ва мамлакатимиз олимлари тадқиқотлари негизида аҳоли фаровонлиги ва бандлиги даражасини ҳисобга олиб, оила моделини трансформация қилиш меъзонлари ва тамоиллари асосланади;

– ижтимоий тадбиркорлик соҳасида давлат-хусусий ҳамкорлигини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилади ва жорий этилади;

– маҳалла ҳудудида рақамли сервис хизматлари кўрсатишининг ахборот-коммуникация платформасини яратишнинг услубий асослари ишлаб чиқилади.

Тадқиқот жараёнида олинган маҳалла ва оилани ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва ривожланиши тўғрисидаги қонуниятлар, тамоиллар, илмий хулосалар ва таклифлар, ишлаб чиқилган амалий тавсиялар маҳалла ҳудудида кластер тизимини ривожлантиришда муҳим методологик аҳамиятга эга ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар.

Ўзбекистонда маҳалла ҳудудларини ривожлантиришга ҳукуратимиз томонидан катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бундай йўналишлардан бири – бу маҳалла ҳудудида оила тадбиркорлигини янада ривожлантириш учун кредитлар ажратиш ҳисобланади. Фақат 2020 йил декабр ойининг ўзида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 765 млрд. сўм, шундан, «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури бўйича 597 млрд. сўм кредитлар ажратилган. Энг юқори ҳажмдаги ажратилган кредит 2020 йилнинг июнь (902 млрд. сўм), июль (883) ва август (685) ойларига тўғри келган. Худди шундай тенденция «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури бўйича ҳам кузатилади.

Жами оилавий тадбиркорлик соҳасига 2020 йилда 214 мингта лойиҳага 6,1 трлн. сўм имтиёзли пул кредити ажратилган. Ушбу кредитларнинг 78 фоизи (4,8 трлн. сўми) «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури, 22 фоизи (1,3 трлн. сўми) бошқа дастурлар ҳиссасига тўғри келади.

Мазкур маблағларнинг 1 трлн. 620 млрд. сўми хотин-қизлар тадбиркорлигини, 1 трлн. 840 млрд. сўми ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга ажратилган.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш яқка тартибдаги тадбиркорларга дастурлар доирасида ажратилган кредитларнинг 2 трлн. 479 млрд. сўми (41 фоизи) юридик шахсларга ажратилган. Бунда асосий эътибор аҳолини қўшимча даромад манбаларига эга бўлишига ҳамда кафолатланган янги иш ўринларини яратишни назарда тутувчи тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга қаратилди.

Маҳаллада янги иш ўринларини яратиш кластер тизими доирасида қатор ўзига хос муаммоларни ҳал этишни талаб этади. Бундай муаммолар маҳалла ҳудудида иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ривожланишни таъминлайдиган илмий ва технологик занжирларни шакллантириш билан боғлиқ ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан биз маҳалла кластери доирасида ҳал этиладиган асосий вазифаларни белгиладик:

1. Маҳалла ҳудудида фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимини ривожлантириш ва маҳалла комплексларининг кластер тизимини яратиш.

Кластер (иқтисодий маънода) – маълум бир ҳудудлар тўпланган ўзаро боғлиқ ташкилотлар гуруҳи ҳисобланади. Улар маҳсулот ишлаб чиқарувчи (хизматлар кўрсатувчи) компаниялар, корпорациялар, олий таълим ва илмий-тадқиқот

институтлари, банклар ва бошқалардир. Бундай компаниялар кластерлар билан бир-бирини ўзаро тўлдирди ва рақобат муҳитини кучайтиришга асос яратиб беради.

Иқтисодий тармоқлари ҳамда алоҳида ҳудудларда ишлаб чиқариш кооперациясига асосланган кластерли ёндашув иқтисодий самарали усул эканлиги тажрибада ўз исботини топган. Ривожланишнинг кластери назариясининг асосчиси М.Портер ҳисобланади.

М.Портернинг фикрича, кластерлар давлат иқтисодиёти учун ички бозорни ривожлантириш нуқталари ҳисобланади, тобора кўп кластерларнинг ташкил этилиши натижасида мамлакатнинг халқаро рақобатбардошлиги ошади⁵³. Таъкидлаш лозимки, ташкил этишнинг кластер шакли инновациянинг янги шаклини – “умумий инновацион маҳсулотни” яратишга хизмат қилади. Кластер иштирокчилари ўртасида барқарор алоқаларнинг ўрнатилиши ихтироларнинг инновацияга ўтишига, кейинги босқичда эса инновацияларнинг рақобат устуликларига айланишига ёрдам беради, инновацияга йўналтирилганлик – кластернинг энг муҳим фарқли белгиси ҳисобланади.

Ўзбекистонда кластер назарияси бўйича олиб борилган тадқиқотларда⁵⁴ кластер иштирокчилари бир ҳудуд доирасида тўпланувчи кластер корхоналаридан ташкил этилишига эътибор қаратишган. Ушбу муаллифлар тадқиқотларда саноат корхоналари ҳамда агрокластерларни шакллантириш ва улар фаолиятини ташкил қилиш бўйича таклифлар асослаб берилган. Шу билан бир қаторда, хорижий давлатларда ҳам ҳудуд иқтисодиёти тармоқларида турли мақсадларга йўналтирилган кластерлар ташкил қилиниб ишга туширилган. Ҳозирги кунда Россия Федерациясида 177 та кластер мавжуд бўлиб, уларнинг 27 таси агросаноат, 4 та озиқ-овқат соҳасида ташкил қилинган⁵⁵.

Шуларни ҳисобга олганда маҳалла ҳудудида икки тоифага кирувчи ўзаро боғлиқ кластер тизимини ташкил этиш мумкин. Бундай кластер тизими 2 қисмдан иборат бўлади.

Биринчи кластер тизими маҳалла ҳудудида аҳолини ўзини-ўзи бандлигини таъминлашни ўз ичига олади. Маълумки, маҳалла ҳудудида аҳолини иш билан


⁵³ Портер М. Международная конкуренция. – М.: Международные отношения, 1993. - С.37.

⁵⁴ Қодиров А., Ахмедиева А., Убайдуллаев Д. Кластер механизми. *Agroiqtisodiyot*, №1, 2017.- Б.38-44.; Носирходжаева Д.С. Формирование стратегии развития промышленных предприятий на отраслевых рынках. Диссертационная работа на соискание ученой степени д.э.н. – Е.: ИЭ АН РУз, 2011, -С.26.; Захидов Г.Э. Ўзбекистон енгил саноатида ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиш ва бошқариш самарадорлиги. Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. РУз БМА, 2017.-24 б.

⁵⁵ М.П. Козлов. Региональные агропромышленные кластеры: методические аспекты формирования и развития в условиях инновационной экономики. // *Экономика и социум*, №2(21), 2016г.- С.18-26.; Козлов М.П. Кластерный подход как механизм активизации инновационного развития субъектов агропромышленного производства//. *Экономика, труд, управление в сельском хозяйстве*. М., 2015, №1 (22), с.24-28.

банд қилиш муҳим ижтимоий-иқтисодий масала ҳисобланади. Шунингдек ҳисобга олиб маҳалла ҳудудида яшовчи аҳоли 3 та гуруҳга бўлинади. Гуруҳлар аҳоли ёшига қараб, ишлаш ёшигача бўлганлар (меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар), ишлайдиганлар ва меҳнатга лаёқатлилик ёшдан ошганларга бўлинади. Бу маҳалла ҳудудида аҳолининг меҳнат ресурсларини ажратиб олишга имкон беради. Улар ичидан шу 3 та гуруҳга кирувчи, аммо иш билан банд бўлмаганлар алоҳида кичик гуруҳни ташкил этади. Ҳозирги даврда ушбу кичик гуруҳга кирувчи маҳалла аҳолиси биз тадқиқот ўтказган “Хувайдо” маҳалласида 20-25 фоизни ташкил этади. Аммо, қишлоқ жойларида бундай гуруҳга кирувчилар сони кўп бўлиши мумкин.

Маълумки, маҳалла миқёсида аҳолини ўзини-ўзи иш билан таъминлашга ва даромадларини кўпайтиришга республикада катта эътибор қаратилмоқда. Аммо ушбу йўналишда олиб борилаётган чора-тадбирлар миқёси, аксарият ҳолларда ҳозирги бор ҳолатни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш билан чегараланади. Шу билан бирга маҳалла ҳудудида аҳолини ўзини-ўзи банд қилиш учун маълум миқдорда айрим солиқ турларини тўлаш ҳисобига, аҳолини ўзини-ўзи иш билан таъминлашга ўтишини рағбатлантириш йўлига ўтиш лозим (1-расм).



1-расм. Маҳалла ҳудудида аҳолини ўзини-ўзи бандлигини таъминлаш кластер тизими⁵⁶

Бу ушбу йўналишдаги кластерни яратишда самарали йўл ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олганда, айнан маҳалла ҳудудида аҳолини иқтисодий қўллаб-қувватлаш, даромад манбаларини кенгайтириш, уларни иш билан бандлигини баҳолаш, шунингдек кичик ҳудудда камбағалликни қисқартириш имкониятини беради.

Шу билан бир қаторда, маҳалла ҳудудида аҳолини ўзини-ўзи иш билан бандлигини таъминлаш масаласини ҳал этиш нафақат айрим статистик

⁵⁶ Манба: муаллиф ишланмаси

ахборотларни ўрганиш, балки бундай ахборотларни оилаларни демографик ҳолати, меҳнатга яроқлилиги, энг муҳими оила аъзоларининг ҳоҳиши ва имконияти мажудлигини, билим ҳамда бўш ўринлар мавжудлиги билан боғлиқ мураккаб ижтимоий, иқтисодий, молиявий ва бошқа масалаларни умумлашган ечимларини топиш билан боғлиқ. Шу билан бир вақтда, иш билан бандлик камбағалликни камайтириш муаммосини ечиш билан ҳам тўғридан-тўғри боғлиқ ҳисобланади.

2. Маҳалла ҳудуди комплекси даражасида яратилган кластер тизимининг 2-кластери давлат билан хусусий шериклик субъектлари кооперациясига асосланган ҳамкорликни кўп тармоқли кластерини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳисобланади.

Таҳлилларга қараганда, давлат-хусусий шериклиги ҳозирги босқичда асосан давлат билан хусусий шерикнинг саноат, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалар ҳамкорлиги ўртасидаги муносабатларда кенг тарқалган. Аммо маҳалла ҳудудида фаолият юритувчи хизмат кўрсатиш соҳаларида (электросеть, газ, сув, канализация ва б.) давлат-хусусий ҳамкорлиги деярли ривожланмаган. Ушбу муаммонинг миқёси маҳаллада фаолият юритувчи давлат хизматлари кўрсатиш корхоналари ўртасидаги ҳамкорликнинг миқёси кенг эканлигини кўрсатади.

Шу билан бир вақтда маҳаллада ижтимоий-иқтисодий соҳалар давлат-хусусий шерик ҳамкорлигини амалга оширишда ўта мураккаб жараён ҳисобланади. Бунда давлат билан хусусий шерик ҳамкорлиги учун объектларни танлаш ва бу жараённи самарали юритиш мураккаб иқтисодий муносабатларни амалга оширишни кўзда тутаяди. Бу жараённинг мураккаблиги шунингдек, томонларнинг назорат ва молиявий жиҳатлари билан изоҳланади.

Шулар билан бир қаторда, маҳаллага ва оилаларга ахборот-коммуникация хизматлари кўрсатиш ҳамда кластерга рақамли сервис хизматлари кўрсатиш платформаси яратилади. Мамлакатимизда ахборот хизматларига бўлган талаб жуда катта. Ушбу соҳани рақамли иқтисодиёт орқали ривожлантириш долзарб иқтисодий, ижтимоий ва бошқа муаммоларни ҳал этишни таъминлайди. Маҳаллаларда ҳам ахборот хизматлари, айниқса рақамли сервис хизматлари кўрсатиш ривожланиш босқичига ўтмоқда. Ушбу соҳада маҳаллаларга ва оилаларга рақамли сервис хизматлари кўрсатиш платформасини яратишнинг услубий асосини ишлаб чиқишни ва уни амалиётда синая кўриш кенг миқёсдаги илмий ишларни бажаришни талаб этади. Рақамли сервис платформасини яратиш тизимини ташкилий-функционал моделини, унда қўйиладиган функционал масалалар алгоритмларини ҳамда кластер тизимига кириш ва чиқиш ахборотлари таркибини асослашни ўз ичига олади. Ушбу жиҳатлар кластер лойиҳасига киритилган масалаларнинг ўта мураккаблигини кўрсатади.

3. Мамлакатимиз маҳаллалари ҳудудида янгидан оилавий ва хорижий ҳамкорлар билан корхоналар ташкил этиш, яқка тадбиркорлик ва хунармандчилик

билан шуғулланиш иштиёқида бўлганлар бизнинг ҳисобимизга кўра 810 минг кишидан 1,1 млн. кишигача бўлиши мумкин. Шуларни инобатга олиб, оилаларни турли шаклдаги тадбиркорлик (бизнес) фаолиятини “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурида фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органи комплекси доирасида кичик кластерлар (кооперация)га бирлаштириш ва давлат билан хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш таклиф этилади. Бундан асосий мақсад

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги Қарори билан ишбилармонлик тажрибасига эга тадбиркорларни маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган оилаларга бириктириш орқали кичик кластерлар тизимини ташкил этиш ҳисобланади.

Давлат билан хусусий шериклик лойиҳалари туман, шаҳар ҳудудида жойлашган маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ) комплекси кластери тизимида шакллантирилади (2-расм).



2-расм. Маҳалла ҳудуди комплексида давлат-хусусий шерикликнинг кўп тармоқли кластери⁵⁷

Маҳаллада яшовчи оилалар гуруҳлари кластерда саноат, агро соҳа, энергетика, газ, сув таъминоти ва бошқа тармоқлар билан яқка тадбиркорлик, уй меҳнати ёки оилавий корхона фаолиятини юритувчи шахслар сифатида асосий бўгин бўлиб иштирок этади. Маҳалла фуқаролар йиғини таркибига кирувчи

⁵⁷ Манба: муаллиф ишланмаси

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш, кластерга кирувчи барча томонлар фаолиятида ДХШ ишларини мувофиқлаштирувчи ва ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) кооперациясини ташкил қилиш ҳамда якка тадбиркорларга кўмак бериш, ахборот-маслаҳат ва бошқа хизматлар кўрсатиш вазифаларини бажаради⁵⁸.

Қуйидагилар маҳалла комплекси кичик кластерларнинг иштирокчилари ҳисобланади:

1. Маҳалла фуқаролар йиғини ва унинг таркибидаги Ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича раис ўринбосари ва Маҳалла маркази.
2. Оилавий корхоналар.
3. Якка тадбиркорлар.
4. Касаначилар (уй меҳнати).
5. Хунармандлар ва бошқалар.
6. Ахборот–консалтинг маркази (янги ташкил этилади).
7. Оила тадбиркорлигини қўллаб-қувватловчи давлат ва нодавлат ташкилотлар (шартнома асосида).



3-расм. Маҳалла фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органи комплексининг таркибий тузилиши⁵⁹

⁵⁸ Маҳалла институтининг янада самарали фаолият юритишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 15.02.2018. №117.

⁵⁹ Манба: муаллиф изланишлари натижасида тузилган.

Шуларни ҳисобга олганда маҳалла комплекси кластери таркибига маҳалла (қишлоқ) фуқаролар йигини, маҳалладаги якка тадбиркорлар, хунармандлар, оилавий корхоналар, шунингдек, уларга кўмак берувчи, қўллаб-қувватловчи ва бошқа тузилмалар кириши мумкин (3-расм).

Маҳалла комплекслари кластерлари таркибида ташкил этиладиган Ахборот-консалтинг маркази куйидаги вазифаларни бажаради:

- маҳаллада тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва уни юритиш иштиёқида бўлганлар рўйхатини тузиш ҳамда кичик кластер ичида ДХШ лойиҳаларини шакллантириш;

- маҳалла ҳудудидан ДХШ лойиҳаси иштирокчиси учун ер ажратиб бериш (туман ҳокимияти қарори билан) ва улардан мақсадли фойдаланиш, янги иш жойларини барпо этиш жараёнларининг мониторингини олиб бориш;

- маҳалла кластери ҳудудида янги корхоналар очиш, якка тадбиркорлик, касаначилик, хунармандчилик фаолиятини ташкил этиш бўйича ДХШ лойиҳаларини асослаш, самарадорлигини баҳолаш ва кредит маблағлари олишда амалий ёрдам бериш;

- шаҳар, туман ҳокимликлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари, шунингдек, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳлар билан ўзаро алоқада бўлиш ҳамда юзага келган муаммоларни ҳамкорликда ҳал этиш ва бошқалар.

Маҳалла фуқаролар йигини комплекси кластерлари доирасида ДХШ шакллари ва лойиҳаларини шакллантириш ва амалга ошириш давлат ва хусусий шерик вакиллари ўртасида қуйидаги муносабатлар юзага келади (4-расм):

1. Давлат кластер доирасида хусусий шерикка ер, кўчмас мулк ажратади.


2. Кластер иштирокчиси учун давлат шериги имтиёзли кредит олишга кўмаклашади ва инвестициялар киритиши мумкин.

3. Давлат кластер иштирокчиси бўлган хусусий шерикка зарур ҳолларда товар маҳсулотларига буюртмалар беради.

Ўз навбатида хусусий шерик маҳалла колмплекси кичик кластери ичида ДХШ лойиҳасини шакллантиради. Қонунда белгиланган тартибда унинг концепциясини ишлаб чиқиб, танловга тақдим этади. Концепцияда лойиҳанинг асосий гоёси, кооперация асосида (ёки якка тартибда) ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)нинг кичик кластерини ташкил этувчи томонлар, давлат шериги берадиган мулк (ёки давлат функцияси) аниқ кўрсатилиши талаб этилади. Шу билан бирга концепцияда хусусий шерик лойиҳанинг қайси қисмига ўз инвестициясини киритиши, давлат шеригидан қандай ресурслар талаб этилаётганлиги асосланган бўлиши лозим.

Маҳалла комплекси фаолиятини бошқариш харажатларини унга кирувчи тадбиркорлик субъектлари ажратмалари (комплекс бошқарув кенгаши уставида кўрсатилган ҳажмда), хайрия пуллари, хорижий ҳамкорлар маблағлари ва бошқалар ҳисобидан қоплаш мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, кичик кластерга кирувчилар (иштирокчилар) кооперация асосида ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)ни ташкил этишлари талаб этилади ва бу кластер тизимида самарали усул ҳисобланади. Аммо бу маҳалла ҳудудида (кластер доирасида) ҳунарманда, яқка ўзи ишлаб чиқарувчи ва шу каби тадбиркорлар бўлмайди, дегани эмас.




4-расм. Маҳалла комплекси кластер тизимида давлат билан хусусий шериклик лойиҳаларини шакллантириш чизмаси⁶⁰

Шуларни ҳисобга олиб, биз кластерлар тизимида ишлаб чиқариш кооперациясини ташкил этишнинг айрим шакллари чизмасини ишлаб чиқдик. Ишлаб чиқариш кооперациясини ташкил этиш қандай шаклда бўлиши тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган маҳалла фуқаросининг


⁶⁰ Манба: муаллифлар изланишлари натижасида тузилган.

бизнес ғоясига боғлиқ бўлади. Башарти технологик жиҳатдан тадбиркор мураккаб маҳсулот турини ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширишни режалаштирган бўлса, унда асосий маҳсулотни ишлаб чиқариш учун 2-3 хил ярим тайёр маҳсулот талаб этилса, уларни бошқа корхонада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Бундай корхона бошқа тадбиркорларга ҳам ўз маҳсулотини етказиб бериш мумкинлигини ҳисобга олиб, унга шу оиланинг бошқа аъзолари ёки қариндошлари кооперация иштирокчиси (корхона раҳбари) бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш кооперациясини ташкил этиш шаклининг шартли чизмаси куйида келтирилган (А).



Амалиётдан маълумки, маҳалла аҳолиси тадбиркорликнинг якка тадбиркорлик шакли (ЯТ) ҳоқимият патенти (Б), касаначилик (хунармандчилик) (К(Х)) эса йирик корхона билан шартнома асосида амалга оширилади. Ҳар икки ҳолда ҳам ушбу фаолият шакллари ишлаб чиқариш кооперацияси (савдо-сотикдаги якка тадбиркорликни ҳисобга олмаганда) асосида амал қилиши мумкин.

Гап шундаки, якка тадбиркор ўз фаолиятини фақат тайёр маҳсулотларни унча катта бўлмаган ҳажмда тайёрлаб, кейин уни бозорга чиқариш яхши самара бермаслигини, ундан келадиган фойда (даромад) пастлиги, ушбу тадбиркорлик шаклининг жозибадорлигини анча пасайтирди. Шунини ҳисобга олганда якка тадбиркорликда ҳам ўзаро ишлаб чиқариш кооперациясини кенгроқ қўлаш ва шу орқали кичик кластер таркибида фаолият юритиш мумкин. Шу йўл билан якка тадбиркор зарурий капитални жамғаришига яхши имконият пайдо бўлади ва бу тадбиркорга оилавий корxonани ташкил қилиш ва кейинчалик кооперациялашган ишлаб чиқаришга тўлиқ ўтишга йўл очиб беради. Ушбу йўналишларда оилавий тадбиркорликни ташкил этиш шаклининг чизмаси куйида келтирилган (Б):



Юқоридаги фикрлар ва таклифни амалга ошириш юзасидан қуйидагиларни хулоса сифатида келтириш мумкин.

1. Кластерга кирувчи корхоналарнинг ўзаро кооперация алоқаларининг муҳим жиҳатларидан бири – бу маҳалла аҳолиси тадбиркорлик шакллари, турлари ва бошқа белгиларига қараб тавсифлаш (гуруҳларга бўлиш) ҳисобланади. Бу кооперацияга асосланган ўзаро иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, кооперациянинг янгича йўллари топишга кенг имкониятлар беради.

2. Кластер иштирокчиларнинг сони ва улар орасидаги алоқаларнинг кўплиги бўйича корхоналар битта ишлаб чиқариш тузилмаси билан оддий икки томонлама алоқа қилиши мумкин ҳамда турлича катталиқдаги кўплаб объектлар билан алоқаларнинг мураккаб тизими доирасида бўлиши мумкин.

3. Кластер иштирокчилари ўзаро алоқаларининг барқарорлик даражаси бўйича корхоналарнинг бошқа ишлаб чиқариш тузилмалари билан барқарор ўзаро алоқалари иқтисодий ўзаро фаолиятининг янги шаклини юзага келтиради. Бу ҳаракат янги ўзаро алоқани ривожланиши ҳамда рақобатга йўналтирилган бўлади.

Хулоса ва таклифлар

1. Ўзбекистонда ҳозирги кунда маҳаллани устувор ривожланиш тенденцияси кузатилмоқда. Маҳалла ва оила институтини трансформация қилиш соҳани барқарор ривожлантириш ва унинг салоҳиятини янада ошириш, оилалар фаровонлигини ва хотиржамлигини таъминлаш учун мавжуд иқтисодий ва институционал – ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш зарур ҳисобланади.

2. “Ҳаракатлар стратегияси”да “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурида белгиланган вазифалар оилалар бизнесини янада ривожлантиришда айнан маҳаллалар ҳудудига асосий эътиборни қаратишни тақозо этади. Бу маҳалла ҳудудида яқка тадбиркорлик, хунармандчилик ва оилавий бизнесни турли шакллари – уй меҳнати ҳамда кооперация асосида ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, маҳалла аҳолисини иш билан банд қилишга кенг йўл очиб беради.

3. Сўровнома ўтказилган “Хувайдо” маҳалласида меҳнатга лаёқатли аҳолининг қарийб 80 фоизи турли соҳаларда ишлайди. 20-25 фоизи доимий иш билан банд эмас. Маҳаллаларда тадбиркорлик билан банд бўлганлар ишлайдиганларнинг 34 фоизини ташкил этади. Ушбу ҳолатлар маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳали фойдаланилмаётган меҳнат ресурслари ва бошқа имкониятлар мавжуд эканлигини кўрсатади. Шуларни инобатга олганда, маҳаллани тадбиркорлик кластери сифатида қараш лозимдир.

4. Маҳаллада фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари ва функциялари тўғрисидаги тушунчалар ва билимлар янгича форматда фаолият юритиш қоида ва талабларига мослашиши, маҳаллани бошқариш янги тамойилларга асосланиши зарур.

5. Оила моделини трансформация қилиш орқали аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, иқтисодий ривожланиши даражасини ошириш, аҳолини камбағаллик даражасини қисқартиришга қаратилган усуллар амалда синаб кўриш керак.

6. Тадқиқотда давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш концепцияси маҳаллаларда улар комплексини самарали ривожлантириш ҳамда рақамли сервис хизматлар кўрсатиш платформаси маҳаллада ахборот технологияларга ўтишни тезлаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентини Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 29-декабрь 2020 йилдаги Мурожаатномаси.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи тўғрисида”ги 02.09.1993 йилдаги № 915-ХП Қонуни. (янги тахрир 22.04.2013 й. № УРҚ-350-сон). Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги 07.06.2018 й.даги ПҚ-3777-сонли Қарори . <http://andijon.uz/news/>

6. Топилова Ш.Ш. Национальные традиции воспитания в махаллах Узбекистана. Режим доступа: <https://docplayer.ru/41558809-Kultura-vozpitanie-lichnost.html> (дата обращения: 22.02.2020г.)

7. Топилдиев О.Р. Роль семьи, махалли и образовательных учреждений в воспитании молодежи/ О.Р.Топилдиев// Общество: социология, психология, педагогика. – 2015. -№3.-С.29-30.

8. Гурько Т.А. Институт семьи в постиндустриальных обществах. 2012. Электронный ресурс: <https://cyberleninka.ru/article/n/institut-semi-v-postindustrialnyh-obschestvah>

9. Олейник А. Институциональная экономика. –М.: ИНФРА-М, 2000. –С. 344-345.

10. Левушкин А.Н. Семейное предпринимательство и семейный бизнес: понятие, правовая природа и перспективы развития. // Вектор юридической науки. Вестник университета имени О.Е.Кутафина (МГЮА) Москва, №3, 2018 г. С. 206-217.

11. Тошмухаммедова Д.Г., Каримова Д.М., Мавлянов Б.А. Современная семья в Узбекистане. «Оила» илмий-тадқиқот маркази. – Т.: 2019, -73 б. www.oilamarkazi.uz

12. Тошмухаммедова Д.Г., Беркинов Б.Б., Каримова Д.М. Оилани ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш йўналишлари. –Т.: «SHAFOAT NUR FAYZ MCHJ», 2020, -352 бет.

13. Семья в Узбекистане, 2013-2017. Госкомстат Республики Узбекистан. Т.: 2018,-157 с.

14. Исмаева Е. “1-июлдан даромад солигидан кимлар озод қилинади?”. “Даракчи” газетаси. № 25, 23.07.2020 й., www.darakchi.uz

ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ МАРКЕТИНГОВОЙ ПОЛИТИКИ ПОСРЕДСТВОМ АЛЬТЕРНАТИВНЫХ КАНАЛОВ РЕАЛИЗАЦИИ АВТОМОБИЛЕЙ

Р.Р. Назарова,
профессор кафедры экономика отрасли, ТГЭУ,
К.А. Туйчиев,
соискатель кафедры «Маркетинг», ТГЭУ

Система реализаций в современных автомобильных компаниях в настоящее время подвергнута серьезным трансформациям. Вплоть до последнего времени в автомобильной промышленности господствовала практика авторизованных или так называемых официальных дилеров. При этом за дилером закреплялось право продажи и обслуживания (включая продажу запчастей) на определенной территории, что способствовало получению высокой прибыли дилерам, практически при отсутствии конкуренции со стороны дилеров той же марки. Дилер, в свою очередь, поддерживал стандарты, обозначенные производителем, выкупал определенные договором объемы и номенклатуру автомобилей.

Важно отметить, что в настоящее время интернет является альтернативным источником распространения информации. При этом по соотношению затрат на распространение к количеству пользователей информации, интернет твердо занимает лидирующую позицию. Поэтому альтернативными каналами реализации автомобилей многие ученые и специалисты считают интернет маркетинг, так как продвижение товаров и услуг через интернет получает все большее распространение. Согласно данным Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций, в Республике Узбекистан в стране числятся 22,5 млн. активных пользователей сети Интернет, что составляет более 66 % всего населения Узбекистана. Из них 19,5 млн. человек являются пользователями мобильного интернета, а 3 млн. используют различные проводные системы связи.

Кроме того, в Республике Узбекистан в 2016-2020 г. в связи с инвестиционными вложениями в информационно-коммуникационную инфраструктуру значительно увеличилась техническая оснащенность для использования технологиями Интернет: возросла протяженность волоконно-оптических сетей, возросло количество станций мобильной связи, что позволило обеспечить высокоскоростной связью 90% населения Узбекистана. Важно отметить, что в настоящее время электронная коммерция предоставляет самые широкие возможности, как поставщикам товаров и услуг, так и клиентам.

В связи с широким охватом потребительской аудитории в последние годы интернет стал важным инструментом развития каналов сбыта в автомобильной промышленности, инструментом в общении с покупателями и частью интегрированных маркетинговых программ наряду с традиционными видами рекламы и автосалонами.

Электронные торги позволяют существенно изменить временные и пространственные масштабы ведения бизнеса. В последние годы именно он служит тем глобальным средством коммуникации, которое не имеет никак временных и пространственных ограничений.

Одна из основных проблем, с которыми сталкиваются авто маркетологи, - это необходимость завоевать доверие своих потенциальных клиентов, так как потребитель принимает довольно крупное финансовое решение, которое значительно может повлиять на его повседневную жизнь.

Мнение ученых подтверждается тем, что покупатели автомобилей и потребители в целом каждую неделю проводят часы на платформах социальных сетей, таких как Facebook, Instagram, Twitter и Pinterest. Автодилерам следует использовать данный метод для установления контакта со своей целевой аудиторией. Наличие в социальных сетях информации о специальных предложениях, распродажах или мероприятиях дилерского центра способствует не только созданию в социальных сетях собственной целевой аудитории, но и «ажитажному» распространению данной информации среди пользователей социальных сетей.

На автомобильном рынке самой заметной точкой дифференциации между аналогичными конкурирующими марками является дилерский центр, который продает и обслуживает автомобиль. Очень многое зависит от того, как продается автомобиль и, в частности, от того, как осуществляются контакты и обслуживание после продажи. Процесс послепродажного обслуживания нередко может пойти вразрез со стандартами, разработанными автомобильными производителями, для предприятий дилерской сети на конкретных рынках. Известно, что именно по этой причине исследования показывают, что лояльность дилерским центрам меньше, чем лояльность самим автомобильным маркам и их производителям.

Таким образом, в настоящее время, в связи с общемировой тенденцией и с развитием высокоскоростного проводного и беспроводного интернета в Республике Узбекистан, а также в связи с широким охватом аудитории, интернет стал важным инструментом развития каналов сбыта в автомобильной промышленности. Также следует отметить, что всемирная сеть стала инструментом в общении с покупателями и частью интегрированных маркетинговых программ наряду с традиционными видами рекламы и автосалонами.

К особенностям продвижения автомобилей при помощи интернет-маркетинга относятся: направленность рекламы на создание образа надежного

автомобиля, активное участие производителя товара в рекламной деятельности дилеров, высокий уровень унификации рекламных обращений.

Инструментами интернет-маркетинга для продвижения и сбыта автомобилей, наиболее активно использующимися для продажи автомобилей в настоящее время, является реклама в социальных сетях, реклама PPC (реклама с оплатой за клик), таргетированная реклама (в том числе использование лид-форм), рассылка по электронной почте, обращения к официальному сайту организации, входящей в состав дилерской сети.

Список использованной литературы:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан «О дальнейшем усилении финансовой поддержки экспортной деятельности», №ПП-5184, Дата принятия 13.07.2021, Дата вступления в силу 14.07.2021 г.
2. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по реализации экспортного потенциала Республики Узбекистан на 2021 год», №ПП-4949, Дата принятия 14.01.2021, Дата вступления в силу 14.01.2021 г.
3. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему расширению финансовой поддержки экспортной деятельности», №УП-6091, Дата принятия 21.10.2020, Дата вступления в силу 22.10.2020 г.
4. Мокров Г., Дронов Р. Маркетинг в сфере внешнеэкономической деятельности. Учебное пособие //М.: ЮРКНИГА, 2004 г.
5. Коноплев В.Т. «Международный маркетинг».- Донецк: Юго-Восток, 1998 г.
6. Абрамшвили Г.В. Проблемы международного маркетинга. М.: Международные отношения, 2002 г.
7. Безруков В., Остапкович Г. Оценка инновационной деятельности промышленных предприятий // Экономист. 2001. -№ 5. - С. 37-41.
8. Буглай В.Б., Ливенцев Н.Н. Международные экономические отношения / Учебное пособие. М.: Финансы и статистика, 1997.- 384 с.
9. Волкодавова Е.В., Комякова Е.А. Международные выставки как фактор формирования и реализации экспортного потенциала промышленных предприятий / Е.В.Волкодавова, Е.А.Комякова. -Самара: Изд-во Самар. гос. экон. акад., 2004 г.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА КАМБАГАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШНИНГ МОЛИЯВИЙ ВА НОМОЛИЯВИЙ ВОСИТАЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Қ.Қ. Мамбетжанов, и.ф.д.,
“Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доценти, ЎЗМУ
А.С. Каримова,
“Фундаментал иқтисодиёт” кафедраси ассистенти, ТДИУ

Аннотация. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг жаҳон амалиётидан келиб чиққан ҳолда, камбағаллик rischi мавжуд бўлган аҳоли гуруҳлари – бу уй хўжалиги ихтиёридаги барча турдаги даромадларининг уй хўжалиги аъзолари жон бошига бўлганда мамлакатда ўрнатилган ўртача иш ҳақининг 40-59 фоизда тўғри келадиган аҳоли гуруҳлари ҳисобланади. Бунда давлат томонидан ушбу турдаги аҳолининг ижтимоий гуруҳларига уй хўжалиги аъзоларининг жон бошига тўғри келувчи даромаднинг мамлакатдаги ўртача иш ҳақиға нисбатан 60 фоиз миқдорига тенглаштириши учун табақалашган ижтимоий нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартибини ўрнатиши талаб этилади.

Калит сўзлар: камбағалликни қисқартириши, уй хўжалиги, турмуш фаровонли, аҳоли бандлиги, молия-кредит тизими.


Янги Ўзбекистонни бунёд этишда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш соҳасида қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатлар билан бирга, иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳалари, яъни, банк, молия-кредит тизими ривожлантириш масалалари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларининг мунтазам такомиллаштирилиб борилиши аҳоли турмуш даражасини ошириш ва бюджет маблағларидан мақсадли ҳамда самарали фойдаланиш учун замин яратмоқда.

Амалдаги қонунчиликка биноан, мамлакатимизда кам таъминланган оила сифатида даромад аниқланаётган даврда оиланинг умумий даромадларини ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган улуши базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаган оилалар инobatга олинади.⁶¹

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ миқдори билан камбағаллик даражасининг ўзгариши ўртасидаги регрессив-корреляцион таҳлил амалга оширилди. Олинган натижаларға кўра, мамлакатимизда аҳоли

⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кам таъминланган оилаларға ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 44-сонли Қарорига 1-илова, 15.02.2013 й.

жон бошига тўғри келувчи ЯИМ ҳажми билан аҳолининг камбағаллик даражаси ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи корреляция коэффициенти 0,64 га тенг бўлди, ушбу омиллар ўртасидаги боғлиқлик бевосита кучли эканлиги аниқланди. Ўзбекистонни 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирларига мувофиқ мамлакатимизда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ бўйича жаҳондаги ўрта юқори даромадли мамлакатлар кириши режалаштирилган. Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолда, аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ билан камбағаллик даражаси ўртасидаги кучли тесқари боғлиқликдан келиб чиққан ҳолда, амалга оширган прогнозларимиз натижасига кўра, 2030 йилга бориб мамлакатимизда камбағаллик даражаси 7,3 фоизга пасайтириш имконини беради (1-расмга қаранг).



1-расм. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ЯИМ миқдори кўрсаткичига асосланган ҳолда мамлакатимизда камбағаллик даражаси бўйича прогноз⁶²

2018 йилдан бошлаб мамлакатимизда аҳоли бандлигини оширишга қаратилган “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурига устуворлик қаратиб келинмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев айтганларидек: тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва бу соҳа учун янги шароитлар яратишга барча имкониятларимизни сафарбар этаяпмиз. “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга 5,9 триллион сўм кредитлар ажратилди... камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир.⁶³

Президентимиз айтганларидек, баъзи одамлар ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки уларнинг миқдорини ошириш орқали ушбу муаммони

⁶² Муаллиф томонидан тузилган.

⁶³ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси. 25.01.2020. www.uza.uz

ҳал этиш мумкин, деб ўйлайди. Бу – бир томонлама ёндашув бўлиб, муаммони тўла ечиш имконини бермайди.⁶⁴

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида 300 минг аҳолини жамоат ишларига жалб қилиш, 265 минг нафарини ишга жойлаштириш, жумладан, вазирлик жамғармаси ҳисобидан шахсий томорқаларга 36 миллиард сўм субсидия ажратиш орқали 18 минг камбағал аҳоли бандлигини таъминлаш имконияти борлиги аниқланди. Шу билан бирга, 2020 йилда бошланган “Covid-19” пандемияси оқибатларини юмшатиш мақсадида 2020 йилда оилавий тадбиркорлик дастурларига 4 трлн. сўм маблағ йўналтирилди, жумладан, “Ҳар бир оила – тадбиркор” давлат дастурига қўшимча 1 трлн. сўм ва “Хунармандчиликни ривожлантириш” дастури доирасида 190 млрд. сўм ажратилди.⁶⁵

2018 йилдан бошлаб мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг “Ҳар бир оила - тадбиркор”, “Ёшлар - келажагимиз” ва “Хунармандчиликни ривожлантириш” каби фаол дастурларига устуворлик қаратиб келинаётганлигини инобатга олган ҳолда ЯИМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши билан аҳоли камбағаллиги даражаси ўртасидаги регрессив-корреляцион таҳлил амалга оширилди. Таҳлил натижалари кўрсатишича, мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик фаолияти билан камбағаллик даражаси ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи корреляция коэффициенти 0,69 га тенг бўлди. Амалга оширилган таҳлиллар натижаларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган прогнозлар шунини кўрсатмоқдаки, 2030 йилга бориб мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 70 фоизга етказиш орқали камбағаллик даражасини 4,5 фоизга камайтириш мумкин бўлади. Олинган натижалар мамлакатимизда “2030 йилгача бўлган муддатда кам таъминланганликнинг барча кўринишларини икки баробар қисқартириш”⁶⁶ вазифасини ҳал этиш имкони мавжудлигидан далолат беради (2-расмга қаранг).

Тадқиқотларимиз натижаларига таянган ҳолда, кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий жиҳатдан муҳтожлиги бўйича турли гуруҳларга ажратиш ва уларга тегишли ижтимоий жиҳатдан муҳтожлик бўйича нафақаларни тайинланишида қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:


Биринчидан, мамлакат бўйича ва ҳудудлар кесимида аҳоли таркибида ижтимоий жиҳатдан муҳтожлик чегарасини белгилаш. Бунда ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли гуруҳларини табақалашган ҳолда манзилли ижтимоий

⁶⁴ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиста Муносабатнома. 25.01.2020. www.uz.gov

⁶⁵ 2020 йил 3 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқидан. <https://president.uz/uz/lists/view/3624>

⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 20 октябрь, 841-сон Қарори

химоя қилиш мумкин бўлади. Яъни, ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларини тегишли гуруҳларга ажратиш орқали уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш мумкин бўлади. Фикримизча аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг жаҳон амалиётида келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ: меҳнат интенсивлиги паст бўлган уй хўжаликларида яшаётган аҳоли; моддий ресурслар танқислиги ва камбағаллик риски мавжуд бўлган ҳолатлардаги кишилар.



2-расм. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши ва камбағаллик даражасининг ўзгариши бўйича прогнолар⁶⁷

Уй хўжаликларида истиқомат қилаётган мамлакатдаги қонунчиликка биноан меҳнат лаёқатига эга бўлган жами оила аъзоларининг умумий меҳнат салоҳиятига нисбатан 20 фоизи ёки ундан кам бўлган улушидан фойдаланаётган, уй хўжалигида топилаётган барча турдаги даромадларининг уй хўжалиги аъзоларининг жон бошига ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан 60-65 фоизи ўртасида тўғри келадиган аҳоли гуруҳлари меҳнат интенсивлиги паст бўлган уй хўжаликлари ҳисобланади. Ушбу ҳолатда уй хўжалигида истиқомат қилаётган оила аъзоларининг ижтимоий жиҳатдан муҳтожлик чегарасидан паствашиб кетиш хавфи юқори ҳисобланади. Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолатда меҳнат интенсивлиги паст бўлган уй хўжаликларини аниқлаш, уларга муносиб иш ўринларини топишда ёрдам бериш фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилиши мақсадга мувофиқ.

Юқорида билдирилган тақлифларни мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини ишлаб чиқиш амалиётида қўлланилиши аҳоли даромадларини шакллантириш ва ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларини аниқ-манзили ижтимоий ҳимоялаш учун хизмат қилади ва ўрта даромадли аҳоли улушини ортишига замин яратади. Бу эса мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади.

⁶⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

АГРОСУГУРТА-ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИНИ ЮМШАТУВЧИ МОЛИЯВИЙ ВОСИТА СИФАТИДА

А.А. Ядгаров, и.ф.н.,
“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси доценти, ТДИУ

Аннотация: Мақолада қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгаришининг маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини мамлакат иқтисодиётига таъсири, жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари мисолида чуқур қайта ишлашни ривожлантириши имкониятлари ёритилган.

Таянч сўзлар: агросуғурта, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, дастлабки ва чуқур қайта ишлаш, қўшилган қиймат занжири, қайта ишлаш саноати, илгор технологиялар, диверсификация.

Бугунги кунга келиб жаҳон миқёсида глобал иқлим ўзгаришлари мамлакатимизга ҳам ўз таъсирини ўтказмайди деб тўла-тўқис қафолат бериш қийин. Айнан, иқлим ўзгаришининг олдини олиш ва юмшатиш, иқлим ўзгариши талофатларини бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга.

Иқлимнинг глобал миқёсида ўзгариши жаҳон қишлоқ хўжалиги, яъни озиқ-овқат хавфсизлигини келтириб чиқариш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнида юзага келадиган турли стихияли ҳодисалар авж олиб бормоқда.

Глобал иқлим ўзгариши натижасида қишлоқ хўжалиги кутилган натижани бермаслик ҳолати пайдо бўлади. Иқлим ўзгаришини тўғридан-тўғри аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлай олмаслик ёки озиқ-овқат етишмовчилиги ҳамда тўйиб овқат емаслик ҳолатларини юзага келтиради. Иқлим ўзгариши аҳолининг демографик ҳолатига, ишлаб чиқаришнинг пасайишига ва ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортга ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва етказиб бериш соҳаларини ривожлантириш асосида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда фаол иштирок этиб келмоқда. Соҳада амалга оширилаётган ислохотлар натижасида республика иқтисодиётининг жаҳон хўжалигига кириб бориши ва қишлоқ хўжалигида яратилаётган маҳсулотларимиз алоҳида эътиборга лойиқдир.

Иқлим ўзгаришлари айнан барча мамлакатлар қишлоқ хўжалигига ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Ўзбекистонда ҳам рўй бераётган иқлим ўзгаришлари бевосита қишлоқ хўжалиги фаолиятига ўз таъсирини ўтказмоқда, қишлоқ хўжалигида кутилган натижани бўлмаслиги барча турдаги ишлаб

чиқариш корхоналарига ўз таъсирини ўтказди. Ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқаришнинг бир меъёрада бормаслиги аҳолининг молиявий ва моддий ҳолатига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қўймайди.

Қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгаришларининг таъсирини олдини олишда агросуғуртанинг ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва ижтимоий ҳолатини ривожлантиришда муҳим моливий восита сифатида хизмат қилади.

Иқлим ўзгариши шароитида экологик хавф-хатарларнинг пайдо бўлиши бевосита барча турдаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказди. Бевосита иқлим ўзгариши оқибатида экологик хавф-хатарлар қишлоқ хўжалиги фаолиятига таъсир этмай қолмайди.

Агросуғурталаш тизимини ривожланиши қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгаришини юмшатувчи молиявий дастак сифатида айнан қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлайди.

Агросуғурталаш тизимини ривожлантиришнинг молиявий аҳамияти бу - қишлоқ хўжалиги корхонаси фаолиятига турли экологик хавфлар таъсири юзага келганда субъектнинг иқлим ўзгариши натижасида кўрган моддий ва молиявий зарарларини қоплаб беришини таъминловчи механизмдир.

Ўзбекистон Республикаси хавфли деҳқончилик зонасида жойлашган, баъзи ҳолларда сув танқислиги ва бошқа стихияли ҳодисаларнинг рўй бериш оқибатида катта талофатларнинг содир бўлиши аграр соҳа вакиллари фаолиятига жиддий таъсир этмай қўймайди. Бу эса мамлакат аграр секторини табиий офатлар таъсирига узвий боғлиқ бўлиб, унинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилиши мумкин. Шу нуқтаи назардан агросуғурта тизими мазкур ҳолатда турли муаммоларнинг самарали ечими сифатида майдонга чиқади.

Агросуғурта табиий хавф-хатарларни бартараф этишнинг самарали муҳим воситаларидан бири ҳисобланиб, аграр сектор фаолиятининг самарадорлиги ва барқарорлигини таъминлашда агросуғурта муҳим роль ўйнайди.

Республикамызда агросуғуртанинг самарали тизими сифатида қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятида табиий ҳодисаларнинг содир бўлиши оқибатида уларнинг иқтисодий даромадлари кескин пасайиши, молиявий зарарларнинг юзага келишини олдини олиш ҳамда уларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш учун самарали восита ҳисобланади.

“Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятининг асосий мижозлари бўлиб фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда қишлоқ аҳолиси ҳисобланади. “Ўзагросуғурта” АЖ томонидан мижозларни турли хил табиий офат ва бахтсиз ҳодисалар оқибатида юзага келадиган ҳолатлардан суғурта қилишда муайян ишлар олиб борилаётганда.

“Ўзагросуғурта” АЖ томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишти-рувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарни ҳар қандай шароитда ҳам молиявий қўллаб-қувватлаш муҳим омиллардан биридир. Шу боис, суғурталанувчилар билан

тузилган суғурта шартномаларига мувофиқ суғурта мукофотларини ўз вақтида тўлаб берилиши иккала томоннинг молиявий манфаатларини ҳимоя қилишга имкон яратилади.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ содир бўлиши мумкин бўлган табиий хавф-хатарлардан суғурталаш масалалари қаторига, “Ўзагросуғурта” АЖ томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари билан ўз вақтида суғурта шартномаларини тузиш, иқлим ўзгаришларини ҳисобга олиб суғурталанувчилар манфаатини молиявий жиҳатдан ҳимоялаш, суғурта хизматларидан максимал даражада фойдаланиш ва барча турдаги табиий ва техноген хавф-хатарлар таъсиридаги йўқотишларнинг олдини олиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгаришларининг таъсирини олдини олишда агросуғуртани такомиллаштиришда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– қишлоқ хўжалиги корхоналарида фаолият юритаётган ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишда иш берувчиларни фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш соҳасини такомиллаштириш;

– иқлим ўзгариши билан боғлиқ содир бўлиши мумкин бўлган табиий хавф-хатарларни идентификациялаш ва табиий хавфларни юмшагувчи суғурта турларини ишлаб чиқиш;

– қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишда иш берувчиларни фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш соҳаси ривожига тарғибот ва тушунтириш ишларини тўғри йўлга қўйиш;

– қишлоқ хўжалиги корхоналарида фаолият юритаётган корхоналарнинг барча мол-мулкларини суғурталашда доимий суғурталанувчилар учун бонусли таърифларни жорий этиш.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ табиий хавф-хатарлардан қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғурталаш тизимини такомиллаштириш йўналишлари бўйича илмий тадқиқотга янгича ёндошув юқорида келтирилган таклифлардан ташқари ҳар бир суғурталанувчиларнинг стратегик фаолиятини таъминлаш ва уларнинг молиявий жиҳатдан барқарор ривожланиш истиқболларини таъминлашга тавсияларни ҳам бера олиши учун муҳим замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. www.fao.org/3/ca8388en/CA8388EN.pdf.
2. Н.И.Саидахмедова. Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш тенденциялари ва муаммолари // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 2, апрель, 2019 йил. – 7 б.
3. <https://president.uz/uz/lists/view/2697>.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегияси концепцияси. <https://uzbekistan2035.uz/uz/uzbekistan-2035>. -113 б.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ

И.А. Бакиева, и.ф.н.,

Инсон ресурсларини бошқариш кафедраси доценти, ТДИУ

Аннотация. Мақолада хотин-қизларнинг меҳнат бозоридаги ҳолати ўрганилган, меҳнат органлари томонидан уларга кўрсатилмаётган хизматлар бўйича фикр билдирилган, аёллар иш билан бандлигини оширишдаги тўсиқлар аниқланиб, муаммони ечими бўйича айрим амалий таклифлар берилган.

Таянч сўзлар. Меҳнат бозори, аёллар бандлиги, аёллар ишсизлиги.


Кириш. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлиб, уларнинг ижтимоий-сиёсатий фаоллигини ошириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса Covid-19 пандемиясининг салбий оқибати натижасида жойларда оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлган, иш билан таъминланмаган аёлларни ўз вақтида аниқлаш, улар билан яқка тартибда ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш ва манзилли қўллаб-қувватлаш чоралари изчил давом эттирилмоқда. Бугунги кунда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аёллар бутун аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этмоқда, уларнинг сони йилдан-йил кўпайиб бормоқда. Шу сабабли аёллар иш билан бандлигининг ўзига хос фарқли жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг иш билан бандлигини ошириш билан боғлиқ вазифалар ечимига алоҳида эътибор қаратиш долзарб ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Ўзбекистон Республикаси қонунари, Ўзбекистон Президент Ш.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган республикада ижтимоий йўналишдаги ривожланиш стратегияси ва Юртбошимизнинг хотин-қизлар иқтисодий фаоллигини оширишга оид асарлари, Вазирлар Маҳкамасининг хотин-қизлар бандлигини ошириш бўйича қарорлари ҳамда хорижлик ва ватанимиз олимлари олиб борган илмий ишлар тадқиқот методологияси бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, INTERNET ресурсларига таяниб, статистик-иқтисодий, таққослаш, тизимли таҳлил усуллари ёрдамида тадқиқот олиб борилди.

Тадқиқот натижалари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон Фармонининг 1-иловасида келтирилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсатий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини

кучайтириш, касб-хунарт коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш⁶⁸ вазифаси белгиланган. Худудларда ташкил этилаётган янги иш ўринлари асосан эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ таълим муассасаларининг битирувчиларига, аёллар ва ногиронлиги бўлган аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож тоифаларини ишга жойлаштириш учун ажратилади.

Таҳдиллар. Меҳнат бозорида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш чора-тадбирлари долзарб бўлмоқда (1-расм).



1-расм. Меҳнат бозорида аёлларнинг иқтисодий ҳолати (2020 йил бошига)⁶⁹

Хотин-қизларнинг меҳнат бозоридаги ҳолати бўйича маълумотлар таҳлили натижасида 2020 йил бошида уларнинг бандлик даражаси фақатгина 35,9 фоизни ташкил қилгани ҳолда республика бўйича жами ишсизларнинг 56 фоизини ташкил қилганлиги ҳамда уларнинг ишсизлик даражаси 12,8 фоиз бўлгани аниқланди. Айниқса, 2020 йилнинг бошида Covid-19 пандемиясининг тарқалиши натижасида Ўзбекистонда 2020 йилнинг январь-июнь ойларида ишсизлик даражаси кескин ошиб, 13,2 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга аёллар ўртасидаги ишсизлик даражаси ҳам ортиб 17,4 фоизга етди.

Пандемия тарқалишига қарамасдан, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда фаоллигини ошириш бўйича республикада тегишли чора-тадбирлар олиб борилиши натижасида уларнинг иқтисодий фаоллиги ошмоқда (1-жадвал).

2020 йилда иш излаб ҳудудий бандлик органларига мурожаат қилганларнинг 49 фоизи аёллардан иборат бўлди ҳамда жами кўрсатилган хизматларда аёллар улуши 53 фоизни ташкил қилди. Худудлар кесимида ўрганилганда, меҳнат органларига энг кўп мурожаат қилганлар Бухоро (60%), Наманган (56%) ҳамда Андижон (55%) вилоятлари аёллари бўлган. Шу билан бирга аёлларнинг энг кам мурожаатлари Сирдарё (31%), Самарқанд (45%) ҳамда Жиззах (46%)

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон Фармонида 1-илова “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. <http://strategy.gov.uz> – 11 Б.

⁶⁹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

вилоятларида кузатилди. Мурожаат қилган аёлларга кўрсатилган хизматларнинг юқори улуши Андижон ва Қашқадарё вилоятларига тўғри келиб, улар мос ҳолда 57 ва 55 фоизни ташкил қилган.

Шу ўринда, кўрсатилган хизматлар сони мурожаатлар сонига нисбатан юқорилигини кўриш мумкин, бунга асосий сабаб пандемия оқибатида меҳнат бозорига юзага келган тангликни олдини олиш мақсадида аҳолини, шу жумладан аёлларни ижтимоий қўллаб қувватлаш учун меҳнат органлари томонидан б турдаги хизматларни кўрсатиш йўлга қўйилган.

I-жадвал

2020 йилда ҳудудий бандлик органлари томонидан аёлларга кўрсатилган хизматлар ҳажми⁷⁰

| T/P | Ҳудуд ва вилоятлар номи | Мурожаат | шундан аёллар | Жами мурожаат қилганларга нисбатан аёллар улуши, % | Жами кўрсатилган хизматлар | Шундан, аёллар | Жами кўрсатилган хизматларда аёллар улуши |
|-----|------------------------------|----------|---------------|--|----------------------------|----------------|---|
| | Жами | 823 832 | 405 677 | 49 | 1 179 979 | 628 972 | 53 |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 73 723 | 37 508 | 51 | 106 112 | 55 495 | 52 |
| 2 | Андижон | 76 540 | 41 811 | 55 | 100 978 | 57 249 | 57 |
| 3 | Бухоро | 47 908 | 28 630 | 60 | 63 131 | 34 379 | 54 |
| 4 | Жиззах | 43 922 | 20 411 | 46 | 90 434 | 48 573 | 54 |
| 5 | Қашқадарё | 54 125 | 27 690 | 51 | 76 387 | 42 067 | 55 |
| 6 | Навоий | 27 091 | 13 470 | 50 | 43 532 | 23 516 | 54 |
| 7 | Наманган | 83 137 | 46 932 | 56 | 112 976 | 58 329 | 52 |
| 8 | Самарқанд | 66 344 | 29 891 | 45 | 86 584 | 40 984 | 47 |
| 9 | Сурхондарё | 58 149 | 29 784 | 51 | 86 938 | 46 368 | 53 |
| 10 | Сирдарё | 52 689 | 16 363 | 31 | 84 404 | 43 481 | 52 |
| 11 | Тошкент | 65 632 | 34 371 | 52 | 85 993 | 47 275 | 55 |
| 12 | Фарғона | 84 430 | 37 167 | 44 | 120 628 | 65 685 | 54 |
| 13 | Хоразм | 65 008 | 29 194 | 45 | 90 402 | 49 353 | 55 |
| 14 | Тошкент шаҳри | 25 134 | 12 455 | 50 | 31 480 | 16 218 | 52 |

⁷⁰ Манба: Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан бир қаторда Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва бошқа турли ташкилотлар томонидан хотин-қизларни меҳнат бозорида талаб юқори касб-хунарларга тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш, уларнинг муносиб иш топишига қўмаклашиш, бунинг учун нафақат давлат таълим муассасалари, балки мингдан зиёд нодавлат касб-хунар таълими марказларини ҳам жалб қилиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада мутлақо янги тизим жорий қилиниб, нодавлат касб-хунар таълими марказлари орқали аёлларда касбий кўникмаларни шакллантирилиши ҳам йўлга қўйилди.

Жумладан, 2020 йилда 52217 нафар фуқаро касбга ўқитишга юборилган бўлса, улардан 69 фоизи хотин-қизларни ташкил қилган. Республикада иш излаётганларни жамоат ишларига жалб этиш ҳам йўлга қўйилган бўлиб, йил давомида жами 521732 нафар фуқаронинг бундай ишлар билан бандлиги таъминланган. Улардан хотин-қизлар улуши эса 53,4 фоизни ташкил қилган.

Натижада 2020 йилда республика бўйича жами 181107 нафар аёллар ишга жойлаштирилди.

Бироқ, олиб борилаётган фаол чора-тадбирларга қарамадан хотин-қизларнинг иш билан банд бўлишида ижтимоий-психологик, иқтисодий-молиявий ҳамда ташкилий тўсиқлар учраб турибти. Бу тўсиқлар қишлоқ жойларда аёлларнинг фаол ижтимоий фаолиятининг ҳали-хануз қабул қилмаётганлиги, меҳнат бозорида гендер тенглиги концепцияси бирдек амал қилинмаётганлиги, аёлларнинг маълумот даражаси ва касбий кўникмаларини ривожлантириш имкониятларининг пастлиги, маълум бир тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган аёлларда бошланғич капитал етишмаслиги каби муаммолар мавжуд. Бундан ташқари, чекка ҳудудларда маиший хизмат муассасалари йўқлиги ва болалар боғчалари етишмаслиги туфайли аёлларнинг ижтимоий меҳнат билан бандлиги паст даражада бўлмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Республикада иш берувчилар билан иш билан банд ва ишсиз аёллар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, уларнинг меҳнат бозоридаги ўрни ҳамда мавқеини аниқлаш, иқтисодий ривожланишнинг ҳудудларда аёллар иш билан бандлигига қандай таъсир кўрсатаётганини аниқлаш зарурати мавжуд. Хотин-қизларни иш билан бандлигини таъминлаш учун мақсадли дастурни ишлаб чиқиш, айниқса, уни ишлаб чиқишда ишсиз аёлларнинг ижтимоий ҳолатини ўрганиш асосида олинadиган ахборотлардан фойдаланиш ўзининг ижобий самарасини беради деб ҳисоблаймиз. Хотин-қизларнинг меҳнат ва оиладаги фарзандлар тарбиясини биргаликда олиб борувчи ижтимоий-иқтисодий ва тарбиявий хусусиятлари жамиятда шаклланувчи ишлаб чиқариш муносабатларига алоҳида ёндашув талаб этилади, бунда иш билан бандлик ва ишсизликдан ҳимоя қилиш сиёсатини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Республикамининг иқтисодий ҳудудларида, кичик бизнес корхоналари ва оилавий тадбиркорлик объектларида тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ҳисобидан янги иш жойларини яратиш, қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш, касаначиликда

экспортбоп махсулотлар ишлаб чиқариш бўйича иншоотларни хорижий инвестициялар ҳисобидан яратиш сингари тадбирларни изчил давом эттириш аёллар учун янги иш ўринларини яратишнинг молия-кредит тизими самарадорлигини ошириш имконини беради.

Аёлларни айниқса, меҳнат бозорига биринчи бор кириб келаётган қизларни мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришда аниқ тартибларни белгилаш орқали ўз иш ўринларидаги қўнимлигини таъминлаш, уларни касбий фаолиятини ҳуқуқий ҳимоялаш ҳамда бу борада иш берувчилар маъсуллигини ошириш мақсадга мувофиқ. Бундай воситалар эса аёлларнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тўлақонли иштирок этишлари, самарали иш билан бандликларини таъминлаш имконини беради.

Иқтисодиётда аёлларнинг иш билан бандлигини таъминлаш учун қуйидаги амалий тақлифлар илгари сурилади:

- инновацион ва устувор соҳа фаолияти учун меҳнатга лаёқатли аёлларни тайёрлашга ва қайта тайёрлашга давлат буюртмаси тизимини ташкил этиш;
- аёлларнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун бевосита ва билвосита имтиёзлар яратиш;
- маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш асосида қишлоқ хўжалиги бўлмаган янги иш жойларини яратиш йўли билан хотин-қизларга талабни ошириш;
- ҳудудларда инфратузилмани ривожлантириш орқали меҳнат бозорида аёллар иш билан бандлигини оширишга ўз таъсирини ўтказди. Шунинг учун муаммони ечимини ҳал этишда ҳудудлардаги инфратузилмани ривожланишига эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқ;
- меҳнат бозорида аёллар иш билан бандлигини оширишда эгилувчан меҳнат графикларини жорий этиш, иш берувчиларнинг масофадан ишлаш, касаначилик меҳнати каби иш жойларини ташкил этишларини янада рағбатлантириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли фармонининг 1-илоvasи «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». // Lex.uz. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони
3. Абдурахманов К.Х. “Меҳнат иқтисодиёти” (назария ва амалиёт). Дарслик. –Тошкент: “Меҳнат”, 2019. -598 б.
4. www.mehnat.uz – Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги сайти
5. www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитасининг сайти

AHOLINING DEMOGRAFIK O'ZGARISHLARI IQTISODIY TARAQQIYOTGA TA'SIRI

B. E. Mamaraximov,
«*Fundamental iqtisodiyot*» kafedrası dotsenti, TDIU

Annotatsiya: Ushbu maqolada globallashuv sharoitida aholining umumli va mahsuldor bandligini oshirishda norasmiy sektorning ta'sirini so'ndirish bo'yicha olib borilgan tadqiqotlar natijalari aks ettirilgan. Unda umumli va mahsuldor bandlik, ishsizlik va kambag'allik ta'sir doirasida ish bilan bandlik masalalari bo'yicha tadqiqot natijalari, tahlillar va ular natijasida aholining umumli va mahsuldor bandligini oshirish bo'yicha ishlab chiqilgan tavsiyalar o'z ifodasini topgan.

Kalit so'zlar: aholi bandligi, norasmiy sektor, kambag'allik, ish bilan bandlik, kambag'allik, mehnat bozori, ishsizlik

Kirish. Demografik jarayonlar, birinchi navbatda, ijtimoiy-mehnat sohasiga sezilarli ta'sir ko'rsatib, milliy iqtisodiyot va jamiyat rivojlanishining asosiy omili bo'lib, aholining mehnat bilan bandlik va ishsizlik darajasining miqdoriga, yalpi ishlab chiqarish aholining jon boshiga to'g'ri keladigan o'rtacha daromad ko'rsatkichlarini, uy-joy bilan ta'minlash, keksaygan yoshdagi pensiya ta'minoti tashkillashtirishga bevosita ta'sir etib boradi.

Ma'lumki, jamiyatdagi demografik voqealar umumiy va muayyan individual tasodifiy sabablar ta'siri ostida amal qiladi. Bu jarayondagi ayrim voqeliklar vujudga kelishi ba'zi sabablarga ko'ra individual va noyobdir, lekin demografik jarayonda ular ketma-ketlik voqealardan iborat bo'lib, ular muntazam ravishda o'zgarib turadi.


Xorijiy mamlakatlardagi innovatsion tendentsiyalarning ta'siridagi demografik jarayonlar yetakchi mutaxassislar tomonidan hozirgi davrda insoniyatning eng muhim va dolzarb omillar sifatida tan olinmoqda. O'zbekistonda ham keyingi yillari bu masalalar, ayniqsa, muhim ahamiyat kasb etmoqda. Aholi miqdorining o'zgarish dinamikasi, barcha hududlarda mutanosib joylashuvi, tarkibiy tuzilishi ko'pincha davlatimizning iqtisodiy rivojlanishning strategik omillari va uning kelajak uchun ijtimoiy-iqtisodiy parametrlarini shakllantirishiga ta'sir etuvchi asosiy omil hisoblanadi. Shuni alohida ta'kidlash joizki, O'zbekistonning demografik jarayonlari hozirgi xalqaro demografik nizomlarga muvofiq sog'lom tarzda rivojlanib bormoqda.

Dunyo tajribasidan kelib chiqib ta'kidlaydigan bo'lsak, bugungi rivojlanish davrida dunyoning barcha davlatlari kabi O'zbekiston ham demografik sohasida evolyutsion jarayonlarni, ya'ni demografik o'tishning muayyan bosqichlarini ko'rishi muqarrardir. Ma'lumki, ularning birinchisi yuqori darajadagi tug'ilish va o'lim miqdori bilan bog'liq bo'lib, ko'p sonli katta oilalar va avlodlarning tez

o'zgarishi bilan ajralib turadi. Ikkinchi bosqichda ijtimoiy taraqqiyot va sog'liqni saqlash sohasidagi muvaffaqiyatlar tufayli o'lim darajasi keskin kamayishi, ammo tug'ilishning yuqori darajasi saqlanib qolishi bilan ajralib turadi, bu aholi miqdorining keskin va nazoratsiz o'sishiga olib keladi. O'zbekiston dunyoning ko'plab davlatlari singari o'zining demografik rivojlanishida ikkinchi bosqichdan o'tib, hozirgi davrda tarkibida yosh aholi o'sib borishi tufayli va umumiy o'lim ko'rsatkichi tug'ilish darajasidan yuqoriroq bo'lgan uchinchi bosqichda amal qilmoqda.

O'zbekistonda aholining tabiiy o'sish sur'atlarining beqaror o'smayotganligi sababli demografik rivojlanish ham notekis rivojlanmoqda. Shu munosabat bilan jahon demografik ko'rsatkichlari bilan taqqoslaganda, O'zbekiston tabiiy ravishda o'sish sur'ati 25 promilledan 15 promillegacha tushgani sabab dunyoning rivojlangan mamlakatlari o'rtasida o'rtacha ko'rsatkichga ega.

Har bir mamlakatda ishchi kuchi bandligini ta'minlash maqsadida turli islohotlarni amalga oshiradi yangi ish o'rinlarini yaratish, kadrlarni qayta tayyorlash, kasbga doir mahoratlarni oshirish va hokazo. Lekin yuqorida sanab o'tilgan islohotlar har doim ham yuqori samara beravermaydi, buning sababi esa aholi sonining o'sishi, hamda pensiyaga chiqayotganlar va mehnatga layoqatli yoshga yetayotganlarning samarali o'rin almashishini ta'minlaydigan tizimning shakllantirishning murakkabligidadir.



1-rasm. O'zbekiston aholisining yosh bo'yicha taqsimlanishi (2020 y.)⁷¹

O'zbekistonda 2020 yil yanvar holatiga ko'ra, jami aholi soni 33,9 mln. kishi bo'lib, shundan aholining 29 foizini 15 yoshgacha bo'lgan, 63 foizini 15-60 yoshdagi va 8 foizini 60 yoshdan yuqori bo'lgan aholi tashkil etgan. Bundan ko'rinadiki mamlakatda 21 mln.dan ortiq mehnatga layoqatli yoshdagi aholi mavjud (iqtisodiy faol va nafaol aholi hisobga olinganda) bu esa iqtisodiyotda mehnat resurslari mamlakatda yetarli darajada ekanligini bildiradi. Mehnatga layoqatli aholi

⁷¹ Manba: rasm muallif tomonidan Davlat Statistika qo'mitasi ma'lumotlari asosida tayyorlandi

sonining ortishi iqtisodiy o`shirga ijobiy ta`sir ko`rsatishi bilan bir qatorda, yangi ish o`rinlarini yaratish, ishsizlik kabi muammolarni keltirib chiqaradi.

Ishchi kuchi samaradorligini oshirish hozirgi vaqtda hukumat oldida turgan eng muhim masalalardan biri hisoblanadi. Sababi ishchi kuchi samaradorligini oshirish orqaligina ishsizlikning iqtisodiyotga salbiy ta`sirini kamaytirish mumkin. Samarali ishchi kuchi tarkibini shakllantrish uchun hodimlar malakasini oshirish, ularni qayta tayyorlash jarayoniga jalb etish zarur. Shuningdek, ishchi kuchining eng muhim motivatorlaridan biri bo`lgan ish haqi masalasi ham bu yerda muhim rol o`ynaydi. Buning uchun avvalambor, hodimlar oylik maoshini iste`mol savatchasi talabiga mos tarzda shakllantirish, yoki milliy valyuta so`mning to`lov qobiliyatini oshirish orqali real ish haqi darajasini bozor baholariga moslashtirish kerak.

1-jadval

O`zbekiston Respublikasida YaIM va ishsizlik darajasi o`zgarish tendensiyalari

| Yillar | YaIM (mlrd. so`m) | YaIM o`zgarishi (%) | Aholi soni o`zgarishi, (%) | Ishsizlar soni (ming kishi) | Ishsizlik darajasi (%) |
|--------|-------------------|---------------------|----------------------------|-----------------------------|------------------------|
| 2011 | 96 949,6 | 107,8 | 104,0 | 622,4 | 5,0 |
| 2012 | 120 242,0 | 107,4 | 101,5 | 626,3 | 4,9 |
| 2013 | 144 548,3 | 107,6 | 101,5 | 639,7 | 4,9 |
| 2014 | 177 153,9 | 107,2 | 101,7 | 687,0 | 5,1 |
| 2015 | 210 183,1 | 107,4 | 101,7 | 709,4 | 5,2 |
| 2016 | 242 495,5 | 106,1 | 101,8 | 724,0 | 5,2 |
| 2017 | 302 536,8 | 104,5 | 101,7 | 837,0 | 5,8 |
| 2018 | 406 648,5 | 105,4 | 101,7 | 1368,3 | 9,3 |
| 2019 | 510 117,2 | 105,8 | 101,8 | 1335,3 | 9,0 |
| 2020 | 580 203,2 | 101,6 | 102,0 | 1558,4 | 10,5 |

Manba: Jadval O`zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo`mitasi va Jahon banki ma`lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.

1-jadvaldan ko`rish mumkinki mamlakatda YaIM hajmi so`nggi yillarda barqaror ravishda ko`paymoqda, YaIM miqdori 2020 yilda 2011 yilga nisbatan 6 barobarga oshgan. Mamlakatda ishsizlik darajasi o`zgarishi esa 2011-2020 yillarda mos ravishda 5,0 foizdan 10,5 foizga o`sgan.

Ishchi kuchidan samarali foydalanish natijasida barqaror iqtisodiy o`shir davomiyligini va sifatini oshirish uchun quyidagilarni chora-tadbirlarni taklif etamiz:

- aholi real daromadlarini oshirish orqali ularning, to`lovga layoqatlilik darajasini o`stirish va shu bilan mehnat unumdorligini oshirishga erishish;

- hududlarning geografik joylashuvidan kelib chiqqan holda ish o`rinlarini tashkil qilish orqali bo`sh turgan ishchi kuchini mehnatga jalb etish;

- ish jarayoniga innovatsion yondashib jamoa mehnat faoliyatiga yangiliklarni joriy etuvchi ishchi hodimlarni ichki rag'batlantirish tizimini shakllantirish;
- jahon tajribasiga binoan korxonada daromadi oshib borishi bilan hodimlarga to'lanadigan ish haqi miqdorini oshirib borish tizimini hayotga tatbiq etish orqali hodimlarni ish jarayoniga mas'uliyatini oshirish;
- kasaba uyushmalari faoliyatini jahon andozalariga mos tarzda tashkil etish va ularning hodimlar huquqlarini himoyalash va rag'batlantirish tizimining samaradorligini oshirish.

Yuqorida keltirib o'tilgan takliflarni hayotga tatbiq etilishi natijasida ish beruvchilar va hodimlar o'rtasida o'zaro mas'uliyat darajasini oshirish va shu bilan bir qatorda ishchi hodimlarning ish jarayoniga munosabatini ijobiy tomonga o'zgartishiga ularning o'z faoliyatiga yuqori darajadagi samadorlik bilan yondoshuviga erishish mumkin. Hozirgi vaqtda ishsizlikning iqtisodiy o'sishga salbiy ta'sirini faqatgina ish bilan band aholining mehnat unimdorligini oshirish orqali kamaytrish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning 2017 yil 6 maydagi "Aholi bandligini ta'minlash bo'yicha olib borilayotgan ishlar natijadorligi va samaradorligini oshirishda mahalliy ijro hokimiyati va iqtisodiy komplekslarning hududiy organlari rahbarlarining shaxsiy mas'uliyatini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori. Manba: <https://m.sputniknews-uz.com>
2. U.A. Madrahimov, i.f.n., dots. PMTI iqtisodiy o'sishga yalpi talab va uning tarkibi ta'siri. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2016 yil
3. Sh, Shodmonov Sh, and U. V. G'ofurov. "Iqtisodiyot nazariyas: Darslik." Toshkent.: IQTISOD-MOLIYa (2010).
4. Mamaraximov Bekzod Erkinovich. "Hozirgi davrda ishchi kuchini takror ishlab chiqarishning o'ziga xos xususiyatlari" *Ekonomika i finansi (Uzbekistan)*, no. 3 (135), 2020, pp. 108-114.
5. Abdullayeva, M. (2019). Kichik biznesni rivojlantirishning institutsional jixatlari. *Arxiv nauchnix issledovaniy*, 1(1). izvlecheno ot <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/574>
6. *jadavallar va rasmlar davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlari asosida muallif tomonidan ishlab chiqildi
7. www.stat.uz
8. www.sputniknews-uz.com

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИГА ИНСОН КАПИТАЛИНИНИНГ ТАЪСИРИ

Ғ. А. Асомидинов,

**Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва
камбағалликни камайтириш вазирлиги мустақил изланувчиси**

Аннотация. Мазкур мақола инсон капитали тушунчаси изоҳи, унга киритилган инвестицияларнинг давлат ва жамият иқтисодий ривожига таъсири ва аҳамияти тўғрисида.

Калит сўзлар: инсон капитали, инсон капиталига инвестиция, таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодий ривожланиш.

Кириш

Инсон капитали - инсон ҳаёти давомида таълим, билим ва кўникмалар, саломатлигини таъминлаш бўйича олинган умумий йиғинди сифатида ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш асосида жамият учун фойдали бирлик сифатида киришига имкон берувчи кўрсаткич.⁷²

Соғлиқни сақлаш, соғлом овқатланишни таъминлаш, сифатли таълим, иш ўринларини яратиш, доимий малака ошириб боришни ташкил этиш орқали инсон капиталига инвестиция киритиш, ижтимоий жиҳатдан соғлом жамият ташкил этиш ва жамият томонидан янги билимларни яратиб боришни таъминлайди.

Адабиётлар шарҳи ва методологияси.

Биринчи марта “Инсон капитали” назарияси америкалик олимлар Т.У. Шульц ва Г.С. Беккер томонларидан ўтган асрнинг 60-йилларида ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг талиқнида инсон капитали тушунчаси қуйидагича акс этган:

“Инсон капитали – бир нечта йўналишлардаги иқтисодий тушунчаларни ўз ичига олувчи билимлар ва кўникмаларни келгусида иқтисодий фойда олиш мумкин бўлган даромад манбаи сифатида фойдаланиш”.

Жаҳон банки гуруҳи Президенти Джим Ён Ким фикрига кўра, инсон капитали ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, у давлат томонидан яратилади. Аксарият ҳолларда бу ҳолат шахслар томонидан инсон капиталига киритилган сармоянинг бошқа инсонлар учун яхши томонлама таъсирини баҳолай олмасликдан юзага келади. Мисол учун, болаларига гельминтларга қарши дори воситалари беришда ота-оналар болаларининг саломатлиги яшиланиши жиҳатидан ёндашиб, бунда, дори воситаларини қабул қилган болалар жамиятда ушбу турдаги гельминтлар тарқалишини қисқартиришга хизмат қилиши ҳақида фикр юритилмайди.

⁷² Жаҳон банки расмий сайти маълумотлари <https://www.semirnyjbank.org/ru/publication/human-capital/brief/the-human-capital-project-frequently-asked-questions>

Яна бир мисол, болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш учун ота-оналар томонидан пул тўлаш тўғрисида фикр юритилганда, болаларни таълим олишларидан ташқари ижтимоий афзалликлар ҳисобга олинмайди, хусусан ушбу орқали келажақда жинойтчилик даражаси тушиши ва шунга ўхшаш бошқа кўрсаткичлар. Ушбу ҳолатларда кумиятив оқибатлар жуда юқори. 2010 йилда ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики 1960 йилларда АҚШнинг Мичиган штатида ишлаб чиқилган мактабгача таълим дастурига сарфланган ҳар бир АҚШ доллари иқтисодиёт учун келажақда 7-12 АҚШ долларгача фойда келтирган.⁷³

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқот давомида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Қарори билан қабул қилинган «2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари 7-февралдаги ПФ-5052-сон “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда «Меҳнат органлари тузилмасини такомиллаштириш ва фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда меҳнатини муҳофаза қилиш тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 20 августдаги ПҚ-3913-сон қарорини ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўлиқ ўрганиб чиқилди.

Бу ўринда айтиш жоизки, ривожланаётган давлатларда инсон капиталига сармоя биринчи навбатда бирламчи соғлиқни сақлаш тизими ва базавий таълимга қаратилиб бу сармоялар ўз натижасини қисқа истиқболда бериб боради. Мисол учун, Перуда 2006 йилда болаларнинг бўйлари ўсиши ёшига нисбатан пастлиги сурункали тус олган бўлиб Ҳукумат томонидан ушбу муаммони ҳал этиш учун келгуси беш йилликда болаларни бўйлари ўсишда ёшига нисбатан пастлиги даражасини 5 фоизга камайтириш бўйича аниқ вазифани белгилаб, ушбу йўналишда тегишли ишларни амалга ошириб борган. Натижа кутилган муддатдан олдин эришилиб, 2008-2016 йиллар оралиғида 15 фоизга қисқартиришга эришилган. Бу эса, ўз навбатида инсон капиталиги киритилган сармоя келгуси даврларда юқори натижалар бериши мумкинлигининг яна бир исботи.

Ҳозирги кунда, кузатилаётган тенденияга кўра, жаҳон иқтисодиётида кўпроқ эътибор инсон томонидан ишлаб чиқилган товар-моддий бойликларга нисбатан у томондан ишлаб чиқилган ақлий бойликлар юқори баҳоланмоқда. Бошқача сўз билан айтганда, иқтисодиётда устувор йўналишлар ўзгариши содир бўлиб иқтисодий ўсишнинг инсон капиталини яратиш, йиғиб бориш ва ундан фойдаланишга асосланган модели юзага келмоқда. Шу билан бирга, инсон капиталини ривожлантириш ҳар бир иқтисодиёт учун асосий вазифалардан бири дейиш мумкин.

⁷³ Жаҳон банки гуруҳи Президенти Джим Ён Ким “Инсон капитали дефицити” Foreign affairs нашри

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ўсиш динамикаси (минг киши)

| Худудлар | 2015 йил | 2016 йил | 2017 йил | 2018 йил | 2019 йил |
|-------------------------------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|
| Ўзбекистон Республикаси | 31575,3 | 32120,5 | 32656,7 | 33255,5 | 33905,2 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1791,1 | 1817,5 | 1842,3 | 1869,8 | 1898,3 |
| вилоятлар: | | | | | |
| Андижон | 2910,5 | 2962,5 | 3011,7 | 3066,9 | 3127,7 |
| Бухоро | 1815,2 | 1843,5 | 1870,2 | 1894,8 | 1923,9 |
| Жиззах | 1276,1 | 1301 | 1325 | 1352,4 | 1382,1 |
| Қашқадарё | 3025,6 | 3088,8 | 3148,4 | 3213,1 | 3280,4 |
| Навоий | 927,9 | 942,8 | 958 | 979,5 | 997,1 |
| Наманган | 2603,4 | 2652,4 | 2699,6 | 2752,9 | 2810,8 |
| Самарқанд | 3583,9 | 3651,7 | 3720,1 | 3798,9 | 3877,4 |
| Сурхондарё | 2411,5 | 2462,3 | 2514,2 | 2569,9 | 2629,1 |
| Сирдарё | 790,6 | 803,1 | 815,9 | 829,9 | 846,3 |
| Тошкент | 2794,1 | 2829,3 | 2861,2 | 2898,5 | 2941,9 |
| Фарғона | 3505,3 | 3564,8 | 3620,2 | 3683,3 | 3752 |
| Хоразм | 1746,9 | 1776,7 | 1805 | 1835,7 | 1866,5 |
| Тошкент ш. | 2393,2 | 2424,1 | 2464,9 | 2509,9 | 2571,7 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари

Жадвал маълумотларига кўра айтиш мумкинки, табиий кўпайиш йиллик кўрсаткичи 2019 йилга келибгина ортганлигини кўришимиз мумкин, ваҳоланки, 2019 йил якуни бўйича аҳоли сони 2015 йилга нисбатан ортқ бўлганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу жадвал таҳлилларидан шунини кўриш мумкинки, мамлакатимиздаги аҳоли сонининг ортиши ҳам аҳолининг умумий сонига нисбатан қаралганда бир мунча камайиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Бу эса оиладаги фарзандлар сонининг камайиб бораётганлиги ва қишлоқ ҳамда шаҳарлардаги оилалар фарзандлари сонининг деярли тенглашиб бораётганлигидан далолат беради.

Бу уринда қайд этиш лозимки, инсон капитални ривожлантириш орқали иқтисодий ўсишга эришиш ҳамда интеллектуал салоҳиятни рағбатлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга эришиш мумкин.

Ўзбекистонда аҳоли ўсиш суръатлари узоқ йиллар давомида юқори кўрсаткичларда сақланиб қолиб ўз навбатида ушбу ҳолат инсон капиталига киритилаётган сармоялар кўламини кенгайтириш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасига эътиборни кучайтиришни тақазо этди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда сўнгги йилларда:

Соғлиқни сақлаш тизимини давлат томонидан молиялаштириш учун 2017 йилда Давлат бюджетига 7,3 трлн.сўм ажратилган бўлса, 2020 йилда 14,8 млрд. сўм маблағ ажратилиб молиялаштириш даражаси 2 баробарга оширилган ва ЯИМдаги улуши мос равишда 2,8 фоиздан 3 фоизга етди

Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Концепциясига мувофиқ 2025 йилга қадар ушбу кўрсаткични 5 фоизга етказиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилади.

Тиббиёт соҳасида хусусий секторга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг шуғулланиши мумкин бўлмаган тиббий хизмат турлари 8 тагача камайтирилди, натижада 2017 йилда хусусий тиббиёт муассасалари сони 4,1 мингга ташкил этиган бўлса 2020 йил якуни бўйича уларнинг сони 50 фоизга оширилиб 6,1 мингга етди.

Таълим соҳасига 2020 йилда давлат харажатлари ЯИМга нисбатан 4,1 фоизни (2017 йилда 3,8 фоиз) ташкил этган бўлса 2021 йилда ушбу кўрсаткич 4,4 фоизни (30,2 трлн.сўм) ташкил этади.

Мактабгача таълим соҳасида 2017 йилда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 27,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йил якунига ушбу кўрсаткич 61 фоизга етди. Давлат мактабгача таълим муассасалари сони 5,2 мингдан 6,2 мингга етказилди, 700 та хусусий, 1025 та давлат-хусусий шерикчилик ва 10 мингдан зиёд оилавий мактабгача таълим муассасалари ташкил этилди.

Мактабгача таълимнинг таълим-тарбия жараёнига замонавий илгор ўқитиш шакллари, янги педагогик ва ахборот технологиялари, “Илк қадам” дастури ишлаб чиқилди ҳамда ривожланишида жисмоний ёки руҳий бузилишлари бўлган болалар учун комплекс технологияларини ишлаб чиқилиб, инклюзив таълим, энг янги реабилитация ва абилитация усулларини кенг жорий этиш орқали таълим сифат даражаси яхшиланишига эришилмоқда.

Халқ таълими соҳасида мактабларда 7-синфдан бошлаб ўқувчиларни касбга ўқитиш ва кўникмалар бериш, 10-11-синф ўқувчиларни тегишли йўналишлар бўйича иқтисодий тармоқларида меҳнат амалиётини амалга оширишларига имконият яратувчи тизим жорий этилди.

Хусусий мактаблар тармоғи кенгайтирилиб уларнинг сони 51 тадан 149 тага етказилиб уларнинг сони деярли 3 баробарга оширилди.

Профессионал таълим соҳасида ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичининг 3-5-даражаларига мос келувчи янги 3 та бўғиндан иборат профессионал таълим тизими жорий

этилиб 200 мингдан зиёд ёшларни ушбу таълим тури билан қамраб олиниб, ёшларнинг замонавий касблар ва кўникмаларга эга бўлишлари орқали меҳнат бозорига рақобатбардошлиги таъминланиб борилади.

Олий таълим соҳасида 2017 йилда республикада 72 та олий таълим муассасалари фаолият кўрсатган бўлса 2020 йил якугина ушбу рақам 131 тани ташкил этди.

Ўз навбатида ёшларни олий таълим билан қамраб олинганлик даражаси ҳам юқоридаги кўрсаткичга пропорционал равишда ошиб бориб, 2017 йилда талабалар сони 298 минг нафар бўлган бўлса ўтган 2020-2021 ўқув йили қабули якуни бўйича ушбу кўрсаткич 500 мингдан зиёд бўлди.

2017 йилга нисбатан битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 10 фоизга (2017 йилда 15%, 2020 йилда 25%), магистрлар тайёрлаш параметрлари деярли икки баробарга (2017 йилда 5,9 минг, 2020 йилда 10,2 минг) давлат грантлари сони 45 фоизга оширилди. Хотин-қизларни олий таълим олишларига алоҳида эътибор қаратилиб хотин-қизлар учун умумий давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларига нисбатан 4 фоиз кўшимча давлат гранти асосидаги қабул параметрлари тасдиқланди (жами 940 нафар ўрин).

Шу билан бирга, охириги 3 йил мобайнида нодавлат олий таълим муассасаларини ҳамда хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилиб 3 йил мобайнида 19 та нодавлат олий таълим муассасалари ташкил этилиб нодавлат олий таълим муассасалари сони 27 тага етказишга эришилди.

Хулоса

Бугунги кунда, инсон капиталини ривожлантирмасдан туриб, мамлакатда иқтисодий ривожланиш даражасини ошириш имкониятимавжуд эмас. Инсон капиталига киритилган инвестиция ҳисобига, мамлакат рақобатбардошлигини ошириш мумкин. Мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишга эришиш учун, интеллектуал салоҳиятни рағбатлантириш зарур. Хозирги кунда инсон капитали инсониятнинг ҳамда ҳар бир давлатнинг тақдирини белгилайдиган мезонга айланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПҚ-4947 қабул қилинган *Ҳаракатлар стратегиясининг* 3.2. Пункти.
2. Жаҳон банки расмий сайти маълумотлари <https://www.semirmirnyjbank.org/ru/publication/human-capital/brief/the-human-capital-project-frequently-asked-questions>
3. Жаҳон банки гуруҳи Президенти Джим Ён Ким "Инсон капитали дефицити" *Foreign affairs* нашри
4. *Мактабгача таълим инсон ривожининг омили сифатида. Иқтисодий тадқиқотлар маркази маърузаси.* 2017. www.cer.uz.
5. Eurostat: *Migrant Integration 2017.* –Luxemburg: Publication Office if the European Union. -2017. -108p.; Eurostat: *Quality report of the European Union labor force survey 2015.* –Luxemburg: Publication Office if the European Union. -2017. -56p.

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШДА ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА КЛАСТЕРЛАРИ ТИЗИМИНИНГ РОЛИ.

Г.Г. Умарова, и.ф.н.,
“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси
доценти, ТДИУ

Аннотация: Ушбу мақолада тўқимачилик саноатини ривожлантириш стратегияси таҳлил қилинган. Тармоқни ривожлантиришда кластер тизими батафсил ўрганилган ва келгусида тармоқ ривожланиши бўйича таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Таянч сўзлар: тўқимачилик саноати, инвестициялар, хорижий инвестициялар, инвестицияларни бошқариш, инвестиция лойиҳалари, инвестиция жараёни, экспорт салоҳияти, экспорт ҳажми, экспорт динамикаси, экспорт географияси, экспорт кўрсаткичи, рақобатбардошлик, рақобатбардошлик даражаси, кластер, модернизация, диверсификация.

Аннотация: В настоящей статье проанализирована стратегия развития текстильной промышленности. Изучена система кластера в развитии отрасли, а также приведены предложения и рекомендации для развития отрасли в перспективе.

Ключевые слова: текстильная промышленность, инвестиции, иностранные инвестиции, управление инвестициями, инвестиционные проекты, инвестиционный процесс, экспортный потенциал, объем экспорта, динамика экспорта, география экспорта, показатели экспорта, конкурентоспособность, степень конкурентоспособности, кластер, модернизация, диверсификация.

Abstract: In the present article it is analysed the strategy of the development of textile industry. The system of a cluster in development of the industry are studied and also offers and recommendations about development of the industry are brought as examples.

Key words: textile industry, investments, foreign investments, the management of investments, investment projects, investment process, export potential, export value, export dynamics, export geography, export parameter, competitiveness, degree of competitiveness, cluster, modernization, diversification.

Маълумки, ҳукуматимизнинг фаол тизимли саноат сиёсати миллий иқтисодиётимизни диверсификациялаш ва модернизациялашга ҳамда унинг рақобатбардошлигини кўтаришга, етакчи тармоқларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга, уларга инвестицияларни кенг жалб қилишга, жумладан, маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш ҳисобига экспорт

салоҳиятини кўпайтиришга қаратилган. Хом ашёдан юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотгача бўлган экспортни босқичли ва режали қайта йўналтириш тўқимачилик ва енгил саноатни ривожлантиришнинг янги стратегиясини янада шакллантиришга ёрдам берди. Бу ҳақида Президентимиз Ш.М.Мирзиёев: «Менинг бош мақсадим – одамларни даромад манбаи, иш билан таъминлаш. Бундан кейин биз чет элга пахтани камроқ экспорт қиламиз, уни мамлакатимизда қайта ишлаб, қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқарамиз», деб қайд этдилар [1].

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерлари – бу ягона ёки бир нечта юридик шахсларнинг биргаликда корхоналар гуруҳи доирасида ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)нинг кластер усулини қўллаган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш, уларни сақлаш ва транспортировка қилиш ҳамда улардан истеъмолга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни қамраб олган мажмуадир. Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерларини келишув асосида биргаликда кластерини ташкил этиш истагини билдирган ва ҳамкорлик келишувини тузган юридик шахслар ташкил этади.

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластери – бу кластер жойлашган ҳудуддаги бинолар, иншоотлар, қурилмалар ва бошқа объектлар йиғиндисидан иборат бўлади. Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластери мезонлари – бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва ундан истеъмолга тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчиларига агросаноат кластери мақомини бериш учун зарур бўлган талаблар:

1. Ишлаб чиқаришнинг кластер усули – бу замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш, уларни сақлаш ва транспортировка қилиш ҳамда улардан истеъмолга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни илмий, инновацион услуби асосида ташкил этиш жараёни.

2. Талабгор – бу пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластер мақомини олиш учун ариза берган юридик шахс.

3. Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластери “уруғ – кўчат – маҳсулот етиштириш – тайёрлаш – сақлаш – қайта ишлаш – транспортировка қилиш – бозорга етказиш” тамойили бўйича амалга оширилади.

Қуйидагилар пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерни ташкил этиш мезонлари ҳисобланади:

– пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерининг ҳудудийлиги, узлуксизлиги ва узвийлиги;

– талабгорда ёки пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластер иштирокчисида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун белгиланган тартибда ажратилган ёки фермер хўжаликларидан иккиламчи ижарага олинган ер майдонининг мавжудлиги;

– талабгорда тўғридан-тўғри инвестиция киритадиган корхоналарига маблағлар банкдаги ҳисобварагида маблағларнинг мавжудлиги;

– пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластери қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни қайта ишлаш жараёнига илмий ёндашувни таъминлаш имконини берувчи лабораториялар, илмий муассасалар мавжудлиги;

– пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерини инфратузилмасининг мавжудлиги;

Талабгорни ўрганиш натижаларига кўра, мезонларга мувофиқ келган тақдирда туман ҳокимлиги ва талабгор ўртасида инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни назарда тутган агросаноат кластерини ташкил этиш тўғрисида битим тузилади. Талабгор мезонларга мувофиқ бўлмаган тақдирда тегишли камчиликлар кўрсатилган ҳолда талабгорнинг аризаси қаноатлантириш рад этилади. Бунда рад этиш сабаблари аниқ кўрсатилиши лозим. Битимда қуйидагилар назарда тутилган бўлиши лозим:

– битим предмети;

– битимнинг амал қилиш муддати ва шартлари;

– томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

– пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерини ташкил этиш бўйича инвестициявий ва ижтимоий, шу жумладан янги иш ўринлари яратиш мажбуриятлари;

– пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластер ташкил этиш учун зарур бўлган инвестиция ҳажми;

– битимни бекор қилиш шартлари;

– низоларни ҳал этиш тартиби назарда тутилиши зарур.

Томонларнинг ихтиёрига кўра, битимда бошқа шартлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластери иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларни ва ўз товарларининг (ишларининг, хизматларининг) истеъмолчиларини мустақил равишда танлашга;

– ўзларига ажратилган ер участкаларида ўз фаолият йўналишидан келиб чиқиб қишлоқ хўжалиги экинларини эркин жойлаштириш;

– етиштирилган ва ишлаб чиқарилган товарлар (маҳсулотлар)ни эркин тасарруф этиш;

– заруратга кўра қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг ерларидан уларни иккиламчи ижарага олган ҳолда фойдаланиш;

– қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш тадбирларини

амалга ошириш мақсадида ажратилган ер участкалари умумий майдонининг тўртдан бир қисмидан ошмаган майдонида ҳар йили илмий асосланган алмашлаб экишни жорий қилиш;

– қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерлари иштирокчилари:

– бевосита ўзлари томонидан ёки қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларидан шартнома асосида харид қилинган маҳсулотларни қайта ишлаш орқали истеъмолга тайёр маҳсулот кўринишида реализация қилишлари;

– ердан белгиланган мақсадга мувофиқ оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қиувчи технологияларини қўллаш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймасликлари шарт.

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерларини бошқарувчи ва унда иштирок этувчи шахсларга мазкур бандда назарда тутилмаган мажбуриятлар юклатилишига йўл қўйилмайди. Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерининг мажбуриятлар бажарилиши мониторинги “Ўзтўқимачиликсаноат” Уюшмаси томонидан олиб борилади. Бунда, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластер мониторинг натижалари юзасидан ҳар чоракда “Ўзтўқимачиликсаноат” Уюшмасига ахборот киритиб боради. Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластери белгиланган асосларда тугатилган тақдирда тақдим этилган солиқ ва божхона имтиёзлари натижасида бўшайдиган маблағлар тўлиқ ҳажмда тегишли маҳаллий бюджетга ундирилади.

Хулоса сифатида шунини айта оламизки, тўқимачилик саноатининг стратегик ривожланишида 2017-2021 йиллар учун 10 та пахта-тўқимачилик кластерлари яратилиши режалаштирилган эди. Бизнинг мамлакатимиз пахта-тўқимачилик кластерлари тизимига киритилди. Биз ҳар доим текстиль секторида downstream - тола, газлама, тайёр буюмлар тизими кетаётганини таъкидлар эдик. Бугун эса текстиль секторида upstream тизими кетяпти, яъни биз пахта толасини ҳам етиштириш, ҳам ишлаб чиқариш тизимини ярата олдик.

Тўқимачилик тармоғини ривожлантириш стратегиясини таҳлил қилишимиз куйидаги ижобий натижаларни кўрсатяпти:

1. 2016-2020 йиллар учун тармоқни ривожлантириш дастурини амалга ошириш натижасида пахта толасини ички қайта ишлаш 849,4 минг тоннага ўсди; маҳсулотлар экспорти 2,5 млрд. долларига кўпайди; 947,0 млн.долларлик хорижий инвестициялар жалб қилинди; ички қайта ишлаш улуши 2 баробарга ўсди; 27,0 мингта янги ишчи ўринлари яратилди. 2020 йилда ип-калавани қайта ишлаш 85,3 %га етди.

2. Саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини айирбошлашга келгусида тармоқни ривожлантириш учун тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш Дастури мавжуд.

3. Маҳсулот ва хизмат экспорти ҳажми оширилмақда.

4. Тузилмавий қайта ўзгаришларни давом эттириш сифатида - республикада етиштирилаётган пахта толаси ва ипакни аниқлаштирилган босқичли Президент схемаси бўйича энг охириги истеъмол учун, яъни тайёр маҳсулотгача янада чуқур қайта ишлашни таъминлашни йўлга қўйиляпти.

5. Шунингдек, ривожлантириш стратегияси доирасида ишлаб чиқариш қувватларини: бўялган тола бўйича - 3 баробарга, трикотаж полотно бўйича - 1,5 баробарга, тайёр газламалар бўйича - 2 мартага, тикув-трикотаж маҳсулотлари бўйича - 3 мартага, чулки-носки маҳсулотлари бўйича эса - 2 мартага кўтариш назарда тутилган. Бу эса, ўз навбатида, истеъмол бозорини тўйинтиришга ёрдам беради.

7. Саноат ишлаб чиқаришнинг жами ҳажмида тайёр маҳсулот улушини кўтаришни 70 %гача етказиш режалаштирилмақда [2].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёвнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 йил.
2. "Ўзбектўқимачиликсаноат" Уюмасининг 1994-2019 йиллар учун статистик маълумотлари.
3. www.uztex.uz

ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШТИРИШНИНГ УСЛУБИЙ РИВОЖЛАНИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

Д.И. Рўзиева, и.ф.н.,
Тармоқлар иқтисодиёти кафедраси
доценти, ТДИУ

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон тараққиётида кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириши ва уларни инвестициялаши борасида яратилган имкониятлар ва муаммолар хусусида гапирилган. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини инвестициялаши механизми, инвестиция маблағларини инфратузилмаси яъни тижорат банкларини, траст компанияларини, инвестиция компанияларини ва инвестицион фондлар билан боғлиқ эканлиги ва бу борадаги қатор иқтисодчи олимлар фикрларининг таҳлими ва илмий изланиш натижаларига кўра тақлиф ва тавсиялар келтирилган.

Таянч сўзлар: кичик бизнес, инвестиция маблағлари, инновация маблағлари, хавф-хатар, инфратузилма, тижорат банклари, траст компаниялар, инвестиция компаниялари, инвестицион фондлар, даромадлар ва янги жамғармалар, жамғарма нормаси, фойда норма, дифференциация, амортизация, инновацион-индикатив сегмент.

Кириш.

Ўзбекистоннинг тараққиёт тамойилларни амалга оширишда кичик бизнес тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожланиши мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Сўнгги беш йилда бу соҳани ривожлантиришга қаратилган 2 мингга яқин қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномасида келтирилган фикрлар яъни “Эркин рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда тадбиркорларга хом-ашё сотиб олиш учун тенг имкониятлар яратиш, давлат харидларида қатнашувини ошириш, ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларни инвестициялаштиришни кучайтириш макроиқтисодий барқарорлик ислохотларининг мустаҳкам пойдеворидир” [1] деган эди.

2021 йилнинг 20 август куни мамлакат Президенти Ш.Мирзиёев Тадбиркорлар билан мулоқот [17] ўтказиш жараёнида ҳам бугунги кунда кичик бизнес тадбиркорлигида учраб келаётган 7 та муҳим йўналишларни санаб ўтди. Шулардан биринчи йўналиш бу бизнесни молиялаштириш эди. Дарҳақиқат, тадбиркорлар томонидан бўлаётган мурожаатлардан ҳам шуни кўриш мумкинки бугунги кунда мурожаатларнинг 40 фоизи бизнесни молиялаштириш ва молия-кредит масалалари билан боғлиқ эканлигини айтиш мумкин.

Бу эса кичик бизнес субъектлари фаолиятини инвестициялаштириш муҳитларини, ташкилий-иқтисодий механизмларини бозор талаблари асосида такомил-

лаштириб бориш, уларнинг иқтисодий ҳолатларини ўрганиш, хорижий мамлакатлар кичик бизнес тадбиркорлигида ижобий тажрибаларидан фойдаланиш йўналишларини, ривожлантириш заҳираларини ҳамда истиқболли ривожлантириш масалаларини татбиқ этиш орқали уни услубиётини яратишда долзарб муаммовий масалалардан ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси.

Кичик бизнес субъектлари фаолиятини инвестициялаштиришда учрайдиган муаммоларини ўрганиш ва уларни олдини олиш борасида илмий изланишлар олиб бориш юртимизда нисбатан кам ўрганилган соҳалардан бўлиб, у долзарблик касб этмоқда. Ушбу соҳа бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишлари ўрганилди.

Мавзунини таҳлил қилишда эса қиёсий таҳлил, тузилмавий таҳлил ва монографик таҳлил усуллардан фойдаланилди ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижалари.

Дунё амалиётида кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиявий ва ҳуқуқий жиҳатдан давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, ушбу жараёнлар самарадорлигини оширишга, қулай бизнес муҳитини янада яхшилашга, пул-кредит механизмларидан самарали фойдаланишга, кичик бизнес субъектларини замонавий инвестициялаш йўллариини жорий этишга, уларни давлат томонидан тартибга солишда унинг пул-кредит механизмларидан самарали фойдаланиш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш бўйича кенг имкониятлар яратиш, янги инновацион гояларни ва технологияларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли тадқиқот ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

Бизга маълумки, кичик бизнес субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожланиши маълум даражада инвестицион маблағлари билан таъминланиш даражасига боғлиқдир. Тадбиркорлар ўз фаолиятларида ҳар доим ҳам етарли инвестицион маблағларга эга бўлмайдилар. Чунки ишлаб чиқариш жараёнини доиравий ҳаракати доимий равишда бир текисда бормайди.

Инвестиция маблағлари ўзининг доиравий ҳаракатида ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқариш ҳом-ашёлари, тайёр маҳсулот ёки тугалланмаган ишлаб чиқариш ва пул босқичларида яъни молия маблағлари йиғиндиси инвестиция ва инновация маблағлари шаклида бўлиши мумкин. Улар чекланган даражада бўлади. Шунинг учун ҳам ундан самарали фойдаланиш зарур.

Бизга маълумки, инвестицион фаолиятни ривожланиши инвестиция механизмига боғлиқ бўлиб у инвестиция маблағларини инфратузилмаларига боғлиқ. Бу инфратузилмалар кредит бериш ташкилотлари бўлими ўз ичига тижорат банкларини, траст компанияларини, инвестиция компанияларини ва инвестицион фондларни олади.

Бу соҳани давлат томонидан қабул қилинаётган ва ишлаб чиқаришга татбиқ этилаётган инвестициялаштириш лойиҳасини ишлаб чиқаришга қўлланилиши бо-

расидаги инвестиция сиёсати иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ўз самарадорлигини кўрсатади. Давлат томонидан миллий иқтисодиётни ривожлантириш бўйича қабул қиладиган инвестициявий сиёсати мамлакат даражасида ишлаб чиқариш жараёнларини самарадорлигини таъминлаш ва ички, ташқи истеъмол бозорларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини рақобатдошлигини таъминлаш асосида иқтисодий-ижтимоий ривожланиш асосида белгиланган мақсадларга эришиш ҳисобланади. Давлатнинг инвестицион сиёсатининг мамлакатда ишлаб чиқариш жараёнини инновацион асосда ривожлантириш асосида аҳолининг турмуш даражаларини барқарор ўсиб боришини таъминлайди. Аҳолини иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан барқарор ривожланишини таъминлашда кичик бизнес субъектлари фаолиятларида ишлаб чиқаришнинг ривожланишини таъминлаш алоҳида иқтисодий аҳамиятга эга.

Кичик бизнес субъектлари фаолиятини инвестициялаштиришнинг **тадқиқот натижалари** бўлиб, шу соҳага оид илгор ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибаларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш асосида уларнинг назарий ва амалий қарашларини умумлаштириш, кичик бизнес тадбиркорлик самарадорлигини оширишда инвестициялаштиришнинг услубиятини яратиш, уларни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда инвестициялаштиришнинг микроиқтисодий даражада инқирозсиз ривожланишини таъминлашда уларнинг услубий асосларини яратишда учрайдиган хавф-хатарларни аниқлаш ва гуруҳлаштирилиши, уни олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган кўрсаткичларини ишлаб чиқаришга қўлланиши, хорижий илгор мамлакат тажрибаларидан республикада қўллаш имкониятлари бўйича тавсияларни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан чоп этилган статистик маълумотлар асосида ишлаб чиқилган ва таклиф қилинган истиқболли ривожлантириш кўрсаткичларини ва олинган илмий-назарий хулосаларни амалда синовдан ўтганлиги ва кичик бизнес тадбиркорлиги томонидан мақуullanганлиги билан изоҳланади.

Таҳлиллар.

Республика кичик бизнес субъектлари фаолиятини 2015-2020 йиллар ичида ялпи ишлаб чиқарилган ички маҳсулотдаги ҳиссаси (1-жадвалда кичик бизнес субъектларининг асосий иқтисодий фаолият йўналишларидаги ҳиссаси келтирилган).

Республикада (1-жадвал)да келтирилган ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда кичик бизнес субъектлари фаолиятини ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси иқтисодий таҳлил даврида 62,9 фоиздан 53,9 фоизга камайишининг асосий сабаби давлат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришни шу даврда ўсиши ҳисобига камайган. Кичик бизнес субъектлари фаолиятида ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулоти шу давр ичида 39643,5 млрд сўмдан 27052,0 млрд. сўмга ёки 1,46 маротабага камайган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бўйича ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳиссасига [16] вилоятлар бўйича ишлаб чиқарилган саноат тармоқларидаги юқори хисаси 66,8 фоизи Жиззах вилоятига энг кам ҳиссаси Қо-

рақалпоғистон 20,0 фоизи Республикасига тўғри келган.

1-жадвал

Кичик бизнес субъектларини 2015-2020 йиллар ичида ялпи ишлаб чиқарилган ички маҳсулотдаги ҳиссаси [16], фоизда

| Кўрсаткичлар/йиллар | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
|---------------------------|------|------|------|------|------|------|
| Ялпи ички маҳсулот | 62,9 | 64,9 | 63,6 | 59,4 | 54,2 | 53,9 |
| Саноат маҳсулоти | 40,6 | 45,3 | 41,2 | 37,4 | 25,8 | 27,5 |
| Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти | 98,0 | 88,6 | 98,5 | 98,3 | 97,9 | 97,1 |
| Инвестиция | 40,3 | 40,9 | 38,1 | 38,1 | 44,3 | 46,7 |
| Қурилиш | 66,7 | 66,9 | 64,8 | 73,2 | 75,8 | 72,4 |
| Савдо | 87,1 | 89,6 | 88,4 | 86,3 | 83,6 | 82,7 |
| Барча хизматлар | 60,2 | 63,2 | 58,3 | 56,0 | 53,2 | 53,7 |
| Юк ташиш | 50,1 | 53,7 | 54,2 | 55,5 | 54,4 | 53,2 |
| Аҳолини ташиш | 77,9 | 78,2 | 78,0 | 76,9 | 90,4 | 88,7 |
| Бандлик | 77,9 | 78,2 | 78,0 | 78,3 | 76,2 | 73,8 |
| Импорт | 46,5 | 46,8 | 53,6 | 56,2 | 61,6 | 51,8 |
| Экспорт | | 26,0 | 22,0 | 27,2 | 27,0 | 20,5 |

Кичик бизнес субъектлари фаолиятини инновацион-инвестициялаштириш асосида ривожлантиришни таъминлаш учун ҳар бир иқтисодий минтақанинг табиий бойлик, меҳнат ресурслари билан таъминланиш шароитларини эътиборга олган ҳолда инновацион-инвестициялаштириш билан боғлиқ бўлган инновацион инфратузилмаларни давлатнинг инновацион инфратузилмалар сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш зарур.

Мамлакатда кичик бизнес субъектларини инновацион-инвестициялаштиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, унинг миллий иқтисодий асосининг яратилиши учун зарур бўлган шароитларнинг яратилганлиги ва шу соҳа бўйича иқтисодчи олимларнинг илмий ёндашувларини чуқур таҳлил қилинганлиги натижасида кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантиришнинг миллий иқтисодий асоси яратилади. Кичик бизнес субъектларини инвестициялаштириш назариясини ривожлантиришда жаҳон иқтисодчи олимларининг хизмати катта.

Биз иқтисодчи Ю.В. Буровнинг кичик бизнес тадбиркорлигини паст молиявий даражага эга бўлган мустақил минтақаларда уларни инновацион ривожлантириш бўйича берган илмий хулосасига қўшила олмаймиз. Сабаби кичик бизнес тадбиркорлик корхоналари республикамизнинг ҳамма иқтисодий минтақаларида уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳолатларини қандай даражада бўлишидан қатъий назар уларни республика даражасида [ЯИМ] ўсиб боришида асосий ўринни эгаллаётганлигидан келиб чиққан ҳолда инновацион ривожлантириш асосида уларни самарадорлигини ўсиб боришини таъминлаш иқтисодий минтақаларни ҳам иқтисо-

дий ва ижтимоий барқарор ривожланишига олиб келади деб ҳисоблаймиз.

2-жадвал

**Инвестиция ва инновация назариясини ривожлантириш
бўйича жаҳон иқтисодчи олимларини фикрлари**

| т/р | Иқтисодчи олимларнинг Ф.И.Ш. | Олимларнинг иқтисодий қарашлари |
|-----|--|--|
| 1 | Ф.Кенэ | Дастлабки такрор ишлаб чиқариш моделида оддий такрор ишлаб чиқариш жараёнини таҳлил қилган. у ташқи савдо ва нархларни ўзгаришини эътиборга олмаган. Ўз-ўзидан равшанки у ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтириш учун зарур бўлган капитал, қўшимча капитал масалалари уни бу назариясида ўрин олмаган. |
| 2 | К. Маркс | Такрор ишлаб чиқариш назариясининг асосий мазмуни, ҳар қандай жамиятда моддий бойлик, ишлаб чиқариш учун доимий равишда қайтарилишини такрор ишлаб чиқарилишини таъминлаш, ишлаб чиқариш ва муомала жараёнида ижтимоий капитални бозор механизмлари орқали боғланган ҳолда такрор ишлаб чиқаришга қаратилган. Карл Маркснинг такрор ишлаб чиқариш назарияси 4 босқичда ишлаб чиқариш, тақсимот, алмашув ва истеъмолдан ташкил топган. |
| 3 | А. Пигу | Инвестицияни хавфлик даражаси ва унга келадиган даромадларни илмий таҳлил қилиш асосида “инвестиция ижтимоий барқарорликни асоси” деган хулоса келган. |
| 4 | Г.Шредер | Инвестиция папкасини шакллантиришдан келадиган даромадни маълум даражада хавфсизлигини эътиборга олган ҳолда уни оптимал ва инвестициялаштириш даражасини белгилаш асосида қимматли қоғозлар чиқариш даражасини аниқлаш мумкинлигини айтиб ўтган. |
| 5. | В.Т.Матвеев | “Инвестиция бу узоқ муддатли ишга сарфланадиган маблағ бўлиб у асосий капиталга, асосий фондларга сарф қилинадиган харажатларни ифодалайди [9]”. |
| 6. | Лоренс Дж Гитман ва Майкл Д.Джонк | “Инвестиция бу курул бўлиб унга пул маблағларини жойлаштириш, уни қийматини сақлаш ёки кўпайтириш ва зарурий даромадни таъминлаши керак. Эркин пул маблағлари бу инвестиция эмас у инфляция натижасида истеъмол қилиниши ва ҳеч қандай даромадни таъминламаслиги мумкин, чунки инвестиция маълум даромад олишга кафолат беради” деб ҳисоблайдилар [3]. |
| 7. | Ж. Кейнс | Ж.Кейнс даромадлар ва янги жамғармаларни ташкил топиши учун, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун пул жамғармалари эмас балки инвестиция қўйилмалари ташкил этади деб ҳисоблаб, уни мультипликатор самарадорлиги деб атаган. |

| | | |
|-----|---|--|
| 8. | Э.Хансен | Иқтисодни циклик назариясига унинг коэффициенти қўллаш асосида иқтисодий танглик ҳолатида инвестиция харажатларини кўпайтириш ҳисобига ва ортиқча ишлаб чиқариш босқичида инвестиция харажатларини камайитириш ҳисобига давлат ишлаб чиқариш ва аҳолининг меҳнатга яроқли ресурсларини даврий тебранишларини олдини олиши мумкинлигини очиб беради [12]. |
| 9. | Р. Солоу | Барқарор ўсиш суръатини таъминлаш, истеъмолни юқори даражада ҳажмини топиш, аҳолини ишлаб чиқаришга жалб қилиниши ўсиши ва янги ишлаб чиқариш технологияларини қўллашни иқтисодий ўсишга таъсирини ўрганиб қуйидаги илмий-назарий хулосага яъни унинг иқтисодий ўсиши модели инвестициянинг катта ҳажмига миллий даромаддаги жамғарма нормасининг юқорилиги ва аҳоли жон бошига даромад кўпайишига мувофиқ келишига асосланган [10]. |
| 10. | Кэмпбелл Р. Макконнелл ва Стэнли А. Брю | Инвестицияларнинг икки омига: тадбиркорларнинг харажат қилган инвестицияларга олинган фойда нормасига ва олинган инвестиция маблағлари учун тўланадиган фойз миқдорига боғлиқ эканлигини кўрсатиб берганлар [2]. |
| 11. | Д. Ғозибеков | Инвестицияни макроиқтисодий даражадаги ўрнини таърифлаб «макроиқтисодий даражада инвестициялар, ишлаб чиқариш воситаларини такрор ишлаб чиқаришга, уй-жой фондини, товар захираларини ўстириш ва шу қабиларга сарф қилинган чиқимларининг бир қисми, яъни ялпи ички маҳсулотнинг капитални ўстиришга қаратилган ва жорий даврда ишлатилмаган қисми»дир [11] деб тарифлайди. |
| 12. | В.Ю Буров | “Худуднинг молиявий мустақиллиги паст даражада бўлган технологик инновацияларни жорий этиш ва уларнинг ривожланишининг юқори дифференциацияси, кичик бизнес секторининг паст даражаси ва биринчи даражада кичик бизнес тадбиркорликни инновацион-индикатив сегменти, худудий даражада замонавий шароитларда юзага келиши деярли мумкин эмас [13]”деб таъкидлади. |

Айрим иқтисодчи олимлар иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришни рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга боғлиқ деб таъкидлайдилар ва бунга:

- ишлаб чиқариш жараёни ишлаб чиқариш қобилиятини ошириш асосида истеъмолни қаноатлантириш минтақалар даражасида мавжуд бўлган таффовутларни йўқотилиши аниқ маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб беришда ифодаланиб унинг натижаси ахборот маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш билан боғлиқ бўлиб, улар трансакцион харажатларни камайитириш бўйича қабул қилинадиган қарорлар ҳуосасига боғлиқ бўлади;

- бизнес олиб бориш самарадорлигини ўзгартириб боришини таъминловчи тармоқ ахборотларни тарақий эттириш самарадорлиги ва янги бизнес моделини олиб боришга боғлиқ;

- янги истеъмол қийматини “инновацион янгилик асосида истеъмолчиларни ишлаб чиқарувчилар жалб қилиш асосида истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар

ўртасидаги муносабат истеъмолчиларни ишлаб чиқарувчилар томонга жалб қилинишига олиб келади [14]. Республикада кичик бизнес тадбиркорлигини корхоналарини инновацион иқтисодиёт талаблари асосида ривожлантириш уларнинг бизнесни инвестициялаштириш фаолиятларини ўсиб боришига олиб келади.

Таҳлиллар инвестиция маблағларини ялпи инвестиция маблағига ва инновацион инвестиция қисмига бўлинишини кўрсатмоқда. Инвестиция ялпи ва қисман инвестиция шаклида бўлиб, бунда ялпи инвестицияси корхона амортизация ажратмаларидан ташкил топади. Амортизация ажратмалари ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётган корхоналардан фойдаланиш ҳисоби тушган амортизация ажратмаларидан ташкил топади. Инвестиция ишлаб чиқариш корхоналарининг ривожлантириш учун сарфланаётган қўшимча капитал маблағини ифода этади. Агарда ялпи инвестиция корхона маблағи амортизация ажратмаларига нисбатан кўп бўлса инвестиция маблағларидан самарали фойдаланаётганлигини кўриш мумкин.

Инвестиция харажатларини ўсиб бориши объектив ҳолат бўлиб у асосан жамият аъзоларининг иқтисодий ва ижтимоий талабларини қондириш билан боғлиқ. Агарда инвестиция ажратмалари амортизация ажратмаларига нисбатан қиймат жиҳатдан кам бўлса бу инвестиция кўрсаткичи нисбий даражада салбий бўлади. Агарда бу иккала кўрсаткич даражаси бир ҳил бўлса иқтисодиётда ўзгариш йўқлигини ифода этади. Агарда ишлаб чиқариш корхоналари ўзларининг фаолиятларини ривожлантириш учун қўшимча инвестиция маблағларига заруриятлари бўлса қўшимча маблағларга жалб қилишларига инвестицион капитални ташкил этади. Иқтисодчи олим Й. Шумпетер “Инновация-бу янги истеъмол товарларини, янги ишлаб чиқариш ва транспорт воситаларини бозорини ва саноатда ишлаб чиқаришни ташкил этиш [5]” деб ҳисоблайди. Иқтисодчи В.Н Лапин фикрича “инновация истеъмол талабларини зарурий даражада яратиш учун янгиликни яратиш, тарқатиш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган умумлашган жараёндир [6]” деб ҳисоблайди. Ёки иқтисодчи И.В. Афонин фикрича “ишлаб чиқариш жараёнидаги янгилик самарали инновация жараёни бўлиб у тасниф ва қўлланишда фарқланади. Ишлаб чиқарилган, амалиётда қўлланилган ва самара келтирадиган аниқ янгиликни ижтимоий-иқтисодий юқори фойдаликка [7] эгалигидир.

Иқтисодчи В.Г. Мединский “Инновация бу техникавий, иқтисодий ва ижтимоий жараёни бўлиб ишлаб чиқаришда янги товар (хизматлар)ни янгилик тариқасида жорий этишдир [6]”, иқтисодчи Ф.Никсон фикрича “инновация-бу техникавий, ишлаб чиқариш, тижорат тадбирлари томонидан ишлаб чиқариладиган ва истеъмол бозорларида янги яхшиланган технологиядир [8]” деб ҳисоблайди.

Иқтисодчи Джумаев У.М. фикрича корхоналарда инновацион янгиликларни ишлаб чиқиш ва уни сотиш учун инновацион жараёни бошқариш зарур деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга инновация, фаол янгиликлар ишлаб чиқариш, корхоналарини инновацион жараёни натижасидир [15].

Чернов В.А. ўзининг “Инновационный анализ учебный пособие” сида инновацион жараёни илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари, инновацион технологияларини ва ишлаб чиқаришни янги бошқарув услуби [4] деб ҳисоблайди.

Хулоса ва тақлифлар

Юқоридаги фикрлардан қилиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатни тўғри асосланган ҳолда шаклланиши кичик бизнес субъектлари фаолиятини инвестициялаштириш борасида шу соҳага инвестиция ва инновация маблағларини кириб келиши ва ҳаракатлар учун ижобий шароитлар яратади. Бу эса мамлакатда шу соҳани ривожлантириш учун инвестицияларни ўсишини янада ошириб, инвестициялаштиришда ва соҳага инновацион ёндашувнинг иқтисодий моҳиятини янада ошишида иқтисодий элементларни ўзаро боғлиқлигини таъминловчи янги иқтисодий концепцияни ташкил қилади ва бунда:

- кичик бизнес субъектлари фаолиятини инвестициялаш ва уни ривожлантиришни талаб ва тақлиф қонунлари асосида амалга ошириш кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришни самарадорлигини таъминлайди. Инвестициялаштириш маблағларининг маълум бир қисми амортизация маблағи тариқасида амортизация фондида жамғарилади. Инвестиция ва инновация соф маблағлари амортизация фонди маблағидан ортиқ бўлган қисми ташкил этади.

- иқтисодчи олимлар томонидан инвестициявий равишда ишлаб чиқаришни ривожланишига турли шаклларда илмий-назарий равишда берган хулосаларини ўрганиш асосида биз инвестиция маблағи миллий иқтисодиётни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш учун давлат бюджетидан, корхона ишлаб чиқариш жараёнида олган фойдасидан, тижорат банкларидан олинган кредитларидан ва хусусий тадбиркорлар жамғарма маблағларидан ташкил топган индустриялаштиришни бозор шароитида инновацион ривожлантиришга йўналтирилган маблағларни инвестиция маблағлари деб ҳисоблаймиз;

- миллий иқтисодиётни инновацион инвестициялаштиришни рақамли иқтисодиёт талаблари асосида ривожлантириш корхона кичик бизнес субъектлари фаолиятини самарадорлигини ўсишига олиб келади.

- кичик бизнес тадбиркорлигини инвестициялаштиришни иқтисодий таҳлил қилиш асосида уни иқтисодий ижтимоий ва ҳуқуқий асослари йўналишлари бўйича бир тизимга келтирилади;

- жаҳон иқтисодиёти тараққиётида ривожланган мамлакатлардаги инновацион инвестициявий ривожланиш кичик ва ўрта бизнес субъектларини ўзларининг ишлаб чиқариш фаолиятларини илмий техникавий марказлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга асосланиши ҳисобланади;

- кичик бизнес тадбиркорлигини ўсиб бориши асосида уларнинг олган фойдалари уларда кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришни инвестициялаштиришнинг асосий манбаи уларни ишлаб чиқариш асосида олган фойдалари ҳисобланади ва уларнинг молиявий иқтисодий тизимини бозор шароитларидан келиб

чиққан ҳолда иқтисодий таҳлил қилиш зарур;

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган иқтисодий ривожланишни турли мулкчилик эгаллиги асосида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш эркин рақобат асосида олиб борилиши натижасида улар томонидан ишлаб чиқариш жараёнини инвестициялаштириш ва ишлаб чиқаришни инновацион ривожлантиришга катта эътибор берилади.

Ўзбекистоннинг тараққиёт тамойилларни амалга ошириш шароитида кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантиришда соҳа учун сарфланадиган капиталлар инвестиция капиталлари бўлиб, у ишлаб чиқариш ва инсон капиталини инвестициялашга бўлинади. Инновация эса инвестиция маблағларининг маълум қисмини инсон капиталини интеллектуал даражаларини ошириш асосида ишлаб чиқариш жараёнини инновацион тарзда янгилаш асосида янги истеъмол бозорлари учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулот товарлар инновацион инвестиция ҳаражатларини натижасини ифода этади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М.Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
2. Макконел К.Р. Брю С.А., Экономикс: Принципы, проблемы и политика Т.: Республика, 1992, 210-214с.
3. Лоренс Дж Гитман. и Майкл Д.Джонк Основа инвестирования М.: 1997. 10 с.
4. Чернов В.А. Инновационный анализ: учебное пособие 2-е изд.перераб. и доп.-М.; ЮНИТИКИДАК. 2007.с.59.
5. Шумпетер Й. Теория экономического развития. М.; Проспект. 1982.71с.
6. Латин В.Н. Социальный аспект управления нововидениями. Таллин. 1981.с.21., 8 б.
7. Медвинский В.Г. Инновационное предпринимательство. М.; ИНФРА-М.: 1997.с.18.
8. Никсон Ф. Инновационный менеджмент. М.; 1997.с.23.
9. Матвеев В.Т. Основа экономической знаний. Т.: 1998, 448. 295с.
10. Чепурина М., Кисилова С. Курс экономической теории, Киров, АСА, 1999, 568-570 б.
11. Ғозибеков Д. Инвестиция нима дегани? Бозор, пул ва кредит. 1999, W 9. 40 б.
12. Экономический словарь. М.: Прспект 2001 275с.
13. Буров В.Ю. Малое предпринимательство в пространственном развитии региона. Вестник Бурятского Государственного Университета. Серия. Экономика и право. №2 (1) 2015.С 78-84
14. Василенко И.В. Цифровая экономика: Концепции и реальность Инновационные кластеры и цифровой экономике; теория и практика, результаты научно практической конференции с международным участием./ под.ред.ра экономики, проф. А.Б.Бабкина-СПб: Издательство Политехнического университета. 2017, с.147-156
15. Джумаев У.М. Инновационное предпринимательство как фирма устойчивого роста промышленного производства Республики Таджикистан // Автореферат дексс.Уч.Стев. кандидат.экономических наук-М.;2010-с.7.
16. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик 2015-2018. Тошкент. 2019 йил. Статистик тўплам. 18 б; 22 б. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик 2017-2020. Тошкент. 2021 йил.
17. <https://president.uz/uz/lists/view/4550>

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ–ОВҚАТ САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ПАСАЙТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЖИХАТЛАРИ

М.К.Абдуллаева и.ф.н.,
“Фундаментал иқтисодиёт” кафедраси
доценти, ТДИУ

Мамлакатимизни ижтимоий иқтисодий ривожланишини таъминлашда локомотив тармоқларидан бири бўлган саноат тармогини ривожланиш кўрсаткичлари муҳим ҳисобланади. Саноат корхоналарида харажатларни пасайтириш барча ишлаб чиқарувчиларнинг диққат марказидаги муаммолардан биридир.

Миллий иқтисодиётда меҳнат унумдорлиги ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири саналади. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида “иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш”⁷⁴ лозимлиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтилган. Чунки саноат тармоқларини ривожланиши ҳозирги кунда глобал жаҳон иқтисодиётида рақами иқтисодиёт шиддат билан ривожланиб келаётган бир вақтда бир қатор омилар таъсирида шаклланади.

Иқтисодиёт тармоқларида саноатни ривожлантиришнинг тутган ўрни ва аҳамияти Р.С.Портер, Д. Деверюкс ва бошқа бир қатор хорижлик олимлари, А.Ортиқов⁷⁵,

Э.Х. Махмудов,⁷⁶ М.Исоқовлар ва бошқа бир қатор маҳаллий олимлар томонидан тадқиқ этилган. Ҳозирги кунда мамлакатни динамик ривожланишини таъминлашда саноат тармогининг ҳам хиссаси ошиб бормоқда.

Мамлакатнинг замонавий иқтисодиётида саноат 10 дан ортиқ комплекс тармоқларни, алоҳида ва шу билан бир қаторда технологик жиҳатдан бири-бирига боғлиқ бўлган хом-ашёни қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш тармоқларни ўз ичига бирлаштиради.

Ўзбекистонда 2019 йилда 331,0 трл.сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, унинг ўсиш темпи 106,6% ни ташкил этди. Мустақилликнинг

⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони

⁷⁵ Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти. –Т.: “Sano-standart”, 2014. – Б.– 40

⁷⁶ Махмудов Э.Х., Промышленность Узбекистана.-Т.: «Иқтисодиёт», 2013. – Б.- 26-30.

дастлабки йилларидаёк, озиқ–овқат саноати тубдан ўзгартирилиб, ҳозирги кунда ушбу тармоқ стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоқни ташкил этади. Озиқ–овқат саноати Республикада биринчи навбатда, маҳаллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб чиқаришга асосланган ва ёғ-мой, сутни қайта ишлаш, кондитер ва бошқа бир қатор корхоналар фаолият юритиши асосида сифатли озиқ–овқат маҳсулотларни етказди.

Миллий иқтисодиётимизда озиқ–овқат саноатининг республика ЯИМ улушида 2016 йилда 18,0 фоизни ташкил этган⁷⁷ ва 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 15,9 фоиз кўп озиқ–овқат маҳсулотлари ишлаб чиқилган. 2018 йилнинг мос даврига нисбатан солиштирилганда 2019 йилда истеъмоладан маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркидида поозик озиқ–овқат маҳсулотларининг улуши 69,0 %дан 68,0% гача камайган. Озиқ–овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида вино ва ароқ маҳсулотлари ва пиво 7,1 фоизни ташкил этди.⁷⁸

Мустақиллик йилларида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотлари 1,6 баробар, саноат усулида қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари истеъмоли деярли 4 баробарга ортди.⁷⁹ Озиқ–овқат саноатида ушбу тармоқларнинг ривожланишида товарларнинг хилма–хиллигининг ортиши ва аҳолини ушбу товарларга бўлган талабнинг ортиши мос равишда таъсир кўрсатган.

Ўзбекистонда бир қатор озиқ–овқат саноати тармоқларида жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнига эга. Ўзбекистон жаҳондаги пахта ёғи ишлаб чиқарувчи 20 та йирик ишлаб чиқарувчилар таркибига киради. Озиқ–овқат саноатида пахта чигитидан ёғ ишлаб чиқарувчи корхоналар Тошкент шаҳрида, Фарғона, Каттақўрғон ва бошқа бир қатор минтақаларда ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар. Ўзбекистон жаҳон миқёсида тамат пастаси ишлаб чиқариш бўйича бешинчи ўринни, куриқ мевалар етиштириш бўйича ўнтаклик йирик ишлаб чиқарувчилар таркибидадир⁸⁰.

Озиқ–овқат саноатини техник–технологик ривожланиши инновацион жараён бўлиб, кўпгина иқтисодий, яъни объектив ва субъектив, ташқи ва ички омиллар таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқарилган озиқ–овқат саноати маҳсулотларида товарнинг таннархи хом–ашё ва истеъмолчи жойлашувига кўра турли хил ҳудудларда бир–биридан фарқ қилади. Демак, хом–ашё ва истеъмоладан омилларини умумлаштириб ҳисобга олган ҳолда, озиқ–овқат саноатини жойлашувини уч гуруҳга ажратишимиз мумкин:

⁷⁷ Миркомиллов М.Н. Развитие промышленности и её роль в экономике Республики Узбекистан // Иқтисод ва молия 2017, 10, 35– с.

⁷⁸ Ўзбекистон Республикаси давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида

⁷⁹ Усманов З.К., Қўзиев К.Ф. Ўзбекистон озиқ–овқат саноати тармоқларида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг минтақавий хусусиятлари // Иқтисод ва молия 2016, 7, 36– б.

⁸⁰ Миркомиллов М.Н. Развитие промышленности и её роль в экономике Республики Узбекистан // Иқтисод ва молия 2017, 10, 35– с.

1. Хом–ашё манбасига йўналтирилган тармоқларнинг жойлашуви – ёғ-мой, консерва, шакар, виночилик ва шу каби тармоқлар.
 2. Бевосита тайёр маҳсулотларни истеъмол қилувчилар жойлашувига йўналтирилган тармоқлар жойлашуви –қандолат, ун-ёрма, макарон каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш тармоқлари.
 3. Хом–ашё ва истеъмолчи жойлашувига йўналтирилган озиқ –овқат саноати тармоқлари – ун-ёрма ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқлари.
- Биз шу билан бир қаторда, озиқ–овқат саноатини ривожланишини таъминловчи омиларни таҳлил қилишимиз мумкин.

I – жадвал

Озиқ–овқат саноати ривожланишини таъминловчи омилар⁸¹

| Ишлаб чиқариш ўсишини таъминловчи омилар | Ишлаб чиқариш ўсишини таъминловчи кўшимча омилар |
|---|--|
| 1) озиқ–овқат маҳсулотларига бўлган аҳоли талабининг ошиши | 1) Инновацион технологияларни қўллаш |
| 2) хом–ашё базасининг ошиши | 2) янги бозорларни излаб топиш |
| 3) инвестиция маблағларини киритиш ҳажмининг ошиши | 3) сифат характеристикасини яхшилаш |
| 4) божхона тарифлари чора–тадбирлари орқали тартибга солиш | 4) маҳсулот хавфсизлиги бўйича сертификатларга эга бўлиш |

Жадвалга аҳамият берсак, ҳозирги кунда жаҳон миқёсида коронавирус пандемиясининг кенг тарқалиши ва аҳолини озиқ–овқат хавфсизлигини таъминлашда биринчи навбатда озиқ овқат саноат тармоқларини кенгайтиришга бўлган талаб ошади. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан 2016–2020 йилларда озиқ овқат саноати тармоғини ривожлантириш дастурида умумий суммаси 596 млн бўлган 180 дан ортиқ лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Ҳозирги кунда ушбу лойиҳага киритилган “Ангрен шакар”, “Мехнат малт”, “Gold Dried Fruits”, “Sunny Fruit Production”, “Master Global Plus” каби ишлаб чиқарувчи корхоналар ўз фаолиятларини олиб боришмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар озиқ–овқат саноатида ҳам ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Шу жумладан, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати ҳам ошиб бормоқда. Иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра 2025 йилга бориб Ўзбекистон даромадлари ўртачадан юқори бўлган мамлакатлар қаторига киради ва озиқ–овқатларга, айниқса мева–сабзавотларга бўлган талаб ортиб бориши тахмин қилинмоқда. Республика ҳукумати томонидан 2015- 2020 йиллар учун аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш концепцияси қабул қилинган бўлиб, унга кўра аҳоли

⁸¹ Жадвал муаллифлар томонидан ишланган

томонидан мева-сабзавотни истеъмол қилиш ҳажмини 2020 йилга қадар 15%га ошириш кўзда тутилган.⁸²

Умуман олган озиқ-овқат саноатини ривожлантириш юқорида кўрганимиздек, аграр сектор билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам қуйидагиларга асосий эътибор қаратиш лозим:

– тармоқлараро интеграцияни кучайтириш, яъни қишлоқ хўжалигида яхши ҳосилдорликка эга бўлиш учун инновацион илмий марказлар – аграр сектор орасидаги ҳамкорликни кучайтириш;

– озиқ-овқат саноати соҳасида хом ашё етиштирувчи, қайта ишловчи, ва логистик фирмаларнинг битта кластерда мужассамлашуви орқали иқтисодий самарадорликни ошириш;

– жаҳон тажрибасига кўра мева-сабзавотларнинг 90%и янги узилган ҳолда истеъмол қилинишини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг электрон бозорини янада ривожлантириш лозим.

Ишлаб чиқаришнинг асосий мақсадига эришиш учун барча ресурслардан оқилона фойдаланиш, тайёрланадиган маҳсулотнинг ҳар бир бирлигига сарфланадиган ҳаражатларни камайитириш керак. Ўзбекистон Республикасида ҳам айнан ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мамлакатнинг тўлов балансида ижобий тенденцияларга эга бўлишида хом ашё ресурслари эмас, балки тайёр маҳсулот эвазига эришишида айнан ишлаб чиқариш асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам саноат тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга оширишда модернизация қилиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни диверсификациялаш орқали амалга оширилолмоқда. Ушбу йўналишда меҳнат унимдорлиги ҳам марказий ўринни эгаллайди. Меҳнат унимдорлигини оширишни ижтимоий меҳнатни тежовчи омил сифатида қараш мумкин. Агар ишлаб чиқаришнинг умумий самарадорлиги ҳаражатлар ва ресурсларнинг айрим турлари билан солиштирилган иқтисодий самаранинг умумий миқдори тушунилса, меҳнат унимдорлиги - инсон меҳнатининг муайян вақт ичида озми - кўпми маҳсулот ишлаб чиқариш қобилиятидир. Ишлаб чиқаришнинг умумий самарадорлиги ҳаражатлар ва ресурсларнинг айрим турларидан фойдаланиш даражасини аниқлаш ва баҳолаш учун қўлланилади ва умуман, халқ хўжалиги бўйича, тармоқлар, корхоналар, капитал қурилиш объектлари бўйича ҳисоблаб чиқилади. Бундай самарадорликни аниқлаш ҳаражатлар ва ресурслар самарадорлиги даражасини, самарадорликнинг асосий йиғимларини акс эттирувчи дифференцияланган кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқишга асосланади. Бундай кўрсаткичларга ишлаб чиқаришнинг ёки унда тайёрланадиган маҳсулотнинг меҳнат сифими, материал сифими, фонд сифими, капитал сифими киради.

⁸² www.review.uz. Ўзбекистан принял концепцию здорового питания стоимостью. 3,7 млрд. сумов и \$403 тыс.

Ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришда меҳнат унимдорлиги ошириш кўрсаткичлари ҳам алоҳида ўринни эгаллайди.

Меҳнат унимдорлиги ўсишини ўртача иш ҳақининг ўсиш суръатларидан илгариллашчи суръатларини таъминлаш (ёки маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари суръатининг нстемол фондлари ўсиши суръатларидан ортиб кетиши). Бу тамойилнинг моҳияти — ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш асосида меҳнат даромадларини максимал (энг кўп) даражага етказишдан иборат. Бу тамойилга риоя қилиниши жамғариш жараёнининг, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини тақозо этади ва корхонанинг ривожланиши ҳамда равнақ топишининг зарур шarti ҳисобланади. Мазкур тамойилнинг бузилиши товарлар билан таъмин этилмаган пулнинг тўланишига, унинг кадрсизланишига, мамлакат иқтисодиётида тургунлик ҳолатлари авж олишига олиб келади. Муайян корхона шароитида бу ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш жараёнининг секин-аста сусайиб бориши, улардан энг истиқболлиларини ишлаб чиқариш ва сотиб олиш мўлжалининг йўқлиги ҳамда бунинг натижаси сифатида рақобат қилувчи фирмалар ўртасида камроқ сифатли маҳсулотга бўлган талабнинг пасайишидир.

Меҳнат унимдорлиги кўрсаткичи иқтисодий ўсишни кўрсатувчи индикаторларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам барча даврларда меҳнат унимдорлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Реал ЯИМни ошириш икки усул билан амалга ошириш мумкин:

1. Ишлаб чиқаришга кўплаб ресурсларни йўналтириш;
2. Ишлаб чиқаришга йўналтирилган ресурслардан унимли фойдаланиш орқали.

Меҳнат унимдорлиги ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий ҳажмини уни ишлаб чиқариш учун кетган вақтга нисбатига айтилади ёки бошқача қилиб айтганда, битта банд кишига тўғри келадиган реал иш вақти тўғри келади.

Меҳнат унимдорлигини ошириш ҳар қандай иқтисодий тизимда ҳам турли хил йўللarda турли омиллар таъсирида амалга оширилади. Агар юқорида келтирилган ҳолатлардан бири юзага келса, меҳнат унимдорлиги ошади: ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ошиб, харажатлари пасайса; харажатларга нисбатан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳажми тезроқ суръатларда ўсса; харажатлар пасайиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ўзгаришсиз қолса.

Меҳнат унимдорлиги омиллари бу ҳаракатга келтирувчи кучлар бўлиб, уларнинг таъсирида унинг даражаси ўзгаради. Режалаштирилаётган йил учун меҳнат унимдорлиги режалаштирилган йил меҳнат унимдорлиги даражасининг базис йилга нисбатининг фоздаги ифодаси орқали аниқланади.

Бизнинг фикримизча, меҳнат унимдорлигини оширишни аниқлашда, қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур: ишлаб чиқаришнинг техник даражасини ошириш; ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил қилишни бошқаришни такомил-

лаштириш – бошқарув структурасининг ишлаб чиқариш ва ташкилий бўғинларини ҳар бир даражасида бошқаришни яхшилаш, бошқаришнинг иқтисодий, ташкилий, ижтимоий–психологик услубларидан самарали фойдаланиш, ишчилар малакасини ошириш, иш вақтидан фойдаланиш самарасини ошириш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони
2. Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти. –Т.: “Sano–standart”, 2014. – Б.– 40
3. Махмудов Э.Х., Промышленность Узбекистана.-Т.: «Иқтисодиёт», 2013. – Б.- 26-30.
4. Миркомиллов М.Н. Развитие промышленности и её роль в экономике Республики Узбекистан // Иқтисод ва молия 2017, 10, 35– с.
5. Усманов З.К., Қўзиёв К.Ф. Ўзбекистон озиқ-овқат саноати тармоқларида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг минтақавий хусусиятлари// Иқтисод ва молия 2016, 7, 36– б.
6. The Foreign Agricultural Service <http://www.fas.usda.gov/Data & Analysis/>

ИННОВАЦИОННЫЕ ПРЕОБРАЗОВАНИЯ В ПОДГОТОВКЕ КОНКУРЕНТОСПОСОБНЫХ КАДРОВ

Г.Ш. Карабаева,
*PhD ст. преп. Ташкентского филиала
РЭУ им. Г.В.Плеханова*

Аннотация: В статье рассматриваются инновационные подходы в период трансформации образования. Автор даёт сравнительную характеристику высшего образования как ведущего фактора в подготовке конкурентоспособных кадров.

Ключевые слова: образование, инновации, студент, потенциал, эффективность, качество.

Инновация, как педагогический приём, не есть безусловное новшество для системы образования, которая прошла в своём развитии несколько эволюционных этапов, в ходе которого традиционализм сменялся прогрессом. Были и обратные тренды, когда прогрессивные формы, методы и способы обучения принудительно замещались на консервативные (и это можно наблюдать даже сейчас, когда многие частные и государственные образовательные учреждения стремятся вернуться к так называемым историческим корням). Педагогические новации, новаторство (как способ организации педагогической деятельности) – это в первую очередь нестандартность образовательно-воспитательных методик в широком понимании.

Как сказал глава нашего государства такое быстрое увеличение количества учебных заведений в стране стало благодаря нашим усилиям «... в целях повышения интеллектуального потенциала общества, прежде всего молодежи, расширения доступа к современным знаниям и профессиям» [1].

Еще более сложная ситуация складывается с определением критериев установления статуса инновационного учебного заведения, что определяет актуальность исследования и необходимость обращения к анализу зарубежного опыта в данной области. Эти обстоятельства определили не только выбор темы исследования, но и его цель, заключающуюся в установлении особенностей присвоения статуса инновационного учебного заведения в отечественной и зарубежной образовательной практике.

При изучении вопросов инновационного развития учебных заведений в современной науке прослеживается доминанта разработок, посвященных сфере высшего образования. Данная проблема отражена в работах учёных дальнего зарубежья (Д. Джонстоун, Ф. Ллахер, В. Ройтер, А. Хайтон, С. Хебел, Х. Г. Хофман), так и ближнего (А. Г. Глинчиковой, И. Г. Животовской, С. JI. Зарецкой, Э. Ю. Кавериной, Г. В. Семеко), а также отечественных учёных и исследователей.

В образовательной системе сегодня функционирует большое число различных типов учебных и образовательных учреждений на разных уровнях: в системе

общего, профессионального образования, повышения квалификации и т.д. Между тем практика такова, что по ключевым направлениям апробации, адаптации, внедрения, дальнейшего трансферта методов, моделей и технологий во многих университетах не созданы специальные организационные единицы и подразделения. Таким образом, многие разработанные педагогические и прочие инновации фактически находятся в условиях постепенно затухания, будучи удаленными от образовательной практики и предпринимательской деятельности. Спектр таких инноваций также, пока следует признать недостаточным, ввиду традиционно сложившейся низкой инновационной активности специалистов-разработчиков [2]. Подобные обстоятельства требуют обращения к зарубежному опыту как резерву, позволяющему установить возможности преодоления сложившихся проблем.

В соответствии с осуществляемой инновационной политикой в сфере науки и образования все страны мира сегодня можно разделить на три основные группы:

- в первую входят государства, которые нацелены на абсолютное лидерство в научной сфере и крупномасштабные инновационные проекты (США, Великобритания, Франция);

- во вторую – государства, сосредоточенные на вопросах создания благоприятных условий для разработки, апробации и массового внедрения инноваций, направленных на повышение эффективности национальной экономики в целом (Швеция, Швейцария, Германия, Испания, Португалия, Бельгия, Финляндия);

- третью группу составляют государства, предпринимающие попытки создать наиболее эффективные условия для стимуляции инновационной активности за счет расширения соответствующей инновационной инфраструктуры, углубленного изучения достижений мирового научно-технического прогресса, их апробации и развития в национальных условиях, интеграции разнообразных научно-технических сфер (Япония, КНР, Южная Корея, Сингапур, Индия и др.).

Если в начале прошлого века инновации определялись как инструмент управления бизнесом, приводящий к коммерческому успеху, а позднее как овестьственная техническая идея, увеличивающая эффективность и качество, то далее было определено, что инновация представляет собой процесс развития с особыми характеристиками и закономерностями.

Спустя годы отношение к смыслу инноваций изменилось в сторону реформистского направления как влияющего фактора на развитие не только национальной экономики, но и малых промышленных зон, областей и районов. Сегодня мы представляем инновации в виде показателя уровня экономики и всех сфер без исключения.

Мы поняли это в период распространения пандемии коронавируса, когда только с помощью инноваций отдельные сферы хозяйствования смогли осуществлять свою деятельность в онлайн формате. Таким образом, ситуация изменила отношение общества к инновационным внедрениям, трансформации идей и тех-

нологий, несмотря на возраст, пол, религию и национальность. И генерирование инновационного духа еще не закончено, а продолжается всеми методами разработки.

В Узбекистане онлайн образование как форма получения высшего не развито на должном уровне, хотя в стратегии развития до 2035 года запланирован переход к массовому онлайн образованию. Во многих развитых странах история онлайн образования уже насчитывает больше 30 лет и к моменту пандемии достигло такого уровня, что вузы и почти все школы успешно перешли на удаленный формат и смогли его поддерживать во время карантинов.

В республике пока нет возможности обеспечить высшим образованием всех желающих даже просто на очном отделении. По подсчётам 28 процентов населения получают высшее образование, по сравнению с 2016 годом увеличение в 3 раза (9 процентов). К 2030 году планируется обеспечить 50 процентов населения, в результате организации деятельности новых учебных заведений.

В системе высшего образования действуют 127 высших образовательных организаций, в составе которых 7 академий, 64 университета и 6 высших религиозных образовательных организаций и филиалов. Количество организаций высшего образования в Республике Узбекистан на начало 2020/2021 учебного года составило 127, увеличившись, по сравнению с соответствующим периодом прошлого учебного года, на 8 единиц (6,7%).

В 2020/2021 учебном году в высших учебных организациях в общей сложности обучалось 571,5 тыс. студентов, при анализе в разрезе регионов наибольшее их количество обучалось в городе Ташкенте - 185,5 тыс. человек, их доля составляла 32,5% от общего числа всех студентов.

Всего в 2020/2021 учебном году в высших образовательных организациях обучалось 571,5 тыс. студентов, из них 260,0 тыс. (45,5%) - женщины и 311,5 тыс. (54,5%) – мужчины.

Процесс трансформации образования будет успешным и полноценным, если вуз к этому относится серьезно: есть программное обеспечение, адаптированные под дистанционщиков онлайн курсы по каждой дисциплине учебного плана, надежная и глубокая система промежуточного и итогового контроля и оценки знаний, преподаватели мотивированы и обучены к работе онлайн технически и педагогически. С этими условиями студент получит образование, которое ничем не отличается от очного, и диплом, который будет гарантировать знания. [3]

Еще одна важная наша позиция стимулирование прироста. Это общемировая тенденция, особенно в высокоразвитых странах. В Скандинавии, Южной Корее, США высшее образование получают от 80% до 90% молодежи.

Одним из важнейших положений сегодня является расширение доступности высшего образования. Раньше (30 лет назад) у нас все студенты учились за счёт бюджета, а в настоящее время таких лишь малая часть. Для сравнения: более 90% студентов в Германии и более 80% студентов во Франции учатся за счёт бюд-

жета. В Великобритании и США существует развитая система льготного образовательного кредитования.

Обновление инфраструктурной базы в сочетании с той промышленной политикой, которую предлагает сегодня государство - единственный механизм реанимации этого сектора образования. Выпускники техникумов должны быть настроены на практическое производство, а выпускник вуза на разработку перспективных технологий и руководство производством.

Количество действующих высших образовательных организаций в стране достигло 127 ед., из общего числа высших образовательных организаций иностранных высшие образовательные организации составили 26 ед.

Конечно, и уровень требований к преподавателю должен повышаться. В современном мире, с учетом высоких скоростей развития - нужно новое качество подготовки. Нужна программа укрепления педагогических вузов, творческая работа над программами повышения квалификации. Педагогические вузы в этом плане должны стать кустами, откуда пойдет «рассада» по всей системе образования. Мощь этих вузов определит мощь педагогических кадров в целом.

Но прикладная наука, лишенная одного крыла - академической подпитки, и второго крыла - инфраструктуры для производственной реализации, естественно, никогда не взлетит. Восстановить это равновесие нужно более равномерным распределением средств и кадров. Не противопоставлять, а создать единую систему.

Только гармоничное сочетание фундаментального и прикладного создаст синергетический эффект, приведет к достижению желаемой сверхцели: востребованности труда и продукта научной мысли в производстве. Это даст возможность гармонизировать и соединить потенциал и инструментарий регионального и национального уровня, обеспечить постепенное и более качественное развитие педагогических инноваций, их масштабирование с учетом ускоренного темпа инноватизации системы образования в Узбекистане.

Список использованной литературы

1. Ш.М. Мирзиёев. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. // "Янги Ўзбекистон". – 16 август 2021.
2. Барышникова М.Ю., Ващурина Е.В., Шарыкина Э.А., Сергеев Ю.Н., Чиннова И.И. Роль опорных университетов в регионе: модели трансформации // Вопросы образования. 2019. № 1. С. 8–43. DOI: <http://doi.org/10.17323/1814-9545-2019-1-8-43>.
3. Карабаева, Г. Ш. Инновационное решение проблем высшего образования Узбекистана в «постпандемический» период / Г. Ш. Карабаева // Проблемы и перспективы развития экономики и образования в Монголии и России: сборник материалов Международной научно-практической конференции, посвященной Году науки и технологий – 2021, Улан-Батор, 09 апреля 2021 года / Российский экономический университет имени Г.В. Плеханова, Улан-Баторский филиал. – Чебоксары: Общество с ограниченной ответственностью «Издательский дом «Среда», 2021. – С. 67-73.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ РОЛИ

А.А. Қосимов, PhD,
Тармоқлар иқтисодиёти кафедраси
катта ўқитувчиси, ТДИУ

Аннотация. Ушбу мақолада иқтисодиётнинг реал секторларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг аҳамияти ва роли очиб берилган. Шунингдек, замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш йўналишлари ҳамда унинг афзалликлари батафсил ёритилиб берилган.

Калит сўзлар: замонавий ахборот технологиялари, иқтисодиёт, реал сектор, бошқарув, самарадорлик.

Аннотация. В статье раскрывается важность и роль использования современных информационных технологий в реальных секторах экономики. Также подробно описаны направления эффективного использования современных информационных технологий и их преимущества.

Ключевые слова: современные информационные технологии, экономика, реальный сектор, менеджмент, эффективность.

Annotation. This article reveals the importance and role of the use of modern information technologies in real sectors of the economy. The directions of effective use of modern information technologies and its advantages are also described in detail.

Keywords: modern information technology, economics, real sector, management, efficiency.

Жамиятнинг барча соҳаларида шиддат билан амалга оширилаётган туб исохотларни мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида етакчи мамлакатлар қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашни таъминлайдиган замонавий инновацион гоёлар, ишланмалар ва фан-техника ютуқларига асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этмоқда.

Шу боиз, 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш **стратегиясига асосан** ахборот ва инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун технопарклар, эркин иқтисодий зоналар ва илмий-ишлаб чиқариш кластерларини ташкил этиш устувор вазифалардан этиб белгиланди [1].

Чунончи, тўртинчи саноат инқилоби дея эътироф этилаётган рақамли иқтисодиёт шароитида ишлаб чиқариш корхоналарида илғор ахборот технологияларни кенг жорий этиш ва уларни сифатли дастурий таъминот билан

таъминлашнинг аҳамияти шундаки, у тармоқлар ривожланиши билан бир қаторда меҳнат унумдорлиги ва унинг сифатини ҳам оширади.

Умуман олганда ахборот технологиялари ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини ташкил этувчи асосий тармоқларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва сифатли бошқарув сиёсатини шакллантиришнинг асосий воситаси ҳам ҳисобланади.

Н.Мильчакованинг фикрича, мамлакат 1 фоиз иқтисодий ўсишига эришиш учун ахборот-коммуникация соҳаси 3 фоизга ўсиши лозим [2]. Яъни, ахборот-коммуникация соҳаси нафақат жамият тараққиётини ва давлат хавфсизлигини таъминлашнинг, балки мамлакат иқтисодиёти барқарор ўсиб боришининг муҳим омилларидан биридир.

Жаҳон тажрибаси ҳозирги вақтда ахборот технологиялари замонавий саноатнинг муҳим таркибий қисмларидан бири эканлигидан далолат беради. Юқори технологияли ишлаб чиқаришнинг энг муҳим соҳалари ривожланиб бораётган ахборот технологиялари орқали янги юқори технологияли маҳсулотларни яратишни таъминлайди [3].

О.Пергунованинг фикрича, замонавий ахборот технологиялари ва тармоқларидан фойдаланиш саноат корхоналари учун фаолиятни бошқариш сифатини оширишни ва ходимларнинг янада самарали ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди [4]. Шунингдек, М.Гаджиевнинг таъкидлашича, дунёда сўнгги бир неча йил ичида тармоқ корхоналари истеъмолчиларнинг ўзгариб бораётган талабларидан келиб чиқиб, маҳсулот ишлаб чиқаришда индивидуал ёндошув ва ноёб товарларни фақатгина компьютер технологияси ва замонавий дастурий таъминотлар ёрдамида амалга ошириш мумкин [5].

Шу нуқтаи назардан, саноатнинг технологик ўзига хослиги замонавий технологиялар, жумладан компьютер технологиялари ва уларнинг дастурий таъминотларини яратиш ҳамда доимий равишда такомиллаштириш талаб қилинади.

Республикамизда ана шундай технологиялар асосида барпо этилаётган корхоналар сони тобора ортиб бормоқда. Хусусан, 2020 йил давомида 96743 та корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилган бўлиб, 2019 йилга нисбатан 75,8 фоизга кўпайган. Шунингдек, бугунги кунда республикада 7901 та корхона ва ташкилотлар фаолият юритиб келмоқда. Мазкур кўрсаткич 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 13,3 фоизга ортган.

Ахборот-коммуникациялари технологиялари секторининг ялпи қўшилган қиймати 2019 йилда 7,5 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 6,4 фоизга ошган.

Таҳлилларга кўра, дунёдаги энг йирик ва бюджети катта бўлган компанияларни айнан рақамли компаниялар ташкил этади. Жумладан, Amazon (АҚШ) бозор капиталлашуви 873,2 млрд. АҚШ доллари, Tencent (Хитой) бозор

капиталлашуви 448,0 млрд. АҚШ доллари, Sony (Япония) бозор капиталлашуви 54,9 млрд. АҚШ доллари, Sargemini (Франция) бозор капиталлашуви 17,9 млрд. АҚШ доллари, CGI (Канада) бозор капиталлашуви 16,5 млрд. АҚШ доллари, HCL Tech (Ҳиндистон) бозор капиталлашуви 8,7 млрд. АҚШ доллари ва ASUS (Тайланд) бозор капиталлашуви 5,5 млрд. АҚШ доллари [6].

Умуман олганда, иқтисодиёт тармоқларида автоматлаштирилган ишлаб чиқаришни бошқариш тизими сўнги йиллар давомида кенг тарқалган эди. Шу билан бирга, интеграциялашган автоматлаштиришнинг асосий очилиши аниқлангани йўқ, бироқ замонавий тизимда бизнесни бошқариш соҳасида ахборот технологияларини жорий этиш муаммоларини эчишга қодир бўлган бундай тизимлар ва малакали мутахассисларни тайёрлашда маълум тажрибаларга эришилди. Аммо, шу билан бир қаторда стандарт ҳисобот ва статистик ҳисоботлар асосида олинган кўрсаткичларни шакллантиришда мавжуд муаммолар тўлиғича ечилмаган. Жумладан, иқтисодиёт тармоқларида мавжуд структура ва бошқарув технологияларини ўрганиш, маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, ахборот технологиялари асосида ташкилий тузилмалар ва бошқарув технологияларига оид янги вариантларни ишлаб чиқиш ва ҳоқоза.

Зеро, ўтказилган таҳлиллар ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, унинг ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтиришда ахборот технологиялари алоҳида ўрин тутишини кўрсатмоқди.

Шу боис, реал секторларда аввало, инсон капиталини ривожлантириш, шунингдек фан, ихтиролар ва технологиялар тизимини ривожлантириш, инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, рақобатни ривожлантириш ва маъмурий тўсиқларни қисқартириш, инфратузилама ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш каби йўналишларга эътибор қаратилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.



1-расм. Реал секторда ахборот технологияларнинг роли⁸³

⁸³ Муаллиф ишланмаси.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, реал секторларда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг бир қатор афзалликлари мавжуд. Жумладан, бошқарув тизимини оптималлаштириш ва шу йўналишдаги ортиқча харажатларни қисқартириш, ташкилий масалаларни реал вақт ичида ва сифатли бажариш, ишлаб чиқариш жараёни босқичларини афтоматлаштириш ва масофадан бошқариш, маҳсулотлар савдосини электрон тижоратлаштириш, замонавий менежмент ва маркетинг усулларидан самарали фойдаланиш имкониятини беради (1-расм).

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиётнинг реал секторларида ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш ва унинг ривожланиши учун шарт-шароит яратиш, инновацион ечимлар истеъмолини рағбатлантириш ва илм-фан соҳасини ҳар томонлама рағбатлантириш ҳамда мамлакатнинг жаҳон майдонидаги рақобатбардошлигини ва инновацион тараққиёти даражасини кўтаришга хизма қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон фармони.*
2. *Мильчакова Н. Телекоммуникации в России: Структурную реформу проблемы повышения рыночной стоимости акций // «Вопросы экономики», №7, 2001.*
3. *Е.А. Горин. Информационные технологии и инновационное развитие промышленности // Инновационная экономика. № 7 (84), 2005. С. 67*
4. *Пергунова О.В. Использование информационных и телекоммуникационных технологий на промышленных предприятиях Оренбургской области // Экономические наука. №8(15) 2013 Часть 3. С. 46*
5. *Гаджиева М.М. Информационные технологии в легкой промышленности // Международный студенческий научный вестник. №3 - 2012.*
6. *<https://www.brookings.edu/research/trends-in-the-information-technology-sector/>*

ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МИЛЛИЙ ИННОВАЦИОН ТИЗИМНИНГ ТАЪСИРИ

**М.А. Маматов, PhD,
доценти, ТДИУ**

Аннотация. Мақолада миллий иқтисодиётнинг институционал тузилмасини такомиллаштиришида миллий инновацион тизимнинг таъсири тадқиқ этилган. Миллий инновацион тизимнинг схемаси ишлаб чиқилган, тизимдаги институционал тузилмаларнинг функциялари ва уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ёритилган. Миллий инновацион тизимни такомиллаштириши бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: институционал тузилма, миллий инновацион тизим тақрор ишлаб чиқариши тузилмаси, саноат, хизмат кўрсатиши, технологик уклад, инвестиция, инновация, иқтисодий ўсиши.


Кириш

Институционал тузилма расмий институтлар: қонунлар, қатъий меъёрлар, қабул қилинган қоидалар; норасмий институтлар: ижтимоий нормалар, мафкура; норасмий институтлар фаолиятини тартибга солувчи анъана ва қадриятлар) иқтисодий тизимнинг ривожланиш даражасини белгилайди ва жамиятнинг ривожланиш индикаторидан иборатдир. Юқори фан сиғимли технологиялар салоҳиятига асосланган ҳолда ривожланган мамлакатларнинг моддий-техник базасининг ривожланиши истиқболли технологик укладнинг шаклланишида ҳал қилувчи омил бўлиб, жамиятда ижтимоий фаровонликнинг юқори даражасига олиб чиқди. Ўзбекистон Республикаси хом-ашё моделига асосланган иқтисодиётининг таркибий тузилмаси, шунингдек, технологияларнинг ҳаётий циклини қисқаришида намоён бўладиган илмий ва технологик ривожланишнинг глобал тенденциялари, илмий билимларни жамғариш суръати, юқори фан сиғимли технологияларнинг тарқалиш тамойиллари ҳамда институционал муҳитдаги ўзгаришлар миллий иқтисодиётнинг институционал таркибий тузилмасини такомиллаштиришни долзарб қилиб кун тартибига қўймоқда. “Албатта, биз эски тизимни батамом ўзгартириб, ўз олдимишга қўйган мақсадга тўлиқ эришдик, деб айтишга ҳали эрта. Тақрор айтаман, биз ҳар куни изланишдамиз. Бу йўлда дастлабки қадамларни қўймоқдамиз, холос [1].

Асосий қисм

Миллий инновацион тизим (МИТ) – миллий ҳудуд доирасида илмий билим ва технологияларни яратиш, рўёбга чиқариш ва тижоратлаштиришга хизмат

килувчи ўзаро боғлиқ бўлган тузилмалар мажмуасидир[2]. МИТ ўзига икки таркибий бўлимни қамраб олади: илмий-ишлаб чиқариш ва институционал. Институционал муҳит давлатнинг фан-техника соҳасидаги фаолиятини ва инновацион сиёсатини таъминлайди.



Ўзбекистон Республикасининг миллий инновацион тизимининг субъектлар-функционал схемаси⁸⁴

Тадқиқот доирасида Ўзбекистон Республикасининг МИТнинг субъектлар-функционал схемаси ишлаб чиқилди. Мазкур схема Ўзбекистонда МИТнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлашда ва уларни ўрганишда биринчи қадам ҳисобланади.

Мамлакат инновацион тизимида инновацион фаолият субъекти сифатида давлатнинг ўрнини англаб олиш ўзига хос алоҳида эътиборни талаб этади. Мамлакат инновацион тизимининг марказида инновацион корхоналар туради. Тизимнинг қолган барча элементлари у ёки бу даражада инновацион корхоналарга боғлиқ бўлиб, бир-бирларига нисбатан иккиёқлама алоқадорликда бўлади. Келтирилган МИТ схемасида инновацион корхоналар инновацияларни яратувчи, яъни “яратувчи” корхоналарга ва бу ишланмалардан ўз фаолиятларида фойдаланувчи инновацион инвестицион корхоналарга ажратилади. Иккинчи

⁸⁴ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

тур корхоналарини “амалиётчи”лар деб, аталади. Чунки корхоналар инновацион тизимда инновацияларнинг ҳаётийлик циклининг барча босқичларида вужудга келиш ва тарқатишни ифода этувчи турли вазифаларни бажаради.

“Амалиётчи” корхоналар агар “яратувчи” корхоналарга ўзлари учун зарур бўлган инновацион маҳсулот ва хизматларни буюртма қилсалар, у ҳолда уларни “Мижозлар” тоифасига киритиш мумкин бўлади. Ушбу ҳолатда “яратувчи” корхоналар ва мижозлар ўртасидаги алоқалар илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштириш учун битимлар тузилишини кўзда туттади.

Ҳар қандай инновацион корхона учун кун тартибидаги энг долзарб масалалардан бири, бу албатта молиялаштириш манбаларини излаб топиш билан боғлиқдир. Молиялаштириш манбалари сифатида кредит муассасалари, фонд бозорлари, венчур фондлари ва бизнес-фаришталар (business angel) иштирок этишлари мумкин. Инновацион корхоналар молиялаштириш манбаларига пул маблағларидан фойдаланганлик учун ўзига хос ҳақ-тўлов тўлайдилар. Молиялаштириш манбаи банк бўлган ҳолатларда эса, бундай тўлов фоиз ставкаси ҳисобланади.

Бир қатор ҳолатларда, мисол учун бизнес-фаришталар (business angel) томонидан пул маблағлари инновацион корхоналарга беғараз-беминнат кўринишда берилиши ҳам мумкин. Ушбу ҳолатларда тўлов пул кўринишида эмас, балки бирор бир номоддий кўринишда, мисол учун янги корхона яратилишидан, ёрдам кўрсатганликдан, шунингдек муваффақиятли фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг келгусидаги даромадлари оқимидан қониқиш шаклида бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг миллий инновацион тизими чизмасида маҳаллий ва марказий давлат бошқаруви органларининг барчаси давлат сифатида тушунилади. Давлат ўзининг асосий иқтисодий вазифаларини бажараётганлиги учун, барча корхоналарда бўлгани каби, инновацион корхоналардан ҳам солиқлар кўринишида тўловлар ундиради. Давлат субвенциялар, грантлар ажратиб, бизнес-инкубаторлар хизматини таклиф эта бориб, инновацион корхоналар фаолиятига кўмаклашади. Давлат, шунингдек, янги иқтисодий хулқ қоидаларини ишлаб чиқиши ёки мавжудларини ўзгартириши ҳам мумкин.

Венчури инвестициялаш инновацияларни молиялаштириш борасида кредит муассасаларининг муқобили сифатида хизмат қилиши мумкинлигини, бугунги кунда тараққий этган мамлакатларнинг тажрибаси яққол исботлаб турибди. Инновацион инвестициялашнинг мазкур тури таъминот ва гаровсиз амалга оширилади ва у кўпинча ўзида акциялар пакети улушига айрибошлаш ҳисобига акциядорлик капиталига узоқ муддатли инвестицияларни ифода этади. Инновацион корхоналар тараққиётининг дастлабки босқичларида хавф-хатар даражасининг юқори даражада бўлишини инobatга олган ҳолда,

бундай корхоналарни молиялаштиришда венчур фондлар ҳал қилувчи ўрин тутиши мумкин, зеро бундай фондлар молиялаштирилаётган корхона муваффақиятсизликка учраган тақдирда ҳам бундай йўқотишларга олдин тайёр турадилар. Ўз-ўзидан аёнки, молиялаштирилаётган корхоналар муваффақиятга эришган тақдирда, молиялаштиришнинг бу тури юқори фойда меъёри билан тақдирланади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса сифатида миллий инвестицион-инновацион тизимини такомиллаштириш орқали иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишнинг самарали механизмини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириши мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- Инновацион лойиҳаларни кредитлаш борасида фонд бозори кредит муассасаларининг муқобили сифатида бўлиши мумкин. Бироқ фонд бозорлари орқали инновацион лойиҳаларни молиялаштириш учун уларни қимматли қоғозлар, фьючерс ва форворд шартномалари бўйича савдолар амалга ошадиган жаҳоннинг ривожланган фонд бозорлари даражасигача олиб чиқиш ва унда хусусий мулк тамойилларини амалда рўёбга чиқариш учун қатор ташкилий-ҳуқуқий халқаро нормаларни жорий қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорларини ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ишлаб чиқиш керак;

- Давлат миллий инновацион тизимининг барча унсурларидан тесқари алоқани қабул қилиб олувчи сифатида кўплаб вазифалар, хусусан: мулк ҳуқуқини ҳимоялаш, шахс маданияти ва хулқ-атвор қоидаларини шакллантириш, субвенциялар бериш ва бизнес-инкубатор хизматларини кўрсатиш, жамоат ташкилотлари, технопарклар ва инновацион-технологик марказлар билан ҳамкорлик қилиш ва шу каби вазифаларни бажаради. Шу тариқа, давлат яхлит тарзда мамлакат инновацион тизимини ўзгартириш ва керакли томонга йўналтира олиш имконига эга бўлган ягона тизим элементи сифатида майдонга чиқиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Мирзиёев Ш.М. «Янги Ўзбекистон» газетаси бош муҳарририга берган интервьюси. <https://daryo.uz/k/2021/08/17/>
2. Metcalfe S. Steinman P. *The economic Foundations of Technology Policy: Equilibrium and Evolutionary Perspectives // Handbook of the Economics of Innovation and Technical Change.* – London. Blackwell. 1995. P. 462-463.
3. Lundvall B. A. *National Systems of Innovation.* – London: Pinter. 1992. P.2.

АВТОМОБИЛСОЗЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА МАҲСУЛОТЛАРНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ОРҚАЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Э.К. Асадов,
“ЎзАвто-ИНЗИ” МЧЖ ҚҚ

Аннотация: Бугунги кунда республикамызда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар самараси натижасида кўплаб янги ташиқил этилаётган ишлаб чиқариши корхоналарни кўришимиз мумкин. Президент Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 13 январь куни машинасозлик тармоғини трансформация қилиши ва соҳада рақобатни ривожлантириши масалалари бўйича йигилиш ўтказди [1]. Йигилишда автомобилсозлик мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи йўналишларидан бўлиб, саноатдаги улуши 11 фоизни ташиқил қилиши, шу билан бирга, ҳисоб-китобларга кўра, ушбу соҳада ишлаб чиқаришни бир неча баробар ошириши имконияти борлиги айтиб ўтилди. Бор имкониятлардан самарали фойдаланиши, истиқболда маҳаллийлаштиришининг илгор механизмларини жорий этиши орқали импорт қилинаётган маҳсулотлар миқдорини камайтириши, муқобил етказиб берувчилар билан жорий нархлар юзасидан музокалар олиб бориши каби чора-тадбирлар амалга ошириши орқали давлат раҳбари томонидан қўйилган вазифаларни самарали тарзда амалга ошириши мумкин бўлади.

Таянч сўзлар: маҳаллийлаштириши, ВОМ, бутловчи қисмлар, диверсификация, интеллектуал мулк.

Кириш

Республикамызнинг автомобилсозлик саноатида енгил, йўловчи ва юк ташиниш транспорт воситаларини ишлаб чиқарувчи бта йирик заводлар ҳамда 1та енгил автомобиллар двигателларини ишлаб чиқарувчи корхона мавжуд бўлиб, улар учун компания таркибида бутловчи қисмлар етказиб берувчи 20 дан ортиқ таъминотчи корхоналар фаолият юритадилар [2]. Бугунги кунда “ЎзАвто-Моторс” автомобил заводида бта турдаги автомобил моделлари тўлиқ циклда ишлаб чиқарилади. Ушбу автомобиллар учун 100дан ортиқ маҳаллий корхоналардан турли хилдаги бутловчи қисмлар ҳамда компонентлар етказиб берилади [3]. Бундан ташқари автомобилларда бошқа кўплаб мураккаб импорт бутловчи қисмлар мавжуд бўлиб, уларни ишлаб чиқариш учун илгор технологияларни татбиқ этилиши талаб этилади. Шунинг учун тизимда импорт бутловчи қисмларни маҳаллийлаштиришининг ташкилий-иқтисодий механизмларини тўғри танлаш ва татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда “ЎзАвто-Моторс” АЖнинг альянс ҳамкори General Motors корпорациясининг халқаро тажрибалари асосида шакллантирилган маҳаллийлаштириш жараёнларидан фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот методологияси

Ушбу илмий тадқиқотни амалга ошириш объекти сифатида “Ўзавтосаноат” Акциядорлик Жамияти таркибига кирувчи автомобил ва тижорат техникалари учун бутловчи қисмлар етказиб берувчи корхоналар фаолияти ўрганилди. Асосий кўрсаткичлар сифатида корхоналарнинг маҳсулот ассортиментлари, ишлаб чиқариш тури ва қуввати, илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишланмалари бўлимининг салоҳияти алоҳида эътиборга олинди [4]. Ушбу корхоналарнинг турли хилдаги маҳсулотларни диферсификация қилиш механизмлари ҳақида амалий кўрсатмалар ишлаб чиқилиши кўзда тутилган.

Тадқиқот натижалари

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишда асосий фаолият турига мансуб, лекин асосий маҳсулотлар гуруҳига кирмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйилиши бу корхонада янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштирилиши ёки маҳаллийлаштириш деб номланади. Бу бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва диверсификациялаш, структуравий ўзгаришларни амалга ошириш дастури ҳақида” 4707-сонли фармони чиқарилган бўлиб, бу фармон, корхоналарда маҳсулотларни диверсификация қилишда қонуний асос бўлиб хизмат қилади [5]. Янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш бу қандай амалга оширилади? Ушбу саволнинг жавоби, яъни янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш тартибини қуйидагича белгилашимиз мумкин:

Дастлабки босқичда ВОРМ (Bill of materials) яъни маҳсулот ташкил топган материаллар таҳлили ўтказилади, яъни маҳаллийлаштирилиши режалаштириладиган маҳсулотнинг визуал кўздан кечириш ҳамда техник чизмалари асосида унинг нечта қисмлардан иборатлиги ўрганилади ва рўйхат шакллантирилади.

Иккинчи босқичда Cost analysis яъни нархларни шакллантириш амалиёти бажарилади. Бунда ушбу маҳсулот хомашёси, субкомпонентларини нархлари ҳамда ишлаб чиқариш ҳаражатларининг қийматлари шакллантирилади. Ушбу босқичда импорт маҳсулотнинг маҳаллийлаштирилиши ёки уни импорт асосида харид қилиниши бўйича қарор қабул қилинади. Бунда қарор учун юқорида айтиб ўтилган таҳлил натижаларини асос қилиб олиниши мумкин. Маҳаллийлаштириш натижасида шакланган нарх импорт нархида арзон бўлиши керак. Шу босқичда яна бир муҳим омил бор, бу лойиҳани молиялаштириш манбаасини аниқлаш, яъни ташқи инвестиция орқали ёки корхона ички маблағларидан молиялаштириш. Бутловчи қисмнинг нархини рақобатбардош бўлишида бу омил ҳам ўта муҳим саналади.

Учинчи босқичда юқоридаги маълумотлар асосида маҳаллийлаштириш дастури тузилади. Бунда лойиҳа ишларини бажарилиш муддатлари ҳамда масъулар киритилган ҳолда жадвал тайёрланади. Жадвал ташкилот раҳбарлари томонидан тасдиқланиб, тармоқ тизимидаги тегишли корхоналар билан келишиш учун юборилади.

Ушбу маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишда муҳим факторларидан бири бу маҳсулотнинг сотув нархини тўғри шакллантира олиш ҳисобланади. Бунда лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари ижобий кўрсаткичларга эга бўлиши керак. Маҳсулот нархнинг структураси 80/20 нисбатда яъни маҳсулотнинг хомашё ва материаллар қисми таннархнинг 80%ини ҳамда қўшилган қиймат миқдори таннархнинг 20%ини ташкил этиши идеал ҳолат саналади.

Маҳсулот таннархини камайтиришда яна бир фаол факторлардан бири бу хомашё, материаллар ёки субкомпонентларни тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчилардан ёки уларнинг расмий дилерларидан сотиб олинишидир. Агарда ҳаридлар бошқа манбаалардан амалга оширилса, нархларни сунъий равишда ўсишига олиб келади ҳамда лойиҳани умумий жиҳатдан норентабель кўрсаткичга олиб келиши мумкин. Импорт маҳсулотларни ишлаб чиқарувчидан қандай қилиб тўғридан-тўғри сотиб олиш мумкин деган саволга қуйидаги жавоб тўғри бўлади:

✓ “Ўзавтосаноат”АЖ қошидаги Cooperation lab МЧЖ билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш орқали республикамизнинг барча ишлаб чиқарувчилари ва етказиб берувчилари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш;

✓ Маҳаллий ва халқаро даражада ташкил этилган кўргазма ва ярмаркаларда фаол иштирок этиш;

✓ Муқобил таъминотчилар рўйхатини мунтазам янгилab бориш;

Таҳсиллар

Автомобилсозлик корхоналарининг ишлаб чиқариш салоҳиятларидан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда импорт бўлаётган бутловчи қисмларни ўзлаштирилиши натижасида корxonанинг аввало айланма маблағларининг кўпайиши, янги турдаги ишлаб чиқариш технологияларини жорий этилиши каби ижобий факторларни келтириб ўтиш мумкин.

1-расм [6]

Ўзавтосаноат томонидан етказиб бериши мумкин бўлган маҳсулотлар

| | | | |
|--|---|---|--|
| <p>Металл труба ва профиллар (Ø 57 мм гача) -Автокомпонент АЖ (Анджон ш.) http://autocomponent.uz/</p> |  | <p>Хар хил фаралар – Узассис (Наманган) http://uzcshasy.uz/</p> |  |
| <p>Лак-бўёк маҳсулотлари (автомобил, қурилиш ва бошқа саноат учун) – ЎзДонЖу ҚҚ (Анджон ш.) https://uzdongju.uz/</p> |  | <p>Автомобил ва мебеллар, қурилиш учун тоьланган ойналар – Автоойна (Фаргона ш.) http://avtooyina.uz/</p> |  |
| <p>Мис симлар – Узи/рае Кейбл (Навоий) http://uzeraecable.uz/ru/</p> |  | <p>Қурилиш учун 3D панеллар – УзХанву ҚҚ (Анджон ш.) https://uzxhw.uz/</p> |  |
| <p>Полимер материаллар (PP, ABS, PP+GF) – УзСепла ҚҚ (Тошкент ш.) https://uzautocpepla.uz/</p> |  | <p>Ўтамланган металл ва босим остида қуйилган пластик деталлар (200-3500 тонн пресслар, 15 гр. дан 5 кг гача пластик деталлар) – УзСанву (Фаргона), УзСемюнг, Узкорам (Анджон) http://uzsungwoo.uz/; https://uzkoram.uz/</p> |  |
| <p>Алюминийдан (юқори босимда 6 кг гача) деталлар қуйиш ва механик ишлов бериш – УзавзийИни (Тошкент ш.) http://uzzini.uz/</p> |  | <p>Мотоцикл ва велосипедлар – Norin Moto Bike (Норин ш.)</p> |  |
| <p>Аккумулятор батареялари – ДАЗ (Жиззак ш.) http://daz.uz/ru/</p> |  | <p>Спорт жиҳозлари (оёк кийимлар, тренажерлар, футбол туллари) – УзДонЖу ҚҚ (Анджон ш.), УзТонҲонг ҚҚ (Анджон ш.), УзХанву Илжиниринг ҚҚ (Фаргона ш.) https://uzdongju.uz/; http://uzth.uz/</p> |  |

1-расмда “Ўзвотсаноат” АЖнинг тармоқ корхоналари махсулотларининг диверсификациялаш натижасида автомобилсозликдан ташқари тармоқлар учун турли ҳил нoproфил товарларнинг тақдимоти берилган. Ушбу товарларнинг реализацияси корхонадаги ишлаб чиқариш дастгоҳларининг иш юкламасини оширади, бу эса ўз навбатида дастгоҳ амортизация қийматини камайтиради, рақобатбардош нархлар шаклланишига олиб келади.

1-жадвал [7]

| № | Махсулотлар | Жакин | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|--------|------|------|-------|------|------|------|------|-------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|-----|------|------|------|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | | |
| 1 | Лойiha учун ишлаб чиқариш дастгоҳ ва машиналарнинг тақдимоти қиймати (млн.долл) | 176 | 3 | 4 | 3.7 | 3.1 | 2.8 | 2 | 25.2 | 39.5 | 5 | 3.5 | 5 | 2.9 | 11.3 | 3.5 | 1 | 4.6 | 11 | 20.1 | 11 | 2 | 6.8 | 10 |
| 2 | Зарур ишлаб чиқариш макдони (кв.м.) | 105603 | 4500 | 3000 | 18000 | 3500 | 2000 | 3000 | 7800 | 26500 | 6500 | 1000 | 2300 | 3000 | 2000 | 2000 | 3000 | 6000 | 9000 | 5000 | 2.5 | 2000 | 4300 | 3000 |
| 3 | Янги ишчи ўринлари (нафр) | 1369 | 48 | 48 | 92 | 77 | 79 | 50 | 120 | 170 | 60 | 60 | 50 | 65 | 50 | 200 | 30 | 30 | 50 | 50 | 60 | 50 | 50 | 40 |
| 4 | Итгилектуал мулк эгаси (хорижий компания) | ЛУК | Бор | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК |
| 5 | Итгилектуал мулкка эгаллик қилиш вақоати (Ўзвотсаноат вақолати бор/ёқ) | ЛУК | Бор | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК | ЛУК |

Ушбу жадовалдан таҳлилий хулосалар чиқариш мумкин: биринчи навбатда 1369 та янги иш ўринлари барпо этилиши, 21 та янги турдаги технологияларни мамлакатимизга олиб кирилиши, 105 квадрат метр ишлаб чиқариш майдонини қурилишига замин яратади. Бундан ташқари юртимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар ҳамда тижорий техникаларнинг маҳаллийлаштирилиши даражаси ортиб, рақобатбардош нархлар шаклланади.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш корхонасининг барқарор фаолият олиб боришида унинг молиявий ҳолати муҳим фактор саналади. Молиявий кўрсаткичларнинг ижобий ёки салбий ҳолатда бўлиши эса, корхона махсулотларининг сотув ҳажмига бевосита боғлиқ. Бунда диверсификация корхонанинг кенг қўламда фаолият олиб боришига, бозор конъюктурасининг кескин ўзгаришларига таъсирини камайтиради ҳамда янги турдаги техник қувватларни ўзлаштиришига хизмат қилади.

Хулоса ва тақлифлар

Мавзу юзасидан хулоса сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин. Автомобилсозлик саноати корхоналарида импорт бутловчи қисмларни маҳаллийлаштиришнинг яъни ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг ташкилий-иқти-

содий механизмларини тўғри танланиши ҳамда ушбу маҳаллийлаштириш лойиҳаларини самарали амалга оширилишини таъминлаш учун керакли кадрларни жалб этилиши муваффақиятга етаклайдиган ягона йўл бўлади.

Бундан ташқари ишлаб чиқариш жараёнига илмий-тадқиқот ва конструкторлик изланишларнинг қанчалик жалб этилганлиги жуда муҳим. Ушбу соҳага илмий салоҳияти юқори кадрларни жалб қилиш орқали ишлаб чиқариш ташкилоти мослашувчан ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқара олади. Яна бир фактор бу инсон капиталига киритилган инвестициялар бўлиб, ушбу инвестициялар қийматига қорхона муваффақияти тўғри пропорционал равишда боғлиқ, инвестиция ўсиши юқори квалификацияли кадрларни шаклланишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида ҳар қандай мураккабликдаги ишлаб чиқариш технологияларини эксплуатация қилиш имкониятини беради [8].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. *Ўзбекистон машиносозлик саноатини трансформация қилиши ва соҳада рақобатни ривожлантириши масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги нутқи* // president.uz, 2021 йил 13 январь.
2. Компания қорхоналари ҳақида маълумотлар; [электрон ресурс], URL: <https://uzavtosanoat.uz/uz/company-uz.html>
3. “ЎзАвто-Мотор” АЖ ҳақида маълумотлар, [электрон ресурс], URL: <https://uzautomotors.com/companies>
4. Тармоқлараро кооперация форуми; [электрон ресурс], URL: http://uzavtosanoat.uz/kooperatsiya_forum.html
5. Ривожланиш дастурлари; [электрон ресурс], URL: <https://uzavtosanoat.uz/programmy-razvitiya.html>
6. Манбаа: Тармоқлараро кооперация форуми; [электрон ресурс], URL: http://uzavtosanoat.uz/kooperatsiya_forum.html
7. Жадвал муаллиф томонидан расмий маълумотлар асосида тузилган. [электрон ресурс], URL: uzavtosanoat.uz/perechen-ne-osvoinnyh-detaley.html
8. Я. П. Силин, *Управление промышленным предприятием в условиях новой индустриализации, Уральский государственный экономический университет, Екатеринбург, 2016, стр. 270.*

ҚУРИЛИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА УЛАР МЕҲНАТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

А.М. Исмаилов, и.ф.н.,

“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси доценти, ТДИУ

Ғ.Т. Юлдашев,

“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси катта ўқитувчиси, ТДИУ

Аннотация: Ушбу мақолада қурилиш ташиқлотларида ишчи ва ходимларни бошқариш жараёнига таъсир кўрсатадиган қурилиш ишлаб чиқариш жараёнининг хусусиятлари муҳокама қилинади. Қурилиш ишлаб чиқариш жараёнини ташиқ қилишининг бошқа тармоқлардаги ишлаб чиқариш жараёнидан фарқлари очиб берилган. Қурилишдаги меҳнат бозоридagi тенденциялар кўрсатилган. Хулоса қилинишича, замонавий қурилиш ташиқлотларининг ишчи ва ходимларини бошқариш тизимида қурилиш саноатининг ўзига хос хусусиятлари, унинг долзарб муаммолари ва ходимларни бошқаришида бошқарув функциялари ва механизмларидан кенг фойдаланиш талаб этилади.

Калит сўзлар: ишчи ва ходимларни бошқариш, қурилиш ишлаб чиқариш жараёни, қурилиш ташиқлотлари, қурилиш-монтаж ишлари, қурилиш соҳасини ишчи ва ходимлар билан таъминлаш, бошқарув функциялари.

Барча мамлакатлар иқтисодий сиёсатининг муҳим шарти, бу ушбу мамлакатдаги меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш бўлиб ҳисобланади. Корхона ва ташкилотларда ходимлар бошқарувини самарали ташкил этиш эса, ҳеч шубҳасиз корхона иқтисодий фаолиятининг гарови сифатида хизмат қилади.

Мамлакатимизда қурилиш соҳасини жадал ривожлантириш асосий масалалардан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан, “Иқтисодиётимизнинг тўла ишга солинмаган, катта салоҳиятга эга йўналишларидан бири – бу қурилиш соҳасидир” дея алоҳида таъкидлаб ўтилган [1].

Корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий ривожланиши мазкур ташкилотдаги ишчи ва ходимларининг малакаси ва тажрибаси, жамоадаги ижтимоий-психологик муҳит, бажарилган ишларнинг сифати, бошқарув жараёнидаги самарали қарорларнинг қабул қилинганлиги билан изоҳланади. Шунга қарамай, бу вазифани ҳал қилиш осон эмас, чунки ишчи ва ходимлар салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмайди. Вазиятнинг бундай ҳолати қисман янги бошланғич мутахассисларнинг керакли амалий тажрибани етарли даражада тўплашга улгурмаганлиги билан боғлиқ, натижада малакали кадрларнинг етишмаслиги муаммоси юзага келади.

Р.Е.Булат ўз тадқиқотларида қурилиш ва ишлаб чиқаришда меҳнат қиладиган ишчи ва ходимларнинг таркиби кўп ҳолларда ўз-ўзидан шаклланади, ёрдам

чи ишларни бажариш учун ишчилар сонига бўлган эҳтиёж тегишли стандартлар, ишчи ва ходимларнинг меҳнатини вақт бўйича операцион меъёрлаш тизими билан асосланмаган деган хулосага келади. Бу ҳолат қурилиш ташкилотларида меҳнат унумдорлиги даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда [2].

Бизнингча, қурилиш ташкилотларининг кенг миқёсда инновацион ривожланиши инсон капиталидан самарали фойдаланиш асосида амалга оширилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Замонавий қурилиш ташкилотларининг ходимларни бошқариш тизими қурилиш ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хос хусусиятларини, унинг долзарб муаммолари ва ходимларни бошқариш бўйича ёндашувларни ишлаб чиқиш асосида ҳисобга олиниши керак. Жумладан қурилиш ишлаб чиқариш жараёнининг қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

– қурилиш жараёни бир вақтнинг ўзида кўплаб объектларда ва кенг майдонда амалга оширилиши мумкинлиги сабабли компания ходимлари фаолиятини баҳолашни марказлаштирилган ҳолда амалга ошириш бир мунча қийинчилик туғдиради;

– қурилиш ишлаб чиқариш ишлари об-ҳаво шароитларига боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Баъзи ҳолларда қурилиш ишлари ноқулай об-ҳаво шароитларида, транспорт тизими яхши шаклланмаган жойларда, электр узатиш линиялари яқинида амалга оширилади. Бундай ноқулай шароитлар меҳнатни ташкил этиш ва шунга мувофиқ равишда ходимларнинг иш фаолиятини баҳолашда акс этади, шу билан бирга махсус мотивация тизимини ташкил этишни талаб қилади.

Шундай қилиб, қурилиш ишлаб чиқариш жараёнида ишчи ва ходимларни бошқариш тизими тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Дунё бўйича қурилиш тармоғи статистикасига асосан энг кўп ўлим ҳолатлари ва шикастланиш ҳолатлари ҳам айнан мана шу соҳага тўғри келишини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикасида қурилиш тармоғининг жадал ривожланиши қурилиш ишлаб чиқариш соҳасидаги камчиликларнинг юзага чиқиши билан изоҳланади. Бу эса бугунги кундаги замонавий техника ва технологиялардан қурилиш ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланишни кенг жорий этиш талаб этилади. Бугунги кунда қурилиш олиб борилаётган майдонларда илгор технологиялардан кенг фойдаланиш, жумладан «ақлли» технологиялардан кенг фойдаланишни талаб этади. Албатта бу қурилиш жараёнидаги хавфсизликни таъминлаш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун хизмат қилиши билан бирга меҳнат унумдорлигининг орттишига ҳам олиб келади. Бундай ишларни амалга ошириш қуйидаги йўналишларда ташкил этилиши талаб этилади:

- қурилиш жараёнини масофадан бошқаришни ташкил этиш;
- қурилиш жараёнида меҳнат қилаётган барча ишчи ва ходимларнинг мониторингини ташкил этиш;
- қурилиш майдонлари хавфсизлиги ва назоратини кучайтириш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш тизимида назоратни кучайтириш.

Юқорида санаб ўтилган талаблар асосида қурилиш ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва назорат олиб бориш қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

1. Қурилиш майдонларида техника ва технологиялардан фойдаланиш ва уларни бошқариш.

2. Қурилиш жараёнида иштирок этаётган ишчи ва ходимлар меҳнатини назорат қилиш.

Мамлакатимизда қурилиш ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этилишида ҳозирги кундаги янги замонавий технологиялардан кенг фойдаланилган ҳолда ташкил этиш яъни масофадан туриб назорат олиб бориш тизimini яратиш лозим. Бундан ташқари бугунги кунда қурилиш жараёнида техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш бўйича назоратни кучайтириш талаб этилади.

Бугунги кунда қурилиш ишлаб чиқариш соҳасида ишчи ва ходимларни самарали бошқариш қурилиш майдонларида ўз кучини йўқотган деб айтилса албатта муболага бўлмайди. Қурилиш ишлаб чиқариш жараёнида бошқарув функциялари ва механизмларидан кенг фойдаланилган ҳолда бошқариш тизimini ташкил этиш энг биринчи навбатда меҳнат самарадорлигининг ошишга олиб келади. Биргина мисол, бугунги кунда қурилиш ишлаб чиқариш жараёнидаги бошқарув функцияларининг камида биттасидан фойдаланилмаслиги ушбу жараёни тўғри ташкил этилишидаги узилишларга олиб келади. Бундан ташқари қурилиш ишлаб чиқариш жараёнига кириб келаётган олий таълим муассасасини яқин даврда тамомлаган ишчи ва ходимларнинг ҳам бошқариш бўйича етарли билим ва куникмаларга эга эмасликлари ушбу жараёни жадал ривожланиб кетишига тўсиқ бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатдаги иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида қурилиш ишлаб чиқариш соҳасида ишчи ва ходимларни самарали бошқариш ташкил этиш энг аввало қурилиш жараёнида бошқарув функциялари ва механизмларидан кенг фойдаланилган ҳолда бошқариш тизimini ташкил этиш заруратини тугдиради. Қурилиш ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир босқичидаги бошқарувчилар амалга оширадиган бошқарув жараёнини бошқарув функциялари асосида ташкил этишлари юқори самарадорликка эришиш имкониятини яратади. Бунда қурилиш ишлаб чиқариш ишларини ташкил этиш узвийлик ва давомийлик асосида ташкил этилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 23.12.2017 йил. <https://www.xabar.uz/siyosat/prezident-shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlisga-murojaatnomasi>

2. Булат Р.Е. Правовые нормы и психологическое сопровождение управления персоналом в строительстве / Р.Е. Булат - СПб: Бизнес-пресса, 2010. - 197 с.

МАМЛАКАТДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИККА ТАЪСИРИ

А.Т. Ахмедиева, и.ф.н.,
Макroiқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириши
кафедраси доценти, ТДИУ
Б.Х. Маъмуров,
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришининг илмий асослари ва
муаммолари” ИТМ таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада рақамли трансформация ва унинг мамлакат иқтисодиётга таъсири атрофлича таҳлил қилинган, муаллифларнинг назарий ёндашувлари, мамлакатда рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар хусусиятлари очиб берилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, барқарорлаштириши, ижтимоий иқтисодиёт, глобаллашув, булутли технологиялар, сунъий интеллект.

Кириш.

Жаҳонда шиддат билан ривожланаётган рақамли технологиялар мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти, иқтисодий сиёсати ва давлат бошқаруви тузилишини сифат ҳамда технологик жиҳатдан тубдан ўзгаришига олиб келмоқда. Рақамли технологияларнинг кириб келиши ва уларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётда кенг татбиқ этиш суръатларининг турличалиги оқибатида мамлакатлар ўртасидаги ривожланиш тафовутларининг янада кучайишига сабаб бўлмоқда.

Бугунгунда жаҳон иқтисодчи олимлари бугунги рақамлашиб бораётган глобал оламда рақамли иқтисодиётнинг қиймати ва самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона интеграл индикаторни яратиш бўйича муаммоларга дуч келишмоқда. Ушбу ҳолатларни бартараф этишда эмпирик ва статистик маълумотларнинг етишмаслиги, технологик ривожланиш жараёнларининг шиддат билан ўзгариб бораётганлиги, институционал ўзгаришларнинг тез суръатларда амалга ошаётганлиги сабаб бўлмоқда. Замонавий тараққиётнинг кейинги истиқболда “Big Data” (улкан маълумотлар), “Cloud Computing” (булут технологияси), “Artificial intelligence” (сунъий интеллект)дан фойдаланиш истиқболлари ва краудсорсинг, “Blockchain technology” (блокчейн технологиялари) ни татбиқ этишининг услубий жиҳатлари ҳамда ушбу технологияларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсирини тадқиқ қилиш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда миллий иқтисодиётни тубдан модернизация қилиш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар доирасида мам-

лакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва давлат бошқаруви тизимида рақамли технологияларни жорий этиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, иқтисодиётда давлат бошқарувини камайтириш, давлат ва хусусий секторларнинг ўзаро фойдали ҳамкорлигининг замонавий шакллари, “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш устувор вазифалар сифатида белгилаб берилган.

Адабиётлар таҳлили. Рақамли иқтисодиёт, унинг шакллари ва таъсир этувчи омиларининг илмий-методологик жиҳатлари кўплаб хорижлик олимлар, жумладан: Д.Гёлди, Е.Геллер, К.Гирц, П.Друкер, Р.Йенсен, М.Кастельс, С.Кузнец, Э.Лемберг, Дж.Лихтгайм, Г.Маклюэн, Р.Макридис, Г.Менш, А.Пшеворский, Д.Рисмен, М.Фриден, Ф.Фукуяма, К.Шваб, Й.Шумпетер ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Ўзбекистон иқтисодиётида ахборот технологияларидан фойдаланиш, рақамли иқтисодиётни жорий этишнинг долзарб масалалари ва ижтимоий-иқтисодиётга таъсирини ўлчаш билан боғлиқ тадқиқотлар С.С.Гулямов⁸⁵, О.М.Абдуллаев¹, К.Х.Абдурахмонов⁸⁶, Р.Х.Аюпов⁸⁷, Г.Р.Балтабаева³, О.Умаров⁸⁸ ва мамлакатимизнинг бошқа кўплаб етакчи иқтисодчи олимлари томонидан олиб борилган. Уларнинг илмий тадқиқот ишларида истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг эҳтиёжларини таъминлайдиган, шунингдек, улар ўртасида тўғридан-тўғри ўзаро алоқа қилиш имкониятини берадиган функциялар тўпламига эга бўлган рақамли муҳит бўйича изланишлар ўрин олган.

Бугунги трансформация жараёнлари кучайиб бораётган шароитда рақамли иқтисодиётни ягона тизим сифатида мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига таъсирини ўрганиш, ҳудудларнинг бир бутунликда, комплекс ривожланиши ва жон бошига тўғри келадиган даромаднинг ўсишига таъсирини баҳолаш тадқиқотимизнинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот натижалари. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Рақамли трансформация (инг. digital transformation, DT ёки DX) кенг маънода рақамли технологияларни қабул қилиш билан таъминланган стратегия,

⁸⁵ Гулямов С.С. ва бошқалар. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари // Тошкент - 2019

⁸⁶ Абдурахмонов К.Х. Рақамли иқтисодиёт: Жанубий Корея тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш истиқболлари – <https://bit.ly/3szIKDV>

⁸⁷ Аюпов Р.Х., Балтабаева Г.Р. Рақамли иқтисодиёт: муаммолар ва ечимлар. // “Халқаро молия ва хисоб” илмий электрон журнали. № 1, 2019

⁸⁸ Умаров О. Рақамли иқтисодиёт ва унинг ривожланиш тенденциялари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2018 йил.

моделлар, операциялар, махсулотлар, маркетинг ёндашуви ва мақсадларни қайта кўриб чиқиш орқали бошқарув тизимини ўзгартиришдир. Усавдо-сотиқ, бизнес ва умумий иқтисодийнинг ўсишини тезлаштириш ҳамда нотижорат ташкилотларнинг (масалан, университетлар ва бошқа ўқув муассасалари) самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Рақамли трансформация тор маънода “қоғозсиз офис” ёки “рақамли бизнес”ни англашиши мумкин, бу алоҳида корхоналар, иқтисодий, ҳукумат, санъат, тиббиёт ва фан каби жамиятнинг барча қатламларига таъсир қилади. Рақамли ечимлар нафақат анъанавий усулларни такомиллаштириш ва қўллаб-қувватлаш, балки янги турдаги инновациялар ва ижодкорликнинг пайдо бўлишини рағбатлантиради. Рақамли трансформация бир томондан катта муаммо ва бошқа томондан эса катта имкониятдир. Рақамли ўзгаришларни амалга оширишни режалаштираётган корхоналар, ҳудудлар ёки давлатлар юзага келадиган маданий ўзгаришларни ҳисобга олишлари керак, чунки янги технологияларга мослашишга маълум вақт талаб этилади. Рақамли трансформация бозор учун ноёб қийинчиликлар ва имкониятлар яратди, корхоналар, ҳудудлар ҳамда давлатлар ўртасида рақобатни кучайтирди.

Рақамли трансформациянинг белгилловчи омили унинг суръати ҳисобланади. Технология ривожланишининг тезлиги ва натижада ижтимоий-иқтисодий, инфратузилмавий ўзгаришларнинг инсон ҳаёти билан боғлиқлиги ривожланиш тезлигида сифатли погонани кўрсатиш имконини беради, бу эса янги даврга ўтишни англади.

Рақамли трансформация корхона ва ташкилотлар ўз манфаатдор томонларига кўпроқ қиймат бериш учун ўз иш услубини ўзгартирганда юз беради. Муваффақиятли трансформацияни таъминлайдиган технология тури иккинчи даражали масала ҳисобланади.

Давлат секторида рақамли трансформация жараёнлари, рақамли махсулотларни тезкор яратиш ва ривожлантиришга бўлган эҳтиёж, рақамли хизматларни бошқариш рақамли трансформациялар учун масъул бўлган давлат бошқарув органларининг ташкилий ва функционал тузилмаларига, шунингдек, рақамли жамоалар таркибига ёндашувларни қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5-октябрдаги ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони рақамли трансформация жараёнларини тартибга солувчи ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Республикада рақамли индустрияни жадал ривожлантириш, миллий иқтисодий тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қатор вазифалар белгиланган. Жумладан, кейинги ккки йилда ҳудуд ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш доирасида:

– аҳоли пунктларини Интернет тармоғига улаш даражаси, шу жумладан кенг полосали уланиш портларини 2,5 млн.гача кўпайтириш, 20 минг километр оптик-толали алоқа линияларини қуриш ва мобил алоқа тармоқларини ривожлантириш орқали 78 %дан 95 %га етказиш;

– ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг турли соҳаларида 400 дан ортиқ ахборот тизимлари, электрон хизматлар ва бошқа дастурий маҳсулотлар жорий этиш;

– “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 500 минг нафар ёшларни қамраб олиш орқали компьютер дастурлаш асосларига ўқитишни ташкиллаш;

– иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларидаги корхоналарда бошқарув, ишлаб чиқариш ва логистика жараёнларини автоматлаштириш бўйича 280 дан ортиқ ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар жорий этиш;

– ҳудудларда ҳокимлар, давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш учун тегишли олий таълим муассасаларига бириктириш ҳамда уларнинг 12 минг нафар ходимини ахборот технологиялари соҳасида ўқитиш режалаштирилган.

Айтиш жоизки, рақамли трансформация кўплаб имкониятларни очиб беради. Биринчидан, тушум ўсади. Бу бизнес, маҳсулот ва хизматларнинг янги йўналишларини ишга тушириш ҳисобига юз беради. Масалан, телекоммуникациялар соҳасида бу мусиқа ва видео стриминги (оқимли онлайн эшиттириш) учун рақамли сервислар ёки ақли уй учун булутли платформалар бўлиши мумкин.

Иккинчи ижобий самара операцион харажатларнинг пасайиши ва жараёнлар самарадорлиги ошишида намоён бўлади. Бухгалтерия, солиқ ва кадрлар ҳисобини юритишни автоматлаштириш ахборотнинг катта ҳажмини тез ва сифатли бошқариш имконини беради. Маълумотларни “Big Data” усули билан қайта ишлаш мақсадли мижозларни муайян мезонлар бўйича ўта аниқлик билан ажратиб олиш (таргетлаш) имкониятларини очиб беради. Бу эса маркетинг тадбирларининг муваффақиятига бевосита таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, бошқарув қарорларининг сифати ҳам ошади.

Рақамли трансформация жараёнидан сўнг раҳбар масъул бўлимлар тўплайдиган ҳисоботларга боғлиқ бўлиб қолмайди, балки тизимни очиши ва умумий маълумотлардан аниқ кўрсаткичларга ўтиши, олинган натижаларни эса дарҳол олдинги давр натижалари билан солиштириши мумкин бўлади. Жараёнларни автоматлаштириш туфайли прогноз моделлари анча аниқ бўлиб боради.

Бундан ташқари, маълумотларнинг тартибга солинганлиги ва шаффофлиги туфайли корхонанинг хорижий инвесторларни жалб қилиш имкониятлари ошиб, халқаро лойиҳаларда иштирок этиш учун шароит яратилади.

Ўзбекистонда давлат иштирокидаги компаниялар иқтисодиётнинг анчагина улушини эгаллайди. Шунинг учун уларни рақамлаштириш мамлакат

ЯИМ ўсишига бевосита таъсир қилади. Бошқача қилиб айтганда, давлат секторининг рақамли трансформацияси Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг муҳим драйверларидан бири бўла олади. Мисол учун, “Рақамли Қозоғистон” давлат дастури⁸⁹ни кўриб чиқиш мумкин. Расмий маълумотларга кўра, уни амалга оширишдан жами иқтисодий самарадорлик 2018-2019 йилларда 2 млрд. АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этди.

Хулоса ва тавсиялар. Таҳдидимиз якунида шуни таъкидлаш жоизки, замонавий иқтисодиётда “рақамлаштириш пойгаси” авжида ва шунга мувофиқ, бизнес ва жамиятнинг рақамли ўзгариши муқаррар. Шу сабабли, рақамли трансформацияни биринчи бўлиб бошлайдиган иқтисодий тузилмалар яқин келажақда рақобатбардош устунликларга эга бўладилар.

Макроиқтисодиётнинг турли секторларида (давлат, тадбиркорлик ва уй хўжалиги) замонавий рақамли трансформацияни амалга ошириш мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилади. Рақамли иқтисодиётни самарали ривожлантириш мамлакат тараққиёти даражасидан келиб чиққан ҳолда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шарт-шароитлари турли даражаларга туркумланиб, ҳар бир даражага тегишли чора-тадбирларни амалга оширишнинг “қуйидан-юқорига” йўналтирилган тизимли ислохатлар орқали амалга оширилади.

Рақамли иқтисодиётни татбиқ этиш бўйича хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси ҳамда Инсон тараққиёти индексида белгиланган принцип ва ҳисоблаш методикасига асосланган ҳолда мамлакатимизда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш индексини юритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. АКТ соҳасида яратилган қўшилган қийматнинг ошиши ва рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши мамлакат ЯИМнинг ортишига энг асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Гулямов С.С. ва бошқалар. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари // Тошкент - 2019
2. Абдураҳмонов К.Х. Рақамли иқтисодиёт: Жанубий Корея тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш истиқболлари – <https://bit.ly/3sz1KDV>
3. Аюпов Р.Х., Балтабоева Г.Р. Рақамли иқтисодиёт: муаммолар ва ечимлар. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, 2019
4. Умаров О. Рақамли иқтисодиёт ва унинг ривожланиш тенденциялари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2018 йил.
5. Б.Х. Маъмуров, “Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг концептуал асослари ва хориж тажрибаси” “Иқтисодиёт ва таълим” илмий журнали, 4-сон, 2020 й. 38-43-бетлар.
6. <https://digitalkz.kz/>, <https://bit.ly/39ozHOI>

⁸⁹ <https://digitalkz.kz/>, <https://bit.ly/39ozHOI>

ГЕНДЕРНАЯ СЕГРЕГАЦИЯ НА РЫНКЕ ТРУДА

**А.Б. Ирматова, к.э.н.
Докторант (DSc), ТГЭУ**

Аннотация: В статье рассмотрены вопросы гендерной сегрегации на рынке труда Узбекистана в сфере занятости и оплаты труда, проведен анализ дифференциации заработной платы по “мужским” и “женским” отраслям экономики, приведены основные рекомендации по устранению гендерного неравенства.

Ключевые слова: гендерная сегрегация, “мужские” и “женские” отрасли, гендерное преимущество дифференциации заработной платы, женская занятость.

Введение. В Новом Узбекистане проводится государственная политика, направленная на повышение роли и престижа женщин в обществе. Обеспечение их равных прав во всех областях, защита от насилия различного уровня, предоставление рабочих мест, обучение и повышение квалификации женщин в области профессиональных знаний находится в центре государственной политики. Как отметил Президент Республики Узбекистан Ш.Мирзиёев, с стране, где женщины имеют равные права с мужчинами во всех секторах и отраслях, где их высоко уважают и почитают, всегда будут царить мир и согласие, развитие и процветание. Особое внимание уделяется занятости женщин, обеспечению их жильем, улучшению качества медицинского обслуживания. Важное значение в этом имеет создание центров профессиональной переподготовки женщин, осуществление программы строительства доступного жилья⁹⁰.

Сегодня в результате трансформации экономики возникает ряд проблем в организации женского труда, что требует новых методологических решений. В частности,

1) доход семей, особенно в условиях пандемии COVID-19, привязан к доходам каждого члена, увеличивается значение размера заработной платы женщин в семейном бюджете и благосостоянии;

2) в результате структурных изменений женский труд используется в отраслях экономики неравномерно (в основном высокая занятость в отраслях с низкой заработной платой);

3) женщины заняты трудом, который не соответствует их знаниям, квалификации и навыкам, поскольку возможности роста с квалификационных и профессиональных должностей ограничены (в большинстве случаев затраты на рабочую силу высоки, требуется ручной труд и физическая сила, непрогрессивная, монотонная работа);

⁹⁰ Ш.Мирзиёев. Новый Узбекистан становится страной демократических перемен, больших возможностей и практической работы \ \ Интервью Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева газете «Янги Ўзбекистон» 17.08.2021 \ \ <https://president.uz/uz/lists/view/4547>

4) «особая» политика, проводимая государством в отношении женщин, такая как различные льготы и сборы, усугубляется тем, что женщины попадают в категорию «неудобных» работников в глазах работодателей;

5) недостаточное количество социальных инфраструктур и пунктов бытовых услуг, в большинстве случаев недостаточный уровень механизации домашнего труда, неудовлетворенность потребностей в дошкольных учреждениях по-прежнему оказывают большое влияние на экономическую активность женщин.

В связи с этим, необходимо изучить исторические, экономические, социальные, психологические и, конечно же, гендерные аспекты проблем женского труда в национальной экономике.

Методология исследования. В ходе исследования были использованы такие методы как индукция и дедукция, систематический и сравнительный анализ, экономическо-статистический анализ и обобщение результатов.

Результаты исследования. Сегодня ни для кого не секрет, что в нашей стране существует гендерная сегрегация в плане трудоустройства женщин. Необходимо оценить распределение женщин и мужчин между отраслями, сферами и профессиями, то есть определить, в какой отрасли, сфере и профессиях доля женщин значительно больше, в какой отрасли, сфере и профессиях женщины имеют высокую долю от общего числа занятых, и насколько гендерное распределение является равным. Этот же анализ позволяет нам выявить тенденцию гендерного неравенства в структуре занятости и определить правильное направление в организации женского труда.

Как происходит гендерное доминирование в сфере занятости, то есть разделение секторов на «мужские» и «женские»? Хотя в экономической литературе приводится множество причин этого, все они могут быть разделены на два основных подхода. Согласно первому подходу, рассчитывается критерий данной профессии для вхождения в определенный тип «гендерного преимущества», который предполагает определение определенного предельного значения доли женщин/мужчин, занятые этой профессией. Преимущество такого подхода заключается в том, что при его использовании не имеет значения, например, распределены ли работники разного пола неравномерно по сферам занятости или из-за низкого уровня участия женщин в рабочей силе, являются ли большинство профессий в экономике «мужскими». Так как, с официальной точки зрения, женщины в обоих случаях находятся в положении с низкими интересами, они работают или претендуют на работу в этих профессиях (отраслях).

В рамках второго подхода распределение профессий с «гендерным преимуществом» происходит на основе сравнения доли женщин, занятых в этой профессии, с долей женщин, занятых в целом. Большая основа этой концепции заключается в отсутствии гендерной сегрегации на рынке труда, доля работающих женщин в каждой профессии совпадает с ее долей в общем числе работников.

Тип «гендерное преимущество» предполагает другой принцип выбора профессии. Все профессии ранжируются по доле занятых в них женщин в порядке

уменьшения. Кроме того, начиная с первой профессии, накопленные средства делятся на общее количество занятых женщин на рынке труда и суммируется общее количество занятых в них. На последнем этапе суммирования определяется граница между «женскими» и «мужскими» профессиями. Профессии, которые выше этого предела, считаются «женскими» профессиями, а те, которые ниже - «мужскими» профессиями.

В результате трансформации социально-трудовых отношений в республике произошло изменение в занятости населения и в его структуре. В связи с этим структурным изменением можно видеть, что отрасли экономики делятся на «женские» и «мужские». Это, с одной стороны, свидетельствует о собственном желании женщинам при выборе профессии, с другой стороны, отражает снижение конкурентоспособности женщин в определенных отраслях и, в определенном смысле, профессиональную сегрегацию (дискриминацию).



Рис. 1. Отраслевое распределение занятых в половом разрезе в 2020 году

**Источник: составлено автором на основе статистических данных*

Анализ показал, что занятость мужчин в таких отраслях, как строительство, транспортировка и хранение, составляет более 90%. Так как эти профессии требуют большие физические нагрузки, здесь используется в основном мужской труд. Но существует резкая разница в занятости мужчин и женщин в таких отраслях, как информационно-коммуникационная финансовая и страховая деятельность. Эти отрасли в основном требуют глубоких знаний и большой ответственности. В то же время мы видим, что образование и здравоохранение являются именно «женскими» отраслями. Половая структура рабочей силы в отраслях экономики подтверждает закономерность, которое формировалось в течение длительного времени: в отраслях с престижной заработной платой занято больше мужчин.

Профессиональная сегрегация (дискриминация) в сфере занятости связана, во-первых, с неравномерным распределением мужчин и женщин по отраслям и отраслям (горизонтальная сегрегация), а во-вторых, с ограничением возможностей женщин работать по профессиям и должностям, которые связаны с высокой ответственностью и принятием важных решений. На дифференциацию заработной платы в экономике влияет ряд факторов: система налогообложения, интенсивность развития отраслей экономики, свобода работодателей для выплаты заработной платы и дополнительных выплат, размер минимальной заработной платы, установленной в государстве, и другие аналогичные экономические, социальные и правовые факторы.

Следует также отметить, что дифференциация заработной платы наблюдается в бюджетных организациях с наименьшей суммой.

Анализ. Сегодня можно наблюдать, что мужчины получают больше заработной платы, чем женщины. Конечно, для этого есть ряд причин: мужчина является кормильцем семьи, он обладает более высокими знаниями, умениями и навыками, у него есть время для совершенствования своих профессиональных навыков, и у него больше денег, он стремится только в перед, без каких-либо перерывов в своей профессиональной карьере.

Таблица 1

**Дифференциация номинальной заработной платы в Узбекистане
в разрезе отраслей в 2020 году⁹¹**

| Наименование отрасли | Зарплата, в тыс. сум | Темпы роста в год, в % | Доля женщин, работающих в отрасли, в % |
|--|-------------------------|---------------------------|---|
| «Мужские» отрасли | | | |
| Строительство | 3206,9 | 23,8 | 5,8 |
| Транспортировка и хранение | 3277,6 | 22,0 | 8,5 |
| Информация и коммуникация | 4057,6 | 28,7 | 28,5 |
| Финансовая и страховая деятельность | 5633,8 | 31,5 | 38,8 |
| Промышленность | 3792,0 | 29,6 | 42,1 |
| Искусство, развлечение и досуг | 1878,1 | 1,3 | 44,7 |
| Предоставление других видов услуг | 2566,3 | 46,4 | 38 |
| Среднее значение по группе | 3487,5 | 26,2 | 29,4 |
| «Женские» отрасли | | | |
| Торговля | 2924,8 | 18,2 | 50,5 |
| Услуги по жилью и общепиту | 1460,7 | 13,6 | 51,6 |
| Образование | 1903,1 | 26,7 | 67,5 |
| Здравоохранение и оказание социальных услуг | 1639,8 | 24,6 | 79,9 |
| Среднее значение по группам | 1982,1 | 20,8 | 62,4 |

⁹¹ Источник: составлено автором на основе статистических данных

Зарботная плата отражает многие характеристики работника и работодателя. На размер заработной платы влияют такие факторы, как образование, опыт, должность, профессия работника, уровень развития особенностей экономической отрасли и роли для государства.

Статистика не учитывает разницу заработной платы в половом разрезе, но мы считаем, что можем сделать общий вывод из суммы средней заработной платы в отраслях. По этой причине мы провели анализ размера заработной платы в разрезе отраслей экономики.

Согласно нашему анализу, женщины получают зарплату на 75,6% меньше, чем мужчины: в то время как заработная плата мужчин в среднем составила 3487,5 тыс. сумов, заработная плата женщин – всего лишь 1982,1 тыс. сумов. Следует также отметить, что увеличение заработной платы в «мужских» отраслях также показывает более высокие показатели.

Согласно нашему анализу, женщины получают зарплату на 75,6% меньше, чем мужчины: в то время как заработная плата мужчин в среднем составила 3487,5 тыс. сумов, заработная плата женщин – всего лишь 1982,1 тыс. сумов. Следует также отметить, что увеличение заработной платы в «мужских» отраслях также показывает более высокие показатели.

Выводы и предложения. Принимая во внимание «многогранность» женского труда в результате вышеуказанных научно-методологических и аналитических исследований, а также в целях уменьшения гендерной разницы на рынке труда, на наш взгляд, необходимо принять следующие меры:

- провести экспертизу законодательства Республики Узбекистан в области организации женского труда, разработать предложения по обеспечению соответствия национального законодательства международным стандартам в области женского труда, разработать эффективные механизмы их применения;

- разработать критерии и подходы для оценки дискриминации в отношении женщин;

- разработать законодательные акты, предусматривающее временные, гибкие графики для семейных женщин, экономические стимулы и льготы, направленные на повышение заинтересованности работодателя в приеме на работу на дому или создании удаленных рабочих мест;

- обеспечить, чтобы женщины имели доступ ко всем видам деятельности на государственной службе, не ограничиваясь традиционно занятыми отраслями (образование, здравоохранение, социальные услуги);

- разработать систему мер по трудоустройству женщин в соответствии с их образованием, профессиональными знаниями, квалификации, стимулировать создание рабочих мест для женщин в этом направлении;

- разработать гибкие виды организации рабочего времени для женщин, создать системы эффективной координации их официальной занятости с семейными обязанностями и воспитанием детей;

– создать условия для трудоустройства женщин с низкой конкурентоспособностью (инвалидов, многодетных матерей, матерей-одиночек, жен военнослужащих и т.д.), разработать систему мер, которые будут мотивировать работодателей использовать труд женщин данной категории;

– увеличить человеческий капитал организации и постоянно обучать сотрудников-женщин, реализовывать следующие образовательные процессы в организациях: обучение посредством деятельности (learning-by-doing), обучение посредством обучения (learning-by-learning), обучение посредством научных исследований (learning-by-researching), обучение посредством социального взаимодействия (learning-by-interactions);

– формировать у женщин новых «жестких» и «мягких» навыков (hard and soft skills), по мнению зарубежных исследователей, наибольшего успеха добились компании, которые создают у всех сотрудников чувство принадлежности к «общей работе», поддерживают атмосферу доверия, творчества, независимости и предпринимательской среды, однако современная практика местного самоуправления по-прежнему ориентирована на «администрирование, управление».

Реализация указанных направлений повысит эффективность женского труда, обеспечит их инновационное трудоустройство, приведет к созданию женщинами добавленной стоимости и, в конечном счете, не только к развитию отдельного района, но и к социально-экономическому развитию всей страны, созданию экспортноориентированных товаров и увеличению ВВП.

Список использованной литературы

1. Ш.Мирзиёв. Новый Узбекистан становится страной демократических перемен, больших возможностей и практической работы \ \ Интервью Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева газете «Янги Ўзбекистон» 17.08.2021 \ \ <https://president.uz/uz/lists/view/4547>
2. Berryman S. *Who will do science? Trends, and their Causes in Minority and Female Representation among Holders of Advanced Degrees in Science and Mathematics*. New York: Rockefeller Foundation, 1983.
3. Thomson A. *Flexible working: the experiences of women knowledge workers* // A thesis submitted in partial fulfilment of the requirements of Bournemouth University for the degree of Doctor of Philosophy, 2018;
4. Richard Anker, *Gender and Jobs: Sex Segregation of Occupations in the World* // International Labour Organization, 1998 – 444 p.
5. Hakim C. *The Myth of Rising Female Employment*. *Work, Employment and Society*. 1993;7(1):97-120. doi:10.1177/095001709371005
6. Роцин С.Ю., Зубаревич Н.В. *Гендерное равенство и расширение прав и возможностей женщин в России в контексте целей развития тысячелетия. (Gender equality and extension of women rights in Russia in the context of the UN Millenium Development Goals / Доклад. Бюро Постоянного координатора Системы ООН в РФ, ПРООН, ЮНФПА, Бюро ЮНЕСКО, ЮНИФЕМ. М., 2005.*

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СИФАТ ОМИЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

М.М. Бустонов,
“Иқтисодиёт” кафедраси доценти,
Наманган муҳандислик-технология институти

Аннотация. Янги Ўзбекистонда рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши ривожланиши ходимларнинг мобиллиги ошиши ва сифат жиҳатидан янги иш ўринларининг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Шу сабабли ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси шароитида иш билан бандликнинг замонавий шаклларида фойдаланиши имкониятлари таҳлил этилган ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: меҳнат бозори, иш билан бандлик, меҳнат муносабатлари, масофавий иш билан бандлик, фрилансинг.

Жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги фан-техника тараққиётида «Рақамли» иқтисодиёт самарадорликни оширишда, корхона миқозларини кўпайтиришда бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш жараёнига янги миқозларни жалб қилишга имконият бериш билан бирга айни пайтда яхшироқ хизматни ҳам тақлиф қила олишда биринчи ўринда туради. «Рақамли» иқтисодиётнинг афзалликлари жуда кўп бўлиб, энг муҳими, бу яширин иқтисодиётнинг олдини олади ва коррупцияни йўқ қилишга ёрдам беради. ВСГ маълумотларига кўра: интернет маҳсулотлари 2020 йилда 1,9 дан 14,4 триллион долларгача кўшимча даромад келтирган бўлса, 2025 йилга бориб жаҳон иқтисодиётига тахминан 6 триллион доллар қўшиши мумкин⁹².

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотидagi улуши 5,5 %га, ривожланаётган мамлакатларда эса 4,9 %га тенг. Букўрсаткич Буюк Британияда - 12,4 %, Жанубий Кореяда – 8%, Хитоёда - 6,9%, Ҳиндистонда - 5,6 %, Россияда - 2,8 %, Қозоғистонда - 3,9 %ни ташкил этади⁹³. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш концепцияси лойиҳасига мувофиқ, 2025 йилга бориб АКТнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 5,0 фоизга етказилишини кўзда тутадиган бўлсак, ҳозирги вақтда ўртача қабул қилинадиган қийматни 7-8% эканлигидан, нафақат Ўзбекистон Республикасида бошқа паст кўрсаткичли мамлакатларда ҳам рақамлаштириш бўйича кўпроқ иш олиб борилишини тақазо этади.

⁹² UK Government Office for Science. The Internet of Things: making the most of the Second Digital Revolution. – URL: https://www.gov.uk/government/uploads/system/uploads/attachment_data/file/409774/14-1230-internet-of-things-review.pdf (02.05.2017).

⁹³ Digital economy: course in 2020. URL: <http://files.runetid.com/2019/itogi2019/presentations/14dec>.

Бу борада Ўзбекистон раҳбарияти ва ҳукумати сўнги йилларда миллий иқтисодий тубдан модернизация этиш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва давлат бошқаруви тизимига рақамли технологияларни жорий этишни талаб қилмоқда. “Рақамли иқтисодий ривожлантириш, иқтисодийда давлат бошқарувини камайитириш, давлат ва хусусий секторларнинг ўзаро фойдали ҳамкорлигининг замонавий шакллари, «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш»⁹⁴ масаласи устувор вазифалар сифатида белгиланган. Бу борада «рақамли иқтисодий» миллий концепциясини ишлаб чиқиш, рақамли иқтисодий ривожлантириш орқали ялпи ички маҳсулот ҳажмини қўшимча ўстириш билан боғлиқ илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Рақамлаштириш глобал иқтисодий ўсишининг энг муҳим омилига айланмоқда. Рақамли технологияларни жорий қилишдан глобал ва миллий иқтисодий доирасида рақамли экотизимни яхлитлигини таъминлаш мумкин. Ушбу тенденция барча мамлакатларда рақамлаштириш жараёни иштирокчилари - давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бизнес, таълим муассасалари, sanoat корхоналари ва молиявий тузилмалар ўртасида самарали ўзаро алоқалар зарурлигини акс эттиради.

Рақамли иқтисодий ривожлантириш нафақат алоҳида иқтисодий тизимлар учун, балки бутун давлат учун ҳам устувор вазифадир. Тўртинчи sanoat инқилобига ва олтинчи технологик тартибга ўтишда ҳал қилувчи аҳамияти учун рақамлаштириш жараёни айниқса муҳимдир. Миллий иқтисодий рақамлаштириш алақачон кўпгина мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишининг муҳим таркибий қисмига айланди ва яқин келажакда рақобатбардошлик ва турмуш даражасини ошириб, барқарор ишлаб чиқариш ўсишининг институционал асосига айланмоқда.

Бу борада 2020 йил 28 апрелда қабул қилинган «Рақамли иқтисодий ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, мазкур Қарорда қуйидаги «2023 йилга келиб рақамли иқтисодийнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улушини 2 бараварга кўпайтиришни назарда тутган ҳолда, шу жумладан, ишлаб чиқаришни бошқаришда ахборот тизимлари комплексини жорий қилиш, молиявий-хўжалик фаолиятда ҳисобот юритишда дастурий маҳсулотлардан кенг фойдаланиш...»⁹⁵ вазифа сифатида белгилаб ўтилгани алоҳида эътиборга сазовордир.

⁹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. – www.lex.uz

⁹⁵ “Рақамли иқтисодий ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2020 йил 28 апрел// <https://uzreport.news/politics/2023-yilga-kelib-ra-amli-i-tisodiyotning-mamlakat-yaimdagi-ulushi-2-baravarga-kupaytirilad>. Электрон ресурс.

Тадқиқотлар шундан далолат берадики, яқин келажакда рақамли иқтисодиёт жаҳон иқтисодиётининг катта қисмини қамраб олади. Рақамли оммавий ахборот воситаларининг пайдо бўлиши билан (Интернет, мобил телефонлар ва маълумотларни йиғиш, сақлаш, таҳлил қилиш ва етказиб беришнинг барча бошқа воситалари) рақамли шаклда маълумотларни тез, аниқ ва самарали равишда кўпайтириш ва тарқатиш ҳамда «дифузиялар»ни бошқариш мумкин бўлади. «Кенг маънода «рақамлаштириш» жараёни одатда рақамли технологияларни, яъни ахборотни яратиш, қайта ишлаш, алмаштириш ва узатиш технологияларини оммавий жорий этиш ва ўзлаштириш билан бошланган ижтимоий-иқтисодий трансформация деб тушунилади»⁹⁶.

Бу жараён микроэлектроника, ахборот технологиялари ва телекоммуникацияларнинг ривожланиши билан белгиланади ва цивилизация ривожланишининг табиий босқичи бўлиб хизмат қилади. Иқтисодий тараққиёт кўрсаткичини ушбу баҳолаш замонавий иқтисодиётнинг рақамли шаклга ўтиши одатий ҳодиса эканлигини тан олиш ҳуқуқини беради.

Бу етакчи мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишининг амалдаги амалиётида яққол намоён бўлади. Шундай қилиб, таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ишлаб чиқаришни, иқтисодиётни «рақамлаштириш» харажатлари IT-бюджетнинг ўртача 18 фоизини ташкил этади, бу кўрсаткични 2021 йилда 28 фоизгача ошириш имконияти мавжудлигини эътиборга олсак Бозор раҳбарлари учун бу кўрсаткичлар 34-44 %»- деб баҳолаган⁹⁷. Шундай қилиб, иқтисодиётни рақамлаштириш объектив, муқаррар жараён бўлиб, уни тўхтатиш мумкин эмас.

«Турли хил ҳисоб-китобларга кўра, рақамли иқтисодиёт турли соҳаларнинг 50 %дан ортиғи учун улкан ўзгаришларни келтириб чиқаради. Бу ахборот технологиялари ва платформалари бизнес моделларини тубдан ўзгартириши, воситачиларни йўқ қилиш ва оптималлаштириш орқали уларнинг самарадорлигини ошириши билан боғлиқ бўлиб, Жаҳон банки экспертларининг фикрига кўра, Интернетдан юқори тезликда фойдаланувчилар сонининг 10 фоизга кўпайиши ЯИМнинг йиллик ўсишини 0,4 дан 1,4 фоизгача ошириши мумкин»⁹⁸, деб таъкидлаб ўтилган.

Рақамли иқтисодиёт иқтисодий ўсишнинг драйвери сифатида янги рақамли маконни яратади ва глобал иқтисодий маконнинг кўплаб иштирокчиларига катта миқдордаги маълумотларга киришни таъминлайди. Яратилган «катта маълумотлар» технологиялар билан бир қаторда давлат, бизнес ва фуқаролик


⁹⁶ This definition is given, inter alia, by experts UNCTAD (The Transformative Economic Impact of Digital Technology, http://unctad.org/meetings/en/Presentation/ecn162015p09.Katz_en.pdf

⁹⁷ Company "Ay-Teko" held a presentation "towards new frontiers" http://itecovestifinance.ru/na_puti_k_globalnoj_cifrovizaci Electronic resource. Access date 04.12.2017.

⁹⁸ The Economics of Modern Manufacturing: Technology, Strategy, and Organization, Paul Milgrom and John Roberts, The American Economic Review, June, 1990.

жамиятининг етакчи бойликларидан бирига айланади. Рақамли платформалар долзарб ижтимоий ва глобал муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради.

Рақамли иқтисодиёт стратегиясини танлашда барча бошқарув қарорлари унинг асосий мақсадига - Интернетга киришни кенгайтиришга, аниқроғи кўпайиш учун рақамли бўлинишни, мулкнинг асоси ва таваккалчилик имкониятларидан ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари лойиҳаларининг тез-тез ишламай қолишидан халос бўлишга қаратилган бўлиши керак. Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектларнинг нолинчи транзакция харажатлари бўйича фаолияти интеграцияни ўсишига ёрдам беради, бу эса илгари эришиб бўлмайдиган хизматлардан фойдаланиш имкониятини оширади.



1-расм. Рақамли платформалар долзарб ижтимоий ва глобал муаммоларни ҳал қилишдаги роли⁹⁹

Иқтисодиётда янги усулда бўлгани каби иқтисодий фаолиятнинг асосий омиллари электрон технологиялар ва хизматлар шунингдек рақамли шаклда тақдим этилган, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш анъанавий бошқариш шакллари билан таққослаганда товарларни, ишларни ва хизматларни ишлаб чиқариш, истеъмол қилишда самарадорлик ҳамда сифатни оширишда, жумладан катта маълумотларни таҳлил қилиш ва прогноزلаш шунингдек бошқарув тартибда рақобатдош устунликка эга.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли иқтисодиёт глобал ривожланишнинг муҳим ечими бўлиб, глобал муаммоларни илғор ечимларини таклиф этади, бошқарув қарорлари самарадорлигини оширади ва мамлакатнинг иқтисодий фаровонлигини шакллантиришда бизнес ҳамда фуқаролик жамиятининг фаол иштирокини рағбатлантиради.

⁹⁹ Муаллиф томонидан тузилган

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidentishavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешикта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириши йили» да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони.
3. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. Қайта шиланган ва тўлдирилган 3-нашири. Т.: «FAN», 2019. 552-б.
4. Зокирова Н.К., Абдурахманова Г, Сағидуллин Ф.Р. Трансформация форм занятости в инновационном развитии // *International scientific review*. 2020. №LXX. – С. 24-28.
5. Одегов Юрий Геннадьевич, Павлова Валентина Васильевна Новые технологии и их влияние на рынок труда // *Уровень жизни населения регионов России*. 2018. №2 (208). – С. 60-70.
6. Frey C. B., Osborne M. A. *The future of employment: How susceptible are jobs to computerisation*. – Oxford Martin Working Papers. – 2018. https://www.oxfordmartin.ox.ac.uk/downloads/academic/The_Future_of_Employment.pdf.
7. Schwab K. *The fourth industrial revolution*. – Currency, 2017. – 192 p.

АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН БАНД ҚИЛИШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ

**С.Э. Холмуродов, и.ф.н.
доцент, ТДИУ**

Аннотация. Ушбу мақолада иш ўринларини яратишида хусусий тадбиркорларнинг ўрни, меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлигининг динамикаси, ЯИМ да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда иш билан бандларнинг улуши ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: иш билан бандлик, иш ўринлари, ишсизлик

Кириш

Республикамызда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни жонлантириш, тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қанча чора-тадбирлар узвий амалга оширилмақда. Мамлакат иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилди.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли бутун аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этиб, уларнинг сони йил сайин кўпайиб бормоқда.

Жаҳон тажрибасига кўра, бозор муносабатларининг ривожланиши ўз ичига меҳнат ресурслари, иш билан бандлик муаммосини ҳам мужассамлаштиради. Бу, айниқса, юқори демографик ўсишга эга бўлган, иқтисодий эркинлаштириш сиёсати ҳамда таркибий ўзгартиришларни амалга оширувчи мамлакатлар учун муҳим. Айнан шу ерда ортиқча иш кучини жадал тарзда ишдан озод бўлиши ҳамда иш излаётган шахслар сони кўпайиши кузатилмақда. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистондаги меҳнат бозорининг бугунги ҳолатини тадқиқ этиш ва шу асосда келгусида янги иш ўринларини яратиш орқали иш билан бандлик даражасини оширишни талаб этади.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақсадга эришиш учун статистик маълумотларни тўплаш ва таққослаш усулларида, олинган натижаларни умумлаштириш ва асослашда таҳлил усулларида фойдаланилди. Ушбу методлар мақоланинг тадқиқот натижалари қисмида қўлланилиб, куйида хулоса қилишимизга ёрдам берган. Қўлланилган методларнинг натижаси аҳолини домий иш ўринлари билан таъминлашнинг аҳамиятини ёритиб беришга хизмат қилади

Тадқиқот натижалари

Иш ўринларига бўлган талаб ва тақлифни аниқлашда энг аввало меҳнат ресурслари таркибини таҳлил қилиш талаб этилади. (1-жадвал). Меҳнат ресурслари таркибидаги иқтисодий фаол аҳоли сони таркиби иш ўринларига бўлган талабни намоён этади.

I-жадвал

Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлиги динамикаси¹⁰⁰

(минг киши)

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | |
|---------------------------------|---------|---------|---------|---------|---------|
| | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
| Жами аҳоли сони | 31575,3 | 32120,5 | 32656,7 | 33255,5 | 33905,2 |
| Меҳнат ресурслари сони | 18488,9 | 18666,3 | 18829,6 | 18949,0 | 19158,2 |
| <i>шундан:</i> | | | | | |
| Иқтисодий фаол аҳоли сони | 14022,4 | 14357,3 | 14641,7 | 14876,4 | 14797,4 |
| Иш билан банд бўлган аҳоли сони | 13298,4 | 13520,3 | 13273,1 | 13541,1 | 13236,4 |

1-жадвал маълумотларидан кўринадики 2016-2020 йиллар давомида республикада аҳолиси сони 7 фоизга, меҳнат ресурслари сони эса 4 фоизга ўсиб, 2020 йил меҳнат ресурслари умумий аҳоли сонининг 57 фоизини ташкил этди. Республикада меҳнат ресурсларининг йиллик ўртача ўсиш суръати 1 фоизга тўтти келмоқда.

2020 йилда иш билан бандлик даражаси иқтисодий фаол аҳолига нисбатан 89 фоизни, меҳнат ресурсларига нисбатан эса 69 фоизни ташкил этди.

Бугунги кунда хусусий секторда иш билан банд аҳолининг 80 фоиздан ортиғи меҳнат қилаётгани ҳам ушбу секторнинг ўрин мавқеи юқорилигидан далолат беради. Жумладан 2000 йилда кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотидаги улуши 31 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йил якуни билан бу кўрсаткич 55,7%га етди¹⁰¹.

Ўзбекистон иқтисодиётида бозор муносабатлари ривожлантирилиши мавжуд меҳнат салоҳиятининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишни талаб этади. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг иш билан бандлиги даражасини баҳолаш заруратини тугдиради. Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу афзалликларидан самарали фойдаланилмоқда ҳамда 2020 йилда иқтисодиётнинг бу секторида кўплаб янги иш ўринлари ташкил этилди.

Расмда кўришиб турганидек, 2016-2020 йиллар давомида республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида иш билан бандлар сони ортиб борган бўлсада, умумий улуши камайиб борган. (2-жадал)

2-Жадвал маълумотларидан кўринадики иш билан бандлар улуши камайиб борган. Мамлакатимизнинг ўзига хос шароитида иш билан бандлик муаммоси ечилиши алоҳида ёндашувни талаб қилади.

“Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан тақдим этилган таҳлилга кўра, Ҳаракатлар стратегияси доирасида аҳоли бандлигини таъминлаш борасида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, 2017-2020 йилларда 2,5 миллиондан ортиқ муносиб меҳнат шароитларига эга бўлган доимий иш ўринлари яратилган¹⁰². Жумладан;

¹⁰⁰ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида

¹⁰¹ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида

¹⁰² https://www.uza.uz/ru/posts/4-yilda-25-milliondan-ortiq-doimiy-ish-orni-yaratilgan_298666?q=%2Fposts%2F4-yilda-25-milliondan-ortiq-doimiy-ish-orni-yaratilgan_298666

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда иш билан бандлар улуши

| Йиллар | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
|------------------------|-------|-------|-------|-------|-------|
| Иш билан бандлар улуши | 78,2% | 78,0% | 76,3% | 76,2% | 74,5% |
| ЯИМ да улуши | 66,8 | 65,3 | 62,4 | 56,0 | 55,7 |

2017 йилда 404,2 мингта, 2018 йилда 551,4 мингта, 2019 йилда 797,9 мингта, 2020 йилда 651,3 мингта

Ўзбекистондаги меҳнат бозорининг бугунги ҳолатини тадқиқ этиш ва шу асосда келгусида хусусий секторда янги иш ўринларини яратиш орқали иш билан бандлик даражасини оширишни талаб этади.

2020 йилда мамлакатимизда жами 651,3 мингта янги иш ўринлари ташкил этилиб, уларнинг қарийб ярми кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, уй меҳнатининг барча шакллари ривожлантириш, яқка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, уй-жойларни таъмирлаш ишлари кўламини кенгайтириш ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобидан яратилди. Шунингдек қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда:

- янги иш ўринлари яратаётган иш берувчилар рағбатлантирилмоқда, уларга солиқ, кредит ва бошқа имтиёзлар берилмоқда;
- аҳолини иш билан таъминлашнинг энг самарали воситалари бўлган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари янада жадал суръатларда ривожлантирилмоқда;

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантирилиши аҳолини иш билан бандлигини ошириш, аҳоли даромадларини ошириш ва иқтисодиётни барқарор ривожланишига катта ҳисса қўшади. Республикамизда иш ўринларини яратаётган иш берувчиларга қуйидаги қулайликларни яратиш лозим:

- йил давомида 10 дан ортиқ иш ўрни яратаётган тадбиркорларни рағбатлантириш механизминини ишлаб чиқиш;
- давлат хусусий шерикчилиги асосидаги корхона ва ташкилотлар салмогини ошириш лозим

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: Дарслик – Т: IQTISODIYOT, 2019 – 621 б.
2. https://www.uza.uz/ru/posts/4-yilda-25-milliondan-ortiq-doimiy-ish-orni-yaratilgan_298666?q=%2Fposts%2F4-yilda-25-milliondan-ortiq-doimiy-ish-orni-yaratilgan_298666
3. www.stat.uz – Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

ДЕМОГРАФИК ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ҚИШЛОҚ МЕХНАТ БОЗОРИНИ БОШҚАРИШГА ТАЪСИРИ

Р.Д. Нажимадинов,
Тармоқлар иқтисодийёти кафедраси
катта ўқитувчиси, ТДИУ

Анотация: Мақола қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаида қишлоқ маҳсулотларини ишлаб чиқариши ва қайта ишлашни ташкил этишини аҳамияти ёритилган, давлат-хусусий шериклиги асосида кадрларни тайёрлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариши ва қайта ишлаида яратиладиган иш ўринлари йўналишлари таклиф этилган.

Калит сўзлар: кластер, агрокластер, самарадорлик, озиқ-овқат, иқтисодий, молиявий, замонавий, технология, инновация, интенсив, экспорт, импорт, маҳсулот.

Ҳар бир мамлакатда меҳнат бозорини бошқариш жараёнига у ердаги демографик ўзгаришлар жиддий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон аҳолининг туғилиш ва табиий ўсиш суръати юқори бўлган мамлакатлар қаторига киради. Ўтган ўттиз йил давомида республика аҳолиси ҳар йили ўртача 2,6 фоизга ўсган бўлиб, бу МДХ мамлакатлари ичидаги юқори ўсиш кўрсаткичидир. Уларнинг кўпчилигида туғилиш камайиб, аҳоли сонининг ўсиш суръати кескин қисқарган. Бу жиҳат иқтисодий ўсиш динамикасига, қишлоқ меҳнат бозори муаммоларини ҳал қилишга ўзига хос таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон аҳолиси 1991–2021 йилларда кескин ўсганлиги қайд этилган. Дарҳақиқат, бу даврда мамлакат аҳолиси 20607,7 ва 34558,9 минг кишини ташкил қилиб, ўттиз йилда 13951,2 минг кишига кўпайди. Жами ўсишнинг деярли тўртдан икки қисми қишлоқ аҳолисига тўғри келди, яъни 49,40 фоизни ташкил этди. Тошкент вилоятида бу кўрсаткич 2021 йилда 2994,0 минг нафарни ташкил қилган. Жами ўсишнинг 50,9 фоизи қишлоқ аҳолиси ҳисобига содир бўлган. Демак, вилоятда бу кўрсаткич республиканинг умумий кўрсаткичидан деярли 1,5 фоизга ортиқ.

Демографик жараёнларнинг характери иқтисодийётдаги вазиятга чамбарчас боғлиқдир. Мамлакатда 1991-1995 йилларда юз берган иқтисодий турғунлик даврида аҳолининг турмуш даражаси пасайиб бориб, аҳоли сонининг ўсиш суръатига салбий таъсир қилди. Масалан, 1991 йилда аҳоли сонининг ўсиш суръати 2,4 фоизини, 1995 йилда эса 1,6 фоизини ташкил қилган¹⁰³.

2000 йилдан бошланган иқтисодий ўсиш эса демографик тенденцияларнинг ўзгаришига ҳам таъсир қилди. Масалан, аҳоли сонининг ўсиш суръати 2001 йилда 20,4 фоизга етган бўлса, 2011 йилга келиб 17,4 ва 2021 йилга келиб 18,7

¹⁰³ Республика Ўзбекистон: за годы независимости (1991-1996 гг.) – Т. 1997г.

фоизни ташкил этди.

Республикадаги демографик вазиятнинг ўзига хослиги аҳолининг ёшига кўра таркибида ҳам намоён бўлмоқда. Меҳнатга лаёқатли аҳоли сони динамикасида айрим ёшдаги гуруҳларнинг улуши муҳим аҳамиятга эгадир. 20–59 ёшлилар гуруҳига жами аҳолининг 52,2 фоиз қисми ёки меҳнатга лаёқатли аҳолининг 86,8 фоизи киради. 16–19 ёшлилар гуруҳига эса аҳолининг 9,4 фоизи ёки меҳнатга лаёқатли ёшдагиларнинг 15,6 фоизи киради.

Ўзбекистонда инсоннинг ўртача умри бошқа МДХ мамлакатларидан фарқли равишда ислохотлар даврида пасайиш ўрнига 90-йилларнинг бошида 69,3 ёшдан 90-йилларнинг охирига келиб 70,4 ёшга 2021 йилда эса эркаклар – 73 ва аёллар – 75 ёшга узади.

Санаб ўтилган **демографик тенденциялар қишлоқ меҳнат бозорини қуйидаги йўналишларда бошқаришни талаб қилади:**

- ишчи кучи таклифининг йиллик ўсишини юқори бўлиши иш билан бандлик даражасини сақлаб туриш ва ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш учун ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишнинг қуйи чегарасини белгилайди;

- қишлоқ меҳнат бозорига ишчи кучи таклифи томонидан энг катта босим қишлоқ жойларида кўрсатилади - бу соҳа ишлаб чиқаришнинг ҳар йили деярли оширишни талаб қилади;

- меҳнат ёшига етмаган болалар улушининг юқорилиги мактабгача тарбия ва мактаб муассасалари соҳасида ишловчи малакали мутахассисларга бўлган талабнинг юқори бўлишига сабаб бўлади;

- туғилишнинг юқори даражадалиги малакали болалар шифокорларига ва хамширалик хизматларида ишловчиларга бўлган талабни кучайтиради.

Қишлоқ меҳнат бозорини **самарали бошқариш учун қишлоқ аҳолисининг истиқболдаги сонини билиш муҳимдир.**

Аҳоли сонининг маълум бир вақт оралигидан кейинги қийматини турли усуллар ёрдамида аниқлаш мумкин бўлиб, бу усуллар аҳолининг умумий сонини ёки айрим ёшдагилар сонини аниқлаш кераклигига қараб турлича бўлади.

Аҳолининг истиқболдаги умумий сони аҳолининг ўрганилаётган маълум бир давр учун табиий ва механик ўсиш суръатлари ҳақидаги маълумотлар асосида ҳисобланади ва прогноزلанаётган вақт оралиғида аниқланган қонуниятнинг сақланиб қолиши кўзда тутилади.

Кўпинча аҳолининг умумий сонини истиқболини аниқлашнинг ўзи етарли бўлмайди, балки аҳолининг айрим ёш ва жинсга кўра гуруҳларининг сони ҳақида батафсил маълумотлар керак бўлади (масалан, аҳолининг келгусидаги турли ёшдаги гуруҳлари сонини аниқлаш, меҳнат балансини тузиш ва ҳоказо).

Аҳолининг алоҳида ёшга доир гуруҳлари бўйича истиқбол сонини ҳисоблаш учун қуйидагилар талаб қилинади: режалаштирилаётган даврнинг бошидаги аҳолининг сони ва ёшга кўра таркиби тўғрисидаги маълумотлар; ўлим

коэффициентлари асосида ҳисобланган яшаш коэффициентилари ҳақидаги маълумотлар; 15-49 ёшдаги аёллар учун туғилиш коэффициентилари тўғрисидаги маълумотлар. Масалан, бир йилдан кейинги ҳар бир жинсдаги ёшлар бўйича (0 ёшдан ташқари) аҳоли сонини ҳисоблашда ҳар бир ёш ва жинсдаги аҳоли сони ҳисобланиб, тегишли яшаш коэффициентига P_x кўпайтирилади, натижада бир йилдан кейинги $x+1$ ёшда бўладиган аҳолининг (истикқбол) сони ҳисобланади.

Бир йилдан кейинги туғилиши мумкин бўлган чақалоқлар (0 ёшлилар) сонини ҳисоблаш учун туғилишнинг ёш коэффициентилари режалаштирилаётган йилдаги тегишли ёшда (15 дан 49 ёшгача) бўлган аёллар сонига кўпайтирилади. Ҳосил бўлган болалар сонини вужудга келган ўғил ва қиз болалар туғилиши нисбати асосида жинсларга осонлик билан тақсимлаш мумкин. Шундан сўнг болалар ўлими коэффициенти ҳисобга олган ҳолда бир ёшгача етиб борадиган болалар сони аниқланади, ундан кейинги ҳисоб-китоблар эса ёшларни суриш усули ёрдамида олиб борилади.

Шундай қилиб, аҳоли сони ҳақидаги истикқболли маълумотлар қанчалик батафсил ва қандай мақсад учун кераклигига қараб, уларни ҳисоблашнинг турли усулларидан фойдаланилади. Юқорида айтиб ўтилган усуллардан ташқари бошқа ҳисоб-китоб методикалари ҳам бор, бироқ барча ҳолатларда ҳам аҳолининг келгусидаги умумий сонини ҳисоблашда маълум бир муддат учун аниқланган аҳоли сонининг ўзгариш қонуниятлари келгусида ҳам сақланиб қолиши ҳисобга олинади. Бироқ, туғилиш, ўлим ва механик ўсиш кўрсаткичлари ўзгармаслиги, аҳолининг ёш таркиби эса ўзгариши туфайли, узоқ муддатга мўлжалланган истикқболли ҳисоб-китоблар хатодан холи бўлмайди.

Умумий демографик тенденциялар таъсирида қишлоқ меҳнат бозорини келгусида ривожланишидаги **қуйидаги силжишларни оқилона бошқариш зарур:**

- кенг демографик ўзгаришлар ва иш билан бандлик соҳаларида бозор муносабатларини ривожлантириш йўли билан қишлоқ меҳнат бозорини янада самаралироқ фаолият кўрсатишини таъминлаш зарур;
- иш билан бандлик соҳасида бозор механизмларининг кучайиши, ишчи кучининг бекор қолиш кўламининг ортиши ва қишлоқ меҳнат бозорида танглик юз бериши мумкинлиги туфайли меҳнатдан фойдаланиш соҳаларини кенгайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш лозим;
- оммавий ишсизликка йўл қўймаслик мақсадида ходимларни қайта тайёрлашга ва замонавий касбларга ўргатишга қаратилган бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Аҳолини иш билан бандлигини бугунги даражаси ва айниқса унинг тузилмаси республикада атиги 5-6 йил аввал кузатишган кўрсаткичлардан тубдан фарқ қилади. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг жадал суръатларда бориши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг

ривож-ланиши, ёлланма ишчилар ва иш берувчиларнинг психологиясидаги ўзгариш-лар, бозор устиворлиги ва меҳнат кўникмасининг мустаҳкамланиши бозор маконини кенгайтириб, меҳнат соҳасидаги бозор муносабатларини янада ривожлантириш учун объектив шарт-шароитлар яратиб берди. Ушбу жараёнларни янада ривожлантириш иқтисодиётнинг барқарорлашуви ва ўсишига боғлиқ бўлиб, республикадаги давлат бошқаруви шу мақсадларга қаратилгандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармогини янада ривожлантириши, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4549-сон Қарори.
2. Saidov M., Ochilov I., Khasanov N, Muratova M. Peculiarities of Organization of Modern Clusters In Field of Fruit and Vegetable Production // *International Journal of Advanced Scientific and Technology*, Volume 29 №8, 2020, Scopus. - PP 3244-3253
3. Фролова О.А. Агрпромышленные кластеры: российская модель/ Вестник НГИЭИ <https://cyberleninka.ru/article/n/agropromyshlennye-klastery-rossiyskaya-model>.
4. Очиллов И.С., Файзуллаев Ш. Ўзбекистон иқтисодиётида давлат хусусий шериклик ва маркетинг масалалари. *Biznes-Эксперт*, №5.- Тошкент: 2019. –Б 23-29.
5. Saidov M., Ochilov I., Yangibaev H. Cluster - An Innovative Structure Based on High Technologies in the Economy of Uzbekistan // *Solid State Technology* Volume: 63, Issue: 4, Publication Year: 2020 Scopus. - PP 205-212.

ТАРМОҚ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШУВ ЖАРАЁНИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

К.Б. Шарипов, PhD,

**“Макроиқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети**

Аннотация: Ўзбекистонда тармоқлар бўйича ихтисослашув жараёнларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил қилинган ва ушбу соҳани ривожлантириши билан боғлиқ стратегик йўналишлар асосланган.

Калит сўзлар: Тармоқлар бўйича ихтисослашув, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хусусий мулк, шартнома, халқ фаровонлиги.

Ихтисослашув турлари ичида тармоқ бўйича ихтисослашув муҳим ўрин тутди. Яъни, турли хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятларини муайян тармоқ хусусиятларига мувофиқ ташкил этадилар ва амалга оширадилар.

Ҳар қандай мамлакатнинг миллий иқтисодиёти муайян тармоқлар мажмуидан таркиб топади. “Иқтисодиёт тармоғи – бир турдаги технологиялар бўйича бир турдаги (яқин хусусиятлари билан) ёки ўзига хос (маҳсус) маҳсулотни ундирувчи, ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчи корхоналар мажмуи. Тармоқ – ишлаб чиқарилаётган маҳсулоти, технологияси ва қондираётган эҳтиёжларининг умумийлигига эга бўлган корхона ва ишлаб чиқаришлар мажмуи”¹⁰⁴.

Қуйидаги тармоқлар фарқланади:

- ягона турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи соф тармоқлар (масалан, кўмир саноати);
- тармоқ маҳсулотини ишлаб чиқариш билан тармоқ ташкилотларининг асосий қисми банд бўлган хўжалик тармоқлари;
- ташкилотлари ягона вазирликка, идорага мансуб бўлган маъмурий тармоқлар.

Моддий ишлаб чиқариш тармоқларига саноат, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқа, савдо ва умумий овқатланиш, моддий-техник таъминот (логистика) киради. Ижтимоий-маданий йўналишдаги тармоқлар, хизмат соҳасига қуйидагилар киради: маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, фан, бошқарув, уй-жой, коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш. Иқтисодиёт тармоғи сифатида банк сектори, ахборот

¹⁰⁴ Райзберг Б.А., Лозовский А.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. - 2-е изд., испр. М.: ИНФРА-М. 479 с., 1999.; Экономика и право: словарь-справочник. – М.: Вуз и школа. А.П.Кураков, В.А.Кураков, А.А.Кураков. 2004.

технологиялари билан боғлиқ фаолиятларни ҳам ажратиб кўрсатиш тўғри бўлади¹⁰⁵.

Фикримизча, ихтисослашув жараёнининг тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига таъсирини қуйидаги жиҳатларига кўра асосий йўналишларга ажратиш мумкин:

1) соф иқтисодий, яъни ихтисослашув натижасида ишлаб чиқариш ҳажми, тармоқ ёки иқтисодий фаолиятнинг рентабеллик даражаси, молиявий натижалар (фойда ёки зарар)нинг ўзгариши;

2) техник ва технологик, яъни ихтисослашув натижасида тармоқ ишлаб чиқаришида техник воситалардан фойдаланиш, технологик жараёнлар даражасининг ўзгариши;

3) ташкилий, яъни ихтисослашув натижасида тармоқ ишлаб чиқаришини ташкил этиш, ундаги алоқа ва муносабатларнинг амал қилиши даражасидаги ўзгаришлар.

Умумий ҳолда, тадбиркорлик субъектлари учун муайян тармоқ ишлаб чиқаришига ихтисослашув мазкур жараённинг ижобий (афзаллик) томонлари билан салбий (камчилик) томонларининг фарқи мусбат ишорага эга бўлганда фойдали ҳисобланади.

$$ИТ = \sum_{i=1}^n И_i - \sum_{j=1}^m C_j,$$

бу ерда:

ИТ – тармоқ ёки иқтисодий фаолият тури бўйича ихтисослашувнинг кичик бизнес фаолиятининг ривожланишига таъсири (мусбат ёки манфий);

И – тармоқ ёки иқтисодий фаолият тури бўйича ихтисослашувнинг кичик бизнес фаолиятига ижобий таъсири;

$i = 1 \dots n$ – тармоқ ёки иқтисодий фаолият тури бўйича ихтисослашувнинг кичик бизнес фаолиятига ижобий таъсири йўналишлари;

С – тармоқ ёки иқтисодий фаолият тури бўйича ихтисослашувнинг кичик бизнес фаолиятига салбий таъсири;

$j = 1 \dots m$ – тармоқ ёки иқтисодий фаолият тури бўйича ихтисослашувнинг кичик бизнес фаолиятига салбий таъсири йўналишлари.

Қуйидаги жадвалда “тармоқ” тушунчаси таърифига иқтисодий ва қонунчилик жиҳатидан ёндашувларнинг хусусиятлари намойиш этилган (1-жадвал).

Ҳозирги вақтда тармоқларнинг ривожланишига қуйидаги янги шарт-шароитлар таъсир кўрсатади: илмий-инновацион салоҳият (фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг қўлланиши); инвестицион салоҳият; ижтимоий ва ишлаб чиқариш соҳаларининг унумдорлигини таъминловчи бизнес-инфраструктуранинг етуқлик даражаси; маълум тармоқлар ривожланишининг аниқ вақт интервали доирасида ривожланишининг устуворлигини шакллантирувчи маъмурий ресурслар ва бошқалар.


¹⁰⁵http://economic-definition.com/Services_and_manufacturing/Otrasl__Branch__eto.html

**“Тармоқ” тушунчаси таърифига иқтисодий ва қонунчилик жиҳатидан
ёндашувларнинг хусусиятлари¹⁰⁶**

| Иқтисодий жиҳатдан ёндашув | Юридик жиҳатдан ёндашув |
|---|---|
| Корхона, корпорация, ташкилотларнинг алоҳидалашти-риладиган ва умумлаштириладиган тузилмаси | Иқтисодий фаолиятнинг ўхшаш турларини амалга оширувчи барча ишлаб чиқариш бирликларининг йиғиндиси |
| <ul style="list-style-type: none"> – ишлаб чиқарилган маҳсулот, иш, хизмат иқтисодий аҳамиятининг бирлиги, – истемол қилинаётган хом ашёнинг бир хилдалиги ва бирлиги, – технологик база ва технологик жараёнларнинг умумийлиги, – кадрлар касбий таркибининг бир турдалиги | <ul style="list-style-type: none"> – фаолият соҳаси, – ишлаб чиқариш жараёни (технологияси), – фойдаланиладиган хом ашё ва материаллар |

Кичик корхоналарнинг энг кўп сони савдо, қурилиш ва саноатда яратилган. Қуйида Европа ва Осиёнинг тармоқ бўйича таркибий тузилмаси диаграмма кўринишида келтирилган¹⁰⁷.

Қурилиш корхоналари ва ташкилотлари ҳиссасига кичик корхоналар умумий сонининг 13%, қишлоқ хўжалиги, овчилик ва ўрмон хўжалигига – 11%, қайта ишлаш саноатига – 18%, транспорт ва алоқага – 14,0% тўғри келади (1-расм).



1-расм. Европадаги кичик тадбиркорликнинг тармоқ жиҳатидан таркибий тузилмаси¹⁰⁸.

¹⁰⁶ Н.С. Рычихина. Отрасль как экономическая и правовая категория: современные тенденции. «Современные наукоемкие технологии. Региональное приложение» №4 (36) 2013

¹⁰⁷ <http://www.meti.ojp/english/other/MET/introduction/c10130ej.html> – Сайт Министерства экономики, торговли и промышленности Японии.

¹⁰⁸ <https://articlekz.com/article/15307>

Осиё мамлакатлари (Хитой, Япония, Тайвань)да 2014 йилда фаолиятнинг етакчи тармоқлари бўлиб саноат – 41%, қишлоқ хўжалиги – 21% ҳисобланади. Бироқ, шу билан бирга, аҳамиятли даражада бошқа муҳим тармоқлар – транспорт ва алоқа, қурилиш, савдо ҳам қамраб олинган (2-расм)¹⁰⁹.



2-расм. Осиёдаги кичик тадбиркорликнинг тармоқ жиҳатидан таркибий тузилмаси¹¹⁰.

Расмлардаги диаграммалардан кўриниб турибдики, кичик тадбиркорликнинг тармоқ жиҳатидан таркибий тузилмаси Европада ҳам, Осиёда ҳам деярли бир хил. Бироқ Осиёда, айниқса Хитой каби мамлакатларда, нафақат саноат, балки қишлоқ хўжалиги соҳасига ҳам катта эътибор қаратилади.

Фаолият турига кўра кичик тадбиркорлик Европа ва Осиёда иқтисодийнинг деярли барча тармоқларини қамраб олади. 2014 йилнинг январь ҳолатига Европада 20 млн.дан ортиқ кичик корхоналар амал қилади. Кичик корхоналарнинг умумий сонидан илгаригидек “улгуржи ва чакана савдо; автотранспорт воситалари, маиший ва шахсий фойдаланишдаги буюмларнинг таъмири” иқтисодий фаолият турига ихтисослашган корхона ва ташкилотлар етакчилик қилмоқда. Уларнинг солиштирма салмоғи 21 фоизни ташкил этган.

Хорижда кичик бизнес рақобатни ривожланишини рағбатлантиради, йирик компаниялар томонидан янги технологияларни жорий этилиши ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширилишига “мажбур қилади”, бутун иқтисодийнинг самарадорлиги кичик ва ўрта бизнеснинг муваффақиятли фаолиятига боғлиқ бўлади. Шунга кўра, ривожланган мамлакатлар кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга ошириб, унинг асосий мақсади – давлат ва бизнес манфаатларини мувозанатлаштириш, тадбиркорлик

¹⁰⁹ <http://www.meti.ojp/english/other/METIntroduction/c10130ej.html> – Сайт Министерства экономики, торговли и промышленности Японии.

¹¹⁰ <https://articlekz.com/article/15307>

фаолияти учун оптимал шарт-шароитларни таъминлаш, кичик бизнеснинг рақобатбардошлигини ошириш ҳисобланади.

Хорижий тажриба кўрсатадики, кичик тадбиркорлик соҳасида барча инновацияларнинг қатга қисми амалга оширилиб, бу жамият ижтимоий ва сиёсий барқарорлигининг муҳим омили сифатида илмий-техника тараққиёти ва “ўрта синф”нинг шаклланишига имкон яратади¹¹¹.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўринадики, тармоқ бўйича ихтисослашув жараёнининг тадбиркорлик фаолияти ривожланишига таъсирини эътиборга олиш ҳамда унинг имкониятларидан фойдаланиш миллий иқтисодиётда кичик тадбиркорлик фаолияти аҳамиятининг янада ошишига имкон яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. ЎзР Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 29-декабрь 2020 йилдаги Мурожаатномаси.
3. Янги Ўзбекистон: Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш одимлари. Ўқув қўлланма. – Тошкент, “Маънавият”. -2021. -Б.12-56.
4. Беркинов Б.Б., Эргашходжаева Ш.Дж. Трансакция харажатларини бошқаришнинг илмий-услубий асослари. –Т: “FAN VA TECHNOLOGIYA”, 2017. -236 б.
5. Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. Учебник. – Т: “Иқтисодиёт ва молия”. 2008. -340 с.

¹¹¹ Абдибеков С.У., Беделбаева А.Е. Мировые тенденции развития предпринимательской деятельности в экономике зарубежных стран // Журнал: Вестник КазНУ, 2015. Алматы. - <https://article.klekz.com/article/15307>

НОРАСМИЙ СЕКТОРНИНГ АҲОЛИ УНУМЛИ ВА МАҲСУДОР БАНДЛИГИГА САЛБИЙ ТАЪСИРЛАРИНИ СЎНДИРИШ ИМКОНияТЛАРИ

Ш.Х. Раҳматуллаева,
Инсон ресурсларини бошқариш
кафедраси катта ўқитувчиси, ТДИУ

Аннотация: Ушбу мақолада глобаллашув шароитида аҳолининг унумли ва маҳсулдор бандлигини оширишида норасмий секторнинг таъсирини сўндириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари акс эттирилган. Унда унумли ва маҳсулдор бандлик, ишсизлик ва камбағаллик таъсир доирасида иш билан бандлик масалалари бўйича тадқиқот натижалари, таҳмиллар ва улар натижасида аҳолининг унумли ва маҳсулдор бандлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: аҳоли бандлиги, норасмий сектор, камбағаллик, иш билан бандлик, камбағаллик, меҳнат бозори, ишсизлик, Covid-19.

Кириш. Ривожланаётган мамлакатларда камбағалларнинг қарийб тўртдан уч қисми хоҳ қишлоқ хўжалигида бўлсин, хоҳ қишлоқ хўжалигида бўлмаган ишларда бўлсин, қишлоқларда яшайдилар ва аксарият ҳолларда расмий ёки уюшган иқтисодийёт чегараларидан ташқарида бўлган фаолият билан шуғулланадилар. Шаҳар жойларда камбағаллар, умуман олганда, норасмий иқтисодийётда бир қатор фаолият билан шуғулланадилар. Шундай қилиб, камбағалликни қисқартириш стратегияси қишлоқ хўжалиги, фаолиятнинг бошқа турлари ва шаҳардаги норасмий иқтисодийётни эътиборсиз қолдириш тавсия этилади.

Бирок, норасмий секторда банд бўлганларни камбағаллар сони билан тенглаштириш ўринли эмас. Камбағаллик норасмий иқтисодийётнинг ўсиши учун маъсул бўлган асосий омиллардан бири бўлса-да (айниқса қишлоқ хўжалиги бўлмаган ва шаҳар норасмий секторларида), ушбу сегментнинг кўплари муносиб даромад олишмоқда. Шунинг учун, камбағаллар жалб қилинган норасмий иқтисодийёт сегментларини аниқлаш жуда муҳимдир. Шу нуқтаи назардан, қишлоқ хўжалигида камбағалликнинг энг юқори даражаси ерсиз ишчилар ва деҳқон хўжаликларида банд бўлганлар орасида учрайди. Қишлоқ хўжалигидан ташқарида норасмий даромад бандлик ҳолатига қараб камаяди: ўз-ўзини иш билан банд қиладиганлар, яқка тартибдаги тадбиркорлар, оилавий тадбиркорлар, касаначилик билан банд бўлган хунармандалар, норасмий ва тасодифий иш ҳақи олувчилар шулар жумласидандир.

Тадқиқот методологияси. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотномалари ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Тадқиқотда тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, макроиқтисодий таҳлил, гуруҳлаш, эксперимент, декомпозиция, адаптив усуллар, инновацион ва интеграцион ёндашувлар, ёшлар ишсизлигини камайтириш бўйича халқаро тажрибалар таҳлили ва апробациясидан фойдаланилди

Тадқиқот натижалари. Бундан ташқари, иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлиш ва камбағаллик ўртасидаги муносабатлар эркакларга қараганда аёлларга кучлироқ таъсирга эга. Иқтисодиётнинг норасмий секторида аёллар нафақат эркакларга қараганда кўпроқ фойзга эга, балки аёллар тирикчилик соҳасида ёки вақтинча иш ҳақи олувчилар ёки уй ишларида ишлайдиган кам даромадли сегментларда кўпчиликни ташкил этади.

Камбағал кишиларнинг камбағаллик таъсир доирасидан тез ва осон чиқиш кетиш йўли ҳам норасмий сектор ҳисоблансада, ушбу мақолада норасмий секторнинг аҳоли унуми ва маҳсулдор бандлигига салбий таъсирларини сўндириш имкониятлари ҳақида таҳлил ва мулоҳазалар юритилади.

Сўнгги йилларда норасмий секторда бандлик ва уни легаллаштириш йўналишида кўплаб хорижий ва маҳаллий институт олимлари томонидан атрофлича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Иқтисодиётнинг норасмий сектори ҳамда ундаги аҳоли бандлиги масалаларида академик Қ.Х.Абдурахмонов, Д.Р.Ахмадеев, Б.А.Мусаев, М.Кастельс, А.Портес, Эрнандо де Сото, Ф.Слонимчук, Е.Я.Варшавская, И.В.Доновалар томонидан ўрганилган.

Норасмий иқтисодиёт минтақадаги норасмий бандлик даражасининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларга боғлиқ [Д.Р.Ахмадеев, 2014].

Норасмий бандлик янги иқтисодий укладнинг шаклланишидаги зарурий шартлардан бири бўлиб, унинг пайдо бўлиши ва ортиб боришининг асосий сабаби сифатида меҳнат ресурсларининг қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат тармоқларидан хизмат кўрсатиш соҳаларига кўчиб ўтади [Б.А.Мусаев, 2017].

Норасмий иқтисодий фаолиятга структуралистик ёндашувнинг дастлабки кўриниши сифатида уни айтиш мумкинки, норасмий фаолият турларининг мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ушбу кўриниш функционал таснифларга эга [М.Кастельс ва А.Портес, 2003].

Норасмий бандлик даражасини пасайтиришда солиқ тизимидан самарали фойдаланиш [Ф.Слонимчук, 2011] муҳим, бироқ алоҳида мамлакатларда норасмий бандликнинг юзага келиш сабаблари ва унинг оқибатларини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш [Е.Варшавская ва И.Допова, 2012] талаб этилади.

Маълумки, 15-Меҳнат Статистикаси Халқаро Конференциясида (МСХК) тақлиф қилинган концептуал асос корхонага асосланган норасмий сектор контсепциясини ва норасмий иш жойига асосланган норасмий секторда иш билан бандликнинг умумий контсепциясини бирлаштирди.

Таҳлиллар. Ушбу конференция қарорига биноан норасмий бандлик қуйидаги иш ўринларини ўз ичига олган:

Норасмий иш билан бандликнинг концептуал асослари*

| | Бандлик ҳолатига кўра, | | | | | | | | |
|--|--|--------|---------------|--------|---|-----------------|--------|---------------------------------------|--------|
| | Ўзини ўзи банд қилганлар | | Иш берувчилар | | Ҳақ олмайдиган ишлайдиган оилавий ишчилар | Ёлланма ишчилар | | Ишлаб чиқариш кооперативлари аъзолари | |
| | норасмий | расмий | норасмий | расмий | норасмий | норасмий | расмий | норасмий | расмий |
| Расмий сектор корхоналари | | | | | 1 | 2 | | | |
| Норасмий сектор корхоналари* | 3 | | 4 | | 5 | 6 | 7 | 8 | |
| Уй хўжаликлари** | 9 | | | | | 10 | | | |
| * ҳақ тўланадиган уй ишчилари ишлайдиган уй хўжаликлари бундан мустасно (15-МСХК томонидан келишилган), | | | | | | | | | |
| ** ўзларининг охириги истеъмоли учун товар ишлаб чиқарадиган уй хўжаликлари ва пуллик уй ишчилари ишлайдиган уй хўжаликлари. | | | | | | | | | |
| | - ишлаб чиқариш бирлигининг маълум бир турида таърифи бўйича мавжуд бўлмаган иш жойлари / иш жойлари | | | | | | | | |
| | - расмий иш майдони / иш жойи | | | | | | | | |
| | - норасмий ишларнинг / иш жойларининг ҳар хил турлари | | | | | | | | |

*Манба: 15- ва 17-Меҳнат Статистикаси Халқаро Конференциялари

– ўзини ўзи иш билан банд қилганлар ёки норасмий секторда ўз корхоналари-га эга бўлган иш берувчилар (3 ва 4-катаклар);

– расмий ёки норасмий сектор корхоналарида ишлашидан қатъи назар, иш ҳақи тўланмаган оилавий ишчилар (1 ва 5-катаклар);

– расмий ва норасмий сектор корхоналаридаги норасмий иш жойларида ёки уй хўжаликларида ишлаётган маош асосида ишлаётганлар ходимлар (2, 6, 10-катаклар);

– норасмий ишлаб чиқариш пудратчилари аъзолари (8-катаклар);

– фақат ўзларининг охириги истеъмоллари учун товарларни ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган ўз-ўзини иш билан банд қилган уй хўжаликлари (9-катак).

17-МСХКга мувофиқ, агар ходимлар меҳнат қонунчилиги, солиққа тортиш, ижтимоий муҳофаза қилиш (йиллик таътил, касаллик таътиллари ва ҳ.к.) кабилар

рўйхатидан ўтмаган яширин иш жойлари билан боғлиқ корхонада, уй хўжалигида қисқа муддатли иш билан банд ходимлар норасмий иш билан банд деб ҳисобланади.

Куйидаги концепция асосида куйидаги гуруҳларни олиш мумкин:

- норасмий секторда бандлик (3-8-катаклар);
- норасмий сектордан ташқари норасмий бандлик (1-2, 9-10-катаклар);
- норасмий бандлик (1-6, 8-10-катаклар).

Шундай қилиб, ҳозирги даврда норасмий бандликни баҳолаш мезонлари шақлантирилади.

Норасмий иш билан бандлик мақомига кўра ва ушбу касбнинг асосий ёки иккинчи даражали бўлишидан қатъий назар, куйидагилар қиради:

- ўз-ўзини иш билан банд қиладиган ёлланма ходимлар ёки иш берувчилар;
- норасмий ишлаб чиқариш пудратларининг аъзолари;
- иш ҳақи тўланмайдиган оилавий ишчилар;
- хусусий томорқада ишлайдиганлар, фақат ўз истеъмоли учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарадиганлар;
- расмий ёки норасмий сектор корхоналарида, яқка тартибдаги тадбиркорликда ёки деҳқон (фермер), уй хўжаликларида ёлланиб ишлайдиган ишчилар, агар уларнинг иш жойи куйидаги мезонлардан камида биттасига жавоб берса:

- оғзаки келишув асосида қабул қилинган;
- иш берувчи ижтимоий сўгурта бадалларини тўламаса;
- маош тўланадиган тиббий таътил олиш ҳуқуқи йўқ;
- ҳар йили тўланадиган меҳнат таътилига ҳақ тўланмайди.

Норасмий меҳнат бозорларининг асосий элементлари куйидагилар:

- 1) норасмий меҳнат бозорлари субъектлари (талаб) расмий ва норасмий равишда қонунийлаштирилган иш берувчилар ёки уларнинг вакиллари ва норасмий асосда иш излаётган одамларни (таклиф) ўз ичига олади;
- 2) норасмий меҳнат биржалари, хуфиёна рекрутнинг компаниялари;
- 3) меҳнат шартномаларини тузишнинг оғзаки (ёзма эмас) хусусияти.

Шунинг учун ҳам ҳуқуқат камбағал кишиларнинг норасмий ишдаги меҳнат сифатини оширишда касбий таълим ва қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини яхшилаш зарур. Бундан ташқари, норасмий иш билан банд кадрлар ижтимоий таъминотини кенгайтириш ва уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш учун замонавий стратегиялар зарур.

Норасмий меҳнат бозори субъектларининг асосий хусусиятларини очиб беришда, шуни таъкидлаш керакки, бир томондан, улар расмий равишда қонунийлаштирилган хусусиятга эга бўлган корхоналар томонидан ҳам, норасмий, хуфиёна бизнес субъектлари томонидан ҳам (кўп ҳолларда) намоийш этилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, норасмий меҳнат бозорининг элементларидан бири - бу иш берувчиларни соя жалб қилиш компаниялари. Ушбу компаниялар, аксарият ҳолларда норасмий равишда рўйхатдан ўтган ташкилий тўплам

путь создания фундамента Нового Узбекистана и Третьего Ренессанса. «Новый Узбекистан», как отметил наш Президент в своем интервью газете «Янги Ўзбекистон», «это, прежде всего, новые экономические отношения, новое экономическое видение. Экономическая система нашей страны полностью перестраивается, и как бы это ни было сложно, мы начали практическое внедрение рыночных механизмов». [2] Необходимо было быстро решать вопросы, связанные с масштабами либерализации экономики и поддержки национального бизнеса. Поэтому в экономических сферах начался новый этап их развития, который характеризовался проведением структурных реформ, направленных на увеличение открытости экономики, укрепление международных отношений и либерализацию торговли. Реформы касались изменения в валютной и налоговой системах, отмены государственных монополий в некоторых секторах (например, экспорт фруктов и овощей) и открытия банковского сектора для иностранных инвесторов.

Приоритеты экономических реформ на среднесрочный период обозначены в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы (далее – Стратегия действий) [3]. Ее содержание позволяет понять, куда будет двигаться республика, и какие шаги нужно сделать для реформирования страны. Стратегия включает пять основных направлений: совершенствование системы государственного и общественного строительства, верховенство закона, реформирование судебной системы, развитие и либерализация экономики, развитие социальной сферы, безопасность, религиозная толерантность и межнациональное согласие, внешняя политика.

Президент страны Ш.М. Мирзиёев в своем интервью газете «Янги Ўзбекистон» сказал, что «Если коротко охарактеризовать суть и содержание Стратегии действий, принятой нами пять лет назад, то в этом программном документе мы определили свою стратегическую цель - построение Нового Узбекистана и фундамента Третьего Ренессанса». «...это не субъективное желание, не пиар-кампания, а объективная необходимость, имеющая фундаментальные исторические основы, продиктованная нынешними политико-правовыми, социально-экономическими и культурно-гуманитарными условиями, отвечающая вековым устремлениям и национальным интересам нашего народа» [2].

В соответствии со Стратегией действий качественно новый уровень экономического развития подразумевает повышение уровня и качества жизни населения. Осуществленные на деле реформы реализованы на основе принципа «Интересы и благосостояние человека превыше всего», и направлены:

на устранение проблем с наличными деньгами посредством повсеместного внедрения в быт населения банковских карт;

снижение излишней бюрократии за счет развития системы государственных услуг и запуска соответствующих центров;

усиление гарантий по защите прав человека, искоренение принудительного в том числе детского труда;

внедрение новой системы по рассмотрению обращений граждан и открытости государственных органов;

усиление роли СМИ в обществе, принятии решений, расширении медийного пространства;

создание новой системы поддержки молодежи;

решение вопросов гендерного равенства и поднятие этого на уровень государственной политики;

развитие системы высшего образования (увеличение квоты приема в ВУЗы, открытие филиалов национальных и зарубежных ВУЗов);

улучшение деловой среды в стране (упрощение процессов регистрации и управления бизнесом, налоговая реформа, снижение налоговой нагрузки и объявление налоговых каникул для предпринимателей);

признание официально статистики бедности, выработка мер и формирование комплексного подхода к её сокращению и др.

Реализация в Узбекистане приоритетных направлений реформирования экономики обеспечили получение в последние пять лет среднегодовой рост экономики страны в 4,6%. Это стало возможно лишь потому, что экономика страны и ее реформы сегодня имеют более открытый и интегрированный характер, что позволило обеспечить решение такой важной задачи, как создание стабильности в образе проживания жителей и формирование резервов для поддержки здравоохранения, образования и других целей развития. Экономический рост является необходимым и достаточным условием для более широкого развития трудоспособного населения и предоставления им большего шанса стать продуктивными и творческими специалистами, обеспеченными стабильной и высокой заработной платой.

На сегодняшний день в отраслях экономики занято около 90% из всего экономически активного населения республики, из них более 81% - в негосударственном секторе. Наибольшая доля экономически активного населения проживает в городах республики (52,7%), а наименьшая (47,3%) – в сельской местности. За пять лет среднемесячная заработная плата увеличилась в 2,1 раза.

Открытость страны позволяет импортировать идеи, технологии и ноу-хау из других стран мира. Одним из каналов получения этих знаний являются иностранные инвестиции, активно привлекаемые в республику, в том числе из стран, для которых индикатором или «пусковым инструментом» для инвестирования как раз и являются стабильные темпы роста. Реализуемые

в последние годы реформы по либерализации экономики и ее открытости внешнему миру создают как для иностранных, так и для отечественных инвесторов новые, ранее не задействованные, возможности для вложения капитала и создания новых предприятий, получению дополнительной прибыли.



Источник: составлена по данным Госкомстата РУз

Рисунок 2. Удельный вес освоенных инвестиций в основной капитал и иностранных инвестиций и кредитов в Узбекистане в 2016-2020 гг.

Динамика инвестиций в основной капитал Узбекистана показывает их рост умеренными темпами в период с 2010 по 2015 г.г., однако в последующие годы началось восстановление инвестиционной активности благодаря структурным реформам. Достигнутый рост экономики Узбекистана во многом обусловлен сохранением высокого уровня инвестиционной активности. Среднегодовые темпы роста инвестиций в основной капитал страны в 2016-2020 гг. превысили 12,8% (рис. 2). Примерно треть всех инвестиций республики приходится на обрабатывающую промышленность – производство текстильных изделий, неметаллической минеральной продукции, металлургическую промышленность. Десятая часть инвестиций в основной капитал поступает в горнодобывающую промышленность, из которых три четверти приходится на инвестиции в добычу нефти и природного газа.

Объем инвестиций до 2020 г. в республику составлял в разные годы в пределах от 21,1% до 43,6% от ВВП, что по сути соответствует средним мировым оценкам. Например, для категории среднеразвитых стран мира этот показатель может быть равен 24-26%, а для наиболее динамично развивающихся стран мира 30-32%. Однако 2020 г. стал переломным для этого показателя в связи с пандемией COVID-19, действие которого отразилось на темпах роста этого показателя в сторону его снижения по сравнению с 2019 г. Ограничение

инвестиций, особенно внешних, складываются из-за ухудшения финансового положения потенциальных инвесторов в условиях экономического кризиса, связанного с пандемией. Влияет также появление новых (карантинных) видов рисков инвестирования в зарубежные страны (ограничения передвижения людей и грузов, управления зарубежными предприятиями и др.). Такая ситуация требует усиления мотивации и возможностей инвестирования для отечественных инвесторов и обеспечения равных с иностранными инвесторами условий инвестирования.

В Узбекистане для снижения последствий COVID-19 и поддержанию экономики и населения в период пандемии являлись создание Антикризисного фонда, поддержка малообеспеченных слоев населения, предоставление налоговых льгот для предприятий и домохозяйств, в наибольшей степени пострадавших от пандемии, поддержка бизнеса. Были предоставлены гарантии и компенсации процентных ставок по кредитам, выданным на производство социально-значимых товаров в эквиваленте 49,3 млн. долл. США. Кроме того, были введены меры поддержки предприятий, в частности, кредитные и аналоговые каникулы, открыты антикризисные кредитные линии, выданы беспроцентные бюджетные ссуды для погашения кредитов стратегическим предприятиям в размере эквивалентном 78,9 млн. долл. США. Сельскохозяйственные компании стали основными заемщиками антикризисных кредитных линий, им увеличили объемы выданных кредитов на 48%, а также на 27 % промышленным предприятиям республики [4].

На оказание единовременной помощи населению Указом Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по материальной поддержке слоев населения, нуждающихся в помощи и социальной защите в период коронавирусной пандемии» от 30.07.2020 г. № УП-6038 из республиканского бюджета было выделено 380 млрд. сумов. На каждого члена семьи была выделена помощь в размере 220 тысяч сумов.

Согласно Новой стратегии Узбекистана, представленной Президентом Ш. Мирзиёевым в рамках предвыборной программы на X съезде партии УзЛиДеП [5], в ближайшие пять лет будут реализованы реформы, способствующие увеличению объема промышленного производства в 1,4 раза и росту производительности труда как минимум в 2 раза. Рост других показателей позволит обеспечить поддержания высоких темпов роста экономики республики, и за счет этого будет обеспечена макроэкономическая стабильность.

Выводы и предложения

В статье рассмотрены вопросы открытости экономики для настоящего и будущего Нового Узбекистана, что позволяет сделать следующие выводы.

1. Основная цель экономического развития состоит в улучшении качества жизни и здоровья населения. Можно говорить о том, что процесс социально-

экономического развития Узбекистана включает такие составляющие как: повышение доходов, улучшение здоровья населения, повышение уровня его образования, увеличение степени свободы людей, в том числе экономической.

2. В реализуемой на сегодняшний день Стратегии дальнейшего развития Узбекистана конкретизированы приоритетные направления реформирования экономики и других сфер, определены задачи по их реализации. Она вписалась в несколько пространственных категорий: накопление, инновации, размещение средств, стабилизацию и широкую вовлеченность всех слоев населения (инклюзивность).

3. На новом этапе экономического развития экономики строительство Нового Узбекистана является продолжением, с еще более глубоким изучением древней и новейшей истории, уникального культурного наследия.

4. Президент страны Ш.М. Мирзиёев определил следующие приоритетные задачи на нынешнем этапе развития страны. «Первая приоритетная задача: социальная политика была, есть и будет одним из важнейших приоритетов государственной политики в Узбекистане.

Вторая приоритетная задача: в сфере экономического развития важную роль играют определение точек роста и особое внимание к ним, повышение конкурентоспособности экономики Нового Узбекистана.

Третья приоритетная задача: в условиях пандемии и вызванного ею глобального экономического кризиса мы не должны допустить, чтобы предприниматели остались один на один со своими проблемами. Ведь за каждым предприятием, бизнес-структурой стоят рабочие места, доходы тысяч и тысяч семей.

Четвертая приоритетная задача: мы начали коренные изменения в сельском хозяйстве, которые по времени, к сожалению, совпали с пандемией. Она убедительно показала, что обеспечение продовольственной безопасности, развитие аграрного сектора в соответствии с современными требованиями становятся самыми актуальными задачами для всего человечества, в том числе и для нас.

Пятая приоритетная задача: в период пандемии важнейшим остается охрана здоровья и жизни населения. Для этого в Государственном бюджете на 2021 год сформирован резерв в размере 3 трлн. сум. За счет этих средств принимаются необходимые меры в сфере медицины, в том числе проводится вакцинация населения от коронавируса.

Шестая приоритетная задача: в новых условиях мы уделяем особое внимание духовно-просветительской работе. Такой подход - прочная основа нашего настоящего и будущего развития».

5. Важным условием посткризисного восстановления и обеспечения устойчивого развития экономики, позволяющего и дальше реализовать прин-

ципы построения Нового Узбекистана, является последовательное улучшение условий для увеличения частных и прямых иностранных инвестиций.

6. Ключевыми мерами в сфере макроэкономической политики и реформирования экономики, которые позволят обеспечить экономический рост страны, являются: сдерживание роста внешнего долга; жесткий контроль за эффективностью использования заемных средств, что требует удержания фискальных расходов, всемерное стимулирование частных инвестиций; оптимизация инвестиционных расходов государства за счет следующих действий: ужесточения критериев отбора проекта на стадии ТЭО, внесения корректировок и отказа от реализации инвестиционных проектов, потерявших актуальность в связи с изменением рыночной конъюнктуры; завершение работы по оптимизации таможенных и налоговых льгот; совершенствование промышленной и конкурентной политики; продолжение реформирования аграрного сектора; стимулирование создания цепочек добавленной стоимости в сельском хозяйстве; рост производительности труда в экономике и каждой отрасли за счет оптимизации производственных затрат, внедрения современных технологий, цифровизации производственных процессов и др.

Список использованной литературы

1. Конституция Республики Узбекистан. Принята 8 декабря 1992 года на одиннадцатой сессии Верховного Совета Республики Узбекистан двенадцатого созыва. Текст в редакции, предшествующей Закону РУз от 24.04.2003 г. N 470-II.
2. Новый Узбекистан - страна демократических преобразований, больших возможностей и практических дел. Интервью Президента Узбекистана Шавката Мирзиёева газете «Янги Ўзбекистон». [Электронный ресурс]: <https://review.uz/post/yangi-ozbekiston-demokratik-ozgarishlar-keng-mkoniyatlar-va-amaliy-ishlar-mamlakatiga-aylanmoqda> (дата обращения: 24.09.2021 г.)
3. Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 07.02.2017 №УП-4947.
4. Макроэкономическая ситуация в странах Центральной Азии: как Казахстан, Узбекистан, Киргизия и Таджикистан переживают последствия пандемии COVID-19. [Электронный ресурс]: https://raexpert.ru/researches/int_fin/central_asia_2021/ (дата обращения: 24.09.2021)
5. Основные тезисы предвыборной программы Президента Ш.М. Мирзиёева на X съезде партии УзЛиДеП. [Электронный ресурс]: <https://review.uz/post/xalqaro-kongress-markazida-ozbekiston-liberal-demokratik-partiyasidan-nomzod> (дата обращения: 22.09.2021 г.).

ХУДУДЛАРИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛАРИ

Д.Ш. Файзиева,
*“Макroiқтисодий тахлил ва прогнозлаштириш”
кафедраси катта ўқитувчиси, ТДИУ*

Аннотация; Ушбу мақолада мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар мамлакатимиз меҳнатга лаёқатли аҳолисининг иш билан бандлигини ошириш бўйича аниқ дастурлар асосида иш олиб бориши кўрсатилган. Меҳнат ресурслари сонининг тез суъратлар билан ортиб бориши мамлакат худудлари учун хос хусусият бўлиб, бу уларни иш билан таъминлаш муаммоси кўриб чиқилди ҳамда тахлил қилинди.

Калит сўзлар. Меҳнат ресурслари, иқтисодий ислохотлар, меҳнат унумдорлиги, маҳсулотни ишлаб чиқарувчи, аҳоли сони, хизматларни бошқариш, меҳнат билан бандлик, иқтисодий таркиб.

Кирриш; Аҳолини иш билан бандлигини ошириш учун мамлакатдаги меҳнат ресурслари миқдори ва тармоқлар бўйича меҳнат билан бандлиги ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлишимиз керак. Қуйида кетирилган 1-жадвалда Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурсларининг ҳудудий таркиби бўйича маълумотлар келтирилган. Мазкур жадвалга асосан, 2013 йилда мамлакат меҳнат ресурслари сони 17814,1 минг кишини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилда 18829,6 минг кишига тенг бўлган, ва бу кўрсаткич ушбу даврда 105,7 фоизга ортганлигини кўришимиз мумкин. Лекин яна шунини айтиш керакки, иқтисодий фаол аҳоли сони 111,2 фоизга ҳамда иқтисодиётда бандлар сони эса ушбу даврда 106 фоизга ортганлигини кўриш мумкин. Аммо шу даврда аҳоли сони 109,1 фоизга ортганлигини ҳисобга олсак, бандлик даражасининг аҳоли сонига мутаносиб равишда ўсмаётганлигини аниқлаш мумкин бўлади. Бундай ҳолат эса иқтисодиётда ишсизлик даражасининг ортиб кетишига олиб келади. Ушбу жадвал маълумотлари таҳлилидан шунини кўриш мумкинки, ҳудудлар даражасида таҳлил қилинганда аҳоли бандлиги ва иқтисодий фаол аҳоли сонининг шу даврлардаги ортиши бўйича энг юқори кўрсаткич Жиззах вилоятига тўғри келади. Энг паст кўрсаткич эса Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва Бухоро вилоятлари ҳиссаларига тўғри келади. Таҳлил натижалари асосида шунини хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатдаги аҳоли сонининг ортиши билан аҳоли бандлиги ва меҳнат ресурслари кўрсаткичлари ўртасида тафовут мавжуд бўлиб, ушбу тафовут биринчидан, аҳоли сонининг ортиши бандлик кўрсаткичларининг мос

равишда ортиб бормаётганлигини кўрсатади. Аксинча, иқтисодий фаол аҳоли миқдори юқори суръатлар билан ортганлигини кўришимиз мумкин.

Тадқиқот методологияси.

Шунга кўра мамлакатимиз аҳолисининг иқтисодий фаоллиги бўйича таркибини таҳлил қилиб чиқиш лозим бўлади. Бу эса малакатимизда аҳолини иш билан бандлигини янада оширишга ёрдам беради. Ўтказилган таҳлиллардан шуни кўриш мумкинки, мамлакатимиз меҳнат ресурсларининг 2013–2018 йилларда ҳудудлар кесимидаги ўсиш суръати энг юқори бўлган ҳудудлар Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари бўлган бўлса, ўсиш суръати паст бўлган ҳудудларга Навоий вилояти, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятларини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу икки кўрсаткичларда номутаносиблик мавжуд бўлиб, улар аҳоли сонининг ортиши бандлик ва иқтисодий фаол аҳоли сонининг ортишига мос келмаслигини кўрсатади. Бу ҳолат ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолисининг урбанизациялашув даражасининг ортиши билан изоҳланса, иккинчи тарафдан ушбу кўрсаткичларнинг номутаносиблигини келтириб чиқармоқда.

Тадқиқот натижаси.

Демак, бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётда натижада таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш хизмат кўрсатиш ва моддий ишлаб чиқариш соҳаларини мувофиқлаштириш, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, ишчиларни моддий ишлаб чиқариш соҳасидан хизмат кўрсатиш соҳаларига кўчиб ўтиши орқали самарали бандликни таъминлашга имкон беради.

Самарали бандлик эса шахснинг муносиб даромади, саломатлиги ва ривожланишини, шунингдек, ижтимоий меҳнат унумдорлиги ошиши асосида жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун таълим ва касб даражасининг ўсишини таъминлайди. Самарали бандлик табиий равишда эришилган тўлиқ бандликни тўлдирувчи жараён бўлиб, иккаласининг мувофиқ келиши (бирга рўй бериши) иқтисодиёт учун ижобий ҳол ҳисобланади. Иш билан тўлиқ бандлик аҳолининг 100 фоиз иш билан таъминланганлигини эмас, балки ишга эҳтиёж сезадиган ва ишлашни хоҳлайдиган шахсларнинг барчасини иш билан таъминланганлигини англайди.

Таҳлиллар.

Шундай қилиб, тўлиқ бандлик миқдор томонидан аҳолини иш билан бандлигини таҳлиларида, самарали бандлик сифат томонини тавсифлайди.

Меҳнат биржалари ишчи кучининг жойлашини уюштириш билан бир вақтда уни истеъмолбоп қилиш, кишиларни касбга йўллаш, касбни ўзгартириш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш кабиларни бажариш билан ҳам шуғулланади. Мазкур органлар мурожаат қилган ишчи кучига маъқул келадиган иш турини таклиф эта олмаса улар ишсиз, деб эътироф қилинади.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурсларининг худудий таркиби (минг киши)¹²⁹

| Худудлар | 2013 йил | | | 2014 йил | | | 2015 йил | | | 2016 йил | | | 2017 йил | | | 2018 йил | | | 2018 йил 2013 йилга нисбатан ўсиши | | |
|------------------------------|------------------------|---------------------------|---------------------------|------------------------|---------------------------|---------------------------|------------------------|---------------------------|---------------------------|------------------------|---------------------------|---------------------------|------------------------|---------------------------|---------------------------|------------------------|---------------------------|---------------------------|------------------------------------|---------------------------|---------------------------|
| | Меҳнат ресурслари сони | Иқтисодий феоа аҳоли сони | Иқтисодиётда бандлар сони | Меҳнат ресурслари сони | Иқтисодий феоа аҳоли сони | Иқтисодиётда бандлар сони | Меҳнат ресурслари сони | Иқтисодий феоа аҳоли сони | Иқтисодиётда бандлар сони | Меҳнат ресурслари сони | Иқтисодий феоа аҳоли сони | Иқтисодиётда бандлар сони | Меҳнат ресурслари сони | Иқтисодий феоа аҳоли сони | Иқтисодиётда бандлар сони | Меҳнат ресурслари сони | Иқтисодий феоа аҳоли сони | Иқтисодиётда бандлар сони | Меҳнат ресурслари сони | Иқтисодий феоа аҳоли сони | Иқтисодиётда бандлар сони |
| Ўзбекистон Республикаси | 178141 | 131630 | 125233 | 180480 | 135064 | 128184 | 182761 | 137677 | 130583 | 184889 | 140224 | 132984 | 186663 | 143573 | 135203 | 188296 | 146417 | 132731 | 1057 | 1112 | 1060 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 9966 | 6508 | 6105 | 10119 | 6567 | 6210 | 10266 | 6654 | 6300 | 10422 | 6751 | 6386 | 10546 | 6888 | 6472 | 10648 | 7795 | 7052 | 1068 | 1198 | 1155 |
| Андақон | 16417 | 12792 | 12107 | 16679 | 13187 | 12450 | 16912 | 13473 | 12717 | 17091 | 13752 | 12977 | 17222 | 14041 | 13192 | 17333 | 14016 | 12668 | 1056 | 1096 | 1046 |
| Бухоро | 10351 | 8593 | 8184 | 10450 | 8685 | 8232 | 10558 | 8724 | 8242 | 10654 | 8724 | 8253 | 10731 | 8746 | 8265 | 10778 | 8877 | 8101 | 1041 | 1033 | 990 |
| Жиззах | 7088 | 4373 | 4151 | 7230 | 4530 | 4284 | 7347 | 4654 | 4414 | 7461 | 4808 | 4548 | 7562 | 4926 | 4682 | 7657 | 5394 | 4866 | 1080 | 1233 | 1172 |
| Қашқадарё | 16542 | 11306 | 10723 | 16925 | 11725 | 11085 | 17257 | 12100 | 11439 | 17581 | 12470 | 11809 | 17846 | 12986 | 12180 | 18068 | 13533 | 12220 | 1092 | 1197 | 1140 |
| Навоий | 5468 | 4424 | 4196 | 5431 | 4437 | 4206 | 5403 | 4436 | 4212 | 5435 | 4442 | 4218 | 5472 | 4457 | 4224 | 5520 | 4463 | 4077 | 1010 | 1009 | 972 |
| Наманган | 14800 | 9531 | 9035 | 14925 | 9895 | 9373 | 15150 | 10221 | 9688 | 15340 | 10579 | 10014 | 15495 | 10990 | 10349 | 15642 | 11626 | 10515 | 1057 | 1220 | 1164 |
| Самарқанд | 19738 | 14335 | 13573 | 20038 | 14851 | 14025 | 20336 | 15306 | 14439 | 20582 | 15757 | 14851 | 20796 | 16298 | 15231 | 21034 | 16206 | 14633 | 1066 | 1131 | 1078 |
| Сурхондарё | 13202 | 9188 | 8712 | 13530 | 9535 | 9015 | 13792 | 9845 | 9308 | 14031 | 10183 | 9615 | 14239 | 10627 | 9917 | 14427 | 10893 | 9840 | 1093 | 1186 | 1129 |
| Сирдарё | 4487 | 3575 | 3423 | 4569 | 3666 | 3496 | 4640 | 3691 | 3509 | 4702 | 3685 | 3524 | 4752 | 3719 | 3531 | 4805 | 3907 | 3542 | 1071 | 1093 | 1035 |
| Тошкент | 18955 | 12917 | 12449 | 16019 | 13235 | 12724 | 16096 | 13360 | 12818 | 16177 | 13424 | 12876 | 16239 | 13609 | 12896 | 16272 | 13498 | 12277 | 1024 | 1045 | 986 |
| Фарғона | 19475 | 15040 | 14311 | 19695 | 15457 | 14628 | 19965 | 15709 | 14853 | 20164 | 15966 | 15083 | 20311 | 16305 | 15257 | 20431 | 16066 | 14510 | 1049 | 1068 | 1014 |
| Хоразм | 9342 | 6975 | 6604 | 9522 | 7178 | 6786 | 9698 | 7355 | 6960 | 9867 | 7547 | 7133 | 10006 | 7753 | 7293 | 10134 | 7860 | 7118 | 1085 | 1127 | 1078 |
| Тошкент ш. | 15370 | 12066 | 11653 | 15348 | 12101 | 11665 | 15341 | 12146 | 11681 | 15382 | 12136 | 11697 | 15446 | 12268 | 11714 | 15547 | 12283 | 11312 | 1012 | 1018 | 971 |

¹²⁹ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик меҳнатининг қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини оширишда муҳим омил эканлигини яна бир бор кўрсатди. Шундай экан, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича кичик ва хусусий тадбиркорлик меҳнатига кенг йўл очиб берилиши, уларни қўллаб-қувватлаш, кредит билан таъминлаш, солиққа солиқ енгилликларини тақдим этиш каби масалаларда, айниқса, мамлакатимизда аграр соҳанинг устуворлиги (қишлоқ хўжалигига ихтисослашганлигини) ҳисобга олган ҳолда имтиёзлар белгиланиши талаб этилади. Демак, бизнингча, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчи тадбиркорларни қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос тизимини такомиллаштириш зарур.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, тадбиркорлар бир-биридан қайси хусусиятлари билан ажралиб туриши ва бу хусусиятлар тадбиркорлик субъектларига мослигига қараб имтиёзлар бериш кераклиги, тадбиркор келажакда ўз фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантиришга интилиши, бу интилиш тадбиркор ва жамият учун нималар беришини аниқлаб олиш лозим. Шундай қилиб, хусусий тадбиркорлик меҳнатининг иқтисодий ривожланишини белгилаб берувчи институтчионал асослари такомиллаштириш талаб этилади.

Куйида келтирилган жадвал маълумотларига асосан, 2019 йилда Ўзбекистон аҳолисининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича меҳнат билан бандлиги тақсимооти таҳлил қилинган (1-жадвал). Ушбу жадвалдан кўришимиз мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли бандлигининг тақсимооти турли тармоқларда турлича, яъни банд бўлганларнинг 73,8 фоизи расмий секторда қолган 26,2 фоизи норасмий секторда банд эканлигини кўриш мумкин.

Норасмий секторда аҳолининг иш билан бандлиги юқори бўлган Ташиш ва сақлаш тармоғида банд бўлганларнинг 70 фоизи, Ўз эҳтиёжларини таъминлаш учун ишчиларни ёлловчи уй хўжаликлари фаолияти тармоғида - 68 фоиз, Улгуржи ва чакана савдо, автомобилларни таъмирлаш тармоғида-60 фоиз, Уй-жой ва озиқ-овқат хизматларида-56,3 фоизни ташкил этмоқда. Ёрдамчи хизматларни бошқариш ва таъминлаш, Қурилиш, Кўчмас мулк билан ишлар, қайта ишлаш саноати каби тармоқларда норасмий банд бўлган аҳоли улуши 49,8–37,6 фоизни ташкил этмоқда. Айнан норасмий секторда банд бўлган аҳоли яширин иқтисодиёт улушининг кескин ошишига ва унинг ривожланишига туртки бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар.

Юқорида санаб ўтилган тармоқлардаги норасмий аҳоли бандлигини камайтириш ва уларни аста-секинлик билан расмий секторга ўтказиш ишларини жадаллаштиришга бугунги куннинг иқтисодий ривожланиши учун устувор йўналиш сифатида қараш лозим бўлади. Ушбу амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар мамлакатимиз аҳолиси бандлигини ошириш билан бир қаторда уларнинг даромадининг ошишига ҳам хизмат қилади. Шундай бўлсада, норасмий

секторда банд бўлган аҳоли қатламини расмий секторга ўтказиш ишларини олиб боришда норасмий сектордаги бандликнинг устун жиҳатларини ўрганиш ва шу жиҳатларни амалда сақлаб қолган ҳолда расмий секторга ўтказиш ишларини олиб бориш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аҳоли бандлигини, айниқса профессионал коллежлар битирувчиларини таъминлашнинг аниқ чоралари ўрнатилган / Янгиликлар: бандлик. Меҳнат муҳофазаси. Миграция. (1-15 май 2017 й.) // Бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиши Республика илмий маркази нашри. <https://mehnat.uz>. – 14 б.
2. 2016 йилда ишчи ўринлари яратиши дастури ва Ўзбекистон Республикаси аҳолиси бандлигини таъминлаш. <https://mehnat.uz>.
3. 2017 йилда ишчи ўринлари яратиши дастури ва Ўзбекистон Республикаси аҳолиси бандлигини таъминлаш. <https://mehnat.uz>.
4. Жаҳон банки гуруҳлари ва Ўзбекистон ҳамкорлиги: Ўзбекистондаги дастурларининг қисқача шарҳи. Жаҳон банки нашр., апрель 2016 й–8б.
5. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари Вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф таҳлили
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. www.stat.uz.
7. Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик / Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси нашр. –Тошкент. 2016. – 32-33-б.

КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Ф.Э. Чориев,

*“Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозаштириш”
кафедраси катта ўқитувчиси, ТДИУ*

Аннотация. Ушбу илмий ишида турли олимларнинг тавсияларини кўриб чиқиш асосида корхоналарнинг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари келтирилган. Буларга дебиторлик қарзларини самарали бошқариш, капитал айланмасини тезлаштириш, фойда ва пул оқимини кўпайтириш киради. Маколада молиявий барқарорлик концепцияси компаниянинг молиявий ҳолатининг асосий мезонлари сифатида очиб берилган.

Таянч сўзлар: Тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик, дебитор ва кредитор қарздорлик, пул оқими.

Кириш

Корхоналарнинг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш чоралари сифатида дебиторлик қарзларини самарали бошқариш, капитал айланмасини тезлаштириш, фойда ва пул оқимини кўпайтириш масалаларини келтиришимиз мумкин. Дебиторлик қарзларининг катта қисми активларнинг бир қисми ташкил этиши ҳар қандай корхонани тўлов қобилиятини йўқотишига олиб келиши мумкин.

Асосан корхоналарнинг молиявий барқарорлик тушунчасига кўп олимлар томонидан таърифлар берилган. «Молиявий барқарорлик» мезони ҳар доим долзарб бўлиб, корхоналарнинг молиявий ҳолатининг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асосини компанияларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашнинг ушбу таҳлил соҳасидаги маҳаллий ва хорижий олим-мутахассисларнинг илмий ишлари ташкил этди. Тадқиқотнинг асосий натижаси омилар таҳлилини қўллаш орқали молиявий барқарорликни таъминлаш чора тадбирларини ишлаб чиқишдир.

Адабиётлар шарҳи

Молиявий барқарорлик кўрсаткичи корхона эгалари ва кредиторлар ўртасидаги таваккалчиликнинг қандай тақсимланганлигини кўрсатади. Ҳамда молиявий қарамлик ва молиявий мустақиллик, активларнинг қарамлик коэффициенти, фоизни қоплаш коэффициенти каби коэффицентлардан фойдаланиш орқали ушбу кўрсаткични аниқлаш мақсадга мувофиқдар (Пардаев ва бошқалар, 2008).

Хакимов ва Холмирзаевлар (2020) ўзларининг илмий ишларида корхоналарнинг жами активлари таркибида пул маблағлари энг муҳим молиявий актив сифатида тан олинисини ҳамда корхонанинг тезкор ликвидлиги яъни жорий активлари билан жорий мажбуриятларини қоплаш коэффиценти айнан пул маблағларига боғлиқ бўлган муҳим иқтисодий кўрсаткичлари эканлигини таъкидлаб ўтган.

Azgiluyanning (2014) иқтисодий ва юридик лугатида молиявий барқарорлик деганда «. молиявий балансда ифодаланган молиявий ҳолатнинг барқарорлиги, активларнинг етарли ликвидлиги, зарур захираларнинг мавжудлиги» деб таъриф берилган.

Mukhambetov va Nukushevlarining (2000) фикрича, молиявий барқарорликнинг иқтисодий моҳияти молиялаштириш манбаларида капиталнинг етарлича улушини барқарор тўлов қобилиятини таъминлашдан иборат. Шу билан бирга, молиявий барқарорлик корхоналарнинг молиявий ҳолатининг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Корхоналарнинг барқарор молиявий ҳолати - бу ишлаб чиқаришнинг умумий ва иқтисодий омилларини моҳирона ва ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда бошқариш натижасидир (Sheremet&Sayfulin , 2006)

Молиявий барқарорлиги корхонанинг барқарор ҳолатидан далолат берувчи белги: даромаднинг харажатлардан ошиб кетиши, пул маблағларини эркин тасарруф етиш ва улардан самарали фойдаланишдир (Dzhumagalieva, 2006).

Корхоналарнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир қилувчи омилларни аниқлаш бозор шароитида энг муҳим иқтисодий муаммолардан биридир, чунки молиявий барқарорликнинг йўқлиги корхонанинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун маблағ етишмаслигига, унинг тўловга лаёқатсизлигига ва охир оқибат банкротликка олиб келиши мумкин. Шунингдек, молиявий барқарорликни таҳлил қилиш корхонанинг ҳозирги ва келажакдаги барқарорлигини баҳолаш ҳисобланади (Higgins 2008)

Молиявий барқарорликнинг иқтисодий моҳияти асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларини шакллантиришнинг ўз ва қарз манбалари учун корхоналарнинг захиралари ва харажатларининг мавжудлиги ҳисобланади (Dyusembaev, 2009)

Тадиқот натижалари ва таҳлили

Кўплаб корхоналар учун дебитор қарздорликнинг катта улушига эга бўлиши асосий масалалардан бири ҳисобланади. Дебиторлик қарзлари корхоналарнинг кредиторлик қарзларини қайтариш манбаи ҳисобланади. Катта миқдордаги дебиторлик қарздорликлари мавжуд корхоналар пул маблағларининг кескин танқислигига дуч келиши мумкин, бу эса кредиторлик қарзлари, солиқ мажбуриятлари, ижтимоий суғурта бадаллари, иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг кечикишига олиб келади. Шу нуқтаи назардан, ҳисоб -китобларда пул маблағларининг айланишини кузатишни таъминлайдиган дебиторлик қарзларини мунтазам таҳлил қилиш ва назорат қилиш ижобий сиёсатдек кўрилади.

Активларда дебиторлик қарзларининг юқори улушининг мавжудлиги ҳар қандай корxonанинг тўлов қобилиятини йўқотишига олиб келиши мумкин. Корxonанинг тўлов қобилиятининг молиявий барқарорлигини таъминлашдаги муҳим ролини инобатга олган ҳолда, ҳар қандай корхона ёки фирма ўзининг тўлов қобилиятини ошириш чораларини кўришга ва тегишли усулларни топишга интилиши табиийдир.

Корxonанинг тўлов қобилияти ва ликвидлиги ҳолатига таъсир қилувчи омиллар:

- умумий иқтисодий омиллар (инфляция, ишсизлик ва бошқалар)
- бошқарув омиллари (солиқ тизимининг беқарорлиги, сиёсий беқарорлик ва бошқалар)
- бозор омиллари (давлат томонидан қўллаб-қувватланмаслиги, маҳсулотга талабнинг пасайиши, молиявий инқироз ва бошқалар).

Корxonанинг тўлов қобилиятини ошириш учун молиялаштириш манбаларининг тузилишини тартибга солиш, яни бўш турган активларни сотиш ёки ижарага бериш ва қисқа муддатли маблағлар айланишини кўпайтириш орқали молиявий манбаларга бўлган эҳтиёжни камайтириш мумкин. Тўлов қобилиятини оширишда маълум бир дивиденд сиёсатини амалга ошириш орқали, корхона тақсимланмаган даромад ҳисобидан ўз капиталини кўпайтириши мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, корхона барча ресурслардан оқилона ва тежамли фойдаланиш ҳисобидан капиталнинг рентабеллигини ошириши мумкин. Ҳар қандай корхона тўлов қобилиятини яхшилашга ҳаракат қилган ҳолда, тегишли чораларни амалга оширган ҳолда тўлов қобилиятини яхшилаши ва натижада молиявий барқарорликни янада ошириши мумкин.

Молиявий барқарорликни таъминлашда пул оқимини кўпайтиришнинг бир неча усулларини тавсия қилишимиз мумкин, улардан энг самаралиси:

- харажатларни камайтириш;
- захираларни конвертация қилишни амалга ошириш;
- асосий воситаларни ишлатишдан қўшимча пул маблағларини олиш;
- капитал кўйилмалар режаларини қайта баҳолаш орқали пул тушумларининг кўпайишини таъминлаш (Urmanbekova, 2017).

Корxonаларнинг ўзининг харажатларини қайтадан кўриб чиқиш, зарур бўлмаган харажатларни қисқартириш, ходимлар лавозимларини кўриб чиқиш орқали боғлиқ бўлган штатларни бирлаштириш орқали ойлик маош тўловларини оптимизация қилиш мақсадга мувофиқ. Қўшимча даромад манбаларини излаб топиш, бўш турган бино-иншоотларни ижарага бериш ва сотиш орқали қўшимча маблағлар жалб қилиш, ишлаб чиқариш ва таклиф қилинаётган хизматларини диверсификациялаш орқали барқарор пул тушимларини таъминлаш. Айланма маблағлари учун қимматли қоғозлаш билан боғлиқ операцияларни ри-вожлантириш керак.

Кредитор ва дебитор қарздорликларни бошқаришда орқали молиявий фаолиятларини тартибга солиш орқали молиявий барқарорликни таъминлаш ва рентабиллик кўрсаткичларни яхшилаш мақсадлидир.

Молиявий фаолият ўзгарганда самараси кам бўлган инвестиция лойиҳалари тўхтатилиши керак (Mutanov va boshqa, 2019; Ziyadin va boshqalar, 2019).

Хулоса қилиб айтганда, молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича самарали чоралар сифатида қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- корхона фаолиятидан келиб чиққан ҳолда харажатларини оптимallashtiriш;
- товар ва хом-ашёлар бўйича захираларининг конвертациясини жадалlashtiriш ҳамда зарур бўлмаган захираларни камайтириш;
- бўш турган асосий воситаларни сотиш ва ижарага бериш орқали қўшимча маблағлар жалб қилиш;
- кредитор ва дебитор қарздорликларни бошқариш;
- режалashtiriлган капитал қўйилмалар ҳисобига пул тушумининг кўпайишини таъминлаш;
- қўшимча молияlashtiriш манбаларидан пул оқимининг кўпайтириш: корхоналарнинг қимматли қоғозлар билан боғлиқ фаолиятларини ривожлантириш ҳамда инвестицион жозибадорликни ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Azrilian A. N., Economic and legal dictionary, 638 (Institute of the New Economy, Moscow, 2014)
2. Mukhambetov T. I., Nukushev A. G., *Bankruptcy and anti-crisis management of the enterprise*, 607 (Training allowance, Almaty, 2000)
3. Sheremet A. D., Sayfulin R. S., *Methodology of financial analysis*, 512 (Infra-M, Moscow, 2014)
4. Dzhumagalieva Zh. G., *The Russian-English-Kazakh Dictionary of the Accountant and Auditor*, 336 (IzdatMARKET, Almaty, 2006)
5. Higgins R. S., *The financial analysis. Tools for making business decisions*, 464 (WilliamsPublishingHouse, Moscow, 2008)
6. Dyusembaev K. Sh., *Analysis of financial statements*, 366 (Economics, Almaty, 2009)
7. Urmanbekova I. F., *Young scientist*, 17, 391-394 (2017)
8. Mutanov, G., Ziyadin, S., & Shaikh, A. A., *Entrepreneurship and Sustainability Issues*, 6(4), 2136-2158 (2019). DOI: 10.9770/jesi.2019.6.4(41)
9. Ziyadin, S., Streltsova, E., Borodin, A., Kiseleva, N., Yakovenko, I., & Baimukhanbetova, E., *Sustainability*, 11(9), 2544, (2019). DOI: 10.3390/su11092544
10. М.Қ.Пардаев, И.Т.Абдукаримов, А.А.Абдиев, Б.И.Исроилов Корхоналарда молиявий ҳисоботлар таҳлили. Ўқув қўлланма. Тошкент, Солиқ; Академияси, 2008.
11. Ҳакимов Б., Холмирзаев У. Пул маблағлари ҳисоби ва таҳлилини халқарота жрибалар асосида такомилashtiriш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2020 йил., www.interfinance.uz

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ КЛАСТЕРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСИДА ИШ БИЛАН БАНДЛИКНИ ОШИРИШ

А.Х. Баев,

**Тошкент давлат аграр университети
катта ўқитувчиси**

Анотация: Мақола қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашда қишлоқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни ташкил этишни аҳамияти ёритилган, давлат-хусусий шериклиги асосида кадрларни тайёрлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда яратиладиган иш ўринлари йўналишлари таклиф этилган.

Калит сўзлар: кластер, агрокластер, самарадорлик, озиқ-овқат, иқтисодий, молиявий, замонавий, технология, инновация, интенсив, экспорт, импорт, маҳсулот.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш кластерлари, аввало шу тармоқ ичидаги рақобатга маҳаллий ва жаҳон бозорларида бардош беради. Шунинг учун иқтисодиётни инновацион тараққий эттиришда, айниқса иқтисодий ривожланишнинг анъанавий усуллари етарли даражада фойда бера олмаётган ҳозирги даврда, кластер назариясини амалиётга татбиқ этиш мақбул йўл ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш усулларида бири сифатида кластер усулидан кенг фойдаланилади. Кластер стратегияси Европа Иттифоқи томонидан кенг тарғиб қилинади. Еврокомиссия иттифоқ ҳудудида кластер ривожланишини янада қўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан пахта-тўқимачилик кластерларини ўрта муддатли истиқболда ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилган. 2018 йил 25 январда эса Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ республика ҳудудларида 16 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил қилиниб, уларга фермер хўжаликларининг қарийб 159 минг гектардан ортиқ экин майдони бириктирилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш кластерининг шаклланишида давлатнинг роли муҳим ўрин тутди. Агар дастлаб кластерлар фақат бозорнинг кўринмас кўли туфайли аввало, трансмиллий

компанияларни замонавийлаштиришда ташкил этилган бўлса, кейинги вақтда кўпгина мамлакатларнинг ҳукуматлари бу жараёнга сезиларли даражада таъсир этгани ҳолда уларга ёрдам бермоқда. Кластер стратегияси жозибадорлиги, йўналишларнинг турли-туманлиги боис инновацион кластерларни давлатнинг ўзи шакллантиришини тақозо этмоқда. Дунё бўйича пандемия оқибатида очарчиликдан қийналаётган аҳоли сони ҳозиргидан 2 баробарга ошиб, 1 миллиард 600 миллионга етади. FAO тадқиқотларига кўра, ер шарида 820 миллиондан ортиқ киши тўйиб овқатланмасликдан қийналади ва бу кўрсаткич 2050 йилга бориб 2 миллиардга етиши мумкин; дунё аҳолисининг ҳар учтадан биттаси тўлақонли рацион асосида овқатлана олмайди; дунё бўйича 5 ёшгача болалар ўлимнинг 45 %и тўйиб овқатланмаслик натижасида юз беради ва ҳар йили 3,1 миллион бола шу сабабли оламдан ўтади¹³⁰.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш кластерларини шакллантириш масаласи мамлакат миқёсида эмас, балки минтақалардаги аниқ иқтисодий-ижтимоий шарт-шароитлар асосида, кластер назариясининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилаётган энг оқилона йўللardan биридир.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш кластерининг яратилиши куйидаги мақсадларга қаратилган:

– таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш ва давлатнинг қишлоқ хўжалигида иштирокини камайтириш;

– агросаноат комплексини инновацион усулда ривожлантиришнинг интеграциялашган кластер тизимини яратиш учун хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш;

– пахта хомашёсини етиштиришга самарали усулларни жорий этиш ва қишлоқ хўжалик хомашёсини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш асосида янги иш жойларини яратиш;

– аграр соҳада ишлаб чиқариш самарадорлигини ва меҳнатга ҳақ тўлашни ошириш асосида қишлоқ аҳолисининг меҳнат даромадларини ошириш.

Ушбу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш кластерининг пировард мақсади – юқори қўшимча қийматга эга, рақобатбардош ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ва шу асосида ҳудудлардаги кўпгина муаммолар – меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш, бюджетни тўлдириш, экспорт имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий масалаларни ҳал этишдан иборат.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш кластери нафақат енгил sanoatни, балки ўз йўлида қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат sanoati, фармацевтика, қуриш маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби ўнлаб тармоқларни ҳам қамраб олади.

¹³⁰ <http://www.fao.org/sustainable-development-goals>

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг самарадор усуллари излаш зарурати яна шу билан изоҳланадики, Ўзбекистон шароитида ернинг маҳсулдорлиги имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаган.

Ўзбекистон ва ривожланган хорижий мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигидаги айрим кўрсаткичлар таққосланса, бу яна бир бор ўз тасдиғини топади. Масалан, 16 миллион киши истиқомат қилувчи ва 1,038 миллион гектар экин майдонлари бўлган Голландияда 131 миллиард долларлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилгани ҳолда, 33 миллионлик аҳолиси ва 4,4 миллион гектарлик экин майдонларига эга Ўзбекистонда эса, бу кўрсаткич бор-йўғи 13,2 миллиард долларни ташкил қилади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноатида вертикал интеграциялашган тизим самарали ва рақобатбардош бўла олади, бу тизим пахта хомашёсини етиштириш ва дастлабки ишлов беришдан бошлаб, то уни корхоналарда кейинги қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотга айлантиришгача бўлган жараёнларни ўз ичига олади. Мамлакатимизда етиштирилаётган сабзавот маҳсулотларининг бор-йўғи 3-4 фоизи, меванинг 11 фоизи экспорт қилинмоқда. Демак, бу борада ҳам ҳали ўрганилиши, жорий этилиши зарур бўлган жиҳатлар мавжуд. Мева маҳсулотлари экспорти бўйича юқори кўрсаткич АҚШ, Испания ва Мексика давлатларига тўғри келса, сабзавот маҳсулотлари бўйича Хитой, Голландия ва Испания давлатларига тўғри келмоқда. Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларининг ички истеъмол билан экспортга чиқарилиши орасидаги фарқни таҳлил қиладиган бўлсак, сўнгги йилларда ўртача 52,8% дуккакли маҳсулотлар экспортга, қолгани ички истеъмолга, узум 13,2%, мева 9,6%, сабзавот 4,6%, полиз 1,7% ни экспортга, мос равишда қолгани ички истеъмолга йўналтирилмоқда¹³¹.

Иқтисодиётда янгича, замонавий ёндашувларни жорий этмасдан туриб, юқори қўшимча қийматга эга рақобатбардош маҳсулот яратишни тасаввур қилиб бўлмайди.

Миллий иқтисодиётимиз учун янги бўлган, саноатнинг илғор турли кластер схемасини яратиш ва жорий этиш асосида “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш – қайта ишлаш – тайёр маҳсулот” шаклидаги ёпиқ занжирдан иборат, юз фоиз чиқитсиз ишлаб чиқариш объектини ташкил этиш кўзда тутилган. Бу ерда сўз нафақат қишлоқ хўжалигида анъанавий тарзда хомашё етиштириш ҳақида, балки уни қайта ишловчи, ёғ-экстракция ва бошқа корхоналарда бирламчи хомашёни қайта ишлаб, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар яратиш ҳақида бормоқда. Бунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ва ёғ-экстракция корхоналарида ҳосил бўладиган иккиламчи маҳсулот кейинчалик чорвачилик комплексида ишлатилади, чорвачилик комплексининг чиқитлари

¹³¹ Saidov M., Ochilov I., Khasanov N, Muratova M. Peculiarities of Organization of Modern Clusters In Field of Fruit and Vegetable Production // International Journal of Advanced Scientific and Technology, Volume 29 №8, 2020, Scopus. - PP 3244-3253.

эса – биогаз қурилмасида иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқаришга сарфланиб, кейинчалик сабзавот ва кўкатлар етиштиришга мўлжалланган замонавий иссиқхоналарга узатилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш кластерларини яратиш олим ва иқтисодчилар, қишлоқ хўжалиги, саноат ходимлари, дизайнерлар салоҳияти, илгор тажрибасини ягона мақсад йўлида бирлаштиришни тақозо қилади. Шу боис янги лойиҳани ишлаб чиқишда нафақат Ўзбекистонлик, балки хорижлик етакчи олимлар, илмий-тадқиқот марказлари ходимлари, мутахассислари ҳамда тадбиркорлар билан маслаҳатлашиш зарур. Шу ернинг ўзида илмий-техник кенгаш, илмий марказ ва кадрлар тайёрлаш бўйича кенгаш тузиш мақсадга мувофиқ.

2019-2021 йилларда кластерлар ва уларнинг ҳамкорлари (фермер хўжаликлари) томонидан 394,3 минг гектар майдонлар қайта фойдаланишга киритилди. 256 минг гектар ер майдонларида сув тежовчи технологиялар жорий этилди.

Хулоса ўрнида, Ўзбекистон иқтисодиётида аграр соҳа ва кластерлар фаолияти таҳлилини такомиллаштириш учун куйидагиларни тавсия этамиз:

кластерлар назариясини тадқиқ этиш асосида кластерлар фаолиятини таснифлаш ҳамда уни ташкил этиш ва илмий-услубий жиҳатдан такомиллаштириш;

кластерлар фаолиятининг ташкилий-иқтисодий ва молиявий механизмлари самарадорлигини баҳолаш тўғрисидаги қарашларларни таҳлил қилиш;

кластерлар фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш;

кластерлар фаолияти молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ҳамда уларни таҳлил қилиш услубиётини такомиллаштириш;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармогини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4549-сон Қарори.

2. Saidov M., Ochilov I., Khasanov N, Muratova M. Peculiarities of Organization of Modern Clusters In Field of Fruit and Vegetable Production // International Journal of Advanced Scientific and Technology, Volume 29 №8, 2020, Scopus. - PP 3244-3253

3. Фролова О.А. Агрпромышленные кластеры: российская модель/ Вестник НГИЭИ <https://cyberleninka.ru/article/n/agropromyshlennye-klastery-rossiyskaya-model>.

4. Очиллов И.С., Файзуллаев Ш. Ўзбекистон иқтисодиётида давлат хусусий шериклик ва маркетинг масалалари. *Biznes-Эксперт*, №5.- Тошкент: 2019. –Б 23-29.

5. Saidov M., Ochilov I., Yangibaev H. Cluster- An Innovative Structure Based on High Technologies in the Economy of Uzbekistan // Solid State Technology Volume: 63, Issue: 4, Publication Year: 2020 Scopus. - PP 205-212.

ПЕРСПЕКТИВЫ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ РЕГИОНОВ УЗБЕКИСТАНА

С.Ю. Шатохина,

Старший преподаватель кафедры

«Макроэкономический анализ и прогнозирование» ТГЭУ

Аннотация: в научной статье рассмотрены теоретические аспекты социально-экономического развития, проведен анализ экономического развития регионов Узбекистана, выявлены регионы, имеющие незначительную тенденцию в развитии своих территорий, а также регионы вносящие существенный вклад в валовой внутренний продукт Узбекистана.

Ключевые слова: экономическая эффективность, территория, регион, региональная экономика, социально-экономическое развитие, отрасль, управление, оценка, коэффициент, показатели, анализ.

Введение

Актуальность исследования заключается в том, что регионы страны существенно различаются друг от друга по экономическому потенциалу, уровню экономического развития, уровню развития производственной и рыночной инфраструктур, масштабам внешнеэкономической деятельности, поэтому в современных условиях складывается тенденция непосредственной поддержки социально-экономического развития регионов.

С ростом глобализации и изменениями в результате пандемии, необходимо ставить новые задачи для обеспечения устойчивого развития территорий. Особенно актуальным является поиск новых методов и подходов для обеспечения стабильного экономического роста в регионах на дальнейшую перспективу. Необходимо отслеживать движение ресурсов между различными сферами экономики, внедрять в экономику регионов научно-технические достижения, применяя новые технологии и заменяя физически и морально устаревшие основные производственные фонды на более новые и технически совершенные.

В стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, говорится о том, что необходимо в совокупности рассматривать все методы и подходы для обеспечения социально-экономического развития всех регионов страны, а также районов и городов, входящих в состав изучаемых областей и стремиться оптимально, и эффективно использовать имеющийся потенциал [1]. В 2017 году было принято постановление Президента Республики Узбекистан «О первоочередных мерах по обеспечению ускоренного социально-экономического развития регионов» [2].

Таким образом, необходимо проводить анализ состояния регионов, который позволит выявлять направления в развитии каждого региона, а также определять слабые стороны или факторы, препятствующие развитию. Получаемые ре-

зультаты, позволяют правильно принимать необходимые управленческие решения для перспективного развития данных территорий.

Методология исследования

На данный момент имеется достаточно научных трудов, посвященных исследованиям проблем социально-экономического развития регионов в современных условиях. Так, например, А.Вальрас рассматривал проблемы характерные для экономического равновесия сопоставляя их со структурными преобразованиями. Исследования, которые были проведены А.Г.Гранбергом, С.Ю.Глазьевым и Е.Г.Ясиным, раскрывают фундаментальные характеристики структурных процессов, а также механизмов трансформации различных экономических и методологических проблем, связанных с прогнозированием перспективы развития регионов в сложившихся условиях [4].

**Ўзбекистонда янги қурилиш ва реконструкция ҳисобига турар жойлар
ва ижтимоий соҳа объектларини ишга тушириш (млрд. сўм)¹⁵²**

| | Ишга туширилди | | Йилга нисбатан фоизда | |
|---|----------------|---------------------------------|--------------------------|---------------------------------|
| | жами | жумладан, қишлоқ жойларда | жами | жумладан, қишлоқ жойларда |
| Турар жойлар умумий майдони, минг кв.м. | 14483,5 | 8910,9 | 119,9 | 106,6 |
| <i>улардан:</i> | | | | |
| якка тартибдаги турар жойлар | 11802,7 | 7785,4 | 113,8 | 112,9 |
| намунавий лойиҳалар асосида шаҳар ва қишлоқларда қурилган якка тартибдаги турар жойлар | 1372,3 | 1124,5 | 83,0 | 77,4 |
| Касалхоналар, ётоқ | 6582 | 623 | 109,1 | 109,3 |
| Поликлиникалар (ҚВП ларни қўшган ҳолда), қатнов | 18730 | 4940 | 96,7 | 48,7 |
| Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар, ўқувчи ўрни | 111408 | 57004 | 143,9 | 161,9 |
| Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни капитал тамирлаш, бирлик | 312 | х | 2,0 м. | х |
| Сув тармоғи, км | 4285,5 | 1873,7 | 108,5 | 53,4 |
| Газ тармоғи, км | 78,6 | 30,4 | 47,6 | 23,1 |

¹⁵² Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Касалхоналар, амбулатор-поликлиника муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари янги қурилиши ва реконструкцияси учун 1385,9 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, бу соғлиқни сақлаш фаолият турига ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 27,6% ини ташкил этди.

Касб-хунар коллежлари қурилиши ва реконструкциясида 34,9 млрд. сўм ўзлаштирилиб, таълим фаолият турида ўзлаштирилган инвестицияларнинг 0,7%ни ташкил этди.

Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар қурилиши ва реконструкцияси учун жами 1306,7 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, таълим фаолият турига ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 26,9% ини ташкил этди.

Умумий майдони 11802,7 минг кв.м.га тенг ёки 2018 йилга нисбатан 113,8% яқка тартибда қурилган турар жойлар ишга туширилди. Шу билан бирга, қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида турар-жойлар қурилиши бўйича Давлат дастурининг бажарилиши натижасида 2019 йил январь-декабрида умумий майдони 1372,3 минг кв.м. бўлган 7,3 мингга ёки 2018 йилга нисбатан 83,0% турар жойлар қурилиши якунланиб, фойдаланишга топширилди (2-жадвал).

2-жадвал

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари

| Худудлар | Жами, млрд. сўм | шу жумладан, мулкчилик шакллари бўйича, жами ҳажмга нисбатан % да | |
|------------------------------|--------------------|---|-------------|
| | | давлат | нодавлат |
| Ўзбекистон Республикаси * | 68854,4 | 5,7 | 94,3 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 3202,8 | 5,2 | 94,8 |
| вилоятлар: | | | |
| Андижон | 3839,6 | 5,3 | 94,7 |
| Бухоро | 4334,6 | 5,9 | 94,1 |
| Жиззах | 2119,6 | 4,4 | 95,6 |
| Қашқадарё | 4665,4 | 5,1 | 94,9 |
| Навоий | 3674,0 | 21,6 | 78,4 |
| Наманган | 3419,0 | 6,3 | 93,7 |
| Самарқанд | 4096,8 | 2,7 | 97,3 |
| Сурхондарё | 3959,7 | 2,1 | 97,9 |
| Сирдарё | 1451,0 | 6,9 | 93,1 |
| Тошкент | 4879,7 | 5,8 | 94,2 |
| Фарғона | 4065,5 | 5,4 | 94,6 |
| Хоразм | 2612,3 | 6,9 | 93,1 |
| Тошкент ш. | 15418,7 | 6,2 | 93,8 |

*Худудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшган ҳолда

Қўйидаги ҳудудларда қўп ҳажмдаги қурилиш ишлари бажарилди: Тошкент шаҳрида – 15418,7 млрд. сўм (жами қурилиш ишларидаги улуши 22,4 %), мос равишда Тошкент вилоятида – 4879,7 млрд. сўм (7,1 %), Қашқадарё - 4665,4 млрд. сўм (6,8 %), Бухоро - 4334,6 млрд. сўм (6,3%) ва Самарқанд вилоятида 4096,8 млрд. сўм (6,0%)ни ташкил этди.

Иқтисодийнинг нодавлат секторида бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг улуши 2018 йилда бажарилган ҳажм улушига нисбатан 0,4% пунктга камайиб, 94,3% ни ташкил этди.

Мазкур кўрсаткич ҳудудлар кесимида қўйидагича: Сурхондарё вилояти – 97,9%, Самарқанд вилояти – 97,3%, Жиззах вилояти – 95,6%, Қашқадарё вилояти – 94,9 %, Қорқалпоғистон Республикаси – 94,8%, Андижон вилояти – 94,7% ва Фарғона вилояти – 94,6% (2-жадвал).

Жами қурилиш ишларидан 75,6% янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва корхоналарни техник қайта қуролаштириш ишларига тўғри келди, шунингдек, 24,4% ини капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишлари ташкил этди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 29-декабрь 2020 йилдаги Мурожаатномаси. Электрон манба: <https://president.uz/uz/lists/view/4057>*
2. *Ўзбекистон иқтисодийети. Ахборот-таҳлилий бюллетень 2019 йил. – Т.: ИТМ, 2019.*
3. *Йиллик статистик тўплам. Давлат статистика қўмитаси. – Тошкент, 2020.*

МЕХНАТ МИГРАЦИЯСИНИНГ АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ТУТГАН ЎРНИ

К. А. Гулмуродов,
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари”
илмий-тадқиқот маркази таянч докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиши шароитида, меҳнат ресурсларининг миграцион ҳаракати, сабаблари, миграциядаги муаммолар, аҳолининг иш билан бандлик муаммоси ва бошқа муаммоларни ҳал этиши масалалари кўрилган.

Таянч сўзлар. Миграция, ташиқи миграция, доимий миграция, мавсумий миграция, тебранма миграция, кўчиб юриши интенсивлиги, миллий таркиб.

Кириш

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни ўтказишда миграциянинг муҳим ижтимоий функцияси – аҳолининг ташаббускорлиги ҳисобига иш билан таъминлашнинг муқобил ва оммабоп тизимини яратишдир. Бу муаммони ечими сифатида меҳнат ресурсларини яқин яъни ички ва узоқ чет давлатларга экспорт қилиш ҳисобланади. Бундай меҳнат фаолиятига аҳолининг эҳтиёжи жуда катта. Шунини таъкидлаш керакки, фуқаролар чет элга фақат камбағал бўлганликлари ёки ўз уйларида иш топа олмаганликлари учунгина ёки бўлмаса фақат моддий таъминотни уйлаб чет элга ишлашга интилишмайдилар. Меҳнат жойининг алмашинуви объектив воқелиқдир. Унда асосан янгиликларни билишга, замонавий технологияларда қатнашиш, илғор тажрибалар орттиришга интилувчи ёшлар ҳам салмоқли ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5052-сонли Фармони мамлакатимиздаги меҳнат муносабатларини янги босқичга олиб чиқишда муҳим ҳужжатлардан бири тариқасида қабул қилинди.

Миграция жараёни иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига бевосита таъсир кўрсатувчи ва ўз навбатида аҳоли жойлашувидаги муҳим муаммолар билан боғлиқ аҳолининг ҳудудий ҳаракатидир. Шунинг учун ҳам жамият тараққиётида у ёки бу даражада аҳамиятли бўлган ўзгаришлар миграция жараёнлари таъсирида ўз аксини топади.

Тадқиқот методологияси

Аҳолини иш билан бандлигини оширишда меҳнат миграциясини аҳамиятини илмий мушоҳада, абстракт-мантиқий, тизимли таҳлил, анализ ва синтез тамойиллари асосидаги усуллардан фойдаланилди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотларига кўра 2020 йил бошида 1 миллиондан ортиқ фуқаролар хорижий давлатларда меҳнат қилганлар, бу жами иқтисодий фаол аҳолининг 7,8 фоизини ташкил этади[5]. Бундай ҳолат меҳнат миграцияси масалаларига давлат даражасида янада жиддийроқ эътибор қаратиш, уни тартибга солиш бўйича мавжуд механизмларни доимий равишда такомиллаштириб боришни талаб қилади. Ушбу муҳим вазифаларни - миграциясининг омиллари, йўналишлари ва натижалари ҳамда унда иштирок этаётган меҳнат ресурслари бўйича аниқ маълумотларга эга бўлмасдан ҳал этишнинг имкони мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3001-сонли қарори[2] билан тасдиқланган “Меҳнат органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури”да Халқаро Меҳнат Ташкилотининг меҳнат мигрантлари тўғрисидаги 97-сонли Конвенциясини[3] ратификация қилиш имкониятларини ўрганиб чиқиш белгиланган. Ушбу Конвенцияда мигрантларнинг меҳнат фаолияти, уларнинг мол-мулки ва оилавий миграция билан боғлиқ бўлган барча жиҳатлар қамраб олинган.

Таҳлиллар.

Маълумки, аҳоли миграциясининг ҳаракати турли хил омил ва сабабларнинг ўзаро таъсири натижасида юзага келади. Аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришига мажбур қилувчи сабаблардан энг муҳими иқтисодий-ижтимоий сабаблар, яъни ишсизлик, муносиб иш топиш, олий ва ўрта махсус маълумот олиш, яъни ўқиш ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элда меҳнат фаолиятини амалга оширишлари ҳамда чет эл фуқароларининг Ўзбекистондаги меҳнат фаолиятини ташкил этишлари учун қонуний асос яратилиши, бошқариб бўлмайдиган ноқонуний миграция фаолиятлари бартараф этишда кўмаклашади.

Ўрганишлар доирасида амалга оширилган таҳлиллар меҳнат миграцияси иштирокчиларининг ижтимоий-демографик таркиби, меҳнат миграция жараёнлари омиллари, йўналишлари, географиясини аниқлаш, мигрантларнинг хориждаги яшаш, меҳнат шароитлари, даромадларини баҳолаш, уларнинг келгуси режалари, ўзлари яшайдиган жойдаги иш топиш имкониятлари хусусидаги, меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш юзасидан фикр ва таклифларини ўз ичига олган. Таъкидлаш жоизки, меҳнат миграцияси жараёнларида ёшлар ва аёлларнинг иштирокини алоҳида ўрганиш мақсадида ўрганишлар доирасида мазкур гуруҳларни мумкин қадар кенгроқ қамраб олиш вазифаси қўйилганлиги боис, мигрантлар таркибида уларнинг улуши олдинги йилларда ўтказилган ўрганишларга қараганда бир қадар ошишига сабаб бўлди.

Ҳозирги вақтда энг катта миграция тўлқини ривожланаётган мамлакатлардан ривожланган Мамлакатларга томон йўналган. Бунда энг кўп хорижий миг-

рантларни АҚШ қабул қилади. Охирги йилларда бу давлатдаги иммигрантлар сони 45 млн кишидан ошгани қайд этилган. Ғарбий Европа давлатлари орасида эса энг кўп иммигрантлар Германия, Буюк Британия ва Францияга келган. Бу давлатларнинг ҳар бирида 7-10 млн иммигрант яшамоқда. Ғарбий Европага иммигрантларнинг асосий қисми Жануби-ғарбий ва Жанубий Осиё, Шимолий Африка ҳамда Шарқий Европа бормоқдалар. Бошқа ривожланган давлатлардан Австралия, Канада, Янги Зеландия, Исроил ва ЖАР кўплаб хорижий мигрантларни қабул қилмоқда. Шундай экан, барча ривожланган давлатларда миграция салдоси (баланси) мусбат ҳисобланади.

Аксарият қисми манфий миграция балансига эга бўлган ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ҳам йирик миграцион оқимлар вужудга келган. Жумладан, катта миқдордаги хорижий мигрантларни Форс қўлиғидаги араб мамлакатлари, айниқса, Саудия Арабистони ва БАА ҳамда Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия сингари янги саноатлашган давлатлар жалб қилмоқда. Бу давлатларга Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Яман, Индонезия, Ветнам, Миср каби Осиё ҳамда Африка мамлакатларидан миллионлаб иммигрантлар бориб меҳнат қилишмоқда.

Лотин Америкаси, Осиё ва Африка қитъаларида кўшни давлатлар орасида нафақат иқтисодий, балки сиёсий, экологик, этник омиларга боғлиқ ҳолда сони жиҳатидан йирик, лекин ҳудудий қўлами нуқтайи назаридан локал (маҳаллий) миграцион оқимлар ҳам рўй бермоқда. Масалан, Суриядан Туркияга, Афғонистондан Эронга, Угандадан Кенияга миллионлаб кишилар кўчиб бормоқдалар. Йирик миграция оқимлари МДХ ҳудудида ҳам мавжуд бўлиб, кўпроқ Россияга йўналган.

Тадқиқот натижалари.

Маълумотларга кўра, 3,1 миллиондан ортиқ ўзбекистонлик меҳнат мигранти сифатида хорижда истиқомат қилади. Уларнинг оилаларига жўнатаётган пул ўтказмалари ҳажми республика вилоятига қараб, умумий аҳоли даромадиниң 5 фоиздан 23 фоизгача бўлган қисмини ташкил этади.

Бу айрим вилоятларда ўртача статистик оила даромадиниң йигирмадан бир қисмини, бошқа вилоятларда эса аҳоли даромадлариниң, тахминан, тўртдан ёки бешдан бир қисмидан иборат деганидир.

Ўзбекистонликларнинг аксарият қисми Россияда меҳнат қилади. Охирги 4 йилда Россияда миграция ҳисобига олинган ўзбекистонликларнинг сони 3,3 миллиондан (2016 йилда) 4,8 миллион нафар кишига (2020 йилда) ошган, яъни 45 фоизга. Мазкур давр мобайнида ушбу йўналиш миграциясиниң умумий кўрсаткичлари барқарор ўсишига қарамай, миграцияниң айрим кўрсаткичлари бўйича қарама-қарши тенденциялар кузатилмоқда. Жумладан, Россия фуқаролигини қабул қилаётган ўзбекистонликлар сони йилдан йилга камайиб бормоқда. Бундан ташқари, Россияда вақтинча яшаш учун рухсатномага эга Ўзбекистон фуқаролари сониниң камайиб бораётгани ҳам кузатилмоқда.



1-расм. Хорижда пул ўтказмаларининг умумий даромаддаги хуудлар бўйича улуши (фоизда)¹⁵³

Россияда миграция ҳисобига олинган ўзбекистонликларнинг аксарият қисми – деярли 82 фоизи меҳнат муҳожирларидир. 2019 йилда Ўзбекистон фуқаролари ушбу давлатда “Иш” сафари мақсадида ҳисобга олинган чет элик фуқароларнинг 38 фоизини ташкил қилди. Бу кўрсаткич бўйича 2-ўринда Тожикистон фуқаролари (22%), 3-чи ва 4-чи ўринда эса Қирғизистон (8%) ва Украина (8%) фуқароларидир. Юқорида кўрсатилган рақамлардан кўриниб турибдики, ўтган йилда Марказий Осиёнинг учта давлат фуқаролари (Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон) Россиядаги чет элик ишчи кучи ресурсларинг 68 фоизини, Ўзбекистон ва Тожикистон фуқаролари эса биргаликда ярмидан кўп – 60 фоизини ташкил қилган.

Миграциянинг бошқа кўрсаткичлари бўйича ўзбекистонликларнинг улуши бошқа давлатлар фуқароларининг улушига нисбатан анча кам. Жумладан, 2019 йилда Россияда доимий яшаш ҳуқуқини олган чет элик фуқаролари орасида украиналиклар (29%) ва тожикистонликлар (16%) етакчи ўринларни эгаллаган бўлишса, Ўзбекистон фуқаролари 11 фоизни ташкил қилиб 3-ўринда. Шунингдек, ўтган йили Россия фуқаролигини қабул қилган чет эликлар орасида ҳам ўзбекистонликларнинг улуши жуда кам, атиги 4 фоизни ташкил қилади.

2016-2019 йилларда Ўзбекистон фуқароларининг Россияга миграциясини сафар мақсадлари бўйича олиб қарасак, таълим олиш мақсадида борганлар сони ушбу давр мобайнида 2 баробарга, “хусусий” мақсадда борганлар сони 50 фоизга, ишлаш учун борганлар сони эса 47 фоизга ошган. Охириги 4 йилда Россияга ишлаш мақсадида борган ўзбекистонликлар сони бирламчи миграция ҳисобиган олинган Ўзбекистон фуқаролари умумий сонининг 81 дан 84 фоизгача бўлган қисмини ташкил қилган.

¹⁵³ www.uzanalytics.com – O'zbekiston analitik ma'lumotlar bazasi

Сўнгги 4 йилда Ўзбекистон-Россия йўналиши бўйича миграциянинг умумий кўрсаткичлари барқарор ўсишига қарамай, айрим кўрсаткичларда бутунлай қарама-қарши тенденциялар кузатилмоқда. Хусусан, ушбу давр мобайнида Россия фуқаролигини олган ўзбекистонликлар сони 17 фоизга, Россияда вақтинча яшаш учун Ўзбекистон фуқаролигига берилган рухсатномалар сони 39 фоизга, ушбу рухсатномага эга Ўзбекистон фуқаролари сони эса 31 фоизга камайган. Миграциянинг бу кўрсаткичларида барқарор пасайиш тенденцияси кузатилмоқда.

Иш топиш мақсадидаги миграция географияси сўнгги 4 йилда ўзгара бошлади ҳамда АҚШ, Туркия, Исроил, Жанубий Корея, БАА ва Қозоғистонга ишчилар оқими тобора ўсиб бораётгани кузатилмоқда.

Ўзбекистоннинг иқтисодий фаол аҳолиси сони кўпайиши баробарида иш қидириб четга чиқаётган фуқаролар сони ҳам ошиб бормоқда. Шуниси қизиқки, бу рақамларнинг ўзаро нисбати 10 – 11 фоиз атрофида деярли ўзгармас бўлиб турибди. Бошқача айтганда, Ўзбекистоннинг ҳар ўнинчи иқтисодий фаол фуқароси ҳар йили иш топиш мақсадида хорижга чиқади. Шу ўринда 2020-йилда бу кўрсаткич камайган.

Бироқ бу хорижда меҳнат қилаётган ўзбекистонлик мигрантларнинг умумий сонини акс эттирмайди. Ушбу рақамга ойдинлик киритиш учун меҳнат миграциясининг “хаммабоп” йўналиши бўйича статистикага мурожаат қиламиз. Россия Федерацияси ИИВ ва Марказий банкидан олинган маълумотларга кўра, сўнгги 3 йилда йилига қарийб 4,8 миллион Ўзбекистон фуқароси ушбу мамлакатда миграция ҳисобига қўйилган. Уларнинг қарийб ярми Россияга “иш” топиш мақсадида борган.

Ушбу рақам Ўзбекистондан Россияга чиқиб кетганлар миқдори билан таққосланганда, мантиқсизлик бордай кўринади. Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитасининг маълум қилишича, 2018 – 2020 йиллар мобайнида бу кўрсаткич паст бўлган.

Бундай тафовутнинг иккита сабаби бор. Биринчидан, Ўзбекистон фуқаролари йил мобайнида икки ёки уч маротаба, масалан, ҳар сафар 3 ойдан ҳисобга қўйилган бўлиши мумкин. Иккинчидан, кўплаб ўзбекистонликлар Россияга узоқ муддатга – бир неча йилга боради. Улар ўз ватанига қайтмаган ҳолда регистрационий узайтиради ёки қайта миграция ҳисобига қўйилади.

Россиядаги Ўзбекистон фуқаролари сони тобора ортиб бормоқда. Бунини миграция ҳисобининг ижобий салдоси ҳам тасдиқлайди – ҳисобга қўйилган ва ҳисобдан чиқарилган Ўзбекистон фуқаролари сони ўртасидаги фарқ йилига анчагинани ташкил этади.

Россиядан Ўзбекистонга пул ўтказмалари динамикаси алоҳида эътиборга лойиқ. Ушбу ўтказмаларнинг умумий миқдори Россия фуқаролари ва норезидентлар – Ўзбекистон фуқаролари жўнатган маблағлардан иборат.

Меҳнат миграциянинг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, халқаро мигрантларнинг сифат таркиби (масалан, таълим даражаси нуқтайи назаридан)

ўзгариб бормоқда, давлатлараро миграция оқимларида юқори малакали мутахассисларнинг иштироки фаоллашмоқда. Бу вазият иммиграция марказлари бўлмиш ривожланган давлатлар учун ижобий аҳамият касб этса, эмиграция ўчоқлари – ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётидаги давлатлар учун эса бунинг акси, яъни салбий ҳолат ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, меҳнат миграциясини самарали ташкил этиш аҳоли бандлик даражасини оширишда муҳим роль ўйнайди. Бу ишларни амалга оширишда қуйидаги йўналишлар долзарб ҳисобланади:

Ташкилий-ҳуқуқий:

– Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонунини ишлаб чиқиш;

– туманларидаги бандликка қўмаклашиш марказлари тасарруфида меҳнат миграцияси масалалари билан шугулланувчи махсус бўлим ташкил қилиш;

– меҳнат ресурслари тақчил ҳудудларда кенг тармоқли ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш;

– меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида бошқа ҳудудга кўчаётган фуқароларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини белгиланган тартибда таъминлаш;

– мигрантларини аниқ ахборотлар билан таъминлаш учун тегишли бепул хизмат кўрсатиш;

– меҳнат миграциясини ҳисобга оладиган ягона электрон автоматлаштирилган тизимни яратиш ҳ.к.

Иқтисодий:

– бошқа ҳудудлардан меҳнат ресурслари билан кам таъминланган туманларга кўчиб келувчилар иш ҳақиға махсус устамалар бериш;

– яшаш билан боғлиқ сарф-харажатлари учун ойлик пул компенсацияси тўлаш;

– чекка туманларда бўшаб қолган ва эгасиз уй-жойларни бошқа ҳудудлардан ихтиёрий равишда кўчиб келадиган муҳтож оилаларга текин бериш ва ушбу уй жойни шахсий мулки сифатида расмийлаштириб бериш;

– қишлоқ фуқаролар йиғинлари кўчиб кетувчи ва келувчи оилаларга тадбиркорлик билан шугулланишлари учун тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар олишларида амалий ёрдам кўрсатиш;

– меҳнат миграцияси билан кам таъминланган ҳудудларда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи янги ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларини барча турдаги солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод қилиш;

– меҳнат мигрантларининг фарзандлари учун мактабгача таълим муассасалари, болаларни ўқитиш учун ота-оналарнинг ойлик тўловидан 1 йилгача озод қилиш ва ҳ.к.

Ижтимоий:

– ҳар бир маҳаллаларда меҳнат ресурслари кам таъминланган ҳудудлардаги бўш иш ўринлари, иш характери, маош, ишчилардан талаб этиладиган малакалар ҳақида маълумотларни тўплаб бориш ва эълон қилиш;

– кўчиб келувчи оилаларни ётоқ жойлар билан таъминлаш;

– маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ички меҳнат мигрантларининг янги яшаш жойига тезда мослашишига амалий ёрдам кўрсатиш;

– меҳнат мигрантларининг оила аъзоларига зарур тиббий ёрдамларни кўрсатиш;

– мигрантлар фарзандларининг таълим олишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш ва ҳ.к.

Ички миграция муаммосини ҳал этиш ташқи меҳнат миграциясини камайишига олиб келади. Ташқи меҳнат миграцияси жараёнида кўп учрайдиган муаммолардан бири бу мигрантларнинг ҳуқуқларини бузилиши, одам савдоси ва дискриминация ҳолатларидир. Шунингдек, мигрантларнинг, айниқса, норасмий равишда фаолият олиб бораётган меҳнат мигрантларининг транспорт воситаларида хорижга чиқишлари ёки уйга қайтишларида уларнинг шахсий хавфсизлиги таъминланмаганлиги ҳам бугунги кунда энг муаммоли масалалардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020-йил 29-декабрдаги **2021 йил учун мўлжалланган вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси**. www.uza.uz - Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги портали.

2. Абдураҳмонов Қ.Х. “Меҳнат иқтисодиёти назария ва амалиёт” Т.: “ФАН” Наشرёти – 2019 й.

3. Холмўминов Ш.Р, Хомитов К.З, Арабов Н.У, Бобоназарова Ж.Х., Абдураманов Х.Х. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг назарий ва амалий асослари. Т.: 2018. 89 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси www.stat.uz - расмий веб сайти

5. Холмўминов Ш.Р, Хомитов К.З, Арабов Н.У, Бобоназарова Ж.Х., Абдураманов Х.Х. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг назарий ва амалий асослари. Т.: 2018. 90 б.

КАМБАҒАЛЛИК - ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ АСОСИЙ ИЖТИМОЙИ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОСИДИР

Н.С. Каримова,
*“Фундаментал иқтисодиёт” кафедраси
ассистенти, ТДИУ*

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш ва эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирларнинг натижадорлигини ошириш ва бунда аҳолининг мақсадли гуруҳини аниқлаш бўйича вазифалар аниқ бир мезон ва услубий ёндашувларнинг ишлаб чиқилишини талаб этади. Ўз навбатида, ушбу услубий ёндашув ва базани шакллантириш аҳолининг турмуш шароити ва ижтимоий ҳолатини бевосита ўзида акс эттирувчи, яъни уларнинг истеъмол таркиби ва хусусиятлари бўйича реал ҳолатни ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда республикамизда камбағаллик ва унинг чегарасини аниқлашнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Тўғри ҳозирги вақтда бу борада дастлабки қадамлар қўйилгани қувонарлидир, яъни, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан Жаҳон банкининг техник кўмаги асосида минимал истеъмол харажатлари қийматининг дастлабки ҳисоб-китоблари аниқланган бўлсада, аммо бу янада такомиллаштиришни тақозо этади. Бугунги кунда халқаро меъёрлар асосида чуқур ва ҳар томонлама комплекс изланишлар олиб борилиб, “камбағаллик” тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубларини қамраб олган янги методология яратиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Мутахассислар фикрича, камбағаллик тушунчасига ягона таъриф мавжуд эмас. Баъзилар инсоннинг бирламчи эҳтиёжларини қондириш имконияти йўқлигини камбағаллик деб тушунса, бошқалар танлов эркинлигининг етарлича эмаслигини ёки кишининг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги иштирокига путуретказувчи ижтимоий, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги тўсиқларнинг доимий доирасини тушунишади. Камбағалликка турли давлатларда ҳар хил изоҳлар, айрича фикрлар билдирилади. Умуман, жаҳон тажрибасида бирор шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган минимал эҳтиёжлар, меҳнатга лаёқатлилик ҳамда авлодини давом еттиришга имконияти йетарли бўлмаган каби иқтисодий ҳолатларни тавсифловчи тушунчага камбағаллик дейилади. Буни аниқлашда бир нечта чегара бўлиб, аҳолининг муносиб турмуш кечириши учун маълум бир меъёр белгиланади. Агар кишининг даромад (ёки харажат)лари белгиланган меъёрдан паст бўлса, у камбағал ҳисобланади. Камбағаллик чегараси кунлик енг кам миқдордаги озиқ-овқат ва зарурий маҳсулотларни сотиб олиш учун сарфланган харажатлар ёки олинган даромадлар ҳамда оиланинг маълум бир гуруҳдаги товар ва хизматлардан фойдалана олиш

имкониятини баҳолаш орқали белгиланади. Масалан, Давлат статистика кўмитасининг камбағалликни ўлчаш услубиётига биноан, Ўзбекистонда кунлик 2100 ккалдан кам истеъмол (харажат) қилган кишилар камбағал дейилади. БМТ 1800 ккалдан паст озиқ-овқат истеъмол қилаётган одамлар ҳақиқий камбағал ҳисобланишини таъкидлайди. Камбағалликнинг нисбий ўлчамларида кўп ривожланган мамлакатларда тўйиб овқат эмаслик муаммолари йўқ. Уларда барча аҳолининг олаётган даромади тақсимотида энг паст 20 фоиз даромадли аҳоли камбағал саналади. Яна бир ўлчам минимал истеъмол саватчаси бўлиб, бу ерда фақат озиқ-овқат эмас, хизматлар, ноозиқ-овқат маҳсулотлар, минимал хизматлар кабилар кўшилади. Мамлакатлар ўзларидаги камбағаллик даражасини мана шундай турли ўлчамлар билан аниқлаб, сўнгра аҳоли даражасини кўтариш бўйича ўз сиёсатларини амалга оширишади.

Расмий статистика маълумотларига кўра, Ўзбекистонда камбағалликка қарши курашда сезиларли ютуқларга эришилди. Хусусан камбағаллик даражаси 2000 йилдан бери икки баробарга камайиб, 2000 йилдаги 28% дан 2019 йилда 11% га тушди. Шу билан бирга, ҳудудий тенгсизлик сақланиб қолмоқда ва ҳатто йилдан-йилга ошиб бормоқда.¹⁵⁴ Пандемия шароитида даромадлар пасайиши ва жамғармаларнинг узок муддатга йетмаслик еҳтимоли давлат томонидан кўшимча маблағларни сафарбар етишни тақозо қилади. Бу еса бюджет даромадлари қисқарган шароитда қарз маблағларини жалб етиш заруратини келтириб чиқаради. Шу маънода, Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинганини алоҳида қайд етиш жоиз. Ана шуларни чуқур англаган Юртбошимиз Жаҳон банки, БМТ Тараққиёт дастури ва бошқа -ҳалқаро нуфузли ташкилотлар билан бирга камбағалликни -камайтириш дастурини ишлаб чиқиш таклифини илгари сурди. Ўйлаб қаралса, республикада камбағаллик даражаси расман еътироф етилиб, унга қарши курашиш чоралари кўрилаётган бир пайтда пандемия бошланди. 2020 йил мартда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ташкил етилди. Мутахассислар фикрича, мазкур вазирликнинг тузилиши мамлакат иқтисодийетини ривожлантириш билан бирга, камбағал аҳоли моддий таъминотида ҳам амалий кўмак беришга бўлган муҳим қадамдир.

Ўзбекистонда камбағалликни ўлчашда фақат дастлабки иккита усул қўлланилади. Озиқланишга асосланган усулнинг натижалари камбағаллик даражасини 11,4% еканлигини кўрсатади. Иккинчи ёндашув натижаларига асосланиб еса кунига 5,5 доллар чегарани олиганда кам таъминланганлик даражаси 36,6% ва 3,6 доллар деб олганда - 9,6%ни ташкил етади. Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, камбағалликнинг юқори даражаси Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон

¹⁵⁴ https://regulation.gov.uz/uz/d/30074#_Toc65574284

Республикасида кузатишмоқда. Шунинг таъкидлаш лозимки, айти пайтда мамлакатда амалда бўлган камбағалликни жон бошига кунлик истеъмо қилиниши лозим бўлган калориялар қийматига асосланган ҳолда ўлчаш услуби – озиқ-овқат камбағаллиги даражасининг ўлчови бўлиб, одатда даромад даражаси ўртача кўрсаткичнинг қуйи қисмида бўлган мамлакатлар учун қўлланилмайди. Шу боис эндиликда ундан сиёсатни шакллантириш жараёнидаги восита сифатида фойдаланиш мумкин эмас. Бундан ташқари, маълумотлар тўплаш ва камбағаллик даражасини ўлчашнинг амалдаги методологияси халқаро даражада таққослаш ўтказиш имконини бермайди.

Шу сабабли айти пайтда мамлакатга қуйидаги имкониятларни яратадиган янги ёндашулар синовдан ўтказилмоқда: а) ўта камбағаллик даражасини халқаро даражада қабул қилинган камбағаллик чегараси (кунига 1,90 АҚШ долларида камроқ маблағ ҳисобига кун кечирадиган аҳоли улуши) асосида ҳисоблаш ҳамда камбағаллик даражасини даромад даражаси ўртача кўрсаткичнинг қуйи қисмида бўлган мамлакатлар учун белгиланган 3,20 АҚШ долларида тенг бўлган халқаро камбағаллик чегараси даражаси асосида ҳисоблаш; б) камбағалликнинг турли жиҳатларини акс эттириш мақсадида, соғлиқни сақлаш, таълим ва уй хўжалиқларининг даромад ёки харажатлари кесимидаги кўрсаткичларни бирлаштирган кўп ўлчамли камбағаллик индексини ишлаб чиқиш; ва в) миллий камбағаллик даражасини мамлакат учун минимал турмуш даражасининг янги қабул қилинган ўлчовидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш.

Яқин вақтларгача иқтисодий ўсиш қулай демографик ва сиёсий шароитлар билан биргаликда камбағалликни қисқартиради, деб ҳисобланган. Бироқ, халқаро тажриба иқтисодий ўсиш автоматик тарзда камбағаллик даражасининг пасайишига олиб келмаслигини кўрсатмоқда. Иқтисодий ўсишнинг фойдаси барчага сезилиши ва аҳолининг муайян қисмлари ортада қолиб кетмаслигини таъминлаш учун самаради мувофиқлаштирилган сиёсий чоралар тўплами бўлиши зарур. Камбағалликни қисқартириш кўп ўлчамли табиатга эга бўлиб, одамларни камбағалликда ушлаб турадиган ёки камбағалликдан қутулганларни яна унинг домига қайтарадиган омиллар жуда кўп.

Камбағалликни қисқартириш борасидаги илгарилаш 2020 йил бошида COVID-19 пандемияси туфайли тўсатдан тўхтаб қолиб, ҳозир эса ортага қараб кетмоқда. Ҳозирги мавҳум шароитда ҳисоб-китобларда ўзгаришлар бўлиш эҳтимоли юқорилигини таъкидлаган ҳолда, Жаҳон банки COVID пандемияси бошлангандан сўнг мамлакатдаги камбағаллик даражаси пандемиядан аввалги 7,4 фоиздан 8,7-10 фоизга кўтарилаганини тахмин қилмоқда. Бу эса камбағаллар сони 0,45-0,88 миллионга кўпайганини англатади. Ўзбекистондаги аҳолининг аксарияти айти пайтда камбағаллик чегарасига яқин даражада кун кечираётган бўлиб, чегарадан тушиб кетишининг эҳтимоли юқори. Мазкур аҳолининг ярмидан кўпроги жамғармаларга эга эмаслигини, 40 фоизи эса ҳозирги кунда 100 минг сўм (9,8 доллар) миқдордаги қутилмаган харажатларни кўтара

олмаслигини маълум қилган. Эпидемиянинг салбий оқибатлари юзага чиқиши билан, аҳолининг тирикчилик манбалари беқарорлашиб, аксарият одамлар зарбалар қаршисида ҳимоясиз қолмоқда.

Сўнги йигирма йил давомида Ўзбекистонда ЯИМнинг ўсиши ўртача 6,5 фоизни ташкил этди. Мазкур юқори ўсиш суръатига автаркик, давлат томонидан бошқариладиган ва марказдан режалаштириладиган иқтисодий стратегия орқали эришилган бўлиб, у мамлакат табиий бойликлари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қулай савдо шартларидан фойдали қазималар каби юқори қўшимча қийматга эга бўлган табиий ресурсларга сармоя киритиш учун максимал даражада фойдаланишга асосланган. Қулай савдо шартлари орқали олинган катта миқдордаги профицит, хусусий кичик ва ўрта корхоналар учун имкониятлар чекланганлиги ва давлат хизматларини кўрсатиш тизимлари камбағалликни барқарор равишда қисқартиришга ва ўртача даромадларнинг ўсишига ёрдам берди, гарчи жуда паст даражадаги база асосида бўлса ҳам. Аммо, мазкур натижаларга иш ўринларини яратиш, умумий омил самарадорлиги, иқтисодий ва ижтимоий эркинликлар ҳамда хусусий секторнинг ўсиши кабиларга салбий таъсир этиш орқали эришилади.

Натижада, камбағаллик қисқаришининг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ўсиш даражасига нисбатан мослашувчанлиги паст бўлди. Ўзбекистонда ЯИМ юқори ва барқарор суръатда ўсгани ҳамда бошқа мамлакатлар тажрибасига асосланган ҳолда, камбағаллик даражаси янада жадалроқ қисқариши кутилган эди. Масалан, ривожланаётган мамлакатларда (Африка мамлакатларидан ташқари) камбағалликни қисқартириш даражасининг ўртача ўсиш мослашувчанлиги 3,33 га тенг¹⁵⁵. Бу – аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМнинг ҳар бир фоиз ўсиши камбағаллик даражасининг 3 фоизга қисқаришига олиб келишини аниглади. Аммо Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМнинг ҳар бир фоиз ўсиши 2009-2014 йиллар мобайнида камбағаллик даражасининг атиги 1,5 фоизга қисқаришига олиб келган. 2015-2019 йилларда бу кўрсаткич 1,1 фоизга тушиб қолди ва бу вақт ўтиши билан иқтисодий ўсишнинг камбағалликни қисқартириш борасида самарадорлиги йўқолиб бораётганини аниглади.

Фикримизча, Ўзбекистонда ҳам иқтисодий ҳам ижтимоий жиҳатдан ўта муҳим ҳисобланган муаммо-камбағалликни камайтириш учун куйидаги чоратadbирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

минимал истеъмол харажатлари қийматининг прогноз параметрларини инфляция кутилмаларидан келиб чиқиб ҳисоблаш;

минимал истеъмол харажатлари таркибини республика иқтисодиётининг ривожланиши ҳамда аҳоли даромад ва харажатларининг ўзгаришини инобатга

¹⁵⁵ «Beegle, Kathleen; Christiaensen, Luc. 2019. Accelerating Poverty Reduction in Africa». Вашингтон, округ Колумбия: Всемирный банк. © Всемирный банк. <https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/32354> Лицензия: CC BY 3.0 IGO.

олган ҳолда камида ҳар 5 йилда қайта кўриб чиқиш;

минимал истеъмол харажатлари, камбағаллик чегараси ва уй хўжаликлари-нинг реал истеъмол қийматлари ҳамда таркибини мунгазам таҳлил қилиш;

минимал харажатлар қийматини аниқлашда минимал истеъмол харажатларини ҳисоблашда ҳар бир уй хўжалиги аъзоларининг ёши, таркибидан келиб чиққан ҳолда тегишли коэффициентларни қўллаш, аҳоли танлови ва молиявий имкониятлари каби истеъмол таркибига таъсир кўрсатувчи омилларнинг инобатга олиш, аҳоли озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолига сарфлаган амалдаги харажатларни, аҳолининг реал талабидан келиб чиқиб ҳамда демографик ҳолатнинг ўзига хослигини, ноозиқ-овқат маҳсулотлари турлари ва таркибини, аҳолининг зарур хизматлар харажатлари қийматини ҳисоблашда давлат томонидан кўрсатилган бепул хизматларни эътиборга олиш, минимал харажатлар қиймати аҳоли реал истеъмоли таркибидан келиб чиққанлиги сабабли уларда боқимандалик кайфиятини рағбатлантиришга йўл қўйилмаслик, минимал харажатлар қийматини аҳоли билан бевосита сўров ўтказиш орқали аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси*
2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон ва «Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиши ҳамда камбағаллик билан курашиши кўламини янада кенгайтириши чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори*
3. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириши вазирлиги ҳамда унинг тизим ташиқлотлари фаолиятини ташиқил этиши тўғрисидаги қарори*
4. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиши тўғрисида” ги қарори*
5. *“Beegle, Kathleen; Christiaensen, Luc. 2019. Accelerating Poverty Reduction in Africa». Вашингтон, округ Колумбия: Всемирный банк. © Всемирный банк. <https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/32354> Лицензия: CC BY 3.0 IGO.*
6. *Всемирный банк. Оценка уровня бедности (проект), 2021 г.*
7. *Всемирный банк, 2020 год. Результаты опроса «Слушая граждан Узбекистана».*

FEATURES OF PRICING IN MODERN ECONOMY

O.T. Qurbanova,
Assistant-teacher of the department of
«Macroeconomic analysis and forecasting», TSUE

Abstract: *In this paper discussed the essence of the pricing process, its goals and objectives. Investigated various pricing strategies. The features of pricing in a modern market economy are considered.*

Keywords: *pricing, price, pricing strategies, market pricing, price functions, pricing principles and factors.*

Introduction

Price is the most visible, potent, and market-responsive marketing tool. Successful work of commercial enterprises is impossible without a competent pricing policy based on knowledge of the essence, relationships and patterns of behavior of the market price, the basics of price marketing. An important factor in making decisions on prices is the availability of reliable information and a comprehensive analysis of the price situation in the market.

To solve these problems, knowledge of the methodology for collecting, processing and analyzing data characterizing prices, the processes of their formation and changes is required. The study of the laws of prices and pricing is based on modern economic theory.

Materials and Methods

Pricing is the formation of prices for goods and services. There are two pricing systems:

- market pricing, based on the interaction of supply and demand,
- centralized government pricing - the formation of prices by government agencies.

At the same time, within the framework of cost-based pricing, the cost of production and circulation is the basis for the formation of prices.

The role of prices in the market is a market indicator reflecting the entire complex of price-forming factors, their origin, development and interaction; the marketing regulator of the market, with the help of which the influence on the behavior of subjects and market factors is carried out.

1. Pricing factors
2. Strategy and tactics of pricing
3. Development of a pricing strategy
4. Methods of marketing pricing.
5. Marketing pricing tactics

Pricing policy is the ability to set prices taking into account the factors of the marketing environment and to maneuver them depending on the market situation.

Pricing policy has a long-term impact on a firm's commercial success. Therefore, the firm, before developing a pricing policy, must analyze all the factors affecting the pricing strategy.

Factors affecting the price level:

1. demand (supply and demand curve);
2. pricing policy of the state (laws, regulations, inquiries);
3. ways of commodity circulation;
4. competition (studying the prices of competitors);
5. costs (if costs are reduced, then the firm can reduce the price or increase the share of profits);
6. marketing activities of the company.

Pricing objectives:

- to solve the strategic tasks of the enterprise
- take and increase market share
- improve the image of the enterprise
- to reduce the costs of marketing activities in general.

The market price has various functions:

Price functions:

1. account
2. stimulating
3. balancing supply and demand
4. criteria for the rational location of production

The new pricing strategies in the marketing:

Penetration pricing

Companies adopt various strategies while entering a market to gain substantial market shares. This either comes in the form of free services or low prices for their products for a limited period of time. This is one of the most sought pricing strategies employed by companies to set up their customer base in a particular market.

Want to analyze customers' sensitivity to price changes and identify the price gap between a retailer's and competitors' prices? and achieve your business goals with the help of our competitive pricing solutions.

Economy pricing

At times, companies decide not to spend more on promoting products and services. This is the time when they keep the marketing cost of their products to the minimum. This strategy is quite effective and is widely used by companies as it delivers significant sales during the time of recession.

Psychological pricing

Psychological pricing strategies are usually adopted by companies when they want to market their product to price-conscious customers. Since psychological

pricing is based on consumers' emotional responses rather than their rational responses, it proves to be highly beneficial in gauging the desired consumer base. Even if consumers are not acquitted with the market, prices still remain the deciding factor in making the purchase or availing a particular service offering.

Conclusion

An important aspect of pricing analysis is the determination of market objectives. Pricing strategies may be seen as a complex activity that requires a good understanding of the internal structure of the company, a good knowledge of the market, and a good knowledge of the diverse variables that comprise it and their interfaces.

The purpose of any pricing program or strategy is to support the marketing strategy that has been developed for the product or product line. Pricing objectives specify how price is expected to help implement the marketing strategy. Pricing strategies may be seen as a complex activity that requires a good understanding of the internal structure of the company, a good knowledge of the market, and a good knowledge of the diverse variables that comprise it and their interfaces.

Reference

1. T.A. Frolova. *Ekonomicheskaya teoriya: konspekt leksiy*. Taganrog : TTIYFU 2009; Samoilenko M.P., Rodin D.Ya. "Monetary policy: theory and practice" development of monetary relations in the context of the transformation of the banking system. // "Lambert" academic publishing. 2016 133 Art. [23rd]
2. Farm, Ante. 2017. "Pricing and Price Competition in Consumer Markets." *Journal of Economics* 120 (2):119–33.
3. T.S. Silyuk. *Mikro- I makroekonomika: ucheb.-metod. Kompleks dlya studentov spets. Visshevo obrazovaniya vtoroy stupeni (magistraturi)*. – Brest: BrGU, 2016
4. Liozu, S. M., & Hinterhuber, A. (2013). Pricing orientation, pricing capabilities, and firm performance. *Management Decision*, 51(3), 594–614.
5. Fabiani, Silvia, Claire Loupias, Fernando Martins, and Roberto Sabbatini (eds.). 2007. Pricing Decisions in the Euro Area. How Firms Set Prices and Why. Oxford, UK: Oxford University Press.
6. *Macroeconomics: Theory and Policy*. Front Cover: D. N. Dwivedi. Tata McGrawHill Education, 2005

СОВРЕМЕННЫЙ ПЕРЕХОД РЕФОРМИРОВАНИЯ СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ В ЭКОНОМИЧЕСКОМ ВУЗЕ

**Ш.М. Холматова,
Ф.А. Мамадалиева,**
*старшие преподаватели кафедры
«Узбекский язык и литература», ТГЭУ.*

Высшее учебные учреждения Республики Узбекистан претерпевает новый этап своего развития. Быть обладателем титула «университет» для учебного учреждения всегда означало высокую честь и большую ответственность. Менялась политическая и экономическая ситуация, научная картина мира и вес в ней различных дисциплин, методики обучения и необходимый круг знаний образованного человека. Неизменным оставалось высочайшее качество обучения, и его важнейшая задача – открыть человеку новые горизонты и направить в реализации его творческого потенциала в овладении будущей специальности.

Переход на кредитно-модульную систему определила коренное реформирование образования Ташкентского государственного экономического университета. Это реформирование имеет целью создание национальной системы подготовки высококвалифицированных кадров на уровне развитых демократических государств, отвечающих требованиям высокой духовности и нравственности. Сегодня Ташкентский государственный экономический университет предлагает выбор дисциплинарных программ, что позволяет каждому студенту найти предметы и методики, которые будут наиболее интересны, эффективны и удобны именно для каждого обучающегося. Как оказались возможны такая мощь и разнообразие? История становления учебного заведения показывает отношение в ней к образованию. Ведь то, каким стало образование в Ташкентском государственном экономическом университете в наши дни, – результат труда многих поколений.

Обучению языка специальности в университете - особый аспект преподавания. В новых условиях экономического развития нашей страны он приобретает особую актуальность. В методике преподавания русского языка, на первый план, выдвигается обусловленная закономерными изменениями в обществе идея формирования и развития профессиональной компетенции во всем ее объеме. Значительное внимание должно быть уделено свойствам устной и письменной речи, как правильность, чистота, точность, логичность, выразительность, уместность и богатство. Знание специальной терминологией и используемых грамматических форм – непереносимое условие правильной речи. Работа над точностью и выразительностью речи должна основываться на учете адресата речи, на умении быть предельно кратким и ясным в деловой речи, доказательным и убедительным в изложении вопросов, выразительным в

виду чисто языковые средства, усвоение которых должно составлять базу для совершенствования речи студентов.

В качестве основных составляющих технологий обучения деловому русскому языку можно рассмотреть содержательный комплекс, эксплицирующий предмет обучения, систему аудиторной и внеаудиторной работы (упражнения, задания, лабораторные работы), направленный на формирование коммуникативных навыков и профессиональных умений. Особое место в экспликации конкретной ситуации представляют тексты. Для рассмотрения и изучения необходимо подобрать комплекс текстов различных жанров, среди которых особо частотными были диалогические тексты, а также тексты – документы. Большая часть изучаемых текстов – это диалоги в комплексе с деловыми документами: письмами, контрактами. Для эффективной работы с текстами следует разработать систему упражнений и заданий, нацеленную как на изучение дискурса ситуации в целом, так и на усвоении конкретных речевых действий с использованием терминологической и профессиональной лексики, речевых клише и специфических синтаксических конструкций.

Под системой упражнений и заданий следует понимать такую организацию учебных действий, предполагающую определенную временную последовательность и организацию обучения с учетом нарастания языковых и операционных трудностей, учитывающая последовательность становления речевых умений и характер реально существующих актов. Система упражнений, если весь их комплекс соответствующим образом упорядочен и взаимосвязан, направлена на выработку умений и навыков, необходимых для достижения намеченных целей обучения. При построении такой системы следует учитывать последовательность изучения материала и этапы формирования навыка, соблюдение принципа многократного повторения с различными вариациями, обеспечивающими прочность приобретенных навыков, использовать творческие приемы и задания. Все упражнения и задания должны быть направлены на достижение основной цели этапа обучения, то есть должны быть адекватными учебному процессу и иметь потенциальную возможность служить достижению определенной цели. «Адекватность упражнений, прежде всего, выражается в том, что каждый вид речевой деятельности усваивается главным образом при выполнении упражнений в том же виде деятельности. . . . Одно и то же упражнение в разных условиях, на разных этапах и стадиях, по – разному организованное может быть в разной степени адекватно формированию того или иного механизма, развитию того и или иного качества навыка или умения. Основой определения адекватности является общая методическая характеристика упражнения, то есть его «способности», все положительные и отрицательные его стороны» (Е.И. Пассов, 1989. стр. 58). Иными словами, упражнение всегда должно быть целенаправленно, место упражнения должно быть также строго определено в зависимости от этапа формирования навыка,

языкового или речевого. Упражнение направленное на совершенствование способа выполнения того или иного речевого действия, оно должно быть многократно повторенным, иначе не даст того эффекта, который от него ожидается. Помимо всего этого, упражнение имеет собственную организацию, собственную структуру, которая также должна быть согласована с целью, этапом и условиями обучения.

Исследованию типов упражнений и заданий, их классификации и разработке универсальной типологии посвящено значительное количество специальных исследований (Вохмина, 1993; Ильин, 1975; Пассов, 1989; Шатилов, 1986). Обычно выделяют две большие группы упражнений, языковые и речевые, соответственно двум функционально различным типам умений и навыков, языковым и речевым. Более дробная дифференциация предполагает деление языковых упражнений на грамматические, лексические и фонетические, которые в свою очередь, могут являться аналитическими, направленными на формирование умений анализировать языковые факты, и тренировочными, направленными на отработку какого – либо языкового навыка.

Речевые упражнения делятся на две подгруппы: условно – речевые, формирующие умения и навыки репродуктивной речевой деятельности, с опорой на текст, видеофильм, слайды, картинку; и коммуникативные, формирующие навыки самостоятельной речевой деятельности.

Языковые лексические и грамматические упражнения направлены, прежде всего, на закрепление слов лексического минимума, усвоение грамматических правил, на умение применять свои знания, пользоваться языковыми правилами, законами. В их основе лежат определенные логические операции, необходимые для осознания и осмысления сущности языковых явлений.

При изучении специальной лексики в языке делового общения наиболее важными нам представляются аналитические упражнения, так как они в большей степени влияют на усвоение единиц терминологического поля, формируют сознательную основу терминологических навыков. Аналитические упражнения создают предпосылки для выработки правильной языковой догадки. Привлечение элементов проблемного обучения при овладении языком специальности на коммуникативно-сознательной основе не противоречит целям обучения, согласуется со спецификой обучения деловой речи и ее единицам.

Среди речевых упражнений следует выделить тренировочные упражнения, сущность которых в многократном и варьируемом повторении единицы, или целой группы терминов с целью их усвоения. Подобные упражнения развивают навыки употребления термина, конструкции, клише, подготавливают к его использованию в репродуктивной и самостоятельной речи, помогают осознать значение и контекст изучения той или иной единицы, развивают внимание к деловому тексту, насыщенному специальной терминологией и специальными

конструкциями; способствуют закреплению грамматических конструкций и наиболее частотных контекстуальных окружений лексики.

Например, на занятиях можно использовать такие задания и упражнения как:

1) от глаголов образуйте существительные, отвечающие требованиям официально – делового стиля. Установить – установление, назначить - ..., утвердить - ..., уволить - ..., поощрить - ...; рекомендовать – рекомендация, унифицировать - ..., информировать - ...;

2) расшифруйте сокращенные слова и запишите их. Явл-ся, явл-е, орг-ция, прдпр-во, прав-во, хар-р, хар-ся, исс-е, сп-б, кач-во, гос-ный, эф-сть, эф-ный, реакция, тер-я;

3) из приведенных ниже слов и словосочетаний, обозначающих черты характера человека, выберите те, которые необходимы деловому человеку. Дополните этот список своими примерами. Объясните их значение.

Смелость, железная воля, умение идти на риск (рисковать), честность, деловитость, инициативность, рациональность, гибкость, логичность.

4) Перед вами десять качеств, которыми должен обладать деловой человек. Расположите их по степени важности:

Честность, надежность, квалификация, лидерство, исполнительность, деловитость, внешние данные, уровень образования, аккуратность.

Итак, основная цель тренировочных упражнений – преодоление основных трудностей, связанных с усвоением специальных слов и конструкций, с их восприятием звучащей речи или при чтении текста. В конечном итоге они направлены на активизацию речевого материала, так как в результате должен появиться навык оперирования фонетическими, лексическими и синтаксическими элементами терминологической системы. В тренировочных упражнениях, отрабатывается языковой материал, формируются первичные речевые умения и навыки, анализируется содержание высказываемой мысли, а внимание студентов обращено на правильный выбор языковых средств.

же и старше трудоспособного возраста на 52,4%. Данный период характеризуется развитием занятости в неформальном секторе экономики: быстрые темпы роста скрытой занятости и безработицы.

В Республике Узбекистан наблюдается сокращение численности лиц, не входящих в состав трудовых ресурсов, за анализируемый период на 100,7 тыс. человек или 52,4%, что непосредственно связано с сокращением общей численности населения пенсионного возраста.

Министерством занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан было проведено исследования и результатом исследования показали, что уровень безработицы среди экономически активного населения республики составил 10,2 процента. Этот показатель снизился на 0,3% по сравнению с 2020 годом. Число населения, нуждающегося в трудоустройстве, составило 1 529,2 тыс. лиц. Уровень безработицы среди молодежи (до 30 лет) составил 15,8%, уровень женской безработицы составил 13,7%. По предварительным данным численность трудовых ресурсов по сравнению с аналогичным периодом 2020 года возросла на 1,1 процента и составила 19 277,4 тыс. человек, на деятельность экономических субъектов снизилось на 0,3 процентов или на 41,1 тыс. человек, составив 13 397,5 тысяч лиц. Численность населения, занятого в официальном секторе экономики составила 5 706,8 тысячи человек, выросла по сравнению с аналогичным периодом прошлого года на 1,6 процента, или на 80,1 тысячи человек. В 1 квартале 2021 года в районные и городские центры содействия занятости населения обратилось за содействием в трудоустройстве 281,2 лиц. Из числа обратившихся трудоустроено 104,7 лиц, привлечено к общественным работам – 33,3 лиц, прошло профессиональное обучение 78 546 безработных лиц и назначено пособие по безработице 78 293 лицам.

Кроме того, за счет субсидий Фонда содействия занятости, обеспечена занятость 24,8 тысяч человек на личных подсобных хозяйствах, 15 тысяч граждан приняты в качестве членов сельскохозяйственных, швейных или ремесленнических кооперативов, 3 тысячи привлечены к предпринимательской деятельности. Под влиянием факторов, определяющих трансформационные процессы на рынке труда республики, в 2019 году наибольшая доля безработных приходилась на высвобожденных граждан по ряду экономических причин таким как уволенные по собственному желанию, наименьшее количество безработного населения приходилось на уволенных граждан по состоянию здоровья в связи с оформлением пенсии по возрасту и инвалидности.

Выводы

В процессе изучения современного рынка труда и уровня занятости экономики Узбекистана, было выявлено увеличение количества населения, входящего в состав трудовых ресурсов, но тем не менее сократилось уровень участия населения в рабочей силе трудоспособного населения. В этой связи хотелось бы отметить, что с 2020 года наблюдалось сокращение количества занятого населения, что связано со следующими обстоятельствами:

- пандемии COVID - 19;
- трансформационными процессами в экономике, отразившимися на рынке труда республики;
- недостаточным сопряжением между профессиональной структурой, качеством подготовки кадров и основными потребностями рынка труда;
- неустойчивой ситуацией, происходящей на рынке труда отдельных регионов республики;
- сезонностью (неравномерностью) использования трудовых ресурсов по отдельным видам экономической деятельности (сельское хозяйство, лесное хозяйство и рыбное хозяйство; деятельность отелей и ресторанов; деятельность отдельных видов транспорта) и др.

В заключении хотелось бы отметить, что в решении проблем занятости на наш взгляд необходимо реализовать нижеследующие предложения:

1. Важная роль в решении проблемы трудоустройства молодых специалистов принадлежит государству, так как необходимо определение прогнозных параметров занятости с позиции макроэкономики, которое в состоянии провести только государственные органы.

2. Реализация экономической потребности в молодежи в условиях цифровой экономики происходит через спрос на образовательный сектор со стороны экономики в форме государственного заказа, а со стороны работодателей – в форме различных договоров с самими ВУЗами и дальнейшего трудоустройства выпускников на предприятиях.

3. Для того, чтобы разрешить дисбаланс между спросом и предложением на рынке образовательных услуг, необходимо знать, какие специалисты и в каком количестве нужны для развития экономики сегодня и в перспективе, какими трудовыми навыками и умениями они должны обладать, чтобы быть конкурентоспособными на современном рынке труда.

Список использованной литературы

1. Мирзиёев Ш.М. Послание Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису» 24.01.2020. <https://president.uz/ru/lists/view/3324>
2. Абдурахманов К.Х. Экономика труда: Теория и практика. / Учебник. Москва, ФГБОУВО «РЭУ им. Г.В. Плеханова», 2020. 664 с.
3. Abdurakhmanov K.Kh., Zokirova N.K. New challenges and priorities of the labor market development in Uzbekistan. Journal Revista Espacios. Vol. 40 (Number 10) Page 14. «ESPACIOS» №10/ Caracas, Venezuela. ISSN: 0798 1015/ Number 10, 2019.
4. Абдурахманов К.Х., Кудбиев Ш.Д. Рынок труда: Формирование и регулирование. Монография. – Т: INNOVATION RIVOJLANISH NASHRIYOTI – MATBAA UYI, ДУК 2019. – 200 с
5. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. <https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika/labor-market>
6. Зокирова Н.К., Абдурахманова Г., Сагидуллин Ф.Р. Трансформация форм занятости в инновационном развитии // International scientific review. 2020. №LXX. – С. 24-28.

ХОДИМЛАР МЕҲНАТ МОТИВАЦИЯСINI КУЧАЙТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Х.Ф. Тўхтаева,
Инсон ресурсларини бошқариш
кафедраси ассистенти, ТДИУ

Аннотация. Мазкур мақолада ходимлар меҳнат мотивациясини кучайтиришни такомиллаштириши йўналишларининг аҳамияти ҳамда ўрни ёритилган. Ҳозирги вақтда ходимларни мотивациялашни кучайтириши нафақат иш берувчининг, балки бу ерда ишловчи ходимларнинг ҳам мақсадлари ва манфаатларига боғлиқлиги, корхонада фойдаланиладиган мотивациялаш тизимлари айнан шахснинг фаоллигига таъсир кўрсатишига интилиши, хўжалик юритишининг ҳозирги усуллари мотивациялаш механизмларидан фойдаланиш асосида иқтисодий хатти-ҳаракатнинг янги хилини эгаллашни талаб қилиши, ҳар қандай бошқарув қарорининг муваффақияти ходимни шахсий ва умумий мақсадларга эришишига ундовчи мотивациялашнинг қўлланилаётган моделнинг самарадорлиги билан бевосита боғлиқлиги каби масалалар ўз аксини топган.

Калит сўзлар. Иқтисодиёт, меҳнат мотивацияси, меҳнатни моддий рағбатлантириши, янги иш ўринлари, аҳолининг реал даромадлари, хорижий инвестициялар, миллий тўқимачилик саноати, аҳоли бандлиги, иш вақтидан самарали фойдаланиш, меҳнат интизоми, иш ҳақи.

Кириш. Ўзбекистон Республикасида макроиқтисодий барқарорлик ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга йўналтирилган иқтисодий ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Бугунги кунда меҳнат фаолиятини бошқаришнинг мотивацион жиҳатлари бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилмоқда ва улардан ривожланаётган ташкилотларда фаол фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожатномасида “...**Бешинчидан**, ёшлар ўртасида бандликни таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи эътиборимиз марказида бўлади. Бунинг учун келгуси йилда профессионал таълим тизими меҳнат бозоридаги талаб ва халқаро андозаларга мос янгича ёндашувлар асосида ислоҳ қилинади. Бундан буён ишчи касблар бўйича талаб қўйишда малака асосий ўринга чиқади. Шунинг учун Ҳукумат келгуси йил 1 январдан талаб юқори бўлган ишчи касблар бўйича фуқароларнинг малака даражасини тасдиқлаш тизимини жорий этсин. Хабарингиз бор, Ёшлар форумидаги учрашувимизда ёшлар тадбиркорлиги ва бандлигини таъминлаш учун 100 миллион доллар ажратиш тўғрисида қарор қабул қилдик. Бундан ташқари, ёшларнинг бизнес лойиҳаларини кредитлаш ҳамда уларни касб-

хунарга ўқитиш учун 1 триллион сўм ва 50 миллион доллар ажратилади¹⁶⁵ –деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, корхонада ходимларни меҳнат мотивациясини кучайтириш, ходимни ривожлантириш, унинг касбий ва малака таркибини ҳисобга олиш, ходимга умумий ва қўшимча эҳтиёжни аниқлаш, ходимлардан маълум бир аниқ мақсадга эришиш учун йўналтириш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Таъкидлаш лозимки, иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида корхона ва ташкилотларда ишловчи ходимларни режалаштириш, меҳнатни моддий рағбатлантириш, ривожлантириш муаммоси ходимларнинг шахсий манфаатларини таъминлаш билан бир қаторда мамлакат иқтисодиётида алоҳида рол ўйнайди.

Тадқиқот методологияси. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг маълумотномалари ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Шу муносабат билан мазкур илмий мақолада Ўзтўқимачиликсаноат уюшмаси корхоналарида ходимларини меҳнат мотивациясини кучайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини агрофлича таҳлили қилинганлиги билан долзарб аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижалари. Ўзбекистоннинг юксалиш даврида айнан, – ўзбек миллий тўқимачилик саноатининг мукамал тизим сифатида шаклланиши ва дунё миқёсида тан олиншида кенг имкониятлар яратилди. Қўп йиллар мобайнида фақат пахта толасини етиштириш ва уни бирламчи қайта ишлашга йўналтирилган тўқимачилик саноати, бугунги кунга келиб мукамал қўшилган қиймат занжири тизимни ярата олди. Бугун ўзбек пахтаси 100 % республика ичида қайта ишланишига эришилди. Бу саноатдаги энг йирик инқилобдир.

Саноат мустақил Ўзбекистонимизнинг иқтисодиётини ривожлантиришда етакчи барқарор саноати сифатида белгиланди ва жаҳон бозорига «Made in Uzbekistan» ёрлиғи остида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар етказиб бериш ва мамлакат нуфузини оширишга улкан ҳисса қўшди. Мавжуд сиёсий тўсиқларга қарамай республикамизнинг чекка ҳудудларида заҳматкаш халқимиз томонидан ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари дунёнинг деярли барча қитъаларига етказиб берилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тўқимачилик саноати муҳтарам Президентимиз томонидан мамлакат иқтисодиётининг ривожлантириш тамойилларига тўлиқ жавоб бериб, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, кичик бизнесни ривожлантириш, ҳудудларга хорижий сармояларни жалб қилиш, аҳолининг реал даромадини ошириш, хорижий инвестицияларни

¹⁶⁵ Ш.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. www.lex.uz

жалб қилишда етакчи ҳисобланиб, ҳозирда тармоқ корхоналари сони 8 мингга яқинлашиб 350 мингдан ортиқ аҳоли иш билан таъминланди, 3.2 млрд.доллардан ортиқ хорижий сармоялар ўзлаштирилди.

Соҳанинг яна бир ютуқларидан бири, бу пахта-тўқимачилик кластер тизимини жорий қилиниши бўлиб, шаклланиши жиҳатидан дунёда ягона бўлиб, барча халқаро ташкилотлар томонидан Янги Ўзбекистонни шаклланишидаги энг кагта бурилиш сифатида баҳоланди.

Бу натижаларга эришишда энг аввало Ҳукумат томонидан тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатига қаратилаётган улкан эътибор, ва албатта тўқимачилик саноати вакиллари ва тадбиркорларнинг меҳнати самарасидир.

Соҳа вакиллари тинимсиз машаққатли изланишларингиз, янгилик яратишга интилишингиз, яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб, олдингизга қўйилган мақсад сари дадил қадам босиб барча қийинчиликларни енгишингиз бугун Тўқимачилик саноатининг ютуқларини халқаро миқёсда тан олинишга сабабчи бўлди ва “Uztextile” брендининг шаклланишига олиб келди.

Республикада кенг турдаги сифатли тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари (кейинги ўринларда тўқимачилик маҳсулоти деб юритилади) ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, унинг ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чоратадбирлар амалга оширилмоқда.

Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида уюшма ижтимоий-меҳнат муносабатларини ривожлантириш бўйича масалалари Ўзбекистонда инсон манфаатларини таъминлаш мақсадларига йўналтирилган кенг қўламли чуқур ислохотлар муваффақияти мамлакат иқтисодиёти жадал суръатларда ривожланишига боғлиқдир. Бу стратегик жуда муҳим вазифани ҳал этишда ташкилотлар, жумладан, «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмаси учун ҳам ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Уюшманинг ижтимоий тавсифдаги тўловлари қуйидагилардан иборат бўлган: ишловчиларни ижтимоий ҳимоялаш учун харажатлар, кутилмаган ҳолатлар бўйича моддий ёрдам, касбий тайёргарлик учун тўловлар, маданий-маиший мақсадлар учун харажатлар ва бошқа ижтимоий харажатлар.

Иқтисодиётни инновацион ривожланиш шароитида «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасида фаолиятида ходимлар меҳнат фаолияти сифатини ошириш масалаларининг пироворд мақсади- ходимларнинг иш билан банд бўлиши, иш вақтидан самарали фойдаланиш, меҳнат интизоми, ишнинг суръати ва ритминини белгилашга ёрдам берадиган ҳамда ходимлар сонини уларнинг меҳнатига тўланадиган иш ҳақи миқдорини белгилашга асос бўладиган энг асосий йўналишлардан биридир.

Ўзбекистон Республикасида таркиб топган кўп укладли иқтисодиёт турлича қобилият ва қизиқишларга эга ходимларга меҳнат соҳасида ўз ўрнини топиши учун зарур имкониятлар яратади.

Ходимнинг тайёргарлик даражаси тўғрисидаги маълумотлар унинг фаолиятини баҳолаш асосида шакллантирилади. Бунда персонални қайси йўналишларда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш талаб этилиши аниқланади. Ходим билими, маҳорати, касбий ва шахсий сифатларини баҳолаш давомида махсус комиссиялар белгилаб қўйилган омилар бўйича ходим иш самарадорлиги ҳамда ушбу омиларнинг ходим ўз хизмат ва касбий вазифаларини бажаришдаги аҳамиятини аттестация қилади. Ана шу текширув натижалари бўйича қайта тайёрлаш шакли ва услуби мақсадга мувофиқлиги аниқланади ҳамда ходимга шахсий дастур асосида ўз малакасини ошириш юзасидан тавсиялар берилади.

Хулоса ва таклифлар. Ходимлар ходимларнинг меҳнат мотивациясини кучайтириш энг самарали бўлишини таъминловчи атрофлича шароит яратиш мақсадида «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмаси фалиятида ҳам ҳозирги кундаги ечимини қутаётган қўйидаги муаммоларнинг мавжудлиги амалиётни ўташ давридаги тадқиқотлар натижасида аниқланди:

- «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасида ишлаётган ходимлар маълумот даражаси, ходимларни танлаш ва жойига қўйишга алоҳида эътибор берилган, лекин меҳнат кўрсаткичларининг таҳлили ва унинг мониторинги доимий равишда амалга оширилмаган;

- «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмаси мутахассислари учун яратилган меҳнат шароитлари сифатини баҳолашда ходимнинг меҳнати меъёрлари амалга оширилган натижаларни ҳақиқатлиги билан солиштириш ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга етарлича эътибор берилмаган;

- «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасида меҳнат шароитларини яхшилаш, аттестациядан ўтказиш, иш ўринларини ташкил этиш ва уларга хизмат кўрсатиш, меҳнатни янада қизиқарли бўлишига йўналтирувчи креатив ёндошувларга атрофлича эътибор қаратилмаган;

- «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасида ходимлар учун меҳнат шароитлари сифатини ошириш мақсадида молиялаштирилган сарф-жаражатларни белгилашда хатоликларга йўл қўйилган;

Умуман юқорида баён қилинган мулоҳаза ва хулосалардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларимизни берамиз:

- Уюшмасида ишлаётган персонал маълумот даражаси, персонални танлаш ва жой-жойига қўйиш ва улардан оқилона фойдаланиш, персонални меҳнат салоҳиятидан қай даражада фойдаланаётганлигини ўрганиш мақсадида доимий равишда таҳлилий ёндашувлар мониторингини ўтказиш керак;

- Уюшмада ходимнинг меҳнати меъёрлари амалга оширилган натижаларни ҳақиқатлиги билан солиштириш ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга етарлича эътибор бериш;

- меҳнат шароитларини яхшилаш, иш ўринларини ташкил этиш ва уларга хизмат кўрсатиш, ички аттестациядан оқилона ўтказиш, меҳнатни янада қи-

зиқарли бўлиш мақсади – персонал ўртасида соҳага оид “Энг яхши «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасида ходими танловларини ўтказиш зарур;

- «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасида ходимларни меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича назорат ишларини олиб бориш, молиялаштириш, сарф-жаражатлар ҳисобатларини ташкил этиш;

- «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасида касаба уюшмалари фаолиятини янада жонлантириш, моддий ва маънавий рағбатлантириш ишларини янада тақомиллаштириш, ҳақиқий иш вақти сарфлари бўйича, шуъба уюшманинг ҳар бир бўлимлари йигинларида кўриб чиқиш зарур;

- меҳнат муҳофазаси бўлими ходимларини ташкил этилаётган қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этишда муддати (камида икки ой), малакасини ошириш ўташ объеклари, илмий –тадқиқот марказларида борилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдураҳмонов Қ.Х, *Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт /Дарслик.*
2. Абдураҳмонов Қ.Х, Абдураманов Х.Х *Меҳнат ресурсларини бошқариш:ўқув қўлланма.*
3. «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасининг маълумотномалари ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.
4. www.press-service.uz (Ўзбекистон Республикаси Президенти портали)

ZAMONAVIY QISHLOQ XO'JALIGINING RIVOJLANISHIDA RAQAMLI IQTISODIYOTNING O'RNI

A. J. Ismoilov,
TIQXMMI doktoranti

Annotatsiya. Qishloq xo'jaligida zamonaviy menejment raqamli iqtisodiyotning innovatsion ishlannmalarini o'z ichiga olgan tarmoq iqtisodiyotini strategik rivojlantirish elementidir. Tarmoqli raqamlashtirish mintaqaning qishloq xo'jaligi tarmoqlarini jadal sur'atlarda rivojlanishiga imkon beradi.

Tayanch iboralar: raqamli iqtisodiyot, raqamli qishloq xo'jaligi, aqlli chorvachilik, aqlli ferma, sun'iy intellekt, agrosanoat majmuasi, menejment, raqamli texnologiyalar.

Hozirgi vaqtda O'zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni joriy etish haqiqatan ham mamlakatimiz iqtisodiyoti uchun samarali o'sishning jiddiy omili hisoblanadi. Mamlakatimizning yuksak intellektual salohiyati, rivojlangan telekommunikatsiya infratuzilmasi, samarali ishlaydigan yuqori texnologiyali korxonalar innovatsion iqtisodiyotni joriy etish va yanada rivojlantirish uchun zarur muhitni shakllantiradi.

Shu munosabat bilan raqamli transformatsiya jahon iqtisodiyotining asosiy tendentsiyalaridan biridir. Rivojlangan davlatlar biznes va davlat boshqaruvining arziyas usullaridan voz kechish uchun bir qancha vositalarni ishlab chiqdilar va ulardan amalda muvaffaqiyatli foydalanmoqdalar. Tanlangan mavzuning dolzarbligi shundaki, O'zbekiston Respublikasi kelajak iqtisodiyotini yaratish yo'lini boshlamoqda, shuning uchun "raqamli iqtisodiyot" atamasi to'liq tushunilmasligi mumkin. Respublikamizda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning boshlang'ich nuqtasini O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyev Oliy Majlisga yo'llagan murojaatnomasida "...raqamli iqtisodiyot deb ataladigan yangi texnologik avlod iqtisodiyotini rivojlantirish uchun keng ko'lamlı tizim dasturini ishga tushirish kerak" [1].

Raqamli transformatsiyaning eng oson yo'li-dasturiy ta'minotni ishlab chiqish va tarqatish bilan bog'liq bo'lgan yuqori texnologiyali sohalarda. Bundan tashqari, moliya sektori va xizmat ko'rsatish sohasi tez modernizatsiya qilinmoqda. Sanoat korxonalari orasida kimyo sanoati, mashinasozlik ishlab chiqarishda sezilarli yutuqlar kuzatilmoqda. Deyarli barcha sohalarda muqarrar ravishda global raqamlashtirish jarayoniga jalb qilingan [2].

Zamonaviy iqtisodiyot postindustrialdir va uni ko'pincha yangi, innovatsion, bilimlar, kompetentsiyalar, tarmoqlar o'zaro ta'siri iqtisodiyoti deb atashadi. Shuni ta'kidlash kerakki, bu ta'riflar turkumi, bir tomondan, har xil ma'noga ega bo'lsa, ikkinchi tomondan, iqtisodiy faoliyatning bir xil davrini tavsiflaydi. Ikki tarmoq - agrosanoat kompleksi (AIK) va dasturiy ta'minotni ishlab chiqish (dasturiy ta'minot) kombinatsiyasi O'zbekiston uchun katta imkoniyatlar ochadi.

Ko'rib turganimizdek, qishloq xo'jaligi ishlab chiqarish tsiklining uzoq davom etishi tufayli jozibador emas, chunki uni etishtirish, yig'ish va saqlash vaqtida tabiiy xavflar va katta hosil yo'qotilishi, biologik jarayonlarni avtomatlashtira olmaslik va hosildorlikni oshirishda ilgariylash yo'q. va yangilik. Qishloq xo'jaligida axborot texnologiyalaridan foydalanish asosan moliyaviy boshqaruv va biznesni kuzatish uchun kompyuter va dasturiy ta'minotdan foydalanish bilan cheklangan edi. Yaqinda fermerlar ekinlarni, chorvachilikni va qishloq xo'jaligi jarayonining turli elementlarini kuzatish uchun raqamli texnologiyadan foydalanishni boshladilar.

Texnologiyalar ishlab chiqaruvchi kompaniyalar qishloq xo'jaligiga e'tibor qaratishganida, texnologiya rivojlandi va segmentga keskin qadam tashlandi, ular sheriklar bilan birgalikda joriy parametrlarni uzatuvchi va qayta ishlaydigan aqlli qurilmalar yordamida o'simlik yoki chorvachilikning butun tsiklini boshqarishni o'rgandilar. ularning har biridan, ob'ekt va uning muhiti (tuproq parametrlarini, o'simliklar, mikroiklimni, hayvonlarning xususiyatlarini va boshqalarni o'lchaydigan asbob -uskunalar va datchiklar), shuningdek ular bilan tashqi sheriklar o'rtasidagi to'siqsiz aloqa kanallari. Ob'ektlarni yagona tarmoqqa birlashtirish, narsalar Interneti asosida ma'lumotlar almashish va boshqarish, kompyuterning ish faoliyatini oshirish, dasturiy ta'minot va bulutli platformalarni ishlab chiqish orqali virtual (raqamli) modelni yaratish orqali qishloq xo'jaligi jarayonlarining maksimal sonini avtomatlashtirish mumkin bo'ldi. Ishlab chiqarishning butun tsikli va o'zaro bog'liq zanjir aloqalarini yaratish, shuningdek, matematik aniqlik bilan, ish jadvalini rejalashtirish, xavflar aniqlangan taqdirda yo'qotishlarning oldini olish uchun favqulodda choralar ko'rish, mumkin bo'lgan daromad, ishlab chiqarish xarajatlari va foydani hisoblash.

“Goldman Sachs bashorat qilishicha, yangi avlod texnologiyasi 2050 yilga borib jahon qishloq xo'jaligi hosildorligini 70% ga oshirishi mumkin” [3].

Qishloq xo'jaligi Ikkinchi yashil inqilob arafasida. Mutaxassislarining hisob-kitoblariga ko'ra, Internetga asoslangan aniq dehqonchilik texnologiyalari tufayli traktorlar paydo bo'lgan paytda ham, insoniyat ko'rmagan miqyosdagi hosilning oshishi, gerbitsidlar va genetik modifikatsiyalangan urug'lar paydo bo'lishi.

Dunyo aholisi o'sib bormoqda. 30 yil ichida insoniyat hozirgi ishlab chiqarishdan 1,7 barobar ko'proq oziq -ovqatga muhtoj bo'ladi. Buning uchun qishloq xo'jaligini jiddiy modernizatsiya qilish zarur.

Birlashgan Millatlar Tashkilotining prognozlariga ko'ra, 2050 yilga borib dunyo aholisi 9,8 milliard kishiga etadi, uni oziqlantirish uchun oziq -ovqat ishlab chiqarishni 70 foizga oshirish kerak [4].

Bu shuni anglatadiki, fermerlar ishlab chiqarish jarayonlarini o'zgartirishi, ularni iloji boricha samaraliroq qilishlari kerak. Texnologiyalar rivojlandi, arzonlashdi va shunday darajaga ko'tarildiki, sanoat tarixida birinchi marta har bir qishloq xo'jaligi ob'ekti va uning atrofi to'g'risidagi ma'lumotlarni olish, harakatlar algoritmini matematik aniq hisoblash va bashorat qilish mumkin bo'ldi. natija.

IT -dan eng uzoqda bo'lgan sanoat ma'lumot olishni boshladi. Va ular bilan Big Data, Data Science, matematika, analitik, robototexnika sohasidagi mutaxassislarining bo'sh ish o'rinlari bo'yicha so'rovlar.

Qishloq xo'jaligi jarayonlarining maksimal sonini raqamlashtirish va avtomatlashtirish dunyodagi eng yirik agrosanoat va mashinasozlik kompaniyalarining rivojlanish strategiyasiga ongli ehtiyoj sifatida kiritilgan.

2010 yilga kelib, dunyoda 20 dan ortiq yuqori texnologiyali qishloq xo'jaligi kompaniyalari bo'lmagan va 2013-2016 yillar mobaynida. Investitorlar 4 yil ichida umumiy qiymati 11 milliard dollardan ortiq bo'lgan 1300 dan ortiq yangi texnologiya startaplariga sarmoya kiritdilar. AgroTech (Agrotech) yangi investitsiya segmenti shakllandi, u 2014 yilda FinTech (Fintech) ni ortda qoldirdi. Bundan tashqari, Kanada, Hindiston, Xitoy va Isroil ham faol.

Qishloq xo'jaligi mahsulotlarining uzun qiymatli zanjiri va IT va avtomatlashtirish yordamida hal qilinishi mumkin bo'lgan sohada hal qilinmagan ko'plab muammolar sanoatning investitsion jozibadorligining asosiy sabablaridan biridir.

Hozirgi vaqtda qishloq xo'jaligining elementlari va zamonaviy IT asboblari quyidagilardan iborat: [6]

- SMT: GPS / Glonass kuzatuvchilari, yonilg'i datchiklari
- Hayvonlar faolligi sensori / bolus
- Shaxsiy identifikatorlar (RFID kartalari, IButton)
- parallel haydash tizimlari
- aniq dehqonchilik tizimlari
- PUA / dronlar
- Aqlli ob-havo stantsiyalari
- Og'irlikni o'lchash asboblari
- IP-kameralar
- Smartfonlar / Planshetlar
- Hayvonlarni sog'ish tizimlari
- ERP tizimlari

Qishloq xo'jaligida raqamli texnologiyalar tushunchasi va mohiyati.

Standart ishlov berish jadvali (uzluksiz sug'orish, o'g'itlar, kimyoviy lashtirish) mahalliy xususiyatlar va tabiiy o'zgaruvchanlikni hisobga olmaydi va samarasiz natijaga olib keladi - resurslardan ortiqcha foydalanish yoki aniqlanmagan muammolar. Qurg'oqchilik yoki ortiqcha namlik, o'g'it, begona o'tlar va hasharotlarning etishmasligi yoki ko'pligi darhol aralashuvni talab qiladi. Kasallikning avj olishi kutilmaganda ro'y berishi mumkin va uning sababini aniqlash har doim ham oson emas; kech aniqlash va noto'g'ri davolash bilan kasallik hosilning bir qismini yo'q qilishi mumkin.

Mavsum davomida dehqon 40 dan ortiq turli qarorlar qabul qilishi kerak: qanday urug'larni ekish kerak, qachon ekish kerak, qanday davolash kerak, kasal o'simlikni qanday davolash kerak va hokazo. maydon. Qaror qabul qilish uchun

ma'lumotlarning etishmasligi, hosilni ekish, etishtirish, parvarish qilish jarayonida hosilning 40% gacha yo'qolishiga olib keladi. O'rim -yig'im, saqlash va tashish paytida yana 40% yo'qoladi. Olimlar aniqlaganidek, ob-havodan tashqari, yo'qotish omillarining 2/3 qismini avtomatlashtirilgan boshqaruv tizimlari (Hi-Tech Management) yordamida boshqarish mumkin [5].

ITning vazifasi - yo'qotishlarni kamaytirish, ishlab chiqarish samaradorligini oshirish va resurslarni boshqarishni optimallashtirish uchun ishlab chiqarish tsiklining barcha bosqichlarini avtomatlashtirishni maksimal darajada oshirish. Ammo bu holatda ham natija faqat yig'im -terimga tayyor bo'lgan o'simliklarga yoki hayvonlarga tegishli, lekin foyda kafolatlanmaydi, chunki hosilni yig'ish, saqlash, birlamchi qayta ishlash va xaridor / iste'molchiga tashish kerak. Keyingi avtomatlashtirish raqamli integratsiyaning yuqori darajasini ko'rsatadi, bu biznesdagi eng murakkab tashkiliy o'zgarishlarga ta'sir qiladi, lekin ularni amalga oshirish mahsulotning va umuman kompaniyaning foydasi va raqobatbardoshligiga keskin ta'sir ko'rsatishi mumkin. Qabul qilingan ma'lumotlarni turli xil aqlli IT-illovalar bilan birlashtirish, ularni real vaqt rejimida qayta ishlash, fermer uchun qaror qabul qilishda inqilobiy o'zgarishlarni keltirib chiqaradi, bu esa ko'plab omillarni tahlil qilish natijalarini va keyingi harakatlarning asosini beradi. Bundan tashqari, sensorlar, datchiklar va dala tekshirgichlari bitta tarmoqqa qanchalik ko'p ulangan va ma'lumotlar almasha, axborot tizimi shunchalik aqlli bo'ladi va u foydalanuvchiga shunchalik foydali ma'lumot beradi.

O'zbekistonlik mutaxassislarining fikricha, qishloq xo'jaligi korxonalarini avtomatlashtirish va axborotlashtirishning umumiy darajasi qoniqarli darajada rivojlanmagan.

Hatto fermer xo'jaliklarini eng oddiy axborot texnologiyalari - "Internet" global axborot tarmog'iga ulangan kompyuter bilan ta'minlash - o'zbek fermer xo'jaliklari uchun eng katta muammo. Ayni paytda, statistik ma'lumotlarga asoslanib, biz butun dunyoda qishloq xo'jaligida axborot texnologiyalaridan foydalanishning quyidagi rasmini kuzatishimiz mumkin (1-jadval).

Jadval shuni ko'rsatadiki, axborot texnologiyalaridan eng intensiv foydalanish Evropa Ittifoqida uchraydi. Shu bilan birga, global Internet bilan aloqa qilish uchun kompyuterlardan foydalanish kamdan kam hollarda 50% dan oshadi. Ko'pchilik fermerlar o'zlarini va yaqinlarini oziq-ovqat bilan ta'minlash uchun ishlaydilar va fermer xo'jaliklarini axborotlashtirish va avtomatlashtirishni kuchaytirishni zarur deb hisoblamaydilar. Ammo yaqinda agrosanoat majmuasida axborot texnologiyalarini joriy etish borasida katta ishlar qilinmoqda. Bu, birinchi navbatda, qishloq xo'jalik ekinlarini almashlab ekishning zonal tizimlariga joylashtirishni optimallashtirish dasturlari va hayvonlarni oziqlantirish ratsioniga tegishli. O'g'itlarning dozalarini hisoblash, issiqxonalarda o'simliklarning oziqlanish rejimini tartibga solish, shuningdek go'sht va go'sht mahsulotlarini qayta ishlash va saqlashda texnologik jarayonlarni boshqarish bo'yicha amaliy kompyuter dasturlari ishlab chiqilgan. Yer tuzish va er tuzish kompleksi dasturlari mavjud.

**Axborot texnologiyalaridan foydalanadigan fermerlar
(2018 yil ma'lumotlari) [7]**

| Mamlakat | Fermerlar soni | Shaxsiy kompyuterlar soni | Fermerlar ulushi | Internetdan foydalanuvchilar soni | Foydalanuvchi fermerlar ulushi |
|-----------------|----------------|---------------------------|------------------|-----------------------------------|--------------------------------|
| | | nafar | % | nafar | % |
| Norvegiya | 70 000 | 52 000 | 74.3 | 40 000 | 57.1 |
| Daniya | 60 000 | 48 000 | 80 | 30 000 | 50 |
| Finlyandiya | 80 000 | 50 000 | 62.5 | 40 000 | 50 |
| Gollandiya | 100 000 | 60 000 | 60 | 50 000 | 50 |
| Shveysariya | 30 000 | 24 000 | 80 | 14 000 | 46.7 |
| Buyuk Britaniya | 80 000 | 60 000 | 75 | 30 000 | 37.5 |
| Germaniya | 170 000 | 75 000 | 44.1 | 55 000 | 32.4 |
| Yaponiya | 426 000 | 144 000 | 33.8 | 52 000 | 12.2 |
| Ispaniya | 100 000 | 45 000 | 45 | 10 000 | 10 |
| Frantsiya | 330 000 | 110 000 | 33.3 | 25 000 | 7.5 |
| Italiya | 260 000 | 80 000 | 30.8 | 10 000 | 3.8 |
| Polsha | 200 000 | 100 000 | 50 | 5 000 | 2.5 |
| Chex | 175 000 | 30 000 | 17.1 | 4 000 | 2.3 |
| Rossiya | 275 000 | 9 000 | 3.3 | 3 000 | 1.1 |

Hozirgi kunda O'zbekiston Respublikasi raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo'yicha BCG reytingi bo'yicha dunyoda 76 -o'rinni egallab turibdi. BCG raqamlashtirish indeksini hisoblash onlayn xarajatlar va foydalanuvchilar faolligining o'sish dinamikasiga asoslangan. Biroq, ko'pgina indekslar kabi, BCG raqamlashtirish indeksi an'anaviylik ulushiga ega bo'lgan statistik ko'rsatkichdir [8].

Agrosanoat majmuasi (AIC) eng muhim tarmoqlararo kompleksdir. U aholini oziq -ovqat bilan ta'minlash uchun yaratilgan va iqtisodiyotning asosiy ustuvor yo'nalishlaridan biridir. AIK - murakkab bioekonomik ishlab chiqarish tizimi. Uning markaziy bo'g'ini qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishidir, uning asosiy resurslari asboblardan va mehnat resurslari bilan bir qatorda er, iqlim, ob -havo bo'lib, ular birgalikda bioklimat salohiyatini tashkil etadi.

Raqamli texnologiyalar dunyosida hayotning barcha sohalarida samarali boshqaruv uchun innovatsion texnologiyalar joriy etilishi kerak. Qishloq xo'jaligidagi yangi vazifalar: o'sib borayotgan dunyo aholisini oziqlantirish, yuqori sifatli oziq-ovqat mahsulotlari va xizmatlariga bo'lgan ehtiyojni qondirish, qishloq xo'jaligi korxonasining rentabelligini oshirish, mehnat unumdorligini oshirish muammosidir.

1. Raqamli iqtisodiyot barcha sohalarida, shuningdek, qishloq xo'jaligida iqtisodiy rivojlanishni rag'batlantirish uchun ulkan salohiyatga ega.

2. Internet mavjud tovarlar, xizmatlar va ishchi kuchi bozorlarini, shuningdek, qishloq xo'jaligi sektorining ishlash tamoyillarini sezilarli darajada faollashtiradi.

3. Keyingi tadqiqotlar yo'nalishlari agrosanoatning raqamli transformatsiyasi muammolarini hal qilish bo'yicha takliflar ishlab chiqishda, raqamli iqtisodiy xavfsizlikni ta'minlash tizimini ishlab chiqishda ko'rinadi.

4. Bu maqsadlar uchun respublika texnoparklar, ilmiy-ishlab chiqarish klasterlari va boshqa innovatsion loyihalarni yaratish, fermerlarni raqamli savodxonlikka keng va qulay o'qitish, raqamli texnologiyalarni joriy etish, mamlakat qishloqlarini qamrab olishni ta'minlash ustida ish olib borishi kerak. 5G yoki undan yuqori tarmoqli Internetga ega bo'lgan hudud va fermer xo'jaliklari faoliyatiga elektron boshqaruvni joriy etish.

5. Bu choralarning barchasi davlatdan katta moliyaviy sarmoyalarni, fermer xo'jaliklari xodimlarini va aholini raqamli iqtisodiyot asoslariga o'rgatish uchun mutaxassislarni tayyorlashni talab qiladi. xalq xizmatiga qo'ying.

6. Shunday qilib, "Raqamli O'zbekiston-2030" dasturi mamlakatning navbatdagi yirik davlat loyihasi emas, bu O'zbekiston Respublikasining innovatsion faoliyatining muhim jihati bo'lib, uning asosiy maqsadi nafaqat yuqori darajaga erishishdir. rivojlanish, balki dunyoning rivojlangan davlatlari bilan integratsiyalashish va o'zaro aloqada bo'lish.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2020-yil 24-yanvarda O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga yo'llagan Murojaatnomasi. // «Xalq so'zi», 2020-yil, 25-yanvar.

2. Odintsov S.A., Vashchenko A.V. The development of theories of the information society and the concept of "Cyber-space" // Political Mathematical Network Electronic Scientific Journal of the Kuban State Agrarian University. 2016. No. 121. S. 1-14.

3. И.В. Ковалева, Л.А. Семина «Устойчивое развитие сельских территорий в условиях диверсификации экономики региона» // East European Science Journal. - 2018. - №3 (7).

4. И.В. Ковалева «Цифровизация сельского хозяйства как стратегический элемент управления отраслью» // Journal of Economy and Business, vol.1 2019.

5. Окенова А.О. Цифровизация сельского хозяйства в Кыргызской Республике // Экономические отношения. – 2019. – Том 9. – № 1. – С. 97-106.

6. Р.Х. Аюпов, М.Ю. Джуманиязова Цифровая трансформация в сельском хозяйстве Республики Узбекистан // Экономические науки DOI: 10.24411/2500-1000-2019-11020.

7. Ланидус Л.В. Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией. – М.: ИНФРА-М, 2018. -381 с.

8. Ю. Кутбитдинов. «Умные» инструменты сельского хозяйства// Экономическое обозрение №3 (231) 2019 [электронный ресурс] <https://review.uz/ru/post/umniyeinstrumentiyselskogo-xozyaystva>.

ИНКЛЮЗИВ РИВОЖЛАНИШ ИНДЕКСИ - МАМЛАКАТНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА

Т.Х. Садуллаев,
таъин докторанти, ТДИУ

Аннотация. Мақолада инклюзив ривожланиш индексининг мазмун ва моҳияти оғиб берилган. Мамлакатнинг инклюзив ривожланиш даражаси баҳоланган.

Калит сўзлар. Ялпи ички маҳсулот, инклюзив усиш, инклюзив ривожланиш индекси, мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш даражаси.

Кириш

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹⁶⁶ иқтисодийни либераллаштиришнинг устувор вазифалар қаторида таркибий ислохотларни чуқурлаштириш, саноатнинг етакчи тармоқлари модернизацияси ва диверсификациясини таъминлаш эвазига мамлакат иқтисодийнинг рақобатбардошлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, унда иқтисодий тармоқларида самарали рақобат муҳитини яратиш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозоридаги монополияни босқичма-босқич камайтириш; янги турдаги маҳсулот ва технологиялар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш; экспорт фаолиятини эркинлаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркиби ва жуғрофиясини диверсификация қилиш, иқтисодий тармоқлари ва ҳудудлар экспорт салоҳиятини кенгайтириш каби муҳим вазифалар белгиланган.

Адабиётлар шарҳи ва методологияси.

Айтиш жоизки, глобал миқёсдаги барқарор тараққиёт мақсади ҳамда мамлакат иқтисодийни ислох қилишнинг юқорида келтирилган барча йўналишлари иқтисодий ўсиш билан чамбарчас боғлиқдир. Тажрибанинг кўрсатишича, иқтисодийни саноатлаштиришсиз дунёда юқори иқтисодий ривожланиш даражасига эришган бирорта мамлакат йўқ. Шу маънода иқтисодийни саноатлаштириш иқтисодий фаровонликка эришиш, янги иш ўринларини яратиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг асосий омили деб ҳисоблаш мумкин. Қолаверса, у иқтисодийнинг турли ташқи хавф омилларига қарши туриш салоҳиятини ҳам ўзида намоён этиб, ривожланаётган мамлакатлар шароитида айниқса муҳим аҳамиятга эга.

¹⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги Фармони.

Таҳлил ва натижалар.

Жаҳон иқтисодиётининг тургунликка тортилиши даромадлар ва тўпланган бойликларнинг аҳоли ўртасида нотекис тақсимланиши билан бирга келади ва бу бутун дунёда ижтимоий кескинлик ўсишининг натижасидир. Шу билан бирга, ўсиб бораётган тенгсизлик аҳолининг турли гуруҳлари учун таълим олиш имкониятини чеклайди, бу эса ҳар йили паст малакали ишчилар билан тўлдириладиган меҳнат бозорига салбий таъсир кўрсатади. Жаҳон иқтисодий тизими ўзининг ривожланиш салоҳиятининг катта қисмини амалга ошириб, жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида иқтисодий ўсиш учун янги имкониятлар яратиш учун иқтисодий муносабатлар тузилишини ўзгартиришни талаб қилади. Бунинг учун ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ва илмий -техник тараққиётнинг янги босқичига эришишга эътибор қаратиш лозим. Илмий-техникавий ишланмаларни яратиш учун кенг ва сифатли инсон капитални шакллантириш зарур, ва буни аҳоли турмуш даражасида кенг кўламли ва барқарор тараққиётиз амалга ошириш мумкин эмас.

Бу муаммонинг ечимини топиш учун иқтисодчилар инклюзив ўсиш концепциясини ишлаб чиқдилар. Ушбу концепция иқтисодий ўсишдан олинадиган фойдани аҳоли ўртасида янада тенг тақсимлашни, шунингдек, ялпи ички маҳсулотни яратиш жараёнига манфаатдор томонларнинг турли гуруҳларини жалб қилишни назарда тутди [2]. Буни амалда амалга ошириш учун 2018 йилда Давосдаги Жаҳон иқтисодий форумида мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишини баҳолашнинг янги тизими қабул қилинган, бу давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини ўлчашнинг муҳим воситаси ҳисобланади [4]. Инклюзив ривожланиш индекси ижтимоий тенгсизлик даражасини пасайтириш ва барқарор иқтисодий ривожланишга эришишга қаратилган самарали ички сиёсатни шакллантириш учун янги мезон бўлиши мумкин.

Индекс учта гуруҳга бўлинган 12 кўрсаткич асосида ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳисоб -китобларга параллел равишда, охириги беш йил учун ҳар бир кўрсаткич бўйича таҳлил ўтказилади. Бу миллий иқтисодиёт тизимининг ривожланишининг асосий тенденцияларини аниқлаш имконини беради. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти учун инклюзив ривожланиш индекси алоҳида ҳисобланади, бу еса олинган натижаларнинг объективлигини оширади.

Ҳар бир гуруҳ тўрт параметрдан иборат:

– Ўсиш ва ривожланиш. Бу гуруҳ давлат иқтисодиётининг миқдорий баҳосини шакллантиради ва ялпи ички маҳсулотни яратиш жараёнида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлайди.

– Инклюзивлик. Кўриб чиқилаётган гуруҳ кўрсаткичлари миллий бойликларнинг мамлакат аҳолиси ўртасида тақсимланишига сифатли баҳо беради.

– Барқарор ривожланиш. Таклиф қилинаётган гуруҳ экологик ва ижтимоий омилларни, шунингдек, технологик ривожланишнинг ҳозирги даражасини ҳисобга олган ҳолда, кейинги иқтисодий ўсиш истиқболларини акс эттиради.

Юқоридагилардан келиб чиқадики, инклюзив ривожланиш индекси давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаш тизими сифатида иқтисодий тизимнинг ҳолати тўғрисида кенг маълумот беради. Бу самарали ички сиёсатни шакллантириш учун янги таянч пункти вазифасини бажаради. Индексни миллий ва глобал даражадаги иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш учун фойдаланиш истиқболларини аниқлаш учун уни иқтисодий ривожланиш даражасининг умумий қабул қилинган кўрсаткичи - ЯИМ билан солиштириш керак. Бизнинг фикримизча, ҳозирги вақтда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини режалаштиришда ЯИМни асосий таянч нуқтаси сифатида ишлатиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки уни бундай мақсадда ишлатиш бир қатор чекловларга эга. У замонавий иқтисодий тизимни етарли миқдорда тавсифлай олмайди, шунинг учун яратилган барча товарлар ва хизматлар қийматини тўғри баҳолаш мумкин эмас. Илмий -техник тараққиёт тубдан янги турдаги товарлар ва хизматларнинг яратилишига, шунингдек, айирбошашнинг янги усулларининг ривожланишига ёрдам берди. Амалдаги статистик усуллар бўйича битимни тузиш ёки бундай иқтисодий ҳаракатларни миқдорий баҳолаш қийин ва кўпинча имконсиздир.

Бунга давлатнинг операцияларни тартибга солиш ва назорат қилиш қийин бўлган криптовалюта бозори мисол бўла олади. Бундан ташқари, номоддий активларга инвестицияларни ҳисобга олиш масаласи тобора долзарб бўлиб бормоқда. Замонавий иқтисодиётда муҳим манба бу ахборот, яъни билим ва илмий ишланмалар бўлиб, ЯИМ уларни тўлиқ акс эттира олмайди. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасининг кўрсаткичи сифатида ЯИМ ҳам маълум чекловларга эга. У тўпланган бойликни тақсимлаш тузилишини акс эттирмайди, шунинг учун уни давлат фаровонлигининг ўлчови сифатида ишлатиш етарли имкониятга эга эмас. Масалан, АҚШ ялпи ички маҳсулоти 1980 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда икки баробар ошди, лекин ўша даврда уй хўжалиқларининг ўртача даромади атиги 16% га ўсди [1]. Бундан ташқари, ялпи ички маҳсулот иқтисодий ўсишнинг экологик ва ижтимоий омилларини тўлиқ ҳисобга ололмайди. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига ҳисса қўшадиган ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши атроф -муҳитга зарар етказиши ёки аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатадиган турли ижтимоий зарбалар билан бирга бўлиши мумкинлигини ҳам инобатга олиш керак. ЯИМ замонавий давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини етарли даражада ўлчаш имкониятига эга эмас, чунки у иқтисодий тизимга ва умуман жамиятга, иқтисодий бўлмаган омилларнинг таъсирини ҳисобга олиш омилларини инобатга ололмайди.

Юқоридаги таҳлилларимизга таянган ҳолда айтиш мумкинки, Америка Қўшма Штатлари ялпи ички маҳсулоти бўйича дунёда узоқ вақтдан буён

иккинчи мамлакат бўлиб келган, лекин инклюзивлик кўрсаткичларининг паст натижаларига кўра, инклюзив ривожланиш индекси бўйича ривожланган иқтисодиётлар орасида 23 -ўринни эгаллаган. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ параметрида ҳам худди шундай ҳолат. Шундай қилиб, агар биз иқтисодиёти ривожланган давлатнинг аҳоли жон бошига ЯИМ бўйича позициясини инклюзив ривожланиш индекси бўйича рейтингдаги ўрни билан таққосласак, бу икки кўрсаткич ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқлигини кўришимиз мумкин. Бу критерий ривожланган мамлакатлар учун ҳам амал қилади (1 -жадвал).

1-жадвал

Инклюзив ривожланиш индекси ва аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи бўйича ривожланган мамлакатларнинг рейтинг баҳоси

| Мамлакат | Рейтинг | | Мамлакат | Рейтинг | |
|---------------|------------|----------------------|---------------|------------|----------------------|
| | ИР индекси | Аҳоли жон бошига ЯИМ | | ИР индекси | Аҳоли жон бошига ЯИМ |
| Норвегия | 1 | 2 | Жанубий Корея | 16 | 24 |
| Исландия | 2 | 12 | Канада | 17 | 11 |
| Люксембург | 3 | 1 | Франция | 18 | 18 |
| Швейцария | 4 | 3 | Словения | 19 | 25 |
| Дания | 5 | 5 | Словакия | 20 | 29 |
| Швеция | 6 | 6 | Буюк Британия | 21 | 19 |
| Нидерландия | 7 | 10 | Эстония | 22 | 30 |
| Ирландия | 8 | 4 | АҚШ | 23 | 9 |
| Австралия | 9 | 7 | Япония | 24 | 14 |
| Австрия | 10 | 13 | Исроил | 25 | 22 |
| Финляндия | 11 | 15 | Испания | 26 | 23 |
| Германия | 12 | 16 | Италия | 27 | 21 |
| Янги Зеландия | 13 | 20 | Португалия | 28 | 27 |
| Бельгия | 14 | 17 | Греция | 29 | 26 |

Манба. World Economic Forum / The Inclusive Development Index 2018 Summary and Data ighlights
 URL: http://www3.weforum.org/docs/WEF_Forum_IncGrwth_2018.pdf

Хулоса.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инклюзив ривожланиш индекси, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг умумий қабул қилинган янги тизими сифатида, ахборот мазмуни бўйича

бошқалардан устун туради. Келажакда у жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини режалаштиришда ишлатиладиган асосий кўрсаткичлардан бирининг ўрнини эгаллаши мумкин. Жаҳон ҳамжамияти томонидан иқтисодий ривожланишни баҳолашнинг янги тизимини қабул қилиниши бир қатор давлатларнинг ички сиёсатини тўғрилашга ёрдам беради, бу эса халқаро иқтисодий интеграцияга, миллий ва халқаро статистика органларининг услубий базасини ривожлантиришга ёрдам беради. Бу инклюзив ўсиш концепциясини амалга ошириш, барқарор иқтисодий ривожланишга эришиш, шунингдек, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш учун янги имкониятлар очади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Beyond GDP - New Measures for a New Economy” (Demos, 2011) URL: https://www.demos.org/sites/default/files/publications/BeyondGDP_0.pdf
2. Inclusive growth: Building up a concept URL: <http://www.ipcundp.org/pub/IPCWorkingPaper104.pdf>
3. World Bank national accounts data, and OECD National Accounts data files. / Trade (% of GDP) URL: <https://data.worldbank.org/indicator/NE.TRD.GNFS.ZS>
4. World Economic Forum / The Inclusive Development Index 2018 Summary and Data ighlights URL: http://www3.weforum.org/docs/WEF_Forum_IncGrwth_2018.pdf
5. WTO trade forecasts: Press conference / 12 April 2018 URL: https://www.wto.org/english/news_e/spra_e/spra218_e.htm

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЙ ИМКОНияТЛАрдАН САМАРАЛИ ФойДАЛАНИШ

Ш.Б. Бурхонова,
ассистент, ТДИУ

Аннотация. Рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши ривожланиши ходимларнинг мобиллиги ошиши ва сифат жиҳатидан янги иш ўринларининг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги ривожланиши босқичи иш билан бандликнинг замонавий шаклларини, хусусан, масофавий иш билан бандликни ривожлантиришни талаб этмоқда.

Калит сўзлар: Рақамли иқтисодиёт, масофавий ўқитиш, масофавий таълимни таъминлаш қилиши усуллари, масофавий ўқитиш тизими/

Ҳозирда тараққий этган давлатлар қаторига қўшилишимиз учун аввало илғор замонавий ахборот-коммуникация, интернет ҳамда рақамли технологиялар соҳасидаги билимларни чуқур эгаллаш орқали юксалишнинг энг қисқа йўлидан боришимиз керак. Бунинг учун жамиятимизнинг барча қатламларида инновацион технологияларни қўллаш борасидаги саводхонликни узлуксиз равишда ошириб боришимиз зарур.

Рақамли иқтисодиёт атамаси икки хил турли тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилади. Биринчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ривожланишнинг замонавий босқичи ҳисобланиб, у ижодий меҳнат ва ахборот неъматларининг устувор ўрни билан тавсифланади. Иккинчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ўзига ҳос назария бўлиб, унинг ўрганиш объекти, ахборотлашган жамият ҳисобланади [2. 8]. Бошқача қилиб айтганча, рақамли иқтисодиёт бу онлайн хизматлар кўрсатиш, электрон тўловлар амалга ошириш, интернет савдо, краудфандинг ва бошқа турдаги соҳаларни рақамли компьютер технологияларини ривожланиши билан боғланган фаолиятдир.

Бунинг натижасида мамлакат ЯИМ таркибида ишлаб чиқаришдан кўра хизматлар соҳасининг жадал суръатлар билан ўсиши юзага келади. Бундан кўзланган асосий мақсад ҳам шундан иборатдир.

Ахборот технологияларини ривожланиши ва татбиқ қилиниши эвазига кундалик ҳаётимизда жуда кўплаб қулайликлар пайдо бўлмоқда. Рақамли технологиялар ривожланиши ортидан инсон, унга керакли хизматдан тезроқ фойдаланиши, интернет орқали ўзига керакли маҳсулотларни арзон сотиб олиш билан кўплаб пул маблағлари ва вақтини тежаши мумкин.

Албатта, ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши, замонавий технологияларнинг ҳаётимизга татбиқ этилиши ҳар бир инсон ҳаётида кўплаб ижобий имкониятлар бериши мумкин.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланишини бошқа афзалликлари қуйидагича

бўлиши мумкин: ишлаб чиқаришда меҳнат самадорлигини ошириши; тадбиркорлар рақобатбардошлигининг ўсиши; ишлаб чиқаришдаги ҳаражатларнинг камайиши; янги иш ўринлари яратилиши; янги замонавий касблар пайдо бўлиши; камбағалликни енгиш ва ижтимоий тенгсизликнинг йўқолиши.

Булар рақамли иқтисодиётнинг бор йўғи бир нечта афзалликлари ҳолос. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши бизнинг кундалик ҳаётимизга ижобий таъсир қилади, оддий фойдаланувчига кўплаб қўшимча имкониятлар беради ва қолаверса, бозорни ўсиши ва ривожланишини таъминлаб бериши мумкин.

Рақамли иқтисодиёт келтириб чиқариши мумкин бўлган хавфлар: Кибер хужум хавфи, шахсий маълумотлар ҳимояси билан боғлиқ муоммолар; «рақамли қулик» (миллионлаб инсонлар маълумотларидан кейинчалик уларни ўзларини тутишини бошқариш учун фойдаланиш); ишсизликни ошириши, ахборот технологияларининг ривожланиши ва унинг татбиқ қилиниши ортидан бир қанча соҳалар ва касблар йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Рақамли иқтисодиёт ривожланиши учун давлат ҳамма учун тенг шароит яратиб бериши, иложи борича бозор қоидалари, қонунлар, шартномалар шаффоф бўлиши, қонунлар бозор талабидан келиб чиққан ҳолда (яъни бозордаги ривожланиш тенденцияларини олдиндан аниқлай олиши ва керакли норматив ҳужжатларни қабул қилиши) ўйин иштирокчилари учун эркинлик бериши зарур.

“Мамлакатимизда илм-фанни янада раванқ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида, мен юртимизда 2020 йилга “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб ном берилди [1].

Мамлакатимизнинг таълим соҳасини ислоҳ қилиш бўйича асосий ҳужжатларидан бири бўлган Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрловчи таълим муассасаларида ўқув жараёнини ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ), интернет ва компьютер тармоқлари негизида ташкил этиш зарурлиги алоҳида таъкидланган. Мамлакатимиз таълим тизимида ушбу вазифалар ўз вақтида ҳамда самарали амалга оширилмоқда. Белгиланган мақсадга эришишда узвий ва изчил, ўзаро уйғунлашган тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, ўқув жараёнига кенг форматли коммуникация тармоқлари ва интернет технологияларини жорий қилиш мақсадида «Электрон таълим» миллий тармоғини барпо этиш ҳамда барча олий ўқув юрларини, кейинчалик эса академик лицей ва касб-хунар коллежларини ягона компьютер ахборот тармоғига улашни таъминлаш вазифаси... [3] белгилаб берилиб ҳозирги даврда мазкур тадбирлар комплекс тарзда муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Масофали таълим – бу, замонавий АКТ ёрдамида масофавий ўқитиш жараёни қўлланидиган, таълим даражасини (таълим цензини) тасдиқловчи, таълим олишнинг педагогик тизимидир [3]. Масофавий таълим – ахборот технологияла-

ридан фойдаланган ҳолда, масофадан туриб, ўқув ахборотларининг алмапгувини таъминлайдиган, ўқув жараёнини олиб бориш ҳамда бошқариш тизимини амалга оширадиган билим ва кўникмаларни эгаллаш жараёнидир.

Масофавий таълим АҚШда ўтган асрнинг 60-йилларнинг ўрталаридан, Европада эса 70-йилларнинг бошларида жадал ривожлана бошланди. Ўқитишнинг бу шакли таълим олувчилар ва ўқитувчиларнинг бир-бирлари ҳамда ўқитиш воситалари билан ўзаро таъсирининг мақсадга йўналтирилган интерфаол жараёнидан иборат бўлиб, бунда таълим жараёни уларнинг географик фазовий жойлашишига боғлиқ бўлмайди.

Масофавий ўқитиш – энг яхши анъанавий ва инновацион методлар, ўқитиш воситалари ва формаларини ўз ичига олган сиртқи ва кундузги таълим сингари ахборот ва телекоммуникация технологияларига асосланган таълим формасидир.

Масофавий ўқиш – бу янги ахборот технологиялари, телекоммуникация технологиялари ва техник воситаларига асосланган таълим тизимидир. У таълим олувчига маълум стандартлар ва таълим қонун-қоидалари асосида ўқув шартшароитлари ва ўқитувчи билан мулоқотни таъминлаб бериб, ўқувчидан кўпроқ мустақил равишда шуғулланишни талаб қилувчи тизимдир. Бунда ўқиш жараёни таълим олувчини қайси вақтда ва қайси жойда бўлишига боғлиқ эмас.

Масофавий таълим – масофадан туриб ўқув ахборотларини алмашувчи воситаларга асосланган, ўқитувчи махсус ахборот муҳит ёрдамида, аҳолининг барча қатламлари ва чет эллик таълим олувчиларга таълим хизматларини кўрсатувчи таълим мажмуидир.

Масофавий ўқитишнинг таълим тизимида бир-биридан фарқланувчи модел ва шакллари мавжуд бўлиб, улар қуйидаги қўлланиш шартлари билан фарқланади:

- географик жойлашуви (мамлакат ҳудуди жойлашуви, марказга яқинлиги);
- ҳудуднинг ахборотлашув ва техник даражаси (компьютерлаштириш);
- коммуникация воситаларининг ривожланиш даражаси (интернет тармогининг ишлаш даражаси);

- таълимда қўлланиладиган технологиялар савияси;

- масофавий ўқитиш тизими учун илмий педагог кадрлар мавжудлиги ва уларнинг салоҳияти ва бошқалар.

Умуман олганда масофавий таълимнинг мақсадига қуйидагилар киреди:

- Мамлакат миқёсидаги барча ҳудудлар ва чет элдаги барча ўқувчилар, талабалар, таълим олишни хоҳловчиларга бирдек таълим олиш имкониятини яратиб бериш.

- Етакчи университетлар, академиялар, институтлар, тайёрлов марказлари, кадрларни қайта тайёрлаш муассасалари, малака ошириш институтлари ва бошқа таълим муассасаларининг илмий ва таълим бериш потенциалларидан фойдаланиш эвазига таълим беришнинг сифат даражасини ошириш.

- Асосий таълим ва асосий иш фаолияти билан параллел равишда қўшимча

таълим олиш имкониятини яратиб бериш.

– Таълим олувчиларни таълим олишга бўлган эҳтиёжини қондириш ва таълим муҳитини кенгайтириш.

– Узлуксиз таълим имкониятларини яратиш.

– Таълим сифатини сақлаган ҳолда янги принципал таълим даражасини таъминлаш.

Юқоридагиларни хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, масофавий таълим элементларини таълим муассасаларига жорий этилиши ҳар томонлама фойда келтиради. Олий таълим тизимида бу комплексни жорий қилиш учун барча шартшароитлар мавжуд.

Ахборот коммуникация технологиялари таълим жараёнида (хусусан, масофавий таълим жараёнини) қўллаш асосан икки хил кўринишда амалга оширилади. Биринчи шarti бу техник жиҳозлар бўлса, иккинчиси шarti эса махсус дастурий таъминотлар билан таъминланганлигидир.

1. Техник жиҳозлар билан таъминланганлик: компьютерлар, тармоқ кўриламалари, юқори тезликдаги интернет тармоқлари, видео конференция жиҳозлари ва ҳаказо.

2. Дастурий таъминотга: Мавжуд қурилмаларни ишлагадиган дастурий таъминотлардан тортиб шу соҳа учун мўлжалланган дастурлар тўплами киради. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда таълим тизимини бошқаришда қўлланилиб келинаётган Интернет ёки Интернет тармоғи орқали электрон шаклдаги таълим турини Elearning (электрон таълим) атамаси билан кириб келди.

Мамлакатимизда 2020 йилнинг номланиши ва унинг амал қилишида пандемия шароитининг ҳам хиссаси мавжуд. Шу баҳона таълим тизимидаги масофавий таълимни амалга оширишнинг дастлабки синов босқичлари ўз-ўзидан амалга оширилмоқда. Бу эса аҳолининг потенциал қисми ҳам ўзининг бўш вақтларида нима биландир банд бўлиш учун ҳаракат қилиш имконияти бор эканлигини билиб олишди.

Адабиётлар рўйхати рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисининг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси (24.01.2020) // Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 25 декабрь.

2. С.С. Гулямов, Р.Х. Аюпов, О.М. Абдуллаев, Г.Р. Балтабаева. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, "Иқтисод-Молия" нашриёти, 2019.

3. Атабаева, К. Р. Таълим тизимида масофавий ўқитишнинг афзалликлари / К. Р. Атабаева. – Текст : непосредственный // Молодой ученый. - 2017. - № 24.1 (158.1). - С. 5-7. - URL: <https://moluch.ru/archive/158/44573/>.

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШ БОЗОРИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

М.А. Усмонов,
“Тармоқлар иқтисодиёти”
кафедраси мустақил изланувчиси, ТДИУ

Аннотация: Уй-жой қурилиш бозорида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил қилинган ва ушбу соҳани ривожлантириши билан боғлиқ стратегик йўналишлар асосланган.

Калит сўзлар: Уй жой қурилиш бозори, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хусусий мулк, шартнома, халқ фаровонлиги.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолияти иқтисодий тизимнинг ажралмас қисми бўлиб, унинг ижтимоий аҳамияти, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва шунинг асосида даромад манбаини шакллантириш каби функцияларни бажаради. Демакки, тадбиркорлик фаолияти бу жамиятнинг ўрта қатламининг ажралмас қисми бўлиб, жамиятнинг барқарорлиги гарови ҳисобланади, зеро, иқтисодий жиҳатдан таъминланган аҳоли барқарор ва кучли мамлакат асосидир.

Тадбиркорлик хўжалик фаолиятини юритишнинг бир тури сифатида иқтисодиёт таълимларида асрлар давомида кўплаб олимлар томонидан кенг қамровли тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Жаҳон амалиётида тадбиркорлик фаолиятининг турли хилдаги талқинлари мавжуд, масалан, французча талқинга кўра “entrepreneur” – “тадбиркор”ни билдиради, испан тилида “empresario” – “ишбилармон”ни билдиради, инглиз тилида янада кенгрок ёндашилган ва унинг қуйидаги талқинлари мавжуд, “entrepreneur”, “businessman”, “business”, “owner”, “employer”, “businessowner” булар тадбиркор, ишбилармон, мулкдор каби маъноларни билдиради. Инглиз иқтисодчиси Д.Рикардо тадбиркорни ўз маблағларини даромадли фаолиятга йўналтира оладиган инвестор ёки оддий капиталист сифатида таърифлаган¹⁶⁷ бўлса, яна бир инглиз иқтисодчиси А.Маршалл илк бора тадбиркорларни юқори малакали инсонлар сифатида кўриб улар ўзларини ҳавфга қўйган холда жамиятнинг эҳтиёжларини қондириш учун фаолият кўрсатишади, деб таъриф берган¹⁶⁸.

XX асрнинг бошларига келиб тадбиркорлик институтининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратила бошланди, бу эса, ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотлар кўлами кенгайишига асос бўлди.

Ижтимоий тадқиқотларда танилган олим А.Маслоу ўзининг “эҳтиёжлар иерархияси” деб номланган тадқиқотида инсоннинг энг асосий эҳтиёжи бу –

¹⁶⁷ Rikardo, D. (1995). Sochinenija/D.Rikardo.–Moscow. C.82.

¹⁶⁸ Marshall, A. (2007). Principy jekonomicheskoy nauki. Moskva: Direkmedia Publishing.

хавфсизликга бўлган эҳтиёжи деб белгилайди, яъни, унинг энг асосий талаби бу уй-жойга бўлган талабини қондиришга қаратилган фаолият деб ҳисоблайди. Ҳаттоки бугунги кунда ҳам, замонавий техника ва технологиялар ривожланган даврда, ахборот технологиялари ривожланган ва интернет асри деб таърифланган даврда инсон учун, физиологик талабларидан энг асосийларидан бири бу уй-жой билан таъминланганлиги ҳисобланади.

Бунда шубҳасиз С.О.Вороновичнинг фикрига қўшилиш мумкин, унинг эътироф этишига кўра, “уй жой билан таъминланганлик масаласи инсонларнинг хавфсизликга бўлган эҳтиёжлари билан бевосита корреляцияда бўлади”¹⁶⁹.

Маълумки, қурилиш соҳаси бу – иқтисодиётнинг йирик соҳаси бўлиб, иқтисодиётни бошқаришнинг умумий қонуниятлари ва тамойилларига асосланган ҳолда фаолияти ташкил этилган бўлади. Аммо шу билан бирга қурилиш моддий бойликларни яратиш соҳаси сингари саноатдан кескин фарқ қилади. Қурилишнинг маҳсулоти бу тўлиқ якунланган ва ўрнатилган тартибда топширилган иш фаолияти ёки хизмат кўрсатишга тайёрланган уй-жойлар, корхоналар, бинолар, ижтимоий объектлар ҳисобланади. Демакки, қурилишнинг маҳсулоти, маълум ҳудудга бириктирилган ва кўчмас бўлади. Моддий ишлаб чиқариш тармоғи сингари қурилиш бошқа соҳалардан ажралиб турадиган ўзига хос қатор хусусиятларга эга. Мазкур хусусиятлар унинг якуний маҳсулоти, меҳнат фаолиятининг ўзига хослиги, фойдаланиладиган техника ва технологиялар, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, бошқарув ва моддий техник таъминот каби жараёнлари билан ажралиб туради. Ўз навбатида, қурилишнинг саноатдан фарқли жиҳатларидан бири, қурилишнинг маҳсулоти бозорга номаълум харидорга етказилмайди, аксинча, қурилиш маҳсулоти аввалдан келишилган ва тасдиқланган лойиҳа асосида аниқ буюртмачининг буюртмаси асосида қурилган объект ҳисобланади.

А.М.Купчеков ва О.В.Лустианинг¹⁷⁰ тадқиқотларига кўра, қурилиш корхоналарини қуйидаги тузулмаларга бўлиш мумкин:

- тор ихтисосликдаги корхоналар, оммавий ёки кўпсерияли чекланган ассортиментда маҳсулотлар ишлаб чиқаришади, маҳсус ишларни бажаришади;
- кўптармоқли корхоналар – турли хилдаги ихтисосликларга мослаштирилган кенг қўламдаги ассортиментли маҳсулотлар ишлаб чиқаришади. Рақобатнинг тобора ривожланиши сабабли аксарият тор ихтисосликдаги корхоналар молиявий-иқтисодий жиҳатдан мустахкамлангандан сўнг маҳсулотлар ассортиментини кенгайтирадилар ва янги бозорларни ўзлаштиришади. Бу борада, қурилиш-муҳандислик корхоналари бир вақтда гишт ишлаб чиқариш, қурилиш-монтаж қурилмалари, транспорт хизматлари ва бошқа тижорат операцияларни амалга оширишлари мумкин;

¹⁶⁹ Воронович С.О. Социально-экономические особенности развития рынка жилой недвижимости в России // Вестник КГУ им.Н.А.Некрасова. №4. 2011. С.45.

¹⁷⁰ Купчеков А.М., Лустига О.В. проблемы субъектов малого и среднего предпринимательства в строительной сфере // Молодой ученый. №17. 2016. С.431.

– аралаш турдаги корхоналар бир маҳсулот ёки хом ашё ишлаб чиқараётган корхона кетма-кетликда ёки параллел равишда бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариши мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида қурилиш соҳасининг ролини таҳлил қилишда асосий муаммолардан бири бу эмпирик маълумотларнинг етишмаслиги бўлиб қолмоқда. Очiqc статистик маълумотлар тақдим қиладиган аксарият халқаро ташкилотлар (масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди) томонидан қурилиш соҳасининг ҳажми фақат қўшилган қиймат шаклида ҳисобланиб одатда иш ҳақи учун харажатлар, устама харажатлар ва даромадларни инобатга олади. Ваҳоланки, қурилиш соҳасининг ролини ўрганишда қурилишга сарфланган жами харажатларни инобатга олиш зарур¹⁷¹.

Ушбу муносабатда, турли мамлакатларда иқтисодий ривожланиш даражасидан қатъий назар ЯИМда қурилиш соҳасининг улушини аниқлашда Бон эгри чизигидан фойдаланилади (Bon curve)¹⁷². Мазкур қонуниятнинг асосий ғояси, мамлакат иқтисодий жиҳатдан ривожлангани сари ЯИМда қурилиш соҳасининг ҳиссаси ортиб боришидадир. 1977 йилда Бурнс ва Греблер (Burns va Grebler) мазкур боғлиқликни уй-жой қурилиш соҳасида мавжудлигини илмий асослаб беришган. Хусусан 39 та мамлакат иқтисодиётини ўрганишда муаллифлар қурилиш соҳасининг ЯИМдаги улушини аввал ўсиш тенденциясига сўнг пасайиш тенденциясига эга бўлади¹⁷³ деб баҳолашган. Уй-жой қурилиш бозорида тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг назарий асосларини тадқиқ қилиш асосида хулоса қилиш мумкинки, қурилиш – бу моддий ишлаб чиқаришнинг алоҳида соҳаси бўлиб, ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқаришга мослаштирилмаган янги, реконструкция қилинган объектларни ишга тушуриш, таъмирлаш ҳамда амалдаги объектларни техник қуроолантиришга мўлжалланган фаолиятдир. Қурилиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг муваффақиятли ривожланиш асосини унинг мобилиги, бозорда ва бизнес жараёнларда рўй берадиган ўзгаришларга тезкор муносабат билдиришга асосланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. ЎзР Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 29-декабрь 2020 йилдаги Мурожаатномаси.
3. Янги Ўзбекистон: Иқтисодий-иқтисодий ривожланиш одимлари. Ўқув қўлланма. –Тошкент, “Маънавият”. -2021. -Б.12-56.

¹⁷¹ Crosthwaite D. 2000. The global construction market: a cross-sectional analysis. *Construction Management and Economics*, 18, pp. 619–627.

¹⁷² Ruddock L., Lopes J. 2006. The construction sector and economic development: the «Bon curve». *Construction Management and Economics*, 24, pp. 717–723; (2) Lopes J., Balsa C., Nunes A. 2011. The Long Run Relationship between the Construction Sector and the National Economy in Cape Verde. *International Journal of Strategic Property Management*, Vol. 15(1), pp. 48-59.

¹⁷³ Burns, L.S., Grebler, L. 1977. *The Housing of Nations: Analysis and Policy in a Comparative Framework*.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ЎРНИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Г.Т. Исмолова,
“Тармоқлар иқтисодиёти”
кафедраси таянч докторанти, ТДИУ

Аннотация: Мақолада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва ривожланиш тенденциялари, жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари мисолида чуқур қайта ишлашни ривожлантириши имкониятлари ёритилган.

Таянч сўзлар: қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, озиқ-овқат таъминоти, озиқ-овқат хавфсизлиги, дастлабки ва чуқур қайта ишлаш, қўшилган қиймат занжири, қайта ишлаш саноати, илгор технологиялар, диверсификация.

Кириш

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш асосида озиқ-овқат таъминоти занжирини ривожлантириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш масалалари бутун дунёда бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланмоқда. Глобал озиқ-овқат таъминоти ва хавфсизлиги масалалари ҳар доим жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида бўлиб келган. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йил сентябрда бўлиб ўтган тарихий саммитида 2030 йилгача амалга оширилиши кўзда тутилган 17 та глобал мақсад ҳамда 169 та вазифалардан иборат “Барқарор ривожланиш мақсадлари”нинг иккинчи мақсади “Очликка барҳам бериш, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, овқатланиш рақсонини яхшилаш ва қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига кўмаклашиш”ни кўзда тутди.

БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига (FAO) кўра, “пандемия жаҳон миқёсида озиқ-овқат етказиб бериш занжирида узилишларни юзага келтириб, тизимда беқарорликни келтириб чиқарган ва оқибатда камбағал, қашшоқ аҳолига катта зарар етказган. Бу айниқса озиқ-овқат таъминотининг муқобил манбаларига эга бўлмаган мамлакатларга катта хавф солади” [1].

Тадқиқот методологияси

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш асосида озиқ-овқат хавфсизлиги ва таъминоти муаммоларини таҳлил этиш борасида тадқиқотлар олиб борган миллий ва хорижий олимларнинг илмий изланишлари натижалари мазкур тадқиқотнинг назарий-услубий базаси сифатида хизмат қилди. Мақолани тайёрлашда абстракт ва аналитик мушоҳада, қиёсий ва омили таҳлил, динамик қаторлар, иқтисодий-статистик ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқот доирасида олинган натижалар асосида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, дастлабки ва чуқур қайта ишлаш асосида озиқ-овқат таъминотида қўшилган қиймат занжирини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таҳлиллар ва натижалар муҳокамаси

Озиқ-овқат маҳсулотлари билан ички бозорни тўлдиришнинг асосий захираларидан бири қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноати қувватларини ошириш ва улардан самарали фойдаланиш ҳисобланади, аммо республикада қайта ишлаш саноати салоҳиятидан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Н.И.Саидахмедованинг таъкидлашича “озиқ-овқат саноатида энг муҳим муаммолардан бири қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш даражасининг ҳамон паст эканлиги ҳисобланади” [2]. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 4 июлда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат товарлари сифатини ошириш масалаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида таъкидлаганидек: “Мамлакатда йилига 20 миллион тонна мева-сабзавот етиштирилади. Лекин уларни саноат усулида қайта ишлаш даражаси атиги 15 фоиз бўлиб, шундан 7-8 фоизи экспорт қилинмоқда. Инфратузилма етарли эмаслиги туфайли йиғиштириш ва сақлаш жараёнида 30 фоиз маҳсулотлар йўқотилмоқда.

Бу соҳадаги имкониятлардан оқилона фойдаланиб, маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш кенгайтирилса, озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш ва экспорт ҳажмини ошириш мумкин” [3].

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган озиқ-овқат саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Бу тармоқ аҳолига асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш билан бирга, юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга имкон беради. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг чуқур қайта ишланиши республикамиз учун ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга.

Республикада озиқ-овқат саноати ривожланишининг макроиқтисодий кўрсаткичларини таҳлил этиш бу тармоқнинг мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутишини кўрсатади (1-жадвал).

Келтирил 1-жадвал маълумотларидан маълумки, 2016-2020 йиллар оралиғида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қиймати амалдаги нархларда 22 400,5 млрд. сўмдан 42 388,32 млрд. сўмга ўсган. Озиқ-овқат саноатининг жами ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 24,9 дан 13,9 фоизга тушган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмининг 2016-2020 йиллар оралиғидаги ўртача йиллик ўсиш суръати 5,2 фоизни ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, озиқ-

овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмида 2017-2018 йилларда ўтган йилларга нисбатан 1,5-4,4 фоиз пасайиш кузатишган бўлсада, 2020 йилда йиллик ўсиш суръати 2019 йилга нисбатан 8,7 фоизни ташкил этган.

1-жадвал

Озиқ-овқат саноати ривожланишининг асосий макroiqtisodий кўрсаткичлари
(жорий нархларда)

| Кўрсаткичлар | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
|---|---------|----------|----------|----------|----------|
| Ишлаб чиқарадиган саноат маҳсулоти ҳажми, млрд. сўм | 89793,3 | 117736,0 | 189642,6 | 254860,9 | 304714,3 |
| Шундан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, млрд. сўм | 22400,5 | 23217,7 | 25256,0 | 35337,3 | 42388,2 |
| Озиқ-овқат саноатининг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши, %да | 24,9 | 19,7 | 13,3 | 13,9 | 13,9 |
| Озиқ-овқат саноати маҳсулоти ҳажмининг ўтган йилга нисбатан йиллик ўсиш суръатлари, %да | 112,3 | 95,6 | 98,5 | 110,9 | 108,7 |
| Озиқ-овқат маҳсулотларининг жами истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдаги улуши, %да | 45,5 | 39,0 | 28,8 | 31,3 | 33,6 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.
<https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/industry-2>

Озиқ-овқат маҳсулотларининг жами истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2016-2020 йиллар давомида 45,5 дан 33,6 фоизга камайган.

Ўзбекистон Республикасида уй хўжаликлари аъзолари томонидан аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотларини ўртача йиллик истеъмол қилиш миқдори 2-жадвалда келтирилган.

Келтирилган 2-жадвал маълумотларидан маълумки, 2016-2020 йилларда республикамизда уй хўжаликлари аъзолари томонидан аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотларини ўртача йиллик истеъмол қилиш миқдори аксарият маҳсулот турлари бўйича барқарор бўлган. Жумладан, нон ва нон маҳсулотлари, картошка, сабзавот ва полиз, мева ва резаворлар, балиқ ва балиқ маҳсулотлари, ўсимлик ёғи ва шакар истеъмол қилиш ҳажмлари барқарор ўзгармасдан сақланиб қолган. Аммо гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш ҳажми 2,7 фоизга қисқарган. Бу ҳолат чорва моллари учун озуқа таъминоти ҳамда қўшни Қозоғистон Республикасидан чорва моллари импорт қилиш ҳажми қисқариши билан изоҳланади.

Республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини саноат усулида қайта ишлаш кўрсаткичлари паст даражада қолмоқда (3-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида уй хўжаликлари аъзолари томонидан аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотларини ўртача йиллик истеъмол қилиш миқдори*,
(уй хўжалиklarини танланма кузатиши маълумотлари асосида) кг

| Кўрсаткичлар | 2016 йил | 2017 йил | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил | 2020 й. 2016 й.га нисб., %да |
|---|----------|----------|----------|----------|----------|------------------------------|
| Нон ва нон маҳсулотлари | 177,6 | 177,6 | 177,6 | 177,6 | 177,6 | 100,0 |
| Картошка | 56,4 | 55,2 | 56,4 | 56,4 | 56,4 | 100,0 |
| Сабзавот ва полиз | 277,2 | 277,2 | 278,4 | 278,4 | 278,4 | 100,4 |
| Мева ва ризаворлар | 148,8 | 145,2 | 150,0 | 148,8 | 148,8 | 100,0 |
| Гўшт ва гўшт маҳсулотлари | 44,4 | 43,2 | 43,2 | 43,2 | 43,2 | 97,3 |
| Балиқ ва балиқ маҳсулотлари | 6,0 | 4,8 | 4,8 | 6,0 | 6,0 | 100,0 |
| Сут ва сут маҳсулотлари | 279,6 | 270,0 | 272,4 | 272,4 | 273,6 | 97,8 |
| Ўсимлик ёғи | 24,0 | 24,0 | 24,0 | 24,0 | 24,0 | 100,0 |
| Тухум, дона | 214 | 215 | 217 | 216 | 218 | 101,9 |
| Шакар, қандолат маҳсулотларини қўшиб | 32,4 | 31,2 | 32,4 | 33,6 | 32,4 | 100,0 |

*) уйдан ташиқаридаги истеъмолни қўшиммаган ҳолда

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти асосида тузилган.

3-жадвал

2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини саноат усулида қайта ишлаш кўрсаткичлари, минг тонна

| Маҳсулот турлари | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. | 2020 й. 2016 й.га нис., %да |
|----------------------------|---------|---------|---------|---------|---------|-----------------------------|
| Сабзавотлар | 4,1 | 4,3 | 6,7 | 6,2 | 6,1 | +2,0 ф.п. |
| Мева ва резаворлар | 19,1 | 20,0 | 19,0 | 17,6 | 19,0 | -0,1 ф.п. |
| Ўзум | 9,2 | 8,3 | 12,2 | 6,1 | 9,2 | 100,0 |
| Гўшт (тирик вазнда) | 5,0 | 5,3 | 5,3 | 5,5 | 5,8 | +0,8 ф.п. |
| Сут | 14,5 | 13,9 | 13,7 | 14,1 | 15,3 | +0,8 ф.п. |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти асосида тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2016-2020 йилларда жами ишлаб чиқаришга нисбатан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноат усулида қайта ишлаш даражаси сабзавотлар бўйича 4,1 дан 6,1 фоизга (ўсиш +2,0 ф.п.), гўшт бўйича 5,0 дан 5,8 фоизга (ўсиш +0,8 ф.п.)

ва сут бўйича 14,5 дан 15,3 фоизга (ўсиш +0,8 ф.п.) ўсгани ҳолда, узум бўйича ўзгаришсиз қолган (жамига нисб. 9,0 %) ва мева ва резаворлар бўйича эса 19,1 дан 19,0 фоизга тушган (камайиш -0,1 ф.п.).

Таdqиқотлар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини барқарор ривожлантиришга бир қатор омиллар салбий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Биринчидан, республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саноат усулида қайта ишлаш даражаси жуда паст бўлиб (2020 йил мева-сабзавотларда 6,1 %, узумда 9,2 %, гўшзда 5,8 %, сутда 15,3 %), бунга бир қанча омиллар таъсир кўрсатади. Жумладан, мазкур омиллардан бирини республикада қайта ишлаш корхоналари сонини етарли даражада эмаслигидир. Бундан ташқари мавжудларининг тўла қувватлар билан ишласлигидир (масалан, узумни қайта ишлаш қувватларидан фойдаланиш даражаси 2017 йилда 45,0 %) [4]. Юқорида келтирилган маълумотлар асосида шундай хулоса чиқариш мумкинки, республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноат усулида қайта ишлаш даражаси ҳамда бу борда мавжуд қувватлардан фойдаланиш ҳолати талаб даражасида эмас. Зеро, қайта ишлаш даражаси паст бўла туриб, озиқ-овқат саноатини барқарор ривожлантириш асосида озиқ-овқат хавфсизлигини мустақамлаш ва кўшилган қиймат занжирини ривожлантириш имкониятлари чекланиб қолади.

Республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даражасининг паст эканлигининг энг асосий сабабларидан яна бири қайта ишлаш саноати корхоналарини йил давомида хом-ашё билан узлуксиз таъминлаб туриш имкониятининг пастлиги (маҳаллий хом-ашё базасини етишмаслиги) ҳамда сақлаш омборхоналарининг етарли даражада эмаслигидир.

Тақдиллар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноат усулида чуқур қайта ишлаш даражасининг паст даражада қолаётганига бу соҳага ихтисослашган корхоналардаги асбоб-ускуналар ҳамда технологияларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан эскириб қолганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда (4-жадвал).

Маълумотларга кўра 2016-2020 йилларда озиқ-овқат саноатида асосий фаолиятга тааллуқли асосий воситаларнинг эскириш даражаси 41,2 дан 34,4 фоизга (-6,9 ф.п.) пасайгани ҳолда, уларнинг янгилианиш коэффициенти 18,4 дан 24,4 фоизга ошган (+6,0 ф.п.), чиқиб кетиш коэффициенти эса 5,3 дан 7,5 фоизга ошган (+2,2 ф.п.) ташкил этган кўриш мумкин.

Гарчи 2016-2020 йилларда озиқ-овқат саноатида асосий фаолиятга тааллуқли асосий воситаларнинг эскириш даражаси қисқариб борган бўлсада, 4-жадвал кўрсаткичлари ишлаб чиқаришга тааллуқли воситаларининг ҳамон учдан бири эскириб, унумдорлиги тушиб кетганини, асосий воситалар ҳозирги технологиялар ва модернизация даврида секин янгиланаётганини кўрсатади. Ваҳоланки, фан-техника юксак тараққиёт фазасига кирган ва инновацион технологиялар муҳим аҳамият касб этаётган ҳозирги даврда бу кўрсаткичлар

оziq-ovqat sanoatini жадал суръатлар билан ривожлантиришга тўсқинлик қилиши мумкин. Натижада оziq-ovqat sanoati корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифат кўрсаткичлари ва қадоқланиши, товар кўриниши бўйича ички ва жаҳон бозорларида рақобатбардош бўлиши мушкул.

4-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси қайта ишлаш саноатида
асосий фаолиятга тааллуқли асосий воситаларнинг ҳаракати динамикаси**

| Кўрсаткичлар | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. | 2020 й. 2016 й.га нисб., ф. п. |
|---|---------|---------|---------|---------|---------|--------------------------------------|
| Асосий фаолиятга тааллуқли асосий воситаларнинг эски-риши даражаси, %да | 41,2 | 41,6 | 39,0 | 36,6 | 34,3 | - 6,9 ф.п. |
| Асосий фаолиятга тааллуқли асосий воситаларнинг янги-ланиш даражаси, %да | 18,4 | 20,6 | 26,7 | 24,8 | 24,4 | + 6,0 ф.п. |
| Асосий фаолиятга тааллуқли асосий воситаларнинг чиқиб кетиш даражаси, %да | 5,3 | 7,3 | 7,0 | 4,1 | 7,5 | + 2,2 ф.п. |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти асосида тузилган.

Оziq-ovqat sanoati корхоналарида унумдорлиги юқори, энергия сизими паст ва ресурс тежамкор замонавий рақамли технологиялар, яъни ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган рақобатбардош ишлаб чиқариш қувватлари етишмайди. Ҳозирда фаолият кўрсатаётган кўпчилик оziq-ovqat sanoati корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватлари кам самарали бўлиб, материал сизими юқорилиги оқибатида замонавий маҳсулотларни кам харажат эвазига ишлаб чиқариш имконини бермаяпти.

Тармоқ корхоналари фойдаси ва рентабеллиги уларнинг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятига кучли таъсир кўрсатади. Кейинги йилларда оziq-ovqat маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатида зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони ошиб бормоқда. Хусусан, 2016-2019 йилларда тармоқдаги зарар кўрган корхоналар сони 1316 дан 3918 бирликка, кўрилган зарар қиймати эса 70,82 дан 541,64 млрд. сўмга ёки 764,8 фоизга ошган (5-жадвал).

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноати корхоналарининг молиявий барқарорлиги уларнинг тўловга қобилигига кучли таъсир кўрсатади. Кейинги йилларда тармоқда корхоналарининг дебиторлик

ва кредиторлик қарздорлиги сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Жумладан, 2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш иқтисодий фаолият турлари бўйича корхоналарнинг дебиторлик қарздорлиги 471,6 дан 2310,1 млрд. сўмга ёки 389,8 фоизга, кредиторлик қарздорлиги эса 900,1 дан 3137,4 млрд. сўмга ёки 248,6 фоизга ошган (6-жадвал).

5-жадвал

Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхоналар

| Йиллар | Зарар кўрган корхоналар | |
|----------------|---------------------------|-------------------------|
| | корхоналар сони, бирликда | зарар миқдори, млн. сўм |
| 2016 й. | 1316 | 70,82 |
| 2017 й. | 2039 | 199,5 |
| 2018 й. | 2259 | 243,84 |
| 2019 й. | 3198 | 541,64 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти асосида тузилган

6-жадвал

Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш иқтисодий фаолият турлари бўйича корхоналарнинг дебитор ва кредитор қарзлари динамикаси

йил охирига, млрд. сўмда

| Кўрсаткичлар | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. | 2020 й. 2016 й.га нисб., %да |
|--------------------------|---------|---------|---------|---------|---------|------------------------------|
| Дебиторлик қарзи | 471,6 | 783,2 | 869,9 | 1856,9 | 2310,1 | 489,8 |
| Кредиторлик қарзи | 900,1 | 1103,4 | 1958,5 | 2298,9 | 3137,4 | 348,6 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти асосида тузилган

Табииyki дебитор ва кредитор қарздорликнинг бу даражада ошиб бориши тармоқ корхоналарининг айланма маблағларга бўлган талабини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмда қондиришга жиддий таъсир кўрсатиб, нотўловлар туфайли ишлаб чиқариш ҳажмини қисқаришига сабаб бўлиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулоса ва тавсияларни илгари суриш мумкин:

1. Илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси шундан дарак берадики, иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш қўп жиҳатдан замонавий техника ва технологиялар билан қуролланишга боғлиқ бўлиб бормоқда. Демак, тармоқни барқарор суръатлар билан ривожлантириш учун уни техник жиҳатдан модернизациялашга жиддий эътибор қаратиш лозим бўлади.

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш қўламини кенгайтириш ва ривожлантириш, қишлоқ жойларда бу соҳада замонавий мини-технологиялар билан қуроллантирилган корхоналар тармоғини кенгайтириш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ассортименти ва сифатини янада яхшилаш бўйича ҳар 5 йилда махсус давлат дастурларини қабул қилиш ва амалга ошириб бориш мақсадга мувофиқ.

3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга ихтисослашган совутиш камералари, уларни саралаш ва қадоқлаш пунктлари ва ташиш билан шугулланувчи махсус логистика-транспорт тармоғини кенгайтириш.

4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва бир вақтнинг ўзида қайта ишлаш билан шугулланувчи ишлаб чиқариш мажмуалари, холдинглар ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолиятини кенгайтириш, уларни зарурий ер участкалари ва бошқа ресурслар билан таъминлаш, бу тузилмаларда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг замонавий усуллари ва интенсив технологияларни қўллаш.

Бу тадбирларни амалга оширилиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даражасининг ошишига, яратилаётган маҳсулот таркибида қўшилган қиймат салмоғининг ортишига, тармоқнинг барқарор суръатлар билан ривожланиши ва экспорт салоҳиятини юксалишига замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. www.fao.org/3/ca8388en/CA8388EN.pdf.
2. Н.И.Саудахмедова. Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш тенденциялари ва муаммолари // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 2, апрель, 2019 йил. – 7 б.
3. <https://president.uz/uz/lists/view/2697>.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегияси концепцияси. <https://uzbekistan2035.uz/uz/uzbekistan-2035>. -113 б.

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТДА ҚАТНАШИШ ШАКЛЛАРИ

Н.Б Салимов,
*Тармоқлар иқтисодийёти кафедраси
магистранти, ТДИУ*

Миллий ва ҳудудий иқтисодийётнинг ривожланишида кичик ва ўрта бизнесни (КЎБ) инновацион ривожланишида кичик инновацион корхоналар муҳим ўрин тутлади. Улар янги илмий-техник инновацияларни ишлаб чиқиш, янги инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш билан ажралиб туради. Инновацион корхоналар йирик саноат корхоналари билан илмий-тадқиқот институтларини бир-бири билан боғловчи бўгин ҳисобланади.

КУБ корхоналарининг заиф томони уларнинг молиявий имкониятлари йирик бизнесга нисбатан чекланганлиги. Янгиликни ишлаб чиқиш, амалиётга жорий қилиш ва натижани тижоратлаштириш босқичларини молиявий таъминлаш катта маблағ талаб қилади. Шу сабабли КУБ кўп ҳолларда илмий тадқиқот институтлари, университетлар, бизнес инкубаторлар, технопарклар ва бошқа илмий-техник марказлар билан ҳамкорликда ишлашга ҳаракат қилади.

Корхоналарнинг инновацион имкониятлари қуйидагилар билан тавсифланади:

- корхонанинг ривожланганлик даражаси, рағбатлантиришнинг мавжудлиги, креативлик, инновацион маданият;
- бошқарув тизими сифати: ишлаб чиқаришни ташкил этиш, персонални бошқариш, бошқа корхоналар, илмий-тадқиқот институтлари, университетлар билан алоқа ўрнатиш;
- корхонанинг молиявий ҳолати ва имконият (инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбаларини баҳолаш);
- истеъмолчилар билан алоқа ўрнатиш;
- инновацион жараённинг барча босқичларини бир киши томонидан бошқариш инновацион жараённинг тезлашувига олиб келиши;
- ишлаб чиқаришнинг капитал сизими паст бўлиши.

КУБнинг инновацион фаолиятини амалга оширишда бизнес-инкубаторлар муҳим ўрин тутлади. Бизнес-инкубаторлар ихтисослашган инфратузилма шаклларида бири бўлиб, бизнес маркази, фондлар, ўқув маркази ва бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан биргаликда КУБни қўллаб-қувватлаши мумкин. Бизнес-инкубаторнинг асосий вазифаси КУБни муваффақиятли ривожлантириш орқали уни мустақил фаолият олиб боришини таъминлаш, инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

Бизнес-инкубаторларни шакллантиришда қўйиладиган мақсадлар ҳар хил бўлиши мумкин:

- КУБ инновацион фаолиятини фаоллаштириш;
- КУБ барқарорлиги, рақобатдошлигини ошириш;
- КУБ субъектлар сонини ошириш;
- КУБ самарали ривожланиш тажрибасини оммалаштириш;
- янги иш ўринлари ва янги ишлаб чиқаришларни яратиш;
- ўз фаолиятини бошлайдиган КУБга технологик ва иқтисодий-ҳуқуқий ёрдам бериш;
- бино ажратиш, бошқарувни ташкил этишга ёрдам кўрсатиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни йўлга қўйишга қўмаклашиш;
- бизнес-режани ишлаб чиқишга ёрдам;
- маркетинг изланишларга ёрдам кўрсатиш;
- лойиҳаларнинг инвестицион жозибadorлигини асослаш ва ҳоказо.

КУБни инновацион ривожлантиришда кластерлар муҳим ўрин тутаяди. Кластерлар тармоқлар иқтисодиётининг самарали ривожланишини таъминлайди, юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўяди, инновацион фаолиятни оширишга олиб келади, ресурс тежамкор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилишга, корхоналар ўртасида кооперация ва ихтисослашувнинг кучайишига замин яратаяди. Кластерлар кластер субъектларига синергетик самара олишини таъминлайди.

Инновацион кластерни бир нечта саноат корхоналари, илмий-тадқиқот институтлари ва марказлари, КУБ вакиллари, давлат ҳокимияти органлари ва ўқув муассасаларининг ноформал бирлашуви деб қараш мумкин. Инновацион кластерлар илмий янгиликлар, янги билимлар ва ихтиролар трансферини тезлаштиради ва булар кейинчалик инновацияга айланади.

Ўзбекистон шароитида кичик саноат зоналари (КЗС)ни ташкил этишда кластердан фойдаланиш КУБни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. КЗС таркибидаги инновацион марказнинг ташкил этилиши КЗСни илмий-тадқиқот институтлари, университетлар ва бошқа инновацион корхоналар билан ҳамкорликда инновацион жараёнларни амалга оширишни, янги технология ва ускуналардан фойдаланиш, имитацион инновация ва янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда муҳим ўрин тутаяди.

Республикамизда саноат соҳасида КУБни самарали ривожлантириш йўналишларидан бири кичик саноат зоналари (КСЗ) ҳисобланади. КСЗ давлат мулки объектларининг фойдаланилмаётган майдонлари, зарар қўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарнинг ишлатилмаётган худудлари негизида ва қишлоқ хўжалигига яроқсиз бўлган ерларда яратилмоқда. КСЗлар давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни реал қўллаб-қувватлаш ва уларни ривожлантиришни янги юқори босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

КСЗларини кластер асосида ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Хом ашёдан тортиб то тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишгача бўлган

жараёнларни амалга оширадиган корхоналарни компакт бир ҳудудда яни КСЗда жойлашиши харажатларни камайишига, инновацион жараёнларни ривожлантиришга замин яратади ва синергетик самара олишга имкон яратади. Илмий адабиётларда кластерни шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларига жуда кўп ёндашувлар мавжуд. М.Портернинг фикрича, кластернинг вужудга келиши кўп ҳолларда хомашё ресурсларини олиш имконияти бўлган жойлар билан боғлиқ бўлади, муҳим технологик инновациялардан фойдаланувчи фирма ва тадбиркорларнинг маълум бир жойда тўпланиши сабаб бўлиши мумкин. Пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар кластернинг ядроси ҳисобланади. Шу ядро атрофида кейинчалик махсус таъминотчилар, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар барпо этилади. Кейинчалик кластерни ривожлантириш маркази, таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари билан узаро ҳамкорлик, кластерга хизмат кўрсатувчи бошқа корхоналар пайдо бўлди. Кластерни шакллантириш бўйича халқаро тажрибага кўра, бошида бир ёки бир неча йирик корхонадан иборат саноат зонаси ташкил этилади. Бу эса маълум даражада инфратузилма элементлари ва бошқа ёрдамчи ишлаб чиқаришлар барпо этилишига сабаб бўлади.

Кластернинг устун томонлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- трансакцион харажатларни камайитиришга олиб келади (ресурсларни бирлаштириш натижасида);
- синергия самараси вужудга келади;
- инновацияларни ривожлантириш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш тезлашади.

КСЗларда кластерни ташкил этиш қуйидаги шартларнинг бажарилишини талаб этади:

- кооперацион алоқага эга ва интенсив ривожланишдан манфаатдор КЎБ корхоналарининг мавжудлиги.
- тор ихтисослашувга эга ва аутсорсинг бўйича айрим ишларни қабул қилиш имкониятига эга кичик бизнес мавжудлиги.
- ҳудудда илмий база ва маълум малакага эга ишчи кучини ва бошқа ишлаб чиқариш ресурслари мавжудлиги.
- инновацион ишлаб чиқариш инфратузулма: бизнес-инкубатор, кластерни ривожлантириш маркази.
- маҳаллий ҳокимият органида КСЗни стратегик ривожлантириш режаси мавжудлиги.

Шуни айтиш керакки, барча давлатлар учун кластерни барпо этишнинг ягона унификациялашган механизми мавжуд эмас. Демак, ҳар бир ҳудуд учун кластерни барпо этиш бўйича асосланган дастур ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистон шароитида КСЗларда кластерни ташкил этиш босқичларини

келтирамыз:

1. Давлатнинг КСЗни стратегик ривожлантириш режасини ишлаб чиқиш, яъни ишлаб чиқариладиган яқуний маҳсулот турини аниқлаш (кластер ядросини аниқлаш).

2. Яқуний маҳсулот ишлаб чиқарувчи асосий корхоналарни ва оралик маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни аниқлаш, асосий корхоналар сифатида ўрта бизнес субектлари бўлиши мумкин..

3. Аутсорсинг бўйича ишларни қабул қиладиган кичик бизнес таркиби ва ишлар турини аниқлаш.

4. Худудда ташкил этиладиган инфратузулма объектларини аниқлаш.

5. Кластерни ривожлантириш марказини тузиш (инновацион марказ тузиш ва илмий тадқиқот институтлари ва университет билан алоқа ўрнатиш).

Кластернинг шаклланиши учун давлат томонидан керакли шарт-шароитлар яратилиши муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон шароитида текстил соҳасида, чарм-пойафзал, мева-сабзавот соҳаларида, маиший ускуналар (сув ва газ ўлчагич приборлар) ва автомобиллар учун ҳар-хил қисмлар ишлаб чиқариш бўйича КСЗ ларини барпо этиш истиқболли йўналишлардан ҳисобланади. Импорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этишда ҳам КСЗлари муҳим ўрин тутуди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Янги Ўзбекистон демократик ўзгартишлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. ЎЗР Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 29-декабрь 2020 йилдаги Мурожаатномаси.

3. Янги Ўзбекистон: Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш одимлари. Ўқув қўлланма. –Тошкент, “Маънавият”. -2021. -Б.12-56.

4. Беркинов Б.Б., Эргаишходжаева Ш.Дж. Трансакция харажатларини бошқарушининг илмий-услубий асослари. –Т.: “FAN VA TECHNOLOGIYA”, 2017. -236 б.

5. Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. Учебник. – Т.: “Иқтисодиёт ва молия”. 2008. -340 с.

ENSURING MACROECONOMIC STABILITY, REDUCING POVERTY, CREATING NEW JOBS AND STIMULATING EMPLOYMENT

Y. Najmiddinov,
master, TSUE

Annotation. *This article discusses issues related to ensuring macroeconomic stability in the Republic of Uzbekistan, reducing poverty, creating new jobs and stimulating employment.*

Basic phrases: *Macroeconomics, macroeconomic stability, poverty, poverty reduction, employment, pandemic, targeting, inflation targeting, incentives.*

Macroeconomic stability is a guarantee of sustainable economic growth and welfare of the population. At the new stage of reforms based on the principles of liberalization of the economy and the widespread introduction of market mechanisms, reducing the role of the state in the economy and increasing the effectiveness of the private sector requires the development of a clear, transparent and results-oriented mechanism of economic management.¹⁷⁴

It is well known that the Covid-19 pandemic, which in recent years has had a significant impact on the economic growth of many countries, has not bypassed our country. Countries around the world are facing an economic crisis due to the Covid-19 pandemic. According to the International Monetary Fund, the world economy slowed to 3.0 percent in 2020, marking the worst economic downturn since the global depression¹⁷⁵.

President Sh.M.Mirziyoyev outlined a number of priorities for ensuring macroeconomic stability, employment and poverty reduction in 2020 and beyond. Including:

- The main task is to curb inflation in 2020 and beyond,
- Development of inflation targeting system to curb inflation and achieve macroeconomic stability,
- Employment of the unemployed, the formation of healthy competition among enterprises,
- It is necessary to study the international experience and create a competitive environment for the private sector in the areas of monopolies where competition can be introduced.
- Increasing the level of free economic zones and the tendency to diversify in order to attract investors, etc.

¹⁷⁴ Presidential Decree "On measures to radically modernize the state policy on economic development and poverty reduction." Tashkent, March 26, 2020, PF-5975-son

¹⁷⁵ Stat.uz

Inflation targeting is carried out in two ways, in some countries only the Central Bank is responsible for inflation targeting, while in many developing countries inflation targeting is carried out by the Central Bank together with the government. In our country, inflation targeting is carried out by the Central Bank together with the government. This is confirmed by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev dated November 18, 2019 “On improving monetary policy through the gradual transition to inflation targeting” PF-5877 to the Ministry of Finance, the Ministry of Energy, Together with the Antimonopoly Committee, the Ministry of Economy and Industry and other relevant ministries and departments, the regulated prices (tariffs) for 2020-2021,

In recent years, as a result of comprehensive reforms in the country, the demand for labor in the economy and social spheres, especially in industry, agriculture, capital construction, transport and communications, services, non-governmental education and health care is growing.

In the Action Strategy for the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021, adopted on the initiative of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoev¹⁷⁶Consistent increase of employment and real incomes of the population, for which it is important to: “... create new jobs and ensure the employment of the population, especially graduates of secondary special and higher education institutions, the balance of the labor market and infrastructure development” In order to achieve these goals, it is necessary to address such issues as “... creating conditions for the full implementation of labor and entrepreneurial activity of the able-bodied population, improving the quality of the workforce, expanding the system of vocational training, retraining and advanced training of people in need.” provided.¹⁷⁷ “In order to increase employment, increase real incomes and purchasing power, further reduce the number of low-income families and income inequality, create new jobs, ensure labor market balance and infrastructure development, reduce unemployment.”

As a result of large-scale reforms in the country in recent years, the demand for labor in the economy and social spheres, especially in industry, agriculture, capital construction, transport and communications, services, non-governmental education and health care, is steadily increasing.

At the same time, an in-depth analysis of the development path of our country, the sharp changes in the world market today and the growing competition in the context of globalization require the development and implementation of completely new approaches and principles for more stable and dynamic development of our country.

¹⁷⁶ Year of Action Strategy for further development of the Republic of Uzbekistan PF-4947 Tashkent-2017

¹⁷⁷ Year of Action Strategy for further development of the Republic of Uzbekistan PF-4947 Tashkent-2017



Extensive work is being done to improve the business and investment climate for businesses, reduce the tax burden on businesses, develop family businesses and private plots.

The state order for job creation is formed on the basis of data prepared by government agencies and other organizations on the number of jobs required for the implementation of projects included in the investment program of the Republic of Uzbekistan, programs for integrated regional development and sectoral programs for modernization.

The following indicators of the need for job creation in this area have been created:

- launch of new production facilities or expansion of existing ones;
- commissioning of new facilities in the field of services, construction of new housing, industrial, social and market infrastructure;
- expansion of agricultural production;
- growth of entrepreneurial activity of the population and creation of new business entities;
- calculation on the basis of determining the number of jobs required in connection with the implementation of investment projects for the development of privatized organizations.¹⁷⁸

During the pandemic period, especially in the current period of unstable economic situation, the President of the Republic of Uzbekistan signed a document on April 28, 2021 "On the state program to create new jobs and promote employment in 2021."¹⁷⁹ It is planned to sign a resolution and create more than 457,000 new permanent jobs for thousands of unemployed people, guaranteed and protected for a long time.

The socio-economic significance of this decision is that it provides comprehensive assistance in increasing employment and incomes, the introduction of new mechanisms to provide employment for the unemployed, especially youth and women, graduates entering the labor market for the first time, attracting the needy. the adoption of conditions aimed at creating conditions, as well as further stimulating the activities of business entities that have created new jobs, opens the door to more opportunities for young people.

The Ministry of Employment and Labor Relations of the Republic of Uzbekistan, the Ministry of Economic Development and Poverty Reduction, the Ministry of Investment and Foreign Trade, the Ministry of Finance, the State Tax Committee, the Council of Ministers of the Republic of Karakalpakstan, regions and the city of Tashkent. The state program for the creation of new jobs and employment in 2021, developed jointly with the khokimiyats, was approved:

¹⁷⁸ Law of the Republic of Uzbekistan «On Employment» dated October 20, 2020, No. ZRU-642.

¹⁷⁹ Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 28, 2021 PQ-5094 «On the state program to create new jobs and promote employment in 2021.»

First, the forecast indicators for the creation of 457,127 permanent new jobs in 2021, including¹⁸⁰:

- aggregate forecast indicators for the creation of permanent new jobs;
- forecast indicators of jobs created through the implementation of sectoral investment projects and the development of social infrastructure;
- forecast indicators of jobs created through the implementation of regional investment projects and the creation of new small enterprises, micro-firms;
- forecast indicators of jobs created through the development of individual entrepreneurship and crafts.

Second, in 2021, the following forecast indicators have been set for the services provided by the labor authorities to promote employment of 513,575 citizens and encourage employers¹⁸¹:

- general forecast indicators of services provided to promote employment and incentives for employers;
- the forecast indicators of employment of the unemployed in vacancies and reserve jobs were set.

In addition, the forecast indicators for the allocation of subsidies, benefits and microcredits in 2021 to promote employment at the expense of the State Fund for Employment Promotion in order to ensure the timely and effective distribution of higher costs in the creation of permanent new jobs were approved:

- for the allocation of subsidies - 92.3 billion soums;
- for the payment of unemployment benefits - 65.1 billion soums;
- to cover the costs of training, retraining and advanced training - 40.6 billion soums;
- 125 billion soums for resources allocated to commercial banks for the implementation of small projects aimed at creating new jobs.

Peculiarities of real demographic trends in my country, that is, in contrast to the situation in most countries, the most important areas of social support for young people in the population have been created in order to take advantage of demographic dividends in the composition of demographic trends:

In our country:

- More than 18 million young people under the age of 30;
- 648 thousand unemployed are included in the «Youth Book»;
- In the 1st quarter of 2021, the poverty of 283,000 young people was secured.¹⁸²

¹⁸⁰ Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 28, 2021 PQ-5094 «On the state program to create new jobs and promote employment in 2021.»

¹⁸¹ Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 28, 2021 PQ-5094 «On the state program to create new jobs and promote employment in 2021.»

¹⁸² Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 28, 2021 PQ-5094 «On the state program to create new jobs and promote employment in 2021.»

In order to raise this work to a new level, the President of Uzbekistan adopted a resolution «On the State Program for the creation of new jobs and employment in 2021» to introduce new effective mechanisms to ensure the employment of not only young people, but also women. The decision of our President is of great political, social and economic significance, because the mechanisms for changing and controlling this system have changed. First, the decision answers the question of exactly in which month, at what source and at how many new jobs will be created. It is clearly stated from each source whether this state is from innovation programs or local regional programs or these are entrepreneurship programs. Manashu is responsible for the construction of new jobs in the region, the surnames of the heads of the ministries and the responsible heads of the localities were written for the first time. Newly created jobs are required not only in terms of quantity, but also in terms of quality.

«On the state program to create new jobs and promote employment in 2021.»¹⁸³ The resolution provides for the creation of 457,100 new permanent jobs at the regional level, including 59,800 in Tashkent, 49,900 in Namangan, 43,200 in Andijan, 42,800 in Tashkent, 39,600 in Fergana and 36,000 in Samarkand. It is planned to create 30,000 new jobs in Bukhara, 30,000 in Surkhandarya and 28,000 in Kashkadarya.

According to the resolution, the new jobs will be called permanent jobs, which will provide citizens with permanent jobs.

From the above, it is clear that in 2021 in Uzbekistan will help provide employment to more than 450 thousand unemployed and unemployed people.

Currently, a number of services are provided by the labor authorities to increase employment:

- ✓ consulting on employment issues;
- ✓ to offer a suitable job (if any) in accordance with the professional training, work experience and work experience, age, health status of the applicant, as well as to look for a suitable job outside the Republic of Uzbekistan through organized labor migration;
- ✓ placement in reserve jobs;
- ✓ Transfer to paid public works at the expense of the Public Works Fund or other sources under the Ministry of Employment and Labor Relations;
- ✓ promotion of entrepreneurship through entrepreneurship, the organization of activities for the development of self-employment;
- ✓ referral to vocational training, retraining and advanced training;
- ✓ assessment of professional qualifications;
- ✓ advising self-employed persons to obtain a temporary employment certificate, as well as microcredits for the implementation of projects aimed at providing employment, etc.

¹⁸³ Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 28, 2021 PQ-5094 «On the state program to create new jobs and promote employment in 2021.»

Services will be provided to 513,500 citizens to promote employment and encourage employers¹⁸⁴.

In this case:

- 281,200 will be employed in vacancies and reserve jobs;
- 112,300 will be involved in paid public works;
- 75,700 are trained in professions, entrepreneurial skills and foreign languages;
- 44,200 will receive support in the form of subsidies and loans for self-employment and starting a business.

In accordance with the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 28, 2021 PQ-5094 «On the State Program for the creation of new jobs and employment in 2021», the Council of Ministers of the Republic of Karakalpakstan, regional and Tashkent city khokimiyats adopt regional programs to promote employment. The urgency of the analyzed issues, in turn, was assigned to a number of interested ministries and departments, responsible for the timely and quality implementation of state programs in the relevant areas of the ministry, departments and business associations. For example, the task is to create 6,641 jobs through the launch of social facilities, 121,038 jobs through the development of small business and private entrepreneurship.

By July 1, 2021, an «Electronic Program» will be developed to monitor the creation of new jobs and employment promotion in real time with a single integrated information resource database of the State Tax Committee.

At the same time, on the basis of the principle of «Work for all» until November 1, 2021 to launch an online platform of the order exchange «My business».

- coverage of the unemployed, especially women, youth, students, people with disabilities, remote work, homework, home-based work, freelance work, work schedules, the required level of qualification, the amount of wages, etc.;
- to receive information on the types of activities (services, jobs) of self-employed persons and employers who need them;
- advertising of activities (services, works) of self-employed persons;
- covers issues such as concluding daily and long-term offer contracts between self-employed individuals and employers who need their services.

Also, daily information on temporary one-time jobs and announcements on the types of activities (services, works) of self-employed persons are provided free of charge through the online space of the order exchange «My work».

In short, this decision is significant in that it focuses on addressing today's pressing issues. Because its implementation is aimed at ensuring the employment of many unemployed people included in the «Iron Book», «Women's Book» and «Youth Book».

¹⁸⁴ Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 28, 2021 PQ-5094 «On the state program to create new jobs and promote employment in 2021.»

In conclusion, the Law of the Republic of Uzbekistan «On Employment» and the Resolutions of the President of the Republic of Uzbekistan «On the invitation program to create new jobs and promote employment in 2021» adopted on the basis of today's requirements provide employment to our citizens. we hope that it will enable them to achieve material and social support, thereby achieving their well-being.

Reference

1. *Presidential Decree "On measures to radically update the state policy on economic development and poverty reduction."*
Tashkent, March 26, 2020, No. PF-5975
2. *Year of the Action Strategy for the further development of the Republic of Uzbekistan No. PF-4947 Tashkent-2017*
3. *Law of the Republic of Uzbekistan "On Employment" dated October 20, 2020, No. ZRU-642.*
4. *Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 28, 2021 PQ-5094 "On the state program to create new jobs and promote employment in 2021."*
5. *Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 28, 2021 PQ-5094 "On the state program to create new jobs and promote employment in 2021"*

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ВЫЯВЛЕНИЯ КОНКУРЕНТНОГО ПРЕИМУЩЕСТВА НАЦИОНАЛЬНЫХ КОМПАНИЙ

Р. Исакузиева,
Магистрант 1-курса, ТГЭУ

Аннотация: в данной работе рассматриваются методические подходы по выявлению и формированию конкурентных преимуществ, а также создание благоприятных условий для успешного функционирования национальных компаний.

Ключевые слова: конкурентоспособность, дифференциация, издержки, фокусирование, отраслевой анализ.

Abstract: This paper discusses methodological approaches to identifying and forming competitive advantages, as well as creating favorable conditions for the successful functioning of national companies.

Keywords: competitiveness, differentiation, costs, focusing, industry analysis.

Современное состояние развития национальной экономики и повышения её конкурентоспособности связаны, в первую очередь, с повышением конкурентоспособности её хозяйствующих субъектов. Данный этап развития характеризуется необходимостью формирования действенного механизма, обеспечивающего выявление конкурентных преимуществ в той или иной отрасли и, как следствие, развитие здоровой конкурентной среды. Сегодня, в пост-пандемийный период, когда рост компаний во всем мире замедлился, конкурентные преимущества имеют решающее значение и являются основой положительной деятельности на рынке. Успех решения задач по выявлению и формированию конкурентных преимуществ в большей мере зависит от уровня разработки методических подходов по созданию и эффективному функционированию механизма конкурентных преимуществ.

Конкурентоспособность фирмы определяется ее конкурентными преимуществами по отношению к конкурентам на конкретном рынке (внутреннем или внешнем), которые проявляются в процессе конкуренции предприятий на рынках (где они позиционируют свой товар).

Понятие «конкурентные преимущества» было впервые научно обосновано Майклом Портером на рубеже 1970-80-х годов. Согласно его канонической теории, конкурентное преимущество на рынке возникает на основе предоставления потребителям продукции, дающей большую ценность за ту же стоимость (дифференциация), или предоставления равной ценности, но за меньшую стоимость (низкие издержки) [2, с.27].

В маркетинговой практике выделяют два возможных сценария развития конкуренции:

1. Горизонтальный – рыночное пространство буквально «переделяется» в ходе постоянной борьбы за позиции в отрасли, для чего используются реклама, ценовая политика и др.

2. Вертикальный – за счет ориентации на потребности целевой аудитории и повышения качества товаров/услуг осваиваются новые технологии и рынки.

Как правило, предприятия не делают ставку на какой-то один вариант, предпочитая комбинировать оба. Но использование вертикального и горизонтального сценариев конкуренции оказывается недостаточным для того, чтобы гарантировать компании успешность в отрасли. Для определения выгодного конкурентного преимущества необходимо учитывать ряд факторов, среди которых:

– агрессивное поведение других игроков, сопровождающееся постоянными рекламными и ценовыми войнами и стабильным/снижающимся объемом продаж. Возможной реакцией в этом случае становится производство новых товаров;

– легкость вхождения на рынок, характеризующаяся постоянно меняющимся составом участников и стабильно низкой прибыльностью. Решением может стать переориентация бизнеса;

– существование товаров-субститутов, которые представляют угрозу для компании. В этом случае рекомендуется максимизировать преимущества самого товара;

– зависимость от потребителей в связи с их малочисленностью или высокой организованностью, чувствительностью к ценам и наличием аналогичных товаров/услуг у конкурентов. Как вариант возможного поведения рассматривается максимальное внимание существующим потребителям и выгодные условия для новых клиентов;

– зависимость от поставщиков, признаками которой являются отсутствие товаров-субститутов, ограниченное количество или высокая степень организованности поставщиков. В качестве рекомендации выступает тесное взаимодействие с имеющимися поставщиками и поиск альтернативных партнеров и вариантов сотрудничества.

Все вышеупомянутые факторы легли в основу модели пяти сил конкуренции М. Портера, определяющих прибыльность компании (рис.1). В любой отрасли, будь то отрасль национального или международного масштаба, производство товаров или сфера услуг, правила конкуренции концентрируются именно на этих движущих конкурентных силах. Их совместное действие определяет способность компании получать в среднем прибыль на вложенный капитал, превышающую стоимость данного капитала [2, с.29].

При этом конкурентные преимущества, определяющие рыночную позицию национальной компании, включают в себя конкурентоспособность изделия, финансовое состояние предприятия, эффективность маркетинговой

деятельности, рентабельность продаж, имидж предприятия. Успешное развитие в условиях конкуренции достигается теми предприятиями, которые при определении стратегических задач развития, использовали современный инструментарий, позволяющий оценить в полной мере рыночную среду, обеспечить конкурентоспособность товара и своевременно реагировать на изменения конъюнктуры рынка [4].




Рисунок 1. Модель пяти сил конкуренции М. Портера

Источник: составлено автором на основе теоретических данных

Существует множество направлений достижения конкурентных преимуществ, или деловых стратегий, но наиболее общими являются:

- лидерство в издержках (себестоимости продукции);
- дифференциация продукции;
- фокусирование (концентрация);
- ранний выход на рынок (стратегия первопроходца);
- синергизм [3, с. 48].

Первые три направления М. Портер называет базовыми стратегиями, имея в виду их универсальную применимость.

Удобным инструментом определения вектора развития конкурентного преимущества и сценария поведения компании среди других игроков отрасли является матрица, предложенная одноименным ученым-маркетологом. Опираясь на нее, у национальной компании появится возможность выбрать наиболее оптимальный вид конкурентоспособности.

| | | Стратегическое преимущество | |
|---------------------|------------------------------|--|------------------------------------|
| | | Уникальность продукта, воспринимаемая потребителем | Позиция низкого уровня в издержках |
| Стратегическая цель | В рамках всей отрасли | Дифференциация | Лидерство в издержках |
| | В рамках отдельного сегмента | Фокусирование | |

Рисунок 2. Матрица стратегий конкуренции М. Портера [2]

В соответствии с матрицей, компания выбирает вид конкурентоспособности, наиболее приемлемый для нее:

1. *Лидерство в издержках* (ценовое лидерство), основанное на сокращении затрат. Массовое производство позволяет минимизировать удельные издержки, предлагать низкие цены и иметь высокую прибыль благодаря привлечению потребителей, ориентирующихся на уровень цен;

2. *Лидерство в продукте* (дифференциация), предполагающее разработку уникального продукта. Это могут быть конструктивные особенности или эксплуатационные характеристики изделия, превосходное сервисное обслуживание, престижная марка и т.д.;

3. *Лидерство в нише* (фокусирование) – стратегия, при которой усилия компании направляются на конкретную целевую группу. Она может контролировать издержки посредством концентрации усилий на нескольких ключевых товарах, предназначенных для специфических потребителей.

Окончательное решение о выборе стратегии принимается, исходя из целей и возможностей предприятия, объективной оценки сильных и слабых сторон продукта.

Чтобы конкурентное преимущество товара было долгосрочным и сильным, оно должно соответствовать четырем критериям: полезность, уникальность, защищенность, ценность.

Правительство Узбекистана в последние годы многое сделало для улучшения условий ведения бизнеса, сокращения транзакционных издержек. Это связано прежде всего с сокращением налоговой, таможенной и административной нагрузки, упрощением процедур экспортно-импортных операций и получения разного рода разрешений, с совершенствованием работы системы денежного обращения и банковского сектора. В тоже время сохраняется много проблем, связанных с высоким уровнем монополизации рынков и неравными правилами ведения бизнеса. Конкуренция разрушается искусственными барьерами доступа на рынок новых предприятий, высокими тарифными и нетарифными барьерами для импорта, широким распространением индивидуальных и групповых льгот. Крайне медленно проходят реформы так называемых

«естественных монополий» (энергетика, коммунальные службы, транспорт), а также сектора добывающей промышленности. Здесь, в основном доминируют государственные предприятия и практически отсутствует конкуренция. Между тем в большинстве таких отраслей вполне можно создать здоровую конкурентную среду и привлечь туда частных инвесторов [5].

Устойчивое конкурентное преимущество – это результат рационального сочетания исключительных ресурсов и способностей, представляющих ценность для потребителей, которые крайне ограничены и трудно воспроизводимы. Дело не столько в самих способностях и ресурсах, сколько в уникальности и устойчивости их комбинаций. Данное преимущество дает возможность бизнесу поддерживать и улучшать свои конкурентные позиции на рынке и выживать в борьбе с конкурентами.

Рыночная экономика вне зависимости от степени своей зрелости и особенностей развития требует наличия конкуренции. Как отметил Президент Республики Узбекистан, Шавкат Мирзиёев, что в процессе перехода Узбекистана к рыночной экономике вопрос конкуренции имеет принципиальное значение, «Нельзя создать рыночную экономику без конкуренции. Конкуренция – основное условие рынка, можно сказать, его закон» [1].

Конкурентоспособность является решающим фактором коммерческого успеха предприятия и объективно характеризует его возможности и уровень приспособленности к рыночным условиям. Верный выбор конкурентного преимущества и стратегии поведения на рынке обеспечивает бизнесу долгосрочные перспективы повышения прибыльности.

Таким образом, исследованная тема актуализирует проблему выявления и формирования конкурентного преимущества для повышения конкурентоспособности отечественного производителя.

Список использованной литературы:

1. Доклад Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева, посвященный обсуждению приоритетных задач в обеспечении конкурентной среды в экономике и защите прав потребителей, от 28 мая 2020 года.
2. Портер М. Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость / Майкл Е. Портер; Пер. с англ. – 6-е изд. – М.: Альпина Паблишер, 2018. – 716 с.
3. Ващенко, И. С. Формирование конкурентных преимуществ современного предприятия / Ващенко, И. С. // Молодой ученый. – 2015. – №10. – С. 553-556.
4. Воронов Д.С. Методика анализа и выявления путей повышения конкурентоспособности предприятия / vds1234.narod.ru
5. <http://ced.uz/administrativnaya-reforma/>

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КАДР ВА МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ш.Ш. Бахромов,
Жиззах политехника институти 2 курс магистри

Аннотация: Мамлакат макроиқтисодий барқарорлигини таъминлашда кадр ва мутахассисларни тайёрлашда мавжуд бўлган маълум бир ўзига хослик, уларни ривожлантиришининг истиқболли дастурларида ҳисобга олиниши лозим. Мазкур мақолада ҳудудларнинг ривожланиши хусусиятларини ва замонавий босқичини ўз ичига оладиган тизимли ёндашув ўрганилган. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кадр ва мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириши бўйича муаллифнинг тавсиялари илгари сурилган.

Таянч сўзлар: Таълим, профессионал мутахассислар, меҳнат бозори, ишчи кадрлар тайёрлаш дастури, замонавий таълим, касб-хунар таълими.

Кириш

Кейинги йилларда ҳудудларда қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, қурилиш ва қурилиш материалларини тайёрлаш саноати, хизмат кўрсатиш каби асосий тармоқларда янги иш ўринларини ташкил этиш, зарурий талаб ва таклиф бўлган профессионал мутахассислар ва касб-хунарларга тайёрлаш ҳамда меҳнат бозори инфратузилмаси бўйича стратегик йўналишларни такомиллаштириш янги иш жойлари ташкил этиш ва уларни ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан Олий Мажлиса Мурожаатномасида таъкидланганидек: “Камбағалликни камайитириш-бу алоҳида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринларини яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир”¹⁸⁵.

Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, реал меҳнат бозори талаблари бўйича малакали касб-хунар кадрлари сифат таркибини яхшилаш ва мувофиқ узлуксиз таълим тизимининг сифат ва самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат бозорининг рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича амалий ва илмий тадқиқотлар рақамли бозор иқтисодиёти талаблари асосида янада чуқурроқ тадқиқ қилишни талаб қилади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот давомида мантиқий ва таққослаш таҳлили, тадқиқотни ўрганишга тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез, гуруҳлаш, комплекс баҳолаш тадқиқот методологияларидан фойдаланилган.

¹⁸⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиса Мурожаатномаси, 2020 йил, 29 февраль Kup.UZ сайти.

Тадқиқот натижалари

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек¹⁸⁶ “Инсон ўзгарса - бутун жамиятимиз ўзгаради. Шу боис биз узлуксиз таълимни такомиллаштириш, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, юқори малакали педагог кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилашга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз. Биз бу соҳада жаҳон тажрибасини ўрганиб, янги тартиб-қоидаларни, замонавий таълим усулларини жорий этмоқдамиз. Жумладан, хусусий мактаб очиш учун лицензия олиш тартиби соддалаштирилди. Нодават таълим масканлари давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани туфайли ҳозирги вақтда уларнинг сони 195 тага етди. Ёшларни талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга ўргатиш учун ўтган ўқув йилида 339 та касб-хунар мактаби, 194 та коллеж ва 195 та техникум фаолияти йўлга қўйилди.

Зеро, касбий таълим соҳасида ўрта махсус маълумотли ишчи-кадрлар ва мутахассисларни тайёрлаш бўйича давлат буюртмаларининг илмий жиҳатдан асосланишини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Ҳозирги кунда ёш ишчи кучига таклифга нисбатан касб-хунар таълими ривожланиши ва касбий-малакавий тузиманинг шаклланишида қуйидагилар устувор ҳисобланади:

- касбий таълим ривожланишининг тезкорлиги, иқтисодиётга муносабатлар бўйича ёш ишчи кучларининг касбий-малакавий тузимасини шакллантириш;
- аҳолининг таълимга нисбатан индивидуал эҳтиёжлари ва мамлакат иқтисодиёти манфаатлари ҳисоб-китобининг бир вақтда олиб борилиши;
- касбий таълим ва аҳолининг иш билан бандлиги соҳасида мажбурият ва ваколатларнинг аниқ белгиланганлиги;
- корхона ва касб-хунар таълим муассасалари ўртасида мустаҳкам алоқаларни ўрнатиш ва ҳ.к.

Бундан ташқари, ҳар бир маҳаллада ишчи кадрлар тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вақти келди. Будастаннинг асосий мақсади мамлакат ижтимоий-иқтисодий соҳасини меҳнат ресурслари билан таъминлашда касб-хунар таълимининг самарадорлигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар ва механизмларни шакллантиришдан иборат.

Мазкур дастурда корхоналар ва касб-хунар коллежлари асосий иштирокчилар ҳисобланиб, мактаб битирувчиси давлат имтиҳонини топшириш натижаларисиз ўқишга кириш имконияти, таълим муассасасини тугатганидан кейин кафолатли ишга жойлашиш, қўшимча стипендия, ҳақ тўланадиган амалиёт каби имтиёзларга эга бўлишини акс эттириш лозим.

Бизнинг фикримизча, ушбу дастур вазибаларида иқтисодиётнинг касбий-малакавий кесимда малакали меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжлари ўрта ва узоқ муддатли прогнозларининг мунтазам ишлаб чиқилиши белгиланиши шарт. Корхоналар ва ташкилотлар эҳтиёжларининг ривожланиши прогнозига эга бўлмасдан туриб касб-хунар таълими муассасаларининг мутахассис-

¹⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган маросимдаги нутқи. 31.08.2021 й. Lex.uz.

ларни тайёрлаб чиқариш таркиби ва меҳнат бозори талабларининг таркибини бир-бирига мувофиқлаштириб бўлмайди. Бундан ташқари, аҳолини касбга йўналтиришининг самарали тизими, ушбу соҳада ижтимоий шерикликни ривожлантириш, иш берувчиларни мунтазам таълим жараёнига жалб этиш бўйича вазифаларни ифодалаш зарур.

Мамлакатда битирувчиларни тақсимлашнинг самарали тизими ташкил этилиб, корхона олдида битирувчини ишга жойлаштириш учун жавобгарлик ҳам таълим муассаса, ҳам корхона, ва битирувчининг зиммасида бўлиш тизими ривожланади.

Таҳлиллар

Кейинги йилларда мамлакатимизда “Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” доирасида касб-хунар коллежлари тизими шаклланди ривожланди. (1-жадвал).

Шу жумладан, бу кўрсаткичнинг ўзгариши 2010 йилда уларнинг сони 1290 та бўлган бўлса, 2016 йилга келиб, 1354 тани ташкил этди, бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 105,0 %гача ўсиб борди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПФ-5763 сонли Фармони ва ПҚ-4391 сонли Қарори¹⁸⁷ билан мазкур тизим тубдан ислоҳ қилинди. Натижада, 2019 йилга келиб уларнинг сони 961 тага ёки 2010 йилга нисбатан 74,5 %га камайди. Олиб борилган тадқиқот давомида касб хунар коллежлари битирувчилари сони 118,2 %га ошган.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, КХК битирувчилари сони республика-миз ҳудудларида 2010-2019 йиллар давомида бир текисда ўсмаган. Республика-мизнинг Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона каби вилоятларида КХК битирувчилари сони таҳлил даврида мос ра-вишда 125,8 %, 133,9 %, 133,6 %, 159,9 %, 120,2 %, 142,1 %, 129,7 %га кўпайган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Наманган ва Сирдарё вилоят-ларида мазкур кўрсаткич мос равишда 82,1 %, 80,4 %, 96,2 %, 88,2 %га камайган. Яъни, мазкур камайишлар тенденцияси юқорида келтирилган Президент Фар-мони ва Қарорининг ижроси асосида юзага келган.

Айни вақтда, мамлакатимизда “... касб-хунар коллежларида йирик корхоналар ва кластерлар учун, шунингдек, меҳнат бозоридagi реал эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ўрта бўғин мутахассислар ва ишчи касблар бўйича кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш”¹⁸⁸ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

¹⁸⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июль “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сон Фармони. Ўзбеки-стон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июль “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқар-увнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сон Қарори.

¹⁸⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Меҳнат бозорида талаб юқори бўлган малакали кадрларни касбга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирла-ри тўғрисида”ги 394-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2019. //www.lex.uz

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида касб-хунар коллежлари сони
ва уларда битирувчилар салмоғининг ўзгариши¹⁸⁹**

| Ҳудудлар | Йиллар | | | | | | | |
|--------------------------------|---------------|----------------------------------|---------------|-----------------------------|---------------|--------------------------------|--------------------------------------|------------------------|
| | 2010 й. | | 2018 й. | | 2019 й. | | 2019 йилда 2010 йилга нисбатан | |
| | КХК сонини | бити- рув- чилар сонини | КХК сонини | битирув- чилар сонини | КХК сонини | бити- рув-чи- лар сонини | КХК | бити- рувчи- лар |
| Ўзбекистон Республикаси | 1290 | 371266 | 1347 | 423157 | 961 | 439025 | 74,5 | 118,2 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 91 | 32446 | 94 | 25378 | 73 | 26623 | 80,2 | 82,1 |
| <i>Вилоятлар:</i> | | | | | | | | |
| Андижон | 117 | 33426 | 119 | 40072 | 82 | 42051 | 70,1 | 125,8 |
| Бухоро | 80 | 21117 | 81 | 26213 | 80 | 28279 | 100,0 | 133,9 |
| Жиззах | 74 | 16036 | 76 | 18887 | 58 | 21425 | 78,4 | 133,6 |
| Қашқадарё | 125 | 31032 | 138 | 48567 | 124 | 49630 | 99,2 | 159,9 |
| Навоий | 47 | 16419 | 46 | 13624 | 27 | 13203 | 57,4 | 80,4 |
| Наманган | 106 | 34853 | 109 | 34824 | 76 | 33539 | 71,7 | 96,2 |
| Самарқанд | 156 | 45015 | 162 | 52217 | 106 | 54127 | 67,9 | 120,2 |
| Сурхондарё | 103 | 28378 | 116 | 37598 | 58 | 40312 | 56,3 | 142,1 |
| Сирдарё | 48 | 12287 | 49 | 10514 | 46 | 10835 | 95,8 | 88,2 |
| Тошкент | 116 | 30984 | 122 | 35396 | 94 | 33774 | 81,0 | 109,0 |
| Фарғона | 141 | 42096 | 148 | 51333 | 81 | 54594 | 57,4 | 129,7 |
| Хоразм | 86 | 27177 | 87 | 28534 | 56 | 30633 | 65,1 | 112,7 |

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимизда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, малакали касб-хунар кадрлари сифат таркибини яхшилаш ва меҳнат бозорининг эҳтиёжига мувофиқ узлуксиз таълим тизимининг сифат ва самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат бозорининг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда КХТМ тизимини тубдан такомиллаштириш ва таълим сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий ҳимоя ўзаро узвий

¹⁸⁹ Ўзбекистон Республикаси Касб-хунар таълим маркази маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

боғлиқ тушунчалар бўлиб, уларни бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. 2020 йил – “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодийётни ривожлантириш йили” да ижтимоий соҳани янада ривожлантириш вазифалари улароқ касб-хунар коллежлари базасида “Жорий ўқув йилидан бошлаб мутлақо янги профессионал таълим тизими йўлга қўйилиб, 340 та касб-хунар мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникум ташкил этиш...”, бунинг натижасида, “Кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида миллий малака тизими ишлаб чиқилади. Ушбу тизим 9 мингга яқин касблар бўйича кадрлар тайёрлаш имконини беради”. Шу билан бирга, Президент таъкидлаганидек: “...ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарур.”¹⁹⁰.

Бунинг учун аҳоли ва тадбиркорларга, микромолия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат харидларига кенг йўл очиб берилиши керак. Бундай чоралар орқали одамларимизда тадбиркор бўлишга иштиёқ ва ишонч ортади, улар кўпроқ даромад олишга интиладиган бўлади.

Бизнинг назаримизда, коллежлар битирувчиларининг самарали тақсимланишини таъминлаш мақсадида касб-хунар таълими маркази таркибида биз юқорида кўриб чиққан ҳолатлардан сугурталанишни таъминловчи марказ ташкил этилиши керак, бу, бир томондан, иш берувчининг ўқувчининг ўқиш ва амалиёт ўташ вақтидаги харажатларнинг реал қопланишини кафолатлайди, иккинчи томондан, касб-хунар таълими тизими ва иш берувчиларнинг битирувчиларни айнан малакали ишчилар ва мутахассисларни тайёрлаш буюртмачилари бўлган корхоналарга ишга жойлаштиришдан ўзаро манфаатдорлигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил, 29 февраль* [Kin.UZ](http://kin.uz) сайти.
2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган маросимдаги нутқи.* 31.08.2021 й. [Lex.uz](http://lex.uz).
3. *Ўзбекистон Республикаси Касб-хунар таълим маркази маълумотлари.*
4. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июль “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июль “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сон Қарори.*
5. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Меҳнат бозорида талаб юқори бўлган малакали кадрларни касбга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 394-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2019. //www.lex.uz*

¹⁹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил, 25 январь.

ИШЧИ КУЧИ ТАЛАБИ ВА ТАКЛИФИ ЎРТАСИДАГИ МУТАНОСИБЛИКНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Б.З. Ганиев,

**Тошкент давлат иқтисодийёт университети
таъин докторанти**

Аннотация. Ушбу мақолада ишчи кучи талаби ва таклифи ўртасидаги мутаносиблик назарий жиҳатлари ва уни таҳлил этиши зарурати ёритилган. Шунингдек, мақолада ишчи кучи бозори конъюктураси ва ушбу бозорда юзага келадиган номутаносибликларнинг асосий сабаблари тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: ишчи кучи бозори, ишчи кучига бўлган талаб, ишчи кучи таклифи, мутаносиблик

Аннотация. В данной статье обсуждаются теоретические аспекты взаимосвязи между спросом и предложением на рабочую силу и необходимость их анализа. В статье также обсуждается ситуация на рынке труда и основные причины дисбалансов на этом рынке.

Ключевые слова: рынок труда, спрос на рабочую силу, предложение рабочей силы, пропорциональность


Abstract. This paper discusses the theoretical aspects of the relationship between labor supply and demand and the need to analyze it. The article also discusses the labor market situation and the main causes of imbalances in this market.

Keywords: labor market, labor demand, labor supply, proportionality

Гобал Пандемия шароитида инқирозининг янги тўлқинлари намоён бўлиб турган бир даврда ишчи кучи ресурсларининг тўлиқ ва оқилона бандлигини таъминлаш масаласига, ишчи кучи талаби ва таклифи ўртасидаги мувозанатни таъминлашга жиддий эътибор бериш лозим. Иқтисодийётни модернизациялаш жараёнида ишчи кучи бозорида талаб ва таклифнинг шаклланиши ва уларни мутаносиблигини таъминлашнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш долзарб масала бўлиб, иқтисодий адабиётларда етарли даражада тадқиқ қилинмаган муаммолардан биридир.

Ишчи кучи ресурсларининг салоҳияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё минтақасида етакчи ўринга эга бўлиб, уларнинг иқтисодий тармоқларида самарали бандлиги ижтимоий барқарорлик ва иқтисодий тараққиётга сезиларли таъсир кўрсатади. Шу сабабли, ишчи кучи ресурсларининг самарали бандлигини таъминлаш, уларни тартибга солиш, яширин ишсизлик даражасини камайтириш, ишчи кучи талаби ва таклифи ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, ишчи кучи сифатини яхшилаш, меҳнат умумдорлигини оширишга эришиш долзарб муаммо ҳисобланади.

Иқтисодий мутаносиблик ўз мазмунига кўра, турлича ёндашувлар умумлаштирилган ҳолда ишда унинг қуйидаги таърифи шакллантирилган: иқтисодий мутаносиблик – иқтисодиётнинг турли соҳалари, тармоқлари, томонлари ва бўлимлари ўртасидаги миқдор ва сифат жиҳатидан муайян нисбатлардаги ўзаро мослиги бўлиб, барқарор равишда такрорланиб турувчи доимо ривожланишда, ўзгаришда бўладиган иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни ифодаловчи умумиқтисодий категориядир. Унинг талабларини ҳисобга олган ҳолда амалда қўлланиши иқтисодиётнинг тебранишларсиз, барқарор ривожланишининг муҳим шартни ҳисобланади.



1-расм. Иқтисодий мувозанат таъминланишининг мутаносиблик билан боғлиқлиги¹⁹¹

Шартли белгилар:

T – яхлит иқтисодиёт, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни мувозанатлаштирувчи муҳим томонлари;

ТҚ – муайян иқтисодий ҳодиса, жараён ва иқтисодиёт томонларининг таркибий қисмлари;

M – таркибий қисмлар ўртасидаги мутаносиблик.

Иқтисодий мутаносибликнинг мазмуни қуйидаги белгилар орқали намоён бўлади: иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос кўриниши эканлиги; ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ўзгариши билан боғлиқлиги; иқтисодиётнинг турли томонлари ва соҳалари ўртасида амал қилиши; ҳодиса ва жараёнларнинг миқдор ва сифат жиҳатларини қамраб олиши; маълум бир жараённинг турли томонлари ўртасида тенглик бўлишининг шарт эмаслиги, улар мос келувчи нисбатларда бўлиши мумкинлиги; умуман иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни тартибга солишга йўналтирилганлиги; турли омилар таъсирида ўзгарувчанлиги; бузилган нисбатларнинг ўз-ўзидан қайта тикланишга интилиши; турли хусусиятларига кўра фарқланувчи муайян тизимга эгаллиги.

Иқтисодий мутаносибликнинг мувозанатлик билан ўзаро боғлиқлиги ва таъсирини очиб беришда дастлаб уларни тақозо этувчи омиларнинг ўзаро

¹⁹¹ Шадманов Э.Ш “Мамакатни модернизациялаш жараёнида иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносибли ривожлантиришининг асосий йўналишлари” 08.00.01 – «Иқтисодий назария» иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати, Тошкент – 2011

боғлиқлигидан келиб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий мувозанат ва иқтисодий мутаносибликни тақозо этувчи омилар ўз-ўзича мустақил, алоҳида хусусиятга эга бўлиб, муайян иқтисодий жараённинг объектив зарурлигини ифодалайди. Шунингдек, яхлит ижтимоий-иқтисодий тизимда амал қилиши сабабли улар бир-бири билан турли даражада ўзаро боғлиқ ҳисобланади. Ишда умумий ҳолда ҳар иккала жараёни тақозо этувчи омиларнинг ўзаро боғлиқлиги чизма орқали ифодалаб берилган.

А.Г. Коровкин (2011) нинг фикрича, иқтисодиётда ишчи кучига талаб ва тақлиф қондирилган ва қондирилмаган ҳолда мавжуд бўлади. Иқтисодий иш билан банд бўлганлар сони қондирилган ва бўш иш ўринлари сони қондирилмаган ишчи кучига бўлган талабни тавсифлайди. Худди шу тарзда, ялпи ишчи кучи тақлифда ҳам бир хил тавсиф фарқланади: қондирилган талабга тенг келадиган қисм ва қондирилмаган тақлифга тенг бўлган қисм, яъни ишсизлар сони¹⁹².

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон статистикасида ишсизлар сони ҳам ҳудудий бандликка кўмаклашиш марказларида расмий рўйхатдан ўтганлар, ҳам Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) методологияси бўйича ҳисобланганлар деб тўғри. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, иш берувчилар иш билан таъминлаш бўйича давлат бандликка кўмаклашиш марказларига тақдим этадиган бўш иш ўринлари рўйхати, шунингдек, ишчи кучига бўлган талабнинг «расмий равишда рўйхатдан ўтган» қисми сифатида қаралади. Натижада, жорий ҳақиқий ишчи кучига талабни аниқлашда муаммолар вужудга келади. Меҳнат бозорининг алоҳида сегментлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, мақсад - бу ишчи кучи талаби ва тақлифига таъсир қиладиган омиларни батафсил ўрганишдан иборат.

Ишчи кучи бозорида юзага келадиган номутаносибликни ўзида акс эттирувчи бўш иш ўринлилик коэффициенти ҳақида Фомина А.С (2015) ўзининг тадқиқот ишида қуйидагича келтиради¹⁹³:

$$K_v = T/V$$

Бу ерда:

K_v – бўш иш ўринлилик коэффициенти

T – иқтисодиётда бандлар сони

V – бўш иш ўринлари миқдори

Бундан ташқари, ишчи кучи бозори конъюнктура коэффициенти (K_k) ни ҳам изоҳлаб ўтган. Унга кўра мазкур коэффициент талаб даражаси билан

¹⁹² A.G. Korovkin "The Problems of Labor Supply and Labor Demand Adjustment on the Russian Labor Market" Studies on Russian Economic Development, 2011, Vol. 22, No. 2, pp. 177–190

¹⁹³ Фомина А.С (2015), "Статистическое исследование оптимальности рынка труда как основы эффективного экономического развития регионов" диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук, «Российский экономический университет имени Г.В. Плеханова, 21 р.

тавсифланган бозор ҳолати ва ишчи кучи таклифи, унинг нархи ва бозор иштирокчиларининг фаоллигини ўзида акс эттиради.

$$K_k = B/V$$

Бу ерда:

K_k - ишсизлар сонининг бўш иш ўринлари сонига нисбати

B – ишсизлар сони

V – бўш иш ўринлари сони

Маълумки, иқтисодий мувозанатлик яхлит иқтисодиёт ёки унинг алоҳида олинган ҳодиса ва жараёнларининг ҳар иккала томонлари ўртасидаги тенгликни ифодалайди. Бироқ, бунда ҳар қандай ҳодиса ёки жараён, иқтисодиётнинг таркибий қисми ўзаро тенглаштирилиши мумкин эмас. Бу борадаги муҳим шарт – уларнинг мантиқан ва миқдоран ўзаро мос бўлиши, иқтисодий жараённинг яхлит мазмун-моҳиятини таркиб топтиришда тенг иштирок этадиган томонлар ҳисобланиши зарур. Шунингдек, мувозанатлашувчи томонларнинг ўзаро тенглигини таъминлаш натижасида иқтисодиётда маълум миқдор ва сифат ўзгариши таъминланиши, уни ривожлантирувчи, ҳаракатга келтирувчи куч, шарт-шароит ҳосил бўлиши ҳам муҳим ҳисобланади.

Айни вақтда иқтисодий мувозанатнинг мутаносибликка таъсири масаласи ҳам муҳим ҳисобланади. Иқтисодий мувозанат барқарор жараён бўлмай, кўплаб омилар ва сабаблар таъсири остида вақти-вақти билан бузилиб туради. Муҳими, иқтисодий мувозанат қайта тикланиши учун унинг таркибий қисмлари ўртасидаги мутаносибликлар мувофиқ равишда ўзгариши тақозо этилади.

Ишчи кучи бозори таркибий қисмининг асосий элементларига куйидагилар киради: ишчи кучига талаб ва унинг таклифи, қиймати, баҳоси ва ёллашдаги рақобат. “Ишчи кучи бозори” тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва уни таркибий қисмларининг тизимли тадқиқоти мазкур бозорда бажариладиган асосий вазифаларни ҳам аниқлашга имкон беради¹⁹⁴:

- ишчи кучига талаб ва таклифнинг ҳажми, таркиби ва нисбатини шакллантириш;
- бозор услубида хўжалик юриртишининг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий механизмлари ёрдамида ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солиш;
- ишчи кучи ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашга бевосита таъсир кўрсатиш;
- ишсизлар иш топишига, уларнинг малакаси ва рақобат қобилиятини оширишга қўмаклашиш;
- ишлаб чиқариш ҳаражатларини қисқартириш ва меҳнат тақсимотини ўзгартириш.

Меҳнатнинг эркинлиги ва ихтиёрийлиги - ишчи кучи бозори шаклланишининг асосий шароити ёхуд шартидир. Шу билан бир қаторда ишчи кучи бозори-

¹⁹⁴ Yakubov I.O., Islomov A.A., Sunnatov M.N. Mintaqaviy iqtisodiyot: Darslik. – T.:2019.-228 b

нинг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатаётган бир қатор иқтисодий, ижтимоий, демографик, табиий иқлимий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар ва омиллар мавжудки, уларни биз қуйида батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Ишчи кучи бозори шаклланишининг асосий иқтисодий шарт-шароити бўлиб, ёлланма ходимларни ўз ишчи кучларига нисбатан шахсий мулкчиликлари ва иш берувчиларнинг иш жойларига жамоа ёки хусусий мулкчилиги хизмат қилади. Бу ерда шуни назарда тутиш керакки, мазкур субъектларни ўзаро алмашув муносабатига киришига уларнинг шахсий манфаатлари мажбур қилади, унинг орқасида шахсий истеъмолчилик ётади. Улар ҳам ўз навбатида қайта такрор ишлаб чиқаришда аҳоли ижтимоий-иқтисодий турмушининг фақат керакли ижтимоий эҳтиёжининг ифодаланиши бўлади.

Ишчи кучи бозорининг вужудга келиши ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносибликка эришиш учун ўзаро рақобат қилишга тайёр эркин ва тенг ҳуқуқли шериклар иқтисодий муносабатларда бўлишларини тақозо этади. Бозорда ёлланма ходим ва иш берувчи шахсий эркинлик ва иқтисодий зарурият нуқтаи назаридан ўзаро боғланган ҳамда бир-бирларига қарам бўлсалар ҳам бир-бирларига қарши турадилар.

Ишчи кучи талаб ва таклифи ўртасида бозор мувозанатига эришиш меҳнат бозорининг шаклланишида ҳал қилувчи иқтисодий шартлардан бири ҳисобланади. Аммо бундай мувозанат мавжуд эмас. Бунинг асосий сабаби - таклиф қилинган меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг унга талаб миқдорига нисбатан тез ўсиши.

Ишчи кучи бозори конъюктураси шаклланишининг ижтимоий шарт-шароитлари ичида ёлланма ходимлар ва иш берувчиларнинг сифат кўрсаткичлари ошиши етакчи ўрин эгаллайди.

Иш берувчи ва ёлланма ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси (контракт) меҳнат бозорида ишчи кучининг сотиш, сотиб олишнинг ҳал қилувчи ҳуқуқий шарт-шароити ҳисобланади.

Янги иш жойларини яратиш ва ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш йўли билан ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносибликни таъминлашга маълум даражада имкониятлар вужудга келтирилади. Бу эса меҳнат ресурсларининг ортиқчалик даражасини, демак, ишсизлик миқёсини ҳам кескин камайтиришга бевосита таъсир этади. Шу билан бирга ортиқча меҳнат ресурсларига эга республикада худудларида ишчи кучига талабнинг ошиши ва унинг таклифи пасайишига бевосита таъсир этувчи омилларни тадқиқ қилиш энг муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади. Ишчи кучига талабнинг ошишини асословчи омилларга қуйидагилар киради: ноқишлоқ хўжалиги тармоқларда янги иш жойларини яратиш, меҳнат қўлланиладиган амалдаги минтақаларни техник қайта жиҳозлаш, модернизатсиялаш, қайта таъмирлаш, хорижий сармояларни жалб қилиш, янги ерларни ўзлаштириш, қайта ишлаш sanoati, хизматлар кўрсатиш ва шахсий меҳнат фаолияти кўламини кенгайтириш,

кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқалар. Шу билан бир вақтда ишчи кучи таклифини ва иш жойларига эҳтиёжни пасайтирувчи омиллар вужудга келади ва улар таъсир қила бошлайди: шахсий ёрдамчи хўжалик, якка меҳнат фаолияти, хусусий тадбиркорлик ва ўз-ўзини банд қилишнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш, бандликнинг эгилувчан ва ностандарт шакллари кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг бозор усулларини татбиқ этиш, инфляция ва ишсизликни пасайтириш, маҳаллий кадрларнинг мобиллигини (сафарбарлигини) ҳамда малакасини ошириш ва бошқалар.

Ишчи кучи ресурслари билан кам таъминланган ҳудудларда эса бир қатор омиллар ишчи кучига талабнинг пасайишига кўмаклашади. Хусусан, бу ижара ва хусусий мулкчиликни ривожлантириш, тўлаш қобилиятига эга бўлмаган ёки экологик зарарли корхоналарни ёпиш, янги ерларни ўзлаштириш кўламини қисқартириш, моддий-техникавий ва молиявий ресурслар таъминотини яхшилаш, интенсив технологияни қўллаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ҳоказо.

Ишчи кучи бозорида талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатнинг бўлмаслиги ҳамиша тўлиқ ва самарали бандликка шароит қолдирмайди. Агар таклиф талабдан ортиб кетса, албатта ишсизлик пайдо бўлади, талаб таклифдан ва реал еҳтиёжлардан ортиб кетган шароитларда эса яширин ишсизлик келиб чиқади. Бандлик ва ишсизликни, уларни керакли даражада сақлаб туриш мақсадларида тартибга солишнинг асосий механизми бандлик хизмати ишини ташкил этиш, касбга тайёрлаш ва касбга йўналтириш ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. A.G. Korovkin "The Problems of Labor Supply and Labor Demand Adjustment on the Russian Labor Market" *Studies on Russian Economic Development*, 2011, Vol. 22, No. 2, pp. 177–190
2. Фомина А.С. (2015), "Статистическое исследование оптимальности рынка труда как основы эффективного экономического развития регионов" диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук, «Российский экономический университет имени Г.В. Плеханова, 21 р.
3. Шадманов Э.Ш. "Мамлакатни модернизациялаш жараёнида иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносибли ривожлантиришнинг асосий йўналишлари" 08.00.01 – «Иқтисодий назария» иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати, Тошкент – 2011
4. Yakubov I.O., Islomov A.A., Sunnatov M.N. *Mintaqaviy iqtisodiyot: Darslik.* – T.:2019.-228 b
5. O'zbekiston Respublikasi Davlat Statistika qo'mitasi rasmiy sayti www.stat.uz

ЁШЛАР ЎРТАСИДА КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ

Ж.Х. Бобаназарова,
Жиззах политехника институти

Аннотация: Мазкур мақолада ёшлар ўртасида камбағаллик, унинг салбий оқибатлари, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларидан фойдаланиши бўйича тақлиф ва тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: камбағаллик даражаси, қашиоқлик, иш ўринлари, иш билан бандлик, норасмий меҳнат билан бандлик.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий ривожланишида камбағаллик даражаси аҳолининг турмуш тарзида ифодаланиб, ижтимоий масала сифатида деярли барча иқтисодий тизимларда намоён бўлади. Камбағаллик мамлакат иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатган ҳолда меҳнат бозорида турғун рақобатсизлик ҳолатини келтириб чиқаради, иқтисодий ва ижтимоий тизимларнинг ўзаро мувозанатини бузади, шунингдек, аҳоли харид қобилиятининг пасайиши эвазига бозор умумий талабини ҳам камайтиради.

Олимларнинг фикрича “Камбағаллик юртимизда кўп йиллар “эпик мавзу” бўлиб, авваллари бу категориянинг ўрнига юмшатиш қабилада “кам таъминланганлик” тушунчаси билан алмаштириб келинган эди. Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган очик демократик сиёсат туфайли мазкур муаммонинг мавжудлиги, унинг ечими бўйича чуқур таҳлилларни амалга ошириш, уни пасайтириш ва келажақда бартараф этиш ҳақида юксак минбарларда ҳам очик-ойдин гапирилмоқда [1].

Камбағалликни камайтиришнинг асосий йўналишлари бўлган норасмий иш билан бандликни қисқартириш ва янги иш ўринларини ташкил этишни кўпайтириш ҳамда ёшларни замонавий мутахасисликлар ва касб-хунарларга тайёрлашни стратегик ёндашувлари бўйича амалий ва илмий тадқиқотлар ижтимоий йўналтирилган рақамли бозор иқтисодиёти талаблари асосида етарлича олиб борилмаганлиги ўрганилаётган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти “Камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёшларга кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак” [2] деб таъкидлаб ижтимоий гуруҳ ёки индивиднинг ҳаёт

учун зарур бўлган энг кам эҳтиёжларини қондира олмаслигининг иқтисодий шароитини акс эттирувчи хусусият эканлигини яна бир бор кўрсатиб берди.

Тадқиқот методологияси

Камбағаллик кўрсаткичини аниқлаш, уни таҳлил қилишда эмпирик усуллар, илмий кузатув, сўров, эксперт баҳолаш усулидан ифойдаланилган.

Тадқиқот натижалари

Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил этадиган ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлатимиз ва жамиятимиз марказида бўлиб келган. 2021 йилнинг 12-13 август кунлари Тошкентда “Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Бутунжаҳон конференцияси”да Тошкент Ёшлар декларацияси қабул қилинди. Мазкур ҳужжатнинг “Ёшлар ва бандлик” номли қисмида бутун дунёда ёшларнинг ижтимоий ва иқтисодий имкониятлардан фойдаланиш, айниқса, пандемия шароитида иш билан таъминлаш масаласида чекланганини тан олган ҳолда, ёшларни иш билан таъминлаш бўйича Миллий ҳаракатлар режаларини қабул қилиш белгиланди.

“Ёшлар ўртасида камбағалликни камайтириш, уларни ўзини - ўзи банд қилишга рағбатлантиришда уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурлар, “Ёшлар дафтари” муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Мазкур йилда “Ёшлар дафтари”га киритилган 430 минг нафар йигит-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш учун 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Жумладан, “Темир дафтар”даги оилалар фарзандлари бўлган 2 мингдан зиёд талабанинг контракт пули тўлаб берилди.

Бу йилдан бошлаб иш берувчиларга уларнинг 25 ёшдан ошмаган ишчи-ходимлари учун ҳисобланган ижтимоий солиқ миқдорини бюджетдан тўлиқ қайтариб бериш тартиби жорий қилинди. Натижада жорий йилнинг иккинчи ярмида 170 миллиард сўм, келгуси йилда эса 500 миллиард сўм маблағ 240 минг нафар ёшни ишга қабул қилган тадбиркорлар ихтиёрида қолади [3].

Жаҳон мамлакатларида камбағаллик даражасини камайтириш учун турли моделлар қўлланилади, бу борадаги тажрибаларга қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, швед модели ишсизларни ўқитиш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиб, тўлиқ бандлик ва даромадлар тенгсизлигини камайтириш дастурларидан кенг фойдаланади. Чехияда камбағал аҳолини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун махсулотлар ва пул кўринишидаги кўшимча кўмаклар нафақадан ташқари мунтазам бериб борилади.

АҚШда камбағалларга кўрсатилаётган ёрдам аҳолининг 15 фоизидан 20 фоизигача қисмини қамраб олувчи молиявий воситалар ишлайди. Озиқ-овқат талонлари, арзон уй-жой олиш дастурлари, қариялар учун тиббий ва ижтимоий ёрдам турлари, бола парваришлаш бўйича нафақалар ва бошқа турдаги қўллаб-қувватлаш турларини ўз ичига олади. Ёшлар учун эса касбий кўникмалари ва малакаларини ошириш учун махсус дастурлар ажратилади [4].

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимизда ёшлар ўртасида камбағалликни қисқартириш, турмуш даражасини ошириш учун:

– ҳудудларда меҳнатга лаёқатли ёшларнинг иш билан бандлик чоратadbирларини амалга ошириш, ишсизлик даражаси юқори бўлган жойларда турли дастурларни амалга оширишга эришиш;

– фаол инвестиция сиёсатини ўтказиш ҳисобига янги корхоналар ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, миллий “рақамли иқтисодиёт”ни шакллантириш, микрокластер тизимини ривожлантириш, тадбиркорликни ҳар тарафлама рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш орқали барқарор, самарали, меҳнатга муносиб ҳақ тўланадиган иш жойлари ташкил этишни кўпайтиришга эришиш;

– рақамли иқтисодиёт шароитида иш билан бандлик даражасини ошириш, меҳнат бозорини барқарорлаштиришга эришиш учун ишга жойлашишга муҳтож шахсларга касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини кенгайтириш.

– тирикчилик воситаларидан маҳрумлик, тенгсизлик, маданий, эксплуатация кўринишидаги ҳамда таркибий камбағалликка қарши курашиш борасида кишиларнинг иқтисодий тафаккури ва иқтисодий тарбиясини ўзгартиришга эришиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мустафакулов Ш., Муродуллаев Н., Хамидов Р.Ўзбекистонда камбағалликни аниқлаш ва қисқартириш давлат сиёсати даражасида. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” Ilmiy elektron jurnali. 1/2020 (№ 00045)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь, № 19 (7521)

3. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири саволларига жавоблари. Янги Ўзбекистон газетаси. № 165, 2021 йил 17 августъ.

4. www.worldbank.org.

КАМБАГАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ СИФАТИДА

Э.Я. Махамматов,

Жиззах политехника институти магистри

Аннотация: Меҳнатга лаёқатли аҳолининг иши билан бандлигини ошириши ва камбағалликни қисқартиришида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур мақолада камбағалликни камайитиришида инновацион тадбиркорлик фаолиятинининг хусусиятлари, аҳамияти ёритилган. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши бўйича таклифлар илгари сурилган.

Таянч сўзлар: камбағаллик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, инновация, конкуренция, пандемия, глобал иқтидор, рағбатлантириши.

Кириш

Камбағаллик тушунчаси меҳнат қилиш, авлодлар узвийлигини давом эттириш, ҳаётий эҳтиёжларни қондириш имкониятига эга бўлмаган шахс ёки ижтимоий гуруҳларнинг иқтисодий ҳолатларини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида иқтисодиётнинг ривожланиш жараёнида моддий ва номоддий имтиёزلардан фойдаланиш ва даромадларни тақсимлашдаги тенгсизликнинг оқибати сифатида изоҳланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 400 мингдан ортиқ оила турмуш шароитлари яхшиланишига муҳтож. Ўзбекистон шароитида ҳам ривожланган мамлакатлардек камбағалликни қисқартиришга комплекс ёндашув энг мақбул ечимдир. Ўзбекистонда охириги уч йил мобайнида¹⁹⁵ камбағалликни камайитиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида аҳоли жон бошига реал жами даромад 43,9 фоизга, ўртача ҳисобланган номинал ойлик иш ҳақи 79,7 фоизга ёки 2016 йилдаги 1293,8 минг сўмдан 2019 йилда 2324,5 минг сўмга ошди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини ошириш чора-тадбирлари сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган изчил тадбирлар, бу бўйича қабул қилинаётган қатор дастурий йўналишлар мазкур соҳанинг ривожланишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Жумладан, “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да хусусий мулк ҳуқуқи¹⁹⁶ ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни

¹⁹⁵ Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар марказининг маълумотлари. <https://review.uz>.

¹⁹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги “Ўзбекистон Республи-

таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлдаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, “Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади” деган тамойилни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қудай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш вазифалари белгиланган.

Шунингдек, камбағалликни камайтиришнинг асосий йўналишлари бўлган норасмий иш билан бандликни қисқартириш ва янги иш ўринларини ташкил этишни кўпайтириш ҳамда ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш бўйича амалий ва илмий тадқиқотлар олиб бориш мазкур мавзунинг долзарблигини янада оширади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот ишида мантикий ва таққослаш таҳлили, тадқиқотни ўрганишга тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез, гуруҳлаш, комплекс баҳолаш, социологик тадқиқот усулларидан фойдаланилди. Инновацион тадбиркорлик меҳнат муносабатларининг замонавий шакли сифатида ривожланишининг гоё ва ихтиролардан амалий фойдаланиш орқали янги товар ва технологиялар яратиш жараёни тадқиқ қилинди.

Тадқиқот натижалари

Ҳозирги иқтисодийтни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нафақат иқтисодийнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган иш билан бандлик ва меҳнат муносабатларини такомиллаштиришда алоҳида ўрин эгаллайди. Академик Қ.Х.Абдурахмоновнинг фикрича “Кичик бизнес – бозор иқтисодиётининг асоси, иқтисодий ўсиш суръатларини ялпи миллий маҳсулот таркиби ва сифатини, аҳолининг иш билан бандлиги ва даромади даражасини белгилайдиган етакчи сектор ҳисобланади. Шунинг учун бутун дунёда кичик бизнесни ҳар тарафлама кенг ривожлантиришга биринчи даражали эътибор қаратилади”¹⁹⁷.

Мамлакатимизда иқтисодийтни либераллаштириш шароитида кенг қўламли ислохотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантирилиши билан чамбарчас боғлиқ. Чунки кичик бизнес йирик бизнестга нисбатан бир қатор рақобат устуликларига эга эканлиги билан фарқланади, хусусан кичик бизнеснинг мослашувчанлиги ва ихчамлиги бизнеснинг муҳим белгиси бўлиб, замонавий бизнес шароитида муҳим аҳамият касб этади.

Инновация – тадбиркорликнинг алоҳида қуроли, тадбиркорона фикрлаш инновацион кўринишидир. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳар қандай инновацион фаолият тадбиркорликдир, зеро, у янги гоёларни излаш (ва уларни баҳолашга

касини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

¹⁹⁷ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. Т.: ЎзРФА “Fan” нашриёти, 2019.-568 б.

янги махсулотдан тортиб то таркибга қадар); зарур ресурсларни излаш; корхонани яратиш ва бошқариш; моддий даромад олиш ва унинг натижасидан шахсан қониқишга асосланади. Аммо ҳар қандай тадбиркорлик ҳам инновацион бўла олмайдми, фақатгина яратилиш натижасида тадбиркорлик даромадини, инновацион махсулотнинг диффузиясини ишлатишга имконият берувчиларнигина инновация дейиш мумкин.

Инновацион фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар инновацион тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади. Шунга кўра тадбиркорликнинг икки модели ажратиб кўрсатилади. Биринчи модель – тадбиркорлик ташкилоти тасарруфиди мавжуд ресурслардан максимал қайтариш ҳисоби билан фаолиятни ташкил этишга қаратилган классик тадбиркорлик (анъанавий, сермахсул, эскириб қолган). Тадбиркорликнинг айнан классик моделида ишлаб чиқаришнинг ўсиш концепцияси шакллантирилади, унинг тағбиқ этилиши давлат томонидан қўллабқувватлашни, тадбиркорлик фирмаси учун ташки субсидиялаштириш омиллари ҳисобига ўтказиладиган тадбирлар учун вақт талаб этади. Бундан ташқари, фирма фаолияти самарадорлигини ошириш учун унинг ички захиралари ҳам фойдаланилади. Иккинчи модель – корхона ривожланишининг янги йўларини назарда тутувчи, инновациялар ёки ўсиш концепцияси ҳақида гапиришга имкон берувчи инновацион тадбиркорликдир.

Бизнинг фикримизча инновацион тадбиркорлик - янгилик яратишнинг алоҳида ижодкорлик жараёнидир, хўжалик жараёни, унинг замирида мунтазам янги имкониятларни излаш, инновацияларга йўналтирилганлик ётади. Бу мавжуд лойиҳани такомиллаштириш ёки янгилисини амалга оширишдаги таваккалчиликни, шунингдек, бу жараёнда юзага келадиган молиявий, маънавий ва ижтимоий жавобгарликни тадбиркор ўз зиммасига олишга тайёрлиги билан боғлиқ.

Таҳлиллар

Ҳар қандай шаклдаги тадбиркорлик фаолияти ўз ичига кичик инновацион фўрсатни олади, масалан, ишлаб чиқаришни бошқариш учун ташкилотдан сифатли махсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги усуларини жорий қилиш ёки янги технологиядан фойдаланиш.

Кейинги вақтларда мамлакатимизда рўйхатга олиш миқдорининг ўсиши, шу жумладан онлайн тартибга 30 дақиқада амалга ошириладиган рўйхатга олиш жараёнини соддалаштириш ҳисобига юз бермоқда. Шу ўринда олдинги рўйхатга олиш тизими билан жорий рўйхатга олиш тизимини солиштириш мақсадга мувофиқ (1-жадвал).

Бундан ташқари бозорга анъанавий махсулотларни ишлаб чиқариш ёки олиб чиқиш, шунингдек, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқаришнинг техник элементлари ёки ишлаб чиқаришдан товар сифати тавсифи ўзгариши билан боғлиқ қандайдир янги элементлари ёки усуларини қўллаш ҳам самарали ташкил этилмоқда. Давлат ва ҳукумат томонидан олиб борилаётган иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий чора-тадбирлар кичик бизнесни ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишини белгилаб бермоқда.

Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олиш босқичларининг
солиштирма таҳлили¹⁹⁸

| Одинги рўйхатга олиш тартиби | Жорий рўйхатга олиш тизими |
|--|--|
| <p>1. Хужжатларни тайёрлаш ва топшириш.</p> <p>1.1. Рўйхатга олиш идораси: текшириш, статистика, кодларини белгилаш, муҳрларни тасдиқлаш.</p> <p>1.2. Давлат солиқ хизмати: СТИР бириктириш.</p> <p>2. Рўйхатга олиш гувоҳномасининг асл нухасини олиш.</p> <p>2.1. Рўйхатга олиш идораси: маълумотларни Ягона давлат реестрига киритиш, гувоҳнома бериш.</p> <p>2.2. Бошқа идоралар (солиқ, давлат статистика қўмитаси, Халқ банки) рўйхатга қўйиш.</p> | <p>1.1. Онлайн хужжатларни топшириш.</p> <p>1.1. Давлат рўйхатдан ўтказиш тизими – текшириш, рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга қўйиш, жумладан, идентификаторлар (СТИР ва ҳоказо).</p> <p>2. Онлайн равишда рўйхатга олиш гувоҳномасини олиш.</p> <p>2.1. Рўйхатга олиш гувоҳномасини электрон шаклда жўнатилиши.</p> |

Бу борада мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги ўзгариш салмоғига эътибор қаратиш лозим (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ЯИМ таркибида кичик бизнес бизнес ва
хусусий тадбиркорлик субъектлари улушининг ўзгариши¹⁹⁹
(% ҳисобида)

| Кўрсаткичлар | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 |
|--|------|------|------|------|------|------|
| ЯИМ, жами | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши | 63,6 | 64,1 | 64,9 | 63,6 | 65,4 | 69,5 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 64,5 | 64,6 | 57,0 | 61,1 | 67,5 | 69,4 |
| Андижон вилояти | 59,4 | 61,4 | 66,0 | 83,1 | 89,4 | 90,1 |
| Бухоро вилояти | 56,1 | 56,5 | 56,9 | 78,4 | 83,5 | 87,5 |
| Жиззах вилояти | 79,9 | 80,1 | 80,3 | 83,4 | 85,7 | 89,4 |
| Қашқадарё вилояти | 51,5 | 51,6 | 51,7 | 64,9 | 68,5 | 71,5 |
| Навоий вилояти | 36,9 | 37,1 | 37,6 | 48,8 | 56,5 | 63,6 |
| Наманган вилояти | 79,7 | 80,2 | 80,3 | 78,7 | 83,6 | 86,8 |
| Самарқанд вилояти | 77,4 | 77,9 | 78,0 | 80,1 | 83,6 | 85,6 |
| Сурхондарё вилояти | 74,5 | 75,2 | 75,3 | 78,0 | 82,8 | 89,6 |
| Сирдарё вилояти | 67,7 | 68,5 | 68,7 | 74,4 | 76,8 | 81,5 |
| Тошкент вилояти | 56,2 | 56,7 | 57,1 | 66,2 | 68,4 | 71,9 |
| Фарғона вилояти | 56,2 | 56,7 | 57,1 | 72,6 | 75,5 | 78,5 |
| Хоразм вилояти | 73,9 | 74,1 | 74,2 | 78,2 | 83,5 | 84,1 |
| Тошкент шаҳри | 56,2 | 56,7 | 57,1 | 63,4 | 72,4 | 78,5 |

¹⁹⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва рўйхатдан ўтказиш тизimini такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сонли қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Фармонига асосан. Lex.uz.

¹⁹⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Хулоса ва таклифлар

Кейинги вақтларда барчанинг эътиборида бўлган “Янги буюк тургунлик” номи билан аталаётган коронавирус эпидемиясининг кескин тарқалиши²⁰⁰ иқтисодиётда янгидан янги иқтисодий ислохотларни олиб боришни тақозо этади. Мазкур ҳолатни енгиб ўтишнинг самарали чора-тадбирларини амалга ошириш учун қийин аҳволга тушиши мумкин бўлган соҳа ва тармоқларни, йирик корхоналарни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, амалга ошириш белгиланди. Бу жараёнда: молия ва хомашё бозорида беқарорлик юзага келишига йўл қўймаслик, молиявий барқарорликни сақлаш ҳамда бозорларда нарх-навонинг ўсишини олдини, иқтисодиётимизнинг базавий ва ҳал қилувчи тармоқлари узлуксиз ишлашини сақлаб қолиш, марказдан ҳудудий бюджетларни ва аҳолимизни қўллаб-қувватлаш асосий вазифаларимиз бўлиши белгиланди. Бунинг учун ҳар бир тармоқ, корхона ва ҳудуд кесимида манзили ва аниқ тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

Коронавирус пандемияси ва глобал инқирознинг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш юзасидан давлат ва ҳукумат томонидан тизимли қатъий белгиланган ишлар амалга оширилоқда. “Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарорда белгиланишича қуйидагилар орқали тадбиркорликни ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш учун кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан биринчи навбатда ижтимоий аҳамиятга эга истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, сотиб олиш ва сотиш учун берилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплашга кафилик ҳамда компенсация тақдим этишни кенгайтириш вазифаси белгиланди.

Инқирозга қарши курашиш шароитида карантин даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган якка тартибдаги тадбиркорларга жисмоний шахс даромадлари солиғи ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатилади. Ушбу имтиёз қарийб 150 минг якка тартибдаги тадбиркорларга қатта қўмақ бўлади. Тушуми ўтган ойдагига нисбатан 50,5% га камайган кичик бизнес субъектларига айланмадан олинадиган солиқ, ер солиғи, мулк солиғи, ижтимоий солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш муддати 2020 йил 1 октябрига қадар кечиктирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2021 йил 20 август куни август куни тадбиркорлар билан очик мулоқот ўтказди. Ўзбекистонда тадбиркорлар сони 1,5 миллион кишини ташкил этади. Ушбу тадбиркорларга қарашли

²⁰⁰ ООН: Пандемия коронавирусной инфекции может привести к снижению мировой экономики. <https://news.un.org.storu.2020/04>.

корхоналарда 5 миллионга яқин киши меҳнат қилмоқда²⁰¹. Мамлакатда кредит ва субсидиялар олиш, лицензия, кўчмас мулк ва ресурсларга эга бўлиш учун кўплаб шарт-шароитлар яратилган, шунингдек, биргина ўтган 2 йил мобайнида мамлакатимиз хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 500 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилгани қайд этилди.

Мулоқот давомида кредитлар энди фақат сўмда берилиши, микромолия ташкилотлари учун енгилликлар, бизнес учун солиқ юкени камайтириш, ер сотиш ва хусусийлаштириш, инфратузилма яратиш, экспортёрларни қўллаб-қувватлаш, транспорт-логистика тизимини ривожлантириш ва тадбиркорликка оид тартибларни соддалаштириш йўналишларида қатор янгилликлар эълон қилинди.

Жумладан, тадбиркорлик фаолиятини инфратузилма билан таъминлаш йўналишида 2022 йил 1 январдан бошлаб, қиймати 200 млрд сўмга тенг лойиҳалар бўйича электр, табиий газ, сув тармоқлари ва йўл инфратузилмасини етказиб бериш тўлиқ давлатнинг зиммасида бўлади.

Келгуси икки йилда республика бўйича қўшимча 200 та sanoat зоналари ташкил этилади. Уларнинг ҳар бирига камида 15 та корхонани жойлаштириш мўлжалланиб, электр, табиий газ, сув тармоқлари ва йўл инфратузилмаси етказиб бериш тўлиқ давлатнинг зиммасида бўлади. Ушбу мақсадлар учун, 2022 йилда бюджетдан 2 тран сўм маблағ ажратилади. 2021 йил 1 ноябргача 4 мингта трансформаторни алмаштириш, 35 та подстанция, 15 минг километр тармоқларни янгилаш ишлари якунига етказилади.

2021 йил якунига қадар тўлиқ хусусий инвестициялар ҳисобига умумий қуввати 1 минг 800 мегаватт бўлган 8 та иссиқлик ва қуёш электр станциялари ишга туширилади. 2023 йилга қадар электр энергияси бўйича қўшимча ишлаб чиқариш қувватлари 4 минг 400 Мегаваттга оширилади.

2022 йил бошидан Энергетика вазирлиги томонидан электр тармоқларига уланишнинг янги, қулай тизим жорий этилади. Бунда электр тармоғига уланиш тўлиқ электрон платформага ўтказилади ва барча жараёнлар бир босқичга туширилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш, унинг инновацион фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш куйидаги йўналишларда амалга оширилиши лозим:

– фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти билан эркин шугулланишлари ва ундан манфаатдорлигининг кафолатлари ва шарт-шароитларини таъминлаш, уларнинг ишбилармонлик фаолигини ошириш, ҳамда қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш;

– молия-кредит тизимини такомиллаштириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий

²⁰¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёев ишбилармонлар: тадбиркорлар билан илк очик мулоқотдаги маърузаси. 2021 йил 20 август. Lex.uz.

тадбиркорлик субъектларининг кредит манбалари ва сармояларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи инфрагузилмалар фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш, кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаолиятини кафолатлаш мақсадида суғурта тизимининг аҳамиятини ошириш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарнинг хом-ашё, ахборот ва инновацион технологиялардан эркин ва тўсиқларсиз фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотиш тизимини такомиллаштириш;

– аҳолининг айниқса ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

2. Абдурахмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. -Т.: ЎЗР ФА “Ғап” нашриёти, 2019. - 568 Б.

3. ООН: Пандемия коронавирусной инфекции может привести к снижению мировой экономики. <https://news.un.org/story/2020/04>.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёев шибилармонлар: тадбиркорлар билан илк очиқ мулоқотдаги маърузаси. 2021 йил 20 август. Lex.uz.

ХУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИНИНГ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ

М.Ф. Султонов,

Жиззах политехника институти II босқич магистри

Аннотация: Ушбу мақолада ҳудудларни ривожлантириш орқали аҳоли иш билан бандликни оширишнинг ўзига хос хусусиятлари, аҳамияти ёритилган.

Таянч сўзлар: ҳудуд, аҳоли бандлиги, иқтисодиёт, инвестиция, самарадорлик, “инновация-инвестиция” уйғунлиги.

Кириш

Иқтисодий ислохотлар шароитида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муаммоси жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим макроиқтисодий хусусиятларидан бири бўлиб иқтисодиётда алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатиб берилганидек ²⁰² “...аҳоли бандлигини ошириш мақсадида аҳолининг реал пул даромадлари ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва даромадлар бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш, янги иш ўринларини яратиш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш” белгиланган. Шу ўринда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, мавжуд салоҳиятидан тўлиқ ҳажмда фойдаланиш имкониятларининг яратилиши орқали аҳоли иш билан бандлигини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқот методологиясини аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш бўйича олимлар томонидан олиб борилган илмий ишлари натижалари, тегишли фармон ва қарорлари ташкил этади. Олиб борилаётган тадқиқот жараёнида мантикий ва таққослаш таҳлили, тадқиқотни ўрганишга тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез, гуруҳлаш, комплекс баҳолаш, социологик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари

Аҳоли иш билан бандлигининг замонавий турлари орасида самарали бандлик алоҳида ўрин эгаллайди. Академик Қ.Х.Абдурахмоновнинг фикрича “Иш билан бандликни самарали тусда бўлиши даромад келтирадиган ижтимоий фойдали фаолият билан банд бўлишни, ишчи кучини тўлиқ иш вақтида фаолият кўрсатишини ҳамда иш ўринларининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мақсадга

²⁰² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ -4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.

мувофиқ ва самарадорлик даражаси юқори бўлишини, шунингдек, замонавий технология ва техникалар билан жиҳозланган иш жойларида иш билан таъминланиши назарда тутати²⁰³.

Шу ўринда тадқиқот объекти сифатида Жиззах вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳоли иш билан бандлигини ошириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларга эътибор қаратамиз. Жиззах вилояти юқори суръатларда ўсиб бораётган ишлаб чиқариш салоҳиятига, қулай табиий-иқтисодий шароитга эга бўлиб, бу ерда туризмни ривожлантириш ва йирик курорт зонасини ташкил этиш бўйича кенг имкониятлар мавжуд. Жиззах вилоятининг аҳолиси ҳудуд бўйлаб бир текис жойлашмагани меҳнат бозорига салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан бўлиб, вилоят меҳнат ресурслари ортиқча бўлган минтақалар сирасига киради. Аҳолининг деярли ярми (48,5 %) меҳнатга лаёқатли ёшда бўлиб, бу таркибга ҳар йили ўртача 23 мингдан ортиқ киши қўшилмоқда.

Вилоятнинг ривожланишида “Жиззах” махсус индустриал зонаси алоҳида ўрин эгаллайди. “Жиззах” махсус индустриал зонасида Ўзбекистон-Хитой sanoat parkini барпо этиш бўйича ўзаро англашув меморандумига мувофиқ, юқори қўшимча қийматга эга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган юксак технологияли корхоналар ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш белгиланган. “Жиззах” махсус индустриал зонаси учун 364 га ер, унинг Сирдарё туманидаги филиали учун 108 га ер ажратилган. Бугунги кунга қадар “Жиззах” МИЗда 51 млн. АҚШ долларига тенг қийматда 13 та лойиҳа амалга оширилган. Лойиҳаларнинг сонини яна 11 тага кўпайтириш режалаштирилган, бунинг учун қўшимча 156 млн. АҚШ доллари миқдориде инвестиция жалб этилиши мўлжалланган. Шу мақсадда қуйидаги ишлаб чиқариш соҳалари устувор йўналиш сифатида белгиланган: кимё ва нефт-кимё, озиқ-овқат, енгил sanoat, қурилиш моллари, полимер маҳсулотлари ва бошқа йўналишлар.

Жиззах вилоятида sanoat ишлаб чиқаришни бир неча йўналишларда ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Машинасозлик, электромеханика, аккумулятор, руда қазииш, қурилиш материаллари, пахта тозалаш, ип йигирув, пайпоқ туқув, устки трикотаж, мебелсозлик, ёғ-мой, сут ва ун маҳсулотлари, ипакчилик, гўшт-колбаса, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш каби турлар бўйича sanoat объектларини ишга тушириш мумкин.

Таҳсиллар

Жиззах вилоятининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари йиллик ўсиш суръатини таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудларига нисбатан ўртача кўрсаткич даражасида ўсиш суръатлари кузатилаётганлигини

²⁰³ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. - Тошкент: “Mehnat” нашриёти, 2004. - 280 б.

кўришимиз мумкин. Вилоятда 2010 йилдан буён ялпи ҳудудий маҳсулот 1,7 баробар ўсиб, кейинги беш йилда саноат маҳсулотлари ҳажми 1,9 марта кўпайиб, ялпи ҳудудий маҳсулотда унинг улуши 18,3 % дан 21,8 % га етгани ана шундай амалий ишлар натижасидир.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш орқали ЯИМдаги улушини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. 2019 йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 10190 тага етди. Натижада ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмидаги улуши 63,9 % (ўтган йилнинг шу даврига 63,7 %), саноатда 65,0 % (54,9 %), қишлоқ хўжалигида 99,9 % (98,8 %), инвестициялар 64,9 % (63,2 %), қурилиш ишлари 95,4 % (94,6 %), чакана савдо 89,3 % (87,8 %) ни ташкил этди.

Тижорат банклари томонидан 2019 йилнинг 6 оyi мобайнида КБХТ ни молиявий жиҳатдан қўлаб-қувватлаш учун 304 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди. Бу маблағларнинг 59,1 млрд. сўми саноат соҳасига, 101,5 млрд.сўми қишлоқ хўжалигига, 52,4 млрд. сўми савдо-сотик ва айланма маблағларни тўлдиришга, 26,3 млрд. сўми қурилиш бунёдкорлик ишларига, 35,8 млрд. сўми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга ва 25 млрд. сўми бошқа соҳаларга ажратилди. Жиззах вилояти бўйича аҳоли бандлигида кичик бизнеснинг улуши 81,9 % ва амалга оширилган экспорти таркибида ҳам кичик бизнеснинг улуши ошиб бормоқда. Вилоят умумий экспортидаги кичик бизнеснинг улуши 89,4 % ни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 87,9 %) ташкил этиб, 101,9 % га ўсишга эришилди.

Ҳудудларнинг иқтисодий ривожини яратилаётган шарт-шароитлар ва қўлаб-қувватлаш механизмлари самарали ишлаётганлиги сабабли аҳолининг ишбилармонлик қобилияти кенгайиши, тадбиркорлик ташаббуслари ортиши кузатилмоқда. Натижада, иш билан банд аҳолининг аксарият қисми айнан кичик бизнес соҳасида меҳнат қилмоқда. КБХТ ривожига кенг йўл очиб берилганлиги аҳоли бандлигининг ошиши ва даромадлари ўсишида барқарорлигини таъминловчи кафолат воситаларидан бирига айланди (1-жадвал).

1 - жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоятда аҳоли иш билан бандлигини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда 2019 йилда 41 793 та ўрин ажратилган бўлиб, унинг энг кўп улуши (58,2 фоизи) кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш ҳисобига ташкил этилган иш ўринларига тўғри келган.

Бир қатор олимлар томонидан илгари сурилган “Ҳудуд аҳолисининг ривожланишини башорат қилиш ва ишчи ўринларининг зарур бўлган сонини аниқлаш алгоритми”дан фойдаланган ҳолда ва олиб борилган тадқиқотларга асосланиб Жиззах вилояти аҳолисининг ривожланишини башорат қилиш ва кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларида иш жойларининг зарур бўлган сонини аниқлаш алгоритминини ишлаб чиқдик (1-расм).

Жиззах вилоятида ташкил этилган иш ўринлари сонининг ўзгариши (ўрин)²⁰⁴


| Кўрсаткичлар | 2007 | 2010 | 2012 | 2015 | 2017 | 2018 | 2019 |
|--|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| Ташкил қилинган иш ўринлари сони, | 28556 | 43534 | 43941 | 44048 | 44090 | 38160 | 41793 |
| Янги объектларни ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янгидан жиҳозлаш ҳисобига | 2630 | 3872 | 2373 | 7651 | 6387 | 5265 | 4536 |
| Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда, шундан | 24041 | 27216 | 28328 | 36397 | 32229 | 32127 | 34693 |
| Кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш ҳисобига | 4933 | 6529 | 7044 | 11318 | 18131 | 17398 | 19432 |
| Фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига | 3202 | 6022 | 4721 | 6577 | 5431 | 5183 | 4296 |
| Дехқон хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига | 7034 | 5219 | 4509 | 4721 | 4207 | 4111 | 5219 |
| Якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига | 8872 | 9446 | 12054 | 13781 | 4460 | 5435 | 5811 |

Мазкур алгоритмдан фойдаланган ҳолда Жиззах вилоятининг туманларида кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес фаолиятини йўлга қўйиш имкониятларини башоратлаш мумкин. Шу жумладан, вилоятда саноат ишлаб чиқаришини машинасозлик, электромеханика, аккумулятор, руда қазииш, қурилиш материаллари, пахта тозалаш, ип йиғирув, трикотаж, мебелсозлик, ёғ-мой, сут, ун маҳсулотлари, гўшт-колбаса, мева-сабзовот маҳсулотларини қайта ишлаш, шарбатли ичимликларни қайта тайёрлаш, сингари бир қатор соҳаларга инвестициялар йўналтириб аҳоли иш билан бандлигини ошириш мумкин.

Ҳудудда айниқса, саноат-қурилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, туризм соҳаларида ишбилармонлик муҳитини яратиш орқали кичик бизнес фаолиятини ривожлантиришга эришиш мумкин. Бундан ташқари, вилоятнинг тоғли ҳудудларида жумладан, Бахмал, Янгиобод, Фориш, Ғаллаорол туманларида банк тизимини тўғри йўлга қўйиш лозим. Масалан, тадбиркорлар томонидан яқин жойларда банк муассасалари мавжуд бўлмаганлиги сабабли узоқ йўл босиш орқали банк хизматларидан фойдаланилади. Ушбу тизимни ривожлантиришда мини банклар фаолиятини йўлга қўйиш ёки масофавий банк хизматларини, масалан мобиль банкинг, интернет банкинг ва бошқаларни тўғри

²⁰⁴ Жиззах вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

йўлга қўйиш орқали бизнес вакиллариининг молиявий хизматларга бўлган талаби қондирилиши мумкин.



1-расм. Танланган ҳудудларда иш жойларининг зарур бўлган сонини аниқлаш алгоритми

Вилоят ҳар бир туманининг ҳудудий-иқтисодий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ишчи кучига талаб ва тақлифига қараб кичик корхоналар, оилавий тадбиркорлик субъектларини жойлаштиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш мумкин ва бунда биз томонимиздан илгари сурилган услубдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу методикани такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли сонини аниқлаш, шу жумладан, уй хўжаликларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ўрганишлар ўтказиш, шунингдек, меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини шакллантириш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори асос сифатида ўрганилди. Мазкур қарорнинг 4-иловасида келтирилганидек, “Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини ишлаб чиқиш ҳамда ишга жойлаштиришга муҳтож,

банд бўлмаган аҳолини ҳисоблаш, меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли сонини ҳудудлар бўйича ҳисоблаб чиқиш, меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини ишлаб чиқиш тартибини белгилайди, шунингдек, мазкур методика халқаро стандартларга мувофиқ шаклланадиган статистик методология ҳисобланиб, меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини шакллантириш ҳамда ҳисоблаб чиқиш, ҳар бир календарь йилига банд аҳоли сонини баҳолаш учун қўлланади”.

Хулоса ва таклифлар

Меҳнат бозорида янги иш жойларини яратиш, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни аниқлаштириб олиш ва уларни ишлаб чиқиш объектив зарурият бўлиб ҳисобланади.

Ҳудудларнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида бизнингча, қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

– меҳнат кўрсаткичларига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилишда ишчи кучига талаб ва таклиф муаносблигини аниқ белгилаш лозим;

– инвестиция муҳитини бизнесга таъсири ва кичик тадбиркорлик субъектларига берилган турли имтиёзлари миқдори улардан фойдаланганлар сонини ҳам инобатга олган ҳолда кўрсаткичлар ўрганилса, вилоятда инвестицион муҳитнинг ривожланишига ижобий таъсирини кўрсатади;

– кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида меҳнат кўрсаткичларига таъсир кўрсатувчи омиллар гуруҳи таҳлилида дунёнинг илгор давлатларида қўлланиладиган усулларни қўллаган, ўрганган ҳолда методологик ёндашувни қўллаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.

2. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. - Тошкент: “Меҳнат” нашриёти, 2004. - 280 б.

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ ЎРНИ

Ф. Шодиев,
Жиззах политехника институти
II босқич магистри

Аннотация: Мақолада мамлакат макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш шароитида инсон капиталининг назарий жиҳатлари, уни ривожлантириш ва баҳолаш жараёнида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар бўйича амалий тавсия ва таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: инновациялар, инсон капитали, ишлаб чиқариш барқарорлиги, инновацион тизим, меҳнат ҳуқуқлари.

Кириш

Макроиқтисодий даражадаги глобаллашув ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти интеллектуал иқтисодиётнинг ривожланишига боғлиқ бўлиб, инновациялар оқимига асосланган ушбу тизим инсон капиталига таяниб бозор муносабатлари субъектларидан чуқур билим, янгилик ва янги гоя, замонавийликни талаб қилади. Жаҳондаги кучли рақобат муҳитида инновацион фаолиятнинг интенсивлик ҳолати иқтисодий ривожланиш даражасига таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатлардаги инновацион технологиялар, маҳсулотлар ва қурилмаларнинг ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улуши 60% ни ташкил этмоқда.

Жаҳон банкининг 2020 йил учун эълон қилинган инсон капитали индексида илк бор Ўзбекистон ҳам қатнашиб²⁰⁵, 62 фоизлик натижа билан МДҲ давлатлари орасида Беларусь (70 фоиз), Россия (68 фоиз) ва Қозоғистондан (63 фоиз) кейинги ўринни эгаллади.

Шунинг учун ҳам республикаимиз иқтисодиётини ривожлантиришда инновацияларни яратиш ва кенг жорий этиш жараёнларига алоҳида аҳамият берилиб, бу борада кенг қамровли мақсадли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Натижада мазкур соҳани муайян даражада ривожлантиришга эришилди. Ушбу йўналишда инновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркалари ташкил этилди, давлат бошқаруви институтлари қайта ташкил этилди, инновацияларни яратиш учун шарт-шароитлар яхшиланди ҳамда мазкур соҳадаги ҳуқуқий база яратилди.

Мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш, қисқа муддат ичида уни ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш учун инновациянинг туб моҳиятини очиб берган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев

²⁰⁵ <https://www.gazeta.uz/uz/2020/09/18/hci/>

Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек²⁰⁶ “...биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз”.

С.Фишер инсон капитали концепцияси назариясини асослаб қуйидагича назарияни илгари суради “Инсон капитали тугма қобилият ва истеъдод ҳамда эгалланган малакани ҳам ўзида жам этади”²⁰⁷. Жамиятда инсон капиталини узлуксиз ривожланиши корхонанинг рақобатдошлигини ортиши ва тадбиркорликнинг тараққиётига замин яратади. Ю.Корчагиннинг фикрича эса “Инсон капитали” тушунчаси инсон омили ва инсон ресурси тушунчасидан келиб чиққан бўлиб, анча кенг нуқтаи назардаги иқтисодий категориядир”²⁰⁸.

Инсон капиталини ривожлантириш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар иқтисодиётни модернизациялаштириш ва бошқарувни эркинлаштириш шароитида юқорида қайд этилган бошқарув тизимида инсон омилини фаоллаштиришнинг илмий-амалий асосларини ҳамда инсон омили фаоллигини баҳолашнинг мавжуд услубий базаси ва механизмларини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради, бу эса танланган мавзунинг долзарблигини ошириб, илмий-амалий жиҳатдан қизиқиш уйғотади.

Тадқиқот методологияси

Инсон капиталини ривожлантиришнинг самарали ташкилий-иқтисодий механизмлари бўйича мантиқий ва таққослаш таҳлили, тадқиқотни ўрганишга тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез, гуруҳлаш, социологик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари

Глобаллашув шароитида янгилиниш ва юксалишлар ҳар бир соҳада интерациялашув, инновацион тафаккурни ва уларга асосланган жамоавий уйғунлашув ҳамда инновацион муҳитни талаб этади. Жамоавий уйғунлашув бу ижтимоий ва иқтисодий секторлар соҳаларида интеграциялашув билан билимлар концентрациялашувига эришиш, оригинал ихтироларнинг ворисийлик асосида намоён бўлишига ҳамда “илм орқали билим” тамойили қонуниятига кўра ривожланиб, инновация даражасига кўтарилишига шарт-шароит яратишдир. Бугунги кун, ҳаётини босқичлари инновация билимларнинг тугал концентрациялашган интеграциялашувиди, муаммонинг теран аниқлиниши туфайли пайдо бўлган ғоядан бошланувчи илмий-тадқиқот, соҳа илмий-техник кадрларининг фаол ҳамкорлиги маҳсули, янгилинишга асосланган тўқин ва фаровон ҳаёт, ижтимоий ва иқтисодий юксалишларни таъминловчи омил, яъни бозорда ўз ўрнини топган ихтиро эканлигини исботлади.

²⁰⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь Lex.uz.

²⁰⁷ Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономическая теория. – М.: Юнити, 2002 г.

²⁰⁸ Корчагин Ю.А. Инвестиционная стратегия. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2006 г.

“Инновация” атамаси Й.Шумпетер томонидан 1912 йилда “Иқтисодий ривожланиш назарияси” асарида тақлиф этилган. Инновацион назариянинг энг асосий қоидалари ҳам ушбу асарда тўла асослаб берилган. У инновация деб ишлаб чиқариш соҳасида қўлланган янгилик ва у билан боғлиқ барча ўзгаришларни тушунган. Унинг фикрича, инновация фойда олишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланиб, ишлаб чиқаришнинг барқарорлигини таъминлаш, ривожланишни янада тезлаштириш манбасидир. Бу назариянинг асосий ҳаракатлантирувчи механизми сифатида, янгиликларни жорий этиш жараёни ҳисобланади.

Г.Қ.Абдурахмонованинг фикрича²⁰⁹ “Ижтимоий инновациялар, биринчи навбатда, инсон капиталини оширишга қаратилган. Инновацияларни жорий этиш, айниқса венчур бизнесини йўлга қўйиш кичик корхона мутахассислари, умуман барча ходимларидан чуқур билим, юқори малака, бой тажрибани талаб этади”.

Р.Р.Назарованинг эътироф этишича²¹⁰ “Инновация - бу жамият тараққиётининг таъсири остида инсон ўзгарувчан эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун янгилик киритиш, янгиликларни (янги амалий воситани) яратиш, тарқатиш ва улардан фойдаланиш жараёни” деб ифодаланади. Эса инновация (янгилик киритиш)ни амалга оширилган илмий тадқиқот ёки кашфиёт натижасида ишлаб чиқаришга жорий этилган, аввалгисидан сифат жиҳатдан фарқ қилувчи тизим” сифатида таърифлайди.

Юқоридаги таърифларга қўшилган ҳолда эътироф этиш керакки, инновациялар - бу назария ва амалиётнинг алоҳида шакли, ижтимоий, иқтисодий, маданий объект хусусиятларини такомиллаштиришга йўналтирилган ҳаракатларнинг яхлит тизимидир.

Таҳлиллар

Инсон капиталига ажратиладиган инвестициялар соғлиқ, билим, кўникмалар, қобилият, мотивацияга йўналтирилган иқтисодий восита эканлиги маълум. Натижада ижтимоий ишлаб чиқаришнинг у ёки бу соҳасида мақсадга мувофиқ фойдаланилар экан, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради, бу билан мазкур инсоннинг даромади ошиб боришига таъсир кўрсатади.

Ҳар қайси инновацион жараённинг объектив хусусиятларини бошқариш усулларини танлаш ва қўллаб-қувватлашни талаб этувчи жараёнларнинг йўналиш ва натижавийлигини аниқлашни аниқ, тўлиқ баҳолаш имкониятини берувчи инновация таснифи I-жадвалда келтирилган.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун инсон капитали учун йўналтириладиган инвестициялар ҳажмини ошириш,

²⁰⁹ Абдурахмонова Г.Қ. Кичик бизнесда аҳолини иш билан таъминлаш. Монография. - Т.: 2013. 186 б.

²¹⁰ Назарова Р.Р. К проблеме развития инновационной деятельности в экономике Узбекистан. -Т.: Общественные науки Узбекистан, №1-2, 2010. -30 с.

ишлаб чиқариш соҳаларини инновацион ёндашув асосида ташкил этиш, ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи субъектлар томонидан истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш, саноатнинг устувор соҳаларида яратилаётган қўшилган қиймат салмоғи кўпайтиришга таъсир қилади. Булар асосида интеллектуал салоҳиятни ошириш туради ва ушбу мақсадни амалга ошириш учун қабул қилинган меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар алоҳида аҳамиятга эга.

1-жадвал

Инновацион фаолиятнинг таснифий белгилари ва гуруҳланиши²¹¹

| Таснифий белгилар | Инновациянинг таснифий гуруҳланиши |
|--|---|
| Тури соҳаларда инновацияларни қўлаш | Бошқарув, ташкилий, тадбиркорлик, ижтимоий, саноат ва бошқалар |
| Фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини мустаҳкамлашда инновацион таррақиёт босқичлари | Ишлаб чиқариш, илмий- тадқиқот техник, технологик, ахборотлаштириш |
| Инновациянинг интенсивлик даражаси | Кучли, кучсиз, бир меъёрда |
| Инновацияни амалга ошириш суръатлари | Тезкор, ўсиб боровчи, секин ўзгарувчи, бир текис, тебранма |
| Худудий ривожланишда инновацион йўналишлар | Трансконтинентал, трансиллий, худудий, минтақавий, йирик, ўрта, кичик |
| Илғор илмий ишланмалар ва техникавий ютуқлардан самарали фойдаланиш | Саноат, молия, хизмат кўрсатиш, илмий-педагогик |
| Инновацион самарадорлик кўрсаткичлари | Иқтисодий, ижтимоий, экологик |

Жумладан, олий таълим тизимини 2017-2021-йилларга мўлжалланган ривожлантириш Дастурини амалга ошириш учун йўналтириладиган маблағлар 1,7 триллион сўмдан зиёд бўлиб, улардан 1,2 триллион сўми ўқув-лаборатория бинолари, спорт заллари ва талабалар турар-жойларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга, 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эса ўқувлаборатория ускуналари, мебель ва инвентарь билан таъминлаш, умумий тартибда фойдаланишга мўлжалланган, барча таълим муассасаларига хизмат кўрсатадиган лаборатория комплексларини ташкил этиш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга сарфланади²¹².

Хулоса ва таклифлар

Бизнинг фикримизча инсон капиталига киритиладиган инвестициялар миқдорини тартибга солиш ва унинг имкониятларини ошириш йўналишларини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, инсон капитали сифатининг ошиши,

²¹¹ Муаллиф томонидан гуруҳланган

²¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 18-сон, 313-модда.

ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида инсоннинг интеллектуал ва ижодий салоҳияти каби хусусиятлар билан аниқланадиган инновацион ривожланиш стратегиясини янада такомиллаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш муҳим:

– инсон капитални ривожлантиришнинг ишлаб чиқариш омили сифатида самарали амал қилишини таъминлаш воситаларини ўрганиш, инсон капитални баҳолашнинг амалдаги механизмларидан фойдаланишни такомиллаштириш усулларини тавсия этиш;

– корхоналар фаолиятини бошқариш тизимида инсон капитални ривожлантириш ва уни баҳолаш жараёнида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш;

– инсон капитални бойитиш, инновацион соҳага жалб қилиш мақсадида илм-фан, таълим ва бизнес интеграциясини кучайтириш ҳамда инсон капиталига қилинган инвестициянинг таркибий тузилишини кенгайтиришга эришиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Жаҳон банки маълумотлари <https://www.gazeta.uz/uz/2020/09/18/hci/>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь *Lex.uz*.
3. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. *Экономическая теория*. – М.: Юнити, 2002 г.
4. Корчагин Ю.А. *Инвестиционная стратегия*. – Ростов-на-Дону.: Феникс, 2006 г.
5. Абдурахмонова Г.К. *Кичик бизнесда аҳолини иши билан таъминлаш. Монография*. - Т.: 2013. 186 б.
6. Назарова Р.Р. *К проблеме развития инновационной деятельности в экономике Узбекистан*. –Т.: *Общественные науки Узбекистан*, №1-2, 2010. -30 с.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами*, 2017 й., 18-сон, 313-модда.

БЮДЖЕТ ҚОИДАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БЮДЖЕТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Ж.Ж. Шералиев,
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий
тадқиқотлар институти таянч докторанти*

Аннотация. Ушбу тадқиқот ишида бюджет қоидаларининг моҳияти, ўзига ҳос хусусиятлари, бюджет барқарорликни таъминлашда бюджет қоидаларининг аҳамияти ҳамда унинг макроиқтисодий шарт-шароитларга таъсири ёритиб берилган. Тадқиқот ишининг асосий натижаси бюджет барқарорлигини таъминлашда бюджет қоидаларининг илмий асосларини ёритишдан иборат.

Калит сўзлар: бюджет қоидалари, қарз қоидалари, бюджет баланси қоидалари, таркибий баланс қоидалари, даромад қоидалари, харажат қоидалари, давлат қарзи, бюджет дефицити, бюджет баланси.

Кириш

Мамлакатимизда бюджет барқарорлиги таъминлаш узоқ муддатли иқтисодий ривожланишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Давлат бюджети шаффофлигини таъминлаш, макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш, давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш жорий этиладиган бюджет қоидалари самарадорлигига боғлиқ бўлади. Бюджет қоидаларини самарали жорий этиш орқали давлат харажатларини оптималлаштириш ва тўғри мақсадларга йўналтириш, бюджет дефицити ҳамда давлат қарзининг муқобил даражасини таъминлаш, мамлакатдаги инвестицион муҳитни яхшилаш, умуман олганда, иқтисодий барқарорликка эришиш мумкин. Аммо бунинг учун бюджет қоидаларини мунтазам равишда такомиллаштириш, уларни қўллаётганда иқтисодийтадаги циклар ва бошқа қатор омилларни инобатга олиш лозим.

Шунингдек, бюджет қоидаларининг жорий этилиши, бир томондан, масъулиятсиз бюджет сиёсатини олиб бориш имкониятини чекласа, иккинчи томондан, иқтисодий ўсишни тезлаштиришга йўналтирилган ностандарт қарорларни амалга оширишни қийинлаштиради. Яқуний натижа эса бир қатор ҳолатларга, жумладан, уларнинг ўзига ҳос хусусиятларига боғлиқ бўлиб қолади. Бюджет қоидаларининг ўзига ҳос хусусиятларини ўрганиш эса мамлакатимизда бюджет қоидаларини жорий этилиши ва унинг самарадорлигини янада яхшилашга сабаб бўлади. Шунуқтаи назардан мамлакат бюджет барқарорлигини таъминлашда бюджет қоидаларининг ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама ўрганиш ҳозирги кунда долзарб масалалардан ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг мақсади сифатида Ўзбекистон Республикасида бюджет барқарорликни таъминлашда бюджет қоидаларининг ўрни ва аҳамиятини ёритиб бериш, тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақоланинг илмий-назарий асоси сифатида иқтисодий адабиётлар ҳамда илмий мақолалар, хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг бюджет қоидаларининг моҳияти, ўзига ҳос хусусиятлари, бюджет барқарорликни таъминлашда бюджет қоидаларининг ўрни ҳамда унинг макроиқтисодий шарт-шароитларга таъсири бўйича илмий изланишлари ўрганилган, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, иқтисодий жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишлича хулоса ва таклифлар берилган.

Таҳлил ва натижалар

Мамлакат бюджет сиёсатидаги энг долзарб вазифа манфаатлар мувозанати нуқтаи назаридан (бюджет барқарорлиги ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни молиялаштириш ўртасидаги мувозанат) оптимал харажатлар даражасини (чегаравий қийматини) таъминлаш ҳисобланади. Ушбу муаммони ҳал қилишнинг анъанавий воситалари қаторига ҳам алоҳида бюджет параметрлари бўйича миқдорий чекловларни белгилайдиган бюджет қоидалари киради²¹³.

Бюджет қоидалари - бу қоида тариқасида бюджет-солиқ параметрларига ўрнатиладиган чегаравий меъёрлар ҳисобланади. Бундай қоидалар киритилиши бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ошиб кетишини, давлат қарзи юқори суръатларда ўсишини олдини олиб, бюджет ҳамда макроиқтисодий барқарорлигини таъминлашга ёрдам беради.

Бюджет қоидалари асосан қуйидагилардан иборат:

1-жадвал

Бюджет қоидаларининг асосий турлари²¹⁴

| Қоида тури | Қоида меъёрининг белгиланиш шакли | Қоиданинг асосий мақсади |
|--|--|---|
| Қарз қоидалари | давлат қарзини ЯИМга нисбатан фоиз кўринишида аниқ чегараси ёки мақсади сифатида белгиланади | Давлат қарзининг барқарор даражасини сақлаш (давлат қарзининг иқтисодий ўсиш суръатига салбий таъсирини олдини олиш ёки уни камайтириш) |
| Бюджет баланси қоидалари (шу жумладан, таркибий баланс қоидалари) | ЯИМга нисбатан фоиз кўринишида аниқ чегара ёки мақсад сифатида белгиланади | бюджет мувозанатини таъминлаш (нол дефицит), бюджет тақчилигини белгиланган чегара қийматидан оширмаслик ҳамда минимум даражада ўрнатилаган миқдордаги бюджет профицитига эришиш. |

²¹³ А. Кудрин, И. Соколов, "Бюджетные правила как инструмент сбалансированной бюджетной политики", Вопросы экономики. 2017. № 11. С. 5–32.

²¹⁴ Хорижий мамлакат олимларининг илмий изланишларини асосида муаллиф томонидан тузилди.

| | | |
|--------------------------|---|--|
| Харажат қоидалари | абсолют рақамларда, ўсиш суръатлари бўйича ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан фойда умумий, асосий ёки жорий бюджет харажатлари бўйича доимий чегаралар сифатида белгиланади | бюджет харажатларининг чегаравий қийматини ўрнатиш орқали тўғридан-тўғри ҳукумат томонидан фойдаланиладиган давлат ресурслари миқдорини белгилаб бериш ҳамда ўзбошимчилик билан молиявий рағбатлантиришга йўл қўймаслик. |
| Даромад қоидалари | бюджет даромади ҳажмининг юқори ёки куйи чегараси сифатида белгиланади | бюджет тушумининг тезлашишига ва/ёки ҳаддан ташқари солиқ юкининг олдини олишга ҳамда тўғридан-тўғри ҳукумат ҳажмини (government size) чеклашга қаратилган бўлиши |

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жорий этишни мақсад қилган ҳар бир мамлакатда бюджет қоидалари мақсадлари, операцион қўлланмаси ва шаффофлиги бўйича бир қатор ўзига ҳос хусусиятларга эга.

Хусусан, қарз қоидалари - давлат қарзини ЯИМга нисбатан фойда кўринишида аниқ чегараси ёки мақсади сифатида белгиланади. Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатларида давлат қарзининг максимал чегараси ЯИМга нисбатан 60% миқдорида белгиланган. Ушбу турдаги қоидалар билан боғлиқ муаммо нафақат мақсадли қарз қийматини оқилона танлашнинг қийинлигида, балки давлат қарзининг чегарасини жорий этиш (давлат бюджети дефицити чегараси ёки у билан бирга) бюджет барқарорлигини таъминлаш учун зарурий ва етарли шарт эмаслигида ҳамдир. Давлат қарзининг чегараси макroiqtisodiy ўзгаришларга (узоқ муддатли иқтисодий ўсиш суръатларининг ўзгариши, ҳукумат бюджетининг дастлабки қолдиғидаги доимий шоклар ва бошқалар) юқори даражада боғлиқдир, демак унинг узоқ истиқболдаги ўзгармас миқдори маълум хавф-хатарларни келтириб чиқариши мумкин.

Ушбу турдаги қоидалар мамлакат даражасида қарз мақсадига яқинлашишни таъминлаш нуқтаи назаридан энг самарали ҳисобланади. Бироқ, мамлакат қарзи даражаларига киритилган бюджет чораларини таъсир қилиши учун вақт талаб этилади ва шу сабабли қоида бюджет ёки қарз сиёсатини ишлаб чиқувчиларга аниқ қисқа муддатли кўрсатма бермайди.

Бюджет баланси қоидалари, биринчи навбатда, қарз нисбатларига таъсир қиладиган ва асосан сиёсатчилар назорати остида бўлган ўзгарувчини чеклайди. Шундай қилиб, бундай қоидалар аниқ операцион кўрсатма беради ва қарз барқарорлигини таъминлашга ёрдам беради. Бюджет баланси қоидалари умумий баланс, тузилмавий ёки цикл билан тузатилган баланс ва «цикл давомида» қолдиқ сифатида белгиланиши мумкин. Биринчи турдаги қоидалар иқтисодий барқарорлаштириш хусусиятларига эга бўлмаса-да, қолган учтаси аниқ иқтисодий шокларни ҳисобга олади. Улар қатта бюджет агрегатлари бўйича рақамли чегаралар сифатида ўрнатилмаганликлари сабабли, улар одатда

процессуал қоидалар ҳисобланади ва шу сабабли маълумотлар базасида рақамли бюджет қоидалари сифатида ҳисобга олинмайди.

Шунингдек, бюджет баланси қоидалари (шу жумладан, таркибий баланс қоидалари) қуйидаги талабларни бажариши шарт:

- мувозанатли бюджетни таъминлаш (нол дефицитли бюджет);
- бюджет тақчиллигини белгиланган чегара қийматидан оширмаслик;
- минимум даражада ўрнатилган миқдордаги бюджет профицитига эришиш.

Одатда, бундай қоидалар бюджет барқарорлигига эришишга қаратилган бўлиб, иқтисодийётдаги шокли ўзгаришларга жавоб бериш учун зарур мослашувчанликни таъминлайди.

Харажат қоидалари – ЯИМга нисбатан фоиз кўринишида умумий, асосий ёки жорий харажатлар чегараларини белгилайди. Бундай чекловлар одатда мутаносиб равишда ёки ўсиш суръатларида, вақти-вақти билан уч йилдан беш йилгача бўлган вақт оралиғи учун белгиланади. Ушбу қоидалар мақсади тўғридан-тўғри қарзни барқарорлаштириш билан боғлиқ эмас, чунки улар бюджетнинг даромад қисмини чекламайди. Бироқ, улар қарзлар ёки бюджет баланси қоидалари билан бирга ўрнатилганда барқарорликка мос келадиган зарур бюджет консолидациясини бошлаш учун операцион воситани тақдим этиши мумкин. Бундан ташқари, харажат қоидалари нохуш шок ҳолатларида бюджет-солиқ сиёсатининг иқтисодий барқарорлаштириш функциясини чекламайди, чунки улар солиқ тушумларини циклик ёки ихтиёрий равишда камайтиришга тузатишлар киритишни инобатга олмайди.

Харажат қоидалари ўзбошимчалик билан молиявий рағбатлантиришга йўл қўймайди. Шунингдек, бюджет харажатлари чегаравий қиймати тўғридан-тўғри ҳукумат томонидан фойдаланиладиган давлат ресурслари миқдорини белгилаб беради ва, умуман олганда, ушбу қоидалар билан алоқа ва мониторинг қилиш нисбатан осонроқ ҳисобланади. Мазкур қоидаларнинг асосий камчилиги шундаки, ўзининг табиатига кўра мазкур қоидаларнинг амал қилиш даври қисқа муддатли характерга эга бўлиб, бюджет харажатларининг ўсиш суръати параметрлари бир ёки бир неча йил олдин белгилаб қўйилади, шунингдек, бунда бюджет сиёсати бўйича узоқ муддатли мақсадли кўрсаткичлар белгиланмайди²¹⁵.

Даромадлар қоидалари - даромадлар бўйича юқори ва қуйи чегараларни белгилаб беради ва бюджет тушумининг тезлашишига ва/ёки ҳаддан ташқари солиқ юкининг олдини олишга қаратилган бўлади. Ушбу қоидаларнинг аксарияти давлат қарзларини назорат қилиш билан бевосита боғлиқ эмас, чунки улар харажатларни чекламайди. Бундан ташқари, даромадлар бўйича юқори ва қуйи чегараларни белгилаш қийин бўлади, чунки даромадлар мос даврнинг катта таркибий қисмига эга бўлиши мумкин.

²¹⁵ А. Кудрин, И. Соколов, “Бюджетные правила как инструмент сбалансированной бюджетной политики”, Вопросы экономики. 2017. № 11. С. 5-32 стр.

Даромад бўйича қоидаларининг ўзи проциклик бюджет сиёсатига олиб келиши мумкин, чунки одатда бюджетнинг пасайиши шароитида бюджетнинг даромадлар қисмида автоматик барқарорлаштиригичларнинг ишлашини ёки даромадлар ошишидаги юқори чегараларни ҳисобга олмайди. Бироқ, харажатлар қоидалари сингари, даромад қоидалари ҳам тўғридан-тўғри ҳукумат ҳажмини (government size) чеклашга қаратилган бўлиши мумкин.

Бюджет қоидаларини жорий этишнинг ижобий, ва шу билан бирга, салбий томонлари ҳам мавжуд (2-жадвал). Даромадларнинг минимал қийматларига ва харажатларнинг максимал қийматларига қўйилган чекловлар, албатта, ўз салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Масалан, давлат бюджети харажатлари катталигига чекловлар ўрнатиладиган бўлса, бу бир томондан давлат бюджети харажатлари миқдорини камайтирса, иккинчи томондан давлат бюджетидан аҳолини ижтимоий томондан қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган қисми камаяди, бу эса аҳолининг яшаш шароитига ўз салбий таъсирини кўрсатади. Ёки давлат бюджети даромадлари катталикларига минимал кўрсаткичларни жорий қилинадиган бўлса, бу бир томондан давлат бюджетидан мавжуд бўлиши мумкин бўлган тақчилликни бартараф этса, иккинчи томондан жисмоний ва юридик шахслар учун солиқлар ва турли хил мажбурий тўловларнинг сони ва миқдорини оширишига олиб келиши мумкин²¹⁶.

2-жадвал

Бюджет қоидалари турларининг ўзига ҳос хусусиятлари²¹⁷

| Қоида турлари | Ижобий томонлари | Салбий томонлари |
|----------------|---|---|
| Қарз қоидалари | <ul style="list-style-type: none"> – қарз барқарорлиги билан бевосита боғлиқлик; – алоқа ва назорат қилиш осон. | <ul style="list-style-type: none"> – қисқа муддатда аниқ операцион кўрсатма бера олмайди, чунки қарз нисбати бўйича сиёсатнинг таъсири дарҳол ва чекланган эмас; – иқтисодий барқарорлаштириш хусусияти йўқ (цикл бўйича бўлиши мумкин); – қоидага вақтинчалик чоралар (масалан, тармоқ остидаги операциялар) орқали эришиш мумкин; – қарз ҳажмига ҳукумат назорати остидаги ўзгаришлар таъсир қилиши мумкин. |

²¹⁶ <https://tsue.sciencewebuz/index.php/archive/article/view/1546> - Ҳ.А.Ҳақимов, "Бюджет қоидалари ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги", «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишда халқаро стандартларни жорий этиш: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани илмий мақоалари ва маъруза тезислари тўплами. 2018 йил 18 декабрь. - Т.: Иқтисодиёт, 2018 йил. - 510 бет.

²¹⁷ Хорижий мамлакат олимларининг илмий изланишларини асосида муаллиф томонидан қайта ишланди.

| | | |
|---------------------------|---|---|
| Бюджет баланси қоидалари | <ul style="list-style-type: none"> – аниқ операцион қўлланма; – қарз барқарорлиги билан бевосита боғлиқлик; – алоқа ва назорат қилиш осон. | <ul style="list-style-type: none"> – иқтисодий барқарорлаштириш хусусияти йўқ (цикл бўйича бўлиши мумкин); – бош балансга ҳукумат назорати остидаги ўзгаришлар таъсир қилиши мумкин (масалан, катта иқтисодий таназзул). |
| Таркибий баланс қоидалари | <ul style="list-style-type: none"> – нисбатан аниқ операцион қўлланма; – қарз барқарорлиги учун яқин ҳавола; – иқтисодиётни барқарорлаштириш (яъни иқтисодий шокларни ҳисобга олган ҳолдаги) функцияси мавжуд; – бир марталик ва вақтинчалик омилларни ҳисобга олишга имкон беради. | <ul style="list-style-type: none"> – таркибий ислохотлар олиб борилаётган мамлакатлар учун мос иқтисодий даврни тузатиш жуда қийин; – ихтиёрий равишда ресурслардан фойдаланишнинг олдини олиш учун бир марталик ва вақтинчалик омилларни олдиндан аниқлаш керак бўлади; – қонданинг мураккаблиги алоқа қилиш ва кузатишни қийинлаштиради. |
| Харажат қоидалари | <ul style="list-style-type: none"> – аниқ операцион қўлланма бўлади; – иқтисодиётни етарлича барқарорлаштиришга имкон беради; – ҳукумат ҳажмини белгилашда ва бошқаришда асосий рол ўйнайди; – алоқа ва мониторинг қилиш нисбатан осон. | <ul style="list-style-type: none"> – қарзнинг барқарорлиги билан бевосита боғлиқ эмас, чунки даромадга нисбатан ҳеч қандай чеклов қўйилмаган; – агар чекловни амалга ошириш учун қоидаларга киритилмаган харажатлар тоифаларига ўтиш содир бўлса, харажатларни тақсимлашда исталмаган ўзгаришларга олиб келиши мумкин. |
| Даромад қоидалари | <ul style="list-style-type: none"> – ҳукумат ҳажмини белгилашда ва бошқаришда асосий рол ўйнайди; – даромад сиёсатини такомиллаштириши мумкин; – проциклик харажатларни олдини олиши мумкин (кутилмаган даромаддан фойдаланишни чекловчи қоидалар). | <ul style="list-style-type: none"> – қарз барқарорлиги билан бевосита боғлиқ эмас, чунки харажатлар бўйича ҳеч қандай чекловлар йўқ (кутилмаган даромаддан фойдаланишни чеклайдиган қоидалардан ташқари); – иқтисодиётни барқарорлаштириш хусусияти йўқ (цикл бўйича бўлиши мумкин). |

Шу боисдан ҳам бюджет қоидаларининг жорий этишда, энг аввало, унинг салбий ҳамда ижобий томонларини ўрганиб чиқиш ва уларнинг ичидан қайси бир ҳолат энг мақбул эканлигини танлаб олиш керак бўлади.

Ўзбекистон иқтисодиётида бюджет қоидаларни жорий қилишда энг аввало уни жорий қилиш учун етарлича сабаб ва асослар бўлиши лозим. Бунда, албатта, Жаҳон банки ва Халқаро Валюта Фондининг ривожланаётган мамлакатлар учун тавсия қилган максимал фоиз кўрсаткичларига нисбатан салбий ҳолатлар юзага келганда вужудга келади. Бу дегани ҳозирги шароитда бюджет қоидаларини жорий этиш ўта зарур ҳолат эмас. Аммо агарда бюджет

мувозанатини таъминлаш қийинлашиб, салбий ҳолат кузатилишда давом этса, бу зарур ҳисобланади²¹⁸.

Хулоса ва таклифлар

Бюджет қоидалари бюджетни режалаштиришнинг энг яхши амалиётини жорий этишга ва бюджет жараёнлари прогнози ва шаффофлигини оширишга қаратилган алоҳида ва мақбул процессуал меъёрларни ўрнатади. Умуман олганда, тўғри тузилган қоидалар бюджет барқарорлиги учун хатарлар пайдо бўлишининг олдини олишга, шунингдек, бюджет ривожланишининг циклик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашишда бюджет имкониятларини кенгайтиришга ёрдам беради.

Истиқболда мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида бюджет қоидалари ва унинг ўзига ҳос хусусиятлари бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

– Ўзбекистон иқтисодиётида бюджет қоидаларини жорий этиш учун маъсул ташкилотлар, энг аввало, Молия Вазирлиги, Марказий банк, ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилот бўлиб Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, ва бошқа молиявий ташкилотларнинг биргаликда келишган ҳолда фаолият олиб борилиши талаб этилади;

– бундан ташқари, Марказий банк пул-кредит сиёсатини юқори суръатларда мустақил олиб бориши керак бўлади, бунга сабаб бюджет-солиқ сиёсатининг пул-кредит сиёсати устидан доминантлик қилмаслиги ҳисобланади. Акс ҳолда, жорий этилган бюджет қондаси макроиқтисодий барқарорликни таъминлайдиган билвосита инструментлик хусусиятини йўқотади;

– мамлакатимизда ҳам икки ёки ундан ортиқ бюджет қоидаларидан комбинациясидан фойдаланиш зарур. Бу мамлакатимиз бюджет сиёсатидаги камчиликларни бартараф этишга ёрдам бериши мумкин;

– тўғридан-тўғри ҳукумат томонидан фойдаланиладиган давлат маҳаллий ва республика бюджети маблағларидан ўзбошимчалик билан молиявий рағбатлантириш ҳамда фойдаланишга йўл қўймаслик учун бюджет харажатлари ва даромадларининг чегаравий қийматини ўрнатиш зарур;

– истиқболдаги бюджет имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилган бюджет қоидаларини қайта шакллантириб туриш керак. Акс ҳолда бюджет қоидалари контрциклик хусусиятга эга бўлиб, бюджет ва макроиқтисодий барқарорликка акс таъсир этиши мумкин.

²¹⁸ <https://tsue.sciencweb.uz/index.php/archive/article/view/1546> - Х.А.Ҳақимов, "Бюджет қоидалари ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги", «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишда халқаро стандартларни жорий этиш: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани илмий мақоалари ва маъруза тезислари тўплами. 2018 йил 18 декабрь. - Т.: Иқтисодиёт, 2018 йил. - 510 бет.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Javier Andres, Rafael Domenech, "Fiscal Rules and Macroeconomic Stability", University of Valencia. Hacienda Pública Española / Revista de Economía Pública, 176-(1/2006): 9-41 © 2006, Instituto de Estudios Fiscales.
2. Д.В.Скрыпник. Москва. "Бюджетные правила, эффективность правительства и экономический рост" (Журнал Новой экономической ассоциации, №2 (30), с.12–32)
3. А. Кудрин, И. Соколов, «Бюджетные правила как инструмент сбалансированной бюджетной политики», Вопросы экономики. 2017. № 11. С. 5–32.
4. Д.В.Кадочников, "Бюджетная система Китая на современном этапе: ключевые вызовы и направления развития". / Terra Economicus. Том 16, №3, 2018 г.
5. А.Кудрин, О.Сергиенко, "Последствия кризиса и перспективы социально-экономического развития России". **Вопросы экономики**. стр. 10-11, 2011 г.
6. Н.С.Шмиголь, "Бюджетные правила как инструмент достижения финансовой стабильности и экономического роста" журнал "Экономика и управление", № 1, 2017 год. стр 9.
7. Лазарян С. С., Никонов И. В., Вотинов А. И., Губкова Е. А. Международный опыт применения бюджетных правил: формирование современных концепций. Научно-исследовательский финансовый институт. Финансовый журнал. 2019. № 2. С. 65–80. DOI: 10.31107/2075-1990-2019-2-65-80.
8. Ҳ.А.Ҳакимов, "Бюджет қоидалари ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги". «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишда халқаро стандартларни жорий этиши: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалари ва маъруза тезислари тўплами. 2018 йил 18 декабрь. - Т.: Иқтисодиёт, 2018. - 510 б.

DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

A. Mirzarakhimova,
Applicant of TSUE

Annotation. *This scientific work reflects the relevance of the introduction of information and communication technologies in various spheres of society and the large-scale work carried out in this direction to increase the effectiveness of socio-economic and democratic reforms in the country.*

Keywords. *Digital economy, e-government, information and communication technologies, digitalization, public services.*

The transition to the digital economy is a requirement of the times. The world's largest merchandise and resource businesses use digital technologies associated with e-business and commerce in their operations. This makes them participants in the market for digital goods and services, where they act as consumers and customers, and sometimes even create and offer new technologies.

In the national economy of the Republic of Uzbekistan, for many years, the implementation of highly promising projects for the introduction of modern information and communication technologies (ICT) in various spheres of society has been successfully carried out. The large-scale work carried out in this direction is aimed, first of all, at increasing the effectiveness of socio-economic and democratic reforms in the country.

To date, Uzbekistan has formed a solid regulatory and legal framework in the field of ICT development. The laws «On Communications», «On Informatization», «On the Openness of the Activities of State Power and Management Bodies», «On Electronic Digital Signatures», «On Electronic Document Management», «On Electronic Commerce», «On Electronic Government», decrees and the decree of the President and the government of the country, many other legislative acts.

The country is actively developing a new generation of ICT infrastructure. The development of innovative activity in the Republic of Uzbekistan is today a key element of state economic policy. All innovative measures in the context of the formation of the digital economy are aimed at increasing the competitiveness of all its industries and spheres. This is evidenced by the fact that the President of the country called 2020 the Year of Development of Science, Education and the Digital Economy. [1]

Until 2022, it is planned to implement 268 projects in Uzbekistan aimed at the development of the Electronic Government system, telecommunications, the

Technological Park of software products and information technologies, as well as the introduction of digital technologies in the economy, agriculture and water economy.

These projects should become the basis for the emergence of new high-tech enterprises and the entire digitalization of the economy. On April 28, 2020, the President's resolution "On measures for the widespread introduction of the digital economy and electronic government" was adopted. According to the document, an integrated system dealing with the digital economy has been created in the Ministry for the Development of Information Technologies and Communications of the Republic of Uzbekistan. [2] And now the tasks of the ministry will include the development of e-government, the digitalization of the sectors of the economy and agriculture, the organization and management of IT parks.

At the same time, the decree indicates the directions and the required amounts of financing for new projects. It is planned to implement 104 projects worth 1.3 trillion soums within the framework of e-government, 87 projects worth 5.3 trillion soums in the real sector of the economy, 35 projects worth 15.1 trillion soums in telecommunications and others.

According to the decree, by 2023 it is planned to double the share of the digital economy in the country's GDP and triple the volume of services in this area, bringing their exports to \$ 100 million.

As it turned out, only 30 percent of more than 700 information systems in government agencies are connected to the "Electronic Government". Out of 80 departments providing public services, only 27 are integrated with the Agency for Public Services. Therefore, the task was set to introduce a new order, providing for an increase in the size of bonus payments to the heads of ministries and departments or its reduction based on the level of integration of information technologies into their activities.

Recent studies show that information technology can improve the efficiency of agriculture, land registration and monitoring. [4]

Another important document aimed at the development of the digital economy is the decree of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev «On measures for the widespread introduction of digital technologies in the city of Tashkent» dated March 17, 2020. It defines a comprehensive program «Digital Tashkent», which provides for the introduction of advanced ICT in education, health care, transport, catering, retail and wholesale trade in Tashkent. At the same time, it is inextricably linked with the Safe City project. [3]

By 2023, the Safe City project will be implemented in all regions of the country. By the end of the year, it is planned to introduce electronic medical records, electronic hospital systems and emergency medical care in the capital, and develop a Unified Register of Social Protection for keeping records of social benefits.



All these large-scale and urgent projects and tasks are undoubtedly important for the socio-economic development of Uzbekistan in the coming years, because the future of our country is inextricably linked with the widespread introduction and use of digital technologies.

Reference

1. *The President to deliver Address to the Oliy Majlis on December on January 24, 2020 // "Народное слово» No. 19, January 25, 2020.*
2. *Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan «On measures for the widespread introduction of the digital economy and electronic government» Tashkent, April 28, 2020, No. PP-4699*
3. *Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan «On measures for the widespread introduction of digital technologies in the city of Tashkent», Tashkent, March 17, 2020, No. PP-4642*
4. www.uza.uz

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ РОЛИ

А.Р. Яқшимуратова,
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий
тадқиқотлар институти таянч докторанти,*

Аннотация. Ушбу тадқиқот ишида Қорақалпоғистон Республикасига инвестицияларни жалб қилишнинг аҳамияти ўрганилган, экологик муаммолари ҳудудларга инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш масалалари ёритилган. Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, инвестицион фаолият кўрсаткичлари таҳлил қилинган ҳамда минтақага инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар. Орол денгизи, инвестициялар, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, инвестицион фаоллик, хорижий инвесторлар, аҳоли жон бошига инвестициялар ҳажми.

Кириш

Глобал дунё иқтисодиётида, одатда, инвесторлар инвестиция муҳити ҳар томонлама қулай бўлган, инфратузилма афзалликларига юқори бўлган, табиий ресурсларга эга ҳамда, албатта, экологик жиҳатдан тоза ҳудудларга (объектларга) ўз сармояларини киритишга ва кўпроқ самарага эришишга интилишади. Ҳудудларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишида инвестицияларнинг қайси соҳаларга киритилиши, унинг самарадорлиги, ҳудуд аҳолисининг фаровонлигига қўшаётган ҳиссаси катта аҳамиятга эга. Ҳар бир ҳудуднинг ривожланишида сармоя ўз натижасини бериши эса мақсадга етганлик белгисидир.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини ўрганиш, ҳудудга инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ёритиш ва бу борада таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Асосий қисм

Қуруқ ерлар деградацияси миллиардлаб гектарни чўлга айлантирди. Бундай ҳудудлар аҳолисининг деярли ярми қашшоқликда яшайди ва кўпчилик ҳаёти ва соғлигига жиддий таҳдид солади. Ерларни тиклаш лойиҳаларига сармоя киритиш - бу барқарор иқтисодий ривожланиш йўлидир. Бу ҳақда БМТнинг чўлланишга қарши кураш конвенциясининг 2019 йил 5-13 сентябрь кунлари Нью-Дехлида бўлиб ўтган 14-сессиясида ижрочи котиб Иброҳим Тиану маълум қилди.

Экологик фалокатнинг бир мисоли - бир вақтлар дунёдаги тўртинчи йирик ички денгиз Орол денгизининг қуриши. Бу фожиа миллионлаб одамларнинг

турмуш тарзини ўзгартиришга олиб келди, минтақанинг ижтимоий ва экологик тизимларини - тижорат балиқларининг қимматли турларини, шунингдек, у ерда яшаган ёввойи ҳайвонларни йўқ қилди. Орол денгизининг очик қисмида 5,5 миллион гектардан ортиқ тузли чўллар пайдо бўлган²¹⁹.

Орол денгизи минтақа иқтисодиёти, унинг саноат тармоқларини ривожлантиришда, аҳолини иш билан таъминлашда, барқарор ижтимоий инфратузилмани шакллантиришда ҳал қилувчи рол ўйнаган.

Қорақалпоғистон Республикасининг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгиловчи асосий омил инвестицион фаолиятнинг қай даражада эканлигидир. 2015-2020 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини кўрадиган бўлсак, 2020 йилда 2015 йилга нисбатан ЯХМнинг ўзгариши 3,2 марта ўсанлигини кўришимиз мумкин. Охириги йилларда ЯХМнинг ўсиш суръатлари олдинги йилларга нисбатан 2-10 фоизга тенг бўлган.

Худуднинг асосий иқтисодий кўрсаткичларидан ҳисобланувчи инвестициялар ҳажми эса 2020 йилда 2015 йилга нисбатан 40 фоизга камайган. Инвестицияларнинг ЯХМдаги улуши эса 2020 йилда 2015 йилга нисбатан 52,6 фоизга камайган. Аҳоли жон бошига тўғри келувчи инвестициялар 2020 йил 2015 йилга нисбатан 1,1 марта кўпайган. Марказлашган инвестицияларнинг асосий капиталга инвестициялардаги улуши 2020 йилда 2015 йилга нисбатан фарқи 22,3% га кўпайган бўлса, марказлашмаган инвестициялар 22,3 %га камайганлигини кўришимиз мумкин. Тўғридан-тўғри инвестициялар ҳам 2020 йилда 2015 йилга нисбатан фарқи 13,3 %га камайган. Аҳоли жон бошига тўғри келувчи инвестициялар ҳажми номинал қийматда ҳисобланганлиги сабабли бу кўрсаткич мусбат натижа бермоқда.

Амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар, минтақада инвестицион муҳитни яхшилаш ва минтақанинг инвестицион жозибадорлигини оширишга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилаётганлигини кўрсатади.

Охириги йилларда саноатга йўналтирилган инвестицияларнинг улуши кўпайганлиги кузатилган. Бунини ёқилғи-энергетика ва кимё соҳасида кўзда тутилган бир нечта инвестицион лойиҳалар амалга оширилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Минтақада инвестицион фаолиятни янада оширишга тўсқинлик қилаётган омиллар қаторига ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланиш даражаси пастлиги, ноқулай экологик вазият, мамлакатимиз ва хориж инвесторларининг минтақанинг салоҳияти тўғрисида маълумотга тўлиқ эга эмаслиги, аҳоли турмуш даражасининг нисбатан юқори эмаслигини киритиш мумкин. Шунингдек, минтақада туманлар кесимида ҳам инвестицияларнинг нотекис тақсимланиши ҳолатини кўришимиз мумкин, бу эса ўз навбатида туманлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш фарқлари катталашшига олиб келади.

²¹⁹ <https://news.un.org/ru/story/2019/09/1362542>

**Қорақалпоғистон Республикасида инвестицион фаолиятнинг
ривожланиш тенденциялари²²⁰**

| № | Кўрсаткичлар | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2020 йил 2015 йилга нисбатан фарқи (+;-) |
|----|---|--------|--------|---------|---------|---------|---------|---|
| 1. | ЯҲМ, млрд. сўм | 6703,8 | 8568,3 | 10855,1 | 15703,5 | 19715,0 | 21949,3 | +3,2 марта |
| 2. | ЯҲМ ўсиш суръати, %да | 110,5 | 112,5 | 106,1 | 105,8 | 107,0 | 102,1 | +138,0 % |
| 3. | Инвестицияларнинг ўсиш суръати (ўтган йилга нисбатан, % | 133,5 | 56,2 | 60,4 | 169,9 | 100,3 | 69,9 | -40,4 % |
| 4. | Инвестицияларнинг ЯҲМдаги улуши % | 89,8 | 44,1 | 26,0 | 43,0 | 44,4 | 37,2 | -52,6 % |
| 5. | Аҳоли жон бошига инвестициялар, минг сўм | 3388,2 | 2094,0 | 1542,2 | 3641,1 | 4644,4 | 3710,0 | +1,1 марта |
| 6. | Марказлашган ин- вестициялар улуши (умумийга нисбатан %) | 21,7 | 15,3 | 18,2 | 44,8 | 33 | 44 | +22,3% |
| 7. | Марказлашмаган ин- вестициялар улуши (умумийга нисбатан %) | 78,3 | 84,7 | 81,8 | 55,2 | 67 | 56 | -22,3% |
| 8. | Тўғридан-тўғри хорижий инвести- циялар (умумийга нисбатан %) | 48,2 | 43,8 | 9,7 | 7,3 | 23,2 | 14,9 | -13,3% |

Минтақада инвестицион фаолликни янада ошириш учун ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, маҳаллий ва хорижий инвесторларга минтақанинг салоҳияти тўғрисида тўлиқ ва тўғри маълумот берувчи тарғибот-ташвиқот ишларини жадаллаштириш, аҳоли турмуш даражасини кўтаришга қаратилган саъй-ҳаракатларни кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ва таклифлар

Қорақалпоғистон Республикаси нафақат Ўзбекистонда, балки дунёда экологик вазият ноҳуш бўлган ҳудудлар қаторига киради. Орол денгизи табиатнинг ўз-ўзидан табиий ривожланиш билангина асл ҳолига қайтиши мумкин. Бугунги

²²⁰ **Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

кунда Орол бўйи минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакатимиз томонидан, қолаверса, дунё ҳамжамияти томонидан, БМТ томонидан сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Аммо, афсуски, Орол фожиаси бу минтақага ўзининг салбий таъсирини ўтказишда давом этмоқда ва бу таъсир яқин келажакда янада кучайиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инвестицияларни янада кўпроқ жалб қилиш, ҳудуднинг инвестицион муҳитини яхшилаш, аҳоли турмуш фаровонлиги даражасини ошириш учун куйидагилар амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

– минтақада инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар, шу жумладан, қулай маъмурий муҳитни яхшилаш, инвестиция жараёнининг инфратузилмаси, инвестицияларни жалб қилиш ва қўллаб-қувватлашнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш, шунингдек инвесторлар томонидан яратилган маҳсулотларга талабни рағбатлантириш;

– минтақа туманлари ривожланиш даражасига кўра солиқ имтиёзлари бериш (ривожланиш даражаси паст бўлган туманларга турли солиқ имтиёзлари ва енгилликлар бериш);

– инвесторлар учун минтақанинг табиий-иқтисодий салоҳиятини тўла очиб берувчи маркетинг, реклама ишларини жадаллаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. В.М.Клапцов, *Экологические проблемы устойчивого развития // Экологические проблемы и влияние на развитие государства, 2013 год. №36 С. 58.*
2. Африка: экологический кризис и проблемы выживания. М.: Институт Африки РАН, 2001. – 255 с.
3. Philip Micklin. *The Aral Sea. The Devastation and Partial Rehabilitation of a Great Lake. Springer 2014.*
4. Маденова Эльмира Нзаматдиновна, “Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ривожлантиришининг узоқ муддатли стратегияси” Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) даражасини олиши учун ёзилган диссертацияси, 2019 йил.

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA INSON RESURLARINI BOSHQARISH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH ORQALI QISHLOQ AHOLISINI ISH BILAN TA'MINLASHNING ZAMONAVIY YO'NALISHLARI

R. Oqnullayev,
TDIU tayanch doktoranti

Annotatsiya: ushbu maqolada Iqtisodiyotni raqamlashtirish asosida inson resurslaridan foydalanishni takomillashtirish orqali qishloq aholisini ish bilan bandligini ta'minlashning nazariy jihatlari o'rganilgan, xorijiy davlatlar va O'zbekiston misolida raqamli HR va aholini ish bilan bandligini rivojlantirish tajribalari qiyosiy tahlil qilingan, olingan natijalar asosida HR tizimida qishloq hududida aholi ish bilan bandligini ta'minlash imkoniyati aniqlanib, uni amalga oshirish yo'llari taklif qilingan.

Аннотация: В статье исследуются теоретические аспекты трудоустройства в сельской местности путем улучшения использования человеческих ресурсов на основе цифровизации экономики, проводится сравнительный анализ опыта развития цифровых кадров и занятости в зарубежных странах и Узбекистане. По полученным результатам идентифицирована возможность обеспечения занятости населения в сельской местности и аналитически предложены пути ее реализации.

Annotation: This article examines the theoretical aspects of employment in rural areas by improving the use of human resources on the basis of digitization of the economy, analyze comparatively the experience of digital HR and employment development in foreign countries and Uzbekistan. The possibility of providing employment of the population in the rural regions has been identified according to taken results and its ways of implementing have been proposed analytically.

Bugungi kunda yurtimizda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish borasida izchil chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda, davlat organlari va boshqa tashkilotlarda elektron hujjat almashinuvi hamda jismoniy va yuridik shaxslarga xizmat ko'rsatish uchun elektron tijorat tizimlari bosqichma-bosqich joriy etilmoqda.

Raqamli iqtisodiyotni jadal rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratish, davlat boshqaruvi tizimini yanada takomillashtirish, undan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish, zamonaviy infratuzilmani qo'llash maqsadida bir qator amaliy qadamlar tashlanmoqda.

Mamlakatimizda tashkil etilgan raqamli maydonchalar, ya'ni raqamli platformalarni chuqurlashtirish va ularning faoliyatini kengaytirish bilan bog'liq masalaga alohida e'tibor qaratilmoqda. Xususan, tarmoq rivojlanish darajasini ko'paytirish, oshirish hisobiga shu vazifalarni amalga oshirish nazarda tutilayapti.

O'zbekiston iqtisodiyot va sanoat vaziri Botir Xo'jayevning aytishicha: "Joriy yilda 47 ta rejalashtirilgan loyihani amalga oshirish uchun 1,2 trln so'm ajratiladi. Keyingi

yilda bu ko'rsatkich 2,1 trln so'mni tashkil etib, 23 ta loyiha bajariladi". Vazirning qayd etishicha, hukumat iqtisodiyotni raqamli ko'rinishga transformatsiya qilishda alohida tashkilot tuzishni istisno etmaydi²²¹.

Jahon miqyosida ko'radigan bo'lsak, 2011-yilda Germaniyada alohida strategiya qabul qilingan – Industrie 4.0 (raqamlashtirish bo'yicha hukumatning harakatlar rejasi – tahr.), AQSHda esa raqamlashgan sanoatni yaratish uchun Industrial Internet Consortium tashkiloti tuzildi. Rossiya Federatsiyasida „Milliy texnologik tashabbus“ degan tashkilot tashkil etish orqali shu jarayonni rivojlantirish masalasi ancha tizimli ravishda olib borilgan.

Raqamli iqtisodiyotning yetakchi davlatlar YAIMdagi ulushi yil sayin o'sib bormoqda. Masalan, uning AQSH iqtisodiyotidagi ulushi 10,9 foiz, Rossiyada 3,9 foiz, Hindistonda 5,5 foiz, Belarusda 6,5 foiz va Xitoyda 10 foizni tashkil etadi.

Jumladan, mehnat, ish o'rni va inson resurslari sohasida ham raqamli iqtisodiyot ta'siri aks etmoqda. Inson resurslarini boshqarish texnologiyalarning rivojlanishi bilan hamohang o'zgarib bormoqda. Inson resurslarini korxonaga yoki tashkilot misolida o'rganadigan bo'lsak, tashkilot o'z oldiga qo'yilgan maqsadlarni ro'yobga chiqarish uchun turli resurslardan foydalanadi. Ular an'anaviy ravishda uchta asosiy guruhga bo'linadi: natural yoki tabiiy resurslar (frantsuz iktisodchisi J.B. Seyning ta'rif bo'yicha: er), moddiy resurslar (kapital) va inson resurslaridan iborat bo'lib, ularni ishlab chiqarish omillari deb ham atash mumkin.

Mazkur jarayon samarali bo'lishi uchun korxonaga foydalaniladigan resurslarning qulay nisbatini (ularning miqdori, usuli, joyi, vaqti, o'zaro harakat qilish muddati nuqtai nazaridan) ta'minlashi yoki boshqacha aytganda, resurslarni boshqarishi zarur. Bir uyni bir kishi uch yil mobaynida qurishi mumkin, o'n kishilik brigada - g'ishtdan to'rt oy mobaynida, temir - beton bloklaridan uch kishilik brigada ko'tarma kran yordamida bir oy ichida qurishi mumkin, bu ish uyning bo'lajak egasi ega bo'lgan maqsad va mablag'larga bog'liq. Resurslarni boshqarish tashkilotni boshqarishga asoslanadi.


Yuqoridagi misoldan kelib chiqib aytish mumkinki, inson resurslarini boshqarish faoliyatning alohida turidir, u maxsus vazifalarni bajarishni va mazkur faoliyat bilan shug'ullanadigan kishilarda alohida sifatlarning bo'lishini talab qiladi.

Inson resurslarni boshqarish quyidagi maqsadlarga ega bo'lishi mumkin:

- ✓ inson resurslaridan samarali foydalanish;
- ✓ tashkilot xizmatchilari o'rtasida yaxshi mehnat munosabatlarini shakllantirish;
- ✓ jamoada yaxshi ijtimoiy-ruhiy muhitni saqlab turish;
- ✓ har bir shaxsning mukammal ravishda rivojlanishini ta'minlash.

Ushbu maqsadlarga erishish uchun quyidagi talablar bajarilishi lozim: birinchidan, funksional vazifalari aniq belgilangan, qobiliyatli insonlarni ishga olish lozim, buning uchun malakaviy tavsiflar ishlab chiqilishi kerak; ikkinchidan, insonlarning imkoniyatlarini samarali tadqiq etish; uchinchidan; maqsadlarni bajarish uchun mehnat qilishga tayyorlikni qo'llab-quvvatlash zarur hisoblanadi. Quyidagi rasmda inson resurslarini boshqarishning funksiyalari keltirilgan:

²²¹ <https://www.gazeta.uz/oz/2020/02/21/digital-2023/>



1-rasm. Human resources Management (HRM) funksiyalari

So'nggi bir necha yil ichida esa raqamli inson resurslari transformatsiyasiga o'tayotgan kompaniyalar soni tobora ortib bormoqda. "Raqamli HR biz kadrlar sohasi bo'yicha qilayotgan ishlarimizga yordam beradigan texnologiyadan foydalanish usullarini aniqlashga qaratilgan", deydi Tom Penque, Shimoliy-Sharqiy Universitetning Inson resurslarini boshqarish mutaxassisi. "Inson resurslarini boshqarish biznesni rivojlantirish va odamlar strategiyasining maqsadlariga erishish uchun texnologiyadan qanday foydalanishimiz haqidagi fandir, - deydi u".

Penque ushbu amaliyotdan foydalanish har bir tashkilotda, shuningdek, sezilarli darajada farq qilishi mumkinligini tushuntirmoqda. Masalan, ba'zi bir korxonalarda bu ma'lum bir jarayonlarni qabul qilish va ularni qog'ozsiz qilish kabi oddiy bo'lishi mumkin, boshqalarida esa ishga qabul qilish va o'qitish jarayonini to'liq qayta ko'rib chiqish kiradi. HR jarayonlarini raqamlashtirishning ayrim misollariga quyidagilar kiradi:

1) Nomzodga ish joyidagi arizasini yuz foiz onlayn yoki mobil ilova orqali to'ldirish imkonini beradigan elektron imzo va o'z-o'ziga xizmat ko'rsatuvchi ilovalar, jismoniy materiallarni chop etish ehtiyojini kamaytiradi.

2) Ishga qabul qilishda avtomatlashtirish, masalan, ish joylarini joylashtirishda, kadrlar bo'yicha mutaxassislariga o'z vaqtlarini boshqa jarayonlarda yaxshiroq ishlatishga imkon beradi.

3) Sayohat bilan bog'liq xarajatlarni kamaytiradigan, malakali ish izlovchilarning keng doirasini jalb qiladigan va xodimlarning keng jalb qilinishiga olib keladigan virtual va masofaviy suhbatlar va treninglar.

4) Xodimlarni o'qishni yakunlash va o'z malakalarini oshirishga undash uchun psixologik navbatlardan foydalangan holda o'qitish.

5) Raqamli HR, shuningdek, strategik maqsadlarga erishish uchun yanada murakkab texnologiyalarni o'z ichiga olishi mumkin - masalan, sun'iy intellekt,

mashinani o'rganish, kompleks avtomatlashtirish va HR analiz.

6) Ushbu sohaga munosib investitsion loyihalarni jalb etish.

So'nggi yillarda raqamli iqtisodiyot vositalaridan keng foydalanilishi oqibatida qishloq xo'jaligida mehnat bilan bandlik holatini ancha pastligini ko'rishimiz mumkin. Jahon banki ma'lumotlariga ko'ra 2020-yilda dunyo aholisining umumiy ish bilan bandlar tarkibida 26,8 % qismi qishloq xo'jaligida band. Ma'lumot uchun ushbu ko'rsatkich 2018-yilda 27,2%ni, 2017-yilda 27,8 %ni, 2016-yilda 28,2% ni hamda 2015-yilda esa 28,8 % ni tashkil etgan. Ushbu ma'lumotlarni quyidagi jadvalda ko'rishimiz mumkin:

1-jadval

Dunyo aholisi umumiy ish bilan bandlar tarkibida qishloq xo'jaligida mehnat bilan bandlikning ulushi²²²

| T/r | Yillar | % | -/+ |
|-----|--------|------|------|
| 1 | 2016 | 28,8 | |
| 2 | 2017 | 28,2 | -0,6 |
| 3 | 2018 | 27,8 | -0,4 |
| 4 | 2019 | 27,2 | -0,6 |
| 5 | 2020 | 26,8 | -0,4 |

Yuqoridagi jadvaldan ko'rishimiz mumkinki, qishloq xo'jaligida ish bilan bandlar soni so'nggi yillarda kamayib borish tendensiyasiga ega. Bunga asosiy sabab sifatida esa dunyo mamlakatlarida so'nggi yillarda raqamlashtirish jarayonlarining jadallashgani va bu jarayon ayniqsa, qishloq hududlarida ham o'z ta'sirini aks ettirganini aytishimiz mumkin.

So'nggi yillarda yurtimizda davlatning ish bilan bandlik siyosati doirasida har yili aholi bandligini ta'minlash bo'yicha tasdiqlanadigan dasturlarni amalga oshirish, bo'sh va kvotalanadigan ish o'rinlariga ishga joylashtirish mexanizmlarini takomillashtirish, o'zini o'zi band qilishning samarali shakllarini rivojlantirish borasida ta'sirchan chora-tadbirlar ko'rilmogda. Ushbu ko'rilyotgan choralarga qaramay, respublikamiz mehnat bozorida hali-hamon yuqori darajada keskinlik saqlanib qolmogda, doimiy ish o'rinlarini tashkil etish, yoshlar, xotin-qizlar, kam ta'minlangan oilalar a'zolari bandligini, ayniqsa, qishloq joylarda ta'minlash, shuningdek, tashqi mehnat migratsiyasi jarayonlarini tartibga solish masalalari hal etilmayapti.

Ishga joylashtirish sohasida aholi va tadbirkorlik sub'ektlari uchun kredit, moliyaviy, maslahat-axborot berish xizmatlari va boshqa zarur xizmatlar darajasi pastligicha qolmogda.

Birgina misol, 2020 yilgi statistik ma'lumotlarga ko'ra, yakka tadbirkorlik sohasining bir turi hisoblangan hunarmandchilikda 30266 kishining bandligi

²²² Jahon Banki ma'lumotlari asosida: https://data.worldbank.org/indicator/SL.AGR.EMPL.ZS?end=2020&name_desc

ta'minlangan. Ma'lumki, qishloq xo'jaligida aholining ko'pchilik qismi hunarmandchilik va fermer xo'jaliklarida mehnat qiladi. Yana bir muammo sifatida qishloq aholisiga ajratilgan kreditlarning ham manzilli tashkil etilmaganligi davlatimiz tomonidan qishloq aholisining o'z o'zini band qilish siyosatining yaxshi samara bermasligiga sabab bo'ldi.

Yuqoridagi muammolardan kelib chiqib, iqtisodiyotni raqamlashtirish sharoitida inson resurlarini boshqarish tizimini takomillashtirish va yoshlar bandligini oshirishda investitsion loyihalarni jalb etishda quyidagilarga alohida e'tibor qaratishimiz lozim deb hisoblaymiz:

– iqtisodiyotni raqamlashtirish bo'yicha olib borilayotgan islohotlarni samaradorligini to'g'ri baholash va uzluksiz oshirib borish;

– inson resurslarini boshqarish tizimida zamonaviy dasturlarni amaliyotga joriy etish tizimini ishlab chiqish;

– yoshlar ish bilan bandligini investitsion loyihalar asosida oshirish va ishsiz yoshlar ulushini kamaytirish;

– yoshlar ish bilan bandligida HR jarayonlarini lohilalash va raqamlashtirishga alohida e'tibor qaratish.

– aholi daromadlarini oshirish, bandlikni muttasil oshirib borishda investitsion loyihalarni rag'batlantirish va imtiyozlar berish;

– qishloq hududida azaldan davom etib kelayotgan hunarmandchilik, kulolchilik kabi sohalarda ustoz-shogird tizimini mustahkamlash orqali aholini ushbu sohalarda mehnat bilan bandligini oshirish;

– ta'lim, fan va qishloq xo'jaligida ishlab chiqarishning tizimli asosda uzviy integratsiyalashuvini, qishloq xo'jaligi tarmoqlarining yuqori malakali soha mutaxassislariga bo'lgan joriy va istiqboldagi ehtiyojlarini hisobga olgan holda kadrlarni tayyorlash;

– davlat tomonidan qishloq aholisiga o'z tadbirkorlik faoliyatini olib borishlarida imtiyoz va sharoitlar yaratish chog'ida manzilli dasturlar olib borish. Bunda qishloqlarda avvallari qaysi kishilar tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanganini aniqlab, aynan shu insonlarga tadbirkorligini yaratishlarida imtiyozlar berish. Chunki tadbirkor insonlarning farzandlarida tavakkalchilikdan qochmaslik va o'z tadbirkorligini yuritib keta olishlik qobiliyati mavjud bo'lishligi, xalqimiz ta'biri bilan aytganda: "qoniga tortishligi" ko'pgina tadqiqotchi olimlar tomonidan o'z tasdig'ini topgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati

1. "Qishloq xo'jaligi sohasida davlat boshqaruvi tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Prezident Farmoni. 2019 yil 17 aprel

2. Abdurahmonov Q.X., Xolmo'minov Sh.R., Shoyusupova N.T. va boshqalar. Mehnat iqtisodiyoti. Daralik. – Toshkent, O'zbekiston Yozuvchilar Uyushmasi adabiyot jamg'armasi nashriyoti. 2005 yil.

3. M.Armstrong. Human resource management, 2014

4. Л. В. Карташова. Управление человеческими ресурсами: Учебник/

5. www.worldbank.org

6. www.stat.uz

“Makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlash, real sektor tarmoqlarining ishlab chiqarish salohiyatini oshirish asosida hududlarni barqaror rivojlantirish, kambag‘allikni qisqartirish va aholi bandligini ta’minlashning dolzarb masalalari”

*Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya maqolalar to‘plami
(2021-yil 25-noyabr)*

“IQTISODIYOT” – 2021

***Mas’ul muharrir:
Sharipov K.A.***

***Muharrir:
Yaxshiyev H.T. ,
Sirojiddinov Sh.***

***Musahhih:
Matxo‘jayev A.O.***

***Sahifalovchi:
Adilova I.N.***

Litsenziya raqami: №10-4286 14.02.2019. Bosishga 22.11.2021da ruxsat etildi.
Bichimi 70x100¹/₁₆. Raqamli bosma usuli. «Arno Pro» garniturası.
Shartli bosma tabog‘i 35,0. Adadi 20 nusxa.

«ZARAFSHON FOTO» XK matbaa bo‘limida chop etildi.
100066, Toshkent sh. Islom Karimov ko‘chasi, 49-uy.





**TOSHKENT DAVLAT
IQTISODIYOT UNIVERSITETI**



**2021-YIL
25-NOYABR**

**YANGI O‘ZBEKISTONDA
MOLIYA-BANK, BYUDJET-SOLIQ,
BUXGALTERIYA HISOBI VA
AUDIT SOHALARINI YANADA
RIVOJLANTIRISHNING
DOLZARB MASALALARI**

**XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMANI
MAQOLALAR TO‘PLAMI**

TOSHKENT – “IQTISODIYOT” – 2021

UO'K 658.114.45(100)

KBK 65.050.2

“Yangi O‘zbekistonda moliya-bank, byudjet-soliq, buxgalteriya hisobi va audit sohalarini yanada rivojlantirishning dolzarb masalalari”.

Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya maqolalar to‘plami (2021-yil 25-noyabr). – T.: “IQTISODIYOT”, 2021. – 600 b.

Ilmiy-amaliy anjuman tezislari to‘plamiga magistrantlar, ilmiy tadqiqot ishlarini olib borayotgan izlanuvchi va tadqiqotchilar, mazkur soha mutaxassislari hamda professor-o‘qituvchilarning ilmiy ishlari kiritilgan.

Ushbu ilmiy-amaliy anjumanning asosiy maqsadi yangi O‘zbekistonda yanada liberallashtirish, moliya-bank, byudjet-soliq, buxgalteriya hisobi va audit sohalarini rivojlantirishga to‘sqinlik qilayotgan muammolarni aniqlash va ularni bartaraf etishga qaratilgan taklif va tavsiyalar ishlab chiqish hisoblanadi.

To‘plamda O‘zbekistonda moliya-bank, byudjet-soliq, buxgalteriya hisobi va audit sohalarini rivojlantirish istiqbollari, unda har bir soha faoliyatini yanada rivojlantirish va raqobat muhitini qo‘llab-quvvatlash kabi dolzarb masalalar yoritilgan bo‘lib, u professor-o‘qituvchi, ilmiy izlanuvchi, tadqiqotchi hamda magistrantlarning ilmiy izlanishlarida foydali bo‘ladi.

| | |
|------------------------|---|
| <i>Mas’ul muharrir</i> | – <i>PhD., dots. U.R. Xalikov</i> <i>t.f.d., prof. K.Sharipov</i> <i>i.f.d., prof. M.Eshov</i> |
| <i>Tahrir hay’ati:</i> | <i>i.f.d., prof. A. Burxanov</i> <i>i.f.d., dots. N. Abdusalomova</i> <i>i.f.d., dots. X. Xudoyqulov</i> <i>i.f.d., dots. B. Tuxliev</i> <i>i.f.d., dots. N. Xajimuratov</i> <i>i.f.n., dots. A. Ayubjonov</i> <i>i.f.n., prof. Sh. Ergasheva</i> <i>i.f.d., dots. A. Turaev</i> |
| <i>Taqrizchilar:</i> | <i>i.f.d., prof. S. Elmirzaev,</i> <i>i.f.d., prof. D.Raxmonov</i> |

Mazkur to‘plamga kiritilgan maqola va tezislarning mazmuni, undagi statistik ma’lumotlar va me’yoriy hujjatlar sanasining to‘g‘riligi hamda tanqidiy fikr-mulohazalarga mualliflarning o‘zlari mas’uldirlar.

ISBN 978-9943-7329-6-4

© “IQTISODIYOT”, 2021

MUNDARIJA

| | |
|--------|----|
| KIRISH | 13 |
|--------|----|

1-YO'NALISH.

TIJORAT BANKLARINING XALQARO MOLIYA INSTITUTLARI BILAN INTEGRATSIYASINI RIVOJLANTIRISHNING ISTIQBOLLARI

| | | |
|--|--|----|
| <i>Ҳамидов О.Х.</i> | Рақамли иқтисодиёт ривожини таъминлаши..... | 16 |
| <i>Махмудов Н.М.</i> | Moliya bozori va uni rivojlantirish yo'nalishlari..... | 18 |
| <i>Хомитов К.З.</i> | Инвестициялар жалб қилиш асосида қишлоқ хўжалигини модернизациялашнинг иқтисодий механизмлари..... | 24 |
| <i>Альмардонов М.И.</i> | Тижорат банклари фаолиятини ривожлантиришнинг долзарб масалалари..... | 28 |
| <i>Бутиков И.А.</i> | Проблемы повышения конкурентоспособности рынка недвижимости и легальных риэлторских организаций..... | 31 |
| <i>Эргашев Э.И.</i> | Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш масалалари..... | 35 |
| <i>Гайбуллаев Р.М.</i> | Инвестицияларни молиялаштириш манбалари билан таъминлаш шарт-шароитларининг айрим жиҳатлари тўғрисида..... | 42 |
| <i>Berdiyarov B. T.</i> | Opportunities to ensure bank liquidity during the pandemic..... | 45 |
| <i>Abdullakhanova G.S., Alimatova N.A.</i> | To the question of the need for development of ethical standards in the banking sphere..... | 49 |
| <i>Собиров И.Х., Атабаева Ш.</i> | Рақамли иқтисодиёт шароитида масофавий банк хизматларидан фойдаланиш усуллари..... | 53 |
| <i>Азларова А.А.</i> | Янги ўзбекистонда банк хизматларини ривожлантиришнинг долзарб масалалари..... | 56 |
| <i>Абдурахманов М.М.</i> | Янги ўзбекистонда тижорат банкларининг молиявий хизмат турларини кенгайтиришнинг аҳамияти..... | 60 |
| <i>Яхшиева М.Т.</i> | Инновационное развитие банковской сферы Узбекистана..... | 64 |
| <i>Сабирова А.Ш., Надирханов У.С.</i> | Проектное управление в современных условиях развития узбекистана..... | 67 |
| <i>Имомов Х.Х.</i> | Инвестиционную привлекательность..... | 69 |

| | | |
|--------------------------------|---|-----|
| Каримова А.М. | Анализ и трансформация финансового рынка банковских услуг в новом узбекистане | 72 |
| Темиров А. А. | Ўзбекистон республикаси акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсати ва тенденциялари..... | 76 |
| Кадирова Х.Т. | Использование эконометрических и статистических методов в эмпирических исследованиях финансового рынка..... | 82 |
| Тоймухамедов И. Р. | Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларини молиявий маблағлар билан таъминлашда банк кредитларининг ўрни..... | 87 |
| Тожиёв Р.Р. | Тижорат банклари ликвидлиги муаммолари..... | 91 |
| Аброров С. З. | Сукук бозори таҳлили: янги марралар, янги иштирокчилар..... | 94 |
| Мамадияров З. Т. | Банкларни рақамли трансформациянинг афзалликлари | 97 |
| Норов А. Р. | Тадбиркорлик субъектларга ажратилган кредитлар шартларини “кредитлаш амалиётини трансформациялаш модели” балл тизими орқали такомиллаштириш | 100 |
| Махмудова М. | Банк рискларини юзага келтириши мумкин бўлган иқтисодий омиллар | 104 |
| Бауетдинов М.Ж. | Банкларида мижозларнинг (корхоналарнинг) кредитга лаёқатлигини баҳолаш кўрсаткичлари..... | 107 |
| Умарова М.Б. | Янги ўзбекистонда рақамли банк хизматларини янада такомиллаштириш йўллари..... | 110 |
| Тошпулатов Д. А. | Банклар корреспондент банкларга лимит ўрнатиш орқали контрагент рискларини бошқариш..... | 113 |
| Халиков У.Р. | Миллий иқтисодиёт корпоратив тузилмаларида капитал бозорини фаоллигини ошириш масалалари | 118 |
| Тайбобов Б. Ў. | Давлат қарзларини бошқаришнинг функционал элементлари | 125 |
| Буранова Л. В. | Худудлар молиявий салоҳиятини баҳолаш усуллари таҳлили..... | 128 |
| Назарова М. Н. | Корпоратив бошқарув тизимининг банклар инновацион фаолиятини яхшилашдаги аҳамияти..... | 131 |
| Azizov O. M, Sabirova D. A. | Blokcheyn texnologiyasi va undan moliya sohasida foydalanish. | 135 |
| Yuldoshev U. | Mamlakatimiz bank–moliya tizimi: kecha, bugun va ertaga..... | 139 |
| Бобобеков Ф. Р. | Тижорат банклармизнинг банк бозорида янги молиявий хизматларни жорий қилишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари..... | 145 |

| | | |
|--------------------|--|-----|
| Аллаберганов С. С. | Ўзбекистонда тижорат банклари фаолиятини рейтинг орқали баҳолаш амалиёти..... | 149 |
| Мўминова М. Б. | Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини оширишда ривожланиш босқичларининг ўрни..... | 152 |
| Асқаров С. А. | Ўзбекистонда чакана банк хизматларни ривожлантиришда хориж тажрибаларидан фойдаланиш | 17 |
| Гаипов Ж.Б. | Развитие систем электронных платежей на основе информационно–коммуникационных технологий | 161 |
| Мирзахоликов Б.Б. | Кичик бизнес корхоналари молиявий– иқтисодий барқарорлигини кредитлаш тизими орқали қўллаб–қувватлашни такомиллаштириш | 165 |
| Сатторова Н.Ф. | Янги ўзбекистонда ислом молиясидан фойдаланиш истиқболлари..... | 169 |
| Махмудов С. Б. | Логистик компаниялар фаолиятини молиялаштириш юзасидан назарий қарашлар | 172 |
| Ғаниев С. М. | Молия инжиниринги концепцияси асосида қимматли қоғозлар савдо тизимларини ривожлантириш истиқболлари..... | 178 |
| Холдоров С. У. | Молия бозорининг миллий иқтисодий тни ривожлантиришдаги ўрни ва жаҳон молия бозорига интеграциялашининг замонвий йўналишлари | 181 |
| Sindarov F.Q. | Moliya tizimini rivojlanishida suveren kredit reytinglarini ahamiyati va o'zbekistonning suveren kredit reytingi..... | 185 |
| Шаниязова З.О. | Перспективы для улучшение финансовой поддержки сельского хозяйства..... | 188 |
| Ухамеджанов Ш.С. | Управление конкурентоспособностью в системе эффективных мер финансового менеджмента в малом бизнесе. | 191 |
| Ҳошимов Ж. Р. | Миллий иқтисодийга хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш..... | 195 |
| Ҳайдаров Ў.А. | Янги ўзбекистон шароитида инвестиция фаолиятини ислом банклари маблағлари орқали молиялаштиришни такомиллаштириш..... | 198 |
| Эльбусинова У. | Мамлакатимизда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда суғурталашни ривожлантириш ҳолати..... | 203 |
| Аминова Н. У. | Ислом молияси асосида лойиҳаларни молиялаштиришнинг назарий жиҳатлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари..... | 207 |

| | | |
|-----------------|---|-----|
| Садиков А. | Ўзбекистонда валюта бозорини эркинлаштириш орқали мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш масалалари | 211 |
| Нуримова Н. Ж. | Тижрат банкларида кадрлар сиёсатини амалга оширишнинг замонавий талаблари..... | 213 |
| Набижанов Б.В. | Акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсати шакллантириш назариялари..... | 217 |
| Жумаев И. Б. | Янги ўзбекистонда инвестиция фаолиятини молиялаштиришда халқаро молия институтларининг аҳамияти..... | 220 |
| Ишниязов Б.Н. | Қишлоқ хўжалиги тармоғини молиялаштириш муаммолари ва ечимлари..... | 226 |
| Бобоқулов А. М. | Янги ўзбекистонда инвестиция фаолиятини муқобил молиялаштиришнинг назарий асослари..... | 229 |
| Олимова Н. К. | Monetary policy of the state in the development of the real and financial sectors of the economy | 236 |
| Халикова К. У. | Yangi o'zbekistonda moliya va bank xizmatlari bozorini yanada rivojlantirish | 239 |
| Хусаинов Р. | International experience of macroeconomic regulation of the government securities market and the possibility of its application in uzbekistan | 241 |

2-YO'NALISH.

SOLIQ MA'MURIYATCHILIGI VA SUG'URTA XIZMATLARI BOZORI SAMARADORLIGINI OSHIRISH ISTIQBOLLARI

| | | |
|-----------------|--|-----|
| Тухлиев Б.К. | Солиқ имтиёзлари – инвестиция жараёнларини молиялаштириш манбалари сифатида..... | 244 |
| Қўлдошев Қ.М. | Қишлоқ хўжалиги қорхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашда сугурта хизматларининг роли | 246 |
| Вiyasov S.A. | Ways to improve the efficiency of tax administration | 250 |
| Шеннаев Х. М. | Ўзбекистон ҳудудларида сугурта хизматлари кўрсатиш қўламини кенгайтириш йўллари..... | 254 |
| Базаров Қ. Т. | Солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришда рақамли иқтисодиёт ўрни ва аҳамияти..... | 257 |
| Махкамбоев А.Т. | Сугурта хизматларини кўрсатишда бухгалтерия ҳисоби ва уни юритишнинг ўзига хос жиҳатлари | 261 |
| Агзамов А.Т. | Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизими ижтимоий жиҳатларининг камбағалликни камайтиришдаги аҳамияти..... | 265 |

| | | |
|-------------------------|---|-----|
| <i>Bababekova G. B.</i> | О‘zbekistonda soliq ma‘murchiligining asosiy yo‘nalishlari | 277 |
| <i>Махкамбоев К.А.</i> | Транспорт ташкилотларида иқтисодий салоҳияти самарадорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили..... | 281 |
| <i>Валиева С. Х.</i> | Тижрат банкларида масофавий банк хизматларини ривожлантириш | 285 |
| <i>Хошимов С.М.</i> | Халқаро инвестиция фаолиятида сиёсий рисклар ва уларни суғурталаш..... | 290 |
| <i>Boboyeva G. G.</i> | Soliq siyosatini takomillashtirish – kichik biznesni rivojlantirish garovi..... | 293 |
| <i>Ахроров З.О.</i> | Фойдани солиққа тортишнинг хориж тажрибаси ва уни миллий солиқ тизимида қўллаш имкониятлари..... | 296 |

3-YO‘NALISH.

О‘ZBEKISTONDA BUXGALTERIYA HISOBINI XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA TASHKIL ETISHNING USTUVOR MASALALARI.

| | | |
|--|--|------------|
| <i>Холбеков Р.О.</i> | Бухгалтерия ҳисобининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги ўрни, тарихи, эришилган ютуқлари ва келажagi..... | 301 |
| <i>Эргашева Ш. Т.</i> | Янги ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг истиқболлари..... | 308 |
| <i>Tulakhodjaeva M. M.</i> <i>Khodjaeva M. H.</i> | Features of digitalization and ensuring transparency of accounting in Uzbekistan | 312 |
| <i>Абдусаломова Н. Б.</i> <i>Хажимуратов Н.</i> | Сотиш бюджетини шакллантириш тартиби Молиявий ҳисобот халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикасида қўллаш масалалари..... | 315 324 |
| <i>Боронов Б. Ф.</i> <i>Абдурасулов Ж. А.</i> | Молиявий инвестициялар ҳисобининг назарий асослари | 328 |
| <i>Остонокулов А.А.</i> | Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов–контракт шаклидан тушумлар ҳисоби ва уни такомиллаштириш..... | 332 |
| <i>Махсудов Б.Ю.</i> <i>Сотволдиева Д.</i> <i>Юлдашев Э.</i> | Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига ўтишда бухгалтер профессионал фикрлашини роли | 336 |
| <i>Ташкенбаева З. У.</i> | Туристлик корхоналарда бошқарув қарорларини қабул қилишда харажатларни таснифлашнинг ўзига хос хусусиятлари..... | 342 |

| | |
|------------------|---|
| Абдувахидов Ф.Т. | Бюджет ташкилотларида молиявий натижалар ҳисоби347 |
| Эшмурадов У. Т. | Сотиш жараёнларининг молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича трансформацияси масалалари350 |
| Адашалиев Б. В. | Ўзбекистонда корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий ҳисоботининг халқаро стандартларига ўтишининг долзарб масалалари.....354 |
| Рахимова Г.М | Асосий воситалар самарадорлигини баҳолаш359 |
| Ахмедов М. Ш. | Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш шароитида таълим жараёнида бухгалтерлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш364 |
| Манпарова Р. А. | The advantage of international standardization and integration in control and audit in the public sector.....366 |
| Собиров О. О. | Бошқарув ҳисобини ташкил этишда калькуляция тизимини такомиллаштириш йўналишлари371 |
| Қулибоев А. Ш. | Давлат тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича муомалаларни ягона счётлар режасида акс эттириш.....374 |
| Козимжонов А. | Қарз мажбуриятлари бўйича харажатлари бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари асосида тан олинлишининг услубий асослари378 |
| Ортиқов Х. А. | Мол–мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича операциялар ҳисоби.....381 |
| Embergenov A. J. | Improvement of accounting in Uzbekistan based on international financial standards383 |
| Shoyev A. K. | Problem and prospects for the development of accounting outsoursing.....387 |

4-YO'NALISH.

YANGI O'ZBEKISTONDA MOLIYAVIY NAZORAT, AUDIT VA TAHLIL SOHALARINI RIVOJLANTIRISHDA XORIY TAJRIBASIDAN SAMARALI FOYDALANISH YO'LLARI

| | |
|------------------|--|
| Ахмеджанов К.Б. | Энергетика соҳасидаги корхоналарда мҲХСнинг амалий аҳамияти.391 |
| Ахмаджонов А. К. | |
| Тўраев А.Н. | Консолидациялашган молиявий ҳисобот аудитини такомиллаштириш.....394 |
| Эшонқулов А.А. | |

| | | |
|-----------------------------------|---|-----|
| Хажимуратов Н. Ш. | Молиявий ҳисобот аудитининг методологик муаммолари..... | 398 |
| Махмудов А. Н. | Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини аниқлашда чет эл тажрибаларидан фойдаланиш истиқболлари..... | 404 |
| Тожибоева Ш. А. Равианов Р. Р. | Жорий мажбуриялар таҳлилида корхона молиявий барқарорлигини баҳолаш..... | 408 |
| Ходжаева М. Н. Шукurov М. Q. | Sof foyda va uning o`zgarishiga ta`sir etuvchi omillar tahlili..... | 411 |
| Таджибаева Ш. А. | Роль и значение сетевых технологий при предоставлении банковских услуг в условиях цифровой экономики. | 414 |
| Қурбонов Ш.М. | Ўзбекистон республикаси давлат молиявий назорати тизимида ички аудит хизматининг ўрни | 417 |
| Қличев Б. П. | KPI тизими асосида моддий рағбатлантириш масалалари таҳлили..... | 421 |
| Хакимов А. А. | Аудиторлик ташкилотлари рейтингини халқаро аудит стандартларга мувофиқ ислоҳ қилиш | 425 |
| Ширинов У.А. | Алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда аудитнинг долзарб масалалари | 430 |
| Холмирзаев У.А. | Қисқа муддатли қимматли қоғозларни аналитик ҳисобини такомиллаштириш..... | 433 |
| Абдуганиев У.Х. | Перспективы внедрения цифровизации и механизмов государственного финансового контроля в целях противодействия коррупции..... | 437 |
| Хотамов А. Х. | Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш афзаллиги..... | 441 |
| Акрамов А.Б. | Молиявий ҳисоботни халқаро стандартлар бўйича тайёрлашнинг концептуал асослари, элементлари ва тамойиллари..... | 444 |
| Баҳадиров А. К. | Аудит лизинговых операций в Республики Узбекистан..... | 448 |
| Каюмов Р.И. Исмаилов О.М. | Конечный финансовый результат как основной показатель эффективности деятельности предприятия | 451 |
| Нурманов К. Т. | Тайёр маҳсулот таннархи ва даромадларни стратегик бошқарув таҳлилининг услублари | 455 |
| Нурматов С.Т. Соатов А.Б. | Янги ўзбекистонда молиявий назорат бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфланишини олдини олиш ва қонун устуворлиги таъминлаш..... | 459 |

| | | |
|----------------------|---|-----|
| <i>Omanov S. Q.</i> | Ishlab chiqarish xarajatlari auditorlik tekshruvini tashkil qilish..... | 462 |
| <i>Tulovov E. T.</i> | Qurilish tashkilotlarida auditing o'ziga xos xususiyatlari..... | 464 |

5-YO'NALISH. YANGI O'ZBEKISTONDA STATISTIKA NAZARIYASI VA AMALIYOTINI YANADA RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

| | | |
|--|---|-----|
| <i>Kalonov M. B.</i> | The role and impact of enterprises, production organizations and taxes in the development of the economy budget in the Republic of Uzbekistan | 469 |
| <i>Абдувоҳидов А. Маҳаммадиев М.</i> | Рақамлашган иқтисодиётда меҳнат бозорининг статистик масалалари | 473 |
| <i>Karrieva Y.K.</i> | Ways of development of innovative logistics in Uzbekistan..... | 476 |
| <i>Лейберт Т.Б. Халикова Э.А. Волкова В.Н.</i> | Сравнительный анализ методов калькулирования себестоимости продуктов переработки нефти..... | 479 |
| <i>Лейберт Т.Б. Ковязин Д.С.</i> | Анализ нефинансовых показателей компании в условиях цифровой экономики..... | 484 |
| <i>Аюбжонов А.Х.</i> | Статистик маълумотлар очиқлиги ва шаффофлиги барқарор ривожланиш гарови..... | 486 |
| <i>Шильдт Л.А. Регина М.Ф.</i> | Необходимость и противоречия внедрения цифровизации и автоматизации аудита | 490 |
| <i>Руднева Ю.Р.</i> | Современные аспекты прогнозирования валютного курса..... | 492 |
| <i>Sattoriy F. A.</i> | The importance and features of management in small and medium-sized businesses and entrepreneurial activity..... | 495 |
| <i>Набиходжаев А.А.</i> | Инфляция–пул–кредит сиёсатида баҳо берувчи кўрсаткич..... | 500 |
| <i>Маматкулов Б.Х.</i> | Ўзбекистон республикаси статистика амалиётида фермер хўжаликлари статистикасини ривожлантириш истиқболлари..... | 502 |
| <i>Умарова М. Мўминов А.</i> | Нисбий нархлар нима? | 505 |

| | |
|---|---|
| <i>Камалетдинов У.</i> | Аспекты развития дистанционного предпринимательского образования для женщин в сельских местностях Узбекистана507 |
| <i>Акбарова Б.Ш.</i> | Янги ўзбекистонда яширин иқтисодийтни қисқартиришда давлат томонидан амалга оширилаётган чора- тадбирлар таҳлили513 |
| <i>Муродов Ж.Ч.</i> | Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг статистик таҳлили516 |
| <i>Разикова Г.Ш.</i> | Янги ўзбекистонда статистика назарияси ва амалиётини янада ривожлантириш истиқболлари525 |
| <i>Ахмедова М.Ш.</i> | Фермер хўжаликлари фаолиятининг асосий функциялари ва ривожлантириш механизмлари528 |
| <i>Мамиров А. О.</i> | Қисқа муддатли иқтисодий статистика – миллий статистика тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида.....536 |
| <i>Тўраев Б. Э.</i> <i>Муртозаева М. Б.</i> | Миллий статистика салоҳиятини ошириш – янги ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини халқаро рейтингларда акс эттиришнинг ишончли манбаи546 |
| <i>Умаров М.</i> | Истеъмол нархлари индекси (инфляция даражаси) ҳисоб–китобларини халқаро талаб ва стандартлар асосида янада такомиллаштириш, сўнги йилларда бу борада эришилган натижалар554 |
| <i>Илҳамова Ё.</i> <i>Шермухамедов Б.</i> | Статистические пакеты применяемые в экономических исследованиях.....557 |
| <i>Исакова Н. И.</i> | Инвестицияларнинг иқтисодийга таъсирини статистик баҳолаш амалиётини янада ривожлантириш561 |
| <i>Mirzanov B. J.</i> | The system of national accounts as a tool for macroeconomic analysis565 |
| <i>Миролимов М. М.</i> | Тошкент вилояти меҳнат бозорини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари568 |
| <i>Каланова А. Б.</i> | Внедрения международных статистических регистров предприятия – как один из факторов совершенствования национальной стратегии развития статистики.....572 |
| <i>Juraeva U.V.</i> <i>Muzafarova L.A.</i> <i>Abdullaeva D.K.</i> | Stages of the investment process in construction574 Prospects for the implementation of artificial intelligence in Uzbekistan576 |

| | | |
|------------------|--|-----|
| Хамдамов Ш. Р. | Ўзбекистонда интенсив иқтисодий ўсиш омилларининг ўзаро салмоғини статистик усуллар орқали аниқлаш..... | 582 |
| Султанов Р.Б. | Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда юзага келадиган банк рискларини тартибга солишда суғурталаш механизмнинг аҳамияти..... | 585 |
| Зайнутдинов И.С. | Молиявий активлар рискларини бошқариш..... | 589 |
| Усмонов Б. | Компанияларда капитал самарадорлигини ошириш йўллари | 591 |
| Даянова Р.А. | Сравнительный анализ методов учета доходов и расходов по МСФО и РСБУ..... | 594 |
| Кириченко Е.А. | Ошибки и фальсификации в бухгалтерском учете | 596 |
| Терегулов К.А. | Ключевые показатели эффективности (kpi) в компаниях..... | 598 |

KIRISH

O'zbekiston Respublikasida amalga oshirilayotgan izchil iqtisodiy islohotlar natijasida bank-moliya tizimining transformatsiyalashuvi mamlakat iqtisodiy siyosatining ustuvor yo'nalishi sifatida muhim ahamiyat kasb etadi.

O'tgan yillar mobaynida mustaqil taraqqiyot davrda iqtisodiy taraqqiyot bosqichlarida amalga oshirilgan va bank-moliya tizimida puxta o'ylab olib borilgan makroiqtisodiy barqarorlikni, iqtisodiyotning yuqori sur'atlar bilan o'sishini, inflyatsiyani prognoz ko'rsatkichlari darajasida saqlab qolishni ta'minladi. Ayni vaqtda mamlakatimiz bosib o'tgan taraqqiyot yo'lining chuqur tahlili, bugungi kunda jahon bozori kon'yunkturasi keskin o'zgarib, globallashuv sharoitida raqobat tobora kuchayib borayotgani davlatimizni yanada barqaror va jadal sur'atlar bilan rivojlantirish uchun mutlaqo yangicha yondashuv hamda tamoyillarni ishlab chiqish va ro'yobga chiqarishni taqozo etmoqda.

Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi doirasida amalga oshiriladigan eng ustuvor vazifalar sifatida mamlakatda makroiqtisodiy barqarorlikni yanada mustahkamlash va yuqori iqtisodiy o'sishga erishishning quyidagi vazifalari belgilab olindi¹:

- milliy iqtisodiyotni, uning o'sish sur'atlarini zamon talablari darajasida rivojlantirish;
- mamlakatimizdagi mavjud resurs va imkoniyatlarni safarbar etgan holda, aholi jon boshiga to'g'ri keladigan yalpi ichki mahsulot hajmini yanada oshirish. Bunda, 2030 yilga borib, O'zbekiston jon boshiga hisoblaganda, aholi daromadlari o'rtacha ko'rsatkichdan yuqori bo'lgan davlatlar qatoridan o'rin egallaydi;
- "xomashyodan – tayyor mahsulotgacha" degan tamoyil asosida drayver sohalarda klaster tizimini rivojlantirish;
- iqtisodiyotda yuqori o'sish sur'atlariga erishish uchun, avvalo, makroiqtisodiy barqarorlikni ta'minlab, inflyatsiya darajasini belgilangan 5 foizgacha pasaytirish choralari amalga oshirish;
- byudjet va tashqi qarz barqarorligini ta'minlash, mahalliy byudjetlarning imkoniyatlarini kengaytirish;
- tadbirkorlik faoliyatini yanada qo'llab-quvvatlash, soliq yukini kamaytirish, hammaga teng bo'lgan biznes muhitini va zarur infratuzilma yaratish bo'yicha boshlagan islohotlarini qat'iy davom ettirish;
- davlat korxonalarini transformatsiya qilish va xususiyashtirish jarayonlarini tezlashtirish;
- erkin raqobatga asoslangan bozorni yaratish hisobidan aholi va tadbirkorlar

¹ Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi asosida demokratik islohotlar yo'lini qat'iy davom ettiramiz // Yangi saylangan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning lavozimga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalari qo'shma majlisidagi nutqi (06.11.2021 y.). <https://president.uz/uz/lists/view/4743>.

energiya resurslari bilan kafolatli ta'minlash;

- aholi bandligini ta'minlash, yoshlar va ishsiz fuqarolarni davlat hisobidan malakali kasb-hunarga o'qitish, oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish, ehtiyojmand aholini manzilli qo'llab-quvvatlash orqali 2026 yilgacha kambag'allikni ikki barobar qisqartirish;

- ijtimoiy himoya sohasida boshqaruv tizimi isloh qilish, ijtimoiy xizmatlarning sifati yaxshilash va ko'lamini kengaytirish;

- hokimliklar va mahallalarning moliyaviy imkoniyatini kengaytirish maqsadida tuman byudjetini qo'shimcha manbalar bilan ta'minlash hamda mahallaning alohida jamg'armasi shakllantirish.

Ushbu xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plamida aynan, yangi O'zbekistonni yanada liberallashtirish, moliya-bank, byudjet-soliq, buxgalteriya hisobi va audit sohalarini rivojlantirishga to'sqinlik qilayotgan muammolarni aniqlash va ularni bartaraf etishga qaratilgan dolzarb masalalar o'z aksini topgan. Shuningdek, unda har bir soha faoliyatini yanada rivojlantirish va raqobat muhitini qo'llab-quvvatlash kabi masalalar ham yoritilgan.

1 YO'NALISH

**YANGI O'ZBEKISTONDA
MOLIYA VA BANK XIZMATLARI
BOZORINI YANADA
RIVOJLANTIRISH
ISTIQBOLLARI**



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИ ВА ЮКСАЛИШИ

О.Х. Ҳамидов,

БухДУ ректори, и.ф.д., проф.

Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар халқимизнинг муносиб ҳаёт кечирishi, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт–шароитлар яратиб келмоқда. Айниқса, *кейинги беш йил давомида мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ўзгаришлар ўз ҳосилини кўрсатмоқда. “Янги Ўзбекистон” деган тушунча реал воқеликка айланмоқда.*

Буни соат сайин шиддатли ўсаётган иқтисодиёт, ахборот технологиялари кесимида кўришимиз мумкин. Бугунги кунда республикамизда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши натижасида, тижорат банкларининг янги инновацион электрон хизматларига талаби янада ортган. Аҳоли ўртасида банк биносига бормасдан, биргина телефон, компьютер ёки бошқа инфорацион технологиялар орқали кўлаб амалиётларни бажариш имконияти оммалашди. Шунингдек, танланган ташкилотнинг мобиль иловаси ёки расмий сайтига кириб, керакли маълумотни олиш, турли тўловларни амалга ошириш, буюртма бериш ва шикоят ёки эътирозлар йўллаш мумкин. Ёки харидорга пойафзал керак. Телеграмдаги бирон савдо боти орқали ўзига маъқул товарни танлаб, товар эгасига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва товарни етказиб бериш хизмати орқали олиш имкониятлари яратилди. Ойликларимиз пластик карталарга тушади, электрон тўлов орқали коммунал хизматлар, телефон, интернет ва бошқа маҳсулот ва хизматларга тўлов қиламиз, электрон тарзда солиқ декларацияси топширамыз, картадан картага пул узатамыз, уйга таом буюртма қиламыз ва ҳоказо.

Ҳозирда электрон базага жамланган ахборотларнинг рақамлаштирилганлиги натижасида авваллари маълум муддат кутишга тўғри келадиган банк амалиётларини бир неча сонияда ўтказиш имконини берувчи дастурлар, қурилмалар яратилган. Ҳаётимизга ахборот–коммуникация технологияларининг мана шундай шиддат билан кириб келиши жаҳон хўжалик алоқаларининг глобаллашувини, товар ва хизматлар, шу жумладан, молиявий хизматларни етказиб берувчилар бозорида рақобатни кескин кучайтириб юборди. Банк тизимида замон талабларига мос ҳолда ахборот–коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш ва шу орқали кўлаб банк хизматларини автоматлаштириш ишлари жадаллашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев “... молия бозорлари, жумладан, фонд бозорини ривожлантириш ҳам янги иқтисодий шароитда асосий мақсадаримиздан бири бўлиши керак” деб таъкидладилар. Шунингдек, “Инвесторлар мамлакатимизда ўзини имкон қадар эркин ҳис қилишлари учун валюта бозорини янада эркинлаштириш талаб этилади” деб эътироф этилиши иқтисодни давлат даражасига кўтарилганлигини билдирмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасида “2020 йил – Илм– маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили” деб эълон қилиниши, айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси

кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда. Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт–шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишлар амалга оширилмоқда.

Яна бир эътиборли томони шундаки, ҳар бир давлатнинг иқтисодий тараққиёти, ижтимоий соҳалар ривожини бевосита унинг илмий ва интеллектуал салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса, рақобат кун сайин кучайиб бораётган ҳозирги шароитда амалиётга илмий ҳажмдор, юқори самарали тадқиқотлар, илгор инновацион технологияларни татбиқ этмасдан туриб, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг имкони йўқ. Сир эмаски, янгиллик сифатида эътироф этиладиган ихтиролар ўз–ўзидан пайдо бўлавермайди. Бу кўп йиллик илмий изланиш ва фидокорона меҳнатни талаб қиладиган машаққатли жараёнки, халқимиз таъбири билан айтганда, игна билан қудуқ қазишдек гап. Зеро, давлатимиз раҳбари, “Дунё ҳамжамиятига рақобатбардош бўламан деган ҳар бир давлат, албатта, илм билан ҳамнафас бўлади, ҳамма ишини олимлар билан қилади. Бозор иқтисодиёти шафқатсиз нарса. Бозорга рақобат билан тайёр бўлмасак, ҳеч қачон ўзимизнинг ўрнимизни ҳеч қайси соҳада топа олмаймиз” деб таъкидлайдилар.

Дарҳақиқат, олимлар бўлмаса, илм дунёси кашф этилмаса, буларнинг бирор бирига эриша олмаймиз. Давлатимиз иқтисодиётини дунё миқёсида кўтариб келаётган, бир қатор олимларимиз, устозларимиз таҳсил бераётган Тошкент давлат иқтисодиёт университети қутлуғ 90 ёшни қаршиламоқда. Бугун ҳаётим саҳифаларини варақлаганимда, бу даргоҳ билан мени узоқ бир тарих боғлаб турганлигини ҳис этаман. Бу масканда фаолиятимни 2001 йилдан махсус туристик фирма директори вазифасидан бошлаб, туризм сервис кафедраси ассистенти, шу кафедра доценти, кафедра мудирини, молиявий–иқтисодий ишлар бўйича проректор, Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор каби бир қатор лавозимларда фаолият олиб бордим. 20 йил умрим шу университет билан боғлиқ.

Муборак ёшни қаршилаётган Тошкент давлат иқтисодиёт университети жамоасини, мухтарам Устозларимни ушбу қутлуғ кун билан самимий табриклайман. Олийгоҳнинг тамал тошини қўйган ва унинг номини жаҳонга машҳур қилган қанчадан–қанча олимлар, муаллим ва мураббийлар, профессор ва ўқитувчилар меҳнатлари таҳсинга сазовор албатта.

Бугунги кунда олий таълимда илм–фанни янада ривожлантиришда, унинг академик илм–фан билан интеграциялашувини кучайтиришда, илмий тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини оширишда, Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти ривожланаётган шароитда ихтисосликларини бўйича мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашда хурматли Устозлар жамоасига куч–ғайрат тилаб қоламан!

MOLIYA BOZORI VA UNI RIVOJLANTIRISH YO'NALISHLARI

N. M. Maxmudov,
TDIU, i.f.d., prof.

Moliya bozori mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Ayniqsa oxirgi yillarda moliya bozori rivojlangan mamlakatlar iqtisodiyoti ham sezilarli darajada rivojlanib bormoqda va bu jarayon iqtisodiyotga katta ta'sir ko'rsatmoqda. Bugungi kunda O'zbekiston iqtisodiyotiga kirib kelayotgan xorijiy investitsiyalarni tahlil qiladigan bo'lsak, unda katta ulush xorijiy to'g'ridan-to'g'ri investitsiyalarni tashkil qiladi. Chunki bunday turdagi investitsiyalar iqtisodiyotning real sektoriga kiritiladi va bevosita ishlab chiqarish jarayoni bilan bog'liqdir. O'zbekistonda ishlab chiqarishni kengaytirish va sanoatni rivojlantirishga qaratilgan islohatlar natijasida bu ko'rsatkich oshib bormoqda. Lekin ma'lumki, xorijiy investitsiyalar ikki turga bo'linib, bulardan birinchisi xorijiy to'g'ridan to'g'ri investitsiyalar bo'lsa, ikkinchisi xorijiy portfel investitsiyalardir. Tahlillarga ko'ra, xorijiy portfel investitsiyalarning O'zbekiston iqtisodiyotiga kirib kelish hajmi past darajada. Xalqaro tashkilotlarning ma'lumotlariga ko'ra, bunday turdagi investitsiyalarning hajmi past darajada ekanligiga asosiy sabab bu rivojlanmagan moliya bozori hisoblanadi. Ya'ni, O'zbekistonda mavjud bo'lgan nisbatan rivojlanmagan moliya bozori sababli portfel investitsiyalarning iqtisodiyotga kirib kelish hajmi past darajada. Chunki portfel investitsiyalar hajmiga eng katta ta'sir qiluvchi omil bu moliya bozori hisoblanadi. Shundan kelib chiqqan holda bugungi kunda moliya bozorini rivojlantirish O'zbekiston iqtisodiyoti uchun eng dolzarb mavzu hisoblanadi.

So'nngi yillarda O'zbekistonda "xalqaro iqtisodiy hamkorlikni yanada rivojlantirish, jumladan, yetakchi xalqaro va xorijiy moliyaviy institutlar bilan aloqalarni kengaytirish, puxta o'ylangan tashqi qarzar siyosatini amalga oshirishni davom ettirish, jalb qilingan xorijiy investitsiya va kreditlardan samarali foydalanish" 1 ga qaratilgan islohatlar jadal tarzda amalga oshirilmoqda.

Moliya bozori – bu juda keng atama bo'lib, u asosan xaridorlar va sotuvchilar savdo-sotiqda, ya'ni, aktivlarni sotib olish va sotishda ishtirok etadigan bozorni bildiradi. Oddiy qilib aytganda, bu savdogarlarga moliyaviy vositalar va qimmatli qog'ozlari sotib olish va sotishni osonlashtiradigan platformadir. Bu vositalar va qimmatli qog'ozlar aksiyalar, obligatsiyalar, qimmatli qog'ozlari, veksellar, qarzar, cheklar va boshqalar bo'lishi mumkin².

Moliyaviy bozorlar qimmatli qog'ozlar savdosi sodir bo'ladigan har qanday bozorni, shu jumladan fond bozori, obligatsiyalar bozori, forex bozori va derivativlar bozorini anglatadi. Moliyaviy bozorlar kapitalistik iqtisodiyotning uzluksiz ishlashi uchun juda muhimdir³.

1 O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning "O'zbekiston Respublikasini rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-sonli Farmoni. 17.02.2017. <https://lex.uz/docs/-3107036>

2 <https://efinancemanagement.com/financial-management/financial-markets-functions-importance-and-types>

3 <https://www.investopedia.com/terms/f/financial-market.asp>

Moliyaviy bozorlar shaffof narxlar, qat'iy qoidalar, xarajatlar va to'lovlar va aniq ko'rsatmalar bilan mashhur. Bunday bozorlarning asosiy xususiyatlaridan biri shundaki, bozor kuchlari aktivlarning narxini belgilaydi. Shuningdek, moliya bozorida jismoniy joylashuv bo'lishi mumkin yoki bo'lmasligi mumkin, ya'ni investorlar aktivlarni Internet yoki telefon orqali sotib olishlari va sotishlari mumkin.

Moliya bozorining quyidagi xususiyatlarini sanab o'tish mumkin:

- Moliyaviy bozorlar keng ma'noda qimmatli qog'ozlar savdosi amalga oshiriladigan har qanday bozorni nazarda tutadi.
- Moliyaviy bozorlarning ko'p turlari mavjud, shu jumladan (lekin ular bilan cheklanmagan holda) forex, pul, qimmatli qog'ozlar va obligatsiyalar bozorlari.
- Bu bozorlar tartibga solinadigan birjalarda ro'yxatga olingan aktivlar yoki qimmatli qog'ozlarni o'z ichiga olishi mumkin.
- Moliyaviy bozorlar barcha turdagi qimmatli qog'ozlar bilan savdo qiladi va kapitalistik jamiyatning uzluksiz ishlashi uchun hal qiluvchi ahamiyatga ega.
- Moliyaviy bozorlar muvaffaqiyatsizlikka uchraganda, iqtisodiy tanazzul, shu jumladan retsessiya va ishsizlik sabab bo'lishi mumkin.

Moliyaviy bozorlar kapitalistik iqtisodiyotning resurslarni taqsimlash va korxonalar va tadbirkorlar uchun likvidligini yaratish orqali uzluksiz ishlashini osonlashtirishda hal qiluvchi rol o'ynaydi. Bozorlar xaridorlar va sotuvchilarga moliyaviy mablag'larini sotishni osonlashtiradi. Moliyaviy bozorlar qimmatli qog'ozlar mahsulotlarini yaratadi, ular ortiqcha mablag'ga ega bo'lganlar (investorlar/kreditorlar) uchun daromad keltiradi va bu mablag'larni qo'shimcha pulga muhtoj bo'lganlarga (qarz oluvchilarga) beradi.

Qimmatli qog'ozlar bozori – bu moliya bozorining faqat bir turi. Moliyaviy bozorlar ko'plab turdagi moliyaviy vositalarni, shu jumladan qimmatli qog'ozlar, obligatsiyalar, valyutalar va derivativlarni sotib olish va sotish orqali amalga oshiriladi. Moliyaviy bozorlar, asosan, axborot shaffofligiga tayanadi, bozorlar narxlarini samarali va mos narxlarda belgilaydi. Qimmatli qog'ozlarning bozor narxlari soliqlar kabi makroiqtisodiy kuchlar tufayli ularning ichki qiymatini ko'rsatmasligi mumkin.

Moliyaviy bozorlar har bir mamlakat uchun umumiydir va ular mamlakatning iqtisodiy o'sishida katta rol o'ynaydi. Ba'zi mamlakatlarda kichik bozorlar, ba'zilarida NASDAQ4 kabi katta moliyaviy bozorlar bor. Bunday bozorlar omonatchilar va sarmoyadorlar o'rtasida vositachi vazifasini bajaradi yoki ular saqlovchilarga investor bo'lishga yordam beradi. Boshqa tomondan, ular tadbirkorlik subyektlariga o'z bizneslarini kengaytirish uchun pul yig'ishda yordam berishadi.

Investorlar va korxonalar moliyaviy bozorlarga pul yig'ish uchun, shuningdek, ko'proq pul topish uchun kirishadi, desak xato bo'lmaydi. Bundan tashqari, ular ishsizlikni kamaytirishga yordam beradi, chunki bu bozorlar katta ish imkoniyatlarini yaratadi.

4 Kengaytmasi National Association of Securities Dealers Automated Quotations. Nyu York shahrida joylashgan Amerika fond birjasi. U fond birjalari ro'yxatida sotilgan aksiyalarning bozor kapitallashuvi bo'yicha Nyu York fond birjasidan keyin ikkinchi o'rinda turadi.

Markaziy banklar yaxshi ishlaydigan pul bozorlari, valyuta bozorlari va davlat qimmatli qog'ozlarining ikkilamchi bozorlaridan manfaatdor. Samarali moliyaviy bozorlar markaziy bankning pul barqarorligi va moliyaviy barqarorlik maqsadlarini qo'llab-quvvatlaydi va kengroq iqtisodiy rivojlanishga xizmat qilishi kerak. Yaxshi ishlaydigan pul bozori samarali pul-kredit siyosatining o'tkazilishini qo'llab-quvvatlaydi va markaziy bankni yetarli ma'lumot bilan ta'minlay oladi. Suyuq valyuta bozorlari valyuta kursini barqarorlashtirishga va transchegaraviy savdo va transferlarda tranzaksiya xarajatlarini kamaytirishga yordam berishi mumkin.

Bu bozorlarning rivojlanishi keyinchalik repo va derivativlar kabi tegishli moliyaviy bozorlarning joriy qilinishini qo'llab-quvvatlaydi, bu esa o'z navbatida risklarni boshqarish va moliyaviy barqarorlikni yaxshilashga olib keladi va shu bilan iqtisodiy farovonlikni oshiradi. Qisqa muddatli foiz stavkalari bozorlarida likvidlik va narxlarning barqarorligi bozorni yaratishga yordam beradi va shu orqali qimmatli qog'ozlar bozorida likvidlikni oshiradi.

Bu, o'z navbatida, hukumat va boshqa foizli emitentlar uchun emissiya xarajatlarini kamaytirishi kerak. Darhaqiqat, davlat qimmatli qog'ozlarining ikkilamchi bozori doimiy daromadli qimmatli qog'ozlar bozorining yanada kengroq rivojlanishi uchun katalizator bo'lib xizmat qilishi mumkin: uning rentabelligi egri chizig'i xususiy sektor kreditini belgilashda etalon bo'ladi.

Bu bozorlarning taraqqiyoti to'lov va hisob-kitoblarning mustahkam tizimi va qo'llab-quvvatlovchi qonunchilik bazasi kabi tegishli bozor infratuzilmasini rivojlanishi bilan birga bo'lishi kerak. Ko'pgina rivojlanayotgan iqtisodiyotlar bu asosiy bozorlardagi likvidligi va aksariyat hollarda tijorat banklarining markaziy bankdagi qoldiqlari ko'rinishida markaziy bank pullarining profitsiti bilan ajralib turadi.

Hozirgi davrda ayniqsa, mamlakatlar iqtisodiyotida moliya bozorining ta'siri juda kuchli. Moliya bozori iqtisodiyotga juda qisqa muddatda ta'sir qiladi. Hukumatlar tomonidan to'g'ri nazorat qilinadigan moliya bozori iqtisodiyotning rivojlanishga ijobiy ta'sir qiladi.

Moliya bozori rivojlanishiga juda ko'plab omillar ta'sir qiladi (1-jadval). Moliya bozori rivojlanishining dastlabki bosqichi bu mamlakatda moliyaviy infratuzilmani yaratish hisoblanadi. Infratuzilma shakllanishining dastlabki bosqichi bu sohadagi qonunchilik hisoblanadi.

Moliya bozori huquqiy jihatdan tartibga solingan va rivojlanishiga imkoniyat yaratilgan bo'lsa, bunda infratuzilma shakllanishiga imkoniyat yaratiladi. Quyidagi jadval birinchi bo'limi ma'lumotlari asosida huquqiy bazaning moliya bozori rivojlanishiga ta'sirini kuzatish mumkin.

Moliya bozorining shakllanishiga birgina fiscal siyosat emas. Balki monetary siyosat ham birdek ta'sir qiladi. Shuning uchun ham bu ikki iqtisodiy siyosatni bir-biri bilan muvofiqlikni ta'minlash ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Bundan tashqari iqtisodiyotning rivojlanishiga eng katta ta'sir qiluvchi asosiy omillaridan biri bo'lgan investitsiyalarning ham moliya bozoriga bog'liqligi mavjud. Xorijiy portfel investitsiyalar aynan mamlakatlarning moliya bozoriga kirib keladi.

| Moliya bozori rivojlanishiga ta'sir qiluvchi omillar⁵ | | |
|---|---|---|
| | Omillar | Moliya bozori rivojlanishiga ta'sir qilish jarayoni |
| 1. | Normativ – huquqiy baza | Korporativ boshqaruv; Investorlarni himoya qilish; Ma'lumotni oshkor qilish talablari; Ichki savdo; Bozor nazorati; Anderrayting standartlari/bank nazorati. |
| 2. | Fiskal va valyuta siyosati | Qarzni ushlab turish uchun banklarni milliy lashtirish; Davlat qarzlarni sotish bo'yicha auksionlar – davlat ko'rsatkichlari – davlat obligatsiyalarining birlamchi va ikkilamchi faol bozorlari; Nazorat qilinadigan valyuta kurslari. |
| 3. | Huquqiy asos va bankrotlik kodeksi | Shartnomaning bajarilishining yaxlitligi; Turar –joy va tijorat mulklari kabi aktivlarga shaffof egalik qilish; Bankrotlik kodeksi moliyaviy qiyinchiliklarda samarali natijalarga olib keladi va oldindan rag'batlantiradi. Bu korporativ obligatsiyalar bozorining rivojlanishi uchun katta oqibatlariga olib kelishi mumkin. |
| 4. | Savdo shakllari | Eksportga yo'naltirilgan iqtisodiyot xorijiy valyutadagi qarz vositalariga kirishga va ularni rivojlantirishga ko'proq turtki beradi; Ichki iste'moldan kelib chiqadigan iqtisodiyotda milliy valyuta kapitalini to'plash uchun innovatsion va norasmiy kredit bozorlari bo'lishi mumkin. |
| 5. | Savdo va vositachilik infratuzilmasi | Hisob –kitob tizimini ishlab chiqish; Buxgalteriya hisobi/auditorlik hisobotining milliy va xalqaro standartlari Investitsiya bo'yicha maslahatchilar va boshqa vositachilar uchun standartlarni ishlab chiqish va joriy etish. |
| 6. | Global emitentlar va investorlarga kirish imkoniyatlari | Global emitentlarga kirish mamlakat ichida valyuta bozorlarini rivojlantirishga imkon beradi; Global investorlarga kirish mamlakatda va undan tashqarida harakatlanadigan global portfel oqimlarini yaratadi. |
| 7. | Moliyaviy innovatsiyalarni rag'batlantirish | Yengil tartibga solish innovatsiyalarni, shuningdek, haddan tashqari tavakkalchilikni rag'batlantiradi; Qattiq tartibga solish moliya bozorining turg'unligiga olib kelishi mumkin. |

5 Suresh Sundaresan. Development of financial markets in Asia and the Pacific: the international financial crisis and policy challenges. BIS Papers No 52. Available at: <https://www.bis.org/publ/bppdf/bispap52d.pdf>

Yuqoridagi jadval ma'lumotlari asosida moliya bozori rivojlanishiga ta'sir qiluvchi omillar va ta'sir qilish jarayonini kuzatish mumkin. Fiskal va valyuta siyosatini iqtisodiy qonunlarga mos tarzda amalga oshirish asosida moliya bozorini rivojlantirish mumkin. Shuningdek, moliya bozoriga ta'sir qiluvchi asosiy omillarga savdo infratuzilmasi mavjudligi va moliyaviy innovatsiyalar shakllanishi yaratilgan imkoniyat kabilar kiradi.

Tahlillar asosida moliya bozori mamlakat iqtisodiyotini rivojlanish jarayonida katta ta'sir qiluvchi omil bo'lib xizmat qiladi. Jahon tajribasiga ko'ra, moliya bozori rivojlangan mamlakatlarning iqtisodiyoti ham rivojlanishning yuqori cho'qqisiga erisha olgan. Moliya bozori mamlakatda real sektorning rivojlanishiga ham ta'sir qiladi. Ya'ni, ishlab chiqarish jarayonini moliyaviy resurslar bilan ta'minlash jarayonida moliya bozorining real sektorga ta'siri namoyon bo'ladi. Agar mamlakatda rivojlangan moliya bozori mavjud bo'lsa, bunday turdagi investitsiyalarning hajmi oshib boradi va iqtisodiyotga o'zining ijobiy ta'sirini ko'rsatadi.

Bugungi kunda bir qator tadqiqotlar asosida O'zbekiston sharoitida moliya bozorini rivojlantirishga talab mavjudligi aniqlangan. Bu bozorni rivojlantirish asosida iqtisodiyotni yanada rivojlantirish mumkin. Shuningdek, O'zbekistonda moliya bozorini shakllantirish asosida iqtisodiyotga kirib keladigan portfel investitsiyalar hajmini keskin oshirish mumkin. Bunday turdagi investitsiyalarning iqtisodiyotga ta'sirchanligi yuqori bo'lib, qisqa muddatda iqtisodiyotga ijobiy ta'sir ko'rsata oladi. Shuningdek, bunday turdagi investitsiyalar asosida mamlakat iqtisodiyoti qo'shimcha capital bilan to'yinadi. O'zbekiston sharoitida moliya bozorini rivojlantirishning dastlabki sharti bu sohada yetarli darajada infratuzilmani shakllantirish hisoblandi. Bundan bu bozorni tartibga keltiradigan va bu bozorda ishlay oladigan mutaxassis kadrlar sonini oshirish taklif qilinadi. Bu sohada yetarli kadrlar bo'lsagina, infratuzilma shakllantirish mumkin. Shuningdek, bu sohada mavjud qonunchilikning qayta ko'rib chiqish va uni rivojlangan dunyo standartlariga moslash ham taklif qilinadi. Chunki qachonki biror sohada huquqiy asos bo'lsagina, bu sohada faoliyat yuritiladi va soha rivojlanadi. Moliya bozori iqtisodiyot tarmoqlarini pul mablag'lari bilan ta'minlab turishi bilan ahamiyatlidir. Shuningdek, mamlakatda moliyaviy texnologiyalarni keng tadbiq qilish, raqamli iqtisodiyotni ham rivojlantirish ham moliya bozorini rivojlanishiga ijobiy ta'sir qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning "O'zbekiston Respublikasini rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-sonli Farmoni. 17.02.2017. <https://lex.uz/docs/-3107036>
2. S.Elmirzayev va boshqalar. Moliya bozori. Darslik. Iqtisod-moliya. Toshkent. 2019. 298-bet.
3. S.P.Abdullayev. Mamlakatimizda iqtisodiy o'sishni ta'minlashda moliya bozori salohiyatidan foydalanish yo'nalishlari. "Xalqaro moliya bozorlariga integratsiyalashuv sharoitida O'zbekiston bank-moliya sohasini modernizatsiyalashning zamonaviy tendensiyalari" mavzusida tashkil etilgan xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi. 2015. https://uba.uz/uz/press_center/publications/3054/38260/
4. J.Ataniyazov, E.Alimardonov. Xalqaro moliya munosabatlari. Darslik.Toshkent. O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2014. 336-bet. http://el.tfi.uz/images/Xalqaro_moliya_munosabatlari_a4e0e.pdf
5. Sleem, Kevin, A Theoretical Role for Government in the Financial Markets (March 1, 2010). Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=1354989> or <http://dx.doi.org/10.2139/ssrn.1354989>
6. Simon T Gray & Nick Talbot, 2007. "Developing financial markets", Handbooks, Centre for Central Banking Studies, Bank of England, number 26. <https://ideas.repec.org/b/ccb/hbooks/26.html>
7. Avgouleas, E. (2009). The Global Financial Crisis and the Disclosure Paradigm in European Financial Regulation: The Case for Reform. , 6(4), 440-475. <https://doi.org/10.1515/ECFR.2009.440>
8. Karen E. Dynan, Douglas W. Elmendorf, Daniel E. Sichel. Can financial innovation help to explain the reduced volatility of economic activity?. *Journal of Monetary Economics*, Volume 53, Issue 1, 2006, Pages 123-150, ISSN 0304-3932, <https://doi.org/10.1016/j.jmoneco.2005.10.012>. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0304393205001455>
9. Allen, F, Chakrabarti R, Sankar D, Qian J, and Qian M, "Law, Institutions and Finance in China and India", (2008).
10. Barclay M, Hendershott, T, and Kotz K: (2006). Automation versus Intermediation: Evidence from Treasuries Going Off the Run. *Journal of Finance*, LXI (5).
11. Loretan, M and Wooldridge P (2008): "The development of money markets in Asia", *BIS Quarterly Review*, September, pp 39-51.
12. <https://efinancemanagement.com/financial-management/financial-markets-functions-importance-and-types>
13. <https://www.investopedia.com/terms/f/financial-market.asp>
14. Suresh Sundaresan. Development of financial markets in Asia and the Pacific: the international financial crisis and policy challenges. *BIS Papers* No 52. Available at: <https://www.bis.org/publ/bppdf/bispap52d.pdf>

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ҚИЛИШ АСОСИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМАРИ

**К.З. Хомитов К.З.,
ТМИ профессори, и.ф.д., профессор**

Жаҳон мамлакатлари миллий иқтисодиётлари таркибининг ўзгариши, хусусан, қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланиб бориши ҳамда иқтисодий жараёнларнинг барча иштирокчилари фаолиятида инновацион–инвестицион фаолиятнинг жадаллашуви замонавий ижтимоий–иқтисодий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлайди. Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган давлатларда (АҚШ, Япония, Швейцария ва Швеция) ЯИМ таркибида илм–фан ва инновацион фаолиятни инвестициялашга сарфланаётган маблағлар [1] ЯИМга нисбатан 3,0 %ни [2] ташкил этмоқда ва ушбу маблағларнинг 2/3 қисми тадбиркорлик соҳаси ҳиссасига тўғри келиб, яратилаётган инновациялар ва илмий ишланмаларнинг 70 %дан ортиги иқтисодиётнинг нодавлат соҳасида юзга келмоқда. Шунингдек, жаҳонда қишлоқ хуудларини комплекс ривожлантириш, аграр соҳа тараққиётининг интенсив омиллари самарадорлигини ошириш, ноқишлоқ хўжалиги иш ўринларини яратишга сарфланаётган инвестициялар ҳажми жами инвестицияларнинг 8–9 %ини ташкил этмоқда.

Ҳозирги кунда Республикамиздаги макроиқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми бўлган қишлоқ хўжалиги тармоғини жадал ривожлантириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки, бу тармоқда фаолият юритаётган фермер хўжалиқларининг техник–технологик куролланиши даражасининг пастлиги, жонли меҳнат сарфининг юқорилиги натижасида ишлаб чиқариш самарадорлиги камайишига олиб келмоқда.

Ҳозирги кунда аксарият қишлоқ хўжалиги корхоналарининг техника билан таъминланмаганлиги ҳамда фондлар билан куролланиш даражасининг пастлиги мазкур тармоқда меҳнат сифимининг юқорилиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муаммоларини кучайтирмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалигида инвестицион жараёнларни молиялаштириш ва фермер хўжалиқларининг инвестицион маблағлари бюджетини тадқиқ этиш билан боғлиқ бир қатор янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу сабабли фермер хўжалиқларида инвестицион ресурсларни жалб этиш хусусиятларини, молиялаштириш манбалари, шакллари ва услубларини тадқиқ этиш илмий–амалий аҳамиятга эга муҳим масалалардан биридир.

2020 йилнинг январ–декабр ойларида инвестицион фаолиқни пасайгани кузатилиб, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 91,8 % ни ташкил этди. 2020–йилнинг январ–декабр ойларида 202,0 трлн. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиб, шундан, 8,9 % қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғига тўғри келган. Тўғридан–тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан жорий даврда 64179,9 млрд. сўм ўзлаштирилган бўлиб, унинг 10,4 % қишлоқ хўжалигига тўғри келган [3].

Аграр соҳада инвестицион фаолият механизми тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шаклланади. Бунда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос иқтисодий қонуниятларини ҳисобга олиш лозим.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ислоҳ қилиш даврида инвестициялар ҳажми ва иқтисодий ўсиш омиллари ўртасидаги муносабатлар ўзгаради. Янги қишлоқ хўжалиги технологияси ва техникасини жорий қилиниши аграр соҳада материал сифими ва фондлар сифимининг камайишига ҳамда бунинг натижаси ўлароқ фондлар қайтими ва маҳсулот сифатининг ошишига олиб келади. Қишлоқ хўжалиги якуний натижалари нуқтаи назаридан, кўрсатилган жараёнлар пировард маҳсулот бирлигига харажатларнинг камайишига, жонли меҳнат сарфининг қисқаришига ва бу соҳада инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини аниқловчи кўрсаткичлар ўсишига эришилади.

Қишлоқ хўжалигида тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг самарали иқтисодий механизми I–жадвалда келтирилган. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ишлаб чиқариш устун ривожланган туманларда бошқа туманларга нисбатан халқ истеъмоли товарлари билан таъминлаш ва жойларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиш ва уларни реализация қилиш бўйича тенг бўлмаган ҳолатлар мавжуддир.

Инвестицион доирасида бошқариш объектлари бўлиб барча кўринишдаги ресурслар: қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун бевосита фойдаланиладиган ерлар, аграр секторда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва инвестицияларни жойлаштириш бўйича ҳудудлараро меҳнатни тақсимлаш хусусиятлари ҳисобга олинади.

Бунда такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир циклида жонли меҳнат асосий яратувчи куч ҳисобланади ва инвестициялашда аҳамиятли даражада билимнинг моддийлашув жараёни намоён бўлади.

I–жадвал

Инвестициялар жалб қилиш асосида қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартаришнинг самарали иқтисодий механизмлари*

| | |
|--|---|
| Инвестициялар жалб қилиш асосида қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартаришнинг самарали иқтисодий механизмлари | Қишлоқ ҳудудларининг инвестицион салоҳиятини аниқлаш. Қишлоқ ҳудудлари хусусиятларига кўра инвестицион жозибадорликни ошириши. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида инвестицияларни жалб қилиш асосида замонавий янги иш ўринларини яратиши. Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожланишини таъминлаш чора–тадбирларини ишлаб чиқиши. Янги иш ўринлари яратган қишлоқ хўжалиги корхоналарига солиқ ва кредитлар бўйича имтиёзлар беришни такомиллаштириши. Қишлоқ ҳудудларида инвестицион фаолият субъектларининг рейтингини баҳолаш ва мунтазам ўтказиб бориши бўйича ахборот–аналитик марказлар яратиши ва ривожлантириши. Қишлоқ хўжалигида инновацион инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш бўйича венчур фондини ташкил этиши. Қишлоқ хўжалигига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиши. Қишлоқ хўжалигида молиявий лизингни ривожлантириши. Қишлоқ хўжалигини инвестициялашининг ички имкониятларидан самарали фойдаланиши. Қишлоқ хўжалигида антимонопол чоралар қабул қилиши. Қишлоқ хўжалигини инвестициялаш учун кредитлашда амал қиладиган гаровдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириши. |
|--|---|

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шунинг учун, қишлоқ хўжалигида инвестициялар самарадорлигини тадқиқ этиш методикасининг асосий боғиқларини танлашда ва таҳдил қилиш учун фойдаланиладиган иқтисодий кўрсаткичларни тизимлаштиришда бозор муносабатлари талабларини ҳисобга олиш ва аниқ услубий кетма–кетликка амал қилиш керак.

Инвестицион жараёнларнинг диалектик боғлиқлигидан куриш мумкинки, ишлаб чиқариш сифатида ҳам, республика миқёсидаги истеъмол сифатида ҳам, ташқи иқтисодий муносабатларда талабни ҳисобга олиш зарур [4].

Бундан ташқари ҳудудий иқтисодий натижалар бўйича муаммоларни ҳал этишда қишлоқ хўжалигига инвестицион жараёнларни рағбатлантириш ва республикада жами қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш зарур. Аграр соҳада инвестициялар самарадорлигининг мезонлари икки ёқлама пировард натижаларга эришишни, яъни иқтисодий самарадорликни оширишда қишлоқ аҳолиси турмуш даражаси билан қишлоқ хўжалигини инвестициялаш жараёнларининг омилларини бир бутунликда тавсифлашни ифодалайди.

Бундан ташқари аграр соҳада инвестициялашнинг асосий умумий тамойиллари хусусий тамойилларга ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Улар аниқ ҳолатли вазият таъсири остида қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жойлаштириш учун ҳудудий жиҳатдан танлаш асосида содир бўлади. Масалан, ҳудудда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг моддий техника базаси билан таъминланганлиги (ишлаб чиқариш кучлари ривожланиш даражасига мувофиқлиги, асосий фондларнинг таркибий жиҳатдан ихтисослашуви ва ижтимоий инфратузилма) ва ҳозирги шароитдаги инвестицион жараёнлар ҳолатига мувофиқ равишда янги ишлаб чиқариш қувватларининг яратилиши ва жойлаштирилиши бозор эҳтиёжларига йўналтирилган бўлиши керак.

Шунингдек қишлоқ хўжалигида техник тараққиётнинг динамик ривожланиши анча такомиллашмаган техника ва технологиялар учун инвестицияларга янги ишлаб чиқариш талабларини юзага келтиради ҳамда шахсий ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари муносабатлари ўртасида фарқ қанча юқори бўлса, ҳар бир технологик янгиланиш қишлоқ хўжалиги ва унинг бўлимлари техник таъминоти учун аҳамиятли ўсишини юзага келтиради. Бундан кўринадики, жами қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизимининг ўсиш суръатлари кўпинча фақат эҳтиёжлар билан эмас, балки ресурсларнинг иқтисодий имкониятлари билан ҳам аниқланади.

Хулоса қилиб айтганда, аграр соҳада инвестициялардан самарали фойдаланиш маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига ва тармоқнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш

изчиллигини таъминлаш имкониятини юзага келтиради. Инвестицияларнинг шаклланиши ва тақсимланишида турли шакл ва усуллардан фойдаланилади.

Биринчи шаклда икки ёки ундан ортиқ хуудлар узоқ муддатли эҳтиёжларни қондириш мақсадида ўз хуудларида хусусий ресурслардан фойдаланиш жараёнига инвестициялашни амалга оширадilar.

Иккинчи шаклда мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш учун республика миқёсида инвестицияларни тақсимлаш амалга оширилади. Бунда ишлаб чиқариш қувватлари тайёрланган маҳсулотдан фойдаланишга манфаатдор бошқа хуудлар иштирокида бир хуудда яратилади.

Учинчи шаклда манфаатдор хуудлардаги корхоналарнинг мавжуд имкониятларига мувофиқ ҳолда биргаликда инвестициялаш жараёнини амалга оширилиши тушунилади.

Шунинг учун инвестициялашнинг шакл ва усуллари доимо такомиллаштириб борилади. Бу жараён қишлоқ хўжалиги қўламининг кенгайиши, унинг таркибий тузилмаларининг мураккаблашуви, тармоқлараро, тармоқ ичида ҳамда хуудий звенолар ва уларнинг ўзаро алоқалари билан шартланади. Масаланинг моҳияти шундаки, қишлоқ хўжалигида инвестициялаш жараёнини кучайтириш тармоқда ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар ечимини тезлаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <http://www.worldbank.org/eca/russian/data/>
2. <http://stats.oecd.org/>
3. *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.*
4. *Эргашев И.И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион–инвестицион жараёнларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш. / Дисс. PhD. – Самарқанд. 2018. 111–б.*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

**Альмардонов М. И.,
ТДИУ профессори, и.ф.д.**

2020 – 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизimini ислох қилиш стратегиясида кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш, давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш мамлакат банк тизimini ислох қилишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган [1]. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг илмий жиҳатдан асосланган йўллари ишлаб чиқишни тақозо этади.

Тижорат банклари фаолиятининг барқарорлигини баҳолашда ўзининг аниқ меъёрий даражаларига эга бўлган бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Ана шундай муҳим кўрсаткичлар таркибига соф фойдали маржа ва соф фойданинг даражаси кўрсаткичлари киради.

1–жадвал

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида
соф фойдали маржа ва соф фойданинг даражаси [2], фоизда**

| Кўрсаткичлар | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. |
|------------------------|---------|---------|---------|
| Соф фойдали маржа | 0,9 | 1,7 | 2,3 |
| Соф фойданинг даражаси | 1,5 | 2,5 | 1,7 |

1–жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, ТИФ Миллий банкида 2018–2020 йилларда соф фойда кўрсаткичининг ҳақиқатдаги даражаси ушбу кўрсаткичнинг меъёрий даражасидан (4,5 %) паст бўлган. Бу эса, Миллий банк фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш нуқтаи–назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

1–жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, ТИФ Миллий банкида 2018–2020 йилларда соф фойданинг даражаси кўрсаткичининг ҳақиқатдаги даражаси ушбу кўрсаткичнинг меъёрий даражасидан (2,0 %) паст бўлган. Бу эса, Миллий банк фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш нуқтаи–назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Тижорат банклари фаолиятининг барқарорлигини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан яна бири – бу муаммоли кредитларнинг даражаси кўрсаткичидир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий маълумотига кўра, 2021 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, республика тижорат банклари муаммоли кредитларининг жами суммаси 16,8 трлн. сўмни ташкил этади, бу эса, банклар жами кредит портфелининг 5,6 фоизини ташкил этади [3]. Бу эса, жуда юқори даража ҳисобланади. Чунки, халқаро банк амалиётида умумқабул қилинган мезонга кўра, тижорат банклари муддати ўтган кредитларининг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси жами кредитларга нисбатан 5 фоизни ташкил этади.

Мамлакат тижорат банкларининг фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

– соф фоизли маржа кўрсаткичи, соф фойданинг даражаси ва муаммоли кредитларнинг даражаси кўрсаткичлари тижорат банклари фаолиятининг барқарорлигини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлар ҳисобланади;

– ТИФ Миллий банкида 2018–2020 йилларда соф фойда кўрсаткичи ва соф фойданинг даражаси кўрсаткичининг ҳақиқатдаги даражаларини ушбу кўрсаткичларнинг меъерий даражаларидан паст бўлганлиги Миллий банк фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш нуқтаи–назаридан салбий ҳолат ҳисобланади;

– республикамик тижорат банкларида муаммоли кредитларнинг берилган кредитларнинг умумий ҳажмидаги салмоғини юқори эканлиги тижорат банклари фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш нуқтаи–назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Республикамик тижорат банклари фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги тадбирларни ҳал қилиш лозим;

1. Соф фоизли маржа ва соф фойданинг даражаси кўрсаткичларининг меъерий даражасини таъминлаш учун, биринчидан, соф фоизли даромаднинг ўсиш суръати билан брутто активларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш керак; иккинчидан, соф фойданинг ўсиш суръати билан банк активларининг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш лозим; учинчидан, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан аниқланадиган даражасининг меъерий мезон (1,0%) талабига мос келишига эришиш зарур.

Соф фоизли даромадларнинг ўсиш суръатини брутто активларнинг ўсиш суръатидан паст бўлиши, соф фойданинг ўсиш суръатини тижорат банки активларининг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръатидан паст бўлиши мақсуд кўрсаткичларнинг меъерий даражасига эришиш имконини бермайди.

2. Муаммоли кредитларнинг банкларнинг кредит портфелидаги улушини пасайтириш учун, биринчидан, кредитларнинг фоиз ставкаларини паст ва барқарор даражасини таъминлаш лозим; иккинчидан, кредит рискинни баҳолаш ва бошқариш тизимини, Базель қўмитасининг талабларини ҳисобга олган ҳолда, такомиллаштириш керак; учинчидан, монетизация даражасини, яъни иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини ошириш керак.

Тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкасини юқори бўлиши уларни ўз вақтида қайтмаслик эҳтимолини оширади. Чунки, фоиз ставкалари кредитнинг баҳоси ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиётини пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст эканлиги тижорат банклари томонидан берилган кредитларни қайтариш жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда. 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси 18,5 фоизни ташкил этди [4]. Бу жуда паст кўрсаткич бўлиб, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги тўловсизлик муаммосини ҳал қилиш имконини бермайди. Тўловсизлик муаммоси эса, тижорат банклари томонидан берилган кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтаришга тўсқинлик қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ–5992–сонли “Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси” тўғрисидаги фармони//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й, 06/20/5992/0581–сон.

2. Молиявий ҳисобот. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот//www.nbu.uz

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Статистик бюллетень. 2021 йил I ярим йиллик (Б. 79). www.cbi.uz.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2020 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисобот. www.cbi.uz.

ПРОБЛЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ РЫНКА НЕДВИЖИМОСТИ И ЛЕГАЛЬНЫХ РИЭЛТОРСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ

Бутиков И.Л.

**Директор Национального центра
подготовки специалистов
новых рынков, д.э.н., проф**

Обобщая исследования и сопоставления отечественного рынка недвижимости и рынка недвижимости зарубежных стран, можно выделить следующие позитивные особенности рынка недвижимости Узбекистана, которые могут, в определенной степени, являться показателями его внешней и внутренней конкурентоспособности или существенно влиять на нее.

1. Наличие в стране механизма закрепления прав собственности на объекты недвижимости и права на них.
2. Сформированность общей и специальной инфраструктуры рынка недвижимости в целом (института посредников и др.).
3. Узаконенные государством защита частной собственности и гарантии прав собственников недвижимого имущества.

Существуют и негативные факторы, отрицательно влияющие на конкурентоспособность рынка недвижимости Узбекистана.

1. Территориальная гипертрафированность рынка.
2. Применение при изучении конъюнктуры рынка различных видов цен на объекты недвижимости.
3. Низкая степень развития в данном сегменте рыночных отношений страховой деятельности.
4. Земля, поскольку она в большинстве случаев является собственностью государства, пока не стала самостоятельным товаром на рынке недвижимости, и не вовлечена в гражданский оборот.

Какие же факторы влияют на конкурентоспособность риэлторских организаций, осуществляющих свою деятельность легально?

К факторам, позитивно влияющим на конкурентоспособность риэлторских организаций можно отнести следующие.

1. Наличие профильного закона («О риэлторской деятельности»).
2. Наличие системы базовой подготовки квалифицированных риэлторов и повышения их квалификации.
3. Наличие значительного количества электронных систем по информированию участников рынка недвижимости о заявках на покупку и продажу объектов недвижимости.

Остановимся более подробно на факторах, негативно влияющих на конкурентоспособность риэлторских организаций. К ним можно отнести следующие.

1. Наличие значительного количества нелегальных риэлторских структур и риэлторов. С принятием Закона «О риэлторской деятельности» риэлторские организации, получившие лицензии, должны были заключать договора с клиентами, декларировать свои доходы, платить налоги, соблюдать лицензионные требования и условия, ежегодно повышать свою квалификацию, оформлять акты выполненных по договору работ и т.д. Всё это поставило в невыгодные условия легализовавших свою деятельность риэлторов, по сравнению с «черными маклерами», вне закона.

2. Отсутствие у государства программы борьбы с нелегальными риэлторами. Следует отметить, что за последние 10 лет государство серьезно не занималось борьбой с черными маклерами. Осуществлением контроля за деятельностью риэлторских организаций занимаются сразу несколько контролирующих органов республики. Как гласит народная мудрость «У семи нянек – дитя без глаза». Это существенно повышает конкурентоспособность «чёрных маклеров» в отношении легитимных риэлторских организаций и риэлторов.

3. Незначительная роль профессиональных объединений риэлторов в регулировании рынка недвижимости и защите прав и интересов риэлторских организаций и риэлторов. Данный фактор существенно сказывается на конкурентоспособности легальных риэлторов. Ассоциация риэлторских организаций (АРО) в силу своей финансовой несостоятельности пока не может эффективно защищать права риэлторских организаций.

4. Отсутствие национальной мультилистинговой системы, позволяющей риэлторским организациям и риэлторам получать информацию об объектах недвижимости, выступающих в качестве объектов купли, продажи, аренды, передачи в доверительное управление и пр. и значительно повышающей эффективность их деятельности. Несмотря на то, что уже в течение 10 лет со стороны государства предпринимались неоднократные попытки внедрить мультилистинговую систему, она в настоящее время, не функционирует.

5. Низкая финансовая грамотность населения и недостаточный уровень квалификации сотрудников риэлторских организаций и риэлторов. Население страны не знакомо с основными положениями законодательства о рынке недвижимости и о риэлторской деятельности, поэтому при взаимоотношениях с посредниками на рынке недвижимости большая часть граждан использует принцип взаимодействия по «понятиям», а не по закону. Например, весьма сложно убедить потребителя риэлторских услуг в заключении договора на оказание риэлторских услуг и осуществление по нему предоплаты, как это положено по закону.

6. Непоследовательность в проведении государственной политики, часто меняющееся законодательство в области риэлторской деятельности, коллизии в законодательстве бездействие государственных органов, приводящие к взрывному росту числа черных маклеров. Определенное количество соотечественников, веря государству, в частности, в то, что, в соответствии с нормами законодательства можно осуществлять определенный вид предпринимательской деятельности, получив соответствующую лицензию, затратили определенные средства на регистрацию юридического лица,

заключения договора аренды помещения для него, подготовку нескольких специалистов, приобретение страхового полиса, получение лицензии (уплата сборов и государственных пошлин). Получается, что в связи с отменой лицензирования, все это было сделано напрасно. В настоящее время имеет место ситуация, когда нормы закона «О риэлторской деятельности» вступают в прямое противоречие с нормами Указов Президента и Постановлений Кабинета Министров Республики Узбекистан.

7. Неясность перспектив регулирования риэлторской деятельности в связи принятием решения об отмене лицензирования, вызывающие неуверенность профессионального сообщества в завтрашнем дне. В соответствии с Указом Президента от 27.10.2020 г. УП–6096 «О мерах по ускоренному реформированию предприятий с участием государства и приватизации государственных активов» с 1 января 2021 года лицензирование риэлторской деятельности отменено. Вместе с тем, для риэлторских организаций и риэлторов, граждан Республики Узбекистан и для уполномоченного государственного органа по регулированию риэлторской деятельности остается неясным, как будет осуществляться регулирование риэлторской деятельности начиная с 2021 года.

На основании исследований развития рынка недвижимости и риэлторской деятельности за последнее десятилетие, лучшего опыта организации деятельности риэлторских организаций и риэлторов в странах ближнего и дальнего зарубежья можно сформулировать следующие основные концептуальные положения повышения конкурентоспособности рынка недвижимости и риэлторской деятельности в Узбекистане.

1. Необходимо ускорить принятие Закона Республики Узбекистан «О саморегулируемых организациях», регламентирующий регулирование отношений в области саморегулирования, создания и деятельности саморегулируемых организаций в Республике Узбекистан. Закон должен заложить основы безлицензионного регулирования риэлторской и других видов деятельности негосударственными институтами и, вместе с тем, опосредованного контроля за состоянием отрасли со стороны государства, взаимодействия саморегулируемой организации с уполномоченным органом государственного управления, осуществляющим функции по государственному надзору за деятельностью саморегулируемых организаций

2. Необходимо принять новую редакцию Закона Республики Узбекистан «О риэлторской деятельности», поскольку нормы действующего закона полностью сориентированы на механизм регулирования, основанный на лицензировании со стороны государства. В новой редакции Закона Республики Узбекистан «О риэлторской деятельности» значительное место должны занять вопросы взаимоотношений саморегулируемых организаций с риэлторскими организациями и риэлторами.

3. Для организации борьбы с чёрными маклерами необходимо создать Межведомственную комиссию по координации и развитию рынка недвижимости и риэлторской деятельности, из представителей Агентства по управлению государственными активами, Государственного налогового комитета Республики Узбекистан, Торгово–промышленной палаты Узбекистана,

Департамента по борьбе с экономическими преступлениями при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан, Ассоциации иэлторских организаций, работа которой сводилась бы не только к выработке предложений и распределению функций по пресечению нелегитимной деятельности на рынке недвижимости, но и к координации соответствующей деятельности всех государственных органов и общественных объединений, причастных к регулированию и развитию этого рынка недвижимости.

4. Для повышения результативности борьбы с чёрными маклерами на рынке недвижимости целесообразно внести изменения в Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности (ст.165), увеличив величину штрафа для граждан с 5–10 до 30–30 минимальных размеров заработной платы, а для должностных лиц – с 10–20 до 15–20 минимальных размеров заработной платы за занятие деятельностью подлежащей лицензированию, без лицензий.

5. В целях обеспечения последовательного и динамичного развития рынка недвижимости и риэлторской деятельности, недопущения принятия в области рынка недвижимости и в области риэлторской деятельности нормативных актов, противоречащих друг другу, необходимо разработать и утвердить Концепцию развития рынка недвижимости и риэлторской деятельности в Республике Узбекистан на долгосрочный период (до 2030 года).

6. Необходимо ускорить разработку механизма функционирования Национальной мультилистинговой системы, которую необходимо создавать не в форме государственного унитарного предприятия, как это предлагается регулятивными органами, а в организационно–правовой форме акционерного общества, с приглашением к участию в нем всех заинтересованных риэлторских организаций и риэлторов. 11. Усиление роли саморегулируемой организации – Ассоциации риэлторских организаций республики, обеспечивающей защиту прав и интересов членов ассоциации – риэлторских организаций и риэлторов путем изменения ее Устава (на первом этапе), обретения ею статуса саморегулируемой организации (на втором этапе, после принятия соответствующего закона), и создания на её базе Национальной мультилистинговой системы рынка недвижимости (третий этап).

7. В связи наблюдающимися фактами беспорядочного сноса объектов недвижимости в г. Ташкенте и регионах республики, необоснованного отвода земельных участков со стороны хокимов застройщикам, необходимо внести в Закон Республики Узбекистан «О риэлторской деятельности» дополнения и изменения, включив в состав риэлторских услуг «девелоперские услуги», а в последующем разработать и принять Закон Республики Узбекистан «О девелоперской деятельности».

Внедрение сформулированных предложений в практику, позволит существенно повысить конкурентоспособность как рынка недвижимости в целом, так и легальных риэлторских организаций, в частности.

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Эргашев Э.И.
и.ф.д., проф.

Ҳозирги кунда эса олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим вазифаси – ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, уни ҳал этишнинг асосий йўли эса, ишловчининг меҳнат натижаларига бўлган қизиқишини оширишдир.

Бозор муносабатлари меҳнат бозорида тадбиркорлик фаолиятини юритиш, ўз иш ўрнида турли муаммоларни ҳал этиш қобилиятига эга бўлган ходимларга бўлган талабнинг ортишига олиб келди.

Ижтимоий ишлаб чиқариш ва бошқарув муносабатларининг тубдан ўзгариши, мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган иқтисодий тузилмаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ишбилармонлик таълими кўринишидаги, иқтисодиёт ва аҳоли эҳтиёжларини, кадрларнинг касбий ихчамлигини таъминловчи қўшимча таълим ўқув муассасалари тизимини барпо этишни талаб этади.

Айтиш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ва кенгайишининг асосий шартларидан бири малакали тадбиркор кадрларни тайёрлаш ҳисобланади. Бозор муносабатлари чуқурлашуви, истеъмолчилар талабларига мос келувчи товар ва хизматларни ишлаб чиқариш доираси кенгайиши, аҳолининг иш билан бандлиги ошиши хусусий корхоналар раҳбарларининг айнан билимларига, қобилиятларига боғлиқ. Замонавий иқтисодиёт эса ўз ишини яхши биладиган, ақл–заковатли тадбиркорлар билан шаклланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 80 фоизи, саноат маҳсулотларининг 78 фоизидан ортиги, қишлоқ хўжалиги ва чакана савдо айланмасининг деярли барча маҳсулотлари нодавлат сектори улушига тўғри келмоқда.

Ўрта синф давлатнинг асоси ва жамиятнинг энг барқарор қисмидир. Бу синфни вужудга келтириш вазифасини ҳал қилиш, турмуш даражасини ошириш ва ҳар бир инсоннинг тадбиркорлик имкониятларини очиш муаммосини ҳал этиб беради.

Ушбу масаланинг иқтисодий жиҳати шундан иборатки, мулкдорлар реал, уларнинг фаолияти эса самарали бўлиши керак. Умуман, корхонанинг барча ишловчиларини расман акциядорларга айлантириш унча қийин эмас. Лекин улар ҳақиқатда бошқарувда қатнашмасалар, дивидендлар ола олмасалар ва ҳатто, ўз акцияларини корхонадан ташқарига сота олмасалар, уларни реал мулкдорлар деб бўлмайди.

Аҳоли шундай вазиятни кўрар экан, бундай корхонанинг акцияларини эркин бозордан ҳам сотиб олмайди, чунки корхона билан бевосита боғланган одамлар унинг ишига таъсир кўрсата олмасалар ва қонунга мувофиқ ўзларига тегишли даромадни ола олмасалар, бу иш ташқаридаги майда инвесторлар учун янада мушкул кечади. Хулоса аниқ: мулкдорлар ҳуқуқларини амалга ошириш ва

уларни ҳимоя қилишнинг реал механизмлари бўлмоғи керак. Бусиз мулк номигагина мавжуд бўлади. Бу мол–мулкнинг эса эгаси бўлмайди. Бундай вазият иқтисодийёт учун ҳам жуда хавфлидир. Чунки бу ҳозирги пайтда мол–мулкдан амалда фойдаланган ёки ҳатто, ундан фойдаланиш имкониятига эга кишиларнинг ноқонуний равишда бойиши учун кенг имконият яратиб беради.

Ҳақиқий мулкдор ўз табиатига кўра, оқилона иш олиб бориши ва ўзига қарашли мулкни кўпайтиришга ҳаракат қилиши керак. Борди–ю, шундай бўлмаса, демак, мол–мулкни тасарруф қилувчи субъект ё ўзини мулкдор деб ҳисобламайди ёки ўзининг ҳуқуқларини зарур қафолатларга эга эмас деб ҳисоблайди, ёки мол–мулк янги эгасига сақлаш ва кўпайтириш тамойилларига мутлақо ёрдам бермайдиган шартлар билан теккан бўлади.

Шу сабабли, мулк ҳуқуқи қонун билан ҳимояланган бўлибгина қолмай, у жамиятдаги барча муносабатлар тизими билан амалда таъминланган бўлиши керак. Фаолияти ўзига қарашли мулкни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ана шу асосда янги моддий бойликлар яратишга қаратилган шахсларни ҳар томонлама рағбатлантириш зарур. Мулкдорлар синфи мавжуд мол–мулк ва даромадлар асосида, шу жумладан:

– жамғармаларни қимматли қоғозларга солиш, шунингдек хусусий шахсларга қарашли кўчмас мулк ва бошқа мол–мулклардан фойдаланиш йўли билан;

– давлатга қарашли мол–мулкни (аукционларда ва танлов асосида), шунингдек хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини сотиб олиш орқали мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида;

– юридик шахс ташкил етмаган ҳолда ва корхоналар очмаган ҳолда якка тартибдаги меҳнат фаолияти ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали шакллантирилади.

Мулкдорлар ихтиёридаги барча объектларни даромад олиш мақсадида фойдаланилмайдиган объектлар ва ишлаб чиқариш ресурсларига ажратиш мумкин.

Улар жумласига қуйидагилар киради:

а) моддий активлар;

б) молиявий активлар, шу жумладан: пул маблағлари; қимматли қоғозлар;

в) номоддий активлар интеллектуал мулк объектлари .

Ишлаб чиқариш ресурсларидан даромад олиш ва мулкни кўпайтириш учун фойдаланилади. Бирор– бир мол–мулкка эга шахс мулкдордир.

Мулкдор моддий ва интеллектуал мулк объектларига эга, уларни тасарруф этиш ва улардан ўз хоҳишига қаратиб, шу жумладан даромад олиш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга жисмоний шахсдир.

Мулкдорлар синфи уч гуруҳдан иборат:

– даромад келтирмайдиган ва шахсий мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган мол–мулкка эга мулкдорлар;

– шахсий истеъмолга мўлжалланган мол–мулк билан бир қаторда, қўшимча тадбиркорлик даромади ёки киритилган сармоядан даромад олиш учун фойдаланиладиган активлар (сармоя)га эга ўрта мулкдорлар;

– йирик хусусий корхоналар, фирмаларга эга ва уларнинг фаолиятидан катта даромад оладиган йирик мулкдорлар.

Ушбу гуруҳларнинг шаклланишига қандай омиллар таъсир этади? Биринчи навбатда, психологик хусусиятлар таъсир кўрсатади. Одамни зўрлаб мулкдорга айлантириб бўлмайди. У бунга руҳан тайёр бўлиши керак.

Бу эса жуда қийин нарса. Чунки одамларга ҳаддан ташқари узоқ вақт мобайнида хусусий мулк ва унинг соҳибларини бошқаларга нисбатан ташаббускор ва тадбиркор бўлганлиги туфайли моддий жиҳатдан яхшироқ яшаганларни ёмон кўриш ва уларга ишонмаслик ҳисси сингдириб келинди.

Энди эса замон ўзгарди, хусусий мулкка муносабат ҳам ўзгармоқда, лекин эски тасаввурлар ҳали ҳам мавжуд. Кўпчилик давлатнинг ғамхўрлик қилишига умид боғлаб ўтирмасдан, ўз фаровонлиги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга ҳали тайёр эмас. Ижтимоий пассивлик мулкдорлар синфини шакллантириш йўлидаги жиддий тўсиқдир.

Мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асосий йўлларида бири тадбиркорликни, унинг кичик бизнес шакли ривожини таъминлаш катта аҳамиятга эга. Акциялаштириш кенг аҳоли оммасини мулкка эгаллик қилишга жалб этишнинг энг самарали воситасидир. Бироқ, бу жараён мураккаб, кўп қиррали бўлиб, у бозор иқтисодиёти субъектларининг манфаатларига дахлдордир. Ҳозир республика иқтисодиётида очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари кенг ёйилган.

Бу жамиятларнинг устав сармоясини ташкил қилишда иштирок этувчи улушлар, одагда, қуйидагича тақсимланади:

- давлат улуши;
- меҳнат жамоаси улуши;
- хорижий шерик улуши;

– фонд биржалари ва қимматли қоғозлар бозорларида, шу жумладан, чет элда ҳам эркин сотиш учун ажратилган улуш.

Давлат ва меҳнат жамоаларига қарашли аксия пакетлари ҳажмини Давлат мулк қўмитаси белгилайди.

Фуқаролар ёки юридик шахслар томонидан сотиб олинган ёки бепул олинган ҳар қандай аксиялар уларнинг мулкдорлари томонидан қонун доирасида ҳеч бир чекловсиз сотилиши мумкин. Аксияларнинг қўшимча (иккиламчи) эмиссияси ва уларни жойлаштириш акциядорлик жамияти томонидан амалдаги қонуналарга мувофиқ олиб борилади.

Корхонани хусусийлаштиришнинг яна бир шакли уни танлов асосида ёки кимошди савдосида жисмоний ёки юридик шахсларга хусусий мулк қилиб сотишдан иборат. Бунда харидор сотиб олинган объектларга нисбатан маълум талабларни бажаради. Танлов шартлари Ўзбекистон Республикаси мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасидаги тартибларига мувофиқ белгиланади ва у қуйидаги мажбурий бандларга эга бўлади:

– аукционда хусусийлаштирилган давлат корхоналарининг мулкдорларига айланган жисмоний ва юридик шахсларга ушбу корхоналар тасарруфида бўлган, сотиб олинган мол–мулк таркибига кирмаган, давлатга қарашли бинолар, иншоотлар ва қурилишларни ижарага олиш ҳақида узоқ мuddатли (10 йилгача) шартномалар тузиш ҳуқуқи берилди. Ижара шартлари илгари тузилган шартномаларга нисбатан (агар шартноманинг ўзида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса) фақат тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилади.

Хусусийлаштирилган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси актларининг мулкдорлари шу корхоналар эгаллаб турган ер участкаларини мулк қилиб сотиб олиш ҳуқуқига эга;


– корхона ва ташкилотлар, шу жумладан, тугатилаётган ва тугатилган корхона ва ташкилотларнинг мол–мулки Республика кўчмас мулк биржаси ва унинг филиалларида аукцион савдода Давлат мулк кўмитаси томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ сотилади;

– давлатга қарашли ишлаб турган корхона ташкилотларнинг мол–мулки (активлари) фақат Давлат мулк кўмитаси рухсати билан белгиланган тартибда сотилади.

Умуман, мамлакатимизда мулкдорлар синфини шакллантириш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай вазият вужудга келди. Ҳозирги вақтда жамиятимиз таркибида реал мулкка эга, уни қадрлаётган ва уларни ўз моддий фаровонликлари учун асос қилиб олаётган кишиларнинг катта гуруҳи шаклланди. Ушбу ижтимоий қатламни янада мустақамлаш давлатнинг иқтисодий қудрати ошиши, демократик қадриятлар қарор топишига олиб келади.

Монетар сиёсат трансмиссион механизмининг фоиз канали хусусидаги илмий–назарий қарашлар

Фоиз ставкаларининг реал иқтисодиётга таъсири бўйича амалга оширилган илк тадқиқотлар Ж.М.Кейнс томонидан амалга оширилган. Унинг фикрича, аънанавий фоиз каналининг иқтисодиётга ўтказиш механизми куйидаги босқичлардан иборат.



Пул массасини оширишга қаратилган экспансион монетар сиёсат (M) натижасида реал фоиз ставкасини (r) пасайиши юз беради, бу эса қарз олишнинг реал қийматини пасайишига олиб келади ва корхоналарнинг инвестиция харажатларини (I) оширишни рағбатлантиради. Сўнги таъсир бу иқтисодиётда ялпи талабга бўлиб, унинг (AD) ошишини таъминлайдиб.

Ж. Кейнснинг монетар сиёсатнинг фоиз канали хусусидаги илмий қарашни амалий аҳамият касб этади. Масалан, АҚШ да иккинчи жохон урушидан кейин мазкур илмий–назарий қарашни амалиётда қўлланилиши Марказий банкнинг дисконт ставкасини паст ва барқарор даражада таъминлаш орқали тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини пасайтириш имконини берди.

Монетаристлар трансмиссион механизм каналарини ҳар бир босқичини алоҳида тасвирламайди. Аксинча, пул массаси (M) нинг ўзгаришини ялпи ишлаб чиқариш ўзгариши (Y) га таъсирини тўғридан–тўғри текширади. Аниқроқ айтганда, қисқартирилган далил шаклида (reduced-form evidence) усулидан фойдаланиб (M) ва (Y) ўртасидаги корреляцияни ўрганади. Улар иқтисодиётни худди қора қути (Black box) каби қабул қилади шу сабабли иқтисодиётдаги жараёнлар кўриб бўлмас деб хулоса қилади. Қисқартирилган далил шаклида (reduced-form evidence) куйидаги схемани ишлаб чиқади⁷.

6 Keynes, J.M. The General Theory of Employment, Interest and Money. London: Macmillan, 1936. - P. 116
7 Mishkin, F. The economics of money, banking and financial markets. New York: Pearson, 2004. - P. 604



Монетаристлар пул–кредит сиёсатини ўтказиш механизми мураккаб деб қарашган чунки бу пул массаси ўзгариши ва унинг нархлар даражасига таъсири ўртасида вақт узилиши мавжуд (Time lags).

Шундай қилиб, бугунги кунда пул массаси билан боғлиқ ҳар қандай қарор келажакдаги нархлар даражасига таъсир қилиши мумкин, аммо бу бир қатор кечикишлар (lags) орқали содир бўлади⁸.

Тобиннинг q белгиси фирмаларнинг бозор қийматини (market value) капитални тикланиш қийматига (replacement value) бўлиш орқали аниқлайди. Агар q қанчалик юқори бўлса, компаниянинг бозор қиймати унинг капитал тикланиш қийматидан юқори бўлади, шу сабабли компания акция чиқариб молиялаштира олади. Бу эса компанияга сотиб оладиган капитални камгина акция чиқариб молиялаштириш имкониятини беради, натижада инвестиция харajatларини ошишига олиб келади. Агар q қанчалик кичик бўлса корхона янги инвестиция товарларини сотиб ололмайди ва ўрнига бошқа оптимал вариант топишга ҳаракат қилади. Масалан, эски арзон корхоналарни сотиб олиши мумкин.

Демак, юқоридаги назариядан келиб чиқиб Тобиннинг q кўрсаткичи ва инвестиция харajatлари ўртасида боғлиқлик мавжуд. Монетар сиёсат трансмиссион механизми фоиз канали ва акциялар нархи ўртасида қандай боғлиқлик бор деган савол туғилади? Агар асосий фоиз ставка тушса бу облигацияларнинг фоизини ҳам тушишига олиб келади, натижада улардан кутилаётдан даромад даражаси акцияларга нисбатан пасаяди. Инвесторлар энди кўпроқ пулларини акцияларга йўналтиришади, натижада акцияларга бўлган талаб ҳажми ортиб, уларнинг бозор баҳосини ошишига олиб келади. Демак, акциялар нархининг (P_s) ошиши q нинг ошишига олиб келади, натижада инвестиция харajatлари ва яли талаб ҳажмини ошишига олиб келади. Буни қуйидаги монетар сиёсатнинг трансмиссион механизми орқали кўришимиз мумкин⁹.

$$r \downarrow \rightarrow P_s \uparrow \rightarrow q \uparrow \rightarrow I \uparrow \rightarrow Y_{ad} \uparrow (2)$$

Бу ерда:

r – асосий фоиз ставкасининг пасайиши

P_s – акцияларнинг бозор нархи

q – Тобиннинг q индекси

I – Инвестициялар ҳажми

Y_{ad} – Яли талаб ҳажми

Кўп Марказий банклар қисқа муддатли фоиз ставкасини (масалан АҚШ да федерал фондлар ставкаси) мақсадли кўрсаткич сифатида белгилаш орқали монетар сиёсатнинг асосий инструменти сифатида фойдаланади. Айниқса, бу инфляциян таргетлаш режими доирасида кенг фойдаланилади. Ушбу қисқа муддатли фоиз ставкасининг даражаси қандай бўлиш керак? Ушбу саволга

⁸ Kamati, Reinhold. Monetary policy transmission mechanism and interest rate spreads. Glasgow Theses Service.

⁹ Mishkin, F. The economics of money, banking and financial markets. New York: Pearson, 2019. – P.682

Станфорд университети профессори Жон Тэйлор ўзининг Тэйлор қоидаси (Taylor rule) билан жавоб беради.

$$r = p + .5y + .5(p-2) + 2 \quad (3)$$

r – федерал фондлар ставкаси

p – инфляция даражаси

y – реал ЯИМ ни потенциалидан узиллиши (%)

Юқоридаги тенгликдаги 2 сони бу мувозанатли реал федерал фондлар ставкаси. Уша даврда Тэйлор буни 2% деб қабул қилган ва инфляцияни мақсадли кўрсаткичи ҳам 2% деб қабул қилган. Буни кейинчалик Колумбия университети профессори Фредрик Мишкин куйидагича ўзгартириш киритган.

$$\text{Fed}_r = p + r^e + \frac{1}{2} (\text{Inflation gap}) + \frac{1}{2} (Y^g) \quad (4)$$

Fed_r – федерал фондлар мақсадли ставкаси

p – инфляция даражаси

r^e – мувозанатдаги реал федерал фондлар ставкаси

Y^g – ишлаб чиқаришнинг узиллиши $(Y - Y^e) / Y^e$

Инфляция даражасини 1% га ошиши, реал федерал фондлар мақсадли ставкаси (Fed_r) ни 1.5% оширишга олиб келади. Ушбу тамойил монетар органлар томонидан Тэйлор томоили (Taylor principle) деб аталади. Унга кўра номинал фоиз ставкасини инфляция даражасидан кўпроқ ҳажмда оширишни тақидлайди.

Тэйлорнинг хулосасига кўра, агар инфляция 2% мақсадли кўрсаткичидан ошса ва агар реал ЯИМ потенциалидан ошса бунда федерал фондлар ставкаси ҳам ошади. Агар инфляция мақсадли кўрсаткичида (2%) бўлса ва ЯИМ потенциалда бўлса, федерал фондлар ставкаси 4% ни ёки реал 2% фоиз ставкани ташкил қилади. Шунда барқарор мувозанатли ўсиш (2.2%) га яқин бўлади 10.

Халқоро валюта фонди эксперти Ruxandra Teodoru ва Техас университети профессори Asel Toktonalievа томонидан Қирғизистон Республикасида “Қирғизистонда нейтрал фоиз ставкаси баҳолаш” бўйича тадқиқод олиб борилди. Улар турли моделлар (TVP VAR, DSGE) ва QPM (Quarterly Projection Model) модели асосида 2000 йил 1–кварталидан 2019 йилнинг 1–кварталигача бўлган даврдаги маълумотлар асосида ишлашган. Уларнинг хулосасига кўра, турли моделларга асосланган баҳолашга кўра Қирғизистон учун реал нейтрал фоиз ставкаси 4% ва QPM модели асосидаги баҳолашга кўра 3,7% деб таъкидлашган. Бу кўрсаткич кўплаб ривожланаётган мамлакатлардан юқори, бунинг сабаби юқори давлат қарзи, риск премиянинг юқорилиги, кредиторларнинг ҳуқуқларининг

10 Taylor, J. B. Discretion versus Policy Rules in Practice. North Holland: Carnegie-Rochester Conference Series on Public Policy, 1993. – P. 202

кафолатлиниши пастлиги ва қонун устуворлиги, паст маҳаллий жамғармалар бунга сабаб бўлмоқда деб хулоса қилишди¹¹.

С. Моисеев томонидан инфляцион таргетлаш шароитида монетар сиёсатнинг операцион мақсадлари—овернайт кредитларининг фоиз ставкаси, ўрта муддатли фоиз ставкалари ва пул индикаторлари тизимлаштирилган.

С. Моисеев томонидан пул—кредит сиёсати фоизли мақсадлари самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидагилар таклиф қилинди:

- пул—кредит сиёсати фоизли индикаторларини жорий қилиш;
- бир йилгача муддатдаги пул бозори сегментларини ривожлантириш;
- фоиз йўлакчасининг чегараларини бир-бирига яқинлаштириш орқали

пул бозори тебранувчанлигини камайтириш;

Ўзбекистонда монетар сиёсат трансмиссион мезанизм каналлари бўйича илқ тадқиқот А. Абсаламов томонидан олиб борилган. Унинг тадқиқотлари асосан фоиз каналининг иқтисодий таъсири VECM модели ёрдамида эмперик таҳлил қилинган. Ишнинг асосий илмий янгилиги сифатида, фоиз каналини пул бозори фоиз ставкаларига таъсирини оширишда Марказий банкнинг облигациялари, овернайт депозитлари, депозит аукционларини жорий этиш таклиф қилинган.

Аммо, А. Абсаламовнинг бир вақтнинг ўзида ҳам инфляция даражасини ҳам миллий валюта алмашув курси барқарорлигини таъминлашга қаратилган пул—кредит сиёсатининг олиб борилиши фоиз ставка каналининг самарадорлигини тушириб юбормоқда деган хулосаси тўғри эмас. Чунки, Ўзбекистон Республикасида инфляцион таргетлаш режимига ўтилиши муносабати билан марказий банк миллий валютанинг номинал алмашув курсини назорат қилишдан воз кечди.

¹¹ Teodoru. U.R and Toktonaliev.A. Estimating the Neutral Interest Rate in the Kyrgyz Republic, IMF working paper 2020. –P. 2

ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ШАРТ–ШАРОИТЛАРИНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ ТЎГРИСИДА

*Гайбуллаев Р. М,
СамИСИ, профессор, и.ф.д.*

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг тобора глобаллашуви ва трансформациясининг ҳозирги шароитида миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланиб боришининг етакчи омили сифатида фаол инвестицион фаолиятни амалга ошириш давр талабига айланиб бормоқда. Инвестиция ресурсларининг етарли эмаслиги, ноқулай инвестиция шароитлари, давлатнинг фаол инвестицион сиёсат борасидаги суст механизми мамлакатда хўжалик юритиш субъектларининг инвестицион фаолиятларини юритишларида бевосита ўз таъсирини ўтказмоқда.

Ҳар қандай инвестицион лойиҳани амалга ошириш босқичида, маълумки молиявий ресурсларнинг мавжудлиги тақоза этилади. Инвестицияни молиялаштириш манбаларининг тузилмасига асосан, мамлакатдаги иқтисодий сиёсат, қонунчилик (асосан солиқ қонунчилиги), инвестицияни жалб қилиш инфратузилмаси аҳволига боғлиқ бўлади. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида инвестициялар ва инвестицион фаолиятга оид жараёнлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрда қабул қилинган “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солинади ва бу муносабатларнинг ҳуқуқий базаси ҳисобланади ва қонунда таърифланганидек, “Инвестиция сиёсати – Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ва унинг алоҳида тармоқларида инвестицияларнинг зарур даражасини ва тузилмасини таъминлашга, инвестиция фаолияти субъектларининг инвестиция манбаларини топишга ва улардан фойдаланишининг устувор тармоқларини аниқлашга йўналтирилган инвестициявий фаоллигини оширишга доир ўзаро боғлиқ тадбирлар мажмуи” дир [1].

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, хўжалик юритиш тузилмалари инвестицион базасининг ривожланиши кўп жиҳатдан уларни молиявий томондан қўллаб–қувватлашнинг давлат сиёсати ўтказилаётганлиги билан боғлиқдир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёвнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун янада кенг шарт–шароитлар яратиш, уларнинг эркин фаолиятини таъминлаш, инвестицион сиёсатни фаол олиб бориш иқтисодиётимиздаги барқарорликни, таркибий ва сифат ўзгаришларини белгиловчи муҳим омили бўлишига ва амалга ошаётган ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган Фармони [2] кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устувор даражада ривожлантиришни мамлакат иқтисодий ҳаётида давр тақозасига айлантирди.

Бу борада иқтисодчи олимларимиздан Б.К.Тўхлиев таъкидлаганидек, “Инвестиция фаолиятини тартибга солишда солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияларидан самарали фойдаланиш инвестицияларни молиялаштиришда бозор механизмлари ролини кенгайтиришга олиб келади” [3].

Бозор ислохатларини чуқурлаштириш ва иқтисодийetni модернизациялашга қаратилган ҳозирги босқичда корхоналар учун инвестицияни қайси манбалар ҳисобидан молиялаштириш устидан бош қотиришлари зарурияти пайдо бўлмоқда.

Айнан бу масалада, хўжалик субъектларида, хусусан хусусий корхоналарда ўз маблағларининг етишмовчилиги инвестициялашни молиялаштиришнинг манбаларидан бири бўлган кредитларга эҳтиёж уйғотади.

Қарз (кредит) орқали молиялаштириш – бу лойиҳани амалга оширишда молиявий ресурслардан фойдаланиш устидан қаттиқ ташқи назорат барпо этишга олиб келади ва муайян зарар эвазига гаровни расмийлаштириш ва ресурслардан фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш зарурлигини тақозо этади [4, 113 б.].

Лойиҳани молиялаштириш – бу лойиҳани кредитлаш тарзидаги олдиндан назарда тутилган муддат бўлиб, лойиҳани амалга ошириш жараёнида олинган даромад ҳисобидан кредит тарзида олинган молиявий ресурсларни қайтариш кафолатини таъминлаш мажбурияти белгиланади.

Инвестицияларни молиялаштириш учун кредит капиталини ишлатиш амалий жиҳатдан анча қийин кечади, чунки банклар кредитларни юқори фоиз миқдорида таклиф қиладилар. Юқори фоизли кредитлар барқарор ишлаётган корхоналарни оғир молиявий аҳволга солиб қўяди. Кредитларни расмийлаштиришдаги ортиқча молиявий харажатлар (кредит суммасидан муайян фоизда сугурта учун, нотариал расмийлаштириш учун тўланади) ҳам қўшимча юқдир. Банк бу расмийлаштиришларсиз ўз кредитини бермайди. Халқаро молия корпорацияси ўтказган сўровлар натижаларига кўра, банклардаги расмиятчилик энг асосий муаммо бўлиб қолаётганлигини 35% респондентлар тасдиқлаган [5]. Шу сабаб, тижорат банклари томонидан берилаётган кредитларнинг умуминвестициядаги улуши анча камдир ва бу кўрсаткич 2020 йилда 14.1% ни ташкил этиб, ўтган йиллар мобайнида бу даражанинг ўзгаришида сезиларли силжиш кузатилмаёпти.

Ҳамма кредитлар асосий фондлар гарови остида берилади, уларнинг мавжудлиги эса айниқса, кичик хўжалик юритиш субъектларида чегаралангандир. Шунинг учун, қарз маблағлари қисқа муддатли кредитлар кўринишида асосан айланма маблағларни тўлдириш ёки савдо–воситачилик операцияларида фойдаланилади.

Кичик тадбиркорликда инвестицияни молиялаштириш манбаларидан бири сифатида банк кредитларини олишда тижорат банкларининг лойиҳаларга ишончли кафиликсиз кредит беришни истамасликлари муаммодари унинг ривожланишида ва рақобатдошлигини таъминлашда тўсиқ бўлиб қолимоқда. Ваҳоланки, кичик бизнесни банклар томонидан бу масалада рағбатлантирилиши шубҳасиз, юқори самарали бозор иқтисодиётига ўтишнинг амалий шарт–шароити бўлиб ҳисобланади. Кичик корхоналарда кредитлар олиш учун зарурий гаров имкониятларининг йўқлиги, кафолат тизими ва лизинг механизмини яхши йўлга қўйилмаганлиги бозор стратегияси одимларига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Шундан хулоса қилишимиз мумкинки, тадбиркорликни ривожланишига тўсиқ бўлаётган бош сабаблардан бири – энг аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб–қувватлаш тизими бозор ислохатларини чуқурлаштиришнинг устувор йўналишида сусткашлик қилаётганлигидир.

Ваҳоланки, Германияда кичик ва ўрта компанияларни ривожланишида қўллаб-қувватлаш ва кўмак кўрсатиш мақсадида уларни молиялаштириш имкониятларини кенгайтирадиган хусусий банклар давлат томонидан рағбатлантирилади. Бу мамлакатда 2 млн. кичик ва ўрта фирмалар ишлаб чиқарган маҳсулотлар ЯИМнинг 50%ини ташкил этади. Бу фирмалар йирик корхоналар билан ишлаб чиқаришни бошқариш ва янги техника ва технологияларни татбиқ этишда рақобатлашмоқдалар [6]. Молия-кредит тизимининг фаол ҳаракати эса кичик ва хусусий бизнесга барқарор ишлаётган корхоналар билан муваффақиятли рақобатга киришга имкон берар эди. Кичик ва хусусий бизнесда бошлангич капитални шакллантириш учун молиявий ресурслар тақчиллиги уларнинг инвестицион фаоллигини чегаралаб турибди ва афзал даражада воситачилик соҳасининг ривожланишига сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кичик тадбиркорликни ривожлантиришда давлат кўмагининг бир кўриниши сифатида инвестицион фаолликни ошириш манбаларидан бўлган кредит маблағлари билан таъминлаш шарт-шароитларини яратиш ва бу ишлар рағбатлантирилиши зарур.

Бу борада қатор тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир ва улар жумласига, фикримизча, қуйидагилар киради:

- кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш учун бошлангич капитални имтиёзли кредитлар асосида шакллантиришга кенг имконият берилиши;
- кичик корхоналарни молиялаштириш учун турли хил манбалардан маблағларни жалб этиришнинг илғор тузилмаларини шакллантириш;
- кичик ва хусусий бизнес корхоналарига кредитлар беришни сугурта қилиш махсус тузилмаларини ташкил этиш;
- кичик ва хусусий бизнес субъектлари лойиҳалари остида кредит берувчи молия-кредит муассасаларига кафилик берувчи кафолат фондларини яратиш;
- кредит олиш ва уни қоплаш билан боғлиқ харажатларни таннарх таркибига киритиш билан кичик корхоналарга имтиёзлар бериш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни, 3–моддаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантиришни таъминлашга, хусусий мулкни ҳар тамонлама ҳимоя қилишга ва ишибилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида”ги Фармони –Т.: 2016 йил 5 октябрь, ПФ–4848–сон.
3. Тўхлиев Б.К. “Инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг таркиби, таҳлили ва уларни такомиллаштириш масалалари”. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 1, yanvar–fevral, 2021 yil.
4. Абдуллаева Ш.Р. Развитие форм финансирования инвестиционных проектов // Альманах мировой науки. 2016. №1–3. с. 112–115.
5. Деловая среда в Узбекистане глазами представителей малого и среднего бизнеса. Отчет. – Международная финансовая корпорация., 2003г.,– 160с.
6. Попонova Н.Г., Павлюченко В.П. О налогообложении предприятий в ФРГ.//Финансовая газета. –1998. №14(4). с.5.

OPPORTUNITIES TO ENSURE BANK LIQUIDITY DURING THE PANDEMIC

**Berdiyarov B. T.,
TSUE, Doctor of Economics.**

According to the international banking practice, ensuring liquidity of the banking system is considered an essential factor in the development of the national economy. Reduction of the liquidity of commercial banks causes overdue payments made between economic entities, which makes a negative impact on the economic cycle. Currently at the time of pandemic, which has spread around the world, the entire world is being affected by the global economic crisis. In particular, if the banking system is under the impact of this global crisis, the normal performance of other sector will be even more complicated.

Herewith ensuring liquidity of the banking system is an urgent issue. In particular, such factors as mismatch between the assets, liabilities and interest rates of banks in Uzbekistan, the lack of long-term resources in banks, as well as poor performance of the deposit multiplier can negatively affect the liquidity of the banking system.

It is well-known from banking practice that trust of the population in the banking system is considered the most important capital for commercial banks. This can be achieved by fulfillment of the banks' obligations to customers in due time. It is known from history, that if the financial condition of commercial banks deteriorates and they challenge some liquidity problems, it can make a negative impact on the economy of the whole country. Therefore, ensuring liquidity of commercial banks has always been a significant issue in all countries throughout the world.

Liquidity is a generalized indicator for a bank's reliability. If banks are able to execute their obligations to customers in due time and without any losses, this bank is considered liquid.

Increase of the liquidity risk in the bank weakens the solvency and reduces confidence in the whole banking system. Therefore, banks will have to pay particular attention to liquidity and constantly manage liquidity risk. Banks are obliged to maintain liquidity even if they lose their income in order not to lose confidence in themselves.

Issues of managing banking liquidity.

With the aim of ensuring the liquidity of commercial banks, it is required to manage it efficiently. We can distinguish two focus areas in the management of liquidity status of commercial banks:

the first way is a policy of constant control over reserves. That is, the bank should not be allowed to increase non-performing assets;

the second is the policy of maintaining the same level of reserves, i.e. the policy of reserve requirements in the central bank, the support of banks through the funds deposited from the attracted deposits.

When scheduling the demand for liquid funds, commercial banks need to keep the reserve requirements in order to manage the funds, that is, to meet the needs of customers. Taking this fact into consideration, as a result of implementation of receipts and expenditures, the funds in the bank's cash office fluctuate throughout a day.

It is known from banking practice that inadequate level of liquidity results in the serious shortcomings in banking performance. The occurrence of such a situation usually results in the loss of deposits in the bank, which causes a decrease in cash and the sale of liquid securities in the bank's assets. The bank's liquidity can be met through loans from other banks as well. However, other banks offer loans at high interest rates, which results in the decrease in the income that the bank receives.

Measures undertaken to ensure the liquidity of the banking system of Uzbekistan. There are certain conditions in the country that can mitigate the negative impact on the liquidity of commercial banks. In this regard the basic conditions are the following:

First, the extension of overdue deposits in banks is considered the positive impact on the liquidity of banks. That is, the liabilities that banks now have to pay will remain at the disposal of the bank in the short term. During this period, the liquidity of commercial banks will not decrease, but by contrast will increase.

Second, starting from April 1, 2020 the Central Bank decided to raise the average ratio of commercial banks to the amount of reserve requirements to be deposited with the Central Bank.

That is, in order to support the liquidity of banks and ensure sustainable operation of the payment system, the current averaging ratio in the amount of 0.25 was increased to the amount of 0.35, then from July 1, 2020 this ratio was increased from 0.35 to 0.75, and starting from August 1, 2021 the averaging ratio of the reserve requirements was increased from 0.75 up to 0.8.

Herewith 80% of the reserve requirements of commercial banks to be transferred to the Central Bank may be left in the correspondent accounts of banks. This, in turn, facilitates support of the liquidity of commercial banks.

In our opinion, based on the analysis of the current state of liquidity in the banking system, it is advisable for the Central Bank to gradually increase the averaging ratio.

Moreover, the Central Bank intends to raise the rate of the reserve requirements on deposits in foreign exchange by commercial banks from 14 percent up to 18 percent. In turn, this change in the standards of the reserve requirements for deposits in foreign exchange will reduce the dollarization level of deposits.

Third, the Central Bank should make reasonable use of the refinancing policy, which is the main instrument of the monetary policy, and provide refinancing loans on the basis of direct overdraft lending to correspondent accounts of commercial banks.

Fourth, the optimal correlation between assets and deposits of commercial banks of the Republic of Uzbekistan has been developed.

According to statistical data obtained from the Central Bank of the Republic of Uzbekistan, the assets of commercial banks of the republic will exceed 396.1 trillion UZS as of July 1, 2021. This is 1.2 times more than the total amount of attracted deposits and loans of banks¹².

Fifth, adequacy of the capital base of commercial banks of the Republic of Uzbekistan.

As of July 1, 2021 the capital adequacy ratio of commercial banks of the country has constituted 17.7 percent of the regulatory capital and 15.4 percent of the capital of the first tier¹³.

It is known that according to the International Bank for Reconstruction and Development, if the capital adequacy ratio in a commercial bank is less than 13 percent in practice, then the bank's balance sheet is considered non-liquid.

Sixth, starting from 2021, the price of gold in the world market will account for approximately 1800 USD per troy ounce against the background of rising prices for oil and financial assets due to the resumption of economic activity in many countries and the acceleration of inflation in the majority of countries.

The rise in the price of gold, in turn, has caused an increase in the Central Bank's payments to producers of precious metals. In particular, in the first half of 2021, the Central Bank has provided the amount totalling 30.7 trillion UZS to producers.

This additional liquidity, generated by the Central Bank through the purchase of precious metals, is being sterilized through interventions in the domestic foreign exchange market.

Proposals and recommendations to ensure liquidity of the banking system.

Under conditions of the pandemic, it is recommended to raise the liquidity of commercial banks on the basis of the following proposals and recommendations:

1. It is required to enhance the role of the Central Bank in regulating the liquidity of the banking system of Uzbekistan through open market operations by increasing the share of investments of commercial banks in securities in the volume of bank assets and diversifying the investment portfolio.

Pursuing this aim, firstly, it is necessary to raise the volume of the government and central bank bonds, which are highly liquid securities, and secondly, the number of objects of open market operations of the Central Bank.

In the first 6 months of 2021 there was a significant increase in activity in the primary market of government securities, and the Ministry of Finance and the Central Bank announced a quarterly schedule for the issuance of bonds and created additional convenience for commercial banks in liquidity management.

Фикримизча, банк капитали таркибидаги энг барқарор манба оддий акцияларнинг тўланган қисми, бошқача айтганда устав капитали миқдорининг ошириб борилиши миллий банк тизимига бўлган ишончни мустаҳкамлашга, ликвидликни оширишга хизмат қилади. Таъкидлаш лозимки, банк менежменти савияси ва сифати ҳам ликвидликка таъсир этувчи муҳим ички омиллардан ҳисобланади. Бу ўринда банкнинг ташкилий тузилмаси таркибида ликвидликни доимий мониторинг қилиб борувчи, бошқарув қарорлари учун маълумотлар базасини мунтазам шакллантирувчи ва аналитик ҳисоботларни тайёрловчи ташкилий бўлинма (қўмита) фаолиятининг самарали йўлга қўйилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, банкнинг ликвидликни бошқариш бўйича ўз стратегиясига эга эканлиги, жорий, ўрта ва истибодолида ликвидликни таъминлаш бўйича ҳам зарур чора-тадбирлар белгиланлиги, менежерларнинг савияси ва малакаси, корпоратив бошқарув тамойилларининг амал қилиши ва банк эгалари ва бошқарувчилар ўртасидаги муносабатнинг яхши йўлга қўйилганлиги кабилар ҳам банк менежменти сифатини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, мамлакатда банк қонунчилигини такомиллашганлик даражаси ҳам ликвидликка таъсир этади. Чунки, банк фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкам бўлмас экан, бу ҳолат бир тижорат банки фаолиятидаги камчилик орқали юзага келган муаммонинг бутун банк тизимига юқори суръатларда тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Бу каби муаммолар тижорат банкларида корпоратив бошқарув тизимининг ролини ошириш орқали ҳал этилиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тижорат банкларининг ликвидлик даражасига ташқи ва ички омиллар таъсирини қайд этган ҳолда, банк ташқи омилларнинг таъсирини чеклаб қўйиши мумкин эмас, шунинг учун тижорат банкининг фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган ички омилларга кўпроқ эътибор қаратиш керак, чунки уларни бошқариш орқали ликвидликка бўлган салбий таъсирини камайтириш мумкин. Акс ҳолда, бу омиллар ликвидлик рискларининг пайдо бўлишига олиб келади, бу молиявий воситаларни тўлов воситаларига тезкор равишда айлантира олишнинг йўқолиши ёки қўшимча мажбуриятларни жалб қилиш билан боғлиқ бўлган рискларни кучайишига олиб келади.

Биринчидан, тижорат банкларининг фаолияти давомида мунтазам равишда ташқи манбаларга эҳтиёж сезиши, унинг қарамлигини оширади ва бу ҳолат, ўз навбатида банк ликвидлигига салбий таъсир кўрсатади. Одатда банклараро кредитлардан бу мақсадда кўп фойдаланилади. Бироқ, банклараро кредитлар ҳажмининг сезиларли даражада ортиши, хусусан, унинг ҳажмида ўсиш тенденциясининг кузатилиши ушбу тижорат банкларида ликвидликни таъминлаш борасида айрим муаммолар мавжудлигини ҳам кўрсатади. Иккинчидан, тижорат банкларида талаб ва мажбуриятларининг ҳолати, миқдор ва муддат жиҳатидан ўзаро мослиги ҳам ликвидликка сезиларли таъсир кўрсатади. Хусусан, тижорат банклари активлари муддати ва суммаси, унинг пасивлари муддати ва суммасига мос келиши мақсадга мувофиқ саналади. Шу боисдан, банк менежерлари активлар ва пасивлар таркибини доимо таҳлил қилиб боришлари ва тегишли ўзгартириш киритиш бўйича ўз вақтида қарор қабул қилишлари лозим бўлади. Учинчидан, банкнинг молиявий жиҳатдан барқарор мижозлари сони, уларнинг фаолиятининг даромадлиги улар томонидан банкка топширилаётган нақд пул маблағлари миқдорининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлайди ва ўз навбатида, банк ликвидлигини таъминлашга хизмат қилади. Бошқача айтганда, барқарор мижозларга эга бўлган тижорат банкларида нақд пул билан таъминлаш борасида сезиларли муаммолар бўлмайди. Бу эса мазкур банкда ликвидлик муаммоси олдини олиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Тўртинчидан, мамлакатда молия бозорининг ривожланиш даражаси банк ликвидлигига таъсир қилувчи ташқи омиллардан бири ҳисобланади. Чунки молия бозорининг тараққий этиши, ундаги маҳсулотлар ва инструментлари турларининг кўпайиши банкларга ликвидликни тартибга солиш ва бошқаришда қулай имкониятлар яратади. Тижорат банклари молия бозоридаги операциялар орқали сўмдаги ва хорижий валютадаги ликвидликни катта молиявий талофатларсиз таъминлашлари мумкин.

Фикримизча, ҳозирги вақтда амалга оширилаётган ислохотлар ва ўзгаришлар мамлакатимиз банкларининг молиявий ҳолатини янада мустаҳкамлаш, ликвидлигини таъминлашга замин яратади.

СУКУК БОЗОРИ ТАҲЛИЛИ: ЯНГИ МАРРАЛАР, ЯНГИ ИШТИРОКЧИЛАР

Аброров С.З,
ТДИУ, доцент, PhD

Мамлакатимизда капитал бозорини ривожлантириш ва унинг иқтисодийда тутган ўрнини ошириш борасида тизмили ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПФ–6207–сонли “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги фармонида капитал бозорининг рақобатбардошлигини ошириш ва хорижда муваффақиятли синовдан ўтган илгор ёндашувларни қўллаш орқали барча тоифадаги инвесторлар учун капитал бозорининг қулайлигини ошириш капитал бозорини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган.

Ўзбекистонда кейинги йилларда сукукларга қизиқиш ортиб бораётгани сезилса–да, бу турдаги исломий қимматли қоғозлар амалиётга жорий этилмаган. Шунга қарамай, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақти–соати келганлигини таъкидлаб ўтди⁴¹. Шунга кўра, юқорида тилга олинган Фармонда ислом молиялаштириш тамойиллари асосида “Сукук” облигацияларини жорий этиш бўйича алоҳида вазифа белгиланган. Айтиш мамкинки, капитал бозори учун ислом қимматли қоғозларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Сукук – (“сакк”нинг кўплиги, араб тилидан акт, хужжат, чек⁴²) инвестицион фаолият ёки унинг активига нисбатан эгаллик ҳуқуқидаги улушини кўрсатувчи шариат тамойилларига асосланган эмиссиявий қимматли қоғоз бўлиб, турига кўра фойда ва зарарга шерикчиликни ифодалайди, сўндирилиши ва фойда даражаси рискка асосланади. Тарихий хужжатларга кўра, сукук масаласи биринчи марта Имом Моликнинг “Ал–Муваддо” асарида келтирилган. Бу механизм VII асрда Умавийлар халифалиги даврида амал қилган. Унга кўра ҳарбийларга бериладиган маошнинг бир қисми нақд пулда, қолган қисми эса озиқ–овқат сертификатлари билан тўланган. Ушбу сертификатлар уни чиқарганлар томондан муайян муддатда сотиб олиниши (сўндирилиши) кўзда тутилган. Шу белгиланган муддатга қадар сертификат эгалари уни учинчи тарафга сотиш имкониятига эга бўлишган⁴³.


Замонавий шаклдаги сукук эмиссияси учун 1978 йилда Йордания ва 1980 йилда Покистонда уринишлар бўлган. Аммо бозордаги инфратузилама ва шаффофликнинг етарли даражада бўлмаганлиги сабабли бу уринишлар муваффақиятсиз яқунланган. Муваффақиятли ҳисобланган илк сукук 1990 йилда Малайзияда 125 миллион малайзия рингити – 32,9 ман. АҚШ доллари қиймагиди чиқарилган. Шундан сўнг, 2001 йилга қадар бирорта сукук эмиссия қилинмаган.

41 <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

42 Абдуmajид Анорбоев. Ан-Наъим – Т.: Абдулла Қодирий, 2003. – 462-б.

43 Mohammed Imad Ali, Ikramur Rahman Falahi. Islamic banking and finance: principles and practices // Marifa Academy Private Limited, 2014. p161.

Сукуклар XXI асрга келибгина жадал ривожлана бошлади ва сўнгги 10 йилликда асосий эмиссиялар амалга оширилган. 2001 йилда йиллик 1,2 млрд. АҚШ доллари миқдорига сукук эмиссия қилинган бўлса, 2020 йил якунига кўра 174,6 млрд. АҚШ долларига етган (1–расм). Бу эса ўтган давр мобайнидаги йиллик энг катта кўрсаткич ҳисобланади. Ўсиш даражалари турлича бўлса-да, йиллик эмиссиянинг амалга оширилиши сукукка талабнинг мавжудлигини билдира олади. Жаҳон бўйича жами 36 мамлакат сукук эмитенти ҳисобланиб, 2021 йилга қадар 1,4 трлн. АҚШ долларидан ортиқ сукук эмиссия қилинган⁴⁴. Аҳолиснинг асосий қисми мусулмон бўлмаган АҚШ, Буюк Британия, Люксембург, Германия, Япония ва Франция каби иқтисодий тараққий этган мамлакатларда сукук эмиссия қилинаётганлиги унинг аҳамияти ортиб бораётганини кўрсатади. Тажриба, ўз навбатида, мазкур исломий қимматли қоғозни анъанавий молия бозорларида ҳам жорий этиш мумкинлигидан далолат беради.




1–расм. Жаҳонда сукук эмиссияси ҳажми динамикаси⁴⁵

Айтиш жоизки, турли мамлакатларда сукук эмиссия қилинган, аммо мамлакатимизда бу молиявий инструмент мавжуд эмас.

Ўрганилаётган сўнгги ҳисобот йилида бозорга эмитент сифатида янги иштирокчи мамлакат сифатида Миср кириб келганлигини кўриш мумкин. Миср 2020 йилда 286 млн. АҚШ доллари қийматидаги ўзининг дастлабки иккита эмиссиясини амалга оширди.

⁴⁴ Sukuk report: A comprehensive study of the global sukuk market. International Islamic Financial Market, July 2021, 10th edition. p29.

⁴⁵ Sukuk report: A comprehensive study of the global sukuk market. International Islamic Financial Market, July 2021, 10th edition. p29



2–расм. Жаҳон валюталари кесимида сукук эмиссияси ҳажми, 2001–2020 йиллар (млрд. АҚШ доллари)46

Жаҳон бўйича ўтган давр мобайнида 2020 йил якунига қадар 27та валютада сукук чиқарилган бўлиб, унда Малайзия ринггити 50,5%лик улуш ёки 719,2 млрд. АҚШ долларилик қиймат билан яққол етакчилик қилган (2–расм). Валюталар кесимида АҚШ доллари 22,5% (320,3 млрд.) ва Саудия Арабистони риёли 7,7% (109,3 млрд. АҚШ доллари)лик улуш билан учликдан ўрин олган. Шунингдек, Индонезия рупийси (7,3 %, 103,8 млрд. АҚШ доллари) ва турк лираси (3,4%, 49 млрд. АҚШ доллари) қиймати бўйича энг кўп эмиссия қилинган валюталардан ҳисобланади. 2020 йилда Миср дастлабки эмиссияларини миллий валютасида амалга оширганлиги сабабли, бозорда миср фунтида сукуклар пайдо бўлди.

Таъкидлаш жоизки, сўнги йилларда Индонезия рупийси ва турк лирасининг улуши ортиб бормоқда. АҚШ долларидан ташқари халқаро тан олинган валюталардан ҳисобланувчи Буюк Британия фунт стерлинги, евро ва Хитой юанида ҳам сукук чиқарилган бўлиб, жами 326,6 млрд. АҚШ доллари (қарийб 23%)га тенг бўлган. Эътиборли жиҳати шундаки, бу қиймат халқаро сукуклар қийматидан кам. Бу эса, халқаро сукуклар маҳаллий валютада ҳам чиқарилаётганлигини англатади.

Хулоса қилиб айтганда, бу турдаги қимматли қоғозлар жаҳон бўйича тобора ривожланиб, иштирокчилари сони ортиб бормоқда. Аҳолисининг аксар қисми мусулмонлар ташкил этувчи Ўзбекистонда ҳам сукукларни жорий этиш иқтисодий ўзгаришлар учун манфаатли ҳисобланади. Анъанавий молия тизимида фойдаланилмаётган маблағлар “хуфёна иқтисодий” таркибига ўтиб кетиб қолиш ва самарасиз жамғариш даражасини ҳам камайтиради.

46 Sukuk report: A comprehensive study of the global sukuk market. International Islamic Financial Market, July 2021, 10th edition. p83

БАНКЛАРНИ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

***Мамадияров З. Т,
ТДИУ, Ph.D., доцент.***

Банк тизими бутунги кунда технологик инновацияларга йўналтирилган ривожланган соҳалардан бири бўлиб, мамлакат иқтисодий ривожланишининг асосий локомативи ҳисобланади. Ҳар қандай мамлакатнинг банк тизими самарали ишлаши ва жаҳон банк тизими тараққиёти билан боғлиқ ўзгаришларга тезкорликда мослашиши мамлакат иқтисодиётини ривожланишининг асосини белгилаб беради. Технологик ривожланишлар барча соҳаларда бўлгани каби банк тизимида ҳам юқори ўзгаришларни келтириб чиқарди. Эндиликда жаҳон банк тизими анъанавий банк тизимидан рақамли банк тизимига ўзгармоқда. Рақамли банк хизматлари ҳам мақсадли тизим сифатида майдонга чиқиши эса истеъмолчиларга кенг турдаги хизматларни таклиф этиш имкониятини берди.

Ривожланган давлатлар банк амалиётига кўра, бутунги кундаги бозор муносабатларининг ривожланиши натижасида мижозларга банк хизматларини кўрсатишда хорижий тажрибаларни ўрганишни талаб этмоқда.

Бир неча йил олдин, ўша пайтдаги JPMorgan Chase молия директори Marianne Leuk сармоядорларга “Биз технологик компаниямиз” деб эълон қилганида молиявий хизматлар соҳасида катта тебраниш содир бўлди. Ўша пайтда банк интеллектуал мулк яратиш учун 40 минг нафар технолог иш олиб борар эди. Бу учун 9 миллиард доллар сарф этилди, фақатгина хавфсизлик ва киберхавфсизлик учун 2 миллиард доллар сарфланди.

JPMorgan Chase ўзининг рақобатбардошлигини инновацион ва рақобатдош технологиялар тақдим этиш билан боғлиқлигини тан олди. Буни муваффақиятли амалга ошириш учун рақамли трансформация учун сармоя киритиш зарурлигини, яъни ўз ходимларини энг яхши ишларни бажариш учун зарур бўлган энг яхши технологиялар ва воситалар билан жиҳозлаш кераклигини тушунди.

Истеъмолчилар талабларини қондириш ва замонавий инновацияларга мос келиш учун банк–молия тизимида ҳам соҳанинг рақобатбардош бўлиши учун рақамли ўзгартириш ҳаракатларини амалга оширишга интиломоқда. Кўпинча рақамли трансформация рақамли иш жойларини қабул қилиш билан бошланади, бу ерда ҳамкорлик ва жамоавий иш жисмоний жойлашувга эмас, балки технологияга ёрдам беради. Бўлимларни, жойлашуви бўйича ходимларни ва турли йўналишдаги мутахассисларни бир–бирига боғлайдиган рақамли трансформацияга сармоя киритиш орқали компаниялар қўйидаги афзалликларга эга бўлади:

- жамоалар ўртасида катта мослашув вужудга келади, натижада мижозларга тезроқ ва аниқроқ хизмат кўрсатилади;
- жамоаларнинг маъмурий вазифаларни автоматлаштириш ва иш оқимларини тезлаштириш қобилияти;
- муаммоли вазиятларни тезроқ эскалация ва ҳал қилиш;

- шаффофлик.

Рақамли трансформациялар ҳар бир ташкилотда ҳар хил кўринишда бўлса-да, рақамли трансформация куйидаги асосий хусусиятларга эга:

Ҳамкорлик: Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси умумий фикрга эришишда муҳим аҳамиятга эга. Бу ташкилотнинг жамоаси ўртасида ишончни мустаҳкамлаш, шаффофликни ошириш ва ходимларнинг биргаликда ишлашини англатади.

Маданий; анъанавий бизнес тузилмалари ва иерархиясидан воз кечишни ва ходимларга қарорлар қабул қилиш ва эркин фикрлашда ваколат беришни талаб қилади.

“Cloud-based” га асосланиш: Cloud-based хизматлари тежамкор ва тезкор бўлиб, корхоналарга ўз эҳтиёжларини қондирадиган, инфорацион технологиялар ва инфратузилма харажатларини тартибга соладиган хизматларни танлашга имкон беради.

Мобил: Мижозлар корхоналардан оддийлик ва қулайликларни кутмоқдалар. Бу шуни англададики, улар фойдаланишда қулай бўлган смартфонлар орқали ўз хизматларини амалга оширишни кўпроқ маъқул кўрмоқда.

Инновацион: Рақамли трансформация жараёнида ҳар доим тажрибалар ўтказиб туриши ва натижаларидан хулосалар олиниб амалиётга жорий этиш лозим.

Давомийлик: Бу бошланиш ва тугаш санаси бўлган лойиҳа эмас. Технология ривожланиб бораверади ва ҳозирги жараёнларга мослашишга чақиради, демак ташкилотлар ўрганиш ва ривожланишни давом эттириши керак.


Бугунги кунда банкларни трансформация қилиш, биринчидан, рақамли банкларни ташкил қилишни талаб этса, иккинчидан, амалдаги банк бўлимлари иш фаолиятининг ўзгаришига ва банк харажатларини қисқартириш имконини беради. Рақамли банкларда банк хизматлари максимал даражада автоматлаштирилади ва банк мижозлари учун ўз-ўзини бошқариш тизимлари яратилади. Чунончи, бугунги куннинг талаби ҳам рақамли иқтисодиётнинг тараққий этиши натижасида банклар филиаллар сонини ошириш йўли билан эмас, балки масофавий банк хизматларини ривожлантириш орқали кўп сонли мижозларига хизмат кўрсатишни талаб этмоқда.

Рақамли трансформация банк стратегиясининг муҳим мақсадларига айланди. Бу давр рақамли банклар келажаги учун жуда таъсирли ва анъанавий банклар имиджини бутунлай ўзгартириши, шунингдек мижозларга кўпроқ хизматларни тақдим этишни тақозо этмоқда.

Шунга қарамай, бу соҳадаги жараён жуда суст. Ҳозирги кунда банк соҳасини рақамли ўзгартириш жараёнида ёрдам берадиган бир қатор технологиялар мавжуд. Бу рақамли трансформация банк учун ҳам, унинг мижозлари учун ҳам самара келтирадиган технологияларни ўз ичига олиши керак.

Бугунги кунга келиб республикамизда ҳам барча тижорат банклар Тезкор тўловлар тизимига уланган бўлиб, масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали ишлаётган мижозлар учун янги механизмдан фойдаланиш имконияти яратилган. 2020 йилнинг октябрь ойида Тезкор тўловлар тизими орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми банклараро ўтказмалар умумий ҳажмининг 18 фоизини ташкил этди.⁴⁷

47 <https://bank.uz/uz/news/markaziy-bankning-tezkor-t-lovlar-tizimi-masofaviy-khizmat-k-rsatisning-yangi-bos-chi244122>



1–расм. Тезкор тўловлар тизими орқали 2020 йилда 3 чораги жунигача амалга оширилган тўловлар ҳажми

Бу мижозларнинг мазкур тизимга бўлган қизиқиши ортиб бораётганидан далолат бермоқда. Тезкор тўловлар тизимига барча банкларнинг уланиши натижасида юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан жорий йилнинг III чорагида 43,6 трлн. сўм маблағ ўтказилган, бу олдинги чоракка нисбатан икки бараварга кўпдир. Шунингдек, 2020 йил мобайнида мазкур тизим орқали жами 2.7 млн. дан ортик транзакция ёки 64,3 трлн. сўмлик тўловлар амалга оширилган. Шундан 83 фоизи ёки 53,4 трлн. сўмга яқин транзакциялар тизимда актив фаолият юритаётган ўн та тижорат банкининг мижозлари томонидан тизимнинг қулай имкониятларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган (1–расм).

Рақамли трансформацияни жорий қилиш кўп ресурсларни талаб қилади. Аввало, муваффақиятга эришиш учун уларнинг стратегияси мижозларга йўналтирилган бўлиши керак. Банклар мижозларни тўлиқ қондира оладиган янги инновацион ечимларга эришиш лозим.

Бу борада Блокчейн ва сунъий интеллект (Artificial Intelligence) каби технологиялар катта афзалликларга эга бўлиши мумкин, агар банклар ва молиявий технология компаниялари ўз мижозларига аниқ хизматлар кўрсатадиган молиявий технологияларни жорий этса анъанавий банкларга қараганда кўпроқ афзалликларга эга бўлади. Ушбу воситалар кўплаб қўлда бажариладиган операцияларни автоматлаштириши ва шу билан мижозлар эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, сунъий интеллект ёрдамида мижозлар шахсий маълумотларини тўплаш ва таҳлил қилиш учун банклар учун кўпроқ мослаштирилган таклифлар яратиш мумкин.

Натижада, банклар янада инновацион ривожланади, ходимлар вазифалари ўзгарди ва кўпроқ мижозларга хизмат кўрсатишга ёрдам беради. Рақамли трансформацияга сармоя киритиш банклар ва ходимлар иш фаолиятини тезкор қилади, рақобатбардошлик ва энг муҳими, бугунги молиявий шароитга мослашувчанликни оширади.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРГА АЖРАТИЛГАН КРЕДИТЛАР ШАРТЛАРИНИ “КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ МОДЕЛИ” БАЛЛ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Норов А.Р,
ТДИУ, доцент.**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар миллий иқтисодийетимиз тараққиёти асосидир. Айниқса охириги йилларда иқтисодийёт тармоқларида кенг ислохотларнинг амалга оширилиши келгусида барқарор ривожланишга замин яратиб келмоқда. Иқтисодийетимиз “локомотиви” бўлган банк тизимини янада такомиллаштириш бўйича қонун, қарор ва фармонларнинг қабул қилиниши ушбу соҳанинг замон билан ҳамнафас ривожланишини таъминлаб бермоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартда “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 6–банди “в” кичик бандида “потенциал қарз олувчиларнинг кредитлаш амалиётини баҳолаш ҳамда тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш шартларини такомиллаштириш имконини берувчи тижорат банклари томонидан ўз моделларини яратиш...”48 ва уларни амалиётга жорий этиш вазифаси белгилаб ўтилган.

Халқаро тажрибалардан кўриш мумкинки, банклар фаолиятида қўлланиладиган турли кредитлаш амалиёти моделлари мижозларнинг кредитлаш амалиётини аниқ ва кенг кўламда баҳолаш ва уларга қулай имконият берадиган замонавий усуллардан биридир. Бунинг ёрдамида мижозлар ўз фаолиятини ривожлантириши ҳамда кредит рискларини сезиларли даражада пасайтириш имкони яратилади. Демак, кредитнинг қайтмаслиги билан боғлиқ йўқотишларни олди олинади. Кредит шартлари бажарилиши ва уларнинг кредитга лаёқатлиликини аниқ, тўлиқ ва тезкор баҳолаш нафақат тижорат банклари учун кредит рискини пасайтириш балки, тадбиркорлик субъектлари учун кредитни қайтара олмаслик рискини қисқартиришга тайинланганлиги билан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш керакки, банклар амалиётида “кредитлаш амалиётини трансформациялаш модели” балл тизимидан фойдаланиш, ҳам банк учун, ҳам тадбиркорлик субъекти учун қутилган самарани беради. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатлар банк амалиётида мижозлар манфаати ва банк дароматини аниқлашда кредитлаш амалиётида турли моделлари ва балл тизимлари муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Бозор иқтисодийети вужудга келгандан то ҳозирги даврга қадар кредит муносабатлари узлуксиз такомиллашиб ҳамда ривожланиб келмоқда ва бу жараён келгусида янада кенг кўламда давом этиш тавсифига эга. Чунки, кредит муносабатлари иқтисодийётда кўплаб бизнес субъектлар фаолиятини бошлашига, тўхтовсиз амалга оширишига ҳамда кенгайишига муҳим молиявий омил бўлмоқда.

48 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича чора–тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 23 мартдаги қарори.”

Банк кредитлари ва ссудаларини жалб қилиш қайси мезонлар ва тартиблар асосида амалга оширилади? Бу борада, тадбиркорлик субъектлари ва тижорат банклари ўртасида бўладиган қарз муносабатларини йўлга қўйишда авваламбор уларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва кредитлаш амалиёти даврида уларни баҳолаш моделлари такомиллаштириш бош масаладир. Ҳар битта тижорат банки ўз мижозлари билан кредит муносабатлари юзасидан мустақил сиёсатини олиб боради. Лекин уларнинг барчасида битта муҳим жиҳатга, яъни тадбиркорлик субъектларининг кредитни қайтариш имкониятини ва уларни банкга келтираётган даромадларини ҳамда уларнинг фаолиятини аниқ баҳолашга аҳамият қаратилоғи лозим.

1—жадвал

Тижорат банклар томонидан тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитларнинг қайтариш лаёқатлилигини баҳолаш мезонлари

| Кўрсаткичлар | I синф | II синф | III синф |
|---------------------------|-------------|--------------------|-------------|
| 1. Қоплаш коэф. (Қк) | $Қк > 2$ | $2 > Қк > 1$ | $1 > Қк$ |
| 2. Ликвидлилик коэф. (Лк) | $Лк > 1,5$ | $1,5 > Лк > 1$ | $1 > Лк$ |
| 3. Мухторлик коэф. (Мк) | $Мк > 60\%$ | $60\% > Мк > 30\%$ | $30\% > Мк$ |

Бугунги кунда мамлакатимиз тижорат банкларида тадбиркорлик субъектларининг кредитлаш амалиёти таҳлилин баҳолаш бўйича турли хил усуллардан фойдаланиб келинмоқда.

Таъкидлаш керакки, банклар амалиётида тадбиркорлик субъектларининг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилиш ва баҳолашда уч турдаги: қоплаш, ликвидлилик ва мухторлик коэффициентларидан фойдаланилмоқда. Ушбу коэффициентлар асосида тадбиркорлик субъектларининг кредитга лаёқатлилиги учта синфга ажратиш асосида баҳоланмоқда.

Ушбу тартибдаги кредитга лаёқатлиликини баҳолаш мезонларида қуйидаги бартараф этиладиган камчиликлар ҳамда такомиллаштирилиши талаб этиладиган умумий жиҳатлар мавжуд:

- коэффициентларни ҳисоблаш усулидаги камчиликлар;
- ушбу коэффициентлар асосида ҳўжалик юритувчи субъектларининг молиявий аҳволини тўлиқ баҳолаш имкони йўқлиги;
- халқаро тажрибалар эътиборга олинмаганлиги.

Мазкур камчиликлар аналитик тарзда қуйидаги кўринишга эга.

1. Банклар амалиётида *қоплаш коэффициенти* жорий активларни (390 сатр) жорий мажбуриятларга (600 сатр) бўлиш орқали ҳисобланмоқда. Бунда жорий активлар таркибидан бир қатор актив турлари кредит тўлови учун маблағ бўла олмайди. Жумладан тайёр маҳсулот (товар)лар таркибидаги “талаб бўлмаган тайёр маҳсулот (товар)лар” қисми, келгуси давр харажатлари (190 сатр), кечиктирилган харажатлар (200 сатр), дебиторлик қарзлари таркибидан муддати ўтган дебиторлик қарзлари (211 сатр), ходимларга бериладиган бўнаклар (250 сатр), Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (270 сатр), Мақсади давлат жамғармалари ва сўғурталар бўйича бўнак тўловлари (280 сатр), Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (290 сатр) каби жорий активлар кредит тўлаш учун маблағ бўлмаган жорий активлар ҳисобланади.

Шу ва шу каби жиддий камчиликлар юқорида кўрсатилган барча коэффициентларда мавжуд.

2. Тадбиркорлик субъектларининг молиявий аҳволига учта коэффициент билан тўлиқ баҳо бериб бўлмайди. Бунинг учун тадбиркорлик субъектларининг молиявий аҳволини очиб берувчи бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланиш талаб этилади.

Шу каби ҳолатлар тадбиркорлик субъектларини кредит шартларини бажариши ва кредитни қайтаришга лаёқатлилигини ва молиявий ҳолатини тўлиқ баҳолаш имконини бермайди.

Республикамиз банк соҳасидаги кредит муносабатларида амалга оширилаётган тадбиркорлик субъектларини молиявий ҳолатини ва кредитга лаёқатлилигини баҳолашни давр талаблари асосида такомиллаштириш учун юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан мақсад кредит олган ва фойдаланаётган тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳолати ва кредитга лаёқатлилигини баҳолашни тўлиқ, аниқ ва тезкор ўрганишдир.

Бу билан кредитга лаёқатли бўлган энг муносиб тадбиркорлик субъектларига қулайлик яратиш мақсадида уларга имтиёзлар бериш ва шу орқали кредит портлини сифатини ошириш имконияти яратилади. Натижада эса кредит риси сезиларли камайишга эришилади.

Бу борадаги ишларни самарали амалга ошириш йўлида тадбиркорлик субъектларга ажратилган кредитлар шартларини “кредитлаш амалиётини трансформациялаш модели” балл тизими орқали такомиллаштирилган электрон дастур яратилди.

Тадбиркорлик субъектларга ажратилган кредитлар шартларини “кредитлаш амалиётини трансформациялаш модели” балл тизимининг афзал жиҳатлари:

1. Ушбу модель тадбиркорлик субъектининг кредит шартларини бажаришига ва уни қайтариш лаёқатлигига аниқ, тўлиқ, кенг қамровли баҳолаш имкониятига эга.

2. Амалдаги баҳолашдан фарқли равишда кредит шартларини бажариш ва уни қайтариш лаёқатлилик ҳолати 5 та синф асосида амалга оширилади. Бу банклар томонидан тадбиркорлик субъектларни кредит шартларини бажариши ва кредитни қайтаришининг лаёқатлилик ҳолати бўйича танлаш имкониятини оширади.

2–жадвал

“Кредитлаш амалиётини трансформациялаш модели” балл тизими шкаласи

| Синф | Сифати | Фоиз ставкасига нисбатан имтиёз | Фоизининг муддатига нисбатан имтиёз |
|--------|--------------|--|-------------------------------------|
| 1–синф | Энг юқори | - 20 фоиз | + 4 ойгача |
| 2–синф | Яхши | - 10 фоиз | + 2 ойгача |
| 3–синф | Ўрта | Ўзгартиришсиз | |
| 4–синф | Ўртадан паст | Огоҳлантириш | |
| 5–синф | Қониқарсиз | Муддатидан оддин қайтариш чорадарини кўриш | |

3. Кредитни қайтариш имкониятини баҳолаш мезон (критерий)ларини ҳисоблаш усуллари такомиллаштирилди, яъни аниқликни таъминлаш даражаси оширилди.

4. Халқаро тажрибалар эътиборга олинган ҳолда яратилди.

Республикамикимиз банклари амалиётида тадбиркорлик субъектларининг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда коэффициентлар усулидан фойдаланиб келинмоқда. Бунда асосий эътибор молиявий кўрсаткичларга қаратилмоқда. Коэффициентлар усулида молиявий кўрсаткичларни ушбу учта коэффициент билан тўлиқ очиб бериш имкони мавжуд эмас.

Қолаверса, ушбу коэффициентларнинг ҳисоблаш усулидаги камчиликлари янада бу усулнинг ноаниқлик даражаси юқорилигини кўрсатиб беради. Ушбу коэффициентлар усулининг яна бир камчилик жиҳати тугалланган давр маълумотлари асосида баҳо бериб, кредитни келгуси даврга ажратилишидир.

Бунда келгуси фаолиятини таҳлил қилиш муҳим вазифиалардан бири саналади. Тижорат банклари томонидан эътибор қаратилмаётган, лекин эътибор қаратилиши муҳим яна бир жиҳат номолиявий кўрсаткичлардир. Номолиявий кўрсаткичлар корхоналарнинг келгуси фаолиятини барқарор ривожланишининг муҳим омилларидан биридир. Юқоридаги мавжуд камчиликларни ҳисобга олган ҳолда ва хоризж тажрибасини мужассамлаштириб,

“Кредитлаш амалиётини трансформациялаш модели” электрон дастурини ишлаб чиқдик. Ушбу дастур тадбиркорлик субъектнинг молиявий ва номолиявий кўрсаткичлари асосида кредитлаш шартлари ва кредитга лаёқатлилигини комплекс баҳолаш орқали кредит рискинни кескин пасайтириш ва банк даромадларини ошириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик.–Т.: Iqtisod–Moliya. 2017. 732 б.
2. Абдуллаева Ш.З. Кредитлашда скорингни қўллаш амалиёти. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнал. 2017. №1, 11 б.
3. Азизов У.У ва бошқалар. Банк иши.–Т.:Фан ва технология, 2016. 640 б.
4. Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларининг кредит тўловида лаёқатлилигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириши. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнал. 2017. №2, 6 б.
5. Ендовицкий Д. А., Бахтин К. В., Ковтун Д. В. Анализ кредитоспособности организации и группы компаний : учебное пособие.– М. : КНОРУС, 2016. 376 с.
6. Ендовицкий Д.А., Бочарова И.В. Анализ и оценка кредитоспособности заемщика. Учебно–практическое пособие. М. : КНОРУС. 2005. – 272 с.
7. Лиференко Г.Н. Финансовый анализ предприятия: Учеб.пособие.–М.: Экзамен, 2005. с. 160
8. Мавланов Н.Н. Корхона кредитга лаёқатлилигини баҳолаш ва уни комплекс таҳминлини такомиллаштириши. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнал. 2016. №3, 9 б.
9. Мавланов Н.Н. Сравнительная оценка современных концепций анализа кредитоспособности: научные подходы и практика. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнал. 2018. №1, 14 б.
10. Маматов Б.Ш., Қулмиев И.Я., Пулатова М.Б. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириши. Монография.–Т.:Extremum–press, 2016. 112 б.
11. Наумченкова Ю. В. Оценка кредитоспособности заемщика. Теория и практика современной науки. 2016. № 5. с.5
12. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлими.Ўқув қўлланма.–Т.: Иқтисод–Молия, 2015. 392 б.

БАНК РИСКЛАРИНИ ЮЗАГА КЕЛТИРИШИ МУМКИН БЎЛГАН ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАР

**Махмудова М,
Доцент, PhD.**

Бугунги кунда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банк хизматларини сифатли амалга ошириш, шу жумладан асосий банкларнинг анъанавий хизмат тури бўлган кредит операцияларининг намунали даражада бўлиши ҳар бир мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эгадир.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида банк тизимини янада мустаҳкамлаш, ликвидлик ошириш, молиявий барқарорликни яхшилаш, миллий валюта ва нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, банк хизматларини ривожлантириш, банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий тамойиллари ва механизмларини жорий этиш ҳам назарда тутилган.

Банк тизимининг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини янада ошириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун қулай шарт–шароитлар яратиш, уларнинг инвестициявий фаолигини рағбатлантириш, шунингдек умумқабул қилинган халқаро меъёр ва стандартларга мувофиқ банк фаолиятини ташкил этишни таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамкорлигида Ўзбекистон Банклар ассоциацияси республика банкларига нисбатан депозит ва кредит сиёсати соҳасига қўйилаётган меъёрий талабларни янада такомиллаштиришни бошлади.

Бугунги кунда республикаimiz иқтисодиётининг барқарор ривожланиши авваламбор, унда амалга оширилаётган ислохотлар натижалари билан чамбарчас боғлиқ. Банк тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодий соҳадаги устувор вазифаларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Республикаimiz банк фаолияти, тижорат банклари ривожланиши, уларнинг эркинлашуви жуда мураккаб муҳитда, яъни иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий рақобат муҳитида шаклланмоқда. Бугунги кунда банк фаолиятини эркинлаштириш шароитида банклараро рақобатнинг кучайиши ва унинг такомиллашуви заруриятга айланиб бормоқда.

Банк ўз фаолияти давомида молиявий операцияларни амалга оширади. Ушбу жараёнда эса банклар турли рискларга учрайди ва улардан ҳимояланишга ҳаракат қилади. Бу эса банкларда рискларни юзага келишига шарт–шароит яратувчи ҳолатларни ўрганишни ва уларни олдиндан аниқлашга қаратилган чораларни кўришни тақозо этади.

Тадқиқотларимиз асосида банк рискларини юзага келишида таъсир этувчи омилларни икки гуруҳга ажратишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- иқтисодий омиллар;
- ноиқтисодий омиллар.

Иқтисодий омиллар банк рискларини келтириб чиқариши кўплаб олим ва мутахассислар томонидан ўрганилган бўлиб, унинг айримларини олдиндан аниқлаш имкони мавжуд бўлиши мумкин.


Ноиқтисодий омилларни эса, банк ўзининг фаолиятида олдиндан прогноз қила олмаслиги ва уни баратаф этиш иқтисодий чоралар билан таъминланмаслиги мумкинлиги масаланинг долзарблигини акс эттиради.

Тадқиқотларимизни давом эттирган ҳолда банк рискларини юзага келтириши мумкин бўлган иқтисодий омилларни айримларини кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Биринчидан, тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси РЕПО операцияларида иштирок этиши. Марказий банкнинг 2020 йил 15 июлдаги маълумотларига кўра РЕПО операциялари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 15 фоизни ташкил этмоқда. Мазкур ставканинг мамлакатда мавжуд инфляцион қутилма миқдори 49 15,5 фоиздан кам бўлиши тижорат банкларининг молия бозоридан манфаатдорлигини пасайтиришга ўзининг таъсирини кўрсатади. Бошқача айтганда, тижорат банклари Марказий банкнинг облигацияларини сотиб олишлари билан ўз активлари қадрсизланиши rischi билан тўқнаш келишлари мумкин.

Натижада, давлат қимматли қоғозларини сотиб олиш учун иқтисодий чоралардан кўра, маъмурий чораларнинг таъсири кўпроқ бўлишини юзага чиқаради. Бу эса, тижорат банкларининг мамлакатдаги мавжуд макроиқтисодий ҳолатнинг таъсирини тушишларига олиб келади.

Шунингдек, инфляцион қутилмаларнинг мавсумий характерга эга бўлиши ҳам банклар фаолиятида рискларни юзага келишидаги омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Масалан, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан боғлиқ нарх қутилмаларининг пасайиши ёки аксинча қиш ойларида бунинг кўтарилиши банкларнинг активлари қийматида таъсир қилади (1–расмга қаранг).



3.1–расм. Ўзбекистонда инфляция прогнози, ўтган йилнинг мос ойига нисбатан фоизда


Бизнингча, инфляцион қутилмаларнинг молия бозоридаги фоиз ставкаларидан юқори бўлиши тижорат банклари фаолиятидаги рискларни янада кучайишига олиб келади ва бу банк активлари қийматини камайишига жиддий таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, депозит фоиз ставкалари, инфляция ва валюта курсининг ўзаро нобарқарор равишда боғланганлиги банкларда рискни бошқариш стратегияларини самарали ишлашига шарт–шароит яратмайди.

1–расмдан кўришиб турибдики, инфляция қутилмалари тижорат банкларининг депозит ставкалари билан катта фарққа эга эмас.

49 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Пул-кредит шарҳи 2020 йил 1-чорак. Электрон манба: https://cbu.uz/upload/iblock/c97/Monetary_Policy_Report_2020Q1_Uz.pdf

2020 йил биринчи ярим йилигида ўртача депозит ставкаси 18–19 фоизни ташкил этади.



2–расм. Аҳолининг муддатли депозитлари ўсиши динамикаси, ўтган йилга нисбатан фоизда

Депозит ставкалари йиллик миқдори инфляциянинг йиллик даражаси билан тенг бўлиши ёки қисман фарқ қилиши депозитнинг молиявий жозибардорлигига жиддий таъсир кўрсатади. Бу эса банклар томонидан депозитлар орқали маблағлар жалб этишни хавф остида қолдиради.

Шунингдек, валюта курсининг девальвацион жараёнлари сезиларли ўсиб бориши аҳолининг депозитга бўлган интилишини сусайтиради. Масалан, АҚШ долларининг миллий валютага нисбатан қадрини ошиб бориши аҳоли жамғармаларини депозитларда эмас, балки хорижий валюталарда сақлашга бўлган интилиши ортиб боради. Бу эса, депозитларнинг жозибардорлигини пасайтирувчи иккинчи омил сифатида акс этади.

Эътибор берсак, 2019 йилда хорижий ва миллий валютадаги депозитларнинг ўсиши биринчи ярим йилликда барқарор динамикага эга бўлганлигини кузатиш мумкин. 2019 йилнинг август ойига келиб миллий валютамининг хорижий валютага нисбатан девальвацияси сезиларли ўсанлигини кўриш мумкин. 2019 йилнинг тўртинчи чораги ва 2020 йилнинг январиди хорижий валютадаги депозитлар ўсган бўлса, миллий валютадаги депозитлар эса пасайган (3.2–расмга қаранг).

2020 йилнинг феврал ойидан бошлаб хорижий валютадаги депозитларнинг ҳам камайиш тенденцияси юзага келган. Бизнингча, ушбу тенденциянинг асосий омили – бу жаҳонда пандемик ҳолатнинг юзага келиши натижасида аҳоли даромадларининг вақтинча йўқотилиши ёки камайиш ҳолатлари билан изоҳлаш мумкин. Сабаби, аҳолининг аксарият қисми миллий валютадаги даромадлари камайиши хорижий валюталарни сотиш тенденциясини янада тезлаштирди. Натижада, хорижий валюта депозитлари камайди.

Умуман олганда, депозитларнинг ҳам хорижий ҳам миллий валютадаги ҳажмининг пасайиш тенденциялари ривожланиши банкларнинг маблағ жалб қилиши борасидаги амалиётларини камайишига олиб келмоқда. Бу эса, банкларнинг пасив операцияларини хавф остида бўлишига таъсир кўрсатмоқда.

Фикримизча, мамлакат тўлов балансининг жорий операциялар қисмидаги нобарқарорлик девальвацион жараёнларга ўзининг таъсирини ўтказмоқда. Шу билан бирга, инфляциян кутилмаларнинг юқори даражада сақланиб қолаётганлиги ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Бу эса ўз навбатида, тижорат банкларининг пасив операциялар ёки депозитлар жалб этишдаги жозибадорлигини барқарорлаштиришга салбий таъсир этувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда.

БАНКЛАРИДА МИЖОЗЛАРНИНГ (КОРХОНАЛАРНИНГ) КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

***Бауетдинов М.Ж,
ТДИУ, PhD.***

Мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш мураккаб жараён бўлиб банк ходимлари томонидан йирик аналитик ишни амалга оширишни талаб қилади. Кредитни бериш жараёнида ва берилган кредитни назорат қилиш жараёнида корхонанинг бухгалтерия ҳисоботини доимий асосда таҳлил қилиб бориш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун банклар бутун кредитлаш даври мобайнида бухгалтерия ҳисобини доимий асосида тақдим этишни миждозлардан талаб қилишлари зарур. Афсуски, республикамиз банк амалиётида кредит берилгандан сўнг миждозларнинг бухгалтерия балансидаги ўзгаришларни доимий равишда таҳлил қилмаслик ҳоллари мавжуддир. Корхона фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан бири – бу унинг кредит юзасидан тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтара олиш қобилиятидир.

Республикамиз банк амалиётида кредитларни муддатида қайтмаслигининг асосий сабабларидан бири банклардаги миждозларнинг тўловга қобилигини таҳлил қилиш тизимини ривожланмаганлигидир. Кредитга лаёқатлиликни аниқлаш кредитлаш жараёнининг асосий томони ҳисобланади. Миждозларнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашда турли хил кўрсаткичлардан фойдаланилади. Кўрсаткичлар сони чегараланмаган, яъни қарз олувчининг фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, хар бир тижорат банки уни ўзи мустақил аниқлайди.

Тижорат банкларининг кредит сиёсати кредит менежментини самарали олиб боришнинг асоси ҳисобланади. Бу сиёсат банк ходимларининг кредит бериш, банкнинг кредит портфелини бошқариш билан боғлиқ, объектив стандартларини ва мезонларини аниқлаб беради. Кредит сиёсатини тўғри тузиш ва олиб бориш, барча бўлимлар томонидан бу сиёсат мақсадининг аниқ тушинилиши банк бошқарувига кредит стандартларини тўғри олиб боришига, юқори рисклардан қочишга, банк имкониятларини тўғри аниқлашга асос ҳисобланади.

Кредит сиёсатининг зарурлиги шундаки, банк катта ёки кичиклигидан, унда кам ёки кўп ходим ишлашидан қатъий назар, банкда бу сиёсат бўлиши лозим. Чунки бу сиёсат кредит бўйича унифицирлашган умумий қоида ва

тамойилларнинг бажарилишини, операциялар бажарилишининг кетма-кетлигини таъминлайди.

Корхонанинг кредитга лаёқатлиликнинг қўшимча кўрсаткичлари асосан мижозларнинг айланма активлари ҳолатини янада чуқурроқ таҳлил қилишни кўзда тутлади. Маълумки, қисқа муддатли кредитлар хўжалик субъектларининг айланма активларига бериледи. Шунинг учун мижозларнинг кредитни ўз вақтида банкка қайтара олиш қобилияти ҳам унинг айланма активларидан фойдаланишидаги самарадорлик даражасига қараб белгиланади. Хўжалик субъектлари айланма активлардан қанчалик самарали фойдаланаётган бўлса ва айланма активларнинг айланиш тезлиги қанчалик юқори бўлса, кредитдан фойдаланиш самараси ва уни ўз вақтида банкка тўлаш имконияти ҳам шунчалик юқори бўлиши мумкин. Шу боис биз қисқача бўлсада кредитга лаёқатлиликнинг қўшимча кўрсаткичларни келтириб ўтмоқчимиз. Бу кўрсаткичлардан бири бу айланма активларнинг айланиш коэффиценти ҳисобланади.

Агарда таҳлил бўйича мижозларнинг молиявий ҳолатида қоплаш коэффиценти 0,5дан ($kk < 0,5$) кичик бўлса, ликвид маблағлари жуда кам бўлса ёки умуман мавжуд бўлмаса ва унинг ўз маблағлари миқдори ҳам кам бўлса, у ноликвид балансга эга бўлган, молиявий ҳолати ночор корхона деб қаралади ва уни 4–синфга киритиш мумкин ва бундай корхонларга одатда умуман кредит ажратилмайди. Мижозларнинг кредитга лаёқатлигини баҳолашнинг муҳим бир хусусияти шундаки, юқорида кўрсатилган кўрсаткичлар корхонанинг кредитга лаёқатлигини баҳолашнинг якуний кўрсаткичлари ҳисобланмайди. Мижозлар фаолияти ва уларнинг молиявий аҳволини янада чуқурроқ кўриб чиқишда, ҳамда кредитга лаёқатлигининг асосий кўрсаткичлари бўйича мижоз турли хил синфларга тааллуқли бўлиб чиқса, у ҳолда молиявий аҳволи ҳақида тўғри хулосага келиш учун кредитга лаёқатлилик даражасини баҳолашнинг қўшимча кўрсаткичларини таҳлил қилиш лозим бўлади. Юқорида таъкидлаганимиздек, мижозларнинг молиявий ҳолатини баҳолашда аниқ бир хулосага келиш учун кредитга лаёқатлиликнинг асосий кўрсаткичларига қўшимча сифатида кредитга лаёқатлиликнинг қўшимча кўрсаткичлари таҳлил қилинади. Корхонанинг кредитга лаёқатлиликнинг қўшимча кўрсаткичлари асосан мижозларнинг айланма активлари ҳолатини янада чуқурроқ таҳлил қилишни кўзда тутлади. Маълумки, қисқа муддатли кредитлар хўжалик субъектларининг айланма активларига бериледи. Шунинг учун мижозларнинг кредитни ўз вақтида банкка қайтара олиш қобилияти ҳам унинг айланма активларидан фойдаланишидаги самарадорлик даражасига қараб белгиланади. Хўжалик субъектлари айланма активлардан қанчалик самарали фойдаланаётган бўлса ва айланма активларнинг айланиш тезлиги қанчалик юқори бўлса, кредитдан фойдаланиш самараси ва уни

ўз вақтида банкка тўлаш имконияти ҳам шунчалик юқори бўлиши мумкин. Биз айланма маблағларнинг самарадорлик кўрсаткичлари тўғрисида олдинги параграфларимизда кенгроқ тўхталган эдик. Шу боис биз қисқача бўлсада кредитга лаёқатлиликнинг қўшимча кўрсаткичларни келтириб ўтмоқчимиз. Бу кўрсаткичлардан бири бу айланма активларнинг айланиш коэффициенти ҳисобланади.

Халқаро амалиётда энг кўп қўлланиладиган моделлар сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин: Альтман (беш факторли), Бивер, Лиса, Таффлер, Савицкий, Кадырова, Жданова ва бошқалар. Бу моделлар қарзни қайтара олмаслик даражасига қараб кредитга лаёқатлилик синфига ажратади. Амалиётда корхоналарнинг тўловга қобилигини баҳолашда нисбатан кўп қўлланиладиган модель бўлиб, Альтман модели ҳисобланади.

Э.Альтман модели қўйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Z(A)=1,2 * K1+1,4 * K2+3,3 * K3+0,6 * K4+ K5$$

Бу ерда:

Z – корхоналарнинг кредитга лаёқатлилик даражаси комплекс кўрсаткичи;

K1 – Ўз айланма маблағлари((480+490–130) сатр 1–шакл)/баланс суммаси (400 сатр 1–шакл);

K2 – соф фойда (270 сатр 2–шакл) / баланс суммаси (400 сатр 1–шакл);

K3 – даромад (фойда) солигини тўлагунга қадар фойда (240 сатр 2–шакл) +фоизлар шаклидаги харажатлар (180 сатр 2–шакл) / баланс суммаси (400 сатр 1–шакл);

K4 – акцияларнинг бозор қиймати / мажбуриятлар (770 сатр 2–шакл);

K5 – маҳсулотларни сотишдан соф тушум (010 сатр 2–шакл)/баланс Суммаси (400 сатр 1–шакл).

Банкротлик rischi даражаси билан кредитга лаёқатлилик кўрсаткичлари ҳисоб китоби мос келиши кўрсатилади.

Хулоса қилиб айтганда, ривожланган хорижий давлатларнинг банк амалиётида мижозларнинг кредитга лаёқатлигини баҳолашда асосан молиявий кўрсаткичлар усулидан ва мижозларнинг пул оқимини баҳолаш усулидан кенг фойдаланилади, ҳамда ушбу усуллар Мижозларнинг кредитга лаёқатлиги тўғрисида аниқ ва ишончли хулосаларни шакллантириш имконини беради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Умарова М.Б.,
ТДИУ, PhD,
катта илмий ходим.**

Мамакатимиз иқтисодийтини модернизациялашда банк тизими асосий инвестиция манбаларидан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини кучайтириш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда тижорат банклари иштирокини янада кенгайтириш, рискларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш, тижорат банкларининг кредит портфели муттасил ошириш ва сифати яхшиланишини таъминлашга қаратилган чора–тадбирларни амалга оширилиши талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ–5992–сонли “2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида” ги Фармони мамакатимиз банк тизимида давлат улушини босқичма–босқич камайитириш, молия бозорида тенг рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайитириш, банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, банкларнинг самарали инфратузиамасини яратиш ва фаолиятини автоматлаштириш, шунингдек, банклар фаолиятига хос бўлмаган функцияларни босқичма–босқич бекор қилиш орқали банк тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида қабул қилинди.

Банк тизимидаги мавжуд ислохотлар натижасида кескин ва самарали ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бироқ ҳали хануз тижорат банклар орасида инновацион янгиларни кенг қамровли жалб қилиб улгурмаган банкларимиз мавжуддир. Шиддатли иқтисодий ўзгаришлар даврида ҳар соҳада бўлганидек банк тизимида ҳам янгича ёндашувлар мижозлар талабига айланмоқда.

Банк хизматлари самарадорлигини оширишда асосий эътибор замонавий технологиялар ёрдамида банк хизмати турларини ривожлантириш ҳисобланади. Бутунги куннинг талаби ҳам банкларга рақамли банкнинг жорий этиш, масофавий банк хизмат турларини кенгайтириш, шунингдек, банк инфратузиамасини ривожлантиришда инновацион технологияларни қўллаган ҳолда банк хизматини йўлга қўйишга қаратилган.

Ҳозирда тижорат банклари ўз мижозларига хизмат кўрсатишни яхшилаш, юқори технологияларга ихтисослашган хизмат турларини яратиш ва бир вақтнинг ўзида хизматлар таннархини камайитириш учун янги имкониятларни қидирмоқда. Бунда банклар турли стратегияларни ишлаб чиқиб амалга оширмоқда. Банкларнинг айримлари офис хизмат кўрсатиш тармоқ соҳаларини, шу жумладан, анъанавий операциялар орқали масофадан хизмат кўрсатиш бўйича янги технологияларни жорий этиш ҳисобига кенгайтиришга эътибор берса,

бошқалари эса ушбу хизмат кўрсатиш турининг онлайн–шаклини қўллашни афзал деб билишмоқда.

Банк ва мижоз ўртасида ўзаро алоқа қилишнинг бир нечта турлари мавжуд: анъанавий канал, муьлтиканаллилик, омниканаллилик. Анъанавий канал битта каналнинг, масалан фақат офиснинг мавжудлигини назарда тутлади.

Мижоз ўзи учун қулай бўлган канални танлаб олади ва шу канал орқали хизматлардан фойдаланади. Омниканаллилик шунчаки турли каналлар билан бир вақтнинг ўзида ишлашни ўзида намоеън этмайди, унда мижоз ва банк ўртасида бир–бири билан самарали ва ишончли боғланган турли хил каналлар орқали ўзаро алоқа қилинади. Омниканаллиликда барча хизмат каналлари фойдаланувчининг атрафида бўлишни англатади. Бу колл–марказнинг оператори фойдаланувчининг барча ҳаракатлари, унинг аризалари, муурожаатлари, ҳал этилган ёки ҳал этилмаган муаммолари тўғрисида тўлиқ ахборотларга эга бўлиши мумкин⁵⁰

Технологияларнинг ривожланиш жараёнида инсон учун қўплад янги мулоқот қилиш каналлари яратилган. Компания мижозлар кўшимча алоқа қилиш усулларидан фойдаланганда уларнинг қониққанлик даражаси ўсишни кўрсатиб берадиган статистик маълумотларни ҳисобга олади. Ушбу каналлар татбиқ этилгандан кейин, улар кўпинча бир–бирига мувофиқ келмайди. Бу шунинг англатадики, агар колл–марказ ходими вужудга келган муаммони электрон почта, чат, SMS ёки бошқа каналлар ёрдамида ҳал қилиб бера олса, унда хизматдан қониқиш даражаси кузатилади. Агарда мижоз бир канал орқали мулоқот қилиб бошласа, сўнгра бошқа канал орқали мулоқот қилишга ўтса ва ўз муаммосини тақроран тушунтириб беришига тўғри келса, ушбу ҳолат норозиликка олиб келиши эҳтимоли кўпроқ.

Банк маҳсулот ва хизматларни SMS–хабарлари, push–сервислар, овозли қўнғироқлар, колл–марказлар, ижтимоий тармоқлар, видеобанкоматлар ва бошқа узатиш каналлари орқали узатиш каналларининг сонини кенгайтириш янги банк ёки хизмат маҳсулотларини узатиш учун харажатларни камайитириш, зарур мижозларни жалб қилиш ҳамда бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаш имкониятини беради.

Омниканаллилик – бу, банк ўз маҳсулотларини турли каналларда намойиш этиш имконига эга бўлиб, мижозлар ушбу каналлар орқали маҳсулотлардан фойдаланиш имкониятига эга эканлигини кўрсатиб беради⁵¹. Омниканалли модель орқали ўзаро алоқа қилиш каналлари ҳаммага маълум: жисмоний офис, банкомат, мобиль иловалар, банкнинг интернет сайти, колл–марказлар. Ҳозирги кунда биз барча каналлардан фойдаланадиган банкларни кўраимиз, аммо шундай банклар ҳам борки, улар фақат бир–иккита канал (интернет ва мобиль иловалар)дан фойдаланмоқда⁵².

50 Панюкова, В.В. (2015). Реализация стратегии омникального маркетинга торговыми организациями. Торгово-экономический журнал, 2(4), 317–328. doi: 10.18334/tezh.2.4.2052.

51 CRM в банковской рознице и корпоративе. Омниканальный фронт-офис и управление корпоративными продажами банковских продуктов. <https://www.terrasoft.ru/event-crm-june/presentation>.

52 Цифровые платформы и экосистемы финансовой инклюзивности. Российский опыт // Отчет Московской школы управления Сколково. Режим доступа: SKOLKOVO_IEMS_Research_2015–11–11_ru.

Ўзбекистон банк тизимига омниканалли банкингни жорий этишни ягона маълумотномалар (MDM) билан биргаликда амалга ошириш лозим. Бироқ техник жиҳатдан бу алоҳида MDM–тизими ва аниқ кўрсатилган қоидалар бўйича тизимлаштирилган ва ўз навбатида, учинчи тизимда амалга оширилиши мумкин бўлган кенг ёйилган маълумотномалар тўплами бўлиши мумкин. Ҳар бир аниқ ҳолатда банкда мавжуд бўлган амалий ландшафт, маҳсулотлар қатори ҳамда нафақат омниканаллигидан, балки мажбурий ҳисобот бериш талабларидан келиб чиққан ҳолда автоматлаштиришга бўлган эҳтиёжлар ҳисобга олиниши лозим. Яъни дастлаб, ИТ–стратегияси мавжуд бўлиши лозим, у банкинг бизнес–стратегиясидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш учун тизимнинг мавжудлиги, жорий этишни назарда тутди. Тижорат банкларимиз томонидан омниканал банкингни жорий этишда банк иловаларини тўғри интеграция қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бунда мижозлар тўғрисида маълумотлар сақланадиган тизим (масалан, MDM–тизим, ёки CIF ёки CRM) зарурат бўлади. Барча каналларда ушбу маълумотлардан фойдаланиш имконияти бўлиши лозим.

Омниканалли банкингнинг стратегиясини банкларга қўллашнинг афзал томонлари шундаки, жисмоний ва юридик шахсларга молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини интеграциялашган ва инновацияларга ёндашган ҳолда амалга ошириш имконияти яратилади.

Омниканалли банкингни жорий этишнинг афзал томонлари:

- офис ва филиалларни таъмирлашга кетадиган харажатларнинг қисқариши, рақамли платформалар ёки интернет орқали хизмат кўрсатилиши;
- хужжатлаштириш жараёнига кетадиган вақтнинг қисқариши, яъни ҳамма хужжатлар онлайн тарзда юритилади;
- банк операцияларини қулай вақтда ва ўзи истаган жойда амалга ошириш имкониятига эгаллиги;
- ҳисоб рақамларини назорат қилиш ва бошқариш имкониятини мавжудлиги;
- банк ходимларининг тавсияларини хоҳлаган жойда ва исталган вақтда олиш имкониятининг мавжудлиги.

Шунингдек, ушбу тизим мижоз ҳисобрақами, у фойдаланадиган барча хизматлар, ҳисоб рақамлари қолдиқлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириб боради. Мижоз уй ёки офисдан видеоалоқа, колл маркази билан алоқа қилган ҳолда ўзи учун керакли маълумотларни олади, кредитни расмийлаштириш, ҳисоб рақамини очиш, депозитга пул қўйиш каби хизматларни амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Юқоридаги таҳдиллардан шунини кўриш мумкинки, мамлакатимизда банк инфратузилмасини ривожлантириш, “рақамли банк”ни ташкил этишда биринчидан, норматив–ҳуқуқий хужжатларни қабул қилиш, иккинчидан, “digital” тизими остида ишловчи қурилмалар билан таъминлаш лозим.

Ўз навбатида, банк инфратузилмасини ривожлантириш банк хизматлари қўламини кенгайтириш, такомиллаштириш орқали мижозлар сонини ошириш билан боғлиқ самарали механизм кетма–кетлигини таъминловчи омил ҳисобланади.

БАНКЛАР КОРРЕСПОНДЕНТ БАНКЛАРГА ЛИМИТ ЎРНАТИШ ОРҚАЛИ КОНТРАГЕНТ РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШ

Тошпулатов Д. А.,
“Ўзсаноатқуришбанк” АТБ, Ph.D.

Банк контрагент рискинни контрагент томонидан Банк олдидаги ҳар қандай мажбуриятларни бажармаслик натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарар ёки корреспондент банк билан молиявий муносабатларни давом эттира олмаслик ёки хоҳамаслик деб таърифлаш мумкин.

Контрагент – бу Банк билан молиявий алоқада бўлган ёки бўлиши мумкин бўлган, Ўзбекистонда ёки чет элда рўйхатдан ўтган молиявий институтлар.

Контрагентлар билан муомала қилишда Банк қуйидаги миллий ва хорижий валютадаги операциялардан контрагентлар хавфига дуч келиши мумкин:

–газначилик операциялари, яъни Ностро ҳисобварақларига жойлаштириш, валюта, банклараро кредит, репо операциялари, қимматли қоғозларга инвестициялар ва контрагент молия институтлари томонидан қарз олиш;

–банк операциялари, яъни контрагентлар томонидан берилган кафолатларни қабул қилиш, кўрсатилган банклар фойдасига аккредитивларни очиш ёки халқаро ва ички савдо, пул ўтказмалари ва бошқа шартномалар бўйича тегишли банкларга пул ўтказмалари.

Корреспондент–банк молиявий ҳолагининг умумий таҳлили ва лимит ҳисоб– китоби корреспондент–банкнинг ҳажми, балансининг молиявий коэффициентлар воситасидаги ҳамда рейтинг агентликларининг рейтинг маълумотлари бўйича таҳлиллар натижаларига кўра амалга оширилади.

Корреспондент–банкнинг ҳажми балансининг бруто–валюта баланси бўйича статистик таҳлили воситасида аниқланган жами активлари ҳажми бўйича баҳоланади. Банклар қуйидаги 6 та шартли гуруҳларга тақсимланиб таҳлил қилинади:

| Гуруҳ* | Активлар ҳажми | Балл |
|------------------|--------------------------------------|----------|
| I гуруҳ | Глобал тизимли аҳамиятга эга банклар | 8 – 10 |
| II гуруҳ | 500 млрд. АКШ долларидан ортиқ | 6 – 7,99 |
| III гуруҳ | 100 дан 500 млрд. АКШ долларигача | 4 – 5,99 |
| IV гуруҳ | 2 дан 99 млрд. АКШ долларигача | 2 – 3,99 |
| V гуруҳ | 1 млрд. АКШ долларигача | 0–1,99 |

Гуруҳ –глобал тизимли аҳамиятга эга (Global systematically important banks – G–SIBs) банклар “Банк назорати бўйича Базель кўмитаси” томонидан, кўмитанинг ўзи тасдиқлаган методика бўйича аниқланади. Глобал тизимли аҳамиятга эга банклар рўйхати мазкур кўмита томонидан банк хизматларининг халқаро бозоридаги ўзгаришлардан келиб чиқиб ҳар йили қайта кўриб чиқилади.

Корреспондент–банкнинг молиявий ҳужжатлари (ҳисоботлари) таҳлили жараёнида ушбу банк фаолияти самарадорлигининг аҳамиятли қонуниятларини

кўрсатувчи коэффициентлар ҳисобланади. Бу коэффициентлар қуйидаги 4 та кичик гуруҳларга бўлинади:

Корреспондент–банк капиталининг етарлилик даражасини кўрсатувчи коэффициент.

Жами капиталнинг етарлилик даражаси коэффициенти (CA)–банк жами капиталининг риска тортилган жами активларига нисбати:

$$CA = E / Ar$$

бунда,

CA – жами капиталнинг етарлилик даражаси коэффициенти;

E – Банкнинг жами капитали миқдори;

Ar – Банкнинг риска тортилган жами активлари миқдори.

Коэффициентнинг 0,1 дан кам бўлган кўрсаткичи етарли эмас деб ҳисобланади ва банкнинг хагарли молиявий сиёсатидан дарак беради. 0,1 дан 0,16 гача бўлган кўрсаткич банкнинг самарали молиявий сиёсатини ифодалайди. Ушбу коэффициент кўрсаткичи банкларнинг молиявий ҳолатини баҳолашдаги ўрнининг муҳимлигини инобатга олиб, қуйида келтирилган интервал бўйича 5 балли шкалада баҳоланади:

| Коэффициент кўрсаткичининг чегаралари | Берилиши мумкин бўлган баллар |
|---------------------------------------|-------------------------------|
| $0.13 < CA < 0.16$ | 3,75 – 5,0 балл |
| $0.12 < CA < 0.13$ | 2,5 – 3,74 балл |
| $0.16 < CA < 0.18$ | 2,5 – 3,74 балл |
| $0.10 < CA < 0.12$ | 1,25 – 2,49 балл |
| $CA > 0.18$ | 0 – 1,24 балл |
| $0 < CA < 0.10$ | 0 балл |

Банк операциялари рентабеллиги коэффициентлари

Банк операцияларининг рентабеллик даражаси иккита коэффициент, капиталнинг рентабеллиги коэффициенти ва активлар рентабеллиги коэффициенти кўрсаткичлари воситасида аниқланади. Ҳар бир коэффициент кўрсаткичи 1 балли шкалада баҳоланади. Кичик гуруҳ учун бериладиган энг юқори балл кўрсаткичи 2 балл.

Капиталнинг рентабеллиги коэффициенти (ROE) – ҳисобот даври сўнггидаги соф фойда (солиқлардан кейинги) миқдорининг жами капитал миқдорига нисбати:

$$ROE = (NI/E) * (360/t)$$

бунда,

NI – соф фойда миқдори;

E – банк жами капитали миқдори;

t – йил бошидан қуналар ҳисобидаги ҳисобот даври.

| Коэффициент кўрсаткичининг чегаралари % | Берилиши мумкин бўлган баллар |
|---|-------------------------------|
| $ROE > 11$ | 0,9 – 1,0 балл |
| $9 < ROE < 11$ | 0,7 – 0,89 балл |

| | |
|----------|-----------------|
| 7<ROE <9 | 0,5 – 0,69 балл |
| 5<ROE <7 | 0,3 – 0,49 балл |
| 1<ROE <5 | 0– 0,29 балл |
| 0<ROE <1 | 0 балл |

Активлар рентабеллиги коэффициента (ROA) – ҳисобот даври сўнгидаги фойда (солиқлардан кейинги) миқдорининг жами активлар миқдорига нисбати:

$$ROA = (NI/A) * (360/t)$$

бунда,

NI – соф фойда миқдори;

A – жами активлар миқдори;

t – йил бошидан кунлар ҳисобидаги ҳисобот даври;

| Коэффициент кўрсаткичининг чегаралари % | Берилиши мумкин бўлган баллар |
|---|-------------------------------|
| 0.70<ROA <1 | 0,9 – 1,0 балл |
| 0.50<ROA <0.70 | 0,7 – 0,89 балл |
| 0.30<ROA <0.50 | 0,5 – 0,69 балл |
| QAQ<ROA <0.30 | 0,3 – 0,49 балл |
| 0<ROA <0.10 | 0– 0,29 балл |
| ROA >1 | 1 балл |

Ликвидлик коэффициенти

Банкнинг ликвидлиги даражаси жорий ликвидлик коэффициенти кўрсаткичи билан баҳоланади. Юқори ликвидли активлар кассадаги нақд пуллар, вакилик ҳисоб рақамлари қолдиқлари ҳамда юқори ликвидли қимматли қоғозлар ва қимматбаҳо металллар қийматларидан иборат бўлади.

Мазкур кичик гуруҳ учун энг юқори балл кўрсаткичи 2 балл этиб белгиланади.

Жорий ликвидлик коэффициенти (LR_m) – юқори ликвидли активларнинг талаб қилиб олгунгача мажбуриятлар миқдорига нисбати:

$$LR_m = LA / L_c$$

бунда, LR_m – жорий ликвидлик коэффициенти;

LA – юқори ликвидли активлар;

L_c – талаб қилиб олгунгача мажбуриятлар.

| Коэффициент кўрсаткичининг чегаралари | Берилиши мумкин бўлган баллар интервали |
|---------------------------------------|---|
| LR _m > 0,35 | 1,7 – 2,0 балл |
| 0.30 < LR _m < 0,35 | 1,3 – 1,69 балл |
| 0.25 < LR _m < 0,30 | 0,9 – 1,29 балл |
| 0.20 < LR _m < 0,25 | 0,5 – 0,89 балл |
| 0,15 < 1/? _м < 0,20 | 0 – 0,49 балл |
| 0 < LR _m < 0,15 | 0 балл |

Активлар сифатини баҳоловчи коэффицентлар

Корреспондент–банк активларининг сифати эҳтимолий йўқотишлар бўйича яратилган захиралар ва кредитлар сифати коэффицентлари кўрсаткичлари билан баҳоланади. Мазкур коэффицентлар гуруҳи 1 балли шкалада баҳоланади.

Эҳтимолий йўқотишлар учун яратилган захиралар коэффиценти (QL_r) – кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун яратилган захира миқдорини берилган кредитлар умумий қолдигига нисбатининг 1 дан айрилган қиймати:

$$QL_r = 1 - R/L$$

бунда,

QL_r – эҳтимолий йўқотишлар учун яратилган захиралар коэффиценти;

R – кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун яратилган захира;

L – берилган кредитлар умумий қолдиги.

| Коэффициент кўрсаткичининг чегаралари | Берилиши мумкин бўлган баллар интервали |
|---------------------------------------|---|
| $0.85 < QL_r < 1.0$ | 0,50 балл |
| $0.50 < QL_r < 0.85$ | 0,3 – 0,49 балл |
| $0.25 < QL_r < 0.50$ | 0 – 0,29 балл |
| $0,25 < QL_r$ | 0 балл |

Кредитлар сифати коэффиценти (QL) – муддати ўтган кредит қарздорлиги миқдорини берилган кредитлар умумий қолдигига нисбатининг 1 дан айрилган қиймати:

$$QL = 1 - BL/L$$

бунда,

QL – кредитлар сифати коэффиценти;

BL – муддати ўтган кредит қарздорлиги миқдори;

| Коэффициент кўрсаткичининг чегаралари | Берилиши мумкин бўлган баллар интервали |
|---------------------------------------|---|
| $0.95 < QL < 1.0$ | 0,5 балл |
| $0.9 < QL < 0.95$ | 0,3 – 0,49 балл |
| $0,85 < QL < 0.90$ | 0 – 0,29 балл |
| $0 < QL < 0.85$ | 0 балл |

L – берилган кредитлар умумий қолдиги

Корреспондент–банкнинг рейтинг таҳлили Standard and Poor's, Moody's ва Fitch Ratings каби халқаро рейтинг агентликлари маълумотлари асосида амалга оширилади. Бунда корреспондент–банкнинг ишонччилик даражаси бўйича гуруҳларга бўлинган инвестицион даражадаги кредит рейтинглар баҳолаш учун қабул қилинади. Таҳлил натижасига бериладиган энг юқори балл 10 баллни

ташкил қилади. Инвестицион даражадан паст рейтингга эга бўлган ёки юқорида кўрсатилган рейтинг агентликларининг рейтингига эга бўлмаган банклар 0 балл билан баҳоланади

| Moody's | | Standard & Poor's | | Fitch Ratings | | Гуруҳ | Балл | | |
|--|----------------|-------------------|----------------|---------------|----------------|---------|-------|--------|-------|
| Узоқ муддатли | Кисқа муддатли | Узоқ муддатли | Кисқа муддатли | Узоқ муддатли | Кисқа муддатли | | | | |
| Aaa | P-1 | AAA | A-1 + | AAA | F1 + | I Гуруҳ | 9-10 | | |
| Aa1 | | AA+ | | AA+ | | II | 6 - | | |
| Aa2 | | AA | | AA | | Гуруҳ | 8,99 | | |
| Aa3 | | AA- | | AA- | | | | | |
| A1 | | A+ | | A-1 | | A+ | F1 | III | 2,5 - |
| A2 | | A | | A | | A | | Гуруҳ | 6,99 |
| A3 | P-2 | A- | A-2 | A- | F2 | | | | |
| Baa1 | | BBB+ | | BBB+ | | | IV | 0,01 - | |
| Baa2 | | BBB | | BBB | | F3 | Гуруҳ | 2,49 | |
| Baa3 | P-3 | BBB- | A-3 | BBB- | F3 | | | | |
| | | BBB- | | BBB- | | | | | |
| Инвестицион даражадан паст рейтингга эга бўлган ёки рейтингга эга бўлмаган банклар | | | | | | V | 0 | | |

Таҳлил натижаларига кўра ҳар бир кўрсаткичлар гуруҳи 10 балли шкалада баҳоланади. Корреспондент-банк молиявий ҳолатининг умумий баҳоси ҳар бир кўрсаткичлар гуруҳи баллари йигиндисидан ташкил топади, яъни умумий таҳлилнинг энг юқори баҳоси 30 баллдан иборат бўлади. Бунда корреспондент-банклар молиявий ҳолатининг умумий баҳосидан келиб чиқиб, банкнинг хорижий валютадаги активлари (ХВА) миқдорига фоизли нисбатда лимитлар чегаралари белгиланган куйидаги гуруҳларга бўлинади:

| Категория | Ишонччилик даражаси | Балл | Лимит чегараси |
|---------------|---------------------------------------|-----------|----------------|
| I Категория | Кредит лаёқати шубҳа уйғотмайдиган | 20-30 | 8-10%, |
| II Категория | Юқори кредит лаёқатига эга банклар | 15- 19,99 | 2,6 - 7,9%, |
| III Категория | Ўртача кредит лаёқатига эга банклар | 10-14,99 | 1,6-2,5%, |
| IV Категория | Қоникари кредит лаёқатига эга банклар | 9,99 гача | 0 - 1,5%, |

Лимитни ўрнатишда жаҳон молиявий-иқтисодий фаолияти субъектларининг аксарияти томонидан тан олинган Standard and Poor's (S&P), Moody's ва Fitch Ratings каби халқаро рейтинг агентликларининг рейтинг маълумотларидан фойдаланилади.

Банк томонидан мониторинг ўтказиш мақсадида банклараро бозордан келиб тушаётган корреспондент-банклар тўғрисидаги маълумотларни ўрганиб таҳлил қилиб борилади ва тегишли хулосалар қилинади.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ КОРПОРАТИВ ТУЗИМАЛАРИДА КАПИТАЛ БОЗОРИНИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ.

*Халиков У. Р,
ТДИУ, декан.*

Хозирги бозор муносабатлари шароитида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш молия–банк тизими, шу жумладан капитал бозори имкониятларидан тўлиқ фойдаланишни ҳамда молия тизими сифат жиҳатдан юқори босқичга чиқиб бормоқда.

Мамлакат молия бозорида компанияларнинг тараққий этиш хусусиятини капитал бозорининг имкониятлари янада ривожланиш даражасига туртки бўлмоқда. Унинг асосини мамлакат молиявий пул оқимларини салоҳиятида хусусий корхоналарнинг бир – бири билан ўзаро муносабатларига хизмат кўрсатиш ўз аксини топмоқда. Хусусан, кейинги тараққиёт босқичида маҳсулотлар капитал бозорида рақобатбардошликни оширишнинг мустаҳкам усули сифатида молия институтларини имкониятларидан фойдаланиш такомиллашиб бормоқда.

Бугунги кунда иқтисодиётимизни юксалтириш, замонавий техника ва юқори инновацион технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни ташкил қилиш ва реконструкция қилиш учун инвестицияларни жалб қилиш жуда муҳим аҳамият касб этади. [6]

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам молия бозорлари, жумладан, фонд бозорини ривожлантириш янги иқтисодий шароитда асосий мақсадларимиздан бири эканлиги қайд этилган.

Маълумки, халқаро иқтисодиётда асосий ўринни эгалловчи давлатлар тажрибасида, молия бозорида иқтисодиётни изчил ривожлантириш ва таркибий жиҳатдан ўзгартиришларнинг барчаси капитал бозорининг ривожланиши билан боғлиқ. [4]

Бу борадаги ислохотларнинг дастлабки босқичи сифатида жаҳон давлатлари тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.01.2019 йилдаги 5630–сонли Фармони билан мустақил давлат органи – Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги тузилиб, унинг асосий вазифалари этиб қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, тартибга солиш ва корпоратив бошқарув соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш белгиланган.

Республикаимиз муҳим соҳаларидан бири ҳисобланган капитал бозори, мамлакатимиздаги молия институтларининг ривожланишида валюта маблағларини ишлаб топшига имкон ярагади. Капитал бозори ўз номи билан капитализм тарафдори, бу хусусий мулк.

Инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун тўла қафолат берилиши лозим. Шунингдек, капитал бозорининг ишлаши бозордаги талаб ва таклиф билан чамбарчас боғлиқ. [5] Капитал бозори бўйича кўплаб илмий ишлар қилинган, китоблар ёзилган ва таърифлар берилган. Тадқиқот давомида фонд бозори инфратузилмасига дунё олимларининг турли хил ёндашувлари ўрганилди ва гуруҳланди.

I–жадвал

Фонд бозори инфратузилмасига бўлган илмий ёндашувлар

| Т/Р | Тадқиқотчилар | Таърифлар |
|-----|--|---|
| 1. | АҚШ халқаро ҳисоб-китоблар банки. | Фонд бозори инфратузилмаси молиявий муассасалар ва унинг миждозлари ўртасидаги муносабатлардир |
| 2. | АҚШ газначилик департаменти | Ҳисоб тизими ёки клирингни юритишдаги оператордан тортиб барча хизмат кўрсатувчи молиявий муассасаларнинг кўп қиррали тизимидир |
| 3. | Миркин Я.М. (Россия) | “...юксак даражада яхлит ва тугалланган технологик цикллардан иборат мураккаб ташкилий–иқтисодий циклдир”. |
| 4. | В.Галанова А.Басов (Россия) | “...фонд бозорига хизмат кўрсатадиган ва унинг барча қатнашчиларига хизмат кўрсатишга ихтисослашган ташкилотлар жамланмасидир” деб атаган. |
| 5. | Ю.Сизов (Россия) | “... бозор ишлашини таъминловчи жами тизимлар мажмуаси” сифатида қараган. |
| 6. | Adjaouté,K.andJ.–P. Danthine (Франция) | “...инвесторларнинг манфаатларини инқироздан ҳимоя қилиш бўйича глобал восита” деб таъриф берган. |
| 7. | Мацкайлова Е. В. (Россия) | “... қимматли қоғозлар инфратузилмаси деганда бозорда битимларни тузиш ва бажариш учун фойдаланиладиган, турли техник воситалар, институтлар (ташкилотлар), норма ва қоидаларда моддийлашган технологиялар тушунилади”. |
| 8. | Бутиков Игорь Леонидович (Ўзбекистон) | ...фонд бозори инфратузилмасига савдо ташкилотчилари ва иккинчи даражали депозитар тизими қиради. |

Фикримизча, “фонд бозори инфратузилмаси – фонд бозорининг самарали фаолият юритиши ва мавжуд бўлиш шарти ҳисобланган, фонд бозори қонун қоидаларига асосан фаолият юритадиган, алоҳида ҳамда мустақил бўлган тизим ва тузилмалар мажмуаси” сифатида талқин этилади. Шу нуқтаи назардан, фонд бозори инфратузилмасини инвестицион фаолиятга боғлиқ бўлиб, шу орқали иқтисодий барқарор ривожланиши, аҳоли турмуш даражасини оширишдаги ўрни муҳим эканлигини инобатга олиб, фонд бозори инфратузилмасини такомиллаштириш лозим деб ҳисоблайди.

Давлатмиз молиявий кўрсаткичларини ривожланишида бугунги кунга келиб мамлакатлар иқтисодий тараққиётида корпоратив тузилмалар фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боисдан акциядорлик жамиятлари фаолият самарадорлигини ошириш, замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этишга доир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. [3]

Жумладан, мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва

акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида” ги Қонунлари янги таҳрирда қабул қилинди ва амалиётга жорий этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция ва пай фондлари” тўғрисидаги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора–тадбирлари тўғрисида” ги 4720-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора–тадбирлари тўғрисида” ги 2340–сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 октябрдаги “Давлат мулки объектларидан самарали ва оқилona фойдаланиш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида” 289–сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида” ги 2454–сонли қарори қабиаларнинг қабул қилиниши мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларини сон жиҳатдан оптималлаштиришга, уларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини самарали ташкил этишга, хорижий инвесторларни жалб қилишга хизмат қилиб келмоқда. [2]

Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг маълумотига кўра, бугунги кунда эмиссия қилинган акцияларнинг умумий номинал қиймати 100 триллион сўмдан ортиқ бўлиб, улардан фақатгина 1,5 фоизигина эркин муомалада ҳаракат қилмоқда. Бу ялпи ички маҳсулотга нисбатан ҳисоблаганда 1 фоиздан кам ҳисобланиб, ушбу кўрсаткич Сингапурда 188 фоиз, Малайзияда 112 фоиз ва Россияда 34 фоизни ташкил этади. Мазкур ҳолат Ўзбекистонда капитал бозори мамлакат иқтисодиётида инвестициялар ва жамғармалар ўртасида воситачилик ролини сифат ва миқдор жиҳатдан юқорига кўтариш учун катта потенциалга эгаллигини кўрсатади. [2]

Бундан, қимматли қоғозларни чиқариш орқали капитал бозорини ривожлантириш ва фонд бозорларда муомалада бўлишини, инвестицияларни кенг жалб этиш, корпортив бошқарув амалиётларини ривожлантириш ва мамлакатимиз кадрлар салоҳиятини молиявий саводхонлигини ошириш бўйича чора–тадбирларни кўзда тутувчи капитал бозори ривожланишининг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Ушбу стратегияга кўра капитал бозорини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш, уни тартибга солувчи меъёрий ҳуқуқий асосларни бозори ривожланаётган давлатлар талабларига (“frontiers market”) бирлаштириш, таркибига брокерлар, инвестицион фондлар, пенсия фондлари, сугурта компаниялари, банклар кирувчи молия институларининг, аҳолининг мавжуд бўш турган маблағларини фонд бозорларига жалб қилишнинг халқаро амалиётини қўллаш йўллари назарда тутилиши керак. [1]

Эътиборлиси, 2019 йилда Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа қатор халқаро экспертлар кўмагида 2020–2025 йилларда Ўзбекистон капитал бозорини ривожлантириш стратегиясининг лойиҳаси ишлаб чиқилди ва кенг жамоатчилик ўртасида муҳокамага қўйилди. Капитал бозори бўйича мазкур стратегиянинг асосий вазифаларидан бири –

эркин муомаладаги жами қимматли қоғозларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатини 2025 йил охиригача камида 10–15 фоизга етказиш ҳисобланади.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда инвесторлар салоҳиятини кенгайтириш ва трансформация қилиш, молиявий савдохоналикни яхшилаш орқали қимматли қоғозларга бўлган талабни ошириш, акциядорлик жамиятлари ва эмитентлар сонини кўпайтириш ҳамда янги молиявий инструментлар орқали қимматли қоғозлар салмоғини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, айтиш мумкинки, келажакда асосий вазифалардан бири капитал бозорини такомиллаштириш бўйича мазкур стратегияни қабул қилиш ва унда белгиланган чора–тадбирларни амалга оширишнинг узвийлигини таъминлаш ҳисобланади.

Мазкур стратегияни муваффақиятли амалга ошириш эркин муомаладаги қимматли қоғозлар улушини ялпи ички маҳсулотнинг 10–15 фоизига етказиш, инвестиция лойиҳаларни молиялаштиришнинг муқобил манбаси сифатида фонд бозори имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш каби янги механизмларни кенг жорий этиш, иқтисодийнинг банк секторига боғлиқлигини ва давлатнинг банк секторидagi иштирокини камайтириш, яширин айланмадаги қўшимча маблағларни иқтисодиётга жалб қилиш ва пировардида Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал суръатларда ўсишини таъминлаш каби муҳим ва долзарб масалаларни ҳал этиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, фонд бозорида тузиладиган битимларни электрон тарзда амалга ошириш ва расмийлаштиришга ўтиш, қимматли қоғозлар эмиссиясини соддалаштириш, акциядорлик жамиятлари веб–сайтлари бўйича талабларнинг белгилаб қўйилиши, акциядорлик жамиятлари фаолияти бўйича муҳим фактларнинг тизими равишда Корпоратив ахборотлар ягона портали (www.openinfo.uz)да эълон қилинишининг йўлга қўйилиши натижасида эмитентлар ва уларнинг қимматли қоғозлари тўғрисидаги маълумотлардан кенг фойдаланиш имкониятининг яратилиши натижасида корпоратив қимматли қоғозларнинг айланмаси ҳажми кескин ортиб бормоқда. [3]

Бунинг асосий сабаблари сифатида 2020 йил 28 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги 2340–сонли қарори билан изоҳлаш мумкин. Ушбу қарорга мувофиқ бир қатор акциядорлик жамиятларида давлат улушини камайтиришнинг усули сифатида қўшимча акцияларнинг муомалага чиқарилиши ҳамда уларни хорижий ва маҳаллий инвесторларга сотиш белгиланган ва ҳозирги кунга қадар бу борада акциядорлик жамиятлари томонидан қатор чора–тадбирлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корпоратив тузилмаларнинг фонд бозоридаги фаоллигини ошириш мақсадида корпоратив бошқарув сифатини кескин оширишимиз талаб этилади. Умуман, акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этмасдан туриб фонд бозорини ривожлантириш хусусида фикр биддириш бир мунча мураккаблик туғдиради. Корпоратив бошқарув тизимида давлат иштирокини оптимал даражада қисқартириш, акциядорларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириб бориш талаб этилади. [4]

Бугунги кунда қўшимча қимматли қоғозлар эмиссияси ҳисобига акциядорлик жамиятларидаги давлат улушини хусусийлаштириш, хорижий инвесторларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётган бир вақтда

корпоратив қимматли қоғозлар эмиссиясидан олдин потенциал инвесторлар олдига бориб тақдимотлар ташкил этиш қимматли қоғозларнинг муваффақиятли жойлаштирилишига хизмат қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда акциядорлик жамиятлари фаолиятида мазкур жиҳатга устувор даражада эътибор қаратиш талаб этилади. [6]

Оммавий ахборот воситаларида муомалага чиқарилаётган акциялар ва корпоратив облигациялар хусусида мунтазам равишда эълонлар бериб боришни йўлга қўйиш ҳам ўз навбатида акциядорлик жамиятларининг фонд бозоридаги фаоллигига хизмат қилади. Бундан ташқари аҳолининг корпоратив бошқарув, акциядорлик жамиятлари фаолияти, қимматли қоғозлар бозори амалиётига доир билимларининг ортишига ҳам олиб келади.

Умуман олганда қимматли қоғозлар бозорида акциядорлик жамиятларининг фаоллигини ошириш мақсадида юқоридаги таклиф ва тавсияларимизни амалиётга жорий этиш ўз самарасини беради, деб ҳисоблаймиз.


Таҳсилларга кўра, фонд биржаси савдоларида инвестор сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг тижорат банклари қимматли қоғозларига бўлган қизиқиши ва ишончи доимий равишда ошиб бормоқда. Хусусан, ўтган йилда биржа савдолари орқали жисмоний шахслар инвестицияларининг 93,1 фоизи, юридик шахслар инвестицияларининг 86,6 фоизи тижорат банклари қимматли қоғозларига йўналтирилган.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда биржа умумий савдо айланмасида инвестор сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши тобора ошиб, 2020 йилда уларининг биржа умумий савдо айланмасидаги улуши 19 фоиздан иборат бўлди. [7]

Фонд биржаси фаолиятининг устувор йўналишларидан бири молиявий барқарор жамиятларнинг қимматли қоғозларини янада кўпроқ биржа савдоларига жалб қилиш, уларга қулай ва кам харажатли биржа операциялари орқали инвестиция маблағларини йўналтириш ҳисобланади.

Фонд биржаси томонидан Президентимизнинг 2015 йил 28 апрелдаги “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда молиявий барқарор ва ликвидли акциядорлик жамиятлари қимматли қоғозларини биржа савдоларига қўйиш орқали энг ишончли ва сифатли қимматли қоғозларни аниқлаш имкониятини яратиш мақсадида фаол ишлар амалга оширилди. Хусусан, ушбу қарорнинг 1– ва 2–иловасига мувофиқ оммавий савдолар орқали сотилиши белгиланган акциядорлик жамиятларидан 123 тасининг акция пакетлари фонд биржаси савдоларига қўйилди.

Агар 2020 йил 1 январь ҳолати бўйича биржа листинги тартиб таомилидан бор-йўғи 20 та акциядорлик жамияти муваффақиятли ўтган бўлса, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, биржа котиловкаш varaгига кирган акциядорлик жамиятлари 261 тани ташкил этмоқда (илова—4га қаранг). Шундан, 128 та акциядорлик жамияти 2020 йил давомида биржа котиловкаш varaгига киритилди.



1–расм. Инвесторлар бўйича биржа айланмаси таркиби.

Таҳлилларга кўра, ҳисобот даврида фонд биржасида биржа котировкалаш варағига кирган 69 та жамиятнинг акциялари билан 160,3 млрд. сўмлик 2770 та савдо битими амалга оширилган бўлиб, бу жами биржа савдо айланмасининг 99,3 фоизи демакдир (2020 йилнинг 13 март санасигача биржа савдоларида листингдан ташқари компаниялар акциялари билан ҳам савдолар ўтказилган). Листинг компаниялари қимматли қоғозлари билан тузилган биржа битимларининг асосий қисми, яъни 58,8 фоизи (94,7 млрд. сўм) иккиламчи фонд бозорида амалга оширилган. 41,2 фоизи (66,3 млрд. сўм) эса қимматли қоғозлар бирламчи бозорида тузилган.

Тижорат банклари акциялари листинг компанияларининг тармоқ тузилмалари бўйича ҳам устунлик мавқеини эгаллаб келмоқда. Ўтган йилда уларнинг улуши 87,8 фоизни ёки 118.3 млрд. сўмни ташкил қилди.

Шунингдек, иқтисодиётнинг агросаноат (11,8 млрд. сўм), қурилиш (3,0 млрд. сўм), суғурта (0,9 млрд. сўм) ва бошқа тармоқ листинг компаниялари акцияларига ҳам инвесторларнинг талаби ортиб бораётир.

Қимматли қоғозлар бозори бутун иқтисодиётнинг самарали фаолият юритишини таъминлайди: Иқтисодиёт субъектларига инвесторларнинг молиявий ресурсларини жалб қилишга, инвесторларга молиявий ресурсларини молиявий инструментларга жойлаштириш орқали ўз жамғармаларини оширишга, давлатга эса ўз иқтисодий сиёсатини амалга оширишга ёрдам беради. Молия бозори ва қимматли қоғозлар бозори молиявий активларни сотувчи ва харидорни учраштириш йўли билан алмашинувини таъминловчи механизмдир.

Мамлакатимизда корпоратив қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, уни давлат томонидан тартибга солиш, унинг қатнашчилари

фаолиятини мувофиқлаштириш, инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли химоя қилинишини таъминлаш ишлари дастлаб 1993 йил 2 сентябрда имзоланган “Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида” ги қонун асосида бошланган.

Тадбиркорлик фаолиятини корпоратив тузилма шаклида амалга ошириш юридик шахсдан корпоратив бошқарув масалаларига катта эътибор қаратишни талаб қилади, чунки корпоратив бошқарув тизимини яхши йўлга қўйган жамиятгина бу ташкилий–ҳуқуқий шакл қулайликларидан максимал даражада фойда кўра олади. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корпоратив тузилмаларнинг фонд бозоридagi фаоллигини ошириш мақсадида корпоратив бошқарув сифатини кескин оширишимиз талаб этилади. Корпоратив бошқарув тизимида давлат иштирокини оптимал даражада қисқартириш, акциядорларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириб бориш талаб этилади.

Акциядорлик жамиятлари томонидан IPO операцияларини ташкил этиш ва ўтказишга босқичма–босқич тайёргарлик кўриб бориш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Мазкур амалёёт бевосита акциядорлик жамиятларига хорижий капитал жалб қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Bayar, O., & Chemtanur, T. J. (2011). IPOs versus Acquisitions and the Valuation Premium Puzzle: A Theory of Exit Choice by Entrepreneurs and Venture Capitalists. *Journal of Financial & Quantitative Analysis*, 46 (6), 1755–1793. Bank of New York Mellon (2007). *Annual Report*.
2. Kholikov U.R. (2017) *Improving Investment Funding in the Stock Market in Uzbekistan: Doctor of Philosophy in Economics (PhD) diss. abstract – Tashkent. –24 b.*
3. Odilov, A. (2020) "PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF THE CAPITAL MARKET IN UZBEKISTAN," *International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 1, Article 14.* Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss1/14>
4. *Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Капитал бозорини янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида 2021 йил 13 апрелдаги 6207–сонли қарори*
5. *Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги 2019 йилдаги 14 январдаги 5630–сонли фармони*
6. Makhtudov, S. (2020). *Инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъанавий усуллари*ни такомиллаштириши. <https://tsue.scienceweb.uz/index.php>
7. <https://home.treasury.gov/>

ДАВЛАТ ҚАРЗЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Ташбоев Б. Ў,
ТДИУ, катта ўқитувчи.


Молиявий инструмент сифатида давлат томонидан макроиқтисодий тартибга солиш тизимида асосий фискал инструментлардан бири сифатида фаол фойдаланилади. Хусусан, молиявий инструмент сифатида давлат қарзи қонун чиқарувчи (вакиллик) ва ижро этувчи ҳокимият органларига пул муомаласи, молия бозори, инвестициялар, ишлаб чиқариш, бандлик даражасига ва бошқа иқтисодий нисбатларга таъсир кўрсатиш имкониятини беради. Шунингдек, яхлит тизим сифатида молиявий бошқариш тизимининг объекти сифатида ҳам кўриб ўтилади.

Чунки, давлат қарзи ҳокимият фаолиятининг маълум зарур амалий томонларини ифодалайди. Ваколатли органлар турли қарз фаолиятини бошқариш бўйича ваколатларини, қарзларнинг муддати ва рентабеллиги бўйича тузилишини тартибга солади, давлат қарз инструментлари ва уларни муомалага чиқариш тартибини, давлат кафолатларини бериш, тўлаш ва шунингдек улар бўйича молиявий мажбуриятларни бажариш тартибини белгилайди.

Давлат қарзларини бошқариш давлат қарз маънода кўриб ўтилади. Давлат қарзини тор маънода бошқариш давлат қарз мажбуриятларини эмиссия қилиш ва жойлаштириш, давлат қарзига хизмат кўрсатиш, тўлаш ва қайта молиялаштириш, шунингдек давлат қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш билан боғлиқ чора–тадбирларнинг йиғиндисини англатади. Қарзларни тор маънода бошқариш ижро этувчи ҳокимияти органлари, асосан Молия вазирлиги ва Марказий банк томонидан амалга оширилади.

Давлат қарзларини бошқариш тизимини қуйидаги расм орқали кўриб чиқамиз.

1–расмдан кўриш мумкинки, давлат қарзларини бошқариш комплекс элементлардан иборат яхлит тизимни ўзида мужассамлаштиради. Унда бош мақсад мамлакатнинг ўрта ва узоқ истиқболдаги молиявий–иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган оқилона қарз сиёсатини олиб бориш ҳисобланади. Ушбу мақсадни самарали реализация қилиш давлат қарзларини кенг маънода бошқариш тизимини жараёнли ташкил қилишга боғлиқдир. Хусусан, бунда қарз олувчи сифатида унинг фаолияти билан боғлиқ давлат иқтисодий сиёсатининг йўналишларидан бирини шакллантириш назарда тутилади. Давлат қарзини бошқариш кенг маънода қонун чиқарувчи ҳокимият органининг ваколатидир ва давлат қарзи сиёсатини шакллантиришдан иборат.



1–rasm. Davlat qarzlari boshqarish tizimi elementlari

Hususan, 2–rasmga muvofiq davlat qarzining chegaraviy mezonlari va kўrsatkichlarini belgilash; makroiqtisodiy kўrsatkichlariga taʼsirining asosiy omillari va maqsadlarini aniqlash; davlat qarzi bўyicha milliy dasturlar orqali molialashtirishning maqsadga muvofiqdagi belgilash kabi jaraʼnarni uʼzida mujassamlashtiradi.


Maʼlumki har qanday boshqarish tizimi kabi davlat qarzlari boshqarish bўyicha belgilangan maqsadi samarali realizatsiya qiliish tizimli ravishda shakllantirilgan vazifalar algoritmitga boʻliqdir. Ushbu vazifalar iqtisodiy islohotlarining u eki bu davridagi belgilanadigan dolzarb masalalar muvofiq shakllantiriladi.

Davlat ichki qarzlari boshqarish jaraʼnida quyidagi masalalar hal qilinadi:

- mamakat moliyaviy xavfsizligiga neytral bʻlgan davlat ichki va tashqi qarzlari ushlab turish;
- qarzg boʻlaniish muddatini uzaytirish va qarzg xizmat kўrsatish xarajatlarini minimallashtirish orqali jalpi qarzdorlik qiymatini minimallashtirish;

53 Rasam muallif tomonidan shakllantirilgan.

- молиявий мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтариш орқали Хукуматнинг кредит рейтингини сақлаш;
- давлат қimmatли қоғозларининг барқарорлигини таъминлаш орқали қimmatли қоғозлар бозоридаги сегментларнинг шаффофлигини таъминлаш;
- қарз маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш;
- қарз инструментлари бозоридаги давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини ягона координация қилиш. Тор ва кенг доирада давлат қарзларини бошқаришни аниқлаш мақсадга мувофиқдир.



2–расм. Давлат қарзларини бошқаришнинг кенг ва тор маънодаги мақсадлари54.

Давлатнинг ички ва ташқи қарзи миқдорини тартибга солиш ва уни мақбул даражада ушлаб туриш давлат қарзини бошқаришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, амалда бир қатор чекловларни белгилаш орқали реализация қилинади.

Ўзбекистон Республикасида давлат қарз сиёсатининг қонунчилик асослари яратилган. Хусусан, ички ва ташқи қарзларнинг чегаравий ҳажми Парламент томонидан қабул қилинган қонунлар ва оператив бошқарув органлари томонидан ишлаб чиқилган қонуности ҳужжатлар орқали тартибга солинади.

Давлат қарзини самарали бошқаришда устувор йўналишлари таҳлил қилинди. Давлат қарзига ўз вақтида ва тўлиқ хизмат кўрсатилишини кафолатли, давлат қарзини макроиқтисодий барқарорлик учун хавфсизлик даражаси, диверсификациялаш ва давлат қарзи буйича харажатларининг ошиб кетиши, улар билан боғлиқ хатарларини пасайтириш, давлат қарзи ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар ва уларнинг ижтимоий–иқтисодий аҳамияти, давлат қарзи ҳисобидан молиялаштириладиган корхоналар фаолияти самарадорлиги, давлат қарзини бошқаришдаги шаффофлик, давлат қарзларидан самарали фойдаланиш масалалари кўриб ўтилди.

54 Муаллиф томонидан шакллантирилган.

ХУДУДЛАР МОЛИЯВИЙ САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ ТАҲДИЛИ

Буранова А. В.

ТерДУ, катта ўқитувчи.

Ҳозирги кунда ҳудудларнинг молиявий салоҳиятига бўладиган аҳамият тобора ошиб бормоқда. Асосий сабаблардан бири маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаб, ҳудудларни комплекс ривожлантириш асосида номарказлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Маҳаллий ҳокимият органларининг олдига қўйилган ваколатларини тўлиқ амалга ошириши ва ижтимоий – иқтисодий шарт – шароитларни яратиш учун етарли молиявий база ташкил этилган бўлиши, яъни ҳудуддаги турли хўжалик юритувчи субъектларини молиявий ресурслар билан таъминлиши керак.

Ҳудудларнинг молиявий салоҳиятини баҳолашда ҳудуд молиявий ресурслари йиғиндиси сифатида қараш бу нотўғри, чунончи ҳар қандай иқтисодий кўрсаткич каби унинг методологик ҳисоб-китоблари ишлаб чиқилиши лозим. Токи, ҳудуд молиявий салоҳияти, ишлаб чиқариш, институционал, инфратузиламо салоҳияти каби иқтисодий салоҳият таркибига кирар экан, ўзаро боғлиқ, кенг қамровли ва комплекс нуқтаи назардан ёндашувни талаб этади. Шунинг билан бир қаторда, молиявий салоҳиятни баҳолашни ҳар бир ҳудуд ихтиёрида мавжуд ресурслар имкониятларидан ҳамда давлат томонидан ижтимоий-иқтисодий жарёнларни молиявий ресурслар орқали тартибга солиш даражасига амал қилган ҳолда аниқланиши лозим.

Сегментларга ажратган ҳолда молиявий салоҳият қўйидаги элементлардан иборат:

- Иқтисодиётнинг макроиқтисодий сектори молиявий салоҳияти бўлиб, асосий шаклланиш манбаси ялпи ички маҳсулот, ялпи ҳудудий маҳсулот, кўрсаткичлари киради.
- Иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги тармоғининг молиявий салоҳияти бўлиб, асосан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ва кўрсатилган хизматлар йиғиндиси миқдори, ҳудудда қишлоқ хўжалик сугориладиган ерларининг унумдорлик даражаси билан ифодаланади.
- Иқтисодиётнинг тадбиркорлик, бизнес сектори молиявий салоҳияти бўлиб, шаклланиш манбаси ҳудудда янги ишга туширилган корхоналар, ўз фаолиятини тугатган корхоналар ва ҳудуддаги корхоналар фойдаси, кўрган зарари билан ифодаланади.
- Уй хўжалиқларининг молиявий салоҳияти бўлиб, уларнинг шаклланиши аҳоли пул даромадлари, шу жумладан молиявий институтларга миллий ва чет эл валютасида депозитлари билан чамбарчас боғлиқдир.

- Ташқи иқтисодий фаолият молиявий салоҳияти бўлиб, унинг шаклланиши ҳудудларда экспорт ҳажми, чет эл инвестицияларни жалб этиш даражаси билан ифодаланади.

Таҳқиқотчилар томонидан ҳудудларнинг молиявий салоҳиятини баҳолаш услублари бўйича олиб борилган изланишлари молиявий салоҳиятни шакллантириш ва тартибга солиш масалаларига қаратилган бўлиб, тасодифий кўрсаткичларга асосланган.

Таъкидлаш керакки, ҳудудларнинг молиявий салоҳиятини баҳолашнинг турли усуллари, хусусиятлари, қўллаш тартибларини, ёндашувларини нашрларда таҳлил қилиб тизимлаштириш натижасида учта асосий ёндашувни ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

- 1) Миллий ҳисоблар тизимига асосланган (мамлакат миқёсида молиявий салоҳиятни баҳолаш услублари);

- 2) Статистик кўрсаткичлар асосида (алоҳида молиявий оқимларни ҳаракатини баҳолаш услублари);

- 3) Интеграциялашган усул (юқорида икки ёндашувни аралаш қўллаши натижасида молиявий салоҳиятни баҳолаш услуби).

Р.А.Прокопенко таҳқиқотига кўра, ҳудудларнинг молиявий салоҳиятини баҳолашда молиявий оқимларнинг бутун мажмуини кўриб чиқиш кераклигини таъкидлаб ўтади ва қўйидаги кўрсаткичларни белгилайди:

- Товар ва хизматларнинг ишлаб чиқариш ҳажми;
- Товар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун кетган моддий харажатлар;

- Корхона ва ташкилотлар инвестициялари;
- Аҳоли умумий даромадлари ва уларнинг жорий истеъмол ва жамғармаларга тақсимланиши;

- Солиқлар, шу жумладан федерал, субфедерал ва маҳаллий;

- Бюджет харажатлари, шу жумладан федерал, субфедерал ва маҳаллий;

Бу турдаги молиявий оқимлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, ҳисоб китобида икки ёқдама ҳисоб мавжуд, аммо ҳар бир кўрсаткич молиявий ресурсларнинг шаклланиши, тақсимланиши ва фойдаланилиши жиҳатидан ўз хусусиятларини тавсифлайди.

Д.В. Суходеев фикрига кўра, ҳудудларнинг молиявий салоҳиятини баҳолашнинг асосларини эмперик (бозор иқтисодиёти ва ресурс салоҳияти) ва оператив (математик моделлар ва структурали услублар) кўрсаткичларга бўлиб ўрганиш лозимлигини таъкидлайди.

Натижага қаратилган ёндашувни Е.А.Вербиненко, Р.В. Бадылевичлар томонидан тақлиф қилинган бўлиб, институционал секторнинг тўрт блокани: Бюджет – солиқ (иқтисодиётнинг умумий сектори), уй хўжаликлари, хўжалик юритувчи субъектлар (бизнес – сектор) ва молия – кредит секторларини ажратиб, статистик кўрсаткичларининг абсолют ва нисбий миқдорларида баҳолашни таъкидлаб ўтганлар.

Ҳудудларни молиявий салоҳиятини баҳолашда С.В. Зенченко тақлиф қилган усулида 3 элемент (бюджет, инвестиция ва кредит салоҳият)ни киритган

бўлиб, хуудларнинг молиявий ресурс таъминотида асосий ўринни бюджет салоҳиятига қаратган.

Хууд молиявий салоҳият усуллари ва кўрсаткичларини илмий ва иқтисодий асослаш хуудларнинг иқтисодий салоҳиятини таъминлаш ва истиқболда уни ошириш ижтимоий – иқтисодий стратегиясини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир хууднинг иқтисодий салоҳияти асосини молиявий салоҳият ва унинг элементи бюджет солиқ салоҳияти ташкил этади. Хуудларнинг молиявий салоҳияти (**ХМС**) бюджет солиқ салоҳияти (**БСС**) даромадларига, хууд иқтисодий салоҳияти (**ХИС**)га таъсир Ялпи Хуудий Маҳсулот (**ЯҲМ**) ўсишига ёки камайишига олиб келади. $ХМС > БСС$ шarti бажарилганда хуудларнинг иқтисодий салоҳияти ошади ва иқтисодий ўсиш кузатилади. $ХМС = БСС$ шarti бажарилганда хууд иқтисодий стагнация ҳолатида бўлади. Бундай ҳолат на иқтисодий ўсиш ва на иқтисодий тангликни ҳам бермайди, балким, иқтисодий турғунлик ҳолати кузатилади. $ХМС < БСС$ ҳолати реал ҳаётда бўлиши мумкин эмас. Назарий жиҳатдан: хуудда чакана савдо ва овқатланиш ташкилотларининг товар айланмаси ошган тақдирда, қўшилган қиймат солиғи (**ҚҚС**) ҳисобига кузатилиши мумкин.

Хууд молиявий салоҳити – маҳаллий бюджет даромадлари, банк молия тизими салоҳияти, корхона ва ташкилотлар салоҳияти ва аҳоли пул даромадлари йиғиндисидан ташкил топади.

$ХМС = МБД + БМТС + КорТашС + АҳолиПД$

Бу ерда: **МБД** – маҳаллий бюджет даромадлари; **БМТС** – банк молия тизими салоҳияти; **КорТашС** – хуудда руйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотлар салоҳияти; **АҳолиПД** – хуудда яшовчи аҳоли реал пул даромадлари.

Тақлиф қилинган молиявий салоҳиятни баҳолаш усули хууднинг қушилган қийматини шакллантиришда иштирақ этадиган даромадлар миқдорни ифодалайди. Шу билан бирга, салоҳият энг катта натижага эришиш қобилияти бўлса, бу натижа хууд иқтисодий салоҳиятининг қўшилган қийматини ифодалайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ – № 5283 “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушулларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришига оид қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида” 13.12.2017й
2. Прокопенко Р.А. Оценка и направления развития финансового потенциала региона. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Волгоград 2008 266бет (12б)
3. Суходеев Д.В. Оценка финансового потенциала региона. «Дайджест–Финансы» 2013/3(219)
4. Зенченко С.В. Формирование и оценка регионального финансового потенциала устойчивого развития экономики территории: теория и методология. Автореферат на соискание ученой степени доктора экономических наук Ставрополь 2009 386бет(176бет)
5. Вербиненко Е.А., Бадыевич Р.В. Финансовый потенциал как основа роста регионов.//Север и рынок: формирование экономического порядка. 2012//№3//58–62бет

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ БАНКЛАР ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ.

М.Н. Назарова,

ТДИУ, катта ўқитувчи

Юртимизда иқтисодиётнинг мутлақо янги тармоқларига асос солиш, айниқса, уларни бошқариш услубларини замонавийлаштириш, яъни халқаро бизнес юритиш тартиб–тамоилларини жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Банклар томонидан инновацион фаолиятни янада яхшилаш ва такомиллаштириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиётнинг ривожланишини барча босқичларида инновацион лойиҳаларни молиявий таъминлаш масалалари инobatга олинганлиги бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш ва уни янада такомиллаштириш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Корпоратив бошқарувни жорий қилиш ва такомиллаштириш орқали Ўзбекистон компаниялари янги сифат босқичига ўтишлари мумкин. Корпоратив бошқарувни ривожлантириш ва бу тизимни такомиллаштириш муҳим масалалардан биридир.

Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва уни ўзига хос хусусиятлари шундаки, дунё иқтисодчилари корпоратив бошқарувга рақобатдошлик таъминланишида ҳал қилувчи куч сифатида баҳо беришади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки мазкур ибора “гуруҳ аъзолари ўртасидаги интерактив мулоқот” деган маънони англатади. Бу бошқарув самарадорлигини ошириш учун барча иштирокчи ўртасида фаол мулоқотни йўлга қўйиш, миноритар акциядорлар салмоғини ошириш орқали мулкни ижтимоийлаштириш, бошқача айтганда, корхона бошқарувига унинг фаолиятдан у ёки бу даражада манфаатдор бўлган ҳар бир шахсни жалб этиш, деганидир. Бизга маълумки, жамиятларда бошқарувнинг замонавий услубларини қўллаш уларда бутунлай янги тузилмани ташкил этиш, акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорларнинг акциядорлик жамиятини бошқаришдаги родини ошириш имконини беради. Қолаверса, акциядорлик жамиятларига хорижий менежерларни жалб қилишга йўл очилдики, бу, ўз навбатида, иқтисодиёт тармоқларига тўғридан–тўғри чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш баробарида, жамиятларни модернизация қилиш орқали юқори самарадорликка эришишга кўмаклашади. Аниқроғи, пировардида корхоналар бозордаги талаб–таклифдан келиб чиққан ҳолда, янгича қарашлар асосида фаолият олиб боради. Муаммоларни тезкор ҳал этиб, янги рақобатбардош инвестицион лойиҳаларни рўёбга чиқариш ва қўшимча акция ҳамда қимматли қоғозларни муомалага чиқаришдан даромад топишга ҳаракат қилади. Агар корпоратив бошқарув тизими яхши йўлга қўйилса, бошқарувда

шаффолик таъминланиб, турли компанияларда, акционерлик жамиятларида, шу жумладан тижорат банкларида инвестициявий жозибадорлиги самарадорлигига эришилади. Корпоратив бошқарувни бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб бориш, ишлаб чиқариш жараёнига инвестицияларни жалб қилиш, жаҳон андозалари талабига мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган технологияларни қўллаш асосида, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайди. Бу ўз навбатида корпоратив бошқарув субъектлари фаолиятини молиялаштириш даражасини юксалтиришни таъминлайди. Корпоратив бошқарувнинг юқори сифатига эришиш мақсадида банклар кўп саҳифали ҳужжатларни: стратегиялар, бизнес–режаларни; кредитлаш, депозитларни жалб этиш ва тарифларни белгилаш жараёнига оид сиёсатларни; ходимларни моддий ва номоддий рағбатлантириш тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқадилар. Бироқ, самарали корпоратив бошқарув муаммоси банкнинг у ёки бу соҳага оид ҳужжати мавжуд эмаслигига боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки унинг ягона ғоявий, технологик ва ресурс базасига боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақил равишда мавжуд эканлигидадир.

Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш масалаларининг долзарблиги ошиши кўпчилик банкларда ҳам юз бермоқда. Корпоратив бошқарув тизими банк бошқарувида ўз ўрни ва аҳамиятига эга. Чунки ушбу бошқарув банкнинг иқтисодий натижаларига таъсир этади. Банклар жамиятнинг жамғармаларини тўплайди ва уларни жойлаштиради. Айниқса, ривожланаётган мамлакатларда банклар фирмалар учун жуда муҳим ташқи молиялаштириш манбаи ҳисобланади. Шунингдек, банклар молиявий бозорларга тўғридан–тўғри чиқиш имкони йўқ фирмаларнинг корпоратив бошқарув самарадорлигига таъсир этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, самарали корпоратив бошқарувнинг асоси қуйидагилар ҳисобланади [6]:

- банкнинг ички ҳужжатларида белгиланадиган ваколат ва вазифаларнинг аниқ тарзда тақсимланиши;
- етарли даражадаги ҳисобдорлик;
- ўзаро назорат қилиш ҳамда банк учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган қарорлар қабул қилинишининг олдини олишни таъминловчи, банк бошқаруви органлари ва таркибий тузилмалар ўртасидаги ваколатларнинг тақсимланиши;
- ўзининг ваколатлари ва вазифаларини яхши билувчи, функционал вазифаларини бажаришда юқори даражадаги ишбилармонлик ва одоб–ахлоқ қоидаларига риоя этувчи, банк қузатув кенгашининг ва ижроия органининг юқори малакали аъзолари мавжудлиги.

Корпоратив бошқарувнинг банклар ривожланишидаги муҳим ролини қуйидагиларда кўриш мумкин [1]:

- молиялаштириш манбаларини олиш имкониятини кенгайтиради, бу эса, инвестиция, иқтисодий ўсиш, иш билан бандликни оширади.
- капитал қийматининг пасайиши ва банкнинг юқори баҳоланишига эришишга олиб келади, бу ўз навбатида, инвестиция ва иқтисодий ўсишни таъминлайди.

– операцион фаолиятнинг яхшиланишига таъсир этади, бу ресурсларнинг яхшироқ жойлашиши, самарали бошқарув, бойликнинг яратилишини кенгайтиради.

– давлат ва фирма даражасида паст риск, ўз навбатида, камроқ банкротлик, камроқ молиявий инқирозлар бўлишини таъминлайди;

– улушдорлар билан яхшироқ муносабатларни таъминлайди, умумий муҳитнинг яхшиланишига таъсир кўрсатади.

Банк секторидаги корпоратив бошқарувнинг муҳимлигини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муаммога катта эътибор қаратиб, ушбу масалани банк тизимининг стратегик ривожланиш мақсади сифатида қарайди. Бунда асосий эътибор ички назорат тизимини такомиллаштириш, корпоратив бошқарувнинг шаффофлигини орттириш ва мулкдорлар ҳуқуқини таъминлашга қаратилади.

Юқоридаги стратегик мақсадларни таъминлаш учун Марказий банк томонидан қуйидаги маълумотларни кўрсатувчи электрон маълумотлар базаси шакллантирилиши лозим:

банкларнинг доимий ҳолда молиявий аҳволини акс эттирадиган ва рискларни баҳолашга имкон берадиган маълумотлар базаси;

корпоратив бошқарув ва бизнес режалаштиришнинг ҳолатини баҳолаш ҳамда мулкдорлар таркиби шаффофлигини оширишга хизмат қиладиган кўрсаткичлар базаси[2].

Тижорат банклари фаолиятида корпоратив бошқарув муаммосини ўрганишда нафақат Марказий банк, балки ушбу жараённинг бошқа манфаатдор иштирокчилари ҳам қатнашишлари лозим.

Тижорат банклар фаолиятида корпоратив бошқарув тизимининг институционал асослари, жорий этиш йўллари ҳамда корпоратив сифатини ошириш масалалари ҳал этишда банк мижозларга янги хизмат турларини кўрсатиш ва уларнинг сифатини оширишда янги технологияларни ўзлаштиришлари, ҳар бир таркибий бўлинма ҳамда ходимларига тўғри келадиган маҳсулотлар(хизматлар) миқдори ва кўламини оширишлари лозим бўлади.

Банк секторидаги корпоратив бошқарувнинг муҳимлигини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муаммога катта эътибор қаратиб, ушбу масалани банк тизимининг стратегик ривожланиш мақсади сифатида қарайди. Бунда асосий эътибор ички назорат тизимини такомиллаштириш, корпоратив бошқарувнинг шаффофлигини орттириш ва мулкдорлар ҳуқуқини таъминлашга қаратилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, барча тизимларда бўлгани каби корпоратив бошқарув тизимида ҳам айрим муаммолар мавжуд. Булар қуйидагилар:

– давлатнинг ишончли вакили ва давлат акция пакетларининг ишончли бошқарувчиси ўртасидаги муносабатлар бўйича ҳуқуқий–меъёрий ҳужжатларнинг такомиллашмаганлиги;

– акциядорлик жамиятида давлатнинг ишончли вакили ва акция пакети бошқарувини малакали мутахассислар билан етарли таъминлашнинг мураккаблиги;

– давлат вакилларининг корпоратив бошқарув билимларга етарли даражада эмаслиги;

банк тизимида корпоратив бошқарув тизimini тўлиқ такомиллашмаганлиги.

Ушбу муаммолардан келиб чиқиб қуйидаги таклиф ва хулосаларга келиш мумкин:

– корпоратив бошқарув тизимидаги ҳуқуқий–меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш кераклиги;

– корпоратив бошқарув тизimini давлат томонидан юқори даражада тартибга солиб туриш зарурлиги;

– корпоратив бошқарувда иштирокчилар яъни, йирик кредиторлар, акциядорлар, инвесторлар банклар бошқарувида турли даражада таъсир этиш лозимлиги;

– хориж мамлакатларнинг корпоратив бошқарув тизими тажрибаларини самарали ўрганиб ва улардан фойдаланиш зарурлиги;

Буларнинг барчаси юртимизда кечаётган хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш, иқтисодий тармоқларига жалб қилинаётган тўғридан–тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтириш, акциядорлик жамиятлари бошқаруви самарадорлигини тубдан яхшилаш, стратегик инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилишда янги уфқларни очиши, шубҳасиз. Пировардида мамлакатимиз иқтисодий қудрати ошиб, аҳолининг ҳаёт даражаси янада юксалиб бораверади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, корпоратив бошқарув тизими борасида олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш ва бу орқали давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича энг муҳим устувор йўналишларни амалга оширишга хизмат қилиши шубҳасиздир. Республикаимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банкларнинг барчаси акциядорлик кўринишида ташкил этилган бўлиб, корпоратив бошқарувнинг банклар ривожланишида муҳим жиҳатлари мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. С.Қудратов. Банк тизимида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш. Тошкент “Akadempashr” 2016 й. 176–бет.

2. С.Қудратов, М.Назарова. Тижорат банкларида корпоратив бошқарув. Тошкент. ТДИУ. 2019 й.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. 26.04.1996 й. N 223–I

4. “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора–тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2015 йил 24 апрель.

5. “Акциядорлик жамиятларида хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 31.03.2015 й. ПҚ–2327

6. www.lex.uz сайти маълумотлари.

7. www.bank.uz сайти маълумотлари.

BLOKCHEYN TEXNOLOGIYASI VA UN DAN MOLIYA SOHASIDA FOYDALANISH

O. M. Azizov,

TDIU katta o'qituvchisi

D. A. Sabirova,

TDIU katta o'qituvchisi

Blokcheyn – bu ma'lumotlarni taqsimlangan holda saqlash texnologiyasi. Ushbu texnologiyada zanjirni qo'llab-quvvatlovchi har bir ishtirokchi teng huquqlidir. Bu yerda server yoki protsessing markazi yo'q. Qo'llanish sohalari cheksiz bo'lib, u ma'lum ma'lumotlarni yozib olish uchun ishlatiladi, masalan: shaxsiy kundalik yozuvlari, ko'chmas mulk egalari to'g'risidagi ma'lumotlar, moliyaviy operatsiyalar va h.

Blokcheynni faqatgina barcha ishtirok etuvchi serverlarning zanjirlarini yo'q qilish orqali yo'q qilish mumkin. Yana bir xususiyat – ochiq kod – odamlar ma'lumotlar bazasidagi yozuvlarni ochiq ko'ra oladi. Bundan tashqari, blokcheynning har bir blokida avvalgi bloklardagi ma'lumotlar mavjud. Bloklardagi yozuvlarni o'zgartirish imkoni yo'q. Aynan shu xususiyat, blokcheyn texnologiyasiga e'tiborni jalb qiladi.

Blokcheynning o'ziga xos xususiyatlari shundan iboratki, yozuvlarni tasdiqlash uchun vositachi kerak bo'lmaydi. Masalan, siz yer uchastkasini sotib olayotganda, moliyaviy operatsiyalardan tashqari, sizning mulkingizga bo'lgan huquqingiz to'g'risidagi hujjatli dalillar ham kerak. Bu hujjatlarni rasmiylashtiradigan notarius – vositachi tomonidan amalga oshiriladi, uning imzosi bilan sizning huquqingiz tasdiqlanadi va uni yagona reestrga kiritadi.

Yana bir misol: siz taniqli brenddan qimmatbaho dorilarni sotib olasiz, ammo bozorda soxta dorilar ham bor. Siz ularni aniqlash uchun markerlardan foydalanasiz. Agar ushbu mahsulotning haqiqiyiligini aniqlashda blokcheyn texnologiyasi qo'llanilsa, mahsulotingizni tekshirishingizga hojat qolmaydi. Blokcheyn yordamida barcha etkazib beruvchilar o'z mahsulotlarini bir-birlaridan ishonchli va avtonom tarzda aniqlay olishadi (qayta ishlash, turli ishlab chiqaruvchilar mahsulotlarini birlashtirishi ham mumkin) va sotuvchilar tarmoqlari iste'molchilarga qayerdan va qaysi mahsulot yetkazib berilganligini va ishlab chiqaruvchi kimligini aniq ayta oladi.

Blokcheyn texnologiyasi hujjatlarni tekshirish bilan shug'ullanadigan davlat idoralaridagi xodimlar armiyasini o'rnini bosadi va qisqartiradi. Blokcheyn raqamli imzo tushunchasini ham o'rnini bosadi: soxta veb-saytlar, virus dasturlari, soxta yangiliklar, onlayn qaroqchilikni yo'qqa chiqaradi. Blokcheyn material muallifligini

tasdiqlashi mumkin. Jahonning nufuzli davlat va korporatsiyalari hozirdanoq o'zlarining tarkiblarida va faoliyatida blokcheyn texnologiyasini joriy qilishmoqda.

1-jadval

Blokcheynning ijobiy va salbiy tomonlari

| Ijobiy tomonlari | Salbiy tomonlari |
|--|---|
| Markazlashmagan. tarmoq ishtirokchilari o'zaro teng huquqli va to'g'ridan-to'g'ri ma'lumotlarni uzatishlari mumkin. | Hajm murakkabligi. Agar Bitcoin blokcheyni Visa operatsiyalarining ulushiga to'g'ri kelsa, unda uning hajmi yuzlab terabaytga yetadi. |
| Ishonchlik. Ma'lumotlarni almashtirish va xakerlik hujumlari imkoniyati yo'q, chunki maxsus shifrlangan kalitlardan foydalaniladi | Firibgarlik faoliyati ehtimoli. blokcheynda ma'lumotlar uzatish qaytarilmasdir. Shu munosabat bilan, hatto xato bilan amalga oshirilgan bo'lsa ham, operatsiyani bekor qilish imkoniyati yo'q. |
| Shaffoflik. Siz har qanday tranzaksiya uchun bosib o'tilgan yo'lni tekshirishingiz mumkin, chunki har qanday blok ommaviy ko'rish imkoniyatini beradi. | 51% hujum. Agar hisoblash quvvatining 51% bitta qurilmaga tegishli bo'lsa, unda yaxlitlik buziladi. |
| Ko'p qirrali. blokcheyn turli sohalarda (moliya sektori, huquq, ko'chmas mulk va boshqalar) qo'llanilishi mumkin. | |

Bugungi kunda tobora ko'proq kompaniyalar blokcheyn texnologiyasidan foydalanishni e'lon qilmoqda va ba'zi mamlakatlarda ushbu texnologiyadan foydalanish bo'yicha hatto davlat dasturlari mavjud.

Blokcheyn texnologiyasi atrofidagi umumiy shov-shuvga qaramay, bu faqat maxsus xususiyatlarga ega ma'lumotlar bazasi ekanligini tushunish muhimdir.

Unda blokcheyn dunyoga qanday ta'sir qilishi mumkin, bu haqda qanaqa fikrlar mavjud? Blokcheyn – bu markazlashmagan tarmoqlarda ma'lumotlarni to'plash, saqlash va qayta ishlash usuli bo'lib, unda saqlangan ma'lumotlarning yuqori xavfsizligi va ishonchliligini ta'minlaydi.

Blokcheyn kontseptsiyasi 1991-yilda taklif qilingan va sinovdan o'tgan, ammo bu texnologiya Satoshi Nakamoto tomonidan taqdim etilgan birinchi Bitcoin kripto valyutasining to'lov tarmog'ida ishlatilgandan keyingina keng ommalashgan.

Bu, vositachi va nazorat qiluvchi tashkilot mavjud bo'lmagan va barcha foydalanuvchilarning huquqlari teng bo'lgan markazlashtirilmagan to'lov tarmog'idir.

Blokcheyn rivojlanishining navbatdagi bosqichi aqlli shartnomalar bo'ldi. Aqlli shartnomalar – o'z-o'zidan bajariladigan shartnomalarni tuzish va bajarish uchun dasturiy ta'minot algoritmi hisoblanadi. Ularning paydo bo'lishi bilan blok zanjiri nafaqat ma'lumotlarni saqlashni, balki ulardan foydalanishni ham o'rgandi.

Birinchi marta aqli shartnomalarning to'liq kontseptsiyasi, yosh dasturchi Vitalik Buterin tomonidan ishlab chiqilgan Ethereum kriptovalyutasida namoyish etildi.

Blokcheynning bank tizimi uchun afzalliklari. Zamonaviy bank tizimi mukammal emas. Mijozlar banklarga yuqori komissiya to'laydilar va pullari qayerga ketayotganini aniq tushunmaydilar. Banklar ko'p sonli xodimlarni jalb qilishi va har doim ham ishonchli bo'lmagan SWIFT banklararo o'tkazmalar tizimidan foydalanishi shart. SWIFT uzilib qolsa, Eron va KXDRda bo'lgani kabi, davlatlar sanksiya va moliyaviy blokirovka qilish xavfini o'z zimmalariga oladilar.

Blokcheyndan foydalanish sizga bank operatsiyalarini bajarishda vositachilarni chiqarib tashlash va ko'plab jarayonlarni avtomatlashtirish imkonini beradi. Xarajatlarni kamaytirish hisobiga bank tizimining samaradorligi ham oshiriladi. Banklar yangi blokcheyn biznes modellari va mahsulotlarining paydo bo'lishi orqali qo'shimcha daromad manbalarini yaratishi mumkin.

Shunday qilib, 2019-yil mart oyida Germaniya Commerzbank va Landesbank Baden-Wuerttemberg banklari Marko Polo savdoni moliyalashtirish uchun yangi blokcheyn platformasida test operatsiyalarini o'tkazdilar, faktoring xizmatlari, debitorlik qarzlarni diskontlash va majburiyatlarni to'lashni taklif qilishdi. Hozir u savdo moliyalashtirish blokcheyn platformalari orasida etakchilardan biri hisoblanadi: uning biznes modeli past kirish chegarasi va boshqa blokcheyn platformalar bilan birlashish qobiliyati tufayli tez kengayishga qaratilgan.

Bank sohasida blokcheynni qo'llashning asosiy yo'nalishlari:

Tez va arzon transferlarni amalga oshirish. Bu, ayniqsa, transchegaraviy o'tkazmalar va mikro to'lovlar uchun to'g'ri keladi, bu erda bank to'lovlari o'tkazilgan summa bilan taqqoslanishi mumkin. Banklarda bo'lganida, bunday operatsiyalar uzoq davom etadi (3–5 ish kunigacha) va qimmat (summaning 1 foizi). Jahon miqyosida bu juda katta xarajatdir. Kripto-valyuta tarmoqlarida o'tkazmalar bir necha daqiqa davom etadi va sezilarli darajada arzonroq. Shunday qilib, blokcheynda 2018-yil yozida 45,5 ming bitkoin (taxminan 280 million dollar) bo'yicha bitim atigi 0,04 dollarga tushdi va bir necha daqiqa davom etdi. 2018-yilning bahorida Litecoin tarmog'ida 100 million dollarlik tranzaksiya shuncha mablag'ni talab qildi.

Jarayonlarni avtomatlashtirish va operatsiyalarni tezda qayta ishlash qobiliyati. Bu xarajatlarni va xodimlarni kamaytirishga imkon beradi. Blokcheyn murakkab hujjat aylanishidan xalos bo'lishga imkon beradi, chunki har qanday operatsiyani kuzatish mumkin. Texnologiyaning o'zi ma'lumotlar o'zgarasligining kafilidir, inson omili chiqarib tashlangan. Blokcheynda kredit berish, mijozlarni identifikatsiyalash, korporativ moliyalashtirish sohalarida allaqachon loyihalar mavjud.

Bitimlarning o'zgarishini ta'minlash. Ya'ni, o'zgarishlarni orqaga qaytarish va hisobotlarni qalbakilashtirishning iloji yo'qligi. Bank tizimi shaffof emas. Blokcheyn barcha operatsiyalarni shaffof qiladi va barcha ishtirokchilar o'rtasida ishonch darajasini oshiradi.

Mutaxassislarning fikriga ko'ra, faqat G'arbda blokcheynni joriy qilish orqali banklar umumiy qiymati 30 milliard dollardan 8 milliardni tejashga qodir. 2012–2016-yillarda ko'plab banklar ushbu bo'shliqqa blokcheyn va moliyalashtirilgan ishlanmalarni kiritish imkoniyatini ko'rib chiqdilar. Ammo blokcheyn tufayli hali katta yutuqqa erishilmadi.

Sug'urta sohasida blokcheynni qo'llash. Sug'urta – bu aqlli shartnomalar muhim rol o'ynagan blokcheyn sohasidan biridir. Inson omili mavjudligi sababli sug'urta to'lovlarini berish jarayoni ayniqsa qiyin. Inson omili chiqarib tashlansa va blok zanjiridan foydalanilsa, ushbu soha yanada shaffof bo'lishi mumkin.

Buni qanday ishlashiga misol: Masalan, parvozlarning kechikishini sug'urtalash to'liq avtomatlashtirilishi mumkin. Tizimning o'zi rejalashtirilgan va haqiqiy jo'nb ketish vaqtini tekshiradi va sug'urta hodisasi yuz berganda, u avtomatik ravishda yo'lovchiga kompensatsiya yuboradi.

Bu holda juda katta afzalliklardan biri shundaki, inson omilining ta'siri minimallashtiriladi, ammo shu bilan birga g'ayrioddiy vaziyatlarning yechimi ko'plab qiyinchiliklarni keltirib chiqarishi mumkin. Hozirgi vaqtda aqlli kontrakt texnologiyasi, yuzaga kelishi mumkin bo'lgan vaziyatlarning barcha o'zgaruvchanligini qamrab olish darajasiga erishmagan, ammo ko'plab kompaniyalar ularni takomillashtirish ustida ishlamoqdalar. Bundan tashqari, sug'urta sohasiga blokcheynni qo'llashga qaratilgan ba'zi loyihalar aqlli shartnomalarning funksionalligini yaxshilash uchun qo'shimcha texnologiyalarni birlashtirmoqda.

Ayni paytda, bozorda sug'urta sohasida o'z xizmatlarini taklif qiladigan bir nechta blokcheyn kompaniyalari mavjud. Masalan, InsureX (hayot va sog'liqni sug'urtalash), Etherisc (ijtimoiy sug'urta, qishloq xo'jaligi va havo transporti sohasida sug'urta), SafeShare (ko'chmas mulkni ijaraga berish sohasida sug'urta).

MAMLAKATIMIZ BANK–MOLIYA TIZIMI: KECHA, BUGUN VA ERTAGA

*U. Yuldoshev,
O‘zDJTSU, o‘qituvchi*

Mamlakatimiz mustaqillikka erishgandan keyin iqtisodiyotimizning ajralmas bo‘lagi bo‘lgan bank–moliya tizimida ham katta o‘zgarish va islohotlar amalga oshirildi. O‘tgan 30 yil mobaynida sohani zamon talablari darajasida takomillashtirish maqsadida bir qator farmon, qaror va qonunlar qabul qilindi va ularning ijrosini ta‘minlash natijasida banklar faoliyati jahon standartlariga muvofiq shakllantirildi.

Amalga oshirilayotgan islohatlarning eng muhimlardan bo‘lib, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning 2017 yil 2 sentabrdagi “Valyuta siyosatini liberallashtirish bo‘yicha birinchi navbatdagi chora–tadbirlar to‘g‘risida”gi farmonining qabul qilinishi mamlakatimiz banklari faoliyati va imkoniyatlarini xalqaro hamjamiyatga yaqindan tanishtirishda muhim qadam bo‘lganini e‘tirof etish lozim.

O‘zbekiston Respublikasi bank tizimining shakllanishi bevosita mamlakatimizning davlat mustaqilligiga erishishi bilan bog‘ligi, hamda 1991–yilda O‘zbekiston Respublikasining «Banklar va bank faoliyati to‘g‘risida»gi ilk qonuni qabul qilinishi bilan mamlakatimiz milliy bank tizimi rivojlanishining birinchi bosqichi boshlandi. Yana shu o‘rinda sohani takomillashtirishga qaratilgan hujjatlarning tarixiga qaraydigan bo‘lsak. Milliy bank tizimini rivojlantirish, iqtisodiyotni tarkibiy jihatdan qayta qurish jarayonlarida banklarning ishtirokini kuchaytirish masalalariga 1992–1994-yillarda e‘tibor kuchaydi.

1994–yilda milliy valyuta – so‘mning muomalaga kiritilishi bilan milliy bank tizimini shakllantirishning ikkinchi bosqichi boshlandi va u 1998–yilga qadar davom etdi. Ushbu bosqichda haqiqiy ikki pog‘onali bank tizimi yaratildi. Birinchi marta 1995–yil 21–dekabr kuni «O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida»gi qonuni va 1996–yil 25–aprelda esa «Banklar va bank faoliyati to‘g‘risida»gi O‘zbekiston Respublikasi qonuni yangi tahrirda qabul qilindi. Qonunda tijorat banklarining huquq va majburiyatlari aniq belgilab qo‘yildi.

Milliy bank tizimini isloh qilishning ikkinchi bosqichida tijorat banklarining soni va ko‘rsatadigan xizmat turlari ko‘paydi. Bu esa milliy bank tizimida raqobat muhitini shakllantirishda muhim omil bo‘ldi. Ayniqsa, avtomobil sanoati korxonalarini qo‘llab–quvvatlash maqsadida «Asakabank», g‘alla yetishtirishni moliyalashtiruvchi «G‘allabank», savdo va tijoratga ko‘maklashuvchi «Savdogarbank», paxtachilikka ixtisoslashgan qishloq xo‘jaligi va paxtani qayta ishlaydigan korxonalarni moliyaviy jihatdan ta‘minlovchi «Paxtabank»ning tashkil etilishi banklararo raqobat muhitini shakllantirishdagi jiddiy qadam bo‘ldi. Shuningdek, tijorat banklari moliyaviy holatini barqarorlashtirish bo‘yicha respublika bank tizimini xalqaro bank amaliyotini o‘rganish asosida chora–tadbirlar ishlab chiqildi.

Milliy bank tizimining rivojlanishiga kuchli turtki bergan omillardan asosiyi to‘rt yil mobaynida O‘zbekiston hukumati tomonidan tijorat banklarini asosiy soliq

turlaridan ozod qilinganligi hisoblanadi. Soliqlarni to'lashdan bo'shagan mablag'larning sezilarli qismi banklararo to'lovlarni amalga oshirishning yagona elektron tizimini yaratishga sarflandi. Natijada qisqa muddat ichida xalqaro andozalar talablariga javob bera oladigan zamonaviy banklararo to'lovlar tizimi yaratildi.

Bank tizimini rivojlantirishning ikkinchi bosqichida qo'lga kiritilgan muhim yutuqlardan yana biri, shubhasiz, banklarda buxgalteriya hisobini yuritishning yangi tizimiga o'tilganligidir. Mazkur tizimga o'tish 1994-yildan boshlandi. 1996-yilning ikkinchi yarmida o'sha paytdagi dunyodagi o'ta nufuzli kompaniyalardan biri "Artur Andersen" konsalting firmasi bilan hamkorlikda Markaziy bank mutaxassislari tomonidan banklar uchun buxgalteriya hisobi tizimi ishlab chiqilib, amaliyotga joriy qilindi.

Mazkur bosqich xususiy banklarning rivojlantirilishiga sezilarli darajada ijobiy ta'sir qildi. Milliy bank tizimida banklarni korporativ boshqarish tizimini mustahkamlashda aksiyadorlik tijorat banklari faoliyatini takomillashtirish chora-tadbirlari muhim rol o'ynaydi. Bunda tijorat banklarini boshqarishda aksiyadorlarning va Bank kengashlarining rolini oshirishga doir tadbirlar belgilab berildi. Hukumat tomonidan qabul qilingan hujjatlarga binoan vakolatli banklar xalq iste'moli mollari va eksport mahsulotlari ishlab chiqarish bilan shug'ullanayotgan, respublika iqtisodiyotining bazaviy va yetakchi tarmoqlarida ustuvor loyihalarni amalga oshirishda qatnashayotgan korxonalariga so'mlarni erkin muomaladagi valyutalarga imtiyozli ravishda ayirboshlab berishni ta'minlaydi.

O'zbekiston milliy bank tizimini rivojlantirishning uchinchi bosqichi 1999–2003-yilgacha bo'lgan davrni o'z ichiga oladi. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1999-yil 15-yanvarda qabul qilingan «Bank tizimini isloh qilish chora-tadbirlari to'g'risida»gi qarori navbatdagi bosqichga o'tishga asos bo'ldi. Qarorda tijorat banklari nizom jamg'armasining minimal hajmi, nizom jamg'armasida bitta aksiyador ulushining maksimal hajmi, tijorat banklari bir-birlarining nizom jamg'armalarida ishtirok etishi, banklarni xususiy lashtirish bo'yicha qo'yiladigan talablar kabi dolzarb masalalar o'z aksini topdi.

Mazkur bosqichda aholi omonatlarini bank muassasalariga jalb qilishni rag'batlantirish borasida sezilarli ishlar amalga oshirildi. 2002-yilda O'zbekiston Respublikasining "Fuqarolarning banklardagi omonatlarini himoyalash kafolatlari to'g'risida"gi qonuni qabul qilindi va ushbu qonunga muvofiq, fuqarolarning banklardagi omonatlarini kafolatlash Fondi tashkil etildi. Bu, o'z navbatida, aholining bank tizimiga bo'lgan ishonchini oshirib, investitsion jarayonlarga aholi omonatlarini salmog'i oshishiga xizmat qildi.

Milliy bank tizimini rivojlantirishning uchinchi bosqichida qo'lga kiritilgan muhim yutuqlardan biri inflyatsiyani jilovlashga muvaffaq bo'linganligi va shuning asosida kreditlarning foiz stavkalarini barqarorlashtirishga erishilganligi hisoblanadi. Uchinchi bosqichda tijorat banklari tomonidan kichik va o'rta biznes korxonalarini kreditlashning kuchaytirilishi milliy iqtisodiyotimizni rivojlantirishga qo'shilgan muhim hissa bo'ldi. Shu o'rinda aytish joizki, milliy valyutaning to'liq ichki konvertatsiyalanishiga erishish, milliy valyuta bozorini yanada erkinlashtirish milliy iqtisodiyot rivojlanishining dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi. Bu jarayondagi

dastlabki qadamlardan biri sifatida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2001-yil 22-iyundagi «Valyuta bozorini yanada erkinlashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi qarorining qabul qilinishi muhim rol o'ynaydi.

Ushbu qarorga ko'ra, Markaziy bank tomonidan e'lon qilinadigan rasmiy valyuta kursi buxgalteriya hisobi, statistika va boshqa hisobotlarni yuritishda, shuningdek, bo'xona to'lovlari amalga oshirishda ishlatiladi. Shu bilan birga, majburiy to'lovlarni amalga oshirishga doir barcha hisob-kitoblar ham Markaziy bank kursi bilan bajariladi.

O'zbekiston bank tizimi rivojlanishining to'rtinchi bosqichi haqida gapirilganda, ushbu bosqichning muhim yutuqlaridan biri bu – 2003-yil 15-oktabrda mamlakatimiz tomonidan Xalqaro valyuta fondining VIII bandi shartlarining qabul qilinishidir. Bu bilan milliy valyutamizning erkin konvertatsiyasiga erishildi.

Aholining bank tizimiga bo'lgan ishonchini oshirish va banklarga aholi jamg'armalarini jalb etishni rag'batlantirish maqsadida 2003-yil 30-avgustda O'zbekiston Respublikasining "Bank siri to'g'risida"gi qonuni qabul qilindi. Ushbu qonunda bank sirini saqlashga doir talablar va bank mijozlari to'g'risidagi ma'lumotlarni oshkor etish mumkin bo'lgan vaziyatlar belgilab berildi.

O'zbekiston bank tizimi rivojlanishining beshinchi bosqichiga kelsak, tegishli hukumat qarori asosida "2005–2007-yillarda bank sektorini yanada isloh qilish va rivojlantirish dasturi" qabul qilindi. Dasturda yangi tashkil etilayotgan banklar ustav kapitali miqdorini xalqaro Bazel qo'mitasi tamoyillariga moslashtirish va bosqichma–bosqich oshirib borish maqsad qilib olindi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2005-yil 16-fevraldagi "Uy-joy qurilishi va uy-joy bozorini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq, 2005-yilda ikkita bank, ya'ni "O'zuyjoyjamg'armabank" va "Zaminbank" birlashishi orqali yangi "Ipoteka bank" aksiyadorlik–tijorat ipoteka banki tashkil etildi. Bundan asosiy maqsad aholining uy-joylarga bo'lgan talabini mumkin qadar to'liq ta'minlash, uy-joy qurilishini, ayniqsa, kichik shaharlar va qishloq joylarida jadal rivojlantirish, uy-joy qurilishi uchun imtiyozli uzoq muddatli ipoteka krediti berish tizimini keng joriy etishdir.

Bank tizimida olib borilayotgan kredit siyosati iqtisodiyotning real sektorini, ayniqsa, kichik biznes va tadbirkorlikni moliyalashga qaratilgan. Kichik biznes va tadbirkorlik sub'ektlariga mikro kreditlar berishni qo'llab–quvvatlash maqsadida 2006-yil 5-mayda "Tadbirkorbank" "Mikrokreditbank"ka aylantirildi.

Shu o'rinda iqtisodiyotning lokomotivi sifatida O'zbekiston banklari bugungi kunda milliy iqtisodiyotga ta'sir etuvchi qudratli tizimga aylanish uchun uzoq evolyutsion taraqqiyot yo'lini bosib o'tdi. Shu ma'noda, faoliyat ko'rsatayotgan banklarning imkoniyatlari va ularning mijozlarga xizmat ko'rsatishda bir–biridan farqli jihatlari keltirib o'tadigan bo'lsak, hozirgi kunda O'zbekiston Respublikasida bank xizmatlarining an'anaviy sohalari – kreditlash, depozit operatsiyalari, hisob–kitob va kassa kabi xizmatlarni ko'rsatuvchi 32 ta tijorat banki hamda ularning 864 ta filiallari faoliyat olib bormoqda. Shu jumladan, davlat ustun mavqega ega – 5 ta, davlat ulushi mavjud aksiyadorlik tijorat banklari – 8 ta, aksiyadorlik tijorat banklari – 6 ta, xususiy

aksiyadorlik tijorat banklari – 5 ta, chet el kapitali ishtirokidagi banklari – 3 ta va chet el banklari – 5 tani tashkil qilmoqda.

Mamlakatni yanada rivojlantirishning asosiy hujjati – 2017–2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasidir. 2017–yilda Harakatlar strategiyasiga muvofiq boshlangan bank sektori islohotlarining faol bosqichi valyuta bozorini erkinlashtirish, bank faoliyatidagi eskirgan cheklovlarni olib tashlash, banklarni o'ziga xos bo'lmagan funksiyalardan ozod qilish va bank xizmatlari turlarini kengaytirishga qaratildi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017–yil 2–sentabrdagi “Valyuta siyosatini liberallashtirish bo'yicha birinchi navbatdagi chora–tadbirlar to'g'risida”gi farmoni hamda pul–kredit siyosati, milliy valyuta barqarorligini ta'minlash, belgilangan makroiqtisodiy ko'rsatkichlarga erishish, eksportga yo'naltirilgan tovarlar ishlab chiqarishni rag'batlantirish, tashqi bozorda ularning raqobatbardoshligini oshirish, aholining ijtimoiy himoyasini mustahkamlash va ish haqi tizimini yanada takomillashtirishga qaratilgan qator Prezident farmonlari va qarorlari qabul qilindi.

Shu bilan birga, moliyaviy sektorni izchil isloh qilish davomida qator chora–tadbirlar amalga oshirildi va natijada ilg'or bank biznesini yuritish hamda ushbu sektorda raqobat muhitini kuchaytirish uchun zarur huquqiy shart–sharoitlar yaratildi. Xususan, xalqaro standartlarga muvofiq keladigan va moliyaviy sohaga xorijiy investitsiyalarni kiritish uchun jozibador huquqiy muhitni yaratadigan O'zbekiston Respublikasining “O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki to'g'risida”gi, “Banklar va bank faoliyati to'g'risida”gi, “Valyutani tartibga solish to'g'risida”gi hamda “To'lovlar va to'lov tizimlari to'g'risida”gi yangilangan qonunlari qabul qilindi.

Banklar faoliyatida oxirgi to'rt yildagi o'zgarishlarni alohida ta'kidlash zarur. Bu davrda sohada katta o'zgarishlar yuz berib, mijozlarga yaratilgan qulayliklar va munosabat tubdan o'zgardi. Birgina misol, avvallari mijoz bank binolariga erkin kirib–chiqa olmas edi. Bugun esa mijoz o'zini bankning haqiqiy a'zosi sifatida ko'rmoqda. Navbatdagi savolimiz shuki, mamlakatimizda arzon uy–joylar va ko'p kvartirali uylar qurish ko'lamini kengaytirish, sohaga yangi arxitektura va texnik yechimlarni joriy etish orqali aholining uy–joy va maishiy turmush sharoitlarini yaxshilashda O'zbekiston banklarining hissasini e'tibor qaratadigan bo'lsak. Mamlakatimiz banklarning tub islohotida keyingi to'rt yillikni o'zgarishsiz tasavvur qilish qiyin. Qayd etganingizdek, avvallari mijozga bo'lgan munosabat bugungi kundagiga nisbatan boshqacha bo'lgan. To'rt yillik o'zgarishlarda mijozga ko'rsatilayotgan hurmat va yaratilayotgan qulayliklarni ko'rib, bugun ular banklarning haqiqiy mijoziga aylanganini ko'rishimiz mumkin.

Aholining uy–joy sharoitlarini yanada yaxshilash jismoniy shaxslarga ipoteka krediti berishning zamonaviy bozor tizimini shakllantirish va rivojlantirishni va tijorat banklari tomonidan moliyalashtirishni bosqichma–bosqich oshirishga, shuningdek, uy–joy sharoitini yaxshilashga muhtoj oilalarni davlat tomonidan qo'llab–quvvatlashda manzillilik va shaffoflikka erishildi. 2017–yilda 2 829 mlrd.so'm ipoteka kreditlari ajratilgan bo'lsa, 2021–yilning birinchi yarim yilligida bu ko'rsatkich 26 262 milliard so'mni tashkil qildi yoki 2017–yilga nisbatan ipoteka krediti miqdori 9,3 baravarga ko'paydi.

O'zbekiston Tiklanish va taraqqiyot jamg'armasi ishtirokida investitsiya loyihalarini moliyalashtirish mexanizmlarini isloh qilishga, uchta bankda, ya'ni Xalq banki, Agrobank va Mikrokreditbankda tadbirkorlikni rivojlantirish bo'yicha maqsadli davlat dasturlari doirasida kreditlarni jamlashga, tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash davlat jamg'armasi orqali tadbirkorlik faoliyatini davlat tomonidan imtiyozli moliyaviy qo'llab-quvvatlash mexanizmini tashkil etishga, bozor tamoyillariga asoslangan ipoteka kreditlari orqali aholini uy-joy bilan ta'minlashning yangi tartibini joriy etishga erishildi.

Ta'kidlash joizki, 2016–2020-yillar bank–moliya faoliyatining normativ–huquqiy bazasini yanada takomillashtirish, zamon talablari va xalqaro normalar hamda standartlarga muvofiq amaldagi qonun hujjatlariga o'zgartish va qo'shimchalar kiritish hamda yangi qonun hujjatlari va me'yoriy hujjatlar qabul qilish, shuningdek, kreditlar bo'yicha muammoli qarzlarning hosil bo'lishiga yo'l qo'ymaslik borasida oldini olish choralarini ko'rish yo'li bilan tijorat banklarining kredit portfeli muttasil o'sishi hamda sifati yaxshilanishini ta'minlash respublikaning bank–moliya tizimini isloh qilish va barqarorligini oshirishning asosiy yo'nalishlaridan biri bo'ldi.

Banklarda tavakkalchiliklarni boshqarishda chuqur omilli tahlilni amalga oshirishning aniq mexanizmini joriy qilish, zaxiralarni shakllantirish, kredit portfelini diversifikatsiyalashni ko'zda tutgan holda banklar aktivlari sifati monitoringini takomillashtirish, shuningdek, muammoli qarzdorlik paydo bo'lishiga yo'l qo'ymaslik yuzasidan ogohlantiruvchi choralar qabul qilingan.

Markaziy bankda tijorat banki aktivlari bo'yicha ehtimoliy yo'qotishlarni qoplash uchun zaxiralanadigan majburiy zaxira depoziti tashkil qilindi hamda ushbu majburiy zaxira depozitiga tijorat banklari o'z aktivlari bo'yicha ehtimoliy yo'qotishlarga qarshi shakllantirilgan maxsus zaxiralar summasiga teng miqdordagi mablag'larni vakillik hisobvaraqlaridan o'tkazib borish talabi belgilangan. Ushbu qoida banklarda muammoli kreditlarning paydo bo'lishiga yo'l qo'ymaslik yuzasidan ogohlantiruvchi belgi sifatida xizmat qildi.

Natijada oxirgi to'rt yilda O'zbekistonda bank–moliya sohasida amalga oshirilayotgan chuqur islohotlar natijasida respublika tijorat banklari aktivlari 2016–yilda 84 075 mlrd.so'mni tashkil qilgan bo'lsa, 2021–yil 1 yarim yillikda mazkur ko'rsatkich 396 162 mlrd.so'm, ya'ni 2016–yilga nisbatan 4,7 baravarga ko'paygan.

Mazkur choralar joriy qilinishi tijorat banklari aktivlar sifatining yanada oshishi, muammoli kreditlar paydo bo'lishini dastlabki vaqtlarda aniqlashtirish imkoniyatlarini yaratdi, pirovardida tijorat banklari omonatchilari va kreditorlarining manfaatlari yanada himoya qilinishi ta'minlandi.

Bugungi kunda respublikada amalga oshirilayotgan islohotlar Yangi O'zbekiston bilan faol hamkorlik qiladigan yetakchi xalqaro moliya institutlari, xorijiy davlatlar, xalqaro biznes va moliyaviy tuzilmalar tomonidan qo'llab-quvvatlanmoqda. Mintaqaviy va global miqyosda barqarorlik va tinchlikni saqlash borasidagi xalqaro hamkorlik O'zbekistonning pul–kredit va soliq siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biri bo'lib qolmoqda. Bugungi kunda xalqaro moliyaviy institutlarning amaliy aloqalari va ularning O'zbekiston banklariga bo'lgan ishonchini yanada yaxshilanib, shiddat bilan rivojlanishda davom etmoqda.

Xususan, Xalqaro moliyaviy institutlarning amaliy aloqalariga qisqacha to'xtaladigan bo'lsak, ulardan Xalqaro valyuta fondi (XVF), Jahon banki, yevropa tiklanish va taraqqiyot banki (YETTB), Osiyo taraqqiyot banki (OTB), Islom taraqqiyot banki kabi yirik moliyaviy tashkilotlar bilan juda izchil va faol ish olib borilmoqda. Mazkur tashkilotlar hukumat tomonidan tanlangan yo'l va amalga oshirilayotgan islohotlarning to'g'ri ekanligiga qat'iy ishonch hosil qilganliklari uchun ham yaqin hamkorlik aloqalarini olib bormoqda.

Shu o'rinda aytib o'tish joizki, xalqaro moliya institutlari va donor mamlakatlar bilan hamkorlik O'zbekistonning investitsiya siyosatida markaziy o'rinni egallaydi. Bugungi kunda xalqaro moliya institutlari va xorijiy davlat moliya tashkilotlari sanoatni modernizatsiya qilish dasturlarini, infratuzilmani, shu jumladan, qishloq joylarida transport va kommunikatsiya qurilishini amalga oshirishda, ijtimoiy infratuzilmani takomillashtirishda hamda qishloq xo'jaligi rivojlanishida faol ishtirok etmoqda.

So'nggi yillarda respublikamizda chet el investitsiyalarini, shu jumladan, xalqaro moliya institutlari va xorijiy hukumat moliya tashkilotlarining mablag'larini investitsiya loyihalarini, avvalambor, aholining hayot darajasi va sifatini oshirishga qaratilgan loyihalarni amalga oshirish uchun faol jalb qilish chora-tadbirlari amalga oshirilmoqda.

Jumladan, 2020-yilda xalqaro moliyaviy institutlar tomonidan 17 mingga yaqin loyihani moliyalashtirish ma'qullangan va 4039 million dollar mablag' ajratilgan, 2,9 milliard dollarga teng loyihalar moliyalashtirilgan. Albatta, bunday raqamlardan xulosa qilish mumkin, xalqaro moliya institutlari O'zbekiston banklari bilan ishonchli hamkor sifatida aloqalarni yanada mustahkamlab bormoqda. Ular mamlakatimizda qator istiqbolli loyihalarni amalga oshirishda o'z mablag'larini ajratish bilan faol ishtirok etib kelmoqda.

Mamlakatimiz bank-moliya tizimining shu kungacha rivojlanish evolyutsiyasi, sohaga berilgan imkoniyatlarning hammasi xalqimizning turmush tarzini yanada yashilash, tadbirkorlarga ayniqsa yosh tadbirkorlarni qo'llab-quvvatlash, ularga imtiyozlar berish, sohaga innovatsiyalar kiritish muhim omillardan biridir.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРМИЗНИНГ БАНК БОЗОРИДА ЯНГИ МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

Ф.Р. Бобобеков,

ЎЗРБА таянч докторанти

Мамлакатимиз иқтисодийетини мутлақо янги асосда ташкил этиш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ва янада эркинлаштириш ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишда Ҳукуматимиз ва Қонун чиқарувчи Органлар томонидан қатор қонун, фармон ва қарорлар, пухта ўйланган дастурлар қабул қилинмоқда ва улар изчил амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар иқтисодийетни ривожлантириш, жамият ва фуқаролик ҳуқуқий нормалари халқаро стандартларга етарли даражада жавоб бера олмаслигини кўрсатмоқда. Иқтисодийетни ривожлантириш ишлаб чиқариш кўламини кенгйтириш бўйича охириги йилларда кенг ислохотлар қилинмоқда. Бу борада ишлаб чиқарувчини маҳсулот (товар ва хизматлари) ни харидор томонидан сотиб олишдаги ўзаро муносабатларда учинчи шахс – тижорат банки (факторинг компанияси) ни аралашувиға эҳтиёж сезилмоқда. Яъни ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулоти (товар ва хизматлари) учун белгиланган тўловни муддатидан олдин олишға эҳтиёж сезмоқда. Бу эса унга айланма маблағларини даврийлигини қисқартириш ишлаб чиқариш кўламини кенгйтириш ва бозорда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш учун жуда муҳим омил ҳисобланади. Пул талабномасини бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш “факторинг” амалиёти бу борада жуда кўл келади.

Бизға маълумки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 3 августда 953–сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида факторинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низоми [1], Ўзбекистон Републикаси Адлия Вазирлигининг 2021 йил 31 мартдаги “Айрим идоравий норматив–ҳуқуқий ҳужжатларни идоравий норматив–ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш тўғрисида”ги 3293–сон Буйруғи [2] билан ўз кучини йўқотгани тижорат банкларимиз учун факторинг операцияларини бажаришни янада мушкул ҳолатға олиб келди. Яъни норматив ҳуқуқий жиҳатдан факторинг операцияларини амалға оширишда асос бўладиган норматив ҳужжат айна дамда мавжуд эмас. Бинобарин, тижорат банкларимиз факторинг операцияларини амалға ошириш учун фақат Фуқаролик Кодексига мурожаат қилишлари керак [3]. Шу асосда ҳар бир тижорат банки факторинг опреацияларини амалға ошириш учун ўзининг ички “Тартиби” ни яратиши лозим. Ўрганишаримиз натижасига кўра мамлакатимизда факторинг ривожланишиға таъсир қилувчи омиллар кўйидагилар:

1. Тижорат банклари томонидан ҳозиргача фақат регресс ҳуқуқсиз факторинг амалиётини қўллаш мавжуд бўлганлиги;

2. Факторинг турларини амалга ошириш ривожланиши учун етарли норматив ҳуқуқий базанинг йўқлиги;

3. Факторинг операцияларини ривожлантириш учун хўжалик субъектлари ва тадбиркорлар ўртасида етарли даражада оммалашмаганиги, яъни улар томонидан факторингни қўлайлиги бўйича кўп ҳолларда умуман маълумотга эга эмаслигига гувоҳ бўлдик.

Юқорида айтиб ўтилган муаммолардан келиб чиқиб, республикамизда факторинг амалиётини ривожлантириш учун аввалам бор норматив ҳуқуқий базани етарли даражада эмаслигини қўйида изоҳлаб кетишга қарор қилдик.

“Тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида факторинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомда, тижорат банкларини факторинг операцияларини амалга оширишда айрим тўсиқлар мавжуд эди. Жумладан:

Низом бўйича тижорат банклари фақат регресс ҳуқуқисиз факторинг операцияларни амалга оширишлари мумкин эди. Бу нима дегани? Яъни тижорат банки факторинг шартномасини мол етказиб берувчи билан тузиб уни молиялаштиригандан кейин, агар дебиторлик қарзини харидордан ундирилмаса уни ўз ҳисобидан қоплашга мажбур эди. Биз биламизки банк – бу жалб қилинган ва ўз маблағларини кредит бериш асосида фойда кўрадиган юридик ташкилот ҳисобланади. Лекин юқоридаги ҳолатда банк ўз маблағларини хатарга қўйиб, рискга боришни хоҳламайди. Шу сабабдан республикамиз тижорат банклари томонидан регресс ҳуқуқисиз факторинг операцияларни амалга оширишга хайрхоҳ бўлмаган.

Дунё тажрибасида эса факторингни регресс ҳуқуқи ва реверсив (тескари факторинг) амалиётлари ҳам кенг қўлланилади. Факторинг амалиётининг ушбу турларини республикамиз тижорат банклари амалиётига жорий қилиниши, бу тижорат банкларнинг даромадларини ошишига дебиторлик қарзларини рискини камайишига ва хўжалик субъектлари айниқса, кичик ва ўрта бизнес вакилларининг ишлаб чиқарган маҳсулотларини ички ва ташқи бозорда реализация қилишдан кейин олинadиган тўлов муддатини қисқартиришига олиб келади. Ўз навбатида ушбу маблағлар хўжалик субъектларини айланма маблағлари айланиш тезлигини оширишга хизмат қилади.

Регресс ҳуқуқиди факторинг шартномасида мол етказиб берувчи тижорат банки (факторинг компания) билан бирга маълум рискни олади. Яъни факторинг шартномаси томонлар (сотувчи, харидор ва фактор) ўртасида тузилиб, бу жараёнда харидор тўлов қобилиятига эга бўлмаса, унда сотувчи факторга молиялаштирилган суммани (шартнома асосида тўлиқ ёки маълум қисмини) қайтариб бериши керак. Сотувчи унинг мижози, ишончли ва кўп йиллар давомида ҳамкорлик қилган молиявий жиҳатдан тўлов қобилиятига эга бўлса регресси факторинг шартномасини имзолаши, аҳамиятига эга.

Умумий ҳолда регресси факторинг орқали сотилган дебиторлик қарздорлигини ҳуқуқини тижорат банки (факторинг компания) харидордан ундирилмаса унда у сотувчидан талаб қилади.

Ҳозирги пайтда Россияда 80% гача бўлган факторинг шартномалари айнан регресси факторинг шартномаларига тўғри келмоқда [4].

Ўзбекистон Республикаси амалиётида регресс ҳуқуқи асосида факторинг амалиёти қўлланилмайди. Мамлакатимизда тижорат банклари томонидан фақат

регресс ҳуқуқисиз факторинг амалиёти мавжуд. Фикримизча, мазкур амалиётни бир қанча камчиликлари мавжуд. Жумладан: тижорат банклари факторинг амалиётини бажариш жараёнида ўз мижозлари ҳақида етарлича маълумотлар базасини ярата олмаслиги.

Иккинчидан, тижорат банкининг регресс ҳуқуқисиз факторинг амалиётини бажаришда харидорни тўлов қобилиятини пастлиги тижорат банкилари учун юқори даражадаги риск ҳисобланиб жорий активларда дебиторлик қарздорлигини ортишига олиб келади.

Реверсив факторинг (тескари факторинг амалиёти) товар ва маҳсулотларни улгуржи шаклда олиб чакана ҳолда сотадиганлар хўжалик субъектлари учун, тўловни кечиктириб тўлашга асосланган молиявий хизмат тури ҳисобланади. Гарчи бу хизмат тури харидорни товар маҳсулотларини молиялаштиришга йўнаштирилган бўлса ҳам, лекин тижорат банки (факторинг компания) сотувчи билан шартнома тузади.

Масалан, Россияда йирик товар ва маҳсулот олди–сотдиси билан шуғулланадиган: Пятёрочка, Metro Cash and Carry каби чакана сотувчилари тижорат банки (факторинг компания) билан ҳамкорлик битимларини тузишган, бу орқали ўзларининг (мол етказиб берувчиларини) факторинг компания (тижорат банк) лари билан шартнома тузишга ундайдилар. [4]

Сотувчи ва фактор ўртасида тузилган шартнома бўйича харидорда қулай имконият пайдо бўлади, яъни у бир қанча улгуржи сотувчилар билан ҳисоб–китоб қилмасдан, балки битта кредитор билан ишлайди. Бу йирик хўжалик субъектлари учун вақт ва харажатларни тежашга олиб келади. Кичик турдаги мол етказиб берувчилар ҳам бу амалиётдан ютадилар, яъни уларга фактор томонидан комплекс молиявий хизмат кўрсатилади. Сотувчи молини етказиб бергандан, дарҳол ўз маҳсулоти учун нақд маблағ олади.

Тескари факторинг амалиётининг ижобий томони бу кредиторга (факторга) ҳам харидорга ҳам қулай ҳисобланади. Яъни кредитор (фактор) кичик (мол етказиб берувчи) билан ҳамкорлик қилади, бу эса риск даражасини камайтиради. Йирик харидорларнинг ҳам тескари факторинг амалиётидан манфаатлари мавжуд. Масалан, улар ўз сотувчиларидан мол етказиб беришда маълум муддат кечиктириб пул тўлайдилар, агар улар яна фактор билан ҳам кечиктириб тўлаш ҳақида келишиб олсалар, унда улар ушбу муддатда товар маҳсулот учун тўланиши керак бўлган дебиторлик қарздорлиги суммасини ўзларини айланма маблағларини ривожлантиришга сарфлайдилар. Қисқа қилиб айтганда ушбу муддат ичида уларда бўш пул маблағи пайдо бўлади. Бошқа томондан эса бир қанча мол етказиб берувчилар билан ҳисоб–китоб қилмасдан битта кредитор (фактор) билан ҳамкорлик қилишади.

Фикримизча, улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланадиган савдо мажмуалари (Korzinka.uz, Makro, Atlas, Carrefour, Navas), *UzAutoSanoat* ва уларнинг мол етказиб берувчилари тижорат банклари билан айнан реверсив факторинг тури орқали ҳамкорлик қилишлари лозим.

Хулоса ўрнида айтишимиз лозимки, Ўзбекистонда тижорат банклари томонидан регресс ҳуқуқи асосида ва реверсив (тескари факторинг) амалиёти тижорат банклари томонидан амалга оширилмайди. Бироқ, мамлакатимизда охириги йилларда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар ўлароқ иқтисодиётни ривожлантириш, экспорт кўламини оширишга бўлган сайи-

харакатлар ечими сифатида регресс ҳуқуқи ва реверсив факторингни тижорат банклари (факторинг компания) лари томонидан бизнес субъектлари учун қўллаш вақти аллақачон етиб келди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида факторинг операцияларини ўтказиши тартиби тўғрисида" ги Низом. 2000 йил 3 августда 953–сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган (Хужжат амалда 21.03.2021 йилдан ўз кучини йўқотган)

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 2021 йил 31 мартдаги "Айрим идоравий норматив–ҳуқуқий ҳужжатларни идоравий норматив–ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариши тўғрисида" ги 3293–сон Буйруғи

3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси I,II қисмлар Ўзбекистон Республикасининг 21.12.1995 й. 163–I–сон ва 29.08.1996 й. 256–I–сон Қонуллари билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 29.08.1996 й. 257–I–сон Қарорига мувофиқ 01.03.1997 й. эътиборан амалга киритилган.

4. Покаместов И.Е. Рынок факторинга зарубежных стран // журнал "Банковское кредитование" 30.03.2007 стр. 110–117

ЎЗБЕКИСТОНДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РЕЙТИНГ ОРҚАЛИ БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИ

***С.С. Аллаберганов,
ТДИУ таянч докторанти***

Мамлакат иқтисодиёти ўсиши ва аҳоли фаровонлигини оширишда банк тизимининг доимий такомиллашиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Банк тизими бошқа ҳар қандай соҳадан кўра кўпроқ бошқарувнинг мукамаллиги ва доимий иқтисодий таҳлилни талаб қилади. Чунки, банклар кредит ташкилотлари сифатида мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва тадбиркорлик фаолиятини кўллаб–қувватлаш борасида асосий молиялаштирувчи молия институти ҳисобланади. Мамлакатимиз банк тизимининг ривожини ҳам давлат иқтисодиёти ривожланишининг ажралмас қисми десак муболаға бўлмайди.

Мамлакатимиз банк тизимидаги олиб борилаётган изчил ислохотлар, тизимни трансформация қилиш, такомиллаштириш ва барқарорлигини ошириш борасидаги чора–тадбирлар натижасида тижорат банклари молиявий кўрсаткичлари бўйича барқарор ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

Шу ўринда мамлакатимизда мустақиллик йилларида тижорат банклари фаолиятини рейтинг орқали баҳолаш амалиётини ривожлантириш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилганлигини айтиб ўтиш зарур.

Ўзбекистон Республикасида рейтинг фаолияти бўйича ҳуқуқий асослар яратилиши мустақилликка эришилгандан кейинги йилларда бошланди. 1997 йил 23 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг кредитга қобилиятлиликнинг мустақил рейтингини олишига доир тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

2007 йил 17 декабрда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг қарори асосида “Молия бозорида рейтинг агентликлари фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низом тасдиқланди.

Ушбу низом орқали рейтинг фаолияти бўйича умумий қоидалар, молия бозорида рейтинг агентликларига ва рейтинг фаолиятига қўйиладиган талаблар, рейтинг баҳолаш услубияти, рейтинг агентлигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва бошқа қоидалар белгиланди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз тижорат банклари ўз рейтинг натижаларини яхшилаш мақсадида зарурий чора–тадбирларни амалга ошириб

келмоқдалар. Бунинг натижасини банкларимизга халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилган рейтингларда ҳам кўриш мумкин.

Жумладан, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Етакчи халқаро ва чет эл молиявий институтлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш учун жалб қилинаётган ташқи сармоя бўйича юзага келадиган харажатларни камайтириш мақсадида Ўзбекистоннинг кредит рейтингини яхшилаш ҳамда юқори суверен рейтинг кўрсаткичларига эришиш мақсадида етакчи халқаро ва чет эл молиявий институтлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, суверен рейтинг кўрсаткичини ва кредит рейтингини яхшилаш⁵⁵” вазифаси қўйилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда тижорат банклари фаолиятини рейтинг орқали баҳолаш амалиётини янада ривожлантириш борасида амалга ошириши лозим бўлган ишлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

Биринчидан, дунё амалиётида асосий рейтинг агентликлари томонидан 2 ёки 3 йил ичида ўзгариш прогнози 4 хил кўрсаткич асосида аниқлаб кўрсатилади, яъни улар “Ижобий” – рейтинг ортиши мумкин, “Салбий” – рейтинг тушиши мумкин, “Барқарор” – рейтинг ўзгармас, “Ўзгарувчи” – ошиши ёки тушиши мумкин бўлган рейтинглар. Мамлакатимиз банклари асосан “Барқарор” – рейтингларга эга бўлиб бу ҳам яхши кўрсаткич ҳисобланади. Аммо бугунги кунда хорижий салоҳиятли сармоядорлар учун “Ижобий” – рейтинглар ўзига жалб қилишнинг асосий белгиси сифатида қаралади. Эндиликда мамлакатимиз банклари ҳам ўз рейтингларини ушбу даражага кўтариш учун зарурий чора тадбирларни амалга оширишлари зарур ҳисобланади.

Бу борадаги яна бир муҳим масалалардан бири мамлакат суверен кредит рейтинги олиш масаласидир. Мамлакатнинг бир ёки бир нечта халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилган, юқори баҳоланган суверен кредит рейтингига эга бўлиши маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга еврооблигацияларни эмиссия қилиш имкониятини тақдим этди, натижада миллий иқтисодиётга киритилаётган инвестицияларни молиялаштириш манбалари яна биттага кўпайиб, мамлакат иқтисодиётининг ўсиши тезлашди. Мамлакат суверен рейтингги шу мамлакат тижорат банклари рейтингининг “Ижобий” даражага кўтарилишида асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

55 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги фармони.

Иккинчидан, мамлакатимизда тижорат банклари рейтингининг миқозлар учун аҳамиятини кучайтириш мақсадида қатор чора–тадбирлар амалга оширилиши зарур.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари хизматларидан фойдаланувчиларнинг аксарияти банк рейтинглари билан таниш эмас ва рейтингнинг аҳамиятини тўлақонли ҳис қилмайдилар. Бу ўринда тижорат банкларининг ўзлари рейтинг кўрсаткичларидан реклама сифатида фойдаланишлари ва миқозлар жалб қилишда рейтинглардан самарали фойдаланишлари керак.

Қолаверса, марказий банк томонидан тижорат банклари рейтинглари ва улардаги ўзгаришлар бўйича оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрлари орқали доимий равишда хабарлар берилиши тизимини йўлга қўйишлари зарур.

Учинчидан, мамлакатимизда тижорат банклари рейтингини аниқлаш фаолиятини замонавий талаблар асосида қайта ташкил этиш ва ривожлантириш зарур.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда "Ahbor–Reyting" рейтинг компанияси бу соҳадаги ягона ташкилот ҳисобланади. Компания томонидан рейтинглар фақатгина тижорат банклари молиявий кўрсаткичлари ўзгаришини таҳлил қилиш асосида шакллантирилади. Халқаро амалиётда эса тизимда юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай ўзгариш банк рейтингининг ўзгаришига олиб келади. Эндиликда банкларнинг рейтингларини аниқлашда хориж тажрибасидан фойдаланган ҳолда банкларнинг даромадлиликнинг барқарорлиги, фаолиятнинг диверсификацияланганлиги, корпоратив бошқарув даражаси, молиявий ҳисоботлар шаффофлиги каби сифат кўрсаткичлари асосида таҳлил қилиб бориш мақсадга мувофиқ.

Тижорат банкларининг фаолиятини доимий таҳлил қилиш асосида рейтинг бўйича ўзгаришларни тезлик билан эълон қилиш имкониятига эга бўлган рейтинг агентликлари ташкил этиш орқали банк тизимидан манфаатдор томонлар фаолияти учун зарур бўлган рейтинг ахборотлари тизимини ривожлантириш зарур. Бу орқали эса тижорат банклари ўртасида соғлом рақобатнинг янада ортиши ва шу асосда банк тизими янада ривож топишига эришиш мумкин.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИНИНГ ЎРНИ

**М.Б. Мўминова,
ТДИУ, докторант**

Мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банкларида актив ва пассив операцияларни инновацион бошқаришни такомиллаштиришнинг меъёрий–ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, банк тизими ушбу Фармон, Қарор, Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар орқали тартибга солинади. Шу билан бирга банк тизимини ривожланиш босқичлари ва уларда амалга оширилган ишлар муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи босқичда 1991–1994 йилларни қамраб олади. Ўзбекистонни мустақилликнинг дастлабки йилларида банк тизимини ривожлантириш ва шакллантириш борасидаги илк қадамларидан бири икки поғонали банк тизимига ўтилди. Марказий банк зиммасига ҳам қатор вазифалар юклатилди.

1995–2000 йилларда банк тизимини халқаро стандартлар асосида фаолият юритиш мақсадида Базель тавсияларига мувофиқ ҳолда фаолият кўрсатиш учун зарур тадбирлар амалга оширилди. Бу орқали банк тизимидаги рискларни олдини олиш орқали ликвидлик ва барқарорлик даражаси мустаҳкамланди.

Учинчи босқичда 2001–2004 йилларни қамраб олиб, унда мамлакатимизда либераллаштириш ва ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида банк тизимини ривожлантириш ишлари амалга оширилди. Асосий эътиборни банк ресурсларни кенгайтириш, банк капиталини ошириш ва ИТ – технологияларига ургу берилди.

2005–2010 йилларда эса банклар молиявий барқарорлигини ошириш ва ички бозорда молиявий хизматлар доирасини кенгайтириш ва банкларнинг халқаро капитал бозорида фаоллиги таъминланди.

Бешинчи босқич 2011–2015 йилларни ўз ичига олиб, молия–банк тизими ислох қилинди ва барқарорлиги оширилди натижада тижорат банкларида инновацион маҳсулотлар ва янги хизматлар турлари татбиқ этилиб банк даромадлик даражасига ижобий таъсир кўрсатди.

2017–2021 йилларни ўз ичига олган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси барча жабҳаларни ўз ичига олиб унда соҳалар ривожини таъминловчи стратегиялар мажмуаси ишлаб чиқилди. Бу соҳалар таркибида банк тизимини ривожлантириш стратегияларига ургу

берилган. Шу асосда банк фаолиятини тартибга солувчи замонавий тамойил ва механизмлар жорий қилинди, уларнинг самарали фаолият кўрсатишига йўл қўймаётган тўсиқлар бартараф этилди.

1–жадвал

Банк тизимини ривожланиш босқичлари⁵⁶

| Босқич | Йил | Банк тизимини ривожлантириш чоралари | Ислохот натижалари |
|--------|-----------|---|--|
| 1 | 1991–1994 | Икки поғонали банк тизимининг шаклланиши | Қатор банклар шакллана бошланиб банклар фаолиятига доир қарашларда чинакам бурилиш йиллари бўлди. Икки поғонали банк тизимининг таркиб топиши ва мамлакат Марказий банки зиммасига янги вазифалар юкланиши учун асос бўлиб хизмат қилди. |
| 2 | 1995–2000 | Банк секторида хусусий капитал оқимини рағбатлантириш ва банкларни Базель тавсияларига мувофиқ ҳолда фаолият кўрсатиш учун зарур тадбирлар амалга ошириш | Базель қўмитасининг тавсияларидан келиб чиқиб, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида улар балансида мавжуд муаммоларни олдиндан аниқлаш ҳамда банк ликвидлиги пасайиши ва капитал тугаши юзага келишидан олдин огоҳлантирув чоралари кўрилди. |
| 3 | 2001–2004 | Мамлакатимизда либераллаштириш ва ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида банк тизимини ривожлантириш даври | Банкларнинг ресурс базасини кенгайтириш ва капиталлашув даражасини ошириш ўз фаолиятини диверсификациялаш, янги акциядорларнинг маблағларини жалб этиш, IT–технологиялар асосида янги банк маҳсулотлари ишлаб чиқилди. |
| 4 | 2005–2010 | Банклар молиявий барқарорлигини ошириш ва ички бозорда молиявий хизматлар доирасини кенгайтириш ва банкларининг халқаро капи-тал бозорида фаолли-гини таъминлаш | Банклар ихтисослашган кредит институтлари сифатида, хўжаликларнинг вақтинча бўш маблағларини жалб этиши, бошқа томондан эса жалб этилган маблағлар ҳисобидан корхоналар, хусусий тадбиркорлар ва аҳолининг молиявий эҳтиёжларини қондирди. |
| 5 | 2011–2015 | Молия–банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш | Тижорат банкларида инновацион маҳсулотлар ва янги хизматлар турлари татбиқ этилди |

⁵⁶ Марказий банк маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

| | | | |
|---|-----------|---|--|
| 6 | 2017–2021 | Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси | Банк фаолиятини тартибга солувчи замонавий тамойил ва механизмларни жорий қилиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишига йўл қўймаётган тўсиқлар бартараф этилди. |
| 7 | 2020–2025 | Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси | Банк тизимини трансформация ва ислоҳ қилиш йўналишларини, хорижий мамлакатларнинг молия секторини трансформация қилиш тажрибаси асосида ва молиявий соҳадаги жаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда эҳтимолий ечимларни излаш йўллари белгилайди. |

2017–2021 йилларни ўз ичига олган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси барча жабҳаларни ўз ичига олиб унда соҳалар ривожини таъминловчи стратегиялар мажмуаси ишлаб чиқилди. Бу соҳалар таркибида банк тизимини ривожлантириш стратегияларига урғу берилган. Шу асосда банк фаолиятини тартибга солувчи замонавий тамойил ва механизмлар жорий қилинди, уларнинг самарали фаолият кўрсатишига йўл қўймаётган тўсиқлар бартараф этилди.

Бугунги кунда 2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида белгилаб берилган ислоҳотларни амалга ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Банклар олдига банк тизимини трансформациялаш ва ислоҳ қилиш, хорижий мамлакатларнинг молия секторини трансформация қилиш тажрибаси асосида ва молиявий соҳадаги жаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритиш, муаммоларга ечим излаш йўллари белгилаб берилган. Банк тизимини янада ривожлантириш кўзда тутилган ва тутилмаган инқирозларга қарши ҳимоя ёстиқчаларини шакллантириш стратегик ечимларни излаб топиш ва жорий этиш орқали амалга оширилади.

Бугунги кунда тижорат банклари КРІ тизимига ўтмоқда. Бунда банк ходими бажарилган иш натижаси орқали рағбатлантирилади. Мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ва сони муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, бу тизимни юритишда банк бошқарувини аралашуви кузатилмоқда. Бу эса тизимини шаффоф ишлашига тўсқинлик қилади. Шундай экан, хориж тажрибаси асосида ўтилаётган ушбу тизимга банк тизимини ривожланиши учун хизмат қилиш имконини яратиш лозим.

Шу билан бирга асосий банк молия соҳасини ислоҳ қилишда рақобат муҳитини шакллантириш, тижорат банклари ресурслари таркибида давлат улушини қисқартириш, банк хизматларини инновацион тарзда юритиш, банк инфратузилмасини ривожлантиришга аҳамият бериш, хизмат кўрсатиш

соҳаларини автоматлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Банкнинг кредит портфелини диверсификациялаш орқали таваккалчиликларни бошқариш, инвестиция кредитлари ҳажмларини ортишига эришиш, банк тизимида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш, халқаро амалиётда тажрибага эга бўлган менежер ва маркетингларни жалб қилиш асосида молиявий таваккалчиликларни баҳолашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга банк капиталлашувини мамалакатимиз банк тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ПҚ–3620–сонли “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 23 мартда тасдиқланган қарори тижорат банкларига инновацион хизмат турларини киритиш, банкларининг депозит базасини мустаҳкамлаш ва капиталлашув даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Бунда тижорат банклари илғор халқаро тажрибасини ўрганиш ҳамда банк хизматлари ва маҳсулотларининг янги турларини жорий этиш, банклар филиаллари ва мини–банклар қопланишини ҳамда банк хизматларига бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда банклар филиаллари ва мини–банклари тармоғини кенгайтириш, филиалларнинг кредит ажратишда бош банклар билан қўшимча келишувсиз мустақил қарорлар қабул қилиш бўйича ҳуқуқларини кенгайтириш тавсия этилган.

Шунингдек, банкнинг пассив операцияларини бошқаришда асосий муаммолардан бири юқори ликвидликга эга бўлиш ва шу жараёнда рискни минималлаштиришдир. Банк ресурсларидан унумли, режали фойдаланиш асосида пассивлар кўламини кенгайтириш. Бунда пассивларини бошқариш методларни ва инструментларни қўллашда ўз вақтида самарали стратегик характерга эга бўлган муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда яна долзарб вазифалардан бири давлат улуши мавжуд тижорат банкларини трансформация қилиш жараёнидир. Бу жараёнга эришишда банк тизимини замонавий талаблар, ахборот технологиялари ва инновацион дастурларни жорий этиш, банкга қарашли давлат акциялари пакетини илғор тажриба ва кўникмага эга бўлган инвесторларга танлов асосида сотиш орқали банк секторига давлатнинг улушини камайтиришдир.

Бу орқали актив ва пассив операциялар кўламини кенгайтириш ва ресурслар базасини барқарорлигини таъминлашга эришилади.

Банк тизими аҳоли ва кичик бизнес вакиллари учун масофавий хизматларни кенг жорий қилиш, юқори даромадлиги бўлмаган хизмат кўрсатиш

жабҳаларини ривожлантириш, шу билан бирга банк ходимларини билим ва малакасини ошириб бориш, мижозлар учун молиявий хизматлар оммабоблигини ва сифатини ошириш долзарб аҳамиятга эгадир.

Банк тизимини молиявий барқарорлигини оширишда асосий эътиборни куйидагиларга қаратиш лозим:

1) кредит портфелини сифатини яхшилаш орқали кредитлаш жараёнини ўсиш суръатларини муқобиллаштиришга эришиш;

2) банк тизимининг ички ва ташқи назоратини такомиллаштириш ва банк таваккалчиликларини бошқаришнинг замонавий тузилмасини ишлаб чиқиш;

3) банк тизими ва иқтисодиётнинг реал секторида фаолият юритаётган давлат улуши мавжуд корхоналарни ислоҳ қилишни амалга ошириш, банклар томонидан давлат корхоналари ва ташкилотлари фаолиятини трансформациясини амалга оширишда тижорат асосида иштирок этиш, реал ва молия секторидаги ўзгаришларни самарали кечишини таъминлаш;

4) Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий ташкилотларга кўшилиши ва банк тизимининг халқаро молия тизимига интеграциялашувини ҳисобга олган ҳолда банк капиталига қўйиладиган минимал талабларни ошириш;

5) банк мижозларини ишончини ошириш учун энг илғор хорижий тажриба асосида депозитларни ҳимоялаш тизимини изчиллик билан ривожлантириш;

6) давлат улушига эга тижорат банк активларини сифатини мустақил баҳолашни амалга ошириш шу орқали ҳаракатсиз кредитларни олдини олиш орқали кредит портфеллари, сифатини яхшилаш бўйича чоралар кўриш.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЧАКАНА БАНК ХИЗМАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

С.А. Асқаров,
ТДИУ, докторант.

Бугунги кунда жаҳонда иқтисодиётнинг ахборот технология ютуқлари билан трансформациялашув шароитида йирик корпоратив мижозларни жалб қилиш бўйича банклар ўртасидаги рақобат кучайган бўлиб, Ўзбекистонда ҳам чакана банк хизматлари бозори банк даромади ва рақобатбардошлигини таъминлашнинг истиқболли йўналишларидан бирига айланмоқда. Айни пайтда, банк хизматлари бозорида чакана хизматлар алоҳида ўрин тутиб, улар асосан аҳолининг молия–банк хизматларига бўлган талабини қондиришга йўналтириломоқда.

Маълумки, чакана банк хизматлари ўзининг бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туради, хусусан, асосий истеъмолчилар сифатида жисмоний шахслар майдонга чиқади, операциялар ҳажми кичик бўлсада, корпоратив банк хизматларига нисбатан харажатлар юқорироқ бўлади, хизматлар шахсий талабларни қондиришга йўналтирилган бўлади.

Республикамиз тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган чакана банк хизматлари ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Аҳолига мўлжалланган омонатлар сони ортиб, пластик карточкалар билан операциялар кўлами ошмоқда, истеъмол ва ипотека кредитларини бериш амалиёти такомиллашмоқда. Бундай шароитда чакана банк хизматларини кўрсатишни инновацион такомиллаштириш, яъни замонавий банк технологиялари асосида трансформация қилишини талаб этади.

Биз ҳозир, банкларнинг COVID–2019 пандемияси шароитида чакана банк хизматларни хориж тажрибаси ҳисобланган тизимларни яратиш, банкнинг овердрафтли ссуда хизмат турини ташкил қилиниши сабаблари, унинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти, шунингдек чакана банк хизматлар рақобатини ошириш орқали молиявий потенциаллари ортишига олиб боради. Чунки, улар ҳозирги кунда чакана банк хизматларини ноанъанавий кўринишлари бўлиб, келгусида банклар фаолияти кўламини оширишга олиб боради. Ўз навбатида банкларнинг даромадлари таркибини оширишга олиб бориб, бу банкларимизнинг фаолияти кўлами мамлакатимиз ҳаёт равнақи ва тараққиёти учун хизмат қилиши ортиб боради.

Банклар турли хил молиявий саволлар бўйича маслаҳатлар бериш, интернет орқали ва мобил банкинг хизматлар, пластик карталар билан амалга ошириладиган хизматлар, аҳолини турли хил ҳисобларини юритиш ва ипотека ва истеъмол кредитлашларни бериш ва бошқаларни ўз ичига олган кенг қамровли

хизматларни таклиф қила бошлаганлар.

Рақобатни кучайиши, банк хизмат хизматлар бозорига нобанк молия муассасаларини хизматларини кириб бориши, турли хил банклар чекловларни камайтириб банкларни аралаш тармоқларнинг таркибига кириб бориши маҳсулотнинг янги турларини фаол жорий этиш, таклиф этилаётган хизматларни кенгайтиришни рағбатлантириб бормоқда.

Хусусий субъектларга хизматларнинг анъанавий кўринишларини таклиф этилиши бу омонатларни қабул қилиш ва мижозларнинг ҳисоб рақамларини юритишни заруратга айлантirdилар. Ҳозирги вақтда, банклар хусусий субъектларга омонатларни бир неча ўн минглаб турларини таклиф қилмоқдалар

Буюк британия банклари 1970–йилларга қадар яқка мижозларга: жорий, депозит ва жамғарма ҳисобларини очиб, ўз хизматларини кўрсатган. Энди моливий воситачилар билан рақобатлашиб, банклар ҳисобрақамларни янада кўпроқ турларини таклиф этмоқдалар. Жорий ҳисобрақам овердрафтли кредитни олишда маълум шартларга ва чек бўйича пул маблагларини ечиш имкониятлари ҳисобига у кенгроқ жозибадор ҳисобланади. Бундай ҳисоблар мижозлар учун даромад берувчи қайсики, кунлик харажатларни амалга оширишда ёрдам бериб боришга йўналтирилган. Айрим банклар жорий ҳисобрақамлар очиш орқали автоматик тарзда кредит олиш имкониятларини яратмоқдалар. Бундай овердрафт шароитида лимитни оширилган қисмига мижозларга нисбатан кўпроқ имтиёзли шартлар асосида комиссион ва фоизлар ундирилмайди.

Англия банк амалиётида овердрафтни турли режимлардаги персонал жорий ҳисобрақамлар тизими жорий этилган. Айрим жорий ҳисобрақамлари учун белгиланган фоиз ставкалар шароитида ва маълум чегарада автоматив овердрафтлар жорий этилган. Овердрафтнинг айрим турларида банклар фоиз ундириб олмайдилар (мисол учун, талабалардан).

Овердрафтнинг фиксирланган кредитга нисбатан афзаллиги шундаки, унинг фоизи ҳар куни қолдиқ суммага нисбатан ундирилади, шунинг учун қарз олувчи кам фоиз тўлаш имкоиятига эга бўлади. Бироқ, овердрафтнинг бу жорий ҳисобрақамлар бўйича комиссион йигим ўрнатилган, айрим ссудалар учун комиссион тўлаш бекор қилинган.

Буюк Британия банкида шахсий мижозларига оила бюджети бўйича ҳисобрақам очадилар. Бу ҳисобрақамлар мисол учун коммунал ва маиший хизмат тўловларини доимий тўлаш учун очилади. Банк амалиётида бюджет ҳисоблар айрим ҳолларда шахсий ссуда ҳисобрақамлари дейилади.

Германияда персонал (аниқ адресли) кредит турларига фойдаланиш мақсади кўрсатимаман майда кредитлар киритилган. Бу муддатлари бўйича ўрта ва қисқа муддатли кредитлардир. Dresdner bank ўз мижозларига 1500 евродан б ойдан 72 ойгача бўлган муддатда беради.

Францияда аҳолига берилаётган кредитлаш ҳажми 15 йилда, яъни йилига 7.1 %дан истеъмол кредитлаш ҳажми ортиб борган. Истеъмол кредит ва қарзлар

турлари бир биридан фарқ қилиб, умумийлик томонлари: уларнинг суммаси 21,5 минг евродан ошмаслиги; у 3 ойдан кам бўлмаган муддатга берилиш; уни фақат банклар, кредит муассаса ва савдо тизими томонидан берилиши мумкинлиги белгиланган. АҚШ да банкнинг инновацион хизматлари фаол ривожланмоқда. Амалиётда хоҳлаган америкалик iPhone, Droid ёки BlackBerry эгалари ўз телефонида хотдоғ ёки кофе сотиб олиш учун ва ўз ўртоғи ҳисобига пул маблағларини тўддириш имкониятига эгадир. Бугунги кунда эса online контактсиз тўловлар тараққий этиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3620–сон қароридида чакана банк хизматлари бозорининг паст даражада ривожланганлиги ва миқозлар билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишнинг замонавий ёндашувлари мавжуд эмаслиги ортиқча бюрократия ва сансалорлик учун замин яратаётганлиги, банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб–китобларни амалга ошириш бўйича давлат процессинг ташкилотининг мавжуд эмаслиги чакана тўлов тизимларининг хавфсизлик, узлуксизлик ва ишончлилик даражасига таъсир кўрсатмоқда, ҳамда аҳолининг кенг қатламлари учун очиқ бўлган инновацион лойиҳаларни амалга оширишда замонавий технологик ечимларни илгари суришга тўсқинлик қилаётганлиги алоҳида қайд этилиб ўтилди.⁵⁷

Чакана банк хизматларини тадқиқ этиш асосида уларга хос бўлган умумий хусусиятлар куйидагилардан иборат эканлигини аниқлаш мумкин:

- чакана банк хизматларининг асосий истеъмолчилари бўлиб жисмоний шахслар ҳисобланади;
- чакана банк хизматлари кичик ҳажмлик, аммо улгаржи банк хизматларига нисбатан харажати кўпроқ операциядир;
- ушбу банк маҳсулотлари стандартлаштирилган маҳсулотлар жумласига киради. Чунки барча мамлакатларда дерялик бир турдаги маҳсулотлар билан хизматлар амалга оширилади;
- операциялар бўйича олиндиған мукофотларнинг тарифлари ўхшаш ва стратегиялари бир хилдир;
- миқозларнинг ўзгарувчанлиги ва уларнинг ҳаракати юқорилиги билан улгуржи операциялардан фарқланади;
- чакана банк хизматларини амалга оширишда банкларнинг автоматлаштириш даражасининг юқорилигига асосланади ва бошқалар.

Умуман олганда, чакана банк хизматларини (маҳсулотларини) таснифлаш чакана ва корпоратив банк маҳсулотлари ўртасида чегарани аниқ ўтказиш, шунингдек, тижорат банкларининг чакана бизнесини самарали бошқариш

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3620–сон қарори

зарурияти билан боғлиқдир.

Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда банкларнинг чакана хизматлари мамлакатимизда кейинги йилларда жадал суръатлар билан ривожлантирилаётган банк операцияларидан ҳисобланади. Шу билан бирга банклар томонидан ўзларининг бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган замонавий чакана хизматлар бозорини шакллантириш, уларни турли рисклардан ҳимоялаш ҳамда мижозлар томонидан берилган маблағлардан самарали фойдаланиш муаммолари банк тизими олдига кўплаб вазифаларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Буларнинг барчаси албатта мамлакатимиз банк ходимлари томонидан иш савияси ва даражасини ошиб боришини, яъни банк хизматларини такомиллаштириш ва уларни жаҳон андозаларига яқинлаштиришни талаб қилади.

Сўнги ўн йил давомида ахборот ва коммуникация технологияларининг оммавий ривожланиши ва унинг кенг жорий этилиши, жаҳоннинг глобал ривожланишига туртки бўлиб хизмат қилди. Ҳар томонлама ривожланаётган мазкур ахборот коммуникация соҳаси – иқтисодиётнинг турли тармоқларида ўзининг пешқадамлигини намоён этмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳозирги замон банк–ахборот технологиясининг асосий йўналишларидан бири, бу тўловларни амалга оширишнинг пластик карточка тизимидир. Ушбу технология иқтисодиётга ва мамлакатнинг тўдалигича ривожланишига улкан таъсир кўрсатиши мумкин.

Масофавий банк хизматлари кўрсатишнинг энг муҳим турларидан бири, бу банкомат ва терминаллардир. Фойдаланиши содда бўлган банкомат бугунги кунда мижоз ва кассир ўртасидаги анъанавий муомалага чек қўйиб, ўзига хос минибанк–офис вазифасини ўтамоқда, десак муболаға бўлмайди. Ҳозирги пайтда банкоматлардан нафақат нақд пул ечиб олиш, балки улар орқали товар ва хизматлар бўйича турли тўловларни амалга ошириш мумкин. Шунини қайд этиш ўринлики, мижозларга қулайлик яратиш мақсадида банкоматлар ягона тармоққа уланган бўлиб, мижозлар ўз банкидан бошқа банклар банкоматидан ҳам фойдаланиши мумкин.

РАЗВИТИЕ СИСТЕМ ЭЛЕКТРОННЫХ ПЛАТЕЖЕЙ НА ОСНОВЕ ИНФОРМАЦИОННО–КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

***Ж.Б. Гаитов,
ТГЭУ, ассистент.***

На сегодняшний день в республике Узбекистан создана эффективная платежная система, отвечающая международным требованиям и состоящая из трех систем – межбанковская, внутрибанковская и розничная платежные системы.

Примечательно, что благодаря ускоренному развитию инфраструктуры платежных карт в республике за последние 5 лет расчетным чеком коммерческого банка не осуществлена ни одна платежная операция.

На сегодняшний день путем интеграции с Клиринговой системой Центрального банка билинговых систем Государственного налогового комитета, Казначейства Министерства финансов, Государственного таможенного комитета, Центра государственных услуг при Министерстве юстиции, Государственного центра персонализации и Главного управления безопасности дорожного движения при Министерстве внутренних дел, а также АО “Узбекэнерго”, АО “Узтрансгаз”, ГУП “Сувсоз” и других поставщиков услуг, создана возможность для осуществления соответствующих платежей в режиме реального времени. В настоящее время в республике по 35 видам услуг платежи осуществляются через Клиринговую систему в режиме реального времени.

С целью укрепления восприятия банков предпринимателями и остальным населением в качестве надежного институционального партнера, является актуальным вопрос повышения качества банковских услуг и установление полноценного партнерского взаимодействия с субъектами предпринимательства. Исходя из этого, коммерческими банками в отчетном году разработан и последовательно реализован план целевых показателей дальнейшего развития систем дистанционного управления банковскими счетами (системы банк–клиент, интернет–банкинг, мобильный–банкинг, sms–банкинг и другие) в масштабах республики.

Как показывает международный опыт, развитие платежных систем в результате расширения услуг и средств платежа приводит, в первую очередь, к снижению операционных расходов и повышению эффективности услуг. Вместе с тем, широкое использование онлайн– платежей через системы дистанционного управления банковскими счетами способствует повышению эффективности и прозрачности банковских услуг, связанных с осуществлением платежей.

В настоящее время в сфере банковского обслуживания широко внедряются и используются клиентами банков дистанционные банковские технологии, такие как интернет–банкинг, мобайл–банкинг, sms–банкинг, что в свою очередь, способствует росту доверия населения к банку и увеличению числа клиентов банков.

Коммерческими банками республики в отчетном году продолжены работы по развитию систем безналичных расчетов посредством банковских пластиковых карт. Для этого расширена сеть платежных терминалов, банкоматов и инфокиосков, установленных на объектах торговли и оказания платежных услуг.

В рамках исполнения Постановления Президента Республики Узбекистан от 19 сентября 2018 г. № ПП–3945 «О мерах по развитию национальной платежной системы», Центральным банком Республики Узбекистан осуществлены соответствующие работы по созданию Национального межбанковского процессингового центра [1].

В целях создания бренда платежной системы, Центральный банк объявлен конкурс на определение наименования для вновь создаваемой платёжной системы. По результатам голосования населения первое место с результатом 45,3% получил вариант “Нумо”.

Кроме этого, параллельно ведутся работы по созданию инженерных инфраструктур и закупка банковских карт, терминальных устройств и банкоматов (инфокиосков) для платежной системы “Нумо”.

Вместе с тем, в целях создания организационно–правовых основ и определения механизмов функционирования современных розничных платежных систем, интегрированных с ведущими международными платежными системами (Mastercard, Visa, UnionPay и другие), внесены соответствующие дополнение и изменение в Положение Центрального банка рег.№1344 от 30.04.2004 года «Положение о порядке выпуска банковских карт коммерческими банками и их обращения в Республике Узбекистан» и утверждено Правлением Центрального банка 16 июня и зарегистрировано в Министерстве юстиции 23 июля 2018 года [2].

Согласно Постановлению Президента Республики Узбекистан от 19 сентября 2018 г. № ПП–3945 «О мерах по развитию национальной платежной системы», Центральному банку дано поручение разработать проект Закона Республики Узбекистан «О платежах и платежных системах» [3].

В целях обеспечения бесперебойного проведения платежей, продвижения инновационных продуктов, доступности банковских услуг назрела необходимость урегулирования отношений в области создания и функционирования платежных систем, формирования единого информационного пространства платежных систем, надзора и наблюдения за ними, оказания платежных услуг, осуществления безналичных платежей и переводов денег, в том числе переводов электронных денег.

Центральным банком разработан проект Закона Республики Узбекистан «О платежах и платежных системах». Данный проект был размещен на портале СОВАЗ для обсуждения для обсуждения предпринимателями и остальным населением.

В настоящее время проект Закона согласован с ответственными министерствами и ведомствами, и для дальнейшего рассмотрения палатами Олий Мажлиса Республики Узбекистан в установленном порядке внесён на рассмотрение в Кабинет Министров.

Принятие закона Республики Узбекистан «О платежах и платежных системах», обеспечит:

- во-первых, создание единого информационного и правового пространства в сфере платежей и платежных систем;
- во-вторых, эффективное регулирование со стороны Центрального банка рынка платежных услуг, функционирования платежных систем, деятельности операторов платежных систем и поставщиков платежных услуг;
- в-третьих, повышение доступности и прозрачности платежных услуг, в том числе в сельских и удаленных местностях;
- в-четвертых, регулирование отношений в сфере электронных денег и деятельности участников системы электронных денег [5].

Примером цифрового банка с использованием дистанционных услуг, в частности, электронных расчетов можно привести польский mBank — собственность BRE Bank, который в 2013 году принял решение провести ребрендинг всего банка под именем mBank. Являясь дочерним брендом банка BRE Bank, mBank был запущен в 2000 году с целью предоставления онлайн-обслуживания. BRE Bank был основан в 1980-х, и теперь это четвертый по размеру банк в Польше. В 2000 году, на волне подъема интернета, BRE Bank запустил mBank, который занимался исключительно онлайн-обслуживанием. В этом качестве банк быстро развивался и стал крупнейшим польским интернет-банком и третьим по размеру розничным банком.

Благодаря своему успеху mBank в 2007 году расширил свою деятельность на рынки соседей — Чехии и Словакии. В 2012 банк осознал, что благодаря мобильным и социальным медиа в банковской сфере произошли значительные изменения. В результате он решил реконструировать себя с нуля, опираясь на четыре принципа:

- маркетинг в реальном времени;
- персональное финансовое управление;
- мобильный банкинг;
- социальные медиа [4].

Это было непростое решение, так как потребовалось более 30 млн долларов инвестиций для полного редизайна банка. В довершение ко всему оно привело к потере банком основного бренда — BRE Bank — и замене его на mBank с новым логотипом и обновленным имиджем.



Реорганизация заняла четырнадцать месяцев; за это время была заново создана вся структура транзакций командой из 200 сотрудников банка в сотрудничестве с партнерами, включая Accenture, Artegence и Meniga. Сайт mbank.pl — главный коммуникационный канал нового бренда — был разработан и создан компанией Artegence and Intercon Systems.

Новый сервис предлагает более 200 новых функций и усовершенствований, включая следующие.

— В распоряжении клиентов «умный» поисковик транзакций, которым так же легко пользоваться, как Google в интернете, для поиска по своей истории транзакций с отображением результатов в режиме реального времени.

— Оплата производится обычным образом; клиенты также могут переводить деньги друзьям и родственникам через Facebook и с помощью SMS.

— Клиентам больше не требуется знать или спрашивать свой номер счета, вместо этого они могут использовать свой номер телефона или аккаунт в социальных сетях.

— Денежные переводы через Facebook появляются на главной странице человека, сделавшего денежный перевод, в виде текстовых сообщений с денежным вложением.

— Персональное финансовое обслуживание включает бюджетирование и систему оповещений, которая ясно показывает, когда и на что были потрачены деньги, а также дает прогноз трат до конца месяца.

— Онлайн-эксперт доступен в формате 24/7 посредством видео и голосовой связи.

— Игровой характер транзакционного сервиса поощряет осознанный подход к тратам и сбережениям.

Цифровой банк уже есть, и такие банки, как mBank, FIDOR, Moven, Simple, Jibun, eBank, ICICI Bank и Deniz Bank, тому подтверждение. Каждый из них предлагает разные версии новых моделей обслуживания для клиентов XXI века.

Список использованной литературы:

1. Постановления Президента Республики Узбекистан от 19 сентября 2018 г. № ПП–3945 «О мерах по развитию национальной платежной системы»;
2. «Положение Центрального банка от 30.04.2004 года рег.№1344 о порядке выпуска банковских карт коммерческими банками и их обращения в Республике Узбекистан»
3. Постановление Президента Республики Узбекистан от 19 сентября 2018 г. № ПП–3945 «О мерах по развитию национальной платежной системы».
4. 34. Chris Skinner, *Digital bank Strategies to Launch or Become a Digital Bank*, Marshall Cavendish Business, Москва, «Манн, Иванов и Фербер» 2015 – 310.
5. <https://cbu.uz/ru/press-tsentr/obzori/2019/02/158866/>

КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИ МОЛИЯВИЙ– ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ КРЕДИТЛАШ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ ҚЎЛЛАБ–ҚУВВАТЛАШНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ


**Мирзахоликов Б.Б,
НМТИ, ассистенти.**

Иқтисодиётнинг эркинлашуви ва жадал суръатлар билан ривожланиши шароитларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сектори маҳсулотлари ва хизматлари ҳажми ортиб бормоқда. Мазкур сектор ривожланиши эса, ўз навбатида, мамлакатда яратилган ишбилармонлик муҳитига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат япи ички маҳсулотигадаги улуши ҳам йилдан–йилга ошиб бормоқда. Кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиёти йўлга қўйилишида эътиборга олиш лозимки, кичик бизнес мамлакатдаги иқтисодий ўсишда ва инновациялар жорий этилишида муносиб ўрин эгаллаб бормоқда, аҳоли бандлиги имкониятларини кенгайтироқда, булар билан мамлакатнинг ижтимоий–иқтисодий ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун асосий муаммолардан бири ўзининг ихтиёрида молиявий маблағлар етишмаслиги ҳисобланади. Ушбу муаммони ечишда давлат субсидиялари ва кредитлаш қўлланиши мумкин. Давлат субсидиялари аҳамиятини инкор этмаган ҳолда таъкидлаш лозимки, бу жараёнда асосий ролни кредитлаш ўйнайди, чунки у иқтисодий самарадорлик ва иқтисодий маъсулият мезонларига изчил риоя қилинишини таъминлайди.

Кредитлаш жараёни тадбиркорга нисбатан ўз молиявий–иқтисодий талабларини қўяди. Бозорда ўз ўрнини топган, муваффақиятли ривожланаётган субъектлар учун бу талаблар оғирлик қилмайди ва кредит муассасаси учун ҳам, тадбиркорлик субъекти учун ҳам ўзаро манфаатли бўлади. Янги иш бошлаётган тадбиркорлик субъектлари кўп жиҳатдан бу талабларга жавоб бера олмайди ва уларни кредитлашда ҳар икки томон учун муаммолар вужудга келади. Амалиётда мазкур масала ишонч кредити орқали ҳал этилиши мумкин. Бошқачасига айтганда, дастлаб ўз фаолиятини бошламоқчи бўлган шахсга ишонч билдириб, иш бошлашига бутунги кун талабларига жавоб берадиган ҳар томонлама ўйланган бизнес–лойиҳага гаровсиз кредит бериш орқали унинг бизнес фаолиятига йўл очиб берилади. Лойиҳа келажакда ўз самарасини бериши билан, биринчидан, банк берган кредитларининг вақтида қайтиши таъминланади, тадбиркор ўз даромади ва фойдасини ошириб боради, иккинчидан, банк учун миқозлари сони ортади ва банк хизматлари кўлами кенгайди ва, учинчидан, мамлакатда янги иш ўринлари яратилади, бозорда товар ва хизматлар тури кўпайишига ёрдам беради, тўртинчидан аҳолининг ижтимоий аҳволи бир мунча яхшиланади, бешинчидан, мамлакатда солиқ тўловчилар кўпаяди.

Янги иш бошлаётган кичик бизнес субъектларини давлат томонидан субсидиялашда асосий эътибор улар фаолиятининг ижтимоий самарасига қаратилади. Шу билан бирга уларни кредитлашда ҳам ижтимоий натижалар албатта эътиборга олинishi лозим, чунки ижтимоий натижалар муқаррар равишда иқисодий натижаларни ҳам келтириб чиқаради. Кредитлаш тадбиркорлик субъектларининг молиявий–иқтисодий имкониятларини кенгайтиради. Уларнинг молиявий ривожланиши бозор ставкаларида бериладиган кредитларга бўлган талабнинг ошишига сабабчи бўлади.



1–расм. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар 58 (млрд. сўмда)

Яна бир жиҳат–кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлашда бозорнинг ҳар бир сегменти учун алоҳида кредит хизматини кўрсатиш имкониятлари кенгайтирилади [1].

Юқоридаги расм маълумотларидан кўринмоқдаки, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар салмоғи йилдан–йилга ўсиб бориш тенденциясига эга. 2010 йилда 1851,7 млрд. сўм кредит берилган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 48389,7 млрд. сўмни ташкил этганлигининг ўзи ҳам республикамызда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш тизими ривожланаётганлигидан гувоҳлик бериб турибди.

Албатта, бу бордаги муаммоларни мунтазам ҳал этиб борилиши учун тижорат банклари кредитлар бериш жараёнида филиаллар имкониятларини янада кенгайтириш лозим. Чунки, содда қилиб айтганда, фаолият юритаётган аксарият тижорат банкларининг Бош банклари ўз тасарруфларидаги филиалларга бўлган “ишончсизлиги” туфайли кредитлар беришда банк ички тартиб қоидаларидан келиб чиққан ҳолда лимитлар ўрнатиб қўйганлиги, филиал мижозларининг белгиланган лимитлардан ортиқ миқдордаги кредитлар олишдаги қийинчиликларга дуч келиши ва муддатларнинг чўзилиши каби муаммоларга дуч келмоқда. Натижада кредитлаш жараёни мураккаблашиши эса амалда самарали лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилишини кечиктирмоқда. Бундай муаммоларнинг бартараф этилиши филиалларнинг кичик бизнес субъектларига кредит

ажратишда мустақиллиги кенгайтирилишини талаб қилади, лекин бу банк учун иқтисодий хатар даражаси ортишини ҳам билдиради. Демак, мазкур масала ҳал этилишида Молия вазирлиги, Марказий банк ва Савдо–саноат палатасининг фаол иштироки механизмини ишлаб чиқиш зарур бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг устувор тармоқларида фаолият кўрсатаётган ва маҳсулотларини экспорт қилаётган кичик бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан берилаётган микрокредитларнинг имтиёзли фоиз ставкаси билан Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўртасидаги фарқни давлат бюджети томонидан субсидиялашни жорий қилиниши кредитлаш жараёнига ижобий таъсир этди. Бунинг натижасида, биринчидан, тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларини микрокредитлаш билан боғлиқ бўлган кредит хатарининг даражаси камайди; иккинчидан, кичик бизнес субъектларининг берилган микрокредитларни қайтариш имконияти ошди, чунки, фоиз ставкаси микрокредитнинг баҳоси ҳисобланади. Фоиз ставкасининг пастиги кичик бизнес субъектларининг кредитлар бўйича фоиз тўловлари юқини енгиллаштириш имконини берди. Бундан ташқари, кредит рисқи даражасининг пасайиши эса, тижорат банкининг кредит зарарларини қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари миқдорининг камайишига олиб келди. Фикримизча, мамлакатимизда кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ қўйидаги долзарб муаммолар мавжуд: банк учун иқтисодий самара мезони кўпчилик ҳолларда банклар ва молия институтлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кредит портфелини кенгайтиришга интилишларини сусайтиради, чунки улар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қарз беришга жалб қилувчи ва даромадли хўжалик юритувчи субъект деб ҳисобламайдилар; банклар ва молиявий институтлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини хатар даражаси юқори қарздорлар сифатида қарайдилар; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўз капитални ҳажмлари кам, активлари етишмайди ва банкларнинг гаров талабларига жавоб бера олмайдилар; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари давлатдан ташқари ҳолис молиявий назорат молия институтлари томонидан яқин назоратни талаб қилади ва бу каби ишлар билан қамраб олинмаганлар ва бундай назоратни ўз зиммасига олишни банклар ўзларига ортиқча юк деб ҳисоблайдилар. Кредитлаш жараёни эса муҳим равишда ҳолис ташқи молиявий назорат (аудиторлик) ҳулосаларига таянади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш жараёнида молия бозорида икки хил муаммоларга дуч келинади:

Кичик бизнес учун кредитлаш жараёнидаги асосий муаммолар:

1. Юқори фоиз ставкаси;
2. Қарз маблағи кўпинча айланма йўллар билан келиб тушиши ва бу транзакция харажатлари ошишига олиб келиши;
3. Кредит олиш таомиллари узоқ ва мураккаб жараён эканлиги;
4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда кредит ресурслари бозори бўйича етарли маълумотларнинг йўқлиги;
5. Кредит олиш жараёнида ҳужжатларнинг кўплиги;

6. Бизнес–маслаҳат хизматлари етишмаслиги ва баъзан сифатли эмаслиги.

Кредитловчилар томонида қуйидаги муаммолар мавжуд:

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларлари молиявий–иқтисодий фаолияти етарли даражада шаффоф эмаслиги;

2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлари бўйича олинган даромадлари етарли эмаслиги, баъзи ҳолларда норасмий иқтисодиётга ўтказилиши хавфи;

3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз капитали ҳажми етарли даражада катта эмаслиги (устав капитали етишмаслиги);

4. Кредитларни назорат қилиш харажатлари юқорилиги.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ва молиялашни такомиллаштириш ва молиявий хизматлар бозорини ривожлантиришда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир: кредитлаш ва молиялаш бўйича хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини жорий этиш; гуруҳ кафиллиги асосида микромолиялаш амалиётини изчил ривожлантириш, кичик бизнес инновация лойиҳаларини венчурли молиялаштиришни йўлга қўйиш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаш бўйича махсус дастурларни (аҳоли зич жойлашган ва юқори даражадаги ишсизлик мавжуд бўлган ҳудудларга ва қишлоқ жойларда фермер хўжалиklarини ривожлантиришга йўналтирилган дастурлар) амалиётга фаол жорий қилиш; кредитлаш амалиётида туманлар даражасида кичик бизнес кафолат фондларини ташкил этиш; вилоятларда кичик бизнес учун кредитлаш ва молиявий хизматлар бозорининг шаффофлигини ва инвестицион жозибadorлигини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ва молиялаш бўйича халқаро ва миллий конференциялар ўтказиш, илғор миллий ва халқаро тажрибаларни намоён қилувчи тренинглар ташкил этиш йўналишларидаги фаолиятини таъминлаш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлаш ва молиявий хизматларга бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда бундай хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар сонини ошириб бориш, асосий эътиборни, уларнинг республика ҳудудлари бўйича мутаносиб жойлашувига қаратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Муҳаммад Юнус, Алан Жоли. *Создавая мир без бедности: социальный бизнес и будущее капитализма*. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблшерз, 2010. – 307 с.

2. Савинова Д. В. *О формировании механизма привлечения кредитных ресурсов в малый бизнес // Деньги и кредит*. – Москва, 2009. – № 5. – С. 60–61.

3. G'ofurov U.V. *Kichik biznesni davlat tomonidan tartibda solishning iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish*. Diss...08.00.13–Tadbirkorlik va kichik biznes Iqtisodiyot nazariyasi (iqtisodiyot fanlari) – T.:2017.

4. Mustafakulov.Sh.I. *Investitsion muhit jozibadorligi:nazariya,metodlari va amaliyot*. Monografiya, – T.; "Iqtisod–moliya", 2017. – 328 b.

5. www.stat.uz *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари*.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ МОЛИЯСИДАН ФЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Н.Ғ. Сатторова,
ТДИУ ассистенти.

Бугунги кунда исломий банк тизими тез ривожланаётган анъанавий банк тизимига нисбатан муқобил тизим сифатида дунёда танилди ва қисқа муддатда тўлиқ шаклда тижорат банклари билан рақобатлаша оладиган яхлит механизмга айланди. Тижорат банкларидан фарқли равишда, исломий банклар фойда ва зарарни бўлиш тизими орқали тадбиркор ва ишбилармонларни ўзига қарата олди. Бу тизим ўзининг адолатчилиги, молиявий инқирозга учраш даражасининг пастлиги билан барчани ўзига тортди. Бугунги кунда Исломи молия, Исломи банк, исломий сугурта, Исломи фонд биржаси тизим сифатида тўлиқ шаклланди ва фаолият кўрсатмоқда. Исломи банк тизими бугунги кунда жаҳонда жадал ривожланиб бораётган ва инновацион молиялаштириш механизмларини ўзида жамлаган соҳалардан бири бўлиб қолмоқда. Кейинги йилларда исломий молия муассасалари яли активлари миқдори 2,5 триллион долларни ташкил этиб, йилига 15–20 фоизга ўсиб бормоқда. Исломи банклар деганда Исломи қоидалар тамойилларига мос келадиган банк хизматларини амалда қўлайдиган банк ёки банк фаолияти тизими тушунилади.

Ислом молиясини асосий тамойиллари қуйидагилар:

✓ Рибо (фоиз) ҳар қандай кўриниши таъқиқланган. Бу оддий қилиб айтганда пулни қарзга ҳеч қандай меҳнат қилмай кўпайтириб олиш тушунилади.

✓ Горар–ахборотдан етарлича хабардор эмаслик ҳисобланади. Бунда сотувчи ва харидор товар ҳақида тенг маълумотга эга бўлиши керак. Буни шарият томонидан тақиқлашдан асосий мақсад бир томоннинг иккинчи томонга нисбатан ноҳақ устунликка эга бўлишини олдини олишдан иборатдир. Горар умуман кўшимча нарса яратмайди балки, кимнидир ютқазishi ёки зарар кўриши эвазига даромад олинади.

✓ Майсир–иқтисодий ноаниқлик ва асосланмаган тадбиркорлик хатари сифатида намоён бўлади. Бунга мисол қимор ўйини яъни, бойликни меҳнатсиз бошқа бировни зарар кўриши эвазига тасодифан қўлга киритишдир.

Исломи банк хизматлари иқтисодиётни ривожлантиришда қуйидаги афзалликларга эга:

1. Муайян шахсга бойлик орттириш ва иқтисодий фаровонликни ошириш ҳуқуқини бериш билан, ислом иқтисодиёти бундай иқтисодий фаолиятни амалга оширишда ҳалол (руҳсат берилган) ва ҳаром (тақиқланган ёки ноқонуний) йўллари чегарасини белгилаб беради. Ислом кенг маънода иқтисодий ёки ижтимоий жиҳатдан зарарли бўлган барча фаолият турларини тақиқлайди. Масалан, қиморбозлик фаолияти билан шуғулланиш ёки гиёҳванд моддалар етиштириш, уни олди–сотдиси билан шуғулланиш ва бошқа мисолларни келтириш мумкин.

2. Исломда шахсининг қонуний йўл билан олинган мол–мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини тан олиш билан, шахсга ўз мол–мулкни оқилона сарфлашни ва уни тежашни, беҳуда сарфламасликни буюради ва исроф қилишни таъқиқлайди.

3. Бирор кишига ортиқча мол–мулкни сақлашга рухсат берар экан, Ислом жамиятнинг фаровонлиги учун ортиқча даромаднинг маълум бир қисмини закот тизими орқали, камбағал, аҳолини ёрдамга муҳтож қисмига тақсимамайди.

4. Инсон табиатига хос бўлган бойлик тўплаш ва ундан фойдаланишни тартиблаштиради. Ушбу тизим бир неча одамнинг қўлида бутун жамият бойлигининг тўпланишига ва фақат улар томонидан тасарруф қилинишига рози бўлмайди. Шунингдек, мерос қолдириш ва уни тақсимлаш ҳам белгиланган мезонлар асосида тартибга солинади.

5. Умуман олганда, Ислом томонидан назарда тутилган иқтисодий тизим ижтимоий адолатни мақсад қилиб қўйган, бу эса якка тартибдаги корхона ёки тадбиркорни нафақат жамоа, балки якка ўзига ўзи зарар етказишини олдини олади.

Ҳозирда, ислом банклари ўзининг шариат асосида стандартларини ишлаб чиқди ва жаҳон ҳамжамиятида тижорат банклари билан тўлиқ рақобат қила оладиган даражага етди. Бугунги кунда исломий банк хизматлари анъанавий банкларнинг деярли ҳамма операцияларини тўлиқ қамраб олди. Улар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, савдо–сотиқ ва хизмат кўрсатиш соҳаларига маблағларининг кўп қисмини инвестиция қилмоқда.

Исломий банк хизматларини зарурлиги куйидагиларда намоён бўлади:

(а) Исломий банк аҳолисининг кўп қисми мусулмон бўлган аҳолидан кўпроқ маблағ жалб қилиш, яъни депозит йиғиш имкониятига эга. Айнан шу фактор мамлакатимизда аҳолининг бўш пул маблағини жалб қилиш ва уни ишлаб чиқаришга инвестиция қилиш мумкин. Бундан тадбиркор, банк ва мижоз бирдек манфаатдор бўлади. Шунингдек, нақд пулнинг аҳоли қўлида қолиб кетишини олдини олади ва банк орқали айланишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида инфляцияни камайтиришга хизмат қилади.


(б) Тижорат банклари томонидан микроқарзлар ажратилиши имкониятининг етарли даражада мавжуд эмаслиги микроқарзларни олиш даражасини оширишни таъминламаяпти, микрокредит ташкилотлар ва ломбардларнинг хизматлари бўйича юқори фоиз ставкалари аксарият ҳолатларда истеъмолчиларнинг молиявий ҳолати ёмонлашишига олиб келмоқда. Ислом банки фоизли кредитлардан фарқли ўлароқ фойдани ёки зарарни тақсимлаш орқали молиялаштириш истеъмолчиларга кенг имкониятлар яратади.

(с) Фойда ва зарарни шериклар ўртасида бўлиниши тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи тадбиркорлар ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларига қўшимча имкониятлар тақдим этади. Бу жамиятнинг иқтисодий–ижтимоий ривожланиши учун ҳам муҳим рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси 2003 йил сентябрда Ислом тараққиёт банкига расман аъзо бўлгандан сўнг лойиҳаларни исломий молиялаштириш бошланган. Ушбу йилда соғлиқни сақлаш ва энергетика соҳаларидаги лойиҳаларни амалга оширишга “ижара” ва “муробаҳа” шаклидаги исломий хизматлардан фойдаланилган.

Жаҳон миқёсида 48 та мамлакат ислом молиясини жорий этган бўлиб, уларнинг таркибида кўп сонли мусулмон аҳоли яшайдиган мамлакатлардан ташқари, аҳолисининг камчилик қисмини мусулмонлар ташкил этадиган мамлакатлар, жумладан: Буюк Британия (4,4%), АҚШ (0,9%), Сингапур (14%), Швейцария (5,2%), Канада (3,2%), Австралия (2,6%), Франция (9%), Германия

(5%), Россия (15%) ва Испания (2,1%) каби мамлакатлар ҳам ислом молияси инструментларидан фойдаланмоқда.



1–расм. Ривожланган мамлакатларда исломий банк хизматларини тақдим қилувчи банклар сони.59

Қайд этиш жоизки, “Ислом дарчалари” жаҳоннинг кўплаб йирик илғор банкларида (ABN Amro, Bank of America, Barclays Plc., BNP–Paribas, Chase Manhattan, Citibank, Deutsche Bank, Goldman Sachs, HSBC, JPMorgan Chase, Lloyds Bank, Societe Generale, UBS ва бошқалар) мавжуд бўлиб, анъанавий банк маҳсулотларига тўлақонли муқобил ҳисобланувчи барча турдаги ислом банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Тижорат банкларида исломий банк хизматларини йўлга қўйиш орқали аҳоли ва бизнес вакиллари ихтиёрида бўлган бўш турган пул мабағларини депозитга жалб қилиш ва ундан фойдаланиш банк даромадини оширади ва иқтисодиётни ривожлантиради.

Тижорат банклари исломий молиялаштиришни жорий этиш орқали тадбиркорлик фаолиятидаги рискни бўлишиш ёрдамида бизнес субъектларини қўллаб қувватлаш билан кўпроқ мижозлар жалб қилиш мумкин. Исломий молиялаштиришнинг мудораба ва мушорака усуллари асосида ишлаб чиқарувчиларни молиялаштириш зарур. Исломий молиялаштириш моделларидан Муробаҳа ва Мушорака усулларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Исломий молиялаштириш усулларидан фойдаланиш, сезиларли даражада мижоз (тадбиркор)ларни жалб қилади. Исломий банк хизматларини ташкил қилиш молия бозорида диверсификация даражасини ошириши ва рақобатни кучайтиришга хизмат қилади. Ислом банки янги банк тизими бўлиб, банк хизматларини амалга оширишда рақамли технологиялардан фойдаланилади. Ўзбекистон Ислом молияси соҳасида МДХ етакчисига айланиши мумкин. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, исломий молиявий хизматлар соҳаси Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги учун муҳим омил, пойдевор ва ривожланиш истиқболи бўлади, натижада ўз маданиятида Исломнинг чуқур илдиэларини акс эттирган мамлакатга хорижий инвесторларнинг кизиқиши ортади ва ҳукумат ушбу имкониятдан халқ фаровонлиги ҳамда мамлакатнинг барқарор ривожланишида тўлақонли фойдаланишга эришиши мумкин бўлади.

59 <https://assets.publishing.service.gov.uk>

ЛОГИСТИК КОМПАНИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

С.Б. Махмудов,
ТДИУ ассистенти

Мамалакат миллий иқтисодиёти шароитида логистик компанияларнинг тараққий этиш хусусиятини халқаро бозор имкониятлари ривожланиш даражасига туртки бўлмақда. Унинг асосини мамлакат экспорт салоҳиятида хусусий корхоналарнинг бир - бири билан ўзаро муносабатларига хизмат кўрсатиш жараёнида маҳсулот етказиш сифатини оширишда ва маҳсулотни энг кам харажатлар билан етказиб боришда ўз аксини топмақда. Хусусан, кейинги ривожланиш босқичи маҳсулотлар бозорида рақобатбардошликни оширишнинг мустаҳкам усули сифатида логистика компаниялар имкониятларидан фойдаланиш тақомиллашиб бормақда.

Маълумки, халқаро иқтисодиётда асосий ўринни эгалловчи давлатлар тажрибасида, глобал рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодиётни изчил ривожлантириш ва таркибий жиҳатдан ўзгартиришларнинг барчаси логистик инфратузилмалар бозорининг ривожланиши билан боғлиқ.[6]

Кейинги йилларда республикада логистика фаолиятини тубдан модернизациялаш ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган муҳим тадбирлар амалга оширилди. Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йилдаги Мурожаатномада таъкидлаб ўтганларидек: “Миллий юк ташувчиларни қўлаб-қувватлаш, тадбиркорларга кўшимча шароитлар яратиш мақсадида миллий логистика портали”ни ташкил этиш лозимлиги ва сифатли хизмат кўрсатиш имконини берадиган замонавий инфратузилмалар барпо этиш орқали автомобил йўллари ва 2018 йилда янги йўللار барпо этиш, транспорт-логистика инфратузилмасини янада ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш бўйича қуйидаги ишларни режалаштирганмиз”[1]. Бинобарин бугунги кунда ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархида логистик харажатларнинг ҳиссаси 40 фоизни ташкил этиб келмақда.

Республикада миллий иқтисодиётнинг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланган логистика фаолияти, мамлакатимиздаги ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлар экспортида логистик салоҳиятини оширишга ва валюта маблағларини ишлаб топишга имкон яратади. Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, мева сабзавот, тўқимачилик соноати, боғдорчилик маҳсулотларини экспорт қилиш борасидаги салоҳиятини таҳлил қилиш, истиқболда республикада экспорт салоҳияти учун юқори сифат ва рақобатбардошлик кўрсаткичларига эга бўлган маҳсулотлар ва хизматларни етказиб берувчи йирик экспортёр давлатга айлантириш лозим.

Логистика ва унинг фаолияти бўйича кўплаб илмий ишлар қилинган, ктиоблар ёзилган ва таърифлар берилган. Европалик иқтисодчи олимлардан бири

А. Голц транспорт логистикани ривожланиш қонуниятларини ўрганиб, унинг ривожланиши, иқтисодийнинг бошқа тармоқлари учун ҳам ривожланишнинг муҳим кўрсаткичи эканлигини далиллар билан келтириб ўтган. [5]

Шунингдек, Т.В. Косарева И. Г Смирновларнинг “Транспортная логистика” номли ўқув қўлланмасида келтиришича: “Логистика – бу талабларни тўлиқ қондириш мақсадида хомашё, материаллар, тугатилмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, хизмат, молия ва истеъмол жойигача (қабул қилиш, жўнатиш, ташқи ва ички ўзгаришларни қамраб олган) вужудга келадиган оқимдан хабардор қиладиган илова қилинган ахборотлар оқимларини етарли даражада ва самарали (харажат ва вақт нуқтаи назаридан) бошқариш жараёнидир дея таъкидлаб ўтишган.

Ушбу таърифни таҳлил қилсак, логистик хизматлар хилма-хиллиги бу тармоқ ташкилотларнинг имкониятларини сезиларли даражада кенгайтириш имконини беради. Логистик фаолиятнинг ривожланиши авваламбор, транспорт логистикаси, омборхона логистика ва ишлаб чиқариш логистикаси ривожланган тизими, уларнинг самарали фаолияти ишлаб чиқаришдаги умумий харажатларини камайтиришнинг муҳим шарти ва омили ҳисобланади.

Таниқли россиялик иқтисодчи олимлардан бири А.Н. Родниковнинг фикрича: “Логистика – бу режалаштириш, транспортда ташиш, сақлаш ва бошқа материалларни ва номатериал ҳаракатларини бошқариш ва назорат қилиш, ишлаб чиқариш корхонасигача материал ва хомашёлар ҳаракатланиш жараёнларини ривожлантириш, корхоналар ичида хомашё, материал ва ярим фабрикатларни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотларни охириги талаблар ва манфаатлар мезонлари бўйича истеъмолчиларга етказиб бериш ҳамда тегишли ишлов бериш, етказиб беришдир” деб таъриф берган.

Ушбу таърифни таҳлил қилсак логистик фаолиятни йўлга қўйишда йўналиш, юк ташиш усуллари, маҳсулот ҳажми ёки ташувчилар таклиф этилаётган логистика ўзгаришларининг молиявий таъсирини таҳлил қилиш, логистикани миқозлар савдоси, буюртмаларни бошқариш, молиявий ҳисоби ёки юк ташиш каби бизнес тизимлари ёки жараёнлари билан бирлаштириш учун бошқа тўғридан–тўғри келадиган ёки чиқадиган логистика операциялари, масалан, транспорт ёки омбор фаолияти, хавфсизлик кўрсаткичлари ёки логистика сифатини бошқариш ҳамда таъминот занжирига асосланган ишлашни ўлчаш тизимларини яратиш ёки мониторинг қилишни ўз ичига олади.


Ўзбекистонлик олим А.Назаровнинг фикрича, логистика маҳсулот ва хизматларнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача бўлган жараёнини оқилонга бошқариш тизими бўлиб, унинг тури ҳам, вазифаси ҳам кўп қиррали, шу боис у ишлаб чиқариш, савдо–сотик, тақсимот–таъминот, молия, хизмат кўрсатиш, омбор, ахборот каби ўнлаб устувор йўналишларга бўлинадики, улар орасида логистика фаолиятида етакчи ўринни эгаллайди.

Давлатимиз макроиқтисодий кўрсаткичларини ривожланишида унинг қон томири бўлган логистика тизими аҳамияти ошиб бормоқда. Логистика фаолиятини ошириш транспорт–географик ноқулай жойлашган ва энг арзон транспорт тури бўлган денгиз портларига тўғридан–тўғри, ҳатто чегарадош давлатлар орқали ҳам чиқиш имкониятига эга бўлмаган бизнинг мамлакатда долзарблиги ортиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, транспорт хизматлари ҳажмининг ўсиши, биринчи навбатда, логистик хизматларида талабнинг ошиши билан боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида логистик фаолиятнинг жадал ривожланиши, савдо тармогининг кенгайиши, қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш, бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, шунингдек, транспорт ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ. [2]

Мамлакатимиз учун логистика фаолиятини ташкил қилиш жуда ҳам муҳим, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш истеъмолчиларга шаҳарлардаги бозорлар, супермаркетлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари бўлиши мумкин. Тоза маҳсулотни охириги харидорга етиб боргунига қадар маълум вақт мавжуддир. Шу вақт ичида ҳосилни йиғиб олиш, қадоқлаш, транспорт воситасига юклаб, харидорга етказишда логистик занжирнинг бирор–бир нуктасида муаммо пайдо бўлиши фойданинг камайишига ва ҳатто тадбиркорнинг зарарга киришига сабаб бўлиши мумкин. [4]

Ҳозирги кунда логистик компаниялари томонидан маҳсулотлар ва хизматлар таъминот занжирларини амалга оширишда мамлакатимиздаги давлат тамонидан алоҳида эътибор берилиб, логистика тармоғи иқтисодий муносабатларда давлатнинг ўрни сезилиб турмоқда. Бозор муносабатлари шаклланиши шароитида логистика тармоғидаги иқтисодий муносабатларнинг маркази ва уни ҳаракатлантирувчи кучнинг асосини логистика марказлари ташкил этади.



1–расм. Логистик корхоналар тармоғида амалга оширилаётган ўзгаришлар.

Манба: Муаллиф томонидан мустақил ишланди.

Европалик иқтисодчи олимлар Батлер Б., Джонсон Б. фикрича, корхоналарни молиялаштириш бу–бир компаниянинг венчур капиталини бошқа компанияга тўғридан–тўғри ёки венчур капитали фонди орқали тақдим

этишидир, у одатда венчур капиталга мухтож бўлган компания фаолияти ёки унинг бозорлари тўғрисида маълумот олиш ёки ушбу компанияни эгаллаб олишга тайёргарлик кўриш учун амалга оширилади. Венчури молиялаштиришда кўпинча зарур тажриба орттириш ва кадрларни қайта тайёрлаш орқали янги бозорга чиқишнинг иқтисодий жиҳатдан самарали усули вужудга келади. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ саноат корхоналари ўз фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминлаши зарурати ортиб боради. Айниқса корхоналарнинг молиявий натижалар саноат корхоналарида иқтисодий фаолияти манбаларнинг таркиби ва тузилишига боғлиқдир. Корхоналарни молиялаштиришда соф фойдани тақсимлаш таркиби, шунингдек амортизация сиёсатининг самарадорлиги. ўз монбаларига бўлган эҳтиёжни молиялаштириш ҳар бир саноат корхоналарида пайдо бўлади. [2]

Россиялик иқтисодичи олимлар Д.А. Мещеряков ва Ю.А.Мещеряковлар ўз тадқиқотида молиялаштириш бу корхона харажатларини қоплаш шакллари, турлари, усуллари ва воситаларини йиғиндиси ҳамда корхонадаги мавжуд фаолият турларини таъминлаш учун йиғилган молиявий маблағдир деб таърифлаганлар. Корхонанинг молиявий ресурслари хўжалик юритувчи субъект тасарруфидаги пул даромадлари ва тушумлари бўлиб, молиявий мажбуриятларни бажариш, амалга ошириш учун мўлжалланган. Корхоналарни молиялаштиришда, турли даражадаги молиявий манбалар, бюджетдан ташқари фондлар, хусусий инвесторлар ва бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Молиялаштириш миқдори режалаштирилган харажатлар ва уларни қўллаб–қувватлаш манбалари асосида белгиланади. Тижорат корхоналарида молиявий ресурслар ва молиявий муносабатлар корхонанинг бизнес–режасида акс этади

Россиялик иқтисодичи олим Кондратьева М. Н. ўз тадқиқотида молиялаштириш – бу корхонанинг молиявий ресурслари хўжалик юритувчи субъект тасарруфидаги молиявий даромадлар ва тушумлар бўлиб, молиявий мажбуриятларни бажариш, корхонада оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва иқтисодий рағбатлантириш харажатларини амалга оширишдир деб таърифлаган. Корхонанинг нормал фаолият кўрсатиши учун асос бўлиб, ҳозирда ва келажакда ривожланишнинг ундаги мавжуд эҳтиёжларни қондириш имкониятини таъминлаш учун етарли миқдордаги молиявий ресурслар зарур.

Россиялик иқтисодичи олимлар Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш молиялаштириш мамлакатнинг бутун иқтисодиёти, минтақалари, корхоналари, тадбиркорлари, фуқаролари учун зарур молиявий ресурслар билан таъминлаш, шунингдек турли хил иқтисодий дастурлар ва иқтисодий фаолият турларидир. Корхонани молиялаштириш ўзимизнинг ички манбаларимиз ва ташқи манбаларимиз ҳисобидан бюджетдан ажратмалар, кредитлар, хорижий ёрдам,

бошқа шахсларнинг бадаллари шаклида амалга оширилади деб таъкидлаб ўтгандилар.

Шунингдек, ўзбекистонлик иқтисодчи олим Ш.И.Мустафақуловнинг илмий ишида: “Иқтисодиётни трансформациялаш шароитида корхоналарни молиялаштиришда инвестицияларни жалб қилиш яъни, пул маблағларини бериш, сарфлаш тизими ва уларнинг мақсадли ҳамда самарали ишлатилишини назорат қилиш тизимидир. деб таъкидлаб ўтган.

Молиялаштириш усуллари корхонанинг фаолият юртишидаги маълум бир шартларга, унинг ривожланиш йўналишидаги ўзгаришларга боғлиқ. Улар асосий воситаларни қайта ишлаб чиқиш ҳамда иқтисодий ривожланишнинг у ёки бу босқичида молиялаштириш манбалари хусусиятлари билан белгиланади.

Ҳозирги кунда мамлакат миллий иқтисодиётининг экспорт амалиётида озиқ–овқат саноати, боғорчилик, чарм саноати, тўқимачилик саноати, пахтачилик ва бошқа ишлаб чиқарувчи корхоналар раҳбарлари эътиборидаги энг муҳим масалалардан бири логистик жараёнлари муаммоси асосий ўринни эгаллайди.

Шунингдек, ишлаб чиқарувчи томонидан транспорт–логистика хизматида халқаро андозаларига хилоф равишда кўпроқ харажат қилишига олиб келмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, логистика тизими ҳамда тегишли инфратузилманинг ривожланиш даражаси жаҳон стандартларидан ортда қолмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган транспорт–логистика операцияларининг асосий қисми 1PL ҳамда 2PL форматда, холос. 3PL форматда фаолият кўрсатаётган компаниялар етарли эмас. Бундан шунини изоҳлаш мумкинки, логистик компаниялар моддий техник базасини трансформация қилиш, уларни фаолиятини кенгайтиришда молиялаштириш муҳим аҳамият касб этади. [8]

Бугунги кун транспорт логистикасининг барча турларини (автомобиль, темир йўл, авиация, денгиз) қамраб олувчи йирик логистика операторларига эга корхоналар фаолиятини ташкил этишни тақозо қилмоқда, яъни транспорт турлари ўргасида самарали ҳамкорликни йўлга қўювчи йирик операторлар етишмаяпти. Ушбу ҳолат юк ташиш жараёни билан боғлиқ муаммоларга сабаб бўлмоқда. Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, транспорт–логистика тизимини ривожланиш жараёни суст даражада кечишига қуйидаги муаммолар таъсир кўрсатмоқда:

- мамлакат автомагистралларининг 70 фоиздан ортиғи транспорт воситаларининг оптимал ҳаракатланишини таъминлай олмайди;
- омборхона хўжалиги асосий фондларининг 30 фоизга яқини жисмоний ва маънавий эскирган;

– республикаimizda logistik korxonalar mo'ljalashtirishda investitsiya faoliyatini rivojlantirish, davlat aktivlarini bo'sqariش va monopoliyaga qarshi siyosatni mustahkamlash, erkin iqtisodiy va kichik sanoat zonalarini rivojlantirish, iqtisodiy real sektori mahsulotlarining eksport hajmlari hamda geografiasini kengaytirish, hududlarining eksport salohiyatini oshirish bilan bogliq masalalarni hal etish;

– tashqi savdo faoliyatini amalga oshirish tartibini belgilash, shu jumladan, miqdoriy cheklolar urnatish hamda tovarlarining ayrim turлари eksport va import qilinishi ustidan davlat monopoliyasini urnatish;

Shunday qilib, logistika korxonalar faoliyatini mo'ljalashtirish orqali – mamlakatimiz eksport salohiyatini oshirish, logistika elementlarini joriy etish, YIM darajasini oshirish, davlat budget daromadlarini ushishi, ish urinlari va aholi daromadini kupaityirishda muhim manbalardan biri hisoblanadi.

Foydalанилган адабиётлар рўйхати.

1. Ж.С.Файзуллаев *Транспорт–логистика тизими: муаммо ва ечимлар. Proceedings of Global Technovation 2 nd International Multidisciplinary Scientific Conference Hosted from London, U.K December 28th, 2020*

2. Мустафақулов Ш.И. *Инвестицион муҳит жозибadorлиги. Илмий–амалий қўлланма. /Ш.И. Мустафақулов. – Тошкент: Baktria press, 2017.– 33 бет”*

3. *Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев экспорт фаолиятини мо'ljalashtirishi va sugurta химояси механизмларини кенгайтириши чора–тадбирлари тўғрисида 2019 йил 24 майдаги 4337–сонли қарори*

4. Д.А. Мецержаков, Ю.А. Мецержаков *экономическая сущность финансирования предприятия.*

5. <https://cyberleninka.ru/article/n/ekonomicheskaya-suschnost-finansirovaniya-predpriyatiya>

6. <https://gudcapital.com/logistics-loans-freight-transport-financing/>

МОЛИЯ ИНЖИНИРИНГИ КОНЦЕПЦИЯСИ АСОСИДА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР САВДО ТИЗИМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛАРИ

С.М. Ғаниев,

ТДИУ, ассистент.

Дунё молия бозорида қимматли қоғозлар бозори орқали корхона ва ташкилотларга инвестицияни жалб этиш энг муҳим омиллардан бири сифатида қаралади. Шунинг учун замонавий иқтисодиётни ривожланиши қимматли қоғозлар бозори пул ресурсларини тақсимлаш механизми орқали инвестицияларни кўпайтириш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Республикамиз молия бозорида кенг қамровли ислоҳотларни ўтказиши республикамиз қимматли қоғозлар бозорида ҳам катта ўзгаришлар амалга ошириш имконини бермоқда. Жумладан, бозорда турли янги институтларнинг кириб келиши, турлича мурожаат қилувчи воситалар сонини ортиб бориши, иқтисодиётни либерализация қилиш шароитида молия бозорини дерегуляция қилиниши, бозорда рақобатни ўсиши ва хизмат сифатини ошиши бозор иштирокчилари, профессионал эмитентлар ва инвесторлар учун қулайликлар яратмоқда.

Молиявий инжиниринг – шундай муҳим молиявий воситаки, ундан компания қарзларини қоплашда, унинг капиталини оширишда ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришда фойдаланиш мумкин. Айрим олимлар, Боди, Кейн, Маркуслар молиявий инжинирингни 2 та муҳим тушунчага бўлишади: қимматли қоғозларни ўраш (bundling); қимматли қоғозларни очиш (unbundling); Финнерти учун молия инжиниринги ўзига лойиҳалаштириш, инновацион молиявий восита ва жараёнларни ишлаб чиқиш ва амалиётга кўлашни олади. Бундан ташқари йўналишдаги муаммоларни ҳал этиш янгича ижодий ёндашув орқали амалга оширилади.

Молиявий инжинирингнинг энг кўп қўлланишини савдо соҳаси стратегиясида, йирик молиявий операцияларни амалга ошираётган инвестицион институтлар ва тижорат банкларида кузатиш мумкин. Молиявий инжиниринг маҳсулотлари асосан йирик тижорат банклари ва инвестицион банкларда яратилишига қарамасдан, ушбу соҳа мутахассисларига корпорация томонидан ҳам талаб ошиб бормоқда.

Маълумки, ҳар бир кредит ташкилотининг менежерлари тайёр алгоритмлар асосида ташкилотни актив ва пассивларини бошқаради. Бошқарув жараёнида ташкилотнинг фақат ички фаолиятинигина эмас балки, ташқи фаолиятини ҳам инобатга олиш зарур. Ҳозирги кунда кредит ташкилотлари молиявий сиёсатини юргизишда молия инжиниринг тўлиқ шакллантирилмаган. Илмий адабиётларда ҳам молия инжиниринги тушунчаси таърифида гализлик ёки ноаниқликлар учрайди.

Айрим олимларнинг ушбу тадқиқот бўйича ўз қарашлари мавжуд бўлиб, улардаги фикрларни қуйидагича шарҳлаш мумкин. Черновнинг (2003) фикрича, “молиявий инжиниринг” тушунчаси – бу рискларни комплекс бошқаришни ўргатади. Бу молия фанининг махсус бўлими бўлиб, унда Молиявий инжиниринг концепцияси асосида қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш масаласи

барча давлатларнинг энг муҳим ва долзарб муаммолардан бири сифатида қаралади.

Ушбу ҳолатда молиявий инжиниринг концепцияси асосида ривожлантириш деганда фирманинг мақсадларига эришишга йўналтирилган янги комбинация ва стратегиялар кўзда тутилади. Молиявий инжиниринг мақсадлари қаторига қуйидагилар киритилади: оптимал хавф даражаси яратиш; чайқовчилик ва арбитраж; банд бўлмаган сегментлар мавжудлиги ва бозорнинг мукамал эмаслигидан фойдаланиш асосида фойда олиш.

Молиявий инжиниринг жараёнига янги маҳсулот чиқараётган эмитентнинг ҳамда унга қизиқиш билдирган инвесторнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари таъсир кўрсатади. Томонлардан ҳар бирининг манфаатлари қонунчилик билан тартибга солиш, макроиқтисодий цикл босқичи, пул оқимлари башорати каби ички ва ташқи омиллар таъсири остида бўлади. Бундан ташқари, ишбилармонлик алоқаларининг кенгайиши, таъсир соҳалари доирасида иштирок этиш, янги молиялаштириш манбаларини ўзлаштириш, компаниянинг маълум бир имижини шакллантиришга эҳтиёж билан боғлиқ ташқи иқтисодий манфаатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Қимматли қоғозлар бозоридagi акция, облигация ва бошқа турдаги қимматли қоғозларни молиявий инжиниринг концепцияси асосида ривожлантиришда бугунги кунда ривожланган давлатлар муҳим рол ўйнамоқда. Жумладан, дунёнинг энг ривожланган ҳамда иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама барқарор давлати АҚШда бу соҳага алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2019 йил январ ойидаги ҳолатига кўра АҚШ томонидан муомалага чиқарилган облигацияларининг (давлат облигациялари, муниципал облигациялар ва корпоратив облигациялар) умумий сони 30862 тани ташкил этган.

Жаҳондаги бошқа давлатларни таҳлил қиладиган бўлсак, 200 тадан ортиқ муомалага чиқарилган давлат облигациялар бўйича қуйидаги кўринишга эга. АҚШ дан кейин давлат облигацияларини муомалага чиқариш бўйича Ҳиндистон иккинчи ўринда бормоқда. Ҳиндистон давлатининг 819 та давлат облигациялари мавжуд. Дунё миқёсида муниципал облигациялар улуши бошқа облигацияларга нисбатан кам бўлиб, бу бозорнинг асосий иштирокчилари Ҳиндистон (3309 та), Хитой (4922 та) ҳамда Жанубий Корея (1256 та) ни ташкил этади.

Еврооблигациялар бўйича 1000 дан ортиқ муомалага чиқарган давлатларни таҳлил қиладиган бўлсак, бу ерда АҚШ (11176 та) энг юқори кўрсаткичга эга бўлган. Қолган давлатларда бу кўрсаткич қуйидагича (3.1–расм).



3.1–расм. Давлатлар томонидан (1000 дан юқори) муомалага чиқарилган еврооблигациялар сони60

Мамлакатимизнинг 2018 йилда суверен кредит рейтингини олинishi ва бунинг натижасида суверен халқаро облигацияларнинг жаҳон молиявий бозорларида жойлаштириш имкониятини яратилганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. 2019 йилнинг февраль ойида дунёнинг энг обрўли биржаларидан ҳисобланган Лондон фонд биржасида Ўзбекистон тарихида биринчи марта евробондлар, яъни еврооблигацияларни бозорга қўйилди. Бунда 5 йиллик 500 миллион долларлик евробондларни 4,75 фоиздан, 10 йиллик 500 миллион долларлик евробондларни эса 5,375 фоиздан жойлаштирди. Қарз облигацияларини қайтариш муддатлари 2024 йил ва 2029 йиллар белгиланди.

Аввалига купонларнинг диапазони 5,625 – 5,75 фоиз ҳамда 6 фоиз миқдорида белгиланган эди, аммо талабнинг юқорилиги сабабли Ўзбекистон фоиз ставкаларини қайта кўриб чиқиб, уларни 4,75 фоиз ва 5,375 фоизгача туширди. Облигацияларни харид қилишга тахминан 150 институционал инвесторлардан 3,8 миллиард долларлик таклиф келиб тушди. Давлатлар нуқтаи назардан, харид қилинган 5 йиллик ва 10 йиллик облигацияларнинг катта қисми Буюк Британия инвесторлари (тегишинча 39 фоиз ва 32 фоиз), америкалик инвесторлар эса 23 ва 31 фоиз облигацияларни харид қилди.

Ушбу тарихий амалга оширилган еврооблигациялар бўйича операциялар натижасида Ўзбекистон томонидан еврооблигациялар бозорида жуда муваффақиятли келишувларга эришилди, инвесторлар томонидан кучли қўллаб-қувватлаенишлар натижасида нархни қайта кўриб чиқиб, мақбул якуний нархда жойлаштиришга муваффақ бўлинди ва охир оқибатда ушбу натижалар Ўзбекистоннинг давлат компаниялари, корпорациялари ва бошқа молия муассасалари томонидан келажакда еврооблигацияларни чиқариш учун базавий бенчмарк ёки бошқача айтганда андоза, йўналиш бўлиб хизмат қилди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу халқаро облигациялар Буюк Британия (30 фоиз), АҚШ (16 фоиз), Европа (40 фоиз) ҳамда Осиё ва Яқин Шарқ (14 фоиз) инвесторлари орасида жойлаштирилди. Ушбу натижалар хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан ҳам ёритилиб, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Лондон Фонд биржасида халқаро облигацияларни чиқарганлиги ва бу билан халқаро капитал бозори иштирокчисига айланганлиги 300 миллион долларлик еврооблигациялар инвесторларнинг юқори баҳосига сазовор бўлганлиги эътироф этилди.

Суверен халқаро облигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш мақсадида мазкур маблағларни бозор механизмлари асосида жойлаштирилишига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва модернизация қилиш жараёнида тижорат банклари учун узоқ муддатли молиявий ресурслар кераклигини инobatта олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги ПҚ-4258–сонли қарорига мувофиқ, суверен халқаро облигацияларининг жойлаштирилишдан тушган маблағларнинг 889,2 миллион АҚШ доллари тижорат банклари орасида аукцион ўтказиш орқали, яъни самарали бозор механизмлари асосида, депозитга жойлаштириш белгиланди.

МОЛИЯ БОЗОРИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ ВА ЖАҲОН МОЛИЯ БОЗОРИГА ИНТЕГРАТЦИЯЛАШИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

***С.У. Холдоров,
ТДИУ ассистенти***

Жаҳондаги молиявий глобаллашув шароитида муҳтарам Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ривожланишнинг ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилаётган прогрессив макроиқтисодий ва фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон молия бозорининг иқтисодиётдаги ролини янада ошириш натижасида, жаҳон иқтисодиётида юз бераётган эпидемик инқироз ҳолатларига қарамасдан, мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблик таъминланмоқда.

Мустақил мамлакатимиз молия бозорида, шу жумладан банк–молия тизимида ўтказилаётган ислохотлар натижасида замонавий жаҳон андозаларига ва талабларига мос келадиган молия–банк тизими ҳамда бозор инфратузилмаси босқичма–босқич шакллантирилмоқда, молия–банк соҳасини янада эркинлаштиришга қаратилган қатор қонунчилик ташаббуслари ва улардан келиб чиқувчи муҳим чора–тадбирлар амалга оширилмоқда.

Республикамызда банк–молия тизими барқарорлигини таъминлашга қатта эътибор берилаётганлиги туфайли мамлакатимизда барпо этилган банк–молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, унинг жаҳон молия бозоридаги нуфузи ортиб бориши, шунингдек мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамларимиз дунё жамоатчилиги, шунингдек, қатор нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда.

Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш учун қатта ҳажмдаги инвестициялар зарур бўлади. Инвестицияларни эса молия бозори ва қимматли қозғалар бозори орқали олиб келиш мумкин.

Молия бозори ҳамда замонавий молиявий инфратузилманинг ривожланиши инновацион ривожланиш йўлига ўтишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Фақат шундай шароитдагина инвестиция фаолиятини фаолаштириш ва инвестиция оқимларини ишлаб чиқариш, сўнгра эса юқори технологиялар соҳасига қайта йўналтириш мумкин бўлади. Замонавий молия бозорларининг асосий унсурларини яратмасдан туриб, иқтисодий ўсиш асосий омилларидан бири ҳисобланган тўғридан–тўғри инвестицияларнинг киришига эришиб бўлмайди.

Молия бозори ёрдамида иқтисодиётда пул маблағлари ҳаракати таъминланади, шунингдек, молия ресурсларини бетўхтов шакллантириш, улардан самарали фойдаланиш ва сармоялаш амалга оширилади. У инвестицияга айланаётган пулнинг хўжаликнинг турли соҳалари ўртасида эркин кўчиб юриши, молия ресурсларидан эркин ва оқилона фойдаланишни таъминлайди. Ўз навбатида, пулнинг капитал сифатида ишлаб чиқаришга сафарбар этилиши иқтисодий салоҳиятни кучайтиради, инновациялар, фан–техника тараққиётини жадаллаштиради ва шу асосда халқ фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон молия тизимининг асосий кўрсаткичлари: 2018–2020 йилларда кредит ташкилотлари сони 55 тага этди, шу жумладан 4 тижорат банки (Пойтахт банк, Тенге банк, ТБС банк, Анор банк), 33 микрокредит ташкилоти ва 18 ломбард. 2021 йил 1 январ ҳолатига кўра, тижорат банклари активлари 366,1 триллион сўмни ташкил этди ва 2017 йилга нисбатан 120% га ошди. Бу даврда ўртача йиллик реал ўсиш (девалватсияни ҳисобга олмаганда) 24,1% ни ташкил этди.

2019 йил феврал ойида ҳукумат Ўзбекистон тарихида биринчи марта 1 млрд. АҚШ доллари қийматидаги суверен евробондлар муваффақиятли жойлаштирилгандан сўнг, бир неча тижорат банклари узоқ муддатли капитални жалб қилиш мақсадида халқаро капитал бозорига киришди. Хусусан, 2019 йил ноябр ойида "Ўзсаноатқурилишбанк" тижорат банклари орасида биринчи қадамни Лондон фонд биржасида 300 миллион евро облигацияларни чиқариш орқали олди. 2020 йил октябр ойида Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки Лондон фонд биржасидан 300 млн. Ноябрь ойида Ипотека банки ҳам 300 миллион доллар евробондларни чиқарди ва евробондлар билан халқаро капитал бозорининг иштирокчисига айланди. Бундан ташқари, кенг кўламли ишлар хорижий инвесторларнинг банк секторига бўлган қизиқишини оширишга ёрдам берди: 2018 йилда Швейтцариянинг ResponsAbility Investments компанияси томонидан бошқариладиган ва ривожланиш сармояларига ихтисослашган акциядорлик жамияти Ҳамкорбанкнинг 7,66% акцияларини сотиб олди.

2019 йилда Қозоғистон Халқ банки Тошкентда Тенге Банкнинг шўба корхонасини ташкил этди.

Паймени 2019 –йил апрелида сотиб олган ТБС Банк (Грузия) бир йил ўтгач, Ўзбекистондаги биринчи рақамли банк сифатида Тошкентдаги филиалини очди.

2020 йилда Германия Молиявий Ривожланиш Институти (Deutsche Investitions- und EntwicklungsGESELLSCHAFT mbH, DEG) ва Triodos Investment Management Ипак Юли Банкнинг устав капиталига 25 миллион долларлик янги чиқарилган акцияларни сотиб олди.

Ўтган йилнинг бошида бошланган коронавирус пандемияси ҳозирги глобаллашув ҳақиқатини тасдиқлади – бу дунёдаги ҳеч бир мамлакат ташқарида ёлғиз қолмаслигидан далолатдир. Коронавирус инқироzi банк–молия тизимига инновацион технологияларни жорий этишни тезлаштириш, банк бўлмаган молиялаштириш манбаларини кенгайтириш, аҳоли ўртасида молиявий саводхонликни ошириш, шунингдек, муҳтожларни ижтимоий қўллаб–қувватлашнинг янада шаффоф механизмларини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Ўзбекистон молия бозорини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш учун қуйидаги ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- жаҳон амалиёти талабларига мувофиқ Ўзбекистон молия бозори фаолиятини тартибга солиш, назорат қилиш ва барқарор ривожланишини таъминлаш, шунингдек, молиявий хизматлар бозори иштирокчилари ва инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш;

- жаҳон стандартлари талабларига мувофиқ молия бозорини янада эркинлаштириш, унинг барқарорлиги ва капиталлашув даражасини ошириш;

- молия бозорига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, миллий иқтисодиётга хорижий валюта тушумларини кўпайтириш мақсадида мамлакатнинг халқаро молия бозорлари билан интеграциясини таъминловчи самарали воситаларни ривожлантириш;

- тижорат банклари ва нобанк молия институтларининг инвестицион фаолигини янада кучайтириш ҳамда иқтисодиётни модернизация қилиш ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтириш;

- молия бозорини янада ривожлантириш ҳамда маблағлардан самарали фойдаланиш мақсадида молия бозорида ҳисоб–китоб, клиринг тизими барқарорлигини ошириш ва унга замонавий халқаро тажрибаларни жорий этиш;

- миллий иқтисодиётимизни модернизация қилишда мамлакатимизда шаклланиб бораётган қимматли қоғозлар бозори салоҳиятидан ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишнинг ишончли воситасига айлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада, қуйидагиларни таклиф этамиз:

- тижорат банклари томонидан облигациялар ва депозит сертификатларни муомалага чиқариш билан боғлиқ бўлган жараёнларни янада соддалаштириш ва уларнинг эмитентлар ҳамда инвесторлар учун жозибadorлигини ошириш;

- чақириб олинмайдиган депозит сертификатлари муомаласини йўлга қўйишни ташкиллаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш;

- банк капитали таркибида барқарор элементлар, яъни оддий акциялар салмоғини орттириш;
- қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини фаоллаштириш, субординар қарзнинг ҳажмларини кенгайтириш;
- прогрессив фонд дастакларини, шу жумладан коммунатив акциялар, конвертацияланадиган облигациялар, ипотека сертификатлари, ҳосилавий ва гаров қимматли қоғозларни эмиссия қилиш ва муомалага чиқариш кўламини кенгайтириш;
- банкларнинг узоқ муддатли ресурсларини кўпайтириш борасида банк депозитлари, депозит сертификатлари ва корпоратив облигацияларининг янги турларини жорий этиш ва амалдаги турларини уларнинг муддатлари, суммаси, валюта турлари ва тўлаш усуллари бўйича янада такомиллаштириш;
- гаров объекти ҳисобланган қимматли қоғозлар рўйхатини кенгайтириш ва бу рўйхатни мунтазам эълон қилиб бориш;

Бу соҳадаги ислохотларнинг ижобий таъсирини Жаҳон банкининг ҳисоб –китоблари ҳам тасдиқлайди, унга кўра инфляциянинг пасайиши Марказий банкга базавий ставкани 16% дан 14% гача пасайтиришга имкон берди. Иқтисодиётга кредитларнинг ўсиши 2019 йилдаги 52% дан 2020 йилда 34% гача секинлашди. Капитал етарлилик коэффитциентларининг пасайиши ва муаммоли кредитларнинг кўпайишига қарамай, Ўзбекистон молия тизими потенциал кредит шокларини баргараф этиш учун етарли капиталга эга.

Пул–кредит сиёсатининг 2021 йилги ва 2022–2023 йиллардаги асосий йўналишларига мувофиқ, 2021 йилда инфляцияни 10% гача ва 2023 йилдан 5% гача доимий инфляцияни пасайтириш бўйича мақсадли вазифалар белгиланди. Ҳозирги "нисбатан қаттиқ" пул–кредит сиёсати шартлар 2021 йил охиригача сақланиб қолади. Консолидацияланган бюджет тақчиллиги 2022 йилда ЎИМнинг 2,5 фоизигача камайиши кутилмоқда. Структуравий ислохотлар давом этади ва 2022–2023 йилларда тартибга солинадиган нархлар эркинлаштирилади.

MOLIYA TIZIMINI RIVOJLANISHIDA SUVEREN KREDIT REYTINGLARINI AHAMIYATI VA O‘ZBEKISTONNING SUVEREN KREDIT REYTINGI

***F.Q. Sindarov,
TDIU, assistent.***

Mamlakat iqtisodiyoti va moliya tizimini rivojlantirish uzoq vaqt va yirik moliyaviy resurslar talab qiladigan jarayon bo‘lib, avvalo, ichki potensialdan keyin esa tashqi moliyalashtirish manbalaridan foydalanishni taqozo etadi. So‘ngi bir necha o‘n yilliklar davomida jahon iqtisodiyotida davom etayotgan tendensiyalarni tahlil qiladigan bo‘lsak, ko‘pgina rivojlangan va kuchli rivojlanayotgan davlatlarning aksariyati tashqi manbalardan faol va samarali foydalangan holda o‘z iqtisodiyotini jadal taraqqiy etishini ta’minlamoqda.

Xalqaro moliya tashkilotlari, yirik investitsion kompaniyalar, banklar, mamlakatlar hukumatlari va tashkilotlar tomonidan biror bir mamlakatga ajratilayotgan qarz, kredit va investitsiya mablag‘larning hajmiga qarab, mablag‘ ajratilayotgan davlatning iqtisodiyoti hajmi va unga bo‘lgan ishonch darajasini bilish mumkin.

2019–yil oktabr–noyabr oylarida Xitoyda tarqalgan koronavirus infeksiyasi tarqalishi oqibatida 2020–yilda dunyo mamlakatlari o‘z aholisini sog‘ligini himoya qilish maqsadida ixtiyoriy ravishda chuqur karantin holatiga kirdi. Jahon iqtisodiyoti deyarli to‘xtatib qo‘yildi. Buning oqibatida 2020–yilning dastlabki oylaridanoq turli mamlakatlar iqtisodiyoti inqirozga uchray boshladi. 2020–yilning o‘rtalariga kelib jahon iqtisodiyotida keskin ravishda pasayish kuzatildi. Bu davrda mamlakatlar, yirik korporatsiyalar, banklar va boshqa tijorat va notijorat tashkilotlarining jahon moliya bozorlaridagi mavjud moliyaviy resurslarga bo‘lgan ehtiyoji boshqa vaqtlardagiga nisbatan ancha o‘ydi. Jahon moliya bozorlari va investitsion fondlariga qarz so‘rab murojaat qilayotganlar soni ortdi. Fond bozorlariga mamlakatlar o‘zining suveren obligatsiyalarini, korporatsiyalar va boshqa korxonalar va tashkilotlar o‘zining aksiyalarini joylashtirib, yirik hajmda moliyaviy mablag‘lar jalb eta boshladi. Global inqiroz sharoitida qarz beruvchi tashkilotlar, investitsion fondlar va boshqa investorlar mablag‘larini ishonchli deb hisoblagan sohalarga, kompaniyalarga kiritishni ma’qul hisoblaydilar. Ular esa mamlakatlar, korporatsiyalar, tijorat va notijorat tashkilotlarining ishonchligini xalqaro suveren kredit agentliklari tomonidan chiqariladigan hisobotlar bilan tanishib, moliyaviy mablag‘lar ajratish yoki ajratmasligini o‘zlari mustaqil ravishda hal qiladi.

Standart&Poor'sning suveren reyting metodologiyasida qayd etilishicha, agentlik tomonidan mamlakatlarga ikki turdagi reytinglar berilishi mumkin: umumiy va aniq bir moliyaviy majburiyatlar bo'yicha. Umumiy turdagi reyting qarzdor davlat o'zining barcha moliyaviy majburiyatlarini o'z vaqtida bajara olish qobiliyati bo'yicha agentlikning fikrini aks ettirsa, ikkinchi turdagi reyting ma'lum bir turdagi yoki alohida moliyaviy majburiyat bo'yicha kredit riskini o'lchashga xizmat qiladi.

Moliyaviy bozor ishtirokchilari mazkur reytingdan emitent davlatning to'lovga layoqatli ekanligini, qarz bo'yicha asosiy to'lov va foizlarni o'z vaqtida qaytara olish imkoniyatini hamda defolt bo'lish ehtimolligini aniqlash maqsadida foydalanadi. Mana shuning uchun ham suveren kredit reytinglarini ahamiyati yildan yilga ortib bormoqda.

Shuningdek, davlatlarga beriladigan suveren kredit reytingi uzoq muddatli shkala va reytingning kelgusidagi ehtimoliy yo'nalishidan iborat. S&Pning reyting shkalasi «AAA» dan «D» gacha bo'lib, «AAA» eng yuqori bahoni anglatrsa, «D» esa davlat o'zining moliyaviy majburiyatlarini bajara olmasligini (defolt) bildiradi. Shkalaga qo'shimcha ravishda «AA» dan «SSS» gacha bo'lgan reytinglar oldida «+» yoki «-» belgilari ham ishlatiladi.

Mamlakat iqtisodiyotini rivojlanishida suveren kreditlarini ahamiyatini to'g'ri tushungan holda 2018-yildan boshlab O'zbekiston ham o'zining suveren kredit reytingini baholata boshladi. Dastlab, S&P agentligi tomonidan O'zbekistonni reytingi 2018-yil dekabr oyida baholangan bo'lsa, bugungi kunga kelib, Fitch va Moody's agentliklari tomonidan ham O'zbekistonning suveren kredit reytingi baholanmoqda.

1-jadval

**S&P reyting agentligi tomonidan 2018–2021–yillardagi
O'zbekistonning suveren kredit reytingi⁶¹**

| Reyting e'lon qilingan vaqti | 12.2018 | 06.2019 | 05.2020 | 12.2020 | 04.2021 |
|------------------------------|-----------|-------------|-----------|-----------|-------------|
| S&P | BB–salbiy | BB–barqaror | BB–salbiy | BB–salbiy | BB–barqaror |

Jadvaldagi ma'lumotlarni tahlil qiladigan bo'lsak, ilk marotaba O'zbekistonning reytingi S&P reyting agentligi tomonidan 2018-yil «BB–» salbiy darajada baholangan bo'lsa, 2021-yil iyun oyida «BB–» barqaror darajada baholangan. Bundan kelib chiqib mamlakatning reyting darajasi qisqa muddatda oshib qolmaydi. Agentlik har yili ikki marta O'zbekistonning suveren kredit reytingini qayta

⁶¹ Muallif tomonidan S&P agentligi ma'lumotlari asosida tayyorlandi.

baholaydi va baholash jarayonida respublikamizdagi soʻnggi iqtisodiy yangiliklar bilan tanishadi. 2020–yil iyun oyidan beri “S&P” reyting agentligi tomonidan 21 ta mamlakatning kredit reytingi pasaytirilgan va 13 ta mamlakatning, jumladan Oʻzbekistonning reyting kutilmasi “salbiy”ga tushirilgan edi. Mazkur qaror Oʻzbekiston tashqi qarzining soʻnggi ikki yilda nisbatan yuqori surʼatlarda oʻsganligi bilan izohlangan edi. Shu bilan birga, kelgusi 12 oy davomida mamlakat tashqi qarzining oʻsish surʼati barqarorlashmagan taqdirda Oʻzbekiston kredit reytingini pasaytirishi mumkinligi maʼlum qilingan edi

Suveren kredit reytingiga kirish orqali mamlakatning investitsion jozibadorligi oshishi, xalqaro moliya bozorlarida obligatsiyalarni joylashtirish orqali tashqi qarz mablagʻlarini jalb qilish uchun imkoniyatlar yaratadi. Shularni inobatga olgan holda Oʻzbekistonda soʻngi yillarda xalqaro reyting va indekslarga kirish boʻyicha bir qator Prezident qaror va farmonlari qabul qilindi. Jumladan, Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2018–yil 21–iyuldagi “Tashqi moliyalashtirish manbalarini diversifikatsiyalash boʻyicha qoʻshimcha chora tadbirlar toʻgʻrisida” PQ–3877 sonli qarori, Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2019–yil 25–fevraldagi “Oʻzbekiston Respublikasining xalqaro reytinglar va indekslardagi oʻrmini yaxshilash chora–tadbirlari toʻgʻrisida”gi PQ–4210–son qarori, Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2019–yil 7–martdagi “Xalqaro reyting va indekslarda Oʻzbekiston Respublikasi reytingini yaxshilashga oid chora–tadbirlarni tizimlashtirish toʻgʻrisida”gi PF–5687–son farmoni, Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2020–yil 2–iyundagi “Oʻzbekiston respublikasining xalqaro reyting va indekslardagi oʻrmini yaxshilash hamda davlat organlari va tashkilotlarida ular bilan tizimli ishlashning yangi mexanizmini joriy qilish toʻgʻrisida”gi PF–6003–son farmoni qabul qilindi. Bundan koʻrinib turibdiki, soʻngi yillarda Oʻzbekiston Respublikasining xalqaro reyting va indekslarda egallab turgan oʻrmini yaxshilash qonunchilik bazasi bilan mustahkamlanib davlat siyosati darajasiga koʻtarilgan.

ПЕРСПЕКТИВЫ ДЛЯ УЛУЧШЕНИЕ ФИНАНСОВОЙ ПОДДЕРЖКИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

**З.О. Шаниязова,
КарГУ, соискатель.**

Доступ к финансам имеет решающее значение для роста сельскохозяйственного сектора. Для перехода от натурального хозяйства к коммерческому сельскохозяйственному производству требуются средства. Однако в развивающихся странах, где сельское хозяйство является источником средств к существованию для 86 процентов сельского населения (Международная финансовая корпорация [IFC], 2013), финансирование инвестиций в сельское хозяйство ограничено даже для крупных инвесторов. В Африке менее 1% коммерческого кредитования предназначено для сельскохозяйственного сектора (IFC, 2013). Финансовые учреждения неохотно принимают на себя риски, преобладающие в сельскохозяйственном секторе, такие как засухи, наводнения, вредители и болезни, или транзакционные издержки, связанные с преодолением больших географических расстояний. Следовательно, хотя правительства в настоящее время прилагают усилия для привлечения инвестиций в сельское хозяйство, отсутствие понимания финансовых рисков и возможностей в сельском хозяйстве лишает сектор столь необходимых средств для увеличения производства, переработки и сбыта продукции. В этом аналитическом обзоре рассматриваются финансовые потребности сельского хозяйства в развивающихся странах и доступные инструменты для удовлетворения этих потребностей. Мы исследуем проблемы в получении финансирования для инвестиций в сельское хозяйство, роль различных участников и варианты правительств по улучшению правовой и политической среды финансовой системы для поддержки сельскохозяйственного развития.

Кому нужны финансы в аграрном секторе?

Сельское хозяйство включает в себя широкий спектр деятельности, от мелкого фермерства до инфраструктурных проектов и исследований и разработок. В результате, когда речь идет о финансировании сельского хозяйства, рынок разбивает его на четыре группы. Группы соответствуют различным подходам к удовлетворению потребностей секторов:

- (1) потребности фермеров и предпринимателей,
- (2) транзакции между участниками цепочки создания стоимости,
- (3) потребности инфраструктуры
- (4) получение знаний для поддержки сектор.

1. Фермеры и мелкие сельскохозяйственные предприниматели: этот подход ориентирован на участников сельскохозяйственного сектора, которым требуется финансирование. Фермеры и мелкие предприниматели, такие как небольшие сбытовые компании, нуждаются в финансах, позволяющих им

расширять производство и / или диверсифицировать продукцию. Это может включать, например, финансирование ресурсов (таких как семена и удобрения), производства (например, машины и оборудование) и маркетинга (например, переработка, упаковка и транспортировка) (Продовольственная и сельскохозяйственная организация [ФАО] и Всемирный банк, 2013 г.).

2. Участники цепочки создания стоимости: основное внимание уделяется связям между различными участниками цепочки создания стоимости. Сельское хозяйство включает в себя последовательность взаимосвязанных видов деятельности – транзакций – в цепочке, которая начинается с поставки семян и удобрений и заканчивается у потребителей (IFAD, 2012). Существуют финансовые инструменты, специально предназначенные для укрепления этих связей между участниками производственно–сбытовой цепочки.

3. Сельская инфраструктура. Финансирование также может быть сосредоточено на инфраструктуре, необходимой для ведения сельскохозяйственной деятельности. Сектор сильно зависит от инфраструктуры, такой как сельские транспортные системы, ирригационные системы, водоснабжение, канализация, электричество, складские и телекоммуникационные объекты. Эти проекты дорогостоящие и требуют большого финансирования.

4. Исследования и разработки (НИОКР): последний подход направлен на финансовую поддержку накопления знаний в этом секторе. Это включает в себя создание сельскохозяйственных технологий и новых технических знаний о продуктах, процессах и услугах для этого сектора (Anandajayasekeram, 2011). Исследования и разработки также предоставляют ценные знания, чтобы помочь производителям подготовить бизнес–планы для банков или других финансовых учреждений, для поддержки финансового планирования и оценки кредитоспособности финансовыми учреждениями и государственного планирования в целом. Обзор финансовых инструментов для сельского хозяйства. Различные финансовые инструменты отвечают различным потребностям сельскохозяйственного сектора. В каждой из четырех групп финансовые инструменты зависят от уровня сложности финансовой системы в каждой стране и готовности финансистов брать на себя риски на этом конкретном рынке. Программы регулирования и повышения осведомленности также играют ключевую роль в удовлетворении финансовых потребностей. Помимо местных финансовых учреждений, финансовые решения также предоставляют иностранные банки, банки развития, правительства и даже субъекты, нуждающиеся в финансовой помощи. В этом разделе описаны некоторые из доступных финансовых инструментов и инициатив, обычно используемых в разных странах.

Как и в других секторах, тем, кто инвестирует в сельское хозяйство, особенно местным фермерам, а также плантациям, находящимся в иностранной собственности, перерабатывающим предприятиям, складским помещениям или компаниям по производству удобрений, могут потребоваться средства от третьих сторон для ведения своего бизнеса. Однако в нынешней глобальной финансовой системе ряд факторов препятствует развитию надежных

финансовых услуг в сельских районах в большинстве развивающихся стран. Во-первых, операционные издержки в сельской местности выше, чем в городской, из-за более рассредоточенного населения со слабой инфраструктурой (Международный фонд сельскохозяйственного развития [МФСР], 2009а). Во-вторых, что более важно, факторы риска, присущие сельскому хозяйству, часто мешают финансовым учреждениям предоставлять ссуды. К ним относятся производственные риски, связанные с опасными природными явлениями (такими как засухи, наводнения и вредители), слабая способность фермеров предоставлять залог (либо потому, что у фермера нет права собственности на землю, которую можно было бы предложить в качестве гарантии по кредиту, либо стоимость земли может быть слишком низкой.) и волатильность цен (IFAD, 2009а). В-третьих, в некоторых развивающихся странах финансовый сектор может быть недостаточно развитым. Доступность и инновации в отношении финансовых инструментов и услуг для конкретных секторов обычно невысоки. Кроме того, хотя финансовые услуги могут быть доступны, они могут не подходить для всех видов сельскохозяйственной деятельности, которые будут иметь различные потребности в отношении сроков выплат, сумм и рисков, среди прочего. Например, в сезонном земледелии финансирование необходимо на определенных этапах производственного процесса (IFAD, 2009а). В то же время предложение финансовых продуктов может быть доступно только крупным сельскохозяйственным предприятиям с хорошей репутацией и, следовательно, может не соответствовать конкретным потребностям клиента. Наконец, отсутствие записей и статистических данных о сельском хозяйстве в развивающихся странах затрудняет оценку кредитоспособности для поставщиков финансовых услуг. Это меняет условия, необходимые для доступа к финансовым продуктам, и подрывает возможности для прибыльных инвестиций.

Доступ к финансам является жизненно важной частью любого развитого сельскохозяйственного сектора, и вовлечение фермеров и мелких предпринимателей из развивающихся стран в финансовую систему еще далеко от завершения. Не случайно, что страны с развитыми финансовыми рынками в сельскохозяйственном секторе являются странами, где этот сектор также высокоразвит. Это не обязательно означает, что только развитые страны могут иметь успешные истории финансирования сельского хозяйства. Фактически, многие из приведенных выше примеров относятся к развивающимся странам. Это требует сочетания хороших законов, специализированного финансового сектора и прибыльного бизнеса мелких и крупных фермеров и компаний в сельскохозяйственном секторе. Инновации в области финансов для удовлетворения потребностей сельского сектора не должны ограничиваться финансовыми учреждениями. Правительство может играть активную роль, продвигая законы и постановления с помощью новых финансовых инструментов или даже повышая осведомленность о существующих, чтобы привлечь к ним внимание финансового и сельскохозяйственного секторов.

УПРАВЛЕНИЕ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТЬЮ В СИСТЕМЕ ЭФФЕКТИВНЫХ МЕР ФИНАНСОВОГО МЕНЕДЖМЕНТА В МАЛОМ БИЗНЕСЕ

***Ш.С. Ухамеджанов,
Начальник отдела Фонда
“Эл-юрт умиди”***

Экономические реформы, проводимые в течение последних лет в Республике Узбекистан, осложняют процессы формирования и механизмы реализации структурной, инвестиционной, финансовой, инновационной политики на всех уровнях управления основного звена хозяйственной системы – предприятия. Неустойчивое состояние многих предприятий остро ставит задачу интенсивного поиска действенных мер, обеспечивающих условия для мобилизации их внутренних резервов и порождает необходимость разработки новых подходов к управлению предпринимательскими структурами, учитывающих динамику развития социально–экономических отношений.

При всем многообразии точек зрения относительно того, с чего следует начать и что продолжить на новом витке развития рыночных отношений в Республике Узбекистан, следует отметить главное: требует обоснования новая система эффективного управления конкурентоспособностью предпринимательских структур.

Превращение нашей страны в открытую экономическую систему, достаточно свободный доступ на рынки иностранных конкурентов, глобальные изменения на мировом рынке, кризисные проявления в мировой экономике вызывают необходимость научного анализа проблем, связанных с развитием конкуренции, повышением конкурентоспособности экономики страны, совершенствованием методов регулирования воспроизводства на макро и микроуровнях.

Современная научно–методологическая основа управления конкурентоспособностью должна быть ориентирована на определение механизма, позволяющего выявить индивидуальные особенности предпринимательской структуры, на основе которых могут формироваться собственные конкурентные преимущества. Лишь в этом случае конкурентоспособность будет определять перспективы развития, а не констатировать достижения конкретного предприятия в рыночной среде; управление конкурентоспособностью будет проходить неотрывно от процессов стратегического и тактического управления,

что, в свою очередь, приведет к интеграции целей этих внутриорганизационных процессов, позволит полно оценивать затраты, связанные с формированием конкурентных преимуществ и сократить расходы, связанные с реализацией рыночной стратегии. Решение этой проблемы связано с технологиями принятия оптимальных решений в сфере управления конкурентоспособностью, в основе которых предложен структурно–композиционный подход, предполагающий выявление элементов конкурентоспособности, определение оптимального их сочетания. Реализация разработанной в диссертации концепции позволяет оценить эффективность принимаемых инвестиционных управленческих решений с учетом их влияния на стоимость материальных и нематериальных активов предприятия, создающих конкурентные преимущества предпринимательским структурам. Обоснованное определение рыночной стоимости как материальных, так и нематериальных активов позволяет реально судить о величине введенного в экономический оборот капитала, а мониторинг стоимости бизнеса – о целесообразности выбора стратегических и тактических управленческих решений и ходе реализации этих решений на практике.

В современной теории предпринимательства используются несколько взаимосвязанных понятий применительно к конкурентоспособности предприятия: «конкурентоспособность», «конкурентная позиция», «конкурентные преимущества», «компетенции».

Такое разнообразие терминов обусловлено развитием и усложнением рыночных отношений, укрупнением предпринимательства, ростом взаимозависимости компаний, повышением роли стратегического планирования и прогнозирования будущего состояния рынков, а также развитием постиндустриальной экономики, где в качестве конкурентных преимуществ доминируют знания.

Для качественного развития предпринимательских структур Республики Узбекистан необходимо провести переоценку ценностей деятельности, разработать принципиально новые ориентиры управления и нормативы конкурентоспособности с учетом принципа динамизма деятельности в условиях трансформации конкурентного окружения.

Предпринимательство определяется как сложный социально–экономический институт, представленный совокупностью самостоятельно хозяйствующих субъектов, направляющих свою активность на удовлетворение общественных потребностей, получение дохода, увеличение стоимости собственного капитала и получение разнообразных социально–экономических и технологических эффектов путем рационального использования ресурсов

производства, минимизации рисков, восприятия материальной и социальной ответственности.

При этом важнейшим свойством современной предпринимательской структуры являются ее конкурентоспособность, которая проявляется: в гармоничном сочетании процессов потребления и накопления; инвестиционной привлекательности; кредитоспособности; в обеспечении благосостояния акционеров и работников, населения; в формировании имущественной ответственности у субъектов рынка; выработки правильных стратегий развития бизнеса; выплате налогов и сборов; в формировании корпоративной культуры; финансовой устойчивости; стоимости бизнеса. Для развития предпринимательства требуется выработка нового подхода к управлению конкурентоспособностью, который базируется на управлении структурой капитала и стоимостном мышлении, направлен на развитие конкурентных преимуществ, выступающих ориентирами как для получения прибыли, так и для создания стоимости компании.

Конкурентоспособный бизнес–субъект может не обладать конкурентными преимуществами, если не имеет результатов, превышающих результаты конкурента. Конкурентоспособное предприятие характеризуется своей способностью выживать в рыночной среде, то есть воспроизводить свою деятельность. При этом результаты этой деятельности могут иметь средние рыночные значения и даже ниже. Главное, чтобы предприятию хватало данных средств на поддержание такого уровня конкурентоспособности, который гарантирует воспроизводство.

Если же речь идет об инвестиционной привлекательности предприятия, должна оцениваться способность предоставить более высокую стоимость для своих инвесторов и собственников (акционеров), чем другие предприятия, иначе инвестиции будут переданы конкуренту. Следовательно, для стратегической конкурентоспособности предприятия, проявляющейся в его инвестиционной привлекательности, обладание конкурентными преимуществами, позволяющими создавать более высокую стоимость предприятия, становится необходимым условием конкурентоспособности. Для обоснования целевой функции управления конкурентоспособностью предпринимательских структур важно отметить особенности методологических подходов к формированию конкурентных преимуществ (см.табл.1).

Ценностно–стоимостной подход к управлению конкурентоспособностью предпринимательских структур выражается в том, что для создания максимальной стоимости следует создавать максимальную ценность для потребителей и оптимизировать издержки.



Таблица 1.

Уровни конкурентоспособности предприятия и их характеристика

| Уровни конкурентоспособности предприятия | Объект управления конкурентоспособностью | Организационный уровень, осуществляющий управление | Критерий конкурентоспособности | Методы анализа конкурентоспособности |
|--|--|--|---|--|
| Оперативный | Товар | Линейные менеджеры | Оптимальное соотношение «цена–качество» | – анализ конкурентоспособности продукции |
| Тактический | Финансовая устойчивость | Функциональные менеджеры | – финансовые показатели устойчивости | – анализ финансовой устойчивости |
| Стратегический | Инвестиционная привлекательность | Топ–менеджмент | Стоимость компании | – методы расчета стоимости компании |

В систему целевых критериев конкурентоспособности стратегического уровня должен быть включен показатель стоимости бизнеса.

Применение стоимости как цели системы управления конкурентоспособностью формирует новый подход к созданию системы управления капиталом, в основе которого находятся два принципа:

- 1) управление капиталом направлено на создание экономической прибыли, которая учитывает альтернативные варианты вложения капитала с определенным риском и соответствующим риску экономическим эффектом;
- 2) цель развития компании выражается в виде наращивания стоимости компании, в которой суммированы потоки денежных средств с учетом риска и альтернативности вложения средств.

Процесс управления стоимостью объединяет четыре основных управленческих процесса, которые в сочетании способствуют налаживанию процесса стратегического управления конкурентоспособностью организации на основе стоимости: выработка стратегии; определение целевых нормативов стоимости; планирование, составление бюджетов; организация систем мотивации и контроллинга.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ж. Р. Ҳошимов,
ТМИ, тадқиқотчи

Бугунги кунда жаҳон амалиётида хорижий инвестицияларни самарали жалб қилишни тақомиллаштириш, инвестициялардан самарали фойдаланиш, уларни иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларига жойлаштириш, ҳудудларнинг инвестиция жозибadorлигини ошириш, фаол инвестиция сиёсатини юритиш, инвестицияларнинг тармоқлараро ва ҳудудлараро диспропорцияси масалалари борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Шу ўринда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий инструментлари ҳам давлатларда ривожланган фонд бозорини мавжуд бўлиши ва ривожланишини тақозо этади. Шу боис, иқтисодиёти ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётида бўлган мамлакатларда хорижий инвестицияларни жалб қилишни тақомиллаштириш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилиши зарурлигини кўрсатади.

Хусусан, “2018 йилдаги глобал тўғридан–тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 13 фоизга қисқариб, номинал мазмунда бу кўрсаткич 1,3 трлн. АҚШ долларни ташкил қилган. Янги лойиҳаларга эълон қилинган инвестициялар келгуси тараққиётнинг омили сифатида йил мобайнида 14 фоизга қисқарган. 2004 йилдан буён ривожланган мамлакатларга хорижий инвестициялар оқими 27 фоизни ташкил қилган. Ривожланаётган мамлакатларга инвестициялар ҳажмида эса ўзгариш тенденциясига эга бўлмай, 2 фоиз йиллик ўсиш кузатилаган”. БМТ (ЮНКТАД)нинг бераётган маълумотларига кўра, “2019 йилда тўғридан–тўғри хорижий инвестициялар 1,54 трлн. АҚШ долларга қисқариб, бунда сезиларли ўзгариш жаҳон иқтисодиётида 2005 йилдан буён кузатилмаган. 2020 йилда эса глобал пандемия таъсирида тўғридан–тўғри хорижий инвестициялар 40 фоизга пасайиши мумкинлиги прогноз қилинмоқда”⁶².

Ўзбекистонда юритилаётган фаол инвестиция сиёсати мамлакат миллий иқтисодиётининг истиқболдаги рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим молиявий омили сифатида хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг 2020–2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурида: 850,5 трлн. сўм инвестициялар, шу жумладан 35,5 млрд. АҚШ доллар миқдоридagi хорижий инвестициялар ўзлаштирилишини назарда тутувчи капитал қўйилмаларни ўзлаштиришнинг йиғма прогноз параметрлари, шунингдек, инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш ҳамда жалб этишнинг прогноз параметрларида 206 та янги ишлаб чиқариш қувватлари ва 31 мингдан зиёд иш ўринлари яратилишини

62 www.unctad.org World Investment Report 2019, <https://finance.rambler.ru/realty/44346731-oon-sprognozirovala-padenie-priyamyh-inostrannyh-investitsiy-na-40-protsentov>

назарда тутувчи 2020 йилда йирик ишлаб чиқариш объектлари ва қувватларини ишга тушириш манзилли дастури кўрсатилган⁶³.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ислохотлар ва фаол инвестиция сиёсати самарадорлигини янада ошириш, аввало, инвестиция фаолиятини макро ва микрокўламда мукамал тизимда шакллантиришни тақозо этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, хорижий инвестицияларни жалб қилишни тақомиллаштириш ишининг долзарблигини белгилади.

2021–2023 йилларда жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажмини саноат, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ва йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган устувор йўналишларни сақлаб қолган ҳолда инқирозгача бўлган давр кўрсаткичларига эришиш прогноз қилинмоқда. Бундан куйидаги рақамлар мисолида кўрадиган бўлсак, 2019 йилда Ўзбекистонга киритилган инвестиция ҳажими 6 512,5 миллион АҚШ долларини ташкил этган. 2020 йил якунига қадар ушбу миқдор 6 630,0 миллион АҚШ доллари бўлиши прогноз қилинган. 2021–2023 йилларда эса тўғридан–тўғри хорижий инвестициялар кескин ошиши кутилмоқда. Бунда 2021 йилда 7 819,0 млн АҚШ доллари, 2022 йилда 9 297,0 млн АҚШ доллари ва 2023 йилда 11 072,7 млн АҚШ доллари инвестиция прогнози қилинган.

Сўнгги 20 йил ичида Ўзбекистон иқтисодийига жалб қилинган тўғридан–тўғри хорижий инвестициялар ва кафолатланмаган кредитлар ҳажми 25,3 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди, шундан сўнгги беш йил ичида 11,8 миллиард АҚШ доллари (47 фоиз) жалб этилди.⁶⁴

Бевосита хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодий манфаатларга тўғри келадиган хусусиятларни куйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Иқтисодий ривожланишнинг мавжуд имкониятлари билан иқтисодий сиёсатнинг эълон қилинган мақсадларига эришиш ўртасидаги тафовутни бартараф этиш воситаси. Бу мавжуд даромадлар, бошқарув тажрибаси, омонатлар, валюта заҳиралари танқислигини бартараф этиш кўзда тутилади.

2. Миллий ишлаб чиқарувчилар томонидан амалга оширилган экспортдан олинадиган даромадларнинг етишмаслиги ва қўшимча валюта тушумларини таъминлаш манбаи ролини бажариши. Бу хорижий инвестицияли корхоналарнинг валютага бўлган эҳтиёжини қондиришдаги ўрни билан белгиланади.

Шу билан бирга бевосита хорижий капиталнинг миллий иқтисодиётдаги фаолияти салбий таъсирлардан ҳам ҳоли эмас.

Инвестицион сиёсат ишлаб чиқиётганда шу жиҳатнинг атрофлича ҳисобга олиниши муҳимдир. Хорижий инвестицияларнинг ривожланаётган мамлакатлардаги хусусан, Ўзбекистондаги фаолиятида куйидаги тенденциялар кузатилаётгандаки, бу миллий иқтисодий манфаатларга акс таъсир кўрсатаяпти.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш билан боғлиқ ҳолда куйидагиларни ҳулоса қилиш мумкин.

⁶³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сонли “Ўзбекистоннинг 2020–2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

⁶⁴ Инвестициялар ва инвестицион фаолият тўғрисида” тўғрисидаги қонун лойиҳаси

–Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этиш ҳажми йилдан-йилга ўсиб бораётган бўлсада, хорижий инвестициялар мамлакатнинг истиқболли тараққиёт омили сифатида самарали йўналишларга етарли йўналтирилмаяпти;

–беvosита хорижий инвестициялар миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларга бандлик даражасини оширишга ишлаб чиқаришнинг техник–технологик жиҳатдан замонавийлаштирилишига ижобий таъсир кўрсатса-да, тўлов ва ташқи савдо балансининг мутаносиблигини таъминлаш ва экологик талабларга амал қилиш нуқтаи назаридан салбий таъсирга эгадир;

–миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш ўтиш даврида ўзига хос долзарб аҳамият касб этади. Бу ислоҳатлар босқичида инвестицион фаолликни таъминлаш жадал иқтисодий ўсишга эришиш, иқтисодиётнинг самарали таркибини шакллантириш эҳтиёжлари билан изоҳланади;

–давлат инвестиция сиёсатининг устувор йўналишларини амалга оширишда ишлаб чиқаришнинг экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини қопловчи соҳаларни устун ривожлантиришга жаҳон бозорида миллий хўжаликнинг мавқеини мустаҳкамлашга эътибор берилганлиги сабабли бу мақсадга хорижий капиталсиз эришиб бўлмаслиги хорижий инвестицияларнинг ролини оширади.

Ҳозирги кунда республикамизда иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмини такомиллаштириш йўлида бир қанча муаммолар мавжуд. Буларни қуйидаги тартибда алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин:

- аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми ва аҳоли даромадлари миқдори юқори эмаслиги ички истеъмол бозорининг торлигини билдиради ва бу хорижий инвесторларнинг иқтисодий манфаатларини камайтиради;

- бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг такомиллашмаганлиги;
- транспорт инфратузилмасининг ривожланмаганлиги юк ташиш харажатларининг юқори даражадалиги ва бу ишларни амалга оширишда вақт кўп бой берилиши экспорт ва импортдаги божхона талабларини бажаришдаги трансакцион сарфлари кўплиги;

- иш ҳақида юқори даражада солиқлар олиниши ва ижтимоий тўловлар юқори даражадалиги ва бунинг корхоналарга сезиларли юк бўлаётганлиги ва бошқалар.

Таъкидлаб ўтилган муаммолар инвестицион сиёсатга кенг қамровли ёндашувни талаб қилади ва давлатнинг макроиқтисодий хусусан, фискал, монетар, бюджет, божхона, ташқи савдо ва ҳудудий ривожлантириш сиёсатларининг бир–бирини тўлдирувчанлик характерини оширишни тақозо этади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ ИСЛОМ БАНКЛАРИ МАБЛАҒЛАРИ ОРҚАЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ў. А.Хайдаров,
мустақил изланувчи, ТДИУ

Миллий иқтисодий тизимни ривожлантириш жараёнида кўпчилик ҳали ислом ва анъанавий банклар томонидан таклиф қилинадиган маҳсулот ҳамда хизматлар ўртасидаги фарқни тушунмайди. Баъзилар ислом банклари анъанавий банк маҳсулот ва хизматларининг номи ўзгартирилган кўриниши деб ҳисобласа, бошқалари ислом банклари анъанавий “фоиз”ни “даромад” деб номлашади ва одамларни чалғитиш учун арабча атамалардан фойдаланишади деб тахмин қилишади. Ислом банки қай тариқа ишлашини билмай туриб бу каби хулосаларга келиб бўлмайди. Чунки бундай хулоса ва иддаолар ислом банкчилиги ривожланишига тўсқинлик қилади. Албатта ҳозирги кунда ислом банкчилиги ва унинг айрим маҳсулотлари ривож жараёнида турли муаммоларга дуч келмоқда. Чунки бу соҳа ҳали тўлиқ ўрганиб бўлингани йўқ. Ушбу жараён давомида хатолар юз беришини инкор этиб бўлмайди. Аммо бундай хато ва камчиликлар ислом банкчилигининг яроқсизлигини англатмайди. Бунинг учун албатта миллий банк тизимига янгича ёндашув билан назар солмоқ зурур, яъни анъанавий молиялаштириш механизмлари билан бир қаторда инвестиция фаолиятини ислом банклари маблағлари орқали молиялаштириш механизмларини жорий этиш масаласи бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда инвестиция фаолиятини молиялаштириш билан боғлиқ иқтисодий тизимнинг глобал инқирози натижасида, инвестициявий ҳамжамият томонидан молиялаштиришнинг исломий шаклларига эътибор сезиларли равишда ошди. Иқтисодчи олимлар Ишмуҳамедов ҳамда Зариповлар ўзларининг илмий мақолаларида бугунги кунда жаҳонда, ислом молияси барқарор даражада ривожланаётгани ва юқори ўсиш суръатларини кўрсатаётганини, ислом молиясида анъанавий молиядаги «пул баҳоси» тушунчасига ўрнига «капитал самарадорлиги» деб аталувчи янги атама жорий этилганлиги ҳақида сўз юритганлар⁶⁵.

Ибраҳим ва Минаи корхоналарга инвестиция жалб қилишда сукукларнинг аҳамияти юзасидан ўрганишлар олиб борганлар. Натижалар шуни кўрсатадики, кичикроқ ва инвестицион салоҳияти юқори бўлган корхоналар сукук эмиссия қилиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ҳукуматнинг сукук бозорини қўллаб қувватлаши ижобий таъсир доирасига эга⁶⁶.

65/ Zaripov I.A. (2016) Islamic finance as a strategic landmark for the development of Russia. <https://cyberleninka.ru/>.

66 Ibrahim, Y., & Minai, M. S. (2009). Islamic bonds and the wealth effects: evidence from Malaysia. *Investment Management and Financial Innovations*, 6(1), pp. 184–191

Журавлев (2017) ҳуқуқий асос яратиш орқали анъанавий ва ислом молияси муассасалари бир ҳуқуқий майдонда фаолият юрита олишини, бу ҳолатда уларни тартибга солиш учун иккита алоҳида қонун амал қилиши мумкинлигини айтиб ўтган⁶⁷.

Айни пайтда, ислом банклари маблағлари орқали молиялаштиришни жорий этиш борасида ҳам турлича қарашлар шакланган. Хусусан, Иброҳим Варде исломий молиявий маҳсулотларни мазкур воситалардан фойдаланишда вужудга келадиган ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар мажмуига асосланиб таснифлайди⁶⁸.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисодчи олимлар томонидан мавзуга оид адабиётлар таҳлилни ўрганиш жараёнида ислом банклари маблағлари орқали молиялаштиришни масалалари турлича талқинда кўриб ўтилган.

Муаллифлар кўриб ўтилган омилларни амалга оширишда инвестиция фаолиятини ислом банклари маблағлари орқали молиялаштириш жараёнларига етарлича эътибор қаратмагандир.

Исломий молиялаштиришнинг анъанавий молиялаштиришдан асосий фарқи шундан иборатки, исломий молия фойда ва зарарни бўлиши ҳамда реал активларга асосланган молиялаштиришни ўзида намоён қилади. Бошқача қилиб айтганда, исломий молиялаштириш шерикчиликка, ҳамкорликка асосланган. Бунда исломий банклар мижоз талаби бўйича объектни қуриб бериши, асбоб–ускуналар, товар, хом ашёлар сотиб олиб бериши ёки уларни ижарага бериши мумкин. Молиялаштириш асосида савдо амалиёти ётади. Пул муомала воситаси сифатида кўрилади, яъни пулни ўзини фоизга ёки бирон–бир наф/фойда эвазига қарз сифатида бериш тақиқланади.

Ислом тараққиёт банки гуруҳи таркибига бир қанча ташкилотлар кириб, шулардан Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорацияси (ХСРИК) ва Халқаро ислом савдо–молия корпорацияси (ХИСМК) Ўзбекистон банклари билан ҳамкорлик қилади. Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги 596–сонли қарори билан Ўзбекистон ХСРИКга аъзо бўлган ва 2006 йилдан бошлаб маҳаллий тижорат банклари ва тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилиб келади. Хусусан, Муробаха (устама ҳақи эвазига сотиш) молиялаштириш усули орқали тижорат банкларига молиялаштириш линиялари ажратилган. Ушбу линиялардан Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган тадбиркорлар, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қайта ишлаш ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ишлаб келаётган корхоналар ўз фаолиятларини янада ривожлантириш учун фойдаланадилар.

Мазкур йўналишда ХСРИК шу кунгача 15 та тижорат банклари ва 2 та лизинг компанияси билан ҳамкорликни йўлга қўйган ва бугунги кунгача банкларга 285 миллион АҚШ доллари миқдорида молиялаштириш линияларини ажратиш маъқуланган.

67 Zhuravlev A.Yu. (2017) Islamic banking. M. "Sadra". 129 p.

68 Ibrahim Warde. Islamic Finance in the Global Economy / Ibrahim Warde. 2010. – P. 52.

Бундан ташқари, ХИСМК томонидан, тадбиркорларга қисқа муддатли (1 йил мобайнида қайтариладиган) савдони молиялаштириш линиялари бир нечта маҳаллий банклар билан ҳамкорликда тақдим этилмоқда. Бунда ҳам Муробаха молиялаштириш усули ишлатилиб асосан хом ашё ва ускуналар сотиб олиш учун мўлжалланган. ХИСМК томонидан маъқулланган лойиҳалар қиймати 82 миллион АҚШ долларини ташкил этди⁶⁹

Исломий банкнинг мудораба (инвестиция) депозити шериклар ўртасида фойда тақсимланиши бўлиб, молиявий муносабатларда ижтимоий адолатга асосланган ҳамкорликнинг яққол намунаси дир. Айнан шу тамойилнинг ўзи аҳоли жамғармаларини исломий банкларга, бирон бир лойиҳага пул қўйиши ва бундан фойда олиши учун туртки бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, исломий банкларнинг молиялаштириш механизмларидан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш керакки, аҳолининг молиялаштиришга муҳтож қатлами ҳам маблағга эга бўлиб, ундан фойда олишни кўзлаётган томон ҳам бирдек манфаатдор дир.

Бугунги кунда “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки халқаро ва хорижий молия институтлари билан бевосита ҳамкорлик алоқаларини мустақкамлаб келмоқда.

Банк мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 17 декабрдаги “Халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини янада ошириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 майдаги “Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида белгиланган чора–тадбирлар доирасида ИТФС (Ислом Тараққиёт банкининг шўба корхонаси) билан савдони молиялаштириш мақсадида 8 миллион АҚШ доллари миқдорида молиялаштириш линияси ажратиш тўғрисидаги битим имзолади.

Битимнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасида хом ашё сотиб олишни молиялаштириш, замонавий технологик ускуналар ва бошқа асосий воситаларни сотиб олиш йўли билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдан иборат. Келишув шартларига мувофиқ, тақдим этиладиган лойиҳалар Шариат қонунига мувофиқ бўлиши керак. ИТФС томонидан ажратилган ушбу линиянинг мақсади бир йилгача бўлган муддатга амал қиладиган савдо операцияларини қўллаб–қувватлашга қаратилади.

2018 йилнинг 12 ноябрида ИТФС “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкига 4 млн. АҚШ доллари миқдорида савдони молиялаштириш линиясини ажратган эди. Бугунги кунда ушбу маблағлар тўлиқ ўзлаштирилган.

ИТФС Ислом тараққиёт банки (IsDB) гуруҳига киради. Ушбу ташкилот Ислом Ҳамкорлик Ташкилотига (ОИС) аъзо давлатлар ўртасида савдони ривожлантириш мақсадида ташкил этилган.

Ўзбекистон 2019 йилдан бошлаб ИТФСнинг тўлақонли аъзоси ҳисобланади. ИТФС Ўзбекистондаги фаолиятини 2018 йилда бир нечта маҳаллий банклар билан ҳамкорликдан, тўғрироғи улар орқали ўрта ва кичик бизнесни

69 <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekistonda-islomi-moliya-va-bankchilikka-bo'lgan-qiziqish-qanday-ekspert-fikri>

уларнинг савдони молиялаштиришга бўлган эҳтиёжини қондириш орқали қўллаб қувватлашдан бошлаган.

Бугунги кунда банкнинг Алоқабанк, Asia Alliance Bank ва Туронбанк билан ҳамкорликдаги жами 30 миллион АҚШ долларлик молиялаштириш линиялари мавжуд. ХИСМК томонидан эса, Asia Alliance Bank, Капиталбанк, Ўзсаноатқурилишбанк ва Трастбанкга жами 32 миллион АҚШ долларлик молиялаштириш линиялари ва Молия вазирлиги ҳузуридаги жамғармага 50 млн. АҚШ доллари ажратилган⁷⁰.

Умуман олганда, ислом банклари қарз бериш ёки молиялаштириш ишларида айнан шариат тамойиллари ва қоидаларига асосланган жараёнларни қамраб олиши ҳамда ислом молия тамойилларига мос бўлган битимлар тузади. Шу билан, ислом молияси анъанавий молиялаштириш ёки қарз беришдан фарқ қилади. Шунингдек, ислом банкчилигида маблағларни жалб қилиш шариат тамойиллари асосида шерикчилик, қарз ёки сақлаб бериш (омонат) шартномалари асосида амалга оширилади. Анъанавий банкчиликда эса, кафолатланган фоиз эвазига маблағлар жалб қилинади.

Ислом банкигида жалб қилинган маблағларнинг ишлатилиши ҳам анъанавий банкчиликдан моҳиятан фарқ қилади. Маблағлар ислом молияси тамойилларига биноан, сотиш, ижара/лизингга бериш ёки шерикчилик асосида ёхуд молиялаштириш/инвестиция шартномалари асосида амалга оширилиши мумкин.

Ислом тараққиёт банки (ИТБ) 1973 йил 18 декабрда Ислом Конференцияси Ташкилотига (ИКТ) аъзо мамлакатлар молия вазирлари йиғилишида ташкил этилган ва ўз фаолиятини 1975 йил октябрь ойида бошлаган.

ИТБнинг бош офиси Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида жойлашган. Шу билан бирга, банкнинг Работ (Марокаш), Куала-Лумпур (Малайзия), Олма ота (Қозоғистон), Дакар (Сенегал), Парамарибо (Суринам), Бандунг (Индонезия), Дакка (Бангладеш), Анқара (Туркия), Кампала (Уганда), Қоҳира (Миср), Абужа (Нигерия) каби шаҳарларда 13 та ваколатхона ва 11 та минтақавий маркази мавжуд.

Ислом банкигида жалб қилинган маблағларнинг ишлатилиши ҳам анъанавий банкчиликдан моҳиятан фарқ қилади. Маблағлар ислом молияси тамойилларига биноан, сотиш, ижара/лизингга бериш ёки шерикчилик асосида ёхуд молиялаштириш/инвестиция шартномалари асосида амалга оширилиши мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, Исломий молиялаштириш қоидага кўра фақат ишлаб чиқариш мақсадлари учун ишлатилади (банк шерик ёки траст фонди сифатида иштирок этади); банк ва миждоз лойиҳадан келишув бўйича фойда ва зарарни бўлишиб олади ҳамда лойиҳа фойдалилигига эришиш учун баб-баравар сайъ-ҳаракат қилади. Шу ерда ислом банклари одатда, барқарор фойда келтирувчи нисбатан кам хатарли воситаларни афзал кўришини қайд этиш лозим бўлади.

⁷⁰ <https://review.uz/oz/post/o'zbekistonda-islomiy-moliya-va-bankchilikka-bo'lgan-qiziqish-ortib-bormoda>

Инвестиция фаолиятини ислом банклари маблағлари орқали молиялаштиришни Ўзбекистонда жорий қилинишининг асосий мезонларидан бири бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, банклар ва банклар фаолияти тўғрисидаги қонунларга, солиқ ва фуқаролик кодексларига ва бошқа қонун ости ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки алоҳида қонун қабул қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, бу борада аҳолининг саводхонлигини ошириш ҳам муҳим саналади, чунки исломий молиялаштириш бўйича етарли билимга эга бўлмаган аҳоли, уни анъанавий молиялаштиришдан фарқини тушуниб етмаслиги ёки нотўғри тақин қилинишига олиб келади.

Юқорида келтирилган тақлифларнинг амалиётга жорий этилиши, бизнинг назаримизда, Ўзбекистон республикасида Инвестиция фаолиятини ислом банклари маблағлари орқали молиялаштиришни янада ривожланишига имконият яратиб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Zariyov I.A. (2016) *Islamic finance as a strategic landmark for the development of Russia*
2. Ibrahim, Y., & Minai, M. S. (2009). *Islamic bonds and the wealth effects: evidence from Malaysia. Investment Management and Financial Innovations*, 6(1), pp. 184–191
3. Zhuravlev A.Yu. (2017) *Islamic banking. M. "Sadra". 129 p.*
4. Ibrahim Warde. *Islamic Finance in the Global Economy / Ibrahim Warde. 2010. – P. 52*
5. <https://cyberleninka.ru/>.
6. <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekistonda-islomiy-moliya-va-bankchilikka-bolgan-qiziqish-qandaj-ekspert-fikri>
7. <https://review.uz/oz/post/zbekistonda-islomiy-moliya-va-bankchilikka-bolgan-iziish-ortib-bormoda>
8. <https://islommoliyasi.uz/uz/islom-darchalari-ananaviy-banking-uchun-yangi-imkoniyat/>

МАМЛАКАТИМИЗДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА СУГУРТАЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲОЛАТИ

У. Эльбусинова,

Банк иши ва инвестициялар кафедраси катта ўқитувчиси, ТДИУ

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун инвестицияларни жалб қилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу авваламбор аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш каби муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имкониятини беради. Шу боисдан ҳам хорижий инвестицияларни фаол жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарур шароитларни яратиб бериш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Шу қаторда, 2020 йилда «Ўзбекинвест» компанияси республика ҳудудларида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини сугурта ҳимояси билан таъминлашда жадал ўсишни таъминлади. Ўйил якунларига кўра 25,6 млрд сўм миқдорда сугурта мукофотлари йиғилди ва бу кўрсаткич 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 2,9 баробарга ўсди.

Республика бўйича имзоланган инвестиция лойиҳаларини сугурталаш бўйича шартномалар сони 3,7 баравар ўсиб, 9250 тани ташкил қилди.

«Ўзбекинвест» компанияси томонидан 2020 йил давомида 17 та инвестиция лойиҳаларини сугурталаш шартномалари бўйича 12,2 млрд сўм сугурта товонлари тўлаб берилди.

«Ўзбекинвест» йирик ва ўрта бизнес тузилмалари ва ташкилотлар учун қурилиш–монтаж қалтисликларидан, мол–мулк, жавобгарлик, юк, шунингдек, экспорт шартномаларининг сугуртаси бўйича замонавий ва актуал сугурта маҳсулотларини тақлиф қилади.

2021 йилда «Ўзбекинвест» компанияси эркин иқтисодий, кичик саноат ва ихтисослаштирилган зоналаридаги инвестиция лойиҳаларини сугурта қилиш доирасида кучли ва ишончли ҳамкор сифатида ўз фаолиятини давом эттиришни мақсад қилиб қўйган. Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни муваффақиятли жалб этиш маълум даражада уч гуруҳ омиларга боғлиқ бўлади.

Биринчидан, инвестиция қувватининг мавжудлигига. Уни табиий, меҳнат захиралари, шунингдек, ишлаб чиқариш, истеъмол, молиявий, инновация, институционал ва инфратузилмавий қувватлар ташкил қилади.

Иккинчидан, мамлакатдаги мавжуд инвестиция шароитлари муҳим аҳамиятга эгадир. Буларга: умумиқтисодий, бозор, меъёрий–ҳуқуқий, ахборот билан таъминланиш, экологик, ижтимоий, маданий ва ижтимоий–маданий шароитлар киради.

Учинчидан, инвестиция таваккалчилиги омилларидир. Улар хорижий инвесторларнинг инвестиция қуввати ва инвестиция шароитларининг қулай афзалликларидан фойдаланиш бўйича вазифаларига қарама–қарши туради.

Барча гуруҳлар бир–бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Мисол учун, етарли даражада жалб қилувчи бўлмаган инвестиция шароитлари, ҳатто, юқори қувватли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имкониятларини ҳам пасайтириб юборади. Умумий олганда, инвестиция ресурсларини шакллантиришни учта гуруҳга бўлиш мумкин: ўз маблағлари; қарз маблағлари; жалб қилинган маблағлар.

Инвестиция лойиҳалари юқорида келтирилган уч гуруҳли манбалар эвазига молиялаштирилар экан, бунда молиялаштиришнинг турли хавф–хатарларни олдини олиш усулларидан фойдаланилади. Шундай усуллардан бири – бу сугурталаш ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳаларини сугурталаш, одатда, лойиҳани амалга ошириш учун катта миқдордаги молиявий маблағлар талаб этилган ҳамда уни биргина инвесторнинг маблағлари эвазига молиялаштиришнинг имкони йўқлиги ёки камдан–кам ҳоллардагина инвесторнинг маблағлари етарли бўлган шароитда ҳам у шунча миқдордаги молиявий ресурсларини биргина лойиҳага сарфлаб, оқибатда ундан ажралиб қолишни истамаган вақтда юзага келиши билан жуда аҳамиятли ҳисобланади.

Сугурталаш йирик инвестиция лойиҳаларини бир неча кредиторлар маблағлари эвазига молиялаштиришни ҳисобга олиб, у иқтисодиётда йирик ишлаб чиқариш ва уни молиялаштиришга инвестицияларни жалб этишга бўлган хавф–хатарларда муҳим молиявий асос бўлиб хизмат қилади.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

– биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

– иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёردаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

– учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

– тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий–техник базасини янгилайди ва техник қайта қурулантиради; бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга кўмаклашади ва ҳ.к

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари, аввало, устувор тармоқларга, яъни нефть ва химия саноати, транспорт, энергетика, ер ости қазилма бойликларини ишлаб чиқаришга, қурилиш, телекоммуникация тармоқларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва уларни кенг қайта ишлашга, туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Бунда яқин ва узоқ хорижий давлатлар инвестициялари ва кредитларини жалб этиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратмоқ лозим. Уларнинг йирик инвестиция лойиҳаларини сугурталашдаги иштироки ва ҳиссасини ошириш иқтисодийтни модернизациялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизга ташқи инвестицияларни жалб этиш ва стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштиришда хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни ўрнатишда ва натижада йирик инвестициялаш объектлари ишга туширилиши оқибатида долзарб муаммоларнинг ҳал этилишида муҳим ўрин эгаллайди.

Ўз навбатида, инвестиция лойиҳаларини сугурталаш ва бошқа лойиҳаларни молиялаштиришни хорижий инвестициялар иштирокида амалга оширишни янада фаоллаштиришда ўзига хос муаммолар ҳам мавжудлигини унутмаслик лозим.

Мазкур муаммоларнинг ҳал этилишда инвестиция лойиҳаларини сугурталаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Инвестиция лойиҳалари ўртасидаги рақобат курашининг вужудга келиши, одатда, қуйидаги сабабларга асосланади:

1. Инвестицияларнинг энг қисқа фурсатда қопланиши ва юқори фойда келтириши.

2. Инвесторнинг капитал бюджети чекланганлиги.

Инвестициялар у ёки бу натижаларга эришиш ёки муайян турдаги чекланган ресурслардан фойдаланишнинг муқобил имкониятлари таъминланган ҳолларда ўзаро зиддиятли инвестициялар ҳисобланади ва рақобатлашувчи инвестициялар деб аталади. Муқобил инвестицияларни таққослаш эса улар

ичидан энг юқори самаралисини аниқлашга ва уни кўзланган мақсад йўлида молиялаштиришга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Маматов Б.С., Хўжамқулов Д.Ю., Нурбеков О.Ш. Инвестицияларни ташиқил этиши ва молиялаштириши. Дарслик. – Т.: Иқтисод–молия, 2014. – 84–б.
2. Ниязов Ф. Банки увеличивают объемы финансирования инвестиционных проектов. // “Рынок, деньги и кредит”, 2014. – №6. – С. – 30.
3. Голов Р.С., Балдин К.В., Передеряев И.И. Инвестиционное проектирование: Учебник – М.: Дашков и К, 2010. – С. – 43.
4. Проектное финансирование: синергетический аспект: Учебное пособие /
5. Г.А.Поташева. – М.: НИТс ИНФРА–М, 2015. – С.– 171 с.
6. Риск–менеджмент инвестиционного проекта. / Под ред. Грачевой М. В. – М.: Юнити, 2009. – С. – 44.

Интернет сайтлари:

7. www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти;
8. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти;
9. www.LEX.uz – интернет сайти.

ИСЛОМ МОЛИЯСИ АСОСИДА ЛОЙИХАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ ҲАМДА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Н.У. Аминова,

ТМИ, мустақил изланувчиси

Исломий молия тармоғи бугунги кунда жаҳонда жадал ривожланиб бораётган ва инновацион молиялаштириш механизмларини ўзида жамлаган соҳалардан бири ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, исломий молия муассасалари ялпи активлари миқдори 2,5 триллион АҚШ долларини ташкил этади ва йилига 15–20% га ўсиб бормоқда. Аҳолисининг асосий қисми мусулмонлардан иборат бўлган давлатлар учун ушбу тармоқни ривожлантириш, айниқса, долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев ИХТ ТИВ кенгаши 43–сессияси очилиш маросимида сўзлаган нутқида «Ислом олами улкан иқтисодий, инвестицион салоҳият, энергетика ресурсларига эга. Улардан тўғри фойдаланиш, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг халқаро савдо–иқтисодий, молиявий, инвестицион ҳамкорлигини кенгайтириш, мамлакатларимизни бирлаштирадиган транспорт йўларини ташкил этиш юксак иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларига эришиш имконини беради ва бу пировард натижада бошқа барча соҳаларнинг ривожланишида асос бўлиб хизмат қилади», – дея таъкидлаб ўтган эди⁷¹.

2020 йил бошида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури доирасида амалга оширилган тадқиқот ва унинг доирасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, банк кредитларидан фойдаланмасликнинг асосий сабаблари сифатида авваламбор, диний қарашлар, кредитлар бўйича юқори фоиз даражаси ва кредитлаштиришнинг мураккаблиги кўрсатилган бўлиб, агар мамлакатда ислом молия муассасалари ташкил этилса, юқоридаги сўровномада иштирок этган қатнашувчиларнинг аксарияти ушбу муассаса хизматларидан фойдаланишлари мумкинлигини таъкидлашган.

Ҳатто, анъанавий банклар ҳам Ўзбекистонда ислом молия муассасалари ташкил қилиш, молия тармоғида ҳалол ва шаффоф рақобат юзага келиши, натижада мамлакатга сармоялар оқими ўсиши ва диверсификациясига олиб келиши ҳақида ўз фикрларини билдирган.

Шундай экан, мусулмон давлатларидаги фаолияти исломий молиялаштиришга асосланган мавжуд банклар, инвестиция фондлари ва компаниялар маблағларини Ўзбекистоннинг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши ва хусусий секторни қўллаб–қувватлаш мақсадида жалб этиш айти

71 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев ИХТ ТИВ кенгаши 43–сессияси очилиш маросимида сўзлаган нутқи.

муддаодир. Бунинг учун албатта миллий банк тизимига янгича ёндашув билан назар солмоқ лозим, яъни анъанавий молиялаштириш механизмлари билан бир қаторда шерикчиликка асосланган молиялаштириш механизмларини жорий этиш масаласи тадқиқ этилиши муҳим ва долзарб ҳисобланади.

Исломий молиялаштиришнинг ўзига хос муҳим хусусиятларидан бири – воқеликдаги (реал) активлар асосида молиялаштиришдир. Молиявий соҳанинг оддий капиталистик концепциясида банк ва молиявий муассасалар фақат пуллар ва монетар мажбуриятларни сотиб оладилар ва сотадилар. Бошқа томондан ягона илоҳга эътиқодда пуллар савдо предмети сифатида тан олинмайди. Пуллар ўзича ҳеч қандай қийматга эга эмас, у фақат алмашинув воситаси, товар ёки хизматнинг пулдаги эквивалентидир. Қандайдир қийматга эга бирон нарса пулга сотилса ёки турли валюталар бир–бирига алмашганда, фойда пайдо бўлади.

Пуллар (бир валютада) ёки уларнинг ўрини босувчи қоғозлар билан кредит–қарз амалиётлари натижасида олинган фойда ўзида пулик қўшимча қийматни ифодалайди, демак, у ман этилган ҳисобланади. Шундай қилиб, оддий молиявий муассасалардан фарқли равишда муқобил (исломий) молиялаштириш ҳамшиша воқеликдаги (реал) активларга асосланади, олди–сотди жараёнида воқеликдаги қўшимча қиймат юзага келади.

Буни воқеликда активларни яратадиган бўнакли молиялаштириш воситаларида (*салам ва истисноъ асосида*) кўриб чиқамиз.

Салам шартномасининг талқинлари⁷²

| Муаллиф | Таъриф талқини |
|---------------------------|---|
| M. Usmani | Сотувчи ўзига хос бирон товарни, тўла ва бир маргалик бўнак тўловлар эвазига келгусида харидорга етказиб бериш мажбуриятини оладиган хариддир. Ушбу сотувнинг асосий мақсади – ҳосил йиғилгунга қадар оиласини таъминлаш ва экинларни етиштириш учун пулга эҳтиёжманда майда фермерларнинг эҳтиёжини қондиришдир. |
| H. Visser | Олди–сотди шартномаси бўлиб, харидор товарлар учун олдиндан тўловни амалга оширади. Ушбу харид маҳсулот етказиб беришни кечиктириш ёки харидор томонидан қарз берилишидир. Салам–бай форвард шартномаси сифатида кўриб чиқилиши мумкин, лекин икки муҳим жиҳати билан оддий форвард ¹ ва фьючерс ² шартномаларидан фарқ қилади. Энг аввало, салам–байга кўра, маҳсулотнинг бутун баҳоси бўнак билан тўлаб берилиши керак. |
| Al-Jarhi, M. Iqbal | Харидор сотувчига товарнинг олдиндан келишилган қийматини тўлаб беради, сотувчи уни маълум бир вақт оралиғида етказиб беришни таъминлайди. Яъни мазкур шартнома ўзида бўнакли тўлов ила харид қилишни ифодалайди. Товар шариат нуқтаи назаридан руҳсат этилган бўлиши табиий. |
| Хайрон | Сотувчи ва харидор ўртасида товар учун пулни дарҳол тўлаш, лекин кейинроқ муддатда етказиб бериш шартлари билан олди–сотди қилиш шартномаси. Битимнинг ушбу шакли бўнакли тўлов битими билан ўхшашидир. |

72 Э.А.Байдаулет “Исломий молия асослари” /Тошкент// ЎЗБЕКИСТОН 2019 йил.

Салам шартномаси, битим тузилаётган вақтда товар сотувчининг эғалигида бўлмаган ҳолатдагина тузилиши мумкин. Сотувчи томонидан товарни буткул етказиб бермаслик ёки унинг мавжуд бўлмаслиги билан боғлиқ рўй бериши мумкин бўлган хатарлар хавфининг олдини олиш мақсадида, харидор гаров, заклад ёки учинчи шахс кафиллигини талаб қилиши мумкин.



1–расм. Салам битимини амалга ошириш чизмаси

Истисноъ – икки томон: сотувчи ва харидор ўртасидаги олди–сотди шартномаси бўлиб, унга кўра харидор буюртма бўйича қурилиши ёки тайёрланиши лозим бўлган мавжуд бўлмаган товарни сотиб олишга розилик билдиради. Мазкур шартнома бўйича ҳисоб–китоблар ўрнатилган баҳо бўйича келишув тузилган санада амалга оширилади, тўловлар эса олдиндан келишилган вақт оралигида лойиҳа давомида ва унинг якунида амалга оширилади. Томонлар тўловлар муддати тўғрисида ўзаро келишиб олишлари мумкин, лекин шартнома миқдори ўзгармай қолиши керак. Мижоз ишларни бажариш учун учинчи томон – субпудратчини тайин қилиш ҳуқуқига эга. Товарлар ишлаб чиқариш жараёнида экан, шартномани тўхтатиш мумкин эмас.

Истисноъ шартномасининг талқинлари⁷³

| Муаллиф | Таъриф талқини |
|------------------|--|
| M. Usmani | Сотувнинг товар пайдо бўлгунига қадар амалга ошириладиган иккинчи шакли. У ишлаб чиқарувчига харидор учун махсус товар ишлаб чиқаришни буюртма қилинишини назарда тутлади. Агар ишлаб чиқарувчи ўз хом ашёсидан харидор учун товар ишлаб чиқариш мажбуриятини олса, у ҳолда истисноъ битими вужудга келган бўлади. |
| M. Gamal | Ушбу шартномага кўра харидор (<i>мустанбий</i> ёки ишлаб чиқаришга буюртмачи) товар баҳосини бир йўла ёки босқичма–босқич тўлайди, бажарувчи (<i>саний</i> ёки ишлаб чиқарувчи, сотувчи) шартнома бўйича харид объектини келгусидаги маълум бир муддатда етказиб бериш мажбуриятини олади. |

73 Э.А.Байдаулет “Исламий молия асослари” /Тошкент// ЎЗБЕКИСТОН 2019 йил

H. Visser

Спецификация ёки буюртмага кўра товарни сотиб олиш шартномаси ёки прогрессив молиялаштириладиган ишлаб чиқариш шартномаси бўлиб, бунда баҳо бажарилган ишга мувофиқ аста-секин тўланади. Тўловлар ишлаб чиқариш якунига яқин

Ижара ва муробаха воситалари ҳам активлар билан буткул таъминланган ҳамда ушбу воситалар орқали молиялаштириш фоиз асосидаги молиялаштиришдан куйидаги жиҳатлар ила фарқланади:

– *анъанавий молиялаштиришда* молиялаштирувчи (банк, муассаса) ўзининг миждозига ссуда фоизи сифатида пулларни беради, шундан кейин у ушбу маблағлар миждоз томонидан қандай ишлатилишига алоқадор бўлмайди. Муробаха билан бўлган вазиятда молиялаштирувчи томонидан миждозга пул (нақд) берилмайди;

– муробаха асосли эканлигига қўйиладиган асосий талаблардан бири товарнинг молиялаштирувчи томонидан сотиб олинishiдир, бу эса унинг миждозга қайта сотишдан олдин товар бўйича хатарни ўзига олишини аниглайди. Молиялаштирувчи даъвогар бўладиган фойда у ўзига олган хатар учун устама ҳисобланади. Бундай амалиёт фоиз олишга асосланган қарз ҳисобланмайди;

– фоизли даромад келтирувчи қарзда қарздорга қайтиши лозим бўлган миқдор вақт ўтиши билан кўпайишда давом этади. Бошқа томондан муробахада келишувдан кейин сотиш баҳоси ўрнатиб қўйилади. Натижада, агар харидор (банк миждози) ўз вақтида тўловларни амалга оширмаса ҳам, йиғимлар тўлови масаласини тартибга солиш кечиккан тақдирда ҳам сотувчи (банк) белгиланганидан юқори баҳони талаб қила олмайди. Бу шариатда пулларнинг даврий ўлчови концепцияси мавжуд эмаслиги билан изоҳланади;

– шунингдек, лизингда ҳам молиялаштириш фойдаланиш ҳуқуқига эга амалий активларни бериш йўли билан амалга оширилади. Мулкни сотиб олиш ва кейинчалик ижарага бериш билан боғлиқ хатарлар ижаранинг бутун муддати давомида ижарага берувчи/молиялаштирувчи зиммасига юкланади, бундан агар лизинг активи буткул йўқ қилинадиган бўлса ва лизинг олувчи томонидан совуққонлик ёки нотўғри фойдаланиш фактлари аниқланмаса, у ҳолда зарарлар молиялаштирувчи/ижарага берувчининг зиммасига юкланиши маъноси келиб чиқади. Бу ҳолатда миждоз тақдим этилган моддий гаров ҳисобига биргаликда (солидар) масъуллиқни зиммасига олган бўлади.

Юқорида баён этилганлардан кўриниб турибдики, ахлоқий тизимдаги молиялаштиришнинг ҳар бир шакли воқелиқдаги қўшимча қийматни яратади. Оддий банклараро кредитлар воқелиқда, кам ҳажмдаги товар айланмасидан ташқарида кўпаовчи қўшимча пул массасини яратади. Пул массаси ва реал сектор ўртасидаги мана шу узилиш инфляцияни кучайтиради, ўзаро номувофиқлик (дисбаланс) ҳисобига пул бирликларининг қиймати тушади, бу, ўз навбатида, янада арзонлашаётган «товар», яъни таъминланмаган қоғоз пулларда ифодаланадиган хом ашё ва хизматлар баҳосининг ўсишига таъсир кўрсатади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ВАЛЮТА БОЗОРИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ МАМЛАКАТ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

А.Садиков .

Мирзо Улугбек номидаги

ЎзМУ мустақил тадқиқотчиси

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолияти жадал суръатларда ривожлантириш ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш энг долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида валюта ресурсларидан фойдаланишда бозор инструментларининг ролини ошириш, валюта сиёсатининг янги шароитларида корхоналари самарали фаолият юритиши учун уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш валюта сиёсатини либераллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган. Хорижий сармоялар иштирокида янгидан-янги қўшма корхоналар вужудга келиб ташқи иқтисодий фаолиятга қўшилмоқда. Республикамиз валюта оқимини кириб келишини жадаллаштириш учун экспортга кўмаклашиш ва экспортгани рағбатлантириш муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги “Экспортга кўмаклашиш ва уни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, экспортгани қўллаб-қувватлаш миллий тизими яратилди. Мамлакатимизда фаол инвестициялар сиёсати юритилиб, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий сармоялар йўналтири-лаётгани натижасида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда валюта бозорини эркинлаштириш шароитида экспорт салоҳиятини қўллаб-қувватлаш иқтисодий механизмини такомиллаштириш йўналишларини белгилаб берувчи кўплаб қарорлар қабул қилинди.

Республикаимизда таъсис этилган “Ҳаракатлар стратегияси” да 2017–2021 йилларга мўлжалланган дастури доирасида амалга оширилаётган учинчи йўналиш – Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш мамлакатимиздаги бутун иқтисодий тизимни тубдан ислоҳ қилишни қўзда тутган.⁷⁴ Бу билан мамлакатимиздаги маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспортга салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган амалий чоралар муҳим аҳамиятга эга.

Республикаимиз Жаҳон савдо ташклотига аъзо бўлиш устида жиддий қадамларни ташлади. Ўзбекистон 2030-йилга бориб ташклотнинг тўлақонли аъзоси бўлиши кутилмоқда. Ташклотга аъзо бўлиш республиканинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашувини том маънода таъминлаб беради. Бу эса, ўз навбатида мамлакатимиз экспортга салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

⁷⁴ 2017 йил 7 февралда қабул қилинган ПФ-4947-сонли фармон. “Ҳаракатлар стратегияси” 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастури.

Ўзбекистон географик жойлашуви жиҳатидан бевосита очиқ уммонга чиқиш имкониятига эга эмас. Ташқи савдони ривожлантиришдаги тўсиқлардан бири, бу логистика билан боғлиқ жараёндр. Шунинг учун темир йўл ва автомобил йўллари яхшилашни тақазо этади.

Дунёнинг турли мамлакатларида экспортга салоҳиятини оширишни рағбатлантириш сиёсати улардаги ривожланишнинг турли босқичларида ўтказилган. Ҳар бир давлат ўз иқтисодий шароити ва тараққиёт йўлидан келиб чиқиб ўз келажагини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 2021–йил 9 январда ички валюта бозорида валюта олди–сотди операцияларининг амалга оширилишини янада такомиллаштириш борасида қарор қабул қилинди.

Мазкур қарор билан “Ўзбекистон Республикаси Маркази банкнинг 2021–2025 йиларга мўлжалланган валюта интервенсиялари стратегияси” тасдиқланди. Стратегияда Марказий банкнинг валюта интервенсияларни амалга оширишнинг мақсад ва вазибалари қайд этилди. Қарорда 2021–йилнинг 15–февралдан бошлаб, ички валюта бозорларида амалга оширилаётган валюта олди–сотди савдолари бўйича қатор вазибаларни амалга оширилиши белгиланган.

Олиб борилаётган ислохотлар натижасида ички валюта бозорининг инфратузилмасини такомиллаштириш, валюта курсининг шаклланишида тижорат банкларини ролини янада ошириш ҳамда тадбиркорларнинг маблағларини зарур бўлган маблағларга тезкор равишда алмаштириш имкониятини янада оптималлаштириш мақсади кўзланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ–5177–сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора–тадбирлар тўғрисида”ги фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – №36. – 945–модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФФ–4947–сон фармони, Халқ сўзи, 8 феврал 2017 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий мажлисга қилган мурожаатномаси”, Тошкент, 2021 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 24 августдаги №21/3–сонли қарори. Тижорат банклари учун очиқ валюта мавқелари лимитларини белгилаш тўғрисида// www.cb.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).
5. Бобакулов Т.И., Абдуллаев У.А. Халқаро валюта–кредит муносабатлари. Дарслик. – Тошкент: Sano–standart, 2014 – Б. 107–108.
6. www.lex.uz
7. www.library.ziyounet.uz

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КАДРЛАР СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАРИ

Нуримова Н. Ж.

***Ёшлар муаммоларини ўрганиш
ва истиқболли кадрларни тайёрлаш
институтини мустақил изланувчиси***

Иқтисодий рақамлаштириш шароитида ҳар бир корхона ёки ташкилот, албатта юқори даромад олишга интилади. Бунинг учун эса улардан самарали бошқарув жараёни ҳамда мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш талаб этилади. Юқори даромад олишга ҳамда рақобатда голиб чиқишга сабаб бўлувчи энг асосий омиллардан бири эса айнан инсон омилidir.

Замонавий бизнесда ташкилотнинг кадрлар сиёсати иқтисодий фаолият самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли, замонaviй кадрлар бўйича мутахассислар ва иш берувчилар кадрлар сиёсатининг турлари,элементлари ва уларни энг самарали тарзда қандай қўллашни яхши тушунишлари керак. Шу билан бирга, алақачон ташкил этиган ва мавжуд ташкилотларда кадрлар сиёсатини такомиллаштириш ҳам ўта муҳим қарор бўлиши мумкин, шунинг учун ушбу тартиб мунтазам равишда амалга оширилиши керак.

Хусусан, пандемия шароити ва рақамли трансформация жараёнлари банк тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, банк тизимига аҳоли ҳамда хорижий инвесторларнинг ишончини янада мустаҳкамлаш, ахборот коммуникация технологияларини кенг қўлаган ҳолда, кўрсатилаётган банк хизматларининг тури ва кўламини кенгайтириш бўйича тизимли чора–тадбирларни амалга ошириш зарурлигини тақозо қилади. Бугунги кунда тижорат банкларида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш, улар фаолиятида янги имкониятларни излаб топиш хизмат турларининг кўпайиши ва фаолият соҳаси кенгайишига олиб келинмоқда. Шу боисдан, тижорат банкларида ишлаш лаёқати юқори бўлган мутахассисларни тўғри танлаш, уларнинг малакасини доимий равишда ошириб бориш ва профессионал кадрлардан иборат HR “human resources” брэндини яратиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Кадрлар сиёсатини тўғри ташкил қилиниши нафақат ҳозирги кундаги фаолиятни ташкил қилишда, балки тегишли чораларни кўриш орқали узок мудатда унинг ривожлантиришда ҳам ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасидаги ташкилотлар томонидан ягона кадрлар сиёсатини олиб бориш, ходимларни самарали бошқариш орқали инсон ресурсларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида” ги ПФ–5843 сонли Фармони қабул қилинди.

Шу жиҳатдан тижорат банкларида ҳам номзодларнинг оқилона ва шаффоф танловини ташкил этиш, мавжуд кадрлардан самарали фойдаланиш ва уларни жой–жойига қўйиш ва ротацияси, шунингдек, кадрлар захирасини сифатли шакллантириш, ходимларнинг меҳнаги самарадорлиги ва мотивациясини оширишни таъминловчи кадрлар сиёсатини амалга оширувчи замонавий тизимни босқичма–босқич жорий қилиш бўйича чора–тадбирлар амалга оширилди. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бир қатор тижорат банклари 2019–2023 йиллар учун банк ходимларини бошқариш сиёсати ва банкнинг стратегик мақсадларига эришишни таъминловчи юқори малакали кадрлар салоҳиятини шакллантириш борасидаги чора–тадбирлар ишлаб чиқилган.

Тижорат банкларида кадрлар сиёсатининг асосий вазибалари куйидагилардан иборат:

- ходимларни танлаш ва уларни иш жараёнига мослаштириш;
- ходимларни баҳолаш (KPI) ва самарали мотивация қилиш;
- ходимларни ривожлантириш;
- иқтидорларни бошқариш ва кадрлар захирасини шакллантириш;
- корпоратив қадриятларни ривожлантириш;
- мавжуд бўш иш ўринларига номзодларни танлов асосида саралаб олиш

тартиби куйида келтирилган босқичларда амалга оширилади:

- номзодларнинг резюмелари таҳлили;
- тест синовлари (касбга оид, мантиқий фикрлаш, банк тизимига оид қонунчиликни ва хорижий тилларни билиш даражаси);
- номзоднинг банк қадриятларига мос келиши бўйича суҳбат;
- номзоднинг профессионал ва лидерлик компетенциялари бўйича суҳбат.

Ходимларни ўқитиш ва ривожлантириш сиёсати бўйича. Энг аввало, банк ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш бўйича узлуксиз тизим яратилган бўлиб, у ўз ичига чет эл халқаро ташкилотлари, молия институтлари, чет эл банклари ва бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилаётган семинар, ўқув курслари, тренинглар, халқаро анжуманлар, стажировка ва хорижий хизмат сафарларини қамраб олади.

Бугунги кунда тижорат банки ходимлари учун Халқаро валюта фонди (ХВФ), Япониянинг халқаро ҳамкорлик маркази (JICA), Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA), Япония сиёсий фанлар миллий институти (GRIPS), Япониянинг Цукуба ва Хитотсубаши университетлари, Япониянинг такомиллашган грант дастури (JDS) ҳамда Япония халқаро университетларининг бошқа грантлари асосида магистратура йўналишларида танлов асосида тахсил олиш имкониятлари мавжуд.

Замонавий банкда иш жараёнини ташкил қилишда нафақат истеъмолчилар устуворликлари, балки ходимларнинг талаб ва эҳтиёжларига йўналтирилган кадрлар сиёсатини ишлаб чиқишни тақозо этади. Хусусан ғарб давлатларида аҳолининг моддий жиҳатдан фаровонлиги юқори бўлганлиги учун меҳнат фаолиятида рағбатлантиришда иқтисодий усулларнинг аҳамияти пасайиб бормоқда. Уларда биринчи ўринга ўз интеллектуал ва маданият даражасини ошириш кўзда тутилган.

Умуман олганда банк–молия тизими ривожланган мамлакатларида кадрлар сиёсатини юритишнинг ўзига хос бўлган ёндашувлари мавжуд. Жумладан, Европа давлатлари банк тизимида кадрлар билан иш олиб бориш ва кадрлар сиёсатини белгилашга доир икки ёндашув мавжуд:

Биринчи ёндашув — инсон ресурсларини бошқариш, мазкур муаммони ҳал қилишнинг стратегик жиҳатларини, шу жумладан ижтимоий ривожлантириш масалаларини қамраб олади.

Иккинчи ёндашув — персонални бошқариш эса кўпроқ кадрлар билан оператив иш олиб боришга қаратилгандир.

Америка пул–кредит тизими Европа мамлакатларига қараганда анча ёш. Шунинг учун АҚШда банкда банкларни бошқарувчи менежерлар ходимлар билан ишлашда куйидаги муҳим хусусиятларни инобатга олади:

- банкларда йиллик шартнома асосида ишга қабул қилиш тизимини жорий этиш;
- барча ходимлар ўз мутахассислиги бўйича турли дастурларда қайта ўқитиш;
- ходимларни ишга қабул қилиш жараёнида номзодларни саралаб олишда тест натижаларига асосий эътибор қаратиш;
- кадрлар қўнимсизлиги йилига 20–25%дан ошмаслиги ва бошқалар.

АҚШда кўплаб банклар кадрлар сиёсати ва банк хавфсизлигини таъминлашда полиграфларни ишга олишади. Улар ишга олиш жараёнида номзоднинг мутахассислиги, аввалги иш жойи, соғлиги, алкоголь ёки гиёҳвандликка мойиллиги тўғрисидаги саволларга берилган жавобларнинг тўғри ва самимийлигини текширади. Шунингдек, полиграф тестларидан банкда ўғирлик

содир этилганда ёки бошқа зарар етказилганда ходимларни текшириб туришда ҳам фойдаланилади.

Япония банклари бошқаруви эса ходимларни Европа ва АҚШ банкларига караганда анча самарали танлаш ва бошқариш имконини беради. Японияликлар томонидан бошқариладиган АҚШ молия институтларида меҳнат унумдорлиги америкаликлар томонидан бошқариладиган банкларга караганда 35–45 фоизга юқори эканлиги бунга яққол мисолдир. Япония банкларининг кадрлар хизмати кадрлар танлашни университетлардаги 2–3 курс талабалари орасидан бошлайди. Танланган талабалар банкнинг топ менежерларидан амалиёт тўғрисида маърузаларни ўз ичига олган қўшимча дастур бўйича ўқитилади. Ушбу жараёнга сарфланадиган маблағ узоқ муддатли кредит ёки маълум муддат банкда ишлаш шarti билан ажратилади. Бунга сабаб Японияда “умрбод бандлик” тизими мавжуд бўлиб, у иш стажига қараб иш ҳақининг барқарор ўсиб бориши ва турли хил қўшимча ижтимоий нафақалар олишни назарда тутди. Ходимларни нафақат моддий, балки маънавий рағбатлантириш тизими ва горизонтал тарзда ўрин алмаштириш тизими қўлланилади. Бу барча бўлимлар ишини ўрганиш ва банк фаолияти тўла баҳолаш имконини беради. Германиядаги кўплаб банклар тенг тамойиллар асосида шаклланган. Жумладан: кадрлар бўлими ходимларини махсус дастурларга мувофиқ қайта тайёрлаш; мамлакатдаги ва чет элдаги энг яхши банкларда амалиёт ўташи; турли тоифадаги кадрларни доимий равишда қайта тайёрлашни (тренинглари) амалга ошириш; тажрибага, маҳорат даражасига, иш жараёнига янги усулларини жорий этиши, хорижий тилларни билишга қараб ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими жорий қилинган.

Хуллас, тижорат банкларида инсон ресурсларидан самарали фойдаланишга асосланган кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва ундан оқилona фойдаланиш банк хизматлар сифати ҳамда унинг HR “human resources” брендини шаклланишига хизмат қилади.

Шаффоф номзодлар танлови, мавжуд кадрлардан самарали фойдаланиши ва уларни жой–жойига қўйиши ҳамда кадрлар захирасини сифатли шакллантириши, шунингдек, ходимларнинг меҳнати самарадорлиги (KPI) ва мотивациясини оширишга қаратилган кадрлар сиёсати тижорат банкларига бўлган ишончда намоён бўлади.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ДИВИДЕНД СИЁСАТИ ШАКЛАНТИРИШ НАЗАРИЯЛАРИ

Б.В. Набижанов,
ТДИУ, тадқиқотчи

«Дивиденд сиёсати» атамаси акциядорлик жамиятиларида фойданинг тақсимланиши билан боғлиқ. Бироқ, ушбу бўлимда кўриб чиқиладиган фойдани тақсимлаш тамойиллари ва усуллари нафақат акциядорлик жамиятлари, балки исталган ташкилий–ҳуқуқий фаолият шаклидаги корхоналарга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Акциядорлик жамиятида фойдани тақсимлаш унинг энг мураккаб вариантыни ифодалайди, шу сабабли у ушбу механизмнинг барча жиҳатларини кўриб чиқиш учун танлаб олинган.

Умуман олганда «дивиденд сиёсати» атамасининг кенгроқ талқинида муқдорнинг корхона ўз капитали умумий суммасига қўшган ҳиссасига мувофиқ унга тўланадиган фойда улушини шаклантириш механизми тушинлиши лозим.

Дивиденд сиёсатини ишлаб чиқишнинг асосий мақсади муқдорларнинг фойдани жорий истеъмол қилиши ва унинг корхона бозор қийматини максимал қилувчи ва унинг стратегик ривожланишини таъминловчи келажакдаги ўсиши ўртасида зарур пропорционалик ўрнатиш ҳисобланади.

Шу мақсаддан келиб чиқиб, дивиденд сиёсати тушунчаси қуйидаги тарзда ифодаланиши мумкин: дивиденд сиёсати корхонанинг бозор қийматини максимал қилиш мақсадида фойданинг истеъмол қилинадиган ва капиталлаштириладиган қисмлари ўртасидаги пропорцияни оптималлашдан иборат бўлган фойдани қўллаб–қувватлаш умумий сиёсатининг таркибий қисмини ифодалайди.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда оптимал дивиденд сиёсатини шаклантиришга кўп сонли назарий тадқиқотлар бағишланган.

Дивиденд сиёсатини шаклантириш билан боғлиқ энг тарқалган назариялар қуйидагилар ҳисобланади:

1. Дивидендлар мустақиллик назарияси.

Унинг муаллифлари – Ф.Модильяни ва М.Миллернинг таъкидлашича, танланган дивиденд сиёсати на корхонанинг бозор қийматига (акциялар нархига), на жорий ва истиқболдаги даврда муқдорлар фаровонлигига таъсир кўрсатмайди, чунки бу кўрсаткичлар тақсимланадиган эмас, балки шаклантириладиган фойда миқдорига боғлиқ бўлади.

Ушбу назарияга мувофиқ дивиденд сиёсатида фойдани бошқариш механизмида пасив роль ажратилади. Бунда улар ўз назариясини фойдани бошқариш реал амалиётида таъминлаб бўлмайдиган кўп сонли чекловларни қўшганлар.

Амалий фойдаланиш борасидаги заифлигига қарамай, ММ назарияси дивиденд сиёсатини шаклантириш механизмнинг оптимал ечимларини излаб топишда бошланғич нуктага айланди.

2. Дивидендларнинг афзаллик назарияси (ёки «узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши»).

Унинг муаллифлари – М.Гордон ва Д.Линтнернинг таъкидлашича, жорий даромаднинг ҳар битта бирлиги унинг «рискдан тозалангани» туфайли келажакка олиб қўйилган даромадга нисбатан унга хос бўлган риск туфайли доимо қимматроқ туради. Ушбу назариядан келиб чиқадиган бўлсак, дивиденд тўловларини максималлаштириш фойдани капиталлашдан кўра афзалроқ саналади.

Бироқ, бу назарияга қарши бўлганлар кўпчилик ҳолларда дивидендлар шаклида олинган даромад барибир ўзининг ёки унга ўхшаш акциядорлик жамиятининг акцияларига қайта инвестиция қилинади, бу эса риск омилидан у ёки бу дивиденд сиёсати фойдасига далил сифатида фойдаланишга имкон бермайди деб таъкидлайдилар (риск омили фақат мулкдорлар менталитети билан ҳисобга олиниши мумкин; у дивиденд сиёсатининг характери билан эмас, балки у ёки бу компаниянинг ҳўжалик фаолиятидаги риск даражаси билан белгиланади).

3. Дивидендларни минималлаштириш назарияси (ёки «солиқларни афзал кўриш назарияси»).

Ушбу назарияга мувофиқ дивиденд сиёсати самарадорлиги мулкдорларнинг жорий ва қутилаётган даромадлари бўйича солиқ тўловларини минималлаштириш мезони билан белгиланади.

Дивидендлар шаклида олинадиган жорий даромадларни солиққа тортиш ҳар доим қутилаётган даромадларни солиққа тортишдан катта бўлиши (вақт бўйича пул қиймати омили, капиталлаштирилган фойдага солиқ имтиёзлари ва ҳ.к.) сабабли дивиденд сиёсати дивиденд тўловларини минималлаштириш, мос равишда, мулкдорлар умумий даромадининг энг юқори солиқ ҳимоясини олиш учун фойданинг капиталлашувини максимал қилишни таъминлаши лозим.

Бироқ, дивиденд сиёсатига бундай ёндашув даромад даражаси паст бўлган, дивиденд тўловлари шаклида жорий даромад тушумларига мунтазам эҳтиёж сезадиган кўп сонли майда акциядорларни қониқтирмайди (бу компаниялар акцияларига талаб ҳажмини, мос равишда бу акцияларнинг котировка қилинадиган бозор нархини ҳам пасайтиради).

4. Дивидендлар сигнал назарияси (ёки «сигнал бериш (огоҳлантириш) назарияси»).

Мазкур назария акциялар жорий реал бозор қийматини баҳолашнинг асосий моделлари базис элемент сифатида улар бўйича тўланадиган дивидендлар ҳажмидан фойдаланишига асосланади.

Шундай қилиб, дивиденд тўловлари даражасининг ўсиши автоматик равишда акциялар реал қиймати, мос равишда котировка қилинадиган бозор қиймати ўсишини белгилаб беради, бу эса уларни сотишда акциядорларга қўшимча даромад келтиради.

Бундан ташқари, катта дивидендлар тўланиши шундан «огоҳлантирадики», компания кўтарилиш босқичида турибди ва яқин келажакда фойданинг сезиларли ўсиши кутилмоқда.

Бу назария тезкор олинган ахборот акцияларнинг бозор қиймати ўзгаришларига жиддий таъсир кўрсатадиган фонд бозорларининг «очиқлик» даражаси юқорилиги билан чамбарчас боғлиқ.

5. Дивидендлар инвестицион сиёсати. Унинг муаллифи Дж.Уолтер корхонанинг бозор қийматини (унинг акциялари котировкасини) максималлаштирган ҳолда дивиденд сиёсати билан энг катта алоқага унинг инвестицион фаолияти даромадлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда эришилади деб таъкидлайди.

Агар корхона инвестицияларининг даромадлилик даражаси унинг акциялари даромадлилик даражасидан ортиқ бўлса, дивиденд тўловлари ҳажми камайиши мумкин. Аксинча, корхона инвестицияларининг даромадлилик даражаси унинг акциялари даромадлилик даражасидан паст бўлса, дивиденд тўловлари ҳажми ўсиши мумкин.

6. Дивиденд сиёсатининг акциядорлар таркибига мувофиқлик назарияси (ёки «мижозлар назарияси»).

Ушбу назарияга мувофиқ компания акциядорларнинг кўпчилиги кутаётган натижаларга, уларнинг менталитетига мос келадиган дивиденд сиёсатини амалга ошириши лозим.

Агар акциядорларнинг асосий таркиби (акциядорлик компанияси «мижозлари») жорий даромадни афзал кўрадиган бўлса, дивиденд сиёсати фойдани асосан жорий истеъмол мақсадларига йўналтиришдан келиб чиқиши лозим.

Аксинча, акциядорларнинг асосий таркиби кутилаётган даромадларни оширишни афзал кўрадиган бўлса, дивиденд сиёсати асосан фойдани тақсимлаш жараёнида уни капиталлаштиришдан келиб чиқиши лозим. Акциядорларнинг бу дивиденд сиёсатига рози бўлмаган қисми ўз капиталини бошқа компаниялар акцияларига қайта инвестициялайди, натижада «мижозлар» таркиби анча бир-хиллашади.

Бу назариялардан амалда фойдаланиш дивиденд сиёсатини шакллантиришга учта ёндашувни – «консерватив», «ўрғача (муросали)» ва «агрессив» ёндашувни ишлаб чиқишга имкон берди. Бу ёндашувларнинг ҳар бирига дивиденд сиёсатининг белгиланган тури мос келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ковалев В.В. *Введение в финансовый менеджмент*. М.: Финансы и статистика, 2015 – 756 с.
2. Ковалев В.В. *Финансовый анализ: Управление капиталом. Выбор инвестиций. Анализ отчетности*. М.: Финансы и статистика, 2016 – 443 с.;
3. Кравчук Д.Н. *Рынок ценных бумаг*. М.: Феникс, 2017 – 364 с.
4. Крейнина М.Н. *Финансовый менеджмент*. – М.: ДиС, 2016 – 321 с.
5. Павлова Л.Н. *Финансы предприятий*, М.: Юнити, 2015 – 280 с.
6. Палий В.Ф. *Анализ деятельности акционерного общества*. М.: Финансы и статистика, 2016 – 322 с.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

И. Б. Жумаев

Мамлакатимизнинг халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик қилиши мамлакат иқтисодийётининг инвестиция фаолиятини ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Ҳозирги даврга келиб, халқаро молия институтлари мамлакатимиз инфрагузимаси, энергетикаси, саноати ва иқтисодийётимизнинг реал секторларини молиялаштиришда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ҳозирги даврда инвестиция муҳитини яхшилаш соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг стратегик мақсади – тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун мамлакатда 2022 йилгача Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» ҳисоботидаги жаҳон мамлакатларининг биринчи йигирматалиги даражасига мос келадиган энг қулай шарт–шароитларни яратиш эканлиги белгилаб қўйилди. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси тури халқаро молиявий ва минтақавий иқтисодий ташкилотлар аъзоси бўлган ҳолда жаҳон бозорига интеграциялашувни янада фаоллаштириш мақсадида республикамизда халқаро молия институтлари билан ҳамкорликнинг ривожланиши ва халқаро бизнесни ташкил этиш шароитларига сезиларли таъсир ўтказмоқда.

Ўзбекистон инвестиция сиёсатида олиб борилаётган изчил ва мақсадли ислохотлар унинг нафақат жаҳонда давом этаётган пандемиянинг таъсири ва оқибатларидан ишончли тарзда ҳимояланишига, балки инвестиция фаолиятида муҳим ва сифат ўзгаришларига эришиш, иқтисодийётнинг реал секторига инвестиция лойиҳалари ҳажмини кенгайтириш инвестиция фаолиятини молиялаштириш даражасини тубдан яхшилаш имконини бермоқда. Мамлакатимиз инвестиция сиёсатининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, унинг жаҳон молия бозоридаги нуфузи ортиб бориши, шунингдек, мамлакатимизни иқтисодийётини модернизация қилиш йўлидаги ҳаракатлари дунё жамоатчилиги, шунингдек, қатор нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда.

Халқаро молия институтлари билан ўзаро ҳамкорлик доирасидаги муаммоларни ўрганишнинг айрим назарий–концептуал жиҳатларини ишлаб чиқишда хорижлик иқтисодчи олимлардан халқаро молиявий муносабатлар соҳасида таниқли олим Д.М. Михайлов жаҳон молия бозорини унда муомалада бўлган воситалар нуқтаи назаридан кўрсатиб ўтади. Бунда унинг фикрича, жаҳон ссуда капитали бозори ва жаҳон молия бозори “тушунча нуқтаи назаридан бу тушунчадан кўпроқ амалий фойдаланишда ўхшаш категориялар ҳисобланади” [1], жаҳон молия бозорида эса қарз капитали, қарз воситалари ва ҳосилавий шартномалар савдо объектлари сифатида намоён бўлади. Шунингдек, С.В. Бажановнинг фикрича, “халқаро молия бозори – иқтисодий муҳит бўлиб, унда

суда капитали эркин муомаладаги валюта сифатида намоён бўлади. Суда капитали ҳаракати фақатгина эркин муомаладаги валютада амалга оширилувчи мамлакатларда миллий ва халқаро молия бозорлари тушунчалари мос келади”. Бошқача айтганда, муаллиф халқаро молия бозори тушунчасини “умумийлик (яхлитлик) сифатида изоҳлаб, у суда капиталининг айланишига асосланади” [2].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А. Ваҳобов, Н.Жумаев, У.Бурхоновларнинг “Халқаро молия муносабатлар” Ўқув қўлланмасида [3] “Халқаро молия бозорлар – мамлакатлар миллий манфаатларини ҳимоя қилувчи тамойилларига асосланган бўлиб бу давлатлараро ҳар томонлама ҳамкорликни бир кўринишдаги халқаро молия бозорлари ва уларнинг фонди кўринишдаги умумжаҳон бозорлар йигиндисиدير ёки давлатларни ягона молия ва кредит сиёсатини амалга оширувчи бозорлар мажмуасидир деб таъриф беришган.

Шунингдек, Ж.Х. Атаниязов, Э.Д.Алимардоновларнинг “Халқаро молия муносабатлари» номли дарслигида жаҳон молия бозорини таркиби ва мазкур бозорга чиқиш механизми тўғрисида фикр билдиради. Хусусан, жаҳон молия бозори миллий молия бозори ва халқаро молия бозоридан таркиб топганлигини эътироф этади. Муаллифлар, чет эл қимматли қоғозлар яъни, мамлакатларда еврооблигацияларни халқаро муомалага чиқариш орқали юзага келаётган бозорлар йигиндисиدير деб эътироф этишган [4].

Республикамиз иқтисодиётини трансфорциялашда ва халқаро иқтисодий муносабатларида, айнан халқаро молия институтлари давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтага назардан мавзунинг долзарблиги юқорида келтирилган таърифлар асосида намоён бўлади.

Республика иқтисодиётда амалга оширилаётган ҳар қандай инвестициялар қандай қўшимча қиймат, иқтисодий самара келтиришидан қатъий назар, уларнинг барчаси ижтимоий манфаатлар учун хизмат қилиши лозим. Ғарчи, инвестицияларни амалга оширувчи ҳам, унинг натижасига манфаатини боғловчи ҳам инвестиция фаолиятида қатнашувчи субъектлар ҳисобланади. Мамлакатда амалга оширилаётган фаол инвестиция сиёсати, ўз навбатида, ижтимоий самара ва фаровонликни оширишга олиб келмоқда.

Шунинг учун фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш Ўзбекистоннинг дунё миқёсидаги аҳоли фаровонлиги кўрсаткичи ва инсон тараққиёти индексининг ҳам яхшиланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқаро молия институтлари йирик молиявий ресурслар ва аҳамиятли ваколатларга эга бўлиб ҳозирги кунда бу ташкилотлар жаҳон молия–кредит муносабатларининг асосини ташкил этиб келмоқда. Халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик мамлакат учун нафақат йирик маблағларни иқтисодиётга жалб қилиш имконини беради, балки жаҳон молиявий муносабатларида ўз ўрни ва овозига эга бўлиш имкониятини яратади. Халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ҳар бир давлат учун муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон бир қатор халқаро молия ташкилотларининг аъзоси ва бу ташкилотлар билан икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик муносабатларига эга. Сўнги йилларда халқаро молия институтлари иқтисодий

агентларнинг ўзаро муносабатлари, воситалари ва операциялари фавқулодда турли-туман бўлиб, жуда мураккаб шаклларга эга бўлмоқда. Шунингдек ўзаро клиринг жараёни юз берди, бу халқаро молия ташкилотларининг умумий тарзда унда муомалада бўлган молиявий воситаларининг турли-туманлиги нуқтан назаридан кўриб чиқиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида 2019 йилда умумий қиймати 246,1 миллион АҚШ доллари тенг куйидаги лойиҳалар бўйича кредит шартномалари имзоланди⁷⁵:

– Навоий ИЭСдан Бесопанда жойлашган 220 кВ электр узатиш тармогини улаш/узиш пунктигача 177 км узунликдаги 500 кВ габаритдаги 220 кВ электр линиясини қуриш (кредит суммаси 96,1 млн. АҚШ доллари, "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ ижроия агентлиги);

– Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри канализация тизимларини қайта таъмирлаш ва қурилиш ишлари (кредит миқдори 60,0 млн. АҚШ доллари ижро этувчи агентлик – Уй–жой коммунал хўжалиги вазирлиги);

– Хоразм вилояти Ургенч, Хива ва Питнак шаҳарлари канализация тизимларининг қайта таъмирлаш ва қурилиш ишлари (кредит миқдори 90,0 млн. АҚШ доллари, ижро этувчи агентлик – Уй–жой коммунал хўжалиги вазирлиги).

Халқаро ривожланиш банклари томонидан 2020 йилнинг биринчи чорагида МДХ мамлакатларида молиялаштириш учун 2294,5 млн. АҚШ доллари ажратилди, шундан, хусусий секторни молиялаштириш 41 фоиз, мустақил молиялаштириш–59 фоизни ташкил этган. Шунингдек, инвестиция ва лойиҳавий молиялаштириш ҳажми МДХ мамлакатларида хусусий секторга 2019 йилнинг IV чорагига нисбатан 22 фоизга камайди яъни, 950,4 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

Олгита халқаро молиявий институт жумладан, Евроосиё тараққиёт банки, Халқаро иқтисодий ҳамкорлик банки, Халқаро молия корпорациялари, Қора денгиз савдо ва ривожланиш банки, Россия–Қирғизистон ривожланиш жамғармалари томонидан 27 та янги лойиҳаларни молиялаштиришди.

Халқаро молия ташкилотларининг ҳисоб–китобларига кўра, Осиё мамлакатлари иқтисодиётини ривожлантириш учун 2010–2020 йиллар мобайнида 8,0 трлндан ортиқ маблағ зарур бўлади⁷⁶.

Мустақилликнинг илк даврларидан бошлаб Ўзбекистон бир қанча халқаро ва минтақавий халқаро молия ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатди. Мамлакатимиз 1995 йилда Осиё тараққиёт банкнинг аъзолигига эга бўлди ва 1997 йилда Тошкентда ОТБ ваколатхонаси очилди.

Ўзбекистоннинг ОТБ билан ҳамкорлиги барча тармоқларни ривожлантиришни қамраб олган бўлсада, амага оширилаётган дастур ва лойиҳаларда асосий ўринни 4 та устувор тармоқлар ташкил этади.

Озарбайжонда (11 фоиз) агросаноат сектори 151,2 млн. АҚШ доллари киритган. Қирғизистонда (11 фоиз) учта лойиҳалар учун 145 миллион АҚШ

⁷⁵ <https://review.uz/oz/post/ebrr-i-uzbekistan-podpisali-zaemniye-soglasheniya-na-246-mln>

⁷⁶ www.adb.org. Estimating Demand for Infrastructure in Energy, Transport, Telecommunications, Water and Sanitation in Asia and the Pacific: 2010-2020

доллари киритган. Туркменистон ва Украина давлатлари ушбу молия институтларидан маблағ жалб этмаган. Умуман олганда 2020 йил биринчи чорагида Ўзбекистон республикаси иқтисодиётига халқаро молия институтларининг жами 908,4 млн. АҚШ доллари миқдорига маблағ киритилган.

Ҳозирги кунда Ислом молия тизими тушунчаси кўплаб мамлакатлар молиячиларининг тобора қизиқтириб бормоқда. Хусусан, турли мамлакатларда, ҳаттоки аксарият аҳолиси ислом динига мансуб бўлмаган давлатларда ҳам, жумладан АҚШ ва Буюк Британияда, ушбу молиявий институт анъанавий банк хизматларига муқобил молиялаш тизими сифатида барқарор ривожланмоқда. Шунинг учун ислом банкчилигини ўрганиш ва анъанавий банк тизимига муқобил молиялаш шакллари ривожлантириш лозим.

Ислом тараққиёт банки (ИТБ) 1973 йил 18 декабрда Ислом Конференцияси Ташкилотига (ИКТ) аъзо мамлакатлар молия вазирлари йиғилишида ташкил этилган ва ўз фаолиятини 1975 йил октябрь ойида бошлаган.

ИТБнинг бош офиси Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида жойлашган. Шу билан бирга, банкнинг Работ (Марокаш), Куала-Лумпур (Малайзия), Олма ота (Қозоғистон), Дакар (Сенегал), Парамарибо (Суринам), Бандунг (Индонезия), Дакка (Бангладеш), Анқара (Туркия), Кампала (Уганда), Қоҳира (Миср), Абужа (Нигерия) каби шаҳарларда 13 та ваколатхона ва 11 та минтақавий марказ мавжуд.

Ислом Конференцияси Ташкилотига (ИКТ) аъзо барча давлатлар ИТБга аъзо бўлиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳозирги вақтда Банк ўзига 57 аъзо давлатларни бирлаштиради. Тўланган акциялар ҳажми бўйича банкнинг асосий акциядорлари Саудия Арабистони, Кувайт, Ливия, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Эрон, Миср ва Қатар ҳисобланади.

ИТБнинг низом жамғармаси 100 миллиард ислом динори бўлиб, 10 миллион акцияга бўлинади. Ҳар бир акциянинг номинал қиймати 10 000 ислом динорини ташкил қилади. Ҳар бир аъзо давлат Банк бошқарув Кенгашига ўзининг бошқарувчиси ва бошқарувчи ўринбосарини киритган. Бошқарув Кенгаши йилига бир марта банкнинг ўтаётган йил фаолиятини кўриб чиқиш ва келгуси сиёсатини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш учун йиғилади.

Ўзбекистон Ислом тараққиёт банки гуруҳи таркибидаги Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорацияси (ХСРИК) ва Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси (ХИСМК) билан ҳамкорлик қилади. ХСРИК шу кунгача 15 та тижорат банклари ва 2 та лизинг компанияси билан ҳамкорликни йўлга қўйган ва бугунги кунгача банкларга 285 миллион АҚШ доллари миқдорига молиялаштириш линияларини ажратган. ХИСМК томонидан маъқулланган лойиҳалар қиймати эса 82 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Шунингдек, бугунги кунда банкнинг Алоқабанк, Asia Alliance Bank ва Туронбанк билан ҳамкорликдаги жами 30 миллион АҚШ долларлик молиялаштириш линиялари мавжуд. ХИСМК томонидан эса, Asia Alliance Bank, Капиталбанк, Ўзсаноатқурилишбанк ва Трастбанкга жами 32 миллион АҚШ

долларлик молиялаштириш линиялари ва Молия вазирлиги хузуридаги жамғармага 50 млн. АҚШ доллари ажратилган⁷⁷.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 майдаги “Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асоан 2019–2021 йилларда Ислом тараққиёт банки билан биргаикда жами умумий лойиҳа қиймати 2 042,2 млн. АҚШ доллари миқдорида маблаг ажратиш учун «Йўл харитаси» тасдиқланган. Шунга мувофиқ, Ислом тараққиёт банки томонидан 1745,4 АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилиши кўзда тутилган.

Йиллик 15–20% ўсиш суръатига эга Исломий банк дунё бўйлаб ўзининг уфқларини кенгайтirdи ва 75 дан ортиқ мамлакатда ўз муассасаларига эга.

Диний эътиқодларга таянган, фоиз, кредит ва шу каби банк хизматларидан фойдаланишни истамаган аҳоли қатлами учун Исломий молиялаштириш тамойилларига асосланган банк хизматлари таклиф этилса, бу Ўзбекистон иқтисодийотининг ўсиши ва ички инвестиция ҳажмининг ортишига катта туртки бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Жаҳон банки ҳамкорлигида 25 га яқин лойиҳа амалга оширилмоқда. 5 миллиард 700 миллион доллар миқдорида маблагни ташкил этган ушбу лойиҳалардан кўзланган мақсад ичимлик сувини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш, тиббиёт, йўл инфратузимасини ривожлантириш каби йўналишлар равнақиға қаратилган.

Шунингдек, Молия вазирлиги ва Жаҳон банки ҳамкорлигида “Институционал салоҳиятни ошириш” лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳада асосан мамлакатимизда давлат молиясини бошқаришни ривожлантириш, корпоратив секторнинг бозор амалиётлари учун шароитларни яхшилаш, иқтисодий ислоҳотларни қўллаб–қувватлаш механизмларини такомиллаштириш кўзда тутилган.

Умумий қиймати 33 миллион АҚШ долларига тенг бўлган ушбу лойиҳа Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Халқаро тараққиёт уюшмаси томонидан молиялаштирилади. Лойиҳанинг асосий мақсади давлат молия тизимини институционал кучайтиришга ҳамда бу тизимни ҳар жиҳатдан янада такомиллаштиришдир. Ушбу лойиҳа учта муҳим йўналишни ўзида ифода этади. Бундан мақсад давлат молиясини бошқариш соҳасини такомиллаштириш, давлат активларини самарали бошқариш ва давлат корхоналарини ислоҳ қилиш, иқтисодий ислоҳотларни қўллаб–қувватлаш ҳамда шу мақсадда Ўзбекистон республикаси президенти хузурида 2019 йилнинг январида тузилган Иқтисодий кенгашга ислоҳотларни мувофиқлаштириш йўналишида кўмаклашишдир.

Юқорида таҳлил этилган маълумотлар асосида қайд этилган фикрларга асосан куйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

Жаҳон банкининг ҳисоботида келтирилган 24 та Европа ва Марказий Осиё давлатларидан фақат Ўзбекистонда 2020 йил натижалари бўйича ЯИМнинг

⁷⁷ <https://review.uz/post/zbekistonda-islomiy-moliya-va-bankchilikka-blgan-iziish-ortib-bormoda>

ўсиши прогноз қилиниб, қолган давлатларда – ёки «ноль» ҳолат, ёки пасайиш, айрим давлатларда эса – ЯИМнинг кескин пасайиши прогноз қилинмоқда. Шунингдек, мазкур ҳисоботда келтирилган давлатлардан фақат иккитасида 2021 йилда кескин иқтисодий ўсиш кўрсаткичи таъкидланиб, мамлакатимизда ЯИМни келгуси йилда 6,6 фоизга ўсиши башорат қилинмоқда.

Ушбу ижобий ҳолатнинг бош мезони сифатида – мамлакатимизда пандемия шароитида ҳам ишбилармонлик муҳитини сақлаб қолиш ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш орқали кенг аҳоли қатламларини иш билан бандлигини йўлга қўйишга қаратилган ҳаракатларни кўриш мумкин.

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда мамлакатимизда инвестиция фаолиятини ривожлантириш учун бир қанча лойиҳалар амалга оширилмоқда. Халқаро молия институтлари мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий–ижтимоий ислохотларни, ривожлантириш ва инвестиция фаолиятини молиялаштиришни модернизация қилишга мўлжалланган кўплаб лойиҳаларни молиялаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, халқаро молия институтлари билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда миллий иқтисодиётга чет эл инвестицияларини жалб этиш, молия бозорларидан узоқ муддатли ва кичик фоизларда кредитлар ва инвестицияларни молиялаштириш имкониятларини ривожлантириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Михайлов Д.М. *Мировой финансовый рынок: тенденции и инструменты.* – М.: Издательство «Экзамен», 2016. – С.150
2. Бажанов С.В. *Интеграция российского и международного финансового рынка. Автореферат диссертации на соискание степени доктора экономических наук.* – СПб.: СПбГУЭФ, 2006.
3. А.Ваҳобов, Н.Жумаев ва У.Бурхонов. *Халқаро молия муносабатлар, Дарслик. Шарқ Тошкент –2003.: 20 ва 28 бет.*
4. Ж.Х. Атаниязов, Э.Д.Алимардонов. *Халқаро молия муносабатлари» Тошкент – 2014.ЎФМЖ, Дарслик 279,280 ва 281 бетлар.*
5. <https://eabr.org/upload/iblock/4db/Obzor-MBR-1-kvartal-2020.pdf> *Обзор инвестиционной деятельности международных банков развития. I квартал 2020 года.*

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҒИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

**Б.Н. Ишниязов,
ТМИ, Мустақил изланувчи.**

Мамлакатимизда миллий инновацион тизимни изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганилиги, ишлаб чиқаришда юқори технологияларни жорий этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан барча соҳаларга бўлгани каби қишлоқ хўжалиги инновацион фаолиятини молиялаштиришга қаратилган меъёрий ҳужжатларда тармоқни янада ривожлантиришга оид масалалар ўз ечимини топиб келмоқда, бунда эса қуйидаги яъни, илмий–амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни ривожлантириш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларига тадбиқ этишни рағбатлантириш бўйича амалий механизмлар яратиш, фан ва ишлаб чиқаришнинг янада мустаҳкам алоқасини таъминлаш кўзда тутилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инновацион фаолиятнинг муваффақияти кўпроқ даражада уни ташкил қилиш шакллари ва молиявий қўллаб–қувватлаш усуллари билан белгиланади. Хусусан қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни молиялаштириш тизими мулкчилик тури, мулк эгаларининг даражаси ва молиялаштириш шакллари билан фарқланади.

Ривожланган аграр соҳага эга бўлган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, уларнинг барчаси қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ корхоналарни молиялаштириш орқали ривожлантириб, интенсив ва инновацион йўлга ўтишларида ўзига хос «инновацион технологик инқилоб»ни амалга оширганлар. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ корхона ва ташкилотларнинг энг асосий муаммоси – ривожланган мамлакатларга нисбатан умумий техник ва технологик қолоқлик бўлиб, унда агроинновацион янгиланмадан фойдаланмаслик билан характерланади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш комплексининг инновацион ривожланиши унинг техник ва технологик жиҳатдан жуда паст даражада таъминланганлиги, йирик ва замонавий технологик ишлаб чиқаришни ташкил қилишга қурби етмайдиган жуда кўп фермер хўжаликларининг мавжудлиги, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги замонавий билмларга эга бўлган малакали кадрларнинг етишмаслиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича информацион материаллар, китоб–қўлланмалар ва маълумотларнинг анча камчилиги туфайли сустлашиб қолган. Агарда дунё миқёсида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича ном чиқарган мамлакатларда қишлоқ хўжалигини юритиш бевосита информацион технологиялар, генетика, инновацион интенсив усуллар билан боғлиқ бўлсада, мамлакатимизда бундай ишлар жуда кам даража ва миқёсда олиб борилади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик ва бошқарув бўғини ходимларини қишлоқ

хўжалигидаги инновацион технологиялар билан таништириш, қишлоқ хўжалигида инфор­мацион технологияларни кенг миқёсда қўллашга эришиш, янги турдаги кўп ҳосил берадиган ва касалликларга чидамли ўсимлик ва саб­завотлар навларини чет мамлакатлардан олиб келиб, ҳаётга тадбиқ қилиш, чет мамлакатларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари борасидаги барча ижобий тажрибаларини ўрганиб, уларни мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг барча жабҳаларига тадбиқ қилиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, парвариш қилиш, йиғиш–териш, сақлаш, аҳолига етказиш ва қайта ишлашнинг прогрессив усулларини барча хўжаликларда қўллаш, тежамкорлик билан иш юритиш усулларини тадбиқ қилиш ҳамда фермер хўжаликлари уюшмаларида инновацион бошқармалар ташкил қилиб, унинг зиммасига бу билан боғлиқ барча ишларни амалга ошириш жараёнини координация қилишни топшириш ҳаётий муҳим стратегик масалалардан бўлиб қоляпти.

Бугунги кунда малакатимизда инновация фаолиятининг ривожланиш ҳолати, ундаги мавжуд шарт–шароитлар, мамлакат ижтимоий–иқтисодий тараққиётида унинг имкониятларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёж ва унга боғлиқ истиқболли стратегиялар асосида ҳал этилиши долзарб бўлган қуйидаги муаммолар мавжуд:

- жаҳон инновация тизимига интеграциялашув даражасининг пастлиги, миллий инновацион тизимнинг, энг аввало, инновацион бизнес билан ҳамкорлик қилишга йўналтирилган махсус молия институтларининг етишмаслиги;
- давлат томонидан молиялаштириш тизими доирасида технологик устуворликларни танлаш ва амалга ошириш тизимининг паст самарадорлиги;
- жаҳон талабларига жавоб берувчи ҳуқуқий–меъёрий базанинг шакланмаганлиги;
- мулк ҳуқуқларини ҳимоялаш амалиётининг яхши ривожланмаганлиги ва у бўйича малакали, халқаро сертификатларга эга бўлган мутахассисларнинг етишмаслиги ҳамда уларни тайёрлашга бўлган эътиборнинг қониқарли даражада эмаслиги ва бошқалар.

Юқорида келтирилган муаммолар ечимини таъминлаш, Ўзбекистонда қулай инновацион тадбиркорлик муҳитини яратиш, инновация фаолиятини молиялаштиришнинг самарали тизимини шакллантириш, инновацион тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан кенг қўллаб–қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шу асосда мамлакатда миллий инновация тизимини барпо этиш ҳамда уни ривожлантириш мақсадида инновация соҳасида улкан тажрибаларга эришган хориж давлатлари тажрибаларидан келиб чиқиб улар амалиётида эришган ютуқларни Ўзбекистон шароитида қўллаш юзасидан қуйидаги тавсияларни бериш мумкин:

- инновацион янгилликлар асосида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни модернизациялаш;
- инновация жараёнлари соҳасидаги халқаро алоқаларни тартибга солиб бориш;
- мамлакатда инновацион инфратузилма–инновация фаолияти амалга оширувчи муассасалар фаолиятини ташкил этиш;

- инновация соҳасида кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жойлаштиришга, илмий салоҳиятли кадрларнинг ижод қилишлари учун зарурий шарт-шароитларни яратиш ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши шароитида, нафақат, рағбатлантирувчи чора-тадбирларни қўллаш, балки тўғридан-тўғри капитал киритиш орқали ҳам давлат томонидан фаолроқ тартибга солиш зарурияти сақланиб қолади. Давлат маблағлари, аввало:

- ✓ қишлоқ хўжалигида техника салоҳиятини тиклашга;
- ✓ мақсади дастурларга кўзда тутилган, қурилиши бошлаб қўйилган объектларни тугаллашга;
- ✓ қишлоқ хўжалиги фанининг, уруғчиликнинг, наслчилик ишларининг моддий-техникавий базасини, шунингдек, қишлоқ хўжалигида, ҳам қайта ишловчи тармоқларда сақлаш базасини мустахкамлашга;
- ✓ қишлоқда уй-жой қурилишига;
- ✓ қишлоқ хўжалигида бизнесни қўллаб-қувватлашга, индивидуал инвесторларнинг фаоллик даражаси энг паст бўлган фаолият йўналишлари (авариялар, табиий офатлар, экологик ҳалокатлар оқибатини бартараф этиш), ишлаб чиқаришнинг экологик хавфсизлигини таъминловчи объект ва тизимларни бунёд этишга йўналтирилиши керак.

Мамлакатда қишлоқ хўжалигида инновацияларни молиялаштириш орқали тармоқни янада ривожлантириш бўйича қуйидаги хулосаларни келтирсак бўлади:

1. Инновацияларни ишлаб чиқиш давлат гамхўрлигида давлат ва марказлашган кредит ресурсларидан тез қоплайдиган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш лозим.

2. Мамлакатда мавжуд илмий-техник салоҳиятидан максимал даражада фойдаланиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат.

3. Марказлашган кредитдан ташқари усулларида бўлган лизинг, франчайзинг, факторинг каби турларидан фойдаланишни кенгайтириш.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигини молиялаштириш орқали тармоқни модернизациялашнинг ҳозирги босқичида кўп тармоқли фермер хўжаликларини ва мажмуаларини моддий-техник қайта қуролаштириш ва реконструкция қилиш, улар фаолиятига янги ва тежамкор технологияларни жалб этиш муҳим аҳамият касб этади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ МУҚОБИЛ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

А. М. Бобоқулов

Бизнесни амалга оширишнинг кўплаб усуллари мавжуд ва бу чегара билан чекланмаган имкониятларни ўрганиш зарур, ақсинча, корхоналарни мустақил бирлик сифатида бошқариш ва сақлашнинг турли хил усуллари мавжуд. Бундан ташқари, дунёда иқтисодий вазият ҳисобга олинган ҳолда, бугунги кунда долзарб бўлган муқобил молиялаштириш манбалари каби тушунча мавжуд. Лизинг, франчайзинг ва факторинг, венчурли молиялаштириш, синдициялаштирилган кредит, краудфондинг ва краудинвестинг каби муқобил молиялаштириш манбаларини ўрганиш ва амалга ошириш республикамиз иқтисодиётининг энг долзарб масалаларидан биридир. Ишбилармонлар борган сари осон бўлган ва корхонага инвестицияларни жалб қилишнинг энг мураккаб жараёнига муқобил бўлишга имкон берадиган ушбу манбалардан фойдаланиш амалиётига тобора кўпроқ мурожаат қилмоқдалар.

Иқтисодиётни трансформациялаш, замонавий техника ва юқори технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун инвестицияларни жалб қилиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу авваламбор аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш каби муҳим ижтимоий–иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имкониятини яратади. Шунингдек, инвестиция лойиҳаларини муқобил молиялаштириш манбаларини шакллантиришни ривожлантириш ва зарур шароитларни яратиб бериш ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда корхоналар инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш ва уларнинг самарали фаолият олиб боришларига алоҳида эътибор қаратилган. Лекин шундай бўлсада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда, “иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатлари ва инвестиция ресурсларига ўсиб бораётган талабни қаноатлантириш бир–бирига мувофиқ эмас. Мамлакатимиз ҳудудларига хорижий инвестицияларни жалб этиш ўта қониқарсиз аҳволда қолмоқда” [1].

Инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг муқобил усуллари такомиллаштириш соҳасида жуда кўп иқтисодчи олимлар илмий изланиш олиб борган.

Америкалик иқтисодчилар Ж.У.Фени, Н.Лайанг, С. Прауз, П.Д. Джонсонлар венчур капитали–кичик бизнес инновацион корхоналарини акциядорлик капиталини молиялаштириш деб тушунириб ўтганлар [2].

Канада банкининг монетар ва молиявий таҳлиллар бўлими мутахассиси Дж.Армстронг синдициялаштирилган кредитларга қуйидагича таъриф беришни таклиф этади: “Бу кредитлашнинг шундай инструментики, яъни молия бозорининг иштирокчиларига кредит рискларини тўғри прогноз қилиш имкониятини беради” [3].

Ф.Ш. Каримов “Селенг–лизингнинг бир тури бўлиб, унинг қўлланилиши бирлашган Европа лизинг жамияти томонидан ишлаб чиқилган қоидалар билан аниқланилади. Селенг икки тарафлама жараён бўлиб, масъулиятнинг махсус усулидир” деб таъриф беради[4].

Е.А.Панова томонидан эса кичик бизнес вакиллари томонидан краудфондингдан фойдаланиш ва краудфондинг категориялари таҳлил қилиб чиқилган. Краудфондингни кучли ва заиф томонлари аниқланган ва халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда краудфондинг бозорини ривожланиш истиқболлари ўрганиб чиқилган[5].

Ушбу иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида республикамизда инвестиция фаолиятини ноъананавий усуллари орқали молиялаштиришни ривожлантиришнинг илмий–назарий ва методологик асосларини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари ёритилган. Буларнинг барчаси миллий иқтисодиётнинг инвестиция фаолиятини ноъананавий усуллари орқали молиялаштириш манбаларига таъсир этувчи омиллар асосида ривожланиш йўлларини тадқиқ этиш ва уларни молиявий таъминлашнинг илмий–назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш бўйича чуқур тадқиқотларни амалга оширишни, буларни мамлакатимиз амалиётига тадбиқ қилиб инвестиция фаолиятини ноъананавий усуллари орқали молиялаштириш манбаларни шакллантириш жараёнларини жадаллаштириш лозимлигини талаб қилади.

Бутунги кунда турли объектив ва субъектив омиллар туфайли банклар молиявий ресурсларни тўплаш ва қайта тақсимлашда энг устун мавқега эга бўлиб қолган. Молия соҳасида банклар билан рақобатлашишга қодир бўлган етакчи бозор институтларидан бири бу капитал бозоридир. Мамлакатимизда ўттиз йилга яқин ўтиш даври ислохотларига қарамай, капитал бозори ҳалигача ривожланмаган. Натижада, компаниялар ва инвесторлар бизнесни молиялаштиришнинг муқобил ва рақобатбардош манбаларидан фойдаланиш имкониятига ва монополлаштирилган банк тизими билан ишлашдан бошқа имкониятга эга эмаслар. Самарали фаолият юритадиган капитал бозорлари, инновация ва ўсиш учун капиталга муҳтож бўлганлар билан инвестиция қилиш учун маблағга эга бўлганларни бирлаштириб, молиявий ресурсларни жалб қилишга имкон беради ва осонлаштиради. Энг муҳими, капитал бозорлари шаффофликни, ҳисобдорликни ва акциядорларнинг ҳуқуқларини хурмат қилишни рағбатлантириш орқали уларнинг рўйхатидаги эмитентлар ўртасида яхши корпоратив бошқарувни ривожлантиради. Шу муносабат билан, лизинг, франчайзинг ва факторинг, венчурли молиялаштириш, синдициялаштирилган кредит, краудфондинг ва краудинвестинг каби молиявий хизматлар яқинда маҳаллий тадбиркорларнинг алоҳида эътиборини тортади. Бутун дунёда ушбу хизматлар асосий ва айланма маблағларга капитал жалб қилишнинг умумий механизмлари ҳисобланади.

Бизнинг иқтисодиётимиз учун франчайзинг ҳозирги пайтда нисбатан янги молиялаштириш усули бўлиб, ривожланган мамлакатларда бу асрлар давомида жамиятнинг турли хил товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш воситаси сифатида қўлланилиб келинмоқда.

Франчайзингнинг учта асосий тури мавжуд: товар, ишлаб чиқариш ва бизнес франчайзинг ёки бизнес форматидаги франчайзинг.

Бизнес концепцияси сифатида франчайзинг ҳар доим ҳам франшизага, ҳам франчайзерга кўп фойда келтиради. Аммо камчиликлари ҳам бор. Франшизага борганингизда сиз ҳам афзалликларни, ҳам камчиликларни ҳисобга олишингиз керак. Бу ерда иккала томон ҳам эътиборга олишлари керак.

Факторинг – бу талабга жавоб берадиган, аммо юқори даромадли банк операциясидир, бунда ҳисоб–китоб жараёни адекват бозор иқтисодиёти шаклида кредитлаш жараёни билан бирлаштирилади. Факторинг туфайли банк етказиб берувчиларнинг молиявий аҳволи ва миқдорларнинг тўлов қобилиятини доимий равишда кузатиб борадиган шароитлар яратилмоқда.

Факторинг очиқ ёки ёпиқ бўлиши мумкин. Риск–факторинг операцияларининг юқори даражасини ҳисобга олган ҳолда, бўлим потенциал миқдорнинг молиявий аҳволи ва унинг истиқболларини ўрганиб чиқиб, хизмат кўрсатиш шартномасини тузишга қарор қилади. Агар томонлардан бири бошқа давлатнинг юридик шахси бўлса, унда факторинг ташқи деб аталади.

Республикада венчурли молиялаштириш Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 майдаги “Инвестиция ва бошқарув компаниялари фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 414–сонли Қарорига асосан амалга оширилади. Ушбу Низом инвестиция ва бошқарув компанияларининг мақсадлари, вазифалари, функциялари, мезонлари, фаолият турини, шу жумладан, венчур молиялаштиришни амалга оширишда инвестиция ва бошқарув компаниялари мониторингини олиб бориш тартибини белгилайди, шунингдек, уларнинг муносабатларини тартибга солади.

Инновацион гоёлар ва стартап–экоцизмни қўллаб–қувватлаш инфратузилмасини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 3 ноябрдаги “UzVC” миллий венчур фонди фаолиятини ташкил қилиш чора–тадбирлари тўғрисида» ги 684–сонли Қарорига мувофиқ “UzVC” Миллий венчур фонди ташкил этилди.

“UzVC” Миллий венчур фондининг асосий вазифалари:

- Венчур инвестициялар бозорини ривожлантириш;
- Венчур экосистемасининг норматив–ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;
- Хусусий сектор ва давлат ўртасидаги боғловчи агент вазифасини бажариш;
- Бизнес инкубация ва акселерация тизимини ривожлантириш;
- Венчур капитал бўйича молиявий саводхонликни ошириш.

Инвестиция фаолиятини муқобил молиялаштириш усулларида ислом молия инструментларидан бири «сукук» ҳисобланади. Сукук бозорига чиқиш Осиё ва Форз кўрфази мамлакатларининг Ҳамкорлик иттифоқи компанияларининг капитал тузилмасини ва ликвидлик профилини яхшилашга ёрдам бериши мумкин.

Сукук – бу мулкдорга бенефициар эгалик ҳуқуқини тақдим этувчи, шариатга мувофиқ равишда моддий активлар билан таъминланган исломий облигациялари ёки инвестиция сертификатларидир.

Демак, сукук эгалари сукук активларидаги мутаносиб улушдан олинган даромаднинг бир қисмини оладилар.

Фоишли восита ҳисобланувчи корпоратив облигацияларнинг бошқа бир тури сифатида тузилган сукукга исломий молиялаштириш қонун–қоидаларига мувофиқ йўл қўйилмайди.

Оддий облигациялар ҳолатида эмитентда кўрсатилган муайян саналарда облигациялар эгаларига фоишлар ва асосий маблағни тўлаб бериш учун шартнома мажбурияти мавжуд. Сукук тузилмасида эса, аксинча, ҳар бир сукук эгаси таянч активларга бўлган бўлинмас бенефициар эгалик ҳуқуқига эга.

Сукук янги ликвидлик манбаи ва муқобил молиялаштириш манбаси сифатида намоён бўлади. Ислом сукукини сотишнинг ўзига хослиги реал активларни молиялаштириш ва / ёки чиқаришда унинг иштироки ҳисобланади. Сукук бозорига чиқиш Осиё ва Форз кўрфази мамлакатларининг Ҳамкорлик иттифоқи компанияларининг, айниқса инфратузилма сингари капитал киритса бўладиган тармоқларга эга компаниялар капитал тузилмаси ва ликвидлик профилини яхшилашга ёрдам бериши мумкин. У шу сингари компанияларга зарур бўлган узоқ муддатли молиялаштиришни бошқа манбадан бериши мумкин. Ушбу манба чегарани кесиб ўтиш даражасига кўра ликвидлиги янада ошиб, янада глобаллашиб, кенгайиб бормоқда.

1–жадвал

СУКУК ВА АНЪАНАВИЙ ОБЛИГАЦИЯЛАРНИ ҚИЁСЛАШ

| | Анъанавий облигациялар | Сукук |
|--|--|---|
| Облигацияга эгалик қилиш | Облигациялар инвесторга актив ёки лойиҳага эгалик улушини эмас, балки эмитентнинг облигациялари эгалари олдидagi қарз мажбуриятини ҳавола қилади. | Сукук инвесторга сукук асосини ташкил этадиган актив ёки лойиҳага қисман эгаликни тақдим этади. |
| Инвестиция мезонлари | Облигациялардан ҳар қандай актив, лойиҳа ёки бизнесни молиялаштириш учун фойдаланиш мумкин. | Сукук асосини ташкил этадиган актив шариятта мувофиқ бўлиши керак. |
| Чиқарилиш бирлиги | Ҳар бир облигация қарз улушини ташкил этади. | Ҳар бир сукук таянч актив улушини ташкил этади. |
| Чиқарилиш баҳоси | Облигациянинг номинал қиймати эмитентнинг кредитни тўлаи олишига (шу жумладан унинг рейтингига) боғлиқ. | Сукукнинг номинал қиймати таянч активнинг бозор қийматига асосланади. |
| Инвестициялардан фойда ва хавф–хатарлар | Облигация сақловчилар облигациялар амал қилиш муддати мобайнида режали (кўп ҳолларда белгилаб қўйилган ставка билан) фоишли тўловларни мунтазам равишда олишади ва уларнинг асосий маблағи облигацияларни тўлаш санасигача қайтарилиши кафолатланган бўлади. | Сукук сақловчилар таянч активдан келадиган фойда улушини олишади (ва ҳар қандай кўрилган зарарлар улушини ҳам қабул қилишади). |
| Қийматининг таъсири | Облигация сақловчилар, одатда, ўзлари қўллаб–қувватлаётган актив, лойиҳа ёки бизнес билан боғлиқ харажатлардан азият чекишмайди. Таянч актив самарадорлиги инвесторнинг муқофотланишига таъсир кўрсатмайди. | Сукук сақловчиларга таянч актив билан боғлиқ харажатлар таъсир кўрсатади. Нисбатан юқори харажатлар инвесторларнинг даромадлари камайишига олиб келиши мумкин ва аксинча. |

Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширадиган корхона ва ташкилотларни қўллаб-қувватлаш бутун дунёда коронавирус эпидемияси ривожланиб боришидан қўлаб хўжалик юритувчи субъектлари азият чекаётган вақтда, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, бу маблағлар ҳисобига иш ўринлари сақланиб қолади. Бу эса ҳам аҳоли, ҳам иқтисодиёт учун самаралидир.

Краудфондинг инглизча “crowdfunding” сўздан олинган бўлиб, “crowd” – омма, “funding” – молиялаштириш, яъни оммавий молиялаштириш маъносини беради. Бу атама биринчи бўлиб, америкалик журналист Джеф Хаунинг 2006 йилдаги “Wired” журналида эълон қилинган мақоласида келтирилган (Howe, 2006). Шундай қилиб, краудфондинг – турли инсонларни бир мақсадда эҳтиёрий равишда ҳамкорликда ўз молиявий ресурсларини бошқа одамларга ёки лойиҳаларга сафарбар этишлари тушунилади. Албатта, краудфондинг янги ҳодиса эмас, XVIII аср бошларидаёқ Европада ёзувчилар обуна китобларини нашр этиш учун пул йиғишган бўлса, Нью-Йоркдаги Озодлик ҳайкалини қуриш учун ҳам хақ томонидан пул йиғимлари амалга оширилган⁷⁸.

Бизнес лойиҳаларни асосан ташқи молиялаштиришнинг икки йўли мавжуд, улар банк ва инвестицион фондлар орқалидир. Ҳар иккисини ҳам бирдек камчилиги мавжуддир, улар инновация ғояларга кам ҳолларда йўналтирилади. Инновацион ғояларни қўллаш эса, риск даражаси юқори ҳисобланади. Шунингдек, бу ташкилотлар орқали молиялаштиришга эришиш учун бир қанча қийинчиликларга дуч келинади. Ҳар қандай кредитор, ёхуд инвестор тор доирадаги таниш бизнес эгаларининг лойиҳаларини кўриб чиқиш баробарида, ўзлари ишонган асосий фойда олиб келувчи соҳаларга маблағ йўналтирадилар.

Шунинг учун, бизда бизнес лойиҳаларни қўллаш учун краудфондинг орқали молиялаштириш лозим. Бу амалиёт, бизнингча, барча томонлар манфаатини бирдек ҳимоя қилади. Краудфондинг орқали молиялашда рақамли иқтисодиётнинг ўрни юқоридир. Чунки, краудфондинг лойиҳалари тўғрисида маълумот алмашишнинг энг муҳим воситаси ижтимоий тармоқлар бўлиб, улар ижтимоий капитални молиявий капиталга айлантириш ва воситачилар ролини камайтиришга ёрдам беради.

Анъанавий воситачилар краудфондингга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишади, чунки улар буни потенциал таҳдид деб билишади. Бироқ краудфондинг ҳам улар учун фойдали воситадир. Ахир, бу билан улар инновацион ғояларни кузатишлари ва “оломон донолиги” дан фойдаланиб, лойиҳани потенциал муваффақиятини клон яратиш ёки унга анъанавий усулда сармоя киритиш

⁷⁸ Краудфондинг [Электронный ресурс]. URL: <http://crowdsourcing.ru/> (дата обращения: 06.05.2015).

мақсадида баҳолашлари мумкин. Краудфондинг эса, бу жараёнда ёрдамга келиши мумкин бўлган инструмент бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодиётда давлат мулкнинг мавжудлиги банк ва капитал бозорини молиялаштиришда ўртадаги тафовутни вужудга келтирувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бу шуни кўрсатадики, давлат банк ва банк орқали молиялаштиришни қўллаб–қувватлайди, чунки банк секторидаги асосий активлар давлатга тегишлидир. Қўллаб ривожланган мамлакатларда давлат иштирокидаги компаниялар ҳукуматнинг кафилиги ёки бошқа турдаги қўллаб–қувватлаши сабабли молиявий кўмак олиш учун кенг имкониятларга эга.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, ўтказиш каналларининг амал қилиши банк ва молия соҳасидаги рақобат муҳити, муқобил молиялаштириш манбаларининг мавжудлиги, молиявий бозорларнинг ривожланганлик даражаси ва самарадорлиги, молиявий воситачилик хизматларининг сифати ва қамрови, валюта курси режими, капиталлар ҳаракати, инвестиция учун хавфсиз молиявий инструментларнинг мавжудлиги каби бир қатор омилларга боғлиқ. Шунингдек, республикамизда инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбаларини кенгайтиришда муқобил молиялаштириш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда инвестиция стратегияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ишлаб чиқариш қувватларини республикамиздаги мавжуд ресурслар, инфратузилма, ишчи кучи каби омиллар имкониятларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини оширади ва охир–оқибатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардош бўлишини таъминлайди. Шунинг учун, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда муқобил молиялаштириш имкониятларини таркибий қайта қуриш иқтисодий ислохотларнинг тузилиши ва пропорцияларини ўз ичига олувчи минтақавий жиҳатларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Инвестиция фаолиятини муқобил молиялаштириш манбаларини шакллантиришда қуйидаги таклиф–тавсиялардан фойдаланиш молиялаштириш сифатини таъминлаш ва уларнинг муваффақиятли амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этади:

– халқаро молия бозорлари билан фаол интеграциялашув, замонавий ахборот–коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ва хорижда муваффақиятли синовдан ўтган илғор ёндашувларни қўллаш орқали барча тоифадаги инвесторлар учун капитал бозорининг қулайлигини ошириш йўллари излаб топиш лозим;

– ҳар қайси молиялаштириш шакли (банк ва капитал бозори) пайдо бўлиши ва ривожланишида молиявий тузилмалар муҳим аҳамиятга эга, лекин бир иқтисодий структура бошқасининг ривожланишини чекламаслиги лозим.

Шунинг учун айтишимиз мумкинки, қайси турдаги молиялаштириш тизими мамлакат молиявий тизимида юқори устунликка эга бўлмасин, соҳани тартибга солувчи норматив–ҳуқуқий ҳужжатлар базаси банк ва капитал бозори ўртасида ҳаққоний ва ҳалол рақобат учун шарт–шароит яратиши зарур;

Ўзбекистонда банк орқали молиялаштириш тизими нисбатан ривожланган бўлиб, бу ерда турли хил молиявий институтлар ўртасида ҳалол рақобатни таъминловчи норматив–ҳуқуқий ҳужжатлар базасини яратиш лозим. Молиявий воситаларга келадиган бўлсак, қарз ва капитал эвазига молиялаштириш тизимлари ўртасида сезиларли фарқлар мавжудлигини кўришимиз мумкин ва буни банк ҳамда капитал бозоридаги молиялаштиришни мувофиқлаштиришда инобатга олиш мақсадга мувофиқ;

– республикамиз аҳолиси ўртасида венчурли бизнес ҳақида маълумотлар бериш ва хабардор қилиш, таълим тизимида ушбу йўналишда мутахассислар тайёрлаш ва мутахассисларнинг малакасини ошириш тизимини ишлаб чиқиш лозим;

– Мамлакатимизда краудфондинг соҳасида норматив–ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишимиз ҳамда краудфондинг компаниялар, ҳукумат назоратига олинишини ташкиллаштиришимиз зарур, бу маблағларни инвестиция қилувчилар ишончи учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бунга, албатта, бир қанча омиллар таъсир кўрсатади. Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, 2021 йил 25 сентябрь ҳолатига Ўзбекистонда 41 та сугурта компанияси фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг барчаси Тошкент шаҳрида жойлашган. Республика хуудларида эса уларнинг филиал ва бўлимлари фаолият кўрсатиб, ҳозирги кунга қадар хуудларда бирорта сугурта компанияси ташкил этилмаган. Мавжуд маълумотларга кўра, 2020 йилда республика хуудлари ичида сугурта мукофотлари тушуми бўйича Тошкент шаҳридан кейинги ўринни 8,1 фоиз билан Тошкент вилояти эгаллаган. Шу йили сугурта мукофотлари тушуми бўйича энг кичик кўрсаткич 2,1 фоиз билан Сирдарё вилоятига тўғри келган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, республика хуудларида сугурта соҳасида юзага келган рақобат муҳитини Тошкент шаҳрида кузатилаётган рақобат муҳити билан таққослаб бўлмайди.

Одатда, филиалларнинг асосий вазифаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида компания томонидан ишлаб чиқилган сугурта маҳсулотларини сотиш, маҳаллий сугурта бозорининг ривожланиш тенденцияларини таҳлил этиш ва шу асосда истиқболли йўналишларни аниқлаш, агентлик тармоқларини яратиш ва кенгайтириш ҳисобига маҳаллий сугурта хизматлари бозори инфратузилмасини ривожлантиришдан иборат бўлади. Шунингдек, филиаллар бош компания томонидан тасдиқланган қоидалар, намунавий сугурта шартномалари ва полислари асосида юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузади. Мазкур шартномалар доирасида сугурта қилдирувчилар томонидан тўланган сугурта мукофотлари тушумини назорат қилади.

Тадқиқотчи Х.Шеннаев “Ўзбекистон сугурта бозори” ўқув қўлланмасида мамлакат хуудларида сугурта фаолиятини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтар экан, қуйидагиларни таъкидлайди: “Филиаллар маҳаллий сугурта хизматлари бозорида ўз маҳсулотларини сотар эканлар, бу

борада сугурта қилдирувчиларни соҳага оид маълумотлар ва янгиликлар билан таништиришлари лозим". Айниқса, улар мижозларга сугурта тариф ставкалари асосида сугурта мукофотларини ҳисоблаш, сугурта ҳужжатларини расмийлаштириш ва уларнинг сақланишида амалий кўмак берадилар. Шунингдек, филиаллар жойларда бош компания билан келишган ҳолда сугурта ҳодисалари содир бўлиш эҳтимолини камайтиришга қаратилган огоҳлантириш чора-тадбирларини молиялаштириш, сугурта даъволарини кўриб чиқиш ва сугурта қопламасини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эгадир.

Республика ҳудудларида сугурта хизматлари қамровининг кенгайишида 2008 йили қабул қилинган "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида"ги ва 2009 йили жорий этилган "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида"ги қонунлари муҳим аҳамият касб этди, десак асло муболаға бўлмайди. Зеро, ушбу қонунга асосан мажбурий сугуртани амалга ошириш учун сугурталовчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўз филиалларига эга бўлиши лозим. Мазкур талабнинг аҳамияти тўғрисида тадқиқотчи И.Очилов шундай ёзган: "Давлат томонидан мажбурий сугуртани амалга оширишда бундай талабнинг ўрнатилиши бежизга эмас, албатта. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, мажбурий сугурта бутун Ўзбекистон ҳудудини қамраб олади ва йўл-транспорт ҳодисаси мамлакатимизнинг қайси жойида содир бўлишидан қатъий назар, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкӣ манфаатларига етказилган зарар, транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугуртаси бўйича сугурталовчи томонидан жабрланувчига зарар қоплаб берилиши лозим".

Таъкидлаш лозимки, сугурта компанияси филиалларининг фаолияти бош компаниянинг Ички аудити хизмати томонидан белгиланган муддатларда аудитдан ўтказилади. Айрим сугурта компаниялари ўз филиаллари ходимларининг малакасини ошириш мақсадида доимий асосда фаолият кўрсатувчи ўқув курсларини ташкил этадилар. Масалан, "Ўзбекивест" экспорт-импорт сугурта компанияси, "Ўзагросугурта" ва "Кафолат" сугурта компанияларида ўқув марказлари мавжуд бўлиб, уларда ҳудудий филиаллар ва бўлинмаларнинг ходимлари ўз малакаларини оширади.

Юқоридагиларни умумлаштириб хулоса қилиш мумкинки, ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳудудларида юридик ва жисмоний шахсларга сугурта хизматларини кўрсатиш талаб даражасида эмас. Ҳудудларда сугурта хизматлари кўрсатиш кўламини кенгайтириш учун мустақил сугурта компанияларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Аҳолининг сугуртага бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартириш учун аниқ мақсадга йўналтирилган тушунтириш ишларини олиб бориш лозим.

СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

**Қ. Т. Базаров,
ТДИУ, и.ф.н., доц.**

Мамлакатимизда иқтисодиётни янада ривожланиши ва макроиқтисодий барқарорликни юксалтиришда давлат солиқ тизими, солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, мамлакатимизда солиқ маъмуриятчилигини замонавий ахборот технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда ривожлантириш ҳамда илғор хориж тажрибасидан республикамизда фойдаланиш масалалари ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири саналади.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномасида илм–маърифат ва технологиялар ривожига алоҳида аҳамият қаратди. Жумладан, “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда”⁸⁵.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ–5953–сон Фармони билан тасдиқланган «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат Дастурига мувофиқ, ахборот–коммуникация технологияларини модернизация қилиш орқали солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот–коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 5 июнда 359 сонли қарори⁸⁶ эълон қилинди. Мазкур қарорнинг 1 иловасига мувофиқ Давлат солиқ

⁸⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий мажлисга Мурожаатномаси <http://uz.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-25-01-2020>

⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот–коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 5 июнда 359 сонли қарори <https://lex.uz/docs/4844692>

қўмитасининг Ахборот–коммуникация технологияларини ривожлантириш стратегияси қабул қилинди.

Маълумки, мамлакатимизда солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш доирасида солиқ тизимини, солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш доирасида Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида», шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Яширин иқтисодийтни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора–тадбирлар тўғрисида” ва шу каби бир қатор Қарор ва фармонлар қабул қилиниб, улар асосида мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестициявий фаолликни ошириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, шунингдек, солиқ ислохотларини самарали амалга оширишга кенг имкониятлар яратилаётганлигини қайд этишимиз керак.

Маълумки, ҳозирги кунда солиқ маъмуриятчилигини таъминлаш бўйича давлат солиқ хизмати органларида замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини кенг жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Аmmo ушбу ижобий ишлар ва ютуқлар билан биргаликда, солиқ маъмуриятчилигини янада самарали амалга оширишга уни такомиллаштиришга ҳамда давлат солиқ органларига, ҳудудий бўлинмаларга юклатилган мажбурият ҳамда вазибаларни тўлиқ бажаришга тўсқинлик қилаётган бир қатор камчилик ва муаммолар мавжуддиги Давлат солиқ қўмитасининг Ахборот–коммуникация технологияларини ривожлантириш стратегиясида қайд этилгандир.

➤ Агарда улар борасида тўхталадиган бўлсак улар куйидагилардан иборат электрон давлат хизматлари ва ахборот тизимлари орқали маълумотлар базасига тушаётган мурожаатлар сони йилдан–йилга кескин ошиб бораётганлиги сабабли маълумотларни тезкорлик билан таҳлил қилиш имкониятини бермаяпти;

➤ Давлат солиқ қўмитасининг мавжуд сервер қурилмаларининг хотира ҳажми бугунги кунда 90 фоиз банд ва уларнинг ишлаш кафолатли муддати тугаган, Маълумотларни қайта ишлаш маркази қурилмалари эскирган;

➤ мавжуд ахборот тизимлари турли хил дастурлаш тилида ва бир–бирига мураккаб интеграциялашган ҳолда фойдаланилмоқда ҳамда ягона платформа мавжуд эмас;

➤ электрон ҳисобварақ–фактуралар ва онлайн назорат касса машиналари ҳамда ташқи манбалар орқали шакланган катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш ва тезкор таҳлил қилиш учун мавжуд серверлар қуввати етишмаслиги оқибатида тизимда тез–тез узилишлар вужудга келмоқда;

➤ солиқ тўловчи билан солиқ органлари ўртасида маълумот алмашинувиани таъминловчи ягона стандарт ва дастурий маҳсулотлар мавжуд эмас;

➤ солиқ базасини кенгайтириш учун идоралараро маълумотлар алмашиш даражаси паст;

➤ солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш учун кўриладиган таъсир чораларини автоматик сегментлаш ва солиқ тушумлари хавфини тўлиқ баҳолаш механизмлари мавжуд эмас;

➤ ахборот–коммуникация технологиялари йўналишидаги юқори малакали кадрларни тайёрлашда тизимли камчиликлар мавжуд.

Ушбу камчилик ва муаммолар солиқ тизимини жадал ривожлантириш, солиқ маъмуриятчилигида ахборот–коммуникация технологияларини янада ривожлантириш, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг талаб даражасида йиғилишига ва солиқ тўловчиларга сифатли электрон давлат хизматлари кўрсатишга тўсқинлик қилмоқда.

Албатта шуни қайд этишимиз лозимки, биз тараққиёт ва ривожланиш даврида фаолият юритмоқдамиз, шунда хулоса қилган ҳолда мамлакатимизнинг тараққий этиши, ривожланишида кун сайин такомиллашиб бораётган фаолиятимизда жумладан ахборот технологияларнинг ривожланаётганлигини қайтаришимиз лозим. Маълумки, қабул қилинган стратегия доирасида қуйидаги йўналишларда самарали ишларни олиб бориш режалаштирилгандир:

⇒ Хизмат кўрсатишга йўналтирилган солиқ хизматларини ривожлантириш;

⇒ Замонавий ахборот тизимларини жорий қилиш орқали давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш;

⇒ Маълумотларни қайта ишлаш марказининг моддий–техника базасини кенгайтириш.

Агарда ушбу йўналишлар алоҳида тўхталадиган бўйича бўлсак,

хизмат кўрсатишга йўналтирилган солиқ хизматларини ривожлантириш йўналишида солиқ тўловчиларга шахсий кабинет орқали кўрсатиладиган хизматларни кенгайтириш; солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган хизматларнинг мобиль иловалари сонини кўпайтириш; солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш стандартлари ва методологиясини ишлаб чиқиш; тижорат банклари ва бошқа ташкилотлар орқали солиқ тўловчилар ҳақидаги ахборотларни жамлаган (скоринг) хизмат турларини жорий этиш мўлжалланган.

Замонавий ахборот тизимларини жорий қилиш орқали давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш йўналишида, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ахборот тизимлари комплексининг ягона платформасини яратиш; солиқ хизмати органларида

замонавий бизнес–таҳлил (Business Intelligence) тизимини жорий этиш; солиқ аудитини автомат тарзда назорат қиладиган (Case Management System, Case Assessment System) тизимни яратиш; идоралараро ҳамкорлик орқали ахборот алмашинувида мавжуд муаммоларни бартараф этиш; солиқ органларига юкланадиган вазифалар бўйича бизнес– процессларни ишлаб чиқиш ва уларни автоматлаштириш; солиқ тўловчиларни сегментлаш, хавфлилик даражасидан келиб чиқиб, инсон омилини тўлиқ бартараф этадиган солиқ назоратини амалга оширишни назарда tutувчи «Таҳлика–таҳлил» тизимини яратиш; маҳаллий бюджетлар даромадини оширишда маҳаллий солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш учун «сайт» тизимини кенг жорий этиш.

Маълумотларни қайта ишлаш марказининг моддий–техника базасини кенгайтириши йўналишида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Маълумотларни қайта ишлаш маркази серверлари, ҳисоблаш қурилмалари ва бошқа техник жиҳозларини модернизация қилиш; маълумотларни қайта ишлаш марказининг асосий ва захира биналарининг Муҳандислик инфратузилмасини модернизация қилиш; Давлат солиқ хизмати органларининг телекоммуникация қурилмалари ва ахборот хавфсизлигини таъминловчи тизимларини модернизация қилиш; катта ҳажмдаги маълумотларни бошқариш ва таҳлил қилиш имконини берувчи «Big Data» технологиясини йўлга қўйиш; ахборот–коммуникация технологиялари паркинни босқичма–босқич янгилаш ва бир қатор йўналишлар бўйича ишларни амалга ошириш режалаштириган.

Юқорида қайд этилган маълумотлар асосида шуни хулоса қилишимиз мумкинки, солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришда рақамли иқтисодиётнинг ўрни солиқ маъмуриятчилигини самарали ташкил этишда унинг ўрни ва аҳамиятини юқорилиги ҳамда фармонда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши солиқ тизими ва маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилади, унинг шаффофлигини таъминлайди, бу эса шубҳасиз мамлакатимизда иқтисодиётимизнинг янада ривожланиши, корхоналаримизнинг барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, иқтисодиётни янада ривожлантириш орқали юртимизнинг гуллаб–яшнаши ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда энг муҳим омилардан бири бўлиб хизмат қилади.

СУГУРТА ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА УНИ ЮРИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

***А.Т. Махкамбоев,
ТДИУ, доцент, и.ф.н.***

Суғурта ташкилотлари суғурта хизматини кўрсатиш жараёнида маълум миқдордаги жавобгарликни олади ва шунинг эвазига суғурталанувчидан суғурта мукофотини ундиради. Бу суғурта ташкилотининг даромади ҳисобланади. Суғурта шартномасида келтирилган ҳодиса рўй берганда суғурта қопламаси тўлаб берилади.

Бу эса ушбу ташкилот харажати ҳисобланади. Суғурта ташкилотлари суғурталанувчилардан келиб тушган суғурта мукофотларидан суғурта зарарларини қоплаш захирасини ташкил этиб борадилар. Ушбу захира суғурта муддати тугамагунга қадар суғурта ташкилотининг зиммасидаги мажбурияти бўлиб қолади. Суғурта муддати тугасагина ушбу маблағлар суғурта ташкилотининг даромади сифатида ҳисобга олинади. Бошқа ҳолларда ушбу захирадаги маблағлар шартнома муддатининг ўтган муддатига нисбатан пропорционал ҳисобга олиб борилади.

Бундан ташқари, суғурта ташкилотлари ўз зиммасидаги мажбуриятларни маълум ҳақ эвазига бошқа суғурта ташкилотларига ўтказиши ёки улардан қабул қилиб олиши мумкин. Суғурта ташкилотлари ўз зиммасидаги мажбуриятларни бошқа суғурта ташкилотларига ўтказган тақдирда ҳам суғурталанувчилар олдида жавобгар бўлиб қолаверадилар.

Суғурта ташкилотлари келиб тушган суғурта мукофотларининг суғурта муддати давомида бўш қолиши мумкин бўлган қисмини маълум муддат белгиланган тартибда бошқа инвестиция объектларига жойлаштириб, кўшимча даромад олишлари ҳам мумкин. Дунё мамлакатлари амалиётида суғурта ташкилотлари иқтисодийга инвестиция киритувчи йирик инвесторларга айланиб бормоқда.

Бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар сингари суғурта ташкилотларида ҳам бухгалтерия ҳисоби умумий тартиб қоидаларга асосланиб, бошқа ташкилотлар сингари бухгалтерия ҳисоби субъектлари ҳисобланади.

Одатда бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан белгилаб берилган. Амалда мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳўжалик юритувчи субъектлар Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия

хисобининг 21–сон миллий стандарти асосида фаолият юритишлари шарт. Суғурта ташкилотлари эса бундан мустасно. Суғурта ташкилотларида 2008 йил 5 майда 1813–сон билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган “Суғурталовчилар молиявий–хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби Счётлар режаси” ишлаб чиқилган. Ушбу счётлар режасида суғурта фаолиятининг ўзига хос хусиятлари ҳисобга олинган.

Юқоридаги йўриқномада умумий счётлар режаси ва суғурта ташкилотлари учун белгиланган счётлар режаси ўртасидаги бир қанча фарқли жиҳатларни кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, таҳлиллар натижасида шуни кўриш мумкинки, суғурта ташкилотлари учун мўлжалланган бухгалтерия счётларида умумхўжалик счётлар билан ўхшаш жиҳатлари ҳам мавжуд. Барча ўхшаш счётларда операциялар одатдагидек олиб борилишини ҳисобга оладиган бўлсак, суғурта ташкилотлари учун мўлжалланган счётлар режасида бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ счётларнинг ўрнига суғурта фаолиятига таалуқли счётлар шартли равишда киритилган.

Айнан суғурта фаолиятига таалуқли счётларни кўриб чиқадиغان бўлсак, улардан бири бу – 6280 “Тўғридан тўғри суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотлари” счётидир. Ушбу счёта суғурта шартномалари бўйича олинган суғурта мукофотлари ҳисобга олинади.

Суғурта мукофотларининг тўланиши пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебети 6280 “Тўғридан тўғри суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотлари” счётининг кредити билан боғланган ҳолда, расмийлаштирилади. Бундан ташқари, ушбу счёт куйидаги счётлар билан ҳам боғланиши мумкин:

суғурталанувчиларга тўланадиган счётлар (6030);

тўланадиган дивидендларни ҳисобга олувчи счётлар (6610);

ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб–китобларни ҳисобга олувчи счётлар (6710).

Суғурта шартномалари суғурта ташкилотининг ўзи ёки суғурта агентлари ва суғурта брокерлари томонидан тузилиши ҳам мумкин. Суғурталанувчилар, суғурта агентлари ва суғурта брокерлари билан боғлиқ ҳисоб–китоблар 6040 сёт, “Суғурта агентлари ва брокерларига тўланадиган счётлар” ва 4040 сёт “Суғурта агентлари ва брокерларидан олинадиган счётлар” да олиб борилади.

Суғурта қилувчи ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш мақсадида келиб тушган суғурта мукофотларидан шаклантирган суғурта захиралари куйидаги счётларда акс эттирилади:

8010 сёт “Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси”;

8020 сёт “Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси”;

8030 сёт “Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси”;

8040 счёт “Олдини олиш чора–тадбирлари захираси”;

8050 счёт “Активларнинг номувофиқлиги захираси”;

8060 счёт “Фалокатлар захираси”;

8070 счёт “Зарарлиликнинг тебраниши захираси”;

8090 счёт “Хаёт суғуртаси бўйича захира”;

Тўғридан–тўғри суғурта ва қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича ҳисобланган суғурта товонлари тўғрисидаги ахборотни жамлаш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

2210 “Ҳисобот даврида тўғридан тўғри суғурта бўйича содир бўлган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товонлари”;

2220 “Муддатидан олдин тугатилган шартномалар бўйича суғурта товонлари”;

2230 “Қайта суғурта қилишга қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича суғурта товонлари”;

9431 счёт “Тўғридан тўғри суғурта бўйича ўтган даврларда содир бўлган, ўтган даврда хабар қилинган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товонлари”;

9432 счёт “Тўғридан тўғри суғурта бўйича ўтган даврларда содир бўлган, лекин ҳисобот даврида хабар қилинган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товонлари”.

Агар суғурта ташкилоти суғурта қопламасини тўлаб бергандан сўнг суғурта ҳодисасининг содир бўлишида айбдор бўлган шахсдан зарарни ундириб олиш ҳуқуқига эга бўлса, бу билан боғлиқ ҳисоб китоблар 4860 счёт “Даъволар бўйича олинадиган счётлар” да олиб борилади.

Суғурта ташкилотлари ўз молиявий ҳолатининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида ўз зиммасидаги жавобгарликни бошқа суғурта ташкилотларига ўтказишлари яъни қайта суғурта қилишлари мумкин. Бунда суғурта ташкилоти қайта суғурталаётган суғурта ташкилотига маълум миқдордаги тўловни амалга оширади. Қайта суғуртага ўтказилган рисклар бўйича суғурта мукофотлари суммалари 9040 счёт “Қайта суғурта қилиш ва ретроцессияга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланган суғурта мукофотлари”да ҳисобга олиб борилади.

Суғурта қопламасини тўлаш бўйича зарарнинг қайта суғурталаш бўйича олинган улушларининг ҳисоби 9070 счёт “Қайта суғурта қилиш ва ретроцессияга берилган таваккалчиликлар бўйича зарарлар улушининг қопланиши бўйича даромадлар”да юритилади.

Қайта суғуртага берилган рисклар бўйича қайта суғурталанувчи ва қайта суғурталовчи ўртасидаги умумий ўзаро ҳисоб китоблар қуйидаги счётларда амалга оширилиб борилади:

6050 счёт “Қайта сугурта қилиш бўйича олинган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган счётлар”;

6060 счёт “Қайта сугурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган счётлар”;

6070 счёт “Қайта сугурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича депо мукофотлар”;

6080 счёт “Қайта сугурта қилишга оид комиссия рағбатлантириш, тантъемалар ва йигимлар бўйича тўланадиган счётлар”;

4050 счёт “Қайта сугурта қилиш бўйича қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича олинадиган счётлар”;

4051 счёт “Қайта сугурта қилишга оид комиссия рағбатлантиришлар, тантъемалар ва йигимлар бўйича олинадиган счётлар”;

4060 счёт “Қайта сугурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича олинадиган счётлар”;

4080 счёт “Сугурталовчининг бошқа сугурталовчилардаги депо зарари”;

4090 счёт “Сугурталовчининг бошқа сугурталовчилардаги депо мукофотлари”.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, мазкур счётлар асосида олиб бориладиган ҳисоб китоблар айнан сугурта ташкилотлари бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятларини ифодалайди.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИ ИЖТИМОЙ ЖИХАТЛАРИНИНГ КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

***А.Т. Агзамов,
ТДИУ, доцент, PhD***

Жаҳон солиқ амалиётидаги жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими миллий хўжалик алоқаларидаги турбулентлик ҳолатларига боғлиқ бўлмоқда. Хусусан, «ривожланган мамлакатларда кузатилаётган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг юқори прогрессив ставкалари пасайтириш (масалан, АҚШда 2019 йилдан 39,6 фоиздан 35 фоизга тушириш) контекстида даромад турлари бўйича солиқ ставкаларини тебраниш амплитудасини текислаштириш сиёсати амалга оширилмоқда»⁸⁷. Ушбу сиёсат натижасида хорижга чиқиб кетган капитални репатриация қилиш, аҳолининг юқори даромад олувчи тадбиркор қатлами зиммасидаги солиқ юқини пасайтириш орқали миллий иқтисодиётда инвестицион фаолликни оширишга фискал рағбатлар тизимини яратиш кўзда тутилмоқда. «Ривожланаётган мамлакатларда эса (масалан, Хитой, Ҳиндистон) ҳамон аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасида даромадлар тақсимланишидаги тенгсизлик ва минимал яшаш стандартидан паст даражада яшовчи аҳоли қатламининг юқори салмоғи, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизимининг прогрессив механизмини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда»⁸⁸.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4389 сонли Қарорига асосан қабул қилинган “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси”да 2021 йилга келиб жисмоний шахсларнинг даромад солиғини тўловчиларни 1,5 баравар ошириш лозимлиги таъкидланди.

Ҳозирги кунда хорижий муаллифлар иқтисодий адабиётларида жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг самарали тизимини танлашга турлича ёндашувлари ва вариантлари учрайди. Жумладан, С.Бломгуст ва Л.Симулалар таъкидлашларича, “Жисмоний шахслар даромадига солиқ бўйича

⁸⁷ Қапан: <http://www.worldwide-tax.com>.

⁸⁸ Global Economic Prospects Weak Investment in Uncertain Times. A World Bank Group Flagship Report. International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank 1818 H Street NW, Washington, DC 20433.- January 2017.- 17 pp.

ягона ставканинг жорий этилиши даромадларни тўлиқ қамраб олиб, даромадлар самарадорлигини таъминлаши мумкин» [3].

М.Морино ва С.Пилегринолар фикрича, “Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг прогрессив ёки ягона пропорционал ставкасининг қўлланилиши нафақат ижтимоий адолат тамойилига риоя этилишини, балки даромадларнинг легаллашуви ҳамда улар муҳофазаси бўйича кафолатларнинг ижросини ҳам назарда тутмоғи лозим” [4].

Гарвард университети экспертлари У. Хасси ва Д. Любик томонидан ишлаб чиқилган «Халқаро солиқ кодекси» деб номланувчи БМТнинг халқаро солиқ дастурига мувофиқ Шарқий ва Марказий Европадаги постсоциалистик давлатлар миллий солиқ тизими конструкцияси ва фаолият принципада жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи турли даражадаги бюджетларга даромадни шакллантириш эмас, балки ижтимоий адолатлилик мезонларига йўналтирилиши мақсадга мувофиқлиги таъкидланган.

Россиялик муаллифлар тадқиқотларида, жумладан, А.Алиевнинг таъкидлашича, “жисмоний шахслар даромадларидан солиқ тартибга солувчи ролининг заифлашуви уларнинг давлат хазинаси даромадлари шаклланишидаги улушининг камайишига ҳамда жисмоний шахслар даромадлари қайта тақсимланишида ижтимоий адолат тамойилининг бузилишига олиб келди” [5].

С.Ерух фикрича, “Жисмоний шахслар даромадларидан солиқнинг оптимал шаклини аниқлаш мамлакатнинг ижтимоий йўналтирилган иқтисодий ўсиш стратегияси ва макроиқтисодий молиявий сиёсат вазибалари билан мувофиқлаштирилиши лозим” [6].

Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилган тадқиқот ишларида ҳам жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг самарали тизимини танлаш масаласи юқори аҳамиятига эътибор қаратилмоқда.

М.Сабиров фикрича, “ҳозирги кунда даромадларни солиққа тортиш принциплари, меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ солиқ юки ва даромадларга тушадиган солиқ юкини адолатли тақсимлаш йўллари, хуфёна иқтисодиёт қамровини чеклашда даромадларни солиққа тортиш механизmlаридан самарали фойдаланиш йўлларини тадқиқ этиш ўта муҳим аҳамият касб этаётир” [7].

Ш.Қиёсов таъкидлашича, “ижтимоий–иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида аҳоли турмуш даражасини, жамият оила институтининг молиявий барқарорлигини, иқтисодий салоҳиятини, мамлакатлар жисмоний шахслари даромадларини солиққа тортиш механизми фаолиятини таъминловчи самарали солиқ сиёсатини шакллантириш масалаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга” [8].

Жаҳонда жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимига хос муаммолар контекстида: аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашнинг фискал механизми, даромадларнинг чегаравий нафлилиги асосидаги солиқ юкини аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасида оптимал тақсимлаш муаммолари, виртуал маконга асосланган бизнестан олинadиган даромадларни солиққа тортиш тизимининг ташкилий асослари иқтисодчи—олимлар томонидан ўрганилмоқда. Ялпи истеъмол талабини солиқ механизми орқали рағбатлантириш, жамғармалар ва уларни инвестицияларга трансформациялашга солиқ тизимининг таъсирини такомиллаштириш, капиталларнинг трансмилий ҳаракатланишини индивидуал даромад солиги механизми орқали тартибга солиш сингари масалалар борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимида олиб борилаётган ислохотларда солиқларнинг барқарор тушумини таъминлаш, солиқ юкини изчил камайтириш негизида аҳоли реал даромадларини ошириш орқали иқтисодий ўсишга позитив таъсир этувчи ўзаро уйғунлашган солиқ тизимини шакллантиришга эътибор қаратилмоқда.

«2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»⁸⁹да асосий устувор йўналиш сифатида «солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш» ва «Аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш» белгиланган.

Бу масалаларни ҳал қилиш учун республикамизда солиқ юкини аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасида текис тақсимлаш, мавжуд имтиёзларнинг самарадорлигини баҳолаш ва оптималлаштириш, аҳолининг реал даромадларини оширишда солиқ тизимининг муҳим элементи ҳисобланган жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётини такомиллаштиришни тақозо этади^[9].

Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизими ижтимоий жиҳатлари.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги аҳоли томонидан яратилган даромаднинг бюджет канали орқали бирламчи тақсимлаб, ижтимоий соҳалар моддий эҳтиёжлари учун қайта

⁸⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»-ги ПФ-4947-сонли фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль.

тақсимлашнинг молиявий асоси яратилади. Буни том маънода даромадларни аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасида қайта тақсимлаш тизими деб ҳам аташ мумкин. Ушбу солиқлар юридик шахслардан олинадиган солиқларга нисбатан бир қатор хусусиятларга эга бўлиб, мамлакат иқтисодиётининг мутаносиб ривожланишини таъминлаш ва ижтимоий тараққиётга хос зиддиятлар кучайиши билан боғлиқ ҳағарлар келиб чиқишига мойиллиги юқоридир.


Солиқ тизимининг элементи сифатида жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётидаги принципаал муаммолардан бири ушбу солиқларнинг асосан даромадларни тенглаштириш вазифасини бажаришга қаратилганлиги ҳисобланади. Лекин даромадларни тенглаштиришга қаратилган солиқ тизими аҳоли шахсий тасарруфидаги даромадлари ҳисобига шаклланувчи жамғариш нормаси орқали мавжуд бойлик ёки капитал жамланишидаги тафовут кучайиши билан боғлиқ зиддият кескинлашувига олиб келиши мумкин.

Албатта, макродаражада миллий даромад миллий бойлик тўпланишининг молиявий манбаи ҳисобланади. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимидаги мавжуд солиқлар аҳоли даромадларини тўғридан–тўғри, мулкий қийматликлар эквивалентида тақсимлайди. Шунингдек, аҳоли истеъмол даражасига мувофиқ даромадларни тақсимлаш тизими ҳам амал қилиб, бу билвосита солиқлар орқали таъминланади. Хусусан, мол–мулк ёки ер солиғи ёрдамида бойликни қиймат эквивалентида тақсимлаш тизими амал қилади. Лекин бундай қайта тақсимлаш тизими канали орқали ҳаракатланувчи молиявий оқимлар нисбатан паст салмоққа эга бўлиши зарур.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда, ички элементлар мажмуасидан ташкил топган яхлит тизим сифатида комплекс мақсадлар тизимига эга жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг замонавий амалиётини қуйидагича тизимлаштириш мумкин (1–расм).

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётида *давлатнинг ижтимоий йўналтирилган солиқ сиёсати янги мазмунига мос тарзда солиққа тортиш тамойилларини такомиллаштириш лозим.*

Солиқларнинг иқтисодий самараси, солиқ муносабатлари иштирокчилари манфаатларини бирдай ҳисобга олиш, ижтимоий йўналтирилган солиқ сиёсати вазифалари ижроси таъминланиши – **«иқтисодий самарадорлик»**, **«даромадларнинг нафлилиги»**, **«ижтимоийликнинг устуворлиги»** сингари *янги тамойилларга асосланиши лозим.*



1–расм. Уй хўжаликлари молиясида жисмоний шахсларни солиққа тўрттиш тизимининг ўрни ва аҳамияти бўйича ташкилий чизма [9,14–6.]

1–жадвал

2016–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети солиқли даромадлари ва жисмоний шахслар даромадидан солиқнинг асосий кўрсаткичлари 90

| Кўрсаткичлар | 2016 йил | | 2017 йил | | 2018 йил | | 2019 йил | | 2020–21 йил | |
|--|----------|------|----------|------|----------|------|----------|------|-------------------|------|
| | мил. сўм | % да | мил. сўм | % да | мил. сўм | % да | мил. сўм | % да | мил. сўм | % да |
| Давлат мақсадли жамғармалар даромадлари-сиз – жами | 40505,8 | 100 | 44469,6 | 100 | 62229,5 | 100 | 102627,6 | 100 | 2020 й 128460 | 100 |
| | | | | | | | | | 2021 й 147002 | 100 |
| Жисмоний шахслардан олинadigan даромад солиғи | 4040,4 | 10,0 | 4476,1 | 10,1 | 5198,8 | 8,4 | 11367,4 | 11,1 | 2020 й 15140,8 | 11,8 |
| | | | | | | | | | 2021 16905,8 | 11,5 |

90 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.12.2015 йилдаги ПҚ-2455, 27.12.2016 йилдаги ПҚ-2699, 29.12.2017 йилдаги ПҚ-3454, 26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086, 30.12.2020 йилдаги ПҚ-4938 сонли Қарорлари асосида.

1–жадвал маълумотлари кўрсатишича, жисмоний шахслар даромадидан солиқнинг давлат бюджети даромадларидаги улуши 2016 йилдаги 10,0 % дан, 2020 йилда 11,8 % га ўзгарган, яъни ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бироқ 2021 йилда прогноз кўрсаткич 11,5 % бўлиши кутилаётганлигини кўришимиз мумкин.

2020 йил учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг 12 фоизли асосий ставкаси тасдиқланди ва жорий йил ҳам солиқ сиёсатида ушбу ставка сақлаб қолинди.

Камбағалликни камайтириш муаммосининг глобал жиҳатлари

Камбағаллик ва қашшоқлик муаммоси – асримизнинг бутунжаҳон глобал муаммоларидан бири сифатида бутун кишилик жамиятини ташвишлантириб келаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ушбу муаммонинг ҳозирги кунда кескинлашаётганлигини асословчи айрим омиларни санаб ўтсак, улар куйидагилардан иборат:

– БМТ, Жаҳон банки маълумотларига кўра бугунги кунда бутун дунёда ўта қашшоқлик даражасида яшаётганлар сони 1,2 млрд. кишини ташкил этмоқдаки – бу ижобий ҳал этилиши ўта қийин бўлган гуманитар–иқтисодий муаммо бўлиб, нафақат миллатлараро, балки халқаро табақалашув таҳдидларининг ҳам кучайишига олиб келади. Нобель мукофоти совриндори, америкалик иқтисодчи Дж. Стиглиц таъкидлаганидек, “Дезинтеграциялашган жамиятда, “қашшоқлик ва камбағаллик айниқса, узоқ муддатли истиқболда вертикал мобилликнинг пасайишига “хизмат қилади” ва бутун аҳолининг меҳнат унумдорлигини пасайтиради”;

– камбағаллик ва қашшоқлик даражаси **дунё бўйлаб тақсимланиши** ва унинг **кўламининг нотекислиги** (Африка қитъаси мамлакатларида унинг даражаси сезиларли ва қамрови кенлиги, ривожланаётган давлатларда ривожланган ва Европа Иттифоқи давлатларидагига нисбатан жиддий тафовутлар мавжудлиги ва ҳ.к.)га қарамасдан мазкур муаммо ҳар қандай мамлакатни ташвишлантирувчи салбий оқибатлари билан таъжовуз қилаётганлиги. Жаҳон банки маълумотларига кўра, дунё бўйича ўртacha қашшоқ аҳоли улуши камайиш тенденциясига эга. Агар 1990 йилда қашшоқ аҳоли ҳисобланган кунлик даромади 1,9 АҚШ долларига тенг бўлган аҳоли 40 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 10 фоизни ташкил этди (кунлик даромад ўртacha даражадан юқори мамлакатлар учун киши бошига кунига 5,5 доллар, кунлик даромад ўртacha даражадан паст мамлакатлар учун киши бошига кунига 3,2 доллар). 2030 йилда уни 3 фоизли даражадан ошмаслигини таъминлаш вазифаси қўйилди. Шу боис ривожланган давлатларда ҳам камбағалликни камайтиришга қаратилган Давлат Дастурлари доимий тарзда қабул қилиниб ва ижроси қаттиқ назорат қилиб келинган. 2020 йилда Жаҳон банки дунёнинг қашшоқ

мамлакатлари учун 82 млрд.АҚШ доллари, шундан Африка давлатлари учун 53 млрд.АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилганини эълон қилди. Европа Иттифоқи давлатларида 2015 йилда 500 млн аҳолидан 85 млн.и ёки 16,8 фоизи қашшоклик чегарасидан пастда яшаб келаётгани, ушбу даража Болгарияда – 49 %ни, Руминияда – 42 %ни, Латвияда – 37 %ни ташкил этаётганлиги эълон қилинди. “Европа–2020” стратегиясида камбағалликни 20 млн. кишига камайтириш вазифаси белгиланган эди;

–жаҳон миқёсида иқтисодий эркинлаштириш ва бозор механизмларини кенг жорий қилиш тамойилларига асосланган ислохотларнинг янги босқичида унинг натижадорлигини ошириш, иқтисодий бошқаришнинг аниқ, шаффоф ва натижага йўналтирилган механизмини ишлаб чиқишга қаратилган ўрта ва узоқ муддатли дастур ва концепцияларининг қабул қилинганлиги ва уларда камбағалликни камайтириш масаласига алоҳида урғу берилганлиги. Масалан, “БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш Дастури”, “Жаҳон банкининг 2030 йилгача ривожланиш Концепцияси”, “Россия Федерацияси ижтимоий–иқтисодий тараққиётининг 2030 йилгача бўлган Концепцияси”, Қозоғистон Республикасининг 31 январь 2017 йилда Президент Мурожаатномасида қабул қилинган “Стратегия 2025” ўрта муддатли ва “Қозоғистон–2050” узоқ муддатли Стратегияси шулар жумласидандир.

Камбағалликни камайтириш самарали тадбирлари юзасидан Қозоғистон Республикаси тажрибалари.

Камбағалликни камайтириш самарали тадбирлари юзасидан айнан Қозоғистон Республикаси тажрибаларини ўрганиш зарурлиги қуйидаги омиллар билан боғлиқ:

–мамлакатда 2002–2016 йилларда аҳоли камбағал қатламлари сони деярли 6,2 мартага камайишига эришилгани;

–2015 йил 29 сентябрда Вашингтонда БМТ Бош Ассамблеясидаги Президент Н.Назарбоев нутқида мамлакатда камбағалликни камайтириш ишларидаги мамлакат ютуқлари баралла айтилгани, Марказий Осиё ва дунёда ушбу масалада зарур бўлса Қозоғистоннинг ёрдам бера олиш учун имкониятлари мавжудлигининг таъкидланиши;

–2015–2017 йилларда мамлакатда камбағалликни аниқлаш мезонидида кунлик даромаднинг \$1,9 дан \$5,5 га алмашишини таъминловчи иқтисодий ўсиш ва имкониятларнинг яратилганлиги;

– 31 январь 2017 йилдаги Президент Мурожаатномасида мамлакат 2020 йил даражасидаги истиқбол кўрсаткичларига 2017 йилда эришиб бўлганлигини расман эълон қилинганлиги;

–мамлакатнинг “Стратегия 2025” ўрта муددатли ва “Қозоғистон–2050” (“Келажакни қуриш учун кўприк. Янги реаллик шароитида “ривожланган мамлакатлар 30лиги лигаси”га йўл”) номли узоқ муددатли ривожланиш Стратегиясида камбағалликни камайтириш самарали тадбирлари юзасидан аниқ вазифалар қўйилганлиги;

– ривожланиш стратегиясининг мазкур ҳужжатлари тайёрланишида етарли асослар ишонччилигининг таъминланганлиги (2017 йилда 70 та маҳаллий ва 20 та халқаро экспертларни, 10 та миллий эксперт ташкилотлари ва 26 та халқаро эксперт ташкилотлари жалб этилган ҳолда мамлакат ривожланиши жорий ҳолатининг диагностикаси ўтказилганлиги, мамлакатнинг бта ҳудудида аҳоли билан 10 та фокус–гурӯх тузилиб иш юритилганлиги, дунёнинг 100 та мегатренди ва 3 та глобал ривожланиш сценарийлари ўрганилганлиги, Қозоғистон билан таққосласа бўладиган бта мамлакатнинг иқтисодий ўсиш стратегиялари багафсил ўрганилганлиги, 5 та халқаро ташкилотдан маслаҳатлар олинганлиги, 2 та Эксперт Кенгашининг, “Астана иқтисодий форуми” доирасида давра суҳбатининг, ҳудудларда йигилишларнинг ва оммавий муҳокамааларнинг ўтказилганлиги, ҳужжат лойиҳасига экспертлар, халқаро ташкилотлар, миллий компаниялар ва давлат органлари томонидан 630 дан зиёд таклиф–тавсиялар берилганлиги ва уларнинг 80 фоизидан кўпининг инобатга олинганлиги).

2–жадвал

Ҳозирги шароитда Қозоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлатлари иқтисодий платформасида камбағалликни камайтириш муаммоси қиёсий таҳлили

| Т/р | Тегишли асос ёки тадбир номи | Қозоғистон Республикаси | Ўзбекистон Республикаси |
|-----|--|---|--|
| 1. | Аҳоли сони, млн.киши | 18,8 | 34,9 |
| 2. | Жон бошига аҳоли реал даромадлари | 99 975 тенге ёки \$278 | 1,84 млн.сўм ёки \$204 |
| 3. | Аҳоли жами сонида қашшоқ (камбағаллик даражасидан паст аҳоли сони ва улуши) | 796 минг киши ёки 7 фоиз аҳоли (кунлик даромад \$5,5) | 4–5 млн.киши ёки 12–15 фоиз аҳоли (кунлик даромад \$1,9) |
| 4. | Даромади юқори 10 фоиз аҳоли ва даромади паст 10 фоиз аҳолининг даромадлар нисбати (аҳоли даромадларининг децил коэффиценти) | 29 марта (Жаҳон банки маълумотига кўра меъёрий даража 7дан ошмаслиги лозим бўлгани ҳолда ривожланган мамлакатларда 4,8 мартани Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти аъзолари бўлган мамлакатларда 10 мартани ташкил этади) | 6,1 марта |

| | | | |
|----|---|--|---|
| 5. | Кенг кўламли, сиёсий тус олган ижтимоий иқтисодий масала сифатида камбағалликни камайтиришнинг кўйилиши | 2015 йил 29 сентябрда Вашингтонда БМТ Бош Ассамблеясидаги Президент нутқи | 2020 йил 24 январь куни Президентнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси |
| 6. | Давлат иқтисодий стратегиясининг камбағалликни камайтиришга муносабати жиддийлигининг асосланганлиги сабаби | Синов ва инқироз билан боғлиқ кескин вазиятларга Қирғизистон, Туркманистон каби чидамли ва барқарорлиги | Тожикистон каби бирмунча динамик ўсишнинг хослиги (охирги 10 йилда ЯИМ йиллик ўсиши барқарор суръатларининг бирмунча юқорилиги) |
| 7. | Камбағалликни камайтиришнинг ўрта ва узоқ муддатли вазифалари кўзда тутилган Ҳукумат қарори ёки ҳужжати | 31 январь 2017 йилда Президент Мурожаатномасида қабул қилинган “Стратегия 2025” ўрта муддатли ва “Қозоғистон–2050” узоқ муддатли Стратегияси | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ–5975–сон Фармони |
| 8. | Камбағалликни камайтиришнинг ўрта муддатли вазифаси | 2050 йилга кучли 30 таликка кириш Жон бошига йиллик ЯИМ 2016 йилги \$26048 ўрнига 2025 йилда \$46100 ни ташкил этади | Даромадлар даражаси ўртадан юқори бўлган жаҳон мамлакатлари гуруҳига кириш, аҳоли даромадлари ўсишини ва камбағалликни икки баравар қисқартириш. Жон бошига йиллик ЯИМ 2018 йилги \$1533 ўрнига 2030 йилда \$4538 ни ташкил этади |
| 9. | 2020 йилда Ҳукумат томонидан камбағалликни камайтиришга ажратилган маблағ миқдори | 1,2млрд. АҚШ доллари | 700 млн. АҚШ доллари |

Халқаро тажриба асосида мамлакатимизда камбағалликни камайтириш тадбирлари самарали ижросини таъминлаш

Камбағалликка илм–фаңда аниқ таъриф тавсифлар берилган. Бусиз ҳам мазкур тушунча нимани англатишини ҳамма билади. Лекин масала шуки, ушбу муаммо нега энди кун тартибига чиқди? Жумладан, Ўзбекистонда бу муаммога қарши курашиш нима учун шунчалар долзарб бўлиб қолди?

Сир эмас, юртимизда камбағаллик кўп йиллар давомида “эпиқмавзу” бўлиб келди. Бу категориянинг ўрнига дардимизни азбаройи хаспўшлаш учун “кам таъминланганлик”, “ахтиёжмандлик” деган тушунчалардан фойдаландик. Оқибатда камбағаллик исканжаси ҳақиқатда камайиб қолмади ва остонамиздан бутунлай йўқ бўлиб кетмади.

Шукрки, халқ билан мулоқотнинг бугунгидай самарали тизими ҳақиқий аҳволни кўзгудагидай намоён этди. Одамларнинг аслида қандай ҳаёт кечираётгани, уларнинг энг оғриқли нуқталари ошкор бўлиб қолди.

Ўрганишлар натижасига кўра, ҳозирги кунда ҳудудларимизда, айниқса, кишлоқ жойларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмас. Дунёнинг бошқа мамлакатларидаги сингари бизда ҳам камбағал қатлам мавжуд. Улар тахминан 12–15 фоизни ташкил этиши ҳам рост. Бу 4–5 миллион нафарга тенг аҳоли дегани! Қаранг, ана шу юртдошларимизнинг бир кунлик даромади 10–13 минг сўмдан ошмас экан.

Ана шуларни инобатга олган ҳолда давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёев масалани куюнчаки билан кун тартибига олиб чиқди, тегишли чора–тадбирлар ишлаб чиқиш юзасидан мутасаддиларга кечиктириб бўлмас топшириқлар берди.

Ўзбекистонда кейинги 10 йилда меҳнат ва кичик бизнес даромадларининг ўсиши камбағалликнинг қисқаришига олиб келганини инкор қилмаймиз. Иш ҳақи ва бизнесдан келадиган даромад манбалари аҳамияти тобора ортиши билан нафақалар, ижтимоий ёрдам дастурлари ва бошқа даромад турларининг роли камайгани ҳам рост. Бироқ Ўзбекистоннинг меҳнат бозорида сезиларли заифликлар мавжуд. Халқаро валюта фондининг мамлакатлар бўйича сўнгги ҳисоботида, меҳнат захирасига йилига 500 минг нафар янги ишчи қўшилишига қарамадан, иш билан бандликнинг қайд этилган ўсиши ва киши бошига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати ўртасида номуносивликлар сақланиб қолаётганлиги таъкидланади. Ушбу мулоҳазани янада ривожлантирадиган бўлсак, иқтисодиётда банд аҳоли сонига тўғри келадиган товар ва хизматлар ҳажми, яъни меҳнат унумдорлиги даражаси бошқа ривожланган ҳамда ривожланаётган давлатлар билан солиштирганда унчалик ҳам юқори бўлмаётганлигидан далолат бермоқда.

Умумий расмий маълумотларга кўра, мамлакатимизда меҳнат қиладиган аҳолининг 38 фоизи норасмий иш билан банд (43 фоизи ёшлар). Бу ишчи кучининг катта қисми расмий ижтимоий суғурта дастурларидан фойдаланмаётганини англатади.

Ўзбекистон – аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад кўрсаткичи бўйича ўртача даромадга эга мамлакатлар қаторидан жой олган (киши бошига йилига ўртача 1533 АҚШ доллари).

Аслида даромаднинг ўртача даражаси икки гуруҳга бўлинади. Даромади ўртача даражадан паст мамлакатлар – киши бошига йилига 1036 – 4085 доллар ва даромади ўртача даражадан юқори мамлакатлар — киши бошига йилига 4086–12615 доллар. Биринчи гуруҳдаги мамлакатлар учун мезонлар қабул қилинган. Бу ўлчовлар бўйича киши бошига кунига 3,2 доллар –камбағаллик чизигининг ўртача кўрсаткичи. Миллий даромади ўртачадан баландроқ мамлакатлар учун кунига киши бошига 5,5 доллар камбағаллик чизигининг ўртача кўрсаткичидир. Демак, Ўзбекистон учун қашшоқлик чизиги – кунига 3,2 доллардан кам пулга яшаш дегани. Мисол учун, беш кишидан иборат оиланинг ялпи даромади ойига 480

доллар ёки 4,6 миллион сўмдан кам бўлса, бу оилани камбағал, деб ҳисоблаш мумкин.

Маълумки, 2018 йилдан буён Жаҳон банки “Тараққиёт стратегияси” маркази билан ҳамкорликда “Ўзбекистон фуқароларини тинглаб” номли лойиҳани амалга ошириб келмоқда. Мазкур лойиҳа доирасида “Марказий Осиёда туманлар миқёсидаги қашшоқлик даражаси, ўртача истеъмол ва аҳолининг ўрта синфи кўрсаткичлари” бўйича ҳисобот тайёрланди. Унда камбағал ва ўрта синф аҳоли яшайдиган туманлар хариталари бутун минтақа, хусусан, Ўзбекистон учун алоҳида келтирилган.

Бу орқали, жумладан, камбағалликни камайтиришга қаратилган саъй–ҳаракатлар самарадорлигини ошириш ёки маҳаллий даражадаги ижтимоий гуруҳлар муаммоларини ҳал қилиш учун маблағлар ажратилишида фойдаланиш мақсад қилинган. Ана шу таҳлиллар даромадлар тақсимланиши омилларини тушуниш ҳамда керакли чораларни аниқлаш ва ишлаб чиқишда қўлланилади.

Натижалардан маълум бўлишича, Ўзбекистоннинг аксарият ҳудудларида қашшоқлик даражаси кунига 3,2 долларни ташкил этади. Бу Марказий Осиёнинг бошқа (Тожикистон, Қирғизистон) мамлакатларига қараганда бирмунча паст кўрсаткичдир. Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида даромад нотекис тақсимланган. Камбағалликнинг юқори даражаси Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг айрим туманларида кузатиляпти. Ўрта синф аҳолининг умумий аҳоли сонидаги улушининг энг паст даражаси ҳам Самарқанд, Сурхондарё, Андижон, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг баъзи туманларига тўғри келмоқда.

Албатта, Президентимиз қайд этганидек, камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ётпасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак.

Камбағаллик миллатнинг соғлиғи, меҳнатга лаёқати ва илмий салоҳиятига путур етказиши. Шунингдек, унинг оқибати натижасида Давлат бюджетининг пасайиши ва сиёсий жараёнларнинг кескинлашишига сабаб бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги хулоса ва тақлифлар берилди:

1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи прогрессив солиққа тортиш тизими даромадлар тенгсизлигини мувофиқлаштириш мақсадида аксарият ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилиши кузатилади. Текис (пропорционал) шкалага асосланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи иқтисодий ўсишни рағбатлантиришнинг фискал омилларидан бири сифатида ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатларга хос бўлмоқда.

2. Бугунги кунда Ўзбекистонда камбағалликни камайтириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Мазкур йўналишда жаҳоннинг илгор мамлакатлари тажрибасидан унумли фойдаланишимиз керак.

Давлатнинг бозор шароитида иқтисодиётни мақсадли бошқаришнинг шаффоф механизмларини яратиш орқали 2021 йилдан мамлакатимизда ўрта синфни шакллантириш, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш ҳамда

истеъмом саватчаси ва тирикчилик учун зарур энг кам миқдорлар жорий этилишини инobatта олиб жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқнинг янги сифат тавсифини таъминлашга қаратилган тегишли йўриқлар ва кўрсатмалар ишлаб чиқилиши лозим. Ушбу йўриқлар ва кўрсатмаларнинг ишлаб чиқилиши ва тез фурсатларда ҳаётга татбиқи даромадларни солиққа тортишда ижтимоий адолат тамойили ижроси таъминланишига ҳамда жисмоний шахсларнинг даромадлари легаллашувидан ҳамда солиқ қонунчилигига итоаткор фуқароларнинг ўз келажаги ва муваффақиятларига бўлган ишончининг ошишини таъминлайди.

3. Биринчи навбатда, ишсизлик даражасини пасайтиришга эътиборни кучайтириш лозим. Бу борада ўзига мустақил ёрдам бера олмайдиганларни кўлаб—қувватловчи фаол ва таъсирчан сиёсат юритиш, ушбу мақсадларга жамият ва хусусий сектор ресурсларини жалб этиш катта самара беради.

Бинобарин, нодавлат ноижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда одамларимизни тадбиркорликка ўқитишнинг энг илғор дастурларини ишлаб чиқиш ва касбга ўқитишда нодавлат ташкилотлари фаолигини кучайтиришга эҳтиёж катта.

Касаначилик меҳнат турини ривожлантириш керак. Бунда замонавий машиналар, ускуналар, хом ашё ва материалларни харид қилиш учун молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини яратиш даркор. Касаначиларга буюртмачилар топишига, тадбиркорлик субъектлари билан кооперациясини кенгайтиришга кўмаклашиш зарур.

Шунингдек, ишга жойлашишга муҳтож шахсларга касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини кенгайтириш, бозор эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, мақбул шарт—шароитлар яратишга йўналтирилган чоралар кўриш фойдадан холи бўлмайди.

4. Аҳоли реал даромадлари ва харид қобилиятини ошириш, бунинг учун ижтимоий меҳнат тақсимотини тўғри йўлга қўйиш орқали жон бошига тўғри келадиган товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмини, яъни меҳнат унумдорлигини кескин ошириш даркор.

5. Камбағаллик ҳолатида ёки чегарасида яшаётган аҳоли қатламини қашшоқликдан чиқариш учун ажратилаётган имтиёзли кредитлар ва аҳоли томорқаларидан мақсадли фойдаланишда микрокластер тузилмаларини яратиш мақсадга мувофиқдир.

O‘ZBEKISTONDA SOLIQ MA‘MURCHILIGINING ASOSIY YO‘NALISHLARI

G.B. Bababekova,
TDPU, katta o‘qituvchi

Mamlakatimizda faol investitsiyalar va ijtimoiy rivojlanish yili dasturini bajarish sharoitida xo‘jalik yurituvchi sub‘ektlarimizning barqaror iqtisodiy o‘shishini ta‘minlash, byudjet soliq siyosatini yanada takomillashtirish, qulay ishbilarmonlik muhitini yaratish, tadbirkorlikka ko‘proq erkinlik berish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish yo‘lidagi to‘siq va g‘ovlarni bartaraf etish, ularning faoliyatini davlat tomonidan qo‘llab–quvvatlash hamda soliqlar orqali rag‘batlantirish muhim ustuvor vazifalardan biridir. Ma‘lumki, soliq tizimini isloh qilishning ustuvor yo‘nalishlari, iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solishda fiskal va monetar siyosatning o‘rni, nodavlat notijorat tashkilotlari va fuqarolik jamiyati institutlarini moliyalashtirishning zamonaviy yo‘nalishlari, moliyaviy tizim va resurslarni boshqarishning ilg‘or xorij tajribasidan respublikamizda foydalanish masalalari hozirgi kunda dolzarb masalalardan biri sanaladi.

Ma‘lumki muhtaram Prezidentimiz SHavkat Mirziyoev tomonlaridan 2017 yil 7 fevral kuni “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni qabul qilindi.⁹¹

Shu o‘rinda O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 26 yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi ma‘ruzalarida “Mamlakatimiz taraqqiyoti va xalqimiz farovonligini ta‘minlashning eng samarali yo‘li bu – tadbirkorlikni qo‘llab–quvvatlash ekanini hayotning o‘zi ko‘rsatmoqda.

Konstitutsiyamizda iqtisodiy faoliyat, tadbirkorlik erkinligi, barcha mulk shakllarining tengligi va davlat tomonidan birdek muhofaza etilishi kafolatlangan. Lekin, iqtisodiyotda davlat aralashuvining yuqoriligi va byurokratiya, soliq, bojxona hamda bank tizimidagi mavjud muammolar ichki investitsiyalarni ko‘paytirishga va xorijiy sarmoyadorlarni yanada kengroq jalb etishga hali ham to‘siq bo‘lib kelmoqda.”⁹² deb alohida ta‘kidladilar

⁹¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha harakatlar strategiyasi to‘g‘risida” 2017 yil 7 fevral, PF-4947-son.

⁹² “Bilimli avlod – buyuk kelajakning, tadbirkor xalq – farovon hayotning, do‘stona hamkorlik esa taraqqiyotning kafolatidir” Prezident SHavkat Mirziyoevning O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 26 yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi ma‘ruzasi <https://gov.uz/uz/news/view/19987>

Mamlakatimizda soliq tizimini takomillashtirish hamda soddalashtirish bo'yicha tizimli ishlar amalga oshirilmoqda. Natijada soliq ma'muriyatchiligi shaffofligini ta'minlash, soliq to'lovchilarning huquqiy savodxonligini oshirish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni ishonchli himoya qilish borasida muayyan yutuqlarga erishilmoqda.

Jumladan, bu yo'nalishda soliq tizimini takomillashtirish jarayonida xo'jalik yurituvchi subektlarga nisbatan soliq yukini izchil kamaytirish maqsadida, eng avvalo, ularning daromadlaridan undiriladigan bevosita soliqlarning salmog'ini kamaytirish muhim ahamiyat kasb etadi. Albatta, soliq yukini kamaytirish natijasida korxonalarda o'z ixtiyorida qoladigan mablag'lardan ishlab chiqarishni zamonaviylashtirish, uning samaradorligini oshirish maqsadida investitsiya faoliyatini kengaytirish hamda xodimlar mehnatini yanada rag'batlantirish imkoni paydo bo'lmoqda.

Shuningdek, soliq tizimini soddalashtirish va soliqlarni bir xillashtirish bo'yicha amalga oshirilayotgan qator chora-tadbirlar, o'z navbatida, korxonalarining buxgalteriya xodimlarini soliqlarni hisoblash va to'lash ishlarini soddalashtirishga hamda soliq majburiyatlarining bajarilishini samarali nazorat qilishga yordam beradi.

Ta'kidlash lozimki, o'tgan davr mobaynida tadbirkorlik subektlarida tekshirishlarni va ularning faoliyatiga asossiz aralashishlarni qisqartirish bo'yicha bir qator qonun hujjatlari qabul qilindi.

Tadbirkorlik subektlari faoliyatini rejadan tashqari va muqobil tekshirishlar bekor qilindi, hisobotlarning shakli va topshirish muddatlari soddalashtirildi.

Shu bilan birga, soliq ma'muriyatchiligi sohasida, jumladan, soliqlar va boshqa majburiy to'lovlarni yig'ishda, soliq solinadigan bazani kengaytirishda va soliq to'lovchilarning huquqiy madaniyatini oshirishda muayyan muammolar mavjudligi va bu esa o'z navbatida, mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish dasturlarini moliyalashtirishning barqaror manbalarini ta'minlashga salbiy ta'sir ko'rsatmoqda.

Mamlakatimizda ijtimoiy va iqtisodiy sohalarida amalga oshirilayotgan tarkibiy o'zgartirishlar va islohotlarning mantiqiy davomi sifatida, jumladan, soliq ma'muriyatchiligining zamonaviy uslublarini joriy etish, soliqlar va boshqa majburiy to'lovlarni yig'iluvchanligini oshirish maqsadida 18 iyul 2017 yili Prezidentimizning «Soliq ma'muriyatchiligini tubdan takomillashtirish, soliqlar va boshqa majburiy to'lovlarning yig'iluvchanligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi Farmoni qabul qilindi.

Farmonda soliq ma'muriyatchiligi sohasida, shu jumladan soliqlar va boshqa majburiy to'lovlarni yig'ish, soliq solinadigan bazani kengaytirish va soliq to'lovchilarning huquqiy madaniyatini oshirishda muayyan muammolarning mavjudligi mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi dasturlarini moliyalashtirishning barqaror manbalarini ta'minlashga salbiy ta'sir ko'rsatayotgan 10

ta kamchilik va bajarilishi lozim bo'lgan masalalar ilgari surildi.⁹³ va davlat soliq xizmati organlari tizimini isloh qilishning muhim 7 yo'nalishlari belgilab berildi.

Shuningdek, soliq majburiyatlarini bajarishda soliq to'lovchilarga har tomonlama ko'maklashish, ularning huquqiy madaniyatini oshirish va soliqqa oid huquqbuzarliklar profilaktikasining ta'sirchan mexanizmlarini ishlab chiqish hamda soliq nazoratini amalga oshirishning zamonaviy uslublarini joriy etish kabi vazifalar yuqorida aytib o'tilgan ezgu maqsadlarni ko'zda tutadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining O'ZBEKISTON Respublikasining soliq siyosatini takomillashtirish konsepsiyasi to'g'risida 2018 yil 29 iyundagi PF-5468-son Farmoniga muvofiq mamlakatimizda soliq siyosatini takomillashtirish konsepsiyasining asosiy yo'nalishlari belgilandi.

O'zbekiston Respublikasining soliq siyosatini takomillashtirish konsepsiyasi doirasida 2019 yil 1 yanvardan boshlab:

mehnatga haq to'lash fondiga soliq yuki kamaytirildi⁹⁴ kabi bir masalalarning echimi topildi;

Makroiqtisodiy ko'rsatkichlar dinamikasi va hududlarning soliq salohiyatini tizimli tahlil etish orqali soliq solish obektlarini to'liq qamrab olishni ta'minlash va soliq solinadigan bazani kengaytirish bo'yicha samarali chora-tadbirlarni amalga oshirish vazifasi esa mahalliy byudjetlarning daromad bazasini oshirib, ularning mustaqilligini ta'minlashga xizmat qiladi.

Bu borada soliq solish masalalarida, shu jumladan, respublika va mahalliy byudjetlar daromadlarini oshirishning qo'shimcha zaxiralarini aniqlash orqali moliya organlari, manfaatdor vazirlik va idoralar, shuningdek, mahalliy davlat hokimiyati organlari bilan hamkorlikni kuchaytirish masalasi ham alohida ahamiyatga ega.

Soliq tizimining samaradorligi va soha xodimlarining soliq to'lovchilarga sifatli xizmat ko'rsatishi, albatta, kadr larni tanlash va joy-joyiga qo'yish, soliq organlarini ma'naviy-axloqiy jihatdan yuqori malakali xodimlar bilan to'ldirish bo'yicha tizimli ishlarni amalga oshirish, shuningdek, ular o'rtasida huquqbuzarliklar profilaktikasini ta'minlash hamda ular uchun xizmatni o'tashning munosib shart-sharoitlarini yaratishni talab etadi.

Ma'lumki, hozirgi kunda soliq organlari va halol soliq to'lovchilar o'rtasida ularga joriy soliq solish masalalarini hal etishda har tomonlama ko'maklashgan holda kengaytirilgan axborot almashinuvini ta'minlaydigan soliq nazoratining zamonaviy shakli – soliq monitoringini joriy etish belgilangan.

93 O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Soliq ma'muriyatchiligini tubdan takomillashtirish, soliqlar va boshqa majburiy to'lovlarning yig'iluvchanligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida Farmoni 18.07.2017 y.N PF-5116

94 O'zbekiston Respublikasi Prezidentining O'zbekiston Respublikasining soliq siyosatini takomillashtirish konsepsiyasi to'g'risida 2018 yil 29 iyundagi PF-5468-son Farmoni

Bundan tashqari, to'g'ridan-to'g'ri muloqotsiz soliq nazoratining ta'siri va samarasini oshirish doirasida o'tkazilgan kameral nazorat natijalari bo'yicha aniqlangan tafovutlar yuzasidan soliq to'lovchilar tomonidan asoslar taqdim etilmagan taqdirda, soliqlar va boshqa majburiy to'lovlar summalarini sud tartibida undirish joriy etildi. Yana bir muammoni hal etishga, ya'ni halol va qonunga itoatkor korxonalariga «nosog'lom» raqobat muhitini yaratayotgan «xufiyona biznes» yuritayotgan korxonalariga nisbatan ta'sir choralari kuchaytirishga e'tibor qaratildi.

Shu maqsadda, soliq organlariga hisob-kitoblar haqidagi ma'lumotlarning onlayn rejimida berilishini ta'minlaydigan nazorat-kassa mashinalarini qo'llash orqali naqd pul tushumi ustidan avtomatlashtirilgan nazorat tizimi joriy etilishi belgilandi.

Yana bir masala, soliqqa oid huquqbuzarliklarni aniqlash va ularni barvaqt profilaktika qilish samaradorligini oshirish maqsadida soliq tekshiruvi obektlarini samarali tanlab olish uchun soliqqa oid huquqbuzarliklarni sodir etish xavflarini tahlil qilish, shuningdek, soliq organlari tomonidan yuqori likvidli mahsulotlar haqiqiy ishlab chiqarish hajmining doimiy hisobi va nazoratini amalga oshirish bo'yicha ixtisoslashtirilgan avtomatlashtirilgan tizimning joriy etilishi belgilandi.

Soliq organlari faoliyatiga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etishning samarali muvofiqlashtirilishini ta'minlash va soliq to'lovchilarga davlat interaktiv xizmatlarini kengaytirish uchun – O'zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo'mitasi raisining o'rinbosari lavozimi joriy etildi.

Farmonning yana bir muhim jihatlaridan biri, bu – davlat soliq xizmati organlarida mehnat qilayotgan xodimlarga xizmatni o'tashning munosib shart-sharoitlarini yaratish va ularni moddiy rag'batlantirish mexanizmlarini takomillashtirishdir.

Xulosa qilib aytganda, mamlakatiizda soliq ma'murchiligini yanada takomillashtirish va Prezidentimiz tomonlaridan belgilangan vazifalarning amalga oshirilishi soliq ma'muriyatchiligini tubdan takomillashtirishga xizmat qiladi, uning shaffofligini ta'minlaydi, bu esa shubhasiz mamlakatimizda olib borilayotgan puxta soliq siyosatining barqaror iqtisodiy o'sish sur'atlarini ta'minlash, iqtisodiyotni modernizatsiyalash orqali yurtimizning gullab-yashnashi va aholi turmush farovonligini yanada yuksaltirishda eng muhim omillardan biri bo'lib xizmat qiladi.

ТРАНСПОРТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ

***К.А. Махкамбоев,
ТДИУ, катта ўқитувчи***

Рақамли иқтисодиёт шароитида хизматлар соҳасига бўлган талаб ортиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан мазкур соҳани ривожлантиришда, уни мамлакатимиз иқтисодиётидаги улушини оширишда, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, уларни турларини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Хизматлар соҳасида салмоқли ўринга эга бўлган автотранспорт хизматларини кўрсатувчи корхоналарнинг ўрни бекиёсдир. Хозирда шиддат билан ривожланиш жараёнида деярли ҳамма транспорт хизматига эҳтиёж сезади. Хўжалик юритувчи субъектлар ушбу хизматларсиз ўзларини самарали фаолиятларини олиб бора олмайдилар. Албатта уни ривожланиши миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини ортиши, аҳоли турмуш даражасини яхшиланишини таъминлайди. Шу боисдан ушбу соҳани барқарор ривожланишида унинг имкониятларини ҳисобга олиш лозим. Бу эса ўз ўзидан мазкур йўналиш бўйича унинг таҳлилини самарали олиб боришни тақазо этади.

Жаҳон иқтисодиётининг барқарор суръатлар билан ривожланиши, унинг ҳар бир бўғинида бевосита корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишни йўлга қўя олганлиги билан боғлиқ. Шу туфайли, дунё миқёсида иқтисодиётнинг микро даражасида, яъни корхона ва ташкилотларда иқтисодий салоҳият самарадорлигига ва уни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилини такомиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Бундан кўриниб турибдики, иқтисодий жараёнларни бошқаришга катта аҳамият берилмоқда. Иқтисодиётнинг ривожланишида рақобатнинг мавжудлиги, маълум даражада корхоналар ўртасида тижорат сирининг ҳам амал қилишини тақозо қилади. Шу туфайли, кўрсаткичларнинг таҳлили икки йўналишда олиб борилади. Биринчидан, ташқи фойдаланувчилар учун молиявий таҳлил бўлса, иккинчидан, ички фойдаланувчиларга мўлжалланган бошқарув таҳлилидан иборат. Молиявий ва бошқарув таҳлилининг муҳим объектларидан бири корхоналар иқтисодий салоҳиятидир. Хозирда корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишни оптимал йўллари излашда замонавий усулларни қўллаш, корхоналарни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш борасида кенг

тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу тўғайли, мазкур салоҳият самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш масалаларига бугунги кунда катта эътибор қаратиш объектив заруратга айланиб, бу бўйича янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш илмий тадқиқотнинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Мамлакатимизда бугунги кунда мавжуд иқтисодий салоҳият ва имкониятлардан самарали фойдаланиш объектив заруриятга айланди, чунки мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ва рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш масаласи устувор вазибалардан бирига айланди. «Мазкур ҳолат халқаро ташкилотлар ва илмий муассасалар билан тизимли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, масъул вазирилик ва идораларда баҳоланаётган йўналишлар бўйича тавсиялар ва бошқа давлатларнинг ижобий тажрибасини ўз ичига олган тегишли маълумотлар базасини, ходимларда эса халқаро рейтинглар методологиясини қўллаш бўйича дунёқарашни шакллантириш имконини бермапти»⁹⁵. Мазкур масаланинг ўта муҳимлигига қарамасдан корхоналар иқтисодий салоҳияти ва улар асосида рейтинг кўрсаткичларини таҳлил қилиш методологиясини такомиллаштириш масалалари етарли даражада тадқиқ қилинган эмас ва мос равишда иқтисодий адабиётларда ҳам кам ёритилган. Айниқса, корхоналар иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уларнинг рейтингини аниқлаш масаласи амалиётда деярли қўлланилмаётганлиги бу борада илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақазо этмоқда.

Ҳар қандай соҳа кескин ривожланиш жараёнларини бошидан кечираётган шароитида уларнинг фаолиятида сифат ва самарадорлик тамойилларга, рақобат муҳитига, рақобатбардошлик талабларига жавоб бериши лозим. Ушбу хизматларни кўрсатувчи автотранспорт корхоналарининг бундай талабларга жавоб беришини, яъни унинг самарали ёки самарасиз амалга оширилаётганлигини баҳолаш учун уларни тегишли кўрсаткичларда ифодалаш лозим бўлади. Автотранспорт корхоналарининг асосий йўналишларидан бири бўлган йўловчи ташиш хизматлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ҳозирги шароитга мос тарзда тўлиқ қамраб оладиган ҳолатда ишлаб чиқилмаган ва мос равишда мамлакатимиз ва хорижий олимлар ишларда айнан шу тармоққа мос самарадорлик кўрсаткичлари етарлича ёритилмаган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, автобусларда йўловчи ташувчи соҳанинг самарадорлигини ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келинди. Йўловчи ташиш хизматлари самарадорлигини

⁹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги ПҚ-4210-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

ифодаловчи кўрсаткичларни иқтисодий мазмуни бўйича иккита гуруҳга бўлиш тавсия қилинмоқда: биринчиси, самарадорликни ифодаловчи умумий кўрсаткичлар ва иккинчиси, йўловчи ташиш билан боғлиқ бўлган самарадорликни ифодаловчи соҳанинг ўзига хос кўрсаткичлари.

Йўловчи ташиш хизматлари самарадорлигини ифодаловчи умумий кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- йўловчи ташиш хизматлари умумий рентабеллиги;
- йўловчи ташиш хизматлари умумий самарадорлиги;
- йўловчи ташиш хизматларида банд бўлган ходимлар меҳнат унумдорлиги;
- йўловчи ташиш хизматлари билан шуғулланувчи корхоналар активлари

самарадорлиги;

– йўловчи ташиш хизматлари билан шуғулланувчи корхоналар асосий воситалари самарадорлиги;

– йўловчи ташиш хизматлари билан шуғулланувчи корхоналар харажатлари рентабеллиги;

– йўловчи ташиш хизматлари билан шуғулланувчи корхоналар ўз маблағлари самарадорлиги ва бошқалар.

Автотранспорт корхоналарида йўловчи ташиш хизматлари самарадорлигини ифодаловчи ўзига хос бўлган иккинчи гуруҳ кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– ташиш жараёнида сарфланадиган энергия (ёқилғи) самарадорлиги, яъни 1 бирлик ёқилғига й/км.га

– ташиш жараёнида сарфланадиган материаллар самарадорлиги, яъни 1 бирлик фойдаланилаётган материалларга тўғри келадиган йўловчи/километр;

– ташиш жараёнда фойдаланилаётган меҳнат харажатлари самарадорлиги, яъни бир минг сўм меҳнат харажатларига тўғри келадиган йўловчи/километр;

– битта автобус билан бир вақт бирлигида ташилган йўловчилар ҳажми кабиларни.

Йўловчи ташиш хизматлари самарадорлигини ошириш учун ушбу кўрсаткичларни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари ишлаб чиқиш ҳам бугунги кунда йўловчи ташиш билан шуғулланувчи корхоналарда амалга ошириладиган иқтисодий ишларнинг ўта муҳим йўналиши бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, бугунги кунда малакатимизда йўловчи ташиш хизматлари самарадорлигини ошириш учун ҳали ички имкониятлар жуда катта. Бизнинг фикримизча, ҳозирги кунда вилоят ва шаҳарда йўловчи ташиш хизматлари самарадорлигини ошириш учун қуйидаги масалалар ечимини қараб чиқиш ва уларни амалиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқдир:

- йўловчиларни автобусларда ташиш ҳажмини асослаш, чунки бу қанча

- автобусни йўловчиларга ташиш учун етарлигини аниқлаш;
- йўловчиларни ташишга мўлжалланган транспорт воситаларининг асосий техник—фойдаланиш кўрсаткичлари ҳисобини ўрнатиш;
 - йўловчилар оқимининг йўналишлар бўйича тақсимотини аниқлаш;
 - йўналишлар ва автотранспорт корхоналари бўйича ҳаракатдаги транспорт воситаларининг тўғри тақсимотини таъминлаш;
 - меъёрланган тезликни белгилаш ва шу асосда автобусларнинг оптимал графигини ўрнатиш;
 - ҳайдовчилар меҳнатини ташкил этишнинг рационал тизимини танлаш;
 - автобусларнинг ҳар бир йўналишлар бўйича ҳаракат жадвалини ишлаб чиқиш;
 - бекатлар жойлашиш схемаларини танлаш ва унда одамларнинг гавжум жойларини инобатга олиш;
 - охириги бекатларда туриш жойлари ва жиҳозларини ҳам аниқ белгилаш ва йўловчилар ва ҳайдовчиларга қулайлик масаласига эътиборни қаратиш;
 - йўловчиларни ташишни оптималлаштириш ва яхшилаш учун талаб этилаётган автобуслар ва автомобиль таксилар сонини аниқлаш;
 - йўналишга чиқувчи ҳаракатдаги автобуслар гуруҳларининг графигини тайёрлаш ва унга амал қилишни назорат қилиш кабиларни таъминлашни тақозо қилади.

Агар юқоридаги тавсиялар амалга ошадиган бўлса, йўловчиларни ташиш тизимини оқилона бошқариш, уларнинг самарадорлигини тўғри баҳолаш имкониятлари туғилади, уни ошириш йўллари ишлаб чиқилади.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

С. Х. Валиева,

ТДИУ, катта ўқитувчи

Республикамизда сўнгги йилларда масофавий банк тизимини ривожлантириш, айниқса, соҳага замонавий ИТ–технологияларни кенг жорий этиш, рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш қаратилган конструктив чоралар кўрилмоқда. Бу борадаги жараёнлар жорий йилдан бошлаб янада тезлаштирилди. Бу бежиз эмас. Зеро, давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаб ўтганидек, "Афсуски, банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10–15 йил орқада қолмоқда. 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг қўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади" 96.

Масофавий банк хизматларини кўрсатиш турли банк операцияларни масофадан амалга ошириш имкониятини берадиган хизматлар комплексидир. Бунинг учун банк муассасасига ташриф буюрмасдан туриб компьютер ёки мобил телефондан фойдаланиш кифоя. Масофавий технологиялар мижозга банк хизматларидан фойдаланишда максимал қулайлик ва банк билан ишлаш жараёнида вақт ҳамда молиявий харажатларни минималлаштириш имконини беради. Масофадан хизмат кўрсатиш тизими мижозларга тақдим этилаётган хизматларнинг характерига кўра икки турга бўлиш мумкин:

- информацион;
- транзакцион.

Информацион банкинг мижозларга молиявий маълумотларни тақдим этишга йўналтирилган бўлса, транзакцион банкинг молиявий операцияларни амалга оширишга имконият яратади. Масофавий банк хизматларининг асосий тамойили мижоз ва банк ўртасида турли ахборотларнинг масофадан алмашинуви ҳисобланади. Бунда банк томонидан мазкур амалиётнинг хавфсизлиги таъминланади. Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларининг турлари:

96 Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони

Банк–Мижоз – бу компьютер орқали амалга ошириладиган тизим бўлиб, бунда мижознинг компютерига махсус дастур ўрнатилади. Ушбу дастур компютерда барча мижоз маълумотларни сақлайди (асосан тўлов хужжатлари ва ҳисобварақлардан кўчирмалар). Банк ва мижознинг компютери ўртасида модем орқали тўғридан–тўғри алоқа амалга оширилади.

Интернет–банкинг – бу мижозларнинг депозит ҳисобварақларини, жумладан банк карталарига очилган ҳисобварақларини, интернет орқали бошқариш ҳуқуқини берувчи тизимдир. Бу хизмат тури мижознинг масофадан банк билан боғланган ҳолда реал вақт давомида тўловларни ўтказиш учун мўлжалланган тизимдир. Фойдаланувчи тизимга веб–браузер орқали қиради. Интернет–банкинг тизими банкнинг веб–серверда жойлаштирилади. Фойдаланувчи банкнинг веб–сайтида барча ўз маълумотлари (тўлов хужжатлари ва ҳисобварақлардан кўчирмалар)ни кўриб чиқиш имкониятига эга.

Интернет–банкинг хизмати орқали мижоз ўз иш жойида ёки бошқа ўзига қулай шароитда:

- тўловларни ўтказиш;
- тўлов ўтиши босқичларини кузатиш;
- барча ҳисоботларни олиш каби амалиётларидан исталган вақтда фойдаланиш имкониятини яратди.

Интернет–банкинг орқали мижоз ўз иш жойидан интернет орқали банк сайтига улашиб, ўз ҳисобрақамига тушаётган пулларни кўриши ва пул ўтказмаларини тайёрлаб банкка узатиши мумкин бўлади.

Мобил банкинг тизими интернет–банкинг технологияси асосида яратилади. SMS–банкинг – бу банк мижозларга уларнинг депозит ҳисобварақларидаги ҳамда банк карталарига очилган ҳисобварақларидаги операциялар ҳақида SMS кўринишдаги маълумотларни олиш тизимидир. Ҳисобварақидан маълумот олиш учун мижоз банкнинг махсус телефон рақамига белгиланган SMS–сўровни юбориш керак.

Мижоз учун SMS–банкинг хизмати қуйидаги амалларни бажариш имкониятларини беради:

- ҳисобварақига келиб тушган маблағлар;
- ҳисобварақидан қилинган харажатлар;
- ҳисобварақ баланси;
- кун давомида ўтказилган банк операциялари ҳақида оператив маълумот олиш.

Бугунги кунда аҳоли тижорат банкларининг мобил илова дастурлари орқали реал вақт режимида картадан картага пул ўтказиш (P2P) операцияларини бажариш, солиқ, бюджет, коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш,


микрoқарз олиш ва кредитларни сўндириш, онлайн омонатларни расмийлаштириш, депозит ҳамда ссуда (кредит) ҳисобварақларини масофадан очиш, халқаро банк карта ҳисобварағидан тўловларни амалга ошириш, онлайн конверсия операцияларини амалга ошириш ва бошқа масофавий банк хизматларидан кенг фойдаланмоқда.

Ўз навбатида, корхона ва ташкилотлар учун банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари орқали реал вақт режимида банк ҳисобварақларидаги маблағларни тасарруф этиш ва тўловларни амалга ошириш, валюта маблағлари сотиб олиш (конвертация) учун буюртманомани электрон шаклда хизмат кўрсатувчи банкка юбориш, ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўтказиш учун электрон қайдномани банкка узатиш ва бошқа хизматлардан фойдаланиш бўйича имкониятлар яратилди.⁹⁷


Биз юқорида кўриб чиққан масофавий банк хизматлари турларидан келиб чиқиб, уларга иккита омил таъсир кўрсататишини 1–расмда кўришимиз мумкин.

Мамлакатимизда тижорат банклари томонидан бажариладиган хизматлар сони ошиб бориши миқозлар учун қулайликлар яратади ва миқозлар банкни хизматларининг сифатига қараб танлаши имконияти яратилади. Кўрсатиладиган хизматлар тижорат банклари учун маълум миқдорда даромад олиб келади. Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчилар сони йилдан–йилга ошиб бормоқда. Хусусан, 2012 йилда улар сони 56135 мингтани ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилда 2042111 минга етган ва 2021 йилнинг 1 январь ҳолатида 14571094 минга етган (2–расм). Ўз навбатида, корхона ва ташкилотлар учун банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари орқали реал вақт режимида банк ҳисобварақларидаги маблағларни тасарруф этиш ва тўловларни амалга ошириш, валюта маблағлари сотиб олиш (конвертация) учун буюртманомани электрон шаклда хизмат кўрсатувчи банкка юбориш, ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўтказиш учун электрон қайдномани банкка узатиш ва бошқа хизматлардан фойдаланиш бўйича имкониятлар янада кўпайган.

⁹⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий сайти: www.cbu.uz, <https://cbu.uz/oz/payment-systems/remote-banking-services>



1–расм. Масофавий банк хизматларини ривожлантиришга таъсир қилувчи омиллар⁹⁸




2–расм. Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчилар сони

Марказий банк маълумотларидан кўриниб турибдики, масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг сони 2020 йилга келиб 10,1 млн дан ошди (3–расм). Бу ўсиш сўнгги йилларда кескинлашиб банк хизматларидаги масофавий хизматлар миқозларининг ҳаёт тарзига айланиб

⁹⁸ Антифьев А.Г., Табачный Е.М. (2019) Банковские инновационные продукты российских коммерческих банков // Наука и образование сегодня, №5.

бораётганлигини кўрсатади. Буни айниқса, жисмоний шахсларнинг салмоғи ўсиб бораётганлигидан кўриш мумкин.



3–расм. Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг сони

Тижорат банкларида масофавий банк хизматларини ривожлантириш бўйича қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

- давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, банк ишининг замонавий стандартларини, ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш, банклардаги давлат акциялари пакетини зарур тажриба ва билимга эга бўлган инвесторларга танлов асосида сотиш, шунингдек, давлат улуши мавжуд тижорат банклари ва корхоналарни бир вақтнинг ўзида ислоҳ қилиш орқали банк секторига давлатнинг улушини камайтириш;

- тижорат банкларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш масаларида халқаро молия институтлари ва салоҳиятли хорижий инвесторлар билан музоқаралар олиб бориш ва битимлар тузиш;

- интенсив ривожланиши банкларга мижозларга тақдим этаётган банк маҳсулотлари ва хизматлари турларини кенгайтириш, шунингдек мижозлар ва банкларнинг вақт, транзакция ва молиявий харажатларини камайтириш имконини берадиган замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш;

- банк секторининг онлайн банк бозорининг янги сегментлари ва онлайн банк воситаларини киритиш;

- онлайн–банк бозорида банклар ўртасида рақобатнинг кучайиштириш ва мижозларнинг онлайн–банк соҳасида банк хизматлари сифатини ошириш.

ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИДА СИЁСИЙ РИСКЛАР ВА УЛАРНИ СУҒУРТАЛАШ

С.М. Хошимов,
ТМИ, катта ўқитувчи

Замонавий, барқарор, инновацион иқтисодий ривожланиш йўлини тутган миллий иқтисодиётнинг келгусидаги кўрсаткичлари аввалом бор мавжуд ички молиявий, иқтисодий, меҳнат ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланишга, иккинчи томондан жалб этилган хорижий инвестициялардан самарали фойдаланишга, учинчидан ташқи инвестиция ресурсларини муваффақиятли жалб қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш орқали, айниқса хорижий инвестицияларга кафолатли ҳимоя тизимини яратиш асносида ташқи инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор йўналишларига манфаатли шартлар асосида сафарбар этишга боғлиқдир. Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида хорижий инвестицияларни амалга ошириш тобора муҳим аҳамият касб этиб, турли мамлакатлар иқтисодиётида инвестицион фаолиятнинг энг муҳим элементларидан бирига айланмоқда. Аммо COVID–19 пандемияси шароитида тўғридан–тўғри хорижий инвестицияларнинг кескин қисқариши кузатилади. Тўғридан–тўғри хорижий инвестициялар 2020 йилда 35%га камайиб 1 трлн. долларгача қисқарди, 2019 йилда бу кўрсаткич 1,54 трлн долларни ташкил қилган эди⁹⁹.

Инвестицияларнинг трансчегаравий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда инвесторлар қўйилмаларида турли баҳсли тортишувлар юзага келади ва охир–оқибатда муаммолар судлар иштирокида ҳал этилади. Демак, инвесторлар шу нарсани билиши муҳимки, дунёдаги халқаро глобал иқтисодий муносабатларда инвесторларнинг инвестициялари турли сиёсий ва бошқа рисклардан кафолатли ҳимояланади ва айнан хорижий инвестицияларни халқаро ҳимоя қилишнинг долзарблиги ҳам шу билан асосланади. Жаҳон амалиётида умумэътироф этилган "инвестицион риск" атамаси капитал қўйилмаларнинг тўлиқ ёки қисман йўқотилиши ёки ҳақ тўланмаслиги билан боғлиқ риск тушунчасини аниқлаш учун қўлланилади. Сирасини айтганда, бу тушунча капитал қўйилмаларни амалга ошириш билан боғлиқ рискларнинг барча турларини қамраб олади, лекин амалиёт шунини кўрсатадики, инвестиция risksи ҳақида гапирганда, энг замонавий тадқиқотчилар одатда ноижорат рискларини, қоида тариқасида сиёсий рисклар тушунишади.

Сиёсий риск – мамлакатдаги иқтисодий вазиятни тубдан ўзгартирадиган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилган савдо ва инвестиция, кредитлаш, валюта ҳисоб–китоблари ва бошқа операциялар соҳасидаги тўсатдан

⁹⁹ Юнктад. Доклад о мировых инвестициях.2021 г

шароитлар туфайли инвестор томонидан мулк ёки шартнома ҳуқуқларини йўқотиш 100.

Шуни айтиш жоизки, юқорида санаб ўтилган рисклар бу нотижорат рискларнинг ҳаммаси эмас. Жаҳон иқтисодиётининг муқаррар ривожланиши билан нотижорат рискларнинг турлари ҳам ўзгармоқда, аммо, классик нотижорат рисклар сифатида миллийлаштириш rischi ёки давлат томонидан шартнома шартларининг бузилиши бўлиб қолмоқда, бундан ташқари фойдани репатриация қилишни чеклаш ёки инвесторнинг мутлақ ҳуқуқлари бузилиши нисбатан яқинда нотижорат рисклар сифатида қабул қилинди.

Хулоса қилиб шуни эътироф этишимиз керакки, кўп ҳолларда сиёсий рискларнинг характерли белгилари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– халқаро иқтисодий муносабатлар иштирокчисининг мавжудлиги таваккалчилик субъекти сифатида;

– риск объекти – яъни давлатнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги, шунингдек бозор фаолиятининг умумий қоидаларини ўзгартирувчи бошқа ходисалар;

– сиёсий рискларни баҳолашдаги объектив қийинчиликлар;

– масаланинг таркибий жиҳатдан сиёсийлиги юзасидан мавжуд рисклар бўйича низони ҳал этишнинг мураккаблиги.

Сиёсий рискларни суғурталаш масаласида яна бир муҳим бўгин бор, кўплаб экспертларнинг фикрича, бу асосий ва ҳал қилиш қийин бўлган масалалардан биридир. Агар инвестиция у ёки бу сиёсий рисклардан суғурталанган бўлса, суғурта ходисаси рўй берганда, суғурталанувчига зарарларни қоплаш бўйича даъво ҳуқуқлари суброгация тамойили асосида суғурталовчига ўтади ҳамда тегишли тартибда суғурталовчи инвестиция қабул қилган давлат ҳукуматидан ушбу зарарларни ундиради.

Агар, масалан, сиёсий режим ўзгарса ва мол–мулк катта миқёсда экспроприация қилинса, суғурта компанияси етказилган зарарни қоплаш учун аввалги ҳукуматнинг барча мажбуриятларини ўз зиммасига олгандагина янги ҳукуматга даъво аризалари киритиши мумкин бўлади. Акс ҳолда, масалани ҳал қилишнинг ягона йўли давлатнинг хорижий банклардаги ҳисоб рақамларини музлатиш ва ўз мажбуриятларини қайтаришдан иборат бўлади.


Шунинг учун ҳозирги вақтда сиёсий рискларни суғурталаш масаласини ўрганишда учта асосий таркибий қисм: давлат идоралари, нодавлат суғурта компаниялари ва халқаро агентликлар ҳақида гапириш мумкин.

100 Пол Комо, Стивен Кинселл, Международно-правовая сторона иностранных инвестиций. Правовая природа политического риска, 1999г. с. 212-213)

SOLIQ SIYOSATINI TAKOMILLASHTIRISH – KICHIK BIZNESNI RIVOJLANTIRISH GAROVI

G.G. Boboyeva,
BuxDU, o'qituvchi.

Bugungi kunda Iqtisodiyotni rivojlantirishning asosi, lokomotivi bo'lmish kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish, mehnatga layoqatli aholi qatlamini ushbu sohaga jalb etish uchun mamlakatimizda keng ko'lamli islohotlar amalga oshirilmoqda. Shubhasiz kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning iqtisodiy o'sish va aholi turmush darajasini oshirishdagi o'rni beqiyosdir. 2019–yil statistika ma'lumotlariga ko'ra YaIMning 54,2 % i kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'yektlari tomonidan yaratildi. Jami qurilish ishlarining 75,8 % i, sanoat mahsulotlarining 25,8 % i ishlab chiqarilmoqda. Kichik biznesning mamlakat umumiy eksportidagi ulushi 27 % ni, importda – 61,6 % ni tashkil etdi. Ish bilan band jami O'zbekiston aholisining 76,2 % dan ortig'i ushbu tarmoqda mehnat qilmoqda¹⁰¹ [1]. Ularning soni yildan yilga oshib bormoqda.



1–chizma. Kichik biznes sub'yektlari soni (dehqon va fermer xo'jaliklarsiz), 1 yanvar holatiga ko'ra, birlikda¹⁰²

Yuqoridagi diagramma ma'lumotlariga ko'ra, ro'yxatga olingan kichik biznes sub'yektlari (fermer va dehqon xo'jaliklarsiz) 2017 yilda 225 560 birlikni tashkil etgan bo'lsa, 2021 yil 1 yanvar holatiga ko'ra ularning soni 436 981 birlikka yetgan, hisobot yilida 2017 yilga nisbatan ularning soni 211 421 birlikka yoki 1,94 baravarga ortgan. Yangi tashkil etilgan kichik biznes sub'yektlari soni 2020 yilda 2016 yilga nisbatan

¹⁰¹ O'zbekiston Respubkasi Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlari

¹⁰² O'zbekiston Respubkasi Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlari

qariyb 3 baravarga oshgan. Ular sonining oshishiga tadbirkorlik sub'yektlarini davlat ro'yxatdan o'tkazish tartibining soddalashtirilganligi, bozor infratuzilmasining yaxshilanganligi, tadbirkorlarni har tomonlama muhofaza qiluvchi qonunchilikning shakllantirilayotganligi, va eng asosiysi soliq siyosatida berilayotgan imtiyozlar, soliq yukining yildan yilga yengillashtirilayotganligi va boshqa ko'plab omillar ijobiy ta'sir etmoqda.

O'zbekiston Respublikasi prezidenti Sh.M.Mirziyoyev o'z nutqlarida "Yagona yo'limiz – tadbirkorlar sonini ko'paytirish, odamlarni ishbilarmon qilish! Har bir hokim byudjetga qo'shimcha daromadlarni ta'minlashi uchun o'zi izlanishi, tadbirkorga sharoit yaratib, biznes vakillari bilan yelkama–yelka ishlashi kerak"¹⁰³ degan fikrlarni ta'kidlab o'tganlar.

Davlat budjeti daromadlari asosi soliqlardan shakllanadi. Har bir xo'jalik yurituvchi sub'yekt, tegishli tartibda davlat ro'yxatidan o'tgach, soliq munosabatlarini sub'yektiga aylanadi.

Davlatda nooqilona olib borilayotgan soliq siyosati esa, yuridik va jismoniy shaxslarning soliqlardan noqonuniy ravishda qochishiga sabab bo'ladi. Soliq stavkalarining maqbullashtirilishi esa davlat budjetiga tushumlarining ko'payishiga olib keladi. Bunday qarashlar A.Smit, A.Laffer nazariyalarida ham yoritilgan.

Soliq yukining kamayishi kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'yektlarining soni oshishiga olib keladi. Korxonalar foydasining katta qismi o'ziga qoldirilishi ularning aylanma mablag'lari ko'payishiga, investitsion faoliyatining kengayishiga, innovatsion mahsulotlarni yaratish uchun sarflarining oshishiga xizmat qiladi.

Mamlakatimizda tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish borasida keng ko'lamli isohotlarning namunasi sifatida 20 avgust 2021 yilda prezident Shavkat Mirziyoyev tadbirkorlar bilan ochiq muloqotini yaqqol misol keltirishimiz mumkin. Muloqot tadbirkorlarni qiynayotgan muammolar bilan yaqindan tanishish va ularni o'rganib chiqish asosida bartaraf etish yo'llari va yo'nalishlarini belgilab olish, tadbirkorlarning jamiyatdagi mavqeini ko'tarish maqsadida tashkil etildi. Ushbu muloqotda tadbirkorlardan kelib tushgan 15 mingdan ortiq savol, taklif va tashabbuslar asosida ishlab chiqilgan dasturning 2 yo'nalishi ham aynan, *Soliq tizimini takomillashtirish, biznesga soliq yukini imkon qadar kamaytirishga bag'ishlangan* 104.

Unga asosan:

103 O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida 8-yanvar 2020 yilda Davlat byudjeti parametrlarini ijro etish va hududlarda tadbirkorlikni rivojlantirish bo'yicha joriy yilgi ustuvor vazifalarga bag'ishlangan videoselektor yig'ilishidagi nutqi. <https://president.uz/oz/lists/view/3262>

104 O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning tadbirkorlar bilan muloqoti. 20 avgust 2021 yil. <https://www.gazeta.uz/oz/2021/08/23/president-meets-business>.

- 2020–yil fevral oyida «Maxsus iqtisodiy zonalar to‘g‘risida”gi qonun qabul qilingunga qadar iqtisodiy zonalarda ro‘yxatdan o‘tgan tadbirkorlarga berilgan imtiyozlar saqlab qolinadi.

- Ichki bozorda teng raqobat bo‘lishi uchun eksport mahsulotlari ishlab chiqarishga olib kelingan xom ashyo import bojidan ozod etiladi.

- Maxsus iqtisodiy zonalar ishtirokchilariga QQSning ortiqcha qismini 7 kun ichida qaytarib berish tartibi joriy qilinadi.

Ushbu tartib tadbirkorlarga bir yilda o‘rtacha 350 mlrd so‘m qo‘shilgan qiymat solig‘ini qisqa muddatda qaytarib olish va aylanma mablag‘larini ko‘paytirish imkoniyatini beradi.

- Chetdan olib kelingan tovarlar uchun qo‘shilgan qiymat solig‘ini 120 kun davomida bo‘lib–bo‘lib to‘lashda tadbirkorlarga foiz hisoblanmaydi va garov talab etilmaydi.

- Noruda qazilmalarga (qum–shag‘al, ohaktosh, gips, dolomit kabi) yer qa‘ridan foydalanganlik uchun soliq stavkasi 2 barobarga kamaytiriladi. Buning hisobiga, 1,5 mingga yaqin korxonalar ixtiyorida yiliga 500 mlrd so‘m mablag‘ qoladi.

- turizm kompaniyalari va mehmonxonalarni turistik yig‘imlardan 2 yil muddatga ozod qilinadi. Buning natijasida 2 ming nafar tadbirkor ixtiyorida 150 mlrd so‘m qoladi.

- 2022 yil 1 yanvardan boshlab soliq idoralari o‘z elektron dasturlari orqali biznes subyektlariga hisobotlarini shakllantirish xizmatini yo‘lga qo‘yadi. Hisobotlarni kechiktirib topshirish bilan bog‘liq moliyaviy sanksiyalarni qo‘llash tartibi to‘liq bekor qilinadi.

- 2022 yildan QQSni qo‘shimcha hujjatsiz qaytarish tartibi amaliyotga joriy etiladi.

- 2022 yildan boshlab, qo‘shilgan qiymat solig‘ini hisobga olishda soliq va bojxona idoralarning elektron bazalari o‘zaro bog‘lanadi. Ya‘ni, soliq idoralarida mavjud qo‘shilgan qiymat solig‘i ortiqcha to‘lovlar bojxona to‘lovlarini amalga oshirayotganda ham inobatga olinadi. Ushbu yengillikdan 10 mingdan ziyod tadbirkor foydalanishi mumkin bo‘ladi.

Xulosa o‘rnida shuni aytishimiz lozimki, mamlakatimizda soliq siyosatining oqilona tashkil etilganligi va tinimsiz takomillashtirilayotganligi tadbirkorlarning moddiy ta‘minotini yaxshilaydi, faoliyat natijalaridan ko‘proq bahramand bo‘lishiga imkon yaratadi, tadbirkorlarda zahira va investitsion fondlarning hosil bo‘lishiga imkon beradi, ular faoliyatini rag‘batlantiradi.

Фойдани солиққа тортишнинг хориж тажрибаси ва уни миллий солиқ тизимида қўллаш имкониятлари

**З.О. Ахроров,
СамИСИ, таянч докторант**

Фойдани солиққа тортишни ислоҳ қилишда фойда солигини бошқа солиқ турлари билан бевосита боғлиқлигини қай даражада эканлигини яққолроқ кўришга, истиқболда қайси солиқ турларини ўзгартириш лозимлиги ва бу борада қилинадиган ислохотлар тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради. Коронавирус пандемияси ва пандемиядан кейинги шароитда жаҳон иқтисодиётини тиклашда солиққа тортиш масаласи алоҳида аҳамият касб этиб келмоқда. Бунда муваффақиятли иш олиб бориш учун солиқ юкини адолатли иқтисодий чегарасини аниқлаш ҳал қилувчи масала бўлиб ҳисобланади.


Иқтисодиётни солиқлар воситасида бошқаришда илғор хориж тажрибаларни ўрганиш ҳам катта аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатларда фойдани солиққа тортиш борасида фикрлар асосан корпорация солиғи доирасида кечади. Ушбу мамлакатларда корпорация солиғи асосий солиқ тури сифатида эътироф этиб келинади.

Корпоратив солиқ ставкасини юқорилигига қарамай, 2011 йилдан бошлаб жаҳон миқёсида корпоратив солиқ ставкасининг пасайиши кузатилди (1–расмга қаралсин). Ушбу корпоратив солиқ ставкаларининг жаҳон миқёсида пасайиб боришига қарамай турли даражадаги бюджет даромадларидаги ушбу солиқ тури бўйича тушумларнинг шу даврдаги ўсиши қайд этилган. Бу албатта жаҳон миқёсида фойда солиқ тўлови билан боғлиқ иқтисодий ислохотларнинг самарали натижаси бўлиб ҳисобланган деб айтсак муболаға бўлмайди. Жаҳон миқёсида ўртача солиқ ставкаларининг пасайиш динамикаси эластиклигининг сақлаб қолиниши учун яратилган имкониятлар, амалга оширилган тадбирлар натижаси бўлиб ҳисобланган.

Хорижий мамлакатларнинг асосий диққат марказида турувчи корпоратив солиқ “Кучли еттилик” мамлакатларида йирик корпорациялар учун энг кичик қиймати 2021 йилда 15 фоиз этиб келишиб олинди¹⁰⁵. Бу ставка жаҳон мамлакатлар ўртача солиқ ставкасидан пастдир.

105 Rodrik D. The G7 Tax Clampdown and the End of Hyper-Globalization. Jun 7, 2021. https://www.project-syndicate.org/commentary/g7-corporate-tax-agreement-end-of-hyper-globalization-by-dani-rodrik-2021-06?utm_source=twitter&utm_medium=organic-social&utm_campaign=page-posts-june21&utm_post-type=link&utm_format=16:9&utm_creative=link-image&utm_post-date=2021-06-07

АҚШда корпорация фойдасидан олинадиган солиқ прогрессив шкаласидан воз кечилиб, 2018 йилдан бошлаб пропорционал ставкага ўтилди ва у ҳозирги кунда 21 фоизни ташкил этади. Бу ставка жаҳон мамлакатлар ўртача солиқ ставкасидан пастдир. АҚШнинг баъзи штатларида корпорация солиғи ундирилмайди.



1–расм. Жаҳон миёсида ўртача корпоратив солиқ ставкаларининг пасайиш динамикаси 106, %да

АҚШда солиққа тортиш давлат бюджетининг нафақат катта қисмини ташкил этувчи манба сифатида эътироф этилиб келинади, балки шу билан бирга у кичик бизнесга давлат таъсирини ўтказишдаги бирдан–бир муҳим ричаг сифатида ҳам фойдаланилади.

АҚШда бизнесни бошлаш ва янги инновацион гоъларни тадбиқ этишда (стартларни амалга оширишда) янги инвестицияларга бизнес рағбатлантиришларни ҳисобга олиш зарур. Кўпгина мамлакатларда корхоналарга капитал харажатларни дарҳол фойда ҳисобидан чегириб ташлашга рухсат берилмаган. Бунинг ўрнига бир неча йил давомида бу харажатларни камайитира бориб, янги инвестицияларга солиқ юқини оширишлари лозим бўлади. Буни корхона активининг амал қилиш муддати давомида чегириб ташлаши мумкин бўлган жорий қийматининг фоизини ҳисоблаш йўли билан ўлчаш мумкин. АҚШда иқтисодий ўсишни таъминловчи ва янги бизнес сармоёси учун рағбатлантирувчи солиқ тизими амал қилади.

Япониянинг барча солиқ даромадларининг 64%дан ортигини ҳукуматни молиявий қудратини ифодаловчи федерал солиқлар ташкил этади. Ўзбекистон солиқ тизимида эгри солиқларнинг улуши кўпроқ бўлган ҳолда, Япония давлатида даромаднинг кўпроқ қисмини тўғри солиқлар, яъни корпорацияларнинг фойда солиғи ва жисмоний шахсларнинг даромад солиқлари ташкил қилади.

106<https://home.kpmg/xx/en/home/services/tax/tax-tools-and-resources/tax-rates-online/corporate-tax-rates-table.html>

Корпорация фойдасидан олинadиган солиқнинг ЯИМдаги улуши қарийб 4 фоизни ташкил этади¹⁰⁷.

Корпоратив солиқ ставкаси бўйича даромадлар Япония ҳукумати учун муҳим даромад манбаи ҳисобланади. Солиқ масалалари бўйича одатда корпоратив солиқ юқини ўз зиммасига оладиган уч гуруҳ субъектларини ажратилади: корпорацияларнинг ўзлари, корпорацияларга капитал ва ташкилий ишлар бўйича кўнималар берадиган ҳамда корпорациялар томонидан ишлаб чиқариладиган ва кўрсатиладиган хизматлар товарлар ва хизматлар истеъмолчилари. 2021 йилга келиб корпоратив солиқнинг энг юқори даражаси 52,4 фоизни ва энг паст даражаси 30,62 фоизни ташкил қилди¹⁰⁸. Японияда корпоратив даромад солиғи ставкаси Токиода жойлашган, йилига 8 миллион япон иенасидан юқори солиққа тортиладиган даромадга эга компаниялар учун энг юқори корпоратив солиқ ставкаси қўлланилади.

Хитойда фойдани солиққа тортиш “Корхоналар даромад солиғи тўғрисида”ги қонун асосида тартибга солиниб, бу солиқ тури корхоналар даромад солиғи деб номланади. Ҳисобланиш тартиби анъанавий тартибда, яъни даромаддан харажатлар ва зарарлар чегирилган ҳолда аниқланади. Стандарт солиқ ставкаси 25 фоизни ташкил этса, паст рентабелли корхоналар учун 2,5–10 фоиз атрофида, янги ва юқори технология киритган корхоналар учун 15 фоиз этиб белгиланган¹⁰⁹. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Хитойда улар тараққиётининг асоси инновацион фаолиятни рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилишига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Инновацион фаолиятни солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантиришни Хитой тажрибасида кўрадиган бўлсак, амалдаги қонунчилик инновацион фаолият билан шуғулланувчи корхоналар учун солиқ солинадиган даромадга нисбатан турли чегирмалар тақдим этади. Илмий–тадқиқот ва ишланмалар бўйича қонунда белгиланган преференцияларга эга бўлиш учун корхона юқори ва янги технологияли мақомига эга бўлиши керак. Хитой “Корхоналардан олинadиган фойда солиғи тўғрисида”ги қонуни 28–моддасига асосан, юқори ва янги технологияли корхоналарга фойда солиғи қонунчиликда белгиланган ставкадан 15% кам миқдорда белгиланади¹¹⁰.

¹⁰⁷ Азизов О.М. Ривожланган мамаакатлар солиқ тизими: қиёсий таҳлил. //Иқтисод ва молия. 2016. 12-сон. 30-б.

¹⁰⁸ Интернет ресурсы: <https://tradingeconomics.com/japan/corporate-tax-rate#:~:text=Corporate%20Tax%20Rate%20in%20Japan%20is%20expected%20to%20reach%2030.86,macro%20models%20and%20analysts%20expectations.>

¹⁰⁹ Интернет ресурсы: <https://iclg.com/practice-areas/corporate-tax-laws-and-regulations/china>.

¹¹⁰ Интернет ресурсы: <https://kun.uz/news/2018/06/30/innovatsion-sollik-imtiyozlari-orkali-kullab-kuvvatlanishga-mutoz>.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги қонунда харажатлар ва ушланмаларнинг аниқ рўйхати белгилаб қўйилган. Мамлакатимиз солиқ тизими учун даромаддан чегириладиган харажатлар рўйхатини ва қайта қўшиладиган харажатларнинг чегарасини аниқ белгилаб қўйиш турли тушунмовчиликларнинг олдини олган бўлар эди.

Шу боис фойдани солиққа тортишни юқорида қайд этилган асосда, яъни хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганган ҳолда ҳал этиш билан боғлиқ масалалар бўйича қуйидаги хулосаларни чиқаришни лозим деб топдик:

– жаҳон амалиётида хорижий давлатлар солиқ тизимини туркумлаштиришга турли хил ёндашувлар қўлланилмоқда ва бунга кўра солиқ тизими моделлари, уларнинг тегишли гуруҳига тааллуқли давлатлар солиқ тизимининг хусусиятлари ҳамда ривожланиш тенденциялари мавжуд;

– ҳозирги шароитда мамлакатимизда нафақат ички хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, балки жаҳон бозорида рақобатнинг кучайишини ҳисобга олган ҳолда миллий солиқ сиёсатини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ;

– фойдани солиққа тортишда хорижий давлатлар солиқ тизими ривожланиши учун умумий бўлган жиҳатлар қуйидагилардан иборат: а) оптимал солиқ сиёсати юритиш зарурияти; б) фойда солигининг корхона иқтисодий ўсиш ва мамлакат ривожига ҳиссаси муҳимлиги; в) корпоратив солиқ ставкасининг пастлиги солиқ юқининг паст эмаслигини аниқлаштириш; г) корпоратив солиқнинг мажбурийлик ва адолатлилик тамойили ижроси аҳамиятининг ўсиши;

– фойданинг солиққа тортиш борасида жаҳон миқёсида 15 фойздан пастга туширмасликка ҳаражатнинг мавжудлиги;

– миллий солиқ тизимида чегириладиган харажатлар рўйхатини ва қайта қўшиладиган харажатларнинг чегарасини аниқ белгилаб қўйиш зарурияти;

– жаҳон миқёсида кузатилаётган солиқ ислохотларида асосий эътибор инновацион фаолиятни солиқлар орқали рағбатлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини такомиллаштириб боришни ҳам тақозо этади. Бу эса инновацион фаолиятга нисбатан фойда солиғи ставкасини пасайтиришни ёки унга нисбатан истисно тариқасида имтиёزلарни қўллашни талаб этади.

Yangi O'zbekistonda moliya-bank, byudjet-soliq, buxgalteriya hisobi va audit sohalari yanada rivojlantirishning dolzarb masalalari

3 YO'NALISH

**O'ZBEKISTONDA
BUXGALTERIYA HISOBINI
XALQARO STANDARTLAR
ASOSIDA TASHKIL
ETISHNING USTUVOR
MASALALARI**



БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ЎРНИ, ТАРИХИ, ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАРИ ВА КЕЛАЖАГИ

Р.О. Холбеков,
ТДИУ, профессор, и.ф.д.

Ҳисобнинг пайдо бўлишини бевосита кишилиқ жамиятининг вужудга келиши билан боғлаш мумкин. Тарихий маълумотларга кўра ибтидоий жамоа тузумида ҳам ҳисобдан фойдаланишган яъни, қабила бошлиғи ўз қабиласини сақлаб қолиш учун қайси фасл қачон келади, қабиласида қанча одам бор, улар учун қанча озиқ-овқат тўплаш керак каби ҳисоб–китобларни амалга оширган. Дастлаб ҳисоб қуроллари сифатида кўл бармоқларидан фойдаланилган (баъзи ҳолларда бу одатдан ҳозир ҳам фойдаланамиз). Ҳозирда ҳам жамиятнинг бир бўлаги ҳисобланган ҳар бир оиланинг ўз ҳисоб–китоби бор. Қайси оилада ҳисоб–китоб яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша оиланинг турмуш шароити яхши. Бундан кўриниб турибдики, ҳисоб инсонларнинг ҳаётий ҳамроҳидир.

Бошқа фанлар каби “Бухгалтерия ҳисоби” фани ҳам ўз тарихи, вазифалари, предмети, объекти, усул ва услубияти ҳамда тамойилларига эга. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг ҳисоб тизимидаги муаммолардан бири анъанавий “Бухгалтерия ҳисоби” фанини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мос ҳолда қайта кўриб чиқиш ва замон талабларига мос ҳолда тақомиллаштиришидир.

Россиялик олим Я.В. Соколов ўзининг “История развития бухгалтерского учета” номли асарида бухгалтерия ҳисобининг пайдо бўлишини қуйидаги уч қарашга бўлади: 600 йил олдин, хўжалиқ ҳаётидаги мақсадли жараёнларнинг рўйхатга олиниши натижасида; 500 йил олдин, бу борада Лука Пачолининг китоби чиқиши билан; 100 йил олдин, бу борада ҳар хил мактабларнинг пайдо бўлиши билан.

Ғарб мамлакатларида “Бухгалтерия ҳисоби тадбиркорлик тили” деган ибора мавжуд. Бундан кўриниб турибдики, оддий тадбиркордан тортиб то корхона раҳбаригача “Бухгалтерия ҳисоби” фанини ўрганиши ва унинг асосий усул ва услубиятни ўзлаштириб олиши бугунги кун талабидир.

Ҳозирда олимлар жаҳон молиявий –иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабабларидан бири сифатида, дунёда ҳисоб тизими тамойилларини бузилиши, маълумотларда кўшиб ёзишларни пайдо бўлиши, ҳисоб–китоб ишларини тўғри ташкил қилинмаганлигини кўрсатмоқдалар.

Бухгалтерия ҳисоби – иқтисодий сиёсатни шаклланишининг асосий бўғини, корхона капитали айланишини бошқариш ва ишлаб чиқариш

хўжалик фаолиятини тартибга солишда ҳисоб маълумотларини йиғиш ҳамда бир тизимга келтиришда ягона механизм ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби ўтмишига назар ташлайдиган бўлсак, XIXаср охиридаги инглиз адабиётларида ҳисоб ишини ташкил қилишнинг куйидаги олти коидаси кўрсатиб ўтилган:

1. Мехнатнинг тақсимланиши. Бухгалтерия иши «Оддий нозик» ҳаракатларни бажаришгача (монипуляция) боради. «Оддий бажарувчи» фаолияти бу ерда ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини йиғиш ва гуруҳлашга йўналтирилади.

2. Маълумотларни тутиб қолиш. Ҳамма иш бирламчи тезкор ҳисобни олиб борувчига бириктирилади. Уларга ҳисоб регистрлари топширилади ва улар хўжалик жараёнлари тўғрисидаги маълумотларни регистрлар (бухгалтерия хужжатлари)га ёзиб борадилар.

3. Назоратдаги рақобат. Бу ҳисоб – китоб калити ҳисобланади. Унда барча кўрсаткичлар солиштирилганда бошқа кўрсаткичларга мос келиши керак ёки буни манфаатлар тўқнашуви деб аташ мумкин.

4. Ҳақиқий бухгалтерия. Ҳар ойда бир марта рўйхатга олиш билан шуғулланувчи бухгалтер тезкор ҳисоб олиб борувчи ишчи билан жараёнларни рўйхатга олувчи журнални тўлдиради ва бухгалтерия ёзувини (праводка) тузади.

5. Услубий мустақиллик. Ҳар бир фирма ва корхона бухгалтерия ҳисобини ташки қилиш услубини ўз хусусиятларини инobatга олган ҳолда, ўзи белгилайди. Қанча фирма, корхона бўлса, шунча ҳисобни ташкил қилиш услублари мавжуд. Ҳар бир хизматчи ёки раҳбар ўзига маъқул ҳисоб тизимини киритиш ҳуқуқига эга.

6. Психологик иқлим. Раҳбарнинг ходимига ишонмаслик тури. Бу ерда ҳисобнинг асосий вазифаси ишчилар ўз манфаатларини корхона манфаатидан устун қўйишининг олдини олишдир. Бу бухгалтерия ходимлари ва ишчилар мажбуриятларининг тўғри тақсимланишидан келиб чиқади. Бухгалтер амалдаги ҳисоб тизимига раҳбар розилигисиз бошқа усулни киритиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга эмас.

Хўжалик юритувчи субъектларда юритилаётган ҳисоб сиёсати ўзига хос тамойилларга амал қилоғи керак. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандартларининг (БХМС) биринчи сонида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг тамойиллар сифатида куйидагилар келтирилган:

- икки ёқлама қайд этиш усули билан ҳисоб юритиш;
- узлуксизлик;
- хўжалик муаммолари, активлар ва пассивларни баҳолаш;
- ишончлик;
- эҳтиёткорлик;
- мазмуннинг шаклдан устунлиги;
- кўрсаткичларнинг қиёсийлиги;
- молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги;
- активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоси;
- ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мослиги;
- тушунарлик;

- аҳамиятлилик;
- муҳимлилик;
- ҳаққоний холис тақдим этиш;
- тугатилганлик;
- изчиллик;
- ўз вақтидалик;
- оффсетинг (моддаларнинг ўзаро қопланиши);
- холислик.

Юқоридаги тамойилларга асосланиб юритилган бухгалтерия ҳисоби ва тузилган молиявий ҳисобот барча фойдаланувчиларга корхонанинг молиявий хўжалик фаолияти ҳақида тўлиқ, тушунарли маълумот олишни ва тегишли хулосалар чиқаришни таъминлайди.

Бухгалтерия ҳисобига қўйилган талаблар қуйидагилардан иборат:

1. Ҳисобнинг содда ва тушунарли бўлиши. Содда ва ҳамма учун тушунарли ҳисобни ташкил этишдан асосий мақсад, уни мураккаблашувига йўл қўймаслик ҳамда ҳисоб маълумотларидан кенг халқ оммаси фойдалана олишини таъминлашдан иборат.

2. Ҳисобнинг режаллиги. Бу талаб юқорида айтиб ўтилган соддалик талаби билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳисобда албатта зарурий маълумот ва кўрсаткичларга эга бўлган ҳолда, ҳисоб юритиш харажатларини иложи борича камайтириб бориш лозим.

3. Ҳисобнинг аниқ ва тўғрилиги. Бу талаб негизида хўжалик фаолиятларида кузатиш натижасида олинган маълумотларни ҳужжатларда аниқ ва тўғри қайд этиш тушунилади. Ҳар хил мақсадларда ёки эътиборсизлик қилиб хўжалик ҳисобини ноаниқ ҳамда нотўғри акс эттириш қонун бузарлик ҳисобланади.

4. Ҳисоб ишларини ўз вақтида амалга ошириш, яъни ҳисоб ишларига тааллуқли қандай ҳодиса содир бўлган бўлса, албатта ўз вақтида акс эттирмоқ, ҳужжатларда қайд қилмоқ зарур бўлади. Бу талаб тўлиқ бажарилганда ва хўжалик фаолияти устидан бошқарув олиб бориш яхши йўлга қўйилади, рўй берган ёки рўй бериши мумкин бўлган камчиликлар ўз вақтида йўқотилади.

5. Ҳисоб кўрсаткичлари билан режа кўрсаткичларининг бирлиги. Корхона, муассаса, ташкилотларда қайси мулкчилик шакли асосида фаолият олиб боришидан қатъий назар ўз олдига жорий ва келгуси режа кўрсаткичларини тузиб олади. Бутун хўжалик ва уларни тармоқлари бўйича ҳамда мамлакат миқёсида режа кўрсаткичлари белгилаб олинади.

Худди шу кўрсаткичлар билан ҳисоб кўрсаткичлари бирлиги (шу билан бирга ижобий фарқлар) катта аҳамият касб этади. Ҳисоб ишлаб чиқаришининг бориши, савдо, таъминот, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, маиший хизмат, транспорт ва ҳоказолар фаолияти қай даражадалиги ҳақида маълумот беради, режа бажарилиши устидан назорат ўрнатиб, таҳлил қилиш имконини яратади. Иқтисодий ривожлантириш ички ва ташқи омилларини топиш имкониятини яратади.

Бухгалтерия ҳисобининг услуби бухгалтерия ҳисобининг предмети ҳақида ишончли кўрсаткичлар олишни таъминлайди. Бу кўрсаткичлар икки гуруҳга

бўлинади: корхона маблағларининг ҳажми, таркиби, жойлашиши ва фойдаланиши, иккинчиси эса, маблағлар манбаи ва уларнинг мақсадли мўлжалидир. Кўрсаткичлар гуруҳи ўзаро боғлиқликда бўлиб, уларнинг ҳар иккиси ҳам корхона маблағини акс эттиради. Шунинг учун ҳам кўрсаткичларнинг икки гуруҳи ҳам (пул кўринишида) ўзаро тенг бўлиши лозим (балансли умумлашув).

Балансда умумлашувга эга бўлиш мақсадида счётнинг куйидаги усуллари қўлланилади: хўжалик маблағларини баҳолаш ва калкуляция; бухгалтерия ҳисоби счётларининг тизими ва хўжалик жараёнларини счётларда икки ёқлама ёзув усулида акс эттириш; ҳисоб регистрлар маълумотларини умумлаштириш. Бухгалтерия ҳисоби усулининг элементлари куйидагилардан иборат:

- 1.Хўжжатлаштириш.
- 2.Инвентаризация.
- 3.Счётлар тизими.
- 4.Икки ёқлама ёзув.
- 5.Баҳолаш ва калкуляция..
- 6.Баланс.
- 7.Ҳисобот.

Бухгалтерия ҳисобини туғилиш даври Италия диёри билан боғлиқдир. Жамиятда иккиёқлама ёзувни пайдо бўлиши бухгалтерия ҳисобини ривожланишига асос бўлади. XIII–XIV асрларда иккиёқлама ёзув тизими пайдо бўлди ва шимолий Италиянинг бир неча савдо марказларида ундан фойдаланила бошланди. Топилган ягона қўлёзмаларга кўра иккиёқлама ёзув 1340 йили пайдо бўлган.

Яна бошқа манбаларга кўра бундан ҳам олдинроқ Франциянинг Шампан вилояти савдо фирмаларида (1299–1300) иккиёқлама ёзувдан фойдаланилган. Унинг асосчиси Француз монахи Луко Пачоли ҳисобланади. У ўзининг улкан иш ҳисобланган “Счёт ва ёзувлар тўғрисида рисола”номли асарида (1494) ҳисоб ёзувлари бўйича тушунчани очиб берди. Ҳозирда ҳам бу китоб жуда долзарб ҳисобланади.

Бухгалтер лавозимини биринчи бўлиб, Инсбурк счётлар палатасининг иш юритувчиси Хрицофор Штехер олган, бу борада император Максимилиан I нинг 1498 йил 13 февралда чиқарган буйруғи Вена давлат музейида сақланмоқда.

Бухгалтерия ҳисоби бўйича дарслик биринчи марта XIX аср Россияда пайдо бўлди. 1931 йили К.Кларко ва Н. Немчинновлар томонидан “Счёт илми” номли ўқув қўлланма чиқарилди.

1710 йилда Россия ҳукумат газетаси ҳисобланган “Ғарбий ва бошқа ишлар бўйича хабарнома” номли газетада биринчи бор “Бухгалтер” сўзи пайдо бўлди. Бу даврда Россияда Петр I томонидан ҳарбий реформа ўтказилаётгани муносабати билан ҳисоб ва назоратга жуда катта эътибор берилаётган эди.

Бухгалтерия ҳисоби фани аниқ, қизиқарли, тортишувли ва муаммоли фанлардан бири ҳисобланади. Тарихий таълимотларга кўра бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва такомиллаштириш борасида тўрт йирик, яъни италян, француз, немис ва англая–америка мактаблари мавжуддир. Бухгалтерия ҳисобининг ташкилий жиҳатлари борасида бу мактабларнинг қарашлари бир–

бирига ўхшамайди. Уларнинг таълимотларига кўра бухгалтерия ҳисоби фанининг асоси ҳам ҳар хил талқин қилинади.

Масалан, италян мактаби вакиллари бухгалтерия ҳисоби фанининг асосини алгебра ва ҳуқуқ, француз мактаби вакиллари аниқ сиёсий иқтисод, немис мактаби вакиллари математика, англия–америка мактаби вакиллари психология деб қарайдилар. Шу сабабли бухгалтерия ҳисоби фанининг вазифаси, предмети, объекти, усул ва услубиёти, тамойиллари ва таркибий тузилиши борасидаги уларнинг қарашлари турличадир.

Юқоридаги келтирилган асосли далилдан кўриниб турибдики, Бухгалтерия ҳисоби фан ва мутахассислик сифатида шаклланиши ҳамда ривожланиши узоқ ўтмишга эга. Шу ерда бир ўринли савол тугулиши мумкин. Яъни, Ўзбекистон Республикасида қачон бухгалтерия ҳисоби шакллана бошлаган? Бухгалтерия ҳисоби нафақат Германия, Россия ва бошқа Европа мамлакатлари балки, Ўрта Осиёнинг маркази ҳисобланган Ўзбекистон диёрида ҳам XV асрда шакллана бошлаган.

Унинг илк бор куртак отиши Амир Темур томонидан ҳисоб дафтари юритувчи шахслар – ёзувчиларни (котибларни) тайинлагани билан боғлиқ. У ўзининг “Темур тузуклари” номи асарида шундай деб ёзади: “Салтанатнинг ҳар бир идорасида бўладиган кирим–чиқимларни, кундалик харажатларни ёзиб бориш учун бир котиб тайинлансин”.

Яна бир ривоятларга кўра Амир Темур лашкарларининг ҳар бир жангга киришдан олдин катта идишга бир донадан тош ташлаган ва жангдан эсон–омон чиққан жангчи бир донадан тошни идишдан қайтариб олган. Демак, идишда қолган тошлар сони жангга ҳалок бўлган жангчилар сонини билдирган. Бу оддий ҳисоб–китоб бухгалтерия ҳисобининг бир усулини ифодалайди. Жумладан, “Кирим – чиқим = қолдиқ”.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, Республикаимиз ҳам бухгалтерия ҳисоби бошқа давлатлар каби илк куртаклари шаклланиб, ўз тарихига эга экан.

Республикаимизнинг ҳисоб тизимида бухгалтерия ҳисобини фан сифатида шаклланиши ва бугунги кунда мустақил миллий бухгалтерия ҳисоби тизимини пайдо бўлишида профессор С.Б.Қодирхоновнинг қўшган ҳиссаси жуда каттадир. Жумладан, “Бухгалтерия ҳисоби назарияси” фанини ривожланишида домланинг меҳнати кўпдир. С.Б.Қодирхонов биринчилардан бўлиб, 1970 йилда “Бухгалтерия ҳисоби назарияси” номи дарсликни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилди, 1976 йилда “Саноатда бухгалтерия ҳисоби” номи дарслиги ўзбек тилида босмадан чиқди. Жамиятдаги иқтисодий ислохотларни ҳисобга олган ҳолда 1993 йилда бу дарслик қайта нашр қилинди. Ҳозирда ҳам домланинг ўқув–услубий қўлланмалари, илмий ишлари бухгалтер кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда асосий манба ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида ҳам иқтидорли бухгалтер кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. Бошқа йилларга нисбатан 1996–2021 йилларда “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит” ихтисослиги бўйича кўплаб фан номзодлари ва фан докторлари етишиб чиқди. Биргина Тошкент Давлат

Иқтисодийети Университетининг “Бухгалтерия ҳисоби” кафедрасининг ўзида ушбу йиллар ичида “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит” ихтисослиги бўйича бешта фан доктори ўттизга яқин фан номзоди тайёрланди.

Эришилган ютуқларда кафедрада узоқ йиллар мудирлик қилган, иқтисодо фанлари доктори, профессор Нуриддин Жўраевни ҳиссаси каттадир. Домла қисқа даврда кўплаб шогирдларни тайёрлади ва “Бухгалтерия ҳисоби” фанини ривожлантиришда катта меҳнат қилди. Нуриддин Жўраев бошчилигида “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит”, “Молиявий ва бошқарув ҳисоби” номи дарслик, “ТИФ субъектлари ҳисоботи” номи ўқув қўлланма ва кўплаб илмий ишлар тайёрланган. Ҳимоя қилган докторлик ва номзодлик диссертацияларининг саккизтасига бевосита илмий раҳбарлик қилди.

Жаҳонда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва такомиллаштириш мактабларнинг бир дебочаси сифатида юзага келаётган ўзбек миллий мактабининг шакллана бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин бу қисқа давр ичида республикамызда бухгалтерия ҳисоби тизимининг шаклланиб боришида олимларимиз, мутахассисларимиз томонидан кўплаб илмий, назарий, амалий ишлар қилинди ва қилинмоқда. Масалан, 1996 йил 30 августда бухгалтерия ҳисоби тизимининг ҳуқуқий асоси ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонуни қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5–февралдаги 54–сонли қарори билан “Маҳсулот (иш,хизмат)ни ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакиллантириш тартиби тўғрисида” Низом қабул қилинди.

XX асрнинг охирига келиб, Ўзбекистон Республикаси мустақил тарзда халқаро бозор майдонига юз тутта бошлади. Натижада амалдаги тизимда янгича дунёқараш ва тасаввурлар пайдо бўлди. Шу йўсинда бошқа соҳалар каби амалдаги бухгалтерия ҳисоби тизимида ҳам янгича атамалар, фикрлар ва қарашлар юзага келди. Бундай ўзгариш ва ислохотларга мослашиш талаби негизда анъанавий бухгалтерия ҳисоби тизимида янгиланиш босқичини тез ва оғишмай амалга ошириш натижасида Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандарти (БҲМС) шакллана бошланди. Ҳозирда Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандартининг 24 та стандарти ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди.

Назарий жиҳатдан ҳанузгача бухгалтерия ҳисобининг ташкилий тузилиши борасида ҳар хил қараш, гоё ва фикрлар мавжуд бўлиб, амалий жиҳатдан баъзи бир муаммоларни келтириб чиқармоқдаки, унинг натижасида хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағларини бошқариш, уларнинг ҳаракати устидан назорат ўрнатиш ва аниқ маълумотларни олиш, ҳисобни тўғри ташкил этишда ноаниқлик ва камчиликларга йўл қўйилиши асоссиз йўқотишларга олиб келмоқда.

Бундай мавҳум қарашлар, салбий ҳолат ва талаблар амалдаги “Бухгалтерия ҳисоби” фанини янада такомиллаштириш, унинг замонавий усул ва услубиётларини яратишда ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси, фаннинг ривожланиш тарихи ва истиқболларини ҳамда республикамыз иқтисодийетининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бу соҳада ислохотлар ва илмий изланишлар олиб боришни зарурий шарт қилиб қўймоқда.

“Бухгалтерия ҳисоби” тизимининг келажакдаги тадбирларидан бир жамиятдаги тараққиётни ва тармоқларни ўзига хос хусусиятларини олган ҳолда тармоқ бухгалтерия ҳисоби тизимининг ривожлантиришдир.

Шунингдек тармоқлараро бухгалтерия ҳисобининг яқдиллигини таъминлаш. Чунки тармоқлараро бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилишида муаммолар мавжуд. Масалан, ишлаб чиқариш корхоналарида ташкил этилган бухгалтерия ҳисоби тизими ҳуқуқий, меъёрий ва услубий ҳужжатлар билан тўлиқ таъминланган деса бўлади. Лекин тижорат банкларида бу соҳада оқсоқлик бор.

Ханузгача тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш бўйича миллий стандарт амал қилмайди. Уларда фақат Марказий Банкнинг йўриқномаларига асосан бухгалтерия ҳисоби юритилади.

Шунингдек, Солиқ кодексининг айрим моддалари билан “Маҳсулот (иш,хизмат)ни ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг моддаларини бир–бирига мос келмаслик ҳолатлари мавжуд.

Бундай муаммоларни мавжудлиги келажакда Республикамиз ҳисоб тизимида бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва аҳамиятини янада очиб беради.

Бу ўз навбатида соҳа мутахассисларидан тинимсиз изланишлар олиб бориш натижасида амалдаги бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириб бориш вазифасини кўяди.

Бу муаммоларни ҳал қилишда янги инавацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ёш мутахассисларни тайёрлашда илғор педагогик усулларни қўллаш ҳам бу соҳани ривожлантиришдаги асосий омиллардан бири ҳисобланади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ш.Т. Эргашева,
ТДИУ, и.ф.н., профессор.

Мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни тўғридан–тўғри жалб этилиши, эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши ва фаолият юритиши бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил қилишни зарурат қилиб қўймоқда. Ҳозирги вақтда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари хўжалик субъектлар томонидан ташқи фойдаланувчилар эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган бухгалтерия ахборотини тайёрлашда тобора кенг фойдаланилмоқда. Бу ҳолат ахборотни сифатини ошириш, капитал қийматини пасайтириш, капитал бозорига киришни осонлаштириш каби бир қатор сабаблар билан изоҳланади. Маълумки, молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларини билмасдан туриб ушбу стандартларга ўтиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражасининг барқарор бўлишини таъминлаш – энг муҳим ушбу вазифамиздир”¹¹¹. Шунингдек, хўжалик субъектларини янада ривожлантириш масалалари 2017–2021– йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишларда ҳам алоҳида белгилаб берилган.¹¹²

Республика иқтисодиётининг етакчи тармоқлари ва соҳаларида хорижий инвестициялар иштирокида 4200 дан кўпроқ қўшма корхоналар ташкил қилинган. Бу корхоналардан 850 дан ортиғи Россия Федерациясига, 396 таси Буюк Британия, 242 таси АҚШ, 159 таси Қозоғистон, 114 таси Германия ва бошқа мамлакатлар инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, эркин иқтисодий зоналар ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Табиийки, бундай шароитда бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) асосида ташкил этиш ва юритишни талаб қилади.

Замонавий бухгалтер ва ҳар бир раҳбар ходим томонидан банк ёки компанияни ривожланиши ва молиявий барқарорлигини таъминлашида дуч келинаётган иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда ўз бухгалтерларига ишонч ҳосил қилгани ҳолда, уларни юқори малакаси ва иш тажрибалари халқаро амалиёт, яъни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га таяниб энг яқин ёрдамчи деб қараши зарур. Бу эса республикамиз иқтисодиёти янада ривожланишининг муҳим омилларидан бирига айланади.

Шунингдек, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг кўлами, тармок

¹¹¹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 66 б.

¹¹² «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони.

хусусиятлари ва йўналишларини инобатга олган ҳолда намунавий ташкилий–тузилмани жорий қилиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг очиқлигини ошириш, улар томонидан халқаро стандартлар асосида молиявий ва аудит ҳисобот ахборотини нашр қилиш.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, 2015–2018–йилларда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботни нашр этиши ва Халқаро аудит стандартлари ҳамда Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ ташқи аудит ўтказишни маълумот учун қабул қилиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси акциядорлик жамиятларининг йиллик молиявий ҳисоботини халқаро стандартларга мувофиқ нашр этиш жадвалини тасдиқлаш” вазифалари бегилаб берилди¹¹³. Бугунги кунда, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти сифатида иккита эталон: Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари – МХХС (IFRS – International Financial Reporting Standards) ҳамда АҚШнинг Бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган қоидалари – БХУҚ (Generally Accepted Accounting Principles, GAAP) тан олинган.

Жаҳон фонд бозорларида листингдан ўтиш учун тақдим қилинадиган молиявий ҳисобот айнан шу икки стандарт талаблари асосида тайёрланади ва тақдим етилади. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, АҚШ фонд бозори листингига кириш учун GAAP (БХУҚ) талаблари, қолган фонд биржалари учун esa МХХС талаблари асосида молиявий ҳисобот тақдим етилади.

Тўғри, АҚШнинг Бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган қоидаларида “стандарт” сўзи мавжуд эмас. Лекин юқоридаги стандартларга берилган таърифларга мувофиқ, GAAP ни бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти сифатида қарашимиз мумкин. Кўпгина хорижий олимлар томонидан ҳам GAAP халқаро стандарт сифатида тан олинади.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти ҳисобланган GAAP яратилишида Инглаиз–саксон бухгалтерия ҳисоби қоидалари катта манба бўлиб хизмат қилган. Шу билан бирга, унинг назарий асосларини ишлаб чиқишда мамлакатнинг, нафақат бухгалтерия ҳисоби билан бевосита шуғулланувчи олимлари, балки барча иқтисодий йўналишда фаолият юритувчи машҳур олимлар ўз ҳиссаларини қўшишган. Лекин GAAP нинг ривожланишида қанчалик кўп омилар ўз изини қолдирмасин, у позитивизм таъсири доирасида шаклланди (позитивизм–фаннинг ролини фактлар ва ҳодисаларни ёзиб боришдангина иборат деб чекаб қўяди, уларнинг моҳиятини тушунтириб беришдан бош тортади, у асосан амалиёт ва тажрибага таянади). Ишонч билан айтиш мумкинки, GAAP АҚШ иқтисодиётининг эллик йиллик амалий тажрибасининг мевасидир. Ҳозирда МХХС – бухгалтерия ҳисобининг халқаро эталони ҳисобланади, шу сабабли, МХХСни қабул қилаётган мамлакатлар кундан–кунга кўпайиб, у 150 дан ортик касбий уюшмаларни қамраб олди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ–4611–сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора–тадбирлар

¹¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора–тадбирлари тўғрисида”ги фармони. 24.04.2015 й. ПФ-4720

тўғрисида”ги ПҚ–4611–сонли қарорига 14 мувофиқ, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар

2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этишди ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлайдилар ва унга мувофиқ молиявий ҳисоботни ихтиёрий равишда МҲХСга мувофиқ тайёрлайдиган тадбиркорлик субъектлари эса бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисобот тақдим этишдан озод этилади. Ушбу Қарорга кўра, МҲХС соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича жаҳоннинг муваффақиятли тажрибаларини оммалаштириш, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича нодавлат таълим ташкилотларини, яъни аккредитациядан ўтган ўқув марказлари ҳамда соҳага оид олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини босқичма–босқич халқаро аккредитациядан ўтказиш юзасидан бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотлар (Сертификатланган дипломли бухгалтерлар халқаро ассоциацияси (Association of Chartered Certified Accountants — АССА) ва бошқалар) билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришни йўлга қўйиш мақсадида Илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ва мазкур соҳада кадрлар тайёрлашнинг замонавий усулларини босқичма–босқич жорий этиш бўйича ишлаб чиқилган йўл харитасига мувофиқ, ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаси асосида ўқув жараёнининг сифатини, имтиҳонларни ўтказиш ва натижаларини баҳолашнинг шаффофлигини таъминловчи МҲХС бўйича сертификатлашнинг самарали тизимини жорий этиш, шунингдек, МҲХС соҳасида талаб юқори бўлган мутахассисларни аккредитациядан ўтган ўқув марказларида ўқитиш бўйича ташкилий тадбирларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашиш, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини МҲХСга мувофиқ уйғунлаштириш масаларига алоҳида эътибор қаратилгандир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 июндаги ПҚ–5161–сон “Нодавлат таълим ташкилотларини давлат томонидан қўллаб–қувватлаш ва таълим жараёнида ёшлар учун қўшимча шарт–шароитлар яратиш чора–тадбирлари тўғрисида” қарори 115га мувофиқ молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартлари бўйича инновацион малака ошириш ресурс марказини ташкил этиш бўйича йўл харитасига мувофиқ Тошкент давлат иқтисодийёт университети ҳузурида Молиявий ҳисобот бўйича ресурс марказини алоҳида юридик шахс сифатида ташкил этилди ҳамда марказнинг Васийлик кенгаши тузилди.

Молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартлари бўйича инновацион малака ошириш ресурс маркази ўз фаолияти доирасида ўзининг кенгаши

114 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли қарори

115 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 июндаги ПҚ-5161-сон “Нодавлат таълим ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва таълим жараёнида ёшлар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори.

тавсиясига кўра, хорижий давлатлардан ўқув ва илмий адабиётларни тўғридан-тўғри харид қилиш ваколати берилишини инобатга олиб, замонавий ўқув адабиётларини яратиш, энг янги хорижий адабиётларни харид қилиш ва таржима қилиш, такафлар ишлаб чиқиш, хорижий адабиётлардан қўшимча ёки муқобил ўқув адабиётлари сифатида фойдаланишни кенгайтириш, ресурс марказида кутубхона фондини, ўқитиладиган мутахассислик фанларига тегишли асосий ўқув адабиётларининг электрон шакли билан тўлиқ таъминланиш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурларидан фойдаланиш ва таълим бериш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек соҳа мутахассислари ва профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишни, шунингдек тегишли таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари талабалари амалиётини ташкил этиш ва тегишли шароитлар яратиш каби муҳим вазифаларни бажариши режалаштирилган.

Бу чора-тадбирлар нафақат ўз вақтида МХХС соҳасида зарур миқдордаги малакали мутахассисларни тайёрлаш имконини бериши, балки халқаро даражадаги мутахассисларни тайёрлаш бўйича миллий тизим яратилишини ҳам таъминлаши кутилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. 24.04.2015 й. ПФ-4720.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 июндаги ПҚ-5161-сон “Нодавлат таълим ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва таълим жараёнида ёшлар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори
5. Brown, P. (2011). “International Financial Reporting Standards: How real are the benefits?” *Accounting and Business Research*, 41 (3), 269–285 p.
6. Ergasheva Sh.T., Ibragimov A.K., Rizayev N.K., Ibragimova I.R. *Moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlari. O'quv qo'llanma.* – T.: “Iqtisodiyot” nashriyoti 2019. – 227 b.
7. <http://www.icar.ru> – International Center of Accounting Reforms (ICAR)
8. <http://www.ifrs.org/Pages/default.aspx> – International Accounting Standards Board and IFRS Foundation
9. <http://www.lex.uz/> – national database of legislation Uzbekistan (LexUz)

FEATURES OF DIGITALIZATION AND ENSURING TRANSPARENCY OF ACCOUNTING IN UZBEKISTAN

M. M. Tulakhodjaeva,
Chairman of the Council of the National Association
accountants and auditors of Uzbekistan

M. H. Khodjaeva,
Associate Professor

In order to consistently implement the ongoing large-scale reforms, a State program has been prepared for the implementation of the Action Strategy in five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017–2021.¹¹⁶ On the basis of a comprehensive discussion with the participation of the general public, 2020 has been named the "Year of the Development of Science, Education and the Digital Economy."¹¹⁷

In the field of improving the system of state and social construction, it is envisaged:

the introduction of the "Electronic Parliament" system into the activities of the Legislative Chamber and the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan since 2020, which allows the use of an electronic portal and a mobile application in order to form parliamentary and parliamentary inquiries based on citizens' requests on the Internet, as well as to carry out a direct dialogue with voters;

introduction from July 1, 2020 into practice of the procedure for regularly hearing at meetings of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan information of the heads of state bodies and economic management bodies about their activities, as well as members of the government and industry leaders on the work carried out to implement the UN Sustainable Development Goals, the development of science, education and the digital economy.

The digitalization of the economy is focused primarily on increasing its efficiency and competitiveness. According to international experts, thanks to digitalization:

costs are reduced

- for maintenance of production of products by 10–40 percent,
- are shrinking
- equipment downtime by 30–50 percent,
- terms of launching goods and services on the market – by 20–50 percent,
- costs for product quality assurance and advertising – by 10–20 percent,
- costs of storing stocks – by 20–50 percent.

¹¹⁶ Strategy of actions in five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021 (Appendix No. 1 to the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated 07.02.2017 No. UP-4947)

¹¹⁷ On the state program for the implementation of the strategy of actions in five priority areas of development of the republic of Uzbekistan in 2017-2021 in the "Year of the development of science, education and the digital economy" - Decree of the President of the Republic of Uzbekistan of 03/02/2020 No. No. UP-5953

According to the Diffusion of Digitalization report published by Huawei and the Oxford Research Institute of Economics, the global digital economy is projected to reach \$ 23 trillion by 2025, and its share of the world's gross domestic product will increase to 24.3 percent.¹¹⁸

Additional tasks for the further development of the digital economy and e-government are defined:


- accelerated formation of the digital economy and an increase in its share in the country's gross domestic product by 2023 by 2 times;

- introduction of a complex of information systems in production management, widespread use of software products in accounting and reporting in financial and economic activities, as well as automation of technological processes.

Since 1995, the most common accounting software product in Uzbekistan, as in many CIS countries, has been "1-C Accounting", designed to automate accounting and management accounting (including payroll, taxation and personnel management), economic and organizational activities of an enterprise ... Taking into account the peculiarities of the legislation on accounting, taxation and legal regulation of Uzbekistan since 2000, such software products have been created as "1-UZ Accounting", BEM- "Accountant Electron Madad", "E-OMBOR" – Online warehouse, etc.

The place of accounting and audit in the Complex of information programs in accordance with the Architecture of the "Electronic Government" system of Uzbekistan is reflected in the diagram below 1.

Activities in the field of accounting are very closely related to numbers. The concept of "digitalization of accounting" implies not only the use of numbers in accounting, but also competent processes of using electronic digital media in reflecting business transactions, generating financial statements, as well as submitting it and other financial information as necessary to various authorities.



Scheme 1. The architecture of the "Electronic government" system
II. Complexes of information systems

Directly to accounting, as accountants are used to using, is an accounting system (1-C, SAP or ERP), which serves to reflect transactions, postings, form ledgers

¹¹⁸ Abdurakhmanov K.A., Academician of the Academy of Sciences of Uzbekistan - "Digital Uzbekistan -2030 will bring out of the laggards" People's Word, 10.04.2020, narodnoeslovo.uz, www.xs.uz/ru)

and financial statements. Such automation of accounting and reporting for accountants has long been familiar.

Accounting software products introduced since 2018

The novelties for accountants in the last 3–5 years are:

- “Client–Bank” system: now hardly any of the accountants will remember the last time he “talked” with the bank in paper form;
- reporting system (SSO) via electronic communication channels for submission of documents to regulatory authorities;
- services of electronic document exchange (ODS) with counterparties – for the legally significant exchange of electronic documents with other companies, for example: electronic signatures, electronic invoices;
- process and document management system (ECM or electronic document management system) – for organizing the interaction of employees and storing documents.

Digital accounting processes are continuous and cover all implemented software solutions, forming a single information space, but a specialist manages everything.

No process implies the exclusion of a person at all, since the employee creates a document and carries out processes, in the coordination of which managers and other responsible employees take part.

When agreeing and signing, the manager uses “EDS” – an electronic digital signature.

Smart automation helps speed up processes, makes it easier to find documents, and provides possible useful scenarios for standard procedures.

Continuity and universal coverage of the implemented software solutions is achieved through the use of BLOCKCHAIN technology. The advantages of this technology are that it has a number of properties important for accounting work: high speed and accuracy of transactions (1), security and permanent recording of data (2), personal limited access to certain data (3), reliability and transparency provided in the blockchain. information in the absence of trust in the counterparty.119

References

1. *Taking into account global trends in the digital economy, our country will actively develop new areas of information and communication technologies, such as “Big Data”, “cloud” computing, robotics and artificial intelligence.*

119 Antipina Zh.P., Selezneva M.P., Kochetkova A.S., Samara State University of Economics (Russia, Samara). THE IMPACT OF DIGITALIZATION ON ACCOUNTING: Economic Sciences -International Journal of Humanities and Natural Sciences, vol.12-3 (39), 2019 DOI: 10.24411/2500-1000-2019-11952

СОТИШ БЮДЖЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

Н.Б. Абдусаломова,
ТДИУ, и.ф.д. (DSc), доцент

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш натижасида республикаимиз саноат корхоналарини янада ривожланиши бухгалтерия ҳисоби олдига янги талаблар қўймоқда. Ушбу талаблар асосан, Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги [1] Қонуни ва бошқа тегишли меъёрий ҳужжатларда белгиланган концептуал қоидаларга асосланган. Улар негизида ҳар бир бухгалтерия ҳисоби субъекти ўзининг мавжуд шарт–шароитларига мос ҳисоб юритиш ҳамда ҳисобот тузиш услубларини шакллантириши лозим.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, улушини кўпайтириш» [2] вазифаси қўйилган. Бу борада саноатни янада ривожлантириш, унинг таркибида қора металлургия тармоғида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, тармокни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш, энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш рақобат муҳитини шакллантиришдаги муаммоларни ҳал қилишда алоҳида аҳамият касб этади. Бунинг учун қора металлургия саноати корхоналари молиявий фаолиятини бошқаришда зарур бўлган бошқарув ҳисоботларини шакллантириш учун керакли ахборотни олишга имкон берадиган бюджетлаштиришни акс эттирувчи ҳисоб–таҳлил жараёнларини ишлаб чиқиш зарур бўлиб ҳисобланади. Корхонани бошқариш жараёнида бюджетлаштиришни жорий қилиш учун ҳужжат алмашинувини тартибга солиш, тизимлаштирилган бошқарув ҳисоботларини жорий қилиш, ҳисоб–китоб ишларини автоматлаштириш, турли жараёнларлар учун масъул бўлган мансабдор шахсларни белгилаш, масъулият марказлари фаолиятларини оқилона ва самарали бошқаришга янги технологияларни қўллаш бутун хўжалик юритувчи субъектнинг ишини яхши ташкил этишга имкон беради.

Шуни қайд этиш жоизки, корхонанинг савдо ҳажми бюджети ва унинг товар айланмаси корхона фаолиятининг умумий кўриниши ва даражасини олдиндан белгилаган ҳолда, сотиш бюджетида белгиланган ахборотдан келиб чиқувчи аксарият бошқа бюджетларга таъсир кўрсатади.

Шу тариқа, сотиш бюджети ҳар бир корхона учун асосий бюджет ҳисобланади, айнан бюджет режалаштириш жараёни самарадорлиги унинг тўғри шаклланишига боғлиқ. Сотиш бюджетини тузиш корхонанинг ишлаб чиқариш дастурини танлаш билан параллел ҳолда давом этиши керак (1–расм).


Фақат шу тарзда куйидаги кўрсаткичлар асосида реал савдо ҳажмига эга бўлиш мумкин:

- мижозлар талабини прогноз қилиш;
- режаштирилаётган давр бошига кўзда тутилаётган захиралар ва захиралар меъёри;
- ишлаб чиқаришнинг тўхташи ва таъмирлаш жадвалларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш;
- яримтайёр маҳсулотлар ва ёрдамчи ишлаб чиқариш маҳсулотларига ички эҳтиёж;
- хомашё ва материаллар етказиб берувчиларни тақлифи.

Бўлимларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва режаштириш ишларини бажариш тартиби цехлар бўйича буюмларни тақсимлашни, деталларни ишга тушириш—чиқариш, тезкор календарь режалари ва сменали—суткали топшириқларни шакллантириш етарлича мураккаб ва меҳнатталаб ҳисоб—китобга эга. Бу корхонада ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш соҳасида объектив қарорлар қабул қилиш учун дастурий таъминотни ишлаб чиқиш заруратини юзага келтиради.

Мисол тариқасида, “Бюджетлаштириш” компьютер ахборот тизимининг ишлаб чиқариш дастурини ҳисоблаш учун куйидаги дастурий модулни келтирамиз:

- а) ишлаб чиқариш дастурини белгилаш;
- б) корхонанинг аниқ мижозлари учун юк қабул қилиш, тушириш тақсимотини шакллантириш;
- в) харид қилиш дастурларини белгилаш;
- г) корхона қувватларидан оптимал фойдаланиш орқали талабни юқори даражада қондириш дастурини ишлаб чиқишни кўзда тутган ҳолда ҳар бир ой бўйича корхона маҳсулотларининг якуний қолдиқлари, хомашё ва материалларни аниқлаш.



1-расм. Сотиш бюджети таркиби 120

Ишлаб чиқариш дастурини ҳисоблаш мезонлари. Ҳисоб–китоб куйидагиларни кўзда тутиши керак:

1. Маҳсулотларни ишлаб чиқаришга эҳтиёж куйидаги таркибий қисмлардан иборат:

1.1. Шартли–доимий талаблар – шартли равишда доимий харажатлар прогнозида корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга талаб мавжуд бўлса, бу ишлаб чиқариш дастурини шакллантиришда ҳам ўз аксини топиши керак.

1.2. Захираларнинг меъёрий ўсиши – бир ойлик захиралар меъёрининг ортиши ва олдинги даврнинг егишли кўрсаткичидан каттароқ бўлиши. Ушбу ижобий фарқ ишлаб чиқариш дастурининг меъёрий мувозанатини таъминлаш учун сабаби сифатида намоён бўлади.

1.3. Буюртмачилар ва харидорларнинг талаби – ишлаб чиқаришга талабни аниқлашда асосий омил ҳисобланади. Буюртмачилар ва харидорларнинг талаби ҳар бир корхона учун алоҳида–алоҳида аниқланган мезонларга мувофиқ тартибга солинган ва уни қондириш иерархик кетма–кетликда гуруҳланган.

1.4. Ишлаб чиқариш учун меъёрлаштирилган харажатлар – корхонанинг бўлиналари ўртасида ички ҳамкорликни аниқлайди (ўз ишлаб чиқаришининг яримтайёр маҳсулотларига эҳтиёж):

1.4.1. Бир неча турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш усулини устуворликка эга бўлиши, маҳсулот ишлаб чиқариш учун технологик схемалар вариантларини ишлаб чиқариш имкониятларини белгилайди, шунингдек уларнинг афзалликларини белгилайди;

1.4.2. Маълум бир маҳсулот ишлаб чиқаришдан олдин умумий харажатларга талаб маҳсулотнинг ишлаб чиқариш даврида белгиланади. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш жараёни бошланиши учун зарур таркибий қисмлар, шу жумладан, ўз ишлаб чиқаришида яримтайёр маҳсулотлар бўлиши керак.

2. Корхонанинг маҳсулотга бўлган эҳтиёжларини қондириш имкониятлари куйидаги таркибий қисмлардан иборат:

2.1. Белгиланган меъёрдан ортиқ захиралар – омборларда тайёр маҳсулотни, хомашё ва материалларни сотиш ёки ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун керак бўлган ортиқча миқдорини кўрсатади.

2.2. Ўз ишлаб чиқариш қувватлари – корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳиятини кўрсатади.

а) ишлаб чиқариш имкониятдан муқобил фойдаланиш – бир хил ускунада ишлаб чиқариладиган ўзаро боғлиқ маҳсулотларнинг (рақобатлашувчи) рўйхатини белгилайди, улар бир–бирининг ишлаб чиқариш қувватини олади.

б) маҳсулотдан маҳсулотга ўтишда имкониятни йўқотиш – бир маҳсулотдан бошқасига ўзгарганда, оддий ускуналар мавжуд бўлиб, бу ишлаб чиқариш имкониятлари йўқолишига олиб келади.

с) "Асосий" ва "Турдош" маҳсулотларни ишлаб чиқариш қувватларини нисбати – маҳсулот ўртасидаги муносабатни кўрсатади, шунингдек, турдош маҳсулотни ишлаб чиқарилиши асосий маҳсулотни ишлаб чиқаришга боғлиқлигидан далолат беради.

d) омборга чиқиш – маҳсулотнинг сақлаш муддати доирасида мавжуд талабини қондириш учун омборлар салоҳиятидан ошмаган ҳажмларда маҳсулот сақлаш имкониятини ифодалайди.

2.3. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилардан сотиб олиш қобилияти – корхонанинг ишлаб чиқариш дастурини зарур ресурслар билан таъминлаш қобилиятини белгилайди.

3. Чекловлар – ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар талаб даражасида бўлиши ёки қайта ишланиши керак.

Корхонанинг ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш. Корхонанинг ишлаб чиқариш дастурини ҳисоблаш бир неча босқичдан иборат. *Дастлаб*, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати корхона маҳсулотининг меъёрдан ортик захиралар миқдори бўйича оширилади.

Иккинчи босқичда корхона таркибий бўлинмаларининг эҳтиёжларини қондириш ва меъёрлаштирилган қолдиқлар миқдорини таъминлаш учун ишлаб чиқариш дастури тузилади. Ушбу мақсадлар учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича дастур, яримтайёр маҳсулотлар ва тегишли маҳсулотлар талаб этилади.

Ҳисоб–китобнинг *учинчи босқичида* корхона мижозларининг талабларини қондириш имконияти таҳлил қилинади. Ҳисоб–китоб шартномалар тартибига кўра, кетма–кет равишда амалга оширилади: битимлар камайиши орқали шартномалар амалга оширилади. Ҳар бир шартнома учун маҳсулотни, керакли яримтайёр маҳсулот ва тегишли маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун дастур белгилади ва унинг ҳажмини мос равишда қисқартириш мумкин бўлади.

Рақобатбардош маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун мавжуд имкониятлар шартномаларни тартибига кўра қайта тақсимлаб чиқилади. Агар ҳисоб–китоб даврида корхонанинг муайян маҳсулоти учун ишлаб чиқариш салоҳият мавжуд эмаслиги аниқланса, олдинги ойлардаги кам қувват сарфи таҳлил қилиниб, захира мавжуд бўлганда, келажакдаги талабни қондириш учун маҳсулот қолдинини яратиш таклиф этилади. Агар бундай захира топиламаса, шартнома рад этилиши мумкин. Маҳсулот етказиб берилишини чеклашда, шунингдек яримтайёр маҳсулотлар учун имкониятларни етишмаслиги ҳам омил бўлиши мумкин. Бундай ҳолда, яримтайёр маҳсулотни сотиб олиш имконияти (агар у яримтайёр маҳсулот сотиб олинган бўлса) дастлаб таҳлил қилинади, кейин ундан олдинги даврларда унинг ишлаб чиқариш имконияти аниқланади. Таҳлил жараёнида қўшимча муқобил вариантлар топиламаса, унда камомадни бартараф этиш учун жорий давр учун мавжуд маҳсулот тайёрлаш имкониятлари аниқланади. Бундай имконият топиламаса, шартнома бекор этилади.

Яна бир чекловчи омил бўлиб – корхонада мол етказиб берувчиларидан талаб қилинадиган таркибий қисмларни сотиб олишнинг имкони бўлмаслиги мумкин. Муаммо аввалги даврларда маҳсулотнинг сақлаш муддати ва омборхоналар салоҳияти, сотиб олиш имкониятларини таҳлил қилиш, шунингдек мавжуд маҳсулот тайёрлаш усулларини текшириш орқали ҳал этилади. Текширишда салбий натижалари юзага келганда, шартнома бекор этилади.

Яқуний босқич маҳсулотларни ишлаб чиқаришни назорат қилиш ҳисобланади. Агар турдош маҳсулот талаб қилинмаса, уни йўқ қилиш мумкин эмас (ёки йўқотиш учун жуда қиммат), агар омборларнинг қуввати кам бўлса ёки корхона айланма маблағларни ортиқча захираларга айлантира олмаса (бу

мезонни ҳисоблаш бошлангунга қадар белгиланади), бунда турдош маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириш учун асосий маҳсулотни жўнатиш бўйича тузилган шартномадан бош тортиш мумкин эмас. Корхонанинг сотиш бюджети турли хил микро ва макроиқтисодий омилар, иқтисодиётнинг ҳолати бўйича маркетинг тадқиқотлари, хомашё ва материалларнинг муайян турлари, маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати, рақобатчилар, нарх–наво сиёсати ва маҳсулотларга талаб ва таклифни таҳлил қилиш ҳамда бошқариш натижалари асосида шакланган савдо прогнози асосида тузилади [3].

Корхонанинг сотиш бюджетини шакллантиришда қуйидаги кўрсаткичлар ўзгариши динамикасига алоҳида эътибор қаратиш лозим:

1) умуман, товар бозорининг ҳолати – аввалги даврлардан олинган маълумотлардан фойдаланган ҳолда қуйидагиларни аниқлаш керак: бозорда корхонанинг асосий рақобатчилари бўлган маҳсулотларнинг талаб даражасининг ўртача ўсиш суръати, сотиш ҳажмлари ва маҳсулот сифати;

2) савдонинг умумий иқтисодий кўрсаткичлар, иш билан бандлик даражаси, нарх–наво, харидорларнинг даромадлар даражаси ва савдоларнинг узоқ муддатли тенденцияларига боғлиқлиги.

3) корхонанинг савдо ҳажмини ошириш салоҳияти.

Сотиш бюджети ташкилотнинг умумий бюджетини тузишда дастлабки ва энг муҳим бюджетдир. Сотиш бюджети товар тузимаси корхонанинг барча фаолиятининг даражаси ва умумий хусусиятини олдиндан белгилайди, барча бюджетларга сезиларли таъсир кўрсатади. Сотиш бюджети инфляция даражасини инобатга олган ҳолда, натурал ва қийматли ифодада савдо ҳажми, баҳолар ўсишининг прогноз кўрсаткичларини ўз ичига олиши керак.

Сотишдан олинган даромад формуласи қуйидагича белгиланади:

$$C_D = C_x V_{hp} * C_n * I_n \quad (1) 121$$

бу ерда: C_D – сотишдан олинган даромад; $C_x V_{hp}$ – натурал бирликлардаги савдо ҳажми; C_n – маҳсулот бирлигини сотиш нархи; I_n – маҳсулот нархининг ўсиш индекси.

Сотиш бюджети маҳсулотни истеъмолчилар билан ҳисоблашнинг белгиланган қоидалари ва маҳсулот сотишни яхшилаш бўйича режалаштирилган чора–тадбирлар асосида сотишдан тушувчи пул тушумлари прогнози билан биргаликда кўриб чиқилиши керак. Ушбу прогноз давр охирида (қарзлар ва ўтган даврдаги баланслар), жорий даврда тўланиши керак бўлган қарз суммаси ва ҳар бир даврдаги савдодан тушган тушумларнинг суммаларини кўрсатади.

Сотиш бюджети корхона бюджетлаштириш тизимининг биринчи ва асосий элементи бўлиб, бошқа бюджетлар учун асос бўлиб ҳисобланади (–жадвал).

Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш бюджетлари. Корхонанинг ушбу ишлаб чиқариш дастурини бажариш учун узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш имконини берувчи бир қатор операцион

бюджетларни ишлаб чиқиш керак: Хомашё ва материалларни сотиб олиш бюджети.

Корхонада хомашё ва материалларни сотиб олишни ҳисоблаш шакланган ишлаб чиқариш дастури асосида амалга оширилади ва қуйидаги вазифаларни бажаради:

- корхонанинг ишлаб чиқариш дастуридаги барча харажат моддаларига эҳтиёжини аниқлаш;

- корхонанинг муайян хомашё ва материаллар мол етказиб берувчилардан харид қилишини аниқлаш.

Хомашё ва материалларни сотиб олиш учун бюджет моддий–техника таъминоти хизмати режасини намоён этади. Моддий–техника таъминоти режаси қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади:

- ишлаб чиқариш дастури;

- моддий ресурслар захиралари бўйича меъёрлар;

- хомашё, материаллар, яримтайёр маҳсулотлар, ёқилги, бутловчи қисмлар харажатлари меъёрлари;

- капитал қурилиш, реконструкция қилиш, янги маҳсулот ишлаб чиқаришни тайёрлаш, жиҳозларни, биноларни, иншоотларни, уй–жой объектларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш режалари;

- режалаштирилган давр боши ва охирида моддий ресурслар баланси;

- мол етказиб берувчилар билан тузилган ва янги ташкил этилган муносабатлар;

- барча турдаги моддий–техник ресурслар учун нархлар.

Моддий ресурсларга эҳтиёж қуйидагиларга харажатлар билан белгиланади:

- асосий ишлаб чиқариш, жумладан захира ва эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш;

- асбоб–ускуналарни модернизациялаш ва ностандарт асбоб–ускуналар ишлаб чиқариш;

- синов намуналарини ишлаб чиқариш ва тажриба ишларини ҳисобга олган ҳолда;

- цех, участкаларни реконструкция қилиш;

- таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш талаблари;

- капитал қурилиш;

- ижтимоий, маданий ва маиший соҳалардаги ишлар;

- захираларни яратиш.

Корхонанинг хом ашё ва материалларни мол етказиб берувчилардан харид қилиш тартиби қуйидагича амалга оширилади:

а) талабнинг ҳисобланган қиймати ва унинг келиб чиқиши, корхонанинг амалдаги мол етказиб берувчилар таклифи таҳлил қилинади;

б) агар бир неча мол етказиб берувчиси мавжуд бўлса, корхона керакли нархга эга мол етказиб берувчига имтиёзлар берилади. Шартнома даражалари ҳар бир корхона учун алоҳида кўрсаткичлар бўйича белгиланади: ресурслар нархи, кечиктирилган тўлов, ресурслар сифати, етказиб беришнинг барқарорлиги.

в) мол етказиб берувчиларда етказиб бериш бўйича чекловлар мавжуд бўлганда, ўтган ойлардаги корхонани улардан сотиб олиш имконияти таҳлил қилинади ва агар оддинги ойларда ҳам чекловлар мавжуд бўлса, келгусида

эҳтиёжни қондириш учун меъёрдан ортиқ қолдиқлар ҳосил қилиш учун харидлар амалга оширилади;

г) аниқ кўрсатилган ресурсни мол етказиб берувчилари бўлмаган тақдирда, ресурс зарур бўлган вақтда, тўғри миқдорда ва таянч нархларда пайдо бўлиши мумкин деб тахмин қилинади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш бюджети. Ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш иш ҳақи шаклида амалга оширилади ва ҳар бир корхона томонидан ишлаб чиқариш жараёнининг молиявий имкониятлари ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгиланади. Бироқ иш ҳақини ташкил этишнинг асосий принциплари барча мулк шаклидаги корхоналар учун умумийдир.

Иш ҳақини режалаштиришда тарифлар, иш ҳақи, асосий ставкалар, шунингдек, кўшимча тўловларнинг барча турлари ҳисобга олинади. Корхона тўлов тизимлари ва шакллари танлаш ҳуқуқига эга. Иш ҳақи фондини режалаштириш корхонада иш ҳақи тўлаш учун амалга оширилади. Саноат, ишлаб чиқариш ва носаноат ходимларининг иш ҳақини ажратиш иш ҳақи жамғармаси ходимларнинг тоифалари (ишчилар, муҳандислар, ходимлар ва бошқалар) томонидан аниқланади.

Бюджет жараёнини ҳисоблашда иш ҳақи фонди норматив ва шартли–доимий белгиланган харажатлар прогнози асосида тузилади.

Энергия билан таъминлаш бюджети. Энергия билан таъминлаш бюджети корхонанинг энергия билан таъминланишини режалаштириш ҳисобланади. Энергия билан таъминлаш ва улардан фойдаланиш энергия ишлаб чиқаришни режалаштириш ва уни қоплаш манбаларини аниқлашга асосланган. Энергия ресурсларига эҳтиёж уларнинг истеъмол қилиш ставкалари ва йиллик ишлаб чиқариш дастури асосида белгиланади.

Ишлаб чиқариш мақсадларида энергия истеъмолига кўшимча равишда, ёритиш, шамоллатиш, иситиш ва завод тармоқларида энергия йўқотиш учун унинг харажатлари ҳисобга олинади. Технологик энергия талаби операциялар ёки ускуналар турлари учун истеъмол ставкалари асосида ҳисобланади.

Корхонадаги таркибий бўлинмалар бюджетлари. Корхонадаги таркибий бўлинмалар бюджети меъёрлаштирилган ва шартли–доимий харажатлар прогнозларига мувофиқ тузилади ва таҳлил қилинган даврда меъёрий фаолият учун зарур турли хил ресурслардаги ҳар бир бирлик талабларини батафсил аниқлашга мўлжалланган. Смета ҳар ойда натурал бирликларда тақдим этилади, у тасдиқлангач, амалга ошириш учун шартсиз талабнома сифатида хизмат қилади. Бўлимларнинг ҳисоб–китобларини тузишнинг ўзига хос хусусияти бир birlikнинг прогнозини фақатгина тўлиқ эмас, балки ҳар қандай фонзда “жойлаштириш” имконияти ҳисобланади. Бу икки томонлама харажатлар ҳисобини ҳисобга олмасда, жавобгарлик марказларининг бир хил харажатлари учун умумий жавобгарликни ташкил этиш имконини беради.

Бўлинмалар бюджетларини шакллантиришдаги яқуний босқич корхона умумий кўринишини акс эттирувчи кўшимча бюджетни олиш ҳисобланади.

Корхонанинг молиявий натижаларини режалаштириш. Корхонанинг ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблаш. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар таркиби ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган табиий ресурслар, хомашё, материаллар, ёқилғи,

энергия, асосий воситалар, меҳнат ресурслари, шунингдек, уни ишлаб чиқариш ва сотиш учун бошқа харажатлар ҳисобланади.

Маҳсулот таннархини аниқлашда калькуляцион бирликни аниқ белгилаш муҳим масала ҳисобланади. Бирлик қийматини ҳисоблашда харажатларни қуйидаги гуруҳлар ажратилади:

- транспорт ва тайёрлов харажатларини ҳисобга олган ҳолда хомашё ва асосий материаллар;

- воситачи ташкилотнинг харажатлари, яримтайёр маҳсулотлари ва сотиб олинган маҳсулотлар;

- қайтариладиган чиқиндилар (чиқариб ташланади);

- ёрдамчи материаллар;

- технологик мақсадлар учун ёқилги ва энергия;

- ишлаб чиқариш ходимларининг асосий иш ҳақи;

- ишлаб чиқарувчиларнинг қўшимча иш ҳақи (қўшимча иш ҳақи, одатда, асосий иш ҳақининг улуши сифатида белгиланади);

- ижтимоий ажратмалар (пенсия жамғармаси, мажбурий тиббий сугурта фонди, меҳнат фонди, ижтимоий сугурта жамғармаси);

- ишлаб чиқаришни тайёргарлик ва ўзлаштириш учун харажатлар

- асбоб–ускуналарни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатлар;

- цех харажатлари;

- завод харажатлари;

- яроқсиз маҳсулотдан кўрилган зарар;

- бошқа ишлаб чиқариш харажатлари.

Ускунадан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш харажатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ускуналар ва транспорт воситаларининг амортизацияси;

- ускунадан фойдаланиш қиймати (ёқилги, энергия, ва ҳоказо);

- таъмирлаш харажатлари;

- амортизация.

Цех харажатларининг таркиби қуйидагиларни ўз ичига олади:

- цех бошқарув аппарати таркиби;

- бошқа ходимлар билан таъминлаш харажатлари;

- бинолар, иншоотлар, инвентаризация эскиришлари;

- бинолар, иншоотлар, инвентарларни сақлаш харажатлари;

- таъмирлаш;

- синовлар, рационализаторлик, кашфиётларга қилинадиган харажатлар;

- меҳнатни муҳофаза қилиш харажатлари;

- арзон, тез эскирувчи ускуналар ва бошқа ноишлаб чиқариш харажатлари.

Корхонани бошқа харажатлари таркиби:

- корхона бошқаруви билан боғлиқ харажатлар;

- кадрлар тайёрлаш харажатлари;

- корхонани бошқа харажатлари.

Бюджетни режалаштириш доирасида ҳар бир маҳсулотни рентабеллигини ва корхонани асосий фаолиятдан олаётган фойдасини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқарилаётган ва сотишга мўлжалланган маҳсулотни таннархини ҳисоблаш керак бўлади. Ҳисоблашда энг муҳими харажатларнинг тўғри ҳисобланиши ва уларнинг

тўғри тақсимланиши, шунингдек, прогноз кўрсаткичларининг асосий харажат моддаларига таъсирини аниқлаш ҳисобланади.

Корхонада маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи сотиш бюджетини шакллантириш асосий маълумот манбаси бўлиб уни ҳисоблаш методологияси режалаштирилган давр учун қуйидаги кўринишга эга бўлади.

Биринчи босқичда корхона маҳсулотининг ишлаб чиқариш миқдори аниқланади, бу тўғридан-тўғри ўзгарувчан харажатлар ва цех харажатларидан иборат. Бевосита ўзгарувчи харажатлар харажат меъёрлари ва ресурслар нархларини мувофиқ ўзгариш индексини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Умумий цех харажатларини тақсимоли маълум корхонанинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилган кўрсаткичларга мувофиқ амалга оширилади.

Иккинчи босқичда ишлаб чиқаришнинг тўлиқ таннархи ҳисоблаб чиқилади. Умуман, умумишлаб чиқариш харажатлари корхона харажатларини ишлаб чиқариш харажатларига нисбати билан мутаносиб равишда тақсимланади. Агар мавжуд тизимда тавсия этилаётган алгоритм корхонани хусусиятларини аниқ акс эттирмаса, корхона харажатларини таснифлашнинг бошқа усулини аниқлаш имкониятини ҳам кўзда тутати.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, сотиш бюджети режалаштирилаётган даврлар, товарлар (ишлар, хизматлар) турлари ва бутун корхона бўйича натурал ва қийматли ифодадаги сотувлар ҳажмини кўрсатади.

Сотиб олишлар ва захиралар бюджети технологик жараёнда хом ашё ва материалларнинг кутилаётган сарфланиши ва омбордаги захираларга боғлиқ бўлган асосий материаллар бўйича зарур бўлган сотиб олишлар ҳажми ишлаб чиқаришнинг умумий эҳтиёжларини акс эттиради.

Корхонанинг жами харажатларини бошқариш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг амалдаги ҳисоботида бошқарув ҳисоби усулларини ва бюджетлаштириш тизимини тадбиқ қилиш корхона мулки ва уни шакллантириш манбаларининг таркиби ва тузилмасини оптималлаштириш имконини беради ва шу тариха солиқ юкининг камайиши, маҳсулот таннархини пасайиши ва корхонанинг молиявий барқарорлигининг ошишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. ЎРҚ–404–сон “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” 2016 йил 13 апрель.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947–сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.
3. Кукушкина Е.Е. “Бюджетирование в системе управления предприятием перерабатывающей промышленности”. Вестник КГУ им. Н.А. Некрасова ♦ № 4, 2011.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚўЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

***Н. Хажимуратов,
ТДИУ, кафедра мудури, DSc.***

Ҳозирги пайтда мамлакатлар иқтисодиёти тобора очиқ ва ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлиб бормоқда, бу эса бухгалтерия ҳисоби тизимининг интеграциялашувига олиб келмоқда. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) нуфузи туфайли дунёнинг кўплаб мамлакатларида молиявий ҳисоботлар тузишга миллий талабларнинг асоси, деб тан олинган. Кўриниб турибдики, айнан халқаро стандартлар таққослаш мумкин бўлган молиявий ҳисобот тайёрлашга имкон беради.

Бу жараёнда хўжалик юритувчи субъектлардан олинган маълумотлар, бизнинг фикримизча, турли лойиҳалар бўйича инвестиция қилинган маблағларнинг сақланиши, манфаатдор томонлар учун фойдали маълумотлар тўплаш учун механизм бўлиб хизмат қилади. МҲҲС тамойилларига тўла риоя қилиш инвесторлар учун фойдали маълумот олиш мақсадига эришишга ёрдам беради.

Мамлакатимизда МҲҲС жорий қилинишининг асосий сабаблари акциядорлик жамиятларининг фаолият шаффофлигини кўрсатишга интилиши, халқаро даражага чиқишга ҳаракати ҳисобланади. Мамлакатимиз бухгалтерия ҳисоби тизимига МҲҲС жорий қилиш ва миллий стандартларни такомиллаштириш муқаррар жараён эканлигини таъкидлаш жоиздир.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда рўй бераётган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни халқаро стандартларга ислоҳ қилиш манфаатдор фойдаланувчилар учун фойдали маълумотларни шакллантиришга йўналтирилган. Халқаро стандартлардан фойдаланган ҳолда тузилган ҳисоботлар хўжалик юритувчи субъект ҳақида катта ҳажмдаги ахборотга эга бўлиб, молиявий ахборотлар шаффофлигини таъминлайди.

Амалиётнинг кўрсатишича, хўжалик юритувчи субъект томонидан ҳисобот тузишда халқаро стандартлардан фойдаланиш, биринчидан, халқаро капитал бозорига чиқиш имконини беради, иккинчидан, у фойдалироқ шартларда инвестицияларни жалб қилиши мумкин. МҲҲС бўйича ҳисобот тузадиган хўжалик юритувчи субъект ҳақида ахборот потенциал инвесторнинг

молиялаштириш улар билан боғлиқ рискларни тушуниши ва баҳолаши учун етарлидир.

Таъкидлаш жоизки, концептуал асоснинг асосий мақсади – МҲХС бўйича ҳисоботларни фойдаланувчилар учун максимал даражада фойдали қилишни кўзлайди. Сифат хусусиятлари, фундаментал ва бошқа хусусиятлар, халқаро стандартлар бўйича мутахассисларга ёрдам бериши кўзда тутилган. Бироқ алоҳида олинган хусусиятни устувор кўрмаслик лозим, акс ҳолда ахборот фойдали бўлмайди. «Молиявий ҳисоботни биринчи марта қўллаш» номли 1–сон МҲХС томонидан тартибга солинадиган молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламига «бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот, капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисобот, пул оқими тўғрисида ҳисобот, ҳисоб сиёсати ва тушунтириш хақи» киради. Ҳисобот шакллариининг барчаси асосий ҳисобланади ва мажбурий равишда тузилиши керак. Шунини таъкидлаш жоизки, санаб ўтилган шакллариининг аниқ номи мажбурий эмас (1–сонли «Молиявий ҳисоботни биринчи марта қўллаш» номли МҲХСга биноан) ташкилотлар томонидан ўзгартирилиши мумкин, аммо шу билан бирга ҳисобот шакллариининг номлари молиявий кўрсаткичлариининг иқтисодий моҳиятини акс эттириши керак, улар фойдаланувчилар учун аниқ бўлиши керак.

МҲХС бўйича молиявий ҳисобот жавоб бериши лозим бўлган биринчи ва асосий талаб – унда акс эттириладиган маълумотлар ишончлилигидир.

Фикримизча, фойдаланувчиларга ишончли ҳисобот тақдим этиш учун қуйидагилар зарур:

- барча қўлланиладиган МҲХС бажарилишини таъминлаш;
- «Ҳисоб сиёсати, бухгалтерия баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар» номли 8–сон МҲХСга мувофиқ ҳисоб сиёсатини тузиш ва уни изчиллик билан қўллаш;
- қуйидаги хусусиятларга эга бўлган ахборотни таъминлаш: тушунарлилик, ўринлилик, ишончлилик ва таққослаш мумкинлиги;
- зарур ҳолларда қўшимча маълумотларни очиб бериш (агар алоҳида МҲХС талабларига риоя қилиш ҳодисалар ва операциялариининг фаолият натижалари ва молиявий ҳолатига таъсирини етарли даражада баҳолашга имкон бермаса). Шунини таъкидлаш жоизки, ишончли ҳисобот фойдаланувчиларга ҳўжаик юритувчи субъектнинг келажакдаги пул оқимларини (шу жумладан уларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли ва пайдо бўлиш даврларини) тахмин қилиш, шунингдек унга асосланган самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини беради.

Мамлакатимиз молиявий ҳисоботида халқаро стандартлар билан бирликни таъминлаш йўлида жамоат ташкилотлариининг нуқтаи назарини ҳисобга

олган ҳолда янги стандартларни ишлаб чиқиш, бунда асосан бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоб соҳасидаги мутахассисларнинг профессионал фикрларига эътибор қаратиш лозим. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда молиявий ҳисобот халқаро стандартларини қўллашнинг асосий муаммолари куйидагилардан иборат:

МҲХС алоҳида қоидаларини қўллаш амалиёти масалалари бўйича мос келувчи услубий кўрсатмалар ва изоҳлар мавжуд эмаслиги туфайли амалдаги ва янги стандартларни мутахассислар томонидан қабул қилиш қийинлиги ҳамда ахборот етишмаслиги;

– Ўзбекистон акциядорлик жамиятларида МҲХСни қўллаш амалиёти умумлаштирилган таҳлилининг мавжуд эмаслиги;

– МҲХС бўйича халқаро сертификатлар олиш учун махсус курсларда ўқитиш қийматининг юқорилиги;

– Халқаро стандартлар асосида кўрсатиладиган аудиторлик ва консалтинг хизматлар нархининг қимматлиги;

– МҲХС бўйича мутахассислар ва малакали кадрлар етишмаслиги;

– МҲХС бўйича ҳисоб ва ҳисобот юритиш автоматлаштирилган дастурлари, шунингдек, уларга хизмат кўрсатиш баҳосининг юқорилиги.

Шу муносабат билан расмий МҲХС пайдо бўлиши мамлакат бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш, уни сифатли, объектив, фойдали ва талаб юқори бўлган ахборот яратишнинг самарали воситасига айлантириш йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади.

Фикримизча, молиявий ҳисоботни такомиллаштириш мақсадида халқаро стандартларни қўллаш шароитларида куйидагиларни амалга ошириш зарур:

– ҳўжалик муомалаларини бирламчи ҳужжатлар билан расмийлаштириш учун баъзи тартибга солувчи талабларни соддалаштириш, шу билан ҳужжат айланиши жараёнининг аксарият қисмини қисқартириш;

– ташкилотларга улар томонидан ишлаб чиқилган, МҲХС талабларига тўла мос келадиган ҳисоб сиёсати асосида бухгалтерия ҳисоби юритиш ҳуқуқини бериш;

– МҲХСни қўллаш бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш учун халқаро ҳисоб олий мактабини ташкил этиш.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган субъектларга МҲХС бўйича биринчи ҳисобот тайёрлаш бўйича хориж тажрибасига куйидагиларни тавсия қилиш мумкин:


– халқаро стандартлар бўйича ҳисобот тайёрлашни олдиндан режалаштириш (биринчи ҳисобот тайёрлаш жадваллари ва буйруқларини

тайёрлаш, баҳоловчилар, аудиторлар, ташқи маслаҳатчилар иш ҳақи харажатлари бюджетини шакллантириш);

– МХХСни биринчи марта қўлаш борасидаги қоидалар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда халқаро стандартлар бўйича ҳисобот тайёрлашнинг асосий тамойилларига мувофиқ ходимларни ўқитишни ташкил қилиш;

– автоматлаштирилган ҳисоб тизимлари, электрон жадваллар имкониятлари ва бошқа дастурлардан фойдаланиш йўли билан катта ҳажмдаги ҳисобга оид маълумотларни қайта ишлаш масаласини ҳал қилиш.

Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини халқаро стандартларга яқинлаштириш вариантлари қуйидаги расмда (1–расм) акс эттирилган.



1–расм. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби тизимини МХХС мослаштиришнинг асосий йўналишлари 122

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида МХХС жорий қилиш жараёни жадаллашмоқда, деб ишонч билан айтиш мумкин. Мамлакат ҳудудида ҳар ерда ва изчилик билан МХХС жорий қилиш корхоналарга жаҳон иқтисодиётига жалб этилганликдан тўғридан–тўғри иқтисодий фойда олиш имконини беради.

МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Б.Ф. Боронов,
СамИСИ, доценти.
Ж.А. Абдурасулов,
СамИСИ, магистрант

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар теран ва кенг миқёсда давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнига, шунингдек акционер жамиятлари, хусусий корхоналар, қўшма корхоналар ва шунга ўхшаш субъектларни ташкил этишга қаратилган. Ушбу жараёнлар қуйидаги инфратузилмалар билан беvosита боғлангандир: тижорат банклари, инвестиция ва суғурта фондлари, биржалар, молия, лизинг компаниялари, маслаҳат ва аудиторлик фирмалари ва бошқалар.

Корхоналарнинг молиявий инвестициялари деганда, киритилган жорий ва узоқ муддатли инвестициялар, яъни қимматли қоғозларнинг қиймати тушунилади. Қимматли қоғозлар муомаласи деганда, қимматли қоғозларни тасарруф этувчиларни алмашишга олиб келувчи, уларни олди–сотди ва бошқа харажатлари тушунилади. Қимматли қоғозларни ҳар қандай корхона, акционер жамияти ва кредит муассасалари чиқариш ҳуқуқига эга. Қимматли қоғозлар чиқариш ва муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинади.

Қимматли қоғозларнинг асосий турларидан бири акциялар ҳисобланиб, улар акционер жамиятини бошқаришда, жамиятнинг фойдасида ва жамият тугатилганда мулк қолдигини тақсимлашда қатнашиш ҳуқуқини берувчи акционер жамиятининг устав капиталига қўшилган маблағни тасдиқловчи қимматли қоғозлар бўлиб ҳисобланади.

Сотиб олинган акциялар учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан пул маблағлари миллий ва хорижий валюталарда, шунингдек асосий воситалар, номоддий ва бошқа активларни қўшиш йўли билан тўланиши мумкин.

Акция эгаларига берилган ҳуқуқлар ҳажмига қараб оддий ва имтиёзлига бўлинади. Оддий акциялар акционер жамиятини бошқаришда қатнашиш, ҳисобот даври тугаганда акционерлар мажлиси томонидан аниқланадиган миқдорда дивиденд олиш ва жамият фаолиятининг молиявий натижаларини аниқлаш ҳуқуқини беради.

Имтиёзли акциялар акционер жамиятини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини бермайди, лекин корхона ўз фаолиятини фойда билан яқунланмаганда ҳам биринчи навбатда қатъий белгиланган миқдорда дивиденд олиш ҳуқуқини беради. Бундай ҳолларда корхона резерв фондидаги маблағлардан фойдаланади.

Имтиёзли акцияларни чиқариш акционер жамиятига ўз маблағларини жалб қилиш йўли билан устав капиталини кўпайтириш имкониятини беради.

Қимматли қоғозларнинг яна бир асосий турларидан бири облигациялар ҳисобланиб, у уни сақловчиларга қатъий белгиланган фоиз билан бирга номинал қийматини тўлаш мажбуриятини тасдиқловчи қимматбаҳо қоғоз ҳисобланади.

Облигацияни тасарруф этувчи облигация чиқарган акционер жамияти ёки корхонанинг, давлат ёки маҳаллий ҳукуматнинг кредитори бўлиб ҳисобланади. Облигациялар бўйича фоизлар уларнинг ҳаракат муддати ичида даврий бериб борилиши ёки облигациянинг ҳаракат муддати тугагандан кейин бир йўла берилиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, молиявий қўйилмалар бу корхоналар томонидан барча қимматли қоғозлар операцияларини амалга ошириш учун қилинган харажатлар ҳисобланиб, бу харажатлар келгусида корхонага, албатта, даромад олиб келувчи молиявий активлардир. Шунингдек, молиявий қўйилмалар хўжалик юритувчи субъектларнинг қимматли қоғозларни сотиб олиш учун қилган харажатлари, яъни пул маблағларини қўшма корхоналар, акционер жамиятлари, ширкатларнинг асосий воситалари, номоддий ва бошқа активларига қўшиш ва бошқа корхона ва ташкилотларга қарз бериш тарзида берилган дебитор қарзлар ҳисобланади.

Молиявий қўйилмалар содир бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиб олинган акциялар, турли сертификатлар, облигациялар, амалга оширилган қўйилмалар суммасига берилган гувоҳномалар, қарз бериш бўйича шартномалар ҳисобланади. Корхонанинг амалга оширган қўйилмаларига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлари олинмаган молиявий қўйилмалар маблағлари алоҳида ҳисобга олинади. Қимматли қоғозлар сотилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга облигациялар ва берилган қарзларни қайтарилганини тасдиқловчи олди–сотди далолатномаси, тўлов топшириқномалари киради.

Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш тартиби ва уларнинг турлари 12–сон “Молиявий инвестициялар ҳисоби”, 8–сон “Консолидаллашган молиявий ҳисоботлар ва шубъа хўжалик жамиятларига инвестициялар” ва 14–сон “Қўшма фаолиятда қатнашиш улушини молиявий ҳисоботда акс эттириш” бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларда келтирилган.

Қимматли қоғозлар бозорининг мавжудлиги, фонд биржаларида қимматли қоғозларни олди–сотди муомалаларини амалга оширилиши акция

облигацияларни номинал қийматидан ортиқ ёки кам баҳоларда сотиб олинishiни назарда тутати. Акциялар уларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган ҳақиқий харажатлар суммасида қабул қилинади ва ҳисобга олинади. Фонд биржасида акциялар курсини ошиши ва камайишига ва акциялар бўйича олиндиған дивидендга қараб акцияларни сотиш қиймати билан номинал қиймати орасидаги фарқ ёки потенциал фойда олишга ёки зарар қилишга олиб келади.

Корхонанинг активидаги акционер жамиятларидан сотиб олинган акция ва облигациялари турли сабабларга кўра сотилиши мумкин мисол, акциялар режадаги фойдани келтирмаслиги, ёки акция ва облигацияларни фақат узоқ вақт ичида фойда олиш учун эмас, балки уларни кейинчалик сотиш йўли билан фойда олиш мақсадида сотиб олинади.

Облигацияларни сотиб олишдан мақсад уларнинг номинал қийматиға қараб фоиз олиш, шунингдек қайтарилгандан сўнг облигацияларнинг номинал қийматини олишдир. Шу боисдан облигациянинг ҳақиқий қиймати билан номинал қиймати орасидаги фарқ шундай амортизацияланиши керакки, қайтарилиш вақтида ҳақиқий қиймати облигациянинг номинал қийматиға тенг бўлсин. Бунда икки усул мавжуд:

– облигацияни номинал қийматидан ортиқ суммаға сотиб олинishi. Бундай ҳолларда облигациялар бўйича фоизлар сотиб олинган вақтда олинган даромад ҳисобидан уларнинг қийматлари орасидаги фарқини қисман ҳисобдан чиқариш йўли билан ҳақиқий қиймати номинал қийматиға етказиб қўйилади;

– облигацияни номинал қийматидан кам суммаға сотиб олинishi. Бундай ҳолларда облигациядан фойдаланиш муддати ичида ундан олиндиған фоиз даромадини кўпайтириш йўли билан облигацияни қайтариш муддатиғача унинг сотиб олиш нархи номинал қийматиға етказиб қўйилади.

Облигацияларни ҳақиқий сотиб олиш қиймати билан номинал қиймати орасидаги фарқи, уларнинг муомалада бўлиш муддати ичида бир текисда хўжалик фаолиятининг натижасиға ўтказиб борилади.

Қисқа муддатли облигациялар ва шунга ўхшаган қимматли қоғозлар бўйича фоиз суммасини пули олингунга қадар фойдаға ўтказилган. Узоқ муддатли облигациялар бўйича фоиз ҳисобланмайди, чунки моддийлаштирилмаған фойда вужудға келади. Эҳтиёткорлик принципиға биноан молиявий натижаларни акс эттиришда узоқ муддатли облигациялар муомалалари бўйича содир бўлган зарарларни фойда ёки зарарлар счётиға ўтказиш мумкин, лекин ҳисоботда бухгалтерия ҳисоби бўйича амалдаги Низом талаб қилганидек олинган фойда миқдорини бузиб кўрсатишдир.

Халқаро бухгалтерия ҳисоби андозаси концепцияларига биноан, бошқа активлар каби, инвестициялар ҳам фақат ўзларида мужассамланган фойдани

корхона келажакда олишга етарли даражада ишончи бўлсагина бухгалтерия ҳисобида активлар таркибида ҳисобга олиши мумкин. Уларни сотиб олиши учун биргина қилинган харажатлар етарли эмас. Бу харажатлар келажакда иқтисодий наф келтириши тўғрисидаги ишончни тасдиқлаш зарур. Башарти бундай ишонч бўлмаса, қилинган сарфлар активлар эмас харажатлар таркибига киради.

Корхоналарнинг молиявий инвестицияларидан самарали фойдаланиш уларни тўғри ҳисобга олиш, баҳолаш ва ҳисоботларда шаффоф акс эттиришга боғлиқ. Тадқиқотлар давомида молиявий инвестициялар ҳисобини яхшилашга қаратилган қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

- “молиявий инвестициялар” тушунчасини илмий–назарий жиҳатдан асослаш;
- молиявий инвестициялар таркибини тўғри таснифлаш ва гуруҳлаш;
- молиявий инвестицияларни ҳисобга олувчи намунавий “Сўётлар тизими”ни жорий қилиш;
- молиявий инвестицияларни акс эттирувчи ҳисобот тартибини такомиллаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2016 йил 13 апрель, № ЎРҚ–404.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўттиш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида” ги Қарори. 2020 йил 24 февраль. ПҚ–4611.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ–4389–сонли “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида” ги Қарори https://nrm.uz/contentf?doc=573931_2019_yil
3. Молиявий ҳисоботнинг концептуала сослари. <https://www.pwc.ru/ru/training/assets/dipifr-dec2014-textbook.pdf>. страница 02046.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТИШНИНГ ТЎЛОВ– КОНТРАКТ ШАКЛИДАН ТУШУМЛАР ҲИСОБИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**А.А. Остонокулов,
ТМИ, PhD, доцент**

Олий таълим ва ўрта махсус, касб–хунар таълим муассасаларида талабалар ва ўқувчиларнинг тўлов–контракт асосида “Олий ва ўрта махсус, касб–хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов–контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги низомга (2013 йил 26 февраль, 2431–сон) кўра таҳсил олиш учун ҳисоб–китобларнинг амалга оширилиши нагижасида даромадлар вужудга келади.

Бунда, олий таълим муассасаларида контракт асосида ўқитишнинг тўлов миқдори билим соҳалари, соҳа ва таълим йўналишлари, таълим шакллари (ишлаб чиқаришдан ажралган ёки ажралмаган ҳолда) ва таълим босқичлари (бакалаврият, магистратура, иккинчи ва ундан кейинги таълим) бўйича алоҳида, ҳар ўқув йили учун белгиланади ҳамда шартномага асосан ҳисоб–китоб қилинади.¹²³ Олий таълим муассасаларида контракт асосида ўқитишнинг тўлов миқдорини белгилаш бир талабани ўқитиш билан боғлиқ харажатлар миқдоридан келиб чиқиб амалга оширилади. Бир талабани ўқитиш билан боғлиқ харажатлар миқдори қуйидаги мезонларни инобатга олган ҳолда белгиланади:

қабул квотаси ва бино–иншоотлар қуввати ўртасидаги мутаносиблик;

таълим йўналишлари ва таълим жараёни хусусиятлари;

бир ўқитувчига тўтри келадиган талабалар сони нисбатининг чекланган нормативлари;

ўқитиш муддатлари ва бошқалар.

Ўрта махсус, касб–хунар таълими муассасаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ касб–хунар коллежи манфаатдор вазирликлар ва идоралар, иш берувчилар, меҳнат ва аҳоли бандлиги органлари билан ҳамкорликда контракт асосида:

ўрта махсус, касб–хунар маълумотига эга бўлмаган шахсларни умумтаълим мактабларининг 11–синфлари битирувчилари касбий тайёргарликка эга бўлишлари учун ўрта махсус, касб–хунар таълими дастурлари бўйича;

¹²³ “Олий ва ўрта махсус, касб–хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов–контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги низомга (2013 йил 26 февраль, 2431–сон)

иккинчи мутахассисликни олишни хоҳловчи ўрта махсус, касб–хунар маълумотли шахсларни ўрта махсус, касб–хунар таълими дастурлари бўйича ўқитиши мумкин.

Ушбу жараёнда ўрта махсус, касб–хунар таълим муассасаларида контракт асосида ўқитишнинг тўлов миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда белгиланади. Олий таълим муассасаларида контракт асосида ўқитиш учун белгиланган миқдордаги тўлов ўқув йилида тўлиқ ёки қисман (бирок, биринчи тўлов тегишли ўқув йили учун белгиланган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кам бўлмаган ҳолда) ўқув йилининг қуйидаги муддатларида:

белгиланган тўлов миқдорининг камида 50 фоизи — талабалikka тавсия этилган абитуриентлар учун 15 сентябргача, иккинчи ва ундан кейинги босқич талабалар учун 1 октябргача;

қолган қисми (қисмларга бўлиб тўланган ҳолларда ҳам) — 1 мартгача амалга оширилади.

Қўшимча оширилган тўлов–контракт асосида қабул қилинган абитуриентларнинг биринчи ўқув йили учун тўлови Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатларда амалга оширилади.¹²⁴

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони (2020 йил 2 март, ПФ–5953–сон)нинг 18–бандига асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасалари талабаларига ўқув йили давомида тенг улушларда камида тўрт маротаба ўқиш учун тўловларни амалга ошириш имконияти тақдим этилишини таъминлаш¹²⁵ вазифаси юклатилган бўлиб, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида тўлов–контракт асосида таҳсил олаётган талабалар ўқиш учун тўловларни тенг улушларда тўрт бўлиб, қуйидаги муддатларда амалга оширишлари мумкинлиги белгиланган. Жумладан:

¹²⁴ “Олий ва ўрта махсус, касб–хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов–контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги низомга (2013 йил 26 февраль, 2431–сон)

¹²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони (2020 йил 2 март, ПФ-5953-сон)

– белгиланган тўлов миқдорининг камида 25 фоизини талабаликка тавсия этилган абитуриентлар учун 15 сентябргача ёки Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатгача ҳамда иккинчи ва ундан кейинги босқич талабалар учун 1 октябргача ёки олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан узайтирилган муддатгача;

– белгиланган тўлов миқдорининг камида 50 фоизи 1 январгача, 75 фоизи 1 апрелгача ва 100 фоизи 1 июлгача ёки олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан узайтирилган муддатларгача;

– хорижий фуқаролар учун олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан белгиланган муддатларгача;

табақалаштирилган тўлов–контракт асосида талабаликка тавсия этилган абитуриентларга ўқув йилининг биринчи ярми учун тўловларни амалга ошириш муддати ва миқдорлари Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан ва қолган қисми олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан белгиланган муддатларгача амалга оширилади.

Ўрта махсус, касб–хунар таълими муассасаларида контракт асосида ўқитиш учун контрактнинг расмийлаштирилиши, тўлов миқдори ва уни амалга оширилиши олий таълим муассасалари учун белгиланган тартиблар асосида амалга оширилади.

Кўриб ўтилган жиҳатлар таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов–контракт шакли бўйича даромадлар тузилган шартнома асосида тўловларнинг бир ўқув йилида 4 мартаба амалга оширилишига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳар ойда амалга ошириладиган харажатларга мос тарзда ҳисобга олиниши зарур (1–жадвалга қаранг).

Олий ва ўрта махсус, касб–хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов–контракт шакли бўйича тўловлар бир ўқув йили давомида тўртга бўлиб тўлашга рухсат берилиши таҳсил олувчиларга енгиллик яратишга хизмат қилади. Аммо, ўқув йили давомида таълим бериш билан боғлиқ харажатлар узлуксиз ойма–ой амалга ошириб борилади. Ўз–ўзидан, харажатларнинг ойма–ой амалга оширилиши улар билан боғлиқ даромадларни ҳам шунга мос тарзда ҳисобга олишни талаб этади. Шу сабабдан ҳам, ўқитишнинг тўлов–контракт шакли бўйича даромадларни пул маблағларининг келиб тушишидан қатъий назар, таълим хизмати кўрсатилиши билан тан олиш ва ҳисобга олишга асос бўлиб хизмат қилади.

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов–контракт шакли бўйича даромадлар ва уларнинг келиб тушишини ҳисобда акс эттириш 126

| Т/р | Бухгалтерия операцияси | Бухгалтерия ўтказмаси | |
|-----|---|---|---|
| | | Дебет | Кредит |
| 1 | Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов–контракт шакли бўйича даромадлар | Олинадиган маблағлар 175–“Талабалар билан бошқа ҳисоб–китоблар” | Даромадлар 252–“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов–контракт маблағлари бўйича даромадлар” |
| 2 | Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов–контракт шакли бўйича маблағларнинг ШФХга келиб тушиши | Пул маблағлари 111–“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов–контракт шаклидан тушган тушумлар” | Олинадиган маблағлар 175–“Талабалар билан бошқа ҳисоб–китоблар” |

Ҳозирда амалиётда аксарият олий таълим муассасаларида тўлов–контракт шакли бўйича маблағлар шахсий газна ҳисобварақ(ШФХ)га келиб тушган даромадлар сифатида ҳисобга олинмоқда. Яъни, қуйидаги кўринишда:

Дт 111–“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов–контракт шаклидан тушган тушумлар” (**Пул маблағлари**)

Кт 252–“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов–контракт маблағлари бўйича даромадлар” (**Даромадлар**)

Бизнингча, ушбу ҳолат олий таълим муассасаларининг шахсий газна ҳисобварағи газначилиқда юритилиши ҳамда газначилиқда ҳисобварақдаги ўзгаришга боғлиқ ҳолда келиб тушган маблағларнинг даромад сифатида ҳисобга олинишига мос ҳисобни юритилиши натижасидир. Шунингдек, таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов–контракт шакли маблағлари ҳисоби билан боғлиқ услубий таъминотнинг мавжуд эмаслиги натижасида ушбу маблағлар бўйича даромадлар ҳисобини юритишда шу каби муаммоларни вужудга келтириб чиқармоқда.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТИГА ЎТИШДА БУХГАЛТЕР ПРОФЕССИОНАЛ ФИКРЛАШНИ РОЛИ

Б.Ю.Махсудов

ТДИУ, доцент

Д.Сотволдиева

ТДИУ, доцент

Э.Юлдашев

ТДИУ, ассистент

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш орқали хорижий инвесторлар учун керакли ахборот муҳитини яратиш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ривожланиб бораётган давлатларнинг олдиди турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ–4611–сонли қарори қабул қилинди. Унга асосан жорий йил 1 январдан бошлаб, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, сугурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб МҲХС асосида молиявий ҳисоботни тайёрлайди.

Халқаро молиявий ҳисобот стандартларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мамлакатимиздаги бухгалтерия ҳисобини миллий стандартдан фарқли ўлароқ, халқаро стандартларда “профессионал фикрлаш” тушунчаси кенг қўлланилади. Хусусан, МҲХС 1 “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” стандартида ҳисобот маълумотларини тақдим этишнинг энг яхши усули сифатида профессионал фикрни қўллаш тавсия қилинган. МҲХС 8 стандартини 10 моддаси “Ҳисоб сиёсати, бухгалтерия баҳолашлари ва хатоликларидаги ўзгаришлар” да эса компания бошқарувчилари ахборотларни шакллантириш учун кўрилатган хўжалик жараёни бўйича МҲХСда аниқ бир кўрсатма келтирилмаганда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва қўлашда профессионал фикрига асосланиши заруриги белгилаб қўйилган.

Бухгалтерия ҳисоби бўйича профессионал фикрлаш–бу стандарт ечимга эга бўлмаган профессионал муаммоларни таҳлил қилишда муайян соҳа

мутахассисининг якуний хулосасидир. Профессионал фикрлаш муайян воситалар ёрдамида сохага оид махсус ва умумий билим ҳамда тажриба асосида шаклантрилади.

Профессионал фикрлашни бухгалтерлик касбини хўжалик фаолияти операциялари ҳақидаги маълумотларни механик тарзда тўплашга айлантормаслик учун зарурдир.

Ҳозирги кунда замонавий бухгалтер учун профессионал фикрлашга таяниш керак бўлган ҳолатлар жуда кўп учрайди. Уларни бухгалтерни стратегик(ҳисоб сиёсати тамойилларини шаклантририш бўйича) ва тактик (ҳисобни юритиш ва бухгалтерия ҳисоботини тузиш бўйича) фаолиятига ажратиш мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларнинг ноаниқлиги ва бухгалтернинг профессионал қарорини қўллаш билан боғлиқ рисклар таҳлили бизга профессионал фикрлашни қўллаш зарурлигини аниқлайдиган қуйидаги асосий омилларни аниқлаш имконини бери:

а) меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинадиган бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиб–қоидаларини ўзгариши эҳтимолини мавжудлиги;

б) молиявий–хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисоби қонунчилиги билан чекланган ҳолда тартибга солиниши;


в) хўжалик юритувчи субъектларнинг индивидуал хусусиятлари;

г) Ўзбекистондаги бухгалтерия ҳисоби тизимига Молиявий ҳисоботни халқаро стандартларини жорий этилиши;

д) бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги айрим меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатлардаги ноаниқликлар.

“Профессионал фикрлаш хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарур бўлган ҳолларда қўлланилиши керак. Чунки айнан ушбу хусусиятларни айниқса хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзига хос хусусиятларини кўп қирраллигини ҳам эътиборга оладиган бўлсак бухгалтерия ҳисобига оид меъёрий ҳужжатларда тўлиқ тартибга солиб бўлмайди”[1].

Иқтисодчи олимлар Т. Ю. Дружиловская ва Т. Н. Коршунова 1–расмда келтирилган бухгалтернинг профессионал фикрлашини қўллаш схемасини таклиф қилган. Унда тадқиқотчилар бухгалтерия ҳисоби стандартлари замонавий талабларга жавоб беради ва ҳисоб объектлари ҳамда хўжалик операцияларини ҳисобга олиш учун зарур бўлган барча қоидаларни ўз ичига олади деган тахминга асосланган.



1–расм. Бухгалтернинг профессионал фикрини қўлланадиган соҳаси [1].

“Профессионал фикрлаш” атамасининг таърифини қонунчиликда белгилаб қўйилмаганлиги, уни таърифи ва шунга мос равишда талқинини профессионал ҳамжамият томонидан ишлаб чиқилиши кераклигини таъкид қилади.

Профессор Я.В. Соколовни фикрича, бухгалтер меъёрий ҳужжатларда ўз саволларига жавоб топмаганда профессионал фикрини шакллантиради; агар у меъёрий ҳужжатларда унингча нотўғри бўлмаган, лекин етарли эмас деб ҳисоблайдиган талабларга тўқнаш келса, у ҳолда, юзга келган ҳўжалик фаолиятининг баъзи жараёнларини баҳолаш масалалари бўйича ўз версиясини баён қилиш ҳуқуқига эга бўлади [2].

Тадқиқотчи С.А. Николаева профессионал фикрлашга бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш воситаси сифатида қараган. Уни иккита категорияга: биринчиси – норматив қоидаларнинг ноаниқлигига доир, иккинчиси фикрлаш объекти, яъни бухгалтерия ҳисоби ёки ҳисоботи, ахборотни шакллантириш ёки уни тақдим этиш жараёнига нисбатан ажратган. Профессионал фикрлашнинг биринчи тоифаси бухгалтерия томонидан меъёрий ҳужжатлардаги қоидалар маълум бир ноаниқлик чегараларига эга бўлинганда, яъни қонун ҳужжатларида тақлиф этилган доирада мавжуд муқобил вариантлар ичидан оптимал ечимни танлаш мумкин бўлган ҳолларда қўлланилади. Профессионал фикрлашнинг иккинчи категориясидан бухгалтерия ҳисобига оид меъёрий ҳужжатлар

номукамал бўлган тақдирда фойдаланилади, мазкур ҳолларда бухгалтер қарорлар қабул қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олади [3].

Профессор Н.А.Миславскаяни фикрига кўра, “Профессионал фикрлаш МХХС талабларига мувофиқ миллий ҳисоб тизимини ислоҳ қилиш натижасида пайдо бўлган ҳодиса эмас. Унинг мавжудлиги ноаниқлик омили билан эмас, балки маълум бир касбнинг мавжудлиги, бизнинг ҳолатда—бухгалтерия ҳисобини мавжудлиги билан боғлиқ ва у бухгалтерия ҳисоби фани илми пайдо бўлгандан бери мавжуддир” [4].

Ушбу иқтисодчи олим профессионал фикрлашнинг муаллифлик таърифини келтирган. Унга кўра, “Бухгалтернинг профессионал фикрлаши — бухгалтерия ҳисоби тизимида ҳаққоний маълумотларни тақдим этишга имконият берадиган ва бухгалтерия молиявий ҳисоботларидан фойдаланувчиларда ноаниқ баҳо ва нотўғри тасавурларни пайдо бўлишига йўл қўймайдиган хўжалик жараёнлари ўртасидаги мантикий муносабатларни аниқлаш, баҳолаш ва идентификациялаш бўйича илмий фикрлашнинг алоҳида шакли ҳисобланади” [4].

Л.И. Куликова ва А.Р. Губайдулина замонавий бухгалтер ўзининг профессионал фикрини билдириши керак бўлган вазиятларнинг кўп кирралигини таъкидлаган. Шунингдек, профессионал фикрлаш бухгалтернинг стратегик ва тактик ишларини ҳал этишга ёрдам беради, деб ёзган [5]. Бухгалтернинг профессионал фикрлаши “корхона ривожланишининг белгиланган стратегик мақсадларига мос келадиган кўрсаткичларни шакллантириш учун мавжуд принциплар ва стандартлар доирасида” ҳисоботни тўлдириш тартиби ва форматига онгли таъсир кўрсатишини билдиради [5]. Шунинг учун профессионал фикрлаш бошқарув қарорларини қабул қилишда манфаатдор томонларнинг ахборот эҳтиёжларини қондирадиган маълумотларни ошқор қилинган маълумотларнинг сифатини бошқариш ва назорат қилишнинг муҳим воситасига айланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Бухгалтернинг профессионал фикрлаши” тушунчаси моҳиятини тўлиқ очиб берувчи таъриф ҳозиргача шакллантирилгани йўқ, деган хулосага келиш мумкин.

Бухгалтернинг профессионал фикрлаши деганда уни аниқ асосланиши мумкин бўлган ҳамда маълум бир мазмунга эга бўлган бухгалтерия ҳисоби юритиш ва ҳисоботни шакллантириш масалаларига оид қароридир.

Бизнингча, профессионал фикрлашни хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг хусусиятлари ва мавжуд маълумотларга асосланган ҳолда ишончли бухгалтерия ҳисоботларини шакллантириш мақсадида хўжалик фаолияти жараёнларини саралаш, таснифлаш ва баҳолашга оид тартибга солувчи қоидалар

ноаниқ бўлган бир шароитда бухгалтер томонидан билдирилган асосланган фикр сифатида ифодалаш мумкин.

Даврларни ўзгариши билан “Профессионал фикрлаш” атамаси ҳам ўзгарган. Агар XX асрни охирида мазкур атама асосий эътибор молиявий хисоботни ҳаққонийлигини тавсифловчи масалаларга қаратилган ҳолда кенг баён қилинган бўлса, ҳозирги кунга келиб мазкур атама янада тугалланган ва кенг мазмунли характерга эга бўлмоқда. Ушбу таърифда асосий ургу малакали фикр ҳамда малакали фикрни тақдим этиш бўйича масъулиятга қаратилиши ўрнига ноаниқликка қаратилмоқда[6].

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бухгалтерни профессионал фикри корхонани ҳисоб сиёсати билан чегараланади. Бизнингча, у ўзида нафақат ҳисоб, балки бошқа сиёсат (ҳисобни ташкил қилиш, бошқарув ҳисоби, солиқ ҳисоби ва б.)ларни ҳам қамраб олувчи бухгалтерия ҳисоби сиёсати орқали амалга оширилади.

Профессионал фикрлаш йўналишлари бухгалтерия ҳисоби функцияси (ҳисоб, аналитик, назорат) ва вазифалари билан боғлиқдир. Бухгалтерия ҳисоби 3 та асосий вазифа: корхонадаги барча жараёнлар ҳақида, ва фаолият натижалари хусусан, молиявий, солиқ ва бошқа ҳисобот учун зарур бўлган тўлиқ, ишончли ҳамда холис ахборотни шакллантириш (ахборот функцияси); корхонанинг мол–мулкни сақлашни таъминлаш (назорат функцияси); салбий ҳолатларни ўз вақтида огоҳлантириш (аниқлаш), ижобий молиявий натижаларга эришиш учун ички захираларни аниқлаш ва молиявий барқарорликни таъминлаш (аналитик функция)ни бажариши лозим.

Умумлаштирилган ҳолда профессионал бухгалтерия фикрининг йўналиши куйида 2–расмда келтирилган.


Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, “бухгалтернинг профессионал фикри” категорияси икки нуқтага назардан: бухгалтерия функциялари ва вазифаларини бажариш (умумий таъриф); молиявий ҳисоботда фойдаланувчилар учун ишончли ва тегишли ахборотни шакллантириш (хусусий таъриф) кўриб чиқилиши керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб куйидаги хулосага келиш мумкин:

– хўжалик фаолиятининг барча томонларини истисносиз акс эттирадиган қонунчиликни яратишни имконияти йўқлиги сабабли профессионал фикрлаш ҳисоб амалиётини мажбурий элементи ҳисобланади;

– норматив тартибга солиш эволюциясининг турли даврларида профессионал ҳукми қўллаш ўртасидаги фарқ қонун ишлаб чикувчилар томонидан бухгалтернинг масъулиятига қанчалик масалаларни ўтказилганлигига боғлиқдир;

– профессионал фикрлаш МХХСни жорий этиш орқали Ўзбекистонга "келтирилмаган", у ундан олдин ҳам мавжуд бўлган. Сўнгги йилларда профессионал фикрлашдан фойдаланишни фаоллаштириш жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби тизимини шакллантириш билан боғлиқ бўлиб, унда МХХС унинг инфратузилмаси воситаларидан бири бўлиб хизмат қилади.



2–расм. Бухгалтер профессионал фикрлашнинг асосий йўналишлари [7].

Бугунги кунда профессионал фикрлашни бухгалтерия ҳисоби соҳасида шакллантирилган ўз таърифи, мазмуни ва қўллаш соҳасига эга бўлган янги категория деб ҳисоблаш мумкин. Профессионал фикрга таяниб бухгалтер малакали ҳисоб юритиш ва ташкил этиши ҳамда сифатли ҳисобот шакллантириши мумкин. Ушбу юқорида айтилганлар профессионал фикрлашни тамойилларини шакллантиришга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Дружниковская Т.Ю., Коришнова Т.Н. *Профессиональное суждение бухгалтера как основа формирования учетной политики [Электронный ресурс]: Международный бухгалтерский учет.* 2013. № 20.
2. *Электронный ресурс: Бухгалтерский учет.* – 2005. – №21 // Справочно-правовая система «Консультант Плюс».
3. Николаева С.А. *Профессиональное суждение в системе нормативного регулирования бухгалтерского учета / С.А. Николаева // Бухгалтерский учет.* – 2000. – № 12. – С. 4–9.

ТУРИСТИК КОРХОНАЛАРДА БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ХАРАЖАТЛАРНИ ТАСНИФЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

З. У. Ташкенбаева,
ТДИУ, PhD

Харажатлар ҳисоби ва турмаҳсулот таннархини калькуляция қилиш туризм бизнесида бошқарув ҳисобини ташкил қилишда муҳим вазибаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Туризм ташкилотлари фаолиятининг муваффақияти тўғридан–тўғри амалга оширилган харажатларнинг мақсадига боғлиқ бўлиб, ушбу харажатларни камайтириш мақсадида, уларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш муҳим жараён бўлиб ҳисобланади.

Самарали қарорларни қабул қилиш учун ахборотлар базасини ташкил қилиш асоси – харажатларни таснифлаш бўлиб ҳисобланади, чунки менежерлар қарорлар қабул қилишларидан олдин, авваламбор, қандай харажатлар ва даромадлар кўришларини билишлари лозим.

Корхонани бошқариш учун менежерлар нафақат қилинган умумий харажатлар тўғрисидаги маълумотга, балки аниқ бир турмаҳсулотга кетган харажатлар тўғрисидаги маълумотга муҳтождирлар.

Иқтисодий адабиётларда бундай харажатлар мақсадли харажатлар ҳисобланиб, улар харажатлар ҳисоби объекти (бизнинг ҳолатимизда бу – турмаҳсулот) сифатида талқин қилинган.


Турмаҳсулот таннархига киритилишига қараб ишлаб чиқариш харажатлари бевосита (тўғри) ва билвосита (эгри) харажатларга бўлинади.

54–сонли “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан, *тўғри* харажатлар деб, маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади¹²⁷.

Бевосита (тўғри) харажатларни, уларнинг юзага келиши билан тўғридан–тўғри калькуляция объектига дастлабки ҳужжатлар асосида олиб бориш мумкин.

¹²⁷ “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом, 54–сон, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54 –сон қарори билан тасдиқланган.

Бундай харажатларга турмахсулот таннархини шакллантириш ва туристик хизматларни сотиш билан боғлиқ харажатлар киради.



1–расм. Турмахсулотларни шакллантиришда бошқа ташкилотлардан хизматларга бўлган хуқуқларни сотиб олиш бўйича харажатларнинг таркиби, % да 128

Айнан туристик фирмаларда бевосита харажатларга, бошқа ташкилотлардан туристик хизматларни кўрсатишда фойдаланиладиган хизматларга бўлган хуқуқларни сотиб олиш, (1–расм), шунингдек, тўғри меҳнат харажатлари ижтимоий ажратмалар билан бирга киритилади. Улар 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” счётининг дебитида ҳисобга олинади.

Тураар-жой – 46,5%

Транспорт хизматлари – 25,7%

Овқатланиш – 9,7%

Экскурсия хизматлари – 3,6%

Виза хизматлари – 1,7%

Гид – таржимон хизматлари – 1%

Тиббиёт хизматлари – 1,4%

Спорт ва маданий характерга эга хизматлар – 1,1%

Сугурта – 0,7%

Бошқа харажатлар – 8,6%

Билвоста (эгри) харажатлар юзага келиш вақтида калькуляция объектига бевосита киритилиши мумкин бўлмаган туристик махсулотнинг бир неча турли хил турларини шакллантириш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлардир.

Эгри харажатлар тегишли ҳисоб–китоб йўли билан туристик маҳсулотнинг турлари ўртасида тақсимланади, бунда тақсимлаш учун иқтисодий база сифатида тўғри харажатларнинг алоҳида тури, масалан асосий ходимларнинг иш ҳақи тўлови, яъни иш ҳақининг тўғри харажатлар деб тан олинган қисми олинади. Бундан ташқари тўғри харажатларнинг жами суммаси, ёки туристик хизматларни сотишдан тушган тушумнинг миқдори олинади. Агар туристик фирма ҳар хил турдаги фаолиятни амалга оширадиган бўлса: яъни ўзининг шахсий турларини, шунингдек бошқа туристик операторларнинг туристик йўланмаларини шакллантирадиган ва сотадиган бўлса, унда эгри харажатлар туроператор ва турагент фаолиятидан олинadиган тушумнинг миқдорига мутаносиб равишда тақсимланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бундай тақсимлаш молиявий ҳисобдаги харажатлар ҳисобининг аънанавий тизимида мавжуддир. Бошқарув ҳисобида эса, туризм ташкилоти ўз олдига қўйилган бошқарув вазифаларига қараб, мустақил равишда ўзи турмаҳсулотни калькуляция қилиш усулини белгилаб олади. Масалан, директ–костинг усулини қўлладда, турмаҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўзгарувчан харажатлар асосида амалга оширилади.

Шу муносабат билан, харажатларнинг таснифланишига батафсил ёндашиш, туризм ташкилотдаги тўғри ва эгри харажатларнинг таркибини тўғри аниқлаб олиш масаласи муҳим бўлиб ҳисобланади.

Харажатларни бевосита ва билвосита харажатларга бўлиш, ишлаб чиқариш ташкилотларининг тармоқ хусусиятларига ва қабул қилинган маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллариغا боғлиқдир.

Агарда турфирма фақат бир турдаги хизматларни кўрсатса, ушбу фирма харажатларининг асосий қисми кўрсатилган хизматларга нисбатан тўғри харажатлар бўлади. Мисол учун, турагентлар фақат истеъмолчигача турмаҳсулотни етказиб бериш билан шуғулланади.

Бундай шароитда, барча харажатлар фақат турмаҳсулотни сотиш билан боғлиқ ва ҳисобда улар битта счётада яъни 9410 “Сотиш харажатлари” счётида ҳисобга олинади. Шуни таъкидлаш жоизки, тўғри харажатларнинг таннархда салмоғи қанчалик юқори даражада бўлса, у шунчалик аниқ ҳисобланган бўлади.

Қарорларни қабул қилиш жараёнида корхона раҳбари керакли миқдорда корхонага у ёки бу турни ишлаб чиқаришдан даромад келтириш йўлини кўрсатадиган ахборотларга эга бўлиши лозим. Бундай шароитларда харажатларни куйидаги турларга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

- алтернатив (муқобил) харажатлар;
- инкремент, маржинал;

- релевант ва норелевант харажатлар.

Ташкилотларда ресурсларнинг чекланганлиги ишлаб чиқариш имкониятларининг чекланишига олиб келади.

Бир маҳсулотдан иккинчи маҳсулот фойдасига воз кечиш билан боғлиқ харажатлар алтернатив харажатлар деб аталади. Улар йўқотилган даромадлар сифатида қаралади, яъни бир жараёни танлаш бошқа бир жараёни содир бўлишини инкор қилиниши тушунилади.

Мисол учун биз, Европа бўйича турлар бўлимини кенгайтириб, яна битта менежерни ишга қабул қилдик. Иш жойи чекланганлиги сабабли, биз Туркияга турлар билан шугулланувчи бўлим менежерини ишдан бўшатдик. Европа бўлими менежери бир йилда 20 000 сўм даромад, Туркия бўлими менежери эса 21 000 сум даромад келтиради. Иккала менежерга бўлган харажатлар бир хил. Бунда, бизнинг бу бошқарув қарори бўйича реал харажатамиз нолга тенг бўлади, алтернатив харажат эса бир бир йилда 1 000 сумни ташкил қилади. Алтернатив харажатлар ресурсларнинг чекланганлиги натижасида юзага келади. Туризмда ёки бошқа қандайдир соҳаларда, бундай харажат турлари бюджетларни ижро этишда кенг фойдаланилади. Инкремент харажатлар қўшимча харажатлар бўлиб ҳисобланади ва қўшимча турмаҳсулотни шакллантиришда юзага келади. Мисол учун, қандайдир қарор натижасида доимий харажатларнинг ошиши (қўшимча иш ҳақининг тўланиши) инкремент харажатлар деб номланади. Агар қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилиши тўғрисидаги қабул қилинган қарор, доимий харажатларнинг оширилишига олиб келмаса, унда инкремент харажатлар нолга тенг бўлади.

Маржинал харажатлар – қўшимча харажатлар бўлиб ҳисобланади, бунда турмаҳсулотнинг яна бир бирлиги ишлаб чиқарилади. Маржинал харажатларнинг инкремент харажатлардан фарқи шундан иборатки, маржинал харажатлар бутун ишлаб чиқарилган турмаҳсулотларга эмас, балки турмаҳсулотнинг бирлиги учун ҳисобланади.

Релевант (қабул қилинадиган қарорга боғлиқ) ва норелевант (қарорнинг ҳар қандай вариантида муқаррар) харажатларга бўлиш жуда катта аҳамият касб этади. Кўриб чиқиладиган бошқарув қарорларига боғлиқ харажатларни релевант харажатлар деб ҳисоблаш мумкин. Хусусан, ўтган давр харажатлари релевант ҳисобланмайди, чунки уларга таъсир ўтказиб бўлмайди.

Бошқарув ҳисоби мақсадида туристик ташкилотларида релевант харажатлар деб, улар муҳим аҳамият касб этган ҳолда юзага келган харажатлар тушунилади.

Туризм бизнесида мавсумий давр бўлиши мумкин, яъни туристларнинг энг юқори ташриф даври ва мавсумий бўлмаган давр, яъни туристик ташрифнинг пасайиши. Ушбу даврлар йилда икки марта: қиш ва ёз пайтлари.

Хусусан, бошқарув ҳисобида ушбу даврлар релевант ҳисобланади ва бу даврларнинг ҳар бир кесимида харажатлар релевантга, яъни ушбу даврга тегишли харажатлар, мисол учун қишда тоғ каналари бўйича инструкторнинг иш ҳақи ва норелевант харажатларга бўлинади, масалан, ёзда канат йўлини сотиб олиш, лекин ундан фақат қишда фойдаланиш.

Харажатларни бошқаришда назорат тизими катта аҳамиятга эга. У харажатларни камайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган келгусидаги ҳаракатларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини таъминлайди. Харажатларни назорат қилиш тизимини таъминлаш учун, улар назорат қилинадиган ва назоратсиз (бошқара олмайдиган) харажатларга бўлинади.

Назорат қилинадиган харажатлар – бу бошқарув субъектлари томонидан назорат остига олинадиган харажатлардир. Масалан, ташкилот бўйича ускуналарни таъмирлаш учун ташкилотнинг ҳамма бўлинмаларида жойлашган эҳтиёт қисмлари сарфланишини назорат қилиш зарурлиги.

Назоратсиз (бошқара олмайдиган) – бу харажатлар, бошқарув субъектлари фаолиятига боғлиқ бўлмаган харажатлардир. Масалан, амортизация ажратмаларини кўпайишига олиб келадиган асосий воситаларни қайта баҳолаш, ёқилги–энергетика ресурсларига нархларнинг ўзгариши ва ҳ.к.

Шундай қилиб, корхонани бошқариш учун менежерлар нафақат қилинган умумий харажатлар тўғрисидаги маълумотга, балки аниқ бир турмаҳсулотга кетган харажатлар тўғрисидаги маълумотга ҳам муҳтожлиги сезилиб турарди. Буларни инобатга олиб, бошқарув мақсадидан келиб чиққан ҳолда бошқарув ҳисобида келтирилган харажатларни таснифлаш йўллари муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, бошқарув ҳисобида харажатлар тўғрисидаги ахборотлар нафақат калькуляция қилиш мақсадида, балки харажатларни бошқариш (режалаштириш, ташкил қилиш, мотивация, назорат, таҳлил) мақсадида ҳамда нархларни ташкил этишда, ишлаб чиқаришда, сотишда, инвестиция қилиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишда ҳам фойдаланилади.

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИ

Ф.Т. Абдувахидов,
ТДИУ, доцент

Ўзбекистон Президенти 2017 йил 7-феврал кунги фармони билан 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлади. Стратегия лойиҳаси долзарб ҳамда аҳоли ва тадбиркорларни ташвишга солаётган масалаларни комплекс ўрганиш, қонунчилик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти ҳамда хорижий тажрибани таҳлил қилиш яқунлари бўйича ишлаб чиқилди. Ҳаракатлар стратегияси беш босқичда амалга оширилиб, уларнинг ҳар бири бўйича йил номланишидан келиб чиққан ҳолда алоҳида бир йиллик давлат дастурини тасдиқлашни назарда тутди 129. Жумладан, учинчи иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган ҳаракат стратегиясининг 3.1. Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратилган. Бунда,

— харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш;

— халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилган.

Албатта, бундай устувор вазифалардан давлат бюджети даромадлар ва харажатлари, давлат бюджет ижроси касса ижросини тўғри шакллантириш бутунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланмоқда. Бундай масалаларни ижобий ҳал қилишда бюджет ҳисобини замон талаблари асосида ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда акционерлар ва башқа фойдаланувчилар учун тайёрланаётган молиявий ҳисоботларда мамлакатдан мамлакатга ўтиб бораётган, айрим ҳолларда бир мамлакатдагина фойдаланиладиган бухгалтерия тамойиллари ҳамда қоидалари ишлатилмоқда. Бундай ҳолатларда бухгалтерия ҳисоботларида таққосланувчанлик етишмаслиги мумкин. Ушбу ҳолатнинг ноқулайлиги шундаки, молиявий ҳисоботдан фойдаланадиган инвестицион таҳлилчилар ва бошқа фойдаланувчилар ҳисоботни таҳлил қилиш жараёнида унинг турли стандартларга биноан тузилганлиги туфайли қўшимча харажатлар қилишига тўғри келади. Улар ҳисоботлар интерпретациясида чалкашликларга дуч келишари ҳам мумкин.

129 O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevradagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida" PF-4947-sonli Farmoni

Ушбу жараён билан боғлиқ ҳолда капиталнинг жаҳон бозорига самарали рақобат ёмонлашиши, компаниялар эса, капитални сақлаш бўйича юқори сарф-харажатларни ўз зиммаларига олишларига тўғри келади. Энг асосийси, турли мамлакатлар учун турлича фойда миқдори кўрсатилиши оқибатида бухгалтерия ҳисоботларига ишонч йўқолади. Ҳисоботларнинг халқаро миқёсдаги турли туманлиги қуйидагиларга олиб келади:

– молиявий ҳисоботларни тузишга кетадиган харажатларнинг мўлжалдан юқори даражада бўлиши – чунки транснационал компаниялар ўз фаолиятлари ҳақида турли мамлакатлар учун турлича ҳисоботлар тузишга мажбур бўладилар;

– тижорат компаниялари турли мамлакатлардаги фаолиятлари молиявий натижаларини баҳолаш учун ягона тизимга эга бўлиш эҳтиёжи туғилади.

Компаниялар, бундан ташқари, уларнинг ташқи ҳисоботлари фаолиятни баҳолашнинг ички баҳолашларига мос тушишларини ҳам хоҳлайдилар. Бу икки мақсадга эришиш эса, турли мамлакатлардаги ҳисоботлар турлича бўлгани ҳолда жуда мушкул ҳисобланади.

Шунингдек, бюджет ташкилотларида ҳам бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни тузишда ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Жумладан, молиявий натижаларни шакллантириш ва уларни бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттириш бугунги кунда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Молиявий натижалар – бу ҳўжалик субъектларида маълум бир ҳисобот даврида ҳўжалик жараёни натижасида ўзига қарашли маблагларни ошиши ёки камайишидир¹³⁰. Молиявий натижалар ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ижобий молиявий натижа бу – фойда, салбий молиявий натижа бу – зарардир.

Бюджет ташкилотларида молиявий натижалари – ташкилотнинг барча даромадлари (тушумлари, бюджет маблаглари бўйича газначилик орқали амалга оширган касса харажатлари) ва ҳисобланган барча ҳақиқий харажатларининг ўзаро солиштирилиши (айрилиши) натижасида келиб чиқадиган активнинг соф қийматидир.

Бошқача қилиб айтганда, бюджет ташкилотларининг молиявий натижаси бу ташкилотнинг барча активлари (номолиявий активлари, молиявий активлари ва дебиторлари) дан унинг мажбуриятларини (кредиторлик қарзларини) айирмаси натижасида ҳосил бўладиган активнинг соф қиймати.

Бюджет ташкилотларининг даромадлари бу активнинг соф қийматини (молиявий натижани) ошишига сабаб бўлувчи ташкилот активларини ошиши ёки унинг мажбуриятларини камайишидир. Буни қуйидаги ҳолатлар бўйича асослаш мумкин, жумладан, бюджет ташкилотларига ҳомийлик маблагларини келиб тушиши натижасида унинг активлари (молиявий активлари) яъни, ташкилотнинг молиявий активлари (пул маблаглари) кўпаяди. Ушбу ҳолат бухгалтерия ҳисобида қуйидагича ёзув билан расмийлаштирилади: Дт 112– “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблаглари” ҳисобварағи, Кт 262– “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблаглари бўйича даромадлар” ҳисобварақ.

130 Byudjet tashkilotlarida buxgalteriya hisobi to'g'risidagi yo'riqnoma. [O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2010 yil 22 dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2169]

Ташкилотнинг мажбуриятларини камайиши эса, бунда бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига юзага келган депонент қилинган қарзининг талаб қилиш муддати тугаши муносабати билан ташкилот даромадларига ҳисобланади. Жумладан, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, бюджет ташкилотларида талаб қилиш муддати тугаган бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига юзага келган депонент қилинган иш ҳақи ёки бошқа тўловлар бўйича қарзлар бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари даромадлари сифатида тан олинади. Яъни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига юзага келган депонент қилинган қарзлар ҳисобдан чиқарилганда бухгалтерия ҳисобида (агарда мазкур қарздорлик бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан юзага келган бўлса), Дт 177– “Депонентланган тўловлар бўйича ҳисоб–китоблар” ҳисобварғи, Кт 262– “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар” ҳисобварақ каби ёзув билан расмийлаштирилади.

Бюджет ташкилотларининг харажатлари бу активнинг соф қийматини (молиявий натижани) камайишига сабаб бўлувчи ташкилот активларининг камайиши ёки унинг мажбуриятларини ошишидир. Масалан, бюджет ташкилотининг асосий воситаларига эскириш ҳисоблаш натижасида ташкилотнинг номолиявий активлари (асосий воситалари) нинг қолдиқ қиймати камайдди (асосий воситани сотиб олинган манбасидан келиб чиққан ҳолда). Дт 231, 241, 251, 261 ёки 271 жорий йилга молиявий натижалар бўйича қилинган ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар, Кт 020–029 – “Асосий воситаларнинг эскириши” субсчётларнинг тегишлиси. Бунда, ташкилотнинг номолиявий активлари (асосий воситалари қолдиқ қиймати) камайдди. Демак, бухгалтерия ҳисобида 231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчётлар харажатлар сифатида тан олинади.

Бюджет ташкилоти томонидан ходимларга иш ҳақи ҳисобланганда бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув расмийлаштирилади: Дт 231– “Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар” ҳисобварағи, Кт 173– “Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб–китоблар” ҳисобварақ.

Бюджет ташкилотларда молиявий натижалар даромадларнинг турлари бўйича алоҳида аниқланади, яъни: бюджет маблағлари бўйича; тўловларни махсус турларига доир ҳисоблашувлар бўйича; таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов–контракт маблағлари бўйича; бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича; бюджет ташкилотининг бошқа даромадлар бўйича.

Шундай қилиб, бюджет ташкилотларда молиявий натижаларни даромадларнинг турлари бўйича алоҳида шакллантириш, уларни бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттиришга ва ҳисоботларнинг тузилишида аниқликни таъминлайди.

СОТИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ БЎЙИЧА ТРАНСФОРМАЦИЯСИ МАСАЛАЛАРИ

*У.Т. Эшмурадов,
СамВМИ, катта ўқитувчи.*

Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув қарорлари самарадорлигини таъминлашда, уларнинг иқтисодийети ривожига молиявий ҳисоботларнинг ўзига хос ўрни бор. Шу маънода, Президентимизнинг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида”ги қарори юртимизда ушбу йўналишда ҳам жиддий ишларга қўл урилаётганидан далолат беради. Бинобарин, биз учинчи ренесанс даврига қадам ташлаб, халқаро бизнес ҳамжамияти, жаҳон бозорига интилаётган эканмиз, фаолиятимиз ҳам халқаро стандартларга мос бўлиши давр талабидир. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятлари кенгайди. Ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизими такомиллаштирилади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) – молиявий ҳисоботларни тузиш учун ҳужжатлар тўплами, молиявий ҳисоботларнинг тузилишини тартибга солувчи регламент бўлиб, ташқи фойдаланувчилар томонидан бирор–бир ташкилотга нисбатан иқтисодий қарор қабул қилиш учун фойдаланилади. МХХСнинг яна бир жиҳати, молиявий ҳисоботларни тайёрлашда актив, мажбурият, даромад ва харажатларни тан олиш ва баҳолашда бир неча муқобил (альтернатив) вариантлардан бирини танлаш имкони берилади. Ҳисобот даврида тузиладиган молиявий ҳисоботнинг “Молиявий натижа тўғрисида ҳисобот” шаклида хўжалик юритувчи субъектлар бўйича жами сотилган маҳсулот таннарни ва маҳсулот сотишдан тушган тушум алоҳида қаторда акс эттирилиб, маҳсулот сотишнинг молиявий натижаси акс эттирилади.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолияти давомида юқори самарадорликка эришишда асосий эътиборни ишлаб чиқариладиган маҳсулот, бажариладиган иш ва кўрсатиладиган хизматларни сотишга қаратилади, чунки бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг мақсадга мувофиқлигини, унинг самарадорлигини аниқловчи иқтисодий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Шундай қилиб, сотиш жараёни хўжалик юритувчи субъектлари маблағларининг доиравий айланишини яқунлайди. Бу ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектларга ишчи ва хизматчилар, мол етказиб берувчилар олдидаги мажбуриятларни бажариш, ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш имкониятини беради, хўжалик юритувчи субъектларда сотиш режасини бажармаслик айланма маблағлар айланишини секинлашига, харидорлар олдида шартнома вазифаларини

бажарилмаслигига, тўловларни кечикишига, натижада хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолати ёмонлашишига олиб келади.

Хўжалик юритувчи субъектлар хўжалик фаолияти жараёнининг якуний босқичи сотиш жараёнидан олинadиган тайёр маҳсулотларнинг таннархида сарфланган хом ашё ва материалларнинг улушини имконият даражасида камайтириш муҳим ўрин тутadi, чунки талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда уларга ўрнатилган баҳо маҳсулотларнинг харидорғирлик даражасини белгилайди. Буларнинг барчаси рақамли иқтисодиёт шароитида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий мақсадидир. Бозор механизмининг асоси корхонанинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини режалаштириш ва холис баҳолаш, сотиш жараёнида даромадлар ва харажатларни ҳисоблаш учун зарур бўлган иқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланади.

Маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинadиган фойданинг шаклланиши самарали бошқариш бошқарув жараёнининг ташкилий–услубий тизимини барпо этиш, фойда шаклланишининг асосий механизмларини билиш, уни таҳлил ва назорат қилишда замонавий усуллардан фойдаланишни кўзда тутadi. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклланишининг муҳим жиҳати унда акс этириладиган фойдаланувчилар эҳтиёжини қондиришга мўлжалланган кўрсаткичларнинг миқдоридир. Ушбу кўрсаткичлар миқдорининг кўпайиши фойдаланувчиларга кўпроқ маълумот беради, шу билан биргаликда уларнинг юзага келиш шартлари очиб берилади. Кўрсаткичлар миқдорининг камайиши уларни ўқишига қулай бўлади, аммо камроқ ахборот бериб, фойда ва зарарларнинг шаклланиш шартларини тўлиқ очиб бермайди. Бутунги кунда ахборотлар шаффофлиги ва барча учун мақбуллигига эътибор қаратилмоқда. Шу боисдан молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот тузилиши фаолият турлари бўйича даромад ва харажатларнинг таснифланишига асосланади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичлари шаклланишига бўлган ушбу ёндашув барча ривожланган мамлакатлар учун характерлидир. Аммо ҳисобот шаклланишидаги асосий масала тақдим этиладиган кўрсаткичларнинг ҳажмидир. Республикамизда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида” буйруғи асосида тўлдирилади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54–сонли қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижааларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”да белгиланган даромад ва харажатлар таснифига биноан амалга оширилади. “Даромад” ва “харажат” категориялари хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий мақсадига эришиш, молиявий натижаларни максималлаштириш ва ҳисоботдан фойдаланувчиларга бошқарув ва иқтисодий қарорлар қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Хўжалик юритувчи субъектларда сотиш жараёнларини молиявий ҳисоботда акс этирилиши масаласининг кун тартибига қўйилиши МХХСлари асосида молиявий ҳисобот тузиш методологиясини такомиллаштиришни тақозо

этади. Бунга молиявий ҳисоботни МХХСлари асосида трансформациялаш орқали эришиш мумкин. Бугунги кунда молиявий ҳисобот трансформацияси масаласи кун тартибда турган долзарб мавзу ҳисобланади.

Трансформация (лат. Transformatio – ўзгартириш, қайта ташкил этиш)

1) структура, шакл ва услубларини қайта ташкил этиш, фаолиятнинг мақсадли йўналишини ўзгартириш; 2) айнаштиришнинг битта усулларида бири, халқаро ҳуқуқ нормаларини ички давлат ҳуқуқи нормаларига қайта ташкил қилиш маъноларини англатади. Трансформация турли кўринишлари мавжуд бўлиб, улар куйидагилардир:

Технологик трансформация – маҳаллий хом ашёдан ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг янги қувватлари негизида хом ашёдан тайёрланган тайёр маҳсулотгача бўлган кўп поғонали кўшилган қиймат занжирларини яратиш.

Хўжалик муносабатлари тизимини трансформация қилиш – давлат томонидан аралашувга чек қўйиш ва эскича режа–тақсимлаш тизимидан батамом воз кечиш. Мулкый муносабатлар тизимини трансформация қилиш – янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишга хусусий капитални жалб қилиш орқали кимё корхоналарида давлат улушини кескин камайтириш ва кимё корхоналарини хусусийлаштириш.

Рақамли трансформация – молиявий, моддий ва кадрларга оид ресурслар ҳаракатини бошқариш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни маркировкалаш, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш тизимларини жорий этиш учун соҳага замонавий дастурий таъминот тизимларини татбиқ этиш.

Илм–фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги муносабатлар трансформацияси – инновация жараёнларини ташкил этиш, замонавий технологияларни трансфер қилиш бўйича илғор хорижий тажрибалар асосида фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги тизимини йўлга қўйиш.

Кадрлар тайёрлаш тизимининг трансформацияси – кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш, шунингдек мавжуд ва янги барпо этиладиган ишлаб чиқариш қувватларини юқори малакали маҳаллий ва хорижий мутахассислар билан таъминлаш.

Сотиш жараёнларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича трансформацияси жараённинг муҳим қоидалари ишлаб чиқилиб, уларнинг асосийлари куйидагилардан иборатдир:

- трансформация мураккаб жараён бўлиб, профессионал ёндашувни талаб қилади;
- ҳисоб юритиш мустақил ҳал қилинади, унинг зарурлигини ва унга ўтишни ҳисоб сиёсатида мустақил белгилайди;
- ҳисоб ва ҳисобот юритишда иқтисодий мазмуннинг шаклдан устунлиги амал қилади;
- адолатлилик принципига асосланади;
- ягона алгоритми ва кетма–кетлиги йўқ;

- хар бир ҳолатда трансформация жараёнига индивидуал ёндашилади;
- трансформациянинг методикаси ва босқичлари мустақил

белгиланади.

Молиявий ҳисобот трансформацияси – бу ҳисобот санаси ҳолати бўйича бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида тузилган ҳисобот компонентлари моддаларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қоидаларига мувофиқ ҳолда қайта гуруҳлаштириш, уларнинг моддаларини қайта тан олиш, қайта баҳолаш, тўғрилашлар киритиш ва қайта очиқлашлар асосида МХХСлари ҳисоботлари ахборотларининг янги тизимига ағдариш ва қайта ташкил қилиш жараёнидир.

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг юқорида номи келтирилган қарори Янги Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий қилиш ҳамда бухгалтерия соҳасидаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб бериши. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш, корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий, мулкӣ ва молиявий ҳолатини, уларнинг ўтган даврлардаги молиявий натижаларини қиёсий ўрганиш орқали объектив баҳолаш орқали келгусидаги фаолиятни кенгайтириш, ташқи молиявий манбааларни излаб топиш, халқаро молиявий ташкилотлардан капитал жалб қилиш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув қарорлари самарадорлигини янада ошириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиши бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида. ПҚ–4611–сон, 24.02.2020 //lex.uz/search/searchtitle
2. Шешукова Т.Г., Воробьёва О.А. Методологические аспекты составления и трансформации финансовой отчетности по МСФО//журнал “Международный бухгалтерский учет”. № 1(109), 2002.
3. Ташиназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг МХХС бўйича трансформацияси зарурати, моҳияти ва босқичлари//“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, 2017 йил. 1
4. www.i-ias.ru/blog/competition_page/transformacia_msfo.html. Трансформация бухгалтерской отчетности по МСФО.

ЎЗБЕКСИТОНДА КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТИНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛARI

Б.В. Адашамиев,
ТДИУ, катта ўқувчи

Мамакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ–тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечирishi, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт–шароитлар яратди.

Иқтисодиётда маъмурий–буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, бозор ислохотлари босқичма–босқич амалга оширилгани ва пул–кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда¹³¹.

Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт–шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий–иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш.

¹³¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони

Ҳозирги пайтда иқтисодиётнинг глобаллашув шароитида турли мамлакатларда сифатли ва аниқ, таққосланадиган ва ишончли ҳамда уйғун ахборотларни шакллантиришда ягона ёндашувни қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш субъектлари, ташкилотлар фаолияти самарадорлиги, умуман, иқтисодиёт ривожида молиявий ҳисоботларнинг ўзига хос муҳим ўрни бор. Шу маънода президентимиз томонидан 2020 йил 24 февралда “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида”ги қарор қабул қилиниши ва унга биноан, 18 та банддан иборат “Йўл харитаси” тасдиқлангани юртимизда ушбу йўналишда ҳам жиддий ишларга қўл урилаётганидан далолат берилди бу еса албатта қувонарли ҳолатдир 132.

Бундай имкониятга фақат молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини (МХХС) тан олиш ва унга мувофиқ ҳолда ҳисоботлар тузиш орқали эришиш мумкин.

Бу оқилона йўл, бинобарин, биз халқаро доирага жаҳон бозорига интилаётган эканмиз, фаолиятимиз ҳам халқаро стандартларга мос бўлиши лозим. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунинг янги таҳририда ҳам бухгалтерия ҳисоби субъектлари белгиланган тартибда МХХСларни қўллаш мумкинлиги эътироф этилади.

МХХСларни қўллаш зарурати қуйидаги омиллар билан белгиланади:

– турли мамлакатларда инвесторлар ва акционерлар потенциал компанияларнинг бир хил тамойиллар, яъни таққосланувчанлик асосида тайёорланган молиявий ҳисоботни яхшироқ таҳлил қилиш имкониятига эга бўладилар;

– турли мамлакатларда турли фонд биржаларига уларнинг ҳар бирига ўша мамлакатнинг стандартлари асосида тузилган молиявий ҳисоботдан кўра ҳаммаси учун ягона тан олинадиган битта молиявий ҳисоботни тузиш мақсадга мувофиқдир. Натижада ҳисоботни тузиш харажатлари қисқаради ва капитални жалб қилиш имкониятлари кенгайди.

Анъанавий миллий ҳисобчилик тизимининг бутунги ҳолати хусусида фикр юритишдан олдин шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистонда бошқа давлатлардаги каби бизнес субъектларида ҳисоб хизматларининг аниқ тартиб тамойиллари шакллантирилган. Бу жараён Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинса, кейинчалик қабул қилинган бошқа ҳужжатлар орқали миллий ҳисобчилигимиз бир мунча такомиллаштирилди. Аммо ушбу ўзгаришларга қарамадан бизнес субъектлари бошқаруви, бир томондан фаолиятни ривожлантириш ва молиялаштиришда йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этишдаги функционалиги ўз қобигидан нарига ўта олмаганликлари билан изоҳланса, бошқа томондан сезиларли харажатлар эвазига аниқланган ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларига дахлдор маълумотлар базаси ташқи қизиқувчилар талабларига ҳам шаклан, ҳам мазмунан мос эмасди. Бу еса уларнинг эътиборидан четда қолишига асосий омил бўлиб келаётганди. Ваҳоланки, ҳар қандай бизнес аниқлик ва шаффофлик таъминланган жойда раванқ топади.

Халқаро молиявий ҳисобот деганда, МХХС ёки АҚШнинг GAAP стандартларига мувофиқ ҳолда тузилган молиявий ҳисоботга айтилади. Ушбу икки турдаги стандарт дунёдаги барча фонд биржалари учун молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш қоидаларини тартибга солади ва шу биржалар томонидан тан олинади.

МХХСлар асосида тузилган молиявий ҳисоботлар инвестицион муҳитни яхшилайти. Мамлакатга йирик компаниялар томонидан инвестицияларнинг кириб келишига имконият яратади 133.

МХХСлар бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади. Айтиш керакки, бугунги кунда иқтисодиётнинг турли соҳаларида ярим миллионга яқин корхона ва ташкилотларда ушбу хизмат тури йўлга қўйилиб, ҳисобдорлик юритиб келинмоқда. Бироқ бир хилдаги иқтисодиётнинг қонун–қоидалари асосида ишлаётган икки хил жабҳа (миллий ва халқаро) ҳисоб тизимини таққослашдаги оралиқ масофа борган сари кенгайиб кетмоқда.

Буни ўтган даврда амалга оширилган ишлар қадр қимматини эътироф қилган ҳолда, қайд этиш ўринлики, иқтисодиёт очиқланмаганлиги, эришилган натижадорлик халқаро майдонга намоён этилмаганлиги, яъни бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишнинг амалдаги анъанавий тартибда халқаро майдонда расмий тан олинган талаблар эмас, балки кўпроқ миллий иқтисодиётнинг устуворлиги юқори қўйилганлиги билан изоҳласак тўғри бўлади.

Бугунги кунда эса муҳит тубдан ўзгарди. Ўзбекистон ташқи дунёга тўлиқ очилди. Шу маънода, эндиликда бухгалтерия ва аудит соҳаси мутахассислари олдида ҳисобдорликни янги дунё муносабатлар тизимига мос ҳолда йўлга қўйиш вазифаси юкланмоқда. Бунинг ечими эса оддий эмас. Чунки бу борада бир қатор муаммолар мавжуд. Аввало, бизнес субъектлари фаолиятининг реал натижаларини аниқлаш, уларнинг ютуқларини тан олиш, баҳолаш ва очиқлашдаги амалдаги тартиблари иқтисодий ресурсларнинг бўлгуси ҳақиқий эгалари манфаатларига мос тушмайди.

Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари қўмитаси (IASB) бутун дунёдаги бухгалтерия ҳисоби соҳаси фаолиятдаги вакиллардан иборат аъзоларни бирлаштирган, ҳукуматга оид бўлмаган халқаро бухгалтерия ҳисоби ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва доимий такомиллаштириб бориш ҳисобланади.

IASB бош қароргоҳи Лондон шаҳрида жойлашган. Бу халқаро ташкилотнинг кенгашига глобал ташкилот ва компанияларда, дунё банкларида катта мансабларда ишлаган юқори обрў–этибор ва малакага эга бўлган мутахассислар жалб қилинган. 1975 йилда қўмита томонидан биринчи бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти “Ҳисоб сиёсатининг очиқланиши” нашр этилди.

Маълумки, молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи молиявий ҳисоботнинг стандартлари асосида юритиладиган тизим сифатида тавсифланган. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг меъёрий–ҳуқуқий асосини ташкил этади.

133 Ташназаров С.Н. “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”.-Т.: Экономика и бизнес. 2018 йил.

Бизнес субъектлари даромад ва харажатларининг аниқ ўлчанган қийматлари потенциал қизиқувчилар манфаатларига мос тушмайди. Бундай фойданинг аниқлиги, нақдлиги ва сифатини таъминлаш назарда тутилмоқда.

Бизда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва ҳисоботни тузиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда ташқи назоратга устуник берилган. Одатда назоратни ички турига кўпроқ аҳамият қаратиш талаб этилади. Чунки ички назорат тўғри ва самарали ташкил этилса, ташқи назоратга зарурат қолмаслиги халқаро стандартларнинг энг муҳим шarti ҳисобланади.

Халқаро стандартлар расмий эълон қилинадиган ҳисоботларда бизнес, бошқарув ва фаолият натижадорлигини объектив ҳамда реал акс эттиришга, бизнеснинг давомийлиги, ривожланиш ва тараққиётнинг муҳим тенденцияларини аниқ кура билишга имкон беради. Бу эса жалб қилинадиган ташқи инвестициялар ҳажмини оширишга, халқаро алоқалар мустаҳкамланишига, салоҳиятли харидорлар гуруҳи шаклланишига, умуман, халқаро доирада нуфуз ошишига замин яратади. МҲХСлар ўзларининг ўта мувофиқлиги билан ажралиб туради. Халқаро стандартлар ушбу соҳа бўйича энг асосий ва умумий йўналишларни белгилайди. МҲХСларни ишлаб чиқишга бундай ёндашиш уларнинг турли мамлакатларда қўлланилиш имкониятини оширади ва миллий ҳисоб стандартларининг халқаро стандартларга мувофиқлигини оширади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш, корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий, мулкӣ ва молиявий ҳолатини, уларнинг ўтган даврлардаги молиявий натижаларини қиёсий ўрганиш ва объектив баҳолаш орқали келгусидаги фаолиятини кенгайтириш, ташқи молиявий манбаларини излаб топиш, халқаро молиявий институтлардан капитал жалб қилиш имконини беради. Шунинг таъкидлаш лозимки, ҳозирги пайтда нашр қилинган МҲХСлар бир-бирига боғлиқдир ва биргаликда ягона тизимни ташкил этади. Шундай қилиб, битта стандартнинг қўлланилиши шу узлуксиз тизимнинг бошқа қисимларини қўллашни талаб қилади, яъни битта стандартни бошқа стандартлардан ажратиб олган ҳолда қўллаш мумкин бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасида МҲХСларга ўтишда ўзига хос ва миллий иқтисодиётимизга мос йўл танлади. Бу халқаро стандартларга мувофиқ келадиган бухгалтерия ҳисоби бўйича миллий стандартларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш йўли бўлади.

Мазкур ислохотлар, биринчи навбатда, йирик бизнес субъектларининг МҲХСга ўтишларига қаритилган “Йўл харитаси” бўлиб, анъанавий тарзда амалга оширилиб келинган ҳисоб тизими тубдан қайта кўриб чиқилишини назарда тутади. Хусусан ушбу “Йўл харитаси” да мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этишлари, 2021 йил якунидан бошлаб, молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлашлари белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари қарорда 2021 йил якунига қадар бухгалтерларини халқаро сертификатлаш доирасида МҲХС бўйича молиявий ҳисобот фанини муваффақиятли тоштирилганлиги тўғрисида ҳужжатга ёҳуд СРА–Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер, АССА–Буюк Британиянинг малакали бухгалтерлар уюшмаси, СРА–Тармоқ орқали ўзаро

фойдали ҳамкорлик дастури ва DipIFR–Халқаро молиявий ҳисобот бўйича диплом каби сертификатлардан бирига эга бўлган камида уч нафар бухгалтерия хизмати ходими билан таъминлашлари лозимлиги алоҳида қайд этилган.

Қарорда аккредитациядан ўтган ўқув марказлари орқали ва соҳага оид ОТМ ўқув дастурлари асосида кадрларни тайёрлаш масаласи юзасидан аниқ топшириқлар белгиланганлигини ҳам кўриш мумкин.

Албатта, ўзларининг молиявий ҳисоботларини МХХСга мувофиқ тайёрлайдиган бизнес субъектлари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисобот тақдим қилишдан озод этиладилар.

2021 йилдан бошлаб аккредитациядан ўтган ўқув марказлари лицензияланадиган фаолият турларини амалга ошириш бўйича қонунчиликда назарда тутилган талабларга риоя қилиш шarti билан, тегишли лицензия олмасдан МХХС ҳамда АХС бўйича ўқитиш ва малака ошириш юзасидан лицензияланган фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар.

Кадрлар тайёрлаш борасида яна бир муҳим жиҳатга тўғри ёндашилган. У ҳам бўлса, халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган талабгорларни олий таълим муассасалари магистратурасининг Бухгалтерия ҳисоби ва Аудит мутахассисликларига кириш имтиҳонларини топширмасдан тўлов–контракат асосида кириш ҳуқуқининг берилганлигидир. Бу кадрлар тайёрлашнинг узвийлигини таъминлайди.

Хулоса сифатида айтганда, қарорнинг кенг қўламли ва сифатли ижросини таъминлашда кадрлар масаласи асосий масала ҳисобланади. Шундай экан, бизнес субъектларининг халқаро бизнес тиллашувида ўз номидан ахборотлар оқимини барча учун тушунарли ҳамда аниқ шаклларда очиб беришга қодир бўлган бухгалтерия ҳисоби аудит соҳасининг профессионал маҳоратли, шахсий тажрибалар ва интуицияларда алданмайдиган кадрларни тайёрлаш устувор вазифамиз бўлмоғи керак.

Юқорида билдирилган таклиф ва хулосаларда келтирилган ишларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда молиявий ҳисобот халқаро стандартларига мувофиқлаштиришга хизмат қилади деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўyxати

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сонли Фармони*
2. *Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни, 10–модда. // Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й, 9–сон, 142–модда.*
3. *Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари тўплами. – Т.: “NORMA”, 2011.*
4. *Международные стандарты финансовой отчётности: Изданный на русском языке. – М.: “АСКЕРИ–АССА”, 2016.*

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Г.М. Рахимова,

ТДИУ, катта ўқитувчи

Ҳар бир асосий восита бундай босқичлардан камида учтасини ўз ичига олган: сотиб олиш, амортизация, қайта баҳолаш, эскириш (қадрсизланиш) ва чиқиб кетиш ҳаётий даврига эга.



1–расм. Асосий воситаларнинг БҲХС асосида ҳисоб даври

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳисоб амалиётида асосий воситаларнинг самарадорлигини баҳолашда, давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари мавжуд. Бундай мезонлар Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207–сонли қарорида ўз аксини топган¹³⁴. Мазкур қарорда, 36–иловасининг 9, 10–бандларида қўйидагилар келтирилган (1–жадвал).

Демак, мамлакатимизда фаолиятини юритаётган давлат улуши мавжуд акционерлик жамиятларида мазкур қарор асосида асосий воситалар самарадорлиги баҳоланади.

Бухгалтерия ҳисобининг дастлабки муаллифлари активларни баҳолаш масаласи билан боғлиқ эмас эди; қачон бу ҳақда ёзсалар, хусусан, фойдани аниқлаш учун сотилган актив қийматини унинг сотиб олиш баҳосида ўлчаганлар¹³⁵ [17–б.].

134 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207 сонли “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори 36-илова.

135 Schmalenbach, E., *Dynamische Bilanz*, 13th ed., Westdeutscher Verlag, Köln/Opladen 1962.

Асосий воситалар самарадорлигини ҳисоблаш

| Кўрсаткич | Ҳисоблаш формуласи | Тавсия этилган ёки минимум меъёр | Тавсиф |
|--|---|---|---|
| 9. Асосий воситалар эскириш коэффициенти | $K_{эск} = Э / БҚ,$ <p>бу ерда: Э – асосий воситаларнинг эскириши – 011 сатр 1–шакл “Бухгалтерия баланси”; БҚ – асосий воситаларнинг бошланғич қиймати – 010 сатр 1–шакл “Бухгалтерия баланси”.</p> | Агар кўриб чиқилаётган давр охирида асосий воситаларнинг амортизация даражаси 0.5 қийматидан ортиқ бўлса, ташкилот асосий воситаларнинг сезиларли эскириши билан тавсифланади | асосий воситалар амортизацияси (эскириши) нинг давр учун улушини тавсифлайди ва асосий воситалар амортизацияси суммасининг асл таннархига нисбати сифатида аниқланади |
| 10. Асосий воситаларнинг янгиланиш коэффициенти | $Кн = Ан / Акос,$ <p>бу ерда: Ан — давр учун олинган асосий воситаларнинг баланс қиймати (101–сатр, 2–устун статистик ҳисобот шакли 2–молия “Асосий воситалар ва бошқа номолиявий активларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисида ҳисобот”); Акос – барча асосий воситаларнинг давр охиридаги баланс қиймати (101–сатр, 9–устун статистик ҳисобот шакли 2–молия “Асосий восита ва бошқа номолиявий активларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисида” ҳисобот</p> | Меъёр йўқ. Коэффициент ҳисобот даври охиридаги мавжуд асосий воситаларнинг қанча қисми янги асосий воситалар эканлигини кўрсатади | Давр мобайнида олинган асосий воситалар қиймати ва асосий воситалар қиймати нисбатини кўрсатади |

Асосий воситаларни турли хил ҳисобга олиш зарурат саноат инқилоби (XVIII аср) билан, капитал–интенсив тармоқларнинг ўсиши ва узоқ мuddатли активлардан фойдаланиш натижасида пайдо бўлган¹³⁷ [132–6].

Маълумотларига кўра, бешта усул қўлланилган:

136 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207 сонли “Даваат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори 36-илова 9.10-банди.

137 Edwards, J. R., *A History of Financial Accounting*, Routledge, London / New York 1989.

- 1) активни сотиш ёки йўқ қилишдан олдин сотиб олиш қиймати бўйича ўтказилган тарихий харажат;
- 2) соф баланс усули, бунда боғлиқ харажатлар қиймати плюс бирмунча боғлиқ даромад;
- 3) жорий қийматни даврий баҳолашни назарда тутувчи қайта баҳолаш;
- 4) жорий харажатлар, яъни асосий маблағларни капиталлаштирмай, балки сарф–харажатларга киритиш;
- 5) амортизацияни камайтириш қиймати.

Амортизация молиявий категория сифатида дастлабки эслатмалар XVI ва XVII асрлардаги бухгалтерия адабиётларида учрайди, аммо асл қийматни тақсимлаш сифатида “замонавий” амортизация тушунчаси фақат XVIII –асрдан маълум ва ўша даврга қадар фақат ноёб мисолларда маълумдир¹³⁸ Амортизация XIX асрда кенг тарқалган, аммо у Мулк, машиналар ва асбоб– ускуналарни ҳисобга олишнинг универсал усулидан узоқ эди. Германияда 1931 йилда илк бор корхоналар тўғрисидаги қонун қабул қилиниши билан меъёрлаштириди. Ўша пайтда амортизация Мулк, машиналар ва асбоб– ускуналарни даврий ҳисобга олиш учун рухсат этилган ягона усул бўлган. Амортизация ўтказиш суммасидан чиқариб ташланиши ёки харажатларни тузатиш ҳисобварағида акс эттириш мумкин эди. Замоновий ҳисоб тизимининг такомиллашув даври мобайнида турли хил амортизация ҳисоблаш усуллари вужудга келган. Иқтисодчи олимлар баҳолаш ва амортизация усуллари борасида турли хил изланишлар олиб борганлар. Мамлакатимиз иқтисодчи олими Б.А.Хасанов амортизациянинг етти хил усулини ўрганиб, татбиқ қилган¹³⁹:

- тўғри чизиқли усул;
- йиллар йиғиндиси сони усули;
- камайиб борувчи қолдиқ усули;
- қолдиқ тўғри чизиқли усулга ўтиш усули;
- фоизларни кирим қилиш усуллари: қайтариш фонди усули, аннуитет усули;
- фойдаланиш усуллари: машина соат усули, ишлаб чиқариш бирлиги усули;
- эскириш усули.

Хорижий мамлакатлар тажрибасида молиявий ҳисоб ва ҳисобот мақсадларида амортизацияланувчи активлар қийматини ҳисобот даврларига

138 Edwards, J. R., *A History of Financial Accounting*, Routledge, London / New York 1989.

139 Хасанов Б.А., С.Цой. Как «самортизировать инфляцию» (особенности учета амортизации внеоборотных активов) (илмий мақола). – Т.: Экономический вестник Узбекистана, 2000, №8.

тақсимлашнинг умумқабул қилинган бир қанча усуллари қўлланилади. Амортизация усулларида фойдаланиш тартиби мамлакатимиз миллий стандартида ҳам ўз ўрнини топти. Бу усулларга қуйидагилар киради:

1. Амортизацияни бир маромли ёки тўғри чизиқли ҳисоблаш усули.
2. Амортизацияни бажарилган ишлар ҳажмига тенг равишда ҳисоблаш усули ёки ишлаб чиқариш ҳисоблаш усули.
3. Интенсив тезлаштирилган амортизация усуллари:
 - а) икки баробар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули;
 - б) йиллар йигиндиси усули ёки кумулятив усул.

Амортизациянинг (1) чи тўғри чизиқли усулида операцион активларнинг қиймати унинг фойдали хизмат қилиш йилларига бир текисда тақсимланади. (2) чиси ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги ёки бажарилган ишлар ҳажмига мувофиқ равишда активлар қийматини тақсимлаш усулидир.

Бу усулга мувофиқ, амортизация суммаси ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига боғлиқ бўлади, яъни бошқа даврларга нисбатан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилган ҳисобот даврларида амортизация суммаси ҳам пропорционал равишда кўпаяди. Тезлаштирилган усуллар активлар таннархининг катта қисмини унинг дастлабки фойдаланиш йилларига тақсимлашга асосланади.

Либби Роберт, Либби Патрисия А., Ходж Франк ва бошқалар тезлаштирилган амортизация усулларни қўллашнинг иккита сабабини кўрсатадилар¹⁴⁰ [416–бет]:

1. Амортизацияланувчи активлар фойдали хизмат қилишининг дастлабки йилларида кейинги йилларга нисбатан кўпроқ даромад келтиради, чунки у дастлабки йилларда юқори самара билан ишлайди.

2. Активлардан фойдаланишнинг кейинги йилларида таъмир харажатлари юксалади, амортизация харажатлари эса камаяди. Шундай қилиб, активлардан фойдаланиш билан боғлиқ жами харажатлар амортизация харажатлари камайиши ва таъмир харажатлари юксалиши билан қопланади ва нисбатан текис ҳолатда туради. Хендриксен Э.С., Ван Бреда М. Ф. бу иккита сабабга қўшимча равишда учинчи сабабни ҳам киритади¹⁴¹ [372–б.].

3. Юқори технология активлари тез эскириш субъекти ҳисобланади (мисол учун, компьютерлар).

5–сон БҲМСда асосий воситалардан интенсив фойдаланилганда ва илмий техника прогрессининг катта таъсири бўлган ҳолларда асосий воситаларнинг

140 Либби Роберт, Либби Патрисия А., Ходж Франк. Финансовый учет. 2016. 864 б.

141 Хендриксен Э.С., Ван Бреда М. Ф. Теория бухгалтерского учета: Пер. с англ. /Под ред. Я.В. Соколова.- М.: Финансы и статистика, 1997. –576 с.

эскириши тезлаштирилган амортизация усуллари орқали ифодаланишини таъкидлайди. Лекин юқоридаги олимларнинг фикрига асослансак, тезлаштирилган усулни қўллашга олиб келувчи сабабларни фақат интенсив фойдаланиш ва фан–техника тараққиёти омиллари билангина чегаралаш мақсадга мувофиқ бўлмайди, деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207 сонли “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори 3б–илова.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207 сонли “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори 3б–илова 9.10–банди. Либби Роберт, Либби Патрисиа А., Ходж Франк. Финансовый учет. 2016. 864 б.
3. Хендриксен Э.С., Ван Бреда М. Ф. Теория бухгалтерского учета: Пер. с англ. /Под ред. Я.В. Соколова. – М.: Финансы и статистика, 1997. –576 с.
4. Schmalenbach, E., *Dynamische Bilanz*, 13th ed., Westdeutscher Verlag, Köln/Opladen 1962.
5. Edwards, J. R., *A History of Financial Accounting*, Routledge, London / New York 1989.
6. Либби Роберт, Либби Патрисиа А., Ходж Франк. Финансовый учет. 2016. 864 б.
7. Хендриксен Э.С., Ван Бреда М. Ф. Теория бухгалтерского учета: Пер. с англ. /Под ред. Я.В. Соколова. – М.: Финансы и статистика, 1997. –576 с.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШ ШАРОИТИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА БУХГАЛТЕРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

М.Ш. Ахмедов,
НМТИ, катта ўқитувчи.

Ҳозирда бутун дунёда фан–техника тараққиёти жадал ривожланиб бормоқда. Хусусан Ўзбекистон Республикасида ҳам бу борада ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқлари кенгайиб бормоқда. Бу соҳалар қанчалик кенгайгани сари малакали бухгалтерларга бўлган талаб ошиб боради. Айниқса кадрларга бўлган эhtiёж молиявий ҳисоб тизимининг миллий стандартидан халқаро стандартга ўтилганда яққол кўзга ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора–тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4611–сонли қарори қабул қилинди, унда, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ва мазкур соҳада кадрларни тайёрлашнинг замонавий усулларини босқичма–босқич жорий этиш кўзда тутилган.

Жумладан, ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан эълон қилинадиган молиявий ҳисоботлар сифати халқаро тамойилларга мувофиқлиги назоратини ўтказиш бирга қуйидаги устувор вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган:

- МҲХСни жорий этиш жараёнини тизимлаштириш ва унинг натижадорлигини ошириш;
- Кадрларни тайёрлаш ва олий таълимнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудит таълим йўналишлари сифатини ошириш тизимини такомиллаштириш;
- МҲХС бўйича бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида мутахассисларни ўқитишни давлат томонидан қўллаб–қувватлаш;

Инсоният ҳамжамиятида жадал кечаётган ўзгаришлар ва тараққиёт жараёни, барча соҳалар, шу жумладан, бухгалтерия соҳасида ҳам туб ислохотларнинг янги босқичи бошланганлигини англатади.

У ҳам бўлса, миллий ҳисобчиликнинг анъанавий тизимдан босқичма–босқич воз кечиш, мазмунан туб янги молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг зарурлиги хорижий инвесторларни зарур ахборот билан таъминлаш ва халқаро бозорларга кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш ҳаётий зарурат эканлиги билан изоҳланади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг қуйидаги муҳим жиҳатларига аҳамият қаратиш лозим:

Биринчиси, бу – Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш масаласи;

Иккинчиси, бу–ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масаласидир.

2021–2022 ўқув йилидан бошлаб тажриба–синов олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича фанлар фақат халқаро сертификатлаш доирасида

“Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича молиявий ҳисобот” ёки “АХС бўйича аудит” фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга ёхуд халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган ўқитувчилар томонидан ўқитилиши ва халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган талабгорлар олий таълим муассасалари магистратурасининг “Бухгалтерия ҳисоби” ва “Аудит” мутахассисликларига кириш имтиҳонларини топширмасдан тўлов–контракт асосида кириш ҳуқуқига эга бўлиши бу ҳуқуқимиз томонидан таълимга берилётган эътибордандир.

Халқаро ҳисоб сиёсатига мос кадрларни тайёрлаш тизимини босқичли йўлга қўйиш лозим. Бунинг учун бухгалтерлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан таълим жараёнида дастлаб бир қатор ўзгаришларни амалга ошириш даркор.

Биринчидан – дарс машғулоти олиб бориладиган аудиторияларни махсуллаштириш, яъни хонани бухгалтерияга оид назарий ва амалий фанлар билан жиҳозлаш. Бу талабани кўз хотираси орқали қабул қилишини оширади.

Иккинчидан – амалий машғулотларни олиб бориладиган аудиторияларни икки қисмга бўлиб, бир қисмини бухгалтерия ўтказмалари бўйича ишлаш учун, бир қисмини замонавий компьютерларда бухгалтерия дастурлари билан ишлаш учун ажратиш лозим.

Учинчидан – замонавий компьютерларга 1С, Uzasbo, 1UZ дастурларини ўрнатиш, ва талабаларга бу дастурларни тизимли равишда ўргатиб бориш. Худларга тегишли молия органлари билан ўзаро келишган ҳолда талабалар таълимини ташкил этиш учун алоҳида uzasboга ўрганувчи сифатида боғлаш, ҳар бир талабага логин парол бериш ва тегишли ўқув дастури асосида иш олиб бориш лозим. 1С ва 1UZ дастурлари ўрнатилиб хўжалик ҳисобини тўлиқ амалий ўргатиш тизимини янада ислоҳ қилиш. Шу тарзда талабага тизимли амалий ўқитув йўлга қўйилса, талаба 3 босқичга ўтганда тайёр кадрга айланади.

Молиявий ҳисобни халқаро стандартлари тўлиқ жорий этилгунга қадар таълимдаги талабаларни ҳам тайёр кадр ҳолатига келтириш зарур. Бунинг учун талаба 3 курсга ўтиши билан кичик бизнес корхоналари, савдо шахобчалари, кичик хизмат кўрсатиш объектлари билан ҳамкорликни ташкил этган ҳолда ҳар бир талабага биттадан ташкилот бухгалтериясини юритиш топширилиши лозим. Шунда талаба ўқишни битириб тайёр кадр сифатида ишлаш малакасига эга бўлади. Бу эса тайёр кадрга бўлган эҳтиёжни қондиради.

Провардида корхона ва ташкилотлар бухгалтерия тизимидаги камчиликлар бартараф этилади, ёш кадрларга бўлган талаб қондирилади, халқаро стандартни тезроқ амалиётга жорий этишга туртки бўлади.

THE ADVANTAGE OF INTERNATIONAL STANDARDIZATION AND INTEGRATION IN CONTROL AND AUDIT IN THE PUBLIC SECTOR

R. A. Mannapova,
TFI, Senior lecturer

The development of international integration in the field of financial control and audit provides as its most important task to increase the efficiency of public financial resources management by providing the society with objective information about the work of public institutions. In modern conditions, world practice, the main priorities of audit in the public sector are determined by the assessment of the legal justification and correctness of the use of budget funds and the maintenance of accounting accounts, the assessment of the effectiveness and savings in spending public funds. All this necessitates the introduction of international accounting and reporting standards for the public sector, the quality and reliability of information reflecting accounting and reporting, the most complete accounting of financial transactions that create conditions for analyzing the dynamics and level of budgetary debt, tax benefits, and evaluating the effectiveness of budget services provided.

One of the urgent problems of improving accounting in Uzbekistan is bringing the accounting system in the public (budgetary) sector in line with the requirements of international financial reporting standards. IFRS is an important part of accounting, the use of uniform forms of which would help to understand not only people working in the field of budget and accounting, but also a wider range of users, including taxpayers, legislators, lenders, suppliers, media representatives and workers ...

The preparation of financial statements in accordance with IFRS should be aimed not only at providing information to users for making decisions, but also at ensuring that the institution is accountable for the resources entrusted to it.

International standards in general and IFRS of the public sector in particular do not contain any mention of accounting, since they are focused on the result of the work of accounting services, and not on the methods of accounting for the formation of these indicators. In this regard, IFRS does not use the correspondence of accounts, but the names of the reporting elements (assets, liabilities, capital, income, expenses, depreciation, etc.)

The main task of improving the budgetary process is to bring the principles and requirements of accounting and reporting in the budgetary sphere in line with the conditions of activity in a market economy. The main instrument should be IFRS. They ensure the comparability of accounting information between institutions and are a condition for the availability of accounting information for external users.

The transition to IFRS is a rather complicated and lengthy process, during which application problems may arise, such as a lack of information, the complexity of the texts of the standards. Moreover, both the original texts of the standards and the translated ones are difficult to understand, due to their direct translation without clarification of concepts that are new for domestic specialists. It is certainly impossible to switch to IFRS overnight. Whether their full application is possible and necessary, or

their partial application is possible. Until now, this issue is controversial, and is it really necessary to use them in the public sector.

Enterprises using the services of specialized companies for accounting and preparation of financial and tax reporting, increase the efficiency of functioning in the field of information technology, in the recruitment of personnel, finance, and the provision of services, which helps to reduce costs and tax risks.

Accounting outsourcing can be divided into two groups.

The first group is audit companies. Their activity is to conduct an audit and provide audit-related services.

The second group is consulting companies. They can provide accounting services, as well as other complex services, for example, marketing research, legal services, etc.

With the help of accounting outsourcing, the following tasks can be solved:

- full accounting according to domestic or international standards;
- development of accounting policies for the purposes of accounting and tax accounting;
- development of a methodology for managing internal processes in the accounting department of an organization, optimization of workflow;
- testing of employees of accounting and financial services;
- consulting on complex business transactions of clients;

The main advantage in transferring accounting functions to an outsourcing company is a high staffing potential. This is due to the fact that outsourcing firms specialize in only one business process (in this case, accounting), therefore they hire highly qualified specialists and experts only in this area. This narrow specialization allows the outsourcer to concentrate only on performing tasks related to accounting.

Often, trainings and special courses to improve their qualifications are held for these employees. These are selected specialists who know their business 100%. Moreover, by choosing an outsourcing company, rather than full-time employees, the customer organization does not have to worry about the disruption of business processes due to illness or the absence of an employee during vacation.

Outsourcing also allows flexibility in the management of human resources. The head of the organization does not need to worry about the reduction of employees with a decrease in production volumes or other circumstances leading to this phenomenon.

The third advantage is the redistribution of responsibility. All responsibility for accounting is assigned to the outsourcer, which greatly facilitates the already stressful life of small and medium-sized business leaders. The high professionalism possessed by the employees of outsourcing firms allows them to find unconventional solutions to problems and are always ready to defend them in a dispute with the fiscal authorities. This redistribution of responsibility greatly reduces the risk of making incorrect decisions, increasing the chances of resolving disputes. This is also due to the fact that in especially difficult situations the outsourcing company will be ready to involve its lawyers and auditors.

It should also be noted that all losses incurred as a result of incorrect calculations or violations of deadlines are fully borne by the outsourcing company.

Among other things, there are significant savings in money and time. An enterprise-customer can be engaged in more important functions, focusing specifically on the development of the company, while spending relatively little money on the use of the services of an outsourcing company. The cost of accounting services does not depend on the specialist's rate. It depends on the amount of work performed. That is why the services of an outsourcing company are often much cheaper than the salary of an accountant. However, despite the obvious advantages of the services provided, there are also disadvantages of accounting outsourcing.

I believe that accounting outsourcing for domestic companies is more than a clear perspective in the future, with minimal risks, cost and high quality. This model is undoubtedly effective and has numerous advantages that do not compare with the disadvantages, overriding them in importance. It should be noted that some of the shortcomings can already be corrected by introducing Internet technologies into business processes. The only thing to look out for and try to fix is the stereotypical way of thinking that stops company leaders from using outsourcing services for the good of the organization.

The outsourcing method will allow the company's management to optimize the number of working personnel, as well as significantly save the company's funds. Making a conclusion, one cannot ignore the negative aspects of this phenomenon. Indeed, outsourcing may not be suitable for companies that deliberately try to hide or keep the financial performance of an enterprise secret. It is not surprising that there are many such companies on the domestic market today, because the existing economic conditions (mostly unfavorable) do not give reason to trust third parties.

Any service has its drawbacks, and outsourcing is no exception. The biggest drawback is information leakage. You should be more careful when choosing an outsourcing company, studying its reputation. It is imperative that when concluding an agreement with an outsourcing company, a clear study and coordination of all the details of services, the timing of their implementation, the results provided, the distribution of functions, powers and responsibilities is necessary.

Another drawback is that one day the outsourcing company can go bankrupt, and it will be necessary to look for a new partner as soon as possible, and, possibly, to keep accounting on its own again. It is also worth paying attention to such a drawback as the partial isolation of management from the company's activities, as a result of which not entirely correct decisions may be made due to the lack of full control at the enterprise.

Currently, in a period of economic instability, outsourcing is very relevant for many organizations. The outsourcing market in the global economy is estimated at tens of billions of dollars annually. The globalization of the economy and the integration of our country into these processes obviously have a significant impact on the further development of outsourcing in our country.

It should be noted that at present the role of accounting in a business entity can hardly be overestimated. Competently arranged accounting is the key to the successful operation of any enterprise. There is no doubt about the importance and prestige of the profession of an accountant. Being aware of all financial and economic activities, an accountant must not only correctly keep records, but also be able to minimize taxes, taking into account the provisions of the legislation, especially the organizational and legal form and types of activities of the organization.

Considering the possibilities of further development of the accounting outsourcing market in our country, it can be assumed that it will be associated with the promising development of electronic document management, the adoption of a special law regulating outsourcing relationships, the inclusion in the accounting practice of a special clause on the transfer of accounting to a third-party organization, and the automation of these services. and the use of so-called Internet accounting on remote access using the WEB-interface and "cloud" technologies.

In conclusion, we note that the improvement of regulatory documents in the field of finance, the country's entry into the global outsourcing platform, a steady growth in demand for the service, as well as an increase in its supply allow us to rather optimistically assess the growth prospects of this market sector.


Reference

1. Anikin BA *Outsourcing and outstaffing: high management technologies: textbook. allowance. M.: INFRA-M, 2015.*
2. Myalkina AF, Tregubova VM *Harmonization of the accounting policy of the organization in the conditions of IFRS // Socio-economic phenomena and processes. 2013. No. 4 (50). S. 108–120.*
3. Moiseeva NK *Outsourcing in the development of business partnership. M. : INFRA-M, 2015.*

Yangi O'zbekistonda moliya-bank, byudjet-soliq, buxgalteriya hisobi va audit sohalari yanada rivojlantirishning dolzarb masalalari

4 YO'NALISH

**YANGI O'ZBEKISTONDA
MOLIYAVIY NAZORAT, AUDIT
VA TAHLIL SOHALARINI
RIVOJLANTIRISHDA XORIJ
TAJRIBASIDAN SAMARALI
FOYDALANISH YO'LLARI**



ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ КОРХОНАЛАРДА МҲХСНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

***К.Б. Аҳмеджанов,
ТДИУ профессор
А.К. Аҳмаджонов,
магистр***

Сўнги йилларда юртимизда иқтисодиётнинг жадал суръатларда ривожланиши, хорижий инвестициялар жалб қилиш, инвесторларга тўғри ва зарур ахборотларни етказиб бериш, шунингдек, акциядорлик жамиятлари, сугурта ташкилотлари ва банклари фаолиятини такомиллаштириш ва уларни халқаро бозорларга олиб чиқишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Трансмилий корпорацияларнинг фаол ўсиши, молиявий бозорларнинг глобаллашуви ва халқаро иқтисодий интеграция бухгалтерия ҳисобини бирлаштиришнинг асосий сабабига айланди. Замонавий шароитда халқаро ишбилармонлик фаоллигининг ўсиши, барча манфаатдор фойдаланувчилар манфаатларига жавоб берадиган ягона молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш аҳамиятини янада оширди.


Энергетика сектори жаҳон иқтисодиётида ҳал қилувчи рол ўйнайди ва айни пайтда тобора кўпроқ компаниялар ташқи бозорга чиқмоқда, баъзилари эса ўз фаолиятини жаҳон миқёсида амалга ошириш арафасида турибди. МҲХСни жорий этиш кўплаб энергетика соҳасидаги компанияларга узоқ муддатли инвестицияларни жалб этишда аҳамияти катта, лекин шу билан бирга катта қийинчиликларни келтириб чиқаради. Энергетика сектори катта миқдордаги олдиндан инвестицияларга бўлган эҳтиёж билан тавсифланади, бу кўпинча узоқ муддатли натижаларнинг ноаниқлиги билан бирга келади. Компаниялар, манфаатдор томонлар ва бошқа корхоналар ўртасидаги мураккаб муносабатлар билан бир қаторда, геосиёсат, атроф–муҳитни муҳофаза қилиш, энергия ва табиий ресурслар билан таъминлаш ва савдодаги қийинчиликлар сабабли, МҲХСни жорий этиш ушбу муаммоларни ҳал қилишда муҳим рол ўйнайди.

Амалга оширилган чоралар натижасида МДҲда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмида Ўзбекистоннинг улуши қарийб 4% ни ташкил этади ва асосий кўрсаткичлар бўйича МДҲда 4 –ўринни эгаллаб, Россия, Украина ва Қозоғистоннинг энергия тизимларидан кейинги ўринда туради.

Ўзбекистон ўз энергия ресурслари ҳисобидан ўз эҳтиёжларини тўлиқ қондирадиган давлатлардан биридир. Республика Марказий Осиёдаги ўзаро

боғлиқ энергия тизимининг ўрнатилган қувватининг қарийб 50 фоизига эгаллик қилади.

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартаги ПҚ-4249–сон қарори ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 26 апрелдаги 1–сон қарорига асосан таъсис этилган. Жамиятнинг Устав капитали 2021 йил 1 август йил ҳолатига 13 243,2 млрд. сўмни ташкил этади ва номинал қиймати 100 сўм бўлган 132 431 971 650 дона акциялардан иборат. Жамият таркибида 12 та корхона мавжуд, жумладан, 6 та иссиқлик электр станциялари, 3 та иссиқлик электр марказлари ва 3 та пудрат ташкилотлари (АЖ–10 та, УК–1 та, МЧЖ–1 та)



1–расм. 2012–2019 йиллардаги электр энергияси ишлаб чиқариш ва унга бўлган талабнинг ҳақиқий динамикаси

Иқтисодиётнинг энергия сарфи ҳажмини камайтириш электр энергетика сиёсатининг асосий вазифаси бўлиб, мазкур вазифанинг бажарилмаслиги энергетика соҳасининг мамлакатнинг ижтимоий–иқтисодий ривожланишига муқаррар равишда тўсқинлик қилишига олиб келади. 2012–2019–йилларда электр энергияси ишлаб чиқаришда йилига ўртача 2,6 фоиз миқдорида ўсиш кузатилади. Бироқ электр энергиясига бўлган талаб тўлиқ қондирилмади, тақчиллик талабнинг 9,4 фоизини ташкил этди (1–расм).

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ корхоналарида таҳлилий ўрганишлардан сўнг 2020 йилга мўлжалланган импорт ва кооперация маҳсулотлари рўйхати ишлаб чиқилган. Унга кўра, 2018–2021 йилларда “Иссиқлик электр станциялари” АЖ эҳтиёжлари учун маҳсулотлар импортининг йиллик ҳажми прогноз кўрсаткичларига кўра ўртача 33,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Саноат кооперациясининг кенгайтириши ҳисобига 2019 йилда импортининг амалдаги қисқариши 4,98 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

2030–йилга келиб аҳоли жон бошига электр энергияси истеъмоли йилига 2,665 кВт соатгача ошиши ва 2018–йилдаги 1,903 кВт.соатга нисбатан 71,4 фоизга ошиши кутилмоқда. Ўз навбатида, ушбу кўрсаткич 2018 йил якунлари бўйича Кореяда – 9711, Хитойда – 4292, Россияда – 6257, Қозоғистонда – 5133, Туркия – 2637 кВт.соат миқдорида қайд этилган кўрсаткичдан анча паст.

МҲХСларни қўллаш зарурияти бир неча омиллар билан белгилашимиз мумкин. Турли мамлакатларда инвесторлар ва акционерлар потенциал компанияларнинг бир хил тамойиллар, яъни таққосланувчанлик асосида тайёрланган молиявий ҳисоботни яхшироқ таҳлил қилиш имкониятига эга бўлади. Кўп инвесторлар молиявий ҳисоботни молиявий ахборотларнинг бош манбаи сифатида қарайдилар. Шу боис, молиявий ҳисобот уларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланиши ва тақдим қилиниши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги ПҚ–4249–сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ–4611–сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ–6096–сонли фармони.
4. 2018–2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепцияси.
5. С.Н. Ташиназаров. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисобот: муаммо ва ечимлар. Монография. Т.: “Наврўз” нашриёти, 2016 й. 31–47–б.
6. Соловьева О.В. Международные стандарты финансовой отчетности 2010 г.

КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ АУДИТИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ

А.Н.Тўраев

ТДИУ, профессори, и.ф.д.

А.А.Эшонқулов

ТДИУ, ассистент

Хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ҳақидаги хулосаси аудиторлик ташкилотнинг бу ҳисоботнинг ишончлилиги тўғрисидаги фикрини ифодалайди.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботни текшириш натижалари бўйича аудиторлик хулосаси корхонанинг йиллик молиявий ҳисоботининг энг муҳим унсурларидан биридир.

Хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари молиявий ҳисоботда ҳаққоний акс эттирилган, лекин қонунчилик талабларига мувофиқ келмайдиган ҳолларда ҳам салбий аудиторлик хулосаси тузилади.

Одатда хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг аудиторлик ташкилотининг аниқланган бузилишларни бартараф этиш мақсадида молиявий ҳисоботга тузатишлар киритиш тўғрисидаги фикрига қўшилмаслиги салбий аудиторлик хулосасини тузишга сабаб бўлади.

Хўжалик юритувчи субъект аудиторлик текшируви давомида аниқланган бузилишларни бартараф этган ҳолда салбий аудиторлик хулосаси тузилмайди.

Аудиторлик хулосаси камида уч нусхада тузилади, шундан икки нусха аудиторлик текшируви буюртмачисига тақдим этилади.

Аудиторлик хулосаси молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга тушунарли бўлиши, аудиторнинг ишончи комил эмаслиги ва (ёки) рози эмаслиги юзага келтирган чеклашларга доир кўрсатмаларни ўз ичига олиши керак.

Аудиторлик хулосаси очиқ ахборот ҳисобланади, ундан молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг ҳаммаси фойдалана олин.

Аудиторлик хулосаси тегишли молиявий ҳисоботлар билан биргаликда хўжалик юритувчи субъект томонидан эълон қилиниши мумкин.

Консолидациялашган молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланувчилар гуруҳига кирувчи аудиторлар ҳисобот маълумотларини текширишда асосан компаниянинг электрон маълумотлар базасига таянмоқда. Электрон тизимлар билан ишлаш аудиторлик текширишининг янги усулларини ва

маълумотлар базасининг кенг тармоқли процедураларини қўллашни талаб этмоқда.

Технологик соҳадаги ўсиш молиявий маълумотларни қайта ишлашни кенгайтирди. Шунингдек, аудиторларнинг ишини бирмунча энгиллаштирди. Бугунги кунда маълумотларни текширишнинг бир нечта дастурлари яратилган бўлиб, уларнинг энг кенг қўлланилаётганлари таркибига WebTrust ва SysTrust дастурларини қўшишимиз мумкин. WebTrust тизимида аудитор корхонанинг бутун иқтисодий ҳолатини электрон ҳолда кўриши мумкин, SysTrust тизимида корхона молиявий, ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятининг аниқ йўналиши кўрсатилади. Умуман ушбу икки тизим аудиторларнинг далил йиғиш, маълумотлар тўплаш ва қарор чиқаришга сарфлайдиган вақтини камайтиради.

Аммо, бугунги кунда корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг бир нечта тизимлари қўлланилмоқда. Масалан, янги ўрнатилган тизим олдинги маълумотларни бехосдан ўчириб ташлаши мумкин. Шу боисдан ҳам аудитор айнан корхонада қанақа тизим қўлланилаётганини билиши лозим.

Аудиторнинг иқтисодий ахборот автоматлаштирилган тизимдан фойдаланиладиган хўжалик юритувчи субъектида бажарилган ишлар бўйича режалаштириш, таҳлил этиш, назорат қилиш ва яқунлашда шарҳлаш ва хулосалаш учун компьютер тизими бўйича етарли даражада билимларга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Мазкур ҳолатда аудиторнинг вазифаси:

- компьютер муҳити таъсир кўрсатадиган ҳисобга олиш ва ички назорат тизимини етарли даражада ва барча аҳамиятли жиҳатларда тушуниш;
- компьютер муҳитининг таваккалчиликни баҳолашга таъсирининг самарасини белгилаш;
- лойиҳани тайёрлаш ва бошқарув тестлари ҳамда мустақил русум–қоидаларни бажариш.

Аудиторда кўрсатилган билимлар мавжуд бўлмаганда ахборот технологиялари соҳасида эксперт ишидан фойдаланиш лозим. Қўлланилаётган компьютер тизимини баҳолаш учун эксперт ишидан фойдаланилган ҳолларда:

- Экспертни тайинлаш ва эксперт ишидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бошқа жараёнлар «Эксперт ишидан фойдаланиш» аудиторлик стандарти шартларига тўлиқ равишда мувофиқ келиши шарт;
- Аудитор, эксперт ишини кузатиб бориш учун хўжалик юритувчи субъектнинг компьютер тизими ҳақида етарли бўлимга эга бўлиши шарт ва шу билан бирга устунлик ҳолатини сақлаб туриши керак;
- эксперт фақат ахборотга ишлов бериш тизиминигина белгилайди;

– аудитор бу тизим ёрдамида шакллантирилаётган ҳисоботни ишончилигини баҳолайди.

Аудиторлик ташкилоти текширилаётган ҳўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоботи тўғрисидаги фикрни ифода этиш ва шу фикр асосида тузилган аудиторлик ҳулосаси учун тўлиқ жавобгардир.

I –жадвал

Консолидациялашган ҳисобот маълумотларининг компьютер муҳитида ташкил этилишининг аудиторнинг касбий таваккалчилигига боғлиқлиги

| Аудиторлик таваккалчилиги куйидаги ҳолатларда ортади | Аудиторлик таваккалчилиги куйидаги ҳолатларда камаяди |
|---|--|
| 1. Компьютер муҳити марказлаштирилмаган | 1. Автоматлаштириш тизимлари лицензияланган |
| 2. Компьютер ускуналарининг географик тарқоқлиги мавжуд | 2. Аудиторлар учун махсус ишланган дастурий таъминот туфайли назоратнинг айрим турларини чуқурлаштириш имконияти мавжуд |
| 3. Бухгалтерия ходимларининг ахборот технологиялари соҳасидаги битим даражалари етарли эмас | 3. Дастурий таъминотнинг махсус назорати мавжуд |
| 4. Компьютер муҳитининг амал қилашида ички назорат мавжуд эмас | 4. Ҳўжалик юритувчи субъектнинг ахборий сиёсати унинг раҳбарияти томонидан омикорлик билан белгиланади |
| 5. Компьютер тизимига рухсат этилмаган киришни чеклаш бўйича зарурий чоралар мавжуд эмас | 5. Барча бўлинмалар, филиаллар ва бошқа алоҳида бўлинмалар, шўьба корхоналар компьютернинг ягона муҳитида ишлайди, ягона замонавий дастурий таъминоти қўллайди |
| | 6. Ҳўжалик юритувчи субъектнинг ахборот сиёсати компьютер тизимининг асосий фойдаланувчилари билан келишилган |
| | 7. Ҳўжалик юритувчи субъектнинг компьютер тизими ривожининг узоқ муддатли режаси мавжуд |

Текширувни ўтказишда эксперт аудиторга куйидаги ҳолларда ёрдам кўрсатади:

- а) компьютер тизими ишончилигини умуман баҳолашда;
- б) текширилаётган ҳўжалик юритувчи субъектнинг компьютер тизимида амал қилаётган бухгалтерлик дастурий таъминотининг сотиб олиниши қонунийлигини ва лицензион софлигини баҳолашда;
- в) ҳисоб–китоблар алгоритмини текширишда;
- г) компьютерда аудитор учун зарур бўлган таҳлилий умумлашма ҳисоб–китоб ва ҳисобот регистрларини шакллантиришда.

Хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг компьютер муҳитида ташкил этилиши аудиторнинг касбий таваккалчилигига таъсир кўрсатади. Бундай шароитда таваккалчилик ортиши ёки камайиши мумкин. Компьютер бошқаруви умумий воситаларининг мақсади компьютер тизими устидан назорат чегараларини ўрнатиш ва ички назорат мақсадларига эришилганлигига мақбул ишонч даражасини таъминлашдан иборатдир.

Консолидациялашган молиявий ҳисобот маълумотларини электрон аудит қилганида аудитор компьютердаги маълумотлар устидан, ахборотларнинг чиқарилиши устидан назорат қай даражада ўрнатилганлигини аниқлаши шарт.

Компьютер маълумот файллари ва компьютер иши устидан назорат куйидаги ҳолда аудитор томонидан ижобий деб топилиши мумкин:

- операциялар компьютер томонидан тўғри бажарилмоқда;
- операциялар йўқотилмаган, қўшилмаган, нусха кўчирилмаган ва ўзгартирилмаган;
- ҳатолар ўз вақтида тўғрилانган ва бартараф этилган.

Ахборотларнинг чиқарилиши устидан назорат куйидаги ҳолда аудитор томонидан ижобий деб топилиши мумкин:

- бажарилган натижалари аниқ;
- ахборотнинг чиқишида ундан бегона шахсларнинг фойдаланиши чекланган;
- ахборот уни олиш учун рухсатномага эга бўлган тегишли шахсга ўз вақтида берилган.

Компьютерга оид асосий суистеъмолликлар куйидаги шарт–шароитлар мавжуд бўлганда юз бериши мумкин:

- компьютерга ёки терминалга бевосита кириш;
- маълумот файлларига кириш;
- воситалардан шахсий мақсадларда фойдаланиш имкониятларининг мавжудлиги;
- тизимий ахборотнинг қулайлиги;
- компьютер дастурларига кириш имконияти.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, аудитор консолидациялашган молиявий ҳисобот маълумотларини электрон аудит қилишда, аввало, ўша миқдор корхонадаги маълумотлар базасининг қанчалик тўғри киритилганлигига, компьютер маълумотларининг қай даражада сақланаётганлигига эътибор бериши лозим. Бу текширув натижалари аудиторлик хулосаси ва ҳисоботида акс эттирилиши керак.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ АУДИТИНИНГ МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ

Н.Ш. Хажимуратов,
ТДИУ, кафедра мудири, DSc

Кейинги йилларда мамлакатимизда аудит мустақил профессионал тадбиркорлик фаолияти ва иқтисодиёт фанининг ажралмас бир қисми сифатида шаклланиб улгурди. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишини – уларнинг молиявий ҳисобот халқаро стандартлари ва халқаро аудит стандартлари талабларига мувофиқлаштиришни белгилаб бермоқда. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятида халқаро стандартларни кенг жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3946–сон ва 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4611–сон Қарорлари қабул қилинди. Мазкур Қарорларда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши молиявий ҳисобот аудитининг методологиясини такомиллаштиришга хизмат қилади. Бироқ ҳозирги кунда молиявий ҳисобот аудитини ташкил этиш, аудиторлик текширувларида халқаро стандартларни кенг қўллаш, аудиторлик текширувлари сифатини ошириш, аудиторлик ташкилотларининг ички стандартларини ишлаб чиқишда методологик муаммолар учраб турибди. Мазкур муаммоларнинг бартараф этилиши мамлакатимизда аудиторлик фаолиятининг такомиллашувига ва аудиторлар нуфузининг ошишига хизмат қилади. Молиявий ҳисобот аудитининг методологик муаммоларига иқтисодчи олимларнинг асарларида кенг эътибор қарагилган.

Бугунги кунда молиявий ҳисобот аудити олдида турган муаммоларни ўрганиш учун олимларнинг замонавий аудит концепциясини ривожлантириш масалаларига бағишланган асарларини тадқиқ этиш натижаларини келтириб ўтамыз.

О.В.Голосов ва М.В.Мельник сифатли назарий–методологик негизларга асослаган аудитни ривожлантириш тўлақонли концепциясини ишлаб чиқишнинг муҳимлигини таъкидлайди. Бу ерда қуйидаги масалалар бўйича позицияларни аниқлаш биринчи даражали ҳисобланади:

- бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит методологияси бирлиги;

- аудитнинг бошқа молиявий назорат турларидан фарқлари, умумий жиҳатлари ва ўзаро боғлиқлиги;
- нафақат молиявий ҳисобот ишончилиги, балки текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида ҳам аудиторнинг фикрини билдиришга имкон берадиган аудиторлик текширувлари истиқболли йўналишини кучайтириш;
- аудит объектлари ва йўналишларини кенгайтириш ва келгусида хулосаларни интеграция қилиш [2].

О.А.Миронова ва М. А. Азарскаянинг таъкидлашича, аудит назарияси ва методологиясида кўп сонли ёндашувлар кўриб чиқилади. Фақат аудитнинг концептуал асосларини ташкил қиладиган тамойил ва қоидаларни назарияда тан олишга асосланган маҳаллий олимлар қарашларининг маълум бир умумийлиги бор, холос [7, 3].

Иқтисодчи олим, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) И.Мелиевнинг таъкидлашича, молиявий ҳисобот аудитида биринчи навбатда ўрганиладиган масала – молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончилигини баҳолаш, уларни тайёрлаш ҳамда тақдим этиш талабларининг бажарилганлик ҳолатини баҳолашдир [7, 83].

Бошқа бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг фикрича, молиявий ҳисобот аудитининг методологик муаммоларини ҳал қилиш учун, аввало, молиявий ҳисоботларни тузишда халқаро стандартларни тўлиқ қўллаш лозим [1, 161].

Руминиялик иқтисодчи олим Йонела Иваннинг таъкидлашича, молиявий ҳисобот аудитининг энг асосий методологик муаммоларидан бири аудиторлик текширувларида профессионал мушоҳадани тўғри қўллашдир [5].

Россиялик иқтисодчи олимлар – С.Бычкова ва В.Скобаралар молиявий ҳисобот аудитининг муаммоларига куйидагиларни киритган – аудиторнинг стандартларга риоя этмаслиги, аудитор томонидан хўжалик эритувчи субъектнинг ноқонуний яширин фаолияти бўйича маълумотларни аниқлай олмаслиги ва аудит ўтказиш тартибининг такомиллашмаганлиги [8].

Юқорида қайд этиб ўтилган фикрлардан кўриниб турибдики, молиявий ҳисобот аудитининг методологик муаммоларига оид кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Аммо аксарият тадқиқотларда молиявий ҳисобот аудитининг методологик муаммолари яхлит тарзда кўриб чиқилмаган.

Молиявий ҳисобот аудити муаммосини ҳал қилишдан олдин уни тизимлаштириш муҳимдир. Молиявий ҳисобот аудитининг жорий муаммоларини тизимлаштириш учун бир нечта вариант мавжуд. Хусусан иқтисодчи олимлар

В.А.Грекова ва А.В.Логоновалар молиявий ҳисобот аудитининг жорий муаммоларини учта гуруҳга ажратган:

- методологик характерли молиявий ҳисобот аудити муаммолари;
- молиявий ҳисобот аудитининг технологик муаммолари;
- молиявий ҳисобот аудитининг бошқа муаммолари [3].

Биринчи гуруҳга молиявий ҳисобот аудитининг иқтисодиёт субъектлари фаолият тизимидаги ўрнини аниқлаш, нарх шакллантириш, аудиторлик хизматлари бозоридаги рақобат, молиявий ҳисобот аудити хизматлари сифатини назорат қилиш ва бошқалар киради.

Молиявий ҳисобот аудити муаммоларининг бошқа тоифалари ҳам мавжуд, масалан: молиявий ҳисобот аудитининг концептуал муаммолари ва молиявий ҳисобот аудитининг амалий муаммолари; молиявий ҳисобот аудитининг моҳиятини акс эттирадиган муаммолар тушунчаларни аниқлаш ва молиявий ҳисобот аудитини ташкил қилиш усуллари аниқлаш муаммолари.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида биз молиявий ҳисобот аудитининг муаммоларини 2 та гуруҳга ажратдик.

Бизнинг фикримизча, келтирилган муаммоларни тизимлаштириш молиявий ҳисобот аудити замонавий ҳолатини тўлиқ акс эттириш ва унинг истиқболли ривожланиш йўналишларини белгилашга имкон яратади. Тизимлаштиришнинг асоси бўлиб молиявий ҳисобот аудити муаммоларидан биринчиси молиявий ҳисобот аудитини халқаро стандартларга ўтказиш муаммоларини тавсифлайди, иккинчи йўналиш сифатида молиявий ҳисобот аудитининг назарий ва услубий аппаратини такомиллаштириш муаммолари намоён бўлади.

Охирги йилларда молиявий ҳисобот аудити халқаро аудит меъёрлари йўналишида жадал ривожланмоқда. Бироқ, ҳозирги пайтда, миллий ва халқаро аудит стандартлари ўртасидаги жиддий фарқлар сақланиб келмоқда.

Шундай қилиб, ушбу соҳадаги муаммолар сифатида молиявий ҳисобот халқаро стандартларини модернизация қилиш туфайли ички аудит стандартларини ишлаб чиқишдаги кечикиш, тушунчавий аппаратни такомиллаштириш, тасдиқланган стандартларнинг аниқ шартлари моҳиятини очиб бериш муаммосини ажратиб кўрсатиш керак. Иккинчи ҳолда, биз аудиторлик фаолиятининг асосий тамойилларига риоя қилмаслик (аудиторнинг мустақиллиги ва бошқалар), шунингдек, текширувларни нотўғри ташкил этиш (молиявий ҳисобот аудитини режалаштиришда риск ва муҳимликни ҳисобламаслик, нотўғри ҳужжатлаштириш ва ҳоказо) ҳолатларига эътибор қаратиш керак.

Мамлакатда аудит фани жадал ривожланаётганлиги сабабли молиявий ҳисобот аудитининг назарий ва услубий аппаратини такомиллаштириш муаммолари тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисобот аудити назариясида усул, тамойил ва бошқалар каби асосий тушунча ва тоифаларни ёритиб беришда сезиларли бўшлиқлар мавжуд. Ушбу муаммонинг ечими молиявий ҳисобот аудитида қўлланиладиган умумилмий ва ўзига хос тушунчаларни таснифлаш ва ажратишга асосланиш лозим.

Молиявий ҳисобот аудитининг турдош фанлар билан ўзаро боғлиқлик муаммоси муҳим бўлиб қолаверади. Бизнинг фикримизча, мамлакатда аудитнинг ривожланишини бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш умумий концепцияси доирасида ва унинг илғор илм–фан йўналишлари билан интеграцияси доирасида кўриб чиқиш зарур.

Бизнингча, бундай йўналишлардан бири молиявий ҳисобот аудитини ахборот технологиялари билан интеграция қилиш ҳисобланади. Молиявий ҳисобот аудити бу – ахборот жараёни бўлиб, унинг моҳияти иқтисодиёт субъектининг молиявий ҳисобот тўлиқлиги ва ишончлилиги ҳақида таҳлилий ахборот тайёрлаш, шунингдек, ички назорат ва бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш бўйича иқтисодиёт субъекти мулкдорларига тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Молиявий ҳисобот аудитида ахборот жараёнларининг асосий босқичлари қаторига қуйидагилар қиради:

- аудит ўтказилаётган иқтисодиёт субъекти манбаларидан бошланғич ахборот олиш ва тўплаш;
- шакллантирилган маълумотларни таҳлил қилиш;
- олинган натижавий ахборотдан фойдаланиш.

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит ахборот жараёнлари бир–бири билан боғлиқдир. Шу сабабли, бизнинг фикримизча, молиявий ҳисобот аудитининг мижоз ташкилот ахборот тизимлари билан ўзаро алоқаларини таъминлаш зарур. Шундай экан, молиявий ҳисобот аудитида молиявий ҳисобот аудити воситаларининг аудит ўтказилаётган субъект ахборот тизими билан мантиқий ўзаро боғлиқлигини ишлаб чиқиш зарур.

Шу тариқа, молиявий ҳисобот аудити назарий–методологик аппаратини такомиллаштириш муаммоси ахборот технологияларидан фойдаланишга асосланган махсус назарий қоидаларни ишлаб чиқишга бориб тақалади.

Аудитнинг назарий–методологик аппаратини ривожлантиришнинг бошқа бир йўналиши аудиторлик амалиётида таҳлилий амалларни қўллашни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Аудит ўтказилаётган объектлар индивидуаллигини эътиборга олиб, аксарият ҳолларда молиявий ҳисобот аудити намунавий методологиясидан

фойдаланиш мумкин эмас, балки мураккаб таҳлилий аппарат – омилар таҳлили, математик усуллар ва бошқаларни қўллаш талаб қилинади.

Аудиторлик текширувларида таҳлилий амаллар улушини ошириш куйидагиларга имкон беради:

- аудит ўтказилаётган иқтисодиёт субъектининг фаолиятини ташкил қилиш ва самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- аудиторлик текшируви методологиясини такомиллаштириш ва аудит ўтказилаётган субъект фаолиятини тўлароқ баҳолаш ҳисобига аудитор томонидан қабул қилинадиган қарорлар сифатини ошириш;
- аудиторлик тестлари вақти ва меҳнат сифимини қисқартириш.

Бизнинг фикримизча, аудитни ривожлантиришнинг муҳим йўналиши аудиторлик фаолиятини тартибга солиш тизимини ривожлантириш, жумладан, назоратни кучайтириш ҳисобланади. Бу ерда гап давлат назорат тизимини ривожлантириш ҳақида ҳам, аудиторлик хизматлари бозорида жамоатчилик назорати ҳақида ҳам боради.

Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, охириги йилларда ENRON, Parmalat каби йирик компаниялар инқирози ва аудиторларнинг бу воқеалардаги роли давлат ва жамоат органлари томонидан аудиторлик фаолиятини тартибга солиш заруратини қайта кўриб чиқишга хизмат қилади.

Аудиторлик фаолиятини тартибга солиш функцияларини давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ўртасида қайта тақсимлаш молиявий ҳисобот аудити назарий аппаратини такомиллаштириш муаммолари муҳимлигидан далолат беради.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги пайтда аудиторлик текширувлари сифатини ошириш корхоналар фаолияти истиқболларини баҳолаш зарурати билан боғлиқ.

Аудиторлар учун нафақат аудит ўтказилаётган шахснинг муайян санадаги ҳолатини таҳлил қилиш, балки аудит ўтказилаётган иқтисодиёт субъектининг фаолият самарадорлиги ва фаолият истиқболларини баҳолаш зарур.

Юқорида таъкидланганларни ҳисобга олиб, хулоса чиқариш мумкинки, молиявий ҳисобот аудитини тадқиқ этувчи кўплаб маҳаллий тадқиқотчилар фикрига кўра, унинг замонавий иқтисодиётдаги аҳамияти ўсиб бормоқда.

Бу молиявий ҳисобот аудитининг иқтисодиёт субъектлари фаолиятида бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнларига таъсирининг кучайиши билан асосланади.

1. Молиявий ҳисоботи аудити муаммоларини иккита гуруҳга – маҳаллий аудитни халқаро стандартларга ўтказиш муаммолари ва назарий–методологик аппаратни такомиллаштиришга ажратган ҳолда таснифлашнинг таклиф этилган варианти молиявий ҳисобот аудити ривожланишининг ҳозирги ҳолатини акс эттиришга имкон беради. Чунончи илмий аппарат ишлаб чиқиш заруратига асосий эътибор қаратиш молиявий ҳисобот аудитида юзага келган бўшлиқни аста–секинлик билан тўлдиришга хизмат қилади.

2. Мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жадаллашаётган ҳозирги даврда молиявий ҳисобот аудитини халқаро стандартлар асосида ўтказиш муҳим ҳисобланади. Фикримизча, бу жараёнда халқаро стандартларда қўлланилаётган атамаларнинг мазмун–моҳиятини чуқурроқ англаб етиш, малакали аудиторлар тақчиллигига барҳам бериш ва аудиторлар томонидан ички стандартларга риоя қилиш зарур.

3. Кейинги пайтларда аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва уларнинг нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур натижаларга эришишда аудиторлик текширувлари сифатини ошириш, жумладан, аудиторлик ташкилотлари ички стандартларини ишлаб чиқиш, аудиторлик фаолиятида турдош хизматларни ривожлантириш ҳамда аудиторлик текширувларида рақамли технологияларни кенг қўллаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Вахабов А.В., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К. Тижорат банклари ташиқи аудитида халқаро молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш методологияси. Монография. – Т.: Молия, 2011. –188 б.

2. Голосов О. В., Мельник М. В. Перспективы развития аудита. /Аудиторские ведомости. 2005, № 12/СПС «Консультант Плюс». Версия от 08.09.2008

3. Грекова В.А., Логинова А.В. Методические аспекты аудита финансовой отчетности организации // Современные научные исследования и инновации. 2017. № 5.

4. Гутцайт Е.М. Аудит: концепция, проблемы, эффективность, стандарты. – М., «Элит 2000», «ЮНИТИ–ДАНА», 2002 г. – 400 с.

5. Ionela Ivan. The importance of professional judgement applied in the context of the International Financial Reporting Standards.// Audit Financiar, No. 10(142)/2016.

6. Миронова О.А., Азарская М.А. Развитие концепции аудита. //Аудиторские ведомости, 2005, № 11, с.3–14.

7. Мелиев И.И. Аудиторлик текширувини ўтказиш услубияти: муаммо ва ечимлар. Монография. –Т.: “VNESHINVESTPROM”, 2020. –191 б.

8. Svetlana M. Bychkova, V.V.Skobara. Functional Problems of Audit at the Present Stage of His Development .// 2016 13th International Scientific–Technical Conference on Actual Problems of Electronics Instrument Engineering (APEIE). DOI: 10.1109/APEIE.2016.7807059

МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАННАРХИНИ АНИҚЛАШДА ЧЕТ ЭЛ ТАЖРИБАЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

***А.Н. Махмудов,
ТДИУ, и.ф.н., доцент***

Республикамызда кенг кўламли ислохотлар ва модернизациялаш жараёнини давом эттиришда хўжалик субъектлари фаолиятининг барча жараёнларида иқтисодий ахборотларга нисбатан ҳаққонийлик, ўз вақтидалик, ҳолислик ва аниқлик каби талаблар кўйилади. Ҳозирги пайтда олинган иқтисодий ахборотлар ички ва ташқи фойдаланувчилар ҳамда инвесторлар талабини тўлиқ қондириши ҳамда энг кам миқдорда меҳнат ва вақт сарф қилган ҳолда шакллантирилиши лозим. Шунингдек иқтисодий ахборотлар корхона фаолиятини бюджетлаштириш, истиқболни белгилаш, харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини тўғри ташкил этиш бўйича самарали бошқарув қарорлари қабул қилишда зарурий асос бўлиб хизмат қилиши лозим. Хорижий тажрибаларга таянган ҳолда тикув–трикотаж корхоналарида харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш, жавобгарлик марказларини аниқлаш, бюджетлаштириш, келгусида корхоналарнинг истиқболли тараққиётини белгилловчи лойиҳаларни таҳлил қилиш, сегментлар бўйича ҳисобот тузиш ва самарали трансферт баҳоларини шакллантириш каби масалалар тўлиғича илмий ва услубий жиҳатдан ёритилмаган. Тикув–трикотаж корхоналарида харажатлар ҳисобини самарали юритиш дастлабки ва йиғма ҳужжатларни айланиш тезкорлигини, қабул қилинган ички ҳисобот шакллари ва уларнинг тузилиш даврийлигини, тақдим қилиш муддатларини ҳамда ахборот тизимини такомиллаштиришга амалий ёрдам бериш каби масалаларни ўз ичига олади. Бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, ахборотларни ўз вақтида фойдаланувчиларга етказиш, тижорат сирини сақланишини таъминлаш, корхона бухгалтериясини икки мустақил қисмга яъни молиявий ва калькуляция ҳисобига бўлинишини шарт қилиб қўйди. Бу тарзда бухгалтериянинг мустақил қисмларга бўлиниши молиявий ҳисобни марказлаштириш ва калькуляция ҳисобини номарказлаштиришга сабаб бўлди. Натижада калькуляция ҳисоби ўз натижаларига эга бўла бошлади. Бунда бошқарув жараёнини тезкор таҳлилий ахборот билан таъминлаш, корхона бўлиналари харажатлари ва даромадларини тезкор назорат қилиш имконияти яратилди. Ушбу омиллар харажатлар меъёрлари, маҳсулотнинг норматив калькуляциясини ишлаб чиқиш, ҳақиқий харажатларнинг меъёрий харажатларга мувофиқлигини тезкор назорат қилиш, мавжуд четга чиқишларни аниқлаш ва бартараф этишга имкон тўғдиради ҳамда маҳсулот таннархининг шаклланиш жараёнини бошқаришнинг янги тизими вужудга келади. Ўзбекистон Республикасининг кўпгина корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг анъанавий

узуларидан фойдаланиб келишади ва кўпгина корхоналарда бошқарув ҳисоби юртилмайди ёки суғ ривожланган Ўзбекистонда ҳисоб амалиётида хали маркетинг имкониятларидан тўлиғича фойдаланган эмас. Чунки кўпгина корхоналар амалиётида харажатларнинг тахминий четга чиқишларини, трансферт баҳони шакллантириш, ички ҳисоб ва аудитнинг услубиётларидаги катта имкониятларидан фойдаланилмаяпти. Тикув–трикотаж корхоналари фаолиятида ишлаб чиқариш ҳисоби – бу ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва корхона даромадини бошқариш ва ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш имкониятларини аниқлашда намоеън булади. У корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ барча масалаларни батафсил ўзида акс эттириши лозим. Трикотаж корхоналарида таъминот –тайёрлов фаолияти такрор ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва унинг узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу сабабли, бу соҳада дастлабки ишлаб чиқариш бўйича ахборотлар йиғилади ва қайта ишланади. Бундай ахборотларнинг йиғилишида ишлаб чиқариш фаолияти муҳим ўрин тутади. Унда ишлаб чиқариш харажатлари таркиби, ўзгариши, уларни жавобгарлик марказлари бўйича ҳисобини ташкил қилиш, шунингдек, харажатлар ҳисоби ва таннарх калькуляциясини юритиш, сарфланган харажатлар бўйича четга чиқишларни ҳисобга олиш амалга оширилади. Менежерларга харажатлар ҳажми, уларнинг самарадорлиги тўғрисидаги ахборотларни шакллантириш вазифаси юкланади. Бунда ишлаб чиқариш зарарсизлик нуқтасининг дастлабки ҳисоб–китоблари амалга оширилади ҳамда ўзгравчан , доимий харажатлар ва фойда ўртасидаги алоқадорлик таҳлил қилинади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасига мувофиқ харажатларни доимий ва ўзгравчан турларга ажратилиши, корхоналарда ишлаб чиқариш қувватидан тўлиқ фойдаланиш, харажатларни самарали тақсимлаш мақсадида таннархни калькуляция қилишнинг хорижий усул ва тажрибаларини қуллаш, ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини тўғри аниқлаш, четлинишлар ҳисоби ва таҳлилини юритиш каби имкониятларини беради. Бундай хорижий усулларга “Директ–костинг”, “Стандарт–костинг”, “ABC”, “ФКТ”, “ЈIT”, “SCA” ва “Таргет–костинг”, “Кайзен–костинг”ларни мисол қилиш мумкин. Жаҳон тажрибасига мувофиқ бухгалтерия ҳисоби тизими молиявий ва бошқарув ҳисобига ажратилганлиги муносабати билан мамлакатимизнинг ҳисоб тизимида ҳам бу ўзгаришлар ўз аксини топмоқда ,маълумки хўжалик юритувчи субъектлар бошқарув тизимида фойдаланиладиган ахборотларнинг 80 фоизига яқини бухгалтерия ҳисоби ҳиссасига тўғри келади. Бу ўз навбатида уларнинг назарий ва амалий асосларини чуқур ўрганишни такозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора –тадбирлар тўғрисидаги” ПҚ–4611–сонли қарорида , 2021 йил 25 февралдаги Ўзбекистон Республикасининг “ Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ–677 –сонли қонунида бухгалтерия ҳисоби юритилишини МХХС (Молиявий ҳисобнинг халқаро стандартлари) асосида ташкил этиш ва аудитни халқаро стандартларга мослаштириш борасида аниқ вазифалар белгилаб берилган. Жумладан бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилини халқаро стандартларга мос равишда такомиллаштириш,корхоналарни стратегик

бошқаришнинг умумий концепциясини ишлаб чиқиш ва тамойилларини жорий этиш, бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, унинг услубий асосларини ислоҳ қилиш бўйича илмий изланишларни амалга оширишни талаб қилади. Стратегик бошқарув ҳисоби корхона умумий ҳисоб тизимини тезкор–техник, бухгалтерия ва статистик ҳисоб маълумотлари билан таъминлашда ҳамда стратегик режалаштириш, прогнозлаштириш, иқтисодий таҳлил қилишни ўзаро боғловчи хосила ҳисобланади. Бу ҳисоб тизими корхона бошқарув тизимида истиқболли тадбиркорлик қарорлари қабул қилиш учун зарур ахборотлар билан таъминлашга ёрдам беради. Трикотаж корхоналарида харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини аниқлашда хорижий усуллардан Директ–костинг усулини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Директ–костинг усулидан фойдаланиш харажатлар тўғрисидаги ахборотларни эҳтиёжларга мос равишда ахборотларни тақдим этиш имкониятларини оширади. Шунингдек корхона ҳисоботининг инвестицион жозибadorлигини оширишга ҳамда уни молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг халқаро стандартлар талабига мос равишда уйғунлаштиришга хизмат қилади. Булар умумий, ўзгармас, ўзгарувчан ва чекли харажатларга бўлинади. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига кўра: Ўзгармас харажатлар (TFC – Total fixed cost) – бу қисқа муддатли оралиқда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмасдан шаклландиган харажатлар (маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошганда ҳам, камайганда ҳам қиймати ўзгармайди). Ўзгарувчан харажат (TVC – Total Variable Cost) – маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлган харажатлар, яъни маҳсулот ҳажми ошган ёки камайганда ўзгарадиган харажатлар. Улар Q га боғлиқ функция бўлиб, $TVC(Q)$ кўринишида ёзилади.

Умумий харажатлар (TC – Total Cost) – қисқа муддатли оралиқда маълум миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган ўзгармас ва ўзгарувчан харажатларнинг йиғиндисига тенг бўлади: $TC = TFC + TVC(Q)$

(MC –Чекли харажат Marginal Cost) – ишлаб чиқариш ҳажмини кичик миқдорга (одатда бир birlikка) оширишга сарфланган кўшимча харажатдир.

Умумий харажатлар (TC – Total Cost) – қисқа муддатли оралиқда маълум миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган ўзгармас ва ўзгарувчан харажатларнинг йиғиндисига тенг:

$$TC = FC + VC(Q)$$

Бу ерда FC – Fixed Cost, ўзгармас харажат, VC – Variable Cost, ўзгарувчан харажатдир.

Агар бу жараёнларни график кўринишда ўрганадиган бўлсак, умумий харажат чизиги ўзгармас ва ўзгарувчан харажатлар чизиқларини қўшиш билан ҳосил қилинади. Ўртача ўзгармас харажатлар эса бир birlik маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган ўзгармас харажатлар ўртача ўзгармас харажатлар деб аталади:

$$AFC / TFC = Q$$

бу ерда:

AFC – ўртача ўзгармас харажатлар;

TFC – умумий ўзгармас харажатлар;

Q – ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори.

Бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган ўзгарувчан харажатлар ўртача ўзгарувчан харажатлар деб аталади. Бу ерда куйидагича формула булади:

$$AVC(Q) = TVC(Q) / Q$$

AVC(Q) – ўртача ўзгарувчан харажатлар;

TVC(Q) – умумий ўзгарувчан харажатлар;

Q – ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори.

Ўртача умумий харажатлар – бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун қилинган жами харажатлар ўртача умумий харажатлар деб аталади:

$$ATC = TC / Q$$

бу ерда:

ATC – ўртача умумий харажатлар;

TC – умумий харажатлар;

Q – ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори.

Қисқа муддатли оралиқда алоҳида олинган корхонанинг умумий ва ўртача харажатлари динамикаси ушбу формула асосида аниқланади:

$$ATC = AFC + AVC = TFC + TVC / Q$$

Маҳсулот ишлаб чиқариш муддатлари ва сифати бўйича истеъмолчи хоҳлаган товарлар таннархига таъсир этувчи омиларни аниқлашдан иборат бўлади. Бизнинг фикримизча бу тизимнинг ўзига хос афзалликлари мавжуд:

Биринчидан – харажатларни камайтириш стратегиясини реализациясини таъминлайди.

Иккинчидан – харажатларни етарли даражада минималлаштириш имконини беради.

Учинчидан – бозор конъюктурасининг мавжуд шартлари режали молиявий натижаларни одиндан олишни таъминлайди.

Тўртинчидан – харажатларни назорат қилиш ва бозор талабларига мос келувчи мақсадли таннархни одиндан аниқлашга, шунингдек бозор талаби ва харидорларнинг мўлжалига қараб ишлаб чиқарилаётган маҳсулот муддатлари ва сифатини белгилаш имконини беради.

Бешинчидан – нархларни максималлаштириш, режалаштириш, маҳсулот ҳажмини сотиш ҳисобига, шунингдек ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини пасайтириш ҳисобига корхоналарнинг молиявий натижаларини максималлаштиришни таъминлайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш энг муҳим масала бўлса, унинг таянчи бўлган тикув – трикотаж sanoati соҳасини ривожлантириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

ЖОРИЙ МАЖБУРИЯТЛАР ТАҲЛИЛИДА КОРХОНА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Ш.А. Тожибоева,
ТДИУ, доцент.
Р.Р. Равшанов,
ТДИУ, магистр.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида ҳар бир корxonанинг мустақиллигини таъминлаши билан бирга, унинг масъулияти ҳам ошади. Бундай шароитда ҳар бир корхона ўзининг маблағига, мулкига, ўзининг бошқарув услугига эга бўлиши ке рак Мунтазам равишдаги инфляция шароитларида кўпчилик корхоналарнинг молиявий сиёсати ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва хизматларни кенгайтириш имконини бермайди, чунки капитал ва захиралар амалда ўсиш йўналишига эга бўлмаган ҳолда, маблағлар истеъмол учун кўпроқ харажат қилиниши муносабати билан уларни «еб қўйилиши» кузатилади. Бу уларнинг молиявий барқарорлигига ва иш юзасидан ҳамкор сифатида ишончлилигига шубҳа туғдиради. Шу боис, кўп ҳолатларда нафақат молиявий ҳисобот ишончлилигининг текшируви билан чегараланмасдан, операцион аудитни ўтказишни ҳам тақозо этади.

Операцион аудит жараёнида корхона жорий мажбуриятларини таҳлил қилиш молиявий аҳволини баҳолаш имкони бўлади. Корхона самарадорлигини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш мақсадида таҳлилий ишларни аудиторлик ташкилотлари амалга оширишлари мумкин. Шунингдек, таҳлил натижаларига молиявий ҳисобот истеъмолчилари, яъни: корхона мутахассислари, акциядорлар, банклар, мол етказиб берувчилар ва бошқа кредиторлар ҳам муҳтождир. Хорижий мамлакатларда молиявий маълумотларнинг аксарият истеъмолчилари ўзлари бундай таҳлил қилиш услубиётига эгадирлар.

Хўжалик субъектларида жорий мажбуриятлар таҳлилида молиявий ҳолати барқарорлигини ўрганишнинг мазмуни шундан иборатки, бунда ўз вақтида пул тушумларининг келиши, ҳисоблашиш интизомига риоя қилиш, хусусий ва қарз маблағларининг тўғри нисбатга бўлишини таъминлаш, молиявий тартиб ва интизомга, барча ишлаб чиқариш бўғинларида иқтисод ва тежамкорликка риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Активларга қўйилган маблағларни ўз маблағлари ҳисобига қолайдиган, ноўрин дебиторлик ва кредиторлик қарзларига йўл қўймайдиган ҳамда ўз мажбуриятларига ўз вақтида тўлайдиган корхона молиявий барқарор корхона ҳисобланади.

Молиявий барқарорликка тегишли кўрсаткичлар, уларни ҳисоблаш йўллари ва таҳлили иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилган. Иқтисодчи олимларнинг корxonанинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилишда фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизими борасида тавсиялари турлича. Масалан,

А.Д.Шеремет корхонанинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланишни тавсия қилган: ўзлик манбалар коэффициенти; ўзлик ва мажбуриятлар нисбати; ҳаракатчан ва ҳаракатсиз маблағлар нисбати; қисқа муддатли қарзлар коэффициенти; кредиторлик қарзлар коэффициенти [8]. Л.В. Донцова, Н.А. Никифировалар қуйидаги ўзига тегишли табағлар билан таъминланиш коэффициенти, молиявий мустақиллик коэффициенти, молиялаштириш коэффициенти, молиявий барқарорлик коэффициенти [5].

Ўзбекистонда ҳам иқтисодий таҳлилга ва унинг айрим соҳаларига бағишланган адабиётлар, илмий рисола ва мақолалар чор этилган [4,6,7]. Иқтисодчи олимлар томонидан молиявий барқарорликни ифодаловчи коэффициентларга қуйидагиларни киритиш тавсия қилинган: молиявий қарамлик, молиявий барқарорлик ва мустақиллик коэффициентлари [6].

Молиявий барқарорликнинг кўрсаткичлар тизимини таққослайдиган бўлсак, улар орасида катта фарқни сезиш мумкин. Иқтисодий адабиётларни чуқур ўрганиш натижасида корхона молиявий барқарорлигини таҳлил этиш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизими тўғрисида ҳамфикрлик йўқлигини таъкидлаш керак. Иқтисодий адабиётларда молиявий барқарорликни таҳлил қилиш учун тавсия қилинган кўрсаткичлар кенг ва ҳар хил бўлиб, улар бир тизимга солинмаган, туркумлашмаган, тавсифланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда молиявий барқарорликни ифодаловчи қуйидаги коэффициентларнинг аниқлаш тавсия қилинган: молиявий мустақиллик коэффициенти ва ўз ва қисқа муддатли қарз маблағларининг нисбат коэффициенти [2,3].

Молиявий барқарорлик коэффициентларининг аҳамияти асосан кредиторлар учун муҳим аҳамият касб этади, зеро ушбу коэффициентлар орқали улар корхонанинг чет эл сармояларига қарамлик даражасини, молиявий ҳолатининг барқарорлигини, банкрот (синиш) эҳтимолини ҳамда инвестиция сиёсатини юргизиш вариантларини аниқлайдилар.

Шундай қилиб молиявий барқарорликка корхона ичидаги ва ундан ташқаридаги вазият, омиллар, шарт–шароитлар таъсир кўрсатар экан, бундан кўринадики, молиявий мустақамликнинг даражаси корхоналарнинг ҳозирги ва келгусидаги фаолиятига катта таъсир кўрсатади. Демак, молиявий барқарорлик бир қанча омиллар, шарт–шароитлар таъсирининг якуни бўлиб, у ўз навбатида корхона фаолиятининг кўп томонларига таъсирини кўрсатар экан.

Узоқ муддатли истиқбол нуқтаи назаридан корхона фаолиятининг барқарорлиги, корхона иқтисодиётининг ташқи кредиторлар ва инвесторларга боғлиқлик даражаси молиявий барқарорлик мезони ҳисобланади. Корхонанинг ўзининг шу вақтга бўлган қарзлари билан ҳисоб–китоб қилиш қобилиятини тавсифловчи баланс ликвидидиган фарқли ўлароқ, молиявий барқарорлик – корхонанинг тўловга доимо лаёқатлилигини кафолатловчи муайян ҳолатдир. Хўжалик фаолияти натижасида корхонанинг тўлов қобилияти қисқа давр

мобайнида ўзгариши мумкин, ammo молиявий барқарорлик кўрсаткичлари анча барқарор бўлиб, улар бундай давр ичида деярли ўзгармайди.

Корхонанинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилишда уларни тавсифловчи кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш, уларни бир йил ёки бир неча йил учун динамикада қиёслаш, уларнинг ёмонлашиш ёки яхшилашиш сабабларини аниқлаш, молиявий ҳолатни яхшилашга оид аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш керак бўлади.

Корхоналарда молиявий барқарорликни таъминлашнинг асосий йўлларида бири корхона дебитор ва кредитор қарзларини кўпайтирмаслик чорасини кўришдир. Ҳозирги пайтда жуда кўп фирмалар ва корхоналар молиявий жиҳатдан барқарор эмас. Бундай субъектлар билан иқтисодий муносабатда бўлиш эҳтиёткорликни талаб қилади. Уларга товар бериш, пул ўтказиш ҳаракатдаги маблағни ўлик маблағга айлантириш билан баробар. Шу туфайли бундай хўжалик операцияларини содир қилишдан олдин ҳамкор субъектлар молия-хўжалик фаолиятини ҳам чуқур ўрганишни талаб қилади. Корхоналарнинг жуда кўп харажати банклардан олинган қарз учун тўланадиган фоиз ва транспорт харажати ташкил этади. Шу туфайли корхона имкони борича айланмадаги маблағларда ўз маблағларининг улушини кўпайтириши ва ниҳоят барча айланма маблағларини ўзининг ҳисобидан қоплаши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон қарори. 2018 йил 19 сентябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1013-сон қарори. 2018 йил 14 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги 207-сонли қарори.
4. Тожибоева Ш.А. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолати таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисодиёт, 2019.
5. Донцова Л.В., Никифорова Н.А. Анализ бухгалтерской (финансовой) отчетности. Практикум. –М.: Дело и сервис, 2018.
6. Шоалимов А.Х., Илхамов Ш.И., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил ва аудит. Дарсик. –Т.: Sano-standart, 2017.
7. Пардаев М.К. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. –Т.: Print line group, 2017.
8. Шеремет А.Д. Методика финансового анализа. Учебное пособие. –М.: ИРО «МР», 2015.

SOF FOYDA VA UNING O'ZGARISHIGA TA'SIR ETUVCHI OMILLAR TAHLILI

M.H. Xodjaeva, .
TDIU, dosent.
M. Q. Shukurov,
TDIU, magistr

Bizga ma'lumki, aksiyadorlik jamiyatlari, tijorat banklari, sug'urta tashkilotlari va yirik soliq to'lovchilar toifasiga kiritilgan yuridik shaxslar 2021-yil 1-yanvardan boshlab, MHXS asosida buxgalteriya hisobi yuritilishini tashkil etadi va 2021-yil yakunlaridan boshlab moliyaviy hisobotni MHXS asosida tayyorlaydi 146

Bozor munosabatlarini modernizatsiyalash sharoitida har bir xo'jalik sub'ekti o'z faoliyati natijasida sof foydaga erishishni ko'zlaydi. Shu sababli ham sof foyda miqdorini o'rganish va unga ta'sir etuvchi omillarga baho berish korxonalar samaradorligini oshirishga olib keladi.

Korxonalar ixtiyorida qoladigan va uning erkin tasarrufidagi foyda sof foyda deyiladi. Ushbu ko'rsatkich soliq to'lovi qadar bo'lgan foyda summasidan foyda (daromad)dan soliq va boshqa soliqlar va ajratmalar summasini chegirish asosida aniqlanadi.

Sof foyda tahlilida uning o'tgan yillarga, shuningdek, korxonalar biznes rejasi ko'rsatkichlariga nisbatan o'zgarishlari o'rganiladi. Moliyaviy natijaviylikning ushbu yakuniy qatori barcha ichki va tashqi axborotdan foydalanuvchilar e'tiboridagi masala hisoblanadi.

Tashqi axborotdan foydalanuvchilar korxonaning foydalilik darajasiga, o'z aktivlarini maqsadli boshqarishning shartlarini belgilashga ham jiddiy ahamiyat berishadi.

Masalan, korxonalar mulkida hissali qatnashuvchilar aktsiya egalari kelishuviga yoki xususiy kapitaldagi ulushiga qarab taqsimlanadigan hisob foydasining holatiga korxonalar ixtiyorida qoladigan sof foyda bilan qiziqsalar, investitsiya homiylari esa korxonalar faoliyatining barqarorligi va o'sish darajalariga ko'proq qiziqadilar.

Bugungi kunda korxonalar sof foydasining o'zgarishiga ta'sir etuvchi omillarni quyidagi guruhlariga ajratish mumkin:

- mahsulot, ish va xizmatlarni sotish hajmining o'zgarishi;
- mahsulot, ish va xizmatlar bahosining o'zgarishi;

- mahsulot, ish va xizmatlar ishlab chiqarish xparajatlarining o'zgarishi;
- davr xarajatlarining o'zgarishi;
- moliyaviy faoliyatdan olinadigan foyda va zararlarining o'zgarishi;
- favqulodda foyda va zararlar o'zgarishi;
- foydadan olinadigan soliqlar va soliqli to'lovlarning o'zgarishi va hokozolar.

Tahlil etishda har bir omilning sof foyda o'zgarishidagi mutloq qiymatlari aniqlanadi. Ularning o'zgarishlariga baho berish orqali korxonada foydani o'stirish yuzasidan ichki imkoniyatlarning mavjudligi o'rganiladi.

1-jadval

“Orzular fasli” MChJ ning sof foydasi va uning o'zgarishiga ta'sir etuvchi omillar tahlili, (ming so'mda)

| Ko'rsatkichlar | O'tgan yili | Hisobot yili | Farqi (+, -) |
|---|-------------|--------------|---------------|
| 1. Mahsulot sotishdan olingan yalpi foyda | 244,8 | 529,2 | +284,4 |
| 2. Davr xarajatlari | 126,9 | 225,3 | +98,4 |
| 3. Asosiy faoliyatning boshqa jarayonlaridan daromad va yo'qotishlar | 117,9 | 303,9 | +186,0 |
| 4. Moliyaviy faoliyatdan foyda va zararlar | 0,69 | 39,7 | +39,01 |
| 5. Favquloddagi foyda va zararlar | – | – | |
| 6. Foydadan soliq va boshqa soliq hamda ajratmalar | 109,3 | 237,6 | +128,3 |
| Joriy yilning sof foydasi | 8,4 | 26,5 | +18,1 |

Jadval ma'lumotlaridan shuni xulosa qilish mumkinki, tahlil qilinayotgan “Orzular fasli” MChJ ning hisobot davridagi sof foyda hajmi o'tgan yilga nisbatan 18,1 ming so'mga oshgan. Uning o'zgarishiga har bitta ko'rsatkichning ta'sirini farq qatoriga qarab baholash mumkin.

Sof foydaning ko'payishiga asosan mahsulot sotishdan olingan yalpi foyda oshganligidir. O'z navbatida korxonaning davr xarajatlari ham hisobot yilida o'tgan yilga nisbatan 98,4 ming so'mga oshganligi hamda foydadan soliq va boshqa soliq hamda ajratmalar o'tgan yilga nisbatan 128,3 ming so'mga oshganligi korxonaning sof foydasiga ta'sir etgan. Korxonada davr xarajatlarini qaytdan ko'rib chiqishi maqsadga muvofiqdir.

Moliyaviy hisobotlarni tayyorlash va taqdim etishning kontseptual asosga va “Asosiy xo'jalik faoliyatidan olinadigan daromadlar” nomli 2–son BHMS da belgilanishiga, daromadlar, hisobot davri mobaynida, aktivlarning ko'payishi yoki majburiyatlarini qisqarishi ko'rinishida iqtisodiy foydalarning ko'payishidir, ular o'z

kapitalining ko'payishiga olib keladi, bundan o'z kapitali egalari tomonidan qo'yilmalar bilan bog'liq ko'payishlar mustasno.

Daromadlar turli aktivlarning ko'payishi ko'rinishida yuzaga keladi; bular nafaqat pul mablag'lari, balki, realizatsiya qilinayotgan tovarlar va xizmatlarning o'rniga olingan tovarlar va xizmatlar ham bo'lishi mumkin; agar tovarlar va xizmatlar haqi xaridor tomonidan to'liq to'lanmagan bo'lsa, bunday xollarda, debitorlik qarzlari ham bo'lishi mumkin. Daromadlar, shuningdek, majburiyatlarni kamaytirish ko'rinishida olinishi mumkin, bu esa korxonaning kapitaliga aktivlarning ko'payishi kabi ta'sir ko'rsatadi. Korxonaning daromadlari va harajatlari hisobi, moliyaviy natijalarni shakllantirish va ulardan foydalanish hisobvaraqlar rejasining so'nggi, to'qqizinchi bo'limida, 9000–9900– son hisobvaraqlarda amalga oshiriladi.

Mazkur hisobvaraqlar tranzit (vaqtinchalik) hisob varaqlardir, hisobot oyining oxiriga borib ularning barchasi yakuniy moliyaviy natijani aniqlash 9910–hisobvaraq bilan yopiladi, uning salbdosi keyin 8710 – “Hisobot davrining taqsimlangan foydasi (qoplanmagan zarari)” hisobvarag'iga o'tkaziladi. Buxgalteriya hisobotida aks etgan quyidagi harajat ma'lumotlariga e'tibor qaratilmog'i lozim. Hisobotlarda odatdagi xo'jalik faoliyatining borishi chog'ida yuzaga keluvchi harajatlardan tashqari, kelgusida biror bir iqtisodiy manfaatlarni hosil qilmaydigan harajatlardan tashkil topgan zararlar ham bo'lishi mumkin.

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ СЕТЕВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ПРЕДОСТАВЛЕНИИ БАНКОВСКИХ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Ш.А. Таджибаева,
ТГЭУ, к.э.н., доц

Одним из основных направлений дальнейшего развития банковской системы является внедрение новых банковских продуктов и услуг, внедрение современных информационно–коммуникационных технологий в банковскую сферу, развитие цифровой экономики. В условиях цифровой экономики среди услуг материального и нематериального характера сектор банковских финансовых услуг постепенно будет занимать доминирующую позицию в создании валовой внутренней продукции. Цифровая экономика позволит обеспечить рост валового внутреннего продукта как минимум на 30 процентов и резко снизить коррупцию. В связи с этим перед коммерческими банками нашей страны неизбежно встает задача модернизации предоставляемых услуг с использованием современных информационно–коммуникационных технологий и открываются перспективы разработки новых современных не имеющих аналогов в мировой практике банковских продуктов.

В условиях развития цифровой экономики возрастает роль сетевых технологий в деятельности *банков*, в рамках которой современные технологии рассматриваются как совокупность необходимых инструментов для ведения банковского *бизнеса*, как средство повышения производительности труда и снижения *издержек*. Быстрая и бесперебойная обработка значительных потоков информации является одной из главных задач любой финансовой организации. Глобализация *мировой экономики*, главенствующая роль сети *Интернет* и развитие глобального информационного *общества*, стремительное увеличение роли знаний и управляющих ими информационных технологий в банковской деятельности ставят перед современным банковским сообществом новые задачи, решение которых требует введения *инноваций*. Обеспечение конкурентоспособности банков невозможно без использования широкого круга информационных технологий. Новые сетевые технологии помогают банкам изменить взаимоотношения с клиентами и найти новые средства для извлечения прибыли.

Предоставление различного рода услуг клиентам, осуществление сделок и операций с *финансовыми инструментами*, совершение *расчетов*, и, соответст-

венно, отражение всех этих финансовых потоков *денежных средств* на счетах в режиме реального времени, а в последующем – формирование форм отчетности для принятия *управленческих решений* невозможно выполнить без использования соответствующего программного обеспечения. Новейшие информационные технологии и электронные средства обработки данных способствуют возникновению новых услуг, новых возможностей технологии обслуживания клиентов. Например, появление электронных расчетов способствовало появлению системы обслуживания интернет – банкинг, обеспечивающим клиентам круглосуточный доступ к своим счетам, а также возможность проводить весь спектр платежно–расчетных операций. Таким образом, эффективность работы банка во многом зависит от введения информационных новшеств. Высоко технологичные инновации увеличивают функциональные возможности информационных систем и эффективность кредитной организации. Информационные и сетевые технологии в банковском деле занимают исключительно важную позицию, так как они в значительной степени определяют не только эффективность бизнеса, но и способны управлять банком.

В рамках стратегии инновационного развития большинство банков Республики Узбекистан регулярно разрабатывают новые продукты, процессы и технологии, а также совершенствуют уже существующие. Многие успешные банки в последние годы ведут конкуренцию за завоевание доверия клиентов на базе внедрения передовых технологий в сфере обслуживания, что позволяет им ко всему прочему снижать издержки и получать высокие прибыли.

Внедрение сетевых технологий в банке позволяет практически полностью управлять фактором времени и пространства во взаимоотношениях банков с потребителями их услуг, что выводит на качественно новый уровень межбанковскую конкуренцию по всему спектру ее характеристик. Естественно, что это самым позитивным образом отражается на количественных и качественных аспектах банковского обслуживания. Для самого банка преимуществами использования сетевых технологий являются следующие: более широкий охват клиентской базы; экономия издержек при обслуживании клиентов; устранение необходимости трудоемкой работы с наличностью; предложение более конкурентоспособных услуг по привлекательным ценам; возможность работы в круглосуточном режиме и совершения операций в режиме реального времени; автоматическое отслеживание рисков, возникающих при операциях с клиентами. Опыт передовых стран выявил целый ряд интересных тенденций и реалий. В частности, по причине внедрения новых сетевых технологий банковского обслуживания, маркетинг при электронном банкинге обходится значительно дороже, чем при традиционном. Чтобы компенсировать



дополнительные расходы, банки вынуждены идти на значительное расширение масштабов электронного банкинга. Но в долгосрочной перспективе фундаментально перекраивается сама бизнес–модель банка, т.е.

Из всего вышесказанного можно сделать вывод, что использование самых современных сетевых технологий приносит банкам крупные прибыли и помогает им победить в конкурентной борьбе. Любая автоматизированная банковская система предоставляет из себя сложный аппаратно–программный комплекс, состоящий из множества взаимосвязанных модулей. Введение сетевых технологий в деятельность коммерческих банков позволяют обеспечивать эффективность оказания банковских услуг в следующих сферах: повышение конкурентоспособности на *рынке* банковских услуг в условиях развития банковской деятельности и уменьшения прибыльности в некоторых секторах *финансового рынка*; оперативный *учет*, входной *контроль* и долговременное хранение наиболее полных данных о деятельности банка и его подразделений; формирование бухгалтерской и аналитической отчетности для представления во внешние организации, а также для *управления* деятельностью банка; поддержание технологии единого информационного пространства; развитие технологических возможностей по доставке услуг *клиентам*.

Судя по всему, в условиях цифровой экономики темпы развития банковской системы будут стремительно расти. Практически все появляющиеся сетевые технологии будут быстро браться банками на вооружение. Неизбежны процессы интеграции банков в рамках национальных и мировых банковских сообществ. Это обеспечит постоянный рост качества банковских услуг, от которого выиграют в конечном счете банки и их клиенты.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИ ТИЗИМИДА ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ЎРНИ

***Ш.М. Қурбонов,
ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги
Ўқув маркази кафедре мудири***


Давлат молиявий назорати бюджет тўғрисидаги қонунчиликнинг давлат молиявий назорати объектлари томонидан бузилиши ҳолларини аниқлаш, баргараф этиш ва унга йўл қўймаслик, шунингдек бюджет соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида давлат молиявий назорат органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ваколатли органлар давлат молиявий назорат органларидир.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг даромадлари қисми бўйича давлат молиявий назорати берилган ваколатлар доирасида давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ–3231–сонли Қарори [1] қабул қилинди ва унда, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб–хунар таълими маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасида — сони 3 штат бирлигидан иборат ички аудит ва молиявий назорат хизматлари (кейинги ўринларда — республика даражасидаги ички аудит ва молиявий назорат хизматлари деб аталади) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўрта махсус, касб–хунар таълими бошқармасида, вилоятлар халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ўрта махсус, касб–хунар таълими бошқармаларида ҳамда Тошкент шаҳар Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш бош бошқармалари ва Ўрта махсус, касб–хунар таълими бошқармасида сони 1 — 4 штат бирлигидан иборат ички аудит ва молиявий назорат хизматлари (кейинги ўринларда — ҳудудий ички аудит ва молиявий назорат хизматлари деб аталади) ташкил этилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат молиявий назоратининг амалдаги



1–расм. Ўзбекистон Республикаси Давлат молиявий назоратининг амалдаги тизими.

Бугунги кунда вазирлик, қўмита ва идораларда ташкил этилган ва ташкил этилиши режалаштирилаётган ички аудит ва молиявий назорат хизматлари бўйича бизнинг қарашимиз ва назаримизда бир қатор муаммолар юзага келмоқда. Хусусан:

биринчидан, вазирлик, қўмита ва идораларда ташкил этилган республика ва ҳудудий даражадаги ички аудит ва молиявий назорат хизматларининг номланишида. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ваколатли органлар давлат молиявий назорат органлари ҳисобланади. Бундан ташқари, қўмита ва идораларда ташкил этилган республика ва ҳудудий даражадаги ички аудит ва молиявий назорат хизматлари давлат молиявий назорат органи ҳисобланадими деган табиий савол туғилади. Албатта йўқ. Шунингдек, ички аудит бўйича халқаро маълумотлар ҳамда уларни тақдим этадиган ташкилотларнинг эътирофи бўйича ҳам ички аудит хизмати ва молиявий назорат органлари бир–бирдан мустақил бўлган алоҳида тизимлар ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, вазирлик, қўмита ва идораларда ташкил этилган республика ва ҳудудий даражадаги ички аудит ва молиявий назорат хизматларининг номланишини “вазирлик, қўмита ва идораларнинг ички аудит хизматлари” деб номлашни таклиф қиламиз.

иккинчидан, ҳозирги амалдаги ҳолатда вазирлик, қўмита ва идораларда ички аудит ва молиявий назорат хизматлари республика ва ҳудудий даражада ташкил этилган. Ўз навбатида ҳудудий даража ташкил этилган ички аудит ва молиявий

назорат хизмати ходими ҳудудий бош бошқарма ва бошқарма бошлиқларига бўйсунди ҳамда штат жадвалига асосан ҳудудий бош бошқарма ва бошқарма таркибига киради. Бундай ҳолатда, ички аудит хизматининг мустақиллик тамойили йўқолади. Сабаби, ички аудит хизматлари ўз вазифаларини бажаришда фақат вазирлик, қўмита ёки идоралар биринчи раҳбарига бўйсунуши ва унинг фаолиятига таъсир этувчи бошқа омиллардан ҳоли бўлиши лозим. Бундан хулоса шуки, ҳудудий ички аудит ва молиявий нazorat хизматларини бекор қилиб, фақат вазирлик, қўмита ёки идоралар биринчи раҳбарига бўйсунувчи республика даражасидаги ички аудит хизмати ташкил этилиши керак.

Учинчидан, ҳозирги амалдаги ҳолатда, республика ва ҳудудий даражадаги ички аудит ва молиявий нazorat хизматларининг асосий вазифаларидан бири сифатида, бўйсунувдаги муассасаларда харажатлар сметасини режалаштириш ва унинг ижроси, бюджет ҳисобининг юритилиши, давлат харидларини амалга ошириш жараёнлари ва шартномалар тузилиши устидан мониторинг қилиш, асосиз дебитор ва кредитор қарздорликларга йўл қўймаслик, бюджет интизомини мустаҳкамлаш, бюджет маблағларидан фойдаланиш, қонунни бузиш ҳолатларини, уларни содир этишга имконият яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида қўйи муассасаларга бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш белгиланган. Лекин, республика ва ҳудудий даражадаги ички аудит ва молиявий нazorat хизматлари хўжалик операциялари амалга оширилиши олдидан мониторингни амалга ошира олмайди. Чунки, бюджет ташкилотидаги ҳар бир хўжалик операциясини ички аудит ва молиявий нazorat хизматлари ходими томонидан мониторинг қилиш имконияти мавжуд эмас. Бундан ташқари, бу жараён ички нazorat тизимининг вазифаси ҳисобланади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, вазирлик, қўмита ва идоралардаги ички аудит хизматларининг асосий вазифалари сифатида қўйидагилар белгиланишини таклиф қиламиз.

Бюджет (бухгалтерия) ҳисоби юритилишини, молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини, молиявий ресурслардан мақсадли ва қонуний фойдаланилганлигини ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадларнинг тўлиқлигини ва қилинган ҳақиқий харажатларнинг тўғрилиги, шунингдек, молиявий операцияларнинг қонунийлигини баҳолашни, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этишни назарда тутувчи молиявий аудит ўтказиш.

Жалб қилинган бюджет маблағларидан фойдаланишда, давлат харидларини амалга оширишда, шунингдек, бюджет ташкилотининг фаолияти бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилинганлигини ва

уларнинг давлат дастурларига мувофиқлигини ўрганиш ва баҳолашни назарда тутувчи мувофиқлик аудитини ўтказиш.

Ички аудит объектида харажатлар, субсидиялар, имтиёзлар ва преференцияларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини, ажратилган маблағлардан фойдаланишнинг тежамкорлигини, белгиланган мақсадли кўрсаткичларнинг бажарилишини, жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлиги ва натижадорлигини, шунингдек, давлат ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлигини баҳолаш ва таҳлил қилишни назарда тутувчи самарадорлик аудитини ўтказиш.

Хулоса қилиб айтганда, вазирлик, қўмита ва идоралардаги ички аудит хизматлари – молиявий, мувофиқлик, самарадорлик аудитини ўтказиш орқали ташкилот фаолиятини яхшилаш ва баҳолашга, тизимли ҳамда интизомий ёндашувни жорий этиш орқали ўз мақсадларига эришишга, рискларни бошқариш жараёни, ички назорат, корпоратив бошқарувни самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган мустақил, объектив аудиторлик, шунингдек, консултатив фаолият бўлиши керак.

Бундан ташқари, вазирлик, қўмита ва идоралардаги ички аудит хизматидаги аудиторлар малака талабларига жавоб бериши ва ўз функционал мажбуриятларини тўлақонли бажаришлари учун зарур билим, малака ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим. Асосийси, ички аудит хизмати раҳбари ва ички аудиторлар ваколатли орган томонидан бериладиган малака сертификатига эга бўлишлари лозим.

Минг афсуски, ҳозирги кунда вазирлик, қўмита ва идоралардаги ички аудит хизмати раҳбари ва ички аудиторлари учун малака сертификати тизими жорий этилмаган. Биринчи навбатда, ваколатли орган томонидан вазирлик, қўмита ва идоралардаги ички аудит хизмати раҳбари ва ички аудиторлари учун, шунингдек, давлат молиявий назоратини олиб борувчи ходимлар учун малака сертификати тизимини жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарори қабул қилиниши лозим.

КРІ ТИЗИМИ АСОСИДА МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Б.П. Қличев,


ТДИУ, катта ўқитувчиси

Бугунги кунда кўпгина ривожланган ва ривожланаётган давлатларда фирма ва компанияларнинг фаолияти ва мазкур компаниялар ходимларининг иш фаолияти натижавийлигини баҳолаш самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (ингл. КРІ– *Key Performance Indicators*) тизими орқали амалга оширилмақда. Мамлакатимизда ҳам акционерлик жамиятлари ва бошқа иқтисодий субъектларнинг фаолият натижаларини эълон қилишда, ходимлар иш ҳақини тўлаш, моддий рағбатлантириш КРІ тизими асосида ташкил этилмақда ҳамда бунинг ҳуқуқий асослари ҳам белгилаб қўйилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207–сон ҳамда 09.12.2020 йилдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги 775–сон қарорларига мувофиқ, устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятларига, масъулияти чекланган жамиятларга ва давлат корхоналарига ижро этувчи органининг самарадорлик муҳим кўрсаткичлари мажбурий тарзда жорий этилиши белгиланган.

Фирма ва компанияларнинг муҳим самарадорлик кўрсаткичларининг шаклланиши, уларнинг ижобий интервалларда динамик ўсишига эришиши мазкур компанияларда фаолият олиб бораётган ишчи ва ходимларнинг малакаси ва меҳнат унумдорлигига узвий боғлиқ ҳисобланади. Қўл остидаги ходимларнинг меҳнат унумдорлигининг ошиб бориши фирма ва компанияларнинг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари ўзгаришига ижобий таъсир этадиган асосий омил ҳисобланади. Ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ошириб боришда эса мотивация муҳим аҳамият касб этади. Мотивация бу самарадорликни оширишнинг инсон руҳий ҳолати билан боғлиқ омил бўлиб, иқтисодий таҳлилда мотивация ходимларни жонли меҳнат фаолиятига рағбатлантирувчи восита сифатида ўрганилади. Барча инсонлар каби ўзимизга маълумки, ҳеч бир восита моддий рағбатлантириб боришдек мотивациямизни оширолмайди. Меҳнат

унумдорлигини ошириш ва шунга мос равишда моддий рағбатлантириш, айнан КРІ тизимини қўлаб–қувватловчи асосий дастаклар ҳисобланади (1–расм).



1–расм. КРІ тизимини қўлаб–қувватловчи асосий дастаклар.

КРІ тизимининг тарихий шаклланиши АҚШнинг Гарвард бизнес мактаби профессорлари томонидан ўтган асрнинг 80–90–йилларида яратилган **Management by Objectives** тизимига боғланади. Management by Objectives – мақсадни бошқариш, яъни, “фаолиятнинг келгусидаги натижаларини олдиндан кўра билиш орқали ва уларга эришиш йўлларини белгилаб олиш методикаси” асосида ўз миссияси ва стратегик вазифаларини бажариш учун мақсадли кўрсаткичларни белгилаш ҳамда уларнинг бажарилиш ҳолати тўғрисидаги маълумотларни манфаатдор шахсларга ошкор қилиш бўйича “Мувозанатлашган кўрсаткичлар тизими” ишлаб чиқилган. КРІ тизими – ушбу тизимнинг замонавий кўриниши бўлиб, ривожланган давлатларда деярли 40 йилдан буён ҳамда Россия ва МДҲ давлатларида 15 йилдан буён самарали фойдаланилиб келинмоқда¹⁴⁷.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, КРІ тизимида фақатгина моддий рағбатлантириш орқали қўйилган мақсадларга, мувафақиятга эришиш мумкин, деган хулоса бериш нотўғри, албатта. Замонавий менежментнинг асосчиси Питер Фердинанд Дракер “Кучли лидерларнинг самарали бошқаруви ва муваффақияти асосини ходимларнинг самарали ишлашга бўлган мустақил истаги ташкил этади”, деб таъкидлаган¹⁴⁸. Меҳнат жамоасида ўз касбидан мамнун ва раҳбар билан дўстона муносабатни сақлаб қолган ходимларнинг қолган ҳамкасбларига нисбатан меҳнат унумдорлигини юқори бўлиши ҳақиқатан ҳам ИВМ ва Жанубий Кореянинг “Lotte” корпорацияси мутахассислари томонидан ҳам исботланган

¹⁴⁷ Кубатиева Ф.Б. КРІ – каждому по способностям // Кадровая служба и управление персоналом предприятия. 2019. № 10. ст 34-35

¹⁴⁸ Питер Дракер. Классические работы по менеджменту = Classic Drucker. — М.: «Альпина Бизнес Букс», 2008. — С. 220.

бўлиб, улар ходимларнинг фаоллиги ва иш самарадорлиги ўртасидаги тўғридан–тўғри боғлиқликни аниқладилар. Бу борада «Harvard Business Review» илмий–оммабоп журнали томонидан олиб борилган тадқиқот ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ташкилот томонидан 1996–2003 йиллар давомида мингдан ортиқ компания ходимлари ва раҳбарлари иштирокида уларни натижавийлигини аниқлаш ва рағбатлантиришни самарали услубларини ўрганиб чиқди ва 2004 йилда бу изланишларни эълон қилди. Унга мувофиқ компания ходимлари 5% доимо яхши ишлаши, 5–7% ҳар қачон ёмон ишлаши, қолган 88% самарали ишлаши учун доимо тўғри мақсадлар ўрнатиш, мақсадга эришиш йўллари кўрсатиб бериш ва ходимларни унга йўналтириш ҳамда уларни бажарилиши бўйича назорат талабларини ўрнатиш лозимлиги уларни ишлатишга сабаб бўлар экан [149].

Демак, КРІ тизими ходимларни меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларига кўра моддий рағбатлантириш орқали мотивациясини оширишга асосланган бўлсада, меҳнат унумдорлигини оширувчи бошқа назариялар билан ҳам узвий боғлиқ ҳисобланади (2–расм).



2–расм. КРІ тизими асосини ташкил қилувчи назариялар

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мотивация жараёни инсоннинг қандайдир етишмовчиликдан ёки қониқишнинг умуман йўқлигидан бўлган эҳтиёждан бошланади. Эҳтиёжнинг қондирилиш даражасига қараб мотивация тури, ходимнинг келажақдаги ҳаракати ва самарадорлиги таҳлил қилинади. Инсон эҳтиёжлари чексиз. Айнан мана шу омил мотивациянинг турли даражаларини ифодалайди. КРІ тизими бу иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатлар тизими бўлиб, бу ерда иш берувчи ходимларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун энг яхши шароитларни яратиши, ютуқ ва мувафакцияларни ўз вақтида моддий ва

149 А. А. Мамажонов, П. Т. Бердимуратов, С. Х. Махмудова. КРІ асосида рағбатлантириш тизими. АСТА. ТТРУ. 3-2019. 51-58 б.

маънавий рағбатлантириши кераклиги, жавоб тариқасида эса ходимлар раҳбар эътиборини ва рағбатни ҳис қилиб, ўз ютуқларини компания фаолияти билан боғлаши ва унинг самарадорлигини оширадиган ташаббусларни қабул қилишга тайёр бўлиши талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. А.К. Клочков. *KPI и мотивация персонала. Полный сборник практических инструментов.* Москва 2010.
2. Parmenter, David. *Key performance indicators: developing, implementing, and using winning KPIs.* USA 2007.
3. Н.И. Архипова, И.М. Поморцева, Н.А. Татаринова. *Алгоритм оценки качества персонала на базе показателей эффективности KPI. Статья 2014.*
4. Архипова Н.И., Поморцева И.М., Седова О.Л. *Кадровая политика как фактор стратегического развития университета // Вестник РГГУ. 2013. № 6 (107). С. 43.*
5. Кубатиева Ф.Б. *KPI – каждому по способностям // Кадровая служба и управление персоналом предприятия. 2019. № 10.*
6. Питер Драйкер. *Классические работы по менеджменту = Classic Drucker.* — М.: «Альпина Бизнес Букс», 2008. — С. 220.
7. А. А. Мамажонов, П. Т. Бердимуратов, С. Х. Махмудова. *KPI асосида рағбатлантириши тизими.* АСТА. ТТРУ. 3–2019. 51–58 б.

АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ РЕЙТИНГИНИ ХАЛҚАРО АУДИТ СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚ ИСЛОҲ ҚИЛИШ

А.А. Хакимов,
ТДИУ, катта ўқитувчи.

Мамлакатимизда иқтисодий муносабатларининг ривожланиши натижасида турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар молиявий–хўжалик фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларга профессионал аудиторлик хизматларини кўрсатишни такомиллаштириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Аудиторлик хизматларни ва аудиторлик фаолиятини самарали амалга ошириш кўп жиҳатдан аудит текширувларининг сифатига боғлиқ бўлади. Чунки ушбу аудиторлик текширувлари қанчалик сифатли бўлса, ташқи ахборот истеъмолчилари, шу жумладан, инвесторлар учун қулай шароит яратилиши омили ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ–3946–сон қарори қабул қилинди¹⁵⁰.

Ушбу Қарор асосида Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятиниянада ривожлантириш бўйича чора–тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари фаолиятини янада такомиллаштириш, аудиторлик ташкилотлари фаолиятини баҳолаш механизмини баҳолаш натижасининг холислиги ва мустақиллигини таъминлайдиган кизиқтирган ранжирловчи кўрсаткичлар бўйича рэнкинги ўтказиш йўли билан такомиллаштириш тадбирлари белгиланиб, қуйидаги;

1. Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини рейтинг баҳолаш амалиётини танқидий ўрганиш ҳамда мазкур соҳадаги халқаро тажрибани таҳлил қилиш

2. Баҳолашнинг шаффоф механизми ва баҳолаш натижаларидан фойдаланиш тартибини таъминлайдиган кўрсаткичларни ранжирлашни ўз ичига олган аудиторлик ташкилотлари рэнкинги методикасини ишлаб чиқиш.

3. Қуйидагиларни таъминлаш:

–аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари веб–сайтларида аудиторлик ташкилотлари рэнкинги натижаларини жойлаштириш ҳамда уларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;

¹⁵⁰Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ–3946–сон қарори

–аудиторлик ташкилотлари фаолиятини баҳолашда ранжирловчи кўрсаткичларни доимий равишда долзарблаштиришни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилди¹⁵¹.

Бизнинг фикримизча Рэнкинг асосий аудиторлик ташкилотларининг йирик аудиторлик гуруҳлари ва тармоқларига аъзолиги, аудиторлик тушуми бўйича энг йирик аудиторлик ташкилоти, қонуний аудиторлик фаолиятидан олинган даромад бўйича энг йирик аудиторлик ташкилотлари, аудит ва консалтинг соҳасидаги рейтинглар (аудиторлик фаолияти билан боғлиқ хизматлар), МХХС, АХСсоҳасида фаолият юритувчи аудиторлик ташкилотлар ва гуруҳлар бўйича табақаланиши назрда тутати. Шу билан бирга баҳолашнинг шаффоф механизми ва баҳолаш натижаларидан фойдаланиш тартибини таъминлайдиган кўрсаткичлардир.

Республикада аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур қонуний–ҳуқуқий база шакллантирилгани, уни фаол ривожлантириш, лицензиялар бериш тизими сезиларли даражада соддалаштирилгани ва либераллаштирилганлиги қайд этилган. Шу билан бир қаторда аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича амалий чора тадбирлар сушт ва баъзи ҳолларда сифатсиз татбиқ этилаётганлиги, аудит тизимидаги ишлар ҳолати ошган талабларга жавоб бермаслиги, аудит ҳали бизнес самарадорлигини реал баҳолашнинг амалий воситаси бўла олмаётганлиги таъкидланган. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг юқоридаги қарорига биноан, Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳамда мустақил аудит тизимини янада ривожлантириш, аудиторлик хизматлари сифатини ошириш, аудиторлик ташкилотлари фаолиятини самарали бошқариш усуларини қўллаш, аудиторлик текширувларининг натижалари ва ҳолислиги учун уларнинг жавобгарлигини кучайтириш, шу орқали тадбиркорлик тузилмалари томонидан уларга нисбатан ишончни ошириш мақсадида аудиторлик ташкилотларини ташкил этишнинг лицензия талаблари ва шартларини, аудиторлик ташкилотларини ташкил этишда уларнинг мижоз олдидаги масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, шунингдек, аудиторлик текширувларининг сифатини ошириш мақсадида бир қатор шартлар белгилаб қўйилди.

Ушбу соҳада, аудиторлик хизматлари бозори фаолиятининг ташкилий ва норматив–ҳуқуқий базасини шакллантириш жумладан;

–аудиторлик фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва илғор тажрибасини ўрганиш;

–аудиторлик фаолиятини лицензиялаш жараёнини соддалаштириш;

–ҳалқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда аудиторларни сертификатлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;

¹⁵¹Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятиниянада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси

–аудиторлик ташкилотлари иши сифатининг ташқи назоратини амалга ошириш бўйича замонавий ва самарали мониторинг тизимини ривожлантириш;
–халқаро аудит стандартларини қўллаш, аудиторлик хизматлари сифатининг ички назорати тизими, аудиторларни тайёрлаш, сертификатлаштириш ва уларнинг малакасини ошириш тизими такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини бериш бўйича Низом Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги "Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида" ПҚ–615–сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини бериш услубиятини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси аудиторларининг жамоатчилик ташкилотлари томонидан Ўзбекистон аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини беришни ташкил қилиш ва ўтказиш жараёнларини тартибга солади 152.

Аудиторлик ташкилотлари рейтингини уларнинг ижтимоий–иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларига таяниб, қўлга киритилган ютуқ ва камчиликлари асосида таҳлилий жадвал ёрдамида комплекс ва тизимли анкета ўтказиш орқали имкониятларини аниқлаш мумкин. Рейтингнинг асосий методикасига уч омил сифатидаги базавий кўрсаткичлар:

–миқдор ва сифат жиҳатдан тавсиф,
–ички ва ташқи корпоратив ресурслар,
–рақобатдаги устунлигининг қиёсий таҳлили киради. Бундан ташқари, индекснинг ҳисоб–китобида бир қатор номолиявий, рақамсиз, бошқарув қарорлари мавжуд бўлган маълумотлар базасига ҳам таянилади.

Аудиторлик ташкилотларининг рейтингини аниқлаш масалалари хорижий иқтисодчи олимлар З.Аххель, В.Беренс, Ю. Богатин, Н. Брук, М. Джонк, Н.Игошин, В.Ковалев, Б.Нидз, В.Палий, Дж.Фостер, Ч.Хорнгрен, В.Швандар, А.Шеремет, Р.Энтонилар катта ҳисса қўшганлар.

Республикамиз иқтисодчи олимларидан Р.Дўстмуратов, А.Ибрагимов, А.Каримов, М.Пардаев, М.Тўлаҳўжаева, Ш.Ҳайдаров, Б.Хасанов, Б.Ҳамдамов, О.Машарипов ва бошқаларнинг ишларида кенг ўрин олган.

Бироқ ушбу иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари иқтисодий эркинлаштириш шароитида аудиторлик ташкилотларининг рейтингини аниқлаш борасидаги муаммоларни тўлиғича ҳал қилиб беримаман. Чунки уларнинг илмий ишларида аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниқлашнинг

152Ўзбекистон Республикаси аудиторлик ташкилотлари фаолиятига рейтинг баҳосини бериш бўйича Низом18.04.2008 й.

концептуал асослари тўлиқ очиб берилмаган ҳамда халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш йўналишлари тўлиқ белгилаб берилмаган.

Рейтинг конкрет корхоналар тўғрисидаги ҳаммабоп ахборот манбаи бўлиб, қарор қабул қилишнинг муҳим воситасидир. Чунки, у тадбиркорга саноатнинг тараққий этиш йўналишини, ишбилармонликнинг жонланишини ҳамда фойда олиш имкониятларини ҳам кўрсатиб беради.

Рейтингни аниқлашда турли ёндашишлар бор. Лекин, жаҳон амалиётида рейтинг белгиланишининг 3 та асосий усули мавжуд¹⁵³.

1.Тартиблаш (рақамлаш) усули. Корхона молиявий фаолиятининг кўрсаткичи муҳим хулоса тузилишлари билан биргаликда олиб борилиши ва аниқланган хар бир кўрсаткичлар бўйича рейтинг жойларини белгилаш.

2.Балл усули. Рейтингини аниқлашда энг қийин методика ҳисобланади. Чунки, корхонанинг иқтисодий фаолиятида аниқланиб тупланган хар бир кўрсаткичлар ҳолати баллда ифодаланиши талаб этилади. Бу тупланган (ёки йиғилган) балл кўрсаткичлари корхонани у ёки бу гуруҳга мувофиқлигини аниқлаб беради.

3.Индекс усули. Дунё амалиётида кенг қўлланиладиган усул бўлиб, уни қўллашда корхонанинг хар бир алоҳида кўрсаткичлар бўйича индексини ҳисоблаш йўли билан белгиланади.

Дунё рейтингда энг ривожланган 4та йирик аудиторлик фирмалари мавжуд бўлиб, уни «катта тўртлик» деб аташади. Бу фирмалар кўплаб мамлакатларга хизмат кўрсатади.Аудиторлик фаолиятининг ривожланиши йирик трансиллий фирмаларнинг вужудга келишига олиб келди. Бундай аудиторлик фирмалари ичида энг йириклари қуйидагилар:

| Халқаро аудиторлик ташкилотларининг «Катта тўртлик» гуруҳи таркиби | |
|--|---|
| «Делойт ва Туш» (Deloitte and Touch) | «Прайс Уотерхаус Куперс» (Price Waterhouse Coopers) |
| «Эрнст ва Янг» (Ernst and Young) | «КПМГ» (KPMG) |

1–расм. Халқаро аудиторлик ташкилотларининг «Катта тўртлик» гуруҳи таркиби

Юқорида қайд қилинган фирмаларнинг ҳар бири турли мамлакатларда кўплаб офисларга эга бўлиб, уларнинг барчаси қасамёд қилган бухгалтерлар институтининг аъзоси ҳисобланади. «Катта тўртлик» йирик мижозларнинг тахминан 90%ига хизмат кўрсатади. Бу фирмалар йирик халқаро лойиҳаларни бажариш имконига эга бўлиб, деярли барча турдаги консултация–аудиторлик хизматларини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, барча рейтингни аниқлаш методикасининг асосида молиявий, статистик ва бошқа ахборотларни ўрганиб, уни йирик ҳажмли таҳлил

¹⁵³Эрматов М. Банк назоративаудитини такомиллаштириш муаммолари. –Т.: Иқтисод-молия, 2005. 41-бет

қилиш ва бунда таҳлилий амаллардан фойдаланиш ишлари ётади. Натижада, унинг қатнашувчилари бўйича тегишли хулосалар чиқариш имконияти яратилади.

Фикримизча, аудиторлик ташкилотларининг рейтингни аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлар эътиборга олинishi керак:

– Ўзбекистон Республикасида аудиторлик хизматларининг соҳалар бўйича динамикаси;

– аудиторлик хизматлари кўрсатувчи ташкилотларнинг асосий кўрсаткичларининг ўсиш динамикаси;

– аудиторлик ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудларидаги салмоғи;

– аудиторлик ташкилотларининг маҳаллий бозори таркиби;

– миқозлар томонидан аудиторлик ташкилотларини танлашга таъсир этувчи омиллар ва ҳ.к.лар.

Рейтинг натижаларини таҳлил қилиш молиявий хизматлар бозорида аудитнинг янги турларини кашф қилишга, аудит соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш ва унинг жадаллик билан ривожланишига ёрдам беради.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек илмий тадқиқотларимиз натижасининг тадбиқ қилиниши, Республикамизда аудиторлик фаолиятини келажакда ривожлантиришга ва унинг истиқболини белгилашга, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий–хўжалик фаолиятини тўғри баҳолашга, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналар молиявий–хўжалик фаолиятининг ишончли, холисона ва мустақил аудиторлик текширувидан ўтказилишини таъминлашга ҳамда аудиторлик хизматининг сифатли ўтказилишини рағбатлантиришга олиб келади.

АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА АУДИТНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛARI

У.А. Ширинов,
СамИСИ, катта ўқитувчи

Жаҳонда алоқа соҳаси ижтимоий–иқтисодий тараққиётнинг муҳим “локомотиви” сифатида тан олинган.

Манбаларга кўра, “Европа Кенгашига кирувчи давлатларда меҳнат унумдорлигини оширишдан олинган 50 % самара алоқа ҳисобидан эришилади; интернет хизматларига инвестицияларни 10% га ошиши ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)ни 1–2%га ошишига олиб келади; 2020 йилнинг бошига дунё миқёсида 4,5 миллиарддан ортиқ одамлар интернетдан фойдаланмоқда, 3,8 миллиарддан ортиқ одамлар ижтимоий тармоққа кирмоқда, 5,19 миллиарддан ортиқ кишилар мобиль телефонга эга; интернетга мурожаатларнинг 53 фоизи мобиль телефонлар, 44 фоизи шахсий компьютерлар орқали амалга оширилмоқда; 64% британияликлар савдо сотиқларни мобиль алоқа орқали онлайн режимида амалга оширадилар”¹⁵⁴.

Шу боис, халқаро ҳисоб амалиётида алоқа хизматларини ривожлантиришда бошқарув тизимини объектив ва ишончли ахборотлар билан таъминлаш муҳим роль ўйнайди.

Бу ўз навбатида алоқа хизматлари субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ривожлантиришни тақозо этади.

Бугунги кунда дунё мамлакатларида алоқа хизматларини бухгалтерия ҳисоби ва аудит объекти сифатида тан олиш, баҳолаш ва молиявий ҳисоботни ахборот фойдаланувчиларнинг талабларига мувофиқлаштириш масалалари долзарб ҳисобланади.

Алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектлар фаолиятини миқдор ва сифат жиҳатдан ифодаловчи кўрсаткичлар тўғрисидаги ахборотларнинг реаллигини таъминлаш ҳам ички, ҳам ташқи фойдаланувчилар учун ўта муҳимдир.

¹⁵⁴ ИКТ-компетенции как фактор социально-экономического развития России / Под ред. Ю.Е. Хохлова, С. Б. Шапошника. М.: Институт развития информационного общества, 2012. - 74 с.; Услуги в современной экономике. М.: ИМЭМО РАН, 2010. 42 с.; ICTDataandStatistics. InternationalTelecommunicationUnion [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.itu.int/ITU-D/ict/statistics/>; UnctadStat – StatisticalDatabase [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://unctadstat.unctad.org/ReportFolders/reportFolders.aspx>; <https://www.web-canape.ru/business/internet-2020-globalnaya-statistika-i-trendy/>

Ички фойдаланувчилар учун ушбу ахборотнинг реаллигини таъминлаш негизида, авваламбор, улар томонидан хизматлар кўрсатиш бўйича қарорларни қабул қилишда намоён бўлади.

Алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда самарасиз харажатларни вужудга келиши, талон тарож қилиниши мазкур соҳа субъектларида пировардида зарар кўришларига олиб келади. Зарар кўриш, табиий ҳолда, алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларнинг молиявий аҳволини ёмонлашувига, қолаверса банкрот бўлишига олиб келиши мумкин.

Айнан шу ҳолга тушмаслик учун алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектлар раҳбарлари барча амалга оширилаётган харажатларни, хизмат кўрсатиш жараёнлари, улардан олинаётган даромадлар, қилинаётган сарфлар ва бошқа кўрсаткичлар тўғрисида реал ахборотларга эга бўлишлари лозим. Бундай ахборотлар бошқарув органи раҳбарлари ва ходимларига тегишли қарорларни қабул қилишларига имкон беради.

Ташқи фойдаланувчиларга эса корхона фаолиятига баҳо беришда ва корхона бўйича муҳим қарорларни қабул қилишда маълумотлар шаффофлиги ўта муҳимдир. Шу боисдан ҳам алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектлар хусусиятидан келиб чиқиб аудитни тўғри ташкил этиш ўта муҳимдир.

Ҳар қандай бухгалтерия ҳисоби объекти аудит қилинишидан олдин унинг мақсади ва вазифалари белгилаб олинади. Бизнингча Алоқа хизматларини кўрсатувчи корхоналар аудиторлик текширувини ўтказишнинг мақсади – корхона фаолиятини тўғри ташкил этилганлиги, уларда бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этилганлигини аниқлашдан иборат.

Шунингдек, ҳисобот кўрсаткичларининг ишончлилигини, бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш услубининг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлаш лозим. Ушбу мақсадга муомалалар моҳиятини, ҳамда назорат тузулмаси ва бухгалтерия ҳисоби тизимини текширувдан ўтказиш ва рискларни баҳолаш орқали эришилади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда алоқа хизматларини кўрсатиш корхоналарида аудиторлик текширувининг асосий вазифасини қуйидаги тартибда белгилаш мумкин:

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш алоқа хизматларини кўрсатувчи корхоналар фаолиятини тўғри ташкил этиш, уларда кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга, ахборот фойдаланувчилар учун ҳисоб маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва корхона фаолиятини барқарор давом эттиришга хизмат қилади.

Биз тадқиқот натижасида алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш моделини ишлаб чиқдик.(2–расм)



1–расм. Алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда аудиторлик текширувининг асосий вазифалари 155

Аудит хизматининг вазифаларидан бири бу – бизнес жараёнларининг ҳолати ва ички назорати тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, унинг ишончлилиги ва ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш орқали амалга ошириладиган бизнес жараёнларини бошқариш тизимининг самарадорлиги ва оқиллигини баҳолашдир.

Алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш 7 босқични ўз ичига олади. Биринчи босқичда аудитор текширилиши лозим бўлган объектни аниқлайди ва шу аснода ўз олдига мақсад ва фазифалар қўяди. Иккинчи босқичда аудитор текширув объекти бўйича маълумотларни тўплайди ва тизимлаштиради. Учунчи босқичда аудитор аудит муолажаларини амалга оширади, бунда барча тўпланган далиллар ўрганилади. Тўртинчи босқичда аудитор текширув бўйича ҳисобот тайёрлайди. Бешинчи босқичда тайёрланган ҳисобот натижалари корхона раҳбари, бошқарув органи ва бошқа маъсул шахслар билан муҳокама қилади. Олтинчи босқичда молиявий натижалар муҳокама қилинади ва еттинчи босқичда эса текширув натижалари бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Юқоридаги ишлаб чиқилган модел бўйича алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда аудитор аудиторлик текширувларини олиб борса корхона тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланувчилар учун юқори сифатли ахборотларни етказиб беради. Бу эса ўз навбатида қарор қабул қилувчилар учун ўта муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

ҚИСҚА МУДДАТЛИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ АНАЛИТИК ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**У.А. Холмирзаев,
НМҚУ, ўқитувчи**

Ўзбекистон Республикасида корхоналарни молиявий бозордаги фаолиятларни халқаро талабларга жавоб берадиган даражада ташкил этиш ва юритишни амалга оширишнинг йўлларида бири – миллий молиявий ҳисоб ва ҳисобот тизимини молиявий ҳисоботни халқаро стандартларига ўтказиш ҳамда иқтисоди ривожланган мамлактлардаги тажрибалардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ҳисобланади. Бу фикр тўла маънода молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг бир объекти бўлган молиявий активлар ҳисобига ҳам тегишлидир. Мазкур тезисда, биз мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб фақат молиявий активларнинг бир тури бўлган қисқа муддатли қимматли қоғозлар ҳамда уларнинг ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида ўз фикрларимизни билдираемиз. Халқаро ҳисоб стандартларига кўра корхоналардаги молиявий инвестициялар молиявий инструмент таркибига кириб, уларда молиявий активлар номи билан тавсифланади.¹⁵⁶

Эндиги навбатда миллий ҳисоб тизимизда молиявий активлар таркибига қирувчи қисқа муддатли қимматли қоғозлар ҳисоби ва ҳисоботини ҳозирги ҳолатини кўриб чиқамиз. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21–сонли БҲМС (Бухгалтерия ҳисобини миллий стандартлари)) “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий–хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома”га 2–иловада қисқа муддатли инвестициялар ҳисобини ҳисобга олувчи счётлар ҳамда уларнинг юритиш тартиблари бўйича қуйидаги кўрсатмалар берилган.

Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар (5800) корхонанинг бошқа корхоналар қимматли қоғозларига қилинган қисқа муддатли (бир йил муддатдан кўп бўлмаган) инвестициялари (қўйилмалар) давлат қарзларининг фоизли облигациялари, бошқа корхоналарга берилган қарзлар ва бошқаларнинг нақдлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун тайинланган бўлиб, унинг таркиби:

5810 “Қимматли қоғозлар”;

5820 “Берилган қисқа муддатли қарзлар”;

¹⁵⁶ 32-сон БҲХС (IAS). “Молиявий инструментлар: ахборотларни тақдим этиш”

5890 “Бошқа жорий инвестициялар” счетлардан иборат.

Мазкур счётлар бўйича аналитик ҳисоб қисқа муддатли инвестицияларнинг турлари ва ушбу қўйилмалар амалга оширилган объектлар (қимматли қоғозларни сотувчи–корхоналар, омонатлар ва ҳоказолар) бўйича юритилади деб айтиб ўтилган.¹⁵⁷

Илмий тадқиқот жараёнида шу ҳолат маълум бўлдики, ушбу кўрсатмада иккита камчилик мавжуд экан.

Биринчиси, йўриқномада аналитик ҳисобни қандай тартибда юритиш бўйича кўрсатмалар бор, лекин улар етарлича тўлиқ эмас.

Иккинчиси, аналитик ҳисобни қандай тартибда юритиш бўйича берилган кўрсатмалар асосида ҳисоб юритиш ва ҳисобот тузиш, пировард натижада БҲХС (Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари) ҳамда МҲХС (Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари), ёки иқтисоди ривожланган мамлакатларнинг бу борадаги амалдаги талаблари ҳамда тартибларига мос келмайдиган томонларини келтириб чиқаради.

Бунга сабаб аналитик ҳисобни ташкил қилиш ва юритиш қуйидаги жиҳатлардан келиб чиқиб амалга оширилишига асосланганлигидир.

Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар (5800) да эса бу тартиб:

- а) қисқа муддатли инвестицияларнинг турлари;
- б) қўйилмалар амалга оширилган объектлар (қимматли қоғозларни сотувчи–корхоналар, омонатлар ва ҳоказолар) асосида амалга оширилиши белгиланмоқда.

Биринчи камчилик натижасида, менежемент эҳтиёжларига зарур бўлган маълумотларни тўлиқ шакллантириш имконияти чегараланади. Айрим бошқарув учун аҳамиятли маълумотлар қўшимча ҳисоб–китоблар асосида олинади.

Иккинчи камчилик натижаси биринчи камчиликдан келиб чиқиб ташқи фойдаланувчиларга бу борада молиявий ҳисоботда очиб берилиши шарт бўлган ахборотларни сифатсиз тарзда тақдим этилишига сабаб бўлади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш учун қуйидаги таклифларимизни ишлаб чиқдик.

5810 “Қимматли қоғозлар” счётлари бўйича аналитик ҳисобни ташкил этиш ва юритишда, даставвал қимматли қоғозларни категориясига эътибор бериш зарур, деб ҳисоблаймиз. Ушбу тартиб халқаро амалиётда кенг қўлланилади. Лекин,

¹⁵⁷ Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС) “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома”га 2-илова.

юқорида келтириб ўтилган меъёрий ҳужжатлардаги масалага тегишли жойларда бу жиҳат эътибордан четда қолдирилган.

Қимматли қоғозларни категориясини молиявий ҳисоб ва ҳисоботдаги ўрни тўғрисида ахборот бериш учун қуйидаги жадвал маълумотларини тақдим этамиз.

Жадвалдаги қимматли қоғозларга тегишли жиҳатлар бу борадаги аналитик ҳисобни ташкил этишда албатта эътиборга олинишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу тадбир юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга.

1–жадвал

Қисқа муддатли қимматли қоғозларни категориялар бўйича ҳисоби 158

| Бухгалтерия балансида ифодалаш учун | | Молиявий натижаларга таъсири бўйича | |
|---|-----------------------------|--|--|
| Категорияси | Баҳолаш усули | Материаллашмаган даромад ёки йўқотиш | Материаллашган даромадга таъсири |
| Муддати келгунча ушлаб туриладиган қимматли қоғозлар | Амортизацияланадиган қиймат | Тан олинмайди ёки молиявий натижаларда акс эттирилмайди (қадрсизланиш ҳолати мустасно) | Даромад тан олинади. Фоизлар ҳисобланганда. Актив сотилганда. Сотиб олиш ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ қопланадиган вақтгача бўлган даврда даромад ёки зарар тарзида. |
| Олиб–сотиладиган қимматли қоғозлар | Ҳаққоний қиймат | Тан олинмайди ёки молиявий натижаларда акс эттирилмайди | Даромад тан олинади. Фоизлар ҳисобланганда. Актив сотилганда. |
| Сотиш учун нақд бўлган қимматли қоғозлар | Ҳаққоний қиймат | Тан олинмайди ёки молиявий натижаларда акс эттирилмайди | Даромад тан олинади. Фоизлар ҳисобланганда. Актив сотилганда. |

Бу жадвалдаги муддати келгунча ушлаб туриладиган қимматли қоғозлар категорияси нима учун қисқа муддатли қимматли қоғозлар таркибига киритилганини асосласак. Маълумки, жаҳон тажрибаси ҳамда халқаро ҳисоб стандартларига кўра муддати келгунча ушлаб туриладиган қимматли қоғозлар фақат фоизлар ва дивидендлар олишга йўналтирилган узоқ муддатли инвестицияларга тегишли эканлигини кўраемиз. Биз мазкур категорияни қисқа

158 Хориж тажрибаларидан фойдаланилган ҳолда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

муддатли қимматли қоғозлар таркибига киритишимиз бу борадаги ҳисобни куйидаги томонлари билан такомиллаштиради.

Биринчидан. Миллий иқтисодиётимиздаги корхоналар бизнес фаолиятида иқтисодиётни молиявий секторида иштирок этиши натижасида шу ҳисобот даврида қанча фоиз ёки дивиденд кўринишидаги даромадни ёки шу миқдордаги пул қийматини олиши мумкинлигини прогноз қила олади. Мазкур маълумот режалаштириш ишларида ўта муҳим ҳисобланади.

Иккинчидан. Шериклик ва назорат мақсадидаги ҳамкорликни қай тарзда молиявий жиҳатдан давом эттириш ёки тўхтатиш борасида бизнес қарорларни қабул қилиш масалалари учун мазкур тартибдаги маълумотлар зарур экан.

Олиб–сотиладиган қимматли қоғозлар эса қисқа муддатда фоизлар келтириши мумкин бўлган ҳамда вазияти келганда баҳолар фарқидан даромад олиш учун сотиб юбориладиган қимматли қоғозлардан ташкил топади.

Сотиш учун нақд бўлган қимматли қоғозлар эса юқорида кўрсатиб ўтилган гуруҳларга кирмайдиган қимматли қоғозлардир.

Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиқиб 5810 “Қимматли қоғозлар” счётлари бўйича аналитик ҳисобни ташкил этиш ва юритишни куйидаги тартибда амалга оширилишини таклиф қиламиз.

1. Категория кўра (Категориялар жадвалда берилган).
2. Турларига кўра (акциялар, давлат қарзларининг фоизли облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлар).
3. Қўйилмалар амалга оширилган объектлар (қимматли қоғозларни сотувчи–корхоналар, омонатлар ва ҳоказолар).
4. Бошқа зарур белгиларига кўра (Бир донасини сотиб олиш баҳоси, бир донасини номинал қиймати, жами миқдори, дона, жами қиймати сотиб олиш баҳосида ҳамда номинал қийматида ва ҳоказо).

Мазкур таклиф этилган тартиб куйидаги ижобий жиҳатларга эга.

Корхонадаги ички фойдаланувчилар учун қимматли қоғозларга оид маълумотлар, ҳам ҳар бир турдаги қимматли қоғоз бўйича алоҳида, ҳам қимматли қоғозлар бўйича умумлашган тарзда тўлиқ ўз вақтида шакллантирилади.

Ташқи фойдаланувчилар учун ҳамкорлик доирасидаги манфаатлар эътиборга олиниб тақдим этувчи корхона томонидан қимматли қоғозлар бўйича шакллантирилган ахборотлар молиявий ҳисоботни тушунтиришлар қисмида кўшимча ҳисоб–китобларсиз, ўз вақтида сифатли тақдим этилади.

ПЕРСПЕКТИВЫ ВНЕДРЕНИЯ ЦИФРОВИЗАЦИИ И МЕХАНИЗМОВ ГОСУДАРСТВЕННОГО ФИНАНСОВОГО КОНТРОЛЯ В ЦЕЛЯХ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ

***У.Х. Абдуганиев,
ТГЭУ, ассистент.***

Обновленная политика Узбекистана направлена на повышение уровня справедливости и верховенства закона в обществе, внедрение современного эффективного государственного управления, формирование духа нетерпимости ко всем формам коррупции среди государственных служащих, безусловную защиту прав граждан, интересы народа, опираясь на стихи. Прежде всего, в основе этих реформ лежит приоритетная идея, выдвинутая Президентом Ш.М. Мирзиёевым: «Настало время государственным органам служить народу, а не народу — государственным органам», и все возможности мобилизуются в интересах нашего народа. [1]

В этой связи важно последовательно обеспечивать эффективность борьбы с коррупцией во всех сферах жизни государства и общества для достижения реальных результатов реформ.

Следует отметить, что современные меры профилактики правонарушений, которые широко используются в международной практике для обеспечения эффективной реализации государственной политики в борьбе с коррупцией и устранения причин и условий, а не последствий коррупции, являются национальными.

В связи с этим в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 29 июня 2020 года УП–6013 «О дополнительных мерах по совершенствованию системы противодействия коррупции в Республике Узбекистан» одной из задач является поэтапное внедрение системы внутреннего антикоррупционного контроля во всех органах государственного и хозяйственного управления, государственных предприятиях и предприятиях с долей государства в уставном капитале, включая банки, в 2020–2021 годах.

Анализ зарубежной практики показывает, что в странах с рыночной экономикой, основанной на законодательстве, одним из важнейших инструментов обеспечения эффективной работы государственного и частного сектора в соответствии с международными стандартами, законодательством и

другими современными методами является комплаенс–контроль по борьбе с коррупцией.

По данным компании «Комплаенс Менеджмент», комплаенс – это обеспечение соответствия деятельности организации требованиям, налагаемым на нее российским и зарубежным законодательством, другим обязательным для исполнения требованиям, а также создание в организации механизмов анализа, выявления и оценки рисков нарушения законодательства и обеспечения комплексной защиты организации. [2]

Преобладание коррупции в обществе приводит к возникновению угроз экономической безопасности и расширению сферы их влияния. Ко 2–му десятилетию 21 века развитие ИТ–технологий находится на очень высоком уровне, создавая множество возможностей для человечества. Успешное внедрение и высокая эффективность процессов цифровизации в развитых странах также создают широкие возможности для экономической безопасности. По данным ПРООН, цифровизация и цифровые преобразования значительно продвинули и трансформировали государственный сектор с огромным потенциалом и широкими преимуществами повышения эффективности и результативности государственного управления и предоставления услуг, а также повышения прозрачности, подотчетности, доступности и участия граждан.

Что касается сути цифровизации, это внедрение современных цифровых технологий в различные сферы жизни и производства.

Согласно программе развития ООН, увеличение индекса внедрения электронного правительства на 1% в 2016 году приводит к снижению коррупции на 1,17%. [3] На наш взгляд, на сегодняшний день этот показатель должен быть еще выше. Согласно исследованию Центра цифровых технологий и финансовых инноваций МГИМО, существует обратная связь между динамикой цифровизации госсектора и уровнем коррупционной преступности: в 2018 г. объем цифровизации в секторе «госслужба» на 5%, уровень внутренней коррупции снизился на 3%. [4]

Успешное внедрение и высокая эффективность процессов цифровизации в развитых странах также создают широкие возможности для экономической безопасности. Как так, цифровизация помогает автоматизировать многие процессы государственного управления и налаживать бесконтактные отношения. На наш взгляд, формирование этих бесконтактных отношений приводит к резкому снижению мелкомасштабных коррупции.

В литературе по борьбе с коррупцией есть две известные страны, Гонконг и Сингапур, которым удалось искоренить коррупцию за относительно короткий период времени. В случае Сингапура, который часто называют примером борьбы

с коррупцией, усилия по реформированию, часто связанные с цифровизацией, основывались на четко сформулированной национальной стратегии борьбы с коррупцией, которая согласовывалась с планами социально-экономического развития страны. [5]

В антикоррупционной стратегии Сингапура коррупция рассматривается в первую очередь как проблема нарушения закона и этики, а цифровизация рассматривается как играющая роль в усилении мониторинга, соблюдения и правоприменения в целях повышения доверия к общественным организациям.

Также в Сингапуре использование цифровых технологий было частью общего стратегического видения по оцифровке всех государственных учреждений и преобразованию государственного сектора. [6]

Пример Сингапура иллюстрирует важность наличия:

- базовой антикоррупционной стратегии для руководства разработкой и внедрением цифровых технологий;
- целостной национальной антикоррупционной стратегии, которая объединяет цифровизацию как часть более широких реформ государственного сектора;
- создание независимой антикоррупционной наблюдательной организации с сильными следственными и правоприменительными полномочиями для работы наряду с усилиями по административной реформе. [7].

Например, в области международной торговли и таможенного оформления разработка и развертывание Сингапуром платформы «TradeNet» – системы электронного обмена данными для интеграции множества заинтересованных сторон и оптимизации процессов – согласовывались со стратегией страны, направленной на то, чтобы стать ведущей в мире портовой страной с высоким уровнем доходов, эффективностью и низким уровнем коррупции для преодоления естественного недостатка небольшого размера при одновременном использовании идеального географического положения для судоходства. Всего через несколько лет после внедрения «TradeNet» Сингапур стал выдающейся историей успеха не только для своего ведущего в мире портового сектора, но и как наименее коррумпированная страна в Азии и одна из наименее коррумпированных в мире, известная честностью своих государственных служащих. [8] Цифровизация проводилась наряду с массовыми реформами и строгим соблюдением законов, которые обеспечили регулярное заключение в тюрьму коррумпированных государственных чиновников и отдельных лиц. [9]

Зарубежные исследователи Dehning, B., Richardson, V. J., & Zmud указывает на своей работы что, при определенных формирующих условиях цифровые технологии могут позволить реализовать стратегические возможности информационных и цифровых технологий в качестве модальностей для изменений в борьбе с коррупцией.

Стратегические возможности цифровых технологий, выявленные в литературе:

- включают автоматизацию (замена человеческого труда в процессах);
- информирование (предоставление более полной и качественной информации об организационной деятельности вверх по направлению к управлению и вниз по направлению к сотрудникам и пользователям);
- преобразование (фундаментальное пересмотр процессов и отношений). [10]

Цифровые технологии также использовались для стратегического расширения или задействования организационных возможностей.

Список использованной литературы

1. «Пришло время госорганам служить народу, а не наоборот» — Шавкат Мирзиёев – Газета.uz.– URL: <https://www.gazeta.uz/ru/2016/10/22/gov/>
2. Антикоррупционный комплаенс — Внедрение комплаенс–системы в организацию. 2018–2020 © ООО "Комплаенс Менеджмент".– URL: <https://compliance-m.ru/compliance/antikorruptzionnyj/>
3. What is corruption? – Transparency.org [Электронный ресурс] – URL: <https://www.transparency.org/en/what-is-corruption#>
4. Конвенция о гражданско–правовой ответственности за коррупцию (ETS N 174) (рус., англ.), Конвенция от 04 ноября 1999 года №174
5. Lim Kah Hwee, N. 2016. *Singapore's Experience in the Fight Against Corruption*, 189–195.
6. Ha, H. 2013. *E–Government in Singapore: Critical Success Factors*. In J. R. Gil–Garcia (Ed.), *E–Government Success around the World: Cases, Empirical Studies, and Practical Recommendations*: 176–197.
7. Klitgaard R. *Controlling corruption*. – University of California press, 1988. 77–80.
8. Civil Service College (Singapore). 2015. *Upholding Integrity in the Public Service*. 10–14
9. Singapore Customs and Corrupt Practices Investigation Bureau. 2018. *Syndicate leader sentenced to five years and eight months' imprisonment and \$30m fine for smuggling duty–unpaid cigarettes and bribing Certis CISCO senior protection officer*.
10. Dehning, B., Richardson, V. J., & Zmud, R. W. 2003. *The Value Relevance of Announcements of Transformational Information Technology Investments*. *MIS Quarterly*, 27(4):

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШ АФЗАЛЛИГИ

***А.Х. Хотамов,
ТДИУ, ассистент***

Президентимизнинг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида”ги қарориди кўзда тутилган янгиликлар, унинг аҳамияти ва зарурати нима, деган савол кўпчиликни қизиқтирмақда. Бойси, молиявий ҳисоботлар салкам 30 йилдан буён миллий стандартлар асосида юритиб келинган, ҳеч қандай қийинчилик бўлмади–ку, деб ўйлашимиз табиий.

Шундай экан, аввало, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) деганда нима тушунилади ва унинг қандай афзалликлари борлиги тўғрисида қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари – молиявий ҳисоботларни тузиш учун ҳужжатлар тўплами, молиявий ҳисоботларнинг тузилишини тартибга солувчи регламент бўлиб, ташқи фойдаланувчилар томонидан бирор–бир ташкилотга нисбатан иқтисодий қарор қабул қилиш учун фойдаланилади. Яъни, оддий мисол тариқасида келтирсак, бу хорижий инвесторларни мамлакатимизда фаолият юритаётган ташкилотларнинг (компания, корпорация, акциядорлик жамиятлари) акциялари, қимматли қоғозлари ва бошқа турдаги инвестиция жалб қилиши мумкин бўлган моддий бойликларнинг истиқболда ўсиши ёки пасайишини таҳлил қилиши учун зарур ахборотлар билан таъминлаш мумкин бўлади.

Биз учун афзаллиги эса мамлакатимиздаги йирик корхоналарга халқаро молия бозорларида иштирок этиш имкони яратилади. Масалан, республикамиздаги йирик корхоналарнинг чет эл фуқаролари ёки юридик шахслари томонидан уларнинг акция ва облигацияларини сотиб олиши эвазига ушбу корхоналарга инвестиция киритиш, пировардида корхонани ривожлантириш натижасида Давлат бюджетига тушумнинг ошишига олиб келади.

Президентимизнинг мазкур қарорига биноан, 2022 йил 1 январдан бошлаб, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, сугурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишига ўтиши белгиланган.

Албатта, ҳар қандай ислохотнинг тўғри, ўз вақтида юритилиши кадрлар масаласига, уларнинг сифатига боғлиқ. Шу боис, давлатимиз раҳбарининг қарориди МҲҲС бўйича кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Дарҳақиқат, бу борада энг асосийси, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, сугурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчиларини 2021 йил

якунига қадар бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида “МХХС бўйича молиявий ҳисобот” фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга ёхуд “Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (CIPA)”, “Сертификатланган дипломли бухгалтер (ACCA)”, “Сертификатланган жамоатчи бухгалтер (CPA)” ва “Халқаро молиявий ҳисобот бўйича диплом (DipIFR)” сертификатларидан бирига эга камида уч нафар мутахассис миқдорида МХХСни сифатли қўллаш учун етарли бўлган бухгалтерия хизмати ходимлари билан таъминлаш масаласидир. Ана шу ўта залворли ва ҳал қилувчи масала ҳал этилса, қўйилаётган вазифа сифатли удалланади.

Шунингдек, молиявий ҳисоботни ихтиёрий равишда молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрлайдиган тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисобот тақдим этишдан озод этилиши белгилаб қўйилаётгани ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича жаҳоннинг муваффақиятли тажрибаларини оммалаштириш ҳамда соҳага оид олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини босқичма–босқич халқаро аккредитациядан ўтказиш юзасидан бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга ҳам устувор вазифа сифатида қаралади.

Мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига киритиш учун ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиш суръатларига эришиш, бюджет барқарорлиги, ишлаб чиқариш маҳсулотлари рақобатбардошлигини таъминлаш, бунинг учун эса, чет эл инвестицияларини кўпроқ киритиш муҳим роль ўйнайди.

Қарордаги жаддаликни бухгалтерия ҳисоби, аудит, шунингдек, бошқарув соҳаси бўйича олий малакали кадрлар тайёрлаш тизимидаги кескин ўзгаришларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Негаки, ўқув марказлари ва ОТМларнинг амалдаги ҳолати, уларнинг моддий–техник таъминоти, ўқитишнинг интенсивлигини таъминлашдаги салоҳият имкониятлари соҳадаги сифимийликни юмшатиши бир мунча қийин кечади.

Шу жиҳатдан қатъий белгилаб қўйилдики, 2021 йилдан бошлаб аккредитациядан ўтган ўқув марказлари лицензияланадиган фаолият турларини амалга ошириш бўйича қонунчиликда назарда тутилган талабларга риоя қилиш шарти билан, тегишли лицензия олмасдан МХХС ва АХС бўйича ўқитиш ва малака ошириш юзасидан лицензияланган фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, барча тажриба–синов олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича фанлари фақат халқаро сертификатлаш доирасида «МХХС бўйича молиявий ҳисобот» ёки «АХС бўйича аудит» фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга ёхуд халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган ўқитувчилар томонидан ўқитилиши белгилаб берилди.

Кадрлар тайёрлаш борасида яна бир муҳим жиҳатга тўғри ёндашилган. У ҳам бўлса халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган талабгорларни олий таълим муассасалари магистратурасининг “Бухгалтерия ҳисоби” ва “Аудит” мутахассисликларига кириш имтиҳонларини топширмасдан тўлов–контракт асосида кириш ҳуқуқининг берилганлигидир. Бу кадрлар тайёрлашнинг узвийлигини таъминлайди.

Профессионал, амалиётчи бухгалтерлар учун энг муҳим ва оғриқли масалалардан биттаси бизнес субъектларини солиққа тортиш билан боғлиқ бўлган масаладир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар солиқ ҳисоботи шаклини қайта кўриб чиқиши ва унинг МХХС бўйича тайёрланган молиявий ҳисоботга мослаштирилган шаклини ишлаб чиқиши лозим.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш юзасидан тажриба–синов олий таълим муассасаси сифатида белгиланган Тошкент молия институтида қарор ижроси юзасидан белгиланган муҳим вазифалар ва уларнинг натижадорлигини таъминлаш борасида ишлаб чиқилган “Йўл харитаси”да кўрсатиб ўтилган қатор чора–тадбирларнинг босқичма–босқич ижроси таъминланмоқда. Масалан, “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари”, “Аудитнинг халқаро стандартлари”, “Тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари”, “Бюджет ҳисобининг халқаро стандартлари” каби фанлар бўйича ўқув ва ишчи ўқув дастур(силлабус)лари ишлаб чиқилиб, амалдаги ўқув режалари таркибига киритилиб, ўқитилиши йўлга қўйилди. Шунга монанд равишда институтда “Халқаро бухгалтерия ҳисоби”, “Аудитнинг халқаро стандартлари”, “Бюджет ҳисобининг халқаро стандартлари”, ва “Тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари” каби фанлардан ўқув адабиётлари яратилди. Бухгалтерия ҳисоби, аудит соҳаси бўйича малакали кадрлар тайёрлашда тўлиқ халқаро тажриба атрофлича ўзлаштирилди.

Хулоса сифатида айтганда, қарорнинг кенг қўламли ва сифатли ижросида кадрлар масаласи асосий масала ҳисобланади. Шундай экан, бизнес субъектларининг халқаро бизнес тиллашувида ўз номидан ахборотлар оқимини барча учун тушунарли ҳамда аниқ шакларда очиб беришга қодир бўлган бухгалтерия ҳисоби, аудит соҳасининг профессионал маҳоратли, шахсий тажрибалар ва интуицияларда алданмайдиган кадрларни тайёрлаш устувор вазирамиз бўлмоғи керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ПҚ–4611 24.02.2020 й.*
2. *Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун 26.05.2021 й.*
3. *“Халқаро аудит стандартлари” 2006 й.*
4. *Utverjden novyу porjadok konkursov na ob'yazatel'nyу audit. Po materialam interfaks. Audit. 2008 god.*
5. *Karimov A.A. Buxgalteriya hisobi va auditining amaliyotdagi holati. Bozor, pul va kredit.*

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БЎЙИЧА ТАЙЁРЛАШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ, ЭЛЕМЕНТЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

А.Б. Акрамов,
ТМИ, таянч докторант

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайти (www.mf.uz) маълумотларига кўра, республикада молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини давлат тилига таржима қилиш соҳасида муайян ишлар олиб борилмоқда.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХСлар) Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари Кенгаши (БХХСК) томонидан чиқарилган Стандартлар ва Шарҳлар бўлиб, улар тўртта бўлимдан иборат:

- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари;
- бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари;
- МХХСларни Шарҳлаш бўйича Қўмита (МХХСШК) томонидан чиқарилган Шарҳлар;
- шарҳлаш бўйича Доимий Қўмита (ШДҚ) томонидан чиқарилган Шарҳлар.

Иқтисодчи олим проф.С.Ташназаров мазкур масалага таъриф бериб, шундай ёзади: “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари – бу молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи фанининг алоҳида тармоғи бўлиб, молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг зарурияти, ишлаб чиқилиши, уларнинг мазмуни, интерпритацияси ва қўлланилишининг методологик масалаларини ўрганувчи қисмидир”[1].

Ўзбекистонда амал қилаётган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро стандартларга мослаштириш ва трансформация қилиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодчи олима Г.Исломова молиявий ҳисоботларни трансформация қилиш масаласида қуйидагича фикр билдирган: “... у ҳисобот санаси ҳолати бўйича ўтказилиши ва у миллий ҳисоб стандартлари бўйича тайёрланган молиявий ҳисобот кўрсаткичларини унинг барча элементларини эътироф этиш, ўлчаш ва очиқ беришнинг тегишли қоидаларини ҳисобга олган ҳолда МХХС форматига ўтказиш учун зарур бўлган барча тузатишларни ўз ичига олади”[2].

“Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари Кенгаши томонидан 2010 йил сентябрда эълон қилинган. У 2018 йил март ойида қайта кўриб чиқилган ва қабул қилинган.

Амалдаги мазкур концептуал асос кириш ва қуйидаги боблардан ташкил топган:

- концептуал асоснинг мақоми ва мақсади;

- умумий тайинланган молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг мақсади;

- фойдали молиявий ахборотнинг сифат тавсифлари;
- молиявий ҳисобот ва ҳисобот берувчи ташкилот;
- молиявий ҳисобот элементлари;
- тан олиш ва тан олишни бекор қилиш;
- баҳолаш;
- маълумотни тақдим этиш ва ёритиб бериш;
- капитал ва капитални қўллаб-қувватлаш концепциялари.

“Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси” (Концептуал асос) умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботларни тақдим этиш мақсади ва тамойилларини тавсифлайди. Концептуал асоснинг мақсади куйидагилардан иборат:

- изчил тамойилларга асосланган МХХС стандартларини (Стандартлар) ишлаб чиқишда Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари кенгашига (Кенгаш) кўмак бериш;
- муайян операция ёки бошқа ҳодисага нисбатан қўлланадиган стандарт мавжуд бўлмаганда ёки муайян стандартда ҳисоб сиёсатини танлашга рухсат берилганда, молиявий ҳисобот тайёрловчилар кўмак бериш;
- стандартларни тушуниш ва талқин қилишда барча тарафларга кўмак бериш[3].

Умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботларни тақдим этиш мақсадига эришиш учун Кенгаш баъзан Концептуал асосда баён этилган тамойилларнинг баъзи жиҳатларини четлаб ўтадиган аниқ талабларни белгилаши мумкин. Ушбу ҳолатда Кенгаш бундай четлаб ўтиш бўйича тегишли стандартнинг хулоса қисмида ёки Шарҳларда тушунтириш беради.

Концептуал асос Кенгашнинг тажрибасини инобатга олган ҳолда вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилиб, такомиллаштириб борилади. Концептуал асоснинг қайта кўриб чиқилиши стандартларнинг бутунлай ўзгартирилади деган маънони англатмайди.

Концептуал асос МХХС жамғармаси ва унинг таркибидаги Кенгашнинг фаолият юритишига хизмат қилади. Мазкур фаолиятни амалга оширишдан кўзланган мақсад жаҳон молия бозорларининг шаффофлиги, ҳисобдорлиги ва самарадорлигини таъминлайдиган стандартларни ишлаб чиқишдан иборат. Кенгаш фаолияти глобал иқтисодиёт юритиш шароитида ишонч, иқтисодий ўсиш ва узоқ муддатли молиявий барқарорликни рағбатлантириш орқали жамият манфаатларини қондирилишини таъминлайди.

Тадбиркорлик субъекти бухгалтерия ҳисобининг ҳисоблаш усулидан фойдаланганида молиявий ҳисобот моддаларини активлар, мажбуриятлар, капитал, даромадлар ва харажатлар (молиявий ҳисоботлар элементлари) сифатида тан олади, қачонки улар Концептуал асосда келтирилган ушбу элементларнинг таърифларига ва тан олиш мезонларига мос келса[4].

Концептуал асосда ахборотни тақдим этиш ва ёритиб беришнинг мақсадлари ва тамойиллари сифатида куйидагилар келтирилган:

1. Молиявий ҳисобот орқали самарали алоқага кўмаклашиш мақсадида стандартлардаги ахборотларни тақдим этиш ва ёритиб беришга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқишда куйидагилар ўртасида мувозанатга риоя қилиш зарур:

- ташкилотларга ўзининг активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари ва харажатларини рўйи–рост тақдим этувчи ўринли ахборотни танлашда тақдим этилган эркинлик;

- ҳам битта ташкилот доирасида турли даврларда, ҳам бир даврда, бироқ турли ташкилотлар ўртасида қиёсий ҳисобланадиган ахборотни тақдим этиш талаби.

2. Ахборотни тақдим этиш ва ёритиб бериш мақсадларини стандартларга киритиш молиявий ҳисобот орқали самарали алоқага кўмаклашади, чунки бундай мақсадлар ташкилотларга фойдали ахборотни ишончилигини таъминлаш ва алоқанинг энг самарали усулини танлашга ёрдам беради.

3. Молиявий ҳисобот орқали самарали алоқа куйидаги тамойилларни кўллаш ҳисобига ҳам таъминланади:

- ташкилот учун хос бўлган ахборот баъзан “намуна” деб номланадиган стандарт таърифларга қараганда анча фойдали ҳисобланади;

- ахборотни молиявий ҳисоботнинг турли қисмларида такрорлаш одатда талаб этилмайди ва молиявий ҳисоботнинг камроқ тушунарли бўлишига олиб келиши мумкин.

1–жадвал.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида қайд этилган молиявий ҳисоботнинг муҳим элементлари

| 1–бобда кўриб чиқилган тушунчалар | Элемент | Таъриф ёки тавсиф |
|---|-----------------|---|
| Иқтисодий ресурс | Актив | Аввалги ҳодисалар натижасида ташкилот томонидан назорат қилинадиган мавжуд иқтисодий ресурс. Иқтисодий ресурс бу иқтисодий наф келтириш салоҳиятига эга бўлган мулк ҳисобланади. |
| Талаб қилиш ҳуқуқи | Мажбурият | Ташкилотнинг аввалги ҳодисалар натижасида юзага келган иқтисодий ресурсни ўтказиш бўйича мавжуд жавобгарлиги. |
| | Хусусий капитал | Ташкилотнинг барча мажбуриятлари чегирилгандан кейин унинг активларидаги қолдиқ улуши. |
| Фаолиятнинг молиявий натижаларини акс эттирадиган иқтисодий ресурслар ва талаб қилиш ҳуқуқларидаги ўзгаришлар | Даромадлар | Активларнинг кўпайиши ёки мажбуриятларнинг камайиши натижасида корхонанинг ўз маблағларини талаб қилувчиларнинг ҳиссаларига боғлиқ бўлмаган ўз капиталининг кўпайишига олиб келади. |
| | Харажатлар | Хусусий капиталга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари эгаларига тақсимлашлар билан боғлиқ бўлмаган хусусий капиталнинг камайишига олиб келадиган активларнинг камайиши ёки мажбуриятларнинг ошиши. |
| Иқтисодий ресурслар ва талаб қилиш ҳуқуқларидаги бошқа ўзгаришлар | – | Ташкилотнинг хусусий капиталга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари эгаларининг бадаллари ва уларга тақсимлашлар. |
| | – | Хусусий капиталнинг ошиши ёки камайишига олиб келмайдиган активлар ёки мажбуриятларни айрибошлаш. |

Манба. Молиявий ҳисоботларни тақдим этишининг концептуал асоси. https://www.mf.uz/ru/?option=com_content&view=article&id=279 [3].

Хулоса қилганимизда, мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бевосита унинг концептуал асослари, тамойиллари, тушунчалари ва элементларини чуқур мушоҳада қилишни, уни миллий иқтисодийетимиз хусусиятлари ва талабларидан келиб чиққан ҳолда амалиётга жорий этишни ўз ичига қамраб олгандагина иқтисодий самарага эришиш имконияти мавжуд бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Таиназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириши (МХХС ва илгор тажрибалар асосида). Монография. -Т.: "Турон", 2017 й. –170–бет.
2. Исломова Г. МХХС билан ишлашга тайёрмисиз? // Солиқ ва божхона хабарлари/2015 йил/№ 26., 2–бет.
3. Молиявий ҳисоботларни тақдим этишининг концептуал асоси. https://www.mf.uz/ru/?option=com_content&view=article&id=279 [5].
4. "Молиявий ҳисоботларни тақдим этиши" номли 1–сонли Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти https://www.mf.uz/ru/?option=com_content&view=article&id=279

АУДИТ ЛИЗИНГОВЫХ ОПЕРАЦИЙ В РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

А.К. Бахадиров,
ТГЭУ, соискатель.

Целью аудиторской проверки является выражение аудитором мнения о достоверности бухгалтерской (финансовой) отчетности экономического субъекта (далее—организация) и соответствии порядка ведения бухгалтерского учета законодательству Республики Узбекистан (при этом выражается мнение о достоверности финансовой (бухгалтерской) отчетности во всех существенных отношениях). Аудит лизинговых операций аудитором проводится в тех случаях, когда объем (размер) лизинговых платежей существенен или проверка предусмотрена договором. Аудит начинается с проверки соответствия договора лизинга и договора купли—продажи лизингового имущества требованиям действующего законодательства в Республики Узбекистан.

Договор лизинга заключается в письменной форме и может включать в себя условия по оказанию дополнительных услуг и проведению дополнительных работ. К ним относятся работы и услуги, без оказания которых невозможно использовать предмет лизинга, в частности, осуществление монтажных работ в отношении предмета лизинга, обучение персонала лизингополучателя, приобретение у третьих лиц прав на интеллектуальную собственность.

Учет лизинговых операций ведется согласно Закону Республики Узбекистан «о Лизинге», Положению «О порядке отражения лизинговых операций в бухгалтерском учете», разработанного в соответствии с постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 26 апреля 2004 года N 199 "О мерах по дальнейшему развитию лизинговых услуг" (Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2004 г., N 17, ст. 197).

Объектами аренды (лизинга) в Республики Узбекистан являются любые непотребляемые вещи, включая предприятия, комплексы имущества, отдельные здания, сооружения, оборудование, транспортные средства, другое движимое и недвижимое имущество (кроме имущества, изъятого из оборота).

При проведения аудита нужно проверить правильность следующих проводок:

1) оприходование объектов лизинга по стоимости, признаваемой в бухгалтерском учете лизингополучателя в качестве актива и обязательства:

Дт 0800— «Учет капитальных вложений»

Кт 7910 «Долгосрочная аренда к оплате»

2) расходы, связанные с приведением объектов лизинга в состояние, пригодное для использования по назначению:

Дт 0800 – «Учет капитальных вложений»

Кт 1000 – «Учет материалов», 6700 – «Расчеты с персоналом по оплате труда», 6500 – «Задолженность по страхованию и по платежам в государственные целевые фонды» и других соответствующих счетов

3) начисление износа основных средств, полученных по договору лизинга:

Дт «Учет затрат» (2000, 2100, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400 и другие счета, в зависимости от назначения основных средств, полученных по договору лизинга);

Кт 0299 – «Износ основных средств, полученных по договору долгосрочной аренды»

4) перевод основных средств, полученных по договору лизинга, в состав собственных основных средств:

Дт 0100 – «Учета основных средств» (по видам основных средств)

Кт 0310 – «Основные средства, приобретенные по договору долгосрочной аренды» – на первоначальную (восстановительную) стоимость основных средств, полученных по договору лизинга

Кт 0112 – «Благоустройство основных средств, полученных по договору долгосрочной аренды» – на первоначальную (восстановительную) стоимость благоустройства основных средств, полученных по договору лизинга.

Также, при аудите, обязательно надо проверить все пункты заключенных лизинговых договоров и начисление по данным договорам в программах Бухгалтерии для подтверждения несущественных рисков. При этом нужно отметить, что все лизинговые договора составляются на каждого клиента отдельно. Основными финансовыми показателями лизинговых договоров является лизинговая сумма, лизинговые платежи, первоначальные расходы по заключению договора, а также комиссионные расходы по лизингу.

Аудит лизинговых операций должно проводиться как больше часто, чтобы проверять правильность бухгалтерского учета и это приводит работать правильно и знать какие либо ошибки согласно нормативным документам Республики Узбекистан. В данное время в Республики работают многие лизинговые компании, самые основные из этих АО «Узбекилизинг Интернейшнл», АО «Узагромашлизинг» и АО «Узмелиомашлизинг». Эти компании данное время проводить каждый год аудит по национальным стандартам бухгалтерского учета и международным стандартам финансовой отчетности. Это позволяет знать о правильности введение бухгалтерского учета

лизинговых операций и начисления налоговых ставок и прочие финансовые операции.

Международные стандарты аудита (МСА) (*англ.* International Standards on Auditing (ISA)) — международные профессиональные стандарты для осуществления аудиторской деятельности. Они издаются Международной федерацией бухгалтеров через Комитет по международным стандартам аудита и подтверждения достоверности информации. На основе международных стандартов в Российской Федерации разработана часть Федеральных правил (стандартов) аудиторской деятельности, регламентирующих аудиторскую деятельность на её территории.

Содержание

1. Список стандартов

1.1. Вводные аспекты

1.2.200—299 общие принципы и Обязанности

1.3.300—499 Оценка рисков и противодействие выявленным рискам

1.4.500—599 Аудиторские доказательства

1.5.600—699 Использование услуг других лиц

1.6.700—799 Аудиторские выводы и заключения

1.7.800—899 Особые аспекты

2. Примечания

3. Ссылки

И в заключении нужно отметить, аудит лизинговых операций заключается в том, что аудит должен пройти проверку расчетов полностью согласно Национальным Стандартам Бухгалтерского Учета, Закон о Лизинге, Положение об «Учете лизинговых операций» и в дальнейшем если во время аудита выявляется какие либо ошибки аудиторская фирма должна показать отчет со своими рекомендациями для развития и правильности введение учета.

КОНЕЧНЫЙ ФИНАНСОВЫЙ РЕЗУЛЬТАТ КАК ОСНОВНОЙ ПОКАЗАТЕЛЬ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЯ

Р.И. Каюмов,
заведующий отделом
Центра исследований АУГА РУз,
О.М. Исматов,
БФА, магистр

В предвыборной программе Ш.М. Мирзиёева одной из основных задач предусмотрено построение новой экономики, основанной на науке и инновациях. В программе определено, что основным критерием эффективности государственной экономической политики является конкурентоспособность страны, качество жизни граждан, последовательный и ускоренный рост благосостояния семей. В условиях рыночных отношений конкурентоспособными могут быть только предприятия, имеющие достаточно высокую прибыль для поддержания этой конкурентоспособности.

Анализ финансовых отчетностей акционерных обществ за 2016 год, размещенных на сайте Центра по координации и развитию рынка ценных бумаг показал, что из 312 исследованных акционерных обществ, только в 22 обществах рентабельность активов превышает 20 %, еще в 11 обществах она находится на уровне выше 14 – 20 %, т.е. выше ставки рефинансирования Центрального банка Республики Узбекистан, которая принимается как безрисковая ставка в экономике. Общее количество акционерных обществ, рентабельность которых выше 5 % – около 70. Финансовую отчетность за 2019 год на сайте разместили 564 общества. Анализ их деятельности показал, что только в 58 из них рентабельность активов превышает 20%, еще у 28 обществ она была выше 14 %, но ниже 20 %. Рентабельность активов 368 была 5 % и ниже, из них 47 обществ закончили год с убытками.

Но рентабельность активов характеризует фактическую отдачу на вложенный капитал, и с позиции теории его величина должна быть выше безрисковой ставки доходности. В противном случае инвестиции в реальный сектор экономики теряют свой смысл. У большинства акционерных обществ рентабельность активов ниже уровня инфляции, т.е. отсутствует фактор получения реальной (очищенной от инфляции) прибыли, другими словами с

учетом инфляции осуществленные вложения в такие предприятия не окупаются. В основном это общества с государственной долей в уставном капитале.

В Узбекистане объем ежегодно осуществляемых инвестиций составляет около 40 % ВВП страны. От эффективности реализуемых инвестиционных проектов зависят темпы роста ВВП в будущем, сроки окупаемости вложенных ресурсов и, самое главное, повышение благосостояния народа. Однако приведенные выше данные свидетельствуют о низкой отдаче вложений в предприятия, что является существенным препятствием для достижения конкурентоспособности национальной экономики.

Решение проблемы видится в кардинальном совершенствовании подхода к мониторингу отдачи реализованных в республике инвестиционных проектов. Объектом мониторинга должен быть коэффициент рентабельности активов. Исходя из данной цели, предприятия предлагается разделить на следующие категории:

1. Хорошо работающие предприятия, если рентабельность активов выше нормы прибыли.

2. Нормально работающие предприятия, если рентабельность активов на уровне нормы прибыли.

3. Удовлетворительно работающие предприятия, если рентабельность активов на ниже нормы прибыли, но выше показателя стоимости капитала для отрасли (среднего уровня рентабельности по отрасли).

4. Неконкурентоспособные предприятия, если рентабельность активов ниже стоимости капитала, но выше ставки рефинансирования Центрального банка Республики Узбекистан.

5. Экономически нецелесообразные предприятия, если рентабельность активов ниже ставки рефинансирования Центрального банка Республики Узбекистан, но выше официального (определенного Госкомстатом РУз или установленного прогнозного параметра при формировании бюджета страны) уровня инфляции в стране.

6. Предприятия с признаками экономической несостоятельности, если их деятельность безубыточная, но рентабельность активов ниже уровня официальной инфляции в стране.

7. Убыточные предприятия.

Сложившаяся практика оценки финансового состояния позволяет оценить только текущую деятельность предприятия, но ни как не нацеливает на достижение конечных результатов. Под конечными результатами следует понимать окупаемость первоначальных инвестиций, вложенных в данное предприятие и получение ежегодной прибыли в предусмотренных

инвестиционным проектом размерах и сроках. Такой подход к анализу финансового состояния имеет ряд преимуществ. Во-первых, учитываются интересы собственника и инвесторов, для которых важно не как работало предприятие по сравнению с прошлыми периодами или с другими предприятиями. Инвесторам важно вернуть свои вложения и получить обещанную прибыль в указанной в ТЭО или проектно-сметной документации срок.

Во-вторых, сам анализ финансовой отчетности приобретает законченный смысл: оценивать текущие показатели в целях достижения конечного результата. Если исходить из положения, что каждое предприятие – это инвестиционный проект (или совокупность проектов), то конечный результат достигается в конце жизненного цикла проекта.

Нами разработана и предложена новая схема анализа финансового состояния предприятий и компании, которая предполагает сравнение следующих показателей: фактических за предыдущий год, нормативных на текущий год, фактических на текущий год, т.е. дополнительно вводятся нормативные показатели. При этом новшеством являются не сами показатели, а порядок их расчета. Использование нормативных показателей позволит более эффективно управлять финансовым состоянием предприятия. Кроме того, для анализа предложено использовать данные остатков актива и пассива баланса как на отчетные даты, так и средние их значения, рассчитанные по методу средней хронологической.

Принципиально новым в разработанных методических рекомендациях является порядок расчеты нормативов финансовых показателей предприятий. Для расчета нормативных значений основных показателей оценки финансового состояния предприятий, используется взаимосвязанность этих показателей между собой. Такая взаимосвязь, при заданных значениях одного показателя, позволяет рассчитать значения остальных. В качестве заданного показателя предлагается использовать рентабельность активов (совокупного капитала), т.к. именно этот показатель является основной целью создания предприятия. Оптимальное значение данного коэффициента должно соответствовать показателю нормы прибыли от инвестиций в данное предприятие по проекту или же может быть установлено на уровне удовлетворяющем собственников, но выше показателя стоимости капитала для отрасли (среднего уровня рентабельности по отрасли).

На основе этого коэффициента по формуле Дюпона определяются нормативные значения рентабельности продаж и оборачиваемости активов, из которых, в свою очередь, рассчитываются нормативные значения коэффициентов ликвидности и платежеспособности.



Многолетние исследования по данному вопросу позволили авторам сформулировать свой подход и разработать свою методику расчета стоимости капитала для оценки эффективности инвестиционных проектов, которую хотим вынести на обсуждение специалистов. Если исходить из того, что целью инвестиций является получение прибыли, то инвестиционный проект следует считать эффективным, если полученная прибыль окупит вложения в течении жизненного цикла проекта. Минимальный размер прибыли рассчитывается по формуле:

$$MSP = \frac{IC}{n} \quad (1)$$

где:

MSP – минимальная среднегодовая чистая прибыль от проекта;

IC – первоначальные инвестиции в проект;

n – жизненный цикл проекта.

Тогда стоимость капитала k для данного проекта будет равна:

$$k = \frac{MSP}{IC} \quad (2)$$

В отраслях, где доля оборудования в активах очень низкая (гостиничный бизнес, предоставление в аренду зданий и помещений и т.п.) жизненный цикл проекта можно приравнять к сроку износу максимально долго используемого оборудования. На такое оборудование в Узбекистане норма начисления износа установлена в размере 8%, т.е. срок его износа составляет 12,5 лет. Вместе с тем, это означает, что стоимость капитала для этих объектов составит 8%, что является вполне приемлемым уровнем, если нет инфляции. В условиях инфляции норму прибыли проекта необходимо сопоставлять со стоимостью капитала увеличенной на уровень инфляции в первом году реализации проекта. Вопросы обеспечения получения заданной таким образом доходности в течении жизненного цикла проекта в условиях инфляции в данной статье не рассматриваются, но в научной литературе соответствующие методики.

Реализация данного предложения позволит значительно повысить эффективность инвестиционных проектов, будет способствовать росту конкурентоспособности отечественной экономики.

ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ ВА ДАРОМАДЛАРНИ СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ТАҲЛИЛИНИНГ УСЛУБАРИ

К.Т. Нурманов

ТДИУ, мустақил изланувчи

Шоли энг қадимги қишлоқ хўжалик экинларидан бири бўлиб, у глобал озиқ–овқат хавфсизлиги тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Жаҳонда шоли маҳсулотига истеъмолчиларнинг талаби йилдан–йилга ошиб бормоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ–овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) нинг прогнозига кўра, 2020 йилга келиб жаҳонда шоли маҳсулотига бўлган эҳтиёж қарийб 780 миллион тонна (қайта ишланмаган хом ашё) ни ташкил этади. Шу билан бирга, 2020 йилга қадар етиштирилиши кутилаётган шоли хом ашёси 750 миллион тонна бўлиши прогноз қилинмоқда, бу ҳолат жаҳон бозорида шоли маҳсулотларига бўлган талабнинг юқорилигини кўрсатади [1].

АҚШ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (FAS USDA) нинг берган маълумотларига кўра, 2014–2017 йиллар давомида дунё миқёсида шоли (қайта ишланган ҳолатда) етиштириш ҳажми 2,6% га ўсиб, 494 млн. тоннани, хусусан, Ҳиндистонда – 7% га (112,9 млн. тонна), Хитойда – 1,5% га ўсиб (148,9 млн тонна) ни ташкил этди. Жаҳондаги шоли ишлаб чиқаришнинг ярмидан кўпроғи ана шу мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистонда шоли етиштириш Жанубий Кореянинг Tong Yang Moosang компаниясининг замонавий машиналари ёрдамида кўчат экиш йўли билан йўлга қўйилмоқда. Мазкур янги технология ҳосилдорликни оширади, вегетация даврини қисқартиради, уруғларни 70–75 фоизгача тежайди ва 20–25 фоизгача сувдан унумли фойдаланишга имконият яратади. Бу технологияни кўлаш республикамиз қишлоқ хўжалиги ва озиқ–овқат таъминоти илмий–ишлаб чиқариш маркази, мамлакатимиз шоли етиштириш илмий–тадқиқот институти, Корея Республикасининг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бошқармаси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон шолчилик илмий–тадқиқот институти олимларининг фикрича, бугунги кунда шолини қўлда экканда бир гектар майдонга ўртача 12 соат вақт сарфланган бўлса, қўлда бошқариладиган механик воситалар ёрдамида бу вақт ичида 1,5–2 гектар майдонга шоли экиш имкониятига эга бўлади. Махсус шоли экиш машиналари ёрдамида шу вақт ичида 7–8 гектарга кўчат экишга

шароит яратилади, бу эса меҳнат унумдорлигини оширади. Бугунги кунда шולי ҳосилининг 95 фоиздан ортиги кўчат экиш ҳисобидан этиштирилмоқда.

Бу йил республикада 114 минг гектар майдонга шולי экиш режалаштирилган, шундан 57,9 минг гектарини асосий экин экиладиган ер майдонлари ва 56,1 минг гектари эса донли экинлардан озод қилинган майдонни ташкил этади [2].

I—жадвал.

Қорақалпоғистон Республикаси туманлари бўйича шолчилик кластерларида мавжуд инфратузилма ва ишлаб чиқариш қувватларининг таҳлили

| № | Шолчилик кластери ташкил этувчи ташаббускор корхона номи | Шолчилик кластерларида бугунги кунда мавжуд бўлган инфратузилма объектлари | | | |
|-------------|--|--|--------------|------------------------------|-----------------------|
| | | Шоли сақлаш омборлар, тонна | | Шолини қайта ишлаш тегирмони | |
| | | очик | ёпиқ | Сони | Йиллик қуввати, тонна |
| 1 | "Беш Хороз" МЧЖ | | | 3 | 40000 |
| 2 | "Самоиддин Агрокластер" МЧЖ | | 1000 | 2 | 30000 |
| 3 | "Хусайнов Жавлонбек" ф/х | | 5000 | 1 | 3000 |
| 4 | "Шолчилик кластери" МЧЖ | 500 | 150 | | |
| 5 | "SHOMANAY SHALI KLASTER" МЧЖ | | 5000 | | |
| 6 | "KUNGRAD RICE CLUSTER" МЧЖ | | 500 | 1 | 2000 |
| 7 | "Жузбасы" ф/х | | 4000 | 1 | 36500 |
| 8 | "Бузатов шולי кластери" МЧЖ | | | | |
| Жами | | 500 | 15650 | 8 | 111500 |

Манба. Қорақалпоғистон Республикаси Кишлоқ хўжалиги вазирлигининг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Жадвал маълумотлари таҳлили Қорақалпоғистон Республикаси бўйича шолчилик кластерларида бугунги кунда мавжуд бўлган инфратузилма объектлари этиштириладиган шולי ҳосилини тўлиқ қайта ишлаш учун етарли қувватга эга эканлигини кўрсатади. Шоли сақлаш омборлари қуввати бўйича фақатгина "Шолчилик кластери" МЧЖда очик майдонларда 500 тоннагача шолини сақлашга мўлжалланган омборхона мавжуд. Ёпиқ майдондаги шולי омборлари саккизта кластердан олтитасида мавжуд бўлиб, уларнинг мавжуд қуввати 15650 тоннани ташкил этади.

Республика бўйича саккизта шолини қайта ишлаш тегирмонлари фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг йиллик қуввати 111500 тонна шолини қайта ишлашга етади. Бироқ, кластер корхоналарида қоладиган шоли миқдори 18302 тонна, фермер хўжаликлари ихтиёрида қоладиган шоли миқдори 6383 тонна, жами 24685 тонна эканлигини инобатга оладиган бўлсак, республикада шолини қайта ишлаш тегирмонларининг мавжуд қувватлардан фойдаланиш даражаси 22,1 фоизни ташкил этаётганлиги истиқболда шолчиликни ривожлантириш имкониятлари мавжудлигига гувоҳ бўламыз.

Шолчилик фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг асосий кўрсаткичларини яхлит ҳолда таҳлил қилиш жараёнида унинг фаолиятига даҳдор бўлган иқтисодий кўрсаткичларни ўсиш тенденцияларини кузатиш мақсадга мувофиқдир (2–жадвал).

2–жадвал

Молиявий натижага даҳдор бирликлар ва уларнинг узвийлиги

| Ф ₁ /Ф ₀ | | СТ ₁ /СТ ₀ | | ХК ₁ /ХК ₀ | | А ₁ /А ₀ | | 1 |
|---|---|----------------------------------|---|----------------------------------|---|--------------------------------|---|-----|
| Соф фойданинг ўсиши | > | Сотишдан олинган тушумнинг ўсиши | > | Хусусий капиталнинг ўсиши | > | Активларнинг ўсиши | > | 100 |
| 1.Активлар ўсишининг шarti | | | | | | | | |
| 2.Молиявий салоҳиятнинг ўсиш шarti | | | | | | | | |
| 3.Иқтисодий салоҳиятнинг ўсиш шarti | | | | | | | | |
| 4.Фаолиятнинг ривож ва тараққиётнинг шarti | | | | | | | | |

Маиба. Молиявий таҳлил. Хасанов Б.А., Раҳимов М.Ю. ва бошқ. – Т.: "Iqtisodiyot", 2019. – 736 б. [4].

Стратегик таҳлил жараёнида молиявий натижага даҳдор бирликлар ва уларнинг узвийлиги тўртта омил бўйича солиштирилади:

1. Бунда биринчи босқичда активлар ўсишининг шarti сифатида соф фойданинг ўсиши сотишдан олинган тушумнинг ўсишидан катта бўлиши талаб этилади.

2. Иккинчи босқичда молиявий салоҳиятнинг ўсиш шarti белгиланади. Бу ҳолатда соф фойданинг ўсиши ва сотишдан олинган тушумнинг ўсиши хусусий капиталнинг ўсишидан юқори бўлиши лозим.

3. Учинчи босқичда иқтисодий салоҳиятнинг ўсиш шarti сифатида соф фойданинг ўсиши, сотишдан олинган тушумнинг ўсиши ва хусусий капиталнинг ўсиши кўрсаткичлари активларнинг ўсишидан катта бўлиши мақсадга мувофиқ.

4. Тўртинчи босқичда фаолиятнинг ривожини ва тараққиётнинг шартли сифатида тўртала дахлдор кўрсаткичларнинг жами 100 дан катта бўлиши талаб этилади. Юқоридаги баҳолаш мезонларининг таъсирини аниқ бир шолчилик хўжалиги мисолида таҳлил қилиб чиқамиз (3–жадвал).

3–жадвал

“ЖУЗ–БАСЫ ФЕРМЕР ХОЖАЛЫГЫ” да молиявий натижага дахлдор бирликлар ва уларнинг узвийлиги, минг сўмда

| Кўрсаткичлар | Ўтган йил | Ҳисобот йили | Фарқи, +/- | Ўси-ши % | Дахлдор-лик |
|----------------------------|-------------|--------------|--------------|----------|-------------|
| Соф фойда | 33 026 990 | 4 731 920 | -28 295 070 | 14.3 | 14.3<147.6 |
| Сотишдан олинган соф тушум | 365 141 000 | 538 922 740 | +173 781 740 | 147.6 | 147.6>84.1 |
| Хусусий капитал | 427 026 990 | 359 331 920 | -67 695 070 | 84.1 | 84.1<90.0 |
| Активлар | 394 000 000 | 354 600 000 | -39 400 000 | 90.0 | 90.0<100 |

Мабна. “ЖУЗ–БАСЫ ФЕРМЕР ХОЖАЛЫГЫ” маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Жадвал таҳлили шуни кўрсатадики, агар молиявий натижага дахлдор бирликлар ва уларнинг узвийлиги қиёсланса, шолчилик кластеридаги фермер хўжалигида ҳисобот йили охирида соф фойданинг камайганлиги ҳисобига соф фойда ва сотишдан олинган соф тушум ўртасидаги нисбат тесқари пропорционал эканлигини кўради (14.3<147.6).

Сотишдан олинган соф тушум ва хусусий капитал ўртасидаги нисбат (147.6>84.1) ижобий бўлиб, у мезон талабларига жавоб беради.

Хусусий капитал ва активлар ўртасидаги нисбат ҳам тесқари пропорционалликка (84.1<90.0) эга эканлигига гувоҳ бўламиз.

Яқунловчи босқичда фаолиятнинг ривожини ва тараққиётнинг шартли сифатида тўртала дахлдор кўрсаткичларнинг жами (90.0<100) ўрнатилган мезондан 10 фоизга камайган.


Хулоса қилганимизда, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича шолчилик кластерларида мавжуд бўлган омборлар етиштириладиган шол ҳосилини тўлиқ қайта ишлаш учун ортиқча қувватга эга эканлигини гувоҳи бўламиз. Шолни қайта ишлаш тегирмонларининг мавжуд қувватлардан фойдаланиш даражаси 22,1 фоизни ташкил этаётганлиги истиқболда шолчиликни ривожлантириш имкониятлари мавжудлигини кўрсатади.

Шолчилик хўжалигининг молиявий натижага дахлдор кўрсаткичлари даромадларни стратегик бошқарув ҳисобининг замонавий услублари бўйича ҳисобланганда, улар меъёрий талаблар ва мезонлардан анча паст эканлиги бошқарув ходимлари олдига муҳим вазифаларни қўяди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИНИНГ МАҚСАДСИЗ САРФЛАНИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ТАЪМИНЛАШ

С.Т.Нурматов,
Бош прокуратураси ҳузуридаги
ИЖҚК Департаменти бўлими бош инспектори
А.Б. Соатов,
ТДИУ, магистрант

Иқтисодиётнинг мураккаб шароити ва рақамли иқтисодиётга ўтиш йўлида молиявий назорат жараёнида эришиладиган натижаларнинг самарадорлиги ва ишончлилик даражасини ошириш учун молиявий назоратнинг натижадорлигини ошириш муҳим зарурат бўлиб бормоқда. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши юзасидан доимий назорат олиб борилмоқда.



1–расм. Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан 2019–2020 йилларда ўтказилган назорат тадбирларида аниқланган бюджет қонунчилигини бузилиш ҳолатлари.

1–расм маълумотларидан кўриниб турибдики, Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари ўтказилган текширувлардан 2019 йилда 8074 та назорат тадбирларида 142,6 млрд сўмлик қонун бузилиш ҳолатлари аниқланиб, ушбу харажатларнинг 129,1 млрд сўми (91%)ни давлат бюджетига тикланиши таъминланган. 2020 йилда бюджет интизомига риоя этилиши ва бюджет маблағларининг мақсадли фойдаланиши юзасидан 4729 та назорат тадбирларида 246,0 млрд сўмлик қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, ушбу харажатларнинг 168,8 млрд сўми (69%)ни бюджетига тикланиши таъминланган.

2019 йилда 2020 йилга нисбатан бюджет маблағларининг мақсадсиз фойдаланиши 1,7 мартага кўпайган.

2020 йилда бюджет қонунчилигини бузганлиги учун бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларнинг 48 нафар раҳбар ва бошқа мансабдор шахсларига ўрнатилган тартибда жарималар қўлланилди.

Шунингдек, 3 033 та назорат тадбирларида аниқланган 239,5 млрд.сўмлик қонунбузилиш ҳолатлари қонуний чоралар кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган.

Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари молиявий назоратнинг самарадорлигини таъминлашда, аввало, унинг мазмун моҳиятини чуқурроқ ўрганиши талаб этилади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида давлат молиявий назорати тушунчасини тавсифлашга ҳаракат қилдик. Фикримизча, давлат молиявий назорати – бу молиявий қонунчиликка риоя қилишни таъминлаш ва давлатнинг бюджет ва бюджетдан ташқари даромадларининг мақсадсиз сарфланишига йўл қўймаслик борасида давлатнинг молиявий сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга қаратилган чора – тадбирлар тизими ҳисобланади. Давлат молиявий назорати молиявий сиёсатнинг муҳим воситаси ҳисобланади ва у Ўзбекистон Республикасининг бюджет қонунчилиги ва бюджет муносабатларини тартибга солувчи бошқа бюджет тўғрисидаги меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилинишини таъминлашга қаратилган.

Сўнги йилларда бюджет тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора–тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3917–сон Қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан мамлакатимизда амалга оширилаётган бюджет соҳасидаги ўзгаришларни фойдаланувчиларга етказиб бериш, маълумотларнинг шаффофлиги ва очиқлиги бир мунча таъминланади.

Нazorat органларининг аниқ белгилаб берилган ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва ваколатлари кўрсатилган ягона тамойиллар, меъёр ва меъёрий ҳужжатлар Давлат молиявий назорат тизимининг “пойдевори” бўлиши лозим.

Ҳар қандай назорат органи самарали фаолиятни амалга ошириши учун мустақиллик ва ҳолислик тамойиллари унинг ишлаш тамойиллари бўлиши керак. Давлат молиявий назорати тизимининг асосий стратегияси, давлатнинг фаолияти стратегияси ва манфаатларига мос бўлиши керак.

Шундай қилиб, молиявий назоратнинг самарали тизимини яратиш орқали иқтисодий соҳада хавфсизликни ва фуқароларнинг манфаатларини максимал даражада ҳимоя қилишни таъминлаш давлатнинг асосий манфаатлари ҳисобланади.

Бундан ташқари «UzASBO» дастурий мажмуасида янги модул ташкил этилганлиги, эндиликда унинг ёрдамида тармоқ, шғат ва контингентлар бўйича

режа ва унинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлар электрон шаклда молия органларига тақдим этилиши «Тармоқ, штат ва контингент тўғрисидаги кўрсаткич автоматик тарзда жамланиши ҳамда пул маблағлари оқими тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичлари таққосланиши натижасида меҳнат сарфи ва юзага келадиган хатоликлар кескин камаяди.

Шунингдек белгиланган тартибда давлат бюджети маблағларини талон–торож қилганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилиши қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлигини таъминлаш, жавобгарликка тортиш, қонунчиликни такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, соҳада замонавий ахборот технологияларни жорий қилиш, бюджет харажатларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

1. Давлат молиявий назорати мамлакат молиявий тизимини бошқаришнинг муҳим дастакларидан бири ҳисобланади ва давлатнинг молиявий сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга, давлатнинг бюджет қонунчилигига риоя қилиш ва бюджет маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланишга ёрдам беради. Молиявий назорат барча даражадаги бюджетлар, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларни тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва ижро этиш жараёнларини қамраб олади. Таъсирчан ва самарали давлат молиявий назорати демократик ва қонун устувор жамиятнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бундай назорат жамоатчиликка давлатнинг молиявий ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида объектив маълумотларни тақдим этишни таъминлайди, бу ўз навбатида давлат бошқарув органларининг молиявий бошқарувнинг қонунийлиги ва самарадорлиги учун жавобгарлигини англайди.

2. Фикримизча, Ўзбекистон Республикасида молиявий назоратнинг стандартлари тизимини фаол ривожлантиришга катта эътибор қаратилиши лозим. Шакллантириладиган тизим давлат молиясини бошқаришнинг ҳар бир босқичида унификациянинг замонавий талабларига максимал жавоб бериши ва молиявий назоратни амалга ошириш услубиётининг ягоналигини таъминлаши лозим.

3. Замонавий ҳуқуқий давлатда фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда, шу жумладан молиявий соҳада ҳамочиқ ахборот майдони муҳим рол ўйнайди, деган хулосага келдик. Бу масалада молиявий назорат тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш зарур ҳисобланади.

Молиявий ҳуқуқ соҳаси мутахассисларини молиявий назоратни амалга оширишда коррупция элементларининг олдини олишлари ҳам жуда муҳим ҳисобланади.

ISHLAB CHIQRISH XARAJATLARI AUDITORLIK TEKSHRUVINI TASHKIL QILISH

S. Q. Omanov,
TDIU, tayanch doktorant

Hozirgi paytda ishlab chiqarish tarmog'idagi mavjud xo'jalik yurituvchi sub'ektlarning huquqlari beqiyos kengaytirilgan, ayni paytda xo'jalik muammolari natijasi yuzasidan javobgarligi oshirilgan. Ularda quyidagi muhim masala, ya'ni xo'jalik yurituvchi sub'ektlar o'z xarajatlarini o'z daromadlari bilan qoplash, o'zini-o'zi mablag' va moddiy resurslar bilan ta'minlash, xo'jalikning kengaytirilgan takror ishlab chiqarishlari, o'zini moliyalashtirishning nihoyat keng demokratiya asosida boshqarish ko'ndalang qo'yilgan ijtimoiy ishlab chiqarishni jadal sur'atlar bilan rivojlanishini ta'minlashda amalga oshiriladigan xo'jalik nazorati katta ahamiyatga ega.

Keyingi yillarda qabul qilingan qonun va nizomlar hamda huquqiy-me'yoriy hujjatlar iqtisodiyotimizning barcha korxonalar tashkilot va xo'jaliklarda nazorat va audit ishlarini yaxshilashga qaratilgan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 19-sentabrdagi O'zbekiston Respublikasida auditorlik faoliyatini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida PQ-3946-son qaroriga muvofiq ishlab chiqilgan, unga ko'ra 2020-yil 1-yanvardan boshlab auditorlik tashkilotlari auditorlik faoliyatini faqat Xalqaro buxgalterlar federatsiyasi tomonidan nashr etiladigan auditning xalqaro standartlari asosida amalga oshirilishi belgilab qoyilgan. 159

Auditorlik faoliyati deganda – auditorlik tashkilotlarining auditorlik xizmatlarini ko'rsatish bo'yicha tadbirkorlik faoliyati. 160

Ishlab chiqarish xarajatlari auditining vazifalari bo'lib quyidagilar hisoblanadi:

- ishlab chiqarish xarajatlarini ularning mohiyatini ochib beruvchi mezonlariga mos ravishda hisobga olinganligini tekshirish,
- ishlab chiqarish xarajatlarini to'g'ri turkumlangan va guruhlarga to'g'ri ajratilganligini tekshirish,
- ishlab chiqarish xarajatlarini to'g'ri, o'z vaqtida va tegishli boshlang'ich hujjatlar bilan rasmiylashtirilganligini tekshirish,
- ishlab chiqarish xarajatlari bo'yicha moddiy javobgar shaxslarning hisobotlari, ma'lumotlari va hisob ma'lumotlarini to'liq uyg'unligini tekshirish,
- tugallangan ishlab chiqarish xarajatlarini to'g'ri va o'z vaqtida tayyor mahsulotlar (ishlar, xizmatlar) tannarxiga kiritilganligini tekshirish,
- tugallanmagan ishlab chiqarishga to'g'ri keladigan xarajatlarni to'g'ri va o'z vaqtida hisobga olinganligi, buning uchun ularni belgilangan muddatlarda qayta ro'yxatdan o'tkazilganligi, uning natijalari to'g'ri hisobga olinganligi va hisoblanganligini tekshirish,
- tannarxning oshib ketishiga sabab bo'luvchi chiqimlarni vujudga kelish sabablari va aybdorlarini topish, bunday chiqimlarga yo'l qo'ymaslik uchun moddiy javobgar shaxslar faoliyatini doimiy nazorat qilish kerakligi to'g'risida ko'rsatmalar berish,

159 O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 19-sentabrdagi O'zbekiston Respublikasida auditorlik faoliyatini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida PQ-3946-son qarori.

160 O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 25-fevraldagi auditorlik faoliyati to'g'risidagi O'RQ-677 son qarori.

– mavjud ishlab chiqarish zahiralari va vositalaridan unumli foydalanish ustidan nazorat o'rnatish,

– ishlab chiqarish xarajatlarini soliq solish bazasi ob'ekti sifatida to'g'ri shakllanishi va u tannarx sifatida soliq bazasiga ta'siri darajasini muhimligini aytib o'tish.

Buxgalteriya balansining tugallanmagan ishlab chiqarish summasi Bosh kitobda "Asosiy ishlab chiqarish xarajatlar" schyotining oxirgi qoldiq summasi bilan uyg'unligini tekshiramiz. Agarda bu ikki summa bir biriga teng bo'lsa, chetlanish mavjud emas.

Ma'lumki, Bosh kitob yil davomida yuritiladi va unga har oyda jurnal–order va qaydnomada yig'ilib borilgan bir oylik summasi yoziladi. Bosh kitobga har oyda yozilgan summani shu oylarda yuritilgan jurnal–order va qaydnoma bilan solishtiriladi.

Jurnal–order va qaydnomadagi summalarni har bir operatsiyalar bo'yicha boshlang'ich hujjatlar bilan solishtiriladi. Masalan: materiallar hisoboti, ish haqi hisob–kitoblari, ajratmalar hisob–kitobi, amortizatsiya hisob–kitobi, schyot–fakturalar, dalolatnomalar.

Tekshirish natijalari tegishli oraliq va yig'ma jadvallar ko'rinishida rasmiylashtiriladi. Tayyor mahsulotni ishlab chiqarish va sotish jarayonida mijozlarga tovar va xizmatlarga egalik qilish huquqi o'tkazilishi to'g'risida qaror qabul qilinadi. Bu jarayon mijozning taklifidan boshlansa, tovar va xizmatlarni debitorlik qarz va pirovard natijada naqd pul mablag'iga aylanishi bilan tugaydi.

Auditor auditning umumiy rejasini amalga oshirish uchun kerakli bo'lgan, rejalashtirilgan auditorlik tartibotlarining tavsifi, muddati va hajmini belgilovchi audit dasturini ishlab chiqishi va hujjatli rasmiylashtirishi lozim. 161

Umumishlab chiqarish xarajatlarning taqismlanish tartibi (ishlab chiqarish moddiy xarajatlarga yoki ishlab chiqarish ishchilarining ish haqiga mutanosib, me'yoriy stavkalar asosida va hokazo) xo'jalik yurituvchi sub'ekt hisob siyosatida tasdiqlanishi kerak.

"Tugallanmagan ishlab chiqarish" ko'rsatkichlari ishonchligi va xarajatlarni tayyor mahsulotga to'g'ri o'tkazish ham auditorlik tekshiruvidan o'tkaziladi. Kalkulyatsiya farqlari to'g'ri hisobdan chiqarilganligini aniqlash maqsadida tuzatish yozuvlarga alohida e'tibor qaratilishi lozim. Bunda mahsulotni sotish davrida uning tannarxini oshiradigan yoki kamaytiradigan sun'iy ravishda yo'l qo'yilgan xatolar bo'lishi mumkin.

Ishlab chiqarish xarajatlari hisobi holatini asosli baholash uchun barcha aniqlangan xatolarni, quyidagi ko'rsatkichlar: operatsiya mazmuni, hujjat nomi, hujjat tuzilgan sana va uning raqami, summa, schyot korrespondentlanishi, izohlar bo'lishi ko'zda tutilgan maxsus ishlab chiqilgan ro'yhatnomada qayd etish lozim. Izohda auditor xulosalarni va xatolarni bartaraf etish bo'yicha asoslangan takliflarni yozadi.

Xulosa qilib aytganda, ishlab chiqarish xarajatlari auditorlik tekshiruvi xo'jalik yurituvchi sub'ektlarda samaradorlikni oshirish, ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytirib daromadlarni ko'paytirishga xizmat qiladi.

QURILISH TASHKILOTLARIDA AUDITNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

E. T. Tulovov,
TDIU, assistent

Qurilish auditi sanoat auditi deb ataladi. Qurilish sohasini tartibga soluvchi me'yoriy – huquqiy bazani doimiy ravishda takomillashtirish, bu turdagi auditni tashkil etish va usullarini ishlab chiqish zarurligiga olib keladi.

Qurilish faoliyati nafaqat yangi qurilishni amalga oshirish, balki rekonstruksiya qilish, tiklash, kapital ta'mirlash, shaharsozlik ob'ektlarini buyurtma qilish, korxonalarni kengaytirish va texnik qayta jihozlashdir.

Shunday qilib, qurilish korxonalari yordamchi va yordamchi xo'jaliklarni o'z ichiga olishi mumkin, masalan, qurilish materiallari va konstruksiyalari ishlab chiqarish ustaxonasi, shag'al koni va boshqalar.

Qurilish materiallarini ishlab chiqarish va ularni tashqariga sotish ishlab chiqarish faoliyatidir. Katta qurilish korxonalarining asosiy faoliyatida ishlab chiqarishning ikki turi – qurilish va sanoatning birlashishi buxgalteriya hisobining muhim xususiyati va shunga mos ravishda qurilishda audit.

Qurilish faoliyati auditini tashkil etish, boshqarish va amalga oshirish tizimi sifatida ko'rib, bunday tizimning tarkibiy elementlariga e'tibor qaratish lozim. Bunga quyidagilar kiradi: auditorlik tashkilotining ob'ektlari; auditni tashkil etish sub'ektlari; axborot ta'minoti, auditni tashkil etish bosqichlari.

Uy –joy va fuqarolik, kommunal, sanoat va boshqa maqsadlar uchun uylar va inshootlar qurilishining barcha jarayonlari (bosqichlari) qurilish faoliyati auditini tashkil etish ob'ekti hisoblanadi.

Qurilish faoliyati auditini tashkil etish sub'ektlari:

- auditorlik tashkilotlari, auditorlar;
- qurilish tashkilotlarining ichki auditorlari (nazoratchilari, auditorlari);
- shaharsozlik hujjatlari, uylar va inshootlarni qurish, rekonstruksiya qilish, qayta tiklash, kapital ta'mirlash, obodonlashtirish va ko'kalamzorlashtirish ob'ektlarining loyiha hujjatlarini tayyorlash va ishlab chiqishda ishtirok etadigan shaxslar;
- loyihalar va ob'ektlar qurilishi buyurtmachilari (shu jumladan byudjet mablag'lari hisobidan);
- loyihalash va qurilish ishlari uchun pudratchilar;
- qurilish materiallari, buyumlari va konstruksiyalari ishlab chiqaruvchilari;

- qurilish ob'ektlarining egalari va foydalanuvchilari;
- qurilish sohasida o'z vakolatlarini amalga oshiruvchi organlar.

Auditorlik ma'lumotlarini qo'llab – quvvatlash deganda auditorlik jarayonining turli bosqichlarida shakllanadigan va foydalaniladigan ma'lum tartibli ma'lumotlar to'plami tushuniladi. Auditni axborot bilan ta'minlashning asosi – tekshirilayotgan ob'ektning ishlab chiqarish, moliyaviy – xo'jalik faoliyatini tavsiflovchi iqtisodiy ma'lumotlar.

Qurilish tashkilotlarini tekshirishda auditor uchun eng muhim ma'lumot bu buxgalteriya hujjatlari, buxgalteriya registrlari, moliyaviy hisobotlar, ichki hisob va nazorat ma'lumotlari. Bundan tashqari, auditorlar tashqi manbalardan: yetkazib beruvchilar, xaridorlar, bank muassasalari, fondlar, soliq organlari ma'lumotlaridan foydalanadilar.

Qonuniy tekshiruvdan o'tadigan moliyaviy hisobotlardan farqli o'laroq, soliq hisobotlarining sifati kafolatlanmaydi, chunki soliqlar to'g'risida ma'lumot tayyorlashda tashkilot rahbariyati sertifikatlash uchun auditorlarga murojaat qilishga majbur emas. Biroq, mahalliy amaliyotda soliq hisoboti auditining bir qator tashkiliy – uslubiy masalalari haligacha hal qilinmagan; soliq hisoboti auditining mohiyati, uning maqsadi, vazifalari, o'tkazish tamoyillari, baholash mezonlari maydoni aniqlanmagan. Shuningdek, soliq hisobotlarini tekshirishga yondashuvlarda bir xillik yo'q, rejalashtirish bosqichining tavsifi yo'q, soliqlar va yig'imlar hisobi auditi buxgalteriya (moliyaviy) hisobotlari auditi nuqtai nazaridan ko'rib chiqiladi. Ko'pgina mualliflarning asarlarida keltirilgan usullar protseduralar to'plami emas, balki buxgalteriya hisobi ob'ektiga yoki yakka tartibdagi xo'jalik operatsiyalariga bog'liq ayrim harakatlar ro'yxati.

Qurilish tashkilotlarida yuqori sifatli soliq tekshiruvi o'tkazilishi uchun tekshirilayotgan xo'jalik yurituvchi sub'ekt faoliyatining o'ziga xos xususiyatlarini, shuningdek soliqqa tortishning o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda tegishli axborot ta'minoti zarur.

Buxgalteriya hisobini samarali tashkil etish hozirgi vaqtda ko'plab qurilish tashkilotlari uchun dolzarb muammoga aylanmoqda, bu esa tezkor hal etishni talab qiladi. Kapital qurilish xarajatlarini rejalashtirish, aniq hisobga olish va nazorat qilish zarurati, qurilish tashkilotlarining faoliyati shaffof bo'lishi kerakligini tushunish, tegishli qarorlar qabul qilish uchun tezkor va ishonchli ma'lumotlarni olish imkonini beradigan tizimga bo'lgan talablarni oshiradi. Bunday ma'lumotga bo'lgan ehtiyoj, ayniqsa, kapital qurilishni moliyalashtiruvchi investitsiya faoliyati sub'ektlari uchun juda dolzarbdir. Ushbu muammoni hal qilishda yordam berish uchun qurilish tashkilotlari tobora ko'proq auditorlik kompaniyalariga murojaat qilmoqdalar.

Soliq tekshiruvi jarayonida soliq hisobotlarida mavjud bo'lgan ma'lumotlar tekshiriladi va tahlil qilinadi, buxgalteriya hisobi va hisobotining sintetik va analitik daftarchalari ma'lumotlari bilan taqqoslanadi. Auditorlik tekshiruvi doirasida auditor xarajatlar, yetkazib beruvchilar va xaridorlar bilan hisob – kitoblar va moliyaviy natijalarni tekshirishda soliqlar haqidagi ma'lumotlarning bir qismini oladi. Soliq hisobi tizimini tahlil qilishda auditor soliq solinadigan bazalarni aniqlashning to'g'riligini va soliq hisobotlarini tayyorlashni, to'lanishi lozim bo'lgan soliq summalarini hisob – kitoblarning to'g'riligini o'rnatishi kerak. Buning uchun barcha zarur birlamchi hujjatlar, turli moliyaviy – xo'jalik operatsiyalari bo'yicha shartnomalar mavjudligini, shuningdek hisob – kitoblarda ko'rsatilgan ma'lumotlarning buxgalteriya hisobi ma'lumotlariga muvofiqligini tekshirish va moliyaviy va xo'jalik faoliyatining muvofiqligini tasdiqlash zarur. amaldagi soliq qonunchiligi bilan operatsiyalar.

Audit jarayonida axborot jarayonlarini shakllantirishning asosiy bosqichlari quyidagilarni o'z ichiga oladi.

- dastlabki ma'lumotlarni olish va to'plash;
- hosil qilingan ma'lumotlarni qayta ishlash;
- olingan natija ma'lumotidan foydalanish.

Bundan tashqari, buxgalteriya hisobi va auditining axborot jarayonlari o'zaro bog'liqdir. Auditorlik axborot jarayoni iloji boricha mijozning ma'lumotlarini avtomatlashtirilgan qayta ishlashda ishlab chiqilgan buxgalteriya ma'lumotlarini o'z ichiga olishi kerak.

Shuningdek, auditorlik axborot jarayonini oqilona tashkil etish uchun mijoz tashkilotidagi boshqa axborot quyi tizimlari va tizimlari bilan o'zaro aloqani ta'minlash kerak, va audit metodologiyasini ishlab chiquvchi uni rasmiylashtirish zarurligini hisobga olishi kerak, zamonaviy axborot texnologiyalarining talablari.

Ushbu yondashuvning afzalliklari shundaki, nazariy audit modellari matematik nazariyaning qat'iy tasdiqlangan va juda yaxshi sinovdan o'tgan vositalari yordamida tasvirlanishi mumkin.

Tadqiqotlar natijalariga asoslanib va soliq tekshiruvi moliyaviy hisobot auditining bir qismi ekanligini tasdiqlagan holda, qurilish kompaniyalarining moliyaviy hisobotining buzilishlarga ko'proq moyil bo'lgan maxsus elementlari soliq majburiyatlari ekanligini hisobga olish kerak.

Shu munosabat bilan, qurilish tashkilotlarining soliq majburiyatlariga xos xususiyatlarni aniqlash vazifasi (moliyaviy hisobot elementlari sifatida):

- moliyaviy hisobot standartlarida nazarda tutilgan soliq majburiyatlarini oshkor qilish;
- qurilish uchun soliq majburiyatlarini hisoblash.

Soliq majburiyatlari – bu soliq to'lovchining byudjetga soliq va yig'imgar bo'yicha qarzdorligi. Xalqaro moliyaviy hisobot standartlari (IFRS) va AQSh GAAPga muvofiq kreditorlik qarzlari qanday aniqlanishi ko'rib chiqilishi kerak.

IFRS va AQSh GAAP moliyaviy hisobotining elementlari

| Hisobot sarlavhasi | Elementlarning nomi moliyaviy hisobotlar | Moliyaviy hisobot elementlari |
|--|---|---|
| Balans | Aktivlar. Majburiyatlar. O'z mablag'lari | Aktivlar. Majburiyatlar. Kapital |
| Foyda va zarar haqida hisobot | Daromad. Xarajatlar. Yo'qotishlar | Daromad. Xarajatlar. Daromadlar |
| O'zgarishlar to'g'risidagi hisobot. Xususiy kapital | O'z mablag'laridagi o'zgarishlar. Egalari tomonidan investitsiyalar. Egalari tomonidan tarqatish | To'liq daromad. Egalari tomonidan investitsiyalar. Egalariga tarqatish |

Soliqlar va yig'imgar to'g'risidagi qonun hujjatlari ta'siridan kelib chiqadigan soliq majburiyatlari buxgalteriya hisobi va moliyaviy hisobotlarda kreditorlik qarzi sifatida aks ettiriladi. To'lov majburiyati kech bajarilgan taqdirda ular to'planib qoladilar.

Hisobot davrida aktivlarning chiqib ketishi yoki qiymatining pasayishi ko'rinishidagi iqtisodiy foydaning kamayishi, o'z mablag'larini kamaytiradigan majburiyatlarning paydo bo'lishi, ishtirokchilarga taqsimot bundan mustasno, IFRS va AQSh GAAP standartlariga muvofiq xarajatlar sifatida tan olinadi. Shu sababli, soliq majburiyatlari buxgalteriya balansining bir moddasi sifatida tan olinishi bilan bir vaqtda, hisoblangan soliq majburiyati miqdoridagi xarajatlar daromadlar to'g'risidagi hisobotning moddasi sifatida tan olinadi.

Ortiqcha to'langan taqdirda, ya'ni soliq majburiyatlaridan oshgan miqdorda soliq va yig'imgar to'langan taqdirda, soliq to'lovchining qisqa muddatli aktivi – byudjet debitorlik qarzi bo'ladi. Shunday qilib, majburiyat tushunchasi, shu jumladan soliq majburiyati, aktiv tushunchasi bilan bevosita bog'liqdir.

IFRS va AQSh GAAP standartlariga muvofiq tuzilgan qurilish kompaniyasining moliyaviy hisobotida audit ob'ekti sifatida soliq majburiyatlarining eksklyuzivligi nafaqat joriy, balki kechiktirilgan soliq aktivlari va majburiyatlarini ham oshkor qilish talablari hisoblanadi. Shunga ko'ra, IFRS va AQSh GAAP standartlariga muvofiq tayyorlangan moliyaviy hisobotlarda kechiktirilgan soliq aktivlari va majburiyatlarini oshkor qilish bosqichida o'ziga xos xavf, nazorat qilish xavfi va aniqlanmaslik xavfi yuqori bo'ladi.

Yangi O'zbekistonda moliya-bank, byudjet-soliq, buxgalteriya hisobi va audit sohalari yanada rivojlantirishning dolzarb masalalari

5 YO'NALISH

**YANGI O'ZBEKISTONDA
STATISTIKA NAZARIYASI VA
AMALIYOTINI YANADA
RIVOJLANTIRISH
ISTIQBOLLARI**



THE ROLE AND IMPACT OF ENTERPRISES, PRODUCTION ORGANIZATIONS AND TAXES IN THE DEVELOPMENT OF THE ECONOMY BUDGET IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

M. B Kalonov,
TSUE, Vice Rector,
Doctor of Economic Sciences,
Professor

In 2021 year Uzbekistan has had big development in economy. Recent indicators suggest Uzbekistan already made progress in Trade foreign exchange liberalization which took place 2020–2021 and the authorities have gradually improved domestic finance by rising interest rates on and removing policy loans from banks' balance sheets. Besides that, COVID19 influenced on not only economy, but also policy responses. The pandemic hit the economy hard in the first half of 2020, inflicting considerable hardship , but the recessions was moderated by strong and timely containment and support measures. Nonetheless, the pandemic temporarily halted progress income convergence and vulnerabilities have increased.

Family businesses, economic development, employment and are an important factor in increasing income. In recent years, a number of measures have been taken in our country to attract the population to entrepreneurship, support family entrepreneurship, and provide comprehensive assistance to young people in the implementation of business ideas.

Economy is one of the main aspects of every country. In Uzbekistan there are plethora of facilities are available for production organization, young entrepreneurs to start their own businesses. On this goal in February 2017, President Shavkat Mirziyoyev approved the “ Action strategy for the five priority areas of Uzbekistan during 2017–2021”. According to that new stage of reforms in all spheres of life, peculiarly in developing and liberalizing the economy, began. The first step was the presidential decree on “On the liberalization of foreign exchange policy” which allowed legal entities and individuals to freely convert currency.. At present stage of reforms, much attention is paid to integration into the world economy in collaboration with International Cooperation by investing money inputs. For example Uzbekistan been implementing more than 2.5 billions \$ 30 major investment projects since 2003 in collaboration with Islamic Development Bank. These include the construction of schools, affordable housing, roads, electricity and drinking water, and the

modernization of health care facilities On the following International Monetary Fund, formed in Washington D.C., researched the economic changes of the Republic of Uzbekistan between the years 2018–2022:

According to tax payment regimes, agricultural enterprises are divided into enterprises operating in general and comprehensively concluded tax regimenation.In accordance with the documents of the country, the documents of tax legislation, agricultural enterprises producing agricultural products and their rehabilitation, their reputation is the only one.

| | 2018 | 2019 | 2020–2022 | | |
|--|-------|-------|------------------|-------|-------|
| | | | Est. | Proj. | Proj. |
| National income 1/ | | | | | |
| Real GDP growth (percent change) | 5.4 | 5.8 | 1.6 | 5.0 | 5.3 |
| GDP per capita (in U.S. dollars) | 1,543 | 1,736 | 1,702 | 1,780 | 1,922 |
| Population (in millions) | 32.7 | 33.3 | 33.9 | 34.4 | 35.0 |
| Prices | | | (Percent change) | | |
| Consumer price inflation (eop) | 14.3 | 15.2 | 11.1 | 9.8 | 10.6 |
| GDP deflator | 27.5 | 18.6 | 11.9 | 9.8 | 11.5 |
| External sector | | | (Percent of GDP) | | |
| Current account balance | -7.1 | -5.8 | -5.4 | -6.4 | -5.9 |
| External debt | 34.3 | 43.9 | 58.4 | 62.3 | 63.8 |
| | | | (Level) | | |
| Exchange rate (in sums per U.S. dollar; eop) | 8,340 | 9,516 | 10,477 | ... | ... |
| Real effective exchange rate (ave, 2015=100, decline = depreciation) | 60.6 | 64.5 | 64.6 | ... | ... |
| Government finance | | | (Percent of GDP) | | |
| Budget revenues | 28.7 | 28.7 | 27.6 | 27.6 | 27.7 |
| Budget expenditures | 30.8 | 32.6 | 32.0 | 33.1 | 31.6 |
| Budget balance | -2.1 | -3.9 | -4.4 | -5.5 | -4.0 |
| Consolidated revenues 1/ | 27.8 | 28.1 | 26.6 | 26.6 | 27.0 |
| Consolidated expenditures 1/ | 26.0 | 28.3 | 29.9 | 30.1 | 29.8 |
| Consolidated fiscal balance | 1.7 | -0.3 | -3.3 | -3.5 | -2.8 |
| Policy-based lending | 3.9 | 3.7 | 1.2 | 2.0 | 1.2 |
| Overall fiscal balance | -2.1 | -3.9 | -4.4 | -5.5 | -4.0 |
| Public debt | 20.3 | 29.3 | 37.8 | 42.1 | 44.2 |
| Money and credit | | | (Percent change) | | |
| Reserve money | -1.9 | 17.8 | 15.4 | 10.0 | 12.1 |
| Broad money | 13.2 | 13.8 | 17.9 | 15.7 | 17.2 |
| Credit to the economy | 51.3 | 23.8 | 34.4 | 19.7 | 17.6 |

Fig1. Uzbekistan: selected Economic Indicators, 2018–22

Sources: Country authorities; and IMF staff estimates.

The incomes and outcomes of the country budget of The Republic in comparative diagrams:




Fig 2. Structure of the state budget expenditures, forecast, for 2021, billion UZS

In Uzbekistan, the Personal Income Tax Rate is a tax collected from individuals and is imposed on different sources of income like labor, pensions, interest and

dividends. The benchmark we use refers to the Top Marginal Tax Rate for individuals. Revenues from the Personal Income Tax Rate are an important source of income for the government of Uzbekistan.

Forecast of the state budget revenues for 2021:

The share of indirect taxes, which provide 42.4 percent of Y's income, is increasing.




Fig 3. The total budget revenues in 2021 as part of state budget revenues

Profit tax Value added tax Property tax Turnover tax Excise tax Land tax Income taxes taken from individuals Customs duty Taxes for using the depth of the Earth taxes using for water recourses Others.

There is a single tax system in the territory of the Republic of Uzbekistan. Only the OIY of the Republic of Uzbekistan is the right to introduce taxes. Taxes, fees, duties, levied on legal entities and other obligatory payments and other obligatory principles, methods, the sum of tax control is the tax system.

It should be said that the dynamic growth of the Uzbek economy, which has been observed in recent years, as well as the economies of other countries, was slowed down by the COVID 19 pandemic, but this year it is actively recovering. GDP in the first three months of 2021 increased by 3%. The World Bank predicts that economic growth in Uzbekistan in 2021 and 2022 will reach 4.8% and 5.5%, respectively and the EBRD – 5.6% in 2021 and 6% in 2022. The ongoing economic reforms are already producing a tangible positive effect, which will only intensify in the context of the post-pandemic recovery growth of the world economy. The main development factor is reforms. It is unlikely that a country that is marking time in one place will develop. If you have taken a certain line and set a specific goal, you should only walk confidently. Uzbekistan has been following this path for the fifth year already. Does not hesitate, does not stop, does not back away. Therefore, domestic and foreign policies have changed radically.

The high attention paid to the development of education by our state, the significant investments made have borne fruit, and the national pride and patriotism of our youth is growing. All this is being done under the motto "Let's live freely and abundantly in the new Uzbekistan!"

Reference

1. Sharipov.KA (2021) "Confidence and perseverance are the guarantee of development". September 16 № 37 (762).
2. Kalonov M.B., Mahkamboyev A.T. & Temirov F.T. (2021), Features of Accounting in other industries. – "Sano Standard"//Архив научных исследований.–2021.–№ 19. 98–100p
3. Kalonov M.B "Fifth Spring of Development, or What Can You Learn from Malaysia?" Газета "Народное Слово" от 4 августа 2021 года, №161 (7910)
4. Kalonov M.B & Khakimov F,(2021) The role of taxes in the formation of the state budget of the Republic of Uzbekistan. June 2–T.: TSUE. 207–211.
5. The Constitution of the Republic of Uzbekistan, article 123, 28p. T.: 2020
6. <https://www.eureporter.com> Development of the economy of Uzbekistan in the first half of 2021, published on July 27, 2021, by Guest contributor
7. <https://review.uz> Uzbekistan's economy in independent development, article by the director of Center for Economic research and Reforms Dr. Obid Khakimov.

РАҚАМЛАШГАН ИҚТИСОДИЁТДА МЕХНАТ БОЗОРИНИНГ СТАТИСТИК МАСАЛАЛАРИ

**А. Абдувоҳидов,
ТДИУ, и.ф.д., проф.
М. Маҳаммадиев,
ТМИ**

Ҳозирги иқтисодий ривожланиш шароитларида меҳнат бозорини тартибга солиш механизми фаолият юритишининг объектив қонуниятларида хўжалик ва жамият ҳаётини рақамлаштирилиши билан боғлиқ жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши шароитида миллий иқтисодиётда меҳнат бозори меҳнат ва иш ўринларини тақсимлаш механизми сифатида нафақат талаб ва таклифнинг умумий назарияси доирасида, балки жамиятнинг иқтисодий ресурсларини иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишлари ва соҳалари тизимида қайта тақсимлаш нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Ҳозирги вақтда турли таркибий таснифдаги катта ҳажмдаги кўп турдаги маълумотларга ишлов беришнинг ўзига хос соҳаси сифатида қараладиган, ахборот ва рақамли технологиялар қўлланиладиган саноат ҳамда хўжалик ижтимоий фаолият объектлари шундай йўналиш ва соҳалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъбири билан айтганда “Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади”¹⁶².

Шундай экан, иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида назарий ва методологик нуқтаи-назардан меҳнат бозорини ўрганиш меҳнат бозорларининг классик моделини ўрганиш усуллари ҳамда концептуал қоидаларига мувофиқ амалга оширишни тақозо этади. Аммо, иқтисодий муносабатларда ахборот ресурсларининг ўзига хос хусусиятларини намоён бўлиши шартларига қатъий риоя қилиниши керак, чунки бу намоён бўлиш меҳнат бозори фаолиятида ўзига хос таъсирга эга. Бу борада меҳнат бозори бир вақтнинг ўзиде меҳнат ва иш ўринларини тақсимлаш механизми ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ахборот ресурслари ва умумфойдаланиш сифатидаги миллий ахборот ресурсларидан, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий, хусусан, макроиқтисодий жараёнларни институционал муносабатларни давлат томонидан тартибга солиш соҳасида ҳам самарали фойдаланиш механизми сифатида қаралганда меҳнат бозорини бундай талқин қилиш асоси бўлиб хизмат қилади.

Рақамли иқтисодиётнинг бандлик ва ишсизлик даражасига таъсир кўламини тасаввур қилиш учун, “Рақамли иқтисодиёт тўғрисидаги ҳисобот–2019: Қиймат яратиш ва фойда олиш: ривожланаётган мамлакатлар учун оқибатлари” номли БМТ ҳисоботидаги (БМТ, 2020) маълумотларни келтириш мумкин. Ҳисоботда “Рақамли иқтисодиёт амалий жиҳатдан деярли барча йўналишдаги

¹ <https://uz.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-25-01-2020.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси>.

машинада ўқилиши мумкин бўлган жуда катта миқдордаги ахборотларни (рақамли маълумотлар) тўплаш, фойдаланиш ва таҳлил қилиш хусусиятига эга эканлиги туфайли шиддат билан ривожланишда давом этади” деб таъкидланади. Бундай рақамли маълумотлар турли рақамли платформаларда жисмоний шахслар, ижтимоий гуруҳлар ёки корхоналар фаоллиги натижасида қоладиган “рақамли излар” таҳлил қилиш асосида тўпланади. Маълумотларга асосланган иқтисодиёт ривожланишининг дастлабки босқичида бўлишига қарамай маълумотлар оқимининг кўлами тўғрисида қиёсий тасаввур қилишга имкон берадиган глобал Интернет протоколининг (IP) трафик ҳажми 1992 йилда кунига 100 Гбга эга бўлган бўлса, 2017 йилга келиб секундига 45000 Гб дан ортиб кетди. Прогнозларга кўра, 2022 йилга келиб глобал IP–трафик ҳажми секундига 150,700 Гб га етади, бу Интернетда янги фойдаланувчиларнинг кўпайиши ва буюмлар Интернетининг кенгайиши натижасида юзага келади.” –деб таъкидланади Ҳисоботдан келтирилган “Бундай рақамли маълумотлар, шахслар, ижтимоий гуруҳлар ёки корхоналар фаоллиги натижасида турли рақамли платформаларда қоладиган “рақамли излар” таҳлили асосида тўпланади” деган жумлага алоҳида эътибор қаратиш жойиз, бу жумла меҳнат бозори фаолиятидаги ўзгаришлар ва уларни баҳолаш усуллари билан боғлиқ муаммоларнинг жиддийлигини кўрсатиб беради, чунки “шахслар, ижтимоий гуруҳлар ёки корхоналар” нинг фаоллиги меҳнат бозоридан ташқарида амалга оширилиши мумкин эмас.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида меҳнат бозори ишлашининг статистик баҳолаш мезонлари тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бу бозорини тадқиқ қилишнинг асосий концептуал муаммоларидан бири ҳисобланади.

Меҳнат бозорини ишчи кучи ва иш жойларини тармоқлар ва фаолият турлари ўртасида тақсимлаш механизми сифатида классик талқин қилишдан фарқли ўлароқ, рақамли иқтисодиётда бу механизм рақамли технологиялар (РТ) ва ахборот–коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасида узлуксиз таълим тизимининг ривожлантириш хусусиятларини белгилайдиган рақамли иқтисодиёт элементларининг шакллантириш ва ривожлантириш махсус омилларини эътиборга олиши керак. Иккинчи талқин, шубҳасиз, РТ соҳаси ишчиларига талабни шакллантириш ва АКТ соҳаси учун кадрлар етказиб бериш билан бевосита боғлиқ бўлади.

Миллий иқтисодиётдаги барча ялпи талаб ва ишчи кучи таклифи тўплами доирасида РТ соҳасидаги ишчи кучига талабнинг ва АКТ соҳаси учун ишчи кучи таклифи ҳажми ва таркиби бўйича ташкилий–иқтисодий маълумотлар комплексидан фойдаланишга имкон берувчи тегишли ахборот таъминоти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш муҳимдир. Саволнинг бундай кўйилиши рақамли иқтисодиётда меҳнат бозори фаолиятининг самарадорлигини статистик баҳолаш мезонлари меҳнат бозори фаолиятининг классик моделлари учун қўлланиладиган баҳолаш мезонларидан фарқ қилиши билан боғлиқ.

Ахборот–коммуникация технологиялари (АКТ) ва рақамли платформалар (РТ) нинг иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кенг қўлланилиши билан боғлиқ бўлган товар ва хизматларни ишлаб чиқаришнинг янги усуллари жорий этилиши янги тармоқларни яратишда рағбат бўлиб хизмат қилади, чунки инсон қобилиятлари ривожланиб бораверади, одатдаги иш ва бизнес, тадқиқот ва ижодий фаолият билан шугулланади. Ҳар бир инсон ўз маҳоратини ошириши ва янада қизиқарли, яхши ҳақ тўланадиган иш топиши

мумкин. Бу ерда, рақамлаштириш шароитида тирик ва моддийлаштирилган меҳнат ресурсларидан фойдаланишга нисбатан иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни рақамли иқтисодиётнинг меҳнат бозорига таъсирининг ижобий ва салбий томонларини таъкидлаш ўринлидир.

Ўзбекистон Республикасида ахборот коммуникация технологиялари асосида миллий рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш, “Электрон ҳукумат” тизимини тубдан такомиллаштириш ва иқтисодиёт тармоқларига тадбиқ этиш ва замонавий интернет технологияларни турларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Охириги 9 йил ичида мазкур ишлар самарадорлигини ошириш ва истиқболда соҳани ривожлантириш комплекс дастурига мувофиқ ахборот коммуникация технологияларининг мамлакат ЯИИМдаги улуши ижобий томонга ўсган.

Замонавий рақамли иқтисодиётни шакллантириш даврида меҳнат бозори бўйича ахборотга эга бўлиш жуда муҳим ҳисобланади. Чунки иқтисодиётда фаолият юритаётган фирмалар, корхоналар, корпорациялар, банклар фаолиятидаги самарали бандликни таъминлаш улар учун малакали ишчи кучини етказиш замон талабларидандир. Шундай экан, меҳнат бозори инфратузилмаси шаклланиши ва ривожланишининг муҳим шарт–шароити, воситаси бўлиб, унинг субъектлари ўртасидаги алоқаларни таъминловчи меҳнат бозори ахборот тизимини шакллантиришдан иборатдир. Меҳнат бозорида ахборот тизимини такомиллаштириш ҳудудий иш билан бандлик хизмати органлари ўртасида ягона иш билан бандлик сиёсатини юритиш, улар ўртасида ахборот коммуникация алоқаларини йўлга қўйиш трансакцион харажатларни қисқартириш имкониятларини беради.

Иқтисодиётни рақамлаштирилиши натижасида таркибий ишсизликнинг ўсиши фақат қисқа муддатли давр учун хос бўлади. Узоқ муддатли даврда камёб касблардаги меҳнатга тўланаётган катта маош янги мутахассисликни эгаллашга бўлаётган интилишни рағбатланиб боради. Масалан, ҳозирги кунда блокчейн–тармоқда мутахассисларга дефицит мавжуд бўлиб, бир ходимга 8–10 тагача бўш иш ўрни тўғри келиши мумкин. Бу тармоқда энг кам иш ҳақи тўланадиган лавозим дунё бўйича 3 минг АҚШ долларидан бошланади, бу эса инсонларга янги билимларга эга бўлишга интилишига рағбатлантирувчи омил ҳисобланади.

Демак, корхоналарнинг самарасизлиги сабабли, иқтисодий фаолият ва ижтимоий ҳаётни рақамлаштириш технология ва воситалари мажмуасини кенг жорий этиш асосида ишни қайта ташкил эта олмайдиган иш ўринларини йўқотиш rischi билан боғлиқ бўлган меҳнат ва бандлик соҳасидаги кескинликлар кучайиши мумкин. Шунинг учун иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг барча тармоқларидаги корхона ва ташкилотларда ходимларни бошқариш сиёсатини тубдан қайта қуриш зарур бўлади.

Бизнинг фикримизча, рақамлаштириш жараёнларининг қисқа муддатли таркибий ишсизликка таъсирини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш, чунки узоқ ва ўрта муддатли истиқболда янги мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш тизимида мослашув юз беради, иш вақтидан фойдаланиш бўйича миллий устуворлик ва қадриятлардан келиб чиқиб бандликнинг ностандарт шакллари ривожлантириш асосида давлат тузилмалари томонидан ишсизликнинг ўсишини олдини олиш чоралари қўрилиши зарур.

WAYS OF DEVELOPMENT OF INNOVATIVE LOGISTICS IN UZBEKISTAN

Ya.K. Karrieva

TSUE, doctor of economic science, professor

Therefore, the use of innovative technologies in the field of logistics and transport is considered to be very important today. Innovation is not any innovation or novelty, but an innovation that significantly increases the efficiency of an existing system.

Technological innovation is the acquisition of a new or efficient production of an existing product, product and technique, new or improved technological process [3].

The procedures for reforming railway transport, providing for the application of fundamentally new approaches to corporate based on the innovative principle of using resources, are an important part of the development of the transport system.

The priority of this task is to intensify innovative activities in railway transport, taking into account the network characteristics, regional capabilities and resources of railway transport. In a market economy, innovation becomes a unique asset of the enterprise that requires a special approach. Conditions must be created for the normal life cycle of the innovation process in transport [5].

This requires an objective theoretical analysis of the essence and trends in the development of innovative activities, clarification of contradictions that negatively affect economic results and the speed of innovative transformations of railways, as well as a detailed assessment of the effectiveness of the innovation process as an activity aimed at achieving the strategic goals of the company [2].

The economy of the Republic of Uzbekistan is going through a difficult period, especially now in the context of a pandemic, and requires a way out of the current economic situation. One of the ways, as world experience shows, is to build innovative logistics, logistics systems and methods in logistics management. According to many scientists in the field of economics, the logistics system is ultimately considered a complex economic system, and the most important part of logistics activities is innovative logistics. Often, innovative logistics is one of the concepts of integration, globalization and internationalization. Innovative logistics goes the way of improving the level of logistics process management in connection with the use of various innovations aimed at improving the quality of customer service, increasing the efficiency of logistics processes and reducing various costs.

One of the components of innovative logistics is strategic logistics, which is primarily a science involved in the formation of logistics capacity in logistics process

management systems. We consider it important to note that the logistics of structures have many differences in many ways:

- builds a process of critical review and removal of specific constraints that put pressure on the organization;
- all transformations of innovative logistics apply to the entire management system;
- In the logistic process, all new divisions of the company pass into the degree of derivatives.

Table 1.

Classification of logistics innovations [2]

| № | Classification attribute | Types of logistics innovations |
|---|------------------------------|--|
| 1 | Logistics areas | <ul style="list-style-type: none"> - procurement activities - storage facilities - transport facilities - Allocation of resources in production - production processes - Inventory Management - sales activities |
| 2 | Group of goods movement | <ul style="list-style-type: none"> - functional logistics chains - micrologistic chains - macrologistic chains |
| 3 | Scale of application | <ul style="list-style-type: none"> - local industry - intersectoral - system-wide |
| 4 | Usage level | <ul style="list-style-type: none"> - operating - procedural - functional |
| 5 | Business process type | <ul style="list-style-type: none"> - technological - organizational - managerial |

The process of formation and functioning of market structures is associated with the choice of strategies. Market structures create a system for managing streaming processes in a mutual partnership. In the logistics process, a specific logistic potential of structures in various forms of ownership is formed, which contributes to the successful solution of logistics problems. We consider it expedient to assess the current state of logistics innovations and the development of logistics in general in the

economy of the Republic of Uzbekistan. In our country, the development of logistics is not proceeding at such a fast pace, as in the example, in the USA or in the West. And Western countries at that time directed all their efforts to modernize transport logistics, which, according to many foreign experts, turned out to be more effective, since in reducing the cost of logistics services, the main thing is the minimum storage time of products in warehouses and the process of loading and unloading [5].

In Uzbekistan, there is a need to develop logistic methods. The experience of other countries shows that the development of any innovations is primarily associated with a number of conditions, for example, with the level of technology development, with a good state of relations in the market and a favorable environment in the political environment.

In conclusion, it can be noted that the development of logistics in Uzbekistan has the following difficulties:

- instability in the economy;
- the lag of our economy from the level of the world economy;
- transport infrastructure does not fully meet international requirements;
- insufficient level of development of the production and technological base;
- the complexity of the development of industry in certain industries (production of containers, packaging);
- staffing problems in the field of logistics, etc.

References

- 1.Karrieva Y.K. Strategy of functioning of logistics companies in Uzbekistan. International journal SCOPUS of “Innovation and Technology” USA. Syracuse. 2019, July.
- 2.Trifilova A.A. Evaluation of the effectiveness of innovative development of the enterprise. Moscow: Finance and statistics. 2017. –p. 304.
things, the achievements of scientific and technical thought. The basis of innovation management in the enterprise is the formation of an appropriate organizational environment, employee initiative, the creation and promotion of adequate forms of innovation.

- Recognition of the social responsibility of management both to society as a whole and to the people working in the organization. An enterprise is, first of all, a social system, the efficiency of which depends on its main resource – a person. The task of the manager is to organize effective joint work, in the process of which each person is able to maximize his potential.

The implementation of these management principles requires a radical revision of the philosophy of business, changes in the psychology of workers (including managers themselves), and an increase in their qualifications. Despite this, an increasing number of enterprises are trying to move away from the previous intra-firm command-hierarchical relations and strengthen their position by better using the strengths of the staff. At the same time, the approaches to the formation of the development strategy of the enterprise and its goals, the construction of the structure of the organization and management, the process of developing and making management decisions, working with personnel and evaluating the effectiveness of the organization, its divisions and employees are changing. A modern (or new) organization can react to these dynamic changes, ever-changing technologies, and the uncertainty of the external environment. A modern approach to organization is a balanced combination of human values, a constant adaptation to organizational change and external change.

References

1. Lazăr, I, Ilies, L., Mortan, M., Veres, V., Lungescu, D., (2006). *Company management*, ClujNapoca: Risprint.
2. Nicolescu, O., (2007). *The SME management*, Bucharest: Economica
3. Glaister, K. W., & Dincer, O. et al, (2008). *A causal analysis of formal strategic planning and firm performance – Evidence from an emerging country*, Emerald, *Management Decision*, 46(3–4), 365–391.
4. Zich, K, (2010). *Koncepcie úspěchuschopnosti a její pojetí strategie*. *E+M Economics and Management*, 13(1), 60–73.
5. Criveanu, Maria and Iacob, Constanta, (2011). *Role of management control in small and medium enterprises performance assurance*. MPRA Paper No. 31159
6. Zokir Sodiqov, (2020). *The Role Of Small Business Within The National Economy* , " *The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 4, Article 18.*



ИНФЛЯЦИЯ – ПУЛ–КРЕДИТ СИЁСАТИГА БАҲО БЕРУВЧИ КЎРСАТКИЧ

*А.А. Набиходжаев,
ТДИУ, доценти, и.ф.н.,*

ИНФЛЯЦИЯ нима? Инфляция деганда пулнинг қадрсизланиши, товар ва хизматларга истеъмол нархларининг борган сари ошиб бориши тушунилади. Инфляция даражаси қанчалик юқори бўлса, аҳолининг турмуш даражаси шунчалик пасайиб боради, миллий валютанинг қадри бошқа хорижий валюталарга нисбатан камаяди.

Инфляция нима сабабдан пайдо булади? Унинг манбаалари нималардан иборат?

Инфляция келиб чиқишига асосий сабаб – бир сўз билан айтганда, кўп ҳолларда иқтисодиётдаги мавжуд пул ҳажми ўсиш суръатларининг ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръатларида юқори бўлишидир. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир маҳсулотга баҳо даражаси унга бўлган талаб ва таклиф асосида шаклланади. Мамлакатимизда аҳоли сони охириги йилларда 1,8–1,9 фоиздан кўпайишини ҳисобга олсак, аҳолининг турмуш даражасини пасайиб кетмаслиги ёки олдинги йилда эришилган даражада сақлаб қолиш учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми 1,8–1,9 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми камайиб кетса, биринчидан, аҳолининг турмуш даражаси пасаяди, иккинчидан, пул ва товарлар мувозанатини ҳисобга олсак, кам миқдорда ишлаб чиқарилган маҳсулотга кўпроқ пул массаси тўғри келади. Бу дегани, ҳар бир маҳсулот бирлигига олдинги даврга нисбатан кўпроқ миқдорда пул бирлиги тўғри келишини англатади. Бу эса баҳоларнинг ошиши деган гапдир.

Йиллик инфляция даражаси, миллий валютаимиз муомалага киритилган 1994 йилда тўрт хонали рақамни ташкил қилган бўлса (1281,4 фоиз, яъни гиперинфляция), 1996 йилда уч хонали рақамни (111,0 фоиз), 1997–2002 йилларда икки хонали рақамни (28,2– 27,6 фоиз) ва 2003–2016 йилларда бир хонали рақамни (3,7 – 6,8 фоиз) ташкил қилган. Охириги 2017–2020 йилларда инфляция даражасини ифодаловчи истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш услубиёти халқаро андозаларга мослаштирилиши ҳамда жаҳонда содир бўлаётган молиявий–иқтисодий инқироз ва пандемия сабабли инфляция даражаси яна икки хонали даражага кўтарилди (11,1–18,8 фоиз).

Мамлакатимизда инқирозга қарши кўрилаётган чора–тадбирлар натижасида 2021 йилнинг январь–июнь ойларида инфляция даражасини пасайтиришга эришилди (4,4 фоиз).

Шу даврда инфляция даражаси МДХ мамлакатлари орасида энг юқори Қирғизистон (7,3 фоиз), Украина (6,4 фоиз) ва Беларусда (5,8 фоиз) кузатилаган бўлса, энг паст даража Озарбайжон (3,6 фоиз), Арманистон (3,8 фоиз) ва Тожикистонда (3,7 фоиз) кузатилади, Россияда 4,2 фоизни, Қозоғистонда 4,6 фоизни ва Молдовада 3,9 фоизни ташкил қилди.

Ривожланган мамлакатларда агар йиллик инфляция даражаси 3 фоиздан ошиб кетса, бу ҳолат ушбу мамлакат иқтисодиётида, айниқса пул–кредит сиёсатида муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Баъзи мамлакатларда, хусусан, Янги Зеландияда агар йиллик инфляция даражаси кетма–кет уч йил давомида 3 фоиздан ошиб кетса, амалдаги қонунга биноан Марказий банк раиси ўз командаси билан истеъфога чиқарилади. Демак, пул–кредит муносабатларининг пировард натижаси бўлган инфляция даражасига жавоб берувчи ташкилот – Марказий банкдир.

Одатда, пул–кредит сиёсатидаги айрим камчиликлар инфляцияни камайитиришга имкон бермайди:

1. Банк тизимига ишончсизлик натижасида пул массаси таркибида нақд пул салмоғининг юқори (40 ва ундан юқори фоиз) бўлиши ва натижада пул айланиш тезлигининг ҳаддан ташқари ошиб кетиши ҳамда мамлакат иқтисодиётини монетизациялаш даражасининг тушиб кетиши.

2. Нақд ва нақд бўлмаган пуллар ўртасида жиддий тафовутлар мавжудлиги натижасида пулнинг банкдан ташқарига кўплаб чиқиб кетиши.

3. Корхона ва ташкилотларга тижорат банклари томонидан кредитлар ажратишда уларнинг иқтисодий–молиявий ҳолатини чуқур таҳлил қилинмаслиги натижасида кредитларнинг ўз муддатида қайтарилмаслиги.

Мамлакатимизда инфляция даражасини паст даражада сақлаб туриш учун (мақсадли кўрсаткич – 2023 йилда 5 фоизгача тушириш) иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш, тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга кредит ажратиш ишларининг сифатини янада ошириш, пул айланиш тезлигининг пасайиши, иқтисодиётнинг монетизациялаш даражасини оширишга қаратилган чора–тадбирлар амалга оширилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СТАТИСТИКА АМАЛИЁТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ СТАТИСТИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Б.Х. Маматкулов,
ТМИ, и.ф.н. доцент.

Фермер хўжаликлари эришаётган натижалар уларнинг аграр соҳада ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали шаклларида бири эканини тасдиқламоқда. Аммо, ўтган давр мобайнида орттирган тажрибамиз фермер хўжалиklarини жадал ривожлантириш учун бир қатор муҳим вазифаларни, жумладан, уларнинг молиявий барқарорлигини, рақобатбардошлигини ва иқтисодий самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни талаб этди. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси статистика амалиётида фермер хўжаликлари статистикасини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 11 августдаги “Расмий статистика тўғрисида” ги ЎРҚ–707–сонли Қонуни давлат статистикасини ташкил этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади, давлат статистикаси органларининг ваколатларини белгилайди ҳамда ягона статистика ахбороти тизими юритилиши учун норматив асос яратади 164.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Миллий Статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида” ПҚ–4796–сонли Қарорида «Қишлоқ хўжалиги статистикаси Давлат статистика кўмитаси томонидан корхоналар ва ташкилотларнинг статистик ҳисоботлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари, қишлоқ хўжалиги ва фермер хўжаликлари кузатувлари асосида ишлаб чиқарилади» 165 деб таъкидланганлиги беъжиз эмас.

Шу сабабли, фермер хўжалиklarини субъектларининг ривожланиш омилларини статистик усулларда баҳолаш, статистик кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқиш, ҳудудий иқтисодий ривожланиш стратегиялари статистик моделларини тузиш ва статистик прогнозлашнинг илмий–услубий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

164 Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида” ги ЎРҚ–707–сонли Қонуни. 2021 йил 11 август.

165 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий Статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида” ПҚ–4796–сонли Қарори. 2020 йил 3 август.

Бугунги кунда фермер хўжаликлари статистикасини глобаллашув ва объектив иқтисодий ностандарт ҳолатларда самарали ривожланиши йўналишида илмий–тадқиқотларга устувор даражада қаралмоқда. Шу нуқтаи–назардан, ҳукуватимиз томонидан қабул қилинган қонун ва қарорларда статистика тизимини мувофиқлаштириш, кузатув ўтказиш методологиясини такомиллаштириш, ностандарт иқтисодий шароитларда соҳани самарали ва узлуксиз фаолият олиб боришини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Фермер хўжаликлари статистикасининг ўрганиш объекти бўлиб, қишлоқ хўжалиги фаолиятида рўй берган ва бераётган оммавий ижтимоий–иқтисодий ҳодисалар ва жараёнлар ҳисобланади. Фермер хўжаликлари статистикаси фермер хўжалигининг умумий ҳолати ва ривожланиш даражасини уларнинг ерлари ва ундан фойдаланиш даражасини, экин майдонларининг ҳажми ва таркибини, экинларнинг ялпи ҳосили ва ҳосилдорлигини, қишлоқ хўжалиги ялпи ишлаб чиқаришини, чорва молларининг сонини, маҳсулоти ва маҳсулдорлигини, ишлаб чиқариш жараёнининг техника билан таъминланиш даражасини меҳнат ва моддий ресурслар билан таъминланиш даражасини, маҳсулот таннархи ва рентабеллигини ва бошқа шулар каби қишлоқ хўжалигида содир бўлган ҳодисалар ва жараёнларни ўзаро узвий боғлаган ҳолда ўрганади.

Миллий ҳисоблар тизими иқтисодиётга кириб келганга қадар, қишлоқ хўжалигининг асосий умумлаштирувчи қиймат кўрсаткичлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланган:

1. Ялпи маҳсулот;
2. Товар маҳсулоти;
3. Сотилган маҳсулот;
4. Яқуний маҳсулот;
5. Соф маҳсулот.

Ўзбекистон Республикаси статистикасининг халқаро ҳисоб ва статистика андозаларига ўтиши ҳамда статистика амалиётида миллий ҳисоблар тизимининг қўлланилиши муносабати билан қишлоқ хўжалиги статистикасининг қиймат кўрсаткичлари тизимида ҳам бир мунча ўзгаришлар содир бўлди.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги фаолиятини ифодаловчи қиймат кўрсаткичлари тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) Қишлоқ хўжалигининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажми;
- 2) Қишлоқ хўжалигининг сотилган маҳсулоти;
- 3) Қишлоқ хўжалигининг ялпи қўшилган қиймати;
- 4) Қишлоқ хўжалигининг соф қўшилган қиймати.

Ушбу кўрсаткичлар фермер хўжалиги маҳсулотлари статистикасининг ҳам умумлаштирувчи қиймат кўрсаткичлари ҳисобланади. Шу сабабли, уларни

статистик ўрганиш фермер хўжаликлари статистикасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Демак, фермер хўжаликлари статистикасининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

1) Фермер хўжалиги фаолиятининг қиймат кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини илмий асосда ишлаб чиқиш;

2) Фермер хўжалиги фаолияти бўйича ялпи ишлаб чиқариш ва сотилган маҳсулотлар ҳажми таркибини, таркибий тузилиши ва динамикасини ўрганиш;

3) Фермер хўжаликларининг ялпи ва соф қўшилган қиймат ҳажмлари таркибини, таркибий тузилишини ва динамикасини ўрганиш;

4) Фермер хўжалиги маҳсулотларининг жорий баҳолари таркибини ўрганиш;

5) Фермер хўжаликларида оралиқ истеъмол таркиби ва динамикасини ўрганиш;

6) Фермер хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш имониятларини аниқлаш.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликлари бўйича статистика маълумотларининг сифати ва ишончилигини ошириш борасида кенг қамровли чора–тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада фермер хўжаликлари фаолиятини акс эттирувчи статистик кўрсаткичлар тизими ва статистик ахборотлар базасини пировард натижаларни таъминлашга йўналтириш, статистика таҳлили оптимал вариантларини танлаш, ишлаб чиқаришни прогнозлаш шароитида статистик усул ва ёндашувларни аниқлик даражасини ошириш имконини берувчи ёндашувни такомиллаштириш каби йўналишларда илмий–тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

НИСБИЙ НАРХЛААР НИМА?

М. Умарова,

ТДИУ катта ўқитувчиси, и.ф.н.

А. Мўминов,

мустақил изланувчи

Ҳар бир мустақил мамлакат ўз миллий валютасига эга бўлиши ва мамлакат ички бозоридаги маҳсулот ва хизматларга нарх–наво шу валютада белгиланиши ҳаммага маълум.

Лекин бу нархларни турли мамлакатларда қай даражада эканлиги кишиларда катта қизиқиш уйғотади. Хўш, Тошкентдаги бир килограмм нон ёки гўшт нархини Токио, Нью–Йорк, Лондон ёки Париждаги шу маҳсулотларга бўлган нарх билан қандай солиштириш мумкин?

Юзаки қараганда бу нархларни бир хил валютага (масалан АҚШ долларига) келтириб ҳисобласак, таққослаш таъминлангандек туюлади.

1998–2021 йиллар давомида энг арзон нон нархи Тошкентда кузатилган (1 кг. Нархи 1998 йилда 0,41 АҚШ долл. ва 2021 йилда 0,32 АҚШ долл.), энг қиммат нарх эса Нью–Йоркда кузатилган (мос равишда 2,71 ва 7,84 АҚШ долл.) Ўтган 23 йил давомида Нью–Йоркда нон нархи 2,9 марта ошган бўлса, Тошкентда 22,0 фоизга пасайган. Тошкентда нон нархининг АҚШ долларига пасайишининг асосий сабаби: биринчидан, кўрилаётган даврда Ўзбекистон миллий валютаси сўмнинг АҚШ долларига нисбатан 80,69 сўм/\$ дан 10552,53 сўм/\$ гача қадрсизланиши ва, иккинчидан, нон нархининг давлат томонидан узоқ давр мобайнида бошқариб турилганлиги бўлган.

Мол гўшти нархи кўрилаётган даврда барча шаҳарларда ошган (Лондондаги 48,1% дан Париждаги 2,1 мартагача).

Сут нархи Парижда 9,5 фоизга пасайган бўлса, Нью–Йоркда 2,5 марта ошган, Тошкентда эса – 48,2% га ошган.

Шакар нархи (Лондондан ташқари) ва тухум нархи (Нью–Йоркдан ташқари барча кўрилаётган шаҳарларда пасайган.

Пиёз нархи Тошкент ва Лондонда пасайган, қолган учта шаҳарда эса– ошган.

Бензин нархи, Токиодан ташқари бошқа тўртта шаҳарда ошган. Электр энергия нархи эса Нью–Йорк ва Парижда пасайиб, қолган учта шаҳарда ошган.

Бироқ ҳар бир маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмол дастурхонидаги ўрни, меҳнат унумдорлиги, моддий харажатлар сарфи ва қолаверса иш ҳақи даражаси

каби кўрсаткичларга боғлиқдир. Ва бу кўрсаткичлар турли мамлакатларда турличадир. Шунинг учун, маҳсулот ва хизматларнинг мутлақ (абсолют) нархлари (бир хил валютага келтирилганда ҳам) бир мамлакатда иккинчисига нисбатан арзон ёки қиммат деган саволга жавоб бера олмайди.

Бу саволга нисбий баҳолар кўрсаткичи жавоб бериши кўпгина иқтисодчилар томонидан тан олинган. Бу мақсадда, мамлакат учун энг зарур бўлган маҳсулотлардан бири танлаб олинади ва унинг баҳоси 100 га тенглаштирилади. Бошқа барча маҳсулотларнинг баҳолари танлаб олинган маҳсулотга нисбатан нисбий нархини 100 га тенглаштириб олсак, қуйидаги нисбий баҳоларга эга бўламыз.

Тошкентдаги нон нархига нисбатан ҳисобланган нисбий нархлар ривожланган мамлакатлардаги нисбий нархларга нисбатан анча ошиб кетган.

1. Мол гўшти, сут, шакар, тухум, бензин ва электр энергияси бўйича Тошкентдаги нонга нисбатан нисбий нархлар таққосланаётган шаҳарлардаги нархлардан анча баланд бўлиб, фақатгина пиёз нарх бўйича Париждаги нисбий нархлардан арзонроқ.

2. Тошкент аҳолиси учун энг зарур бўлган нон маҳсулотининг нархи бошқа шаҳарлардаги нархларга нисбатан анча арзон. Бунинг асосий сабаби— давлат томонидан нонга белгиланган нархнинг узоқ давр мобайнида бошқарилиши ва бошқа товарларга эса нархларнинг талаб ва таклифга асосан бозорда эркин белгиланишидир.

3. Шакар маҳсулотининг нисбий нархи юқори бўлишига сабаб—шакар республикамизда етиштирилмайди ва асосан импорт қилинади. Лекин импортни жуда оз савдо ташкилотлари амалга оширмақдалар. Улар шакарга бўлган талабнинг ноэластик бўлишидан фойдаланиб, нархни сунъий ошириш ҳисобига монопол фойда олиш билан шугулланмоқдалар.

АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ ДИСТАНЦИОННОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ ДЛЯ ЖЕНЩИН В СЕЛЬСКИХ МЕСТНОСТЯХ УЗБЕКИСТАНА

**У. Камалетдинов,
ТГЭУ, старший преподаватель**

Демографическая ситуация в Узбекистане, сопровождаемая ростом численности постоянного населения, повышением уровня урбанизации и снижением среднего возраста населения, усиливают давление на рынок труда и оказывает существенное влияние на уровень бедности населения.

Так, «допандемический» уровень безработицы среди трудоспособного населения составлял 8,9%, среди женщин – 12,5%¹⁶⁶. При этом, в структуре занятости большая доля – 26,8% рабочих мест всё ещё приходится на сектор сельского, лесного и рыбного хозяйства, далее идут промышленность (13,4%), торговля (10,7%), строительстве (9,1%) и образование (8,5%). В 2020 году, из общего объема совокупного дохода населения доля доходов, полученных от малого предпринимательства, составила 58,0%¹⁶⁷.

Необходимо отметить, что во всех 11 странах–членах ЦАРЭС168, в том числе в Узбекистане, уровень экономической активности женщин ниже, чем в других странах. Так, за период 2012–2017 годов средний уровень экономической активности женщин в нашей стране составил примерно 48%, в то время как среди мужчин этот показатель составил 76%.

Женщины также сталкиваются с социальными и финансовыми трудностями при открытии и ведении бизнеса, включая ограниченный доступ к финансам, ограниченные деловые возможности, ослабленную поддержку из–за гендерных норм, конкурирующие требования неоплачиваемой работы по уходу, отсутствие гарантированного дохода и доступа к пособиям по социальной защите, и отсутствие сетей.

При этом, по оценкам экспертов, более активное участие женщин в рабочей силе может помочь увеличить валовой внутренний продукт мировой и национальной экономики до 60%. Кроме того, пандемия дала толчок к трансформации рынка труда, где для 90% будущих рабочих мест будут нужны цифровые навыки.

Масштабные реформы, проводимые в Узбекистане за последние годы, были направлены на повышение социальной активности женщин и укрепления их места в обществе, усиление гарантий защиты прав и интересов при осуществлении предпринимательской деятельности женщин.

В Узбекистане вопросы дальнейшего расширения участия женщин и молодежи в предпринимательской деятельности, их всемерная поддержка и

166 Устойчивая занятость в Узбекистане: состояние, проблемы и пути их решения. Т.: ПРООН, 2018. ISBN 978-9943-4579-7-3 © ПРООН, 2018 (www.uz.undp.org)

167 <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-goskomstata/7543-sovokupnyj-dokhod-naseleniya-yanvar-dekabr-2020-goda>

168 Гендерная оценка ЦАРЭС. Дополнительный документ к гендерной стратегии ЦАРЭС 2030. Азиатский банк развития. Январь 2021 г.

остаются приоритетом экономической политики государства¹⁶⁹. Был принят пакет законов, более двадцати решений Президента и правительства, которые основываются на Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах и направлены на улучшение условий труда женщин.

Однако, несмотря на принимаемые усилия, на местах сохраняется ряд системных проблем и недостатков, недостаточно эффективно организована работа по переподготовке женщин, особенно в сельских местностях, долгое время занятых уходом за ребенком, профессиям и навыкам, востребованным на рынке труда.

Имеется большая потребность в повышении финансовой, правовой и цифровой грамотности широких слоев населения, в целом, и школьного возраста, в частности.

Система среднего образования даёт возможности получения учениками начальных знаний об экономике и предпринимательстве. Так, в связи с введением 11-летнего образования¹⁷⁰, были пересмотрены учебные планы по 12 общим предметам для 10–11 классов и были внесены ряд изменений. Минобразования утверждена Программа «Основы предпринимательства»¹⁷¹ и одноименный учебник для 11-х классов школ общего среднего образования и средних специальных, профессиональных образовательных учебных учреждений. Учебник доступен на государственном, каракалпакском, русском, казахском, таджикском, киргизском и туркменском языках. Данный курс является логическим продолжением дисциплины «Основы экономических знаний»¹⁷², изучаемой учениками 9-х классов средних школ.

Среднее специальное профессиональное образование в области предпринимательства до 2019 года можно было получить в узкоспециализированных колледжах, расположенных практически во всех регионах страны. Срок обучения был установлен одинаково – три года. В настоящее время в Узбекистане проводится реформа системы среднего и средне-специального профессионального образования, в рамках которой, Национальные стандарты профессионального образования приводятся в соответствие с требованиями Международной стандартной классификации образования (МСКО) и международных квалификационных рамок.

Начиная с 2019/2020 учебного года прием в профессиональные колледжи осуществляется из числа выпускников 11-х классов общеобразовательных учреждений на добровольной основе, со сроком обучения от шести месяцев до двух лет.

169 Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на встрече с предпринимателями страны в формате открытого диалога. 20 августа 2021 г. <https://president.uz/ru/lists/view/4551>.

170 В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 25 января 2018 года «О мерах по кардинальному совершенствованию системы общего среднего, среднего специального и профессионального образования» обязательное общее среднее образование основано на 11-летнем непрерывном образовании.

171 Основы предпринимательства [Текст]: Учебник для 11-х классов школ общего среднего образования и средних специальных, профессиональных образовательных учебных учреждений / У. Гафуров, К. Шарипов. – Т.: ИПТД «Узбекистан», 2018. – 144 с.

172 Основы экономических знаний: Учебник для 9 класса средних общеобразовательных школ/Э.С.Сариков, Б.К.Хайдаров. — Т.: "Нуқуқ ва Ҷамият", 2019. — 160 с. ISBN 978-9943-5874-6-5.

В частности, на базе 340 колледжей страны, в том числе в 13–ти профильных по предпринимательству и сервису, а также 45–ти по экономике, созданы профессиональные школы, направленные на социальную поддержку выпускников 9 классов и осуществляющих подготовку кадров на уровне начального профессионального образования на основе образовательных программ, соответствующих третьему уровню МСКО – второй этап среднего образования¹⁷³.

Как показали результаты опроса среди женщин–предпринимателей¹⁷⁴, наличие и доступность различных акселераторских программ и программ инкубирования, а также услуг экспертов и менторов, юридических и консалтинговых фирм, способствуют оптимизации затрат времени и сил на развитие женского бизнеса на местах.

По мнению женщин, при ведении бизнеса, наиболее существенными являются проблемы, связанные с недостатком квалифицированных кадров (у 36% респондентов), недостатком информационной и консультационной поддержки (31%), а также доступом к технологиям производства и обучением предпринимателей (26%).

В числе *основных факторов, сдерживающих развитие* собственного дела у женщин, респонденты указали на нехватку знаний в сфере бизнеса (5,6 балла из 10), нехватку финансовых средств (5,3), а также значительную занятость семьей и домом (4,0)

Абсолютное большинство женщин (64%) считают доступность бизнес–образования на местах, в том числе дистанционного, низкой и надеются, что она повысится в будущем. Из опрошенных, 32% отметили высокую доступность такого образования, только 26% – по дистанционного. Самостоятельно и дистанционно, на основе интернет–курсов, повышают свою квалификацию лишь 11% женщин.

При этом, 51% *женщин хотели бы иметь наставника–предпринимателя* – женщину, для 28% – пол наставника не имеет значения. Только 20% – готовы обходиться без наставника.

На вопрос «Хотели бы Вы стать наставницей для начинающей женщине–предпринимателю?» 74% женщин ответили положительно. При этом, 48% женщин готовы работать бизнес–наставницей бесплатно, 26% – на платной основе. Несомненно, повсеместное внедрение *системы дистанционного предпринимательского образования* могло бы создать для школьниц явные преимущества, в том числе, появляется гибкость в подготовке предпринимательских кадров, доступ к массовому открытому онлайн–курсу (МООС), шанс получить доступ к передовому образованию от преподавателей

¹⁷³ Программы МСКО 3 или «второй этап среднего образования», как правило, рассчитаны на завершение среднего образования, дающего подготовку к третичному образованию или обучению навыкам, позволяющим найти работу, либо обеспечивающего и то и другое Институт Статистики ЮНЕСКО, Montreal, Canada, 2013. ISBN 978-92-9189-132-0 (С. 38).

¹⁷⁴ Опрос среди женщин–предпринимателей проводился при поддержке Проекта ПРООН «Содействие торговле», в рамках исследования, посвященного проблемам развития экосистемы женского предпринимательства в Узбекистане. В опросе приняли участие 90 женщин из всех 14 административно–территориальных единиц, представляющих все сектора экономики. Опросник состоял из 70 вопросов, женщинам–предпринимателям было предложено поделиться информацией в разрезе 8 разделов, способствующих раскрытию состояния экосистеме предпринимательства.

ведущих местных и зарубежных учебных заведений.

В стране в последние годы уделяется внимание онлайн-обучению в вузах, учреждениях послевузовского образования, переподготовки и повышения квалификации кадров, которым в 2018 году предоставлено право организовывать дистанционное обучение¹⁷⁵, была создана онлайн-платформа на базе Центра внедрения электронного образования (www.mt.edu.uz). Функционирует целый ряд частных платформ и сайтов.

Опыт и уроки, извлечённые из кризиса COVID-19, могут стать дополнительным стимулом для сотрудничества в области развития дистанционного образования и электронной торговли¹⁷⁶, что может существенно сократить цифровой разрыв и создать более комфортные условия для малого бизнеса.

Национальное интернет-пространство еще не содержит качественного контента на государственном языке для подготовки, переподготовки и повышения квалификации женщин-предпринимателей. Кроме того, отсутствуют единый стандарт обучения населения предпринимательской деятельности, правовые курсы, нет сертифицированных курсов по электронной коммерции, созданию интернет-магазинов. Сохраняется проблема низкого проникновения широкополосного доступа на местах к сети Интернет и дороговизна этой услуги для основной части населения.

Решением проблемы в данном направлении может стать разработка и запуск Интегрированной платформы дистанционного образования для школьников в сфере агро-бизнеса и электронной коммерции в национальном сегменте Интернет.

Цель создания платформы – повышение уровня финансовой, правовой и цифровой грамотности учениц 8–11 классов, укрепление и повышение их экономических знаний и языковых навыков, популяризация и направление к востребованным профессиям, выработка практических навыков в сфере агро-бизнеса и электронной коммерции.

Предлагаемая Платформа будет направлена на реализацию следующих задач:

1. Популяризация агро-бизнеса и электронной коммерции среди широких слоев населения, особенно среди школьников 8–11 классов, проживающих в сельских местностях в качестве профессий, которые позволят трудоустроиться выпускникам средних школ, с достойной оплатой труда;
2. Повышение и укрепление уровня финансовой, правовой и цифровой грамотности девочек 14–17 лет и старше;
3. Формирование практических бизнес-навыков у выпускниц средних школ, с уклоном на агро-бизнес и электронную коммерцию;
4. Развитие и укрепление знаний, выработка практических навыков учащихся в сфере ведения «умного сельского хозяйства» с использованием современных агротехнологий и ноу-хау;

¹⁷⁵ Постановление Президента Республики Узбекистан от 5 сентября 2018 г. № ПП-3930 «О дополнительных мерах по совершенствованию системы подготовки, переподготовки и повышения квалификации кадров в области корпоративного, проектного управления».

¹⁷⁶ https://www.wto.org/english//tr atop_e/covid19_e/ecommerce_report_e.pdf

5. Создание электронной платформы дистанционного обучения в сфере агро–бизнеса и электронной коммерции;
6. Создание и запуск торговой площадки по реализации продукции сельского хозяйства, а также сопутствующего сырья, материалов и техники;
7. Организация постоянного повышения квалификации и укрепление методического потенциала учителей, бизнес–тренеров, менторов, задействованных в реализации проекта;
8. Обучение и формирование «пулла» бизнес–консультанток в сфере агро–бизнеса и электронной коммерции, из числа молодых женщин в возрасте 18–25 лет;
9. Осуществление подготовительной работы и курсов для абитуриентов, желающих поступить в вузы в сфере агро–бизнеса и электронной коммерции.

Для целей реализации данного проекта предлагается создать самостоятельную некоммерческую организацию в виде негосударственного образовательного учреждения (НОУ), с участием, как вузов, так и потенциальных работодателей. Проектом же преследуется цель повышения эффективности использования имущества организаторов, вовлечения в экономический оборот временно незадействованных и неиспользуемых фондов.



Рисунок. Проект структуры Интегрированной платформы дистанционного образования для школьников в сфере агро–бизнеса и электронной коммерции.

Источник: составлено автором.

Структура платформы является гибкой и сформирована для эффективной реализации задач, и будет периодически обновляться, исходя из реальных условий и потребностей (см. рис).

На начальном этапе предлагается запуск «гибридной» (традиционно и дистанционно) трехуровневой системы обучения и взаимодействия по принципу «постоянного улучшения навыков в течение всей жизни» на основе кредитно–модульной системе:

Платформа ↔ Профессиональная школа ↔ Лаборатория

При этом профессиональные школы будут организованы в дистанционном (онлайн) формате, лаборатории в традиционном (офлайн)

формате. Оба формата будут сосредоточены на базовой платформе, которая будет управляться Группой реализации проекта, во главе с директором НОУ.

Обучение по всем четырем направлениям планируется проводить на государственном и русском языках, с последующим переводом контента на дари, английский и китайский языки. Это позволит охватить предпринимательским образованием не только территорию Узбекистана, но и экспортировать образовательные услуги в другие страны Мира, где компактно проживает узбекское население, что создаст положительный социально–гуманитарный эффект от Платформы.

При этом, обучающий контент будет рассчитан на широкий для школьников в возрасте 14–17 лет (но, не ограничивает обучение мальчиков) и старше, и основываться на действующих программах обучения в области экономики и предпринимательства, используемых в школах и колледжах. Кроме того, имеется возможность использования потенциала высших учебных заведений – партнеров Платформы по обучению востребованным на рынке труда профессиям.

В целом, учебно–методическая работа будет ориентирована на укрепление знаний и заполнение «пробелов» учебных программ среднего образования в сфере экономики, права, бизнеса и электронной коммерции. Особый акцент будет сделан на выработку практических навыков учащихся.

Учащимся будут предложены как полные профессиональные курсы, так и краткосрочные и подготовительные курсы. При этом, каждому учащемуся будет оказана помощь в составлении индивидуального учебного плана, который будет включать кредиты и модули, необходимые для завершения программы. Каждый студент будет учиться в соответствии с выбранными модулями и кредитами. Базовая учебная программа будет включать предметы, направленные на развитие лидерских качеств и навыков работы в условиях цифровой экономики.

На платформе будут созданы базы данных по тренерам, учителям, менторам, консультантам и учащимся. Доступ к базам данных будет предоставляться посредством «личного кабинета» участников проекта в соответствии с их уровнем доступа.

Предварительные расчеты показывают, что в целом, к концу третьего учебного года можно обучить не менее 10000 студентов. Кроме того, будут подготовлены и приступят к работе не менее 150 бизнес–консультанток, а также не менее 500 активных пользователей площадки онлайн торговли.

Исходя из изложенного, необходимо отметить, что расширение охвата онлайн–образования в сфере агро–бизнеса и электронной коммерции во многом будет содействовать решению проблем доступности качественного образования в сельских местностях, в том числе для молодежи и женщин, людей с повышенными потребностями, детей из бедных семей, которые планируют создать свой бизнес, или уже получили льготные кредиты, но не могут эффективно управлять процессом, ввиду низкого уровня финансовой, правовой и цифровой грамотности.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ ҚИСКАРТИРИШДА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЧОРА- ТАДБИРЛАР ТАҲЛИЛИ

Б.Ш. Акбарова,

ТДИУ, катта ўқитувчи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги «Яширин иқтисодиётни қискартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора–тадбирлар тўғрисида»ги фармонига асосланган ҳолда, айтишимиз мумкинки, ушбу фармон мамлакатимизда яширин иқтисодиёт даражасини пасайтиради.

Яширин иқтисодиёт нафақат иқтисодий ижтимоий тузилмалар, жамиятдаги иқтисодий муносабатларни ўз ичига олувчи иқтисодий фаолиятини жамиятдан яшириш ва давлат томонидан назорат ҳамда ҳисоботи юритилиши олиб борилмаслигини, шу билан бирга, иқтисодиётнинг кузатиб бўлмас ва норасмий қисмидир. Бошқача айтганда, яширин иқтисодиёт мавжуд қонун ва жамият қоидаларини четлаб ўтувчи жамиятдаги фуқароларнинг иқтисодий алоқалари десак ҳам бўлади.

Жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида яширин иқтисодиёт мавжуд бўлиб, ҳозирга қадар ҳеч бир мамлакатда уни буткул йўқ қилишга эришилмаган. Лекин кўп давлатларда бундай иқтисодиётнинг улуши ва таъсири минимал даражада камайтирилган.

Бу ҳақда гапирганда Европа давлатлари тажрибасини мисол қилиб келтириш мумкин. Негаки, бу давлатларнинг аксарияти яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашишда солиқ механизмларига алоҳида эътибор қаратган. Чунки айнан солиқларнинг юқори даражадалиги кўп ҳолларда яширин иқтисодиётнинг палак отишига тўртки берадиган омиллардан ҳисобланади.

Яширин иқтисодиёт нафақат мураккаб ижтимоий–иқтисодий воқелик, балки давлат ҳисоби ҳамда назоратидан ташқарида ривожланадиган ва шу сабабдан ҳам расмий статистикада акс этмайдиган хўжалик фаолиятidir. Мамлакатимизда яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш учун ривожланган давлатларнинг босиб ўтган йўллари чуқур таҳлил қилиб, ўзимизга мос бўлган йўналишларга таяниб, босқичма–босқич амалга ошириш лозим.

Унга биноан, 2021 йил 1 январдан 2022 йил 1 январгача бўлган муддатга умумий овқатланиш соҳасидаги кичик бизнес субъектларининг банк карталаридан фойдаланган ҳолда, жисмоний шахслардан олган даромадлари умумбелгиланган солиқлар, шу жумладан, қўшилган қиймат солигини тўлашга мажбурий ўтиш учун умумий даромадга киритилмайди. Бу ўз навбатида, банк

пластик карталарини чекловсиз қабул қилиш орқали даромадларни ошириш, олинган суммаларни тўлиқ акс эттиришга шароит яратади.

2021 йил 1 январдан бошлаб риелторлик хизматлардан олинадиган даромадларни қонуний муомалага жалб қилиш учун айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 25 фоиздан 13 фоизгача камайтирилиши эса кўчмас мулк бозоридаги яширин иқтисодийтни қисқартиришга таъсир этади.

Фармон билан қурилиш корхоналарига ҳисобот даври учун меҳнатга ҳақ тўлаш фонди жами миқдорининг 10 фоизидан ошмаган ҳажмда иш ҳақини нақд пулда тўлаш ҳуқуқи билан шартнома тузмасдан муддатли равишда ишчилар ёллашга ҳам рухсат берилмоқда. Бунда қурилиш ташкилотлари белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқнинг тўланишини таъминлайди.

Биргина Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2020-2025-йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган бўлиб, унда тизимни такомиллаштириш бўйича 86 та йўналишда 150 дан ортиқ тадбир амалга оширилиши кўзда тутилган. Ушбу тадбирлар миллий ҳисоблар тизимини такомиллаштириш, макроиқтисодий ва ижтимоий статистика, яширин иқтисодийтни тўлақонли ҳисобга олиш, аҳолини рўйхатга олиш ва бошқа тадбирларни ўз ичига олади.

Статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегиясини иккита асосий мақсади мавжуд. Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси миллий статистика тизимининг жорий ҳолатини баҳолаб беради. Иккинчидан еса, тегишли режаси ва бюджети билан мамлакат миллий статистика тизимини келгуси беш йилликда ривожланиш стратегияси бўлиб хизмат қилади.

Жорий йилги “Илм, фан ва рақамли иқтисодийтни ривожлантириш йили” Давлат дастурининг 71–бандида «Яширин иқтисодий»нинг улушини қисқартириш бўйича бажариладиган устувор чоралар белгиланган эди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикасида “Яширин иқтисодий” улушини қисқартириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан мазкур банд ижроси таъминланди.

Ушбу қарор билан “Яширин иқтисодий улушини қисқартириш чора–тадбирларини амалга ошириш бўйича 23 та банддан иборат “Йўл харитаси” тасдиқланиб, унда қатор амалий саъй–ҳаракатларни амалга ошириш назарда тутилди.

Жумладан, қуйидаги устувор вазифалар ҳаётга жорий этилади:

- иқтисодийда хуфиёна айланмани қисқартиришга қаратилган таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;
- иқтисодий соҳалари ва тармоқларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва маркировкалаш;
- иқтисодийда нақд пулсиз ҳисоб–китоблар ҳажминини ошириш;
- банк хизматларининг оммабоплигини ошириш;

- «яширин иқтисодиёт» субъектларини аниқлаш механизмларини такомиллаштириш;

- ташқи савдода «яширин иқтисодиёт» улушини қисқартириш бўйича самарали тизимни жорий этиш;

- «яширин иқтисодиёт» улушини қисқартириш бўйича кенг тарғибот–ташвиқот ишларини ташкил қилиш.

Шунингдек, йил охирига қадар «яширин иқтисодиёт»ни қисқартиришга қаратилган қуйидаги чора–тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда:

- Давлат солиқ қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлиналарида жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация асосида солиққа тортиш бўлими, электрон савдони солиққа тортиш бўлими, «яширин иқтисодиёт»ни қисқартириш ва халқаро иқтисодий интеграция бўлими ташкил этилади;

- Халқаро ташкилотлар (Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси ва бошқалар) экспертларини жалб қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётида «яширин иқтисодиёт»ни баҳолаш ва ҳисоблаш бўйича тавсиявий услубий қўлланма ишлаб чиқилади;

- Баҳолаш якуналари бўйича 2021-2023 йилларда «яширин иқтисодиёт» улушини қисқартириш ва унга қарши курашишнинг таъсирчан чораларини назарда тутувчи комплекс дастур ишлаб чиқилади;

- Барча кадастр ҳужжатлари рақамлаштирилади, миллий геоахборот тизими жорий этилади;

- Ягона электрон билет тизими жорий этилади;

- Аҳоли учун истеъмол кредитлари ажратиш тартиби янада соддалаштирилади ва такомиллаштирилади;

- Барча кадастр ҳужжатлари рақамлаштирилади;

- “Humo” ва “Uzcard” тўлов тизимларини интеграциялаштирилади;

- “QR” код орқали амалга ошириладиган тўловларнинг оммабоплиги оширилади ва қўлами кенгайтирилади;

- Молиявий хизматлар кўрсатувчи муқобил ташкилотлар ривожлантирилади, “Нобанк кредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлса, Янги Ўзбекистон давлатини барпо этишда яширин иқтисодиётни камайтириш олий мақсадлардан бири сифатида қаратилиши лозим.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

Ж.Ч. Муродов,
ТДИУ, катта ўқитувчи

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланиши рақобатнинг кучайишига олиб келмоқда ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан рақобатбардошликни оширишнинг бозор механизмлари ва дастақларини шакллантириш заруратини келтириб чиқармоқда. Шу нуқтаи назардан миллий иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида, айниқса қишлоқ хўжалиги тармоғида рақобатбардошликни ошириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Маълумки, ҳар бир тармоқнинг рақобат устуворлиги ишлаб чиқаришнинг илмий–технологик даражаси, меҳнат ресурсларининг малакаси ва уларнинг янги билимлар ҳамда инновацияларга мослашиши орқали белгиланади [7].

Шу боисдан, республика иқтисодиётини эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида аграр секторни тизимли ва узлуксиз тараққиётини таъминлаш учун унинг тармоқларида инновацион фаолликни жадаллаштириш, замонавий агротехнологияларни изчиллик билан жорий этиш асосида самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”, деб таъкидлаганлар. [1] Дарҳақиқат, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ–овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш” лозимлиги қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш борасида устувор вазифа сифатида белгилаб берилган. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш кўп жиҳатдан республикамиз қишлоқ

хўжалигида инновацион, ресурс–тежамкор технологиялардан фойдаланишнинг ташкилий–иқтисодий асосларини такомиллаштиришни талаб этади. Шунинг баробарида қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологиялардан фойдаланишни иқтисодий баҳолаш усулларини ўрганиб чиқиш асосида самарадорликни белгиловчи барча кўрсаткичларни оптималлаштириш бўйича услубий ёндашув ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш, улар асосида инновацион фаолиятни бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш долзарб аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5853–сон фармонида 9 та устувор йўналиш белгилаб берилган бўлиб, шулардан бири тармоқ статистикасининг шаффоф тизимини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Шу билан бирга, мазкур фармон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича “Йўл харита”сининг 58–бандида Қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишни (Agriculture census) ўтказиш белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4796–сон қарорига мувофиқ, 2020–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг Миллий стратегияси тасдиқланди [4].

Мазкур қарорда статистика маълумотлари сифатини янада яхшилаш, статистика кўрсаткичларининг тўлақонли маълумот базаларини яратиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, ижтимоий–иқтисодий ва демографик соҳаларда статистиканинг замонавий усуллари жорий этиш назарда тутилган. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги статистикасини такомиллаштириш борасида, Давлат статистика қўмитасига, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда қишлоқ хўжалиги статистикаси бўйича кўрсаткичлар тизимини халқаро стандартларга мослаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги бўйича статистик кузатувларнинг ташкилий ва услубий асосларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш каби вазифалар юклатилган.

Юқорида қайд этилган норматив–ҳуқуқий ҳужжатларда юклатилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан Давлат статистика қўмитаси томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилади [4], жумладан:

– Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги соҳасида статистик маълумотлар базасини кенгайтириш ва такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги қарори ишлаб чиқилди;

– халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТнинг Озиқ–овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг (FAO) қишлоқ хўжалиги бўйича саволномаларидаги мавжуд кўрсаткичлар тўлиқ хатловдан ўтказилди;

– БМТнинг Озиқ–овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг қишлоқ хўжалигига оид саволномаларидаги мавжуд кўрсаткичларни, қишлоқ хўжалиги статистикаси бўйича амалдаги давлат статистика ҳисоботларидаги кўрсаткичлар билан ўзаро таққослаш ишлари амалга оширилди;

– халқаро ташкилотлар саволномалари асосида қишлоқ хўжалиги бўйича амалдаги давлат статистика ҳисобот шакллари такомиллаштирилди;

– қишлоқ хўжалиги бўйича статистик қузатувларнинг услубий асослари халқаро стандартлар асосида такомиллаштирилди;

– амалдаги давлат статистика ҳисоботлари кўрсаткичлари иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичи асосида қайта ишлаб чиқилди.

Қайд этиш жоизки, ушбу меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устувор йўналишлар ижроси белгиланган муддатларда босқичма–босқич амалга оширилиб борилмоқда.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь – декабрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 260,3 трлн. сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 103,0 % ни ташкил қилди. Ўз навбатида, Республиканинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) таркибида мазкур тармоқнинг улуши 28,2 % ни ташкил этганлигини таъкидлаш лозим.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги умумий ҳажмининг 96,7 % и – деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар, 2,6 % и – ўрмон хўжалиги ва 0,7 % и – балиқчилик хўжалиги ҳиссасига тўғри келди.

Худудлар кесимида таҳлил этилганда, Республиканинг худудлари орасида энг юқори ҳажм Самарқанд (33 629 млрд.сўм), Андижон (27 117 млрд. сўм) ва Тошкент (25 815 млрд. сўм) вилоятларида қайд этилди. Аксинча кам ҳажмга эга худудларга Сирдарё вилояти (8 689 млрд. сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (10 444 млрд. сўм) ва Навоий вилоятини (11 900 млрд. сўм) келтириб ўтиш мумкин.

Юқори ўсиш суръатлари Сурхондарё (105,6 %), Фарғона (104,8 %), Наманган (103,8%), Қашқадарё (103,4%), Навоий (103,2%) ва Самарқанд (103,1

%) вилоятларида кузатилади. Бошқа хўдудлар билан солиштирганда Сирдарё (100,2%), Жиззах (101,0%) ва Бухоро (101,6%) вилоятларида эса аксинча ўсиш суръатлари пастлиги қайд этилди. Мазкур даврда жами етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 249,8 трлн. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,8% ни ташкил этди. Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 50,5% ни ҳамда деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 49,5% ни ташкил қилди.


Хўжалик тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 68,0% и – деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 27,8% и – фермер хўжаликларига, 4,2% и – қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда.



1–расм. Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши

2020 йил якуналари бўйича дастлабки маълумотларга кўра, барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 7 566,6 минг тонна – дон экинлари (2019 йилнинг мос даври билан солиштирганда 101,7%), 10 459,5 минг тонна – сабзавотлар (102,4%), 3 143,5 минг тонна – картошка (101,7%), 2 134,4 минг тонна – полиз экинлари (103,2%), 2 864,0 минг тонна – мева ва резаворлар (104,0%) ҳамда 1 639,2 минг тонна – узум (102,2%) етиштирилди.

Шунингдек, мазкур даврда, барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 2 526,2 минг тонна – гўшт тирик вазнда (102,1%), 11 009,9 минг тонна – сут (102,8%), 7 825,0 млн. дона – тухум (100,7%), 35,7 минг тонна – жун (101,5%), 1 151,4 минг дона – қорақўл тери (100,1%) етиштирилди ва 144 085 тонна балиқ (118,4%) овланди.



2–расм. 2020 йилда ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўсиш суръатлари (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, фоизда)

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш тўғрисидаги маълумотларнинг хўжалик тоифалари бўйича таҳлиллар дон экинларининг асосий қисми фермер хўжаликлари томонидан етиштирилганлигини, картошка, сабзавот, полиз, мева, узум, гўшт, сут ҳамда тухум каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда эса деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиklarининг юқори улушга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Ушбу юқори кўрсаткичлар қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилишга қаратилган комплекс чора–тадбирларни амалга оширилиши борасида қабул қилинаётган қарорлардан самарали фойдаланиш таъминланаётганлигидан далолат беради.

Аммо бу соҳада ишга солинмаган имкониятлар, ўз ечимини қутаётган муаммо ва камчиликлар ҳали кўплиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда инновацион технология ва техникаларнинг ҳамда ишлаб чиқариш ва маҳсулот етказиб бериш жараёнларини бошқаришнинг замонавий услубларини жадал равишда жорий этишни талаб қилмоқда.

Инновацион фаолият ҳақиқатдан инновацияни амалга оширишга олиб келадиган ёки шу мақсадни кўзлаб қилинган барча илмий, технологик, ташкилий, молиявий, тижорат, маркетинг ҳаракатларидир. Инновацион фаолият, шунингдек қандайдир аниқ инновацияни тайёрлаш билан тўғридан–тўғри боғлиқ бўлмаган тадқиқотлар ва ишланмаларни ҳам ўз ичига олади. Аграр соҳа инновацион фаолиятининг мақсади инновацион жараёнларнинг доимий ривожланишини таъминлаш, яъни маҳсулот ишлаб чиқаришда фан–техника натижалари (инновациялар)нинг узлуксиз оқимини ташкил этиш ва ўзлаштириш ҳисобланади.

Бунинг натигасида ишлаб чиқаришнинг доимий равишда техник–технологик ва ижтимоий–иқтисодий янгиланиши рўй беради. Қишлоқ хўжалигининг ўсимликчилик тармоғида инновация сиёсати селекция усуллари тақомиллаштиришни, қишлоқ хўжалиги экинларининг маҳсулдор янги навларини яратишни, деҳқончилик ва уруғчиликнинг илмий асосланган тизимларини ўзлаштиришни тақозо этади.

Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида қишлоқ хўжалик муаммолари бўйича етакчи иқтисодчи Сергей Зоря Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муаммоларни тавсифлади [8].

Жумладан:

1. Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни мувозанатлаш лозим–2018–2019 йиллар мобайнида Ўзбекистоннинг 70 фоиз экин майдонлари пахта ва буғдой етиштириш учун ишлатилган. Охириги бир неча йилларда баъзи ер майдонлари пахта ва буғдой етиштиришдан чиқарилди. Лекин қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда унумдорликни ошириш учун ҳозирги кунда мазкур икки маҳсулот экиш учун ишлатилаётган қўшимча майдонлардан кейинчалик бошқа янада фойдали экинларга, хусусан, мева ва сабзавотлар экиш учун фойдаланиш лозим.

Жаҳон банки ҳисоб–китобларига кўра, Ўзбекистон пахта ва буғдой майдонларини қисқартириш, масалан уларни 50 фоизгача камайтириш қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 51 фоизга, қишлоқ хўжалигида бандликнинг 16 фоизга, сув тежамкорлигининг 11 фоизга ошишига олиб келади.

Мазкур ерларни янада даромадли экинлар экишга қанчалик тез ўтказиш керак? Бу жараён босқичма–босқич бўлиши ва қўшни тармоқлардаги ўзгаришлар билан уйғунлаштирилиши лозим. Масалан, мева ва сабзавот етиштириш учун ерни қайта тақсимлаш давлатнинг ичида ва унинг божхона чегараларида агрологистикани тақомиллаштириш билан бир вақтда содир бўлиши зарур. Бу, ўз навбатида, тез айнийдиган мева–сабзавот маҳсулотларини фермерлардан маҳаллий истеъмолчиларга ва халқаро бозорга тезкор равишда етказишни таъминлайди. Акс ҳолда мева ва сабзавотларни қайта ишлаб чиқаришдан олинган фойда буғдой ва пахта сотишдан олинган фойдадан кам бўлиб қолади.

2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳосилдорлигини ошириш керак–Ўзбекистонда пахта, буғдой, помидор, картошка, сут ва бошқа маҳсулотларнинг ўртача ҳосилдорлиги уларнинг реал имкониятларидан анча паст. Бу кўрсаткични ошириш нафақат фермер хўжалиги ва агроташкилотлар фойда ва экспортларини оширади, балки ҳозирги кунда буғдой ва пахта билан банд қилинган майдонларни янада фойдали экинлар учун фойдаланишга топшириш имкониятини ҳам яратади.

Ўн йиллар давомида илмий тадқиқотлар ва хизматлар тақдим этилишининг етарлича молиялаштирилмаслиги ҳамда секторни ривожлантириш учун зарур бўлган хизматларни етарлича кўрсатилмаганлиги каби масалалар ҳал қилиниши лозим. 2018 йилда Ўзбекистон ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти даромадининг фақатгина 0,02 фоизини қишлоқ хўжалиги соҳасидаги изланишларга сарфланди. Шу билан бирга, ҳозирги кунда маҳаллий фермерлар учун ахборот–консултатив хизматлар мутлақо мавжуд эмас.

Таққослаш учун, муваффақиятли қишлоқ хўжалигига эга бўлган ўрта даромадли мамлакатлар қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 1 фоизини қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадқиқотлар учун сарфлайди, кўп даромадли мамлакатлар эса ўртача 2,5 фоиз сарфлайди.

3. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун экспорт имкониятларидан максимал фойдаланиш керак – 2018 йилда Ўзбекистон агро озиқ–овқат маҳсулотлари экспорт қиймати бор–йўғи 1,3 млрд долларни ёки ҳар гектар маҳсулдор ерга нисбатан 330 долларни ташкил қилди. Таққослаш учун, ўша йили Вьетнам 40 млрд долларлик қишлоқ хўжалик маҳсулотини экспорт қилган. Бу давлатнинг экспортдан олган фойдаси ҳар бир гектар маҳсулдор ерга 6100 долларни ташкил қилади.

Жаҳон савдо ташкилоти таркибига кириш учун ҳукумат томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳот ва чора–тадбирлар Ўзбекистон учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хусусан мева–сабзавотларни жаҳоннинг кўпчилики мамлакатларига экспорт қилиш имконини беради.

Мамлакат қишлоқ хўжалигининг асосий масалалардан яна бири — экспорт томонидан тақдим этиладиган имкониятларни амалга оширишда меҳнат ресурсларининг кенг миқёсда иштирок этишини таъминлаш заруритидир. Ҳозирги кунда мева–сабзавот маҳсулотларининг 60 фоизи катта бўлмаган деҳқончилик хўжаликлари ва уй–жой участкаларида етиштирилмоқда. Лекин уларнинг экспортга йўналтирилган қўшимча даромадли маҳсулот ишлаб чиқариш занжиридаги иштироки ҳозирча паст бўлиб қолмоқда.

Қишлоқ хўжалик кооперативларининг агробизнес ва экспортчилар билан кооперацияси ва ҳамкорлигини рағбатлантириш бўйича давлат дастурлари ёрдамида юқорида кўрсатилган ишлаб чиқарувчиларнинг мазкур занжирлар билан интеграциялашуви ишлаб чиқариш қобилиятларини ривожлантиришга ҳамда кичик деҳқон ва хусусий мулкдорлар бизнесининг рентабеллигини оширишга ёрдам берган бўлар эди.

4. Қишлоқ хўжалигини молиялаштириш учун бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш керак – 2018 йилда Ўзбекистонда

қишлоқ хўжалиги учун давлат харажатлари ЯИМга нисбатан 1,8 фоизни ташкил этди (2016 ва 2017 йилларда ЯИМнинг 2 фоизини ташкил этган эди).

Бошқа давлатлар қишлоқ хўжалигига ЯИМнинг нисбатан кичикроқ улушини ажратадилар. Ўрта даромадли мамлакатлар ЯИМнинг ўртача 0,6 фоизини сарфлайди, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (ИХТТ) юқори даромадга эга мамлакатларида яши ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорида маблағ ажратилади. 2018 йилда Қозоғистон қишлоқ хўжалигига ЯИМнинг 0,8 фоизини, Вьетнам эса 0,5 фоизини сарфлади. Ҳатто йигирма йил аввал ҳам ўрта даромадли мамлакатлар камбағал бўлганида, уларнинг қишлоқ хўжалик бюджетлари ЯИМга нисбатан 1,3 фоиз ни ташкил қилар эди.

Давлат харажатлари юқори даражали бўлишига қарамасдан, Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалиги ҳали юқори самарадорликни намойиш эта олмайди. Мисол учун, 2018 йилда қишлоқ хўжалиги нолдан бироз юқори ўсишни кўрсатди.

5. Фермер хўжаликларининг ерга эгалик қилиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш керак—Деҳқон хўжаликлари (кичик деҳқонлар) нинг ерга эгалик қилиш ҳуқуқлари қонуний ҳимояланган. Бу моддий—техник ресурсларга кўпроқ пул тўлашлари, ўзларининг кичик ер майдонларида ишлаб чиқаришни механизациялаш қийин бўлса ҳам, нима сабабдан кичик деҳқон хўжаликларида йирик фермер хўжаликларидегига нисбатан ҳосилдорлик ўртачадан юқори эканлигининг асосий сабабларидан биридир.

Шу билан бирга, бир қатор сабаблар билан ва исталган вақтда йирик фермерлар давлатдан ижарага олинган ерларни йўқотиши мумкин. Бу фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш, экинларни жойлаштириш режасини бажармаслик ёки пахта ва галла ҳосилини давлат режасига риоя қилмаслиги туфайли содир бўлиши мумкин, бу масъулият маҳаллий ҳокимият органларига юкланганлигидир.

Юқоридаги муаммоларни ривожланган малакатлар тажрибасидан ўрнак олсак арзийди. Хитой ва Вьетнам тажрибаси фермерларни рағбатлантиришга ёндашувни қандай ислоҳ қилиш кераклигини кўрсатмоқда. Ушбу мамлакатларда давлат буюртмаси тизими алақачон бекор қилинган, бироқ бу қишлоқ хўжалигининг барбод бўлишига олиб келмади.

Бу ерда стратегик экинларнинг бир қисмини ишлаб чиқариш экинларни жойлаштириш тизимлари, фермерларга тўғридан—тўғри бюджет тўловлари ҳамда ҳосилдорликни ошириш, маҳсулотлар сифатини яхшилаш, шунингдек уларни зарарқунанда ва касалликлардан ҳимоялашга қаратилган тегишли давлат дастурлари ҳисобидан рағбатлантирилади. Мазкур ёндашув Ўзбекистондаги

мавжуд пахта ва бугдой тайёрлаш бўйича давлат режасини қўллаб–қувватлаш тизимларидан фарқ қилади.

Албатта, юқорида санаб ўтилган вазифалар ва чақириқлар рўйхати етарлича кенг қамровли кўриниши мумкин. Бироқ уларнинг ечимлари тўла ҳаётий бўлиб, қишлоқ хўжалигини модернизация қилишни тезлаштириш ҳамда рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек мамлакат иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар учун ўта муҳим.

Айни вақтда ишлаб чиқиладиган 2019–2030 йилларда Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш миллий стратегияси мазкур соҳада Жаҳон банки Гуруҳи ҳамда бошқа халқаро ҳамкорлар томонидан қўллаб–қувватланишга тайёр бўлган ислохотларни амалга ошириш учун асосий ҳужжатга айланиши лозим. Унинг қабул қилиниши ва кейинчалик ҳукумат томонидан амалга оширилиши юқорида тилга олинган муаммоларни бартараф қилиш мамлакатни ривожлантириш ва Ўзбекистон халқи фаровонлигини ошириш учун иқтисодий имкониятларга айлантиришга замин яратгади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь.*

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги ПФ–4947–сон фармони. 2017 йил 7 февраль.

2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5853–сон фармони. 2019 йил 23 октябрь.*

3. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4796–сон қарори. 2020 йил 3 август.*

4. Бердиқулов Қ.Ғ. Қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган таркибий ўзгаришларнинг статистик таҳлили. Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтининг “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали. 2021 йил, 1–сон.

4. Эргашев Р.Х., Ҳамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма, –Т.: Янги авлод, 2012 й.

5. *Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Тошкент – 2020 й.*

6. *www.stat.uz – Ўз.Р. Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.*

7. *Портер Е. Майкл. Конкуренция: пер.с англ/ М.: ИД «Вильямс», 2005. –608 с.*

8. *https://www.gazeta.uz*

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА СТАТИСТИКА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Г.Ш. Разикова,

ТДИУ, катта ўқитувчи

Мамлакатимиз тараққиётининг замонавий босқичида янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида сўнгги йилларда миллий статистика соҳасини ривожлантириш юзасидан ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, соҳани ислоҳ қилиш, амалиётга халқаро стандарт ҳамда илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий этиш ва энг асосийси, статистик маълумотларнинг ишончлилиги, шаффофлиги, очиқлигини таъминлашга қаратилган ҳужжатлар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Булар асосида соҳада сўнгги тўрт йил мобайнида амалга оширилган ислохотлар натижалари кенг жамоатчилик, шу жумладан, халқаро статистика ҳамжамияти ва халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда.

Статистика маълумотлари сифатини янада яхшилаш, статистик кўрсаткичларнинг тўлақонли маълумот базаларини яратиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, ижтимоий–иқтисодий ва демографик соҳаларда статистиканинг замонавий усуллари жорий этиш зарураги мавжудлиги сабабли ва Миллий статистика тизимини такомиллаштириш, давлат статистика органларининг мустақиллигини таъминлаш, статистика маълумотларининг ҳолислиги ва ишончлилигини ошириш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили да амалга оширишга оид давлат дастури белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 3 августида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида” ги қарор имзоланган эди.

Қарор билан 2020–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегияси ҳам тасдиқланган. Стратегиянинг асосий мақсади – мамлакатнинг бутун миллий статистика тизимини комплекс ривожлантириш ҳисобланади, бу эса фойдаланувчилар эҳтиёжларига жавоб берадиган статистиканинг долзарблигини оширишга, статистика тизимини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштиришга ёрдам беради ҳамда қуйидаги стратегик мақсадларни қамраб олади:

- ҳуқуқий ва ташкилий инфратузилмани яхшилаш;
- статистика маълумотларини қайта ишлаш бўйича ахборот–коммуникация инфратузилмасини яхшилаш;

- alohida statistik йўналишлар ва методологияларни такомиллаштириш.

2020–2025 йилларда стратегияни амалга ошириш қуйидаги кенг қўламли стратегик натижаларга эришиш имконини беради:

- статистика маълумотларидан фойдаланувчиларнинг қониқиш даражасининг юқорилиги;

- статистика маълумотларини етказиб берувчиларнинг сифатли мотивацияси;

- ҳукумат ва ҳамкорлар томонидан миллий статистикани ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб–қувватланиши;

- ходимлар мотивацияси ва юқори малакаси;

- мамлакатнинг миллий статистика тизимини самарали мувофиқлаштириш.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг янги босқичи доирасида сўнгги йилларда миллий статистика соҳасини ривожлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ислохотларнинг муҳим йўналиши сифатида статистика соҳасининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистика тўғрисида”ги қонуни 2002 йилда қабул қилинган бўлиб, таҳлиллар мазкур қонуннинг халқаро андозаларга, бутунги кун талаблари ва чақириқларига тўлиқ мос келмаслигини кўрсатади. Шу боис, халқаро амалиёт ва илгор хорижий тажрибаларга таянилган ҳолда статистика соҳасининг амалдаги қонунчилик асосларини такомиллаштиришга қарор қилинди. Мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги ПҚ–4796 сонли қарори билан тасдиқланган “2020–2025 йилларда статистиканинг ривожлантиришнинг миллий стратегияси”да муҳим вазифа сифатида белгилаб берилди.

Янги қонунни ишлаб чиқишда БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси томонидан Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиё давлатлари учун махсус ишлаб чиқилган “Расмий статистика тўғрисида”ги модель қонунига таянилди.

Жараёнга ҳукумат, вазирлик ва идоралар масъуллари ҳамда Жаҳон банкининг хорижий экспертлари жалб этилди. МДХ, Осиё ва Европа мамлакатларининг қонунчилиги ҳамда Россия Федерацияси, Беларус, Қозоғистон ва бошқа давлатларнинг расмий статистика борасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганилди.

Натижада, бутунги кун талабига ва халқаро андозаларга тўла мос келувчи янги Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида”ги қонуни ишлаб чиқилиб, қуни кеча давлатимиз раҳбари томонидан имзоланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида”ги қонуни миллий статистика тизими фаолиятини тартибга солиш баробарида, расмий статистиканинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш борасидаги ислохотларнинг натижадорлигига эришиш, фойдаланувчиларнинг ишончли, сифатли ва долзарб расмий статистик маълумотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва шак–шубҳасиз мамлакатнинг халқаро миқёсдаги нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

Статистика тизimini такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- статистика органларини тегишли, сифатли ва ишончли маълумотларни тўплашга, маълумотларнинг шаффофлиги ва ошкоралигини оширишга йўналтириган ва мустақил хизматга айлантириш;

- ўз ваколатлари ва мажбуриятларини кучайтириш орқали Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Статистика кенгашининг тўлиқ фаолият кўрсатиши;

- ахборот–коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, нашр этиш ва тўплашнинг яхлит тизimini ташкил этиш;

- идоравий маълумотлар базаларини статистик бошқарувнинг ягона тизимига киритиш;

- статистика органлари фаолиятини янада моддий ва техник таъминотини такомиллаштириш орқали ҳудудий статистика органларининг таркиби ва вазифаларини босқичма–босқич оптималлаштириш.

Жорий йилнинг 30 август куни Давлат статистика қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “2030–йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида” ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда гендер статистикасини такомиллаштириш бўйича онлайн ўқув семинар ўтказилди.

Тадбирдан асосий мақсад, Давлат статистика қўмитаси масъул ходимлари, хусусан, аёл кадрларни, шунингдек бошқа вазирлик ва идораларнинг тегишли ходимларини халқаро индикаторлар асосида, миллий индикаторлар бўйича малакасини оширишдан иборат.

Янги Ўзбекистон – демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэтироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланадиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиш беришдан иборат бўлган давлатдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда статистика маълумотларининг сифати ва ишончилигини ошириш борасида тизимли ишлар амалга оширилиб, бўлиб ўтаётган ижтимоий–иқтисодий жараёнларни, жумладан халқаро ташкилотларнинг махсус нашрлари ва маълумотлар базаларида ҳолис ва ишончли акс эттиришни таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Шу билан бирга, статистика маълумотлари сифатини янада яхшилаш, статистика кўрсаткичларининг тўлақонли маълумот базаларини яратиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, ижтимоий–иқтисодий ва демографик соҳаларда статистиканинг замонавий усулларини жорий этиш зарурати мавжуд.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМАРИ

М.Ш.Ахмедова,

ТДИУ катта ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизни ижтимоий–иқтисодий тараққиёт даражаси бўйича ривожланган давлатлар қаторига яқинлаштириш соҳасидаги энг муҳим йўналишлар қаторида қишлоқ ва сув хўжалигини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш, озиқ–овқат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ мураккаб масалаларнинг бутунги ҳолати ва барқарор ечимига эришиш бўйича долзарб вазифаларга алоҳида аҳамият қаратилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси танланган ривожланиш йўлидан ва иқтисодий ислохотлар тамойилларидан келиб чиқиб, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш учун мустаҳкам қонунчилик ва ташкилий асос яратди ва шу борада миллий иқтисодиёт барқарор ривожланмоқда. Бутунги кунда хусусий сектор мамлакат иқтисодиётида устунликка эга бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналари, корхоналар ва иқтисодиётни бошқариш шакллари ва усуллари бутунлай ўзгарди. Бутунги кунда хусусий сектор мамлакат иқтисодиётида устунликка эга бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналари, корхоналар ва иқтисодиётни бошқариш шакллари ва усуллари бутунлай ўзгарди. Меҳнаткашларнинг асосий қисми ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаси билан шугулланади ва хусусий бизнес билан фаол шугулланади.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора–тадбирлари тўғрисидаги Президентнинг 2020 йил 28 январь, ПҚ–4575–сонли қарорида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан молиявий қўллаб–қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, стратегик аҳамиятга эга бўлган айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун ажратилаётган тижорат кредитларининг фоиз ставкаларини субсидиялаш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий саводхонлигини ошириш назарда тутилади.

Бундан ташқари «Фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, юқори қўшилган қиймат яратишга қаратилган тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш орқали давлат харажатлари самарадорлигини ошириш ва босқичма–босқич қайта тақсимлаш» йўналишида тармоқ дастурларини ишлаб чиқишда агросаноат мажмуига кирувчи вазирликлар ва идоралар бюджетларини комплекс кўриб чиқиш механизминини жорий этиш; давлат–хусусий шериклик механизмларини жорий этиш, ирригация инфратузилмасини модернизация қилиш ва ресурс тежамкор технологияларни қўллаш орқали ирригация соҳаси харажатларини камайтириш ҳисобига илмий–тадқиқот ишларига харажатларни кўпайтириш; агросаноат мажмуида харажатларни диверсификация қилиш масалалари назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–49–47–сонли фармони билан тасдиқланган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” да қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича айнан шу вазифаларнинг ечимини топиш ва амалга оширишга асосий эътибор қаратилган.

Қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш орқали ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ–овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган энг муҳим вазифалардан ҳисобланади¹⁷⁷.

Шу муносабат билан фермер ва деҳқон хўжалиқларини давлат томонидан қўллаб–қувватлашни кучайтириш, мамлакатнинг ҳудудларида уларнинг ривожланишини тезлаштиришга қаратилган. Республикада фермер хўжалиқларининг жадал ривожланиши аҳолининг фаровонлигини яхшилашнинг асосий йўлларида бири ва қишлоқда ҳақиқий мулкдорларни шакллантиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги “Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида” ги ПФ–5199 – сон фармонида белгилаб қўйилганидек, ўтган давр мобайнида қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини жорий этиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш ҳамда уларнинг мустақиллигини таъминлаш бўйича босқичма–босқич ислохотлар амалга оширилди, ислохотларнинг дастлабки босқичида фермер ва деҳқон хўжалиқлари фаолиятини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда уларни етакчи кучга айлантириш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда зарур шарт–шароитлар яратилади, қабул қилинган “Фермер хўжалиги тўғрисида” ва “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” ги қонунлар ернинг ҳақиқий эгаси сифатида фермер ва деҳқон хўжалиқларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаб берди ҳамда уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий субъектлар сифатида шаклланиши ва ривожланишини таъминлади, кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ташкил этиш, уларга зарур шарт–шароитлар яратиш, фермер ва деҳқонларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича зарур чора–тадбирлар амалга оширилди, ўтказилган ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 99 фоизидан ортиги фермер ва деҳқон хўжалиқлари ҳамда томорқа ер майдонларида етиштирилишига эришилди.

Шу билан бирга, фармонда таъкидланганидек фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда, тизимда бозор механизмларини жорий этишда, кўп тармоқли фермер хўжалиқларини янада ривожлантиришда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини барқарор ошириб боришда ҳамда ер майдонларидан

177 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” 4947-сонли Фармони // Ҳалқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.

самарали фойдаланишда қатор муаммо ва камчиликлар кузатилмоқда. хусусан: аҳоли ихтиёридаги 480 минг гектардан ортиқ томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги паст даражада қолмоқда, фермер хўжалиklarининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан чекланиб қолмоқда, фермер хўжалиklари ва томорқа ер эгаларини моддий техника ресурслари билан таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатишда зарур инфратузилмалар яратилмаган ҳамда соҳада бозор механизмлари етарли даражада шакланмаган, аксарият фермер хўжалиklarининг бугунги молиявий аҳволи замонавий, ресурс тежовчи қишлоқ хўжалиги техника воситаларини харид қилиш, ишлаб чиқаришда илгор агротехнология, инновация ва ахборот–коммуникация технологияларини кенг жорий этиш имконини бермаётти, фермер, деҳқон хўжалиklари аъзолари ва томорқа ер эгаларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш, уларни зарур маълумот ва ахборотлар билан таъминлаш ҳамда бошқа хизматлар кўрсатиш тизими бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Ўзбекистон ҳукуматининг бир қатор қарорларида истикболда асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъект бўлиб қоладиган деҳқон ва фермер хўжалиklarини янада ривожлантириш назарда тутилган.

Қуйидаги жадвалда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда деҳқон ва фермер хўжалиklarининг охириги йиллардаги улушини кўришимиз мумкин (1–жадвал).

1–жадвал

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда деҳқон ва фермер хўжалиklarининг улуши 178

| Йиллар | Барча тоифадаги хўжалиklar | Жумладан: (% аа) | | | | | | | | |
|--------|----------------------------|--------------------|--------------------|-------------|--------------------|--------------------|-------------|--------------------|--------------------|-------------|
| | | Фермер хўжалиklари | Деҳқон хўжалиklари | Ташкилотлар | Фермер хўжалиklари | Деҳқон хўжалиklари | Ташкилотлар | Фермер хўжалиklари | Деҳқон хўжалиklари | Ташкилотлар |
| | | Жами | | | Деҳқончилик | | | Чорвачилик | | |
| 010 | 100 | 36,3 | 61,6 | 2,1 | 59,1 | 39,4 | 1,5 | 3,9 | 93,1 | 3,0 |
| 011 | 100 | 34,7 | 63,0 | 2,3 | 57,8 | 40,6 | 1,6 | 3,9 | 93,0 | 3,1 |
| 012 | 100 | 33,0 | 64,6 | 2,4 | 56,8 | 41,4 | 1,8 | 4,0 | 92,8 | 3,2 |
| 013 | 100 | 32,1 | 65,5 | 2,4 | 55,5 | 42,9 | 1,6 | 4,1 | 92,7 | 3,2 |
| 014 | 100 | 30,1 | 67,5 | 2,4 | 53,4 | 44,8 | 1,8 | 4,1 | 92,8 | 3,1 |
| 015 | 100 | 30,7 | 66,9 | 2,4 | 52,0 | 46,2 | 1,8 | 4,0 | 92,9 | 3,1 |
| 016 | 100 | 29,7 | 68,0 | 2,3 | 52,0 | 46,4 | 1,6 | 3,9 | 92,9 | 3,2 |
| 017 | 100 | 29,3 | 68,4 | 2,3 | 49,2 | 49,1 | 1,7 | 3,7 | 93,1 | 3,2 |
| 018 | 100 | 26,0 | 71,2 | 2,8 | 45,3 | 52,2 | 2,5 | 4,6 | 92,3 | 3,1 |
| 019 | 100 | 26,9 | 70,1 | 3,0 | 48,7 | 48,4 | 2,9 | 5,0 | 91,9 | 3,1 |
| 020* | 100 | 27,8 | 68,0 | 4,2 | 50,9 | 44,1 | 5,0 | 5,1 | 91,4 | 3,5 |

178 *Ўзбекистон Республикаси давлат статистикаси кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг энг самарали шакли сифатида фермер хўжалиklarини яратиш жараёни давлат мустақилигининг дастлабки йилларидан бошланди. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун асос бўлиши керак. Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида тўпланган қишлоқ хўжалигини ислох қилиш тажрибасини умумлаштирувчи, уларнинг самарали фаолияти учун агрофирмалар, машинасозлик ва трактор парклари, таъмирлаш устахоналари, тайёргарлик марказлари кенг, кучли хизмат кўрсатиш инфратузилмаси бўлиши керак.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналар ва бошқалар ҳам мавжуд бўлиши лозим. Бугунги кунда бу фикрнинг ҳаётийлиги амалиётнинг ўзи, фермер хўжалиklarининг фаолияти билан исботланган.

2–жадвал маълумотларида республикада охири йилларда фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиklари тўғрисида маълумот берилган.

2–жадвал

**Республикада фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиklари
тўғрисида маълумот¹⁷⁹**

| | 2018 йил (бирликда) | 2019 йил (бирликда) | 2020 йил (бирликда) | 2019 йилга нисбатан ўсиши % да |
|---------------------------------|------------------------|------------------------|------------------------|--------------------------------------|
| вилоятлар | | | | |
| Андижон | 11 953 | 7 970 | 8 537 | 6,6 |
| Бухоро | 7 659 | 6 196 | 6 475 | 4,3 |
| Жиззах | 11 400 | 7 538 | 8 399 | 10,2 |
| Қашқадарё | 20 550 | 11 440 | 14 151 | 19,1 |
| Навоий | 4 460 | 2 979 | 3 167 | 5,9 |
| Наманган | 10 142 | 6 267 | 7 012 | 10,6 |
| Самарқанд | 21 428 | 11 411 | 12 599 | 9,4 |
| Сурхондарё | 10 461 | 6 137 | 7 214 | 14,9 |
| Сирдарё | 6 475 | 4 043 | 4 743 | 14,7 |
| Тошкент | 15 380 | 7 630 | 7 998 | 4,6 |
| Фарғона | 14 954 | 10 950 | 11 693 | 6,3 |
| Хоразм | 9 365 | 4 426 | 4 887 | 9,4 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 6 872 | 5 567 | 6 115 | 8,9 |
| Республика бўйича | 151 099 | 92 554 | 102 992 | 10,1 |

2–жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, Республикада 2020 йилда 2019 йилга нисбатан ҳамма вилоятларда, айниқса Сурхондарё (14,9%) ва Сирдарё (14,7) вилоятларида фермер хўжалиklари сони ошган, Республика бўйича бу кўрсаткич 10,1% ни ташкил этади.

Фермерлик ҳаракати ривожланишининг янги босқичи 1998 йилда “Фермер хўжалиги тўғрисида” ги қонуннинг қабул қилиниши билан бошланди, бу аввалги фермерлик қонунидан анча фарқ қилади. Янги қонунга биноан, фермер хўжалигида юридик шахснинг хусусий тадбиркорлик субъекти сифатида ўз

179 *Ўзбекистон Республикаси давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

аъзолари билан биргаликда фаолият юритишига, 10 йилдан 30 йилгача муддатга узоқ муддатли ижарага бериладиган ер участкалари бўйича тижорат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга асосланган мустақил фермер хўжалиги тан олинган.

Бундан ташқари, ҳукумат республикада фермер хўжаликларини ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб–қувватлаш бўйича кенг қўламли чора–тадбирлар ишлаб чиқди. Улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президент фармонлари ва қарорларида акс эттирилган. 2018 йилда Олий Мажлис «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилди, у фермерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг фаолиятини рағбатлантириш бўйича ҳуқуқий қоидаларни кенгайтди.

Хусусан, ер участкаларини ижарага олишнинг умумий муддатини 50 йилгача сақлаб турган ҳолда унинг минимал муддати оширилди, ижарага олинган ерни мерос қилиб олиш ҳуқуқи, фермер хўжаликлари фаолиятини текшириш учун шароитлар ва бошқалар киритилди.

Бир гектар ер майдони учун пахта–ғаллачилик лойиҳасига 2 минг АҚШ доллари эквиваленти миқдорида ҳамда сабзавот–ғаллачилик, боғдорчилик–узумчилик, сабзавот–полизчилик лойиҳаларига 5 минг АҚШ доллари эквиваленти миқдорида тўғридан–тўғри инвестиция киритадиган талабгорларга ва кластер корхоналарига туман сектор раҳбарининг тавсиясига кўра танлов ўтказмасдан туман ҳокимининг қарорига асосан ер участкалари ажратилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкаларининг ҳажмлари уларнинг фаолият йўналишларидан келиб чиққан ҳолда куйидагича белгиланади:

- пахтачилик ва ғаллачилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкалари майдонларининг энг кам ўлчами – 100 гектар;
- ғаллачилик ва сабзавотчилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкалари майдонларининг энг кам ўлчами – 20 гектар;
- боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкалари майдонларининг энг кам ўлчами – 10 гектар;
- сабзавотчилик ва полизчилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкалари майдонларининг энг кам ўлчами – 5 гектар;
- чорвачилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкаларининг ҳажмлари қонунчиликда белгиланган тартибда мавжуд шартли мол бош сонидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкаларининг ўлчами юқорида назарда тутилган миқдорлардан кам бўлган тақдирда, уларни мақбуллаштиришга асос бўлади. Мақбуллаштириш жараёнида туман ҳокимликлари захирасига қайтарилган ер участкалари, биринчи навбатда тўғридан–тўғри инвестиция киритадиган, молиявий ҳолати яхши ва қишлоқ хўжалиги техникаларига эга кўп тармоқли фермер хўжаликлари, пахта–тўқимачилик кластерлари, экспорт қилувчи ва қайта ишловчи корхоналарга берилди.

Ер участкаси ижарага берилганда фермер хўжалиги қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини (ўртача уч йилга) ернинг кадастр қийматидан кам бўлмаган миқдорда таъминлашни ўз зиммасига олади. Бу мажбурият ер ижараси шартномасида мустақкамланган. Фермер хўжалигига ажратилган ер участкалари аниқ мақсадлар учун ишлатилади. Улар хусусийлаштирилмайдди, шунингдек сотув

объектлари, гаровлар, хайр–эҳсонлар бўлолмайди ва суб–ижарага берилмайди. Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи фермер томонидан кредит олиш учун гаров сифатида берилиши мумкин. Ер ижараси муддати тугаганидан кейин фермер хўжалиги лизинг шартномасини янги муддатга узайтиришга ҳақли.

Давлат рўйхатга олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида фермер хўжалиги ер участкасидан фойдаланиш учун тўловдан озод этилади. Фермер хўжалигига тақдим этиладиган ер участкасидан фойдаланиш учун тўлов ер участкасини кадастр қийматини ҳисобга олган ҳолда ер участкасининг сифати, жойлашганлиги ва сув таъминоти даражасига боғлиқ ҳолда ягона солиқ тўлови ставкаси миқдорида маҳаллий бюджетга тўланадиган йиллик ижара тарзида амалга оширилади.

Шу билан бирга, фермер хўжалиги раҳбари ажратилган ер участкасидан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича чора–тадбирлар кўради ва ер участкасининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уни сақлаш ва унинг унумдорлигини оширишга қаратилган чора–тадбирларни амалга ошириши, бизнес–режага пул маблағларини ушбу мақсадлар учун тақсимашни киритиш ҳам мумкин.


Фермерликнинг ушбу ва бошқа ташкилий ва иқтисодий асослари ерни ижарага беришда иқтисодий шароитларни белгилайди. Фермер хўжалигида қонуний фонд шаклланади, унинг ҳажми ферманинг раҳбари томонидан белгиланади. Фермер хўжалигининг низом жамғармасига пул маблағлари, қимматли қоғозлар, объектлар, бошқа мол–мулк ёки пул қийматиغا эга бўлган мулкрий ҳуқуқлар бўлиши мумкин.

“Фермер хўжалиги тўғрисида” ги қонунга мувофиқ фермер хўжалиги мулкдорлиги қуйидагилардан иборат: уй–жойлар, уй–жой бинолари, экинлар ва кўп йиллик экинлар, чорвачилиқ, паррандачилиқ, қишлоқ хўжалиги техникаси, усқуналар, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк ишлаб чиқариш фаолияти натижасида олинган маҳсулот, олинган даромад (фойда) ва бошқа олинган мол–мулк қонун билан тақиқланмаган ҳолларда. Фермер хўжалигининг мол–мулки унинг аъзоларининг умумий мулкидир ва қонун билан белгилаб қўйилган ҳуқуқ унга давлат ҳимояси остидадир. Фермер хўжалиги аъзолари билан келишилган ҳолда, мулк акцияларга бўлиниши ва умумий эгалликни шакллантиришлари мумкин. Фермер хўжалиги аъзолари бошқа фермер хўжалиги ташкил қилинган тақдирда, уни қолдириб (жисмоний ёки пул жиҳатидан) акцияларга эга бўлиш ҳуқуқига эгадирлар.

Фермер хўжалиги ерларнинг ижараси тўғрисидаги шартномага мувофиқ ўзлаштирилиши ва фаолият соҳалари, таркиби ва ишлаб чиқариш ҳажмларини мустақил равишда белгилайди. Қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадир.

Хўжалик маҳсулотларининг стандартлари ва сифат стандартларига, экологик, санитария ва бошқа қонун ва қонунда белгиланган қоидаларга риоя этишга мажбурдир. Фермер хўжалиги белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширади. Фермер хўжалиги ва унинг ходимлари ўртасидаги меҳнат муносабатлари қонунга мувофиқ меҳнат шартномаси (шартнома) билан тартибга солинади. Фермер хўжаликларининг иш ҳақи, томонларнинг келишуви бўйича энг кам иш ҳақининг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда пул ва

ногиронлик шартларида белгиланади. Фермер хўжалиги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сотиб олиш, қайта ишлаш ва сотиш, логистика, қурилиш, техникавий, сув хўжалиги, ветеринария, агрокимё ва бошқа хизматларни кўрсатиш учун бирлашма, касаба уюшмалари ва бошқа ассоциацияларга аъзо бўлишлари мумкин. Фермер хўжалигининг даромадлари солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан кейин фермер хўжалигининг раҳбарига берилади ва солиққа тортилмайди. Юқорида келтирилган фикрларга асосланиб, 1–расмда фермер хўжалиги фаолиятининг ташкилий ва иқтисодий механизмлари ва ривожлантириш схемаси ишлаб чиқилди.



1–расм. Фермер хўжалиги фаолиятини ривожлантиришнинг асосий механизмлари ¹⁸⁰

Биринчи гуруҳ давлат томонидан яратилган умумий иқтисодий бошқарув механизмларидан иборат, иккинчиси—фермер хўжаликлари бошқаруви ва амалиёт механизмлари, учинчиси—сотиш, сотиб олиш ва меҳнат шартномаларини тузиш ва бажариш учун шартномавий муносабатлар механизмларидир. Уларнинг барчаси фермер хўжалигини бошқариш жараёнида биргаликда амалга оширилади ва фермер хўжалигининг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли бизнес–режаларида сифат кўрсаткичларини аниқлайди. Давлатнинг умумий иқтисодий механизмлари томонидан ташкил этилган фермер хўжалигининг фаолиятини ташкил этиш учун асослар мавжуд.

Ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси—ер фермерга ижарага берилади. Шу билан бирга, фермер рентабелликда солиқ тўлаши зарур бўлган тақдирда, ерни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун ва ўз маблағлари ёки банк кредитлари ёрдамида ер участкасининг унумдорлигини оширишга мажбур қилади.

Йил бошида деҳқон давлатга топширилган пахта, ғалла ва бошқа маҳсулотларнинг нархи эвазига экин экиш, қайта ишлаш, йиғиш ва сотиш учун қисқа муддатли кредит билан таъминланди. Бундай ҳолда, фермер сотиш учун

180 Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

шартнома тузади ва махсулотни етказиб бериш доираси учун тўлиқ жавобгар бўлади. Даромад ҳисобидан фермер ишчиларни рағбатлантириш тўғрисида қарор қабул қилади.

Худудий машина–трактор парклари хизматлари фермер хўжаликлариغا қишлоқ хўжалиги хизматларини пулли, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва ҳосилни етказиб беришдан иборат. ҚҚС, харажатларнинг бир қисмини олдиндан тузилган шартномалар асосида олдиндан тўлаш шарти билан хизматлар кўрсатади.

Фермер хўжалиги томонидан фойдаланиладиган бозор механизмларидан бири иқтисодий ривожлантириш учун банк кредитларини олишдир. Бундай ҳолатда фермер хўжалиги ери кредит қарзини қоплаш гаровидир. Фермерларга бериладиган кредитлар имтиёзли шартларда берилиши мумкин. Фермер хўжалигининг муваффақиятли фаолиятининг муҳим шарти–сотиш бозорлари, махсулот баҳоси ва консалтинг хизматлари, шунингдек бухгалтерлик ҳисоботлари ва бизнес–режалар тайёрлаш билан боғлиқ хизматлардир. Ушбу хизматлар бозор инфратузилмасига эга ташкилотлар томонидан тақдим этилади, лекин уларнинг айрим тармоқларда, айниқса, туманларда етарли даражада ривожланган эмас.

Ушбу механизмларни амалга ошириш ва уларнинг шарт–шароитлари фермер хўжаликларининг бизнес–режасида, танланган ривожланиш стратегияларини ҳисобга олган ҳолда, бир, икки ёки уч йил ва 5–10 йил учун тайёрланган бўлиши керак. Экиладиган экинлар ҳосилдорлигини ошириш ва бозорлар, айниқса, мева ва сабзавот махсулотларини ва экспорт қилиш учун меваларни етказиб бериш орқали махсулотни янада сифатли қилиб етиштириш мақсадга мувофиқдир.

Ердан оқилона фойдаланиш сув маблағларини йўқотишдан ташқари моддий ресурслардан кўра муҳимроқ ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, ернинг мунтазам парвариши, унинг унумдорлигини ошириш барқарор ҳосилни олиш учун муҳимдир. Фермер хўжалигида доимий ва вақтинчалик ишчиларни тўғри ишлатиш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш беқиёсдир.

Буларнинг барчаси фермер хўжаликларининг стратегик бизнес–режасида акс этирилиши керак. Фермер хўжаликлари учун қўшимча даромад манбаси ҳам фермер хўжалигида ёки кичик фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги махсулотларини бошқа фермер хўжаликлари билан ҳамкорлик асосида қайта ишлаш имкониятига эга.

Шу билан бирга, фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг муҳим заҳиралари уларнинг ишлаб чиқариш тузилмаларини тартибга солиш, шунингдек, алоҳида маъмурий ҳудудлар ичида оқилона тақсимлаш ва ихтисослашишда мавжуддир.

Шундай қилиб, иқтисодий модернизация қилиш шароитида фермер хўжаликларини янада ривожлантиришни таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири қишлоқларда замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш, фермер хўжаликлари эҳтиёжларига жавоб берадиган ҳажмда хизматлар кўрсатишга имкон беради.

ҚИСҚА МУДДАТЛИ ИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКА – МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА

А.О. Мамиров,
Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитаси
бошқарма бошлиғи

Иқтисодиёт ривожланишининг асосий тенденцияларини ўрганиш ва муҳим бошқарув қарорларини қабул қилишда қисқа муддатли иқтисодий статистика маълумотлари асосий ахборот ресурслари сифатида алоҳида ўрин тутади.

2007–2008 йиллардаги глобал иқтисодий ва молиявий инқироздан сўнг қисқа муддатли иқтисодий статистика маълумотларидан фойдаланувчилар сони ва уларга бўлган талаб кескин ошди. Охириги йилларда дунё бўйлаб рақамли иқтисодиётнинг тез суръатлар билан ривожланиши, шунингдек, пандемия сабабли жаҳон мамлакатларида иқтисодий инқирозга қарши тезкор чоралар кўриш зарурати қисқа муддатли иқтисодий статистиканинг, яъни тезкор статистик маълумотларнинг долзарблиғи ва аҳамиятини янада оширди.

Бу эса, жаҳон мамлакатларининг статистика идоралари олдига юқори сифатли, иқтисодий хавф–хатардан эрта огоҳлантира олувчи, бизнес цикли аниқроқ ифодаловчи ва халқаро даражада таққослама қисқа муддатли иқтисодий кўрсаткичлар тизимини ривожлантириш масаласини қатъий қўйди.

Қисқа муддатли иқтисодий статистика нима?

Қисқа муддатли иқтисодий статистика, одатда кунлик, ҳафталик, ойлик ва чораклик даврийликда шакллантириладиган ва фойдаланувчиларга тақдим этиладиган, шунингдек, мамлакат иқтисодиётидаги сўнгги ўзгаришларни ёритиш ва таҳлил қилишга хизмат қиладиган динамик қаторлар кўринишидаги иқтисодий кўрсаткичлар тизимини ўз ичига олади¹⁸¹.

Ушбу кўрсаткичлар мамлакатлар ҳукумати, давлат бошқаруви идоралари, марказий банклари, компаниялар, илмий–тадқиқот ташкилотлари томонидан иқтисодий ҳолатни таҳлил қилиш, иқтисодий сиёсат, жумладан, пул–кредит ва солиқ–бюджет сиёсати чораларини ишлаб чиқиш ва мониторинг қилиш, шунингдек, макроиқтисодий дастурлаштириш, иқтисодий ривожланиш сценарийларини ишлаб чиқиш, қисқа ва ўрта муддатли истиқбол учун макроиқтисодий кўрсаткичларни прогнозлаштиришда асосий восита бўлиб хизмат қилади.

¹⁸¹ Data Template and Metadata for Short-term Statistics, United Nations, Statistics Division, New York, 2018. 5-бет.

Халқаро амалиётда қисқа муддатли иқтисодий статистика кўрсаткичлари иккита соҳада кенг қўлланилади.

Биринчидан, ушбу кўрсаткичлар, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, иқтисодий сиёсат чораларини ишлаб чиқиш, мониторинг ва таҳлил қилишда ишлатилиши мумкин. Қисқа муддатли статистик кўрсаткичлар сўнгги иқтисодий натижаларни таҳлил қилиш имконини беради ва истиқбол учун прогнозларини тайёрлаш учун асос яратади.

Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, қисқа муддатли иқтисодий статистика кўрсаткичлари бизнес цикли ва тенденцияларини ўрганиш, шунингдек, иқтисодий ўсиш ва инқироз (пасайиш) муддатларини эрта аниқлаш имконини беради. Улар асосида амалга оширилган таҳлилар ёрдамида кутилаётган хавф–хатарларни бартараф этиш учун тегишли иқтисодий, солиқ–бюджет ва пул–кредит сиёсати чораларини ўз вақтида қўллаш мумкин.

Қисқа муддатли иқтисодий статистиканинг иккинчи кенг фойдаланиладиган соҳаси бу статистика соҳасининг ўзидир. Қисқа муддатли статистик маълумотлар миллий ҳисоблар статистикасини шакллантириш учун асосий маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қилади.

Масалан, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қурилиш ишларини бажариш, хизматлар кўрсатиш, савдо айланмаси ва бошқа шу каби ойлик ва чорақлик қисқа муддатли статистик кўрсаткичлар ЯИМни жорий нархларда иқтисодий фаолият турлари кесимида ҳисоблашда қўлланилади. Саноат ишлаб чиқариши ва чакана савдо айланмаси индекслари эса ишлаб чиқариш усулга асосланган чорақлик ЯИМнинг тегишли таркибий қисмларини экстрополяция қилишда ва доимий нархларга ўтказишда фойдаланилади.

Шунингдек, ойлик ва чорақлик истеъмол нархлари, ишлаб чиқарувчилар нархлари, экспорт ва импорт нархлари индекслари ЯИМнинг якуний истеъмол бўйича таркибий қисмларини дефляциялашда ва доимий нархларга ўтказишда фойдаланилиши мумкин. Чакана савдо айланмаси индекси уй хўжалиқларининг товарлар якуний истеъмоли ўзгаришини ифодаловчи энг мувофиқ келувчи индикаторлардан бири ҳисобланади.

Халқаро стандартларга мувофиқ мамлакатларда макроиқтисодий конъюнктурадаги ўзгаришларни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш мақсадида 12 турдаги қисқа муддатли иқтисодий статистика кўрсаткичлари гуруҳидан доимий фойдаланиш тавсия этилади.

Ушбу 12 турдаги статистик кўрсаткичлар гуруҳи Евростат томонидан доимий юритиладиган Европа асосий иқтисодий кўрсаткичлари тизими ҳамда Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ)нинг Маълумотларни тарқатиш бўйича умумий ва махсус стандартларини бирлаштириш орқали ишлаб чиқилган.

Тегишли статистик кўрсаткичларни доимий шакллантириб бориш ёки шакллантирмаслик ҳамда уларнинг муҳимлилик даражасини белгилаш мамлакатларнинг ўз эҳтиёжлари ва имкониятларидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Қисқа мuddатли иқтисодий статистика кўрсаткичлари тизими

| Кўрсаткичлар гуруҳи | Даврийлиги |
|---|--------------------|
| 1. Миллий ҳисоблар тизими агрегатлари (турли усулларда ҳисобланган ЯИМ в.б.) | Чораклик |
| 2. Тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш ва даромадлар кўрсаткичлари (саноат, қурилиш, хизматлар, чакана савдо индекслари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариши в.б.) | Ойлик |
| 3. Нархлар статистикаси маълумотлари (истеъмол, ишлаб чиқарувчилар, импорт, экспорт нархлари индекси в.б.) | Ойлик |
| 4. Меҳнат бозори кўрсаткичлари (шисизлик даражаси, бандлик, иш ҳақи в.б.) | Чораклик |
| 5. Ташқи сектор кўрсаткичлари (экспорт, импорт, расмий захиралар, ташқи қарз в.б.) | Ойлик, чораклик |
| 6. Молиявий корпорациялар сектори бўйича маълумотлар (активлар, мажбуриятлар, кредитлаш в.б.) | Ойлик, чораклик |
| 7. Даваат бошқаруви сектори бўйича маълумотлар (даромадлар, харажатлар, яли қарз в.б.) | Чораклик |
| 8. Уй хўжаликлари сектори бўйича маълумотлар (даромадлар, жамғариши в.б.) | Чораклик |
| 9. Номолиявий корпорациялар сектори бўйича маълумотлар (фойда, қарздорлик в.б.) | Чораклик |
| 10. Молия бозори кўрсаткичлари (фоиз ставкалари, валюта курслари, қиммати қозғалар бозори кўрсаткичлари в.б.) | Ойлик |
| 11. Кўчмас мулк бозори кўрсаткичлари (уй-жой нархлари индекси, янги уйлар савдоси в.б.) | Чораклик |
| 12. Иқтисодий қутилмалар бўйича маълумотлар (истеъмолчилар, тадбиркорлар ишончи в.б.) | Ойлик |

Қисқа мuddатли иқтисодий статистиканинг асосий таркибий қисмларидан бири бу чораклик миллий ҳисоблардир. Ушбу ҳисоблар чораклик даврийликда шакллантириладиган, ўзаро мувофиқлиги таъминланган миллий ҳисоблар статистикаси кўрсаткичларининг интеграциялашган вақтли қаторлари тизимини ўзида акс эттиради.

Чораклик миллий ҳисобларни тузишда йиллик миллий ҳисобларда қўлланиладиган таркиб, қоидалар ва таърифлар қўлланилади. Аммо, мавжуд маълумотлар манбаи, вақт ва ресурслардаги чекловлар сабабли, у одатда, йиллик миллий ҳисобларга қараганда паст қамров даражасига эга бўлади. Яъни, чораклик миллий ҳисоблар йиллик миллий ҳисобларга нисбатан қамроқ сонли кўрсаткичлар ва ҳисоблар ҳамда паст даражада деталлаштирилган маълумотларни қамраб олади.

Чораклик миллий ҳисобларни тузишдан асосий мақсад иқтисодиётдаги жорий ўзгаришларни йиллик миллий ҳисоблардаги мuddатларга нисбатан эртароқ ҳамда алоҳида олинган қисқа мuddатли иқтисодий статистика кўрсаткичларига нисбатан тўлиқроқ акс эттириш ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун улар ўз вақтида шакллантирилиши, шунингдек, ўзаро мувофиқлашган, аниқ, тўлиқ ва зарур даражада батафсил бўлиши керак.

Агар чораклик миллий ҳисоблар ушбу мезонларга тўлиқ жавоб бера олса, улар иқтисодиётдаги жорий ўзгаришларни кузатиш, баҳолаш ва таҳлил қилишда беқиёс аҳамиятга эга бўлади.


Чораклик миллий ҳисоблар йиллик миллий ҳисобларга қараганда қуйидаги афзалликларга эга:

1. Чораклик миллий ҳисоблар кўрсаткичлари йиллик миллий ҳисоблар кўрсаткичларига нисбатан эртaroқ шакллантирилади ва тақдим этилади. Одатда, халқaro тажрибада йиллик маълумотлар асосида тузилган якуний миллий ҳисоблар маълумотлари ҳисобот йилидан 6–12 ойdan сўнг тайёр бўлса, чораклик миллий ҳисоблар маълумотлари узоғи билан ҳисобот давридан 3 ойdan сўнг фойдаланувчиларга тақдим этиш учун тайёр бўлади. Ўз навбатида, нисбатан эртaroқ тайёр бўлган чораклик миллий ҳисобларнинг тўртта чорағи йигиндиси орқали ҳам йиллик миллий ҳисобларнинг дастлабки баҳолашларига эга бўлиш мумкин.

2. Йиллик маълумотлар муайян йил ичидаги ишчанлик фаолиғи циклини ва иқтисодий кўрсаткичларнинг динамикасини акс эттира олмайдди. Бунда фақат тўлиқ бир йилни бошқа йил билангина таққослаш имкони мавжуд. Чораклик миллий ҳисобларда эса йил ичидаги ҳар бир чорак маълумотларини исталган чорак (ўтган чорак, ўтган йилнинг мос чорағи) билан таққослаш ва таҳлил қилиш мумкин.

3. Йиллик миллий ҳисоблар иқтисодиёт таркиби ва узоқ муддатли тенденцияларни акс эттиришда чораклик миллий ҳисобларга нисбатан устунликларга эга, аммо у бир йилда бошланиб, кейинги йилда тугаган иқтисодий ўзгаришларни кўрсатиб бера олмайдди. Шу билан бирга, иқтисодиётдаги ўзгаришларни ва “бурилиш нуқталари”ни эрта аниқлаш нуқтаи назаридан чораклик маълумотлар яққол устунликка эга. Буни қуйидаги графикда келтирилган маълумотлар мисолида кўриб чиқишимиз мумкин.

2016–2020 йиллар учун ЯИМ ҳажми тўғрисида маълумот
(2015 йилнинг доимий нархларида, шартли маълумотлар)



Графикда чораклик ва йиллик ЯИМ ҳажми бўйича шартли маълумотлар акс этирилган. Ўзарo таққослашларни амалга ошириш ва таҳлилий мақсадларда ушбу маълумотлар доимий (ўзгармас) нархларда, шунингдек, чораклик

маълумотлар мавсумий тузатишлар киритилган ҳолда келтирилган. Графикда кўриш мумкинки, 2016–2017 йилларда йиллик ҳамда чораклик маълумотлар иқтисодий ҳолатнинг давомий пасайишини кўрсатмоқда.

Чораклик миллий ҳисоблар маълумотларига кўра, 2018 йилнинг II чорагидан бошлаб иқтисодиёт қайта тикланишни бошлаган ва ўсиш фазасига ўтган. Ўсиш цикли 2019 йилнинг I чорагига қадар давом этган.

Йиллик миллий ҳисоблар эса аксинча, 2018 йилда 2017 йилга нисбатан иқтисодий пасайиш бўлганлигини кўрсатмоқда. Йиллик миллий ҳисобларда иқтисодиётда ўсиш содир бўлганлиги фақатгина 2019 йил якунлари бўйича маълумотлар олингандан сўнг ўз аксини топмоқда. Масаланинг муаммолилиги шундаки, 2019 йилнинг йиллик маълумотлари 2020 йилнинг иккинчи ярмида шакллантирилиши мумкин.

Бундан кўриниб турибдики, 2018 йилнинг II чорагидан бошланган иқтисодий ўсиш ҳолати йиллик миллий ҳисобларда жуда узоқ кечикиш билан ҳисобот давридан 24 ойдан сўнг ўз аксини топмоқда. Бир вақтнинг ўзида, ушбу ўзгаришни чораклик миллий ҳисоблар сезиларли даражада эрта аниқламоқда ва ҳисобот давридан 3 ойдан сўнг акс эттирмоқда.

Графикда тасвирланганидек, йиллик миллий ҳисоблар 2019 йилда 2018 йилга нисбатан иқтисодий ўсиш содир бўлганлигини кўрсатмоқда. Бир вақтнинг ўзида, чораклик миллий ҳисоблар 2019 йилнинг II чорагидан бошлаб иқтисодий пасайишнинг иккинчи фазаси бошланганини ва у 2020 йилнинг II чорагига қадар давом этганини акс эттирмоқда.

Мазкур зиддиятли ҳолатни 2020 йил якунлари бўйича ҳам кузатиш мумкин. Йиллик миллий ҳисоблар 2020 йилда иқтисодий пасайишни кўрсатаётган бир вақтда, чораклик миллий ҳисоблар 2020 йилнинг III чорагидан бошлаб иқтисодий ўсишнинг иккинчи фазаси бошланганини ва ишчанлик муҳити яхшиланиш тенденциясига ўтганини акс эттирмоқда.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, йиллик маълумотлар баъзи ҳолларда ҳақиқий иқтисодий ҳолатни яшириши, йил давомида содир бўлган ўзгаришларни аниқ тасвирлай олмаслиги мумкин. Аксинча, чораклик маълумотлар бундай ҳолатда жорий иқтисодий ҳолатни тавсифлашда таҳлилчилар учун муҳим ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

4. Чораклик миллий ҳисоблар йиллик миллий ҳисобларга қараганда кузатувлар сонининг тўрт мартаба кўплиги билан математик усулларни қўллаган ҳолда прогноزلштириш, моделлаштириш, регрессион таҳлилларни амалга ошириш ҳамда мавсумийлик динамикасини тадқиқ қилишда қулайроқ ҳисобланади.

5. Қамраб олинган даврнинг қисқалиги сабабли, чораклик миллий ҳисоблар юқори инфляция ва нарх–навонинг кескин ўзгарувчанлиги шароитида ишлаб чиқариш, истеъмол ва бошқа кўрсаткичларни аниқроқ ҳисобга олишда йиллик миллий ҳисобларга нисбатан қулайликларга эга.

Юқорида санаб ўтилган қатор ижобий жиҳатлар чораклик миллий ҳисобларнинг йиллик миллий ҳисобларга нисбатан мутлақ афзалликка эга эканлигини аниқламайди. Йиллик миллий ҳисобларнинг устун томонлари куйидагиларда намоён бўлади: иқтисодиёт таркиби ва узоқ муддатли тенденцияларни тўлиқ акс эттириш; тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмини чораклик ҳисоб–китоблардагига нисбатан осонроқ баҳолаш (айниқса, қишлоқ

хўжалиги ва қурилиш тармоғида); маълумотларни кенг қамровли, нисбатан тўлиқ ва батафсил шакллантириш, маълумотларнинг нисбатан аниқлиги ва юқори сифатлилиги.

Мамалакатимизда қисқа муддатли иқтисодий статистика миллий статистика тизимининг ажралмас қисмини ташкил этиб, мазкур йўналиш бўйича муайян кўрсаткичларни доимий шакллантириш ҳамда фойдаланувчиларга тарқатиш тизими йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, қисқа муддатли иқтисодий статистика кўрсаткичлари сифатини янада яхшилаш, қулайлиги ва долзарблигини ошириш, уларни ҳисоблаш методологиясини халқаро стандартларга мослаштириш, маълумотларни шакллантиришнинг замонавий усуларини жорий этиш ва пировардида фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини тўлақонли қаноатлантириш борасида муайян ишларни амалга ошириш зарурати мавжуд.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сон қарори билан тасдиқланган “2020–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича йўл харитаси” да қисқа муддатли иқтисодий статистикани такомиллаштиришга онд қатор вазифалар белгиланган.

Жумладан, йўл харитасининг тегишли бандлари билан Давлат статистика қўмитасига чорақлик миллий ҳисобларни такомиллаштириш, ЯИМ ва бошқа чорақлик иқтисодий статистика кўрсаткичларини шакллантиришда дискрет ёндашувни татбиқ этиш, максимал узоқ вақт кесимида дискрет кўрсаткичларнинг вақт қаторларини яратиш, вақт қаторларини таҳлил қилиш, мавсумий тузатиш усуллари ва маълумотларни қайта кўриб чиқиш сиёсатини жорий қилиш каби муҳим масалалар қамраб олинган.

Давлат статистика қўмитаси томонидан қисқа муддатли иқтисодий статистикани ва чорақлик миллий ҳисобларни ривожлантириш бўйича охириги уч йил ичида амалга оширилган ишлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. 2018 йилдан бошлаб ХВЖнинг Маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими доирасида Ўзбекистоннинг йиғма маълумотлар миллий саҳифасида чорақлик ЯИМ ва бошқа қисқа муддатли иқтисодий статистика кўрсаткичларини динамик қаторлар кўринишида доимий равишда жойлаштириб бориш ишлари йўлга қўйилди.

2. Чорақлик ЯИМни иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ–2)нинг барча секциялари кесимида ҳисоблаш асосида, уни батафсил тақсимлаш амалиёти жорий этилди. Мазкур кўрсаткичлар 2017 йил маълумотларидан бошлаб динамик қаторлар кўринишида Давлат статистика қўмитаси сайтида доимий эълон қилиб борилмоқда.

3. Чорақлик иқтисодий статистика кўрсаткичларини дискрет (соф) даврлар бўйича шакллантиришни жорий этиш мақсадида давлат статистика кузатувлари шаклларига тегишли ўзгартиришлар киритилди ва ҳозирги кунда олинган маълумотлар асосида ЯИМ кўрсаткичини тажриба тариқасида дискрет чорақлар бўйича ҳисоблаш ишлари олиб борилмоқда.

4. 2019–2021 йиллар давомида Давлат статистика қўмитаси томонидан иқтисодий статистиканинг турли йўналишлари бўйича жами 122 та халқаро стандартларга мос келувчи услубий қўлланмалар ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга жорий этилди. Мазкур услубий қўлланмаларнинг айримларида статистик

кўрсаткичларни чораклик ва ойлик даврийликда шакллантириш масалалари қамраб олинган.

5. Тармоқлар ва макроиқтисодий статистикага оид жами 16 та йўналишда ойлик (7 та) ва чораклик (9 та) таҳлилий пресс–релизлар замонавий дизайн асосида шакллантирилиб, Қўмита веб–сайти орқали фойдаланувчиларга доимий тақдим этиб борилмоқда.

Амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, Давлат статистика қўмитаси томонидан қисқа муддатли иқтисодий статистика ва чораклик миаллий ҳисоблар сифатини яхшилаш ва янада такомиллаштириш бўйича қуйидагилар тақлиф этилади:

1.Макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашда дискрет ёндашувни жорий этиш.

Ҳозирги кунда Давлат статистика қўмитаси томонидан шакллантирилаётган қисқа муддатли иқтисодий статистика кўрсаткичлари ўсиб боровчи яқунларга асосланган. Ўсиш суръатлари ва дефлятор–индекслари ҳам ўтган йилнинг мос ўсиб боровчи даври билан таққосланган ҳолда шакллантирилади ва нашр этилади. Маълумотларни дискрет даврлар бўйича шакллантириш фақат эксперимент тариқасида олиб борилмоқда.

Ҳисоб–китобларда дискрет ёндашувнинг жорий этилиши статистик маълумотлар сифатини янада яхшилаш, таҳлилий аҳамиятини ошириш ва фойдаланувчилар, жумладан, халқаро ташкилотларнинг статистика ахборотларига бўлган талабини тўлиқроқ қондириш имконини беради.

2.Статистик кўрсаткичларни доимий нархларда баҳолаш амалиётини такомиллаштириш.

Амалдаги тажрибага мувофиқ, қисқа муддатли иқтисодий статистика кўрсаткичларини доимий нархларда баҳолашда базис давр сифатида ўтган йилнинг мос даврдан фойдаланилади. Бу эса субйиллик кўрсаткичлар таққосланадиган даврлар ўзаро фарқ қилиши сабабли, маълумотларни вақтли қаторлар кўринишида таҳлил қилиш имконияти кескин пасайишига олиб келади.

Халқаро амалиётда динамика таҳлилларини олиб боришда ойлик ва чораклик кўрсаткичларни базис йилнинг ўртача йиллик нархларида баҳолаш тавсия этилади.

3.Маълумотларни вақтли қаторлар кўринишида тақдим этишни кенгайтириш.

Қўмита томонидан вақтли қаторлар кўринишида тақдим этиб бориладиган кўрсаткичларнинг аксарияти йиллик даврийликка асосланган бўлиб, ойлик ва чораклик маълумотлар, одатда пресс–релизлар кўринишида ва чекланган сонли даврларни (асосан ўтган йилнинг мос даври билан) ўзаро таққослаган ҳолда фойдаланувчиларга тақдим этилади.

Халқаро тавсияларга мувофиқ қисқа муддатли иқтисодий статистика кўрсаткичлари камида беш йиллик даврни қамраб олувчи вақтли қаторлар кўринишида тақдим этилиши керак. Бу эса маълумотлар таҳлилин кенгайтириш, иқтисодиётдаги трендлар ва “бурилиш нуқталари”ни аниқ белгилаш имконини беради.

4.Маълумотларни мавсумий тўғрилаш усуллари жорий этиш.

Одатда, иқтисодий кўрсаткичларга тизимли ва йил давомида тақдорланувчи об–ҳаво ва ижтимоий омилар билан боғлиқ қонуниятлар ўз


таъсирини кўрсатади. Бу омиллар мавсумий омиллар ҳисобланиб, агар улар даврдан даврга ўзгариши таҳлил қилинаётган кўрсаткич таркибида асосий таъсирга эга бўлса, ҳақиқий иқтисодий ҳолатни бузиб кўрсатади ва мавсумий бўлмаган иқтисодий омилларни аниқлашни қийинлаштиради. Бунга мисол қилиб, об-ҳаво омиллари (фасллар) таъсирида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда, шунингдек, янги ўқув йили бошланиши даврида полиграфия маҳсулотлари савдосидаги кескин ўзгаришларни келтириш мумкин.

Шу сабабли, ойлик ва чорақлик маълумотлар бўйича мавсумий тўғрилаш (текислаш)ларни амалга ошириш иқтисодий ўсиш (пасайиш) кўрсаткичлари бўйича ҳақиқий ҳолатни яхши тушуниш ва тўғри таҳлилларни олиб бориш имконини беради.

Мамлакат ЯИМда қишлоқ хўжалигининг улуши сезиларли даражада юқорилиги сабабли, асосий кўрсаткичлар бўйича мавсумий тўғрилашларни амалга оширишга зарурат бор, деб ҳисобланади. Қуйидаги графикда йиллик ЯИМнинг чорақлар бўйича таркибида мавсумийлик омили таъсирини, яъни биринчи чорақ маълумотларининг бошқа чорақларга нисбатан сезиларли даражада пастигини яққол кўришимиз мумкин.

2016–2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси ЯИМнинг чорақлар бўйича таркиби¹⁸²

(дискрет чорақнинг йиллик ЯИМдаги улуши, % ҳисобида)



Халқаро амалиётда мавсумий тўғрилашларни амалга оширишда Х–13–ARIMA–SEATS (АҚШ Рўйхатга олишлар бюроси томонидан ишлаб чиқилган), TRAMO–SEATS (Испания Банки томонидан ишлаб чиқилган), Jdemetra+ (Белгия Миллий банки, Германия Федерал банки ва Евростат ҳамкорлигида ишлаб чиқилган) каби дастурий воситалардан кенг фойдаланилади.

5. Маълумотларни қайта кўриб чиқиш сиёсатини такомиллаштириш.

Чорақлик ва ойлик маълумотларни қайта кўриб чиқишдан асосий мақсад фойдаланувчиларни имкон қадар ўз вақтида, аниқ ва охириги аниқликлар киритилган кўрсаткичлар билан таъминлашдан иборат.

Халқаро тажрибага кўра, дастлаб тезкор маълумотлар асосида шакллантирилган ва кейинчалик қўшимча ва нисбатан сифатлироқ маълумотлар келиб тушиши натижасида аниқликлар киритилган қисқа мuddатли иқтисодий

182 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

статистика кўрсаткичлари доимий асосда янгиланиб, фойдаланувчиларга тақдим этиб борилиши лозим. Шу билан бирга, қайта кўриб чиқишлар даврийлиги ва натижаларини эълон қилиш муддатлари олдиндан белгиланган графикларда ўз аксини топиши ҳамда бу графиклар фойдаланувчилар учун очиқ бўлиши керак.

6. Қисқа муддатли маълумотларни йиллик маълумотлар билан мувофиқлаштириш усуллари жорий этиш.

Ойлик ва чораклик маълумотлар йиллик маълумотлар билан ҳар доим ҳам ўзаро мувофиқ бўлавермайди. Чунки, уларни шакллантиришда, одатда турли маълумотлар манбаларидан фойдаланилади. Ойлик ва чораклик кўрсаткичлар тезкор ҳисоботлар, танланма кузатувлар ва эксперт баҳолашларга асосланса, йиллик кўрсаткичлар эса нисбатан аниқроқ, тўлиқроқ ва батафсиллаштирилган маълумотлар манбаларига асосланади. Бунда, ойлик ёки чораклик маълумотларнинг йиғиндиси йиллик маълумотларга тенг бўлмаслиги табиий ҳол ҳисобланади. Аммо, бундай ҳолат фойдаланувчилар ва таҳлилчиларни чалкаштириб юбориши ҳамда маълумотларнинг ишончлилиги тўғрисида ноаниқликларни келтириб чиқариши мумкин.

Ушбу муаммони ҳал қилиш учун ойлик ва чораклик маълумотлар йиллик маълумотлар билан ўзаро мувофиқлаштирилиши лозим. Халқаро тажрибада, бундай ҳолларда, “бенчмаркинг”га асосланган усуллар кенг қўлланилади. “Бенчмаркинг” усули математик усуллар ёрдамида нисбатан қисқароқ (ойлик, чораклик) даврга эга кўрсаткични узунроқ (йиллик) даврга эга кўрсаткич билан ўзаро мувофиқлаштириш ва бирлаштириш асосида улардан вақтли қаторлар кўринишида фойдаланиш имконини яратади.

7. Қисқа муддатли иқтисодий статистикани шакллантириш учун ахборот манбаларини муқобиллаштириш.

Статистик маълумотларнинг аниқ, ишончли ва долзарб бўлиши, уларни шакллантиришда фойдаланиладиган ахборот манбалари хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Бугунги кунда Давлат статистика қўмитаси қисқа муддатли иқтисодий статистикани шакллантиришда қуйидаги манбаларга таянади:

- йирик тижорат корхоналарининг ойлик ҳисобот маълумотлари;
- кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг чораклик танланма кузатувлари натижалари;
- уй хўжалиқларининг танланма кузатувлари натижалари;
- жисмоний шахсларнинг ишлаб чиқариш (саноат, қурилиш, пулик хизматлар, чакана савдо в.б.) фаолиятини танланма кузатувлари натижалари;
- савдо нуқталаридаги нарх–наво кузатувлари натижалари;
- Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа идораларнинг маъмурий маълумотлари.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Давлат статистика қўмитаси аксарият ҳолларда юридик ва жисмоний шахсларни бевосита кузатишга асосланган анъанавий маълумотлар манбаларига мурожаат қилади. Аммо, охириги йилларда халқаро амалиётда респондентларга ҳисобот юқини камайитириш мақсадида, имкон даражасида маъмурий маълумотлар манбаларига ўтиш жараёналарининг кенгайтирилиши кўришимиз мумкин. Ўз навбатида, маъмурий маълумотлар манбалари кузатувларга асосланган

манбаларга нисбатан қудайлиги, сифатлилиги, ўз вақтида тақдим этилиши ва энг асосийси, камхаржлиги билан афзалликларга эга.

Шу билан бирга, охириги вақтларда статистика соҳасида энг оммабоп ва замонавий атама сифатида ишлатилаётган “улкан маълумотлар (Big Data)” дан фойдаланиш тобора кенгайиб бормоқда.

Масалан, йирик супермаркетлардаги харидлар ва банк операциялари бўйича маълумотлар базаси, корхоналарнинг “1С: бухгалтерия” базалари ва бошқа долзарб қисқа муддатли статистика кўрсаткичларини шакллантиришда беқиёс аҳамиятга эга.

Фикримизча, юқорида келтирилган асосий йўналишлар бўйича тизимли ишларни йўлга қўйиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш натижасида қисқа муддатли иқтисодий статистика кўрсаткичлари сифатининг тубдан яхшиланиши ва шаффофлигининг ошишига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4796-сон қарори // www.lex.uz.*

2. *Европейская комиссия, Международный валютный фонд, Организация экономического сотрудничества и развития, Организация Объединенных Наций и Всемирный банк (2009). Система национальных счетов 2008.*

3. *Data Template and Metadata for Short-term Statistics, United Nations, Statistics Division, New York, 2018.*

4. *Handbook on quarterly national accounts, Eurostat, Luxembourg, 2013.*

МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАЛАРИНИ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДА АКС ЭТТИРИШНИНГ ИШОНЧЛИ МАНБАИ

Б.Э. Тўраев,

**Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги
Кадрлар малакасини ошириш ва
статистик тадқиқотлар институти
директорининг биринчи ўринбосари
М.Б. Муртозаева,
ТДИУ, магистрант**

Ўзбекистон Республикасида сўнги беш йилда амалга оширилаётган кенг қамровли ижтимоий–иқтисодий ўзгаришлар натижалари тўғрисида ишончли расмий маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, уларни маҳаллий ва халқаро миқёсда ҳолислик ва шаффоқлик тамойили асосида акс эттирилишига эришиш бевосита давлат статистика идораларининг ривожланганлик даражасига боғлиқ бўлади. Шу сабабли сўнги йилларда миллий статистика соҳасини ислоҳ қилиш, амалиётга халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий этиш ва, энг асосийси, статистик маълумотларнинг ишончлилиги, шаффоқлиги ва очиқлигини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва ҳукуматининг бир нечта қарорлари қабул қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш чора – тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши, 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3165–сонли, 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффоқлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4273–сонли ва 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4796–сонли қарорлари шулар жумласидандир.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947 – сон фармони билан тасдиқланган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни амалга ошириш доирасида халқаро миқёсда Ўзбекистоннинг ижобий обрусини шакллантириш, кўп жиҳатдан, мамлакатнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини ҳолис ва ҳаққоний баҳолашни

таъминлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни амалга оширишни талаб этади. Бу ҳам шу жумладан, миллий статистика тизими фаолиятини такомиллаштириш билан бевосита боғлиқ.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги ПФ–6003–сон фармони билан турли нуфузли халқаро рейтинглардаги кўрсаткичларга масъул бўлган мутасадди вазирлик ва идораларга аниқ топшириқлар белгилаб берилди. Шунингдек, рейтингларда мамлакат позицияларини яхшилаб бориш юзасидан илмий изланишларни олиб бориш борасида илмий–тадқиқот муассасаларига вазифалар юкланди.

Мазкур қарор билан, Давлат статистика қўмитаси ва унинг ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти Жаҳон банкининг “Статистика салоҳияти индекси” халқаро рейтингда мамлакат ўрнини яхшилаш бўйича масъул идоралар этиб белгиланган.

“Статистика салоҳияти индекси” қанчалик нуфузли рейтинг, у қачон ва қандай тузилади, унинг таркибига қандай индикаторлар киради, Ўзбекистон рейтингга қачондан қўшилган ва унинг ўрни қандай? Бу каби муҳим саволларга жавоб топиш учун Давлат статистика қўмитасининг ва Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтининг расмий маълумотларига мурожаат қиламиз.

“Статистика салоҳияти индекси” Жаҳон банки томонидан 2004 йилдан бошлаб, халқаро миқёсда мамлакатлар миллий статистика тизимининг ривожланганлик даражасини баҳолаб бориш мақсадида эълон қилиниб келинмоқда.

Мазкур индекс ривожланаётган ва қолоқ мамлакатларнинг (ривожланган давлатлар индексга кирмайди) статистик салоҳиятини, мазкур йўналишда эришаётган ютуқларини ва миллий статистика тизимини ривожлантириш борасида олиб бораётган ислохотлари натижаларини ўзида акс эттиради. Индексда баҳолаш манбалари бўлиб – халқаро ташкилотларнинг ва мос равишда мамлакатларнинг миллий ахборот маконидаги маълумотлар базалари ва уларга оид норматив тусдаги ҳужжатлар (метамаълумотлар, таснифлар, шарҳлар ва бошқа) ҳисобланади. Халқаро индекс мамлакатлар миллий статистика тизимини қуйидаги 3 та асосий йўналиш бўйича жами 25 та индикатор асосида 100 баллик шкалада баҳолаб боради:

“Статистика методологияси” йўналишида 10 та индикатор – миллий ҳисоблар, давлат молияси, тўлов баланси, ички ва ташқи қарз, истеъмол, ишлаб чиқарувчилар ва экспорт–импорт нархлари индекслари, таълим ва соғлиқни сақлаш статистикасида қўлланиладиган методологиянинг янгиланганлик ҳолати, шунингдек, статистик кўрсаткичларнинг Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларни тарқатиш стандартлари талабига мос келиши бўйича баҳо берилди.

“Бирламчи маълумотлар” йўналиши бўйича 5 та маълумотлар базалари – аҳоли ва қишлоқ ҳўжалигини рўйхатга олиш, аҳоли турмуш тарзи, соғлиқни сақлаш ва аҳолининг табиий ҳаракати бўйича кузатувлар натижаларининг мавжудлиги, ушбу рўйхатга олиш тадбирлари ва кузатувларни мунтазам ўтказиб

борилиши ҳамда улардан фойдаланиш имконияти яратилганлигига қараб баҳоланади.

“Даврийлик ва ўз вақтидалик” йўналишида мамлакатлар 10 та индикатор бўйича статистик маълумотларнинг эълон қилиниши ва мунтазам янгилаб борилиши (сув билан таъминланганлик, болалар иммунизацияси, тўйиб овқатланмаслик, болалар орасидаги ўлим даражаси, гендер тенглик, таълим, ОИТС билан касалланганлик даражаси, даромадлар бўйича камбағаллик даражаси, оналар соғлиги, ялпи ички маҳсулот ва ялпи миллий даромаднинг ўсиш даражаси ҳолати) бўйича баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси ушбу индекс бўйича биринчи марта 2016 йилда баҳоланган бўлиб, 48,9 балл билан рейтингта кирган мамлакатлар ичида 123 – ўринга, 2017 йил якуни бўйича 51,1 балл билан 116 – ўринга ва 2018 йил якуни бўйича 61,1 балл билан 86 ўринга эга бўлган.

Халқаро рейтингта қўшилган дастлабки йиллардаги Ўзбекистон бўйича паст кўрсаткич, ўз навбатида, мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижаларини халқаро мезонлар ва стандартларга мувофиқлигини баҳолаш яхлит тизимининг йўқлиги, масъул вазирлик ва идораларда тегишли маълумотлар базаларининг шакллантирилмаганлиги, халқаро ташкилотлар ва илмий муассасалар билан тизимли ҳамкорлик алоқаларининг мавжуд эмаслиги ва ходимларда халқаро рейтинглар методологиясини қўллаш бўйича тегишли амалий кўникмаларнинг етишмаслиги билан боғлиқ бўлган. Шунингдек, таҳлиллар шуни кўрсатдики, рейтинг тузишда фойдаланиладиган жами 25 та компонент кўрсаткичлардан 11 таси бўйича мамлакат тўғрисидаги маълумотлар Жаҳон банки маълумотлар базасида мавжуд бўлмаган (тулиқ ёки қисман). Шу билан бирга, рейтинг тузувчилар билан ҳамкорлик алоқаларининг йўқлиги сабабли, халқаро ташкилотларга тақдим этиб борилаётган ва рейтинг тузувчилар томонидан олиб фойдаланилиши мумкин бўлган айрим кўрсаткичларнинг маълумотлари рейтингни тузишда ҳисобга олинмаган. Масалан, саноат ишлаб чиқариш индекси ва истеъмол нархлари индекси бўйича маълумотлар Халқаро валюта фондининг “Маълумотларни тарқатиш умумий тизими” маълумотлар базасида, шунингдек, тўлов балансини тузиш бўйича фойдаланиладиган амалдаги халқаро стандарт ҳақида маълумот Марказий банк сайтида мавжуд бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида номлари қайд этилган қарорларига мувофиқ давлат статистика тизими фаолиятини ислоҳ қилиш ва мамлакат бўйича статистик маълумотларнинг халқаро миқёсда очиқлигини таъминлаш мақсадида, статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, маҳаллий ва халқаро миқёсда фойдаланувчиларга тақдим этишнинг янги тизими жорий этилди. Жумладан, Ўзбекистон 2018 йилнинг май ойидан бошлаб Халқаро валюта жамғармасининг кенгайтирилган “Маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими”га қўшилиб, 24 та йўналиш бўйича 422 турдаги мамлакатнинг макроиқтисодий, молиявий ва ижтимоий статистик кўрсаткичлари бўйича маълумотларни расман эълон қилиб боришга ўтилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестиция позицияси, ички ва ташқи қарзлари ва бошқа бир қатор статистик кўрсаткичларни Халқаро валюта жамғармаси талаблари асосида шакллантириш йўлга қўйилди.

Халқаро даражада умумэтироф этиладиган ва маълумотлар очиқлигининг асосий мезонларидан бири – “Очиқ маълумотлар миллий Портали” фаолияти

йўлга қўйилди ва давлат органларининг таклифлари асосида 1 500 га яқин кўрсаткичларни ўз ичига олган “Очиқ маълумотлар тўплами рўйхати” тасдиқланди ва унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталида 10 мингдан ортиқ маълумотлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида жойлаштирилиб, мунтазам равишда янгиланган бўрилмоқда.

Бундан ташқари, давлат раҳбарининг 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш тўғрисида”ги ПҚ–4210 – сонли қарори билан юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, Жаҳон банкининг “Статистика потенциали индекси” халқаро рейтингда мамлакат ўрнини яхшилаш бўйича Давлат статистика қўмитаси ва Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти томонидан қуйидаги чора – тадбирлар амалга оширилган:

– Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 28 февралдаги 37 – сон буйруғи билан халқаро индексда Ўзбекистон ўрнини яхшилаш бўйича масъулар бириктирилган ва рейтингда Ўзбекистон ўрнини яхшилаш бўйича ишларни ташкил этишнинг амалий чора–тадбирлар режаси тасдиқланган;

– индекс таркиби ва таркибий индикаторларни ҳисоблаш методологияси ўрганиб чиқилиб, охириги рейтингда Ўзбекистон бўйича акс этмаган индикаторлар таркиби аниқлаб олинган;

– халқаро рейтингни тузишда фойдаланиладиган кўрсаткичларни ишлаб чиқувчи ва тақдим этувчи асосий масъул вазирлик ва идоралар аниқланган ва уларнинг раҳбар ходимларидан иборат идоралараро ишчи гуруҳи ташкил этилган;

– халқаро ташкилотларга мунтазам бериб борилаётган тегишли маълумотлардан фойдаланиш ва уларда мавжуд бўлмаган маълумотлар тақдим этилиши бўйича Жаҳон банкига муружаат хатлари юборилган, мутахассислар билан рейтингга доир 5 марта учрашувлар ўтказилган;

– халқаро индекс таркибини ўрганиш натижалари ва ушбу индекснинг компонент кўрсаткичларини шакллантириш методологиясини ўрганиш натижалари бўйича таҳлилий ҳисобот тайёрланган ва Ўзбекистоннинг халқаро рейтингдаги ўрнини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрланган, индекс бўйича намунавий йўриқнома тайёрланган ва Молия вазирлигига тақдим этилган;

– халқаро индексда мамлакат ўрнини яхшилаш бўйича “Йўл харитаси” ва “Жаҳон банкининг статистика потенциали индекси бўйича йиллик ҳисоботида Ўзбекистоннинг рейтингини яхшилаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар” ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги ПҚ – 4273 – сонли қарори билан тасдиқланган.

Халқаро рейтингда Ўзбекистон ўрнини босқичма – босқич яхшилаш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида, индекс доирасида 25 та индикаторнинг 20 таси бўйича миллий маълумотлар базасида ва халқаро ташкилотларнинг ахборот ресурсларида статистик маълумотлар ва уларнинг методологик асосларини мунтазам эълон қилинишига эришилган. Пировардида, Жаҳон банкининг ҳисоботида кўра, 2019 йил якуни билан Ўзбекистон халқаро рейтингда 64,4 балл билан 77 – ўринга, 2020 йил якуни билан эса 67,8 балл билан 61 – ўринга кўтарилган (1–жадвал).

Умуман, Ўзбекистон ушбу халқаро рейтингда 2016 йил ҳисоботида нисбатан 62 поғонага, 2019 йил ҳисоботида нисбатан эса 16 поғонага юқорилаган. Шу билан бирга, мамлакатлар кесимида кўрилса, охириги рейтингда Ўзбекистон

собиқ иттифоқ республикалари (болтиқбўйи республикаларидан ташқари, улар индексга кирмайди) ичида фақат Туркменистондан юқорида жойлашган холос. Бунинг сабаби эса, 2020 йил учун рейтингни тузишда фойдаланилган жами 25та компонентдан Ўзбекистон бўйича қуйидаги 5та индикатор маълумотларининг мавжуд эмаслигидир:

– Халқаро валюта фонди (ХВФ)нинг “Маълумотларни тарқатиш махсус стандарти”га қўшилиш;

– аҳолини рўйхатга олиш даврийлиги;

– қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш даврийлиги;

– аҳоли саломатлигини ўрганиш даврийлиги;

– даромадлар бўйича қашшоқлик (қунига 1,9 АҚШ долларидан кам даромадга яшайдиган аҳоли улуши).

Ўз навбатида, бу кўрсаткичлар бўйича маълумотлар давлат миқёсида келгуси йилларда ўтказиладиган рўйхатга олиш ва махсус кузатувлар натижаларига боғлиқ бўлиб, ушбу тадбирлар ўтказилиши ва натижалари расман эълон қилиниши каби ишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги ПҚ – 4273 – сон қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси” ва 2020 йил 3 августдаги ПҚ – 4796 – сон қарори билан тасдиқланган “Мақсадли кўрсаткичлар” да ҳисобга олинган.

Умуман, “Статистика салоҳияти индекси” халқаро рейтинги бўйича “мақсадли кўрсаткичлар”га эришиш учун келгусида қуйидаги муҳим йўналишларда тадбирлар амалга оширилиши белгилаб олинган:

– халқаро ташкилотлар тавсиялари ва илгор хорижий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда миллий статистика тизими фаолиятига сифатни бошқаришнинг илгор тизимларини жорий этиш;

– 2021 йил якунига қадар Мультииндикатор кластер кузатувлари натижаларини қўмитанинг расмий сайти ва ЮНИСЕФнинг ахборот базасида эълон қилиш;

– Ўзбекистоннинг 2021 йил маълумотлари бўйича халқаро таққослашлар дастурида иштирокини таъминлаш, натижалари асосида миллий валютанинг харид қобилияти паритетини аниқлаш ва эълон қилиш;

– истеъмол нархлари кузатувида қўлланиладиган товар ва хизматлар таснифлагичини халқаро стандартларга тўлиқ мувофиқлаштириш мақсадида ХВФ томонидан тавсия этилган “Мақсадлар бўйича шахсий истеъмол таснифлагичи” талабларини жорий этиш;

– 2022 йилда ХВФнинг кенгайтирилган “Маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими” дан “Маълумотларни тарқатишнинг махсус стандарти”га ўтиш;

– 2023 – 2025 йиллар давомида аҳолини рўйхатга олиш, қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш ва бизнесни рўйхатга олиш тадбирларини ўтказиш ва натижаларини расман эълон қилиш;

– халқаро ташкилотлар томонидан тавсия этиладиган махсус кузатувларни (мультииндикатор кластер кузатувлари, ишчи кучи кузатувлари, демография ва соғлиқни сақлаш кузатувлари) мунтазам равишда ўтказиб бориш ва натижаларини расман эълон қилиб бориш;

– барча турдаги танланма статистик кузатувларни ўтказиш жараёнларига махсус қурилмалар – планшетларни тўлиқ жорий этиш;

– ўзгаришлар ва эришилаётган натижалар тўғрисида Жаҳон банкига белгиланган тартиб ва муддатларда маълумотлар тақдим этиб бориш.

Ўз навбатида, халқаро ташкилотлар тавсияси асосида ишлаб чиқилган ва шу йил 11 августда имзоланган “Расмий статистика тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилинганлиги ҳам халқаро даражада миллий статистика салоҳиятини янада ошишига туртки беради.

Умуман, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги ПҚ–4796 – сон қарори билан тасдиқланган “2020 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегияси” доирасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш орқали, Жаҳон банкининг индексидаги кўрсаткичлар босқичма – босқич яхшилаб борилиши ва 2025 йилга бориб 94 балл билан рейтингда биринчи 10 таликка кириш мақсад қилинган. Ўзбекистоннинг ушбу халқаро рейтингда эришган ва келгусида кутилаётган ўрнини кўйидаги расмда ҳам кўришимиз мумкин:



1–расм. Ўзбекистоннинг “Статистика салоҳияти индекси” даги ўрни. 183

Юқорида қайд этилган тадбирларнинг ижроси мамлакатимизда халқаро стандартларга тўлиқ мос келадиган миллий статистика тизимини шакллантиришга ва ўз навбатида, Жаҳон банкининг статистика салоҳияти индексидаги Ўзбекистон кўрсаткичлари ва позициясини яхшилаб борилишига эришишни таъминлайди.

**Жаҳон банкининг 2017–2020 йиллардаги ҳисобот рейтингига
Ўзбекистон Республикасининг «Статистика салоҳияти индекси»**

| т/р | Баҳолаш индикаторлари | Рейтинг натижаси ва мамлакат ўрни | | | |
|------------|--|-----------------------------------|-------------|-------------|-------------|
| | | 2017 йил | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил |
| | ЙИГМА ИНДЕКС | 51,1 | 61,1 | 64,4 | 67,8 |
| | Мамакатлар ўртасидаги ўрин | 116 | 86 | 77 | 61 |
| I | Статистика методологияси | 50,0 | 60,0 | 70,0 | 80,0 |
| 1 | Миллий ҳисоблар базавий йили | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 2 | Тўлов баланси бўйича фойдаланиладиган қўлланма | 0 | 1 | 1 | 1 |
| 3 | Ташқи қарз тўғрисида ҳисобот бериш ҳолати | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 4 | Истеъмол нархлари индекси (базис йили учун) | 0 | 0 | 1 | 1 |
| 5 | Саноат ишлаб чиқариши индекси | 0 | 0 | 0 | 1 |
| 6 | Импорт ва экспорт нархлари | 0 | 0 | 0 | 1 |
| 7 | Давлат молиясини ҳисобга олиш концепцияси | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 8 | Ўқувчилар сони тўғрисида ЮНЕСКОга ҳисобот | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 9 | Вакцинация камрови бўйича ЖССТ/ЮНИСЕФга ҳисобот | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 10 | ХВФ маълумотларни тарқатиш махсус стандарти | 0 | 0 | 0 | 0 |
| II | Бирламчи маълумотлар | 20,0 | 20,0 | 40,0 | 40,0 |
| 1 | Аҳолни рўйхатга олиш даврийлиги | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 2 | Қашшоқлик даражасини ўрганиш даврийлиги | 0 | 0 | 1 | 1 |
| 3 | Қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш даврийлиги | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 4 | Саломатликни ўрганиш даврийлиги | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 5 | Аҳолининг табиий ҳаракатини рўйхатга олиш тизимининг тўлиқлиги | 1 | 1 | 1 | 1 |
| III | Даврийлик ва ўз вақтидалик | 83,3 | 83,3 | 83,3 | 83,3 |
| 1 | Сув таъминоти (тоза ичимлик сув манбага улашни имконияти) | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 2 | Болалар иммунизацияси (қизамиққа қарши эмланган 1 ёшли болалар улуши) | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 3 | Болалар тўғиб овқатланмаслиги (5 ёшгача кам вазнли болалар сонининг қўлиги) | 0,3 | 0,3 | 0,3 | 0,3 |
| 4 | Болалар ўлими (5 ёшгача болалар ўлими даражаси) | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 5 | Таълимда гендер тенглиги (бошланғич ва ўрта мактабларда қизларнинг ўғил болаларга нисбатан камрови коэффициентини) | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 6 | ОИТВ / ОИТС (ОИТВ тарқалиши, жами [15–49 ёшдаги аҳолига нисбатан фозда]) | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 7 | Даромад бўйича қашшоқлик (кунига \$ 1.99 АҚШ долларидан камга яшовчи аҳоли улуши) | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 8 | Оналар саломатлиги (маакали тиббиёт ходимлари иштирокидаги туғруқлар) | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 9 | Аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиши | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 10 | Бошланғич таълимни яқунлаш даражаси | 1 | 1 | 1 | 1 |

Манба: Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти сайти

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947–сон фармони. “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июлдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва таъхилотларида улар билан тизимли шилашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги ПФ–6003–сон фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3165–сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш чора – тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш тўғрисида” ПҚ–4210 – сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4273–сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4796–сонли қарори. “2020 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегияси”
8. Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти: <https://stat.uz/>.
9. Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти расмий сайти: – <https://instat.uz/>.
10. Очиқ маълумотлар миллий портали: – <https://data.gov.uz/>.
11. Йигма маълумотлар миллий саҳифаси: <https://nsdp.stat.uz/>.

ИСТЕЪМОЛ НАРХЛАРИ ИНДЕКСИ (ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИ) ХИСОБ–КИТОБЛАРИНИ ХАЛҚАРО ТАЛАБ ВА СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА БУ БОРАДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР

М. Умаров,

**Давлат статистика қўмитаси
бошқарма бошлиғи**

Сўнги йилларда, миллий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳага кенг қўлланилаётган, халқаро талаблар ва стандартларга мос келадиган статистика таҳлили, кўрсаткичлари ва ҳисобот шакллариининг синовдан ўтган замонавий усуллариини жорий этиш бўйича белгиланган вазифалар доирасида, Давлат статистика қўмитаси томонидан истеъмол нархлари индекси кузатувлари ва ҳисоб–китобларини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 2017–2021 йиллар давомида истеъмол нархлари индекси кузатувларини ташкил этиш ва ҳисоб–китобларини амалга ошириш бўйича услубий низом илғор хорижий тажрибалар ўрганган ҳолда халқаро экспертларнинг кўмаклари ва тавсиялари асосида янгиланди. Хусусан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3165–сон қарорида белгиланган вазифаларга мувофиқ, истеъмол нархлари индекси кузатувларини ташкил этиш ва ҳисоб–китобларни амалга ошириш бўйича услубий низом халқаро амалиёт ва стандартларни ўрганган ҳолда тўлиқ қайта кўриб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди.

Натижада, истеъмол нархлари индекси кузатувларининг товарлар ва хизматлар рўйхати аҳоли томонидан кенг истеъмол қилинадиган товарлар ва хизматлар билан тўлдирилиб, 2018 йилдан уларнинг сони 350 тадан 386 тага кенгайтирилди.

Истеъмол нархлари индекси маълумотлари таҳлили кенгайтирилди ва ҳисоб–китоблар натижалари юзасидан ҳар ойда таҳлилий пресс–релизлар эълон қилиб борилмоқда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 4 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4273–сон қарорида белгиланган вазифаларга мувофиқ, нархлар статистикаси бўйича эълон қилинадиган таҳлилий маълумотлар таркиби кенгайтирилди. Хусусан, истеъмол нархлари индекси ҳисоб–китобларида фойдаланиладиган товарлар ва хизматларнинг салмоқ вазилири кўрсаткичлари илк бора Давлат статистика қўмитасининг расмий веб–сайтининг

“Очиқ маълумотлар” саҳифасида ҳамда “OPEN DATA” очиқ маълумотлар порталида эълон қилина бошлади.

Шунингдек, истеъмол нархлари индекси ҳисоб–китоблари бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш ҳамда халқаро статистика ташкилотларининг тавсиялари асосида миллий услубиятни мунтазам равишда янада такомиллаштириб бориш мақсадида, 2019 йилда истеъмол нархлари индекси кузатувларини ташкил этиш ва ҳисоб–китобларни амалга ошириш бўйича услубий низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур услубий низом билан, 2020 йилдан истеъмол нархлари индекси кузатувларининг товарлар ва хизматлар рўйхати 510 тагача кенгайтирилди. Республика ҳудудларининг ижтимоий–иқтисодий кўрсаткичлари кузатув тамойилларига мослиги жиҳатидан қайта кўриб чиқилди ҳамда ҳудудлар сонини мақбуллаштириш ҳисобига кузатув танланмасидаги шаҳар ва туманлар сони 78 тага етказилди. (илгари қанча эди? Илгари 120 та бўлган айрим жойларда савдо объектлари тўлиқ ишламаганлиги сабабли халқаро тавсиядан келиб чиқиб қисқартирилганми.) Шу билан бирга, истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш бўйича тўлиқ жаҳон стандартларига мос келадиган товар ва хизмат(тариф) ларнинг ўртача нархларини ҳисоблашда ўртача геометрик услуб жорий этилди.

3. Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил учун иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада долзарб масалаларнинг статистик таҳлилини ўтказиш бўйича халқаро ташкилотларнинг тавсияларини ўрганиш асосида услубий қўлланмаларни такомиллаштириш ва жорий этиш бўйича Харажатлар режасига мувофиқ, 2019 йилда истеъмол нархлари индекси кузатувлари товарлар ва хизматлар тўпламини умумэтироф этиган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Classification of Individual Consumption According to Purpose (COICOP) 2018 халқаро стандартига асосланган миллий Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифлагичи 2018 (МИИТ–2018) асосида шакллантириш бўйича ишлар олиб борилди. Хусусан, 2019 йилда илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда, қисман МИИТ–2018 асосида шакллантирилган товарлар ва хизматлар тўплами 2020 йил учун истеъмол нархлари индекси кузатувларига синов тариқасида жорий этилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг Миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4796–сон қарори билан тасдиқланган “2020–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегияси” ҳамда уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг ижросини таъминлаш мақсадида, 2021 йилдан бошлаб Давлат статистика қўмитаси МДХга аъзо давлатлар орасида биринчилардан бўлиб истеъмол нархлари индекси кузатувларини тўлиқ МИИТ–2018 асосида шакллантириш амалиётини жорий этди.

Натижада, истеъмол нархлари индекси кузатувларини ташкил этиш ва ҳисоб–китобларни амалга ошириш бўйича услубият янада такомиллаштирилди ҳамда Давлат статистика қўмитаси томонидан 2020 йилнинг 30 ноябрида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Марказий банк

билан келишиб ишлаб чиқилган янгиланган тахрирдаги услубий низом қабул қилинди.

МИИТ–2018 га асосан, 2021 йилда истеъмол нархларини кузатиш ва истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш учун танлаб олинган 510 та товарлар ва хизматлар 13 та йирик бўлимларга гуруҳланди.

Мазкур гуруҳлаш мамлакатимиз кўрсаткичларини таркибий жиҳатдан дунёнинг ривожланган мамлакатлари мос кўрсаткичлари билан солиштириш имконини яратди.

5. 2020 йилнинг декабрь ойида ХВЖ техник кўмак миссияси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда қўлланилаётган истеъмол нархлари кузатувларини ўтказиш амалиёти ва инфляцияни ҳисоблаш методологияси батафсил кўриб чиқилди. Таъкидлаш жоизки, миссия якуни бўйича ХВЖ экспертлари томонидан мамлакатимизда истеъмол нархлари кузатувларини ташкил этиш борасида олиб борилаётган амалий ва услубий ишларга юқори баҳо берилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги ПҚ–3165–сон қарорида белгиланган вазифаларга асосан, статистика соҳасидаги ислохотларнинг муҳим йўналишидан бири сифатида, ички истеъмол бозоридаги нархлар статистикасини такомиллаштириш, илғор хорижий тажрибаларни ва замонавий ахборот–коммуникация технологияларини кенг жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, белгиланган алоҳида чора–тадбирлар режасига асосан, 2020 йилда истеъмол бозорида нарх кузатувларини ўтказиш жараёнарига САПІ технологияси, яъни махсус электрон қурилмалар (планшетлар) тўлиқ жорий этилди. Натижада, инфляцияни ҳисоблаш жараёнлари автоматлаштирилди, статистик маълумотларнинг объективлиги ва юқори сифатини таъминлашга эришилди.

Ўз навбатида, Давлат статистика қўмитаси томонидан келгусида ҳам ички бозордаги истеъмол нархлари кузатувларини сифатли ташкил этиш ҳамда тегишли статистик маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш бўйича ишлар давом эттирилади.

СТАТИСТИЧЕСКИЕ ПАКЕТЫ ПРИМЕНЯЕМЫЕ В ЭКОНОМИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЯХ

***Ё. Илхамова,
ТФИ, заведующая кафедрой
Б. Шермухамедов,
ТФИ, соискатель.***

Особенностью методов статистического анализа является их комплексность, обусловленная многообразием форм статистических закономерностей, а также сложностью процесса. Разнообразие статистических пакетов обусловлено многоплановостью задач обработки данных с применением различных типов статистических процедур анализа. Универсальные пакеты, или пакеты общего назначения (например, SPSS, STATA, STATISTICA, S-PLUS, Stadia, STATGRAPHICS, SYSTAT, Minitab). Эти пакеты не ориентированы на специфическую предметную область и могут применяться для анализа данных из различных областей деятельности. Они предлагают широкий диапазон статистических методов и имеют относительно простой интерфейс. С такими пакетами нами рекомендуется работать на начальных этапах работы с данными, когда еще четко не определены статистические методы, которые будут применяться для решения той или иной экономической проблемы. Как показал анализ многопрофильность универсального пакета позволяет провести пробный анализ различных типов данных с использованием широкого диапазона статистических методов. Если рассматривать профессиональные пакеты SAS, VMDP, то они отличаются от универсальных тем, что позволяют работать со сверхбольшими объемами данных, применять узкоспециализированные методы анализа, создавать собственную систему обработки данных. Специализированные пакеты BioStat, MESOSAUR, DATASCOPE позволяют проводить анализ с использованием ограниченного числа специализированных статистических методов. С подобными статистическими пакетами работают специалисты, хорошо знакомые с методами анализа данных в той области, на которую ориентирован пакет. Как показали исследования, статистический пакет BioStat используется для анализа данных в области биологии и медицины, а статистический пакет MESOSAUR применяется при анализе одномерных и многомерных временных рядов и построении регрессионных моделей, статистический пакет DATASCOPE специализируется на проведении анализа многомерных данных. Специализированные пакеты позволяют проводить анализ

с использованием ограниченного числа специализированных статистических методов. Большинство представленных на рынке статистических пакетов обладают гибкой модульной структурой, которая может пополняться и расширяться за счет пользовательских модулей, дополнительно закупаемых или находящихся в свободном доступе в Интернете. Подобная гибкость позволяет адаптировать большинство пакетов к потребностям конкретного пользователя. Широко используются такие пакеты как STATGRAPHICS, SPSS, STATA, SAS, STATISTICA, EViews, Kxen, S-plus, Deductor, PrognozPlatform, STADIA, ЭВРИСТА, МИЗОЗАВР, ОЛИМП: Стат-Эксперт, Статистик-Консультант, САНИ, КЛАСС-МАСТЕР и т.д. Как показал проведенный нами анализ, многие пакеты как R, Python, RapidMiner, BV4.1, GeoDA, Winpepi, EpiInfo, X-12-ARIMA, Deductor, PrognozPlatform, SPSS, STATA, SAS, STATISTICA, EViews, Maple, Mathematica, MATLAB и др. характеризуется сравнительно малым набором статистических методов и призваны решать специфические задачи в конкретных предметных областях, например, при проведении переписей или оценки эпидемиологической обстановки. Многие программы представляют собой не только инструмент статистической обработки данных, но и систему хранилищ данных, систему отчетов для управления и т.д. Как показали исследования, применение статистических пакетов SAS, SPSS Modeler оправдывает себя с точки зрения последующей отдачи от внедрения. По функциональности, т.е. по аналитическим возможностям, набору инструментария выделяют универсальные пакеты общего назначения или профессиональные, к ним относятся SPSS, STATA, STATISTICA, S-PLUS, SAS, Deductor, Prognoz Platform и др., а также специализированные пакеты: BioStat, EQS, ЭВРИСТА, GWR4, GeoDA, ArrowModel и др. Проведенный анализ показал, что статистические методы в большинстве инварианты по отношению к исходным данным, а универсальные пакеты могут применяться для анализа данных с использованием широкого диапазона статистических методов и имеют простой интерфейс. Многопрофильность универсального пакета позволяет провести подробный анализ различных типов, данных с использованием широкого диапазона статистических методов. Большинство существующих универсальных пакетов имеют много пересечений по составу встроенных статистических процедур и являются конкурирующими продуктами по отношению друг к другу. Их основное отличие состоит в способах реализации интерфейса программы. Специализированные пакеты позволяют проводить анализ с использованием ограниченного числа специализированных статистических методов. С подобными статистическими пакетами работают специалисты, знакомые с методами анализа данных в той области, на которую

ориентирован пакет. Больше всего методической литературы по пакетам SPSS и Statistica, но, популярность пакета SPSS вызвана тем, что данный универсальный пакет фактически является стандартом обработки социологических и маркетинговых данных на многих коммерческих предприятиях. А популярность пакета Statistica компании StatSoft, имеет удобный русифицированный интерфейс и обладает большой справочной поддержкой. Преимуществом этого пакета является наличие отдельных модулей с обширным функционалом по построению нейронных сетей и пакет позволяет проводить обработку данных по эконометрическим исследованиям. Для того, чтобы статистический пакет программ был удобным и эффективным в работе, он должен удовлетворять многочисленным и весьма жестким требованиям а, именно, содержать значительный спектр статистических инструментов (процедур, методов); быть достаточно простыми для быстрого освоения и удобным в использовании; отвечать высоким требованиям к вводу, преобразованию и хранению наборов данных, также иметь возможность экспорта–импорта данных; иметь широкий набор средств графического представления данных и результатов; иметь подробную документацию (методическое обеспечение), достаточную для самостоятельного освоения исследователями, знакомыми со статистическими процедурами; быть доступным по цене, в идеале относиться к категории бесплатных продуктов.

Пакет SPSS, уже согласно своему названию (Statistical Package for Social Science), ориентирован именно на применение в социальных науках, следовательно, содержит в себе поля, процедуры и методы, понимающие особенности природы социальной информации, в том числе той первичной информации, которая может быть получена в ходе проведения прикладного исследования сотрудников предприятия. Э

та информация действительно имеет ряд особенностей, которые отличают ее от обычных статистических данных, и не все статистические процедуры обработки, и не все рассчитываемые статистические показатели могут быть к ней применимы. Остановимся на них несколько подробнее с тем, чтобы понимать природу данных и впоследствии правильно выбирать процедуры обработки и анализа. SPSS, в отличие от многих других статистических пакетов.

Понимая, что многие показатели качественные, SPSS предлагает много процедур для работы именно с качественными показателями, тогда как подавляющее большинство других статистических пакетов ориентировано на математическую статистику. SPSS, как программа, ориентированная на обработку данных социальных наук очень удобна для прикладных исследований,



когда источником информации являются люди и полученные данные имеют качественную, а не количественную природу.

Вместе с тем, SPSS содержит и полный перечень процедур математической статистики, применимый для количественных данных, когда единицей наблюдения выступают не люди, а структурные подразделения, филиалы или организации. Все это делает SPSS удобной и эффективной программой обработки и анализа данных для прикладных исследований в сфере менеджмента. SPSS при всей ее универсальности не может решить все задачи, которые могут возникнуть в процессе прикладного исследования. Так, если собранные данные имеют преимущественно количественный характер, то можно порекомендовать и другую программу, имеющую очень развитый математико-статистический аппарат, например, программу Statistica.

В случае, когда предстоит собрать данные, нужны программы, позволяющие организовать и увязать разные способы сбора и ввода информации. Программа обработки и анализа социологической и маркетинговой информации Vortex.

В отличие от программы SPSS, которая не осуществляет контроль процесса ввода данных и работает в командном режиме, Vortex ориентирован на автоматизацию процесса сбора данных и быстрое и наглядное представление данных в интерактивном режиме.

Вместе с тем, Vortex существенно уступает SPSS в функционале многомерного анализа данных. Поэтому в исследовательской практике следует использовать Vortex для организации процесса ввода данных, оценки качества данных, преобразования и элементарного анализа. Если необходим более сложный анализ данных, то необходимо конвертировать их в SPSS и произвести необходимую работу в SPSS.

Список использованной литературы

1. Айвазян С. А. Инструменты статистического анализа данных / С. А. Айвазян, В. С. Степанов // Мир ПК. – 1997. – № 8. – С. 32–41.
2. Адамов В. Е. Факторный индексный анализ (Методология и проблемы). М.: Статистика, 1977. – 200 с.

ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЁТГА ТАЪСИРИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ

**Н.Т. Исакова,
докторант**


Бугунги кунда мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш уни қайта қуриш ва янги техника–технологиялар билан таъминлаш учун инвестициялар зарур. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг Давлат ўз мулкани шахсий қўлларга бериб, мамлакат ичида моддий ва пул ресурсларини тарқатиш бўйича аввалги буйруқбозлик функцияларидан воз кечди. Иқтисодиётнинг реал секторидаги корхоналар захирасида ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга маблағ киритиш учун ўзининг етарли даражада сармоясининг йўқлиги миллий иқтисодиётни ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Корхона молиявий барқарорлигини бошқаришга креатив ёндашув шунда намоён бўладики, унда Ўзбекистон Республикаси ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий модернизациясиз валибераллашув ишаридаги янги молия сийёсати доирасида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг долзарб вазифаларини ҳисобга олган ҳолда корхона молиявий барқарорлигини бошқариш тизимининг шаклланиши ва самарали фаолиятини таъминлашнинг замонавий тенденцияларини тизимли тарзда тадқиқ этиш асосий масала қилиб қўйилиши ва унинг диққат марказида “корхона молиявий барқарорлиги”, “корпоратив молиявий менежмент самарали йўналишларида молиявий барқарорликни таъминлаш омиллари ва воситалари”, “иқтисодий очиклиги ва бизнес муҳити” каби ҳаётий белгилловчи омиллар мутаносибликларини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғун-лаштириш орқали унинг такомиллашган механизминини ишлаб чиқиш туради.

Корхона молиявий барқарорлигини бошқаришга креатив ёндашув вазифалари сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

– тизимли ёндашув асосида “корхона молиявий барқарорлиги”, “корпоратив молиявий менежмент самарали йўналишларида молиявий барқарорликни таъминлаш омиллари ва воситалари” тушунчаларининг янгича талқини берилди ва унда корхона молиявий барқарорлигининг улар иқтисодий ўсишига таъсири самараларини баҳолаш ва таҳлил қилиш масалаларини ҳам қамраб олувчи такомиллашган терминологик аппарати ишлаб чиқилди;

– Ўзбекистон Республикасида корпоратив молияни ташкил этишнинг замонавий тенденцияларини ўрганишга янгича ёндашиш зарурлигини белгилловчи омиллар илмий таҳлил қилинади ва уларни самарали бошқариш тадбирлари асослаб берилди;

– корхона молиявий барқарорлигининг иқтисодий ўсишга ижобий таъсирини аниқлашнинг амалдаги услубиёти таҳлили асосида корпоратив молия хизматининг самарали фаолияти каби омиллар билан белгиланувчи имкониятлардан самарали фойдаланишни аниқлаш мақсадида корхона молиявий барқарорлигининг иқтисодий ўсишга ижобий таъсири самараларини рағбатлантиришда корпоратив молиянинг омилли ва натижавий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш услубиёти ишлаб чиқилди;

– корхоналар молияси ҳолати, солиқ, бюджет, иқтисодий ўсиш, модернизация ва диверсификация даражаси, ишбилармонлик муҳити, иқтисодийнинг очиклигини комплекс ҳисобга олувчи коэффицентлар билан айрим ҳолда баҳолаш ва омилларни тизимли тадқиқ қилиш орқали корхона молиявий барқарорлигини бошқариш тизимининг шаклланиши ва самарали фаолиятини таъминлаш бўйича услубий тавсиялар берилди;

– давлатнинг бюджет-солиқ, инвестицион салоҳиятлари ва инновацион ривожланиш қонуниятларидан келиб чиқиб, корхона молиявий барқарорлигини

бошқариш тизимининг шаклланиши ва самарали фаолиятини таъминлашнинг замонавий тенденциялари ва устувор омилларини аниқлаш имконини берувчи корпоратив молиянинг ривожланиш истиқболлари ва корпоратив молиявий менежменти самарадорлигини баҳолаш услубиёти ишлаб чиқилади;

– корхона молиявий барқарорлигини бошқариш тизимининг шаклланиши ва самарали фаолиятини таъминлашнинг замонавий тенденциялари борасидаги илгор хорижий тажрибалардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш истиқболлари илмий асослаб берилади;

– турли омилларнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ этишнинг янги концептуал схемаси асосида корхона молиявий барқарорлигини бошқариш тизимининг шаклланиши ва самарали фаолиятини таъминлашнинг замонавий тенденцияларини такомиллаштиришнинг ўрта ва узоқ муддатли вазифа-ларини амалга оширишга қаратилаган комплекс тадбирлари тизими ишлаб чиқилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. – М.: Инфра-М, 2011. -367 с.
2. Бурханов А.У. “Саноат корхоналари молиявий барқарорлигини баҳолаш усули” илмий мақоласи, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали №6, ноябрь-декабрь, 2018 й.
3. Жўраев А.С. ва бошқалар. Солиқ назарияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2019. -376 б.
4. Теплова Т.В. Корпоративные финансы: Учебник и практикум. – М.: Юрайт, 2016.
5. Элмирзаев С.Э. Корпоратив молияни бошқаришида солиқ муносабатларини такомиллаштириши. И.ф.д. дис... автореф. – Тошкент: БМА. 2017. 30б.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РЕЙТИНГ ОРҚАЛИ БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИ

С.С. Аллаберганов,
“Маркетинг” кафедраси
таянч докторанти, ТДИУ

Annotatsiya. Ushbu maqolada mamlakatimizdagi tijorat banklarining faoliyatini reyting orqali baholash va shu orqali banklarning olib borayotgan innovatsion-zamonaviy faoliyatidan xabardor bo'lish va bu faoliyatni yanada rivojlantirish uchun takliflar yoritilgan.

Tayanch iboralar: bank tizimi salohiyati, tilorat banklari, islohotlar, moliyaviy ko'rsatkich, kredit

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишда банк тизимининг доимий такомиллашиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Банк тизими бошқа ҳар қандай соҳадан кўра кўпроқ бошқарувнинг мукаммаллиги ва доимий иқтисодий таҳлилни талаб қилади. Чунки банклар кредит ташкилотлари сифатида мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида асосий молиялаштирувчи молия институти ҳисобланади. Мамлакатимиз банк тизимининг ривожини ҳам давлат иқтисодиёти ривожланишининг ажралмас қисми десак муболаға бўлмайди.

Мамлакатимиз банк тизимидаги олиб борилаётган изчил ислохотлар, тизимни трансформация қилиш, такомиллаштириш ва барқарорлигини ошириш борасидаги чора-тадбирлар натижасида тижорат банклари молиявий кўрсаткичлари бўйича барқарор ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

Шу ўринда мамлакатимизда мустақиллик йилларида тижорат банклари фаолиятини рейтинг орқали баҳолаш амалиётини ривожлантириш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилганлигини айтиб ўтиш зарур.

Ўзбекистон Республикасида рейтинг фаолияти бўйича ҳуқуқий асослар яратилиши мустақилликка эришигандан кейинги йилларда бош-ланди. 1997 йил 23 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-масининг “Ўзбекистон Республикасининг кредитга қобилиятлиликнинг мустақил рейтингини олишига доир тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

2007 йил 17 декабрда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази-нинг қарори асосида “Молия бозорида рейтинг агентликлари фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низом тасдиқланди. Ушбу низом орқали рейтинг фаолияти бўйича умумий қоидалар, молия бозорида рейтинг агентликлари

ва рейтинг фаолиятига қўйиладиган талаблар, рейтинг баҳолаш услубияти, рейтинг агентлигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа қоидалар белгиланди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз тижорат банкларида ўз рейтинг натижаларини яхшилаш мақсадида зарур чора-тадбирларни амалга ошириб келинмоқда. Бунинг натижасини банкларимизга халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилган рейтингларда ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлан-тиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Етакчи халқаро ва чет эл молиявий институтлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш учун жалб қилинаётган ташқи сармоя бўйича юзага келадиган харажатларни камайтириш мақсадида Ўзбекистон-нинг кредит рейтингини яхшилаш ҳамда юқори суверен рейтинг кўрсаткичларига эришиш мақсадида етакчи халқаро ва чет эл молиявий институтлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, суверен рейтинг кўрсаткичини ва кредит рейтингини яхшилаш⁴” вазифаси қўйилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда тижорат банклари фаолиятини рейтинг орқали баҳолаш амалиётини янада ривожлантириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

Биринчидан, дунё амалиётида асосий рейтинг агентликлари томонидан 2 ёки 3 йилда ўзгариш прогнози 4 хил кўрсаткич асосида аниқлаб кўрсатилади, яъни улар “Ижобий” – рейтинг ортиши мумкин, “Салбий” – рейтинг тушиши мумкин, “Барқарор” – рейтинг ўзгармас, “Ўзгарувчи” – ошиши ёки тушиши мумкин бўлган рейтинглар. Мамлакатимиз банклари асосан “Барқарор” – рейтингларга эга бўлиб, бу ҳам яхши кўрсаткич ҳисобланади. Аммо бугунги кунда хорижий салоҳиятли сармоядорлар учун “Ижобий” – рейтинглар ўзига жалб этишнинг асосий белгиси сифатида ўрганилади. Эндиликда мамлакатимиз банкларида ҳам ўз рейтингини ушбу даражага кўтариш учун зарур чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

Бу борадаги муҳим масалалардан яна бири мамлакат суверен кредит рейтинг олиш масаласидир. Мамлакатнинг бир ёки бир нечта халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилган, юқори баҳоланган суверен кредит рейтингига эга бўлиши маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга еврооблигацияларни эмиссия қилиш имкониятини тақдим этди, натижада миллий иқтисодиётга киритилаётган инвестицияларни молиялаштириш манбалари яна биттага кўпайиб, мамлакат иқтисодиётнинг ривожланиши тезлашди. Мамлакат суверен рейтингги шу мамлакат тижорат банклари рейтингининг “Ижобий” даражага кўтарилишида асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони.

Иккинчидан, мамлакатимизда тижорат банклари рейтингининг мижозлар учун аҳамиятини кучайтириш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари хизматларидан фойдаланувчиларнинг аксарияти банк рейтинглари билан таниш эмас ва рейтингнинг аҳамиятини тўлақонли ҳис қилмайдилар. Бу ўринда тижорат банкларида рейтинг кўрсаткичларидан реклама сифатида фойдаланиш ва мижозлар жалб этишда рейтинглардан самарали фойдаланиш керак.

Қолаверса, марказий банк томонидан тижорат банклари рейтинглари ва улардаги ўзгаришлар бўйича оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрлари орқали доимий равишда хабарлар берилиши тизимини йўлга қўйиш зарур.

Учинчидан, мамлакатимизда тижорат банклари рейтингини аниқлаш фаолиятини замонавий талаблар асосида қайта ташкил этиш ва ривожлантириш зарур.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда “Ahbor-Reyting” рейтинг компанияси бу соҳадаги ягона ташкилот ҳисобланади. Компания томонидан рейтинглар фақатгина тижорат банкларининг молиявий кўрсаткичлари ўзгаришини таҳлил қилиш асосида шакллантирилади. Халқаро амалиётда эса тизимда юз бериши мумкин бўлган ҳар бир ўзгариш банк рейтингининг ўзгаришига олиб келади. Эндиликда банклар рейтингини аниқлашда хориж тажрибасидан фойдаланган ҳолда банкларнинг даромадлиликнинг барқарор-лиги, фаолиятнинг диверсификацияланганлиги, корпоратив бошқарув даражаси, молиявий ҳисоботлар шаффофлиги каби сифат кўрсаткичлари асосида таҳлил қилиб бориш мақсадга мувофиқ.

Тижорат банклари фаолиятини доимий таҳлил қилиш асосида рейтинг бўйича ўзгаришларни тезлик билан эълон қилиш имкониятига эга рейтинг агентликлари ташкил этиш орқали банк тизимидан манфаатдор томонлар фаолияти учун зарур рейтинг ахборотлари тизимини ривожлантириш зарур. Бу орқали эса тижорат банклари ўртасида соғлом рақобатнинг янада ортиши ва шу асосда банк тизими янада ривож топишига эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

2. Matadiyarov, Z. (2020). Халқаро рейтинг агентликлари ва уларнинг тижорат банклари фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари.

3. Карабаев Н.А. Тижорат банклари фаолиятини camels рейтинг тизими асосида баҳолаш амалиёти ва уни такомиллаштириши. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 5, октябрь, 2017 йил

4. Карабаев Н.А. Тижорат банклари рейтингини аниқлаш усуллари. Молия ва банк иши электрон илмий журнали. V сон. сентябрь - октябрь, 2019

CROSS-CULTURAL IMPACT ON MARKETING STRATEGIES: A STUDY ON AUTOMOBILE INDUSTRY

L.D. Boboyev,
Deputy Dean of Corporate Governance Faculty,
TSUE

Abstract. Industries are expanding their business activity in various countries in this era of globalization. Business encounters a variety of problems during this process, many of which are exacerbated by cultural boundaries. In order to build marketing strategies, businesses must first comprehend the new market's culture and the cultural components that are relevant to it.

Keywords - Culture, automobile, marketing strategies, globalization, advertising, cultural differences.

I. Introduction. Globalization plays an important role to survive and grow in this dynamic business world. New markets and opportunities are opening. New companies are coming and old companies are surviving through alliance, acquisition, and mergers. The global village is turning into a worldwide market (Terpstra & Sarathy, 2000). The process of globalization has compelled businesses to become more complex. Multinational corporations are developing plants in many nations in order to obtain low-cost labor. Toyota, for example, ships automobile parts from Japan to the United States for final assembly, accounting for one-third of all commerce. Many businesses are turning to outsourcing as a strategy. Businesses conduct business in a variety of countries and cultures. Companies operating in new markets confront obstacles due to cultural differences. To establish firm marketing strategies, companies pay more attention to cultural variables such as language, religion, social etiquette and values, education, and life style (Justyna Dabrowska, 2008).

Cultural considerations influence everything from product design to marketing. Another key aspect of marketing strategy that is heavily influenced by culture is advertising (Mooij, 2010). This study will look at automotive commercials in different nations and how they differ depending on culture. Business faces a variety of hurdles as a result of cultural differences, and this study will attempt to determine how organizations may overcome these obstacles and continue to function successfully. The following are the primary goals of this study:

Objective

- To investigate the cultural aspects which describes strategies of a business
- To investigate how car businesses deal with cultural variations.
- To study the impact of culture on automotive advertising in various countries.

The primary goal of this study is to obtain answers to the following questions:

Questions to Ponder

- *How do different cultures influence automakers' marketing strategies?*
- *How do vehicle businesses overcome cultural barriers and determine the impact of culture on automobile advertising?*

II. Literature review. Culture is a wide field of social science with no universally agreed-upon definition. Culture was defined by the GLOBE research program (House, Javidan, Hanges, and Dorfman, 2002) as “shared motives, values, beliefs, identities, and interpretations or meaning of significant events that result from common experiences of members of collectives and are transmitted across age generations.” Different variables and pressures influence the creation and maintenance of successful deals and relationships between firms and their clients in the marketing environment (Kotler, 1991). “When beginning a business, a cultural analysis needs to be done if the firm targets a spectrum of audience from several locations,” said Regular (2010), a young entrepreneur and marketer. In order to align the marketing mix with consumer preferences, he focused more on understanding the cultural milieu. Market habits are culturally linked, according to anthropology. In the vehicle business, cross-cultural influences are more difficult to manage (Donald Bradley, 2005). Ian and Jamie (2000) discussed merger and acquisition as a cross-cultural business strategy for gaining a better understanding of local customers. In order to adapt with the new culture, they mentioned cross-cultural joint ventures, alliances, and buyer-supplier relationships.

Cultural impact on Automobile industry:

In today's globe, the car sector is the most competitive market, with numerous fiercely competing brands. To keep production costs low, the world's top automakers continue to invest in manufacturing plants in emerging countries. This is the driving force for a number of worldwide partnerships. Previously, commercial strategic partnerships between US manufacturers and European and Japanese automakers had been developed. The industry has amalgamated, resulting in increasing worldwide competitiveness (BERA, 2004). The cultural impact on the automobile industry was explored by Frank Gunnemann (2005). He focused on the cultural differences in consumer attitudes, perceptions, and values among European, American, and Asian consumers. Traditional marketing methods, he claims, are becoming ineffective as technology advances. According to Frank, the most successful approach to communicate with a target demographic is through smart product placement. Many firms launch customized cars for specific countries to avoid cultural differences. Ford maintains a consistent approach and product line throughout the world, however the Ford Ikon was created specifically for Indians. Customers were attempted to form an emotional bond with the company. In the literature, researchers place a greater emphasis on cultural variations when developing marketing tactics. They demonstrated several marketing strategies for the goods in various nations. Giving



advertisements in movies, such as the James Bond series or Transporter 2, where they advertise BMW, Jaguar, and Aston Martin, is regarded a more effective method for some countries (Ian & Jamie, 2000). Some investment in working capital techniques to increase client attachment, such as Ford's launch of Escort Freedom during India's golden jubilee of independence. According to researchers, mergers and acquisitions are more effective in understanding client preferences in various regions (Thomas Glemser, 2011). Researchers discovered that due to language differences, brand names and taglines sometimes need to be changed. To Spanish-speaking individuals, Ford's low-cost truck was promoted as Fiera, but the marketer had a significant problem because Fiera means "ugly old woman" in Spanish (Ian and Jamie, 2000). Researchers in the literature have discussed how the vehicle sector in industrialized countries is saturated (Ronald and John, 2009). Companies are focused on growing regions such as India and China to expand their market and enhance sales. These countries are culturally distinct from developed countries. According to studies, German automobiles are known for their engineering superiority, but they must grasp cultural differences in order to sell cars in these growing economies (Daniel, John, Chang-Hong, 2004).

Cultural impact on advertisements of Automobiles:

The process of influencing others' behavior through the exchange of ideas, information, or sentiments is known as marketing communication (Darley & Luethge, 2003). There will be a source or sender, an encoded message related to the contextual environment channel such as advertisement, and a receiver in this communication process (Cateora and Keavenev, 1987). Only when the sender and recipient share the same method of message translation and interpretation is effective communication feasible. Customer comprehension and interpretation are influenced by country culture and differ among nations (Onkvisit & Shaw, 1987). Advertisements not only inform people about products and services, but also about how those products affect people's lives. Social and cultural advertising as products, services, and sponsors. What is significant and valued in society is reflected in ideas, pictures, and copy (Dyer, 1982). Advertising is the creation of thoughts, impressions, and conceptions via the use of symbols, words, common habits, and cultural references (Lester, 1997). Advertisement represents how people behave and communicates culture by providing ideas, images, wants, norms, and society's values (Valdivia, 1997). Advertisement reflects a wide range of cultural elements, and scientists have utilized cultural models combined with language to better explain consumer behavior and the effectiveness of advertising. De Mooij (2010), for example, employs the Hofstede (2001) model and mapping technique to discover cultural differences in product purchasing motivations. Four characteristics of advertising style were identified by Mooij (2010). In different civilizations, each ingredient will be different:

- *Appeal (including motives and values)*
- *Communication style (e.g., explicit, implicit, direct and indirect)*
- *Basic advertising form (e.g., testimonial, drama, entertainment)*
- *Execution (e.g., how people are dressed)*

Consumers must be the primary focus of advertising to be effective. Consumer personality is shaped by cultural values. Distinguishing mental and social processes is the next stage in effective advertising. The way people think, learn, perceive, categorize, and process information is referred to as their mental process. People's interactions, motivation, and emotions are all part of the social process. Interpersonal and mass communication are both affected by both processes. Advertising attractiveness and style are also influenced by these processes. Jennifer A. Waldman (2011) investigated many automotive advertising to examine cultural variations in her paper "Culture and Metaphors in Advertising." In comparison to other countries, the Netherlands has a distinct characteristic in that consumers want value and safety (De Mooij, 2000). Many Renault advertisements in Dutch magazines follow the same format and emphasize the same attributes. The slogan for this car, for example, was "The Renault Laguna Coupe now with Euro 1000 cash for you" (Figure 1). In comparison to other countries, the Netherlands has a distinct characteristic in that consumers want value and safety (De Mooij, 2000). Many Renault advertisements in Dutch magazines follow the same format and emphasize the same attributes. The slogan for this car, for example, was "The Renault Laguna Coupe now with Euro 1000 cash for you" (Figure 1). This advertisement implies that the car comes with cash or can hold cash, which is a container metaphor. Because the economic value of the car is more important to Dutch people, a paper clip in the upper corner of the ad holds a stack of euros, emphasizing the car's economic value. The French, on the other hand, prefer to see more design, elegance, and fashion in automobile commercials (De Mooij, 2000). The motto of the ad for the Nouvelle Fiat 500 Cabriolet, for example, was "The Happiness is in the Original Version" (Figure 2). The ad conjures up images of happiness and freedom. A woman standing on the top down convertible with a butterfly net tries to catch all the automobile has to offer—freedom, happiness, fashion, pleasure, and tone the advertisement.

Consumers in Germany and Italy have comparable buying approaches when it comes to automobiles. They choose cars that are fast, have modern technology, and are beautiful and functional. Germans value verification and competence more than Italians do. The slogan "Drive ahead" is used in a German ad for the Lexus RX450h (Figure 3). The main ad picture of nature presents a pleasing driving profile, while beautiful pictures of the car give the notion of Lexus design and flair. Other little photos help to build Lexus brand equity by emphasizing technology, workmanship, performance, and machine, all of which appeal to and represent Germans.



In comparison, the Hyundai ad in Italy features the slogan “The automobile with huge ideas” (Figure-4). The advertisement features a beauty image of the car against a rich purple background with a lovely butterfly floating above it. The car’s design and style are depicted in vibrant hues, while the butterfly represents the vehicle’s grace and beauty.

In general, it is assumed that American buyers regard automobiles as status symbols, and that they desire large, powerful vehicles. The Lincoln commercial (figure 5) depicts the car against a plain white background, with the motto “Cleaner, Faster, and Smarter.” The commercial shows how direct injection technology allows cars to be cleaner, faster, and smarter.

III. Methodology. In this study, a qualitative technique was applied. Qualitative research has its roots in social science and focuses on understanding why people act the way they do, including their knowledge, attitudes, beliefs, anxieties, and so on (Gibson, 2004). Data was acquired through focus groups, direct observation, and in-depth interviews for this study. This research uses a random sample to obtain primary data via interviews. This study used case studies, papers, journals, books, published and unpublished articles, and online journals to acquire secondary data.

The sample size for this study is ten people. Samples must be between the ages of 25 and 28. Students make up the majority of the sample, but service members are also represented.

IV. Findings. This section examines the information gathered from primary and secondary sources. Everyone agreed that cultural influences had an impact on product creation and creating business and marketing strategies while assessing the data received from interviews. “Culture is important,” according to one of the interviewers. The majority of people are accustomed to acting in accordance with the culture in which they live. People consider if a thing will be accepted in their culture before purchasing it.” This study discovered several basic cultural sources by evaluating secondary data. Culture comes from a variety of places, including:



The vehicle industry is influenced by culture. People's tastes and preferences differ among countries, which are influenced by culture either directly or indirectly. "Culture has influence on automobiles depending on people's taste, fashion, and demand," said one of the respondents. Consumption of automobiles is no longer primarily a financial decision; rather, it has evolved into a more emotional and sensational value." Because of cultural variations, interviewees discussed the car design and other differences they saw in different countries. As someone who has been to numerous countries, one of the interviewees noted the driving side disparities. He found that compact automobiles are preferred in India, while sedan cars are preferred in Ukraine. SUVs are also preferred in the United Arab Emirates and Russia. Another interviewee states, "In the UK, people choose luxury automobiles, however in India, people prefer inexpensive cars due to the increase in gas prices and other economic reasons." By examining primary and secondary data, it is obvious that the car industry faces a number of issues, including those related to the environment, human health, and public culture. To overcome these cultural barriers, businesses must research the culture of each country and develop tactics accordingly. Most corporations form joint ventures with local enterprises to better understand local cultures because they have more expertise and knowledge of the local market. The differences between automotive commercials can be seen using both primary and secondary data. This study looked at automotive commercials from several countries. When asked if they had seen any variations in vehicle advertisements, the majority of the interviewees indicated that they had noticed variances. "In India, most automobile commercials concentrated on family orientation and fuel efficiency, but in the UK, most cars advertised as a symbol of uniqueness and individuality," says one interviewee.

Ford uses uniformity, yet the Ford Fiesta has been embraced in different continents due to various circumstances. Launching in different continents is different because to differences in culture, social norms, and other difficulties. Even driving norms and regulations differ, and companies must adapt to the preferences of each continent. For example, Ford introduced the Ikon, which was specifically designed and produced for India. Though they were created specifically for India, the cultures, lifestyles, and customer preferences of other South Asian countries are similar enough that they may sell the automobile in similar markets without making any changes. Based on the research, it is apparent that brand image has a significant impact on vehicle purchasing decisions. Cars are regarded as high-involvement products in marketing terms. Approximately 95% of those polled stated they would evaluate a car's brand image before purchasing it. Price and quality are also key considerations when buying an automobile. According to the interviews, while buying an automobile, customers consider both price and quality. The most preferred cars and their brand representations, according to interviewers, are:



- *Honda (usage of latest technology, performance, long economic life)*
- *Mercedes Benz (fame)*
- *BMW (safe, comfortable, businessman's identity)*
- *Toyota (relatively low cost)*
- *Tata (quality & price)*
- *Volvo (safety)*

V. CONCLUSION & RECOMMENDATION. Culture has an impact on people's lives and businesses. The main goal of this study is to look into the cultural elements that influence company tactics. This study attempted to identify the cultural components that are most important to businesses, and automobile companies must take all of these factors into account when developing marketing plans for a new country. Companies must analyze consumer behavior, buying patterns, and taste before entering a new market, according to secondary data. Everything in the automobile industry, from product design to distribution, is influenced by culture. Automobile manufacturers are overcoming cultural barriers through learning about the culture and forming strategic alliances, mergers, and acquisitions to gain a better grasp of the local market. The following suggestions were made based on the findings:

- Market research is used to learn about a country's culture and economic situation. According to the Society of Indian Automobile Manufacturers, passenger automobile sales increased by 31% from January to November 2010 due to the country's economic development (Siam). This type of information can be obtained via market research to determine whether consumers choose fuel-efficient/low-maintenance cars or luxury cars, or whether they regard cars as a necessity or a luxury item.

- It is suggested that automobile firms employ both standard and non-traditional marketing tactics. Companies utilize promotional campaigns, advertising, billboards, and other traditional means. Automobiles are high-involvement items, thus corporations should run customer-engagement activities such as test drives, quiz competitions, and so on. Companies could produce TV shows like Hero Honda Roadies, Pulsar MTV stunt mania (Indian TV show), and others to increase brand awareness. Programs like Top Gear will aid automotive manufacturers in gaining good user feedback. Luxury automobile brands such as BMW, Mercedes, Audi, and others are advised to car consumers in order to create a brand image that is unique in their minds. Experts advocate a variety of non-traditional tactics, including viral marketing. Viral marketing is a method of persuading people to spread commercial information to others. It leverages viral processes to promote brand awareness or achieve other marketing goals by utilizing pre-existing social networks. "The main thing is to promote across all the different marketing channels: Web sites, email, collateral, events, and social media as it represents the cultural look and feel of a

country,” said Sophie Hurst, director of corporate marketing at SDL, Maidenhead, UK.

- Automobile manufacturers are advised to place a premium on innovation. To keep up with technology advancements and rapid changes in customer taste and preferences, more R&D expenditure is required. Western countries are now more concerned about environmental issues or the green revolution. Toyota and other manufacturers have responded to the need by introducing hybrid vehicles. In recent years, energy conservation has also become a hot topic. Nissan, TATA, and other firms responded to the need by introducing electric vehicles to the market. Many governments are taking steps to publicize the concept of an electric car as a way to save fuel. The UK government, for example, is offering up to 5000 pounds in subsidies for electric car purchases.

- The majority of vehicle firms employ a standardization strategy, but in order to overcome cultural obstacles, they must employ an adaptation strategy.

References

[1] Jean- Claude Usunier and Julie Ann Lee (2009), *Marketing Across Cultures*, 5th edition, Pearson Education Ltd.

[2] Frank Gunnemann (2005), *The Effectiveness of Product placement for the Automobile Industry and Its impact on Consumer Behavior*, 1st edition, Grin Verlag.

[3] PAMELA K. MORRIS and JENNIFER A. WALDMAN (2011), “Culture and Metaphors in Advertising: France, Germany, Italy, the Netherlands, and the United States”, *International Journal of Communication*, Vol- 5, pp 942–968.

[4] Indian car market growth second fastest globally. *Times of India*, 12th January, 2011. Also available at: http://articles.timesofindia.indiatimes.com/2011-01-12/india_business/28352452_1_global-auto-commercial-vehicles-indian-automobile-manufacturers (Accessed on: 18th august, 2012)

[5] David Luna and Susan Forquer Gupta (2001), “An integrative framework for cross-cultural consumer behavior”, *International Marketing Review*, Vol. 18, No 1, pp 45-69, MCB University Press. <http://dx.doi.org/10.1108/02651330110381998>

[6] House of Commons Business and enterprise Committee (2008-2009) “The Automotive Industry in the UK”, Stationary Office Ltd. (HC 550).

[7] Thomas Glemser (2011), “Merger and Acquisition in the Automobile Industry-A Performance Comparison of National and International Events”, Unpublished thesis (Masters Degree), Maastricht University.

[8] Guohua Wu (2011), “Country image, informational influence, collectivism/individualism, and brand loyalty: exploring the automobile purchase patterns of Chinese Americans”, *Journal of Consumer Marketing*, 28/3 (2011) 169–177, Emerald Group Publishing. Limited <http://dx.doi.org/10.1108/07363761111127590>

[9] Ian Brooks and Jamie Weatherston (2000), *The Business environment Challenges and Changes*, 2nd edition, Prentice Hall.

[10] Sandy Cameron (July, 2000), “Understanding Cultural Differences”, [Online], Available at: http://findarticles.com/p/articles/mi_m1249/is_4_73/ai_64519577/ (Accessed on: 22nd April, 2012).



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ

Ш.С. Егамбердиев,
Корпоратив бошқарув факультети
декан ўринбосари, ТДИУ
Ш.Т. Ибодуллаев,
магистр, ТДИУ

Аннотация. Ўзбекистон Республикаси банк тизимини 2020-2025 йилларга мўлжалланган даврда ислоҳ қилиш стратегиясида устав капиталида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилган. Бу эса, мазкур тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш заруратини юзага келтиради.

Таянч иборалар: тижорат банки, инвестицион жозибадорлик, актив, капитал, рентабеллик, кредит, инфляция, девальвация.

Кирish. 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида тижорат банкларининг кредит портфели ва улар фаолиятидаги рискларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш, давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, банклардаги давлат акциялари пакетини зарур тажриба ва билимга эга бўлган инвесторларга танлов савдолари асосида сотиш, шунингдек, давлат улуши мавжуд тижорат банклари ва корхоналарни бир вақтнинг ўзида ислоҳ қилиш орқали банк секторида давлатнинг улушини камайтириш миллий банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган [1]⁵. Бу эса, тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш масаласини илмий тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилиш заруратини юзага келтиради.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотни амалга оширишда индукция ва дедукция, эксперт баҳолаш, гуруҳлаш ва трендли таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг ахборот манби сифатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг статистик маълумотларидан ҳамда АҚШнинг Bank of America банки, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Ипотекабанки ва Саноатқурилишбанкнинг молиявий ҳисоботлари маълумотларидан фойдаланилди.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси” ги фармони. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон.

Таҳлил ва натижалар. АҚШда тижорат банкларининг инвестицион жозибadorлигини таъминлашда банкларнинг ликвидлиги, молиявий барқарорлигини ва капиталининг етарлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Bank of America банкининг жорий ликвидлиги бирламчи захира шаклидаги ликвидли активлар ҳисобидан таъминланаётганлиги сабабли унинг ликвидли активлари динамикаси ва даражасига баҳо берамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Bank of Americasнинг пул шаклидаги юқори ликвидли активлари динамикаси ва даражаси, фоизда [2]

| Кўрсаткичлар | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. | 2020 йилда 2018 йилга нисбатан ўзгариши |
|--|---------|---------|---------|---|
| Ликвидли активлар, млрд. доллар | 157,4 | 161,6 | 380,4 | 2,4 марта |
| Ликвидли активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи, % | 6,9 | 6,6 | 13,5 | 6,6 ф.п. |

1-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, Bank of America банкининг пул шаклидаги юқори ликвидли активларининг миқдори 2020 йилда 2018 йилга нисбатан юқори даражада ошган ҳамда 2018-2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, сезиларли даражада юқори бўлган ўсиш суръати бўлиб, банкнинг инвестицион жозибadorлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Bank of America банкининг пул шаклидаги юқори ликвидли активларининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи 2020 йилда 2018 йилга нисбатан 6,6 фоизли пунктга ошган. Бу эса, ушбу банкнинг инвестицион жозибadorлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Тижорат банклари капиталининг етарлиги унинг инвестицион жозибadorлигини таъминлашнинг зарур шартларидан бири ҳисобланади.

2-жадвал маълумотларига кўра, ТИФ Миллий банкида регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи 2020 йилда 2019 йилга нисбатан ошган, аммо 2020 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган. Бу эса, Миллий банкнинг инвестицион жозибadorлигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Ипотекабанкда регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи 2020 йилда 2019 йилга нисбатан ошган, аммо, 2020 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки ва Ипотекабанкда регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғи, фоизда [3]

| Банклар | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. |
|------------------|---------|---------|---------|
| ТИФ Миллий банки | 10,1 | 19,7 | 17,4 |
| Ипотекабанк | 8,2 | 15,8 | 13,2 |

3-жадвал

АТ “Ўзсаноатқурилишбанк”да активларнинг рентабеллиги ва капиталнинг рентабеллиги кўрсаткичлари даражаси, фоизда [4]

| Кўрсаткичлар | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. |
|---------------------------|---------|---------|---------|
| Активларнинг рентабеллиги | 0,4 | 0,8 | 2,0 |
| Капиталнинг рентабеллиги | 3,8 | 8,3 | 11,3 |

3-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, Ўзсаноатқурилишбанкда 2017-2019 йилларда активларнинг рентабеллик кўрсаткичи ҳам, капиталнинг рентабеллик кўрсаткичи ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

3-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, Ўзсаноатқурилишбанкда капиталнинг рентабеллик кўрсаткичи 2019 йилда 2017 йилга нисбатан юқори суръатда (7,5 ф.п.) ошган. Бу эса, мазкур даврда соф фойданинг ошиш суръати регулятив капиталнинг ошиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг инвестицион жозибadorлигини таъминлаш билан боғлиқ долзарб муаммолар куйидагилардан иборат:

1. Тижорат банкларида активларнинг рентабеллик даражаси паст. Юқорида амалга оширилган таҳлиллар кўрсатдики, республикамининг йирик тижорат банкларида активларнинг рентабеллик даражаси паст.

2. Тижорат банклари кредит портфелининг сифатини ошириш билан боғлиқ муаммолар. 2021 йил 1 август ҳолатига кўра, республикамининг тижорат банклари муаммоли кредитларининг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 6,2 фоизни ташкил этди [5]. Бу эса, халқаро банк амалиётида умумқабул қилинган чегаравий даражадан (5 %) юқоридир.

3. Тижорат банклари акцияларининг инвестицион жозибadorлик даражаси паст эканлиги.

Инфляция даражаси юқори эканлиги ва миллий валютанинг девальвация суръати юқори эканлиги мамлакат тижорат банклари акцияларининг инвестицион жозибadorлигини оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Фикримизча, республикаимиз тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигини активларнинг рентабеллигини ошириш ҳисобига таъминлаш учун, биринчидан, соф фоизли спрэд кўрсаткичининг меъёрий даражасини (1,25 %) таъминлаш керак; иккинчидан, соф фоизли маржа кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлаш лозим; учинчидан, тижорат банклари соф фойдасининг ўсиш суръати билан брутто активларининг ўсиш суръатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш зарур.

2. Тижорат банклари кредит портфелининг сифатини ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг уларнинг инвестицион жозибадорлигига нисбатан юзага келган салбий таъсирига барҳам бериш мақсадида, биринчидан, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг меъёрий даражасини (1,0 %) таъминлаш керак; иккинчидан, тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражасини чакана кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғини ошириш ва кредитларни миқдорларнинг тармоқ хусусиятига кўра жойлаштиришни яхшилаш ҳисобига ошириш лозим; учинчидан, давлат дастурлари ва доирасида берилган имтиёзли кредитлар бўйича кредит risks бўйича жавобгарликни тижорат банклари зиммасидан олиб ташлаш керак.

3. Тижорат банклари акцияларининг инвестицион жозоба-дорлигини таъминлаш учун, биринчидан, инфляция даражаси ва миллий валютанинг қадрсизланиш суръатини пасайтириш орқали банкларнинг акцияларига қилинган инвестицияларнинг реал қийматини пасайишига чек қўйиш лозим; иккинчидан, инвесторларнинг тижорат банкларининг акцияларига қилинган инвестициялардан оладиган даромадлари солиққа тортилмаслиги керак; учинчидан, тижорат банки регулятив капиталининг рентабеллиги кўрсаткичининг меъёрий даражасини (15 %) таъминлаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси”ги фармони. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон.
2. Bank of America Annual Reports. Consolidated Balance Sheet. <http://www.bankofamerica.com>.
3. Молиявий ҳисоботлар. www.nbu.uz; www.ipotekabank.uz.
4. ЎзСаноатқурилишбанк. Молиявий ҳисоботлар. www.uzpsb.uz.
5. Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари. www.cbi.uz. (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ СПОТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

*М.Т. Ибодуллова,
Банк-молия академияси таянч докторанти*

Аннотация. Тижорат банкларининг спот операциялари улар томонидан амалга ошириладиган валюта операцияларининг асосий турларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон тижорат банкларида форвард валюта операцияларининг ривожланмаганлиги, валюта опционлари ва валюта фьючерслари билан амалга ошириладиган операцияларнинг мавжуд эмаслиги туфайли спот операцияларини ривожлантириши банклар учун жуда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Мақолада тижорат банкларининг спот операцияларини ривожлантириши билан боғлиқ долзарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал этишига қаратилган илмий тақлифлар ишлаб чиқилган.

Таянч иборалар: тижорат банки, валюта операцияси, спот операцияси, валюта позицияси, валюта курси, фойда, зарар.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳамда ўз маблағларини ўз хоҳишига кўра эркин тасарруф этиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни тўлиқ таъминлаш, миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда фақатгина бозор механизмларини қўллаш, валюта ресурсларидан фойдаланишда бозор инструментларининг ролини ошириш, валюта бозорида барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитларини яратиш, валюта сиёсатининг ноанъанавий тармоқларда экспортни ривожлантиришда, минтақавий ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда рағбатлантирувчи ролини ошириш валюта сиёсатини либераллаштириш борасидаги давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида белгиланган [1]. Бу эса, тижорат банкларининг валюта операцияларини, шу жумладан, спот операцияларини ривожлантириш нуқтаи назаридан муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Тижорат банкларининг спот операцияларини ривожлантириш муаммоларини тадқиқ қилишда эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тижорат банклари спот операцияларининг меъёрий-ҳуқуқий асослари бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги,

“Валютани тартибга солиш тўғрисида” ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мавзуга оид қарор ва фармонлари, Марказий банкнинг амалдаги йўриқномалари ҳисобланади.

Таҳлил жараёнида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий статистик маълумотлари ҳамда тижорат банкларининг молиявий ҳисоботлари маълумотларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Республика тижорат банкларининг спот операциялари банкларга комиссия даромад келтириш билан бирга, мижозларнинг хорижий валюталарга талабини қондириш имконини беради.

1-жадвал маълумотларига кўра, 2018-2020 йилларда республикамиз ички валюта бозорида юридик шахслар томонидан хорижий валюталарга талаб улар томонидан хорижий валюталар таклифидан сезиларли даражада катта бўлган. Масалан, 2020 йилда улар томонидан хорижий валюталарга талаб хорижий валюталар таклифидан 2,3 баробар юқори бўлган.

Амалга оширилган таҳлиллар кўрсатдики, 2018-2020 йилларда ТИФ Миллий банкининг спот операцияларидан олган даромадлари миқдори ва валюта операцияларидан олинган даромадларнинг фоизсиз даромадлар ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг конверсион спот операцияларининг таркиби [2]

| | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. |
|---|---------|---------|---------|
| Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сотилган хорижий валюталар, млн. АҚШ доллари | 6 545 | 5 865 | 6 679 |
| Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сотиб олинган хорижий валюталар, млн. АҚШ доллари | 10 377 | 13 724 | 15 362 |

Бу эса, Миллий банкнинг спот операцияларини ривожлантириш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Бироқ 2018-2020 йилларда ТИФ Миллий банкида спот операцияларидан кўрилган зарарларнинг фоизсиз харажатлар ҳажмидаги салмоғи юқори даража ва ўсиш тенденциясига эга бўлди [3].

Амалга оширилган таҳлиллар кўрсатдики, Саноатқурилишбанкда 2017 ва 2019 йилларда очиқ валюта позициясининг даражаси юқори бўлган. Бу эса, миллий валютанинг девальвация суръати юқори бўлган шароитда валюта рискининг ошишига олиб келади. Туронбанкда 2018 йилда 2017 йилга нисбатан очиқ валюта позициясининг даражаси пасайган, аммо 2019 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бу эса, миллий валютанинг девальвация суръати юқори бўлган шароитда валюта рискининг чуқурлашишига сабаб бўлади [4].

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони тижорат банкларининг спот операцияларини ривожлантириш нуқтаи назаридан муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланади;

– 2018-2020 йилларда республикамиз ички валюта бозорида юридик шахслар томонидан хорижий валюталарга талаб улар томонидан хорижий валюталар таклифидан сезиларли даражада катта бўлди;

– 2018-2020 йилларда ТИФ Миллий банкининг спот операцияларидан олган даромадлари миқдори ва валюта операцияларидан олинган даромадларнинг фоизсиз даромадлар ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, спот операцияларидан кўрилган зарарларнинг фоизсиз харажатлар ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлди;

– Саноатқурилишбанкда 2017 ва 2019 йилларда очиқ валюта позициясининг даражасини юқори бўлганлиги миллий валютанинг девальвация суръати юқори бўлган шароитда валюта рискининг ошишига олиб келади.

Республика тижорат банкларининг спот операцияларини ривожлантиришга қаратилган қуйидаги илмий таклифларни ишлаб чиқдик:

1. Миллий валютанинг девальвация суръати юқори бўлган шароитда спот операциялари билан боғлиқ валюта рисклари даражасини ошишига йўл қўймаслик мақсадида, биринчидан, валютавий своп ва форвард операциялари ҳажмини ошириш йўли билан спот операциялари бўйича юзага келган очиқ валюта позициялари ҳажмини тезкор ўзгартириш имконини яратиш лозим; иккинчидан, тижорат банклари валюта захираларининг диверсификация даражасини банкларнинг хорижий валюталардаги битимларининг валютавий тарқибини ўзгаритиш йўли билан ошириш керак.

O'zbekistonda mustaqillik yillari davrida olib borilgan iqtisodiy islohotlar tufayli qulay investitsion sharoitlar yaratilgan. Mamlakatda kapital investitsiyalarning kengayishiga katta e'tibor berilmoqda, ya'ni asosiy kapitalni qaytadan ishlab chiqarishga yo'naltirishdir.

Bugungi investitsion siyosat kredit qo'yilmalarni jalb etishni ko'paytirishga qaratilgan bo'lib qolmay, balki to'g'ridan-to'g'ri chet el investitsiyalarga qaratilgan. Ular xususiy sektor faotiyatini aktivlashtiradi, tashqi bozorga chiqish imkoniyatlarini kengaytiradi, yangi texnologiyalar va zamonaviy boshqaruv usullaridan foydalanishni yangillashtiradi[2].

O'zbekiston bozoriga to'g'ridan-to'g'ri chet el investitsiyalarini yanada jalb etish uchun quyidagilarni amalga oshirish maqsadga muvofiq:

- xorijiy investorlar faoliyati uchun yaratilgan sharoitlarni chuqur va tanqidiy o'rganib chiqish;
- to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni jalb etishni rag'batlantirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlarni amalga oshirish;
- qimmatli qog'ozlar bozori infratuzilmasining ishonchligini oshirish;
- yirik ishlab chiqarish korxonalari qimmatbaho qog'ozlarini birlashmalar, investitsion fondlar, kompaniyalar, banklar ishtirokida xalqaro fond bozorlarida joylashtirish va hokazo.

Shu bilan birga O'zbekistonda banklar faoliyat yuritish tartibini qayta ishlab chiqish kerak va banklarga investitsion faoliyatni kengaytirish bo'yicha masalalarni yuklash zarur. Birinchi navbatda investitsion loyihalarni moliyalashtirishni tashkil qilish va ekspertiza qilish bilan shug'ullanuvchi tijorat banklarining maxsus bo'limlarini kuchaytirish kerak. Tijorat banklari rahbarlari investitsion siyosat olib borish mexanizmini yanada chuqur o'rganishlari zarur. Banklar investitsion jarayonlarining yanada faolroq ishtirikchilari bo'lib qolishlari kerak.

Investitsion siyosatni jadal olib borilishi nafaqat iqtisodiy o'sish va tizimni isloh qilishning muhim omillari, balki sherikchilik aloqalarini o'rnatish, ishbilarmon doiralar bilan hamkorlik qilish, turli moliyaviy institutlar bilan aloqalar o'rnatish va davlatlararo aloqalar samaradorligini oshirishga erishishdir. Ma'lumki, investitsiya iqtisodiy o'sish omili sifatida Moliyaviy-iqtisodiy rivojlanish uchun muhim dastaklardan biri hisoblanadi. Yuqorida aytib o'tganimizdek, O'zbekistonda investitsiya kiritish jarayonlari tezlashishi uchun qulay imkoniyatlar yaratilmoqda. O'zbekiston iqtisodiyoti yanada kuchliroq, barqarorlashgan, jahon bozorida o'z mustahkam o'rniga ega bo'lmoqda, buning asosi esa doimiy dinamik o'sishdir. **Tadqiqot natijalari.** Hozirgi kunda mamlakatimiz iqtisodiyotiga chet el investitsiyalarini jalb etish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish, ularni huquqiy himoya qilishning amaliy mexanizmlarini joriy etish va investitsion muhitni yanada yaxshilash iqtisodiy rivojlanish sohasidagi eng muhim vazifalardan biri hisoblanadi.

O'zbekiston respublikasi investitsiya siyosati xorijiy investitsiyalarni jalb etish uchun yanada qulay shart-sharoitlarni ta'minlash, xorijiy investitsiyalarni ishonchli huquqiy himoya qilishning amaliy mexanizmini barpo etish, mana shu asosda mamlakatdagi investitsiya muhitini yanada yaxshilashda MDH mamlakatlati orasida yetakchi hisoblanadi.(3)

Chet ellik investorlar O'zbekiston Respublikasi hududida investitsiyalarni quyidagi yo'llar bilan amalga oshirishlari mumkin:

- O'zbekiston Respublikasining yuridik va (yoki) jismoniy shaxslari bilan birgalikda tashkil etilgan xo'jalik jamiyatlari va shirkatlarining, banklar, sug'urta tashkilotlari va boshqa korxonalarining ustav jamg'armalarida va boshqa mol-mulkida ulush qo'shib qatnashish;

- chet ellik investorlarga to'liq qarashli xo'jalik jamiyatlari va shirkatlarini, banklar, sug'urta tashkilotlari va boshqa korxonalarini barpo etish va rivojlantirish;

- mol-mulk, aksiyalar va boshqa qimmatli qog'ozlarni sotib olish;

- intellektual mulk, shu jumladan mualliflik huquqlari, patentlar, tovar belgilari, foydali modellar, sanoat namunalari, firma nomlari va nou-xauga, shuningdek ishchanlik nufuziga (gudvillga) huquqlar kiritish;

- konsessiyalar, shu jumladan tabiiy resurslarni qidirish, ishlab chiqish, qazib olish yoki ulardan foydalanishga konsessiyalar olish;



– savdo va xizmat ko'rsatish sohalari obyektlariga, turar joy binolariga ular joylashgan yer uchastkalari bilan birgalikda mulk huquqini, shuningdek, yerga egalik qilish va undan foydalanish (shu jumladan ijara asosida foydalanish) hamda tabiiy resurslarga egalik qilish va ulardan foydalanish huquqlarini sotib olish;

– mahsulot taqsimotiga oid bitimlarga muvofiq yer qa'ri uchastkalarida konlarni aniqlash, qidirish hamda foydali qazilmalarni kavlab olish huquqini olish orqali.

Bugungi kunda salohiyatli xorijiy investorlar investitsiya kiritishning quyidagi turli shakllarini taklif qilmoqdalar:

– Hamkorlikda qo'shma korxonalar tashkil etish;

– 100 % xorijiy kapital asosida korxonalar tashkil etish;

– Xususiy lashtirilayotgan korxonalar aksiya paketlarini bir qismi yoki yarmini sotib olish.

Xorijiy investitsiya asosida tashkil etiladigan korxonalar quyidagi shartlar qo'yiladi:

– Ustav fondida eng kamida 150 ming AQSh dollariga teng mablag'ning bo'lishi;

– Korxonalar tashkilotchilaridan biri xorijiy yuridik shaxs bo'lishi lozim;

– Korxonalar ustav fondidagi mablag'ning eng kamida 30 %i xorijiy investitsiya ulushi bo'lishi lozim.(4)

Tahlillar. Hududlarda ipak qurtining aholi xonadonlarida boqilishi bir qator noqulayliklar tug'dirib, mavsumdan keyin pilla boqilgan xonalarni ta'mirlash aholi uchun sezilarli darajada moliyaviy xarajatlarni talab qiladi. Xonadonlarda pilla boqish uchun zarur sharoitlar yetarli emasligi ham yuqori sifatli va kutilgan pilla hosilini olish imkonini bermaydi.

Bugungi kunda tarmoq nufuzini oshirish uchun ozuqa bazasini jadal rivojlantirish, sifatli ipak qurti urug'ini yetishtirish tizimini keng yo'lga qo'yish, sanoatbop pilla xomashyosini yetishtirish va pillani qayta ishlash korxonalarining to'liq quvvat bilan ishlashini ta'minlash barobarida tayyor raqobatbardosh mahsulot bilan jahon bozoriga chiqish va sohaning eksport imkoniyatini tubdan yaxshilash bo'yicha qator chora-tadbirlarni amalga oshirish zarurati paydo bo'lmoqda.

Shu bilan bir qatorda hududiy va tuman «Agropilla» korxonalarini tashkil etish, ular zimmasiga sifatli ipak qurti urug'ini pillachilik bilan shug'ullanuvchi kasanachilar va tashkilotlarga tarqatish, ipak qurtini parvarishlash va pilla yetishtirish bo'yicha konsultatsiya xizmatlari ko'rsatish, pilla yetishtirish jarayonini monitoring qilish, pillani yig'ish va tayyorlashni amalga oshirish kabi vazifalarni yuklash ko'zda tutilmoqda.

Asosiy vazifa va yo'nalishlari sifatida tarmoq ozuqa bazasini mustahkamlash uchun sug'oriladigan yer maydonlarini taqdim etish bo'yicha tegishli mahalliy davlat boshqaruvi va ijro hokimiyati organlari bilan samarali hamkorlikni ta'minlash, tut plantatsiyalari qoshida va tut oralarida ikkilamchi faoliyatni, jumladan,

sabzavotchilik, chorvachilik, parrandachilikni yo'lga qo'yish hamda yetishtirilgan mahsulotlarni ichki va tashqi bozorda sotish belgilangan.

2017–2021 yillarda pillachilik tarmog'ini kompleks rivojlantirish bo'yicha dasturiy chora-tadbirlarni ishlab chiqish va amalga oshirish maqsadida qarorga muvofiq pillaga birlamchi ishlov berish tizimini takomillashtirish, sifat menejmentining zamonaviy usullari, tayyor mahsulotning xaridorgir turlari va dizaynini keng joriy etish, uni xalqaro talablarga muvofiq sertifikatlashtirish va standartlashtirish, oliy ta'lim muassasalarida pillachilik tarmog'i uchun kadrlar tayyorlash bo'yicha takliflar ishlab chiqish uchun Ishchi guruh tuzildi.(5)

Qarorda 2023-yil 1-yanvargacha korxonalar yagona soliq, yagona ijtimoiy to'lov va bojxona to'lovlari (bojxona rasmiylashtiruv yig'implaridan tashqari)dan ozod qilinishi, kasanachilarning jismoniy shaxslarga hisoblanadigan daromad solig'idan ozod qilinishi, shuningdek, pilla boquvchilar va kasanachilarning pilla mavsumidagi davrda bajargan ishlari ularga pensiya ta'minlashda bir yillik ish staji deb hisoblanishi alohida belgilab qo'yilgan.

Ozuqa bazasining mustahkamlanishi va kengayishi, pilla yetishtirish majmualarining bevosita tutzorlar yaqinida barpo etilishi, 2 barobar ko'p hosil beradigan, ozuqa qiymati yuqori va sovuqqa chidamli tut ko'chatlarining olib kelinishi pilla yetishtirish hajmlarini 35 ming tonnaga (35 foizga) oshirish hamda yuqori qo'shimcha qiymatga ega mahsulotlar, shu jumladan, shoyi gazlamalar va tayyor mahsulotlar ishlab chiqarishga xizmat qiladi.

Yuqorida ko'rsatilgan chora-tadbirlarning amalga oshirilishi natijasida 2021-yilda umumiy yetishtirilgan pilla hajmida pillani qayta ishlash ulushi 50 foizgacha oshiriladi, yangi ish o'rinlari yaratiladi, mahsulot eksporti hisobidan valyuta mablag'lari tushumi ortadi.

Xulosa va takliflar. Ta'kidlash joizki, joriy yil bahorda pillakorlarimiz ipak qurti parvarishlab, mo'l hosil yetishtirdi. Davlatimiz rahbarining Surxondaryo, Buxoro va Farg'ona viloyatlariga tashriflari davomida bir yilda ikki marta pilla boqishni yo'lga qo'yish yuzasidan bildirgan fikr-mulohazalaridan ruhlangan "kumush tola" yetishtiruvchilar takroriy pilla yetishtirishga ahd qildi. Natija kutilganidan ham yaxshi bo'ldi. Natijalar bundanda yaxshi bo'lishi uchun va pillachilik sanoati yanada rivojlanishi uchun xorijiy investitsiyalarni mamlakatimizga olib kirish, zamonaviy texnologiyalardan foydalanish muhimdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. *Shavkat Mirziyoyevning joriy yil 29-martdagi «O'zbekipaksanoat» uyushmasi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida» gi qarori.*
2. <https://mineconomy.uz/uz/info/1877> sayti
3. <https://www.gazeta.uz/oz/2017/03/30/pilla/> sayti
4. <https://lex.uz/ru/docs/-4980311> sayti
5. <https://lex.uz/docs/-1083683?ONDATE=15.11.2006%2000> sayti



МОЛИЯВИЙ-ТРАНСАКЦИОН ХАРАЖАТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР, УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

И.С. Мусахонзода.
мустақил тадқиқотчи, ТДИУ

Аннотация. Ушбу мақолада молиявий – трансакцион харажатлар, корхона молиявий натижалари самарадорлиги ҳолатининг таъсирини таҳлили ёритилган. Ушбу кўрсаткичлар тизимида рентабеллик марказий ўринга эга бўлиб, фаолият самарадорлигининг сифат ва миқдор жиҳатларини ифодалайди

Краткая аннотация: В данной статье анализируется влияние финансовых и транзакционных издержек на эффективность финансовых результатов предприятия. В этих показателях рентабельность является центральной и отражает как качественные, так и количественные аспекты деятельности.

Annotation. This article analysis of the financial condition of the financial and transactional market for effective financial forecasting. How to rent a centrifugal and finished job. In the system of financial indicators, profitability is especially and quantitative aspects of productivity.

Калит сўзлар: фаолият натижавийлиги, молиявий – трансакцион харажатлар, соф молиявий натижа, фойдани максималлаштириши, меҳнат унумдорлиги, фойда, рентабеллик кўрсаткичи, соф тушум, ялми фойда, молиявий фаолият фойдаси, самарадорликнинг ўзгариши, хусусий капитал.

Кирриш. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш”¹² каби устувор вазифа белгиланган. Ушбу вазифанинг самарали ижросини таъминлаш реал секторда фаолият юритувчи корхоналарда молиявий натижаларни самарали бошқаришнинг принципал жиҳатдан такомиллашган механизмини жорий қилишни тақозо қилади.

Корхоналар томонидан амалга ошириладиган деярли барча молиявий операциялар пул маблағларининг тушуми ва сарфланиши каби умумлашган кўрсаткичда ифодаланади. Вақтнинг мақдум моментида корхоналар капитали барқарор қийматга эга бўлиб, ўзгарувчан бозор шароитидаги турли омиллар таъсирида уларнинг қиймати тебраниб туради. Хўжалик субъектлари

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль.

капиталга таъсир этувчи бундай эндоген ва экзоген омилларни негатив таъсирини нейтраллаштиришга ҳамда фойдани максималлаштириш мақсадида пул оқимларини самарали тақсимлаш механизмини ишлаб чиқишга ҳаракат қиладилар. Ушбу пул оқимларига таъсир этувчи омиллардан бири замонавий шароитларда “Трансакцион харажатлар” ҳисобланади. Трансакцион харажатларни мазмун ва моҳиятини аниқлашдан олдин “Трансакция” тушунчаси феноменига аниқлик киритиб олишиз мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланиган адабиётлар рўйхати шарҳи. Трансакция феномени таниқди иқтисодчи Ж. Коммонсом томонидан иқтисодий муомалага киритилган бўлиб, унинг тарифига кўра, Трансакция- бу товар алмашинуви жараёни эмас, балки жамият томонидан яратилган мулк ҳуқуқи ва эркинликни ажратиб олиш ва эгаллик қилишдир. Демак, трансакция маълум мулк ҳуқуқларга эгаллик қилиш мақсадида, уни ўтказиш жараёнидир. Иқтисодчи Карл Менгер ўзининг “Сиёсий иқтисоднинг асосланиши” номли асарида трансакцияларга аниқлик кириб, трансакция – бу субъектлар ўзаро фаолият ҳаракати мобайнидаги иқтисодий қурбонлик (йўқотиш) ёки харажатлар эканлигини таъкидлайди¹³. Иқтисодий қурбонлик (йўқотиш) ёки харажатлар сифатида почта йиғимлари, авария оқибатларини тугатиш харажатлари, кредит маблағарига эгаллик қилиш, патентлар олиш юридик актлар, комиссион тўловлар, пул айланишидаги сарф харажатларни назарда тутати¹⁴. Иқтисодчи Р. Коуз ўзининг “Фирмалар табиати” номли асарида илмий-иқтисодий муомалага “Трансакцион харажатлар” тушунчасини киритган. Унинг таъкидлашича, трансакцион харажатлар-бозор механизмидан фойдаланиш бўйича сарф-харажатлар ҳисобланади¹⁵.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот ишини бажаришда кузатиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, назарий ва амалий ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш асосида молиявий натижалар тушунчасига аниқлик киритиш, молиявий диагностикада молиявий натижаларни тадбиркорлик субъектлари қийматига таъсир этиши, ҳисоб, молиявий диагностика ва молиявий бошқарувнинг миллий ва халқаро тажрибалар асосидаги ўзаро уйғунлашган тараққиётини таъминлашга қаратилган хулоса ва тақлифлар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Демак, трансакцион харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш ва с уни сотиш жараёнида ҳамда мулк ҳуқуқини ҳимоялаш жараёнида иқтисодий агентлар ўртасидаги ўзаро фаолият бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобланади. Ҳозирги шароитда амалга оширилаётган ислохотларда трансакцион харажатлар хўжалик субъектлари молиявий натижаларини шаклланишига таъсир этувчи

¹³ Coase R.H. The firm, the market and the law. Chicago, 1988, P. 188

¹⁴ Менгер К. Основания политической экономии / Австрийская школа в политической экономии: Менгер К., Бем-Баверк Е., Визер Ф. - М., 1992. С. 161

¹⁵ Coase R.H. The firm, the market and the law. Chicago, 1988, P. 188



асосий омиллardan бир бўлмоқда. Бу бир томондан маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш жараёнига кўрсатилаётган хизматлар нархи билан бевосита боғлиқ бўлмоқда.

Трансакцион харажатлар ўзига хос иқтисодий табиатга эга бўлсада, фақатгина бошқарув ҳисоби тизимида инобатга олинади. Замонавий шароитларда ушбу туркум харажатлар мулкчиликнинг турли шаклларидаги хўжалик субъектлари молиявий натижаларига таъсир этувчи харажатлар ҳисобланади.

Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида хўжалик субъектлари молиявий натижаларини шаклланиш самарадорлигига таъсир этувчи бир қатор муаммолар аниқланиб ва уларни бартараф қилиш бўйича қуйидаги таклифлар келтирилади.

1-муаммо. Хорижий давлатлардан замонавий техника ва технологияларни импорт қилган ҳолда ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган тадбиркорлик субъектлари учун кредит ажратилиши жараёнида тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун комиссия тўловлар қийматининг юқори даражада қолмоқда.

Бугунги кунда тижорат банкларида қўлланилаётган комиссия тўловларнинг ўртача ставкаларини таҳлил қиладиган бўлсак:

– кредит комиссияси томонидан ҳужжатлар кўриб чиқилиши учун кредит суммасининг 1,0 – 2,0 фоизи миқдорида комиссия тўлов тўланади;

– гаров объекти эркин баҳоловчи ташкилотлар томонидан баҳоланиши учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробаридан 5 баробаригача миқдорда тўловлар тўланади;

– кредит ҳужжатларини нотариал тартибда тасдиқлатиш учун нотариуслар томонидан ўртача 300,0 - 400,0 минг сўм атрофида божлар ундирилади.

– гаров таъминотини сугурталашда олдиндан кредит муддатининг ҳар бир йили учун гаров сифатида автотранспорт воситаси кўрсатилса – гаровнинг 1,5 фоизи, бино-иншоотлар кўрсатилса – 0,1 фоиз ва ускуналар кўрсатилса - 0,1 фоиз миқдордаги тўловлар сугурта учун тўланади. Ишлаб чиқариш фаолиятини янги бошлаётган тадбиркорлик субъектларида фаолиятининг бошида бино ёки ускуналарнинг мавжуд бўлмаслигини инобатга олсак, одатда гаров таъминоти сифатида автотранспорт воситаси кўрсатилади;

– маблағлар конвертация қилинганлиги учун – конвертация қилинган хорижий валютадаги сумманинг 2,0 фоизининг давлат курсидаги қийматида комиссия тўлов тўланади;

– банкда аккредитив очиш учун – аккредитив очилган муддатга қараб комиссия тўлов тўланади. Хорижий давлатларда олдиндан аванс тўловлари олмасдан туриб, одатда берилган буюртма бўйича ишлаб чиқаришни бошламайди. Хорижий давлатлар амалиётида ишлаб чиқарувчиларга шартнома

тузилган ускуналар бўйича аккредитив очилганлиги тўғрисидаги маълумотнома етиб боргандан кейингина буюртма расман қабул қилинган ҳисобланиб, шартномада белгиланган ускуналар ишлаб чиқарилиши бошланишини ҳисобга олганда тадбиркорларда доимий равишда узоқ муддатларга аккредитив очиш зарурати бўлади.

Таклиф: Тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаган ҳолда банк тизимидаги комиссия тўловларни оптимallasштириш масаласини кўриб чиқиш лозим.

2-муаммо. Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурлари самарадорлигини ошириш, хусусан, Дастурларга киритилган лойиҳаларнинг белгиланган муддатларда ишга тушиши, янги ишчи ўринлари яратилиши ва кейинчалик ҳисоботларда ҳажм кўрсатилишини таъминлаш мақсадида Дастурлар ижросида қатнашадиган субъектлар (ҳокимият, банк, лойиҳа ташаббускори, идора ва ташкилотлар) ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи низомнинг мавжуд эмаслиги.

Таклиф: Дастурга лойиҳаларни киритиш бўйича қўйиладиган талаблар, тақдим қилинадиган имтиёзларнинг мазмуни ва худуд иқтисодиёти учун самарадорлигини инобатга олган ҳолда ҳар бир лойиҳа учун имтиёзнинг алоҳида белгиланиш шартлари, Дастурларга киритилган лойиҳалар бўйича бугунги кунда амалда бўлган тармоқ жадваллари ўрнига бизнес режа хусусиятига эга бўлган кўп томонлама шартномалар тузиш ва бу шартномаларда барча жараёнларнинг тўла миқёсда қамраб олиниши (тижорат банки кредитининг миқдори, фойз ставкаси, имтиёзли даври, гаров масаласи кабилар), янги лойиҳаларни Дастурга киритишнинг доимий равишда мумкинлиги (ишчи комиссия қарори билан), шунингдек Дастур ижросида иштирок этувчи субъектларнинг масъулияти ва жавобгарлиги кабилар белгилаб қўйилган низом ишлаб чиқиш лозим.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак харажатларни самарали бошқаришда “Ишлаб чиқариш имкониятларига асосланган” режалаштириш тизимига ўтиш мақадга мувофиқдир. Оператив бошқарув тизимини самарали ташкил этиш мақсадида молиявий режалаштиришда бюджетлаштириш амалиёти қатор афзалликларга эга бўлиб, бюджетлаштириш асосан прогнозлаштириш ва режалаштириш технологиясининг қарорлар қабул қилувчи учун зарурий ахборотларни шакллантиишнинг нисбатан мукамаллигини билан изоҳланиши ишда асосланди.

Юқорида келтирилган муаммолардан келиб чиқиб куйидаги хулосаларни айтиш мумкин. Тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаган ҳолда банк тизимидаги комиссия тўловларни оптимallasштириш масаласини кўриб чиқиш лозим. Замонавий иқтисодий адабиётда сарф-харажатларни бошқаришда бир қатор концепциялар мавжуд. Ушбу концепциялардаги ёндашувлар бир хил эмас. Баъзи концепциялар харажатларнинг ҳисоб тавсифларига асосланади

хамда сарф-харажатларни бошқаришнинг бухгалтерлик жиҳатига даҳлдор ҳисобланади. Бошқа концепциялар сарф-харажатларни фақат ҳисоб соҳасида эмас, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам бошқариш объекти сифатида кўриб чиқади.

Ушбу харажатларни минималлаштириши хўжалик субъектлари харажатларини камайтириш орқали уларнинг соф молиявий натижаларини максималлаштириш имкониятларини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланиган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль.
2. Coase R.H. *The firm, the market and the law*. Chicago, 1988, P. 188
3. Менгер К. Основания политической экономии / Австрийская школа в политической экономии: Менгер К., Бем-Баверк Е., Визер Ф. - М., 1992. С. 161
4. Coase R.H. *The firm, the market and the law*. Chicago, 1988, P. 188
5. Ален Бейтон, Антуан Казорла, Кристин Долло, Анн Мари Дре. 25 ключевых книг по экономике. — Челябинск: Урал LTD, 1999. — С. 514-538.
6. Вагазова Г. Р., Лукьянова Е. С. Сущность финансовых результатов деятельности предприятия // Молодой ученый. — 2015. — №11.3. — С. 13-15.
7. Гусева А.И., Порицкий А.В. Анализ в управлении финансовым результатом предприятия. Новосибирск: Новосибирский государственный технический университет, 2014. С. 152–153.
8. Козлова, Е.П. Бухгалтерский учет / Е.П. Козлова, Н.В. Параишутин, Т.Н. Бабченко, и др. - М.: Финансы и статистика, 2015. - 464 с.
9. Крылов Э. И., Власова В. М. Анализ финансовых результатов предприятия: учеб. пособие / ГУАП. — СПб., 2016. — 256 (4 страница) с.
10. Савицкая Г. В. С. Анализ хозяйственной деятельности предприятия: Учеб. пособие / Г.В. Савицкая. — 7-е изд., испр. — Мн.: Новое знание, 2002. — с.386 (704 с).
11. Тулаев У. Молиявий натижаларни шакллантиришнинг назарий, меъёрий ва услубий жиҳатларини такомиллаштириши // <http://www.biznes-daily.uz>.
12. Хайрулин, А.Г. Управление финансовыми результатами деятельности организации // Экономический анализ: теория и практика. 2006. № 10.
13. Кравченко А.И. Анализ хозяйственной деятельности в торговле.-М.: Новое знание, 2011.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

Н.Т. Бекназарова,
“Молия ва бухгалтерия ҳисоби”
кафедраси катта ўқитувчиси, ТДИУ

Аннотация. Мақолада юртимизда тадбиркорлик субъектларини хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш механизмининг ҳозирги босқичида мавжуд бўлган айрим муаммолар, тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалдаги хорижий кредит линиялари механизми такомиллаштириш йўналишлари ёритилган.

Таянч иборалар: кредитлаш, тадбиркорлик, кредит линия, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, тижорат банклари.

Қириш. Янги Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён ўз тараққиётининг 30 йилига қадам қўйди. Қисқа фурсат ичида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришлар амалга оширилиб, кўп ишлар амалга оширилди. Охириги 5 йилда ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш масаласига жуда катта эътибор берилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқариш кучлари замонавийлаштириш ва қайта куриш учун улкан сармоя ва қўйилмаларга муҳтож. Ички инвестицияларни молиялаштириш манбалари эса етарли эмас. Шунинг учун ҳукуратимиз кенг миқёсда хорижий инвестицияларни жалб этишни стратегик мақсадларга қаратган бўлиб, у давлат томонидан амалга оширилатган сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда халқаро молиявий институтлар, дунёнинг йирик банклари фаолиятини ва уларнинг асосий функцияларини таҳлил қилиш нихоятда долзарб ҳисобланади. Бунинг мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш мақсадида уларнинг фаолиятини ҳамда мамлакатимиз билан ҳамкорлик истиқболларини ёритиш муҳим аҳамиятга эга.

Мақоланинг объекти. Халқаро молия ташкилотлари томонидан мамлакатимизга йўналтирилаётган кредит линиялари, улардан кредитлашда фойдаланиш жараёнини таҳлил қилиш мазкур мақоланинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Таҳлил жараёнида мамлакат минтақаларини ривожлантиришда хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш жараёнини такомиллаштириш юзасидан тадқиқот олиб бориш ва тадқиқот натижаси ўлароқ назарий ва амалий таклифлар ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Таҳлил ва натижалар. Ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатадики, хорижий кредит линияларини жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак

даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллardan бири бўлган. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев¹⁶ раҳбарлигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун халқаро молия институтлари ҳамда чет эл банкларининг имтиёзли кредит линияларини жалб этиш борасида ҳамкорликни кенгайтириш стратегик устувор вазифа сифатида қаралиб, мазкур масала-давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида белгиланган. Халқаро молия ташкилотлари кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш амалиёти халқаро ташкилот ва мамлакат ҳукумати ўртасида имзоланадиган ҳамкорлик битими ва бу битим асосида чиқариладиган ҳукумат қарорлари асосланган ҳолда амалга оширилади. Ҳукумат ўзининг қарорида халқаро кредит линияларидан кредитлашни амалга оширувчи тижорат банклари ва йўналтириладиган ресурс суммасини кўрсатиб ўтади. Сунг кредитлаш жараёни банк ва унинг филиалларида давом этади. Кредитлаш шартлари халқаро ташкилот талаблари доирасида белгиланади ва кредитлар мониторинги бўйича ҳисобот мунтазам равишда халқаро молия институтининг Ўзбекистондаги ваколатхонасига ва Марказий банки ҳамда унинг ҳудудий бўлиmlарига тақдим этиб борилади.

I-жадвал

Тижорат банкларида очилган хорижий кредит линиялари тўғрисида маълумот¹⁷


| Банклар | Хорижий кредит линиялар | Қарз олувчига қўйиладиган талаблар |
|----------------------|--|------------------------------------|
| Ҳамкор банк | Осиё Тараққиёт Банки, Халқаро Ривожланиш Уюшмаси, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки, Трипл Жамп Б.В, Блу Орчард | Кичик бизнес субъектлари |
| Турон банк | Жаҳон банки | Кичик бизнес субъектлари |
| Қишлоқ қурилиш банк | Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жамғармаси | тадбиркорлик вакиллари |
| Ипак йўли банк | Соммерзбанк (Германия), ФМО (Голландия) | тадбиркорлик вакиллари |
| Асака банк | Соммерзбанк АГ (Германия), «Жаҳон банки ИТА | тадбиркорлик вакиллари |
| Ўзсаноатқурилиш банк | Экзимбанк Туркия, АКА Банк (Германия), Экзимбанк Корея, KfW Irex Bank (Германия), ODDO BHF (Германия) | тадбиркорлик вакиллари |

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сонли “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида” ги фармони.

¹⁷ https://invest.gov.uz/uz/investor/credit_lines/

Ҳозирги кунда мамлакатимиз тижорат банклари орқали қуйидаги халқаро молия ташкилотларининг кредит линияларидан фойдаланиб келинмоқда (1-жадвал). Мамлакатимизда иқтисодий ислохатларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш жараёнида тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Хусусий секторни янада ривожлантиришнинг асосий манбаларидан бири хорижий маблағлар ҳисобланади. Бунда хорижий инвестиция ва хорижий кредит линиялари орқали тақдим этилаётган кредитлар ҳамда юқори стандартларга асосланган технологиялар, хорижий инвесторлар тажрибаси, асосий ўринни эгаллайди.

Қуйидаги расмда мамлакатимиз тадбиркорлик субъектларига жами хорижий кредит линиялари ҳисобидан ажратилган кредитлар миқдорининг йиллар кесимидаги миқдори келтирилган:



1-расм. Хорижий кредит линиялари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар (млн. АҚШ доллар экв)¹⁸

1-расм маълумотларига кўра, 2018-2020 йиллар ва 2021 йилнинг I ярмида тижорат банкларида тадбиркорлик субъектларига хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобидан 7,4 млрд. АҚШ долл.дан ортиқ кредит ажратилди. Хусусан, 2018 йилда 1,3 млрд. АҚШ доллари, 2019 йилда 2,1 млрд. АҚШ долл. (ёки 2018 йилга нисбатан 162%), 2020 йилда 2,9 млрд. долл. (ёки 2019 йилга нисбатан 172%), 2021 йилнинг I ярмида 1,0 млрд. долл. миқдоридан кредитлар ажратилган. Шу даврда давлат кафолати остида жалб этилган хорижий кредит линиялари ҳисобидан ажратилган кредитлар 1,8 млрд. АҚШ долл.ни ёки жами ажратилган кредитларнинг 24 фоизини ташкил этган.

Тадбиркорлик субъектларини халқаро молия ташкилотлари кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш жараёнидан баъзи бир муаммолар ҳам юзага келади, яъни тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий саводхонлигининг нисбатан пастлигидир. Бу эса бошқа миқдорларда кредит олишга нисбатан имконсиз ёки жуда мураккаб жараён деган қарашни шакллантиради. Ҳуқуқий саводхонликнинг пастлиги натижасида турли қонунбузарликларга билиб-билмай йўл қўйилиши ва шу каби бошқа муаммолар юзага келади.

¹⁸ www.cbuz.uz ЎзРес Марказий банки маълумотлари асосида тайёрланди.

Хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш амалиётида учраётган долзарб муаммолардан бири хорижий валютада ажратилган кредитларни сўндириш жараёнида мижознинг хорижий валютада барқарор кирим мавжуд эмаслигидир. Муаммолардан яна бири кредит таъминоти масаласи бўлиб, бунда тақрорий қарз олувчиларга яна кредит олиш учун таъминот қайта талаб этилади.

Ҳозирги кунда ушбу муаммоларнинг ечимини топишга айрим омилар, яъни:

- ишлаб чиқариш характеридаги кўчмас мулк бозорининг ривожланмаганлиги;
- кафил бўладиган молиявий барқарор ташкилотлар камлиги.
- қимматли қоғозлар бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги салбий таъсир кўрсатмоқда.

Тадбиркорлик субъектларига хорижий кредитлар ҳисобидан ажратиладиган кредитлар қайтарилишида бандай муаммоларнинг юзага келиши натижасида линияларнинг ўзлаштирилиши ва тижорат банкларининг қарздорлиги ортади ҳамда тўловга қобилиятлилик даражаси тушиб кетади. Шу билан бирга бундай муаммолар халқаро ташкилотларнинг мамлакат инвестиция муҳитига нисбатан ишончсизлигини оширади.

Хулоса ва таклифлар. Бугунги кунда амалга оширилган ислохотлар натижасиулароқ, тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолияти орқали бир қанча ижтимоий ҳамда иқтисодий натижаларга эришилди. Ўзаро ҳамкорликни такомиллаштириш ҳамда бу борада юзага келаётган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида қуйида бир нечта хулоса ва таклифларни назарий ҳамда амалий асосланган ҳолда келтириб ўтиш жоиз:

1. Тижорат банклари томонидан бизнес-лойиҳаларни молиялаштиришда хорижий кредит линиялари маблағларидан фойдаланиш афзалликлари ҳақида тадбиркор ва ишбилармонлар орасида оддий, раво ва атрофлича тушунтиришларни бериш бўйича банк ходимларининг масъулиятини кучайтириш.

2. Мамлакатимизнинг турли минтақаларини янада ривожлантириш бўйича турли стратегик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни молиялаштириш бўйича турли молия институтларининг кредит линияларини жалб этиш лозим.

3. Юқори ижтимоий-иқтисодий самодорликка эга лойиҳаларни, ижобий кредит тарихига эга мижозларнинг лойиҳаларини молиялаштиришда таъминот бўйича мижозларга имтиёзлар бериш ёки ишончли кредитлар ажратиш мақсадга мувофиқ. Бироқ, лойиҳа хорижий кредит линияси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган бўлса ҳам, тижорат банкларида Марказий банк томонидан ўрнатилган меъёрларга амал қилиниши лозим.

4. Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи

молиявий-ҳуқуқий инфратузлумани етарли даражада ривожлантириш лозим. Яъни тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи консалтинг фирмалари, баҳолаш агентликлари ҳамда турли суғурта ташкилотлари ва улар ўртасида рақобат мавжуд бўлиши назарда тутилмоқда. Айнан, тадбиркорларнинг кредитлаш ва кредит ҳужжатлари бўйича ҳуқуқий саводхонлигини оширишни тижорат банклари кредит инспекторларининг махсус ўқув курслари орқали ҳам ташкил этиш мумкин.

5. Хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобидан лизинг хизматларининг амалга оширилиши тижорат банклари учун юқори даромад олишни таъминлайди. Шу билан бир қаторда тадбиркорлар учун лизинг ташкилотларига муурожаат этмай, тўғридан-тўғри хизмат кўрсатувчи банк орқали нисбатан қулай шартлардаги лизинг хизматини амалга ошириш имконияти пайдо бўлади.

Юқоридаги келтириб ўтилган тақлифларнинг тўлиқ амалга оширилиши натижасида кредит линияларидан фойдаланувчиларга янада қулай ишбилармонлик муҳити яратилади. Бу борада имтиёзли хорижий кредит линияларнинг жалб қилиниши эса тижорат банклари кредит портфели ҳамда миқозлар базасининг ортиши ва янги ишлаб чиқариш объектларининг ишга туширилиши мамлакатимиз ҳудудларидаги ишсизлик муаммосини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади

Шу боис банкларнинг капиталини ошириш чоралари белгиланди. Хусусан, келгуси йилда банкларга Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан бозор тамойиллари асосида қўшимча 600 миллион АҚШ доллари ажратилади. Халқаро молия бозорларида 5 триллион сўмлик миллий валютада евробондлар чиқарилади. Хорижий банклар кириб келишига кенг имкониятлар яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сонли “Хусусий мулкни ҳимоя қилиши ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириши, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиши тизимини тубдан такомиллаштириши бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиши имкониятларини кенгайтириши тўғрисида” ги фармони.*

2. Лаврушин О.И. Банковское дело: учебник. 3-изд. /Под ред. О.И.Лаврушина. – Москва: Кнорус, 2005.-766 с.;

3. Белоглазова Г.Н. Банковское дело: Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2014. -591 с.

4. Абдуллаева Ш.З. Халқаро валюта муносабатлари. – Т., 2005.

5. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. – Т., 2010.

Интернет ресурслари

www.cbu.uz Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

www.gov.uz Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг расмий портали.

www.lex.uz Қонунчилик ҳужжатлари миллий ахборот базаси.

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ БАНКЛАР ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

М.Н. Назарова,
“Молия ва бухгалтерия ҳисоби” кафедраси
катта ўқитувчиси, ТДИУ

Аннотация. Мақолада банкларда инновацион фаолиятни яхшилашда корпоратив бошқарувнинг ўрни, бошқарув тизими орқали юқори самарадорлик ва шаффофликка эришиш борасидаги амалга оширилиш лозим бўлган масалалари ёритилган.

Таянч иборалар: инновация, корпоратив бошқарув, банк, акционерлик жамияти, самарадорлик, бошқарув, банк тизими, молиялаштириш, капитал.

Аннотация. В статье рассмотрена роль корпоративного управления в улучшении инноваций в банках, вопросы, которые необходимо решить для достижения высокой эффективности и прозрачности с помощью системы управления.

Ключевые слова: инновации, корпоративное управление, банковское дело, акционерное общество, эффективность, управление, банковская система, финансирование, капитал.

Abstract. This thesis emphasizes the role of corporate governance in the development of innovations in banks, issues, which will help to achieve high efficiency and transparency in the management system.

Key words: innovation, corporate governance, banking, joint stock company, efficiency, management, banking system, financing, capital.

Қирриш. Юртимизда иқтисодиётнинг мутлақо янги тармоқларига асос солиш, айниқса, уларни бошқариш услубларини замонавийлаштириш, яъни халқаро бизнес юритиш тартиб-тамойилларини жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Банклар томонидан инновацион фаолиятни янада яхшилаш ва такомиллаштириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиёт ривожланишининг барча босқичларида инновацион лойиҳаларни молиявий таъминлаш масалалари инobatга олинганлиги бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Тадиқот методологияси. Бугунги кунда республикамиздаги деярли барча йирик корхоналар акциядорлик жамиятларига айлантирилиб, корпоратив бошқарув усуллари жорий этилаётган хўжалик юритувчи субъектлар сони кун сайин кўпаймоқда. Бу иқтисодиётимиз жадал суръатларда ривожланиши, sanoat салоҳияти ошиши, юқори технологияли тармоқларнинг ўзлаштирилиши, бошқача айтганда, мамлакатимиз рақобатдошлиги таъминланишига хиз-

мат қилмоқда. Айниқса, республикамизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг корпоратив бошқарувига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Марказий банкнинг 2020 йил 30 июнда 3254-сон билан рўйхатга олинган қарори билан “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида” ги низом тасдиқланди. Ушбу ҳужжат 2020 йил 1 октябрдан кучга кирди. Асосан ушбу низом корпоратив бошқарув соҳасидаги Базель кўмитаси тамойиллари асосида, илғор стандартлар ва тажрибани жорий этиш, банклар бошқарув органларининг ҳисобдорлиги ва фаолияти шаффофлигини таъминлаш ҳамда уларнинг ахборотни етарли даражада ёритиб бериши орқали уни такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш ва уни янада такомиллаштириш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Корпоратив бошқарувни жорий қилиш ва такомиллаштириш орқали Ўзбекистон компаниялари янги сифат босқичига ўтиши мумкин. Корпоратив бошқарувни ривожлантириш ва бу тизимни такомиллаштириш муҳим масалалардан биридир.

Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва унинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, дунё иқтисодчилари корпоратив бошқарувга рақобатдошлик таъминланишида ҳал қилувчи куч сифатида баҳо берадилар. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки мазкур ибора “гуруҳ аъзолари ўртасидаги интерактив мулоқот” деган маънони англатади. Бу бошқарув самарадорлигини ошириш учун барча иштирокчи ўртасида фаол мулоқотни йўлга қўйиш, миноритар акциядорлар салмоғини ошириш орқали мулкни ижтимоийлаштириш, бошқача айтганда, корхона бошқарувига унинг фаолиятидан маълум даражада манфаатдор бўлган ҳар бир шахсни жалб этиш, деганидир.

Маълумки, жамиятларда бошқарувнинг замонавий услубларини қўллаш уларида бутунлай янги тузилмани ташкил этиш, акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорларнинг акциядорлик жамиятини бошқаришдаги ролини ошириш имконини беради. Қолаверса, акциядорлик жамиятларига хорижий менежерларни жалб этишга йўл очилдики, бу, ўз навбатида, иқтисодиёт тармоқларига тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш баробарида, жамиятларни модернизация қилиш орқали юқори самарадорликка эришишга кўмаклашади. Аниқроғи, пировардида корхоналар бозордаги талаб-таклифдан келиб чиққан ҳолда, янгича ёндашувлар асосида фаолият юритади. Муаммоларни тезкор ҳал этиб, янги рақобатбардош инвестицион лойиҳаларни рўёбга чиқариш ва қўшимча акция ҳамда қимматли қоғозларни муомалага чиқаришдан даромад топишга ҳаракат қилади. Агар корпоратив бошқарув тизими яхши йўлга қўйилса, бошқарувда шаффофлик таъминланиб, турли компанияларда, акционерлик жамиятларида, шу жумладан тижорат банкларида инвестицион жозибадорлик самарадорлигига эришилади.



Корпоратив бошқарувни бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб бориш, ишлаб чиқариш жараёнига инвестицияларни жалб этиш, жаҳон андозалари талабига мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур технологияларни қўллаш асосида, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайди. Бу ўз навбатида, корпоратив бошқарув субъектлари фаолиятини молиялаштириш даражасини юксалтиришни таъминлайди. Корпоратив бошқарувнинг юқори сифатига эришиш мақсадида банклар кўп саҳифали ҳужжатларни: стратегиялар, бизнес-режаларни; кредитлаш, депозитларни жалб этиш ва тарифларни белгилаш жараёнига оид сиёсатларни; ходимларни моддий ва номоддий рағбатлантириш тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқадилар. Бироқ самарали корпоратив бошқарув муаммоси банкнинг у ёки бу соҳага оид ҳужжати мавжуд эмаслигига боғлиқ бўлиб қолмай, балки унинг ягона ғоявий, технологик ва ресурс базасига боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақил равишда мавжуд эканлигидадир.

Тадқиқот натижалари. Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш масалаларининг долзарблиги ошиши кўпчилик банкларда ҳам юз бермоқда. Корпоратив бошқарув тизими банк бошқарувида ўз ўрни ва аҳамиятига эга. Чунки ушбу бошқарув банкнинг иқтисодий натижаларига таъсир этади. Банклар жамиятнинг жамғармаларини тўплайди ва уларни жойлаштиради. Айниқса, ривожланаётган мамлакатларда банклар фирмалар учун жуда муҳим ташқи молиялаштириш манбаи ҳисобланади. Шунингдек, банклар молиявий бозорларга тўғридан-тўғри чиқиш имкони йўқ фирмаларнинг корпоратив бошқарув самарадорлигига таъсир этади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, самарали корпоратив бошқарувнинг асоси куйидагилар ҳисобланади[6]:

- банкнинг ички ҳужжатларида белгиланадиган ваколат ва вазифаларнинг аниқ тарзда тақсимланиши;
- етарли даражадаги ҳисобдорлик;
- ўзаро назорат қилиш ҳамда банк учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган қарорлар қабул қилинишининг олдини олишни таъминловчи, банк бошқаруви органлари ва таркибий тузилмалар ўртасидаги ваколатларнинг тақсимланиши;
- ўз ваколат ва вазифаларини яхши билувчи, функционал вазифаларини бажаришда юқори даражадаги ишбилармонлик ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этувчи, банк кузатуви кенгаши ва ижроия органининг юқори малакали аъзолари мавжудлиги.

Корпоратив бошқарувнинг банклар ривожланишидаги муҳим ролини куйидагиларда кузатиш мумкин[1]:

- молиялаштириш манбаларини олиш имкониятини кенгайтиради, бу эса, инвестиция, иқтисодий ўсиш, иш билан бандликни оширади;

– капитал қиймати пасайиши ва банкнинг юқори баҳоланишига эришишга олиб келади, бу ўз навбатида, инвестиция ва иқтисодий ўсишни таъминлайди;

– операцияларнинг яхшиланишига таъсир этади, бу ресурсларнинг яхшироқ жойлашиши, самарали бошқарув, бойликнинг яратилишини кенгайтиради;

– давлат ва фирма даражасида паст риск, ўз навбатида, камроқ банкротлик, камроқ молиявий инқирозлар бўлишини таъминлайди;

– улушдорлар билан яхшироқ муносабатларни таъминлайди, умумий муҳит яхшиланишига таъсир кўрсатади.

Банк секторидаги корпоратив бошқарувнинг муҳимлигини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муаммога катта эътибор қаратиб, бу масалани банк тизимининг стратегик ривожланиш мақсади сифатида ўрганади. Бунда асосий эътибор ички назорат тизимини такомиллаштириш, корпоратив бошқарувнинг шаффофлигини ошириш ва мулкдорлар ҳуқуқини таъминлашга қаратилади.

Таҳлиллар. Юқоридаги стратегик мақсадларни таъминлаш учун Марказий банк томонидан қуйидаги маълумотларни кўрсатувчи электрон маълумотлар базаси шакллантирилиши лозим:

- банкларнинг доимий ҳолда молиявий аҳволини акс этирувчи ва рискларни баҳолашга имкон берувчи маълумотлар базаси;
- корпоратив бошқарув ва бизнес режалаштиришнинг ҳолатини баҳолаш ҳамда мулкдорлар таркиби шаффофлигини оширишга хизмат қилувчи кўрсаткичлар базаси [2].

Тижорат банклари фаолиятида корпоратив бошқарув муаммосини ўрганишда нафақат Марказий банк, балки ушбу жараённинг бошқа манфаатдор иштирокчилари ҳам қатнашишлари лозим.

Тижорат банклар фаолиятида корпоратив бошқарув тизимининг институционал асослари, жорий этиш йўллари ҳамда корпоратив сифатини ошириш масалалари ҳал этишда банк миқозларга янги хизмат турларини кўрсатиш ва уларнинг сифатини оширишда янги технологияларни ўзлаштириши, ҳар бир таркибий бўлинма ҳамда ходимларига тўғри келувчи маҳсулотлар (хизматлар) миқдори ва қўламини ошириши лозим.

Банк секторидаги корпоратив бошқарувнинг муҳимлигини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муаммога алоҳида эътибор қаратиб, бу масалани банк тизимининг стратегик ривожланиш мақсади сифатида ўрганади. Бунда асосий эътибор ички назорат тизимини такомиллаштириш, корпоратив бошқарувнинг шаффофлигини ошириш ва мулкдорлар ҳуқуқини таъминлашга қаратилади.



Хулоса ва тақлифлар. Таъкидлаш лозимки, барча тизимларда бўлгани каби корпоратив бошқарув тизимида ҳам айрим муаммолар мавжуд. Булар қуйидагилар:

- давлатнинг ишончли вакили ва давлат акция пакетларининг ишончли бошқарувчиси ўртасидаги муносабатлар бўйича ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар такомиллашмаганлиги;
- акциядорлик жамиятида давлатнинг ишончли вакили ва акция пакети бошқарувини малакали мутахассислар билан етарли таъминлашнинг мураккаблиги;
- давлат вакиллариининг корпоратив бошқарув борасида етарли билимга эга эмаслиги;
- банк тизимида корпоратив бошқарув тизими тўлиқ такомиллашмаганлиги.

Бу муаммолардан келиб чиқиб, қуйидаги тақлиф ва хулосаларга келиш мумкин:

- корпоратив бошқарув тизимидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш кераклиги;
- корпоратив бошқарув тизимини давлат томонидан юқори даражада тартибга солиб туриш зарурлиги;
- корпоратив бошқарувда иштирокчилар, яъни йирик кредиторлар, акциядорлар, инвесторлар банклар бошқарувида турли даражада таъсир этиш лозимлиги;
- хориж мамлакатларининг корпоратив бошқарув тизими тажрибаларини самарали ўрганиб, улардан фойдаланиш зарурлиги;

Бу ҳолатлар юртимизда кечаётган хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш, иқтисодий тармоқларига жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтириш, акциядорлик жамиятлари бошқаруви самарадорлигини тубдан яхшилаш, стратегик инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этишда янги уфқларни очиши, шубҳасиз. Пировардида мамлакатимиз иқтисодий қудрати ошиб, аҳолининг турмуш даражаси янада юксалиб бораверади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, корпоратив бошқарув тизими борасида олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш ва бу орқали давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича энг муҳим устувор йўналишларни амалга оширишга хизмат қилиши шубҳасиздир. Республикамызда фаолият юритаётган тижорат банклари акциядорлик кўринишида ташкил этилган бўлиб, корпоратив бошқарувнинг банклар ривожланишида муҳим жиҳатлари мавжуд.

Фойдаланиган адабиётлар рўйхати

1. Қудратов С. Банк тизимида корпоратив бошқарувни такомиллаштириши. – Тошкент: Akademnashr, 2016 й. -176 б.
2. Қудратов С., Назарова М. Тижорат банкларида корпоратив бошқарув. – Тошкент: ТДИУ, 2019 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядор-ларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши тўғрисида”ги қонуни. 26.04.1996 й. № ЎҚ-223-І.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятлари-да замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. 2015 йил 24 апрель.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятлари-да хорижий инвесторларни жалб этиши борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. 31.03.2015 й. ПҚ-2327.
6. www.lex.uz сайти маълумотлари.
7. www.bank.uz сайти маълумотлари.



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШГА ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛААР

Ш.А Абдусаттарова,
“Молия ва бухгалтерия ҳисоби” кафедраси
катта ўқитувчиси, ТДИУ

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакатимиз тижорат банклари активларининг ривожланиш тенденциялари ва активлар ҳисобини юритиш масалалари тадқиқ этилган. Муаллиф томонидан тижорат банкларида активларнинг самарадорлик кўрсаткичларини шаклланиши ва ривожланишини таҳлил этилиб, мамлакатимиздаги тижорат банкларининг самарадорлигига таъсир этувчи асосий омиллар аниқлан, олиб борилган тадқиқотлар натижасида илмий хулосалар шакллантирилган.

Таянч иборалар: бухгалтерия, банк, кредит тизими, банк активлари самарадорлиги, активлар, омиллар.

Аннотация. В статье рассматриваются тенденции развития активов коммерческих банков страны и вопросы учета активов. Автор анализирует формирование и развитие показателей эффективности активов коммерческих банков, выявляет основные факторы, влияющие на эффективность коммерческих банков в стране, и делает научные выводы по результатам исследований.

Ключевые слова: бухгалтерский учет, банковское дело, кредитная система, эффективность активов банка, активы, факторы.

Abstract: This article examines the development trends of assets of commercial banks of the country and the issues of asset accounting. The author analyzes the formation and development of asset efficiency indicators in commercial banks, identifies the main factors affecting the efficiency of commercial banks in the country, and draws scientific conclusions as a result of research.

Keywords: accounting, banking, credit system, efficiency of bank assets, assets, factors.

Кирриш. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича ҳарактлар стратегиясида банк тизими, шу жумладан тижорат банклари фаолиятини янада ривожлантириш ва банк хизмат турларини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. [1]

Миллий ва жаҳон молия бозорларидаги кескин рақобат шароитида банклар фаолиятидаги ўзгаришларни ҳар томонлама ўрганиб бориш, бошқариш қарорларини асосланган таҳлилий маълумотларга таяниб қабул қилишни тақозо этади. Бундай ҳолатда менежерлардан банк фаолиятини ҳар бир йўналишидаги

тенденцияларни комплекс равишда баҳолаб бориш талаб қилинади. Баҳолаш жараёнида турли гуруҳларга ажратилган самарадорлик кўрсаткичларига таянилади.

Фойдаланиган адабиётлар рўйхати шарҳи. Тадқиқотларимиз натижасида маълум бўлишича, банк активлари самарадорлигини таъминлаш муаммолари доирасида республикамизнинг бир қатор иқтисодчи олимлари ҳам илмий изланишларида ўз қарашларини билдиришган. Хусусан, республикамизда банк активлари самарадорлигини ошириш борасида банкларда кредит тизими ва сиёсатини ривожлантириш бўйича Ш.Абдуллаева, Умарова З.С. [3], Мухамеджанов К.А. [4], Саидов Д.А. [5], Пулатов Д.Х., Тухтабаев У.А., Қўлиев И.Я., Жиянова Н.Э., Элмуратов М.Х., Тухсанов Х.А. [6], банкнинг валюта активлари бўйича амалиётларни ривожлантириш бўйича Бобакулов Т.И. [7], Максумов Э.М. [8], Рустамова А.Б.лар [9], банк актив амалиётлари билан боғлиқ банк хизматларини ривожлантириш бўйича Алиқориев О.Ф., Мустафоев З., Мирзамайдинов Б.К., Абдурахманова М.М.лар илмий изланишлар олиб боришган.

Тижорат банклари активлари самарадорлигини оширишнинг илмий-амалий жиҳатларини хорижий иқтисодчи олимлар Р.Нагле [10], Н. Йин [11], К.Омбаба [12], А.Кхалид [13], Ж.Мичаел [14] ва бошқалар томонидан банк активларини вазибалари, ликвидлиги, риск даражаси, жойлаштириш муддати ва субъектига қараб таснифлашни таклиф этилган.

Тадқиқот методологияси. Рақобат шароитида ҳар бир тижорат банкнинг бош стратегик мақсади актив амалиётлар ҳажмидан юқори фойда олишдир, шунингдек актив амалиётлар самарадорлиги активлар ҳисобига қанча фойда тўғри келиши билан белгиланади.

И.А.Кетованинг таъкидлашича, «...актив амалиётлар банк ресурсларини жойлаштиришнинг бош инструменти сифатида даромад олишни рағбатлантиради ва банк ликвидлигини сақлаб туради» [15].

Аммо, бизнинг фикримизча, бу ерда банк активлари даромадлиги ва ликвидлигининг ўзаро қарама-қарши муносабатда эканлигига эътибор қаратиш зарур. Банк активларининг ликвидлик даражаси ортган сари риск даражаси пасаяди, шунга мутаносиб равишда даромадлик даражаси ҳам пасаяди. Ўз навбатида, актив амалиётларни тўғри бошқарилиши ликвидликни йўқотиш рискини ҳам назорат қилишни талаб этади. Шу ўринда, А.И.Копытованинг «... муваффақиятли банк фаолиятини учта омил: юқори даромадлик, ликвидлик ва тўловга қобилиятликнинг ўзаро алоқадорлиги таъминлаб беради» деган фикри ниҳоятда ўринли, деб ҳисоблаймиз [16].

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланган сари турли мулк шаклига асосланган тижорат банклари шаклланди ва кўпайди. Тижорат банкларининг аксарияти акционер банклардир. Уларнинг устав сармояси таъсисчилар қўшган маблағлардан ташкил топган. Бундай



тижорат банклари акция чиқарган бўлиб, таъсисчилар акциядорларнинг катта қисмини ташкил этади.

Тижорат банкларининг хусусий капитали ўтган йилга нисбатан 10823961 млн. сўмга ошган. Бу тижорат банклари учун ижобий ҳолат ҳисобланади. Тижорат банклари хусусий капитали суммаси қонун йўли билан чегараланмаган, лекин банклар фаолиятини барқарор таъминлаш мақсадида унинг минимал миқдори белгилаб қўйилади.

1-жадвал

Республикамик тижорат банклари устав капиталининг ўз маблағларига нисбати [17]

| № | Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | |
|----|---|---------|---------|---------|---------|---------|----------|
| | | 2014 | 2015 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
| 1. | Банклар устав капитали, млрд. сўм | 2038,91 | 2974,22 | 3107,00 | 3602,90 | 4007,90 | 10427,30 |
| 2. | Банкларнинг ўз маблағлари, млрд. сўм | 3091,54 | 3787,57 | 4744,60 | 5799,80 | 7064,00 | 15869,50 |
| 3. | Устав капиталининг банкларнинг ўз маблағларига нисбати, % | 65,95% | 65,93% | 65,49% | 62,12% | 56,73% | 65,71% |

Банк капиталининг ўсиб бориши банкларни бозор иқтисодиётининг етакчи субъекти сифатида фаолият олиб боришга олиб келмоқда.

Жаҳоннинг барча мамлакатларида банкларнинг ликвидлигини ошириш ва миқдорлари орасида ишончилигини мустаҳкамлаш мақсадида Марказий банк томонидан устав капиталининг минимал ҳажми ўрнатилади.

Юқоридаги 1-жадвал маълумотлари орқали шуни кўриш мумкинки, тижорат банклари устав капиталининг ўз маблағларига нисбати охириги йилларда пасайиш тенденцияни кўрсатмоқда эди. 2014 йилдан сўнг эса, бу кўрсаткич пасайиш тенденциясига эга бўлган. Тижорат банклари устав капитали ва ўз маблағлари миқдор жиҳатдан йиллар мобайнида ошиб борган. Устав капиталининг жами капитал ҳажмида юқори салмоқни эгаллаши ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки устав капитали юқори барқарорлик даражасига эга бўлган молиялаштириш манбаи ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида банк балансининг пассивидаги устав капитали салмоғининг ижобий ўзгариши банкнинг тўловга қобилигининг мустаҳкамлигини белгиловчи бирламчи омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли қарорига асосан банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан

тижорат банкларига нисбатан қўйиладиган меъёрий талабаларни янада такомиллаштиришни, жумладан, капиталнинг етарлиги ва ликвидлиги кўрсаткичи бўйича янги талабларни назарда тутган янги стандартлар ва тавсиялар (Базель-III стандартлари) ишлаб чиқилган. Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк назорати бўйича Базель кўмитасининг стандарт ва тавсияларини (Базель-III стандартлари) 2015-2019 йилларда босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаши эътироф этилган.

Валюта сиёсатининг либераллаштирилиши шароитида тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини таъминлаш ҳамда иқтисодиётнинг кредитга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига мувофиқ давлат улушига эга банklar капиталига Хукумат томонидан 670 млн. АҚШ доллари миқдорига маблағлар йўналтирилди.

Мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланган сари турли мулк шаклига асосланган тижорат банклари шаклланди ва кўпайди. Тижорат банкларининг аксарияти акционер банклардир. Уларнинг устав сармояси таъсисчилар қўшган маблағлардан ташкил топган. Бундай тижорат банклари акция чиқарган бўлиб, таъсисчилар акциядорларнинг қатга қисмини ташкил этади. Давлат-тижорат банклари устав фондининг асосий қисми давлат бюджетидан ажратилган бўлади. Хусусий банklar устав фондининг асосий қисмини бу банкни ташкил этган хусусий шахс маблағи ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қароридан банк тизимининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган асосий вазифалардан бири сифатида 2017 йил 1 октябрдан бошлаб устав капиталининг энг кам миқдорига нисбатан талаб тижорат банклари учун 100 млрд. сўм қилиб белгиланди [2]. Республикаимизда фаолият юритаётган тижорат банкларига 2019 йилнинг 1 январигача устав капиталларининг минимал миқдорларини белгиланган минимал талаблар даражасига келтирилиши таъминлаш вазифаси қўйилди. Аммо, ҳозирги кунда барча тижорат банklar ҳам белгиланган устав капиталларининг минимал миқдорларини тўлиқ шакллантира олгани йўқ.

Таҳдилларнинг кўрсатишича, тижорат банклари кредитлаш салоҳиятига ички (микроиқтисодий) ва ташқи (макроиқтисодий) омиллар таъсирининг юқорилиги банк фаолиятида сезиларли ўзгаришларга олиб келади. Айниқса, банк тизимини иқтисодиёт соҳалари билан параллел ривожланиши жараёнидаги ўзгаришлар банкни кредитлаш салоҳиятига муҳим таъсир кўрсатади.

Ички (микроиқтисодий) омиллар кредит салоҳияти шаклланишининг устувор жиҳатларини белгилаб беради. Улар қаторига банк менежментининг



ташкил этилганлик даражаси, фоиз ва тариф сиёсати талаблари, корпоратив мижозлар сони, ресурсларнинг барқарорлиги, кредит портфелининг сифати кабилар киради.

Ташқи (макроиқтисодий) омиллар банк фаолиятига бошқариш имконияти чекланган жиҳатларни намоён қилади. Ташқи омиллар иқтисодий вазият ва ҳуқуқий асослардаги ўзгаришлар, банк мижозлари фаолиятидаги ўзгаришлар, молия бозоридаги конъюктуравий силжишлар кабиларни қамраб олади. Банкларда кредит салоҳиятига омиллар таъсирини оптималлаштириш кредит ресурслари тақчиллигини юзага келиши билан боғлиқ рискларни назорат қилиш механизмларини такомиллаштиришни талаб қилади.

Рақобат шароитида банк тизимини япи ички маҳсулотдаги улушини ошиб бориши, кредит ресурсларига нисбатан эҳтиёжнинг ўсиши каби жараён кредитлаш салоҳияти билан боғлиқ бир қатор муаммолар ечимига алоҳида ёндашишни талаб этади.

Биринчи гуруҳдаги муаммолар бевосита банклар амалиётида кредитлаш салоҳиятини шаклланишининг барқарор манбаларини ривожлантириш борасидаги тадбирларнинг давр талабига мос келмаслиги билан боғлиқ ҳолатлардир. Бунда «узун пассивлар» сифатида узок муддатли депозитларни жалб этиш, маблағлар манбаларининг янги гуруҳларини топиш чораларини кўриш каби масалалар муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи гуруҳдаги муаммолар эса, банкларда кредитлаш салоҳиятининг сифат жиҳатларини тўғри баҳолашнинг интеграл кўрсаткичлари ва усулларини такомиллаштириб бориш тадбирларига боғланган.

Учинчи гуруҳ муаммолари. Бу ҳолатда асосий масала банк активлари ва пассивлар ўртасидаги номутаносибликни минимал риск доирасида сақлаб туришдан иборат.

Активларнинг диверсификацияланганлик даражаси. Банк активларини диверсификацияланиш даражаси ҳам активларни самарали бошқаришга муҳим таъсир кўрсатади. Хусусан, тижорат банкларида активларни бошқаришда диверсификациялаш банк активлари бўйича таваккалчилик даражасини янада пасайтириш; хорижий валюталар, пластик карточкалар билан операцияларни амалга ошириш бўйича хизмат турларини кўпайтириш асосида даромадлар таркибини яхшилаш; банк учун мақбул бўлган кредитлашнинг янги турлари ва шакллари амалиётга тағбиқ этиб бориш; банк пассивларини максимал даражада даромад келтирувчи активларга жойлаштирилишини таъминлаш каби афзалликларга эга.

Активлар концентрацияси ўзига хос макроиқтисодий кўрсаткич ҳисобланиб, таҳлил жараёнида банк активларини географик ҳудудлар, йирик банклар ёки қарздорлар гуруҳида тўпланишини ифодалайди. Активлар концентрацияси активлар портфели диверсификацияланиш принципларига

амал қилинган ҳолатда ҳам юзага келади. Мисол тариқасида, 01.01.2018 йил ҳолатига республикаимиз банкларида активлар концентрациясининг йирик миқдорлари мос равишда: ТИФ Миллий банки – 24,59%, АТБ «Асакабанк» - 12,43%, АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» - 12,43%, АТБ «Ипотекабанк» - 6,84%, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» - 6,44%ни, жами кредит портфели бўйича эса, мос равишда: ТИФ Миллий банки – 24,73%, АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» - 16,26%, АТБ «Асакабанк» - 10,1%, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» - 8,98%, АТБ «Ипотекабанк» - 8,78%ни ташкил этди.

Активлар рентабеллиги тижорат банкларида активларни қай даражада самарали бошқарилаётганлигини ифодалайди. Шунингдек, бу кўрсаткич орқали активлар ҳиссасига тўғри келаётган соф фойда улушини таҳлил қилиш мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилганимизда, тижорат банкларида омилар таъсирини ўз вақтида ва зарур даражада баҳоланиши активлар самарадорлигини таъминлашнинг муҳим кафолати ҳисобланади. Асосий масала банк активлари ва пассивлар ўртасидаги номутаносибликни минимал риск доирасида сақлаб туришдан иборат.

Бу борада банк активларини диверсификацияланиш даражаси ҳам активларни самарали бошқаришга муҳим таъсир кўрсатади. Хусусан, тижорат банкларида активларни бошқаришда диверсификациялаш банк активлари бўйича таваккалчилик даражасини янада пасайтириш; хорижий валюталар, пластик карточкалар билан операцияларни амалга ошириш бўйича хизмат турларини кўпайтириш асосида даромадлар таркибини яхшилаш; банк учун мақбул бўлган кредитлашнинг янги турлари ва шакллари амалиётга татбиқ этиб бориш; банк пассивларини максимал даражада даромад келтирувчи активларга жойлаштирилишини таъминлаш каби афзалликларга эга.

Кейинги омил - активлар концентрациясидир, у ўзига хос макроиқтисодий кўрсаткич ҳисобланиб, таҳлил жараёнида банк активларини географик ҳудудлар, йирик банклар ёки қарздорлар гуруҳида тўпланишини ифодалайди. Навбатдаги омил - активлар рентабеллиги ҳисобланиб, тижорат банкларида активларни қай даражада самарали бошқарилаётганлигини ифодалайди. Шунингдек, бу кўрсаткич орқали активлар ҳиссасига тўғри келаётган соф фойда улушини таҳлил қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947 сонли фармони” 2017 йил, 7 февраль. gov.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. – Тошкент, 2017.



3. Умарова З.С. Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари кредит эмиссиясини тартибга солишни такомиллаштириш. Номзодлик диссертацияси. – Т., 2011.
4. Мухамеджанов К.А. Пути совершенствования управления кредитным портфелем и кредитными рисками коммерческого банка. Дис. канд. экон.наук. –Т., 2010.
5. Саидов Д.А. Тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш амалиёти ва уни такомиллаштириш йўллари. Номзодлик диссертацияси. – Т., 2008.;
6. Тухсанов Х.А. Процентная политика банков и вопросы её регулирования в условиях рыночной экономики (На примере Республики Узбекистан). Дис. канд. экон.наук, 2006.
7. Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. Докторлик диссертацияси. – Т., 2008.
8. Максумов Э.М. Тижорат банкларининг валюта бозоридаги фаолиятини такомиллаштириш йўллари. Номзодлик диссертацияси. – Т., 2012.
9. Рустамова А.Б. Совершенствование проведения валютных операций в коммерческих банках. Дис. канд. экон.наук. – Т., 2011.
10. Nagle R., 1991, Bank Consolidation into the Twenty-first Century,” The Bankers Magazine, 18-24.
11. Yin, N. P. 1999. Look at Taiwan’s Banking Problems from Asia Financial Crisis, Banking Finance.1.
12. Ombaba K.B Mwengei, (2013). Assessing the Factors Contributing to Non – Performance Loans in Kenyan Banks, European Journal of Business and Management 5 (32), 2013.
13. Khalid A., (2012). The impact of Asset Quality on Profitability of Private Banks in India: A Case Study of JK, ICICI, HDFC & YES Banks. African Macroeconomic Review, 2 (1).
14. Michael, JN. (2010). Effect of Non-Performing Assets on Operational Efficiency of Central-Cooperative Banks, Indian Economic Panorama, 16(3), 33-39.
15. Кетова И.А. Анализ и оценка показателей активности банковского сектора региона //Деньги и кредит. – М., 2014. №11. 48-49-б.
16. Копытова А. И. Банки и банковское дело. Учеб. пособие. – Томск: Изд-во ТГПУ, 2009.-248 с. (208-209-б.).
17. Ahbor-Reyting” рейтинг агентлигининг банк сектори бўйича аналитик ҳисобот материаллари. – Тошкент, 2014-2018 йиллар, февраль.

КОМПАНИЯЛАР КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШДА МОЛИЯВИЙ СТРАТЕГИЯНИНГ ЎРНИ

Ғ.Ғ. Ибрагимов,
Корпоратив бошқарув факультети
декан ўринбосари, ТДИУ
Ж.М. Умурзоқов,
магистрант, ТДИУ

Аннотация. Тезисда компаниялар молиявий стратегиясининг ўрни, аҳамияти, тузилмаси, ишлаб чиқиши босқичлари, молиявий стратегиясининг ҳисоб-аналитик таъминоти, шунингдек молиявий стратегиясини ишлаб чиқишида қарорлар қабул қилишининг кетма-кетлиги ёритилган.

Таянч иборалар: бошқарув, стратегия, режалаштириши, ахборот таъминоти, молиявий стратегия, қарор

Қириш. Республикамиз иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида рақобатдош корхоналар сони кўпайиб, ялпи ички маҳсулотнинг мунтазам ўсиб боришига эришилмоқда. Бундай натижаларга эришишда мамлакатимизда яратилган қулай инвестицион муҳит ҳамда рақобатчилик шароити муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, корхоналар молиявий ҳолатининг йилдан-йилга барқарорлашиб, инвестицион жозибадорлигининг ошиб бориши ҳам иқтисодиётнинг етакчи тармоқларига ички ва ташқи инвестицияларни жалб этиш имконини бермоқда.

Рақобатдош иқтисодиёт шароитида корхоналар молиявий ҳолатини, уларнинг фаолияти самарадорлигини аниқлаш, нафақат хўжалик субъектларининг ўзига, шунингдек кредиторлар ва инвесторлар учун ҳам ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар фаолияти самарадорлигини таҳлил этиш корхона фаолияти кўрсаткичларини барча қизиқувчилар учун очиб берувчи вазифани бажаради. Молиявий таҳлил корхонанинг молиявий аҳволинигина ойдинлаштириб бермасдан, балки унинг турли фаолияти ва истиқболларини ҳам кўрсатиб бера олади.

Корхоналар ўз олдига аниқ мақсад қўяр экан, унга эришиш стратегиясини белгилайди. Бироқ, амалиётда стратегик усул ва услубларнинг йиғиндисидан фойдаланиш ўз-ўзидан автоматик тарзда муваффақиятларни таъминлай олмайди, чунки стратегияни ишлаб чиқиш ва қўллаш ҳали қўзланган самарани олишни кафолатламайди. Корхона ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш унинг тадбиркорлик фаолиятини асосий йўналишларини аниқлашдан бошланади. Бундан келиб чиққан ҳолда унинг амалга оширилиш шакллари белгиланади ва якуний танлов бажарилади. Стратегия ўзида ҳар қандай корхонанинг ўз олдига

кўйилган вазифани амалга ошириш ҳамда мақсадга эришишни мўлжалланган деталлаштирилган шаклдаги ҳар томонлама режа ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Тезисда гуруҳлаш, таққослаш, тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез усуллари қўлланилди.

Тадқиқот натижалари. Компаниялар фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий асослари ва дастаклари ичида стратегик молиявий режалаштириш алоҳида назарий ва амалий аҳамият касб этади. Бозор иқтисодиёти шароитида фойда олиш ва ўз молиявий ресурсларини кўпайтириш ҳар қандай корхонанинг асосий мақсади ҳисобланади, бу эса молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларни, уларни ташкил этиш манбаларини аниқлашни, уларни кўпайтиришнинг ички имкониятларини қидириб топишга қаратилган молиявий стратегияни ишлаб чиқишни талаб этади. Уни ишлаб чиқариш бир неча босқични ўз ичига олади. Булар қаторига қуйидагилар киради:

1. Узоқ муддатли имкониятларни баҳолаш ва ривожланиш прогнози.

2. Корхонанинг мақсадини билдириш ва унинг кучли ва кучсиз томонларни таҳлил қилиш.

3. Стратегик альтернативларни умумлаштириш ва оптималлаштириш мезонларини ишлаб чиқиш.

4. Оптимал стратегияни танлаш ва тадбирни режалаштириш.

Молиявий стратегия иқтисодий стратегиянинг бир қисми бўлиб, корхонанинг умумий стратегиясини амалга оширилишига қўмаклашади¹⁹. Ҳар қандай компаниянинг молиявий фаолияти доирасида икки тенг муҳим бўлган вазифа мавжуд:

1. Хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун ресурсларни жалб этиш масаласи.

2. Олинган ресурсларни тақсимлаш вазифаси (инвестициялаш).

Инвестицион ва кредит стратегияларининг умумлашган шакли корхонанинг молиявий стратегиясини ташкил этади. Корхоналарнинг ривожланиши ҳозирги кунда тўғри ташкил этилган молиявий фаолиятга ҳамда унинг доирасидаги кредит ва инвестицион фаолиятларга бевосита боғлиқдир.

Корхонанинг реструктуризацияси ва ўз-ўзидан бошқариш тузилмасини шакллантириш катта миқдордаги юридик шахсларнинг бир-бирига боғлиқ ҳаракатини юзага келтиради, бу эса ўз навбатида, корхона бошқарувида молиявий ва инвестицион стратегиялари тамойилларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Корхонанинг умумий молиявий стратегияси ишлаб чиқилгандан сўнг, махсус бўлимлар корхона стратегияси кўра, шунингдек, молиявий бозор

¹⁹ Темиров А.А. Корхоналар фаолиятида самарали молиявий бошқарувни ташкил этиш хусусиятлари. “Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантиришда менежмент ва корпоратив бошқарувнинг аҳамияти” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: ТДИУ, 2020 й. 120-123 б.

холотига кўра инвестицион ва кредит стратегияларини ишлаб чиқадилар. Бундай қарашлар бир томондан бўлимларнинг фаолиятини ягона мақсад томон йўналтиришга олиб келади. Бошқа томондан эса, пухта ўйланган молиявий стратегия корхона бошқарувига фаолиятнинг бошқа йўналишларини ривожлантиришни режалаштириш имконини беради.

Корхонанинг молиявий стратегияси ўз фаолиятини молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган. Демак, корхона молиявий стратегияси корхонани бошқаришнинг молиявий ва стратегик жиҳатларининг бирлашуви бўлиб, молиявий тараққиётининг узоқ муддатдаги бош йўналишини ифодалайди. Бундан ташқари корхонанинг молиявий стратегиясини ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши улар фаолиятида барқарор фойда даражасини, маҳсулотларга талаб миқдорининг ўсишини, ликвидлик ва муқобил риск даражасининг сақланишини таъминлашга қаратилган молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг узоқ муддатли йўналишларини олиш имкониятини таъминлашга хизмат қилади.

Таҳлиллар. Корхона молиявий стратегиясининг танланиши мустақкам ҳисоб-аналитик таъминотга асосланиши керак. Корхона томонидан танланган молиявий стратегиянинг ҳисоб-аналитик асосланиши жараёни молиявий таҳлил якуналарига кўра амалга оширилади. Корхона молиявий стратегиясини танлашда молиявий таҳлилнинг ҳисоб-аналитик таъминотининг методологик асосини комплекс, тизимли ва ҳолатли стратегик таҳлилнинг дастурлаштириш моделлари иштирокидаги усули ташкил этади. Шунга кўра, корхонада стратегик молиявий бошқарувнинг таркибида стратегик таҳлил муҳим ўрин эгаллайди²⁰.

Молиявий режалаштириш жараёнида қатор стратегик масалалар жумладан, капитал самарадорлиги, молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёж, уларнинг келгуси ҳолати ва турли омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолдаги динамикасини аниқлаш кабилар таҳлил этилади.

Танланган молиявий стратегия корхона тараққиётининг мукамал йўналишини белгилайди ва тузилган молиявий ҳолат ҳамда молиявий ресурсларнинг ўзгариши таҳмини ёрдамида корхона билан бозорнинг бошқа воситачилари ўртасидаги ўзаро муносабатларда риск даражасини олдиндан камайтира олишни таъминлайди.

Корхоналарда молиявий тартибга солиш жараёнини ўрганиш унинг алоҳида элементлари биргалиқдаги амал қилиши нуқтаи назаридан бу фаолиятни амалий вазифаларни ҳисобга олган ҳолда янада аниқлаштириш ҳамда корхона молиявий стратегиясини ишлаб чиқишда қарорлар қабул қилишнинг кетма-кетлигини тузишга имкон беради. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Маълумотларни йиғиш.

²⁰ Бандурин А., Гуржиев В., Нургалиев Р. Финансовая стратегия корпорации. – М.: Алмаз, 2014. -с.89.



2. Ташқи чекловлар ва имкониятлар тизими таъсирини ҳисобга олиш.
3. Корхона ички текирувини ўтказиш ва корхонага ташқи ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг таъсирини баҳолаш орқали корхона стратегик мақсадларини икки ёқлама назорат қилиш.
4. Стратегик молия режаси кўринишида аниқ бир стратегияни танлаш ва амалга ошириш.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, корхона молиявий стратегияси унинг фаолиятида учрайдиган ҳар қандай қарорларнинг умумий йиғиндисидан иборат бўлмай, балки ягона мақсадга қаратилган қарорлар тизими бўлиб, уларнинг ҳар бири яхлит стратегиянинг турли йўналишларини ифодаловчи таркибий қисмдан иборат бўлиши керак.

Хулоса. Келтириб ўтилган фикрларимиздан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, компаниялар фаолиятида молиявий қарорларни икки гуруҳга, яъни инвестицион қарорлар ва молиялаштириш юзасидан қарорларга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳкорхонага зарур бўлган молиявий ресурслар йўналишларини ифодаласа, иккинчи гуруҳ мавжуд молиялаштириш манбалари орқали зарур молиявий маблағларни қандай таъминлаш мумкинлигини кўрсатади.

Инвестицион қарорлар корхона режалаштирган муаммоларнинг ҳал этилиши учун қандай қўйималар зарурлигини белгилайди. Мазкур қарорлар турли лойиҳаларни молиявий баҳолаш ва улардан самарали ҳамда жалб этувчанлиги танлашни ҳам ўз ичига олади.

Корхона тегишли лойиҳа бўйича мақсадга мувофиқ бўлган инвестиция турини аниқлагач, мазкур лойиҳани молиялаштириш учун зарур бўлган маблағлар миқдорини аниқлайди. Агар корхона учун таклиф этилаётган инвестиция турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлмаса, у ҳолда корхона учун қўшимча молиялаштиришнинг зарураги бўлмайди ва бунда фойданинг барча қисми таъсисчилар ўртасида тақсимланиши мумкин.

Фойдаланиган адабиётлар рўйхати

1. Бандурин А., Гуржиев В., Нургалиев Р. *Финансовая стратегия корпорации*. – М.: Алмаз, 2014. -с.89.
2. Грачев А.Н. *Финансовая устойчивость предприятия. Критерии и методы оценки в рыночной экономике*. – М.: Дело и Сервис, 2010. – с. 400.
3. Закирова Г.Т., Темиров А.А. *Кичик корхоналар фаолиятида молиявий менежментни ташиқ қилиш хусусиятлари*. // *Иқтисодиётда инновация журнали*. №6, 2019 й. 16-22 б.
4. Темиров А.А. *Корхоналар фаолиятида самарали молиявий бошқарувни ташиқ этиш хусусиятлари*. "Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантиришида менежмент ва корпоратив бошқарувнинг аҳамияти" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДИУ, 2020 й. 120-123-б.

КРІ ТИЗИМИ АСОСИДА МОДДИЙ РАЎБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Б.П. Қличев,
“Молия ва бухгалтерия ҳисоби”
кафедраси катта ўқитувчиси, ТДИУ

Аннотация. Ушбу мақолада КРІ тизими қисман тавсифланган, фирма ва компания ходимлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш асосида КРІ тизими орқали моддий рабатлантириш, мотивация назариялари ва КРІ тизими ўртасидаги боғлиқлик масалалари ўрганиб чиқилган.

Таянч иборалар: КРІ тизими, мотивация назариялари, Management by Objectives тизими, самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари

Кириш. Бугунги кунда кўпгина ривожланган ва ривожланаётган давлатларда фирма ва компанияларнинг фаолияти ҳамда мазкур компаниялар ходимларининг иш фаолияти натижавийлигини баҳолаш самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (ингл. КРІ- Key Performance Indicators) тизими орқали амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда ҳам акционерлик жамиятлари ва бошқа иқтисодий субъектларнинг фаолият натижаларини эълон қилишда, ходимлар иш ҳақини тўлаш, моддий рабатлантириш КРІ тизими асосида ташкил этилмоқда ҳамда бунинг ҳуқуқий асослари ҳам белгилаб қўйилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 9 декабрдаги 775-сон “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ, устав фондида давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар ва давлат корхоналарига ижро этувчи органининг самарадорлик муҳим кўрсаткичлари мажбурий тарзда жорий этилиши белгиланган.

Тадқиқот методологияси. Фирма ва компанияларнинг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари шаклланиши, уларнинг ижобий интервалларда динамик ўсишига эришиши мазкур компанияларда фаолият олиб бораётган ишчи ва ходимларнинг малакаси ва меҳнат унумдорлигига узвий боғлиқ ҳисобланади. Қўл остидаги ходимларнинг меҳнат унумдорлигининг ошириши фирма ва компанияларнинг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари

ўзгаришига ижобий таъсир этадиган асосий омил ҳисобланади. Ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ошириб боришда эса мотивация муҳим аҳамият касб этади. Мотивация бу самарадорликни оширишнинг инсон руҳий ҳолати билан боғлиқ омили бўлиб, иқтисодий таҳлилда мотивация ходимларни жонли меҳнат фаолиятига рағбатлантирувчи восита сифатида ўрганилади. Барча инсонлар каби ўзимизга маълумки, ҳеч бир восита моддий рағбатлантириб боришдек мотивациямизни оширолмайди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш ва шунга мос равишда моддий рағбатлантириш, айнан КРІ тизимини қўллаб-қувватловчи асосий дастаклар ҳисобланади (1-расм).



1-расм. КРІ тизимини қўллаб-қувватловчи асосий дастаклар

КРІ тизимининг тарихий шаклланиши АҚШнинг Гарвард бизнес мактаби профессорлари томонидан XX асрнинг 80-90-йилларида яратилган **Management by Objectives** тизимига боғланади. Management by Objectives – мақсадни бошқариш, яъни, “фаолиятнинг келгусидаги натижаларини олдиндан кўра билиш орқали ва уларга эришиш йўлларини белгилаб олиш методикаси” асосида ўз миссияси ва стратегик вазифаларини бажариш учун мақсадли кўрсаткичларни белгилаш ҳамда уларнинг бажарилиш ҳолати тўғрисидаги маълумотларни манфаатдор шахсларга ошкор қилиш бўйича “Мувоzanатлашган кўрсаткичлар тизими” ишлаб чиқилган. КРІ тизими – ушбу тизимнинг замонавий кўриниши бўлиб, ривожланган давлатларда деярли 40 йилдан буён

хамда Россия ва МДХ давлатларида 15 йилдан буён самарали фойдаланилиб келинмоқда²¹.

Тадқиқот натижалари. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, КРІ тизимида фақатгина моддий рағбатлантириш орқали қўйилган мақсадларга, муваффақиятга эришиш мумкин, деган хулоса бериш нотўғри, албатта. Замоनावий менежментнинг асосчиси Питер Фердинанд Дракер “Кучли лидерларнинг самарали бошқаруви ва муваффақияти асосини ходимларнинг самарали ишлашга бўлган мустақил истаги ташкил этади”, деб таъкидлаган²². Меҳнат жамоасида ўз касбидан мамнун ва раҳбар билан дўстона муносабатни сақлаб қолган ходимларнинг қолган ҳамкасбларига нисбатан меҳнат унумдорлигини юқори бўлиши ҳақиқатан ҳам ИВМ ва Жанубий Кореянинг “Lotte” корпорацияси мутахассислари томонидан ҳам исботланган бўлиб, улар ходимларнинг фаоллиги ва иш самарадорлиги ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни аниқладилар. Бу борада «Harvard Business Review» илмий-оммабоп журнали томонидан олиб борилган тадқиқот ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур ташкилот томонидан 1996–2003 йиллар давомида мингдан ортиқ компания ходимлари ва раҳбарлари иштирокида уларни натижавийлигини аниқлаш ва рағбатлантиришни самарали услубларини ўрганиб чиқди ва 2004 йилда бу изланишларни эълон қилди. Унга мувофиқ компания ходимлари 5% доимо яхши ишлаши, 5-7% ҳар қачон ёмон ишлаши, қолган 88% самарали ишлаши учун доимо тўғри мақсадлар ўрнатиш, мақсадга эришиш йўлларини кўрсатиб бериш ва ходимларни унга йўналтириш ҳамда уларни бажарилиши бўйича назорат талабларини ўрнатиш лозимлиги уларни ишлатишга сабаб бўлар экан²³.

Таҳлил. Демак, КРІ тизими ходимларни меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларига кўра, моддий рағбатлантириш орқали мотивациясини оширишга асосланган бўлса-да, меҳнат унумдорлигини оширувчи бошқа назариялар билан ҳам узвий боғлиқ ҳисобланади (2-расм).

Кутиш назарияси америкалик руҳшунос В. Врум томонидан ишлаб чиқилган. КРІ тизимида мазкур назариянинг моҳияти шундаки, ходим бирор вазифани қойилмақом қилиб бажаргандан кейин раҳбарият томонидан бирор эътибор ва рағбат кутади. Моддий рағбатлантириш айнан ходим кутаётган вақтда амалга оширилса, шунчалик мотивация кучли бўлади. Демак, КРІ

²¹ Кубатиева Ф.Б. КРІ – каждому по способностям // Кадровая служба и управление персоналом предприятия. 2019. № 10. ст 34-35

²² Питер Дракер. Классические работы по менеджменту = Classic Drucker. – М.: «Альпина Бизнес Букс», 2008. — С. 220.

²³ Мамажонов А.А., Бердимуратов П.Т., Махмудова С.Х. КРІ асосида рағбатлантириш тизими. АСТА. ТРУ. 3-2019. 51-58 б.

tizимида моддий рағбатлантиришининг ўз вақтида бўлиши бошқарувчининг мураккаб, қийин ишга, мазкур ишни бажонидил ва астойдил бажарувчи ишчиларни жалб эта оладиган вазиятларни яратади. Яъни соддароқ қилиб айтганда, раҳбар қўл остидаги ходимларидан моддий рағбатлантирганига муносиб фаоллик кутадиган бўлса, ходим берилган топшириқни кутилганидан зиёд бажаргани учун муносиб рағбат кутади. КРІ тизимидаги кутиш назариясининг моҳияти ҳам шуни тақозо этади.



2-расм. КРІ тизими асосини ташкил қилувчи назариялар

Хулоса ва таклифлар. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мотивация жараёни инсоннинг қандайдир етишмовчиликдан ёки қониқишининг умуман йўқлигидан бўлган эҳтиёждан бошланади. Эҳтиёжнинг қондирилиш даражасига қараб мотивация тури, ходимнинг келажақдаги ҳаракати ва самарадорлиги таҳлил қилинади.

Инсон эҳтиёжлари чексиз. Айнан мана шу омил мотивациянинг турли даражаларини ифодалайди. КРІ тизими бу иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатлар тизими бўлиб, бу ерда иш берувчи ходимларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун энг яхши шароитларни яратиши, ютуқ ва муваффақиятларни ўз вақтида моддий ва маънавий рағбатлантириши кераклиги, жавоб тариқасида эса ходимлар раҳбар эътибори ва рағбатни ҳис қилиб, ўз ютуқларини компания фаолияти билан боғлаши ва унинг самарадорлигини оширадиган ташаббусларни қабул қилишга тайёр бўлиши талаб этилади.

Фойдаланиган адабиётлар рўйхати

1. Ключков А.К. КРІ и мотивация персонала. Полный сборник практических инструментов. – Москва, 2010.
2. Parmenter, David. Key performance indicators: developing, implementing, and using winning KPIs. USA 2007.
3. Архипова Н.И., Поморцева И.М., Татарина Н.А. Алгоритм оценки качества персонала на базе показателей эффективности КРІ. Статья. 2014.
4. Архипова Н.И., Поморцева И.М., Седова О.Л. Кадровая политика как фактор стратегического развития университета. // Вестник РГГУ. 2013. № 6 (107). С. 43.
5. Кубатиева Ф.Б. КРІ – каждому по способностям // Кадровая служба и управление персоналом предприятия, 2019. № 10.
6. Питер Друкер. Классические работы по менеджменту = Classic Drucker. – М.: «Альпина Бизнес Букс», 2008. – С. 220.
7. Мамажонов А.А., Бердимуратов П.Т., Махмудова С.Х. КРІ асосида рағбатлантириши тизими. АСТА. ТПРУ. 3-2019. 51-58 б.



ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДЛАРИДА АСОСИЙ КАПИТАЛГА ЎЗЛАШТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Б.Б. Валиев,

Халқаро Ислом академияси доценти

Аннотация. Мақола Ўзбекистон ҳудудларида асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг замонавий тенденцияларини очиб беришга бағишланган. Унда ҳудудларда инвестициялар ривожланиши юзасидан ҳуқуқий асослар, инвестицияларнинг иқтисодий таъсири бўйича назарий ёндашувлар, ҳудудларнинг инвестиция жалб этишидаги улушлари ҳақида маълумотлар берилган.

Таянч иборалар: ҳудуд, инвестиция, тенденция, ўсиш нуқтаси, инвестиция қонунчилиги, улуш, инвестиция салоҳияти

Кириш. Ўзбекистонда ҳудудларни комплекс ривожлантиришда инвестиция салоҳиятини ошириш ва инвестиция дастурларини пухта ишлаб чиқиш юзасидан таркибий ислохотлар амалга оширилмоқда. Республикада иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналиши сифатида минтақалар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий тафовутни юмшатиш, улар иқтисодий таъминлаш маҳаллий тадбиркорлар маблағлари ва чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш белгиланган. Минтақаларда инвестиция салоҳиятини оширишда алоҳида устувор йўналишлар сифатида ҳудудларда “ўсиш нуқталари”ни аниқлаш, уларни барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш ва инвестиция ресурсларини фаол жалб этишни изчил давом эттириш вазифалари қўйилган²⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги ПФ-5717-сон “Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 20 июндаги ПҚ-3794-сон “Инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини жадал амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4702-сон “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарорлари ҳам ҳудудлар инвестиция салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот методологияси бир қатор назарий ёндашувларга асосланган. Қуйида баъзи илмий Фойдаланиган адабиётлар

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

рўйхати шарҳини келтирамиз. Иқтисодий ўсишнинг асосий белгиси сифатида иқтисодиёт тармоқлари бўйича инвестиция жараёнида технология тараққиёти ва давлатнинг тартибга солувчи ролининг тақрор ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзига хос шароитлардаги самарасини белгилаб берувчи инвестиция фаолиятини келтириш мумкин²⁵. Р.Нарула ва К.Вакелин 40 та ривожланаётган ва саноатлашган мамлакатлар бўйича 1975, 1979, 1984 ва 1988-йиллардаги маълумотлар асосида энг кичик квадратлар усулида олиб борган эконометрик тадқиқотларида ҳам хорижий капитал иштирокидаги фирмалар ривожланаётган мамлакатларда экспорт рақобатдошлигига салмоқли ижобий таъсир кўрсатганлиги ўз ифодасини топган²⁶. Бошқа бир эмпирик тадқиқотда ҳам АҚШдан Франция, Германия, Япония ва Буюк Британияга кирувчи ТТХИнинг қайта ишлаш саноати билан ижобий боғланиши аниқланиб, чет эл инвестицияларининг инновациялар ва технологик қўшимча таъсирлар орқали саноат унумдорлигини оширишга хизмат қилиши ўз илмий асосини топган²⁷.

Таҳдиллар ва тадқиқот натижалари. Миллий иқтисодиётга 2020 йилда жалб қилинган инвестициялар ҳажми 202 трлн сўмга етиб, 2019 йилга нисбатан ўсиш суръати 91,8 фоизни ташкил этган ва пасайиш тенденциясига эга бўлган.

Ўзбекистон ҳудудларига 2010-2020 йиллар давомида киритилган инвестицияларнинг иқтисодиётга нисбатан кўлами ва самарадорлик даражасини кўрсатувчи инвестиция нормаси, инвестиция мультипликатори, иқтисодий салоҳиятдан фойдалана олиш индекси салмоқли юқори бўлган минтақалар қаторидан Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро вилояти, Қашқадарё вилояти, Тошкент шаҳри, Сирдарё вилояти каби ҳудудлар жой олган 2010-2019 йилларда ўрта ҳисобда мамлакатимизга жалб қилинган асосий капиталга инвестицияларнинг 52,7 % тўртта ҳудуд – Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ҳудудлар орасида пойтахт Тошкент шаҳри мамлакат иқтисодиётига ўзлаштирилган инвестициялар таркибида энг катта улushга (айтилган даврда ўртача 19,7 %) эга бўлиб, ушбу кўрсаткич 2010-2013 йилларда 20,6 %, 2014-2016 йилларда 17,6 %, 2017-2019 йилларда 20,7 % га етган. Ваҳоланки 2010-2019 йилларда Тошкент шаҳри мамлакат аҳолисининг ўртача 7,7%ни, республика ялпи ичи маҳсулотининг эса ўртача 14,7 %ни эгаллаган (1-жадвал).

²⁵ Макарычев С.С. Инвестиционная деятельность как основа экономического роста региона // Вестник Алтайского государственного аграрного университета № 8 (82), 2011. С. 102-105.

²⁶ Rajneesh Narula and Katharine Wakelin 'Technological Competitiveness, Trade and Foreign Direct Investment', MERIT University of Limburg P.O. Box 616 6200 MD Maastricht The Netherlands, P.22

²⁷ Nadiri (1993) 'Innovations and Technological Spillovers.' NBER Working Paper No.4423



I-жадвал

2010-2019 йилларда Ўзбекистонда асосий капиталга инвестицияларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши, ўртача %да

| № | Ҳудудлар номаври | 2010-2013 йй. | 2014-2016 йй. | 2017-2019 йй. | 2010-2019 йй. ўртача |
|-------------------------------------|------------------------------|---------------|---------------|---------------|----------------------|
| Энг катта улушга эга минтақалар | | | | | |
| 1. | Тошкент ш. | 20,6 | 17,6 | 20,7 | 19,7 |
| 2. | Қашқадарё | 11,9 | 13,6 | 14,2 | 13,1 |
| 3. | Бухоро | 11,1 | 10,3 | 9,7 | 10,5 |
| 4. | Тошкент вил. | 10,0 | 9,5 | 8,6 | 9,4 |
| Ўртача улушга эга минтақалар | | | | | |
| 5. | Навий | 7,9 | 4,9 | 8,1 | 7,1 |
| 6. | Қорақалпоғистон Республикаси | 5,3 | 11,0 | 4,6 | 6,8 |
| 7. | Самарқанд | 6,3 | 6,6 | 5,4 | 6,1 |
| 8. | Фарғона | 6,2 | 5,2 | 4,4 | 5,3 |
| Нисбатан паст улушга эга минтақалар | | | | | |
| 9. | Наманган | 3,5 | 4,9 | 5,9 | 4,6 |
| 10. | Сурхондарё | 3,9 | 3,9 | 5,6 | 4,4 |
| 11. | Андижон | 4,4 | 4,0 | 3,9 | 4,1 |
| 12. | Хоразм | 3,1 | 3,4 | 2,9 | 3,1 |
| 13. | Жиззах | 2,9 | 2,7 | 3,1 | 2,9 |
| 14. | Сирдарё | 2,8 | 2,5 | 2,5 | 2,6 |

Мабна: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Бу эса мамлакатга ўзлаштириладиган инвестициялар пойтахтнинг иқтисодий кўлами ва аҳолиси сонига нисбатан каттароқ улушга эга эканини кўрсатади. Айтилган даврда Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари ҳам мос равишда республика иқтисодиётининг 7,7 % ва 5,6 % ни, аҳолининг эса 9,5 % ва 5,8 % ташкил этсада, уларга ўзлаштирилган инвестициялар республикага ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 13,1 % ва 10,5%ни ташкил этмоқда. 2019 йилда инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари таркибида 29,3 % ёки 55,6 трлн. сўм маблағ корхона, ташкилот ва аҳолининг ўз ресурслари ҳисобига, манбаларнинг 70,7 % ёки 134,3 трлн. сўмдан ортиқ қисми эса жалб қилинган маблағлар ҳисобига таъминланди.

Айтилган йилда давлат ташаббуси ва таъсири остида бўладиган марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан деярли 50,7 трлн. сўмлик инвестициялар молиялаштирилди ва бу жами инвестицияларнинг 26,6 %ни ташкил этди. Инвестицияларни жалб этишда хусусий сектор ташаббускорлигининг ортиши ҳисобига марказлашган инвестицияларнинг 2019 йилдаги улуши аввалги йилга нисбатан 5,5% пунктга камайди.

Хулоса ва таклифлар. Худудий инвестиция салоҳиятини оширишда қуйидаги асосий вазифаларни қамраб олиш зарурати илмий асосланган:

✓ мамлакат минтақаларининг иқтисодий салоҳияти ва замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда улар таркибида доимий равишда “ўсиш марказлари” ва “ортда қолаётган ҳудудлар”ни ажратиб бориш;

✓ “ўсиш марказлари” ҳисобланган минтақалардан периферия ҳудудлари ва узоқ қишлоқ жойларга янгиликлар ва инновациялар фаол диффузиясини таъминлаш учун барча шароитларни яратиш;

✓ ривожланган минтақалар ва ривожланиш даражаси бўйича нисбатан ортда қолаётган ҳудудларни ўзаро боғловчи замонавий транспорт корридорлари тизимини шакллантириш;

✓ “ўсиш марказлар”ида шакланган алоқа тармоғини ривожланиш даражаси жиҳатидан нисбатан ортда қолаётган ҳудудларда давом эттириш ва ривожлантириш;

✓ республиканинг ривожланган минтақалари ва тараққиётдан орқада қолаётган ҳудудлари ўртасида ўзаро ишчи кучи ва меҳнат ресурслари эркин ҳаракатини таъминлаш;

✓ ривожланган ҳудудларда фаолият юритаётган олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот ташкилотлари, “ақл” марказларининг ривожланишдан нисбатан ортда қолаётган ҳудудларда филиалларини очишни рағбатлантиришнинг самарали механизмини яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

2. Макарычев С.С. Инвестиционная деятельность как основа экономического роста региона // Вестник Алтайского государственного аграрного университета № 8 (82), 2011. С. 102-105.

3. Rajneesh Narula and Katharine Wakelin 'Technological Competitiveness, Trade and Foreign Direct Investment', MERIT University of Limburg P.O. Box 616 6200 MD Maastricht The Nether lands, P.22

4. Nadiri (1993) 'Innovations and Technological Spillovers.' NBER Working Paper No.4423

КОМПАНИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

**Д.Ф. Йўлдошева,
мустақил тадқиқотчи, ТДИУ**

Ҳозирги кунда инновацияларни бошқариш ҳар бир муваффақиятли компания фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Инновацион менежмент – инновацияларни бошқариш тизими, инновацион жараён ва инновацион ҳаракат жараёнида вужудга келувчимуносабатлар. Шундай қилиб, инновация деганда бозорга янги маҳсулотнинг киритилиши эмас, балки бошқа бир қатор янгиликлар ҳам тушунилади.

Халқаро стандартларга мувофиқ, инновация бозорда жорий этилган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, амалда қўлланиладиган янги ёки такомиллашган технологик жараён кўринишида акс этирилган инновациянинг якуний натижасидир.

Инновацион жараён инновацияларни яратиш, ривожлантириш ва тарқатиш билан боғлиқ. Инновацияларни яратувчилар (инноваторлар) маҳсулотнинг ҳаётий даври ва иқтисодий самарадорлик каби мезонларга амал қилишади.

Инновацион менежмент профессионал менежерларнинг илмий, техник, ишлаб чиқариш, технологик ва маъмурий соҳасидаги бирмунча янги тушунчадир.

Инновацион менежмент янгиликнинг асоси сифатида хизмат қилувчи го-яни топиш каби муҳим нуқталарга асосланган; ушбу янгилик учун инновацион жараённи ташкил этиш; бозорда инновацияларни илгари суриш ва жорий этиш жараёни. Инновацион менежмент стратегия ва бошқарув тактикасини ўз ичига олади (1-расм).

“Инновация иқтисодий механизмнинг таъсир объектидир. Иқтисодий механизм инновацияларни яратиш, жорий этиш ва рағбатлантириш жараёнларига ҳам, инновацияларни ишлаб чиқарувчилар, сотувчи ва харидорлар ўртасида юзага келувчи иқтисодий муносабатларга ҳам таъсир кўрсатади”²⁸.

Инновацион бошқарув қуйидаги асосий мезонларга асосланади:

- бу янгилик учун асос сифатида хизмат қилувчи го-яни излаш;
- ушбу янгилик учун инновацион жараённи ташкил этиш;
- бозорда инновацияларни илгари суриш ва жорий этиш жараёни.

Инновацион менежмент стратегия ва бошқарув тактикасини ўз ичига олади.

Стратегия мақсадга эришиш учун маблағлардан фойдаланишнинг умумий йўналиши ва усулини белгилайди. Белгиланган мақсадга эришилгандан сўн, мақсадга эришишнинг йўналиши ва воситаси сифатида стратегия ўз фаолиятини тўхтатади.

²⁸ Гохберг А. Инновационные процессы: тенденции и проблемы. // Экономист, 2002. №2. – С. 50-59.



1-расм. Иновацион менежмент: тушунча ва моҳияти, вазифалари ва функциялари, шакллари ва усуллари²⁹

Тактика – аниқ шароитда белгиланган мақсадга эришишнинг ўзига хос усуллари.

Иновацион менежмент тактикасининг вазифаси – иқтисодий вазиятда энг мақбул ечим ва унга эришиш усулларини танлаш санъати.

Иновацион менежментни корхона бошқарув тизими сифатида ўрганиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, инновацияларни бошқариш тизими иккита кичик тизимдан иборат: бошқарув қўйи тизими (назорат субъекти) ва бошқариладиган қўйи тизим (бошқарув объекти).

Назорат предметининг мақсадли ишлашини амалга оширувчи бир ёки бир гуруҳ ишчилар назорат субъекти бўлиши мумкин³⁰.

Иновацион менежмент бошқарув тизимининг тузилишини шакллантиришни белгиловчи баъзи функцияларни бажаради.

Иновацион бошқарув функцияларининг икки тури мавжуд:

²⁹ Муаллиф томонидан ишланган.

³⁰ Глазьев С.Ю. О стратегии развития российской экономики / Научный доклад. – М.: ЦЭМИ РАН, 2001. - С. 23-30.

- бошқарув субъектининг функциялари;

- бошқарув объектининг функциялари.

Бошқарув субъектининг вазифаларини батафсил кўриб чиқайлик.

-прогнозлаш функцияси бошқарув объектининг ва унинг турли қисмларининг техник, технологик ва иқтисодий ҳолатининг узоқ муддатли ўзгаришини ўз ичига олади;

-ташкilotнинг вазифаси ҳар бир қоида ва тартиб асосида инвестиция дастурини биргаликда амалга оширувчи кишиларни бирлаштиришдан иборат;

- тартибга солиш функцияси – тизимлар белгиланган параметрлардан четга чиққан тақдирда, техник, технологик ва иқтисодий тизимларнинг барқарорлик ҳолатига эришиш учун бошқарув объектига таъсир қилиш;

- мувофиқлаштириш функцияси бошқарув тизимининг барча бўғинлари, бошқарув аппарати ва турли мутахассислар ишининг изчиллигини англади;

- инновацияларни бошқаришда рағбатлантириш функцияси ходимларни инновацияларни яратиш ва жорий этиш бўйича ўз ишларининг натижалари билан қизиқишга ундашда намоён бўлади;

- назорат функцияси - инновацион жараённинг ташкил этилишини, инновацион маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш режасини ва бошқаларни текшириш³¹4.

Корхонаниннг инновацион ривожланишига бўлган эҳтиёж бошқарувнинг ташкил, мазмуни ва услубига янги талаблар қўяди.

Корхонада инновацияларни бошқаришни ташкил этиш унинг барча элементларини битта инновацион бошқарув жараёнида оқилона бирлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимидир.

Корхона фаолияти контекстида инновацион менежментнинг жорий этилиши корхона имкониятларининг ўсишини таъминлаб, фаолиятни ташкил этишнинг янги, янада мукамал услубига ўтишни билдиради. Корхонада инновацияларни жорий этишнинг ўзи юқори даражадаги ишлаб чиқариш имкониятларига ўтишдан далолат беради, яъни бу компания ривожланишининг кўрсаткичидир.

Инновацияларни бошқаришни ташкил этиш инновацияларни бошқариш жараёнининг юқоридаги элементларини ягона тизимга бирлаштиради. Корхонада инновацион менежментни ташкил этиш жараёни қуйидаги ўзаро боғлиқ босқичлардан иборат:

- инновацион менежмент мақсадини аниқлаш;

- инновацияларни бошқариш стратегиясини танлаш;

- инновацияларни бошқариш техникасини аниқлаш;

- инновацияларни бошқариш дастурини ишлаб чиқиш;

- дастурни амалга ошириш бўйича ишларни ташкил этиш;

³¹ Завлин П.Н. Особенности организации инновационной деятельности. – СПб.: Наука, 2007. - С. 24.

- режалаштирилган дастурнинг бажарилишини назорат қилиш;
- инновацияларни бошқариш техникаси самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

- инновацион бошқарув техникасини созлаш.

“Инновацион менежментни ташкил этиш инновацияларни яратиш ва амалга ошириш жараёнида, яъни инновацион жараённинг ўзида ўрнатилади. Инновацион жараён бошқарувнинг инновацион усулларидадан фойдаланиш самарадорлиги боғлиқ кучнинг асоси бсифатида хизмат қилади”³².

Аввало, янги махсулот ёки операцияни бошқариш мақсадини аниқлаш керак. Инновацияларни бошқаришнинг мақсади фойда олиш, бозор сегментини кенгайтириш ёки янги бозорга чиқиш бўлиши мумкин.

Инновацион менежментни ташкил этишнинг навбатдаги муҳим босқичи – инновацияларни бошқариш стратегиясини танлаш. Инновациянинг самарадорлиги тўғри танланган бошқарув стратегиясига боғлиқ.

Инновацион бошқарув техникасига ёндашувлар бошқарув мақсадига, бошқарувнинг аниқ вазифаларига боғлиқ ва жуда ўзгача бўлиши мумкин.

Инновацион менежментни ташкил этишнинг муҳим босқичи инновацияларни бошқариш дастурини ишлаб чиқиш ва режалаштирилган ишни бажариш учун ишни ташкил этади. Инновацион менежмент дастури белгиланган мақсадга эришиш учун вақт, натижа ва молиявий ёрдам нуқтаи назаридан келишилган ҳаракатлар мажмуидир.

Инновацион менежментнинг ажралмас қисми бу режалаштирилган ҳаракатлар дастурини амалга ошириш бўйича ишларни ташкил этиш, яъни фаолиятнинг айрим турларини, бу ишларни молиялаштириш ҳажми ва манбаларини, аниқ ижрочиларни, муддатларни ва бошқаларни аниқлашдир.

Инновацияларни бошқаришни ташкил этишнинг муҳим босқичи, шунингдек, режалаштирилган ҳаракатлар дастурининг бажарилишини назорат қилишдир.

Инновацион бошқарув техникасининг самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Таҳлил қилишда, биринчи навбатда, қуйидаги саволларга аниқлик киритиш лозим, яъни: қўлланилган усуллар белгиланган мақсадга эришишга ёрдам берганми, бу мақсадга қанчалик тез, қандай куч ва харажатлар билан эришилган, инновацион бошқарув усулларида янада самарали фойдаланиш мумкинми.

Инновацион менежментни ташкил этишнинг якуний босқичи инновацияларни бошқариш усуллариини такомиллаштиришдан иборат.

Хулоса қилиб, замонавий инновацион менежмент бу инновациянинг асоси сифатида хизмат қилувчи ғояни излаш, бу янгилик учун инновацион жараённи ташкил этиш, шунингдек, бозорда янгиликни илгари суриш ва жорий этиш жараёни сингари асосий элементларни ўз ичига олади.

³² Леонтьев А.И. О формах и методах стимулирования инновационной деятельности. – М.: РИЦ ИСПИ РАН, 2005. - С. 64.

Корхона фаолияти контекстида инновацион менежментнинг жорий этилиши корхона имкониятлари ошишини таъминлаб, фаолиятни ташкил этишнинг янги, янада мукаммал услубига ўтишни билдиради.

Корхонада инновацияларни жорий этишнинг ўзи юқори даражадаги ишлаб чиқариш имкониятларига ўтишдан далолат беради, яъни бу компания ривожланишининг кўрсаткичидир.

Ҳозирги кунда инновациялар кичик бизнесни ривожлантиришнинг асосий омилига айланмоқда. Инновацияларни бошқаришнинг муваффақияти корхонанинг инновацияларни рағбатлантирувчи ички ва ташқи асосни яратиш қобилиятига боғлиқ. Бундан ташқари, инновацион жараён стратегик режалаштириш ва бозорга йўналтирилган бошқарувни талаб қилади.

Инновацияларнинг ўз ҳаётий даври мавжуд, улар янги гоёянинг пайдо бўлишидан бошлаб, бозорга янги маҳсулотни киритиш ва тасдиқлаш билан яқунланади.

Эътибор беринг, инновацион жараёни кўп ёки камроқ тасодифий техник ихтиролар ёки бошқа тадбиркорлик гоёлари натижасида кўриб бўлмайди. Аксинча, у стратегик режалаштириш ва бозорга йўналтирилган бошқарувни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Юсунов У.Ш. *Роль инновационных стратегий в развитии предприятий легкой промышленности Узбекистана. «Образование и воспитание молодежи – фундамент благополучия и процветания жизни» Международная научно-практическая конференция. Филиал МГУ им.М.В. Ломоносова в г.Ташкенте. 16-17 апреля 2013 г.*

2. Юсунов У.Ш. *Ўзбекистон энгил саноатининг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш имкониятлари. “Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциялашуви шароитида инновацион технологияларнинг долзарб муаммолари” ТТЕСИ. Республика илмий-амалий конференцияси, 2014й. 20-21 ноябрь.*

3. *«Ўзтўқмачиликсаноат» уюшмасининг йиллик ҳисоботлари.*

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН БАНК РИСКЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА СУГУРТАЛАШ МЕХАНИЗМИНИНГ АҲАМИЯТИ

Р.Б. Султанов
мустақил тадқиқотчи, ТДИУ

Аннотация. Мақолада инвестицион лойиҳаларни молиялашда юзага келадиган банк рискларни тартибга солишда сугурталаш механизмининг аҳамияти тадқиқ этилган. Шунингдек, «Ўзбекинвест» сугурта компанияси томонидан республика ҳудудларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини сугурталаш фаолияти амалий маълумотлар асосида таҳлил қилинган. Бундан ташқари, тижорат банклари учун инвестицион лойиҳаларни сугурталашнинг ижобий ва салбий жиҳатлари ёритиб ўтилган.

Асосий тушунчалар: инвестицион лойиҳа; сугурталаш; қайта сугурталаш; сугурта полиси; лойиҳа rischi; рискларни тартибга солиш.

Основные понятия: инвестиционный проект; страхование; перестрахование; страховой полис; инвестиционный риск; регулирование рисков.

Basic concepts: investment project; insurance; reinsurance; insurance policy; investment risk; risk management.

Мавзунинг долзарблиги. Тижорат банклари томонидан молиялаштирилган ва амалга ошириладиган инвестицион лойиҳаларнинг истиқболдаги ҳаётийлигини таъминлаш ҳамда лойиҳани муваффақиятли ишга туширишда рискларни сугурталаш амалиёти муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро тажрибаларда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда банк рискларини тартибга солиш инструменти сифатида сугурталаш механизмидан кенг фойдаланилади. Чунки сугурталаш ўз моҳиятига кўра фойда олиш жараёнида мувозанатга эришиш ва эҳтимолий юзага келиши мумкин бўлган ноқулай ҳодиса ва воқеалардан самарали ҳимояни шакллантириш имконини беради. Рискларни бошқариш тамойилларига кўра, рискларни сугурталашдан амалиётда фақатгина куйидаги шартларга риоя қилингандагина фойдаланиш мумкин: сугуртанинг ривожланиш суръатлари бутун мамлакат иқтисодийётининг ривожланиш суръатларидан илгарилаб кетиши лозим, чунки фақат мана шундай шароитда мақсад ва вазифаларни белгилаш босқичиданоқ ҳимоялаш механизмлари пухта шаклланади. Бугунги кунда мамлакатимизда айнан мана шу шартнинг бажарилмаслиги сугурталаш амалиётидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги банк рискларини тартибга солиш инструменти сифатида фойдаланишни мураккаблаштиради.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда юзага келадиган рискларни сугурталаш амалиётининг ривожланишига кўп йиллар давомида Ўзбекистон

сугурта бозоридаги тузилмавий-ташкилий муаммолар салбий таъсир ўтказиб келди. Хусусан, «Мамлакатимизда мустақиллик йилларида сугурта соҳасига алоҳида эътибор қаратилиши, унинг ҳуқуқий таъминоти такомиллаштирилиши натижасида сугурта хизматларининг бирмунча ривожланишига эришилган бўлсада, иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш ва уни инвестициявий маблағлар билан таъминлашнинг асосий омилига айлана олмади. Бу эса, мамлакатда бир бутунликдаги, кўп сондаги потенциал сугурталанувчиларнинг талабларини қондира оладиган сугурта бозорининг шаклланмаганлигидан далолатдир» [1, 2-б.]. Мазкур жиҳатлар танланган мақола мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Мавзунинг илмий аҳамияти. Мақола мавзусининг илмий аҳамияти, унда кўриб чиқилган назарий ва методологик жиҳатлар инвестицион лойиҳаларни молиялашда юзага келадиган банк рискларини тартибга солишда сугурталаш амалиётини ривожлантириш имконини берувчи илмий тадқиқотларда фойдаланиш билан белгиланади ва натижалардан рискларни сугурталаш механизмларининг концептуал асос, усул ва моделларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Таҳлил ва натижалар. Сўнги йилларда мамлакатимизда қатор сугурта компаниялари томонидан инвестицион лойиҳаларни сугурталаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Улардан бири «Ўзбекивест» сугурта компаниясидир. Айтиш жоизки, пандемия билан боғлиқ салбий тенденциялар, карантин чора-тадбирлари ва дунёнинг деярли барча мамлакатларида иқтисодий ўсишнинг секинлашишига қарамасидан, Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт ва инвестиция фаолиятининг ривожланиши таъминланди.

Шу қаторда, 2020 йилда «Ўзбекивест» компанияси республика ҳудудларида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини сугурта ҳимояси билан таъминлашда жадал ўсишини таъминлади. Йил якунларига кўра компания томонидан 25,6 млрд. сўмлик сугурта муқофотлари йиғилди ва бу кўрсаткич 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 2,9 баробарга ошди. Шу ўринда, республика бўйича имзоланган инвестиция лойиҳаларини сугурталаш шартномалари сони 3,7 баробар ўсиб, 9250 тани ташкил қилди.

«Ўзбекивест» компанияси томонидан 2020 йил давомида 17 та инвестиция лойиҳаларини сугурталаш шартномалари бўйича 12,2 млрд. сўм сугурта товонлари тўлаб берилди.

Бугунги кунда «Ўзбекивест» йирик ва ўрта бизнес тузилмалари ва ташкилотлар учун қурилиш-монтаж қалтисликларидан, мол-мулк, жавобгарлик, юк, шунингдек, экспорт шартномаларининг сугуртаси бўйича замонавий ва актуал сугурта маҳсулотларини таклиф қилмоқда. Шунингдек, 2021 йилда «Ўзбекивест» компанияси эркин иқтисодий, кичик саноат ва ихтисослаштирилган зоналаридаги инвестиция лойиҳаларини сугурта қилиш

доирасида кучли ва ишончли ҳамкор сифатида ўз фаолиятини давом эттиришни мақсад қилиб қўйган [2].

Мамлакатимиз сугурта бозори фаолиятини таҳлил қилганимизда, қайта сугурталашнинг улуши жуда кам даражада эканлиги маълум бўлди. Қайта сугурталашнинг бу каби паст суръатларига қуйидаги омиллар сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда:

- маҳаллий қайта сугурталовчилар капиталлашув даражасининг пастлиги;
- қайта сугурталовчи компанияларда юқори халқаро рейтинги мавжуд эмаслиги;
- қайта сугурталаш бозорини давлат томонидан қўлаб-қувватлаш даражасининг пастлиги.

Қайта сугурталаш механизми сугурта ҳимоясининг барқарорлигини ошириш бўйича қўшимча омил бўлиб, у сугурта қопламасининг ишончини ошириш мақсадида қўлланилади. Бу ерда энг муҳим омил шуки, рискларни кузатиш қарз олувчи турган мамлакатда амалга оширилади, бу эса унинг молиявий ҳолати ўзгаришига тезкорлик билан таъсир кўрсатишга имкон беради, зарарларни қоплашни кафолат берувчи асосий фондлар хорижий сугурта компанияларида бўлади, бу эса сугурта воқеаларнинг юзага келиш ҳолатида зарарларни қоплаш бўйича қўшимча кафолат ҳисобланади.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда юзага келадиган рискларни сугурталаш амалиёти инвестицион лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигига икки усулда таъсир кўрсатади. Биринчидан, қўйилмаларнинг ишончлилик даражаси ошиши дисконт ставкасининг пасайишига ва шу билан бирга лойиҳанинг соф жорий қийматини (NPV) ва рентабеллигининг ички нормаси кўпайишига ҳамда харажатларни қоплаш муддатини қисқартиришга ва лойиҳанинг бошқа тавсифларини ўзгартиришга олиб келади. Иккинчидан, сугурта лойиҳанинг инвестицион харажатларини оширади, чунки доимий тарзда сугурта бадалларини тўлашни назарда тутлади. Натижада, лойиҳанинг самарадорлик кўрсаткичлари пасаяди. Муайян турдаги инвестицион рискларни сугурталаш ва сугурталашдан воз кечиш тўғрисидаги якуний қарор ушбу иккита турли йўналтирилган таъсирларнинг нисбатларига боғлиқ. Сугурталашдан инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда рискларни тартибга солиш инструменти сифатида фойдаланиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш банкдан мазкур қарорнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлигига таъсир кўрсатувчи ижобий ва салбий омилларни ҳисобга олишни тақозо этади.

Қуйидагиларга ижобий омил сифатида қаралади:

- инвесторнинг истиқболдаги фойдасини ҳимоялайди;
- инвесторнинг иқтисодий қийматини оширади;
- рискларни тартибга солиш бўйича харажатларни оптималлаштиради;
- инвестор фаолиятининг хавфсизлигини максималлаштиради;

- инвесторнинг тадбиркорлик нуфузини оширади.
- Куйидагиларга салбий омил сифатида қаралади:
- тижорат банклари ва инвестор учун суғурта полиси ва қўшимча харажатлар қиймати юқорилиги;
 - суғурталовчининг банкрот бўлиши натижасида суғурта ҳодисаси юзага келишида суғурта мукофотини ололмаслик rischi мавжудлиги;
 - йирик рисклар учун суғурта rischi сигимининг етарли эмаслиги;
 - тижорат банклари ва инвесторнинг талабларига жавоб бермайдиган стандартлашган рисклар тўплами мавжудлиги.

Юқорида кўриб ўтилган омиллардан энг муҳими бу шубҳасиз суғурта полисининг нархи ҳисобланади. Бунда, суғурта хизматлари тарифларини шакллантириш ўртача рисклар тўғрисидаги маълумотлар асосида амалга оширилади. Бу шуни англатадики, риск даражаси паст бўлган компаниялар риск даражаси юқори бўлган компанияларни молиялаштиради. Мазкур ҳолат риск даражаси ўртача бўлган компанияларни суғурталашдан воз кечишга мажбур қилади.

Суғурта қийматига салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан яна бири суғурта полиси билан қопланган рискларни тартибга солиш бўйича жавобгарликнинг пасайиши муаммоси ҳисобланиб, бу ҳам миқдорни ҳисоблашда инобатга олинади.

Инвестицион лойиҳаларни суғурталашни салбий тавсифловчи, нарх-навога боғлиқ бўлмаган омилларнинг орасида суғурта компаниясининг банкротлиги натижасида улар томонидан суғурта суммасини тўлай олмаслик rischi; капиталлашув даражаси ва суғурталовчилар бозорининг сигими етарли эмаслиги туфайли полисни қоплаш учун суғурта компанияси маблағларининг етарли даражада эмаслиги; ҳамда қарз оловчи-инвестор ва банк-кредиторнинг талабларига жавоб берадиган маҳсулотларнинг йўқлиги кабиларни алоҳида келтириб ўтиш жоиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасидаги муносабатлар ўрнатишнинг илк манбалари банклар, қарз оловчи-инвесторлар ва суғурта компаниялари ўртасида истиқболли ҳамкорлик қилиш шакллари тужишга имкон яратиб бермоқда. Ушбу ҳамкорлик қилиш шакллари куйидагиларни келтириш мумкин:

- банк ва қарз оловчи ўртасида инвестицион тавсифдаги шартномани тужиш, унда гаровнинг объекти сифатида кредит маблағларини ўзлаштириш жараёнида мулкчилик ҳуқуқлари асосида харид қилинаётган ва/ёки инвестор томонидан қурилган инвестиция объектларига бўлган мулкый ҳуқуқлар хизмат қилади;

- суғурта компанияси ва банк ўртасида қарз оловчи-инвестор томонидан маълум сабабларга кўра олинган кредит бўйича ўз мажбурятларини бажармаган

холоатлар учун суғурта шартномасини тузиш (мазкур суғурта тури йирик хорижий суғурта компанияларида қайта суғурталаниши мумкин);

– суғурта компанияси ва салоҳиятли қарз олувчи ўртасида қарз олувчида кредитни қайтариб бермаслик рискинни юзага келтириши мумкин бўлган зарарни қоплаш мақсадида бир қатор турли суғурта шартномаларини тузиш.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда банк рискларини қоплаш учун суғурталаш бўйича хорижий амалиётда куйидаги суғурта полис турларидан фойдаланилади:

– пудратчининг барча рискларини суғурталаш. Бунда, лойиҳа объектини куриш бўйича пудратчиларни одатда мол-мулк рисқи суғурталанади ҳамда курилиш жараёнида тўғридан-тўғри зарар ёки зиённи суғурталаш учун курувчининг мажбурияти суғурталанади;

– тушумни тўлиқ оломасликнинг комплекс суғуртаси. Тушумни тўлиқ оломасликнинг комплекс суғуртаси курилиш даври давомида суғурталанган зарар ёки зиён билан боғлиқ кечикишлар туфайли даромадларнинг салоҳиятли йўқотишларини суғурталашга қаратилади;

– транспорт юклари рискинни суғурталаш. Мазкур рискларни суғурталаш юкни жўнатувчи томонидан лойиҳани амалга ошириш майдонигача транспортировка қилиш давомида ускуна ва хомашёга етказилган зарар ёки зиённи қоплашни назарда тутлади;

– юк ташувчилар учун тушумни тўлиқ оломасликнинг комплекс суғуртаси. Ушбу суғурта тури суғурталанган зарар ёки зиён билан боғлиқ кечикишлар туфайли даромадларни оломаслик натижасида молиявий оқибатларни суғурта орқали қоплашни билдиради;

– учинчи томоннинг жавобгарлиги. Учинчи томоннинг жавобгарлигини суғурталаш мол-мулкка жисмоний шикаст етказиш бўйича юридик жавобгарликни олиш билан боғлиқ зарар ёки зиёндан ҳимоясини таъминлайди.

Мазкур суғурта полисларининг алоҳида турларидан комплекс тарзда фойдаланиш маҳаллий суғурталовчиларга ўз бозорини кенгайтириш ва суғурта бозорига кўплаб йирик ва ўрта инвесторларни жалб этиш ва шундан келиб чиққан ҳолда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда банк рискларини тартибга солиш инструменти сифатида суғуртани ривожлантиришга кўмаклашишга ёрдам беради.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда банк рискларини суғурталаш бўйича комплекс шартномаларни тузишда қайта суғурталаш механизидан фойдаланган ҳолда суғурта компанияларининг рискинни камайтиришга эришиш мумкин, бунда суғурталовчилар ушбу мақсад учун хорижий суғурта компанияларини – қайта суғурталовчиларни жалб этиш мумкин. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, қайта суғурталаш механизми суғурта ҳимоясининг барқарорлигини ошириш бўйича кўшимча омил ҳисобланиб, у

суғуртани қоплаш ишончлилигини ошириш мақсадида қўлланилади. Рискларни қайта суғурталаш орқали бериш: миждознинг ўзига хос эҳтиёжларини ҳисобга олиш; бир нечта рисклар комплексини узоқ муддатли қоплашни амалга ошириш; рискларни ҳам профессионал суғурталовчиларга, ҳам суғуртага оид бўлмаган компанияларга бериш имконини беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда банк рискларини бошқариш инструменти сифатида намоён бўлган суғуртадан фойдаланиш шубҳасиз истиқболли йўналиш ҳисобланади. Бунда суғурталаш усулини ва суғурта шартнома вариантыни танлаш бевосита ҳар бир инвестицион лойиҳанинг аниқ тавсифларига боғлиқ бўлади.

Фойдаланиган адабиётлар рўйхати

1. Қўлдошев Қ.М. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 2, 2019 й.
2. «Ўзбекивест» суғурта компаниясининг расмий веб-сайти маълумотлари - <https://uzbekinvest.uz/news/invest-thrice>

2 YO'NALISH

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING EKSPORT VA IMPORT TIZIMINI RIVOJLANTIRISHNING ASOSIY YO'NALISHLARI



TRANSMILLIY KORPORATSIYALARNING INNOVATSION FAOLIYATI VA QIYMAT YARATISHNING GLOBAL ZANJIRLARI

A.A. Isadjanov,
“*Islom iqtisodiyoti va moliyasi, ziyorat turizmi*”
kafedrası dotsenti, O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi

Annotatsiya. Ushbu maqolada so'nggi yillarda trendga chiqayotgan Global qiymat zanjirlari hamda Trans milliy kompaniyalarning innovatsion faoliyati haqida statistik va taxliliy fikrlar bayon etiladi. Shuningdek dunyoning yetakchi TMKlari hamda Osiyo mamlakatlarining ular bilan o'zaro hamkorligi borasidagi bazi takliflar kiritib o'tilgan.

Tayanch iboralar: Global qiymat zanjiri, TMK, xalqaro mehnat taqsimoti, xalqaro kapital migratsiyasi

So'nggi yillarda jahon iqtisodiyoti globallashuv jarayonlari bilan bog'liq keskin va tez o'zgarishlarga duch keldi.

Birinchidan, ular kompaniyalar faoliyatining barcha tomonlari va jihatlariga taalluqlidir va jahon reproduktiv jarayonining global qayta qurilishi bilan bog'liq.

Global qiymat zanjirlari (*global value chains*) yaratilmoqda va korporatsiyalar global miqyosda birlashgan korxonalariga aylantirilmoqda.

Ikkinchidan, korporativ integratsiya jarayonlari faol rivojlanmoqda, ko'p sonli biznes-tuzilmalar faoliyat ko'rsatmoqda.

Kartellar, sindikatlar, trastlar, konsernlar, xoldinglar, moliyaviy va sanoat guruhlari bilan bir qatorda transmilliy korporatsiyalar, xalqaro korporatsiyalar, global korporatsiyalar, xalqaro strategik alyanslar deb ataladigan ko'plab shunga o'xshash xalqaro tuzilmalar rivojlanmoqda³³.

Uchinchidan, AQSh korporatsiyalari hali ham yirik biznesni tashkil etishning eng rivojlangan ijtimoiy-iqtisodiy shakli bo'lib qolmoqda. Asosiysi, AQSh korporatsiyalarining jahon iqtisodiyotida etakchilik qilish sabablarining izchilligi va komponentlarining sinergiyasidir.

AQSh korporatsiyalarining yuqori raqobatbardoshligining eng muhim xususiyatlari: kompaniyalar uchun qulay innovatsion muhit; inson salohiyati; turli xo'jalik yurituvchi subyektlar, tashkilotlar o'rtasidagi o'zaro ta'sirning tizimli mexanizmini shakllanganligidir³⁴.

To'rtinchidan, transmilliy korporatsiyalar (TMK) reytinglari va mamlakatlarning raqobatbardoshligi reytinglarining tahlili shuni ko'rsatadiki,

³³ Семак Е.А., Шилович Т.Н. Классификация процессов международной корпоративной интеграции. <https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/148908/1/30-38.pdf>

³⁴ Богаевская О.В. Американские корпорации: механизмы сохранения лидерства в глобальной экономике. – М.: ИМЭМО РАН. <https://www.imemo.ru/files/File/ru/publ/2012/12044.pdf>

zamonaviy tendentsiyalar hozirgi vaqtda global kuchlar muvozanatida, birinchi navbatda Osiyo mamlakatlarining sezilarli o'sishi hisobiga sodir bo'layotgan tub o'zgarishlarni ko'rsatadi.

Ta'kidlash joizki, Osiyo kompaniyalarining bunday jadal rivojlanishi ularning AQSh bilan eksport va ishlab chiqarish aloqalarini mustahkamlashi bilan bog'liq bo'lib, buning asosida Amerika va mahalliy kompaniyalar o'rtasidagi sheriklikning natijasida yangi shakllari vujudga kelmoqda va sinovdan o'tkazilmoqda.

"Fortune" har yili daromadlar bo'yicha kompaniyalar reytingini e'lon qildi - Fortune Global 500. Unga turli mamlakatlardan kirgan kompaniyalar 2020 yil 31 martda yoki undan oldin tugagan moliyaviy yilda olingan daromadlar bilan taqqoslanadi.

Reytingdan jami 500 ta kompaniya yil davomida 33,3 trillion AQSh dollar daromad oldi va ularning umumiy foydasi 2,1 trln. AQSh dollarini tashkil etdi.

Reytingning o'ziga xos xususiyati shundaki, unda Xitoy kompaniyalarining ustunligi aniq bo'ldi. Shunday qilib, Xitoyning uchta Internet-texnologiyalar va chakana savdo sohasida ishlaydigan kompaniyalar reytingning birinchi beshligiga kirdi. Global 500 ga kiruvchi ettita kompaniyaning 4 tasi xitoylik - JD.com, Alibaba, Tencent va Xiaomi³⁵³.

Beshinchidan, jahondagi yaratilayotgan mavjud patent va litsenziyalarning 4/5 qismi aynan TMKlar hissasiga to'g'ri kelmoqda.

Innovatsion strategiyalarni tadbiiq etish jarayonida TMKlar ichki va tashqi innovatsiyalar manbalaridan foydalanishadi (xorijiy filiallarning yaratgan innovatsiyalaridan).

Tashqi innovatsion omillardan foydalanishda TMKlar bir nechta usullardan foydalanishadi:

- transchegaraviy birlashish va singib ketish jarayonlarida qatnashish;
- xalqaro strategik alyanslarni tashkil etish;
- ofshor outsorsingni qo'llash;
- TMKlarning xorijiy filiallarining innovatsion salohiyatidan foydalanish³⁶⁴.

Hozirda TMKlar global innovatsion tarmoqlarni yaratish natijasida ona kompaniya ("home-base exploiting — HBE") va xorijdagi filiallarning innovatsion salohiyatidan (home-base augmenting — HBA)³⁷⁵ unumli foydalanishmoqda. Xorijdagi filiallarning innovatsion faoliyati "bilim inkubatorlari" vazifasini bajarishda (Offshore Knowledge Incubation — OKI) . Misol tariqasida Nestle korporatsiyasining faoliyatini keltirish mumkin³⁸⁶.

³⁵ Fortune Global 500 стал более китайским, чем американским <https://www.kommersant.ru/doc/4449874>

³⁶ Исаджанов А.А. Глобализация и инновационная интеграция: проблемы и перспективы. Дарлик. – Тошкент: Complex Print. 2020. – 148 б.

³⁷ Birkinshaw J., Hood N. Unleash innovation in foreign subsidiaries // Harvard Business Review. March-April. 2001. P. 132.

³⁸ www.nestle.com — Nestle



Oltinchidan, Qiymat yaratishning global zanjiri (QYAGZ) – bu yakuniy iste'mol uchun tovar ishlab chiqarish va bozorga yetkazib berish maqsadida kompaniyalar mamlakat ichkarisida va uning tashqarisida olib boradigan barcha faoliyat turlarining to'liq davridir.

Mamlakatning qiymat zanjiriga qay darajada jalb etilganligi, eng avvalo, mamlakat yakuniy mahsulot ishlab chiqarishda ishtirok etadigan bosqich bilan belgilanadi. Ushbu davlat hududida yaratiladigan mahsulotning qo'shilgan qiymati ulushi qancha katta bo'lsa, u xalqaro mehnat taqsimotida ishtirok etishdan shuncha ko'p foyda oladi. Bu xulosa mamlakatning iqtisodiy strategiyasi uchun tizimli ahamiyatga ega.

Mamlakatlar qiymat yaratishni tashkil etish global zanjirlariga koshilishning turli yullarini o'zlari uchun tanlab olish mumkin. Transmillium korporatsiyarning (TMK) investitsiyalarini mamlakatga jalb etish eng oddiy va tezda natija beradigan variantdir. Qiymat yaratishning global zanjirida (QYAGZ) o'z o'rnini egalladigan (ya'ni, ishlab chikarishda import xom ashyosidan va materiallardan foydalanadigan xamda xorijda qayta ishlashni davom ettirish uchun mo'ljallangan tovarlarni eksport qiladigan) o'z milliy ishlab chiqaruvchi kompaniyalarni rivojlantirish ancha murakkab va uzoq vaqt talab qiladigan jarayondir.

Birinchi yonish itisodiy o'sishni rivojlantirishda katta muvaffakiyatlarga erishish imkoninin beradi, ikkinchi endashuv esa, uzok mudatda iktisodiy samara beradi.

Mamlakatlar o'z ixtiyoslashuvigga qarab, QYAGZda turli o'rinlarniegallaydi. Mamlakatlar itisodiyotning birinchi boskichlarida homashyo qazib chiqarish va shu zayilda global ishlab chikarishning dastlabki davrlariga jalb etilishi mumkin. Zanzhirning keyingi bosqichlarida ular qayta ishlangan mahsulotni ishlab chiqirishga ixtisoslashishi yoki haridorlarga hizmatlar kursatishi mumkin. Bu pozitsiyalar vaqt o'tishi bilan o'zgarishi mumkin.

Faoliyatning alohida turlari, masalan, ilmiy tadqiqotlar olib borish va ishlanmalarni amalga oshirish, bilimlarni tijoratlashish, bezatish va dizayn, reklama katta qiymatni qo'shishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Семак Е.А., Шилович Т.Н. Классификация процессов международной корпоративной интеграции.

2. Богаевская О.В. Американские корпорации: механизмы сохранения лидерства в глобальной экономике. – М.: ИМЭМО РАН.

3. Fortune Global 500 стал более китайским, чем американским

4. Исаджанов А.А. Глобализация в минтақавий иқтисодий интеграция жараёнлари. Дарслик. – Тошкент: Complex Print. 2020. – 148 б.

5. Birkinshaw J., Hood N. Unleash innovation in foreign subsidiaries // Harvard Business Review. March-April. 2001. P. 132.

IS WTO ACCESSION BENEFICIAL FOR UZBEKISTAN?

Z.Kh. Akhmadaliev

Assistant Teacher,

Department of World Economy, TSUE

Annotation. *The upshots of Uzbekistan being a member of World trade organization described in this article. Both benefits and disadvantages are analysed. Author gives some solutions for problems which appears having been a member of WTO.*

Keywords: *WTO, diversifying exports, modernizing the economy, improving the competitiveness, WTO accession*

Researchers have long been discussing whether joining the WTO is beneficial for countries. This issue is particularly important for developing countries since the empirical studies show various outcomes. One group of studies suggests that WTO accession brings benefits, unconditional on the economic development of the country. Another type says that the WTO rules benefit only large economies, which are the price-makers most of the time. The third group of studies assures that benefits that come from entering WTO depends on certain conditions. This controversy imposes a need to research this issue deeper. Particularly, when it come to the current economic reforms in Uzbekistan, we should clearly know what measures have to be done in order to achieve the best efficiency in terms of WTO accession. This thesis summarizes the results of all three types of research mentioned above, makes some statistical analysis, and gives some conclusions on how Uzbekistan could maximize its benefits once it joins WTO.

Larch et.al. (2019) employed an empirical structural gravity model for 178 trade-partners over 36 years (from 1980 to 2016). They found that entering WTO has increased the trade between WTO member countries by 171% and non-member countries by 88%. Moreover, Campos (2004) used the data for 25 transition economies for the period of 1990 to 1998 and found that joining WTO leads to better domestic reforms, with little impact on growth and investment. However, they did not account for the endogeneity issue, which puts the causal inference under question.

On the other hand, using the panel data for 175 countries over more than 50 years, Rose (2002) employs a gravity model for both time series and cross-sectional analysis, and finds that there is not much evidence that joining WTO increases international trade. In addition, some researchers state that WTO accession itself does not create economic prosperity. Study by Choudhury (2019), for example, found that WTO membership does not cause the reduction of corruption and the improvement in the governance quality. On the contrary, it could even lead to more corruption if the share of government owned firms increases in the economy after joining WTO.

Further, according to Subramanian&Wei (2006), the impact of the WTO membership on certain economies depends on different factors. Namely, the level of



industrialization and liberalization matters for a country to benefit from WTO entry. However, developing countries with less liberalization also could gain from trade through exporting. In this light, authors state that joining WTO encourages exports of the developing countries, even if they are less liberalized. Moreover, Balding (2009) also found that the membership is beneficial mostly for exporting countries using the fixed effects method.

As a matter of fact, post-soviet countries have even more specific features when it comes to the WTO accession. Atik (2014) suggests that the influence of the Russian economy as well as geographical factors negatively impact on these countries' integration to the world economy. Although it was easier for small countries like Kyrgyz Republic to obtain WTO membership, it takes more time for larger economies to adapt the World Bank standards, and this phenomenon is in accordance with the theory.

Table 1
Tariff rates in post-soviet countries, primary products (%)

| Country name | WTO accession | 1994-2000 | 2004-2010 | 2014-2020 |
|-------------------------------|---------------|-----------|-----------|-----------|
| With WTO membership | | | | |
| Kyrgyz Republic | 1998 | 6,2 | 4,7 | 4,3 |
| Georgia | 2000 | 11,9 | 6,9 | 3,2 |
| Moldova | 2001 | 9,7 | 7,7 | 7,9 |
| Armenia | 2003 | 6,6 | 6,4 | 5,9 |
| Ukraine | 2008 | 10,8 | 5,5 | 4,9 |
| Russian Federation | 2012 | 9,4 | 9,1 | 6,0 |
| Tajikistan | 2013 | 9,7 | 5,8 | 5,7 |
| Kazakhstan | 2015 | 10,7 | 6,1 | 5,7 |
| Without WTO membership | | | | |
| Belarus | | 9,6 | 7,6 | 5,9 |
| Uzbekistan | | 10,7 | 12,3 | 14,0 |
| Turkmenistan | | 7,4 | | |
| Azerbaijan | | 14,6 | 15,9 | 11,0 |

Source: The World Bank data. The averages are taken from the available years.

The table 1 shows the average tariff rates for the primary products in post-soviet countries for three periods with 10-year difference. Since almost all of the countries joined the WTO after 2000 (except Kyrgyz Republic), we can say that the second

column shows the tariffs before the accession while the third and fourth columns reflect the impact of the accession. Both simple regression analysis and Difference-in-differences method based on this data shows that for this sample, the countries with WTO accession have about 4-5% lower tariffs compared to the countries that are not WTO members on the average. Although this evidence is far from sufficient to infer causality, this gives us some picture that joining the WTO, Uzbekistan will have lower tariffs, which leads to the cheaper import products, increasing the welfare. Of course, the total welfare depends on the losses that caused to the local producers because of the trade openness. However, cost-benefit analysis for Uzbekistan's joining the WTO has showed that it would still be beneficial for the country. Moreover, there are additional long-term gains that applies for the WTO members (enjoying network benefits, for example).

In conclusion, we should not expect immediate benefits from just joining the WTO. However, joining WTO is likely to bring benefits to the countries which keeps domestic reforms towards market-based economy. This is especially important for the landlocked countries like Uzbekistan, since it plays the role of additional anchor which pushes the economic reforms faster. That major trade partners of Uzbekistan are already WTO members could also assure us certain gains. Therefore, Uzbekistan should keep making reforms of modernizing its economy, diversifying exports, and improving the competitiveness of local producers in line with the WTO accession procedure.

Reference

1. Atik, S. (2014). *Regional economic integrations in the post-Soviet Eurasia: An analysis on causes of inefficiency*. *Procedia-Social and Behavioral Sciences*, 109, 1326-1335.
2. Balding, C. (2010). *Joining the World Trade Organization: what is the impact?*. *Review of International Economics*, 18(1), 193-206.
3. Campos, N. F. (2004). *What Does WTO Membership Kindle in Transition Economies?: An Empirical Investigation*. *Journal of Economic Integration*, 395-415.
4. Choudhury, S. (2019). *WTO membership and corruption*. *European Journal of Political Economy*, 60, 101806.
5. Larch, M., Monteiro, J. A., Piermartini, R., & Yotov, Y. (2019). *On the effects of GATT/WTO membership on trade: They are positive and large after all*.
6. Pomfret, R. (2007). *Lessons from Kyrgyzstan's WTO experience for Kazakhstan, Tajikistan and Uzbekistan*. *Asia-Pacific Trade and Investment Review*, 3(2), 27-46.
7. Pomfret, R. (2020, June). *Uzbekistan And The World Trade Organisation*. In *Virtual Seminars on Applied Economics and Policy Analysis in Central Asia*.
8. Rose, A. K. (2004). *Do we really know that the WTO increases trade?*. *American economic review*, 94(1), 98-114.
9. Sharapov, M. (2015). *Uzbekistan on Its Way to the WTO*. *Zeszyty Naukowe Uczelni Vistula*, (41 (3)/2015 *Stosunki Międzynarodowe*), 81-91.
10. Subramanian, A., & Wei, S. J. (2007). *The WTO promotes trade, strongly but unevenly*. *Journal of international Economics*, 72(1), 151-175.
11. World Bank, *World Development Indicators*. (2020). *Tariff rate, applied, simple mean, all products (%)*. [Data file]. Retrieved from

THE NEW SUEZ CANAL PROJECT AND THE VALUE ADDED TO THE GLOBAL TRANSPORT NETWORKS

E.B. Muhammad?

**Senior Lecturer of Economics,
World Economy Department, TSUE**

Annotation. This article about New Suez Canal project and Its value added to the international transportation. Author giver some calculations and anilises the statistics about this topic. And Its socio Economic impacts described widely.

Keywords: The Suez Canal, The Silk Road, Economic Zone, navigation

Introduction. The **Suez Canal** is an artificial sea-level waterway in Egypt, connecting the Mediterranean Sea to the Red Sea through the Isthmus of Suez and dividing Africa and Asia. The canal is part of the Silk Road that connects Europe with Asia.

The canal officially opened on 17 November 1869. It offers vessels a direct route between the North Atlantic and northern Indian oceans via the Mediterranean Sea and the Red Sea, avoiding the South Atlantic and southern Indian oceans and reducing the journey distance from the Arabian Sea to London by approximately 8,900 kilometers, or 10 days at 20 knots (37 km/h; 23 mph) to 8 days at 24 knots (44 km/h; 28 mph).

The original canal featured a single-lane waterway with passing locations in the Ballah Bypass and the Great Bitter Lake. It contained, no lock systems, with seawater flowing freely through it. When built, the canal was 164 km long and 8 m deep. After several enlargements, it is 193.30 km long, 24 m deep and 205 meters wide. It consists of the northern access channel of 22 km, the canal itself of 162.25 km and the southern access channel of 9 km.

The canal allows passage of ships up to 20 m draft or 240,000 deadweight tons and up to a height of 68 m above water level and a maximum beam of 77.5 m under certain conditions.

Suez Canal Economic Importance. Economically, after its completion, the Suez Canal benefited primarily the sea trading powers of the Mediterranean countries, which now had much faster connections to the Near and Far East than the North and West European sea trading nations such as Great Britain or Germany. The main Habsburg trading port of Trieste with its direct connections to Central Europe experienced a meteoric rise at that time.

The time saved in the 19th century for an assumed steamship trip to Bombay from Brindisi and Trieste was 37 days, from Genoa 32, from Marseille 31, from Bordeaux, Liverpool, London, Amsterdam and Hamburg 24 days. At that time, it was also necessary to consider whether the goods to be transported could bear the costly

canal tariff. This led to a rapid growth of Mediterranean ports with their land routes to Central and Eastern Europe. According to today's information from the shipping companies, the route from Singapore to Rotterdam through the Suez Canal will be shortened by 6,000 kilometers and thus by nine days compared to the route around Africa. As a result, liner services between Asia and Europe save 44 percent CO² (carbon dioxide) thanks to this shorter route. The Suez Canal has a correspondingly important role in the connection between East Africa and the Mediterranean region.

In the 20th century, trade through the Suez Canal came to a standstill several times, due to the two world wars and the Suez Canal crisis. Many trade flows were also shifted away from the Mediterranean ports towards Northern European terminals, such as Hamburg and Rotterdam. Only after the end of the Cold War, the growth in European economic integration, the consideration of CO² emission and the Chinese Silk Road Initiative, are Mediterranean ports such as Piraeus and Trieste again at the focus of growth and investment.

Suez Canal Economic Zone. The Suez Canal Economic Zone, sometimes shortened to the Suez Canal Zone, describes the set of locations neighbouring the canal where customs rates have been reduced to zero in order to attract investment. The zone comprises over 600 km² within the governorates of Port Said, Ismailia and Suez. Projects in the zone are collectively described as the Suez Canal Area Development Project (SCADP).

The plan focuses on development of East Port Said and the port of Ain Sokhna, and hopes to extend to four more ports at West Port Said, El-Adabiya, Arish and El Tor.

The project's vision and objectives

1. Egypt's pressing need for giant national economic projects that would support the Egyptian economy to the benefit of present and future generations.
2. Making use of the existing potential at the Project ports, and creating well developed industrial zones that would benefit from the goods transported through the Suez Canal.
3. Providing job opportunities and creating new urban communities that would attract people from densely populated areas to the Canal zone.
4. Getting ready to maximize benefits from the growth of world trade in places such as China, South East Asia and India, going to Europe and the United States via the Suez Canal.

The Socio-Economic Impact

1. Developing and upgrading the national economy of Egypt by making use of the unique geographical location and the Suez Canal Zone.
2. Turning Egypt into an important economic and logistics center with an impact on world trade, through the development of industrial and commercial activities. New industrial and logistics centers at the project area may depend on the added value that complementary industries can provide. This can be attained by



re-exporting the end product inside and outside Egypt through logistic distribution centers set for that purpose. Existing entities may also be used and further developed.

3. Encouraging national, Arab and foreign capital investment to participate in the implementation of the master plan of Project, in order to achieve the set objectives without jeopardizing the national security of Egypt.

4. Giving a boost to the national income of Egypt, and an increase of foreign currency earnings through the expected increase of the Suez Canal revenues, as more ships shall be using the waterway as a result of the Project. Maritime transport to and from Egypt shall be on the rise, as more ships will be using the Mediterranean and the Red Sea ports. The area can very well turn into a very important center for electronic communication.

5. Giving a chance to national companies to participate in the implementation of the Project master plan, and infrastructure works, according to international standards, the matter that will add to the potential and expertise of such companies, and improve their operating conditions and capabilities.

Industries Proposed to be Included in the General Framework are Car Assembly Plants, Electronics, Oil and Refining industries, Petrochemical Industries, Light metal Industries, Distribution and Redistribution Logistics Centers, Bunkering, Shipbuilding and Ship Repair Industries, Manufacture and Repair of Containers, Furniture and Wood works, Textiles, and Glass Manufacturing Plants.

To maximize the benefits of the Project we had to think of some activities that would generate fast returns and provide much needed job opportunities for the young people of Egypt. Fish Farming or Aqua Culture is one of the most suitable projects by virtue of the available land extending along the eastern bank of the Suez Canal.

The new Suez Canal Project. Before August 2015, the canal was too narrow for free two-way traffic, so ships had to pass in convoys and use bypasses. The bypasses were 78 km out of 193 km (40%). From north to south, they are Port Said bypass (entrances) 36.5 km, Ballah bypass & anchorage 9 km, Timsah bypass 5 km, and the Deversoir bypass (northern end of the Great Bitter Lake) 27.5 km. The bypasses were completed in 1980.

Typically, it would take a ship 12 to 16 hours to transit the canal. The canal's 24-hour capacity was about 76 standard ships.

In August 2014, Egypt chose a consortium that includes the Egyptian army and global engineering firm Dar Al-Handasah to develop an international industrial and logistics hub in the Suez Canal area, and began the construction of a new canal section from 60 to 95 km combined with expansion and deep digging of the other 37 kilometers of the canal. This will allow navigation in both directions simultaneously in the 72-kilometre-long central section of the canal. These extensions were formally opened on 6 August 2015.


The Egyptian government launched construction in 2014 for the expansion of the Ballah Bypass from 61 meters wide to 312 meters wide for 35 kilometers to speed

up the canal's transit-time. The expansion intended to nearly double the capacity of the Suez Canal, from 49 to 97 ships per day. At a cost of 59.4 billion Egyptian pounds (US\$9bn) and was completed within one year, this project was funded with interest-bearing investment certificates issued exclusively to Egyptian entities and individuals.

The Suez Canal Authority officially opened the new side channel in 2016. This side channel, located at the northern side of the east extension of the Suez Canal, serves the East Terminal for berthing and unberthing vessels from the terminal. As the East Container Terminal is located on the Canal itself, before the construction of the new side channel it was not possible to berth or unberth vessels at the terminal while a convoy was running.

Objectives of the new Project

- Boosting the hard currency earnings of Egypt
- Increasing the doubled parts of the waterway to 50%
- Making the Suez Canal more attractive to users
- Increasing the numerical capacity of the waterway to 97 ships/day in 2023 up from 49 ships/day at present, to cope with the expected growth of world trade
- Provide support to the Suez Canal Area Development Project, and contribute in boosting the Egyptian economy through turning Egypt into an international logistics and commercial center
- Minimize the cost for transiting vessels, thus attract a bigger number of ships to use the Canal



In 2020, the total revenue generated amounted to 5.61 billion USD compared to 5.005 billion USD in 2016, and 18,829 ships with a total net tonnage of 1.17 billion passed through the canal.

The revenues of the Suez Canal, despite the various challenges, witnessed a great boom recently, as navigation statistics during the fiscal year 2020/2021 recorded the highest annual revenue in the history of the canal amounting to \$5.84 billion, compared to \$5.72 billion during the 2019/2020 fiscal year, with an increase 2.2 percent, or \$124.3 million.

While the number of car carriers increased during that period by 27.8% percent, and dry bulk vessels increased by 5 percent during that period.



On 23 March 2021, the Suez Canal was blocked in both directions by the ultra-large Golden-class container ship Ever Given. The ship, operated by Evergreen Marine, was en route from Malaysia to the Netherlands when it ran aground after strong winds allegedly blew the ship off course. Upon running aground, Ever Given turned sideways, completely blocking the canal. Although part of the length of the canal is paralleled by an older narrower channel which can still be used to bypass obstructions, this particular incident happened in a section of the canal with only **one** channel.

When the incident began, many economists and trade experts commented on the effects of the obstruction if not resolved quickly, citing how important the Suez Canal was to global trade; the incident was likely to drastically affect the global economy because of the trapped goods scheduled to go through the canal. Among those goods, oil shipments were the most affected in the immediate aftermath, due to a significant number still blocked with no other way to reach their destination. The International Chamber of Shipping (ICS) estimates that up to \$3 billion worth of cargo passes through the Suez Canal every day.

The ship was re-floated on 29 March. Within a few hours, cargo traffic resumed, slowly resolving the backlog of around 450 ships. On 2 April 2021, the Suez Canal Authority of Egypt, announced that the damage caused by the blockage of the canal could reach about \$1 billion. After the incident, the Egyptian government announced that they would be widening the narrower parts of the canal.

On 15 April 2021 Egyptian authorities announced that they would widen the southern section of the Suez Canal to improve the efficiency of the canal. The plan mainly covers about 30 kilometers from Suez to the Great Bitter Lake. It will be widened by 40 meters and the maximum depth will be increased from about 20 meters to about 22 meters.

References

1. Egyptian General Authority for Investment and Free Zones, www.gafi.gov.eg.
2. Suez Canal Authority, www.suezcanal.gov.eg.
3. World Shipping Council, www.worldshipping.org.
4. Egyptian National Marine Dredging Company, www.nmdc.com
5. www.ship-technology.com

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ САВДО ЙЎНАЛИШЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШДА ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН САВДО-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎРНИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

А.Р. Муллажонов,
Лойиҳа хизмати бўлими бошлиғи
Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг ташқи савдо йўналишларини кенгайтиришида Туркия Республикаси билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг ўрни ва истиқболлари ҳақида маълумотлар ёритилган.

Таянч иборалари: инвестиция, ташқи савдо, экспорт, импорт, логистика, савдо-иқтисодий алоқалар, миллий иқтисодиёт, жаҳон бозори, sanoat.

Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлик алоқалари ўзига хос хусусиятга эга.

Бу ҳамкорлик ўтган йиллар давомида ўзаро ҳамкорликнинг юқори нуқтасидан, “инкирозли давр” бўлган синовли йиллар ва 2016 йилдан бошлаб бугунги кунгача яна стратегик шериклик даражасига чиқиб, ҳамкорликнинг юқори нуқтасига қараб интилаётганлиги билан тавсифланади.

Туркия Ўзбекистоннинг йирик савдо ҳамкорларидан бири бўлиб ҳисобланади, жумладан 2020 йил якуни билан Ўзбекистондан Туркияга 1,02 млрд. долларлик товар ва хизматлар экспорти амалга оширилди ва бу кўрсаткич бўйича 3 - ўринни эгалади.

Коронавирус пандемиясига қарамай, 2020 йилда бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 22 % ортганлигини кузатиш мумкин.

2020 йилда Туркия Республикасига экспортнинг асосий номенклатураси қуйидагича рангли металллар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар, тўқимачилик маҳсулотлари, пластмасса ва кимёвий маҳсулотлар, электр жиҳозлари ва уларга эҳтиёт қисмлар, автомобиллар ва улар учун эҳтиёт қисмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, хизматлар ва бошқа маҳсулотлар ташкил этди.

Мазкур кўрсаткичлар икки мамлакат ўртасидаги савдо муносабатлар жадал суръатларда ривожланаётганлигини кўрсатмоқда. Шу билан бир қаторда ҳали тўғалигича ишга солинмаган экспорт имкониятлари мавжудлигини кўриб чиқамиз.

Туркия Республикасидаги иқтисодий ҳолат. Туркия Республикасининг иқтисодиёти жадал ривожланаётган иқтисодиётлардан бири бўлиб, дунёда 19 ўринни ва Европада 7-ўринни эгалайди. 2019 йил якунарига кўра, мамлакатнинг ЯИМ 773,7 млрд. долларни ташкил этди. Туркия иқтисодиёти

2019 йилда 0,9 % га ошди. Туркиянинг ЯИМ қиймати дунё иқтисодиётининг 0,63 % ни ташкил этади. 2003-2019 йилларда Туркияда иқтисодиётнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 5,3 % ни ташкил этади.

2019 йилда ЯИМ да хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 55,9 %ни, саноатнинг улуши 27,7 %ни, қишлоқ хўжалигининг улуши 6,5%ни ташкил этади.

Саноатнинг тармоқлар таркибида ишлаб чиқариш энг катта улушга эга бўлиб, у 84 %ни (қурилишни ҳисобга олган ҳолда), саноат ишлаб чиқариши асосан тоғ-қон саноати ва энергетикага тўғри келади. Туркия Республикаси иқтисодиётининг кемасозлик, автомобилсозлик, ҳарбий саноати, маиший техника, хизматлар ва айниқса туризм каби соҳалари жадал ривожланмоқда.

Туркия Республикаси ташқи савдоси таҳлили. 2019 йил якунларига кўра Туркия Республикасининг ташқи савдо айланмаси 374,2 млрд. долларни ташкил этади. Хусусан:

Туркия Республикаси бошқа давлатлардан жами 202,7 млрд. долл. ҳажмидаги импортни амалга оширган, жумладан: минерал ёқилгилар, нефт маҳсулотлари, битумли моддалар (41,2 млрд. долл.), ядро реакторлари, қозонхоналар ва механик қурилмалар (21,5 млрд. долл.), қора металллар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар (17,1 млрд. долл.), электр машиналари ва жиҳозлари ҳамда уларнинг қисмлари (15 млрд. долл.), қимматбаҳо тошлар ва металллар, табиий марваридлар (13,3 млрд. долл.), пластмасса (11,6 млрд. долл.), автотранспорт воситалари (9,6 млрд. долл.), органик кимёвий бирикмалар (5,4 млрд. долл.), фармацевтика маҳсулотлари (4,8 млрд. долл.), оптик, ўлчаш, бошқариш ёки тиббий асбоблари ва мосламалари (4,4 млрд. долл.), алюминий ва ундан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (3,4 млрд. долл.) ва бошқалар.

Туркия Республикаси хорижий мамлакатларга жами 171,5 млрд. долл. ҳажмидаги экспортни амалга оширган, жумладан: машина ва транспорт воситалари, механизмлар, электр жиҳозлари ва уларнинг қисмлари ҳамда ускуналар (21,8 млрд. долл.), қимматбаҳо ёки ярим қимматбаҳо тошлар, қимматбаҳо металллар ва улардан тайёрланган буюмлар (4,3 млрд. долл.), кимё маҳсулотлар (21,8 млрд. долл.), темир ва пўлат маҳсулотлари (16,9 млрд. долл.), электротехника маҳсулотлари (10,2 млрд. долл.), енгил ва чарм саноати маҳсулотлари (32,7 млрд. долл.), озиқ-овқат маҳсулотлари (5,1 млрд. долл.), қурилиш материаллари (16,9 млрд. долл.), фармацевтика маҳсулотлари (1,3 млрд. долл.) ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилди. 2019 йилда Мамлакатнинг жаҳон товарлари экспортидаги улуши 0,96 %ни ташкил этади.

Экспортни ошириш имкониятлари таҳлили соҳалар кесимида.

1. Саноат тармоқларида (металлургия, машинасозлик, геология, тоғ-қон ва электротехника соҳаларида). Туркиянинг саноат соҳасидаги умумий импорти 2019 йилда 58,5 млрд. долларни ташкил этиб, Ўзбекистондан Туркияга, рангли металллар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар ва электр жиҳозларни

739,9 млн. долларга экспорт қилинган. Шунингдек, Ўзбекистонга Туркиядан саноат маҳсулотлари импорти 2019 йилда 88 млн. долл.ни ташкил этди. Туркия саноатининг қайта тикланаётганлигини ҳисобга олган ҳолда саноат маҳсулотларининг (металлургия, автомобиль эҳтиёт қисимлари, тоғ-қон ва электротехника) экспортини сезиларли даражада ошириш мумкин, жумладан:

- тозаланган мис, эритилган рух, мис қувурлари, темир ва шунга ўхшаш бошқа металлургия маҳсулотларини экспорт қилиш эвазига;

- электр кабеллари, электр ўтказгич маҳсулотлари, электр жиҳозлар ва уларнинг қисмлари, индукторлар, юк машиналари ва шунга ўхшаш бошқа электротехника ва машинасозлик маҳсулотларини экспорт қилиш эвазига экспорт ҳажмини сезиларли ошириш имкониятлари мавжуд.

2. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида. Туркиянинг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасидаги импорт бозори 2019 йилда 41,2 млрд. долл. Ўзбекистон Туркияга 2019 йилда 99,1 млн. долл. экспорт қилди. 2019 йилда Ўзбекистонга Туркиядан Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари импорти 284 млн. долларни ташкил этди.

Шуни таъкидлаш жоизки, дуккакли сабзовотлар, қуритилган мевалар, ёнғоқ, бодом ва шунга ўхшаш бошқа қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш эвазига, бу соҳада экспорт ҳажмини 99,1 млн. доллардан бир неча баробарга ошириш имкониятлари мавжуд.

3. Енгил саноат ва тўқимачилик соҳасида. 2019 йилда Туркиянинг тўқимачилик маҳсулотлари импорти 2,5 млрд. долларни ташкил этиб, бунга трикотаж, ип, кийим-кечак, гилам ва бошқа тайёр тўқимачилик маҳсулотлари киради, шунингдек, улардан 213,5 млн. долларлик маҳсулотларни Ўзбекистон етказиб берган. Шунингдек, Ўзбекистонга Туркиядан енгил саноат ва тўқимачилик маҳсулотлари импорти 2019 йилда 312 млн. долларни ташкил этди.

Қисқа муддатда 350 млн. долларлик ҳамда ўрта муддатли истиқболда 900 млн. долларлик маҳсулотларни етказиб бериш орқали экспорт ҳажмини ошириш мумкин. Жумладан:

- пахта ип-кавалари, матолар, трикотаж маҳсулотлари

ва шунга ўхшаш бошқа тўқимачилик маҳсулотлари;

- тери маҳсулотлари, қайта ишланган теридан оёқ кийим

ва бошқа шунга ўхшаш пойабзал ва тери маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятлари мавжуд.

4. Кимё саноати соҳасида. Туркиянинг кимё саноатидаги импорти

17 млрд. долл ташкил этади ва бу соҳада жуда юқори рақобат мавжуд, экспорт ҳажми бўйича Ўзбекистон Туркиянинг умумий таркибида 49,4 млн. долл. миқдорида экспортни амалга оширган.

Минерал ўғитлар, полиэтилен, кўпиксиз вермикулит, перлит, хлорит

ва шунга ўхшаш бошқа кимёвий маҳсулотларни экспорт қилиш эвазига,

бу соҳада экспорт ҳажмини 49,4 млн. доллардан бир нечча баробарга ошириш имкониятлари мавжуд.

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган соҳалар кесимида мавжуд имкониятларни эътиборга олган ҳолда шунингдек, аниқ мақсадларга йўналтирилган маркетинг стратегиясини амалга ошириш эвазига яқин келажақда Туркияга экспорт ҳажмларини 3,0 млрд. доллар, ҳамда ўрта муддатли истиқболда 5,0 млрд. долларга етказиш имкониятлари мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги ПФ-4749-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида"ги Фармони*
2. *Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари.-Т.: Меҳнат, 2000.*
Tashqi iqtisodiy faoliyat bo`yicha 20 ta yirik hamkor-davlatlar orasidan beshta davlatda faol tashqi savdo balansi kuzatilgan, xususan, Afg`oniston (772,3 mln. AQSh dollari), Qirg`iz Respublikasi (610,1 mln. AQSh dollari), Tojikiston (307,2 mln. AQSh dollari), va Eron (33,2 mln. AQSh dollari) shular jumlasidandir. Joriy yilning yanvar-noyabr oylarida mamlakatning eksportyorlari soni 6 109 tani tashkil etib, ular tomonidan 9323,3 mln. AQSh dollari (qimmatbaho metallar eksportidan tashqari) qiymatidagi (2019- yilning mos davriga nisbatan 25,7% ga kamaydi) tovar va xizmatlar eksport qilinishi ta`minlandi. O`zbekiston Respublikasi eksporti dekabr oyida 930,4 mln. AQSh dollari qiymatida qayd etilib, o`tgan yilning shu oyiga nisbatan 673,5 mln. AQSh dollariga kamaydi.

Hududlar kesimida respublika eksporti tarkibida eng yuqori ulushni Toshkent shahri 19,5% ulush bilan 2 954,7 mln. AQSh dollarini tashkil etdi. Respublika eksporti tarkibida eng quyi ulushni Jizzax viloyati 0,8% ulush bilan 124,1 mln. AQSh dollarini tashkil etdi⁵⁶.

Mamlakatimizning barcha hududlarida sanoat korxonalarini tashkil etish, ularni qo`llab-quvvatlash, mahsulotlarini eksportga yo`naltirish va qo`shimcha ish o`rinlari yaratish borasida amalga oshirilayotgan islohotlar iqtisodiyotning barqaror sur`atlar bilan o`sishida muhim ahamiyat kasb etmoqda. Bugun kichik biznes korxonalari

⁵⁵ <https://www.rbasia.uz/post/2018/10/12/export-potential-of-uzbekistan>

⁵⁶ Davlat Statistika qo`mitasi ma`lumotlariga asosanib yozildi.



oziq-ovqat va qishloq xo'jaligi mahsulotlari, kundalik ehtiyoj mollari, qurilish materiallari, kiyim-kechaklar kabi keng turdagi tovarlarni ishlab chiqarmoqda va tashqi bozorlarga eksport qilmoqda. O'zbekiston Respublikasi Tashqi iqtisodiy faoliyat milliy banki huzuridagi Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarining eksportini qo'llab-quvvatlash jamg'armasi ularning tovar va xizmatlarini tashqi bozorga chiqarishda yaqindan ko'maklashmoqda.

Mazkur jamg'arma joriy yilning birinchi choragi yakuni bo'yicha 627 tadbirkorlik subyektiga mahsulot va xizmatlarni eksport qilishda tashkiliy, huquqiy va moliyaviy xizmatlar ko'rsatdi. Amalga oshirilgan ishlar natijasida umumiy qiymati 642 million AQSh dollariga teng eksport shartnomalari imzolaniib, ular doirasida 280 tadbirkor 270 million dollarlik mahsulotlarini eksport qildi. Jamg'arma ko'magida amalga oshirilgan eksport hajmi o'tgan yilga nisbatan 8 foizga ko'paydi.

Mamlakatimizdagi har bir hududning ixtisoslashuvidan kelib chiqqan holda Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarining eksportini qo'llab-quvvatlash jamg'armasi tasischiligida 85 agrofirma tashkil etilgan. O'tgan davrda mazkur agrofimlar tomonidan qariyb 130 million dollarlik eksport shartnomalari imzolandi.

O'zbekistonda eksportbop mahsulotlarni ishlab chiqarish ko'lamini kengaytirish maqsadida qishloq xo'jaligi mahsulotlarini chuqur qayta ishlashga qaratilgan qator yirik loyihalar amalga oshirilmogda. Jamg'arma tomonidan 2017-yilda 374 million dollarlik 776 loyihani amalga oshirish maqsadida tadbirkorlarimizga biznes-reja va boshqa hujjatlarni tayyorlash va bankka topshirishda ko'maklashish rejalashtirilgan. Yanvar-mart oylarida 12 million 642 ming dollarlik va 35 milliard 579 million so'mlik 63 loyiha moliyalashtirildi. O'zbekiston va Koreya Respublikasi o'rtasidagi savdo-iqtisodiy va investitsion hamkorlikni rivojlantirish maqsadida jamg'arma tomonidan joriy yil 3-8-mart kunlari "Daejin Chemical" korxonasi vakillarining O'zbekistonga tashrifi tashkil qilindi. "Daejin Chemical" va "Navoiy" erkin iqtisodiy zona direksiyasi o'rtasida mazkur zonada kosmetika vositalari ishlab chiqarish loyihasini amalga oshirish hamda bu mahsulotlarni MDH davlatlari bozorlariga eksport qilishni nazarda tutuvchi Anglashuv memorandumini imzolandi.

Yuqoridagi ma'lumotlarga qo'shimcha qilgan holda O'zbekiston eksport salohiyatini ochirish maqsadida quydagi xulosalarga kelish mumkin:

1. Iqtisodiyotni tarkibiy o'zgartirish va eksportni diversifikatsiya qilish borasida ilgari erishilgan yutuqlarga qaramay, eksport tarkibida xomashyoning uzluksiz ustunligi mamlakatni xomashyo uchun jahon birjalarining narx o'zgarishiga juda zaif qiladi.

2. Iqtisodiyotni tarkibiy o'zgartirish va eksportni diversifikatsiya qilish maqsadida eksport to'siqlarini bekor qilish va turli moliyaviy vositalar yordamida eksportni rag'batlantirish masalalarini hal qilish lozim.

3. Eksportning ishlab chiqarish va marketing salohiyatini oshirish uchun ishlab chiqarilayotgan mahsulotlarni eksport qiladigan savdo va dilerlik firmalariga munosib shart-sharoitlar yaratish maqsadga muvofiqdir.

4. Kompaniyalarni eksport bilan shug'ullanishga rag'batlantirish, samarasiz moliyaviy xarajatlarni olib tashlash va taqdim etilgan hujjatlarni, shuningdek, ularni qayta ishlash muddatlarini qisqartirish zarur. Shuningdek eksportni amalga oshirish uchun zarur hujjatlarni rasmiylashtirish va qayta ishlash tartibini qayta ko'rib chiqish kerak.

5. Eksport savdosi hajmi hamda eksport qilinadigan tovar va xizmatlar turini ko'paytirish uchun targ'ibot va marketing ishlari sifatini oshirish va kuchaytirish muhim ahamiyatga ega. Bunda hukumat va jamoat organlarining (AFER, CTC, sanoat va biznes uyushmalari) barcha tashqi iqtisodiy ishtirokchilarga mahalliy mahsulotlarni tashqi bozorga olib chiqishda yordam berish, shu jumladan bepul xizmat ko'rsatish turlarini ishlab chiqish kerak.

8. Tijorat banklarining eksportni moliyalashtirish, eksport kreditlarini sug'urtalash yoki mamlakat eksport salohiyatini samarali amalga oshirish uchun bank kafolatlarini uzaytirish bilan bog'liq bank xizmatlarini mustaqil rivojlantirish imkoniyatlarini kengaytirish lozim;

9. Xususiy tadbirkorlik va raqobatni osonlashtirishga e'tibor qaratgan holda transport va transport -ekspeditorlik xizmatlarini rivojlantirishning keng qamrovli strategiyasi va dasturini ishlab chiqish shart.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. N. Sirajiddinov *Globalization: global opportunities and challenges//Book Capacity building in the countries – ESCATO members for regulating the process of globalization: case study in Uzbekistan.*
2. Michael Porter, Takeuti Kh., M. Sakiakibara, *Japanese economic model. M.: Alpine Business Books, Russia, 2005.*
3. Xurramova Z., Toshaliyeva S., Turopov J. *Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar. – Qarshi: «Nasaf» nashriyoti. – T., 2007.*
4. Vahobov A., Jumayev N., Burhanov U. *Xalqaro moliya munosabatlari. "Sharq" nashriyoti. – T., 2003*



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР СОҲАСИГА ИНТЕГРАЦИЯСИ: ТАКОФУЛ КОМПАНИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ, ЮРТИМИЗДА МАЗКУР ХИЗМАТЛАРНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШДАГИ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

У.А. Дадабаев,
Жаҳон иқтисодиёти кафедраси
катта ўқитувчиси, ТДИУ

Аннотация. Маъкур мақолада ислом молия тизимининг мамлакатимиз иқтисодиётига кириб келиши билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган бўлиб, шунингдек, мазкур тизимда ишлаш учун керак бўлган ҳуқуқий базани шакллантириши ҳақида бази таклифлар келтирилган.

Таянч иборалар: такофул, ислом банклари, банк иши, молия, сугурта полиси, сукук, лизинг

Маълумки, 2018 йилда исломий банк тизимини жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси тайёрланган ва кенг жамоатчиликка тақдим этилган эди. Мазкур ҳужжат асосида ислом банк иши ва молияси принциплари асосида татбиқ этилувчи банк-молия хизматлари тузилмаси тасдиқланиши мумкин. Шунингдек, ислом банк иши ва молияси принципларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш бўйича Комиссия тузилиб. Ушбу комиссияга куйидаги вазифалар юкланди:

– Республикада банк иши ва молия бўйича ислом принципларини татбиқ этиш учун тегишли инфратузилмани яратиш, унда фоиз (рибо) кўринишида мукофотлаш, тадбиркор билан даромад ва зарарни лойиҳадаги иштирок улушига пропорционал тарзда тақсимлаш, шунингдек, ислом молиялаштирилиши бошқа принциплари назарда тутилади;

– сугурта фаолиятини (такафул), лизинг фаолиятини (ижара), қимматли қоғозлар билан операциялар фаолияти ва ислом молияси тамойилларига асосланган бошқа операцияларни амалга ошириш бўйича ислом банк ва молия инфратузилмаси принципларини татбиқ этиш бўйича норматив-ҳуқуқий актларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш ишларини ташкил этиш;

– тегишли норматив-ҳуқуқий актлар лойиҳасини тезда кўриб чиқиш, мувофиқлаштириш ва тасдиқлашни таъминлаш мақсадида вазирликлар, идоралар, шунингдек, бошқа манфаатдор ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

– ислом банкиши ва молия принциплари асосида банк-молия хизматлардан фойдаланишнинг афзаллик ва имкониятларини аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида кенг ёритиш бўйича чора-тадбирларни қабул қилиш.

Шунингдек, хужжат билан Ислом тараққиёт банки грантини жалб этган ҳолда “Ўзбекистон Республикасида ислом банк иши ва молияси инфратузилмасини татбиқ этиш учун қонунчилик асосларини яратиш” ишчи лойиҳасини амалга ошириш белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳукуматига Ислом тараққиёт банки билан мувофиқлаштирилган Ишчи лойиҳасини амалга ошириш бўйича йўл харитаси лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш учун киритиш мақсад қилинган.

“Ислом молиялаштириш тамойиллари асосида қимматли қоғозларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори лойиҳаси эълон қилинди.

Қарордан кўзланган мақсад Ўзбекистонда молиялаштиришнинг муқобил шакллари яратиш ҳамда аҳоли ва тадбиркорларнинг ошиб бораётган эҳтиёжларини қондириш, таклиф этилаётган молиявий хизматлар турини кенгайтириш, ислом молиялаштириш тамойиллари асосида ички ва ташқи капитал бозорларидан ресурсларни сафарбар этишдир.

Мазкур қарорда қуйидагилар белгиланиши кўзда тутилган:

– сукук қимматли қоғозлари – ислом молиялаштириш тамойилларига асосан чиқарилган, мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ва мулк ҳамда мулкӣ ҳуқуқдан фойдаланиш ва (ёки) улардан фойдаланишдан олинадиган даромадлар, ушбу қимматли қоғозлар молиялаштириши мақсадида чиқарилган маълум лойиҳалар хизматлари ёки мол-мулкга бўлган бўлинмас ҳуқуқни тасдиқловчи эмиссияли қимматли қоғозлар;

– сукук ижара қимматли қоғозлари (сукук ал-ижара) – муомала муддати аввалдан белгиланиб, махсус молия компанияси томонидан ислом молиялаштириш тамойилларига асосан чиқарилган қимматли қоғозлар бўлиб, уларнинг эгалари ижара шартномаси (молиявий лизинг) бўйича даромад олиш ҳуқуқига эга бўлишади;

– сукук иштирок этиш қимматли қоғозлари (сукук ал музораба/мушорака) – муомала муддати аввалдан белгиланиб, махсус молия компанияси томонидан ислом молиялаштириш тамойилларига асосан жалб этилган маблағлардан янги инвестициявий лойиҳани ташкил этиш учун фойдаланиш, оддий шерикчилик шартномаси ёхуд акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган шерикчилик ташкилий-ҳуқуқӣ шаклидаги юридик шахсни ташкил этган ҳолда мавжуд инвестициявий лойиҳани ривожлантириш ёки тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида чиқарилган қимматли қоғозлар;

– тўлови узайтирилган қайта сотиб олиш қимматли қоғозлари (сукук ал муробаха) – муомала муддати аввалдан белгиланиб, махсус молия компанияси томонидан ислом молиялаштириш тамойилларига асосан чиқарилган қимматли қоғозлар бўлиб, бунда оригинаторга тўлови узайтирилган мол-мулк берилади.



Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан ҳамкорликда сукук қимматли қоғозларини жорий этиш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтлари грантларини жалб этиш чоралари кўрилиши таъкидланган.

2021 йил март ойидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳам ислом молияси концепциясини ўз ичига олган “Нобанк кредит ташкилотлари тўғрисида” ги қонунни қабул қилишни режалаштирди ва бу борада ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Бундай таклифни мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев 29 декабрь куни бўлиб ўтган парламентга мурожаатида айтиб ўтди. Давлат раҳбари Марказий банкка молия бозорида рақобатни кучайтириш, шунингдек, ислом молияси механизмларини жорий этиш мақсадида ҳуқуқий асос яратиш учун 1 февралгача “Нобанк кредит ташкилотлари тўғрисида” ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишга топшириқ берган. Ушбу қонунга мувофиқ нобанк ташкилотларга кўпроқ молиявий хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи берилди.

Жорий йил 1-4 сентябрь кунлари Тошкентдаги Халқаро конгресс марказида Ислом тараққиёт банки (ИТБ) бошқарувчилар кенгашининг аъзо мамлакатлардан 4100 нафар иштирокчи ҳамда 27 та халқаро ва минтақавий ҳамкор ташкилотлар иштирокида 46-йиллик йиғилиши бўлиб ўтди. Саммитда, ИТБ гуруҳи ва ўнга аъзо мамлакат ўртасида умумий қиймати 1,2 миллиард АҚШ долларига тенг 30 та молиявий келишув имзоланди. Шундан 330 миллион долларига тенг маблағ Ўзбекистон манфаатларини кўзлаб сарфланиши кўзда тутилади.


Мазкур йиғилишда учта асосий мавзу кўриб чиқилди:

- 1) COVID-19 дан кейин тикланишни жадаллаштириш;
- 2) камбағаллик кучайиб кетишига қарши кураш ҳамда барқарорлик ва фаровонликни ошириш;
- 3) аъзо мамлакатларда “яшил иқтисодий ўсиш” га кўмаклашиш.

Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 90 фоизини мусулмонлар ташкил қилишини ҳисобга олинса, мамлакатимизда исломий молия ва банкчиликка талабнинг қанчалик катта эканлигини англаш мумкин. Маълумки, исломда судхўрлик, яъни пулни фоизга бериш орқали фойда олиш таъқиқланган. Диний эътиқодларга таянган, фоиз, кредит ва шу каби банк хизматларидан фойдаланишни истаманган аҳоли қатлами учун Исломий молиялаштириш тамойилларига асосланган банк хизматлари таклиф этилса, бу Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиши ва ички инвестиция ҳажмининг ортишига катта туртки бўлади. Бу янги тизимнинг жорий қилиниши Ўзбекистонда жамғарма ва фойдаланилмаётган пул маблағларини банк тизимига жалб этиш, хуфиёна иқтисодиёт салмоғини камайтириш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга асос сифатида хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан, ислом молия инструментларидан бири ислом сугуртаси турли шаклларда амалга оширилиши мумкин, жумладан такафул, вақф, ўзаро ёрдам жамғармалари ва ўзаро сугурта кўринишида. Мисол учун, “такафул” арабча сўз бўлиб “ўзаро кафолатлаш” маъносини билдиради ва Ўзбекистон қонунчилигида кўзда тутилган, фуқаро ва ташкилотлар томонидан муайян пул маблағларини бирлаштириш йўли билан, амалга оширилиши мумкин бўлган икки томонлама сугуртага мос келади. Ушбу сугурта тури айрим мамлакатларда вақф кўринишида ҳам қўлланиб келинмоқда. Бундан, молиявий маҳсулот ёки тизимнинг нафақат номига, балки унинг шакли ва тамойилларига ҳам эътибор қаратиш муҳимлигини англаш мумкин.

Шундай молиявий инструментлардан бири – Такафул тўғри амалга оширилиши учун махсус сугурта жамғармаси тузилади. Жамғарма аъзолари олдиндан эълон қилинган тартиб-қоидага кўра сугурта учун бадалларни эҳсон сифатида жамғармага киритишади, жамғарма эса ўз мулкига айланган ушбу маблағлар ҳисобидан аъзоларининг келишилган зарарларини қоплаб туради. Йил якунида сугуртадан ортган маблағларнинг бир қисми жамият низомидаги тартиб-қоидалар асосида кейинги йиллар захирасига олиб қўйилиши ёки аъзолар ўртасида тақсимланиши, вақф шаклида тузилган жамғарманинг қолдигидан эса муҳтожларга моддий ёрдам ҳам кўрсатилиши мумкин.



1-расм. Такафул ширкатининг ишлаш принципи

Жамғарма бошқаруви одатда тижорат ташкилотига топширилади. Бунда бошқарувчи ташкилот жамғармага эгалик қилмайди, балки жамғарма фаолиятини вакил сифатида бошқаради ва ўз хизматлари эвазига жамғармадан ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда бошқарувчи ташкилот ва жамғарма аъзолари ўртасида манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келмайди, чунки

жамгарма ҳисобидан зарарларни тўламасликдан бошқарувчи ташкилот ҳеч қанақасига манфаатдор бўлмайди. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш лозим: жамгарманинг товон тўлоvidан ортган қисми жамгарма ва унинг аъзолари ихтиёрида қолдирилади, яъни бошқарувчи ташкилот тасарруфига ўтказилмайди.

Баъзида кўрилган зарар тахмин қилинган кўрсаткичлардан юқори бўлиб қолиши ва шу сабабли жамгарилган бадаллар зарарларни қоплашга етмай қолиши мумкин. Шундай пайтларда товон тўлови учун керак бўлган маблаг жамгарманинг бошқарувчи ташкилотидан қарз ёки бошқа ўзаро суғурта жамиятларидан (аввалроқ тузилган келишув асосида) ёрдам сифатида олинади.

Олинган қарзлар кейинги йиллардаги суғурта тўловларидан ортган захира ҳисобидан қайтариледи. Агар бошқа жамгармалардан, уларга олдиндан бадал ўтказиб туриш ҳисобига, ёрдам пули олинган бўлса, бу ёрдам пули қайтарилмайди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жонзки, ислом банкчилиги ҳамда ислом молия ташкилотлари фаолиятини Ўзбекистонда жорий қилинишининг асосий мезонларидан бири бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, банклар ва банклар фаолияти тўғрисидаги қонунларга, солиқ ва фуқаролик кодекслари ва бошқа қонун ости ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки алоҳида қонун қабул қилишдир. Аммо мазкур соҳада кадрлар етишмаслиги муаммоси ҳамон долзарб масала бўлиб келмоқда, айниқса Шариат кенгашларига муносиб номзодлар жуда камчиликни ташкил этади.

Шунингдек, бу борада аҳолининг шаръий молиявий саводхонлигини ошириш ҳам муҳим саналади, чунки исломий молиялаштириш бўйича етарли билимга эга бўлмаган аҳоли, уни анъанавий молиялаштиришдан фарқини тушуниб етмаслиги ёки ногўғри талқин қилинишига олиб келиши мумкин.

Шу каби муаммоларни хал этиш мақсадида Ислом тараққиёт банки томонидан Ўзбекистонда Ислом банки ва молия соҳасининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишни қўллаб-қувватлаш учун техник ёрдам гранти ажратиладиган бўлди.

Фойдаланиган адабиётлар рўйхати

1. *Ислом суғурта тизими ҳақида*. <https://islommoliyasi.uz/uz/islom-sugurta-tizimi>.
2. *Dilmurod Yusupaliyevich Khujamkulov, Ruhiddin Khusniddin Ogli Zayniddinov, Dilmurod Rakhmatullayevich Ergashev, Mamajon Akhmatjonovich Mamatov, Khusniddin Fakhriddinovich Uktamov. Improving the Use of Islamic Banking Services in Financing Investment Projects in Uzbekistan. REVISTA GEINTEC-GESTAO INOVACAO E TECNOLOGIAS. 2021*
3. *Umidjon Abdusamat Ugli Dadabaev, Abduvali Abdurakhimovich Isadjanov, Zokir Rustamovich Sodikov, Shuhrat Ziyavitdinovich Mukhitdinov, Nilufar Sherkulovna Batirova. "Ways to increase the export potential of agricultural products of Uzbekistan in a pandemic". International Journal of Modern Agriculture ISSN: 2305-7246*

ЖАҲОН ПАХТА БОЗОРИДАГИ КОНЪЮНКТУРАВИЙ ЎЗГАРИШЛАР ТАҲЛИЛИ

**Р.В. Абдуллаев,
и.ф.д., профессор**

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Аннотация. Мазкур мақолада ўзбек пахтачилик саноатининг бугунги ҳолати ҳамда дунё пахта бозорида ҳозирда юзага келаётган тенденциялар ҳақида сўз юритилади.

Таянч иборалар. Жаҳон пахта бозори, пахтачилик, конъюктура, пахта хом ашёси, тайёр маҳсулот

Кирриш. Пахтачилик жаҳон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири саналади. Зероки, ушбу тармоқ маҳсулоти нафақат тўқимачилик саноати, балки иқтисодиётнинг кўплаб бошқа соҳалари учун ҳам хомашё манбаи сифатида хизмат қилади. Пахта хомашёсини истеъмол қилувчи барча соҳалар жаҳон пахта хўжалигининг маълум ҳолатига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Пахтачилик соҳасининг ривожланишини рағбатлантирувчи асосий куч – инсонлар ва иқтисодиётнинг пахта маҳсулотларига талабидан иборатдир. Жаҳон пахта бозори конъюктураси эса пахтага талаб ва таклиф мувозанатини ўзида акс эттиради. Ўзбекистон учун жаҳон пахта бозорида муносиб мавқега эга бўлиш алоҳида аҳамият касб этади.

Асосий қисм. Барча бозорлар сингари жаҳон пахта бозоридаги вазият ҳам асосан икки омига, жумладан, пахта толасига талаб ва таклиф, яъни жаҳон миқёсида пахта истеъмоли ва уни ишлаб чиқариш миқдорига боғлиқ. Пахта ишлаб чиқарувчи ҳамда уни истеъмол қилувчи давлатлар жаҳон пахта бозоридаги ҳар бир ўзгаришни диққат билан кузатиб борадилар. Бозордаги ҳолатни бошқарадиган унсурлар, яъни нарх-наво ва бозор конъюктураси турли омиларни ўзида мужассам этган талаб ва таклифнинг ўзаро муносабати ҳосиласидир⁵⁷.

Ҳозирги кунда жаҳоннинг 68 мамлакатада пахта етиштирилиб, юздан ортиқ мамлакат тўқимачилик фабрикаларида пахта толасига ишлов берилади. Пахта бўйича Халқаро Маслаҳат Қўмитаси (ПХМҚ, ICAS)нинг статистик маълумотларига кўра, 2019/2020 йил мавсумида пахта етиштирувчи давлатлар сони 70 тани, пахта толасини импорт қилувчи давлатлар эса 73 тани ташкил этган. Улар ичида энг йирик пахта етиштирувчи мамлакатлар сирасига Хитой – 21,6 % (5,8 млн.т.), Ҳиндистон – 21,4 % (5,75 млн.т.), АҚШ – 17,8 % (4,8 млн.т.),

⁵⁷ Абдуллаев Р.В. Жаҳон пахта бозоридаги конъюктуравий ўзгаришлар таҳлили. «Complex Print», Тошкент-2000. -5 б.

Бразилия – 10 % (2,7 млн.т.), Покистон – 6 % (1,6 млн.т.) ва Ўзбекистон – 2 % (0,6 млн.т.) давлатлари киради.⁵⁸

Сўнги йилларда йирик пахта ишлаб чиқарувчи мамлакатлар орасида пешқадам ҳисобланган Хитойда етиштирилаётган пахта ҳажмининг бирмунча камайиши кузатиламоқда. Хусусан, мамлакатда пахта етиштирувчиларга давлат томонидан бериладиган субсидияларнинг бекор қилиниши ҳамда Синьцзянь провинциясидаги ноқулай об-ҳаво шароити туфайли пахта ишлаб чиқариш 27,3 млн. тойгача⁵⁹ қисқарди. Ҳозирда бутун Хитойда пахта майдонлари 3,45 млн. гектарни ташкил этмоқда. Бунинг акси ўлароқ, Ҳиндистонда пахта ҳосили 2019/2020 йил мавсумида 14 %га ошиб, 29,5 млн. тойни ташкил этди. Бу ердаги ўсиш, асосан, пахта майдонларининг кенгайиши ва ҳосилдорликнинг ошиши эвазига юз берди⁶⁰.

Жаҳон пахта бозори конъюнктурасига бевосита таъсир қилувчи омил пахта толаси истеъмолдир. Аслида пахта ишлаб чиқариш унинг истеъмолига мутаносиб равишда ўзгариб боради. Аммо, коронавирус пандемияси пахта истеъмолига ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Аввало, бутун жаҳонда ялпи талабнинг сусайиши оқибатида, барча соҳалар қатори тўқимачилик тармоғида ҳам пасайиш жараёни кузатилди. Пахта истеъмолининг камайиши оқибатида ўртача йиллик пахта захиралари ҳажми ҳам ортиб борди. Жаҳонда пахта захиралари сўнги ўн йил ичидан, деярли, икки барабар ўсди ва 2019 йилда 18,3 млн. тоннани ташкил этди. Масалан, пахта толасининг асосий истеъмолчиси ҳисобланган Хитойда мазкур кўрсаткич 2019/2020 йил мавсумида 8,5 млн.т. (истеъмолга нисбатан 50 %)ни ташкил этган.

Халқаро пахта савдоси ҳақида фикр юритилганда, унинг икки жиҳатини инобатга олиш лозим. Биринчидан, пахта қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сифатида табиий-иқлим шароитларига боғлиқ бўлади, иккинчидан, у биржа товари ҳисобланиб, жаҳондаги конъюнктуравий ўзгаришлар унга бевосита таъсир кўрсатади. Жаҳон пахта бозоридаги нарх-наво эса пахта экспорти ва импорти ҳажмининг ўзгариши билан чамбарчас боғлиқ.

Пахта экспортчилари орасида Хитой энг илгор давлат ҳисобланади. Бутун дунё бўйича жами экспортнинг 26 фоизи (14,1 млрд.дол.) айнан, мана шу давлат ҳиссасига тўғри келади. Иккинчи ўринда АҚШ – 1,4 % (7,9 млрд.дол.), учинчи ўринда Ҳиндистон – 11% (6 млрд.дол.), тўртинчи ўринда Покистон – 5,9 % (3,2 млрд.дол.), бешинчи ўринда Вьетнам – 5,6 % (3 млрд.дол.), олтинчи ўринда Бразилия – 5,1 % (2,8 млрд.дол.) туради⁶¹. Таҳлиллар кўрсатадики, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси қанчалик паст бўлса, ушбу

⁵⁸ Cotton Outlook, Cotlook Limited. Special Edition, ICAC, 2020.

⁵⁹ Пахта толаси тойи - 215-235 кг. http://paxtasanoatilm.uz/2016/04/O_zDSt841

⁶⁰ <https://review.uz/post/xlopkovaya-konyunktura>. О состоянии и перспективах развития мирового и отечественного рынка хлопка.

⁶¹ https://trendeconomy.ru/data/commodity_h2/52

мамлакат пахта маҳсулотлари экспортида хомашё нинг улуши шунчалик юқори бўлади. Аммо пахта толаси экспортидан тушган даромадни миллий иқтисодийёт таркибини қайта қуришга ҳамда соҳани модернизация қилишга йўналтира олган давлатларгина экспорт таркибида ижобий ўзгаришларга эриша олади.

Пахта импорти географияси жаҳон пахта экспортига нисбатан камроқ концентрациялашган, яъни у дунё харитасидан кенгроқ ўрин эгаллаган. Бу табиий ҳол, албатта. Пахтани етиштириш табиий-иқлим шароитларига боғлиқ, тўқимачилик саноати эса бундан мустасно ва уни хоҳлаган мамлакатда ташкил этиш мумкин.

Жаҳон пахта импортида Шарқий Осиё давлатлари ва Хитой давлати етакчи ўринни эгаллайди. Бунга кўп жиҳатдан бу минтақада тўқимачилик саноатига нисбатан юририлаётган иқтисодий сиёсат ижобий таъсир кўрсатмоқда⁶².

Хитой пахта импорчилари орасида ҳам етакчилик қилмоқда. 2019 йил маълумотларига кўра, жаҳон импортининг 23 фоизи Хитой давлати ҳиссасига тўғри келади. Кейинги ўринларда Бангладеш – 17,4 %, Вьетнам – 17,3 %, Индонезия – 8,3 %, Туркия – 6,7 % ва Ҳиндистон – 3,9 % туради. Халқаро ташкилотлар прогноз кўра, 2027 йилга қадар Бангладеш ва Вьетнам давлатлари пахта импорти бўйича пешқадамлик қилади ва ўз импортларини мос равишда, 41 % ва 69 % га кўтаради. Бу эса жаҳон импортининг 40 фоизидан зиёди демакдир.

Бугунги кунда пахта толасига бўлган нарх-наво барқарор ошиб бормоқда. Сўнги 5 йил ичида энг юқори нарх, яъни 2,01 долл./кг 2018 йилда кузатишган эди. 2019 йилга келиб эса у кескин пасайиб, 1,7 долл./кг даражасига тушиб қолган эди. Аммо ҳисоб-китоблар шундан далолат бермоқдаки, пахта толаси нархлари 2025 йилда 1,96 долл./кг ва 2030 йилда 2,2 долл./кг даражасига етади.

Ўзбекистонда пахта толаси экспорти сўнги ўн йил мобайнида шиддат билан камайиб борди. Таъкидлаш жоизки, бундай қисқариш, асосан, ички истеъмолнинг ошиши ҳамда пахта майдонларининг қисқариши билан боғлиқ бўлди. Мустақилликнинг илк йилларида ички истеъмол атиги 14 % бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, у 60 % га етди. Шунингдек, ўтган давр мобайнида пахта экспортининг жами экспортдаги улуши ҳам муттасил қисқариб, 2 %га тушди. Келажақда унинг янада тушиши кутилмоқда.

Хулоса. Таҳлиллар қуйидаги хулосаларни келтиришга асос бўлади:

- Жаҳонда пахта толаси ишлаб чиқариш ва унинг истеъмолида ковид пандемияси сабабли бирмунча пасайиш кузатилса-да, умумий ўсиш тенденцияси сақланиб қолади;
- Пахта толаси нархлари ҳам 2030 йилга қадар барқарор ошиб бориб, 2,2 долл./кг даражасига етади;

⁶² Абдуллаев Р.В. Жаҳон пахта бозоридagi конъюнктуравий ўзгаришлар таҳлили. «Complex Print», Тошкент-2000. -42 б.



• Ўзбекистонда пахта толаси экспортининг жами экспортдаги улуши яқин келажакда янада тушиши мумкин, бироқ, унинг ўрнини тобора яримтайёр ва тайёр пахта маҳсулотлари эгаллаб боради.

Пахта толасини чуқур қайта ишлаб, тайёр маҳсулот экспорт қилиш эса мамлакат учун барқарор валюта тушумларини таъминлаб беради.

Фойдаланиган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев Р.В. *Жаҳон пахта бозоридаги конъюнктуравий ўзгаришлар таҳлими.* «Complex Print», Тошкент-2000.
2. Ахмедов Д.К. *Ситуация на мировом рынке хлопка – есть над чем задуматься!* “Жизнь и экономика”, 1992, №12.
3. Угай Д. *Институт бюджетно-налоговых исследований при Минфине РУз.* Экономическое обозрение №4 (244)2020.
4. *Cotton Outlook, Cotlook Limited. Special Edition, ICAC, 2020.*
5. http://paxtasanoatilm.uz/2016/04/O_zDSt841
6. <https://review.uz/post/xlopkovaya-konyunktura>. *О состоянии и перспективах развития мирового и отечественного рынка хлопка.*
7. https://trendeconomy.ru/data/commodity_h2/52.

ОРГАНИЗАЦИЯ И РЕГУЛИРОВАНИЕ МИРОВЫХ ЭНЕРГЕТИЧЕСКИХ РЫНКОВ

**Х.Ш. Шукуров,
докторант, ТГЭУ**

Аннотация. В данной статье обсуждается Системный и коммерческий операторы. И также, процесс организации новых форм торговли.

Ключевые слова. стран-экспортеров нефти, атомная энергия, возобновляемая энергия

Возникновение мировых энергетических рынков в течение последних десяти лет способствовало развитию экономической теории до уровня эксперимента. Как результат, после попыток разрешения важных практических проблем были определены более приемлемые модели и формы рыночной организации и способы их надзора. Под влиянием кризисов некоторые из моделей уже прошли модификационную стадию.

Структурой рынка обязательно предусматривается взаимодействие между такими операторами, как технологическим или системным, коммерческим и системными операторами, которые оказывают управляющее влияние на сетевые переключения. Таким образом, существует три формы организации рыночного оператора:

Системный оператор, который в одно время выполняет функции коммерческого оператора или биржи при торговле «за сутки вперед».

Данный интегрированный с сетью, образующей систему, оператор осуществляет три вида функций: управление рынком «за сутки вперед», диспетчеризацию, а также эксплуатацию сети. Системный и коммерческий операторы отличны по функциям и ответственны за различные торговые секторы.

Максимально точный прогноз графика нагрузки на базе договоров, которые уже были заключены, а также конкурентный выбор поставщиков предшествующие моменту текущего времени периоды – основная цель разделения рынка по времени. Важно, чтобы рынок был разделен на секторы по времени и данных секторов должно быть не менее двух. Один из данных секторов будет способствовать фиксации долгосрочных позиций участников, второй из них

– позволит рыночному оператору корректировать график нагрузки и финансовых позиций максимально близко к текущему моменту времени.

Как правило, процесс управления рынком энергетики происходит в следующем порядке⁶³:

⁶³ Иванов А.С., Матвеев И.Е. Мировой рынок энергоресурсов: сегодня и вчера //Российский внешнеэкономический вестник. – 2015, №4. С. 3-23.

- определение долгосрочных позиций происходит на базе двусторонних договоров;
- процесс заключения договоров «за сутки вперед» происходит параллельно процессу формирования графика нагрузки;
- режим спотовой торговли организуется наряду с корректировкой диспетчерского графика незадолго до момента «реального времени»;
- процесс в реальном времени может быть основан на свободно подаваемых заявках.

Для некоторых рынков характерно наличие всех стадий, для остальных лишь части.

Контракты двустороннего типа используются в настоящее время почти на всех существующих рынках, процесс торговли осуществляется посредством специальных внебиржевых площадок. К примеру, в Норвегии двусторонняя торговля завершается за два часа до реального времени, а в Финляндии за полтора часа. В Швеции подобная торговля проводится до начала торгового периода. Рынок Англии и Уэльса еще относительно недавно был специфической торговой зоной. На данных рынках на двусторонние контракты приходилась относительно небольшая доля. Но уже в 2001 году при переходе к новым торговым отношениям – НИГА – на долю двусторонних контрактов приходилось уже 90 %.

Процесс организации новых форм торговли сопровождается потрясениями. Было выяснено, что одной из основных причин кризиса в Калифорнии 2000-2001 годов стало злоупотребление среди продавцов электроэнергии. Значительные проблемы энергоснабжения происходили на только организованном рынке Пи-Джей-Эм летом 1998 года. Манипуляции с рыночной силой в Уэльсе и Англии стали причиной коренных преобразований 2000-2001 годов. По причине неправильных экономических решений наблюдались серьезные технические проблемы в зонах функционирования системных операторов в штатах Нью-Йорк и Новой Англии.

По данной причине важны мероприятия по надзору за рынком. Недопущение злоупотреблений участников рынка возможно при помощи следующих мер:

- посредством деятельности Наблюдательного совета;
- принятие и усовершенствование рыночных правил;
- посредством тарифного регулирования передачи и платы подключений к сети;
- при помощи сокращения количества поставщиков на рынке;
- посредством выдачи разрешений на слияние и приобретение предприятий.

Создание Наблюдательного совета возможно путем двух альтернативных вариантов: сформировать совет из участников данного рынка либо из независимых лиц.

Соблюдение правил конкуренции на рынке может быть обеспечено антимонопольными и иными уполномоченными организациями. Как правило, данные организации накладывают определенные ограничения на объемы рынка, которые контролируются отдельными предприятиями. К примеру, при формировании рынка Пи-Джей-Эм властями не требовалось разделение предприятий, но некоторая их часть выделялась в отдельные дочерние компании. Хотя данный вариант реструктуризации является довольно мягким, уровень концентрации предприятий сократился по причине получения внешними акционерами некоторых предприятий значительной доли акций.

В Аргентине одним из правил рынка были следующие условия: ни один из «генераторов» не должен иметь больше 10% рыночной доли. В Техасе правило следующее: генерирующее предприятие может обладать генерирующими мощностями размером не более 20% в данном регионе. А например в Испании, в 2000 году антимонопольные органы власти не разрешили крупнейшему генерирующему предприятию Юнион Феноза поглотить одно из четырех вертикально-интегрированных предприятий. Сделано это было с целью предотвращения ослабления конкуренции на рынке.

Следует отметить, что международные отношения в энергетической области регулируются также некоторыми международными организациями. Рассмотрим данные организации.

Организация стран-экспортеров нефти – ОПЕК. Это международная межправительственная организация, которая создана нефтедобывающими государствами для стабилизации цен на нефть. В состав данной организации входят страны: Алжир, Ангола, Венесуэла, Габон, Иран, Ирак, Кувейт, Катар, Ливия, Объединенные Арабские Эмираты, Нигерия, Саудовская Аравия и

Эквадор. Штаб-квартира ОПЕК находится в Вене. Генеральным секретарем данной организации с 1 августа 2016 года является Мохаммед Баркиндо.

ОПЕК в качестве постоянно функционирующей организации была сформирована в Багдаде на конференции в 1960 году⁶⁴. Инициатором создания данной организации выступила Венесуэла, и на первых этапах в состав ОПЕК помимо данной страны входили также Иран, Ирак, Кувейт и Саудовская Аравия.

В настоящий момент в состав ОПЕК входят 13 стран. С 1 января прошлого года в состав входила Индонезия, но с 1 декабря того же года она покинула данную организацию уже во второй раз. Но с июля 2016 в состав ОПЕК вернулся Габон.

⁶⁴ Григорьев Л.М., Курдин А.А. ОПЕК: развитие и регулирующая роль на мировом нефтяном рынке //Мировая экономика в начале XXI века / Под ред. Л. М. Григорьева. – М.: Директ-Медиа, 2013. С. 810–835.



Основная цель организации стран-экспортеров нефти заключается в координации деятельности и выработке общих направлений политических действий в вопросах добычи нефти странами-участниками, а также стабилизация цен на нефть, обеспечение стабильных нефтяных поставок потребителям и получение отдачи от инвестиций нефтяной отрасли.

Дважды в год министрами энергетики и нефти стран-участниц ОПЕК проводятся встречи с целью оценки мирового нефтяного рынка и составления прогноза по его развитию в будущих периодах. В процессе проведения данных встреч министры принимают решения по поводу действий, которые необходимо предпринять в целях стабилизации нефтяного рынка. Решения по поводу изменений объемов нефтедобычи согласно с изменениями уровня спроса на рынке принимаются в ходе проведения конференций ОПЕК.

Под контролем стран-участниц ОПЕК находится около 2/3 части запасов нефти всего мира. На долю данных стран приходится 40% общемировой добычи нефти и 50% ее мирового экспорта.

Следующая организация – Международное энергетическое агентство (МЭА). Данное агентство является автономным международным органом в рамках Организации экономического сотрудничества и развития – ОЭСР. В состав МЭА, сформированного в 1974 году в Париже, входит 29 стран. Главной задачей, определенной при формировании данной организации, является содействие международному сотрудничеству в области улучшения мировой структуры спроса и предложения энергетических ресурсов и услуг. Помимо этого данная организация призвана отстаивать интересы стран, импортирующих энергетические ресурсы.

Международное энергетическое агентство ежегодно предоставляет общеэнергетические и отраслевые отчеты, обладающие широкой популярностью. Главным толчком к созданию МЭА стал нефтяной кризис, происходивший в 1973-1974 годах. Инициатором создания данной организации были США, стремившиеся к созданию новой международной организации в качестве противовеса ОПЕК. В состав Международного энергетического агентства входят такие страны, как Австралия, Австрия, Бельгия, Великобритания, Венгрия, Германия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Канада, Люксембург, Нидерланды, Новая Зеландия, Норвегия, Польша, Португалия, Республика Корея, Словакия, Соединенные Штаты Америки, Турция, Финляндия, Франция, Чехия, Швейцария, Швеция, Эстония и Япония.

При создании данного агентства также предполагалось, что одной из его целей будет формирование системы коллективной энергетической безопасности. Основной принцип данной системы – перераспределение в случае появления серьезных перебоев с поставками имеющихся запасов

нефти между странами-участницами МЭА. Между странами-членами МЭА существует договоренность о координации и иных аспектов политики в области энергетики.

В компетенции МЭА:

- улучшение структуры мирового спроса и предложения в сфере энергетики посредством содействия разработкам альтернативных источников энергии и увеличения эффективности их использования;
- укрепление и улучшение системы устранения перебоев в энергоснабжении;
- анализ имеющейся информации по поводу состояния мирового рынка нефти и энергоресурсов;
- поддержание соответствия между энергетической и экологической политикой;
- анализ энергетических проблем с точки зрения глобальных посредством сотрудничества со странами, которые не являются членами МЭА, а также с иными международными организациями.

Международное агентство по атомной энергии – МАГАТЭ. Это международная организация, созданная в целях развития сотрудничества в сфере мирного применения атомной энергии. МАГАТЭ, штаб-квартира которого находится в Вене, было создано в 1957 году.

Данное агентство было сформировано в качестве независимой межправительственной организации при ООН. Особое значение организация приобрела с появлением Договора о нераспространении ядерного оружия. Причина этого заключается в том, что с подписанием Договора каждая страна-участница была обязана заключить с МАГАТЭ соглашение по поводу гарантий.

Основной целью работы МАГАТЭ является констатация того факта, что все действия в области мирной атомной промышленности не предназначаются для военных целей. Подписание государством подобного соглашения является своего рода гарантией того, что данная страна не проводит исследования военного назначения. Именно поэтому данный документ является соглашением о гарантиях. Но при этом Международное агентство по атомной энергии является лишь сугубо техническим органом.

МАГАТЭ не вправе проводить политическую оценку деятельности той или иной страны. Данное агентство производит свою работу, основываясь лишь на имеющихся фактах, и формирует выводы только на конкретных результатах проведенных им инспекций. Гарантийная система МАГАТЭ не способна к воспрепятствованию переключению мирных исследований атомной энергии на военные цели, а только способствует обнаружению перехода на военные цели материала, который находится под контролем, либо его использование не по тому назначению, которое было определено



подписанным соглашением о гарантиях. В последнем случае МАГАТЭ может выступать в качестве инициатора рассмотрения данного факта в ООН. К функциям Международного агентства по атомной энергии относятся:

- стимулирование исследований и разработок мирного применения атомной энергии;
- стимулирование обмена научными открытиями и достижениями;
- создание и использование системы гарантий того, что в военных целях не будут применены гражданские ядерные разработки и программы;
- формирование, установление и адаптация норм в сфере безопасности и здравоохранения.

Таким образом, мировые энергетические рынки являются довольно сложно системой, которая регулируется как самостоятельно, так и при помощи некоторых рассмотренных выше международных организаций.

Список используемой литературы:

1. Дадабаев У., Файзуллаев Х., “Ўзбекистоннинг пандемия шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини ошириши” In science журнали, Жамият ва инновациялар, Special Issue – 2 (2021) / ISSN 2181-1415, <https://inscience.uz/index.php/socinov/index>

2. Umidjon Abdusamat Ugli Dadabaev, Abduvali Abdurakhimovich Isadjanov, Zokir Rustamovich Sodikov, Shuhrat Ziyavitdinovich Mukhitdinov, Nilufar Sherkulovna Batirova. “Ways to increase the export potential of agricultural products of Uzbekistan in a pandemic”. International Journal of Modern Agriculture. ISSN: 2305-7246, <http://www.modern-journals.com/index.php/ijma/article/view/1048/888>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисига мурожатномаси:

4. Hurriyat gazetasi -, 2020 й 30 декабр, № 51-52 (12116).

5. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.Мирзиёевнинг 2019й, 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли, “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси”

ЎЗБЕКИСТОННИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ИМТИЁЗ ВА ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАР БЕРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Т.А. Ҳасанов,
*“Жаҳон иқтисодиёти”
кафедраси доценти, ТДИУ*

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистонда сўнги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида баён қилинади. Жумладан ижтимоий-иқтисодий соҳадаги эришилган ютуқлар таҳлил қилинади.

Таянч иборалар. преференциялар, тўғридан-тўғри инвестициялар, хўжалик юритувчи субъектлар

Маълумки, ҳар бир мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун, аввало, иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш, маҳсулот ва хизматлардан эркин фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг барча тоифалари учун тенг рақобат шароитига эга ягона иқтисодий маконни шакллантириш зарур. Бу, ўз навбатида, ушбу соҳаларни ривожлантиришга қўмаклашиш мақсадида давлат томонидан турли имтиёз ва преференциялар беришни тақозо этади. Шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, мазкур имтиёз ва преференциялардан нотўғри ёки мақсадсиз фойдаланиш мамлакат иқтисодиётни ривожлантириш ўрнига аксинча таъсир кўрсатади, яъни айрим соҳаларда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Айнан, шу ўринда, бугунги кунда мамлакатимиздаги айрим хўжалик юритувчи субъектларга имтиёзлар, преференциялар ва эксклюзив ҳуқуқлар бериш юзасидан шакланган амалиёт қуйидагилар каби қатор жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда:

биринчидан, муайян тармоқ ёки ҳудуддаги алоҳида ташкилотларга имтиёзлар, преференциялар ва эксклюзив ҳуқуқлар аниқ мезонларсиз ҳамда уларни асословчи шаффоф механизмларсиз танлаб берилиши оқибатида мазкур ташкилотлар учун асоссиз устувор шарт-шароитлар яратилмоқда;

иккинчидан, кўлаб хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат бошқаруви функциялари қўшиб амалга оширилмоқда, бу эса бозорда имтиёзли мақомга эга бўлиш учун маъмурий ресурслардан фойдаланиш ва инсофли рақобат принциплари бузилишига олиб келмоқда;

учинчидан, индивидуал имтиёз ва преференциялардан фойдаланувчи хўжалик юритувчи субъектларда боқимандалик кайфияти шакланмоқда, бундай субъектларнинг ташаббускорлиги йўқ ва ишчанлик фаоллиги паст, шунингдек, улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар рақобатбардош эмас;

тўртинчидан, берилётган имтиёз ва преференциялар самарадорлигини, жумладан уларнинг муайян тармоқлар, ҳудудлар ва умуман мамлакат иқтисодиёти ривожланишига амалий таъсирини баҳолашда тизимлилик мавжуд эмас.

Ушбу муаммоларни тизимли ўрганиш ва юзага келган камчиликларни бартараф этиш мақсадида 2018 йил 31 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3756-сонли қарори қабул қилинди. Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва бизнес юритиш учун тенг шарт-шароитлар яратиш, фаол тадбиркорлик ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инсофли рақобат принциплари амалга оширилишини таъминлаш мақсадида, шу билан бирга, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг вазифаларига мувофиқ бир қатор йўналишларда амалга оширилиши кўзда тутилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Жумладан, мамлакатимиз солиқ тизимини ислоҳ қилиш доирасида:

соғлом рақобат муҳитини таъминлаш учун индивидуал солиқ ва божхона имтиёзлари бериш амалиётини максимал даражада чеклаш, имтиёз ва преференциялар бериш, уларнинг иқтисодий жиҳатдан асослилиги ҳамда самарадорлигини баҳолаш тизимини, шунингдек, улардан фойдаланишни мониторинг қилиш механизмларини такомиллаштириш;

солиқ ва божхона имтиёзларини фақат аниқ мақсадда бериш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш, уларни қўллаш самарадорлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини жорий этиш, самарасиз фойдаланилган имтиёз суммаларини бюджетга мажбурий қайтариш механизмларини мустақкамлаш назарда тутилмоқда.

Мазкур тадбирларнинг ижросини таъминлаш мақсадида эса қуйидаги тартиблар белгиланди:

солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан умуман тармоқлар, фаолият соҳалари, ҳудудлар учун берилади, шунингдек, аниқ мақсадга эга бўлиши ҳамда аниқ ижтимоий, иқтисодий ва молиявий натижаларга эришишни таъминлаши зарур;

вақтинчалик имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

индивидуал имтиёзлар, алоҳида ҳолларда, хусусий сектор инвестиция киритишдан манфаатдор бўлмаган тармоқларда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун, аниқ ижтимоий ёки иқтисодий асослар мавжуд бўлганда ёхуд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномала-

рига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан берилади;

имтиёзлар беришга, божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўлаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган (импорт қилинадиган) товарлар рўйхатларини тасдиқлашга доир ҳукумат ва идоравий қарорларни қабул қилиш таъқиқланади;

божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўлаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган (импорт қилинадиган) товарлар рўйхатлари ва уларга тузатишлар, имтиёзлар бериш тўғрисида қонун ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжати мавжуд бўлган тақдирдагина, имтиёз берилган ташкилот томонидан шакллантирилади;

Шу билан бир қаторда, экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига сўралаётган имтиёзлар бўйича асослантириш ва тегишли ҳисоб-китоблар мажбурий тартибда илова қилинади, уларда лойиҳанинг мақсади, амалга ошириш муддати, киритилаётган инвестиция ва экспорт ҳажми, янгидан ташкил этиладиган иш ўринлари сони, яратилаётган ёки жорий этилаётган инновацион маҳсулот, технологик янгиликлар, прогрессив илмий изланишларнинг аниқ натижалари, ишлаб чиқариш, ишлар ҳажми ошишини кўрсатиш ҳам белгиланган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан истиқболли ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, имтиёз ва преференцияларнинг алоҳида тармоқлар, фаолият соҳалари ва ҳудудларга таъсирини, берилаётган имтиёзлар ва преференцияларнинг бюджет ва жамият учун самарадорлигини, уларнинг рақобат муҳити ва тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожатномаси: *Hurriyat gazetasi*, 2020 йил 30 декабрь, № 51-52 (12116).
2. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли, "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси".
3. Дадабаев У., Файзуллаев Х. "Ўзбекистоннинг пандемия шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини ошириш" *In science* журнали, *Жамият ва инновациялар, Special Issue – 2* (2021) / ISSN 2181-1415, <https://inscience.uz/index.php/socinov/index>
4. *Umidjon Abdusamat Ugli Dadabaev, Abduvali Abdurakhimovich Isadjanov, Zokir Rustamovich Sodikov, Shuhrat Ziyavitdinovich Mukhitdinov, Nilufar Sherkulovna Batirova. "Ways to increase the export potential of agricultural products of Uzbekistan in a pandemic". International Journal of Modern Agriculture* ISSN: 2305-7246

БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ: ИҚТИСОДИЁТНИНГ АГРОСАНОАТ ТАРМОҒИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШДА ТАДБИРКОРИК СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Н.Х. Файзуллаев,
“Жаҳон иқтисодиёти”
кафедраси катта ўқитувчиси, ТДИУ
Н.Р. Шавкатова,
магистр, ТДИУ

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг агросаноат соҳасини ривожлантириши борасида сўнги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар ва мазкур соҳада фаолият олиб бораётган тадбиркорлар учун тақдим этилаётган имтиёзлар ҳақида сўз юритилади.

Таянч иборалар: ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, интеграция, меҳнат унумдорлиги, ресурс тежамкор технологиялар

Қишлоқ хўжалиги ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, унинг халқаро иқтисодий муносабатлардаги иштирокини, жаҳон хўжалигига интеграциялашувини жадаллаштиришда муҳим роль ўйнайди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нафақат мамлакат аҳолисини, озиқ-овқат маҳсулотлари саноатини хомашё билан таъминлайди, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари ошиши, мамлакатнинг валюта захираларини ошириш, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этишини таъминлайди. Шу боис уни замон талаблари, стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “...Иқтисодиётимиз ривожини, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири бўлган қишлоқ хўжалигини стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш лозим. Тармоқдаги ҳозирги ўсиш суръатлари мутлақо қониқтирмайди. Бу борада бозор механизмларини кенг жорий этиб, фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини оширмас эканмиз, биз кутган сезиларли ўзгариш бўлмайди”. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 20 миллион гектардан ортиқ, шу жумладан, 3,2 миллион гектар сугориладиган экин ер майдонлари бўлиб, уларда 80 мингга яқин фермер хўжаликлари ва 53 минг деҳқон хўжаликлари мева-сабзавотчиликда 152 та, ғаллачиликда 93 та, пахтачиликда 93 та кластерлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширмоқда [1].

Таъкидлаб ўтиш лозимки, мамлакатимиз аграр тармоғининг ҳозирги ҳолати муайян салбий кўрсаткичлар билан характерланади. Бу салбий кўрсаткичлар

тармоқдаги мавжуд ресурслардан самарали фойдаланмаётганлиги билан ифодаланади:

– меҳнат унумдорлиги пастлиги;

– мамлакат ишлаб-чиқаришдаги энергия харажатлари юқорилиги. Бу харажатлар ривожланган мамлакатлардагидан 4,6 баробар юқори (мисол учун, Ўзбекистонда бир гектар ҳайдаладиган ерга 250-280 кг гача шартли ёқилги ишлатилади. АҚШда бу кўрсаткич 140 кг га тенг; Германияда энергия харажатларининг маҳсулот қийматидаги улуши 7 %га яқинни ташкил этади, Ўзбекистонда эса 20 %дан ортиқ);

– табиий энергия ресурслари истеъмоли улушининг юқорилиги: истеъмоли таркибида энг юқори улуши дизель ёқилгисига тўғри келади – 30 %, бензинга – 11-16 фоиз, табиий газга – 20 фоиз электр энергияси ва кўмирга – 10-11 фоиз [2].

Аграр тармоқ ишлаб чиқариш корхоналаридаги ресурс тежамкорлиги технологик жараёнларни модернизациялаш ва инновацияларни қўллаш асосида ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган ташкилий-техник ва технологик тадбирлар тизимидир.

Тайёр маҳсулотни олишда бевосита харажатларни камайтириш аграр тармоқда ишлаб чиқарилаган маҳсулотнинг рентабеллик даражасини ошириш имкониятини белгилайди. Шундай қилиб, ресурс тежамкор технологияларнинг аҳамияти хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш, харажатларни камайтириш ва юқори кўрсаткичларга эришишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этиб ўтилганидек: “...Сўнгги 4 йилда иқтисодий тиричиликнинг барча жабҳаларига бозор механизмларини жорий этиш борасида жиддий қадамлар ташланди. Эндиги вазифа – чуқур таркибий ислохотлар орқали узок муддатли барқарор ўсишнинг пойдеворини яратишдан иборат”. Шунинг учун:

– жорий йилда тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича янада қулайликлар яратиш мақсадида 105 та лицензия ва рухсатнома турлари бекор қилинади, 115 таси бўйича эса тартиб-қоидалар соддалаштирилади [3];

– тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг сони қисқартирилади ҳамда Тадбиркорлик кодекси ишлаб чиқилади;

– аграр соҳадаги аҳоли даромадларини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳар бир гектар экин майдонидан олинадиган даромад миқдорини 2 минг доллардан 5 минг долларга етказиш кўзда тутилмоқда. Бунинг учун ер майдонларига ишлов бериш, экин экишдан тортиб то ҳосилни йиғиб олишгача бўлган жараёнларда илм-фан ютуқларига асосланган инновациялардан кенг фойдаланиш лозим.

Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бугунги кунда республикамызда инновацион ва илмий-техник ривожланиш бўйича давлат сиёсатини амалга оширувчи орган ташкил этилди, унинг ҳузурида Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси шакллантирилди. Аграр тармоқда инновацион тизимни шакллантириш ва ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясидаги белгиланган тадбирларни амалга ошириш муҳим роль ўйнайди [4].

Шулардан келиб чиққан ҳолда фикримизча:

– кулай агробизнес муҳити ва қўшилган қиймат занжирини яратиш. Қўшилган қиймат занжирининг ривожланиши қишлоқ хўжалиги рақобатдошагини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Маҳсулотларни даладан якуний истеъмолгача етказиб бериш жараёнларида логистика концепцияларидан фойдаланиш;

– инновацион ривожланиш тизимининг инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш. Бунда ҳудудларда инновацион ривожланиш марказларини ташкил этиш, инновацион тараққиёт механизмларининг институционал таъминотини мустаҳкамлаш лозим.

Фойдаланиган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Тошкент оқишони. 2020 йил 25 январь, 13-сон (14/064).

2. Арифжанов Г. Сельскохозяйственный ресурсосбережение. // Экономические обозрение. № 4 (244-2020 г), стр. 64-67.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Hurriyat. 2020 йил 30 декабрь, № 51-52 (12116).

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси”.

5. Дадабаев У., Файзуллаев Х. Ўзбекистоннинг пандемия шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини ошириш. // “In science” журнали, Жамият ва инновациялар, Special Issue – 2 (2021) / ISSN 2181-1415, <https://inscience.uz/index.php/socinov/index>.

6. Umidjon Abdusamat Ugli Dadabaev, Abduvali Abdurakhimovich Isadjanov, Zokir Rustamovich Sodikov, Shuhrat Ziyaviddinovich Mukhitdinov, Nilufar Sherkulovna Batirova. “Ways to increase the export potential of agricultural products of Uzbekistan in a pandemic”. *International Journal of Modern Agriculture* ISSN: 2305-7246

7. Dilmurod Yusupaliyevich Khujamkulov, Ruhiddin Khusniddin Oglu Zayniddinov, Dilmurod Rakhmatullayevich Ergashev, Mamajon Akhmatjonovich Mamatov, Khusniddin Fakhriddinovich Uktamov. *Improving the Use of Islamic Banking Services in Financing Investment Projects in Uzbekistan*. REVISTA GEINTEC-GESTAO INOVACAO E TECNOLOGIAS. 2021.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ВА КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Н.С. Исмаилова,
“Жаҳон иқтисодиёти”
кафедраси мудири, ТДИУ

Аннотация. Мазкур мақолада мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар ташкил этилиши ҳамда уларнинг самарали фаолият олиб бориши борасида фикр мулоҳазалар келтирилган. Шунингдек, кичик саноат зоналарининг фаолияти ҳам таҳлил қилиниб муҳим таклифлар берилган.

Таянч иборалар. Кичик саноат зонаси, эркин иқтисодий ҳудуд, енгил саноат, ҳудудий кластер, логистика маркази

Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиёти тараққий этишига асос бўлган усуллардан бири – мамлакатда маълум бир ҳудуд ёки бутун бир кичик мамлакатлар ўз иқтисодиётини эркин иқтисодий зонага айлантирган ҳолда ривожланиш сари қадам қўйганлар. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишдан асосий мақсад қисқа муддатларда иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишни тезлаштириш ҳамда мамлакатни ривожланган жаҳон ҳамжамияти аъзолари қаторига қўшишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида эркин иқтисодий маконларни ташкил этиш ва ривожлантиришга оид меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ва иқтисодиётга жорий этиш хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётимизга кириб келишига инвестициялар ҳажмининг йилдан-йилга ошиб боришига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга хорижий, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир кўплаб вазибалар белгиланган.

Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишлар бунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикасида ушбу соҳани тартибга солувчи 2 та қонун, 8 та Президент фармон ва қарори ҳамда 10 та Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил

26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4853-сонли фармони ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ЎРҚ-604-сонли қонунига мувофиқ ушбу зоналар учун янада қулай шарт-шароитлар яратилди.

Ўз навбатида, мазкур фармон мамлакатимизда юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудларни рақобатдош ва экспортга йўналтирилган замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга янада фаол жалб этиш, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилма ва логистика хизматларини жадал ривожлантиришни таъминлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш борасида янада қулай шарт-шароитлар яратишга асос сифатида хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси (ЮНКТАД) расмий маълумотларига кўра, 2019 йилда дунёда жами 5383 та эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) мавжуд. Жумладан, Хитойда 2543 та, Филиппинда 528 та, Ҳиндистонда 373 та, АҚШда 262 та, Россияда 130 та ва Туркияда 102 тани ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам эркин иқтисодий зоналар фаолиятини изчил ривожлантириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг 12 та ҳудудида жами 21 та эркин иқтисодий зона ташкил этилган бўлиб, уларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги 670 та лойиҳа мавжуд бўлиб, 191 та лойиҳа амалга оширилган ва бунинг натижасида 14 минг 539 та янги иш ўрни ташкил этилган.

Шунингдек, Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳри, Бўстонлиқ, Паркент, Қўйи Чирчиқ туманларида туризм, тиббиёт ва балиқчилик йўналишида эркин иқтисодий зоналар ташкил этилган. Жумладан, вилоятнинг шаҳар ва туманларида 19 та фаолият юритмаётган корхоналар ва ишлаб чиқариш майдонлари негизида 17 та кичик саноат зонаси фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, уларда 185 турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Лойиҳалар доирасида нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир бўлган енгил саноат, кимё, озиқ-овқат маҳсулотлари, электр техникаси буюмлари, замонавий қурилиш материаллари, мебель ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Корхоналар томонидан жами 194 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилишга эришилди.

Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида бизнес субъектларини жойлаштириш, уларга имтиёз ва преференциялар беришни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масалалари ҳам бугунги кунда уларнинг фаолияти янада ривожлантиришга қаратилган муҳим йўналишлардан биридир.

Уларга божхона тўловларидан 2017 йил 88,3 млрд., 2018 йил 884,4 млрд., 2019 йилда 979,9 млрд. сўм божхона тўловларидан имтиёзлар тақдим этилган.

Эркин иқтисодий зоналар ҳудудларида амалда қўлланилаётган солиқ ва божхона режимларига тўхталадиган бўлсак, иштирокчиларга алоҳида божхона имтиёзларини назарда тутувчи тизим жорий этилган. Жумладан, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва лойиҳаларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича четдан олиб келинадиган қурилиш материаллари учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилади.

Тақдим этилган имтиёзлар киритилган инвестиция ҳажмига боғлиқ равишда 3 йилдан 10 йил муддатгача берилади, шу жумладан, эквивалентда:

- 300 минг АҚШ долларидан 3 млн. АҚШ долларигача инвестиция киритилганда – 3 йил муддатга;
- 3 млн. АҚШ долларидан 5 млн. АҚШ долларигача инвестиция киритилганда – 5 йил муддатга;
- 5 млн. АҚШ долларидан 10 млн. АҚШ долларигача инвестиция киритилганда – 7 йил муддатга;
- 10 млн. АҚШ доллари ва ундан ортиқ инвестиция киритилганда – 10 йил муддатга, кейинги 5 йил мобайнида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари амалдаги ставкалардан 50 фоиз паст миқдорда қўлланилган ҳолда амалга оширилади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз ташаббуси билан эркин иқтисодий зоналарда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, хориждан юқори технологик ускуналар харид қилиш учун Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағи ҳисобидан 100 миллион доллар миқдоридан чет эл валютасидаги кредит линияси очилган. Кичик саноат зоналарида дирекциялар ташкил этилган. Кредит олиш ва банк хизматларидан фойдаланишда муаммо бўлмаслиги учун ҳар бир зонага муайян тижорат банки бириктирилган. Бозор талаблари ва импорт номенклатурасини ўрганиш асосида тадбиркорлар учун таклифлар, истиқболли лойиҳалар рўйхати шакллантирилган. Кичик саноат зонасида ишловчи субъектлар 2 йил муддатга барча солиқлардан озод этилган.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Парламентга Мурожаатномасида ҳудудлар саноат салоҳиятини янада ошириш борасида белгилаб берилган устувор йўналиш ва вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда пировард натижаларга эришишнинг самарали чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича жорий йилда 84 та туман ва шаҳарда саноат салоҳиятини янада ошириш учун 100 та технопарк, кичик саноат зоналари, ҳудудий кластер ва логистика марказлари

ташкил этилади. Янги ташкил этиладиган кичик саноат зоналарида қиймати 2,5 трлн. сўмдан зиёд 500 дан ортиқ янги инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш режалаштирилган бўлиб, уларнинг ишга туширилиши натижасида кичик саноат зоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмини республика жами саноат маҳсулоти ҳажми улушида 0,7 фоиздан 1,0 фоизга, экспорт ҳажмини 45,0 млн. АҚШ долларига етказишга эришилади.

Шунингдек, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини зарур инфратузилма билан таъминлашга 1,6 трлн. сўм йўналтирилиши, бундан ташқари худудларда 130 минг км узунликдаги паст кучланишли электр тармоқлари ва 40 мингдан ортиқ трансформаторни босқичма-босқич янгилаш ҳамда 5 мингдан ортиқ таъмирталаб кўприкни тиклаш бўйича Ҳукумат дастурлари қабул қилиниши, бу ишлар учун 400 млрд. сўм маблағ ажратилаётганлиги худудлар саноат салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Бу, айниқса, инвесторларга инвестиция киритиш учун иқтисодий ва кичик саноат зоналарига бериладиган солиқ ва бож имтиёзлари билан бир қаторда муҳандислик коммуникация тармоқлари билан таъминланганлик даражаси, худудда транспорт инфратузилмаси ва логистика марказларининг мавжудлиги жуда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, иқтисодий ва кичик саноат зоналари иштирокчилари учун тақдим этиладиган имтиёзларда бу жиҳатларни инобатга олиш лозим.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 3,0 трлн. сўмлик маблағга эга бўладиган худудлар инфратузилмасини ривожлантириш жамғармасининг тузилиши, айниқса, жамғарма маблағлари маҳаллий кенгашлар таклифига асосан инфратузилма лойиҳаларини қўшма молиялаштиришга йўналтирилиши ҳар бир қишлоқ ёки маҳалла кесимида ўз йўналиши ва “ўсиш нуқталари” дан келиб чиқиб ривожлантиришда жуда катта имконият яратиши ҳамда маҳаллий кенгашларга билдирилган катта ишончдир.

Таъкидлаш жоизки, жорий 2021 йилда 23 млрд. АҚШ доллари қийматидаги инвестицияларни ўзлаштириш зарурлиги, бунинг натижасида 226 та йирик саноат ва инфратузилма объектлари ишга туширилиши белгиланганлиги бу борада самарали парламент ва жамоатчилик назоратини амалга оширишни тақозо этади. Мамлакатимиз 50 дан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча имкониятлар ва нисбий устунликларга эгаллиги, нефтгазкимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ҳамда “яшил иқтисодиёт” билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз “драйверлари” га айланиши учун барча етарли шароитлар мавжудлигининг Президентимиз томонидан Мурожаатномада қайд этилганлиги салоҳиятли сармоядор ва тадбиркорлар учун жуда ҳам фойдали ва ишончли маълумот, айтиш мумкинки, “маркетинг тадқиқоти” сифатида хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларнинг асосий негизи иқтисодий тараққиёт, ишсизлик даражасини қисқартириш, пировардида эса аҳолининг ижтимоий турмуш тарзини яхшилашга қаратилган. Шу боис ҳозирда самарали фаолият юритаётган саноат кластерлари фаолияти ҳамда шу тизимнинг афзалликларидан келиб чиқиб, истиқболли саноат кластерлари рўйхати шакллантирилиши ҳамда уларни жадал ривожлантириш учун алоҳида дастур ишлаб чиқилиши белгиланганлиги хусусий сектор ташаббуслари ва янги лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади, шу боисдан ушбу соҳаларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Зайниддинов, Р. Пути повышения инвестиционной привлекательности регионов в активации привлечения иностранных инвестиций в экономику. ОИ 2020, 1, 174-189. Дадабаев У, Файзуллаев Х. Ўзбекистоннинг пандемия шароитида кишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини ошириш. // "In science" журнали, Жамият ва инновациялар, Special Issue – 2 (2021) / ISSN 2181-1415,

2. Umidjon Abdusamat Ugli Dadabaev, Abduvali Abdurakhimovich Isadjanov, Zokir Rustamovich Sodikov, Shuhrat Ziyaviddinovich Mukhitdinov, Nilufar Sherkulovna Batirova. "Ways to increase the export potential of agricultural products of Uzbekistan in a pandemic". International Journal of Modern Agriculture ISSN: 2305-7246

ОБЗОР КУЛЬТУРНЫХ ОСНОВ И ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ КУЛЬТУРЫ И ПОТРЕБИТЕЛЬСКОГО ПОВЕДЕНИЯ (ОСНОВНЫЕ АСПЕКТЫ НАЦИОНАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ)

К.Д. Бобоев,
Заместитель декана факультета
«Корпоративное управление», ТГЭУ

Аннотация. Мировая экономика становится более многокультурной. Понимание того, как культура влияет на поведение потребителей, будет иметь важное значение для менеджеров и исследователей потребителей в следующие десятилетия по мере приближения маркетологов к новым зарубежным рынкам. В этой статье представлены рамки культуры и взаимодействия культуры и поведения потребителей.

Ключевые слова: кросс-культурный маркетинг, поведение потребителей, национальные культуры, культурное измерение Хофстед.

Поскольку культура играет огромную роль в покупательском поведении клиентов, маркетологам необходимо учитывать это, когда они начинают свой международный маркетинг в других странах. Культура как всеобъемлющее значение может включать в себя различные элементы и иметь несколько слоев. Поскольку культура представляет собой совокупность механизмов, которые естественным образом взаимосвязаны и работают как единый набор, она становится обычным жизненным ориентиром для конкретных людей⁶⁵. Согласно исследованиям Куинна и Холланда, они предлагают концепцию культурных рамок, которая помогает исследовать несколько этапов культурного формирования и взаимодействия культурных элементов друг с другом⁶⁶. Терпстра и Сарати создали эту модель, предоставив основу для исследования⁶⁷.

Терпстра и Сарати разработали эту модель, предоставив структуру для анализа. Их концепция содержит восемь элементов: технологии и материальная культура, право и политика, эстетика, ценности и отношения, образование, социальные организации, язык и религия.

Эта схема применяется менеджерами по маркетингу для оценки культурной природы международного рынка. Они используются для нацеливания на нужных людей и выполнения правильных маркетинговых приемов. Если все сделано правильно, продукт может успешно продаваться в

⁶⁵ Usunier et al. Маркетинг в разных культурах, Financial Times / Prentice Hall, 2005 г.

⁶⁶ Холланд, Д. и Куинн, Н. Культура и познание. В Н. Куинн и Д. Холланд (ред.), Культурные модели в языке и мышлении (стр. 3-42). Нью-Йорк: Издательство Кембриджского университета, 1987.

⁶⁷ Терпстра В. и Сарати Р. Международный маркетинг, Драйден Пресс, 8-е изд., 2000.

международной стране, и бренд может получить международное признание. Вот восемь различных категорий, которые маркетолог должен учитывать при создании кампаний для разных культур:

Язык. При рассмотрении формулировок в рекламе им, прежде всего, необходимо понять, является ли национальная культура в основном культурой с высоким контекстом или культурой с низким контекстом. В культуре с высоким контекстом вербальное сообщение не несет прямого сообщения, поэтому в этих культурах необходимо учитывать скрытый культурный смысл. Это включает Японию. Разговорный язык с низким контекстом культуры приносит важность сообщения, как правило, в Нидерландах и Австралии.



Рис. 1. Культурные рамки Терпстры и Сарати⁶⁸⁴

Религия. Корпорация должна гарантировать, что ее продукты и услуги не являются оскорбительными, агрессивными или незаконными по отношению к определенной стране и культуре, поэтому при продвижении и брендинге необходимо учитывать религию. Согласно сообщению агентства Reuters, Китай ограничил всю рекламу со свиньями, поскольку это был год свиньи в 2007 году. Это было сделано для того, чтобы сохранить гармоничные связи с мусульманами страны.

Ценности и отношения. У разных стран разные ценности и взгляды, поэтому маркетологам необходимо тщательно учитывать это при доставке продукта за границу. Это может включать изменение рекламных сообщений или рекламных материалов. Например, в 2004 году Китай ограничил телевизионную рекламу

⁶⁸ <https://www.google.com/url?sa=i&url=https%3A%2F%2Ftexedizugym.makomama.com%2F-cultural-framework>

компании Nike, поскольку китайцы считали, что эта реклама оскорбляет их национальное достоинство.

Образование - поскольку уровень образования варьируется в каждой культуре, это влияет на форму коммуникации или даже на маркетинговые сообщения, реализуемые в этой стране. Например, в странах с низким уровнем грамотности промоутеры не будут использовать сложные письменные сообщения, а будут использовать рекламу по радио или телевидению с аудиосообщениями или визуальными материалами, такими как плакаты с низким уровнем грамотности. В то время как в Великобритании могут быть реализованы различные формы кампаний, в этой стране много людей с разным уровнем грамотности.

Социальные организации. Поскольку это измерение показывает, как организовано национальное общество, маркетологи должны понимать, как управляется нация, роль женщин в обществе и уровень влияния класса или касты на культуру.

Технологии и материальная культура. В странах есть разные типы технологий, которые маркетологи должны учитывать перед реализацией рекламной стратегии. Например, предлагая продукт стране, в первую очередь, им необходимо проанализировать доступность энергии для питания продукта, наличие транспортных средств для доставки товаров клиентам, скорость развития технологий и, что наиболее важно, являются ли потребители фактически покупая материалистические продукты. Один из хороших примеров этого - когда Тревор Бейлис выпустил на африканский рынок радио с часовым механизмом. Это был большой успех, потому что в Африке батареи были дорогими, а в сельской местности не было источников энергии.

Закон и политика. Политические взгляды и законы страны влияют на то, как маркетолог будет рекламировать или продвигать продукт. Они должны убедиться, что они не оскорбительны, и подчиняться законам страны. Великобритания сильно ориентирована на рынок и имеет демократическое общество с законами, основанными на прецедентах и законах. Тем не менее, такая нация, как Иран, имеет политическую и правовую систему, основанную в первую очередь на учении и принципах ислама и традициях шариата.

Эстетика — это относится к человеческим чувствам и оценке творческой природы чего-либо, включая запах, вкус и атмосферу. Эти изменения связаны с культурой людей, так как кто-то может посчитать что-то привлекательным, а кто-то из другой культуры может с этим не согласиться.

Эффективная структура, описывающая измерения национальных культурных различий, имеет решающее значение для создания номологической структуры, которая способна интегрировать различные отношения и социальные явления, и обеспечивает основу для продвижения гипотез, объясняющих систематические различия между культурами в установках

и поведении⁶⁹. Такая структура необходима для того, чтобы продвинуть исследования международного рынка за пределы качественных сравнений, основанных на исследованиях, которые трудно подтвердить или воспроизвести. Принцип структуры состоит в том, что стандарты, предпочитаемые группой людей, отделяют их от других групп, и поэтому культуры можно сравнивать друг с другом, используя ценности в качестве стандарта⁷⁰. Таким образом, они могут быть реализованы как основы маркетинговой сегментации.

Тем не менее, по мнению Соареса, Фархангмера и Шохам, использование измерений для отражения построения многомерной культуры не обошлось без критики⁷¹. На этот подход жаловались за то, что он не смог полностью охватить все применимые аспекты культуры. Как отмечает Уоткинс, культура не является независимой переменной, тем не менее, на нее влияют несколько других факторов, таких как политика, климат, религия, география и история⁷². Поскольку культура неразрывно связана со всеми характеристиками человеческого существования, часто бывает сложно определить, как и в каких формах проявляется ее влияние. Страны, реализующие лишь небольшое количество параметров, считаются недостаточными, и есть опасения, что эти основные параметры могут отсутствовать.

По мнению Милнера, Фоднеса и Списа, даже несмотря на критику в отношении размеров, выгода от подхода для глобального маркетинга и межкультурных исследований перевешивает его ограничения⁷³. В то время как были спроектированы различные культурные измерения, в частности, пять измерений культуры Хофстеде; индивидуализм, коллективизм, дистанция власти, мужественность-женственность, избегание неопределенности и долгосрочная ориентация получили очень широкое распространение в литературе. Индугенция – к культурным рамкам добавлена сдержанность⁷⁴. Определения размеров включены в таблицу 1.1. Ожидается, что эти измерения

⁶⁹ Стинкамп, Ж.-Б. Э.М. (2001). Роль национальной культуры в международных маркетинговых исследованиях. Международный обзор маркетинга, 18 (1), 30-44.

⁷⁰ Луна Д. и Гупта С.Ф. Интегративная структура межкультурного поведения потребителей. International Marketing Review, 18 (1), 45-69, 2001.

⁷¹ Соарес, А.М., Фархангмер, М., и Шохам, А. (2007). Измерения культуры Хофстеде в международных маркетинговых исследованиях. Журнал бизнес-исследований, 60 (3), 277-284.

⁷² Уоткинс Л. (2010). Межкультурная уместность исследования ценностей на основе опросов: обзор методологических вопросов и предложение альтернативной методологии. Обзор международного маркетинга, 27 (6), 694-716.

⁷³ Милнер Л. М., Фоднесс Д. и Спиз М. В. (1993). Исследование Хофстеде о межкультурных ценностях, связанных с работой: последствия для поведения потребителей. Европейские достижения в исследованиях потребителей, 1 (1), 70-76.

⁷⁴ Де Моой, М., Хофстеде, Г. (2011). Межкультурное поведение потребителей: обзор результатов исследований. Журнал международного поведения потребителей, 23: 181-192. Получено с www.mariekedemooy.com/.../demooy_2011_int_journal_cons_marketing.pdf



будут характеризовать общую структуру ума и устанавливать важные ценностные ориентации, которые вызывают различия в управленческой деятельности, структурных моделях и принятии решений.

Список использованной литературы

1. Де Моой М., Хофстеде Г. (2011). Межкультурное поведение потребителей: обзор результатов исследований. Журнал международного поведения потребителей, 23: 181-192. Получено с www.mariekedemooy.com/.../demooy_2011_int_journal_cons_marketing.pdf
2. Милнер А. М., Фоднесс Д. и Спирс М. В. (1993). Исследование Хофстеде о межкультурных ценностях, связанных с работой: последствия для поведения потребителей. Европейские достижения в исследованиях потребителей, 1 (1), 70-76.
3. Соарес А.М., Фархангмер М., и Шохам А. (2007). Измерения культуры Хофстеде в международных маркетинговых исследованиях. Журнал бизнес-исследований, 60 (3), 277-284.
4. Стинками, Ж.-Б. Э. М. (2001). Роль национальной культуры в международных маркетинговых исследованиях. Международный обзор маркетинга, 18 (1), 30-44.
5. Уоткинс, Л. (2010). Межкультурная уместность исследования ценностей на основе опросов: обзор методологических вопросов и предложение альтернативной методологии. Обзор международного маркетинга, 27 (6), 694-716.
6. Луна Д. и Гупта С. Ф. Интегративная структура межкультурного поведения потребителей. *International Marketing Review*, 18 (1), 45-69, 2001.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ЯХШИЛАШДА ЭКСПОРТНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШ САМАРАДОРЛИГИ

Ҳ.Қ. Файзиева,
“Жаҳон иқтисодиёти” кафедраси
катта ўқитувчиси, ТДИУ

Аннотация. Мазкур мақолада сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳақида сўз юритилади. Экспортерларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш борасида керакли таклиф ва тавсиялар бериб ўтилади.

Таянч иборалар: экспорт, импорт, экспорт божси, импорт божси

Мамлакатимизда экспорт салоҳиятини юксалтиришда, тадбиркорларни қўлаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, уларга экспорт операцияларини амалга оширишда турли соҳалар бўйича яратилаётган имтиёزلардан фойдаланишда амалий кўмаклашиш ва ҳуқуқий билимларини ошириш лозим. Ҳозирги кунда экспорт операцияларини амалга оширишда давлатимизда экспортчи корхоналар учун жорий қилинган қулайликлар экспортни қўлаб-қувватлашда ўз ижобий самарасини бериши устувор вазифалардан биридир. Бунда миллий маҳсулотларни хорижга экспорт қилишда соҳага оид юқори ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш ва экспортни ривожлантиришда яратилаётган имтиёزلар ва преференциялар ҳақида тадбиркорларда экспорт салоҳияти бўйича билим ва кўникмаларни ошириш зарур.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 7 май “Экспорт фаолиятини янада қўлаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши ҳамда “Экспорт фаолиятини молиявий қўлаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони (ПФ-6091-сон 21.10.2020 йил) тадбиркорлик фаолиятида экспортни қўлаб-қувватлашда давлат молиявий кўмаги аҳамияти ортишига сабаб бўлди.

Экспортни қўлаб-қувватлашда Ўзбекистон Республикаси Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги “Экспортни рағбатлантириш агентлиги” амалий жиҳатдан кўмаклашмоқда. Бунда тадбиркорларга хорижий ҳамкорларни жалб этишга кўмаклашишда, турли бизнес форумларни ташкиллаштиришда, экспорт шартномаларни тузишга кўмаклашишда, электрон ташқи савдо платформаларида фаолият олиб боришида, халқаро савдо майдонига киришда амалий ёрдам бериб келмоқда. Бундан ташқари 2020 йилдан бошлаб молиявий жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида экспорт қилинаётган 68 турдаги

маҳсулотларни ташиш харажатларини 50 % миқдорини қоплаб беришни амалга оширмоқда. Аммо маҳсулот экспортида бундай молиявий кўмаклашиш бешта чегарадош қўшни давлатларга бўлган экспорт жараёнида қўллаш назарда тутилмаган.

Жорий йил 14 январда “2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4949-сонли Президент қарори имзоланди. Ушбу қарорга кўра жорий йилда Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан экспортга йўналтирилган ташкилотларга хомашё сотиб олиш учун 100 миллион АҚШ доллари ажратилиши назарда тутилган.

2021 йил 1 апрелдан экспорт корхоналари чет элларда ўзларининг офис, савдо, омборлар ижарасининг 50 фоизи “Экспортни рағбатлантириш агентлиги” зиммасига юклатилди ва бу экспорт билан фаолият олиб борувчи корхоналар учун кенг имконият ҳисобланади. Бу эса келгусида жаҳон бозорида “Made in Uzbekistan” брендининг янада танилиб, мустаҳкам ўрин эгаллашига замин яратади.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотига кўра, 2020 йилда ташқи савдо айланмаси 36 299,3 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 5 451,7 млн. АҚШ долларига ёки 13,1 %га камайди. Савдо айланмасининг ҳажми камайишига бутун дунё нигоҳидаги глобал муаммо – пандемия ўз таъсирини кўрсатди.

Ўзбекистон экспорти бўйича ташқи савдо айланмасида асосий шерик мамлакатлардан Хитой Халқ Республикаси (17,7 %), Россия Федерацияси (15,5 %), Қозоғистонда (8,3 %), Корея Республикасида (5,9 %), Туркияда (5,8 %), Қирғизистонда (2,5 %), Германияда (2,3 %) қайд этилган.

Юқоридаги Давлат статистика қўмитасининг маълумотларидан Хитой Ўзбекистон учун энг йирик экспорт бўйича ҳамкорлигини кўришимиз мумкин.

Жорий йил 10 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Европа Иттифоқининг махсус преференциялар тизими (GSP+) кучга кирди. Ушбу тизимдан мамлакатимиз бенефициар мақомини олгунга қадар (GSP)дан фойдаланган. 3000 та товарни божхона божларисиз, қолган 3200 та товарни пасайтирилган божхона тарифлари орқали экспорт қилиш имконияти берилган эди. GSP+ тизимида эса экспортчи корхоналарга белгиланган умумий ҳисобда 6200 тадан ортиқ товарларга нисбатан божхона божларисиз экспорт қилиш имконияти яратилди. Бунинг натижасида мамлакатимиз халқаро иқтисодий муносабатларда ва жаҳон савдо бозорида ўз ўрнига ва нуфузининг ортишига сабаб бўлади. Ушбу имконият натижасида экспорт ҳажмининг ортиши кутилмоқда.

Ҳар бир давлат учун валюта муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун валюта назорати амалга оширилади. Экспорт операцияларини амалга оширувчи корхоналар Е-контракт тизимида ўзларининг шартномаларини

расмийлаштириши зарур, яъни шартномаларни Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида рўйхатдан ўтказиши зарур.

Агар экспортчи корхоналар Ўзбекистон худудидаги электрон платформалар орқали экспортни амалга оширишда Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига инвойслар тўғрисида тегишли маълумотлар киритиши шарт. Банк ҳисоб рақамига маблағлар келиб тушгандан сўнг божхона декларацияси асосида жаҳон электрон савдони амалга ошириши, яъни экспорт қилишга ҳақли. Экспорт қилинаётган товар ва хизматлар суммаси 5000 АҚШ долларигача бўлганда, божхона юк декларациясини расмийлаштирмай, почта хизматини кўрсатиш орқали реализация қилиниши мумкин. Бунда ҳеч қандай шартнома расмийлаштиримайди. Инвойс Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида киритилади.

Бундан ташқари мамлакатимиз экспортчи корхоналари учун яна бир муҳим утувор вазифалардан бири дебиторлик қарздорликларининг ўз вақтида қопланишидир. Экспорт шартномалари бўйича тушум тушиши Божхона юк декларацияси (БЮД) расмийлаштирилган санадан ва хизматларга нисбатан бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси имзоланган санадан бошлаб, 180 кундан ошиб кетмаслиги керак. Пул маблағлари ҳисоб рақамига келиб тушганидан сўнг, шартнома ёпилади. Е-контрактдан чиқаришимиз зарур бўлади.

Ҳозирги кунда юртимиз равнақи учун экспортни кўллаб-қувватлаш, уни жаҳон бозоридаги ўрнини кенгайтириш учун мамлакатимизда етарли шарт-шароитлар яратилган. Экспортни ривожлантириш жамиятимиз учун кўплаб иқтисодий самарадорликка эришишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Экспортчи корхоналаримиз яратилган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ўз бизнесларини кенгайтириши ва Ўзбекистон ташқи савдо айланмасидаги улушининг орттишига сабаб бўлиши керак. Бу имкониятлар кундан-кунга ўз самарасини бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Дадабаев У, Файзуллаев Х. Ўзбекистоннинг пандемия шароитида кишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини ошириши. // "In science" журнали, Жамият ва инновациялар, Special Issue – 2 (2021) / ISSN 2181-1415,

2. Umidjon Abdusamat Ugli Dadabaev, Abduvali Abdurakhimovich Isadjanov, Zokir Rustamovich Sodikov, Shuhrat Ziyavitdinovich Mukhitdinov, Nilufar Sherkulovna Batirova. Ways to increase the export potential of agricultural products of Uzbekistan in a pandemic. International Journal of Modern Agriculture ISSN: 2305-7246

3. Dilmurod Yusupaliyevich Khujamkulov, Ruhiddin Khusniddin Ugli Zayniddinov, Dilmurod Rakhmatullayevich Ergashev, Mamajon Akhmatjonovich Mamatov, Khusniddin Fakhriddinovich Uktamov. Improving the Use of Islamic Banking Services in Financing Investment Projects in Uzbekistan. REVISTA GEINTEC-GESTAO INOVACAO E TECNOLOGIAS. 2021. <http://www.revistageintec.net/>

MILLIY TASHQI SAVDONING RIVOJLANISH TENDENSIYASI VA YO'NALISHLARI

Z.R. Sodikov,

*“Islom iqtisodiyoti va moliyasi,
ziyorat turizmi” kafedrası dotsenti, i.f.n
O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi*

Annotatsiya. Mazkur maqolada O'zbekiston tashqi savdosi hajmini oshirish, eksport geografiyasini kengaytirish haqida so'z yuritiladi. Shuningdek, milliy iqtisodiyotni xalqaro standartlar darajasida taraqqiyotga erishishi uchun bir qator taklif va tavsiyalar berib o'tiladi.

Tayanch iboralar: eksport geografiyasi, xalqaro standartlar, global iqtisodiy tizim, milliy iqtisodiyot, milliy bozor

Milliy iqtisodiyotning xalqaro standartlar darajasida taraqqiyoti va jahon hamjamiyatidan munosib o'rin egallab, xalqaro iqtisodiy aloqalarni izchil rivojlantirishi har qanday mamlakatning bu boradagi muvaffaqiyatini ta'minlovchi omil hisoblanadi. Aynan jahondagi taraqqiyot iqtisodiyotimizda hozirda tashqi iqtisodiy aloqalar jarayonining rivojiga va ishlab chiqarishning takomillashuviga omil bo'lmoqda. Global tizimdagi mamlakatlarning fan-texnika taraqqiyoti ishlab chiqarish xarajatlarining pasayishiga va mehnat unumdorligining ortishiga ta'sir ko'rsatish orqali davlatlarda iqtisodiy imkoniyatlarni mustahkamlashga omil bo'lishi kerak. Shu bois islohotlar va o'zgarishlar jarayonlarining shakllanishi iqtisodiy omillar bilan birga, milliy xo'jaliklar barqaror rivoji va manfaatlariga muvofiq mexanizmlarini yaratishni ham talab etadi.

Global iqtisodiy tizimda milliy xo'jaliklar o'rtasida savdo jahon bozorida aloqalarning dastlabki ko'rinishi va hozirgi kunda ham asosiy ustuvor yo'nalishi hisoblanadi. Zero, xalqaro savdo milliy iqtisodiyot rivojlanishi, resurslar bazasini kengaytirish va ichki bozor cheklanganligiga barham berish, takror ishlab chiqarish jarayonlarini jadallashtirish va unumdorlikni oshirish, iqtisodiy o'sish sur'atlarini yuksaltirish, xomashyo va mehnat resurslaridan samarali foydalanish, milliy xo'jalikning ixtisoslashuvi va xalqaro mehnat taqsimotida faol ishtirok etishining chuqurlashuviga to'g'ridan-to'g'ri ta'sir ko'rsatadi hamda mislsiz ijobiy muvaffaqiyatlarga zamin hozirlaydi.

O'z navbatida, butunjahonda xalqaro savdo buyuk geografik kashfiyotlar, yangi dengiz yo'llarining ochilishi, mashinalashgan ishlab chiqarishning rivojlanishi, yangi tarmoq va sohalarining vujudga kelishi, mehnat unumdorligining oshishi va tashqi savdoning jadallashuvi, ko'pchilik mamlakatlarda xomashyo resurslariga talabning kengayishi hisobiga muttasil ravishda rivojlanib kelmoqda. Bu borada N.To'xliyevning “Eksportni rag'batlantirish siyosati orqali xomashyoni eksport

qiluvchilardan tayyor mahsulotlarni eksport qiluvchiga aylanish va jahon xo'jalik tizimida o'zining munosib o'rnini egallashi mumkin" degan fikri⁷⁵¹ muhim ahamiyatga ega.

Jahondagi tendensiya tashqi savdo jarayonini va harakatlarini muvofiqlashtiradigan xalqaro bozorga ehtiyojni keltirib chiqargan. Shu bois xalqaro bozor xalqaro mehnat taqsimoti va ixtisoslashuv asosida shakllangan va iqtisodiy munosabatlar asosida o'zaro bir-biriga bog'langan alohida mamlakatlar milliy bozorlari majmuasidan tashkil topmoqda. Mazkur bozor o'z tarkibiga tovar va xizmatlar savdosi, investitsiya va sarmoyalar oqimi, valuta-kredit va moliyaviy munosabatlar, texnologiyalar transferti va ilmiy-texnika hamkorlik jarayonlari, ishchi kuchining xalqaro migratsiyasi va boshqa shu singari munosabatlar tizimini mujassamlashtiradi. Ayni paytda, ushbu tizimning kengayish tendensiyasi sifatida xalqaro iqtisodiy integratsiya tuzilmalari, erkin iqtisodiy zonalar, transmilliy kompaniyalar va ko'plab tashkil etilayotgan qo'shma korxonalar milliy xo'jaliklarni xalqaro bozor atrofida birlashtiradi.

O'zbekistonda barqaror iqtisodiy o'sish sur'atlarini ta'minlashda bugungi kunda uning jahon xo'jaligi bilan aloqalari rivojlanib borayotganligi, eksport salohiyati kengayayotganligi va shu maqsadlar ko'zda tutilib, belgilanayotgan aniq tadbirlar asos bo'lmoqda. Respublikada iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirish va tashqi iqtisodiy aloqalarni erkinlashtirish har qanday milliy bozor uchun XXI asrda rivojlanish strategiyasining ustuvor yo'nalishlaridan hisoblanadi. Chunki milliy iqtisodiyotning ochiqlik darajasining kengayishi ishlab chiqarish samaradorligining ortishi va erkin raqobatning kuchayishiga, xususiy sektorni rivojlantirish va ichki imkoniyatlardan unumli foydalanish hisobiga eksport salohiyatini oshirishga zamin yaratiladi.

Milliy iqtisodiyotlar uchun eksport salohiyatini oshirish barqaror valuta tushumlarini ta'minlash va jahon bozorida munosib o'rin egallashga olib keladi. Shuning uchun O'zbekistonda eksport salohiyatini oshirishda ichki ijtimoiy-iqtisodiy imkoniyatlardan va nisbiy afzallikka ega bo'lgan sohalar mahsulotlaridan unumli foydalanilmoqda. Ayni paytda aholi daromadlarining ahamiyatli darajada ortib borishi milliy iqtisodiyotning barqaror sur'atlarda rivojlanishi bilan birga tashqi savdo va eksport faoliyatining samarasini ham talab etadi.

Iqtisodiyotimizni tubdan tarkibiy jihatdan o'zgartirish va eksportning tarkibiy tuzilishini diversifikatsiya qilish orqali tashqi bozorlarga chiqarilayotgan tovarlar va xizmatlar nomenklaturasini kengaytirish samarani oshirishga olib keladi. Chunki xorijiy mamlakatlarga sotilayotgan mahsulotlar tarkibida alohida tovarlar yoki xizmatlar turlarining, xususan, tabiiy resurs va xomashyolar salmog'ining ortib ketishi, agar jahon bozorida bu mahsulotlarning narxi pasayib ketsa yoki ularga tashqi talab kamayadigan bo'lsa, mazkur vaziyatlarda eksportchi mamlakatlar og'ir

⁷⁵ To'xliyev N. va boshqalar. O'zbekiston iqtisodiyoti. Darslik. – T.: O'zbekiston, 2018.



va tang holatlarga duch kelib qoladi. Natijada milliy eksport hajmining qisqarishi va savdo shartlarining yomonlashuvi valuta tushumlarining kamayishi, tashqi savdo balansining beqarorlashuvi va eksportchi korxonalar moliyaviy ahvolining tanglashuviga olib keladi.

O'zbekistonda tashqi savdo tarkibini diversifikatsiya qilish va mamlakatlar geografiasini takomillashtirish maqsadida olib borilayotgan islohotlar bugungi kunda o'zining samarali natijasini bermoqda. Respublikaning tashqi savdosi va eksporti hajmi, 2020-yildagi karantin va pandemiyani hisobga olmaganda keyingi yillarda muntazam ravishda barqaror sur'atlarda o'sib, tarkibi izchil ravishda takomillashib bormoqda. Bunday yutuqlarga erishishda asos bo'lgan omillarga mamlakatimiz iqtisodiyotini tubdan tarkibiy o'zgartirish va diversifikatsiya qilish, qisqa muddatda mutlaqo yangi, lokomotiv rolini bajaradigan tarmoqlarning barpo etilishi, ishlab chiqarishning modernizatsiya qilinishi, texnik va texnologik jihatdan yangilash dasturlarining amalda keng joriy etilishi, zamonaviy bozor infratuzilmasining shakllantirilishi va boshqa shu kabilarni kiritish mumkin.

Mamlakatlarning texnologik jihatdan chuqur qayta ishlangan va tayyor raqobatdosh tovarlar eksportini jadallashtirish va bu mahsulotlar yetkazib berilayotgan mamlakatlar geografiasini izchil ravishda kengaytirib borish tashqi savdo va eksport hajmini barqaror rivojlantirishga, jahon bozoridagi salbiy o'zgarishlar ta'siridan va xavf-xatarlardan himoyalashga sharoit yaratadi. Qolaversa, tashqi bozorlarga taklif qilinayotgan tovarlar tarkibini diversifikatsiyalash, ularni xarid qiluvchi davlatlar geografiasini kengaytirish, bu mamlakatlardan biri yoki bir nechtasining iqtisodiyotida sodir bo'layotgan muammolar natijasida ham eksport hajmining keskin kamayib ketishining oldini olish imkoniyati ta'minlanadi.

Mamlakatning tashqi iqtisodiy faoliyati, xususan, tashqi savdo sohasida amalga oshirilayotgan islohotlarning pirovard natijasi aholining turmush darajasiga bevosita o'z ta'sirini o'tkazadi. Hozirda olib borilayotgan islohotlar xorijiy davlatlar bilan savdo aloqalarining jadal o'sishiga xizmat qilmoqda. Xususan, mamlakatning eksport salohiyatini oshirish borasidagi huquqiy asoslar mahalliy kompaniyalarga tashqi bozorlarda ko'proq tajriba orttirishga imkoniyat yaratib beradi va pirovardida ular jahon savdosida raqobatdosh ustunlikka ega bo'ladi.

Davlatning bu borada so'nggi yillarda amalga oshirib kelayotgan eksportni rag'batlantirish, importni optimallashtirish va umuman olganda, tashqi savdo muvozanatini ta'minlash maqsadidagi islohotlari natijasida 2019-yilda mamlakatimiz tashqi savdo aylanmasi 42,2 mlrd. AQSh dollarini tashkil etib, u 2018-yilga nisbatan 8,7 mlrd. AQSh dollariga yoki 26,2 %ga oshishi ta'minlangan.

Milliy iqtisodiyotda tashqi savdo aylanmasida eksport hajmi 17,9 mlrd. AQSh dollariga teng bo'lgan va u oldingi yilga nisbatan 128,0 %ga o'sgan bo'lsa, import

hajmi 24,3 mlrd. AQSh dollariga teng bo'lib, u oldingi yilga nisbatan 124,9 %ga ortgan. Ayni paytda, keltirilgan davrda tashqi savdo balansida 6,4 mlrd. AQSh dollari qiymatida passiv qayd qilingan. So'nggi yillarda davlatimiz tomonidan muntazam ravishda sanoat ishlab chiqarish tarkibining diversifikatsiya qilinishi, eksportning qo'llab-quvvatlanishi, import o'rnini bosuvchi tovar va mahsulotlarni ishlab chiqaruvchilarning yanada ko'paytirilishi natijasida tashqi bozorga taklif qilinayotgan tovarlar tarkibida sezilarli o'zgarishga erishilmoqda. Aynan, N.T o'xliyev tomonidan "Eksportga yo'naltirilgan tashqi savdo siyosatining asl maqsadi ham mamlakat iqtisodiyotini sanoatlashtirishdan iboratdir" deb⁷⁶¹ ko'rsatib o'tilgan talqin ham buning tasdig'i hisoblanadi.

Tashqi savdo dinamikasining xususiyatlari, mlrd. AQSh doll

| | 2017 | 2018 | 2019 |
|------------------------|------|------|------|
| Tashqi savdo aylanmasi | 26,6 | 33,4 | 42,2 |
| Import | 14,0 | 19,4 | 24,3 |
| Eksport | 12,6 | 14,0 | 17,9 |
| Saldo | -1,4 | -5,4 | -6,4 |

Mamlakatning tashqi savdo aylanmasi ortishi bilan birga e'tibor berish kerakki, tashqi savdo faoliyatida mavsumiylik vaziyati mavjud bo'lib, yil o'rtasida nisbatan yuqori faollik kuzatilib, yoz oylarida o'zining eng yuqori darajasi – 4,8 mlrd. AQSh dollariga chiqqan va tashqi savdo muvozanatini ta'minlashga xizmat qilgan bo'lsa, dekabr oyida 3,9 mlrd. AQSh dollarini tashkil etib, yilning passiv savdo balansini bilan yakunlanishiga olib kelgan.

Tashqi savdoning choraklik dinamikasi xususiyati, mlrd. AQSh doll

| Tashqi savdo aylanmasi | 2017 | | | | 2018 | | | | 2019 | | | |
|------------------------|------|------|-----|------|------|------|------|------|------|------|------|------|
| | I | II | III | IV | I | II | III | IV | I | II | III | IV |
| | 5,2 | 6,8 | 7,7 | 6,9 | 7,4 | 7,8 | 7,9 | 10,4 | 9,4 | 10,3 | 11,9 | 10,5 |
| Eksport | 2,4 | 3,1 | 3,9 | 3,1 | 3,4 | 3,2 | 2,8 | 4,6 | 4,1 | 4,3 | 5,2 | 4,2 |
| Import | 2,8 | 3,7 | 3,8 | 3,8 | 4,0 | 4,6 | 5,1 | 5,8 | 5,3 | 6,0 | 6,7 | 6,3 |
| Saldo | -0,4 | -0,6 | 0,1 | -0,7 | -0,6 | -1,4 | -2,3 | -1,2 | -1,2 | -1,7 | -1,5 | -2,1 |

Ayni paytda tashqi savdo aylanmasining choraklar kesimida tahlil qilganda ham o'ziga xos manzara yuzaga chiqmoqda, xususan, eng yuqori ko'rsatkich 12 mlrd. AQSh dollari bilan III chorakka to'g'ri kelgan va u 2017-2018-yillarga nisbatan

⁷⁶ To'xliyev N. Osiyo taraqqiyot modeli. – T.: O'zbekiston, 2015. – 133 bet.

1,5 barobar oshganini ko'rish mumkin. Ayniqsa, tashqi savdo aylanmasining 2017-2019-yillardagi o'sishiga alohida e'tibor berish zarur, jumladan, 2019-yil III choragida passiv tashqi savdo balansi 6,7 mlrd. AQSh dollarini tashkil etgan bo'lsa, bu 2017-yil I choragidagi ko'rsatkichga qaraganda 2,4 barobar oshgan.

Demak, tashqi savdo balansida passivlik muntazam chuqurlashib bormoqda. Globallashuv jarayoni va tashqi savdoning chuqurlashuvi davrida mamlakatda barqarorlikni ta'minlash jamiyatda ijtimoiy-iqtisodiy barqarorlikning tayanchi bo'lib, islohotlarni jadallashtirish va taraqqiyotni qo'lga kiritish omili hisoblanadi. Ushbu vaziyat tashqi iqtisodiy aloqalarni barqarorlashtirish va inflatsiyani jilovlash yuritilayotgan iqtisodiy siyosatning asosiy maqsadi bo'lishini taqozo qiladi. Chunki inflatsiyani jilovlash jamiyatdagi jismoniy va yuridik shaxslarning real daromadlari hamda xarid qobiliyatining barqarorligiga zamin yaratadi.

Shuningdek, ularning jamg'arish imkoniyatlarini oshiradi va shu orqali mamlakatda investitsiya qilish uchun mablag'lar shakllantirishga sharoit yaratiladi hamda mahalliy ishlab chiqarishning kengayishi va tovar taklifining ortishiga turtki bo'lib, milliy bozorda narxlar o'sishini cheklash va mavjud resurslardan samarali foydalanish orqali tashqi iqtisodiy aloqalarni mustahkamlashga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi farmoni (2017-yil 7-fevral, PF-4947-son). – T.: Adolat, 2018. – 112 b.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi, 29.12.2020.
3. Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. – T.: O'zbekiston, 2017.
4. Tuxliyev N. Osiyo taraqqiyot modeli. – T.: O'zbekiston, 2015. – 126 b.
5. Tuxliyev N., Haqberdiyev Q., Ermamatov Sh., Xolmatov N. O'zbekiston iqtisodiyoti. Darslik. – T.: O'zbekiston, 2018. – 488 b.
6. Sodiqov Z.R. Yangi iqtisodiy jarayonlar samaradorligi. Monografiya. – T.: "Innovatsiya-Ziyo", 2020. – 126 bet.

РОЛЬ БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЫ УЗБЕКИСТАНА В ПОДДЕРЖКЕ ЭКСПОРТНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Н.А. Абдуллаев,
докторант Академии государственного
управления при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация. В данной статье обсуждается мировой опыт экономического развития. И также, Исследование и изучение показывают, что государственное содействие экспорту осуществляется во многих развитых и развивающихся странах Америки, Европы и Азии, о которых вкратце приводится общая картина процесса в части основного текста.

Ключевые слова. экономическая развития, внешнеэкономическая политика, институциональная поддержка

Введение. Рассмотрение мирового опыта экономического развития представляет, что почти все страны осуществляют постоянное и планомерное регулирование и стимулирование внешнеэкономической деятельности. Ведь, содействие и поддержка экспорта за рубежом препровождает собой целую систему взаимоотношений между собой правительственных и неправительственных институтов, к числу которых относятся профильные министерства и ведомства, специализированные агентства и экспертные центры, финансовые структуры и т.д.

В настоящее время, условия возрастающего соперничества на мировых рынках порождают необходимость дальнейшего расширения государственной поддержки экспортеров для продвижения на новые рынки и упрочения имеющихся позиций на традиционных рынках путем роста объема экспорта продукции. В связи с этим, в последнее время уделяется стабильное внимание вопросу государственной поддержки и стимулирования экспортной деятельности, всех специализирующейся субъектов предпринимательства.

Исследование и изучение показывают, что государственное содействие экспорту осуществляется во многих развитых и развивающихся странах Америки, Европы и Азии, о которых вкратце приводится общая картина процесса в части основного текста. Мировой опыт доказывает важность внешнеэкономической деятельности в обеспечении как экономической, так и политической независимости страны. Более того, международное сотрудничество предусматривает как совместную реализацию проектов, так и обмен опытом, оказание содействия в области урегулирования убытков. Так, в рамках защиты интересов национальных экспортеров и продвижения

национального экспорта на зарубежные рынки важнейшим направлением деятельности государственных и негосударственных структур по поддержке и развитию экспортной деятельности, остается развитие взаимодействия с зарубежными партнерами и международными организациями.

Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг маълумотиغا кўра, бутунги кунда эмиссия қилинган акцияларнинг умумий номинал қиймати 100 триллион сўмдан ортиқ бўлиб, улардан фақатгина 1,5 фоизигина эркин муомалада ҳаракат қилмоқда. Бу ялпи ички маҳсулотга нисбатан ҳисоблаганда 1 фоиздан кам ҳисобланиб, ушбу кўрсаткич Сингапурда 188 фоиз, Малайзияда 112 фоиз ва Россияда 34 фоизни ташкил этади. Мазкур ҳолат Ўзбекистонда капитал бозори мамлакат иқтисодиётида инвестициялар ва жамғармалар ўртасида воситачилик ролини сифат ва миқдор жиҳатдан юқорига кўтариш учун катта потенциалга эгаллигини кўрсатади [2].

Бундан қимматли қоғозларни чиқариш орқали капитал бозорини ривожлантириш ва фонд бозорларида муомалада бўлишини, инвестицияларни кенг жалб этиш, корпоратив бошқарув амалиётларини ривожлантириш ва мамлакатимиз кадрлар салоҳиятининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни кўзда тутувчи капитал бозори ривожланишининг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Ушбу стратегияга кўра капитал бозорини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш, уни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий асосларни бозори ривожланаётган давлатлар талабларига (“frontiers market”) бирлаштириш, таркибига брокерлар, инвестицион фондлар, пенсия фондлари, сугурта компаниялари, банклар кирувчи молия институтларининг, аҳолининг мавжуд бўш турган маблағларини фонд бозорларига жалб этишнинг халқаро амалиётини қўллаш йўллари назарда тутилиши керак [1].

Эътиборлиси, 2019 йилда Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа қатор халқаро экспертлар кўмагида 2020-2025 йилларда Ўзбекистон капитал бозорини ривожлантириш стратегиясининг лойиҳаси ишлаб чиқилди ва кенг жамоатчилик ўртасида муҳокамага қўйилди. Капитал бозори бўйича мазкур стратегиянинг асосий вазифаларидан бири эркин муомаладаги жами қимматли қоғозларнинг ялпи ички маҳсулотга nisbatini 2025 йил охиригача камида 10-15 фоизга етказиш ҳисобланади.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда инвесторлар салоҳиятини кенгайтириш ва трансформация қилиш, молиявий саводхонликни яхшилаш орқали қимматли қоғозларга бўлган талабни ошириш, акциядорлик жамиятлари ва эмитентлар сонини кўпайтириш ҳамда янги молиявий инструментлар орқали қимматли қоғозлар салмоғини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, айтиш мумкинки, келажакда асосий вазифалардан бири капитал бозорини такомиллаштириш бўйича мазкур стратегияни қабул қилиш ва унда белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишнинг узвийлигини таъминлаш ҳисобланади.

Мазкур стратегияни муваффақиятли амалга ошириш эркин муомаладаги қимматли қоғозлар улушини ялпи ички маҳсулотнинг 10-15 фоизига етказиш, инвестиция лойиҳаларни молиялаштиришнинг муқобил манбаи сифатида фонд бозори имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш каби янги механизмларни кенг жорий этиш, иқтисодиётнинг банк секторига боғлиқлигини ва давлатнинг банк секторидagi иштирокини камайтириш, яширин айланмадаги қўшимча маблағларни иқтисодиётга жалб этиш ва пировардида Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал суръатларда ўсишини таъминлаш каби муҳим ва долзарб масалаларни ҳал этиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, фонд бозорида тузиладиган битимларни электрон тарзда амалга ошириш ва расмийлаштиришга ўтиш, қимматли қоғозлар эмиссиясини соддалаштириш, акциядорлик жамиятлари веб-сайтлари бўйича талабларнинг белгилаб қўйилиши, акциядорлик жамиятлари фаолияти бўйича муҳим фактларнинг тизимли равишда Корпоратив ахборотлар ягона портали (www.openinfo.uz)да эълон қилинишининг йўлга қўйилиши натижасида эмитентлар ва уларнинг қимматли қоғозлари тўғрисидаги маълумотлардан кенг фойдаланиш имкониятининг яратилиши натижасида корпоратив қимматли қоғозларнинг айланмаси ҳажми кескин ортиб бормоқда [3].

Бунинг асосий сабаблари сифатида 2020 йил 28 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2340-сонли қарори билан изоҳлаш мумкин. Ушбу қарорга мувофиқ бир қатор акциядорлик жамиятларида давлат улушини камайтиришнинг усули сифатида қўшимча акцияларнинг муомалага чиқарилиши ҳамда уларни хорижий ва маҳаллий инвесторларга сотиш белгиланган ва ҳозирги кунга қадар бу борада акциядорлик жамиятлари томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилади.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган корпоратив тузилмаларнинг фонд бозоридаги фаолигини ошириш мақсадида корпоратив бошқарув сифатини кескин оширишимиз талаб этилади. Умуман, акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этмасдан туриб, фонд бозорини ривожлантириш хусусида фикр билдириш бирмунча мураккаблик туғдиради. Корпоратив бошқарув тизимида давлат иштирокини оптимал даражада қисқартириш, акциядорларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириб бориш талаб этилади [4].


Бугунги кунда қўшимча қимматли қоғозлар эмиссияси ҳисобига акциядорлик жамиятларидаги давлат улушини хусусийлаштириш, хорижий инвесторларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётган бир вақтда корпоратив қимматли қоғозлар эмиссиясидан олдин потенциал инвесторлар олдига бориб тақдимотлар ташкил этиш қимматли қоғозларнинг муваффақиятли жойлаштирилишига хизмат қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда акциядорлик жамиятлари фаолиятида мазкур жиҳатга устувор даражада эътибор қаратиш талаб этилади [6].

Оммавий ахборот воситаларида муомалага чиқарилаётган акциялар ва корпоратив облигациялар хусусида мунтазам равишда эълонлар бериб боришни йўлга қўйиш ҳам, ўз навбатида, акциядорлик жамиятларининг фонд бозоридаги фаолигига хизмат қилади. Бундан ташқари аҳолининг корпоратив бошқарув, акциядорлик жамиятлари фаолияти, қимматли қоғозлар бозори амалиётига доир билимларининг ортишига ҳам олиб келади.

Умуман, қимматли қоғозлар бозорида акциядорлик жамиятларининг фаолигини ошириш мақсадида юқоридаги таклиф ва тавсияларимизни амалиётга жорий этиш ўз самарасини беради, деб ҳисоблаймиз.

Таҳлилларга кўра, фонд биржаси савдоларида инвестор сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг тижорат банклари қимматли қоғозларига бўлган қизиқиши ва ишончи доимий равишда ошиб бормоқда. Хусусан, ўтган йилда биржа савдолари орқали жисмоний шахслар инвестицияларининг 93,1 фоизи, юридик шахслар инвестицияларининг 86,6 фоизи тижорат банклари қимматли қоғозларига йўналтирилган.





1-расм. Инвесторлар бўйича биржа айланмаси таркиби

Бундан ташқари сўнги йилларда биржа умумий савдо айланмасида инвестор сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши тобора ошиб, 2020 йилда уларининг биржа умумий савдо айланмасидаги улуши 19 фоиздан иборат бўлди [7].

Фонд биржаси фаолиятининг устувор йўналишларидан бири молиявий барқарор жамиятларнинг қимматли қоғозларини янада кўпроқ биржа савдоларига жалб этиш, уларга қулай ва кам харажатли биржа операциялари орқали инвестиция маблағларини йўналтириш ҳисобланади.

Фонд биржаси томонидан Президентимизнинг 2015 йил 28 апрелдаги “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда молиявий барқарор ва ликвидли акциядорлик жамиятлари қимматли қоғозларини биржа савдоларига қўйиш орқали энг ишончли ва сифатли қимматли қоғозларни аниқлаш имкониятини яратиш мақсадида фаол ишлар амалга оширилди. Хусусан, ушбу қарорнинг 1- ва 2-иловасига мувофиқ оммавий савдолар орқали сотилиши белгиланган акциядорлик жамиятларидан 123 тасининг акция пакетлари фонд биржаси савдоларига қўйилди.

Агар 2020 йил 1 январь ҳолати бўйича биржа листинги тартиб-таомилидан бор-йўғи 20 та акциядорлик жамияти муваффақиятли ўтган бўлса, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, биржа котировкалаш варағига кирган акциядорлик жамиятлари 261 тани ташкил этмоқда (4-иловага қаранг). Шундан 128 та акциядорлик жамияти 2020 йил давомида биржа котировкалаш варағига киритилди.

Таҳдилларга кўра, ҳисобот даврида фонд биржасида биржа котировкалаш варағига кирган 69 та жамиятнинг акциялари билан 160,3 млрд. сўмлик 2770 та савдо битими амалга оширилган бўлиб, бу жами биржа савдо айланмасининг

99,3 фоизи демакдир (2020 йилнинг 13 март санасигача биржа савдоларида листингдан ташқари компаниялар акциялари билан ҳам савдолар ўтказилган). Листинг компаниялари қимматли қоғозлари билан тузилган биржа битимларининг асосий қисми, яъни 58,8 фоизи (94,7 млрд. сўм) иккиламчи фонд бозорида амалга оширилган. 41,2 фоизи (66,3 млрд. сўм) эса қимматли қоғозлар бирламчи бозорида тузилган.

Тижорат банклари акциялари листинг компанияларининг тармоқ тузилмалари бўйича ҳам устунлик мавқеини эгаллаб келмоқда. Ўтган йилда уларнинг улуши 87,8 фоизни ёки 118.3 млрд. сўмни ташкил қилди.

Шунингдек, иқтисодийнинг агросаноат (11,8 млрд. сўм), қурилиш (3,0 млрд. сўм), сугурта (0,9 млрд. сўм) ва бошқа тармоқ листинг компаниялари акцияларига ҳам инвесторларнинг талаби ортиб бораётир.

Қимматли қоғозлар бозори бутун иқтисодийнинг самарали фаолият юритишини таъминлайди. Иқтисодий субъектларига инвесторларнинг молиявий ресурсларини жалб этишга, инвесторларга молиявий ресурсларини молиявий инструментларга жойлаштириш орқали ўз жамғармаларини оширишга, давлатга эса ўз иқтисодий сиёсатини амалга оширишга ёрдам беради. Молия бозори ва қимматли қоғозлар бозори молиявий активларни сотувчи ва харидорни учраштириш йўли билан алмашинувини таъминловчи механизмдир.

Мамлакатимизда корпоратив қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, уни давлат томонидан тартибга солиш, унинг қатнашчилари фаолиятини мувофиқлаштириш, инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш ишлари дастлаб 1993 йил 2 сентябрда имзоланган “Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида” ги қонун асосида бошланган.

Тадбиркорлик фаолиятини корпоратив тузилма шаклида амалга ошириш юридик шахсдан корпоратив бошқарув масалаларига катта эътибор қаратишни талаб қилади, чунки корпоратив бошқарув тизимини яхши йўлга қўйган жамиятгина бу ташкилий-ҳуқуқий шакл қулайликларидан максимал даражада фойда кўра олади.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган корпоратив тузилмаларнинг фонд бозоридаги фаоллигини ошириш мақсадида корпоратив бошқарув сифатини кескин оширишимиз талаб этилади.

Корпоратив бошқарув тизимида давлат иштирокини оптимал даражада қисқартириш, акциядорларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириб бориш талаб этилади.

Акциядорлик жамиятлари томонидан IPO операцияларини ташкил этиш ва ўтказишга босқичма-босқич тайёргарлик кўриб бориш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Мазкур амалиёт бевосита акциядорлик жамиятларига хорижий капитал жалб этишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.



Фойдаланиган адабиётлар рўйхати

1. Bayar, O., & Chemmanur, T. J. (2011). *IPOs versus Acquisitions and the Valuation Premium Puzzle: A Theory of Exit Choice by Entrepreneurs and Venture Capitalists*. *Journal of Financial & Quantitative Analysis*, 46 (6), 1755–1793. Bank of New York Mellon (2007). *Annual Report*.
2. Kholikov U.R. (2017) *Improving Investment Funding in the Stock Market in Uzbekistan: Doctor of Philosophy in Economics (PhD) diss. abstract.* – Tashkent. – 24 b.
3. Odilov, A. (2020) «PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF THE CAPITAL MARKET IN UZBEKISTAN,» *International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss.1, Article14*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss1/14>
4. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Капитал бозорини янада ривожлантириши чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 13 апрелдаги 6207-сонли қарори.
5. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Капитал бозорини ривожлантириши агентлиги тўғрисида” 2019 йил 14 январдаги 5630-сонли фармони.
6. Makhtudov S. (2020). Ивестиция фаолиятини молиялаштиришининг ноанъанавий усулларини такомиллаштириши. <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/3501/2646>
7. <https://home.treasury.gov/>

RISK MANAGEMENT IN CORPORATE GOVERNANCE

B.N. Urinov,
Head of Corporate Governance Department, TSUE
U.Kh. Gofurova,
student, TSUE

Annotation. In the given article considered essence of risk management in corporate governance. Described key benefits of risk management, implementation processes. Concluded effect and positive correlation of risk management in good corporate governance system.

Key words. Risk, risk management, risk assessment, risk control, enterprise risk management, corporate risk management.

Risk management is fundamental to good corporate governance, bridging the relationship between strategic initiatives and daily performance. It also provides a framework for dynamic goal setting, balanced scorecards and target analysis.

The fear of it is when you go beyond diversity or resources, including financial ventures, reliance on legal obligations, strategic management of any of your mistakes or accidents, and natural disasters. Fear of victory that jeopardizes information and data security, and risk management strategies to alleviate fear of it, is a top priority for digital societies. Because of this, the risk management process includes threats to the company's plans in the digital direction and controls itself in the knowledge of future things. These threats include private company data, customer identification information (PII), and intellectual property. And none of them are harmful and contrary to order and sudden danger and they are always closed when there is money or pain. To reduce the risk of falls and provide care in emergencies, he was asked to relieve the administration of additional facility costs for fear of having to file an

There are some key benefits of risk management include:

- Create a safe work environment for your employees and customers.
- We will increase the duration of operation by reducing legal liability.
- This protects you from accidents that can harm your business and the environment.
- Protect people and property from harm.
- It helps you determine your organisation's insurance requirements to ensure unnecessary payments.

Risk management is crucial to strong corporate governance because it bridges the gap between strategic priorities and day-to-day operations. Dynamic goal setting, balanced scorecards, and guided analysis are all built on top of it.

Risk-taking motivates businesses to push forward and achieve significant rewards. Profitability makes shareholders and stakeholders pleased when risks



pay off. Global interconnectedness has increased as a result of technological advancements, which is beneficial to most organizations. As a result, interconnection makes the risk-taking viewpoint very complicated. The shifting risk landscape has sparked a global debate about how corporate governance standards should develop to better respond to the connection with risk management.

Boards of directors and other interested parties must pay attention to fraud forecasts made by both new and old fraud models as part of risk management in corporate governance. The board should not be caught off guard if there is fraud within the business. In the four categories: profitability, liquidity, solvency, and fraudulent financial reporting, the board of directors and other interested parties are conducting risk management investigations.

The phases of the corporate governance risk management process include the implementation of a logical sequence of main activities such as:



Identification of risks in corporate governance

It can be seen as related to the priority risk target if they are objects near the beginning of things and therefore the whole object at each end of the object. At the same time, they are afraid of the same thing on behalf of everyone, so there is no need to designate a person in charge to determine who is constantly monitoring these enemies.

Risk Assessment in corporate governance

The inclusion of suspiciously dangerous utilities has been tied up as intended. These include the ability to take risks, take risks, be fearful, do nothing with the garrison of the move manager's actions, and be afraid to seize opportunities to ensure that action is taken.

Risk control in corporate governance

In terms of corporate governance, the organizational behavior of risk and care management depends on the management and governance of the individual parts of each group.

Risk analysis and reporting in corporate governance

In corporate governance, risk management refers to the consolidation of the essence of risk profile monitoring and risk management operations to be performed through various risk audits. Because of this, he says, the person who has had an argument does not need to have an encounter risk analysis on a regular basis, at least once a year, or they can do other things to assess the resilience of the risk. This hazard has been shown to present new hazards, even with the aim of affecting the effectiveness of information development and government procurement.

Conclusion. Over time, crisis management should become an integral part of business practices and processes as well as an integral part of the business culture, decision-making process and approach. It can be serious to watch the action.

The judiciary also has a special role to play in implementing the threat management process in industrialized government. The certification committee should carefully evaluate the contribution of crisis management to improving performance and increasing the value of the business.

Because businesses use Enterprise Risk Management (ERM) systems to manage all risks, after analyzing the potential impact of risk management systems on the name of the business, they write crisis management systems. This is a useful tool for maintaining the status of the company. While the certification committee is responsible for overseeing the crisis management system, the consequences of the nature of the certification committee (i.e. the independence, knowledge and decision-making of independent members) have consequences for the effectiveness of the crisis management system. After the investigation, they decided on the independence of the certification committee to improve the reputation of the industry through the crisis management system. Finally, there is a positive correlation between the level of training of independent evaluators and the effectiveness of crisis management systems. According to the statistics, these results clearly indicate that the crisis management system is a platform for maintaining the name of the industry, the certification committee as an evaluation of the crisis management system and a validator of the name of the company. Good governance increases stakeholders' confidence in the navigation between the industry and the ability to achieve its goals. In addition, crisis management is an integral part of the company's mission, and is an integral part of its business, and needs to be maintained by its board of directors.

Reference

1. *Risk management in corporate governance.* Adrian-Cosmin CARAIMAN. West University of Timisoara, Timisoara, Romania.
2. *Risk management in corporate governance.* Dorel MATES. West University of Timisoara, Timisoara, Romania.
3. *The Role of Risk Management in Corporate Governance*-Andrew Ellul Kelley. School of Business, Indiana University, CEPR, CSEF and ECGI.
4. *THE ROLE OF RISK MANAGEMENT IN CORPORATE GOVERNANCE: GUIDELINES AND APPLICATIONS*-Hugh Grove Accounting Professor, respectively, Daniels College of Business, University of Denver, the USA, Mac Clouse- Corresponding author. Finance Professor, respectively, Daniels College of Business, University of Denver, the USA.
5. Urinov B.N. REVIEW OF THE TRENDS OF MANAGEMENT: CORPORATE CULTURE OR ORGANIZATIONAL BEHAVIOR. EPRA International Journal of Economics, Business and Management Studies (EBMS) ISSN: 2347-4378. Volume: 7 Issue: 2 September 2020. Pages 40-43.
6. Urinov B.N. Research of motivation problems in personnel management. Journal of Management Value & Ethics ISSN-2249-9512. July-Sept. 16 Vol.6 No. 3. Pages 41-45.



МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИДА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛАРИ

А.Н. Ҳамзаев,
“Корпоратив бошқарув”
кафедраси ассистенти, ТДИУ

Аннотация. Ушбу мақолада акциядорлик жамиятлари фаолиятида стратегик мақсадларни аниқлаши ва уларга эришиши устидан назорат қилиши учун зарур таъкилий тузилмани, шунингдек, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириши билан боғлиқ қарорлар қабул қилиши имконини таъминловчи, акциядорлик жамиятларининг бошқарув органлари ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатлар мажмуи, шу жумладан, иқтисодиётимизда акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлар бозоридаги аҳамиятини ошириши ва улар билан боғлиқ қарорлар қабул қилиши имконини яратishi масалалари кўриб чиқилган.

Таянч иборалар: қимматли қоғозлар, молия бозори, акциядорлик жамияти, дивиденд, фоиз, корпоратив бошқарув, фонд биржаси, капитал.

Кириш. Бугунги кунда миллий иқтисодиётимизда акциядорлик жамиятларининг капиталлашув даражасига сезиларли таъсир кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар етарли даражада ҳал этилмаётганлигини кузатишимиз мумкин. Бу ҳолат республикаимиз акциядорлик жамиятларининг активлари таркибида қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг кичик салмоққа эга эканлиги ва ўз капитал таркибида узок муддатли субординар қарзлар ҳиссасининг пастигида яққол намоён бўлмоқда. Натижада акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлардан оладиган дивиденд ва фоиз кўринишидаги даромадлари акциядорлик жамиятларининг ялпи даромадлари ҳажмида жуда кичик салмоқни эгаллайди.

Мамлакатимизнинг ҳар бир соҳасида чуқур иқтисодий ислохотлар олиб борилаётган ҳозирги даврда, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги 5953-сонли фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури”да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, миллий иқтисодиётимизда акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлар

билан боғлиқ муаммоларни ислоҳ қилишнинг илмий асосларини аниқлашга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Мавзуга оид Фойдаланиган адабиётлар рўйхатининг таҳлили. Қимматли қоғозлар бозорининг давлат томонидан тартибга солишнинг энг муҳим усулларида бири қимматли қоғозларни муомалага чиқаришда уларнинг рўйхатдан ўтказилиши ҳисобланади. Қимматли қоғозлар ҳаракатининг ушбу босқичида тартибга солувчи орган қимматли қоғозлар эмиссияси аниқ инвестицион лойиҳа асосида амалга оширилади, сармоядорларнинг маблағлари самарали, олдиндан ишлаб чиқилган бизнес-режага мувофиқ сарфланишига ва кейин фойда келтиришига ишонч ҳосил қилиши керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мавзуга оид Фойдаланиган адабиётлар рўйхати таҳлилини ўтказиш ҳамда иқтисодчи олимлар илмий фаолиятини ўрганиш натижасида турли тадқиқотларда акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлари, уларни муомалага киритиш билан ўзаро боғлиқлиги кўриб ўтилган.

Жумладан, қимматли қоғозлар бозорининг ҳудудий муаммоларини ўрганган америкалик иқтисодчилар орасида Капеччи, Клафф, Мортон, Муна, Стоцкий ва Фарнамларни келтириб ўтишимиз мумкин.

И.Л. Бутиков қимматли қоғозлар бозорини икки турга бўлди:

Молия бозори – бозор иштирокчилари ўртасида вақтинча бўш маблағларни тақсимлаш бўйича юзага келадиган иқтисодий муносабатлар тизими. Молия бозори, асосан, пул бозори ва капитал бозоридан иборат бўлиб, аввало, капитал, яъни қимматли қоғозлар бозори ва фонд биржаси, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти катта. Молия бозори пул бозори ва капитал бозорига хизмат қилади, молиявий бозорда фонд бозорининг ўрнини кўрсатади [1].

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолада Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар иқтисодчи олимларининг қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришни амалга оширишни молиявий жиҳатдан таъминловчи манбаларнинг таҳлиliga бағишланган илмий асарлари ўрганилган. Тадқиқот методологияси сифатида Фойдаланиган адабиётлар рўйхатининг қиссий таҳлили ва фаразни асослаш усулларида ҳамда индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, таркибий таҳлил, статистик таҳлил, абстракт-мантиқий фикрлаш, эксперт баҳолаш каби усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Янги Ўзбекистон шароитида жамиятдаги қатор масалалар айнан акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ муаммоларини бартараф этиш ҳам тўлиқ таҳлил қилинди, унга ташкилий ва ҳуқуқий баҳо берилди. Шу асосда давлатимиз раҳбари томонидан соҳа қиёфасини тубдан ўзгартириш, унинг фаолиятини сифат

жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди ҳамда аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди.

1-жадвал

Қимматли қоғозларнинг ҳаёт жараёни даври [4]

| № | Қимматли қоғознинг ҳаёт даври боқичлари | Амалга оширилиш жараёни |
|----|---|---|
| 1. | Эмиссияга тайёргарлик (эмиссияолди) босқичи | Чиқарилажак қимматли қоғозлар, уларнинг ҳажми ва қийматини базисига эквивалентлиги даражаси асосида мақсадга мувофиқлигини, бозор тенденцияси, шартларини тадқиқ қилиш ва асослаш; эмиссия тактикаси ва стратегиясини ишлаб чиқиш; уни муҳокама қилиш ва чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш (ваколатли орган томонидан); эмиссия рисоласини давлат рўйхатидан белгиланган тартибда ўтказиш учун тайёрлаш |
| 2. | Эмиссия рисоласини давлат рўйхатидан ўтказиб чиқариш ва жойлаштириш (эмиссия) босқичи | Эмиссия рисоласи давлат рўйхатидан ўтказилади, қонунчилик ҳужжатлари ва рисолада белгиланган тартибда реклама қилиниб, потенциал инвесторлар ўртасида жойлаштирилади, эмиссия натижалари тўғрисида ҳисобот бериб борилади |
| 3. | Бозор муомаласи босқичи | Жойлаштирилган қимматли қоғозлар иккиламчи бозорда унинг конъюнктурасига боғлиқ ҳолда эркин муомалада бўлади, бунинг учун эмитент уларнинг эквивалентлилик даражасини узлуксиз таъминлаб, бозордаги курсини мониторинг қилиб боради. Бунда эмитент ва бозорнинг транспарентлиги катта аҳамиятга эга |
| 4. | Муомаладан чиқариш (сўндириш) босқичи | Қимматли қоғозларни уларнинг рисоласи шартларига асосан ҳамда (ёки) қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда муомаладан чиқариш (сўндириш) |

Мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозорида акциядорлик жамиятлари фаолияти учун зарур иқтисодий шарт-шароит ва қулай ҳуқуқий асос яратилган бўлишига қарамасдан, турли омиллар таъсирида уларнинг фонд бозоридаги фаолиятида фаоллик кўзга ташланмаяпти. Бу борада акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлар бозоридаги ролининг ошишига салбий таъсир кўрсатаётган омилларга қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин:

- миллий қимматли қоғозлар бозоридаги умумий ҳолат, яъни иккиламчи қимматли қоғозлар бозорининг ривожланмаганлиги, қимматли қоғозлар бўйича ахборот бўшлиғининг мавжудлиги ва қимматли қоғозлар эмитентларининг молиявий ҳолатининг ликвидли эмаслигини;

– акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлар бозоридаги эмиссия, дивиденд, инвестиция ва профессионал фаолияти билан боғлиқ сиёсати узвий боғлиқликда олиб борилмаслигини;

– мамлакатимиз иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида юқори ликвидли қимматли қоғозларнинг етишмаслиги, бу ҳолат, айниқса, ҳукуматнинг узоқ муддатли қимматли қоғозларининг тўлови ҳукумат томонидан кафолатланган корпоратив облигацияларнинг ва Марказий банкда қайта ҳисобга олинadиган тратталарнинг мавжуд эмаслигида яққол намоён бўлмоқда.

Коронавирус пандемияси иқтисодиётнинг реал сектори орқали молия сектори институтлари фаолиятига ҳам салбий таъсир қилмоқда. Акциядорлик жамиятлари янада кўп қийинликларга дуч келиши билан дефолт бўлиши ошиб борар экан, кредит бозорларида, айниқса, юқори даромадли воситалар бозори, синдикатлаштирилган кредит бозорлари ва хусусий қарз бозорлари каби кўпроқ хафли сегментларда тўсатдан тўхтаб қолиш юз бериши мумкин. Аммо айрим ривожланаётган давлатларда, хусусан, Ўзбекистонда фақатгина оддий кредит бозори ривожланган. Жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги шароитида акциядорлик жамиятлари фаолиятини тартибга солиш бўйича халқаро молия институтлари тавсиялар ишлаб чиқармоқда.

Юқоридаги жадвалга асосланиб, миллий иқтисодиётимизда қимматли қоғозлар бозорининг тараққий этиш даражаси мамлакат молия бозори ривожланишини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишида унинг таркибидаги савдо тизимларининг капиталлашув даражаси, айланма ҳажмининг юқорилиги, қимматли қоғозларнинг даромадлилик даражаси ҳамда муомаладаги инструментларнинг ликвидлилиги муҳим аҳамият касб этади.

Қимматли қоғозлар бозори иқтисодиётдаги бўш пул маблағларини жамлаш ва уни инвестиция жараёнларига йўналтиришнинг муҳим воситасидир. Бу борадаги ислохотларнинг дастлабки босқичи сифатида Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги тузилди. Давлат облигациялари фонд бозорига қайта чиқарилди. Лекин қимматли қоғозлар чиқариб, уларни фонд бозорида сотиш механизмидан самарали фойдаланилмаяпти. Фонд бозоридаги акцияларнинг жами қиймати 25 триллион сўм бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 6 фоизга ҳам етмайди. Бу кўрсаткич Сингапурда 188 фоиз, Малайзияда 112 фоиз, Россияда 34 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизда жорий йилда чиқарилган давлат облигациялари валюта биржаси орқали фақатгина тижорат банкларига сотилган. Фонд бозори профессионал иштирокчилари сони юзтагаям бормайди. Шу боис 2020-2025 йилларда фонд бозорини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Эркин муомаладаги жами қимматли қоғозларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатини 2025 йил охиригача камида 10-15 фоизга етказиш мўлжалланган [11].

Жаҳон миқёсида умумий активлари миқдори 2024 йилга келиб 3,96 триллион АҚШ долларига етиши кутилаётган ислом молияси, пандемия туфайли пайдо бўлган тўсиқларга қарамай, ҳукуматларнинг қўллаб-қувватловчи сиёсати ҳамда ислом молия маҳсулотларига бўлган юқори талаб ўлароқ, уларнинг молия бозоридаги иштироки чуқурлашди ва ислом молия тармоғи барча жабҳаларда кенгайишда давом этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ислом молиялаштириш тамойиллари асосида қимматли қоғозларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори лойиҳаси эълон қилинди.

Қарор лойиҳасига кўра, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитасининг:

- ислом молиялаштириш тамойиллари асосида қимматли қоғозларни жорий этиш ҳамда назорат остидаги мол-мулк ва мулкий ҳуқуқларга нисбатан иқтисодий назорат ҳуқуқини баҳолаш ва сотиш (бошқага ўтказиш) имкониятини яратадиган бенефициар мулк ҳуқуқини белгилаш ва сотиш (бошқага ўтказиш) соҳасида инглиз ҳуқуқи меъёрларини қўллаш учун республикада керакли инфратузилма яратиш;

- Капитал бозорини ривожлантириш агентлигини Ўзбекистон ҳудудида ислом молиялаштириш тамойиллари асосида қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш ва муомалага чиқаришни тартибга солувчи ваколатли давлат органи сифатида белгилаш;

- Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитаси қимматли қоғозлар чиқарилишининг ислом молиялаштириш тамойилларига мувофиқлигини тасдиқловчи ваколатли орган сифатида белгилаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилади.

Шунингдек, қарорда қуйидагилар белгиланади:

- сукук қимматли қоғозлари – ислом молиялаштириш тамойилларига асосан чиқарилган, мол-мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқи ва мулк ҳамда мулкий ҳуқуқдан фойдаланиш ва (ёки) улардан фойдаланишдан олинадиган даромадлар, ушбу қимматли қоғозлар молиялаштирилиши мақсадида чиқарилган маълум лойиҳалар хизматлари ёки мол-мулкка бўлган бўлинмас ҳуқуқни тасдиқловчи эмиссиявий қимматли қоғозлар;

- сукук ижара қимматли қоғозлари (сукук ал ижара) – муомала мuddати аввалдан белгиланиб, махсус молия компанияси томонидан ислом молиялаштириш тамойилларига асосан чиқарилган қимматли қоғозлар бўлиб, уларнинг эгалари ижара шартномаси (молиявий лизинг) бўйича даромад олиш ҳуқуқига эга бўлишади;

- сукук иштирок этиш қимматли қоғозлари (сукук ал мудораба/мушарака) – муомала мuddати аввалдан белгиланиб, махсус молия компанияси томони-

дан ислом молиялаштириш тамойилларига асосан жалб этилган маблағлардан янги инвестициявий лойиҳани ташкил этиш учун фойдаланиш, оддий шерикчилик шартномаси ёхуд акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган шерикчилик ташкилий-ҳуқуқий шаклидаги юридик шахсни ташкил этган ҳолда мавжуд инвестициявий лойиҳани ривожлантириш ёки тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида чиқарилган қимматли қоғозлар;

- тўлови узайтирилган қайта сотиб олиш қимматли қоғозлари (суқуқ ал муробаҳа) – муомала муддати аввалдан белгиланиб, махсус молия компанияси томонидан ислом молиялаштириш тамойилларига асосан чиқарилган қимматли қоғозлар бўлиб, бунда оригинаторга тўлови узайтирилган мол-мулк берилади;

- оригинатор – махсус молиявий компанияга мол-мулк ва (ёки) мулкий ҳуқуқларни тегишли шартнома ёки келишув асосида тақдим этадиган юридик шахс – Ўзбекистон резиденти;

- махсус молиявий компания – фақат суқуқ қимматли қоғозларини чиқариш мақсадида ташкил этиладиган ва Ўзбекистон ҳудудида ташкил этиладиган тақдирда акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият ташкилий-ҳуқуқий шаклида ташкил этиладиган ва Агентлик юритадиган махсус молиявий компаниялар – Ўзбекистон резидентлари рўйхатига кирадиган юридик шахс;

- бенефициар ҳуқуқ (иқтисодий назорат ҳуқуқи) – охир-оқибат назорат остидаги юридик шахснинг мол-мулки ва (ёки) мулкий ҳуқуқларини тасарруф этадиган жисмоний ёки юридик шахснинг бошқага бериладиган, назорат остидаги юридик шахснинг нотариал тасдиқланган декларацияси билан тасдиқланадиган ашёвий ҳуқуқи.

Шунингдек, куйидагилар белгиланади:

- суқуқ қимматли қоғозлари ҳисобига молиялаштириш ссуда фоизи йўқлигини назарда тутиб, суқуқ қимматли қоғозларини харид қиладиган инвесторларнинг молиялаштирилаётган тадбирнинг даромади эвазига кафолатланмаган даромад олишларини назарда тутати;

- суқуқ қимматли қоғозларининг чиқарилиши махсус молиявий компанияни ташкил этиш ва қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг хорижий ва маҳаллий майдончаларида махсус молиявий компания (эмитент) эмиссияси орқали, иккита – таъминланган (ассет-баскед) ва таъминланмаган (мол-мулк асосидаги (ассет-басед)) усулда амалга оширилади;

- суқуқ ижара қимматли қоғозлари (суқуқ ал ижара)ни чиқаришда оригинатор мол-мулкка бўлган бенефициар мулк ҳуқуқи (иқтисодий назорат ҳуқуқи)ни жалб этилаётган молия эвазига ижара қимматли қоғозлари (суқуқ ал ижара)нинг қайта сотиб олиш муддатига бенефициар мулк ҳуқуқи (иқтисодий назорат ҳуқуқи)ни кейинчалик қайта молиявий ижарага олиш билан сотиш мажбуриятини олади.



Хусусан, 2021 йил 1 декабрга қадар “Тошкент” РФБ ва хорижий қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларида суқуқ қимматли қоғозларини чиқариш тажрибасида иштирок этиш истагини билдирган оригинаторларни саралаб олиш ва келгусида оригинаторлар рўйхатини ҳар чорак тасдиқлаб бориш вазифаси юклатилди [12].

Хулоса ва тақлифлар. Хулоса килиб айтганда, миллий иқтисодиётимизда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш билан боғлиқ ҳаракатларнинг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш учун, бизнингча, қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

– Ўзбекистон Республикасида акциядорлик жамиятлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг муомаласи ва улар бўйича олиб бориладиган ҳисобларни такомиллаштириш учун олий таълим тизимида банк иши йўналишида таҳсил олувчи талабалар ва магистрантларга қимматли қоғозлар муомаласининг чет эл тажрибасини чуқурроқ ўргатиш лозим. Бунинг асосий сабаби келгуси кадрларнинг қимматли қоғозлар билан ишлаш амалиётини кескин оширишдир;

– мамлакатда фонд биржалари фаолиятини такомиллаштириш лозим. Қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштирмасдан, акциядорлик жамиятлари фаолиятида қимматли қоғозлар ривожини кутиш мумкин эмас;

– қимматли қоғозларнинг афзаллиги бўйича аҳоли орасида кенг ташвиқотлар амалга ошириш лозим. Аҳоли ва ташкилотларни қимматли қоғозларнинг афзаллик (ундан келиши мумкин бўлган фойда) жиҳатлари ҳақида батафсил маълумот бериб бориш ҳамда молиявий саводхонлигини ошириш ишларини олиб бориш зарур;

– акциядорлик жамиятлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни бошқариш ва улар ҳисобини юритишда ривожланган хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланиш йўллариини ишлаб чиқиш лозим;

– мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ислон динига эътиқод қилувчи фуқаролар ташкил этишини инобатга олсақ, “Тошкент” РФБ ва хорижий қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчилари томонидан суқуқ қимматли қоғозларининг эмиссия жараёнларини жадаллаштириш зарур.

Юқорида келтирилган тақлифларнинг амалиётга жорий этилиши, бизнинг назаримизда, Ўзбекистон акциядорлик жамиятлари фаолиятида ҳамда қимматли қоғозлар бозорининг юксалишига имкон яратиб беради ва бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг реал ишлаб чиқариш секторида акциялаштириш жараёнининг чуқурлашувига ўз таъсирини кўрсатади.

Фойдаланиган адабиётлар рўйхати

1. Каюмов Р. (2015) *Молия бозори ва қимматли қоғозлар. Маърузалар матни. Ўзбекистон Республикаси Солиқ академияси.* – 136 бет.

2. Муаллиф томонидан мустақил тузилди.
3. Тобиас Адриан и Фабио Наталуччи Кризис COVID-19 создает угрозу финансовой стабильности. <https://www.imf.org/ru/News/Articles/2020/04/14/blog-gfsr-covid-19-crisis-poses-threat-to-financial-stability>.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони.
5. Хесселя М. (1996) Корпоративное управление: владельцы, директора и наемные работники акционерного общества / Под ред. Хесселя М. – М.: Джон Уайли энд Санз.
6. Клийатигодов, А. (2020). Ўзбекистон фонд бозори инфратузилмасини ривожлантириши: муаммолар ва ечимлар. Архив научных исследований, 33 (1).
7. Яушев Р. (2004) Управление государственными пакетами акций: вопросы теории и практики. / Экономика и класс собственников. № 3. С. 27.
8. Шермухамедов А.К. Устойчивое развитие нефтегазовой отрасли Узбекистана и её инвестиционная привлекательность. // Международный научный сельскохозяйственный журнал. 2019. №. 4. С. 16-17.
9. Шермухамедов А.К. ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА МЕХАНИЗМ УПРАВЛЕНИЯ КЛАСТЕРАМИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА. // Международный научный сельскохозяйственный журнал. 2018. №. 1-4. С. 7-10.
10. <https://www.uzse.uz/boards/2596>
11. <https://president.uz/uz/2913>
12. <https://regulation.gov.uz/uz/document/23150>



AKSIYADORLIK JAMIYATLARIDA KORPORATIV BOSHQARUVNI SAMARALI AMALGA OSHIRISH MEXANIZMLARI

A.K. Shermuhamedov,
“Korporativ boshqaruv”
kafedrası assistenti, TDIU

Annotatsiya. Hozirgi kunda mamlakatimizda bozor iqtisodiyoti faoliyat yuritishining zaruriy institutlari amaldagi qonunlarda o'z ifodasini topgan, shu bilan bir vaqtda, yangi shakllangan korporativ tadbirkorlik tuzilmalarida boshqaruv samaradorligini ta'minlash raqobatni hamda mulkdorlar huquqini himoya qilish muammolarini hal etishda mavjud institutlar samaradorligi pastligi kuzatilmoqda.

Tayanch iboralar: samaradorlik, tadbirkorlik, birja, korporativ boshqaruv, moliyaviy mustahkamlik, korporatsiya.

Kirish. Korporativ boshqaruv munosabatlari sohasi ushbu yo'nalishdagi institutlar samaradorligini oshirishda katta imkoniyatga ega hisoblanadi. Har qanday davlatning iqtisodiyoti o'zaro aloqada faoliyat ko'rsatuvchi va shu bilan bir paytda, bir-biri bilan raqobatlashuvchi ko'p sonli unsurlardan tarkib topgan ko'p pog'onali va qatlamli tizimni ifodalaydi, bu unsurlarning asosiysi tadbirkorlik hisoblanadi.

Илмий мақоланинг матни. Tadbirkorliksiz zamonaviy bozor iqtisodiyoti bir maromda va uzluksiz faoliyat ko'rsatishi va barqaror rivojlanishi mumkin emas. Shularni inobatga olib ishida tadbirkorlik, uning aksiyadorlik shaklining maqsadi va faoliyatining o'ziga xos xususiyatlari tahlil qilingan.

Tadqiqot metodologiyasi. O'tgan hafta davomida, ya'ni 10-16 avgust kunlari “O'zbekiston Respublikasi tovar-xomashyo birjasi” AJning barcha savdo platformalarida 1 219,0 mlrd. so'mlik tovarlar sotilgan bo'lib, bu avvalgi haftaga nisbatan 29,1 %ga kamdir. Bunda sotuvlarning 84,3 %i birja savdolari, 1,4 %i ko'rgazma-yarmarka savdolari, 14,0 %i elektron davlat xaridlari va 0,3 %i avtoraqamlarning onlayn-auksioniga to'g'ri keldi.

Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlari ishtirokida tuzilgan bitimlarning umumiy hajmi 426,5 mlrd. so'mni tashkil qildi. Davlat xaridlari tizimlarida o'tkazilgan elektron savdolar natijasida byudjet va korporativ buyurtmachilarning qariyb 26,8 mlrd. so'mlik mablag'lari tejaldi.

Ko'rib chiqilayotgan davr mobaynida onlayn auksion orqali 2 272 ta avtoraqamlar sotildi, sotilgan davlat raqam belgilarining umumiy summasi 4,1 mlrd. so'mni tashkil qildi. Raqobatli savdolar natijasida bitimlarning 2,9 %i birinchi toifadagi avtoraqamlarga, 8,8 %i ikkinchi, 9,2 %i uchinchi, 12,9 %i to'rtinchi, 20,0 %i beshinchi va 46,0 %i oltinchi toifa avtoraqamlarga tegishlidir.

Birja savdolari ko'rib chiqilayotgan davrda ochiq birja savdolari orqali jami 1 027,6 mlrd. so'mlik tovar resurslari sotildi. Sotuvchi korxonalar mahsulotlarni tasdiqlangan jadvallarga rioya qilgan holda birja savdolariga qo'yishdi, shu jumladan: o'tgan haftada birjaning paxta yog'i bozorida narxlarning pasayish holatlari kuzatildi. Xususan, 29-30-avgust kunlari birja savdolari orqali 1 462,0 tonna paxta yog'i sotilgan. O'tgan uch kun mobaynida barcha navli paxta yog'ining kunlik o'rtacha narxlari mahsulotning bir tonnasi uchun 17 777,0 ming so'mdan 17574,99 ming so'mgacha, ya'ni 1,16 %ga pasaydi. Paxta yog'ining birjadagi narxlari pasayishiga mos tarzda texnik paxta chigiti va paxta yog'ining boshlang'ich narxlarini sotuvchi-korxonalar tomonidan pasaytirilganligi o'z ijobiy ta'sirini o'tkazdi.

Xususan, ko'rib chiqilayotgan davrda paxta yog'ining boshlang'ich narxi mahsulotning bir tonnasi uchun o'rtacha 15 375,6 ming so'mdan 14 158,6 ming so'mgacha, ya'ni 8 %ga pasaygan. Eslatib o'tamiz, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 4-apreldagi PQ-4664-sonli qaroriga muvofiq "O'zbekneftgaz" AJ tasarrufidagi Buxoro neftni qayta ishlash zavodi tomonidan birja savdolariga qo'yiladigan avtomobil benzinining boshlang'ich narxlari, jahon birjalaridagi Brent neftining kotirovkalaridan kelib chiqib shakllanadi⁸⁰.

I. Ansoff ta'rifiga ko'ra, korporatsiya tadbirkorlik faoliyatini tashkil qilishning iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatlarda keng tarqalgan, yuridik maqomi, ishbilarmonlik mulki va yollanib ishlaydigan professional boshqaruvchilarning yuqori bo'g'inida boshqaruv funksiyalarini ko'zda tutadigan shaklidir.

D. M. Rozenbergning hisoblashicha, korporatsiya o'z oldiga belgilangan maqsadlarni qo'yan, jamiyat manfaatlari yo'lida xizmat qiladigan, belgilangan huquqlarga ega, doimiy asosda faoliyat ko'rsatadigan va cheklangan mas'uliyatga ega yuridik shaxs hisoblangan tashkilotdir.

Aynan korporatsiyalar sanoati rivojlangan mamlakatlar iqtisodiy kuchining, milliy iqtisodiyotlarning jahon bozorida raqobatbardoshligining asosini tashkil qilishini tan olish lozim. Bu haqda quyidagi dalil ham guvohlik beradi: garchi yirik korporatsiyalar zimmasiga tadbirkorlik tuzilmalari tarkibida kichik ulush to'g'ri kelsa-da, aynan ular milliy iqtisodiyotning yuzi va sifatini, uning jahon xo'jaligidagi raqobatbardoshligini belgilab beradi.

Masalan, AQShda korporatsiyalar sanoat firmalari umumiy sonining atigi 18 foizini tashkil etsa-da, biroq bunda sanoat mahsulotlari hajmining 90 foizini ishlab chiqaradi. Shu sababli Dj. K. Gelbreyt va boshqa bir qator tadqiqotchilar yirik korporativ tuzilmalarni sanoat tizimining asosi sifatida ko'rib chiqadilar.

Ta'kidlash joizki, korporatsiyalarning shakllanishi va rivojlanishi milliy iqtisodiyotning rivojlanish tendensiyasi hisoblanadi, chunki yirik korporativ tizimlar rivojlangan mamlakatlar iqtisodiyotining ham, butun jahon xo'jaligining ham asosini tashkil qiladi. Ular ishlab chiqarishni makroiqtisodiy tartibga solishni

⁸⁰ <https://uzex.uz/uz-Cyrl/News/weekly-uzex-digest-10-16-avgust>



optimallashtiradi, iqtisodiyotni modernizatsiyalash strategiyasini shakllantirish va amalga oshirishda davlatning hamkori sifatida ishtirok etadi.

Korporatsiyalarning u yoki bu mamlakat iqtisodiy tizimidagi o'рни va roli ularning umumiy takror ishlab chiqarish jarayonidagi faoliyati, uning resurslar bilan ta'minlanganligi bilan belgilanadi. Yirik tadbirkorlik ishlab chiqarishni yuqori darajada umumlashtirish, kapitalni birlashtirish va markazlashtirishga asoslanadi. U sanoat ishlab chiqarish salohiyatining negizini tashkil qiladi.


Tadqiqot metodologiyasi. Korporativ boshqaruv sohasidagi O'zbekiston olimlari va mutaxassislarining ta'kidlashicha, mamlakatda korporativ munosabatlarning rivojlanish jarayoni, umuman olganda, bozor munosabatlariga o'tish yo'llari va ularning iqtisodiy rivojlanish xususiyatiga ta'siri bilan to'g'ridan to'g'ri bog'liq jihatlarga tobora ega bo'lib bormoqda. Aynan iqtisodiyot tarmoqlarida olib borilgan islohotlar jarayoni ko'p jihatdan davlatning qonunchilik tizimi xususiyatlari, iqtisodiy, ijtimoiy va texnologik shart-sharoitlari bilan bog'liq bo'lgan holda aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruv modelining shakllanishi va rivojlanishi bilan bog'lanadi. Shulardan kelib chiqib, ishida milliy korporativ boshqaruv tizimini takomillashtirish va uning samarali faoliyat ko'rsatishini ta'minlovchi tamoyillarga mos vazifalari asoslangan (1-rasm).

Korporativ boshqarish tamoyillari talablarini to'liq bajarish aksiyadorlik jamiyatiga eng kam sarf-xarajat bilan katta miqdorda uzoqqa mo'ljallangan investisiyalar jalb etishni, yangi innovatsion texnologiyalarni faol joriy etishni ta'minlaydi. Shuni inobatga olganda, korporativ boshqaruv organlari aksiyadorlar huquqlarini himoyalash, ularga bir xil munosabatda bo'lish, manfaatdor tomonlar hamkorligini rag'batlantirish, axborotlarni belgilangan vaqtlarda to'liq ochib berish, korxonalar menejmentini nazorat qilishni ta'minlash bo'yicha vazifalarni hal etishning samarali mexanizmlarini qo'llashni talab etadi.

Tadqiqot natijalari. Hozirgi paytda respublikamizda korporativ boshqaruv modelini takomillashtirish va uni samarali yuritishiga hal qiluvchi ta'sir ko'rsatayotgan omillar orasida quyidagilarni ajratib ko'rsatish mumkin:

- mamlakatdagi barqaror makroiqtisodiy vaziyat va iqtisodiy siyosat;
- jamiyatda aksiyalarga egalik qilishning muayyan tuzilmasi;
- moliyalashtirish manbalarining o'zaro nisbati;
- qonunchilik tizimi va huquqiy madaniyatning rivojlanish bosqichlari va zamonaviy xususiyatlari;
- yuzaga kelgan ishbilarmonlik munosabatlari amaliyoti;
- davlatning iqtisodiyotga aralashuv darajasi va uning huquqiy tizimni tartibga solishdagi roli.

Korxonalar moliyaviy holatini umumiy baholashdan keyingisi moliyaviy tahlil bosqichi bo'lib, korxonalarning moliyaviy mustahkamligi tahlili hisoblanadi. Moliyaviy mustahkamlikni tahlil qilishdan oldin moliyaviy mustahkamlikning mazmuni to'g'risida kelishib olishimiz lozim.



1-rasm. Korporativ boshqaruv tamoyillari va uning samarali tizimiga o'tish vazifalari⁸¹

Tahlillar. Iqtisodiy adabiyotda moliyaviy mustahkamlikka va balans likvidligiga bir xil ta'rif beriladi va aniqlanayotgan ko'rsatkichni yoki moliyaviy mustahkamlik yoki balans likvidligi, ya'ni korxonalarining olingan qarzlarni qaytarib berish qobiliyatiga egalik deb tushuniladi. Moliyaviy mustahkamlik va balans likvidligi o'z mazmuniga ega bo'lgan ikki xil moliyaviy ko'rsatkichlar bo'lib, korxonalar moliyaviy faoliyatini har xil nuqtayi nazardan ifodalaydi.

Davlat ulushiga ega bo'lgan aksiyadorlik jamiyatlari faoliyati monitoringida korporativ boshqaruvning zamonaviy xalqaro standartlaridan foydalanish istiqbollari amalga oshirishda korporativ boshqaruv tamoyillari va uning samarali tizimiga o'tish vazifalari muhim o'rinni egallab, uni biz quyidagi 1-rasmida izohlashga harakat qilamiz.

⁸¹ Muallif tomonidan tuzilgan.

Aksiyadorlik jamiyatlari faoliyati monitoringida korporativ boshqaruvning zamonaviy xalqaro standartlaridan foydalanishda mustahkamlik ko'rsatkichi kompleks sifatidagi ko'rsatkich bo'lib, u:

- aksiyadorlik jamiyatlari murakkab bozor munosabatlari davrida ishlab chiqarishning saqlanib qolish imkoniyatini;
- aksiyadorlik jamiyatlari mablag'laridan erkin ravishda foydalanish imkoniyati borligini;
- ishlab chiqarishni to'xtatmasdan, mahsulot sotish imkoniyati borligini;
- aksiyadorlik jamiyatlari faoliyatining umumiy mustahkamligini;
- aksiyadorlik jamiyatlari faoliyatiga to'g'ri boshqaruvlik qilinayotganligini;
- aksiyadorlik jamiyatlarida mavjud moliyaviy resurslarning bozor munosabatlarining talablariga javob berishligini;
- aksiyadorlik jamiyatlarining zaxira va xarajatlarga bo'lgan ehtiyojlarini qoplovchi manbalar borligi darajasini ko'rsatadi.

Demak, iqtisodiy mustahkamlik aksiyadorlik jamiyatlari moliyaviy resurslarining shakllanishi va ulardan foydalanish bilan aniqlanadi. Unga ham ichki, ham tashqi omillar, shart-sharoitlar ta'sir etadi.

Ichki omillar sifatida quyidagilarni ko'rsatish mumkin:

- aksiyadorlik jamiyatlarida ishlab chiqarishning barqarorligi;
- ishlab chiqarishni tashkil qilish;
- ishlab chiqarishni boshqarish;
- korxonalar nizam fondining hajmi;
- aksiyadorlik jamiyatlari xarajat va daromadlarining nisbati;
- o'zlik mablag'larining manbalari va davlat ulushiga ega bo'lgan aksiyadorlik jamiyatlari majburiyatlarining nisbati;
- korxonalar aylanma mablag'lari tarkibi.
- "O'zbekiston Respublikasi tovar xomashyo birjasi" AK o'z faoliyatida boshqa korxonalar va tashkilotlar bilan iqtisodiy aloqalarda bo'lar ekan, korxonalar moliyaviy mustahkamligiga tashqi omillar ham ta'sir etadi, ular tarkibida quyidagilarni ko'rsatish mumkin:

- aksiyadorlik jamiyatlarining tovarlar bozoridagi holati;
- aksiyadorlik jamiyatlarining eksport va import aloqalari;
- aksiyadorlik jamiyatlarining boshqa korxonalar, ta'minlovchi va iste'molchi korxonalar bilan aloqalarda ishga oid aktivligi;
- bank organlari, debitor va kreditorlar bilan aloqalar;
- respublikada amalga oshirilayotgan iqtisodiy siyosat, soliq, narx-navo va moliya, bank siyosati, texnika, texnologiya siyosati.

Bu aksiyadorlik jamiyatlari moliyaviy mustahkamlikning mazmuni shundan iboratki, moliyaviy mustahkamlikni o'lchash, baholash uchun foydalaniladigan ko'rsatkichlar tizimini chegaralab olish lozim. Lekin, ma'lumki, davlat ulushiga ega

- разработать рыночный механизм для управления этими банками;
- внедрение в них современных методов корпоративного управления;
- постепенное уменьшение доли государства в их уставном капитале;
- обеспечить приватизацию путем предоставления сокращенной доли международным организациям и другим национальным и иностранным компаниям и т.д.

Исходя из вышеприведенных можно отметить, что важным направлением совершенствования методов корпоративного управления является поиск каждым коммерческим банком путей и способов повышения своей конкурентоспособности и конкурентных преимуществ. Особое значение для обеспечения надежности коммерческого банка имеет наращивание его конкурентных преимуществ, которые составляют основу конкурентоспособности банка, обеспечивая не только финансовые и экономические, но и социальные эффекты, создавая благоприятные условия для устойчивого роста экономики.

Список использованной литературы

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии реформирования банковской системы Республики Узбекистан на 2020 — 2025 годы». УП-5992 от 12.05.2020 г.
2. Таджитдинов К. Стратегия повышения конкурентных преимуществ коммерческого банка // *Finance.uz*. 12/01/2016.
3. Темиров А. *Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш масалалари* // *Материалы международной научной конференции на тему: «Значение менеджмента и корпоративного управления в формировании цифровой экономики Узбекистана»*. -Т. 2020.20.05. С. 463-465.
4. Положение о корпоративном управлении в коммерческих банках. Зарегистрировано за № 3254 Министерством юстиции Республики Узбекистан 30 июня 2020 г.
5. www.cbu.uz

КОМПАНИЯЛАР КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МОЛИЯВИЙ СТРАТЕГИЯНИНГ ЎРНИ

Г.Ш. Мухиддинова,
мустақил тадқиқотчи, ТДИУ
Ж.М. Мурзоқов,
магистр, ТДИУ

Аннотация. Тезисда компаниялар молиявий стратегиясининг ўрни, аҳамияти, тузилмаси, ишлаб чиқиш босқичлари, молиявий стратегиясининг ҳисоб-аналитик таъминоти, шунингдек, молиявий стратегиясини ишлаб чиқишда қарорлар қабул қилишининг кетма-кетлиги ёритилган.

Таянч иборалар: бошқарув, стратегия, режалаштириши, ахборот таъминоти, молиявий стратегия, қарор.

Кириш. Республикамиз иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида рақобатдош корхоналар сони кўпайиб, ялпи ички маҳсулотнинг мунтазам ўсиб боришига эришилмоқда. Бундай натижаларга эришишда мамлакатимизда яратилган қулай инвестицион муҳит ҳамда рақобатчилик шароити муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, корхоналар молиявий ҳолатининг йилдан-йилга барқарорлашиб, инвестицион жозибадорлигининг ошиб бориши ҳам иқтисодиётнинг етакчи тармоқларига ички ва ташқи инвестицияларни жалб этиш имконини бермоқда.

Рақобатдош иқтисодиёт шароитида корхоналар молиявий ҳолатини, уларнинг фаолияти самарадорлигини аниқлаш, нафақат хўжалик субъектларининг ўзига, шунингдек, кредиторлар ва инвесторлар учун ҳам ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар фаолияти самарадорлигини таҳлил этиш корхона фаолияти кўрсаткичларини барча қизиқувчилар учун очиб берувчи вазифани бажаради. Молиявий таҳлил корхонанинг молиявий аҳволинигина ойдинлаштириб бермасдан, балки унинг турли фаолияти ва истиқболларини ҳам кўрсатиб бера олади.

Корхоналар ўз олдига аниқ мақсад қўяр экан, унга эришиш стратегиясини белгилайди. Бироқ амалиётда стратегик усул ва услубларнинг йиғиндисидан фойдаланиш ўз-ўзидан автоматик тарзда муваффақиятларни таъминлай олмайди, чунки стратегияни ишлаб чиқиш ва қўллаш ҳали кўзланган самарани олишни кафолатламайди. Корхона ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш унинг тадбиркорлик фаолиятини асосий йўналишларини аниқлашдан бошланади. Бундан келиб чиққан ҳолда унинг амалга оширилиш шакллари белгиланади ва якуний танлов бажарилади. Стратегия ўзида ҳар қандай корхонанинг ўз олдига қўйилган вазифани амалга ошириш ҳамда мақсадга эришишни мўлжалланган деталлаштирилган шаклдаги ҳар томонлама режа ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Тезисда гуруҳлаш, таққослаш, тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез усуллари қўлланилди.

Тадқиқот натижалари. Компаниялар фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий асослари ва дастаклари ичида стратегик молиявий режалаштириш алоҳида назарий ва амалий аҳамият касб этади. Бозор иқтисодиёти шароитида фойда олиш ва ўз молиявий ресурсларини кўпайтириш ҳар қандай корхонанинг асосий мақсади ҳисобланади, бу эса молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларни, уларни ташкил этиш манбаларини аниқлашни, уларни кўпайтиришнинг ички имкониятларини қидириб топишга қаратилган молиявий стратегияни ишлаб чиқишни талаб этади. Уни ишлаб чиқариш бир неча босқични ўз ичига олади. Булар қаторига қуйидагилар киради:

1. Узоқ муддатли имкониятларни баҳолаш ва ривожланиш прогнози.

2. Корхонанинг мақсадини билдириш ва унинг кучли ва кучсиз томонларни таҳлил қилиш.

3. Стратегик альтернативларни умумлаштириш ва оптималлаштириш мезонларини ишлаб чиқиш.

4. Оптимал стратегияни танлаш ва тадбирни режалаштириш.

Молиявий стратегия иқтисодий стратегиянинг бир қисми бўлиб, корхонанинг умумий стратегияси амалга оширилишига кўмаклашади⁸⁶¹. Ҳар қандай компаниянинг молиявий фаолияти доирасида икки тенг муҳим бўлган вазифа мавжуд:

1. Хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун ресурсларни жалб этиш масаласи.

2. Олинган ресурсларни тақсимлаш вазифаси (инвестициялаш).

Инвестицион ва кредит стратегияларининг умумлашган шакли корхонанинг молиявий стратегиясини ташкил этади. Корхоналарнинг ривожланиши ҳозирги кунда тўғри ташкил этилган молиявий фаолиятга ҳамда унинг доирасидаги кредит ва инвестицион фаолиятларга бевосита боғлиқдир.

Корхонанинг реструктуризацияси ва ўз-ўзни бошқариш тузимасини шакллантириш катта миқдордаги юридик шахсларнинг бир-бирига боғлиқ ҳаракатини юзага келтиради, бу эса ўз навбатида, корхона бошқарувида молиявий ва инвестицион стратегиялар тамойилларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Корхонанинг умумий молиявий стратегияси ишлаб чиқилгандан сўнг, махсус бўлимлар корхона стратегиясига кўра, шунингдек, молиявий бозор ҳолатига кўра инвестицион ва кредит стратегияларини ишлаб чиқади. Бундай қарашлар бир томондан бўлимларнинг фаолиятини ягона мақсад томон йўналтиришга олиб келади. Бошқа томондан эса пухта ўйланган молиявий стратегия корхона

⁸⁶Темиров А.А. Корхоналар фаолиятида самарали молиявий бошқарувни ташкил этиш хусусиятлари. “Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантиришда менежмент ва корпоратив бошқарувнинг аҳамияти” мавзусидаги халқаро иммий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДИУ, 2020 й. 120-123-б.

бошқарувиға фаолиятнинг бошқа йўналишларини ривожлантиришни режалаштириш имконини беради.

Корхонанинг молиявий стратегияси ўз фаолиятини молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган. Демак, корхона молиявий стратегияси корхонани бошқаришнинг молиявий ва стратегик жиҳатларининг бирлашуви бўлиб, молиявий тараққиётининг узоқ муддатдаги бош йўналишини ифодалайди. Бундан ташқари корхонанинг молиявий стратегияси ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши улар фаолиятида барқарор фойда даражасини, маҳсулотларга талаб миқдорининг ўсишини, ликвидлик ва муқобил риск даражасининг сақланишини таъминлашга қаратилган молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг узоқ муддатли йўналишларини олиш имкониятини таъминлашга хизмат қилади.

Таҳлиллар. Корхона молиявий стратегиясининг танланиши мустақкам ҳисоб-аналитик таъминотга асосланиши керак. Корхона томонидан танланган молиявий стратегиянинг ҳисоб-аналитик асосланиши жараёни молиявий таҳлил якуналарига кўра амалга оширилади. Корхона молиявий стратегиясини танлашда молиявий таҳлилнинг ҳисоб-аналитик таъминотининг методологик асосини комплекс, тизимли ва ҳолатли стратегик таҳлилнинг дастурлаштириш моделлари иштирокидаги усули ташкил этади. Шунга кўра, корхонада стратегик молиявий бошқарувнинг таркибида стратегик таҳлил муҳим ўрин эгаллайди⁸⁷.

Молиявий режалаштириш жараёнида қатор стратегик масалалар жумладан, капитал самарадорлиги, молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёж, уларнинг келгуси ҳолати ва турли омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолдаги динамикасини аниқлаш кабилар таҳлил этилади.

Танланган молиявий стратегия корхона тараққиётининг мукамал йўналишини белгилайди ва тузилган молиявий ҳолат ҳамда молиявий ресурсларнинг ўзгариши тахмини ёрдамида корхона билан бозорнинг бошқа воситачилари ўртасидаги ўзаро муносабатларда риск даражасини олдиндан камайтира олишни таъминлайди.

Корхоналарда молиявий тартибга солиш жараёнини ўрганиш унинг алоҳида элементлари биргаликдаги амал қилиши нуктаи назаридан бу фаолиятни амалий вазифаларни ҳисобга олган ҳолда янада аниқлаштириш ҳамда корхона молиявий стратегиясини ишлаб чиқишда қарорлар қабул қилишнинг кетма-кетлигини тузишга имкон беради. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Маълумотларни йиғиш.
2. Ташқи чекловлар ва имкониятлар тизими таъсирини ҳисобга олиш.
3. Корхона ички текширувини ўтказиш ва корхонага ташқи ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг таъсирини баҳолаш орқали корхона стратегик мақсадларини икки ёқлама назорат қилиш.

⁸⁷ Бандурин А., Гуржиев В., Нурғалиев Р. Финансовая стратегия корпорации. – М.: Алмаз, 2014. С. 89.



4. Стратегик молия режаси кўринишида аниқ бир стратегияни танлаш ва амалга ошириш.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, корхона молиявий стратегияси унинг фаолиятида учрайдиган ҳар қандай қарорларнинг умумий йиғиндисидан иборат бўлмай, балки ягона мақсадга қаратилган қарорлар тизими бўлиб, уларнинг ҳар бири яхлит стратегиянинг турли йўналишларини ифодаловчи таркибий қисмдан иборат бўлиши керак.

Хулоса. Келтириб ўтилган фикрларимиздан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, компаниялар фаолиятида молиявий қарорларни икки гуруҳга, яъни инвестицион қарорлар ва молиялаштириш юзасидан қарорларга бўлиш мумкин.

Биринчигуруҳкорхонага зарур бўлган молиявий ресурслар йўналишларини ифодаласа, иккинчи гуруҳ мавжуд молиялаштириш манбалари орқали зарур молиявий маблағларни қандай таъминлаш мумкинлигини кўрсатади.

Инвестицион қарорлар корхона режалаштирган муаммоларнинг ҳал этилиши учун қандай қўйилмалар зарурлигини белгилайди. Мазкур қарорлар турли лойиҳаларни молиявий баҳолаш ва улардан самарали ҳамда жалб этувчанлигини танлашни ҳам ўз ичига олади.

Корхона тегишли лойиҳа бўйича мақсадга мувофиқ бўлган инвестиция турини аниқлагач, мазкур лойиҳани молиялаштириш учун зарур бўлган маблағлар миқдорини аниқлайди. Агар корхона учун таклиф этилаётган инвестиция турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлмаса, у ҳолда корхона учун қўшимча молиялаштиришнинг зарурати бўлмайди ва бунда фойданинг барча қисми таъсисчилар ўртасида тақсимланиши мумкин.

Фойдаланиган адабиётлар рўйхати

1. Бандурин А., Гуржиев В., Нурғалиев Р. *Финансовая стратегия корпорации*. – М.: Алмаз, 2014. С. 89.
2. Грачев А.Н. *Финансовая устойчивость предприятия. Критерии и методы оценки в рыночной экономике*. – М.: Дело и Сервис, 2010. С. 400.
3. Закирова Г.Т., Темиров А.А. Кичик корхоналар фаолиятида молиявий менежментни ташкил қилиш хусусиятлари. //“Иқтисодийда инновация” журнали. 6-сон, 2019 й. 16-22-б.
4. Темиров А.А. Корхоналар фаолиятида самарали молиявий бошқарувни ташкил этиш хусусиятлари. “Ўзбекистонда рақамли иқтисодийда инновация шакллантиришида менежмент ва корпоратив бошқарувнинг аҳамияти” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДИУ, 2020 й. 120-123 б.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ДИВИДЕНД СИЁСАТИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

А.А. Темиров,
“Корпоратив бошқарув”
кафедраси доценти, ТДИУ

Аннотация. Мақолада муаллиф томонидан акциядорлик жамиятлари фаолиятида дивиденд сиёсатининг корпоратив стратегиядаги ўрни очиб берилган, компаниялар томонидан танланган дивиденд сиёсатини ишлаб чиқишига таъсир этувчи омиллар ёритилган, мамлакатимиз компанияларида дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиш тартиби баён қилинган, шунингдек, дивиденд сиёсатининг асосий тенденциялари таҳлили тўғрисида фикр юритилган.

Таянч сўзлар: компания, корпоратив бошқарув, дивиденд, дивиденд сиёсати, корпоратив стратегия, акциядорлар, қарор, қайта инвестициялаш, молиялаштириш.

Кириш. Мамлакат рақобатбардошлиги даражасини унинг миллий компаниялари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, корхоналар, тармоқлар рақобатбардошлиги таъминлаб беради, бу эса ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиялаштириш манбалари учун рақобатининг кучайишига олиб келади. Акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида мамлакат миқёсида иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган бир вақтда улар фаолиятининг асосий мезонларидан бири бўлган дивиденд сиёсати муҳим аҳамиятга эга⁸⁸.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Халқаро тажрибани ўрганиб, рақобатни олиб кириш мумкин бўлган монополия соҳаларига хусусий сектор учун йўл очиш ва шу орқали рақобат муҳитини шакллантириш лозим. Бу борада табиий монополия ва рақобат тўғрисидаги қонунларни янгилаш ҳамда иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш талаб этилади”⁸⁹.

Тадқиқот методологияси. Мақолада гуруҳлаш, таққослаш, тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез усуллари қўлланилди.

Тадқиқот натижалари. Замонавий молиявий ўзгаришлар корпоратив бошқарув муаммоларига эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатмоқда. Корпоратив бошқарувнинг сифат даражаси компанияга сармоя киритиш

⁸⁸ Бочарова И.Ю. Дивидендная политика в системе корпоративного управления компаний. // Финансы и кредит. № 47 (479), 2011. С. 11-16.

⁸⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 25.01.2020 й.

имконияти тўғрисида қарор қабул қилишга таъсир қилади, бу эса ўз навбатида, унинг капиталлашувининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Шу сабабли ҳам корпоратив бошқарувнинг муҳим элементи сифатида компаниянинг бозор қийматини максимал даражада ошириш учун истеъмолга йўналтириладиган ҳамда капитализация қилинадиган фойда ўртасидаги оптимал нисбатни белгилаб берадиган дивиденд сиёсати муҳим ҳисобланади.

Дивиденд сиёсати корпорациянинг акциядорларига дивидендлар тўлаш соҳасидаги қоидалар мажмуи ҳисобланади. Корпоратив бошқарувнинг сифат даражаси компанияга сармоя киритиш имконияти тўғрисида қарор қабул қилишга таъсир қилади, бу унинг капиталлашувининг ўзига хос хусусиятидир. Корпоратив бошқарувнинг муҳим элементи сифатида компания бозор қийматини максимал даражада оширишни ўз ичига олган дивиденд сиёсати ҳисобланади⁹⁰.

Дивиденд сиёсати компаниялар молиявий стратегиясининг ажралмас қисми бўлиб, уни танлаш жуда мураккаб жараёндир. Чунки дивиденд сиёсатининг энг муҳим вазифаларидан бири компания ривожланиши учун етарли даражадаги молиялаштириш зарурати билан акциядорлар манфаатларининг оптимал комбинациясини таъминлаш ҳисобланади. Шунингдек, дивиденд сиёсати молиялаштириш соҳасида компаниянинг бошқарув қарорларининг ажралмас қисми бўлиб, унинг энг муҳим жиҳати сифатида дивиденд тўловлари ва унинг компания ривожланиш учун қолдириладиган қисми ўртасида фойдани тақсимлашнинг оптимал нисбатларини топиш ҳисобланади. Ушбу нисбат эса келгусида акциядорлик жамиятининг стратегик ривожланишини таъминлаш, компания бозор қийматини максимал даражада ошириш, акцияларнинг бозор қийматини оширишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни аниқлаш имконини беради.

Мазкур вазифаларни ҳал этиш, ўз навбатида, акциядорлик жамияти дивиденд сиёсати мақсадини аниқлаш имконини беради. Тақсимланмаган фойдани реинвестициялаш компания учун янги акцияларни чиқариш билан таққослаганда, нисбатан арзон молиялаштириш шакли бўлиб, унинг фаолияти устидан мулкдорларни назорат қилишнинг мавжуд тизимини сақлаб қолишга имкон беради. Капитализация қилинган фойда миқдорининг ўсиши корхонанинг мулкий ҳолатининг ўсиши, ўз маблағларининг кўпайишини кўрсатади.

Акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиш ўзаро боғлиқ бўлган икки вазифани белгилаш ва ҳал этишга қаратилади. Булар:


1. Компанияни зарур молиявий ресурслар билан таъминлаш вазифаси. Бу ерда эътибор қаратилиши керак бўлган масала компаниянинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобланади.

2. Молиявий қарорлар қабул қилишнинг асосий мезони сифатида акциядорларнинг умумий мулкани максимал даражада ошириш.

⁹⁰ Темиров А. Дивидендлар ва дивиденд сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: ДИУ, 2020. – 163 б.

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамиятларининг дивиденд сиёсати ривожланаётган мамлакатларга хос бўлган дивиденд сиёсати танланаётганлигини кўриш мумкин. Маълумки, ривожланаётган бозорларда инвесторлар тўланадиган дивидендлар миқдорига эмас, балки компания капиталлашувининг ўсиш истиқболларига йўналтирилган сиёсатни маъқул кўришади.

Қуйидаги расмда акциядорлик жамиятининг дивиденд сиёсатини шакллантириш босқичлари келтирилган.



1-расм. Акциядорлик жамияти дивиденд сиёсатини шакллантиришнинг асосий босқичлари⁹¹

Акцияларга тўланадиган дивидендлар миқдори, ўз навбатида, ривожланган мамлакатларда компаниянинг қимматли қозғалари қийматида камроқ ўзгаришларга эга бўлган шароитларда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси компаниялари томонидан дивидендларга йўналтириладиган соф фойданинг улуши аста-секин ўсиб бормоқда, аммо дивиденд рентабеллиги пастигича қолмоқда.

Мамлакатимизда компаниялар томонидан танланган дивиденд сиёсатини ишлаб чиқишига қуйидаги омиллар гуруҳлари таъсир қилади:

1. Ҳуқуқий омиллар. Ўзбекистон Республикасида дивидендларни тўлаш Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонуности ҳужжатлар билан тартибга солинади, унга мувофиқ дивидендлар тўлаш манбалари аниқланади, акциядорлик жамиятларида дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли бўлмаган ҳолатлар, дивидендларни тўлаш тартиби, муддатлари ва бошқалар тўғрисида қарорлар қабул қилинади.

⁹¹ Маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси.

2. Шартнома шартлари. Хориж тажрибасидан маълумки, узоқ муддатли кредитлар берадиган банклар кредит шартномаларида компаниялар фаолиятида қайта инвестицияланадиган фойда улуши билан боғлиқ бўлган чекловлар миқдорини белгилашни назарда тутди. Банк ўз қарз олувчисининг самарали фаолиятидан манфаатдор, бу эса ўз навбатида, олинган кредит суммасининг ўз вақтида қайтарилиши имкониятини яратади⁹².

3. Ликвидлик. Махсулот реализацияси вақтида пул тўловлари ҳар доим ўз вақтида келиб тушмаслик ҳолатлари мавжуд. Акциядорлик жамиятининг фаолияти фойда билан яқунланган бўлиши мумкин, лекин дивидендлар тўлаш учун ҳисоб рақамида етарли маблағлар бўлмаслиги ҳолатлари ҳам учраб туради. Шунинг учун, қонунчиликка кўра, дивидендлар нафақат пул билан, балки бошқа мол-мулк, қимматли қоғозлар билан ҳам тўланиши мумкин.

4. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш. Ривожланаётган компаниялар фаолиятида хомашё ва ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун молиявий маблағларнинг етишмаслиги муаммолари мавжуд. Бундай шароитда акциядорлар ташқаридан қарз олиш ёки қўшимча акцияларни чиқаришга йўл қўймаслик учун дивидендларни тўлашда чекловларга ўтиш сиёсатини амалга оширишлари мумкин.

5. Акциядорлар манфаатлари. Тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги қарор қабул қилинишида унинг компания бозор қийматига қандай таъсир қилишини ҳисобга олиши керак. Қайта инвестициялашга йўналтирилган фойда келажакдаги дивидендларнинг кафолати бўлиб ҳисобланади, шунинг учун ҳам дивидендлар ўсиши даражаси унинг қийматига боғлиқ бўлади.

6. Мулкнинг “бўлиниши” муаммоси. Агар акциядорлик жамияти юқори миқдорда дивидендлар тўлайдиган бўлса, фаолиятини молиялаштириш учун шубҳасиз, ташқи молиялаштириш манбаларига, хусусан, қўшимча акциялар чиқаришга мурожаат қилади. Бундай ҳаракатлар янги акциядорларнинг пайдо бўлишига ва мавжуд бўлган мулк ҳуқуқининг “бўлиниши” (манфаатлар тўқнашуви)га олиб келиши мумкин.

7. Ахборот таъсири. Дивидендларни тўлаш тўғрисидаги маълумотлар нафақат акциядорлар томонидан, балки қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва махсус ахборот агентликлари томонидан ҳам қузатилиб борилади. Акциядорлик жамиятининг дивидендларни аввалги даврларга нисбатан кам ёки кўп тўланиши ҳақидаги ҳар қандай хабар компания акция ставкаларининг кескин кўтарилиши ёки пасайишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли ҳам акциядорлик компанияси исталмаган бозор миш-мишлари ёки ваҳимага сабаб бўлмайдиган барқарор дивиденд тўловлари сиёсатини амалга ошириш керак.

⁹² Темиров А.А. Пути совершенствования корпоративного управления в коммерческих банках Республики Узбекистан. // Управление государственное, муниципальное и корпоративное: теория и лучшие практики. Материалы Пятой Международной научно-практической конференции. – Ростов на Дону, 16-17 октября 2020 г. С. 261-265.

Акциядорлик жамиятларининг катта қисми дивидендларни тартибсиз равишда тўлайди. Дивиденд тўловлари компанияларда мавжуд бўлган бўш пул маблағларига боғлиқ. Бир қатор эмитентлар эса ўтган йиллардаги тақсимаанмаган фойдаларидан дивиденд тўловлари тўлаш амалиётини давом эттирмақда.

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамиятларининг замонавий дивиденд сиёсатидаги асосий тенденцияларни шундай кўрсатиш мумкин:

1. Тўланган дивидендлар миқдорини босқичма-босқич ошириш. IPOга тайёргарлик билан шуғулланаётган йирик компаниялар ва стратегик хорижий сармоядорларга эга компаниялар учун дивиденд сиёсати фаолиятларини муваффақиятли ривожланиш учун зарур шарт ҳисобланади. Шу сабабли ҳам компаниялар акциядорларнинг йиллик мажлиси ўтказилгандан сўнг йилига бир марта дивидендлар тўлашга мойиллик сезмоқда, бироқ айрим компаниялар эса ҳар олти ойда ёки ҳар чоракда дивидендлар тўлаши ҳам мумкин.

2. Акцияларнинг дивиденд рентабеллиги паст, бу ривожланаётган бозорларга хос бўлган хусусиятдир. Бироқ бир қатор хомашё компаниялари юқори рентабелликни намойиш этмоқда. Мисол учун, “Қизилқумцемент”, “Кварц” ва бошқалар. Бошқа томондан эса қарз юки туфайли баъзи акциядорлик жамиятлари дивидендларининг бир қисмини қарзни қайтаришга йўналтирмақда, бу, ўз навбатида, дивиденд сиёсатини ўзгартиришига тўғри келмоқда.

3. Компаниянинг асосий акциядори фойдасига маблағларни қайта тақсимлаш учун дивиденд тўловларидан фойдаланиш амалиётининг ёйилиши. Ушбу ҳолат мулкнинг юқори концентрацияси натижасида юзага келади. Дивидендлар миқдори бозор нуқтаи назаридан эмас, балки асосий акциядорнинг молиялаштиришдаги эҳтиёжларидан келиб чиқади, миноритар акциядорлар ҳам, ўз навбатида, манфаатдор бўлиб қолади.

4. Компаниянинг ички норматив ҳужжатларида дивиденд сиёсатини расмийлаштириш амалиётини қўллаш. Ушбу ҳужжатларда дивидендларни тўлашга йўналтирилган соф фойданинг энг кам улуши назарда тутилган. Бу эса ўз навбатида, компания фаолиятининг прогноз қилиш имкониятини оширади, уни инвесторлар учун янада қулай ва жозибадор қилади, шу сабабли ҳам у корпоратив бошқарув амалиётини яхшилайдди.

Таҳлиллар. Акциядорлик жамиятларининг асосий мақсади оддий акцияларнинг баҳосини максималлаштиришдан иборатдир, бу эса ўз навбатида, менежерлар қарорининг муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги акциялар баҳосига таъсир этиши орқали баҳоланади. Шундай экан, “менежерлар компания акция нархларига дивиденд сиёсати орқали таъсир кўрсата оладими” деган саволга эътибор қаратиш зарур. Компания бошқаруви унинг акциядорларига дивидендни тўлаб бериш ёки тўламаслик ҳақида қарор қабул қилишларида қандай амалиётлардан фойдаланишлари мумкин. Бу ўринда компаниянинг ўз

акцияларини қайта сотиб олишлари даражасини ошириши дивидендларни нақд тўлаб беришнинг муқобилидир. Дивиденд сиёсати икки асосий йўналишдан иборат.

1. Дивиденд тўлаб бериш нисбати бўлиб, компаниянинг даромадларига нисбатан тўлаб берилган дивидендлар миқдорини билдиради. Масалан, ҳар бир акцияга дивиденд 1000 сўм ва ҳар бир акциядан даромад 2000 сўм бўлсин, унинг тўлаб бериш нисбати 50 фоизга тенг (1000/2000).

2. Дивидендларнинг вақт давомидаги барқарорлиги. Бу инвестор учун олинадиган дивидендлар қиймати каби муҳим.

Ўзбекистон Республикасидаги кўпчилик акциядорлик жамиятлари дивиденд сиёсатини шакллантиришда бошқарув дивидендларни тўлаш ва қайта молиялаштириш ўртасидаги баланслаш борасида кўплаб муаммоларга дуч келади. Хусусан:

– бошқарув фаолиятга инвестиция қилиш миқдорини ва инвестициялашни қандай йўл билан, яъни қанча қарз ва ўз маблағлари нисбатида молиялаштириш бўйича қарор қабул қилишда;

– юқори дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор компаниянинг ўз фойдасининг камроқ қисмини олиб қолишини англагани, бу эса ўз навбатида, ташқи молиялаштириш манбаларига қарам бўлиб қолишига олиб келади.

Шунингдек, бошқарувнинг инвестициялаш ва молиялаштириш бўйича қарорлари камроқ дивиденд тўлаш ҳамда кўпроқ фойдани реинвестициялашга йўналтириши тўғрисидаги қарори ташқи молиялаштиришга мурожаат қилиш заруратини камайтиради. Бошқа томондан, баъзи мутахассисларнинг фикрича, дивиденд миқдорини молиялаштиришга йўналтириш мувофиқ эмас. Фикримизча, дивиденд сиёсати компаниялар барча ижобий NPV (Net Present Value – соф жорий қиймат)га эга инвестиция лойиҳаларини улар дивиденд тўлашлари керакми ёки йўқлигидан қатъи назар қабул қилишларига эътибор қаратиши зарур. Бу жуда муҳим, чунки агар қарор дивиденд тўлашга қаратилса ҳам, компаниянинг яхши инвестицион лойиҳаси қабул қилинишига ҳалал бермаслиги керак.

Хулоса. Дивидендлар миқдори компаниянинг рентабеллигига боғлиқлиги муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамиятларининг дивиденд тўловлари беқарор бўлиб қолмоқда ва у ўзида корхоналарнинг молиявий ҳолати ҳамда инвестиция имкониятларини тўлиқ акс эттирмайди. Концентрациялашган мулкка эга бўлган компанияларда дивиденд сиёсати кўп ҳолларда атроф-муҳитнинг ноаниқлиги, мулк ҳуқуқларининг заиф ҳимоя қилинганлиги ва ривожланмаган институтлар таъсири остида шакланган аксарият акциядорларга боғлиқ. Дўстона дивиденд сиёсатини олиб борадиган янги компанияларнинг пайдо бўлиши потенциал ва ҳақиқий инвесторлар учун кўшимча ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Фойдаланиган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 25.01.2020 й.
2. Бочарова И.Ю. Дивидендная политика в системе корпоративного управления компаний. // Финансы и кредит. № 47 (479), 2011, с 11-16.
3. Бригхэм Юджин Ф. Финансовый менеджмент. / Бригхэм Юджин Ф., Майкл С. Эрхардт. – СПб.: Питер, 2007. – 960 с.
4. Ковалёв В.В. Финансовый менеджмент: теория и практика. / В.В. Ковалёв. 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Проспект, 2014. – 1094 с.
5. Жураева Н. Влияние дивидендной политики на финансовый рынок Узбекистана. // Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов. 19.05.2017, с 3-6.
6. Темиров А.А. Пути совершенствования корпоративного управления в коммерческих банках Республики Узбекистан. // Управление государственное, муниципальное и корпоративное: теория и лучшие практики. Материалы Пятой Международной научно-практической конференции. – Ростов на Дону, 16–17 октября 2020 г, с. 261-265.
7. Темиров А. Дивидендлар ва дивиденд сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2020. – 163 б.



ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКЛАРИДА МАРКЕТИНГ БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ғ.Э. Захидов,
Академик ишлар бўйича проректор,
Қўқон университети
И.С. Фозилжонов,
Корпоратив бошқарув
факультети декан ўринбосари, ТДИУ

Аннотация: Ушбу мақолада тадбиркорлик фаолиятининг маҳсулотлар ассортиментини бошқариши соҳасида тезкор қарорлар қабул қилиши имконини берувчи комплекс ва универсал методологик ёндашувлар ҳамда товар ассортиментни ва уни қўллаб-қувватлаида ҳар бир товарнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши зарур бўлган бошқарув қарорларига оид масалалар кўриб чиқилган.

Таянч иборалар: маркетинг бошқаруви, маҳсулот ассортиментни, бошқарув қарори, ноу-хау, талаб, таклиф, стандартлаштириши, ассортимент стратегияси

Жаҳонда саноат корхоналарида, хусусан, енгил саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ва савдосини ташкил этишда ассортимент сиёсатини амалга ошириш соҳасида кенг қўламдаги илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Хусусан, тикув-трикотаж саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш истиқболини аниқлашнинг эконометрик моделлари яратилган ҳамда ушбу моделлар ёрдамида тикув-трикотаж саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш асосида бу маҳсулотларни истеъмол қилиш ҳажми прогнозланган. Шунингдек, кийим-кечак маҳсулотлари ассортиментини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, унга таъсир қилувчи омиллар, ассортиментни бошқаришда маркетинг тамойилларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, маҳсулот захиралари ва логистикасини самарали бошқариш, ассортимент сиёсатини инновацион бошқаришнинг стратегик инструментларини ишлаб чиқиш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ислохотлар натижасида тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат нархи ва сифати билан, балки функционал имкониятлари билан ҳам рақобатлашмоқда. Бу эса тадбиркорлик субъектлари томонидан бозорга мустаҳкам позицияга эга маҳсулот маркаларига устувор аҳамият қаратиш зарурлигини талаб этмоқда. Бироқ тадбиркорлик субъектлари кўп ҳолларда мақбул ассортимент сиёсатини юритишга алоҳида аҳамият қаратмай, фақатгина бозорда харидоргир бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ва бозорга таклиф қилишга уринмоқдалар.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятида маҳсулотлар ассортиментини бошқариш соҳасида тезкор қарорлар қабул қилиш имконини берувчи комплекс ва универсал методологик ёндашув мавжуд эмаслиги ҳам юқоридаги ҳолатнинг сабаби сифатида намоён бўлмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш»⁹³¹ бўйича устувор вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларнинг ижросини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлари ассортиментининг маркетинг бошқарувини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Тадбиркорлик субъектининг маҳсулот сиёсати – бозорда аниқ белгиланган дастурларнинг мавжудлиги асосида савдо воситачининг ҳаракатлар мажмуасидир. Вазифаси – маҳсулот ассортиментини яратиш ва унинг бошқарувини таъминлаш, маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини талаб даражасида сақлаш, маҳсулотларнинг мақбул мавқеини топиш (бозор сегментацияси), нарх-наво сиёсати, сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш ва бошқаларни топиш бўйича қарор ва чора-тадбирларнинг узлуксизлигини таъминлаш. Маҳсулот сиёсати, талаб ва таклиф, маҳсулотлар ўзаро бир-бирини ўрнини боса олиши, бозорнинг умумий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар асосида ишлаб чиқилади.

Бозор-турли мамлакатларда мавжуд ривожланишнинг турли даражалари, тарихий, ижтимоий ва маданий хусусиятлари билан ажралиб турадиган мураккаб ва кўп қиррали ҳодисадир; бу таклиф ва талабнинг ўзаро таъсири орқали истеъмолчиларнинг барча эҳтиёжларини қондириш мумкин бўлган муҳитдир; яъни бир томондан иқтисодиёт субъектлари ўртасидаги муносабатлар соҳаси, иккинчидан эса – маҳсулотларни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ва тақсимлашни ўз ичига олган бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми, шунингдек иқтисодиётни режалаштириш ва тартибга солиш элементлари. Бозор атроф-муҳитини доимий таҳлил қилиш, олинган маълумотларни баҳолаш ва диққат билан қўллаш – ҳар қандай тадбиркорлик субъектининг муваффақияти калитидир. Бозор тараққиётининг прогнози – истеъмолчиларнинг тадбиркорлик субъектидаги маҳсулотларга бўлган талабини тўлиқ қондириш шартлари ва ушбу маҳсулотларни самарали сотиш учун зарур шарт-шароитларни аниқлашдан иборат.

Конъюнктурани баҳолашни умумий бозорни тадқиқот қилишдан бошлаш мақсадга мувофиқдир, яъни ишни унинг умумий иқтисодий ҳолатини баҳолашдан бошланади. Бозор муҳитида эришилган нарсаларга чекловлар

⁹³¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони 1-илловаси.

кўйилган. Бундай баҳо-бизни маркетинг сиёсатини ўз вақтида бажаришимизга, сотиладиган маҳсулотларнинг миқдори ва ҳажмига нисбатан янги бозорларни аниқлашда, янги турдаги маҳсулотларни, уларни рағбатлантириш йўлларини излаш, харажатларни оптималлаштириш ва инвестицияларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш учун муҳим харажатларсиз ўзгартиришга имкон беради.

Ассортимент кенлиги бозорнинг маҳсулотларга “тўйинганлиги” ҳамда талабга боғлиқ бўлади. Талаб таклифдан устун келганида ишлаб чиқарувчи ва сотувчи ўз нархларини бозорга киритиши мумкин. Ассортимент сони ортиши билан эса хом-ашё учун харажат, ишлаб чиқариш майдонлари, янги қадоқлар ишлаб чиқариш, маркировка қилиш харажатлари ортади. Бу кўрсаткич тадбиркорлик субъектининг рақобатбардошлик мезонидир.

Тадбиркорлик субъектларида ассортиментни шакллантириш – алоҳида маҳсулот қаторларидан маълум бир маҳсулотни ажратиб олиш муаммосидир. «Эски» ва «янги», ягона ҳамда серияли ишлаб чиқариш, «фанга тааллуқли» ва «оддий», маҳсулотлар, лицензиялар ҳамда “ноу-хау” орасидаги нисбатни аниқлаш шулар жумласидандир. Ассортиментни шакллантиришда нархни белгилаш, маҳсулот сифатига бўлган талабларни аниқлаш муаммолари юзага келади.

Ассортиментни шакллантиришдан аввал, тадбиркорлик субъекти унинг концепциясини ишлаб чиқиши керак. Бунда ассортимент таркиби мақбул даражада шакллантирилиши, бунинг учун эса харидорларнинг талаблари асос сифатида олинади. Ассортиментни шакллантириш ва режалаштиришда харидорларнинг маҳсулотга бўлган алоҳида талабларини аниқлаш, уни дастурлар бўлимига узатиш, сўнгра, намуна тариқасида яратилган маҳсулотни текшириб кўриш, зарур бўлса янада мураккаблаштириб, талаб даражасига етказилишини назорат қилиш киради. Бошқача сўзлар билан айтганда, ассортиментни шакллантиришда якуний қарор маркетинг бўлими бошлиқларига боғлиқ бўлади, улар ўз навбатида маҳсулотни ўзгартиришга кўпроқ маблағ сарфлашни маъқуллашлари керак, аксинча, эскирган маҳсулотни реклама қилиш ва сотиш учун қўшимча харажат қилиш ёки унинг нархини камайтириш зарурати туғилади. Тадбиркорлик субъектидаги маркетинг бўлими раҳбаригина, мавжуд маҳсулотларга ёки улар билан бир қаторда янги ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ассортиментга киритиш вақти келганлиги ҳақидаги қарорни қабул қилиши лозим.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ассортиментнинг шакллантирилиши савдо кўламига, маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятларига, ишлаб чиқарувчининг олдидан турган мақсадлари ва вазифаларига қараб турли хил усуллар орқали амалга оширилади.

Айрим ҳолларда, бош директор раҳбарлигида доимий ваколатли орган тузиш тавсия этилади, унга тадбиркорлик субъектининг етакчи хизматлар ва

идоралари раҳбарлари аъзо бўладилар. Бу бирлашманинг асосий вазифаси – ассортиментга тегишли бўлган принципиал қарорларни қабул қилиш, яъни: фойдасиз маҳсулотларни, уларнинг алоҳида турларини савдодан олиб ташлаш; янги маҳсулотларни яратиш ва мавжуд маҳсулотларни ўзгартириш учун тадқиқот ва ишлаб чиқаришга бўлган эҳтиёжни аниқлаш; ишлаб чиқарилаётган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш режалари ва дастурларини тасдиқлаш; тасдиқланган дастурлар ва режаларга пул маблағларини тақсимлаш.

Ишлаб чиқарувчининг ширкати учун долзарб масала – барча танланган бозорларга мос келувчи стандарт маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки уни бозорнинг ҳар бир бўлимларининг ўзига хос талаблари ва хусусиятларига мослаш зарурми ёки йўқми, бунинг учун асосий маҳсулот сонини ҳисоблаб чиқиш даркор. Бу ёки у ҳолатда ҳам ўзига хос камчилик ва устунликлар мавжуд.

Барча бозорлар учун умумий, стандарт ҳисобланувчи маҳсулотнинг яратилиши жуда зарур бўлса-да, лекин бу кўпинча иложи йўқ масаладир. Шу билан бирга, фарқлаш сиёсати бу шароитда иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди, бироқ бозор шароитлари маҳсулотнинг қисман ёки тўлиқ стандартлаштирилишига имкон беради. Ушбу турдаги стандартлаштиришнинг афзалликлари қуйидагилардир: ишлаб чиқариш, тарқатиш, сотиш ва хизмат кўрсатиш харажатларини камайтириш; маркетинг мажмуасининг элементларини бирлаштириш; капитал сармояларнинг қопланишини жадаллаштириш ва ҳ.к. Бозорларнинг потенциал бозор имкониятларини тўлиқ тақсимламаганлиги, бозор шароитларининг ўзгарувчанлигига нисбатан мослашувчан маркетинг реакцияси бу ҳолатда инновацияларни чеклайди.

Маҳсулотларни фарқлаш ёки ўзгартириш бозорнинг “сўриб олиш” имкониятидан тўлақонлик билан фойдаланиш ва шу орқали рақобатчилик бўлмаган ёки суғ бўлган бозорнинг бўш қисмларини тўлдириш имкониятини яратади.

Аммо, ассортимент стратегиясининг бундай йўналишини аниқлаштириш-қиммат вазифадир ва ўз навбатида маҳсулот ишлаб чиқаришни модернизация қилиш (янгилаш) ва кенгайтириш, маркетинг тармоғини диверсификациялаш ва қайта тузиш, маркетинг бирлашмасини кенгайтиришни талаб этади. Натижада стандартлаштириш, табақалаштириш ёки уларнинг иккисининг ҳам татбиқ этилиши ишлаб чиқарувчи ташкилот фаолиятининг ўзига хос шартларига боғлиқ бўлади ва у яқиний натижалар билан белгиланади, яъни-сотишнинг иқтисодий самарадорлиги ва ушбу усуллар билан эришилган сотув ҳажмининг даражаси.

Ассортиментнинг тўғри шаклланиши билан бир қаторда унинг барқарорлигини таъминлаш муҳим вазифадир. Барқарорлик кўрсаткичи бир хил маҳсулотларга бўлган талабни қондиришга имкон беради. Маркетинг бошқаруви

асосида ассортиментни шакллантириш тизимининг мақсади- товар хом-ашёси шаклланишини, мақомини ва динамикасини бошқариш муаммоларини ҳал этишнинг ягона маркетинг воситасини яратиш саналади. Ушбу мақсадга эришишда маҳсулот захираларини бошқаришнинг маркетинг таҳлили усулларидан фойдаланилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тадбиркорлик фаолиятида товар ассортиментни ва уни қўллаб-қувватлашда ҳар бир товарнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга оладиган ассортимент режаси тузилгандан кейин корхонага тегишли ҳар бир савдо нуқтаси ҳажми, шунингдек, талаб тебранишлари, мерчандайзернинг роли кўзда тутилган молиявий смета билан таққослаганда амалдаги сотув ҳажми мониторингини назарда тутиш лозим.

Фойдаланиган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони // Халқ сўзи. – 2017. – 08 февраль.*
2. *Ўлмасов А., Ваҳобов А. В. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2014. – 480 б.*
3. *Алимходжаева Н. “Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариши ва сотишини маркетинг тадқиқотлари асосида мувофиқлаштириши (Бурсел – Тошкент текстиль қўшма корхонаси мисолида)” и.ф.н. автореф. – Т.: ТДИУ, 2011, –24 б.*

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Г.Х. Йўлдашова,
таянч докторант, ТДИУ

Аннотация. Ушбу мақолада акциядорлик жамиятларининг самарали бошқарув механизмларини такомиллаштириши ва уларга эришиши устидан назорат қилиши учун зарур ташкилий тизимни, шунингдек, мамлакатимизда олиб борилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар даврида корпоратив бошқарув механизмлари тизимининг самарадорлигини оширишга ва жамият акциядорларига индивидуал ёндашувлар асосида акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарувини такомиллаштиришга қаратилган масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: корпоратив бошқарув, рақобат, корхона иқтисодиёти, бошқарув тизими, акциядорлар умумий йиғилиши, акциядорлик жамияти, корпоратив бошқарув механизми.

Кириш. Ҳозирги шиддаткор замонда рўй бераётган иқтисодий қонунларни билиш ва уларнинг амал қилишига онгли муносабатда бўлишда, мамлакатни демократлаштириш ва иқтисодиётда фаолият юритаётган корхоналарни замонавий, инновацион бозор тамойиллари асосидаги стратегияларининг мазмун-моҳиятини тушуниш учун зарур бўлган билимларни беришда бунёдкорлик ғояларини шакллантириш, уларнинг илмий дунёқарашини кенгайтириш, иқтисодий маданиятини ошириш ҳамда жаҳондаги етуқ компанияларни ривожлантириш моделларини ўргатиш каби муҳим вазифаларни бажариш орқали мазкур фаннинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Ушбу ижтимоий-иқтисодий муаммоларни тезроқ ҳал қилиш, уларнинг ечимини излаб топиш, миллий истиқлол мафқурасининг мазмунини ва хусусиятларини тушуниш кўп жиҳатдан ривожлантириш моделлари сирларини, айниқса, акциядорлик жамиятлари стратегияси мазмунини, унинг жаҳон талаблари ва хусусиятларини, қонун-қоидаларини соддалаштириш, таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашдаги мақсади ва моҳиятини чуқурроқ билишларига боғлиқдир. Бироқ акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизмлари тизими етарли даражада ташкил этилмаганлиги сабабли корхоналарнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва инвестицияларни жалб этиш даражаси пастлигича қолмоқда.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан «Кўплаб компанияларимиз молиявий ҳисобот юритиш, ички назорат ва аудит ўтказиш, бошқарувга мустақил аъзоларни киритиш каби

масалаларда оқсаётгани сабабли компанияларда корпоратив бошқарувни кенг жорий этиш»⁹⁴ кераклиги ҳамда «Корхоналар ўз вазифаларини тўлиқ бажариш ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва технологик ривожлантиришга кўмаклашиш имконини бермайдиган қатор муаммолар мавжудлиги, хусусан, корпоратив бошқарувнинг шаффоф эмаслиги»⁹⁵ таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида: «Корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш»⁹⁶ каби вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларни самарали амалга ошириш учун акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув механизмлари тизимини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолада Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар иқтисодчи олимларининг янги Ўзбекистон шароитида корпоратив бошқарувни самарали амалга ошириш механизмларини ривожлантиришни амалга оширишни таъминловчи манбаларнинг таҳлилига бағишланган илмий асарлари ўрганилган. Шунингдек, акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув механизмлари тизимини такомиллаштириш бўйича фаолиятидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Бугунги кунда корпоратив бошқарув механизми тизими ривожланишида ҳар бир ҳудуднинг акцияларга эгаллик қилиши, молиявий тизими ва манбалари, урф-одатлари, мавжуд бозор муносабатлари, давлатнинг корхоналар бошқарувига аралашув даражаси макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодий ислохотларнинг давомийлиги ва жадаллиги билан узвий боғлиқликда шаклланади. Юқорида санаб ўтилган омилар акциядорлик жамияти тизимининг яралишига билвосита таъсир қилади.

Ҳозирги кунда корпоратив бошқарув механизми ҳамда корпоратив корхоналардаги модернизациялаш жараёнлари самарадорлигининг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш катта аҳамият касб этмоқда. Акциядорлик жамияти қайси тармоққа мансублигидан қатъи назар қанчалик яхши ва самарали ишласа, жамиятининг иқтисодий кўрсаткичлари ҳамда аҳолининг турмуш тарзи шунчалик юқори бўлади. Бундай шароитларда хўжалик амалиёти ва

⁹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги Давлат иштирокидаги корхоналарни ислох қилиш натижадорлиги ва бу йўналишдаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилишидаги нутқи. // <https://president.uz/uz/lists/view/3130>

⁹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги «Давлат активларини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-3720-сонли қарори. // <http://www.lex.uz/docs/3734159?ONDATE=15.05.2018%2000>

⁹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // <http://lex.uz/docs/3107036>

фан олдига биринчи ўринда ҳар бир корхона, тўғрироғи, ишлаб чиқаришда қатнашувчи бутун жамоанинг бозор муносабатларига асосланган ҳозирги иқтисодиётнинг ривожланиш тенденциялари ва қонунларини, аввало, унинг асосий кўрсаткичлари – талаб ва тақлиф тушунчаларини билиши ва тўғри тушуниши; иккинчидан, миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва мамлакатнинг ривожланган давлатлар қаторига қўшилишида ўз ҳиссасини кўшиши; учинчидан эса ишлаб чиқаришнинг ҳар бир бўғинида юқори самара ва сифат кўрсаткичларига эришиш масаласи қўйилади.



1-расм. Корпоратив бошқарув механизмининг шаклланишига таъсир қилувчи омиллар⁹⁷⁴

Халқаро молия корпорацияси корпоратив бошқарув механизми акциядорлик жамиятлари фаолиятига ижобий таъсир қилиш жараёни бошқарув тизимининг 4 та босқичи билан таснифланиши асослаб берган (2-расм). Биринчи босқичда корпоратив бошқарув тизимини жорий этишда, энг аввало, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шакллантириш орақали корхонанинг ижобий имижини ўзгартиришга олиб келиши кўрсатилган.

⁹⁷ Иқтисодий Фойдаланиган адабиётлар рўйхатини ўрганиш натижасида муаллиф томонидан мустақил тузилди.



2-расм. Корпоратив бошқарув механизми тизими ва унинг самарадорлик бошқичлари⁹⁸⁵

1-жадвал

| № | Йиллар | Тўланган дивиденд (минг сўм) | “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамиятида ахборотларнинг ошқоралик кўрсаткичи |
|-----|--------|---------------------------------|---|
| | | Y | X |
| 1. | 2007 | 36 945 | 0,64 |
| 2. | 2008 | 38 786 | 4,064 |
| 3. | 2009 | 40 603 | 7,488 |
| 4. | 2010 | 45 851 | 10,912 |
| 5. | 2011 | 87 561 | 14,336 |
| 6. | 2012 | 149 218 | 17,76 |
| 7. | 2013 | 161 975 | 21,184 |
| 8. | 2014 | 88 132 | 24,608 |
| 9. | 2015 | 152 266 | 28,032 |
| 10. | 2016 | 279 109 | 31,456 |
| 11. | 2017 | 245 977 | 34,88 |
| 12. | 2018 | 244 250 | 41 |

Биринчи бошқичнинг самараси иккинчи бошқичнинг шаклланишига замин бўлади ва ушбу бошқичда эса корпоратив бошқарув тизимига дастлабки қадамлар қўйилгани учун капитал харажатларини камайтиради. Ушбу бошқичларнинг самараси учинчи бошқичда, яъни ривожланган корпоратив бошқарув тизимига асос солади. Бунинг натижасида корхонанинг капитал бозорига киришга имконияти яратилади. Халқаро молия корпорациясининг таъкидлашича, корпоратив бошқарувнинг тўртинчи бошқичида акциядорлик жамиятлари операцион самарадорлиги яхшиланиши туфайли етакчилик даражасига кўтарилиши мумкинлиги келтириб ўтилган. Шунингдек, хўжалик фаолиятини корпоратив ташкил этиш ва бошқаришнинг кенг имкониятлари корпорацияларнинг устунлик-
The International Finance Corporation & the U.S. Department of Commerce, The Russia Corporate Governance Manual, p.13, <https://www.trade.gov/goodgovernance/CorpGovManual.asp>

фойдаланган ҳолда акциядорлик жамиятларининг бир-бири билан муносабатларини моделлаштириш имконини беради.

I-жадвал маълумотлари таҳлилида (Y) натижавий омил сифатида тўланган дивиденд олинган ҳамда таъсир этувчи омил сифатида акциядорлик жамиятида ахборотларнинг ошкоралик кўрсаткичи (X) олинган. Жадвал маълумотларини компьютер Microsoft Excel дастури ёрдамида қайта ишлаш асосида қуйидаги регрессион таҳлил натижаларига эришилган.

Натижавий омил билан таъсир этувчи омиллар ўртасидаги корреляцион боғланишни ифодалайдиган регрессиянинг тенгламасини «Энг кичик квадратлар» усулидан фойдаланиб, қуйидагича акс эттириш мумкин бўлади:

$$\text{Ln}(Y) = 10,1371391 + 0,536778046 * \text{Ln}(x) \quad (1)$$

Демак, т математик модель таҳлилининг кўрсатишича, «Ўзбекқўмир» АЖда ахборотларнинг ошкоралик кўрсаткичининг ошиши жамият акциядорларига тўланадиган дивидендлар миқдорини камайтирмайди, аксинча оширади.

«Ўзбекқўмир» акциядорлик жамияти корпоратив бошқарув механизми тизимида маълумотларнинг ошкоралик кўрсаткичининг пастиги сабабли жамият акциядорлари, инвесторлар ва жамият фаолиятини бевосита кузатиб борувчилар учун маълумотлар топиш қийинчилик тугдирмоқда, шу сабабдан жамият веб-сайтида ахборотларнинг ошкоралик даражаси оширилиши жамият фаолияти ҳамда унга бўлган ишончни ошириши мумкин.

Инновацион ривожланиш стратегияси инновацион жараёнларини бошқаришни ўзаро боғлиқ бўлган услубий ва илмий-амалий қоидалар мажмуаси асосида корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш, ташкилий тузилмаларни бозор муносабатларига мослаштириш мақсадида компания ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритиш лозим (Йўлдашова Г., 2021).

Мавзуга оид Фойдаланиган адабиётлар рўйхатининг таҳлили. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизмлари тизимининг асосий жиҳатлари сифатида корхонанинг барча иштирокчилари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик муҳитини шакллантириш ва улар ўртасида ишончни ошириш мақсадида корпоратив бошқарувда хулқ тамойилларига риоя қилиш ва шаффофликка асосланган тизимли бошқаришга ўтиш йўллари ишлаб чиқилмоқда. Корпоратив бошқарув механизмлари тизими ривожланишининг бир неча минг йиллик тарихини ҳисобга олган ҳолда ҳозирги кундаги корпоратив бошқарув тизимининг шаклланиш жараёнини ўрганиш ҳамда шериклик муносабатларида иштирокчилар ўртасида умумий мақсад ва мулкка эгаллик ҳиссининг вужудга келиши, уларнинг бир мақсад ортида бирлашиши, шерикчилик асосида эришилган натижадан манфаатдорлик ва шерикларнинг ҳар бирининг вазифаси ҳамда бажарган амалларига қараб якуний натижани ўзаро тақсимлаш лозим.

Айни пайтда, самарали корпоратив бошқарув борасида ҳам турлича қарашлар шаклланган. Хусусан, самарали корпоратив бошқарув механизмининг моҳияти корпорация ва унинг манфаатдор томонлари ўртасидаги ишончли муносабатларнинг йўлга қўйилишини таъминлашда намоён бўлади (Arguden, Y. 2011). Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мавзуга оид Фойдаланиган адабиётлар рўйхати таҳлилини ўтказиш натижасида иқтисодийetni трансформациялаш жараёнига ўтишда корпоратив бошқарув масалалари турлича талқинда кўриб ўтилган.

Жумладан, америкалик олимлар Н.Sarpa, A.Subramanian ва K.Subramanian шундай назарияни ишлаб чиқишганки, унда улар қандай қилиб корпоратив бошқарувнинг ички ва ташқи механизмлари инновацияларга таъсир этишини кўрсатишган. Улар ташқи корпоратив бошқарув механизмлари (корпоратив назорат бозори) ички корпоратив бошқарув механизмлари (менежерлик шартномалари) билан ўзаро боғлиқ ҳолда компанияда менежерлар томонидан инновацияларни ишлаб чиқиш даражасига таъсир этишини исботлашган (Sarpa, Subramanian ва Subramanian, 2014).

Америкалик олим Н.Shadab ўз тадқиқотида инновация ва корпоратив бошқарувни ўрганишда бошқарув тузилмаси, акциядорлик капитали қиймати, ички назорат каби масалаларни, шунингдек, қандай қилиб АҚШ корпоратив қонунчилиги корпорацияларнинг инновацион фаолиятига таъсир этганигини ўрганган (Shadab, 2008).

Мамлакатимиз олимларидан Т.К.Мадиёров “корпоратив бошқарув ишлаб чиқаришни ривожлантириш фаолияти, мавжуд моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни капитал маблағларнинг янги техника ва технологияларнинг кўплаб жалб этилиши билан уйғунликда олиб борилади” деб талқин қилган бўлса (Мадиёров Т.К. 1993), Ш.Н.Зайнутдинов ва Д.Н.Рахимовалар “корпоратив бошқарув манфаатдор шахсларнинг даромад олиш мақсадида биргаликдаги ҳаракатларидир” (Зайнутдинов Ш.Н., Рахимова Д.Н., 2007), деган таърифни келтиришган.

Муаллифлар кўриб ўтилган омилларни амалга оширишда корпоратив бошқарув механизмлари тизими жарёнларига етарлича эътибор қаратмагандир.

Тан олиш керак, акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарув механизмлари тизимида жорий хўжалик фаолиятига давлат органлари томонидан аралашувар кўп кузатилар, бозустига уларда бозор тенденцияларига мослашувчанлик ва сезувчанлик етарли эмас эди. Хусусан, давлат корхоналарини корпоратив бошқариш учун бозор механизмларини ишлаб чиқиш, улардаги замонавий корпоратив бошқарув механизмларини жорий этишни таъминлаш каби вазибалар қўйилган.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув механизмини ривожлантиришда уларни

молиявий жиҳатдан турли имтиёзлар ҳамда ривожланиш стратегиясини замон талаблари асосида қўллаб-қувватлаш, маблағларни ходимлар ва аҳолига ижтимоий ҳимоялаш учун тўғри сарфлашда уларга ёрдам беришни шакллантиришда ўтказилган таҳлиллар ишлаб чиқаришни модернизация, диверсификация қилиш, унинг ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш борасидаги ишлар лозим даражада олиб борилмаётганини кўрсатди.

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб давлатларида молиявий ҳисоботлар умумлашган стандартлар асосида олиб борилмоқда. Ушбу стандартлар ҳамма учун қулай ва осондир. Ушбу стандартларда молиявий ҳисоботларни олиб боришнинг қулайлиги, шунингдек, нафақат акциядорлик жамиятлари фаолияти учун, балки уларнинг фаолиятига бефарқ бўлмаганлар учун ҳам маълумотларни тез олиш ва олинган маълумотларни таҳлил қилишда қийинчиликларни бартараф этишга олиб келиши очиб берилган.

Шунингдек, акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқаруви механизмини ривожлантиришда хориждан юқори малакали, тажрибали мутахассисларни ишга жалб этиш, уларнинг корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришга доир таклифлари ҳамда тажрибаларидан амалиётда фойдаланиш асосида мамлакатимизда халқаро стандартларга мувофиқ корпоратив бошқарув тизимини жорий этишда мутахассислар профессионал савиясини ошириш, корпоратив бошқарув психологияси ва кўникмаларини шакллантириш зарур.

Акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарув механизмлари тизимини ривожлантиришда корхоналарнинг молиявий сиёсатни мукамал тарзда ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг молиявий асосларини таъминлашда капитал қиймати, капитал таркиби, пулнинг вақт бирлигидаги қиймати ҳамда даромадлилик ва риск даражасининг ўзаро боғлиқлиги концепцияларига тўлиқ ва доимий равишда амал қилинишини таъминлаш йўллари ишлаб чиқиш лозим.

Акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув механизмлари тизимида акциядорларнинг жамият бошқарувидан манфаатдорлик даражаси пастиги ҳам, ўз навбатида, жамият бошқарувидан ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш эвазига акциядорларга ишонарли маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш ва ушбу маълумотлар бирламчи манбада етказилиши зарур.

Юқорида келтирилган таклифларнинг амалиётга жорий этилиши, бизнинг назаримизда, Ўзбекистон Республикасида корпоратив бошқарув механизмини ривожлантиришда корпоратив бошқарувнинг юксалишига имкон яратиб беради ва бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг реал ишлаб чиқариш секторида акциялаштириш жараёнининг чуқурлашувига ўз таъсирини

кўрсатади.

Фойдаланиган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги «Давлат активларини бошқариш тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3720-сонли қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони.

3. *The International Finance Corporation & the U.S. Department of Commerce, The Russia Corporate Governance Manual*, p.13.

4. Sarpa H., Subramanian A. and Subramanian K.V. *Corporate Governance and Innovation: Theory and Evidence. Journal of Financial and Quantitative Analysis*, 2014, vol.49, issue 4, pp. 957-1003.

5. Shadab H.B. *Innovation and Corporate Governance: The Impact of Sarbanes-Oxley. U. Pa. Journal of Business and Employment Law*, 2008, vol.10:4, pp. 955-1008.

6. Мелкумов Я.С. *Инвестиций. Учебное пособие.* – М.: ИНФРА-М, 2003.

7. Мадийров Т.К. *Дехқончилик-саноат мажмуида иқтимоий-иқтисодий ислохотлар тизими ва корпоратив бошқарувни жорий этиш хусусиятлари. иқт. фан. док. ... дис. иши.* – Т., 1993 йил.

8. Зайнутдинов Ш.Н., Раҳимова Д.Н. *Корпоратив бошқарув асослари.* – Т.: Академия, 2007. – 48 б.

9. Йўлдашова Г. *Рақамли иқтисодиёт шароитида корпоратив бошқарувни ривожлантириш истиқболлари. Логистика ва иқтисодиёт илмий-электрон журнали.* http://econopujournal.uz/maqola/Maqolalar_2021_2_son.pdf

“Ўзбеккўмир” АЖнинг 2010-2018 йилги молиявий ҳисоботлари маълумотлари.

10. Шермухамедов А.К. *Факторы, влияющие на механизм управления кластерами сельского хозяйства. //Международный научный сельскохозяйственный журнал.* 2018. №. 1-4. С. 7-10.

11. Шермухамедов А.К. *Устойчивое развитие нефтегазовой отрасли Узбекистана и её инвестиционная привлекательность. // Международный научный сельскохозяйственный журнал.* 2019. №. 4. С. 16-17.

САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

М.Р. Хидирова,
мустақил тадқиқотчи, ТДИУ

Аннотация. Мақолада саноат ишлаб чиқариш корхоналарида моделлаштириш асосида корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишнинг эконометрик таҳлиллари билан боғлиқ корреляцион-регрессион усуллардан фойдаланилиб ёритилган.

Аннотация. В статье описано использование корреляционно-регрессионных методов, связанных с эконометрическим анализом повышения эффективности корпоративного управления на основе моделирования на промышленных.

Annotation. The article describes the use of correlation-regression methods associated with econometric analysis of improving the efficiency of corporate governance on the basis of modeling in industrial enterprises.

Таянч иборалар: корпоратив бошқарув, моделлаштириш, эконометрик таҳлил, корреляцион усул, регрессион усул, коэффицент, Кобба-Дуглас модели, Gretl дастури.

Ҳозирда иқтисодий жараёнларнинг тезлашуви, бозор муносабатларининг кескинлашуви ҳар қандай тармоқёки корхонанинг бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, ресурсларнинг оптимал тақсимотини ташкил қилиш, бозор конъюктурасини ўрганиш ва унга мослашиш, инвестициялашнинг муқобил вариантларини таҳлил қилиш ва оптималини танлаб олиш, истиқболлаштириш каби масалаларни ечишда эконометрик ва статистик усуллар ҳамда иқтисодий математик моделлаштиришдан фойдаланишни давр талабига айлантирди.

Эконометрик таҳлил усулларидан фойдаланиш ва моделлаштиришнинг асосий мақсади ишлаб чиқилган аниқ математик усуллар асосида ҳисоб-китобларни амалга ошириш, амалга оширилаётган чора-тадбирлар, қабул қилинган қарорлар самарадорлигини аниқ кўрсаткичлар асосида баҳолаш, натижада тўғри йўналишни таъминлаш, самарадорликни оширишнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш ҳисобланади. Чунки ушбу усуллар натижасида олинган ҳулосалар аниқ қийматликларга эга бўлади ва таваккалчилик даражасини камайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон саноати ривожининг ҳозирги босқичида корпоратив бошқарувни жорий қилишнинг самарадорлиги қишлоқ хўжалиги машинасозлик саноати бошқарув тизими ва унинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини эконометрик усуллар асосида баҳолаб ўтилади. Таҳлилларимизни амалга ошириш учун корреляцион-регрессион усуллардан фойдаланилди. Дастлаб

умумий ва хусусий кўрсаткичларнинг ўзаро бир-бири билан таъсири, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва самарадорликни аниқлашда муҳим бўлган индикаторларга таъсирини баҳолаш мақсадида корреляцион таҳлил усулидан фойдаланилиб, жуфт корреляция коэффицентлари аниқланди.

Аввало, саноатнинг умулқисодий ривожини ифодаловчи асосий кўрсаткичлари билан металлургия саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, унинг саноатдаги улуши, хусусан, автомобиль, автобус, трактор, трактор сеялка ва культиваторлар ишлаб чиқариш миқдори каби кўрсаткичлари орасидаги корреляция коэффицентлари аниқланди. Ушбу таҳлилни амалга ошириш учун 2000-2019 йиллар маълумотларидан фойдаланилган, шунингдек, қиймат кўринишида берилган маълумотлар 2000 йил базис йил сифатида танлаб олингани ҳолда реал қийматларга айлантирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Саноат ривожини билан металлургия саноати ва унда маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари орасидаги жуфт корреляция коэффицентлари

| | X_1 | X_2 | X_3 | X_4 | X_5 | X_6 | X_7 | X_8 | X_9 | X_{10} | X_{11} | X_{12} |
|----------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|----------|----------|----------|
| X_1 | 1.00 | | | | | | | | | | | |
| X_2 | 0.76 | 1.00 | | | | | | | | | | |
| X_3 | 0.74 | 0.59 | 1.00 | | | | | | | | | |
| X_4 | 0.12 | -0.16 | -0.07 | 1.00 | | | | | | | | |
| X_5 | 0.33 | 0.49 | 0.53 | -0.18 | 1.00 | | | | | | | |
| X_6 | -0.26 | -0.01 | -0.02 | -0.01 | 0.48 | 1.00 | | | | | | |
| X_7 | 0.45 | 0.27 | 0.54 | 0.65 | 0.29 | 0.20 | 1.00 | | | | | |
| X_8 | 0.63 | 0.48 | 0.91 | 0.02 | 0.35 | -0.07 | 0.51 | 1.00 | | | | |
| X_9 | 0.29 | 0.20 | 0.66 | -0.15 | 0.10 | -0.37 | 0.21 | 0.82 | 1.00 | | | |
| X_{10} | 0.50 | 0.36 | 0.86 | 0.08 | 0.32 | -0.01 | 0.54 | 0.98 | 0.84 | 1.00 | | |
| X_{11} | -0.43 | -0.54 | -0.34 | 0.52 | -0.06 | 0.54 | 0.34 | -0.39 | -0.56 | -0.28 | 1.00 | |
| X_{12} | 0.81 | 0.51 | 0.70 | 0.50 | 0.22 | -0.16 | 0.75 | 0.71 | 0.39 | 0.68 | -0.07 | 1.00 |

Олинган натижаларга жами саноат маҳсулотларида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш улуши қатор кўрсаткичлар билан юқори корреляцион боғлиқликка эга. Хусусан, автомобилларни ишлаб чиқариш (0,81), саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари (0,75), ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти (0,71), йил охирига саноат ишлаб чиқариш асосий фондлари қиймати (0,68) билан юқори боғлиқликка эгаллиги аниқланди. Бироқ саноат ишлаб чиқариш ходимлари сони билан саноат маҳсулотларида машинасозлик ва металлни қайта

ишлаш улуши орасидаги корреляция коэффиценти (0,39) мусбат қийматга эга, ammo анча заифлигини кўришимиз мумкин.

Бу ерда: X_1 – ишлаб чиқарилган автомобиллар, минг дона; X_2 – ишлаб чиқарилган автобуслар, дона; X_3 – ишлаб чиқарилган аккумулятор ва аккумулятор батареялари, минг дона; X_4 – ишлаб чиқарилган тракторлар, дона; X_5 – ишлаб чиқарилган тракторлар сеялкалари, дона; X_6 – ишлаб чиқарилган трактор культиваторлари, дона; X_7 – саноатда ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, фоиз; X_8 – саноат маҳсулоти 2000 йил нархларида, млрд. сўм; X_9 – саноатда ишлаб чиқариш ходимлари сони (минг киши); X_{10} – йил охирига саноат ишлаб чиқариш асосий фондлари қиймати, 2000 йил нархларида, млрд. сўм; X_{11} – металлургия жами саноат маҳсулотидаги улуши, фоиз; X_{12} – машинасозлик ва металлни қайта ишлаш улуши, фоиз.

Асосий қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқаришга таъсир қилувчи кўрсаткичларга эътибор қаратиб ўтмоқчимиз. Таҳлил қилинаётган даврда трактор ишлаб чиқариш миқдори анча беқарор бўлиб, унинг асосий саноат ва машинасозлик саноатининг асосий кўрсаткичлари билан боғлиқлиги анча заиф эканлигини кўриш мумкин. Трактор ишлаб чиқариш миқдори билан саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, металлургиянинг жами саноат маҳсулотидаги улуши, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш улуши каби кўрсаткичлар орасида анча юқори корреляцион боғлиқлик кузатилади ва улар қийматлари мос равишда 0,65, 0,52 ва 0,50 ни ташкил қилди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги машинасозлигида муҳим маҳсулотлар ҳисобланган трактор сеялка ва культиваторларини ишлаб чиқариш ҳеч бир муҳим кўрсаткич билан юқори корреляцион боғлиқликка эга эмаслиги аниқланди. Ишлаб чиқаришдаги муҳим омил ҳисобланган меҳнат, яъни саноат ишлаб чиқариш ходимлари сони билан трактор ва культиватор ишлаб чиқариш ҳажми орасида тесқари, сеялка ишлаб чиқариш билан эса жуда заиф тўғри боғлиқлик мавжуд. Худди шунга яқин ҳолатни йил охирига саноат ишлаб чиқариш асосий фондлари қиймати билан ҳам кузатиш мумкин.

Йил охирига саноат ишлаб чиқариш асосий фондлари қиймати билан тракторлар, сеялка ва культиваторлар ишлаб чиқариш ҳажми орасидаги боғлиқлик ҳам анча заиф эканлиги ва уларнинг қиймати мос равишда 0,08, 0,32 ва (-0,01)га тенг эканлигини кўриш мумкин. Юқорида келтирилган натижаларга кўра кейинги даврда саноатда айнан қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ривожланиши кўрсаткичлари анча паст бўлганлиги ҳамда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш даражаси ҳам талаб даражасида эмаслиги кузатилади.

Бундан ташқари шунга алоҳида эътибор қаратишимиз керакки, металлургиянинг жами саноат маҳсулотидаги улуши трактор, культиваторлар сони ва саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларидан ташқари барча кўрсаткичлар билан тесқари алоқага эга. Мазкур кўрсаткичнинг энг паст

корреляцион bog'liqligi sanoat ishlab chiqarish hodimlari soni bilan aniqlangan бўлиб, ушбу қиймат -0,56 га тенг.

Таҳлил натижаларидан маълум бўлишича, металлургия саноатининг ривожланиш кўрсаткичлари анча беқарор ва талаб даражасида эмас, яъни соҳа ўзгаришини ифодаловчи индикаторлар саноатнинг ривожини ифодаловчи кўрсаткичлар билан тескари алоқага эга бўлмоқда. Бироқ машинасозлик ва металлни қайта ишлашнинг саноатдаги улуши анча барқарор бўлиб, саноат ривожини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришдаги асосий омиллар билан анча юқори мусбат bog'liqlikка эга бўлмоқда.

Таҳлил натижаларидан маълумки, мамлакатимизда йирик корхоналар нисбатан кўп бўлган саноат тармоғида корпоратив бошқарув кенг қўлланилиб келинмоқда. Буни инобатга олган ҳолда соҳада маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнларини, хусусан, маҳсулот ишлаб чиқаришда омиллар, меҳнат ва капиталнинг роли, таъсирини баҳолаган ҳолда корпоратив бошқарув самарадорлиги қараб чиқилди. Кейинги босқичда айнан корпоратив бошқарув кенг татбиқ қилиниб келинаётган йирик корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзгариш тенденциялари ва уларга муҳим кўрсаткичлар таъсири регрессион таҳлил усули асосида баҳолаб ўтилди. Тадқиқот объекти ҳамда соҳанинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги аҳамиятини инобатга олган ҳолда таҳдилларда «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» АЖ фаолияти натижалари, яъни корхонада асосий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши асосида баҳолаб ўтилди. Ишлаб чиқаришда корпоратив бошқарувни жорий қилиш асосида таъминланган маҳсулот ҳажмининг ўсиб бориши ва ривожланишини таҳлил этиш, прогноз қилиш омилли микроиқтисодий моделларни тузишни назарда тутди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиб бориши ва прогноз қилиниши кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш ресурслари ўртасидаги bog'liqlikни белгилаб беради. Мазкур bog'liqlikни ўрганиш ва тадқиқ қилишнинг кўплаб омилли моделлари мавжуд бўлиб, улар бир-биридан ўзига хосликлари, афзалликлари ва камчиликлари билан фарқланади.

Моделни куриш, шунингдек, омилли таҳлил ва прогноз қилиш предмети сифатида қўлланилаётган ресурслар ҳажми ва динамикасининг компания ялпи маҳсулоти ҳажми ва ўсиш даражасига таъсирини белгилаш, олдиндан кўриш ишлаб чиқариш омиллари орасидаги алоқаларни аниқлаш орқали амалга оширилади. Юқорида амалга оширилган таҳдиллардан маълумки, ўрганилаётган иқтисодий жараён ёки объектни эконометрик ва статистик усуллар асосида таҳлил қилиш, объектнинг тенглама, тенгсизлик, мантиқий муносабатлар ва графиклар шаклидаги моделини ишлаб чиқиш, уларни ўрганиш объект тўғрисидаги янги билимлар, у ёки бу вазиятда энг яхши қарор қабул қилиш имконини беради⁹⁹.

⁹⁹ Красс М.С., Чупрынов Б.П. Математика в экономике. Математические методы и модели. – М.: Финансы и статистика, 2007. С. 25.

Корреляцион таҳлил натижаларига кўра, саноатда машинасозлик ва металлни қайта ишлаш улуши ҳамда трактор ишлаб чиқариш миқдори саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари билан юқори корреляцион боғлиқликка эга. Бу эса ўз навбатида, саноат ишлаб чиқариши ўсишини таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини баҳолашни талаб қилади.

Саноатда маҳсулот ишлаб чиқаришга омиллар таъсирини баҳолаш учун Кобба-Дуглас типидagi машхур даражали функцияга асосланган икки омилли микроиқтисодий моделдан фойдаланилди. Регрессион таҳлил натижаларига кўра қуйидаги тенгламага эга бўлинди:

$$Y = 12.6 * K^{0.58} * L^{0.08}$$

Бу ерда: Y – ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти 2000 йил нархларида млрд. сўм; K – йил охирига саноат ишлаб чиқариш асосий фондлари 2000 йил нархларида, млрд. сўм; L – саноат ишлаб чиқариш ходимлари сони (минг киши).

Юқорида келтирилган модель Gretl дастури ёрдамида ишлаб чиқилган бўлиб, моделнинг мослигини текшириш мақсадида натижалар қуйидаги 2-жадвалда келтириб ўтилди.

2-жадвал

Саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига капитал ва меҳнатнинг таъсирини баҳолаш бўйича амалга оширилган регрессион таҳлил натижалари¹⁰⁰

Model 1: OLS, using observations 2000-2019 (T = 20)

Dependent variable: l_inprodreal

| | Coefficient | Std. Error | t-ratio | p-value | |
|--------------------|-------------|------------|--------------------|-----------|-----|
| const | 2.53527 | 0.989778 | 2.561 | 0.0202 | ** |
| l_Kindusreal | 0.578562 | 0.0225504 | 25.66 | <0.0001 | *** |
| l_Lindus | 0.0769054 | 0.171550 | 0.4483 | 0.6596 | |
| Mean dependent var | 8.344793 | | S.D. dependent var | 0.516047 | |
| Sum squared resid | 0.063924 | | S.E. of regression | 0.061321 | |
| R-squared | 0.987366 | | Adjusted R-squared | 0.985880 | |
| F(2, 17) | 664.2981 | | P-value(F) | 7.30e-17 | |
| Log-likelihood | 29.07909 | | Akaike criterion | -52.15817 | |
| Schwarz criterion | -49.17098 | | Hannan-Quinn | -51.57504 | |
| rho | 0.194146 | | Durbin-Watson | 1.498687 | |

Жадвал маълумотлари асосида Стьюдент мезони бўйича коэффицентлар мослигига эътибор қаратадиган бўлсак, айнан маҳсулот ишлаб чиқаришга меҳнатнинг таъсирини ифодаловчи коэффицентнинг адекват эмаслигини кўришимиз мумкин. Капиталнинг таъсирини ифодаловчи коэффицент эса

¹⁰⁰ Муаллиф ишланмаси.

мос бўлиб, унинг маҳсулот ишлаб чиқаришга таъсири 0,57 га тенг эканлиги аниқланди, яъни капитал ҳажмининг бир фоизга ошиши маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 0,57 фоизга оширишга хизмат қилади.

Корреляцион таҳлил натижаларидан маълумки, саноатда ишлаб чиқариш ходимлари сони ва йил охирига саноат ишлаб чиқариш асосий фондлари қиймати орасида юқори корреляцион боғлиқлик мавжуд бўлиб, ушбу қиймат 0,84 га тенг. Бу эса иккала кўрсаткичнинг битта функцияга таъсир қилувчи омил сифатида киритилиши мультиколлинеарлик муаммосини келтириб чиқаради.

Фикримизча, корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш, ўз навбатида, зарур муҳитни яратиш, унга хизмат қилувчи институтлар, хусусан, капитал бозори ривожини таъминлаш бозордаги жараёнларни эркинлаштириш, фонд биржалари фаолиятини янада такомиллаштиришни талаб этади. Мазкур кўрсаткичларни ижобий томонга ўзгартириш имконияти мавжуд, бунинг учун қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш тармоғида бошқарув самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш талаб этилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, корпоратив ишлаб чиқаришда ҳар қандай иқтисодий жараёнларни тўғри белгилаш учун иқтисодий математик усуллардан фойдаланиш самарали натижа беради. Илм-фан амалиётида иқтисодий соҳалар билан боғлиқ бўлган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг кўплаб математик моделлаштириш моделлари, усуллари ишлаб чиқилган. Аммо микроиқтисодий даражада корхоналарнинг ривожланишига тааллуқли омилли моделлаштириш амалиёти кам. Корпоратив ишлаб чиқариш самарадорлигини ёки иқтисодий ўсишни моделлаштиришда кўп омилли шаклга асосланган ҳолда математик модель таклиф этилди. Моделда ўзгарувчан кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги фақат миқдорий баҳоланиши мумкин, бунда прогноз параметрларини ҳам кўриш мумкин. Аммо шуни айтиб ўтиш мумкинки, ҳар қандай модель абстракт характерга эга. Чунки ўрганилаётган объекта энг зарур омилларни ўрганиш, улар объект қонуниятларини аниқловчи бўлиб, бошқа омилларга нисбатан объектнинг ривожланишини ўзгартириши мумкин.

Корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш, аввало, қулай муҳитни яратиш, унга хизмат қилувчи институтлар, хусусан, капитал бозори ривожини таъминлаш, бу бозордаги жараёнларни эркинлаштириш, фонд биржалари фаолиятини янада ривожлантиришни тақозо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. 2017 йил 7 февраль.

2. «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4720-сонли фармони. 2015 йил 24 апрель.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 февралдаги ПҚ-4969-сонли «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғида соғлом рақобат муҳитини яратишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.
4. Ашууров З.А. Акциядорлик корхоналарида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириши. //Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Т, 2019 й.
5. Нурибегов Р.И. Минтақа иқтисодиётини бошқариш механизми ва унинг самарадорлиги. – Т.: Фан, 2009. – 204 б.
6. Глобаллашув жараёнида корпоратив бошқарув: муаммо ва ечимлар. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т, 2019.
7. Красс М.С. , Чупрынов Б.П. Математика в экономике. Математические методы и модели. – М.: Финансы и статистика, 2007. С. 25.
8. «Ўзгиротехсаноатхолдинг» АЖ 2015-2019 йй. йиллик ҳисоботлари.
9. «Тошкент қишлоқ хўжалиги техника заводи» АЖ 2015-2019 йй. ривожланиш йиллик ҳисоботлари.

Интернет маълумотлари

1. www.natlib.uz
2. www.gov.uz
3. www.norm.uz
4. www.stat.uz
5. www.edu.hsbuz
6. www.corporatelibrary.com



КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ХАРАЖАТЛАРИ: МОҲИЯТ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРА

З.А. Ашуров,
*Хусусийлаштириш, рақобат ва
корпоратив бошқарувни ривожлантириш
муаммоларини тадқиқ этиш маркази директор
ўринбосари, ТДИУ*

Аннотация. Мазкур мақолада “корпоратив бошқарув харажатлари” тушунчаси кўриб чиқилган ва унинг назарий моҳияти очиб берилган, компанияда корпоратив бошқарув харажатларининг таркиби аниқланган ва тизимлаштирилган. Компанияда самарали корпоратив бошқарув тизимини ташкил этишга сарфланган харажатлардан келадиган иқтисодий самарани аниқлаш учун алоҳида иқтисодий кўрсаткич сифатида “корпоратив бошқарув харажатларидан иқтисодий самара” деб номланган янги кўрсаткич ишлаб чиқилган ва таклиф этилган.

Таянч иборалар: корпоратив бошқарув, корпоратив бошқарув харажатлари, агентлик харажатлари, корпоратив бошқарув харажатларидан иқтисодий самара.

Кирриш. Компанияда корпоратив бошқарувни ривожлантириш, унинг механизмларини такомиллаштириш муайян даражада иқтисодий самарадорликка таъсир этади. Корпоратив бошқарувнинг иқтисодий самарадорлиги ҳам микро-иқтисодий даражада, ҳам макроиқтисодий даражада намоён бўлиши мумкин. Чунки муайян амалий тадбирларни амалга ошириш асосида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш орқали нафақат компаниянинг иқтисодий самарадорлигига, балки бутун мамлакатнинг ҳам иқтисодий ривожланишига эришилади.

Маълумки, самарали корпоратив бошқарув тизимини ташкил этиш муайян сарф-харажатларни, шу жумладан, ушбу соҳа ишини таъминлаш учун зарур бўлган мутахассисларни (масалан, корпоратив котиб ва бошқа профессионал мутахассислар) жалб этиш харажатларини амалга оширишни талаб этади. Компанияларга ташқи ҳуқуқшунослар, аудиторлар ва бошқа консультантларга ҳақ тўлашга тўғри келади. Қўшимча ахборотни ошкор қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳам жуда катта бўлиши мумкин [1].

Жаҳон амалиётида шундай нуқтаи назар ҳам мавжудки, корпоратив бошқарув харажатларини, айниқса, корпоратив бошқарувда агентлик харажатларини камайтириш, компания қийматининг инвесторлар учун ошишига олиб келади. Ҳатто ўтган асрнинг 70-йилларида америкалик иқтисодчилар М.Дженсон ва У.Мекклинг [2] корпорациялар ичидаги ўзаро алоқаларни тушунтириб бериш учун ишлаб чиқилган агентлик муносабатлари назариясида корпоратив муносабатлар механизмининг агентлик харажатлари таъсири остида кўриб чиқишган. Агентлик харажатлари мулкдорлар ва бошқарувчилар ўртасида манфаатлар

тўқнашуви оқибатида компанияга етказиладиган йўқотишлардир [3], яъни бу инвесторлар учун эгаллик ва назорат функцияларини ажратиш билан боғлиқ бўлган йўқотишларнинг қиймати дир. Шунга мувофиқ, корпоратив бошқарув шундай амалга оширилиши керакки, бунда агентлик муаммосини шартнома асосида максимал даражада ҳал этиш ҳамда бундай агентлик харажатларини камайтириш имконияти юзага келсин. Бироқ самарали корпоратив бошқарув тизимини яратиш учун сарф қилинган харажатлардан иқтисодий самарани қандай аниқлаш мумкин?

Мазкур мақолада самарали корпоратив бошқарув тизимини яратишга сарфланган харажатлардан келадиган иқтисодий самарани аниқлаш масалалари муҳокама қилинади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот саволига жавоб топиш учун компанияда корпоратив бошқарувни лозим даражада сақлаб туриш билан боғлиқ бўлган корпоратив бошқарув харажатларининг таркиби биз томондан тизимли таҳлил асосида аниқланди ва тизимлаштирилди. Шунингдек, корпоратив бошқарувнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун алоҳида иқтисодий кўрсаткич сифатида “корпоратив бошқарув харажатларидан иқтисодий самара” деб номланган янги кўрсаткич ишлаб чиқилди ва тақриф этилди.

Тадқиқот натижалари ва таҳлиллар. Корпоратив бошқарув харажатларидан иқтисодий самарани аниқлаш учун, авваламбор, корпоратив бошқарув харажатлари тушунчасига изоҳ бериш лозим. Фикримизча, корпоратив бошқарув харажатларини компания томонидан корпоратив бошқарувнинг мавжуд нормаларига мувофиқлигини таъминлашга ҳамда корпоратив бошқарув сифатини яхшилашга, унинг механизмларини такомиллаштиришга кетадиган сарфлар сифатида таърифлаш мумкин. Ушбу таърифга асосланган ҳолда мазкур тадқиқот доирасида корпоратив бошқарувга кетадиган сарфлар таркиби биз томондан аниқланди ва қуйидаги жадвалда келтирилган тартибда тизимлаштирилди.

1-жадвал

Корпоратив бошқарув харажатлари ва уларнинг тавсифи

| Т/р | Харажатлар | Харажатларнинг тавсифи |
|-----|---|--|
| 1. | Корпоратив хужжатларни ишлаб чиқиш ва рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) билан боғлиқ харажатлар | Компания устави ва бошқа низомларни ишлаб чиқиш ва тегишли органларда рўйхатдан ёки қайта рўйхатдан ўтказиш учун тўловлар |
| 2. | Акциядорларнинг йиллик (навбатдан ташқари) умумий йиғилишини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар | Акциядорларнинг умумий йиғилишини тайёрлаш, ташкил этиш ва ўтказиш; умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорларга хабарлар юбориш ва бу тўғрида ОАВда эълонни чоп этиш; бюллетенларни, ҳисоботларни тайёрлаш ва ҳ.к. га сарфлар |
| | - акциядорларга хабарлар юбориш | |
| | - эълонни ОАВда чоп этиш | |
| | - ташкилий ишлар (бюллетенларни чоп қилиш, ҳисоботларни тайёрлаш ва ҳ.к.) | |

| | | |
|----|--|--|
| 3. | <p>Қимматли қоғозлар билан боғлиқ харажатлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - қўшимча акциялар чиқариш ва эмиссияни рўйхатга олиш харажатлари - жойлаштирилган акцияларни сотиб олиш харажатлари - акцияларни фонд бозори листингига жойлаштириш харажатлари - облигациялар чиқариш харажатлари | <p>Компания томонидан қўшимча акциялар чиқариш ва янги эмиссия рисоласини ваколатли давлат органида рўйхатдан ўтказиш; акцияларни фонд бозорига жойлаштириш, компанияни расмий листингга киритиш; капитал жалб этиш учун облигациялар чиқариш; ўз акцияларини қонунда назарда тутилган ҳолларда қайта сотиб олишга сарфлар</p> |
| 4. | <p>Ахборотни ошкор этиш билан боғлиқ харажатлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ахборотни ОАВларда чоп этиш - ахборотни махсус Интернет порталларида чоп этиш - ҳисоботларни нашр этиш | <p>Компания томонидан молиявий ва номолиявий ахборотларни ОАВларда ва махсус Интернет порталларида чоп этиш; йиллик ҳисоботларни инвесторлар учун нашр этиш учун сарфлар</p> |
| 5. | <p>Кузатув кенгаши фаолияти ва унга бошқа мутахассисларни жалб этиш билан боғлиқ харажатлар</p> <ul style="list-style-type: none"> - кузатув кенгашига хизмат сафари харажатларини қоплаш - кузатув кенгаши аъзоларига мукофот тўловлари - кузатув кенгаши ишига малакали экспертларни жалб этиш - корпоратив котиб (маслаҳатчи) иш ҳақи ва мукофотлар | <p>Кузатув кенгашининг саъй-ҳаракатларини рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш учун мукофотлаш, уларнинг хизмат сафари харажатларини компенсация қилиш; кузатув кенгаши ишига малакали экспертларни жалб этиш учун тўловлар; корпоратив котибга корпоратив бошқарувни муайян даражада таъминлаш учун ҳақ ва мукофотлар бериш</p> |
| 6. | <p>Агентлик харажатлари</p> <ul style="list-style-type: none"> - менежерларга қўшимча устама ва ҳақлар - менежерларни рағбатлантириш ва мукофот тўловлари - менежерларга опцион акциялари | <p>Менежерлар ишини самарали бажариши учун уларга қўшимча ҳақ тўлаш, уларни мукофотлаш, компаниянинг келгусидаги даромадини таъминлаш учун уларга опцион акциялари бўйича сарфлар</p> |
| 7. | <p>Аудит ва тафтиш харажатлари</p> <ul style="list-style-type: none"> - ташқи аудиторга ажратилган ҳақ - ички аудит хизмати иш ҳақи - тафтиш комиссиясининг йиллик ҳақи | <p>Ишончли аудит жараёнини таъминлаш учун ички аудиторлар ва компаниянинг ташқи аудиторига тўловлар ажратиш; тафтиш комиссияси ишига тўловлар</p> |
| 8. | <p>Корпоратив бошқарувда АКТдан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар</p> <ul style="list-style-type: none"> - корпоратив веб-сайтни яратиш ва ундан фойдаланиш - корпоратив бошқарув бўйича махсус амалий дастурлар - электрон овоз бериш жиҳозларидан фойдаланиш | <p>Корпоратив веб-сайтни яратиш, ишлашини таъминлаш ва янгиланиб туриш; корпоратив бошқарув даражасини таъминлаб турадиган компьютер дастурларидан фойдаланиш; умумий йиғилишида тезкор овоз бериш натижаларини таъминлайдиган жиҳозларни сотиб олиш ёки ижарага олиш бўйича сарфлар</p> |

| | | |
|-----|---|---|
| 9. | Компания корпоратив бошқарув даражасини баҳолаш харажатлари | Компания учун рейтинг агентлиги томонидан корпоратив бошқарув даражасини рейтинглашга тўловлар |
| 10. | Корпоратив низолар билан боғлиқ харажатлар | Акциядорлар ва бошқа манфаатдор томонлар билан корпоратив низоларни суд орқали ҳал этишга сарфлар |

Тадқиқот натижалари шундай хулоса қилишга имкон бердики, корпоратив бошқарувга харажатлар турли даврларда амалга оширилади. Айрим харажатлар корхонанинг маълум муддат ичидаги бевосита оператив фаолияти даврида қилинса, бошқа харажатлар корхона якуний натижаси (яъни соф фойда) ҳосил қилингандан сўнг амалга оширилади. Шунини инобатга олган ҳолда корпоратив бошқарув харажатларидан иқтисодий самарани қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$C_{КБХ} = \frac{(ЖХ - КБХ_1) - КБХ_2}{СФ}$$

бу ерда:

$C_{КБХ}$ – корпоратив бошқарув харажатларидан иқтисодий самара;

ЖХ – маълум муддат ичидаги корхонанинг жами оператив харажатлари;

$КБХ_1$ – корхонанинг оператив фаолият ичида амалга оширилган корпоратив бошқарув харажатлари;

$КБХ_2$ – корхонанинг якуний натижасидан сўнг амалга оширилган корпоратив бошқарув харажатлари;

СФ – корхонанинг якуний самараси, соф фойдаси.

Хулоса. Маълумки, корхонада харажатлар қанчалик кам бўлса, корхона самарадорлиги учун шунчалик яхши. Бироқ, бизнингча, айнан корпоратив бошқарув харажатларини корхона самарадорлигини ошириш мақсадида атайлаб пасайтириш ёки корпоратив бошқарув самарадорлигини лозим даражада сақлаш туриш учун талаб этиладиган харажатларни амалга оширмаслик ярамайди. Яъни бу ерда, фаразимизга кўра, корпоратив бошқарув харажатларидан иқтисодий самаранинг қандайдир пастки меъёри бўлиши ҳам керакки, буни аниқлаш учун турли корпоратив бошқарув амалиётлари ва самарадорлигига оид маълумотлар асосида қўшимча эмпирик тадқиқотларни амалга ошириш талаб этилади.

Шундай қилиб, компанияда корпоратив бошқарув харажатларини амалга ошириш компания корпоратив бошқарув тизимини амалдаги корпоратив бошқарув стандартларига мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилади ҳамда компанияларда корпоратив бошқарув даражасини оширади. Шундай экан, корпоратив бошқарув харажатларидан келадиган иқтисодий самара компания корпоратив бошқарув даражасини белгилловчи кўрсаткичлардан бири бўлмоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Грачева М., Карапетян Д. Корпоративное управление: основные понятия и результаты исследования российской практики. // Журнал «Управление компанией». – Москва, 2004. №1. С. 42-49.
2. Jensen M.C., Meckling W.H. Theory of the Firm: Managerial Behavior, Agency Costs and Ownership Structure. // Journal of Financial Economics. 1976. Vol. 3, No. 4. P.305-360.
3. Либман А.В. Теоретические аспекты агентской проблемы в корпорации. // Вестник СПбГУ. Сер. Экономика. – Санкт-Петербург, 2005.

ПОВЫШЕНИЕ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ АКЦИОНЕРНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

А.Ж. Хужамуродов,
PhD., ст. преп.
кафедры «Корпоративное управление», ТГЭУ

Annotation. *The proposed measures to increase the investment attractiveness of joint-stock enterprises of Uzbekistan in the eyes of domestic and foreign investors should be a set of interrelated actions to improve the quality of management of joint-stock enterprises, the effectiveness of which is sufficient only if the efficiency of all levels and functional links of the corporate business is improved, rather than individual its fragments.*

Key words: *investment attractiveness, joint-stock company, investors, efficiency, corporate governance.*

В докладе Президента Республики Узбекистан Ш. М. Мирзиёева от 7 декабря 2016 года, посвященного 24-й годовщине Конституции Республики Узбекистан, особо подчеркнуто, что: «Мы будем придавать приоритетное значение вопросу усиления инвестиционной политики нашей страны»¹⁰¹. Учитывая данную установку, при формировании программы инвестиционного развития отрасли необходимо учитывать не только последние достижения современных финансовых технологий, но инновации в плане повышения инвестиционной привлекательности самих железнодорожных предприятий.

В центральном аппарате ОА «Узбекистон темир йуллари» исторически сложилась система управления с максимальной степенью централизации большинства управленческих функций. Данная тенденция в механизме управления отраслью, имеет как позитивные (возможности для принятия быстрых стратегических управленческих решений), так и негативные последствия, т.к. чрезмерная централизация ведет к постепенной деградации менеджеров среднего звена, вынужденных ориентироваться в своей деятельности только на исполнение различных распоряжений вышестоящих уровней управления. Сохранение высокой концентрации управленческих функций в центральном аппарате АО «Узбекистон темир йуллари» не всегда соответствует полноценному становлению новых акционерных предприятий, а также требованиям принципов корпоративного управления.

¹⁰¹ Доклад избранного Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на торжественном собрании, посвященном 24-й годовщине принятия Конституции Республики Узбекистан. <http://www.press-service.uz/ru/news/5384/>

Мощный импульс повышению инвестиционной привлекательности акционерных предприятий Узбекистана для иностранных и внутренних инвесторов придали меры, предусмотренные Указом Президента Республики Узбекистан от 24 апреля 2015 года «О мерах по внедрению современных методов корпоративного управления в акционерных обществах».

Повышению инвестиционной привлекательности акционерных предприятий железнодорожного транспорта Узбекистана способствуют такие меры повышения корпоративного контроля со стороны наблюдательных Советов за деятельностью менеджеров АО, как:

1) внедрение и применение критериев оценки эффективности деятельности акционерных обществ и других хозяйствующих субъектов с долей государства согласно Постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан от 28.07.2015г. №207;

2) назначение руководителя исполнительного органа акционерного общества на основе конкурсного отбора, в котором могут принимать участие иностранные менеджеры;

3) внедрение положений Кодекса корпоративного управления в деятельность акционерных обществ, где доля государства превышает 51% от их уставного капитала, а также ценные бумаги, которых включены в листинг фондовой биржи;

4) повышение прозрачности деятельности акционерных обществ, публикация ими информации на основе международных стандартов аудита и финансовой отчетности.

В качестве эффективных мер повышения инвестиционной привлекательности акционерных предприятий железнодорожного

транспорта Узбекистана целесообразно применение таких норм, регулирующих порядок привлечения к ответственности за нарушения прав и законных интересов акционеров Узбекистана, как:

1) установление минимального объема информации, не представление которой инвестору влечет привлечение к административной ответственности эмитента за нарушение требований законодательства о раскрытии информации на рынке ценных бумаг;

2) установление исчерпывающего перечня нарушений, которые следует квалифицировать в качестве воспрепятствования осуществлению инвестором прав по управлению хозяйственным обществом.

Успешная реализация отмеченных выше предложений призвана позволить уровень корпоративного управления ими, что должно позитивно отразиться на уровне их реальной конкурентоспособности и росте инвестиционной привлекательности акционерных предприятий железнодорожного транспорта Узбекистана в глазах отечественных и иностранных инвесторов¹⁰².

¹⁰² American Society of Appraisers Business Valuation Standards. This release of the approved Business

Одним из основных требований акционеров к менеджерам акционерных предприятий Узбекистана должна стать информационная открытость ключевых сфер корпоративного бизнеса и их доступность для акционеров, называемая прозрачностью.

Обеспечению более высокого уровня прозрачности акционерных предприятий Узбекистана должны способствовать такие эффективные меры, как:

- стандартизация учетной и информационно-аналитической работы о деятельности акционерных обществ республики;
- введение единой системы индексов, позволяющих дать оценку ситуации на рынке корпоративных ценных бумаг;
- повышение ответственности руководителей акционерных предприятий за предоставление недостоверной или несвоевременной информации.

Обеспечению более качественного корпоративного контроля за ключевыми сферами деятельности акционерных предприятий Узбекистана должны способствовать такие эффективные меры, как:

- стандартизация учетной и информационно-аналитической работы о деятельности акционерных обществ республики;
- введение единой системы индексов, позволяющих дать оценку ситуации на рынке корпоративных ценных бумаг;
- повышение ответственности руководителей акционерных предприятий за предоставление недостоверной или несвоевременной информации;
- формирование единой системы информационного обеспечения участников рынка корпоративных ценных бумаг.

Своевременная реализация вышеназванных предложений должна позволить повысить эффективность управления деятельностью акционерных предприятий республики за счет демократизации управления их делами и формирования класса реальных собственников в реальном секторе Узбекистана; повышения конкурентоспособность акционерных предприятий, национальной экономики; повышения ликвидность корпоративного бизнеса и роста инвестиционной привлекательности национального рынка ценных бумаг.

К числу наиболее действенных рычагов воздействия государства на повышение инвестиционной привлекательности акционерных предприятий Узбекистана следует отнести:

- а) увеличение масштабов инвестиции, направляемых через государственные инвестиционные программы для финансирования крупных инвестиционных проектов, связанных модернизацией подвижного состава, электрификацией железнодорожного движения и развитием сети железных дорог;
- б) целенаправленная кредитная политика, направленная на предоставление централизованных льготных кредитов для реализации специальных



программам функционального развития инвестиционно - финансовой инфраструктуры фондового рынка;

в) взвешенная валютная политика, направленная на расширение спектра операций по оказанию услуг инвестиционными институтами, связанных с обслуживанием участников корпоративного сообщества;

г) создание благоприятного инвестиционного климата для иностранных инвестиционных институтов, оказывающих помощь узбекским акционерным обществам или иностранным инвесторам на фондовом рынке Узбекистана за счет предоставления им разных налоговых льгот или финансовых преференций.

Отмечая важность предлагаемых выше мер по повышению инвестиционной привлекательности акционерных предприятий Узбекистана в глазах отечественных и иностранных инвесторов, следует признать, что они должны представлять собой комплекс взаимосвязанных действий по повышению качества управления деятельностью акционерных предприятий, эффективность которых достаточна лишь при условии повышения эффективности работы всех уровней и функциональных звеньев корпоративного бизнеса, а не отдельных его фрагментов.

Список использованной литературы

1. Доклад избранного Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на торжественном собрании, посвященном 28-й годовщине принятия Конституции Республики Узбекистан / <http://www.press-service.uz/ru/news/5384>.
2. American Society of Appraisers Business Valuation Standards. This release of the approved Business Valuation Standards of the American Society of Appraisers contains all standards approved through August, 2000.
3. Совершенствование методики оценки инвестиционной привлекательности акционерных обществ // Вестник Тихоокеанского государственного экономического университета.-Владивосток, Изд-во: ТГЭУ, 2005. №2, с.3-14.
4. Khujamurodov, A. (2018). Trends of development of the Uzbekistan stock market and analysis of influencing factors. Бюллетень науки и практики, 4, (1), 242-247
5. Khujamurodov AJ (2018) Analysis of development of the infrastructure of the stock market in Uzbekistan and the methodology of its estimation. ISJ Theoretical & Applied Science, 05 (61): 168-176.
6. Khujamurodov AJ (2019) Economic Essential of Stock Infrastructure and Features of Its Development. Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR) ISSN: 2249 –0892 Special Issue–2, Sep -2019

AKTSIYADORLIK JAMIYATLARI FAOLIYATINI MODERNIZATSIYALASH VA IQTISODIYOTNI DIVERSIFIKATSIYALASHDA KORPORATIV BOSHQARUV TIZIMINI TATBIQ ETISH

M.A. Sadikova,
“Korporativ boshqaruv” kafedrası
tayanch doktranti, TDIU

Annotatsiya. Ushbu maqola dolzarb mavzuga bag'ishlangan bo'lib, unda korporativ boshqaruvning nazariy asoslari, iqtisodiyotni diversifikatsiyalash sharoitida korporativ tuzilmalar faoliyatini korporativ boshqaruv tizimini tatbiq etish orqali takomillashtirish yo'llari, milliy iqtisodiyotni barqarorlashtirishda aksiyadorlik jamiyatlari va ma'uliyati cheklangan jamiyatlarni rivoltantirishning istiqbolli yo'nalishlari yoritilgan. Shuningdek, korporativ tuzilmalar faoliyatini modernizatsiyalash negizida korporativ boshqaruv kodeksini tatbiq etish va rivoltantirish bilan bog'liq muammolar aniqlangan va ularni hal qilishga qaratilgan ilmiy takliflar va amaliy tavsiyalar berilgan.

Tayanch iboralar: aksiyadorlik jamiyati, modernizatsiya, diversifikatsiya, korporativ boshqaruv, emitent, minoritar aksiyador, majoritar aksiyador, kuzatuv kengashi, emissiya, aksiya, qimmatli qog'ozlar bozori, sherikchilik, menejment.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Parlamentga Murojaatnomasining bayon nutqida iqtisodiyotni boshqarishda aksiyadorlik jamiyatlari bugungi kunda mamlakatimizda 602 ta aksiyadorlik jamiyati faoliyat yuritib kelmoqda. Yildan yilga aksiyadorlik jamiyatlari sonining kamayib borishi, albatta, achinarli holat. Bunday tizimni endi o'zgartirmasak, ushbu tarmoqlarda ham va umuman, iqtisodiyotda barqaror rivojlanishga erishib bo'lmaydi¹⁰³. Quvonarlisi shuki, bu korporativ tuzilmalarda davlat ulushining sekin-asta qisqarib borishi aksiyadorlik jamiyatlari raqobatbardoshligini oshirishga xizmat qiladi.

Dissertatsiya ishida korporativ boshqaruvning nazariy asoslari, iqtisodiyotni diversifikatsiyalash sharoitida korporativ tuzilmalar faoliyatini korporativ boshqaruv tizimini tatbiq etish orqali takomillashtirish yo'llari, milliy iqtisodiyotni barqarorlashtirishda aksiyadorlik jamiyatlari va mas'uliyati cheklangan jamiyatlarni rivoltantirishning istiqbolli yo'nalishlari yoritilgan. Shuningdek, korporativ tuzilmalar faoliyatini modernizatsiyalash negizida korporativ boshqaruv kodeksini tatbiq etish va rivoltantirish bilan bog'liq bo'lgan muammolar aniqlangan va ularni hal qilishga qaratilgan ilmiy takliflar va amaliy tavsiyalar ishlab chiqilgan.

¹⁰³ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Parlamentga Murojaatnomasi <http://www.xabar.uz/uz/siyosat/shavkat-mirziyoyevning-murojaatnomasi-toliq-matn>

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlardan ko'zlanayotgan asosiy maqsad mulkiy xilma-xillik asosida iqtisodiy faoliyatni yanada jadallashtirish, mulklarni davlat tasarrufidan chiqarib, nodavlat sektorga o'tkazish va shu orqali turli o'z-o'zini boshqaruvchi xususiy iqtisodiy xo'jalik birliklarini vujudga keltirish ekanligi bugungi kunda hech kimga sir emas. Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan bunday iqtisodiy islohotlarning muvaffaqiyati ko'p jihatdan davlat tasarrufidan chiqarilgan mulklarni samarali tarzda qayta harakatga keltirish, qo'shma korxonalar tuzish, korxonalarni ochiq turdagi aksiyadorlik jamiyatlariga aylantirish, ayniqsa, kichik hamda xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishga bog'liqdir. Shu asosda davlat tasarrufidagi aksariyat korxonalar va tashkilotlarni aksionerlik jamiyatlariga aylantirish orqali iqtisodiyotning korporativ boshqariluvchi bo'g'inlarini tashkil etishga alohida ahamiyat qaratilmoqda.

Tadqiqot ishida tizimli va omilli tahlil, statistik guruhlash, monografik kuzatish, ekspert baholash hamda boshqa uslublardan foydalanilgan.

Mazkur tadqiqotning nazariy va metodologik asosi bo'lib, xorij olimlaridan I.Ansof, V.Berens, G.Birman, M.Bromvich, M.A.Gorelik, Ye.A.Golubitskaya, E.Dolan, K.Makdonell, M.Piter, L.D.Reyman, Dj.Saks, G.A.Titorenko, E.Xelfert kabi olim va mutaxassislar izlanishlar olib borishgan.

Shuningdek tadqiqot mavzusi bo'yicha mamlakatimiz olim mutaxassislaridan B.Xodiyev, S.G'ulomov, B.Berkinov, Sh.Zaynutdinov, Q.Abduraxmonov, N.Yo'ldoshev, D.Raximova, M.Tursunxodjayev, J.Fattaxova, A.Xoshimov, M.Xamidulin, R.Nurimbetov, D.Suyunov, Sh.Yuldashev, D.Begmatova, M.Ziyayeva, B.Urinov, R.Abduraupov, Z.Ashurov kabilar katta hissa qo'shganlar.

Buning samarasi esa iqtisodiyotni liberallashtirish, tarmoqlarda boshqaruvning bozor tamoyillarini joriy etish, qulay ishbilarmonlik muhitini shakllantirish borasida ko'rilayotgan chora-tadbirlar misolida ko'zga yaqqol tashlanayapti. Vaholanki, pandemiya keltirib chiqargan jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi hamon davom etayotgan, bozorlarda talab keskin kamayib, konyunkturaning beqarorligi, investitsiya faolligining susayishi kabi omillar ko'pgina davlatlar iqtisodiyotiga salbiy ta'sir ko'rsatayotgan bir paytda yurtimizda bunday ijobiy o'zgarishlarga erishilayotgani quvonarlidir.

Darhaqiqat, keyingi yillarda iqtisodiyotning mutlaqo yangi tarmoqlariga asos solish, ayniqsa, ularni boshqarish uslublarini zamonaviylashtirishga ustuvor ahamiyat berilmoqda. Davlatimiz rahbari majlisida ana shu haqda to'xtalib, korporativ boshqaruv tizimidagi prinsip va yondashuvlarni tubdan o'zgartirishimiz uning haqiqiy bozor munosabatlariga mos kelishini ta'minlash hamda konservativ qarashlardan voz kechishda katta hissa bo'lganligini, lekin butun dunyoda aksiyadorlik jamiyatlarini tashkil etish va ishni korporativ tarzda boshqarish asosiy usul, deb topilgan bir paytda bizda bu borada amalga oshirilayotgan ishlar qoniqarli emasligiga, hali oldinda bajarilishi lozim bo'lgan vazifalar ham talaygina ekanligiga

alohida urg'u berdi. Korporativ usul bozor iqtisodiyotiga o'tishning muhim sharti ekanligi, bu borada rivojlangan davlatlar tajribasini o'rganish hayotiy zaruratligi, ayniqsa, sohaga puxta bilimga ega bo'lgan zamonaviy menejment hamda marketing usullarini amalda qo'llay oladigan yosh mutaxassislarni jalb etish masalalari dolzarb ekanligi aytib o'tildi¹⁰⁴.

Aksiyadorlik jamiyatlarida modernizatsiya qilish va diversifikatsiya qilish kabi tushunchalar avvalida aksiyadorlik jamiyatlariga ta'rif berish joizdir. Aksiyadorlar jamiyati daromad topish maqsadida hissadorlik tamoyiliga binoan uyushgan sherikchilik jamiyati hisoblanadi. Aksiyadorlar jamiyati boshqa sherikchilik korxonasi bilan farqliroq, muomalaga nominal qiymati ko'rsatilgan aksiyalar chiqarish va uni sotish yo'li bilan tarqatish bunday jamiyatning moliyaviy negizini tashkil etadi.

Aksiya egalari dividend shaklida daromad oladilar. Aksiyadorlar jamiyatining ochiq va yopiq jamiyat shaklidagi ko'rinishlari bor: Yopiq aksiyadorlar jamiyati – aksiya egalari ma'um guruh, masalan, ta'sischilarning o'zi bilan cheklanadi. Aksiyalar faqat ularning o'rtasida tarqatiladi. Ochiq aksiyadorlar jamiyati – jamiyat aksiyalari erkin sotiladi va sotib olinadi, aksiyadorlar soni cheklanmagan, xohlagan va aksiya olishga puli bor yuridik yoki jismoniy shaxs, shu jumladan, ajnabiy shaxslar uning a'zosi bo'la oladi. Aksiyadorlar jamiyati pulni bir yerga to'plab biznesga qo'yish uchun tuziladi. Uning tashkilotchilari ta'sischilar deb yuritiladi. Ta'sischi firmalar, banklar, davlat va ayrim fuqarolar bo'lishi mumkin. Aksiyadorlar jamiyatining afzalligi shundaki, u mayda pulni to'plab yirik pulga aylantirish, ya'ni kapital bo'la oladigan pulga aylantirishdan, mayda puldorlarning pulini ham biznesga qo'yishdan iborat. Aksiyadorlar jamiyatini boshqarishning oliy organi – aksiyadorlar majlisi, so'ngra – direktorlar kengashi va quyi bo'g'ini – bo'linmalar boshqarmasidan iborat. Aksiyadorlar majlisi aksiyadorlar jamiyati yillik hisoboti, nizomdagi o'zgarishlar, daromadning taqsimlanishi, foyda-zarar hisob-kitobi, taftish natijalari, rahbarlarni saylash masalasini ko'rib chiqadi va tegishli qarorlar qabul qiladi.

Dastlab aksiyadorlar jamiyati XVII asrda paydo bo'lgan, hozir keng tarqalib, ommaviy tus olgan. O'zbekistonda aksiyadorlar jamiyati bozor islohotlari davomida mol-mulkni davlat tasarrufidan chiqarish va xususiy lashtirish jarayonida paydo bo'ldi, davlat korxonalarini aksiyadorlar jamiyatiga aylantirish mulkiy o'zgarishlarning yo'nalishlaridan biriga aylanadi. Islohotlarning birinchi bosqichida yopiq turdagi aksiyadorlar jamiyati tashkil topdi. Uning 2-bosqichida ochiq turdagi aksiyadorlar jamiyati shakllana boshladi. O'zbekistonda 1995-yilda 2255 ta, 1996-yilda 5500 ta aksiyadorlar jamiyati ishladi. O'zbekistonda aksiyadorlar jamiyati nodavlat sektoriga kiradi.

Aksiyadorlar jamiyati mustaqil, lekin ular davlat belgilagan qonun-qoidalar asosida ish ko'radi. Ularning faoliyati O'zbekiston Respublikasining "Aksiyador

¹⁰⁴ Jumayev N.X., Maxsumov E.M. Valuta operatsiyalarini boshqarish mexanizmi. – T.: Iqtisod-moliya, 2006. – 128 b.



jamiyatlar va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida" (1996.25.4) qonuniga binoan olib boriladi. Aksiyadorlar jamiyatini diversifikatsiya qilishda shubhasiz AJlaridagi samarali tashkil etilgan korporativ boshqaruv yordamga keladi. Diversifikatsiya (lot. diversificatio – o'zgarish, xilma-xil taraqqiyot) korxonalar (birlashma)larning faoliyati sohalari va ishlab chiqaradigan mahsulotlari turining kengayishi, yangilanib turishi degan ma'noni anglatadi. Aksiyadorlik jamiyatlarida diversifikatsiya fenomenoni yuqori samaradorlikka erishish, iqtisodiy foyda olish, bankrotlikka barham berish maqsadlarida amalga oshiriladi. Ilgari bir sohada ixtisoslashgan firmalarning (sanoat, qurilish, transport, moliya va h.k.) boshqa iqtisodiyot tarmoqlari, xizmat ko'rsatish sohasiga, birinchi navbatda, yuqori foyda beradigan sohalarga kirib borishi ularning xo'jalik faoliyati sohalari va imkoniyatlarini kengaytiradi¹⁰⁵.

Hozirgi paytda mamlakatimizda korporativ boshqaruv bo'yicha huquqiy-ma'roriy baza yaratilgan va tobora takomillashtirilmoqda, uning asosini esa O'zbekiston Respublikasining "Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida"gi 1996-yil 24-aprelda qabul qilingan 223-I-sonli qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2003-yil 24-yanvardagi PF-3202-sonli "O'zbekiston iqtisodiyotida xususiy sektorning ulushi va ahamiyatini tubdan oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2006-yil 27-sentabrdagi PQ-475-sonli "Qimmatli qog'ozlar bozorini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori, Vazirlar Mahkamasining "Aksiyadorlik jamiyatlarini boshqarish tizimini takomillashtirishga doir chora-tadbirlar to'g'risida"gi 1998-yil 22-avgustdagi 361-sonli, "Aksiyalar paketlarini joylashtirishni takomillashtirish hamda davlat mulki negizida tashkil etilgan aksiyadorlik jamiyatlarini boshqarishda aksiyadorlar rolini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 1997-yil 18-avgustdagi 404-sonli hamda "Xususiy lashtirilgan korxonalarda korporativ boshqaruvni takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 2003-yil 19-aprelda 189-sonli qarorlari tashkil qiladi.

Korporativ boshqaruv (munosabatlar) kodeksi quyidagilarga talab qo'yishi kerak:

- emitent ustav hujjatlariga;
- emitent dividend siyosatiga;
- emitent aksiyadorlarining umumiy yig'ilishini chaqirish va o'tkazish tartibotiga;
- ishonchnomalar bilan ovoz berish tartibotiga;
- kuzatuv kengashini shakllantirish qoidalariga;
- kuzatuv kengashi faoliyatining qoidalariga;
- kuzatuv kengashi a'zolariga taqdirlashni belgilash tartibiga;

¹⁰⁵ Usmonov Bekzod Qaxramonovich - "Science and Education" Scientific Journal January 2021 /

- mustaqil auditor faoliyati ustidan nazoratni amalga oshirish tartibiga;
- insayderlik axborotlari ishlatilgan bitimlar va shuningdek, manfaatdorlik mavjud bo'lgan bitimlarning amalga oshirilishi ustidan ichki nazorat qilish tartibotiga;
- emitentning qayta tashkil qilinishi va tugatilishi bilan bog'liq qarorlarning qabul qilinishi tartibotlariga va mos ravishdagi axborotlarni berish tartibotlariga;
- qimmatli qog'ozlarni emissiya qilish va korporativ harakatlarni amalga oshirish (aktivlarni katta hajmda sotib olish va sotish, kompaniyalarning birlashishi, qo'shib olishi) bo'yicha qarorlarning qabul qilinish tartibotiga;
- emitentning davlat hokimiyat organlari va mahalliy o'z-o'zini boshqarish organlari bilan o'zaro munosabatda bo'lish tamoyillariga.

Ayni damda korporativ boshqaruv tizimini qonun darajasida takomillashtirish va mustahkamlashga qaratilgan me'yoriy-huquqiy hujjatlar ishlab chiqilmoqda. Xususan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining yuqorida tilga olingan 2006-yil 27-sentabrdagi PQ-475-sonli qarori bilan tasdiqlangan "2006-2007-yillarda qimmatli qog'ozlar bozorini rivojlantirish dasturi" da O'zbekiston Respublikasining "Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida"gi qonuniga o'zgartish va qo'shimchalar kiritish belgilab berilgan bo'lib, bundan maqsad yurtimizda qimmatli qog'ozlar bozorini yanada rivojlantirishni rag'batlantiradigan mexanizmlarni yaratish, aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruv tizimini takomillashtirish, fond bozorining barqaror faoliyat yuritishini ta'minlash, shuningdek, aksiyadorlarning himoyalanganligini oshirish. Aytish joizki, mazkur qonun loyihasini tayyorlashda Germaniya, Buyuk Britaniya, Janubiy Koreya, EvrAzESga a'zo mamlakatlarning qimmatli qog'ozlar bozorini tartibga solishga doir amaldagi qonun hujjatlari, shuningdek, korporativ boshqaruv sohasidagi xalqaro standartlar tahlil etilgan.

Chunonchi, qonun loyihasida O'zbekiston Respublikasining "Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida"gi qonuniga quyidagi asosiy yo'nalishlar bo'yicha qo'shimcha va o'zgartishlar kiritish ko'zda tutilgan:

Yopiq aksiyadorlik jamiyatlari ustav fondlarining eng kam miqdoriga qat'iy talablar belgilash:

- AJlarda korporativ maslahatchilar lavozimini joriy etish;
- minoritar investorlarning huquqiy himoyalanganligini oshirish;
- qimmatli qog'ozlar bozorining barcha ishtirokchilari tomonidan axborotni majburiy ochish tartibini belgilash;
- aksiyadorlik jamiyatlarining kuzatuv kengashlari tomonidan oldingi moliya yilining 1-dekabrigacha yillik biznes-rejalarini tasdiqlash muddatlarini belgilash.

Xulosa qilib aytganda, amalda qaror topgan tartib aksiyadorlik jamiyatlarining boshqaruv organlari tarkibiga korporativ maslahatchilar institutini joriy qilish



zaruratini belgilaydi. Korporativ maslahatchilar institutining joriy etilishi respublika aksiyadorlarining, xususan, minoritar aksiyadorlarning huquqiy himoyalanganligi darajasini oshiradi, aksiyadorlik jamiyatlari boshqaruv organlarining faoliyatini amalga oshirishda ularning qonuniy manfaatlarini samaraliroq hisobga olish imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi bank faoliyatini tartibga soluvchi qonunlar to'plami. – T.: O'zbekiston, 2011. – 448 b.
2. O'zbekiston Respublikasining "Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida"gi qonuni. 2014-yil 5-may.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi farmoni. // O'zbekiston Respublikasi qonunlari to'plami. 2017-y., 6-son, 70 bet.
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tomonidan 2017-yil 22-dekabr kuni birinchi marta mamlakatimiz parlamenti – Oliy Majlisga Murojaatnomasi. – T.: O'zbekiston, 2017-y. – 104 b.
5. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2010-yil 26-noyabrda "2011-2015-yillarda respublika moliya-bank tizimini yanada isloh qilish va barqarorligini oshirish hamda yuqori xalqaro reyting ko'rsatkichlariga erishishning ustuvor yo'nalishlari to'g'risida"gi PQ-1438-sonli qarori.
6. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Boshqaruvining 2011-yil 10-sentabrda 26/1-sonli "Aktivlar sifatini tasniflash, tijorat banklari tomonidan ular bo'yicha ehtimoliy yo'qotishlarni qoplash uchun zaxiralarni shakllantirish va undan foydalanish Tartibiga o'zgartirishlar va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi qarori.
7. Mirziyoyev Sh. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutqi. 2016-yil. – 56 b.
8. Ансоф И. Стратегическое управление. /Пер.с.анг. – М.: Экономика, 1989. С. 186.
9. Porter M. How competitive forces shape strategy. *Comparative Economics*, Vol. 5, 1980, pp. 141-159.

ZIYORAT TURIZMIDA KORPORATIV BOSHQARUV VA UNING IQTISODIY SAMARADORLIGI

A.A. Xudoyarov,
“Islom iqtisodiyoti va moliyasi,
ziyorat turizmi” kafedrası dotsenti
O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi

Annotasiya. Mazkur maqolada O‘zbekiston Respublikasining xalqaro tashkilotlar va xorijiy davlatlar bilan turizm sohasida aloqalar o‘rnatishi va rivojlantirishi, mamlakatimizga turistlar oqimining kirib kelishini ko‘paytirish, turistlarga xizmat ko‘rsatish uchun barcha shart-sharoitlarni yaratish, xizmat ko‘rsatish sifati va madaniyatini oshirish, turistlar xavfsizligini ta‘minlash, turizm sanoatini tashkil qilish va rivojlantirish, soha bo‘yicha kadrlar tayyorlash bilan bog‘liq munosabatlarni tartibga soluvchi tashkiliy-iqtisodiy jihatlari hamda korporativ boshqaruv mexanizmlari ko‘rib chiqilgan.

Tayanch so‘zlar: korporativ boshqaruv, diversifikatsiya, klaster, ziyorat turizmi, tadbirkorlik, standart, hamkorlik, tajriba, huquqiy asoslar, xavfsizlik, huquqiy-iqtisodiy baza.

В данной статье приводится как Республика Узбекистан устанавливает и развивает связи с международными организациями и зарубежными странами в области туризма, увеличивает поток туристов в нашу страну, создает все условия для туристов, повышает качество и культуру услуг, а также предоставляет туристические услуги. Рассмотрены организационные и экономические аспекты регулирования туризма корпоративным методом управления.

Ключевые слова: корпоративное управление, диверсификация, кластер, полонический туризм, предпринимательство, стандарт, партнерство, опыт, правовая база, безопасность, правовая и экономическая база.

This article describes how the Republic of Uzbekistan establishes and develops relations with international organizations and foreign countries in the field of tourism, increases the flow of tourists to our country, creates all conditions for tourists, improves the quality and culture of services, and also provides tourism services. The organizational and economic aspects of tourism regulation by the corporate management method are considered.

Keywords: corporate governance, diversification, cluster, tourist, tourism, entrepreneurship, standard, partnership, experience, legal framework, security, legal and economic system.

Kirish. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti 2020-yildagi Oliy Majlisga Murojaatnomasida ziyorat turizmini jadal rivojlantirish zarurligini ta‘kidlab, yurtimizda 8 ming 200 dan ziyod madaniy meros obyekti mavjud bo‘lib, turizm marshrutlariga ularning atigi 500 tasi kiritilganligini bildirdi¹⁰⁶¹. Hozirgi kundagi

¹⁰⁶ Ўзбекистан Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020.

global iqtisodiy innovatsion o'zgarishlar sharoitida ziyorat turizmining rivojlanish xususiyatlari va tendensiyalarini yoritib berish hamda uni samarali rivojlantirishning ilmiy tadqiqot ishlarini, tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish nuqtayi nazaridan mazkur masalaning metodologik-uslubiy va amaliy jihatlarini tadqiq etish bugungi kunda dolzarbligi bilan ahamiyatlidir.

Bugungi kunda jahon turizm sanoatida aksiyadorlik jamiyatlarini tashkil etish va ishni korporativ tarzda boshqarish asosiy usul deb topilgan bir paytda bizda bu borada amalga oshirilayotgan ishlar qoniqarli emasligiga, hali oldinda bajarilishi kerak bo'lgan vazifalar ham talaygina ekanligini alohida ta'kidlash lozim.

Tadqiqot metodologiyasi. Jahonda turizm sohasini yanada rivojlantirish, mintaqalarda aholini yangi ish o'rinlari bilan ta'minlash maqsadida ziyorat turizmi obyektlaridan samarali foydalanishda tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirishga asos yaratadigan ilmiy tadqiqotlarga ehtiyoj ortib bormoqda. Mamlakatimizda mustaqillik yillarida turizm sanoatini, xususan, ziyorat turizmini rivojlantirishda zarur tashkiliy-huquqiy mexanizmlar vujudga keltirilib, tegishli meyoriy hujjatlar qabul qilingan.

So'nggi yillarda Yangi O'zbekistonda olib borilayotgan iqtisodiy islohotlar natijasida puxta o'ylangan, uzoqni ko'zlaydigan keng ko'lamlı dasturlar ijrosi, rivojlangan demokratik davlatlar qatoridan o'rin egallash bo'yicha amalga oshirilayotgan ishlar ziyorat turizmi sohasining rivojlanishida muhim omil sifatida namoyon bo'lmoqda.

Ziyorat turizmini rivojlantirishda islom dinining ahamiyati katta. O'zbekiston islom dini rivojiga ulkan hissa qo'shgan ko'plab buyuk ulamolar kamol topgan va ijod qilgan tabarruk zamin. Biroq diniy qadamjolar mavjudligi ziyorat turizmi rivojlanishi uchun yetarli emas. Bu borada ziyorat turizmida tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarni takomillashtirish, infratuzilmalarni rivojlantirish, tegishli ilmiy tadqiqot markazlarining faoliyatini jadallashtirish talab etiladi.

Tadqiqot natijalari. Natijada iqtisodiyotni liberallashtirish, turizm, xususan, ziyorat turizmi tarmoqlari boshqaruvida bozor tamoyillarini joriy etish, qulay ishbilarmonlik muhitini shakllantirish borasida ko'rilayotgan chora-tadbirlar ziyorat turizmining jadal rivojlanishiga asos bo'lmoqda.

Bugungi kunda turizm sanoatida yangi tarmoqlariga asos solish, ayniqsa, ularni boshqarishdagi uslublarini zamonaviylashtirishga asosiy urg'u qaratilmoqda. Innovatsion turizm, bugungi kunda, ya'ni jamg'arilgan bilimlarga asoslanadigan sayyohlik tizimidir. O'zbekiston ziyorat turizmida innovatsiyalarni joriy qilish mamlakatdagi iqtisodiy vaziyat, aholining ijtimoiy-madaniy darajasi, huquqiy-me'yoriy asoslarning yaratilishi va shu kabi shart-sharoitlarga bog'liq bo'ladi. Shu sababli ham turli mamlakatlarda turizm sohasiga innovatsiyalarni joriy qilishda yondashuv turlicha bo'lib, o'ziga xos xususiyatlarni kasb etadi.

Tahlillarimizga ko'ra, O'zbekistonda turizm sanoatida, xususan, ziyorat turizmida korporativ boshqaruv tizimidagi prinsip va yondashuvlarni tubdan

o'zgartirishimiz, uning zamonaviy xalqaro munosabatlariga mos kelishini ta'minlash hamda konservativ qarashlardan voz kechish lozim bo'ladi.

Tahlillar. Turizm sanoatida korporativ usul faol iqtisodiyotga o'tishning muhim sharti ekanligi, bu borada soha bo'yicha yetuk davlatlar tajribasini o'rganish, ayniqsa, ziyorat turizmi sohasida puxta bilimga ega bo'lgan zamonaviy menejment hamda marketing usullarini amalda qo'llay oladigan yosh mutaxassislarni jalb etish masalalari bugungi kunda dolzarb ekanligi va raqobatbardoshlikni ta'minlovchi omil sifatida o'rin egallamoqda.

Ta'kidlash joizki, mazkur masala yuzasidan Din ishlari bo'yicha qo'mita, O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi, Turizm va sport vazirligi, O'zbekiston musulmonlari idorasi, Islom sivilizatsiya markazi va boshqa oliy o'quv yurtlari tomonidan soha mutaxassislari tayyorlanmoqda.

Jahon turizm sanoatida raqobatning jadal sur'atlar bilan rivojlanayotgan bir paytda har bir jabhaga yangilik olib kirishni, ishni samarali tashkil qilishning ilg'or uslublaridan foydalanishni, innovatsion qarorlar qabul qilishni zamonning o'zi taqozo etmoqda. Ta'kidlash joizki, bu boradagi ishlarni rivojlantirishda hukumatimiz tomonidan "Aksiyadorlik jamiyatlarida zamonaviy korporativ boshqaruv uslublarini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoning ijrosi yuzasidan qabul qilingan qaror sohaning rivojlanishiga turtki bo'lmoqda.

Bu, o'z navbatida, O'zbekiston turizm sanoatiga to'g'ridan to'g'ri xorijiy investitsiyalarni jalbetish, turizm aksiyadorlik jamiyatlari faoliyatining samaradorligini tubdan oshiradi. Shu bilan bir qatorda turizm, xususan, ziyorat turizmi sohasiga xalqaro tajribani chuqur tahlil qilish asosida zamonaviy korporativ boshqaruv uslublarini joriy etish, chet el kapitali ishtirokida aksiyadorlik jamiyatlariga asos solish, xalqaro standartlar hamda xalqaro standart talablariga moslarini ta'minlash, xodimlar faoliyati nazoratida minoritar aksiyadorlar rolini oshirish, ularda rahbarlik lavozimlariga yuqori malakali menejrlarni taklif etish bilan bir qatorda, xalqaro tajribani chuqur tahlil qilish kabi ko'plab masalalarning yechim ijrosini vazifa sifatida oldimizga qo'yimoqda.

Xulosa va takliflar. Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, yurtimizda turizm sanoatida olib borilayotgan islohotlar natijasida sohaning institutsional integratsiyalashish tendensiyalari kuzatilmoqda. O'zbekistonda ziyorat turizmini rivojlantirishda tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarni muntazam ravishda takomillashtirib borish talab etilmoqda.

Tegishli ilmiy tahlillarimizga tayangan holda quyidagi takliflarni ilgari surish joiz deb bilamiz.

- turizm sohasiga, xususan, ziyorat turizmi tarmoqlariga to'g'ridan to'g'ri xorijiy investitsiyalarni keng jalb etish;
- aksiyadorlik jamiyatlari faoliyatining samaradorligini tubdan oshirish;
- bo'lajak investorlar uchun ularning ochiqligi va jozibadorligini ta'minlash;



– zamonaviy korporativ boshqaruv uslublarini joriy qilish;
– korxonalarni strategik boshqarishda aksiyadorlar rolini kuchaytirish bugungi kunning ustuvor talablaridan biridir.

Demak, turizm sanoatida korporativ boshqaruv tizimini joriy etish va samarali boshqarishda bilim hamda ko'nikmaga ega bo'lish nafaqat kuzatuv kengashi yoki ijroiya organlari vakillari, balki turizm korxonasi va muassasalari xodimlari uchun dolzarb ahamiyat kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2016-yil 2-dekabrda PF-4861-sonli «O'zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida»gi farmoni. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2016-y.

2. 2019-2025-yillarda O'zbekiston Respublikasida turizm sohasini rivojlantirish konsepsiyasi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 5-yanvardagi PF-5611-sonli farmoniga ilova.

3. Alimova M.T. Hududiy turizm bozorining rivojlanish xususiyatlari va tendensiyalari. Dissertatsiya ilmiy ishi. – Samarqand, 2017.

4. Гуломов С.С., Қосимов Ф.М. Корпоратив бошқарув. Дарслик. – Т., 2013.

5. Жукова М.А. Индустрия туризма: менеджмент организации. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 192 с.

6. Norchauv A.N., Umirova D.S. Turizmda transport xizmatlari. O'quv qo'llanma – T.: Iqtisodiyot, 2020.

7. Sayfutdinov Sh.S., Nurfoyziyeva M.Z. Turoperatorlik faoliyati. Darslik. – T.: Iqtisodiyot, 2019.

8. Tuxliyev I.S., Hayitboyev R., Safarov B.Sh., Tursunova G.R. Turizm asoslari. Darslik. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi. – T.: Fan va texnologiya, 2014. – 332 b.

9. Xudoyarov A.A. Ziyorat turizmida logistika. O'quv qo'llanma. – T.: Mumtoz soz, 2020.

10. Xudoyarov A.A. Turizm va mehmonxona industriyasi asoslari. O'quv qo'llanma. Com Print, 2020.


11. Xudoyarov A.A. O'zbekistonda ziyorat turizmining tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini rivojlantirish. Monografiya. – T.: Com Print, 2021.

12. <https://uzbektourism.uz/uz/newsnews/>

13. <http://uza.uz/oz/tourism/zbekistonda-ziyarat-turizmi-2018-yilga-nazar-27-12-2018>.

4 YO'NALISH

SANOAT KORXONALARIDA INNOVATSION-INVESTITSION FAOLIYATNI BOSHQARISH YO'NALISHLARI



ИҚТИСОДИЙ ҶСИШ СИРАЛАРИ

Н.Қ. Йўлдошев,
и.ф.д., профессор,

Менежмент кафедраси мудири, ТДИУ

Аннотация. Мазкур илмий мақолада миллий рақобатбардошлик мазмуни очиб берилган, рақобатбардошликни баҳолашнинг кўрсаткичлари асослаб берилган, рақобатбардошликка эришишнинг ривожланган мамлакатлар тажрибаси таҳлили, меҳнат унумдорлигининг юқори даражасига эришиш бўйича тавсиялар келтирилган.

Таянч иборалар. Рақобат, рақобатбардошлик, рақобат кураши, интеграция, ишлаб чиқариш, стратегия, диверсификация, хорижий компаниялар.

Кириш. Мамлакатимизда бозор муносабатларини шакллантириш бошланган илк кунлардан то бугунги кунгача “рақобатбардошлик” сўзи тилимиздан тушмай қолди. Хўш, рақобатбардошлик ўзи нима?

“Рақобатбардошлик” тушунчасининг маъноси иккига бўлинади:

1. Мамлакат миқёсида ривожланган мамлакатлар аҳолиси турмушининг ўсиб бораётган стандартларига эришиш;

2. Халқаро миқёсда жаҳон иқтисодиётида етакчилик мавқеини сақлаб қолиш.

Бу тушунчани чуқурроқ шарҳласак, рақобатбардошлик - бу халқаро бозорларда сотилаётган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва бир вақтнинг ўзида мамлакатда рақобатчиларга нисбатан турмушнинг юқорироқ стандартларига эришиш қобилиятидир.

Бу шартларни бажариш имконини берадиган ягона йўналиш - меҳнат унумдорлигини ошириш ва рақобатчиларга нисбатан юқорироқ унумдорлика эришишдир. Рақобатбардошликни баҳолаш учун мамлакатнинг савдо баланси ва миллий валютани алмаштириш курси қўлланилади.

Таҳлиллар. Мамлакатлар рақобатбардошлигини баҳолаш учун қўлланиладиган яна бир кўрсаткич - бу ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари. Унинг таркибида кўрсатилган хизматлар салмоқли ўрин тутати. Халқаро баҳолаш тузилмалари маълумотлари бўйича 2019 йилда хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши АҚШда-77,4%, Буюк Британияда -71,0%, Францияда-70,3%, Канадада- 70,2%, Японияда- 69,1% ни ташкил этган. Бу хизматларнинг тарифларини, банк кредитлари фоиз ставкаларини, ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол товарлари баҳоларини кўтариш ўз-ўзидан ялпи ички маҳсулот ҳажмини оширади, бироқ бу ўзгаришлар аҳоли турмуш даражаси пасайишига олиб келади. Бу кўрсаткичлар рақобатбардошлик билан боғлиқ, бироқ ҳеч бири унинг мазмунини тўлиқ очиб бера олмайди.

Демак, рақобатбардошликка эришиш учун аҳолининг турмуш даражасини пасайишига йўл қўймаган ҳолда ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат унумдорлигини

ошириш зарур бўлади. Бунинг учун бир-бири билан ўзаро боғлиқ техникавий, технологик, ташкилий-бошқарув тадбирларини амалга ошириб, корхоналарни, биринчидан – доимий равишда янги, мукамалроқ буюмлар ишлаб чиқаришга, иккинчидан – маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришга, учинчидан – буюмлар баҳосини пасайтирган ҳолда уларнинг сифати ва истеъмол қийматини кўтаришга йўналтириш лозим. Бу масалаларни ечиш учун паст харажатли ва юқори унумли, эгилувчан ва мослашувчан кичик бизнес корхоналарини янги нусхадаги хўжалик мажмуаларига бирлаштириш лозим.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ғарб мамлакатлари, хусусан АҚШ, эътиборни қуйидаги йўналишларга қаратади:

- ишлаб чиқариш харажатларини бошидан охиригача автоматлаштириш;
- бошқарув шакллари ва усулларини, шу жумладан, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва техника – технологияни такомиллаштириш;
- кадрлар салоҳиятини, бир вақтнинг ўзида ҳар бир ишчининг малакаси, фаоллиги ва холислигини ривожлантириш.

Рақобатнинг айнан шу йўналишлари, яъни ресурслардан фойдаланишнинг шундай усуллари ишлаб чиқариш тизимларининг янги мослашувчан авлодини яратиш имконини беради.

Ғарб ва Япон компанияларининг етакчилик учун курашга ёндашувларида умумийлик билан бирга хусусийлик ҳам кузатилади. Масалан, Япон ёндашувида ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва компьютерлаштиришга пиروвард мақсад ва муваффақият қафолати деб қаралмайди. Рақиблардан ўзиб кетиш, рақобат курашида ғалаба қозониш учун улар бошқа устуворликларга таянишади. Бунда инсон капитални ривожлантириш энг муҳим устуворлик ҳисобланади. Япон компаниялари бунинг учун иккита сирли куч (пружина)дан фойдаланадилар:

Биринчиси – шундай технология яратиш ва ишлаб чиқаришни шундай ташкил этиш керак-ки, стандарт, оддий, осон бошқариладиган операциялар асосида ҳар қандай, хатто энг мураккаб буюмларни тайёрлаш мумкин бўлсин;

Иккинчиси – шундай ташкилий бошқарув шароити яратиш керак-ки, бунда тартибдан ҳар қандай оғиш бевосита иш жойларида, участкаларда, цехларда аниқланиб, бартараф қилинсин. Натижада “пастдан” ўзини-ўзи тартибга солишни амалга оширувчи бошқарув механизмини яратиш назарда тутилади.

Маълумки, иқтисослашган ишлаб чиқаришда бошқарув одатда авторитар услубда ташкил этилади. Ишлаб чиқаришни интеграциялаш шароитида авторитарусулишчилар, ходимлар фаоллигини чеклаб, ривожланишга тўсқинлик қилади. Шунинг учун интеграцион ишлаб чиқаришга мувофиқлаштириш, яъни демократик усул мос келади.

Бошқарувнинг ташкилий тузулмалари, ишлаб чиқариш – сотиш операцияларига раҳбарлиқнинг шакллари ва усулларини ривожлантириш қуйидаги йўналишлардан иборат бўлади:



1. Ишлаб чиқариш ва сотиш операцияларини номарказлаштириш. Шу мақсадда йирик компанияларда автоном ёки яримавтоном бўлимлар (департаментлар) ташкил этилади. Уларга ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини ташкил этиш ваколатлари берилиб, фойда ва зарар учун жавобгарлик юклатилади.

2. Янги бозорларни излаш ва операцияларни диверсификациялашдан иборат янгилликка ўчилик. Бу йўналиш йирик компанияларда бозорларга янги буюмлар ва технологияларни олиб чиқишга қаратилган янгилликлар яратувчи фирмалар тузиб амалга оширилади. Бундай венчур фирмалар “рискли молиялаштириш” тамойилини қўллайди. Йирик компаниялар истиқболли бозорларда қисқа вақтда мустақкам мавқеини эгаллашга қаратилган кичик корхоналар тузиш стратегиясини қўллайди.

Шу ўринда диверсификация тушунчасини кенгроқ шарҳлашни лозим топдик. Стратегик бошқарув назариясининг асосчиси америкалик иқтисодчи Игорь Ансофф таърифича “диверсификация – маълум бир корхонада мавжуд бўлган ресурсларни аввалгидан анча фарқ қилувчи фаолият йўналишларига қайта тақсимлаш жараёнидир”.

Диверсификация корхоналар миқёсида куйидаги ўзгаришларда намоён бўлади:

- товарлар ва хизматларнинг янги турларини яратишда;
- товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш жараёнида бошқача ёндашув, юқори унумли усулларни қўллашда;
- товарлар ва хизматларни янги бозорларга йўналтиришда, йўналтиришнинг янги усуллари ва воситаларидан фойдаланишда;
- истеъмолчиларга қўшимча қулайликлар, хизматлар тақдим этишда.

Бу ўзгаришлар корхона фаолиятини ён томонга кенгайтиришдан иборат бўлиб, латерал диверсификация деб аталади. Агар корхона ўзининг фаолият йўналишидан ташқаридаги соҳаларга кириб борса, бундай ҳолат тармоқлар ёки соҳалар даражасидаги радикал диверсификация бўлади.

3. Бюрократияга барҳам бериш, доимий равишда персоналнинг ижодий ва ишлаб чиқариш фаолигини ошириш. Бунинг учун акцияларни персоналга тақсимлаш, ишчиларнинг жамоавий мулкига қурилган корхоналар ташкил этиш каби хилма-хил чоралар кўрилади. АҚШ да бундай корхоналар сони йилига 600-700 бирликка кўпайиб бормоқда. Бу жараёнда фақат кичик корхоналар эмас, балки америка саноатининг 10 минглаб ишчилари бўлган гигантлари ҳам қатнашяпти. Уларнинг ҳаммаси муваффақиятга эриша олмаслиги мумкин, бироқ ишлаб чиқаришда жамоа мулкчилигини ривожлантириш иқтисодиётнинг самарадорлигини оширишга, ижтимоий барқарорликка олиб келмоқда.

Иқтисодиётни ташкил этиш ва бошқариш, меҳнат унумдорлигини ошириш борасида АҚШнинг рақиблари ундан ўзиб кетяпти. Айниқса, Осиё мамлакатлари иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришиш учун ҳукумат ва бизнеснинг ўзаро ҳаракатларини уйғунлаштиришнинг самарали механизмларини қўлла-

япти. Натижада меҳнат унумдорлиги ошиб, бу мамлакатларнинг АҚШ дан ўзиб кетишига замин яратилляпти. Бундай ислохотлар мамлакатимизда ҳам изчиллик билан ўтказилляпти. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев 2021 йил 20 августда мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган “Тадбиркорликни жадал ва янада кенг ривожлантириш учун барча шароитларни яратиш – энг муҳим вазифамиздир” номли нутқида ўтган 1 йилда тадбиркорлардан талаб қилинадиган 400 дан ортиқ лицензия ёки рухсатномалардан 114 таси бекор қилингани, лицензия ва рухсатнома талаб этиладиган 33 фаолият тури хабар қилиш тартибига ўтказилгани, келгуси йилдан бошлаб тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун барча рухсат этувчи ҳужжатларни онлайн тарзда расмийлаштирилиши, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш ҳамда таннархни камайтириш мақсадида божхона бождари 2 баробар пасайтирилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Тадқиқот натижалари. Ривожланган мамлакатларда меҳнат унумдорлигини кўтаришнинг самарали йўналиши – бу давлат компанияларини хусусийлаштиришдир. Миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширишнинг энг кучли дастаги бўлган хусусийлаштириш иқтисодий мўжиза яратган. 1979 йилда Буюк Британия тарихида биринчи аёл бош вазир бўлган Маргарет Тэтчер ислохот бошлаган. Унинг мақсади самарадорлиги паст давлат корпорацияларини хусусийлаштириб, янги иш ўринларини яратиш бўлган. Ислохот жараёнида кўмир, руда конлари, металлургия, газ, энергетика, сув таъминоти, кўчмас мулк, автомобиль, темир йўл транспортлари, авиаташиш, телекоммуникация соҳаларидаги компанияларнинг кўпчилиги муваффақиятли хусусийлаштирилган. Натижада бу компанияларнинг харажатлари 30-33 фоизга қисқарган.

Хусусийлаштиришнинг яна бир жиҳати шу-ки, у ривожланган мамлакатларда капиталлашувнинг дастлабки босқичи бўлади. Капиталлашувнинг ошиши хусусийлаштиришнинг энг муҳим натижаси бўлиб, хусусий ва жамоа мулкнинг кўпайишига олиб келади. Германияда 1990- йилларда давлат корпорацияларининг 75 фоизи хусусийлаштирилган, улар мамлакат ички маҳсулотининг тўртдан уч қисмини берган.

Меҳнат унумдорлиги даражасига иш вақтининг давомийлиги бевосита таъсир этади. Бир йилда бир ишчи ўртача АҚШда 1708, Германияда 1433 соат ишлайди. Бу рақамлар Америка ишчиларининг меҳнат одоби, немис ишчиларининг самарадорлиги юқорилигини кўрсатади. Ривожланаётган мамлакатларда иш соатлари бу мамлакатлардан анча узоқ.

Турли мамлакатлардаги турмуш даражаларини объектив баҳолаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1990 йилдан “Инсон салоҳиятини ривожлантириш индекси”ни ҳисоблай бошлади. Бу индекс турли иқтисодий тизимлардаги меҳнат ресурслари ҳолати, улардан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатади.



Гарвард бизнес мактаби профессори Ричард Хаксман унумдорликни оширишга энг оммалашган ва энг кам самара берадиган уч ёндашувни кўрсатган. Биринчиси – нимадир қилинади, аммо товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришда технология ва бошқарув тизими ўзгармайди. Иккинчиси – ташкилотнинг масъулият ва ҳокимият тизимида ўзгариш қилинмайди. Учинчиси – “инсон омили” ҳисобга олинмайди. “Инсон омили”га етарли эътибор бермаслик Америка менежментининг заиф жойи ҳисобланади.

Қўшма Америка-Япон “Nummi” компанияси ҳар йили 2500 ишчи билан икки нусхада 250 000 автомобиль ишлаб чиқаради. Японлар қўлига ўтмасдан олдин бу завод “General Motors”га қарашли бўлиб, 7800 ишчи бундан кам автомобиль ишлаб чиқарган.

Хулоса ва таклифлар. Меҳнат унумдорлигининг юқори даражасига эришиш учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг қуйидаги эгилювчан усуллари кўллаш лозим:

1. Иш ҳақи, унумдорлик ва самарадорлик даражалари ўртасида боғлиқликни таъминлаш. Ана шунда ишчи ўз ишининг самарадорлигини оширишга кучли рағбат сезади ва ишчи кучига харажатларни барқарорлаштириш имконияти туғилади.

2. Ўзгарувчан ва муқим тўловлар улуши унумдорлик ва фойдага қараб ўзгариши лозим. Ҳар бир ишчи ўз меҳнати натижаларига қараб юқорироқ ҳақ олиш имкониятига эга бўлиши лозим. Мукофотлар фақат раҳбариятга эмас, балки барча ишчи, ходимларга берилиши керак.

3. Иш ҳақини белгилашда компания раҳбарияти тармоқдаги вазият каби фирмага нисбатан ташқи омилардан фойдаланмаслиги керак.

4. Меҳнатга ҳақ тўлаш тизими шундай тузилиши керак-ки, у фирма ишчиларини айириш эмас, бирлаштиришни таъминласин, ишчилар ўртасига низо эмас, ҳамкорлик солсин. Якка тартибда эмас, гуруҳлар бўйича иш ҳақи белгилаш меҳнат унумдорлигини 60 ва ундан ортиқ фоизларга кўтаради.

Идора ходимларини кўплиги бошқарув ишларини кўпайтиради ва ишга ҳалақит беради. Омборларда ва ишлаб чиқариш цехларида керагидан ортиқ захиралар хатолар ва ишлаб чиқариш операциялари бесамарлигини яширгани каби, бошқарувчилар ва идора ходимларининг кўплиги бошқарув қарорларидаги хатоларни яширишга хизмат қилади. Япон мақоли бундай дейди “сўвнинг сатхи пасайтирилса, сув остидаги тошлар кўринади”.

Фойдаланиган адабиётлар рўйхати

1. *Американский менеджмент на пороге XXI века. Джексон Грейсон младший, Карла О'Сарос; Делл. 1991 г. 320 стр.*
2. *Ўлдошев Н.К., Набоков В.И. Менежмент назарияси. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2013.- 433 б.*
3. *//Аргументы и факты, 2021 йил сонлари.*

FEATURES OF DEVELOPING A STRATEGY FOR THE TEXTILE INDUSTRY IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

N.R. Kadirkhodjaeva,
senior teacher,

“Management” department, TSUE

Abstract. This article is the result of a dissertation research in the management and strategy development of the textile industry. This article deeply discusses the problems affecting the efficiency of the enterprise, in particular the factors affecting the implementation of the developed strategy. It should be noted that the external environment has a direct impact on the strategy of enterprises, but at the same time it is necessary to take into account the internal environment of the enterprise, which also has a certain influence on both the development of the strategy and its effective implementation. It is this article that is the result of a study of the effectiveness of the textile industry strategy in terms of both external and internal harvest.

Key Words: tactile industry, strategy, strategy efficiency, labor resources, external environment, internal environment, market economy, strategy analysis, strategy result.

1. INTRODUCTION: In a market economy, an increase in the efficiency of industrial enterprises is possible on the basis of the development and implementation of the concept of long-term development, the development of new and improvement of previously used strategies. The consumer market is saturated with sewing enterprises, whose activities are carried out in a highly competitive environment. In this regard, the problem of deep restructuring of the mechanism of their functioning on the basis of the development and implementation of a strategy in the main key areas is especially acute.

The task of directing all activities of the garment production to meet the needs of the population, ensuring the successful operation of enterprises, obtaining high profits and a high level of competitiveness, increases the need to apply a market orientation of production in a flexible combination with improvement, as a process of designing clothes, and senior management's long-term strategic management activities. The development of the domestic economy in the post-perestroika period brought forward before the management of firms and enterprises the problem of radical restructuring of their activities based on the development of a strategic management system that requires radical changes in all aspects of the economic mechanism, within the framework of expanding economic independence, increasing responsibility for the results of activities and ensuring the response of production to demand.

Obviously, in the new economic conditions, a special role is assigned to increasing the maneuverability of production, which requires a new methodology



for the formation and implementation of plans based on forecasting, the development of long-term and medium-term strategic settings, information on the structure of market needs, providing profitability of the enterprise, improving the quality of meeting consumer demand and adapting the enterprise to a competitive environment. The use of traditional planning methods does not allow to fully implement the requirements of modern strategic management and managerial decision-making.

In this regard, the accumulated domestic and foreign experience in the development and implementation of strategies requires special attention. The lack of developments on these issues in relation to textile production, as well as their practical significance, require special research in this area of knowledge, which determines the relevance of this study.

2. LITERATURE REVIEW: The degree of knowledge of the problem. The theoretical foundations of strategic management and their development are set out in the works of O.S. Vykhansky, V.I. Knorring, V.K. Vaschenko, A.P. Pankrukhnina, V.R. Vesnina and V.V. Kafidova, N.N. Trenev. The works of O.S. are devoted to the problems of strategic management. Vikhansky and A.N. Naumova, V.K. Vaschenko, S.E. Pivova, L.S. Tarasevich and A.I. Maisel, R.A. Fatkhutdinova, Yu.N. Lapygina, A.T. Zuba, O.M. Olshanskaya, V.N. Parakhina, L.S. Maksimenko and S.V. Panasenko, A.I. Dolgova and E.A. Prokopenko, Yu.A. Malenkova, V.V. Zhivetina, O.E. Roshchina, L.G. Zaitsev and M.I. Sokolova, G.B. Kleiner, A.P. Gradova. Extensive scientific and practical experience of foreign scientists on the issues of the problem under study: I. Ansoff, R. Ackoff, M. Mescona, N. Macrae, A.J. Strickland, A.A. Thomson, M. Hammer, M. Porter, and others, are of great interest for solving the issues of developing and implementing strategies for light industry enterprises.

3. MATERIALS: Y. Gao et al. present a branch and bound reduced algorithm for quadratic programming problems with quadratic constraints. The algorithm determines the lower bound of the optimal value of original problem by constructing a linear relaxation programming problem. To improve the degree of approximation and the convergence rate of acceleration, a rectangular reduction strategy is also used in the algorithm. Y. C. Zhang et al. propose an improved self-adaptive particle swarm optimization (IDPSO) algorithm with detection function to solve multimodal function optimization problems. The evolution direction of each particle is redirected dynamically by tuning the three parameters of IDPSO in the evolution process to overcome the premature convergence of PSO in a short time. Numerical results on several benchmark functions indicate that the IDPSO strategy outperforms other variants of PSO. "A review of piecewise linearization methods" by M.-H. Lin et al. introduces recent advances in piecewise linearization methods and analyzes the computational efficiency of various piecewise linearization methods. "Sensitivity analysis of the proximal-based parallel decomposition methods" by F.

Ma et al. shows that the range of the involved parameters can be enlarged, while the convergence can be still established. X. Wang studies a new class of optimization problems and develops a strong duality theory for stochastic separated continuous conic programming. A polynomial-time approximation algorithm is also presented to solve the stochastic separated continuous conic programming problem with any predefined accuracy

4. METHOD: During the research, such management methods were used as general scientific ones, theoretical and empirical (abstraction, analysis and generalization, induction and deduction), systemic, structural, analogies.

5. DISCUSSION: The strategy establishes in which specific goods and markets the company directs money and labor resources, as well as how exactly this will be done. The strategy can be presented in the form of a system of the most important management decisions for the allocation of the organization's resources to create long-term competitive advantages in target markets, as well as a program of adequate concrete actions necessary to achieve the set goals. It is also noted that the most succinct definition was formulated by Peter Wickens: "Strategy is moving an organization from here to there".

Strategy is one of the key components of strategic management, its tool, while the choice of a strategy and its implementation constitute the bulk of the content of strategic management activities. The constantly changing external environment has a decisive influence on the choice of alternative strategy options – a priority one that allows enterprises to have good prospects.

Within the framework of the developed strategy, the method and specific actions are indicated to achieve the goals facing the enterprise in a changing and competitive environment. A retrospective analysis of the definitions of the concept of "strategy" in essence of substantive components allowed the author to supplement and concretize the basic part of the strategy formulation, which is a set of certain groups of rules used to make decisions on the formation of a complex of interrelated areas of enterprise development, ensuring objectivity in making managerial decisions to increase production maneuverability in a competitive market environment.

Analysis of the practice of choosing strategies shows that from a large variety of existing specific strategies, certain types can be distinguished according to the principle of general approaches to the formulation of strategies and some general frameworks into which they fit. In this regard, in the first chapter, possible classifications of types of strategies are considered. The conditions for the functioning of the external environment affect the position of the internal environment of enterprises, and they are forced to choose a course towards price competition, which negatively affects the receipt of profit. In addition, there is an unstable development of sectoral enterprises, the tendency of downsizing and their transition to the sphere of small and medium-sized businesses.



There are potential opportunities in the region to create conditions for sustainable and dynamic development of garment enterprises based on the existing industry advantages and the production of competitive products that will satisfy the demand in the domestic market and strengthen the position in the foreign market. Increasing the efficiency of activities and the concept of long-term development of regional enterprises of the garment industry is possible on the basis of an analysis of existing strategies and their improvement or new developments. The strategy of actions in the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021, one of the priorities was to increase the competitiveness of the national economy by deepening structural transformations, modernization and diversification of its leading industries. The textile industry is one of the drivers of this transformation. The tasks outlined in the Action Strategy, such as the modernization and diversification of industry by transferring it to a qualitatively new level, increasing the processing of local raw materials, mastering the production of fundamentally new types of products, increasing the competitiveness of domestic goods in foreign and domestic markets, localizing production and import substitution were successful. made in the textile industry [1].

Within the framework of the annual state programs for the implementation of the Action Strategy until 2021, measures were taken to implement the strategic priorities for the development of the textile industry [2].

The strategic priorities for the development of the industry during this period were determined:

- increasing the share of the textile industry in the economy;
- reforming the management system of the textile industry with the introduction of advanced management technologies;
- introduction of a cluster development model based on the integration of production, starting with the cultivation of raw cotton and ending with the production of final textile products with high added value;
- expansion of production of products with high added value due to diversification and reduction of exports of raw materials and semi-finished products;
- an increase in the level of processing of cotton fiber and a gradual reduction in its export;
- ensuring the competitiveness of products and expanding sales markets;
- further harmonization of the standardization and certification system in the field of the textile industry in accordance with international requirements and standards;
- ensuring a balanced distribution of raw materials and the location of the established enterprises of the industry in conjunction with the development of logistics and engineering infrastructure;
- widespread introduction into the production process of advanced ICT, innovative technologies, know-how, design developments, localization of production of modern samples of fittings and accessories;

- improvement of the system of training, retraining and advanced training of personnel for the textile industry;
- creation of new jobs, especially for women, given the labor intensity of this industry and its potential in providing employment to the population.

Within the framework of the annual state programs, targeted program documents were adopted aimed at the development and transformation of this particular industry. They contributed to a noticeable leap forward in the development of the textile industry during this period.

6. ANALYSIS: In Uzbekistan, for the first time in February 2017, the President of the Republic proposed during a visit to the Bukhara region as part of the consistent implementation of measures to form market relations between farms and textile enterprises. The development of industrial clusters processing local raw materials is one of the ways to mobilize resources in the regions to increase economic growth. It should be especially noted that one of the main production units in the textile sector is cotton-textile clusters. The importance of this production unit lies in the integration of production forces and the integration of both reverse and integration into the front. The clusters successfully solve the problem of creating cooperative ties between textile enterprises and farms, organized on the basis of the conclusion of direct contracting agreements for the cultivation of raw cotton by farms and its supply to a textile enterprise for further deep processing at their own production facilities and make their important contribution to socio-economic development both regions and the country as a whole.

Within the framework of the Resolutions of the President of the Republic of Uzbekistan dated 05.19. No. PP- 2978 "On measures to create a modern cotton-growing and textile cluster in the Bukhara region", dated 15.09.2017. No. PP-3279 "On measures to create a modern cotton-textile cluster in the Syrdarya region" and Resolution of the Cabinet of Ministers dated January 25, 2018 No. 53 "On measures to introduce modern forms of organizing cottontextile production" 96 projects are being implemented in 117 regions of the republic, on an area of 907.783 thousand

hectares.... At the end of 2020, the largest number of clusters operated in Andijan (12 units), Samarkand (11 units) and Khorezm (10 units) regions (Table 1)

The results of Table 2 indicate that over the next years, there is a tendency for the growth of manufactured products by the subjects of the textile industry. In the course of the study, it was revealed that this trend is the result of a correctly developed strategy by the subjects of the textile industry that are members of the Association of Textile Light Industry of the Republic of Uzbekistan. It should be noted that, along with resource provision and stability of the external environment, in order to ensure the correct implementation and effectiveness of the adopted strategy, it is important for business entities, including textile enterprises, to focus on providing labor reserves. Table 3 below shows the data of a textile enterprise, which analyzed the number of employees for the efficient operation of the enterprise.



Table 1

Formation of cotton-textile clusters

| Name of regions | Number of clusters, units | Number of districts, units | Cotton fields area, hectare |
|--------------------------------------|---------------------------|----------------------------|-----------------------------|
| Republic of Uzbekistan, total | 96 | 117 | 907783 |
| Republic of Karakalpakstan | 5 | 5 | 48665 |
| Districts | | | |
| Andijan | 12 | 13 | 79391 |
| Bukhara | 8 | 12 | 97900 |
| Jizzakh | 5 | 6 | 69700 |
| Kashkadarya | 9 | 10 | 111900 |
| Navoi | 2 | 5 | 32588 |
| Namangan | 7 | 10 | 63406 |
| Samarkand | 11 | 9 | 75580 |
| Surkhandarya | 6 | 11 | 60044 |
| Syrdarya | 6 | 8 | 72557 |
| Tashkent | 6 | 7 | 55008 |
| Fergana | 9 | 11 | 63245 |
| Khorezm | 10 | 10 | 77799 |

Table 2

Dynamics of production volumes at “Uztaqimachilik sanoati” association in 2016-2019

| Product types | Unit of measurement | 2016 y. | 2017 y. | 2018 y. | 2019 y. |
|-----------------------------|---------------------|---------|---------|---------|--------------|
| Cotton yarn | thousand tons | 307.2 | 348.9 | 427,3 | 470,0 |
| Finished yarn fabric | mln. m2 | 182,9 | 198,7 | 210,9 | 235.5 |
| Knitted fabrics | thousand tons | 53.4 | 62.8 | 65.9 | 75.6 |
| Knitted goods | million pieces | 184.3 | 219.4 | 271.8 | 280.3 |
| Sewing products | billion sum | 45.8 | 57.2 | 261.9 | 301.0 |
| Sock's products | million pairs | 38.9 | 46.1 | 109.0 | 168.9 |

From the data in Table 3, it can be concluded that in the context of three reporting periods, there is a trend of dynamic growth of the personnel of a textile enterprise. It can also be seen that in 2020 there is a reduction in all parameters, this is due to a decrease in labor intensity and the use of automated means of production in many aspects of textile production.




Figure 1. Dynamics of production volumes at "O'zto'qimachilik sanoati" association in 2016-2019

Table 3

Analysis of the total number of employees of the enterprise and their ratio

| № | Staff | 2018 | | 2019 | | 2020 | |
|----|----------------------------|------------|------------|------------|------------|------------|------------|
| | | People | % | People | % | People | % |
| 1. | Main production staff | 432 | 49,6 | 416 | 51,5 | 313 | 49,6 |
| 2. | Auxiliary production staff | 107 | 12,3 | 98 | 12,1 | 79 | 12,5 |
| 3. | Engineering staff | 233 | 26,8 | 199 | 24,7 | 148 | 23,5 |
| 4. | Administrative staff | 98 | 11,3 | 94 | 11,7 | 91 | 14,4 |
| | Total: | 870 | 100 | 807 | 100 | 631 | 100 |

7.FINDINGS: In a market economy, an important problem for textile enterprises is the restructuring of the mechanisms of their functioning on the basis of developing and implementing a strategy in the main key areas. In the course of the study, it was revealed that to ensure the successful operation of a textile enterprise, to ensure high profitability and profitability, a high level of competitiveness, it is necessary to use a market orientation of production in a flexible combination with the improvement of both the design process of textile products and correct development and implementation of the strategy and ensure the effectiveness of management in the long term.

Analysis of the existing reference business development strategies allowed us to single out the strategies of the first group - the strategy of concentrated growth, the second - the strategy of integrated growth, the third - the strategy of diversified

growth and the fourth - the strategy of reduction. It was revealed that the strategic work at the enterprise should be carried out constantly, since it is important not only to form a program or strategy for the development of the enterprise, but also to provide a mechanism for its implementation. Identified the most significant goals for industrial enterprises of the garment industry using the method of a priori ranking. A model for the selection of analytical methods for obtaining initial information for the purposes of developing a strategy is proposed. The model for choosing the priority variant of the strategy for the development of an industrial enterprise using the program (normative) method on graphs has been determined.

An organizational and economic mechanism for the implementation of the chosen strategy is proposed, taking into account the classification of the conditions for the operation of industrial enterprises of the garment industry, which includes control, assessment and adjustment of the planned activities.

8. RECOMMENDATIONS:

For the effective development of the textile light industry in the Republic of Uzbekistan, a set of works is underway to improve management mechanisms for developing a strategy. In particular, financing of measures to introduce international standards at enterprises of the textile and garment and knitwear industries, certification of finished products, taking into account the requirements of foreign markets; covering the costs associated with the participation of industry enterprises at international exhibitions and fairs, the creation and promotion of national brands; implementation of research and innovation projects, training, retraining and advanced training of personnel, including sending them to foreign countries; strengthening the material and technical base of the Association "Uztekstilprom", material incentives for employees of its executive office, as well as the maintenance of foreign representations and compensation for the costs of attracting foreign specialists.

9. CONCLUSION:

It should be noted that a properly developed strategy is the basis for the future functioning of the enterprise, its competitive advantage and sustainable development. The introduction of new industrial technologies, the use of high- performance modern equipment in combination with effective management ensure high labor productivity at the enterprises of the industry, an increase in production volumes and an increase in the quality of products. There is an annual growth in absolute indicators, and 61 types of new goods have been added to the traditionally produced assortment. According to the research, the following conclusions can be drawn:

- take into account the influence of external factors when making a forecast for the development of the industry;
- to increase the export potential of the textile industry by increasing labor productivity;

- to increase the competitiveness of the industry's products by introducing the latest technologies;
- to create new capacities in the country for the production of finished types of textile products for the external and internal markets.

References

1. *The strategy of actions in five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021, approved by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 No. UP-4947*
2. *Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated December 21, 2016 No. PP-2687 "On the Program of Measures for the Further Development of the Textile and Garment and Knitting Industry for 2017- 2019" // <https://lex.uz/docs/3080758>*
3. R. Abaturov, "Review of the development of the textile industry in Uzbekistan in 2017-2020" // <https://uzts.uz/obzor-razvitiya-tekstilnoy-otrasli-uzbekistana-v-2o7-2o2o-godah/>
4. "Association" Uztektilprom "was the first among industrial organizations to introduce international standards ISO 9001: 2015" // <https://etextile.uz/2021/03/01>
5. Djurabaev O. *Formation of model beekeeping facilities and modernized interindustrial communications in human bearing management* // Архив научных исследований. – 2020. – №. 11.
6. O. Djurabaev *Management is the foundation of the digitalization of the economy* // Архив научных исследований. – 2020.
7. Guskov, Yu.V. *Strategic management: Textbook* / Yu.V. Guskov. - M.: Alfa-M, 2019. - 448 p.



PROSPECTS FOR EFFECTIVE ORGANIZATION AND DEVELOPMENT OF FOREIGN LANGUAGE LEARNING

F.N.Israilova,
Senior teacher,
“Management” department, TSUE

Abstract. During the Soviet Union, teaching a foreign language consisted and consisted for all of one method of which Uzbekistan itself could not change. After gaining independence, Uzbekistan began its development in all areas including teaching and learning a foreign language, especially English. Since learning an international language can be the key to the achievements in many areas, as well as the individual development of each person in society. This goal can be achieved by choosing the correct and more effective teaching methods from the early stages of children's education to the highest level of language proficiency. That is, this is training in schools, colleges, universities, as well as in magistracy and ending with a doctorate. Even if children in the future will not teach English, they must know the language for their chosen profession in order to learn all the outgoing news from foreign development and thereby learn to use new skills and implement development in their state. To accomplish these tasks, our republic has adopted some rules and laws in implementing the tasks and improving the teaching of English in our country. One of the current tasks in improving language teaching is to change and develop the old traditional teaching method into a more effective teaching interactive language learning to achieve the goals and development among people in the chosen direction, as well as to be ready for the world standards of the entrance examination system after leaving school in Uzbekistan.

This document is a focused summary of one sentence combined with other suggestions to improve and achieve the set goals for teaching English at School 191 in Uzbekistan. The proposal presented in this way demonstrates the change from the old method of grammatical translation, which has been used for many years, into a method called communicative language teaching, which will be the key to achieving efficiency in teaching and learning English.

This document also includes national policies and laws, goals and objectives depicted with recommendations, participants participating in the proposal, deadlines for the task, and other categories to make the proposal valid.

Methods and Practices. The mid-1970s saw the expansion of the teaching of communicative language. Along the way, American as well as British researchers see it as an approach that aims to make communicative competence the goal of language learning, and propose a procedure for teaching four language skills that demonstrates the interdependence between language and communication (Richards & Rodgers 1986: 66). Thus, the main goal of the CLT method is to teach students to first speak

a given language and, through conversation and interactive teaching methods, teach them all skills like speaking, reading, writing and listening.

In fact, Hasanova's (2007) research findings shows that most EFL teachers have scant theoretical knowledge of CLT and perceive it merely as an oral method with little or no instruction in grammar. Concluding from this, it can be said that teachers in schools do not know how to use the CLT teaching approach in practice.

In order for us to be sure that teachers will be able to teach the CLT method at school, we decided to hire teachers who have an IELTS or SEFR certificate so that they can teach students and use books and resources correctly based on my proposal. Therefore, all current teachers should go and study for the above documents after passing the proper exam and start teaching students in a school with a CLT teaching method.

My article invites teachers to teach students based on the principles of CLT. So it will be clearer to correctly navigate and lead English lessons for effective learning. Doughty and Long (2003) define a series of principles that can be used as a guideline for implementing CLT.

- In the classroom, use and make real communication the center of language learning.
- To Achieve Goals and Build Self-Confidence Give students the opportunity to experiment and try out what they know and can say from their opinions.
- It is worth giving students the opportunity to develop the accuracy and fluency of speech during classes and various activities.
- Various skills such as speaking, reading and listening should be tied together as they usually arise in real life circumstances.
- Teachers should give students a chance to introduce or discover grammar rules. Based on learning to speak and listen, students will be confronted with different sentence structures and thus may wonder why they are spelled this way.
- Don't interrupt or immediately correct student mistakes. Best Worth Being tolerant of learners' mistakes as they indicate that the learner is building up their communicative competence Teachers should focus more on achieving communicative competence with learners, in addition not to forget about grammatical competence. On the other hand, you need to focus on fluency, and not neglecting accuracy.

Based on these principles, teachers can properly guide and deliver effective English teaching. For teachers to achieve grammatical literacy, students should learn the rules for constructing sentences in the language. However, in order to achieve communicative competence, students should learn the language through activities, students will simultaneously learn the formation and use of sentences.

Grammar competence includes:

- The ability of students to compose phrases and sentences in a given language.



- Deciphering sentences on building structures (for example, parts of speech, tenses, phrases, sentences, sentence patterns) and how they can be formed.
- Also, the main goal that needs to be achieved when learning a language is accuracy.

Communicative competence demonstrates:

- Use language for different purposes and directions.
- Learn to use the language correctly depending on the setting and the participants.
- Create and understand types of texts such as narratives, reports, interviews, conversations.
- Ability to maintain communication, given if a person has insufficient knowledge of the language.

- Students need to achieve fluency and accuracy.

There are such activities for accuracy when using the language that will help teachers in teaching students:

- Reflection and use of language in the classroom.
- It is worth paying attention to the correct formation of language examples.
- The choice of language is controlled.
- Create sentences without mistakes.
- Practice language out of context.

By reminding and explaining to teachers these principles and other features of the CLT method, teachers can learn what you need to pay attention to and focus in order to properly teach English to students without forgetting the interests of the students.

Taking into consideration all of the above rules and teaching methods, teachers can achieve an effective result in acquiring skills such as grammar, listening, speaking, writing and reading. After teaching these skills, teachers will be able to safely assess their students by conducting such tests and exams based on the listed skills and find out what achievements in learning English the students have achieved and have perfected themselves. In addition, this way you can learn which skills are worth giving even more attention and develop them in students.

Goals and objectives. Taking into account everything that you have learned about the institution and about the method of teaching students, certain goals and objectives have been set that need to be realized when submitting a proposal, since the context as well as the objectives must be related to each other in order to achieve the main purpose of the proposal (Kaiser, 2018).

The goals set in my proposal fully shows all my plans and implementation from into reality.

- Replacing the old traditional GTM method with CLT to effectively teach and learn English at School No. 191 and improve learning outcomes.

- Invite experienced English teachers (linguists) to help teachers make concrete changes to improve teaching methods.
- Only hire professionals who are IELTS or SEFR certified. So that they can put the CLT learning method into practice.
- Prepare teachers to use a new method such as communicative language teaching.
- Create a creative atmosphere for learning English.
- Provide and use modern and necessary technologies during classes.
- Create and print the books and resources you need to deliver effective classes using the new teaching method.
- After graduation, students can easily navigate and prepare for the university entrance exams where English is required for both the multiple-choice test and IELTS. Even for admission to foreign universities.

Reference

1. Hasanova, D. (2010). *English as a trademark of modernity and elitism. English Today*, 26(01), 3–8
2. Richards, Jack C. 2006. *Communicative Language Teaching Today*. New York: Cambridge University Press
3. Richards, Jack C. 2008. *Teaching Listening and Speaking from Theory to Practice*. New York: Cambridge University Press
4. Kaiser, D. (2018). *Growing your own onion: Teachers as Writers of Language Planning and Policy Proposal (draft article)*.
5. Zhao, S. H., & Baldauf, R. B. Jr (2008). *Prestige planning in Chinese script reform: Individual agency as a case. Paper presented to the American Association for Applied Linguistics (AAAL) 2008 Conference. Washington, DC, USA (March 29-April 1, 2008)*
6. Silova. 2002. *Education development in Kyrgyzstan, Tajikistan and Uzbekistan: Challenges and ways forward*.



ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ ТАРМОҒИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

М.С. Саидов,
и.ф.н., доцент, докторант, ТДИУ

Аннотация. *Электр энергетикаси тармоғида корпоратив бошқарув самардорлигини оширишнинг хориж тажрибалари ўрганилиб, улар бўйича таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқилган.*

Таянч иборалар: *электр энергиясини ишлаб чиқариши, корпоратив бошқарув, инвестиция, инновация, самарадорлик, акциядорлик жамиятлари, иқтисодий самарадорлик.*

Аннотация. *Изучен зарубежный опыт повышения эффективности корпоративного управления в электроэнергетике, разработаны предложения и комментарии.*

Ключевые слова: *производство электроэнергии, корпоративное управление, инвестиции, инновации, эффективность, акционерные общества, экономическая эффективность.*

Annotation. *Foreign experience in improving the efficiency of corporate governance in the electricity sector was studied, and suggestions and comments were developed.*

Keywords: *electricity generation, corporate governance, investment, innovation, efficiency, joint stock companies, economic efficiency.*

Кириш. Иқтисодий ривожлантиришда электр энергетика тармоғи муҳим ҳисобланади. Дунё мамлакатларининг ривожланишига қараб, улардаги электр энергетика тармоғининг ривожланиш салоҳитига баҳо бериш мумкин. Ҳар қандай саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати, таннархи, ва кўрсатилаётган хизматларнинг қулайлик даражасини яратишда албатта электр энергиясини етказиб беришдаги таъминот узлуксизлиги ва арзонлиги ўз таъсирини кўрсатади.

Замонавий иқтисодийта манфаатлар уйғунлигига эришиш, умумий мақсадлар сари яқдил фикрлар ва гояларни илгари суриш, биргаликда фаолият кўрсатиш учун бирлашиш ҳамда иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан яхлитликни ташкил қилиш ривожланишнинг муҳим омили ҳисобланади. Буларнинг барчаси корпоратив бошқарув тизимида мужассамлашади.

Электр энергетика тармоғида айнан корпоратив бошқарувнинг замонавий усул ва механизмларидан тўғри фойдаланишни йўлга қўйиш орқали иқтисодий самарадорликни ошириш имкониятига эришилади.

Республикаimiz иқтисодийтида нафақат электр энергетика тармоғи балки бошқа тармоқ ва соҳалар таркибида фаолият юритаётган акциядорлик

жамиятларида ҳам корпоратив бошқарув тамойиллари, усуллари ва механизмларидан фойдаланиш ўзининг ижобий натижасини беради.

Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан яхшилаш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибadorлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720 сонли Фармонининг қабул қилинди. Фармоннинг қабул қилиниши акциядорлик жамиятларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва замонавий фикрлайдиган салоҳиятли менежерларни кенг жалб этиш имкониятини яратди.

Бугунги кунда республикада акциядорлик жамиятларининг энг оғриқли нуқталаридан бири қимматли қоғозлар бозори, яъни капитал бозорининг яхши ривожланмаганлиги, бунинг натижасида эса хорижий инвесторларнинг мамлакатимизга кириб келиш даражасини пасайтирмоқда.

Шу сабабли, барча тармоқ ва соҳаларда фаолият юритётган акциядорлик жамиятлари сингари, республикада электр энергиясини ишлаб чиқариш тизимини бошқарувчи “Иссиқлик электр стациялари” АЖ фаолиятида ҳам айнан хорижий инвестицияларни жалб этиш, замонавий техника ва технологияларни олиб киришда муаммо ва камчиликлар юзага келмоқда.

Электр энергетика тармоғида фаолият самарадорлигини таъминлаш ва мулкдорлар, ҳамда бошқа манфаатдор шахслар (корхона ходимлари, кредиторлар, ҳамкор корхоналар) манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича корхона менежерлари ва эгалари (акциядорлари) ўртасидаги ўзаро замонавий муносабатлар тизимини ривожлантиришда хориж тажрибаларини ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Корпоратив бошқарув бўйича маҳаллий ва хорижлик олимлар томонидан бир қанча илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Электр энергетика тармоғида корпоратив бошқаришнинг илмий-методологик асослари Г.Ш.Ханкелдиева томонидан ўрганилган. Жумладан, корпоратив бошқарув мазмунини корпорация ривожланишининг стратегик муаммоларини ҳал қилиш билангина боғлаш унчалик тўғри эмас; у тезкор бошқарув даражаларида ҳам, масалан, миноритар акциядорларнинг даъволарига корпорация жавоб қайтариши, корпорация ижроия дирекцияси вакилларининг акциядорлар мурожаатларига жавоблари ва ҳоказолар доирасида амалга оширилиши мумкин ва амалга ошириб келинмоқда [1].

Д.Х.Суюнов томонидан “корпоратив бошқарув - корпоратив мулк шаклига килувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи амалдаги меъёрлар ҳамда

бошқарувнинг маълум бир тамойиллари асосида корхона мақсадига эришиш учун амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуидир” -деб таъриф берилган[2].

Корпоратив бошқарув амалиётини яхшилаш Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилиш жараёнининг бир қисми бўлиб, у хусусий мулкни ҳимоялаш, акциядорлар манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш, мамлакат иқтисодий алоҳида ўрин тутувчи инвестицион жозибадор, рақобатбардош миллий корпорацияларни шакллантириш учун шарт-шароитларни яратиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади[3].

Акциядорлик жамиятларининг корпоратив маданияти ходимларнинг ахлоқ-одоблари таъсирида шаклланади ва ривожланиб боради. Мамлакатимизда акциядорлик жамиятларининг 3 та асосий гуруҳи мавжуд [4]: 1. Бозор муҳитида хусусийлаштириш ва хусусийлаштиришдан кейинги жараёнлар натижасида шакланган акциядорлик жамиятлари. 2. Бозор иқтисодиёти шароитларида вужудга келган ва ривожланган акциядорлик жамиятлари. 3. Табиий монополияга мансуб акциядорлик жамиятлари.

Корпоратив бошқарув ташкилий-иқтисодий механизми функцияларининг амалий импликацияси шундан иборатки, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг ҳар бир органи корпоратив бошқарув ташкилий-иқтисодий механизми ишга тушиши учун унинг функциялари доирасида муайян ташкилий-иқтисодий вазифаларни бажариши лозим. Шундай экан, корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини акциядорлик жамиятида такомиллаштириш учун миллий корпоратив қонунчилик ва халқаро илғор амалиёт асосида ҳар бир корпоратив бошқарув органи томонидан бажарилиши лозим [5].

Корпоратив бошқарувнинг немис модели Марказий Европа мамлакатлари ва Скандинавия мамлакатлари учун хос бўлиб, Бельгия ва Франция асосан ижтимоий ҳамкорлик тамойилига асосланади: корпорация фаолиятидан манфаатдор барча томонлар қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга (акциядорлар, менежерлар, ходимлар, банклар, жамоат ташкилотлари). Немис модели бошқарувда фонд бозорлари ва ҳиссадорлик қийматига кучсиз эътибор билан тавсифланади, чунки компаниянинг ўзи унинг рақобатбардошлиги ва ишлашини назорат қилади [6].

Корпоратив бошқарув механизмлари ички ва ташқи бўлиб, корпоратив бошқарувнинг ички механизмлари директорлар кенгаши ва мулкчилик структураси орқали ишлайди, унинг ташқи механизмлари эса корпоратив назоратнинг ташқи бозори (қўшилиш ва бирлашишлар бозори) ва мамлакат ҳуқуқий тизими билан боғлиқ [7].

Корпоратив бошқарувнинг “биргаликдаги назорат” (sharing control) деб номланган янги механизми - кўпгина йирик акциядорлар томонидан муҳокамалар асосида компанияни бошқаришни назарда тутуди ва миноритар акциядорларни ҳимоялашни таъминлайди [8].

Самарали корпоратив бошқарув корпоратив тузилмаларда барча манфаатдор томонлар – компания мижозлари, ходимлари, инвесторлар, мол етказиб берувчилар, ҳукумат ва жамият учун адолат ва шаффофликни таъминлаш асосида акциядорлар мулки қийматини қонуний, этика тамойилларига таяниб ва барқарор равишда максималлаштиришни кўзда тутуди [9].

Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазалар билан қаторда корпоратив бошқарувнинг кенг тарқалган моделлари тўғрисида тўхталадиган бўлсак улар қўйидагилардан иборат.

Корпоратив бошқарувнинг Англия-Америка ва Германия моделлари иккита қарама-қарши тизим бўлиб, улар орасида у ёки бу тизимнинг устунлик қилиши ва муайян мамлакатнинг миллий хусусиятларини акс эттирувчи кўплаб вариантлар мавжуд. Миллий иқтисодиёт доирасида корпоратив бошқарувнинг муайян моделини ишлаб чиқиш асосан уч омилга боғлиқ: акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми; директорлар Кенгашининг вазифалари; ахборотни ошқор қилиш даражаси.

Корпоратив бошқарувнинг Япон модели урушдан кейинги даврда молия-саноат гуруҳлари асосида шаклланган ва банк назоратига асосланган ҳолда бутунлай ёпиқ деб тавсифланади, бу эса менежерлар назорати муаммосини камайтиради.

Корпоратив бошқарувнинг оилавий модели дунёнинг барча мамлакатларида кенг тарқалган бўлиб, корпорацияларни шу оила аъзолари бошқаради.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, илмий абстракциялаш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги кунда корпоратив бошқарув дунёдаги компаниялар, илмий учрашувлар ва сиёсий доираларда энг кўп муҳокама қилинадиган масалалардан ҳисобланади. Шунингдек, корпоратив бошқарув ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда тобора муҳим роль ўйнай бошлади. Сўнгги йилларда иқтисодий тармоқлардаги иқтисодий инқироз компаниялар фаолиятида корпоратив бошқарув тизими тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабабли юзага келмоқда.

Хитойда корпоратив бошқарувнинг нисбатан қисқа тарихига қарамадан, ҳукумат ва фонд биржаси раҳбарлари томонидан корпоратив бошқарув тизимини тўғри йўлга қўйилганлиги амалиётда ўз натижасини кўрсатиб бермоқда. Бундай юқори самарага эришилишига сабаб, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш учун ҳукумат томонидан бир қатор қонун ва кўрсатмалар, шунингдек, мавжуд қонунларга тузатишлар киритилган.

Амалиётда корпоратив бошқарув бўйича энг яхши натижаларга эришган мамлакатлар ва корпоратив бошқарувга берилган таърифлар 1-жадвалда келтирилган.



Корпоратив бошқарув тизими яхши ривожланган ва ўзининг ижобий натижасини берган айрим мамлакатлар қаторида Туркия, Бельгия, Кения, Ҳиндистон ва Ҳамдуслик мамлакатлари тажрибасини ўрганиш ва улардан керакли хулосалар чиқариш мумкин.

1-жадвал

Амалиётда энг яхши корпоратив бошқарувга эришган мамлакатлар ва улар томонидан корпоратив бошқарувга берилган таъриф

| Мамлакатлар | Корпоратив бошқарувга берилган таърифлар |
|-------------------------------|--|
| Туркия | Корпоратив бошқарув: мамлакат имижини яхшилаш, миллий капиталнинг чиқиб кетишини олдини олиш; хорижий капитал қўйилmalarини ошириш; иқтисодиёт ва капитал бозорларининг рақобатбардошлигини ошириш; инқирозни камроқ зарар билан бартараф етиш. |
| Бельгия | Корпоратив бошқарув-хулқ-атвор қоидалари ва меъёрлари мажмуи бўлиб, унга кўра компаниялар фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш амалга оширилади. Шунингдек самарадорлик ва стандартларга риоя қилиш ўргасида тўғри мувозанатни ўрнатиш орқали таъминланади. |
| Кения | Корпоратив бошқарув компаниянинг эълон қилинган миссиясига мувофиқ бошқа томонларнинг манфаатларини қондириш орқали акциядорлар қийматини сақлаб қолиш ва ошириш учун бутун активлар ва ресурслар портфелига нисбатан компанияда ҳокимиятни амалга ошириш усули сифатида белгиланиши мумкин. |
| Ҳиндистон | Корпоратив бошқарув-акциядорларнинг ажралмас ҳуқуқларини компаниянинг ҳақиқий эгалари сифатида бошқариш ва унинг акциядорлар номидан ҳаракат қилувчи вакили сифатида тан олинishi, қадриятларга содиқлик, бизнес юртишнинг ахлоқий меъёрларига риоя қилиш. |
| Ҳамдуслик мамлакатлари | Корпоратив бошқарув-аслида етакчилик тушунчасини англатади: натижаларга эришишда етакчилик; масъулият ҳисси билан бирга етакчилик; ахборот очиқлиги ва молиявий масъулият билан ажралиб турадиган етакчилик. |

Манба: Илмий тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузилди.

“SILK CAPITAL” МЧЖ томонидан “Иссиқлик электр станциялари” АЖнинг 2019 йилдаги корпоратив бошқарув тизимини, корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига кўра ҳамда махсус мутахассисларни жалб қилган ҳолда мустақил баҳолаш ўтказилди. Баҳолаш хулосасига кўра, “Иссиқлик электр станциялари” АЖнинг 2019 йилдаги корпоратив бошқарув тизими 600 балли фоизли шкалада баҳоланиб, 371 балл (31 фоиз) натижа билан ижобий баҳоланди ҳамда фаолият самарадорлиги тан олинди.

**“Иссиқлик электр станциялари” АЖнинг 2019 йилдаги корпоратив
бошқарув ҳолатининг баҳолалиши**

| № | Йуналишлар | Савол-лар сони | Мумкин бўлган фикрлар | | Аниқ баҳо |
|--------------------------|--|----------------|-----------------------|-------------|------------|
| | | | мин | мак | |
| 1 | Корпоратив бошқарув кодексини амалга ошириш учун тайёргарлик тартибини баҳолаш | 13 | -135 | 135 | 120 |
| 2 | Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига мувофиқлигини баҳолаш | 37 | -360 | 360 | 100 |
| 3 | АЖ нинг ташкилий тузилмасининг мувофиқлигини баҳолаш | 3 | -30 | 30 | 20 |
| 4 | Сараланган танловни баҳолаш | 5 | -45 | 45 | 15 |
| 5 | UFRS ва Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ҳолатига ўтишни баҳолаш | 3 | -50 | 50 | -30 |
| 6 | Замонавий бошқарув тизимларининг (ISO, ERP, НИОКР ва бошқалар) жорий этилиши баҳолаш | 5 | -55 | 55 | -55 |
| 7 | Ахборот сиёсатини баҳолаш | 5 | -170 | 320 | 191 |
| 8 | Молиявий натижаларни баҳолаш | 4 | -150 | 150 | 50 |
| 9 | Бошқа йўналишларни баҳолаш | 25 | -205 | 55 | -40 |
| Жами | | 100 | -1200 | 1200 | 371 |
| Яқуний балл фозда | | | | | 31% |

Манба: “Иссиқлик электр станциялари” АЖ маълумотлари

Хулоса ва таклифлар. Фикримизча, электр энергетика тармогида корпоратив бошқарув сифатини яхшилаш ва уларни амалга ошириш учун жавобгарликни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиниши, албатта, акциядорлардан ва манфаатдор томонлардан, шу жумладан потенциал инвесторлар ва компанияларнинг обрўсининг ўсишига ёрдам беради.

Шу билан қаторда электр энергетикаси корхоналарида хориж тажрибаларидан фойдаланилган ҳолда самарали корпоратив бошқарувни ташкил этилиши қуйидаги ижобий натижаларга олиб келади:

- корхонанинг ташқи молиялаштиришга киришини оширади, бу эса, ўз навбатида, янги инвестицияларни, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини жалб этиш ва янги иш ўринларини яратишга ёрдам беради;

- самарали бошқарув ресурсларни яхши тақсимлашга ва яхшиланган бошқарув орқали операцион самарадорликни оширишга, эришилган фойдани шаффоф тақсимлашга ёрдам беради;

- молиятий инқироз хавфини камайтиради, бу эса ижобий иқтисодий ва ижтимоий натижага олиб келади;
- барча манфаатдор томонлар билан муносабатларнинг яхшиланишига ва шунга мос равишда меҳнат муносабатларининг яхшиланишига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ханкелдиева Г.Ш. Иқтисодиётни модернизациялаш шaroитида корпорацияларни бошқаришининг илмий-методологик асослари. 08.00.13 – Менежмент. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2018. 29-б.
2. Суянов Д.Х. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: Академия, 2006. – 116 б.
3. Муминова Э.А. Корпоратив бошқарув асосида корхоналарда модернизациялаш жараёнларини амалга ошириши хусусиятлари. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнал. №6. 2020 й.
4. Очилов И.С. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиётида корпоратив бошқарувнинг айрим масалалари. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнал. №1. 2017 й.
5. Ашууров З.А. Корпоратив бошқарувнинг ташиқлий иқтисодий механизми ва унинг тақомиллаштириши масалалари. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнал. №4. 2017 й.
6. Grandars.ru – Энциклопедия экономиста [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.grandars.ru/college/ekonomika-firmy/korporativnoe-upravlenie.html>.
7. Denis D. and McConnell J. International Corporate Governance, ECGI Finance Working Paper, No.05/2003, Bruxelles: European Corporate Governance Institute.
8. Gomes A. and Novaes W. Sharing Control as a Corporate Governance Mechanism. University of Pennsylvania Law School, Institute for Law and Economics Research Paper No.01-12, 2001.
9. Murthy, N. R. N. 2006. Good Corporate Governance – A checklist or a mindset? Robert P. Maxon Lecture, George Washington University, February 06, 2006.

ТАБИЙ МОНОПОЛИЯЛАР: АМАЛИЁТДАГИ МУАММОЛАР, УЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА БОШҚАРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

М.С. Саидов,
и.ф.н., доцент, докторант, ТДИУ

Аннотация. Табиий монополиялар амалиётида учрайдиган муаммолар, уларни тартибга солиш ва бошқаришида инновацион ёндашув ўрганилиб, улар бўйича таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқилган.

Таянч иборалар: табиий монополия, монополия, саноат корхоналари, электр энергетика тармоғи, нархли усул, нархсиз усул, самарадорлик инвестиция, инновация.

Аннотация. Изучены проблемы, встречающиеся в практике естественных монополий, инновационные подходы к их регулированию и управлению, по ним высказаны предложения и комментарии.

Ключевые слова: естественная монополия, монополия, промышленные предприятия, электросеть, затратный метод, бесценный метод, эффективное инвестирование, инновации.

Annotation. The problems encountered in the practice of natural monopolies, innovative approaches to their regulation and management were studied, and suggestions and comments were developed on them.

Keywords: natural monopoly, monopoly, industrial enterprises, power grid, cost method, priceless method, efficiency investment, innovation.

Кирриш. Бугунги кунда барча мамлакатлар иқтисодиётида табиий монополияни тартибга солиш усуллари ва чегаралари ҳақида турли фикрлар мавжуд. Бу масалалар мунозарали характерга эга. Бирок, ҳар қандай тартибга солиш нафақат табиий монополияга, балки мамлакат иқтисодиётига, умуман жамиятга ҳам зарар келтириши мумкин деган умумий қарашлар ҳам мавжуд.

Табиий монополия - одатда, катта доимий харажатлар ва кичик маржинал харажатлар мавжуд бўлган вазиятда пайдо бўлади. Табиий монополиянинг мавжудлиги куйидаги муаммоларни келтириб чиқаради: табиий монопол ташкилотга монопол нархни белгилаш имконини бериш туфайли тармоқда исталмаган ҳолда адолатсизлик муҳити юзага келади; табиий монопол ташкилотлар ўз маҳсулотларини юқори нархларда сотишга имконият пайдо қилади ва юқори даромадга эга бўлади.

Табиий монопол ташкилотлар мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий жиҳатларига ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Бу кўпинча ҳокимиятнинг ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятлари томонидан қабул қилинган

қарорларда намоён бўлади. Аммо мамлакатнинг иқтисодий фаолияти жиҳатидан, мамлакат ташқарисида олиб борилаётган сиёсий манфаатларини амалга оширишда, йирик товар ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи иқтисодий позицияларини мустаҳкамлаш ва интеграция жараёнларини кучайтириш мақсадида кўшни давлатларга ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

Давлат ва истеъмолчилар учун табиий монополия қачон фойда келтириш мумкин. Қачонки, бозорда фақат битта маҳсулот ёки товар ишлаб чиқарувчи бўлган (бозор тўйингунига қадар) вазиятда, бозорда импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқарилганида (мамлакатдан кўп миқторда хорижий валюта чиқиб кетмаслиги учун).

Айрим табиий монополия ҳолатлари борки, ҳақиқатдан ҳам уларнинг ўрнини босувчи рақобат муҳитини шакллантиришнинг имкони йўқ, чунки технологик ёки иқтисодий жиҳатлари самарасиз ҳисобланади.

Шу сабабли, табиий монополия мавжуд бўлган тармоқлар амалиётдаги муаммолар ўрганилиб, уларни тартибга солиш ва бошқаришда инновацион ёндашувлардан фойдаланиш бутунги кун учун долзарб бўлиб ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Замонавий иқтисодиётда “монополия” атамаси жуда салбий маънони англатади. Монополия рақобатчиларни бозордан қувиб чиқариш, янги ишлаб чиқарувчилар учун тўсиқлар яратиш, нарх босимига истеъмолчилар ва етказиб берувчилар, баъзи ҳолларда – босим ўтказишга уринишлар билан боғлиқ салбий ҳолатларни кўрсатади [1].

Иқтисодиётнинг институционал тузилиши самарадорлигини бундай тушуниш монополияга қарши қонунларнинг мақсадини олдиндан белгилаб беради. Иккинчиси рақобатни ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминловчи иқтисодий механизм асоси сифатида қўллаб-қувватлаш, турли компаниялар ва умуман мамлакат иқтисодиёти манфаатлари ўртасидаги мослашув ва истеъмолчиларнинг камситилишининг олдини олишдан иборат. Монополияга қарши фаолият рақобатнинг энг муҳим икки вазифаси – қиёсий ва танлама амалга оширилишини таъминлайди [2].

Замонавий иқтисодий назария ва амалиётда табиий монополияларни тартибга солишнинг иккита асосий усули мавжуд: нархли ва нархсиз усуллар. Нархларни тартибга солиш усуллари табиий монополияларни тартибга солишда асос бўлиб хизмат қилади, чунки улар амалий ҳаётга ноаниқликлардан кўра фаолроқ ишлаб чиқилган ва бозорга мос деб топилган. Нархсиз усуллар ўз вақтида нархли усуллар билан мос келади, лекин амалда ва улардан фойдаланишнинг тарқалишида улар пастроқдир [3].

Буюк Британияда бўлгани каби, АҚШда ҳам саноат корхоналарини тартибга солиш хусусиятлари ўхшаш бўлиб, масалан газ қувурлари орқали газни ташиш табиий монополия ҳисобланади. АҚШда газни фючерслар бозори орқали “паст газ баҳосига эга бўлган шартномалар орқали фойдаланиш ҳуқуқини беради” [4].

Айрим давлатларда табиий монополияларни солиқ юки, кредит фойз ставкаларини ошириш йўллари билан тартибга солиб турилса, айримларида табиий монопол ташкилотлар рағбатлантириб турилади.

Табиий монополларни субсидиялаш усули. Кўпгина бозор иқтисодиёти мамлакатлари бу усулни ўртача даражада фойдаланиб турилади, маржинал харажатлар вариантыга амал қилишади. Ўзаро субсидиялаштириш амалиётининг моҳияти шундан иборатки, табиий монопол ташкилотларнинг арзон турдаги маҳсулотларини айрим тоифадаги истеъмолчилар сотиб олади, лекин аслида маҳсулотнинг қўшимча харажатлари бошқа истеъмолчилар ҳисобига юкланади. Бу орқали саноат ташкилотлари энг қийин аҳволда қоладилар, улар аслида аҳоли учун имтиёзли тарифларни субсидиялаштирадилар [5].

Табиий монополияни тартибга солиш турли шаклларда амалга оширилиши мумкин: маҳсулотларга нархларни тўғридан-тўғри ўрнатишдан тортиб, монопол фирманинг оператив бошқарувига аралаштиришдан бош тортаётган пайтда саноатда фаолият кўрсатиш ҳуқуқи билан лицензияларни сотишгача. Табиий монополияни тартибга солувчилар истеъмолчиларнинг монополияга қай даражада қарамлиги, талабнинг эластиклиги қанчалик юқори эканлиги, маҳсулотнинг яқин ўрнини босувчилар бор-йўқлигини ва ҳоказоларни тушунишлари керак. Аввало, тартибга солиш органлари тартибга солиш объекти, масалалари ва чегараларини аниқлаш керак [6].

Табиий монополия – бу, бозорда маълум бир товар (ишлар, хизмат)ларга бўлган талабнинг доимий ёки вақтинчалик технологик хусусиятларига кўра, эҳтиёжни қондириш борасида рақобат муҳитини яратиш имкони бўлмаган ёки иқтисодий жиҳатдан самара келтирмайдиган ҳолатдир [7].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, илмий абстракциялаш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Табиий монополия иқтисодиёт учун муҳим аҳамият касб этади. Табиий монополияни давлат томонидан тартибга солиш кўпинча ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш учун иқтисодий қўллаб-қувватлаш (қисман бюджетни молиялаштириш ва бюджетни кредитлаш) чора-тадбирлари билан тўлдирилади. Жумладан, табиий монополия соҳаларига қиравчи электр энергетика тармоғини мисол сифатида келтириб ўтишимиз мумкин. Бугунги кунда республикаимиз электр энергетика тармоғи давлат томонидан молиялаштирилади, айрим ҳолларда узоқ муддатли субсидиялар ажратилади ёки имтиёзли кредитлаш ишлари амалга оширилади. Лекин бу давлат бюджети учун зарарга олиб келинади.

Шуни таъкидлаш керакки, табиий монополияни махсус органлар орқали давлат томонидан тартибга солишда айрим камчиликлар мавжуд бўлиб улар қуйидалардан иборат:




- тартибга солиш органларининг ноҳолислиги;
- тартибга солиш жараёнининг юқори меҳнат интенсивлиги туфайли юқори харажатлар;
- айрим тартибга солиш усулларининг фаол аралашуви корхона маъмуриятига катта таъсир кўрсатади;
- саноатни таркибий қайта ташкил этиш учун чекловларнинг ноаниқлиги;
- табиий монополия хусусиятларини йўқотадиган тармоқларда рақобатни ривожлантиришда сунъий чекловларнинг мавжудлиги.

1-жадвал

Табиий монополияларни туркумланиши [7]

| Соф табиий монополия | Легал (қонуний) табиий монополия |
|--|---|
| -нефть, газ конденсати, табиий газ ва кўмир қазиб чиқариш; -умумий эркин фойдаланиладиган электр хизматлари; -сув қувурлари ва канализация хизматлари. | -нефть, нефть маҳсулотлари ва газни қувурлар орқали ташиш ва узатиш; -темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш; -умумий эркин фойдаланиладиган почта алоқаси хизматлари. |

Табиий монопол ва монопол ташкилотларнинг ЯИМ даги улуши йилдан-йилга камайиб бораётганини 1-расмда кўришимиз мумкин.



1-расм. Монопол ташкилотларнинг 2005-2020 йиллардаги ЯИМ нинг умумий ҳажмидаги улуши, фоизда

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

1-расмда келтирилган маълумотларга кўра, монопол маҳсулотлар ЯИМ даги улуши 2005 йилда 25 фоизни, 2015 йилда 9,1 фоизни, 2016 йил 8,2 фоиз,

2017 йил 7,6 фоиз, 2018 йил 8,5 фоиз, 2019 йил 10,4 фоиз ҳамда 2020 йилда 12,4 фоизни ташкил қилган.

Табиий монополияларни тартибга солишда инновацион тамойиллардан фойдаланиш, яъни янгича усулларни ўзаро бирлаштириш орқали нархли ва нархсиз усулларни алоҳида қисмларга бўлган ҳолда қўллаш керак. Бунинг учун биринчи навбатда, табиий монополиялар тармоғини алоҳида корхоналарга ажратиш, иккинчидан, корхоналарнинг айримларини рақобатбардош соҳаларга ўтқизиш, учунчидан, хомашё маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш турлари учун аукционларни ташкил этиш. Бухолат мамлакат иқтисодийёти учун монополашиш даражасини пасайтиради, бошқа томондан эса йирик корхоналар бозорни эгаллаб олишини олдини олади.

Хулоса ва таклифлар. Табиий монополиялар – бу бошқарувнинг анча барқарор шакли ва аҳолининг саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари самарали тарзда оқлай олмайди. Табиий монополияларни тартибга солишнинг кўриб чиқиладиган усуллари тўғрисида жуда кўп тортишувлар мавжуд ва бу тушунарли, чунки бир томондан истеъмолчилар ўз хоҳишларини қондириши, иккинчи томондан монопол корхоналар максимал фойда олишга интилишада. Бироқ бу келишмовчиликнинг ягона сабаби эмас, чунки табиий монополияларни тартибга солиш тизими мукамал эмас. Шу сабабли, табиий монополияларни давлат томонидан тартибга солишни кўриб чиқиладиган усуллари доимий равишда такомиллашиб бораверади, гарчи бундай ўзгаришлар ҳаммани қониқтира олмасда. Бинобарин, бу масала иқтисодийётнинг асосий масалаларидан бири бўлади ва жамоатчиликнинг унга бўлган қизиқишини ҳеч қачон сўндирмайди.

Шу билан бир қаторда, ҳар қандай соҳада тартибга солишни жорий этишни назарда тутадиган қонун қуйидаги масалаларни ўз ичига олиши керак:

- тартибга солишнинг мақсадлари;
- тартибга солиш билан қамраб олинган иқтисодийёт секторининг чегаралари;
- тартибга солишни амалга оширувчи давлат органининг мақоми.

Табиий монополияни тартибга солишнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- табиий монополия фойда ставкасини тартибга солишдан олдин нархни тартибга солиш афзал;
- тартибга солинадиган табиий монополия секторини саноатнинг рақобат соҳаларидан тўлиқ институционал ажратиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Котляров И.Д. Управление формированием продуктивных ресурсов предприятия городского автомобильного пассажирского транспорта //Известия Петербургского университета путей сообщения. – 2017. – Вып. 3 (28). – С. 235–243.

2. Ken Howard *Small entrepreneurship*. -M.: *Infra M Publ.*,1998.
3. Матин А.А. Неценовые методы регулирования естественных монополий в условиях трансформации экономики. Автореферат диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва – 2007.
4. Гольденберг И.А. Проблемы институциональной реформы и регулирование естественной монополии. //Проблемы прогнозирования, 2002. № 2. С. 99.
5. Дж. Дейли *Эффективное ценообразование – основа конкурентного преимущества*: пер. с англ. – М.: Вильямс, 2004.
6. A.Gorodetsky, Yu.Pavlenko. *Reforming Natural Monopoly. Issues of Economics*, 1, (2013). 137– 138. (In Russian).
7. Саидов М.С. Табиий монополиялар соҳаларида менежментнинг замонавий усуллари жорий этиши масалалари. *Ихтисослиги – 08.00.13. иқтисодиёт фанлари номзоди* илмий даражасини олиш учун ёзилган Диссертация. – Т, 2009. 18 б.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА “ТЕЖАМКОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ” КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ

И.К. Яхьяева,

“Менежмент” кафедраси катта ўқитувчиси, ТДИУ

Аннотация. Ушбу мақолада саноат корхоналарида “тежамкор ишлаб чиқариш” концепциясининг тамойиллари тадқиқ этилган. Муаллиф томонидан операциял тизимларни бошқаришга ёндашувлар таҳлил этилиб, операциял бошқарувнинг самарадорлигини билан “тежамкор ишлаб чиқариш” концепциясининг ўзаро алоқадорлиги ишотланган.

Аннотация. В статье исследуются принципы понятия «экономичное производство» в промышленности. Автор анализирует подходы к управлению операционными системами и обосновывает взаимосвязь понятия «экономичное производство» с эффективностью оперативного управления.

Abstract. This article examines the principles of the concept of «economical production» in industry. The author analyzes the approaches to the management of operating systems and proves the interrelation of the concept of «economical production» with the effectiveness of operational management.

Мамлакатимизда ислохотларнинг янги босқичида ҳуудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш миллий иқтисодиётимизнинг изчил юқори ўсиш суръатларини таъминлаш ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда. Бунда агросаноат тармогининг ўрни беқиёсдир.

Агросаноат корхоналарида “тежамкор ишлаб чиқариш” замонавий ҳолатининг услубий аппаратини тизимлаштиришда хорижий ва МДҲ тадқиқотчиларининг Scopus, ProQuest, e-Library ахборот манбаларидаги библиографик маълумотлар базаларида эълон қилинган илмий ишлари ва мақоаларидан фойдаланилган.

Ишлаб чиқаришда тежамкорлик тушунчасини биринчи бўлиб Жон Крафчик (John Krafcik, 1988) жорий этган. «Тежамкорлик» (Lean) деганда муаллиф янги типдаги ишлаб чиқаришда ортиқча нарса умуман бўлмаслигини тушунган. «Lean» атамаси «меҳнат ва самарали ишлашга қодир бўлиш» маъносига тушунилади (Ж. Вумек ва Дн. Жонс, 1990). Операциял менежмент бўйича китобларда тежамкор ишлаб чиқариш ўзбек тилида «тўғри», «текис» ёки «тежамкор» ишлаб чиқариш деган вариантларга эга.

Кўпчилик муаллифлар (Деннис П. Хоббс, 2003), (Джордж Алукал, 2003) (Лаури Коскела, 1993) ва бошқалар тежамкор ишлаб чиқариш принципларига асосланган корхонани бошқариш фалсафаси сифатида тавсифлайдилар.

МДХ тадқиқотчилари (Березовский Э.Э., 2014), (Лапидус Э.А., 2007) ТИИ корхона учун омон қолиш воситаси ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг рақобатбардошлилигини ошириш омили сифатида тавсифлайдилар.

Аммо, олимлар ва амалиётчилар бир нарсада кўп жиҳатдан яқдилар – тежамкор маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг барча босқичларида йўқотишлар билан курашишга қаратилган. Тизим самарали ишлашини таъминлаш учун тежамкор ишлаб чиқариш воситаларини тўғри танлаш зарур. Маҳсулот ва хизматнинг қийматини ҳар бир босқичда компания ходимлари яратади, шундай экан компанияга содиқ ва фойдали бўладиган соҳа мутахассисларини пухта тайёрлаш зарур.

Тежамкор ишлаб чиқариш назарияси ва ҳозирги ҳолатини тадқиқ қилиш доирасида Тежамкор ишлаб чиқаришнинг эътирозга ўрин қолдирмайдиган принциплари танқидий таҳлил қилинган. Ушбу принципларнинг таркибини таҳлил қилиш учта классик гуруҳ (Эд. Деминг, 2009) бўйича такомиллашиш принциплари, Ж. Вумек ва Дн.Жонс бўйича тежамкор ишлаб чиқариш принциплари ва Ж.Лайкердан бизнес юритиш бўйича Toyota принциплари) мавжудлигини кўрсатди.

Тежамкор ишлаб чиқаришни жорий этиш бўйича ўзгаришлар дастурини шакллантириш ва корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этишда қайси Тежамкор ишлаб чиқариш принциплари гуруҳи асос қилиб олиниши борасида муаллифлар турли фикр билдиришига қарамай, асосий постулатлар, жумладан қимматлик, эришиш воситалари, корпоратив маданият, олинган натижаларни доимо яхшилаш барча тадқиқотларда муқаррар иштирок этади. Шундай қилиб, Тежамкор ишлаб чиқариш принциплари «тежамкор корхона» яратиш учун пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Хориж (Чейз Р., 2007), (Гэлловэй Л., 2001), (Свэйм Р., 2011) ва мамлакатимиз тадқиқотчилари компаниянинг стратегик мақсадлари амалга ошириш операцияси тизимини бошқаришга тўғридан-тўғри боғлиқ эканини қайд этганлар.

Тежамкор ишлаб чиқаришни амалга ошириш контекстида фирмага раҳбарлик қилишдан стратегик мақсад – чиқимларни камайтириш ҳисобидан корхонанинг самарадорлигига эришишдир. Асосий (бош) мақсадга эришиш жараёнидаги қўшимча мақсад ва вазифалар – фаолият юритишга қодир ва самарали, мулкдор капиталининг норматив рентабеллигига эришиш, истеъмолчиларга узлуksиз хизмат кўрсатиш, ISO стандартларига жавоб берадиган замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, транспортда ташиш ва омбор харажатларини тежашга қаратилган оптимал етказиб бериш схемаларини яратиш, ташқи корхоналар билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш бўйича стратегик мақсадларни амалга оширишга қодир корхона ташкил этишдан иборат.

Операцион (ишлаб чиқариш) менежменти контекстида тежамкор ишлаб чиқариш бошқарув ва саноат корхонасини ривожлантиришга ёндашувлардан бири ҳисобланади.

Айни пайтда операцион тизимларни бошқаришга тўртта ёндашув мавжуд:

- Захираларни тўлдириш тизими;
- Заиф нуқталарни тиклаш тизими;
- Итарувчи тизим;
- Тортувчи тизим.

Замонавий корхонани бошқаришга энг яхши ёндашувни аниқлаш учун, мавжуд ёндашувлар қиёслама таҳлил қилинди. Турли ахборот манбалари Scopus, ProQuest, e-Library маълумотлар базасига асосланган ҳолда, хорижий ва Россия амалиётида тежамкор ишлаб чиқаришни жорий этишнинг бир неча услуби мавжуд деган хулосага келинди.

Production system (Toyota production system тизимидан ҳосила) ёндашувидан кўпроқ халқаро фаолиятга интеграцияланган хорижий компаниялар фойдаланади. Мазкур ёндашув доирасида ишлаб чиқаришни бошқаришда асосий урғу ташкилотлараро кооперацияга берилади. Production system ёндашуви тарафдорлари – Жеффри Лайкер ва Деннис Хоббс. Lean system (кўп манбаларда Lean production номи билан таниш), асосан, йўқотишларни аниқлаш ва бартараф этиш орқали харажатларда тежашга ва шу орқали истеъмолчи учун қимматлик яратишга қаратилган. Lean system ёндашуви тарафдорлари – Жеймс Вумек ва Дэниел Жонс. АҚШ ишлаб чиқариш услублари ва концепцияларининг камчиликларига қуйидагиларни киритиш мумкин: умумий тавсиф хусусиятига эгаллиги, бизнеснинг хусусиятлари, компаниядаги мавжуд ҳолат (тежамкор ишлаб чиқаришга мурожаат қилиш шартлари) ҳисобга олинмаслиги, кўпроқ ишлаб чиқариш компаниялари учун мослиги.

Business system ёндашувидан кўпроқ йирик корхоналар ва бизнеснинг корпоратив тузилмалари фойдаланади. Мазкур концепцияга мувофиқ, ишлаб чиқариш тизимларини бошқариш услублари ва воситаларини корхонадаги барча жараёнлар ва таркибий тузилмаларга қўллаш назарда тутилади. Business system ёндашуви бошқа бир неча концепция, модель ва ёндашувлар, масалан, Lean system билан уйғунликда қўлланилади. Қайд этиш лозимки, ишлаб чиқариш тизимларини бошқариш ва ташкил этишда Lean system ва ТОС, Lean system ва 6 Сигма, Lean system, ТОС ва Kaizen, Lean system, ТОС ва 6 Сигма комбинацияларидан фойдаланилади. Шу тариқа компания раҳбарияти ҳар бир ёндашувнинг афзал жиҳатларини инобатга олишга ҳаракат қилади. Бироқ, бир неча ёндашув комбинациясидан фойдаланиш форматига ўтишдан аввал битта ёндашув чуқур ўзлаштирилади.

Kaizen ёндашуви барча ишлаб чиқариш тизимларининг базавий концепцияси ҳисобланади. Ушбу ёндашув ишни доимо такомиллаштиришга



қаратилган бўлиб, сифат тўғарақлари, ТРМ тизими, Kanban ва бошқа тизимларни ўз ичига олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Krafcik, J. *Triumph of the Lean Production System* / J. Krafcik. Sloan Management Review, MIT. 1988. Vol. 30 # 1.
2. Womack, J., Jones, D., Roos, D. *The machine that changed the world: The story of Lean Production. How Japan's Secret Weapon in the Global Auto Wars will Revolutionize Western Industry* / J. Womack, D. Jones, D. Roos. – New York: Rawson Associates. 1990.
3. Hobbs, Dennis P. *Lean Manufacturing implementation: A complete execution manual for any size manufacture* / Dennis P. Hobbs. – Fort Lauderdale, FL: J. Ross Publishing. 2003. – 264 p.
Тўқимачилик саноати республикамиз иқтисодиётининг истиқболдаги тармоқларидан бири сифатида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи бир нечта тармоқларни ўз ичига олади ва шу билан бир қаторда унда иш билан таъминланган аҳолининг каттагина қисми банд бўлиб, бу ўз навбатида аҳолини иш билан таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Лекин шу билан бирга ушбу тармоқда ишлаб чиқариш самарадорлигини ва маҳсулот сифатининг пастиги, тармоқнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишидаги номутаносибликлар,


¹⁰⁷ Lex.uz

ундаги ўзгаришлар, янгиликлар киритишда комплекс ёндашувни талаб қилади. Бу тармоқ корхоналари фақат меҳнат сарфи катталиги билан эмас, балки ўзининг ишлаб чиқаришни жойлаштириш, филиаллар ва кичик корхоналар очиш борасидаги республикамизнинг деярли барча ҳудудларида эркин иш олиб борилиши билан ҳам эътиборга молик.

Тўқимачилик саноат корхоналарининг ривожланишини секинлаштираётган омиларга, меҳнат унумдорлигининг пастлиги, мавжуд техника ва технологиялардан унумли фойдаланишнинг йўлга қўйилмагани, малакали ишчи ходимларнинг етишмаслиги ва мавжудларининг малака даражаси пастлиги каби омиларни киритишимиз мумкин. Булардан ташқари, яна корхоналарга етказиб берилаётган хомашё ва материалларнинг нархлари тайёр маҳсулотнинг нархларига қараганда тезроқ ўсиши ҳам саноатнинг ривожланишига ўз салбий таъсирини ўтказмоқда. Шу боисдан ҳам, тўқимачилик саноатининг тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи барча тармоқларини ривожлантириш, экспорт ҳажмини ўсишини таъминлаш нафақат тармоқ, балки мамлакатимизнинг миллий даромадининг ўсишига жуда катта таъсир кўрсатади.

Тадқиқот методологияси. Экспорт - бу халқаро савдода бошқа мамлакатларга товарлар ёки хизматлар сотилишини англатувчи тушунча. Экспорт сўзи лотинча “exporto”, “Портдан чиқиш” деган маънони англатади¹⁰⁸.

Товарларни экспорт қилишнинг турли йўллари мавжуд бўлиб, ушбу йўللар орқали экспорт йўналишини танлаб олиш мумкин (1-расм).



1-расм. Товарларни экспорт қилиш турлари¹⁰⁹³

¹⁰⁸ <https://ru.wikipedia.org/wiki>

¹⁰⁹ Муаллиф ишланмаси

Товарларни экспорт қилиш - маълум бир мулкдаги моддий неъматларни экспорт қилиш. Капитал экспорти - чет элда ўз ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун маблағ сарфлаш ҳисобланади. Экспортни ташкил қилиш учун экспортчилар учун онлайн платформалар ишлатилади. Ҳозирги кунда бир нечта экспортни амалга ошириб берувчи уюшмалар экспорт учун онлайн савдони ташкил қилиш, маҳсулотларни тақдим этиш ва бутун дунёда бизнес шериклари, харидорлари, етказиб берувчилари, инвесторларни топишда амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Тадқиқот натижалари ва таҳлиллар. Тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспорти ҳажмининг ўсишини тўғридан-тўғри тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш ва пахта хомашёси ўрнига қўшимча қийматни шакллантириш натижасида кўриб чиқиш мумкин. Масалан, 2020 йил январь - декабрь ойларида 1922,2 миллион АҚШ доллари миқдорида тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилинган, бу экспорт ҳажмининг 12,7 фоизини ташкил этиб, 2019 йил январь - декабрь ойларида нисбатан 18,1 фоизга ўсган. Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти таркибида асосий улушни пахта иплари (48,9%) ҳамда тайёр трикотаж ва тикувчилик маҳсулотлари (26,4%) эгаллаган. 2020 йил январь - декабрь ойларида дунёнинг 70 мамлакатига 498 дан ортиқ турдаги тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилинган¹¹⁰.

Мамлакатнинг тўқимачилик маҳсулотлари экспорти 2020 йилининг биринчи 10 ойида 15,9 фоизга ўсган. Ушбу даврда мамлакатимизда 1 миллиард 524,7 миллион долларлик тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилинган. Кўриб чиқиладиган даврда тўқимачилик маҳсулотларининг 48,9 фоизини пахта толаси, 27,4 фоизини тайёр трикотаж ва кийим кечак маҳсулотлари ташкил этган. Шу даврда 649,1 миллион долларлик пахта толаси, 376,8 миллион долларлик тайёр трикотаж ва кийим-кечак, 103,1 миллион долларлик трикотаж мато, 72,4 миллион доллар пахта матони, 30,6 миллион долларлик ипак ва ипак маҳсулотлари ва 18,1 миллион долларлик гилам экспорти амалга оширилган. 522 турдаги тўқимачилик маҳсулотларини дунёнинг 65 мамлакатига экспорт қилган бўлиб, Россия 543,7 миллион долларлик маҳсулот билан энг кўп тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилган. Дунё бўйича етакчи пахта ишлаб чиқарувчилардан бири бўлган Ўзбекистон, 2020 йилга келиб, пахта экспортини бутунлай тўхтатишни, мамлакатимизда етиштирилган барча пахта толасини тўлиқ қайта ишлашни ва тўқимачилик маҳсулотлари экспортини бу йил 2 миллиард долларга, 2025 йилда эса 8 миллиард долларга етказишни мақсад қилган.

Экспорт қилинган маҳсулотларнинг асосий қисми Россия Федерацияси, Хитой, Қирғизистон ва Туркияга тўғри келмоқда. Таъкидлаш керакки, 2020 йилга кўзланган 2 млрд долларлик тўқимачилик маҳсулотлари экспорти йил

¹¹⁰ RIVIEWUZ



бошида карантин чекловлари боис амалга оширилмаслиги ҳақиқатга яқин эди. Ўзбекистон ва хорижий давлатларда карантин чоралари кучайиши оқибатида юк ташиш нархларини кескин ошиши ва чекланиши, асосий бозорларимиз ҳисобланган Хитой, Туркия, Россия, Европа давлатларида йирик савдо марказлари фаолиятини тўхтатиши оқибатида корхоналарга берилган буюртмалар қисман ёки тўлиқ бекор қилинишга олиб келди, аҳолининг сотиб олиш қобилиятлари сушлашиши сабабли маҳсулотларнинг жаҳон нархлари пасайиши кузатилди. Ҳукумат томонидан ўз вақтида тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши оқибатида 252 тадан ошиқ экспорт қилувчи корхоналар фаолияти қайта тикланди, ишлаб чиқариш ва экспорт жадаллашди.

Пандемия салбий оқибатларга эга бўлсада, янги имкониятларни ҳам яратди. Масалан, кўшни давлатларда қатъий карантин чоралари қўлланилиши ва чегараларни ёпилиши сабабли, Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги билан биргаликда, Эрон Ислом Республикаси орқали юк ташувлар учун муқобил йўналишлар Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Қозоғистон “Актау” порти, Касбий денгизи Эрон ва Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Қозоғистон, Россия, Грузия, Арманистон, Озорбайжон, Эрон йўналишлари ишлаб чиқилди. Маҳсулот экспортида авиаташувлар ҳам жадаллаштирилди.

Бу ўз навбатида тўқимачилик маҳсулотларини янги бозорларга етказиб бериш имкониятини яратди. Жумладан, 2020 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Республикасининг Қувайтдаги элчихонаси кўмагида «Fursan Al Khaleej» ва «Енгилсаноатсавдо» МЧЖ ўртасида тузилган шартнома асосида Қувайт давлатига илк маротаба тўқимачилик маҳсулотлари экспорти амалга оширилди.

Бундан ташқари тўқимачилик корхоналари томонидан кунлик 6 млн дона ниқоб ва 10 минг дона комбинзонлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳимоя воситалар Украина, Россия, Қувайт, Белорусия, Грузия каби давлатларга экспорт қилинди. Умумий олганда, 395 турдаги тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари 7 дан ортиқ давлатларга етказиб берилди. Доимий бозорларимиз ҳисобланган МДХ давлатлари қаторида, Қувайт, Венгрия, Словакия ва Греция каби давлатларга ҳам илк бора тўқимачилик маҳсулотлари экспорти амалга оширилди. Экспорт қилинган маҳсулотларнинг асосий қисми Россия Федерацияси (\$394,5 млн. – 39,2%), Хитой (\$187,6 млн. – 18,6%), Қирғизистон (\$139,1 млн. – 13,8%) ва Туркияга (\$123,5 млн. – 12,3%) тўғри келган.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг «Газета.uz»га тақдим этган статистикасига кўра, 2020 йилда Ўзбекистон 1,86 млрд долларлик тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилган, бу 2019 йилга нисбатан 21,2 фоизга кўпроқдир. Бу кўрсаткич ўтган йилги экспорт умумий ҳажмининг 12,3 фоизини (15,1 млрд доллар) ташкил этади, ёки олгин экспортини ҳисобга олмаганда (9,3 млрд доллар) 20 фоизни ташкил этади.

Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти таркибида асосий улушни ип ўрамлари (50,7%), шунингдек тайёр трикотаж ва тикувчилик маҳсулотлари (36,3%) эгаллади. Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2020 йилда Ўзбекистон экспорт географияси дунёнинг 70 мамлакатини ўз ичига олган бўлиб, ушбу мамлакатларга 498 дан ортиқ турдаги тўқимачилик маҳсулотлари сотилган. Тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг энг катта улуши Россия (655,5 млн доллар, 35,6%), Хитой (403,4 млн доллар, 21,6%) ва Қирғизистон (284,4 млн доллар, 15,2%) ҳиссасига тўғри келди. Шу билан бирга, сўнгги ўриндаги мамлакатга экспорт ҳажми қиймат жиҳатидан ўтган йилгига нисбатан 3 баробарга ошган. LS нашрининг хабар беришича, Қозоғистон бозорида Ўзбекистон кийим-кечак экспорти ҳажми бўйича Россияни ортда қолдирди. Йил давомида Ўзбекистондан Қозоғистонга тахминан 13 минг тонна (+30,4%) - 20,8 млн долларлик кийим-кечаклар, Россияга эса 10,1 минг тонна - 182,8 млн долларлик кийим экспорт қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 - 2020 йиллардаги тўқимачилик-трикотаж маҳсулотлари экспорти¹¹¹⁵

| № | Мамлакат | 2019 йил | | 2020 йил | | ўсиш, % |
|-----|----------------------------|--------------------|------------------------|--------------------|------------------------|---------------|
| | | минг доллар | солиштирма оғирлиги, % | минг доллар | солиштирма оғирлиги, % | |
| | Жами: | 1 541 140,5 | 100% | 1 868 415,4 | 100% | 121,2% |
| 1. | Россия | 596 371,4 | 38.7% | 665 488,5 | 35.6% | 111.6% |
| 2. | Хитой | 389 922,8 | 25.3% | 403 441,4 | 21.6% | 103.5% |
| 3. | Қирғизистон | 89 837,3 | 5.8% | 284 451,8 | 15.2% | 316.6% |
| 4. | Украина | 29 229,1 | 1.9% | 34 251,2 | 1.8% | 117.2% |
| | Европа мамлакатлари | 247 612,5 | 16.1% | 287 870,3 | 15.4% | 116.3% |
| 5. | Туркия | 192 642 | 12.5% | 212 212,8 | 11.4% | 110.2% |
| 6. | Польша | 24 505 | 1.6% | 43 437 | 2.3% | 177.3% |
| 7. | Германия | 7 098,7 | 0.5% | 6 934,4 | 0.4% | 97.7% |
| 8. | Италия | 11 133,3 | 0.7% | 10 193,7 | 0.5% | 91.6% |
| 9. | Чехия | 2 476,1 | 0.2% | 2 285,3 | 0.1% | 92.3% |
| 10. | Литва | 1 654,2 | 0.1% | 2 825,2 | 0.2% | 170.8% |
| 11. | Португалия | 1 681,2 | 0.1% | 2 650,4 | 0.1% | 157.6% |
| 12. | Бельгия | 2 257 | 0.1% | 2 285,8 | 0.1% | 101.3% |
| 13. | Босния ва Герцеговина | 0 | 0.0% | 1 019,7 | 0.1% | |
| 14. | Латвия | 1 614,6 | 0.1% | 1 319,9 | 0.1% | 81.8% |

¹¹¹ Газете.uz

| | | | | | | |
|-----|---------------------------------|-----------------|-------------|-----------------|-------------|---------------|
| 15. | Македония | 0 | 0.0% | 407,8 | 0.0% | |
| 16. | Румыния | 488,7 | 0.0% | 390,1 | 0.0% | 79.8% |
| 17. | Испания | 176,3 | 0.0% | 349,4 | 0.0% | 198.2% |
| 18. | Болгария | 78,8 | 0.0% | 533,6 | 0.0% | 676.9% |
| 19. | Буюк Британия | 368,5 | 0.0% | 203,2 | 0.0% | 55.1% |
| 20. | Словакия | 62,8 | 0.0% | 127,6 | 0.0% | 203.2% |
| 21. | Эстония | 200,6 | 0.0% | 193,3 | 0.0% | 96.3% |
| 22. | Сербия | 444,5 | 0.0% | 108,8 | 0.0% | 24.5% |
| 23. | Венгрия | 0 | 0.0% | 102,5 | 0.0% | |
| 24. | Греция | 19,6 | 0.0% | 54,9 | 0.0% | 279.7% |
| 25. | Словения | 37,9 | 0.0% | 39,4 | 0.0% | 103.7% |
| 26. | Швейцария | 199,6 | 0.0% | 18,6 | 0.0% | 9.3% |
| 27. | Франция | 250 | 0% | 120,2 | 0.0% | 48.1% |
| 28. | Черногория | 0 | 0% | 9,4 | 0.0% | |
| 29. | Австрия | 1,2 | 0% | 41,1 | 0% | 3309.3% |
| 30. | Люксембург | 0 | 0% | 6,2 | 0% | |
| 31. | Нидерландия | 221,8 | 0% | 0 | 0% | 0% |
| | МДХ давлатлари | 87 743,8 | 5.7% | 96 600,6 | 5.2% | 110.1% |
| 32. | Қозоғистон | 38 474,5 | 2.5% | 42 716,8 | 2.3% | 111.0% |
| 33. | Беларусь | 23 329 | 1.5% | 17 414,5 | 0.9% | 74.6% |
| 34. | Озарбайжон | 10 577 | 0.7% | 12 468,3 | 0.7% | 117.9% |
| 35. | Тожикистон | 6 998,4 | 0.5% | 13 369,3 | 0.7% | 191.0% |
| 36. | Молдавия | 6 531,1 | 0.4% | 6 418,6 | 0.3% | 98.3% |
| 37. | Туркменистон | 903,4 | 0.1% | 1 892,4 | 0.1% | 209.5% |
| 38. | Арманистон | 930,5 | 0.1% | 2 320,7 | 0.1% | 249.4% |
| | Америки мамлакатлари | 789,9 | 0.1% | 4 825,5 | 0.3% | 610.9% |
| 39. | АҚШ | 271 | 0.0% | 1 045,4 | 0.1% | 385.7% |
| 40. | Перу | 91,9 | 0.0% | 1 711,7 | 0.1% | 1861.6% |
| 41. | Канада | 0 | 0% | 5,2 | 0.0% | |
| 42. | Чили | 24,4 | 0% | 156,6 | 0.0% | 642.0% |
| 43. | Колумбия | 277,7 | 0.0% | 60,8 | 0.0% | 21.9% |
| 44. | Парагвай | | | 107,8 | 0.0% | |
| 45. | Доминика Республикаси | | | 33,4 | | |
| 46. | Бразилия | 124,9 | | 1 704,5 | 0.1% | 1364.7% |

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилдаги тўқимачилик-трикотаж маҳсулотлари экспорти струкураси¹¹²⁶

| № | Маҳсулот тури | Ўлчов бирлиги | 2020 йил январь-декабрь | | | |
|------|--------------------------------------|---------------|-------------------------|---------------------|----------|---------------------------|
| | | | сони | суммаси (млн. долл) | улуши, % | Ўсиш суръати, 2019 йил, % |
| | Жами: | | | 1,868.4 | 107.8% | 121.2% |
| 1. | Ип ўрамлари | МИНГ ТОННА | 455,4 | 947,3 | 50,7% | 107,5% |
| 2. | Матолар | МЛН.КВ.М. | 296,5 | 103,9 | 5,6% | 140,8% |
| 3. | Трикотаж газлама | МИНГ ТОННА | 33,2 | 139,5 | 7,5% | 176% |
| 4. | Бошқа турдаги тайёр маҳсулотлар | МЛН.ДОЛЛ. | | 677,8 | 36,3% | 133,6% |
| | Шу жумладан: | | | | | |
| 4.1. | Тўқимачилик ва трикотаж маҳсулотлари | МЛН. ДОНА | 446,9 | 648 | 34,7% | 133,3% |
| 4.2. | Пайпоқ маҳсулотлари | МЛН. ЖУФТ | 119,8 | 29,8 | 1,6% | 140,9% |

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ва тармоқ корхоналарининг саъй-ҳаракати билан 2019 йилга нисбатан маҳсулотларнинг экспортидаги ўсиш суръати 112 фоизга таъминланди ҳамда ип калаванинг жами экспортидаги улуши 49 фоиз, газлама ва трикотаж матолари, тайёр тикув ва трикотаж маҳсулотлар - қўшимча ва юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларнинг жами экспортдаги улушлари 51 % фоизга таъминлашга эришилди.

Хулоса. Тўқимачилик саноати корхоналарида самарали менежмент тизимининг ташкил қилиниши, янги инвестицияларни жалб этиш, замонавий техника ва технологияларни жорий этиш, бу техника ва технологияларни тўла қувватидан фойдаланиш ва малакали технологларни ишга жалб этиш, бу орқали сифатли талабга жавоб берадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш уларни ички ва ташқи бозорларга чиқариш ҳозирги кундаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда тўқимачилик ва тикув трикотаж корхоналарини пандемия давридан сўнг, иқтисодий қўллаб қувватлашга қаратилган 2025 йилгача мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди. Бу аввало корхоналар фаолиятида

узликлар бўлмаслиги, мавжуд ишчи кучини сақлаб қолиш ва экспорт ҳажмини

¹¹² Газете.uz

оширишга қаратилган чораларни қамраб олади.

Президентимизнинг 2020 йил 7 майдаги “Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарга автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортдан ташиш харажатларини 50 фоизгача миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиладиган маҳсулотлар рўйхати тасдиқланди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, ҳудудлар ва тармоқлар экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича доимий ишловчи республика комиссияси фаолияти йўлга қўйилди. Комиссия томонидан экспорт қилишда транспорт харажатлари бўйича субсидия тақдим этиладиган маҳсулотлар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам киритилиб келинмоқда.

Аҳолини иш билан таъминлашда тўқимчилик саноати корхоналарининг ўрни катта. Ҳозирги кунда тармоқда 360 мингдан зиёд аҳоли иш билан таъминланган, барча туманларда корхоналар ташкил этилган. Пахта толасини чуқур қайта ишлаш эвазига қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш улар фаолиятининг ўзагига айланиб бормоқда. Буни қуйидаги маълумотлар ҳам тасдиқлаб турибди. Агар 2016 йилда тўқимачилик маҳсулотлари экспорти 1,1 миллиард доллар атрофида бўлган бўлса, 2020 йилга келиб бу миқдор 2,1 миллиард долларга етган. Уларнинг асосий истеъмолчилари МДХ мамлакатлари Хитой, Туркия, ҳисобланади. Бугунги кунда бу маҳсулотлар дунёнинг 55 дан ортиқ мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Фойдаланиган адабиётлар рўйхати

Интернет сайтлари:

1. *Lex.uz*
2. *<https://ru.wikipedia.org/wiki>*
3. *Riview.uz*
4. *“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси маълумотлари.*

ЭКОНОМИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ УПРАВЛЕНИЯ ПЧЕЛОВОДЧЕСКИХ ХОЗЯЙСТВ

О.Д. Джурабаев,
Старший преподаватель
кафедры «Менеджмент», ТГЭУ

Аннотация. Данная статья является результатом исследования в сфере агропромышленного комплекса и пчеловодства. Следует отметить, что пчеловодство является незаменимой частью аграрного производства, но важно обратить внимания на то, что данная сфера во многом зависит от внешних факторов. Для эффективной организации и корректировки деятельности пчеловодческих организаций следует особо обратить внимания на систему управления пчеловодческих хозяйств. Краткие результаты, приведенные в данной статье, показывают систему управления данной отрасли и пути ее оптимизации.

Ключевые слова: специализированные хозяйства, пчеловодческая отрасль, оптимизация производственных процессов, рационализация труда,

Введение. Результаты исследований мировых ученых показывают, что пчеловодство в аграрном секторе имеет незаменимое место. Важность отрасли не только в том, что оно является производителем незаменимого продукта питания, но и в качестве опылителей сельскохозяйственных культур. Однако человечество рискует остаться без него - сообщения о загадочной гибели пчел не первый год приходят из разных стран мира. В Германии, за последние 13 лет поголовье пчел сократилось втрое. Ученые из Калифорнии, 30 лет наблюдающие за жизнью этих насекомых, пришли еще более тревожному выводу: за этот период популяция медоносных пчел уменьшилось на 76%. Пчелиный мор наблюдается в 30 регионах Российской Федерации¹¹³¹.

Причиной резкого сокращения количества пчелосемей являются нарушения ареала медоносных пчел, сокращения медоносных площадей и т.д. Под влиянием антропогенного фактора, экономические проблемы развития пчеловодства вступили в противоречие с экологическими проблемами, что сопровождается неизбежными потерями продукции и снижением эффективности её производства. Возникает необходимость рассматривать экономику и окружающую среду как единую систему. Проблема загрязнения окружающей природной среды оказалась настолько серьезной, что ставит под угрозу возможность эффективного развития отрасли пчеловодства не только в нашей стране, но и мире.

¹¹³ <http://news.21.by/other-news/2019/07/19/1842722.html>

Методы исследования. В процессе подготовки статьи использованы такие методы, как общенаучные, формально-логические, специфические методы исследования ситуации, классификации, обобщения, горизонтальное и вертикального сравнения, эконометрическое моделирование, эмпирические исследования, факторный анализ, прогнозирования.

Основные результаты исследования. Производственно-экономическая деятельность в аграрном секторе находится в значительной зависимости от природно-климатических условий и биологических процессов региона. Поэтому процесс управления аграрным производством и его результатов необходимо рассматривать сквозь призму специфических особенностей отрасли. В своих работах А.Г. Ивасенко отмечает, что сельскохозяйственное производство накладывает определенные обязательства по учету влияния целого комплекса факторов, от которых зависит эффективность всей системы управления предприятиями аграрной отрасли¹¹⁴².

В условиях рисков рыночной экономики, главным фактором успеха каждой отрасли сельского хозяйства, в том числе пчеловодства, можно назвать наличие эффективной управленческой деятельности, которая может совершенствоваться в соответствии с изменениями внешней и внутренней конъюнктуры рынка, с объективными требованиями производства и реализации продукции.

Предложенная Ф.Тейлором классическая формула рационализации труда и организации производства способствовало коренному изменению организации и управления, что привело к повышению эффективности производства. В процессе организации производства Ф. Тейлор придавал особое значение следующим управленческим функциям: выбору цели, выбору средств, подготовке средств, контролю полученных результатов¹¹⁵³.



Диаграмма 1. Структура себестоимости продукции пчеловодства¹¹⁶⁴

¹¹⁴ Ивасенко, А.Г. Особенности сельского хозяйства как отрасли материального производства и объекта земельно-ипотечного кредитования / А. Г. Ивасенко // Фундаментальные исследования. – 2011. – № 8 (ч. 1). – 215 с.

¹¹⁵ Тейлор Ф. У. Принципы научного менеджмента. - М., 2014. – 232 с. Тименский П.И. Сезонные работы в пчеловодстве. – М.: Росагропромиздат, 1988. - 66 с.

¹¹⁶ Разработано автором

По нашему мнению, основные затраты напрямую связаны с производством продукции пчеловодства. К основным затратам пчеловодческого хозяйства можно отнести:

– стоимость кормов, оставшихся с прошлого года для весеннего периода: партисит сахара, пасты, меда, которые используются для подкормки пчел. В структуре себестоимости продукции пчеловодства, доля кормов значительна, она составляет около 50%;

– расходы заработной платы пчеловодческого хозяйства и начисления на заработную плату, проводимые в соответствии с законодательством, данная статья расхода в структуре себестоимости составляет около 25%;

– стоимость материалов, необходимых для производства меда и другой продукции пчеловодства (вощина, различный пасечный инвентарь, заготовки рамок, проволока, гвозди), данные расходы составляют 4% в структуре себестоимости;

– стоимость ветеринарных препаратов для пчел, что составляет 3% в структуре себестоимости;

– расходы на содержание транспорта, обслуживающего пчеловодческое хозяйство. Наибольшая доля расходов на транспорт осуществляется при перевозке пчелиных семей на кочевки, в структуре себестоимости данная статья занимает около 8%;

– накладные расходы, включающие затраты на ремонт транспорта, услуги связи, услуги охраны. Доля накладных расходов составляет около 10% в себестоимости продукции пчеловодства.

Производя анализ экономических расходов в процессе управления пчеловодческим хозяйством, можно будет определить резервы снижения затрат, особенно тех, которые расходуются непроизводительно и неэффективно.

Важным аспектом при определении эффективности пчеловодства является внедрение новой технологии, тесно связанное со сроком окупаемости капитальных вложений.

Внедрение новых технологий в пчеловодческие хозяйства и уменьшение количества низкопродуктивного ручного труда, способствует интенсификации труда работников пчеловодческого хозяйства и повышению уровня его эффективности. Показатель интенсификации труда анализируется путем сопоставления полученного показателя по конкретному предприятию со средним показателем по отрасли. В условиях рыночного хозяйства важное значение имеет прирост прибыли от продукции пчеловодства от применения инновационной технологии, и связанный с ним уровень окупаемости инвестиций.

В условиях формирования инновационной экономики перспективным направлением повышения эффективности отрасли пчеловодства является



внедрение инноваций, касающихся как процесса разведения и содержания пчел, так и направленные на автоматизацию и механизацию производственных процессов с применением рычагов государственной поддержки пчеловодства.

Таблица 1
Динамика показателей пчелосемей на разных территориях
Узбекистана, штук¹¹⁷

| Названия территориальных единиц | 2016 г. | 2017 г. | 2018 г. | 2019 г. | Абсолютное отклонение 2019 г. к 2016 г., штук | В 2019 г. к 2016 г, в % |
|---------------------------------|----------------|----------------|----------------|---------------|---|-------------------------|
| Республика Узбекистан | 401 463 | 428 882 | 488 211 | 488863 | 87 400 | 122 |
| Республика Каракалпакстан | 18 062 | 21 063 | 26 938 | 27 263 | 9 201 | 151 |
| Андижанская | 31 921 | 30 475 | 41 053 | 41 869 | 9 948 | 131 |
| Бухарская | 54 818 | 63 313 | 65 652 | 65 721 | 10 903 | 120 |
| Джизакская | 37 952 | 40 314 | 39 155 | 39 423 | 1 471 | 104 |
| Кашкадарьинская | 35 343 | 40 651 | 46 156 | 46 256 | 10 913 | 131 |
| Навоийская | 29 728 | 30 102 | 33 975 | 29 930 | 202 | 101 |
| Наманганская | 21 131 | 21 795 | 59 492 | 59 300 | 38 169 | 281 |
| Самаркандская | 33 733 | 33 766 | 26 384 | 26 450 | -7 283 | 78 |
| Сурхандарьинская | 23 077 | 23 530 | 26 034 | 26 306 | 3 229 | 114 |
| Сырдаринская | 8 886 | 9 784 | 7 912 | 8 452 | -434 | 95 |
| Ташкентская | 16 669 | 17 468 | 20 638 | 21 300 | 4 631 | 128 |
| Ферганская | 59 582 | 63 608 | 59 697 | 59 866 | 284 | 101 |
| Хорезмская | 30 561 | 33 013 | 35 125 | 35 264 | 4 703 | 115 |

Сравнивая пчеловодство Узбекистана с пчеловодством зарубежных стран, отметим, что одним из отрицательных тенденций современного этапа развития пчеловодства в Республике Узбекистан является нарушение сложившихся взаимосвязей между отдельными элементами производительных сил. Выявлена диспропорция между элементами производительных сил пчеловодства и ростом цен на сельскохозяйственную и промышленную продукцию, связанную с увеличением разрыва между ценами на средства производства (машины, оборудование, медогонки, пасечные домики, платформы для транспортировки ульев, горюче смазочные материалы и др.) и ценами на продукцию отрасли.

Результаты таблицы 1 свидетельствуют о том, что в 2016-2019 гг. в целом по Республике рост количества пчелосемей составил 22%. Наиболее высокие показатели роста пчелосемей наблюдается в Республике Каракалпакстан,

¹¹⁷ Рассчитано автором на основании данных Республиканского комитета по статистике

Наманганской, Андижанской, Кашкадарьинской, Сурхандарьинской, Ташкентской и Бухарской областях.

Анализ. Для изучения тенденции снижения объема меда проведем факторный анализ изменения объема производства меда в масштабе Республики Узбекистан.

Таблица 2

Исходные данные для факторного анализа изменение объема меда в Республике Узбекистан¹¹⁸²

| Показатели | Базисный период 2018 г. | Отчетный период 2019 г. | Изменение, абс. | Изменение, отн. |
|--|-------------------------|-------------------------|-----------------|-----------------|
| Объем выпуска продукции тонн. | 12050 | 11737 | -313 | 0,97 |
| Среднесписочная численность работников, чел. | 471 | 366 | -105 | 0,77 |
| Производительность труда, тонн/чел. | 25,58 | 32,06 | 6,48 | 1,27 |

Абсолютные изменения объема выпуска продукции под влиянием изменения:

а) среднесписочной численности работников:

$$\Delta V_{\text{ПТ}} = \text{Ч}_0 * \Delta \text{ПТ} = 471 * 6,48 = 3052,08 \text{ тонн.}$$

б) производительности труда:

$$\Delta V_{\text{Ч}} = \Delta \text{Ч} * \text{ПТ}_1 = -105 * 32,06 = -3366,30 \text{ тонн.}$$

в) обоих факторов вместе:

$$\Delta V = \Delta V_{\text{ПТ}} + \Delta V_{\text{Ч}} = 3052,08 - 3366,30 = -314,22 \text{ тонн.}$$

Следовательно, в масштабах Республики Узбекистан, в результате влияния таких факторов, как среднесписочная численность работников в отрасли и производительность труда, отмечается снижение объема произведенного меда. По результатам мониторинга деятельности и анализа эффективности выявлено, что значительная часть произведенного меда в хозяйствах остается не реализованным, в результате чего хозяйства недополучают часть прибыли.

Следует рассмотреть ряд рекомендаций по решению проблем реализации меда и других продуктов пчеловодства.

Во-первых, мелким пчеловодческим хозяйствам рекомендуется скооперироваться для решения проблемы сбыта своей продукции и распределить обязанности. Так, некоторые хозяйства могут осуществлять специализацию на производстве продуктов пчеловодства, другие хозяйства

¹¹⁸ Рассчитано автором по данным Республиканского комитета по статистике.

специализироваться на расфасовке меда, воска, перги, третьи хозяйства – выполнять поиск покупателей и доставку расфасованной продукции до потребителя.

Определим изменение прибыли, связанное с изменением объема продукции, исходя из фактического объема и ассортимента:

$$\Delta\P(P) = -90566 - (-59358) = -31208 \text{ тыс. сум.}$$

Определим процент роста объема производства:

$$k = 25220 : 54614 * 100\% - 100\% = -53,82\%$$

$$\Delta\P(V) = -59358 * (-53,82)\% = 31946,476 \text{ тыс. сум.}$$

Таблица 3

Исходные данные для факторного анализа¹¹⁹³

| Показатели | На начало периода (по базису) | По базису на фактически реализованную продукцию | На конец периода (фактические данные) |
|---|-------------------------------|---|---------------------------------------|
| 1. Выручка от реализации (В), тыс. сум. | 54614 | 25220 | 26401 |
| 2. Себестоимость реализованной продукции (С.с), тыс. сум. | 113972 | 115786 | 117600 |
| 3. Прибыль от реализации (П), тыс. сум. | -59358 | -90566 | -91199 |

Определим влияние структурного фактора:

$$\Delta\P(\text{уд.в}) = -31208 - 31946,476 = -63154,476 \text{ тыс. сум.}$$

Определим влияние полной себестоимости на сумму прибыли:

$$\Delta\P(\text{с.с}) = 115786 - 117600 = -1814 \text{ тыс. сум.}$$

Изменение суммы прибыли за счет отпускных цен на продукцию рассчитанной при фактических объемах продаж и ценах на начало периода: $\Delta\P(\text{ц}) = 26401 - 25220 = 1181 \text{ тыс. сум.}$

Общее изменение прибыли от данных факторов определяем как сумму полученных результатов:

$$\Delta\P = 31946,476 - 63154,476 - 1814 + 1181 = -31841 \text{ тыс. сум.}$$

Следовательно, прибыль пчеловодческого предприятия уменьшилась за счет увеличения себестоимости продукции, снижения объема произведенного меда. Следует рассмотреть модель пчелопасеки размером в 130-150 пчелосемей, с традиционными технологиями получения меда и других продуктов пчеловодства (воска, перги, маточного молочка, пчелиного яда).

Следует произвести расчет оптимизации структуры производства пчелохозяйства размером в 130-150 пчелиных семей при помощи решения

¹¹⁹³ Рассчитано автором на основании отчетности Ахангаранского государственного лесного хозяйства.

прямой задачи линейного программирования симплексным методом. В качестве модельной рассмотрим медотоварную пасеку, пользуясь нормами производства продукции пчеловодства из таблицы 4.

Таблица 4
Нормы производства продукции пчеловодства на 1 пчелиную семью¹²⁰⁴

| № | Вид продукции | Специализация пасеки | Единица измерения | Выход продукции с одной семьи |
|----|------------------|----------------------|-------------------|-------------------------------|
| 1. | Мед | Медотоварная | Кг | 20 |
| | | Пчелоразведенческая | Кг | 18 |
| 2. | Пчелопакеты | Пчелоразведенческая | Шт | 1,5 |
| | | Медотоварная | Кг | 0,5 |
| 3. | Воск | Медотоварная | Кг | 0,5 |
| | | Пчелоразведенческая | Кг | 0,2 |
| 4. | Матки плодные | Медотоварная | Шт | 15 |
| | | Пчелоразведенческая | Шт | - |
| 5. | Маточное молочко | Пчелоразведенческая | Кг | 0,08 |
| 6. | Прополис | Медотоварная | Кг | 0,01 |
| | | Пчелоразведенческая | Кг | 0,01 |
| 7. | Цветочная пыльца | Медотоварная | | 0,3 |
| | | Пчелоразведенческая | | 0,1 |

X_1 – количество пчелиных семей, $130 \leq X_1 \leq 150$

X_2 – объем полученного меда. В расчете на 1 пчелиную семью прогнозируется получение 20 кг. меда.

Так как количество пчелиных семей не превышает 150, то максимальный объем полученного меда составит:

$$X_2 \leq 20 * X_1 \text{ или } X_2 - 20 * X_1 \leq 0$$

X_3 – объем произведенного пасекой пчелиного воска, то есть:

$$X_3 \leq 0,5 * X_1, \text{ или } X_3 - 0,5 * X_1 \leq 0$$

X_4 – количество полученного пасекой прополиса.

$$X_4 \leq 0,01 * X_1; \text{ или } X_4 - 0,01 * X_1 \leq 0$$

X_5 – объем произведенного маточного молочка, кг. В расчете на 1 пчелиную семью можно получить не более 0,01 кг. маточного молочка:

$$X_5 \leq 0,01 * X_1 \text{ или } X_5 - 0,01 * X_1 \leq 0$$

X_6 – количество полученной цветочной пыльцы, которое прогнозируется не более 0,3 кг. на 1 пчелиную семью.

$$X_6 \leq 0,3 * X_1 \text{ или } X_6 - 0,3 * X_1 \leq 0$$

¹²⁰ Чепик А.Г. Экономика и организация инновационных процессов в пчеловодстве и развитие рынка продукции отрасли монография / А.Г. Чепик, В.Ф. Некрашевич, Т.В. Торженова; Ряз. гос. ун-т им. С.А. Есенина. – Рязань, 2010, С. 59.

X_7 – пчелопакеты, шт. $X_7 \leq 0,5 * X_1$; $X_7 - 0,5 * X_1 \leq 0$

Целевая функция:

$F(X_1, \dots, X_7) = -21,39 * X_1 + X_2 + X_3 + X_4 + X_5 + X_6 + X_7, \max$

Решая данную задачу поиска оптимальных решений с помощью программы Stata 14, был получен следующий результат (таблица 5.).

Таблица 5
Вариант оптимального решения для хозяйства на 130-150 ульев¹²¹⁵

| Параметры | X_1 | X_2 | X_3 | X_4 | X_5 | X_6 | X_7 |
|---------------------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| 150 пчелосемей | 150 | 3000 | 75 | 1,5 | 1,5 | 45 | 75 |
| 130 пчелосемей | 130 | 2600 | 65 | 1,3 | 1,3 | 39 | 65 |
| Оптимальное решение | 134 | 2680 | 67 | 1,34 | 1,34 | 40,2 | 67 |

Расчеты свидетельствуют, что наиболее оптимальным вариантом для создания пчеловодческого хозяйства на микроуровне является создание пасеки на 134 пчелиных семей, которую в режиме круглогодичной занятости будут обслуживать 2 пчеловода. Производство меда и продукции пчеловодства в таком хозяйстве осуществляется традиционными методами, большая часть работ осуществляется вручную. Деятельность такой пасеки направлена на получение гарантированных объемов продукции, проведение пчелоопыления сельскохозяйственных культур, насыщения местного рынка продукцией пчеловодства.

Из приведенных расчетов видно, что производство всей продукции пчеловодства является рентабельным. Несколько выше рентабельность по всем видам продукции, произведенной на пасеке на 390 пчелосемей из-за более низких затрат на единицу продукции.

Таблица 6
Расчеты рентабельности пасеки на 134 пчелосемьи¹²²⁶

| Показатели | Мед | Воск | Пропо- лис | Маточ- ное мо- лочко | Цве- точная пыльца | Пче- ло-паке- ты |
|--|--------|------|---------------|----------------------------|--------------------------|------------------------|
| Рентабельность пасеки на 134 пчелосемьи | | | | | | |
| Произведено продукции, кг. | 2680 | 67 | 1,34 | 1,34 | 40,2 | 67 |
| Цена реализации, тыс.сум. | 40 | 50 | 50 | 900 | 180 | 220 |
| Выручка от реализации, тыс.сум. | 107200 | 3350 | 67 | 1206 | 7236 | 14740 |

¹²¹ Расчеты в программе Stata 14

¹²² Рассчитано автором.

| | | | | | | |
|--|--------|--------|-------|--------|---------|-------|
| Затраты на единицу продукции, тыс.сум. | 20,6 | 17,5 | 19,0 | 432,1 | 94,0 | 70,4 |
| Затраты на производство продукции, тыс.сум. | 55208 | 1172,5 | 25,5 | 578,9 | 3763 | 4717 |
| Чистый доход, тыс.сум. | 51992 | 2177,5 | 41,5 | 627,1 | 3473 | 10023 |
| Рентабельность, % | 49% | 65% | 62% | 52% | 48% | 68% |
| Рентабельность пасеки на 390 пчелосемей | | | | | | |
| Произведено продукции, кг. | 5800 | 195 | 3,9 | 3,9 | 117 | 195 |
| Цена реализации, тыс.сум. | 40 | 50 | 50 | 900 | 180 | 220 |
| Выручка от реализации, тыс.сум. | 232000 | 9750 | 195 | 3510 | 21060 | 42900 |
| Затраты на ед. продукции, тыс. сумм. | 19,2 | 16,8 | 18,5 | 431,0 | 93,5 | 69,0 |
| Затраты на производство продукции, тыс.сум. | 111360 | 3276 | 72,2 | 1680,9 | 10939,5 | 13455 |
| Чистый доход, тыс.сум. | 78880 | 6474 | 122,8 | 1829,1 | 10120,5 | 29445 |
| Рентабельность, % | 52% | 66% | 63% | 52% | 48% | 69% |

Выводы и предложения. Проведенное исследование позволило разработать рекомендации, направленные на совершенствование управления и повышение эффективности пчеловодства в Республике Узбекистан.

Выявлены инструменты менеджмента пчеловодческих хозяйств как системы управления, обладающей новыми характеристиками. Система управления пчеловодческими хозяйствами включает в себя целевую, хозяйственную, управляющую подсистемы, а также подсистему жизнеобеспечения пчеловодческого предприятия. Данная система предъявляет высокие требования к качеству меда и другой продукции пчеловодства, реагирует на изменение затрат и издержек, принимает адекватные меры в случае изменения производственных факторов в условиях неопределенности внешней среды.

Наиболее перспективным направлением повышения эффективности отрасли пчеловодства является внедрение инноваций, касающихся как процесса разведения и содержания пчел, так и направленные на автоматизацию и механизацию производственных процессов, на государственную поддержку пчеловодов.

Использование инноваций способствует наиболее рациональному использованию биологических, материальных и трудовых ресурсов пчеловодческого хозяйства, повышению силы пчелиных семей. Достижению данных результатов способствует использование мотивационных методов управления,

внедрение новой техники и технологии, совершенствование методов управления, инновационных биологических технологий.

В процессе изучения особенностей управления пчеловодческих хозяйств Узбекистана был проведен анализ существующих систем управления отрасли и на основании эконометрических расчетов разработан вариант оптимального решения хозяйств с численностью от 130 до 150 пчелосемей, а также проведен расчет рентабельности пчеловодческого хозяйства на 134 улей.

Список использованной литературы

1. Постановление Президента Республики Узбекистан от 16.10.2017 г. № ППТ-3327 «О мерах по дальнейшему развитию отрасли пчеловодства в республике» [Электронный ресурс]: https://www.norma.uz/uz/raznoe/postanovlenie_prezidenta_respubliki_uzbekistan30
2. Указ Президента Республики Узбекистан от 17 апреля 2019 года № УПТ-5708 «О мерах по совершенствованию системы государственного управления в сфере сельского хозяйства» [Электронный ресурс]: https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=116532
3. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 25.01.2018 года № 53 «О мерах по внедрению современных форм хлопково-текстильных производств» [Электронный ресурс]: http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3527483
4. Беляева, Н. А. Пчеловодство региона: состояние и проблемы развития / Н. А. Беляева, М. В. Гоголев // Проблемы региональной экономики. - 2010. - № 1/2. - С. 131-140
5. Беляева, Н. А. Перспективы экономики пчеловодства / Н. А. Беляева // Вестник Ижевской государственной сельскохозяйственной академии. - 2008. - № 2 (16). - С. 67-68.
6. Виханский О.С., Наумов А.И. Менеджмент: человек, стратегия, организация, процесс: 2-е изд.: Учебник. – М.: Фирма «Гардарика», 2015. – 152
7. DJURABAEV O. FORMATION OF MODEL BEEKEEPING FACILITIES AND MODERNIZED INTERINDUSTRIAL COMMUNICATIONS IN HUMAN BEARING MANAGEMENT // Архив научных исследований. – 2020. – №. 11.

ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Д.Т. Юсупова,
Менежмент кафедраси доценти, ТДИУ

Аннотация. Мақолада инновацион жараёнларни бошқаришни такомиллаштириши йўналишлари тадқиқ этилган. Ишлаб чиқариши тармоқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмларини йўлга қўйишига, алоқаларни мустаҳкамлашга тўсиқ бўлаётган асосий муаммолар келтирилган. Инновацион жараёнларни тижоратлаштириши муаммолари асосланган.

Таянч иборалар: инновация, жараён, фаолият, самарадорлик, корхона, ташкilot, тижоратлаштириши.

Аннотация. В статье исследованы направления совершенствования управления инновационными процессами. Приведены основные проблемы, препятствующие взаимному партнерству между производственными отраслями. Обоснованы проблемы коммерциализации инновационных процессов.

Ключевые слова: инновация, процесс, жизнедеятельность, эффективность, предприятие, организация, коммерциализация.

Сўнги йилларда ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида рақобатнинг кескинлашиб, жаҳон бозорида инновацион маҳсулотларга бўлган талаб кескин ортиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам фан-техника сизими юқори бўлган маҳсулотларга эҳтиёжнинг ортиб бориши мамлакатимиз миллий иқтисодиёти таркибида юқори технологияли маҳсулотлар улушини кўпайтиришга бўлган интилиш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини инновацион ривожлантириш заруратини янада кучайтирди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда интеллектуал салоҳият ва инновацияларнинг аҳамияти юқори ҳисобланади. Чунки интеллектуал салоҳият эвазига рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қодир, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни миллий иқтисодиётга кенг қўллашга эришилади.

Миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан яна бири инновацияларни соҳа тармоқларига самарали жорий этишдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ҳам бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, давлат илмий-техник дастурлари доирасида бажарилаётган барча турдаги

лойиҳаларни Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг тармоқ ва соҳаларини ривожлантириш учун зарурлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сонли ҳамда 2018 йил 14 июлдаги “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3855-сонли қарорларни алоҳида таъкидлашимиз мумкин.

Жумладан, 2018 йил 7 майда қабул қилинган “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сонли Ўзбекистон Республикаси Қарорида илмий тадқиқотлар билан ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмларини йўлга қўйишга, алоқаларни мустаҳкамлашга тўсиқ бўлаётган қуйидаги муаммолар мавжудлиги кўрсатиб ўтилган:

– олий таълим муассасалари илмий ишлари ва илмий тадқиқот ташкилотлари тадқиқотларининг натижаларини тижоратлаштириш кўрсаткичларининг пастлиги ҳамда қониқарсизлиги;

– инновацион жараёнларни рағбатлантириш, хуудлар ва тармоқлар даражасида инновацион ривожланиш ва инновацион фаолик комплекс дастурларини амалга ошириш, инновацион фаол тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш механизмлари мавжуд эмаслиги;

– хусусий сектор вакилларининг инновацион фаолиятга, жумладан уларнинг манфаатдорлиги пастлиги сабабли етарли даражада жалб қилинмаслиги;

– давлат илмий-техник дастурлари доирасида грантларни тақсимлаш ва улардан оқилона фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таъсирчан чора-тадбирларнинг мавжуд эмаслиги;

– илмий тадқиқотлар ва инновацияларни жорий қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик ва инвестициялар жалб этиш даражасининг қониқарсизлиги.

Қарорда мазкур муаммоларни ҳал қилиш учун Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар академияси олдида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш белгиланди:

– олий таълим муассасаларида илмий ишлар бўйича проректор лавозими ўрнига илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор лавозимини жорий этиш;

– Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий тадқиқот муассасаларининг илм-фан бўйича директор ўринбосарларини бир вақтда тегишли йўналишдаги олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори лавозимларига тайинлаш;

– олий таълим муассасалари тузилмасида инновацион жамғармалар ва илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинмалар ташкил этиш;

– олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари илмий тадқиқот муассасаларининг илм-фан бўйича директор ўринбосарларини лавозимга тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилиши;

– илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар ҳамда илм-фан бўйича директор ўринбосарлари инновация фаолиятига оид масалалар, илмий-инновацион ишланмаларни жорий этиш ва тижоратлаштириш натижалари бўйича бевосита Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига ҳисобдорли белгилаб қўйилди.

2018 йил 14 июлда қабул қилинган “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3855-сонли Ўзбекистон Республикаси Қарорида мамлакатимиздаги илмий тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий ва илмий-техникавий фаолияти натижаларини тижоратлаштириш даражаси қониқарли эмаслиги сабаблари ва уларни ҳал этиш учун қуйидаги вазифалар аниқ белгилаб берилган:

– 2014-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган ва патентланган ихтироларнинг тижоратлаштириш даражасини йилига 0,5 фоизини ташкил этиши;

– чоп этилган илмий мақолалар ва яратилган интеллектуал мулк объектлари сони илмий тадқиқот ва олий таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан бўлиб келаётганлиги. Бунинг натижасида аниқ амалий натижаларга нисбатан эътиборни камайиб бориши;

– давлат ва хўжалик бошқаруви органлари уларнинг тасарруфидаги илмий тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий ва илмий-техникавий фаолияти натижаларини рағбатлантириш механизмини етарли эмаслиги;

– илмий-техникавий дастурларга давлат маблағлари сарфланишининг самарадорлиги учун лозим даражада масъулиятни намоён этилмаётганлиги;

– илмий тадқиқотларни молиялаштириш, илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини рағбатлантиришининг самарали воситалари жорий этилмаганлиги.

Албатта Инновацион ривожлантириш вазирлиги томонидан мазкур муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, тақдим этиладиган лойиҳаларни самарали бажарилиши, тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ҳамда янги таклиф этила-



ётган лойиҳалар учун танлов ўтказилишининг объективлиги, адолатлилиги ва шаффоғлигини таъминлаш мақсадида лойиҳаларни қабул қилиш, экспертизасини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, 2019 йилда «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ» фанлари бўйича давлат илмий-техника дастурлари доирасида иқтисодиёт йўналишида 84 та лойиҳа техник экспертизадан ўтказилди. Шундан 59 та амалий, 18 та фундаментал, 4 та ёш олимлар тадқиқот лойиҳалари ва 3 таси инновацион лойиҳалар ҳисобланади. Тақдим этилган лойиҳалардаги маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги ҳамда лойиҳа раҳбарлари томонидан тақдим этилган йиллик ҳисоботларни натижадорлиги, тижоратлаштириш даражаси, танлов дастурлари вазифаларида белгиланган, кутилаётган натижаларни тўла ва ўз вақтида сифатли бажарилиши каби омилларга қаттиқ эътибор қаратилади.

Лойиҳалар бўйича экспертиза натижаларини таҳлиллари шуни кўрсатадики, кўплаб лойиҳа раҳбарлари ҳамда иштирокчилар ҳозиргача лойиҳа доираси илмий мақола ва тезис ёзишдан нарига ўтмаган. Тадқиқот натижалари бўйича ишланмаларга патент олиш, тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш бўйича натижалар жуда паст. Шунинг учун борада хориж тажрибасини ўрганиш ҳамда 2020 йилдан бошлаб молиялаштирилаётган лойиҳаларни албатта патентлаш ҳамда тижоратлаштириш даражасини кескин ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозим.

Ривожланган хорижий мамлакатларда давлат ва илмий фондлар томонидан турли даражадаги илмий лойиҳаларга харажатлар таркиби бир-биридан фарқ қилади. Масалан, АҚШ, Германия, Франция, Жанубий Корея, Япония, Хитой, Исроил каби давлатларда илмий соҳани молиялаштириш асосан қуйидаги йўналишларга ажратилади:

- илмий тадқиқотларга;
- ёш олимларни қўллаш ва кадрларни қайта тайёрлашга;
- илмий тадқиқот инфратузилмаларини ривожлантириш учун;
- ташкилий ва административ харажатларга.

Агар таҳлилларга эътибор берадиган бўлсак, АҚШ, Германия, Франция ва Японияда илмий соҳага йўналтирилган харажатларнинг 80-90 %, Россияда 60 %га яқини илмий тадқиқотлар ҳиссасига тўғри келади. Россияда илмий соҳага ажратилган харажатларнинг 25,5 %, Хитойда 29 %га яқин, АҚШда 12,7 %, Германияда 8,4%, Францияда 6,7 %, Японияда 1 %га яқини ёш олимларни қўллаб-қувватлаш ва кадрларни қайта тайёрлаш учун сарфланади. Илмий тадқиқот инфратузилмаларини ривожлантириш ҳолати ва унга ажратилаётган харажатлар бўйича Россия илмий соҳанинг 12 %, Германия 1,9%, АҚШ 1,7%, Хитой эса 3,5 %ни йўналтирмоқда.

Бундай харажатлар ўз-ўзидан мамлакатнинг илмий салоҳиятини кўтарилишига ҳамда амалий тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, инновацион ёнда-

шувларни жорий этишга ижобий таъсир кўрсатади. Натижада тадқиқотларнинг сифат ва долзарблик жиҳатдан юқори даражада бўлади. Бу эса илмий тадқиқот ишларини техник жиҳатдан мукамал бўлишига ва тижоратлаштириш имкони-ятлари даражасини ортишига ҳамда илм-фан ва саноат ҳамкорлигини ўзида му-жассам этувчи тизимни самарали ишлашига олиб келади.

Бугунги кунда мамлакатнинг илмий салоҳиятини ошириш, илмий тадқиқотларни давлат томонидан самарали қўллаб-қувватлаш тизимига эга бўлган мамлакатнинг ривожланиш даражаси факатгина улар ишлаб чиқараётган ва экспорт қилаётган маҳсулот ва хизматлар даражаси билан эмас, балки инновацион техника ва технологияларнинг, инновацион маҳсулотларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги ўрни билан ҳам белгиланади. Экспертларнинг хулосасига кўра ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулот ўсишининг 70-85 фоизи янги маҳсулот, техника ва технологияларга боғлиқ бўлади. Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсишида инновацияларнинг улуши АҚШларида 35 %, Японияда 42 %, Европа Иттифоқида 50 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистонда давлат илмий-техник дастурлари доирасида бажарилаётган барча турдаги инновацион лойиҳаларни тижоратлаштириш даражасини таҳлил этиш натижасига кўра қуйидаги муаммоларни таъкидлаб ўтишимиз мумкин:

– инновацион ишланмалар, маҳсулотлар ва товарларни сотиш, сотиб олиш ва фойдаланиш борасида самарали тизимни мавжуд эмаслиги;

– амалий натижага йўналтирилга маҳсулотлар ва технологияларни ишлаб чиқишга онд фундаментал лойиҳаларнинг камлиги;

– илмий ва илмий-техникавий лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвесторлар, халқаро молия институтларининг грантлари, маблағларини жалб этиш ишларини нисбатан сустлиги;

– айрим лойиҳа раҳбарлари ва лойиҳа ижрочиларининг тадқиқотларида кўпроқ назарий ва тавсиявий характерга эга хулосаларнинг кўплиги;

– амалга оширилаётган ва яқунланган лойиҳаларнинг тижоратлаштириш даражаси бўйича рейтинг тизимини йўқлиги;

– давлат илмий-техник дастурлари доирасида лойиҳаларни тайёрлаш, бажариш, оралик ва йиллик ҳисоботларни тайёрлаш бўйича ягона услубиётни ишлаб чиқилмаганлиги;

– илмий тадқиқотларни самарали амалга ошириш, натижаларни амалиётга қўллаш бўйича фан-таълим-ишлаб чиқариш ўртасидаги муносабатларни рағбатлантирувчи механизмни ишлаб чиқилмаганлиги.

Шундай қилиб, амалий, фундаментал, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва уни натижасини амалий аҳамиятини асослаш муҳим стратегик вазифаларидан бири бўлиб, у ёки бу янгиликни жорий этиш қандай фойда келтиришини, шунингдек, лойиҳанинг самарали фаолиятининг энг асосий мезони бўлиб нима хизмат қилишини ҳар бир лойиҳа иштирокчиси тасаввур



килиши лозим. Шундагина бажарилаётган барча турдаги лойиҳаларни тижоратлаштириш даражаси ортишига, амалий аҳамиятини янада кўтаришга эришган бўлар эдик.

Фойдаланиган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида” УРҚ-440-сонли қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодий тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-3698-сонли қарори

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон фармони. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беита устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоаялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» да амалга оширишга оид давлат дастури.

4. Нурутдинова А.Р. Государственная политика поддержки инноваций за рубежом. // Педагогика. – М., 2013. №2. – С. 118 - 123

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Йиллик статистик тўплам. – Тошкент, 2020.

ЎЗБЕКИСТОН ТЎҚИМАЧИЛИК ТАРМОҒИНИНГ ХУДУДИЙ ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

У.Ш. Юсупов,
Менежмент кафедраси
катта ўқитувчиси, ТДИУ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон тўқимачилик тармоғининг худудий таркибини такомиллаштириши масалалари тадқиқ этилган. Тўқимачилик тармоғида худудий инвестиция дастурлари доирасида амалга ошириляётган ишлар, вилоятларнинг худудий ихтисослашув даражаси асосланган.

Таянч иборалар: тўқимачилик, саноат, маҳсулот, инвестиция, вилоят, калава ип, газлама, тикувчилик, тўқувчилик, трикотаж, пайпоқ буюмлари, гилам.

Аннотация. В статье исследованы вопросы совершенствования региональной структуры текстильной отрасли Узбекистана. Обоснованы осуществляемые работы в рамках региональных инвестиционных программ текстильной отрасли и уровень региональной специализации районов.

Ключевые слова: текстиль, промышленность, продукция, инвестиция, район, пряжа, ткань, швейная, ткацкое, трикотаж, носочные изделия, ковер.

Таъкидлаш лозимки, тўқимачилик саноати бутун дунё миқёсида ишлаб чиқариш соҳасининг энг муҳим ва сердаромад йўналишларидан биридир. Ҳозирги кунда дунёда табиий толали тўқимачилик маҳсулотларига бўлган қизиқиш ва эҳтиёж ортиб бормоқда.

Маълумки, сўнгги 10-15 йилликда жаҳон тўқимачилик саноати соҳасида катта ўзгаришлар содир бўлди. Жаҳон иқтисодиётидаги глобаллашув жараёнида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш маркази Европа ва АҚШдан ривожланаётган Жанубий Америка, Жануби-Шарқий ҳамда Марказий Осиё минтақаларига кўчди. Бу эса ривожланаётган давлатлар қатори мамлакатимизда ҳам иқтисодий жиҳатдан муҳим тармоқлардан ҳисобланган трикотаж, ипакчилик, тикувчилик каби тармоқларни модернизациялаш, хорижий инвестициялар ва чет эллик малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда, қўшма корхоналар ташкил қилиш, рақобатбардош маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ташкил этишга эътибор қаратишни тақозо этади.

Шу муносабат билан республикаимизда тўқимачилик саноати соҳасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон республикаси Президенти раҳнамолигида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда, кўплаб маҳаллий ва қўшма корхоналар, уларга хомашё етказиб берувчи хўжаликлар ҳамда субъектлар ўз фаолиятини бошлади. Уларнинг фаолияти ҳукуратимиз тавсиялари асосида тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб келмоқда.

Бугунги кунга келиб, юртимиздаги энг йирик тўқимачилик саноати корхоналари “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси тизимида фаолият юритмоқда. Улар орасида энгил саноат маҳсулотлари рекламаси, маркетинги ҳамда экспорти билан шуғуланувчи, кийимларнинг янги модель ва дизайнларини яратувчи, тўқимачилик комплекслари курилиши юзасидан мониторинг олиб борувчи корхона ва ташкилотлар ҳам мавжуд.

Ҳозирги вақтда уюшма таркибига кирувчи корхоналарнинг йиллик ишлаб чиқариш қувватлари йилдан-йилга (ўртача йиллик ўсиш суръати 15-18 фоиз) ортиб бормоқда, улар томонидан кенг ассортиментдаги калава, ип ва газламаалар, тикувчилик, тўкувчилик, трикотаж, пайпоқ буюмлари маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳозирги кунда республикада тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида 7,5 мингдан ортиқ корхоналар фаолият юритмоқдалар.

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибига тармоқда фаолият олиб борадиган 1815 та корхона киради. Шулардан 356 таси Туркия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Сингапур, Германия, Швейцария, Италия, Япония, АҚШ каби давлатлар инвестициялари иштирокида ташкил этилган. Мустақиллик йилларида тармоқни ривожлантириш учун 3,1 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилиб, кўплаб янги корхоналар ва уларда минглаб иш ўринлари ташкил этилди. Шунингдек, 2019-2030 йилларга мўлжалланган тўқимачилик саноатини босқичма-босқич ривожлантириш дастурига мувофиқ республикамиз ҳудудларида яна 170 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган.

Уюшма томонидан янги 2019-2020 йилларда ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида 60 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиши режалаштирилган бўлиб, 61 та лойиҳа амалга оширилган. Бу лойиҳалар етакчи хорижий инвесторлар кўмагида амалга оширилади. Ушбу лойиҳалар доирасида ташкил этиладиган янги корхоналар ва тармоқлар фаолияти самарасида сифатли тайёр трикотаж кийим-кечаклар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, шу аснода маҳаллий бозор эҳтиёжлари таъминланиши билан бирга, маҳсулотларни миллий валютада сотиб олиш ҳамда тайёр маҳсулотни экспортга чиқариш ҳажми кенгайди. Шунингдек, келажақда компания томонидан республикадаги мавжуд тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш, янги технологияларни жорий этиш, фаолиятни кенгайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, кўплаб харидоргир маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилиши режалаштирилган.

Собиқ Иттифоқ даврида мамлакатнинг чекка ҳудудлари тор ихтисосликка эга бўлиб, «Умумиттифоқ меҳнат тақсимотида» марказни хомашё билан таъминлаган. Ўзбекистонда ҳам марказий районларга хомашё етказиб берувчи

хўжалиги асосан, дастлабки қайта ишловчи ҳамда минтақа иқтисодиётига хизмат қилувчи саноат тармоқларидан ва экстенсив қишлоқ хўжалигидан ташкил топган. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва режалаштиришдаги нотўғри ёндашув шунга олиб келдики, 5 фоиз ҳудудда Ўзбекистон саноат салоҳиятининг 65 фоизи мужассамлашган эди. Масалан, Тошкент шаҳар ва вилояти ҳиссасига республика саноат маҳсулотининг 50 фоизидан орტიқроғи тўғри келган.

Албатта, бу ҳолатни фақат нотўғри иқтисодий сиёсат билан изоҳлаш ҳам тўғри эмас. Юқоридаги жараёнда тарихий воқеалар силсиласининг ҳам қисман таъсири бор. Тошкент, Фарғона, Самарқанд минтақалари мустамлака давридаёқ транспорт тизими (темир йўл) орқали Марказий район билан боғланган эди. Қулай транспорт географик ўрин Иккинчи жаҳон уруши йилларида республикага кўчирилган саноат корхоналарини айнан, ушбу ҳудудларда тўпланишига олиб келган. Республиканинг Жанубий, Қуйи Амударё минтақаларининг замонавий транспорт тизими билан боғланиши 60-70 йилларга бориб тақалади. Шу боис, уларда саноат тармоқлари сушт ва кечроқ ривожланган.

Республика саноатидаги ҳудудий номукамаллик шўро даврида тўқимачилик саноатида ҳам ўз аксини топган. Ушбу саноат тармоғининг асосий қисми мамлакатнинг шарқий минтақаларида тўпланган. Чунончи, 1970 йилда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ип газламанинг 93,6 фоизи Тошкент иқтисодий райониغا ва ипак газламанинг 79,3 фоизи Фарғона иқтисодий райониغا тўғри келган.

70-80 йилларда Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг ҳудудий таркибида бироз ижобий силжишлар рўй берди. Бу, энг аввало, Бухоро, Андижон тўқимачилик комбинатлари ҳамда олдиндан мавжуд йирик корхоналарнинг филиалларини ишга туширилиши билан боғлиқ бўлди.

Кўриниб турибдики, 80-йилларда йирик тўқимачилик корхоналарининг кўплаб филиаллари ташкил этилган. Уларнинг аксарияти бош корхона жойлашган вилоят ёки иқтисодий район ҳудудидан чиқмаган, фақат Бухоро ип газлама комбинати полицентрик кўринишига эга бўлиб, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида ҳам унинг филиаллари ташкил этилган. Айнан, ана шу йилларда тўқимачилик ҳудудий ташкил этилишида «деконцентрация» жараёни юз берди. Шу ўринда қайд қилиш лозимки, юқоридаги филиалларнинг кўпчилиги чала қурилган ёки лойиҳалаштирилган ҳолича қолиб кетган (Бойсун, Данғара, Яйпан, Қизилтепа ва ҳ.к.).

Мустақиллик йилларида мамлакат тўқимачилик саноатининг ҳудудий таркиби ва ишлаб чиқариш ҳажмида сезиларли ўзгаришлар бўлди. Эркин рақобатга асосланган иқтисодиёт ҳамда жаҳон бозорига интеграциялашув, мамлакат тўқимачилик саноатининг заиф томонларини очиб ташлади.



Жумладан, ҳудудий таркибининг номукамаллиги, мавжуд қувватлар самарадорлигининг пастлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифат, дизайн ва эстетик жиҳатдан чет эл турдош маҳсулотларига рақобатбардош эмаслиги бунга мисол бўла олади.

Бу ва бошқа объектив сабабларга кўра, тўқимачилик саноатининг барча тармоқларида ишлаб чиқариш суръати аста-секинлик билан изчил қисқариб борди. Айниқса, бу жараён ипак газлама ва нотўқима материаллар ва жун газлама саноатида кекин юз берди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакат хўжалигини ривожлантириш учун олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар, бошқа тармоқлар қаторида тўқимачилик саноатига ҳам жорий этилди. Чунончи, 90-йилларнинг ўрталаридан тармоққа хорижий сармоялар жадал киритила бошланди. Республиканинг турли минтақаларида янги қувватлар ташкил этилиши баробарида, тўқимачилик корхоналарининг катта қисми замонавий технологиялар билан қуруллантирилди. Натижада, 2000 йиллар бошидан, тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш қисқариши суръати турғунлашди ва тармоқ ҳудудий таркиби бироз такомиллашди.

Тўқимачилик саноатининг турли тармоқлари ҳозирда республиканинг деярли барча вилоятларида мавжуд. Бироқ, тармоқ қувватлари ва ишлаб чиқариш ҳудудий таркибида катта фарқ мавжуд. Тармоқ маҳсулотининг асосий қисми Тошкент, Бухоро, Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларида ишлаб чиқарилмоқда.

Тармоқда ишлаб чиқариш ҳозирда ҳам эски тўқимачилик районларида мужассамлашган. Аммо, мамлакатда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг маъмурий тизимлардаги ривожланиш даражасидаги фарқлар туфайли, тўқимачилик саноат ишлаб чиқаришнинг жойларда саноат тизимидаги ўрни турлича. Масалан, мамлакат тўқимачилик маҳсулотининг 13,6 фоизини берувчи Тошкент вилоятида тармоқ маҳсулотининг вилоят япи саноат маҳсулотига бўлган нисбат кўрсаткичи 1,5ни ташкил этади.

Бу кўрсаткич тармоқ маҳсулотининг 2,8 фоизини берувчи Хоразм вилоятиникидан 1,9 марта, 1,6 фоизини ишлаб чиқарувчи Қорақалпоғистон Республикасиникидан эса 2,7 марта камдир. Бошқача қилиб айтганда, республиканинг саноат салоҳияти пастроқ бўлган Наманган, Бухоро, Хоразм вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида тўқимачилик ишлаб чиқариш уларнинг саноатида муҳим ўринни эгаллаб турибдики тўқимачилик саноатининг республика маъмурий тизимларида тутган ўрни турлича.

Ип газлама саноатининг ҳудудий таркибидаги ўзгаришлар, энг аввало собиқ Иттифоқ даврида ишга туширилган ёки қурилиши бошланган филиалларда ишлаб чиқаришни ташкил этилиши ва кенгайтирилиши ҳамда тармоққа чет эл инвестициси жалб этилиб, қўшма корхоналарни барпо этилиши билан боғлиқ

бўлди. Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, қўшма корхоналарнинг бир қисми тармоқ филиаллари базасида (Жарқўрғон, Косонсой, Богот, Ҳазорасп, Олот, Қорақўл ва ҳ.к.) ташкил этилди. Буларнинг барчаси ип газлама ишлаб чиқаришнинг худудий мужассамлашувида ўз аксини топди.

2020 йилда тармоқда Тошкент шаҳри ва Андижон вилоятида худудий мужассамлашув даражаси олдинги йилларга нисбатан пасайди, аксинча, Наманган, Фарғона, Тошкент вилоятларида ушбу кўрсаткич анча ошди. Айни вақтда, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Хоразм, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида ип газлама ишлаб чиқарила бошланди.

Худудий мужассамлашув даражаси Наманган, Бухоро вилоятларида энг юқори, Фарғона, Тошкент ва Андижон вилоятларида ўртача кўрсаткичга эга бўлиб, қолган вилоятлар ичида Хоразм ва Сурхондарё ажралиб туради.

Республикада жун газлама ҳозирда Наманган, Фарғона ва Навоий вилоятларида ишлаб чиқарилмоқда. Самарқанд вилоятидаги камвол газлама корхонаси айрим сабабларга кўра ишлаб чиқаришни тўхтатган. Тармоқда мужассамлашув даражаси Фарғона вилоятида юқори, Наманган вилоятида ўртача, Навоий вилоятида эса паст кўрсаткичга эга. Наманган вилоятидаги «Косонсой-Текмен» ҚК да маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг камайганлиги тармоқда салбий оқибатларни келтириб чиқарган.

Ўзбекистонда гилам ва гилам маҳсулотлари нафақат табиий жундан, балки синтетик ип ва бошқа турли иплардан ҳам тўқилади. Гилам маҳсулотлари саноат усулида ҳозирда Хоразм, Тошкент, Самарқанд вилоятларида ишлаб чиқарилмоқда. Тармоқнинг энг йирик корхоналари Хоразм, Тошкент, Самарқанд вилоятларида жойлашган. Шунингдек, Навоий вилоятида ҳам гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Республикада ишлаб чиқарилаётган гилам ва гилам маҳсулотларининг фоизи табиий жун ва бошқа иплар қоришмасидан, қолган фоизи синтетик ипдан ишлаб чиқарилмоқда. Тармоқда худудий мужассамлашув Хоразм, Тошкент, Самарқанд вилоятларида юқори, Навоий вилоятида эса анча паст.

Ҳозирда Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг нотўқима материаллар тармоғида ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йиллар бошига нисбатан бироз ошди ва айни вақтда унинг худудий таркиби ҳам анча такомиллашди. Ҳозирда тармоқнинг аввалги ишлаб чиқариш районлари қаторига Фарғона, Хоразм, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон ҳам қўшилган. Шунга мос ҳолда, соҳа худудий мужассамлашув даражасида ҳам ўзгаришлар юз берди. Тармоқда худудий мужассамлашув даражаси Наманган вилоятида юқори, Фарғона ва Андижон вилоятларида ўртача, Хоразмда ўртачадан пастроқ, Самарқанд ва Қорақалпоғистонда жуда паст кўрсаткичга эга.

Мустақиллик йилларида, тўқимачилик саноатининг вилоятлар худудий ихтисослашув коэффициентида анча ўзгаришлар кузатилади. Масалан,

ип газлама саноатида ихтисослашув коэффициенти Наманган, Бухоро, ва Фаргона вилоятларида энг юқори, Тошкент, Андижон, Хоразм, Сурхондарё вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳри) ва Қорақалпоғистон Республикасида ўртача, қолган вилоятларда эса паст.

Тармоқда Тошкент шаҳрининг ҳудудий ихтисослашув коэффициентини пасайиб кетиши, энг аввало ишлаб чиқаришнинг кескин қисқариши билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, бунга мустақиллик йилларида шаҳарда саноатнинг кўплаб бошқа тармоқларини қурилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Ушбу ҳолатни, янада яққолроқ тасаввур қилиш учун республика ип газламасининг 2,7 фоизини берувчи Тошкент шаҳри ва тармоқнинг 1,7 фоиз ип газламасини таъминловчи Хоразм вилояти кўрсаткичларини таққослаш мумкин.

Ипак газлама тармоғида ҳам мустақиллик йилларида ҳудудий ихтисослашув даражаси анча ўзгариб кетди. Ушбу саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш йилдан-йилга пасайиб бориши, анъанавий ипакчилик маркази Фаргона иқтисодий районида пилла тайёрлаш ва ишлаб чиқаришнинг қисқариб кетиши билан тавсифланади. Тармоқда ҳудудий ихтисослашув коэффициенти 80-йиллар кўрсаткичидан фарқ қилади. Ҳозирда бу кўрсаткич Самарқанд вилоятида юқори, Наманган вилоятида ўрта, Фаргона вилоятида паст даражага эга.

Жун газлама саноатида ҳудудий ихтисослашув даражаси, ҳудудий мужассамлашув даражасидан биров фарқ қилади. Тармоқда ҳудудий ихтисослашув даражаси Наманган вилоятида юқори, Фарғонада ўрта, Навоий вилоятида эса паст.

Сўнги уч тўрт йил ичида нотўқима материаллар саноатида тармоқ ҳудудий таркибининг такомиллашиши сабабли соҳа ҳудудий ихтисослашув даражасида айрим ўзгаришлар кўзга ташланади. Соҳада ҳудудий ихтисослашув Наманган вилоятида энг юқорилигича қолмоқда. Ушбу кўрсаткич Фарғона ва Андижон вилоятларида ўрта, Хоразм, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида паст кўрсаткичга эга.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, вилоятларда тўқимачилик саноатининг ҳудудий мужассамлашув ва ихтисослашув даражасига қараб, уларни бир нечта гуруҳга ажратса бўлади. Масалан, ҳудудий мужассамлашув кўрсаткичи юқори бўлган гуруҳга Наманган, Фарғона ва Андижон, вилоятлари киради. Ушбу кўрсаткич Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Тошкент вилоятларида ўрта, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий вилоятларида паст.

Ҳудудий ихтисослашув даражасига кўра, ихтисослашув даражаси юқори бўлган вилоятлар – Андижон, Фарғона, Наманган, Бухоро ва Хоразм; ихтисослашув даражаси ўрта бўлган ҳудудлар – Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари; ихтисослашув даражаси паст бўлган маъмурий

бирликлар - Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Навоий вилоятлари.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирга келиб тўқимачилик саноати ҳудудий таркибида анча ижобий силжишлар кузатилмоқда. Бироқ шунга қарамай, мазкур саноат тармоқларининг ҳудудий таркибини такомиллаштиришда катта муаммолар мавжуд.

Фойдаланиган адабиётлар рўйхати

1. Юсупов У.Ш. Роль инновационных стратегий в развитии предприятий легкой промышленности Узбекистана. «Образование и воспитание молодежи – фундамент благополучия и процветания жизни» Международная научно-практическая конференция. Филиал МГУ им.М.В. Ломоносова в г.Ташкенте. 16-17 апреля 2013 г.

2. Юсупов У.Ш. Ўзбекистон енгил саноатининг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш имкониятлари. “Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциялашуви шароитида инновацион технологияларнинг долзарб муаммолари” ТТЕСИ. Республика илмий-амалий конференцияси, 2014й. 20-21 ноябрь.

3. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг йиллик ҳисоботлари.



INVESTMENT MECHANISMS FOR THE DEVELOPMENT OF COTTON-TEXTILE CLUSTERS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

M.F. Makhmudov,
PhD., Senior lecturer, TSUE
R.S. Kholikova,
PhD. Researcher, TSUE

Abstract. *This article discusses the features of the adoption and development of the cluster approach in the cotton and textile industry of the Republic of Uzbekistan. There is given a review of scientific opinions of scientists and economists from developed countries on the state and direction of cluster policy development. Some problems regarding investment policy in the formation and functioning of cotton-textile clusters are identified. Furthermore, provided recommendations on improving the investment mechanisms for the development of cotton-textile clusters in Uzbekistan.*

Keywords: *cluster, cotton-textile cluster, integration, cotton industry, added value, mechanisms, investment policy, economic mechanisms.*

Introduction. Nowadays, in our country, in several priority sectors, especially in the cotton industry, work is underway to organize production according to this method - a group of enterprises united in a single technological chain, where science, education and production are mutually integrated. In this integration, primary raw materials go through all stages of processing step by step, added value is added and turns into high quality end products.

The cluster approach is one of the ways to attract foreign investment to improve sustainable socio-economic development, create a suitable business environment and increase investment potential.

Being innovative structures with a high level of competition, clusters can provide significant opportunities for stable growth as a regional economy. As well as to other business entities, for the formation and development of clusters, the investment activity is an obligatory and essential factor stimulating the economic development of the market. In turn, clusters and clustering of industry contribute to the stabilization of the industry and increase the investment and innovation attractiveness of enterprises. At the present time, in our republic a number of initiatives are being carried out and foreign investment projects are being implemented in the framework of the program for the development of cotton-textile clusters

Research methodology. The theoretical and methodological basis of the study is the fundamental provisions of economic theory, including theoretical

generalization and analysis of the foundations of clusters; regulatory and legislative documents of state bodies of the Republic of Uzbekistan. In addition, the research was based on the works of domestic and foreign scientists on the problem of cluster formation. In the work, the principles of comparative and structural-functional analysis, the principles of the systems approach, calculation and analytical, statistical and economic methods were applied, which together made it possible to reveal the structure and analyze the cause-and-effect patterns in clusters.

Literature review. The tasks of formation and functioning, as well as the introduction of the cluster method in their management of the competitiveness of enterprises are devoted to the works of foreign scientists of economic science such as: A. Marshall [2], M. Porter [3], A. Weber, S. Rosenfeld [4], P. Krugman, D. Solier, E. Dahmen [5] and others.

The founders of the emergence of the theory of “cluster” and the most popular researchers in this area are A. Marshall and M. Porter. It is necessary to note the significant scientific works of these two academic economists in the emergence and development of the world concept of clusters.

In addition, the features, types and principles of cluster development have been widely studied by researchers from the CIS countries. Russian scientists who have deeply studied the theory of economic clusters are A.N. Oleinik, N.V. Smorodinskaya, D.D. R.I. Katukov Kapelyushnikov, E.G. Karpova, I.N. Kolosovsky, A. B. Khudkovsky, I. I. Raskin, E.V. Ivanova, Yu.V. Yaremenko. Research on the promotion of the cluster approach in the cotton-textile industry of Uzbekistan was carried out by SS Gulyamov, NM Makhmudov [6], MA Rakhmatov, S. M. Kasymov, S. Salikhov, A. Sh. Bekmuradov [7], D. K. Akhmedov, Sh. I. Mustafakulov, M. Tillyakhodzhaev, D. Kurbanova [8], D. Mirzaxhalilova [9], G. Zakhidov [10], RA Gulyaev [11], AE Lugachev, Kh.S.Usmanov and others.

The available studies, despite the great scientific and practical significance, have a fragmentary feature that manifests itself in the consideration of one or several regulatory mechanisms, which confirms the need for further research in the field of state regulation of the agricultural sector of the economy in modern conditions of inter-farm relations along the technological chain of production of finished products based on the cluster.

It should also be noted that, to this day, the aspects of textile clusters in the formation of integration and increasing the efficiency of the industry have not been deeply studied. All this testifies to the urgency of this problem and requires its solution.

Analysis and Results. Measures for improving the investment development of clusters at the regional level can be divided into four large groups:

- measures to improve the investment development of industrial enterprises;
- measures for the implementation of cluster and other network forms of production development;



- measures to activate investment processes in municipalities;
- Measures to improve the institutions of investment development in the region.

Measures to improve the investment development of industrial enterprises. They can be divided into four directions.

1. Stabilization of internal sources of investment development:

- increasing the efficiency and sustainability of regional production;
- an increase in the volume and share of investments in processing industries in the total volume of investments in the region due to the attracted sources;
- more active involvement of organizations of the banking and financial sphere in solving the problems of investment development of the region. Formation of a system of crediting of industrial enterprises that meets the requirements and demands of the regional economy. Increasing efficiency for the regional distribution economy; reproduction and stimulating functions of the loan. Development of new forms of credit for industrial enterprises.

2. Ensuring equal access for enterprises to investment sources and innovative technologies by expanding the list of projects included in the list of priority investment projects.

Foreign investors should be guaranteed comprehensive support in the implementation of projects being implemented and in resolving emerging issues.

Accordingly, one of the organizationally important functions of the state in the area of cluster policy is financing. Along with that, it should be noted that the state should become the main investor only at the initial stage of the development of the cluster.

But at the same time, it should be noted, despite the fact that this system has a number of advantages in the development of the national economy, it is necessary to carry out some measures related to investment mechanisms for its future development.

| Current mechanism | Proposed mechanism |
|--|---|
| <ul style="list-style-type: none"> • from sowing the seeds to the harvest - 10 months. • fiber production - 1-2 months. • Secondary processing - 1-2 m. • deep processing - 2-3 months. • final product output - 3-4 m. • Realization - 7-12 months. <p>Loan rate - 10-16%</p> | <ul style="list-style-type: none"> • from sowing the seeds to the harvest - 10 months. • fiber production - 1-2 months. • Secondary processing - 1-2 months. • Deep processing - 2-3 months. • final product output - 3-4 months. • Realisation - 7-12 months. <p>loan rate USA - 1,5% loan rate PRC - 2,5 % loan rate India - 5 % loan rate Kazakhstan - 1-7 %</p> |
| <p>3-3. 5 years > 12 m.</p> | <p>3-3. 5 years > 36 m.</p> <p>5%</p> |

Figure 8. Current and proposed mechanism for financing cotton-textile clusters

Currently, the country's commercial banks provide cotton-textile clusters and cooperatives with loans to finance the cost of purchasing raw cotton and harvesting cotton produced by farms and other agricultural enterprises for up to 12 months.

The current financing mechanism for cotton growing is inappropriate and unacceptable, since it does not cover the period of the full production cycle.

For example, from sowing seeds to harvesting it will take 10 months, fiber production and deep processing - 7-8 months, final product release - 3-4 months, sales - 7-12 months.

Thus, investments in the cotton industry begin to return on average after 3–3.5 years. Therefore, it is necessary to revise the financing mechanism for the cotton industry.

There is a need to revise the loan repayment period. In particular, setting this timeframe within a 3-year timeframe would be most acceptable. Since, by that period, investments aimed at the cotton industry are beginning to return.

In order to effectively implement investment strategies, first of all, attention should be paid to preventing various barriers that impede the development of clusters:

- it is necessary to revise the fiscal policy, to reduce and eliminate some types of taxes in the period up to three years from the beginning of the clusters' activity.

- to provide the subjects of the cluster with the necessary production infrastructure;

- elimination of territorial disparities in the development of cotton and textile clusters in the regions;

- creation of an information base for attracting foreign investment;

- Conducting continuous monitoring of the activities of cotton and textile clusters in order to identify the most successful clusters.

Conclusions and recommendations. Today, one of the main obstacles to the development of clusters is the lack of a unified information platform that could provide access to data. It is obvious that a potential foreign company, before investing and establishing cooperation with Uzbek partners, in our case with clusters, carefully studies its history and activities. Therefore, it is necessary to implement a number of measures, in particular, to create a unified information base (Website) of industrial cooperatives and clusters. In foreign practice, in particular, in the USA, in the EU countries there are websites: <http://www.clusterobservatory.eu/>, <https://www.clustercollaboration.eu>, <http://clustermapping.us>.

Based on the above, we can conclude that investments are the main factor and a necessary source of the formation of cotton-textile clusters. Recently, measures have been taken to increase the investment attractiveness of the industry. And the main emphasis in this is placed on attracting foreign direct investment and creating clusters with the participation of foreign partners-investors.



References

1. Message from the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev Oliy Majlis, December 29, 2020. Official website of the press service of the President of the Republic of Uzbekistan: <http://www.press-service.uz>
2. A. Marshall. Principles of Economics. In 3 volumes. -M.: Publishing group "Progress", 1993. 594 PP.
3. M.E. Porter. The Competitive Advantage of Nations. New York: Free Press, 1990. 495 pp.
4. S.A. Rosenfeld, Bringing business clusters into the mainstream of economic development // European planning studies. 1997-No5-P.3-23.
5. E. Dahmen, Entrepreneurship and the Development of Swedish Industry. Stockholm 1950.
6. N.M. Makhmudov., "Modeling of production and economic processes of cotton-processing industries." Monograph. Fan Publishing, T 1994, 184 s
7. Bekmuradov A.Sh., Yang Son Bae. Development strategy of the textile industry in Uzbekistan. Cluster approach. - T., 2006. - 247 p.;
8. Kurbanova D.M. Prospects for the formation of innovative clusters in Uzbekistan // "Market, money and credit". - 2011 - No. 1. - S. 43.;
9. Mirzakhaliyeva D.M. Increasing the competitiveness of Uzbekistan's industry based on clustering (for example, the textile industry). Diss. for a job. Cand. econom. Science
10. G.E. Zakhidov. The effectiveness of cluster organization and management in the light industry of Uzbekistan. dissertation for the degree of candidate of economic sciences. 2017
11. Gulyaev R.A., Lugachev A.E., Usmanov Kh.S. The current state of production, processing, consumption and quality of cotton products in the leading cotton-growing countries of the world. Tashkent: "Paxtasanoat ilmiy markazi" AJ, 2017, p. 171

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ОРҚАЛИ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

О.Д. Джурабаев,
Менежмент кафедраси катта ўқитувчиси
Д.Н. Тўхтамуродов,
магистр, Жиззах политехника институти

Аннотация. Мазкур мақолада иқтисодиётда диверсификация орқали юқори самарадорликка эришиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини қўллаб-қувватлаш йўналишлари ўрганилган. Тадқиқот объекти бўлган Жиззах вилоятининг кичик бизнес корхоналарида иш билан банд бўлганлар қўрсаткичларининг ўзгариши таҳлил қилинган. Миллий иқтисодиётнинг яқин истиқболда барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш йўналишлари бўйича тавсиялар илгари сурилган.

Таянч иборалар: Диверсификация, иқтисодий самара, институционал, таркибий ислохотлар, кичик бизнес ва тадбиркорлик, хусусий мулк, иш ўринлар.

Кириш. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида кейинги йилларида давлат бошқарувининг номарказлашуви, минтақалашуви, ўз-ўзини бошқариш органларининг ҳокимиятни назорат қилиши кучайиб бормоқда. Бозор муносабатлари назариясида ривожланган давлатларда маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг уч тури - англосаксон, французча ва аралаш турлари ажратилади¹²³. Улардан биринчиси АҚШ, Буюк Британия, Канада, Австралия ва Янги Зеландия учун хос бўлса, иккинчиси – Франция, Италия, Испания, Бельгия ва бир қатор Лотин Америкаси мамлакатлари учун, учинчиси эса - Германия ва Япония учун хосдир. Англосаксон турида маҳаллий органларнинг кўпроқ мустақиллиги ва уларнинг марказга камроқ бўйсунуши кузатилса, французча турида – марказий ҳукуматнинг маҳаллий органлар устидан ривожланган назорат тизими, аралаш турида эса ҳам унисининг, ҳам бунисининг уйғунлашуви кузатилади. Бунинг устига ҳар бир мамлакатда маҳаллий органларнинг катта миқдордаги хилма-хиллиги кузатилади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш, ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигига эришиш, экспорт таркиби ҳамда географиясини диверсификация қилиш, шунингдек, ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кен-

¹²³ Павлов К. Система местного управления в регионах России и опыт развитых стран. // Проблемы теории и практика управления №5. 2018 с.55-56

гайтириш орқали миллий иқтисодийёт барқарорлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар анча фаоллашди.

Тадқиқот методологияси. Олиб борилган тадқиқотлар давомида эмпирик усуллар, илмий кузатув, сўров, эксперт баҳолаш усулидан ифойдаланилган.

Тадқиқот натижалари. Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш бўйича қатор қонулар, фармон ва қарорлар, пухта ўйланган дастурлар қабул қилинди ва улар изчил амалга ошириб келинмоқда. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармонда иқтисодийётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш мақсадида давлат мулкни хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш белгиланган.

Мазкур фармонда келтирилганидек¹²⁴: “...мамлакатимизда модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида иқтисодийётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида миллий иқтисодийётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш масаласи туради” деб белгиланган.

Иқтисодий самарага эришиш мақсадида диверсификация ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини кенгайтириш ва бозор талабига мослашган ҳолда банкротликнинг олдини олиш демақдир. Диверсификация (лотинча “diversificatio” - “ўзгариш”, “хилма-хил”, “тараққийёт” маъносини англатади) корхона (бирлашма)ларнинг фаолияти соҳалари турларининг кенгайиши, янгилаб турилишидир. Хорижий Фойдаланиган адабиётлар рўйхатида диверсификация атамаси XX асрнинг 50-60 йилларида пайдо бўлган. Илк бора Принстон университети профессори Горт (1962 йил) томонидан Америка саноати ривожига диверсификация ва бунда учрайдиган муаммолар илмий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Назарий жиҳатдан “Маҳсулотлар диверсификацияси – бу бозорнинг истиқболдаги ривожланиш тактикаси бўлиб, истеъмолчиларга маҳсулотларни тақдим этишнинг инновацион шакли ҳисобланади. Шу боис, у бозорга кенг

¹²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармонининг 1-илоvasи.

ассортиментдаги товар ва хизматларни тақдим этишга хизмат қилади” деб таъриф бериш мақсадга мувофиқ.

Диверсификация атамасига америкалик иқтисодчилар С.Фишернинг таърифлашича,¹²⁵³ “...таваккалчиликни бир нечта активларга тақсимлаш орқали унинг даражасини пасайтиришга йўналтирилган стратегия”. Мазкур атама иқтисодчиси Ж.Жалолов¹²⁶⁴ “Бевосята бир-бири билан боғланмаган кўплаб ишлаб чиқаришларнинг бир вақтдаги ривожланиши ва корхона фаолиятининг диверсификациялашувига эса, иш фаолиятида ўзаро бевосята боғланмаган бир нечта ишлаб чиқариш турларининг ривожланиши ёки корхона таркибига янги тармоқнинг киритилиши” деб ифодалайди. Демак иқтисодиётда диверсификация орқали юқори самарадорликка эришиш, иқтисодий фойда олиш, банкротликка барҳам бериш ва бошқа мақсадларда амалга оширилади.

Таҳлиллар. Илгари бир соҳада ихтисослашган фирмаларнинг (саноат, қ.х., транспорт, молия ва ҳ. к.) бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари, хизмат кўрсатиш соҳаларига, биринчи навбатда, юқори фойда берадиган соҳаларга кириб бориши уларнинг хўжалик фаолияти соҳалари ва имкониятларини кенгайтиради. Диверсификация натижасида турли-туман товарлар ишлаб чиқарадиган, хизмат кўрсатадиган ва ишланмалар билан банд бўлган кенг тармоқди, аммо ҳаммиша ҳам технологик жиҳатдан ўзаро боғланмаган мажмуалар (масалан, агросаноат мажмуи, ўрмон саноат мажмуи) вужудга келади ва бу ишлаб чиқариш диверсификациясидир.

Бундан ташқари унинг кредит диверсификация кўриниши ҳам бор (бунда кредит сифатида бериладиган капитал маблағлар хавф-хатарни камайтириш ва юқори фойда олиш мақсадида турли-туман объектлар ўртасида тақсимланади). Бундай диверсификация тармоқлараро капитал концентрацияси жараёни ва корхоналараро ички беқарорликнинг кучайиши билан боғлиқ.

Бу борада Жиззах вилоятида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш натижасида кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарининг ривожланиши орқали иш билан бандликнинг ўзгариши таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Вилоятда 40,0 минг атрофида кичик ва хусусий корхоналар мавжуд бўлиб, уларда 488,8 минг киши меҳнат қилмоқда. Тармоқлар бўйича уларнинг шаклланишига эътибор қаратилса, уларнинг аксарият қисми савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасига тегишли, 35,5 % атрофдагиси эса қишлоқ хўжалиги соҳасидаги корхоналар ҳисобланади (1-жадвал).

1-жадвал маълумотлари кўрсатадики, Жиззах вилоятида ҳисобот даврида кичик бизнес корхоналарининг сони аҳамиятли даражада ортиб боради. Хусусий мулк ва тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйи-

¹²⁵ Фишер С. Экономика: Пер. с англ. / Стенли Фишер, Рудигер Дорнбуш, Ричард Шмалензи; Общ. ред. и предисл. Г. Г. Сапова; Акад. нар. хоз-ва при Правительстве Рос. Федерации. – М.: Дело, 2002 № 2. - 209 с.

¹²⁶ Жалолов Ж.Ж., Аҳмедов И.А., Ақрамов Т.А., Нематов И.У. Ташқи иқтисодий фаолият асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2011. – 176 б.

ча чора-тадбирларнинг амалга оширилиши 2019 йилда 1100 га яқин корхоналар ташкил қилинишига туртки бўлди. Кичик бизнеснинг вилоят ялпи ички маҳсулотидаги ҳиссаси 52,2 % гача, саноатда 38,5 % гача ошди. Кичик тадбиркорликда янгидан яратилган иш ўринлари сони таҳлил даврида 124,0 % гача ортиб борган.

I-жадвал

Жиззах вилоятида кичик бизнес корхоналарида иш билан банд бўлганлар кўрсаткичлари ўзгариши¹²⁷⁵

| Кўрсаткичлар | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2020 й. | 2020 йилда 2015 йилга нисб. % |
|---|---------|---------|---------|---------|---------|-------------------------------|
| Рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналари сони, минг бирлик | 1200 | 1542 | 1776 | 2319 | 3326 | 277,1 |
| Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар сони, минг киши | 360,6 | 373,7 | 354,5 | 376,3 | 488,8 | 136,0 |
| Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганларнинг умумий бандлар сонидаги улуши, % | 81,6 | 82,1 | 75,7 | 77,6 | 79,2 | 97,1 |
| Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИИМдаги солиштирма салмоғи, % жами | 30,5 | 38,0 | 40,2 | 44,3 | 52,2 | 171,1 |
| шу жумладан: | | | | | | |
| Кичик корхона ва микрофирмалар, % | 20,4 | 19,8 | 28,5 | 32,5 | 34,5 | 169,1 |
| Якка тадбиркорлик, % | 10,1 | 18,2 | 12,0 | 11,8 | 17,7 | 175,2 |
| Кичик тадбиркорликда янгидан яратилган иш ўринлари сони, минг бирлик | 132,5 | 146,9 | 137,8 | 159,6 | 163,8 | 124,0 |

Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш бўйича қатор қонунлар, фармон ва қарорлар, пухта ўйланган дастурлар қабул қилинди ва улар изчил амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида келтирилганидек: “...мамлакатимизда модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида иқтисодийetni ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида миллий иқтисодийетнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш масаласи туради” деб белгиланган¹²⁸⁶.

¹²⁷ Жиззах вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

¹²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Хулоса ва таклифлар. Миллий иқтисодийнинг барқарор ривожланишини таъминлаш борасида сўнгги йилларда мамлакатимиз ҳукумати томонидан амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар иқтисодий ўсишнинг барқарор пойдевори сифатида хизмат қилмоқда. Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ҳисобига, миллий иқтисодийнинг яқин истиқболда барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлашда куйидаги йўналишлар бўйича чора-тадбирларни янада фаоллаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

– миллий иқтисодий тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш ишларини янада фаол давом эттириш;

– саноатда юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотлар турини кенгайтириш ва сифат жиҳатидан рақобатбардошлик даражасини ошириш;

– инсон капиталига инвестициялар киритишни фаоллаштириш орқали истиқболда илмий сиғими юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш;

– иқтисодий тармоқларида фаолият юритувчи корхоналарнинг экспорт ва импорт тузилмасини, уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш ҳамда экспорт таркибини диверсификациялашга қаратилган чора-тадбирларни фаоллаштириш;

– фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш орқали муҳим стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек хорижий капитални аввало моддий экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришга жалб этиш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарнинг хомашё, ахборот ва инновацион технологиялардан эркин ва тўсиқларсиз фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотиш тизимини такомиллаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Павлов К. Система местного управления в регионах России и опыт развитых стран // Проблемы теории и практика управления №5. 2018 с.55-56

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармониининг 1-илоvasи.

3. Фишер С. Экономика: Пер. с англ. / Стенли Фишер, Рудигер Дорнбуш, Ричард Шмалензи; Общ. ред. и предисл. Г. Г. Сапова; Акад. нар. хоз-ва при Правительстве Рос. Федерации. – М.: Дело, 2002. № 2. - 209 с.

4. Жалолов Ж.Ж., Аҳмедов И.А., Аҳрамов Т.А., Нематов И.У. Ташқи иқтисодий фаолият асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодий, 2011. – 176 б.

5. Жиззах вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари

САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШДА ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ЯРАТИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Г.Ғ. Умарова,
PhD, и.ф.н.,

Тармоқлар иқтисодиёти кафедраси доценти, ТДИУ

Аннотация. мазкур мақолада Ўзбекистоннинг етакчи саноат тармоқларини стратегик ривожлантиришида қулай инвестиция муҳитини яратиши масалалари таҳлил қилинган. Қулай ва фаровон инвестиция муҳитини шакллантириши, инвестиция фаолиятини рағбатлантириши ва такомиллаштириши бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Таянч иборалар: қулай ва фаровон инвестиция муҳити, хорижий инвестициялар, маҳсулот, салоҳият, қўшма корхона, маҳсулот ишлаб чиқариши ҳажми, юқори қўшилган қиймат, қайта ишлаш, модернизация, диверсификация.

Аннотация. в настоящей статье были анализированы вопросы для создания благоприятного инвестиционного климата для стратегического развития лидирующих отраслей промышленности Узбекистана. В статье даны предложения и рекомендации по совершенствованию и мотивации инвестиционной деятельности, формированию инвестиционного климата, направлению деятельности как регулирующее звено привлечения зарубежных инвестиций.

Ключевые слова: благоприятный инвестиционный климат, зарубежные инвестиции, продукция, потенциал, совместное предприятие, производственные мощности, высокая добавленная стоимость, переработка, модернизация, диверсификация.

Abstract: this article analyzes the issues of creating a favorable investment climate for the strategic development of the industry. As an important regulatory support for attracting foreign investment, proposals were made on the activities of industry, the image of the industry, the formation of a favorable and prosperous investment climate, the promotion and improvement of investment activities.

Key words: comfortable investment environment, foreign investment, product, potential, joint venture, product production capacity, high added value, processing, modernization, diversification.

Қирриш. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб босқичма-босқич амалга оширилган иқтисодий ва институционал ислохотлар жараёнида бозор тамойиллари талабларига мос инвестиция сиёсати юритилди ва хорижий сармоядорлар учун қулай инвестиция муҳити яратилди. Буларнинг барчаси

миллий иқтисодиёт тармоқларига инвестициялар жалб этиш ҳамда инвестицион фаолиятнинг сезиларли даражада фаоллашувига имкон берди.

Давлатимизнинг тизимли саноат сиёсати миллий иқтисодиётимизни диверсификация ва модернизация қилишга ҳамда унинг рақобатбардошлигини кўтаришга, етакчи тармоқларни ривожлантиришни қўллаб-қуватлашга, уларга инвестицияларни фаол жалб этишга, жумладан, маҳаллий хомашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш ҳисобига экспорт салоҳиятини ўстиришга ҳам қаратилгандир.

Мазкур масала бўйича Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўз нутқларида: “Биз фақат инвестицияларни фаол жалб этиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади”, деб таъкидлайдилар.

Тадқиқот методологияси: Инвестициялар, инвестиция ресурслари ва уларни бошқариш муаммолари бир қатор хорижлик ҳамда республикамиз олимлари илмий ишларида тадқиқ этилган. Жумладан, Г.Александр, Дж. Бейли, В.Г. Золотогоров, А.В.Мертенс, Л.И.Павлова, Л.Н.Павлова, Ф.С.Тумусов, У.Шарп каби олимлар ишларини алоҳида қайд этиш мумкин. Ушбу тадқиқот ишларида ривожланаётган ва ҳатто, ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда ҳам инвестицияларни жалб этиш доимий равишда кенгайтириб борилмаса, иқтисодий ўсишни таъминлашга эришиб бўлмаслигини асослаб берганлар.

Охириги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар тобора чуқурлашиб, миллий иқтисодиётнинг турли соҳа ҳамда тармоқларида туб сифат ва миқдор ўзгаришлари содир бўлмоқда. Бу макроиқтисодий барқарорлик, барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари ва аҳоли турмуш даражасининг ошишида яққол намоён бўлмоқда. Мазкур ижобий ўзгаришларда инвестицияларнинг аҳамияти беқиёс. Давлат инвестиция дастурларини амалга оширишда Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар киритиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди.

Пандемия даврида мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислохотларининг ҳозирги босқичида инвестиция сиёсати иқтисодиётдаги барқарорлик, таркибий ва сифат ўзгаришларини белгиловчи муҳим омил бўлмоқда. Изчил инвестиция сиёсати юртимизда хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун қулай ҳамда ҳар томонлама имтиёзли инвестиция муҳитини яратиш имконини берди.



Иқтисодий илм-фан ва амалиётда инвестициялардан оқилона фойдаланиш шартларини мажмуавий таҳлил қилиш учун «инвестиция муҳити» тушунчаси қўлланилади. Инвестиция муҳити сармойани самарали қўйиш учун янги имкониятлар ва рағбатларни шакллантиради. Бошқача қилиб айтганда, қулай инвестиция муҳити яратилиши корхоналар учун даромадлар ўсиши ва харажатлар ҳамда рисклар камайишини таъминлайди. Натижада, қулай инвестиция муҳити яратилиши туфайли меҳнат унумдорлигининг ўсиши, инновацияларни татбиқ қилиш, сифат ва маҳсулот рақобатбардошлиги, аҳоли бандлигини кўтариш, турли даражадаги бюджетга солиқ тўловларини ошириш таъминланади.

Ривожланган давлатлар 65 фоиз, ривожланиб келаётган давлатлар эса 35 фоиз тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни киритишга эришмоқдалар. Саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқлари учун ички бозорнинг ҳажми ва ўсиши инвестиция қарорларини қабул қилишда асосий омиллар ҳисобланади. Бизнинг назаримизда, Ўзбекистон, энг аввало, ўзининг ҳудудида иқтисодийни модернизациялаш ва рақобатбардошликни кўтаришга замин бўладиган янги қувватлар ва ишлаб чиқаришни яратишдан манфаатдор бўлмоқда.


Тадқиқот натижалари. Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб этишда инвестиция лойиҳаларини молиялашга қўшимча манба сифатида қаралиши лозим. Хорижий инвестициялар маҳаллий инвестицияларни тўлдириши мумкин, бироқ уларнинг ўрнини босолмайди. Ички манбаларни излаш маҳаллий корхоналарнинг инвестиция фаолиятини фаоллаштиришда устувор вазифа ҳисобланади.

Фикримизча, инвестиция фаолиятини давлат томонидан самарали тартибланишнинг заруратидан келиб чиқиб, мамлакат, ҳудуд, тармоқларнинг инвестиция муҳитини мажмуавий ва кўп даражали таҳлилини доимий равишда ўтказиб туриш лозим. Ҳар қандай хўжалик тизимининг инвестиция муҳити доимо ижобий ёки салбий томонга, айниқса, ўтиш даври иқтисодийётида ўзгариб турадиган фавқулоддаги ҳолат ҳисобланади.

Шу сабабли, инвестиция муҳитининг доимий мониторингига зарурат туғилади. Яъни, мамлакат ва унинг ҳудудларида мониторинг тизимини минтақалар ва тармоқлар даражасида мунтазам ўтказиб туриш мақсадга мувофиқдир. Бу эса, республика инвестиция сиёсати самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шуларни инобатга олиб, мамлакатда иқтисодий ислохотлар жараёнида шакланган инвестиция сиёсати ва уни амалга ошириш механизмларини таҳлил қиламиз. Шунга кўра, инвестиция муҳити мониторингининг беш поғонали моделини таклиф этамиз (1-расм).

Хўжалик субъектлари даражасидаги инвестиция муҳити яратилиши инвестиция фаолигини кўрсатувчи макроиқтисодий омиллардан бири сифатида тавсифланади. Инвестиция муҳитининг ушбу ўзига хос аҳамиятини

хисобга олиб, унинг бошқарувини ташкил этиш зарур. Худудий инвестиция сиёсати инвестиция муҳитига бошқариш омиллари орқали таъсир этиши инвестициялаш шартларининг сифатини яхшилашга туртки бўлади. Мамлакат ва худудий инвестиция муҳитини бошқариш ҳуқуқий, маъмурий, ташкилий, молиявий, иқтисодий воситалар ёрдамида амалга оширилади. 2-расмда худудий инвестиция муҳитини бошқариш тамойиллари тақдим этилган.



1-расм. Кўп поғонали инвестиция муҳитининг мониторингини ташкил этиш тизими

* Манба: муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

| <i>Uktamov H.F.</i> | Scientific and theoretical approaches to the concept of economic sustainability of enterprises..... | 232 |
| <i>Хашиมหоджаев Ш.И.</i> | К вопросу о роли применения цифровых технологий при подготовке квалифицированных специалистов в сфере высшего образования..... | 235 |
| <i>Набиева Н.Н.</i> | Основные проблемы транспортной логистики в Узбекистане и за рубежом..... | 242 |
| <i>Akbarova S. Sh.</i> | Ta'limni raqamlashtirish davrida talabalarni mustaqil ta'limini tashkil qilish..... | 246 |
| <i>Rakhmanova M.B. Yaxoyeva G.B.</i> | Prospects of digitalization of education in Uzbekistan..... O'quv jarayonida bo'lajak mutaxassislarni innovatsion faoliyatga tayyorlashda zamonaviy texnologiyalardan foydalanish samaradorligi va o'zini rivojlantirishning tarkibiy va mazmunli xususiyatlari..... | 250 255 |
| <i>Каюмова М.Ш.</i> | Бўлажак мутахассисларни инновацион фаолиятга тайёрлашда корпоратив маданият ва ғоявий иммунитетни шакллантириш..... | 259 |
| <i>Хашимова Д.П., Пилипенко Е.Ф.</i> | Анализ особенностей цифровизации маркетинговой деятельности предприятия..... | 262 |
| <i>Максумова М.Ш.</i> | Интегратив ёндашув асосида бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялар ва воситалардан фойдаланиб интерфаол таълим тизимини ташкил этиш..... | 267 |

| | | |
|---|--|-----|
| <i>Ш.Э. Мамаражабов</i> | Кредит таълим шароитида бўлажак мутахассисларнинг умумқасбий компетенциясини дифференциал таълим асосида такомиллаштириш имкониятлари..... | 270 |
| <i>Mamarajabov Sh.E., Muhiddinov O.H.</i> | Raqamlashtirish sharoitida bo'lajak mutaxassislarda tadbirkorlikka oid ko'nikmalarni shakllantirish yo'llari..... | 273 |
| <i>Маматқулова М. Махмудова Ф.Х.</i> | Ёш авлоднинг дунёқарашини шакллантириш..... | 275 |
| <i>Ахмедов Ш.Ш.</i> | Бўлажак мутахассисларни инновацион фаолиятга тайёрлашда коммуникация усулларининг ўрни..... | 279 |
| <i>Мусаханова Г.</i> | Анализ и тенденции обеспечения продовольственной безопасности в Узбекистане..... | 282 |
| <i>Н.Х. Лутфуллаева</i> | Бўлажак мутахассисларни инновацион фаолиятга тайёрлашда кредит-модуль тизими ва унда талабалар мустақил фаолиятининг ўрни | 285 |
| <i>Очилова Г.О., Рузметов Б.Р.</i> | Таълим жараёнини ташкил этишдаги психологик назарияларнинг моҳияти | 289 |
| <i>Расулова Ф.Ф. Yakubova U.Sh.</i> | Бўлажак мутахассислар инновацион фаолигини ва мустақил таълимни ривожлантиришда ахборот маданиятининг аҳамияти..... | 295 |
| <i>Саидакбаров Х.А.</i> | Ўқувчиларда мустақил фикрлашни шакллантириш..... | 299 |
| <i>Холмухамедова Н.С.</i> | Transportation problem and its solution by the method of potentials..... | 303 |
| <i>Саидакбаров Х.А., Рузметов Б.Р.</i> | Рақамли иқтисодиёт шароитида бўлажак иқтисодчиларнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги касбий компетентлигини шакллантириш мезонлари..... | 308 |
| <i>Хашимов А.А.</i> | Пахтачилик ва тўққимачилик корхоналарида инновацион кластер тизимини ишлаб чиқиш ва қўллаш..... | 311 |
| <i>Саидакбаров Х.А., Рузметов Б.Р.</i> | Профессионал таълимда бўлажак мутахассисларни касбий компетентлигини шакллантиришда ахборот хавфсизлигини таъминлашга ўргатишнинг зарурияти ва аҳамияти..... | 314 |
| <i>Xoshbakov B.A.</i> | Ўzbekiston iqtisodiyotida logistikani raqamlashtirish masalalari..... | 318 |
| <i>Отабоев Н.О., Авокулова С.С.</i> | Эффективность использования современных технологий при подготовке будущих специалистов к инновационной деятельности в условиях цифровизации экономики..... | 323 |
| <i>Темиров О.С.</i> | Биржа савдоларини такомиллаштиришдаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари.. | 329 |
| <i>Миралиева Д.Т.</i> | Таълим тизимида инновацион технологияларнинг ўрни..... | 334 |
| <i>Хашимова Д.П., Пилитенко Е.Ф.</i> | Особенности интеграции информационных систем в условиях формирования цифровой экономики..... | 337 |
| <i>Мирзаахмедов Д.М.</i> | Методы принятия управленческих решений в многоуровневых, распределенных системах..... | 340 |

| | | |
|---|--|-----|
| Файзуллаева Н.С., Каримова З. | Рақамлашган иқтисодиёт шароитида талабаларда тадбиркорлик компетентлигини шакллантириш..... | 345 |
| Bazarova U.M. | Spiritual and moral education of students in the use of technology in the preparation of future professionals for innovative activities in foreign language classes..... | 348 |
| Файзуллаева Н.С., Насриддинов Х. | Бўлажак иқтисодчиларда касбий ижодкорликни ривожлантириш технологияси | 351 |
| N.S. Fayzullayeva | Bo'lajak mutaxassislarni kasbiy faoliyatga tayyorlashda raqamli ta'lim muhitining xususiyatlari..... | 353 |
| Хакимова М.Ф., Азизова М.Х., Садриддинова Д. Ш. | Бўлажак мутахассисларни инновацион фаолиятга тайёрлаш – педагогик муаммо сифатида..... | 356 |
| Мусаева З. А. Хакимова М.Ф., Жўраев Э. Ғ., Умарова М.С. | Факты о бедности в мире..... | 360 |
| Файзиёв Ж.А., Нурманов М.Ш. Юсупова Г.Р. | Тизимли ёндашув асосида бўлажак мутахассиснинг касбий-инновацион фаолиятини такомиллаштириш..... | 363 |
| Maxturov A.Sh. | Автоморфизмы aw^* -алгебр | 367 |
| Рахимов А.Т. | Кичик мактаб ўқувчиларида ижтимоийлашишни ўрганиш..... | 370 |
| Мамадияров З.Т. | Raqamli texnologiyalar asosida qurilayotgan "aqli qishloq xo'jaligi" ning bugungi kundagi o'rti va ahamiyati | 375 |
| Эргашева Д.Д. | Движения жидкости в канале с одним притоком, имеющий особенность..... | 380 |
| Абидов А.А. Азимов Д.Т., Маннанова Ш.Г. | Банкларни рақамли трансформация қилиш шароитида масофавий банк хизматларини илғор хориж тажриба асосида такомиллаштириш..... | 389 |
| Вафоев Б.Р. | Инновационное мышление в управлении образованием..... | 393 |
| Мирзаахмедов Д.М. | Камбағаллик кўрсаткичлари динамикаси..... | 396 |
| Mirzaeva M.N. | Транспорт тизимларини янги технологик усулда рақамли трансформацияси..... | 403 |
| Mirzakarimova M.M. Абидов А.А., Нурсаидов Н.Я. Abdulakhatov M.M., Avlokulova S.S. | Рақамли трансформация – мамлакатимиз спортини ривожлантириш омили сифатида..... | 407 |
| | Интеллектуал энергия тизимларини режимларини мониторинг қилишда ва бошқаришда ахборот оқимларини қайта ишлаш..... | 414 |
| | Development of professional competence of students of technical university formation of professionals of engineers..... | 420 |
| | Distance learning systems and prospects in Uzbekistan..... | 422 |
| | Ўқитувчи ўрнига сунъий интеллект..... | 428 |
| | Technology of search organization in virtual e-shops with image recognition | 432 |

| | |
|--|---|
| Парниева Р.А., Норбоева Н. Э. | Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида замонавий таълим ва рақамли технологиялардан фойдаланиш истиқболлари 435 |
| Туйчибоев Н. С. | Компаниялар бошқарув жараёнларида қўлланилаётган ахборот-коммуникациялар технологияларининг таҳлили 440 |
| Mannanova Sh.G., Shoakhmedova N.X. | Raqamli iqtisodiyotni rivojlanish tendensiyalari 445 |
| Bekmatov D.Sh. | Tengsizliklarni isbotlashning zamonaviy usullari 450 |
| Fayziyev J.A. | Maksimum va minimumga oid geometrik masalalar 454 |
| Mirxodjayeva N.Sh. | Ko'p o'zgaruvchanli funktsiyaning iqtisoddagi tatbiqi 458 |
| Nurmanov M.Sh., Fayziyev J.A. | Iqtisodiyotda differensial hisobning qo'llanilishi 461 |
| Nurmanov M.Sh., Fayziyev J.A. | Aniq integralning amaliy tadbirlari 464 |
| Omonov A.T. | Korxonada vositalaridan optimal foydalanish masalasi 468 |
| Qurbonov O.T. | Karrali xarakteristikali toq tartibli tenglama uchun bir chegaraviy masala haqida 470 |
| Saidova M. Y. | Kombinatorika elementlari 472 |
| Hasanova Z.T. | Noma'lum parametrlarni interval baholash 476 |
| Karimov J.K., Kuziyeva F.J., Kuziyeva Z.J. | Raqamli iqtisodiyotga o'tish sharoitida bank tizimni rivojlantirishning istiqbolli yo'nalishlari 483 |
| To'rabekov F.S., Sharipov B.D. | Professional ta'lim rivoji yetuk mutaxassis kadrlarga bog'liq 487 |
| Mamarajabov Sh.E., Umarova M.Yu. | Differensial ta'lim yangi o'zbekistonda shaxsni shakllantirish omili sifatida 490 |
| Файзуллаева Н.С., Нурматова Д. | Инновацион таълимий муҳит шароитида компетенцияли ёндашув 492 |
| Бегматов Д.И. | Иқтисодиёт ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли 495 |

KIRISH

Bugungi kunda O‘zbekiston sharoitida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning qonuniyatlari, tendensiyalari va imkoniyatlarini, xususan, zamonaviy axborot texnologiyalarining iqtisodiyotning turli sohalariga kirib borish darajalarini ilmiy asosda o‘rganish nihoyatda dolzarb ahamiyat kasb etadi. Vatanimiz taraqqiyoti va istiqboli, mamlakatimizda keng ko‘lamda amalga oshirilayotgan islohotlarning muvaffaqiyati milliy iqtisodiyotimizga yangi innovasiyalarni joriy qilishga bevosita bog‘liqdir. Shu sababli raqamli iqtisodiyotni takomillashtirish, uning iqtisodiy, siyosiy, ijtimoiy va huquqiy asoslarini ilmiy-amaliy jihatdan tadqiq etish muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Mamlakatimizda ilm-ma‘rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish, ya‘ni yaqin kelajakda aholi, ayniqsa, yoshlarning intellektual salohiyatini yuksaltirish va axborot-kommunikasiya texnologiyalari sohasini qo‘llab-quvvatlash davlat siyosatining ustuvor masalalaridan biri bo‘lib qolishidan dalolat beradi. O‘zbekistonning yaqin istiqboldagi taraqqiyot rejasidan elektron hukumatga doir elementlarni tatbiq etish va raqamli iqtisodiyotni qo‘llab-quvvatlash mustahkam o‘rin olgan.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2020 yil 24 yanvarda Oliy Majlisga yo‘llagan Murojaatnomasida “Iqtisodiyotning barcha sohalarini raqamli texnologiyalar asosida yangilashni nazarda tutadigan “Raqamli O‘zbekiston – 2030” dasturini ishlab chiqishni ikki oy muddatda yakunlash va hayotga tatbiq etish, yalpi ichki mahsulotda raqamli iqtisodiyotning ulushini kamida 30 foizga o‘stirish va shu orqali korrupsiyani keskin kamaytirish, joriy yilda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo‘yicha tub burilish qilish, ilm-ma‘rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish borasida amalga oshirilayotgan ishlarni yanada jadallashtirish hamda mazkur soha uchun yuqori malakali mutaxassislar tayyorlash maqsadida xorijiy hamkorlarimiz bilan birgalikda “1 million dasturchi” loyihasini amalga oshirish” kabi muhim vazifalar belgilab berildi.

Milliy iqtisodiyotning raqamli sektorini rivojlantirish masalasi O‘zbekistonda davlat darajasiga ko‘tarilgan bo‘lib, bu borada keng ko‘lamli chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Xususan, elektron hujjat aylanishi

tizimlari joriy etilmoqda, elektron to'lovlar rivojlantirilmoqda va elektron tijorat sohasida yaratilgan normativ-huquqiy baza takomillashtirilmoqda. Shu bilan birga, axborot-texnologik platformalarda faoliyat ko'rsatayotgan raqamli iqtisodiyot jadal rivojlanmoqda. Bu esa shunday platformalarning yangi modellarini yaratish zaruratini taqozo etmoqda.

Qolaversa, axborot-kommunikasiya texnologiyalari va telekommunikasiyalar sohasida milliy raqamli iqtisodiyotni jadal rivojlantirish, "Elektron hukumat" tizimini yanada rivojlantirish, elektron tijoratni rivojlantirishni jadallashtirish uchun shart-sharoitlar yaratish, iqtisodiyot tarmoqlari va kundalik hayotda blokcheyn va boshqa zamonaviy internet-texnologiyalarni joriy etish, ko'rsatiladigan xizmatlar turlarini kengaytirish, dasturlashtirish va outsorsing bo'yicha xizmatlarni rivojlantirish uchun shart-sharoitlarni yaxshilash muhim ahamiyat kasb etadi.

Ushbu to'plamda fan va texnologiyalar taraqqiyotining o'zaro muvofiqlashtirish, bo'lajak kadrlarni innovatsion faoliyatga tayyorlash, fan bilan ishlab chiqarish o'rtasidagi aloqalarni kengaytirish, mamlakat iqtisodiyotini raqamlashtirish asosida rivojlantirish masalalari har tomonlama yoritilgan.



ANJUMAN YALPI YIG'ILISHI MA'RUZALARI



ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Б.А. Бегалов,
и.ф.д., проф., Давлат статистика қўмитаси раиси
О.Т. Мамадалиев,
Давлат статистика қўмитаси бошқарма боши,
мустақил изланувчи, ТДИУ

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида миллий статистика тизими фаолиятини такомиллаштириши борасида сўнги йилларда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинган, тизимнинг янада ривожланиши юзасидан истиқболли йўналишлар ва уларни амалга ошириши борасидаги устувор вазифалар ёритиб берилган.

Таянч иборалар: Миллий статистика тизими, расмий статистика, Статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси, очиқ маълумотлар, статистика салоҳияти индекси.

Аннотация: В данной статье обобщается работа, проделанная за последние годы по совершенствованию национальной статистической системы в Республике Узбекистан, а также освещены перспективы дальнейшего развития системы и приоритетные направления их реализации.

Ключевые слова: Национальная статистическая система, официальная статистика, Стратегия развития национальной статистики, открытые данные, индекс статистического потенциала.

Abstract: This article summarizes the work done in recent years to improve the national statistical system in the Republic of Uzbekistan, as well as highlights the prospects for the further development of the system and the priority areas for their implementation.

Keywords: National statistical system, official statistics, National strategy for development statistics, open data, statistical capacity index.

Қирш.

Мамлакатимиз тараққитининг замонавий босқичида янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида олиб борилаётган кенг қўламаи ислохотлар доирасида сўнги йилларда миллий статистика соҳасини ривожлантириш юзасидан ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ҳаракатлар стратегияси доирасида соҳани ислоҳ қилиш, амалётга халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий этиш ва, энг асосийси, статистик маълумотларнинг ишончлилиги, шаффофлиги ва очиқлигини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор Фармон, қарор ва фармойишлари ҳамда

уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Булар асосида соҳада сўнги 4 йилда давомида амалга оширилган ислохотлар натижалари кенг жамоатчилик, шу жумладан халқаро статистика ҳамжамияти ва халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда.

Соҳада амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижадорлиги.

Умуман олганда, мамлакатимизда миллий статистика тизимини тараққий эттириш ва унинг фаолиятини халқаро андозаларга мослаштириш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилиб, бугунги кунда ўз самарасини кўрсатмоқда. Жумладан,

Биринчидан, статистика соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Халқаро амалиёт ва илғор хорижий тажрибаларга таянган ҳолда соҳанинг асосий ҳужжати – Қонуни такомиллаштирилди. Натижада, бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган “Расмий статистика тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 2021 йил 11 августда қабул қилинди.

Соҳа қонунчилигида, 2020 йил 16 мартда қабул қилинган “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳам муҳим аҳамият касб этади ва мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш ва унинг тизимли амалга оширилишини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий пойдеворини яратади.

Асосий табдир 2023 йилга белгиланган, шу билан бирга, 2021 йилнинг ноябрь ойида республиканинг 4 та ҳудудида синов тариқасида ялпи аҳолини рўйхатга олиш ўтказилиши режалаштирилган. Умуман олганда, мазкур тадбирни ўтказиш якунида мамлакатимизда аҳоли ва унинг турмуш тарзига доир муҳим социал кўрсаткичларни аниқлаб олиш имкониятига эга бўлинади.

Яна бир муҳим ҳужжат бу – “2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегияси”. Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796 сонли қарори билан тасдиқланган.

Маълумот учун: “Статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси”ни қабул қилишнинг муҳим аҳамияти, нафақат миллий статистика идораларини, балки мамлакат миқёсидаги барча статистика маълумотларини ишлаб чиқарувчилар фаолиятини инobatга олган ҳолда, чамбарчас боғлиқликда ривожлантиришга қаратилганлигидадир.

Иккинчидан, асосий эътибор халқаро андозалар ва илғор хорижий тажрибаларни ўрганган ҳолда статистик методологияни такомиллаштиришга қаратилди.

Хусусан, бугунги кунда умумий ҳисобда 200 дан зиёд статистик услубиётлар мавжуд бўлиб, шулардан 111 таси сўнгги 4 йилда, шу жумладан 11 таси 2021 йилнинг ўтган даврида янги қабул қилиниб, амалиётга жорий этилган. Бундан ташқари, сўнгги 4 йил ичида 26 та, 2021 йилнинг ўтган даврида эса 6 та статистик услубиёт такомиллаштирилган.

Ўзбекистоннинг 2021 йил маълумотлари бўйича халқаро таққослашлар дастурида иштирокини таъминлаш ва натижалари асосида миллий валютанинг харид қобилияти паритетини аниқлаш масаласида муҳим кадам қўйилди. Ҳозирда мамлакатимиз мазкур тадбирда иштирок этмоқда.

Маълумот учун: Халқаро таққослашлар дастури 5 йиллик раундларда амалга оширилади ва унда йил давомида умумбелгилаб олинган товарлар ва хизматлар рўйхати асосида дастурда иштирок этувчи давлатлар томонидан ўтказилган кузатув натижалари ёрдамида миллий валютанинг харид қобилияти паритети аниқланади. Мазкур дастурларни мувофиқлаштириб боришилари ҳудудий халқаро ташиқлотлар, хусусан МДХ ҳудудида МДХ Давлатларо статистика қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тавсия этилган “Миллий ҳисоблар тизими-2008” талабларини амалиётга тўлиқ жорий этиш юзасидан зарур тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Учинчидан, тизимда фойдаланувчилар эҳтиёжларини қондириш борасида очиқлик ва шаффофлик тамойилларига риоя этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Мазкур йўналишда сўнгги 4 йилда статистика соҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган қатор қарор ва фармойишлар туб бурилиш даврини бошлаб берди.

Жумладан, одатий жадвал кўринишида тақдим этиладиган статистик маълумотлардан ташқари пресс-релизлар кўринишида таҳлилий-статистик маълумотларни тайёрлаш ва тарқатиш амалиёти жорий этилди.

Халқаро андозалар ва илғор хорижий тажрибаларни чуқур ўрганган ҳолда чоп этиладиган статистик нашрлар сифат ва ҳажм жиҳатидан тубдан янгиланди. Мунтазам эълон қилинадиган статистик нашрлардан ташқари “Ўзбекистон Республикасида миллий БРМга эришишнинг статистик кўрсаткичлари”, “Ўзбекистонда илм-фан ва инновацион фаолият”, “Ўзбекистонда ахборотлашган жамият ривожланишининг асосий кўрсаткичлари” каби янги статистик тўпламлар чоп этилди.

Шунингдек, 2019 йилдан бошлаб илк бор республиканинг барча туман ва шаҳарларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати тўғрисидаги ахборотнома тўплами (шаҳар/туманлар паспорти)ни чоп этиш ва тарқатиш амалиёти тадбиқ этилди.

Мамлакатда очиклик ва шафофлик борасида қўйилган яни бир муҳим кадамлар бу – Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилнинг май ойидан бошлаб Халқаро валюта жамғармасининг “кенгайтирилган Маълумотларни тарқатишининг умумий тизими”га (кМТУТ) уланилганлигидир.

Халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви масалаларига алоҳида

Маълумот учун: Бугунги кунда Халқаро валюта жамғармасининг маълумот алмашинуви борасида 3 та тизими (кМТУТ, МТМС ва МТМС+) мавжуд бўлиб, мамлакатларни иқтисодий салоҳиятини намён қилувчи асосий маълумот манбаи ҳисобланади. Тизимлар доирасида асосий иқтисодий, молиявий ва айрим ижтимоий кўрсаткичлар белгиланган талаблар асосида эълон қилиб борилади.

эътибор қаратилиб, бугунги кунда 16 та халқаро ташкилотнинг (БМТ Статистика бўлими, МДХ Статистика қўмитаси, БМТ Европа иқтисодий комиссияси, БМТ Тараққиёт дастури, ЮНИСЕФ, ЮНФПА, ЮНЕСКО, ФАО, ХЭА, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси ва бошқалар) статистика бўлимлари томонидан ишлаб чиқилган 45 турдаги саволномаси асосида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига доир муҳим статистик кўрсаткичларни етказиб берилиши йўлга қўйилган.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида танланма асосида 726 та маҳаллардан танлаб олинган 14520 та ходанларда мультииндикатор кластер кузатувларини ўтказиш ишлари бошланди. Мазкур кузатув натижалари асосида 2021 йил якуни билан оналар ва болалар турмуш тарзига оид шакланган долзарб статистик маълумотларни миллий ва халқаро ахборот маконида эълон қилинишига эришилади.

Бундан ташқари, ахборот тарқатишининг муҳим манбаи ҳисобланмиш электрон ресурс, яъни қўмитанинг қўмитанинг расмий веб-сайтида долзарб статистик маълумотлар қўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро даражада умумэтироф этиладиган, очикликнинг асосий мезонларидан бири – “Очиқ маълумотлар миллий Портали” фаолиятини такомиллаштириш бўйича ҳам тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Тўртинчидан, фаолиятда юқори самарадорликка эришишда, бугунги кунда ҳаётни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, статистика соҳасида амалга оширилаётган ислохотларда фаолиятга илгор АКТни жорий этиш, статистик жараёнларни автоматлаштириш ва рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Танланма статистик кузатувларни планшет қурилмалардан фойдаланган ҳолда ўтказиш учун **12 та** ахборот тизимлари ишлаб чиқилиб ишга туширилди. Статистик ҳисоботларни Интернет орқали топширишга

мўлжалланган eStat 4.0 ахборот тизими ишга туширилди. Мазкур ахборот тизимида ҳисоботларни онлайн мантиқий назорат механизми жорий этилди ва ҳисоботларни шаклантириш ва юборишга кетадиган вақт 10 баробар қисқартирилди. Статистик маълумотларни фойдаланувчиларга тезкор ва қулай шаклда тақдим этиш мақсадида, Давлат статистика қўмитасининг stat.uz расмий веб-сайти Осиё Тараққиёт Банки билан ҳамкорликда янгитдан ишлаб чиқилди ва ишга туширилди.

Эришилган натижалар ва уларнинг халқаро майдондаги эътирофи.

Юқорида йўналишлар бўйича эътироф этилган натижалар кенг жамоатчилик, шу жумладан, халқаро статистика ҳамжамияти ва халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда.

Хусусан, Лондондаги Очиқ маълумотлар Институти (ODI) баҳолаш тизими бўйича “Кумуш” (SILVER) даражага, Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти (stat.uz) энг юқори – “Платина” (PLATINUM) даражага эришган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Электрон ҳукумат кузатуви 2020” да “Очиқ давлат маълумотлари индекси” бўйича Ўзбекистон энг юқори (Very High OGDИ) кўрсаткичига эга бўлган жаҳоннинг 41 та мамлакати орасидан жой олган. Жами ушбу индексда 193 та мамлакат баҳоланган ҳамда Ўзбекистон энг юқори балл тўплай олган. Шу билан бир қаторда, Очиқ маълумотлар рейтингда (Open Data Inventory - ODIN) Ўзбекистон Республикаси 63 баллни тўплади ва рейтингда 125 та позицияга кўтарилиб, дунёда 44-ўринни, Марказий Осиёда эса 1-ўринни эгаллади. Бундан ташқари, мамлакатлар статистика идораларининг фаолиятини халқаро даражада баҳолаш бўйича муҳим ретингда, яъни Жаҳон банкининг “Статистика салоҳияти индекси” да ҳам мамлакатимиз кўрсаткичлар ўсиб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда сўнгги 4 йил давомида амалга оширилган ишлар пировардида, 2020 йил якуни бўйича мамлакатимиз Жаҳон банкининг “Статистика салоҳияти индекси” да максимал 100 баллдан 67,8 баллни қўлга киритиб, рейтингда 61 ўринни эгалламоқда. Натижада, рейтингда 2016 йил ҳисоботиغا нисбатан 62 поғонага, 2019 йил ҳисоботиغا нисбатан эса 16 поғонага кўтарилишга эришилди.

Маълумот учун: “Статистика салоҳияти индекси” Жаҳон банки томонидан 2004 йилда ишлаб чиқилган. Мазкур индекс 154 та мамлакатнинг статистик салоҳиятини, мазкур йўналишида эришяётган ютуқларини ва миллий статистика тизимини ривожлантириши борасида олиб бораётган ислохотлари натижаларини акс эттиради.

Миллий статистика тизимини янада ривожланиши юзасидан истиқболли йўналишлар ва уларни амалга ошириш борасидаги устувор вазифалар.

Миллий статистика тизимида яқин истиқболда амалга оширилиши режалаштирилган тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796 сонли қарори билан тасдиқланган “2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегияси” да ўз ифодасини топган.



1-расм. Статистика салоҳияти индексининг ўсиб бориш динамикаси

Стратегия доирасида ташкилий-ҳуқуқий ва статистик инфратузилмани такомиллаштириш, фойдаланувчилар ва етказиб берувчилар ўртасида самарали мулоқот ўрнатиш, ахборот-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, алоҳида статистик йўналишлар, тармоқ ва ҳудудлар статистикасини такомиллаштириш ҳамда тизимда кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари муҳим йўналишлар сифатида белгиланган.

Шунингдек, қуйидаги муҳим йўналишларда тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган:

1. Ҳукумат томонидан тасдиқланадиган “Йиллик статистика ишлари дастури” ижросини белгиланган ҳажм ва муддатларда тўлиқ таъминлаб бориш.
2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг бўлинмалари, бошқа халқаро статистика ташкилотлари тавсиялари ва илғор хорижий тажрибалар асосида статистика соҳасидаги услубий мунтазам такомиллаштириб бориш.

3. “Очиқ маълумотлар миллий портали”ни такомиллаштириб бориш ва контентини илгор хорижий тажриба ва андозалар асосида бойитиб бориш.

4. Халқаро статистика ташкилотлари билан (16 та халқаро ташкилотнинг 45 турдаги саволномаси, БМТнинг “Комтрейд” ва ХВЖнинг к-МТУТ ахборот тизимлари) доимий равишда ахборот алмашинувини таъминлаш.

5. 2022 йилнинг I ярим йиллигида “Мультииндикатор кластер кузатувлари” (МИКС) натижаларини қўмитанинг расмий сайти ва ЮНИСЕФнинг ахборот базасида эълон қилиш.

6. Халқаро валюта жамғармасининг кенгайтирилган Маълумотларни тарқатишнинг умумий тизимидан (к-МТУТ) 2022 йил якунига қадар “Маълумотларни тарқатишнинг махсус стандарти”га (МТМС) ўтиш.

7. 2022 йил якунига қадар “Халқаро таққослашлар дастури” доирасида миллий валютанинг харид қобилияти паритетини аниқлаш ва эълон қилиш ҳамда келгуси раундаларда (ҳар беш йиллик) мунтазам иштирок этиб бориш.

8. 2022-2023 йиллар мобайнида “Статистика” интеграллашган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш орқали давлат бошқаруви органларининг ахборот тизимларини босқичма-босқич интеграциялаш.

9. 2022-2023 йиллар мобайнида тизим фаолиятига сифатни бошқаришнинг илгор тизимларини (GSIM, GSBPM, GAMSО ва NQAF) тўлиқ жорий этиш.

10. 2023 йилга қадар таҳлилий-статистик маълумотларни тарқатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида, илгор хорижий тажриба ва андозалар асосида сўнгги русумдаги жиҳозлар билан таъминланган замонавий “Медиа марказ”ни ҳамда 2024 йил якунига қадар илгор хорижий тажриба ва андозалар асосида катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, қайта ишлаш ва сақлаш имкониятига эга бўлган замонавий “Дата марказ”ни ишга тушириш.

11. 2023 йилда республика бўйича ялпи аҳолини рўйхатга олиш тадбирини юқори сифатда ўтказиш ва натижаларини миллий ва халқаро ахборот маконида эълон қилиш (2025 йилда).

12. Қишлоқ хўжалигини (2024 йил) ва бизнесни рўйхатга олиш (2025 йил) тадбирларининг ҳуқуқий асосларини яратиш, пухта тайёргарлик кўриш, ўтказиш ва натижаларини эълон қилиш.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш натижасида эришилиши кўзда тутилган мақсадли индикаторлар ишлаб чиқилган. Қуйидаги жадвалда унинг намунасини кўриш мумкин (1-жадвал).

**Давлат статистика қўмитаси тизими фаолиятининг
2022-2025 йилларга мўлжалланган мақсадли индикаторлари**

| № | Индикатор | Ўлчов бирлиги | 2021 йил кути- лиш | Мақсад | | | |
|---|---|------------------|-----------------------------|-------------|-------------|-------------|-------------|
| | | | | 2022 йил | 2023 йил | 2024 йил | 2025 йил |
| Стратегик мақсад: Ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар тўғрисида статистика ахборотини тайёрлаш учун аниқ йўналтирилган топшириқлар, статистика ишлари | | | | | | | |
| Якуний натижа кўрсаткичлари | | | | | | | |
| 1. | Статистик ишларни бажариш | бирлик | 2011 | 2024 | 2047 | 2068 | 2080 |
| Бевосита (туғридан-туғри) натижа кўрсаткичи | | | | | | | |
| 2. | Иқтисодий ва ижтимоий соҳалар ҳолати ҳамда ривожланишини тавсифловчи статистик кўрсаткичларни тайёрлаш | бирлик | 1596 | 1607 | 1623 | 1644 | 1652 |
| 3. | Давлат статистикаси соҳа-сида мувофиқлаштириш ва функционал тартибга солиш бўйича норматив ва методологик асосларни такомиллаштириш | бирлик | 253 | 254 | 260 | 260 | 262 |
| 4. | Расмий статистик тўпламлар, очиқ статистик маълумотларнинг халқаро алмашинуви | бирлик | 162 | 163 | 164 | 164 | 165 |
| Дастур номи: Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш, натижаларини умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш | | | | | | | |
| Якуний натижа кўрсаткичлари | | | | | | | |
| 5. | Аҳолини рўйхатга олиш натижа-сида олинadиган кўрсаткичлар сони | дона | - | 81 | - | 81 | - |
| Бевосита (туғридан-туғри) натижа кўрсаткичи | | | | | | | |
| 6. | Қамраб олинadиган аҳоли сони | минг нафар | 625 | - | 36000 | - | - |
| | Чоп этиладиган сўровномалар сони | минг дона | 1000 | 57000 | - | - | - |
| | Схематик хариталари тайёрланadиган аҳоли пунктлари сони | дона | 184 | 15462 | - | - | - |
| | Электрон кўринишга ўтказилиб, қайта ишланadиган маълумотлар сони | минг дона | - | - | - | 57000 | - |
| | Аҳолини рўйхатга олиш учун асосий воситалар харид қилиш | минг дона | 5 | 3,6 | 4,2 | - | - |

Ўқоридаги **истиқболли йўналишлар ва уларни амалга ошириш борасидаги устувор вазифалар** режалаштирилган тадбирлар ижроси шакл-шубҳасиз:

- мамлакатимизда замонавий талаблар ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, тараққий этган илғор миллий статистика тизими шакллантиришга;
- статистик маълумотларнинг ишончлилиги, ҳолислиги ва долзарблигини оширишга, шунингдек, халқаро таққослаш имкониятини яратишга;
- фойдаланувчиларнинг долзарб ва шаффоф бўлган расмий статистик маълумотга бўлган эҳтиёжини янади тўлиқроқ қондиришга;
- халқаро рейтинг ва индексларда, хусусан Жаҳон банкининг “Статистика салоҳияти индекси”даги кўрсаткичларимизни ва шу асосда тузиладиган рейтингдаги позицияларимизни яхшилаб борилишига асосий замин бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // <https://www.lex.uz/docs/3107036>.
2. “Расмий статистика тўғрисида”ги 2021 йил 11 августдаги ЎРҚ-707-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни // <https://www.lex.uz/docs/5569619>.
3. “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги 2020 йил 16 мартдаги ЎРҚ-611-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни // <https://www.lex.uz/docs/4766082>.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарори // <https://www.lex.uz/docs/3297204>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4273-сон қарори // <https://www.lex.uz/docs/4277342>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарори // <https://www.lex.uz/docs/4926736>.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 февралдаги “2021 йил учун Давлат статистика ишлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 62-сон қарори // <https://www.lex.uz/docs/5283478>.
8. Жаҳон банкининг сайти // <https://databank.worldbank.org/source/statistical-capacity-indicators>
9. Халқаро валюта жамғармаси сайти // <https://dsbb.imf.org/e-gdds/dqaf-base/country/UZB/category/>
10. Очиқ маълумотлар рейтинги ташиқлоту (Open Data Inventory - ODIN) сайти // <https://odin.opendatawatch.com/>
11. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти // www.stat.uz.

ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

И.М. Алимардонов,
“Рақамли иқтисодиёт” факультети
декани, и.ф.д., ТДИУ

Аннотация

Тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиёти тажрибаси кўрсатадики, замонавий банк технологияларидан фойдаланиш тижорат банкларининг молия бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш шароитида замонавий банк технологияларидан фойдаланиш борасидаги илгор хориж тажрибасини ўрганиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Мақолада иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида замонавий банк технологияларидан республика банклари амалиётида фойдаланиш имкониятлари асослаб берилган.

Кирish

2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш банк ишининг замонавий стандартларини, ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган [1]. Бу эса, иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида замонавий банк технологияларидан тижорат банклари фаолиятида фойдаланиш кўламини кенгайтириш заруриятини юзага келтиради.

Тадқиқот методологияси.

Илмий мақолани ёзишда эксперт баҳолаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларида фойдаланилди ва маълумот базаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотларидан ва тижорат банклари фаолиятига оид бўлган амалий маълумотлардан фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Банklar ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги қонунлари замонавий банк технологияларини жорий қилишнинг бирламчи ҳуқуқий асослари бўлиб ҳисобланади.

Таҳлиллар ва натижалар

Банк технологиялари бажарадиган функцияларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- *банк ахборот технологиялари;
- *визуал ва коммуникацион банк технологиялари;
- *электрон банк технологиялари [2].

Тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимлари орқали банк фаолиятининг анъанавий вазифаларини амалга оширишни, бухгалтерия

хисобини юритишни, молиявий ҳисоботларни шакллантиришни оптимallashtирадилар. Бунда, автоматлаштирилган банк тизимлари тижорат банклари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш воситасига айланиши мумкин. Чунки, автоматлаштирилган банк тизимлари фаол қўлланилганда тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматларнинг таннархи камайгани ҳолда, уларнинг соф фойдаси миқдори ошади [3]. Иқтисодий рақамлаштириш шароитида замонавий банк технологияларидан фойдаланиш қўламини кенгайтиришнинг истиқболли йўналишларидан бири бўлиб, Мижозлар билан муносабатларни ривожлантириш ва индивидуallashtираш тизими – CRM (customer relationship management) ҳисобланади. CRM технологиялари мижозларнинг банк хизматларига бўлган талабларини аниқ баҳолаш имконини беради. Мижоз билан муносабатларни бошқариш тижорат банкларига қўшимча даромадлар олиш имконини яратади [4].

Замонавий банк технологияларининг истиқболли турларидан бири бўлиб, замонавий банк хизматлари кўрсатиш технологиялари ҳисобланади.

Масофавий банк хизматлари технологиялари таркибида мобил-банкнинг ўзига хос ўрин тутади.

Мобил-банкнинг интернет-банкнинг бир тури ҳисобланади ва унинг моҳияти мижознинг банкнинг мобил қурилмаси ва махсус иловаси ёрдамида молиявий хизматлардан фойдаланишида намоён бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, интернет орқали тўловларни ўтказиш ва конверсион операцияларни он-лайн амалга ошириш замонавий банк технологияларининг нисбатан янги ва истиқболли йўналишлари ҳисобланади.

Қайд этиш жоизки, инновацион банк технологияси бўлган Tap-to-phone технологиясидан фойдаланиш (“Onetouch”) POS-терминалга муқобил тўлов воситаси сифатида смартфоннинг NFC тизими орқали тадбиркорлик субъектлари учун тўловларни қабул қилиш имкониятини яратади.

Шунингдек, банк картаси ва тўлов терминалидан бевосита фойдаланмаган ҳолда, банк картасидаги маблағлар ҳисобидан товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имкониятини берувчи QR-код орқали тезкор тўловни амалга оширишнинг “QR-online” ахборот тизимидан фойдаланиш пластик карталар воситасидаги тўловларни амалга оширишнинг инновацион шакли ҳисобланади. 2020 йилда жисмоний шахслар томонидан банкларнинг мобил иловаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган онлайн конверсия амалиётлари – 13,6 трлн. сўм, кредитларни сўндириш – 10,9 трлн. сўм, онлайн микроқарзлар – 5,8 трлн.сўм, онлайн депозитлар – 4,2 трлн. сўмни, ҳамда бошқа тўловлар (бюджет, коммунал, алоқа тўловлари ва бошқалар) – 1,6 трлн. сўмни ташкил этди. 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига масофавий хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланувчилар сони 14,5 млн. тани ташкил этиб, ушбу кўрсаткич 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 4,3 млн. тага ёки 43 фоизга ошди [5].

Хулоса ва таклифлар

Иқтисодий рақамлаштириш шароитида замонавий банк технологияларидан фойдаланиш банк хизматларининг сифатини ошириш ва

баҳоларини пасайтириш орқали тижорат банкларининг молия бозоридagi рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимлари орқали банк фаолиятининг анъанавий вазифаларини амалга оширишни, бухгалтерия ҳисобини юритишни, молиявий ҳисоботларни шакллантиришни оптималлаштириш имконига эга бўладилар.

Масофавий банк хизматлари кўрсатиш технологиялари мижозларнинг банкларнинг молиявий хизматларидан фойдаланишлари билан боғлиқ бўлган харажатларини камайтириш имконини бергани ҳолда, тижорат банкларининг комиссия даромадлари миқдорини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Фикримизча, иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида республикамиз тижорат банкларининг замонавий банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Тижорат банкларида agile-трансформация жараёнини фаол ва изчил ўтказиш орқали банк маҳсулотларини ишлаб чиқиш даврини қисқартириш ва амалиётга жорий қилинишини тезлаштириш керак.

agile-трансформация қуйидаги уч мақсадни кўзда тутади:

*time To Marketни қисқартириш;

*CSIни (Customer Satisfaction Index) – Мижознинг қониқиш

даражаси индексини ошириш;

*банк ходимларининг инновацион жараёнларга жалб қилиниши даражасини ошириш.

2. Тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан интернет дўконлардан истеъмол товарлари харид қилиш ҳажмини ошириш мақсадида “Тўловини кечиктириб сотиб олиш” иловасини яратиш ва ушбу иловада аванс тўловисиз товарларини сотадиган интернет-дўконларнинг маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш лозим.

3. Тижорат банкларининг ходимлари ва банкларнинг он-лайн хизматларидан фойдаланувчи корпоратив мижозлар учун замонавий банк технологияларини ўқитиш бўйича махсус семинар-тренинглар ташкил қилиш керак.

Ушбу семинар-тренингларга тижорат банкларининг ва университетларнинг малакали мутахассисларини ҳамда хорижлик амалиётчиларни жалб қилиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги 5992-сонли Фармони. 2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон.

2. Макаров А.Д., Ломакин А.Ю. Управление ин-новациями и инновационными технологиями в банковском менеджменте//Ученые записки Санкт-Петербургского университета управления и экономики. – Спб., 2014. – №4. – С. 38 - 46.

3. Хоткин А.В. ИспользованиеИТ для оптимизации деятельности современных банков//Теория и практика общественного развития. – Москва, 2018. – №6. – С. 59–62.

СТАТИСТИКА ҲИСОБОТЛАРНИ ЙИГИШ ВА БИРЛАМЧИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЖАРАЁНЛАРИГА ИЛГОР РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ

Ш.Ф. Одилов,

**Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириши ва
интерактив давлат хизматлари бошқармаси бошлиги
Иқтисодийёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd)**

**Н.Б. Абдусаломова,
мустақил тадқиқотчи**

Аннотация. Ушбу мақолада, Давлат статистика ҳисоботларни йиғиши ва бирламчи маълумотларни қайта ишлаш жараёнларига илгор рақамли технологияларни жорий этиши ўрганилган. Ҳозир кунда фаолият юритаётган ҳамда истиқболда жорий этилиши зарур бўлган ахборот тизимлари кўрсатиб ўтилган. Мақола сўнгида статистика фойдага ахборот-коммуникация технологияларини самарали жорий этиши бўйича тақлифлар берилган.

Таянч иборалар: ахборот-коммуникация технологиялари, веб-сайт, статистик ҳисоботлар, электрон дўкон, шахсий кабинет, ягона давлат регистри.

Бугунги кунда Давлат статистика қўмитаси томонидан республика миқёсида 10 дан ортиқ танланма кузатувлар қоғоз бланкаларга асосланган анавий шаклда ўтказилиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида статистик маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш муддатига бевосита таъсир қилади.

Кузатувлар асосида тўпланган маълумотлардан фойдаланиш учун Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти www.stat.uzга кунига **4 000 дан** ортиқ ташрифлар амалга оширилмоқда ва бу кўрсаткич тобора ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотлар базасида юридик шахслар ҳақидаги **20 турдаги** маълумотлар юритилмоқда ва талабга кўра фойдаланувчиларга тақдим этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат статистика ҳисоботларини йиғиш ва қайта ишлаш жараёнларини автоматлаштириш, статистик ва таҳлилий маълумотларни интерактив кўринишда қисқа муддатларда излаш ҳамда қулай шаклда олиш имкониятини яратиш ҳамда мазкур жараёнда давлат статистикаси органлари ўртасида тезкор алоқани ташкил этиш далзарб вазифалардан бири сифатида кўрилмоқда.

2021 йилнинг февраль ойига қадар статистика ҳисоботлари **“eStat 3.0” ахборот тизими** орқали қабул қилинган бўлиб, унда ҳисобот тақдим этишда баъзи қийинчилик ва ноқулайликлар мавжуд эди. Жумладан:

а) ахборот тизими юклаб олиниб, ўрнатилиши талаб этилган (ахборот тизимида ўзгартириш киритилганда **қайта юклаб олиниб**, ўрнатилиши талаб этилган);

б) ахборот тизимининг қўшимча (кўмакчи) компонентлари юклаб олиниб, ўрнатилиши талаб этилган;

в) ахборот тизимида ҳар бир ҳисобот шакли **юклаб олинishi талаб этилган** (ҳисобот шаклида ўзгартириш киритилганда қайта юклаб олиш талаб этилган);

г) ахборот тизимида респондентнинг серверда жойлашган статистик маълумотларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имкони йўқ бўлган (респондентнинг олдинги даврларга оид статистик маълумотлари билан жорий давр маълумотларини **онлайн режимида таққослаш** имкони мавжуд эмас эди);

д) ахборот тизимига киришда респондентнинг реквизитлари тўлиқ киритилиши талаб этилган;

е) фойдаланувчидан ахборот тизими соzламаларини соzлаш талаб этиларди;

ё) респондент томонидан тақдим этилган барча статистика ҳисоботлари фойдаланувчининг шахсий компьютерида (ташқи файллар кўринишида) сақланган, яъни тақдим этилган ҳисоботларни тўғридан-тўғри **сервердан юклаш имкони** мавжуд эмас эди (ўчиб кетиш эҳтимолиги юқори бўлган);

ж) ахборот тизими ўрнатилганда, унга **ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқининг** бўлмаслиги ҳоллари мавжуд бўлган (агар дастур C: дискда ўрнатилган бўлса, баъзи ҳолларда тизимда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи бўлмаган. Бунининг ечими бор, лекин фойдаланувчига нуқулайлик туғдирган).

Жорий йилнинг март ойидан бошлаб Давлат статистика ҳисоботларни қабул қилишнинг веб-технологияга асосланган замонавий автоматлаштирилган ахборот тизими ("**eStat 4.0**") қўмита мутахассислари томонидан ишлаб чиқииб, ишга туширилди.

Ахборот тизимини катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш технологияларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилди ва **120 турдаги** статистик ҳисоботларнинг тасдиқланган форма шакллари тизимда киритилди ҳамда **мантиқий назорат кодлари** такомиллаштирилди.

Лойиҳаларни амалга ошириш натижасида куйидаги имкониятлар яратилди:

- статистик ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этиш **веб технологияга** асосланган интерфейсда бўлиб, алоҳида дастурий таъминот ўрнатилиши талаб этмайди;

- ахборот тизимида юборилган ҳисоботларнинг ҳолатини автоматик тарзда текшириш имконияти қўшилди;

- статистик ҳисоботларни шакллантириш жараёнида ундаги барча хатоликлар мантиқий назорат тизими ёрдамида тўлиқ текширилади;

- ахборот тизими барча **операцион тизимларини** қўллаб-қувватлайди.

- ҳисоботни тўлдириш жараёнидаги келиб чиқувчи **хатоликлар ойнаси янгиланди**;

- статистик кузатувлар билан боғлиқ барча жараёнлар ҳақида **шахсий кабинет** ёрдамида хабардор бўлиб бориш имкониятининг яратилди;

- ахборот тизимидан топширилган ҳисоботларни **архивга сақлаш** имконияти қўшилди.

Веб-технологиядан фойдаланиш орқали фойдаланувчилар тизимини ишга туширишда сарфланадиган вақти тизимнинг аввалги талқини билан солиштириганда **10 карра қисқартиришга** эришилди.

Давлат статистика қўмитасига томонидан юритилаётган веб-сайтлар такомиллаштирилади:

а) Республика миқёсида тўпланган барча статистик ва таҳлилий маълумотларни замонавий веб-технологиялардан фойдаланган ҳолда фойдаланувчиларга қулай шаклда тақдим этиш мақсадида Давлат статистика қўмитаси **расмий веб-сайтнинг (stat.uz)** янги кўринишини ишлаб чиқилади.

б) Давлат статистика қўмитасининг услубий низомлар ва йўриқномаларнинг тизимлаштирилган рўйхати, статистик кузатувлар ўтказиш ва ташкиллаштириш масалаларини регламентлари билан танишиш имкони берувчи **услубий материаллар веб-сайт (lib.stat.uz)** ишга туширилди.

в) ЮНФПА билан ҳамкорликда **аҳолини рўхатга олиш** тадбирларини ёритиб бориш бўйича веб-сайт (**aholi.stat.uz**) яратилди ва ишга туширилди, **гендер статистикаси** кўрсаткичларини ўз ичига олган веб-сайт (**gender.stat.uz**) ва **барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад** ва вазифаларни амалга ошириш жараёнларини мониторинг қилиш бўйича веб-сайтлар (**nsdg.stat.uz**) такомиллаштирилди.

Лойиҳаларни амалга ошириш натижасида статистик маълумотларни замонавий визуаллашган кўринишда фойдаланувчиларга тақдим этиш ҳамда республикадаги иқтисодий-ижтимоий ҳолат бўйича **10 турдаги** муҳим кўрсаткичларни **онлайн янгилаб бориш ва намойиш этиш**, статистик ва таҳлилий маълумотларни **излаш вақтини тежаш** имконияти яратилади, сўровларга асосан тақдим этишга сарфланидаган вақт **2 баробарга тежалди**.

Қўмитанинг расмий веб-сайти Лондондаги Очик маълумотлар Институти (**ODI**) **баҳолаш тизими** бўйича энг юқори – "**Платина**" (**PLATINUM**) **даражага** эришди.

2. Жорий қилинган электрон интерактив хизматлар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сон қарори билан тасдиқланган Статистик регистрларни халқаро амалиётга мувофиқ такомиллаштириш доирасида ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ҳолда **регистрлар маълумотларини фойдаланувчиларга етказишнинг қулай тарзда маълумот тақдим этиш** интерактив хизмати жорий этилди.

Лойиҳани амалга ошириш натижасида корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри бўйича маълумотларни олиш хизматини **интерактив шаклга ўтказиш** орқали мурожаат йўллаш механизмига чек қўйиш ва маълумотларни олиш муддатини **5-10 кундан 5-10 дақиқага қисқартирилади**.

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги ПҚ-3165-сон қарори билан тасдиқланган статистик ҳисобот шакллари тўлдирish ҳамда статистик шакллар тўғри тўлдирилганлигини текшириш

масалалари бўйича интерактив маслаҳатларни жорий этган ҳолда Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайтида тадбиркорларнинг шахсий кабинетларини яратиш топшириғи доирасида фойдаланувчилар ва статистик ҳисобот топширувчиларга қулайлик яратиш мақсадида тадбиркорлар шахсий кабинети ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Лойиҳани амалга ошириш натижасида тадбиркорларнинг корхона ва ташкилотлари тўғрисида тўлиқ маълумотлар (**ИНН, КТУТ, ОКЕД, корxonанинг тўлиқ номи**), топширишлари керак бўлган статистик ҳисоботлар рўйхати ва топширган статистик ҳисоботлари ҳолати тўғрисидаги маълумотларни олиш имкони яратилди.

д) статистик нашрларга электрон буюртма бериш ва онлайн сотиб олиш интерактив хизмати ишга туширилди.

Лойиҳани амалга ошириш натижасида статистик нашрларга буюртма берувчилар томонидан шартномага қилиш учун сарфланадиган вақти **1 соатдан 1 дақиқага** қисқартирилди ва транспорт ҳамда қоғоз сарфи харажатлари **2 баробарга** тежаб қолинди.

Шундай қилиб, ахборотлаштиришнинг замонавий босқичида давлат статистика тизимида ахборот технологияларини ривожлантиришдаги асосий муаммолардан бири ягона методологик асосга асосланган статистик маълумотларни қайта ишлашнинг яхлит тизимини яратиш вазифасидир. Бундай тизимларга умумий талаблар бир хиллик, тўлиқлик, объективлик, ҳар қандай даражадаги корхоналар ва бошқарув органлари ўртасида маълумот алмашиш имкониятини беради. Буларнинг барчаси, статистик маълумотларни қайта ишлаш бўйича барча маълумотларни бошқариш тизимларида ягона маълумотлар тўпламини сақлаган ҳолда, ахборот, алоқа каналлари ва ахборот алмашинувини бошқариш учун махсус дастурий-техник воситаларни бирлаштириш орқали амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4796-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3165-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4699-сон қарори.

4. <https://stat.uz/>-Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти

НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕХАНИЗМОВ СНИЖЕНИЯ УГРОЗ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

Г.Е. Крохичева,
д.э.н., профессор, заведующий кафедрой
«Экономическая безопасность, учет и право»,
Донской государственный технический университет,
Ростов-на-Дону, Россия;
Ю.Р. Мезенцева,
к.э.н., доцент, доцент кафедры
«Экономическая безопасность, учет и право»,
Донской государственный технический университет,
Ростов-на-Дону, Россия;

Аннотация. Последствиями мирового экономического кризиса для России стали проблемы в экономике, спад промышленности, отсутствие достаточного уровня инвестиций и ужесточение денежно-кредитных отношений, что усложнилось мировой пандемией COVID-19. Это привело к росту угроз экономической безопасности государства. Данная статья посвящена рассмотрению потенциальных направлений совершенствования механизмов снижения угроз экономической безопасности на макроуровне, вызванных указанными выше обстоятельствами. Экономическая безопасность в ней рассматривается не только как защищенность национальных интересов государства, но и через призму готовности и способности институтов власти создавать механизмы реализации и защиты национальных интересов в развитии экономики, поддержания социально-политической устойчивости общества.

Ключевые слова: экономическая безопасность, угрозы, риски, экономическая система, стратегия экономической безопасности, Россия, пандемия.

1. Указ Президента Республики Узбекистан № 4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года // Народное слово. – Ташкент, 2017 г., 8 февраля.
2. Указ Президента Республики Узбекистан №-5544 «О стратегии инновационного развития Республики Узбекистан в 2019-2021 годах» от 21 сентября 2018 года // Народное слово. Ташкент, 2018 г., 22 сентября

3. Постановление Президента Республики Узбекистан № 4273 «О дополнительных мерах по обеспечению открытости и прозрачности государственного управления, а также повышению статистического потенциала страны» от 9 апреля 2019 года // Народное слово. – Ташкент, 2019 г., 10 апреля.
4. Постановление Кабинета Министров № 690 «Об утверждении положения о Государственном комитете Республики Узбекистан по статистике» от 2 сентября 2017 года // Народное слово. - Ташкент, 2017 г., 3 сентября.
5. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП–3832 «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан» от 3 июля 2018 года // Народное слово. – Ташкент, 2018 г., 4 июля.
6. Постановление Президента Республики Узбекистан №-4642 «О мерах по широкому внедрению цифровых технологий в городе Ташкенте» от 17 марта 2020 года // Народное слово. – Ташкент, 2020 г., 18 марта.
7. Постановление Президента Республики Узбекистан №-4699 «О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства» от 28 апреля 2020 года // Народное слово. – Ташкент, 2020 г., 29 апреля.
8. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан»
9. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-4022 от 21 ноября 2018 года «О мерах по дальнейшей модернизации цифровой инфраструктуры в целях развития цифровой экономики»
10. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-3165 от 31 июля 2017 года «О мерах по совершенствованию деятельности Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике»,
11. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5655 от 5 февраля 2019 года «Об утверждении Концепции проведения в 2022 году переписи населения в Республике Узбекистан»,
12. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-4796 от 3 августа 2020 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию и развитию национальной системы статистики Республики Узбекистан».
13. Советание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева 11 мая 2020 г. по вопросам широкого внедрения цифровой экономики и электронного правительства. <https://president.uz/ru/lists/view/3566>
14. 70. ICT Facts & Figures: The World in 2017. International Telecommunication Union, 2017.
15. Accardo J., Célérier C., Herpin N., Irac D. L'inflation perçue, Economie et Statistique Année 2011 447. P. 3-31.
16. Ahas, R. and M. Tiru. 2012. "Passive Anonymous Mobile Positioning Data for Tourism Statistics. Paper presented at the 11th Global Forum on Tourism Statistics, Reykjavik, 14–16 November 2012.
17. Akhmedov U. M., Jakob K. The Ex-Dividend Day: Action On and Off The Danish Exchange. The Financial Review, Published in 2010 issue # 45. P. 83-103.
18. Aslam S. 2015. Snapchat by the Numbers: Stats, Demographics and Fun Facts, Omnicoe, October 7, 2015.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

М.К. Абдуллаев,
“Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари”
кафедраси мудири,
и.ф.ф.д. (PhD) доцент, ТДИУ

Аннотация: Мақолада сунъий интеллект технологияларини олий таълим тизимида жорий этиши, олий таълим соҳасида сунъий интеллектдан фойдаланишининг истиқболли йўналишлари кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган. Олий таълим соҳасида сунъий интеллект технологияларидан самарали фойдаланиш талабаларнинг индивидуал қобилиятлари ва эҳтиёжлари ҳамда меҳнат бозори эҳтиёжларига мослаштирилган энг мақбул ўқув стратегиясини танлашига имкон бериши асосланган.

Таянч иборалар: олий таълим, сунъий интеллект, рақамли трансформация, стратегия, кадрлар тайёрлаш, Саноат 4.0.

Бутунги кунда сунъий интеллект технологияларини жамиятнинг турли соҳаларида татбиқ этишга бағишланган ижтимоий, иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий томонлама тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу аснода имкониятлар ва таҳдидларни шунингдек, сунъий интеллектни амалда қўллашнинг якуний чегараларини аниқлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Сўнги 5 йилда мамлакатимиз олий таълим тизимида жуда катта ўзгаришлар кузатилди, олий таълим муассасалари томонидан кўрсатилаётган таълим хизматлари сифатини ошириш ҳамда халқаро миқёсда рақобатбардошлигини таъминлаш юзасидан қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бир гап билан айганда, замонавий таълим мобил ва очиқ тизимга айлантирилмоқда. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, электрон таълим ресурсларини ўқув жараёнига жорий этиш таълимнинг янги парадигмасини шакллантиришга ёрдам бермоқда.

Таълимнинг рақамли трансформациясининг моҳияти ҳар бир талаба томонидан рақамли технологияларнинг ўсиб бораётган потенциалидан, шу жумладан сунъий интеллект тизимларидан, виртуал ҳақиқатдан фойдаланиш асосида ўқув жараёнини ташкил этиш орқали зарур таълим натижаларига эришишда ифодаланади.

Сунъий интеллект атамасини 1956 йилда америкалик олим Жон Маккарти тақлиф қилган. Сунъий интеллект ақлли тизимлар ва алгоритмларнинг одамлар томонидан анъанавий равишда бажариладиган функцияларини дастур орқали бажариш қобилияти сифатида тушунилади. Унинг асосий мақсади эришиладиган билим жараёнларини ақл билан моделлаштиришдир.

Дарҳақиқат, бугун инсоният тўртинчи саноат инқилоби арафасида [1], энди сунъий интеллектнинг ривожланишига тўсқинлик қилиш мумкин эмас. Бир қатор вазифаларни нейрон тармоқлари одамларга қараганда бир неча маротаба самаралироқ ва аниқроқ ҳал қилади, бу яқин келажакда кўплаб иш ўринларини тўлиқ автоматлаштиришга имкон беради [2] ва ишсизликнинг кўпайишига олиб келади. Шу билан бирга, таъкидаш керакки, турли вақтларда турли хил технологиялар одамларни меҳнат бозоридан сиқиб чиқаришга ёрдам берди, аммо одамлар доимо давом этаётган ўзгаришларга мослашишга муваффақ бўлишди. Сунъий интеллектдан фойдаланишнинг барча афзалликларини, шу жумладан меҳнат унумдорлигини оширишни ҳисобга олган ҳолда, инсонлар уни тўлдириши керак [3] ва унга боғлиқ эмаслигини асослаш керак.

Сунъий интеллект технологиялари бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг ривожланишини белгилаб бермоқда. Уларга киритилаётган сармоялар АҚШдаги венчур капиталининг асосий сармояларини ташкил этади. Худди шундай шов-шув Европада, Японияда ва, Хитойда бўлиб ўтмоқда [4].

Халқаро экспертларнинг фикрига кўра, сунъий интеллект технологияларига сармоялар 2015 йилдан 2018 йилгача ошиб борган, тахминан 40 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. 2019 йилда сунъий интеллект асосида ишлаб чиқилган жаҳон бозоридаги технологик ечимлар бозори 21,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этган ва кейинги прогнозларга кўра 2024 йилга келиб қарийб 140 миллиард долларга етади. Технологик ечимлар сунъий интеллект асосида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва жамоатчилик билан алоқалар соҳаларида ишлаб чиқилган бўлиб, дунё иқтисодиётининг ўсиши 2024 йилда камида 1 триллион АҚШ долларини ташкил этади [4].

Сўнгги ўн йил ичида сунъий интеллектнинг мутлақо янги синфлари ва турлари пайдо бўлди, масалан [5]:

- “Ақлли ёрдамчилар” (агентлар). Microsoftдан Cortana, Appledан Siri, GoogleNow, Amazonдан Echo ва бошқалар, улар бир вақтнинг ўзида бир нечта «ақлли» функциялар ва қобилиятларни бирлаштиришга қодир, яъни: нутқни аниқлаш, таҳлил қилиш, маълум бир фойдаланувчи ҳақидаги шахсий маълумотлар ва уни баъзи бир даражаларда талқин қилиш қобилияти, Интернет-қидирув ва онлайн-дўконларда ёрдам бериш ва ҳоказо.

- сунъий интеллект ва атрофдаги жисмоний оламнинг турли хил параметрлари ва маълумотларининг ўзгаришига, масалан, ҳарорат, намлик, босим ва бошқаларни таҳлил қилиш, бошқариш ёки тезда жавоб беришга имконият яратувчи махсус сенсорлар ва датчиклар билан жиҳозланган роботик тизимлар. Бундай тизимларнинг кичик классификацияси - бу учувчисиз/автоматлаштирилган транспорт воситаларини яратишда ишлатиладиган турли хил алгоритмлар ва технологиялар;

- турли хил интеллектуал ўйинлар (шахмат, шашка, боринг ва ҳаттоки покер) голибларини ютишни ўрганган сунъий интеллект тизимлари. Масалан,

2016 – 2017 йилларда GoogleAlphaGo энг юқори даражадаги даниялик мутахассисларнинг го ўйинида голиб бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, сунъий интеллект тизимларининг бундай жадал ривожланишига қарамай, фикримизча, улар ҳеч қачон инсон меҳнатини тўлиқ ўрнини боса олмайди. Инсонда сунъий интеллектда кўпайиши қийин бўлган махсус фазилатлар ва ҳиссиётлар мавжуд. Масалан, сезги, ижодий фикрлаш, танқидий фикр, когнитив мослашувчанлик, ҳамдардлик, хайрихоҳлик ва бошқалар.

Сунъий интеллект технологиялари турли тармоқ ва соҳаларда қўлланилиши мумкин, масалан, саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, таълим, фан, соғлиқни сақлаш, молия, савдо, маданият, туризм, уй-жой коммунал хизматлари ва бошқаларда.

Сунъий интеллектдан таълим соҳасида фойдаланиш сезиларли ўзгаришларга олиб келиши, бутун саноат ишини қайта қуриш учун янги имкониятлар яратиши мумкин. Агарда, сунъий интеллект технологияларини таълим соҳасига татбиқ этилса ўқув жараёни самарадорлиги ошади ва уни ташкил этишга сарфланадиган маблағлар камаяди.

Таълим жараёнининг сунъий интеллект тизими қуйидаги элементларни ўз ичига олиши керак бўлади:

- турли манбалардан ўқув жараёни тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиришни таъминловчи қидирув ахборот тизими;
- электрон дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва услубий қўлланмаларнинг автоматик равишда янгиланадиган кутубхонаси;
- талабаларнинг билим даражасини назорат қилиш тизими, шу жумладан, уларнинг эришган ютуқлари, фаолияти ва натижаларини доимий назорат қилиш учун қуйи тизим;
- ҳар бир талабанинг натижаларига қараб, уни тайёрлаш даражасига автоматик равишда мослаштириладиган назорат топшириқлари кутубхонаси;
- ўқув юкламасини тақсимлашнинг автоматлаштирилган тизими;
- талаба ва олий таълим муассасаси ўртасидаги алоқани таъминловчи хизмат кўрсатиш тизими.

Юқорида санаб ўтилган элементларни таълим жараёнида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш инсоннинг бутун ҳаёти давомида ўрганиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнаши мумкин.

Бутунги кунда, замонавий таълим мазмуни ва воситаларида Саноат 4.0нинг илғор технологиялари сифатида алоҳида таъкидлаш мумкин [6]:

- Интернет буюмлари (масофадан туриб ўқитиш лабораториялари, масофавий лаборатория стендлари);
- қўшимчалар ишлаб чиқариш (ўқув устахоналарида 3D принтерлар, 3D моделлаштириш (информатика, математика фанлари бўйича), роботлар учун қисмлар, ўқувчилар учун қўшимча таълимдаги техник воситалар ишлаб чиқариш).

- сунъий интеллект, машинасозлик ва робототехника (ўқувчиларга маслаҳат бериш, синаш ва лойиҳалаштириш учун ўқув жараёнида аватарлар ва чат ботлардан фойдаланиш, масофавий ўқитишда мавжуд роботлардан фойдаланиш);

- катта маълумотлар (BigData), блокчейн ва булутли ҳисоблаш (талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг хавфсиз портфелларини шакллантириш, ўқув ва касбий ваколатларни шакллантириш, таълим жараёнида булутли технологияларидан фойдаланиш);

- виртуал ва кенгайтирилган воқелик, яъни, ўқув жараёнида тақлид қилинган лаборатория стендлари ва кенгайтирилган воқелик элементлари бўлган лаборатория иншоотларидан фойдаланиш.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, сунъий интеллект технологияларидан олий таълим тизимида фойдаланиш университетлар учун нафақат академик фаолияти, балки бутун тизим самарадорлигини таъминлаш, янгилик ва ғайритабиий ташаббуслар учун ҳам ажойиб имкониятларга эга бўлишди. Фақатгина ушбу ҳақиқатни англаш орқали, олий таълим тизимида мавжуд бўлган ўзгаришларнинг потенциалини рўёбга чиқариш мумкин. Шу билан бирга, университетлар томонидан сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш таълим хизматларини кўрсатиш жараёнини осонлаштиради ва уларнинг сифатини яхшилайти ҳамда ҳар бир талаба учун университетда муваффақиятли ўқиш ва кейинги касбий фаолияти ўсишда индивидуал таълим траекториясини шакллантиришга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шваб К. Четвертая промышленная революция. М.: Эксмо, 2016.
2. Самсонович О. О., Фокина Е. А. Искусственный интеллект — новые реалии // *Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований*. 2018. № 5. С. 257–263.
3. Greene T. (2017) *Google's AI guru predicts humans and machines will merge within 20 years* // *The Next Web*. 10.11.2017. URL: <https://thenextweb.com/artificial-intelligence/2017/11/10/googles-ai-guru-predicts-humans-and-machines-will-merge-within-20-years/> (дата обращения: 24.12.2019).
4. Садовничий В. А. *Университеты, общество и будущее человечества* // *Вестник Воронежского государственного университета. Серия: Проблемы высшего образования*. 2019. № 2. С. 5–14.
5. *Цифровая экономика: глобальные тренды и практика российского бизнеса: аналитический доклад* / Оганесян Т. К., Стырин Е. М., Абдрахманова Г. И., Розмирович С. Д. и др.; отв. ред. Д. С. Медовников. М.: НИУ ВШЭ, 2017.
6. Китэйгородский М. Д. *Индустрия 4.0 и ее влияние на технологическое образование* // *Современные наукоемкие технологии*. 2018. № 11–2. С. 290–294.

ЭКОНОМИЧЕСКАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ В НАЛОГОВОЙ СФЕРЕ

Ю. Р. Мезенцева, к.э.н., доцент,
доцент кафедры «Экономическая безопасность, учет и право»,
Донской государственный технический университет,
Ростов-на-Дону, Россия;

Г.Е. Крохичева, д.э.н., профессор,
заведующий кафедрой «Экономическая безопасность, учет и
право», Донской государственный технический университет,
Ростов-на-Дону, Россия;

О.С. Темиров,
заместитель декана факультета «Цифровая экономика»,
Ташкентского государственного экономического
университета, Ташкент, Республика Узбекистан;

Аннотация. Экономическая безопасность есть не только защищенность национальных интересов государства, но и готовность, и способность институтов власти создавать механизмы реализации и защиты национальных интересов развития экономики, поддержания социально-политической устойчивости общества. Данная статья рассмотрению особенностей обеспечения экономической безопасности в налоговой сфере. Сделан вывод, что налоговая безопасность, реализуемая через действенный механизм налогообложения и систему налогового контроля, выступает одним из важнейших элементов экономической безопасности страны.

Ключевые слова: экономическая безопасность, налог, налоговая безопасность, налоговые риски, угрозы, экономическая система, стратегия экономической безопасности, Россия, пандемия.

Экономическая безопасность государства в настоящее время является гарантией независимости страны, условием устойчивой, эффективной и успешной жизнедеятельности общества. В этой связи обеспечение экономической безопасности принадлежит к числу важнейших национальных приоритетов России [2].

В научной литературе содержится немало определений термина "экономическая безопасность" [6]. Существует два основных подхода при определении экономической безопасности. Один использует понятие угрозы, а другой основан на достижении цели деятельности организации.

Рассматривая различные точки зрения определения категории «экономическая безопасность», мы видим, что она отвечает таким критериям, как способность выявлять и нейтрализовать внутренние и внешние экономические угрозы; обеспечить стратегические национальные приоритеты страны, среди которых оборона страны, социально-политическая стабильность, экономический рост; а также сформировать такие условия для экономической системы страны, которые способствовали бы активной внешней экономической политике Российской Федерации, направленной на создание стабильной и устойчивой системы международных отношений, основанной на принципах равноправия и взаимовыгодного сотрудничества.

В Российской Федерации об экономической безопасности говорят не только ученые, данный термин имеет правовой статус. Так, определение экономической безопасности дается в Указе Президента РФ от 13 мая 2017 г. №208 «О стратегии экономической безопасности Российской Федерации на период до 2030 года»: понятие «экономическая безопасность» определяется, как «состояние защищенности национальной экономики от внешних и внутренних угроз, при котором обеспечивается экономический суверенитет страны, единство ее территориального пространства, условия для реализации стратегических национальных приоритетов Российской Федерации» [1].

Элементы экономической безопасности страны представлены на рисунке 1.



Рисунок 1 – Элементы экономической безопасности

Экономическая независимость предполагает возможность осуществления самостоятельного контроля за использованием национальных ресурсов, а также достижение такого уровня развития производительных сил, который обеспечивает конкурентоспособность национальной экономики на региональном и международном уровне.

Устойчивость и стабильность национальной экономики направлена на создание надежных условий предпринимательской деятельности, сдерживание дестабилизирующих факторов (криминал, коррупция).

Способность к саморазвитию экономики ставит своей целью создание благоприятного инвестиционного климата, постоянную модернизацию производства, рост уровня образования и квалификации.

Таким образом, экономическая безопасность государства – совокупность условий и факторов, обеспечивающих независимость национальной экономики, ее стабильность и устойчивость, способность к постоянному обновлению и самосовершенствованию.

Основными составляющими экономической безопасности следует считать: энергетическую, военно-экономическую, научно-технологическую, продовольственную, финансовую безопасность, безопасность собственности. Финансовая безопасность страны является одной из важнейших частей экономической национальной безопасности [3]. Налоговая безопасность будучи главной составляющей финансовой безопасности, без сомнения, оказывает влияние и на экономическую составляющую национальной безопасности. Налогам в данном случае отводится особая роль, поскольку общеизвестным является факт, что налоги есть основа существования любого демократического государства и наше государство не исключение. Налоговая

система, в свою очередь, представляет собой финансовый источник и важный инструмент государственного регулирования.

Налоговая система выполняет ряд взаимосвязанных функций: фискальную, контрольную, регулирующую, социальную. Она влияет на уровень экономической безопасности по трем направлениям:

- финансовое обеспечение расходов государства, формирование социально-ориентированной бюджетной политики и решения проблемы несбалансированности бюджета;
- как инструмент регулирования экономических и социальных процессов;
- как фактор зависимости государства от налогоплательщиков и регионов.

Основной источник, представляющий угрозу для налоговой безопасности – налоговые риски [4]. Основа налоговой безопасности состоит в оценке налоговых рисков, величины налоговой нагрузки с применением специальных методов и инструментов по оценке воздействия налоговых рисков на экономическую безопасность предприятий и государства в целом [5]. Механизм обеспечения экономической безопасности в налоговой сфере представляет собой набор законодательно-нормативных актов и наличие институциональных структур, которые своевременно предупреждают о возникновении угроз в налоговой сфере, снижают уровень их воздействия, способствуют их полной ликвидации.

Будет ли налоговый механизм средством обеспечения экономической безопасности, или же станет источником угроз и рисков, напрямую зависит от особенностей экономической политики, проводимой государством.

Список использованной литературы

1. О Стратегии экономической безопасности Российской Федерации на период до 2030 года: указ Президента РФ от 13.05.2017 N 208. – URL: http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_216629/1d8dcf5824d5241136fa09b9e9c672ac5d325365/ (дата обращения 17.09.2021 г.).
2. Архипов Э.А., Крохичева Г.Е., Мезенцева Ю.Р., Сидорина Т.В. Модель обеспечения стратегической безопасности государства. Веб-конференция Е3S, 210, Статья 13017 (2020) DOI <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202021013017>.
3. Воробьева Е.И., Дененберг Ю.М. Финансовая безопасность национальной экономики // Научный вестник: финансы, банки, инвестиции. 2021. №1 (54). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/finansovaya-bezopasnost-natsionalnoy-ekonomiki> (дата обращения: 22.09.2021 г.).
4. Зотиков Н.З. Налоговые риски при ведении бизнеса в России // Oeconomia et Jus. 2021. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/nalogovye-riski-pri-vedenii-biznesa-v-rossii> (дата обращения: 22.09.2021 г.).
5. Нуретдинова Ю.В., Васильева Е.В., Горловская Е.А., Клепикова М.В., Кузнецова Д.А. Налоговая безопасность РФ: проблемы и перспективы // Московский экономический журнал. 2020. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/nalogovaya-bezopasnost-rf-problemy-i-perspektivy> (дата обращения: 22.09.2021 г.).
6. Решетова А.В. Подходы к определению экономической безопасности государства // Экономика: вчера, сегодня, завтра. 2019. Том 9. № 1А. С. 735-740.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЗАРУРИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Т.С. Қўчқоров,

**Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари
кафедраси профессори в.б., и.ф.д., ТДИУ**

Аннотация. Мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида университетлар мисолида таълим жараёнларига инновацион технологияларни жорий этиши, “Рақамли иқтисодиёт лабораторияси” ни ташкил этиши ва билим олиш жараёнларининг сифатини янада оширишда янги технологияларни жорий этиши тўғрисида ёзилган.

Таянч иборалар: рақамли технологиялар, “Университет 4” модели, “рақамли лаборатория”, таълимда инновациялар

Жаҳоннинг ривожланган давлатлари бўлиш АҚШ, Франция, Германия, Япония, Корея ва бошқа давлатларда таълим сифатини доимий такомиллаштиришга, таълимга рақамли технологиялар ва илгор инновацион технологияларни жорий этишга, университетларнинг ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтишига, талабаларни ва ўқитувчиларни илмий лабораториялар орқали турли шартномалар ва илмий тадқиқотларга жалб этишга, қўшимча маблағ ишлаб топишга йўналтириш ва бу орқали талабаларнинг амалий билим даражасининг доимий ошириб боришга эришишга доимо катта эътибор қаратилади. «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8 октябр 2019 йилдаги ПФ №5847-сонли Фармонида асосан, мамлакатимизда таълимни реформа қилиш ва янгиланишларни босқичма-босқич жорий этилиши режалаштирилган. Ўзбекистонда ҳозирги кунда «Университет 3.0» модели таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотларни тижоратлаштирувчи модель бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистонда давлатимизнинг илгор олий таълим муассасалари томонидан босқичма-босқич «Университет 4.0» моделини жорий этиш ва шу билан бирга таълим сифатини оширишда рақамли технологияларни жорий этиш, олий таълим муассасаларининг ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтиш жуда долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда рақамли технологиялар жадал ривожланиб бораётган даврда таълимда рақамли технологияларни кенг қўлаш, олий таълим муассасалари томонидан ўз мавжуд имкониятларини, салоҳиятларини ишга солиш, профессор-ўқитувчилар, талабалар ва илмий изланувчиларни бу жараёнга илмий лаборатория ва технопарклар ташкил этиш орқали жалб этиш, мавжуд илмий ишланма ва янгиликларни патентлаш, уларни ишлаб чиқаришга қўллашга ўтиш лозим бўлади. Бу соҳада университетлар қошида илмий лабораториялар ва технопарклар ташкил этиш, талаба ва олимларни унда

тадқиқотлар олиб боришга рағбатлантириш лозим бўлади. Бу соҳада илгор хорижий давлатлар тажрибаларидан фойдаланиш ва улар билан ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга ошириш лозим бўлади. Мамлакатимиз олий таълим муассасалари олимлари жуда кўплаб халқаро университетлар ва илмий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқдалар. 2018 йилдан бошлаб Жаҳон Банки томонидан Ўзбекистонда олий таълим муассасалари бўйича таълимга инновацияларни қўллашга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган жараёнларни молиялаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистонда бу соҳадаги энг яхши 20 та инновацион лойиҳалар голиб деб топилди ва улар Жаҳон банки томонидан молиялаштиришга қабул қилинди.

"Инновация" сўзи ва тушунчаси биринчи бўлиб илмий тадқиқотларда австро-америкалик олим Ж. Шумпетернинг илмий ишларида пайдо бўлган бўлиб, унинг таърифига кўра "Инновация бу ҳар қандай янгилик ёки янгилик эмас, балки ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширадиган ягона нарсаси, ишлайдиган тизимдир" деган эди (3). Инновация муаммоларини ўрганиш бўйича кўплаб олимларнинг илмий тадқиқотлари мавжуд бўлиб, улардан бири Б.Твисс ўз тадқиқотида инновацияни "ихтиро ёки янги гоё иқтисодий мазмун касб этадиган жараён" деб таърифлайди (4). Бошқа бир олим М. Хусек инновацияларни техник ва табиий фанлар материалнинг мужассамлашуви деб таснифлайди (5). Пригожин А.И. ва бошқа олимлар инновацияларни товар, асбоб-ускуна ва технологиялар, ташкилий шакллар каби янги истеъмол қадриятларини ишлаб чиқаришни, ишлаб чиқаришга жорий этишни ва тижоратлаштиришни ўз ичига олган мураккаб жараён сифатида қарайдилар (6). Б. Сантонинг таърифига кўра, инновация – бу гоёлар ва ихтиролардан амалий фойдаланиш орқали ўз хусусиятларига кўра энг яхши маҳсулот ва технологияларни яратишга олиб келадиган ижтимоий-иқтисодий жараёндир. Охир – оқибатда у иқтисодий фойда келтиради ва унинг бозорда пайдо бўлиши кўшимча даромад келтириши мумкин (7). Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, инновациялар янги ихтиро, гоё ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширишга хизмат қиладиган ишланма ва жараёнлардан ташкил топгандир ва уни яратиш учун тадқиқотлар олиб бориш ва изланишлар зарур бўлар экан. Бу тадқиқот ва изланишлар маълум бир даражада инвестиция маблағларининг шу соҳага йўналтирилишини талаб этар экан. Айниқса, рақамли иқтисодиётнинг ривожланишида янги ихтиро, гоё, таклиф, илмий изланишлар ва тадқиқотлар асосий рол ўйнар экан.

Жаҳон миқёсида рақамли иқтисодиётнинг ривожланишида инновацияларнинг роли ва аҳамиятини ўрганиш учун бу соҳага оид маълумотларни ўрганишда илмий абстракциялаш, мантикий фикрлаш, қиёсий таҳлиллаш, монографик тадқиқотлар, динамикада ўрганиш, маълумотларни гуруҳлаш, таққослаш ва таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, рақамли иқтисодиёт технологиялари асосида инновациялар янги ихтиро, гоё ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширишга хизмат

қиладиган ишланма ва жараёнлардан ташкил топгандир ва уни яратиш учун тадқиқотлар олиб бориш ва изланишлар зарур бўлар экан. Бу тадқиқот ва изланишлар маълум бир даражада инвестиция маблағларининг шу соҳага йўналтирилишини талаб этар экан. Айниқса, рақамли иқтисодийнинг ривожланишида янги ихтиро, гоё, тақлиф, илмий изланишлар ва тадқиқотлар асосий рол ўйнар экан.


Жаҳоннинг ривожланган давлатларининг илғор университетларида жуда кўплаб “Рақамли иқтисодиёт”, “Молиявий таҳлил” ва бошқа лабораториялар ташкил этилган бўлиб, уларда талабалар энг замонвий дастурий воситалар ёрдамида рақамли технологияларни қўллаш, замонвий молиявий ва иқтисодий масалаларни ечиш, тадқиқотлар олиб бориш, турли лойиҳалар бўйича ташкилотларга шартномавий хизмат кўрсатиш ишлари олиб боришади. Олинган натижалар патентлаштирилади ва тижоратлаштирилади, турли компаниялар томонидан берилган тақлифлар асосида уларга жорий этилади. Бу лабораторияларда бўлгуси мутахассислар рақамли технологияларни қўллаган ҳолда компанияларни молиявий жиҳатдан таҳлил қилиш, уларнинг даромадларининг ўсишларини замонвий эконометрик моделлар ва дастурлар ёрдамида прогноз қилиш, маркетинг таҳлилларини ўтказиш ва бошқа кўплаб вазифаларни бажаришни амалиётда ўрганадилар ва университетда таҳсил олиш жараёнида етук мутахассис бўлиб шаклланадилар. Лойиҳаларда иштирок этаётган талабалар ўз устозлари билан ҳамкорликда турли компаниялар учун тадқиқотлар ўтказиш, шартномалар асосида турли молиявий ва маркетинг тадқиқотларини бажариш амалиётлари билан доимо банд бўладилар. Шунинг учун уларнинг таълим ва ўрганиш даражалари юқори даражада бўлиб, улар университетларида ўқиш давомида бир нечта илмий тадқиқот ва шартномавий ишларда актив иштирок этишади ва бу орқали келгуси фаолияти билан боғлиқ катта тажриба ва малакага эга бўлишади. Университетлар талабалари ўқишни битиришганларида тайёр мутахассис бўлиб чиқадилар ва бу каби мутахассисларга турли компаниялардан талаб каттадир. Бу каби лабораториялар ташкил этиш орқали бўлгуси талабаларнинг малакаларини ошириш ва уларни мутахассис сифатида шакллантириш ҳозирги кунда долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун дунёнинг илғор университетлари ўқитишнинг янги “Университет 4” шаклини жорий этишмоқдалар, яъни талабаларни ўқитиш давомида уларни турли лойиҳаларга жалб этиш, турли тадқиқотлар ва шартномаларда қатнашиш орқали уларнинг амалий малакасини шакллантириш ва келгусида етук мутахассис қилиб тарбиялашни жорий этишга қаратилгандир.

“Рақамли технологиялар” лабораториясининг тадқиқотлари – бу халқ хўжалиги тармоқлари ва таълимининг рақамли технологиялар орқали сифатли ривожланишини баҳолаш ва рақамли трансформация жараёнларини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишдан иборат бўлиши лозим. Лаборатория рақамли технологиялар таълим тизимини қандай ўзгартираётганини ўрганади, бу жараёнларни турли даражаларда бошқариш стратегиясини ишлаб чиқади, рақамли маҳсулотлар ва ечимларнинг

самарадорлигини таҳлил қилади ва давлат сиёсатини ишлаб чиқишда иштирок этади. “Рақамли технологиялар” лабораториясининг вазифалари:

- рақамли технологиялар таълим тизимини қандай ўзгартираётганини таҳлил қилиш, бу жараёнларни турли даражаларда, миллий, минтақавий ва алоҳида ташкилотларда қандай бошқаришни, рақамли маҳсулотлар ва ечимлар самарадорлигини таъминлаш жараёнларини ўрганади ва ишлаб чиқади;
- рақамлаштириш жараёнларини ишлаб чиқишда актив иштирок этиш;
- “Сунъий интеллект” технологияларини қўллаш жараёнларини тадқиқот этиш;
- рақамли трансформация жараёнларини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишда актив иштирок этиш.

Мамлакатимизда, 2030 йилгача бўлган даврда “Университет 4” шаклини жорий этишда рақамли ва молиявий лабораторияларни ташкил этиш, иқтидорли олимлар, илмий изланувчиларни ва талабаларни уларда олиб бориладиган жараёнларга жалб этиш жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу университетлар томонидан таълим сифатининг оширилишига, улар томонидан қўшимча маблағлар ишлаб топишга имкон бериши, бўлгуси битирувчиларнинг етук мутахассис бўлиб етишишига, мамлакатимиз илмий тараққиётининг янада ривожланишига хизмат қилади. Олий ўқув юртлари кескин рақобат шароитида ўқув жараёнлари билан биргаликда рақамли иқтисодиётни, илмий изланишларни ва инновацияларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият беришлари лозим бўлади. (1-расм). Келажақда рақамли университет тизимига ўтишни режалаштириш лозим бўлади.



1-расм. Рақамли иқтисодиёт шароитида университетларнинг стратегияси

Жаҳондаги кенг тарқалаётган янги коронавирус инфекциясининг глобал пандемияси таълим тизимига ҳам ўзгаришлар киритди: ҳозир дунё

бўйлаб мактаб ўқувчилари ва талабалар масофадан туриб ўқишмоқда. Инфекция университетларнинг рақамлаштиришда имкониятларини очиб берди.

Рақамли университет – бу рақамли технологияларни анъанавий таълим эҳтиёжларига мослаштиришни, янги восита ва усулларни қўллашни назарда тутди. Ҳамма нарса амалга ошиши учун дастурларни ҳам, ўқитишга бўлган ёндашувни ҳам қайта қуриш лозим бўлади. Бунда нафақат мутахассисликка қўйиладиган талабларга, балки талабага, унинг шахсий эҳтиёжлари ва имкониятларига ҳам эътибор қаратиш лозим бўлади. Йилдан-йилга рақамли ва анъанавий университет ўртасидаги чегаралар тобора камайиб боради, лекин ўқитувчининг роли камаймайди, аксинча, ўқитувчи янги кўникмаларни эгаллайди ва бутун тизим билан бирга янги ролларга ўрганади.

Рақамли университетларга алоҳида янги ташкилот бўлмасдан, балки, янги ва рақамли шаклда фаолият олиб борадиган ва ҳамма учун янги имкониятлар яратишга йўналтирилган рақамли муҳитни яратадиган анъанавий университет тизимининг бир қисми деб қараш мумкин бўлади.

Бунда университетларнинг янги технологиялардан фойдаланиши янада индивидуал ёндашувни шакллантиришга имкон беради, чунки катта маълумотларни қайта ишлашга асосланган таълим тизими нафақат талабанинг, балки ҳар бир кишининг манфаатларини ҳисобга олишга имкон беради. Бунда “Катта маълумотлар омбори”, “Булути технологиялар”, “Сунъий интеллект” ва бошқа рақамли технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Катта маълумотлар омбори университетларни бошқаришда олиб бориладиган турли дарс жараёнлари ҳақидаги маълумотларни йиғиш, сақлаш, таҳлил қилиш ва қўллаш, талабаларга ва ўқитувчиларга on-line тарзда қулай етказиб бериш каби уларнинг эҳтиёжларини қондиришга йўналтириш, ўқув жараёнини қайта ташкил этиш ва таълим форматларини модернизация қилишда муҳим рол ўйнайди.

Талабалар ўз натижалари, тақдимотлари ва нутқлари, лойиҳалари ҳақидаги маълумотларни махсус шаклда университет платформасига киритадилар, изоҳ қолдирадилар ва уларнинг мавзулари профессор-ўқитувчилар томонидан ҳолис баҳоланади. Буларнинг барчаси ҳар бир талаба учун шахсий таълим дастурини тузишга имкон беради. Таълим жараёнининг очиқ, шаффоф ва самарали бўлиши таъминлайди.

Рақамли университет талабалар учун нафақат дастурларга, балки таълим мазмунига ҳам очиқлик киритишни ташкил қилади ва янги рақамли



платформа билим ва кўникмаларни баҳолашнинг объективлигини таъминлашга имкон беради. Бу билан бирга талабаларнинг ижодий ривожланишига ёрдам беради.

Рақамли университетларда талаба ва профессор-ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро алоқаларни кўллаб-қувватлайдиган ва ўзгартирадиган технологияларни жорий этишга, онлайн курсларни, видеоконференс алоқалар ва веб семинарлар форматларини тақдим этиш имкониятини оширади.

Хозирги кунда Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари” кафедраси қошида ташкил этилаётган “Рақамли трансформация” лабораторияси шу каби муаммоларни тадқиқот этишга, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирокида турли рақамли технологияларни жорий этиш технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга қаратилгандир. Келгусида бу соҳадаги илмий-тадқиқотларни кенгайтириш ва дунёнинг ривожланган олий ўқув юрталари билан бу соҳада ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бориш соҳасида изланишлар олиб борилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. "Халқ сўзи", 2020 йил 25 январь
(<https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%98%D0%BD%D0%BD%D0%BE%D0%B2%D0%B0%D1%86%D0%B8%D1%8F>).
2. Шумпетер Й. Теория экономического развития: Исследование предпринимательской прибили, капитала, кредита и цикла конъюнктури. –М.: Прогресс, 1982
3. Твисс Б. Управление научно-техническими нововведениями. –М.: Экономика, 1989.
4. Хусек М. Инновации на предприятиях их внедрение. –М.: Луч, 1992.
5. Пригожин А.И., Нововведение: стимулы и перспективы. - М.: Политиздат, 1998
- 2.
6. Санто Б. Инновация как средство экономического развития. –М.: Прогресс, 1990.
7. www.wikipedia.ru – veb sayt 10. www.kun.uz – veb sayt 11.

БЎЛАЖАК ИҚТИСОДЧИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАДҚИҚОТЧИЛИК ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШ

М.Ф. Хакимова,
“Инновацион таълим” кафедрасининг мудири,
п.ф.д., профессор, ТДИУ

Аннотация. Мазкур мақолада тадқиқот иши жараёнида бўлажак мутахассислар томонидан таълимнинг тарбиявий имкониятларини кучайтириши борасидаги назарий ва амалий билимларни ўрганиши каби бир қатор омиллар асосида кечиши бўйича маълумотлар келтирилган. Педагогик жараёнга тизимли ёндашув, ўқитиши мақсадидан тортиб унинг натижасигача бўлган жараён ва талаба имкониятларини яхлит тизим сифатида қабул қилиши билан белгиланади. Бундай ёндашув узлуксизлик, яхлитлик ҳамда тузилмавийликнинг диалектик бирлигини ўзида акс эттириб, мураккаб жараёнлар моделини яратиши имконини бериши билан уларни тадқиқ қилишни енгилаштиради.

Таянч иборалар: мутахассис, иқтисодчи, тадқиқотчи, олий таълим, талаба шахси, тизимли ёндашув, муаммо, инновация, илмий тадқиқот, касбий фаолият, мақсадга эришиши, психологик-педагогик талаб.

Жаҳонда таълим тизимининг интеграциялашуви тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи фаолият сифатида тан олинган. Замонавий таълим тизими бўлажак касб таълими педагогларини креатив ёндашувлар асосида тадқиқотчилик лаёқатини тарбиялаш механизмларини ва уларни амалиётга жорий этишнинг инновацион тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан таълим соҳасида бўлажак мутахассисларнинг тадқиқотчилик лаёқатларини тарбиялаш, инновацияларни яратиш, янги билимларни яратувчи замонавий педагогик жараёнлар асосида когнитив фикрлаш қобилиятини тарбиялаш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг интеллектуал ресурсларини яратиш ҳамда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш имкониятларини кенгайтиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Бутунги кунда таълим соҳасида амалга оширилаётган янгиликлар талабаларни мустақил фаоллигини оширишни, ўқув машғулотларида ноанъанавийликка асосланган усулларга кўпроқ ёндашишни тақозо этади. Талаба шахси камолотида берилаётган мустақил ўқув топшириқлари, муаммоли ечимга қаратилган мунозарали дарс шакллари ва аудиовизуал воситаларга асосланган ўқув материаллари кучли ижтимоийлаштирувчи таъсир аҳамиятига эга. Айнан мана шундай ўқитиш усуллари воситасида талабаларни олий таълимдаги ўқув фаолиятига тайёрлаш, мантиқий ва танқидий тафаккурини шакллантириш, мавжуд қобилиятларини юзага чиқаришга имкон яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида: “Ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан

юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш ...” таъкидланиб, муҳим аҳамият касб этади.

Глобаллашув шароитида бўлажак мутахассисларни тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш ва фаолиятга ўргатишга фанлараро дастур сифатида катта эътибор берилмоқда. Чунки, у ўқитишга ёндашув ва услубларнинг универсал мажмуи сифатида очик ва демократик жамият тамойилларига тўлароқ мос келади. Тадқиқотчилик фаолиятига ўргатиш “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да баён этилган юқори умумий ва касбий маданиятни, ижодий ва ижтимоий фаол, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда ўз ўрнини топа олиш малакасига эга бўлган, истиқболли вазифаларни қўйиш ва ҳал қилиш қобилиятига эга бўлган кадрларни янги авлодини шакллантириш вазифасини ҳал қилишга ҳам тўла-тўқис мос келади.

Бугунги кунда бўлажак мутахассисларни тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлашда технологик ёндашув муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлашда хизмат қиладиган таълим технологияларининг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат: яъни, ўқув жараёни илмий жиҳатдан асосланган қонуниятларга таянган ҳолда ташкил этилади, бўлажак мутахассислар билан тақдим этилган ахборотлар орасида алоқадорлик вужудга келади, мазкур технологиянинг йўналишлари, қисмлари талабани фикрлаш ва рефлексияга ундайди, ҳар бир ўқув вазияти, ўқув дақиқасида ўқитувчи мулоқотга ундовчи субъект сифатида намоён бўлади, бўлажак педагогларни тадқиқотчилик асосида фикрлаш кўникмаларини аниқлаш учун, асосан, матн устида ишлаш тавсия қилинади, бўлажак мутахассисларни тадқиқотчилик асосида фаолият олиб боришга ўргатиш учун мунозаралар ва лойиҳалаш машғулотлари муҳим аҳамиятга эга ва уларда тадқиқотчилик фаолиятини шакллантиришга йўналтирилган технологиялар янги таълим жараёнини ўзаро ҳамкорлик, биргаликда режалаштириш, фикрлаш асосида амалга оширилишини таъминлайди.

Ҳозирда олий таълим муассасаларида илмий тадқиқотлар билишнинг илмий тамойиллари ёрдамида конкрет объектни ўрганиш мақсадида олиб борилади. Ушбу соҳада илмий йўналиш, илмий муаммо ва илмий мавзу каби тушунчалар мавжуд. Илмий тадқиқот ишларига киришишдан олдин талабалар, унинг методлари, шакллари ва воситаларини тўғри танлаб олиши ва методикани илмий асослашлари лозим. Илмий тадқиқотлар муаммони юзага чиқариш, мавзуну танлаш ва маълум бўлган маълумотларни объектив таҳлили учун ахборотни излашдан бошланади. Ахборотни излашдан сўнг илмий изланишларга ўтилади, яъни илмий ижодга киришилади. Бунда шахснинг эвристик фаоллиги янги назарияни яратишга олиб келади. Илмий тадқиқот – фаннинг мавжудлик шаклидир. Мазкур тадқиқотнинг назарий ва илмий аҳамияти далилларни йиғиш, ўрганиш ва тизимлаштириш, мантиқан текис илмий қонунни яратиш мақсадида айрим ва алоҳида қонуниятларни умумлаштириш ҳамда очиб беришдан бошланади. Билишнинг алоҳида поғоналарининг диалектики тадқиқот фаолиятининг турли шакллари тахмин қилади. Улар эса, шартли равишда ахборотли ва илмий изланишларга бўлинади.

Бизнингча, талабаларни тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитлари қуйидаги эҳтиёжларга жавоб берадиган назарияни қуришдан иборат: фактларни таҳлил этиш, таснифлаш ва бир тизимга солиш (синтез қилиш); реал оламнинг аниқ фактларини талқин қилиш ва англаб олиш; янги натижаларни олдиндан айтиб бериш ва ҳодисалар ривожини башорат

килиш. Назария билан амалиёт ўртасидаги методология ва услубиёт орқали амал қиладиган мураккаб муносабатлар қарор топган бўлиб, уларни қуйидаги схема билан ифодалаш мумкин.

Хозирги вақтда кўплаб тадқиқотчилар мутахассислар тайёрлашнинг ўзига хос моделларини ишлаб чиқмоқдалар. Бу ишланмаларнинг моҳияти у ёки бу касб (мутахассислик)нинг ривожланиш истиқболларини олдиндан белгилаш ва тақдим этиш, унинг мазмунини ҳамда мутахассис эгаллаши лозим бўлган касбий ва шахсий сифатларга қўйиладиган талабларни аниқлашдан иборат. Бу амалий таълим жараёнини мутлақо янги асосда ташкил этиш имконини беради.

Бутунги кунда иқтисодиёт олий таълим муассасаларида бериладиган таълим-тарбия юқори малакали иқтисодчи мутахассисларни шакллантиришга қаратилган. Талабаларнинг ҳуқуқий маданияти уларнинг ҳуқуқий онг даражасини оширишга, иқтисодий тафаккурини объектив борлиқни, иқтисодий ҳаётдаги воқеаларни билишга, қонунларни англашга, инсон фаолияти ва иқтисодий муносабатлар моҳиятини акс эттириш билан иқтисодий маданиятни шакллантиришдир. Иқтисодий тарбияда қатор йўналишлар ажратиб кўрсатилади: иқтисодий қонунлар ҳаракати механизминини тўғри тараққий эттириш учун иқтисодий тафаккурни юксалтириш, иқтисодий маданиятни шакллантириш, жамиятнинг ҳозирги замон тараққиёти жараёнини англаш, давлат ва хусусий мулкка бўлган тегишли муносабатни тарбиялаш, бўлажак мутахассисларнинг меҳнат жараёнида ўз ўрнини ва жамиятдаги ролинини тўғри англашга йўналтирилган.

Шиддат билан ўзгараётган ҳозирги даврда кадрлар тайёрлаш жараёнида шахсни ривожлантириш ва тарбиялашнинг устуворлик тамойилига тўла амал қилмаслик таълим соҳасида муайян муаммоларни келтириб чиқаради. Таълим мазмуни ва уни ташкил этиш асосан талабаларга назарий билимларни беришдан иборат бўлиб қолмоқда. Таълим жараёнига педагогик ва ахборот технологияларини жорий этишга қисман гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар доирасидагина эътибор қаратилмоқда.

Бизнингча, олий таълим муассасаларида машғулотлар ўтиш жараёнида таълимнинг тарбиявий хусусиятини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга ва қуйидагилар етакчи ўринни эгаллайди:

- мақсадга эришиш йўлида ўқитувчилар ва талабаларнинг ҳамкорлигини таъминлаш;
- ўқитиш жараёнининг давомийлиги (мазкур жараёнда талаба мунтазам равишда турли вазиятлар таъсири остида бўлади ва шу вазиятда унда муайян шахсий тажриба ортади);
- психологик ва педагогик талабларга мувофиқ ўқув-тарбиявий жараённинг мажмуавийлиги, таълим субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрнатиш.

Ҳар қандай таълим жараёнида кадрларга тарбиявий таъсир этиш имконияти мавжуд. Хусусан, шахснинг тўла шаклланиши ва ҳар томонлама ривожланиши, Шарқ мутафаккирларининг педагогик меросини ўрганишда миллий ўзликни англаш, шахсда маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш, касбий-педагогик мулоқотлар асосларини эгаллашда шахснинг маънавий-ахлоқий сифатларини шакллантириш ва бошқалар.

Тизимли ёндашув – илмий билиш ҳамда ижтимоий амалиёт методологиясининг йўналиши бўлиб, унинг асосида объектларни тизим сифатида

қабул қилиниши ётади. Тизимли ёндашув тадқиқотчини объект яхлитлигини очиб беришга, унинг алоқалари турли типларини аниқлашга ҳамда уларни ягона назарий кўринишга келтиришга йўналтиради. Баъзи тадқиқотларда муаллифлар фақатгина тизим элементларини санаб ўтиш билан чегараланадилар, бироқ педагогик жараёнда фойдаланиладиган мақсад, метод, восита амалга оширилиш шарт-шароитлари очиб берилмасдан қолади. Тизимли ёндашувнинг асосий тушунчалари ва бошланғич асосларини ўрганишимиз натижасида реал борлиқнинг муҳим белгиларидан бири – ундаги объектларнинг ўзаро таъсирлашуви натижасида таъсирлашувнинг бошланғич давридаги объектларга хос бўлмаган янги сифатлар юзага келиши тўғрисидаги тасаввур ҳосил бўлади. У сифат жиҳатидан янги маҳсул – яхлитликнинг ва тизимнинг вужудга келишидир. Яхлит тизим ўзи таркиб топган қисмларга фаол таъсир кўрсатиб, уларни ўз табиатига мослаб ўзгартиради. Натижада дастлабки бошланғич қисмлар сезиларли ўзгаришга учрайди: кўпчилик ҳолатларда олдинги, улар тизимга киришигача бўлган хусусиятларини йўқотади, уларнинг бошқа хусусиятлари ўз аҳамиятини оширади, янги сифатларга эга бўлади, шунингдек сақлаб қолинадиган хусусиятлар ҳам сифат ва миқдор ўзгаришларга учрайди.

Амалга оширилган тадқиқот ишлари бўлажак мутахассисларни тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш муаммосининг аниқланган ечимлари борасида янги тадқиқот йўналишлари юзага келаётганлигини кўрсатади. Бундан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот йўналишлари сифатида қуйидаги тавсияларга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- иқтисодиёт таълим йўналишларида бўлажак мутахассисларда тадқиқотчилик фаолиятини амалга оширишнинг изланиш, йўналтириш, тизимлилик, технологик ва умумлаштириш каби тузилмавий хусусиятларини инновацион тамойилларни қўллаш асосида такомиллаштириш;

- бўлажак мутахассисларнинг касбий-инновацион фаолиятларини ривожлантириш орқали ижодий-яратувчанлик ҳамда тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш босқичлари мазмунини ишлаб чиқиш;

- илғор педагогик тажрибалар ва ижодий касбий топшириқларни моделлаштириш асосида бўлажак мутахассисларнинг тадқиқотчилик фаолиятига тайёргарлик даражаларини баҳолаш мезонлари: репродуктивлик, қисман-изланувчанлик ва изланувчи-креативни оптималлаштириш.

Умуман олганда, олий таълим муассасаларида илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида узлуксиз, яхлит, ўзаро боғлиқликни таъминловчи таълим тўлақонли амалга оширилганда талаба ёшларнинг ижодий қобилиятларини ўстириш, мустақил мушоҳада юритиш кўникмаларини ривожлантириш, талаба шахсининг шаклланиши билан ўзаро алоқада реал педагогик жараённи вужудга келтириш мумкин. Бу жараён турли таълим концепциялари, назариялари ёрдамида лойihalаштирилиши ва таълим муассасаларида татбиқ этилиши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Hakimova M.F., Yulchiyeva G.T. Zamonaviy iqtisodchining shaxsi – T.: Fan va texnologiya, 2014. – 208 b.*
2. *Tojiboeva D., Xўjaev N., Avalova G. Iqtisodiy pedagogika. – T.: Fan va texnologiya, 2008. – 256 b.*
3. *Tojiboeva D., Yuldoшев A. Maxsus fanlarni ўqitish metodikasi. – T.: Aloqachi, 2018. – 568 b.*
4. *Файзуллаева Н.С., Исламов А.А. Экономика знаний. – T.: ТДИУ, 2019. – 180 б.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОЧИҚ МАЪЛУМОТЛАР СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

О.С. Умаров,

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика
қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари. PhD.**

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда очик маълумотлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, очик маълумотлар соҳасида олиб борилётган амалий ишлар, олиб борилган амалий ишлар натижалари, портал юритилиши ҳолати ҳамда Очик маълумотлар порталидан фойдаланишидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари кўрсатилган.

Таянч иборалар. Очик маълумот, портал, Рақамли Ўзбекистон, очик маълумотлар портали, АКТ, сунъий интеллект, маълумотлар паспорти, технологик йўриқнома, халқаро очик маълумотлар хартияси.

Кириш. Замонавий ахборот жамияти эҳтиёжларининг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда очик маълумотларга киришни таъминлайдиган хизматлар ривожланган мамлакатларда давлат ва фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликнинг энг ривожланаётган йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда рақамлаштириш жадал ривожланиши даврида электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш масаласи янада муҳим аҳамият касб этиб, давлат идоралари фаолияти очиқлигини таъминлаш, жамоатчиликка бу борада аниқ ва ҳолис ахборот етказиб бериш юзасидан кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Очик маълумотларнинг очиқлик ва сифат даражаси, уларни фуқароларга ва жаҳон ҳамжамиятига етказишнинг амалдаги механизмлари, шунингдек, давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш орқали Ўзбекистон Республикасининг жаҳон майдонидаги имиджини ҳамда инвестициявий жозибадорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бугунги глобаллашув ва ахборот технологиялари жадал ривожланиши даврида электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш масаласи янада муҳим аҳамият касб этиб, мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти очиқлигини таъминлаш, жамоатчиликка бу борада аниқ ва ҳолис ахборот етказиб бериш юзасидан кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадқиқот методологияси. Илмий мақолада мамлакатимизда очик маълумотлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, очик маълумотлар соҳасини ўрганиш ва ундан самарали фойдаланиш йўлларини ҳамда унга таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш, тадқиқот натижаларини тизимлаштириш асосида илмий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишда индукция

ва дедукция, тизимли ва қиёсий таҳлил, график тасвирлаш ва иқтисодий-статистик усуллардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари ва таҳлилар. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан чекланган очик маълумотлар шаклида махфий маълумотларни, шу жумладан шахсий маълумотларни, шунингдек, бошқа маълумотларни ўз ичига олган давлат сирини ташкил этувчи маълумотлар нашр этилмайди. Давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар очик маълумотлар шаклида эълон қилинади.

Очик маълумотлар билан таъминлаш қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- барча соҳадаги маълумотларни мавжудлиги;
- маълумотлар аниқ ва тўлиқ жойлаштирилганлиги;
- архив маълумотлардан фойдаланишга рухсат берилганлиги;
- қайта ишлашга инсон ва машина ўқийдиган форматда тайёр бўлиши.

Бизнинг фикримизча “Очик маълумот” – бу, очик маълумотлар порталида кўп маротаба, эркин ва бепул фойдаланиш мақсадида машина ўқиши учун керакли форматларда киритиладиган, интернет тармогида жойлаштирилган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотлар жойлаштирилиши тушунилади. Шунингдек, тадқиқотларимиз натижсида қуйидаги таърифларни кўриб чиқдик. Унга кўра, очик маълумотлар тўплами бу– атрибутлар тўплами билан тавсифланган индивидуал элементлардан ташкил топган очик маълумотлар шаклида тақдим этилган, бир хил турдаги маълумотларнинг тизимлаштирилган тўплами ва инсон иштирокисиз автоматлаштирилган тизимларни бундай элементларни аниқлаш, изоҳлаш ва қайта ишлашга имкон беради[4].

Мамлакатимизда очик маълумотлар ҳукумат ва иқтисодиёт вакилларига қўшимча иқтисодий фойда кўришга ёрдам беради. Яъни очик маълумотлар орқали йиллик кўрсаткичларни қиёслаб, ўсиш суръатларини баҳолаш мумкин бўлади. Очик маълумотлар базасидан фойдаланишдаги муаммолар қуйидагилардан иборат:

- очик маълумотлар дастурини ишга тушириш жараёнига хусусий сектор, ОАВ, илмий давралар, фуқаролик жамияти институтларини ҳам жалб қилиниши лозим;
- «Ахборот эркинлиги соҳасида сўнгги 3 йилдаги эркинликларга қарамай, Ўзбекистонда ҳалигача ахборот олишда давлат органлари томонидан тўсқинлик қилиниши ҳолатлари мавжудлиги;
- кўплаб маълумотларнинг электрон кўринишда эмас, қоғозларда сақланаётгани ҳам ахборотнинг очиклигига даҳл қилиши;

- очик маълумотларни оммага ҳавола этиш бўйича аниқ бошқарув тизими мавжуд эмас.
- Интернет тезлиги пастлиги, АКТ инфратузилмаси етарли даражада ривожланмагани, сифатли кадрлар йўқлиги;
- Норматив-ҳуқуқий базани соддалаштириш орқали маълумотлардан фойдаланишдаги тўсиқларни йўқотиш, маълумотларни очиқлик ва ёпиқлик хусусиятига кўра аниқ классификациялаш, иқтисодий ўсишга хизмат қиладиган маълумотларнинг очиқ ва аниқ бўлишини таъминлаш.

Мамлакатимизда очиқ маълумотлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, давлат органлари ҳисоботларини ишончли равишда юритишни шакллантириш юзасидан изчиллик билан чоралар кўришмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4273-сон қарорига асосан, Давлат статистика қўмитаси, давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар тўпламлари рўйхатини шакллантириш, юритиш ва янгилаш ҳамда тегишли ахборотларни Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталида ўз вақтида акс эттирилиши бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш учун масъул этиб белгиланди [1]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 9 апрелдаги ПҚ-4273-сон қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида қўмита тизимида “Очиқ маълумотлар портали фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси” ташкил қилинган эди. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор амалий ишларни амалга оширди.

Давлат статистика қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда халқаро тажриба ҳамда фойдаланувчиларнинг фикр ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталида эълон қилиниши лозим бўлган давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар тўпламлари рўйхати шакллантирилди ва 2021 йилнинг 23 мартда белгиланган тартибда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссиясига тасдиқлаш учун киритди. 2021 йилнинг 2 апрель кuni ўтказилган “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси бошчилигида [2] Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталида эълон қилиниши лозим бўлган очиқ маълумотлар тўпламлари рўйхати (87 та ташкилот, 3351 та очиқ маълумотлар тўпламлари) тасдиқланди.

Жумладан, фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа соҳа мутахассисларининг ўз фаолиятида очиқ маълумотлардан эркин фойдалана олишини, маълумотлар асосида таҳлилий ишларни олиб бориш, мобил иловалар ишлаб чиқиш ёки илмий изланиш жараёнларида мазкур маълумотлардан фойдаланишни таъминлаш мақсадида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталини янги талқини data.egov.uz ишлаб чиқилди ҳамда ишга туширилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталини янги талқини ишлаб чиқилиб унда бир қатор имкониятлар яратилди:

- Очиқ маълумотлар портали фаолияти доирасида маҳаллий илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари ҳамда ахборот технологиялари соҳасидаги дастурчилар ва ташкилотларга сунъий интеллект асосидаги дастурий таъминотда фойдаланиш учун давлат ва бошқа маълумотлар тўпламларини олиш имкониятини тақдим этувчи рақамли маълумотлар платформаси;

- маълумотларни стандартлаштирилган шаклда юритиш, интерактив харитага объектнинг географик жойлашув маълумотларини киритиш имконияти;

- очиқ маълумотлар тўпламларида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг эҳтиёжларини ҳисобга олиш механизми;

- очиқ маълумотлар тўпламларини ўз вақтида жойлаштириш ва уларни янгилаш устидан автоматик равишда назорат қилиш имконияти;

- маълумотлар билан ишлашда фойдаланувчиларга, жумладан кўриш имконияти чекланган шахслар учун қулайликлар;

- ҳар бир маълумотга алоҳида такрорланмас ID бириктириш ҳамда тегишли маълумотларни жойлаштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва излашни унинг ёрдамида амалга ошириш имконияти;

- маълумотларни ўз вақтида янгилаб боришнинг мониторинг тизими ҳамда муддатида жойлаштирилмаган маълумотлар бўйича вазирлик ва идораларнинг шахсий кабинетига хабар жўнатиш имконияти;

- Очиқ маълумотлар порталида маълумотларни онлайн тарзда янгилаб боришни йўлга қўйиш мақсадида давлат органларининг идоравий ахборот тизимлари ва ресурсларини портал билан интеграция функцияси татбиқ этилди;

- давлат органларининг расмий сайтларида очиқ маълумотлар саҳифасини очиш ҳамда ушбу саҳифани Давлат статистика қўмитаси томонидан шакллантириладиган ягона кўриниш (стандарт)га келтириш мақсадида ҳар бир очиқ маълумотлар тўплами маълумотларини онлайн юклаб олиш веб-сервиси ташкил этилди.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикасининг Очiq маълумотлар портали фаолияти доирасида маҳаллий илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари ҳамда ахборот технологиялари соҳасидаги дастурчилар ва ташкилотларга сунъий интеллект асосидаги дастурий таъминотда фойдаланиш учун давлат ва бошқа маълумотлар тўпламларини олиш имкониятини тақдим этувчи рақамли маълумотлар платформаси яратилди.

Шунингдек, Очiq маълумотлар порталининг (data.egov.uz) бош саҳифасида сунъий интеллект доирасидаги маълумотларни кўриш ва улардан фойдаланиш мақсадида алоҳида “СИ маълумотлари” бўлими яратилиб, Давлат статистика қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4996-сон қарори 4-иловасига мувофиқ,^[3] давлат органлари ва ташкилотлари томонидан сунъий интеллект соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш учун очiq шаклда тақдим этилиши лозим бўлган 14 та давлат маълумотлари рўйхати паспорти намунаси шакллантирилди ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда тасдиқланди.

Шу билан бирга, мазкур қарорнинг 4-иловасига мувофиқ, Давлат статистика қўмитаси томонидан сунъий интеллект соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат маълумотларини Очiq маълумотлар порталига интеграция қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди

Ҳозирда мазкур чора-тадбирлар режасига мувофиқ, сунъий интеллект соҳасидаги маълумотлар тўпламларини Очiq маълумотлар порталига интеграцияси бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази томонидан “Иқлим ва об-ҳаво шароитлари тўғрисидаги маълумотлар” индикатори (<http://217.30.161.60:8085/api/weather/current>);

- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан “Маркировкаланган алкоголь ва тамаки маҳсулот тўғрисидаги маълумотлар” (<https://api.soliq.uz/api/opendata/alcohol>) ҳамда “Назорат касса машиналари орқали аҳоли билан пул операциялари тўғрисидаги маълумотлар” индикаторлар (<https://api.soliq.uz/api/opendata/onlinenk>);

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан “Йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисидаги маълумотлар” индикатор (https://api-ftp.yhxbb.uz/api/egov/open_data/);

- Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан “Жамоат транспорти ҳаракати тўғрисидаги” (<http://185.74.4.160:8080/api/auth/login>) индикаторлар интеграцияси амалга оширилган.

Бундан ташқари, 2019–2021 йилларда мамлакатимизда очiq маълумотлар соҳасини ривожлантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилгани ва бу ишлар орқали қуйидаги натижаларга эришилганлиги алоҳида айтиб ўтишимиз лозим. Ўзбекистон Республикаси Халқаро очiq

маълумотлар Хартиясига қўшилган жаҳондаги 23-мамлакат, Осиёда эса Жанубий Корея ва Филиппиндан кейинги учинчи давлат бўлди. Халқаро очиқ маълумотлар Хартияси - бу 150 дан ортиқ ҳукумат ва ташкилотларнинг умумий тамойиллар асосида маълумотларни очиш устида иш олиб боради. Халқаро очиқ маълумотлар Хартиясининг олтита тамойиллари 2015–йилда бутун дунё бўйлаб ҳукуматлар, фуқаролик жамияти ва экспертлар томонидан глобал миқёсда келишилган маълумотларни чоп этиш учун керакли меъёрлар тўпламини тақдим этиш учун ишлаб чиқилган. “Open data Inception” ташкилотининг маълумотиغا кўра, жаҳон мамлакатлари орасида Ўзбекистон 99 та очиқ маълумотлар манбалари билан очиқ маълумотлар манбалари сони бўйича жаҳонда 5-ўринни эгаллади. “Open Data Inventory” (ODIN) Очиқ маълумотлар рейтингда Ўзбекистон Республикаси 63 баллни тўплади ва рейтингда 125 та позицияга кўтарилиб, дунёда 44-ўринни, Марказий Осиёда эса 1-ўринни эгаллади.

Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталини янги талқинига жойлаштириш учун Давлат статистика қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаикда халқаро тажриба ҳамда фойдаланувчиларнинг фикр ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталида эълон қилиниши лозим бўлган давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар тўпламлари рўйхати шакллантирилади ва 2021 йилнинг 23 мартда белгианган тартибда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссиясига тасдиқлаш учун киритилди. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталида эълон қилиниши лозим бўлган очиқ маълумотлар тўпламлари рўйхати (87 та ташкилот, 3351 та очиқ маълумотлар тўпламлари) тасдиқланди. OzName 5 юлдузли баҳолаш мезонига кўра, Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти "Stat.uz" маълумотлари 4,47 баллни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар портали – "Data.gov.uz" маълумотлари 3,34 баллни қайд этди. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (IT-Парк), шунингдек, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори томонидан “Очиқ маълумотлар” бўйича қўлланма тайёрланди ва чоп этилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Электрон ҳукумат кузатуви 2020” да “Очиқ давлат маълумотлари индекси” бўйича Ўзбекистон энг юқори (Very High OGD) кўрсаткичига эга бўлган жаҳоннинг 41 та мамлакати орасидан жой олди.

Аҳоли учун зарур маълумотларни уларга ўз вақтида етказиб бермаслик ва аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондирмаслик жамият

ривожланишига катта салбий таъсир ўтказиб, оқибатда “ахборот тақчиллиги” жамиятнинг инқирозига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, маълумотларни очиқлигини таъминлаш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга, яъни биринчи навбатда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда туризм соҳасини янада ривожлантиришга эришишимиз мумкин бўлади. Айнан шу омиллар очиқ маълумотлар портални ишлаш самарадорлигини ошириш зарурлигини келтириб чиқаради. Шу билан биргаликда Очиқ маълумотлар портални юритишда Портал билан давлат органларининг идоровий ахборот тизимлари ва ресурсларини интеграция қилишни кенгайтириш лозим[5].

Мамлакатимизда очиқ маълумотлар тизимини жорий этиш орқали қуйидаги натижаларга эришишимиз лозим:

- давлат ҳокимияти органларининг шаффофлигини ошириш ва "Очиқ ҳукумат" концепциясини амалга ошириш;
- хорижий инвесторларни мамлакатимиз имкониятлари ва салоҳияти тўғрисида хабардор қилиш ҳамда шу орқали инвестицияларни жалб қилиш;
- туризм хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантириш;
- ижтимоий-сиёсий институтларни шакллантириш ва ташкил этишда фуқаролик жамиятининг иштироки даражасини ошириш;
- ахборотдан фойдаланиш имкониятини ошириш орқали аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш.

Давлат, ижтимоий-иқтисодий ва тижорат маълумотларидан ташқари, махсус категориядаги маълумотлар ҳам мавжуд бўлиб, маълумотлар жисмоний шахслар томонидан очиқ эълон қилинган шахсий маълумотлар ҳам муҳокама қилинади. Жисмоний шахслар томонидан етказиб бериладиган шахсий маълумотлардан фойдаланиш механизми. Бунда, жисмоний шахслардан ижтимоий тармоқлар орқали маълумотларни етказиб берувчилар бўлиб, ташқи муҳитнинг иқтисодий субъектлари ўзларига керакли маълумотлардан фойдаланиш имконияти туғилади.

Хулоса ва таклифлар. Бизнинг фикримизга кўра, очиқ маълумотларнинг инкор этилмайдиган афзалликларидан бири одамлар янги ғоялар ва хизматлари орқали дунёмизни яхшироқ қиладиган хизматларни яратиш учун очиқ маълумотлардан фойдаланишлари мумкин деб ҳисоблаймиз. Очиқ маълумотлар иқтисодиёт учун муҳим ҳисобланиб, бир қатор тадқиқотлар шуни кўрсатдики, фақат Европа мамлакатларида очиқ маълумотларнинг бозор қиймати ўнлаб миллиард еврога тенг бўлиб, очиқ маълумотлардан фойдаланадиган маҳсулотлар ва компаниялар пайдо бўлади. Бу ерда, масалан, Дания сайти husetsweb.dk уйнинг энергия самарадорлигини оширишга, молиявий режалаштиришни амалга оширишга ва ишни бажарадиган қурувчиларни топишга ёрдам бермоқда. У кадастр маълумотларини ва давлат субсидиялари ҳақидаги маълумотларни, шунингдек, компанияларнинг маҳаллий реестрларини қўлаб, Google Translate ишлаб

чиқувчилари барча Европа тилларида чоп этиладиган Европа Иттифоқи хужжатларининг катта ҳажмида таржима алгоритмларини ўқитиш орқали хизмат сифатини оширмоқдалар.

Очиқ маълумотлар соҳасидаги нуфузли рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини таъминлаш ҳамда уларда юқори натижаларга эришиш учун мустаҳкам замин яратиш, Давлат органларининг расмий сайтларида очиқ маълумотлар саҳифасини очиш ҳамда ушбу саҳифани Давлат статистика қўмитаси томонидан шакллантириладиган ягона кўриниш (стандарт)га келтириш каби ишларни режалаштириб қўйдик. Очиқ маълумотлар соҳасини янада ривожлантиришдаги асосий мақсадимиз Ўзбекистон Республикасини яқин йилларда очиқ маълумотлар соҳасидаги энг етакчи мамлакатлар қаторига қўшишдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги ПҚ-4273-сон “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги “Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4996-сон Қарори.
4. С. Мартиросян. Об открытых базах данных в государственной системе. Эксперт Информационного центра НОФ «Нораванк». Статья. Сайт. noravank.am.
5. Лора Мэнли, Джозэл Гурин. “Открытые данные для бизнеса”. Аналитическая записка Всемирного банка для лидеров в области развития. Проект для обсуждения. 2015 год.стр.12.

ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ДИДАКТИК ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ж.А. Ҳамидов,
п.ф.д., проф. Жиззах политехника институти
“Сервис” факультети декани
Ф.С. Тўрабеков,
“Инновацион таълим” кафедраси доценти, ТДИУ

Аннотация: Ушбу мақолада умумкасбий фанларни ўқитишда замонавий дидактик воситалардан фойдаланишнинг имкониятлари ёритиб берилган.

Таянч иборалар: дидактик восита, умумкасбий фан, объект, электрон дарслик, интеллектуал тизим.

Бўлажак мутахассисларнинг илмий дунёқараши асосан физика-математика циклидаги фундаментал фанларни ўқитиш жараёнида шаклланади. Уларнинг касбий тайёргарлигини шакллантиришда юқорида қайд этилган ўқув фанлари билан биргаликда, ўқув режаларда кўзда тутилган умумкасбий фанлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Умумкасбий фанларига “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси”, “Метрология стандартлаштириш ва ўзаро алмашиши асослари”, “Гидравлика ва гидравлик узатмалар”, “Иссиқлик техникаси”, “Материалшунослик ва конструкцион материаллар технологияси”, “Материаллар қаршилиги”, “Машина ва механизмлар назарияси”, “Машина қисмлари”, “Электротехника ва электроника асослари” каби фанлар қиради. Юқорида қайд этилган умумтехника фанларини ўқитиш ўзига хос мураккабликка эга бўлиб, у қуйидаги омиллар билан шартланган:

- кўпгина талабалар умумкасбий фанларини ўрганишга киришиш вақтида реал техника қурилма ва тизимлар билан таниш бўлмайди. Чунки, улар билан талабаларни таништириш кейинроқ, яъни ихтисослик фанларни ўрганиш жараёнида амалга оширилади;

- идеаллаштирилган техник объектларнинг юқори даражада мураккаблиги, реал техник тизим ва қурилмалар ҳамда уларнинг ишлаш режимининг кўп хиллиги ва мураккаблиги;

- фойдаланиладиган назарий тушунчалар ҳажмининг катталиги, уларнинг мантиқий ўзаро алоқадорлиги ва бу тушунчаларнинг иерархик тузилиши юқори даражадалиги.

Умумкасбий фанлари тушунчалари тизимининг бошқа фанлар тушунчалар тизимида фарқи унинг юқори даражада иерархиклигини ва бу иерархия компоненталарининг юқори даражада мантиқий ўзаро боғлиқлигидадир. Умумкасбий фанлари бўйича ҳар бир янги ўрганиладиган тушунча, аввал ўрганилган, яъни талабага таниш бўлган тушунчаларни ўз ичига

камраб олади. Шунинг учун ҳам умумкасбий фанлари бўйича янги ўқув материалларини ўрганишни фақат аввалгиларни мустақкам ўзлаштириш шароитидагина амалга ошириш мумкин. Бунга эса қуйидагиларни таъминловчи компьютерли ўқув дастурларини яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш ҳисобига эришиш мумкин:

- идеаллаштирилган техник объектларнинг мураккаблиги ва реал техник тизим ҳамда қурилмалар ва уларнинг ишлаш режими кўп хиллиги билан шартлашилган, етарли даражада мураккабликка эга бўлган ўқув материалларини қулай баён этишни;

- умумкасбий фанларини ўрганишда фойдаланиладиган катта ҳажмдаги назарий тушунчалар, уларнинг мантиқий ўзаро алоқадорлиги ҳамда бу тушунчалар иерархиклиги юқори даражадалигини аксланишини;

- катта ҳажмдаги турли хил назорат қиловчи машқ қилиш хатти-ҳаракатларини.

Бутунги кунда умумкасбий фанларни ўқитишда ўқув жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича турли хил фикрлар мавжуд. Бундай фикрлар хилма-хиллиги шу билан изоҳланадики, ҳар бир фикр билдирувчи бу янги соҳага нисбатан ўзининг чекланган доирадаги субъектив қараш ва тажрибасига эга. Умумкасбий фанлари бўйича ўқув жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолашни турли хил маълумотларни, таққослаш асосида амалга ошириш лозим.

Умумкасбий фанларини ўқитишда замонавий дидактик воситаларини қўллаш бўйича олий ўқув юртлари касбий таълим йўналишларида тўпланган маълумотларни ўрганиш, таҳлил этиш ва таққослаш, ўқув жараёнида қўлланиладиган компьютерли ўқув дастурларини турларга ажратиш бўйича умум қабул қилинган қоида ҳозирга қадар мавжуд эмаслигини кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида умумкасбий фанларини ўқитиш жараёнида фойдаланиш учун мўлжалланган компьютерли ўқув дастурларини турларга ажратиш мезонларини ишлаб чиқишни талаб этади. Бундай компьютерли ўқув дастурларини қўлланилиш мақсадига кўра типларга ажратишга ҳаракат қилдик.

Умумкасбий фанларини ўқитишда қўлланиладиган компьютерли ўқув дастурларини уларнинг мақсадларига кўра қуйидаги турларга ажратдик:

- педагогик дастурий воситалар (ПДВ);
- ахборот-қидирув маълумотли дастурлар тизими (АҚМД);
- ўргатувчи дастурлар тизими (ЎДТ);
- замонавий дидактик воситалар (ЗДВ).

Ҳозирги кунда таълим жараёнида электрон (компьютерли) дарсликлардан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Электрон дарслик – бу ўқув жараёни дидактик циклининг тўлаллиги ва узлуксизлигини таъминловчи, назарий материалларни тақдим этувчи, машқ қилиш ўқув фаолиятни ва

билимлар даражасини назорат қилишни, ҳамда ахборот-қидирув фаолиятни, тескари интерактив алоқани амалга ошириш шароитида компьютерли визуаллаштирувчи ва сервисли функциялар билан математик ва имитацион моделлаштиришни таъминловчи комплекс мақсадли ўргатувчи дастурлар тизими. Бундай электрон дарсликлар яратиш катта куч-қувватни талаб этади. Битта ўргатувчи дастур доирасида қайд этилган функцияларни тадқиқ этиш жуда қийин амалга оширилувчи мақсад ҳисобланади, аммо бунга эришиш лозим ва у бугунги кундаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Интеллектуал ўқитиш тизимлари. Бундай тизимлар энг юқори даражадаги тизимларга мансуб бўлиб, сунъий интеллект гоёси базасида тадқиқ этилади. Е.И.Машбиц интеллектуал ўргатувчи тизимларнинг қуйидаги муҳим белгиларини кўрсатган:

1. Интеллектуал ўргатувчи тизим, бошқаришни натижа бўйича эмас, балки жараён бўйича, яъни ўқув масаласининг қўйилиши ва ечиш тамойилларини қидиришдан бошланувчи ва ўрганувчи фаолияти хусусиятларини эътиборга олиб ечим оптималлиги баҳолаш билан тугалланувчи барча босқичларда амалга ошириш мумкин.

2. Улар қондага кўра табиий тилга яқин тилда мулоқатли ўзаро хатти-ҳаракатни таъминлайди. Мулоқат жараёнида фақат у ёки бу хатти-ҳаракатнинг тўғрилиги муҳокама этилмасдан, балки ечимни қидириш стратегияси, хатти-ҳаракатларни режалаштириш, назорат усуллари ва бошқалар ҳам муҳокама этилиши мумкин.

3. Ўрганувчининг модели асосида унда рефлексивли бошқариш амалга оширилади. Ўрганувчининг бу модели ўқитиш жараёнида аниқлаштирилади.

4. Бу тизимнинг кўпчилиги маълумотлар жамланишига кўра ўзининг ўқитиш стратегиясини такомиллаштириш мумкин.

5. Тизим тайёр кўринишдаги асосий ва ёрдамчи ўргатувчи хатти-ҳаракатларни сақламайди, балки уларни генерациялайди.

Бошқа айтганда, интеллектуал ўргатувчи тизим тажрибали педагогнинг индивидуал ишлаш даражасида фойдаланувчи билан ўқув мулоқатини таъминлаш лозим. Шунинг учун ҳам энг умумий ҳолда интеллектуал ўргатувчи тизим бу нафақат ўргатувчи дастур, балки ўргатувчи тизим ҳам ҳисобланади.

Табиий-илмий ва умумтехника фанлари соҳаси учун интеллектуал ўргатувчи тизимларни яратиш ҳақида хабарлар онда-сонда учраб туради. Чунки интеллектуал ўргатувчи тизимларда билимлар базасида ўрганувчининг мустақил равишда сузиш муаммоси билан бир қаторда ўқитиш мақсадига эришиш муаммоси ҳам вужудга келади. Интеллектуал ўргатувчи тизимнинг асоси бўлиб предмет соҳаси билимлар, базаси илмий билимлар (ўқув предмети мазмуни) ва субъектив билимлар, яъни эксперт билимлар (ўқитиш методикаси, ўқитиш тажрибаси) ҳисобланади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, умумкасбий фанлари соҳасида моделлаштирувчи ва назорат қилувчи дастурий воситалар ҳамда автоматлаштирилган ўргатувчи тизимлар имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Ахборот-қидирув маълумотли тизимлар ва тренажёрли дастурий воситалар имкониятларидан эса жуда кам даражада фойдаланилмоқда. Электрон дарсликлар, эксперт-ўргатувчи тизимлар ва интеллектуал ўргатувчи тизимлар ҳозирча етарли даражада ишлаб чиқилмаган, мавжудлари эса уларга нисбатан қўйиладиган талабларга жавоб бермайди.

Бутунги кунда умумкасбий фанлари бўйича ўқитиш жараёни тўлалиги ва узлуксизлигини таъминлашда, назарий материални тақдим этишга, машқ қилиш ўқув фаолиятини таъминлаш, билим даражасини назорат қилишни амалга ошириш ва шу каби бир қатор функцияларни амалга оширишда дидактик восита ролини бажаришига қобилиятли, турли хил кўринишдаги ўқув машгулотларини (маъруза, лаборатория-амалий машгулот, ҳисоб-график иш, талабалар мустақил иши, курс ва малакавий битирув иши лойиҳаси) ташкил этиш учун яроқли электрон дарсликлар кўринишдаги комплекс мақсадли компьютерли ўқув дастурлар яратиш долзарб муаммо ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ҳамидов Ж. А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш технологияси // Монография.-Тошкент, "Sano-standart" нашриёти. 2017.- Б. 160.
2. Ҳамидов Ж.А. Замонавий ўқитиш технологияларидан фойдаланишнинг назарий асослари // *Kasb-hunar ta'limi*.-Тошкент, 2007.- № 2.-Б.20-21.
3. Ҳамидов Ж.А.Умумкасбий фанларни ўқитишда ахборот технология-ларидан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари // *Kasb-hunar ta'limi*.-Тошкент, 2007.- № 5.-Б. 4-6.

THE COMBINATION OF ALGEBRAIC AND GEOMETRIC METHODS TO SOLVE PROBLEMS IN THE COURSE OF GEOMETRY

Sh.A. Saipnazarov,

Candidate of Pedagogical Sciences, Department of Applied Mathematics TSUE,

J.A. Usarov,

senior lecturer, Department of Applied Mathematics, TSUE

M. Y. Saidova,

assistant, applied Mathematics, TSUE

Abstract. *This paper is devoted to: 1) the integration of algebraic and geometric methods acts as a means of forming students' ideas about mathematics and its methods; 2) the developed methodology is aimed at developing the creative abilities of students, since having mastered the geometric method, they get the opportunity to choose a method for solving an algebraic problem in accordance with the peculiarities of their thinking style; during the experiment, some students mastered the geometric method better than the algebraic one, which indicates that this method is more accessible to them than the algebraic method.*

Keywords. *Vector coordinate method, graphical method, method of equations and inequalities.*

Introduction. The trends of the development of modern society, its globalization and total information, the rapid growth of information flows and the rapid development of computer technologies, are spending all spheres of the social structure, including one of the main achievements of civilization – education.

At the same time, the global problems facing humanity today (the creation of new energy resources, overcoming the threat of increasing environmental pollution, etc.) require more intellectual forces and highly developed thinking to solve them. The achieve these qualities of personality, as is known, mathematics plays a unique role, which is (and has always been) the foundation of general education.

Moreover, in modern conditions, not only deep mathematical knowledge is necessary, but, first of all, possession of a mathematical method of cognition of the surrounding world. Therefore, the development of the scientific foundations of teaching this method and its main types – algebraic and geometric-is one of the most urgent tasks of the mathematics methodology.

The purpose of the research is to develop The analysis of the current goals and objectives of general secondary and mathematical education, teaching mathematics at the academic lyceum, as well as the analysis of psychological and pedagogical, and educational literature on mathematics to establish the

prerequisite for the integration of algebraic and geometric methods in academic mathematical education.

Scientific novelty. The research consists of the problem of improving general mathematical education is solved on a fundamentally new basis – the concept of integration of algebraic and geometric methods as a process of their combination or connection, carried out by a student by translating educational information from algebraic to geometric languages or from geometric to algebraic and vice versa.

The approbation and implementation of the research results were carried out during purposeful and systematic work with school teachers at scientific and methodological seminars and advanced training courses for educational workers on the basis of the Tashkent Economic University of Education, in the process of teaching mathematics to students of secondary schools (31,33), the academic lyceum at the Tashkent University of Economics; when working with students of the University of Economics within the mathematical circle.

With the study of the vector and coordinate methods, the possibilities of integrating algebraic and geometric methods are expanding. The works of Sh.A.Saipnazarov, G. N. Sarantsev, V. A. Gusev, Yu. M. Kolyagin, G. L. Lukankin and others are devoted to the methodology of teaching the solution of geometric problems by the vector method [33,34 et al.].

Let's consider the blocks of problems that allow integrating the vector method with some geometric methods for solving them.

Example 1. $ABCD A_1 B_1 C_1 D_1$ parallelepiped collars AC and DC_1 diagonals. AC on a straight line M point and DC_1 on a straight line N points $MN \parallel BD_1$ prove the existence and uniqueness of these points if the condition is




Fig 1.

satisfied. $MN : BD_1$ find the proportions.

Example 1. A_1 and A_2 points O let there be different points of a straight line. Top and bottom a and b straight lines to be parallel $\overline{A_1 A_2}$ and $\overline{B_1 B_2}$ it is necessary and sufficient that the vectors are collinear, that is, such λ for the number

$$\overline{BB_1} = \lambda \overline{A_1 A_2}$$

equality is reasonable.

Now we solve the 1-th example.

$A_1 D_1$ Let's say, M location $Memory$ of the straight line N location while $C_1 D$ (fig - 1) get the points of the straight line.

MN and BD_1 Lemma 1 for parallel straight lines according to,

$$\overline{MN} = \lambda \overline{BD_1} \tag{1}$$

\overline{MN} and $\overline{BD_1}$ vectors $\overline{CD} = \bar{a}$, $\overline{CB} = \bar{b}$, $\overline{CA_1} = \bar{c}$ we spread by vectors.

$$\overline{BD_1} = \overline{BC} + \overline{CC_1} + \overline{C_1D_1}, \text{ in this } \overline{BC} = -\overline{CB} = -\bar{b},$$

$$\overline{C_1D_1} = \overline{CD} = \bar{a}, \text{ so } \overline{BD_1} = \bar{a} - \bar{b} + \bar{c} \tag{2}$$

\overline{MN} we write the vector in the following aggregate vector form:

$$\overline{MN} = \overline{MC} + \overline{CC_1} + \overline{C_1N}$$

Here \overline{MC} vector \overline{CA} collinear to vector, so $\overline{MC} = \lambda \overline{CA}$. However

$\overline{CA} = \bar{a} + \bar{b}$ to say, $\overline{MC} = \lambda \bar{a} + \lambda \bar{b}$. $\overline{C_1N}$ vector $\overline{C_1D}$ kollinear on the vector

$\overline{C_1D} = \bar{a} - \bar{c}$ to say , , $C_1T = y \overline{C_1D} = y \bar{a} - y \bar{c}$. From this we find the following:

$$\overline{MC} = (x + y) \bar{a} + x \bar{b} + (1 - y) \bar{c} \tag{3}$$

(2) and (3) we put the spreads on (1) and

$$(x + y) \bar{a} + x \bar{b} + (1 - y) \bar{c} = \lambda \bar{a} - \lambda \bar{b} + \lambda \bar{c}$$

we form. This vector equality is equally strong in this system

$$\begin{cases} x + y = \lambda \\ x = -\lambda \\ 1 - y = \lambda \end{cases}$$

Take off this system, $\lambda = \frac{1}{3}$, $x = -\frac{1}{3}$, $y = \frac{2}{3}$ we find that it is. All in all,

$MN \parallel BD_1$ the only one to be M and N as long as there are points.

$$\overline{MN} = \frac{1}{3} \overline{BD_1}. \text{ All in all, } MN : BD_1 = 1 : 3.$$

In this matter, a vector expressing the geometrical content of the matter was switched from equality to a system of three scalar equations that are equally strong to it, and the system was solved. There are such cases when it is possible to find a single variable, a system of equations, and the question posed may not have a solution.

E2. A, B, C and D any three of the points should not lie on one straight line. In order for all these points to lie on one plane without it, it is so α and β . there must be a number, in which it is necessary and sufficient to fulfill this equation

$$\overline{AD} = \alpha \overline{AB} + \beta \overline{AC} \quad (4)$$

Proof. Necessity. Let's say, A, B, C and D let the dots lie on one plane. According to the condition of the matter AB and AC straight lines do not fall on top. D and the point is that they lie outside. \overline{AB} and \overline{AC} vectors are not collinear, \overline{AD} the vector lies in a plane with them. Therefore, he \overline{AB} and \overline{AC} it spreads by vectors, that is, so α and β for numbers

$$\overline{AD} = \alpha \overline{AB} + \beta \overline{AC}$$

Adequacy. (4) let Equality be reasonable. $\alpha \overline{AB}$ vector \overline{AB} collinear with vector, so it O by putting the point AB we determine that it lies on a straight line. Similar $\beta \overline{AC}$ vector \overline{AC} we determine that it lies on a straight line. (4) Equality $\alpha \overline{AB}$ vector \overline{AB} not one of the vectors is zero, in fact, if for example, $\alpha \overline{AB} = 0$ if, then (4) Equality A, B, C it turns out that the dots lie in one straight line. All in all, $\alpha \overline{AB} \neq 0$, $\beta \overline{AC} \neq 0$, without it (4) from the equation AD cut $\alpha \overline{AB}$ and $\beta \overline{AC}$ it turns out that the parallelogram, built on vectors, consists of a diagonal. Furthermore D location A, B, C it turns out that the dots lie in one plane together. Lemma proved.

Example 3. Determine the largest and smallest values of the function $F = 3x + 4y$ and the condition

$$x^2 + y^2 = 9$$

Solution. I (Geometric method)

The lines of the function level $F = 3x + 4y$ are parallel lines with an angular coefficient $K = -\frac{3}{4}$, it is obvious that the largest and smallest values are at points A and B. We will find the coordinates it is enough to make the equation of the line l and solve the system consisting of the equation of the line and the circle. Note that the line l is perpendicular to the line

levels, and, consequently, its angular coefficient $k_1 = \frac{4}{3}$ ($k_1 \cdot k = -1$) the straight line l passes through the point O and has an angular coefficient $k_1 = \frac{4}{3}$ of . Therefore,

its equation is as follows; $y = \frac{4}{3}x$.

Solving the system

$$\begin{cases} x^2 + y^2 = 9 \\ y = \frac{4}{3}x \end{cases}$$

we get: $x = \pm 1,8$; $y = 2,4$

$A(1,8; 2,4)$, $B(-1,8; -2,4)$




Fig. 2

$$F_{\max} = F(1,8; 2,4) = 3 \cdot 1,8 + 4 \cdot 2,4 = 5,4 + 9,6 = 15$$

$$F_{\min} = F(-1,8; -2,4) = -15$$

II. The algebraic method

$$(3x + 4y)^2 + (4x - 3y)^2 = 9x^2 + 24xy + 16y^2 + 16x^2 - 24xy + 9y^2 = 9(x^2 + y^2) + 16(x^2 + y^2) = 25(x^2 + y^2) = 25 \cdot 9 = 325$$

$$(3x + 4y)^2 = 325 - (4x - 3y)^2 \leq 325$$

$$(3x + 4y) \leq 15 \Leftrightarrow -15 \leq 3x + 4y \leq 15$$

$$F_{\max} = 15, F_{\min} = -15$$

III. The trigonometric method

Write this equation of the circle in parametric form

$$x = 3 \cos t, y = 3 \sin t. \text{ Then}$$

$F = 3x + 4y = 9 \cos t + 12 \sin t = \sqrt{9^2 + 12^2} \sin(t + \varphi) = \sqrt{225} \sin(t + 4) = 15 \sin(t + \varphi)$
 , where

$$\varphi = \arctg = \frac{3}{4}$$

by $\sin(t + \varphi) = 1$, $F_{\max} = 15$

by $\sin(t + \varphi) = -1$, $F_{\min} = -15$

IV. The method of Lagrange Multipliers

Suppose $F(x, y)$ and $G(x, y)$ are functions whose first-order partial derivatives exist. To find the relative maximum and relative minimum of $F(x, y)$ subject to the constraint that $G(x, y) = k$ for some constant k , introduce a new variable λ and solve the following three equations simultaneously:

$$F'_x(x, y) = \lambda G'_x(x, y) \quad F'_y(x, y) = \lambda G'_y(x, y) \quad G(x, y) = k$$

The desired relative extreme will be found among the resulting points (x, y) . Now well go back to our example. Let $G'(x, y) = x^2 + y^2$ and use the partial derivatives

$$F'_x = 3, \quad F'_y = 4, \quad G'_x = 2x \text{ and } G'_y = 2y$$

to get the three Lagrange equations

$$3 = 2\lambda x, \quad 4 = \lambda y \text{ and } 2\lambda = \frac{4}{y}$$

which implies that $\frac{3}{x} = \frac{4}{y}$ or $y = \frac{4}{3}x$ now substitute $y = \frac{4}{3}x$ into the third

equation to get

$$x = \pm 1,8 \quad y = \pm 2,4$$

$F(-1,8; -2,4) = -15$ and $F(1,8; 2,4) = 15$ it follows that when $x^2 + y^2 = 9$, the maximum value of $F(x, y)$ is 15, which occur at the point $(1,8; 2,4)$ and the minimum value is -15, which occurs at $(-1,8; -2,4)$.

Problem. Find the largest and the smallest values of $F = 3x + 4y$ subject to following inequalities:

$$\begin{cases} x + 3y \leq 15 \\ 4x + 3y \leq 24 \\ x \geq 0, y \geq 0 \end{cases}$$

Lemma: If a linear program has an optimal solution (maximum or minimum), it must occur at corner point of the feasibility region.

Geometric method for solving a linear program with two solution variables

1. Graph the feasibility region R and find the coordinates of all corner points of R
2. Make a table evaluating the objective function F at each corner point.
3. If R can be contained in a circle it is bounded. In this case, the largest (smallest) value of F on R is its largest (smallest) value at a corner point.
4. If R cannot be contained in a circle, it is unbounded, and an optimum solution may not exist. However, if it does, it must occur at a corner point.

Now we'll go back to our example.

Solution. First, use the method developed to sketch the feasibility region R (Fig 3.). Note that R is bounded and that the corner points of R is bounded and that the corner points of R are of $(0, 0)$, $(0, 5)$, $(3, 4)$, and $(6, 0)$. Evaluating F at the corner points, we obtain the following table:

| Corner point | value of |
|--------------|--|
| $(0, 0)$ | $F = 3x + 4y$ |
| $(0, 5)$ | 0 smallest value |
| $(3, 4)$ | 25 largest value |
| $(6, 0)$ | 18 |




Fig 3.

Thus, the largest value of F is 25 at $(3,4)$, and the smallest value is 0 at the origin.

Problem. Maximize $F = 1,2x + y$ subject to the constraints
 $10x + 12y \leq 1920$
 $5x + 3y \leq 780$
 $x \geq 0, y \geq 0$

Solution. We find the corner points of the given problem. Evaluating the function $F = 1,2x + y$ at the corner points, we obtain the following table:




Fig 4.

| Corner point | value of $F = 1,2x + y$ |
|--------------|-------------------------|
| $(156, 0)$ | 187,2 |
| $(120, 60)$ | 204 ← Largest value |
| $(0, 60)$ | 100 |
| $(0, 0)$ | 0 |

From this table, we see that the largest value of the objective function over the feasibility region occurs at the point $(120, 60)$

The experiment was conducted in two institutions: in the secondary school No. 30 of the Sergeli district of the city of Tashkent, 30 students from the 9th and 10th grades were selected (an observation group); in the academic lyceum at TSEU, 30 students from the 2nd and 3rd courses were selected (an experimental group). Without experimental training using the new method in September 2020, we conducted written control work in these groups. They were offered, mainly, geometric problems, to solve which algebraic tools are used. The control works are made up of the following options. 1, 4, 6

The results of the evaluation of control works are given:

Tables 1

| Criteria Selections | Nedovl. | Udovl. | Well | Great |
|------------------------|---------|--------|------|-------|
| School №. 30 | | | | |
| 30 | 5 | 14 | 8 | 3 |
| academic lyceum | | | | |
| 30 | 3 | 13 | 10 | 4 |

For four months (II and III quarters), the experimental group (in the academy) conducted training on a new method, outlined the application of algebraic methods to geometric problems, gave illustrative examples about the dependence of geometry and algebra. The students took all the novelties with great favor, easily applied algebraic methods to solving geometric problems and vice versa.

The control work carried out in March 2021 gave the following result:

Tables 1

| Categories Selections | Nedovl. | Udovl. | Well | Great |
|--------------------------|---------|--------|------|-------|
| School №. 30 | | | | |
| 30 | 4 | 14 | 8 | 4 |
| academic lyceum | | | | |
| 30 | 1 | 8 | 13 | 8 |

Stochastic data development is performed according to the criterion χ^2 (chi-square), which is used to compare the distribution of two aggregates according to the state of a certain property based on measurements by the school of names of this property in two independent samples.

From the two aggregates, we will make samples of the volume n_1 and n_2 (in the work $n_1 = 30; n_2 = 30$). The results of measuring the state of the studied properties in the objects of each sample are distributed into m categories (in our case $m = 4$). Thus, we get a dimension table $2 \times m$:

| Categories Selections | 1 | 2 | ... | m |
|--------------------------|----------|----------|-----|----------|
| n_1 | a_{11} | a_{12} | ... | a_{1m} |
| n_2 | a_{21} | a_{22} | ... | a_{2m} |

If we denote the probability that an object randomly selected from the j -th population ($j = 1, 2$) will belong to the i -th category of the measurement scale

($i = \overline{1, m}$) of the property being checked, by P_{ji} , then we can test the null hypothesis H_0 of equality of probabilities, i.e. $H_0 : p_{1i} = p_{2i}, i = \overline{1, m}$. There is also an alternative hypothesis $H_1 : p_{1i} \neq p_{2i}, i = \overline{1, m}$.

To test the null hypothesis using a criterion χ^2 based on Table 3, the value of statistics is calculated T according to the formula:

$$T = \frac{1}{n_1 n_2} \sum_{i=1}^m \frac{(n_{1a_{2i}} - n_{2a_{1i}})^2}{a_{1i} + a_{2i}} \quad (*)$$

Distribution of statistics T is approximated by a distribution χ^2 with $m - 1$ a degree of freedom ($\mathcal{G} = m - 1$). The significance level χ and value are accepted T is compared with the critical value $\chi_{1-\alpha}$. For a given α value $\chi_{1-\alpha}$, tabulated, [3].

The comparison is carried out at the accepted level of significance $\alpha = 0,05$ with a "degree of freedom" $\mathcal{G} = m - 1 = 4 - 1 = 3$.

If $T > \chi_{1-\alpha}$, then there are no sufficient grounds for rejecting the null hypothesis.

Let's start calculating the value of statistics T_1 according to the data in the table (formula(*))

$$T_1 = \frac{1}{30 \cdot 30} \left(\frac{(30 \cdot 3 - 30 \cdot 5)^2}{5 + 3} + \frac{(30 \cdot 13 - 30 \cdot 14)^2}{14 + 13} + \frac{(30 \cdot 10 - 30 \cdot 8)^2}{8 + 10} + \frac{(30 \cdot 4 - 30 \cdot 3)^2}{3 + 4} \right) =$$

$$= \frac{299}{378} \approx 0,79$$

The results show that there are no sufficient grounds to reject the null hypothesis, since $T_1 = 0,79 < \chi_{0,95} = 7,815$ (Table D of [3]).

Now we calculate the value T_2 of statistics according to Table 2:

$$T_2 = \frac{1}{30 \cdot 30} \left(\frac{(30 \cdot 1 - 30 \cdot 4)^2}{4 + 1} + \frac{(30 \cdot 8 - 30 \cdot 14)^2}{14 + 8} + \frac{(30 \cdot 13 - 30 \cdot 8)^2}{8 + 13} + \frac{(30 \cdot 8 - 30 \cdot 4)^2}{4 + 8} \right) =$$

$$\frac{27536}{4620} = 5,96$$

And so, after the experiment $T_2 = 5,96 < \chi_{0,65} = 7,815$, it helps to accept the null hypothesis, since there are no sufficient grounds to reject it.

It should be noted that before the experiment and after it, the null hypothesis took place, i.e. the probabilities of students mastering a new topic are equal to each other. However, if we compare the data in Tables 1 and 2, we will find

a big difference when evaluating the values of students. Moreover, in the first case $T_1 = 0,79$ and in the second case $T_2 = 6,45$, it indicates a large difference between the acquired knowledge of the students of the observed group and the experimental group. In turn, this shows the effectiveness of the conducted experiment.

Variant 1

1. At the base of the triangular pyramid of the $ABSD$ is a regular triangle ABC with a side equal to one. Edge $The AD$ is perpendicular to the plane of the base, and its length is equal to one. Period M -middle VD . Via a direct line MS parallel to the height Triangle $AMABC$ has a plane drawn. Determine the value of the angle between this plane and the plane AVD .

2. Solve the system of equations

$$\begin{cases} x + y + z = 1, \\ x^2 + y^2 + z^2 = \frac{1}{3} \end{cases}$$

3. The triangle ABC is given. Prove that $\cos A + \cos B + \cos C \leq \frac{3}{2}$ where A , B , $With$ the inner angle of the triangle.

4. The triangle ABC is given. Prove that $\sin \frac{A}{2} + \sin \frac{B}{2} + \sin \frac{C}{2} \leq \frac{3}{2}$.

5. Determine the largest value of the function $F = 3x + 4y$ under the condition $x^2 + y^2 = 4$.

Variant 2

1. Express the radius R of the circumscribed circle in terms of the radius r of the inscribed circle and the angles α, β, j ,

2. The edge of the cube $ABCD A_1 B_1 C_1 D_1$ is equal to a . Find the radius of the sphere defining through the vertices A and C_1 .

3. In a parallelogram, the $ABCD$ diagonals are proportional to the sides. i.e. $AB : AD = BD : AB = k$. What values can k take? What can be the attitude of the parties?

4. A straight line L and two points are given A and B in out of it. Find a point N on the line for which $AN^2 + BN^2$ the smallest value reaches.

5. A rectangle is inscribed in a sector with a central angle of 60° and a unit radius (all vertices on the border of the sector). What is the largest value of the area of such rectangles?

Variant 3

1. Determine the largest value of the function $F = 2x + y$ under the condition $x^2 + y^2 = 36$.

2. In a right triangle, the catets a and b are given. Find the distance from the vertex of the right angle to the nearest point of the inscribed circle.

3. In a trapezoid, the diagonals are 3 4 5, and the segment connecting the midpoints of the bases is 2. Find the area of the trapezoid.

4. The trapezoid is defined by a system of inequalities:

$$\begin{cases} y \leq 2x + 2 \\ y \geq x - 4 \\ x \geq -3 \\ x \leq 2 \end{cases}$$

Find the trapezoid parameter.

5. The trapezoid is defined by a system of inequalities:

$$\begin{cases} y \geq 0 \\ y \leq 4 \\ x \geq -x - 5 \\ x \leq -3 \end{cases}$$

Find the area of the trapezoid.

Variant 4

1. The trapezoid is defined by a system of inequalities:

$$\begin{cases} y \leq 2x + 6 \\ y \geq 2x + 4 \\ x \leq 0 \\ y \geq 0 \end{cases}$$

Find the perimeter of the trapezoid.

2. Find the area of the common part of two squares, if each side is equal to a and one is obtained from the other by turning around the vertex at an angle of 45° .

3. Find the corners of the rhombus if the area of the circle inscribed in it is half the area of the rhombus.

4. Determine the acute angle of the rhombus, in which the side is the geometric mean of its diagonals.

5. The height of a regular triangular pyramid is equal to N . The dihedral angle between the side faces is equal γ to. Find the volume of the pyramid.

Conclusion

In this work, the study of the possibilities of integrating algebraic and geometric methods in general mathematical education and the development of an appropriate teaching methodology were carried out in the mainstream of systems analysis with the involvement of data from various scientific fields general and educational psychology, didactics, history of mathematics, etc.

In the course of our research, the hypothesis has been substantiated and confirmed: if the algebraic and geometric methods are considered in teaching as methods of cognitive activity of students, based respectively on the system of algebraic and geometric knowledge, then this will make it possible to classify these methods, then, using a systematic approach, isolate the components and geometric methods, explaining the mechanism of this process in general mathematical education, in addition, if you build a methodological system that includes the student's personality, goals, content, methods, forms and means of integrating algebraic and geometric methods, develop the conditions for its functioning in the school educational process and introduce them into practice, this will improve the quality of knowledge and ideas about mathematics and its methods, to develop the creative mathematical abilities of students through the use of the algebraic method in geometry, and the geometric method in algebra, take into account the individual characteristics of students associated with types of thinking: logical – verbal and spatial – like.

References

1. *Абромович С.М. К вопросу о воспитании культуры учащихся // Математика в школе, 1989. - №5. – с. 26-29.*
2. *Александров А.Д. Геометрия. БСЭ. 3-изд. Т.6.-М., 1971. –с. 309-313.*
3. *Александров А.Д. Диагностики геометрии // Математика в школе. – 1986. №1. – с. 12-13.*
4. *Александров А.Д. О геометрии // Математика в школе. – 1980. №3. – с. 56-62.*
5. *Антонов Н.С. Интегративная функция обучения // Современные проблемы методики преподавания математики. –М.: Просвещение, 1987. – 110 с.*
6. *Арнольд В.И. Математика и математическое образование в современном мире. // Математическое образование, - 1977. №2. – с. 109-112.*
7. *Бабонский Ю.К. Оптимизация процесса обучения. –М., 1977.*
8. *Баимаков М.И., Резник Н.А. Развитие визуального мышления на уроках математики // Математика в школе. -1991. -№1. – с. 4-8.*
9. *Бескин Н.М. О некоторых основных принципах преподавания математики. // Математика в школе. – 1985. -№. –с. 59-61.*
10. *Болтянский В.Г. Как развивать графическое мышление. // Математика в школе. – 1978. -№. – с. 13-23.*



ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ ЎРНИ

А.У. Бурханов?
“Молия ва бухгалтерия ҳисоби” факультети
декани, и.ф.д., профессор, ТДИУ,
Б.О. Турсунов,
“Иқтисодий хавфсизлик” кафедраси мудири,
Ph.D, доц., ТДИУ

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда тўқимачилик саноатининг ривожланиш тенденциялари таҳлил қилиниб, корхоналарнинг молиявий хавфсизлигини таъминлаш муаммолари ўрганилган.

Таянч иборалар: тўқимачилик саноати, пандемия, молиявий хавфсизлик, тикув-трикотаж саноати, иқтисодий хавфсизлик.

Тўқимачилик саноати Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ривожланаётган сегментларидан бирига айланган. Қолаверса, бу чет эл инвестицияларини жалб қилиш, маҳсулот экспорти борасида етакчи соҳа ҳамдир. Масалан, ҳозир Ўзбекистоннинг тўқимачилик маҳсулотлари дунёнинг 50 дан зиёд мамлакатларига сотиляпти. Экспорт жуғрофиясида Ҳамдўстлик давлатлари, айниқса Россия, шунингдек, Латин Америкаси, ЕИ мамлакатлари, Корея Республикаси, Хитой, Сингапур, Эрон, Исроил ва АҚШ асосий ўринни эгаллайди.

Бирок, 2020 йил бутун дунё учун синовлар йили бўлди. Коронавирус нафақат инсонлар саломатлиги, балки жаҳон иқтисодиётини ҳам катта таҳдид остида қолдириди. Оқибатда барча соҳада танг вазият вужудга келди. Жумладан, пандемия туфайли жаҳон бозорида пахта нархи пасайиши, экспорт ва импорт ҳажми камайиши, етказиб бериш занжири узилиши ва ишлаб чиқаришнинг тўхтатилиши каби салбий ҳолатлар кузатила бошлади. Шу туфайли мамлакатлар коронавирус тарқалишига қарши курашиш учун фавқулодда чораларни кўришга мажбур бўлди. Ушбу жараён, табиийки, Ўзбекистон тўқимачилик саноатини ҳам четлаб ўтмади. Натижада ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, корхоналар фаолияти қайта тикланди ва барча иш ўринлари сақлаб қолинди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт суръатлари ўсишда давом этди.

Бинобарин, пандемиянинг тўқимачилик саноатига салбий таъсирини юмшатиш, корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш ва уларда ишчи ўринларини сақлаб қолиш мақсадида Президентимизнинг тегишли қарори қабул қилинди. Унга кўра, саноат субъектларига бир қатор имтиёзлар берилди. Жойларда янги корхоналар ташкил этиш, аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда уларнинг реал даромадларини ошириш чоралари кўрилди. [12]

2020 йилда ҳудудларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида умумий қиймати 598,4 миллион доллар (шундан 232,4 миллион доллари хорижий инвестиция ва кредит маблағлари)га тенг 53 та йирик лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Уларнинг рўёбга чиқарилиши туфайли 13575 дан ортиқ иш ўринлари яратилади. Дастлабки натижаларнинг ўз қувонишга арзийди: жорий йил 1 июнь ҳолатига умумий қиймати 49,8 миллион долларлик 12 та лойиҳа фойдаланишга топширилиб, улар шарофати билан 2200 киши доимий даромад манбаига эга бўлди. Муҳими, бу борадаги ишлар изчил давом эттириляпти.[13] Ҳар қандай корхонанинг ривожланишини белгиловчи асосий омил — бу унинг молиявий хавфсизлиги! Мазкур тушунча дастлаб фанда иқтисодий хавфсизликнинг бир қисми сифатида кўриб чиқилган ва мустақил элемент сифатида ажратилмаган. Шунинг учун бу тушунча тарихини иқтисодий хавфсизлик тарихи сифатида кўриб чиқиш мумкин.

“MaViCo” молиявий-таҳлилий марказининг энциклопедиясида “молиявий хавфсизлик”ка корпоратив тузилмалар, микродаражада хўжалик юритувчи субъектлар молиявий фаолиятини ҳимоя қилиш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар, усуллар ва воситалар тўплами сифатида таъриф берилган.[11]

Иқтисодчи олим А. В. Гукованинг фикрича, молиявий хавфсизлик узоқ муддатли даврда корхонанинг молиявий мувозанати, барқарорлиги, тўлов қобилияти ва ликвидлигини таъминлашга имкон беради. Корхонанинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондириб, етарли молиявий мустақиллигини таъминлайди. Корхонага молиявий зарар етказишни ёки капитал таркибини салбий ўзгартиришни ёки корхонани мажбуран тугатишни кўзда тутадиган хавф ва таҳдидларга қарши тура олади. Қолаверса, молиявий қарорларни қабул қилишда етарли даражада мослашувчанликни ва корхона эгалари молиявий манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди.[6]

Олимлар Бланк И.А. [1], Загородний А.Г. [2], В.К. Сенчагов [3], В.А. Богомолова [4], Гапоненко В.Ф. [5], Проценко Е. А. тадқиқотларида молиявий хавфсизлик деганда, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги, ликвидлиги ва такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш қобилиятини сақлаган ҳолда, режали ривожлантириш қобилияти тушунилади.[7]

К. С. Горячеванинг таърифига кўра, молиявий хавфсизлик — бу биринчидан, корхона томонидан фойдаланиладиган молиявий воситалар, технологиялар ва хизматлар тўпламининг мувозанати ва сифати, иккинчидан, ташқи ва ички таҳдидларга қаршилик кўрсатиш, учинчидан, корхона молиявий тизимининг молиявий манфаатлари, мақсад ва вазифаларини етарли миқдорда молиявий ресурслар билан таъминлашни амалга ошириш қобилияти, тўртинчидан, бутун молия тизимининг ривожланишини таъминлайдиган молиявий ҳолатдир.[8] Маҳаллий олимлардан Ҳ. П. Абулқосимовнинг таърифига кўра, “Молиявий хавфсизлик мамакат ва унинг ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги ва ривожланиши учун зарур молиявий шароит ва ресурсларнинг яратилганлиги, молиявий тизимнинг яхлитлигини сақлаш ҳамда ички ва ташқи иқтисодий манфаатлар таҳдидига муваффақиятли

қаршилиқ кўрсатишни ифодалайди. Бу хавфсизлик пул, бюджет, кредит, солиққа тортиш ва валюта тизимларида вужудга келадиган таҳдидларнинг олдини олиш, улардан муҳофазаланишни ўз ичига олади.[9]

Яна бир маҳаллий иқтисодчи олим А.У.Бурханов томонидан корхонанинг молиявий хавфсизлигига чуқурроқ таъриф берилган: “корхонанинг молиявий хавфсизлиги корхона молиявий барқарорлигининг зарурий шarti бўлиб, корхонанинг молиявий ҳолати ёмонлашуви бўйича эҳтимолий таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф қила олиш имконияти” деб таърифланган. Шунингдек, олимнинг фикрига кўра, корхонанинг молиявий хавфсизлиги корхона фаолиятида юзага келадиган рискларни минималлаштириш, корхонанинг ички ва ташқи хавфлардан ҳимояланиш даражасидир. [10]

Тўқимачилиқ саноати — кенг қамровли соҳа. У турли тармоқлар мажмуини бирлаштиради. Масалан, тўқимачилиқ хом ашёсини бирламчи қайта ишлаш, пахта-қоғоз, жун, зигир, ипак, нотўқима материаллар, каноп-жун тўқиш тармоғи, тўқимачилиқ-атторлик, кигиз-намат ва трикотаж тармоқ гуруҳлари шулар жумласидан. Тўқимачилиқ маҳсулотлари кийим-кечак ва пойабзал ишлаб чиқаришда, шунингдек, мебеласозлик, машинасозлик, мудофаа саноати ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилади.

Соҳа корхоналари ип, пахта ва шойи газламалар, кийим, трикотаж, пайпоқ маҳсулотлари, хом ипак ишлаб чиқариш билан бирга, ички бозордаги тиббий буюмлар, махсус кийимга бўлган талабни тўлиқ қондиришга муваффақ бўлгани ҳам эътиборга молик жиҳат. Инвестициялар ўзлаштирилиши даражаси ҳам мақтанишга арзиғулик. Жумладан, 1995 йилдан кейинги даврда соҳага икки миллиард доллардан ортиқ миқдорда чет эл инвестициялари жалб қилинди. Германия, Швейцария, Италия, Жанубий Корея, Япония, Туркия, АҚШ, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар сармоялари иштирокида 200 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди.

Ўтган йили юртимизда “Ўзтўқимачилиқсаноат” уюшмаси таркибига кирувчи тўқимачилиқ корхоналари сони 1800 тадан ошгани ҳам қатта ютуқ. Яна бир факт: республикада 2009 йилда корхоналарнинг фаоллик даражаси 77,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 96,7 фоизга етган. Наманган вилоятида эса у тегишли равишда 74,7 фоиздан 96,2 фоизга кўтарилган. 2009-2019 йиллар давомида республикада қарийб 2944 та, шу жумладан, Наманганда 273 та тўқимачилиқ корхонаси ўз фаолиятини тўхтатди. Ҳисоб-китобларга қараганда, мамлакатимиз бўйича банкротлик даражаси 2009 йилда жами 13,8 фоиздан 2017 йилда 9,6 фоизга, Наманган вилоятида эса 2009 йилда 10,5 фоиздан 2017 йилда 6,3 фоизга камайган. Бу фактларни республиканинг тўқимачилиқ саноатида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий яқунлари сифатида қабул қилиш мумкин.

Хўш, тўқимачилиқ саноати ривожига гов бўлаётган омиллар нима? 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси тўқимачилиқ саноатини ривожлантириш стратегиясида ана шу муаммолар ўз аксини топган. Жумладан, соҳанинг бир қатор тармоқларида технологик қолақлик мавжуд. Асосий фондларнинг ёмонлашиши, инвестицион фаолиятнинг етарли

эмаслиги кузатилади. Маҳаллий маҳсулотларнинг ташқи бозорларга чиқиши чекланганлиги, рақобат кучайганлиги ҳам бунга ўз таъсирини кўрсатаётир. Тўқимачилик тармоғида кимёвий маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда жорий этилган инновацион фаолият ва инновацион технологияларнинг ривожланиш суръатлари суст.

Шу муносабат билан, юқорида келтириб ўтилган прогнозда тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун инновацион ривожланиш сценарийси ҳам кўзда тутилган. Яъни, ресурс ва энергия тежайдиган технологиялар ҳисобига тармоқнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини янгилаш, инвестициялар ҳажмини ошириш талаб этилади. Тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг асосий омили маҳсулотларга ички талабнинг ўсиши ҳисобланади. Боз устига, тўқимачилик саноати иқтисодиётнинг ва маҳаллий саноатнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. 2030 йилгача мўлжалланган юқоридаги стратегияда соҳада ишлаб чиқариладиган деярли барча турдаги маҳсулотлар тайёрлашни кўпайтириш кўзда тутилган. Шунга мувофиқ, 2020 йилда тўқимачилик ишлаб чиқариши 2018 йилги базавий йилга нисбатан 43 фоизга, 2030 йилда эса 2,5 баравар ўсиши керак.

Яқин келажакда “барқарор ўсиш траекторияси”га ва ўртача дунё кўрсаткичига эришишнинг имкони бор, албатта. Бунинг учун тўқимачилик саноатининг барча тармоқларида ва унинг алоҳида ташкилотларида иқтисодий ва молиявий хавфсизлик шароитида қатъий сиёсатни амалга ошириш зарур. Ушбу позиция барқарор ривожланишнинг асосий омиллари ва шарт-шароитларини назарий таҳлил қилишни ҳамда айрим тармоқларни бошқаришнинг инструментал усуллари талаб этиши, шубҳасиз. Бундай таҳлилнинг энг муҳим қоидалари, бизнингча, қуйидагилардан иборат.

Биринчиси. Барқарор ривожланишнинг самарали тизимини давлат институтлари ва жамият ҳаракатларисиз, тегишли қонунлар, давлат ҳамда минтақавий дастурларсиз шакллантириш мумкин эмас. Бу, Ҳукумат инновацион ривожланишнинг асосий йўналишларини, рақамли иқтисодиётни янги технологик тузилишга ўтказиш учун шароит яратиши кераклигини англатади. Шу тариқа 2020 йилдан 2030 йилгача мамлакатнинг тўқимачилик мажмуасига инвестициялар ҳажми 3,6 баравар кўпаяди. Бироқ фаол инновацион ривожланиш ва тўқимачилик саноатини ташкил этишга инвестициялар жалб қилиш учун иқтисодий рағбат ҳанузгача кучсиз даражада. Иқтисодиёт экспортга йўналтирилган хом ашё моделидан инновацион ва технологик жиҳатдан рақобатбардош моделга айлантирилмоқда. Иккинчиси. Тўқимачилик саноати айрим ташкилотларининг барқарор ва хавфсиз ривожланишини бошқариш учун бундай ривожланишнинг омиллари — бошқарув механизмлари ва усуллари аниқлаш керак. Бошқариш механизми инновацияларга, инқирозга қарши сиёсатга мослашиши, соҳани ривожлантириш стратегиясига йўналтирилган бўлиши зарур. Таҳлил инструментлари ва усуллари ҳам ташкилотнинг бозордаги мавқеини сақлаш ва кенгайтиришга, молиявий аҳвол даражасини сақлашга қаратилиши шарт.

Рақобатбардошликни ошириш, молиявий барқарорлик учун шарт-шароитлар яратиш, самарали шартнома сиёсати, ўз зиммасига олган мажбуриятларни белгиланган муддатда ва тўлиқ бажариш шarti эвазига бошқа ташкилотлар билан узоқ муддатли иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш мумкин. Молиявий муносабатларнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли кучайиши нафақат давлат, балки корхона даражасида молиявий хавфсизликни таъминлаш аҳамиятининг ошишига олиб келади. Ҳатто акциялари фонд бозорида эълон қилинмаган ва молия бозорларида молиявий ресурсларни жалб қилмайдиган замонавий тўқимачилик корхоналари ҳам ўз фаолиятларида молиявий инқироз оқибатларини бошдан кечирмоқда. Айнан шу омил корхоналарда молиявий хавфсизлик тизимини ривожлантиришга эътибор кучайишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бланк И.А. Управление финансовой безопасностью предприятия. / И.А. Бланк. — К.: Эльга, Ника-Центр, 2004. — 784 с.
2. Загородний А.Г. Финансово-экономический словарь. / А.Г. Загородний, Г.Л. Вознюк. — К.: Знання, 2007. — 1079 с.
3. Экономическая безопасность России: Общий курс / Под ред. акад. РАН В.К. Сенчагова. — М.: Дело, 2005.
4. Экономическая безопасность: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по специальностям экономики и управления. / В.А. Богомолов и др.; под ред. В.А. Богомолова. — 2-е изд., перераб. и доп. — М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. — 295 с.
5. Гапоненко В.Ф. Экономическая безопасность предприятия. Подходы и принципы. / В.Ф. Гапоненко, А.А. Безалько, А.С. Власков — М.: Изд. «Ось-89», 2006. — 208 с.
6. Гукова А.В. Роль финансовой безопасности предприятия в системе его экономической безопасности / А.В. Гукова, И.Д. Аникина — [Электронный ресурс]. — Режим доступа: http://www.jeducation.ru/3_2006/98.html.
7. Проценко Е.А. Угрозы финансовой безопасности предприятия и методы нейтрализации их влияния / Е.А. Проценко. — [Электронный ресурс]. — Режим доступа: http://www.rusnauka.com/13_NPN_2010/Economics/65_824.doc.htm.
8. Горячева К.С. Механизм управления финансовою безопасностью предприятия: автореф. дис. на здобуття наук. ступеня канд. экон. наук : спец. 08.06.01 / К.С. Горячева. — К., 2006. — 17 с.
9. Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. — Т.: Академия, 2012.
10. Бурханов А.У. Молиявий хавфсизлик. Ўқув қўлланма. — Тошкент: Маънавият, 2019. — 37 бет.
11. <http://MaBiCo.ru>
12. <http://legprom.uz>
13. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари

АГРОИҚТИСОДИЁТНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА МЕВА САБЗАВОТЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Э. И. Эргашев,
Тошкент Молия институти профессори, и.ф.д.,
Э.Х. Ботиров,
Тошкент давлат аграр университети доценти, и.ф.н.,

Аннотация: Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида, аграр соҳада, шу жумладан, мева-сабзавотчилик соҳасида иш юритишининг замонавий усуллари молиялаштириши жараёнларини ўрганиш мавзунинг асосий мақсадларидан биридир. Муаллифлар томонидан амалга оширилган изланишлар натижалари асосида Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятини молиялаштиришига оид таклифлар тавсия этилган.

Таянч иборалар: агроиқтисодиёт, кластер, агрокластер, банк, молия, кўшилган қиймат занжири, самарадорлик, озиқ-овқат, иқтисодий, молиявий, замонавий, технология, инновация, интенсификация, экспорт, импорт, стратегия, модернизация.

Ўзбекистон иқтисодиётида мева-сабзавотчилик тармоғи, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашда алоҳида аҳамиятга эга. Қолаверса, мева-сабзавотларни ташқи бозорларга экспорт қилиш натижасида мамлакатимизнинг валюта захиралари мустаҳкамланади.

Таҳлиллар кўрсатишича, аграр соҳани рақобатбардошлигини ошириш шароитида мева-сабзавотчилик соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда самарали тизим сифатида агросаноат мажмуаси (АСМ) тармоқлари ўртасида етакчи ўрин тутади.

Шунингдек, ушбу соҳа қишлоқ хўжалигининг экологик жиҳатдан, атроф-муҳит тозаллигини таъминлаш ва келгуси авлодларга соф ҳолда етказиш ҳамда самарали бошқарув соҳа ҳисобланади.²

² А.А. Madaliev., Е.Х. Botirov., D.N. Saidova., N.Khasanov., Z.B.Kholmukhamedova. Development tendency of the government and prospects of improvement // International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 04, 2020.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш, соҳага бозор механизмлари ва замонавий технологияларни жорий этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, кластер тизими йўлга қўйилиб, экинлар замон талаблари ҳисобга олинган ҳолда диверсификация қилинмоқда. Натижада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг унумдорлиги ва даромадлари ошиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 23 октябрдаги фармони билан Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. Шунга мувофиқ юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида мева-сабзавот кластерлари ташкил этилди. Бунинг учун барча ташкилий-ҳуқуқий асослари 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4549-сонли президент қарорида назарда тутилган.

Кластерлар томонидан 430 минг тонна сифимга эга маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш ва қуришни ташкил этиш бўйича 96 та лойиҳа амалга оширилди. Шунингдек, 6 минг гектар майдонда интенсив боғлар ва 8 минг гектарга яқин тоқзорлар яратиш лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари 2020 йилнинг 24 январ куни Олий Мажлиста мурожаатномасида: “Биз аста-секин бозор тамойилларига асосланган пахта ва ғалла сотиб олиш тизимига ўтамиз, бу маҳсулотларни харид қилиш бўйича давлат буюртмалари амалиётини бекор қиламиз. Агар биз бу йўлдан юрмасак, деҳқон ва деҳқонларимиз эркин маҳсулот етиштириб, қутилган даромадни ололмай, ҳокимларнинг иш усуллари бир хил бўлиб қолади”, – деди Шавкат Мирзиёев ўшанда.³

Республикаимизнинг Жиззах, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларининг 8 туманида мева-сабзавотчилик йўналишидаги 41 та қишлоқ хўжалиги бирлашмаси ташкил этилди. Кам таъминланган оилаларни иш билан таъминлаш мақсадида 2020 йилда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларининг 22 та туманида яна 31 та шундай бирлашмалар ташкил этилган бўлса, 2021 йилда эса бутун республика бўйлаб 100 тадан ортиқ шундай иншоот пайдо бўлади.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиста Мурожаатномаси.24.01.2020 й. <https://president.uz/ru/lists/view/3324/>

Минтақаларда фаолият олиб бораётган мева-сабзавотчилик кластерлари ҳамкорлик тизимини қуйидаги янги қоидалар асосида жорий этиш мақсадга мувофиқ:

* мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича кластерлар (мева-сабзавот кластерлари) ташаббускор, ўз навбатида, маҳаллий ҳокимият ва қишлоқ хўжалигининг мутасадди ташкилотлари ўртасида уч томонлама шартномалар тузиш;

* ташаббускорлар ўз тажрибаси ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қайта ишлаш ва экспорт қилувчи ташкилотлар орасидан танлаб олиш;

* мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар мева-сабзавот кластерларига ихтиёрий равишда бериш;

* мева-сабзавот кластери иштирокчилари – маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, қайта ишлаш ва экспорт қилувчи ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар билан тартибга солиш;

* маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар маҳаллий ҳокимларнинг мева-сабзавот маҳсулотларини жойлаштириш бўйича қарорлари асосида тузиш, қайта ишлаш ва экспорт қилувчи ташкилотлардан таклифлар ва уч томонлама шартномалар шартлари асосида қабул қилиш ҳамда туман қишлоқ хўжалиги бўлими томонидан рўйхатга олиш;

* шартномалар фуқаролик қонунчилиги талабларига жавоб бериши, маҳсулот нархи реал харажатлар, ахборот ва консалтинг хизматлари, уруғлик, кўчатлар, минерал ўғитлар, ёқилғи ва мойлаш материаллари ва бошқа ресурслар билан таъминлаш, агротехник, агрокимёвий хизматлар кўрсатиш ва янги инновацион технологияларни қўллаш бўйича тавсиялар беришни йўлга қўйиш.

Қишлоқ хўжалик бирлашмалари аъзолари ва мева-сабзавот кластерлари иштирокчилари ўртасида кооперация алоқаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

биринчидан, янги боғлар ва иссиқхоналарни яратиш, маҳсулот сақлаш ва қайта ишлаш муассасаларини ташкил этиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга айланма маблағларни қайта ишлаш ва экспорт қилувчи ташкилотларни уч томонлама шартномада иштирок этиш учун кредитлар бўйича бизнесни қўллаб-қувватлаш Давлат жамғармасидан молиявий ёрдам бериш;

иккинчидан, интенсив боғларни яратиш лойиҳаларини молиялаштиришда иштирок этган банклар ушбу лойиҳаларни кредитлаш;

учинчидан, боғдорчилик ва иссиқхона деҳқончилигини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси қишлоқ хўжалик бирлашмалари аъзолари ва мева-сабзавот кластерлари иштирокчиларига субсидия ажратиш;

* мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш тизимини молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг маблағларини мақсадли жалб қилиш;

* экспорт қилувчи ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини самарали ташкил этиш;

Тўртинчидан, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

* мева-сабзавотчиликда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун кредитлар бўйича қарз олувчилар – мева-сабзавотчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси уларга кафолатлаш;

* кам таъминланган оилаларни иш билан таъминлаш учун яратилган қишлоқ хўжалик бирлашмалари аъзолари – Давлат Бандликка қўмаклашиш жамғармасидан субсидиялар олиш;

Келгусида мамлакатимизда фаолият олиб бораётган мева-сабзавотчилик кластерларини молиявий қўллаб-қувватлашда қўшимча манбаларни ўрганиб, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида молиявий ёрдам кўрсатишлари мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармогини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4549-сон Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 й. <https://president.uz/ru/lists/view/3324/>

3. Романов А. Е. Агрпромышленные кластеры: теория и практика. Тула : Гриф и К, 2009. 365 с.

4. A.A. Madaliev., E.X. Botirov., D.N. Saidova., N.Khasanov., Z.B.Kholmukhamedova. Development tendency of the government and prospects of improvement // International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 04, 2020.

5. Ochilova G., Botirov E. Gender features of the impact of family business on youth entrepreneurship motivation // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 6, 2020, Part II., Progressive Academic Publishing 20-24.

O‘ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

*A.O. To‘xtamurotova,
“Iqtisodiy xavfsizlik” kafedrası assistenti, TDIU*

Annottatsiya: Maqolada bugungi axbotlarning transformatsiyalashuvi sharoitida O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi va uning istiqbollari tahlilli o‘rin olgan. Shuningdek, mamlakatda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish maqsadlari va bu boradagi vazifalar ko‘rib chiqilgan.

Dunyo hamjamiyati rivojlanishning eng ilg‘or innovatsion texnologiyalaridan foydalanishning yangi bosqichlariga qadam qo‘ymoqda. Iqtisodiyotning turli tarmoqlarida axborotlashtirishning raqamli texnologiyalaridan foydalanish, tarmoqlarga innovatsion modellarni tadbqiq etish bugungi kunning talabiga aylanmoqda.

Rivojlanayotgan mamlakatlar iqtisodiyotini raqamlashtirishning ilg‘or texnologiyalarini qo‘llayotgan bir davrda globallashtirish jarayonlari rivojlanayotgan mamlakatlar iqtisodiyotini bevosita shu tizim tadbqiqiga undamoqda. Natijada raqamli iqtisodiyot dunyoning ko‘pgina mamlakatlari iqtisodiyotiga jadal kirib bormoqda.

“Raqamli iqtisodiyot” atamasi birinchi bo‘lib 1995-yilda Don Tepkott muallifligida chop etilgan “Raqamli iqtisodiyot: tarmoqli intellekt asrida va‘da va xavf-xatar” (The Digital Economy: Promise and Peril in the Age of Networked Intelligence) nashrida alohida tushuncha sifatida istiloh etilgan.[1]

Ushbu nashrda raqamli iqtisodiyotning asosiy tarkibiy qismlariga fundamental innovatsiyalar (yarimo‘tkazgichlar, protsessorlar), asosiy texnologiyalar (kompyuterlar) va bog‘lovchi infratuzilmalar (internet va telekommunikatsiya tarmoqlari) ajratib ko‘rsatiladi. Olim axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini intensiv rivojlanishi ortidan eski iqtisodiyotdan yangi iqtisodiyotga o‘tishda, qanday o‘zgarishlar ro‘y berishi mumkinligini aytib o‘tgan.

Raqamli iqtisodiyot raqamli texnologiyalarga asoslangan, elektron biznes, elektron tijorat bilan bog‘langan, raqamli tovar va xizmatlar ishlab chiqarayotgan va taqdim etayotgan iqtisodiy faoliyatdir. Bunda iqtisodiy xizmat va tovarlar uchun hisob-kitoblar elektron pul orqali amalga oshiriladi. Raqamli iqtisodiyot

konsepsiyasi atomdan bitga, ya'ni kimyoviy eng kichik zarradan elektron birlikka o'tishga asoslanadi.[2]

Mamlakatimizda axborot va kommunikatsiya texnologiyalarining (AKT) rivojlanish darajasiga bevosita bog'liq bo'lgan raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi odatda turli ko'rsatkichlar bo'yicha baholanadi. Bu ko'rsatkichlarga quyidagilar kiradi: raqamli iqtisodiyotning yalpi ichki mahsulotdagi ulushi, AKT sohasiga investitsiyalar hajmi, Internet tezligi, uning mamlakat hududini qamrab olishi va aholi foydalanish imkoniyatlari, elektron tijoratning rivojlanish darajasi, elektron hukumat tizimida davlat xizmatlarining ulushi, tashkilotlarni AKT sohasidagi mutaxassislar bilan ta'minlash va boshqalar. Bundan tashqari, axborot texnologiyalarining rivojlanishini baholaydigan ko'rsatkichlar muhim ahamiyatga ega.[3]

| | 2016-yil | 2017-yil | 2018-yil | 2019-yil | 2020-yil |
|--------------------------------|----------|----------|----------|----------|----------|
| YaIM | 242,5 | 302,5 | 406,6 | 510,1 | 580,2 |
| Yalpi qo'shilgan qiymat | 220,1 | 267,7 | 361,1 | 464,9 | 535,8 |
| Axborot va aloqa | 4,4 | 5,7 | 7,0 | 7,4 | 8,8 |

1-chizma. 2016-2020-yillarda "Axborot va a'loqa" xizmatlarining YaIM- da yalpi qo'shilgan qiymati (trillion so'm)

Aholiga ko'rsatiladigan "axborot va a'loqa" sohasidagi xizmatlarning yalpi qiymati 2016-yilga nisbatan ikki barobarga 4,4 dan 8,8 trillion so'mgacha oshganini ko'rishimiz mumkin. AKT sanoatining rivojlanishiga "axborot –kommunikatsiya" faoliyat turi bo'yicha asosiy kapitalga investitsiyalar hajmi yordam berdi. 2016-2020-yillar mobaynida u 1,2 barobardan 4,8 trillion so'mga, 4 barobar oshdi, shuningdek, xorijiy investitsiyalar va kreditlar hajmi 2,5 barobar 0,8 dan 2,0 trillion so'mga oshdi.[4]

2020-yil 5-oktyabrda Prezidentning "Raqamli O'zbekiston-2030" strategiyasining farmoni tasdiqlandi, unda kelgusi ikki yil ichida hududlar va tarmoqlarni raqamli o'zgartirish bo'yicha 280 dan ortiq loyihalarni amalga oshirish ko'zda tutilgan.

O'zbekiston Respublikasi prezidentining "Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4699 son qaroriga ko'ra:

- 2023-yilga kelib raqamli iqtisodiyotning mamlakat yalpi ichki mahsulotidagi ulushini 2 barobarga ko'paytirishni nazarda tutgan holda, shu

jumladan ishlab chiqarishni boshqarishda axborot tizimlari kompleksini joriy qilish, moliyaviy-xo'jalik faoliyatda hisobot yuritishda dasturiy mahsulotlardan keng foydalanish, shuningdek, texnologik jarayonlarni avtomatlashtirish orqali uni jadal shakllantirish;

- 2020-2021-yillarda barcha sog'liqni saqlash muassasalari, maktablar va maktabgacha ta'lim tashkilotlarini, shuningdek, qishloqlar va mahallalarni yuqori tezlikdagi Internet tarmog'iga ulash hamda aloqa xizmatlari sifatini oshirishni ko'zda tutgan holda mamlakatning raqamli infratuzilmasini to'liq modernizatsiya qilish va zamonaviy telekommunikatsiya xizmatlaridan barcha hududlarda foydalanish imkoniyatini ta'minlash;

- 2022-yilga qadar elektron davlat xizmatlari ulushini 60 foizgacha yetkazishni nazarda tutgan holda davlat axborot tizimlari va resurslarini yaratish hamda integratsiya qilish, davlat ma'lumotlar bazalaridagi axborotlarni unifikatsiya qilish, shuningdek, davlat xizmatlarini ko'rsatish tartibotlarini optimallashtirish va tartibga solish orqali elektron hukumat tizimini rivojlantirish masalalari qo'yilgan.[5]

Raqamli iqtisodiyot yirik sanoat obyektlari ish samaradorligini oshirish, ishlab chiqarishda o'sish, faoliyat shaffofligini ta'minlash, mahsulot tannarxini kamaytirish imkonini beradi.

O'zbekistonda "Raqamli O'zbekiston-2030" dasturini ishlab chiqilishi va hayotga tatbiq etilishi, eng avvalo, puxta va mukammal tashkiliy-huquqiy mexanizmlarni shakllantirish, qolaversa, innovatsion g'oyalar, texnologiyalar va ishlanmalarni joriy etish bo'yicha davlat organlari va tadbirkorlik subyektlarining uzviy hamkorligini ta'minlash, barcha soha va tarmoqlarda ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatishni raqamli texnologiyalar bilan qamrab olish, bu borada zamonaviy bilimlarni chuqur egallagan, intellektual salohiyatli kadrlarni yetishtirish, shu orqali, mamlakatda "axborotlashgan jamiyat" muhitini yaratishga xizmat qiladi.[6] Jahon bankining ma'lumotlariga ko'ra, kurrai zaminimiz umumiy boyligining 66 foizi — 365 trillion AQSH dollari inson kapitaliga, ya'ni asosan shaxsning ilm darajasiga to'g'ri kelmoqda. AQSHda ushbu ko'rsatkich milliy boylukning 77 foizi — 95 trillion dollarga yetgan. Shuning uchun davlatimiz rahbari joriy yil Murojaatnomada "Eng katta boyluk – bu aql-zakovat va ilm, eng katta meros — bu yaxshi tarbiya, eng katta qashshoqlik — bu bilimsizlikdir!" degan fikrni alohida keltirib o'tdi. [6]

Aholi va tadbirkorlik subyektlarining davlat organlari bilan kontaktsiz aloqa shakllarini yanada rivojlantirish maqsadida Yagona interaktiv davlat xizmatlari



portalining yangi versiyasi, Bosh vazirning tadbirkorlar murojaatlarini ko'rib chiqish virtual qabulxonasi "business.gov.uz" portali ishga tushirilgani raqamli iqtisodiyot rivoji yo'lidagi muhim qadamlardir. Shuningdek, normativ-huquqiy hujjatlar loyihalarini barcha manfaatdor vazirliklar, idoralar, mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlariga ko'rib chiqish, elektron raqamli imzodan foydalangan holda kelishish (viza qo'yish) uchun, shu jumladan bir vaqtning o'zida keng jamoatchilik va mutaxassislar muhokamasini o'tkazish va tezkor jo'natish uchun vaqtni va mehnat resurslarini sezilarli darajada tejash maqsadida yagona elektron tizimi "project.gov.uz" portali tashkil etildi.

"Microsoft" korporatsiyasi asoschisi Bill Geys: "Tez orada Yer sharida faqat ikki tur kompaniyalar mavjud bo'ladi. Birinchisi, internet orqali biznes qiluvchi va ikkinchisi, biznesdan chiqqan kompaniyalar" degan naqli orqali raqamli iqtisodiyotning naqadar keng yoyilishini ko'rsatmoqda. Tadbirkorlar mana shu jihatni inobatga olgan holda, dunyoga mashhur biznes iste'molchi uchun, biznes uchun, iste'molchi iste'molchi uchun tamoyillari asosida o'z faoliyatini tashkil etishi maqsadga muvofiq. Raqamli iqtisodiyotni mamlakatimiz istiqbolida rivojlantirish, iqtisodiyotning turli tarmoqlarida vujudga keladigan turli qiyinchiliklar, aholi o'rtasida ovvoragarchiliklar, korrupsiya holatlarini oldini oladi hamda rivojlanishni yangi bosqichiga o'tishda qo'l keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. *The Digital Economy: Promise and Peril In The Age of Networked Intelligence 1st Edition.* By Don Tapscott. ISBN-13: 978-0070633421
2. Макаров А. Ю. Макаров А.А. *Цифровая экономика технологии меняют менеджмент.* 2021.
3. *Цифровая экономика: учебник / В.Д. Маркова.* - М.: ИНФРА-М, 2018 - 186 с. - (Высшее образование: Бакалавриат). - [www.dx.doi.org/10.12737/textbook Sa97ed07408159.98683294](http://www.dx.doi.org/10.12737/textbook/Sa97ed07408159.98683294).
4. www.stat.uz
5. *Sh.Mirziyoyev "Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 2020-yil 28-aprel, PQ-4699-son qarori.*
6. <https://lex.uz/docs/-4800657>
7. <https://mineconomy.uz/uz/news/view/3425>

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПРОФЕССОР- ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

М.Д. Зарипова,
Термиз давлат университети,
Ахборот технологиялари кафедраси таянч докторанти
С.С. Қулматова
“Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари”
кафедраси катта ўқитувчиси, ТДИУ

Аннотация: Мақолада юқори малакали кадрлар тайёрлаш самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркиби сифатини баҳолаш масалалари кўриб чиқилган. Тадқиқотчи ва олимларнинг профессор-ўқитувчилар таркиби фаолиятини баҳолаш бўйича ёндашувларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида олий таълим муассасалари амалиётида фойдаланиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсия ишлаб чиқилган.

Таянч иборалар: профессор-ўқитувчилар таркиби, сифат, баҳолаш, таълим сифати, унумдорлик, самарадорлик, натижавийлик, меҳнат фаолияти

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы оценки качества профессорско-преподавательского состава высших учебных заведений как важный фактор повышения эффективности подготовки высококвалифицированных кадров. На основе изучения и анализа подходов исследователей и ученых к оценке деятельности профессорско-преподавательского состава было разработано научно обоснованное предложение и рекомендация по использованию в практике высших учебных заведений.

Кириш.

Ўзбекистон Республикаси жамияти ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ қилиш жараёнлари таълим сиёсатида янги муносабатларни (кўрсатмаларни, йўл-йўриқларни) излашга сабаб бўлди, таълим ролининг янги кўринишини белгилади. XX-асрнинг охири XXI-аср бошланиши таълим стратегиясини қайта кўриб чиқиш билан эмас, балки ўзига хос янги устуворликларни ишлаб чиқиш билан тавсифланди. Шундай устуворликлардан бири юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифати ҳисобланади.

Юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифати масаласи нафақат Республикамизда балки глобал муаммо сифатида бутун жаҳонда эътироф этилмоқда.

Жаҳон амалиётига назар ташланса, глобаллашув жараёнлари нафақат бутун дунё қиёфасини тубдан ўзгартираётганлигига, балки мамлакатларнинг

барча соҳаларда ва жабҳаларда, барқарор ривожланиш йўналишида, ўз стратегик мақсадларини белгилаб олаётганлигига, самарали механизмларни ишлаб чиқиб, уни амалиётда қўллаб ўз ўринларига эга бўлаётганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Ушбу стратегик мақсадларни белгиловчиси, механизмларни ишлаб чиқувчиси юқори салоҳиятли, малакали мутахассислар (кадрлар) бўлганлиги боис, жаҳон ҳамжамиятида етакчилик қилаётган мамлакатлар кадрларни тайёрлаш ҳамда уларни ўқитиш сифатига, олий таълим ривожига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратиб, кенг кўламдаги ишларни амалга ошираётганлигини кўриш мумкин. Бу эса ўз навбатида, жаҳонда кадрлар тайёрлаш сиёсатида инқилобий ўзгаришлар бўлаётганлигидан, таълим ривожи, сифати масалалари олий ўринда турганлигидан далолат беради [1, 2].

Жумладан, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, илмий-техник, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳалардаги янгиланишларнинг бевосита ва билвосита фаол иштирокчиси, барқарор ривожланиш асосчиси замонавий билим ва юқори малака ҳамда касбий компетенцияга эга кадрлар бўлганлиги боис, уларни тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш мақсадида олий таълим тизимига давлат сиёсати даражасида юксак эътибор берилмоқда. Яъни, келажак бунёдкори бўлиши ёшларни ҳар томонлама етуқ, билимли, малакали, рақобатбардош, янгилликларни тез ўзлаштира оладиган, ўзгарувчан муҳитга, жамиятга тез мослаша оладиган, меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикр ва мушоҳада юрита оладиган, юқори салоҳиятга эга кадр сифатида камол топиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Аmmo шунга қарамай, юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида олий таълим соҳасида айни вақтда ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб муаммо ва камчиликлар мавжуд. Бу муаммолардан бири профессор-ўқитувчилар таркибини баҳолаш масаласи ҳисобланади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоиз, юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш кўп жиҳатдан олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг таркибига боғлиқ бўлганлиги боис, улар фаолиятини ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш масалалари бўйича республикаимизда кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Буларга мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан С.С.Ғулумов, Н.Р.Раҳманов О.С.Қаҳхаров ва бошқаларнинг ишларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

С.С.Ғулумовнинг “Рақамли қитисодиёт – кадрлар тайёрлашнинг долзарб йўналишлари” [3], О.С.Қаҳхаровнинг “Худудларда иқтисодчи кадрлар тайёрлашнинг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш” [4], Б.Исамухаммедовнинг “Малакали иқтисодчи кадрлар тайёрлаш сифатини

ошириш” [5] мавзусидаги илмий мақолалари кадрлар тайёрлаш масалаларига эътибор қаратилганлигини исботидир. Шунингдек, Н.Р.Рахмоновнинг “Ўзбекистонда олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг минтақавий жиҳатлари” [6] мавзусидаги илмий мақоласи кадрлар тайёрлашнинг назарий асосларига бағишланган.

Профессор-ўқитувчилар, олимлар меҳнат фаолиятини ўрганиш ва унинг меҳнатини рағбатлантириш, шунингдек, фаолият натижавийлиги, самарадорлигини баҳолашга бағишланган ишлар кўлами (тадқиқотлар) жуда кенгдир. Ушбу йўналиш бўйича яқин хориж олимларидан Ю.Б. Татаринов, А.Г. Бездудная ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Ю.Б. Татаринов, олим меҳнатининг унумдорлик (самарадорлик) ва натижавийлик (маҳсулдорлик) кўрсаткичларини фарқлаш зарур деб ҳисоблайди [7]. Бунда биринчи ҳолатда, асосан сифат хусусиятлари, иккинчисида эса миқдорий хусусиятлар ҳақида сўз юритилади [8].

Хусусан, Ю.Б. Татаринов “... унумдорлик ҳақида гапирганда, одатда, улар илмий натижаларнинг фойдалилиги ва аҳамиятлилигини, яъни уларнинг сифатини баҳолашдан “чалғиб қоладилар” деб қайд этади [7]. – 9

Деярли жуда кўп ташкилотларда илмий ҳисоботлар асосан босма белгилар сони бўйича баҳоланиши ҳеч кимга сир эмас.

Иқтисодчи олим А.Г. Бездудная эса, ўзининг тўртта блокдан иборат таълим фаолияти субъектининг касбий фазилатлари (сифатлари) моделини таклиф этади: касбий компетентлик ва илмий салоҳият; педагогик маҳорат кўрсаткичлари; ўқув жараёнининг услубий таъминланганлик кўрсаткичлари; ўқитувчининг ижтимоий-ахлоқий портрети кўрсаткичлари [9]. – 10

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг асосий мақсади мамлакатимизда юқори малакали кадрлар тайёрлаш самарадорлигини оширувчи муҳим омилларидан бири ҳисобланган профессор-ўқитувчилар таркиби сифатини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, ҳамда олий таълим муассасалари амалиётида фойдаланиш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот жараёнида таққослаш, гуруҳлаш ва статистик усулларидан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Олий таълим муассасалари фаолият юритишининг замонавий шартлари бошқарув субъектлари томонидан ўз ходимлари (кадрлари) таркибининг сифатини ўлчашга алоҳида эътибор қаратишни талаб этади. Ушбу мақсадлар учун баҳолаш кўрсаткичлари тизими шакллантирилиши мумкин.

Кўрсаткич сўзи қуйидаги лугавий маъноларга эга:

1) кўрсатиш учун хизмат қилувчи ёзув, ишора;

2) бирор нарсанинг ривожини, даражасини, ишнинг боришини, бажарилишини ва шу кабиларни билдирувчи белги ёки нарсаси.

Кўрсаткич – бу объект ҳолати ва унинг ўзгаришини муҳокама қилишга (баҳолашга) имкон берувчи қиймат (мезон, даража, ўлчагич) ёки қийматлар.

Кўрсаткичлар асосан – миқдорий ва сифат кўрсаткичларга ажратилади. Шунингдек, уларни баъзида яқка (индивидуал), гуруҳли (йиғма, синтетик, жамлама, умумлаштирилган) турларга ҳам ажратишади [10]. – 11

Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркибига нисбатан формал хусусиятлар куйидагилардан иборат: таянч маълумот, педагогик иш стажини, ўқув муассасасидаги мақоми (статуси), илмий малака даражасини, малака ошириш даврийлигини ва бошқалар.

Ушбу ҳолатда сифат кўрсаткичларига ёш хусусиятларини, фахрий унвонларнинг мавжудлигини, илмий-тадқиқот ишларида профессор-ўқитувчилар таркибининг иштирокини, нашр этилган монографиялар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар ҳамда бошқа илмий ишлар сонини ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ўқитувчилар меҳнатининг натижавийлигини талабаларнинг фан бўйича мутлақ ўзлаштириш даражасини, фан бўйича сифатли ўзлаштириш даражасини, битирув малакавий ишни “аъло” ва “яхши” баҳоларга ҳимоя қилган битирувчилар сонини, таҳсил олувчилар умумий сонидagi аспирантларнинг (докторант, таянч докторант) улушини, номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилганларнинг сонини ва бошқаларни ҳисоблаш йўли билан баҳолашни мумкин [11].

Таъкидлаш жоизки, олий таълим муассасалари аккредитация кўрсаткичлари қаторида педагог-ҳодимлар малакасини тавсифловчи баҳолаш кўрсаткичлари ҳам қатнашади:

- илмий тадқиқотлар олиб борилаётган фан тармоқлари сони;
- илмий тадқиқотларни молиялаштиришнинг ўртача йиллик ҳажми;
- илмий-тадқиқот олиб борувчи ходимларнинг бирлигига тўғри келадиган илмий тадқиқотларнинг ўртача йиллик ҳажми;
- илмий даража ва (ёки) илмий унвонларга эга бўлган педагог ходимларнинг ҳар 100 та асосий штатига тўғри келадиган монографияларнинг ўртача йиллик сони;
- услубий ишлар доирасида инновацион усул ва технологияларни қўллаш даражаси;
- илмий даража ва (ёки) илмий унвонларга эга бўлган профессор-ўқитувчилар таркибининг улуши;
- фан докторлари ва (ёки) профессорларнинг улуши;
- олий таълим муассасасида асосий штатда мунтазам ишлайдиган профессор-ўқитувчилар таркибининг (ПЎТ) улуши;

- илмий-педагогик ходимларни ҳар 100 (нафар) кишига тўғри келадиган диссертация ҳимояларининг ўртача йиллик сони [12].

Олий касбий таълим муассасаларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги тизимини жорий этиш шароитида ўқитувчилар меҳнатининг мотивация (рағбатлантириш) даражасини ошириш, шунингдек, олий таълим муассасалари (ОТМ) томонидан сарфланган ресурсларга “қайтариш” самарадорлигини оширишнинг асоси ҳисобланадиган профессор-ўқитувчилар таркиби (ПЎТ) сифатини баҳолашнинг мезонлар базасини ишлаб чиқиш муаммосини ҳал қилиш энг долзарб вазифалардандир.

Ушбу масала бўйича илмий ҳамжамиятда ягона ёндашув мавжуд эмас:

- 1) баъзи тадқиқотчилар, ҳўжаликни бошқаришни бозор шароитида олий таълим муассасалари фаолият юритишининг самарадорлиги бевосита ҳар бир ўқитувчи меҳнати унумдорлиги ва натижавийлигига боғлиқ деб ҳисоблашади ва шунда савол тугилади: унинг меҳнатини қандай қилиб тўғри баҳолаш мумкин?;

- 2) профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий ходим меҳнати миқдорий жиҳатдан баҳолашга етарлича қийин бўйсунди, сифат хусусиятларини ҳақиқатдан ҳам ўлчанадиган кўрсаткичларга “ўтириш”нинг мураккаб муаммоси юзага келади;

- 3) таълим муассасаларини аккредитация ва лицензиялаш тартиб-таомилларида қўлланиладиган олий таълим муассасалари (ОТМ) ходимлар таркибини баҳолаш мезонлари фақатгина иккита хусусиятни (“даражалаш” ва “штатлилик”) ҳисобга олинганлиги боис комплекслилик талабларига жавоб бермайди;

- 4) агар профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатини баҳолаш мезонлари ва тамойиллари ишлаб чиқилмаган бўлса, бу меҳнатга ҳақ тўлашда “асоссиз тенглаштиришга” олиб келади ва унда таълим жараёнининг самарадорлиги ва натижавийлиги ҳақида гап бормайди.

Шундай қилиб, олий таълим муассасалари (ОТМ) турли таркибий қисмларини мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида (жумладан, ходимлар таркиби сифати ҳам) сифатини баҳолашнинг комплекс (интеграл) кўрсаткичларидан фойдаланиш, умуман олганда таълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигига муайян таъсир кўрсатади.

Шундай экан, ОТМлари профессор-ўқитувчилари таркиби сифатини баҳолаш жараёнида:

- унинг таркиби, тузилмаси, маълумотлилик даражаси, илмий даражалар, илмий унвонлар мавжудлиги, илмий ихтисосликни таълим муассасасидаги кадрлар тайёрлаш профилига мослик даражасини таҳдидини ўтказиш;

- алоҳида йўналишлар бўйича ягона кўрсаткичлар тизимини шакллантириш;

• кўрсаткичларни яхлит бирлашувини интеграл кўрсаткичга ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу тадқиқот доирасида қуйидаги баҳолаш кўрсаткичлари тизими таклиф этилади:

1. Профессор-ўқитувчилар таркиби таянч маълумотларининг кадрлар тайёрлаш профилига мувофиқлиги:

$$N_1^1 = (k_{\text{мос}}/k_{\text{умум}}) \times 5, \quad (1)$$

бу ерда N_1^1 - профессор-ўқитувчилар таркиби (ПЎТ) таянч маълумотини кадрлар тайёрлаш профилига мувофиқлигини тавсифловчи кўрсаткич; $k_{\text{мос}}$ — таълим даражаси кадрлар тайёрлаш профилига мос келадиган профессор-ўқитувчилар таркиби сони; $k_{\text{умум}}$ — профессор-ўқитувчилар таркиби умумий сони.



1-расм. Профессор-ўқитувчилар таркиби сифатини баҳолашнинг олий таълим муассасаси ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифат-самарадорлигига таъсири схемаси

Тавсия этилаётган кўрсаткичлар нисбати натижаси, 5 балли баҳолаш шкаласи қўлланилаётганлиги боис 5 сонига кўпайтирилади (1-формула).

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, таълим муассасаларида, жумладан олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар таркибини (ПЎТ) таянч маълумоти тахсил олувчиларни (кадрларни) тайёрлаш йўналишларига ҳар доим ҳам мос келавермайди. Бу эса ўз навбатида гарчи истиснолар учраб турсада, охир-оқибатда (натихада, бориб-бориб) — битирувчиларни тайёрлаш даражасига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

2. Профессор-ўқитувчилар таркиби илмий ихтисослигини (мутахассислигини) ўқитиладиган фанларга мувофиқлиги:

$$N_1^2 = (k_{\text{мос}}^{\text{даража}} / k_{\text{умум}}^{\text{даража}}) \times 5, \quad (2)$$

бу ерда N_1^2 — профессор-ўқитувчилар таркиби (ПЎТ) илмий ихтисослигининг ўқитиладиган фанларга мослигини тавсифловчи кўрсаткич; $k_{\text{умум}}^{\text{даража}}$ — илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчилар таркиби (ПЎТ)нинг умумий сони; $k_{\text{мос}}^{\text{даража}}$ — илмий даража ва илмий унвони кадрлар тайёрлаш профилига мос келадиган профессор-ўқитувчилар таркиби (ПЎТ) сони.

Олий таълим муассасалари (ОТМ) педагог-ходимлари таркибининг таҳлили шуни кўрсатадики, профессор-ўқитувчилар таркиби (ПЎТ) илмий ихтисослиги ҳар доим ҳам таълим муассасасидаги кадрлар тайёрлаш профилига мос келмайди. Шунинг учун кўрсаткични ҳисоблаш (2-формула) юзага келадиган диспропорцияларни (номутаносибликларни) бартараф этиш имконини беради.

3. Кадрлар тайёрлаш профили бўйича ишлаб чиқаришда, иш тажрибасининг профессор-ўқитувчилар таркибида мавжудлиги:

$$N_1^3 = (k_{\text{амал.ст}} / k_{\text{умум}}) \times 5, \quad (3)$$

бу ерда N_1^3 — кадрлар тайёрлаш профили бўйича ишлаб чиқариш тажрибасининг ўқитувчиларда мавжудлигини тавсифловчи кўрсаткич (масалан, 3 йилдан кам бўлмаган); $k_{\text{амал.ст}}$ — кадрлар тайёрлаш профили бўйича 3 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган профессор-ўқитувчилар таркиби сони.

Бир қарашда, ушбу кўрсаткич таълим муассасаси учун ноанъанавий ёки “ортиқча”дек туюлиши мумкин. Аммо, фикримизча, ишлаб чиқариш тажрибасини (иш стажини) ўқитувчида мавжудлиги таълим фаолиятининг синергетик самарасини оширувчи (асосан, агар кадрлар тайёрлаш профили аниқ профессионал йўналишга эга бўлса) ижобий омил ҳисобланади.

Бундан ташқари, касбга ўқитишнинг замонавий педагогикаси ишлаб чиқариш ўқитишини 3 та асосий бўлимга ажратади:

M1 — назарий қисм — ахборотни қабул қилиш ва ўзлаштириш;

M2 - амалий — билимларни кўникма ва малакаларни шакллантиришга айлантириш;

M3 – ишлаб чиқариш амалиёти — мустақил ўқиш ва ўрганишга ўтиш, малакаларни такомиллаштириш тизими [7].

Шу муносабат билан, агар ўқитувчи илмий билимларни амалий тажрибалар билан мужассамлаштирса, у шак-шубҳасиз, юқори салоҳиятли кадрлар тайёрлаш жараёнига янада сифатли ва салмоқли ҳисса қўшиши мумкин.

Айрим ҳолларда, ишлаб чиқариш (амалий тажрибаларнинг) йўқлигини, иқтисодийётнинг мос келувчи соҳаси ташкилотлари ва корхоналарида ПЎТ стажировкаларини ташкил этиш орқали ўрнини қоплаш мақсадга мувофиқ.

4. Профессор-ўқитувчилар таркибининг ёш бўйича (ёшга оид) тузилмаси:

$$N_1^4 = \frac{40 \cdot \sum_{i=1}^n (q_i N_i)}{\sum_{i=1}^n N_i} \times 5, \quad (4)$$

бу ерда N_1^4 — профессор-ўқитувчилар таркиби ёшининг ўртача вазн кўрсаткичи; q_i – i -нчи гуруҳдаги профессор-ўқитувчилар таркибининг ўртача ёши; N_i — i -нчи гуруҳдаги профессор-ўқитувчилар таркиби сони; n — таҳлил қилиш учун қабул қилинган ёш гуруҳлари сони.

Қайд этилган кўрсаткични тақлиф этилган шкаладан келиб чиқиб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ (1-жадвал).

Айни вақтда, мамлакатимиздаги илмий-педагогик кадрларнинг “қариш” жараёни илмий ҳамжамиятда хавотир уйғотмоқда. Фан доктори, профессор даражасидаги (унвонидаги) юқори малакали профессор-ўқитувчилар таркиби ўртача ёши 60 ва ундан юқори ёшни ташкил этмоқда. Мамлакатдаги давлат сиёсати таълим соҳасига ёш мутахассисларни жалб этишга қаратилган.

Бироқ, ушбу муаммони ечимини топиш йўлида реал тўсиқлар мавжуд: меҳнатга ҳақ тўлашнинг паст даражаси; муассасаларнинг ўз ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасида имкониятларининг камлиги ва бошқалар. Тажриба шуни кўрсатадики, ўқитувчи 35-40 ёшдагина зарурий компетенциялар тизими эгасига айланади. Шу муносабат билан, биз бу кўрсаткични (4-формула) шакллантиришда 40 ёш мезонини қўлаймиз.

5. Профессор-ўқитувчилар таркиби (ПЎТ) малакасини ошириш:

$$N_1^5 = (2 \div 5), \quad (5)$$

бу ерда N_1^5 — олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркиби (ПЎТ) малакасини ошириш соҳасидаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичи бўлиб, 4 балли шкала бўйича эксперт йўли билан аниқланади.

Профессор-ўқитувчилар таркибининг ёш бўйича таркиби

| Профессор-ўқитувчи таркиби ёши, (йил) | Сони, (киши) | Улуши, (%) | Ўртача ёши, (йил) |
|---------------------------------------|--------------|------------|-------------------|
| 20-25 | | | |
| 26-30 | | | |
| 31-35 | | | |
| 36-40 | | | |
| 41-45 | | | |
| 46-50 | | | |
| 51-55 | | | |
| 56-60 | | | |
| 60 ёшдан юқори | | | |
| Жами: | | 100 | - |

ОТМ ички сифатини таъминлаш тизимини (ОИСТТ) шакллантириш соҳасидаги маҳаллий ҳужжатлари ёрдамида олий таълим муассасасининг педагог-ҳодимлар меҳнат фаолиятини регламентга солиш, профессор-ўқитувчилар таркибининг малакасини ошириш муддатлари ва шакллари белгиланади.

Ҳар бир ОТМ фаолият спецификасига боғлиқ ҳолда, ушбу жараённинг самарадорлик ва натижавийлигини баҳолаш хусусий параметрлар шкаласини ишлаб чиқиши, шундай қилиб, бу кўрсаткични деталлаштирмоғи мумкин.

6. Профессор-ўқитувчилар таркиби ичидаги кадрлар кўнимсизлигини баҳолаш:

$$N_1^6 = \left(1 - \frac{k_{\text{иш.бўш}}}{k_{\text{умум}}}\right) \times 5, \quad (6)$$

бу ерда N_1^6 — профессор-ўқитувчилар таркиби ичидаги кадрлар кўнимсизлигини баҳолаш кўрсаткичи; $k_{\text{иш.бўш}}$ — ишдан бўшатишган ПЎТ сони.

Ташкилотда кадрларнинг барқарорлиги/кўнимсизлиги ҳақида турли хил қарашлар мавжуд. Айрим тадқиқотчилар, иш жойини ҳар беш йилда бир марта ўзгартириш мақсадга мувофиқ деб, бошқалари эса – тизим ички фаолиятида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишга ҳамда ташқи муҳит ўзгарувчан шароитларига ўз вақтида мослашишга, айнан тургун меҳнат жамоаси қодирдир деб ҳисоблашади.

Холисона эътибор берадиган бўлсак, ОТМ профессор-ўқитувчилар таркибининг ўзгариши (алмашуви) таълим муассасаси фаолиятига таъсир этадиган ижобий натижаларни бергани каби, салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқаради. Салбий оқибатлар ижобийларга қараганда кўпроқ акс этади. Баъзи ҳолларда, ушбу жараён нафақат ижтимоий-психологик

жиҳатларга дахлдор бўлиб қолади, балки иқтисодий (ресурс) характердаги муаммоларни ҳам келтириб чиқаради.

7. Олий таълим муассасалари ўқув жараёнига иштирок этиш учун жалб этиладиган ПЎТ ва мутахассисларнинг сифат таркиби:

$$N_1^7 = (k_{\text{умум}}^{\text{даража}} / k_{\text{умум}}) \times 5, \quad (7)$$

бу ерда N_1^7 — ПЎТ сифат таркибининг кўрсаткичи; $k_{\text{умум}}^{\text{даража}}$ — илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчилар таркиби (ПЎТ)нинг умумий сони.

Коронавирус пандемияси ва шу каби кутилмаган фавқулодда ҳолатларда, юртимизда мавжуд бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш тамойилларига асосланган ҳолда бизнес субъектларига фаолиятини вақтинча музлатиб қўйиш; солиқ юкидан озод этиш; ҳисобот муддатларини чегараламаслик; зарурий ёрдам чораларини бериш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб берувчи бизнес субъектларини моддий ва маънавий рағбатлантириш; аҳолига нисбатан инсонийлик фазилатларини қадрлашни эслатиш ва бошқа имкониятларини бериш, сабаби айнан улар иқтисодиётимиз устунлари, иқтисодий фаолиятни қайта жадаллаштирувчи инсон омилларидир.

СОВРЕМЕННЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ПРИМЕНЕНИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ РЕШЕНИЙ ПРИ ПОДГОТОВКЕ СПЕЦИАЛИСТОВ С ВЫСШИМ ЭКОНОМИЧЕСКИМ ОБРАЗОВАНИЕМ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

*И.Е. Жуковская,
д.э.н., проф. кафедры «Цифровая экономика и
информационные технологии» ТГЭУ*

Аннотация В настоящей статье проведен анализ литературных и интернет источников по проблеме оптимизации образовательной, воспитательной и научной деятельности в высшем учебном заведении на основе совершенствования цифровой инфраструктуры, а также методов и форм обучения.

Кроме того, в статье отмечено, что цифровые технологические решения находят свое эффективное применение не только в оптимизации диалога профессорско-преподавательского состава вуза и студентов, но и служат надежным помощником руководству вуза при проведении мониторинга учебного процесса и в принятии грамотных управленческих решений.

В данной статье автором представлен опыт использования цифровых технологий в Ташкентском государственном экономическом университете. В частности, отмечено, что цифровые технологические решения делают учебный процесс более адаптивным, комплексным и интересным.

Ключевые слова: цифровые технологии, высшее образование, методы обучения, средства и инструменты организации учебного процесса, оптимизация, профессионализм, управление, высококвалифицированные специалисты, качество образовательного процесса, конкурентоспособность.

Введение

Формирование цифровой экономики в мировом масштабе оказывает влияние на развитие всех сторон жизни общества. В современный период уже невозможно представить деятельность высшего учебного заведения без комплексного использования виртуальных библиотек, цифровых платформ, электронных курсов и учебных изданий, передовых педагогических и технологических решений, в основе которых лежит применение передовых информационно-коммуникационных технологий.

Опыт развитых стран, таких как США, Япония, Канада, Южная Корея, Австрия, Великобритания, Германия, Израиль, Норвегия и др. показывает, что цифровые технологии не только оказывают значительное влияние на процесс

обучения студентов в высших учебных заведениях, но служат залогом успешной реализации программ социально-экономического развития, способствующих росту благосостояния населения и конкурентоспособности страны на мировом экономическом рынке.

Цифровые технологические решения в настоящее время оказывают свое позитивное влияние на развитие программ академической мобильности, привлечение специалистов-практиков, ученых для повышения качества обучения.

Комплексные исследования ученых различных стран показывают, что развитие цифрового пространства высшего образования формируется по нескольким направлениям: цифровизация учебного процесса, внедрение цифровых решений в управленческие процессы вузов, развитие онлайн образования, формирование виртуальной образовательной среды и стимулирование проведения современных научных исследований и т.д.

Причем, каждый вуз является уникальным в области внедрения современных цифровых технологий. В данной статье рассмотрено влияние цифровизации на развитие высшего образования в Республике Узбекистан, а также основные тенденции внедрения цифровых технологий в Ташкентском государственном экономическом университете.

Методология исследования.

Методология настоящего исследования базируется на использовании методов анализа, синтеза, сопоставления, индукции, дедукции, а также научного базового метода теоретико-эмпирического исследования: сравнение когнитивных операций, лежащих в основе суждений о сходстве или различии объектов, кроме того, методах монографического исследования, анкетного опроса, методах работы с интернет-источниками.

Результаты исследований.

Вопросам применения цифровых технологических решений для подготовки специалистов с высшим образованием посвящены многочисленные труды зарубежных и отечественных ученых. К их числу можно отнести таких ученых как Б.А. Бурняшов [1], Allison DeeAnn [2], Owusu Boateng R., A. Amankwaa [3], А.А. Аузан, Г. И. Абдрахманова, К. О. Вишневский, Л. М. Гохберг, Дж.М. Ван Ринен, С.Ю. Глазьев [4], М. Dhonson, А.В. Кешелава [5], О. Кивинен, Б. Кларк, А. Арутюнова, И.Е. Золин [6], С.Л. Костянян, Т.Н. Савина [7], А.С. Славянов, С.С. Фешина [8], К.Эрроу.

Такие отечественные ученые, как Р.Х. Алимов [9], Б.А. Бегалов [10], С.С. Гулямов [11], Р.А. Дадабаева, И.Е. Жуковская [12], Ш.И. Хашиходжаев, А.Т. Шермухамедов и др. также всесторонне исследуют проблему внедрения цифровых технологических решений в различных отраслях и сферах национальной экономики Республики Узбекистан, в том числе и высшем экономическом образовании страны.

Большой круг работ современных ученых посвящен вопросам внедрения искусственного интеллекта в деятельности высших учебных заведений. Например, авторы исследования «Artificial Intelligence in Higher Education. Current Uses and Future Applications» (Learning House, 2018) констатируют, что системы искусственного интеллекта в вузах чаще всего находят свое применение в следующих аспектах: идентификация и тестирование абитуриентов при приеме в вуз; ускорение обучения; комплексные задания в процессе обучения студентов в вузе; оптимизация и всесторонняя адаптация образовательных программ по направлениям обучения в вузе. Ученые подчеркивают, что при наборе студентов в вуз применимы чат-боты. Кроме того, зарубежные исследователи отмечают, что искусственный интеллект получил свое признание при применении различных тренажеров. Но, несмотря на все положительные и многомерные свойства систем искусственного интеллекта, ученые отмечают, искусственный интеллект тем не менее, никогда не сможет полностью заменить человеческий труд. Потому что такие человеческие качества, как интуиция, креативное мышление, критическое суждение, когнитивная гибкость, сочувствие, доброжелательность никакие технические и технологические инновации воспроизвести не смогут.

В Республике Узбекистан на сегодняшний день цифровизация образования вообще и высшего образования в частности является одним из стратегических приоритетов развития страны. Как известно, 5 октября 2020 года был принят Указ Президента Республики Узбекистан № УП- 6079 «Об утверждении стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации» [13], который демонстрирует, что без комплексного преобразования цифровой инфраструктуры и повышения качества и уровня знаний в сфере цифровых технологий дальнейшее развитие страны просто невозможно.

Данные Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике показывают, что темпы роста образовательных услуг постоянно увеличиваются (рис. 1).



Рис. 1. Услуги в сфере образования Республики Узбекистан

Источник: www.stat.uz – официальный портал Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике

Как видно из рис. 1. объем оказанных рыночных услуг в сфере образования за период с января по апрель 2021 года по сравнению с аналогичным периодом прошлого года, значительно вырос. Темпы роста составили 143,6 процента. Данные результаты стали возможными благодаря целому комплексу мер, предусмотренных рядом Указов и Постановлений Президента Республики Узбекистан, направленных на совершенствование деятельности высших учебных заведений, таких как Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» №ПП-2909 от 20.04.2017 г.; Постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» №ПП-3775 от 05.06.2018 г.; Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию системы подготовки востребованных квалифицированных кадров и развитию научного потенциала в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека в 2019-2023 годах, а также Указа Президента Республики Узбекистан «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», в котором определены основополагающие направления комплексного реформирования высшего образования в стране. Данная концепция предусматривает решение следующих первоочередных задач: повышение глубины и качества знаний будущих специалистов; модернизация высшей школы на основе передового мирового опыта и внедрения цифровых технологий; совершенствование педагогического мастерства профессорско-преподавательского состава.

Практика показывает, что цифровые технологии, такие как большие данные, блокчейн, искусственный интеллект, Интернет вещей, роботизация, 3D моделирование сегодня являются эффективным инструментом по передаче знаний и навыков студентам, служат базисом построения новой образовательной среды, надежным помощником в повышении квалификации профессорско-преподавательского состава.

Говоря о применении цифровых технологий в вузах необходимо отметить, что наряду с положительными тенденциями при их внедрении, такими как доступность, полезность, инновационность, мобильность, простота, уникальность, снижение временных затрат, надежность и упрощение мыслительных процессов, наблюдаются и сложности. Например, техническая и технологическая подготовка вузов, наличие специальных программных комплексов, ресурсозатратность, специальная подготовка профессорско-преподавательского состава.

Как видно из табл. 1 в Республике Узбекистан постоянно растет количество высших учебных заведений, студентов и магистрантов, обучающихся в вузах, увеличивается количество профессорско-преподавательского состава, в том числе, имеющих научные степени и научные звания.

Говоря о развитии цифровой инфраструктуры в Узбекистане в сфере высшего образования необходимо отметить тот факт, что в республике уже более года реализуется национальный мегапроект – One Million Uzbek Coders. Данный проект направлена на обучение широких слоев обучения (особенно молодежи) востребованным в настоящее время ИТ-специальностям с помощью специализированного онлайн портала. **Диплом Nanodegree предоставляет право его обладателям работать в таких ИТ – компаниях, как Google, Autodesk, AT&T, Cloudera, Salesforce и т.д.**

Таблица 1.

Сведения о высших учебных заведениях Республики Узбекистан

| Число высших образовательных учреждений, всего | 2015/ 2016 | 2016/ 2017 | 2017/ 2018 | 2018/ 2019 | 2019/ 2020 |
|---|---------------|---------------|---------------|---------------|---------------|
| | 69 | 70 | 72 | 98 | 119 |
| в т.ч. филиалы зарубежных высших образовательных учреждений | 7 | 7 | 7 | 9 | 32 |
| в них студентов, в тыс.чел. | 264,3 | 268,3 | 297,7 | 360,2 | 441 |
| в том числе обучалось на отделениях: | | | | | |
| дневных | 263,9 | 267,9 | 287,5 | 313 | 360,1 |
| вечерних | - | - | - | 1,2 | 7,3 |
| заочных | 0,4 | 0,4 | 10,2 | 46 | 73,6 |
| На 10 000 населения приходится студентов высших образовательных учреждений | 84 | 84 | 93 | 110 | 130 |
| Принято студентов в высшие образовательные учреждения, тыс. человек | 63 | 61,2 | 63 | 114,5 | 138,1 |
| Выпущено специалистов высшими образовательными учреждениями, тыс. человек | 66,3 | 64,1 | 67,4 | 70,7 | 70,8 |
| Численность преподавателей высших образовательных учреждений в целом по Республике Узбекистан | 24909 | 23961 | 25107 | 26664 | 30559 |

Источник: составлено автором на основе данных www.stat.uz – официального портала Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике

Анализ применения цифровых технологических решений в Ташкентском государственном экономическом университете.

Ташкентский государственный экономический университет (ТГЭУ) в 2021 году отмечает свой 90-летний юбилей. На протяжении всех этих лет

ТГЭУ является кузницей высококвалифицированных экономических кадров для национальной экономики Республики Узбекистан. Профессорско-преподавательский состав вуза при проведении аудиторных занятий, профессиональных семинаров и других видов учебной и научной деятельности эффективно использует технологии совместных экспериментальных исследований преподавателя и студента, мультимедийные технологии, технологии «Панорамных изображений», электронный контент, 3D моделирование с помощью специальных программных и технических средств.

В ТГЭУ функционирует крупный информационно-ресурсный центр, имеющий в своем составе уникальную библиотеку и компьютерные залы, подключенные к серверу виртуальной библиотеки, что позволяет студентам, молодым ученым и профессорско-преподавательскому составу осуществлять как подготовку к занятиям, так и проводить научные исследования по самой разнообразной тематике.

Большое развитие в вузе цифровые технологии получили во время пандемии, вызванной Коронавирусной инфекцией COVID 19. Благодаря развитой сетевой инфраструктуре был организован учебный процесс с помощью цифровой платформы.

Цифровая платформа позволяет вести не только диалог преподавателя со студентами по всем составляющим учебного процесса, но и служит надежным помощником руководству вуза при осуществлении мониторинга качества учебного процесса, а также при проведении международных конференций. Наглядным примером этому может служить проведение 26-27 мая 2021 года в ТГЭУ Международной онлайн научно-практической конференция «Стратегия действий Республики Узбекистан: макроэкономическая стабильность, инвестиционная активность и перспективы инновационного развития» с участием большого количества представителей министерств и ведомств Республики Узбекистан, а также целого ряда международных вузов, экспертных центров, ученых-экономистов, специалистов – практиков.

Подводя итог вышесказанному, необходимо отметить, что в настоящее время в ТГЭУ применяются следующие модели обучения: смешанное обучение, сочетающее элементы традиционного образования и внедрение цифровых механизмов в отдельные этапы образовательного процесса; постоянное развитие онлайн образования; формирование виртуальной образовательной среды; внедрение цифровых технологий в управление вузом. Все больше и больше при организации учебного процесса используется так называемая технология VR – технология виртуальной реальности, блокчейн и т.д. Цифровые технологии в деятельности вуза способствуют качеству подготовки высококвалифицированных специалистов для отраслей и сфер национальной экономики.

Выводы и предложения.

В современном цифровом мире существует большое количество цифровых технологий, которые могут быть успешно применены в высшем

образовании. В тоже время, обучение студентов и магистрантов с использованием таких технологий, как блокчейн, цифровые платформы, Интернет вещей, сквозные технологии, технологии искусственного интеллекта и роботизации позволяет совершенствовать учебный процесс и повышать качество обучения. Что в свою очередь способствует подготовке квалифицированных специалистов, способных применить свои знания и умения в отраслях и сферах национальной экономики, способствуя повышению ее конкурентоспособности на мировом экономическом рынке.

В качестве предложений необходимо отметить, что воспитание значимости цифровой этики и конфиденциальности становится очень важным фактором в современной образовательной среде.

Список использованной литературы

1. Бурняшиов Б.А. Персонализация как мировой тренд электронного обучения в учреждениях высшего образования [Электронный ресурс] // Современные проблемы науки и образования. 2017. №1. С. 90. URL: <https://elibrary.ru/item.asp?id=28401246&> (дата обращения 16.03.2021)
2. Allison DeeAnn. Chatbots in the Library: is it time? // Faculty Publications, UNL Libraries. 2011. No 280. URL: <https://digitalcommons.unl.edu/libraryscience/280> (дата обращения: 22.10.2019).
3. Owusu Boateng R, Amankwaa A. The Impact of Social Media on Student Academic Life in Higher Education // Global journal of human-social science: G Linguistics & Education. 2016. Vol. 16, iss. 4. Ver-sion 1.0. P. 1–7.
4. Глазьев С.Ю. Информационно-цифровая революция // Евразийская интеграция: экономика, право, политика. 2018. № 1 (23). С. 70-83.
5. Кеишелава А.В. Цифровые инструменты цифровой экономики: базовые вопросы и определения [Электронный ресурс]. -Режим доступа: <http://integral-russia.ru/2019/09/10/tsifrovye-instrumenty-tsifrovoj-ekonomiki-bazovye-voprosy-i-opredeleniya/> (Дата обращения: 7.10.2020).
6. Золн И.Е. Роль цифровой экономики в развитии системы непрерывного образования // Logos et Praxis. 2019. Т. 18. № 1. С. 41-51.
7. Савина Т.Н. Цифровая экономика как новая парадигма развития: вызовы, возможности и перспективы // Финансы и кредит. 2018. № 3(771).
8. Славянов А. С., Фешина С. С. Технологии искусственного интеллекта в образовании как фактор повышения качества человеческого капитала // Экономика и бизнес: теория и практика. 2019. № 7. С. 156-159.
9. Алимов Р.Х., Хайитматов У.Т. Перспективы развития цифровой экономики в Узбекистане // Сборник статей и тезисов докладов Республиканской научно-практической конференции «Рақамли иқтисодий ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш истиқболлари». 2 декабря 2019 г. Ташкент. 2019. С. 12-20.
10. Бегалов Б.А., Мамадалиев О.Т. Реформы в сфере статистики Республики Узбекистан: результаты и перспективы развития. Статистика и Экономика. 2021;18(1):4-13. <https://doi.org/10.21686/2500-3925-2021-1-4-13>.
11. Гулямов С.С. Цифровая экономика: десять новых технологий // Сборник научных статей Республиканской научно-практической конференции 2 декабря 2019 года на тему: «Цифровая экономика: моделирование тенденций экономического развития и перспективы использования современных информационно-коммуникационных технологий». Ташкент: ТГЭУ. 2019. С. 169-175.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА БИЗНЕС РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ТАНЛАНМА КУЗАТУВЛАРИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

М.Х. Саидова,
“Иқтисодий хавфсизлик” кафедраси
катта ўқитувчиси, ТДИУ

Ўзбекистонда бизнес ҳолатини ва ривожланиш истиқболларини самарадорлигини оширишда чораклик 4-КБ шакл саволномалари орқали баҳолашни умумлашган ва тармоқлар кесимида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 17 ноябрдаги 40-сон қарорининг 27-сон иловасидаги кичик корхона ва микрофирмалар танланма кузатувини ўтказиш саволномаси такомиллаштириш долзарб саналади (1-жадвал). Хусусан, саволномада бизнес субъектларининг ҳолатини ва бизнесга бўлган ишонч муҳитини баҳолаш бўйича янги бўлим ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этиш натижасида микрофирма ва кичик корхоналарда бизнес ривожланиш ҳолатини баҳолаш ва назорат қилиш, бизнес субъектларини ўз фаолиятини янада ривожлантиришда ишонч муҳитини яратиш, кутилаётган самарадорликка эришиш учун келгусида стратегик режалар ишлаб чиқиш имконини беради. Мазкур саволномадан кичик тадбиркорлик ҳолатини ва ривожланиш истиқболларини баҳолаш учун фойдаланилади. Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган рўйхат бўйича саволномада иштирок этувчи, танланма кузатишга тасодифий танлаш асосида тушган микрофирма ва кичик корхоналар саволнома тўлдирилган чоракдан кейинги ойнинг 15 санасига қадар 4-кб чораклик тўлдирилган саволномани eStat 3.0 автоматлаштирилган ахборот тизими орқали юборишади. Махфийлик ахборот олувчи томонидан қафолатланади.

1-жадвалда микрофирма ва кичик корхоналарнинг фаолияти тўғрисидаги сўровномада бизнес субъектининг номи, фаолият йўналишлари классификатори, СТИР рақами, тўлдириш даври маълумотларидан фойдаланиб, саволномани тўлдиришда танланган жавобни “X” белгиси билан ифодаланиб, миқдорий маълумотлар эса бутун сонларда кўрсатилади.

1-жадвал

Микрофирма ва кичик корxonанинг фаолияти тўғрисида саволнома

| Саволнома тўддираётган субъект номи | | | КТУТ (ОКПО) | | | СТИР(ИНН) | | |
|-------------------------------------|--|----|-------------|--|--|-----------|--|-----|
| | | | | | | | | |
| Саволномани тўддириш даври | | ой | | | | | | йил |

Корхонадаги вазият умумий иқтисодий муҳит кўрсаткичи орқали жорий, ўтган ва яқин 3 ойдаги истиқболлари бўйича танланмага тушган бизнес субъектининг фикр-мулоҳазалари ўрганилади(2-жадвал).

2-жадвал

Корхонадаги вазиятни баҳолаш

| Кўрсаткичлар номи | Жорий даврда | | | Ўтган йилнинг шу даврга нисбатан жорий даврдаги ўзгаришлар | | | Яқин 3 ойда ўзгаришлар истиқболи | | |
|------------------------|--------------|-----------|------------|--|------------|-----------|----------------------------------|------------|-----------|
| | Қулай | Қониқарли | Қониқарсиз | Яхшиланиш | Ўзгаришсиз | Ёмонлашиш | Яхшиланиш | Ўзгаришсиз | Ёмонлашиш |
| Умумий иқтисодий муҳит | | | | | | | | | |

2-жадвал асосида бизнес корхонасидаги вазиятни баҳолашда жорий даврдаги умумий иқтисодий муҳитини қулай, қониқарли ва қониқарсиз критериялари билан аниқланади. Ўз навбатида, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жорий даврдаги ўзгаришлар ҳамда яқин 3 ойда ўзгаришлар истиқболи эса кўпайиш (яхшиланиш), ўзгаришсиз ва камайиш (ёмонлашиш) суръатида эканлиги билан баҳоланади.

3-жадвалда Республикада умумий иқтисодий муҳитни ҳисобга олган ҳолда, 4-ҚВ танланма кузатувни тақдим этган кичик корхона ва микрофирмаларнинг умумиқтисодий вазиятининг баҳоланиши келтирилган бўлиб, ўрта ҳисобда 2020 йилда 23 фоиз кичик корхона ва микрофирмаларнинг умумиқтисодий вазиятни қулай дея баҳоланди. Умумиқтисодий муҳит ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жорий даврдаги

ўзгаришлар эса 44 фоизга яхшиланган ва келгуси 3 ойда ўзгаришлар истиқболи ўртача 60 фоизга янада яхши бўлади дея баҳоланди⁷.


3-жадвал

4-кв анкетаси бўйича танланма кузатувни тақдим этган кичик корхона ва микрофирмаларнинг умумқисодий вазиятининг баҳоланиши

| Давр | Жорий даврда | | | Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жорий даврдаги ўзгаришлар | | | Яқин 3 ойда ўзгаришлар истиқболи | | |
|-------------------------|--------------|-----------|--------------|---|---------------|-------------|----------------------------------|--------------|-------------|
| | кулай | Қони қарн | Қони қар сиз | яхшил аниш | Ўзга рини сиз | ёмон лаши ш | яхши ла ниш | ўзгар иш сиз | ёмон ла шиш |
| 2020 йилнинг I-чораги | 28,0 | 65,7 | 6,2 | 53,7 | 40,6 | 5,7 | 62,0 | 34,2 | 3,8 |
| 2020 йилнинг II-чораги | 19,3 | 60,5 | 20,2 | 35,8 | 42,0 | 22,1 | 58,7 | 35,0 | 6,3 |
| 2020 йилнинг III-чораги | 21,9 | 64,5 | 13,6 | 42,5 | 43,7 | 13,7 | 60,9 | 36,2 | 2,9 |
| 2020 йилнинг IV-чораги | 24,1 | 65,2 | 10,7 | 43,2 | 46,8 | 10,1 | 57,9 | 38,6 | 3,5 |

Кичик корхона ва микрофирмаларда бизнеснинг ривожланиш ҳолатини назорат қилиш, амалда чиқарилаётган қонун ҳужжатлари ижросининг қай даражада бизнес субъектларига қулайликлар ва имкониятлар яратиб бераётганлигини тадбиркорлар нуқтаи назаридан аниқлаш, кичик тадбиркорликни ривожланиш истиқболларини баҳолаш, шунингдек, бизнес субъектларини ўз фаолиятини янада ривожлантиришда ишонч муҳитини яратиш, келгусида бизнес ривожини учун стратегик режалар ишлаб чиқиш имконини берадиган бизнесга ишонч муҳитини баҳолаш ҳозирги пандемиядан кейинги давр учун долзарб саналади. Бизнесга ишонч муҳитини баҳолашда бизнес корхонасининг умумий айланмаси, банд бўлганлар сони, сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) учун нарх, молиявий маблағлар, яъни ўз, кредит ва қарз маблағлари ва рақобат муҳити кўрсаткичларидан фойдаланилади. 2021 йилнинг I чорак яқунларига кўра, 20093 та кичик корхона ва микрофирмалар ўртасида танланма кузатувлар ўтказилди.

⁷ www.stat.uz Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари
1.1-расм. 2021 йилнинг I чорагида бизнесга ишонч муҳитини баҳолаш, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жорий даврдаги ўзгаришлар, % да⁸

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг 2021 йилнинг 1-чорагида ўтказилган кузатув натижаларига кўра, 5 та кўрсаткичлар бўйича энг кўп улуш (48 фоиздан ортиқ)ни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жорий даврда ўзгаришсиз қолганлиги ва 23 фоиздан ортиқ корхоналар яхшиланганлигини билдиришган⁹.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Zaripova M.D. Problems of informatics and information technologies to humanitarian specialties in higher education institutions // Журнал научных и прикладных исследований, 2016, - №12 (47), – С. 135-137.
2. Zaripova, M.D. (2019). Assessment of the quality of education in the higher education system // ISJ Theoretical & Applied Science, 11 (79), - P. 390-392. Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.11.79.81>
3. С.С. Фуломов “Рақамли иқтисодиёт — кадрлар тайёрлашнинг долзарб йўналишлари” Иқтисодиёт ва илмий инновацион технологиялар илмий электрон журнал. 2020 йил. №1, январь-февраль.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар ишланмиси

⁹ Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик. Т.2021й

ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ СТРАТЕГИК БОШҚАРИШ ФУНКЦИЯСИ, ТУЗИЛМАСИ ВА СТРАТЕГИК БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИНГ АХБОРОТ ВА ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИ

Н.Х. Бекмуродов,

*Ўзбекистон Миллий университети
доценти, и.ф.н.*

Ж.Ш. Тухтабаев,

*“Иқтисодий хавфсизлик” кафедраси в.б. доценти, (PhD) ТДИУ
С. Ботирова,*

*Ўзбекистон Миллий университети
магистратура босқичи талабаси*

Аннотация Мақолада инсон ресурсларини стратегик бошқариш технологиялари ўрганилган. Шунингдек, инсон ресурсларини стратегик бошқаришда замонавий технологияларини қўллаш амалиёти таҳлил этилиб, уни такомиллаштириши йўллари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч иборалар инсон ресурслари, меҳнат ресурслари, инсон омили, инсон капитали, персонал, стратегик бошқарув, замонавий технологиялар, инновацион ёндашув, корпоратив бошқарув, креатив бошқариш.

Инсон ресурсларини бошқариш меҳнат функцияларини бажариш вақтида ходимларнинг интеллектуал ва жисмоний қобилиятларидан максимал даражада фойдаланиш мақсадида уларнинг манфаатлари, хатти-ҳаракатлари ва фаолиятига таъсир кўрсатиш тамойиллари, усуллари, воситалари ва шакллари мажмуидан иборат.

Инсон ресурсларини бошқариш менежментнинг таркибий қисми ҳисобланади. У инсонлар ва корхона ичида уларнинг алоқалари билан боғлиқ. Айнан инсонлар корхона олида турган мақсадларга эришиш учун ижод, ташаббус, энергия манбаси ҳисобланади. Инсон ресурсларини бошқариш комплекс тушунча бўлиб, кадрлар менежменти концепцияси ва ходимлар мотивациясини ишлаб чиқишдан бошлаб аниқ корхонада уни амалга ошириш механизмини шакллантиришга бўлган ташкилий ва амалий ёндашувларгача бўлган кенг қўламли масалаларни ўзи ичига қамраб олади.

Инсон ресурсларини бошқаришнинг замонавий концепцияси ходим шахсининг ўсиб бораётган роли, унинг мотивацион кўрсатмалар бўйича билими, уларни шакллантириш ва корхона олида турган вазифаларга мувофиқ йўналтириш қобилиятини тан олишга асосланади. Инсон ресурсларини бошқаришда ташкилотдаги ижтимоий руҳий вазият муҳим ўрин эгаллайди. Ижтимоий-руҳий вазият – корхона ва ташкилот ходимларига таъсир қилувчи кўпгина омилларнинг таъсиридан келадиган жамлама самарадир. У меҳнат қилиш жараёнида, ходимларнинг муомаласида, уларнинг

шахслараро ва гуруҳий алоқаларида ўз ифодасини топади. Бу муносабатларнинг нормал вазияти ҳар бир ходимга ўзини жамоанинг бир зарраси деб ҳис қилиш имконини беради, унинг ишга бўлган қизиқиши ва зарур руҳий кайфиятини таъминлайди, ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликларга адолатли баҳо беришга ундайди. Инсон ресурсларини бошқаришнинг асосий мақсади натижадор мотивацияни шакллантириш, корхонани юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, улардан самарали фойдаланиш, касбий ва ижтимоий ривожланишга эришишдан иборат.

Инсон ресурсларини бошқариш қуйидаги мақсадларга эга бўлиши мумкин:¹⁰

- инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш;
- ташкилот хизматчилари ўртасида яхши меҳнат муносабатларини шакллантириш;

- жамоада яхши ижтимоий-руҳий муҳитни сақлаб туриш;
- ҳар бир шахснинг мукамал равишда ривожланишини таъминлаш.

Ташкилот персоналани шакллантириш – бу энг муҳим ва масъулиятли босқич. Бу жараёнда персоналнинг инновацион салоҳияти ва унинг янада ривожлантириш учун асос яратилади. Персонал сонининг унга бўлган илмий асосланган талабдан ёки кам, ёки кўп томонга четланиши меҳнат салоҳиятига таъсир кўрсатади. Бу шуни англатадики, персонал сонининг кўп бўлиши ҳам, кам бўлиши ҳам меҳнат салоҳиятига бир хил салбий таъсир кўрсатади. Персонал сонининг кўп бўлиши ишлаб чиқариш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланмасликка олиб келса, унинг етишмаслиги ходимга ортиқча юклама ҳисобланади¹¹.

Шундай қилиб, ташкилот персоналани шакллантиришнинг мақсади амалга оширилмаган имкониятлар захирасини минимумга олиб келишдан иборат. У персоналнинг меҳнат жараёнида амалга ошириши мумкин бўлган салоҳияти билан аниқ ишни бажариш жараёнида амалга оширган имконияти ўртасидаги, потенциал ва ҳақиқатдаги бандликнинг миқдорий ва сифат муносабатлари ўртасидаги тафовут сифатида намоён бўлади.

Персонални шакллантириш босқичи қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозим:

- - ходимларнинг меҳнат салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ва улар меҳнатининг самарадорлигини ошириш мақсадида ишловчиларни оптимал даражадаги юклама билан таъминлаш;

- - турли функционал мазмундаги меҳнат қилиш қобилиятига эга ходимлар таркибини оптималлаштириш.

Ушбу вазифаларни ечиш асосига ташкилотда персоналдан фойдаланишнинг қуйидаги асосий тамойилларини қўйиш мумкин:

¹⁰ Хайитов А. Инсон ресурсларини бошқариш. Т.: -2019 й.10 б.

¹¹ Гибсон Дж., Иванцевич Д.М., Донелли Д.Х. Организации: поведение, структура, процессы. - М., 2000.

- ишловчилар сонининг бажарилган иш ҳажмига мувофиқлиги;
- ишловчи билан унинг меҳнат функциялари мураккаблиги даражасини келишиш;
- корхона персонали таркибининг ишлаб чиқаришнинг объектив омиллари билан асосланганлиги;
- иш вақтидан фойдаланишнинг максимал самарадорлиги;
- ишловчиларнинг доимий тарзда малакасини ошириш ва ишлаб чиқариш профилини доимий кенгайтириб бориши учун шарт-шароитлар яратиш.

Инсон ресурсларини бошқаришга бутун бир тизим сифатида қараш қуйидаги функцияларни амалга оширадиган асосий элементларни ажратиш кўрсатиш имконини беради¹²:

1. Ташкилий: аҳолини кадрларни танлаш ва танлаш муддатлари, кадрларни тайёрлаш ва уй-жой қурилишига ажратилган маблағлар тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш.

2. Такроп ишлаб чиқариш: ўқув-моддий базани яратиш ва персоналнинг ривожланишини таъминлаш.

Инсон ресурсларини бошқариш соҳасидаги асосий вазифа ҳар бир ходим томонидан ўз потенциал имкониятларини амалга ошириш ва олдинда турган вазифаларни ҳал этишда ҳар бир аниқ вазиятда инсонга таъсир этишнинг зарурий воситасини топиш учун шарт-шароит яратишдан иборат¹³.

Инсон ресурсларини бошқариш тизимини барпо этиш ўзаро таъсир натижасида амалга ошадиган муайян тамойилларга асосланади. Уларнинг уйғунлашиши ҳар қандай корхона персоналини бошқариш тизимининг аниқ шароитларига боғлиқ бўлади. Бу тамойиллар кўп бўлса-да, уларни иккита йирик гуруҳга ажратиш мумкин: инсон ресурсларини бошқариш тизимининг шаклланишига талабларни тавсифловчи тамойиллар ва инсон ресурсларини бошқариш тизимининг йўналишини белгилаб берувчи тамойиллар.

Меҳнат ресурсларини бошқариш таркиби қуйидаги фаолият йўналишларини ўз ичига олади¹⁴:

- **ресурсларни режалаштириш:** инсон ресурсларига бўлган эҳтиёж ва унинг учун зарур харажатлар режасини ишлаб чиқиш;

- **персонални саралаш:** барча лавозимлар бўйича потенциал номзодлар захирасини шакллантириш;

- **танлаш:** иш ўринларига номзодларни баҳолаш, персонални саралаш давомида барпо этилган захирадан энг яхшиларини танлаш;

- **иш ҳақи ва компенсацияни аниқлаш:** персонални жалб этиш, ёллаш ва сақлаш мақсадида иш ҳақи ва имтиёзлар таркибини аниқлаш;

¹² Десслер Гари Управление персоналом: перевод с английского. – М.: БИНОМ, 1997, 223 с.

¹³ Бойдаченко П. Г. Служба управления персоналом. - Новосибирск: ЭКО, 1997, 312 с.

¹⁴ Журавлев А.Л. Социально-психологические проблемы управления // Прикладные проблемы социальной психологии. – М., 2003. – 184 с.

- **касбга қайта тайёрлаш ва адаптация:** ёлланган ишловчиларни ташкилот ва унинг бўлинмаларига олиб кириш, ишловчиларда ташкилот улардан нима кутаётгани ва қандай меҳнат унда ҳақиқий баҳоланиши тўғрисида тушунчаларни шакллантириш;

- **ўқитиш:** ишни самарали бажариш ва персоналнинг ўсиши мақсадида уни ўқитиш дастурини ишлаб чиқиш;

- **меҳнат фолиятини баҳолаш:** меҳнат фаолиятини баҳолаш услубиятини ишлаб чиқиш ва уни ишловчига етказиш;

- **кўтарилиш, пасайиш, кўчириб ўтказиш, бўшатиш:** ишловчиларни катта ёки кичик масъудиятли лавозимларга ўтказиш, уларни бошқа лавозим ёки иш участкасига ўтказиш йўли билан касбий тажрибасини ривожлантириш, шунингдек, ёлланиш шартномасини тўхтатиш процедураси усуллари ишлаб чиқиш;

- **раҳбар кадрларни тайёрлаш, хизмат бўйича ҳаракатларни бошқариш:** раҳбар кадрларнинг қобилиятларини ривожлантириш ва меҳнат самарадорлигини оширишга қаратилган дастурлар ишлаб чиқиш;;

- **меҳнат муносабатлари:** жамоа шартномаларини тузиш учун музокаралар олиб бориш;

- **бандлик:** бандликнинг тенг имкониятларини таъминлаш учун дастурлар ишлаб чиқиш (бандликнинг кафолати ва кадрлар қўнимсизлигининг пасайиши салмоқли иқтисодий самарани таъминлайди ва ишловчиларда ўз иши самарадорлигини оширишга рағбат уйғотади).

Корхона персонални бошқариш усуллари учта гуруҳга бўлинади: маъмурий, иқтисодий ва ижтимоий-психологик. Бу усуллар ёрдамида жамоа ва ходимлар фаолиятини амалга ошириш учун жамоалар ва алоҳида ходимларга таъсир усуллари ишлаб чиқилади. Барча усуллар бир-бири билан органик боғланган. Инсон ресурсларини бошқариш бўйича мутахассислар эга бўлиши лозим бўлган кўплаб сифатлар орасида энг муҳимлари қуйидагилар:

- бизнес бўйича билим (корхона фаолият соҳалари бўйича);
- персонални бошқариш соҳасида касбий билим ва малака;
- етакчилик ва бошқариш қобилияти;
- ўрганиш ва ривожланиш қобилияти.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарда янги таркибий бўлинмалар шаклланди: кадрлар бўлими базасида персонални бошқариш хизмати, меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бўлими, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги, ижтимоий ривожланиш бўлими ва ҳ.к.

Шу билан бирга, бозор иқтисодиёти шароитида, айниқса, бозор ислохотлари изчил давом этаётган бир пайтда корхоналар учун кадрлар хизматини касбий тайёргарликка эга ходимлар билан таъминлаш масаласи кун тартибидаги асосий вазифалардан ҳисобланади. Инсон ресурсларни бошқариш ўзаро боғланган кадрлар менежменти цикли деб ном олган муҳим

унсурларни ўз ичига олган кадрлар сиёсатининг бир қисмидир. Мазкур менежмент турининг бундай унсур (ёки йўналиш)ларига қуйидагилар киради:

- бошқарув объект ва тузилмаларини шакллантириш;
- кадрлар ишини режалаштириш;
- кадрлар таъминотини ташкил этиш;
- турғун рақобатбардошли жамоани шакллантириш.

Юқорида санаб ўтилган барча чораларни муваффақиятли амалга оширишнинг ягона усули – ўз ходимларини ишга солиш ҳисобланади. Тўғри ташкил этилган кадрлар менежменти (хусусан, кадрлар сиёсатини ишлаб чиқишнинг самарали усуллари, кадрларни ёллаш ва танлаб олиш услублари, касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича сифатли дастурлар, ишчилар ва уларнинг фаолиятини объектив баҳолаш, натижавий мотивация ва ходимларга доимий эътибор) ишлаб чиқаришнинг натижавийлигини таъминлаш, юқори сифатли ва рақобатбардошли маҳсулотларни чиқариш фан ва техника ютуқларини тезкор ўзлаштиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Хайитов А. Инсон ресурсларини бошқариш. -Т.: -2019, 10 б.
2. Гибсон Дж., Иванцевич Д.М., Донелли Д.Х. Организация: поведение, структура, процессы. - М., 2000.
3. Десслер Гари Управление персоналом: перевод с английского. – М.: БИНОМ, 1997, 223 с.
4. Бойдаченко П. Г. Служба управления персоналом. - Новосибирск: ЭКО, 1997, 312 с.
5. Журавлев А.А. Социально-психологические проблемы управления // Прикладные проблемы социальной психологии. – М., 2003. – 184 с.
6. Бухалков М.И. Управление персоналом: Учебник. – 2-е изд., исп. и доп. – М: ИНФРА-М, 2008 – с. 183.

PROBLEM AND ITS SOLUTION TRANSPORTATION BY THE METHOD OF POTENTIALS

U.Sh. Yakubova,
senior lecturer of the department
of Applied mathematics, TSUE

Annotation. This article analyzes the search for optimum solution by the potential method for optimization of transport processes and detection of the best and cheapest ways to use supply to meet demand at certain points.

Keywords: optimization of transportation problem, potential method, transportation costs.

Nowadays the demand for a product is growing day by day. Accordingly, the importance of transportation plays a significant role in society. It originally means the challenge of transporting/delivering the commodities from the industry to their destinations at the lowest possible cost while meeting the supply and demand constraints. The transportation problem is an extension of the linear programming method, since transportation costs are formulated as a linear function of the capacity of supply and demand.

Example. Let's assume that there is a certain supplier company that has its own production plants in many countries and supplies products to all the world's leading manufacturers. For example, let's consider that there are three factories in locations A1, A2, A3. The capacity of the factories is 35, 50, 15 per day. The factory supplies four customers B1, B2, B3, and B4, whose demand is 30, 10, 20, 40 per day. The cost of transport per unit per km in conventional units is given in the table below (Table 1).

Table 1 – Original transportation plan

| Suppliers (Ai) | Consumers (Bj) | | | | Supply |
|---|----------------|-----------|-----------|-----------|--------|
| | B1 | B2 | B3 | B4 | |
| A1 | 1 | 3 | 2 | 4 | 35 |
| A2 | 2 | 1 | 4 | 3 | 50 |
| A3 | 3 | 5 | 6 | 1 | 15 |
| Demand | 30 | 10 | 20 | 40 | |
| Make a transportation plan so that the transportation price is the lowest. | | | | | |

Solution. The first step is to make it a standard transportation problem.

1) For that check whether the task is balanced or unbalanced:

$\sum A_i = \sum B_j \rightarrow$ the task is balanced

$\sum A_i \neq \sum B_j \rightarrow$ the task is unbalanced, you need to add the missing supplier or consumer to the table with the transport price $c=0$ ¹⁵

$\sum A_i = 100 \sum B_j = 100 \rightarrow$ **the task is balanced.** So, let's proceed.

Now, you have to find a basic feasible solution. We will make an initial transportation plan:

a) by the lowest price method - the distribution of the cargo starts from the smallest cell C_{ij} .

b) by the north-west method.

Select the least value among all the costs (given in red). i.e., minimum cost. Here, the smallest element is **1**. There are 3 such elements. Compare the demand and supply of that cell. (here, 30 and 35). Allocate the cell with the least value (here, 30) (refer to Table 2 below). Subtract the excluded cell with the least value. i.e., the allocated cell value. (Here, $35 - 30 = 5$). Eliminate the column or row accordingly by striking it off (here, the row with source A1).

Table 2 – Making an initial transportation plan

| Suppliers (A_i) | Consumers (B_j) | | | | Supply |
|---------------------|---------------------|-----------|-----------|-----------|--------|
| | B1 | B2 | B3 | B4 | |
| A1 | 1 30 | 3 | 2 | 4 | 35 |
| A2 | 2 | 1 | 4 | 3 | 50 |
| A3 | 3 | 5 | 6 | 1 | 15 |
| Demand | 30 | 10 | 20 | 40 | |

Now continue the process with remaining cells. Again, find the least cost cell and do the same steps as given above.

Here, a basic feasible solution is compiled (refer to Table 3 below for more information).

¹⁵ Yakubova, U., Parpieva, N., & Mirhojaeva, N. (2021). Some Applications of Matrix Theory in Economics. Bulletin of Science and Practice, 7(2), 245-253. (in Russian).

Table 3 - Basic feasible solution of transportation plan

| | Consumers (Bj) | | | | Supply |
|----------------|-----------------------------------|-----------------------------------|-----------------------------------|-----------------------------------|--------|
| Suppliers (Ai) | B1 | B2 | B3 | B4 | |
| A1 | 1 <input type="text" value="30"/> | 3 <input type="text" value="0"/> | 2 <input type="text" value="5"/> | 4 <input type="text" value="0"/> | 35 |
| A2 | 2 <input type="text" value="0"/> | 1 <input type="text" value="10"/> | 4 <input type="text" value="15"/> | 3 <input type="text" value="25"/> | 50 |
| A3 | 3 <input type="text" value="0"/> | 5 <input type="text" value="0"/> | 6 <input type="text" value="0"/> | 1 <input type="text" value="15"/> | 15 |
| Demand | 30 | 10 | 20 | 40 | |

The next step is to check the non-degeneracy of the transportation plan (refer to Table 4 below):

Table 4 - The number of basic cells

| | Consumers (Bj) | | | | Supply |
|----------------|-----------------------------------|-----------------------------------|-----------------------------------|-----------------------------------|--------|
| Suppliers (Ai) | B1 | B2 | B3 | B4 | |
| A1 | 1 <input type="text" value="30"/> | 3 <input type="text" value="0"/> | 2 <input type="text" value="5"/> | 4 <input type="text" value="0"/> | 35 |
| A2 | 2 <input type="text" value="0"/> | 1 <input type="text" value="10"/> | 4 <input type="text" value="15"/> | 3 <input type="text" value="25"/> | 50 |
| A3 | 3 <input type="text" value="0"/> | 5 <input type="text" value="0"/> | 6 <input type="text" value="0"/> | 1 <input type="text" value="15"/> | 15 |
| Demand | 30 | 10 | 20 | 40 | |

The number of basic cells = $m+n-1$ (m-suppliers and n-consumers)
 $3+4-1=6$ basic cells

This may or may not represent the optimal solution for this problem i.e., there may exist other ways of allocating which may give a better solution with a lower total cost.

An optimality test has to be carried out to test whether the obtained answer is optimal. If not, the optimality test leads us to one for a probable improvement.

Checking the basic solution for optimality. To do this, you have to convert the source table to the following simplified format. After this, fill in **potentials** and **free cells**, using these formulas respectively:

$$U_i + V_j = C_{ij}, \Delta_{ij} = (U_i + V_j) - C_{ij},$$



where U_i - supplier potentials (fit into the table on the site of the A_i) V_i - consumer potentials (fit into the table on the site of the B_j)

If, all $\Delta_{ij} \leq 0$, then the plan is optimal.

If, at least one $\Delta_{ij} > 0$, then the plan is not optimal, therefore, the reallocation of traffic on the cycle is required, and the verification of the new plan, starting from stage 3 (refer to Table 5 below).

Table 5 - Checking the basic solution for optimality

| | | | | | | | | |
|---------|----------|---------|---------|----|----|----|---------|---------|
| 1 | 30 | 3 | -4 | 2 | 5 | 4 | -3 | $U_1=0$ |
| 2 | 1 | 10 | 4 | 15 | 3 | 25 | $U_2=2$ | |
| 3 | -2 | 5 | -6 | 6 | -4 | 1 | 15 | $U_3=0$ |
| $V_1=1$ | $V_2=-1$ | $V_3=2$ | $V_4=1$ | | | | | |

$1 > 0$, then the plan is not optimal, therefore, move on to the cycle.

Making a transportation cycle. Take the cell with the highest positive value of Δ_{ij} for the beginning of the cycle.

1. Transportation is always added at the beginning of the cycle (+). 2. The value of the added transportation is the smallest transportation in the negative vertices of the cycle.

Construct a loop that starts and ends in a cell. The cycle is built according to the scheme of possible admissible cycles of transportation task (refer to Table 6 below).

Table 6 - Making a transportation cycle

| | | | | | | | | | | |
|---------|----------|---------|---------|----|----|-----|----|---------|---------|---------|
| 1 | -15 | 30 | 3 | -4 | 2 | +15 | 5 | 4 | -3 | $U_1=0$ |
| 2 | +15 | 1 | 10 | 4 | 15 | -15 | 3 | 25 | $U_2=2$ | |
| 3 | -2 | 5 | -6 | 6 | -4 | 1 | 15 | $U_3=0$ | | |
| $V_1=1$ | $V_2=-1$ | $V_3=2$ | $V_4=1$ | | | | | | | |

After the changes, the basic solution takes a new form. Therefore, check the optimality of the plan by the potential method (do the same steps as given above). The final basic feasible solution is given in the table below (Table 7):

Table 7 – Final basic feasible solution

| | | | | | | | | |
|---------|---------|---------|---------|----|----|----|---------|----------|
| | 3 | -3 | 2 | 20 | 4 | -2 | $U_1=0$ | |
| 2 | 15 | 1 | 10 | 4 | -1 | 3 | 25 | $U_2=1$ |
| 3 | -3 | 5 | -6 | 6 | -5 | 1 | 15 | $U_3=-1$ |
| $V_1=1$ | $V_2=0$ | $V_3=2$ | $V_4=2$ | | | | | |

Hence, it is clear that all $\Delta_{ij} \leq 0$, the plan is optimal.

$$\begin{aligned} \text{Transportation cost} &= (1 \cdot 15) + (2 \cdot 20) + (2 \cdot 15) + (1 \cdot 10) + (3 \cdot 25) + (1 \cdot 15) = \\ &= 15 + 40 + 30 + 10 + 75 + 15 = 185 \text{ (conventional units)}. \end{aligned}$$

Conclusion. While a feasible basic solution can take care of all sources and location restrictions, it does not have to provide a solution at the lowest cost. There may be several basic necessary solutions, but one that minimizes the total transportation cost is considered the optimal solution. Once a worthwhile basic key out has been determined, the solution should be tested for optimization to see if the solution given is the best and, if not, this will lead us to a better or optimal solution.

Thus, the transportation problem by the method of potentials is not only solves the problem but also helps us to find the optimal solution and understand how the model works and what can be changed, and to what extent to modify the solution which in turn helps to determine the cost and an optimal supplier.

References

1. Yakubova, U., Parpieva, N., & Mirhojaeva, N. (2021). Some Applications of Matrix Theory in Economics. *Bulletin of Science and Practice*, 7(2), 245-253. (in Russian).
2. Parpieva N., Yakubova U., & Mirkhodjaeva N. (2020). The Relevance of Integration of Modern Digital Technologies in Teaching Mathematics. *Bulletin of Science and Practice*, 6 (4), 438-443. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/53/51>

МАМЛАКАТ ТАШҚИ ҚАРЗИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎЛЛАРИ

Ж.Ш. Тухтабаев,
“Иқтисодий хавфсизлик” кафедраси
в.б. доценти, (PhD) ТДИУ
М. Умарова,
магистрант ТДИУ

Аннотация: Мақолада мамлакатимиз давлат қарзини бошқариш тизимини такомиллаштириш йўллари ўрганилган. Шунингдек, жалб қилиш мuddатлари буйича ташқи қарзни тахлили амалга оширилди. Тадқиқот ишининг асосий натижаси мамлакатда давлат қарзини бошқариш тизimini такомиллаштиришнинг илмий асосларини ёритишдан иборат.

Таянч иборалар: давлат қарзи, ички қарз, ташқи қарз, еврооблигациялар, хавфсизлик.

Кириш.

Ўзбекистонда давлат қарзи охириги йилларда сезиларли ўзгаришларга юз тутмоқда. Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш асносида давлат қарзига бўлган замонавий ёндашувлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистоннинг мустақил тарихида илк бора еврооблигацияларнинг муомалага чиқарилиши ва шу орқали хорижий маблағларни жалб этишга эришилди. Жаҳон амалиётидан маълумки, давлат қарзи жалб этилишининг асосий омили иқтисодийётни молиявий ресурсларга бўлган талабини қондириш, жумладан ҳукуматнинг кафолатини амалда кўрсатишдир. Давлат қарзи ҳукумат кафолати асосида маблағ жалб этилиши билан нафақат иқтисодийёт қўллаб-қувватланади, балки давлатнинг бош ислохотчилиги ўзининг аксини топади. Давлат қарзини бошқаришдаги асосий оми – бу уни қиймат яратадиган тармоққа жойлаштириш ва истеъмолни оширишдан иборат бўлиб, тўғридан-тўғри истеъмолга йўналтирилиши мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Жорий йилда давлат ташқи қарзининг юқори чегарасини белгиладик. Бундан буён халқаро молия ташкилотларидан олинadиган маблағларни қайтариш имконияти ва уларнинг натижадорлигига жиддий эътибор қаратилади” деб қайд этиб ўтди. Ушбу фикрлар заминида қарз маблағларини айнан самарали бошқариш учун янги қиймат заنجирини яратишга йўналтирилиши назарда тутилмоқда.

Давлат қарзини самарали бошқаришда бюджет дефицитини қоплаш ва давлат дастурларини ижро этишни молиялаштириш каби ҳолатларда олдиндан пухта ўйлаб ишлаб чиқилган стратегиялардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Бунда давлат қарзининг меъёрий ва муддат билан боғлиқ мезонлари бўйича бошқариш имконияти мавжуд бўлади. Лекин иқтисодиётда олдиндан аниқлаш ва баҳолаш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолатлар ҳам борки, унинг натижасида фавқулодда қарорлар қабул қилиш зарурати туғилади. Масалан, мамлакатда табиий офатларни рўй бериши, ҳарбий ҳаракатларнинг бошланиши ёки эпидемик ҳолатларнинг юз бериши давлат қарзига фавқулодда эҳтиёжни юзага келтиради. Ушбу ҳолат эса, давлат қарзини олдиндан пухта ишлаб чиқилган қарз стратегиясига жиддий таъсир кўрсатади. Бу каби ҳолатларда давлатлар халқаро ва маҳаллий даражада белгиланган қарз бўйича тавсияларни ҳам четлаб ўтишга мажбур бўладилар. Масалан, давлат қарз жалб этишда ўз қонунарида белгиланган мезонларга риоя этишга имкон бўлмаслик ҳолатлари кузатилиши мумкин.

Давлат қарзини бошқаришда прогноз жараёнларини ишлаб чиқиш юқори таҳлилий тажриба ва макроиқтисодий (глобал иқтисодий) баҳолашни инobatга олишни тақозо қилар экан. Шу боисдан, давлат қарзини бошқариш ва уни таҳлил этишда минимал-максимал мезонларнинг сузиб юривчи индикаторларини ишлаб чиқиш, биринчидан меъёрларни бузилишини олдини олса, иккинчидан қонунчиликка риоя этишга имкон беради, учинчидан макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш оралигини яратишга ёрдам бериши мумкин.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

hisoblanadi. “2017-2021- yillarda O‘zbekistonni rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha harakatlar strategiyasi”da “Qishloq xo‘jaligini modernizatsiya qilish va jadal rivojlantirish: tarkibiy o‘zgartirishlarni chuqurlashtirish va qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishini izchil rivojlantirish, mamlakatimiz oziq-ovqat xavfsizligini yanada mustahkamlash, ekologik toza mahsulotlar ishlab chiqarishni kengaytirish, agrar sektorning eksport salohiyatini sezilarli darajada oshirish”[4] vazifasi qo‘yilgan. Bu borada O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev Oliy Majlisga murojatnomasida “...qishloq xo‘jaligi sohasini boshqarish tizimini isloh qilish, yer va suv resurslaridan oqilona foydalanish borasidagi ilg‘or texnologiyalarni joriy etish, oziq-ovqat xavfsizligini ta‘minlash eng muhim vazifamizdir”[5] ,- deb ta‘kidlagan. Bu esa oziq-ovqat xavfsizligini ta‘minlashning dolzarb ahamiyatga ega ekanligidan dalolat beradi.


Oziq-ovqat xavfsizligi atamasi xalqaro muomalaga 1972-1973- yillarda yuz bergan don inqirozidan keyin kirib keldi. Bu davrda rivojlangan mamlakatlarda ortiqcha oziq-ovqat ishlab chiqarish yuzaga kelgan. Bu muammo jahon hamjamiyatida muhokama qilina boshlangan. Bu muhokamalar zamirada 1974-yilning dekabr oyida bo‘lib o‘tgan uchinchi dunyo mamlakatlarida aholi o‘rtasida ocharchilik vujudga kelishini oldini olish yuzasidan BMT Bosh Assambleyasida Birlashgan Millatlarning Oziq-ovqat va qishloq xo‘jaligi tashkiloti tomonidan ishlab chiqilgan “Jahonda oziq-ovqat xavfsizligini ta‘minlash bo‘yicha Xalqaro majburiyatlar” ma‘qullandi. Ammo bu hujjatda oziq-ovqat xavfsizligi atamasiga ta‘rif berilmagan.

Oziq-ovqat xavfsizligiga oid ilmiy adabiyotlarni o‘rganish shuni ko‘rsatadiki, bu tushuncha birinchi marta o‘tgan asrning 70-yillarida iste‘molga kirib kelgan. Keyinchalik bu tushuncha ma‘no jihatdan kengayib bordi. Iqtisodiy adabiyotlarda “oziq-ovqat xavfsizligi” tushunchasining mazmunini ta‘riflashga turli yondashuvlar mavjud. Eng ko‘p tarqalgan ta‘rifga ko‘ra oziq-ovqat xavfsizligi shunday holatki, bunda barcha kishilar vaqtning har qanday lahzasida faol va sog‘lom turmush kechirish uchun zarur bo‘lgan xavfsiz ovqatga yetarli miqdorda jismoniy va iqtisodiy jihatdan erishishdir.[6] Ushbu ta‘rifga ko‘ra oziq-ovqat xavfsizligiga xavfsiz va yetarli miqdordagi oziq-ovqatga jismoniy va iqtisodiy jihatdan erishish yo‘li bilan ta‘minlanadi.

O‘zbekiston Respublikasi oziq-ovqat iste‘moli darajasi avvalo mamlakat aholi demografiyasi holati bilan bog‘liqdir. Aholining yoshi va jins tarkibining holati va o‘zgarishiga qarab oziq-ovqat mahsulotlariga bo‘lgan umumiy talab shakllanadi.



Respublikamizda aholi o'sishi dinamikasiga nazar solsak o'sib borish tendensiyasi kuzatilmoqda. Mamlakatda tug'ulish salmog'i yuqoriligi sababali kichik yoshdagi bolalar, yoshlar va o'rta yosh toifalari aholining asosiy qatlamini tashkil etmoqda. Aynan shu qatlamlar o'rtasida yuqori kaloriyali energiya sarflanishi tufayli oziq-ovqatga bo'lgan ehtiyoj, uning sifati va miqdoriga ayniqsa talab kuchli bo'ladi. Quyida mamalakatimizda aholi soniga nisbatan yetishtirilayotgan qishloq xo'jaligi mahsulotlari o'sish sur'atini jadval raqamlari yordamida ko'rishimiz mumkin (1-jadval).[8]



1-rasm. O'zbekiston Respublikasi aholi soniga mos ravishda qishloq xo'jaligi mahsulotlari o'sish dinamikasi.

Jadval ko'rsatkichlari yordamida quyidagi dinamikaga e'tibor qaratadigan bo'lsak (1-rasm)[7], 2000-yildan 2009-yillar oralig'ida yetishtirilgan qishloq xo'jaligi mahsuloti stabil tendensiyada o'sgan bo'lsa, 2009-2020-yillarda o'sish sur'ati jadallashganini buning natijasida esa yetishtirilgan qishloq xo'jaligi mahsulotlari miqdori 2017-2018-yillarda 10, 11 barobarni tashkil etganini ko'rishimiz mumkin. Bunday o'sish sur'atini qishloq xo'jaligi ekin maydonlari gektarini oshganligi hamda bu sohaga ajratilayotgan investitsiyalar miqdori va eksport ko'lami bilan izohlash mumkin.

O'zbekistondagi meva-sabzavot sektori mamlakat va hududlarning oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashda muhim segment hisoblanadi. Shuning uchun, bu sohada meva va sabzavot mahsulotlari ishlab chiqarishni jadal rivojlantirish uchun barcha

choralar ko'rilmogda, bu esa o'z natijalarini bermogda. Quyida oziq-ovqat mahsulotlarining eksport-import tarkibi dinamikasi keltirilgan bo'lib (2-jadval)[8]

1-jadval

O'zbekiston Respublikasi aholi soni va yetishtirilayotgan qishloq xo'jaligi mahsulotlari o'sish sur'ati

| Hududlar | Yillar | Qishloq xo'jaligi yalpi mahsuloti, (mln. so'm) | Aholi soni (mln.kishi) | Yqish/Yaholi | O'sish sur'ati |
|--------------------------|----------------|--|------------------------|--------------|----------------|
| O'zbekiston Respublikasi | 2000 | 1 387 245,80 | 24487,7 | 56,65071852 | - |
| | 2001 | 2 104 835,00 | 24813,1 | 84,82757092 | 0,281768524 |
| | 2002 | 3 255 324,10 | 25115,8 | 129,6125984 | 0,447850275 |
| | 2003 | 4 083 339,90 | 25427,9 | 160,5850228 | 0,309724243 |
| | 2004 | 4 615 816,00 | 25707,4 | 179,5520356 | 0,189670129 |
| | 2005 | 5 978 337,90 | 25707,4 | 232,5531909 | 0,530011553 |
| | 2006 | 7 538 774,60 | 26312,7 | 286,5070707 | 0,539538798 |
| | 2007 | 9 304 857,80 | 26663,8 | 348,9696817 | 0,62462611 |
| | 2008 | 11 310 718,10 | 27072,2 | 417,7982617 | 0,688285799 |
| | 2009 | 13 628 632,30 | 27533,4 | 494,9854468 | 0,771871851 |
| | 2010 | 32 746 521,90 | 28001,4 | 1169,460166 | 6,744747195 |
| | 2011 | 48 068 344,80 | 29123,4 | 1650,505944 | 4,810457774 |
| | 2012 | 58 549 266,90 | 29555,4 | 1981,00066 | 3,304947161 |
| | 2013 | 69 391 323,40 | 29993,5 | 2313,545381 | 3,325447217 |
| | 2014 | 85 101 685,70 | 30792,8 | 2763,6878 | 4,501424189 |
| | 2015 | 103 301 974,90 | 31022,5 | 3329,904905 | 5,662171041 |
| | 2016 | 119 726 684,80 | 31575,3 | 3791,78297 | 4,618780651 |
| | 2017 | 154 369 402,70 | 32120,5 | 4805,946442 | 10,14163473 |
| | 2018 | 195 095 553,20 | 32656,7 | 5974,135574 | 11,68189132 |
| | 2019 | 224 265 855,60 | 33255,5 | 6743,722259 | 7,695866855 |
| 2020 | 260 306 815,00 | 34000,8 | 7655,902655 | 9,121803958 | |

2-jadval

Yillar bo'yicha oziq-ovqat mahsulotlarining eksport-import dinamikasi (yanvar-dekabr, mln. AQSh dollarida)

| | 2000-yil | 2005-yil | 2010-yil | 2015-yil | 2018-yil | 2019-yil | 2020-yil | Farqi 2000-2020-y |
|----------------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|-------------------|
| Eksport | 176,4 | 206,1 | 1260,5 | 1316,4 | 1097,7 | 1336,3 | 1436,4 | 1260 |
| Import | 361,1 | 287,2 | 963,2 | 1585,3 | 1581,6 | 1851,3 | 1608,5 | 1247,4 |

Meva-sabzavot mahsulotlarining asosiy eksport bozorlari Rossiya Federatsiyasi, Qozog'iston, Qirg'iz Respublikasi hamda Pokiston davlatlari hissasiga to'g'ri kelgan. Hukumat tomonidan qishloq xo'jaligi va bog'dorchilikni rivojlantirishga katta e'tibor qaratilayotgani bois, eksport qilinayotgan meva va sabzavotlarning ulushi 6,7 % ni tashkil etdi. Meva va sabzavotlar eksportining qiymat jihatidan eng katta hajmi Qozog'istonga to'g'ri keladi (meva va sabzavotlar eksporti umumiy hajmining 25,3 % i), bu Afg'onistonga eksport hajmidan 5,2 barobar ko'pdir.

3-jadval

Meva-sabzavot mahsulotlari eksporti
(2020-yil yanvar-dekabr, mln. AQSh dollari)


| Ko'rsatkichlar | 2018-yil | | 2019-yil | | 2020-yil | | 3 yillik o'rtacha o'sish qiymati | |
|-----------------------------|--------------|------------|--------------|------------|--------------|------------|----------------------------------|------------|
| | Mln. AQSh \$ | Ming tonna | Mln. AQSh \$ | Ming tonna | Mln. AQSh \$ | Ming tonna | Mln. AQSh \$ | Ming tonna |
| Jami: | 874,5 | 1230,6 | 1200,0 | 1400,0 | 1008,6 | 1485,0 | 1027,1 | 1371,86 |
| Meva va rezavorlar | 357,7 | - | 406,8 | - | 353,9 | 402,3 | 372,8 | - |
| Uzum (yangi uzilgan) | 238,5 | - | 328,3 | - | 133,1 | 140,5 | 251,5 | - |
| Uzum (quritilgan) | | | | | 55,1 | 40,9 | - | - |
| Qovun va tarvuz | 6,5 | - | 13,1 | - | 25,6 | 105,6 | 15,06 | - |
| Sabzavotlar | 318,9 | - | 542,4 | - | 400,0 | 768,3 | 420,43 | - |
| Yeryong'oq | 22,9 | - | 14,4 | - | 16,5 | 12,9 | 17,93 | - |
| Qalampir | - | - | - | - | 13,8 | 13,7 | - | - |
| Kartoshka | - | - | - | - | 0,4 | 0,7 | - | - |

3-jadval meva-sabzavot mahsulotlari eksport tarkibini tahlil etadigan bo'lsak, 2018-yildan 2020-yillar oralig'ida o'rtacha o'sish qiymati 1027,1 dollarlik yoki 1371,86 ming tonnalik mahsulot eksporti amalga oshirilgan.[9]

Quyidagi (2-rasm)grafikda qishloq xo'jaligi ekinlari ekin maydonining yillar bo'yicha dinamikasi keltirilgan. Bunda 2016-yildan 2020-yillar oralig'ida ekin maydonlari o'rtacha 112.575 ming gektarga qisqarib borishini ko'ramiz.[10]

Qishloq xo'jaligi ekin maydonlarini qisqarib borishini oxirgi yillarda uy-joy, sanoat bazalarini barpo etish maqsadida yer fondidan foydalanilishi hamda qishloq

xo'jaligi yerlarini sho'rlanishi va boshqa texnik sabablarga ko'ra unumdor yer fondidan chiqib ketishi bilan tavsiflash mumkin.



2-rasm. O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligi ekin maydoni o'zgarish dinamikasi

4-jadval

Tavsifiy statistika

| | LN1 | LN2 | LN3 | LN4 |
|--------------|-----------|-----------|-----------|----------|
| Mean | 17.01028 | 8.185594 | 8.033334 | 6.682668 |
| Median | 17.30431 | 8.196464 | 8.044979 | 6.274008 |
| Maximum | 19.37737 | 8.240148 | 8.208301 | 9.799543 |
| Minimum | 14.14283 | 8.088378 | 7.779885 | 4.784989 |
| Std. Dev. | 1.677737 | 0.040684 | 0.142208 | 1.716194 |
| Skewness | -0.132317 | -0.973323 | -0.356202 | 0.490681 |
| Kurtosis | 1.631394 | 3.180568 | 1.766108 | 1.815762 |
| Jarque-Bera | 1.700223 | 3.344284 | 1.776257 | 2.069806 |
| Probability | 0.427367 | 0.187844 | 0.411425 | 0.355261 |
| Sum | 357.2159 | 171.8975 | 168.7000 | 140.3360 |
| Sum Sq. Dev. | 56.29602 | 0.033103 | 0.404460 | 58.90645 |
| Observations | 21 | 21 | 21 | 21 |

Qishloq xo'jaligi yalpi mahsuloti qiymati va unga ta'sir etuvchi omillar o'rtasidagi bog'liqlikni ko'p omilli ekonometrik modeli quyidagi funksiyaga teng:

$$Y = -34,47 - 1,49 \ln x_1 + 7,65 \ln x_2 + 0,34 \ln x_3 \quad (1)$$

$$R^2 = 0,983847131 \quad R_{(o'rtch)} = 0,980996636397707 \quad (2)$$

Mazkur modelga (1) ko'ra asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarning (X_3) bir mlrd. So'mga oshishi qishloq xo'jaligi yalpi mahsuloti qiymatini (Y)=0,34

mlrd. So'mga ortishiga, qishloq xo'jaligida band bo'lgan aholi sonining ming kishiga ortishi qishloq xo'jaligi yalpi mahsuloti qiymatini (Y)=7,65 mlrd. So'mag oshishiga, qishloq xo'jaligi ekinlari ekin maydonining ming gektarga kamayishi esa qishloq xo'jaligi yalpi mahsuloti qiymatini (Y)=-1,49 mlrd. So'mga kamayishiga olib kelishi mumkin.(4-jadval)[11]

Modeldagi regressiya qiymati $R^2 = 0,98384713$, tekislanganda $R_{(o'rtch)} = 0,980996636397707$ ga teng. Demak, natijaviy omil modelga kiritilgan omillar bilan yetarlicha zich a'loqada. Ya'ni, qishloq xo'jaligi yalpi mahsuloti qiymatining o'zgarishi 98,38 % modelga kiritilgan omillarga, qolgan 1.62 %i esa hisobga olinmagan omillar ta'siriga bog'liqdir.

Modelda omillarning o'zaro bog'lanishi kuchli bo'lib omillar o'zaro to'g'ri tanlangan. Standart xatolik 0,231280525928415 juda kichik bo'lib modeldagi omillar uchun maqbuldir.

5-jadval

Korrelatsion jadval

| | <i>lny</i> | <i>lnx1</i> | <i>lnx2</i> | <i>lnx3</i> |
|-------------|--------------|--------------|-------------|-------------|
| <i>lny</i> | 1 | | | |
| <i>lnx1</i> | -0,456825755 | 1 | | |
| <i>lnx2</i> | 0,977241326 | -0,343571859 | 1 | |
| <i>lnx3</i> | 0,957817081 | -0,5678627 | 0,908250962 | 1 |

Ushbu jadval ma'lumotlarini tahlil etadigan bo'lsak, ya'ni natijaviy omil 2020- yil taqqoslama narxlarda qishloq xo'jaligi yalpi mahsuloti qiymati (Y) va unga ta'sir etuvchi omillar *lnx1*, *lnx2*, *lnx3* ko'rsatkichlar o'zaro xususiy korrelatsiya koefitsientini tashkil etmoqda, bunda qishloq xo'jaligi ekinlari ekin maydoni (X_1) (-0,456825755) qishloq xo'jaligi yalpi milliy mahsuloti bilan o'zaro teskari sust bog'lanishi kuzatilgan, qishloq xo'jaligida bandlar (X_2) (-0,977241326) va qishloq xo'jaligiga kiritilgan investitsiyalar (X_3)-(0,957817081) esa kuchli o'zaro zich bog'langan. Juft korrelatsiya koefitsientlari qishloq xo'jaligi ekinlari ekin maydoni (X_1) qishloq xo'jaligida band aholi (-0,343571859) soni bilan o'zaro teskari sust va qishloq xo'jaligiga kiritilgan investitsiyalar (-0,5678627) bilan esa o'zaro teskari kuchli bog'langan. Qishloq xo'jaligida band aholi soni (X_3) qishloq xo'jaligiga kiritilgan investitsiyalar (0,908250962) bilan esa o'zaro to'g'ri kuchli bo'g'liqlik mavjudligini ko'rishimiz mumkin. (5-jadval)[12]

Dispersiya tahlili

| | df | SS | MS | F | Fisher mezon |
|-------------------|----|-------------|-------------|-------------|--------------|
| Regressiya | 3 | 55,38667294 | 18,46222431 | 345,1484209 | 2,00708E-15 |
| Qoldiq | 17 | 0,909341588 | 0,053490682 | | |
| Jami: | 20 | 56,29601453 | | | |

F – Fisher mezonning haqiqiy qiymati (F_{hisob}) mezonning kritik (F_{jadval}) qiymati bilan taqqoslanadi. Agar $F_{\text{hisob}} > F_{\text{jadval}}$ bo'lsa u holda aniqlangan model ahamiyatli hisoblanadi. (6-jadval)[13]

Fisher mezonni 2,00708E-15 ko'rsatkichi juda kichik son bo'lib hosil qilingan ko'p omilli regressiya tenglamasi statistik ahamiyatli hisoblanadi.

Oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashda qishloq xo'jaligi yetakchi o'rinda turadi. Shu bois tanlangan modelda qishloq xo'jaligi yalpi mahsulotiga qishloq xo'jaligi ekin maydonini, qishloq xo'jaligida band bo'lgan aholi sonini, qishloq xo'jaligiga kiritilgan investitsiyalar miqdorining qay darajada ta'sir etish bog'liqligi ekonometrik usulda tekshirildi. Natijaga ko'ra eng kuchli ta'sir etuvchi omil bu ekin maydoni ekanligi, agar ekin maydonining ming gektarga qisqarishi qishloq xo'jaligi yalpi mahsuloti qiymatini (Y)=-1,49mlrd. so'mga kamayishiga olib kelishi aniqlandi. Mazkur modelga ko'ra asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarning bir mlrd. so'mga oshishi qishloq xo'jaligi yalpi mahsuloti qiymatini (Y)=0,34 mlrd. so'mga ortishiga, qishloq xo'jaligida band bo'lgan aholi sonining ming kishiga ortishi qishloq xo'jaligi yalpi mahsuloti qiymatini (Y)=7,65 mlrd. so'mga oshishiga olib kelar ekan.

Tuzilgan model asosidagi barcha ko'rsatkichlar haqiqatga yaqin va ishonchliligi yuqori va yaroqliligini hisobga olgan holda bu modelni kelgusida amaliyotga joriy etish ijobiy natijalarni olishga yordam beradi. Mamlakatda oziq-ovqat xavfsizligi holatini modellashtirishda qishloq xo'jaligi yalpi mahsulotini miqdor va sifat jihatdan oshirib borish nafaqat aholi ichki ehtiyojlarini balki tashqi bozorga eksport salohiyatini ham oshirib borishga ko'mak beradi. Shu asosda qishloq xo'jaligi yalpi mahsulotini yetishtirishdagi sug'oriladigan yerlarni meliorativ holatini yaxshilash tadbirlariga davlat byudjeti mablag'lariga qo'shimcha ravishda tijorat banklarining uzoq muddatli (10-15 yillik) investitsion kreditlarini jalb etish, asosiy kreditni qaytarish muddatiga kamida 5 yillik imtiyozli davr qo'llash va kredit foiz to'lovlarining kamida 50 %ini tijorat banklariga davlat byudjetidan qoplab berish amaliyotini joriy etish maqsadga muvofiq. Bundan tashqari tarmoqda mehnat qiluvchi aholi sonini rag'batlantirish, yakka tartibdagi va qo'shma dehqon xo'jaliklarida ro'yxatdan o'tib ishlovchi ishchilarga ishonchli pensiya ta'minotini, kam ta'minlangan ishchilarga ijtimoiy yordam paketlarini joriy etish bu borada ular faoliyatini rag'batlantirish asosida tarmoqda ishchilar sonini va sifatini oshirib borish muhim hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasida oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash mexanizmi uchta muhim jabhani, ya'ni agrosanoat majmuasida oziq-ovqat ishlab chiqarishni tartibga solish va rag'batlantirish, aholining oziq-ovqat mahsulotlariga erishishni va iste'molini ta'minlash va bu boradagi imkoniyatlarini oshirish hamda oziq-ovqat xavfsizligini boshqarishni tashkil etish tizimini takomillashtirib borish bO'yicha quyidagi dastak va chora-tadbirlarni qo'llash samarali hisoblanadi:

- oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashning qonuniy, huquqiy-me'yoriy asosini vujudga keltirish va takomillashtirib borish;
- byudjet-soliq vositalari orqali oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarishni rivojlantirishni rag'batlantirish. Bunda soliq imtiyozlari, dotatsiya va subventsiyalar berish nazarda tutiladi;
- pul-kredit siyosati dastaklari vositasida oziq-ovqat ishlab chiqarishni rag'batlantirish. Bunda imtiyozli kreditlash tizimining joriy etilishi nazarda tutiladi;
- oziq-ovqat tovarlari ishlab chiqaruvchilarini qo'llab-quvvatlash. Bunda qishloq xo'jaligi oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqaruvchi fermer, dehqon xo'jaliklari va tomorqa yer egalarini, korxonalarini, oziq-ovqat sanoati korxonalarini qo'llab-quvvatlanadi va ular faoliyatini rag'batlantiriladi.
- oziq-ovqat eksporti va importini bojxona tariflari va tarifsiz tartiblash kabi chora-tadbirlar shular jumlasidandir.

Ratsional me'yorlar darajasida asosiy turdagi oziq-ovqat mahsulotlarining iste'moliga erishish uchun qishloq xo'jaligini, oziq-ovqat va qayta ishlash sanoat tarmoqlarini jadal rivojlantirish, aholining iste'mol madaniyatini yanada oshirish talab etiladi. O'zbekiston Respublikasida qishloq xo'jaligi oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish hajmlarini yanada ko'paytirish va o'sish sur'atlarini jadallashtirish, yuksak ishlab chiqarish samaradorligiga erishishda xorijiy mamlakatlarning amaliy tajribalarini joriy etish maqsadga muvofiqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Globalhungerindex.org/pdf/en/2019/Uzbekistan.pdf
2. Globalhungerindex.org/pdf/en/2020/Uzbekistan.pdf
3. <https://www.lex.uz/docs/-3506750>
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-4947-sonli "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bO'yicha harakatlar strategiyasi tO'g'risida"gi farmoni. 2017-yil 7-fevral. Lex uz.
5. Mirziyoyev Sh.M. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlisga murojaatnomasi. 2018-yil 28-dekabr // Xalq sO'zi, 2018-yil 29-dekabr.
6. Папцов, А.Г. Направления обеспечения глобальной продовольственной безопасности / А.Г. Папцов // АПК: Экономика, управление. -2015. -№ 10. -107 с.
7. www.stat.uz ma'lumotlari asosida muallif ishlanmasi
8. www.stat.uz ma'lumotlari asosida muallif ishlanmasi
9. www.stat.uz yillik statistik ko'rsatkichlar asosida tuzildi.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА АГРОКЛАСТЕРЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

Э.Х. Ботиров,
Тошкент давлат аграр университети
доценти, и.ф.н.

Аннотация: Аграр соҳанинг ривожланиши бизни агросаноат мажмуасида технологик жараёнларни бошқаришининг ташкилий-иқтисодий механизмларига инновацион ёндашувларни излашга мажбур қилади. Кластер интеграция тузилмалари беқарор, инқироз шароитида самарали шаклга айланиши мумкин. Кластер-иқтисодий жиҳатдан мустақил ишлаб чиқариши ёки хизмат кўрсатувчи фирмалар, технологиялар яратувчилар ва ноу-хау боғловчи бозор инфратузилмаси, истеъмолчилар истеъмол қийматларини яратиши ва географик яқинликка эга бўлган ягона занжир ичида бир-бири билан ўзаро алоқа қилувчи истеъмолчилар тармоғидир. Агро-Кластер архитектурасини қуришда уни яратиши тамойилларига эътибор бериледи.

Таянч иборалар: агрокластер, кластер, банк, молия, миллий агрофирма, самарадорлик, озиқ-овқат, иқтисодий, молиявий, замонавий, технология, инновация, интенсив, экспорт, импорт, стратегия.

Бугун бутун дунёда озиқ овқат хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб масалага айланди. Айни пайтда қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини янада яхшилаш, манфаатдорлигини таъминлаш масалалари бевосита қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг замонавий усули — кластерлар тизими билан боғлиқ. Агрокластер бу – ҳар бир бизнес бирлиги учун рақобатбардош маҳсулотлар ва рентабелликни ошириш (ишлаб чиқариш) мақсадида, турли ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг технологик жараёнларини (харажатларни тақсимлаш, кредит – кооперация, солиқ - оптималлаштириш, инновация, marketing ва коммуникация) бошқаришнинг ташкилий ва иқтисодий механизмларининг синергетик таъсири мавжуд бўлган тизимдир.¹⁹

"Агро-Кластер innovation" бу – ташкилий ва иқтисодий боғланган ўзаро ҳамкор компаниялар янги шакли бўлиб, ҳамкорлик орқали бундай инновацияларнинг якуний натижаси амалий фаолиятда қўлланиладиган

¹⁹ Ochilova G., Botirov E. Gender features of the impact of family business on youth entrepreneurship motivation // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 6, 2020, Part II, Progressive Academic Publishing 20-24.

технологик жараённи такомиллаштириш бўлиб, қишлоқ жойларда турли хил инфратузилмаларни шакллантириш орқали ҳаёт сифатини яхшилашга олиб келади. [2]

Минтақадаги ижтимоий – иқтисодий тизимнинг инвестиция салоҳиятидан фойдаланиш миқдори ва даражаси қишлоқ хўжалиги кластерадаги ўзгаришларни, унинг ривожланиш босқичларини, айланма маблағлардаги ортиқча капитални ўз ичига олган ҳолда, бир гуруҳ корхоналарнинг тўпланган ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ.

Аграр соҳада ташкилотларнинг кластерларига интеграция қилиш учун мотивацион компонентлар қуйидагилар бўлиши керак:

- кичик ва ўрта агрофирмалар ривожланишининг яшовчанлиги ва барқарорлиги, компания кафолатлари остида кредит олиш имконияти;
- инфратузилма объектларидан фойдаланиш имкониятлари;
- инвестицияларни жалб этиш мақсадида инвестиция дастурлари ва лойиҳаларида иштирок этиш;
- юқори сифат стандартларига эришиш;
- таъминотчилар билан биргаликда ишлаш туфайли харидларни тежаш;
- трансакция харажатларини камайтириш;
- жамоавий товар, биргаликдаги тақсимот тармоғи.

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида қўшиланган қийматлар занжирини яратиш, табиий ва моддий ресурсларидан оқилана фойдаланиш мақсадида кластер усули кенг татбиқ этилмоқда. Хусусан, ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигининг барча йўналишларида 462 та агросаноат кластери (2,2 миллион гектар ерларда) фаолияти йўлга қўйилган.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш, соҳага бозор механизмлари ва замонавий технологияларни жорий этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, кластер тизими йўлга қўйилиб, экинлар замон талаблари ҳисобга олинган ҳолда диверсификация қилинди. Натижада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг унумдорлиги ва даромадлари ўсиб бормоқда. 80 турдан ортиқ маҳаллий маҳсулотлар дунёнинг 66 мамлакатига экспорт қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 23 октябрдаги фармони билан Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. Шунга мувофиқ юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида мева-сабзавот кластерлари ташкил этилмоқда. Бунинг учун барча ташкилий-ҳуқуқий асослар 2019 йил 11 декабрдаги тегишли Президент қароридан назарда тутилган. Ўтган

қисқа вақт ичида ҳокимиятлар 86 та шундай кластерларни ташкил этиш бўйича тақлифлар туздилар.

Кластерлар томонидан 430 минг тонна сизимга эга маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш ва қуриштириш ташкил этиш бўйича 96 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилди. Шунингдек, 6 минг гектар майдонда интенсив боғлар ва 8 минг гектарга яқин тоқзорлар яратиш лойиҳалари ишлаб чиқилди. Жорий йил учун 410 млн. долларлик маҳсулотларни экспорт қилиш режалаштирилган.

Кластер фаолиятини ташкил этиш, хорижий экспертларнинг хулосалари асосида экинларни самарали жойлаштириш, зарур уруғ ва кўчатларни эрта тайёрлаш, кластерларни айланма маблағлар билан таъминлаш, янги бозорларни излаб топиш, маҳсулот экспорт қилишда кластерларга мутасадди ташкилотлар томонидан амалий ёрдам кўрсатиш зарур.

Кластер тизими бозор тамойилларига ўтишининг муҳим омилдир.

Ўтган қисқа вақтда ушбу тизим ўзини ҳар томонлама оқлаганлиги эришилаётган натижаларда яққол намоён бўлмоқда. Лекин, ўтган даврдаги тажриба ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасида қатор масалалар борлигини ҳам кўрсатди.

Жумладан:

- агросаноат кластерининг ҳуқуқий мақоми белгиланмаган (мисол учун, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда агросаноат кластерининг мақоми, унинг мезонлари ва тугатиш асослари мавжуд эмас);
- агросаноат кластерларини ташкил этиш юзасидан ягона ёндашув мавжуд эмас;
- агросаноат кластерлари ва давлат ўртасидаги муносабатлар қонуний тартибга солиниши лозим;
- фермер хўжалиқларини агросаноат кластерлари билан эркин ишлашини таъминлаш мақсадга мувофиқ;
- агросаноат кластерларига ер участкаларини ажратишда ягона ёндашув бўлиши лозим;
- агросаноат кластерлари ва фермерлар фаолиятига маъмурий аралашувларни тўлиқ чеклаш;
- агрокластерларнинг ривожланишига асосий туртки бўладиган қишлоқ хўжалиги кооперацияларини шакллантириш тизимининг мавжуд эмаслиги.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда республикамызда хорижий давлатларнинг тажрибаларини чуқур ўрганган ҳолда агросаноат

кластерлари фаолиятида мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хорижий тажрибаларга эътибор қаратсак, АКШ, Канада, Япония, Хитой, Европа мамлакатлари тажрибасида агросаноат кластерлари фаолияти қонун (норматив-ҳуқуқий ҳужжат) билан тўғридан-тўғри тартибга солинмаган. Мазкур муносабатлар фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар асосида, жумладан шериклик шартномаси, кооперацияга бирлашиши орқали амалга оширилади.

Халқаро тажрибадан келиб чиқиб, агрокластерлар ва кооперация муносабатларини ҳуқуқий асосларини мустақкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, соҳанинг етук мутахассислари, олимлар, амалиётчилар ва экспертларни жалб қилган ҳолда «Қишлоқ хўжалиги кооперацияси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Агросаноат кластерларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритишини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш кластерларни ташкил этишда ваколатли давлат ва маҳаллий ҳокимият органларини ҳамда кластерларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгиланишига ҳамда агросаноат кластерлари фаолиятини самарали йўлга қўйишда давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ер ажратиш, молиялаштириш масалаларига кўмаклашишни таъминлашнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармогини янада ривожлантириши, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4549-сон Қарори.
2. Настин А. А. Аграрный кластер «Новая деревня»: практика опережает теорию://*Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий*. 2019. № 10. С. 53–57.
3. Ochilova G., Botirov E. Gender features of the impact of family business on youth entrepreneurship motivation // *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences* Vol. 8 No. 6, 2020, Part II, Progressive Academic Publishing 20-24.
4. Saidov M., Ochilov I., Yangibaev H. Cluster - An Innovative Structure Based on High Technologies in the Economy of Uzbekistan // *Solid State Technology* Volume: 63, Issue: 4, Publication Year: 2020 Scopus. - PP 205-212.

МИНТАҚАНИНГ МОЛИЯВИЙ-ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИАТИНИ ШАҚЛААНТИРИШ ВА УНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ

*Ф.А. Хамидова,
“Иқтисодий хавфсизлик” кафедраси
и.ф.н. доцент, ТДИУ*

Мамлакатимиз ҳудудларининг молиявий инвестицион салоҳияти турлича бўлиб, уларни тўғри баҳолаш ва таҳлил этиш, молиявий-инвестицион имкониятларини молиявий нобарқарорлик шароитларида тўғри прогнозлаш масаласи ўта долзарб масалалардан ҳисобланади.

Республикамизда инфляция даражаси икки хонали сонни ташкил этаётган бир даврда ҳудудлар ўзининг молиявий инвестицион салоҳиятини баҳолаш ва келгуси даврлар учун режалаштиришда пул оқимларининг дисконтлашган усулларида фойдаланмаётганликлари ва ушбу мавзуларда илмий тадқиқотларнинг етарлича олиб борилмаётганликлари мазкур йўналишда тадқиқотларнинг заруратини рўёбга чиқаради.

Ҳозирги кунда ҳудуднинг молиявий барқарорлиги категорияси янги бўлишига қарамай, таркибий элементларнинг турли-туманлиги ва амалий аҳамияти билан кўплаб иқтисодчилар эътиборини тортмоқда. Унинг мазмуни иқтисодиёт ўрганувчи деярли барча объектлар – ресурслар, ишлаб чиқариш, ижтимоий соҳа, аҳолини ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Бу йўналишдаги тадқиқотларда молиявий оқимларни бошқариш муаммолари ва умуман ҳудуднинг молиявий ҳолати, унинг натижаси ўлароқ, минтақанинг барқарор фаолияти учун молиявий барқарорлиқнинг чегара қийматлари кўрсаткичларига эришиш имкониятларига алоҳида эътибор берилди.

Минтақанинг молиявий-инвестицион салоҳияти етарлича янги тушунча бўлиб, унинг моҳияти ўзаро боғлиқ учта хусусиятнинг бирлигидан иборат: ҳудуднинг ички ресурслари ва захираларини ишлаб чиқариш ҳамда жамлаш қобилияти; ташқи, молиявий, кредит ва инвестиция манбаларини тўплаш ва жалб қилиш қобилияти; ресурслар ва жамғармаларни инвестицияларга айлантириш қобилияти.

Умуман, молиявий-инвестицион салоҳиятни ишлаб чиқариш омиллари тўплами ва минтақада мавжуд капитал кўйилмалар соҳалари сифатида ўрганиш мумкин. Тор маънода молиявий-инвестицион салоҳият асосий макроиқтисодий жиҳатлар, ҳудуднинг ишлаб чиқариш омиллари (табиий ресурслар, ишчи кучи, асосий воситалар, инфратузилма ва ҳоказолар) билан тўйинганлиги, аҳолининг истеъмол талаби ва бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олувчи миқдорий тавсифдир.



1-расм. Минтақанинг молиявий-инвестицион салоҳияти таркиби

Тузиламавий жиҳатдан минтақанинг молиявий-инвестицион салоҳияти учта: иқтисодий, ресурслари ва ижтимоий таркибий қисмининг йиғинси сифатида ифодаланиши мумкин. Мазкур компонентлар ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдирди ва унинг ушлик моҳияти сифатида фойдаланилганда юзага келади (1-расм). Минтақа молиявий-инвестицион салоҳиятининг иқтисодий компонент кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлиб, бу унинг барча элементлари фаол амал қилиб, ўзаро таъсирга эга бўлгандагина таъминланиши мумкин.

Бунда ҳудуд молиявий-инвестицион салоҳиятининг иқтисодий компоненти ривожланиб бориши, бир томондан, ўз иқтисодий салоҳияти (табiiй-ресурслари, ишчи кучи, ишлаб чиқариш, инфратузилма салоҳияти), бошқа томондан, ҳукумат институтларининг уни бошқаришнинг самарали механизмларини яратиш қобилияти (бошқарув ва ташқи иқтисодий салоҳият) билан белгиланади.

Ҳудуд молиявий-инвестицион салоҳиятининг иқтисодий компоненти қанчалик кам ривожланган бўлса, минтақа ташқи манбалар ва бошқа минтақалар билан ўзаро иқтисодий боғлиқлик жараёнига шунчалик боғлиқ бўлади. Демак, ҳудуд молиявий-инвестицион салоҳиятининг иқтисодий таркибий қисмини самарали қўллашнинг асосий мезони бошқарув қарорларининг мақбуллигини ошириш бўлиб, у сиёсий қўллаб-қувватлаш ва

маълум режалаштириш йўналишларига эга ҳамда жамоатчилик фикри манфаатларини ифода этиши керак.

Молиявий-инвестицион салоҳиятнинг ресурсли компоненти минтақа молиявий ресурслари йигиндисини акс эттиради. Минтақанинг барқарор ривожланишини таъминлаш нуқтаи назаридан унинг молиявий-инвестицион салоҳиятни шакллантиришдаги аҳамияти учта позиция: минтақа молиявий маблағлари (молиявий ресурслари) унинг иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлаши (таъминлаши) имконияти; молиявий маблағлар таркиби ва ҳажми; молиявий ресурсларни максимал даражада жалб этиш, фойдаланилувчи ресурсларнинг мақбул тузилиши орқали эришиш мумкин бўлган иқтисодий объектни ривожлантиришнинг реал самараси бўйича ўрганилиши керак. Минтақадаги молиявий-инвестицион салоҳиятнинг ресурсли компонентини шакллантириш жараёни молиявий ресурсларнинг кириб келиши ва чиқиб кетишига ёки уларнинг маълум вақт (ҳисобот бериш) оралигидаги иқтисодий тизимдаги фарқи натижаларига асосланади. Мазкур жараён молиявий ресурсларнинг максимал ижобий сальдосини таъминлаши керак, бу эса ҳудудларни ривожлантириш учун молиявий барқарорлик чегарасини шакллантириш имконини беради.

Минтақавий ресурслар оқими (кирувчи молиявий оқим) қуйидагилар киради: маълум вақт оралигида минтақанинг солиқ ва солиқдан ташқари даромадлари; маълум вақт оралигида минтақавий иқтисодиётни ривожлантиришга киритилган номолиявий соҳадаги инвесторларнинг ресурслари; маълум вақт оралигида минтақадаги иқтисодий субъектлар ривожланишига капитал қўйилмаларни таъминловчи минтақавий кредит тизими ресурслари; минтақаларни ривожлантиришни федерал қўллаб-қувватлаш доирасида минтақалар томонидан олинган бюджетлараро трансфертлар.

Маълум вақт оралигида ресурсларни инвестиция йўналиши бўйича ресурсларнинг чиқиб кетиши (дастлабки чиқиб кетиши): бюджет хизматлари истеъмолчиларини молиялаштириш учун ресурсларни ажратиш (жорий бюджет харажатларини амалга ошириш); инвестиция дастурларини молиялаштириш (бюджет капитал харажатлари ва инвесторларнинг капитал қўйилмалари); минтақавий кредит тизимидан олинган ресурслар учун тўлов; бюджет даромадларини қайта тақсимлаш тизими доирасида маблағларни давлат бюджетга ўтказиш.

Таъкидлаш жоизки, молиявий - инвестицион салоҳиятни



шакллантиришда молиявий ресурсларнинг аҳамияти ноаниқдир. Бир томондан, уларнинг чекловлари туфайли янада тежамли вариантни излаш ва мавжуд омиллардан фойдаланишни кучайтиришга мажбур этади, яъни. бутун тизимни ҳаракатга келтиради. Бошқа томондан, унинг чекланган кўриниши молиявий-инвестицион салоҳият шаклланиши ва амалга оширилишини секинлаштириши ёки йўққа чиқариши мумкин.

Ижтимоий компонентни шартли равишда ресурсларнинг икки блокига ажратиш мумкин: инсон ресурслари ва минтақанинг ижтимоий инфратузилмаси. Инсон ресурслари шахс нуқтаи назаридан ҳар бир инсон учун мавжуд билим, кўникама, мотивация захиралари билан белгиланади. Ижтимоий инфратузилма – турли хил хизматлар кўрсатиш орқали инсоннинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини амалга ошириш жараёнида комплекс такрор ишлаб чиқаришга ёрдам берувчи тармоқлар ва тадбирлар йиғиндисидир.

Молиявий-инвестицион салоҳиятдаги иқтисодий, ресурсли ва ижтимоий компонентларнинг ўзаро боғлиқлиги амалда (уларнинг имкониятини шакллантириш ва ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамиятига кўра) уларнинг мақбул нисбатларини аниқлаш заруратини белгилайди. Бирор элементнинг ўзгариши ўз-ўзидан рентабелликнинг пасайиши ёки қолган элементларнинг иш самарадорлигининг пасайишига сабаб бўлади, чунки улар тизимли birlikда амал қилади.

Умуман, минтақанинг молиявий-инвестицион салоҳияти бу кўп қиррали иқтисодиёт ва ривожланган инфратузилмани шакллантиришга қаратилган инвестицион фаолиятни амалга ошириш учун зарур миқдордаги молиявий ва инвестиция ресурсларини тўплашни акс эттиради. Турли хил молиявий-инвестицион ресурсларни бирлаштириш ва уларни минтақавий иқтисодиётни ўзгартириш учун инвестиция дастурларига йўналтириш молиявий-инвестицион салоҳиятни бошқаришни талаб этади.

Самарали бошқарувни таъминлаш нуқтаи назаридан минтақанинг молиявий-инвестицион салоҳиятини даражалар бўйича тақсимлаш мақсадга мувофиқ: ҳақиқий салоҳият (эришилган салоҳият) – минтақа эга бўлган турли хил хусусиятларга эга ресурслар, минтақавий ривожланишнинг маълум даражасига эришиш учун такрор ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиши мумкин бўлган восита ва манбаларнинг ҳақиқий тўплами; истиқболли потенциал (эҳтимолий потенциал) – минтақа учун мавжуд имкониятларнинг максимал миқдори, унга эришиш эҳтимоли минтақавий бошқарув сифати ва

ташқи муҳитнинг қулай таъсири орқали белгиланади.

Шундай қилиб, минтақанинг молиявий-инвестицион салоҳиятини шакллантириш ва унинг барқарор ривожланишини таъминлаш нуқтаи назаридан бошқариш ҳудуднинг молиявий-инвестицион ресурсларини жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишни таъминловчи муҳим вазифа ҳисобланади. Чекланган ресурслар, амалга ошириш учун танланган дастурлар ва лойиҳаларни қайта кўриб чиқиш зарурлигини ёки потенциал таркибий қисмларга таъсир қилиш усулларини келтириб чиқариши мумкин.

Молиявий-инвестицион салоҳиятга таъсир этувчи асосий воситалар қуйидагилар бўлиши керак:

- 1) кўп каналли молиялаштириш тизимини ташкил этиш орқали салоҳиятни ошириш;
- 2) молиявий-инвестицион инфратузила институтларини шакллантириш;
- 3) молиявий ресурсларнинг минтақавий бозорларини фаоллаштириш.

Шу билан бирга, ресурслар чекланганлиги сабабли молиявий-инвестицион салоҳиятни ошириш имкониятини инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг кенг қамровли минтақавий тизимини ташкил этиш орқали таъминлаш мумкин. Ушбу тизим кўп каналли бўлиши керак, яъни ҳар томонлама ва мустақил равишда фойдаланиш мумкин бўлган анъанавий ҳамда бирмунча янги молиявий ресурсларни жалб этиш турлари ва усулларининг йиғиндисига асосланган бўлиши керак.

Мазкур воситаларга қуйидагилар киради: давлат-хусусий шериклик тизими, лойиҳани молиялаштириш механизми, синдикатли кредитлашни амалга ошириш учун минтақавий молия-кредит тизими ресурслари концентрацияси; ўз қимматли қоғозларини чиқариш асосида инвестиция молиявий воситаларидан фойдаланишни кенгайтириш; ҳаётни суғурталаш бўйича операцияларни кенгайтириш ва захираларни махсус давлат қимматли қоғозларига жойлаштириш учун суғурталовчиларнинг инвестицион имкониятларидан фойдаланиш; ноанъанавий манбалар.

Шундай қилиб, ҳудуднинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш, бир томондан, молиявий-инвестицион инфратузила шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлса, бошқа томондан, минтақанинг молиявий-инвестицион фаолият учун уларнинг хусусиятларига кўра, турли хил мақбул молиявий воситалар мавжудлиги билан боғлиқ.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ

Т.С. Қўчқоров,

**“Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари”
кафедраси профессори в.б., и.ф.д. (DSc), ТДИУ**

Аннотация. Мақолада рақамли иқтисодиёт шaroитида университетлар мисолида таълим жараёнарига рақамли иқтисодиётни, инновацион технологияларни ва таълимнинг “Университет 4” моделини жорий этиши ва таълим сифатини янада ошириши тўғрисида фикрлар билдирилган.

Таянч иборалар: таълимда инновациялар, рақамли иқтисодиёт, инновацион технологиялар, “Университет 4” модели, сунъий интеллект

Кириш

Жаҳоннинг ривожланган давлатлари бўлиши АҚШ, Франция, Германия, Япония, Корея ва бошқа давлатларда таълим сифатини доимий такомиллаштиришга уни такомиллаштиришга ва таълимда инновацион ёндошувларни қўллашга доимий эътибор қаратилиб келинади. Ҳозирги кунда таълимга илғор инновацион ғоялар ва рақамли технологияларни жорий этишга, университетларнинг ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтишига, профессор-ўқитувчиларнинг доимий илмий изланишлар олиб боришларига, турли илмий лабораториялар орқали талабаларни илмий тадқиқотларга жалб этишга, эришилган илмий натижа ва патентларни ишлаб чиқаришга жорий этишга, олий таълимда “Университет 4” моделини жорий этишга ва келгусида “рақамли университет” тизимларини қўллашга катта эътибор қаратилмоқда.

«Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8 октябр 2019 йилдаги ПФ №5847-сонли Фармонида асосан, мамакатимизда таълимни реформа қилиш ва янгиланишларни босқичма-босқич жорий этилиши режалаштирилган. Ўзбекистонда ҳозирги кунда «Университет 3.0» модели таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотларни тижоратлаштирувчи модель бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистонда давлатимизнинг илғор олий таълим муассасалари томонидан босқичма-босқич «Университет 4.0» моделини жорий этиш ва шу билан бирга таълим сифатини оширишда рақамли иқтисодиёт, сунъий интеллект ва инновацион технологияларни жорий этиш, олий таълим муассасаларининг ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтиши, таълим олий таълим сифатини ва самарасини кескин ошириш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда рақамли технологиялар жадал ривожланиб бораётган даврда таълимда рақамли технологияларни кенг қўллаш, олий таълим

муассасалари томонидан ўз мавжуд имкониятларини, салоҳиятларини ишга солиш, профессор-ўқитувчилар, талабалар ва илмий изланувчиларни бу жараёнга кенг жалб этиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Бу соҳада олий таълим муассасаларида илмий лабораториялар, технопарклар, стартаплар ташкил этиш, бу жараёнларга профессор-ўқитувчилар ва талабаларни кенг жалб этиш, яратилган илмий ишланмалар ва дастурлар маҳсулотларни патентлаш, уларни ишлаб чиқаришга қўллашга ўтиш масалалари долзарб бўлиб бормоқда. Бу соҳада университетлар қошида илмий лабораториялар ва технопаркларни ташкил этиш, талаба ва олимларни унда тадқиқотлар олиб боришга рағбатлантириш лозим бўлади. Айниқса бу соҳада илгор хорижий давлатлар тажрибаларидан фойдаланиш ва улар билан ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

2018 йилдан бошлаб Ўзбекистонда Жаҳон Банки томонидан олий таълим муассасалари бўйича таълимга инновацияларни қўллашга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган жараёнларни молиялаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон олий таълим юртралида таълим соҳасидаги энг яхши инновацион лойиҳалар ва гоёлар Жаҳон банки томонидан молиялаштирилмоқда. Ўзбекистон республикаси ҳукумати ва олий таълим ўқув юртрали томонидан ҳам соҳага инновацион гоёлар, рақамли иқтисодиёт ва таълимга янги технологияларни қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадқиқот методологияси

Таълимда инновацияни қўллашдан аввал унинг моҳиятини аниқлаштириб олишимиз лозим бўлади. Бунда, дунёнинг инновация соҳасидаги етук олимларнинг фикрларини ўрганиш ва шу асосда бир фикрга келиш алоҳида аҳамият касб этади. "Инновация бу ҳар қандай янгилик ёки янгилик эмас, балки ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширадиган ягона нарса, ишлайдиган тизимдир" деб таъриф берган эди соҳа асосчиларидан бири, америкалик олим Ж. Шумпетернинг ўз илмий ишларида (3). Инновация муаммоларини ўрганиш бўйича кўплаб олимларнинг илмий тадқиқотлари мавжуд бўлиб, улардан бири Б.Твисс ўз тадқиқотида инновацияни "ихтиро ёки янги гоё иқтисодий мазмун касб этадиган жараён" деб таърифлайди (4). Бошқа бир олим М. Хусек инновацияларни техник ва табиий фанлар материалнинг мужассамлашуви деб таснифлайди (5). Пригожин А.И. ва бошқа олимлар инновацияларни товар, асбоб-ускуна ва технологиялар, ташкилий шакллар каби янги истеъмол қадриятларини ишлаб чиқаришни, ишлаб чиқаришга жорий етишни ва тижоратлаштиришни ўз ичига олган мураккаб жараён сифатида қарайдилар (6). Б. Сантонинг таърифига кўра, инновация – бу гоёлар ва ихтиролардан амалий фойдаланиш орқали ўз хусусиятларига кўра энг яхши маҳсулот ва технологияларни яратишга олиб келадиган ижтимоий-иқтисодий жараёндир. Охир оқибатда у иқтисодий фойда келтиради ва унинг бозорда пайдо бўлиши

кўшимча даромад келтириши мумкин (7). Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, инновациялар янги ихтиро, гоё ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширишга хизмат қиладиган ишланма ва жараёнлардан ташкил топгандир ва уни яратиш учун тадқиқотлар олиб бориш ва доимий изланишлар зарур бўлар экан. Бу тадқиқот ва изланишлар маълум бир даражада инвестиция маблағларининг шу соҳага йўналтирилишини талаб этар экан. Айниқса инновацияни ривожлантиришда рақамли иқтисодиёт технологияларидан фойдаланиш, янги ихтиро, гоё, таклиф, илмий изланишлар ва тадқиқотлар асосий рол ўйнайди. XXI аср бошларидан жаҳон миқёсида ривожланган давлатлар томонидан рақамли иқтисодиётни кенг ривожлантириш ва иқтисодиётга жорий этиш масалаларига жуда катта эътибор қаратишмоқда.

Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий фаолият тури бўлиб, бунда ишлаб чиқаришнинг асосий омили рақамли маълумотларни ишлаб чиқариш, катта ҳажмларни қайта ишлаш ва уларни таҳлил қилиш натижаларини анъанавий бошқарув шаклларида солиштириш орқали ишлаб чиқаришнинг ҳар хил турлари, технологиялари, ускуналари, сақлаш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради. Сотиш, товарлар ва хизматларни етказиб беришга қаратилгандир. Бу соҳада рақамли иқтисодиёт технологияларини таълим жараёнларида қўллаш таълимнинг самарадорлигини янада оширишга ва кадрлар тайёрлаш сифатини юқори даражага олиб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот методлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январ куни Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига навбатдаги мурожаатида “2020 йил фан, таълим ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилинди. Президентимиз ўз мурожаатида илмий ва технологик ривожланишнинг муҳимлигига алоҳида урғу берди ва куйидаги таърифни келтирдилар: “Шарқнинг буюк мутафаккирлари айтганидек”: “Энг катта бойлик – ақл ва илм, энг катта мерос – яхши таълим, энг катта қашшоқлик – билим етишмаслигидир”. Ҳозирги кунда замонавий билим ва маърифат барқарор ривожланишнинг асоси бўлиб қолмоқда. Айниқса, бу соҳада дунё миқёсида шиддат билан ривожланаётган рақамли технологиялар, ахборот технологиялари ва бошқа замонавий билим соҳаларини чуқур ўзлаштиришимиз мамлакатимиз тараққиётига эришиш учун энг қисқа йўлдан боришимизга имкон бериши таъкидлаб ўтилди. Рақамли технологияларнинг иқтисодиёт соҳаларида қўлланишига асосланган “рақамли иқтисодиёт” ни шакллантириш унинг тегишли инфратузимасини, улкан ресурсларини ва мутахассисларини шакллантиришимиз зарурлиги белгилаб берилди. Рақамли иқтисодиётга жадал ўтишнинг келгуси беш йил учун устувор вазибалари белгилаб берилди, рақамли технологияларнинг нафақат маҳсулотлар ва хизматлар сифатини ошириши, балки харажатларни камайтириши, коррупцияга қарши курашда самарали восита эканлиги,

электрон тижоратни ривожлантиришнинг асоси эканлиги ихисобланиши таъкидлаб ўтилди.

Таълимда инновацияларнинг ва рақамли иқтисодиётнинг роли ва аҳамиятини ўрганиш учун бу соҳага оид маълумотларни ўрганишда илмий абстракциялаш, мантикий фикрлаш, қиёсий таҳлиллаш, монографик тадқиқотлар, динамикада ўрганиш, маълумотларни гуруҳлаш, таққослаш ва таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, инновациялар ва рақамли иқтисодиёт технологиялари асосида янги ихтиролар, гоё ва патентларни қўллаш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширишга хизмат қиладиган ишланма ва жараёнлардан ташкил топгандир ва уни яратиш учун тадқиқотлар олиб бориш ва изланишлар зарур бўлар экан. Бу тадқиқот ва изланишлар маълум бир даражада инвестиция маблағларининг шу соҳага йўналтирилишини талаб этади. Таълимда инновацион ечимлар ва рақамли технологияларнинг қўлланилиши, соҳани ривожлантиришда янги ихтиро, гоё, таклиф, илмий изланишлар ва тадқиқотлар олиб борилиши унинг янада самарали бўлишини таъминлаб берувчи омиллардан бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари

Жаҳоннинг ривожланган давлатларининг илғор университетларида жуда кўплаб “Рақамли иқтисодиёт”, “Сунъий интеллект”, “Молиявий таҳлил ва прогнозлаш” ва бошқа лабораториялар ташкил этилган бўлиб, уларда талабалар энг замонвий дастурий воситалар ёрдамида рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни қўллаш, замонвий молиявий ва иқтисодий масалаларни ечиш, тадқиқотлар олиб бориш, турли лойиҳалар бўйича корпорациялар билан ҳамкорликда ишлаш яхши йўлга қўйилган. Ривожланган давлатлари университетлари томонидан илмий тадқиқотлар натижасида олинган натижаларни патентлаштириш ва тижоратлаштириш, турли компаниялар томонидан берилган таклифлар асосида уларга жорий этиш ишлари кенг йўлга қўйилган. Бу университетлар лабораторияларида бўлгуси мутахассислар рақамли технологияларни қўллаган ҳолда компанияларни молиявий жиҳатдан таҳлил қилиш, уларнинг даромадларининг ўсишларини замонвий эконометрик моделлар ва дастурлар ёрдамида прогноз қилиш, маркетинг таҳлилларини ўтказиш ва бошқа кўплаб вазифаларни бажаришни амалиётда ўрганадилар ва университетда таҳсил олиш жараёнида етук мутахассис бўлиб шаклландилар. Лойиҳаларда иштирок этаётган талабалар ўз устозлари билан ҳамкорликда турли компаниялар учун тадқиқотлар ўтказиш, шартномалар асосида турли молиявий ва маркетинг тадқиқотларини бажариш амалиётлари билан доимо банд бўладилар. Шунинг учун уларнинг таълим ва ўрганиш даражалари юқори даражада бўлиб, улар университетларида ўқиш давомида бир нечта илмий тадқиқот ва шартномавий ишларда актив иштирок этишадилар ва бу орқали

келгуси фаолияти билан боғлиқ катта тажриба ва малакага эга бўлишадилар. Университетлар талабалари ўқишни битиришганларида тайёр мутахассис бўлиб чиқадилар ва бу каби мутахассисларга турли компаниялардан талаб каттадир ва компаниялар уларни 3-4 босқич давридаёқ ўзларига ишга таклиф қилишади ва уларнинг ўқишларини молиялаштиришни ўз зиммаларига олишади. Бу каби лабораториялар ташкил этиш орқали бўлгуси талабаларнинг малакаларини ошириш ва уларни мутахассис сифатида шакллантириш ҳозирги кунда бизнинг республикамиз учун долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун дунёнинг илгор университетлари ўқитишнинг янги “Университет 4” шаклини жорий этишмоқдалар, яъни талабаларни ўқитиш давомида уларни турли лойиҳаларга жалб этиш, турли тадқиқотлар ва шартномаларда қатнашиш орқали уларнинг амалий малакасини шакллантириш ва келгусида етук мутахассис қилиш тарбиялашни жорий этишга қаратилгандир.


Таҳлиллар

Рақамли технологиялар асосидаги лабораториясининг илмий тадқиқотлари – бу халқ хўжалиги тармоқлари ва таълимнинг рақамли технологиялар орқали сифатли ривожланишини баҳолаш ва рақамли трансформация жараёнларини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишдан ва турли тадқиқотларни олиб боришдан иборат бўлиши лозим. Лабораторияда рақамли технологияларни таълим тизимига қўллаш, уни рақамлаштириш жараёнларини олиб бориш лозим бўлади. “Рақамли технологиялар” лабораториясининг вазибалари:

- рақамли технологиялар таълим тизимини қандай ўзгартираётганини таҳлил қилиш, бу жараёнларни турли даражаларда, миллий, минтақавий ва алоҳида ташкилотларда қандай бошқаришни, рақамли махсулотлар ва ечимлар самарадорлигини таъминлаш жараёнларини тадқиқ этиш ва ишлаб чиқиш;
- тармоқ ва корхоналар фаолиятини рақамлаштириш жараёнларини ишлаб чиқишда актив иштирок этиш;
- “Сунъий интеллект” технологияларини турли тармоқ ва соҳаларда қўллаш жараёнларини тадқиқ этиш ва қўллашни ташкил этиш;
- Тармоқларда рақамли трансформация жараёнларини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишда актив иштирок этиш.

Мамлакатимизда, 2030 йилгача бўлган даврда “Университет 4” шаклини жорий этишда рақамли ва молиявий лабораторияларни ташкил этиш, иқтидорли олимлар, илмий изланувчиларни ва талабаларни уларда олиб бориладиган жараёнларга жалб этиш жуда муҳим аҳамият касб этади, бу университетлар томонидан таълим сифатининг оширилишига, улар томонидан қўшимча маблағлар ишлаб топишга имкон бериши, бўлгуси битирувчиларнинг етук мутахассис бўлиб етишишига, мамлакатимиз илмий тараққиётининг янада ривожланишига хизмат қилади. Олий ўқув юрлари кескин рақобат шароитида ўқув жараёнлари билан биргаликда рақамли

иктисодийни, илмий изланишларни ва инновацияларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият беришлари лозим бўлади.(1-расм) Келажакда рақамли университет тизимига ўтишни режалаштириш лозим бўлади.



3. Алфорд, Дж. Что такое автоматизация маркетинга? [Электронный ресурс] / Дж. Алфорд // SAS. - Режим доступа: https://www.sas.com/ru_ru/msights/articles/marketing/what-is-marketing-automation.html. - Дата доступа: 05.01.2021

4. Маркетинг 4.0. Разворот от традиционного к цифровому. Технологии продвижения в интернете / Ф. Котлер - «Эксмо», 2017. – С. 46

ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИ КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ВОСИТАЛАРДАН ФЙДАЛАНИБ ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

М.Ш. Максумова,
мустақил тадқиқотчиси, ТДИУ

Аннотация. Мақолада интегратив ёндашув асосида бўлажак мутахассисларни замонавий педагогик технологиялар ва воситалар орқали ижодий фикрлашини ҳамда интерфаол таълим тизимини педагогик-психологик имкониятларини янада ривожлантиришидаги роли хусусида фикр мулоҳаза юритилган.

Аннотация. В статье рассматривается роль будущих специалистов в развитии творческого мышления с помощью современных педагогических технологий и средств, а также педагогические и психологические возможности интерактивной системы образования.

Бўлажак мутахассисларга замонавий, инновацион таълим беришнинг мураккаб вазифаларини мақсад қилиб, уларни муваффақиятли ҳал этиш педагогнинг гоёвий эътиқоди, касбий маҳорати, санъати, истеъдоди ва маданиятига муҳим даражада боғлиқдир. Гоёвий эътиқодда бардавом, юксак педагогик маданиятга эга педагог ўз билими ва касбий маҳоратини такомиллаштириш, бойитиш ҳақида тинимсиз қайгуради, изланишда бўлади.

Таълимда юқори самарага эришиш учун ўқитишнинг креатив методларидан, яъни замонавий, инновацион педагогик технологиянинг турли методларидан дарс мавзусига мос равишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу албатта, мураккаб ва узоқ муддатли жараёндир. Педагогнинг машаққатли меҳнати самараси билан қадам-бақадам маҳорат пиллапояларини эгаллаб, унинг юксак ва олий педагог даражасига кўтарилишидир. «Бугунги кунда Ўзбекистоннинг янги тараққиёт пойдеворини яратаяпмиз. Бунда бизнинг энг яқин қўмакчиларимиз устоз ва мураббийлар, илмий ва ижодкор зиёлилардир»²⁶.

Бўлажак мутахассисларни – олий таълим битирувчиси шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган ҳозирги замон талаблари доирасида интегратив ёндашув муаммоси муҳим ижтимоий-педагогик аҳамиятга эга бўлмоқда, чунки гуманитар, ижтимоий ва махсус фанларни ўқитиш олий таълим педагогларида ўз тингловчиларига табиатдаги ва жамиятдаги

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида «Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, им-фан соҳасини ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси» бўйича видеоселектор йиғилишидаги нутқи.

ходисаларни тўғри тушунтира олиш кўникмасини ҳосил қилишда интегратив ёндошувнинг ўрни жуда муҳимдир.

Интегратив ёндашувни ўқув жараёнида амалга оширишда бошқа бир қатор фанлар бўйича шакллантирилган тушунчаларни жалб этиш ўқув материални ниҳоятда пухта ўрганишни тақозо этади. Аксарият ҳолларда уни икки, уч ва ундан кўп бўлган ўқув фанлари билан алоқада амалга ошириш мумкин. Бу уларни амалга ошириш жараёнини ишлаб чиқишда, асосан педагогларнинг мустақил ишларини ташкил этишда бир қанча қийинчиликлар юзага келади. Шунинг учун ҳар бир педагог ўзининг фани бўйича машғулотни муайян ўқув режаси ва дастурга мувофиқ равишда ўтказади. Шу билан бир қаторда унда бошқа фан ўқитувчилари билан ҳамкорликда фаолият юритишнинг аниқ режаси, асосий тушунчалар ва уларни амалиётда қўллаш, тавсифларини бир мазмунда талқин қилиш тўғрисида ўзаро мувофиқлик мавжуд бўлмаса ҳар хил фан ва ўқув фанлари нуқтаи назаридан бирмунча ҳодиса ва воқеаларни тушунтириш жараёни ўқувчилар учун анча мураккаб жараёнга айланиб қолади. Бу эса улар учун муаммо тугдиради.

Албатта, бу педагогдан ҳам яқин фанларнинг ўқув материални эркин қўллашни ҳамда яқин фанларнинг замонавий ҳолатини билишни талаб қилади. Бунда эса комплекс топшириқ ва вазифалар, тадқиқотлар фанлараро интеграцияни амалга ошириш усуллари бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундан кўзланган мақсад эса ўқув жараёнида тарқатилган материалларни талабалар томонидан яқка ва гуруҳ ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда суҳбат-мунозара ва турли саволлар орқали тарқатма материаллардаги матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш ва баҳолашни кўзда тутати. Ҳозирги кунда мамлакатимизда замон фан техникасининг ривожланиши борган сари юқори даражада сифат жиҳатидан янги масалаларни ҳал этиш, яъни ижтимоий амалиётга туб янгиликларни тағбиқ этиш, уларни амалга ошириш жараёнларини тубдан ўзгартиришга йўналтирилган. Чунки ижтимоий-иқтисодий жараёнларда янгиликлардан фойдаланиш жамиятнинг яшовчанлигини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Шу сабабли бутунги кунга келиб, барча ривожланган мамлакатларнинг илмий сиёсати фаннинг ўз потенциалини мустаҳкамлашгагина қаратилмасдан, балки унинг ютуқларини самарали амалиётга тағбиқ этишни тақозо этадиган жараёнларга ҳам қаратилди. Хусусан, инновацияларни яратиш ва тарқатишнинг ягона пухта ишлаб чиқилган механизми ҳозирги вақтда жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг мажбурий қуроли бўлиб қолмоқда. Ахборот технологиялари жамиятнинг ривожланишига таъсир этувчи энг муҳим омилдир, яъни улар барча мавжуд технологиялар орасида етакчи ўринни эгалламоқда.

Олий педагогик таълим шахс ва жамиятнинг кўплаб маданий-таълимий эҳтиёжларини қондириш учун олий педагогик таълим муассасасининг имкониятлари ва шарт-шароитларини кенгайтиришни ҳам мақсад қилади.

Таълим тизими учун муносиб мутахассисларни умуммаданий, илмий ва касбий лаёқатларини ривожлантириш тизимининг мукамаллигини ошириш, бунда меҳнат бозори ва иқтисодиётнинг эҳтиёжларини аниқ ҳисобга олиш муҳимдир. Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол технологияларни қўллашга бўлган эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Замонавий технологиялар ўқувчи эғаллаётган билимларни ўзи қидириб топиш, мустақил ўрганиб, таҳлил қилиш, хулосаларни ҳам ўзи келтириб чиқаришга ўргатади. Интерфаол таълимда ўқитувчи ўқув фаолиятининг фаол ташкилотчиси бўлиб, ўқувчи бу фаолиятнинг субъекти сифатида намоён бўлади. Бунда ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, унинг мазмуни ва кутилаётган натижалар бевосита таълим олувчининг индивидуал имкониятлари доирасида белгиланади ва шунга мослаштирилади. Интерфаол таълимни амалга оширишнинг муҳим воситаси — интерфаол ўқитиш методларидир. Интерфаол ўқитиш методлари ўқувчилардан ахборотларни ўзлаштириш жараёнидаги фаоллик, ижодкорлик, мустақилликни шакллантирибгина қолмай, ўқитиш мақсадларининг тўлақонли амалга ошишига ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак ўқитувчиларда ижодкорликни шакллантиришнинг муҳим педагогик шарти уни мустақил билим олиш ва ижодий фикрлашга йўналтиришдан иборат. Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммолар мақсадли йўналишларни ўзгартиришга асос бўлади. Бунинг натижасида кўп даражали олий педагогик таълим тизими амалиётга татбиқ этилади. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, интерфаол ўқитиш билиш фаолиятини ташкил этишнинг махсус шаклидир. Ўқув жараёни шундай тарзда амалга оширилганда барча талабалар билиш жараёнига тўлақонли тарзда жалб этиладилар. Мазкур жараёнда талабалар ўзлари билган нарсалари, ўй-хаёлларини таҳлил қилиш имкониятига эга бўладилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида «Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириши, илм-фан соҳасини ривожини жадаллаштириши масалалари муҳокамаси» бўйича видеоселектор йиғилишидаги нутқи.*
2. *Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиши. – Т.: Fan va texnologiya, 2008. –124 б.*
3. *Худойқулов Х.Ж. Педагогик технология таълим самарадорлигининг асосидир. – Т.: Наврўз, 2012.*

КРЕДИТ ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИНГ УМУМКАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТАЪЛИМ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Ш.Э. Мамаражабов,
«Инновацион таълим» кафедраси
п.ф.н., доцент, ТДИУ

Аннотация: Ушбу мақолада замонавий таълим шaroитида дифференциал таълим асосида бўлажак мутахассисларнинг умумкасбий компетенциясини такомиллаштириш имкониятлари ёритиб берилган.

Таянч иборалар: дифференциал таълим, умумкасбий компетенция, чизиқли таълим траекторияси, чизиқсиз таълим траекторияси, компетентли ёндашув.

Кейинги йилларда ягона европа таълим муҳитини яратилиши Болония жараёни доирасида таълим сиёсатининг умумий мезонларини ишлаб чиқишига ва таълимнинг ривожланган давлатлар ижтимоий инфраструктурасининг муҳим элементларидан бирига айланишига олиб келди.

Болония Декларациясининг барча қоидалари Ўзбекистонда охириги йилларда қабул қилинган бир қатор меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”га кўра мамлакатдаги ОТМларнинг 85 фоизи 2030 йилгача босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтиши режалаштирилган эди. Шу асосда мамлакатдаги деярли барча ОТМлар кредит-модуль тизимида фаолият юрита бошлади. Ушбу тизимнинг эътиборли жиҳатларидан бири – талабаларда фанларни танлаш имкониятининг мавжудлигидир.

Ушбу меъёрий ҳужжатларда таъкидлаб ўтилганидек, замонавий жамият ривожланишида таълим — давлатнинг рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб, таълимнинг янгича шакл ва методларини тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради.

ДТСларининг компетент ёндашув асосида ишлаб чиқиши ҳам битирувчиларнинг компетенцияси орқали профессионал таълим сифатини баҳолашини назарда тутди. Бу эса, касбий компетентликни таълим сифатини баҳолаш мезони эканлигини илгари суради ва у нафақат билимлар, кўникмалар, малакалар ва уларни фаолиятга татбиқ эта олиш қобилиятларида, балки атроф-муҳит билан ўзаро алоқадорлигини муваффақиятли ўзлаштириш даражаси билан ҳам аниқланади.

Олий таълим тизимини ривожлантириш концепциясини амалга оширилиши Ўзбекистон олий таълим тизимини кўпқиррали тизимига ўтишига олиб келди. Шунинг учун ҳам ОТМлари бакалаврлар ва магистрлар тайёрлашнинг ўзига хос йўлларига ўтишди. Шу билан бирга ОТМ битирувчиларининг тайёргарлик сифатини баҳолаш нафақат компетентлиги доирасида билим ва кўникмаларнинг ўзлаштирилиши даражасида, шунингдек, битирувчиларнинг

тайёрланиши сифатини баҳолаш жараёнини ҳам ўз ичига олади. Таълимда компетент ёндашувга Э.Ф.Зеер, И.А.Зимней, А.М.Павлова, Е.Е.Пугачева, П.И.Самойленко, Э.Э.Сыманюк, Ю.Г.Татур, Ю.В.Толбатова, А.В.Хуторский ва бошқаларнинг ишларига катта эътибор қаратилган. Ватанимиз олимларидан Н.Муслимов, Ш.Шарипов, М.Хакимова, О.Қўйсинов, Б.Абдуллаева, З.Исмоилова, Д.Химматалиев, С.Хасанов ва бошқа бир қатор етакчи олимларнинг ишларида ушбу муаммолар атрофлича ёритиб берилган. Мазкур муаллифларнинг ишларини ўрганиш бакалаврият талабаларининг компетенцияларини шакллантиришнинг қулай услубларини ва уларнинг шаклланиш даражасини баҳолаш услубларини танлаш имконини берди. Олий таълим тизими доирасига тегишли меъёрий ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатдики, ОТМда таълим олишда шаклланувчи компетенцияларнинг рўйхатидаги Махсус фанларни ўқитиш методикаси курсини анъанавий ўқитиш доирасида иккита касбий компетенцияни шакллантириш мумкинлигини кўрсатади:

- (КК-1) педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технология-лардан фойдаланишни билиш;

- (КК-2) таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш.

Анъанавий таълимда ўқув материални узвийлиги ва уни ўрганилишида бир хиллилик тавсия этилади, барча таълим олувчиларга ягона талаб қўйилади, таълим жараёнининг барча иштирокчиларига таълим натижаларига эришишнинг ягона йўли тавсия этилади ва бунга мос равишда ички табақаланиш йўқолади. Бу ҳолда траекторияни шартли равишда чизиқли деб аташ мумкин. Улар чизиқсизлардан фарқли равишда, ўқиш вақтини сезиларли иқтисод қилиш имконини берсада, таълим олувчиларни ривожлантириш эмас, балки маълумотларни олиш жараёнига ургу беради, яъни уларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олиш имконини бермайди. Бинобарин, махсус фанларни ўқитиш методикасини ўқитишда шакллантириладиган компетенциялар доирасини кенгайтириш учун махсус чораларни кўриш лозим бўлади, шунингдек, таълим жараёнининг шундай моделига ўтиш керак бўладики, унда таълим олувчи билимларни тайёр ҳолда олувчи педагогик таъсир объектдан умуммаданий, умумкасбий ва касбий компетенцияларни эгаллайдиган таълим жараёни субъектига айланиши учун шароит яратилсин.

Хўш ушбу муаммони қандай ҳал этиш лозим?! Мазкур муаммони ҳал этиш йўлларида бири, бу талабаларни чизиқсиз таълим траекторияси асосида билим олишларини қуриш бўлиши мумкин. Бундай шароит талабаларнинг чизиқсиз таълим траекторияларини қуриши орқали вужудга келтирилади. Чизиқсиз таълим траекторияси деганда талабаларнинг таълим натижаларига эришиш йўлларининг кўп вариантлилиги билан характерланадиган ва уларнинг интеллектуал ҳамда ижодий потенциалини тўплаш, ривожлантириш ва амалга оширишга имкон берадиган таълим траекториясини тушуниш лозим. Чизиқсиз таълим траекторияси бўйича ҳаракатланиб, таълим олувчилар ўқув материал мазмунининг вариативлиги, уни ўрганишнинг узвийлиги ва чуқурлиги асосида, шунингдек билиш фаолиятининг методлари ва шакллари, индивидуал хусусиятлари, эҳтиёжлари, бўлажак касбий қизиқишлари ва мақсадларидан келиб чиқиб, мустақиллиги ва ўз-ўзини ривожлантиришнинг етакчи роли натижасида таълим жараёнида фаол иштирок этиши мумкин.

Улар анъанавий таълим шаклидан ўзининг вариативлиги билан фарқ қилади ва таълим олувчига ўқув режасида келтирилган фанлардан танлашида етарлича катта эркинлик берилишини, фанни ўрганишнинг мураккаблик даражасини эркин танлаш, яъни олий таълимни индивидуallashtiriшнинг юқори даражасини таъминлайди.

Чизиқсиз таълим жараёнини амалга ошириш масалалари Г.В.Гордиянова, А.К.Бурцева, А.Ю.Мельвил ишларида қараб чиқилган. Уларда асосий эътибор талабалар томонидан танланадиган курслар ҳақида, яъни ОТМдаги таълим жараёнининг вариатив қисми ҳақида фикр юритилган. Ҳар бир субъектнинг чизиқсиз таълим жараёнида мақсад, мазмун, билимларни олиш услубларини танлаш имконияти ўзлаштирилаётган билимларнинг шахсий аҳамиятга эгаллиги билан, билиш жараёнининг маҳсули сифатида маълум инсон мулкига айланиши учун шароит яратилади, улар шахсий хусусиятлар билан узвий боғланган ва умуммаданий, умумқасбий ва касбий компетенцияларни шакллантириш манбаи ҳисобланади.

Таълим жараёнининг индивидуallashtiriш ва дифференциallashtiriш тириш гояси А.А.Бударнов, В.А.Ганзен, В.И.Загвязинский, Г.И.Китайгород-ский, Т.И.Кутова, М.А.Мельникова, В.М.Монахов, А.Ю.Образцова, И.М.Осмоловская, Ю.В.Парышев, Н.С.Пурышева, Н.И.Ремизова, И.Э.Унт, В.В.Фирсов ва бошқаларнинг ишларида батафсил ёритилган. Бундан ташқари, дифференциallashtiriш таълимни қўллаш самарадорлигини юқорида турли фанларни ўқитишда уни қўлланилишига олиб келган бўлиб, афсуски, асосан умумтаълим мактабларида амалга оширилган. Таълим жараёнини дифференциallashtiriш мақсади умумий ўрта ва олий таълим учун фарқ қилади: биринчи ҳолда ўқувчиларни касбга йўналтириш мақсади асосий бўлса, иккинчи ҳолда талабалар касб танлаш билан алақачон аниқ йўлни белгилаган бўлади ва бунда ўқув материални чуқур ўзлаштириши, бакалаврият талабаларининг компетенцияларини шакллантириш учун таълим олувчи-ларнинг индивидуал хусусиятларини тўлақонли очиб бериши ва ривожланиши учун имкониятларни яратиш мақсади етакчилик қилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, “Махсус фанларни ўқитиш методикаси”ни ўқитишда ички табақалаштиришни қўллаш нафақат фан доирасида бакалаврларнинг чизиқсиз таълим траекторияларини қуришни амалга ошириш, балки уларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш имконини беради. Бу эса мутахассислар тайёрлашда таълим сифатини оширилишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Матагајабов Шавкат. "Дифференциallashtiriш таълим-булажак мутахассисларнинг умумқасбий компетенциясини шакллантириш омилли сифатида." Архив научных исследований (2021).
2. Пурышева Н.С. Методические основы дифференцированного обучения физике в средней школе: дис...д-ра пед.наук: 13.00.02 / Пурышева Наталья Сергеевна. – М., 1995. – 518 с.
3. Осмоловская, И.М. Дифференциация обучения в современной школе / И.М. Осмоловская. - М, 2004.- 176 с.
4. Павлуцкая Н.М. Дифференциация обучения физике бакалавров технических направлений подготовки как условие формирования их общекультурных и общепрофессиональных компетенций дис...д-ра пед.наук: 13.00.02 / Павлуцкая Гина Максимовна. – М, 2016. – 311 с.

RAQAMLASHTIRISH SHAROITIDA BO‘LAJAK MUTAXASSISLARDA TADBIRKORLIKKA OID KO‘NIKMALARNI SHAKLLANTIRISH YO‘LLARI

Sh.E. Mamarajabov,

«Innovatsion ta‘lim» kafedrası p.f.n., dotsenti, TDIU

O.H. Muhiddinov

magistratura talabasi TDIU

Annotatsiya: Ushbu maqolada bo‘lajak mutaxassislarda tadbirkorlikka oid ko‘nikmalarni shakllantirishning o‘ziga xos jihatlari yoritib berilgan.

Tayanch iboralar: tadbirkorlik, ishlab chiqarish, kichik biznes, raqobat.

Iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish, uning qonuniy-me‘yoriy asoslarini mustahkamlashga qaratilgan iqtisodiy islohotlar dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. Ushbu masala O‘zbekiston hukumati iqtisodiyot sohasida amalga oshirayotgan islohotlarida eng ustuvor, davlat siyosati darajasida ko‘tarilgan masalalardan biridir.

Kichik biznesni rivojlantirish asosida bir qator ijtimoiy-iqtisodiy vazifalar hal etilishi nazarda tutiladi.

Birinchidan, jahon tajribasi shuni ko‘rsatadiki, kichik biznes ichki bozorni zarur tovar va xizmatlar bilan to‘ldiradigan, iqtisodiyotning tarkibiy negizini belgilab beradigan eng muhim sektor hisoblanadi, shuningdek, aholini ish bilan ta‘minlashda, uning daromadlarini oshirishda eng asosiy omil va manba bo‘lib xizmat qiladi.

Ikkinchidan, hozirgi sharoitda jahon va mintaqaviy bozorlarda raqobat keskinlashib borayotgani hammaga ayon. Aynan kichik biznes o‘zining harakatchanligi, kam sarmoya talab qilishi hisobidan ishlab chiqarishni yengilroq va tez modernizatsiya qilish, ishlab chiqarilayotgan mahsulot turlarini yangilash imkoniyatiga ega ekani hamda shu tariqa bozor konyunkturasi o‘zgaruvchan talablariga yaxshi moslasha olishi bilan e‘tiborlidir.

Uchinchidan, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik o‘sishi bilan mamlakat tayanchi va suyanchi bo‘lgan mulkdorlar o‘rta sinfini shakllantirish vazifasi bevosita hal etiladi. Umuman aytganda, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik bugungi kunda aholi bandligini ta‘minlaydigan va uning asosiy daromad manbasi bo‘lgan muhim bo‘g‘in hisoblanadi. Shuning uchun, respublikamizning bozor iqtisodiyotiga o‘tishi sharoitida iqtisodiyotning ijtimoiy yo‘naltirilishini kuchaytirish, ishlab chiqarishni iste‘molchilar talablari asosida amalga oshirish vatashkil etish hamda fuqarolarni tadbirkorlik bilan shug‘ullanishlariga keng yo‘l ochib berish, ularning mavjud imkoniyatlardan to‘la foydalanishi, yuqori samara, tashabbus va tashkilotchilik asosida tadbirkorlik faoliyatini olib borishlariga katta e‘tibor qaratilyapti.

Tadbirkorlik faoliyatining uch turi va unga mos ravishda tadbirkorlarning uch guruhini alohida ko'rsatish mumkin:

Tadbirkorlarga xos xususiyatlar quyidagilardan iborat:

1. Shug'ullanayotgan soha bo'yicha bilimga egaligi.
2. Tavakkalchilikka asoslangan qarorlar qabul qilish bo'yicha tashabbuskorlik qobiliyati.

3. Iqtisodiy jarayonlarni chuqur fikrlay olishi.

4. Qonunlarga itoatkorligi.

5. Innovatsiyachilikning faolligi.

6. Maqsad sari intiluvchanlik.

7. Tashkilotchilik.

8. Tejamkor bo'lishi.

9. O'z so'zining ustidan chiqishi.

10. Ruhiy poklik va halolliqi.

11. O'z jamoasi uchun kurashuvchanlik.

Yuqorida keltirilgan xususiyatlarning birinchisi – bu bo'lajak mutaxassisdan sohaga oid bilimni talab etishini, keyingilari esa ularda ko'nikmaning qay darajada shakllanganligini ifodalaydi.

Demak, bo'lajak mutaxassislarga tadbirkorlikka oid ta'limni berish hamda bu bilimni ko'nikmaga aylantirish zarurati vujudga keladi. Sababi, bu orqali aholini ish bilan ta'minlash, ularning daromadlarini oshirish imkoniyatini ham vujudga keltiradi.

Ayniqsa hozirda yangi tovar yoki xizmat loyihasini tashkil etish bilan bo'liq tadbirkorlikning, yani intellektual mulk egalari — innovatsiya tadbirkorlari faoliyatini tashkil etish va rivojlantirish muhim vazifalardan biridir.

Tadbirkor nimalarni bilishi va qilishi kerak? U eng avvalo, tadbirkorlik faoliyatini qanday amalga oshirishni, qanday sharoitda amaliy harakat qilishni, tadbirkor oldida uchraydigan to'siqlarni hal qilishyo'llarini va qanday yutuqlarga erishishni bilishi kerak. Tadbirkor — ishlab chiqarishni tashkil etishni hamda mahsulotni sotishni bilishi lozim. U bozor munosabatlari sharoitida yuzaga keladigan aniq sharoitlarni baholashi va to'g'ri yo'l tanlay olishi zarur. Hech kim, hech qachontadbirkorga nima qilishni o'rgatmaydi va og'ir paytlarda yordamga kelmaydi. Har bir tadbirkor faqat o'z kuchiga, bilimiga va zakovatigaishonishi va suyanishi lozim. Barcha masalalarni yechishda tadbirkorlik asosiy yondashuv sifatida ko'rilayotgan joyda alohida shaxslarning ham, butun jamiyatning ham taraqqiyoti sezilarli darajada tezlashadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012-yil 18-iyuldagi «Ishbilarmonlik muhitini yanada tubdan yaxshilash va tadbirkorlikkayanada keng erkinlik berish chora-tadbirlari to'g'risida»gi Farmoni // <http://www.lex.uz>.

2. Z.Xudoyberdiyev va b. Tadbirkorlik va biznes asoslari. O'quv qo'llanma. — T.-2014.

ЁШ АВЛОДНИНГ ДУНЁҚАРАШИНИ ШАКЛАНТИРИШ

М. Маматқулова?
ТДИУ таянч докторанти

Жамият тараққиёти, миллий фаровонлик ҳамиша ёш авлоднинг таълим-тарбияси, замонавий билимларни чуқур эгаллаган янги кадрлар, уларнинг юксак малакаси билан боғлиқ бўлиб келган. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда янги замон авлодини тарбиялаш, улар дунёқарашини янгича қадриятлар асосида шакллантириш иши давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ҳозирги кунда ҳар қандай миллат ёки давлат учун ёш авлод дунёқарашининг асосини ташкил этадиган тамойил ва ғояларни ишлаб чиқиш, жамоат онгини мустаҳкамлаш ва уни зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш муҳимдир.

Ёш авлоднинг дунёқарашини шакллантириш муаммоси бутунги кунда жуда долзарбдир. Бизнинг фикримизча, ҳозирги босқичда ёш авлоднинг дунёқарашини шакллантириш маънавий-ахлоқий тарбия орқали амалга оширилиши керак. Ушбу мавзунини ўрганиш айниқса муҳимдир, чунки ўқитувчилар, синф ўқитувчилари ўқув жараёни билан боғлиқ қатор муаммоларга дуч келишади. Ушбу жараённинг сабаби шундаки, ижтимоий қадриятлар ўзгариб бормоқда. Шу муносабат билан маънавий-ахлоқий тарбия ва ёш авлоднинг дунёқарашини шакллантириш билан боғлиқ муаммолар, айниқса, педагогик масалалар ижтимоий жиҳатдан кескин бўлиб бормоқда. Маънавият ва ахлоқ инсоннинг энг муҳим, асосий хусусиятидир. Маънавият инсоннинг танланган мақсадларга интилиши, онга хос бўлган қадрият сифатида белгиланади. Ахлоқ – бу инсонларнинг бир-бирига ва жамиятга нисбатан муносабати умумий тамойиллари ва нормаларининг йиғиндиси. Биргаликда, улар шахсиятнинг асосини ташкил қилади.

Тўрт гуруҳ омиллари йигит-қизларнинг маънавий ва ахлоқий шаклланиши ва ривожланишига сезиларлига таъсир кўрсатади: табиий (ёки биологик), ижтимоий-маданий, педагогик ва маънавий.

Атроф-муҳит билан ўзаро алоқада, мақсадли таъсирлар (педагогик омиллар), ҳақиқий ва маънавий дунё билан тўғри алоқа ўрнатишда ёшлар зарур маънавий тажриба ва ахлоқий хулқ-атвор тажрибасига эга бўладилар.

Маънавий-ахлоқий тарбия боланинг ўз мамлакатига, жамиятга, унинг атрофидаги одамларга, бурчларига, оиласига муносабатини шакллантиришга ёрдам беради. Албатта, маънавий-ахлоқий тарбия одамда ватанпарварлик, бағрикенглик туйғуси ва одамларга ҳурмат каби муҳим фазилатларни шакллантиришни кўзда тутаяди. Шундай қилиб, маънавий-ахлоқий тарбия вазифаси жамиятнинг ижтимоий зарур талабларини ҳар бир боланинг шахсиятини ички рағбатлантиришга айлантириш, хусусан, бурч, шараф, виждон ва қадр-қиммат масалаларини улар онгига сингдиришдир. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг асосий мақсади шахсни, масъулиятли қарорларни қабул

қилишга қодир шахсни шакллантириш, ҳар бир ҳаётий вазиятда ахлоқий хулқ-атворни намоён этиш, яъни етук дунёқарашга ва асосий маданиятга эга бўлишдир. Ахлоқий тарбия маълум бир дунёқарашни амалга оширади, фикрлар ва ҳис-ғуйғулар, сўзлар ва хатти-ҳаракатлар, эътиқод ва хатти-ҳаракатлар, инсон фаолияти ўртасидаги бирликни таъминлаш воситасидир. Маънавий-ахлоқий тарбия қарашлар, эътиқодлар ва тегишли ахлоқий муносабатларни шакллантиришни ўз ичига олади. Шу сабабли, дунёқараш ёки хиралашган дунёқараш асосида ҳеч қандай маънавий ва ахлоқий таълимни амалга ошириб бўлмайди. Маънавий-ахлоқий тарбияни дунёқарашнинг маълум бир тизимига ва тегишли ахлоқий тизимга кириш билан боғлаш янада оқилона кўринади. Бу ерда "тизим" сўзи ўзига хос белги бўлиб хизмат қилиши мумкин: вақти-вақти билан ўзгариб турадиган муайян қарашлар, қадриятлар, ахлоқий тамойиллар тўплами эмас, балки дунё қарашлари ва ахлоқ тизимига киришишдир. Маънавий ва ахлоқий тарбия шахсиятни ривожлантиришнинг, дунёқарашининг мавжудлигини назарда тутаяди, бу, албатта, маънавий нарсаларни ўзлаштириш жараёнини ўз ичига олади, яъни энг юқори маънавий-ҳаётий қадриятлар, ушбу турдаги дунёқарашнинг энг муҳим намоёишлари, ушбу дунёқарашнинг ассимиляцияси (мумкин бўлган натижа сифатида) ва мос ахлоқий фазилатлар, маънавий ва ахлоқий маданиятни ривожлантириш. Маънавий-ахлоқий тарбия жараёнида инсоннинг муайян турмуш тарзини шакллантириш ҳисобга олиниши керак. Шундай қилиб, маънавий-ахлоқий таълим ижтимоий меъёрларга жавоб берадиган ахлоқий тушунчалар, фикрлар, ҳис-ғуйғулар ва эътиқодлар, кўникма ва одатларнинг шаклланишига ёрдам беради. Ахлоқий тарбия умуминсоний қадриятларга, тарихий ижтимоий ривожланиш жараёнида одамлар томонидан ишлаб чиқилган ахлоқий меъёрларга, жамиятнинг ҳозирги ривожланиш босқичида вужудга келган янги тамойил ва нормаларга асосланади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ахлоқ ва дунёқарашни тарбиялаш асосан шахс маданиятини шакллантиришга қаратилган. Шахснинг шахсий маданияти замонавий мактабдаги тарбиянинг асосидир. Бу боланинг ҳаётини ўзи белгилаш маданияти, оилавий муносабатлар маданияти, ақлий, ахлоқий, меҳнат, жисмоний, фуқаролик, сиёсий, ҳалқаро, ахлоқий, эстетик, жисмоний, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий таълим.

Шундай қилиб, шахс маданияти асосан таълим жараёнида дунёқарашни шакллантириш орқали тарбияланади. Дунёқараш дунёнинг илмий, фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, эстетик қарашларининг яхлит тизими сифатида ишлайди (яъни табиат, жамият ва тафаккур).

Одамни ўраб турган воқелик жуда хилма-хил. Дунё ва жамият билан ўзаро муносабатлар жараёнида инсон ўзини билиш ва ўзини такомиллаштириш жараёнига киради. Дунёқараш ички ва ташқи, объектив ва субъективлик ўртасидаги бирликнинг намоён бўлиши билан ҳам ажралиб туради. Дунёқарашнинг субъектив томони – бу одамнинг дунёга яхлит қарашини, ўзи тўғрисида умумлаштирилган ғояни шакллантириш, бу ғоя кейинчалик ўзи, шахсияти ва индивидуаллиги тушунчасига ва тажрибасига айланади.

Педагогик жараён доирасида маънавий-ахлоқий тарбия жараёнида асосий шахс маданияти асосида ўз-ўзини англаш, шахсни шакллантириш амалга оширилади. Дунёқараш – бу барча хусусиятлар ва шахсий фазилатларнинг бирлашишидир. Дунёқараш уларни яхлит бирлаштиради, фуқаролик хулқ-атвори ва фаолияти каби ижтимоий йўналишни ва шахсий позицияни аниқлашда роль ўйнайди. Бу ёш авлодда тўғри конструктив дунёқарашга бўлган ишончли шакллантиришга олиб келади.

Маънавий-ахлоқий тарбия жараёнида агар боланинг қарашлари тизими онг, тажриба бирлигига асосланган бўлса, у дунёга нисбатан яхлит нуқтаи назарни эгаллайди. Бу шуни англатадики, дунёқараш тўғридан-тўғри амалий машғулотлар жараёнида, ирода, ақл, ҳиссиётларга таъсир қилиш натижасида шаклланади.

Ўқитувчининг ижтимоий ва касбий, маънавий мавқеи ҳам талабаларнинг дунёқарашини шакллантиришнинг энг муҳим омилдир. Талаба ўқитувчига ишонган тақдирдагина ўқув жараёни муваффақиятли бўлиши мумкин. Маънавий-ахлоқий маданиятни шакллантириш учун ўқитувчи нафақат дунёқарашнинг маълум бир турини олиб борувчи, балки маълум бир руҳий устоз мақомига эга бўлиши керак.

Тарбиявий таъсир – бу ўқитувчининг билимдонларнинг онги, иродаси, ҳиссиётларига таъсири, уларнинг ҳаётий фаолиятини талаб қиладиган фазилатларни шакллантириш мақсадларига муваффақиятли эришишни таъминлашни кўзлаб ташкил этиш. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ўқитувчи дунёқарашни шакллантиради, ўзига хосликни ривожлантиради.

Ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясидаги ўқитувчининг самарали фаолияти учун шарт-шароитлар унинг шахсий фазилатлари ва касбий маҳоратини ўз ичига олади:

- ёшларнинг ижодий потенциални рўёбга чиқаришга, уларнинг иккиламчи бандлигига кўмаклашишга қаратилган минтақавий, ёшлар илмий-техник ишлаб чиқариш марказлари, ахборот марказларини ривожлантириш;
- талабаларнинг дарсдан ташқари фаолиятини ривожлантириш марказларини яратиш;
- олий таълим муассасаларида талабаларга ижтимоий ва психологик ёрдам хизматлари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- илмий ва касбий салоҳиятдан, ижтимоий, маданий, тарихий анъаналар имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда жамоат ташкилотлари ва олий таълим муассасаларида талабаларнинг таълим олишини ташкил этиш тажрибасини ўрганиш ва тарқатиш.

Танланган вазифаларни қуйидагилар ёрдамида ҳал қилиш мумкин:

- турли хил ва турдаги олий таълим муассасаларида маънавий-ахлоқий тарбиянинг ҳуқуқий, услубий, ташкилий ва иқтисодий базасини оптималлаштириш;
- турли хил ва турдаги касб-ҳунар таълими муассасаларининг функцияларига мос маънавий-ахлоқий тарбия мазмуни, шакллари ва усуллари, шунингдек, улар тайёрлаган мутахассис модели;
- шахсий қизиқишлар ва касбий имкониятларнинг уйғунлиги;

– турли соҳаларда (иккиламчи бандлик, спорт, туризм, педагогик мойилликларни амалга ошириш ва бошқалар) талабаларнинг ўз шахсини англаши учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

Таълимнинг энг самарали усулларида бири бу ахлоқий суҳбатдир. Ахлоқий суҳбатлар ёш авлод томонидан ахлоқий билимларни эгаллашга, олий ўқув юрти талабалари ўртасида ахлоқий гоёлар ва тушунчаларни ривожлантиришга, ахлоқий муаммоларга бўлган қизиқишни оширишга ва ахлоқий фаолиятни баҳолашга бўлган истакни кучайтиради. Ахлоқий суҳбатнинг асосий мақсади ўқувчиларга мураккаб ахлоқий масалаларни тушунишга ёрдам бериш, талабалар ўртасида мустақкам ахлоқий позицияни шакллантириш, ҳар бир талабага шахсий хулқ-атвор тажрибасини англашга ёрдам бериш ва талабаларда ахлоқий қарашларни ривожлантириш қобилиятини шакллантириш лозим бўлади. Ахлоқий суҳбатлар жараёнида болалар ахлоқий муаммоларни муҳокама қилишда фаол иштирок этишлари, муайян хулосаларга келишлари, шахсий фикрларни қўллаб-қувватлашлари ва ўртоқларини ишонтиришлари керак. Ахлоқий суҳбат болаларнинг кундалик ҳаётидаги аниқ фактлар ва воқеаларни, бадиий адабиёт, даврий нашрлар ва фильмларнинг намуналарини таҳлил қилиш ва муҳокама қилишга асосланган бўлади. Ахлоқий суҳбатнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бу талабаларнинг ўз ахлоқий ҳаракатларини тўғри баҳолаш ва қарашларни ривожлантиришга жалб қилиш усули ҳисобланади.

Суҳбат давомида ўқитувчи талабанинг ички дунёсига ҳурмат ва эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак.

Маънавий-ахлоқий тарбия олий таълим олдидан турган асосий вазибалардан бири бўлиб, инсонда чуқур ахлоқни шакллантириш жуда муҳимдир. Ушбу тарбия ўқувчиларда замонавий жамият меъёрларига мос келадиган ахлоқий тушунчалар, мулоҳазалар, кўникма ва одатларнинг шаклланишини, шахснинг жамият билан алоқа қилиш онгини шакллантиришни, унга қарамликни, унинг хулқ-атворини жамият манфаатларига мувофиқлаштириш зарурлигини ўз ичига олади. Ахлоқий тушунчалар ва мулоҳазалар ахлоқий ҳодисаларнинг моҳиятини акс эттиради ва нима яхши, нима ёмон, нима адолатли, нима адолатсиз эканлигини тушунишга имкон беради. Ахлоқий хатти-ҳаракатлар инсоннинг ахлоқий ривожланишининг ҳал қилувчи мезонидир.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий педагогиканинг ўзига хослиги ва аҳамияти шундаки, тарбиянинг етакчи мақсади ахлоқий танлов шароитида қарорлар қабул қилишга қодир бўлган ва ушбу қарорлар учун ўзи, яқинлари, ўз мамлакатини ва инсоният олдидан жавобгар бўлган инсоннинг идеалидир. Таълимда асосий нарса – бу шахснинг шахс сифатида фаолият субъекти сифатида ўзини ривожлантириш учун шароит яратишидир.

БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА КОММУНИКАЦИЯ УСУЛЛАРИНИНГ ЎРНИ

Ф.Х. Махмудова,
асс.«Инновацион таълим» кафедраси
ТДИУ

Аннотация: Мазкур мақолада бўлажак мутахассисларни инновацион фаолиятга тайёрлашда коммуникация усулларининг имкониятлари ёритиб берилган.

Таянч иборалар: инновацион фаолият, коммуникация усуллари, инновацион менежмент, норасмий коммуникация, шахс ичидаги коммуникация, шахслараро коммуникация.

Инновацион фаолиятнинг хусусиятлари менежментдаги коммуникацияларнинг турлари ва шакллари олдига оширилган талабларни қўяди. Инновацион ислохотларнинг характери, тадбиркорликнинг юқори хатари, ёндашишларни муқобиллиги ва қарорларнинг кўп вариантлиги янгиликларни яратиш жараёнидаги коммуникациялар шакллариининг турли туманлиги ва турларини табақалашувини тақозо қилади. Коммуникациялар етарлича тўлиқ ахборотларга эришишганда сифатли қарорларни қабул қилинишини таъминлашга хизмат қиладилар.

Инновацион менежментдаги коммуникациялар амалга ошириш йўналишлари фойдаланиш соҳалари, коммуникацияларнинг усуллари ва шакллари бўйича таснифланадилар. Инновацион менежментдаги коммуникациялар турларининг энг батафсил таснифланиши П.Н.Зевлин, А.К.Казаниев, Л.Э.Миндем таҳрири остидаги маълумотномали қўлланмада берилган. Демак, коммуникациялардан инновацион менежментнинг амалда барча вазифаларида фойдаланилади. Коммуникация усуллари расмий ва норасмий характерга эгалар. Инновацион фаолиятнинг креатив элементи норасмий коммуникацияларнинг самарали турлари (ижодий учрашувлар, анжуманлар, симпозиумлар, хусусий ишга доир суҳбатлар)ни талаб қилади. Коммуникацияларнинг, ахборотларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва илмий тадқиқотларнинг сифати билан боғлиқ мазмунли турлари кенг тарқалгандир.

Процессуал коммуникациялардан харажатларни назорат қилиш, режимларни текшириш, янгиликларни синаш муддатларини белгилаш ва ҳ.к. фойдаланилади ва расмий усул ва қатъий регламентация (маълум тартиб ва қоидаларни белгилаш)га интилади, шунинг билан бир вақтда мазмунли коммуникациялар ўзаро ҳамкорликнинг норасмий усулида энг катта

самарадорликка эришади. Инновацион менежментда ташқи муҳит (етказиб берувчилар, шериклар, буютмачилар, истеъмолчилар, давлат идоралари ва ташкилотлари, сиёсий тузилмалар ва жамоа ташкилотлари) билан коммуникациялар катта аҳамиятга эга. Коммуникацияларнинг самарадорлиги бутунлай ахборотларни узатиш жараёнларини ташкил қилиш ва улардан фойдаланишнинг мувофиқлигига боғлиқ.

Инновацион фаолиятнинг келажаги коммуникацион тармоқларни тарқалиши ва ахборот каналларини мувофиқ ташкил қилиниши билан яқиндан боғланган. Шахс ичидаги коммуникация шахс ичидаги жараёнларни боғловчи сифатида вужудга келади. Бу жараёнлар ижодиётда алоҳида аҳамиятга эгалар, у ерда онгли ва онгсиз қилинган импульслар (ундовчи сабаблар) образлар, фикрлар, ғояларни яратишда бирлашадилар. Ташқи муҳит, инвесторнинг туйгулари кечикмалари, мулоҳазалари ва хулосалари таъсири остида келиб тушган сигналлар мия томонидан қайта ишланади ва амалий фаолиятда фойдаланиш учун ахборотларга айлантирилади. Ахборотлар оқими унинг яқка элементларининг мажмуаси бўлади, улар инсоннинг мураккаб онглари ва онгчаларида вужудга келадилар.

Шахслараро коммуникация ўзаро ҳамкорликнинг энг кенг тарқалган ва самарали турларидан бири бўлади. Бу ерда шахслар ҳам ахборотларнинг манбалари ҳам бир вақтда унинг олувчилари сифатида ҳаракат қиладилар, шахслараро коммуникация ўзаро ҳамкорликнинг интенсивроқ турларидан бири бўлади. У оқимларни кўпроқ жамланиши ва ахборотларни камроқ сочилиб кетиши ва йўқотилиши билан ажралиб туради. Коммуникацияларнинг бу тури амалий тадқиқотлар ва ишламаларда жуда муҳимдир.

Кичик гуруҳлардаги коммуникациялар инновацион фаолиятдаги боғловчи жараёнларнинг асосини ташкил қиладилар. Улар тажриба-конструкторлик ишламалари, янгиликлари татбиқ этиш ва ўзлаштириш босқичларида муҳим рол ўйнайдилар. Кичик гуруҳлар, қоидага кўра, 6 — 11 кишидан ташкил топадилар, у ерда турли-туман ахборотларнинг кўпгина каналлари мавжуд.

Яқка шахслар томонидан қабул қилинадиган ва олинадиган ахборотлар мантиқий, физиологик, психологик фаолиятли социал ва бошқа табиатга эга бўлишлари мумкин. Ҳар қандай ахборот субъективизмнинг катта улушига эга бўлганлиги ва ходим томонидан унинг тушунчалари, маслаклари, манфаатлари ва олдинги тажрибаси асосида баҳоланиши сабабли, бундайахборот рационал фаолиятда фойдаланиш учун тозаланиши ва тартибга келтирилиши керак.

Шундай қилиб, ахборотларга ташкилот ташқи муҳити, кичик гуруҳ микромуҳитининг омиллари, ходимнинг шахсий омиллари, унинг олдинги тажрибаси ва идрок этиш тизими, ҳамда хулқнинг белгиланган тури, бошқарув

ва раҳбарлик усулини мўлжаллаши, гуруҳдаги расмий ва норасмий етакчилиكنинг нисбати таъсир қиладилар.

Коммуникация назариясининг кўпгина қоидаларидан ходимларни бошқариш ва инновацион фирмалар амалиётида қўлланилади.

Мувофиқлаштириш инновацион менежментнинг корхона катта иерахик тизими кичик тизимлари ва тизимчалари барча элементларининг ўзаро ҳамкорлиги ва мувофиқлашганлигини ташкил қилишга қаратилган марказий вазифасидир. Катта ва мураккаб тизимларда мувофиқлаштириш жараёни муҳим аҳамиятга эга ва катта қийинчилик туғдиради. Ёндошиш ноаниқлиги, кўп вариантлик ва дастлабки ахборотларнинг тўлиқ эмаслиги шароитида инновацион фаолиятни мувофиқлаштириш алоҳида мураккаблиги ва ўзига хослик билан таърифланади.

Янгиликларни лойиҳалаштириш, ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш жараёнларидаги ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш босқичида харажатлар — сифат нисбати чегараловчи шарт бўлади.

Ишлаб чиқариш бўлимлари, асосий ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи жараёнларни мувофиқлаштиришда фойда ва даромадни кўпайтириш мувофиқликнинг мезони бўла олмайди. Бу ерда мувофиқлаштириш маҳсулотни материал ва энергия истеъмол қилишини пасайтириш, меҳнат мезони унумдорлигини ошириш ва асосий мезон сифатида ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш мақсадига эга.

Мувофиқлаштиришнинг якуний босқичи ташкилотнинг бозорни фаол ўзлаштириш, фойдани кўпайтириш, ташкилотни интенсив ўсиши ва бошқалар каби асосий мақсадларини бажаришга бағишланган. Бунга ташкилотнинг мураккаб вазифавий тизимчаларини уйғунлаштириш, бошқарув вазифаларини мувофиқлаштириш, марказлаштириш ва марказлашишни бузиш жараёнлари расмий ва норасмий ташкилотлар, бошқарувнинг маъмурий ва социал-психологик усуллари ўртасида мувофиқ нисбатни ўргатиш билан эришилади

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Matarajabov, Shavkat. "Дифференциаллашган таълим — бўлажак мутахассисларнинг умумқасбий компетенциясини шакллантириш омили сифатида." *Архив научных исследований* (2021).
2. Н.В. Рычкова "Маркетинговые инновации" – М.: КНОРУС, 2009
3. "Государственно – частное партнерство в научно инновационной сфере" / Под ред. А.К. Казанцева, Д.А. Рубвальтера. – М.: ИНФРА – М, 2009.

АНАЛИЗ И ТЕНДЕНЦИИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Ш.Ш. Ахмедов,
ассистент кафедры «Экономическая безопасность»,
ТГЭУ

Аннотация: В статье рассматриваются анализ и тенденции обеспечения продовольственной безопасности насыщения рынка качественной, безопасной и доступной продовольственной продукцией в Узбекистане.

Ключевые слова: обеспечение, безопасность, продовольствие, анализ, реализация.

Введение Рыночная трансформация рациональной экономики Узбекистана сопровождается усилением негативных тенденций в производстве продовольствия, сокращением межрегионального обмена и расширением агрессивного продовольственного импорта, снижающих степень продовольственной безопасности на макро - и межуровневых экономики. Усиление конкурентных преимуществ отечественного продовольственного комплекса вследствие некоторого снижения курса национальной валюты - сума создает условия для повышения степени самообеспеченности продовольствием Узбекистана. Это ставит задачу поиска эффективных методов регулирования межрегиональных и экспортных потоков продовольствия, прежде всего, из индустриально-аграрных восточных регионов в другие территории Узбекистана. Достижение продовольственной самообеспеченности страны на макроуровне невозможно без структурной перестройки агропромышленного комплекса (АПК) и формирования цивилизованного агропродовольственного рынка [2].

Сейчас требуется формирование и развитие таких новых направлений, как предпринимательство и инновационные процессы, которые способствуют повышению конкурентоспособности продукции отечественных производителей на внутреннем и мировом рынках, решению проблем экономического роста производства и др.

В связи с этим становится очевидной необходимость разработки научно обоснованной программы развития отраслей агропромышленного комплекса на основе эффективного использования инновационного потенциала страны.

Реализуемая в республике Продовольственная программа предусматривает модернизацию сельского хозяйства, повышение его эффективности и увеличение производства продукции. Поэтому, в настоящее время, особое внимание уделяется дальнейшему реформированию отрасли на

основе национального и мирового опыта с привлечением финансовых ресурсов, а также улучшению мелиоративного состояния земель и системы ирригации, повышению плодородия почвы, созданию необходимой инфраструктуры для доставки продукции потребителю.

До сегодняшнего дня, в результате реализации программных мер по реформированию и развитию сельского хозяйства, направленных на обеспечение продовольственной безопасности, повышение качества сельскохозяйственной продукции и экспортного потенциала, отрасль демонстрировала высокие устойчивые показатели развития. Так, в 2016-2019 годах валовой объем производства сельскохозяйственной продукции увеличился на 171,2 процента, в том числе плодоовощной - на 172,6 процента, животноводческой - на 170 процентов, лесной и рыбной - на 177,5 процента.

В 2019 году наряду с такими стратегически важными сельскохозяйственными культурами, как хлопок и зерно (7187,4 тыс. тонн зерна и более 2857,1 тыс. тонн хлопка-сырца), значительно возросли объемы производства в отраслях плодоовощеводства, животноводства, птицеводства и рыбоводства. В частности, в 2019 году произведено картофеля в объеме 2950,9 тыс. т (101,3%), собрано овощей - 9945,5 тыс. т (101,9%), бахчевой продовольственной продукции - 1922,2 тыс. т (104,6%), плодов и ягод - 2739,6 тыс. т (101,2%), винограда - 1595,2 тыс. т (100,3%), произведено 2465,0 тыс. т мяса в живом весе (больше на 1,4% по сравнению с 2018 годом), 10710,8 тыс. т молока (на 2,3%), 7757,4 млн. шт. яиц (на 4,0%), 35,4 тыс. тонн шерсти (на 2,3%), 1173,8 тыс. шт. каракульских шкурок (на 8,2%) [3].

Заключения В стране принимаются последовательные меры по упорядочению и упрощению экспортно-импортных операций, устранению преград и ограничений в осуществлении импорта востребованных продовольственных товаров, усилению гарантий защиты прав субъектов внешнеэкономической деятельности.

Вместе с тем, сохраняются серьезные системные проблемы, создающие условия для нездоровой конкуренции, монополизации отдельными хозяйствующими субъектами импорта продовольственной продукции, создания искусственного дефицита и необоснованного завышения цен на отдельные товары и, как следствие, извлечения на этой основе сверхприбыли.

Доминирующему положению на рынке отдельных импортеров способствует предоставление им индивидуальных льгот и преференций, создание для них эксклюзивных условий ведения деятельности, что приводит к ограничению доступа на рынок других субъектов предпринимательства.

Сложившаяся ситуация в данной сфере снижает деловую активность и инвестиционную привлекательность Узбекистана, наносит серьезный урон репутации страны на международной арене.

В целях дальнейшего обеспечения продовольственной безопасности страны, насыщения рынка качественной, безопасной и доступной продовольственной продукцией, укрепления покупательской способности населения, либерализации внешнеэкономической деятельности и развития



здоровой конкурентной среды, а также искоренения имеющихся системных проблем в данной сфере [1]:

- отменены индивидуальные таможенные, налоговые и иные льготы, а также другие преференции, предоставленные отдельным хозяйствующим субъектам по импорту в Республику Узбекистан продовольственных товаров;

- разработан комплекс мер на 2018 год по поиску и привлечению поставщиков продовольственной продукции, созданию для них равных условий вхождения на рынок, оказанию им содействия в заключении договоров, транспортировке и хранении ввезенной продукции, а также иных мер, направленных на полное удовлетворение спроса населения на качественные, доступные продовольственные товары;

- созданы во всех регионах республики на условиях государственно-частного партнерства специализированных складских помещений, хранилищ, холодильных камер, современного высокотехнологичного, энергоэффективного оборудования по переработке и фасовке продовольственных товаров.

Исходя из выше сказанного, можно сказать, при благоприятном сценарии развития событий и учитывая тот факт, что правительство Республики Узбекистан незамедлительно стало принимать меры по поддержке экономики, бизнеса и нуждающихся в помощи, можно рассчитывать на начало восстановления экономики с нынешнего года. Однако, такие негативные факторы, как рост финансовой нагрузки на бюджет из-за расходов на поддержку экономики, сферы здравоохранения, социальной сферы и недополученных средств, выпадающих в связи с временными отсрочками по выплатам кредитов и прочих платежей, временным обнулением ставок таможенных пошлин и акцизов; проблемы с лишением работы и заработка из-за ограничительных мер карантина, вынужденное сокращение персонала в послекарантинный период и другие побочные эффекты могут стать большим препятствием на пути вхождения экономики и всех сфер жизни в нормальное русло. Как бы там не было, решительные действия правительства - необходимый сигнал бизнесу и рынку в целом в период неопределённости и финансово-экономических трудностей.

Список использованной литературы

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 16.01.2018г. №-5303 «О мерах по дальнейшему обеспечению продовольственной безопасности страны».
2. Постановление Президента Республики Узбекистан от 01.05.2020 г. N ПП-4700 "О дополнительных мерах по обеспечению продовольственной безопасности, рациональному использованию имеющихся ресурсов и государственной поддержке сельского хозяйства в период коронавирусной пандемии".
3. *stat.uz* - официальный сайт Государственного комитета РУз по статистике.

БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ ВА УНДА ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРНИ

Г. Мусаханова,

**Инновацион таълим кафедраси катта ўқитувчиси,
ТДИУ**

Аннотация: Ушбу мақолада муаллиф томонидан бугунги кунда инновацион фаолият асосида олий таълим тизимини ташкил этиш, кредит-модуль тизими ва уни талабалар мустақил таълими жараёнида ташкилотчилик фаолиятини ривожлантиришига хизмат қилиши ҳақида фикр юритилган.

Таянч иборалар: кредит-модуль ўқитиши тизими, инновацион фаолият, мустақил таълим, ташкилотчилик қобилияти, таълим, фаоллик, мустақил фикр.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимиз замонавий юксалишга эришиш мақсадида инновацион ривожланиш босқичига кирганлигини эътироф этилган. “Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни айнан инновацион гоялар асосида бошлашимиз керак. Инновацион ривожланиш ва рақамли иқтисодиёт йўлига ўтишимиз бежиз эмас. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги гояга, инновацияга таянган давлат ютади” [1].

Барчага маълумки, тараққиётимизни кафолатловчи, уни янада жадаллаштирувчи янги гоя, янги кашфиётлар, илмий ишланмаларни яратиш ҳамда ҳаётга жорий этилишининг ишочли ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш бениҳоя муҳим аҳамият касб этади.

Инновацион фаолият асосида таълим тизимини ташкил этишдан мақсад — ривожланган давлатлар олий таълим муассасаларининг илғор тажрибалари асосида халқаро таълим стандартларини республикамизда жорий этиш, таълим сифатини ошириш, замонавий таълим технологиялари асосида ўқув жараёнларини ташкил этиш орқали олий таълим тизимида рақобат муҳитини шакллантириш, талабага таълим дастурини мустақил шакллантиришда мустақиллигини ошириш ва улар билимларини баҳолашнинг шаффоф тизимини яратишдан иборат.

Дунё олий таълим муассасаларида кредит - модуль тизимида мустақил таълимнинг ўрни, унда талабаларнинг ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг креатив фикрлаши, мустақил таълим жараёнида амалий кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва мақсадли

йўналтириш, шу билан бирга олий таълим муассасаларида мустақил таълим жараёнида талабаларнинг ташкилотчилик қобилиятини такомиллаштириш методларини ташкиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, замонавий шароитда таълим жараёнининг барча имкониятларига кўра шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилиши талаб қилинмоқда. Юксак малакали мутахассисларни истеъмолчилар талабларига қараб тайёрланиши, талабаларни танлаган ихтисосликлари бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантирилиши мустақил равишда билим олишга ва амалий фаолиятга ўргатилиши аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясида: “Мустақил таълим соатлари улушини ошириш, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш” [2] каби вазифалар белгиланган. Бунда таълим олувчиларнинг мустақил таълим олишлари, мустақил ишлаш малакаларини узлуксиз ошириш орқали мутахассисларнинг зарурий компетенцияларини, ижодий яратувчанлик, тадқиқотчилик, мантикий тафаккурини, ташкилотчилик қобилиятини ривожлантирувчи таълим технологияларини лойиҳалаштириш, мустақил таълим жараёнида касбий фаолиятда юзага келадиган муаммоли вазиятлар ва уларни бартараф этиш йўллари алоҳида эътибор қаратилган.

Кредит-модуль тизими таълимни янги усулда ташкил этиш жараёни бўлиб, ўқитишнинг модуль технологиялари жамламаси ва кредит ўлчови асосида баҳолаш модели ҳисобланади. Ҳозирда мамлакатимиз ОТМларининг кредит-модуль тизимига ўтишда ECTS (European Credit Transfer System) асос қилиб олинган. Бу тизим шу қунга келиб Европанинг 48 давлатида амал қилмоқда.

Кредит-модуль тизими, бу — таълимни ташкил этиш жараёни бўлиб, ўқитишнинг модуль технологиялари жамламаси ва кредит ўлчови асосида баҳолаш модели ҳисобланади. Уни бир бутунликда олиб бориш серқирра ҳамда мураккаб тизимли жараёндир. Кредит-модуль тамойилида иккита асосий масалага аҳамият берилади: талабаларнинг мустақил ишлашини таъминлаш; талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш. Шундай экан, кредит-модуль тизими дарс машғулотларини нафақат ўқитишни инновацион таълим технологиялари асосида олиб бориш, балки талабадан мустақил ўқиб-ўрганиш, таълимга янгича муносабатда бўлиш, меҳнат бозори талабидан келиб

чиқиб, зарурий ва чуқур назарий билимларни эгаллаш, амалий кўникмаларини шакллантиришга ўргатишдан иборатдир [4].

Мухтасар айтганда, мазкур тизим талабанинг касбий ривожланиши ва камолотига йўналтирилган. Илм соҳибининг бутун ҳаёти давомида билим олишини таъминлашга ҳамда меҳнат бозори ва замонавий талабларга жавоб бера оладиган инсон капитални шакллантиришга қаратилган деб айтиш мумкин.

Кредит-модуль тизимининг жорий этилиши ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликда ишлашида муҳим омил ҳисобланади. Модулли таълимда педагог тингловчининг ўзлаштириш жараёнини ташкил этади, бошқаради, маслаҳат беради, текширади. Талаба эса йўналтирилган объект томон мустақил ҳаракат қилади. Энг катта урғу ҳам талабаларнинг мустақил таълим олишига қаратилади.

Кредит-модуль тизимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ўқув жараёнларини модуль асосида ташкил қилиш;
- битта фан, курс (кредит)нинг қийматини аниқлаш;
- талабалар билимини рейтинг бали асосида баҳолаш;
- талабаларга ўзларининг ўқув режаларини индивидуал тарзда

тузишларига имкон яратиш;

- таълим жараёнида мустақил таълим олишнинг улушини ошириш;
- таълим дастурларининг қулайлиги ва меҳнат бозорида мутахассисга

кўйилган талабдан келиб чиқиб ўзгартириш мумкинлиги [3].

➤ Профессор-ўқитувчиларимиз кредит-модуль тизимида ўқув машғулотларини инновацион таълим технологиялари асосида олиб бориш билан бир қаторда ҳар бир талабанинг мустақил ўқиб-ўрганиш, таълимга янгича муносабатда бўлиш, меҳнат бозори талабидан келиб чиқиб, зарурий ва чуқур назарий билимларни эгаллаш, амалий кўникмаларини шакллантиришга ўргатадилар.

Кредит-модуль тизимини ўқув жараёнига тадбиқ этиш орқали мустақил таълим олишнинг аҳамияти ортади ва бу келажакда мутахассисларнинг мустақиллиги, ижодий ташаббускорлиги ҳамда фаоллигини оширишга олиб келади. Кредит-модуль тизимида университет талабалари ҳар доим ўқитувчи ва курсдошларидан ёрдам ҳамда маслаҳат олиш имкониятига эга бўлади. Бу эса ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди ва жамоада ишлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Таълим муассасаларида мустақил ишни қандай бажаришини ҳар бир талабанинг ўзи ташкил этади. Муваффақиятга эришиши учун талабанинг ўзи сабр-тоқат билан, машаққатлардан қўрқмай ўз устида ишлаши, бунга эса, талабанинг ўзи режалаштиради ва амалга оширади.

Демак, пиروвард мақсад талабаларга мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятини ривожлантириш омиллари ҳақида назарий билимларни бериш, уларда амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш учун, улар билан якка

холда шугулланиш имкониятларини кенгайтириш, уларнинг мустақил ишлаши, мустақил таълим олиш жараёнида ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бугунги куннинг заруратига айланиши керак.

Хозирги кунда таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий ташкилий шаклларни жорий этиш асосида янада такомиллаштириш асосий муаммолар қаторида ва ушбу муаммолардан келиб чиқиб, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этилган янги авлодини яратиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий ташкилий шаклларни жорий этиш бош мақсад бўлиб қолмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги глобаллашув шaroитида олий таълим жараёнида инновацион фаолият асосида педагогик технологиялар ва фаол усуллардан фойдаланиш, янги ишлаб чиқарилаётган техник воситаларни татбиқ қилиш, кўпроқ талабаларни мустақил ишлашга ундаш, илгор тажрибалардан сабоқ беришнинг турли йўлларида кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, олий таълим тизимида таълим олаётган талабаларнинг танлаган касбига мойиллиги, лаёқатлари, билим ва кўникмаларини ривожлантириш, уларнинг танлаган йўналишлари бўйича мутахассис сифатида шаклланишлари учун таълим жараёнини самарали ташкил қилишни таъминлаш давр талабидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. – Т.2018, 19-20-бетлар.
2. Шавкат Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизimini 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси. 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони. <https://lex.uz/>.
3. Мусаханова Г. (2020). Талабаларда мустақил таълим кўникмаларини шакллантириш зарурати. Архив научных исследований, 1(25). извлечено от <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/2604>.
4. Н.А. Муслимов, М.Т.Мирсолиева, Г.Н.Ибрагимова, Р.Дж.Ишмухаммедов, А.Б.Тўраев. 2019. "Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш" модули бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент. 130-бет.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ ПСИХОЛОГИК НАЗАРИЯЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

Н.Х. Лутфуллаева,

Инновацион таълим кафедраси доценти, ТДИУ

Аннотация: Ушбу мақолада таълим сифатига Эдвард Ли Торндайк эффект қонунини таъсири, Эдвин Рей Газрининг ўқув жараёни аниқ мақсадларга таяниши, К.Халлнинг таълим асосий эҳтиёж шиддатини пасайтириши билан узвий боғлиқ фикрлари ҳамда Н.И.Рейнвальднинг фаолият регуляциясида уч ўлчовли таснифнинг моҳияти хусусида сўз боради.

Таянч иборалар: эффект қонуни, хавотир ҳисси, стимул-реакция, эҳтиёж, мотивация, муваффақият.

Мамлакатимизда кенг кўламли модернизация жараёнларини амалга ошириш босқичида — таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтиришга катта аҳамият берилмоқда. Мазкур уч соҳанинг ўзаро боғлиқ фаолиятини таъминлаш, эришилган натижаларни иқтисодий тараққиётга қўшган ҳиссасини оширишда олий таълим тизимининг аҳамияти катта. Барча ривожланган давлатларда олий ўқув юртлари нафақат талабаларга фундаментал ва амалий билим берадиган, олий малакали мутахассислар тайёрлайдиган ўқув масканлари, балки мамлакатдаги олимлар, иқтидорли ёшлар, фан-техника мутахассисларини жамлайдиган илм-фан марказлари, ишлаб чиқариш корхоналари буюртмаси асосида янги маҳсулотлар, интеллектуал мулк объектларини яратувчи муассасалар ҳисобланади. Шунинг учун республика инновацион салоҳиятини ривожлантиришда ва бутунги кунда мустақил фикр юрита оладиган ва мустақил ҳаракат қила оладиган ёш авлодни тарбиялаш асосий вазифалардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам дидакт олимлар ва илгор педагоглар талабаларларда ўқув фаолиятига ижодий ёндашишни ривожлантириш йўллари кунт билан изламоқдалар. Булар жамиятнинг тарбиялашнинг янги тузимасини яратишдан иборат умумий жараённинг давомидир. Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни талабаларларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, талабалар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш педагогдан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев айтиб ўтганларидек: — “...Тажрибали педагог ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, ўқув режа ва дастурларни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Олдимизда ёшларга тарбия

бериш, психология ва бошқа турли соҳаларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича мураккаб вазифалар турибди. Иккинчи вазифа – умумтаълим мактаблари, лицей ва касб-ҳунар коллежлари, шунингдек, олий ўқув юрталаридаги ўқитиш сифати билан боғлиқ”.

Таълимнинг бутунги вазифаси ҳам талабаларларни кун сайин ошиб бораётган ахборот таълим муҳити шароитида мустақил фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборатдир. Бунинг учун уларга узлуксиз равишда мустақил ишлаш имконияти ва шароитини яратиб бериш зарур. Айтиш лозимки, иқтисодиёт соҳаси жамият ҳаётининг иқтисодий соҳасида ўзига хос муҳим аҳамият касб этса, таълим фаолияти жамият иқтисодий ривожланишининг муҳим бир бўлаги ҳисобланади. Шу сабабли, иқтисодий таълим жараёнини технологиялаштириш, аниқ вазифаларни қўйган ҳолда, дарс машғулотларини инновацион таълим технологиялари асосида тўғри ташкиллаштириш асносида шахснинг интеллектуал салоҳияти ва ижодий қобилиятини ривожлантириш, жамиятдаги ҳар бир фуқаронинг иқтисодий билим ва малакасини ошириш, тезкор таълим учун шарт-шароит яратиш мумкин.

Таълим ҳам жараён, ҳам фаолият сифатида инсоннинг ҳаётида муҳим роль ўйнайди ва муайян давр учун етакчи фаолият сифатида гавдаланиши мумкин. Таълим бошқача сўз билан айтганда, ўқитувчи билан талабанинг субъект-субъект муносабатидаги ҳамкорлик фаолияти ҳисобланади. Аксарият ҳолларда ўқитувчи ахборот узатувчи (коммуникатор) талаба эса уни қабул қилувчи объект сифатида талқин этилади, лекин иккиёқлама ҳаракат туфайли маълумот инсонга англашинулади, ўзаро таъсир, ўзаро англашув, тушунув, ўзаро субъектларнинг бир - бирга зарурийлиги, тақозочанлиги ҳамкорликнинг муваффақияти кафолати саналади. Таълим ўқув фаолияти, ақлий фаолият, билиш фаолияти турткиси вазифасини ўтайди, чунки ҳар қайси фаолиятнинг шакли ақлий меҳнат туфайли амалга ошади. Таълимнинг бошқа фаолият турларидан фарқи уни маҳсулининг ўзига хослиги, барча босқичларига онгли ёндашувда ва муносабатда бўлишидир. Таълим ўқув фаолияти ёки жараён сифатида мустақил изланишни, ижодий муносабатни, турли вазият (аудитория ва ундан ташқарида)ни, ҳар хил босқични (бошланғич ўрта, махсус, олий таълим) ўзида мужассамлаштиради. Мустақил билим олиш ва мутолаа қилиш ҳам ўқув фаолиятининг муайян кўринишлари бўлиб, шахсий илмий, ижодий изланишнинг махсули ҳисобланади.

Мазкур масалаларни тушунишда психология доирасида шакланган таълим назариялар таҳлилини амалга оширилишини тақозо этади. Ушбу таҳлил шу сингари муаммолар таҳлиliga бағишланган таълимга доир бихевиористик назария принциплари Эдвард Ли Торндайк томонидан истеъмолга киритилган бўлиб, Э.Торндайк фикрига кўра таълим жараёни “муайян вазият билан муайян реакция ўртасида мавжуд алоқаларни ўрнатишдан ва ушбу алоқаларни мустаҳкамлашдан” иборат. Стимул ва

реакция ўртасидаги алоқаларни ҳосил қилиш ва мустаҳкамлашнинг асосий қонунларлари сифатида у эффект қонуни, такрорлаш қонуни ва тайёрлик қонунини кўрсатиб ўтган. Э.Торндайк эффект қонунига алоҳида эътибор қаратади. У мазкур қонунни қуйидагича таърифлайди: “Вазият ва жавоб реакцияси ўртасида алоқа ўрнатиш жараёни қониқиш ҳолати билан бирга кечади ёки қониқиш ҳолатига айланади, бунда алоқа мустаҳкамлиги ошади; агар мазкур алоқа қониқмаслик ҳолати билан бирга кечса ёки қониқмаслик ҳолатига айланса, алоқа мустаҳкамлиги пасаяди” (Edward Lee Thorndike. 1913). “Қониққанлик ҳолати, - деб Э.Торндайк фикрини давом эттиради, - организм уни вужудга келтириш ёки сақлаб қолишга интиладиган ҳолатга айтилади; қониқмаслик ҳолати деб организм ундан қочишга ёки қутулишга ҳаракат қиладиган ҳолатга айтилади”²⁷. Бундан кўриниб турибдики эффект нафақат мусбат, балки манфий ҳам бўлиши мумкин; мусбат эффект муваффақият, қониқиш ҳиссини юзага келтириш билан кечади; қониқиш эффекти ҳосил бўлган алоқага бевосита таъсир кўрсатиш орқали уни мустаҳкамлайди. Хафсаласизлик, муваффақиятсизлик эффекти (манфий эффект) аксинча ҳосил бўлган алоқалар йўқолишига, уларга вайронкор таъсир кўрсатади. Торндайк мусбат эффект зарурий алоқаларни, манфий эффект зарарли алоқаларни йўқ қилишидан кўра тезкорроқ ҳосил қилинишига олиб келишини алоҳида таъкидлайди. Такрорийлик қонунининг моҳияти стимул ва хос реакциянинг вақт ичра изчил такрорланиши алоқалар мустаҳкамлигини оширишидан иборат. Торндайк стимул ва реакциянинг вақт ичра изчил такрорланиши қўллаб-қувватланмаса (мусбат эффект) алоқалар ҳосил бўлмаслигига, яъни эффект қонунисиз такрорийлик қонуни самарасиз эканлигига ургу қўяди. Тайёрлик қонуни алоқалар ҳосил бўлиш тезлиги субъектнинг айни пайтдаги ҳолатига боғлиқ эканлигига ишора қилади. “Ҳар қандай психологик алоқада – дейди Торндайк, - индивидуал нерв тизимининг специфик ҳолатини изи ётади”. Э.Торндайк томонидан илгари сурилган таълимга доир қонунлар замонавий бихевиоризмнинг таълимга доир барча назариялари негизида ётади; унинг барча оқимлари намояндалари мазкур “стимул-реакция” схемасига биноан таҳлилни амалга оширадидлар. Торндайкка биноан, ўқув жараёни аниқ мақсадларга эга бўлади, стимулларга нисбатан талабалар қобилияти мувофиқ бўлиши лозим, зотан талабалар ижобий реакцияни берса ўқитувчи ҳам ўз фаолиятдан қониқиш ҳосил қилиши керак. Эдвин Рей Газри Торндайк сингари ўқув жараёни аниқ мақсадларга таяниши керак деб ҳисоблайди²⁸. У таълим муҳитини шундай уюштирар эдики зарурий реакциялар ўша стимуллар мавжудлигида пайдо бўлсин. Э.Газри учун мотивациянинг умуман аҳамияти йўқ. Зарурий хулқ қўллаб стимуллар

²⁷ Эдвард Л. Торндайк. (1999) [1913], *Психология образования: краткий курс*, Нью-Йорк: Рутледж, ISBN 978-0-415-21011-9

²⁸ <https://agespsyh.ru/voznrastnaya-psikhologiya-otvety-na-ekzamenatsionnye-voprosy/3-osnovnye-teorii-psihologicheskogo-razvitiya.html>

томонидан ҳосил бўлиши имкониятини ошириш учун амалий машғулотлар кўп бўлиши лозим. Ҳар бир тажриба ўзига хос бўлгани боис бир хил нарсаларни муттасил равишда “қайта ва қайта” ёд олиши лозим. Э.Газри фикрига кўра 2 ни 2 га доска ёнида қўшиш, талабалар партада ўтириб 2 га 2 ни қўша олиш кафолатини бермайди. Формал таълим реал ҳаётий вазиятларга яқин бўлиши керак. Э.Газри қарашларига қўшиладиган ўқитувчилар талабаларни таълим муассасасини битиргандан кейин нима шугулланишлари кўзда тутилган бўлса шу фаолиятни таълим муассасасида ҳам бажаришга мажбурлайди. Талабаларнинг деструктив хулқи билан тўқнаш келганда Э.Газри қарашларига қўшиладиган ўқитувчилар жазолашга қўл уришлари мумкин, бироқ шуни ёдда тутиш керакки жазо деструктив хулқ намоён бўлган пайтда қўлланилиши мақсадга мувофиқ. К.Халл фикрига биноан таълим асосий эҳтиёж шиддатини пасайтириш билан узвий боғлиқ. Хавотирни пасайтиришга ҳаракат шундай эҳтиёжлар сирасига тааллуқли. Унга кўра ўқитишнинг зарурий шарти талабаларда хавотирнинг маълум даражасини вужудга келтиришдан иборат. Мазкур хавотир муваффақият таъсирида пасайиши керак. Хавотирнинг пастлиги ўзлаштиришга салбий таъсир кўрсатади, ўта юқори даражаси вайронкор кучга эга бўлади. Э.Миллер ва Д.Доллард К.Халл назариясини таълимга жорий этишда қуйидагиларга эътибор қаратишади:

- ✚ Эҳтиёж: талабалар ниманидир хоҳлаши лозим.
- ✚ Сигнал: талабалар нимагадир эътиборини қаратиши керак.
- ✚ Реакция: талабалар ниманидир бажариши шарт.
- ✚ Қўллаб-қувватлаш: талабалар хатти-ҳаракати у истаган нарсани

бериши жоиз.

Н.И.Рейнвальднинг изоҳлашича, фаолиятнинг регуляциясида психик функцияларни умумлашган гуруҳлаштириш уларнинг уч ўлчовли (мезонли) таснифининг ақл (интеллект), ҳиссиёт (эмоция) ва ирода моҳияти зиммасига тушиши шахс тузилишини темперамент, характер ва қобилиятларга, иккинчи томондан эса экстраверсия, интроверсия омилларига ажратишга барҳам беради²⁹. Н.И.Рейнвальднинг ушбу ёндашуви А.Р.Луриянинг мия фаолиятининг уч блокли роли таснифига бевосита мос тушади, чунончи, ақл (интеллект) кўп ҳолларда информатсион блок орқали амалга ошади, ирода (ташкилийлик) программалаштириш блоки билан хилма-хил эмоционал ҳолатлар (ҳиссиёт) юзага келишининг негизида “энергетик” блок ётади³⁰. Ақл, ҳиссиёт, ирода ва уларни рўёбга чиқарувчи миянинг блоклари, ҳаракатлантурувчиларни эмас, балки ўзаро узвий боғлиқ бўлган инсонни атроф-муҳитга нисбатан муносабатининг уч лаҳзасини англайди. Бу ҳолатни инобатта олган тарзда талабаларга муносабат билдириш жуда муҳим.

²⁹ Рейнвальд, Наталия Ивановна. Психология личности / Н. И. Рейнвальд. - М.: Изд-во Ун-та дружбы народов, 1987. - 196.

³⁰ Лурия А. Р. Основы нейропсихологии. Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. — М.: Издательский центр «Академия», 2003. — 384 с.

А.Н.Леонтьевнинг фикрича, фаолиятнинг тузилиши: мақсадга қаратилган хатти-ҳаракатлар ва операциялардан иборатдир. Одатда фаолият ўзининг предмети ва мотивига эга бўлиб, агарда мотив билан предмет (жисм, нарса) ўртасида мутаносиблик (мослик) вужудга келса, демак шундагина у туб маънодаги фаолиятга айланади. Масалан, бир талаба имтиҳондан (рейтингдан) ўтиш учунгина бирламчи манбаларни ўқийди, лекин бошқаси эса ўзини текшириш ва ҳақиқий билимларни эгаллаш учун дарс тайёрлайди. Биринчи ҳолатда талабада мотив имтиҳонга қаратилган бўлиб, ўқув предмети мазмуни бундан мустаснодир, худди шу боисдан унинг фаолияти фақат хатти-ҳаракатлар тизимидан иборатдир, деган хулоса чиқаришга имкон беради. Иккинчи ҳолатда эса мотив ўқув предметини ўзлаштиришга қаратилганлиги сабабли унинг интилиши фаолиятига ўсиб ўтади.

Таълимнинг яна бир муҳим функцияси шуки, у турли ёшдаги одамларни касб танлашга йўналтиради, касбий тайёргарликни амалга оширишга, мутахассис сифатида шаклланишга муҳим таъсир ўтказди. Таълим ижтимоий жиҳатдан шахсларни шакллантириш, ихтисос кўникмалари билан қуроолантириш, у ёки бу соҳада мутахассис бўлиб фаолият кўрсатишга хизмат қилади. Мустақил фикрлаш, психологик имкониятларни руёбга чиқариш, баркамолликни эгаллаш борасида ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаарида таълим етакчи фаолият тариқасида муҳим роль ўйнайди. Психология фанида малакани шакллантиришнинг асосий босқичлари схемаси ишлаб чиқилган, бунда асосий эътибор малаканинг хусусиятига, малаканинг мақсадига, ҳаракатни бажариш усулларига қаратилади. Шунингдек, малакаларнинг ўзаро таъсири муаммосига алоҳида аҳамият берилади, чунки инсон малакалар тизимига амал қилган ҳолда янги малакани ўзлаштиради. Олдин эгалланган малака, кейингисини таркиб топишига ёрдамлашади, гоҳо унга ҳалақит бериши ҳам мумкин. Ҳаракатнинг автоматлашуви унинг мақсади, объекти, вазияти ва шарт-шароитлари билан белгиланади. Ҳаракатнинг муваффақияти, самарадорлиги кўп жиҳатдан сенсор назоратга ҳамда унинг янги шароитига кўчишига боғлиқ. Талабаларнинг бўлажак мутахассис сифатидаги касбий тайёрлигининг асосий ва энг мураккаб томони (психологик томони) — мутахассис руҳиятининг касбий тайёргарлиги ҳисобланади. Бу ёш мутахассис психикаси руҳий кучларининг касбий тайёргарлиги масалаларни ҳал этишга ўзининг вазифаларини бажаришга тайёрлиги ва йўналганлиги даражасидир. Талабаларнинг бўлажак мутахассис сифатидаги руҳиятининг касбий тайёрлигининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- *йўналтирувчи интеллектуал билиш*. Бу таркибий қисми мутахассис шахсининг билиш соҳасини ўз ичига олади: касбий идрокни, фикрлаши, тасаввур, хотираси, диққатини ва улар биргалиқда мутахассис шахсининг касбга интеллектуал тайёрлигини ташкил этади.

- *мотивацион тайёрлиги*. Мутахассиснинг мотивацион тайёрлигининг асослари ўз касби мутахассислигини тушуна олиши ўзида позитив

муносабатни таркиб топтира олиши, ўзини баҳолай олиши, билиш фаолиятига кизиқишлари ҳисобланади. Олий ўқув юрти ва касб-ҳунар коллежи шароитларида ёш мутахассисни тайёрлашда касбий фаолиятга мотивацион тайёрлиги талабаларнинг касбий ва шахсий ривожланишига ва таълим олиш жараёнида ўзини ривожлантиришга мавжуд мотивацион доиранинг йўналтирилганлигида намоён бўлади.

- *ижрочилик*. Бу таркибий қисми касбий маҳоратни (билим, малака, кўникмалар) касбий хулқ одатлари каби муҳим касбий сифатларнинг тўплами, касбий қобилиятларни ривожланганлик даражаси ва мутахассиснинг иродавий тайёрлиги унинг хулқи ва фаолияти давомида ўзини бошқаришга кодирлиги, операционал функцияли тайёргарликни ўз ичига олади.

Демак, таълим жараёнини муваффақиятли ташкил этишда ўқитувчилар психологик назарияларнинг моҳиятига суянган ҳолда самарали ташкил этиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириши чора –тадбирлари тўғрисида”ги қарори. “Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил, 21 апрель, № 79 (6773)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги №ПФ-4947 сонли Фармони. //Халқ сўзи. 2017 йил 8 феврал.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириши йили»да амалга оширишга ПФ-5953-сон Фармони. <https://lex.uz/>
4. Э. Ғозиев. Умумий психология. Психология мутахассислиги учун дарслик 1 китоб. «Университет» нашриёти, 2002.
5. Эдвард Л. Торндайк. (1999) [1913], Психология образования: краткий курс, Нью-Йорк: Рутледж, ISBN 978-0-415-21011-9
6. Рейнвальд, Наталия Ивановна. Психология личности / Н. И. Рейнвальд. - М.: Изд-во Ун-та дружбы народов, 1987. - 196,
7. Лурия А. Р. Основы нейропсихологии. Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. - М.: Издательский центр «Академия», 2003. — 384 с.
8. <https://agespsyh.ru/voznrastnaya-psikhologiya-otvety-na-ekzamenatsionnye-voprosy/3-osnovnye-teorii-psihologicheskogo-razvitiya.html>.

БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАР ИННОВАЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ВА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Г.О. Очилова,

*“Инновацион таълим” кафедраси доценти,
ис.ф.ф.д.PhD, ТДИУ*

Б.Р. Рузметов,

магистратура талаба, ТДИУ.

Аннотация: мазкур мақолада замонавий ахборот технологиялари воситаларидан таълим-тарбия жараёнларида фойдаланиш имкониятлари, замонавий ахборот технологиялари асосида педагогик фаолиятни таъминлаш этиши механизмлари, йўналишлари, бўлажак мутахассислар инновацион фаоллигини ва мустақил таълимни ривожлантиришида ахборот маданиятининг аҳамияти хусусидаги маълумотлар баён этилган.

Таянч тушунчалар: мустақил таълимни ривожлантириш, мутахассислар инновацион фаоллигини таъминлаш, олий таълимни рақамлаштириш, замонавий ахборот технологиялари, ахборот маданияти, техник тараққиёт, ахборот ресурслари, талабалар инновацион фаоллигини таъминлаш.

Мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлардан мўлжалланган вазифаларни амалга ошириш замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланишни ҳамда ўқувчиларда омилкорликни шакллантириш мақсадида интернет - ресурслардан кенг фойдаланишни кўзда тутгани, бу эса ўз навбатида педагог касбий маданиятининг бир қисми ва олий таълимда таълим муҳитини тегишли ўзгариши сифатида педагогларнинг юқори савиядаги ахборот маданиятига эга бўлишини кўзда тутгани.

Бўлажак мутахассисларнинг “ахборот маданияти” касбий маҳоратини мукамал эгаллаб боришнинг муҳим бир йўналиши сифатида тан олинмоқда. Бўлажак мутахассисларнинг “ахборот маданияти” қуйидаги мезонлар асосида шаклланиб боради: ўз касбий фаолиятига тегишли ахборотларни олиш, уни қайта ишлаш ва фойдаланиш методлари ва усуллари ўзлаштириши; атроф-оламдаги ахборот жараёнлари ҳақида билимлар ва тасавурларни акс эттирувчи педагогнинг педагогик маҳоратини такомиллаштирувчи сифатлар йиғиндиси, ахборот воситаларига эга бўлиш, ахборот маданияти билан боғлиқ ахлоқий ва касбий маҳорат меъёрлари тизимини ўзлаштириш, шунингдек компьютер саводхонлигига эга бўлиш; компьютер саводхонлиги ва ахборотни излаш малакаси, ахборотдан фойдаланиш ҳамда баҳолаш, ахборот

технологияларига эга бўлиш, педагогик фаолиятнинг барча соҳаларида ахборот технологиялари имкониятларини эгаллаш ва фойдаланишдан иборат ахборот омилкорлиги.

Замонавий ахборот ресурслари педагогга ўзининг касбий маҳоратини оширишга ёрдам беради. Бундай шароитда педагог:

1. **Таълим берувчи сифатида** – машгулотлар ўтказади, дарс жараёнини ўқув-методик жиҳатдан тўғри ва самарали ташкил этилишини таъминлайди;

2. **Маслаҳатчи сифатида** – билиш жараёнини бошқаради, гуруҳ бўлиб маслаҳат ва коммуникатив машгулотларни олиб боради, ўрганилаётган мавзунинг ҳар хил масалалари бўйича талабаларга яқка тартибда маслаҳатлар беради;

3. **Менежер сифатида** – машгулотлар ўтказилишини бошқаради, мақсадга эришилишини назорат қилади. (тестлар, имтиҳонлар ва шу кабилар).

Ҳозирги пайтда педагогларнинг ахборот маданиятини шакллантиришнинг фақатгина биринчи, бошланғич босқичи – замонавий компьютер саводхонлигини шакллантириш босқичи кузатилади. Ахборот–компьютер воситалари билан таъминлаш педагогнинг компьютер саводхонлигини шакллантириш учун шароит яратади. Билиш жараёнини ташкил қилишнинг ўзгартирилиши, компьютерда ахборот маҳсулотларини, ўқув дастурларини яратиш малакаларини шакллантириш – педагогнинг ахборот омилкорлигини ривожлантириш йўлидаги кейинги қадам ҳисобланади.

Педагогларнинг ахборот маданияти ахборот моделини куриш малакасини назарда тутаяди. Моделлаштиришни реал оламдаги ҳодисалар, жараёнлар ва объектларни тадқиқ қилишнинг универсал усули сифатида қараб, ахборот моделини куриш методига эга бўлган педагог - талабаларни тадқиқот ишларига жалб этади, унинг моделлаштириладиган ҳолатларда фаол иштирок этиши учун шароит яратади. Педагогик маҳорат таркибий тузилишида ахборот маданиятининг имкониятларини ошириш зарурияти қуйидаги омиллар билан аниқланади: ахборот ҳажмининг кескин ортиши; замонавий фан интеграцияси ва дифференциацияси туфайли юзага келган ахборот тарқалишининг муқаррарлиги; илмий ва ижтимоий парадигмалар алмашинуви туфайли билимларнинг жуда тез эскириши.

Ўқитувчиларнинг ахборот маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг ажралмас қисми эканлиги шубҳасиздир. Компьютерда ишлашнинг оддий кўникмалари педагогнинг касбий ахборот фаолиятини такомиллаштиришдаги биринчи қадамдир.

Таълим муассасалари даражасидаги фаолиятлар таълим муассасасини ахборотлаштириш дастури асосида қурилган бўлиши керак. Ахборот

технологияларини фаол татбиқ қилиш орқали таълим сифатини ошириш бундай дастурнинг мақсади ҳисобланади.

Қуйидаги масалаларни ҳал қилиш орқали бу мақсадга эришиш мумкин: методик ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида таълим муассасаларининг ягона ахборот муҳитини яратиш, педагогларнинг касбий маҳоратларини оширишга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва илмий–методик ҳужжатларда ахборот оқимини аниқ бошқариш; узлуксиз касбий таълимда ахборот технологияларидан фойдаланиш ва ўқув жараёнини фаоллаштириш; педагогларда ва талабаларда ахборот маданиятини шакллантириш учун шароит яратиш лозим. Бундай дастурни амалга ошириш ўқув жараёнини самарали ташкил қилиш, бутун жамоа ва ҳар бир иштирокчининг ўқув жараёнидаги фаолияти натижаларини таҳлил қилиш, ахборот технологияларини таълим жараёнига татбиқ этиш самарадорлиги даражасини аниқлаш имкониятини беради.

Дастурга ахборот технологияларини ўзлаштириш ва татбиқ этишининг барча босқичларида педагогларни назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлашга қаратилган фаолиятини ташкил қилишда, қуйидаги таълим интернет–ресурсларидан фойдаланиш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси педагогик таълим муассасаларининг ягона ахборот макони – **www.педагог.уз** портали бўлиб, ҳозирги кунда **www.педагог.уз** портали қуйидаги ахборот-таълим ресурсларидан ташкил топган: **www.педагог.уз** порталининг ахборот-таълим ресурслари; ягона электрон таълимий ва илмий ресурслар; ягона битирувчилар базаси ва кадрларга электрон буюртма бериш тизими; масофавий таълим ресурслари; масофавий малака ошириш курслари; тарбияга оид электрон ресурслар; электрон ўқув-методик мажмуалар; педагогика бўйича Ихтисослашган ҳимоя кенгашлари фаолияти очиқ электрон тизими; ёш ўқитувчиларни методик қўллаш электрон тизими; электрон конференция-форум; республикада педагогик таълимнинг электрон тарғибот тизими расмий сайти.

Замонавий ахборот технологияларини таълим ва тарбия жараёнида қўллаш олиш бўйича ўқитувчилар педагогик маҳоратнинг қуйидаги кўникма ва малакаларига эга бўлишлари керак: фанларни ўқитишда янги ахборот технологияларидан фойдаланиши; педагогик дастурий воситалардан фойдалана олиши; замонавий дастурлаш тиллари ҳақида тушунчаларга эга бўлиши; фанларни ўқитишда замонавий ахборот технологияларини жорий этишининг мақсади, мазмуни ва вазифаларини билиши; ахборот технологияларини ўқитишда жорий этишининг дидактик тамойилларини билиши; ахборот технологияларидан дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этиши ва унинг мазмунини ярата олиши; ахборот технологияларидан мустақил таълимни ташкил этишда фойдаланиши; илгор педагогик

тажрибаларни умумлаштириш ва улардан дарс жараёнида фойдаланиши; ўз-ўзини такомиллаштириш, ривожлантириш, назорат қилиш кўникмаларига эга бўлиши; ахборот ва коммуникация технологияларини қўллаш соҳаларини билиши; ахборот ва коммуникация технологиялари воситалари ва уларнинг дидактик имкониятларидан фойдалана олиши; Интернет таълимий ресурслари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши; ахборот ва коммуникация технологиялари тузилмаси ва таъминотини, техник ва дастурий воситаларини эгаллаши; педагогик дастурий воситаларни ва уларни яратиш тамойилларини билиши; педагогик дастурий воситаларни яратиш технологиясини ўзлаштириши; педагогик дастурий воситаларни танлай олиши; педагогик дастурий воситалардан ўқув жараёнида самарали фойдалана олиши.

Ўқув фаолиятини диагностика ва мониторинг қилиш ишларида компьютердан фойдаланиш шунингдек, педагогнинг ахборот коммуникацион технологияларни билиш савиясини тавсифлайди. Компьютердан фойдаланишда талабаларнинг ҳамда педагогнинг соғлигини сақлаш меъёрларига риоя қилиш педагог ахборот маданиятининг ажралмас қисмидир. Компьютер воситалари ва ахборот технологиялари дидактик жараёнга улкан таъсир кўрсатади, унинг фаолигини мунтазам ошириб боради, бироқ шу билан бирга ўқув жараёнида ахборот–компьютер воситаларидан фойдаланишда педагогик мақсадга мувофиқлик принципига амал қилиш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ochilova G. (2021). ПЕДАГОГИКА.ПСИХОЛОГИЯ. Архив научных исследований, 1(45).
2. Hayitov O. E., Ochilova G. O. *Business Psychology*. – 2010.
3. Очиллова, Г. О., & Мусаханова, Г. М. (2017). Педагогика как наука на пути новых исследовательских задач, переосмыслений и перспектив. Молодой ученый, (7), 458-460.
4. Adilovna O. G., Khayitovich B. E. GENDER FEATURES OF THE IMPACT OF FAMILY BUSINESS ON YOUTH ENTREPRENEURSHIP MOTIVATION.

ЎҚУВЧИЛАРДА МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ф.Ф. Расулова,
мустақил тадқиқотчиси, ТДИУ

Аннотация: Мақолада ўқувчиларнинг демократик жамият ҳаётида фаол иштирок эта олишлари, жамиятдаги долзарб муаммоларни еча билиши ва ўз ишончларини сақлаб қола олишлари учун уларда мустақил фикрлашни шакллантириши акс этган.

Таянч иборалар: Жамият, мустақил фикр, эркинлик, индивидуаллик, қадрият, ахборотлар оқими, тарбия.

Маълумки, бугунги кунда юз бераётган воқеалар миқёсининг ўзгариши шароитида ўқув дастурларини ишлаб чиқувчилар, сиёсатчилардан бошлаб, то синфда болалар билан бевосита ишлаётган барча педогокларга қадар болаларни келажакдаги ҳаётлари самарали, таъминланган ва омадли бўлишига яхши тайёрлаш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб эканлигига амин бўлмоқдалар. Мазкур муаммони узлуксиз давом этаётган ахборотлар гирдобини янада мукаммаллаштирмоқда.

Ушбу асрда демократик ва иқтисодий жиҳатдан сермахсул ҳаётга ўқувчиларни қандай қилиб яхшироқ тайёрлашимиз мумкинлиги ҳақидаги энг муҳим савол бугунги кун ўқитувчиларининг диққат марказида бўлиши зарур. Бошқача айтганда ўқитувчиларнинг асосий вазифаси қандай қилиб ўқувчиларнинг самарали ўқиш ва мустақил фикрлашга ўрганишни ўзлаштириб олишига эришиш. Яъни ўқувчилар янги ахборотга дуч келганда, мустақил тафаккур орқали мушоҳада юрита олиш кўникмасини эгаллаши керак. Илмнинг барча соҳаларида ахборотлар селдек оқиб келаётган ҳозирги даврда улар мазкур ахборотлардан ўзлари учун фойдали бўлган жиҳатларини кўра билиши ва ажрата олиши лозим. Мана шундай бир вазиятда одам ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятларига, шаклланган дунёқараш ва мустақил иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафқураларнинг босимида, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазйиқларига бардош бериши амримаҳол.[2] Фақат эркин ва мустақил, танқидий ва ижодий фикрлай оладиган кишилардагина мутаассибликка, турли бузгунчи ғояларга нисбатан мафқуравий иммунитет осон вужудга келади.

Ҳозирги глобаллашув шароити, дунё ҳамжамияти ҳаётидаги иқтисодий, мафқуравий, ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашуви ҳамда молиявий инқирозлар ёшларни мамлакатнинг ижтимоий, илмий-маърифий, сиёсий ҳаётига чуқур интеграциялашувини таъминлашни талаб этади.

Жамият тараққиёти билан боғлиқ долзарб муаммоларнинг ечими эса мустақил фикрлаш кўникмасига эга бўлган янги авлодга боғлиқ.

Республикамизда чоп этилаётган педагогик даврий нашрлар (“Халқ таълими”, “Узлуксиз таълим”, “Педагогик таълим”, “Мактаб ва ҳаёт” журналлари, “Маърифат” газетаси ва б.)да мустақил фикрлаш ва ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш масаласига кенг

эътибор қаратилмоқда. Масалан: Ж.Мусаевнинг «Мустақил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш машқлари» номли мақоласида ақнинг турли мускулларини машқ қилдириш орқали мустақил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш масаласи очиб берилган. Бироқ кимнинг фикрлаш салоҳиятини ошириш, агар ўқувчи бўлса (мақоланинг баъзи ўринларида “ўқувчи” сўзи тилга олинган), қайси — кичик ёшдаги мактаб ўқувчиси, ўсмирми ёки ўспиринми эканлиги аниқ кўринмайди. Бу мақолада “мустақил фикрлаш”, мақоланинг номланишидан келиб чиқиб, “мустақил фикрлаш салоҳияти” тушунчаларига таъриф учрамайди [3]. Д.Солиеванинг “Ўқувчиларда билиш мустақиллигини шакллантириш” [4] номли мақоласининг мавзу доираси тўлиқ мустақил фикрлаш билан боғлиқ бўлмасанда, муаллиф “мустақиллик”, “мустақил фикрлаш” тушунчаларига эътибор қаратиб, “билиш мустақиллиги” тушунчасига таъриф бермайди. Муаллифнинг изоҳлашича, “мустақиллик — шахс ижодий фаолиятининг муҳим бир компоненти ҳисобланади”. Мақолада мустақил фикрлашга икки ўринда таъриф берилади. Биринчи таъриф: “Психология ва педагогикада мустақил фикрлаш ўқувчиларнинг ўзгаларнинг ёрдамсиз билиш, ақлий масалаларни ечиш лаёқати сифатида талқин этилади”. Иккинчи таъриф: “Мустақил фикрлаш Л.А.Ростовицкая фикрича, шахснинг шундай хусусияти, унинг ривожланиш қонуниятларини шахснинг жамият ва жамоа билан ижтимоий-психологик боғлиқликсиз аниқлаб бўлмайди”.

Демак, жамиятни демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш педагогика фани олдига юксак вазибаларни шарт қилиб кўяди. Ана шундай вазибалардан бири ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришдир. Айнан ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш орқали демократик ва инсонпарвар жамият учун асосий қадрият саналган “жамият ҳаётида фаол иштирок этиш”, “қадр-қиммат”, “ҳамкорлик”, “онгли интизом”, “индивидуаллаштириш”, “эркинлик” каби тушунчалар ҳаётда ўз амалий тасдиғини топади.

Шу билан бирга, мазкур қадриятларни амалга ошириш орқали ўқувчиларда мустақил фикрлаш кўникмалари шаклланади. Демократик жамиятни барпо этиш учун унинг ҳар бир аъзоси жамият ҳаётида фаол иштирок этиши лозим. Бу фуқароларнинг жамиятдаги муаммоларни билиши ва ўз ишончларини сақлаб қола олишларини билдиради. Мустақил фикрлай оладиган шахсларгина, демократик жамият ҳаётида фаол иштирок эта оладилар.

Демократик жамиятда ҳамкорликдаги аъзолар орасидаги тенглик қўлаб қувватланиши зарур. Шахс бошқалар билан ҳамкорлик қилиши учун унинг ўзи мустақил ташаббусни намоён эта олиши, ўз фикрига бошқаларда ишонч ҳосил қилдира олиши лозим. Демак, эркин фикрлай олиш самарали ҳамкорликнинг асосидир.

Демократлаштиришда индивидуаллик жамият олдидаги масъулиятлилик билан уйғунлашади. Эркин фаолият кўрсатишга эга бўлиш шахс учун тарихий, ижтимоий ва ахлоқий қадрият бўлиб, унинг индивидуаллигининг намоён бўлиши ва жамият тараққиёти даражасининг

мезонидир. Шахс эркинлигини поймол этиш, унинг онги ва хулқ-атворини бир қолипга солишга интилиш, индивидларни жамият, давлатни бошқариш ишларидан амалда четлатиш шахс камолотига салбий тасир кўрсатиш билан бирга тараққиётни ҳам секинлатади, турғун ҳолатга келтиради ва ҳатто таназзулга олиб келади. Шу билан бирга индивидуаллик шахс ўзининг хатти-ҳаракатлари учун жавоб бера олишини талаб этади.

Индивидуаллик — мустақил фикрлашнинг муҳим шарти. Эркин жамиятда фикр ва қарашлардаги хилма-хилликни тушуниш ҳамда шунга интилишни ривожлантириш зарур. Демократик жамиятда эркин фикрлай оладиган шахслар кадр — қимматга эга бўладилар. Ўз навбатида, улар бошқаларнинг интилиш ва фикрларини кадрлай оладилар. Кадр-қиммат шахснинг ижтимоий ва маънавий эркинлигининг муҳим томони сифатида юзага чиқади.

Эркинлик — мустақил фикрлаш учун қўйилган биринчи қадамдир. Мустақил фикрнинг мавжудлиги ва ривожланиши кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг эркинлик даражасига боғлиқ. Мустақил фикрлашни шакллантириш ва ривожлантириш учун ўқувчиларнинг индивидуал ва жамоавий даражада эркинлигига эришиш зарур. Чунки мустақил фикрлаш шахснинг хислати сифатида ҳар қандай фаолият турида индивидуал ва жамоавий ютуқларга эришишда юқори кўрсаткични таъминлайдиган муҳим омиллардан бири бўлиб қолади.

Инсоннинг барча мавжудотлардан юксак жиҳати — унинг фикрлаш қобилиятидир. Зотан, инсонлар бир-бирлари билан ўзига хос ўй-хаёллари, мушоҳадалари, фикр юритишлари, мустақил фикрлаш қобилиятлари билан ажралиб турадилар. Шунинг учун ҳам инсон фикрини тарбия қилиш муҳим саналади. Абдулла Авлонийнинг асарларида фикр тарбиясига оид қуйидагича талқин берилган: “Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир қилинуб келган, муаллимларнинг диққатларига суялган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифадур. Фикр инсоннинг шарофатлик, гайратлик бўлишига сабаб бўладур. Бу тарбия муаллимларнинг ёрдамига сўнг даража муҳтождурки, фикрнинг куввати, зийнати, кенглиги муаллимнинг тарбиясига боғлиқдир” [5]

Мустақил фикрлаш жамият инсонга яратиб берган имконият ва эркинликларнинг маҳсули ва инъикосидир. Фикрлаш эса, шахс билиш фаолияти жараёни бўлиб, воқеликни бевосита ва умумлашган ҳолда акс эттириш билан характерланади. Фикрлаш — ақлий фаолият маҳсули. Энг асосийси, фикрлаш — меросий тушунча, у барча инсонларга хос. Фалсафий, педагогик, психологик адабиётларда фикрлашнинг бир қанча турлари ажратиб кўрсатилади. Ҳар бири ўзининг тадқиқот объектидан келиб чиққан ҳолда қайси бирларини асосий деб қарашга мойилдир. Жумладан, фалсафий, психологик, педагогик лугатларда фикрлашнинг қуйидаги турлари ажратиб кўрсатилади: мантиқий, Аннотация (мавҳум), умумлашган, назарий, техник, репродуктив, ижодий (продуктив), тизимли, категориял, индуктив, дедуктив, алгоритмик, танқидий ва бошқалар. Бироқ ҳеч бирида “Мустақил фикрлаш нима?” деган саволга жавоб мавжуд эмас ва ҳатто фикрлаш турлари қаторига

киритилмайди. Чет эл даврий нашрлари, педагогик ва психологик адабиётларида ҳам мазкур тушунчанинг мукамал таърифи кўзга ташланмайди. [6]

Хулоса қиладиган бўлсак, мустақил фикрлай оладиган, демократик жамият ҳаётида фаол иштирок эта оладиган шахсларни мактаб таълимининг илк босқичларданоқ шакллантириш, янгича фикрлаш ва янгича тафаккур ҳамда турли муносабатлар, ҳолатлар ва вазиятларни тўғри идрок этишга тайёр бўлган интеллектуал ёшларни тарбиялаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Зеро, Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ўзлимизни англаб, буюк тарихимизни ёшларга тушунтирсак, илм-маърифатни ривожлантирсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз. Ёшларимиз ҳақли равишда Ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.”[1]

Шундай экан, биз ўз мустақил фикрига эга, жамият ҳаётида фаол иштирок эта олдаган ёшлар қандай хислатларга эга бўлиши кераклиги ҳақида чуқур ўйлашимиз, ундан кейин таълим-тарбияни шунга йўналтиришимиз лозим. Бугунги кунда ёшларимиз бизнинг нафақат таянчимиз ва суянчимиз, балки бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. I-жилд - Т.: “Ўзбекистон”, 2017, 146 бет
2. Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаби ўқувчиларининг мустақил фикрлашни шакллантиришининг дидактик асослари. Диссертация.-Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2009, 14 бет
3. Мусаев Ж. Мустақил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш машқлари. ж. Халқ таълими- 2007, - №1, 7-13 бетлар
4. Солиева Д. Ўқувчиларда билиш мустақиллигини шакллантириш ж. Халқ таълими. – 2007, - № 1, 18-20 бетлар
5. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. О.Шарофиддинов таҳрири остида - Т.: “Маънавият”, 1998. 39 бет
6. Эргашева Г. Ўқувчиларда мустақил фикрлашни шакллантириш усуллари. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES 2020, - № 4, 15-23 бетлар

TRANSPORTATION PROBLEM AND ITS SOLUTION BY THE METHOD OF POTENTIALS

U.Sh. Yakubova,
*senior lecturer of the department of Applied
 mathematics, TSUE*

Annotation. This article analyzes the search for optimum solution by the potential method for optimization of transport processes and detection of the best and cheapest ways to use supply to meet demand at certain points.

Keywords: optimization of transportation problem, potential method, transportation costs.

Nowadays the demand for a product is growing day by day. Accordingly, the importance of transportation plays a significant role in society. It originally means the challenge of transporting/delivering the commodities from the industry to their destinations at the lowest possible cost while meeting the supply and demand constraints. The transportation problem is an extension of the linear programming method, since transportation costs are formulated as a linear function of the capacity of supply and demand.

Example. Let's assume that there is a certain supplier company that has its own production plants in many countries and supplies products to all the world's leading manufacturers. For example, let's consider that there are three factories in locations A1, A2, A3. The capacity of the factories is 35, 50, 15 per day. The factory supplies four customers B1, B2, B3, and B4, whose demand is 30, 10, 20, 40 per day. The cost of transport per unit per km in conventional units is given in the table below (Table 1).

Table 1 – Original transportation plan

| Suppliers (A _i) | Consumers (B _j) | | | | Supply |
|---|-----------------------------|-----------|-----------|-----------|--------|
| | B1 | B2 | B3 | B4 | |
| A1 | 1 | 3 | 2 | 4 | 35 |
| A2 | 2 | 1 | 4 | 3 | 50 |
| A3 | 3 | 5 | 6 | 1 | 15 |
| Demand | 30 | 10 | 20 | 40 | |
| Make a transportation plan so that the transportation price is the lowest. | | | | | |

Solution. The first step is to make it a standard transportation problem.

1) For that check whether the task is balanced or unbalanced:

$\sum A_i = \sum B_j \rightarrow$ the task is balanced

$\sum A_i \neq \sum B_j \rightarrow$ the task is unbalanced, you need to add the missing supplier or consumer to the table with the transport price $c=0$ ³¹

$\sum A_i = 100 \sum B_j = 100 \rightarrow$ **the task is balanced.** So, let's proceed.

Now, you have to find a basic feasible solution. We will make an initial transportation plan:

a) by the lowest price method - the distribution of the cargo starts from the smallest cell C_{ij} .

b) by the north-west method.

Select the least value among all the costs (given in red). i.e., minimum cost. Here, the smallest element is **1**. There are 3 such elements. Compare the demand and supply of that cell. (here, 30 and 35). Allocate the cell with the least value (here, 30) (refer to Table 2 below). Subtract the excluded cell with the least value. i.e., the allocated cell value. (Here, $35 - 30 = 5$). Eliminate the column or row accordingly by striking it off (here, the row with source A1).

Table 2 – Making an initial transportation plan

| Suppliers (A_i) | Consumers (B_j) | | | | Supply |
|---------------------|---------------------|-----------|-----------|-----------|--------|
| | B1 | B2 | B3 | B4 | |
| A1 | 1 30 | 3 | 2 | 4 | 35 |
| A2 | 2 | 1 | 4 | 3 | 50 |
| A3 | 3 | 5 | 6 | 1 | 15 |
| Demand | 30 | 10 | 20 | 40 | |

Now continue the process with remaining cells. Again, find the least cost cell and do the same steps as given above.

Here, a basic feasible solution is compiled (refer to Table 3 below for more information).

³¹ Yakubova, U., Parpieva, N., & Mirhojaeva, N. (2021). Some Applications of Matrix Theory in Economics. Bulletin of Science and Practice, 7(2), 245-253. (in Russian).

Table 3 - Basic feasible solution of transportation plan

| Suppliers (Ai) | Consumers (Bj) | | | | Supply |
|----------------|-----------------------------------|-----------------------------------|-----------------------------------|-----------------------------------|--------|
| | B1 | B2 | B3 | B4 | |
| A1 | 1 <input type="text" value="30"/> | 3 <input type="text" value="0"/> | 2 <input type="text" value="5"/> | 4 <input type="text" value="0"/> | 35 |
| A2 | 2 <input type="text" value="0"/> | 1 <input type="text" value="10"/> | 4 <input type="text" value="15"/> | 3 <input type="text" value="25"/> | 50 |
| A3 | 3 <input type="text" value="0"/> | 5 <input type="text" value="0"/> | 6 <input type="text" value="0"/> | 1 <input type="text" value="15"/> | 15 |
| Demand | 30 | 10 | 20 | 40 | |

The next step is to check the non-degeneracy of the transportation plan (refer to Table 4 below):

Table 4 - The number of basic cells

| Suppliers (Ai) | Consumers (Bj) | | | | Supply |
|----------------|-----------------------------------|-----------------------------------|-----------------------------------|-----------------------------------|--------|
| | B1 | B2 | B3 | B4 | |
| A1 | 1 <input type="text" value="30"/> | 3 <input type="text" value="0"/> | 2 <input type="text" value="5"/> | 4 <input type="text" value="0"/> | 35 |
| A2 | 2 <input type="text" value="0"/> | 1 <input type="text" value="10"/> | 4 <input type="text" value="15"/> | 3 <input type="text" value="25"/> | 50 |
| A3 | 3 <input type="text" value="0"/> | 5 <input type="text" value="0"/> | 6 <input type="text" value="0"/> | 1 <input type="text" value="15"/> | 15 |
| Demand | 30 | 10 | 20 | 40 | |

The number of basic cells = $m+n-1$ (m -suppliers and n -consumers)

$$3+4-1=6 \text{ basic cells}$$

This may or may not represent the optimal solution for this problem i.e., there may exist other ways of allocating which may give a better solution with a lower total cost.

An optimality test has to be carried out to test whether the obtained answer is optimal. If not, the optimality test leads us to one for a probable improvement.

Checking the basic solution for optimality. To do this, you have to convert the source table to the following simplified format. After this, fill in **potentials** and **free cells**, using these formulas respectively:

$$U_i + V_j = C_{ij}, \Delta_{ij} = (U_i + V_j) - C_{ij},$$

where U_i - supplier potentials (fit into the table on the site of the A_i) V_i - consumer potentials (fit into the table on the site of the B_j)

If, all $\Delta_{ij} \leq 0$, then the plan is optimal.

If, at least one $\Delta_{ij} > 0$, then the plan is not optimal, therefore, the reallocation of traffic on the cycle is required, and the verification of the new plan, starting from stage 3 (refer to Table 5 below).

Table 5 - Checking the basic solution for optimality

| | | | | | | | | |
|---------|----|----------|----|---------|----|---------|----|---------|
| 1 | 30 | 3 | -4 | 2 | 5 | 4 | -3 | $U_1=0$ |
| 2 | 1 | 1 | 10 | 4 | 15 | 3 | 25 | $U_2=2$ |
| 3 | -2 | 5 | -6 | 6 | -4 | 1 | 15 | $U_3=0$ |
| $V_1=1$ | | $V_2=-1$ | | $V_3=2$ | | $V_4=1$ | | |

$\Delta_{ij} > 0$, then the plan is not optimal, therefore, move on to the cycle.

Making a transportation cycle. Take the cell with the highest positive value of Δ_{ij} for the beginning of the cycle.

1. Transportation is always added at the beginning of the cycle (+). 2. The value of the added transportation is the smallest transportation in the negative vertices of the cycle.

Construct a loop that starts and ends in a cell. The cycle is built according to the scheme of possible admissible cycles of transportation task (refer to Table 6 below).

Table 6 - Making a transportation cycle

| | | | | | | | | | | |
|---------|-----|----------|----|---------|----|---------|----|---------|---------|---------|
| 1 | -15 | 30 | 3 | -4 | 2 | +15 | 5 | 4 | -3 | $U_1=0$ |
| 2 | +15 | 1 | 1 | 10 | 4 | 15 | 3 | 25 | $U_2=2$ | |
| 3 | -2 | 5 | -6 | 6 | -4 | 1 | 15 | $U_3=0$ | | |
| $V_1=1$ | | $V_2=-1$ | | $V_3=2$ | | $V_4=1$ | | | | |

After the changes, the basic solution takes a new form. Therefore, check the optimality of the plan by the potential method (do the same steps as given above). The final basic feasible solution is given in the table below (Table 7):

Table 7 – Final basic feasible solution

| | | | | | | | | |
|------|------|------|------|----|----|----|------|-------|
| | 3 | -3 | 2 | 20 | 4 | -2 | U1=0 | |
| 2 | 15 | 1 | 10 | 4 | -1 | 3 | 25 | U2=1 |
| 3 | -3 | 5 | -6 | 6 | -5 | 1 | 15 | U3=-1 |
| V1=1 | V2=0 | V3=2 | V4=2 | | | | | |

Hence, it is clear that all $\Delta_{ij} \leq 0$, the plan is optimal.

$$\text{Transportation cost} = (1 \cdot 15) + (2 \cdot 20) + (2 \cdot 15) + (1 \cdot 10) + (3 \cdot 25) + (1 \cdot 15) = 15 + 40 + 30 + 10 + 75 + 15 = 185 \text{ (conventional units).}$$

Conclusion. While a feasible basic solution can take care of all sources and location restrictions, it does not have to provide a solution at the lowest cost. There may be several basic necessary solutions, but one that minimizes the total transportation cost is considered the optimal solution. Once a worthwhile basic solution has been determined, the layout should be tested for optimization to see if the solution given is the best and, if not, this will lead us to a better or optimal solution.

Thus, the transportation problem by the method of potentials not only solves the problem but also helps us to find the optimal solution and understand how the model works and what can be changed, and to what extent to modify the solution which in turn helps to determine the cost and an optimal supplier.

References

1. Yakubova, U., Parpieva, N., & Mirhojaeva, N. (2021). Some Applications of Matrix Theory in Economics. *Bulletin of Science and Practice*, 7(2), 245-253. (in Russian).
2. Parpieva N., Yakubova U., & Mirkhodjaeva N. (2020). The Relevance of Integration of Modern Digital Technologies in Teaching Mathematics. *Bulletin of Science and Practice*, 6 (4), 438-443. <https://doi.org/10.33619/2414.2948/53/51>

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БЎЛАЖАК ИҚТИСОДЧИЛАРНИНГ АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ СОҲАСИДАГИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ

Х.А. Саудақбаров,
ТИнновацион таълим кафедраси, PhD.ТДИУ

Аннотация: Бўлажак иқтисодчиларда ахборот хавфсизлиги соҳасида профессионал компетентликни шакллантириш даражаси тегишли кўрсаткичлар билан тавсифланган мезонларни аниқлашга имкон беради.

Таянч иборалар: иқтисодчилар, рақамли иқтисодиёт, ахборот, хавфсизлик, касбий компетентлик, мезонлар, мотивация.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифаларга мувофиқ ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш орқали республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш белгиланган.

Таълим тизимининг барча босқичларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва замонавий иқтисодиёт учун зарур бўлган рақамли билимларнинг даражасини ошириш, таълим инфратузилмасини такомиллаш-тиришдан иборат. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шариоитида жамият бўлажак иқтисодчилар олдига маълум умумий маданий ва касбий компетенцияларни шакллантириш талабларини қўйди ва бу Давлат таълим стандартларида ўз аксини топган. Иқтисодиёт бўйича таълим йўналишини битирувчилари мос равишда "бакалавр" ва "магистр" малака даражаларига эга бўладилар.

"Иқтисодиёт" йўналишидаги ДТС таҳлили шуни кўрсатдики, ДТС иқтисодчиларнинг касбий фаолиятида ахборот хавфсизлиги билан компетенцияларни шакллантириш учун потенциал имкониятларга эга. Бундан ташқари, алоҳида компетенциялар, юқорида таъкидлаган иқтисодчининг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги касбий компетентлигининг муҳим хусусиятларини акс эттиради.

"Иқтисодиёт" йўналиши бўйича амалдаги давлат таълим стандартларида қобилиятни шакллантириш билан чекланган ахборот хавфсизлиги муаммоларига "замонавий ахборот жамиятини ривожлантиришда ахборотнинг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ушбу жараёнда юзага келадиган хавф ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига, шу жумладан давлат сирларини ҳимоя қилишга" етарлича эътибор қаратилмайди. Бироқ, иқтисодчининг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги касбий компетентлигини илгари аниқлаган мазмуни бизга улар етарли эмас деган хулосага келишимизга имкон беради. Ушбу фикрни В.П.Поляков тасдиқлаб, у ҳозирги пайтда ахборот хавфсизлиги соҳасида иқтисодий соҳадаги мутахассисларни тайёрлаш тизимли эмаслигини таъкидлаган.

Юқорида айтиб ўтилганлар мамлакатимиз бизнесининг ҳозирги вақтда таълимнинг турли хил курслари ва тренинглари ташкил этиш орқали оддий фойдаланувчилар малакасини оширишга тайёр бўлишининг сабабларидан бири эди. Шу билан бирга, ахборот хавфсизлиги соҳасида зарур кўникмаларга эга бўлган мутахассис қўшимча харажатлар ва вақтни талаб қилмайди ҳамда ахборот хавфсизлиги таҳдидларидан ҳимояланган самарали иш оқимини кафолатлайди. Бундай мутахассисларни ёллаш иқтисодий жиҳатдан самарали ва бизнесни барқарор ҳамда узлуксиз ривожлантириш тенденциясини кучайтиришга қаратилган стратегик ечимдир.

Рақамли иқтисодиёт шароитида "Иқтисодиёт" таълим йўналиши ДТСни касбий фаолиятнинг асосий турлари (бухгалтерия, ҳисоб-таҳлил, аудит, консалтинг, ташкилий-менежмент ва бошқалар) бўйича таҳлилларимиз, шунингдек иқтисодий йўналишдаги мутахассисларнинг иш билан бандлигини таҳлил қилиш орқали айтишимиз мумкинки, бутунги кунда иқтисодий йўналишдаги мутахассис замонавий АКТ соҳасида яхши маълумотга эга бўлиши лозим, хусусан замонавий компьютерларнинг архитектурасида қурилмаларни интеграция қилиш технологияси (компьютер ва унинг таркибий қисмлари, сканер, принтер ва бошқалар); телекоммуникация технологиялари (тармоқ технологиялари, маҳаллий ва глобал тармоқлар, интернет технологиялари, симсиз алоқа, модем, роутер); бошқарув технологиялари (корпоратив ахборот тизимлари, электронхужжат айланиш тизимлари); маълумотларни қайта ишлаш технологиялари (тақсимланган маълумотларни қайта ишлаш тизимлари, тақсимланган маълумотлар базаси тизимлари, таҳлил ва ҳисобот тизимлари); офисларни автоматлаштириш технологиялари (матн ва жадвал процессорлари, электрон почта, маълумотлар базаси, матнли, аудио ва видео конференциялар); мультимедиа технологиялари (матнни қайта ишлаш, овоз, видео, фото, графика, 3D); қарорларни қўллаб-қувватлаш технологиялари (маълумотларни қидириш, маълумотларни интеллектуал таҳлили, маълумотлар базасида билимларни қидириш, вазиятни таҳлил қилиш); эксперт тизимлар технологиялари, автоматик ахборот тизимлари, бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит, маълумотнома ва ҳуқуқий ахборот тизимлари; электрон тижорат технологиялари (электрон тижорат тизимлари, тўлов тизимлари) ва бошқалар. АКТлардан фойдаланган ҳолда, иқтисодчи янги ахборот маҳсулотини яратади, унинг сифати эса мутахассисни профессионаллик кўрсаткичи ва амал пиллапояларида босқичма-босқич кўтарилиш муваффақиятининг калити ҳисобланади. Кўриб турганимиздек, иқтисодчи ўзи жавобгар бўлган маълумотни (шахсан ёки ахборот хавфсизлиги бўйича мутахассис кўмаги билан) ҳимоя қилишга қодир бўлиши керак.

Ахборотни ҳимоя қилиш унинг бевосита мажбурияти эмас, лекин иқтисодчи маълумотлар оқимлари ва улар билан ишлаш пайтида юз берадиган ахборот жараёнлари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши лозим. Бу эса тижорат, банк, давлат ёки бошқа сирларни акс эттириши мумкин бўлган маълумотларнинг махфийлиги, яхлитлиги ёки улардан фойдаланиш имкониятини бузадиган ҳолатлар хавфини камайтириб, бартараф этади. Иқтисодчининг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги касбий компетентлиги — ахборот хавфсизлиги соҳасидагина зарурий билимлар тизимини ва уларни муайян иш шароитларида қандай қўллашни ўз ичига олган кўп қиррали ҳодисадир, шунингдек, касбий

фаолиятда ахборот хавфсизлигини таъминлай билишлик баъзи жиҳатлари билан иқтисодчининг қадриятларидан ҳисобланади. Касбий компетентлик нуқтан назаридан иқтисодчиларнинг касбий тайёргарлиги масалалари бўйича манбаларни ҳамда иқтисодчиларнинг касбий фаолиятидаги ахборот хавфсизлиги таркибини таҳлил қилиш, шунингдек, аввалги қилинган хулосалар қуйидаги муҳим хусусиятларни ажратиб кўрсатишимизга имкон беради.

Мотивацион хусусиятлар бўлажак иқтисодчиларнинг касбий аҳамиятга эга бўлган ахборотни, эҳтиёжларни, мотивларни, интилишларни, ахборот хавфсизлиги соҳасидаги таълимга ва ўз-ўзини тарбиялашга бўлган қизиқишини, шунингдек, бу борада ахлоқий — этика муносабатларни ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятларини акс эттиради.

Когнитив хусусиятлар-ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси моҳияти ва унинг иқтисодий ва бизнестга нисбатан хусусиятлари тўғрисидаги билимларни акс эттиради. Иқтисодий соҳадаги ахборот ресурслари учун асосий таҳдидларни билиш, ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш асослари, шу жумладан мамлакатимиз ва хорижий қонунлар, конституцион меъёрлар, Ўзбекистон Республикаси Қонуллари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва бошқа давлат органларини бошқарув ҳужжатларининг талаблари, компьютер жинойти учун жавобгарлик, ахборот хавфсизлиги хизмат кўрсатиш тамойиллари ва мазмунидир.

Фаолиятли тавсифлар — касбий фаолиятда ахборот хавфсизлиги тадбирларини амалга ошириш учун қобилият ва кўникмаларни ўз ичига олади. Меъёрий-ҳуқуқий (ваколатлар таърифи, фойдаланишни бошқариш, бошқаришнинг белгиланиши, ҳужжатлаштириш ва ҳаракатлар таҳлили ва бошқалар), маъмурий (ахборот хавфсизлиги қоидалари ҳамда йўриқномаларини ишлаб чиқиш ва тақдим этиш, ҳужжатлар, ахборот ташувчиларни ҳимоя қилишни, ҳисобга олишни, сақлашни, фойдаланишни ва бартараф қилишни ташкил этиш бўйича фаолият), жисмоний (ҳимояланган маълумот ва тизим таркибий қисмларига кириш учун жисмоний тўсиқлар яратадиган механик, электрон ва механик қурималардан фойдаланиш, шунингдек визуал кузатиш, алоқа ва сигнализацияқурималари), аппарат ва дастурий таъминот (электрон воситалар ва дастурлардан фойдаланиш, идентификация қилиш, аутентификация қилиш, ахборот хавфсизлиги субъектларини авторизация қилиш, фойдаланишни бошқариш, воқеаларни рўйхатга олиш ва таҳлил қилиш, криптографик ишлов бериш ва бошқалар).

Шундай қилиб, бўлажак иқтисодчилар учун ахборот хавфсизлиги соҳасидаги касбий компетентликни шакллантирувчи мезонлар аниқланади, уларнинг асосийлари мотивацион, когнитив ва фаолиятли мезонлар ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон қарори.

2. Беликов В. А. Математическая обработка результатов геодезических измерений. Издание 2. Автор(ы): **Беликов А.Б.** Издание: НИУМГСУ, Москва, 2016 г.

3. Поляков, В. П. Информационная безопасность компьютерных систем экономики как педагогическая проблема [Электронный ресурс] /В. П.Поляков. http://www.dofa.ru/Dumnaja/8_PBEDES/polakov2.doc.

ПАХТАЧИЛИК ВА ТЎҚҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕР ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ҚЎЛЛАШ

***Н.С. Холмухамедова,
илмий тадқиқотчи, ТДИУ***

Аннотация: Ушбу мақолада пахтачилик ва тўққимачилик корхоналарида инновацион кластер тизимини ишлаб чиқиш ва қўллаш имкониятлари тахлил қилинган. Шунингдек, пахта-тўққимачилик кластерлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг фаолиятида юзага келаётган тизимли муаммоларни бартараф этиш бўйича хулоса ва таклифлар берилган.

Таянч иборалар: пахтачилик, тўққимачилик корхоналари, инновацион кластер, кластер тизими, пахта-тўққимачилик кластерлари.

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификация қилиш, маҳсулотни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш борасида олиб борилган изчил ислохотлар натижасида аграр соҳада фаолият юритишнинг янги тизими — кластер усули жорий этилди. Қисқа давр мобайнида кластер усулида фаолият юритиш ўзининг ижобий томонларини кўрсатди ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ресурсларни тежайдиган техника ва технологияларни жорий этиш, қишлоқ жойларга саноатни олиб кириш ва янги иш ўринларини яратиш, юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, инфратузилмани ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, пахта-тўққимачилик кластерлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг фаолиятида юзага келаётган тизимли муаммоларни бартараф этиш ва манфаатларини давлат бошқарув органларида химоя қилиш борасида самарали механизмлар яратилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги ПФ-5853-сон Фармони ижросини таъминлаш, жумладан қишлоқ хўжалигида эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш, пахта ва галла етиштиришда давлат буюртмасини бекор қилиш, ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар манфаатдорлигини ошириш, инвестицияларни кенг жалб қилиш қилиш бўйича фармон тасдиқланди.

Энди бевосита пахта-тўққимачилик кластерининг бошқа ишлаб чиқариш тузилмаларидан афзалликларига тўхталадиган бўлсақ, бу ягона технологик занжирга бирлаштирилган корхоналар мажмуи ва аҳоли турли

катлаamlарини ўзида жамловчи боғлам, айна пайтда соҳада инновацион иқтисодийга ўтишнинг муҳим босқичидир. У илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, янги инновацион технологияларни амалиётга жадал жорий этишда долзарб аҳамиятга эга. Чунки бу ерда хом ашё қайта ишлашнинг барча босқичидан ўтиб, экспортбоп тайёр маҳсулотга айланади. Шундай экан, кластерни яратиш олим ва иқтисодчилар, қишлоқ хўжалиги, саноат ходимлари, дизайнерлар салоҳияти, илғор тажрибасини ягона мақсад йўлида бирлаштиришни тақозо қилади. Шу боис янги лойиҳани ишлаб чиқишда нафақат ўзбекистонлик, балки хорижлик етакчи олимлар, илмий-тадқиқот марказлари ходимлари, мутахассислари ҳамда тадбиркорлар билан маслаҳатлашилди. Шу ернинг ўзида илмий-техник кенгаш, илмий марказ ва кадрлар тайёрлаш бўйича кенгаш тузиш белгилаб олинди.

Оддий қилиб айтганда, инновацион кластер, бу — бир мажмуа доирасида бир жамоа бўлиб ерларни шудгорлаш, чигит экиш, пахтани парваришлашб, ҳосилини йиғиб-териш олиш, хом ашёни чуқур қайта ишлаш билан боғлиқ корхоналарни бирлаштирувчи ишлаб чиқариш услубидир. Мазкур жараёнда ҳамма меҳнаткашларнинг манфаатлари уйғунлашади. Яъни хом ашё етиштирувчидан тортиб, уни қайта ишловчиларгача бўлган барча ишчи-ходим маҳсулот сифатига бирдек жавобгар бўлади. Чунки шунга яраша охирги товарни сотишдан пайдо бўладиган қўшимча қийматнинг бир қисми шу ишга бош қўшган меҳнаткашларга тақсимланади. Бундай рағбат уларни номигагина эмас, балки сидқидилдан меҳнат қилишга ундайди. Ҳаёт ҳақиқати шуки, агар охирги маҳсулот олувчилар билан ерга ишлов берувчилар манфаатлари бир-бирига боғланмас экан, бундан нафақат деҳқон ёки инвестор, балки давлат ҳам ютқасади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сонли “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан эса кенг турдаги сифатли тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари белгиланди. Қолаверса, ҳужжат 3-иловаси билан пахта-тўқимачилик кластерларини ўрта муддатли истиқболда ривожлантириш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи комиссия таркиби тасдиқланди. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг пахта-тўқимачилик йўналишидаги кластерлари сони 75 тага етди (1-жадвал).

Ўзбекистон Республикасидаги пахта-тўқимачилик кластерлари

| Худуд | Кластерлар сони | Пахта майдони, га | |
|------------------------------|-----------------|-------------------|------------------------|
| | | Жами | Ўртача битта кластерга |
| Республика бўйича | 75* | 701 426,6 | 9 352,4 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 3 | 28 161 | 9 387,0 |
| Андижон вилояти | 9 | 60 126 | 6 680,7 |
| Бухоро вилояти | 8* | 112 329 | 14 041,1 |
| Жиззах вилояти | 4 | 28 068 | 7 017,0 |
| Қашқадарё вилояти | 6** | 70 200 | 11 700,0 |
| Навоий вилояти | 2 | 32 600 | 16 300,0 |
| Наманган вилояти | 6 | 55 182 | 9 197,0 |
| Самарқанд вилояти | 8 | 75 580 | 9 447,5 |
| Сурхандарё вилояти | 5 | 49 846 | 9 969,2 |
| Сирдарё вилояти | 4** | 42 606,6 | 10 651,7 |
| Тошкент вилояти | 6 | 54 600 | 9 100,0 |
| Фарғона вилояти | 8 | 50 330 | 6 291,3 |
| Хоразм вилояти | 6 | 41 798 | 6 966,3 |

Пахта-тўқимачилик кластерларининг 2019 йил кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган. Жорий йил пахта ҳосилининг 73 фоизи пахта-тўқимачилик кластерлари ҳиссасига тўғри келди. Пахта ҳосилдорлиги ўртача 28,3 центнерни, пахтани дастлабки ишлаш жараёнидан тола чиқиши эса 33,5%ни ташкил этди. Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш кластерлари томонидан 2019 йилда етиштирилган пахта ҳосилини қайта ишланиши натижасида республика бўйича 2019 йил сентябрь-декабрь ва 2020 йил январь-август ойларида трикотаж мато ишлаб чиқариш ҳажми 7 841 тоннани, газлама ишлаб чиқариш ҳажми 8 168 млн.кв.м.ни, пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 65 млн жуфтни ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 39 657 минг донани ташкил этиши кутилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. А. Маршалл. Принципы экономической науки. М.: Прогресс, 1993 г. 2. Б.Ш. Усмонов, О. Раджабов. Изучение опыта развития и управление инновациями в кластерах. Т.: Fan va technology, 2017 г.

3. А.А. Мигранян. Теоретические аспекты формирования конкурентоспособных кластеров. // Вестник КРСУ. 2002., №3. (www.krsu.edu.kg/vestnik/2002/v3/a15.html.)

4. О проекте перечня пилотных программ развития инновационных территориальных кластеров. <http://www.economy.gov.ru> 5

Б.Ш. Усмонов, Ф.Х. Рахимов. Билимлар, инновациялар ва инсон капитали ривожига асосланган иқтисодийни шакллантириши. Иқтисодий: таҳсиллар ва прогнозлар. Т.: 2019., №1. 81-87 б.

6. М.А. Рахматов, Б.З.Зарипов. Истеоддли инсонлар мамлакатнинг бебаҳо бойлигидир. Ли Куан Ю ҳикматлари. Т.: "Zamin Nashr", 2019.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ЎРГАТИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

*Х.А. Саидакбаров,
Инновацион таълим кафедраси, PhD.ТДИУ
Б.Р. Рузметов,
магистратура талабаси*

Аннотация: Бўлажак мутахассисларни касбий компетентлигини шакллантиришда ахборот хавфсизлигини таъминлашни ўргатишнинг инновацион фаолигини таъминлайди.

Таянч иборалар: рақамли иқтисодиёт, ахборот, хавфсизлик, касбий компетентлик, инновация.

Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технология соҳаларининг рақамли технологиялар асосида шиддат билан ривожланиши замонавий жамиятда ахборот муҳитини шакллантириш талабларини белгилаб бермоқда.

Бу ўз навбатида ахборот муҳитида мустақил ҳаракатланиш имкониятига эга, ўз соҳасининг билимдони бўлган, профессионал малакаларни юқори даражада эгаллаётган, рақамли технологияларидан фойдаланиш маҳоратига эга, ахборотларнинг шиддатли оқими билан ишлашда ахборот хавфсизлигини таъминлай олиш қобилиятларига ҳамда юқори даражада касбий компетентликка эга кадрларга эҳтиёж туғдирмоқда.

Шундай экан, олий таълим муассасаларида кадрларни тайёрлаш жараёнида даврнинг мазкур талабини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил мартдаги Ф-5953-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни шакллантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармонида устувор вазифа сифатида куйидагилар белгиланди:

ахборот технологиялари соҳасида инсон капиталини шакллантириш, кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимини такомил-лаштириш; давлат хизматларини рақамли шаклга трансформация қилиш ва ахборот экотизимини шакллантириш;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

маҳаллий IT-технологиялар бозори салоҳиятини ошириш йўналишида:

ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларга қўйиладиган асосий функционал талабларнинг ягона реестрини белгиланган ҳолда давлат органлари ва ташкилотларида ушбу маҳсулотлардан фойдаланишга ўтиш;

ўрнатилган функционал талабларга мувофиқ келадиган маҳаллий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларнинг ягона базасини шакллантириш;

салоҳияти мавжуд олий таълим муассасаларида ахборот техноло-гиялари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш соҳасида лабораториялар, жумладан халқаро тан олинган илғор it-компанияларни жалб қилган ҳолда ташкил этиш;

маҳаллий ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишни янада шакллантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларига ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни кенг жорий қилиш йўналишида молия-хўжалик фаолияти, маъмурий тартиботлар, ишлаб чиқариш, технологик ва бошқарув жараёнларида рақамли технологиялар ва автоматлаштирилган тизимларни яратиш;

телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш йўналишида интернет тармоғидан кенг поласали фойдаланишни кенгайтириш, мобиль алоқа тармоғи ва бошқа замонавий телекоммуникация хизматларини ривожлантириш ва модернизация қилиш.

Юқорида келтирилган вазифаларни ҳал этиш албатта олий таълим муассасаларида тайёрланаётган кадрлар сифати билан бевосита боғлиқ бўлиб, бунда, олий таълим муассасаларида таълим самарадорлигини ошириш, мутахассисларнинг касбий компетентлик даражасини шакллантириш таълим жараёнини ахборот таълим муҳити билан уйғунлаштириш орқали таълим сифатини ошириш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш муҳим саналади. Бу эса ўз навбатида олий таълим муассасаларида таълим мазмунини такомиллаштириш, ўқитишнинг инновацион шакл ва методлари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш билан бирга ахборот хавфсизлигини таъминлаш йўлларини ўргатиш заруратини шакллантирди. Ҳозирги кунда ахборотлашган жамиятда бўлажак мутахассисларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш кўникмаларини шакллантириш мутахассисларни тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш-нинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ушбу гоё давлат даражасида тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлиги соҳасида қабул қилган меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган. Бу ахборот, ахборот инфратузилмаси, маълумотларни тўплаш, тарқатиш ва узатиш билан шуғулланувчи субъектлар, шунингдек, ушбу жараённи тартибга солувчи тизимнинг ижтимоий муносабатлар пайтидаги комбинациясини қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги меъёрий ҳужжатларда қуйидаги таҳдидларга энг кўп дуч келиниши, яъни: давлат статистикаси тизими; кредит-молия тизими; жамият ва давлатнинг иқтисодий соҳада фаолиятини қўлаб-қувватлайдиган ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органлари бўлинмаларининг маълумотлари ва бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилган тизимлари; мулк шаклидан қатъий назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоби тизимлари деб таъкидланади. Бу бўлажак иқтисодчи мутахассислар учун биринчи навбатда ахборот ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича компетентликни шакллантириш долзарб деган хулосага келишимизга имкон беради. “Касбий



компетентлик" атамаси "компетенция" ва "компетентли" тушунчаларидан келиб чиқади.

Компетенция (лотинчада — қонуний тегишли) — ҳар қандай орган ёки мансабдор шахнинг ваколатлари; инсоннинг билим ва тажрибага эга бўлган муаммолар доираси;

— компетентли (лат.kompetens, kompetentis – мос келувчи, қобилиятли) компетенцияга эга, маълум бир соҳадаги маълумотларни билувчи деган маъноларни англатади.

Американинг "Webster" луғатига кўра "компетенция" (competency) тушунчаси 1596 йилда, "компетентлик" (competence) — 1605 йилда пайдо бўлган.

Улардан фойдаланишнинг турли хил таърифлари ва ёндашувларида баъзи хорижий тадқиқотчилар L.M.Spencer Jr., S.M.Spencer, A.Stoof ривожланишнинг иккита манбасини ажратиб кўрсатишади: менежментдаги компетентли ёндашув ва таълимда компетенциялардан фойдаланиш

Юқорида айтиб ўтилган тадқиқотчиларнинг фикрига кўра замонавий бизнесга "компетенция" тушунчасининг таъсири асосан менежмент соҳасида намоён бўлади. Америкалик психолог Дэвид Мак Клеланднинг (David C. McClelland) "Интеллектни эмас компетенцияларни тестдан ўтказиш (Testing for competence rather than for «intelligence»)" мақоласида бизнесда компетентликка асосланган ёндашув бошланғич нуқта сифатида қаралиши мумкин деган фикрни билдиради. Ушбу мақолада, Мак Клеланд тез-тез ишлатиладиган шахсий сифатларни аниқловчи тестлар ва интеллект даражасини аниқлаш учун тестлар респондентнинг ҳақиқий профессионал фаолиятдаги муваффақиятини башорат қилишда яхши натижа бермайди ва бунинг ўрнига муқобил сифатида компетентликка асосланган ёндашув ишлаб чиқиши кераклигини таъкидлайди. У инсонлар учун уни нима мажбур қилганидан кўра ким компетентли эканлигини аниқлаш осонроқ деган тахминга асосланиб, хатти-ҳаракатлар тўғрисида интервью тайёрлади.

Таълим муҳитида "компетенция" тушунчасининг келиб чиқиши менежмент ҳолатидагидай аниқ равшан эмас. Таълимда компетенция масаласи доимий баҳс ва мунозарали мавзу бўлганлиги сабабли "компетенция" ва "компетентлик" тушунчалари бўйича тадқиқотчилар турлича қарашларни илгари сурадилар. Натижада, таълимда кўпинча HR-менежментдан кириб келган таърифлар қўлланилади. Компетентликни шакллантиришга йўналтирилган таълим усуллари кўпроқ HR-менежментга қаратилади (инглиз тилида, қисқача айтганда – Human Resources — инсон ресурслари) – ходимларни танлаш ва баҳолашда иштираётган корпоратив хизматлар номи, шунингдек, ходимларни бошқаришнинг бошқа аспектиларининг номи билан.

Хорижий тадқиқотчилар, шунингдек, "компетенция" тушунчасини таърифлашда минтақавий ўзига хослик ва тажриба нуқтаи назаридан бир нечта ёндашувларни аниқлайдилар. Ф.Д.Ле Дие (Françoise Delamare Le Deist) ва Ж.Уинтертон (Jonathan Winterton) "Компетенциялар нима?" мақоласида бир неча ёндашувларни ажратиб кўрсатишган, улар асосида компетенциялар типологияси киритилган.

Калифорния университети профессори Роберт Уайт (Robert W. White) "Мотивацияни қайта кўриб чиқиш: компетенция тушунчаси (Motivation reconsidered: the concept of competence)" ишида "компетенция" атамасини шахснинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлаш учун киритган ва у ишни аъло даражада бажаришни юқори мотивация билан боғлиқ дейди. У компетенцияни "инсон" агроф-муҳит билан самарали ўзаро таъсири" деб белгилаб, "эришилган қобилият" сифатида компетенциядан ташқари "компетентли мотивация" мавжудлигини таъкидлади.

Буюк Британияда, аксинча, "компетенция" тушунчаси бажариладиган иш билан боғлиқ функционал ёндашув сифатида қабул қилинган, бу профессионал таълим Миллий тизими ва миллий профессионал малака тизимида акс этади. Профессионал таълим Миллий тизими — профессионал-техник таълим тизимига (Vocational Education and Training) асосланади. NVQs – National Vocational Qualifications – миллий профессионал малака гувоҳномаси профессионал тайёргарлик курсини танлаганлар учун ўрта мактабни тугатгандан кейин бериледи.

Адабиётларда компетентликнинг қуйидаги таърифи ҳам келтирилган:

— ўқишўрганиш туфайли эгалланган билимлар, тажриба, кадриятлар ва мойилликларга асосланган умумий лаёқатлилик;

— билим ва вазиятлар ўртасидаги алоқани ўрната билиш қобилияти, уларни ҳал этишининг муаммога мос келадиган йўлини топиш.

О.А.Кўйсиновнинг фикрича, компетенция ўз билимларини тинмай бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганиш, шу кун ва давр талабларини ҳис этиш, янги билимларни излаб топиш маҳоратини, ўз амалий фаолиятида қўллашни талаб қилади. Компетенция эгаси бўлган мутахассис муаммоларни ечишда ўзи ўзлаштириб олган, айнан шу шароитга мос метод ва усуллардан фойдаланишни яхши билиши, ҳозирги вазиятга муносиб бўлган методларни танлаб олиб қўллаши, тўғри келмайдиганларини рад этиши, масалага танқидий кўз билан қараши каби кўникмаларга эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. Электрон ресурс: www.lex.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «илм, маърифат ва рақамли иқтисодийтни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги Фармони. Электрон ресурс: www.lex.uz

3. Зеер Э. Ф. Реализация компетентностного подхода в профессиональном образовании / Э. Ф. Зеер, Д. П. Заводчиков, Е. Г. Лопес. - Екатеринбург : Изд-во РГППУ, 2007. - 129 с. Cisco: главная причина утечки данных — не хакеры, а неправильное поведение пользователей [Электронный ресурс] // Cisco, www.cisco.com, 2008. - <http://www.cisco.com/web/RU/news/releases/txt/2008/111008b.html>. - (24.08.2019).

O'ZBEKISTON IQTISODIYOTIDA LOGISTIKANI RAQAMLASHTIRISH MASALALARI

B.A. Xoshbakov,

"Iqtisodiyot va turizm" fakulteti magistranti, TerDU

Annotatsiya. Transport logistikasi jamiyat uchun nafaqat foyda keltiradi, balki Respublikamiz iqtisodiyotining hozirgi va istiqboldagi barqaror rivojlanishiga yordam beradi. Maqolada transport logistikasining iqtisodiyotga ta'siri va logistika provayderlarining 1PL dan SPL darajasigacha o'zgarishida muammo va yechimlar keltirilgan.

Tayanch iboralar. Transport, logistika, logistika samaradorligi LPI, shaffoflik, raqobat, ekspport.

Logistika tizimlarida SPL konsepsiyasidan foydalanish istiqbollari

O'zbekiston milliy iqtisodiyotini modernizatsiya qilish tovarlar oqimini boshqarishning logistik usullarini amalga tadbiiq qilish va rivojlantirishni talab qiladi. Tovar ayriboshlash soxasida sezilarli o'zgarishlar yuz berib, tovarlarni yetkazishning logistika kontsepsiyasiga asoslangan yangi usullari va texnologiyalaridan foydalanila boshlandi, logistika oqimlarini boshqarishning yangi shakl va usullari paydo bo'ldi. Buning sababi shundaki, maxsulot tannarxining 70% idan ko'prog'ini logistika xarajatlari tashkil qiladi, ya'ni transportirovka, saqlash, o'rash va boshqalar. Sanoati rivojlangan davlatlarda moddiy oqimlar harakatini samarali boshqarish xizmatida logistika xizmat qiladi. O'zbekiston Respublikasida bozor iqtisodiyoti rivojlanishining yuqori darajasi hamda tovar oqimlarini tashkil qilishda xorijning ilg'or texnologiyalaridan foydalanish integratsiyaviy o'zaro hamkorlik jarayonlari dinamikasini rivojlangtirish imkonini beradi. Milliy iqtisodiyotimiz sharoitida tovar harakati nazariyasi, integratsiya jarayonlarini tadqiq qilish, logistika markazlarini shakllantirish qonuniyatlarini oqilona rivojlantirishni talab qiladi.

Janubiy-Sharqiy Osiyo va Evropa davlatlari orasida tobora oshib borayotgan savdo hajmi, hamda O'zbekistonning transport-tranzit potensiali istiqbollari Respublikada SPL konsepsiyasidan foydalanishni taqoza qiladi. Shu sababli SPL konsepsiyasidan foydalanish istiqbollarini o'rganish dolzarb masala hisoblanadi.

SPL-provayderlarni tashkil qilish metodologiyasi

SPL-provayderlar (Fifth Party Logistics Providers) - logistika xizmatlarini ko'rsatuvchi logistika provayderlarining beshinchi darajasi hisoblanadi.

logistika xizmatlarini ko'rsatuvchi logistika provayderlarining beshinchi darajasini o'rganishni iearxiya metodologiyasi asosida olib boramiz.


Morgan & Stanley modeli bo'yicha, logistika provayderlari iearxiyasi quyidagicha qurilgan (pastdan yuqoriga) [1]:

- 1PL Self-Sufficient Logistics Function (avtonom logistika)

- 2PL Capacity Provider (imkoniyatlar provayderi)
- 3PL Outsourced Logistic Service (kompleks autsorsing logistika)
- 4PL Integrated Logistic Service (Integratsiyalashgan logistika)
- 5PL Supply Chain Management (boshqaruv ta'minot zanjirlari, virtual logistika yoki Internet logistika)

K. Gunesh va J. Xemilton ilmiy ishlarida G'arb iqtisodiyotida logistika rivojlanishi quyidagi davrlarga ajratiladi [2]:

- 1970-1980 yillar - 1PL va 2PL logistika darajalari;
- 1980-1990 yillar - 3PL logistika darajasi;
- 2000-yillar - 4PL logistika darajasi;
- 2004 yildan - 5PL logistika darajasi.



1-rasm. Logistika xizmat darajalari iearxiyasi.

Logistika rivojlanishini tadqiq qilish natijalari

Logistik provayderlarning an'anaviy ko'rinishi 1PL dan 4PL ga o'zgarishini tasavvur qilaylik. Birinchi darajadagi logistika (1PL) dastlab cheklangan hududda ishlaydigan kompaniyalar, o'rta biznes, ishlab chiqarish yoki savdo vakillari uchun xarakterlidir. Chunki ular mustaqil ravishda uchinchi shaxslarni jalb qilmasdan va o'z mablag'lari hisobidan logistika funksiyalarini bajarqanlar.

Kompaniyaning logistika harakatini tashkil qilishning ushbu usuli insorsing logistika deb ataladi. Biznesning geografik chegaralarini kengaytirish logistika imkoniyatlarini kengaytirishni talab qiladi. Shuning uchun, moddiy narsalarning harakati uchun vositachi jalb qilinadi - ikkinchi darajadagi logistika ta'minotchisi (2PL), u moddiy resurslarni sotib olishda yoki iste'molchiga tayyor mahsulotlarni yetkazib berishda ma'lum funksiyalarni bajarish uchun tashqi manbalar jalb qilinadi. Ikkinchi darajali logistika ta'minotchilari an'anaviy transport kompaniyalari yoki ombor egalari hisoblanadi. Bundan tashqari, biznes va logistika tizimining rivojlanishi tarqatish autsorsingiga olib keladi. Ikkinchi darajali provayderlar o'rtasidagi raqobat, rentabellikning yetarli emasligi va asosiy vositalar

va aksiyalarga, katta miqdordagi investitsiyalar, integratsiyalashgan logistika xizmatlariga bozor talabining ortib borishi, ko'plab ikkinchi darajali logistika provayderlarining uchinchi darajali (3PL) provayderlarga o'zgarishiga olib keldi. Ushbu o'zgarish asosiy logistika xizmatlariga yangi logistika funksiyalarini qo'shish va logistika xizmatlarining yaxlit to'plamini shakllantirish orqali amalga oshiriladi. Shu bilan birga, 3PL provayderlari mijozlarga xizmat ko'rsatish uchun o'zlarining moddiy-texnik bazasidan foydalanishlari mumkin va 2PL yetkazib beruvchilarining aktivlarini shartnoma asosida yoki pudratchi shartnomalari asosida jalb qilishlari mumkin. 3PL-logistika darajasining o'ziga xos xususiyati shundaki, xaridorlarga xarajatlarni minimallashtirish logistik prinsipi asosida kompleks logistika xizmatlari ko'rsatiladi. Mijoz, 2PL bilan bo'lgan vaziyatda, bitta emas, balki bir nechta 3PL provayderlarini jalb qilishi mumkin, ular orasida moddiy oqimlarni va logistika tizimidagi javobgarlik sohasini taqsimlaydi. 3PL provayderlari odatda kompaniyaning ta'minot zanjirini to'liq nazorat qilmaydilar, logistika xizmatlarining barcha turlarini ta'minlamaydilar. Transport logistikasining doimiy rivojlanishi biznesning globallashuvi va axborot texnologiyalarining rivojlanishi bilan birga provayderlarning uchinchi darajadan 4PL logistika darajasiga o'tishiga yordam berdi. Ushbu darajadagi logistika o'ziga xos xususiyati - mijoz tomonidan o'z ta'minot zanjirlarini "boshidan oxirigacha" bitta autsorserga - logistika integratori rolini o'ynaydigan 4PL provayderiga o'tkazish, 4PL provayderi mijozning to'liq ta'minot zanjiri tizimini yaratadi va keyin boshqaradi. Uning faoliyati SCM (Supply Chain Management) kontsepsiyasiga va zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanishga asoslangan [3]. 4PL logistikasida katta ahamiyatga ega bo'lgan narsa (tovar emas) oqimlarni boshqarish va axborot va kompyuter texnologiyalaridan foydalangan holda tezkor qarorlar qabul qilishdir. Shunday qilib, mijoz provayderga kompaniya faoliyati, sotib olish va yetkazib berish, mijozlar, sotish hajmi, moliyaviy ko'rsatkichlar, shuningdek raqobatbardosh ustunlik kabi barcha ma'lumotlarni uzatadi. Logistika provayderi esa ushbu ma'lumotni o'z axborot tizimida qayta ishlash orqali xaridorning moddiy oqimlari harakatini xarajatlarni pasaytirish nuqtai nazaridan optimal tarzda ta'minlaydi, jismoniy tarqatish operatsiyalarini bajarish uchun shartnoma asosida 2PL va 3PL provayderlarini jalb qiladi.

4PL provayderlarining afzalligi yuqori qo'shimcha qiymatga ega logistika xizmatlari, ya'ni individual mijoz uchun har bir aniq buyurtma bo'yicha xizmatlarni tanlashdan iborat.

Shuning bilan bir qatorda 4PL provayderlari bilan ishlashda quyidagi xavflar mavjud:

- kompaniyani sotish, sotib olish ustidan nazoratni yo'qotish;
- logistika ta'minotchisiga qaram bo'lib qolish;
- "mijoz-provayder" kompaniyalararo o'zaro munosabatlar muammolari;
- provayder samaradorligini o'lchaydigan vositalarning yetishmasligi.

Binobarin, 4PL provayderlarining ishi faqat ishonchga asoslangan. Bu faqat mijoz ijobiy logistika samarasini oladimi va qancha miqdorda, bu eng yaxshi natija bo'ladimi, provayderga bog'liq bo'ladimi.

Virtual tashkilotga aylanish uchun SPL savdo yoki ishlab chiqarish kompaniyasining mavjud texnologiyalari va infratuzilmasidan foydalanishga imkon beradi, 3PL va 4PL odatda barcha ishtirokchilarning ish jarayonlarini qayta tuzishni talab qiladi. alieexpress.com, amazon.com va boshqa elektron tijorat tizimlari saytlarini odatda SPLning yorqin namunasi sifatida misol qilishimiz mumkin, bu SPL ixtisoslashgan (transport yoki boshqa) tashkilot emas, balki mijozlarga asoslangan qo'shimchalar ekanligini isbotlaydi.

SPL provayderini (axborot tizimi) yaratish global ma'lumotlarni uzatish tarmog'idan, veb-portaldan, axborot xavfsizligi tizimidan majburiy foydalanishni va tizimga kirishni qat'iy nazorat qilishni nazarda tutadi. SPL darajasi logistika texnologiyalari va axborot texnologiyalaridan, shu jumladan eng zamonaviylaridan, masalan, bulut texnologiyalaridan foydalanishni nazarda tutadi [4]. Beshinchi tomon logistikasi kimga foyda keltirayotganini ko'rib chiqaylik. Birinchidan, SPL kontsepsiyasi 2PL provayderlariga - moddiy tarqatish funksiyalarining bevosita ijrochilariga yordam beradi. Ikkinchidan, bu 4PL provayderlarining cheklovlaridan mamnun bo'lmagan va biznesning globallasuvi, yuqori boshqaruvchanlik va uzoq muddatli faoliyat ko'rsatmoqchi bo'lgan ishlab chiqaruvchilar va chakana sotuvchilar uchun foydalidir. Uchinchidan, xaridorlar, oxirgi foydalanuvchilar, xarajatlarni kamaytirish va xizmat ko'rsatish darajasini oshirishdan moddiy-texnika ta'sirini olishlari tabiiy.

Shunday qilib, SPL logistikasining maqsadi shaffof ta'minot zanjirlarini yaratish orqali 4PL va 3PL vositachilariga bo'lgan ehtiyojni bartaraf etishdir. Bu ishlab chiqaruvchilar, xaridorlar, xizmat ko'rsatuvchi provayderlarning axborot integratsiyasining natijasidir.

Transport logistikasining iqtisodiyotga ta'siri taxlili

Bugungi kunda barchamizga sir emaski, transport logistika tizimi Respublikamiz iqtisodiyotining qon tomiri hisoblanadi. Logistika tizimining samaradorligi ichki bozorda mahsulotlarni tashish xarajatlarini kamaytirish orqali iste'molchi uchun tovar va xizmatlarni arzon narxlarda yetkazib berilishini kafolatlaydi va raqobat muhiti shakllanishida ijobiy ta'sir qiladi. Tashqi bozorda esa jahon bozorida o'z mavqeyini mustahkamlashda va mamlakatning eksport imkoniyatlarini oshiradi. Hozirgi kunda mamlakatimiz istiqboli uchun logistika tizimini samaradorligini (LPI- Logistics Performance Index) oshirish dolzarb mavzu sanaladi.

The World Bank sayti tomonidan 2018 yilgi ma'lumotlariga asosan LPI bo'yicha O'zbekiston 160 ta davlat ichida 99-O'rinni band etgan. Baholash quyidagi mezonlar bo'yicha o'tkazilgan: bojxona samaradorligi, transport infratuzilmasi, xalqaro tashilmalar, soha mutaxassislarining bilim darajasi, yuklarni kuzatish imkoniyati va yuklarni vaqtida yetkazish darajasi kabilar hisobga olingan.

Afsuski mamlakatimiz LPI darajasi bo'yicha qo'shni davlatlar ichida Qozog'istondan keyingi ikkinchi o'rinni band etgan.

Respublikamiz Markaziy Osiyo davlatlari ichida tranzit qatnovlar bo'yicha ham o'z o'rni va infratuzilmasiga ega. Davlatimiz tranzit yo'lagi avtoyo'l bo'yicha 42530 km, temir yo'l bo'yicha esa 4735 km tashkil qiladi va bu infratuzilma orqali davlatimiz xalqaro transport koridorlariga ulanadi. Hozirgi kunda davlatimiz Trans-Afg'on Mozori Sharif - Qobul - Peshovar xalqaro transport koridori orqali Karachi portiga chiqishi muhim imkoniyatlardan sanaladi. Shuningdek, Xitoy tomonidan taklif qilingan «Bir makon — bir yo'l» (Belt and Road Initiative — BRI) loyihasi bo'yicha Xitoyni O'zbekiston orqali boshqa davlatlar bilan bog'lashga xizmat qiladi. Bunday imkoniyatlar iqtisodiyotimizni rivojlantirish uchun transport, turizm va ishlab chiqarish sohaslarida yangidan-yangi ish o'rinlari yaratishi mumkin.

Xulosa

Xulosa qilib aytganda, yurtimizda transport logistikasi samaradorligini yaxshilash uchun soha mutaxassislari bilan hamkorlikda logistika xizmati (temir yo'l tashuvlari, avtotashuvlar, aviatashuvlar, omborxonalar xizmatlari) axborot texnologiyalarini qo'llagan holda 5 PL integrallashgan logistika xizmatini joriy qilish va bu bilan bojxona xizmatlarida AKTni qo'llanilishi imkoniyatlarini kengaytirish, bojxona va chegara postlaridagi monitoring qilish jarayonini jadallashtirish va muammolarni tezkor hal qilinadi. 5 PL transport logistika tizimini tadbiq etish natijasida transport xizmatlari tannarxi kamayishiga erishiladi. Bu orqali davlatimiz eksport hajmini oshirish, mahalliy bozordagi transport xarajatlarini minimallashtirish, import xarajatlarini kamaytirish va xalqimiz farovon hayotini yanada yaxshilashga logistika samaradorligi orqali erishish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Hai Lu, Yirong Su, 2002. *An Approach Towards Overall Supply Chain Efficiency - A Future Oriented Solution And Analysis In Inbound Process*, Gøteborg University, Elanders Novum AB Pub, 128 p.
2. Gunesh, K. and Hamilton, J., 2003. *Logistics – A Pathway Towards 'Sustainable' Competitive Advantage for the Multinational Enterprise*. ICEB 2003 and in *The Third International Conference on Electronic Business (ICEB 2003)*, NUS, pp. 597-599.
3. Gutorov, M. F., 2018. *Logistics*. Irkutsk, BSU publ., 165 p. Available at: <http://sgal.bgu.ru/pub.aspx?id=23622>
4. Antipina, P.V. *Cloud Computing Technologies in Logistics Activities*. *Logistics and Supply Chain Management*, 2018, no. 2(85), pp. 35-38. (In Russ.)

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СОВРЕМЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ПОДГОТОВКЕ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ К ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ

Н.О. Отабоев,
ассистент кафедры «Цифровая экономика и ИКТ», ТГЭУ
С.С. Авлокулова,
ассистент кафедры «Цифровая экономика и ИКТ», ТГЭУ

Аннотация. После многих лет растущего неравенства в доходах, опасений по поводу перемещения рабочих мест, обусловленного технологиями, и роста социальных разногласий во всем мире, совокупные потрясения в области здравоохранения и экономики 2020 года привели экономику к свободному падению, разрушили рынки труда и полностью выявили недостатки наших социальных контрактов. Миллионы людей во всем мире потеряли средства к существованию, и еще миллионы находятся под угрозой из-за глобальной рецессии, структурных изменений в экономике и дальнейшей автоматизации. Кроме того, пандемия и последующая рецессия оказали наибольшее влияние на те общины, которые уже находились в невыгодном положении. Мы находимся в решающий момент: решения и выбор, которые мы делаем сегодня, определяют курс целых поколений жизни и средства к существованию. В нашем распоряжении есть все необходимые инструменты. Щедрость технологических инноваций, определяющих нашу нынешнюю эпоху, может быть использована для раскрытия человеческого потенциала. У нас есть средства для переобучения и повышения квалификации людей в беспрецедентном количестве, для развертывания точных систем социальной защиты, которые защищают перемещенных работников от нищеты, и для создания индивидуальных карт, которые ориентируют перемещенных работников к работе завтрашнего дня, где они смогут процветать. Однако усилия по оказанию поддержки тем, кто пострадал от нынешнего кризиса, отстают от темпов разрушения. Сейчас необходимо срочно принять Глобальный Переход к более справедливой, устойчивой и равноправной социально-экономической системе, в которой социальная мобильность активизируется, социальная сплоченность восстанавливается, а экономическое процветание совместимо со здоровой планетой. Если эта возможность будет упущена, мы столкнемся с потерянными поколениями взрослых и молодежи, которые будут воспитываться в условиях растущего неравенства, разногласий и утраченного потенциала.

Ключевые слова. Цифровая экономика, цифровые технологии, рабочие места, будущая профессия, интернет, Будущее рабочих мест, инновации.

Введение. Эффективность использования современных технологий при подготовке будущих специалистов к инновациям с точки зрения

оцифровки экономики. Рабочий мир находится в состоянии постоянных перемен. Существует растущая поляризация возможностей на рынке труда среди высококвалифицированных и низких рабочих мест, безработицы и неполной занятости, особенно среди молодежи, и стагнации доходов значительной части домашних хозяйств. Миграция и ее влияние на рабочие места стали деликатной политической проблемой во многих странах с развитой экономикой. И от Мумбая до Манчестера публичные дебаты бушуют о будущей работе и о том, будет ли достаточно рабочих мест, чтобы нанять всех прибыльным способом. Включение робототехники и искусственного интеллекта обещает улучшение производительности, эффективности, безопасности и удобства, но эти технологии также поднимают сложные вопросы о более широком влиянии автоматизации на рабочие места, навыки, заработную плату и характер самой работы. Многие из задач, которые сегодня выполняют рабочие, потенциально могут быть автоматизированы. Сайты рекрутинга, такие как LinkedIn и Monster, меняют и расширяют то, как люди ищут работу, а компании идентифицируют и набирают таланты. Независимые работники все чаще предпочитают предлагать свои услуги на цифровых платформах, включая Upwork, Uber и Etsy, а также в процессе оспаривания традиционных представлений о том, как и где выполняется работа. Для политиков, руководителей компаний и самих работников эти изменения создают значительную неопределенность наряду с потенциальными преимуществами. Эта информационная записка призвана обеспечить эффективную основу для стимулирования обсуждения. Он освещает последние результаты исследований McKinsey Global Institute и других в области технологий, рабочих мест и будущей работы. Список отчетов, на которых мы основывались, и дополнительные советы по чтению можно найти в конце этой заметки. Рынки труда находятся в напряжении, и используемые таланты недоиспользуются безработица и неполная занятость высоки во всем мире. В США и 15 крупных странах Европейского союза (ЕС-15) насчитывается 285 миллионов взрослых, которые не являются рабочей силой, и по крайней мере 100 миллионов из них хотели бы работать больше. Около 30-45% трудоспособного населения во всем мире недоиспользуются, то есть безработные, неактивные или неполный рабочий день. Это означает, что в США в Великобритании проживает около 850 миллионов человек, только Германия, Япония, Бразилия, Китай и Индия. Большая часть внимания уделяется безработной части этого числа и недоиспользуемой, неактивной части, которая составляет большую часть неиспользованного человеческого потенциала. Почти 75 миллионов молодых людей официально безработными. Женщины представляют собой один из крупнейших резервов неиспользуемой рабочей силы: во всем мире экономически активные женщины на 655 миллионов меньше, чем мужчины. В сценарии “лучший в регионе”, в том числе во всех странах совпадают курсы повышения гендерные

различия (в участии в рабочей силе, отработанных часов и структуру занятости населения в отраслях промышленности) более эффективно в стране, в своем регионе, в 2025 году будет реализовано еще 12 млрд долларов годового ВВП, что эквивалентно текущий размер ВВП Японии, Германии и Великобритании вместе взятых. Доходы домашних хозяйств в странах с развитой экономикой застопорились или упали, вызывая недовольство общественности подавляющее большинство людей получают доход от работы. В США, Западной Европе и во всех развитых странах экономика, рыночные доходы (от заработной платы и капитала) упали примерно на две трети домохозяйств в 2005-14 годах, период ознаменовался глубокой рецессией и медленным восстановлением после финансового кризиса 2008 года. Это был первый случай, когда доходы перестали расти в таком масштабе с эпохи стагфляции 1970-х годов, и это, возможно, помогло пробудить народную оппозицию глобализации. **Методология исследования.** Экономический кризис является основной причиной резкого прекращения роста доходов, но этому способствовали и другие долгосрочные факторы, в том числе сокращение доли национального дохода, который платит работникам, так называемая доля заработной платы. Эта цифра снизилась в странах с развитой экономикой, несмотря на увеличение производительности, что указывает на разрыв между производительностью и доходами. Снижение связано отчасти и с увеличением прибыли компании, как долю национального дохода, к увеличению доходности капитала, полученные от инвестиций в технологии, к падению эффективности труда, возникающих в результате расширения торговли, в росте доходов от аренды и роста амортизации основного капитала. Несмотря на то, что технология заменяет некоторые рабочие места, они создают новые рабочие места в отраслях, которые большинство из нас даже не могут себе представить, и новые способы получения дохода. Треть новых рабочих мест, созданных в США за последние 25 лет, были типами, которые не существовали или почти не были в таких областях, как развитие ИТ, производственное оборудование, создание приложений и управление компьютерными системами. Чистое влияние новых технологий на занятость может быть очень позитивным. Исследование 2011 года, проведенное Парижским офисом McKinsey, показало, что интернет уничтожил 500 000 рабочих мест во Франции за последние 15 лет, но в то же время создал еще 1,2 миллиона, что в чистом выражении составляет 700 000, или 2,4 рабочих мест, созданных для каждого уничтоженного рабочего места. Растущая роль больших данных в экономике и бизнесе создаст значительную потребность в статистике и анализе данных; по оценкам, в мире не хватает 250 000 специалистов по обработке данных. Только в Соединенных Штатах в течение десятилетия цифровые технологии также могут способствовать новым формам предпринимательства. Работники малого бизнеса и самозанятые могут получить больше возможностей для получения дохода.



Новая категория на создание рабочих мест, основанных на знаниях, можно будет по мере того, как машины будут осуществлять интеллекта и знаний, к которой работники менее квалифицированы, будут в состоянии получить доступ с немного подготовки. В Индии, например, Google вводит программу "Интернет-Саати ("интернет-друзья"), в которой сельские женщины обучаются использованию Интернета, а затем становятся местными агентами, которые предоставляют услуги в своих деревнях с помощью устройств, подключенных к интернету. Услуги включают в себя работу в качестве местных дистрибьюторов телекоммуникационных продуктов (мобильные телефоны, SIM-карты и пакеты данных), сбор полевых данных для исследовательских агентств, агентов по финансовым услугам и услуг, которые помогают местным жителям получить доступ к правительственным схемам и пособиям через интернет-устройство. Цифровые технологии создают новые возможности для рабочих и компаний как в развитых, так и в развивающихся странах, но существуют значительные различия как внутри, так и между странами и секторами. Например, у государств есть большие возможности для повышения производительности за счет оцифровки: оцифровка всего в трех основных областях — онлайн — платформы талантов, большая аналитика данных и Интернет вещей — может увеличить годовой ВВП до 2,2 триллиона долларов к 2025 году, хотя возможности намного шире. Степень оцифровки может быть измерена с точки зрения ресурсов, использования и степени, в которой ИТ-отдел гарантирует выполнение заданий и заданий. Основываясь на этих мерах, несколько секторов в значительной степени оцифрованы, такие как финансовые услуги, средства массовой информации и технологический сектор. Они, как правило, относятся к отраслям с наибольшим увеличением производительности и заработной платы.

Анализ. Многие другие гораздо менее оцифрованы, включая здравоохранение, образование и даже розничную торговлю. Они, как правило, представляют большую часть экономики с точки зрения ВВП, а также являются секторами с самым низким уровнем производства. Аналогичным образом, компании оцифровывают данные неравномерно. Компании, которые являются цифровыми лидерами в своих отраслях, имеют более быстрый рост доходов и более высокую производительность, чем их менее оцифрованные коллеги. Их прибыль и маржа могут увеличиваться в три раза быстрее, а сотрудники этих компаний получают в два раза больше роста заработной платы. Оцифровка будет продолжать изменять то, как компании организуют работу и структуру работы в любой конкретной отрасли. Все это потребует постоянной адаптации и перехода работников с точки зрения навыков, деятельности, компаний и даже отраслей, в которых они работают. Современные цифровые технологии очень быстрыми темпами внедряются в нашу жизнь. Это способствует развитию не только нашей экономики, но многих отраслей в целом. Для того чтобы обеспечить конкурентоспособных

кадров мы должны развивать ИКТ технологии в нашей стране. Наша страна нуждается в высококвалифицированных кадрах ИКТ. Одним из основных целей нашей экономики это развития выдающихся специалистов в сфере ИКТ и для того чтобы обеспечить данную программу принимают различные стратегии развития. Новым указом нашего президента о развитии Цифровой экономики в нашей стране данным указом в рамках цифровой трансформации регионов и отраслей в 2020-2022 годах предусматривается: повышение уровня охвата подключения населенных пунктов к сети Интернет, в том числе увеличение количества портов широкополосного доступа к Интернету до **2,5 миллиона** единиц, прокладка **20 тысяч километров** оптоволоконных линий связи и увеличение уровня охвата мобильной связью населения с **78 процентов** до **95 процентов** путем развития сетей мобильной связи;

- внедрение **более 400** информационных систем, электронных услуг и других программных продуктов в рамках социально-экономического развития регионов;

- внедрение свыше **280** информационных систем и программных продуктов по автоматизации процессов управления, производства и логистики на предприятиях реального сектора экономики;

- реализация проекта **“Цифровое ведомство”** на базе Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций и Министерства юстиции, а также подведомственных им организаций и подразделений;

- определение задач заместителя по вопросам цифровизации (Chief Digital Officer), возложив данные полномочия на одного из действующих заместителей руководителей министерств и ведомств, местных органов исполнительной власти;

- организация обучения основам компьютерного программирования **587 тысяч** человек, в том числе путем привлечения **500 тысяч** юношей и девушек в рамках проекта «Один миллион программистов».

- привлечение высших учебных заведений к работе по повышению цифровой грамотности и квалификации сотрудников хокимиятов, государственных органов и организаций в регионах, обучение их основам информационных технологий и информационной безопасности, повышение квалификаций **12 тысяч сотрудников** в сфере информационных технологий.

Выводы и предложение. Также данным Указом была утверждена стратегия «**Цифровой Узбекистан — 2030**», включающая такие приоритетные направления, как развитие цифровой инфраструктуры, электронного правительства, цифровой экономики, национального рынка цифровых технологий, образования и повышения квалификации в сфере информационных технологий.

Вместе с этим, с целью устранения цифрового разрыва были разработаны **трехлетние программы по цифровой трансформации** по каждому региону.

Определены **13** образцовых районов и городов по цифровой трансформации в **2020** году: **Бузатовский, Каракульский, Зарбдарский, Каршинский, Кызылтепинский, Давлатабадский, Нурабадский, Шурчинский, Баявутский, Пскентский, Язьяванский, Ханкинский районы и город Ханабад.**

В **первой половине 2021** года намечено осуществить работу по цифровой трансформации в **16** образцовых районах и городах: городе Нукусе, Тахиаташском, Бустонском, Гиждуванском, Шараф-Рашидовском, Яккабагском, Хатырчинском, Туракурганском, Нарынском, Кошрабатском, Ангорском, Хавастском, Ташкентском, Ахангаранском, Багдадском, Шаватском районах. К данным образцовым районам и городам были прикреплены руководители Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций и подведомственных предприятий, разработаны «дорожные карты». Данной указ способствует колоссальному развитию ИКТ технологий в нашей стране и в том числе подготовку хороших ИКТ специалистов.

Использованные литературы :

1. Указ Президента Республики Узбекистан об утверждении стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации
2. Программы цифровой трансформации регионов в 2020 — 2022 годах согласно приложениям №№ 2 — 14;
3. Программы цифровой трансформации отраслей в 2020 — 2022 годах согласно приложениям №№ 15 — 21
4. OECD Benchmark Definition of Foreign Direct Investment, Third Edition, OECD, 1996
5. Charlton, Andrew and Nicholas Davis, (2004). Does Investment Promotion Work? Results from Cross-country Analysis at the Industry Level. Oxford Investment Research, Research Paper Series Lall S
6. Chen, Huiya and Deborah L. Swenson (2007). Multinational Firms and New Chinese Export Transactions. Canadian Journal of Economics, 41(2): 596-618
7. Harris J.M. The macroeconomics of development without throughput growth. Innovations in sustainable consumption: New economics, socio-technical transitions and social practices. Cheltenham: Edward Elgar Publishing Ltd., 2013.
8. Hallak, Juan Carlos (2006). Product Quality and the Direction of Trade. Journal of International Economics, 68(1): 238-265

БИРЖА САВДОЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

О.С. Темиров,
Рақамли иқтисодиёт факультети
декан ўринбосари, ТДИУ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириши, қимматли қоғозлар бозоридаги инвестицион фаолиятнинг асосий вазифаси, Ўзбекистонда фонд бозори активларини баҳолаш муаммолари ушбу муаммоларни бартараф этиши усулларининг илмий-амалий жиҳатлари тадқиқ этилган ва таҳлил қилинган.

Таянч иборалар: қимматли қоғозлар, капитал, фонд бозори, фонд биржаси, инвестиция, инвестор, қимматли қоғозларнинг бирламчи ва иккиламчи бозорлари.

Ҳозирда Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, кейинги йилларда мамлакатда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг институционал асослари яратилди. Бироқ, мамлакатда молия бозорини ривожлантириш бўйича мустақил давлат органининг мавжуд эмаслиги, фонд бозори фаолиятининг самарали йўлга қўйилмаганлиги, хусусан, фонд бозори активларини баҳолаш механизмининг такомиллашмаганлиги сингари ҳолатлар мазкур соҳадаги имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда. Шунга қўра, 2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида “фонд бозорини ривожлантириш, соҳада давлат бошқарувини тубдан ислоҳ қилиш ва давлат органларининг бир-бирини такрорловчи, ортқича назорат функцияларини бекор қилиш ҳамда молия бозори учун ягона давлат органини ташкил этиш” вазифаси алоҳида белгилаб берилди.

Қимматли қоғозлар бозоридаги инвестицион фаолиятнинг асосий вазифаси фақат акциялар бозорини ривожлантириш эмас, балки инвесторлар сармояларини, пул маблағларини бир жойга жамлаб, уларни турфа инвестиция мақсадларида ишлатишдан, тақсимлаш ва қайта тақсимлашдан иборат. Қимматли қоғозлар бозори кўп миқдордаги сармоядорларнинг маблағларини йиғиб, уни турли хил қўйилмалар учун тақсимлаши лозим. Бу бозорнинг ҳажмдорлигига ва хилма-хиллигига, яъни муомаладаги қимматли қоғозларнинг мумкин қадар сармоядорлар ўртасида тарқатилишига боғлиқ. Фонд бозори республикамиздаги коллектив инвесторларнинг инвестиция фаолиятини бойитиб, уни янги bosқичга олиб чиқади, яъни кредитлашни қимматли қоғозлар воситасида амалга ошириладиган усуллар билан таъминлайди. Шу жиҳатдан у давлатнинг умумий макроиқтисодий сиёсати – монетар, фискал, бюджет сиёсатлари хосилаларидир. Ривожланган бозор иқтисодиётининг таркибий қисми ҳисобланган қимматли қоғозлар бозори мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишида ва аҳоли фаровонлигининг ошишида муҳим ўрин тутди. Ушбу ҳолатлар мақоламиз

мавзусининг долзарблигидан далолат беради. Корпоратив бошқарув модели яхши ривожланган фонд бозори, қимматли қоғозлар ва облигацияларнинг юқори ликвидлиги, кўплаб институционал ва хусусий инвесторларга асосланган. Ушбу модел Англия-Саксон (Англия-Америка) дунёси учун хосдир, АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия, Канада. Бугунги кунда биржа савдоларини такомиллаштириш асосида корпоратив бошқарувни ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишнинг зарурлиги ушбу мақола мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилаётган изчил ислохотлар бошқа соҳалар каби фонд бозорининг ҳам ривожланишига асос бўлмақда. Унинг ривожланиш қонуниятлари ва хусусиятлари ўтиш даврига мансуб бўлган Ўзбекистоннинг танлаган ривожланиш моделига асосланган. Ўзбекистоннинг иқтисодийотини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, инвестицияларни жалб қилиш ва саноат жиҳатидан ўсишни таъминлашда фонд бозори активларининг роли ва функциялари катта аҳамиятга эга. Чунки, жаҳон амалиётидан маълумки, айнан фонд бозори активлари миллий иқтисодийотнинг халқаро миқёсда рақобатбардошлиги, хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш учун инвестицияларни жалб қилиш, реал секторни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришда ва умуман иқтисодийотда барқарор ўсишни рағбатлантириш мақсадида молиявий ресурсларни жалб қилишнинг самарали механизmidир.

Бироқ, Ўзбекистонда фонд бозори активларини баҳолаш муаммолари ҳали ўз илмий ва амалий ечимини тўла равишда топгани йўқ.


Ушбу муаммолар сифатида фонд бозори активларининг ҳаракати, уларнинг реал қийматни баҳолаш орқали, фонд бозорига инвестицияларни жалб қилиш ва саноат ишлаб чиқариш жиҳатидан юқори суръатларда ўсишни келтириши мумкин. Бизнинг назаримизда мазкур муаммоларни ҳал қилишда фонд бозоридаги активларни баҳолаш имкониятидан тўлиқ равишда фойдаланилмаяпти. Чунки, жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, юқоридаги муаммоларни ҳал қилишнинг асосий механизмларидан бири бўлган фонд бозори активларини баҳолашнинг мақсади вақтинчалик бўш турган ресурсларни жалб қилиш, иқтисодийотни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришнинг ўсишини рағбатлантиришни таъминлашдан иборатдир.

Биржа савдо айланмасининг ортиб бориши, ўз навбатида, фонд бозори активларининг жозибадорлиги ортиб бораётганлигидан далолат беради. Ривожланган давлатлар фонд бозорларида активлар кескин тебранишга эга бўлиб, бу ҳолатни мамлакатимиз фонд бозорида унчалик сезиларли эмас. Шунга қарамадан айтиш мумкинки, мамлакатимиз фонд бозорининг биржа айланмаси йилдан - йилга ўсиб бориш тенденциясига эга. Биз буни қуйидаги расмда кўришимиз мумкин.

Ушбу расмдаги маълумотлардан кўриш мумкинки, йилда фонд биржасида савдо айланмаси 161, млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб у йилга нисбатан 3,8 баробарга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Биржа савдо айланмасининг кескин ортиб кетишига сабаб, “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чоратadbirlar тўғрисида” ПҚ-2454-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг йил 21 декабрдаги қарорига асосан корхоналарнинг устав

капиталидаги давлат улуши бўлган корхоналарнинг акциялари хорижий инвесторларга сотиш ва хорижий инвестицияларни жалб этилиши бўлди. Маълумки, халқаро амалиётда фонд бозори активларининг олди-сотдисси иккиламчи ва бирламчи бозорларда амалга оширилади.



1-расм. 2015-2020 йиллардаги “Тошкент” Республика фонд биржаси савдо айланмаси (млрд.сўм)

Ягона дастурий таъминот комплекси орқали “Тошкент” Республика фонд биржасида фақат қимматли қоғозларни иккиламчи бозори савдолари амалга оширилмоқда. Қимматли қоғозлар иккиламчи бозорнинг бундай ривожланиши “Тошкент” Республика фонд биржасидаги активларнинг сезиларли даражада тебранишга эга эканлигидан далолат беради. Хусусан, иккиламчи бозорнинг салмоғи 2015 йилда бозор савдо айланмасида 50,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 49,1 фоизга ўсиб, фонд бозор айланмасининг 100 фоизини ташкил этмоқда.

Шу сабабли тадқиқотимизда мамлакатимиз фонд бозоридаги акциялар бозорини таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ кўрдик. Акциялар бозоридаги айланмада банк, саноат, агросаноат, лизинг, сугурта, қурилиш ва бошқа соҳаларнинг акциялари айланмаси салмоғининг динамикасини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин (1-жадвал).

Келтирилган 1-жадвал маълумотлар шуни кўриш мумкинки, фонд бозори айланмаси ҳажми таркибида банк соҳасининг акциялари савдоси катта ўринни эгаллайди. Жумладан, 2016 йилда банкларнинг ҳиссаси 74,7 млрд. сўмни ёки 67,5 фоизни ташкил бўлса, 2020 йилда 254,6 млрд. сўмни ёки 86,6 фоизни ташкил этган. Ўз навбатида, агро саноат соҳасидан ташқари бошқа барча соҳаларнинг улуши сезиларли даражада камайганлигини яққол кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистонда фонд бозоридаги қимматли қоғозлар бозори ўзининг ривожланиш босқичида бўлиб, амалга оширилган тадқиқотларимиз асосида, мазкур бозордаги активларни, яъни акцияларни баҳолашда айрим муаммолар мавжудлигини кўришимиз мумкин. Бизнинг назаримизда, қуйидагиларни асосий муаммолар сифатида келтириб ўтишимиз мумкин:

1-жадвал

“Тошкент” Республика фонд биржаси умумий айланмасида турли соҳалар

акциялари айланмаси салмоғи 32

| Кўрсаткичлар | йил | | 2016 йил | | 2017 йил | | 2018 йил | | 2019 йил | | 2020 йил | |
|--------------|----------|--------|----------|--------|----------|--------|----------|--------|----------|--------|----------|--------|
| | мар. сўм | фойзда | мар. сўм | фойзда | мар. сўм | фойзда | мар. сўм | фойзда | мар. сўм | фойзда | мар. сўм | фойзда |
| Банк | 74,7 | 67,5 | 37,6 | 65,8 | 77,3 | 86,6 | 133,8 | 91,1 | 151,8 | 51,3 | 254,6 | 86,1 |
| Саноат | 3,2 | 2,9 | 3,9 | 6,8 | 1,5 | 1,7 | 0,5 | 0,3 | 73,7 | 24,9 | 0,8 | 0,3 |
| Агро саноат | 7,1 | 6,4 | 3,4 | 6,0 | 2,6 | 2,9 | 5,4 | 3,7 | 14,9 | 5,0 | 23,7 | 8,0 |
| Лизинг | 3,7 | 3,3 | 3,7 | 6,5 | 0,2 | 0,2 | 0,1 | 0,1 | 0,4 | 0,1 | 3,0 | 1,0 |
| Сугурта | 3,6 | 3,3 | 2,9 | 5,1 | 2,4 | 2,7 | 0,9 | 0,6 | 2,6 | 0,9 | 1,5 | 0,5 |
| Қурилиш | 3,5 | 3,2 | 2,2 | 3,9 | 2,0 | 2,2 | 3,1 | 2,1 | 3,5 | 1,2 | 1,6 | 0,5 |
| Бошқалар | 14,8 | 13,4 | 3,4 | 6,0 | 3,30 | 3,7 | 3,1 | 2,1 | 48,9 | 16,5 | 10,4 | 3,5 |
| Жами | 110,6 | 100,0 | 57,1 | 100,0 | 89,3 | 100,0 | 146,9 | 100,0 | 295,8 | 100,0 | 295,6 | 100,0 |

1. “Тошкент” Республика фонд биржасидаги активларни баҳолашнинг таҳлилини амалга оширганимизда, ушбу биржадаги рисксиз активлар ҳисобланган корпоратив облигациялар ва давлат қимматли қоғозлари бозори ривожланмаганлиги яққол намоён бўлди.

2. Фонд бозоридаги активларнинг бозор бетасини (β) аниқлашда “Тошкент” Республика фонд биржасидаги листингга кирган акциядорлик жамиятларидаги ҳар бир акциянинг сотилиши битта лот шаклда сотилмаслиги.

3. Мамлакатимиз фонд бозор индексининг айрим акциядорлик жамиятлари акцияларининг бозор қиймат ўзгариши билан боғлиқ эмаслиги.

4. “Тошкент” Республика фонд биржасининг даромадлиги пастлиги, яъни акциядорлик жамиятлари акцияларининг сотилишида биржанинг махсус қоидаларидаги, хусусан листинг ва сотиш шартларининг мавжудлиги.

5. “Тошкент” Республика фонд биржасидаги акциядорлик жамиятларининг капитал қийматни топишда фақатгина дисконтлаш кумулятив усулидан фойдаланаётганлиги.

6. “Тошкент” Республика фонд биржасида акциядорлик жамиятлари акцияларининг баланс қийматни мазкур акцияларнинг бозор қийматга нисбати коэффициент ($\text{book to market ratio}$) ойлик ва йиллик ҳисоботларида мавжуд эмаслиги.

7. Фонд бозоридаги акциядорлик жамиятларининг акцияларидан кутилаётган даромадни аниқлашда, акциянинг қайтими (даромади) ва индекс қайтими (даромади) кўрсаткичларининг умуман мавжуд эмаслиги.

Юқоридики қайд этиб ўтган асосий муаммоларнинг ҳар бирини алоҳида, батафсил кўриб чиққан ҳолда, уларнинг туб моҳиятини ва илмий ечимини қуйидаги тартибда кўрсатиб беришни мақсадга мувофиқ кўрдик.

Ўзбекистонда фонд бозори рисксиз активлари ҳисобланган корпоратив облигацияларни муомалага чиқариш жараёнларига қўйилган талабларнинг юқорилиги мамлакат қарз бозорининг ривожланмаганлигини аниқлатади. Шунга

³² “Тошкент” Республика фонд биржасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан таёрланган.

кўра, акциядорлик жамиятларининг корпоратив облигация-ларни эмиссия қилиш билан боғлиқ талабларини соддалаштириш, яъни мазкур жараён билан боғлиқ харажатларнинг қисқартирилиши корпоратив облигациялар бозори ривожланишига олиб келади.

Ривожланган мамлакатларда фонд бозорининг тизимли рискинни аниқлаш акциядорлик жамиятлари акцияларининг бозор қиймат, фонд бозори индекси билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларининг фонд бозоридаги акцияларнинг бозор рискинни ҳисоблаш усули бугунги кунда мавжуд эмас. Шунга кўра, фонд бозорининг тизимли рискинни аниқлашда ривожланган мамлакатлар усулидан фойдаланиш акциядорлик жамиятлари акциялари бозор рисклилиги даражасини ҳолисона баҳолаш имконини беради.

Акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарувида хориждан юқори малакали, тажрибали мутахассисларни ишга жалб этиш, уларнинг корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришга доир тақлифлари, тажрибаларидан амалиётда фойдаланиш асосида мамлакатимизда халқаро стандартларга мувофиқ корпоратив бошқарув тизимини жорий этишда мутахассислар профессионал савиясини ошириш, корпоратив бошқарув маданияти, этикаси, психологияси ва кўникмаларини шакллантириш лозим.

Мамлакатимиз акциядорлик жамиятларининг хорижий нуфузли фонд биржаларига (IPO) чиқишини таъминлаш орқали уларнинг хорижий капитал бозорига чиқишини таъминлаш асосида халқаро бозордаги эркин рақобат курашига чидамчилигини оширишга эришиш, бунда замонавий корпоратив бошқарув тамойиллари ва стандартларини жорий этишнинг ташкилий-ҳуқуқий, техник-иқтисодий, ахборот ва кадрлар таъминоти бўйича асослари ҳамда механизминини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. A.J.Xo'jamurodov, R.Alladustov. Moliyaviy bozorlar va birja ishi. T.: "IQTISODIYOT" 2019 yil.
2. S.Elmirzaev va mualliflar jamoasi. Moliya bozori. T.: "IQTISOD-MOLIYA" 2019 y. 324 bet.
3. A.Burxonov, X.Xudoyqulov Darslik. Moliya bozori va investitsiyalar. T.: "IQTISODIYOT" 2019 yil.
4. Khujamurodov AJ (2019) Economic Essential of Stock Infrastructure and Features of Its Development. Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR) ISSN: 2249 –0892 Special Issue –2, Sep -2019
5. Khujamurodov AJ (2018) Analysis of development of the infrastructure of the stock market in Uzbekistan and the methodology of its estimation. ISJ Theoretical & Applied Science, 05 (61): 168-176.
6. X. Худойқулов Ривожланган мамлакатлар акциядорлик жамиятларини капитал қийматини баҳолашининг прогрессив усуллари. "UzBridge" электрон журнали, I – сон, февраль, 2020 йил, 72 – 83 саҳифалар.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Д.Т. Миралиева,
“Инновацион таълим” каф
катта ўқитувчиси PhD, ТДИУ

Аннотация: мазкур мақолада таълим жараёнинини ташкиллаштиришида таълим ва ахборот технологияларининг ўрни, уларнинг ўзига хос жиҳатлари, педагогик жараёни бошқаришни ташкил этишида ўзига хос вазифалар хусусида фикр юритилди.

Таянч иборалар: таълим технологиялари, компьютер, ўқув жараёни, дидактик мақсад.

“Таълим тўғрисида”ги Қонунда олий таълимнинг белгиланган вазифаларидан бири юқори савияда ўқитишни таъминлаш ва малакали кадрларни замонавий таълим ва касб-хунар дастурлари асосида тайёрлашдир. Бунда олий таълим ўқитувчисининг фаолияти шахсни тарбиялаш жараёнида таълим-тарбия олиш шароитларини яратиш, унинг эҳтиёжларини қондириш ва қобилиятларини очиш ҳамда ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши, унинг малакаси махсус ва педагогик фанлар билан ёритиладиган икки қиррага: “Нима учун ўқитиш керак?”, “Қандай ўқитиш керак” деган саволларга жавоб топиши зарур бўлади.

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Оғир иқтисодий, ижтимоий, сиёсий қийинчиликларни енгиб ўтиб, тараққиёт йўлига кирган мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, унга ривожланган мамлакатларнинг инновацион технологияларини жорий қилиш, миллий кадриятларимизни сингдирган ҳолда таълимни ташкил этиш, бу жараёни пухта ва самарали амалга ошириш ишлари бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчи, талабаларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, улар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндошувни талаб этади.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда бу борада катта тажриба тўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда. Улар асосан ўқувчи-талаба ва педагогнинг тенг фаолигини таъминлашга қаратилгандир. Шу билан бирга ўқув жараёнида янги ахборот технологияларини қўллаш педагогик методларнинг бойиши, педагоглар меҳнат фаолиятининг ўзгариши, иш услубларининг такомиллашиши, педагогик тизимлар таркибининг ўзгаришига олиб келади. Бу эса педагогик жараёни бошқаришни ташкил этишда ўзига хос вазифаларни қўяди.

Замонавий ахборот технологиялари воситасида педагогик жараёни самарали ташкил этиш:

- ўқитувчилар ўртасидаги меҳнатнинг тақсимланиши;
- масофавий ўқув курслари ва электрон адабиётларни яратувчи жамоага педагоглар ва компьютер дастурчилари, мутахассисларнинг бирлашуви;

- педагогик жараёни ташкил қилишни такомиллаштириш ва ўқитувчилик фаолияти самарадорлигининг мониторингини тақозо қилади.

Янги технологиялар педагогик фаолиятнинг:

- таълимнинг технологик асосини тез ривожланиши билан боғлиқ равишда курсларни яратишдаги мураккаб жараённинг енгиллашуви;

- ўқув курсларини яратишда махсус малакаларнинг шаклланиши;

- масофавий курсларнинг очиқлиги туфайлиги уларнинг сифатига бўлган талабларнинг ва ўқув материалларининг самарадорлигини назорат қилишга эҳтиёж;

- ўқув жараёнида ўқувчи-талаба фаолиятининг ривожланиши, ўқув жараёни салмоғининг ўқитувчидан талабага кўчиши;

- ўқув жараёнини ташкил этишда талаба шахсий ёрдамнинг ортиши.

Хозирда таълим муассасалари замонавий компьютер ва телекоммуникация технологиялари асосида жиҳозланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, педагоглардан ўзларининг меҳнат фаолиятига янгича ёндашишларини талаб этади. Ўқув жараёнида янги технологияларнинг жорий этилиши ўқитувчини техник воситалар томонидан сиқиб чиқаришга эмас, балки, унинг вазифалари моҳиятини ўзгартиради, ўқитувчилик фаолиятининг мураккабланишига олиб келади. Энди ўқитувчи:

- ўқув курслари дизайнери – ўқув курсларини яратувчи;

- фасилитатор – ўқитиш методлари бўйича маслаҳатчи;

- тьютор – интерфаол ўқув курсларини тақдим этувчи;

- инвигилатор – таълим натижаларини назорат қилиш усуллари бўйича мутахассис бўлиши керак.

Замонавий технологиялар масофавий таълимнинг янгича ташкил қилинишига асос яратади. Бундай таълимда педагоглар, компьютер дастурчилари ва мутахассислари ўқув курсларини яратишлари лозим бўлади.

Бугун биз инновацион технологияларга сарфланаётган маблағлар қай даражада ўзини оқлашни, уларни таълим сифатини ошириш, ахборотлар ва телекоммуникацияли технологиялар ҳамда таълимни ривожлантиришга таъсири қандай бўлишини таъсаввур қила олишимиз шарт. Кўп ҳолларда "Таълимнинг компьютер технология"лари ибораси "ахборот технология"лари ибораси билан алмаштириб юборилади. Бу ўринда асосий анъанавий педагогик технологиялардан фарқли, компьютер тармоқларига уланган, дастурлаштирилган, халқаро алоқаларни ҳам таъминлашга қодир тизим назарда тутилмоқда. Бу ҳолат сўнгги йилларда жамият ҳаётида компьютерларнинг аҳамияти, халқ хўжалигининг барча тармоқларида турли хил ахборотларга нисбатан эҳтиёжнинг ортиб бориши билан изоҳланади. Бугун биз бир нарсани аниқ таъсаввур қилишимиз керак: мавжуд ҳолат, ахборотлар оқимининг тизимлашуви инсон хотирасига ортиқча юк, шахснинг жараёнларида кескин ўзгаришларга сабаб бўлмайди? Онга етиб келаётган ахборотлар оқими шахснинг мавжуд маданий-маърифий муҳитдаги

мослашуви жараёнида қай тарзда акс этишини билишимиз ва шунга мос тарзда таълим-тарбия муассасаларида ўқув дастурлари ва жиҳозларига нисбатан талабларни ишлаб чиқишимиз лозим. Шу ўринда бу ахборот технологияларни таълим жараёнига сингдириш афзалликларини эътироф этишимизни хоҳлардик. Энг аввало, таълим жараёнида компьютерлар ва телекоммуникация воситаларининг қўлланилиши талабаларнинг улар билан бемалол ишлай олишлари педагогик жараёндаги энг муҳим камчиликлардан бири ҳисобланган субъективизмни чеклайди. Масалан, биринчидан агар талабанинг жавоби ёки бевосита ўзлаштиришни баҳолаш ўқитувчининг талаба шахсига муносабати таъсирида кечган бўлса, машиналар воситасида бериладиган маълумотлар объектив характерга эга бўлади.

Иккинчидан, компьютер орқали болага етказилаётган маълумотни зарураги бўлса, қайта-қайта чақириш ва такрорлаш имконияти ҳам бор.

Учинчидан, ҳар бир профессор-ўқитувчининг ўзига хос дарсни тушунтириш услуби дидактик услуби мавжуд. Компьютер орқали ёки масофали алоқа воситалардан фойдаланиш улар ичидаги самарасиз услубиятларга барҳам беради.

Тўртинчидан, янгича ахборотларни узатиш технологияларни тизим билан олишни ўзида ифода этиб, унда схемалар, расмлар, жадваллар, график ва диаграммаларга кенг ўрин берилди. Бу нарса ёшларда образли хотирани анча жонлантириб, эслаб қолиш қобилиятини кучайтириш мумкин.

Бешинчидан, ушбу ахборот воситалардаги маълумотларни кичик, ҳажмли дискетларга ёзиб олиш, керак жойда улардан фойдаланиш мумкин. Бу ҳам вақтни, ҳам маблағни тежайди, иқтисодий жиҳатдан юзлаб тиражларда чоп этилаётган китоблардан арзон тушади. Энг муҳими, манфаатдор аудитория хоҳлаган маълумотини бир хил сифат ва тизимда олиши мумкин бўлади.

Хулоса тариқасида шунини айтиш жоизки, таълим ижтимоий тизимининг бир қисми бўлиб, у ўз ривожланишида жамиятдаги йўналишларга эргашиб рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олиш лозим. Ана шу доирада инновациялар таълим олдига турган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий шартларидан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Сарычева Е.А., Якушев В.В. *Формирование и развитие интеллектуального потенциала иностранных студентов в процессе их обучения химии на русском языке на этапе предвузовской подготовки // Вестник РУДН. Серия: Вопросы образования. Языки и специальность.* 2012. №3. С.181-185.

2. Musakhanova G. (2021). *ОСОБЕННОСТИ ОРГАНИЗАЦИЯ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ СТУДЕНТОВ ВУЗА В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ.* *Архив научных исследований*, 1(46). Извлечено от <https://tsue.sciencweb.uz/index.php/archive/article/view/4007>.

3. Т. А. Жданова. *Самостоятельная работа как категория дидактики высшей школы.* «Ученые заметки ТОГУ» Том 4, № 4, 2013

4. Hakimova M. *IQTISODIY TA'LIMNI TASHKIL ETISHNING INNOVATSION YO'NALISHLARINI TAKOMILLASHTIRISH //Архив научных исследований.* – 2020. – №. 32.

ОСОБЕННОСТИ ИНТЕГРАЦИИ ИНФОРМАЦИОННЫХ СИСТЕМ В УСЛОВИЯХ ФОРМИРОВАНИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Д.П. Хашимова,

Е.Ф. Пилипенко,

Старшие преподаватели кафедры «Цифровая экономика и информационные технологии» ТГЭУ.

Аннотация. В данной статье рассмотрены технологические особенности процесса интеграции информационных систем и приложений, а также определены преимущества и основные критерии интеграции корпоративных приложений.

Ключевые слова: интеграция информационных систем, корпоративные приложения, хранилища данных, обмен данными, удалённый вызов процедуры (Remote Procedure Invocation).

Информационная архитектура предприятия претерпевает постоянные изменения. Этот процесс может происходить как целенаправленно, в рамках определённой ИТ-стратегии, разработанной на предприятии, так и стихийно, под влиянием насущных потребностей бизнеса. Результатом будет являться крайне неоднородный ИТ продукт, содержащий приложения и программные компоненты от разных производителей, которые зачастую реализованы на разных платформах и дублируют отдельные функции. В условиях формирования цифровой экономики возрастает зависимость бизнеса от информационных технологий, причём для его успешного развития важен не столько набор приложений, позволяющий автоматизировать отдельные функции или бизнес-процессы, сколько интеграция информационных систем (ИС) и приложений.

В Указе Президента Республики Узбекистан «Об утверждении стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации» отмечается, что «в рамках цифровой трансформации регионов и отраслей в 2020 — 2022 годах предусматривается:

внедрение свыше 280 информационных систем и программных продуктов по автоматизации процессов управления, производства и логистики на предприятиях реального сектора экономики» [1].

Под интеграцией ИС обычно понимается объединение ИС, связывающее множество документов, а также отношений в данных системах.

В свою же очередь под интеграцией корпоративных приложений специалисты понимают технологию и приложения, задача которых вовлечь в работу несколько приложений, используемых в одной организации, в единый процесс и осуществлять преобразование форматов данных между ними без их потери и избыточности. [2]

Корпоративные приложения никак не могут существовать независимо друг от друга. Ведь программа, внедрённая в розничном магазине, не будет эффективней работать без взаимодействия с программой, которая будет работать на складе, или офисе компании. Поэтому специалистами в сфере ИТ используется термин интеграция, под которым понимается связь между различными информационными системами и корпоративными приложениями, а также платформ на которых они работают и вычислительной техники на которой

это все установлено. Поэтому мы можем понимать под интеграцией в ИТ отрасли не только интеграцию ИС, но и интеграцию технических и аппаратных средств, применяемых компаниями в своей работе.

Информационная система предприятия может насчитывать множество приложений как коммерческих, собственных разработок, так и ранее использованных на данном предприятии и т.д., работающих с возможностью управления под различными операционными системами.

Разработка такого собственного контента, охватывающего все бизнес функции предприятия, на сегодняшний момент времени почти является невозможным. Большого успеха в работе по разработке таких больших бизнес приложений смогли достичь лишь некоторые создатели ERP-систем.

Учитывая огромное многообразие среди индивидуальных требований предприятий, создание такого универсального приложения не входит в интересы разработчиков ПО, т.к. оно не будет являться тиражируемым, а сроки на его разработку, тестирования и внедрения занимают слишком много времени. Но почти все современные приложения создаются только для решения определённого типа задач. Но тем не менее большой поток требований к возможному расширению функциональности приложений со временем приводит к появлению в программном пакете дополнительных функций.

Взаимодействуя с компанией, пользователи (клиенты, партнёры и сотрудники компании), как правило, не задумываются о том, каким образом осуществляется это взаимодействие. В то же время выполнение каждой бизнес функции может затрагивать сразу несколько внутренних систем компании. Для поддержки общих бизнес-процессов организации, а также совместного использования данными несколькими приложениями, последние из них будет необходимо интегрировать. Основной целью интеграции является обеспечение эффективного, надёжного и безопасного обмена данными между интегрируемыми приложениями.

Интеграция данных почти всегда включает их объединение, когда они находятся в различных источниках и предоставление данных пользователям осуществляется в унифицированном виде. Этот процесс становится существенным как в коммерческих задачах, когда двум похожим компаниям необходимо объединить их базы данных, так и в научных. Роль интеграции данных возрастает, когда начинает увеличиваться объём и появляется необходимость в совместные использования определённого типа данных. Так как схемы баз данных разрабатываются независимо друг от друга, они зачастую имеют различную структуру и терминологию.

Первым шагом на пути к интеграции данных является нахождение соответствий между двумя схемами данных. После нахождения соответствий совпадающие элементы могут быть объединены в единую обобщённую схему или обобщённое представление, если выбрана архитектура баз данных.

Хранилища данных - это одна из первых технологий при интеграции данных. Таким образом, хранилища данных это неотъемлемый элемент архитектуры информационной системы современного предприятия, доказавший свою эффективность и активно использующийся аналитическими подразделениями. [3]

Проблема интеграции данных крайне многоаспектна и многообразна. Трудность и характер работающих методов её решения существенным образом

зависят от уровня интеграции, который необходимо обеспечить, свойств отдельных источников данных и всего множества источников в целом, требуемых способов интеграции.

С интеграцией приложений связаны следующие преимущества:

- Передача файлов. Взаимодействие между приложениями осуществляется с помощью файлов, в которые помещаются общие данные;

- Общая база данных. Взаимодействие между приложениями осуществляется с помощью базы данных, в которой сохраняется общая информация;

- Удалённый вызов процедуры (Remote Procedure Invocation), т.е. взаимодействие между приложениями осуществляется с помощью RPI ʻ использующихся для выполнения действий или обмена данными;

- Обмен сообщениями (Messaging), т.е. взаимодействие между приложениями осуществляется с помощью системы обмена сообщениями.

Исходя из выше сказанного можно определить основные критерии при интеграции корпоративных приложений:

1. Связывание приложений, т.е. зависимость интегрированных приложений между собой всегда должны быть сведены к минимуму;

2. Изменение приложений, т.е. интеграторам всегда следует минимизировать свои изменения, вносимые в объединяемые приложения, а также внесенные изменения в объем кода, необходимого для реализации интеграции;

3. Выбор технологии, т.е. некоторые приемы для реализации интеграции требуют особого применения специализированного аппаратного и программного обеспечения;

4. Формат данных, т.е. интегрированное приложения всегда должны использовать одинаковый формат данных;

5. Своевременная доставка данных, т.е. одним из способов обеспечения своевременной доставки информации между приложениями предусматривает частый обмен;

6. Удалённое взаимодействие, т.е. большинство вычислительных процессов, выполняющихся внутри компьютера, почти всегда являются синхронными.

7. Надёжность, т.е. удалённое взаимодействие гораздо менее надёжно, чем вызов локальной функции.

Таким образом, всегда будут существовать несколько различных критериев, которые влияют на выбор способа интеграции приложений. Универсального способа интеграции приложений, в одинаковой степени удовлетворяющего всем рассмотренным выше критериям, не существует.

Список использованной литературы

1. Указ Президента Республики Узбекистан «Об утверждении стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» № УП-6079 от 5 октября 2020 г.// Национальная база данных законодательства, 06.10.2020 г., № 06/20/6079/1349

2. Когаловский М.Р. Методы интеграции данных в информационных системах. Институт проблем рынка РАН. м.: 2016 - 125 с.

3. Инструментальные средства разработки компьютерных систем и комплексов [Электронный ресурс]: учебное пособие для СПО/ А.А.Вичугова - Саратов: Профобразование. 2017.-135 с.

МЕТОДЫ ПРИНЯТИЯ УПРАВЛЕНЧЕСКИХ РЕШЕНИЙ В МНОГОУРОВНЕВЫХ, РАСПРЕДЕЛЕННЫХ СИСТЕМАХ

*Д.М. Мирзаахмедов,
старший преподаватель кафедры «Цифровая экономика и
информационные технологии» ТГЭУ*

Аннотация. В статье рассматривается проблемы управления многоуровневыми, распределенными энерготехническими системами и предлагается разработка новой концепции управления многоуровневыми, распределенными энерготехническими системами. Приведены взаимосвязь и последовательность решения комплексов задач информационной интеллектуальной системы принятия решения и методы их решения. Также в работе представлен метод анализа иерархии для выбора наилучшего метода при принятии решений в управления многоуровневыми, распределенными энерготехническими системами.

Ключевые слова: задача, метод, модели, алгоритм, принятие решения, энергосбережения, концепция, информационная интеллектуальная система, энергоэффективность.

Введение: В настоящее время в мире и в том числе в Республике Узбекистан исследуются и формируются новые концептуальные положения развития нефтегазовой промышленности в глобальном и национальном масштабах, соответствующие новым целям и тенденциям развития мировой и национальной экономики стран и новому характеру угроз экономического, экологического и социального характера.

В связи с этим предлагается разработка новой концепции управления многоуровневыми, распределенными энерготехническими системами, под названием интеллектуальная. Основная концептуальная идея интеллектуальных электроэнергетических систем (ИЭС) заключается в создании системно интегрированной и самоуправляемой в режиме реального времени энерготехнических систем, имеющей единую сетевую инфраструктуру, технологически и информационно связывающую все генерирующие источники энергии и все множество потребителей в пределах всей страны. При реализации ИЭС осуществляется процесс принятия решения по выработке и реализации методов, направленных на достижение максимальной производственно-экономической результативности. В настоящее время разработка современной, эффективной, адекватной информационной интеллектуальной системы принятия решения (ИИСПр) является актуальным, поскольку позволяют рационально и оперативно управлять энергосбережением на предприятиях нефтегазовой промышленности.

Методика исследований: ИИСПр позволяет руководству принимать оперативные управленческие решения, направленные на потребление минимально необходимого количество топливно-энергетических ресурсов (ТЭР). Взаимосвязь и последовательность решения комплексов задач ИИСПр представлены на рисунке 1 [1, 2].




Рис. 1. Схема взаимосвязи и последовательности решения комплексов задач ИИСПр

В составе комплексной задачи нормирования решается задача анализа работы предприятий нефтегазовой промышленности, которая выявляет резервы экономии топлива и энергии, которые должны быть реализованы с целью повышения энергоэффективности. В значительной мере это зависит от результатов решения задач повышения энергоэффективности, к которым относятся нормирование энергопотребления, тарифы на энергию, материальное стимулирование повышения энергоэффективности и др. Энергетические нормы должны отражать оптимальные технологические и энергетические режимы загрузки оборудования. Важнейшими комплексными задачами в ИИСПр являются задачи планирования и расчет плановых потреблений ТЭР на основе достоверных расчетных норм и нормативов. Энергетическая политика топливно-энергетического комплекса во многом зависит от качества их перспективного, стратегического, текущего и оперативного энергетического планирования, которые тесно связаны с проведением энергетического анализа и определением базовых критериев. Комплексная задача учета выполняет следующие функции: - получение оперативной и точной информации о расходе всех видов энергии; - накопление, обработка и анализ информации об энергопотреблении и параметрах функционирования электрической подсистемы; - прогнозирование потребления ТЭР; - своевременное реагирование на возникающие проблемные и аварийные ситуации; - контроль затрат на использование ТЭР; - централизованный сбор информации об энергопотреблении с целью оптимизации затрат на энергопотребление и их перспективное планирование; - мониторинг за аварийными ситуациями в

работе устройства; - предоставление точной и правдивой информации конечному потребителю об использованных им ТЭР.

В решении комплекса задач принятия решений используются результаты решений всех задач управленческих действий: планирование, организация, мотивация и контроль. Очень часто это достаточно длинный процесс выделяет в нем три этапа: поиск информации, поиск и нахождение альтернативного и выбор лучшей альтернативы. На первом этапе собирается вся доступная на момент принятия решения информация: фактические данные, мнение экспертов.

При реализации принятия решения по устранению отклонений фактических показателей от плановых, в ИИСРП осуществляется задача принятия решения по выработке и реализации мероприятий, направленных на достижение экономической результативности. Задача принятия решения состоит в формировании множества возможных вариантов, обеспечивающих разрешение проблемной ситуации при существующих ограничениях, и выделении среди этих вариантов одного лучшего или нескольких предпочтительных вариантов, удовлетворяющих предъявляемым к ним требованиям [1, 2, 3].

В ИИСРП использованы такие методы принятия решения как: онтологии, «IDEF» и «data mining», а для выбора наилучшего варианта (или вариантов) решения использован метод анализа иерархии (МАИ).

Онтология представляет собой совокупность терминов и взаимосвязанных определений, относящихся к некоторой предметной области и выполняющих нормативную функцию. Именно онтология формирует самое общее представление об объекте исследования. Будем говорить, что онтология предметной области - это кортеж вида

$$O^d = \langle C, A, R, D \rangle$$

где C - множество понятий предметной области, A - множество их атрибутов, R - отношение частичного порядка на множестве понятий, $R \subseteq C \times C$, D - множество областей допустимых значений атрибутов. Понятие определяется как $\langle d_i, F(d_i), V(d_i) \rangle$, где d_i - имя понятия, $F(d_i) = \{f_{ij}\}$ - множество признаков понятия, $V(d_i) = \{v_{iq}\}$ - объем понятия, v_{iq} - объекты, имеющие признаки $F(d_i)$.

Для решения подобных задач моделирования сложных систем существует хорошо обкатанные методологии и стандарты. К таким стандартам относятся методологии семейства IDEF. Использование семейства IDEF позволит достичь следующих результатов: проанализировать, как работает предприятие в целом, как оно взаимодействует с внешними организациями, заказчиками и поставщиками, но и как организована деятельность на каждом отдельном взятом рабочем месте; предвидеть и минимизировать риски, возникающие на различных этапах реорганизации деятельности предприятия; дать стоимостную оценку каждому процессу, взятому в отдельности, и всем процессам на предприятии, взятым в совокупности. Одной из методологий, которая помогает решать задачи различных классов поиска закономерностей и интерпретации результатов,

является методология интеллектуального анализа данных Data Mining. Она применяется для нахождения и исследования закономерностей в массивах слабоструктурированной информации и построения моделей, описывающих поведение сложных систем. Data Mining - исследование и обнаружение «машинной» (алгоритмами, средствами искусственного интеллекта) в сырых данных знаний, которые ранее не были известны, нетривиальны, практически полезны, доступны для интерпретации человеком.




Рис.2. Схема алгоритма выполнения функциональных задач ИИСПР

В данной работе для сравнения альтернатив и выбора наилучшего варианта (или вариантов) решения используется экспертная система на основе МАИ. МАИ представляется более обоснованным путем решения многокритериальных задач в сложной обстановке с иерархическими структурами, включающими как осязаемые, так и неосязаемые факторы, чем подхода, основанный на линейной логике [4]. Метод состоит в декомпозиции проблемы на все более простые составляющие части и дальнейшей обработке последовательности суждений лица, принимающего решение, по парным сравнениям. В результате может быть выражена относительная степень (интенсивность) взаимодействия элементов в иерархии. Эти суждения затем выражаются численно. МАИ включает процедуры синтеза множественных суждений, получения приоритетности критериев и нахождения альтернативных решений.

Выводы: В данной работе предложена создание ИИСПР, включающее единое информационное пространство и, таким образом, создающее предпосылки для управления многоуровневой, распределенной энерготехническими системами. Рассмотрена предлагаемая многоуровневая информационная технология для поддержки принятия решений при функционировании ИИСПР, интегрирующая интеллектуальные методы для моделирования процессов управления. Обосновывается применение методов и технологий онтологического моделирования, «IDEF» и «data mining» при принятии решений в ИИСПР.

Список использованной литературы

1. Ишанходжаев Г.К., Султанов М.Б. Разработка методов рационального управления энергосбережением на предприятиях нефтегазовой отрасли//Проблемы информатики и энергетики, 2016 г., №1, ст. 74-80.
2. Ишанходжаев Г.К., Султанов М.Б. Методы оптимизации решения задач информационной системы энергетического менеджмента//Проблемы информатики и энергетики, 2017 г., №4, ст. 64-72.
2. Ишанходжаев Г.К., Султанов М.Б. Методология создания информационной системы энергетического менеджмента// Вестник ТГТУ. – Ташкент, 2017 г., №4, ст. 56-60.
3. Эффективность и энергетические основы устойчивой экономики / Я.М. Щелоков, В.Г. Лисиенко; Екатеринбург; УИТУ-УПИ, 2010. 400 с.
4. Бернер М.С., Лоскутов А.В., Понаровкин Д.Б., Тарасова А.Н. Зарубежный опыт мотивации энергосбережения [Электронный ресурс] / М.С. Бернер, А.В. Лоскутов, Понаровкин Д.Б., А.Н. Тарасова // Энергосбережение. – 2008., С.256.

РАҚАМЛАШГАН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛАНТИРИШ

Н.С. Файзуллаева,
доценти, п.ф.н. ТДИУ
З. Каримова,
магистратура талабаси, ТДИУ

Аннотация: Фаол тадбиркорликни ривожлантириш ўқувчиларга мактаб ҳамда оилада тадбиркорликка доир пухта билимларни бериш, уларда иқтисодий фаолиятни таъкил этиш, шу жумладан, тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришни таъозо этади.

Таянч иборалар: рақамли иқтисодиёт, таълимий муҳит, тадбиркорлик компетентлик

Бугунги кунда, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мамлакатимиздаги устувор вазифалардан бири қилиб белгиланди. Мамлакатимиз Президенти, Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганларидек: “Тараққиётга эришиш учун, рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда”.

2030 йилга қадар “Рақамли Ўзбекистон” концепциясини ишлаб чиқиш юзасидан ҳам чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш мақсадида 2018 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон Қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг галдаги муҳим вазифалари сифатида – инвестицион ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари жорий этиш ва ривожлантириш; малакали кадрларни тайёрлаш; бу борада ҳуқуқий базани яратиш кабилар назарда тутилган.

“Рақамли иқтисодиёт” атамаси илмий амалиётга испаниялик ва америкалик социолог, ахборотлашган жамиятнинг етакчи тадқиқотчиси Мануел Кастелс томонидан киритилган. Бу борада у ўзининг “Ахборот даври: иқтисод, жамият ва маданият” номли уч жилдли монографиясини чоп этган.

Ҳозирги вақтга келиб, рақамли иқтисодиёт назарияси тўлагича ҳали шакланмаган ва кўпчилик иқтисодчилар томонидан кенг миқёсда ўрганилмоқда. Илмий адабиётларда ҳозирги замон “Янги рақамли иқтисодиёти” турли хил атамалар билан номланади.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланганлик даражаси бир қанча кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Бу кўрсаткичлардан бири бўлажак иқтисодчиларда тадбиркорлик компетентлигини ривожлантириш саналади.

Талабаларда тадбиркорлик фаолияти учун зарур касбий сифатларни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳасида билим ва кўникмаларни таркиб топтириш, касбий-меҳнат таълими ва касбга йўналтириш жараёнида тадбиркорлик фаолиятига жадал тайёрлашга доир илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам кўрсатиш учун таълимий муҳитни структуралаштириш ва ишлатиладиган воситаларини ишлаб чиқиш, тадбиркорлик таълимини жорий этишнинг фаолиятга йўналтирилган, ўқув фани сифатида, модули, умумтаълимий ёндашув моделларидан самарали фойдаланиш, бизнес асослари ва тадбиркорлик амалиётини ўргатишга доир таълимий дастурларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ҳар бир талабани тадбиркорлик билан шугулланишнинг фундаментал асосларини эгаллаши, тадбиркорлик фаолиятига доир амалий кўникмаларни ўзлаштиришига эришишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши тушунилади.

Тадбиркорлик компетенцияси – ижтимоий-иқтисодий билимларни амалий фаолиятда қўллай олиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида маълум тажрибага эга бўлиш, фаолиятни ташкил этиш жараёнида юзага келадиган муаммоларни кўра билиш ва бартараф этиш, инновацион гояларни излаш ва ўйлаб топиш, топшириқларни бажариш жараёнида қатъий интизомга риоя қилиш ва удабуронлик, шахсий қизиқиш ва эҳтиёжларини жамоа манфаатлари билан уйғунлаштириш лаёқати йиғиндисиدير.

Бўлажак иқтисодчиларда тадбиркорлик компетентлигини уларни олиё таълим муассасасида касбий тайёргарлик жараёнида шакллантириш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда, касбий компетентлигини шакллантириш моделини назарий асослаш ва қўл тажрибада текшириш лозим.

Республикамызда “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури доирасида ўқувчиларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, мактаб ва оила ҳамкорлиги асосида ўқувчиларда тадбиркорлик қобилиятини шакллантиришга доир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга мактаб ва оила ҳамкорлиги асосида ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг

педагогик модели ва интегратив технологиясини ишлаб чиқиш зарурияти мавжуд.

Шарқ фалсафасида, инсонларнинг кундалик эҳтиёжлари ва уларни қондириш воситаларини қидириш эмас, балки ҳар бир инсоннинг шахс сифатидаги зарурий эҳтиёжларини тадқиқ қилиш муаммолари муҳим аҳамият касб этади. Инновацион иқтисодиёт ривожланиб бораётган ҳозирги даврда тадбиркорлик оиланинг даромадини кўпайтиради, фаровонлигини таъминлайди. Бугунги кунда замонавий тадбиркорликнинг энг муҳим белгилари доимо янгиликка интилиш, хом ашёдан унумли, оқилона фойдаланиш, иқтисодий ўсишни таъминлашдан иборат. Тадбиркорлик жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг муҳим белгиси сифатида, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлайди. Ҳар бир инсоннинг шахсий қобилияти, меҳнат ва касб маҳоратини намоён қилиш имкониятини беради.

Талабаларда тадбиркорлик компетентлигини ривожлантириш – инновацион ғояларни излаб топиш ва амалга ошириш, ностандарт вазиятларга мослаштириш, ташқи таъсирларга ўзининг шахсий фикри билан қарши тура олиш, жавобгарлик ва масъулиятни ўз зиммасига олиш, аксиологик муносабат, фаолиятга тайёрлик, ўз-ўзини назорат қилиш, моддий маҳсулотларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, қўйилган мақсадга эришишдаги қатъийлик, ишга уздабуронлик билан ёндашиш, ташкилотчилик, коммуникативлик, ижодийлик, бошқарувга доир сифат ва хусусиятларни таркиб топтиришга йўналтирилган тизимли жараён.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020
2. Илҳомов Б.И. Иқтисодий компетентлик: мазмун-моҳияти, профессионал таълим тизими бошқарув ходимларининг иқтисодий фаолиятидаги компетентлиги. Замонавий таълим журнали. 2019, № 9, 64 – 70 б.
3. Муслимов Н., Усмонбоева М., Сайфуоров Д., Тураев А. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. - Т., 2015. 4-5-б.

SPIRITUAL AND MORAL EDUCATION OF STUDENTS IN THE USE OF TECHNOLOGY IN THE PREPARATION OF FUTURE PROFESSIONALS FOR INNOVATIVE ACTIVITIES IN FOREIGN LANGUAGE CLASSES

U.M. Bazarova,
Navoi State Mining Institute

Resume: *The importance of this thesis is confirmed by the statements of the head of state - President Sh. M. Mirziyoyev, who defined the main goal of education as "the formation of a spiritually rich and moral integral, harmoniously developed personality with an independent worldview and independent thinking, based on the priceless heritage of our ancestors and universal human values." "The basis for educating a citizen of a new society is the spiritual and moral traditions of the people, universal human values, democratic principles of existence"*

Key words: *education, foreign language, student, spiritual and moral education*

To solve this problem, it is necessary to enrich the content of pedagogical activity with such forms and methods that would ensure the most complete disclosure of the intellectual and moral potential of the individual, his creative abilities, and the development of stable worldview positions. The moral education of student youth must be carried out systematically directly in the educational process through of the subject studied. In such conditions, teachers will have the opportunity to use effective ways to enhance the creative activity of students, taking into account their psychological, intellectual and age characteristics, as well as the level of knowledge of the foreign language being studied.

Mostly young people aged 18-25 are studying in Uzbekistan, who tomorrow will form the backbone of our society. "This age stage is the most decisive in a person's life, it is here that the period of formation of separate chains of representations ends, and if not all of them, then a significant part of them are grouped into one network, vast enough to give a decisive preponderance to one or another direction in the image thoughts of a person, his character" [2].

Among the many general education and special disciplines of a technical university, a foreign language takes a special place in the education of students. I.A. Zimnyaya points out that "A foreign language in the process of mastering presupposes a large proportion of the formation of speech skills (abilities) and at the same time, no less than for the exact sciences, the amount of language knowledge in the form of rules, patterns, programs, solutions to various communication problems. However, these rules are not self-valuable as in other scientific disciplines, they relate to the construction, implementation of linguistic activity" [3]. The leading goal of teaching a foreign language is the upbringing, development and education of students by means of this subject on the basis and in the process of mastering foreign language speech activity.

The educational component of the goal is the formation of an active personality by means of a foreign language, which is characterized by ideological

conviction, feelings of patriotism, a culture of interethnic communication, independence, hard work and respect for people.

Compared to other academic disciplines, "foreign language" has specific features.

Special attention should be paid to the main, basic form of conducting classes in a foreign language, which, unlike the types of classes in other subjects, has a constant form of dialogue between the teacher and the audience of half the composition (10-12 people). The specific form of foreign language classes expands the possibilities of individual work with students, which is the key to success in teaching and educational work and cannot always be widely used in the study of other disciplines. An individual approach allows the teacher to rely in his pedagogical activity on the reserves and capabilities of a particular person, to take into account to a greater extent the level of the student's development, his ideological training, activity, creative potential, as well as the psychological traits of his personality.

The peculiarity of a foreign language lies in the fact that in the course of studying it, unlike other subjects, students acquire not knowledge of the language, but form the skills and abilities to use a foreign language as a means of communication, a means of obtaining information through books, magazines, newspapers, oral communication, that is, there is a training in communication activities. "Mastering one or another new language," as VA Skalkin rightly notes, "means the acquisition of another code (providing direct connection to the informative sources of world science and practice), which ultimately makes a specialist not only more cultured in the general humanitarian sense, but - what is especially important - significantly expands his professional capabilities." [5]

It is the subject and content side of a foreign language that contributes to the development of students. Moreover, a foreign language has such opportunities that cannot be used in the study of other disciplines.

The language material used in the study of a foreign language at a technical university can be divided into a number of categories. The first is vocabulary. "Since the word denoting things, signs, actions, and relationships is a tool for analyzing the information that a person receives from the outside world, it is the main element of language. The inextricable connection of language as a functioning system with all aspects of social life cannot but be reflected in the volume and nature of his vocabulary".

The second category of linguistic material is formed by texts of a different nature. "The text is a certain communication situation, the necessary components of which are (in explicit or implicit form) the subject of communication, the author and the recipient." In the text material, first of all, it is necessary to highlight the texts of vocational guidance, the importance of which in modern conditions of scientific and technological progress is constantly increasing. A foreign language ceases to be only a subject of general education, but becomes an assistant in mastering a specialty. Working with textual material of a professional nature with a special selection stimulates students' interest in their future specialty, increases their creative activity, curiosity, independence, the ability to make decisions in various situations, and, therefore, contributes to the formation of civic qualities of students.



Of particular educational value are materials of a regional nature that have primary information, although their widespread use is limited by the insufficient number of such materials in teaching aids. The necessary need for them is satisfied by attracting a variety of additional literature (newspapers, books, magazines, etc.). This facilitates the acquaintance of students with the history of different countries and peoples, their social system, political life, which is so important in the formation of a culture of interethnic communication of our youth and which materials from other disciplines of a technical university cannot provide.

Fostering love for the native land begins not only with studying the history of your people, your region, but also your family. During the study of the topic "Family", special attention is paid to the study of the history of generations, the revival of folk traditions. Students are encouraged to create their own tree of life and talk about their ancestry. This presupposes the formation of a clear civic position, responsibility, respect and preservation of family traditions and customs.

A foreign language has great potential for the development of students in the study of the topic "Country of the target language". Students talk about the history of the country of the studied language, prepare material about its capital, about its traditions and holidays, about the peculiarities of the culture of the country under study. Thus, there is a process of spiritual maturation of the personality, that is, the development of moral, ethical and other ideals and values.

Cognitive activities are organized in the following forms: excursions, olympiads, contests, lectures, decades of a foreign language, participation in scientific conferences.

The task of a foreign language teacher is to create that environment, a social climate, in which an active personality of a future citizen of the Fatherland is formed. At the same time, the main efforts are aimed at helping students in the self-development of their personal qualities based on moral values. The most important moral quality that should be formed in every student is the effectiveness of his worldview, moral and ethical ideals, and convictions. He must not only think, but also act according to his conscience, in accordance with his convictions.

References

1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-4947 of February 7, 2017 "On the Strategy of Actions for the further development of the Republic of Uzbekistan" // Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, No. 6.
2. Sh.M.Mirziyoev Scientific achievements are an important factor of development. // Speech of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoev on December 30, 2016 at a meeting with leading scientists of our country.
3. Bazarova U.M. The Role of Spiritual and Moral Education of Students of Technical University in the Lessons of Foreign Languages. // Philadelphia, USA-2019.-614-616s.
4. Bazarova U.M. The state of the problem of moral and aesthetic education of students by means of a foreign language at the present stage // International scientific journal "Научный горизонт" No. 1 / Москва 2019
6. Khakimova Muhabbat. "Integration Technologies In The Process Of Teaching And Upbringing." Archive of Scientific Research (2020).
7. Xakimova Muxabbat. "Career preparation of students with special needs." Archive nauchnyx issledovaniy 32 (2020).

БЎЛАЖАК ИҚТИСОДЧИЛАРДА КАСБИЙ ИЖОДКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

*Н.С. Файзуллаева,
доценти, п.ф.н., ТДИУ
Х. Насриддинов,
магистратура талаба, ТДИУ*

Аннотация: Педагогикадаги компетентли ёндашув ва касбий-педагогик ижодкорликни ривожлантириш муаммоси кўплаб тадқиқотчиларнинг илмий ишларида турли йўналишларда талқин қилинган. Бўлажак профессионал таълими педагогларининг ижодий фикрлаши, мустақиллиги, фаоллик ҳамда ижодкорликларининг ривожланиб бориши, дунёқарашларининг кенгайиб бориши, ўз-ўзини назорат қилиши ва тарбиялашига бўлган эҳтиёжларининг шаклланиши билан характерланади.

Таянч иборалар: ижодкорлик, касбий ижодкорлик, креативлик, инновацион фаолият

Республикада олий таълим тизими ривожланишининг ҳозирги босқичи таълим мазмуни ва методикасига, унинг самарадорлигини оширишга сифат жиҳатдан янги талаблар қўймоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”³³ муҳим устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу нуқтаи назардан, компетентли ёндашув асосида бўлажак профессионал таълими педагогларида касбий ижодкорликни ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш ҳамда инновацион фаолиятнинг репродуктив, продуктив, қисман изланувчи ва креатив даражаларини пухта эгаллашлари учун педагогик шарт-шароитлар ва дидактик имкониятларни таъминлаш долзарб аҳамият касб этади.

Ижод деганда кенг маънода шахс ёки жамиятнинг табиий, ижтимоий ва маънавий оламни инсоннинг мақсад ва вазифаларига, унинг эҳтиёжлари, истаклари ва имкониятларига мувофиқ равишда ўзгартириш борасидаги бунёдкорлик фаолияти тушунилади.

Ижодкорлик деганда мавжуд тажрибани янгича ташкил қилиш ва билимлар, малакалар, маҳсулотларнинг янги комбинацияларини яратиш асосида моҳиятан янги моддий ва маънавий қадриятлар яратиш билан боғлиқ фаолият жараёни ёки янгилек яратиш қобилияти тушунилади. Ижодкорликнинг турли даражалари мавжуд: бир даражасида мавжуд билимлардан фойдаланилади ва уларнинг қўлланиш соҳалари кенгайтирилади; бошқа, юқорироқ даражасида эса бирон бир объект ёки билим соҳасига нисбатан одатланиб қолинган нуқтаи назарни ўзгартириб юборадиган мутлақо янгича ёндашув яратилади. Ижодкорлик илмий педагогик адабиётларда инсоннинг фан, техника, ишлаб

³³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т.: 2017. – Б.39.

чиқариш, маданият ва бошқа соҳаларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган янгилик яратиши билан боғлиқ мураккаб психологик жараён тарзида талқин этилган. Фалсафий, педагогик-психологик адабиётларда “ижодкорлик” оригинал, такрорланмайдиган, ижтимоий-тарихий ноёблик хусусияти билан ажралиб турувчи фаолият тури сифатида талқин этилади.

Сўнгги вақтларда “ижодкорлик” тушунчаси билан биргаликда “креативлик” атамаси ҳам кенг қўлланилмоқда. “Ижодкорлик” ва “креативлик” тушунчалари ўзаро синоним сўзлар сифатида ҳам қўлланилади. Ижодкорлик – бу муаллимнинг илҳоми, унинг истеъдоди, креативлик эса ижодкорлик қобилиятининг юксак даражаси. Ижодкорлик умумий тарзда маданий фаолият билан боғлиқ, креативлик эса субъект учун янги имкониятларни юзага чиқариш тарзида тавсифланади. Креативлик ижодкорлиkning алоҳида таркибий қисми (ҳосиласи) сифатида талқин этилиб, инсон салоҳияти, индивидуаллиги билан боғлиқликда олиб қаралади. Айнан шу ёндашув объектив жиҳатдан ўринли, шунинг учун креативликни шахс ижодкорлигининг энг юқори даражада намоён бўлиши сифатида қабул қилиш ва мазкур масалани айнан шу контекстда талқин этиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда таълим олувчиларни педагог танлови асосида имкониятидан келиб чиқиб режалаштириган дастурдан чиқмаган ҳолда, таълим берувчи хоҳлаган метод, шакл ва воситалар асосида “ўқитиш” (do teach) эмас, балки таълим олувчида шаклланиши зарур бўлган компетенцияларни онгли равишда ўзлаштириш иштиёқини ривожлантириш, ички ва ташқи мотивацияни сифатли билим олишга йўналтириш, яъни (do educate) тарзда (мустақил изланувчи сифатида) таълим олишга йўналтириш керак.

Бўлажак мутахассиснинг касбий ижодкорлик компетентлигини ривожлантиришда мақсаднинг қўйилиши, жараённинг ташкил этилиши ва натижанинг аниқланиши компонентлари асосида ишлаб чиқилган касбий-педагогик ижодкорликни ривожлантиришнинг кластерли модели олиб борилган тадқиқот ишининг асосий негизи ва омилларини ўзида бирлаштирган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли Фармони.-Тошкент, 2017 йил 7 февраль

2. Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиш истиқболлари. Илм-фан ва инновацион ривожланиш / 2018 №4.

3. М.Алламбергенова, Б.Тлегенов Муаммоли ўқитишнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари. Тошкент: Fan va texnologiya, 2019. – 11,5 б.т.

4. О.Мусурмонова, З.К.Курбаниязова. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик. Тошкент, 2018 йил.

BO' LAJAK MUTAXASSISLARNI KASBIY FAOLIYATGA TAYYORLASHDA RAQAMLI TA'LIM MUHITINING XUSUSIYATLARI

N.S. Fayzullayeva,

Innovatsion ta'lim kafedrası dotsenti, TDIU

Annotatsiya: Ta'limni axborotlashtirish jarayoni, shubhasiz, vatanimiz kelajagini ta'minlovchi yoshlarga ta'lim-tarbiya beruvchi o'qituvchilarning axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan kasbiy faoliyati jara'endida foydalanish kompetentligiga uzviy bog'liqdir. Bu esa bo'lajak mutaxassislarini tayyorlashda o'qitishning zamonaviy axborot va didaktik vositalarini yaratish va qo'llash texnologiyasini ishlab chiqishni taqozo etadi.

Tayanch iboralar: raqamli texnologiyalar, ta'limni raqamlashtirish, axborotlashtirilgan ta'lim muhiti, ta'limni raqamlashtirish.

Mamlakatimizda yoshlarni ma'naviy etuk va jismonan sog'lom, vatanparvar va fidoyi etib tarbiylash, ularning huquq va manfaatlarini himoya qilish borasida keng ko'lamli ishlar amalga oshirilib kelinmoqda.

Hozirgi islohotlar sharoitida mamlakatimizda ilm fanni, ta'lim jarayonini rivojlantirishga alohida ustuvor vazifa sifatida qaralmoqda. Hukumatimiz tomonidan o'qituvchilarning maqomini oshirish, ularning obro'yini oshirish, imtiyozlardan foydalanishga katta e'tibor qaratilmoqda. O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish Kontsepsiyasining "Ta'lim jarayoniga raqamli texnologiyalar va zamonaviy usullarni joriy etish" nomli 2-bobida raqamli iqtisodiyot uchun yuqori malakali muhandis-texnik kadrlar tayyorlash tizimini tashkil etish va zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va ta'lim texnologiyalarining mustahkam integratsiyasini ta'minlash, bu borada pedagog kadrlarning kasbiy mahoratini uzluksiz rivojlantirib borish uchun qo'shimcha sharoitlar yaratish kabi masalalar belgilangan.

Shu jihatdan, mamlakatimiz Prezidenti Shavkat Mirziyoyev ta'kidlaganidek "Taraqqiyotga erishish uchun raqamli bilimlar va zamonaviy axborot texnologiyalarini egallashimiz zarur va shart. Bu bizga yuksalishning eng qisqa yo'lidan borish imkoniyatini beradi. Zero, bugun dunyoda barcha sohalarga axborot texnologiyalari chuqur kirib bormoqda. Albatta, raqamli iqtisodiyotni shakllantirish kerakli infratuzilma, ko'p mablag' va mehnat resurslarini talab etishini juda yaxshi bilamiz. Biroq, qanchalik qiyin bo'lmasin, bu ishga bugun kirishmasak, qachon kirishamiz?! Ertaga juda kech bo'ladi".³⁴

Mamlakatimizda ta'lim sifatini oshirish, ta'lim muassasalari moddiy-texnik bazasini mustahkamlash va ularni yuqori malakali mutaxassislar bilan ta'minlash borasida amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlar iqtisodiy fanlarni o'qitish jarayoniga xalqaro tajribalarni samarali tatbiq etish, talabalarning iqtisodiy-intellektual qobiliyatlarini rivojlantirishda integrativ ta'lim texnologiyalaridan foydalanish

³⁴ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2020-yil 24-yanvarda Oliy Majlisga yo'llagan Murojaatnomasi. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2020-yil 1563/2020 (№ 00047) <http://iqtisodiyot.tsue.uz>

darajasini oshirdi. Ta'limni axborotlashtirish jarayoni, shubhasiz, vatanimiz kelajagini ta'minlovchi yoshlarga ta'lim-tarbiya beruvchi o'qituvchilarning axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan kasbiy faoliyati jarayonida foydalanish kompetentligiga uzviy bog'liqdir. Bu esa bo'lajak mutaxassislarni tayyorlashda o'qitishning zamonaviy axborot va didaktik vositalarini yaratish va qo'llash texnologiyasini ishlab chiqishni taqozo etadi.

Jahon iqtisodiyotida ro'y berayotgan o'zgarishlar iqtisodiy munosabatlar va jamiyat taraqqiyotining sifat jihatdan yangi bosqichga o'tayotgan bir paytda tadqiqotchilar bu jarayonlarning turli jihatlarini o'rganishga harakat qilishmoqda. Shundan kelib chiqqan holda, turli adabiyotlarda «innovatsion iqtisodiyot», «bilimlar iqtisodiyoti», «raqamli ta'lim», «axborotlashgan ta'lim», «axborotlashtirilgan ta'lim muhiti» kabi atamalar, jahon hamjamiyati ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining hozirgi bosqichini ifodalovchi atamalar sifatida ishlatilib kelinmoqda. Ushbu atamalarning barchasi zamonaviy rivojlanish bosqichining u yoki bu xususiyatlarini ifodalaydi, umumlashtirgan holda esa, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning zamonaviy bosqichiga xos bo'lgan xususiyatlar sifatida quyidagilarni ajratish mumkin:

- milliy chegaralarning barham topishi va globallashtirish jarayonlarining kuchayishi, masofa o'z mohiyatini yo'qotishi;
- insonning yaratuvchanlik qobiliyatlari, bilim va malakasi iqtisodiy taraqqiyotning asosiy omiliga aylanishi;
- iqtisodiyotning insonparvarlashish jarayonining ro'y berishi, ya'ni inson iqtisodiy rivojlanish uchun emas, balki iqtisodiy taraqqiyot inson uchun xizmat qilishi;
- axborot texnologiyalarining hayotning barcha jabhalariga kirib borishi va ularning shiddat bilan rivojlanishi;
- raqamli ta'lim muhitida foydalaniladigan texnologiyalari, xususan, o'qitishning zamonaviy didaktik vositalarini o'quv jarayonida qo'llay oladigan yuqori malakali mutaxassislarni tayyorlashga ijtimoiy buyurtmasi ortishi ro'y beradi.

"Raqamlashtirish" atamasining o'zi paydo bo'lishi axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining jadal rivojlanishi bilan bog'liq. 1982-yilda Internet paydo bo'lishi bilan onlayn kabi yangi ulanishlar bilan to'ldirilgan virtual dunyo shakllanmoqda, uni bog'laydigan asosiy tushunchalar – "o'yinlar", "ijtimoiy tarmoqlar", "virtual dunyo".

Ta'limni raqamlashtirish – ta'lim sohasini uslubiy-amaliy jihatdan zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va texnik vositalari bilan ta'minlash hamda ulardan samarali foydalanish asosida ta'lim-tarbiya jarayonining psixologik-pedagogik maqsadlarini amalga oshirishga yo'naltirilgan jarayondir. Bundan tashqari, raqamlashtirish masofali o'qitish tizimining taraqqiyoti uchun baza bo'lib xizmat qiladi. Raqamlashtirish jarayonida ta'lim tizimida yangi axborot texnologiyalari vositalaridan keng ko'lamda foydalanish amalga oshiriladi.

Raqamli ta'lim muhiti sharoitida talabalarning bilishga doir materiallarni anglash va tushunish bilan bog'liq vazifalarga echim topish nafaqat ma'lum bir fanga doir tayyorgarlikka ega bo'lish, balki Internetdan foydalanish, axborotni izlash, blog-texnologiyalar, viki-texnologiyalar, ya'ni AKT kompetentligining muayyan darajasini egallashni talab etadi. Shuning uchun bo'lajak mutaxassisning AKT-kompetentlik darajasi zamonaviy Internet-texnologiyalari vositasida universal o'quv faoliyatini rivojlantirishning muhim sharti bo'lib xizmat qiladi.

Bu jarayon, birinchidan, ilmiy-pedagogik ma'lumotlar bazasidan foydalanish asosida ta'lim tizimini boshqarish mexanizmini takomillashtirishni, ikkinchidan,

zamonaviy axborotlashgan jamiyatda, shaxsni rivojlantirish maqsadlarida ta'lim-tarbiyaning tashkiliy shakllari, metodlari, mazmunini tanlash va metodologiyasini takomillashtirishni, uchinchidan, o'quvchini intellektual salohiyatini rivojlantirishga, unda mustaqil bilim olish malakasini shakllantirishga yo'naltirilgan o'qitishning metodik tizimini yaratishni va nihoyat to'rtinchidan, o'quvchilar bilimini nazorat qilish va baholashning diagnostik metodlarini, xususan kompyuter testlarini yaratishni va ulardan foydalanishni maqsad qiladi.

Ta'limni raqamlashtirish va zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish jarayoni o'qitishdagi tashkiliy shakllar va metodlarning o'zgarishigagina emas, balki undagi yangi metodlarning shakllanishiga ham olib keladi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning zamonaviy bosqichi oliy ta'lim tizimining uzluksiz ravishda rivojlanishini taqozo etmoqda.

Shu bilan birga, ta'limni raqamlashtirishning yaxshi texnik va texnologik zarur shartlari mavjud:

- istalgan vaqtda va istalgan joydan unga masofadan turib tezkor kirish imkoniyati bilan har qanday ma'lumotni ishonchli saqlash bazalari (bulutli va mobil);
- yetarli miqdordagi instrumental dasturlarning (shu jumladan bulutli dasturlarning) paydo bo'lishi va sifatli ta'lim mazmunini yaratish osonligi;
- o'quv jarayoni sub'yektlari o'rtasida tezkor aloqani ta'qulay aloqa xizmatlarining paydo bo'lishi va uni boshqarish mumkunligi.

Ta'limni raqamli ravishda o'zgartirishning mohiyati har bir o'quvchining zarur ta'limga erishishidir, ta'limni shaxsiylashtirish orqali natijalar raqamli ta'limning o'sib borayotgan potentsialidan foydalanishga asoslangan jarayondan to'liq foydalanish, shu jumladan sun'iy intellekt usullari, virtual mobil vositalaridan foydalanish; ta'lim muassasalarida raqamli ta'lim muhitining rivojlantirish; umumiy keng polosali Internetga ulanishni ta'minlash, katta ma'lumotlar bilan ishlash.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. Toshkent davlat iqtisodiyot universitetida oliy ma'lumotli kadrlar tayyorlash tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida. 21/02/2020 ID-14069

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2020-yil 24-yanvarda Oliy Majlisga yo'llagan Murojaatnomasi. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2020 yil 1563/2020 (№ 00047) <http://iqtisodiyot.tsue.uz>

3. Абдурахмонов К.Х. "Повышение качества высшего образования как важный фактор инновационного развития Узбекистана". // *Innovatsion texnologiyalar*. №2, 2019 z. -73 b.

4. Рахмонов N.R. Oliy ta'lim muassasalari sifatini oshirish va raqobatbardoshligini ta'minlash. "Xalqaro moliya va hisob" ilmiy elektron jurnali. № 2, aprel, 2019-yil

БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ – ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

М.Ф. Хакимова,
“Инновацион таълим”
кафедрасининг мудири, п.ф.д., профессор, ТДИУ
М.Х. Азизова,
Д. Ш. Садриддинова,
Магистр, ТДИУ

Аннотация. Мазкур мақолада таълим-тарбияда самарали ислохотларни амалга ошириш талаб этилаётган ҳозирги даврда, илмий-техника тараққиёти, янги технологик революция шароитида муваффақиятли фаолият кўрсата оладиган жамият аъзоларини етиштириб бериш, ёш авлодни касб-ҳунарга йўналтиришида давлат хизматини ҳамда ўрта таълимнинг кўп вариантли учинчи босқичини жорий этиш, таълим мазмунини яхшилашида педагогик восита ва технологияларни қўллаш, таълимда ташаббускорлик ва ижодкорликка кенг йўл очиш, унинг муҳим тизимларини яратиш каби чет эл тажрибаларини ўрганиши айни муддаодир.

Таянч иборалар: олий таълим, инновация, технология, рақамли иқтисодиёт, фан-техника, кадрлар тайёрлаш жаҳон ҳамжамияти, инновацион фаолият, таълимнинг индивидуаллаштириш, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш жараёни

Мамлакатимизда таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви асосида шакллантириш борасида тизимли ислохотлар амалга оширишмоқда. Бунда “олий таълим қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш”³⁵ каби муҳим вазифалар белгиланди. Бунда иқтисодиёт олий таълим муассасалари талабаларини ўқитишда яхлит ва тизимли интегратив билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва билимларини амалий фаолиятга татбиқ этиш ҳамда бўлажак мутахассисларнинг касбий компетенциясини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

XXI аср – ахборот технологиялари инсон ҳаётининг ажралмас қисмига айланган аср. Замонавий таълимни ривожлантириш учун инсон капиталининг таъсири энди етарли эмас. Таълим муҳитини ўзгартириш керак, нафақат меҳнат ресурсларининг ўқитиш ҳажмини ошириш, балки таълим мазмунининг ўзи, унинг усуллари, воситалари ва муҳитлари сифат жиҳатидан ўзгариши

³⁵ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5847-son Farmoni. 2019-yil 9-oktabr.

керак, рақамли инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда дарс жараёналарини ташкил этиш зарур.

Бугунги илм, фан, техника ва технологияларнинг шиддат билан ривожланиш даврида педагогика фанига ҳам улар билан ҳамнафас « педагогик технология», «замонавий педагогик технологиялар», «инновацион педагогик технологиялар», «ўқитиш технологияси», «ахборот коммуникация технологияси», «технология трансфери» сингари қатор янги тушунчалари кириб келди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: " Айни вақтда таълим-тарбия муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, муаллимлар, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш, хориждаги етакчи таълим марказлари билан илмий-педагогик ҳамкорликни кучайтириш, ўқув-тарбия жараёналарига замонавий таълим ва ахборот технологияларини, янги ўқув методикаларини жорий этиш бўйича ҳали олдимизда кўплаб долзарб вазифалар турганини яхши англаймиз ва уларнинг ечими устида доимий иш олиб борамиз"².

Таълим жамиятнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Халқнинг келажаги ва унинг интеллектуал ва маънавий ривожланиши кўп жиҳатдан ижтимоий институтлар, таълим муассасаларининг тузилиши, унинг турли хил ўқув фанлари, маълумот тақдим этиш усуллари билан ўзига хос тўйинганлигига боғлиқ. Шунинг учун барча ривожланган мамлакатларда давлатнинг асосий функцияларидан бири бўлган таълимни амалга ошириш учун ҳар йили унга инсон ва моддий ресурсларнинг катта миқдори сарфланади. Аммо шуни ҳам таъкидлаш жоизки, таълим тизими унинг барча элементлари билан уйғун ҳолда олиб бориладиган янгиланишга муҳтож.

Бугунги кунда давлатнинг жаҳон ҳамжамияти рейтингида юқори ёки қуйи ўринларда туриши унинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қай даражада тараққий этганлиги билан бевосита боғлиқ. Тараққиёт эса, доимо ривожланишга хизмат қилувчи янги гоёлар, яъни инновацияларнинг яратилиши ҳамда уларнинг ижтимоий ҳаётдаги амалиёти натижасида юзага келади. Шу боис, инновация ва инновацион фаолият масаласи энг долзарб мавзулардан ҳисобланади. Юксак даражада тараққий этишни мақсад қилган жамият учун бу табиий ҳол албатта. Шу жиҳати билан инновацион фаолият мавзусини тадқиқ этиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Рақамли компетентликнинг вариатив моделига кирувчи XXI-аср компетенциялари узлуксиз равишда умумий таълим, касбий таълим, кўшимча касбий таълим соҳаларида ва инсоннинг касбий ҳамда кундалик фаолияти жараёнида шакллантирилади. Шакллантириш жараёнида рақамли ва тармоқ технологияларидан фойдаланилади. Таълим жараёнининг у ёки бу элементларида рақамли технологияларини (ҳаётда ўхшаш вазиятларда

² Мирзиёев Ш.М.Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир.-Т.: Ўзбекистон, НМИУ. 2018.-448 б.



кўлланиладиган) кўлашдан воз кечиш махсус таҳлил ва асослашларни талаб этади.

Олий таълимда ҳар бир инсон учун таълимнинг индивидуалаштирилиши, очиқлиги ва самараси таъминланади, жумладан:

- ҳар бир фуқаро учун, жумладан, имконияти чекланган инсон учун эришиш мумкин бўлган оптимал таълим натижалари;
- ҳар бир таълим олувчининг мотивациясини қўллаб-қувватлаш, индивидуал қобилиятлар ва иқтидорларни максимал очиш имкониятини тақдим этувчи таълим элементларини таъминлаш;
- таълимда қийинчилик ва муаммоларни эрта аниқлаш, ташҳис қилиш, уларни компенсациялаш ва бартараф этиш.

Таълим жараёнининг мазкур тавсифларини таъминлашда асосий элемент тармоқ ахборот таълим муҳити ҳисобланади. Бундай муҳитда ўқув фаолияти ва таълим жараёни иштирокчиларининг ўзаро алоқалари амалга оширилади, таълим фаолиятининг бориши ва натижалари қайд этилади.

Мамакатимиз олий ва ўрта махсус таълим тизимида амалга оширилаётган халқаро дастурлар билан кадрларни тайёрлаш миллий дастурларининг интеграцияси интерференция эффектини бермоқда. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг инновацион фаолиятини такомиллаштиришга эришиш, талабаларнинг билимларини тўлиқ ўзлаштириш жараёнларини лойиҳалаштиришда марказий ўринни талаба шахсига бериш, унинг самарали билимларга мустақил эга бўлиш эҳтиёжини қондирувчи сифатли дидактик услубий манбаларни ишлаб чиқиб, таълим амалиётига жорий этиш долзарб масалалардан биридир.

Глобаллашув шaroитида мамлакатимизда таълим тизимини шаклан ва мазмунан ислоҳ қилиш, унинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия мазмунини, шакл ва методларини самарадорлигини ошириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Чунки, таълим жаҳон миқёсида ўз ўрнига эга, обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш, мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, уни демократлаштириш ва либераллаштириш, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, ижтимоий онги ҳамда дунёқараши даражасини ошириш, соғлом тафаккурли баркамол авлодни шакллантиришнинг пойдевори ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам таълимдаги стратегик йўналишлардан бири – таълим муассасаларининг инновацион фаолияти асосий омил сифатида белгилаб берилапти. Ҳозирги шароитда ҳар бир бўлажак мутахассис таълим тизимини ислоҳ қилишнинг зарурлигини тушуниб етиши ва уни амалиётда таълим муассасаларининг инновацион жараёнларига қўшилишидаги аҳамиятини англаб етиши ҳамда яратиб имкони мавжуд бўлган инновацион майдонда ўзини кўриши ва энг муҳими, янгиларни ўзлаштиришдан иборат.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг деярли барчасида таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида педагогик технологияларнинг ривожланишида бурилиш керакли ахборотни мустақил излаб топиш, муаммоларни аниқлаш ва уларни оқилона ечиш йўллари топиш, ўзлаштирилётган билимларни танқидий таҳлил қилиш ва янги вазифаларни ечишда улардан фойдаланиш кўникмасини шакллантиришга қаратилган. Тайёр билимларни ўзлаштириш ва умумлаштириш мақсад эмас, балки инсоннинг интеллектуал ривожланишига кўмаклашувчи воситалардан бири ҳисобланади. Ҳар қандай ижтимоий технологиянинг мазмуни ва вазифаси жараёни оптималлаштиришдан, фаолиятнинг ижтимоий самарага эришиш учун зарур бўлмаган барча турларини ундан чиқариб ташлашдан иборат. Технологиялардан фойдаланиш – бу бошқарув харажатларини камайтириш, бошқарув фаолиятининг самарадорлигини ошириш имкониятини берувчи бош ресурс ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бутунги кунда иқтисодиёт олий таълим муассасаларида инновацион фаолиятни йўлга қўйиш орқали жамият ёки давлат ҳаётини тараққий этишига хизмат қилади. Дарҳақиқат, инновацион фаолият тараққиётнинг асосий шарти, мезонидир. Бироқ, инновацион фаолият янгилик сифатида қабул қилинсагина у тараққий этишга хизмат қилади. Акс ҳолда, яъни уни кашфиёт сифатида қабул қилиниши кўп ҳолларда турли хил тушунмовчиликларнинг юзага келишига ва айнан кашфиётнинг амалиётда қўлланмаслигига сабаб бўлиши мумкин. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инновацион фаолиятни иқтисодиёт, технология, ишлаб чиқариш жараёнлари қаторида ижтимоий соҳада ҳам баробар қўлланилиши лозим. Акс ҳолда бу амалиёт жамиятнинг бир томонлама ривожланиши, кучли ижтимоий ҳамда сиёсий инқирозга сабаб бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida" gi PF-5847-son Farmoni. 2019 yil 9 oktabr.

2. Мирзиёев Ш.М.Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир.-Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2018.- 448 б.

3. Мусурманова О.Педагогик технологиялар – таълим самарадорлиги омили: монография/ О.Мусурманова.-Т.: Ёшлар нашриёт уйи, 2020.-184 б.

4. Хакимова М.Ф. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat.- Т.: Iqtisodiyot, 2019.- 176.м.

5. Холиқов А. Педагогик маҳорат. – Т.: Иқтисод-молля, 2011. -418 б.

6. Хўжаев Н., Хакимова М. Педагогик технологиялар. – Т.: Фан ва технологиялар, 2008.-128 б.

ФАКТЫ О БЕДНОСТИ В МИРЕ

З. А. Мусаева,
ТГЭУ базовый докторант

Бедность это критическая проблема, которая ежедневно затрагивает миллионы людей.

Еще в 1990 году около 35% людей жили в бедности. Это примерно 1.8 миллиарда человек. Сегодня более 700 миллионов человек, или 10% населения мира, по-прежнему живут в условиях крайней нищеты, что означает, что они борются за удовлетворение своих самых основных потребностей, включая здравоохранение, образование и доступ к воде и санитарии, среди прочего.

Большинство людей, живущих в бедности, живут в сельской местности. Во всем мире уровень бедности в сельской местности составляет 17.2%, более чем в три раза выше, чем в городских районах.

Во всем мире существует множество причин бедности, но основными причинами глобальной бедности являются недостаточный доступ к чистой воде и питательным продуктам питания, конфликты и гражданские беспорядки, низкие возможности трудоустройства, отсутствие образования, плохая инфраструктура и изменение климата.

Более 2 миллиардов человек не имеют доступа к чистой воде дома, а более 800 миллионов страдают от голода. Бедность и голод заманивают своих жертв в неизбежную петлю, поскольку бедность препятствует доступу к хорошей еде и чистой воде, в то время как голод и связанные с этим проблемы со здоровьем из-за нехватки еды и воды затрудняют выход из бедности.

Предотвратимые заболевания и недомогания, вызванные недоеданием и грязной водой, могут привести к обнищанию уже обнищавшей семьи, поскольку им, скорее всего, придется тратить то мало времени и ресурсов, которые у них есть, на медицинские расходы, не говоря уже о поездках в больницу или из больницы или здравоохранения. центр.

Конфликт наносит ущерб любой существующей региональной инфраструктуре, перенаправляя средства от нуждающихся и превращая беженцев в гражданских лиц.

В Сирии, регионе, где когда-то была бедность, почти 7 из каждых десяти человек живут в бедности.

Даже угроза нападения может ослабить уже борющиеся сообщества. Если фермеры опасаются, что их посевы будут украдены или уничтожены, они не будут вкладывать средства в посадку, что приведет к уменьшению запасов продовольствия и ослаблению экономики. Простая логическая проблема раскрывает связь между безработицей и бедностью; если ты не можешь работать, ты не можешь зарабатывать деньги. Как члены развитых стран, легко предположить, что если кто-то хочет получить работу, он может просто пойти и получить ее, но это просто не то, как все работает в развивающихся и сельских частях мира. Сокращение доступа к продуктивным землям и завышенная стоимость жизни из-за конфликтов, перенаселения, изменения климата и неэффективного использования природных ресурсов создают напряженность в экономике развивающихся стран.

Хотя непоследовательная работа и низкооплачиваемая работа могут привести к тому, что семья окажется в нищете, абсолютно никакая работа не означает, что семья не может обойтись без помощи.

В развивающихся странах нехватка образования много, и учить детей в школе не так просто, как ждать автобус по утрам. Проблема плохого образования и, как следствие, отсутствия возможностей для людей в более позднем возрасте начинается с детства.

Школа не является бесплатной во многих частях мира, и многие семьи не могут позволить себе отправлять своих детей в школу, особенно в тех случаях, когда существует финансовое давление для увеличения доходов домашних хозяйств.

[Оценки ЮНЕСКО](#) что 171 миллион человек могут вырваться из крайней нищеты, если они оставят школу с базовыми навыками чтения.

Инфраструктура определяется словарем Merriam Webster Dictionary как «основное оборудование и сооружения (такие как дороги и мосты), которые необходимы для нормальной работы страны, региона или организации». Это те аспекты развитых стран, которые легко воспринимаются как должное, ценность этого демонстрируется только теми, кто не имеет.

Инфраструктура - это ключевой компонент, помогающий вывести людей из бедности, потому что без них гораздо труднее или даже невозможно получить помощь, в которой они так отчаянно нуждаются. Люди без работы, без еды и воды полностью зависят от иностранной помощи. Без инфраструктуры шансы получить такую помощь им невелики.



По оценкам Всемирного банка в 2015 году, только изменение климата может привести к бедности более 100 миллионов человек к 2030 году. Согласно их оценкам, страны Африки к югу от Сахары и Южная Азия, два региона, уже страдающие от одной из самых тяжелых бедностей в мире, пострадают. сложнейший. Менее предсказуемые погодные условия создают проблемы для фермеров, а суровые погодные явления, такие как засуха, наводнения и сильные штормы, могут нанести вред общинам, уже живущим в нищете. Бедность влияет на всех. Это не только разрушительно для тех, кого это непосредственно затрагивает, но и может иметь серьезные последствия для остального мира. Эксперты изучали связь между преступностью и богатством и обнаружили, что региональная преступность варьируется в зависимости от дохода. Преступность занимает первое место среди тех, кто страдает от бедности, что, по мнению экспертов, в значительной степени является результатом отсутствия образования и возможностей трудоустройства. Исследования показывают, что в районах с низким доходом больше преступлений, связанных с недвижимостью, таких как кража со взломом и кража, а в более богатых районах обычно наблюдается более жестокая преступность.

Алкоголь и токсикомания являются неоспоримыми побочными эффектами бедности, будь то в странах Африки к югу от Сахары или на улицах Нью-Йорка. Это, к сожалению, распространенная саморазрушительная привычка, воспринимаемая как способ справиться с высокими уровнями стресса, тревоги и депрессии, которые сопровождают жизнь в бедности.

К сожалению, распространенность наркотиков и злоупотребления алкоголем в обедневших районах служит лишь движущей силой, стоящей за торговлей наркотиками, за счет увеличения спроса. Известно, что торговцы наркотиками заправляют свои продукты опасными химическими веществами и другими добавками, чтобы увеличить прибыль во всем мире.

Исследования показали тесную социальную связь между бедностью и ухудшением состояния окружающей среды. Часто это не вина обедневших сообществ, а скорее проблема внешних сил.

Члены богатых обществ имеют «более зеленые» варианты для всего: от строительных материалов до контейнеров для вывоза, в то время как у бедных регионов остается только то, что было отвергнуто или признано непригодным для более богатых стран.

ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК МУТАХАССИСНИНГ КАСБИЙ-ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

М.Ф. Хакимова,

“Инновацион таълим”

кафедрасининг мудирини, п.ф.д., профессор,

ТДИУ

Э.Ф. Жўраев

М.С. Умарова

ТДИУ МРТ-01 гуруҳи магистрантлари

Аннотация. Мазкур мақолада таълимда самарали ўқитишни таъмин этилишига эришишда бир қанча таълим турларидаги жорий этилаётган ўқитишнинг янги шакллари жорий этиш зарурлиги таъкидланиб, ўзлаштирилаётган билим ва малакалар қанчалик тажрибадаги мавжуд бўлган маълумотлар билан ассоциатив боғлиқлик ҳосил қилса, уни ўзлаштириш ва хотирада сақланиши осон кечиши, олий таълимдаги жорий этилаётган самарали ўқитиш усуллари қўлланилиши талабаларни илмий ижодиётини ўстиришига, мустақил фикрий таҳлилини оширишига ва ўз устида ишлашига кенг имкон яратиши каби масалалар бўйича қатор маълумотлар тақдим қилинган.

Таянч иборалар: тизимли ёндашув, бўлажак мутахассис, инновацион фаолият, педагогик тизим, касбий-педагогик фаолият, мустақил фикрлаш, ижодий фаолият.

Жаҳонда бўлаётган глобаллашув ва таълим интеграциялашуви жараёнларида бўлажак мутахассисларнинг касбий-ижтимоий тайёргарлигини ривожлантиришига бўлган эҳтиёж янада кучайди. Хусусан, малакали мутахассиснинг касбий компетентлигини белгилувчи муҳим мезон сифатида касбга йўналтирилган вазибалар билан боғлиқ сифатларни белгилаш, битирувчининг касбий компетентлик сифатларини муҳим сифатлар қаторидаги учликка киритиш, бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш ҳолатини ўрганиш, уларнинг ихтисослик соҳалари бўйича касбий компетентлигини тадқиқ этиш, педагогик таҳлишларнинг инновацион методларини излаб топиш ва улардан унуми, самарали фойдаланиш ҳамда амалиётга жорий этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар асосида мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз олий ва ўрта махсус таълим тизимида амалга оширилаётган халқаро дастурлар билан кадрларни тайёрлаш миллий дастурларининг интеграцияси интерференция эффектини бермоқда. Олий таълим муассасаси ўқитувчиларининг инновацион фаолиятини такомиллаштиришига эришиш, талабаларнинг билимларни тўлиқ ўзлаштириш жараёнларини лойиҳалаштиришида марказий ўринни талаба шахсига бериш, унинг самарали билимларга мустақил эга бўлиш эҳтиёжини қондирувчи сифатли дидактик услубий манбаларни ишлаб чиқиб, таълим амалиётига жорий этиш долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакат парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, «Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт».

Дарҳақиқат, таълим жараёнини ислоҳ этиш ва меҳнат бозорида талаб қилинадиган юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашда олий ўқув юртлиари муҳим ўринни эгаллайди. Шу боис, олий таълим муассасаларини иқтисодийётнинг реал секторидаги талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб ривожлантириш талаб этилади.

Харакатлар стратегияси асосида мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодийёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сон ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш, олий таълим муассасалари битирувчилари меҳнатидан фойдаланишни яхшилаш, иқтисодийётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ўрта муддатга мўлжалланган мақсадли дастурларини жорий этиш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришига қаратилаган бир қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Педагогик таълимнинг замонавий мазмуни ҳажми жиҳатидан турлича бўлган ўқув фанлари босқичларини ўз ичига олади: ижтимоий-гуманитар, психологик-педагогик, илмий-техник, касбга йўналтирувчи. Педагогик таълим тизими мазмунида янги компонент сифатида олий таълим тизими шароитида ташкил этилувчи инновацион тайёргарликнинг ўзи бир томондан, шахсни ҳар томонлама камол топиши омили, иккинчи томондан, талабаларни бўлғуси касбий фаолиятга тайёрлашнинг асосий унсури сифатида иштирок этади.

Касбий-педагогик фаолиятни тизим сифатида қараб, унинг педагогик тизимга нисбатан функциясини аниқлаш мумкин. Аммо бу ерда қатор муаммо мавжуд. Уларни қараб ўтиш даражаларини, функциялар ва улар ўртасидаги муносабатни аниқлаш зарур. Бу муаммоларни ечиш жараёнида касбий-педагогик фаолиятнинг умумлаштирилган алгоритмини қуриш мумкин. У ўз ичига қуйидаги босқичларни камраб олади:

$$\begin{aligned} \bar{X}(a_2) = \bar{N}_1 & \left(\int_0^1 \frac{4k^2 + \eta}{(k^2 + \eta^2)((k-c)^2 + \eta^2)} \left(\frac{\eta^2}{4k^2 + \eta^2} \right)^\alpha \cdot \right. \\ & \left. \cdot \left[\frac{(k-a_2)^2 + \eta^2}{(k-a_1)^2 + \eta^2} \right]^x \right)^{\frac{1}{2}} \cdot \sin \left[\operatorname{arctg} \frac{\eta}{2k} - \operatorname{arctg} \frac{\eta}{k} - \operatorname{arctg} \frac{\eta}{k-c} \right] + \\ & + \alpha \left(\frac{\pi}{2} - \operatorname{arctg} \frac{\eta}{2k} \right) + x \left(\operatorname{arctg} \frac{\eta}{k-a_2} - \operatorname{arctg} \frac{\eta}{k-a_1} - \operatorname{arctg} \frac{\eta}{k-c} \right) d\eta + \\ & \int_k^{a_2} \left(\frac{(\xi+k)^2 + 1}{(\xi^2 + 1)((\xi-c)^2 + 1)} \cdot \left[\frac{(\xi-k)^2 + 1}{(\xi+k)^2 + 1} \right]^\alpha \cdot \left[\frac{(\xi-a_2)^2 + 1}{(\xi-a_1)^2 + 1} \right]^x \right)^{\frac{1}{2}} \cdot \\ & \cdot \cos \left[\left(\operatorname{arctg} \frac{1}{\xi+k} - \operatorname{arctg} \frac{1}{\xi} - \operatorname{arctg} \frac{1}{\xi-c} \right) + \alpha \left(\operatorname{arctg} \frac{1}{\xi-k} - \operatorname{arctg} \frac{1}{\xi+k} \right) \right] + \\ & + x \left(\operatorname{arctg} \frac{1}{\xi-a_2} - \operatorname{arctg} \frac{1}{\xi-a_1} \right) d\xi + \int_0^1 \left(\frac{(a_2+k)^2 + \eta^2}{(a_2^2 + \eta^2)((a_2-c)^2 + \eta^2)} \right)^\alpha \cdot \\ & \left. \cdot \left[\frac{(a_2-k)^2 + \eta^2}{(a_2+k)^2 + \eta^2} \right]^x \cdot \left[\frac{\eta^2}{(a_2-a_1)^2 + \eta^2} \right]^x \right)^{\frac{1}{2}} \cdot \sin \left[\operatorname{arctg} \frac{\eta}{a_2+k} - \operatorname{arctg} \frac{\eta}{a_2} - \operatorname{arctg} \frac{\eta}{a_2-c} \right] + \\ & + \alpha \left(\operatorname{arctg} \frac{\eta}{a_2-k} - \operatorname{arctg} \frac{\eta}{a_2+k} \right) + x \left(\frac{\pi}{2} - \operatorname{arctg} \frac{\eta}{a_2-a_1} \right) d\eta = 0 \end{aligned} \quad (18)$$

Если пользоваться формулой для разности обратных тригонометрических функций $\arctg x - \arctg y = \frac{x-y}{1+xy}$ при условии $xy > -1$, то аргументы синуса и косинуса в (18) можно упростить.

Таким образом, для определения неизвестных параметров задачи, пользуясь формулами (7)-(9), (14), (15) и (18), получена система трансцендентных уравнений. Решив эту систему при заданном $0 < \alpha\pi \leq \frac{\pi}{2}$, по формуле (6) определяется форма границы раздела зоны завихрения.

Результаты.

Численные расчеты показывает, для равномерной соединении потока вдоль канала и по боковому притоку необходимо взять $\alpha\pi \cong 30^\circ - 45^\circ$ при $\chi\pi \cong 0^\circ - 2^\circ$, при этом линия ВN очень близка к дуге окружности.

Анализ работ.

Задачи, посвящённые на слияния и разделении потоков исследовались во многих работах.

Слияния- важный элемент любой дренажной сети. Исследованиях представленная Бестом [3] течения в месте слияния каналов, из-за увеличения расхода воды и столкновения сходящихся потоков в непосредственной близости от стыка возникает сложное трехмерное и наиболее турбулентное местоположение. В последнее время внимание исследователей привлекло использование численных моделей для моделирования структуры течения в слиянии каналов. Виракун и Тамиа [4] сосредоточились на простом (прямоугольном и трапециевидном) канале. Для моделирования структуры потока они применили решение с жесткой крышкой, приняли модель турбулентности с двумя уравнениями и использовали параболическую движение. Виракун и др. [5] использовали полностью эллиптическую схему при исследовании асимметричного слияния 60 градусов. Они обнаружили, что расчётная длина зоны рециркуляции в нижнем направлении была примерно на 30% меньше. В данной работе рассматривали канал с диффузорным участком при наличии одного бокового притока и внутри канала имеется вихревая зона. Использовали методы решения задач о плоском потенциальном течения идеальной невесомой жидкости. Определён угол слияния притока и конусности диффузорного участка.

БАНКЛАРНИ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ИЛҒОР ХОРИЖ ТАЖРИБА АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**З.Т. Мамадияров,
талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи,
Ph.D, доцент,ТДИУ**

Жаҳон амалиётида қўлланилаётган замонавий банк хизматларини жорий қилишда бошқа амалиётдан тўғридан-тўғри кўчириш эмас, балки уни банкка, мижозларга ва жамиятга мослаштириш, шунингдек, бу бўйича бошқа ривожланган мамлакатлар билан бир қаторда фаолият юритиш, изланишлар олиб бориш зарур. Информацион оқимларнинг тезлик билан харакатланаётган ва янгидан-янги тадқиқотлар ўтказиш учун имкониятлар, шароитларнинг мавжудлиги, шунингдек мижозлар ва банкларнинг бунга тезлик билан тайёр бўлаётгани фикримизга асос бўлади. Банк хизматларини, хусусан, интернет-банкнинг хизматини такомиллаштириш мақсадида интернет-банкнинг хусусида назарий қарашлар, хорижий олимлар фикрларидан фойдаланиш самарали бўлади. Банк хизматларини, хусусан масофавий банк хизматларининг ривожланганлик даражаси, унинг мижозлар томонидан кенг қўлланилиши билан белгиланади.

Сўнги йилларда банклар глобал миқёсда рақамли банк имкониятларини фақат фронт офис учун 9,7 миллиард АҚШ доллар сармоя киритдилар. Кўплаб чакана банклар учун онлайн банкинг ва мобил алоқа каналлари филиаллар ва банкоматлардан кўра муҳимроқ саналмоқда.


Дунё бўйлаб банклар рақамли технологияларга киритилган сармоялар мижозларни жалб қилиш ва рақамли технологиялар сезиларли даражада фойда келтириши мумкинлигини аллақачон англамоқдалар. Масалан, ҳозирги кунда Bank of America депозитларни филиаллар орқали жалб қилганидан кўра ўз уяли алоқа каналлари орқали кўпроқ жалб қилмоқда. Bank of America бош директори Браян Мойнихан қайд этишича рақамли банкларга сармоя киритиш мижозлар эҳтиёжини қондиришга тўлақонли ёрдам берган. Аммо банк мижозларининг янги маҳсулот ва хизматлардан қониқиши нисбийдир. Apple, Amazon ёки Google каби этакчи технологик брендлар рақамли алоқанинг олтин стандартига айланганлиги сабабли, кўплаб истеъмолчилар энди ушбу брендлар билан банкларига қараганда кучли ҳиссий алоқага эга. Агар банклар ўз функциялари ва мижозларини сақлаб қолишни истасалар, улар рақамли тажрибани қўллаш натижасида хизматлар жозибadorлигини яратиши керак, бу эса охир-оқибат мижозларни жалб этиш ва сақлаб қолишда аҳамиятли бўлиши мумкин.

Бугунги кунда мобиль телефонлар инсон ҳаётида ажралмас воситага айланиб бормоқда яъни маълумотларни ўқишда, интернет тизимига уланишда,

электрон почталарни текширишда, керакли маълумотларни юклар олишда, иш кидиришда, харидларни амалга оширишда, тўловларни амалга оширишда ва бошқа бир қанча амалларни амалга оширишда инсониятнинг кўмакчисига айланиб бормоқда. Айниқса, мобиль телефонлардан исталган жойда ва исталган вақтда яъни уйда, ишда, автобусда, кинода ва бошқа жойларда ҳам фойдаланишнинг қулайлиги ҳар қандай тўлов учун идеал тўлов восита эканлигидан далолат беради.

Лекин Европа давлатларида онлайн банкинг фаолияти шиддат билан ривожланмоқда. Бугунги кунда Европада тўлов тизимида кенг фойдаланилаётган тўлов турлари мобиль тўлов тизими ва онлайн банкинг турлари бўлиб, банклар ёки бошқа молия институтлари мижозларига веб-сайтлари орқали кенг миқёсли молиявий хизматларни кўрсатишга имкон беради. Қуйидаги 1-расм маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, 2021 йил 1 январь ҳолатига Европа бозорларида онлайн банкинг фаолияти ҳолати келтирилган. Исландия, Норвегия ва Финландия давлатлари аҳолисининг 90 фоизидан ортиги онлайн банкинг хизматлари орқали банк хизматларини амалга ошириши орқали Европада банк хизматларини онлайн банкинг орқали амалга ошириш рейтингини бўйича етакчи мамлакатларга айланди.³⁸ Европа зонасида онлайн банкингдан фойдаланиш шрточа 60 фоизни ташкил этади,

Банк мижозлари банк веб-сайтига боғланиш орқали кенг миқёсли молиявий хизматлари амалга оширади. Вақт ўтиши билан Европада ушбу электрон тўлов хизматига ишонч ортиб борди. Натижада, Дания, Германия ва Австрия каби давлатларда нақд пулдан фойдаланиш сезиларли равишда камайиш юз берди.



1-расм. Европа бозорларида онлайн банкинг фаолиятининг ҳолати³⁹

2020 йил COVID-19 пандимеяси натижасида ҳар бир соҳадаги молиявий қийинчиликларга қарамасдан, Шимолий Америкада FinTech нинг

³⁸ Европа Комиссияси «Eurostat» маълумотлари.

³⁹ <https://www.statista.com/statistics/222286/online-banking-penetration-in-leading-european-countries/>

ўсиши кузатилди. Жаҳон банки маълумотларига кўра АҚШ бозорининг ўсиши 21 фоизни ташкил этди. Канада ва АҚШ ҳам Топ 10 Fintech бозорлари рўйхатига киритилган.

Канада бозори 37,5 миллион аҳолига эга ва Fintech бозорида 9-ўринни эгаллайди ва у Fintech бозорида асосий эътиборни Cryptocurrency & Blockchain, рақамли кредитлаш ва сугурта хизматларига қаратади.

АҚШнинг аҳолиси 329 миллионни ташкил этади ва Fintech бозорида 9,4 миллиард долларлик инвестициялари билан Топ 10 рейтингда биринчи ўринни эгаллаган. АҚШнинг Fintech бозорида тўловлар, хавфсизлик ва B2B Fintech ларга катта эътибор қаратган. АҚШдаги қимматли қоғозлар регуляторлари баъзи тажовузкор мажбурловларни келтириб чиқариши мумкин, ammo бу АҚШнинг Fintech соҳасига инвестиция киритишдаги жозибadorлигини камайтира олмайди.

Европа давлатларининг бир нечтаси юқори рейтингларни эгаллаган, булар Буюк Британия, Швейцария, Голландия, Швеция, Литва ва Эстония давлатлари.

Европанинг энг катта Fintech марказларидан бири Лондон, Fintech стартаплари (20 дан ортиқ) кўплиги билан машхур бўлиб, миллиардлаб Fintech бизнесларини ривожлантиради. Буюк Британиянинг Fintech соҳасидаги кучли томонларига алтернатив кредитлаш, блокировка ва крипто валюталари, тўлов тизимлари, шахсий молия ва бойликни бошқариш киради.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, баъзи тезлаштирувчи платформалари Fintechда аёллар сонини кўпайтириш ва гендер фарқини камайитиришга қаратилган.

Швейцария баъзан крипто-водий сифатида тасвирланган, йирик молиявий марказ сифатида тарихий обрўга эга, Швейцария 8,6 миллион аҳолига эга ва Blockchain дан ташқари Wealth Management ва Crowdfunding га эътибор қаратадиган Европанинг Fintech марказларидан бири.

Нидерландия рақамли тўловлар, инвестициялар ва муқобил кредитлаш билан машхур, 17,1 миллион кишилик аҳолисининг аксарият қисми технологияларни яхши ўзлаштиришган.

Швед Fintech стартаплари асосан SME Banking⁴⁰ тўловлар ва необанклардир. Аҳолиси 10 миллион кишини ташкил этсада, рақамли молиявий хизматлардан фойдаланувчилар сони, молиявий саводхонлик даражаси ва ижтимоий-демографик параметрлари потенциал даражада юқоридир.

Литва 2,8 миллион кишилик нисбатан кам аҳолиси бўлган давлат, шунга қарамадан рейтингда юқори ўринда туради. Бироқ, унинг Виленосдаги йирик Fintech маркази ва мамлакатда жойлашган 170 дан ортиқ Fintech компаниялари Литвага ўз позицияларини мустақкамлашда ёрдам беришмоқда. Fintech бозорининг асосий йўналиши - қарз бериш, тўлов тизими ва замонавий

⁴⁰ SME Banking – бу кичик бизнес ва ўрта бизнесга маслаҳат берувчи ва хизмат кўрсатувчи халқаро платформа.



банк иши кабилардир.

Эстониянинг Fintech соҳаси тўловлар, муқобил кредитлаш ва шахсий молияни бошқариш кабилар билан машҳурдир. Аҳолиси жиҳатидан Литвадан ҳам кичикроқ бўлган мамлакат (1,3 миллион киши) қулай инвестицион муҳитга эга йирик Fintech марказига айланиши мумкин бўлган давлатдир.

Осиё Тинч океани минтақасида Ҳиндистон RBSA Advisors томонидан дунёдаги энг тез ривожланаётган Fintech бозорларидан бири деб қайд этилди. 2020 йилнинг иккинчи чорагида Ҳиндистон 30 дан ортиқ Fintech битимларини ёпиш учун 647 миллион доллар инвестиция киритди. Ҳудди шу даврда Ҳитойнинг Fintech инвестицияси 285 миллион доллар эди. Деярли 1,4 миллиард аҳолига эга бўлган мамлакатнинг сўнгги 10 йил ичида Fintech саноатида тўлов тизими, кредитлаш ва Wealth Management масалалари бўйича катта ўсишга эришди.⁴¹

Сингапурнинг Fintech бозорига келсак: унинг асосий кучли томонлари Insurtech, тўлов тизими ва кредитлаш жиҳатларидир. Аҳолиси 5,8 миллион кишини ташкил қилади. 2019 йилда 735 миллион доллар давлат инвестициялари ва қулай солиқ сиёсати мамлакатда минтақавий Fintech саноатига сарфланган.

Умуман олганда, Ўзбекистонда ҳам мобиль телефонлар сонининг 20 млн. дондан ошганлиги яъни вояга етган ҳар бир аҳолида мавжуд эканлиги, тўловларни амалга оширишда махсус дастурий таъминот ва контактсиз мобиль иловалар орқали амалга ошириш лозим. Бунинг натижада биринчидан, mPOS-терминалларидан фойдаланишга зарурат қолмайди, иккинчидан, сотувчилар қўшимча ускуналардан воз кечади, учинчидан, банклар учун катта харажатлар эвазига банк технологиялари ва воситаларни сотиб олишга мажбур бўлмайди, тўртинчидан, ўз мобиль телефонларига биргина мобиль иловани юклаб олиш кифоя қилади.

Улардан ташқари, бугунги кунда мобиль тўлов усуллари миллионлаб одамларга расмий молиявий тизимларга кириши имконини бермоқда. Дарҳақиқат, бу турдаги тўлов тизимларнинг тараққий этиши банкларнинг фирмаларини кўпайтиришига зарурат қолдирмайди ва харажатларининг қисқартиришига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Камбагалликни ўлчаш бўйича қўлланма. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа Иқтисодий Комиссияси томонидан нашир этилган. Нью-Йорк ва Женева, 2017.
2. Бахтишод Хамидов. Бедность в Узбекистане. ЦЭИР. Экономическое обозрение №5 (245) 2020
3. Игорь Цой. Общество перешло на уровень выживания» часть II. <https://repostuz>
4. <https://www.cer.uz/ru/post/publication/uzbekistan-na-puti-sokrasenia-bednosti-opyt-kitaa>

⁴¹ <https://www.finextra.com/blogposting/20186/top-countries-for-launching-a-fintech-startup>

ИННОВАЦИОННОЕ МЫШЛЕНИЕ В УПРАВЛЕНИИ ОБРАЗОВАНИЕМ

А.Д. Эргашева,
кафедра «Инновационное образование»,
ст.преп., Т.Г.Э.У.

Аннотация: Инновации в управлении образованием – это умение руководителей в этой сфере творчески мыслить и системно внедрять новые технологии и методы в образовательные проекты с целью улучшения этой сферы. Сфера образования должна неуклонно развиваться, и в ней должна быть развита культура изменений на базе значимых психологических факторов. В настоящее время рынок образования вынужден меняться из-за последствий пандемии и приобретает совершенно новый характер. Инновационное мышление необходимо, чтобы применять накопленный опыт для создания инноваций, укрепляя тем самым научный потенциал, способствуя общему прогрессу страны.

Ключевые слова: инновационный интеллект, практический интеллект, креативное мышление, стиль руководства.

Современный этап развития Республики Узбекистан, социально-экономические преобразования требуют выдвижения управленцев, в том числе в системе образования совершенно нового типа – способных к творческому решению задач, целеустремленных, инициативных, способных эффективно работать. Большая часть рынка образования существует в модели изменений, поскольку давление внешних факторов огромно. Многие школы и университеты создают новые управленческие стратегии, ученые методики в проектировании образовательного опыта.

Источником нового роста для любой организации, не только в сфере образования, является инновационное мышление, которое выглядит как поиск новых путей решения задач, умение акцентировать, вычленив проблему, в целом улучшить свою структуру на основе нестандартных идей, получить коммерческую прибыль.

Целесообразно сформулировать три основные рекомендации для развития инновационной среды, которые представляют интерес для практического применения организациями, в том числе образовательными.

Руководители должны обеспечить управленческую поддержку креативного мышления. Это требует от них создания творческой атмосферы, культивирования демократического, а иногда и либерального стилей руководства, что особенно уместно в образовательных учреждениях. То есть, в определенных условиях, способствующих инсайту, отбору и сохранению

идей, а не порицанию за неудачные попытки, например при заполнении онлайн-платформы, создании электронных учебников, написании программ.

Руководителям в сфере образовательной среды важно помнить их бесценную роль в эффективном продвижении идей, способностей, создавать вузах, школах, колледжах и др. среду, в которой идеи рождаются, развиваются, реализуются и, самое главное, наконец внедряются, становясь продуктом, инновацией в их организации. Например, введение занятий по арт-терапии в школах, мониторинговые центры по трудоустройству студентов с ограниченными возможностями и т.д.

Для создания инновационной среды в вузах первоочередной задачей управленцев становится вовлечение профессорско-преподавательского состава в творческий процесс путем коллоквиумов, проведения мастер-классов, создания творческих лабораторий и др. Это взаимодействие начинается, когда управленцы от образования переосмысливают значение своих сотрудников в университетах, например, с позиции креативного мышления. Вместо того, чтобы просто спускать указания, разрабатывая стратегию «сверху вниз», необходимо активно и целенаправленно вовлекать преподавателей в творческий процесс, чтобы сотрудники понимали значение своего вклада, разрабатывали новые электронные учебники для онлайн-площадок, принимали активное участие в сотрудничестве с педагогическими дизайнерами при разработке учебных платформ. Или, например, ректорат может инициировать опрос или анкетирование на предмет предложений профессорско-преподавательского состава по совершенствованию учебного процесса, внедрению педагогических технологий, или их уместность на каждом этапе усвоения знаний. Следовательно, инновационное мышление руководителя во всех аспектах: практический интеллект, аналитический, непосредственно сама креативность, в развитии высшей точки дает двойной результат. В совокупности с управленческими способностями приводят к прогрессу самого управленца, в организации – к появлению нового продукта, тем самым, выводя компанию не только на новый уровень, но и в лидеры.

Современные социальные процессы протекают крайне быстро, и от руководителя требуется постоянное самообразование, рефлексивный самоанализ, формирование социальной, личностной и инновационной компетентностей. Эффективная инновационная активность руководителя в системе образования является важным фактором, инициирующим динамику образовательных технологий, гарантом нестандартных решений, определяющих инвестиционный характер вложений в автономное образовательное учреждение, удовлетворённости субъектов образовательного процесса, индикатором стабильности творческих коллективов.

Таким образом, инновационное мышление управленца в сфере образования базируется на психологических факторах и целесообразно следовать им ради прогрессивного результата и эффективного функционирования системы. Наши общие рекомендации и выводы выглядят следующим образом:

- развивая свой инновационный интеллект, руководитель должен культивировать и поддерживать творческую атмосферу в любой образовательной среде;

- разработка и внедрение инновационных проектов должны культивироваться в режиме ожидания от всех задействованных в образовательной среде участников процесса и соответственно вознаграждаться;

- инновации невозможно осуществлять в режиме примитивной бюрократии. Не только средства и ресурсы для осуществления замысла требуются от руководителя, необходимо обеспечить своим подчиненным определенную свободу действий;

- управленцу следует иметь единомышленников, то есть, создать инновационную команду, в которую должны входить самые талантливые сотрудники, способные к теоретическим и Аннотацияным аспектам технологий с коммерческим контекстом организации;

- руководителям целесообразно доносить до подчиненных информацию о том, каким образом инновации могут принести конкретные результаты, чтобы вдохновить и повысить всеобщую заинтересованность в новой инновационной инициативе.

Список использованной литературы

1. Янчевский, В.Г. *Инновационный менеджмент. Понятия и категории* - М.: Тетралит, 2018. 144 с.
2. Годфруа Ж. *Что такое психология. Т.1.* / пер. с фр. Н.Н. Алипов - М.: Мир, 1992. 491 с. Гл. 9. *Адаптация и творчество. Интеллект.*
3. *Управление изменениями. Учебник.* - Москва: Наука, 2017. 869 с.
4. Воронина Т. *Управление инновациями в сфере образования // Высшее образование в России.-2001.-№6.- с. 3-11.*
5. Платонов В.В. *Интеллектуальные активы и инновации: проблемы оценки, учета и управления.* – Москва, СПб.: Питер, 2019. 126 с.
6. Стейнберг Р. *Практический интеллект.* - СПб.: Питер, 2002. 265 с.; (*Мастера психологии*); ISBN 5-318-00013-4.
7. Карташова Л.В., Никонова Т.В, Соломоницина Т.О. *Поведение в организации.* - Москва, Инфра, 2001. 220 с.

КАМБАҒАЛЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ДИНАМИКАСИ

А.А. Абидов,
доцент, т.ф.н., ТДИУ

Аннотация Ушбу мақола аҳолини турмуш даражасини аниқлашга бағишланган бўлиб, статистик маълумотларни таққослаш натижа сифатида халқаро қашшоқлик чегарасини аниқлашда камбағалликни ўлчаш қўлланмасида⁴² келтирилган қашшоқлик критерияларига солиштиришлар амалга оширилган.

Таянч иборалар Рақамли иқтисодиёт, маълумотлар омбори, камбағаллик, қашшоқлик даражаси, рақамли платформалар, формал моделлаштириши, бошқарувни инновацион методлари, маълумотлар тузилмалари, самарадорлик, рақамлаштириш усул ва воситалари.

Кириш

2020 йил 27 феврал куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон Президенти мамлакатимиз аҳолиснинг 12 – 15 фоизи ёки 4-5 миллиони камбағалликда эканини таъкидлади⁴³. Демак, уларнинг кунлик даромади 10-13 минг сўмдан ошмайди.

"Қашшоқлик" сўзининг ягона таърифи йўқ. Уни баҳолашни ўтказиш учун бир қатор аниқ белгиланган кўникмалар ва услублар керак [1]. Кимнинг камбағал ва кимнинг кимдан камлигини аниқлаш учун истеъмо (даромад) ҳақидаги билимга асосланиб, камбағаллик чегарасини аниқлаш зарур, бу одатда "қашшоқлик чегараси" деб номланади.

Мазкур масала бўйича шуғулланаётган вазирликлар, турли уюшмалару нодавлат ташкилотлари статистик ахборотларга суяниб иш кўришлари сир эмас. Интернет тармоғи сайтларига қўйиладиган бу маълумотлар ойлاردан йиғилиб умумлаштирилади. Бошланғич маълумотлар эса маҳалла, туман ҳокимияти даражасида тўпланади, аниқланади.

2020йилда Ўзбекистон Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги сифатида қайта ташқил этилди. Эътибор бериш керакки камбағаллик билан кураш давлат миқёсидаги асосий вазифага айланиб, "Камбағалликни камайтириш дастури" қабул қилинди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқиш, камбағалликни камайтириш, аҳолини жон бошига озиқ-овқат рационини истеъмо саватчасига яқинлаштириш масалалари статистикаси орқали жаҳон давлатлари ўртасида таққослаш, таҳлил қилиш асосида тавсия ишлаб чиқиш доим талаб этилади.

Ўрганганлик даражаси

Муаллиф катта маълумотлар билан ишлаш технологиялари асосида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари яратиши,

⁴² Камбағалликни ўлчаш бўйича қўлланма. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа Иқтисодий Комиссияси томонидан нашр этилган. Нью-Йорк ва Женева, 2017.

⁴³ Бахтишод Хамидов. Бедность в Узбекистане. ЦЭИР. Экономическое обозрение №5 (245) 2020

камбағалликни камайтириш, озиқ-овқат рационини такомиллаштириш борасидаги қашшоқчиликни аниқлаш ва моделлаштириш бўйича хорижий ва маҳаллий материалларнинг катта рўйхатини таҳлил қилди.

Хитой улкан, лекин бир пайтлар қашшоқ мамлакат эди[3]. 2018 йил сентябр ойида ХХР Давлат статистика бюроси 1978 – 2017 йилларда 740 миллион киши ёки Хитой қишлоқ аҳолисининг 94,4 фоизини, қашшоқликдан халос бўлди. Бу бутун дунё бўйлаб ўта қашшоқликда яшашни тўхтатган одамларнинг 70 фоизидир. Ҳали ҳам 16 миллион қолди, уларнинг даромади икки йил ичида кўпайиши ва уйғун ривожланиб ўртача фаровонлик жамиятига ўтиши режалаштирилган. Қашшоқликни камайтириш бўйича хитойликларнинг ёндашувида давлат бош реформатор ва доимий статистик маълумотлар йиғилиб туради. Хитой Хақ Республикаси Давлат Кенгашида миллий дастурни амалга оширишни мувофиқлаштирадиган қашшоқликни камайтириш бўйича кўмита мавжуд. Мамлакатда қашшоқликка қарши курашиш тизимлари яратилган: суғурта, инвестиция, ижтимоий ёрдам, маълумотлар йиғиш, таҳлил ва ҳисобот.

Ўтган йили ХХР сўнгги йилларда энг паст ишсизлик даражасини қайд этди – 4 фоиздан ҳам кам [3]

Социолог Р.Наилев фикрича[4] ўтган асрнинг иккинчи ярмида Хитой аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда катта қийинчиликларга дуч келди, одамлар тўйиб овқатланмасликдан азият чекдилар. Қишлоқ жойларда амалга оширилган ер ислохотлари, суғориш инфратузилмасининг яхшиланиши ҳосилдорликнинг ошишига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг барқарор ўсишига олиб келди. Куйидаги рақамлар 1978 – 1985 йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш давридан далолат беради. Хитойда, бу даврда жон бошига галла етиштириш 14 фоизга, пахта 73,9 фоизга, мойли ўсимликлар қарийб 3 бараварга, гўшт 87,8 фоизга ўсди ва бир деҳқонга тўғри келадиган даромад 3,6 мартага ошди. 1949 – 2018 йилларда суғориладиган ерларнинг майдони 15,9 дан 68,1 миллион гектарга ўсди. Натижада, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўплаб турлари бўйича Хитой дунёдаги энг йирик экспортчига айланди.

Қишлоқ хўжалиги ЯИМнинг 28 фоизини ташкил этадиган Ўзбекистонда ва камбағалларнинг аксарияти қишлоқлар бўлган мамлакатда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришни қашшоқликка қарши курашишдан фарқли олиб бориш мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон учун Хитойнинг қишлоқ жойларида, экологик жиҳатдан ноқулай яшаш жойларида қашшоқликни камайтириш, бандлик ва аҳоли даромадларини кўпайтириш бўйича тажрибаси жуда фойдали ва талабга жавоб беради. Хусусан, Жиззах вилоятида маълум маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ҳудудларни ихтисослаштириш бўйича тажриба Хитой тажрибасининг бир қисмидир, у ерда худди шундай дастур амалга оширилмоқда [4].

Нодавлат ва нотижорат халқаро ташкилот республиканинг ўн бир мандан ортиқ аҳолиси тўйиб овқатланмаслигини таъкидлайди [5]. Шу билан бирга, Focus Economics компаниясининг 2018 йилдаги ҳисоботида кўра, Ўзбекистон дунёнинг энг қашшоқ давлатлари рўйхатида 8-ўринни эгаллади (Тожикистон 4-ўринда).

Жаҳон банкининг кунига 1,9 доллардан ёки ундан камроғида яшовчи аҳолининг улуши тўғрисидаги маълумотларида Ўзбекистон аҳолиси улуши 2018 йилда 62,1 фоизни ташкил этди. Катта рақам. Қашшоқлик масалаларини статистик ўрганиш учун замонавий методологиянинг йўқлиги ушбу муаммонинг долзарблигини яширади ва ушбу хунук ҳодисани йўқ қилиш бўйича комплекс ва самарали чораларни ишлаб чиқишга имкон бермайди.

Бугунги кунда, замонавий дунё истеъмолчиларнинг кенг қатламлари билан ажралиб турадики, социал адолат нуқтаи назари ва инсоф-диёнатдан келиб чиқиб уларнинг манфаатлари ҳам ҳисобга олинishi учун хизматлар ва улар билан катта маълумотлар ва замонавий дастурий маҳсулотлардан фойдаланмасдан тасаввур қилишнинг иложи йўқ.

Бугунги кунда миллий иқтисодиётлар олдида жаҳон ҳамжамиятига самарали интеграциялашувни чуқурлаштириш орқали ташқи иқтисодий сиёсатни доимий такомиллаштириб бориш вазифаси муҳим аҳамият касб этади. Бироқ бу масалаларни ҳал қилишда камбағалчиликни тўхтатиш, ундан тезроқ чиқиб кетиш каби оламшумул вазифалар турибдики, улардан бири аҳолини тўйиб овқатланиш, унга шароит яратиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан бозорларни тўлдириш зарурдир. Хўш мазкур муаммоларни ечишда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини аҳоли қандай, МДХ давлатлари орасидаги ўрни, салобати қайси даражада. Мазкур мақолада шу саволларга жавоб излаймиз.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (World Health Organization) таъкидлаши ва тавсияларига кўра [6] соғлом овқатланиш бутун ҳаёт давомида тўйиб овқатланмасликнинг олдини олади, шунингдек юкумли бўлмаган касалликлар ва соғлиқ бузилишларидан сақлайди. Шу билан бирга, қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиши, тезкор урбанизация ва турмуш тарзининг ўзгариши овқатланиш усуллариининг ўзгаришига олиб келди. Бугунги кунда одамлар кўпроқ калория, ёғ, эркин шакар ва туз /натрийга бой озиқ-овқатларни кўпроқ истеъмол қилмоқдалар, кўп одамлар эса мева, сабзавот ва бошқа турдаги клеткакалар, масалан, тўлиқ бошоққини истеъмол қилмайдилар.

Турли хил мувозанатли ва соғлом овқатланишнинг аниқ таркиби индивидуал хусусиятларга (масалан, ёши, жинси, турмуш тарзи ва жисмоний фаоллик), маданий шароитга, маҳаллий маҳсулотлар ва овқатланиш одатларига боғлиқ. Бироқ, соғлом овқатланишнинг асосий тамойиллари бир хил бўлиб қолмоқда.

Катталар учун соғлом овқатланиш куйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади [6]: мева, сабзавот, дуккакли экинлар (ясмиқ, ловия каби), ёнғоқ ва бутун дон (ишлов берилмаган маккажўхори, тарик, жўхори, буғдой ва жигарранг гуруч каби).

Картошка, ширин картошка ва бошқа крахмалли илдиз сабзавотларини ҳисобга олмаганда кунига камида 400 г (яъни бешта порция) мева ва сабзавотлар киради.

Эркин қандлар умумий истеъмол қилинадиган энергия миқдорининг 10% дан камроғини ташкил қилиши керак, бу нормал оғирликдаги бир кишига 50 г (ёки тўлдирилмаган 12 чой қошиқ) га тўғри келади, кунига 2000 калория истеъмол

килади, ammo идеал ҳолда, соғлиқ учун қўшимча имтиёзлар бериш учун улар истеъмол қилинадиган умумий энергиянинг 5 фоиздан камини ташкил қилиши керак. Эркин шакар – бу ишлаб чиқарувчи, ошпаз ёки истеъмолчи томонидан озиқ-овқат ёки ичимликларга қўшилган шакарларнинг барчаси, шунингдек, асал, сироплар, мевали шарбатлар ва уларнинг концентратларида табиий равишда мавжуд бўлган шакар.

Ёғ истеъмол қилинадиган умумий энергиянинг 30 фоиздан кам бўлиши керак. Тўйинган ёғлардан фарқли ўлароқ тўйинмаган ёғларга (балиқ, авакадо ва ёнғоқларда, шунингдек, кунгабоқар, соя, колза ва зайтун мойларида) афзаллик бериш керак (ёғли гўшт, сариеғ, палма ва кокос мойи таркибида, қаймоқ, пишлоқ, ҳар қандай турдаги ёғ ва чўчка ёғи) ва транс ёғлари, шу жумладан тижорат мақсадларида ишлаб чиқарилган транс ёғлари (пиширилган ва қовурилган овқатлар, қадоқланган аператифлар ва бошқа музлатилган пицца, пирог, печенье, вафли, пишириш учун ёғлар ва сендвич аралашмалари) ва табиий ёғлар (сигир, қўй, эчки ва туя каби қавш қайтарувчи ҳайвонлардан олинадиган гўшт ва сут маҳсулотларида мавжуд). Тўйинган ёғни истеъмол қилишни 10% дан кам ва транс ёғ миқдорини умумий энергия истеъмолининг 1% дан камига камайтириш тавсия этилади. Айниқса, соғлом парҳез таркибига кирмайдиган саноатда ишлаб чиқарилган транс ёғларини истеъмол қилишдан сақланиш керак ва ҳ.о.лар.

Республикамиз аҳолисининг жон бошига тўғри келадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини аниқлаш, башоратлаш асосида озиқ-овқат рационига таққослаб тавсиялар ишлаб чиқиш.

Республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг ўсиш динамикасини ўрганиш ва уни ривожлантириш учун АКТ негизида моделлаштириш масаласини кўриб чиқиш.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг методологик базаси ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ва уларнинг ривожланиши, ўзаро боғлиқлик ва ўзаро боғлиқликдаги илмий тадқиқотларни тақдим этишга имкон берадиган тизимли ва таҳлилий ёндашувдир.

Тадқиқот методологияси ахборот тизимларининг ривожланиши ва самарали ишлаши соҳасидаги замонамизнинг етук олимларининг нашрларида акс эттирилган янги билимлар, илмий ютуқлар тамойиллари билан белгиланади. Услубий асос сифатида бошқарув объектларида ахборот самарадорлиги, қишлоқ хўжалиги унумдорлиги ва аҳоли қатламлари орасида камбағалликни камайтириш билан шугулланадиган замонавий олимларнинг ишланмалари, Ўзбекистон Республикасининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантириш бўйича қонунчилик ва норматив ҳужжатлари киритилган. Ушбу мақолани ёзиш пайтида мантиқий, қиёсий, иқтисодий ва математик таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқот натижалари

Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг қарори билан[7] тақлиф қилинган рационал овқатланиш нормативлари инсон меҳнатининг оғирлиги ва касб гуруҳлари асосида, мамлакатимизнинг иқлими ва овқатланишдаги миллий хусусиятларини

инобатга олган ҳолда, қувватга ва асосий озиқ-овқат моддаларига бўлган физиологик эhtiёжини қондиришга қаратилган олтита гуруҳларга бўлиниб, мос равишда лаёқатсизлар (беморлар, касалмандлар) гуруҳи, 1-гуруҳ 1800-2450ккал, 2-гуруҳ 2100-2800ккал, 3-гуруҳ 3300-2450ккал, 4-гуруҳ 2850-4200ккал, 5-гуруҳ 3750-4200ккалларга тенгдир. Бу мақолада 2 -*гуруҳга хос маълумотлар эркакларнинг 18 – 59 ёшгача бўлган қисми учун танланди.

1-жадвал

Киши бошига кунлик озиқ-овқат маҳсулотларининг гуруҳларга йиғилган меъёрлари

| Маҳсулотлар, грамм | Эркаклар | | | Аёллар | |
|--------------------------------|----------|--------|---------|-----------------------|--------|
| | 18 — 59 | >60 | 18 — 54 | Ҳомиладор ва эмизикли | >55 |
| Ун маҳсулотлари | 440,00 | 370,00 | 400,00 | 405,00 | 360,00 |
| Гўшт маҳсулотлари | 185,00 | 170,00 | 170,00 | 200,00 | 155,00 |
| Сут маҳсулотлари | 480,00 | 468,00 | 470,00 | 645,00 | 465,00 |
| Балиқ маҳсулотлари | 60,00 | 60,00 | 60,00 | 80,00 | 60,00 |
| Савзавот | 335,00 | 280,00 | 305,00 | 355,00 | 285,00 |
| Ҳўл мевалар | 325,00 | 320,00 | 320,00 | 405,00 | 315,00 |
| Тухум (дона) | 1,00 | 1,0 | 1,00 | 1,00 | 1,0 |
| Ўсимлик ёғи | 35,00 | 30,00 | 25,00 | 35,00 | 25,00 |
| Крахмалли маҳсулотлар | 415,00 | 340,00 | 355,00 | 370,00 | 275,00 |
| Қанд-шакар маҳсулотлари | 55,00 | 40,00 | 40,00 | 60,00 | 40,00 |

Бу жадвалда унли маҳсулотларга бугдой уни, бугдой нони, жавдар нон, макаронлар кирди. Гўшт маҳсулотларига мол гўшти, қўй гўшти, қуён гўшти ва парранда қўшилади. Сут маҳсулотларига сут, сметана, қаймоқ, творог, пишлоқдан жамланди. Савзавот таркибини карам, бодринг, помидор пиёз, бошқа савзавотлар ва полиз маҳсулотлари ташкил қилди. Крахмалли маҳсулотларни ҳисоблашда дуккакилар, гуруч, картошка, сабзи, ковоқ, ҳўл мевалар учун мевалар, қурилган, узум, цитруслар қўшиб ҳисобга олинди. Қанд-шакар маҳсулотларга шакар ва асал кирди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича ихтисослашган агентлиги-ташкilotи (ҲАО) томонидан тайёрланадиган маълумотлар базаси [8] ушбу тадқиқот ишида асос бўлди. Дунё маълумотлар атласидан (Споета) [9] қишлоқ хўжалигига оид маҳсулотлар таъминотини киши бошига ҳисоб мамлакатлар йўриғида қўрилган, уларнинг маълум бир қисмида тўхтаб 2 – 3 жадваллар тузилди.

Таҳлилар.

Қуйидаги манба [10] Ўзбекистон Республикаси Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан эълон қилинган. Унга қўра истеъмол саватчаси 2,1 ман сўм миқдориди ҳисоблаганлигини билдирилиб, бу пулга асосий маҳсулотлардан: 8 кг гўшт, 2 л сут, балиқ маҳсулотлари 3 кг, 1 л

ўсимлик ёғи, 20 дона тухум, 10 кг ҳўл мева, 28 кг савзавот олиш мумкинлиги таъкидланган. Шу ҳисоблардан келиб чиқиб, 2- жадвални тузиб солиштирма қиёслашни амалга оширамиз.

2-жадвал

Ўзбекистонда минимал саватчага ва тиббиётда тақлиф этилган рационга етарли маҳсулот етказиб бериш кўрсаткичи (йил ҳисобидан, кг)

| № | Маҳсулот тури | ФАО маълумотлари (4-13 жадваллар) | Тиббиётда тақлиф этиладиган меъёр | ФАОдаги кўрсаткич -дан фарқи | Минимал корзинада берилган меъёр | Минимал корзинадан фарқи |
|----|-------------------------|-----------------------------------|-----------------------------------|------------------------------|----------------------------------|--------------------------|
| 1 | Унли маҳсулот | 196 | 160,6 | +35,4 | 108 | +78 |
| 2 | Гўшт маҳсулотлари | 36 | 67,53 | -31,53 | 108 | -72 |
| 3 | Сут маҳсулотлари | 182 | 175,20 | +6,8 | 62,4 | +119,6 |
| 4 | Тухум | 6,6 | 20,8 | -14,2 | 11,9 | -5,3 |
| 5 | Савзавот | 266 | 122,28 | +143,7 | 284 | -18 |
| 6 | Ҳўл-мевалар | 102 | 118,63 | -16,63 | 138 | -30 |
| 7 | Усимлик ёғи | 11,3 | 12,78 | -1,48 | 11,1 | +0,2 |
| 8 | Балиқ маҳсулотлари | 2,7 | 21,9 | -19,2 | 36 | -33,3 |
| 9 | Крахмалли маҳсулот | 71 | 151,48 | -81,48 | 168 | -82 |
| 10 | Қанд-шакар маҳсулотлари | 0,1 | 20,8 | -20,7 | 12 | -11,9 |

2-жадвални б-устунини тўлдиришда қуйидагилар ҳисобга олинди. Унли маҳсулотларга нон, ун ва макарон маҳсулотари қўшилиб, битта буханка нон оғирлиги 0,4 кг деб олинди. ФАО маълумотларида гўшт умумий миқдор деб битта бандда берилган. Шу туфайли гўшт маҳсулотларига мол, қўй, парранда ва колбаса маҳсулотлари жамланди. Балиқ маҳсулотлари балиқ ва балиқ маҳсулотларидан йигилди. Сут маҳсулотлари таркибида сут, сливка, кефир, сметана, творог жамланган.

Крахмалли экинлар[8] ФАОда алоҳида бандни ташкил этиб, унга қуйидагилар: макка, лавлаги, сабзи, этилган дуккақлар, картошка, турп, кабачки, патиссон, қовоқ, редиска ва бошқалар киради. Алоҳида жадвалда крахмалли маҳсулотларни картошка, савзи, лавлаги, қовоқ, дукақилар ташкил қилди. Савзавотга бошқа савзавот ва полиз экинлари берилган. Ҳўл мева бандини барча мевалар, резаворлар ва цитрус ташкил қилди.

1-расмга эътибор берилса, унли ва сутли маҳсулотлар бўйича етказиб бериш даражаси етарли. Ҳар икки меъёр (1-тиббиёт тақлиф этаётган меъёр, 2-минимал корзинада берилган меъёр) ортиги билан бажарилаяпти. Мос равишда 35,4 ва 78кг ортиқ кўрсаткичга эгамиз. Қолган параметрларни таққослаганда фарқлар катта ва бари етишмовчиликда, яъни манфийда. Фақатгина 2-тавсияга ўсимлик ёғи етарлича ва бироз ортиқ, лекин бу параметрда ҳам 1-тавсияга кўра кўрсаткичлар фарқи манфий.

Республика озиқ-овқатнинг минимал саватчаси ва тиббиётда тақлиф этилган рационга етарли маҳсулот етказиб бериш параметрларининг охириги йиллар кўрсаткичлари билан таққослаш жадвали шуни кўрсатяптики, баъзи

параметрлар бўйича : гўшт, балиқ маҳсулотлари, тухум, хўл меваларини етиштириш, ошириш устида анча тер тўқишга тўғри келади.

3-жадвал

Озиқ-овқатнинг минимал савагчаси ва тиббиётда тақлиф этилган рационга етарли маҳсулот етказиб бериш параметрларининг охириги йиллар кўрсаткичлари билан таққослаш жадавали

| № | Маҳсулот тури | 2000 | 2005 | 2010 | 2011 | 2013 | 2015 | 2017 | 2018 | Тиббиётнинг тақлиф меъёри | Минимал савагча меъёри |
|----|-------------------------|------|------|------|------|------|------|------|------|---------------------------|------------------------|
| 1 | Унали маҳсулот | 168 | 185 | 184 | 183 | 182 | 197 | 195 | 196 | 160,6 | 108 |
| 2 | Гўшт маҳсулотлари | 21 | 25 | 30 | 34 | 36 | 35 | 35 | 36 | 67,53 | 108 |
| 3 | Сут маҳсулотлари | 138 | 142 | 135 | 134 | 131 | 183 | 183 | 182 | 175,20 | 62,4 |
| 4 | Тухум | 2,7 | 3,9 | 4,7 | 4,8 | 5,2 | 6 | 6,5 | 6,6 | 20,8 | 11,9 |
| 5 | Савзавот | 108 | 130 | 219 | 235 | 279 | 313 | 304 | 266 | 122,28 | 284 |
| 6 | Хўл мевалар | 38 | 41 | 76 | 77 | 91 | 101 | 96 | 102 | 118,63 | 138 |
| 7 | Усиманк ёғи | 12,1 | 11,2 | 10 | 10,2 | 10,7 | 10 | 11,1 | 11,3 | 12,78 | 11,1 |
| 8 | Балиқ маҳсулотлари | 0,4 | 0,3 | 0,5 | 0,7 | 0,7 | 2,3 | 2,8 | 2,7 | 21,9 | 36 |
| 9 | Краммали маҳсулот | 27 | 33 | 53 | 53 | 52 | 53 | 65 | 71 | 151,48 | 168 |
| 10 | Қана-шакар маҳсулотлари | 0,1 | 0,1 | 0,1 | 0,1 | 0,1 | 0,1 | 0,1 | 0,1 | 20,8 | 12 |

Хулоса ва тақлифлар

Жаҳон тажрибасини, хусусан, Хитой ва Ҳиндистонни ҳисобга олган ҳолда, аграр ислоҳотда кичик фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қайта ишлаш ва сотиш шарт-шароитларини енгилаштиришга эътиборни ўзгартириш зарур. Аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кооперативларни яратиш ва бунинг учун зарур бўлган технологияларни сотиб олиш жараёни енгилаштирилган бўлиши керак. Давлат ҳудудларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини халқаро сертификатлаш марказларини, дрон технологиялари, қишлоқ хўжалиги рақамлаштириш усубларини қўллаш маслаҳатчи фирмаларини ташкил қилиш ва уларнинг хизматлари мавжудлигини таъминлаши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Камбагалликни ўлчаш бўйича қўлланма. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа Иқтисодий Комиссияси томонидан нашр этилган. Нью-Йорк ва Женева, 2017.
2. Бахтишод Хамидов. Бедность в Узбекистане. ЦЭИР. Экономическое обозрение №5 (245) 2020
3. Игорь Цой. Общество перешло на уровень выживания» – часть II. <https://repost.uz/part-2>
4. <https://www.cer.uz/ru/post/publication/uzbekistan-na-puti-sokrasenia-bednosti-opyt-kitaa>

ТРАНСПОРТ ТИЗИМЛАРИНИ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИК УСУЛДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Д.Т. Азимов,

**“Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари”
кафедраси ассистенти, ТДИУ**

Ш.Г. Маннанова,

**“Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари”
кафедраси катта ўқитувчиси, ТДИУ**

Ҳозирги кунда энг янги юқори технологияли технологияларни (нанотехнологиялар, биотехнологиялар, глобал ахборот технологиялари, сунъий интеллект тизимлари ва бошқаларни ишлаб чиқишга асосланган янги, олтинчи технологик тартибга ўтиш жараёни фаол кечмоқда.), ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишида сифатий погонани таъминлайди ва иқтисодий ривожланишнинг узоқ тўққинли динамикасини белгиловчи омиллардан биридир.

Биринчи марта "иқтисодий динамиканинг узоқ тўққинлари" ("конъюктуранинг катта цикллари") мавжудлиги ҳақидаги хулоса ХХ асрнинг бошида рус олими-иқтисодчиси Н. Д. Кондратиев томонидан Европа ва Америка қўшма Штатлари мамлакатларининг иқтисодий конъюктурасининг статистик маълумотлари ва тебранишларини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида амалга оширилди [1]. Кейинчалик, Н. Д. Кондратиев томонидан тақлиф этилган назария маҳаллий тадқиқотчиларнинг ишларида технологик тузилмалар назарияси билан боғлиқ инновацион ёндашув доирасида табиий ривожланишини олди. Глазев ва Ю. В. Яковец [40, 52]. Ҳозирги босқичда доминант технологик тузилмаларнинг ўзгариши ҳақида гапирганда, академик С. Ю. Глазевнинг қайд этишича, бу жараён "дунёнинг етакчи мамлакатлари янги технологик тузилмага ўтганидан сўнг ёпиладиган иқтисодий ўсишнинг янги узоқ тўққинига муваффақиятли кириш учун имконият ойнасини очади" [2, с.195].

Шундай қилиб, янги технологик тартибда ўтиш иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳада тегишли ўзгаришларни амалга оширишни талаб қилади ва рақобатбардош устуликларни тўплаш илгор ва барқарор ўсиш ва ривожланишни таъминлаш учун ажралмас шартдир.

Ҳар бир янги технологик тартибга ўтиш мавжуд инфратузилмани кэнгайтириш ва ўзгартириш йўли билан амалга оширилади, натижада мавжуд инфратузилма чекловлари бартараф этилади ва илмий-техник ютуқларни ҳисобга олган ва иқтисодиётнинг самарали фаолиятининг мақсад ва эҳтиёжларига жавоб берадиган тубдан янги инфратузилма яратилади.

Бу бир томондан, тарихий жиҳатдан илмий ва технологик тараққиёт ютуқлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилган транспорт инфратузилмаси учун тўлиқ амал қилади, иккинчидан, ҳудудларни иқтисодий ва фазовий ривожлантиришда, иқтисодий маконни интеграциялашда, ишлаб чиқариш кучларини тақсимлашнинг динамикасини ва ишлаб чиқаришни жадаллаштиришда кучли омил ҳисобланади. Сўнгги ўн йилликларнинг глобал илмий-технологик тенденциялари давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида транспорт тизимларининг ролини сезиларли даражада мустаҳкамлади, шунинг учун самарали транспорт тизимларига эътибор рақобатбардош товар бозорлари инфратузилмасини ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омилларида бирига айланмоқда.

Хориж мактаби томонидан ишлаб чиқилган транспорт тизимлари назарияси доирасида, транспорт тизимлари анъанавий иқтисодиётнинг эҳтиёжларини қондириш ва аҳолининг ҳаракатчанлигини таъминлашга қаратилган, макон ва вақт ичида турли мақсадлар ва йўловчилар учун товарлар узлуксиз ҳаракатини таъминлаш транспорт комплекси элементлар мажмуи сифатида тушунилади [3, 4, 5, 6, 7, 8, 9]. Буларга: транспорт йўллари, тугун ва йўлақлар, тугун инфраструктура элементлари, транспорт корхоналари, транспорт воситалари, техник иншоотлар, қурилма ва механизмлар, назорат-коммуникация тизимлари киради. Транспорт тизими бир-бири билан ўзаро алоқада бўлган барча транспорт турларини бирлаштиради, жумладан: қувур, сув (Дарё ва денгиз), ҳаво, темир йўл, автомобил, шаҳар, уларнинг ҳар бири ўз инфратузилмаси, моддий-техник базаси ва бошқарув тизимига эга.

Транспорт тизимларини ривожлантириш глобал тенденцияларини таҳлил, бир илмий ва технологик тараққиёт ютуқлари, илғор ускуналар ва технологиялар пайдо, ва жаҳон иқтисодиётининг транспорт салоҳиятини ўзгариши билан боғлиқ, ҳам сўнгги ўн йилликлар давомида уларнинг интенсив ривожланишини кўриш мумкин, транспорт муаммолари ҳал қилиш зарурати, транспорт хизматлари сифати, қулайлик ва хавфсизлиги учун талабларни ошириш. Транспорт мажмуасида юз берган асосий ўзгаришлар қуйидагилардан иборат:

- транспорт ва логистика тузилмаларини, жумладан, турли терминаллар, транспорт ва омбор мажмуалари, дистрибуторлик марказлари ва бошқаларни шакллантириш;

- энг янги ахборот ва бошқарув технологияларидан фойдаланган ҳолда ақлли транспорт тизимларини шакллантириш ва ривожлантириш;

- тезюрар ва тезюрар алоқани ривожлантириш (жумладан, темир йўл, автомобил йўллари яхшиланган қопламали);

- инновацион транспорт воситаларининг пайдо бўлиши (масалан, юқори самарали инновацион юк автомобиллари, тезюрар кемалар, электр транспорт воситалари ва бошқалар.).

Реал дунё рақамли тасвирни яратиш учун имкониятлар тақдим этилган. Ахборот ва рақамли технологиялар соҳасида илм-фан ва технология сўнгги ютуқлари, биринчи Канада олим Дон Тапссотт томонидан 1994 йилда таклиф этилган "рақамли иқтисодиёт" тушунчаси пайдо бўлиб, янги технологик тартиби талабларига мувофиқ жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ўзгартириш жараёнларини назарий ва амалий тушуниш зарурлигини белгилаб [12], шундан кейин бу муддат кенг тарқалган бўлиб, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш муаммолари ва истиқболларини ўрганиш замонавий фанлараро тадқиқотлар доирасида кўриб чиқилган долзарб мавзулардан бирига айланди.

Шу билан бирга, рақамли иқтисодиёт соҳасидаги кўплаб нашрларга қарамадан, унинг моҳияти ва хусусиятлари ҳақида ягона тушунча йўқлигини таъкидлаш керак, бу ҳодисанинг мураккаб ва динамик табиати билан боғлиқ.

Хорижий ва маҳаллий адабиётларда, амалий тадқиқотлар ва конференциялар материалларида, рақамли иқтисодиётни аниқлаш учун жуда тор ёндашув мавжуд бўлиб, бунда фақат унинг алоҳида элементларига эътибор қаратилади: рақамли инфратузила ва илгор рақамли технологиялар, рақамли платформалар, электрон товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш, электрон хизматлар кўрсатиш, электрон тижорат, виртуал бозор, тармоқ хизматлари, рақамли маълумотлар ва бошқалар.

Янада кенгроқ қаралганда, рақамли иқтисодиёт тушунчалари иқтисодиёт ёки ахборот-коммуникация технологиялар, рақамли технологияларга асосланган ва улар томонидан воситачиликка асосланган иқтисодий муносабатлар тизими сифатида тушунилишига олиб келади [13, 14, 15, 16], бошқача қилиб айтганда, рақамли технологиялар ва хизматлар иқтисодий фаолиятнинг асосий омилига айланганда ва ахборотнинг аниқлиги, ўз вақтида ва тўлиқлиги асосий ресурс бўлса, иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда технологик жиҳатнинг сезиларли таъсирини кўрсатади.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган резолюцияда "ахборот-коммуникация технологияларининг тарқалиши ва тармоқларнинг глобал ўзаро боғлиқлиги ҳамда илмий-технологик янгиликлар эътироф этилмоқда, инсон тараққиётини тезлаштириш, рақамли бўлинишни бартараф этиш ва билимга асосланган жамиятни шакллантириш, шунингдек, ривожланиш учун катта имкониятлар очилмоқда", бу ўз навбатида иқтисодий фаровонлик, ижтимоий интеграция ва экологик барқарорлик имконини беради [17].

Унинг янада ривожлантириш учун ажралмас шарти сифатида бир қатор асарларида рақамли иқтисодиётнинг хусусиятларини тасвираб, мавжуд иқтисодий модели жиддий ўзгартириш зарурлигини қайд этилади: "фундаментал ўзгартириш, архитектура ва мавжуд саноат ва ижтимоий соҳа кўламини ўзгартириш" [18], "одатий иқтисодий алоқаларни ва мавжуд бизнес моделлари реформаси" [19].

Рақамли иқтисодиёт соҳасидаги деярли барча ишларга хос бўлган умумий йўналиш сифатида ушбу ҳодисадан ҳосил бўлган макроиқтисодий ва микроиқтисодий ва ижтимоий таъсирларни аниқлаш ва тавсифлашни қайд этиш мумкин. Жаҳон банки гуруҳи ҳисоботида улар "рақамли дивидендлар" тушунчаси билан бирлаштирилган, яъни "иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, иш ўринлари сонини кўпайтириш ва хизматлар сифатини ошириш кўринишидаги кенгайтирилган имтиёзлар" [20].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Кондратьев Н. Д. Проблемы экономической динамики. – М.: Экономика, 1989. – 526 с.
2. Глазьев С.Ю. Стратегия опережающего развития и интеграции на основе становления шестого технологического уклада // Международный научно-образовательный журнал «Партнерство цивилизаций». – 2013. – № 1. – С. 194-232.
3. Белый О.В. Архитектура и методология транспортных систем / О.В. Белый, О. Г. Кокаев, С. А. Попов. – СПб.: Элмор, 2002. – 256 с.
4. Бутов А.С. Транспортные системы. Моделирование и управление / А.С. Бутов и др.; под ред. А. С. Бутова. – СПб.: Судостроение, 2001. – 552 с.
5. Вельможин А.В. Теория транспортных процессов и систем: учебник для вузов / А. В. Вельможин, В. А. Гудков, Л. Б. Миротин. – М.: Транспорт, 1998. – 167 с.
6. Горев А.Э. Основы теории транспортных систем: учеб. пособие / А.Э. Горев; СПбГАСУ. – СПб., 2010. – 214 с.
7. Котиков Ю. Г. Основы теории транспортных систем: учеб. пособие / Ю. Г. Котиков. – СПб.: СПбГАСУ, 2000. – 216 с.
8. Троицкая Н.А. Единая транспортная система: учебник / Н.А. Троицкая. – 7-е изд. – Москва: Академия, 2012. – 240 с.
9. Управление транспортными системами. Транспортное обеспечение логистики: учебник и практикум для академического бакалавриата / В. Д. Герани, А. В. Колик. – М.: Издательство Юрайт, 2014. – 510 с.
10. Tapscott, Don. The digital economy: promise and peril in the age of networked intelligence. – New York: McGraw-Hill. – 1994. – 368 p.

РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ – МАМЛАКАТИМИЗ СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Б.Р. Вафоев,
“Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари”
кафедраси доценти, и. ф. н., ТДИУ,

Аннотация Рақамли3 трансформация концепцияси – бу ривожланишнинг навбатдаги босқичи бўлиб, технологик янгилıklar ва ечимларга асосланган бизнес-моделлар, тамойиллар ва ишбилармонлик маданиятининг ўзгариши ҳисобланади. Рақамли трансформация нафақат иқтисодиёт, балки бутун ҳаётимизга таъсир қиладиган глобал ҳодисадир. Мазкур мақолада мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини рақамли технологиялар ўзгартириши истиқболлари ва ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган.

Таянч иборалар Рақамлаштириши, рақамли трансформация, рақамли технологиялар, замонавий ахборот технологиялари, жисмоний тарбия ва спорт, ягона тақвим режа, спорт тоифалари ва унвонлари, спорт машғулотлари тизими.

Кириш Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимиз жисмоний тарбия ва спорт соҳасида рақамли трансформация бошланди. Бир томондан, бу режалаштирилган стратегик ҳаракат, бошқа томондан, пандемия ва у билан боғлиқ чекловлар жараённинг аҳамиятини оширади. Рақамли трансформация рақамли технологияларнинг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда ташкилот, бўлим, ҳаттоки бутун тармоқнинг ички жараёнларини тубдан ўзгартиришни англатади. Натижада ушбу жараёнлар тубдан тезлашади ва фойдаланувчилар учун соддалашган кўринишга келтирилади.

3. *Mirzakarimova, M. M., Fayziev, R. A. (2021, June). Enhancement of Multimedia Programs to Improve the Quality and Efficiency of Distance Education. In 2021 1st International Conference on Technology Enhanced Learning in Higher Education (TELE) (pp. 265-267). IEEE.*
4. *M. M. M., & Alikulovich, F. R. (2021). The Role and Importance of Multimedia Software in Improving the Quality and Efficiency of Distance Learning. International Journal of Future Generation Communication and Networking, 14(1), 683-695.*
5. *Мирзакаримова, М. (2021). Перспективы организации деятельности системы внешкольного образования на основе дистанционных и мультимедийных средств. Общество и инновации, 2(1/5), 178-182.*



ЎҚИТУВЧИ ЎРНИГА СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

А.А. Абидов,
техн.ф.н., доцент ТДИУ
Н.Я. Нурсаидов,
тадқиқотчи ТДИУ

Сўнги бир неча йил ичида Хитойда ақлли таълим оммалашди ва энди технологик стартаплар Фарб бозорига чиқишни режалаштирмоқда [1].

Дунё мутахассислари сунъий интеллект(СИ) бу аср таълимида ҳал қилувчи рол ўйнашига қўшиладилар – лекин қандай қилиб? деган савол уларни қийнамоқда. Хитой тахмин қилишга эмас, балки ҳаракат қилишга қарор қилди. Хукумат СИ ёрдамида ўқитиш ва ўқитишга эътибор қаратди ва бунинг натижасида мамлакатда "келажак таълими" ни таклиф қиладиган кўплаб компаниялар пайдо бўлди.

Ҳозир ўн миллионлаб болалар улар хизматларидан фойдаланишади: Squirrel билан қўшимча равишда ёки 17ZuoYe [2] каби рақамли таълим платформаларида ўрганиш; ҳатто мактабларнинг ўзида[3] ҳам сунъий интеллект тизимлари мавжуд.

Бундай таълимдан нафақат Хитой манфаатдор.

Силикон водийсида «Чан — Цукерберг ташаббуси» ва Билл & Мелинда Гейтс жағғармаси каби ташкилотлар сунъий интеллект сармоя киритишга арзийдиган таълим воситаси эканлигини қайд қилишган[4].

Apple Education вице -президенти Жон Коуч Squirrelнинг гоёсига қойил қолган қитоб ёзди[5]. Хитой компаниясининг ўзи эса, яқинда Карнеги Меллон университети билан биргалиқда тадқиқот лабораториясини очди[6].

Бироқ, мутахассислар сунъий интеллектнинг таълим соҳаси қайси йўналишда ҳаракат қилаётганидан хавотирда. Энг яхши ҳолатда, СИ ўқитувчиларга ўқувчиларнинг қизиқишлари ва кучли томонларини ривожлантиришга ёрдам бериши мумкин.

Энг ёмони, бу стандартлаштирилган таълим ва тестнинг глобал тенденциясини янада кучайтиради ва янги иш шароитларига тез мослашишга тайёр бўлмаган авлодни тарбиялайди. Таълим учун сунъий интеллектдан фойдаланадиган энг йирик корпорациялардан бири бўлган Squirrel компанияси, худди шу хавотирларни таъкидлаб келаяпти.

Ҳамма ишни ноутбукда талабалар бажаради ва ҳар бир синфда ўқитувчи бор. У ноутбукдаги болаларнинг ҳаракатини индамай кузатиб боради ва монитorda у ёки бу ўқувчининг сунъий интеллект ҳал қила олмайдиган муаммолари борлигини кўрганда ёрдам беради.

Таълим соҳасида СИнинг юксалишига учта омил сабаб бўлди дейиш мумкин:

1. Венчур инвесторларини жалб қиладиган СИга асосланган таълим стартаплари учун солиқ ва бошқа имтиёзлар. Бир тадқиқотга кўра, Хитой ўтган йили умумий қиймати 1 миллиард доллардан зиёд бўлган СИ– таълимига сармоя киритиш бўйича дунёда биринчи ўринда туради.

2. Хитойда академик рақобат жуда кучли Ҳар йили 10 миллион киши олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларини топширади, уларнинг натижалари абитуриентларнинг келажагини белгилайди.

3.Хитойлик тадбиркорларнинг ихтиёрида ишлаб чиқилган дастурларнинг алгоритмини такомиллаштириш ва ўргатиш имконини берадиган жуда катта маълумотлар мавжуд. Аҳоли сони, Ғарбга қараганда маълумотларнинг махфийлигига нисбатан анча эркин муносабат ва мамлакатнинг сўнги ўн йилликдаги тараққиёти томонидан қўллаб - қувватланадиган технологияларни ривожлантириш имкониятларига ишониш ҳам ёрдам беради.

Squirrel кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўришга ёрдам беради ва шунинг учун ўз аудиториясини осонгина топади.Компания илмий нашрлар, хорижий компаниялар билан ҳамкорлик ва кўплаб мукофотлар орқали ўзининг техник имкониятлари салоҳиятига таянади. Бу маркетинг стратегияси ўз самарасини берди. Компания ташкил этилганидан буён ўтган беш йил мобайнида икки юз шаҳарда 2 миллиондан зиёд ўқув марказлари очилиб, улар миллиондан ортиқ талабаларга таълим беради. Таққослаш учун, шунча одам Нью-Йоркдаги давлат мактабларида ўқийди. Бугунги кунга қадар компанияга 180 миллион доллардан зиёд сармоя киритилди ва ўтган йилнинг охирида у "битта бошга" бирлашди– унинг капиталлашуви 1 миллиард доллардан ошди.

Squirrelнинг таълимга инновацион ёндашуви оралиқ босқичлар сонидан акс этади. Яъни, муҳандислар ва ўқитувчилар гуруҳи ҳар бир мавзунини "билим бўлинмалари" деб номланган энг кичик бўлимларга ажратади.

Масалан, ўрта мактаб курси учун математика 10 мингдан ортиқ бўлинмаларга бўлинади: рационал сонлар, учбурчакнинг хоссалари, Пифагор теоремаси ва бошқалар. Дарсликларда худди шу фан ўртача 3000 бўлимга бўлинган. Squirrelни илҳомлантирган ALEKS ўқув адаптив платформаси уни мингга ажратади.

Бўлимларни ташкил қилиб, дастур ўқув видео -маърузалар, эслатмалар, мисоллар ва вазифаларни танлайди. Уқитиш тартиби фахрий ўқитувчилар тажрибаси асосида тузилган махсус "билимлар жадвали" бўйича белгиланади.

Талабалар дарсни ўз билим даражасини аниқлайдиган қисқа диагностик тест билан бошлайдилар. Ўнга саволдан сўнг, тизим ишлашни талаб қиладиган жиҳатлар ҳақида тасаввурга эга бўлади ва ўқув дастурини тузади. Уқиш давом этар экан, тизим ўқувчининг тезлигига мослашади ва ўқув дастурини ўзгартириши мумкин. Талабалар қанча кўп шуғулланса, тизим алгоритми билимнинг турли соҳалари ўртасидаги сабаб-оқибат муносабатларини тезроқ илғайди ва кейинги режани тузишда уларни ҳисобга олади. 2017 йил октябр ойида Squirrel сўров ўтказди. Тўрт кун давомида 78 болага сунъий интеллектдан фойдаланиш ўргатилди ва бунга параллел равишда оддий ўқитувчи ҳам ўша материални ўн икки ўқувчига тушунтириб берди. Математиканинг якуний тести шуни кўрсатдики, компьютерда ўқитилган болалар яхшироқ ишлашган.

Squirrel асосчиси Ли қўшимча таълим билан қаноатланмоқчи эмас. Унинг мақсади – СИни оддий мактабларнинг асосий ўқитувчисига

айлантириш ва Squirrelни бир нечта хитой мактаблар амалиётига киритиш музокаралар бошлаб юборган.

Карен Хао гаплашган болалар бу тизимдан жуда хурсанд бўлишган, лекин "Squirrelда нимани ўзгартирган бўлар эдингиз?" деган саволга Фу Вейи исмли қиз, унга инсон-ўқитувчилари билан алоқаси йўқлиги етишмаётганини айтган [1].

Ҳар бир таълим мутахассиси битта муаммо ҳақида гапиради: сунъий интеллект таълим ва тарбияни қандай яхшилаши мумкинлигини англаш учун, аввало, у таълимнинг муҳиятини қандай ўзгартираётганини тушуниш керак.

Машиналар мунтазам вазибаларни бажариши дурустроқ бўлган, одамлар ўзига хос инсоний маҳоратга: ижодкорлик, ҳамкорлик, мулоқот ва мураккаб қарорлар қабул қилишга кўпроқ эътибор қаратишлари керак.

Шундай қилиб, XXI аср таълимида ҳар бир кишининг қобилиятлари ва қизиқишлари биринчи ўринга чиқиши керакки, бизнинг давримизда аҳамиятсиз бўлган бир хил билимларни ўргатишмас.

Назарий жиҳатдан, СИ бу жараёни осонлаштириши керак. У таълимнинг одатий вазибаларини ўз зиммасига олади ва ўқитувчиларга ҳар ҳар болага кўпроқ эътибор беришга имкон беради. Масалан, СИ баъзи фанларни, ўқитувчи эса бошқаларни ўргатиши мумкин. Ёки СИ орқали ўқитувчилар ўқувчиларнинг ютуқларини яхшироқ кузатиши ва уларнинг таълимини назорат қилишлари мумкин.

Лекин якуний натижа, ҳар қандай ҳолатда, индивидуал йўналтирилган таълим бўлиши лозим.

Squirrelнинг усуллари анъанавий таълим билан жуда яхши киришиб кетади, лекин улар болаларни келажакдаги ўзгариш ҳаётига тайёрлашда ҳали ҳам фойдасиздир.

Мослашувчан ва индивидуал таълим ўртасида фарқ бор. Squirrel – бу ўқувчилар биладиган ва билмаган нарсаларни тушунишга мўлжалланган мослашувчан таълим ҳисобланади. Лекин бу дастурда улар нимани билишни хоҳлашлари ва қандай қилиб материални яхшироқ ўрганишларини билишмайди. Шахсий ўқитиш қизиқиш ва эҳтиёжларни ҳисобга олади ва ҳар бир талаба учун мотивация, вақт топади ва унинг олдинга силжишига ёрдам беради. Бу Гарвард университетининг технология, инновация ва таълим дастури профессори Крис Диди фикри.

Онтарио Санъат ва Дизайн Университетининг профессори Жутта Тревиранус бир қанча вақт олдин таълимнинг инклюзивлигини яхшилаш учун индивидуал таълим ёндашувини биринчилардан қўлади. Унинг таъкидлашича, индивидуал ўрганишда учта омилни ҳисобга олиш керак: тезлик, йўл ва йўналиш. Агар ўрганиш тезлиги индивидуал бўлса, ҳар хил қобилиятли ўқувчилар бир хил миқдордаги материални ўрганишга ҳар хил вақт сарфлашлари мумкин.

Агар ўқиш йўли индивидуал бўлса, унда ҳар бир ўқувчининг бир мақсадга эришиш учун ўзига хос мотивацияси бўлади. Шунингдек, улар ҳар хил йўللار билан, турли форматдаги материаллардан (видео, матн) фойдаланадилар. Агар йўналиш индивидуал бўлса, у ҳолда талаба, масалан,

маълум бир университетга эътибор қаратиш керакми ёки йўқлигини ҳал қила олади.

Талабалар ўз билимларини тушунишлари керак. Улар нимани ўрганишни хоҳлашларини ўзи ҳал қилишлари керак ва улар қандай ўрганишни ўрганишлари керак. СИ Squirrel бу муаммоларни ҳал қилмайди, аксинча – барча болаларни ягона умумий мезонга олиб келади (Тревиранус).

Бу мослашувчан таълим тизимларига келажак мактабларида ўрин йўқ дегани эмас. Девид Доктерман, маълумотни тизимли равишда тақдим этиш қобилияти уларнинг кучи, ammo СИга таълимда устунликни бериб бўлмайди, деб ҳисоблайди.

Squirrel аллақачон ўз технологияларини Гарбда намойиш этмоқда, турли халқаро конференцияларда қатнашади ва Массачусет технологик институти Гарвард университети билан боғлиқ институтлар билан ҳамкорлик қилади. Жамоада бир нечта америкаликлар бор, масалан, Карнеги Меллон университети информатика бўлими бошлиғи Том Митчелл ва АЛЕКС собиқ ходими Ден Биндман. Бироқ, Жутта Тревиранус, Squirrel фалсафаси Хитойнинг академик кўрсаткичларга интилишининг натижаси ва мамлакатнинг тест ва стандартлаштирилган имтиҳонларга ургу беришидан фақат хавотирда.–Хитой экспериментининг фожиаси шундаки, улар мамлакатни таълим қурилмасига етаклайдики, ундан илғор педагогика аллақачон четлашяпти, деб ҳисобляяпти у.

2018 йил феврал ойида ХХР Таълим вазирлиги бир нечта ислоҳотларни амалга оширди, шу жумладан компанияларга тестларга бўлган қизиқишни камайтириш учун таълим лицензиясини олишни қийинлаштирди[8].

Хукумат жисмоний, ахлоқий ва маданий тарбияга кўпроқ эътибор қаратишга ва имтиҳонларга камроқ аҳамият беришга чақирувчи кўрсатмаларни чиқарган[9].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, сунъий интеллект ўрганиш, кенг қўллаш бўйича катта тажриба ва унинг йўналиши бутун дунё бўйлаб таълимга бўлган муносабатни ўзгартириши аниқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Karen Xao. China has started a grand experiment in AI education. It could reshape how the world learns. MIT Technology Review. <https://www.technologyreview.com/2019/08/02/131198/china-squirrel-has-started-a-grand-experiment-in-ai-education-it-could-reshape-how-the/>

2. <https://www.edsurge.com/news/2018-03-12-chinese-k-12-online-company-homework-together-raises-200-million>

3. <https://www.sixthtone.com/news/1003759/camera-above-the-classroom>

4. <https://www.k12education.gatesfoundation.org/>

5. <http://rewiringeducation.com/top-orgs/>

TECHNOLOGY OF SEARCH ORGANIZATION IN VIRTUAL E-SHOPS WITH IMAGE RECOGNITION

M.M. Abdulakhatov,

Senior Teacher in Digital Economy Department, TSUE

S.S. Avlokulova,

Senior Teacher in Digital Economy Department, TSUE

Introduction. Nowadays Internet trade is one of the modern ways of e-commerce. Our main task is development of national segment of this sector. With this purpose the system design is demanded, which can search certain objects with the elements of image recognition in the e-shops, which gives great opportunity to consumers and manufacturers. In this paper the system design that can search certain objects with the elements of image recognition in the e-shops is considered.

Key words: B2C, igitalization, image recognition, neural networks.


At present days, big attention is given to the development of systems of e-commerce and e-government in our Republic. A primary cause to that is the correct organization of the government, timely document circulation carrying out, rendering fast and qualitative service to the population. With that in view, in our country corresponding projects are developed, also various seminars and trainings are conducted. On this reason direct communication construction between the buyer and the seller use of service B2C is comprehensible.

The system possess following properties.

- Possibility to receive an object graphic representation on a place;
- Presence of possibility of a filtration of graphic representations from noise and image processing;
- System presence of the optimal search;
- Presence of system which gives the chance to carry out process purchase and sale online mode;
- Maintenance of safety online payment;

Process of work of this system is made as follows (1-picture):

1. Start the system;
2. Receive a graphic picture of the object image on a place, embed in system;
3. Recognition and processing of a graphic representation of object;
4. search production of object from a database in a network with the use of algorithm of optimum search;
5. Creation and granting the list of results;
6. Decision-making of the user;
7. Payment realisation in a online mode (with safety maintenance);
8. Delivery goods to the consumer;
9. Receive confirmation from consumer [1].



Picture-1. Technology of search organization in virtual e-shops with image recognition.

In creation this system the following primary conception is considered.

Vision – is a grouping in the classification system, uniting certain group of objects to some signs.

Images possess the characteristic property, shown in acquaintance with final number of the phenomena from the same set gives the chance to learn as much as big number of its representatives. Shape of object has characteristic objective properties in the sense that the different people trained on a various material of supervision, mostly equally and independently from each other classify the same objects. In classical statement of a problem of recognition of the universal set breaks into parts-images. Each display of any object perceive parts of distinguishing system, irrespective of its position concerning these bodies, it is accepted to name the object image and the sets of such images united by any general properties, represent images.

As a whole, it is possible to allocate three methods of recognition of images:

The first search Method. In this case comparison with a database where for each kind of objects every possible to update the display are presented is made. For example, it is possible to apply a method of searching certain kind of object to optical recognition of images under various corners, scales, displacement, deformations etc. For letters it is necessary to touch a font, properties of a font, etc. In case of recognition of sound images, accordingly there is a comparison to some known templates (for example, a word said by several people).

The second – is made deeper analysis of characteristics of an image. In case of optical recognition, it is capable definition of various geometrical characteristics. The sound sample in this case is exposed to the frequency, peak analysis, etc.

The third use with neural networks. This method demands on a considerable quantity of examples of a recognition problem at training or special structure of the neural network, considering specificity of the given problem. However, everything is distinguished by higher efficiency and productivity.

Classical pattern recognition is based on assumption of independent objects to be recognized . But in many real cases usually it is necessary to make coordinated decisions about object classes. In many cases of data processing a set of objects is usually understood as an integrated array according to the problem under investigation.

Search for a specific object into in online stores operating with elements of image recognition which gives the desired result in this system [2,3].

Reference

1. Ermak V. D. *How to learn to understand people.*-M. :Astrel, 2003. -pp. 228–235.
2. KolesnikovS. *Pattern Recognition*, 23.04.2009, http://www.ci.ru/inform03_06/p_24.htm
3. Dvoenko S.D., Kopylov A.V., and Mottl V.V. *The problem of pattern recognition in arrays of interconnected objects. Statement of the recognition problem and basic assumptions, Automation and Remote Control*, 2004, Vol. 65, No. 1.- pp. 127-141.

ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ВА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФойДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Р.А. Партиева,

*Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари
кафедраси ассистенти, ТДИУ*

Н.Э.Норбоева,

*Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари
кафедраси катта ўқитувчиси, ТДИУ*

Аннотация: Мазкур мақолада республикамиз олий таълим тизимида рақамли технологияларни қўллаш, уларнинг имкониятларини таҳлил қилиш асосида ўқув жараёнини ривожлантиришининг устувор йўналишлари аниқланган. Шунингдек, олий таълимда рақамли технологияларни жорий этишга илмий асосланган хулосалар тузишда мавжуд бўлган амалиётни ўрганиш, тизимлаштириш ва умумлаштириш орқали таълим соҳасида нафақат муҳим ўрин эгаллаши ва қандай шаклда жорий этилиши бўйича таклифлар келтирилган.

Таянч иборалар: рақамли технологиялар, ахборот-коммуникация технологиялари, олий таълим тизими, замонавий таълим, рақамли билимлар, Интернет тизими, масофавий ўқитиш.

Кириш

Бугунги кунда рақамли технологиялар ҳаётнинг барча соҳаларида фаол қўлланилмоқда. Иқтисодиёт, банк, хизмат сектори шунингдек, таълим жараёнини ҳам тез суръатларда ривожланишига хизмат қилмоқда. Мамлакатда яшаётган барча фуқаролар, жумладан ёш болалардан тортиб нафақахўр-ларнинг ҳам онгида рақамли технологиялар орқали жамиятдаги барча муаммоларни ҳал қилиш мумкин деган фикрни шакллантирмоқда. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларининг роботлаштирилиши, масалан банк секторида, роботлар ва ишчилар ўртасидаги рақобат масаласи ҳам кўтарилмоқда.

Рақамлардан фойдаланишга асосланган ҳамда жорий этилган технологияларнинг сўзсиз фойдаси билан ахлоқий, шахсий маълумотларни химоя қилиш, роботлар ва ташкилотлар ходимлари ўртасидаги рақобатнинг ҳуқуқий жиҳатлари билан боғлиқ масалалар тобора кўпроқ эътиборга олинмоқда.

Шу жиҳатдан, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда. Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблаг ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади” [1].

Давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини кескин яхшилаш мумкин. Рақамли иқтисодиёт бу биргина фаолият тури эмас, балки, ишбилармонлик, саноат объектлари, сифатли

таълим ва хизматлар деганидир. “Рақамли” атамаси барча соҳаларда ахборот технологияларидан фаол фойдаланишни англатади. Агар оддий иқтисодийда моддий буюмлар асосий ресурс ҳисобланса, рақамли иқтисодийда бу қайта ишланадиган ҳамда узатиладиган ахборот, маълумотлар бўлади. Уларнинг таҳлилидан сўнг эса тўғри бошқариш бўйича ечим ишлаб чиқилади.

Таъқиқот методологияси

Мазкур мақолани ёзишда республикаимиз олий таълим тизимида рақамли технологияларни қўллаш, уларнинг имкониятларини таҳлил қилиш асосида ўқув жараёнини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш мақсади қўйилган бўлиб, унда рақамли технологияларнинг таълим соҳасида нафақат муҳим ўрин эгаллаши ва қандай шаклда жорий этилиши бўйича таҳлиллар амалга оширилди. Таъқиқот усуллари сифатида олий таълимда рақамли технологияларни жорий этишга илмий асосланган ёндашувни шакллантиришга тегишли хулосалар тузишда норматив ҳужжатларни, мавжуд бўлган амалиётни ўрганиш, тизимлаштириш ва умумлаштиришдан фойдаланилди.

Таҳли ва натижалар

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, “COVID-2019” пандемияси барча соҳалар сингари таълим тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказди, жумладан боғча, мактаб ва олий таълим муассасаларининг барчаси оммавий равишда муддатидан олдин таътилга чиқишди. UNESCOнинг маълумотига кўра, дунё бўйича 1,7 миллиард ўқувчилар дарслар тўхтатилгани сабаб анъанавий ўқишдан маҳрум бўлишди. Юздан ортиқ мамлакатларда университетларнинг ёпилиши дунё талабаларининг 90 фоизини уйда ўтиришга мажбур қилди. 3 мартга келиб UNESCO 13 та мамлакатда таълим муассасаларининг вақтинча ёпилиши оқибатида 290,5 миллион ўқувчи ва талаба ўқишдан узилиб қолганини маълум қилди ва уларни зудлик билан масофавий таълимга ўтишга чақирди. Маълумотларга кўра, бугун пандемия сабаб таълим муассасаларини ёпган мамлакатларнинг 60 фоизигина тўлиқ рақамли таълимга ўтган. Баъзи халқаро экспертлар онлайн таълимга тўлиқ ўтиб бўлмаслиги, бу жараёнга муаммоли вазиятдан чиқиш йўли сифатида қараш лозимлигини, акс ҳолда таълим сифати тушиб кетишини таъкидлаسا, баъзилар замонавий таълим учун янги давр бошланганини эътироф этмоқда. Айрим давлатлар зиёлилари эса масофавий таълимга қамраб олишда таъминот масаласини илгари сурмоқда.

Интернет манбаларида хабар берилишича, бугунги кунда атиги ўнга яқин давлатдаги талабаларнинг 95 фоизида компьютер бор. Индонезияда эса 34 фоиз ёшнинг интернетдан фойдаланишга шароити етарли. Қолган давлатларда бу кўрсаткич анча паст. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасида ҳам бу кўрсаткич юқори даражада эмас. Бунга сабаб эса чекка ҳудудларда Интернет инфратузилмасининг яхши ривожланмаганлигидир. Бу эса айрим мутахассислар таҳмин қилаётганидек, таълим сифати тушиб кетишига сабаб бўлиши мумкин [2].

Хўш, шу ўринда савол туғилади. Биз рақамлаштиришга тайёрмизми? Хавф-хатарни олдиндан кўра билиш, унинг натижа ҳамда оқибатларини тўғри баҳолай олиш вазиятдан талафотсиз чиқиб кетишни таъминлайди. Дунёда пандемия тарқалиши ортидан мамлакатимизда иқтисодий, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш соҳалари сингари таълим жараёни узлуксизлигини таъминлаш учун ҳам керакли чоралар кўрилди. Хусусан, шу йилнинг 17 мартда Президентимизнинг “Тошкент шаҳрида рақамли технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, мазкур қарорда таълимнинг барча соҳаларини рақамлаштириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Шу йил 23 мартдан талабалар учун телевизион дарслар эфирга узатила бошлади. Бундан ташқари, бир неча олий таълим муассасалари талабалар ва ўқувчилар учун виртуал таълим тизимларини ишга туширди. Масалан, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида мактаб ва академик лицей ўқувчилари, талабалар ва АКТ соҳасида билим олишни хоҳловчилар учун тўртта виртуал таълим тизими фаолият бошлади. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида “Ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш” ахборот тизими ҳамда MOODLE масофавий таълим платформаси ишга туширилди. Бошқа олий таълим муассасаларининг расмий веб-сайтларида ҳам MOODLE, Platonus, Moodle LMS, SRS (Student Records System), МООС каби масофавий таълим платформалари ҳамда мобил телефон ва планшетлар учун Google Classroom, Ereader иловалари ишга туширилиб онлайн дарслар ташкил этилиши бошланди. Шулар қатори, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ҳам қисқа муддат ичида “remote-education” масофавий таълим платформасининг дастурий таъминоти ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Юртимиздаги нуфузли хусусий ўқув марказлари ҳам замон талабидан келиб чиққан ҳолда онлайн таълимни йўлга қўйди. Бу жараённинг ўзи ҳам мамлакатимиз таълим тизимида янги босқич бошланганини англатади. Сабаби, шу кунгача ҳали ҳеч бир ўқув маркази бундай тартибга ўта олмаётган эди.

Таълим тизими бугунги кунда рақамли технологияларга сингиб кетаётгани шунчаки ҳайратланарли эмас, чунки, бугунги кунда ахборот маконида таклиф этилаётган кўплаб нарсаларни жиддий таҳлил қилиш ва педагогик асослаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Сўнги йилларда таълимни «рақамлаштириш» муаммолари, унинг шаклланишига таъсири бўйича бирор-бир давлат лойиҳаси ёки сўровнома асосида тадқиқотлар ўтказилмаганлиги ҳам муҳимдир [3]. Шу билан бирга, Интернет тизимидаги муҳитнинг ёшлар онгига таъсирининг аҳамияти ҳукуматнинг, замонавий оммавий ахборот воситаларининг маърузаларида, педагогик жамоатчилик муҳокамаларида, магистрант ва тадқиқотчиларнинг, шунингдек депутатларнинг изланишларида ҳам кўришимиз мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, олдин рақамли технологияларни барча соҳаларда, яъни, саноат, иқтисодиёт, банк ва бошқа соҳаларда жорий этиш билан чекланиб қолган эдик. Бугунги кунда эса рақамли иқтисодиёт шиддат билан ривожланиб бораётганини эътиборга олиб, рақамли ривожланиш бўйича барча соҳа раҳбарларининг ўринбосарлари лавозим таркибига киритилмоқда. Рақамлаштириш йўналиши бўйича фаоллаштириш барча бизнес тузилмаларида амалга оширилмоқда. Бугунги кунда рақамли технологиялар барча соҳаларда “тажовузкор”, аynиқса иқтисодий самараси топилган жойларда, барча даражаларда қўллаб-қувватланмоқда. Иқтисодиётда рўй бераётган жараёнлар динамикаси иқтисодиётнинг рақамли трансформациясида олий таълимни ривожлантириш бўйича таклифларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқишда таълим ҳамжамиятининг фаол позициясини талаб қилмоқда. Таълимда рақамли технологияларни ўқитиш сифатини сақлаб қолган ҳолда самарали қўллаш учун нималар қилиш керак? Биринчидан, албатта мамлакатимизда Интернет

инфратузилмасини яхшилашимиз, мобиль операторлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишимиз ва энг муҳимки аҳолининг, айниқса талаба ёшларни замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг сўнг ютуқларини ўзлаштиришга шарт-шароитлар ҳамда имтиёзлар яратиш беришимиз лозим.

Иккинчидан, ўқув жараёнини ташкил этишда рақамли технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш ва ахборот ресурслари, ўқитиш воситалари ва масофавий ўқитиш технологияларини ривожлантириш, ижодкор талабаларни университетни рақамлаштириш лойиҳаларига жалб қилиш билан олий таълим муассасалари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш бўйича ваколатли органларга таклифлар бериш, юқори самарадорликка эга рақамли курилмалар билан жиҳозланган тузилмалар, ўқув хоналари, лабораториялар, медиастудиялар ва бошқаларни ўз ичига олган марказларни ташкил этиш ҳамда унда орттирилган тажрибани Ўзбекистоннинг барча олий таълим муассасаларида кўллаш.

Учинчидан, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таълим технологияларининг мустақкам интеграциясини таъминлаш, бу борада педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун кўшимча шароитлар яратиш.

Тўртинчидан, интерфаол тақдимот тизимларидан фойдаланиш, маъруза ва семинар дарслари учун интернет билан боғлиқ ҳолда интерфаол ва мультимедияли тақдимотларни ишлаб чиқиш каби мавзулар бўйича ўқитувчиларнинг малакасини ошириш учун курсларни ташкил қилиш ва ўтказиш.

Бешинчидан, реал вақт режимида интерфаол тақдимот тизимлари, видео-конференцалоқа тизимлари, виртуал заллар, электрон ресурслардан фойдаланиб исталган вақтда масофавий ўқитиш жараёнини амалга ошириш.

Олтинчидан, булутли технологиялар, виртуал воқелик, кенгайтирилган воқеликдан фойдаланиш ҳамда дидактик материаллар ва тажриба дизайнларини ишлаб чиқишда 3D принтерини кўллаш, рақамли дидактика ва рақамли таълим моделларини кўллаш, ўқитувчилар ва талабалар учун лойиҳалар, диплом ишлари, илмий изланишлар ва бошқаларини муҳокама қилиш учун илмий веб-сайтлар ишлаб чиқиш лозим. Шундагина, биз рақамли технологиялардан фойдаланиб таълим сифатини туширмаган ҳолда талаба-ёшларга бугунги кун талаби даражасида билим олишларига эришамиз.

Алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда ҳаётимиз ҳар жиҳатдан техника ва технологиялар билан боғлиқ, яъни эрталаб соат бонгидан бошлаб то кун режасини тузиш ва ўқиш билан якунлашгача. Биз таълим сифатини ошириш ва ривожлантириш учун технологиялардан манфаатли фойдаланиш имкониятини яратишни истадик. Қачонки, планшет таълим олишининг бир элементиға айланса, болалар ўқиш жараёниға катта қизиқиш билан киришади. Бу ўйин билан классик таълимни бирлаштиришга тенгдир. Нагигада ўқиш жараёни яхшиланади, ўзлаштириш, таълим даражаси ва кадрларни тайёрлаш самарадорлиги ошади. Билимни авлод, профессионал кадрлар — бу жамиятнинг кенг миқёсда ривожланишининг гаровидир.

Хулоса

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бугунги кун аудиториялари ўн йил аввалгиларидан жуда катта фарқ қилади ва синф хоналари компьютерлар, iPad,

планшетлар, смарт-доскалар ва бошқа турдаги таълим технологиялари билан жиҳозланган. Дунёнинг бошқа жойларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам рақамли авлоднинг етти экранли авлоди – телевизор, компьютер, планшет, таблет, фаблет, смартфон ва смартсоатлари пайдо бўлмоқда. Бундай зич рақамли муҳитга эга бўлиш ва у билан доимий ўзаро муносабат натижасида бугунги кун талабаларининг фикрлаши ва ахборотларга ишлов бериш жараёнлари олдинги фикр юритиш ва ахборот жараёнларидан тубдан фарқ қилмоқда. Рақамли авлод ота-оналаримиз ўрганган услубда ўқитилиши мумкин эмас ва бўлмаслиги ҳам керак. Бу авлодни ўқитишда қора доска ва оқ бўрдан фойдаланиш ҳам мумкин эмас. Қора доскани оқига ва бўрни маркерга ўзгартириш ҳеч нарсани ўзгартирмайди, яъни замонавий талабаларни билим олишга ва меҳнат бозорига муваффақиятга эришиш кўникмаларини ривожлантиришга ундаш усули бўла олмайди. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган инновацион таълим технологиялари ва дидактик моделларни оммавий ва самарали қўллаш орқали таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш зарур.

Шу билан бирга, таълим жараёнида тадқиқотга асосланган ёндашувдан фаол фойдаланиш лозим ва бу билан илмий тадқиқотда талабаларнинг кўникмаларини ривожлантириш ва ИТ- компетенцияга асосланган ижодий қобилиятларини ва ижодий фикрлашларини шакллантириш мумкин. Ахборот ва коммуникация технологиялари – таълим тизимидаги барча муаммоларга ечим эмас, балки рақамли авлод учун маърузалар ва семинарларни маълумотларга бой ва интерактив қилиб амалга ошириш воситасидир. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ўқитувчилар талабаларнинг эҳтиёжларига йўналтирилган интерфаол ўқув жараёнида асосий ролни сақлаб қолади.

Ўқитувчининг обрўси ва унинг фаолиятининг самарадорлиги фақатгина курс мазмунидаги билимлар даражаси ва унинг педагогик қобилиятига эмас, балки муайян ўқув материални тўплаш, қайта ишлаш ва ўқитишда ўқитувчининг қанчалик замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш даражасига боғлиқ бўлади. Бошқача қилиб айтганда, рақамли асрда таълим қайта кўриб чиқилиши ва таълим парадигмаси ўзгартирилиши шарт, чунки талабалар ортиқ анъанавий услубда ўқишни хоҳламайдилар ва ўқитувчилар ҳам бу каби одатий усулда ўқитишни давом эттиришлари керак эмас.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўлаган Мурожаатномаси.* <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>.
2. <https://www.pv.uz/uz/news/raqamli-talimga-otishni-pandemiya-jadallashtirdimi>.
3. Шаронин Ю.В. Цифровые технологии в высшем и профессиональном образовании: от личностно ориентированной Smart-дидактики к блокчейну в целевой подготовке специалистов // *Современные проблемы науки и образования.* – 2019. – № 1.
4. URL: <http://science-education.ru/ru/article/view?id=28507> (дата обращения: 25.06.2020).

КОМПАНИЯЛАР БОШҚАРУВ ЖАРАЁНЛАРИДА ҚўЛЛАНИЛАЁТГАН АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯЛАР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ТАҲДИЛИ

Н. С. Туйчибоев,
и.ф.н., доцент., мустақил изланувчи,
Андижон иқтисодийёт ва қурилиш институти

Аннотация. Илмий мақолада бозор иқтисодиёти даврида замонавий бошқарувнинг автоматлаштирилган ахборот тизимларини жорий этиши, Ташқимий даражалар учун автоматлаштирилган ахборот тизимлари, Турли компаниялар бошқарув аппарати ходимларининг асосий функциялари компания фаолиятини стратегик ва қисқа муддатли режалаштириши ҳамда ушбу йўналишларга мувофиқ, АКТ юқори бошқарувда компаниянинг стратегик мақсадларга эришиши даражасини баҳолаш ва унинг узоқ муддатли ишлашини таъминлаш кенг ёритиб берилган.

Таянч иборалар: рақамлаштириши, ахборот-коммуникация технологиялари, автоматлаштирилган ахборот технологиялари, электр энергия компаниялари ахборот-коммуникация технологиялари.

Annotation. The scientific article describes the introduction of modern automated management information systems in a market economy, automated information systems for organizational levels, the main functions of the management staff of various companies, strategic and short-term planning of the company's activities and assessment of the company's strategic goals in ICT and ensuring its long-term performance is widely covered.

Keywords: digitization, information and communication technologies, automated information technologies, electricity, information and communication technologies of electric power companies.

Кириш. Охириги йилларда ҳаётимизнинг барча жабҳаларига рақамлаштириш тех-нологияларининг кенг кириб келиши турмуш тарзини тубдан ўзгартириб юборди. Миллий иқтисодиётимизни нафақат барча тармоқ ва соҳаларига рақамлаштириш кириб бормоқда, балки ижтимоий соҳаларни ҳам қамраб олмоқда.

Ҳозирги глобаллашув шароитида компаниялар бошқарув даражалари ва бизнес-жараёнларида АКТ самарали қўлланилмоқда. Замонавий компания-ларни рақамлаштириш ва ахборотлаштиришсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ахборотлаштириш – бу фуқаролар ва компанияларнинг ахборот ресурс-ларини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланишга асосланган эҳ-тиёжларини қондириш учун мақбул шарт-шароитларни яратишнинг ташқи-лий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий техник жараёнидир. Компанияни ахбо-ротлаштириш – автоматлаштирилган ахборот тизимларида шакланган

ахборот ресурсларидан кенг фойдаланишга асосланган бошқарувнинг ахборотларга бўлган эҳтиёжини таъминлашдан иборатдир.

Компаниялар мураккаб ташкилий тузилмалар бўлиб, уларнинг таркибий қисмларини асосий ва айланма маблағлар, меҳнат ҳамда моддий ресурслар ва бошқалар ташкил этиб, улар бир-бирлари билан комплекс ҳолатда мураккаб алоқада бўлиб, доимий тарзда ўзгариб туради. Бозор иқтисодиёти барча турдаги компанияларнинг фаолиятига уларнинг бошқариш функцияларини, ишлаб чиқариш, меҳнат ресурсларини, технологик жараёнларини комплекс автоматлаштирилган бошқарувга ўтиш каби янги вазифаларни қўймоқда.

Бозор иқтисодиёти даврида замонавий бошқарувнинг автоматлаш–тирилган ахборот тизимларини жорий этмасдан, оператив бошқаришни ташкил этиш мумкин эмас. Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқаришни ташкил этиш, режалаштириш ва таҳлил қилиш жараёнлари, молиявий фаолият, маҳсулот етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан муносабатлар соҳасида ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларнинг ҳажмини ва мураккаблигини ошишига олиб келмоқда.

Тадқиқот методологияси. Илмий мақолада миллий иқтисодиётга автоматлаштирилган ахборот технологияларини жорий этишни ўрганиш ва ундан самарали фойдаланиш йўллари ҳамда унга таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш, тадқиқот натижаларини тизимлаштириш асосида илмий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишда индукция ва дедукция, тизимли ва қиёсий таҳлил, график тасвирлаш ва иқтисодий-статистик усуллардан кенг фойдаланилади.

Тадқиқот натижалари ва таҳлиллари. Компаниялар ташқи муҳит билан доимий алоқада бўлиб, маълум режага асосан фаолият кўрсатади. Бир неча асрлар, ҳаттоки минг йилликлар давомида табиий ҳолатдагидек кўринган иерархик бошқарув тизими ривожланди. Компанияларнинг турли хил бизнес йўналишларини мавжудлигига қараб, тузилиш, хусусиятлари ва даражаларига қараб, ҳар-хил даражадаги ахборот тизимлари фарқланади. Ташкилий даражалар учун автоматлаштирилган ахборот тизимларининг тўртта асосий бўлими хизмат қилади: операцион даражадаги тизимлар, билим даражалари тизимлари, бошқарув даражаларидаги тизимлар ва стратегик даражадаги тизимлар.

Операцион даражадаги тизимлар – менежерларни қўллаб-қувватлаб, компаниянинг асосий ҳаракатларини масалан савдо, тўловлар, омонатларга нақд пул бериш, иш ҳақини тўлаш қайдномаларини тайёрлаш, кредитлар бериш ва моддий оқимларни бошқаришни амалга оширади. Ушбу даражадаги тизимларни асосий вазифаси умумий саволларга жавоб бериш бўлиб, мавжуд аниқ ва тўғри маълумотлар асосида компания орқали транзакциялар оқимини ўтказишдир.

Билим даражаси тизимлари – билим ва маълумотлар билан ишловчиларини даражасини қўллаб-қувватлашга мўлжалланган. Ушбу даражадаги

тизимларнинг асосий функцияси компания томонидан бизнесни муваффақиятли олиб бориш учун янги билимларни киритиш ва хужжатлар оқимини бошқаришдир. Шуни таъкидлаш керакки, кенг тарқалган офис тизимлари билан бир қаторда, ҳозирги кунда бизнес-жараёнларидаги талаблардан бири билимларни бошқариш тизими кенг тарқалмоқда.

Бошқарув даражасидаги тизимлар – ўрта даражадаги менежерларни бошқарув, қарорлар қабул қилиш ва маъмурий ҳаракатларини назорат қилишга мўлжалланган. Ушбу тизимнинг асосий вазифаси объектлар яхши ишлаяптими ёки йўқми каби саволларга ўз вақтида жавоб беришдир. Бошқариш даражасидаги ахборот тизимлари тезкор ҳолатда даврий хисоботларни тезда тақдим қилишда ишлатилади.

Стратегик даража тизимлари – юқори бўлим раҳбарларига бошқарувда ёрдам берувчи восита бўлиб, компаниянинг ўзида, унинг бизнес муҳитида ҳам стратегик тадқиқотлар ва узоқ муддатли трендларни тайёрлаш учун мўлжалланган.

Миллий иқтисодиётимизнинг энергетика соҳасида АКТни тизимли ва комплекс ҳолда жорий этишнинг долзарблиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги [2] қарори қабул қилинди. Ушбу меъёрий хужжат энергия таъминоти ташкилотлари томонидан етказиб бериладиган ва юридик ва жисмоний шахслар томонидан истеъмол қилинадиган электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини янада такомиллаштириш, ташқи аралашувларга йўл қўймайдиган замонавий электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини янада мукамаллаштириш, ташқи аралашувларга йўл қўймайдиган замонавий электр энергиясини ҳисобга олиш, асбоб-ускуналарини босқичма-босқич алмаштиришни амалга ошириш, етказиб берилган электр энергияси учун тўловларнинг тўлиқлиги ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни кучайтиришни ҳамда муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлганда истеъмолчиларни электр энергияси манбаларидан автоматик равишда узиб қўйишни назарда тутади.

Автоматлаштирилган ахборот тизимларини функционал равишда дифференциаллаш мумкин. Савдо ва маркетинг, ишлаб чиқариш, молия, бухгалтерия ҳисоби ва кадрлар билан ишлаш каби асосий функционал соҳаларда ўзимизнинг автоматлаштирилган ахборот тизимларимиз хизмат қилмоқда. Компаниялар ичларидаги ҳар хил функцияларни бажариш учун махсус автоматлаштирилган ахборот тизимлари қўлланилади.

Шунингдек, тадқиқодларимиз натижасида республика ҳудудларида электр – энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилиш ҳисоблагичларни “Биллинг” тизимига уланиши ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, республикаимиз бўйича жами ўрнатилган ҳисоблагичлар 2021 йил 1 январь ҳолатига 5 290837 тани ташкил қилади. Биллинг тизимига уланганлар сони 2

947 513 та бўлиб, ҳисобида 55,7 фоизни ташкил этиб, уланмаганлар сони эса 2 343 324 тани ташкил этди[6].

Тури компаниялар бошқарув аппарати ходимларининг асосий функция-лари компания фаолиятини стратегик ва қисқа муддатли режалаштириш, ички вазият ва ташқи муҳитни таҳлил қилиш орқали қарорлар қабул қилиш–дан иборатдир. Режалаштирилган қарорларни қабул қилиш вазифалари стра–тегик, тактик ва операцион даражаларда амалга оширилади[3]. Ушбу даражаларнинг ҳар бири АКТ асосида амалга ошириладиган маълум бир ахборотлар бўйича қувватлашларни талаб қилади. АКТ асосида қарорларни қабул қилиш даражаларига мувофиқ учта схемани ажратиш мумкин: узоқ муддатли стратегик режалаштириш, ўрта муддатли тактик режалаштириш ва компанияни оператив бошқариш:

Стратегик даража юқори даражадаги раҳбарларга қаратилган. АКТни ташкил этиш туфайли компаниядаги мавжуд вазиятни, ташқи муҳитни, уларнинг ўзаро муносабатларини ва стратегик қарорларни қабул қилишда зарур маълумотларга кириш таъминланади. Стратегик даражадаги бошқа–рувнинг асосий мақсадлари куйидагилардан иборат:

1. Компания устувор ривожланиш йўналишини аниқлаш.
2. Компания ривожланишини истиқболли йўналишларини баҳолаш.
3. Қўйилган мақсадларга эришиш учун зарур ресурсларни танлаш ва баҳолаш[4].

Ушбу йўналишларга мувофиқ, АКТ юқори бошқарувда компаниянинг стратегик мақсадларга эришиш даражасини баҳолаш ва унинг узоқ муддатли ишлашини тахмин қилиш имконини берадиган асосий омиллар бўйича маълумотларга тезкор, қулай кириш ва уларни саралашни таъминлайди. Узоқ муддатли режалаштириш ва режалаштирилган фаолиятни таҳлил қилиш йўналишида АКТ – бу тегишли саноат-иқтисодий комплекслар хусусиятини ҳисобга олган ҳолда компанияни ривожлантириш учун йиғилган моделларни қуришдан иборатдир.

Шунингдек, тадқиқодларимиз натижасида Республика ҳудудларида электр – энергиясини ҳисобини олиш ва назорат қилиш ҳисоблагичларни ўрнатилиш ҳолати таҳлил қиладиган бўлсак, 2021 йил 1 январь ҳолатига, жами Республика бўйича ўрнатилиши лозим бўлган ҳисоблагичлар сони 7 418 504 тани ташкил этиб, 5 384 758 та етказиб берилган бўлиб, жами ўрнатилган ҳисоблагичлар 5 290 837 ўрнатилиши лозим бўлган ҳисоблагичлар сони эса 2 127 667 тани ташкил қилади[6].

Автоматлаштириш ва рақамлаштириш самарадорлигини етарли даражада баҳоламаслик, менежмент ҳаражатларининг асосиз равишда камайишининг кутилиши, ходимларинг бўшатилиши ва бошқалар, автоматлаштириш мақсадларидан кутилган бошқарув жараёнлари сифатининг ошишига эмас балки, ишлардан кўнглини қолишига ва реал самарани пасайишига олиб келади.

Хулоса ва таклифлар. Йигилган моделлардан фойдаланишга асосланган узоқ муддатли стратегик режалаштириш доирасидаги АКТ фаолиятининг ўзига ҳос хусусияти қарорларни қабул қилиш жараёнида бошқарув ходимларининг ҳал қилувчи ўрнини ҳисобга олиш керак. Маълумотларнинг ноаниқлиги ва тўлиқ бўлмаслигининг юқори даражаси қарор қабул қилиш учун асос сифатида субъектив омилнинг аҳамиятини оширади. Шу билан бирга автоматлаштирилган ахборот тизими компания бошқарув аппарати ишлашининг асосий сифатини таъминлайдиган ёрдамчи восита сифатида ишлайди. Шундай қилиб, стратегик қарорларни қабул қилиш даражасида АКТ – компаниянинг юқори раҳбариятига ташқи муҳитда рўй бераётган ўзгаришларни компаниянинг мавжуд потенциали билан таққослаш, тартибланмаган муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради. Компаниянинг ривожланишининг стратегик узоқ муддатли мақсадларини амалга ошириш ишлаб чиқилган автоматлаштирилган ахборот тизимлари юқори бошқарувининг ишини қўллаб-қувватлашининг асосий воситаси ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, маълумотлар йиғиш жараёнларида маълумотларни электрон, рақамли шаклда ўтказиш операциялари киради. Бошлангич маълумотларининг кўпи одатда хусусан, иқтисодийётдаги бизнес операциялари тўғрисидаги маълумотлар ҳам дастлаб қоғозларда қайд этилади. Уларни ҳисоблаш тизимларида ишлатиш учун маълумотларни компьютерга киритишнинг қўшимча операциялари талаб этилади, улар моҳиятига кўра ахборот жараёнлари ва маълумотларни рақамли шаклга айлантириш жараёнлари ҳисобланади. Маълумотларни алмаштиришнинг оралиқ босқичларининг мавжудлиги хатоларнинг мумкин бўлган манбаидир, шунинг учун бу жараёнларни такомиллаштириш йўналишларидан бири бу оралиқ босқичларни четлаб ўтиб, дарҳол рақамли шаклда маълумотларни олиш имконини берувчи рўйхатга олиш мосламаларини ишлаб чиқишдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. «Рақамли Ўзбекистон –2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли фармони. 2020 йил 5 октябрь.
2. “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22-сонли 12.01.2018 йилдаги қарори.
3. Костров А.В. Основы информационного менеджмента: Учеб. пособие. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 336 с.
4. Информационные технологии управления: Учеб. пособие для вузов / Под ред. Проф. Г.А.Титоренко.-2-е изд.,доп.–М.: ЮНИТИ-ДАНА,2007.– 439 с.
5. Информационные технологии управления: учеб. Пособие / В.С.Провалов. – М.: Филмита: МПСИ, 2008. – 376 с.
6. minenergy.uz – Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги сайти.

RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANISH TENDENSIYALARI

Sh.G. Mannanova,

**Raqamli iqtisodiyot va axborot texnologiyalari
kafedrası katta o'qituvchisi, TDIU**

N.X. Shoakhmedova,

**Raqamli iqtisodiyot va axborot texnologiyalari
kafedrası dotsenti, TDIU**

Innovatsion rivojlanish va iqtisodiyot sohasida bir qancha olamshumul o'zgarishlar amalga oshirilayotgan bir davrda raqamli iqtisodiyot va u bilan bog'liq bo'lgan bir qancha ilg'or raqamli texnologiyalar kundalik hayotimizga shiddat bilan kirib kelmoqda. Respublikamiz rahbariyati bu sohada bir qancha muhim qarorlarni qabul qildi hamda joriy yilni "Fan, ta'lim va raqamli iqtisodiyot yili" deb ataldi. Prezidentimiz 2020 yil 25 yanvardagi Oliy Majlisga Murojaatnomasida mamlakatimizda raqamli iqtisodning rivojlanishi bo'yicha quyidagi fikrlarini aytib o'tdi: "Mamlakatimizda ilm-fanni yanada ravnaq toptirish, yoshlarimizni chuqur bilim, yuksak ma'naviyat va madaniyat egasi etib tarbiyalash, raqobatbardosh iqtisodiyotni shakllantirish borasida boshlagan ishlarimizni jadal davom ettirish va yangi, zamonaviy bosqichga ko'tarish maqsadida men yurtimizda 2020 yilga "Ilm, ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili", deb nom berishni taklif etaman" [1]. Bu ko'rsatmalarning ahamiyatini ta'kidlagan holda, aytishimiz mumkinki, postindustrial yoki informatsion jamiyatga xizmatlar sektori mamlakat yalpi milliy daromadning 60% dan ortig'ini tashkil qiladigan davlatlar kiradi hamda ularda dasturiy ta'minot ishlab chiqarish bilan band bo'lgan tarmoqlarda moliyalashtirish keyingi o'ttiz yil davomida 130 martadan ko'proq ortdi. Informatsion innovatsiyalarning tarkib toptirish uchun dunyo miqyosida faoliyat ko'rsatuvchi global kompaniyalarda rivojlanish g'oyasi juda ham oddidir – yangi progressiv informatsion texnologiyalar biznes masalalarini hamda tijorat muammolarini hal qilib beradilar va informatsion tizimlarning har bir yangi avlodi bir qancha yangi innovatsion xizmatlarning vujudga kelishiga va yanada rivojlanishiga sabab bo'ladi.

Raqamli iqtisodiyot bir qancha atamalar bilan nomlangan, shu jumladan, economy, digital economy, internet economy, network economy va virtual economy.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili

Raqamli iqtisodning asosiy ko'rsatgichlari sifatida yangi ishlab chiqarish usullarini (*pear-to pear production*), ommaviy hamkorlikni, ommaning intellektual mulkka egalik qilishini, iste'mol modellaring o'zgarishini (*sharing economy*) va ochiq mehnat bozorini keltirish mumkin. Mamlakatimizning rivojlanish tendentsiyalari shuni ko'rsatadiki, yuqorida ko'rsatilgan bozorlar kelajakda tezlik bilan rivojlanib ketadi [2,3]. Bundan tashqari, to'rtinchi sanoat revolyutsiyasi va 4.0 industriya texnologiyalari bilan bog'liq bo'lgan texnologik o'zgarishlar, ya'ni, ommaviy robotlashtirish, qo'shimcha va virtual reallik texnologik platformalari hamda 3D-printerlar texnologiyalari ushbu jarayonni yanada tezlashtiradi. 4.0 Industriya (*to'rtinchi sanoat inqilobi*) atamasi 2011 yilda

iste'molga kirdi va uning ma'nosi raqamli texnologiyalar vositasida qo'shimcha qiymat hosil qilish global zanjirini amalga oshirishdan iborat [4]. "Aqlli texnologiyalar" va "aqlli robotlar" kabi texnologiyalarining jahon bo'ylab tarqalishini amalga oshirgan holda, to'rtinchi sanoat revolyutsiyasi global darajada virtual va fizikaviy tizimlarning bir-biriga o'zaro ta'sirini amalga oshiradi. Bu esa o'z navbatida mahsulotlarning to'liq moslashuvchanligiga hamda yangi operatsion modellar yaratilishiga olib keladi. Raqamli iqtisod va 4.0 Industriyaning korporativ miqyosdagi joriy qilinish yo'nalishlariga misol sifatida quyidagilarni ko'rsatishimiz mumkin [5]:

- Professional xizmatlar – on-demand professional services – buxgalter xizmatlari, dizayner xizmatlari, maslahatchilar, tarjimonlar va boshqalar.
- Jamoaviy moliyalashtirish – collaborative finance – kraudfunding (crowd-funding), o'zaro kreditlash (*peer-to-peer lending*)
- Uyda ko'rsatiladigan xizmatlar – *on-demand household services*
- Uy-joydan birgalikda foydalanish - *peer-to-peer accommodation*
- Transportdan birgalikda foydalanish - *peer-to-peer transportation*

Raqamli iqtisodiyotning yana boshqa bir xizmatlari, shu jumladan, big data, sun'iy intellect, mashina vositasida ta'lim berish, kraudsorsing, kraudfunding, blokcheyn va bulutli texnologiyalar ham kelajak iqtisodiyotida va korporativ boshqaruvda hal qiluvchi ahamiyat kasb etishini hayotning rivojlanish tendensiyalari yaqqol ko'rsatib turibdi. Masalan, kraudsorsing va kraudfunding texnologiyalari kompaniyaning oyoqqa turib olishini, rivojini va raqobatbardoshligini ta'minlash uchun xizmat qiladi. Agarda kraudsorsing jamoaviy tafakkur bo'lsa, kraudfunding jamoaviy moliyaviy mablag'lar yig'ish mexanizmi deb hisoblanadi. Ish ko'lami, faoliyat turi va kattaligidan qat'iy nazar, turli xil loyihalar uchun moliyaviy mablag'lar yig'ish texnologiyasi bo'lgan kraudfunding barcha kompaniyalar uchun katta ahamiyatga ega bo'lgan unikal moliyaviy mexanizmdir. Misol sifatida, Rossiya bozorida ham bir qancha yirik kraudfunding platformalari bo'lib, ular kraudfunding loyihalarining amalga oshishiga ko'mak berib turadilar. Eng ommabop kraudfunding platformalar *planeta.ru* va *Boombaster* 2012 yilda tashkil qilingan. Hozirgi paytda esa bunday platformalarning soni 30 dan oshib ketgan. *Planeta.ru* tomonidan sakkiz mingta loyihaga 660 mln rubl yig'ilgan bo'lsa, xuddi shu davrning o'zida taniqli xorijiy kraudfunding platforma *Kickstarter* tomonidan 3 mlrd dollar mablag' yig'ilib, 126 mingta muvaffaqiyatli loyihalar amalga oshirilgan [6].

Tadqiqot metodologiyasi, tahlil va natijalar

Korporativ boshqaruv uchun muhim ahamiyatga ega bo'lgan texnologiyalardan biri blokcheyn texnologiyasi bo'lib, u nafaqat virtual pullar bo'yicha operatsiyalarni amalga oshira oladi, balki u yangi turdagi biznesning arxitekturasi ham bo'la oladi. Raqamli iqtisodiyotning kelajakda rivojlanishida ushbu progressiv texnologiya dunyo miqyosida yanada ommabop bo'lib ketishi kutilmoqda. Bulutli texnologiyalar ham kelajak korporativ va moliyaviy boshqaruv uchun alohida ahamiyatga molik bo'lib, virtual iqtisodiyot uchun yangidan–yangi va kutilmagan imkoniyatlar yaratmoqda. Ma'lumotlarni bulutli uslubiyatda saqlash va on-line texnologiyalardan foydalanish ma'lumotlar xavfsizligini ta'minlash

hamda operatsion xarajatlarni keskin qisqartirishga shart-sharoitlar yaratmoqda. Masalan, hozirgi kunda *Amazon* bulutida 10 mingta serverni ijaraga olish soatiga taxminan 90 dollarga tushmoqda. Bu esa ushbu turdagi xizmatlarning narxini yanada pasayishini bashorat qilishga va respublikamizda ham bunday texnologiyalarda keng miqyosda imkon beradi hamda keyinchalik bu texnologiyalardan kichik va o'rta biznes ham bemalol foydalana oladi. Virtual reallik (*virtual reality*, VR) va qo'shimcha virtual reallik (*augmented reality*, AR) texnologiyalarining rivojlanishi ham kelajak trendlaridan biri bo'lib, ularning ishlab chiqarishga bo'lgan ta'siri borgan sari salmoqli bo'lib bormoqda. Bunday texnologiyalar ishchi va xizmatchilarga mashina va mexanizmlarning ichki tuzilishini ko'rish hamda ularning faoliyatini kuzatish imkonini beradilar. Masalan, *Gigi Capital* kompaniyasining baholashicha, AR bozorining hajmi 2016 -yilda 1 mlrd dollar bo'lgan bo'lsa, 2020- yilga kelib 90 mlrd ga yetishi mumkin ekan. *Goldman Sachs* ning bashoratlariga ko'ra esa virtual reallik dasturiy ta'minotining sotuv hajmi 2025-yilga kelib 9 mlrd dollarga yetar ekan [7].

Hozirgi paytda kraudsorsing atamasining bir qancha ma'nolari bo'lib, ulardan biri quyidagicha [8]: *"Jamoaga uchun katta ahamiyatga ega bo'lgan muammolarni ko'ngillilar kuchi vositasida hal qilish yoki bir qancha ishlab chiqarish bilan bog'liq bo'lgan amallarni aniq bo'lmagan shaxslar jamoasiga topshirish"*. Lekin kraudsorsingning bu ta'rifida bir qancha kamchiliklar bo'lib, ularni to'g'ri hal qilish uchun, shu jumladan, kraudsorsing mexanizmini real biznesga tadbiiq qilish imkoniyatiga ega bo'lish uchun kraudsorsingning quyidagi keng ma'nodagi alternativ ma'nosi ham taklif etiladi [8]. Kraudsorsing platformasi vositasida mahsulot yoki xizmatga qo'shimcha talab yaratish yoki muhim ijtimoiy-iqtisodiy masalalarni hal qilish hamda loyihalarni amalga oshirish, ishlab chiqarishni yo'lga qo'yish yohud yangi mahsulot yaratish asosida insonlarni jalb qilish keng ma'nodagi Kraudsorsing deb ataladi. Chegaralangan ma'noda esa kraudsorsingni sinergetik effektga olib keluvchi kollektiv bilim va xatti-harakatlarni masofaviy usulda dunyoning turli nuqtalaridan turib, Internet orqali 24/7/364 rejimida ishlatishga asoslangan yangi interfaol ishlab chiqarish mexanizmi sifatida ham tushunish mumkin. Biz tadqiqotimizni huddi shu kraudsorsing atamasi ma'nosi asosida amalga oshiramiz. Bunda milliy, irqiy, bilim darajasi, professional mahorat kabilar bo'yicha insonlar bir-biridan farq qilinmaydilar. Ko'pchilik insonlarni bunday usulda qandaydir ishlarni bajarishga jalb qilish faqatgina Internet texnologiyalar asosidagina amalga oshirilishi mumkin, albatta. Sinergetik samaraga esa kraud-loyihalarga jalb qilingan insonlarning turli-tumanligi asosida erishiladi. Kraudsorsing platformasi deb esa, maxsus ishlab chiqilgan, ijaraga olingan yoki foydalaniladigan texnologik servis tushunilib, uning yordamida katta hajmdagi ma'lumotlarni hamda moliyaviy mablag'larni yig'ish, qayta ishlash, saqlash va uzatish mumkin bo'lgan maxsus avtomatlashtirilgan tizimga aytiladi. Kraudsorsing mahsuloti sifatida esa loyiha, mahsulot yoki hizmat turi tushunilishi mumkin. Bunga bir misol sifatida Rossiyaning 2010-yilda asos solingan Witology innovatsion kompaniyasini keltirish mumkin. Bu kompaniya o'z kraudsorsing platformasiga ega bo'lib, o'z kraudsorsing texnologiyasi yordamida intellectual biznes masalalarini yechib berish bo'yicha hizmatlar taklif etadi. Hozirgi paytda

tijorat, ijtimoiy va innovatsiya kraudsorsinglari mavjud. Masalan, mahsulot yoki xizmatning sifatini oshirishga yo'naltirilgan innovatsion g'oyalarni qidirishga bag'ishlangan amalni innovatsiyalar kraudsorsingi texnologiyasi deyish mumkin. Shu o'rinda aytish kerakki, kraudfunding (crowdfunding) moliyaviy kraudsorsing texnologiyasi bo'lib, uning yordamida turli xildagi innovatsion loyihalarni amalga oshirish uchun moliyaviy mablag'lar yig'ilishi mumkin. Bu holda kraudfundingning oxirgi mahsuloti bo'lib, loyihani moliyalashtirish uchun yig'ilgan mablag'lar tushuniladi. AQSH dagi Kickstarter deb nomlangan yirik venchur fondi 2014-yilning mart oyida turli xil loyihalar uchun bir milliard dollar hajmdagi mablag' yig'a oldi [9, 10]. Biz ham xuddi shunday loyihalarning amalga oshirilish mexanizmini o'rganib chiqqan holda, respublikamizda ham shunday katta loyihalarni amalga oshirishimiz kerak.

Taklif va xulosalar

Keyingi davrlarda nashr qilingan bir qancha ilmiy-amaliy adabiyotlarni va Internet resurslarini chuqur o'rganish natijasida shuni taklif etishimiz mumkinki, O'zbekiston Respublikasida amalga oshirilishi rejalashtirilayotgan innovatsion kraudsorsingning asosiy ko'rsatkichlariga quyidagilarni kiritishimiz mumkin:

- Ko'ngillilik asosida berilgan ishlarni bajaruvchi huquqiy va jismoniy shaxslar – kraudsorserlardir;

- Kraudsorserlarning faoliyati Internet tarmog'ida bulutli texnologiyalar yordamida amalga oshiriladi;

- Kraudsorserlar respublikaning turli-tuman hududlaridagi tashkilotlar va insonlardan iborat bo'ladi;

- O'zbekistonda amalga oshiriladigan kraud-loyiha uning kim yoki qaysi tashkilot tomonidan amalga oshirilishiga bog'liq ravishda tijorat yoki notijorat ko'rinishiga ega bo'lishi mumkin.

Yana bir muhim xulosa sifatida shuni aytishimiz lozimki, o'zbek milliy valyutasi – so'mni ham qisman yoki qandaydir chegaralangan optimal nisbatlarda kriptovalyutali ko'rinishga va uni bu bilan bog'liq bo'lgan blokcheynga o'tkazish mamlakatimizdagi bir qancha moliyaviy muammolarni muvaffaqiyatli ravishda hal qilish imkonini berar edi. Taklif va xulosalar sifatida quyidagilarni qayd qilishimiz mumkin:

- ✓ Raqamli iqtisod usul va vositalaridan foydalangan holda joriy bank operatsiyalarining shaffofligini va tezkorligini oshirish;

- ✓ Blokcheyn texnologiyalar asosida davlat sektori samaradorligini va uning ishlash tezligini oshirish;

- ✓ Raqamli va bulutli texnologiyalar yordamida ikkilamchi va yashirin bank sektorini yo'q qilish yoki uni nazorat ostiga olish;

- ✓ Raqamli iqtisodiyot usullaridan foydalangan holda davlat apparatidagi byurokratiyani yengish va korrupsiyaga qarshi samarador kurashish;

- ✓ Blokcheynlardan foydalanib, soliqlar to'lash jarayonini mukammallashtirish orqali, soliq to'lamaslik holatlariga qarshi samarador kurashish;

- ✓ Raqamli iqtisodiyot usul va vositalari yordamida kichik biznes va tadbirkorlikning rivojlanishiga yangi innovatsion imkoniyatlar yaratish;

✓ Kriptovalyutalar va raqamli texnologiyalarning turli mexanizmlari yordamida xalqaro valyuta-kredit resurslarini O'zbekiston iqtisodiyotiga keng miqyosda jalb qilish;

✓ Raqamli texnologiyalar vositasida iqtisodiyotga naqd pullar va boshqa turdagi valyutalar bosimini kamaytirish va shu asosda so'mning raqobatbardoshligini oshirish;

✓ Kraudsorsing va kraudfunding usullari vositasida korxonalar, tashkilot, xususiy tadbirkorlar hamda jismoniy shaxslar uchun yangi, qulay hamda samarador kredit mexanizmlarini ishga tushirib yuborish;

✓ Kriptovalyutalar va blokcheyn infratuzilmalarini yaratish orqali yangi ish o'rinlarini yaratish va zamonaviy intellektual informatsion texnologiyalarni respublikamizga keng miqyosda jalb qilish;

✓ Innovatsion jarayonlarni raqamli iqtisodiyot texnologiyalaridan foydalangan holda yanada jadallashtirish,

Ammo bunday katta o'zgarishlarni amalga oshirish uchun oliy ta'lim tizimida ham bir qancha muhim o'zgarishlarni amalga oshirish lozim, shu jumladan, mamlakatimizda quyidagi yo'nalishlarda zamonaviy malakali mutaxassislar tayyorlashni zudlik bilan yo'lga qo'yish maqsadga muvofiq bo'lgan bo'lar edi:

- *Bilimlar bazalari bo'yicha mutaxassislar;*
- *Ma'lumotlar xavfsizligi bo'yicha muhandislar;*
- *Turli xil sohalaridagi raqamli transformatsiya bo'yicha mutaxassislar;*
- *Data Scientistlar;*
- *Bulutli texnologiyalar bo'yicha mutaxassislar;*
- *Mashinaviy o'qitish bo'yicha mutaxassislar;*
- *Masofaviy ta'lim bo'yicha mutaxassislar;*
- *Ma'lumotlar bazalari administratorlari;*
- *Raqamli logistika bo'yicha mutaxassislar;*
- *Raqamli fazodagi marketologlar;*

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 январь кундаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.*
2. *Постановление Президента РУз от 28 апреля 2020 года «О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства в РУз».*
3. *Гулямов С.С., Балтабаева Г.Р. ва бошқалар. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари. Т: "Наврўз", 2019 йил. 192 бет*
4. *Липидус А.В. Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией // М.: ИНФРА-М, 2018. -381 стр.*
5. *Ауиров Р.Х., Kabulov A.V. Kriptografiya va kriptovalyutalar. Toshkent: "Navruz", 2018-yil. 164-bet.*
6. *Ауиров Р.Х., Baltabaeva G.R. Raqamli valyutalar bozori: innovatsiyalar va rivojlanish istiqbollari. –Т: "Fan va texnologiya", 2018, 172-bet.*
7. *Натаниэль Поппер. Цифровое Золото. Невероятная история биткойна или о том, как идеалисты и бизнесмены изобретают деньги заново, 2016, 350 стр.*
8. *Балтабаева Г.Р., Ауиров Р.Х. Кичик бизнес ва тadbirkorликда инновацион ривожланиш йўналишлари. –Т: «Фан ва технология», 2018, 232-бет.*

TENGSIZLIKLARNI ISBOTLASHNING ZAMONAVIY USULLARI

D.Sh. Bekmatov,

Amaliy matematika kafedrasida katta

o'qituvchisi, TDIU

Annotatsiya: Matematika fani sohasida uchraydigan turli xil tengsizliklarni transtengsizlikdan foydalanib isbot etilgan.

Tayanch iboralar: bir xil tartiblangan, turli xil tartiblangan, transtengsizlik, zamonaviy usullar.

Tengsizliklarni isbotlash matematika fanini o'qitishda muhim bosqichlardan hisoblanadi. Shuni ta'kidlash lozimki, iqtidorli o'quvchilarning olimpiadalarda oxirgi qator yillarda olimpiada topshiriqlarida tengsizliklarni isbotlashga doir masalalar muntazam ravishda uchrab turibdi. Bulardan ko'rinib turibdiki, tengsizliklarni yechish o'quvchilarning har tomonlama ist'edodlarini, fanlarga bo'lgan qiziqishlarini, qobiliyatlarini, mustaqil fikrlash g'oyalari takomillashishida asosiy me'zon bo'lishini ta'kidlash zarur.

Ma'lumki, tengsizliklarni isbotlashda funksiyaning monotonlik, qovariqlik xossalari, o'rta qiymatlar haqidagi Koshi tengsizligi, o'rta geometrik va o'rta garmonik qiymatlar orasidagi tengsizlik, o'rta kvadrat va o'rta arifmetik qiymatlar orasidagi tengsizlik, Koshi-Bunyakovskiy-Shvarts tengsizligi, Chebishev tengsizligi, Karamata tengsizligi, qavariq funksiyalar uchun uch vatar haqidagi lemmadan kelib chiqadigan tengsizlik, Yensen tengsizliklaridan foydalaniladi.

Maqolada tartiblashga asoslangan transtengsizlik tengsizligi va uning tengsizliklarni isbotlashga tadbirlari haqidagi masala tadqiq etilgan.

Transtengsizlik va uning tadbirlari

Teorema. a_1, \dots, a_n ketma-ketlik . $a_1 \geq a_2 \geq \dots \geq a_n$ shartni qanoatlantirsin.

$a_1 b_1 + a_2 b_2 + \dots + a_n b_n$ yig'indining kata qiymatiga $b_1 \geq b_2 \geq \dots \geq b_n$ bo'lganda, eng kichik qiymatiga esa $b_1 \leq b_2 \leq \dots \leq b_n$ bo'lganda erishadi.

Isbot. r, s natural sonlar $r < s \leq n$ shartni qanoatlantirsin.

Isbot qilish uchun:

$$S = a_1 c_1 + a_2 c_2 + \dots + a_r c_r + \dots + a_s c_s + \dots + a_n c_n,$$

$$S' = a_1 c_1 + a_2 c_2 + \dots + a_r c_s + \dots + a_s c_r + \dots + a_n c_n, \quad \text{yig'indilarni}$$

solishtirish yetarli. Ular uchun :

$$S' - S = a_r c_s + a_s c_r - a_r c_r - a_s c_s = (a_r - a_s)(c_s - c_r)$$

Munosabatga ega bo'lamiz.

Demak, agar $c_s \leq c_r$ bo'lsa $S \leq S'$ va $c_s \geq c_r$ bo'lsa $S \geq S'$. Bu esa talab qilingan tasdiqni isbotlaydi.

Natija. Teoremaning ko'rinib turibdiki, agar

$$a_1 \geq a_2 \geq \dots \geq a_n, b_1 \geq b_2 \geq \dots \geq b_n$$

bo'lsa, u holda $\mathbf{b}_1, \dots, \mathbf{b}_n$ sonlarning ixtiyoriy $(\mathbf{x}_1, \dots, \mathbf{x}_n)$ o'rin almashtirishi uchun

$a_1 b_1 + a_2 b_2 + \dots + a_n b_n \geq a_1 x_1 + a_2 x_2 + \dots + a_n x_n \geq a_1 b_n + a_2 b_{n-1} + \dots + a_n b_1$ (1) qo'shtengsizlik o'rinli. (1) tengsizlikni transtengsizlik deb yuritiladi.

(a_1, a_2, a_3) va (b_1, b_2, b_3) uchliklar bir xil tartiblangan deyiladi, agar a_1, a_2, a_3 va b_1, b_2, b_3 ketma-ketliklardan ikkalasi kamaymaydigan (ya'ni $a_1 \leq a_2 \leq a_3$ va $b_1 \leq b_2 \leq b_3$), yoki ikkalasi ortmaydigan (ya'ni $a_1 \geq a_2 \geq a_3$ va $b_1 \geq b_2 \geq b_3$) bo'lsa.

Agar a_1, a_2, a_3 va b_1, b_2, b_3 ketma-ketliklardan bittasi kamaymaydigan, boshqasi esa ortmaydigan bo'lsa, u holda (a_1, a_2, a_3) va (b_1, b_2, b_3) uchliklar turlicha tartiblangan deyiladi.

a, b, c musbat sonlar uchun $a \geq b \geq c$ yoki $a \leq b \leq c$ bo'lsa, u holda (a, b, c) va $(\frac{1}{a}, \frac{1}{b}, \frac{1}{c})$ uchliklar turlicha, (a, b, c) va (a^n, b^n, c^n) uchliklar esa bir xil tartiblangan, bu yerda n -ixtiyoriy natural son.

(a_1, a_2, a_3) va (b_1, b_2, b_3) uchliklar berilgan bo'lsin.

(x_1, x_2, x_3) uchlik b_1, b_2, b_3 sonlarning o'rin almashtirishi bo'lsin.

U holda yuqoridagi teoremaning quyidagi muhim bo'lgan natijalarini quyidagidek etamiz.

1) Agar (a_1, a_2, a_3) va (b_1, b_2, b_3) uchliklar bir xil tartiblangan bo'lsa, u holda

$$a_1 b_1 + a_2 b_2 + a_3 b_3 \geq a_1 x_1 + a_2 x_2 + a_3 x_3 \quad (2)$$

tengsizlik o'rinli.

2) Agar (a_1, a_2, a_3) va (b_1, b_2, b_3) uchliklar turlicha tartiblangan bo'lsa, u holda

$$a_1 b_1 + a_2 b_2 + a_3 b_3 \leq a_1 x_1 + a_2 x_2 + a_3 x_3 \quad (3)$$

tengsizlik o'rinli.

1-masala. a, b, c – musbat sonlar bo'lsin.

$$(a^a b^b c^c)^2 \geq a^{b+c} b^{c+a} c^{a+b}$$

bo'lishini isbotlang.

Yechish: Umumiylikka putur yetkazmasdan, $a \geq b \geq c$ deb faraz qilamiz. U holda

$$Ina \geq Inb \geq Inc,$$

Ya'ni (a, b, c) va (Ina, Inb, Inc) uchliklar bir xil tartiblangan.

(2) tengsizlikda $(a_1, a_2, a_3) = (Ina, Inb, Inc)$, $(b_1, b_2, b_3) = (a, b, c)$,

$(x_1, x_2, x_3) = (b, c, a)$ deb olsak,

$$aIna + bInb + cInc \geq bIna + cInb + aInc$$

tengsizlikka, $(x_1, x_2, x_3) = (c, a, b)$ deb olsak,

$$aIna + bInb + cInc \geq cIna + aInb + bInc$$

tengsizlikka ega bo'lamiz.

Ularni hadma-had qo'shib

$$2(aIna + bInb + cInc) \geq (b+c)Ina + (c+a)Ina + (c+a)Inb + (a+b)Inc$$

$$\text{yoki } In(a^a b^b c^c)^2 \geq In(a^{b+c} b^{c+a} c^{a+b})$$

ga ega bo'lamiz. Bu yerdan

$$(a^a b^b c^c)^2 \geq a^{b+c} b^{c+a} c^{a+b}$$

tengsizlik kelib chiqadi.

2-masala. Ixtiyoriy a, b, c haqiqiy sonlar va n natural son uchun

a) $a^2 + b^2 + c^2 \geq ab + bc + ca$

b) $a^n + b^n + c^n \geq a^{n-1}b + b^{n-1}c + c^{n-1}a$

tengsizlikni isbotlang.

Yechim. $a^2 + b^2 + c^2 \geq ab + bc + ca$ tengsizlik $a^n + b^n + c^n \geq a^{n-1}b + b^{n-1}c + c^{n-1}a$

tengsizlikning xususiy holi bo'lgan uchun $a^n + b^n + c^n \geq a^{n-1}b + b^{n-1}c + c^{n-1}a$

tengsizlikni isbotlaymiz.

$a \geq b \geq c$ deb faraz qilamiz. U holda $a^{n-1} \geq b^{n-1} \geq c^{n-1}$, ya'ni (a, b, c) va $(a^{n-1}, b^{n-1}, c^{n-1})$ uchliklar bir xil tartiblangan bo'ladi. (2) tengsizlikda

$(a_1, a_2, a_3) = (a^{n-1}, b^{n-1}, c^{n-1}), (b_1, b_2, b_3) = (a, b, c), (x_1, x_2, x_3) = (b, c, a)$ deb olsak, $a^n + b^n + c^n = a^{n-1}a + b^{n-1}b + c^{n-1}c \geq a^{n-1}b + b^{n-1}c + c^{n-1}a$ tengsizlikka ega bo'lamiz.

3-masala. Ixtiyoriy a, b, c musbat sonlar uchun:

a) $\frac{a+b+c}{abc} \leq \frac{1}{a^2} + \frac{1}{b^2} + \frac{1}{c^2}$

b) $\frac{a^2}{b^2} + \frac{b^2}{c^2} + \frac{c^2}{a^2} \geq \frac{b}{a} + \frac{c}{b} + \frac{a}{c}$

c) $\frac{a^2}{b} + \frac{b^2}{c} + \frac{c^2}{a} \geq a + b + c$

Tengsizliklarni isbotlang.

Yechim. $a \geq b \geq c$ deb faraz qilamiz.

a) Ravshanki, $(\frac{1}{a}, \frac{1}{b}, \frac{1}{c})$ va $(\frac{1}{a}, \frac{1}{b}, \frac{1}{c})$ uchliklar bir xil tartiblangan.

(2) tengsizlikda

$(a_1, a_2, a_3) = (b_1, b_2, b_3) = (\frac{1}{a}, \frac{1}{b}, \frac{1}{c}), (x_1, x_2, x_3) = (\frac{1}{b}, \frac{1}{c}, \frac{1}{a})$ deb

olsak,

$$\frac{1}{a} \cdot \frac{1}{a} + \frac{1}{b} \cdot \frac{1}{b} + \frac{1}{c} \cdot \frac{1}{c} \geq \frac{1}{a} \cdot \frac{1}{b} + \frac{1}{b} \cdot \frac{1}{c} + \frac{1}{c} \cdot \frac{1}{a} = \frac{a+b+c}{abc}$$

tengsizlikni hosil qilamiz.

b) Ravshanki, $\left(\frac{a}{b}, \frac{b}{c}, \frac{c}{a}\right)$ va $\left(\frac{a}{b}, \frac{b}{c}, \frac{c}{a}\right)$ uchliklar bir xil tartiblangan.

(2) tengsizlikda

$(a_1, a_2, a_3) = (b_1, b_2, b_3) = \left(\frac{a}{b}, \frac{b}{c}, \frac{c}{a}\right), (x_1, x_2, x_3) = \left(\frac{b}{c}, \frac{c}{a}, \frac{a}{b}\right)$ deb

olsak,

$$\frac{a}{b} \cdot \frac{a}{b} + \frac{b}{c} \cdot \frac{b}{c} + \frac{c}{a} \cdot \frac{c}{a} \geq \frac{a}{b} \cdot \frac{b}{c} + \frac{b}{c} \cdot \frac{c}{a} + \frac{c}{a} \cdot \frac{a}{b} = \frac{a}{c} + \frac{b}{a} + \frac{c}{b}$$

tengsizlikni hosil qilamiz.

c) Ravshanki,

$$a^2 \geq b^2 \geq c^2 \text{ va } \frac{1}{c} \geq \frac{1}{b} \geq \frac{1}{a},$$

ya'ni (a^2, b^2, c^2) va $\left(\frac{1}{a}, \frac{1}{b}, \frac{1}{c}\right)$ uchliklar turlicha tartiblangan.

(3) tengsizlikda

$(a_1, a_2, a_3) = (a^2, b^2, c^2), (b_1, b_2, b_3) = \left(\frac{1}{a}, \frac{1}{b}, \frac{1}{c}\right), (x_1, x_2, x_3) = \left(\frac{1}{b}, \frac{1}{c}, \frac{1}{a}\right)$ deb olsak, berilgan tengsizlikka teng kuchli bo'lgan

$$a^2 \frac{1}{a} + b^2 \frac{1}{b} + c^2 \frac{1}{c} \leq a^2 \frac{1}{b} + b^2 \frac{1}{c} + c^2 \frac{1}{a}$$

tengsizlikni hosil qilamiz.

Xulosa va takliflar. Ko'rinib turibdiki, barcha tengsizliklarda tenglik $a=b=c$ bo'lgandagina o'rindidir.

Tengsizliklarni yechish o'quvchilarning har tomonlama iste'dodlarini, fanlarga bo'lgan qiziqishlarini, qobiliyatlarini, mustaqil fikrlash g'oyalarini takomillashishiga asosiy me'zon bo'lishini yoshlarga yetkazishimiz kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Ayupov Sh., Rihsiev B., Quchqorov O. Matematik olimpiada masalalari. 1,2- qism. Toshkent, Fan, 2004.
2. Sivashinskiy I.H. Сравнительный И.Х. Neravenstva v Zadachah. – M. Nauka, 1967.
3. G.Hardy, J.Littlewood and G.Polya, "Inequalities". – Cambridge. - The Cambridge University Press. 1988.

MAKSIMUM VA MINIMUMGA OID GEOMETRIK MASALALAR

*J.A. Fayziyev,
Amaliy matematika kafedrasida katta
o'qituvchisi, TDIU*

Matematik tahlil oliy matematikaning dastlabki va ayni vaqtda asosiy bo'limi bo'lib hisoblanadi. Matematika fanining tobora intensiv rivojlanishi, yangi tushunchalar, yangi g'oyalar bilan boyib borishi bilan uning fan va texnikaning turli sohalariga tatbiq doirasi kengayib bormoqda, matematika inson faoliyatining barcha sohalariga kirib bormoqda. Matematik tahlil metodlarini bilmay turib, tabiatda sodir bo'layotgan jarayonlarni, tabiiy fanlar va texnikaviy adabiyotlarda ko'rilyotgan masalalarni tushunib yetish qiyindir. Ammo geometrik masalalarning amaliy tatbiqlari bu bilan chegaralanib qolmasdan, bulardan tashqari uning yordamida yana juda ko'p masalalar o'z yechimini topadi.

1.R radiusli aylanada AB diametr o'tkazilgan. Diametr aylana markazida a masofada M nuqta berilgan. M nuqtadan shunday CD vatar o'tkazilganki, bunda hosil bo'lgan $ABCD$ to'rtburchak eng katta yuzaga ega bo'ladi. $ABCD$ ning yuzi nimaga teng?

Yechish: COD uchburchakni qaraymiz. (1-rasm) Agar a AB va CD orasidagi burchak bo'lsa, u holda

$$S_{ABCD} = \frac{1}{2} AB \cdot CD \cdot \sin \alpha,$$

$$S_{SOD} = \frac{1}{2} OM \cdot CD \cdot \sin \alpha$$

$$\text{Bundan } \frac{S_{SOD}}{S_{ABCD}} = \frac{OM}{AB} = \frac{\alpha}{2R} \quad (1.1)$$

Demak, $ABCD$ tortburchak yuzi eng katta bo'lishi uchun COD uchburchakni yuzi eng katta bo'lishi lozim. Lekin,

$S_{SOD} = \frac{1}{2} R^2 \sin \varphi$ ($\varphi = \angle COD$). Demak, $\sin \varphi$ eng katta bo'lishi kerak. Ammo, $\varphi_0 \leq \varphi < 180^\circ$, bunda $\varphi_0 - \alpha = 90^\circ$ ga mos ($\cos \frac{\varphi_0}{2} = \frac{\alpha}{R}$) burchak agar $\varphi_0 \leq 90^\circ$ bo'lsa, u holda $\varphi_0 = 90^\circ$ da COD uchburchak yuzi eng katta bo'ladi. Agar $\varphi_0 > 90^\circ$ bo'lsa, u holda bu yuzaga $\varphi = \varphi_0$ bo'lganda eng katta bo'ladi.

$\varphi_0 \leq 90^\circ$ bo'lganda, yani $\alpha > \frac{\sqrt{2}}{2} R$ bo'lganda

$$S_{SOD} = \frac{1}{2} R^2, \quad (1.1) \text{ dan } S_{ABCD} = \frac{2R}{\alpha} \cdot \frac{1}{2} R^2 = \frac{R^3}{\alpha}.$$

$\varphi_0 > 90^\circ$ bo'lganda, yani $\alpha < \frac{\sqrt{2}}{2} R$ da

$$\cos \frac{\varphi}{2} = \frac{\alpha}{R}, \quad \cos^2 \frac{\varphi}{2} = \frac{\alpha^2}{R^2} \text{ yoki } \frac{1 - \cos \varphi}{2} = \frac{\alpha^2}{R^2}, \quad \cos \varphi = 1 - \frac{2\alpha^2}{R^2}$$

$$\sin \varphi = \sqrt{1 - \left(1 - \frac{2\alpha^2}{R^2}\right)^2} = \sqrt{\frac{4\alpha^2}{R^2} - \frac{4\alpha^4}{R^4}} = \frac{2\alpha}{R^2} \sqrt{R^2 - \alpha^2}$$

Oxirgi tenglik va (1.1) tengliklardan

$$S_{ABCD} = \frac{2R}{\alpha} \cdot \alpha \cdot \sqrt{R^2 - \alpha^2} = 2R\sqrt{R^2 - \alpha^2}$$

2. ABC uchburchakning BC , AC , AB tomonlariga o'tkazilgan balandliklar mos ravishda h_a, h_b, h_c bo'lsin. Uchburchak ichidagi M nuqtadan shu tomonga bo'lgan masofalar mos ravishda u, v va w bo'lsa, quyidagilarni isbotlang: 2.1) $\frac{h_a}{u} + \frac{h_b}{v} + \frac{h_c}{w} \rightarrow \min$ 2.2) $\frac{h_a}{u} \cdot \frac{h_b}{v} \cdot \frac{h_c}{w} \rightarrow \min$.

Yechish. 1) dastlab quyidagi masalani yechamiz. Aytaylik, M nuqta uchburchakning AB tomonida bo'lib, M nuqtadan BC va AC tomonlarigacha bo'lgan masofalar mos ravishda u va v , va h_a, h_b balandliklar mos ravishda BC va AC tomonlarga tushirilgan balandliklar bo'lsin. M nuqta AB tomonning o'rtasi bo'lganda, ifodani eng kichik qiymatga ega bo'lishini isbotlaymiz. Buning uchun ushbu belgilarni kiritamiz. $BC = a, AC = b, S - ABC$ uchburchakning yuzi. U holda

$$au + bv = 2S, \text{ bundan } = \frac{2S-au}{b}, \text{ bu tenglikni}$$

$$\frac{h_a}{u} + \frac{h_b}{v} = t \text{ ifodaga qo'yib } atu^2 - 2Stu + 2h_a S = 0$$

Ifodaga ega bo'lamiz. Bu tenglamaning diskriminanti nomanfiy, ya'ni

2-Rasm

$$4S^2t^2 - 4ah_a \cdot 2St = 4S^2t^2 - 16S^2t \geq 0, S^2t > 0$$

bo'lganligi uchun, $t \geq 0$ eng kichik qiymatiga $t = 0$ bo'lganida erishadi,

ya'ni

$$\min \left(\frac{h_a}{u} + \frac{h_b}{v} \right) = 4$$

U holda tenglamaning ildizi

$$u = \frac{S}{a} = \frac{h_a}{2}, v = \frac{h_b}{2}.$$

Bundan kelib chiqadiki, berilgan 2.1-masala eng kichik qiymatga M nuqta medianalarning kesishgan nuqtasida ekanligi kelib chiqadi. Bundan

$$\frac{h_a}{u} \geq 3, \frac{h_b}{v} \geq 3, \frac{h_c}{w} \geq 3 \text{ ya'ni}$$

$$\frac{h_a}{u} + \frac{h_b}{v} + \frac{h_c}{w} \geq 9$$

2.2- Yuqoridagi tengsizliklarni hadlab ko'paytirsak,

$$\frac{h_a}{u} \cdot \frac{h_b}{v} \cdot \frac{h_c}{w} \geq 27. \text{ Demak,}$$

$$2.1) \min \left(\frac{h_a}{u} + \frac{h_b}{v} + \frac{h_c}{w} \right) = 9 \quad 2.2) \min \left(\frac{h_a}{u} \cdot \frac{h_b}{v} \cdot \frac{h_c}{w} \right) = 27$$

3. a, b, c tomonlarga ega bo'lgan uchburchakning uchlari butun koordinatalarga ega uchburchakka tashqi chizilgan aylana radiusi R ga teng bo'lsa,

$$\frac{abc}{R} \rightarrow \min$$

Yechish: Uchburchakning yuzi $S = \frac{abc}{4R}$, bunda a, b, c uchburchak

tomonlari, R -uchburchakka tashqi chizilgan aylana radiusi. Shuning uchun, $S \geq \frac{1}{2}$ tengsizlikni isbotlash yetarli. Aytaylik, uchburchakning ABC uchlari $(x_1; y_1), (x_2; y_2), (x_3; y_3)$ koordinatalarga ega bo'lsin. Ularning Oy o'qidagi proyeksiyalari AI, BI, CI (3-rasm). U holda,

$$\begin{aligned} S &= S_{ABB_1A_1} - S_{ACC_1A_1} - S_{BCC_1B_1} \\ &= AB_1 \frac{AA_1 + BB_1}{2} - A_1C \frac{AA_1 + CC_1}{2} - B_1C_1 \frac{BB_1 + CC_1}{2} = \\ &= \frac{1}{2} [(y_1 - y_2) \cdot (x_1 + x_2) - (y_1 - y_3) \cdot (x_1 + x_3) - (y_3 - y_2) \\ &\quad \cdot (x_3 + x_2)] \end{aligned}$$

Kvadrat qavs ichidagi sonlar butun (masala shartiga ko'ra). Demak $2S$ ham butun son. $S \neq 0$, u holda $2S \neq 0$. Shunday qilib, $2S \geq 1$, bundan

$$\min \left(\frac{abc}{R} \right) = 2$$

ekanligi kelib chiqadi.

4. To'g'ri burchakli uchburchakning kaetlari a, b gipotenuzasi esa c ga teng. Unga tashqi chizilgan aylana radiusining ichki chizilgan aylana radiusiga nisbatining eng kichik qiymatini toping.

Yechish:

$$\begin{aligned} S &= r^2 + 2Rr = \frac{(a + b + c)r}{2} = \frac{(c \sin \alpha + c \cos \alpha + c)r}{2} = \\ &= \frac{c(\sin \alpha + \cos \alpha + 1)r}{2} = \frac{2R(\sin \alpha + \cos \alpha + 1)r}{2} = \\ &= \frac{Rr(\sin \alpha + \cos \alpha + 1)^2}{2} \end{aligned}$$

Oxirgi tenglikni har ikkala qismini r^2 ga bo'lamiz va $\frac{R}{r} = x$ deb belgilab,

$$1 + 2x = x(\sin \alpha + \cos \alpha + 1)$$

hosil qilamiz. Bundan,

$$x = \frac{1}{\sin \alpha + \cos \alpha - 1} \geq \frac{1}{\sqrt{2} - 1} = \sqrt{2} + 1$$

Shu tenglikdan,

$$\min \left(\frac{R}{r} \right) = \sqrt{2} + 1$$

ekanligi kelib chiqadi.

5. ABC to'g'ri burchakli uchburchakda ($C = 90^\circ$) $CD \perp AB$, ACD burchak bissektressasi CE , BCD burchak bissektressasi esa CF (4-rasm) bo'lsa, $\frac{S_{ABC}}{S_{CEF}}$ nisbatning eng kichik qiymatini toping.

Yechish: Aytaylik, $BC=a$, $AC=b$, $AB=c$ deb belgilab olsak, u holda

$$\frac{S_{ABC}}{S_{CEF}} = \frac{C}{EF}.$$

EF ni C orqali ifodalaymiz.

$\angle BEC = 90^\circ - \angle DCE = 90^\circ - \angle ACE = \angle ECB$ bo'lganligidan, $BC=BE=a$. Shunga o'xshash $AF=AC=b$. $EF=BE+AF-AB$, u holda $EF=a+b-c$ $a^2+b^2=c^2$ ekanligini va $2ab < c^2$ hisobga olib,

$$a + b = \sqrt{c^2 + 2ab} \leq \sqrt{2}c$$

hosil qilamiz. Bundan

$$EF \leq (\sqrt{2} - 1)c.$$

Demak,

$$\frac{S_{ABC}}{S_{CEF}} \leq \frac{C}{(\sqrt{2} - 1)c} = \frac{1}{(\sqrt{2} - 1)} = \sqrt{2} + 1$$

$$\min\left(\frac{S_{ABC}}{S_{CEF}}\right) = \sqrt{2} + 1$$

ekanligi kelib chiqadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Шаль, Мишель. Исторический обзор происхождения и развития геометрических методов. – Москва: М. Катков, 1883. Т. 1-2.

2. Т. Shodiyev. Analitik geometriya va chiziqli algebra. – Toshkent, "O'qituvchi" nashriyoti, 1984-yil.

KO'P O'ZGARUVCHANLI FUNKSIYANING IQTISODDAGI TATBIQI

N.Sh. Mirxodjayeva,

“Amaliy matematika” kafedrasida katta o'qituvchisi, TDIU

Annotatsiya: Ushbu maqolada ishlab chiqarish funksiyani differensial hisob orqali marjinal daromadini o'zgarish tezligini hisoblash ko'rsatildi. Shu bilan birga, foydani maksimumlashtirish uchun hosiladan foydalanish keltirildi.

Tayanch iboralar: ishlab chiqarish, mahsulot miqdori, kapital, mehnat omili, marjinal daromad.

Kirish

Iqtisodiyotda ishlab chiqarish, bu mahsulot ishlab chiqarish jarayonida materiallardan, ishchi kuchidan va texnologiyadan ma'lum bir miqdorda foydalanishdir. Bu jarayonni amalga oshirishda mehnat, material va kapital asosiy omil bo'lib xizmat qiladi.

Ishlab chiqarish funksiyasi $Q=f(K,L)$ ko'rinishda bo'lsin.

Q -mahsulot miqdori, K -kapital, L -mehnat omili.

Quyidagi ishlab chiqarish funksiyani qaraylik. $Q = 10 \cdot K^{0,2} \cdot L^{0,1}$

Berilgan ishlab chiqarish funksiyasi ikki o'zgaruvchili funksiya bo'lib, bu funksiya xususiy hosilalar olamiz.

$$\frac{\partial Q}{\partial K} = 2K^{-0,8}L^{0,1} \quad \frac{\partial Q}{\partial L} = K^{0,2}L^{-0,9}$$

Demak, biz K va L lar uchun marjinal ishlab chiqarish funksiyalarini hosil qildik. Bu funksiyalardan ikkinchi tartibli hosila

$$\frac{\partial^2 Q}{\partial K^2} = -1,6K^{-1,8}L^{0,1} \quad \frac{\partial^2 Q}{\partial L^2} = -0,9K^{0,2}L^{-1,9}$$

Bu ikkinchi darajali xususiy hosilalar marjinal ishlab chiqarish funksiyalarining o'zgarish tezligini ko'rsatadi. Bu misolda biz shuni ko'rishimiz mumkinki, (i.e.) ning og'ishi har doim manfiy bo'ladi (agar K va L qiymatlari musbat bo'lganda) va L oshgan sari, bu og'ishning absolyut qiymatlari kamayadi.

Undan tashqari biz o'zgarish tezligini L bo'yicha o'zgaruvchilar hamda o'zgarish tezligini K bo'yicha o'zgaruvchilar tezligi yordamida aniqlashimiz mumkin. Shunda ular:

$$\frac{\partial^2 Q}{\partial K \partial L} = 0,2K^{-0,8}L^{-0,9} \quad \frac{\partial^2 Q}{\partial L \partial K} = 0,2K^{-0,8}L^{-0,9}$$

kabi ifodalanadi va kesishuvchi xususiy hosilalar deyiladi. Ular shuni ko'rsatadiki Q ning o'zgarish tezligi K va L ga bog'liq bo'ldi. Bu misol kesishgani xususiy hosilalar ya' ni, shuni korsatadiki, MR o'zgaruvchining tezligi K bo'yicha o'zgaruvchilarning musbat bo'lishini va K oshishi natijasida qiymati kamayadi. Bu misolda yana shuni ta'kidlab o'tish kerakki:

Aslida kesishuvchi xususiy hosilalar har doim mos ravishda bir biriga teng bo'ladi.

Shunday qilib ixtiyoriy uzluksiz ikki o'zgaruvchi, funksiya uchun ikkinchi tartibli xususiy hosilalar teng bo'ladi:

$$(i) \quad (ii) \quad (iii) \quad (iv)$$

Unda (III) va (IV) kesishuvchi xususiy hosilalar har doim teng

Keyingi q masalani ko'rib chiqaylik: Firma ikkita raqobatdosh mahsulot sotadi, ularning talab funksiyalari quyidagicha:

$$q_1 = 100 - 0,4p_1 + 0,3p_2 \quad q_2 = 120 + 0,3p_1 - 10p_2$$

Qanday qilib ikkinchi mahsulot narxi birinchi mahsulot marjinal daromadiga ta'sir qiladi?

Daromad funksiyasini topishimiz (π) uchun birinchi bo'lib biz teskari talab funksiyasi ni keltirib chiqaramiz.

$$q_1 = 100 - 0,4p_1 + 0,3p_2$$

$$p_1 = 2,5(100 + 0,3p_2 - q_1) = 25 + 0,75p_2 - 2,5q_1$$

$$TR_1 = p_1q_1 = (25q_1 + 0,75p_2q_1 - 2,5q_1^2)$$

funksiyani differensiallab,

$$MR_1 = \frac{\partial TR_1}{\partial q_1} = 25 + 0,75p_2 - 5q_1$$

Bu marjinal daromad funksiyasining qiymati yoki sotilgan q_1 mahsulot miqdoriga qaramasdan o'zgarmas bo'ladi.

da dagi o'zgarishining ta'siri kesishuvchi xususiy hosila yordamida ko'rsatilgan.

$$\frac{\partial^2 TR_1}{\partial q_1 \partial p_2} = 0,75$$

Shunday qilib, bir birlikning dagi o'sishi 0,75 ning 1 mahsulotidan keladigan marjinal daromadidagi o'sishini keltirib chiqaradi.

Yuqoridagi misollardan ko'rdikki, ishlab chiqarish funksiyasi uchun aralash hosilalar mavjud va ular bir-biriga teng bo'ladi.

Quyidagi masala berilgan: Korxonada ikki turdagi A va B tovarlar ishlab chiqaradi. Firmaning kunlik foydasi quyidagi ifoda bilan berilgan:

Bu yerda va – bir kunda ishlab chiqariladigan A va B tovarlarning miqdori. Foydani maksimalashtirish uchun korxonada A va B tovarlardan nechtdan ishlab chiqarishi kerak.

Firmaning kunlik foydasi ikki o'zgaruvchili funksiya bo'lgani uchun, bu funksiyani stasionar nuqtasini topamiz.

$$\begin{cases} \frac{\partial \pi}{\partial Q_A} = -6Q_A + 6Q_B - 90 = 0 \\ \frac{\partial \pi}{\partial Q_B} = 6Q_A - 9Q_B + 150 = 0 \end{cases} \text{ sistemani yechib, } Q_A = 5, Q_B = 15$$

topamiz.

Topilgan stasionar nuqtalar maksimum nuqtalar bo'lib, foydani maksimalashtirish uchun korxonada A va B tovarlardan mos ravishda 5 va 15 ta ishlab chiqarishi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Mike Rosser. *Basic Mathematics for Economists*. - London and New York, Taylor & Francis Group, 2003 y. -535 p.
2. Knut Sydsæter and Peter Hammond, *Essential Mathematics for Economic Analysis*. London ECIN 8TS. Pearson Education Limited. 2012, -745 p
3. SH.Sharahmetov, O.Qurbanov, *Iqtisodchilar uchun matematika*, ISBN 978-9943-07-554-2, O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2017
4. Stephen Boyd, Lieven Vandenberghe. *Introduction to Applied Linear Algebra*, ISBN 978-1-316-51896-0 Hardback, © Cambridge University Press 2018
5. Dan A Simovici. *Linear Algebra Tools for Data Mining*, University of Massachusetts, USA Copyright © by World Scientific Publishing Co. Pte. Ltd 2012

IQTISODIYOTDA DIFFERENSIAL HISOBNING QO‘LLANILISHI

M.Sh. Nurmanov,

J.A. Fayziyev,

Amaliy matematika” kafedrası katta o‘qituvchilari, TDIU

Annótatsiya: Maqolada firma va iqtisodiy hodisalarni hal qilishda differensial hisobning ahamiyati haqida so‘z boradi. Matematikadagi ayrim tushunchalarni iqtisodiyotdagi o‘rnini masalalar orqali ko‘rib chiqamiz.

Tayanch so‘zlar: elastiklik, chegaraviy xarajatlar, chegaraviy moyillik, iste‘mol va jamg‘arma funksiyalar.

Kirish.

Hozirda yurtimizda tadbirkorlarga yaritib berilayotgan imkoniyatlar ko‘paygan sari xususiy firma va korxonalarining soni yildan yilga ko‘payib bormoqda. Bu firma va korxonalar kelajakda kam xarajat qilib, ko‘p foyda ko‘rish uchun ularning mahsulot ishlab chiqarishini oldindan pragnoz qilish maqsadga muvofiq bo‘ladi. Shuningdek, yurtimizning jahon bozorida o‘z o‘rnini yuqoriga ko‘tarishda ham bu masalalar juda muhim hisoblanadi.

Tahlil va natijalar muhokamasi.

Endi ayrim iqtisodiy masalalarni differensial hisobni qo‘llash yordamida ko‘rib chiqamiz:

Ishlab chiqarish xarajatlari. Agar ishlab chiqarishning xarajat funksiyasi y ni ishlab chiqarilgan mahsulot miqdori x ning funksiyasi sifatida qaralsa, ya‘ni $y=C(x)$ u holda, $y'=C'(x)$ ishlab chiqarishning chegaraviy xarajatini ifodalaydi va taxminan bir birlik qo‘shimcha mahsulot ishlab chiqarish uchun sarflanadigan o‘zgaruvchan xarajatni o‘shini xarakterlaydi. O‘rtacha xarajat bir birlik mahsulot ishlab chiqarishga sarflanadigan xarajaddir. Ya‘ni:

$$y = \frac{C(x)}{x}$$

Masala. Firmaning mahsulot ishlab chiqarishga sarflanadigan xarajat funksiyasi quyidagicha:

$$y(x) = 0.1x^3 - 1.2x^2 + 5x + 250$$

Ishlab chiqarishning o‘rtacha va chegaraviy xarajatini toping va uning $x=10$ dagi qiymatini toping.

Yechish. Funksiyaning $y'(x)$ hosilasini va uning $x=10$ da $y'(10)$ qiymatini topamiz. Ishlab chiqarishning chegaraviy xarajatlari:

$$y'(x)=0.3x^2-2.4x+5, y'(10)=30-24+5=11$$

$$\text{O'rtacha xarajatlar: } y=\frac{y(x)}{x} = \frac{0.1x^3-1.2x^2+5x+250}{x}=0.1x^2-1.2x+5+\frac{250}{x}.$$

$y=\frac{y(10)}{10} = 10 - 12 + 5 + 25 = 28$ bu berilgan ishlab chiqarish darajasida bir birlik mahsulot ishlab chiqarishga sarflangan o'rtacha xarajattir. Funksiya orttirmasini taqribiy hisoblash formulasiga ko'ra $\Delta C = dC = C'(x)\Delta x$, $C'(10)$ kattalikni shunday ifodalash mumkin: agar 10ta mahsulot ishlab chiqarilgan bo'lsa, u holda 11-mahsulot ishlab chiqarish bo'yicha qo'shimcha xarajatlar taxminan $C'(10)=9$ ga teng.

Iste'mol va jamg'arma funksiyasi. Agar x milliy daromad, $C(x)$ iste'mol funksiyasi (daromadning sarflanadigan qismi), $S(x)$ - jamg'arma funksiyasi bo'lsa, u holda

$$x=C(x)+S(x)$$

bo'ladi. Uni x bo'yicha differensiallab:

$$\frac{dC}{dx} + \frac{dS}{dx} = 1$$

Tenglamani hosil qilamiz, bu yerda $\frac{dC}{dx}$ iste'molga bo'lgan chegaraviy moyillik; $\frac{dS}{dx}$ jamg'armaga bo'lgan chegaraviy moyillik.

Masala. Mamlakatning iste'mol funksiyasi $C(x)=10+0.47x+0.36x^{3/4}$ bu yerda x -jami milliy daromad (pul birligida)

a) iste'molga bo'lgan chegaraviy moyillikni;

b) agar milliy daromad 15 mlrd p/b bo'lsa, jamg'armaga bo'lgan chegaraviy moyillikni toping.

Yechish. Iste'molga bo'lgan chegaraviy moyillik: $C'(x)=0.47+0.27x^{-1/4}$; uning qiymati esa $C'(15)=0.47+0.27\cdot\frac{1}{\sqrt[4]{15}} \approx 0.57$ Jamg'armaga bo'lgan chegaraviy moyillik: $S'(x)=1-C'(x)=0.43$.

Endi hosilaning tadbqiqini oddiy masalalarda ko'rib chiqamiz:

Masala. Agar erta pishar kartoshka terimini avgustning boshida boshlansa, u holda har bir sotixdan 200kg dan hosil olish mumkin va har bir kilogrammi 12p/b. dan sotiladi.

Terim bir haftaga kechiktirish har sotixdan 50kg dan hosildorlikni oshiradi, lekin narx har hafta 2p/b. ga arzonlashadi. Agar terim muddati 5 hafta bo'lsa,

kartoshkani sotishdan olinadigan foyda eng ko'p bo'lishi uchun hosilni qaysi hafta yig'ib olish kerak?

Yechish. Hosilni t -haftada yig'ib olganda foyda eng ko'p bo'lsin ($1 \leq t \leq 5$). U holda shu haftada kartoshkani bir kilogrammining narxi $12 - 2(t-1) = 14 - 2t$ p/b bo'ladi. Hosildorlik esa har gektaridan $200 + 50(t-1) = 150 + 50t$ kg dan bo'ladi. Bir gektar hosilni umumiy foyda tenglamasini tuzib olamiz:

$\pi(t) = (200 + 50(t-1))(12 - 2(t-1)) = 100(21 + 4t - t^2)$. Demak, umumiy foyda eng ko'p bo'lishi uchun $\pi(t) = 100(21 + 4t - t^2)$ funksiya maksimum qiymatini topish kerak. Buning uchun esa $\pi'(t) = 0$ tenglamani yechib, aniqlangan t sonini umumiy foyda tenglamasiga qo'ysak har bir gektar yerdan olinadigan *max* daromad kelib chiqadi. $\pi'(t) = 0 \rightarrow 4 - 2t = 0, t_0 = 2$. Demak, $\pi(2) = 100(21 + 8 - 4) = 2500$ mavsum davomida bir gektar yerdan olinishi mumkin bo'lgan eng ko'p daromad. Shunday qilib hosilni 2-haftada yig'ib olish kerak ekan.

Xulosa

Ko'plab inqirozga uchrayotgan firma yoki korxonalardan ayrimlari matematikaning iqtisodiyotdagi qo'llanilishini bilmasliklari uchun bankrot bo'lishadi. Bu maqolada matematikaning faqat bitta tushunchasi keng yoritib berishga harakat qilindi. Lekin bu kabi tushunchalarni maktab o'quvchilariga va talabalarga yoritib berish hozirda susaygan. Bu tushunchalarni yoritib berish orqali yoshlarga iqtisodiyotga va biznesga qiziqishini oshirish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Azlarov T.A., Mansurov H. Matematika analiz. – T., 2006.
2. Xojiyev J. Algebra va sonlar nazariyasi. – T.: O'zbekiston 2001.
3. Jurayev T.J., Xudoyberganov R.X., Vorisov A.K., Mansurov X. Oliy matematika asoslari. – T.: O'zbekiston 1999.
4. Soatov Y.U. Oliy matematika. – T.: O'qituvchi, 1-jild, 2-jild, 1994., 3-jild, 1996.
5. Общий курс высшей математике для экономистов. /Под ред. В.И. Ермакова. – М.: ИНФРА-М, 2006.
6. Высшая математика для экономистов. /Под ред. Н.Ш.Кремера. – М.: ЮНИТИ, 2006.

ANIQ INTEGRALNING AMALIY TADBIQLARI

M.Sh. Nurmanov,

J.A. Fayziyev,

“Amaliy matematika” kafedrası katta o‘qituvchilari, TDIU

Matematik taxlil oliy matematikaning dastlabki va ayni vaqtda asosiy bo‘limi bo‘lib hisoblanadi. Matematika fanining tobora intensiv rivojlanishi, yangi tushunchalar, yangi g‘oyalar bilan boyib borishi bilan uning fan va texnikaning turli sohalariga tadbiq doirasi kengayib bormoqda, matematika inson faoliyatining barcha sohalariga kirib bormoqda. Matematik tahlil metodlarini bilmay turib tabiatda sodir bo‘layotgan jarayonlarni, tabiiy fanlar va texnikaviy adabiyotlarda ko‘rilayotgan masalalarni tushunib yetish qiyindir. Ammo aniq integralning amaliy tatbiqlari bu bilan chegaralanib qolmasdan, bulardan tashqari uning yordamida yana juda ko‘p masalalar o‘z yechimini topadi.

Tekislikdagi geometrik shakllarning yuzalarini hisoblash. Bizga ma‘lumki, $y = f(x) \geq 0$ funksiya grafigi, $x = a$ va $x = b$ vertikal to‘g‘ri chiziqlar hamda $y = 0$, ya‘ni OX koordinata o‘qi bilan chegaralangan egri chiziqli trapetsiyaning yuzasi aniq integral orqali

$$S = \int_a^b f(x) dx \quad (1)$$

formula bilan hisoblanadi. Bu formulani umumiyroq hollarda qaraymiz.

Agar $[a; b]$ kesmada $f(x) \leq 0$ bo‘lsa, unda tegishli egri chiziqli trapetsiya OX o‘qidan pastda joylashgan va aniq integral qiymati manfiy son bo‘ladi. Shu sababli bu holda egri chiziqli trapetsiya yuzasi

$$S = -\int_a^b f(x) dx = \left| \int_a^b f(x) dx \right| \quad (2)$$

formula orqali topiladi.

Aniq integralning ayrim iqtisodiy tatbiqlari. Aniq integral tushunchasi kiritilayotganda, o‘zgaruvchan mehnat unumdorligi bo‘yicha mahsulot hajmini aniqlash masalasini ko‘rgan edik. Masalan, korxonada mehnat unumdorligi har bir ish kuni davomida

$$z = f(t) = -0,0033t^2 - 0,089t + 20,96$$

funksiya bilan berilgan bo‘lsin. Bunda $0 \leq t \leq 8$ bo‘lib, t vaqtni soatda ifodalaydi. Bu korxonaning yil (258 ish kuni) davomida ishlab chiqargan mahsulot hajmini topamiz:

$$Q = 258 \int_0^8 (-0,0033t^2 - 0,089t + 20,96) dt = 258 \cdot (-0,0011t^3 - 0,0445t^2 + 20,96t) \Big|_0^8 = 258 \cdot (-0,5632 - 2,848 + 167,68) = 258 \cdot 164,2688 = 42381,3504$$

Demak, bu korxonada bir yilda 42381 dona mahsulot ishlab chiqaradi. Biz bu yerda yana bir qator iqtisodiy masalalarni aniq integral yordamida yechilishi bilan tanishamiz.

Djini koeffitsiyentini hisoblash masalasi. Aholi o'rtasida daromadni qanchalik darajada notekis taqsimlanganligini ifodalovchi $y=f(x)$, $x \in [0,1]$, funksiyani qaraymiz (keyingi betdagi 1-rasmga qarang). Bunda y – daromad ulushini, x – aholi ulushini belgilaydi.

Bu funksiya grafiginu ifodalovchi OBA egri chiziq Lorents egri chizig'i deyiladi.

Daromad aholi o'rtasida tekis taqsimlangan holda $y=x$ bo'ladi va bunda Lorents egri chizig'i bissektrisadagi OA kesmaga aylanadi. Shu sababli har qanday $x \in [0,1]$ uchun $0 \leq f(x) \leq x$ qo'sh tengsizlik bajariladi. Bunda OABO geometrik shakl yuzasi qanchalik katta bo'lsa, daromadni notekis taqsimlanish darajasi ham shunchalik katta bo'ladi. Shu sababli aholi o'rtasida daromadni notekis taqsimotini o'lchovi sifatida OABO shakl yuzasini OAC uchburchak yuzasiga nisbati olinadi. Bu nisbat Djini koeffitsiyenti deb ataladi va k orqali belgilanadi. Bu yerda yuzalarni aniq integral orqali ifodalab, Djini koeffitsiyenti uchun quyidagi formulani hosil

etamiz:
$$k = \frac{S_{OABO}}{S_{OAC}} = \frac{\int_0^1 [x - f(x)] dx}{\int_0^1 x dx} = 2 \int_0^1 [x - f(x)] dx$$
 Masalan, Lorents egri chizig'i

$y=x/(3-2x)$, $x \in [0,1]$, funksiya bilan berilgan holda Djini koeffitsiyentini (11) formula bo'yicha hisoblaymiz:

$$k = 2 \int_0^1 \left(x - \frac{x}{3-2x} \right) dx = 2 \int_0^1 \left(x + \frac{x-1,5+1,5}{2x-3} \right) dx = 2 \int_0^1 \left(x + \frac{1}{2} + \frac{3}{2} \cdot \frac{1}{2x-3} \right) dx = 2 \left(\frac{x^2}{2} + \frac{x}{2} + \frac{3}{4} \cdot \ln|2x-3| \right) \Big|_0^1 = 2 \left(1 - \frac{3}{4} \cdot \ln 3 \right) \approx 0,352$$

Iste'molchi va ishlab chiqaruvchining yutuqlari masalasi. Dastlab talab va taklif funksiyalari tushunchalarini kiritamiz.

Mahsulot birligining narxi p va shu mahsulotni iste'molchi tomonidan xarid qilinish hajmi q orasidagi bog'lanishni ifodalovchi $p=f(q)$ funksiya talab funksiyasi deb ataladi. Iqtisodiyotda narx p , hajm (miqdor) q harfi bilan belgilanadi va shu sababli talab funksiyasi an'anaviy $y=f(x)$ ko'rinishda yozilmasdan, $p=f(q)$ ko'rinishda yozildi (2-rasmga qarang).

Mazmuniga asosan bu funksiya kamayuvchi bo'ladi, chunki mahsulot narxi p oshishi bilan bu mahsulotni xarid qilish hajmi q kamayadi (yuqoridagi chizmaga qarang).

Mahsulot birligining narxi p va shu mahsulotni ishlab chiqarilish hajmi q orasidagi bog'lanishni ifodalovchi $p=g(q)$ funksiya taklif funksiyasi deb ataladi. Mazmuniga asosan bu funksiya o'suvchi bo'ladi, chunki mahsulot narxi p oshishi bilan bu mahsulotni ishlab chiqarish hajmi q oshadi (yuqoridagi chizmaga qarang).

Talab va taklif funksiyalarning grafiklari qandaydir bir $E0(q_0, p_0)$ nuqtada kesishadi. Bu nuqtada iste'molchining talabi hajmi va ishlab chiqaruvchining taklif hajmi o'zaro teng bo'ladi. Bunday holat bozor muvozanati deb ataladi. Bozor muvozanatini keltirib chiqaruvchi mahsulot hajmi q_0 va narxi p_0 qiymatlari

berilgan talab va taklif funksiyalari bo'yicha
$$\begin{cases} f(q) = p \\ g(q) = p \end{cases} \quad (4)$$
 tenglamalar sistemasidan topiladi.

Bozor muvozanati shartida iste'molchilar o'zlarining q_0 hajmdagi talablarini qondirishlari uchun mahsulot birligining p_0 narxda xarid qilib, jami $p_0 q_0$ miqdorda xarajat qilishlari mumkin. Ammo bir qism iste'molchilar u yoki bu sabablar bo'yicha mahsulot xarid qilishni bozor muvozanati erishiladigan vaqtgacha kutib o'tira olmaydilar. Bundan tashqari ishlab chiqaruvchi ham o'z mahsulotini iloji boricha p_0 narxdan yuqoriroq bahoda sotishga harakat qiladi. Shu sababli iste'molchi talab etgan q_0 hajmdagi mahsulotni ishlab chiqaruvchi bozorga birdaniga chiqarmasdan va uning hammasini birdaniga p_0 narxda sotmasdan, u o'z mahsulotini Δq_i ($i=1,2,3,\dots, n$) hajmdagi kichik-kichik partiyalarda bozorga chiqarib, uni $f(q_i) > p_0$ narxda sotadi. Natijada iste'molchi o'ziga kerak bo'lgan q_0 hajmdagi mahsulotni xarid qilish uchun $p_0 q_0$ miqdorda xarajat qilish o'rniga

$$S_n(f) = \sum_{i=1}^n f(q_i) \Delta q_i$$

miqdor xarajat qiladi. Mahsulot ishlab chiqarish va uni xarid qilish jarayonlari uzluksiz ravishda ro'y berib turadi. Shu sababli $f(x)$ talab funksiyasini uzluksiz va mahsulotni kichik-kichik Δq_i hajmli partiyalar soni $n \rightarrow \infty$ deb olish mumkin. Bu holda, aniq integral ta'rifiga asosan, iste'molchining q_0 hajmdagi mahsulotni xarid qilish uchun qilgan xarajatining asl qiymati quyidagi formula bilan aniqlanadi:

$$S = \lim_{n \rightarrow \infty} S_n(f) = \lim_{n \rightarrow \infty} \sum_{i=1}^n f(q_i) \Delta q_i = \int_0^{q_0} f(q) dq$$

Bu yerdan ko'rinadiki, agar iste'molchi o'zi talab etgan q_0 hajmdagi mahsulotni p_0 bozor muvozanati narxida xarid qilganda, uning xarajatlari

$$CS = S - p_0 q_0 = \int_0^{q_0} f(q) dq - p_0 q_0 = \int_0^{q_0} [f(q) - p_0] dq$$

miqdorda kam bo'lar edi. Shu sababli CS iste'molchining yutug'i, ba'zan esa iste'molchining ortiqcha xarajati deb yuritiladi. Yuqoridagi 2-rasmda bu ko'rsatkich $p_0 E_0 C$ egri chiziqli trapetsiya yuzasi kabi ifodalanadi.

Xuddi shuningdek, ishlab chiqaruvchi bozor muvozanatida o'zi taklif etgan q_0 hajmdagi mahsulotni p_0 narxda sotganda $p_0 q_0$ miqdordagi pul mablag'iga ega bo'lar edi. Ammo u bozor muvozanati bo'lishini kutib o'tirmasdan, Δq_i hajmda ($i=1,2,3,\dots, n$) ishlab chiqargan mahsulotini darhol bozorga chiqarib, uning har birligini $g(q_i) < p_0$ narxda sotadi. Natijada ishlab chiqaruvchining q_0 hajmdagi mahsulotni sotish orqali erishgan asl pul mablag'i quyidagicha bo'ladi:

$$S = \lim_{n \rightarrow \infty} S_n(g) = \lim_{n \rightarrow \infty} \sum_{i=1}^n g(q_i) \Delta q_i = \int_0^{q_0} g(q) dq < p_0 q_0$$

Shunday qilib, ishlab chiqaruvchi o'z mahsulotini bozor muvozanati

$$PS = p_0 q_0 - \int_0^{q_0} g(q) dq = \int_0^{q_0} [p_0 - g(q)] dq$$

shartida sotganda qoshimcha pul mablag'iga ega bo'lar edi. Shu sababli PS ishlab chiqaruvchining yutug'i deb ataladi. Yuqoridagi 2-rasmda bu ko'rsatkich $P p_0 E_0$ egri chiziqli trapetsiya yuzasi kabi ifodalanadi.

Masalan, talab funksiya $p=f(q)=240-q^2$, taklif funksiya esa $p=g(q)=q^2+2q+20$ ko'rinishda bo'lganda iste'molchi va ishlab chiqaruvchi yutuqlarini aniqlaymiz. Buning uchun dastlab ushbu tenglamalar sistemasini yechamiz:

$$\begin{cases} p = 240 - q^2 \\ p = q^2 + 2q + 20 \end{cases} \Rightarrow \begin{cases} p = 240 - q^2 \\ 240 - q^2 = q^2 + 2q + 20 \end{cases} \Rightarrow \begin{cases} p = 240 - q^2 \\ q^2 + q - 110 = 0 \end{cases} \Rightarrow \begin{cases} p_0 = 140 \\ q_0 = 10 \end{cases}$$

Demak, bozor muvozanati narxi $p_0=140$, hajmi esa $q_0=10$ bo'ladi. Unda, (6) formulaga asosan, iste'molchining yutug'i

$$CS = \int_0^{q_0} [f(q) - p_0] dq = \int_0^{10} [240 - q^2 - 140] dq = \left(100q - \frac{q^3}{3} \right) \Big|_0^{10} = 666, (6) \approx 667$$

ishlab chiqaruvchining yutug'i esa, (7) formulaga asosan,

$$PS = \int_0^{q_0} [p_0 - g(q)] dq = \int_0^{10} [120 - q^2 - 2q] dq = \left(120q - \frac{q^3}{3} - q^2 \right) \Big|_0^{10} = 766, (6) \approx 767$$

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. G.Fixtengolts "Matematik analiz asoslari". I, II tom - Toshkent: O'qituvchi 1970
2. T.A.Azlarov, X.Mansurov. "Matematika analiz". 1-qism. -T., O'qituvchi 1986
3. T.A.Azlarov, X.Mansurov. "Matematika analiz". 2-qism. -T., O'qituvchi 1989

KORXONA VOSITALARIDAN OPTIMAL FOYDALANISH MASALASI

A.T. Omonov,

“Amaliy matematika” kafedrasida katta o‘qituvchisi,

TDIU

Sanoat korxonalarida bir nechta asbob-uskunalar mavjud. Ularni 2 turga bo‘lish mumkin: 1. Agar vositalarda faqat bitta operatsiya bajarish mumkin bo‘lsa, ularni o‘zaro almashishi mumkin bo‘lmagan vositalar deb aytiladi. 2. Agar vositalarda bir nechta turdagi operatsiyalar qilinsa, ularni o‘zaro almashuvchi vositalar deyiladi. Birinchi turdagi vositalarda detalga ketma-ket ishlov beriladi. Agar har bitta detalga har bitta dastgohda ishlov berish vaqti aniq bo‘lsa, dastgohlarning ish vaqti fondi, hamda tayyor mahsulotlardan olinadigan foyda aniqlansa, masalani yechish maqsadi vositalarni optimal ish rejasini topish bo‘ladi. Boshqa so‘z bilan aytganda, qaysi turdagi detalni va qancha ishlab chiqarish kerakki, ulardan olingan foyda eng maksimal bo‘lish uchun. Quyidagi belgilarni kiritamiz. j – mahsulotlar turlari; C_j – detal birligidan olinadigan foyda; a_{ij} – i turdagi vositadan j turdagi mahsulot birligiga ishlov berish uchun ketgan vaqt xarajati; A_i – i turdagi vositasini ish vaqti fondi; X_j – optimal rejada ishlab chiqariladigan j – turdagi mahsulotlar soni. Iqtisodiy-matematik modeli. $F = \sum_j C_j X_j$ max mahsulotlardan olinadigan foyda eng maksimal bo‘lishi kerak. 1. X_j – mahsulotni i – vositada ishlab chiqarganda, unga ketgan vaqt xarajati vositalarni ish vaqti foizidan oshib ketmasligi sharti $\sum_i a_{ij} X_j \leq A_i$. $X_j > 0$. Yuqorida ko‘rilgan model korxonada ishlab chiqarish quvvatidan foydalanishning optimal variantini to‘liq aniqlay olmaydi. Shuning uchun ishlab chiqarish programmasini bir nechta variantlarda, masalan, korxonada yillik rejasining bajarilishini hisobga olgan holda, reja tuzilishini o‘zgartirmay, maksimal mahsulot ishlab chiqarish, mahsulotning uning to‘la turlari bo‘yicha ishlab chiqarish, asbob uskunalaridan to‘la foydalanish, maksimal foyda olish programmasini bajarish kabilarni hisobga olib qaraganda, korxonada ishlab chiqarish quvvatidan oqilona foydalangan bo‘ladi. Sanoat korxonalarida ba‘zan mahsulot ishlab chiqarish uchun avtomatlar, avtomat liniyalar yoki ma‘lum bir guruhdagi vositalar ishtirok etishi mumkin. Masalan, detal ishlab chiqarishda bir qancha o‘zaro almashuvchi stanoklardan foydalanadi. Bu asbob-uskunalarining mehnat unumdorligi, mahsulot ishlab chiqarish uchun

sarflanadigan vaqti, tannarxi har xil bo'lishi mumkin. Shuning uchun bunday vaqtda asbob-uskunalaridan optimal foydalanib, mahsulot ishlab chiqarishni taqsimlash masalasini matematik tarzda ifodalash zarur. Masalaning iqtisodiy qo'yilishi. Bir necha xil vositalar mavjud. Har bir turdagi vositada bir necha turdagi mahsulot ishlab chiqarilishi mumkin. Ya'ni har bir vosita turini vaqt fondi ma'lum. Har bir detalni ishlab chiqarish tannarxi ham aniq.

Detallarni ishlab chiqarish vositalarda ishlov berish uchun shunday taqsimlash kerakki, umumiy ketgan xarajatlarning miqdori minimal bo'lsin. Masalani formalizatsiyalashtiramiz. j – detal turining nomeri; A_{ij} – turdagi vositaning ish vaqti fondi; L_{ij} – turdagi detalni bir-birligiga i nomerdagi vositada ishlov berish vaqt xarajati normativi; B_{jj} – turdagi detalga ishlov berish rejas; C_{ij} – turdagi vositada bir dona j turdagi mahsulot ishlab chiqarish uchun ketadigan xarajatlar; X_{ij} – turdagi vositadan ishlab chiqaradigan j – turdagi detallar soni. Iqtisodiy-matematik model. Masalaning maqsadi: Detallarga ishlov berish uchun ketgan umumiy xarajatlar eng kam bo'lsin, $F C X = \cdot \rightarrow \sum \sum_{ij} ij \min 1$. Detallarga ishlov berganda i turdagi vosita vaqt xarajati shu vositani ish vaqt fondidan ortib ketmasin, $L X A_{ij} ij i \sum \cdot \leq, 2$. Hamma turdagi vositalarda ishlov berilgan detallarni soni ishlab chiqarish rejasiga teng bo'lishi kerak, $\sum X_{ij} j = B, 3. 0 X_{ij} >$

KARRALI XARAKTERISTIKALI TOQ TARTIBLI TENGLAMA UCHUN BIR CHEGARAVIY MASALA HAQIDA

O.T. Qurbonov,

“Amaliy matematika” kafedresi dotsenti, TDIU

Annotatsiya: Egri chiziqli sohada karrali xarakteristikali toq tartibli chiziqsiz tenglama uchun bir chiziqsiz chegaraviy masala uzluksiz funksiyalar fazosida o'rganilgan. Yechimning yagonaligi energiya integrali va unga ba'zi elementar tengsizliklarni qo'llash yordamida isbotlangan. Yechimning mavjudligi unga teng kuchli Gammershteyn tipidagi integral tenglamalar sistemasiga keltirilgan va kompaklik usuli yordamida global yechim mavjudligi ta'minlangan.

Tayanch iboralar: energiya integrali, Fridrixs tengsizligi, Lipshis sharti, Grin funksiyasi, Gammershteyn tenglamasi, Arsel teoremasi, qisqartirib aks ettirish, chekli soha, kompak soha, lokal yechim, global yechim.

$D = \{(x, y) : h_1(y) < x < h_2(y), 0 < y \leq 1\}$ sohada shunday $u(x, y)$ funksiya topilsinki, u quyidagi xossalarga ega bo'lsin:

$$1) u(x, y) \in C^{3,1}(D) \cap C^{2,0}(x = h_2(y), 0 < y \leq 1) \cap C^{1,0}(\bar{D});$$

2) D sohada

$$L(x, y) \equiv u_{xxx} - u_y = f(x, y, u(x, y)) \quad (1)$$

tenglamaning regular yechimi bo'lsin;

3) quyidagi

$$u(x, 0) = u_0(x), \quad h_1(0) \leq x \leq h_2(0) \quad (2)$$

$$u(h_1(y), y) = \varphi(y), \quad 0 \leq y \leq 1 \quad (3)$$

$$u_x(h_1(y), y) = \psi(y), \quad 0 \leq y \leq 1 \quad (4)$$

$$u_{xx}(h_2(y), y) + \alpha u_x(h_2(y), y) = g(u(h_2(y), y), y), \quad 0 \leq y \leq 1 \quad (5)$$

shartlarni va burchak nuqtalarda

$$u_0''(h_2(0)) + u_0'(h_2(0)) = g(u_0(h_2(0)), 0),$$

$$u_0(h_1(0)) = \varphi(0), \quad u_0'(h_1(0)) = \psi(0).$$

kelishuvlik shartlari o'rinli bo'lsin.

Teorema (yechimning yagonaligi). $h_r(y) \in C^1[0;1], r=1,2$ va $g(u, y), f(x, y, u(x, y))$ funksiyalar o'z argumentlarining $0 \leq y \leq 1$ hamda har qanday $|u| < \infty$ uzluksiz funksiyalari bo'lib, quyidagi shartlarni qanoatlantirsin:

$$|g(u_1, y) - g(u_2, y)| \leq l(y)|u_1 - u_2| \quad (6)$$

$$|f(x, y, u_1) - f(x, y, u_2)| \leq L(x, y)|u_1 - u_2|. \quad (7)$$

U holda (1) - (5) masala yagona yechimga ega bo'ladi.

Yechimning yagonaligi energiya integrali va unga ba'zi elementar tengsizliklarni qo'llash orqali isbotlangan.

Teorema (yechimning mavjudligi). Yechimning yagonaligi teoremasidagi shartlar bilan bir qatorda quyidagi shartlar ham o'rinli bo'lsin:

$$u_0(x) \in C^3[h_1(0); h_2(0)], \varphi(y) \in C^2[0;1], \varphi(0) = 0, \psi(y) \in C^1[0;1],$$

$$\frac{\partial}{\partial y}(f(x, y, u)) \in C(\bar{D}), f(x, 0, u(x, 0)) = 0.$$

Shuningdek, $y \in [0;1]$ da har qanday $|u| < \infty$ uchun

$$|g(u, y)| < M_1, |g_u(u, y)| < M_2, |g_y(u, y)| < M_3$$

hamda $(x, y) \in D$ va $|u| < \infty$ uchun

$$|f(x, y, u)| < M_4, |f_x(x, y, u)| < M_5, |f_y(x, y, u)| < M_6,$$

$$|f_u(x, y, u)| < M_7$$

munosabatlar o'rinli bo'lsin.

U holda (1) - (5) masalaning yechimi mavjud.

Yechimning mavjudligi quyidagicha isbotlangan: yordamchi masala uchun Grin funksiyasi tuzilgan va shu masala yechimi yordamida (1) - (5) masala $u(x, y)$, $u(h_2(\eta), \eta) = \tau(\eta)$ va $u_x(h_2(\eta), \eta) = \nu(\eta)$ noma'lumlarga nisbatan Gammershteyn tipidagi chiziqsiz integral tenglamalar sistemasiga keltirilgan. Lokal sohada yechimning mavjudligi kompaklik usulida ko'rsatilgan va global yechim mavjudligi asoslangan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. L. Cattabriga. *Un problem al contorno per una equazione parabolica di ordin dispari. Amali della Souola Normale Superiore di Pisa a Matematichia. Seria III. Vol XIII. Fasc. II. 1959. - P.163 - 203.*
2. Джураев Т.Д. Краевые задачи для уравнений смешанного и смешанно-составного типов. - Ташкент: Фан. 1979 г.
3. Абдиназаров С., Хашимов А.Р. О краевые задачи для уравнений третьего порядка с кратными характеристиками и разрывными коэффициентами. // Уз МЖ. 1993. №1. с. 3 - 12.
4. Хашимов А.Р. Нелинейные краевые задачи для уравнения третьего порядка с кратными характеристиками // Уз МЖ. 1993. № 2. с. 97 - 102.
5. Курбанов О.Т., Холбоев Б.М. Об одной нелинейной краевой задаче для уравнения нечетного порядка с кратными характеристиками // Уз МЖ. 2003. № 3 - 4. с. 35 - 40.

KOMBINATORIKA ELEMENTLARI

M. Y. Saidova,

“Amaliy matematika” kafedrasi assistenti, TDIU

Annotatsiya: Bir qator amaliy masalalarni yechish uchun berilgan to'plamdan uning qandaydir xossaga ega bo'lgan elementlarini tanlab olish va ularni ma'lum bir tartibda joylashtirishga to'g'ri keladi.

Kirish Ta'rif. Biror chekli to'plam elementlari ichida ma'lum bir xossaga ega bo'lgan elementlaridan iborat qism to'plamlarni tanlab olish yoki to'plam elementlarini ma'lum bir tartibda joylashtirish bilan bog'liq masalalar kombinatorik masalalar deyiladi.

Masalan, o'nta ishchidan to'rt kishidan iborat brigadalarni necha xil usulda tuzish mumkinligini (ishlab chiqarishni tashkil etish), molekulada atomlar qanday usullarda birlashishi mumkinligi (kimyo), oqsil moddalarda aminokislotalarni qanday tartiblarda joylashtirish mumkinligi (biologiya), turli bloklardan iborat mexanizmدا bu bloklarni turli tartiblarda birlashtirish (konstruktorlik), bir necha dala uchastkalarida turli xil ekinlarni almashtirib ekish (agronomiya), davlat byudjetini ishlab chiqarish tarmoqlari bo'yicha taqsimoti (iqtisodiyot) kabilar kombinatorik masalalarga kiradi va kombinatorikani inson faoliyatining turli yo'nalishlarida qo'llanishini ko'rsatadi.

Ta'rif. Kombinatorik masalalar bilan shug'ullanadigan matematik fan kombinatorika deyiladi.

Kombinatorikani mustaqil fan sifatida birinchi bo'lib olmon matematigi G.Leybnits o'rgangan va 1666-yilda “Kombinatorika san'ati haqida” asarini chop etgan. Kombinatorikada qo'shish va ko'paytirish qoidasi deb ataluvchi ikkita asosiy qoida mavjud.

Qo'shish qoidasi. Agar biror α tanlovni $m(\alpha)$ usulda, β tanlovni $m(\beta)$ usulda amalga oshirish mumkin bo'lsa va bu yerda α tanlovni ixtiyoriy tanlash usuli β tanlovni ixtiyoriy tanlash usulidan farq qilsa, u holda “ α yoki β ” tanlovni amalga oshirish usullari soni $m(\alpha \text{ yoki } \beta) = m(\alpha) + m(\beta)$ formuladan topiladi.

Ko'paytirish qoidasi. Agar biror α tanlovni $m(\alpha)$ usulda, β tanlovni $m(\beta)$ usulda amalga oshirish mumkin bo'lsa, u holda “ α va β ” tanlovni (yoki (α, β) juftlikni) amalga oshirish usullari soni $m(\alpha \text{ va } \beta) = m(\alpha) \cdot m(\beta)$ formuladan topiladi.

Kombinatorik masalalarni yechishda ko'p qo'llaniladigan tushunchalardan biri o'rin almashtirish tushunchasidir.

Ta'rif. Chekli va n ta elementdan iborat to'plamning barcha elementlarini faqat joylashish tartibini o'zgartirib qism to'plam hosil qilish n elementli o'rin almashtirish deb ataladi.

Berilgan n ta elementdan tashkil topadigan o'rin almashtirishlar soni P_n bilan belgilanadi.

Teorema. n ta elementdan iborat o'rin almashtirishlar soni $P_n = n!$ formula bilan hisoblanadi.

Bu yerda $n!$ – en faktorial deb o'qiladi va $n! = 1 \cdot 2 \cdot 3 \cdot \dots \cdot n$ kabi aniqlanadi. Bunda $0! = 1$ deb olinadi. Masalan, $3! = 1 \cdot 2 \cdot 3 = 6$, $4! = 1 \cdot 2 \cdot 3 \cdot 4 = 24$, $5! = 1 \cdot 2 \cdot 3 \cdot 4 \cdot 5 = 120$ va hokazo. Faktoriallarni hisoblashda $(n + 1)! = n! \cdot (n + 1)$ tenglikdan foydalanish qulay bo'ladi. Masalan, $n = 3$ elementli $\{a, b, c\}$ to'plamdan hosil bo'ladigan o'rin almashtirishlar $\{a, b, c\}, \{b, a, c\}, \{c, b, a\}, \{a, c, b\}, \{b, c, a\}, \{c, a, b\}$ bo'lib, ularning soni $P_3 = 3! = 1 \cdot 2 \cdot 3 = 6$ bo'ladi.

Kombinatorik tushunchalardan yana biri kombinatsiya tushunchasidir.

Ta'rif. Chekli va n ta elementli to'plamning k ($k < n$) ta elementli va kamida bitta element bilan farqlanadigan qism to'plam hosil qilish n elementdan k ta olingan kombinatsiya deyiladi.

Masalan, $\{a, b, c\}$ ko'rinishdagi $n = 3$ elementli to'plamdan ikkita elementli kombinatsiyalar $\{a, b\}, \{a, c\}, \{b, c\}$ bo'lib, ularning soni 3 tadir. Bu yerda $\{b, a\} = \{a, b\}, \{a, c\} = \{c, a\}, \{b, c\} = \{c, b\}$ deb olinadi.

n ta elementdan k tadan olingan kombinatsiyalar soni C_n^k kabi belgilanadi va uning qiymati $C_n^k = \frac{n!}{k!(n-k)!}$ formula yordamida hisoblanadi.

Bu formula orqali kiritilgan C_n^k sonlar yordamida quyidagi tenglikni yozish mumkin:

$$(a + b)^n = a^n + C_n^1 a^{n-1} b + C_n^2 a^{n-2} b^2 + \dots + C_n^{n-1} a b^{n-1} + b^n = \\ = \sum_{k=0}^n C_n^k a^{n-k} b^k.$$

Bu tenglikda n ixtiyoriy natural son bo'lib, u $(a + b)^2$ va $(a + b)^3$ qisqa ko'paytirish formulalarining umumlashmasini ifodalaydi va uni Nyuton binomi deb ataladi. Unga kiruvchi C_n^k sonlari binomial koeffitsiyentlar deb ataladi.

Agar Nyuton binomida $a = b = 1$ yoki $a = 1, b = -1$ deb olsak, unda $\sum_{k=0}^n C_n^k = 2^n, \sum_{k=0}^n (-1)^k C_n^k = 0$ tengliklar o'rinli bo'ladi.

Agar formulada k o'rniga $n - k$ qo'yilsa yoki $k = 0$ yoki $k = n$ deb olinsa, unda $C_n^k = C_n^{n-k}, C_n^0 = C_n^n = 1$ tengliklar hosil bo'ladi. Bular kombinatsiyalarni hisoblashni osonlashtiradi.

Kombinatorik masalalarni yechishda o'rinashtirish deb ataluvchi tushunchadan ham foydalaniladi.

Ta'rif. Chekli va n ta elementdan iborat to'plamdan bir-biridan yoki elementlari yoki elementlarining joylashish tartibi bilan farq qiladigan va k ta elementdan iborat qism to'plamlarni hosil qilish n elementdan k tadan o'rinashtirish deb ataladi.

Berilgan n ta elementdan k tadan o'rinlashtirishlar soni A_n^k kabi belgilanadi va uning qiymati

$A_n^k = n(n-1)(n-2) \cdots [n-(k-1)]$ yoki $A_n^k = \frac{n!}{(n-k)!}$ formula bilan hisoblanadi.

Masalan, $\{a, b, c\}$ to'plamdan $n = 3$ elementdan $k = 2$ tadan o'rinlashtirishlar $\{a; b\}, \{b; a\}, \{a; c\}, \{c; a\}, \{b; c\}, \{c; b\}$ bo'lib, ularning soni $A_3^2 = 3 \cdot 2 \cdot 1 = 6$ yoki $A_3^2 = \frac{3!}{(3-2)!} = \frac{3!}{1} = 6$.

1-Misol. Korxonada 10 erkak va 8 ayol xodim ishlaydi. Shu korxonadan bitta xodimni necha xil usulda tanlab olish mumkin?

Yechish: α – erkak xodimni tanlash, β – ayol xodimni tanlash bo'lsin. U holda, shartga ko'ra, $m(\alpha) = 10, m(\beta) = 8$ bo'lgani uchun bitta xodimni $m(\alpha \text{ yoki } \beta) = m(\alpha) + m(\beta) = 10 + 8 = 18$ usulda tanlash mumkin.

2-Misol. 10 ta talabadan iborat guruhga ikkita yo'llanma ajratildi. Bu yo'llanmalarni necha xil usul bilan tarqatish mumkin?

Yechish: α birinchi yo'llanmani, β esa ikkinchi yo'llanmani tarqatishni ifodalasin. U holda $m(\alpha) = 10$ va $m(\beta) = 9$, chunki bitta talabaga birinchi yo'llanma berilganda, ikkinchi yo'llanmaga to'qqizta talaba davogar bo'ladi. Demak, ikkinchi yo'llanmani tarqatishlar soni $m(\alpha \text{ va } \beta) = m(\alpha) \cdot m(\beta) = 10 \cdot 9 = 90$ ga teng bo'ladi.

3-Misol. Qurilishda 10 ta suvoqchi va 8 ta bo'yoqchi ishlaydi. Ulardan bir suvoqchi va bir bo'yoqchidan iborat juftlikni necha usulda tanlash mumkin?

Yechish: $m(\alpha) = 10$ va $m(\beta) = 8$ bo'lgani uchun $m(\alpha \text{ va } \beta) = m(\alpha) \cdot m(\beta) = 10 \cdot 8 = 80$.

4-Misol. Nazoratchi korxonada ishlab chiqarilgan 5 ta mahsulot sifatini ketma-ket tekshirishi kerak. Nazoratchi buni nechta usulda amalga oshirishi mumkin?

Yechish: Bu 5 ta mahsulot sifatini ketma-ket tekshirishlar 5 tadan o'rinlashtirishlardan iborat.

Ya'ni, $P_5 = 5! = 1 \cdot 2 \cdot 3 \cdot 4 \cdot 5 = 120$ bo'ladi.

5-Misol. Ishlab chiqarish korxonasini tekshirish uchun besh kishidan iborat guruh ajratildi. Shu besh kishidan tarkibida uch kishi bo'lgan guruhni necha xil usulda tuzish mumkin.

Yechish: $C_n^k = \frac{n!}{k!(n-k)!}$ formuladan foydalanamiz. Bizda $n = 5, k = 3$ bo'lgani uchun $C_5^3 = \frac{5!}{3!(5-3)!} = \frac{1 \cdot 2 \cdot 3 \cdot 4 \cdot 5}{1 \cdot 2 \cdot 3 \cdot 2!} = \frac{4 \cdot 5}{1 \cdot 2} = \frac{20}{2} = 10$.

6-Misol. Tikuvchilik fabrikasida ishlayotgan xodimga haftaning ixtiyoriy ikki kunini dam olish uchun tanlash imkoni berildi. Xodim dam olish kunlarini necha usulda tanlashi mumkin?

Yechish: Hafta kunlarini $n = 7$ elementli $\{1, 2, 3, 4, 5, 6, 7\}$ to'plam sifatida qarasaq, dam olish kunlari $\{1, 2\}, \{1, 3\}, \{1, 4\}, \dots$ kabi juftliklardan iborat

bo'ldi. Bunda $\{i, j\}$ va $\{j, i\}$ bitta variantni ifodalaydi. Demak, dam olish kunlarini tanlash $n = 7$ elementdan $k = 2$ tadan kombinatsiyalarni tashkil etadi va ularning soni $C_7^2 = \frac{7!}{2!(7-2)!} = \frac{7!}{2!5!} = \frac{6 \cdot 7}{1 \cdot 2} = \frac{42}{2} = 21$ bo'ldi.

7-Misol. Talaba 4 ta fan bo'yicha qo'shimcha tayyorlanish uchun ularning har biriga haftaning bir kunini ajratmoqchi bo'ldi. Talaba hafta kunlarini fanlarga necha usulda taqsimlashi mumkin?

Yechish: Talabani I–IV fanlari uchun haftaning tanlagan kunlarini $k = 4$ ta elementli $X = \{x_1, x_2, x_3, x_4\}$ to'plam, hafta kunlarini esa $n = 7$ elementidan iborat $H = \{1, 2, 3, 4, 5, 6, 7\}$ to'plam sifatida qaraymiz. Bu holda $X \subset H$ bo'lib, uni hosil etish $n = 7$ elementlidan $k = 4$ tadan o'rinlashtirishlarga mos keladi, chunki bu holda elementlarning joylashishi tartibi ham ahamiyatga ega. Masalan, $\{2, 4, 6, 7\}$ taqsimotda birinchi fanga dushanba (2), ikkinchi fanga chorshanba (4), uchinchi fanga juma (6) va to'rtinchi fanga shanba (7) kunlari ajratilgan bo'ldi. Unda $\{4, 2, 6, 7\}, \{6, 4, 2, 7\}$ kabilar turlicha taqsimotlarni ifodalaydi. Demak, talaba fanlarga hafta kunlarini

$$A_7^4 = \frac{7!}{(7-4)!} = \frac{7!}{3!} = 4 \cdot 5 \cdot 6 \cdot 7 = 840 \text{ usulda tanlashi mumkin.}$$

8-Misol. Xorijiy tillar fakulteti ingliz tili yo'nalishining birinchi kursida 10 ta fan o'qitiladi va har kuni 4 xil dars o'tiladi. Kunlik dars necha usul bilan taqsimlab qo'yilishi mumkin?

Yechish: Darslarning barcha mumkin bo'lgan kunlik taqsimoti o'n elementdan to'rttadan olib tuzish mumkin bo'lgan barcha o'rinlashtirishlardan iborat. Uni $A_n^k = \frac{n!}{(n-k)!}$ formuladan foydalanib topamiz. Bizda $n = 10, k = 4$ bo'lgani uchun

$$A_{10}^4 = \frac{10!}{(10-4)!} = \frac{10!}{6!} = \frac{1 \cdot 2 \cdot 3 \cdot 4 \cdot 5 \cdot 6 \cdot 7 \cdot 8 \cdot 9 \cdot 10}{1 \cdot 2 \cdot 3 \cdot 4 \cdot 5 \cdot 6} = 7 \cdot 8 \cdot 9 \cdot 10 = 5040.$$

9-Misol. Butun sonlarning har biri uchta har xil qiymatli raqamlar bilan ifoda qilinadigan bo'lsa, qancha butun son tuzish mumkin?

Yechish: Izlangan son 9 ta qiymatli raqamdan 3 tadan olib tuzilgan o'rinlashtirishlardan iborat. Ya'ni,

$$A_9^3 = \frac{9!}{(9-3)!} = \frac{9!}{6!} = 7 \cdot 8 \cdot 9 = 504.$$

Buni $A_n^k = n(n-1)(n-2) \cdots [n-(k-1)]$ formuladan ham topish mumkin. Unga asosan $A_9^3 = 9 \cdot 8 \cdot 7 = 504$.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Yakubova, U., Parpieva, N., & Mirhojaeva, N. (2021).
2. Some Applications of Matrix Theory in Economics. *Bulletin of Science and Practice*, 7(2), 245-253. (in Russian). <https://doi.org/10.33619/2414-2948/63/24>
3. А.С.Расулов, Г.Раимова "Теория вероятностей и математическая статистика", Учебное пособие, Ташкент, Издательство УМЕД, 2002 г

NOMA'LUM PARAMETRLARNI INTERVAL BAHOLASH

Z.T. Xasanova,

“Amaliy matematik” kafedrası assistenti

Annotatsiya: Bu maqolada kuchsiz bog'langan kuzatuvlar natijasi bo'yicha noma'lum matematik kutilma uchun ishonchlik intervali tuzish va tasodifiy miqdorlar yig'indisining dispersiyasi uchun baholarni o'rganish va ularni solishtirish o'rganilgan. Olgan bu natijalar esa statistik tahlil qilishda muhim o'rin tutadi.

Matematik statistikaning asosiy masalalaridan biri noma'lum parametrlarni interval baholash hisoblanadi. Ba'zi hollarda noma'lum parametr p ning aniq qiymati emas, balki yetarlicha katta ehtimollik bilan uning qiymatini statistik ma'lumotlar asosida aniqlanadigan biror $[\hat{p}_1; \hat{p}_2]$ [4] oraliqqa tegishli bo'lishi qiziqtiradi. Bunda oraliq chegaralari \hat{p}_1 va \hat{p}_2 [4] tasodifiy miqdorlar faqat hodisalar ro'y berish soniga bog'liq bo'ladi. Buning uchun quyidagi ta'rifni kiritamiz.

1-Ta'rif: $\{X_n\}$ ketma –ketlikni α –qorishmalilik shartini qanoatlantiradi deyiladi. Agar $\lim_{k \rightarrow \infty} \alpha(k) = 0$ bo'lsa.

Biz X_n larni quyidagi ko'rinishda yozib olish mumkin deb hisoblaymiz. $X_i = (f(Y_{i+k})_{k \in Z})$, $i \geq 1$ bu yerda $f: R^z \rightarrow R$ –o'lcholi funksiya va $\{Y_n\}$, α –qorishmalilik shartini qanoatlantiruvchi ketma –ketlik. Markaziy limit teoremasiga ko'ra statsionar ketma-ketlik uchun bog'liqlik shartlarida quyidagi munosabat o'rinli.

$$\frac{1}{\sqrt{n}} \sum_{i=1}^n (X_i - \mu) \xrightarrow{D} N(0, \sigma^2)$$

bu yerda

$$\sigma^2 = D(X_1) + 2 \sum_{k=1}^{\infty} Cov(X_1, X_k)$$

$Cov(X_1, X_k)$ – kovariatsiya.

Bu teorema yordamida μ uchun ishonchlik intervali tuzish mumkin.

Buning uchun σ^2 ni statistik baholash kerak.

X_1, \dots, X_n tanlanma berilgan bo'lsin. Bu tanlanmani uzunliklari l ga teng bo'lgan bloklarga ajratamiz. Quyidagi belgilashlarni kiritamiz

$$\bar{X}_n = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n X_j, \text{ va } \frac{1}{l} S_i(l) = \frac{1}{l} \sum_{j=(i-1)l+1}^{il} X_j,$$

markaziy limit teoremasiga ko'ra $(S_i(l) - l\mu) / \sqrt{l}$ normal $N(0, \sigma^2)$ tasodifiy miqdorga sust yaqinlashadi va $E|S_i(l) - l\mu| \rightarrow \sigma \sqrt{\frac{2}{\pi}}$. Biz μ ning o'rniga \bar{X}_n ni qo'yamiz σ ning bahosi sifatida quyidagini bahoni olamiz.

$$\hat{B}_n = \frac{1}{\left[\frac{n}{l}\right]} \sqrt{\frac{\pi}{2}} \sum_{i=1}^{\left[\frac{n}{l}\right]} \frac{|S_i(l) - lX_n|}{\sqrt{l}} \quad (1)$$

bu yerda $k_n = \left[\frac{n}{l}\right]$ bloklar soni bo'ladi. (1) baho asosli.

σ^2 uchun quyidagi bahoni ko'ramiz va bu baho asosli.

$$\hat{B}_n^{(2)} = \frac{1}{\left[\frac{n}{l}\right]} \sum_{i=1}^{\left[\frac{n}{l}\right]} \left(\frac{|S_i(l) - lX_n|}{\sqrt{l}} \right)^2 \quad i = 1, \dots, \left[\frac{n}{l}\right] \quad k = \left[\frac{n}{l}\right] \quad (2)$$

Bizning maqsadimiz bu baholarni n , l , γ parametrlarning har xil qiymatlarida μ uchun ishonchlik oralig'i qanday bo'lishini o'rganish.

Bunda biz bog'liqsiz va standart normal taqsimotga ega bo'lgan $\{\xi_i\}$ tasodifiy miqdorlarni olamiz va $X_n = \alpha X_{n-1} + \xi_i$ formula bilan X_n larni topamiz. Bu ketma-ketlik α - qorishmalilik shartini qanoatlantiradi. Bu ketma-ketlik orqali (1) va (2) baholarni har xil α , l va γ larda o'rganamiz. Shunday qilib ishonchlik interallarini tuzish uchun tanlanmaning o'rta qiymati X_n , $S(l)$ va \hat{B}_n , $\hat{B}_n^{(2)}$ asosli baholarni topib olamiz undan so'ng ular uchun ishonchlik interallarini tuzamiz. Ishonchlik intervalini tuzishda quyidagi ishonchlik oralig'idan foydalanamiz

$$\left(\bar{x} - \frac{t_{1+\gamma}}{\sqrt{n}} \sigma; \bar{x} + \frac{t_{1+\gamma}}{\sqrt{n}} \sigma \right) \quad (3)$$

bu yerda σ quyidagilarga teng

$$\sigma = \hat{B}_n, \quad \sigma = \sqrt{\hat{B}_n^{(2)}} \quad (4)$$

standart normal taqsimot kvantillari quyidagi jadvalda ko'rsatilgan.

| | | | | | | | |
|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|--------|
| p | 0.90 | 0.95 | 0.975 | 0.99 | 0.995 | 0.999 | 0.9995 |
| U_p | 1.282 | 1.645 | 1.960 | 2.326 | 2.576 | 3.090 | 3.291 |

$\xi_i \square N(0,1)$ standart normal taqsimotga ega bo'lgan $n = 100$ ta tanlanma quyidagi ko'rinishda berilgan bo'lsin.

| | | | |
|--------|--------|--------|--------|
| 0,926 | -1,055 | 0,96 | -0,918 |
| -1,851 | -0,162 | -1,983 | -0,725 |
| -0,258 | -0,345 | -1,01 | -0,199 |
| 0,161 | 0,181 | -0,899 | 3,521 |
| -1,501 | 0,856 | -0,911 | 2,945 |
| 0,756 | 0,219 | -0,472 | -0,934 |
| 0,378 | 0,313 | 0,046 | 1,09 |
| -1,229 | 1,393 | 0,595 | 0,748 |
| -0,256 | -0,963 | 0,971 | 1,372 |
| 0,415 | 1,394 | 0,303 | 1,678 |
| 1,096 | -0,513 | -0,457 | 1,356 |
| 1,375 | 0,007 | -1,53 | 1,598 |
| 0,194 | -0,136 | -1,376 | 0,147 |
| 0,412 | -0,511 | 0,598 | -0,246 |
| 1,179 | -0,736 | 0,012 | 0,571 |
| -0,488 | -0,491 | 1,231 | 1,974 |
| -1,618 | 0,779 | 1,279 | 1,579 |
| 0,761 | -0,005 | 0,321 | -0,631 |
| -0,486 | -1,163 | 0,321 | -0,69 |
| -0,212 | 1,022 | 0,881 | 0,225 |
| -0,169 | -0,555 | 0,712 | -0,057 |
| 0,181 | -0,525 | 0,448 | -0,561 |
| 0,785 | 0,769 | -0,218 | 1,065 |
| 1,192 | 1,033 | -0,482 | -0,121 |
| 0,906 | -2,051 | -0,15 | 1,239 |

Biz ishonchlik intervalini (3) formula orqali topamiz. (4) formula bilan σ larni hisoblab olamiz.

γ ishonchlik darajasining quyidagi $\gamma = 0,95$, $\gamma = 0,99$ qiymatlarida ishonchlik intervallarini tuzamiz. Buning uchun quyidagi 2 ta holni qaraymiz.

1-hol. $n = 100$, $\alpha = 0.1$ va ishonchlik darajalari $\gamma = 0,95$, $\gamma = 0,99$ bo'lgan holda biz ishonchlik intervallarini tuzamiz. Hisoblashlardan so'ng X_n tanlanma quyidagi ko'rinishda bo'ldi.

| X_n | | | | X_{100} |
|----------|----------|----------|----------|-----------|
| 0,926 | -0,95168 | 0,765942 | -0,93799 | 0,183292 |
| -1,7584 | -0,25717 | -1,90641 | -0,8188 | |
| -0,43384 | -0,37072 | -1,20064 | -0,28088 | |
| 0,117616 | 0,143928 | -1,01906 | 3,492912 | |
| -1,48924 | 0,870393 | -1,01291 | 3,294291 | |
| 0,607076 | 0,306039 | -0,57329 | -0,60457 | |
| 0,438708 | 0,343604 | -0,01133 | 1,029543 | |

| | | | | |
|----------|----------|----------|----------|--|
| -1,18513 | 1,42736 | 0,593867 | 0,850954 | |
| -0,37451 | -0,82026 | 1,030387 | 1,457095 | |
| 0,377549 | 1,311974 | 0,406039 | 1,82371 | |
| 1,133755 | -0,3818 | -0,4164 | 1,538371 | |
| 1,488375 | -0,03118 | -1,57164 | 1,751837 | |
| 0,342838 | -0,13912 | -1,53316 | 0,322184 | |
| 0,446284 | -0,52491 | 0,444684 | -0,21378 | |
| 1,223628 | -0,78849 | 0,056468 | 0,549622 | |
| -0,36564 | -0,56985 | 1,236647 | 2,028962 | |
| -1,65456 | 0,722015 | 1,402665 | 1,781896 | |
| 0,595544 | 0,067202 | 0,461266 | -0,45281 | |
| -0,42645 | -1,15628 | 0,367127 | -0,73528 | |
| -0,25464 | 0,906372 | 0,917713 | 0,151472 | |
| -0,19446 | -0,46436 | 0,803771 | -0,04185 | |
| 0,161554 | -0,57144 | 0,528377 | -0,56519 | |
| 0,801155 | 0,711856 | -0,16516 | 1,008481 | |
| 1,272116 | 1,104186 | -0,49852 | -0,02015 | |
| 1,033212 | -1,94058 | -0,19985 | 1,236985 | |

$l = 5$ bo'lganda ishonchlilik intervallarini tuzamiz. Bu jarayonda natija shuni ko'rsatadiki ishonchlilik darajasining ikki qiymatida ham ishonchlilik intervali $\hat{B}_n^{(2)}$ da qisqaroq bo'ldi. Buni isbotini quyidagi jadvaldan ko'rishimiz mumkin.

| Tanlanma hajmi | n=100 | |
|--------------------------|-------------------------|---------|
| | l=5 | |
| | k=20 | |
| | 0,1 | |
| Tanlanmani o'rta qiymati | 0,183292 | |
| B_100 | 1,378001 | |
| B^2_100 | 0,884021 | |
| Ishonchlilik darajasi 1 | 0,95 | |
| Ishonchlilik intervali 1 | T_1=(-0,0868;0,45338) | B_100 |
| | T_2=(-0,06669;0,433275) | B^2_100 |
| Ishonchlilik darajasi 2 | 0,99 | |
| Ishonchlilik oralig'I 2 | T_1=(-0,17168;0,538265) | B_100 |
| | T_2=(-0,14526;0,511841) | B^2_100 |

Jadvalda \hat{B}_n va $\hat{B}_n^{(2)}$ baholarning qiymatlari berilgan. Bu yerdagi T_1, T_2 lar mos ravishda ishonchlilik darajasining ikki qiymatidagi \hat{B}_n va $\hat{B}_n^{(2)}$ baholarning ishonchlilik intervallarini ifodalaydi (bu va bundan keying hollarda).

$l = 10$ bo'lganda ishonchlilik intervali quyidagicha bo'ldi.

Ishonchlilik darajasi γ ning ikkita qiymatida ham \hat{B}_n ning ishonchlilik intervali qisqaroq ekan.

| Tanlanma hajmi | n=100 | |
|-------------------------------|-------------------------------------|-------------------------------|
| | l=10 | |
| | k=10 | |
| | 0,1 | |
| Tanlanma o'рта qiymati | 0,183292 | |
| B ₁₀₀ | 1,613253 | |
| B ² ₁₀₀ | 1,817589 | |
| Ishonchlik darajasi 1 | 0,95 | |
| Ishonchlik intervali 1 | T ₁ =(-0,13291;0,49949) | B ₁₀₀ |
| | T ₂ =(-0,17296;0,53954) | B ² ₁₀₀ |
| Ishonchlik darajasi 2 | 0,99 | |
| Ishonchlik intervali 2 | T ₁ =(-0,23228;0,598866) | B ₁₀₀ |
| | T ₂ =(-0,28492;0,651503) | B ² ₁₀₀ |

$l = 20$ bo'lganda natija shuni ko'rsatayaptiki, \hat{B}_n bahoning ishonchlik intervali, γ ishonchlik darajasining ikki qiymatida ham qisqaroq bo'ldi.

| Tanlanma hajmi | n=100 | |
|-------------------------------|--------------------------------------|-------------------------------|
| | l=20 | |
| Blok uzunligi | k=20 | |
| | 0,1 | |
| Tanlanmani o'рта qiymati | 0,183292 | |
| B ₁₀₀ | 1,361597 | |
| B ² ₁₀₀ | 1,84298 | |
| Ishonchlik darajasi 1 | 1,96 | |
| Ishonchlik intervali 1 | T ₁ =(-0,08358;0,450165) | B ₁₀₀ |
| | T ₂ =(-0,177930;0,544518) | B ² ₁₀₀ |
| Ishonchlik darajasi 2 | 0,99 | |
| Ishonchlik oralig'I 2 | T ₁ =(-0,16746;0,53404) | B ₁₀₀ |
| | T ₂ =(-0,29146;0,658046) | B ² ₁₀₀ |

2 – hol. $n = 100, \alpha = 0.2$ da X_n tanlanmani topib olamiz va ishonchlik darajalari $\gamma = 0.95$ va $\gamma = 0.99$ bo'lganda ishonchlik intervallarini topamiz.

| X_n | | | | X-100 |
|----------|----------|----------|----------|----------|
| 0,926 | -0,81962 | 0,596305 | -0,96802 | 0,204618 |
| -1,6658 | -0,32592 | -1,86374 | -0,9186 | |
| -0,59116 | -0,41018 | -1,38275 | -0,38272 | |
| 0,042768 | 0,098963 | -1,17555 | 3,444456 | |
| -1,49245 | 0,875793 | -1,14611 | 3,633891 | |
| 0,457511 | 0,394159 | -0,70122 | -0,20722 | |
| 0,469502 | 0,391832 | -0,09424 | 1,048556 | |
| -1,1351 | 1,471366 | 0,576151 | 0,957711 | |
| -0,48302 | -0,66873 | 1,08623 | 1,563542 | |
| 0,318396 | 1,260255 | 0,520246 | 1,990708 | |
| 1,159679 | -0,26095 | -0,35295 | 1,754142 | |

| | | | | |
|----------|----------|----------|----------|--|
| 1,606936 | -0,04519 | -1,60059 | 1,948828 | |
| 0,515387 | -0,14504 | -1,69612 | 0,536766 | |
| 0,515077 | -0,54001 | 0,258776 | -0,13865 | |
| 1,282015 | -0,844 | 0,063755 | 0,543271 | |
| -0,2316 | -0,6598 | 1,243751 | 2,082654 | |
| -1,66432 | 0,64704 | 1,52775 | 1,995531 | |
| 0,428136 | 0,124408 | 0,62655 | -0,23189 | |
| -0,40037 | -1,13812 | 0,44631 | -0,73638 | |
| -0,29207 | 0,794376 | 0,970262 | 0,077724 | |
| -0,22741 | -0,39612 | 0,906052 | -0,04146 | |
| 0,135517 | -0,60422 | 0,62921 | -0,56929 | |
| 0,812103 | 0,648155 | -0,09216 | 0,951142 | |
| 1,354421 | 1,162631 | -0,50043 | 0,069228 | |
| 1,176884 | -1,81847 | -0,25009 | 1,252846 | |

$l=5$ bo'lganda ishonchlik intervali shuni ko'rsatdiki ishonchlik darajasining ikki qiymatida ham $\hat{B}_n^{(2)}$ bahoning ishonchlik intervali qisqa bo'ldi.

| Tanlanma soni | n=100 | |
|--------------------------|--------------------------------|---------|
| | l=5 | |
| | k=20 | |
| | 0,2 | |
| Tanlanmani o'rta qiymati | 0,204618 | |
| B_100 | 1,506249111 | |
| B^2_100 | 1,373014971 | |
| Ishonchlik darajasi 1 | 0,95 | |
| Ishonchlik oralig'I 1 | T_1=(-0,09060694;0,499842712) | B_100 |
| | T_2=(-0,064493049;0,4737882) | B^2_100 |
| Ishonchlik darajasi 2 | 0,99 | |
| Ishonchlik oralig'I 2 | T_1=(-0,183391885;0,59267657) | B_100 |
| | T_2=(-0,149070771;0,558306542) | B^2_100 |

$l=10$ bo'lganda γ ishonchlik darajasining ikki qiymatida ham \hat{B}_n bahoning ishonchlik intervali qisqaroq bo'ldi.

| Tanlanma hajmi | n=100 | |
|----------------------------|--------------------------|---------|
| | l=10 | |
| | k=10 | |
| | 0,2 | |
| Tanlanmaning o'rta qiymati | 0,204618 | |
| B_100 | 1,77287 | |
| B^2_100 | 2,10797 | |
| Ishonchlik darajasi 1 | 0,95 | |
| Ishonchlik intervali 1 | T_1=(-0,142865;0,552101) | B_100 |
| | T_2=(-0,20854;0,61778) | B^2_100 |
| Ishonchlik darajasi 2 | 0,99 | |

| | | |
|---------------------------------|------------------------------|--------------|
| Ishonchlilik intervali 2 | $T_{-1}=(-0,252074;0,66131)$ | B_{-100} |
| | $T_{-2}=(-0,33502;0,747631)$ | B^2_{-100} |

$l = 20$ bo'lganda ishonchlilik intervali quyidagicha bo'ladi.

Demak γ ishonchlilik darajasining ikki qiymatida ham $\hat{B}_n^{(2)}$ bahoning ishonchlilik intervali qisqaroq bo'lar ekan.

| | | |
|-------------------------------------|------------------------------|--------------|
| Tanlanma hajmi | n=100 | |
| | $l=20$ | |
| | $k=5$ | |
| | | 0,2 |
| Tanlanma o'рта qiymati | | 0,204618 |
| B₋₁₀₀ | | 1,971387 |
| B²₋₁₀₀ | | 1,64043 |
| Ishonchlilik oralig'11 | | 0,95 |
| Ishonchlilik intervali 1 | $T_{-1}=(-0,18177;0,59101)$ | B_{-100} |
| | $T_{-2}=(-0,11691;0,526142)$ | B^2_{-100} |
| Ishonchlilik darajasi 2 | | 0,99 |
| Ishonchlilik oralig'12 | $T_{-1}=(-0,30321;0,712447)$ | B_{-100} |
| | $T_{-2}=(-0,21796;0,627193)$ | B^2_{-100} |

Umumiy natija shuni ko'rsatadiki parametrlarning quyidagi qiymatlarida $\alpha = 0.1, l = 10, l = 20, \alpha = 0.2, l = 10$ hamda $\alpha = 0.3, l = 10$ va ishonchlilik darajasining $\gamma = 0.95, \gamma = 0.99$ qiymatlarida \hat{B}_n bahoning ishonchlilik intervali qisqaroq bo'ldi. Demak yuqorida berilgan parametrlarning qiymatlarida \hat{B}_n bahodan foydalanish yaxshi natija berar ekan.

$\alpha = 0.1, l = 5, \alpha = 0.2, l = 5, l = 20, \alpha = 0.3, l = 5$ va ishonchlilik darajalarining $\gamma = 0.95, \gamma = 0.99$ qiymatlarida esa $\hat{B}_n^{(2)}$ bahoning ishonchlilik intervali qisqaroq bo'ladi. Demak α va l ning berilgan qiymatida ishonchlilik intervalini tuzishda $\hat{B}_n^{(2)}$ bahodan foydalanish yaxshi natija berar ekan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Sh.Q.Formanov. Ehtimolliklar nazariyasi. Toshkent, "Universitet", 2014, 264 b.
2. Abdushukurov AA, Nurmuhamedova N.S, Sagdullayev K.S. Matematik statistika (parametrlarni baholash va gipotezalarni tekshirish misollarda) Toshkent, "UNIVERSITET", 2013, 105 b.
3. Bradley, R.C. Introduction to Strong Mixing Conditions. Vol. 1-3. Kendrick Press, Heber City, UT, 2007.
4. Carlstein, E. The use of subseries values for estimating the variance of general stastistic from a stationary sequence. Annals of Statistics 14, 1986, 1171-1179.
5. H.Dehling, R.Fried, O.S.H.Sharipov, D.Vogel, M.Wornowizki. Estimation of the variance of partial sums of dependent processes. Statistics and Probability Letters 83 (2003) 141-147.

RAQAMLI IQTISODIYOTGA O‘TISH SHAROITIDA BANK TIZMIZNI RIVOJLANTIRISHNING ISTIQBOLLI YO‘NALISHLARI

J.K. Karimov,
Amaliy matematika
kafedrasida katta o‘qituvchi, TDIU
F.J. Kuziyeva,
talaba, TDIU,
Z.J. Kuziyeva,
talaba, TDIU

Annotatsiya. Zamon standartlari yildan yilga o‘z ko‘rinish va mantiqini yangilab borar ekan, asosiy talab va urg‘u sifatini oshirish, vaqtni tejash, moliyaviy iqtisod qilish va kreativ yondashuvlar bo‘lib qolaveradi va shu asnoda samaradorlik ortib hayotiy yashash standartlari rivojlanadi. Pul-moliya sohasida ham bank tizimlari o‘zining uslubiga qo‘shimcha yaratishida o‘z tarifi va takliflarini texnologiyalari, masofaviy boshqaruv tizimlari va sun‘iy intellekt shaklidagi bir qancha qulay vositalar orqali boyitish talabgori bo‘lib qolmoqda.

Tayanch iboralar: Banklar, raqamlashtirish, IoT(internet buyumlari), elektron bank, raqamli transformatsiya.

Kirish

Barchaga birdek ma‘lumki, texnologik soha boshqa sohalarga qaraganda jadal rivojlanmoqda va hech bir soha bu tezlikda rivojlanayotgani yo‘q. Ammo, sohalar texnologiyalar bilan integratsiyalashish orqali o‘z rivoj potensialini ushlab qolmoqda. Bank tizimidagi yuqori va sifatli xizmat ko‘rsatish borasidagi raqobat muhitini yanada rivojlanishiga ham aynan axborot texnologiyalar va telekommunikatsiyalar rivojlanishi eng katta turtki bo‘ldi va bank tizimida 24/7 rejimidagi xizmat ko‘rsatish sharoitlarini yaratdi, mijoz va bank o‘rtasida 100% online aloqa tizimini o‘rnatdi va undan tashqari bank filiallarini kengaytirishga bo‘lgan zaruriyatni yo‘qotdi. Elektron bank xizmatlari ayni damda iste‘molchilar uchun qulay qarorlar yaratibgina qolmay bankning nufuz va qimmatini oshirdi. Bundan kelib chiqadiki, texnologiyalar o‘z navbatida samaradorlik, tezkorlik va sifat qiymatlariga ega. Undan tashqari raqamli banklar moliyaviy tarmoqlarni raqamlashtirish evaziga xizmat tan narxini 40-60%gacha iqtisod qiladi va bankka tashrif yoki hujjatlarni rasmiylashtirishga sarflanadigan vaqt hamda mablag‘ni tejashga imkon yaratadi.

IoT (narsalar interneti) nima?

Narsalar interneti-sensor, dasturiy ta‘minot, axborotni qayta ishlash kabi texnologiyalarga boyitilgan, boshqa datchik yoki qurilmalar axborotiga ulana oladigan yoki axborot almashuv operatsiyasini Internet yoki boshqa aloqa tarmog‘i orqali bajarishga mo‘ljallangan qurilma va datchiklar orqali tushuniladi. Bugungi kunga kelib 4 chi sanoat inqilobini boshdan kechirayotgan jamiyat, aynan IoT dan foydalanib har bir sohada qulaylik va samaradorlik darajalariga o‘z ta‘sirini ko‘rsatmoqda. IoT yashash standartlarimizga har bir jabhalar orqali kirib

kelmoqda bunga eng asosiy va barchaga ma'lum bo'lgan "aqlli uy" tizimini misol qilib keltirishimiz mumkin.

Raqamli inqilob bank sektorlarini transformatsiya qildi. Tijorat banklar esa ushbu o'zgarishlarga javob sifatida o'z xizmat turlari haqida o'ylab ko'rishlari talab etilmoqda. IoT bank tizimining transformatsiyasida muhim ko'nikmalarni o'zida jamlaydi. Bank mahsulot va xizmatlarini IoT bilan integratsiya qilish mobaynida, turli bank jarayonlarida texnologiyalardan foydalanish orqali raqamli tendensiyalarning quyidagicha bog'liqligini ko'rish mumkin.

Bugungi kunda iste'molchilar o'z banklari tizimlaridan, ayniqsa raqamli banklardan juda ko'p innovatsion va jamiyatga bog'larga zamonaviy yo'liga mos keluvchi yangiliklarni kutishadi. Texnologik bog'liqliklar bank tizimidagi raqobatbardoshlikni saqlab qolish uchun ayni muddao imkoniyat hisoblanadi. Jahon ilmiy izlanishlarida IoT dan foydalanishda moliyaviy xizmatlarga yo'nalishli samara beruvchi quyidagi 7 ta raqamli tendensiya banklarga maslahat qilinadi.

- Mobil bank - bugungi kunda karta va depozit ochish, to'lovlar va pul o'tkazmalar, kredit olish kabi bir qancha bank xizmatlarini, masofadan turib, mobil ilova orqali oson va qulay tarzda amalga oshirish imkoniyati sifatida namoyon bo'ldi hamda IoT texnologiyalari yana quyidagicha operatsiyalarni kelajak uchun taklif etadi.

Akkaunt menejment (IoT): Raqamlashtirilgan xizmatlar bilan to'qnash kelgan mijozlar, bugungi kunda bank xizmatlariga uzulishsiz va tezkor kira olish imkoniyatlari kabi yengilliklarni talab qilmoqda. Aynan IoT orqali har qanday raqamli interfeys orqali mijoz o'z bank akkauntiga tashrif buyurishi, boshqarishi va kuzatib borishi mumkin. Undan tashqari, kompyuter texnologiyalari foydalanuvchining biologik, xulq-atvor yoki jismoniy xususiyatlari orqali biometrik xulosa keltirishga avtomatlashtirilgandir. Biometrik ma'lumot har bir shaxsda yagona hisoblanadi (DNA, barmoq izi, va h.k.).

Garov va aktivlarning real vaqtdagi monitoringi: IoT banklarga moliyalashtirilgan garov va aktivlarni kuzatish va kuzatib borish imkonini ham beradi. Insonlar va obyektlarning raqamli identifikatsiyalar tufayli moliyalashtirish va mulkka o'tkazish avtomatik va butunlay raqamlashgan tarzda amalga oshadi. Aktivlar holatini kuzatish va ularni saqlab qolish yoki qolmaslik to'g'risidagi qarorlarni qabul qilib garov sifatini nazorat qilish ham mumkin. Masalan, bank qaytarilmayotgan dvigatelni moliyalashtirgan bo'lsa, uni masofadan o'chirib qo'yadi.

Imzoni virtual klonlashtirish: Ko'plab bank xizmatlari jizmoniy imzo talab qiladi, ammo buni zamonaviy teznologiyalar orqali ham amalga oshirish imkoniyatidan holi emas. Qog'ozga qo'yilgan imzoni klonlashtirish va qurilma ekraniga har qanday teginish orqali amalga oshirish mumkin. Shu zaylda mijoz va bank o'rtasidagi har qanday yozma kelishuv va kontraktlar uchun ham virtual imkoniyatlar potensiali oshdi.

- M-bank. Mobil bankni iste'molchi algoritmlar orqali boshqarsa, m-bank avtomatlashtirilgan operatsiya turlarini kelajakka taklif etadi. Avtomatlashtirish takliflari quyidagicha bank xizmatlari bilan integratsiyalashtiriladi va iste'molchiga taqdim etiladi.

Avtomatlashtirilgan to'lov: IoTning qadam sanash va yurak urishini hisoblash kabi funksiyalari bugungi kunda takomillashish natijasida to'lov amalga oshirish imkoniyatlarini taqdim etdi. To'lov kelajagi hisob-kitob vositalarini diverfikatsiyalash tomonga qarab ketmoqda. Hozirda esa bir zumda to'lovni amalga oshirish masalalari o'z yechimini topishishini kutmoqda. Kontaktsiz texnologiyalarga bo'lgan ishonch IoT rivojini orttirmoqda. Ammo, avtomatik operatsiyalar yuqori darajali biometrik xavfsizlikni talab qiladi. Bir qancha kompaniyalar ushbu imkoniyatni realizovatsiyasi uchun keyingi qadamlar haqida fikr yuritishmoqda, negaki avtomatik to'lov qobilyati mijozlar uchun jalb qiluvchi taklif hisoblanadi.

Hamyon: Hamyon bu bank hisobiga ehtiyoj sezmasdan pulni saqlash bo'lgan qurilma har qanday to'lov terminaliga to'g'ridan-to'g'ri to'lov imkoniyatidir.

Aqlli kontraktlar: Dunyodagi eng baland minora egasi ijara to'lovini to'lamagan ijarachilar uchun liftni o'chirib qo'yish tizimini qo'lladi. Shunday qilib, yaqin kelajakda harakatlarni aqilli kontrakt tizimiga ulash orqali to'lov vaqtini kechga qolishi yoki batamom to'lanmasligini oldini oladi. Demak, endi banklar aqlli kontraktlar orqali mahsulotlarni bir zumda va avtomatik taklif qilishlari mumkin.

- **Kraudfanding** - bu Internet platformasi orqali ko'p sonli jismoniy shaxslardan oz miqdordagi mablag'larni yig'ish va loyihalarni moliyalashtirishga yo'naltirish. IoT da yangi texnologik imkoniyatlarning paydo bo'lishi kraudfandingga ham o'z foydasini ko'rsatadi, ya'ni bank tizimi va mablag' ajratgan jismoniy shaxslar o'z mablag'ini IoT texnologiyalari orqali kuzatib borishga muvofiq bo'ladi.

- **Virtual pul** - Ushbu funktsiya mijoz aktivlari, daromadlarini virtual saqlash va bunda blokcheyn texnologiyasidan foydalanishdan iboratdir. Blokcheyn - bu kelasi yillarda ommabop kuzatiladigan texnologiyalar sirasidan joy oladi. Ushbu tizim ko'plab sohalarda, shuningdek, bank, sug'urta, iqtisod sohalarida inqiloblarga sabab bo'ladi. Ushbu texnologiya axborotning shaffof saqlanishi va uzatilish imkoniyatlarini taqdim etadi. Blokcheyndan 3 usulda foydalanish mumkin: aktivlar (valyuta, qimmatli qog'oz va h.k)ni o'tkazish, aktivlarni kuzatish va avtomatik shartnomlarni bajarish (aqlli shartnomalar). IoT platformalari tizimni raqamlashtirishdagi muammolarni yengishda ishlatiladi va identifikatsiya qilish orqali xavfsizlik darajasini oshiradi, analitik modelga ega va tarmoq ishtirokchilari orasida to'lovlarni bir zumda oshiradi.

- **Yuqori chastotali savdo (HFT)** - Bozorda savdolarning katta qismini yuqori chastotali savdolar tashkil etadi. HFT kompyuterga asoslangan va juda tezkor, bu uning bunday mashhurlikka erishganligining sabablaridan biridir. Yuqori chastotali savdo qarorlarni qabul qilishda fundamental tahlilni o'z ichiga olgan holda dasturlashtirilgan.

Aqlli algoritimli model: IoT sababli, ma'lumotlarning o'lchami va tezligi yanada rivojlanmoqda. Bu kompaniyalarga ma'lumotni samarali va tezkor ishlatishiga olib kelar ekan, aqlli algoritmlar orqali maksimal daromad va maqsadli menevralarga erishish imkoniyatini oshiradi.



- Kiber hujum. Xizmatlarning masofaviy ko'rinishlari takomillashar ekan aynan shu yo'sinda jinoyatning masofaviy ko'rinishlari ham teng rivojlanib boradi. Moliya institutlarini va bank tranzaksiyalarini yuqori darajada xavfsizligini ta'minlash maqsadida biometrikaga aslangan innovatsion takliflarni joriy qilmoqda. Ushbu texnologiyalar 2 qadamdan: autentifikatsiy va tasdiqlashdan iborat bo'ladi. Eng so'ngi tadqiqotlar to'lash va bitimlarni tasdiqlash operatsiyalarida venoz ta'assuroti orqali tanish usulini (barmoq izi usulidan ham ancha samaraliroq) taklif etmoqda

- Big data va IT analiytika – Katta hajmdagi ma'lumotlarni saqlash, tahlil qilish, qayta ishlash texnologiyasi hisoblanadi. Raqamlashish transformatsiyala-shuvidagi bank xizmatlariga ushbu texnologiyalardan foydalanish orqali quyidagi yo'nalishlarda inovatsion burilishlarni amalga tadbir etish mumkin.

Shaxsiy moliyaviy menejment: Shaxsiy moliyaviy menejment XXI chi asr kashfiyotidir, u 2000-chi yilda Qo'shma Shtatlarda joriy etila boshlangan. Mijoz o'z kirim chiqim ma'lumotlarini online tarzda bilish imkoniga ega bo'ladi. IoT texnologiyalari orqali esa o'z elektron to'lovlarini amalga oshirishga, kirim-chiqim ma'lumotlarini ko'rish va tahlil qilish uchun tez va oson foydalanishga imkon beradi.

Mijoz haqida: Ushbu funksiya iste'molchining barcha ma'lumotlaridan foydalanib qaror qabul qilishga yordam beradi. Bank tizimida esa asosan firibgarliklarning oldini olishda xizmat qiladi. Marketing sohalarida ham mijozlarning tovarlarga bo'lgan talabini aniqlash va kelajakdagi ishlab chiqarish haqidagi qarorlarni qabul qilishda yordam beradi.

Xulosa

Raqamli banklar o'z ta'rif va takliflarini texnologik imkoniyatlardan to'laqonli foydalanish orqali rivojlatirishi ularni raqobatbardosh bo'lishiga yo'l ochadi. Masofaviy operatsiyalarni amalga oshirish imkoniyati o'z navbatida mijozlarni o'ziga jalb qiladi, nazorat qilishda keng ko'lamli imkoniyatlarni yaratadi. Tijorat banklarida bosqichma-bosqich elektron xizmatlar tarifi kengayib borar ekan, bu ularning ham imkoniyatlari kengayishini xulosa qilishga chaqiradi. Raqamli banklar filiallarga ehtiyoji sezmas ekan, raqamli banklar soni oshishi kutiladi va shuning uchun ham raqobat maydoni yana ham kengayishini prognoz qilish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Nomonova Yulduz Soyibnozov qizi Chief Specialist of JSCMB Ipoteka Bank, Master of Tashkent Financial Institute / THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF ELECTRONIC PAYMENT SYSTEMS AND IT'S DEVELOPMENT

2. Talipova N.T, Goyibnazarov Sh.G. /Innovative development og banking services in conditions digital economy

3. The 10th International Conference on Ambient Systems, Networks and Technologies (ANT) April 29-may 2, 2019, Leuven, Belgium Impact of digital trends using IoT on banking processes Fadoua Khanboubi, Azedine Boulmakoul, Mohamed Tabaa

4. 10th International Conference of Information and Communication Technology (ICICT-2020)/IT governance and E-banking in GCC listed banks Yousif Alansaria and Abdalmuttaleb M. A. Musleh Al-Sartawi

5. European Management Journal/ Shaping the digital transformation of the retail banking industry./ Umberto Filotto, Massimo Caratelli, Fabrizio Fornezza

6. 26 Jul 2021/O'zbekistondagi raqamli banklar va ularning istiqbollari

7. <https://www.newgenapps.com/> Bank va moliya sohasida IoT-dan 4 ta eng yaxshi foydalanish.

PROFESSIONAL TA'LIM RIVOJI YETUK MUTAXASSIS KADRLARGA BOG'LIQ

F.S. To'rabekov,

“Innovatsion ta'lim” kafedrasi dotsenti, TDIU

B.D. Sharipov,

magistratura talabasi, TDIU

Annotatsiya: *Mustaqillik yillarida pedagog kadrlarni tayyorlashning yangi tizimi ishlab chiqilib, uzluksiz ta'limda o'qitish sifati va samaradorligini bo'lajak professional ta'lim o'qituvchilarning kasbiy, ma'naviy-axloqiy tayyorgarligi belgilab berishi yoritib berilgan.*

Tayanch iboralar: *Ta'lim to'g'risidagi Qonun va Kadrlar tayyorlash milliy dasturining professional ta'limida tutgan o'rni. O'zbekiston Respublikasida kadrlar tayyorlashning milliy modeli va uning asosiy tarkibiy qismlari*

Mamlakatimizda olib borilayotgan islohotlarning yangi bosqichi bugun makroiqtisodiy barqarorlikni, iqtisodiyotning yuqori o'sish sur'atlarini ta'minlab, xalqimizning ijtimoiy-iqtisodiy sharoitlarini tubdan yaxshilashda asosiy zamin bo'lmoqda. Bu borada Davlatimiz rahbari tashabbusi bilan ishlab chiqilgan va jahon hamjamiyati tomonidan alohida e'tirof etilayotgan 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirishning beshta yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasida belgilangan ustivor yo'nalishlar va vazifalar aynan ana shu maqsadlarga qaratilganligi bilan ahamiyatlidir. Ayni vaqtda mamlakatimizda ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish, ularni eng zamonaviy, ilg'or texnika va texnologiyalar bilan jihozlash, innovatsiya jarayonlarini takomillashtirish, ilm-fan, texnika sohalarida yangi ishlanmalarni yaratish va joriy qilish, ularning huquqiy va iqtisodiy mexanizmlarini zamon talablari asosida tashkil qilishga katta ahamiyat qaratilmoqda.

Shu bilan birga bugun yaratilayotgan imkoniyatlardan yanada samarali foydalanish, sifatli, arzon va xaridorgir mahsulotlar ishlab chiqarish va xizmatlar ko'rsatishni yo'lga qo'yish asosida xizmatlar sohasida milliy brendlarni tashkil etish, ishlab chiqarilayotgan tovar va mahsulotlarni jahon bozorlariga “O'zbekistonda ishlab chiqarilgan” brendi bilan olib chiqish talab etilmoqda.

Ta'kidlab o'tilganlar ko'p jihatdan yetuk mutaxassis kadrlarga bog'liqligi barchamizga ayon. Bugungi davr, ayniqsa, zamonaviy bilim va malakaga ega bo'lgan muxandis-texnologlar, iqtisodchilar, korporativ boshqaruv menejerlari, marketologlar, shuningdek, axborot texnologiyalari sohasida dasturchilarni tayyorlashni tubdan kuchaytirish va mazkur sohalarida iste'dodli yoshlarni qo'llab-quvvatlashni talab qilmoqda. O'zbekistonda joriy yildan boshlab ilk bor milliy va tarmoq ixtisoslashuv tizimi, kasb va mutaxassisliklar bo'yicha professional

standartlar hamda tabaqalashtirilgan ta'lim standarti va dasturlari joriy etilmoqda. Bu esa, o'z navbatida, mehnat bozori bilan ta'lim sohasi integratsiyasini ta'minlashga xizmat qiladi. Malaka tizimi rivojlangan davlatlarda sinovdan o'tgan, mehnat bozori, professional ta'lim, kasbga o'qitish va o'rgatish tizimining uyg'unlashuvi sifatida muvaffaqiyat qozongan. Shu bois, O'zbekistonda ham joriy yildan boshlab ilk bor milliy va tarmoq ixtisoslashuv tizimi, kasb va mutaxassisliklar bo'yicha professional standartlar hamda tabaqalashtirilgan ta'lim standarti va dasturlari joriy etilmoqda. Bu esa, o'z navbatida, mehnat bozori bilan ta'lim sohasi integratsiyasini ta'minlashga xizmat qiladi. Yana bir muhim jihati shundaki, professional ta'lim standartida xodimning malaka darajasi aniq belgilangan bo'ladi. Eng asosiysi, ana shu malaka darajasi xodimning o'sishi va keyingi ixtisoslashuv darajasi yuksalishiga pillapoya bo'lib xizmat qiladi. Rivojlangan davlatlar, jahonga mashhur gigant kompaniyalarda bu juda kuchli motivatsiya, to'g'ri yo'naltiruvchi va rag'bat beruvchi omil hisoblanadi. Chunki bunda xodimning nufuzi bosqichmabosqich yuqorilab borishi uchun zarur tizim va moliyaviy rag'batlar ko'zda tutilgan. Bu tizim, o'z navbatida, xodimning raqobatga doim tayyor turishini, malakasini oshirib borishini va kelajakda muvaffaqiyatga erishishini kafolatlaydi. Masalan, elektr ustasi kasbining bir nechta malaka darajasi mavjud. Lekin shu paytgacha ularning barchasiga bir xil hujjat berilgan, unda bugungi mehnat bozori talablari shakllantirilmagan va baholanmagan. Bu esa shu diplomga ega shaxsning chet elda o'ziga mos ish topishiga imkon bermagan. Chunki uning malaka darajasini tartibga soladigan tizim mavjud emas edi.

Professional ta'limda kadrlar tayyorlash tizimida ishlab chiqarishda ishlab chiqarishning talab-ehtiyojlari kadrlar tayyorlash tizimining yo'nalishi, darajasi va miqyoslarini shakllantiradi, kasb tayyorgarligining maqsadi, vazifalari va mazmunini belgilaydi, malaka talablarini ilgari suradi, ta'limning muvoziy texnologiyalari va shakllarini tanlashni taqozo etadi. Ishlab chiqarish pirovard natijada kadrlarning sifati va raqobatbardoshligiga baho beradi.

Ishlab chiqarishning kadrlar tayyorlash tizimidagi vazifalari quyidagilar bilan belgilanadi, chunonchi u:

turli saviya va malakadagi mutaxassislarga bo'lgan talab-ehtiyojni shakllantiradi;

o'z ixtiyoridagi moddiy-texnika, moliya, kadr resurslari hamda kadrlarni o'qitish, malakasini oshirish va qayta tayyorlash uchun zarur boshqa resurslarni berish bilan uzluksiz ta'lim tizimiga ko'maklashadi;

muassis, vasiy, donor, homiy tariqasida ayrim mutaxassislarni va guruhlarini maqsadli tayyorlashni, shuningdek turli tip va darajadagi o'quv yurtlarini moliyalashda qatnashadi;

ta'lim va ilm-fanning turli shakllardagi integratsiyasini (muvaqqat ijodiy jamoalar, o'quv-ilmiy-ishlab chiqarish majmualari, markazlari, texnoparklar, texnopolislar) rivojlantiradi.

Ishlab chiqarishning kadrlar tayyorlash tizimidagi mavqeini kuchaytirish quyidagi yo'llar bilan ta'minlanadi:

ta'limni korxonadagi unumli mehnat bilan, shu jumladan ishlab chiqarish amaliyoti jarayonidagi mehnat bilan qo'shib olib borish asosida yuqori malakali kadrlar tayyorlash;

kadrlar tayyorlash hamda birgalikda ilmiy-texnologiya ishlanmalarini olib borishda korxonalarining ishlab chiqarish salohiyatidan foydalanish;

ta'lim oluvchilarni mehnat jamoalarida tarbiyalash (mehnat, ma'naviy va jismoniy tarbiyalash);

ishlab chiqarishning talab-ehtiyojlarini inobatga olib, texnika va texnologiyalarni rivojlantirishning yangi yo'nalishlari bo'yicha kadrlarni tayyorlash, qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish;

ishlab chiqarishning iqtisodiy va texnologiya muammolarini hal etish uchun oliy ta'lim muassasalari va ilmiy tashkilotlarning ilmiy salohiyatini jalb etish;

pedagog kadrlarning ilg'or texnologiyalar sohasidagi malakasini bevosita ishlab chiqarishda muntazam oshirib borish;

ishlab chiqarishning yuqori malakali kadrlarini ta'lim jarayoniga va pedagogik faoliyatga jalb etish;

ishlab chiqarish amaliyotini o'tish uchun ta'lim oluvchilarni ish joylari bilan ta'minlash;

o'zaro integratsiyalangan ta'lim muassasalarini zamonaviy uskunalar, apparatlar va asboblardan jihatlash.

complex. Socio-economic problems entail political consequences - both the flourishing of the left-wing populism and the manifestations of the right-wing radicalism; - the distrust of state institutions, doubts about the effectiveness of democratic governance, sympathy for anarchy, or vice versa - authoritarianism. And one of main obstacle is unsensitive and highly bureaucratic public service.

We propose new explanation of wanted outcome of effective reforming of public administration – “Liquid Administration” as new paradigm of highly adopted to social demands public administration which is based on such key drivers as: strategic shifts, political transformation, rescue issues, technological innovation and social changes. The basis of Liquid Administration delivery is resilient stress – tested public service with civil oversight and accountability.

We also propose some indicators to diagnose the level of public service resilience which need to be discussed. Also need to be highlighted possible implementation new approach of Liquid Administration into theory and practice of public administration.

Hypothetically, we’re rising up the issue of the liquid administration basis development. Why does the started process of the decentralization in Ukraine dissatisfying public? How do public authorities and local governments could transform themselves (speed, effectiveness, comfort)? How to provide stability, flexibility and readiness to react, to exclude bureaucracy and achieve satisfied public, strong community for the state and nation stability?

As we assume, liquid administration, grounded on the aforementioned contemporary concepts has to become the way to provide public administrations to be resilient, to develop sustainable, to build the fruitful environment, where future generations will have a full-fledged, well-founded hope for the well-being future Ukraine. In addition, the hypotheses will be argued and correlation will be established.

Keywords: national resilience, resilient public administration, basic indicators, acceptance of national resilience, liquid administration

Introduction. Published **Global trends and Key implications thorough 2035** (www.dni.gov/files/documents/nic/GT-Full-Report.pdf) claim that governing is getting harder. While formulating strategies in public management, we must consider that “Publics will demand governments deliver security and prosperity, but flat revenues, distrust, polarization and a growing list of emerging issues will humper government performance”. Researchers state that “at national level, the gap between popular expectations and government performance will grow; indeed, democracy itself can no longer be taken for granted”. Analysing possible scenarios for the global landscape development, researchers argue that all the positive human capabilities can only be realized through the creation of resilient administration. “Increasing resilience at the institution level could also occur through the employment of dedicated strategic planning cells, exercises, technologies and



processes that would accelerate responses during crisis". At present, Ukraine is undergoing a public administration reform, in conditions of political and economic crisis, military aggression of the Russian Federation in the East of Ukraine, annexation of Crimea. This requires new paradigm of RPA as the part of NR. USA develop the resilient state and form resilient national strategies since the 9/11 tragedy. That is why USA experience is particularly important for the development of an effective public administration system for all the territory of Ukraine, especially for the temporarily occupied territories of the Eastern Ukraine and Crimea.

According to recent studies, the problems of terrorism and war are not the most significant global challenges the world will face in the near future. Along with that, the public administration will complicate. Civil society will require governments to ensure individual and collective security, well-being. In the same time declining incomes, mistrust, polarizing society, and an increasing list of urgent environmental issues will face public servants on the daily basis.

Therefore, when formulating development strategies for Ukraine, researchers analyze possible scenarios for the development of the global landscape. That leads to argue that all the positive opportunities of mankind can only be realized through the creation of a resilient state through RPA. "Increasing institutional level resilience can be ensured through the introduction of strategic planning, technologies and processes that will provide resilience in times of crisis. But another extremely important factor is public servants who implement these technologies and processes. And the level of their participation in the formation of the RPA has not been studied yet.

The issue of NR on state level is complex in many ways. Unfortunately, a collection of resilient individuals does not guarantee a resilient community; similarly, a set of resilient communities does not necessarily form a resilient nation and a resilient state. Studies prove that effective public administration (when government bodies are trusted) is a part of resilience formation on both personal and community levels.

Scientific issues that have not been researched yet:

1. What changes happened in the United States NR paradigm since 2001? What is the current NR structure?
2. What are the RPA indicators especially those at NR level?
3. What factor unites resilient citizens and resilient communities, and forms the resilient state?

This study will provide several contributions. First, it introduces the major sources of NR investigation, used by researchers and professionals in USA. Second, it examines contemporary structure of NR based on possible scenarios for the development of the global landscape. Third, it investigates the indicators of RPA and their influence on NR formation. Fourth, the study analyses the effect of acceptance of NR paradigm in public administration system of USA and its' possible implementation in Ukraine. We are going to employ sentiment analysis

during the identification of NR acceptance by top-level public servants. Practical recommendation of this study will be discussed.

Literature review

There is a fast-growing amount of academic literature referring in one way or another to the phenomenon called NR. The concept has appeared to be attached to different fields, and is used within those fields at different levels. A search for relevant Subject Terms in a scientific database (EBSCO) reveals 1465 hits about “national resilience” from 1991 to 2019. The concept of NR is a comprehensive one, addressing the issue of society’s sustainability and strength in several diverse realms (Chemtob, 2005; Eshel & Kimhi, 2016; Obrist et al., 2010). In addition to the conceptual ambiguity, this topic is also politically driven and can appear to be sensitive as it refers to responsibilities of political leader and state authorities in conflict hotspots around the world. According to last research (Kimhi, Eshel, Leykin & Lahad, 2017; Kimhi et al., 2019) measuring resilience becomes increasingly difficult with regard to amorphous systems without clear structures or definable borders. The nation, especially in the globalized world, is one of these ever-changing phenomena; accordingly, national resilience is certainly a challenge to define and measure. However, it seems that beyond the various definitions there is tendency to agree that national resilience means society’s sustainability and strength in several diverse realms including components like patriotism, optimism, social integration, and trust in political and public institutions.

The scope of potentially intervening factors expands from personality attributes to cultural aspects as well as other potential component of national resilience is waiting to be studied. At the level of the nation, the situation of society becomes very complex since we have to face two ill-defined variables in one equation: we do not know either what constitutes national resilience or how to define the nation in the context of globalization. (Joseph, 2013) having been introduced into the contingency policies of many institutions (CabinetOffice, 2008a,b;Coaffee, Murakami,Wood,&Rogers, 2008; Goldstein, 2012; Martin, 2012; Newman, Beatley, & Boyer, 2009). This, of course, has not been without criticism (see, for example, MacKinnon & Derickson, 2012). Nonetheless, the scope of resilience has grown exponentially. The term is now used across disciplines in work concerned with the interactions between people and nature (see, for examples, Berkes & Folke, 1998; Gunderson, 2001; Holling, Gunderson, & Light, 1995; Redman, 1999) and as such is seen as a “bridging concept” between the natural and social sciences (Davoudi et al., 2012). With move toward a concept that holds multiple levels of meaning, from the metaphorical to the specific (Carpenter, Walker, Anderies, & Abel, 2001), the critique of its use is not only understandable but also well justified.

After the 9/11 the amount of expenditure dedicated to the protection of nations from extremism and terrorism increased exponentially (Guinnessy & Dawson, 2002; Issues in Science & Technology, 2002; Lum et al., 2006; Silke, 2004). Part of



this expenditure has been allocated to the development of policy and interventions aimed at preventing violent extremism. In the United States, the introduction of a Strategic Implementation Plan for Empowering Local Partners to Prevent Violent Extremism in the United States placed emphasis on the building of community resilience in countering violent extremism (The White House Officer of Press Secretary, 2011). However, resilience as a concept and even more so as a political buzzword has not been properly conceptualized in this context.

Parmak (2015) further highlights the need to develop a greater conceptual understanding of national resilience and possible measuring system. Several studies showed that exposure to terror has led to higher levels of patriotism among Americans (Moskalenko, McCauley, & Rozin, 2006). This data seem to suggest that different aspects of the NR construct will be assessed differently by different groups of people.

The following hypotheses are investigated:

H1: Contemporary american public administration researchers are increasingly paying attention to the study of the macro level of resilience (national), as opposed to the early 21st century, when the micro level (individual) was predominantly studied. Now these studies have shifted to the field of social psychology and psychiatry.

H2: When the component of public administration will be included into the definition of NR, this will lead to conceptual changes in the understanding of NR as the basis of state and nation development. Establishing state-level measurable NR indicators will help to form effective public policies and to highlight the RPA features. That type of public administration will be able to respond to the challenges and threats of the 21st century in a timely manner.

H3: Individual resilience of public servants as main drivers of public policies has a synergistic effect on the formation of NR at the state level, that is why this indicator should be added to the 4 attributes of resilient state formation components: patriotism, optimism, social integration, and trust in political and public institutions.

H4: Public administration is an integral part of the formation of individual and community-level resilience. RPA becomes a major integrating factor, synergistically uniting different levels of resilience into the concept of "resilient state"

Expected results

1. Establishing the stages of evolution of the NR concept since 2001 to nowadays in the scientific literature and national strategies of the United States.

2. Supplementing the terminology of public administration scientific area by authorizing the definition of "resilient public administration" expected to be useful for both USA and Ukraine.

3. Research of top-level public servants' perception of the NR concept in order to identify basic factors influencing the formation of individual resilience of this category of citizens.

4. Identification of RPA indicators at the national level in order to determine the priority change strategies for governance.

5. Building the model of the globalization challenges impact on public administration resilience.

Conclusion.

The study, based on the US and European experience in forming the resilient public administration at the national level, will answer the questions: 1) what changes in public administration of Ukraine, announced today in the country, are crucial, 2) what threats are prioritized by public servants.

The obtained scientific results will help: 1) to shape modern approaches to the reform of public administration in Ukraine, 2) to develop proposals for training programs on the resilience formation for public servants, 3) to interact with civil society institutions for the formation of a resilient state through the activity of NGO "Center of Resilience of Ukraine".

Reference

1. Igor Linkov, Benjamin D. Trump. *The Science and Practice of Resilience // Risk, Systems and Decisions* ISBN 978-3-030-04563-0 <https://doi.org/10.1007/978-3-030-04565-4>
2. Bilynska M. *The Formation of the Paradigm of National Resilience in the State Administration of Ukraine/ International Scientific Journal "Progress"*.- 2018, N 1-2, P.41-45
3. *Individual, community, and national resilience in peace time and in the face of terror: a longitudinal study.* By: Kimhi, Shaul; Eshel, Yohanan; Leykin, Dmitry; Lahad, Mooli. *Journal of Loss & Trauma.* Nov/Dec2017, Vol. 22 Issue 8, p698-713.1p.1Diagram,4Charts.DOI:10.1080/15325024.2017.1391943.Database: Academic Search Premier
4. *A new perspective on national resilience: components and demographic predictors.* By: Eshel, Yohanan; Kimhi, Shaul. *Journal of Community Psychology.* Sep2016, Vol. 44 Issue 7, p833-844. 12p. DOI:10.1002/jcop.21811., Database: Academic Search Premier
5. *Demographic variables as antecedents of Israeli Community and national resilience.* By: Goroshit, Shaul Kimhi Marina; Eshel, Yohanan. *Journal of Community Psychology.* Jul2013, Vol. 41 Issue 5, p631-643. 13p. 1 Diagram, 2 Charts. DOI: 10.1002/jcop.21561., Database: Academic Search Premier
6. *An investment strategy could help the federal government enhance national resilience for future disasters.* Government Document By: Currie, Chris. *GAO Reports.* 7/30/15, preceding pi-86. 93p., Database: MasterFILE Premier
7. *Global trends and Key implications thorough 2035* (www.dni.gov/files/documents/nic/GT-Full-Report.pdf)
8. *Democratizing Policymaking Online: Liquid Feedback.* – [Электронный ресурс]. – Режим доступа : <http://thegovlab.org/democratizing-policymaking-online-liquid-feedback/>
9. *CSCOE Helsinki Document 1992 : The Challenges of Change* [Электронный ресурс] : *Helsinki Decisions.* – Режим доступа : <https://www.osce.org/mc/39530?download=true>.
10. Doyle M., Sambanis N. *Making War and Building Peace : United Nations Peace Operations / M. Doyle, N. Sambanis.* Princeton : Princeton University Press, 2006. – P. 11-18.
11. Gowan R. *Can the United Nations Unite Ukraine?* [Электронный ресурс]: Hudson Institute. – Режим доступа : <https://www.hudson.org/research/14128-can-the-united-nations-unite-ukraine/>.
12. *Resolution 2202 (2015).* Adopted by the Security Council of the United Nations Organization at its 7384th meeting, on 17 February 2015 [Электронный ресурс]. – Режим доступа : [https://undocs.org/en/S/RES/2202\(2015\)](https://undocs.org/en/S/RES/2202(2015)).



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ.

Я.Э.Алиев,
и.ф.д., профессор,
“Иқтисодиёт” кафедраси мудири, ТДИУ

Аннотация: Мақолада аграр бозорни ривожлантиришни ўзига хос жиҳатлари илмий томондан ёритиб берилган. Дунё аграр бозорига юзага келадиган вазиятлар шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариши ва унинг экспортини ўсиши суръатлари табиий-иқлим афзалликларига эга бўлган мамлакатларда кузатишмоқда. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган халқаро эксперт тадқиқотлари жаҳонда ва унинг айрим минтақаларида ушбу муаммо билан боғлиқ мураккаб вазият юзага келадиганини таъкидлашмоқда.

Таянч иборалар: Аграр бозор, озиқ-овқат хавфсизлиги, эркин рақобат, талаб, тақлиф, баҳо, даромад, фойда.

Аннотация: В статье освещены с научной точки зрения особенности развития аграрного рынка. Текущая ситуация на мировом аграрном рынке показывает, что темпы роста производства сельскохозяйственной продукции и ее экспорта наблюдаются в странах с природно-климатическими преимуществами. Международные экспертные исследования по продовольственной безопасности показывают, что ситуация в мире и в некоторых частях мира сложная.

Abstract: The article scientifically substantiates the peculiarities of the development of the agricultural market. The current situation in the world agricultural market shows that the growth rates of agricultural production and its exports are observed in countries with natural and climatic advantages. International expert studies on food security show that the situation in the world and in some parts of the world is difficult.

Кириш. Ер юзида иқтисодий ресурслар ҳажмини қисқариб бораётганлиги, халқаро иқтисодиётни глобаллашуви мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда аграр бозорлар соҳасида ресурстежамкор технологияларни инновацион ривожланиш долзарблигини янада оширмоқда. Жаҳон иқтисодиётини ўсиш тенденцияларига эътибор қаратадиган бўлсак, дунёни жуда кўп мамлакатларида ресурстежамкор технологияларни инновацион ривожланиш даражаси ортиб бормоқда. Хусусан, халқаро глобал инновацион индекси кўрсаткичларига биноан Швеция, Буюк Британия, АҚШ, Финландия, Сингапур, Ирландия, Дания, Нидерландия ва Германия инновацион ривожланиш бўйича дунёни ривожланган мамлакатларидан ҳисобланади.

БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (УНФПА) берган маълумотга кўра, 2050 йилга бориб ер шари аҳолиси 10 миллиардга етади. Жорий аср ниҳоясига бориб бу кўрсаткич 11,2 миллиардни ташкил қилади. Баёнотга кўра, 2 минг йил олдин дунё аҳолиси 300 миллион киши бўлган бўлса, 1600 йилга келибгина бу рақам икки баробар (600 миллион)га ошди. 1804 йил ниҳоясида аҳоли сони бир миллиардга етди. Орадан бир асрга яқин вақт ўтиб, яъни 1900 йилда дунё аҳолиси сони 1,5 миллиардни ташкил қилди. 1950 йилдан бошлаб ер аҳолиси ҳайратланарли даражада ўсиб борди. 2011 йилда аҳоли сони 7 миллиардни ташкил қилди. Ҳозирда бутун дунёда 7,8 миллиард киши истиқомат қилмоқда.

Ер аҳолиси ҳар йили 84 миллионга ошиб бормоқда. Бу ҳар 12 йилда бир миллиардга кўпаяди дегани. Шунга кўра, жорий аср ярмига бориб аҳоли сони 10 миллиардга етиши кутилмоқда. Бу эса аграр соҳада жиддий ижобий ўзгаришларни талаб этмоқда. Жумладан, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади, қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларни сифат жиҳатидан халқаро стандарт талабларига жавоб бера оладиган даражада ривожлантиришга қаратилган. Бугунги кунда халқаро иқтисодиётда ҳар бир хўжалик юритувчи субъектни барқарор фаолият юриши ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бозордаги эркин талаб ва таклиф асосида шаклланади ҳамда ривожланиб боради. Айниқса, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Мутахассисларнинг фикрига қараганда, 2050 йилга бориб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмлари қарийб икки баробарга ортади. Ишлаб чиқариш технологияси ва техникасида жиддий сифат ўзгаришлари амалга оширилади. Аммо ушбу жараёнлар аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарлича таъминлаш муаммосини ҳал қилмайди [1]. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини интенсив етиштириш жараёнига янги инновацион лойиҳаларни амалга ошириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда. Аграр соҳада олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, қишлоқ хўжалиги корхоналари учун шарт-шароитлар яратиш ва уларни ривожлантириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳозирда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш бўйича Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”да устувор йўналишлар белгиланган. Жумладан, “...қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш



бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини куриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш..." [2].

Ҳозирги инновацион иқтисодиётда аграр бозор барқарорлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг барча бўгинларини кенг қамраб олган ҳолда, бизнес лойиҳаларни амалга ошириш лозим бўлади. Бунинг учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда нав танлаш, селекция иши, ҳосилни йиғиш агротехнологияси, маҳсулотни саралаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва сотиш тизимларини ўз ичига олган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқишни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ҳозирги замон иқтисодиётининг ўзига хос хусусияти ва бозордаги рақобат асосини, биринчи навбатда, маҳсулот ҳамда хизматлар ишлаб чиқаришдаги ресурслар сарфини тежаш, ортиқча сарф-харажатларнинг олдини олишга қаратилмоқда. Бу эса рақобат курашида устунликка эга бўлиш ва ишлаб чиқариш жараёнини давом эттиришнинг энг содда ҳамда самарали усули ҳисобланади. Шунингдек, эркин бозордаги рақобат курашида устунликка эришиш учун аграр бозор субъектлари нафақат замонавий технологиялар ва шунингдек малакали, эркин бозор шароитида ишлаш кўникмасига эга бўлган мутахассисларга ҳам эга бўлиши лозим бўлади.

Бутунги кунда қишлоқ хўжалигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ўртасида етарли даражадаги рақобат муҳити яратилганлигига қарамасдан, тайёр маҳсулотлар сотиш тизими замон талаблари даражасида ривожланмаганлиги маҳсулотларини экспорт қилиш жараёнига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Эркин бозор шароитида аграр бозор фаолиятини давлат доирасидаги иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан комплекс мувофиқлаштирувчи дастаклар орқали мутаносиб ривожлантирмасдан туриб кутилган натижаларга эришиб бўлмайди.

Тадқиқот натижалари. Мутахассисларнинг таъкидлашича, "...ҳозирги кунда жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларида рақобат муҳити кучайиб бормоқда. Айниқса, хўл ва қуруқ мевалар, сабзавотлар, қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, ун ва ун маҳсулотлари, чой, кофе, цитрус мевалар, сут ва гўшт маҳсулотлари бозорларида шундай ҳолатни кузатиш мумкин" [3].

Бутунги кунда сайёраимизда юз бераётган глобал иқлим ўзгариши, об-ҳаво шароитларини ноқулай келиши, турли зараркунандаларни кўпайиши ва бошқа табиий омиллар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Бу эса мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишда ресурстежамкор инновацион технологиялардан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг глобал иқлим ўзгариши салбий оқибатларига мослашиб борувчи ишлаб чиқариш ва локоматив агрохизматлар бозорини шакллантиришни талаб этади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда агрохизматлар бозорини ривожланиши бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари ва истеъмолчилари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларини жорий этилиши, икки томонлама манфаатдорликни таъминлаш, илм-фан ютуқларини кенг татбиқ этиш, олим ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари, тўпланган тажрибалар асосида хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишни талаб этади.

Шу боис, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакатлар озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришда агрохизматлар бозорини ривожлантириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Таҳлиллар. Сўнгги йилларда мамлакатда аграр бозор соҳаси фаол ислоҳ қилинмоқда. Мазкур тармоқда бошқарув тизимини такомиллаштириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этиш, кооперацияни йўлга қўйиш, замонавий ресурс тежамкор технологияларини жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмини ошириш мақсадида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон географик жиҳатдан барча ташқи бозорлардан узоқ масофада жойлашган. Бу дегани, маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш харажатлари, яъни логистика харажатлари доим юқори бўлади. Шу сабабли, арзон нархдаги маҳсулотларни экспорт қилишнинг маъноси йўқ – даромадли экспорт учун маржа етарли даражада бўлмаслиги мумкин. Бундан ташқари, мамлакатда ишчи кучининг етарлиликдан ҳам фойдаланиш лозим – ҳосил йиғим-терим жараёни қанчалик меҳнатталаб ва харажатли бўлса, Ўзбекистоннинг ушбу маҳсулотни экспорт қилиш имконияти шунчалик юқори бўлади.

Аграр тармоқда аграр бозорни шакллантиришда ҳудуднинг қайси турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга (экинлар экишга) ихтисослашгани, табиий-иқлим шароитлари, экин майдонлари ҳажми, қишлоқ хўжалиги экинлари таркиби, мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари ва бошқа шу каби омиллар ҳисобга олинishi лозим.

Аграр бозорда хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг сони кўпайиши, бозорида рақобат пайдо бўлиб, хизматлар сифати ортишига олиб келади ва бу бозорнинг маълум қонунияти ҳисобланиши боисдан, ушбу қонуниятдан унумли фойдаланиш талаб этилади. Шу билан бирга аграр бозорни ривожланишида давлатнинг рағбатлантирувчи дастакларининг ўрни беқиёс ҳисобланади.

Хулоса. Айни пайтда қишлоқ хўжалигида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчи корхоналарининг иқтисодий аҳволини хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиш даражаси белгилаб бермоқда. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида мева-сабзавот маҳсулотлари бозорлари ривожланишининг агрохизматлар бозорига боғлиқлиги боисдан, хизмат соҳаси субъектлари фаолиятини ривожлантириш, сервис тузилмалари рақобатбардошлигини ошириш,



сервис корхоналари ички хўжалик иқтисодий муносабатларини илмий-назарий асосларини такомиллаштириш долзарблик касб этмоқда.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, аграр соҳада мева-сабзавот маҳсулотлари бозорлари фаолиятини комплекс равишда, эркин бозор қонунлари доирасида ривожлантириш масалаларини тадқиқ этиш, шу асосда мазкур бозор бўйича илмий ҳамда услубий аҳамиятга эга бўлган тавсиялар тайёрлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда аграр бозорни ривожлантиришда куйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

илм-фан ютуқлари асосида миллий аграр бозор тармоғини йўлга қўйиш;

хуудларда агросаноат мажмуига кирувчи давлат, хўжалик ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг аграр бозор доирасида ўзаро интеграциясини таъминлаш;

замонавий аграр бозорини кенгайтириш мақсадида давлат-хусусий шерикчилик механизмлари кенг жорий этилади;

“рақамли аграр бозор” тизимларини шакллантириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини янада ривожлантириш мақсадида “даладан истеъмолгача” тамоийили асосида халқаро сифат стандарт ва сертификатлари жорий этиш;

аграр бозор тармоғини ривожлантириш учун Халқаро экспертлар кенгаши (International Expert Board) ташкил этиш;

хуудларнинг узоқ муддатли ривожланиш тенденциялари ва инсон капитали бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда аграр соҳада кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш;

хууднинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши эҳтиёжларидан келиб чиқиб илмий ташкилотларга тайёр илмий ишланмалар ва тегишли илмий маслаҳатларга буюртмаларни шакллантириш;

хуудлар аграр соҳаси асосий ихтисослашуvidан келиб чиққан ҳолда халқаро тажрибалар ҳамда илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш;

қишлоқ хўжалиги субъектларига бевосита ва онлайн ҳамда «call-марказ» орқали хизмат кўрсатиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. George H., Koonaftan P. и др. Состояние мировых земельных и водных ресурсов для производства продовольствия и ведения сельского хозяйства. - М.: ФАО и издательство «Весь мир», 2012. 308 с.

2. Ш.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

3. Кислева Е.Н., Власова О.В., Коннова Е.Б. Рынок продовольственных товаров: учебное пособие.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

И.Иватов,
и.ф.д., профессор
“Иқтисодиёт” кафедраси профессори ТДИУ

Аннотация: Мақолада ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида халқаро туризм бозорининг шаклланиши ва ривожланишининг умумий масалалари кўрилган. Халқаро туризм бозорининг асосий шартлари ва салоҳияти умумлаштирилган ва гуруҳлаштирилган, унинг функциялари тизимлаштирилиб, эволюцион ривожланиши омиллари таснифланган, шунингдек, жаҳон иқтисодиёти ва уни ташиқил этувчи миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун платформани шакллантиришида халқаро туризм бозорининг роли кўрсатиб берилган..

Таянч иборалар: ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, халқаро туризм бозори, дунё мамлакатлари, миллий иқтисодиёт, дунё минтақалари, жаҳон ҳудудлари, глобаллашув жараёнлари, хорижлик туристлар, туризм имконияти, билимларга асосланган иқтисодиёт, барқарор ривожланиш.

Аннотация: В статье рассматриваются общие вопросы формирования и развития рынка международного туризма в условиях социально-экономических трансформаций. Обобщены и структурированы основные условия и потенциалы рынка международного туризма, систематизированы его функции, классифицированы факторы его эволюционного развития, а также показана роль рынка международного туризма в формировании платформы устойчивого развития мировой экономики и образующих её национальных экономик.

Abstract: The article discusses the general issues of the formation and development of the international tourism market in the context of socio-economic transformations. In the course of the presentation of the work, the main conditions and potentials of the international tourism market are summarized and structured, its functions are systematized, the factors of its evolutionary development are classified, as well as the role of the international tourism market in the formation of a platform for sustainable development of the world economy and its constituent national economies.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини XXI аср бошларидаги ҳолати дунё мамлакатлари ва жаҳон ҳудудларининг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги кучайган шароитда глобаллашув жараёнларининг янада тезлашиши билан тавсифланади. Интенсивлаштириш жараёнлари ривожланишининг бу босқичдаги энг аҳамиятли хусусиятларидан бири, ишлаб чиқаришнинг турли омилларини давлатлараро аралашиб кетиши ва молиявий капиталларни чегара билмас даражадаги ҳаракатидан иборатдир. Бунинг натижасида глобализация барча иқтисодий муносабатларни қамраб олувчи жараён сифатида намоён бўлиб, унинг барча элементлари бир-бири билан янада мослашган ҳолда ривожла-



нишга сабабчи бўлмоқда.

1-жадвалдан кўриниб турганидек, дунё минтақалари бўйича халқаро туристларнинг келиши 1990 йилдаги 435 млн. кишидан 2018 йилга келиб, 1млрд 400 млн кишига етган. Бу ерда етакчилик Европа минтақасига тегишли бўлиб, туристларнинг келишдаги ўсиш суръати юқори даражани ташкил этар экан. Халқаро туризмни ривожланишда ўзига жалб қилувчи, дам олиш, завқланиш учун хизмат қиладиган туристик объектларнинг ҳам мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга. Масалан Европада мавзули парклар мавжуд бўлиб, кўплаб туристларни ташриф буюришига сабабчи бўлмоқда.

1-жадвал

1990-2018 йилларда дунё минтақалари бўйича халқаро туристларнинг келиши (млн.киши)²⁵

| Кўрсаткичлар | 1990 | 1995 | 2000 | 2005 | 2010 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 |
|--------------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| Дунё | 435 | 527 | 674 | 809 | 951 | 1,189 | 1,235 | 1,323 | 1,400 |
| Европа | 261,5 | 304,5 | 386,6 | 453,2 | 489,4 | 607,7 | 619,7 | 671 | 713 |
| Осиё | 55,9 | 82,1 | 110,4 | 154 | 205,5 | 279,2 | 302,9 | 324 | 343 |
| Америка | 92,8 | 108,9 | 128,2 | 133,3 | 150,2 | 192,6 | 200,9 | 208,7 | 217 |
| Африка | 14,8 | 18,7 | 26,2 | 34,8 | 50,4 | 53,5 | 58,2 | 62 | 67 |
| Яқин Шарқ | 9,6 | 12,7 | 22,4 | 33,7 | 54,7 | 53,3 | 53,6 | 58,1 | 64 |

Мана шундай масканлардан бири Ўзбекистон пойтахти Тошкентда ҳам бўлиб, Диснейленд ва Аквапарк фаолияти билан боғлиқдир. Улар 1997 йилдан бошлаб фаолият кўрсата бошлади ва нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда энг кўзга кўринган парк ҳисобланади. Унинг менежменти ва рекламаси билан яхши шуғулланилса, хорижлик туристларни кўплаб жалб этиш мумкин. Буни амалга ошириш учун паркнинг техник имкониятларини янада кенгайтириш ва объектлар сонини кўпайтириш, қўшимча инвестицияларни жалб қилиш лозим. Чет эл мамлакатлари тажрибаси бу йўлни энг самарали ва ютуқли эканлигидан далолат беради. Бунинг учун хорижий туристларни туристик маҳсулотларга бўлган талабини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Глобаллашув шароитида Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари ҳукумат томонидан белгиланган ва жуда кўп давлатлар билан иқтисодий алоқалар, турли битимлар, келишувлар амалга оширилган ва оширилмоқда. Шу билан бир вақтда халқаро туризмда амалга оширилиши муҳим бўлган ишларни куйидагилардан иборат деб биламиз.

Глобаллашув шароитида Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари ҳукумат томонидан белгиланган ва жуда кўп давлатлар билан иқтисодий алоқалар, турли битимлар, келишувлар амалга оширилган ва оширилмоқда. Шу билан бир вақтда халқаро туризмда амалга оширилиши муҳим бўлган ишларни куйидагилардан иборат деб биламиз:

1. Халқаро туризмда маркетинг фойлиятдан кенг фойдаланиш ва халқаро бозорларни эгаллаш учун интилиш;

²⁵ Составлено автором на основе статистических данных барометра ЮНВТО, 2019 год

2. Ўзбекистоннинг туризм имкониятини бевосита чет элларнинг ўзида ахборот агентликлари орқали тарқатиш ва оммалаштириш учун ҳаракат қилиш;

3. Туризм соҳасида ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш, ўқитиш, улар учун барча имкониятларни яратиб туристларга сифатли хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш;

4. Халқаро туризм ярмаркаларида сурункали тарзда иштирок этиш;

5. Ўзбекистоннинг халқаро туризм бозорида амалга ошириш учун керакли бўлган фаолият турлари ва сифати бўйича буклетлар, проспектлар ва ҳакозаларни тарқатиш;

6. Халқаро туризмда биргаликда фаолият юрита оладиган қўшма корхоналар, компаниялар ва ҳакозаларни тузиш ва уларни фаолиятини кенг йўлга қўйиш.

7. Турли кичик шаклга эга бўлган туристлик комплексларда рақобат муносабатларини янада кучайтириш ва бошқа тадбирлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси ҳам бошқа ҳамдўстлик мамлакатлари қатори халқаро туризмни ривожлантириш чора-тадбирларини кўриб, ўзининг миллий моделига асосанган туризмни шакллантириш учун ҳаракат қилмоқда. Бу модел ички имкониятларга, ўзбек халқининг менталитетига ва жаҳон стандартларига мос келадиган талабларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозимлиги таъкидланмоқда. Яна шу нарсани ҳисобга олиш лозимки, инсонларни туризмга ундайдиган ҳолатлар нималардан иборат? Нима учун улар айрим ҳолларда асаб тарангликларига дучор бўлиб, ўз пуллари ва куч-гайратларини сарфлаб туристик сафарга отланадилар? Қаерга бориш, нима мақсадда боришни танлаш хозирги шароитда жуда ҳам беҳисоб бўлиб, улардан sanoqli йўналишларнигина у ёки бу шахс аниқлаши мумкин. Шу билан бир вақтда халқаро миқёсда қаул қилинган йўналишлар бўйича туризмни ривожлантириш ҳам муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ивланишлар натижаси шунини кўрсатмоқдаки, халқаро туризм бозорини ривожлантиришда меҳмонхона комплекслари билан биргаликда, меҳмонхона ҳисобланмаган, ammo унинг функциясини бажарадиган объектлардан ҳам кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Меҳмонхоналарда жойлашиш ягона тунаш жойи эмас. Кемпинглар, пансионатлар, ётоқхоналар, шунингдек кўплаган хусусий квартираларда, хонадонларда ҳам туристлар учун тунаш жойини ташкил қилиш имконияти бор. Ўзбекистонда хусусий меҳмонхоналар сонини кўпайтириш ҳам шу куннинг муҳим талабларидан биридир. Унинг ҳиссаси Ўзбекистондаги жами меҳмонхоналарнинг 5 фоизини ташкил этади холос.

Жаҳон тажрибаси шунини кўрсатадики, туристларни жойлаштиришда 25 фоиздан кўпроқ туристик фондлар ҳиссаси айнан хусусий меҳмонхоналарга тўғри келар экан. Туристларни жойлаштиришда, одатда бундай объектлар жуда қулай ва содда бўлиб уларни самарадорлиги юқоридир. Кемпинглар шахсий хонадонлар, дам олиш уйлари, ёшлар уйи, туристик масканлари, оилавий клублар ва ҳакозалар туристлар учун жуда қулай бўлган масканлардир. Туризмда буларнинг ичидан кенг тарқалгани ва арзони кемпинглардир. Лекин Ўзбекистон шароитида кемпингларни ривожланиши учун кенг имкониятлар



шарт-шароитлар mavjud бўлсада, ammo уларни куриш, фойдаланиш ишига катта аҳамият берилмаяпти. Ваҳоланки халқаро туризм йўналиши бўйича ташриф буюрадиган туристларнинг кемпинг каби масканлардан фойдаланиши улар учун жуда қулайлик туғдиради. Айниқса ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида mavjud булган иқтисодий қийинчиликлар даврида ички туристларимиз учун бундай масканлардан фойдаланиш арзон ва қулайдир. Бундай масканларда одатда одамлар гавжум, фақат халқаро туристлар эмас, балки Ўзбекистон фуқаролари бўлган туристларни ҳам тез-тез ташриф буюрадиган жойларида курилиши ва фойдаланишини мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Масалан, Фарғона водийсининг «Шоҳимардон» деган қадамжо жойлари шулар жумласига киради. Ёз ойларида бу маскан кўпчилик учун оромбахш жой ҳисобланади ва бу ерга кўплаб дам олувчи, саргузашт қилувчи, табиат манзараси бўлган тоғ, дарё, кўллар ва ҳакозалардан завқланиш мақсадида туристлар кўплаб ташриф буюришади. Ammo бу ерда замонавий арзон кемпингларни йўқлиги хориждан ташриф буюрадиганлар учун йўл берк эканлигидан далолат беради. Ваҳоланки бу ерда ҳар йили ва ҳатто киш ойларида ҳам валюта ишлаш имконияти mavjud бўлиб, бу масалага чуқур ёндашмаслик, ва бу соҳада тадбиркорлик масалаларига бепарволик натижасида катта имкониятлар бой берилмоқда. Бу ерда асосан ички туристлар ташриф буюришади. Улар учун ҳам бу ерда кўп ҳолларда етарли сервис кўрсатилмаяпти.

Туризм бозорини ўрганишда у ёки бу халқнинг урф-одати, самимийлиги, турмуш тарзи, меҳмондўстлиги ва яна бошқа кўплаб омиллар ҳам муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон диёрига бир марта келган туристлар, қандай йўналиш бўйича бўлмасин, ўзбек халқи учун муқаддас ҳисобланган меҳмондўстлиги туфайли яна бир бор бу диёрга ташриф буюришни орзу қилар экан. Олиб борилган социологик кузатишлардан маълум бўлдики, аксарият туристлар Ўзбекистонга яна келиш истагингиз борми? деган саволга «Мен албатта яна келаман, бу ернинг одамларидаги меҳмондўстлик, самимият, одамларга диққат-эътибор мени лол қолдирди», деб жавоб берилган. Яна қўшимча қилиб, Ўзбекистонда ҳам кўрадиган, биладиган, таҳсинлар айтадиган жойлар кўп экан деб фикр билдиришган. Шу билан бир вақтда сервис талаб даражасида эмаслиги қайд қилинган. Бу шу нарсада намоён бўладики, халқаро туризм йўналишидаги шаҳарларнинг катта меҳмонхоналаридаги айрим ходимларнинг кўполлиги, ўз хизмат вазифаларини сунистеъмоқ қилишлари ва ниҳоят сафардан кўнгли тўлмаган-лигини ҳам қайд қилишган. Бундай ҳолат албатта туристлар оқимини нафақат халқаро йўналишда, балки ички йўналишда ҳам кескин камайишига сабаб бўлаяпти.

Ўзбекистон Евроосиёнинг йўллари чорраҳасида жойлашган бўлиб, Осиёга, Европага чиқиш учун қулай имкониятларга эгадир. Бу ҳолат келажакда республика ташки иқтисодий фаолиятини кўплаб давлатлар билан амалга ошириш имкониятларини туғдиради ва технологияларни, сармояларни, маданий бойликларни давлатлар-аро ўзаро алмаштириш имконини беради.

Халқаро туризм бозорини ривожланиши қарвон йўллари қайта тиклаш масалалари билан ҳам бевосита боғлиқдир. Чунки Ўзбекистон авваллари ва

хозир ҳам бу қадимий йўлларнинг марказида турибди ва уларни тиклаш бўйича ўтказиладиган тадбирларда унинг иштироки жуда ҳам зарурдир. Айниқса, бу жараён йўл тизимини қандай даражада ривожланганлиги билан боғлиқдир. Шунини ҳисобга олиб, республикада йўл тармоқларини қурилишига катта эътибор берилмоқда.

Шу билан бир вақтда Ўзбекистонни жаҳон бозорига чиқиши учун янги йўл тармоқлари қурилмоқда ва қайта таъмирланмоқда. Масалан, «Андижон - Тошкент - Нукус - Қўнғирот», «Тошкент - Андижон - Ош - Қашғар» тез юрар магистраллари лойиҳаси Буюк Ипак йўлини тиклаш дастурининг асосини ташкил этиб, Европани Хитой Халқ Республикаси ва барча Жанубий - Шарқий Осиё мамлакатлари билан боғлайди. Бу йўллардан фойдаланиш натижасида автомобиль транспорти орқали халқаро туризмнинг ривожланиши, савдо-сотиқни мамлакатлараро йўлга қўйилиши таъминланиб, ҳудудлар иқтисодиётини кўтариш ва аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш учун катта имкониятлар яратилади.

Ўзбекистонда халқаро туризм бозорини ривожлантириш шарт-шароитлари ва имкониятлари ҳақида тўхталиб, шунини таъкидлашимиз керакки, Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган республикада қуйидаги ҳолатлар туризм учун энг қулайдир:

жуда ҳам кўп тарихий обидаларнинг мавжудлиги ва тарих гилдирагининг ранг-баранглиги;

Ўзбекистонда ҳали оммавий туризмни жадал ривожланмаганлиги;

аҳолининг менталитети, меҳмондўстлиги, бошқалар учун ҳар доим яхши самимиятда бўлиши;

табiiй-муҳитнинг софлиги, тоғ, сув, ўрмон, гул ва бошқа фауналарни мавжудлиги;

спорт, дам олиш, соғлиқни тиклаш каби жараёнлар билан шуғулланиш имкониятларини мавжудлиги;

йўл инфратузилмасини яхшиланиб бораётганлиги ва транспорт алоқаларини ўрнатишни қулайлиги.

Халқаро туризм маркетинги жараёни мамлакатга имкони борича кўп ҳорижлик туристларни жалб қилишга қаратилган бўлиши керак. Айниқса, ҳаражат борасида туризм учун кўп сарфлайдиган туристларни мамлакатга жалб қилиш муҳимдир. Бизга маълумки, жаҳон бозорида Япониядан ташриф буюрадиган туристларга эга бўлиш учун ўзига хос рақобат мавжуд бўлиб, кўп давлатлар айнан уларни ўз юртларига ташриф буюришини исташади. Чунки Япониядан ташриф буюрган турист ўзининг сафари чоғида амалга оширган ҳаражатлари билан биринчи ўринда туради. Агар Япониялик турист Европага келса, у бошқа туристларга қараганда 2-3 марта кўп пул сарфлайди. Айрим мамлакатларда ундан ҳам кўп миқдорда пул сарфлашади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонга япониялик туристларни кўпроқ жалб қилиш масаласига эътиборни қаратишимиз лозим.

Ўзбекистон диёрида хорижликларни ўзига жалб қиладиган ерлардан бири, бу Фарғона водийси бўлиб, унинг Наманган, Фарғона, Андижон, Қўқон



шахарлари ЮНЕСКО томонидан Жаҳон меъроси умуминсоний қадриятлар рўйхатига киритилгандир. Бу ердаги маданий ва тарихий ёдгорликларнинг бебаҳолигини ва умуминсоний мулкни томоша қилишга кўплар ҳавас қилишади.

Ўзбекистоннинг Фарғона водийсини ўзига жалб қилувчи жиҳатлари шундаки: биринчидан, унинг 30 фоиздан ортиқ ҳудудда тоғ-ўрмон, текислик, боҳаво жойларнинг борлиги туфайли дам олиш, сайр қилиш мумкин; иккинчидан, унинг ҳудудда 1000 мингдан ортиқ меъморчилик ва археологик объектлар бўлиб, уларнинг 400 га яқини давлат томонидан кўриқланади; учинчидан, кўплаб санъат объектлари ва музейлари мавжуд бўлиб, туристларнинг фойдаланиши учун ҳам доим имконият етарличадир. Шунингдек, турмаршрутлари Андижон, Наманган, Фарғона, Қўқон, умуман Фарғона водийси шаҳарлари ҳисобига ҳам кўпайтириш имкониятлари мавжуддир. Айниқса, Марғилон шаҳри бўйича «Атлас ва ипак шаҳри» йўналиши туристлар учун бебаҳо турмаршрут ҳисобланиши мумкин. Бу эса халқаро туризмни ривожлантириш натижасида, туризм тизимининг молиявий кўрсаткичларини яхшиланиш имкониятларини беради.

Умуман туризмни ривожлантириш йўллари жуда ҳам турли-тумандир. Уларнинг қайси биридан фойдаланиш инсонларнинг ўзига боғлиқ. Ўзбекистон аҳолиси учун, бозор иқтисодиёти шароитида кўпроқ савдо сайёҳлиги аҳамиятли бўлиб қолди. Албатта бундай сайёҳликда импорт сайёҳлигига қараганда экспорт сайёҳлиги устун туради. Бу эса маълум даражада Ўзбекистонни иқтисодий салоҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам, ҳозирги куннинг асосий мақсади, талаби - республикамизга четдан келувчилар учун хизмат даражасини кучайтириш зарурлигидир. Шу тadbир орқали мамлакатимиз ҳазинасини валюта билан кўпроқ таъминлаш имконияти туғилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси*. //Халқ сўзи, 2020 йил, 30 декабрь.
2. Джанджугазова Е.А. *Маркетинг туристских территорий: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по направлению подготовки - Туризм* / Е.А. Джанджугазова. - М.: Академия, 2008.
3. Клейман, А.А. *О новой траектории и стратегии развития туристского бизнеса в условиях экономической турбулентности* / А.А. Клейман, О.А. Бабанчикова // Вестник национальной академии туризма. - 2015. - № 1 - С. 22-29.
4. Минаев, В.А. *Региональный туризм: прогнозирование и планирование развития в современных макроэкономических условиях* / В.А. Минаев, Н.А. Платонова, Е.А. Цыцук // Региональная экономика: теория и практика. - 2015. - №23 - С. 2-12.
5. Севрюков, И.Ю. *Рынок туристских услуг: современное состояние и тенденции развития* // Экономика: теория и практика. - 2016. - №4 - С. 43-48.
6. Морозов, М.А. *Предпринимательство и конкуренция в туризме: монография* / Н.С. Морозова, М.А. Морозов. - М.: Российский новый университет, 2010.

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТИДА БАНК ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Ш.Х. Ташматов,
и.ф.д., профессор,**

“Фундаментал иқтисодиёт” кафедраси профессори, ТДИУ

Аннотация: Мақолада инновацион ривожланиш шароитида банк тизими фаолияти ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари кўрилган, банк хизматлари бозорини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари аниқланган. Банк хизматлари бозорининг элементлари ва механизмларини такомиллаштириш йўналишлари асослаб берилган, банк фаолияти ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири таъкидланган ва тавсифланган.

Таянч иборалар: хорижий инвестиция, аудит, корпоратив бошқарув, комплеанс назорат, банк тизими, банк операциялари, банк менежменти.

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы развития и совершенствования деятельности банковской системы в условиях инновационного развития, определены приоритетные направления развития рынка банковских услуг. Обоснованы направления совершенствования их элементов и механизмов рынка банковских услуг, выделяются и описываются характерные особенности развития банковской деятельности и их влияние на социальное и экономическое развитие Республики Узбекистан.

Abstract: The article examines the development and improvement of banking activities in the context of diversification, identifies the priority directions of development of the banking services market. The directions of improving their elements and mechanisms of the banking services market are substantiated, the characteristic features of the development of banking activities and their impact on the social and economic development of the Republic of Uzbekistan are highlighted and described.

Мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларини модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий ҳолатини яхшилаш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Бугунги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилишда ички аудитнинг корпоратив бошқарувдаги ролининг ортиб бориши натижасида алоҳида тузилма сифатида шаклланиши жаҳон амалиётида ички аудит бизнесни ҳимоя қилиш, рискларни минималлаштириш ва комплеанс назоратни амалга оширишнинг муҳим воситаси сифатида қўлланимоқда. Республикамизда бухгалтерия ҳисоб тизимида халқаро андозаларнинг амалиётга татбиқ этилиши, хўжалик юритувчи субъектларда асосий фаолиятдан олинган даромадлар бўйича муомалалар ҳисобини юритишнинг янгича ёндашувни келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясида

халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда банк тизимини ривожлантириш ва унда бошқарувнинг замонавий принципларини жорий этиш муҳим вазифалардан бири этиб белгиланган. Мазкур вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш ички банк тизими фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий тизимни халқаро стандартларга мос равишда ривожлантириш, халқаро стандартлар асосида банк тизимини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Маълумки, инқирозга қарши кураш дастурининг асосини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” ги ПФ-4058-сонли Фармони ҳамда уни янада ривожлантириш мақсадида 2019 йил 20 январда қабул қилинган “Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-1041-сонли Қарорлари ҳамда инқирозга қарши қаратилган бошқа бир қанча муҳим ҳужжатлар ташкил этади. Бу борада банклар фаолиятини улар талаблари асосида бажариш учун йўналтириш ҳозирги куннинг энг муҳим талабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон банк тизими ривожланишининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, у мамлакат раҳбарияти томонидан олдинга қўйилган асосий вазифани амалга оширишга, яъни иқтисодиётнинг янада жадал ривожланиши учун пойдевор яратишга катта ҳисса қўшган ҳолда, ҳар бир босқичда мамлакатдаги бозор ислохотларининг фаол иштирокчиси бўлди. Республикада банк тизимини такомиллаштириш Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш босқичидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бозор ислохотларини амалга оширишдаги ҳар бир босқичнинг барча асосий иқтисодий муаммолари кўп жиҳатдан мазкур вазифанинг ҳал этилишига боғлиқ. Ўзбекистон банк тизимидаги ислохотлар ҳозирги замон банк фаолияти соҳасидаги чуқур ва муҳим ўзгаришлар замирида амалга оширилмоқда. Бунда банклар фаолиятини бошқаришни қайта ташкил қилишга нисбатан эҳтиёж пайдо бўлади. Тез ўзгариб турувчи ҳозирги замонда банк менежментининг бутун тизими ҳам тез ривожланмоқда. Бу, биринчи навбатда, бозор ислохотларини амалга ошираётган мамлакатларда инобатга олинishi зарур. Буни 1990-йилларнинг бошидаёқ Жаҳон банкининг мутахассислари тавсия қилган эди.

Ислохотларнинг дастлабки босқичида бу асосан иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларига хизмат кўрсатишга ихтисослашган банкларни ташкил этиш йўли билан содир бўлди. Ўзбекистонда ҳозирги вақтда тижорат банкларининг ривожланишида банк хизматлари соҳасини монополиядан чиқариш тенденцияси чуқурлашиб бормоқда. Дастлабки ихтисослашган тижорат банкларининг ташкил этилиши Ўзбекистон иқтисодиётининг маълум тармоқлари ва секторларини молиялаш зарурати билан шартланди. Кейинчалик ташкил этилган ихтисослашган банклар ўз операциялари ва мижозлари доирасини кенгайтди. Банкларнинг бозорга йўналтирилиши банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш соҳасида ҳам тегишли

ўзгаришларни талаб қилади. Банк менежментининг замонавий даражасига, қачонки у банклар ва бутун банк тизимининг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш соҳасида ҳал қилувчи омилга айлангандагина эришилади. Бундан ташқари, республикада куйидаги йўналишлар бўйича банк тизимида мулкчилик муносабатларини таркибий ўзгартириш жараёни кечмоқда.

Бу шароитда банк тизимининг ишончлилигига банкни бошқаришнинг юқори даражаси, бозор интизоми ва тартибга солувчи органларнинг назорати орқали эришиш мумкин. Шундай қилиб, республикада банк назорати билан бир қаторда, банк менежментига ҳам алоҳида аҳамият берилиб, у мазкур соҳада бошқарувнинг асосий бозор услуга айланмоқда. Шу билан бирга, банк назорати ва тижорат банкларининг фаолиятини меъёрий тартибга солиш механизми сифат жиҳатдан ўзгарди. Республикада бутунги кунда банклар барқарорлигининг асоси ҳисобланган қатъий банк назорати улар фаолиятининг мониторинги, назорат ва аудит ёрдамида муаммоли банкларни ўз вақтида аниқлаш ва санациялашни, банкларнинг банкрот бўлиши ҳолатларининг камайишини таъминламоқда.

Ўзбекистон банк тизимини янада ислоҳ қилишнинг умумий йўналишида ушбу масаланинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, республикада банклар фаолиятини бошқаришнинг родини кучайтириш бўйича фаол ишлар қилинмоқда. Мазкур иш доирасида USAID мутахассислари билан ҳамкорликда Марказий банк махсус тавсиялар ишлаб чиқди. Ушбу тавсияларда кенгаш аъзоларининг функционал мажбуриятлари аниқланди ва кенгаш аъзолари банклар ишини бошқариш учун эга бўлиши лозим бўлган ахборотлар рўйхати берилди. Бундан ташқари, республика акциядорлик банклари ўз фаолиятида Банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан 1999 йилда чиқарилган банк муассасаларида корпоратив бошқарувни яхшилашга доир кўрсатмага ҳам амал қилади.

Халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, ЎЗР Марказий банки Базель қўмитасининг янги қоидаларига риоя қилади ва ўз йўриқномаларининг талабларини уларга мумкин қадар яқинлаштирмоқда. Янги қоидаларнинг амалга киритилишида рейтингга эга бўлган ёки уни олишни хоҳловчи Ўзбекистон банклари (ТИФ Миллий банки жаҳоннинг мингта энг ишончли ва йирик банклари сафидан жой олди) ушбу қоидаларга мос келиши керак. Бу яна шу нарса билан боғлиқки, хорижий контрагентлар, сармоядорлар ва мижозлар Базель қўмитасининг талабларига мос келувчи кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқади.

Таҳлилчилар у ёки бу банк янги қоидаларни жорий этиш ишларини қандай амалга ошираётганлигини диққат билан кузатишади. Янги келишув банклардан хатарни ҳисобга олган ҳолда фойдалиликни ҳисоб-китоб қилишга нисбатан қўйиладиган талабларга катта эътибор қаратишни талаб қилади. Бу банк маҳсулотлари сифатининг ошишига ва самарали нархларнинг шаклланишига олиб келиши лозим. Ўз навбатида, учинчи компонент доирасида бозор интизоми соҳасидаги талаблар молиявий ва операцион хатарлар ҳақидаги ахборотнинг шаффофлигини таъминлайди. Банк мижозлари хатарларни назорат қилиш тизими ҳақида ва банкнинг ишончлилиги даражаси ҳақида тўлиқ ахборот олиши



мумкин.

Базель кўмитасининг сармоя етарлилиги бўйича янги қоидалари банклар фаолиятини таҳлил қилиш тизимидаги бурилиш нуқтасидир. Банклар янги қоидаларга мос келиши учун кўп ишлар қилиниши лозим. Бироқ Ўзбекистонда янги андозалар қай даражада жорий этилишидан қатъи назар, банклар раҳбарлари ҳозирданок, янги қоидаларда ёзилган хатарларни бошқаришнинг асосий тамойилларини жорий этиш ишини бошлаши зарур. Бу ҳаракатлар ҳеч қачон зое кетмайди, чунки улар хатарларни бошқаришнинг янги замонавий тадбирларининг жорий этилишига олиб келади ва корпоратив бошқарувни такомиллаштиришга катта ёрдам беради. Натижада, банкнинг ишончилиги ортади ва унинг бозордаги мавқеи мустаҳкамланади.

Бундан ташқари, Базель кўмитаси банклар фаолиятини пруденциал тартибга солиш ва назорат қилишнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқди. Мазкур тамойилларнинг қўлланилиши банклар хавфсизлигини ва ишончли ишлашини таъминлайди, бунинг учун улар банк операциялари жараёнида юзага келадиган хатарларни қоплаш учун зарур бўлган сармоя ва захираларга эга бўлиши лозим.

Самарали банк назоратини ушлаб туриш учун банк назорати органи ўз ваколати доирасида қарорлар қабул қилишда мустақил бўлиши керак, бу амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгилаб берилади. Бундан ташқари, банк назорати органлари банклар учун мажбурий бўлган, иқтисодий меъёрлар билан ифодаланган операцияларни амалга ошириш қоидаларини, бухгалтерлик ҳисоби ва банк статистика ҳисоботларини юритиш, йиллик ҳисоботларни тузиш қоидаларини белгилаш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Соғлом банк тизимининг фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий база сифатида амалдаги қонун ҳужжатлари банк назорати органларига банк муассасаларини лицензиялаш тартибини белгилаш ва банк операциялари доирасини аниқлаш имкониятини беради.

Молиявий беқарор тузилмаларнинг банк соҳасига кириб қолишига йўл қўймаслик мақсадида банк назорати органлари янги банк ташкилотлари ишончли акциядорлар томонидан узоқ муддатга таъсис этилаётганлигига, зарур молиявий базага эгаллигига ҳамда унга иш тажрибаси ва юқори ахлоқий хусусиятларга эга раҳбар тайинланганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Лицензияларнинг берилишини тартибга солувчи мезонлар жорий назорат жараёнида қўлланиладиган меъёрларга мос келиши керак. Ишлаб турган муассаса белгиланган мезонларга мос келмай қолган ҳолларда, бу ҳол лицензияни чақириб олиш учун асослардан бири бўлиб хизмат қилади.

Банк назоратининг самарадорлиги шу билан шартланганки, лицензиялаш ва назорат қилиш тартиблари унинг банк тизимининг нормал фаолият кўрсатиши учун чоралар қўллаш бўйича юридик ҳуқуқи билан таъминланган. Лицензиялаш қоидалари ҳам банк назоратининг воситалари сингари банкларнинг банкрот бўлиши сонини ва омонатчилар кўрадиган йўқотишлар суммасини чегаралашга йўналтирилган.

Банк лицензиясини олиш учун берилган талабномаларни текшириш бўйича қатъий мезонларга эга бўлган банк назорати органлари уларнинг ичидан, ўз фикрига кўра, белгиланган мезонларга мос келмайдиганларини

рад этиш ҳуқуқига эга. Лицензиялаш жараёни, кам деганда, таъсис этилаётган банкка эгалик қилиш таркибини, унинг директорлари ва бошқарув органини, операцион режаси ва ички назорат механизмини, башорат қилинаётган молиявий аҳволи ва сармоясини баҳолашни назарда тутати. Мулкдорларга хорижий банк таклиф этилган ҳолларда, ушбу банк келиб чиққан мамлакат назорат органининг розилигини олиш талаб этилади.

Банкларда, шунингдек, жорий кредит операцияларининг мониторинги, шу жумладан, қарздорларнинг молиявий аҳволи мониторинги ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиши керак. Ҳар қандай ахборот бошқарув тизимининг асоси бўлиб кредит портфелининг аҳволи тўғрисидаги зарур маълумотларни, шу жумладан, ички рейтинг ва кредитларни таснифлаш тизими ҳақидаги ахборотни ўзида муҷассамлаштирган маълумотлар базаси хизмат қилади.

Самарали банк фаолиятини таъминлаш учун адекват ликвидлик зарур. Ликвидликни бошқаришда энг муҳими банк томонидан унинг барча шартнома мажбуриятлари бажарилишининг таъминланиши зарур. Ликвидликни бошқариш бўйича чуқур ўйланган сиёсатнинг элементларига бошқарув ахборотининг тўғри йўлга қўйилган тизимлари, ликвидликни марказлаштирилган тарзда назорат қилиш, фондаш манбаларини диверсификация қилиш ва кўзда тутилмаган ҳолатлар учун режалаштириш киради.

Банклар маблағлар манбаларининг мавжудлиги нуқтаи назаридан мажбуриятлар бўйича тўлов муддатларини тақсимлаш нуқтаи назаридан ҳам фондларнинг диверсификация қилинган манбасига эга бўлиши керак. Улар, шунингдек, ликвидли активларнинг адекват даражасини ҳам ушлаб туришлари лозим. Банкнинг фаолияти банк кенгаши томонидан ишлаб чиқилган сиёсат ва стратегияга мувофиқ эҳтиёткорлик билан олиб борилаётганлигини аниқлашда ички назорат асосий восита бўлиб хизмат қилади. Ички назорат, шунингдек, халқаро операциялардаги активлар бўйича тўлиқ ахборот мавжудлигига ва мажбуриятлар назорат остида турганлигига, менежмент банк фаолияти хатарларини баҳолашга, назорат қилишга ва уларни бошқаришга қодир эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Банклар фаолияти банк қонун-қоидаларининг кенг доираси билан тартибга солинади. Шунинг учун банклар уларга риоя қилиш бўйича адекват тадбирларни ишлаб чиқиши лозим. Белгиланган талабларнинг бузилиши банкнинг обрўсига путур етказиши ва уни санкциялар объектига айлантириши мумкин.

Назорат ахборотни йиғиш ва таҳлил қилишни назарда тутати. Буни жойларда ёки масофадан туриб амалга ошириш мумкин. Айрим мамлакатларда жойлардаги текширув нозирлар томонидан, бошқа мамлакатларда – малакали ташқи аудиторлар томонидан амалга оширилса, учинчи хилдаги мамлакатларда жойлардаги текширув ҳамда назорат органлари ва ташқи органлар ўртасидаги ҳамкорликнинг аралаш тизими қабул қилинган.

Ички ва ташқи аудиторлар томонидан тақдим этилган ҳисоботларни таҳлил қилиш жойлардаги текширувнинг ҳам, масофадан туриб назорат қилишнинг ажралмас қисми бўлиб қолмоқда. Жорий назорат пайтида лицензиялаш



жараёнида эътибор қаратилган турли омиллари вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Банклар банк назорати органига таҳлил учун ахборотни мунтазам равишда тақдим этади, назорат органлари бўлса, банклар билан улар фаолиятининг барча муҳим масалаларини мунтазам равишда муҳокама қиладилар. Банк назорати ходимлари, шунингдек, банклардан яққа ва умумий тарзда келиб тушадиган молиявий ҳисоботлар ва статистик ахборотларни йиғиш, баҳолаш ва таҳлил қилиш воситаларига ҳам эга бўлиши лозим.

Тақдим этиладиган ҳисоботлар сармоянинг етариллигига қўйиладиган талаблар ёки яққа қарздорни кредитлаш учун меъёрлар каби пруденциал талабларга амал қилинишини текшириш учун фойдаланилиши мумкин. Масофали мониторинг кўпинча, айниқса, жойларда текширувлар ўтказилиши ўртасидаги даврларда потенциал муаммоларни бир хил ҳолатга келтиришга ёрдам беради, бу, ўз навбатида, муаммоларни олдиндан аниқлаш имконини беради. Хориж мамлакатлари тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, республикада банк тизимини янада ривожлантириш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш лозим:

- кучли ахборот тизимини барпо этиш ва унинг маълумотлар базасига банкларнинг кредиторлари ва дебиторлари ҳамда уларнинг акциядорлари ҳақидаги маълумотларни киритиш;

- ҳукумат кафолати остида қўшма банклар ташкил этишни кенгайтириш, ушбу банклар ресурсларининг камида ярмини инвестициялар сифатида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётига йўналтириш;

- банк тизимининг активларини бирлаштиришга, тижорат банкларини капиталлашувига, улар сармоясини оширишга қўмаклашиш;

- бирлашиш, қўшилиш, шунингдек, мулкдорларни алмаштириш тадбирларидан фойдаланган ҳолда молия-саноат гуруҳларининг ташкил этилишини фаоллаштириш;

- минтақавий тижорат банкларига молиявий-хўжалик фаолиятининг қайиш-қоқ меъёрларини белгилаш.

Юқорида кўрсатилган вазифаларнинг амалга оширилиши банк тизими фаолиятини иқтисодиётда ва, умуман, жамиятда ривожланаётган бозор муносабатларига мувофиқлаштириш имконини беради.

Ўзбекистон шароитида анъанавий банк хизматлари соҳасида менежментнинг муаммолари жумласига кичик бизнесни кредитлаш, тўланмаганликка барҳам бериш, компьютер техникасини ўзлаштириш масалалари киради.

Кўпинча кичик корхоналар кредит олиб, уларни қайтара олмайди, чунки маблағлар хомашё ва омборхоналардаги тайёр маҳсулотларда музлатилган. Муддати ўтган қарзлар ўсиб бормоқда. Банклар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан санкциялар қўлланилишидан қутилиб қолишга интилган ҳолда, ссудаларнинг қайтарилмаганлигини, кредит шартномаларининг узайтирилганлигини расмийлаштиради. Муддати ўтган қарзларнинг ўсиши, ушбу ҳолатда, кредит эмиссиясини ўзида намоён этади ва инфляциян кескинлигининг кучайишига бевоСИта таъсир кўрсатади.

Республикада юзага келган берилмажак кредитларнинг тармоқ структураси

самарасиз. Кредитларнинг катта қисми тармоқ ихтисослашуви номаълум бўлган корхоналарга, яъни уларнинг аксарият кўпчилиги савдо-воситачилик фаолияти билан шуғулланувчи кичик корхоналарга берилмоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалигига кредитларнинг бор-йўғи учдан бир қисми йўналтириляпти. Кредит қўйилмаларининг умумий ҳажмида узоқ муддатли кредитларнинг улуши жуда кам (5 %).

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона ва ташкилотлар айланма маблағларининг етишмаслигини қоплаш юки тижорат банклари зиммасига тушди. Кичик корхоналар томонидан кредитларнинг қайтарилмаслиги уларнинг айримларини банкротлик ёқасига олиб борди. Банк менежментининг ушбу муаммосини ҳал этиш учун, биринчидан, доимий равишда янгиланиб турувчи ахборот базасидан мижозларнинг тўлов қобилиятини текшириш тадбирини ўзлаштириш, иккинчидан, ўрта ва узоқ муддатли кредитларни фақат бизнес-режаларнинг экспертлар томонидан баҳоланганидан сўнг бериш, учинчидан, кичик корхоналар учун кредитлар бўйича кафолат сифатида кичик бизнес агентлигини ташкил этиш зарур.

Асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни кредитловчи банклар учун фойда солиғи ва Марказий банк томонидан ташкил этиладиган фондларга ажратмалар миқдорини пасайтириш борасида имтиёзлар берилиши керак. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молияси хўжаликнинг ўз маблағлари фақатгина товар-моддий ресурсларга бўлган энг кам эҳтиёжни қоплайдиган даражада ташкил этилган. Бу ҳол уларнинг қарз маблағларига бўлган эҳтиёжини кучайтиради. Қишлоқ хўжалиги учун саноат маҳсулотлари нархининг ўсиши тармоқнинг кредитга бўлган эҳтиёжини янада оширди. Бунда берилган кредитлар учун фоиз ставкаларининг пасайишини компенсациялаш республика бюджети ҳисобидан амалга оширилиши керак. Агар тижорат банклари кредитининг пасайтирилган ставкалари миқдори ссуда учун тўловни оширишга мажбур бўлади. Самарали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун пасайтирилган фоиз ставкаларини компенсациялаш маблағлари давлат бюджетида кўзда тутилиши лозим.

Шунингдек, тадбиркорда “ўз сармояси минимуми” сақланиб туришининг даваат ва банк томонидан назорат қилинишини ҳам қатъийлаштириш мақсадга мувофиқ. Унинг ҳажми пасайиши биланоқ, корхона банкрот деб эълон қилинади ва ўз фаолиятини тўхтатади. Бу билан “тугатиш” солигининг тўланиши ва кредиторларга ссудаларнинг қайтарилиши кафолатланади. Банк менежментининг муаммоларидан бири, бу ҳамкорлар ўртасидаги ўзаро талабларнинг банклар орқали ҳисобга олиниши Марказий банкдан тижорат банклари учун кафолатларни талаб қилишидир. Акс ҳолда, ҳеч бир тижорат банки “картотекада ўтирган” мижозни кредитламайди. Бу ерда фақат Марказий банк дебет қолдигининг қопланиши учун ҳисобга олишининг амалга оширилиши бўйича кафил ролини ўз зиммасига олиши мумкин. Кредитларга эга бўлгани ҳолда, банк воситачилар орқали ўз акциялари курсининг оширилишидан манфаатдор ва бу билан кредит ресурсларини ишлаб чиқаришга эмас, балки биржа операцияларига тортади. Тижорат банкининг устав сармояси банк



мажбуриятлари ва тўлов қобилиятининг таъминоти бўлиб хизмат қилади. Агар у биржа котировкасига боғлиқ бўлса, у ҳолда акциядорлик банкнинг тўлов қобилияти фонд бозорининг ҳолатига боғлиқ бўлади. Банклар акцияларининг қадрсизланиши уларнинг тўловга қобилсизлигига, мижозларни эса талон-тарож бўлишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун фонд ва банк бозорлари, фикримизча, қонуний жиҳатдан ажратилган бўлиши керак. Қисқа ва узоқ муддатли кредитларга нисбатан банк сиёсатининг чегараланиши фирманинг молиявий натижаларида кредит учун тўловларни акс эттириш тартибига аниқлик киритилишини назарда тутлади. Кўпроқ муомала соҳасида фойдаланиладиган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизнинг юқори нуқтаси “инфляция даражаси қўшув (плюс) 3 фоиз” тамойили бўйича аниқланиши мумкин. Узоқ муддатли инвестициялар кредит учун фоиз ставкаси маълум бўлган ҳолларда юқори чегарани белгилловчи бошқа тамойилга эга: “фойда олув (минус) кредит фоизи” ҳозирги шароитда кредит фоизининг бир қисми Марказий банкнинг ҳисоб ставкаси чегарасида корхоналар маҳсулотларининг таннархига киритилади, яъни корхоналар кредитлар учун тўловнинг асосий қисмини истеъмолчиларнинг елкасига ағдаришади. Бироқ бу ҳол корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобларни ташкил қилиш учун марказлашган кредитларга зарурат туғдирувчи тўланмаганлик занжирига олиб келади.

Таъкидлаш лозимки, замонавий банк менежментининг асоси бўлиб, банк маҳсулотини яратиш тадбирини оптималлаштириш ва мижозлар учун сервис жозибдорлигини ошириш ҳисобланади. Ушбу мақсадлар учун банк маълумотларни қайта ишлаш электрон технологиясига муҳтождир. Банк менежменти, шунингдек, товар, фонд, валюта биржаларига хизмат кўрсатиш, уларнинг инфратузилмасини молиялаш, ҳисоб-китобларни тармоқларини барпо этиш билан ҳам боғлиқ. Банк учун биржа операцияларини кредитлаш фойдали, чунки бу ерда кредит ресурслари юқори дивидендлар келтирган ҳолда, катта тезликда айланади. Шунинг учун биржаларнинг банклар билан молиявий холдинг компанияларига бирлаштирилиши катта самара беради. Умуман, ҳозирги вақтда банк менежментининг энг кенг тарқалган талқини бўлиб, бир томондан, банк ваколатидаги иқтисодий жараёнларни ташкил қилиш ва бошқариш билан боғлиқ муаммоларнинг, иккинчи томондан эса, банк жамоасини ташкил қилиш ва бошқаришга тааллуқли муаммоларнинг ажратилишини назарда тутувчи талқин ҳисобланади²⁶. Банк менежментининг асосий соҳалари билан бир қаторда унинг энг муҳим йўналишлари ҳам ажратилади.

Биринчидан, стратегик режалаштириш, унинг ёрдамида истиқболли банк сиёсати ишлаб чиқилади. Бунда, тижорат банкни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш бўйича тактик вазибалар ва муайян чора-тадбирларни аниқлаш режалаштиришнинг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланади.

Иккинчидан, активларни бошқариш, унинг ёрдамида банкнинг кўзда тутилган вақтга мўлжалланган сиёсати бевосита амалга оширилади. Активларни

²⁶ Тимоти У. Кох. Управление банком: пер. с англ. В 5-ти книгах. - Уфа, 1993; Банковское дело / Под ред. О.И.Лаврушина. - М., 1997 ва б.

бошқариш, биринчи навбатда, банк балансининг ликвидлиги сақланиб қолинган ҳолда, унинг фойдали ишлашини таъминлашга йўналтирилган.

Учинчидан, пассивларни бошқариш, у менежментнинг банкда даромад келтирмайдиган маблағларнинг бўлишига йўл қўймайдиган (мажбурий захиралар бундан мустасно) йўналишини ўзида намоён қилади.

Тўртинчидан, банкнинг ўз маблағларини бошқариш, бу унинг ликвидлигини ва тўлов қобилиятини таъминлаш учун алоҳида аҳамиятга эга.

Бешинчидан, банк ишлашининг рентабеллигини бошқариш, у умумий даромад ва харажатлар устидан назорат қилинишини, жалб этилган маблағлар бўйича энг катта харажатлар ҳамда кредитлаш ва инвестициялардан кўриладиган энг катта даромадлар динамикаси таҳлилин назарда тутати.

Олтинчидан, банк фаолиятида учраб турадиган таваккалларни бошқариш, у кўпинча таваккал-менежмент деб номланади. Менежментнинг ушбу йўналиши ёрдамида таваккалнинг пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳолатларини билиш, кўзда тутилаётган зарарлар кўламларини баҳолаш ва огоҳ этиш усулларини ёки уларни қоплаш манбаларини топиш мумкин бўлади.

Еттинчидан, банк менежменти тизимига ходимларни бошқариш ҳам киради. Шу жиҳатдан бошқарувнинг бутун тизимини “пухта ишлаб чиқиш” зарур, хусусан, қарорлар қабул қилиш, жавобгарлик, назоратни ташкил қилиш, раҳбариятнинг қўл остидагилар билан муносабатлари, меҳнатга ҳақ тўлаш, ушбу бошқарувнинг ўзини баҳолаш, менежер кадрларни тайёрлаш ва ҳ.к. соҳасида. Банк менежментига бундай қараш менежмент ва банк иши тарихий ривожланишининг маҳсули ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармониغا 1-илова. (ҚХММБ, 22.09.2018 й., 06/18/5544/1951-сон; 08.03.2019 й., 06/19/5687/2723-сон).*

2. *Родионова В.М., Федатова И.А., Финансовая устойчивость предприятия в условиях инфляции – М; Изд-во Преспектива 2005-й Б-156*

3. *Қосимова М., Шамсиев А. Иқтисодийтимиз барқарорлигини таъминлашда банкларнинг ўрни. //Бозор, пул ва кредит. 2006 йил, №6.*

4. *Расулов Т. Ўзбекистонда пул бозорини ривожлантириши. //Бозор, пул ва кредит. 2006 йил, №2.*

5. *Тимоти У. Кох. Управление банком: пер. с англ. В 5-ти книгах. - Уфа, 1993; Банковское дело / Под ред. О.И.Лаврушина. - М., 1997 ва б.*



ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ТАРМОҚЛАРАРО ТАҚСИМЛАШ

Б.Т.Байхонов, и.ф.д.,

“Менежмент ва маркетинг” кафедраси профессори, ТДИУ

У.А.Отажанов,

“Менежмент ва маркетинг” кафедраси, ТДИУ

О.ЎТургунов,

“Менежмент ва маркетинг” кафедраси, ТДИУ

Аннотация: Ушбу мақолада иқтисодий-статистик моделиштириши, иқтисодий кўрсаткичлар ва ишлаб чиқариши омиллари ўртасидаги алоқаларнинг моҳияти, иқтисодий-математик моделиштиришини қўллаш самарадорлиги, эконометрик усуллари ва ахборот технологияларининг миллий иқтисодиётни бошқаришида афзалликлари ҳақида маълумот берилган.

Таянч иборалар: иқтисодий-математик моделиштириши, инвестиция, эконометрик усуллар, модернизация, компьютер технологияси, жаҳон иқтисодиёти.

Аннотация: В статье представлена информация о важности экономико-статистического моделирования, взаимосвязи экономических показателей и факторов производства, эффективности экономико-математического моделирования, эконометрических методах и преимуществах информационных технологий в управлении народным хозяйством.

Abstract: The article provides information on the importance of economic and statistical modeling, the relationship between economic indicators and factors of production, the effectiveness of economic and mathematical modeling, econometric methods and the benefits of information technology in the management of the national economy.

Жаҳон иқтисодиётида ишлаб чиқаришни янги техника ва технологиялар билан таъминлаш, халқаро бозорда ўз ўрни, мавқеига эга бўлиши, рақобатбардош ҳамда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун иқтисодиётга инвестициялар жалб қилиш, улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бирлашган миллатлар ташкилоти маълумотида кўра, «Жаҳон миқёсида халқаро компанияларда Америка Қўшма Штатлари (35,5 миллиард АҚШ доллари) бўйича энг йирик донор бўлиб қолмоқда, кейинги ўринларни Германия (28,4 миллиард АҚШ доллари), Буюк Британия (18,6 миллиард АҚШ доллари), Япония (16,3 миллиард АҚШ доллари) ва Франция (14,1 миллиард АҚШ доллари) эгаллади»²⁷. Бу эса ўз навбатида жаҳон бозорининг ўзгарувчанлиги ва номаълумлиги шароитида инвестиция қўйилмалари самарадорлигини баҳолаш усулларида таваккалчилик омилларининг ҳисобга олинишини, инвестициялашни тартибга

²⁷ UNDER EMBARGO UNTIL 13 APRIL 2021, 15:00 HOURS PARIS TIME <https://www.oecd.org/dac/financing-sustainable-development/development-finance-data/ODA-2020-detailed-summary.pdf>

солиш ҳамда ҳудудлар ва иқтисодий тармоқлар ўртасида тўғри тақсимланишини талаб этади.

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётига киритилган инвестицияларни фойдасиз туриб қолиши ёки инвестициядан самарали фойдаланишда юзага келадиган таваккалчилик ҳамда хатарлилик даражаларини аниқламаслик оқибатида ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ қувват билан ишлашини чегараланиб қолиши каби муаммоларни олдиндан кўра билиш ва илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, корхона фаолиятини барқарор ўсишини, глобал рақобатбардошликка эришишини таъминлаш – инвестиция самарадорлигига таъсир этувчи омилларни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилишни, улар орасидаги миқдорий боғланишларни аниқлашни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш учун 2020 йилда барча мулкчилик шаклларидаги корхона ва ташкилотларда 210195,1 млрд. сўм ёки 2019 йилга нисбатан 107,3 фоиз асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»²⁸ да инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш, жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлардан самарали фойдаланиш каби вазифалар белгилаб берилади.

Ўшбу вазифалар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган актив инвестиция сиёсатини олиб бориш, иқтисодий тармоқлараро инвестициялар йўналишини ва тақсимланишини эконометрик моделлаштириш услубиётини такомиллаштириш, инвестиция самарадорлиги, хатарлилик ва таваккалчилик даражаларини аниқлаш моделларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг ривожланиш ҳамда барқарор ўсишини таъминлашда максимум ва минимум тушунчаларига эътибор қаратиш, яъни мамлакатда фаолият юритаётган иқтисодий тармоқларда харажатларни минималлаштириш, даромадни максималлаштиришга ҳаракат қилинаётганини эътиборга олсак, иқтисодиётни эконометрик моделлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳар қандай давлат жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини максималлаштиришга ҳаракат қилади. Истеъмолчилар эса ўз маблағларини кам сарфлаб, ўз эҳтиёжларини максимал даражада қондиришга интилади.

Шу маънода танланган мақсадга эришиш учун ишлаб чиқилган адекват эконометрик моделлар яроқлигини текшириш, асосан, унинг амалиётга татбиғи қай даражада бўлиши, келгусидаги ҳолатларни ишончли акс эттириши билан белгиланади. Бу ўринда барча иқтисодий жараёнлар ҳамда ҳодисалар вақт давомида ўзгарувчан бўлиши ва иқтисодий жараёнларни иқтисодий-статистик моделлар орқали ўрганиш натижасида бирор - бир иқтисодий кўрсаткичнинг ҳозирги ҳолатини, келажакдаги ўзгаришини илмий асосда таҳлил қилиш ва ба-

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»-ги ПФ-4947-сонли Фармони. // «Халқ сўзи» 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сонни.




шоратлаш мумкин.

Иқтисодий-статистик моделлаштириш иқтисодий кўрсаткичлар ва ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги алоқаларнинг моҳиятига кўра, стохастик асосга таянади. Иқтисодий субъектлар фаолиятини статистик моделлаштириш замон ва маконда уларнинг ривожланиш жараёнини ўрганишда асосий ўрин эгаллайди, ҳамда бу моделлар ишлаб чиқариш тенденциялари ва қонуниятларини аниқлаш учун мослашгандир.

Одатда, иқтисодий-математик моделлаштиришни қўллаш самарадорлигининг асосий шартларидан бири унинг реал кўриниш ва жараёнга айнан мос келиши ҳисобланади. Шунингдек, эконометрик моделлаштириш бир қатор илмий йўналишлар мажмуасини ташкил этади.

Эконометрик усуллар оддий анъанавий усулларни инкор этмасдан, балки уларни янада ривожлантириш ва объектив ўзгарувчан натижа кўрсаткичларини бошқа кўрсаткичлар орқали муайян таҳлил қилишга ёрдам беради.



1-расм. Эконометрик моделлаштиришнинг илмий йўналишлар мажмуаси

1-расмда келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, аниқланган моделлар ёрдамида компьютер технологияси дастурида иқтисодий жараёнлар ҳисоб-китобини тенглик ва тенгсизликлар орқали маълум бир шартлар асносида амалга оширилади. Эконометрик усулларнинг ва компьютерларнинг миллий иқтисодиётни бошқаришда афзалликларидан бири шундаки, улар ёрдамида моделлаштирувчи объектга омилларнинг таъсирини, натижа кўрсаткичига ресурсларнинг ўзаро муносабатларини сценарийлар асносида кузатиш мумкин. Бу эса ўнлаб тармоқлар ва минглаб корхоналарда ишлаб чиқариш натижалари ва миллий иқтисодиётнинг илмий асосда прогноزلантириш ва бошқаришга имкон беради.

Шу маънода муаллифлар томонидан ноаниқ тўпламлар назариясига асосан ишлаб чиқилган инвестициялар тақсимоти моделидан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тармоқларига тақсимланаётган инвестицияларни тақсимотига татбиқ этиб, ҳолатлар бўйича таҳлил қилиш мумкин. Аниқланган натижаларга кўра, 2000-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулот ҳажмининг киритилган инвестицияга нисбатан ўзгариши 5 йил (2000, 2006, 2008, 2012, ва 2015 йилларда) жуда ёмон ҳолатда бўлиб, жами танланган даврларга нисбатан 29 %ни ташкил этган. Бу ҳолатда танланган даврлар мобайнида ялпи ички маҳсулот, жами ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотга нисбатан 35 %ни, асосий капиталига инвестиция тақсимоти эса 35 %га тенг бўл-

ган. Жуда ёмон ҳолатда тармоқларга тақсимланган инвестицияларнинг ўртача самарадорлиги 4,34 фоизни ташкил этган.

2000-2020 йилларда Республика тармоқлари бўйича саккиз йил (2001, 2002, 2003, 2004, 2007, 2009, 2013 ва 2014 йиллар) ёмон ҳолатда инвестиция тақсимоли бўлганлигини яъни, 2000-2020 йилларда тақсимланган жами инвестицияга нисбатан 37 % ни кўрсатмоқда. Бунинг натижасида ялпи ички маҳсулот жами ялпи ички маҳсулотга нисбатан ўзгариши 36 %га тенг бўлиб, самарадорлик кўрсаткичи 6,16 %ни кўрсатмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, танланган даврлар мобайнида меъёр бўйича тақсимот кузатилмади.

Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга инвестицияларнинг 2005, 2010 2011 ва 2020 йилларда ўрта ҳолат бўйича тақсимланганлиги аниқланиб, кузатув олиб борган йилларнинг 3,3 %ини ташкил этган, бу даврларда яратилган умумий ялпи ички маҳсулот 800644,0 млрд. сўмга тенг бўлиб, белгиланган давр учун жами ялпи ички маҳсулотни 3,9 қисмини ташкил этган. Яхши ҳолат бўйича тақсимланган инвестиция 249324,0 млрд. сўмга тенг бўлиб, кузатув олиб борилган йиллар бўйича жами асосий капиталга инвестицияларнинг 3,5 қисмини ташкил этган. Бу ҳолатда аниқланган инвестициялар самарадорлиги 18,73 %га тенглиги аниқланди.

Яхши ҳолат бўйича 2016, 2017, 2018 ва 2019 йиллар аниқланди. Унга кўра, бу даврларда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми 1527018,4 млрд. сўмга тенг бўлиб, 2000-2020 йиллар учун кузатилган даврларнинг жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмига нисбатан ўртача 2,0 қисмини ташкил этиб, самарадорлик кўрсаткичи 24,04 %га тенг бўлган. Тадқиқот натижаларига кўра инвестиция тақсимотининг ўрта ҳолати кузатилмади.

Хулоса қилиб айтганда, инвестиция киритилишида албатта биринчи навбатда эътибор қаратиладиган жиҳат унинг самарадорлиги бўлиб, даромад келмайдиган ҳолатда ҳеч ким инвестиция қилмайди. Киритилаётган инвестиция даромадга боғлиқ бўлиб, у таваккалчиликсиз амалга оширилмайди. Таваккалчилик кутилаётган даромаддан келажакдаги даромаднинг мумкин бўлган огишидир.

Демак, мамлакат иқтисодиётига киритилаётган инвестицияларнинг таваккалчилик омилларига, авваламбор, хомашё, энергия ресурсларини таъминоти, иқлими ҳамда маҳсулот логистикасини киритиш мумкин. Хатарлилик даражасига таъсир этувчи омиллар сифатида қонун, фармон, қарор ва фармойишларни киритиш мумкин, уларни ҳозирги ҳолатдан келиб чиқиб, баҳолаш керак, чунки унинг оқибатида кишиларнинг моддий фаровонлиги ҳамда ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // «Халқ сўзи» 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.

2. Антохонова И.В. Методы прогнозирования социально-технических процессов. -У.: ВСГ-ТУ, 2007. - 368 с.

3. Гранберг И.Г. Моделирование и прогнозирование экономических процессов. -М.: Финансы и статистика, 2007. - 368 с.

4. www.Stat.uz



ТЕОРИЯ ДОБАВЛЕННОЙ СТОИМОСТИ И ЕЕ ЗНАЧЕНИЕ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ

М.Х.Саидов, д.э.н., проф.
заведующий кафедры “Агроэкономика” ТГАУ,
Н.А.Ашурметова, к.э.н,
доцент кафедры “Агроэкономика” ТГАУ

Аннотация: Дунёнинг барча мамлакатларида аҳолини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, меҳнат бозори ва бандлик яратиш, қишлоқларда турмуш даражасини сақлаб қолишда қишлоқ хўжалиги асосий ўрин тутати.

Таянч иборалар: кластер, агрокластер, самарадорлик, озиқ-овқат, иқтисодий, молиявий, замонавий, технология, инновация, интенсификация, экспорт, импорт, маҳсулот.

Аннотация: Во всех странах мира агропродовольственный сектор играет ключевую роль в плане обеспечения населения необходимыми продуктами питания, формирования рынка труда и занятости, а также поддержании жизненного уровня в сельской местности.

Abstract: In all countries of the world, the agri-food sector plays a key role in providing the population with the necessary food, creating a labor market and employment, as well as maintaining living standards in rural areas.

Введение. Во всех странах мира агропродовольственный сектор играет ключевую роль в плане обеспечения населения необходимыми продуктами питания, формирования рынка труда и занятости, а также поддержании жизненного уровня в сельской местности. От состояния и темпов развития данного сектора зависит обеспечение продовольственной независимости, и как следствие, сохранение экономической, социальной и политической безопасности государства. В свою очередь, в современных условиях для устойчивого развития и повышения конкурентоспособности агропродовольственного сектора обществу необходима аграрная экономика нового типа, основанная на использовании передовых достижений науки и техники, цифровых технологий, необходимо осуществление государственной политики в сфере на основе новых подходов. С учетом всего этого, правительством Узбекистана уделяется особое внимание разработке целевых программ развития, направленных на улучшение условий развития аграрного сектора и эффективное использование его потенциала. Стратегия развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы служит основой для реализации данных задач. Стратегия включает девять приоритетных направлений, в числе которых создание благоприятного агробизнес-климата и цепочек добавленной стоимости. Добавленная стоимость является одним из важнейших показателей экономического разви-

тия, отражающего результаты хозяйственной деятельности, рациональность и эффективность использования средств производства.

Понятие цепочка добавленной стоимости впервые было использовано в 1985 году Майклом Портером, который считал, что при рассмотрении конкурентного преимущества “необходимо исследовать все осуществляемые компанией виды деятельности и разобраться в их взаимодействиях”. [Майкл Портер. Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость, 1985] Для этого он использовал понятие цепочка создания стоимости, под которым подразумевается последовательность процессов по созданию продукта, начиная с момента возникновения концепции продукта до его реализации конечному потребителю на рынке. В цепочку создания стоимости входят такие виды деятельности, как разработка, производство, маркетинг, продажа, доставка, обслуживание. При этом, продукт проходит через все процессы в данной цепочке в определенном порядке и во время каждого процесса образуется дополнительная стоимость. По мнению М.Портера, различия в цепочках создания стоимости у компаний работающих в одной отрасли являются источником конкурентных преимуществ, которые получает компания, занимающаяся стратегически важным видом деятельности с меньшими затратами или более эффективно, чем конкуренты.

Методология исследования. Анализ в данной статье начинается с краткого обзора сельского хозяйства с использованием данных официальной статистики. В ходе исследования состояния развития аграрной отрасли были использованы экономико-статистический метод, а также общие методы научного познания: наблюдение, анализ, сравнение, обобщение.

Результаты и анализ исследования. Роль и место сельского хозяйства в экономике страны характеризует, прежде всего, такой показатель, как валовая добавленная стоимость сельского хозяйства, который определяется как разница между стоимостью произведенных товаров и услуг (выпуском) и стоимостью товаров и услуг, полностью потребленных в процессе производства (промежуточным потреблением). В свою очередь, валовой выпуск продукции (услуг) сельского, лесного и рыбного хозяйства включает в себя валовой выпуск продукции (услуг) растениеводства и животноводства, стоимость произведенной продукции (услуг) в охотничьем хозяйстве, лесоводстве и лесозаготовках, рыболовстве и аквакультуре. Так, по официальным данным Государственного комитета по статистике Республики Узбекистан, общий объем продукции (услуг) сельского, лесного и рыбного хозяйства в январе - декабре 2020 года составил 260,3 трлн. сум, в том числе в растениеводстве и животноводстве, охоте и предоставлении услуг в этих областях – 251,8 трлн. сум, лесном хозяйстве – 6,7 трлн. сум, рыбном хозяйстве – 1,8 трлн. сум.

Но как уже было отмечено, ВДС сельского хозяйства исключает промежуточный продукт, то, естественно, что данный показатель ниже валового выпу-



ска на сумму всех материальных затрат (на сырье, материалы, топливо, энергию, покупные комплектующие изделия, полуфабрикаты и производственные услуги сторонних организаций, оказанные предприятию и оплаченные им), которые в 2020 году составили около 109 трлн. сум.

В целом, на протяжении прошедших 2016-2020 годов, несмотря на снижение доли сельского хозяйства в ВВП, валовая добавленная стоимость сельского хозяйства имеет динамику роста. Так, ВДС сельского хозяйства вырос с 74 779,0 млрд. сум в 2016 году до 151 251,0 млрд. сум в 2020 году, т.е. более чем в 1,7 раза (рис.1).



Рис. 1. ВВП, ВДС сельского хозяйства в Узбекистане

Говоря о тенденциях развития валовой добавленной стоимости сельского хозяйства следует отметить, что цепочка стоимостей сельского хозяйства образуется из таких элементов, как цепь издержек поставщиков, цепь издержек покупателя, цепь издержек распространения, цепь издержек отрасли. В сельском хозяйстве поставщики производят и поставляют сырьё и материалы (корма, семена, удобрения и средства защиты растений, сельскохозяйственная техника и др.), которые используются в цепочке ценностей отрасли и образуют их стоимость. Издержки покупателя связаны с затратами отрасли по производству и реализации готовой сельскохозяйственной продукции, которые формируют цену. Издержки распространения формируются на основе затрат работы дилеров и дистрибьюторов, от качества которой зависит степень удовлетворения спроса покупателя.

Цепь издержек отрасли состоит из затрат на первичные и вторичные операции. К первичным операциям относятся материально-техническое снабжение, производство сельскохозяйственного сырья (зерно, хлопок, свежие овощи и фрукты и т.д.), промежуточной продукции (семена, саженцы, корма, племенной скот и т.д.), производство готовой продовольственной продукции, реализация (оптовая и розничная торговля, переработка, общественное питание). Вторичные операции связаны с разработкой технологий, работой с персоналом, формированием инфраструктуры отрасли. При осуществлении названных действий (операций) в системе ценностей отрасли возникают вертикальные и

горизонтальные связи. При вертикальной интеграции осуществляются тесные взаимосвязи с поставщиками и покупателями в целях совместной разработки стратегий малых затрат или дифференциации для общей, но обычно непропорциональной выгоды, независимой от рыночной власти каждой стороны в системе ценностей. Цепочка добавленной стоимости в сельском хозяйстве характеризуется сложной структурой участников и является скорее горизонтальной, чем вертикальной. Горизонтальные связи в стоимостной цепочке отрасли направлены на взаимосвязанные действия на взаимовыгодных условиях, способствующие снижению затрат при создании стоимости.

Анализ цепочки стоимостей в сельском хозяйстве позволяет получить информацию о том, где в цепочке может быть увеличена ценность для потребителя и где может быть уменьшена себестоимость. К примеру, при выявлении высокой стоимости на стадии производства целесообразно оптимизировать производственные процессы путем применения инновационных ресурсосберегающих технологий (автоматизация, цифровизация). В цепи издержек поставщиков и реализации проблему высоких издержек можно решить путем внедрения новых технологий управления, организации взаимовыгодных связей (кооперативных, договорных) между поставщиками сырья и производителями, покупателями (дистрибьютерами) и производителями. Возможна организация внутри хозяйства подразделения, способного обеспечить необходимым сырьем и материалом или создание собственной сбытовой сети. Применение ИТ-технологий дадут возможность не только предопределять и контролировать природные факторы, непосредственно влияющие на результаты производства в сельском хозяйстве, но также проектировать точные бизнес-процессы и прогнозировать результаты с математической точностью.

Таким образом, для обеспечения высокой добавленной стоимости в сельском хозяйстве необходимо углубление интеграции и кооперации, развитие кластерной системы, усиление партнерских отношений участников цепи, а также активизация инновационных процессов, автоматизация и цифровизация деятельности всех предприятий (хозяйств, фирм), создающих добавленную стоимость.

Список использованной литературы

1. Брянских, С.П. Экономика сельского хозяйства / С.П. Брянских. – М.: Агропромиздат, 2017. – 326 с.
2. Бусел, И.П. Экономика сельского хозяйства: учебное пособие / И. П. Бусел, П. И. Малихтарович. – Минск: Республиканский институт профессионального образования, 2018. – 447 с.
3. Эркинхожиев.И.И “Экономический путь развития фермерского хозяйства Республики Узбекистан” //Донской государственный аграрный университет “Современное состояние и приоритетные направления развития аграрного образования и экономики предприятий” материалы Международной научно-практической конференции 10-февраля, пос. Персиановский-2021 г, 171-174-ст.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА КЛАСТЕРЛАР ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

М.Х.Саидов, и.ф.д., профессор,
“Агроиқтисодиёт” кафедраси мудири, ТДАУ
И.С.Очилов, и.ф.н., доцент,
“Агроиқтисодиёт” кафедраси доценти, ТДАУ

Аннотация. Мақолада янги Ўзбекистонда кластерлар фаолияти таҳлилини такомиллаштиришида хориж тажрибаларидан фойдаланиш масалалари келтирилган. Муаллифлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари асосида Ўзбекистонда кластерлар фаолияти самарадорлигини оширишга оид таклифлар тавсия этилган.

Таянч иборалар: кластер, агрокластер, самарадорлик, озиқ-овқат, иқтисодий, молиявий, замонавий, технология, инновация, интенсификация, экспорт, импорт, маҳсулот.

Аннотация. В статье рассматривается использование зарубежного опыта в совершенствовании анализа кластерной деятельности в новом Узбекистане. По результатам проведенного авторами исследования были предложены рекомендации по повышению эффективности кластеров в Узбекистане.

Abstract: The article discusses the use of foreign experience in improving the analysis of cluster activities in the new Uzbekistan. Based on the results of the research conducted by the authors, recommendations were made to improve the efficiency of clusters in Uzbekistan.

Дунё бўйича пандемия оқибатида очарчиликдан қийналаётган аҳоли сони ҳозиргидан 2 баробарга ошиб, 1 миллиард 600 миллионга етади. ФАО тадқиқотларига кўра, ер шарига 820 миллиондан ортиқ киши тўйиб овқатланмасликдан қийналади ва бу кўрсаткич 2050 йилга бориб 2 миллиардга етиши мумкин; дунё аҳолисининг ҳар учтадан биттаси тўлақонли рацион асосида овқатлана олмайди; дунё бўйича 5 ёшгача болалар ўлимининг 45 %и тўйиб овқатланмаслик натижасида юз беради ва ҳар йили 3,1 миллион бола шу сабабли оламдан ўтади²⁹.

Глобал иқтисодиёт шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш самарали корпоратив бошқарув тизимини жорий этилиши ва уни такомиллашиб бориши эвазига ўсиб бормоқда. Дунё мамлакатлари ялпи ички маҳсулоти таркибий тузилишида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари турлича улуши кузатилаётганлигидан далолат бермоқда. Сўнги беш йилликда дунё мамлакатлари ЯИМда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улуши Сингапур, Швеция, Бельгия, Германия, АҚШ, Япония, Австрияда 1% агрофида, Швеция, Франция, Полша, Эстония, Италияда 1-2%, Россияда 3%, Қозғистонда 5%, Хитойда 7%, Қирғизистонда 14%, Тожикистонда 19% бўлиб турган бир пайтда, Ўзбекистонда ўртача 28%ни ташкил этмоқда.

²⁹ <http://www.fao.org/sustainable-development-goals>

Бу шундан далолат берадики, мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва ва аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни самарали ташкил этишга доир кенг кўламли имкониятлар ва иқтисодий масалалар мавжуд³⁰.

Тадқиқотларимиз кўрсатмоқдаки, Ғарбий Европада маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган вақтнинг деярли 98 фоизи моддий-техник таъминот йўналишлари (хом-ашёни етказиб бериш, тайёр маҳсулотларни ташиш, уларни оморларга жойлаш ва сақлаш)га сарф бўлади. Умумий вақтдан ишлаб чиқаришга атиги 2 фоизгина, транспортировкага 50 фоиз сарфланади. Бундан ташқари Ғарбий Европа мамлакатларида барча фаолиятлар учун моддий-техник таъминот билан бўладиган харажатлар миллий ялпи маҳсулотнинг 13 фоиз қиймати миқдорини ташкил қилади. Бу қийматнинг тақсимоли куйидагича: транспортировкага 41 фоиз, маҳсулотни сақлашга 21 фоиз, моддий захираларга 23 фоиз, маъмурий харажатларга 15 фоиз сарфланади. Мамлакатимизда йилига ўртача 16 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот, полиз ва дуккакли маҳсулотлар, 1,5 миллион тоннага яқин гўшт, 10 миллион тоннага яқин сут ишлаб чиқарилса-да, уларни саноат усулида қайта ишлаш даражаси ўртача 15-20 фоизни ташкил қилмоқда. Агросаноат тизими яхши ривожланмаган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва саралаш хизматлари талаб даражасида эмаслиги ҳосилнинг қарийб 30 фоизи исроф бўлишига олиб келмоқда.

Мамлакатимизда етиштирилаётган сабзавот маҳсулотларининг бор-йўғи 3-4 фоизи, меванинг 11 фоизи экспорт қилинмоқда. Демак, бу борада ҳам ҳали ўрганилиши, жорий этилиши зарур бўлган жиҳатлар мавжуд. Мева маҳсулотлари экспорти бўйича юқори кўрчаткич АҚШ, Испания ва Мексика давлатларига тўғри келса, сабзавот маҳсулотлари бўйича Хитой, Голландия ва Испания давлатларига тўғри келмоқда. Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларининг ички истеъмол билан экспортга чиқарилиши орасидаги фарқни таҳлил қиладиган бўлсак, сўнгги йилларда ўртача 52,8% дуккакли маҳсулотлар экспортга, қолгани ички истеъмолга, узум 13,2%, мева 9,6%, сабзавот 4,6%, полиз 1,7% экспортга, мос равишда қолгани ички истеъмолга йўналтирилмоқда³¹.

2017 йилдан бошлаб мамлакатимиз аграр тармоғида илгор технологияларга асосланган инфратузилмани яратиш учун ишлаб чиқаришнинг замонавий шакллари - кластер ва кооперация тизими жадаллик билан жорий этилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам ҳудудий агрокластерларнинг муваффақиятли йўлга қўйилиши ва фаолияти жамиятда иқтисодий сиёсатга нисбатан ишонччи оширади. АҚШ ва Европада бу борадаги ишонч юқори эканлиги бежиз эмас. Чунки, ушбу ҳудудларда айнан давлат томонидан кичик ва ўрта бизнес учун “ишонч

³⁰ <https://w3.unec.org/PXWeb/ru/Table?IndicatorCode=6>, https://ru.theglobaleconomy.com/rankings/share_of_agriculture/

³¹ Saidov M., Ochilov I., Khasanov N, Muratova M. Peculiarities of Organization of Modern Clusters In Field of Fruit and Vegetable Production // International Journal of Advanced Scientific and Technology, Volume 29 №8, 2020, Scopus. - PP 3244-3253.



ниҳоллари”ни экиб берадиган кластерлар шакллантирилади ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Пировардида уларда кластерлар аллақачон ишонч манбаи ва ишбилармонлик инкубаторига айланиб улгурган. Бу фикрни уларда кластерга кириш учун тўсиқлар бошқа ҳамма жойлардагига нисбатан жуда кам, деярли йўқ эканлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

2017-2021 йиллар давомида аграр соҳада бозор механизм-ларини жорий этиш ва соҳада самарали бошқарув тизимини яратиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та фармони, 8 та қарори ва 9 та Ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Пахта ва галла етиштиришда давлат буюртмаси бекор қилиниб, қишлоқ хўжалигида эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойиллари жорий этилди.

Ўтган қисқа даврда ушбу тизим ўзини ҳар томонлама оқлаганлигини эришилаётган натижаларда кўришимиз мумкин. Хусусан, 2017 - 2021 йилларда барча соҳаларга кластерлар тизими кенг жорий этилиб, 463 та агрокластерларнинг (122 та пахта-тўқимачилик, 1 033,8 минг га (3 млн тонна 100%), 157 та галлачилик, 1 038,1 минг га (7,2 млн тонна, 100%), 146 та мева-сабзавотчилик, 116 минг га (1 млн 567 минг тонна, 9%), 29 та шолчилик 21,1 минг га (98,7 минг тонна 16,5 %) 9 та дориворчилик кластерларига 1 406 га ер майдонлари бириктирилган) фаолияти самарали йўлга қўйилди.

Ялпи қишлоқ хўжалигини маҳсулотларининг 18,5 фоизи агрокластерлар томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу амалга оширилган ишлар натижасида сўнгги 5 йилда ҳудудларда 152 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, кластерлар табиий ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиб юқори ҳосил-дорликка эришган ҳолда ишлаб чиқарувчиларнинг даромадини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди.

2019-2021 йилларда кластерлар ва уларнинг ҳамкорлари (фермер хўжаликлари) томонидан 394,3 минг гектар майдонлар қайта фойдаланишга киритилди. 256 минг гектар ер майдонларида сув тежовчи технологиялар жорий этилди.

Хулоса ўрнида, Ўзбекистон иқтисодиётида аграр соҳа ва кластерлар фаолияти таҳлилини такомиллаштириш учун куйидаги-ларни тавсия этамиз:

кластерлар назариясини тадқиқ этиш асосида кластерлар фаолиятини таснифлаш ҳамда уни ташкил этиш ва илмий-услубий жиҳатдан такомиллаштириш;

кластерлар фаолиятининг ташкилий-иқтисодий ва молиявий механизмлари самарадорлигини баҳолаш тўғрисидаги қарашлар-ларни таҳлил қилиш;

кластерлар фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштириш-нинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш;

кластерлар фаолияти молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ҳамда уларни таҳлил қилиш услубиётини такомиллаштириш;

кластерлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар самарадор-лигини баҳолаш усулларини такомиллаштириш;

кластерлар фаолияти самарадорлигини комплекс кўрсаткич асосида баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармогини янада ривожлантириши, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4549-сон Қарори.
2. Саидов М., Очилов И., Қўсанов Н., Муратова М. Песулиаритиес оф Организатион оф Модерн Слустерс Ин Фиелд оф Фруит анд Вегетабле Продустион // Интернационал Жоурнал оф Адвансед Ссиентифис анд Течнологй, Волуме 29 №8, 2020, Ссopus. - PP 3244-3253
Результаты исследования показали, что увеличение численности населения в сельской местности, снижение качества земельных ресурсов, а также увеличение числа безработных требуют институционального преобразования в сельском хозяйстве. В исследовании представлены сценарии прогноза основных показателей развития сельского хозяйства республики с учетом институциональных изменений (т.е. И – сценарий - если сохранится текущая тенденция (экстраполяция); ИИ – сценарий - если на территориях, где ожидается сокращение земельных угодий, приходящее на одного работника, фермерские хозяйства преобразовать в дехканские хозяйства; ИИИ – сценарий – если широко будут применяться инновационных технологии в сельском хозяйстве, в том числе за счет внедрения института “умное фермерское хозяйство”. Для этого нами были составлены отдельные трендовые модели и выбраны наиболее оптимальные из них. И по этим выбранным моделям сделаны прогнозы. Согласно этим прогнозам, к 2030 году объем валовой продукции сельского хозяйства увеличится до 10383,6-114341,0 млрд.сумов, численность занятых в сельском хозяйстве - до 6991,2-9427,6 тыс. человек, объем доходов, приходящего на одного занятого в сельском хозяйстве до 15109,0-32904,9 тыс. сумов. Для этого целесообразно разработать соответствующие правительственные постановления и внести изменения и дополнения в действующую законодательную базу. Также целесообразно отдельно отразить этот вопрос в «Стратегии развития сельского хозяйства Узбекистана до 2030 года».

Список использованной литературы

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”.
2. Указ Президента Республики Узбекистан от 26 февраля 2021 года № УП-5009 “О мерах по реализации в 2021 году задач, определенных в стратегии развития сельского хозяйства республики узбекистан на 2020 — 2030 годы”.
3. Указ Президента Республики Узбекистан от 3 февраля 2021 года № УП-6159 “О дальнейшем совершенствовании системы знаний и инноваций, а также оказания современных услуг в сельском хозяйстве”.
4. Указ Президента Республики Узбекистан от 17 декабря 2020 года № УП-794 “О мерах по развитию системы цифровизации в агропромышленном комплексе и сельском хозяйстве Республики Узбекистан”.
5. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 20 октября 2018 года № 841 “О мерах по реализации Национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года”.
6. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 4 марта 2021 года № 121 “Об эффективном использовании имеющихся земельных участков и рациональном размещении сельскохозяйственных культур под урожаем 2021 года”

7. Weber M., *The Agrarian History of the Ancient World* / Weber. - Moscow: Canon C-Press, 2001. S. 429.
8. Williamson O. E. *The economic institutions of capitalism: Firms markets, relational contracting* Oliver E. Williamson (The Free Press, New York, 1985).
9. Tucker, B., Haupt, F. & Stanley, L. (2015). *Institutions in the Agriculture Sector: Climate Focus*.
10. Roumasset, J. (2004). *Rural institutions, agricultural development, and pro-poor economic growth. Asian Journal of Agriculture and Development, Southeast Asian Regional Center for Graduate Study and Research in Agriculture (SEARCA), 1(1), 1-20.*
11. Jansson, K. H., Huisman, C. J., Lagerkvist, C. J. & Rabinowicz, E. (2013). *Agricultural Credit Market Institutions. A Comparison of Selected European Countries*, No. 33.
12. Lopatynskiy, Y. (2006). *The Transformation of the Agricultural Sector: Institutional Framework. Chernivtsi: Ruta, 344.*
13. Hubeni, Yu. (2010). *Development of the institutional environment of agrarian transformation. Agrarian Economy, 3 (1-2).*
14. Putsenteilo, P., Klapkiv, Y. & Kostetskiy, Y. (2018). *Modern challenges of agrarian business in Ukraine on the way to Europe. Proceedings of the 2018 International Scientific Conference Economic Sciences for Agribusiness and Rural Economy, 1, 250–258.*
15. Dalrymple, D. (2006). *Impure public goods and agricultural research: Toward a blend of theory and practice. Quarterly Journal of International Agriculture, 45 (1), 71–89.*
16. Hodgson, G. (2003). *The hidden persuaders: institutions and individuals in economic theory. Cambridge Journal of Economics, 27(2), 159-175. doi: 10.1093/cje/27.2.159*
17. Jessop, Bob & Nielsen, K. (2003). *Institutions and Rules. Research Papers, Network Institutional Theory, 11.*
18. Menard, C. (2004). *The economics of hybrid organizations. Journal of Institutional and Theoretical Economics, 160(3), 345-376.*
19. Wise, T. & Murphy, S. (2012). *Resolving the Food Crisis – Assessing Global Policy Reform Since 2007. Global Development and Environment Institute and Institute for Agriculture and Trade Policy. <http://www.ase.tufts.edu/gdae/pubs/rp/resolvingfoodcrisis.pdf>*
20. Witt, U. (2003). *Economic policymaking in evolutionary perspective. Journal of Evolutionary Economics, 13(2), 77-94.*



ТАЪЛИМ БЕРИШНИ ТАЪЛИМ ОЛУВЧИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАРКЕТИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ

З.А.Хакимов, и.ф.н.,
“*Менежмент ва маркетинг*” кафедраси мудири, ТДИУ

Аннотация: Таълим беришни таълим олувчига йўналтирилган маркетинг концепциялари асосида ташкил этиш таълим муассасаларини рақобатбардошлигини ошириш ва янги имкониятлардан фойдаланишга қаратилган маркетинг стратегияларидан фойдаланишни тақозо этади.

Таянч иборалар: Таълим, маркетинг, менежмент, давлат, олий таълим.

Аннотация: Организация обучения на основе концепций маркетинга, ориентированного на студентов, требует использования маркетинговых стратегий, направленных на повышение конкурентоспособности учебных заведений и использование новых возможностей.

Abstract: The organization of education on the basis of student-centered marketing concepts requires the use of marketing strategies aimed at increasing the competitiveness of educational institutions and the use of new opportunities.

Хар қандай мураккабликдаги амалий муаммоларни ечишга қодир, ўз касбий билим ва кўникмаларини доимий равишда ошириб боришга йўналтирилган юқори малакали, рақобатбардош, билимдон, ижодкор ва инновацион фикрловчи мутахассисларни тайёрлаш олий таълим муассасаларининг асосий мақсади ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида: “...узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”³² муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилган.

Сўнги йилларда эса олий таълим тизимида таълим беришни таълим олувчига йўналтирилган шаффоф, мотивацион ва индивидуал таълим траекторияларига асосланган концепция асосида ташкил этиш борасида туб ҳам ислохатлар амал-

³² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони 1-илоvasи «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси» Lex.uz

га оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илгор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” таълим тизимида таълим беришни таълим олувчига йўналтирилган концепция асосида ташкил этишга қўйилган илк қадамдир.

Таълим беришни таълим олувчига йўналтирилган маркетинг концепциялари асосида ташкил этиш таълим муассасаларини рақобатбардошлигини ошириш ва янги имкониятлардан фойдаланишга қаратилган маркетинг стратегияларидан фойдаланишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг стратегик мақсадларига мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, унинг жозибадорлигини ошириш, жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини таъминлаш, таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш каби йўналишлар киряди.

Ўзбекистонда олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар сони 2020 йилда бакалавриатда 361739 нафарни, магистратурада 11734 нафарни ташкил этиб сўнги уч йилда 1,5 баробарга ошган. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификаторига 329 та таълим йўналиши ва 582 та магистратура мутахассислиги киритилган. 2019/2020 ўқув йилида 59 та олий таълим муассасида сиртқи таълим, 10 та олий таълим муассасида кечки таълим шакли жорий этилган. Республиканинг кўплаб олий таълим муассасида хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма диплом дастури асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Соҳада таълим қамровини оширишга қаратилган стратегик йўналишлар туфайли таълим олувчилар салмоғи ҳам йиллар давомида ўсиб бормоқда. Амалга оширилаётган ишлар салмоғи ҳам йиллар давомида кенгайиб бормоқда.

Таълим тизимини ижтимоий-иқтисодий бошқариш мураккаб, зиддиятли бўлиб, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ёки хизматлар соҳасининг бозор тан оладиган кўпгина тармоқларини бошқаришга нисбатан қийинроқдир. Асосийси, таълимда нафақат бозор учун рақобатбардош кадрлар тайёрлаш билан чекланади, балки жамият ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва бошқа эҳтиёжларини таъминлашда муҳим омил бўлган меҳнат ресурсларини тайёрлаш ва такомиллаштириб боришни амалга оширади. Шу



сабабли таълим тизимини бошқариш, таълим хизматлари бозорини тартибга солиш ва уни замонавий маркетинг концепциялари асосида ташкил этишда таълим олувчига йўналтирилган ва уларнинг эҳтиёжлари нуқтаи назаридан ёндошиш талаб этилади.

Таълим хизматлари бозори – маркетингнинг янги истиқболли соҳаси ҳисобланади. Шу муносабат билан таълим хизмати соҳасидаги маркетингшунослик ва мониторинг муҳим аҳамият касб этади. Фаолиятни айна мана шу томонини кучайтиришга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28-январдаги 48-рақамли “Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги таълим хизмати ва маркетинг бозорини шакллантиришни жадаллаштириш бўйича тадбирлар тўғрисида” ги қарор йўналтирилган эди. Унда ҳар бир таълим муассасасида маркетинг хизматини барпо этиш кўзда тутилган. Айна мана шулар талаба ўқишни тугатгач ишга олувчи корхонанинг манфаатларини мувофиқлаштиришга даъват этилган. Таълим муассасаси буюртмачининг эҳтиёжи ва талабаларни қанчали қондиришга эришса, фаровоналиши учун унинг имкони шунчалик ошиши назарда тутилган эди.

Замонавий таълим хизматлари бозоридаги маркетинг қуйидаги вазифаларни амалга ошириши лозим:

- таълимнинг энг самарали вариантларини излаш;
- битирувчини касб билан таништиришни ўзгартириш;
- бозорни ўзганиш бўйича маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш;
- иқтисоддаги тузилмавий силжишлар асосида мутахассисларга бўлган талабни шакллантириш;
- республика ижтимоий-иқтисодий ривож стратегик мақсадларига эришиш даражасини мунтазам кузатиб бориш;
- инвестиция сиёсати, корхоналарнинг ҳўжалик мустақиллиги, улар рейтинги ва бу жараёнларни ташаббускорлик тадбиркорлик фаолияти, ривожланаётган бозор ҳамда мунтазам ўзгартириб турувчи бизнес билан биргаликда идрок этиш;
- тўлақонли маркетингни амалга ошириш учун, кенг миқёсли ахборот ўта зарур.

Таълим муассасалари йилдан йилга таълим хизматлари бозорида фаолроқ ишламоқдалар, улар ўртасидаги рақобат эса кучаймоқда, бунда маркетинг фаолиятини йўлга қўйишда аниқ ва илмий ёндашиш таълим муассасаларини муваффақиятини белгиловчи омил бўлиб қолмоқда.

Бугун таълим муассасалари барқарор ривожланиши учун маркетинг услаларидан фойдаланишнинг зарурлигига ҳеч кимни ишонтиришга ҳожат йўқ. Ваҳоланки, таълим маркетингни тадбиқ этиш соҳаси кейинги йиларда таълим муассасалари мутахассислари учун асосий ўрганилувчи объект бўлмоқда. Улар орасида таълим муассасасининг товари ёки маҳсулоти бўлиб нима ҳисобланади, бу маҳсулотлар “қандай тарзда қайси бозорга чиқарилади”, “ким таълим муасса-

саларининг истеъмолчиси бўлади” деган фикрлар борасида ягона қараш мавжуд эмас. Сабаби, таълим муассасаси жамиятга бир вақтнинг ўзида таълим хизмати кўрсатади ва ўз фаолиятининг натижасини меҳнат бозорига чиқаради, унда корхона ва ташкилотлар истеъмолчи сифатида намоён бўлади.

Таълимни таълим олувчига йўналтирилган концепциялар асосида ташкил этиш борасида машхур маркетинг олим Ф.Котлернинг таълим маркетинги борасидаги фикрларини келтириб ўтиш лозим. Ф.Котлер таклиф этган таълим муассасаларидаги маркетингга муносабат эволюциясининг кўринишини таҳлил қилиш эса янада қизиқарлидир.

1-босқич (маркетинг шарт эмас); таълимнинг қадри маълум ва буни тушунганлар, таълим олишга ўзлари келадилар.

2-босқич (промоушн) таълим муассалари талаб пастлигига тўқнаш келадилар ёки уларга ўзлари ҳоҳлаган талабалар келмайди, таълим муассасалари истиқболли талабаларни излай бошлайдилар, уларга ахборот юборадилар, улар учун маълумотлар ва реклама материалларини тайёрлайдилар, қабул (саралаш) тизimini такомиллаштирадилар.

3-босқич (сегментлаш ва маркетинг бўйича тадқиқотлар); таълим муассасалар олға бориш учун ресурслар юқори даражада самарали фойдаланишни бошлайдилар, агар таълим муассасалари ўқишга ким қираётганини, кимни танлаш ҳақидаги қарор қандай ва ким томонидан қабул қилиниш тизimini қайта кўриб чиқади ва таълим олувчиларга йўналтирилган концепциялар асосида амалга оширади.

4-босқич (бозорда ўз ўрнини топиш); рақобат кучаяётган шароитларда таълим муассасалари ўртасида ўзининг маълум ўрнига эга бўлиши керак, абитуриентлар баҳолай олиши мумкин бўлган муайян кўрсаткичлар бўйича рақобат қилувчилар ичида ажралиб туриши лозим.

5-босқич (стратегик режалаштириш); таълим муассасалар узоқ муддатли режалаштириш ва башоратлаш, ривожланишнинг асосий йўналишини белгилаш билан шугуллана бошладилар.

6-босқич талабаларни жалб этиш, бу муаммони бир қисми эканлигини ҳамда уларни ушлаб қолиш кераклигини таълим муассасаларда асосий стратегик йўналишга айланади.

Ўзбекистон олий таълим тизимида шаклланаётган рақобат муҳити ва ҳар бир талабага ҳамкор сифатида муносабатда бўлиш сиёсатига мос бўлган тартиб-қоидалар, таълим олувчиларга мослаштирилган ўқитиш тизимларини босқичма-босқич жорий этиб бориш таълим муассаса хизматлари мажмуи жиддий ўзгаришларни юзага чиқаради, булар қабул, таълим жараёни, ётоқхона, карьера, ишга жойлашиш ва бошқа масалаларга бориб тақалади.

Мамлакатимиз олий таълим хизматлари бозорида мавжуд ҳолат ва ривожланиш тенденциялари таълим муассасаларининг юқорида келтириб ўтилган эволюция босқичлардан ўтиш учун етарлича вақт бергани йўқ. Вазият шундай



бўлдики, амалда бир вақтнинг ўзида барча айтилган концепцияларни тўлиғича тадбиқ қилиш зарур бўлиб қолди, бу эса мамлакатимиз Олий таълим муассасаларида куч-гайратни талаб қилди.

Ўз хизматини самарали сота олишни ўрганмаган таълим муассасалари бюджетдан ажратиладиган чекланган маблағ ҳисоби тегишли талабларни бажаришга мажбур бўлади. Маълумки, товарга бўлган талабнинг ҳажмини белгилаш маркетингнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Агар таълим муассасасининг маркетинглоглари таълим муассаса хизматига талабни, уни ўзгартиришга таъсир этувчи факторларни тўғри баҳолай олмасалар, бунда улар таълим хизматини сотишнинг зарур даражасини тўғри белгилай олмайдилар.

Ушбу ҳолатларни инобатга олган ҳолда 2019 йил 3 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмасынинг “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида” ги 967-сон қарори тасдиқланди. Албатта, бюджетдан молияланишга таянувчи таълим муассасалар “умуман жамият” нинг мутахассисларга эҳтиёжини эътиборга олиши лозим, чунки, жамият, давлат сиймосида кўрсатилаётган таълим хизмати учун ҳақ тўлайди, бошқача айтганда меҳнат бозорининг талабига мослашади. Бирок, тасаввур этайлик, келгусида ишга жойланиш борасида ўз мўлжалларида абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари янглишдилар ва бозор талаби билан абитуриентларнинг талаби мос тушмайди. Аммо, абитуриентлар томонидан таълим муассаса хизматига талаб бўлмаса, талабалар ҳам бўлмайди. Келажакда демографик омил туфайли абитуриентлар миқдори пасайишлиги кутилаётган шароитда буни таълим муассасалари эътиборга олмаса, бу ҳол улар учун қаттиқ зарба бўлиши мумкин.

Маълумки ҳар қандай бозорда самарали фаолиятни таъминлаш эса маркетинг МИКС стратегияларидан самарали фойдаланишдир. Маркетинг-микс ишлатиладиган шаклда ўз ичига тўрт субмиксга олади. Булар-товар микси, коммуникация микси, шартномавий микс, тақсимот микси. Ҳар бир субмикс алоҳида тадбирларни ўз ичига олиб, таълим хизматлари кўрсатувчиларнинг маркетинг фаолиятида ўзига хос сийосатни шакллантиради. Масалан, таълим хизматлари бўйича бренд сийосатини олиб бориш - таълим олувчилар томонидан хизматларни тўлақонли тан олишини таъминлаш бўйича ўзаро мувофиқлаштирилган тадбирларни билдиради. Шунингдек, Маркетинг МИКСнинг замонавий шакли сифатида “4С” элементларидан фойдаланишни назарда четда қолдирмаслик лозим.

Роберт Лотерборннинг “4С” моделидаги маркетинг компонентлари, стратегик маркетинг концепциясида товарлар ва хизматлар етказиб берувчиларнинг маркетинг мақсадлари эмас, балки уларнинг истеъмолчиларининг талаб ва эҳтиёжларининг қондирилиши муҳим маркетинг мақсади сифатида қаралиши лозим. Мазкур концепция Ўзбекистон таълим тизими олдида турган бугунги муҳим вазифалар нуқтаи назаридан, шак-шубҳасиз ниҳоятда муҳим илмий-ама-

лий қарашдир.

Таълим беришни таълим олувчига йўналтирилган маркетинг концепцияси асосида ташкил этиш борасида олий таълим муассасаларига қуйидагилар тавсия этилади.

Масофавий таълим тизими бугунги кунда таълим хизматлар бозорида энг тез ривожланаётган соҳалардан биридир. Халқаро таърибадан маълумки таълим беришнинг маълум бўлган шакллари сифатида масофадан туриб ўқитиш худди кундузги, сиртқи ва кечки таълим билан бир хил шаклдаги таълим ҳисобаланар экан. Шу билан бирга, масофадан туриб ўқитишнинг ҳар-хил шакллари бўйича таълим хизматлари бозорини ривожлантиришда унинг маркетинг хусусиятларида муҳим рол ўйнайди.

Масофадан туриб ўқитишнинг маркетинг хусусиятлари қуйидаги имкониятларни таъминлайди:

Мослашувчанлик. Шахсга мўлжалланган таълим дастурларини шакллантириш, меҳнат бозори талабларига тезкор жавоб бериш, иш берувчиларнинг таҳсил олувчиларни касбий маҳоратига бўлган талабларини ҳисобга олиш.

Модуллиқ. Таълим бериш дастурларини модулли принцип асосида шакллантириш. Унда таълим олувчилар амалда ўзлари учун олдиндан уни акс эттирадиган индивидуал ўқув режаларини шакллантиради.

Мажмуавийлий. Таълим бериш асосий касбий фаолият билан уйғун ҳолда олиб борилиши мумкин, вақтдан қатъий назар таълим олувчи масофадан туриб ўқитиш технологиясини амалга ошириши, шунингдек, телекоммуникация тармоқлари орқали алоқада бўлиши мумкин.

Худудий қамров. Таълим олувчининг қайси худудда жойлашганлиги таълим жараёни самарасига тўсқинлик қилмайди, улар ҳар қандай ўқув ва ахборот маълумотларидан (электрон кутубхоналар, маълумот базалари, шу жумладан бутунжаҳон) фойдаланиш имкониятига эга.

Даромадлиқ. Таълим олиш учун кам харажатлар (бино ва қурилиш, фойдаланиш ва бошқалар), ОТМлар ва ўқитувчиларнинг даромадларини ошириш, таълим хизматларини экспорт қилиш имкониятларини ошириш, тақлиф этилаётган таълим хизматлари доирасини кенгайтириш имкониятини беради.

Рақамли технологиялар. Электрон шаклда таълим бериш муҳитини яратиш билан боғлиқ бўлган янги рақамли технологиялар (компьютерлар, компьютер тармоқлари, мультимедиа тизимлари ва бошқалар) қўлланилади.

Ижтимоий жиҳат. Яшаш жойи ва яшаш шароитидан (шу жумладан қишлоқ жойларида яшовчилар), оиланинг молиявий имкониятларидан ва имконияти чекланган фуқаро бўлишидан қатъий назар таълим олиши учун тенг имкониятлар яратилишини таъминлайди.

Масофавий таълимга асосланган ўқишни ташкил этиш асосида эришилиши мумкин бўлган асосий ютуқлар сифатида қуйидагиларни келтириб эти мумкин: индивидуал таълим траекторияларига асосланган ўқитиш шаклига тезкор-



лик билан ўтиш имкониятлари мавжуд;

нуфузли хорижий олимларни дарс жараёларига кенг жалб этиш ташкилий қийинчиликлар туғдирмаслиги;

хорижий талабалар сонини максимал даражада ошириш имкониятлари мавжудлиги;

хорижда яшовчи Ўзбекистонликлар учун ўзбек тилида тахсил олиб ўқиш имкониятлари мавжудлиги;

онлайн дарсларга ва маърузаларга талабалардан ташқари тегишли фан соҳасига қизиққанларни пулли курслар асосида иштирокини таъминлаш имконияти борлиги;

онлайн дарсларга мамлакатдаги барча соҳа вакилларини маълим мавзуларда вебинарлар ташкил этиш учун жалб қилиш имкониятлари кенглиги;

ҳар қандай каррупция ҳолатларини юзага чиқаришга имкон берувчи омилларни бартараф этиш ва шаффоф механизмлар яратиш имконияти мавжуд;

талабалар билимини баҳолашнинг талабалар билан профессор-ўқитувчиларни бевосита алоқасиз шаклига ўтиш имконияти мавжуд;

масофавий таълимда таъхсил олувчи талабалар реал сектор корхоналари билан самарали интеграциялашувга кенг имкониятлар яратади;

университетнинг моддий техник воситаларга қилинадиган харажатларни тежаш ҳисобига университет инфратузилмасини ривожлантириш ва профессор-ўқитувчилар иш ҳақини босқичма-босқич ошириб бориш имконияти мавжудлиги;

Кўрсатиб ўтилган маркетинг хусусиятлари масофадан туриб ўқитишнинг бошқа таълим шакллариغا нисбатан афзалликларини аниқлаб беради. Бир вақтнинг ўзида, масофадан туриб ўқитиш ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасига нисбатан маълум талабларни қўяди. Жумладан, Олий таълим муассасаларида онлайн дарсларни ташкил этиш учун техник жиҳозланган аудиторияларни ташкил этиш ва ушбу аудиторияларда фойдаланиладиган техникаларни онлайн таълим учун техник жиҳатдан мутаносиблигини таъминланаши;

олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар томонидан тайёрланадиган ўқув-ўслубий материалларни электрон дарслик, видеомаърузалар, тақдиротларни маълум шаклларга ёки дастурий (мобил дастурий) тизимларга мос ҳолда тайёрлаш;

электрон ўқув-ўслубий материаллар яратишни “иСпринг”, “Моодле” дастурларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш ва Олий таълим муассасалари учун марказлаштирилган ҳолда лицензияли дастурлар билан таъминланиши;

яратилган электрон ўқув-ўслубий материалларни патентлаш ва молиялаштириш учун соддалаштирилган ва марказлаштирилган тизимларини жорий этиш;

олий таълим муассасаларининг дастурий платформаларини халқаро андозаларга мослаштириш;

таълим олувчиларни баҳолашнинг шаффоф ва онлайн таълимга мослашти-

рилган шаклларини ишлаб чиқиш;

талабалар учун онлайн дарсларни ташкил этишда қулай вақт режимини таъминлаш чораларини кўриб чиқиш, онлайн дарсларни минимум вақт-максимал самара (маълумот) тамойили асосида ташкил этиш чораларини кўриш;

Хулоса қилганда, рақобатбардош олий таълим тизимини шакллантириш, таълим хизматларини кўрсатувчи олий таълим муассасаларининг стратегик йўналишларини “таълим беришни таълим олувчига йўналтирилган” замонавий маркетинг концепцияси асосида ташкил этиш ва халқаро стандартлар талабларига жавоб берувчи маркетинг стратегияларини жорий этиш Ўзбекистонда соҳадаги ислохотларнинг асосий устувор вазибалари сифатида қаралиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//Халқ сўзи 25.01.2021 йил.
2. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешик устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.//
3. Глухов В. В. Менеджмент: для экономических специальностей / В. В. Глухов. – Санкт–Петербург: Питер Пресс, 2017. – 600 с.
4. Гончаров В. И. Менеджмент: учебное пособие / В. И. Гончаров. – Минск : Современная школа, 2016. – 635 с.
5. Егоршин А.П. Основы менеджмента: Учебник для вузов / А.П. Егоршин. – Н.Новг.: НИМБ, 2018. – 320 с.



МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ХИСОБИ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

М.С.Тулаев, и.ф.н.,
кафедра доценти, ТДИУ

Аннотация: Мақолада акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлари томонидан акция ва корпоратив облигацияларни муомалага чиқариши, уларнинг сотиши қиймати, облигациялар бўйича дисконт ва мукофотларни ҳисобда акс эттириши амалиётини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч иборалар. Акциядорлик жамиятлари, акция, корпоратив облигациялар, облигацияларнинг дисконт ва мукофотлар амортизациясининг ҳисоби

Аннотация: В статье исследуется практика выпуска акций и корпоративных облигаций акционерными обществами и обществами с ограниченной ответственностью, предлагается усовершенствовать учет их продажную стоимость, дисконтирование и премии по облигациям.

Abstract: The article examines the practice of issuing shares and corporate bonds by joint stock companies and limited liability companies, it is proposed to improve the accounting of their selling value, discounting and bonuses.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболага бўлмайди. Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади. Буни ҳаммамиз чуқур тушуниб олишимиз ва ишимизни шу асосда ташкил этишимиз шарт. Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоён этиш чораларини кўришимиз кундалик ҳаётимиздан жой олган энг долзарб масалалардан бири бўлмоғи лозим” [1], деб таъкидлаб, хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ғоят муҳим аҳамиятини ва уни жалб қилишнинг долзарблигини эътироф этади. Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ қимматли қоғозлар бир неча турга бўлинади [2].

Қимматли қоғозлар куйидаги турларга ажратиш амалиёти қўлланилади 1) улушли қимматли қоғозлар (оддий ва имтиёзли акциялар); 2) қарз қимматли қоғозлар (облигациялар, газна мажбуриятлари, депозит сертификатлари, век-

сел); 3) қимматли қоғозларнинг ҳосилалари (опционлар, қимматли қоғозларга доир фьючерслар, депозитар тилхатлар).

Молиявий инвестицияларни амалга оширадиган шахс инвестор дейилади. Инвестор акциядорлик жамият томонидан муомалага чиқарилган акция ёки корпоратив облигацияларни сотиб олиш билан молиявий инвестицияни амалга оширади.

Амалга оширилган молиявий инвестицияларнинг муомалада бўлиш муддатига қараб улар иккига бўлинади: муомалада бўлиш муддати 12 ойдан кўп бўлса – улар узоқ муддатли молиявий инвестицияларга, агар муомалада бўлиш муддати 12 ойгача бўлса, улар қисқа муддатли инвестицияларга бўлинади. 21-сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига (БҲМС) мувофиқ узоқ муддатли инвестицияларни 0600 счётада, қисқа муддатли инвестициялар эса 5810 счётада ҳисобга олиб борилади.

Акция — ўз эгасининг акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олишга, акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этишга ва у тугатилганидан кейин қоладиган мол-мулкнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи, амал қилиш муддати белгиланмаган, эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғоздир [2].

Инвестор “Toshkent shahar dori-darmon” акциядорлик жамияти томонидан чиқарилган акцияларни сотиб олиш учун брокер билан шартнома имзолади. Акцияларнинг номинал қиймати 2400 сўм бўлган оддий акцияларнинг 10 000 донасини сотиб олиш, шартнома мувофиқ инвестор брокерга воситачилиги учун 3% миқдорида ҳақ тўлаб берилади. Шартномадаги ушбу хўжалик операцияларига бухгалтерия ўтказмаси берилади [3].:

1) Брокерга пул ўтказиб бериладанда (10 000 дона акция * 2400 сўм акциянинг номинал қиймати)

Дт 4890 “Бошқа дебиторлар қарзлари”

Кт 5110 “Ҳисоб-китоб счёти” 24 000 000 сўм

2) Брокерга воситачилик ҳақи тўланганда (шартнома суммаси * 3%)

Дт 4890 “Бошқа дебиторлар қарзлари”

Кт 5110 “Ҳисоб-китоб счёти” 720 000 сўм

3) Инвесторнинг банк билан тузилган шартномасига биноан банкка кўрсатилган хизматлари учун пул маблағлари тўлаб бериши керак. Банкларнинг ўз сиёсатидан келиб чиққан ҳолда турли фоиз ставкаси белгилаши мумкин. Одатда банклар миқдорларидан кўрсатилган хизматлари учун 0,5%дан 1%гача хизмат ҳақи ундириб олинади. Бизнинг мисолимизда 1% деб олсак, банк кўрсатган хизмати учун жами 247 200 сўм миқдорида пул маблағи тўлаб берилади. 21-сонли БҲМСга мувофиқ банк хизматлари бошқа операцион харажатлари 9430 счётига олиб борилиши лозим, бироқ 12-сонли БҲМСга мувофиқ қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларни ҳисобга олиш тартибга кўра, банкка тўланган хизмат ҳақи қимматли қоғозларнинг сотиб олиш қийматига қўшилади.

Дт 4890 “Бошқа дебиторлар қарзлари”



Кт 5110 “Ҳисоб-китоб счёти” 247 200 сўм

4) Брокердан қимматли қоғозларга эгалик ҳуқуқи инвесторга ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар берилганда (бугунги кунда акциядорлик жамиятлар реал акция кўринишида қимматли қоғозларни чиқармаяпти, фақат ҳужжатсиз акциялар кўринишида чиқарилмоқда), инвестор томонидан амалга оширилган хўжалик операциялардан келиб чиққан ҳолда, қимматли қоғозларни кирим қилиши лозим. Инвестор сотиб олинган акцияларнинг кейинчалик бозордаги қиймати ўзгариши билан сотиш мақсадида сотиб олинган бўлса, у ҳолда уларни қисқа муддатли инвестициялар шаклида ҳисобга олиши керак. Агар инвестор бу акциялардан дивиденд кўринишида даромад олиш мақсадида сотиб олинган бўлса, у ҳолда бу қимматли қоғозларни узок муддатли инвестициялар сифатида ҳисобга олиши лозим.

Дт 0610 “Қимматли қоғозлар” счёти

Кт 4890 “Бошқа дебиторлар қарзлари” 24 967 200 сўм

0610 “Қимматли қоғозлар” счётида акс эттирилган 10 000 дона акцияларнинг ҳар бир донаси қиймати 2 496,72 сўмдан ҳисобга олинганини кўриш мумкин.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ «Toshkent shahar dori-darmon» акциядорлик жамияти оралиқ ёки йил якуни бўйича дивиденд тўлаши ҳақида акциядорларнинг умумий қарори қабул қилинди. Ҳар бир дона оддий акциянинг номинал қийматидан белгиланган фоиз ставкасида ёки аниқ суммани эълон қилиши мумкин. Масалан, «Toshkent shahar dori-darmon» акциядорлик жамияти йил якуни бўйича ҳар бир дона оддий акцияга 1200 сўмдан дивиденд эълон қилди. Инвесторнинг бухгалтерия акциядорлик жамиятнинг қарорини олгач, акциядорларнинг умумий йиғилиш ўтказилган санада тегишли бухгалтерия ўтказмаси берилади (10 000 дона оддий акция * акция бўйича эълон қилинган сумма 1200 сўм).

Дт 4840 “Олинадиган дивидендлар” счёти

Кт 9520 “Дивиденд кўринишидаги даромадлар” счёти 12 000 000 сўм

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига биноан дивиденд кўринишида олинган даромад фойда солиғи ёки бошқа солиққа тортилмайди, чунки дивиденд эълон қилинган манбадан дивиденд солиғи ушлаб қолинади ва бюджетга тўлаб берилади.

Қарз қимматли қоғозларни – корпоратив облигацияни сотиб олиш бўйича шартнома имзолади. Облигациянинг номинал баҳоси, унинг муомалада бўлиш муддати, белгиланган фоиз ставкаси, фоизларни тўлашнинг даврийлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

Облигация — эмиссиявий қимматли қоғоз бўлиб, у облигацияни сақловчининг облигациянинг номинал қийматини ёки бошқа мулквий эквивалентини облигацияни чиқарган шахдан облигацияда назарда тутилган муддатда олишга, облигациянинг номинал қийматидан қатъий белгиланган фоизни олишга бўлган ҳуқуқини ёхуд бошқа мулквий ҳуқуқларини тасдиқлайди. **Корпоратив**

облигациялар — акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар томонидан чиқариладиган облигациялардир [2].

Корпоратив облигациялар қуйидаги шартларга риоя этган ҳолда: 1) эмитентнинг бундай облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги хусусий капитали миқдори доирасида чиқарилиши мумкин. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунига кўра хўжалик юритувчи субъектларнинг хусусий капиталига устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали ва тақсимланмаган фойдаси счётларидаги суммалар киритилади; 2) сўнги бир йилда рентабеллик, тўловга қобилиятлилик, молиявий барқарорлик ва ликвидиликнинг ижобий кўрсаткичларига эга бўлиши; 3) облигациялар чиқарилишидан олдинги бир йил учун молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси мавжуд бўлиши; 4) инвесторларга тегишли маблағларнинг эмитентлар томонидан тўланиши бўйича тўлов агентлари вазифасини бажарувчи тижорат банклари иштирокида чиқарилади [4].

Инвестор «Olmaliq kon-metallurgiya kombinati» акциядорлик жамияти томонидан чиқарилган корпоратив облигациясини сотиб олмақда. Номинал қиймати 100 000 сўм бўлган облигациянинг 1000 донасини сотиб олди. Облигацияларнинг муомалада бўлиш муддати 24 ой. Облигациялар бўйича эълон қилинган йиллик фоиз ставкаси 20%ни ташкил қилади. Ушбу хўжалик операцияларига қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади.

Корпоратив облигация сотиб олгандан

Дт 0610 “Қимматли қоғозлар” счёти

Кт 5110 “Ҳисоб-китоб счёти” 100 000 000 сўм

Инвестор бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ҳар ойда фоизни ҳисоблаши лозим. Фоизлар облигациянинг номинал қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади (облигациянинг номинал қиймати * фоиз ставкаси / 12 ой). Ҳисобланган фоиз суммаси инвесторнинг солиққа тортиладиган базасига қўшилади ва тегишли солиқ (фойда солиғи 15%, ягона солиқ 4%) тўлаб берилади.

Дт 4830 “Олинадиган фоизлар” счёти

Кт 9530 “Фоиз кўринишидаги даромадлар” счёти 2 000 000 сўм

Белгиланган муддатларда ҳисобланган фоиз суммаси инвесторнинг ҳисоб-китоб счётига келиб тушганда

Дт 5110 “Ҳисоб китоб” счёти

Кт 4830 “Олинадиган фоизлар” счёти 2 000 000 сўм

Облигациянинг муомалада бўлиш муддати тугагандан сўнг инвестор облигацияларни эмитентга қайтариб берилганда

Дт 5110 “Ҳисоб- китоб счёти”

Кт 0610 “Қимматли қоғозлар” счёти 100 000 000 сўм

Агар инвестор корпоратив облигацияларни номинал қийматидан паст баҳода сотиб олса, содир бўлган хўжалик операциялар юқоридаги мисол шаклида олиб борилади. Бироқ, унинг ўзига хос хусусиятлари борлигига бухгалтер эътибор қаратиши лозим.



Инвестор номинал қиймати 100 000 000 сўм бўлган облигацияларни 90 400 000 сўмга сотиб олди.

Дт 0610 “Қимматли қоғозлар” счёти

Кт 5110 “Ҳисоб-китоб счёти” 90 400 000 сўм

Бухгалтер ҳар ойда фоиз суммасини номинал қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблайди. Инвестор облигациянинг номинал қиймати билан сотиб олиш қиймати ўртасидаги фарқ суммасига амортизация ҳисоблаши шарт (облигациянинг номинал қиймати – сотиб олиш қиймати $100000000 - 90400000 = 9600000$ сўм. Умумий амортизация қилинадиган сумма / облигациянинг муомалада бўлиш муддати 24 ойга бўлинади $9600000 / 24 \text{ ой} = 400000$ сўм). Ҳисобланган амортизация суммаси облигациянинг номинал қийматини оширишга олиб борилади, чунки тўлаш вақтида облигациянинг номинал қиймати эмитент томонидан тўлаб берилади. Ҳисобланган амортизация суммаси инвесторнинг қўшимча олинган даромад ҳисобланади ва у солиққа тортиладиган базага қўшилади.

Дт 0610 “Қимматли қоғозлар” счёти

Кт 9530 “Фоиз кўринишдаги даромадлар” счёти 400 000 сўм

Давлат томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар облигациялари бўйича ҳам худди шундай хўжалик операциялари амалга оширилади. Фақат унинг ўзига хос хусусияти номинал қиймати билан сотиб олиш қиймати ўртасидаги фарқ суммаси давлатнинг қисқа муддатли облигациялар бўйича олинган даромад ҳисобланади. Инвестор олинган фоиз кўринишдаги даромадидан ҳеч қандай солиқ тўлаб берилмайди, давлат томонидан инвесторларни рағбатлаштириш мақсадида амалга оширилади. Шунинг учун давлатнинг қисқа/узок муддатли облигациялари рисқи нолга тенг қимматли қоғозлар ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инвесторлар томонидан қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларни ҳисобга олишда ўзига хос хусусиятларига эътибор бериш лозим. Бухгалтерлар томонидан қимматли қоғозларга амортизация ҳисоблаш ва уни ҳисобда акс эттириш тартибини, қимматли қоғозларни сотиб олишда тўланган банк хизматлари қимматли қоғозларнинг сотиб олиш қийматига қўшиш тартибини билиш шарт. Бу ўз вақтида қимматли қоғозларга доир операциялар ҳисобда аниқ акс эттирилиши, молиявий натижалар тўғри шаклланишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабрь № 271-272 (7229-7230) сони.
2. Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ЎРҚ-387 2015 йил 3 июнь
3. Тулаев М.С. Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма – Т.: «Salve NTM», 2019- 248 б.
4. Tulaev, M. (2019). Финансовая отчетность: на пути соответствия национальным и международным стандартам. Архив научных исследований, 1(1). извлечено от <https://tsie.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/723>

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИНГ МАМЛАКАТ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАЪСИРИ

А.А. Абдувосиков, и.ф.н.,

Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор, ТДАУ

Н.А. Ашурметова, и.ф.н.

“Агроиқтисодиёт” кафедраси доценти, ТДАУ

М.Г. Муратова

Агроиқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси, ТДАУ

Аннотация. Мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омили бу қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, мақолада қишлоқ хўжалигини ривожланиши кўрсаткичлари таҳлил қилинган ва бу борадаги камчилик ва муаммоларни бартараф этиши учун амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар, механизмлар келтирилган.

Таянч иборалар: ишлаб чиқариши, озиқ-овқат маҳсулотлари, озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалиги, барқарор ривожланиши.

Аннотация. Ключевым фактором обеспечения продовольственной безопасности в стране является устойчивое развитие сельского хозяйства. Поэтому в статье анализируются показатели развития сельского хозяйства и намечаются меры и механизмы, которые необходимо предпринять для устранения недостатков и проблем в этой сфере.

Annotation: A key factor in ensuring food security in the country is the sustainable development of agriculture. Therefore, the article analyzes the indicators of agricultural development and outlines the measures and mechanisms that need to be taken to address the shortcomings and problems in this area.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида биринчи устувор йўналиш сифатида “Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш” белгиланган бўлиб, бу йўналишнинг асосий мақсади республиканинг барча аҳолиси озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни самарали амалга ошириш ҳисобланади. Бу эса Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ), шу жумладан БМТнинг 2-БРМ «Очликка барҳам бериш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолни яхшилаш ва барқарор қишлоқ хўжалигини тарғиб қилиш» да белгиланган мақсадларга эришишга хизмат қилади [1].

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ўзаро боғлиқ аграр ва иқтисодий соҳадаги ислохотлар натижасида қишлоқ хў-

жалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг ортиб боришига ва натижада аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, яъни дон, картошка, сут, тухум, гўшт ва мева-сабзавот маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланишига эришилди. Хусусан, охириги 10 йилда аҳоли даромадлари 2,2 мартага кўпайиб, гўшт, парранда гўшти, тухум ва сут истеъмоли 6-10 мартага ортди. Мол гўшти истеъмоли эса тавсия этилган тиббий меъёрларга етди. Шунингдек, аҳоли жон бошига мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2012 йилдаги 417 кгдан 2020 йилда 609 кгга етиб, Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотининг меъёрий стандартларига тўлиқ жавоб бериш билан бирга мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш салоҳияти ортди. Табиий-иқлим шароитларига кўра республикада етиштирилиши мумкин бўлмаган маҳсулотлар бундан мустасно. Натижада, республикада ишлаб чиқариш ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлаш даражаси ғаллада 1,5 барабар, мева-сабзавотда – 2 барабар, гўшт-сутда – 1,5 барабарни ташкил қилди.

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалигида эришилган ижобий натижалар билан биргаликда мавжуд имкониятларни юзага чиқаришда қатор муаммо ва камчиликлар мавжуд. Мамлакатда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошиб бораётганлигига қарамай, тўйиб овқат емайдиган аҳоли 1,9 ман ёки аҳолининг 6,3 фоизини ташкил этмоқда. Маълумот учун, бу кўрсаткич Европа давлатларида 1,8 фоизни, Туркияда 2,3 фоизни, Россияда эса 2,5 фоизни ташкил этади.

Қайд этилган ҳолат кечиктириб бўлмайдиган аниқ механизми озиқ-овқат тизимини таъсирчан ва манзилли ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Тадқиқот методологияси. Мақолани тайёрлашда қиёсий таҳлил, абстракт фикрлаш, иқтисодий ҳисоб-китоб, эксперт баҳолаш ва монографик кузатиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижалари. Ўзбекистон охириги йилларда тўйиб овқатланмаслик даражасини камайтириш юзасидан ижобий натижаларга эришди, хусусан, 2000-2002 йиллари умумий аҳоли сонидан 18,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2017-2019 йилларда 2,6 фоизни ташкил этмоқда, шунга қарамасдан 800 минг киши тўйиб овқатланмайдиганлар тоифасига киритилмоқда. [4]

Озиқ-овқат таъминоти ва хавфсизлиги биринчи навбатда аграр секторнинг салоҳиятига таянади. Гарчи 2000-2019 йилларда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги салмоғи 34,4 дан 28,2 фоизга, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўтган йилларга нисбатан йиллик ўсиш суръатлари 3,1 дан 3,0 фоизгача пасайган бўлсада, аграр сектор ҳамон мамлакат иқтисодиётининг йирик таянч тармоқларидан бири бўлиб қолмоқда (1-жадвал).

2020 йил якунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 3,0 фоиз даражасидаги ижобий ўсиш суръатлари деҳқончилик маҳсулотларини

ишлаб чиқаришнинг 3,4 фоизга (2019 йилда – 4,8 фоизга ўсиш, 2018 йилда – 4,2 фоизга камайиш) ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг 2,1 фоизга ўсиши (2019 йилда – 1,6 фоизга ўсиш, 2018- йилда – 5,7 фоизга ўсиш) билан боғлиқ. [5]



1-расм. Ўзбекистонда тўйиб овқатланмайдиганлар сони (киши)

1-жадвал

Республикада аграр сектор ривожланишининг асосий макроектисодий кўрсаткичлари динамикаси, 2000-2020 йиллар, фоизда

| Кўрсаткичлар | 2000 йил | 2005 йил | 2010 йил | 2015 йил | 2020 йил |
|---|----------|----------|----------|----------|----------|
| Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг салмоғи* | 34,4 | 29,5 | 32,9 | 34,1 | 28,2 |
| Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг йиллик ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан | 103,1 | 105,4 | 106,3 | 106,1 | 103,0 |
| Асосий капиталга киритилган инвестицияларда қишлоқ хўжалигининг салмоғи | 5,7 | 4,4 | 3,5 | 3,3 | 8,9 |

*Ўрмон ва балиқчилик тармоқларини қўшган ҳолда

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси статистик тўпламлари ва пресс-релизлари асосида тузилган.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан мунтазам ошириб бориш ва шу асосда озик-овқат таъминотини мустаҳкамлаш борасида муайян натижалар қўлга киритилди. Натижада асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошиб борди (2-жадвал).

Республикада асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси (барча тонфадаги хўжаликларда), минг тонна

| Маҳсулот тури | 2000 й. | 2005 й. | 2010 й. | 2015 й. | 2020 й. | 2020 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиш суръати, фоизда |
|------------------------------|----------|----------|----------|----------|----------|---|
| Дон ва дуккакли дон экинлари | 4101,4 | 6540,9 | 7504,3 | 8173,5 | 7566,6 | 184,5 |
| Бугдой | 3684,2 | 6057,2 | 6745 | 6964,7 | 6016,3 | 163,3 |
| Шоли | 173,3 | 171,7 | 249,8 | 425,7 | 284,9 | 164,4 |
| Дуккакли дон экинлари | 9,2 | 21,8 | 38,7 | 76,4 | 330,9 | 3596,7 |
| Картошка | 731,1 | 924,2 | 1694,8 | 2586,8 | 3143,5 | 429,9 |
| Сабзавотлар | 2644,7 | 3517,5 | 6262,4 | 9390 | 10459,5 | 395,5 |
| Полиз | 451,4 | 615,3 | 1182,4 | 1853,6 | 2134,4 | 472,8 |
| Мевалар ва резаворлар | 790,9 | 949,3 | 1676,3 | 2467,9 | 2864 | 362,1 |
| Узум | 624,2 | 641,6 | 979,3 | 1518,2 | 1639,2 | 262,6 |
| Гўшт (тирик вазнда) | 841,8 | 1061,50 | 1 461,4 | 2 033,4 | 2 526,2 | 300,1 |
| Сут | 3 632,50 | 4 554,90 | 6 169,00 | 9 027,80 | 11 009,9 | 303,1 |
| Тухум, млн. дона | 1 254,4 | 1 966,7 | 3 061,2 | 5 535,40 | 7 825,0 | 623,8 |

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига қараганда 2000-2020 йиллар оралиғида мамлакатимиз доимий аҳолиси сони 1,4 мартага ошиб, жами экин майдонлари ҳажми 12,1 фоизга қисқарган бўлишига қарамай, озиқ-овқат маҳсулотларидан бугдой ишлаб чиқариш 1,63, картошка 4,29, сабзавотлар 3,5, полиз 4,72, мевалар 3,62, узум 2,62, гўшт (тирик вазнда) 3,0, сут 3,03 ва тухум 6,23 мартага ошди. Энг муҳими бу ўсиш экстенсив омиллар эмас, балки ҳосилдорлик ва маҳсулдорлик каби интенсив омиллар таъсирида юз берди.

Шу билан бирга, республикада ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишга, соҳага инвестицияларни кенг жалб этишга, ишлаб чиқарувчиларнинг юқори даромад олишига ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга тўққинлик қилиб келаётган омиллар ҳам мавжуд.

Хулоса ва тақлифлар. Озиқ-овқат маҳсулотлари танқис бўлган мамлакатларда иқтисодий ўсиш секинлашгани ва аксинча, фуқаролари етарли рационда овқатланган давлатларда ривожланиш тезлашгани кузатишган.

Овқатланиш доираси ва иқтисодий ўсиш борасидаги изланишлар шуни кўрсатадики, 1 фоиз миқдордан кўпроқ оқсил моддасини истеъмол қилиш ялпи миллий маҳсулотнинг (ЯМХ) йилига 0,49 фоиз ўсишини таъминлайди.

Ялпи миллий маҳсулот йилига 1 фоизга ўсиб борса, аҳолининг даромади 72 йилда 2 бараварга, ялпи миллий маҳсулот 2 фойизга кўпайса одамларнинг пул маблағлари 36 йилда 4 бароварга ошади ва ҳоказо. Шу сабабли аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. [2]

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутади. Қуйидагилар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари ҳисобланади:

- қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан унумли, самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари улушининг юқори бўлишига эришиш;

- қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларининг зарур ҳажмларда етиштирилиши йўлида сувдан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш;

1. мулк ҳуқуқи ва ердан фойдаланиш дахлсизлигини давлат томонидан қатъий муҳофаза қилиш орқали аграр секторда меҳнат унумдорлигини ошириш механизmlарини ривожлантириш;

2. қишлоқ хўжалиги экинлари навларини районлаштириш ва илмий асосланган алмашлаб экиш тизимини йўлга қўйиш;

3. озиқ-овқат маҳсулотларини даладан дастурхонга етказиб беришдаги нобудгарчиликларни олдини олиш;

4. озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш ва халқаро сифат стандартларини жорий этишни кенгайтириш;

5. рақамли ва инновацион, ресурс тежамкор технологияларни жорий этишни жадаллаштириш эвазига “ақлли қишлоқ хўжалиги”ни ривожлантириш;

6. органик деҳқончиликни ривожлантиришни давлат бюджетидан субсидиялар орқали қўллаб-қувватлаш ва бошқалар.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизmlари белгиланган мақсадли мезонлар асосида қуйидаги тадбирлар уйғунлигида амалга ошириш орқали таъминлаш мақсадга мувофиқдир:

республиканинг барча ҳудудлари даражасида озиқ-овқат хавфсизлигини аниқлаш, баҳолаш ва кутилиши мумкин бўлган хавфни олдиндан билиш тизимини жорий қилиш;

озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро талабларга уйғунлашган меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими жорий қилиш;

республиканинг барча ҳудудлари даражасида белгиланган мақсадли мезонларни бажаришни таъминловчи агросаноат мажмуасини барқарор ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни тартибга солиш ва бошқариш тизимини жорий қилиш.



Деҳқончилик маҳсулотлари ҳосилдорлиги ва чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш вазифаларини ҳал этиш учун замонавий агротехнологиялар жорий этилишини рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш ва тайёрлаш, тақсимлаш, қайта ишлаш ва сотишнинг самарали тизimini яратиш ҳам муҳим. Хусусан, бутун йил мобайнида ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайдиган, ҳам нархларнинг мавсумий ўзгариб туришини пасайтирадиган механизм яратиш лозим. Шу нуқтаи назардан янги ва қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашнинг самарали усулларини татбиқ этиш лозим.

2025 йилга бориб Ўзбекистон ўртача даражадан юқори даромад оладиган мамлакатлар гуруҳига ўтиши мақсад қилинган. Бу турмуш тарзи, хулқ-атвор андозалари, овқатланиш таркибини тегишли тарзда ўзгаришига олиб келади. Шуларни эътиборга олган ҳолда бир қанча товарлар бўйича қайта ишланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари улуши ўсишини таъминлаш зарур бўлади. Қолаверса, овқатланиш стандартлари ва меъёрларини жорий этиш (шу жумладан, микро-элементлар ва зарур нутриентлар мавжуд бўлиши, зарарли моддалар, турли қўшимчалар, бўёқлар, таъм берувчилар, эмульгаторларни назорат қилиш, тайёрлаш, ташиш технологияларига риоя қилишни назорат қилиш), шунингдек, овқатланиш сифати устидан назорат қилиш механизминини янада ривожлантириш лозим. Аҳолининг овқатланиш моделини яхшилаш мақсадида соғлом овқатланиш тўғрисидаги зарур ахборотни тарқатиш, бу борада тиббиёт муассасалари фаолигини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришининг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони.*
2. Саидова Д.Н., Рустамова И.Б., Турсунов Ш.А. *Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги. Ўқув қўланма.* – Т.: ЎзР Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси нашриёти. 2016 й. – 260 б.
3. Юсупов М.С. *Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш.* // 08.00.02 - Макроиқтисодиёт ихтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. ЎзР БМА. 2018 й.
4. www.fao.org/sustainable-development-goals.
5. www.stat.uz

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ СТАТИСТИК ТАДҚИҚ ЭТИШ

Б.Х.Маматкулов, и.ф.н.,

“Статистика ва эконометрика” кафедраси доценти, ТМИ

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлигининг иқтисодий ва барқарорлигини таъминлашдаги ўрни, аграр сиёсат ҳамда ислохотларнинг моҳияти, мақсади ва тамойиллари, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда давлатнинг иқтисодий роли, озиқ-овқат хавфсизлигини статистик баҳолашнинг назарий-усlubий асослари, аграр ва озиқ-овқат соҳалари иқтисодий тартибга солиш даражаси ва усуллари ҳамда мамлакатимизнинг озиқ-овқат таъминоти бўйича муҳим масалалар ёритилган.

Таянч нушунчалар. Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги, агросаноат, статистика, статистик баҳолаш, статистика маълумотлар.

Аннотация: В статье рассматриваются роль аграрной политики и продовольственной безопасности в обеспечении экономической стабильности в Республике Узбекистан, сущность, цели и принципы аграрной политики и реформ, экономическая роль государства в обеспечении продовольственной безопасности, теоретические и методологические основы статистической оценки продовольственной безопасности, аграрной и продовольственной безопасности, уровня и методов регулирования экономики пищевой промышленности, а также важные вопросы продовольственной безопасности в нашей стране.

Abstract: The article examines the role of agrarian policy and food security in ensuring economic stability in the Republic of Uzbekistan, the essence, goals and principles of agrarian policy and reforms, the economic role of the state in ensuring food security, theoretical and methodological foundations of the statistical assessment of food security, agrarian and food security, and methods of regulating the economy of the food industry, as well as important issues of food security in our country.

Қириш. Ўзбекистон аграр сиёсатида озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, агросаноат ва ташқи савдо жиҳатларини тавсифловчи кўрсаткичларига эътиборни қаратиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида статистика маълумотларининг сифати ва ишончилигини ошириш ижтимоий-иқтисодий жараёнларни, шу жумладан, халқаро ташкилотларнинг махсус нашрлари ва маълумотлар базаларида ҳолис ва ишончли акс эттириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, статистика маълумотлари сифатини яхшилаш, статистика кўрсаткичларининг маълумот базаларини яратиш, халқаро андозаларга



мослаштириш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда статистиканинг замонавий усулларини жорий этишни тақазо этади³³. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси аграр сиёсатининг мақсади озиқ-овқат хавфсизлигининг миқдорий ифодаси сифатини статистик ўрганишдан иборат. Шу сабабли, ички бозорда озиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг физиологик ва тўловга қодир чегараларини аниқлаш, истеъмолнинг физиологик меъёрлари, истеъмолнинг мавжуд таркиби, мамлакатни шу жумладан ички ишлаб чиқариш ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши кўрсаткичларини статистик баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев: - “Пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан жами 82 триллион сўмлик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Инкирозга қарши жамғарма ташкил этилиб, коронавирусга қарши курашиш, аҳоли ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирларга бюджетдан 16 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Шунингдек, давлат корхоналарига ва 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти ҳамда қарийб 8 миллион фуқарога жами 66 триллион сўмлик солиқ имтиёзлари, кредит муддатларини узайтириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ёрдамлар берилди”³⁴ деб, таъкидлаганлари беъжиз эмас.

Тадқиқот методологияси. Давлат ва давлатларо даражада озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий мақсади иқтисодиётнинг барқарор ривожлантириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларини мувозанатлаштиришдан иборат. Минтақавий даражадаги асосий мақсад-аҳолининг барча гуруҳлари озиқ-овқатларни ўрнатилган меъёрларга мувофиқ истеъмол қилинишини кафолатлайдиган даражадаги даромадар билан таъминлашдир. Аҳолининг ижтимоий гуруҳлари (оилалар) даражасида озиқ-овқат маҳсулотларини уларнинг миқдори, ассортиментни, сифати бўйича рационал меъёрларга мувофиқ овқатланишини таъминлаш зарур. Мамлакатимиз аграр соҳасини статистик тадқиқ этиш озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳолатини тавсифлайди, озиқ-овқат маҳсулотларини олишда аграр салоҳиятни аниқлайди.

Аграр соҳа моддий-техника базасини статистик таҳлил қилишни амалга ошириш маркетинг соҳаси самарадорлигини статистик баҳолашга имкон беради. Статистик баҳолаш учун муҳим кўрсаткичлар - сарф-харажатларнинг турли мақсадларда маҳсулотни ишлатишдан иборат.

Тадқиқот натижалари. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан иқтисодиётни барқарорлаштириш, аграр соҳани ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш, аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш, мамлакатни озиқ-овқат билан тўла

³³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5853-сонли Фармони. 2019 йил 23 октябрь.

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// “Халқ сўзи” газетаси, 30 декабр 2020 йил № 275–276 (7746–7747)..

таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган sanoat корхоналарини етарли хомашёга бўлган эҳтиёжини тўлақонли қондириш, аграр ресурслар салоҳиятидан мақсадли фойдаланишга эришиш орқали мамкатнинг иқтисодий қудратини янада ўстириш, аҳолини яшаш фаровонлигини яхшилаш энг муҳим масалалардан ҳисобланган.

Давлат статистика қўмитасининг уй хўжаликлари танланма кузатувлари натижасида 2021 йилда уй хўжалиги аъзоларининг ўртача 5,1 кишини сони ташкил этди. Худудлар бўйича таҳлил қилганда, энг юқори кўрсаткич Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида (5,6 киши), энг қуйи кўрсаткич эса Тошкент шаҳрида (4,2 киши) қайд этилган³⁵.

Замонавий аграр иқтисодиёт мамлакати иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Унинг ривожланиш ҳолати доимий эътиборга моликдир.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигининг иқтисодий инқирозга юз тутганлигининг бир қатор сабабларини кўриб чиқилади:

1. Кўп йиллар давомида ерга нисбатан давлат мулки муносабатлари ҳукмронлик қилгани иқтисодий ислоҳотларни амалга ошишига салбий таъсир кўрсатган.

2. Аграр соҳа ишлаб чиқаришига фан-техника ютуқларини амалга оширишнинг қийинлашиб қолган эди.

3. Аграр соҳа ишлаб чиқаришида ортикча меҳнат ресурсларининг иш билан таъминлаш ҳукумат олдига яна бир улкан муаммони қўйган эди.

4. Аграр соҳада механизациялаштириш даражасининг пасайиб кетганлиги, ишлаб чиқаришга жалб қилиш қимматлиги ва ишлаб чиқарувчиларда бунинг учун керакли маблағнинг етишмаган эди.

5. Аграр соҳа корхоналарини ривожлантириш учун керакли миқдордаги ссуда ва кредитларни олишнинг ҳаддан ташқари қийинлиги ҳам муҳим сабаблардан бири бўлган.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқдир³⁶.

Мамлакатада аграр сиёсатнинг асосий вазифаси бу каби муаммоларга имкон қадар тезроқ барҳам бериш ва иқтисодий ислоҳотларнинг самарали амалга оширилишига эришишдир. Шу мақсадда кейинги йилларда мамлакат аграр тармоғини ривожлантириш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилган.

Республика қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган институционал ўзгаришлар натижасида бозор институтларини шакллантиришга эришилган. Бироқ, ривожланган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича аграр соҳада муҳим институционал ўзгаришларни амалга ошириш мураккаб ва давомли жараёндир.

Иқтисодий ислоҳотлар иқтисодиётда туб ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган иқтисодий чора-тадбирлар мажмуи бўлиб, улардан кўзда тутилган

³⁵ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2020 йил якуналари бўйича статистик ахборотномаси маълумотлари

³⁶ Mamatqulov B.X., Utanov B.Q. Qishloq xo'jaligi statistikasi - (darslik) - T.: TDIU, 2019 – 242 bet



мақсад мамлакат аҳолиси учун яшаш ва фаолият қилишнинг энг яхши шароитларини яратиш, уларнинг маънавий- ахлоқий етуклигига эришиш, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашдан иборат.

Ислохотларни амалга оширишдан олдин бозор иқтисодиётига ўтишнинг назарий модели яратилди. Бу моделда янги иқтисодиётга ўтишнинг умумий томонлари ва миллий хусусиятлари назарда тутилади, ислохотларнинг асосий йўналишлари белгиланади. Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини глобал (жаҳон) миқёсда халқаро ташкилотлар ва махсус органлар томонидан (ФАО, Халқаро савдо ташкилоти, Озиқ-овқат хавфсизлиги кўмитаси) назорат қилинади.

Уларнинг асосий вазифаси инсоният ривожланишини таъминлаш мақсадида давлатлар иқтисодиётини барқарорлаштиришга кўмаклашидир. Мазкур вазифаларни амалга ошириш:

- ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб боришга таъсир кўрсатувчи узоқ муддатли дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга хизмат қилади;
- захираларни яратиш ва ноқулай иқтисодий ва экологик вазиятларда ёрдам ташкил қилиш орқали амалга оширилади.

Таҳлиллар. Аҳоли фаровонлигини ифодалашда жами аҳолининг, оилаларнинг, алоҳида шахсларнинг умумий даромадлари муҳим аҳамиятга эга. 2020 йилда аҳолининг умумий даромадлари 401,5 трлн. сўмни ташкил этган.

Аҳоли даромадлари бўйича реал ўсиш суръатларини ҳисоблашда нарх омиллари таъсирини чиқариб ташлаш мақсадида, инфляция кўрсаткичларининг асосий турларидан бири – истеъмол нархлари индексидан (ИНИ) фойдаланилади. Истеъмол нархларининг ўзгариши сабабли, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан аҳоли умумий даромадларининг реал ўсиш суръати 102,6 % ни ташкил этган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудий-марказий деҳқон бозорларида, алоҳида турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг минимал-максимал нархлари ўрганиб борилган. Алоҳида турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг минимал ва максимал нархлари кузатуви, статистика органлари томонидан вилоятларнинг ҳудудий марказлари, Нукус ҳамда Тошкент шаҳарларида алоҳида танлаб олинган марказий деҳқон бозорлари кесимида амалга оширилган.

2020 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳолининг реал умумий даромадлари 355,5 трлн. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,6 % га ошди, аҳоли жон бошига эса 10385,9 минг сўмни ташкил этган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳоли жон бошига ҳисобланган реал умумий даромадларининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрида (20367,4 минг сўм) кузатилди. Шунингдек, Навоий (17314,6 минг сўм), Бухоро (12742,3 минг сўм), Тошкент (11133,5 минг сўм) ва Хоразм (10693,7 минг сўм) вилоятларида республика даражасидан юқори кўрсаткич қайд этилган. Энг куйи кўрсаткичлар Фарғона вилоятлари (7734,3 минг сўм), Наманган (8063,9 минг сўм) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (8121,1 минг сўм) кузатилган (1-жадвал).

“Мустақиллик йилларида мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсиз-лигининг асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш-

га қатта эътибор берилмоқда. Шу сабабли, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришга янги ва илғор технологияларни жорий этиш, юқори унумли ва самарали техникалар паркини кенгайтириш, экин навлари ва чорва моллари зотини яхшилаш, уруғчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш борасида кенг қамровли, шу билан бирга пухта ўйланган ишлар амалга оширилди³⁷.

1-жадвал

2020 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳолининг реал умумий даромадлари ва аҳоли жон бошига ўртача реал умумий даромадларининг ўзгариш динамикаси

| № | Ҳудудлар номи | Жами, млрд. сўм | Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да | Аҳоли жон бошига ўртача, минг сўм | Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да |
|-----|--------------------------------|-----------------|--|-----------------------------------|--|
| | Ўзбекистон Республикаси | 355531,3 | 102,6 | 10 385,9 | 100,7 |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 15 520,3 | 105,5 | 8 121,1 | 104,0 |
| | вилоятлар: | | | | |
| 2. | Андижон | 30 152,5 | 99,7 | 9 548,3 | 97,8 |
| 3. | Бухоро | 24 661,5 | 101,9 | 12 742,3 | 100,5 |
| 4. | Жиззах | 13 104,4 | 104,2 | 9 385,1 | 102,0 |
| 5. | Қашқадарё | 28 773,4 | 101,0 | 8 699,4 | 99,2 |
| 6. | Навоий | 17 409,8 | 107,9 | 17 314,6 | 106,0 |
| 7. | Наманган | 22 894,1 | 102,6 | 8 063,9 | 100,5 |
| 8. | Самарқанд | 36 478,3 | 105,8 | 9 323,8 | 103,7 |
| 9. | Сурхондарё | 22 673,0 | 101,6 | 8 539,4 | 99,4 |
| 10. | Сирдарё | 7 849,5 | 99,4 | 9 194,7 | 97,6 |
| 11. | Тошкент | 33 043,2 | 105,1 | 11 133,5 | 103,4 |
| 12. | Фарғона | 29 281,9 | 100,1 | 7 734,3 | 98,3 |
| 13. | Хоразм | 20 102,1 | 100,4 | 10 693,7 | 98,9 |
| 14. | Тошкент ш | 53 452,3 | 102,1 | 20 367,4 | 98,8 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Озиқ-овқат хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисмидир, чунки у асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг барқарор ишлаб чиқарилиши ва аҳолининг ундан фойдалана олишини таъминлайди.

³⁷ В.Х. Mamatkulov. Statistical analysis of factors affecting the volume of groom production of farms // South Asian Journal of Marketing & Management Research (SAJMMR) // ISSN: 2249-877X. Vol. 11, Issue 1, January 2021, Impact Factor: SJIF 2021= 7.642 <https://saarj.com>. 31-39 p.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш орқали озиқ-овқат соҳасини статистика идоралари томонидан статистик тадқиқ этиш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни тартибга солиш дастурлари ишлаб чиқишни ва амалиётга жорий этишни талаб этади.

Шу сабабли, қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- Давлат статистика қўмитаси ва бошқа расмий статистика ишлаб чиқарувчилар тизимида фойдаланишда бўлган ахборот-коммуникация инфратузилмаларини янгилаш сиёсати ва дастурини ишлаб чиқиш;

- қишлоқда ижтимоий ва бозор инфратузилмасини вужудга келтириш;

- қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив аҳолини яхшилаш;

- қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника базасини яхшилаш ва мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича корхоналар тармогини яратиш;

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурига мувофиқ қишлоқда мулкдорлар синфини, фермер хўжалиklarини шакллантириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, селекция ва уруғчиликни яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмларини ўстириш чора-тадбирлари кўрилади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳар бир даражасида мазкур жараёни бошқариш тегишли маъмурий органлар томонидан амалга оширилиши керак. Ушбу органларнинг вазибалари зарур маҳсулотларни самарали ишлаб чиқариш учун; уларга қарашли ҳудудларда яшовчи аҳолининг тавсия этилган миқдорда маҳсулотни сотиб олиш имконини берадиган даромадга эга бўлишлари учун; савдо тармоқларига озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб берилишини таъминлаш учун; маҳсулотларнинг сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш учун шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Ўзбекистонда аҳолининг озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни тўла қондириш, озиқ-овқат бозоридаги барқарорликни таъминлаш йўлида фаолият юритадиган муҳим тармоқ – аграр соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//“Халқ сўзи” газетаси, 30 декабр 2020 йил № 275–276 (7746–7747)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5853-сонли Фармони. 2019 йил 23 октябрь.

3. Mamatqulov B.X., Utanov B.Q. Qishloq xo'jaligi statistikasi - (darslik) - T.: TDIU, 2019 – 242 bet.

4. B. X. Mamatkulov Statistical analysis of factors affecting the volume of groom production of farms // South Asian Journal of Marketing & Management Research (SAJMMR)// ISSN: 2249-877X.Vol. 11, Issue 1, January 2021, Impact Factor: SJIF 2021= 7.642 <https://saarj.com>. 31-39 p.

5. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2020 йил якунлари бўйича статистик ахборотномаси маълумотлари

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК СОҲАСИ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Н.А. Ашурметова, и.ф.н.,
Агроиқтисодийёт кафедраси доценти, ТДАУ
Н.Г. Тургунов,
магистр, ТДАУ

Аннотация: Мақолада мева-сабзавотчилик соҳаси таҳлил қилинган, соҳа инфра-тузилмасини шакллантириши ва экспорт салоҳиятини оширишда инвестицияларни ўрни асосланган. Мева-сабзавотчилик соҳаси инвестицион жозибadorлигини ошириши ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўллари кўрсатилган.

Таянч иборалар. Мева-сабзавотчилик мажмуаси, мева-сабзавотчиликда кооперация, интеграция ва инвестиция, инвестицион жозибadorлик, мева-сабзавотчилик инфратузилмаси.

Аннотация: В статье анализируется плодоовощная отрасль, исходя из роли инвестиций в формировании инфраструктуры отрасли и увеличении экспортного потенциала. Есть способы повысить инвестиционную привлекательность плодоовощной отрасли и государственную поддержку.

Abstract: The article analyzes the fruit and vegetable sector, based on the role of investment in shaping the infrastructure of the sector and increasing export potential. There are ways to increase the investment attractiveness of the fruit and vegetable sector and government support.

Кириш. Ўзбекистоннинг аграр соҳасида мева-сабзавотчилик мажмуаси муҳим ўрин тутди. Ушбу мажмуа нафақат аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, балки барқарор иш жойи, кафолатланган даромад, мустақкам ижтимоий ҳимоя билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, мева-сазавотчилик соҳасини қўллаб-қувватлаш доимо давлат ва ҳукумат диққат-эътиборида бўлиб келган.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси ва унда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича «Йўл харита»сида ушбу соҳани мажмуали ривожлантириш, иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини ошириш, соҳа инвестицион жозибadorлигини ошириш, инвестицияларни, айниқса хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ҳамда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган ҳудудлар экспорт салоҳиятини ошириш устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Бу борада салмоқли ва самарали чора-тадбирларнинг амалга оширилаётганлигига қарамасдан, соҳа иқтисодий-ижтимоий самарадорлигини ва экспорт салоҳиятини оширишни таъминловчи ҳамда ўз ечимини кутаётган қатор муаммо ва вазифалар мавжуд.

Соҳадаги мавжуд муаммолар. Мева-сабзавотчилик мажмуи инвестицион жозибадоригини оширишда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилаётган мева маҳсулотлари етиштиришни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати ва дастурида белгиланган чора-тадбирларни барча ҳудудларда амалга оширилишини таъминлашга меъёрий-ҳуқуқий шароит ва молиявий имкониятлар суи яратилаётганлиги;

- мева-сабзавотчилик мажмуаси инфратузилмасини ривожлантириш, маҳсулотлар сифат ва стандартини таъминлаш ҳамда улар устидан мониторинг-назоратини кучайтириш, соҳада юқори қўшилган қийматли мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни таъминловчи қулай агро-тадбиркорлик муҳитини шаллантиришдаги молиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш тизимларининг тез ўзгарувчанлиги;

- мева-сабзавотчилик мажмуаси тармоқ ва соҳаларини ЖСТ ва ЕОИИ талабларига мос маҳсулот етиштиришни кўзлаган ҳолда модернизациялаш, нафақат маҳсулотлар экспорти балки импорти соҳасини диверсификациялаш, бунда давлат-хусусий шерикчилик асосида соҳага инвестицияларни жалб этишга устуворлик беришни қишлоқ ҳудудларига йўналтиришдаги масалаларнинг суи ҳал бўлаётганлиги (ҳудудларда инфратузилма соҳаси ҳолати инобатга олган ҳолда йирик корхоналар ва кластерларни шакллантириш ҳамда кооперацияни ривожлантириш);

- мева-сабзавотчилик маҳсулотлари етиштириш соҳасида ер ва сув ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминловчи тизимни молиялаштиришнинг барқарорлиги пастлиги, қўллаб-қувватлаш тугагандан кейин уларнинг иқтисодий имкониятининг чекланганлиги боис инновацион технологияларни жорий этишда имкониятининг мавжуд эмаслиги;

- мева-сабзавотчилик маҳсулотлари етиштириш соҳасида кластер тизимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, кооперация ва интеграция муносабатлари суи даражада эканлиги, ягона мақсадни кўзлаган корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш, бу тизимда меҳнат муносабатларини такомиллаштириш талаб даражасида эмаслиги;

- мева-сабзавотчилик соҳасига IT технологияларга асосланган рақамли иқтисодиёт тизимини жорий этиш суръати ва қўлами аксарият ҳудудларда суи стлиги ва бошқалар.

Тадқиқот натижалари. Маълумки сўнги йиллар давомида Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳажмларини кўпайтиришда инвестициялар асосан ушбу маҳсулотлар етиштиришга ихтисослашган ҳудудларга ажратишга устуворлик берилган. Шундай ҳудудлардан бири Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани ҳисобланиб, туман ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 35,7%ни деҳқончилик маҳсулотлари ташкил этади. Бугунги кунда туманда етиштирилаётган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 82,5%, шу жумладан

деҳқончилик маҳсулотларининг 68,8% деҳқон хўжаликларида яратилмоқда. Шунингдек, сабзавотнинг 88,5%, мева ва резавор меванинг 67,1%, узумнинг 76,1% ва картошканинг 69,3% деҳқон хўжаликлари томонидан етказиб берилмоқда.

Туманнинг вилоят инвестиция ҳажмидаги улуши 7 фоиз тўғри келган бўлса, бу 2017 йилга нисбатан 6,1 мартадан кўпроқни ташкил этган. Шу йиллар мобайнида аҳоли жон бошига тўғри келаётган асосий капиталга инвестиция ҳажми 6 марта ошиб, ҳисобот йилида 8479,0 минг сўмни ташкил этган. Инвестицияларнинг 95,1 фоизи хусусий секторга йўналтирилган. Ушбу инвестицияларнинг 23,9 фоиз хорижий сармоя ҳисобланади. Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 67,5 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасига йўналтирилган.

Туман экспорт товарлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар 11,8 %ни ташкил этиб, унинг ҳажми охириги уч йил мобайнида 2,7 мартадан ошган. Экспорт қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари қиймати улуши (ХССТ - 6513, 0545, 0545, 0579 кодлар бўйича) 83,0 фоизни ташкил этган.

Этиборлиси шундаки, экспортга йўналтирилаётган мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари бевосита истеъмол қилиш учун, бирламчи ва иккиламчи қайта ишланмасдан, қўшимча қиймат яратилмасдан экспортга бевосита йўналтирилмоқда.

Шунингдек, туманда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш соҳасида юқори қийматли қўшилган қиймат занжирини шакллантиришга шароит бўла туриб, бу соҳага инвестицияларнинг етарли ҳажмларда йўналтирилмаганлиги боис, вилоят бўйича қайта ишланган меванинг 3,8 фоизи, узумнинг 0,2 фоизи ва сабзавотнинг 4,9 фоиздан кўпроғи айнан ушбу туман ҳудудида қайта ишланмоқда.

Демак, мева-сабзавотчилик мажмуида соҳаси инвестицион жозибадорлигини ошириш, тармоқ самарадорлигини кўтариш, унинг асосий омили ҳисобланган қўшилган қиймат яратиш соҳасини ривожлантиришга инвестицияларни жалб этиш ҳам иқтисодий ҳам ижтимоий жиҳатдан муҳим вазифалардан ҳисобланиб, уни тадқиқ этиш ва асосий йўналишларини илмий-амалий жиҳатдан асослаш долзарб ҳисобланади.

Дарҳақиқат, маълумотларга биноан 2020 йил май ойи ҳолатида республика-миз божхона омборхоналарида ўз истеъмолчиларига етказилиши лозим бўлган қиймати 1,8 млрд. АҚШ доллари бўлган 1,2 млн. тонна товар маҳсулотлари, шу жумладан 40,1 млн. АҚШ дол. миқдоридаги 83,1 минг тонна озиқ-овқат маҳсулотлари тўпланиб қолган бўлиб, бу ҳол мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ва импорт, логистикаси, божхона хизматлари тизимини такомиллаштиришга, мева-сабзавотчилик мажмуи инфратузил-масини ривожлантириш, қўлаб-қувватлашга инвестицияларни жалб қилишга устуворлик беришни тақозо этади.

Хулоса ва тақлифлар. Мева-сабзавотчилик соҳаси инвестицион жозибадорлигини оширишнинг асосий йўллари:



- мева-сабзавот маҳсулотлари сифатини яхшилаш ва бозор стандартлари талабларида етиштиришни таъминлаш, бу Республикамиз ҳудудлари ва минтақалари ўртасида маҳсулотлар баҳоси бўйича рақобатбардошликни оширишни таъминлайди;

- мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, соҳага хизмат кўрсатиш тизими иш тартиби ва хизмат механизмини такомиллаштириш, бу соҳада кооперацион алоқалар ва интеграцион муносабатларни кучайтиради;

- мева-сабзавотчиликда сифатли ва стандарт талабларига жавоб берадиган маҳсулот етиштиришни таъминлайдиган уруғчилик, кўчатчилик ва ниҳолчилик етказиб бериш тизимини жаҳон андозалари даражасида ташкил этишга инвестицияларни жалб этишга устуворлик бериш;

- мева-сабзавотчиик соҳаси инфратузилмасини ривожлантиришга инвестицияларни жалб этишни қўллаб-қувватлаш асосида мажмуа инвестицион жозибадорлигини таъминлаш;

- мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштириш учун қулай табиий шарт-шароит мавжуд бўлган ҳудудларда ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларни бошқа ҳудудларга нисбатан устувор қўллаб-қувватлаш, нисбатан қулай шартлардаги инвестициялар билан таъминлаш, нисбатан енгил ва имтиёзли солиқ ва молиявий юкламалар тизимини жорий этиш. Бу соҳа инвестицион жозибадорлигини оширади, инвестициялар ва айниқса хорижий инвестициялар оқимини кучайтиради, маҳсулот ҳажминини ошириш ва таннархини пасайтиришга имкон яратади, нафақат минтақавий ёки ҳудудий ва ташқи бозорларда етиштирилаётган маҳсулот рақобатбардошлигини оширишни таъминлайди. Пировард мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши таъминланади, тадбиркорлик равнақ топади, табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишга эришилади, аҳоли бандлиги таъминланиб барқарор даромадга эга бўлади;

- мева-сабзавотчилик соҳаси маҳсулотлари савдоси бўйича ҳудудлар ва минтақалар ўртасида кооперация ва интеграция муносабатларни тартибга солиш, соддалаштириш, енгиллаштиришга ва такомиллаштиришга йўналтирилган институционал ўзгаришларга инвестициялар ҳажминини ошириш. Бу ҳар бир ҳудуддаги мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштирувчи тадбиркорлик субъектларнинг ушбу маҳсулотлар билан савдо қилишда унинг мавқени оширади, мустаҳкамлайди ва бозор иштирокчилари ўртасида рақобатбардошлигини кучайтириб, нуфузини оширади. Пировард натижада ушбу соҳа меъёрий-ҳуқуқий ва институционал базаси такомиллашади, соҳанинг ЖСТ ва ЕСЭСга босқича-босқич, силкиниш ва бўҳронларсиз кириб боришини таъминлайди;

- мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган ҳудудлараро ҳамда йирик шаҳар ва sanoat марказлари, шунингдек, қайта ишлаш ва сақлаш ҳамда логистик марказлар ўртасидаги транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга инвестицияларни йўналтириш. Бу мева-сабзавот маҳсулотлари ети-

ширишга ихтисослашган ҳудудларда транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга, пировард маҳсулотларнинг тез ва муддатида етказишни ҳамда янги иш жойларини шакллантиришни таъминлайди;

- мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган ҳудудларни муқобил электр қуввати (куёш батареяси ва шамол энергияси) билан таъминлашга йўналтирилган инвестицияларга устуворлик бериш;

- мева-сабзавотчилик соҳаси инфратузилмаси тизимида мева-сабзавотчилик логистика марказларини нафақат трансегаравий ҳудудларда, балки йирик шаҳарлар, шунингдек, географик-сиёсий жиҳатдан муҳим ҳисобланган ҳудудларда шакллантиришни давлат-хусусий шерикчилиги тизими асосида барпо этишга инвестицияларни йўналтиришга устуворлик бериш. Бунда ушбу йўналишдаги лойиҳаларни молиялаштиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг инклюзив (гео-сиёсий талабларга мос келадиган) тартиб ва механизмларини жорий этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришининг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги 5853-сон қарори.

2. “Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илгор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 июлдаги 5200-сон қарори.

3. <https://review.uz/post/skolko-prodovolstviya-xranitsya-na-tamojennx-skladax-uzbekistana>



ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИДА БАЛИҚ САВДОСИНИ МАРКЕТИНГ ЁНДАШУВИ АСОСИДА ЙЎЛГА ҚЎЙИШ

**Б.А.Сарсенбаев, и.ф.ф.д.,
Қорақалпоқ давлат университети**

Анотация: Мақолада Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида балиқчилик соҳасини ривожлантириш, истеъмол бозорида балиқ савдосини маркетинг ёндашуви асосида йўлга қўйиш ва мулкчилик шаклидан қатъий назар маҳсулот ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш, сотиш ҳамда балиқ ишлаб чиқарувчи субъектларини ўзаро ҳамкорлик муносабатларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар баён этилган.

Таянч иборалар: қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, маркетинг, ташқи иқтисодий фаолият, маркетинг тадқиқотлари

Анотация: В статье рассматривается развитие рыбной отрасли в процессе построения нового Узбекистана, налаживания торговли рыбой на потребительском рынке на основе маркетингового подхода и сотрудничества в сфере производства, подготовки, хранения, переработки, обслуживания, продажи и продажа рыбы, независимо от формы собственности, изложены предложения и рекомендации по улучшению.

Abstract: The article discusses the development of the fishing industry in the process of building a new Uzbekistan, the establishment of fish trade in the consumer market on the basis of marketing approaches and cooperation in the production, processing, storage, processing, service, sale and sale of fish, regardless of ownership. suggestions and recommendations for improvement are outlined.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида балиқчилик соҳасини ривожлантириш, балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш субъектларини янада такомиллаштириш, балиқчилик кластерларини ташкил этиш, табиий ва сунъий сув ҳавзаларида қафас усулида балиқ етиштириш каби масалаларга алоҳида аҳамият қаратишмоқда. Бу борада «... сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бу борада қафолатланган захирани яратиш ва уларни бозорга узлуксиз етказиб бериш ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ишларига устувор даражада эътибор қаратилади»³⁸. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4005-сон «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 29 августдаги ПҚ-4816-сон «Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадор-лигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари мазкур соҳани янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 2020 йил 30-декабрь.

Хўжаликларни эркинлаштириш шароитида маркетинг инсон фаолиятини аниқ мақсадларга эришиш ва ижобий натижаларга эга бўлиш учун амалга оширилувчи онгли равишдаги бошқариш воситаларидан бири сифатида юзага келади ва бозор шароитида корхоналар фаолиятининг барча жабҳаларида, жумладан, маҳсулот товар ассортиментини ишлаб чиқиш, товарнинг белгиси, сервис хизматлари соҳасини ривожлантиришга хизмат қилади. Балиқчилик соҳасини ривожлантиришнинг маркетинг ёндашувлар асосида мулкчилик шаклидан қатъий назар маҳсулот ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш, сотиш ва балиқ ишлаб чиқарувчи субъектларини ўзаро ҳамкорлик муносабатларини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Дунёда балиқчилик соҳасига жуда катта эътибор берилиб, балиқ ва балиқ маҳсулотлари бозорида маркетинг ва сервис соҳасини ривожлантириш ва бунда аҳолини кундалик истеъмол маҳсулотлари рационалида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бозорни маркетинг тамойилларидан фойдаланган ҳолда тўлақонли шакллантириш ва унинг самарадорлигини ошириш энг муҳим масалалардан ҳисобланади.

Маркетинг фаолияти балиқчилик соҳаси хўжаликларини ривожлантириш натижасида унда етиштирилган маҳсулотларни аҳолига етказишда давлат ва ҳудуднинг ролини ошириш йўли билан балиқ хўжаликларида маркетинг ёндашуви негизида унинг имкониятларидан мақсадли фойдаланиш зарурилиги кўрсатиб берилган. Балиқ маҳсулотларини етиштириш, овлаш, сақлаш, тақсимлаш ва истеъмолчигача етказиб бериш балиқ хўжаликларининг энг муҳим вазифаларидан бўлиб, бу соҳага Ўзбекистоннинг балиққа мослашган ҳудуди – Қорақалпоғистон Республикасида алоҳида эътибор берилмоқда.

Маркетинг бозор субъектлари билан ишлаб чиқарувчилар ўртасида уларнинг фаолияти натижаси имкон даражасида юқори манфаатдорликка эга бўлишини таъминлаш мақсадида ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқликни йўлга қўйиш механизми бўлиб, бу биринчи навбатда, балиқ маҳсулотлари бозорида унинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар йиғиндисини йўлга қўйиш билан белгиланади. Шунинг учун ҳам, балиқ маҳсулотлари бозоридаги маркетинг фаолиятининг энг муҳим вазифа бозорда иштирок этувчи балиқ маҳсулотларини етиштирувчи ва истеъмолчилар билан ишлашни йўлга қўйишдир.

Балиқ маҳсулотлари бозори аҳамиятини янада ортиб боришини назарда тутган ҳолда маркетинг фаолиятини амалда қўллаш учун жуда кўплаб хўжалик бирликлари ҳаракат қилиб, ундан мақсадли фойдаланиш учун йўл-йўриқ кидирмоқда. Аммо уни ҳамма жойда ҳам қўллаш осон кечмайди, айниқса аҳолининг ўзи етиштирган балиқ маҳсулотларининг турли савдо масканларида сотилиши билан боғлиқ жараёнларда маркетинг фаолиятини ташкил этиш катта қийинчиликларга сабаб бўлади.

Хўжалик бирликлари амалга ошираётган тажрибаларни ўрганган ҳолда балиқ маҳсулотлари бозорида маркетинг фаолиятининг шаклланиши, уни амалда



қўллаш имкониятлари ва ривожланиш истиқболларини ўрганиш шу кун талабларидан келиб чиқади. Бунга ундовчи энг муҳим омиллардан бири Қорақалпоғистон аҳолисининг 51 фоизи қишлоқ жойларда истиқомат қилиши, уларнинг аксарияти эса балиқ маҳсулотларини етиштирувчилар бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириши ва унинг маълум қисмини товар сифатида сотиши учун ҳаракат қилишидир. Мана шундай шароитда маркетинг фаолиятдан фойдаланиб, балиқ маҳсулотлари бозорида балиқ етиштириш ва уни аҳолига етказишни давлат томонидан қўлаб-қувватлаш ёхуд тартиб-лаштириш лозим.

2007-2020 йилларда савдо корхоналари томонидан сотилган балиқ 2007 йилдаги 650,3 тоннадан 2020 йилда 12115,8 тоннага етган. Бунинг натижасида аҳолини балиқ истеъмол қилиш даражаси сезиларли даражада ошган. Балиқ бозорини мақсадли бозор сифатида ўрганиш учун қабул қилинган кўрсаткичлардан бири бу балиқ маҳсулотларига бозор талаби ҳисобланади. Балиқ бозорининг ҳисоб-китоб ишларида қийинчиликлар мавжудлигини ва ҳар доим ҳам унинг иштирокчилари ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлмаслик натижасида табиийки, барча бозорлар учун бозор талабини билишда қийинчиликлар ва хатоликлар юзага келади. Талабнинг миқдорига рақобатчилар томонидан ташқи муҳитда назорат қилиниши қийин бўлган омиллар билан уларда маркетинг фаолиятини амалга ошириш натижасида содир бўладиган жараёнлар ҳам таъсир кўрсатади.

Балиқчилик соҳасида балиқ маҳсулотлари бозорини ўрганиш ва таҳлил қилишда маркетинг тамойилларидан фойдаланган ҳолда унинг чакана ва улгуржи бозорини янада ривожлантириш учун объектив зарурат юзага келиб, бозорни ўрганиш жараёни кенгайиб бормоқда, иқтисодиёт ва технология билан бир қаторда балиқ маҳсулотларини сотиб олиш ва сотиш, талаб ва таклифни аниқлаш, ахборот таъминоти, чакана савдо субъектларининг ҳудудлараро ва ташқи иқтисодий фаолиятига таъсир қилувчи шароит ва омилларни таҳлил қилишдан иборат.

Балиқчилик хўжалиги миллий иқтисодиёт ижтимоий инфратузилмаси элементи бўлиб, иқтисодиётнинг турдош тармоқларининг ривожланишига кўмаклашади. Бозор инфратузилмаси ривожланмаган ва озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, қайта ишлаш ва сақлаш тизимида замонавий таъминот зanjирлари мавжуд бўлмаган жойларда балиқчилик бизнесининг тадбиркорлик тузилмалари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари билан тўғридан-тўғри узоқ муддатли иқтисодий алоқаларни ўрнатмоқда ва бу уларга қўшимча ўсиш имкониятларини яратмоқда. Бундан ташқари, балиқчилик тармоғида тадбиркорлик тузилмалари фаолияти улгуржи ва воситачилик алоқалари ва озиқ-овқат маҳсулотларининг кичик улгуржи савдоси тармоғини ривожлантиришни рағбатлантиради, бу эса савдо-сотиқ мажмуаси фаолиятида уларнинг аҳамиятини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4005-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 августдаги «Балиқчилик тармогини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4816-сонли қарори.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қондаси бўлиши керак.// Халқ сўзи. 2017 йил, 17 январь.
4. Кундиус П. Экономика агропромышленного комплекса. –М.: «Издательство КноРус», 2010. -570 с.
5. Чуев И.Н., Чуева А.Н. Комплексны анализ хозяйственной деятельности. –М.: ИТК «Дашиков и Ко», 2010. – 420 с.



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШГА ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛААР

Ш.А. Абдусаттарова,
*Молия ва бухгалтерия ҳисоби кафедраси
катта ўқитувчиси, ТДИУ*

Аннотация: Ушбу мақолада тижорат банклари активларининг ривожланиш тенденциялари ва активлар ҳисобини юритиш масалалари тадқиқ этилган. Муаллим томонидан тижорат банкларида активларнинг самарадорлик кўрсаткичларини шаклланиши ва ривожланишини таҳлил этилиб, Ўзбекистондаги тижорат банкларининг самарадорлигига таъсир этувчи асосий омиллар аниқлан, олиб борилган тадқиқотлар натижасида илмий хулосалар шакллантирилган.

Таянч иборалар: бухгалтерия, банк, кредит тизими, банк активлари самарадорлиги, активлар, омиллар.

Аннотация: В данной статье рассмотрены тенденции развития активов коммерческих банков нашей страны и вопросы учета активов. Автором проведен анализ формирования и развития показателей эффективности активов в коммерческих банках, определены основные факторы, влияющие на эффективность деятельности коммерческих банков в нашей стране, в результате проведенных исследований сформулированы научные выводы.

Abstract: In this article, the trends in the development of assets of commercial banks of our country and the issues of asset accounting are investigated. The author analyzed the formation and development of effectiveness indicators of assets in commercial banks and identified the main factors influencing the effectiveness of commercial banks in our country, scientific conclusions were formed as a result of the research carried out.

Кириш. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича ҳарактлар стратегиясида банк тизими, шу жумладан тижорат банклари фаолиятини янада ривожлантириш ва банк хизмат турларини такомиллаштиришга қаратилган чора тadbирларни амалга ошириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. [1]

Миллий ва жаҳон молия бозорларидаги кескин рақобат шароитида банклар фаолиятидаги ўзгаришларни ҳар томонлама ўрганиб бориш, бошқариш қарорларини асосланган таҳлилий маълумотларга таяниб қабул қилишни тақозо этади. Бундай ҳолатда менежерлардан банк фаолиятини ҳар бир йўналишидаги тенденцияларни комплекс равишда баҳолаб бориш талаб қилинади. Баҳолаш жараёнида турли гуруҳларга ажратилган самарадорлик кўрсаткичларига таянилади.

Адабиётлар шархи. Илмий адабиётларни ўрганиш натижасида маълум бўладики, банк активлари самарадорлигини таъминлаш муаммолари доирасида республикамызнинг бир қатор иқтисодчи олимлари ҳам илмий изланишларида ўз қарашларини билдиришган. Хусусан, банк активлари самарадорлигини ошириш борасида банкларда кредит тизими ва сиёсатини ривожлантириш бўйича Ш.Абдуллаева, Умарова З.С. [3], Мухамеджанов К.А. [4], Саидов Д.А. [5], Пулатов Д.Х., Тухтабаев У.А., Қуллиев И.Я., Жиянова Н.Э., Элмурадов М.Х., Тухсанов Х.А. [6], банкнинг валюта активлари бўйича амалиётларни ривожлантириш бўйича Бобакулов Т.И. [7], Максумов Э.М. [8], Рустамова А.Б.лар [9], банк актив амалиётлари билан боғлиқ банк хизматларини ривожлантириш бўйича Алиқориев О.Ф., Мустафоев З., Мирзамайдинов Б.К., Абдурахманова М.М.лар илмий изланишлар олиб боришган.

Тижорат банклари активлари самарадорлигини оширишнинг илмий-амалий жиҳатларини хорижий иқтисодчи олимлар Р.Нагле [10], Н. Йин [11], К.Омбаба [12], А.Кхалид [13], Ж.Мичаел [14] ва бошқалар томонидан банк активларини вазифалари, ликвидлиги, риск даражаси, жойлаштириш муддати ва субъектига қараб таснифлашни таклиф этилган.

Таҳқиқот методологияси. Рақобат шароитида ҳар бир тижорат банкнинг бош стратегик мақсади актив амалиётлар ҳажмидан юқори фойда олишдир, шунингдек актив амалиётлар самарадорлиги активлар ҳисобига қанча фойда тўғри келиши билан белгиланади. И.А.Кетованинг таъкидлашича, «... актив амалиётлар банк ресурсларини жойлаштиришнинг бош инструменти сифатида даромад олишни рағбатлантиради ва банк ликвидлигини сақлаб туради». [15]

Аммо, бизнинг фикримизча, бу ерда банк активлари даромадлиги ва ликвидлигининг ўзаро қарама-қарши муносабатда эканлигига эътибор қаратиш зарур. Банк активларининг ликвидлик даражаси ортган сари риск даражаси пасаяди, шунга мутаносиб равишда даромадлик даражаси ҳам пасаяди. Ўз навбатида, актив амалиётларни тўғри бошқарилиши ликвидликни йўқотиш рискинни ҳам назорат қилишни талаб этади. Шу ўринда, А.И.Копытованинг «... муваффақиятли банк фаолиятини учта омил: юқори даромадлик, ликвидлик ва тўловга қобилиятликнинг ўзаро алоқадорлиги таъминлаб беради» деган фикри ниҳоятда ўринли, деб ҳисоблаймиз. [16]

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланган сари турли мулк шаклига асосланган тижорат банклари шаклланди ва кўпайди. Тижорат банкларининг аксарияти акционер банклардир. Уларнинг устав сармояси таъсисчилар қўшган маблағлардан ташкил топган. Бундай тижорат банклари акция чиқарган бўлиб, таъсисчилар акциядорларнинг катта қисмини ташкил этади. Тижорат банкларининг хусусий капитали ўтган йилга нисбатан 10823961 млн. сўмга ошган. Бу тижорат банклари учун ижобий ҳолат ҳисобланади. Тижорат банклари хусусий капитали суммаси қонун йўли билан чегараланмаган, лекин банклар фаолиятини барқарор таъминлаш мақсадида унинг ми-



нимал миқдори белгилаб қўйилади. Банк капиталининг ўсиб бориши банкларни бозор иқтисодиётининг етакчи субъекти сифатида фаолият олиб боришга олиб келмоқда. Жаҳоннинг барча мамлакатларида банкларнинг ликвидлигини ошириш ва мижозлари орасида ишончилигини мустаҳкамлаш мақсадида Марказий банк томонидан устав капиталининг минимал ҳажми ўрнатилади.

1-жадвал

Ўзбекистон тижорат банкларининг устав капиталининг ўз маблағларига нисбати [17]

| № | Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | |
|---|---|---------|---------|--------|--------|--------|---------|
| | | 2014 | 2015 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
| 1 | Банклар устав капитали, млрд. сўм | 2038,91 | 2974,22 | 3107,0 | 3602,9 | 4007,9 | 10427,3 |
| 2 | Банкларнинг ўз маблағлари, млрд. сўм | 3091,54 | 3787,57 | 4744,6 | 5799,8 | 7064,0 | 15869,5 |
| 3 | Устав капиталининг банкларнинг ўз маблағларига нисбати, % | 65,95% | 65,93% | 65,49% | 62,12% | 56,73% | 65,71% |

Юқоридаги 1-жадвал маълумотлари орқали шуни кўриш мумкинки, тижорат банклари устав капиталининг ўз маблағларига нисбати охириги йилларда пасайиш тенденцияни кўрсатмоқда эди. 2014 йилдан сўнг эса, бу кўрсаткич пасайиш тенденциясига эга бўлган. Тижорат банклари устав капитали ва ўз маблағлари миқдор жиҳатдан йиллар мобайнида ошиб борган. Устав капиталининг жами капитал ҳажмида юқори салмоқни эгаллаши ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки устав капитали юқори барқарорлик даражасига эга бўлган молиялаштириш манбаи ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида банк балансининг пассивдаги устав капитали салмоғининг ижобий ўзгариши банкнинг тўловга қобиллигининг мустаҳкамлигини белгиловчи бирламчи омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли қарорига асосан банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан тижорат банкларига нисбатан қўйиладиган меъёрий талабаларни янада такомиллаштиришни, жумладан, капиталнинг етарлилиги ва ликвидлилик кўрсаткичи бўйича янги талабларни назарда тутган янги стандартлар ва тавсиялар (Базель-III стандартлари) ишлаб чиқилган. Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк назорати бўйича Базель қўмитасининг стандарт ва тавсияларини (Базель-III стандартлари) 2015-2019 йилларда босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаши эътироф этилган.

Валюта сиёсатининг либераллаштирилиши шароитида тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини таъминлаш ҳамда иқтисоди-

ётнинг кредитга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига мувофиқ давлат улушига эга банклар капиталига Ҳукумат томонидан 670 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағлар йўналтирилган.

Мамлакатда бозор муносабатлари ривожланган сари турли мулк шаклига асосланган тижорат банклари шаклланди ва кўпаяди. Ўзбекистон тижорат банкларининг аксарияти акционер банклардир. Уларнинг устав сармойси таъсисчилар қўшган маблағлардан ташкил топган. Бундай тижорат банклари акция чиқарган бўлиб, таъсисчилар акциядорларнинг катта қисмини ташкил этади. Давлат-тижорат банклари устав фондининг асосий қисми давлат бюджетидан ажратилган бўлади. Хусусий банклар устав фондининг асосий қисмини бу банкни ташкил этган хусусий шахс маблағи ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қароридан банк тизимининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган асосий вазифалардан бири сифатида 2017 йил 1 октябрдан бошлаб устав капиталининг энг кам миқдорига нисбатан талаб тижорат банклари учун 100 млрд. сўм қилиб белгиланди [2]. Республикада фаолият юритаётган тижорат банкларига 2019 йилнинг 1 январигача устав капиталларининг минимал миқдорларини белгиланган минимал талаблар даражасига келтирилиши таъминлаш вазифаси қўйилди. Аммо, ҳозирги пайтда барча тижорат банклар ҳам белгиланган устав капиталларининг минимал миқдорларини тўлиқ шакллантира олгани йўқ.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, тижорат банклари кредитлаш салоҳиятига ички (микроиқтисодий) ва ташқи (макроиқтисодий) омиллар таъсирининг юқорилиги банк фаолиятида сезиларли ўзгаришларга олиб келади. Айниқса, банк тизимини иқтисодиёт соҳалари билан параллел ривожланиши жараёнидаги ўзгаришлар банкни кредитлаш салоҳиятига муҳим таъсир кўрсатади.

Ички (микроиқтисодий) омиллар кредит салоҳияти шаклланишининг устувор жиҳатларини белгилаб беради. Улар қаторига банк менежментининг ташкил этилганлик даражаси, фоиз ва тариф сиёсати талаблари, корпоратив мижозлар сони, ресурсларнинг барқарорлиги, кредит портфелининг сифати кабилар киради.

Ташқи (макроиқтисодий) омиллар банк фаолиятига бошқариш имконияти чекланган жиҳатларни намоён қилади. Ташқи омиллар иқтисодий вазият ва ҳуқуқий асослардаги ўзгаришлар, банк мижозлари фаолиятидаги ўзгаришлар, молия бозоридаги конъюктуравий силжишлар кабиларни камраб олади. Банкларда кредит салоҳиятига омиллар таъсирини оптималлаштириш кредит ресурслари тақчиллигини юзага келиши билан боғлиқ рискларни назорат қилиш механизмларини такомиллаштиришни талаб қилади.

Рақобат шароитида банк тизимини ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириб бориши, кредит ресурсларига нисбатан эҳтиёжнинг ўсиши каби жараён кредит-



лаш салоҳияти билан боғлиқ бир қатор муаммолар ечимига алоҳида ёндашишни талаб этади.

Биринчи гуруҳдаги муаммолар бевосита банклар амалиётида кредитлаш салоҳиятини шаклланишининг барқарор манбаларини ривожлантириш борасидаги тадбирларнинг давр талабига мос келмаслиги билан боғлиқ ҳолатлардир. Бунда «узун пассивлар» сифатида узоқ муддатли депозитларни жалб этиш, маблағлар манбаларининг янги гуруҳларини топиш чораларини кўриш каби масалалар муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи гуруҳдаги муаммолар эса, банкларда кредитлаш салоҳиятининг сифат жиҳатларини тўғри баҳолашнинг интеграл кўрсаткичлари ва усулларини такомиллаштириб бориш тадбирларига боғланган.

Учинчи гуруҳ муаммолари. Бу ҳолатда асосий масала банк активлари ва пассивлар ўртасидаги номутаносибликни минимал риск доирасида сақлаб туришдан иборат.

Активларнинг диверсификацияланганлик даражаси. Банк активларини диверсификацияланиш даражаси ҳам активларни самарали бошқаришга муҳим таъсир кўратади. Хусусан, тижорат банкларида активларни бошқаришда диверсификациялаш банк активлари бўйича таваккалчилик даражасини янада пасайтириш; хорижий валюталар, пластик карточкалар билан операцияларни амалга ошириш бўйича хизмат турларини кўпайтириш асосида даромадлар таркибини яхшилаш; банк учун мақбул бўлган кредитлашнинг янги турлари ва шакллари амалиётга тадбиқ этиб бориш; банк пассивларини максимал даражада даромад келтирувчи активларга жойлаштирилишини таъминлаш каби афзалликларга эга.

Активлар концентрацияси ўзига хос макроиқтисодий кўрсаткич ҳисобланиб, таҳлил жараёнида банк активларини географик ҳудудлар, йирик банклар ёки қарздорлар гуруҳида тўпланишини ифодалайди. Активлар концентрацияси активлар портфели диверсификацияланиш принципларига амал қилинган ҳолатда ҳам юзага келади. Мисол тариқасида, 01.01.2018 йил ҳолатига республикадаги банкларида активлар концентрациясининг йирик миқдорлари мос равишда: ТИФ Миллий банки – 24,59%, АТБ «Асакабанк» - 12,43%, АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» - 12,43%, АТБ «Ипотекабанк» - 6,84%, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» - 6,44%ни, жами кредит портфели бўйича эса, мос равишда: ТИФ Миллий банки – 24,73%, АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» - 16,26%, АТБ «Асакабанк» - 10,1%, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» - 8,98%, АТБ «Ипотекабанк» - 8,78%ни ташкил этади.

Активлар рентабеллиги тижорат банкларида активларни қай даражада самарали бошқарилаётганлигини ифодалайди. Шунингдек, бу кўрсаткич орқали активлар ҳиссасига тўғри келаётган соф фойда улушини таҳлил қилиш мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилганимизда, тижорат банкларида омилар таъсирини ўз вақтида ва зарур даражада баҳолашни активлар самарадорлиги-

ни таъминлашнинг муҳим кафолати ҳисобланади. Асосий масала банк активлари ва пасивлар ўртасидаги номутаносибликни минимал риск доирасида сақлаб туришдан иборат.

Бу борада банк активларини диверсификацияланиш даражаси ҳам активларни самарали бошқаришга муҳим таъсир кўрсатади. Хусусан, тижорат банкларида активларни бошқаришда диверсификациялаш банк активлари бўйича таваккалчилик даражасини янада пасайтириш; хорижий валюталар, пластик карточкалар билан операцияларни амалга ошириш бўйича хизмат турларини кўпайтириш асосида даромадлар таркибини яхшилаш; банк учун мақбул бўлган кредитлашнинг янги турлари ва шакллари амалиётга тадбиқ этиб бориш; банк пасивларини максимал даражада даромад келтирувчи активларга жойлаштирилишини таъминлаш каби афзалликларга эга.

Кейинги омил - активлар концентрациясидир, у ўзига хос макроиқтисодий кўрсаткич ҳисобланиб, таҳлил жараёнида банк активларини географик ҳудудлар, йирик банklar ёки қарздорлар гуруҳида тўпланишини ифодалайди. Навбатдаги омил - активлар рентабеллиги ҳисобланиб, тижорат банкларида активларни қай даражада самарали бошқарилаётганлигини ифодалайди. Шунингдек, бу кўрсаткич орқали активлар ҳиссасига тўғри келаётган соф фойда улушини таҳлил қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947 сонли Фармони"* 2017 йил, 7 февраль. gov.uz
2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПК-3270-сонли "Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори* – Тошкент, 2017.
3. *Умарова З.С. Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари кредит эмиссиясини тартибга солишни такомиллаштириш. Номзодлик диссертацияси.*-Т.: 2011.;
4. *Мухамеджанов К.А. Пути совершенствования управления кредитным портфелем и кредитными рисками коммерческого банка. Дис. канд. экон. наук.-2010.;*
5. *Саидов Д.А. Тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш амалиёти ва уни такомиллаштириш йўллари. Номзодлик диссертацияси.*-Т.: 2008.;
6. *Тухсанов Х.А. Процентная политика банков и вопросы её регулирования в условиях рыночной экономики (На примере Республики Узбекистан). Дис. канд. экон. наук.-2006.*
7. *Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. Докторлик диссертацияси.*-Т.: 2008. ;



BLOKCHEYN TEXNOLOGIYASI VA UNDA MOLIYA SOHASIDA FOYDALANISH

O.M.Azizov,

“Buxgalteriya hisobi, tahlil va audit” kafedrasida katta o'qituvchisi, TDAU

D.A. Sabirova,

“Menejment va marketing” kafedrasida katta o'qituvchisi, TDIU

Annotatsiya: Blokcheyn ma'lumotlarni tarqsimlangan holda saqlash texnologiyasidir. Bugungi kunda blokcheyn texnologiyasidan iqtisodiyotning turli sohalarida qo'llanilishi shaffoflik va yuqori samaradorlik asosi hisoblanadi. Ushbu maqolada blokcheyn texnologiyasi mazmun mohiyati va undan moliya sohasida foydalanish haqida ma'lumotlar berilgan.

Tayanch iboralar: blokcheyn texnologiyasi, kriptovalyuta, identifikatsiya, aqlli shartnomalar, avtomatlashtirish.

Аннотация: Блокчейн - это технология хранения распределенных данных. Сегодня применение технологии блокчейн в различных секторах экономики является основой прозрачности и высокой эффективности. В этой статье представлена информация о сути технологии блокчейн и ее использовании в финансовых сферах.

Abstract: Blockchain is a distributed data storage technology. Today, the use of blockchain technology in various sectors of the economy is the basis for transparency and high efficiency. This article provides information on the essence of blockchain technology and its use in financial spheres.

Jamiyat va iqtisodiyotning turli jabhalarida raqamli texnologiyalarni joriy etish keng ommalashayotgan bugungi kunda blokcheyn texnologiyasi ham sohalar rivojida katta ahamiyat kasb etmoqda.

Blokcheyn texnologiyada zanjirni qo'llab-quvvatlovchi har bir ishtirokchi teng huquqlidir. Bu yerda server yoki protsessing markazi yo'q. Qo'llanish sohaları cheksiz bo'lib, u ma'lum ma'lumotlarni yozib olish uchun ishlatiladi, masalan: shaxsiy kundalik yozuvlari, ko'chmas mulk egalari to'g'risidagi ma'lumotlar, moliyaviy operatsiyalar va boshqalar.

Blokcheynni faqatgina barcha ishtirok etuvchi serverlarning zanjirlarini yo'q qilish orqali yo'q qilish mumkin. Yana bir xususiyat - ochiq kod, ya'ni insonlar ma'lumotlar bazasidagi yozuvlarni ochiq ko'ra olishidir. Bundan tashqari, blokcheynning har bir blokida avvalgi bloklardagi ma'lumotlar mavjud bo'ladi. Bloklardagi yozuvlarni o'zgartirish imkoni bo'lmaydi. Aynan shu xususiyat, blokcheyn texnologiyasiga e'tiborni jalb qiladi.

Blokcheynning o'ziga xos xususiyatlari shundan iboratki, yozuvlarni tasdiqlash uchun vositachi kerak bo'lmaydi. Masalan, siz er uchastkasini sotib olayotganda, moliyaviy operatsiyalardan tashqari, sizning mulkingizga bo'lgan huquqingiz to'g'risidagi hujjatli dalillar ham kerak. Bu hujjatlarni rasmiylashtiradigan notarius

- vositachi tomonidan amalga oshiriladi, uning imzosi bilan sizning huquqingiz tasdiqlanadi va uni yagona reestrga kiritadi.

Yana bir misol: siz taniqli brenddan qimmatbaho dorilarni sotib olasiz, ammo bozorda soxta dorilar ham bor. Siz ularni aniqlash uchun markerlardan foydalanasiz. Agar ushbu mahsulotning haqiqiyligini aniqlashda blokcheyn texnologiyasi qo'llanilsa, mahsulotingizni tekshirishingizga hojat qolmaydi. Blokcheyn yordamida barcha etkazib beruvchilar o'z mahsulotlarini bir-birlaridan ishonchli va avtonom tarzda aniqlay olishadi (qayta ishlash, turli ishlab chiqaruvchilar mahsulotlarini birlashtirishi ham mumkin) va sotuvchilar tarmoqlari iste'molchilarga qaerdan va qaysi mahsulot etkazib berilganligini va ishlab chiqaruvchi kimligini aniq ayta oladi.

Blokcheyn texnologiyasi hujjatlarni tekshirish bilan shug'ullanadigan davlat idoralaridagi xodimlar armiyasini o'rnini bosadi va qisqartiradi. Blokcheyn raqamli imzo tushunchasini ham o'rnini bosadi: soxta veb-saytlar, virus dasturlari, soxta yangiliklar, onlayn qarochilikni yo'qqa chiqaradi. Blokcheyn material muallifligini tasdiqlashi mumkin. Jahonning nufuzli davlat va korporatsiyalari hozirdanoq o'zlarining tarkiblarida va faoliyatida blokcheyn texnologiyasini joriy qilishmoqda.

Bugungi kunda tobora ko'proq kompaniyalar blokcheyn texnologiyasidan foydalanishni e'lon qilmoqda va ba'zi mamlakatlarda ushbu texnologiyadan foydalanish bo'yicha hatto davlat dasturlari mavjud. Blokcheyn texnologiyasi atrofidagi umumiy shov-shuvga qaramay, bu faqat maxsus xususiyatlarga ega ma'lumotlar bazasi ekanligini tushunish muhimdir.

1-jadval

Blokcheynning ijobiy va salbiy tomonlari

| Ijobiy tomonlari | Salbiy tomonlari |
|---|---|
| Markazlashmagan. tarmoq ishtirokchilari o'zaro teng huquqli va to'g'ridan-to'g'ri ma'lumotlarni uzatishlari mumkin. | Hajm murakkabligi. Agar Bitcoin blokcheyni Visa operatsiyalarining ulushiga to'g'ri kelsa, unda uning hajmi yuzlab terabaytga etadi. |
| Ishonchlilik. Ma'lumotlarni almashtirish va xakerlik hujumlari imkoniyati yo'q, chunki maxsus shifrlangan kalitlardan foydalaniladi | Firibgarlik faoliyati ehtimoli. Blokcheynda ma'lumotlar uzatish qaytarilmasdir. Shu munosabat bilan, hatto xato bilan amalga oshirilgan bo'lsa ham, operatsiyani bekor qilish imkoniyati yo'q. |
| Shaffoflik. Siz har qanday tranzaksiya uchun bosib o'tilgan yo'lni tekshirishingiz mumkin, chunki har qanday blok ommaviy ko'rish imkoniyatini beradi. | 51% hujum. Agar hisoblash quvvatining 51% bitta qurilmaga tegishli bo'lsa, unda yaxlitlik buziladi. |
| Ko'p qirrali. blokcheyn turli sohalarda (moliya sektori, huquq, ko'chmas mulk va boshqalar) qo'llanilishi mumkin. | |

Unda blokcheyn dunyoga qanday ta'sir qilishi mumkin, bu haqda qanaqa fikrlar mavjud?

Blokcheyn - bu markazlashmagan tarmoqlarda ma'lumotlarni to'plash, saqlash

va qayta ishlash usuli bo'lib, unda saqlangan ma'lumotlarning yuqori xavfsizligi va ishonchligini ta'minlaydi.

Blokcheyn kontseptsiyasi 1991 yilda taklif qilingan va sinovdan o'tgan, ammo bu texnologiya Satoshi Nakamoto tomonidan taqdim etilgan birinchi Bitcoin kriptovalyutasining to'lov tarmog'ida ishlatilgandan keyingina keng ommalashdi.

Bu, vositachi va nazorat qiluvchi tashkilot mavjud bo'lmagan va barcha foydalanuvchilarning huquqlari teng bo'lgan markazlashtirilmagan to'lov tarmog'idir.

Blokcheyn rivojlanishining navbatdagi bosqichi aqlli shartnomalar bo'ldi. Aqlli shartnomalar - o'z-o'zidan bajariladigan shartnomalarni tuzish va bajarish uchun dasturiy ta'minot algoritmi hisoblanadi. Ularning paydo bo'lishi bilan blok zanjiri nafaqat ma'lumotlarni saqlashni, balki ulardan foydalanishni ham o'rgandi.

Birinchi marta aqlli shartnomalarning to'liq kontseptsiyasi, yosh dasturchi Vitalik Buterin tomonidan ishlab chiqilgan Ethereum kriptovalyutasida namoyish etildi.

Blokcheynning bank tizimi uchun afzalliklari. Zamonaviy bank tizimi mukammal emas. Mijozlar banklarga yuqori komissiya to'laydilar va pullari qayerga ketayotganini aniq tushunmaydilar. Banklar ko'p sonli xodimlarni jalb qilishi va har doim ham ishonchli bo'lmagan SWIFT banklararo o'tkazmalar tizimidan foydalanishi shart. SWIFT uzilib qolsa, Eron va KXDRda bo'lgani kabi, davlatlar sanksiya va moliyaviy blokirovka qilish xavfini o'z zimmlariga oladilar.

Blokcheyndan foydalanish sizga bank operatsiyalarini bajarishda vositachilarni chiqarib tashlash va ko'plab jarayonlarni avtomatlashtirish imkonini beradi. Xarajatlarni kamaytirish hisobiga bank tizimining samaradorligi ham oshiriladi. Banklar yangi blokcheyn biznes modellari va mahsulotlarining paydo bo'lishi orqali qo'shimcha daromad manbalarini yaratishi mumkin.

Shunday qilib, 2019 yil mart oyida Germaniya Commerzbank va Landesbank Baden-Wuerttemberg banklari Marko Polo savdoni moliyalashtirish uchun yangi blokcheyn platformasida test operatsiyalarini o'tkazdilar, faktoring xizmatlari, debitorlik qarzlarni diskontlash va majburiyatlarni to'lashni taklif qilishdi. Hozir u savdo moliyalashtirish blokcheyn platformalari orasida yetakchilardan biri hisoblanadi: uning biznes modeli past kirish chegarasi va boshqa blokcheyn platformalar bilan birlashish qobiliyati tufayli tez kengayishga qaratilgan.

Bank sohasida blokcheynning qo'llashning asosiy yo'nalishlari. Tez va arzon transferlarni amalga oshirish. Bu, ayniqsa, transchegaraviy o'tkazmalar va mikro to'lovlar uchun to'g'ri keladi, bu erda bank to'lovlari o'tkazilgan summa bilan taqqoslanishi mumkin. Banklarda bo'lganida, bunday operatsiyalar uzoq davom etadi (3-5 ish kunigacha) va qimmat (summaning 1 foizi). Jahon miqyosida bu juda katta xarajatdir. Kriptovalyuta tarmoqlarida o'tkazmalar bir necha daqiqa davom etadi va sezilarli darajada arzonroq. Shunday qilib, blokcheynda 2018 yil yozida 45,5 ming bitkoin (taxminan 280 million dollar) bo'yicha bitim atigi 0,04 dollarga tushdi va bir necha daqiqa davom etdi. 2018 yilning bahorida Litecoin tarmog'ida 100 million dollarlik tranzaksiya shuncha mablag'ni talab qildi.

Jarayonlarni avtomatlashtirish va operatsiyalarni tezda qayta ishlash qobiliyati. Bu

xarajatlarni va xodimlarni kamaytirishga imkon beradi. blokcheyn murakkab hujjat aylanishidan xalos bo'lishga imkon beradi, chunki har qanday operatsiyani kuzatish mumkin. Texnologiyaning o'zi ma'lumotlar o'zgarimasligining kafilidir, inson omili chiqarib tashlangan. blokcheynda kredit berish, mijozlarni identifikatsiyalash, korporativ moliyalashtirish sohalarida allaqachon loyihalar mavjud.

Bitimlarning o'zgarimasligini ta'minlash. Ya'ni, o'zgarishlarni orqaga qaytarish va hisobotlarni qalbakilashtirishning iloji yo'qligi. Bank tizimi shaffof emas. blokcheyn barcha operatsiyalarni shaffof qiladi va barcha ishtirokchilar o'rtasida ishonch darajasini oshiradi.

Mutaxassislarining fikriga ko'ra, faqat G'arbda blokcheynni joriy qilish orqali banklar umumiy qiymati 30 milliard dollardan 8 milliardni tejashga qodir. 2012-2016 yillarda ko'plab banklar ushbu bo'shliqqa blokcheyn va moliyalashtirilgan ishlanmalarni kiritish imkoniyatini ko'rib chiqdilar. Ammo blokcheyn tufayli hali katta yutuqqa erishilmadi.

Sug'urta sohasida blokcheynni qo'llash. Sug'urta - bu aqli shartnomalar muhim rol o'ynagan blokcheyn sohalaridan biridir. Inson omili mavjudligi sababli sug'urta to'lovlarini berish jarayoni ayniqsa qiyin. Inson omili chiqarib tashlansa va blok zanjiridan foydalanilsa, ushbu soha yanada shaffof bo'lishi mumkin.

Buni qanday ishlashiga misol: Masalan, parvozlarning kechikishini sug'urtalash to'liq avtomatlashtirilishi mumkin. Tizimning o'zi rejalashtirilgan va haqiqiy jo'nab ketish vaqtini tekshiradi va sug'urta hodisasi yuz berganda, u avtomatik ravishda yo'lovchiga kompensatsiya yuboradi.

Ayni paytda, bozorda sug'urta sohasida o'z xizmatlarini taklif qiladigan bir nechta blokcheyn kompaniyalari mavjud. Masalan, InsureX (hayot va sog'liqni sug'urtalash), Etherisc (ijtimoiy sug'urta, qishloq xo'jaligi va havo transporti sohasida sug'urta), SafeShare (ko'chmas mulkni ijaraga berish sohasida sug'urta).

Blokcheyn texnologiyasining katta afzalliklardan biri shundaki, inson omilining ta'siri minimallashtiriladi, ammo shu bilan birga g'ayrioddiy vaziyatlarning yechimi ko'plab qiyinchiliklarni keltirib chiqarishi mumkin. Hozirgi vaqtda aqli shartnoma texnologiyasi, yuzaga kelishi mumkin bo'lgan vaziyatlarning barcha o'zgaruvchanligini qamrab olish darajasiga erishmagan, ammo ko'plab kompaniyalar ularni takomillashtirish ustida ishlamoqdalar. Bundan tashqari, sug'urta sohasiga blokcheynni qo'llashga qaratilgan ba'zi loyihalar aqli shartnomalarning funktsionalligini yaxshilash uchun qo'shimcha texnologiyalarni birlashtirmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Макаров А.Ю., Макаров А.А. Цифровая экономика. Технология меняет менеджмент. Практика внедрения и результат.: учебник /А.Ю.Макаров, А.А. Макаров. — М : СОЛОН-Пресс, 2021. — 160 с. ISBN 978-5-91359-437-2
2. Lapidus L.V. Digital Economy (na angl. yz.): Учебное пособие для бакалавров и магистров по направлениям «Экономика» и «Менеджмент». – М.: РУТ (МИИТ), 2018. - 42 с.
3. С.С.Гуломов, О.М.Абдуллаев, Р.Аюпов. Рақамли иқтисодиёт (криптовалюта ва блокчейн). Ўқув қўлланма. Т.: Молия, 2020. – 354 б.



АҲОЛИ БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ИЧКИ ИНВЕСТИЦИЯ СИФАТИДА ИҚТИСОДИЁТГА ЖАЛБ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

А.К.Аймухаммедова,
“Корпоратив иқтисодиёт ва бизнес таҳлил”
кафедраси катта ўқитувчиси, ТДИУ

Аннотация: Мақолада иқтисодий тараққиётнинг замонавий босқичида аксарият ишлаб чиқариш тармоқлари ўз маблағлари ҳисобига инвестицион фаолиятни ташкил этиши, аҳоли томонидан киритиладиган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари ва аҳоли бўш пул маблағларини иқтисодиёт соҳаларини ривожлантиришига инвестиция сифатида киритиши тўғрисида баён этилган.

Таянч иборалар: инвестиция, инвестицион фаолият, аҳоли жамғармалари, пул маблағлари

Аннотация: В статье утверждается, что на современном этапе экономического развития большинство отраслей промышленности организуют инвестиционную деятельность за счет собственных средств, темпов роста инвестиций, осуществляемых населением, и введения свободных денежных средств в население в качестве инвестиций в развитие экономических сфер.

Abstract: In the article, it is stated that at the modern stage of economic development, the majority of industrial sectors organize investment activities on the account of their own funds, the growth rate of investments made by the population and the introduction of free money into the population as an investment in the development of economic spheres.

Инвестицион фаолиятнинг муҳим шартларидан бири, уни қайси маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки йилларида инвестициялар фақат давлат маблағлари ёки давлат капитал қўйилмаларини ўзлаштириш ҳисобига, чет эллардан давлат кафолати остида ёки бевосита корхоналар кафиллиги асосида жалб қилинди. Инвестиция фаолиятининг асосий манбалари давлат бюджети маблағлари бўлиб келди. Иқтисодий тараққиётнинг замонавий босқичида аксарият ишлаб чиқариш тармоқлари ўз маблағлари ҳисобига инвестицион фаолиятни ташкил этиши керак. Шунингдек, аҳолининг бўш пул маблағларини sanoat корхоналарига инвестиция сифатида киритишга эътибор қаратиш лозим.

Аҳоли жамғармалари бутун дунёда инвестициялашнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Ўтган асрнинг 60-80 йилларида аҳоли жамғармалари улуши энг юқори бўлган давлатлар, яъни Япония - 20 %, Германия, Франция, Италия - 11-12 % катта ўсиш суръатларига эришдилар.

Сўнги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг реал секторига инвестициялаш мақсадида фуқароларнинг жамғармаларини жалб қилиш учун баъзи қадамлар ташланмоқда. Ана шу мақсадларда аҳоли даромадларини ошириш бўйича чоралар ишлаб чиқилмоқда. Аҳоли пул даромадларини ошириш, унинг таркибиде тадбиркорлик даромадларининг улушини кўпайтириш тадбирлари амалга ошириляпти.

Аҳоли томонидан киритиладиган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари кўп омилларга боғлиқ. Авваламбор, инвестициялар ҳажми олинган даромаднинг истеъмол ва жамғармага тақсимланишига боғлиқ. Аҳолининг ўртача даромади паст бўлганда уларнинг асосий қисми (70-80%) истеъмолга сарфланади. Аҳоли даромадлари ўсиб бориши жамғаришга юбориладиган қисми ошиб боришига сабаб бўлади. Умумий даромадда жамғариш улуши ошиб бориши инвестициялар ҳажми ўсишига олиб келади ва аксинча. Аммо, бу шарт аҳолини давлатга ишончи юқори бўлганда, давлат фуқаролар инвестицион фаоллигини таъминлаганда ва кафолатлаганда бажарилади.

Шўролар даврида аҳоли кўлида кўплаб пул маблағлари тўпланиб қолди ва аҳолининг бўш пул маблағлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга киритилмай, банкларга жойлаштирилади. Аҳолининг даромадлари ўсиб бориши даври ишлаб чиқаришни пасайиб бориши билан тўғри келади. Шундай қилиб, халқ хўжалигида ишлаб чиқариш билан боғланмаган ҳолда турли хил пул даромадларининг ўсиб бориш жараёни намоён бўлди. Қимматбаҳо қоғозлар бозорида заёмларнинг чиқарилиши бу жараёни янада тезлаштирди. Давлат томонидан олиб борилаётган аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш сиёсати эса ушбу жараёнга кўшимча бўлди. Аҳоли пул маблағларини жамғаришни йўлга қўйишда рақобатдош муқобил усуллар жорий этилмади, бу эса аҳоли томонидан миллиард сўмлик молиявий капитални ҳамда ноишлаб чиқариш мулкани жамғаришга олиб келди. Инфляция асосида жамғарилган тижорат капитали ишлаб чиқаришга киритилмади, бу гиперинфляциянинг ривожланишига ҳамда мутлақ товар-пул номутаносиблигининг пайдо бўлишига олиб келди. Шунинг учун бугунги куннинг асосий вазифаси тадбиркорларни ўз тижорат капиталини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга, яъни бўш пул маблағларни ишлаб чиқариш инвестицияларига айланттиришга даъват этишдир.

Баъзи маълумотларга қараганда, дунё бўйича давлатдан яширилган хўжалик фаолияти удуши ялпи миллий даромаднинг учдан бир қисмидан то ярмигача бўлган миқдорни ташкил этаркан. Бутун хуфёна иқтисодиёт ўрганилаётган бир пайтда, аҳолининг кўлидаги бўш пул маблағлари яширин жамғарилиши ўрнига улар саноат корхоналарига ёки бошқа тармоқлардаги ишлаб чиқаришларга жалб этилиши лозим.

Аҳоли бўш пул маблағларини иқтисодиёт соҳаларини ривожлантиришга инвестиция сифатида киритиши тадбиркорликнинг бир тури - молиявий тадбиркорликдир, бунинг натижасида аҳоли кўшимча даромад олиб, турмуш да-



ражаси ошади. Аҳолининг қўлидаги бўш пул маблағлари йирик sanoat корхоналарига жалб этилибгина қолмай, бўш маблағларни sanoat соҳасидаги кичик бизнес ва тадбиркорликни, жумладан оилавий тадбиркорликни ташкил этиш учун ҳам йўналтириши мумкин. Бунинг учун бугунги кун талаблари асосида бўш пул маблағларига ва мулкка эга бўлган аҳолининг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонунлар ишлаб чиқиши лозим. Бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни янада такомиллаштириш даври келди, мамлакатимизда бизнесни ташкил этишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади, бундай бизнесни ташкил этишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатлари кучайтирилса, иқтисодийнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ҳамда янги иш ўринлари очилишга шароит яратилади.

Ўзбекистонда инвестицион бозорларни ривожлантиришга эътиборни кучайтириш лозим. Инвестицион бозор деганда қимматли қоғозлар бозори ёки фонд бозори тушунилади, яъни ривожланган мамлакатларда акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларга маблағ сарфлаш инвестицияларнинг энг кўп тарқалган шакли ҳисобланади. Хорижда молия бозори доирасида инвестицион ресурслар мулкдорлари ва уларни истеъмол қилувчилар ўртасида молиявий воситачилар ҳаракат қилади. Молиявий воситачилар аҳоли ёки уй хўжаликларини ўрганиб чиқиб, уларнинг бўш турган пул маблағларини керакли соҳаларга йўналтириш билан шуғулланади.

Аҳоли уюшган (банк омонатлари, қимматбаҳо қоғозлар) ва уюшмаган (қўлда бўлган) жамғармаларга эга бўлади. Уюшган жамғармалар молия бозори қатнашчилари ёрдамида инвестицияларга айлантирилиши мумкин, аммо уюшмаган жамғармалар инвестициялар учун фақат салоҳиятли ресурс ҳисобланади. Молиявий воситачилар уюшмаган жамғармаларни жалб этиш билан шуғулланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Nagle R., 1991, *Bank Consolidation into the Twenty-first Century*, "The Bankers Magazine", 18-24.;
2. Yin, N. P. 1999. *Look at Taiwan's Banking Problems from Asia Financial Crisis*, *Banking Finance*.1.;
3. Ombaba K.B Mwengei, (2013). *Assessing the Factors Contributing to Non – Performance Loans in Kenyan Banks*, *European Journal of Business and Management* 5 (32), 2013.;
4. Khalid A., (2012). *The impact of Asset Quality on Profitability of Private Banks in India: A Case Study of JJK, ICICI, HDFC & YES Banks*. *African Macroeconomic Review*, 2 (1).;
5. Michael, JN. (2010). *Effect of Non-Performing Assets on Operational Efficiency of Central-Cooperative Banks*, *Indian Economic Panorama*, 16(3), 33-39.;
6. Кетова И.А. Анализ и оценка показателей активности банковского сектора региона // *Деньги и кредит*. - М.: 2014. - №11. 48-49-бетлар.

ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА МАҲСУЛОТЛАР САВДОСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА РАҚАМЛИ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИНИ АҲАМИЯТИ

Т. Махмудов,
Наманган муҳандислик-технология
институтини докторанти

Аннотация: Жаҳонда вужудга келган пандемия вазиятда савдо корхоналар ўз товар ва хизматларини аҳолини хонадонларидан ташқарига чиқармасдан етказиб беришлари ҳамда ўз фаолиятларини самарали ташкил этишларида маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишлари муҳим аҳамият касб этади. Мақолада пандемия ҳолатида савдони самарали ташкил этишининг маркетинг стратегиялари тўғрисида илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч иборалар: каронавирус, пандемия, савдо, маркетинг стратегиялари, маркетинг жараёнлари.

Аннотация: В случае глобальной пандемии важно, чтобы коммерческие предприятия поставляли свои товары и услуги, не выгоняя население из своих домов, и разрабатывали маркетинговые стратегии для эффективной организации своей деятельности. В статье развиваются научные выводы и рекомендации по маркетинговым стратегиям эффективной организации торговли в условиях пандемий.

Abstract: in the case of a global pandemic, it is important that commercial enterprises deliver their goods and services without expelling the population out of their homes and develop marketing strategies in the effective organization of their activities. The article develops scientific conclusions and recommendations on marketing strategies for effective organization of trade in a state of pandemics.

Коронавирус бутун дунёда инсонлар ҳаёти ва соғлиғига хавф солиши билан бир қаторда иқтисодийнинг турли соҳалари саноат, савдо ва хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш ҳамда туризмга қатта салбий таъсир кўрсатмоқда. 2019 йилнинг охирида аниқланган коронавирус инфекцияси дастлаб Хитойда кенг тарқалиб аҳолисининг 82 мингга яқинига юқиб 3 мингдан ортиқ инсонларнинг ҳаётига зомин бўлди, натижада бу инфекция дунё миқёсида 200 дан ортиқ мамлакатга тарқалиб 1 млндан ортиқ инсонларга ҳаётига хавф солмоқда. [6] Бунинг натижасида дунё миқёсида Пандемия эълон қилиниб, мамлакатлар ўртасида чегаралар қатъий тартибда назоратга олинди ҳамда импорт экспорт амалиётлари қисқарди. Бутун дунё ишлаб чиқариш тизимига қиймат занжирига салбий таъсир қилди. Унинг оқибатлари эса бизнес вакиллари, истеъмолчилар ва халқаро иқтисодийга таъсир этмоқда.



Глобал иқтисодиёт тизимини бир қисми бўлган Ўзбекистон иқтисодиёти-нинг жадал ривожланаётган тармоқлари бўлмиш туризм, транспорт, фармацевтика ва тўқимачилик саноатига ҳам мазкур омиллар таъсир қилмоқда, бу эса ўз навбатида ушбу ҳолатнинг салбий таъсирларини юмшатиш бўйича самарали олдини олувчи чоралар кўришни талаб қилмоқда.

Мамлакатимизда коронавирус пандемиясининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини камайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Мамлакатимиз Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ва 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармонлари имзоланди. Мазкур ҳужжатлар билан пандемия натижасида йўқотишларни бошдан кечираётган субъектларга қатор солиқ имтиёзлари берилиши ҳамда бизнесни шартномаларни форс-мажор ҳолатига кўра олиб боришни кўзда тутилган. Унга кўра 2020 йилнинг 1 октябрига қадар тадбиркорларнинг фойдаланилмаётган объектларига нисбатан мол-мулк ва ер солигининг оширилган ставкалари қўлланилмаслиги, жорий йилнинг 1 апрелидан 1 июлигача туристик (меҳмонхона) йигим ҳисоблаш ва ундириш тўхтатилиши, ташқи савдо фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш белгиланган. Бундан ташқари, карантин даврида тадбиркорларнинг ҳисоб рақамини тўхтатиб қўйиш тақиқланади. Аҳолига товарларни етказиб бериш ҳамда ташиш хизматларини кўрсатиш учун лицензия олиш талаби вақтинчалик бекор қилинди. [1]

Пандемиянинг мамлакатимизга таъсири натижасида газ экспортдан келадиган тушум 765 миллион долларга камайиши, асосий савдо ҳамкорларимизнинг миллий валюталари қадрсизланиши ва тўлов қобилиятининг пасайиши валюта тушумини 500 миллион долларга камайтириши мумкин. Хорижий сайёҳлар сони 500 мингга, мос равишда тушим 150 миллион долларга камайиш эҳтимоли бор. Ялпи ички маҳсулот 1,8 фоизгача, экспорт ҳажми 1,1 миллиард долларгача қисқариши хавфи башорат қилинмоқда. [9] Юзага келган вазиятнинг ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиётдаги йўқотишлар ўрнини қоплаш учун зарурий захира яратиш, барча захира ва қўшимча имкониятларни сафарбар этиш пировардида мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳукумат олдига қўйилган асосий вазифа бўлиб қолмоқда. Юқоридаги вазифаларни бажариш учун Фармон билан Молия вазирлиги ҳузурида 10 трлн. сўм миқдоридagi “Инқирозга қарши курашиш жамғармаси” ташкил этилди. [2]

Бугунги кундаги коронавирус сабаб жаҳон иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши ва глобал иқтисодий инқирозни келтириб чиқариши иқтисодчи олимлар томонидан прогноз қилинмоқда. (S&P Global Ratings халқаро рейтинг ҳисоботи).[6] Иқтисодчилар эса бу даврни буюк депрессия даврига

тенглаштирдилар. Коронавирус пандемияси шароитида ривожланган давлатларнинг глобал иқтисодий ўсиш суръатлари пасаймоқда ва 2020 йил бошидан жаҳон иқтисодиётининг ўсиши 1-1.5% ни ташкил қилди.

Франциянинг иқтисодиёт ва молия вазири лавозимида фаолият юритаётган Брюно Ле Мэр “France Info” радиоси орқали ўзининг чиқишида “Гарбий мамлакатлар иқтисодиёти коронавирус пандемияси туфайли 1929 йилдан бери энг ёмон инқирозга дуч келди. Мамлакатда ишлаб чиқариш қувватини сақлаб туриш ва бизнесни қўллаб-қувватлаш кераклиги, Авиация ва автомобилсозлик соҳаларига ёрдам керак” деб таъкидлаб ўтди.[10]

Американинг йирик инвестицион банкларидан бири “Bank of America” (BoFA) етакчи таҳлилчиси Мишель Мейернинг сўзларига кўра “Америка иқтисодиёти рецессиядан қочиб қутула олмайди, муаммоларнинг асосий сабаби эса коронавирус тарқалишидир. Унинг ҳисоб-китобича, яқин вақт ичида АҚШда ишсизлик даражаси икки бараварга ортиши, ишсизлар сони эса иккинчи чорак давомида ойига бир миллион кишига ўсиб боради.

Айни пайтда кўплаб корхона менежерлари бу вазиятда қандай қилиб ўз ишчилари иш ўринларини қисқартирмаган ҳолда сақлаб қолиш, хом ашё билан корхонани ўз вақтида таъминлаш ҳамда ишлаб чиқарилган товар ва маҳсулотларни ички ҳамда ташқи бозорларга сотиш, маркетинг ноаниқликларини тўғри аниқлай олиш каби муҳим масалаларни ҳал этиш чораларини излашмоқда.

Шунинг учун маркетинг, фирма(корхона)ни бозорда кўзлаган мақсадига эришиш йўлидаги доимий ташаббускорлик, ташкилотчилик, режалаштириш, жорий ҳамда стратегик бошқариш жараёнидир. Маркетинг жараёни Г.Л.Багиев ва бошқалар[3] фикрича эҳтиёжни ўрганиш, маҳсулот(хизмат)ни харидорлар ва бозор имкониятлари даражасида ишлаб чиқариш, тақсимлаш, сотиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар ва босқичлар мажмуасидан иборат.

Савдо фаолияти бугунги кунга келиб қиёсий жиҳатдан олсак, мушкул аҳволга тушиб қолди. Мамлакатимизда вилоятлар аро транспорт қатновини чекланди, шаҳарларда жамоат транспортлари (автобус, метро, йўналишдаги транспорт) қатнови вақтинча тўхтатилди. Карантин даврида истеъмолчиларнинг катта қисми ноозиқ-овқат товарлар эмас, балки озиқ-овқат товарларни сотиб олишмоқда. Бу эса мамлакатимизда ноозиқ-овқат товарлар ишлаб чиқариш корхоналари олдида ўзига хос муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Пандемия ҳолатида ҳар бир мамлакат аҳолисини соғлиғини асраш ва улар товар ҳамда хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда савдони телемаркетинг ва рақамли маркетинг стратегияларини қўллаш орқали таъминлаш маҳим аҳамият касб этади. Бу борада бизнинг мамлакатимизда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, мисол учун ошхоналар учун телевидениеда бериладиган рекламалар пул тўловсиз кўрсатилмоқда ҳамда бир қатор савдо корхоналарнинг телеграм каналлари ва интернет сайтларида товарлар савдосини йўлга қўйилди. Шу орқали бозорлардаги истеъмолчилар тўпланишини олдини олиш орқали



пандемия ҳолатидан ҳимоя қилиш имконияти яратилмоқда, лекин шундай бўлса ҳам харидорлар савдо шохобчаларида товар ва хизматларни харид қилмоқдалар. Савдо шохобчалари ва истеъмолчилар ўртасидаги алоқани рақамли маркетинг стратегияларини фойдаланган ҳолда ўрнатиш мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни шакллантиришда бош омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Рақамли маркетинг бу рақамли ресурслар бўлиши интернет, мобиль телефонлари истеъмолчилар учун маҳсулотларнинг реклама қилиш ёки уларга бўлган мотивни шакллантириш мақсадида рақамли реклама дисплейларидан оқилона фойдаланишдир.[4] Рақамли маркетинг электрон медиа воситалари орқали маҳсулот ва брендларни намойиш қилишдир. У анъанавий маркетингдан фарқ қилиб, ўз ичига рақамли маркетинг каналлари ва методларини қамраб олади. Рақамли каналларнинг нарх самарадорлиги ва интерактивлиги истеъмолчи ҳамда корхоналар орасида тўғридан-тўғри мулоқотни амалга ошириб, маркетингларни ўзларининг истеъмолчилари билан тез-тез алоқада бўлиб туришни таъминлаш билан бирга, кам сарф-харажат орқали интерактивлик ва персоналикни оширади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, савдо шохобчалари томонидан истеъмолчиларга савдони амалга оширишда рақамли маркетинг стратегияларидан фойдаланиш ҳамда ўз товарларини худудларга етказиб бериш хизматини ташкил қилиш керак деб ўйлаймиз. Самарали веб-тармоқларни яратишдан фойдаланган ҳолда истеъмолчиларни ўзига жалб қилиш ва уларнинг муайян брендга содиқлигини ошириш бугунги куннинг долзарб масалалари бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Президентининг "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тadbirkorлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-таdbirlar тўғрисида" фармони 2020 йил 3 апрел
2. Ўзбекистон Президентининг "Коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуши даражаси ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиши масалалари"га бағишланган видеоселектор <https://www.gazeta.uz/uz/2020/03/19/fond/>
3. Г.А.Бағиев и др. Маркетинг учебник, 2-е изд. М.Экономика 2001, 34
4. D. Ryan, C.Jones. Understanding digital marketing : marketing strategies for engaging the digital generation London and Philadelphia 2009. 18,19 б
5. А.Солдиев Маркетинг. Дарслик, Тошкент, 2010 й.
6. <https://corona-virus.uz/uz/>
7. <https://www.spglobal.com/ratings/en/>
8. <https://zamin.uz/iqtisodiyot/69730-koronavirus-pandemijasining-global-itisodietga-tasiri.html>
9. <https://www.adolat.uz/partiya/iqtisodij-asoratlarni-kamajtiruvchi-huzhzhath>

КАТТА ҲАЖМДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Ш.Т. Нуруллаева,
ТДИУ “Маркетинг ва менежмент” кафедраси катта ўқитувчиси
С.А. Сайдуллаева,
ТДИУ “Маркетинг ва менежмент” кафедраси катта ўқитувчиси
О.Ў.Тургунов,
ТДИУ “Маркетинг ва менежмент” кафедраси ассистенти

Аннотация: Ушбу мақола рақамли иқтисодийётни янги билимлар ва катта даромадлар асоси бўлган катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш усулларига бағишланган.

Таянч иборалар: ахборот, рақамли технологиялар, катта маълумотлар, маълумотлар массивлари, самарали логистика, коммуникация, статистик баҳолаш.

Аннотация: Эта статья посвящена методам анализа больших объемов данных, которые являются основой новых знаний и больших доходов в цифровой экономике.

Abstract: This article is devoted to the methods of analyzing large amounts of data that are the basis of new knowledge and great income in the digital economy.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг рақамли технологиялар тўғрисида айтган қуйидаги гапларини келтириш ўринлидир:...“шу боис, рақамли иқтисодийётга фаол ўтиш-келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади. Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат - коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир”.

«Рақамли Ўзбекистон - 2030» Стратегиясини амалга ошириш дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.02.2021 йилда «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Президент томонидан бу қарорларни қабул қилиниши албатта республикамизда рақамли иқтисодийётни жадал суръатлар билан ривожлантириш вазифаларига ва уларни амалга оширишга қаратилганлиги билан катта аҳамиятга эгадир.

Катта ҳажмдаги маълумотлар (Big Data) рақамли иқтисодийётни ривожлантиришнинг асосий технологияларидан ҳисобланади. АКШ ҳукумати катта маълумотларни “келажакнинг янги нейти”, рақамли иқтисодийётнинг “валютаси”, ҳукумат учун яна бир муҳим манба эканлигига ишонч билдиришмоқда. Қишлоқ хўжалиги давридаги ер, ишчи кучи каби, sanoat давридаги технологиялар ва капитал каби, рақамли иқтисодийёт даврида маълумотлар ҳал қилувчи ишлаб

чиқариш омилига айланди. Иқтисодий ривожланиши учун маълумотлар талаб қилувчи инновациялар илмий ва технологик ишланмаларга, иқтисодий ҳамжамиятга ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларига кириб боради, мамлакатда инновацияларнинг асосий йуналишига айланади.

Катта ҳажмдаги маълумотлар (Big Data) - бу 2000-чи йилнинг охирларида пайдо бўлган ва анъанавий маълумотлар базасини бошқариш тизимлари ва Business Intelligence синфи ечимларига муқобил, ҳамда дастурий воситаалар билан самарали ишлов бериш мумкин бўлган улкан ҳажмдаги, хилма-хилликдаги, тузимали ва тузимасиз маълумотларнинг белгиланиши ҳисобланади.

IBS компанияси таҳлилчилари “бутун дунё маълумотлари ҳажми” ни қуйидаги миқдорлар билан баҳолашмоқда:

2003 йил - 5 эксабайт маълумотлар (1 эб = 1 млрд гигабайт)

2008 йил - 0,18 зеттабайт (1 зб = 1024 эксабайт)

2015 йил - 6,5 зеттабайтдан ортиқ

2020 йил - 40-44 зеттабайт (прогноз)

2025 йил - бу ҳажм яна 10 мартага ошади.

Катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилишнинг қуйидаги усуларини келтириш мумкин:

Data Mining (маълумотларни “қазиб олиш”, маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш) усуллари – маълумотлардаги қабул қилиш учун зарур бўлган, илгари номаълум бўлган, аҳамиятсиз, лекин амалий фойдали билимларни аниқлаш усуллари тўпламидир. Бундай усуллар тўплами, жумладан, ассоциатив қоидаларга ўқитиш (association rule learning), таснифлаш (тоифаларга бўлиш), кластерли таҳлил, регрессион таҳлил, хатоликларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Big data – бу турли хилдаги маълумотларнинг катта тўплами ҳисобланади. Улардан фойдаланишда самара келтириши учун улардаги қандайдир фойдали қонуниятларни топиш керак, масалан ўхшашликлар, фарқлар, умумий тоифалар ва бошқалар. Бундай қонуниятларни излаш жараёни Data mining - маълумотларни “қазиб олиш” ёки маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш деб аталади.

Катта ҳажмдаги маълумотлардан турли технологиялар, масалан ечимлар дарахтини қўллашга асосланган таснифлаш, моделлаштириш ва прогнозлаш усуллари, нейрон тармоқлари, генетик алгоритмлар ва бошқа методлар ёрдамида янги фойдали маълумотларни “қазиб олиш” мумкин. Маълумотларни “қазиб олиш” усуллари статистик усуллар ҳам киради.

Компанияларнинг маълумотлар билан боғлиқ кўпгина вазифаларини ҳал қилишда Data mining дан фойдаланилади. Масалан, регрессион таҳли ёрдамида рискларни баҳолаш, кластерлаш ёрдамида мижозларни сегментлаш ҳамда, ассоциацияларни маълумотларга талабини аниқлашни башорат қилиш мумкин ва ҳоказо.

Краудсорсинг - меҳнат муносабатларига аъзо бўлмасдан ишни амалга оширадиган ноаниқ шахслар томонидан маълумотларни таснифлаш ва бойитиш ҳисобланади. Одатда катта ҳажмдаги маълумотлар (Big Data)нинг таҳлили билан

компьютерлар шугулланади, баъзида бу ишларни инсонларга ҳам юклатилади. Бу мақсадларни амалга ошириш учун краудсорсинг мавжуд, яъни қандайдир муаммоли масалаларни ечиш учун инсонлар гуруҳини жалб қилишдир. Фараз қилайлик, бизда катта ҳажмдаги қайта ишланмаган маълумотлар мавжуд. Масалан, дўконларнинг сотув тўғрисидаги ёзувлари, кўпинча товарлар тўғрисидаги маълумотлар хатолар билан ёки қисқача ёзилади. Агарда қўйилган масала бир марталик бўлса ва уни ечиш учун мураккаб сунъий интеллект тизимини яратиш маънога эга бўлмаса краудсорсингдан фойдаланиш макул ҳисобланади. Агар катта ҳажмдаги маълумотларни ҳар доим таҳлил қилиб туриш зарур бўлса, у ҳолда Data Mining ёки машинали ўқитишга асосланган тизим краудсорсингга қараганда арзонга тушади. Бундан ташқари математик усулларга, масалан статистика ёки имитацион моделлаштиришга асосланган мураккаб таҳлиллар билан компьютерларда иш бажариш осон амалга оширилади.

Маълумотларни аралаштириш ва интеграция қилиш (data fusion and integration) - чуқур таҳлил ўтказиш мақсадида турли хил манбалардан олинган маълумотларни бирлаштиришга имкон берувчи техникалар тўплами (масалан, сигналларни рақамли қайта ишлаш, табиий тилларни қайта ишлаш ва бошқалар).

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Big data билан ишлаш турли манбалардан турли хилдаги маълумотларни йиғиш билан боғлиқ. Бу маълумотлар билан ишлаш учун уларни битта қилиб йиғиш керак. Уларни битта базага ташлаш мумкин эмас, яъни турли манбалар турли форматдаги ва турли параметрлар билан маълумотлар бериши мумкин. Бу пайтда маълумотларни аралаштириш ва интеграция қилиш, яъни турли хилдаги маълумотларни бир кўринишга олиб келиш кўл келади.

Статистик таҳлил - вақтли қаторларни таҳлил қилиш, A/B – тестдан ўтказиш (A/B testing, split testing - маркетинг тадқиқот усули; ундан фойдаланганда элементларнинг назорат гуруҳи бир ёки бир нечта кўрсаткичлари ўзгарган тест гуруҳлари тўплами билан таққосланади, яъни бу ўзгаришларнинг қайси бири мақсадли кўрсаткични яхшилаганини аниқлаш учун). Статистиканинг моҳияти шундаки, маълумотларни тўплаш, уни маълум бир мезонлар бўйича ҳисоблаш ва маълум бир натижага, одатда фоизларда эришишдир. Статистика муаммоларидан бири - кичик танлашлардаги ишончсиз натижалардир. Мисол учун, 20000 та инсонлардан 15000 таси компания хизмат кўрсатишидан норози бўлган, лекин компания фақат 100 тасини сўров қилган ва танловга 80 та содиқ мижозлар тушган. Бундан келиб чиқадики, сўров қилинганларнинг 80%и кўрсатилган хизматлардан қаноатланыпти, бу эса ҳақиқатга тўғри келмайди. Катта ҳажмдаги маълумотлар статистикани янада ишончли қилишга ёрдам беради. Қанча кўп маълумот йиғилган бўлса, натижа шунча аниқ бўлади. Агар 100 та мижоз ўрнига 10000 та сўров қилинса сўров натижаларини ишончли деб ҳисоблаш мумкин.

Аниқ статистик натижаларни олиш учун турли усуллардан фойдаланилади. Мана улардан баъзилари:

- оддий кўринишдаги фоиз муносабатларини ҳисоблаш.



- ma'lumotlarning ўrtacha qiymatlarini hisoblash.
- munosabatlarni aniqlashga va baʼzi ma'lumotlar ўzgaranda boʻshqalarga qanday taʼsir qiliшини ifodalab beruvchi korrelyatsion taʼhliil usuli.
- vaqt ўtishi bilan ma'lumotlar ўzgarishining intensivligi va chastotasini baholovchi dinamik qatorlar usuli.

Statistik taʼhliil kўpincha boʻshqa texnologiyalarning bir qismi sifatida ishlatiladi - masalan, u imitatsion modellash tirish ёки prognozli taʼhliil uchun zarur. Analitik ma'lumotlarni vizuallashtirish- natijalarni olish, taʼhliil qiliish hamda dastlabki ma'lumotlar sifatida foydalaniش uchun interaktiv imkoniyatlar va animatsiyalardan foydalanган holda ma'lumotlarni rasmlar, diagrammalar shaklida taqdim etishdir. Taʼhliilning muhim natijalarini eng kuлай shaklda taqdim etish imkonini beruvchi katta ma'lumotlarni taʼhliil qiliشning juda muhim bosqichidir.

Taʼhliil natijalarini baholash va undan foydalaniш osон bўlishi uchun Big data bilan ishlashda ma'lumotlarni vizuallashtirishdan foydalaniлади. Яъни уларни графиклар, diagrammalar, gistogrammalar, 3D- modelлари, хариталар ва pиктограммалар kўринишида ifodalanaди.

Одатда vizuallashtirish - bu taʼhliil natijalarini namoyиш etishni boʻshqa kўринишda amalga oshirishning yaқunий bosqichidir. Misol uchun, narх ўzgarishi ga qarab savdoning ўzgarishini kўrsatadigan imitatsion modelini куриш va uning natijasini grafik shaklida чиқариш. Ёки хуудларни турли рангларда ifodalab, хуудлардаги savdoni солиштириш va bu ma'lumotlarni харитада vizuallashtirish. Aйтиш mumkinки, katta ma'lumotlar meхнат va капитал ресурслари bilan bir qatorда барча ресурсларни samarali kўпайтириш manbaи bўлади. Katta ma'lumotlardan foydalaniш korхona va kompaniyalarning raқobatда ustunlikka eriшishiga hamda ўsiшiga asos bўлади. Katta хажмдаги ma'lumotlarni taʼhliil qiliш meхнат unumdorligi yangi tўlқinining asosi bўлади. Korxonalarda va kompaniyalarda katta хажмдаги ma'lumotlar texnologiyalaridan samarali foydalaniш uchun axborot tizimining yagona raқamli platformaga ўtказиш zarur. Bu esa ma'lumotlarni yiгиш, қайта ishlash va taʼhliil qiliш tezligini oshishiga olib kelaди, ma'lumotlar bazasidaги axborotlarni konfidentsialligini ta'minlash darajasi hamda ma'lumotlar bazasi хажми ortadi.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Гулямов С.С., Шермухамедов А.Т., Хайитматов У.Т. *Статистический анализ цифровой экономики в Узбекистане. "Ўзбекистон транспорт тизимида рақамли ва инновацион технологияларни иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг долзарб масалалари"*. Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман мақолалари тўплами. Тошкент, 2021, 6-11 б.

2. Бегалов Б.А., Гулямов С.С., Хайитматов Ў.Т. *Миллий статистика тизимини самарадорлигини оширишда катта хажмдаги маълумотлар (Big data) таҳлили технологияларидан фойдаланиши. Статистик маълумотларни йиғиши, қайта ишлаши ва тарқатишида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ролини ошириши*. Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Т. 2020 йил.

KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIK KORXONALARI MAHSULOTLARI RAQOBATBARDOSHLIGINI OSHIRISH MASALALARI.

Sh.M.Onorboev,
katta o'qituvchi, TDIU

Annotatsiya: Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sohasi milliy iqtisodiyotning muhim tarkibiy qismlaridan hisoblanadi. Shu bilan birga ular nafaqat milliy iqtisodiyotda balki, ijtimoiy sohada ham muhim ahamiyat kasb etadi. Maqolada kichik biznes va xususiy tadbirkorlik korxonalarida mahsulot raqobatbardoshligini oshirishning ayrim muammolari ko'rib chiqilgan va kichik biznes va xususiy tadbirkorlik korxonalarida mahsulot raqobatbardoshligini oshirish bo'yicha taklif va tavsiyalar bayon etilgan.

Tayanch iboralar: kichik biznes, Mahsulot raqobatbardoshligi, investitsiya, moliyaviy manbalar

Аннотация: Сфера малого бизнеса и частного предпринимательства является одной из важнейших составляющих национальной экономики. При этом они играют важную роль не только в национальной экономике, но и в социальной сфере. В статье рассмотрены некоторые проблемы повышения конкурентоспособности продукции на предприятиях малого бизнеса и частного предпринимательства, изложены предложения и рекомендации по повышению конкурентоспособности продукции на предприятиях малого бизнеса и частного предпринимательства.

Abstract: Small scale business and private entrepreneurship are important components of the national economy. At the same time, they are important not only in the national economy, but also in the social sphere. In the article, some problems of increasing product competitiveness in small business and private entrepreneurship enterprises are considered and proposals and recommendations on increasing product competitiveness in small business and private entrepreneurship enterprises are described.

Kirish. Mahsulotlar ortiqchaligi sezilayotgan hozirgi sharoitda Mahsulot raqobatbardoshligini oshirish kichik biznes korxonalarini barqaror faoliyat yuritishining muxim sharti bo'lib hisoblanadi. Mahsulot raqobatbardoshligi tushunchasi ostida mahsulotni bozor talablariga o'xshash Mahsulotga qaraganda ushbu davrda yaxshiroq mos kelishi tushuniladi. Raqobatbardosh Mahsulot iste'molchilarni ma'lum talablariga javob berishi va ushbu talablarini yaxshiroq qondira olishi lozim. Mahsulot raqobatbardoshligi tovarni amalda sotib olayotgan iste'molchini o'ziga torta olish qobiliyati bo'lib hisoblanadi. Mahsulot raqobatbardoshligi bilan ishlab chiqaruvchilar, tovarni sotuvchilar shug'ullanishadi.

Bugungi kunda ishlab chiqarish resurslari, kapital va innovatsiyalar, tovar va xizmatlarni keng tarqalishi yuz berayotgan bir sharoitda mahalliy ishlab



chiqaruvchilarni ichki va tashqi raqobatchilar bilan raqobatlashishlariga to'g'ri kelmoqda. Endigina rivojlanib oyoqqa turib kelayotgan milliy korxonalarimiz rivojlangan mamlakatlarning korxonalari bilan teng sharoitlarda raqobatlashish imkoniyatiga ega emaslar. Shu boisdan mahalliy ishlab chiqaruvchilarning bir qismini tashkil etayotgan kichik biznes va xususiy tadbirkorlik korxonalari katta korxonalardan xam ko'ra ko'proq davlat yordamiga extiyoj sezadi.

Mamlakatni iqtisodiy qudrati, aholining ish bilan ta'minlanishi va ijtimoiy masalalar mamlakatni, hududlarni, tarmoqlarni va korxonalarining raqobatbardoshligining asosi bo'lgan mahsulot raqobatchiligiga bevosita bog'liqdir. Mahsulot raqobatbardoshligi omillari ta'sir doirasiga ko'ra korxonalar, tarmoq va mamlakat darajasidagi omillardan tashkil topadi. Mamlakat darajasidagi eng muhim omillardan biri bu davlatning roli bo'lib hisoblanadi.

O'zbekiston mustaqillikning birinchi kuni boshlab davlat mustaqil iqtisodiyotimizni rivojlantirishga, milliy korxonalar qo'llab quvvatlashga katta e'tibor qaratdi. Ayniqsa keyingi yillarda sohada katta o'zgarishlar amalga oshirilmogda. Kichik biznesga sharoit yaratish va ularni qo'llab quvvatlash bo'yicha juda katta ko'lamdagi ishlar amalga oshirildi. Natijada mamlakatimizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik korxonalari soni ortib ularni moliyaviy holati yaxshilanib, tovar va xizmatlarni yetkazib berish geografiyasi kengaydi. Hozirgi kunda mamlakatimiz kichik biznes vakillari nafaqat ichki bozorlarga balki tashqi bozorlarda ham faol ishtirok etmoqdalar va ularni soni kundan kunga ortib bormoqda.

Ushbu holatni Namangan viloyati kichik korxonalari misolida ko'radigin bo'lsak unda quyidagi jadvalga murojat qilamiz.

1-jadval

Kichik tadbirkorlik subyektlarning iqtisodiy faoliyat turlari kesimida taqsimlanishi


| T/r | Faoliyat turlari | Jami ro'yxatga olingan | Shu jumladan | | Faoliyat ko'rsatmayotganlar ulushi % da |
|-------------------------|--|------------------------|--------------------------|---------------------------|---|
| | | | Faoliyat ko'rsatayotgani | Faoliyat ko'rsatmayotgani | |
| 01.01.2019 yil holatiga | | | | | |
| | Jami | 16 928 | 15 949 | 979 | 94,2 |
| | Qishloq, o'rmon va baliqchilik xo'jaligi | 1 514 | 1 445 | 69 | 95,4 |
| | Sanoat | 3 959 | 3 851 | 108 | 97,3 |
| | Qurilish | 1 563 | 1 432 | 131 | 91,6 |
| | Savdo | 5 261 | 4 811 | 450 | 91,4 |
| 01.01.2020 yil holatiga | | | | | |
| | Jami | 17 944 | 16 975 | 969 | 94,6 |
| | Qishloq, o'rmon va baliqchilik xo'jaligi | 1 600 | 1 533 | 67 | 95,8 |

| | | | | |
|--|---------------|---------------|------------|------|
| Sanoat | 4 430 | 4 304 | 126 | 97,2 |
| Qurilish | 1 645 | 1 521 | 124 | 92,5 |
| Savdo | 5 379 | 4 967 | 412 | 92,3 |
| 01.01.2021 yil holatiga | | | | |
| Jami | 27 314 | 26 531 | 783 | 97,1 |
| Qishloq, o'rmon va baliqchilik xo'jaligi | 2 575 | 2 507 | 68 | 97,4 |
| Sanoat | 6 696 | 6 525 | 171 | 97,4 |
| Qurilish | 2 330 | 2261 | 69 | 97,0 |
| Savdo | 9 330 | 9 034 | 296 | 96,8 |

Manba: Namangan viloyat statistika boshqarmasi malumoti

Jadval ma'lumotlaridan shu narsa ma'lum bo'lmoqdaki 2021 yil 1 yanvar holatiga 2019 yil 1 yanvar xolatiga nisbatan 10386 ta ko'proq kichik korxonalar ro'yxatga olingan. 2019 yil 1 yanvar holatiga ushbu 16928 ta korxonadan 15949 tasi yoki 94,2 foizi faoliyat ko'rsatgan bo'lsa, 2021 yil 1 yanvar xolatiga 27314 korxonadan 26531 tasi yoki 97,1 foizi faoliyat ko'rsatgan. Bunday ijobiy o'sish holatini iqtisodiy faoliyatni barcha tarmoqlarida kuzatishimiz mumkin. Ayniqsa sanoatda faoliyat ko'rsatayotgan korxonalarining sonini ikki barobarga yaqin o'sganligi sanoatni tez sur'atlar bilan rivojlanayotganligidan dalolat bermoqda.

2021 yil 1 yanvar holatiga faoliyat ko'rsatayotgan kichik korxonalar va mikrofirmalarning eng ko'p ulushi savdoda (34,1 foiz), sanoatda (24,6 foiz), qishloq o'rmon va baliqchilik xo'jaligida (9,4 foiz), qurilishda (8,5 foiz), yashash va ovqatlanish bo'yicha xizmatlarda (5,1 foizni) tashkil etdi va shu sohalarini jadal rivojlanayotganligidan dalolat beradi. Sanoat mahsuloti ishlab chiqarish hajmi 5 471,3 mlrd. so'mni (jami sanoat ishlab chiqarishining 50,0 foizi)ni tashkil qildi.



2-rasm. Namangan viloyati iqtisodiyotida 2021 yil yanvar xolatiga faoliyat ko'rsatayotgan kichik korxonalarining faoliyati bo'yicha ulushi, %da. (Fermer va dexqon xo'jaliklaridan tashqari)

Yuqoridagi ma'lumotlardan shuni xulosa qilib aytish mumkinki viloyatda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik korxonalarining soni ortib, ularni viloyat iqtisodiyotidagi ulushi kundan – kunga oshib bormoqda. Bu o'z navbatida iqtisodiyotni rivojlantirish bo'yicha mamlakatimiz Prezidenti va xukumatimiz olib borayotgan iqtisodiy isloxotlar va o'zgartirishlar natijasi bo'lgan mahsulot, korxonalar, tarmoq va mamlakat iqtisodiyotini raqobatbardoshligini oshirish bo'yicha amalga oshirilgan ishlar natijasi bo'lib hisoblanadi. Ko'rinib turibdiki mahsulotni raqobatbardoshligining oshishi nafaqat korxonaning balki tarmoq hamda mamlakatni raqobatbardoshligini oshirishni ta'minlaydi. Shu munosabat bilan biz yuqoridagilarga asoslanib kichik biznes va xususiy tadbirkorlikda mahsulot raqobatbardoshligini oshirishda davlat usulidan foydalanish kengaytirish lozim deb hisoblaymiz va quyidagilarni tavsiya etamiz:

- mamlakat tabiiy boyliklaridan keng foydalanishni yo'lga qo'yish;
- investitsiyalarga keng yo'l ochish;
- moliyaviy manbalardan foydalanishni soddalashtirish;
- mamlakatni rivojlantirish strategiyasi;
- raqobat muxitini yaxshilash;
- kadrlar tayyorlash;
- axborot texnologiyalar va boshqalar.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Лифиц, И. М. Конкурентоспособность товаров и услуг : учеб. пособие / 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Высшее. Юрайт-Издательство, 2009. - 460с.
2. Namangan viloyatining 2018-2020 yillarda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish holati to'g'risida Axborotnoma.
3. Muallif ishlanmalari.

ЕНГИЛ САНОАТ ФАОЛИЯТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

А.С.Арипов,

“Иқтисодиёт” кафедраси ассистенти, ТДИУ

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда енгил саноат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асосида барқарор ривожланиб келаётганлиги, енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг инновацион фаолиятларини янада ривожлантириши ҳамда маркетинг тадқиқотларини олиб бориши тўғрисида баён этилган.

Таянч иборалар: енгил саноат, хусусий тадбиркорлик, хусусий мулк, маркетинг тадқиқотлари.

Аннотация: В статье описывается устойчивое развитие легкой промышленности в нашей стране на основе малого бизнеса и частного предпринимательства, дальнейшее развитие инновационной деятельности предприятий, производящих продукцию легкой промышленности, и проведение маркетинговых исследований.

Abstract: The article describes the sustainable development of light industry in our country on the basis of small business and private entrepreneurship, further development of innovative activities of enterprises producing light industry products and conducting marketing research.

Енгил саноатда тадбиркорликни ривожлантириш давлат томонидан берилган имтиёзлар, бизнесга таъсир этувчи ташкилий муҳит ва ҳуқуқий меъёрларнинг қай даражада такомиллашиб бориши билан узвий боғлиқ. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ тадбиркорликнинг ҳуқуқий базасини яратиш ва ташкилий асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Иқтисодиётда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш мақсадида мамлакатимизда ишга солинмаган яна кўплаб резерв ҳамда имкониятлар мавжудлигини ва улардан самарали фойдаланиш лозимлиги муҳим масалалардан биридир. Шу борада Андижон вилояти тўқимачилик ва енгил саноати тизимида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида маркетинг тадқиқотларини олиб борилиши шу кун талабларидан келиб чиқади.

Жаҳоннинг барча мамлакатларида кичик бизнес корхоналари миллий иқтисодиётнинг пойдевори ҳисобланади. ЯММ ўсиш суръатлари ҳал қилувчи даражада айнан уларга боғлиқ, аслида, аҳолининг фаровонлик даражаси ҳам унинг қанчалик ривожланганлиги билан белгиланади. Бозор иқтисодиётига йўналтирилган кўпгина мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик экспорт бозорлари фаолиятида фаол иштирок этиб, япй ички маҳсулотнинг кўпайишига кўмаклашиб ва аҳоли бандлигини таъминлаб, иқтисодиётнинг асосини ташкил қилади.



Мамлакатимизда енгил саноат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асосида барқарор ривожланиб келаётган соҳалардан биридир. Мамлакатимизда енгил саноат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асосида барқарор ривожланиб келаётган соҳалардан биридир. Енгил саноат катта капитал ҳажмини талаб этмаслиги янги иштирокчиларнинг тармоққа кириб келишига тўсиқ бўлмайди. Кичик корхоналарнинг кўплиги, бир томондан, рақобатнинг кескинлашуви асосида, маҳсулотларнинг юқори дифференциацияланиши, соҳа ривожланишини тақозо этса, иккинчи тарафдан, рақобат курашида «омон қолиш» мақсадида ишлаб чиқарувчилар нарх воситасида рақобат устунлигига эришишга уринишлари натижасида, тармоқнинг фойда нормаси тушиши ва унинг жозибдорлигини нисбатан пасайишига олиб келиши мумкин.

Республика енгил саноат маҳсулотлари бозорини ўрганиш жараёнида ишлаб чиқарувчи корхоналар ва савдо шахобчалари мутахассислари фикр – мулоҳазалари махсус ўрганилиб таҳлил қилинганда қуйидаги ечимини кутаётган масалалар борлиги аниқланди. Хусусан, тадбиркорлар ва кичик бизнес корхоналари раҳбарлари ва тижорат банклари, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш, метрология, божхона, архитектура – лойиҳалаш, ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳамда бошқа инфратузилмалар хизматидан фойдаланишда ҳалигача кўп вақт йўқотаётганлари маълум бўлди. Буларнинг тадбиркор корхоналарга кўрсатадиган хизматларини оммавий, содда ва тушунарли тилда, кенг маънода ёритилган услубий қўлланмалари ишлаб чиқилмаган, фаолиятларини кўп томонлари ҳалигача сирли бўлиб қолмоқда. Улар фаолиятини кўпроқ ҳаётий амалиётга яқинлаштириш ва малакаларини ошириш зарур деб ҳисобламоқдалар. Шунинг учун барча давлат ва нодавлат хизматини, вилоят миқёсидаги инфратузилмани Ўзбекистон Савдо – саноат палатаси ҳудудий бошқармаси бошчилигида “Ягона ойна” – принципи (қоидаси) асосида, умумлашган ҳолда бир манзилда ташкил этиш, уларнинг вакиллари – мутахассисларига буюртмалар бериш ва натижасини кутиб олишни туманларда ҳам йўлга қўйиш, электрон хизмат шаклидан кўпроқ фойдаланишни янада такомиллаштириш лозим бўлади.

Янги техника ва технологияларни ўрнатиш ва ишга тушириш, ишлатиш жараёнларини назорат қилувчи юқори даражадаги инжиниринг хизмати кераклиги, чет эл компаниялар хизмати жуда кўп харажат талаб қилиши қайд этилмоқда. Трикотаж ва барча тайёр кийимлар ишлаб чиқарувчиларга малакали дизайн ва мода хизмати кўрсатувчилар йўқлиги, мутахассисларни ҳам камлиги, бозор – маркетинг тадқиқотлари ўтказиш бўйича махсус консалтинг фирмаси зарурлиги таъкидланди. Шу сабабли ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлиги юқори эмас.

Вилоятлар телерадио, матбуотларда берилаётган рекламаларда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотга алоҳида ургу бериш ва имтиёзли нархларда жой ва вақт ажратилмаётгани, малакали реклама мутахассислари етишмаётгани, корхоналар томонидан бизнинг анкета сўровларимизга берилган жавобларда

қайд этилган. Ҳақиқатда, тадбиркорлар ва кичик корхоналарнинг ҳозирги рақобатли бозор шароитида самарали иш юритиб, кўзлаган фойдага эришишларини таъминлаш жуда сермеҳнат ва илмий фаолият талаб этувчи жараёндир.

Енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг инновацион фаолиятларини янада ривожлантириш, маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, янги товар ишлаб чиқариш, уни бозорга киритиш, янги технологияни ўзлаштириш, Халқаро сифатни бошқариш тизимини жорий этиш масалаларини ҳал қилиш учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Самадов А.Н. *Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Ўқув қўлланма* – Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2008,-224 б.
2. *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари (2015-2020йй) асосида муаллиф таҳлими.*
3. Sraffa P. *The Laws of Returns under Competitive Conditions. The Economic Journal, Vol. 36, No. 144. Dec., 1926, pp. 535-550.*
4. Chamberlin E.H. *Theory of Monopolistic Competition. 1933*



ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

А.С. Арипов,

“Иқтисодиёт” кафедраси ассистенти, ТДИУ

Аннотация: Мақолада енгил саноат корхоналари фаолиятини ташиқ қилиши ва ривожлантиришига таъсир қилувчи омиллар ўрганилган, шунингдек, тўқимачилик маҳсулотлари бозор конъюнктурасидан мақсадли фойдаланиш ҳисобида корхоналар салоҳиятини ошириш масалалари кўриб чиқилган.

Таянч иборалар: тўқимачилик корхоналари, тўқимачилик маҳсулотлари, истеъмол бозори, бозор механизмлари, бозор конъюктураси, корхоналар салоҳияти.

Аннотация: В статье изучены факторы влияющие на организации и развитии деятельности предприятий легкой промышленности, а также рассмотрены вопросы увеличения потенциала предприятий на основе целевого использования конъюнктуры рынка текстильной продукции.

Abstract: The paper studied the factors affecting the organization and development of activities of textile enterprises, as well as the issues of increasing the capacity of the enterprise based on the targeted use of the textile product market conditions.

Иқтисодий ислохотларнинг стратегияси янги ҳўжалик муносабатларини мажмуавий ривожлантириш, бошқарувнинг эгилувчан ва мослашувчан тизимини шакллантириш, тадбиркорлик фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиш, аҳолининг истеъмол товарлари ва хизматларига бўлган талабларини тўлароқ қондиришдан иборатдир. Истеъмолчиларнинг ишлаб чиқарилаётган ва тақлиф қилинаётган товарларга бўлган эҳтиёлларини қондира олиши, маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарф қилинган ҳаражатларнинг қопланиши ҳамда фойда олинишини таъмин этувчи жараён бозорда содир бўлади.

Бу жараёнлар Ўзбекистон иқтисодиётида муҳим тармоқлардан ҳисобланган тўқимачилик маҳсулотлари корхоналари учун ҳам тегишли бўлиб, ишлаб чиқариш ва сотишни бозор талаблари асосида мувофиқлаштиришни талаб қилади. Бунинг асосий сабабларидан бири, бу ҳозирги шароитда тўқимачилик маҳсулотлари сифатига бўлган талаб ва бунда корхоналарнинг халқаро бозорларга чиқиш стратегияси ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги жуда ҳам муҳим бўлиб, кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам бу масалаларга катта эътибор билан қаралмоқда. Ўзбекистоннинг марказлаштирилган ва режалаштирилган иқтисодиётдан эркин ҳўжалик муносабатларига асосланган бозор иқтисодиётига ҳамда бошқаришнинг янги иқтисодий тизимига ўтиши шароитида иқтисоди-

ётнинг асосий субъектларидан бири бўлган корхоналарнинг мулк шакли, уларнинг таркиби ва фаолият олиб борадиган муҳити ҳам ўзгариб боради.

Истеъмолчиларнинг ишлаб чиқарилаётган ва таклиф қилинаётган товарларга бўлган эҳтиёжларини қондира олиши ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарф қилинган ҳаражатларни қопланиши ва фойда олинишини таъмин этиши сарф-ҳаражатлар асослигини аниқлаб берувчи асосий мезондир. Шунинг учун ҳам ҳар қандай корхона, тадбиркор ўз фаолиятини белгиланган мезон талабларига мувофиқ ҳолда ташкил этишга мажбур бўлиб, бу ерда бозор тамойилларини ҳисобга олиш ва ундан самарали фойдаланиш эвазига бозорнинг асосий субъекти ҳисобланган истеъмолчининг эҳтиёжларини қондириш шарт-шароитлари тугилади.

Демак истеъмол бозорини ўрганиш, аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш, кўшма корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарувчиларни рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга рағбатлантириш иқтисодиётда кенг қўлланилаётган маркетинг фаолияти, маркетинг тадқиқотлари жараёнларига боғлиқ бўлиб, бу борада ҳар бир хўжалик субъектида, мулк шаклидан қатъий назар ҳали кўп ишлар қилиниши зарур. Шунинг учун ҳам бу жараёнлар ҳозирги даврнинг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, тўқимачилик саноати улар учун, биринчи навбатда, ривожланиши муҳим бўлган соҳалардан бири бўлиб келган. Буюк Британия, АҚШ, Жанубий Корея, Германия, Франция, Италия каби мамлакатларда тўқимачилик маҳсулотларини саноат ишлаб чиқариши тузилишидаги улуши 8 %дан 12 %гачани ташкил қилади. Бу эса ўз навбатида маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятини ҳам ривожлантирди. Ўзбекистон учун сифатли трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда юқорида қайд қилинган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш гоят долзарб бўлган масалалардан бири ҳисбланади. Шунинг учун ҳам тармоқда Германия, Италия, Жанубий Корея, Туркия, АҚШ, Хиндистон, Буюк Британия, Австрия ва бошқа мамлакатлар инвесторлари иштирокида яратилган корхоналар фаолиятига катта эътибор билан қаралмоқда. Айнан мана шу жараёнда Ўзбекистоннинг ҳиссаси камлиги, ҳали бизнинг шароитимизда кўп ишларни амалга ошириш зарурлигидан далолат беради. Бунинг учун Республиканинг тўқимачилик саноатини жаҳон бозоридаги рақобатли кураш шароитларида мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, инновацион маркетинг концепцияси асосида маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш Ўзбекистон тўқимачилик саноати салоҳиятини бутунлай янги поғонага кўтариши мумкин. Шунинг ҳисобига тўқимачилик тармоқларида маҳсулотнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш имкониятлари яратилади.

Ҳақиқатан ҳам, рақобат муносабатларининг кескин кучайиши шароитида тўқимачилик саноатини ривожлантириш муҳим бир таркибий бўгин эканлигини республика иқтисодиёти ривожланишида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон



саноатида ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг 30 %дан кўпроғи тўқимачилик корхоналарида фаолият кўрсатади, жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши 22 %дан ортиқ, истеъмол товарлари ҳажмидаги улуши 55 % дан кўпадир.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган пахта толасининг ички истеъмолда, шу жумладан, енгил саноат корхоналари томонидан фойдаланиш ҳажмлари ортиб бормоқда. Тўқимачилик корхоналарида кейинги йилларда ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот навлари кўпайиши ва сифати яхшиланиши ҳисобига тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятлари сезиларли даражада ортиди.

Тайёр кийим шаклида товар маҳсулотлари тайёрлаш ёпиқ циклини ўз амалиётларига жорий қилиш орқали тўқимачилик корхонасида йигирув ишлаб чиқариш, трикотаж ишлаб чиқариш, пардозлаш, тикув ишлаб чиқариш, ҳамда омбор хўжалиги фаолиятини янада ривожлантириш имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ички бозорни тўлдириш билан бирга 75-80 %дан ортиғи ривожланган хориж мамлакат-ларига экспорт қилинмоқда. Корхоналарнинг халқаро бозорларга чиқиш стратегиясини ривожлантириш шарт-шароитларини аниқлаш ва уларни таъминлаш йўлларини ўрганиш унинг ижобий таъсирлари самарасини ошириш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида қайта куриш жараёнларининг кенгайиши ва иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши шуни кўрсатадики, ҳозирги давр ишлаб чиқаришини интернационаллаштириш жараёни жуда муҳимдир. Юқори даражада диверсификация қилинган иқтисодиёт ўзининг энг юқори самарадорлигига фақатгина, умумжаҳон ишлаб чиқариш жараёнига қўшилган ҳолдагина эришиши мумкин. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ўсиши бир текис бўлмай, тебранишларга эга бўлиб, маҳсулот сотиш ҳажми уни ишлаб чиқариш ҳажмидан каттароқдир. Корхона фаолияти маҳсулотлар ассортиментини кўпайтиришга ва шу билан бир вақтда чакана савдонинг турли шаклли хизматлардан ҳам фойдаланишга катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида қайта куриш жараёнларининг кенгайиши ва иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши шуни кўрсатадики, юқори даражада диверсификация қилинган иқтисодиёт ўзининг энг юқори самарадорлигига фақатгина, умумжаҳон ишлаб чиқариш жараёнига қўшилган ҳолдагина эришиши мумкин. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг барча шакллари ривожлантириш тақсимлашнинг объектив қонуниятларидан, хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатдор иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва уларни янги босқичга олиб чиқиш заруриятидан келиб чиқади.

Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш жараёни бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб уларнинг ўзаро таъсири юқоридир. Шу туфайли ҳам брендни маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига таъсири жараёнлари корхоналар фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён тўқимачилик маҳсулотларини савдо маркасини яратишда жуда ҳам долзарб масала ҳисобланади.

Ислохотларни янада чуқурлаштириш, саноат корхоналарида экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва экспорт қилиш, мавжуд захиралардан тежамкорлик билан фойдаланиш асосида сифатли ҳамда арзон халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариб, халқ турмуш фаровонлигини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Истеъмол бозорини фаоллаштириш, уни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш республика товар ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришни талаб этади.

Ушбу соҳани келажакда жадал ривожлантириш учун, инвестиция сиёсатини такомиллаштириш, бу борада хорижий ҳамкорларга бериладиган имтиёзлар миқёсини кенгайтириш ва унда маркетинг тадқиқотларини такомиллаштириш, ихтисослашган ахборот марказларини ташкил этиш чора-тадбирларини тезлаштириш мақсадга мувофиқ.

Юксак даражада ривожланган хорижий мамлакатларидаги саноат корхоналарида экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш тажрибасини, алоҳида эътибор билан ўрганиш ҳамда уларни бизнинг мамлакатимиз амалиётида қўллаш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улардаги саноат корхоналарида экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришни шакллантириш ҳамда ривожлантириш тажрибасини ўрганиб, уни бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврида бизнинг мамлакатимиз хўжалик юритувчи субъектларида ҳам қўллаш ва ёйиш келажакда уларнинг иш фаолияти самарадорлиги ошишига олиб келади.

Республикамизга хорижий сармоядорларни жалб қилишда иқтисодиётни ривожлантириш учун улар билан шериклик асосида корхоналар ташкил этишда ва уларнинг технологияларидан унумли фойдаланиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун валюта конвертацияси муаммосини ҳал этиш керак.

Демак, юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда ислохотларни чуқурлаштириш, корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва экспортни кенгайтириш, мавжуд захиралардан тежамкорлик билан фойдаланиш асосида сифатли ва арзон халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ҳамда халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Эванс Дж., Берман Б. Маркетинг. Сокр. пер. с англ. – М.: Экономика, 1990. С. 114-115.
2. Ерёмин В.Н. *Маркетинг: основы и маркетинг информации*. – М.: КНОРУС, 2006. С.83.
3. Терешенко В.М. *Маркетинг: Новые технологии в России*. – СПб.: Питер 2004. С.315.
4. Котлер Ф. *Маркетинг менеджмент*. – СПб. 1998. С.319.
5. Ерёмин В.Н. *Маркетинг: основы и маркетинг информации*. – М.: КНОРУС, 2006. С.165.



ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕСНИ СУГУРТАЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ

А.Ж.Жалолiddинов,

“Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси, ТДИУ

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини сугурталаш ва сугурта компаниялар улуши таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон ва хориж мамлакатлари сугурта бозори турлари таққосланган. Мамлакатимизда кичик бизнес субъектларини сугурталаш зарурати ҳақида фикрлар берилган.

Таянч иборалар: кичик бизнес, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сугурта компаниялари, таваккалчиликни сугурталаш, чора-тадбирлар, Ўзбекистон сугурта бозори.

Аннотация: В статье анализируется доля страховых компаний и страховых компаний в нашей стране и делаются соответствующие выводы. Также сравниваются виды страховых рынков Узбекистана и зарубежных стран. Высказывались мнения о необходимости страховать малый бизнес в нашей стране.

Abstract: This article analyzes the share of insurance companies and insurance companies in our country and draws appropriate conclusions. Also, the types of insurance markets of Uzbekistan and foreign countries are compared. Opinions were expressed on the need to insure small businesses in our country.

Ҳаммамизга маълумки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ҳамда даромадларини ошириш, яғни маҳсулотнинг ўсиши, солиқ тушумларини ошиши, иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий тараққиётни кучайтиши, иқтисодий модернизация жараёнларининг жадаллашишида муҳим омиллардан биридир. Ушбу соҳада фаолият олиб бораётган вакилларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида охириги йилларда Ўзбекистон республикаси президентининг эликдан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Жумладан, охириги вақтларда тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш, турли рухсатномалар олиш ва бошқа қўллаб-қувватлаш хизматлар тартиб-қоидалари соддалаштирилди. Бу борада қулайлик яратиш учун Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва унинг жойлардаги марказлари ташкил этилди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман) лавозими жорий қилинди. Барча ҳудудларда тадбиркорлар мурожаатларини қабул қилиб, ҳал этишга кўмаклашадиган Бош вазир қабулхоналари ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолияти йўлга қўйилиб, унга 200 миллиард сўм ва 50 миллион доллар маблағ ажратилди. Тижорат банклари томонидан тадбиркорларга ажратилаётган кредитлар ҳажми ошди. Қабул қилинган қарорлар натижасида республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни янги босқичларга олиб чиқиш,

миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва макроиқтисодий барқарорликни таълимлаш, Ўзбекистонни бутун жаҳон ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқиш мақсадлари ётмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти 2018 йилнинг 28 декабрида Олий Мажлисга мурожаатномасида шундай деган эди: “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажагимиз” каби дастурлар доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 минг 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалари амалга оширилди. Бу йилдан бошлаб, солиқларнинг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан ҳудудларда 5,5 триллион сўм қўшимча маблағ қолдирилди. Бу, ўтган йилга нисбатан 6 баробар, 2016 йилга нисбатан эса – шунга эътибор беришингизни сўрайман – 32 баробар кўпдир”. Зеро президентимиз таъкидлаганларидек: – Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Нега деганда, тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади. Мен такрор бўлса ҳам, айтишдан ҳеч қачон чарчамайман, яъни “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”.

Мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясининг «Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари» деб номланган йўналишида: сугурга, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш, сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш; каби чора-тадбирлар белгиланган.

Ҳозирги замонавий шароитда кичик бизнес давлат сиёсатининг ҳақиқий устуворлигига айланди. Кичик бизнес корхоналарининг бозор рақобатида фаол иштироки ва мавқеи қанчалик барқарор бўлса, бозорни монополашишига қаршилик кучаяди. Кичик бизнес субъекларининг камчиликларидан бири - юқори таваккалчиликга асосланган ва уларнинг ресурс базаси чекланганлигидир. Улар учун доим хатарлар, йўқотиш ёки даромадлари эҳтимоллик билан боғлиқ. Бозордаги ҳар қандай ўзгаришлардан таъсирланадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида таваккалчиликни сугурталаш жуда зарурдир. Чунки, бундай ташкилотларда, юқорида айтганимиздек катта активлар ва захира фондлари йўқ.

Таваккалчиликларни ўрганмаган ҳолда кичик бизнес юритиш жуда хавфлидир. Кичик бизнес, айниқса, ўз фаолиятини бошлаганда катта хавфларга дуч келади. Статистик маълумотларга кўра, бир қарашда муваффақиятга фаолият юритаётган 50 фоиз корхоналар дастлабки 18 ой ичида ўз фаолиятини тўхтади ва 10 йилдан сўнг ташкил этилган корхоналарнинг атиги 10 фоизи қолади. Бу ҳолатнинг пайдо бўлишига кичик бизнес субъектларининг барқарор ишлашини таъминлашга мўлжалланган инфратузилма ташкилотларининг ривожланмаганлиги ёки етишмаслиги билан боғлиқ бўлади. Аммо иқтисодиётнинг ушбу сектори бутун дунёда иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий фаровонлик учун



жуда муҳимдир. Масалан, АҚШ сингари дунёдаги энг катта иқтисодийётда эга мамлакатда, кичик бизнес корхоналари – 500 ишчидан кам бўлганлар, асосий янги иш ўринларни яратувчилар, шунингдек хусусий сектор ишчи кучларининг ярмига иш берувчилардир ва соҳага инновацияларнинг катта қисмини жорий этадиганлар ҳисобланишади.

Хавфларни минималлаштиришнинг энг кенг тарқалган усулларидан бири сугурта. Сугурта - бу иқтисодий тизимнинг энг муҳим бўгинларидан бири ҳисобланади. Бутун иқтисодий ислохотлар бу бўгиннинг истиқболлари ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Сугурта бизга сугурта ҳодисаси натижасида шикастланган объектни тезкорлик билан тиклаш имкони беради.

Кичик ва ўрта бизнесда хавфларни минималлаштириш усули сифатида сугурта - бу икки томонлама шартнома тузиш орқали таваккалчиликни ўтказиш бўйича битим. Хавфларни сугурталаш - маълум ҳодисалар (ишларни сугурталаш) содир бўлган тақдирда, тадбиркорнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Демак, кичик бизнес корхоналари ва тадбиркорлик субъектларини ўзларининг тасарруфидаги мол-мулк ва бошқа мулкий манфаатларини сугурталашга эҳтиёж катта. Бироқ, одатда сугурта компаниялари кичик бизнес субъектлари учун номақбул бўлган сугурта хизматларини таклиф қилишади. Компаниялар томонидан белгаланган сугурта тариф ставкалари жуда юқорилиги ва провардида эса кичик бизнес тадбиркорлари сугурта қилиш эътиборидан четда қолиб кетмоқда. Муаммо шундаки, сугурта компаниялари билан муносабатлар стратегиясини белгилувчи корхона сугурта бозорини яхши билиши ва ҳар бир қабул қилинаётган қарорига мос муқобил сугурта шартномасини танлаши керак. Замонавий бизнес юритиш ҳар хил рисклар билан чамбарчас боғлиқ, бу юридик шахслар учун ҳам, якка тартибдаги тадбиркорлар учун ҳам бир хил амал қилади. Юридик шахслар – ташкилот ва корхоналар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва бошқалар ўз фаолиятини ҳар қандай соҳада амалга ошириш имкониятига эга. У эса ўз навбатида табиий офатлар ва бахтсиз ҳодисалардан тортиб тадбиркорлик рискаригача ҳар хил рисклар билан боғлиқдир. Тадбиркорлик фаолиятида ҳеч қачон рискларни тўлиқ бартараф эта олмаймиз, аммо салбий омилларни тегишли тўғри белгиланган чора-тадбирлар натижасида камайитиришимиз мумкин бўлади.

Масалан, рискларнинг салбий оқибатларини камайитиришга диверсификациялаш, рискларни тақсимлаш ва сугурталаш орқали эришим мумкин. Рискларни бошқариш муаммоси бу ҳар қандай компаниянинг иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларидаги фаолиятининг энг муҳим жиҳати, шунингдек бу муаммо тадбиркорнинг кундалик вазифаси ҳисобланади. Баъзида корхона раҳбарияти ходимлардан рискни тўлиқ йўқ қилиш, риск зонасидан ташқарида фаолият юритиш ва рискни ногла теглаштиришни талаб қилади. Афсуски, рискни бутунлай йўқ қилишнинг иложи йўқ. Юқорида рискни тадбиркорликнинг ажралмас қисми ва фаолиятнинг асоси эканлигини таъкидланди. Агар тадбиркорликда савдо, молиявий ва иқтисодий муносабатлар мавжуд бўлса, унда иқтисодий рисклар албатта юзага келади.

Масалан, Россияда тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик бизнес субъектлари учун имтиёзли сугурта дастурлари ишлаб чиқилган, яъни тадбиркорлик субъектларини сугурта қилиш имтиёзли шартлар

асосида амалга оширилади. Кичик бизнесни сугурталовчи сугурта компаниялари эса мамлакатнинг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда имтиёзларга эга бўладилар.

Европа мамлакатларида эса кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг камида учдан бири яъни 30 % ўз бизнесининг жавобгарлигини сугурталасалар унда ҳар қандай профессионал хатолар уларни кўплаб суд жараёнларига домига тортиб кетади деб ўйлашади. Бундай хулоса Hiscox сугурта компанияси томонидан ўтказилган биринчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жавобгарлигини сугурталаш бўйича тадқиқотлари натижасида юза келган. Hiscox сугурта компанияси мутахассислари томонидан ўтказилган иккинчи тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, Буюк Британия, Германия, Франция ва Голландиядаги 1000 та кичик бизнес эгаларининг атиги 22 % мавжуд сугурта турлари ва қандай рискларни сугурталаш мумкинлиги тўғрисида маълумотларга эга эдилар. Сугурталаш тўғрисидаги ва унинг имкониятларини яхшироқ тушинадиган Германия кичик бизнесининг 33 фоизига нисбатан Буюк Британиянинг кичик бизнеси учун бу рақамлар энг паст (19 %) эди. Бундан ташқари олиб борилган таҳлиллар натижасига кўра Европа Иттифоқининг кам сонли кичик бизнес корхоналари (9 %) сугуртани уларга бизнесда кўпроқ рискларни олиш имкониятини беришнинг бир усули деб билишади, чунки тадбиркорликнинг моҳияти рискли фаолиятдир шу сабабдан тўғри танланган сугурта уларга рискларни бошқаришга ёрдам беради.

Ўзбекистонда 2019 йил якуни бўйича ҳисобот маълумотларига кўра, 40 та сугурта компанияси томонидан 7 401 287 та шартнома тузилган ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирилганда 112,0 фоизни ташкил этган. 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, сугурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи жами 41 та лицензия берилган. Шулардан республикада 36 нафар сугурта компаниялари фаолият юритган. Буюк Британиянинг New Frontier ташкилотининг берган маълумотларига кўра, жами сугурта мукофотларининг ялпи ички маҳсулотга нисбати орқали аниқланадиган “Сугуртанинг кириб келиш даражаси” (Insurance Penetration Rate) кўрсаткичи дунё миқёсида 6,35 % ни, Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич бор-йўғи 0,35% ни ташкил этади. Дунёда аҳоли жон бошига сугурта мукофотлари 847 еврони ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 5,1 еврога тенг бўлган. Бу эса мазкур хизматнинг паст даражада эканлигини аниқлатади. Сугурталаш ишлари бўйича давлатлар ичида етакчилик Гонконгга тегишли бўлиб, сугурта мукофоти жон бошига 7,5 минг еврони, энг кам кўрсаткич эса 5 еврони ташкил қилиб, Нигерия давлатига тўғри келади.

Ўзбекистонда сугурта хизматлари бозорининг ҳозирги ҳолатининг хусусиятларидан бири бу ҳўжалик юритувчи субъектларнинг сугурта соҳасининг мавжуд имкониятлари тўғрисидаги маълумотлардан хабардор эмасликлари. Кичик бизнесни сугурталашга бўлган талабнинг йўқлигини асосан сугурта орқали рискларни бошқариш имкониятлари ва усуллари тўғрисида маълумотларнинг етишмаслиги ва мамлакатда кичик бизнесни рискларини сугурталаш бўйича мавжуд 41 та сугурта компанияларида тақлифлар йўқлиги билан боғлиқдир. Ўзбекистон сугурта бозорида кўплаб сугурта компанияларининг мавжудлигига қарамадан кўплаб тадбиркорлар сугурта хизматларидан фойдаланишга шошиламаптилар. Хусусий ва кичик бизнес фаолиятидаги рискларни сугурталаш



турлари ривожланишининг муҳим омили сифатида сугурта бозори инфратузилмасининг паст даражада ривожланиши ҳисобланади. Сугурта субъектларининг сугурта жараёнлари, яъни сугуртага қабул қилинаётган объектларни баҳолаш, сугурта даъволарини кўриб чиқиш ва ҳал қилишдаги иштирок этиши республикада қониқарли даражада эмас. Бироқ, халқаро тажрибаларда шуни кўришимиз мумкинки сугурта институтлари хўжалик юритувчи субъектларнинг сугурта бозорини ривожланишида ва фаолият кўрсатишида муҳим роль ўйнайди.

2021 йилнинг 2-4 сентябрида Тошкент шаҳрида Ислом тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 46-йиллик йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу анжуманга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2- сентябрь куни ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни қутлаб, Ўзбекистоннинг мазкур банк билан ҳамкорлиги, истиқболдаги муҳим масалалар ҳақида нутқ сўзлади ва нутқ давомида: “Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси ҳамда Инвестициялар ва экспорт кредитларини сугурталаш ислом корпорацияси томонидан молиявий инструментларни кенгайтириш лозимлиги қайд этилди. Бу эркин савдони рағбатлантириш, инвестициявий хатарларни сугурталаш, транспорт ва логистика инфратузилмаларини ривожлантиришга ҳисса қўшади” деган фикрларни айтиб ўтди.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсақ, сугурта хизматлари бутун жаҳон тадбиркорлик субъектлари учун жуда аҳамиятли омиллардан эканлиги маълум бўлди. Мамлакатимизда сугурта бозориши шакллантириш, сугурта турларини кўпайтириш, мавжуд сугурта компаниялари томонидан тадбиркорлик фаолиятларини сугурталашнинг жаҳон стандартларига мос келувчи хизматларини ташкил этилиши ва ривожланган мамлакатлар сугурта хизматлари бозорини ўрганган ҳолда миллий сугурта тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. М. – Буюк келажакимизни мارد ва олимжон халқимиз билан бирга қураимиз – Т.: –Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 488 б. 2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги –Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармониغا 1-ИЛОВА 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси/ uza.uz.
4. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №2, Каримова К.Д. – ТМИ, и.ф.н.

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

Ф.Р.Турдиқулов,

“Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси, ТДИУ

Аннотация: Халқаро миқёсда фонд бозорларининг фаолияти ва инвестиция механизмлари ёритилган. Иқтисодиётни эркинлаштиришида чет эл инвестицияларининг роли ва инвестиция фондларининг ахамияти кўрсатилган.

Таянч иборалар: қимматли қозғалар, инвестиция, инвестиция фондлари, пай фондлари, депозитарийлар.

Аннотация: Рассматривается деятельность фондовых рынков и инвестиционных механизмов на международном уровне. Подчеркивается роль иностранных инвестиций и важность инвестиционных фондов в либерализации экономики.

Abstract: The article deals with the activities of stock markets and investment mechanisms at the international level. The role of foreign investment and the importance of investment funds in the liberalization of the economy are emphasized.

Ишлаб чиқариш жараёнларини модернизациялаш шароитида инвестиция муносабатларида ҳам давлатнинг, ҳам ўз манфаатларини амалга оширадиган субъектлар иштирок этиши сабабли улар мулкчилик хусусидаги муносабатлар мажмуидан иборат бўлади. Халқаро инвестиция муносабатлари айрим мамлакатлар, корпорациялар, компаниялар, халқаро молия ва кредит муассасалари, яқка инвесторлар ва шу қабилар манфаатларининг рўёбга чиқишини ифода этади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг кенгайиб бориши даражасига қараб инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ТХИни янги лойиҳаларга ва қўшма корхоналарга жалб этишга қаратилиши лозим. Шунингдек, тартибга солиш хусусий тадбиркорлик субъектларининг катта қисмини инвестиция фаолиятига жалб қилишни ҳам назарда тутди. Бунда чет эл инвестициялари, шу жумладан тўғридан-тўғри хусусий сармоялар оқиб киришини рағбатлантириш, шунингдек миллий иқтисодиёт субъектларининг бу фаолиятда иштирок этишини тақдирлаш муҳим ўринда туради. Шундай қилиб, тартибга солишнинг вазифаси, бир томондан, ТХИ оқимини оширишдан, иккинчи томондан, миллий иқтисодиётдаги хусусий мулкчилик субъектларининг қўйилмаларини кенгайтиришдан иборат бўлади ва бу жараёнда инвестиция фондларини шаклланиши ҳамда ривожланиши гоят муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда инвестиция фондларининг ривожланиш тарихи XIX асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Биринчи инвестиция фондлари 1822 йида Белгияда, 1849 йида Швейцарияда ва 1852 йида эса Францияда ташкил этилган. 1950 йилгача ўзаро фондларнинг фаолияти сезиларли даражада ривожланмаган. Ҳаттоки, АҚШ ҳукумати томонидан 1940 йида қабул қилинган инвестициялар тўғрисидаги ҳамда 1939 йида қабул қилинган трастлар тўғрисидаги қонунлар

хам ёрдам бермаган. Ўзаро фондлар сонининг жуда тез ўсиши фақат 1950 йилдан бошланди. 1951 йилга келиб АҚШда уларнинг миқдори 100 тадан ошиб кетди, мазкур фондларнинг акциядорлари сони эса 1 миллиондан ортган³⁹.

Инвестиция фондлари дунёнинг ривожланган мамлакатлари иқтисодийётида алоҳида роль ўйнадилар ҳамда уй хўжаликлари жамғармаларини инвестициялашнинг асосий субъектлари сифатида намоён бўлдилар. Ҳозирги вақтда дунёда инвестиция фондлари активларининг асосий қисмига очик фондлар эгаллик қилади. Инвестиция компанияларининг барча турларидан энг таниқлиси ўзаро фондлар бўлиб, 94,1 фоизни ташкил этади. Уларнинг Россия пай фондлари билан ўхшашлиги шундаки, ўзларининг акцияларини пул тўлаб қайтиб олишда ва акцияларининг қиймати соф активлар асосида аниқланади. Бироқ, улар фаолият тамойили жиҳатидан Россиянинг пай фондларидан фарқ қилишдади.

Ўзаро фондларнинг фаолияти Қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича Комиссия (Securities and Exchange Commission (SEC)) томонидан 1933 йилдаги қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунга асосан тартибга солинади. Ўзаро фондлар фақат оддий акциялар чиқариш ҳуқуқига эга, у бўйича инвестор учун даромадни олдиндан аниқлаш мумкин эмас. У фонд капиталини бошқаришнинг муваффақиятли бўлишига боғлиқдир. Ғарбий Европа мамлакатларида инвестиция фондлари фаолиятининг хусусияти ушбу минтақанинг ўзига хос шарт-шароитларидан келиб чиқади. Шундай экан Европа Иттифоқида (20.12.1985 Кенгаш Директиваси) "UCITS" – "Undertaking for Collective Investment in Transferable Securities" концепцияси киритилган. Ушбу ҳужжатга мувофиқ UCITSга инвестиция ресурсларини оммавий жалб этиш, таваккалчилик диверсификацияси тамойилига риоя қилиш, инвесторлар талаблари бўйича фонд қимматли қоғозларини пул тўлаб қайтиб олиш талабларини қўяди. Бунда инвестиция фондининг ҳуқуқий шакли шартномавий, шунингдек, траст ёки корпоратив каби бўлиши мумкин. Шундай қилиб, UCITS моҳияти бўйича кўпроқ АҚШнинг ўзаро фондларига ўхшайди. Ҳозирги вақтда UCITSнинг активлари улуши Европа Иттифоқи мамлакатларидаги барча инвестиция фондлари активларида қарийб 80 фоизни ташкил этади.

Германияда инвестиция механизмлари бошқа мамлакатлар билан солиштирганда янада ўзига хос хусусиятга эга. Бу банкларнинг алоҳида роли билан боғлиқдир. Немис қонунлари бўйича инвестиция компаниялари кредит ташкилотлари бўлиб ҳисобланади ҳамда уларга кредит ташкилотларига тегишли барча қонуний меъёрлар татбиқ этилади. Немис инвестиция фондларининг яна бир ўзига хос муҳим хусусияти бўлиб, улар депозитарийлари тузилиши ҳисобланади, бунда, фондларни бошқариш компаниясига назорат қилиш ва қимматли қоғозларни сақлаш масъулияти юклатилган.

Фондларнинг депозитарийлари фақат банклардан иборат бўлиши мумкин. Нагжида, Германияда акциялар чиқариш ҳисобига молиялаштириш бошқа мамлакатлар билан солиштирганда капитал қўйилмаларнинг бирмунча кам улушини ташкил этади. ЯИМда капиталлашув даражасининг солиштирма оғирлиги (20-25 фоиз) бўйича Германия АҚШдан икки марта Буюк Британиядан эса беш марта ортик бўлади. Йирик корхоналарнинг узок муддатли капиталга бўлган эҳтиёжларнинг катта қисмини банклар қондиради. Германияда банк қонунчилиги ва банкларнинг етакчилиги роли немис инвестиция компанияларини

³⁹ <http://www.pif-news.ru/articl/1572>.

тартибга солишда дунёдаги энг мустаҳкамлардан бири ҳисобланади.

Европа бозори инвестиция фондлари фаолиятини кенгайтириш учун анчагина катта салоҳиятга эгаллик қилади. 2010 йил ҳисоб-китоблари бўйича фондлар томонидан бошқариладиган активлар ҳажми икки марта ошган. Европа Иттифоқи доирасидаги молиявий бозорларнинг унификацияланиши ва еврони жорий қилиниши билан боғлиқ салбий натижаларга қарамадан, бундай ўсишга омилларнинг қуйидаги учта гуруҳи имкон яратган:

- ташқи (экзоген) омиллар: жамғарма меъёрларини юқори даражада сақлаш, банк омонатлари ва қисқа муддатли қўйилмалар ролининг пасайиши, пенсия фондларини ташкил этиш ва пенсия ислоҳотларини ўтказиш;

- ички (эндоген) омиллар: Европа ва дунё даражасида рақобатлашувнинг кучайиши, молиявий бошқарув усуллариининг диверсификацияси ва унинг сифатини ошиши, янги ахборот-коммуникация технологияларининг тарқалиши муқаррар равишда инвестиция фондлари миқдорининг қисқаришига ва улар даромадлигини ошишига олиб келади;

- инвестиция фондлари фаолиятини тартибга солиш усуллариини такомиллаштириш ва Европа Иттифоқи даражасида талабга жавоб берадиган маҳсулотлар сотиш.

Япония ва Осиёнинг бошқа давлатларида инвестиция фондлари заиф ривожланган, чунки, бу мамлакатларнинг аҳолиси АҚШ ёки Ғарбий Европа мамлакатларидаги каби инвестиция жараёнининг унчалик фаол иштирокчиси ҳисобланмайди.

АҚШ ва Европа ўртасида фонд турлари бўйича активларни солиштирганда яна бир ўзига хос хусусиятни ажратиш мумкин. Агар АҚШда барча очиқ фондларнинг ярмидан ортиғи акция фондлари ҳисобланса, Европада эса акция фондларининг миқдори пул бозори фондлари ва облигация фондлари миқдоридан анчагина ортиқдир.

Очиқ турдаги инвестиция фондларидан фарқли равишда, ёпиқ турдаги инвестиция фондлари қайта сотиб олинмаган акцияларни (redeemable shares) муомалага чиқармайди. Бошқача айтганда, ёпиқ турдаги инвестиция фондларининг акциялари бевосита фонд томонидан қайта сотиб олинмайди, балки унинг акциялари очиқ бозорда инвесторлар томонидан олди-сотди қилинади. Ёпиқ турдаги фондлар қатъий белгиланган миқдорга эга бўлган кундалик равишда фонд биржасида бозор баҳосида савдо қилинадиган акцияларни муомалага чиқаради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони.* //Халқ сўзи, 2017 йил 8-февраль.
2. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.* / Халқ сўзи, 2020 йил, 30-декабрь.
3. <https://www.world.bank.com> - жаҳон банкининг расмий веб сайти, 2020 й.



ИҚТИСОДИЁТДА САНОАТ РИВОЖЛАНИШИНИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗ БОШҚАРИШ

М.М.Уразов,

“Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси, ТДИУ

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга таъсир этувчи омиллар ўрганиб чиқилган. Саноат корхоналари миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга улар нафақат миллий иқтисодиётда балки, ижтимоий соҳада ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мақолада саноат корхоналарида маҳсулот рақобатбардошлигини оширишнинг айрим муаммолари кўриб чиқилган ва саноат корхоналарида маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар баён этилган.

Таянч иборалар: рақамли технологиялар, янги иқтисодиёт, рақамлаштириш, онлайн бозорлар рақобатбардошлик, сифат, иқтисодий омил, технологик омил, халқаро бозор, солиқ юки, унумдорлик, ички бозор.

Аннотация: В статье исследуются факторы, влияющие на устойчивый экономический рост нашей страны. Промышленные предприятия - одна из важнейших отраслей народного хозяйства. При этом они играют важную роль не только в народном хозяйстве, но и в социальной сфере. В статье рассматриваются некоторые проблемы повышения конкурентоспособности продукции на промышленных предприятиях и предлагаются предложения и рекомендации по повышению конкурентоспособности продукции на промышленных предприятиях.

Abstract: The article examines the factors influencing the sustainable economic growth of our country. Industrial enterprises are one of the most important sectors of the national economy. Moreover, they play an important role not only in the national economy, but also in the social sphere. The article discusses some of the problems of increasing the competitiveness of products at industrial enterprises and offers suggestions and recommendations for increasing the competitiveness of products at industrial enterprises.

Саноат республикаимиз иқтисодиётининг етакчи тармоғи ҳисобланиб, ўзининг юқори кўшимча қиймат яратиши, аҳоли ва иқтисодиётнинг турли соҳалари эҳтиёжини қондиришдаги ўрни ҳамда юксак даражага эга бўлган ишлаб чиқариш локомотиви бўлганлиги туфайли ўз афзаллиги билан бошқа тармоқлардан тубдан фарқ қилади. Саноат моддий неъмат ишлаб чиқарадиган тармоқ бўлиб, унинг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан юксалишига олиб келади. Саноат соҳасида табиий бойликларни қазиб олиш ва ресурсларни қайта ишлаш, улардан янгидан-янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ассортимент ҳамда номенклатуранинг кўпайиши ҳисобига диверсификациялашув жараёнлари такомиллашади.

Коронавирус пандемиясига қарши курашишда иқтисодийнинг жойлардаги ишлар натижадорлиги таҳлили ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишнинг муҳим манбаи бўлган саноатни ривожлантиришга бағишлаб 2020 йил 8 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида Муҳтарам Президентимиз бу масалага алоҳида тўхталиб, аҳолини асосий озиқ-овқат турларига бўлган эҳтиёжларини қондириш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди. Мазкур йиғилишда белгилаб берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 216-сонли қарори қабул қилинди.

2020 йилнинг 24 январида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу ҳақида тўхталиб "...санотнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилмоқда. Натижада ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, экспорт – 28 фоизга кўпайди. Олтин-валюта захираларимиз 2019 йил давомида 2,2 миллиард долларга ортиб, 28,6 миллиард долларга етди"[1] ҳисобот йилида ҳам мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларида мутаносибликка эришилгани, модернизация ҳамда диверсификация туфайли юқори суръатлар таъминланганини алоҳида қайд этгани бунинг яққол тасдиғидир.

Саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш даражаси ва самарадорлигини ўсишини тўхтовсиз таъминлаб туриш лозим. Бу биринчидан, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш қўламини кенгайтиришга, иккинчидан аҳолининг турмуш шароитини яхшилашига, учинчидан республиканинг саноат маҳсулотлари бўйича экспорт салоҳиятини оширишга имкон беради. Ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, саноат мамлакатларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутмоқда. Ҳақиқатдан ҳам, саноатни ривожланиши: аҳолини иш билан таъминлайди; қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва балиқчилик соҳасини, озиқ-овқат, енгил саноат тармоқларини ва бошқа тармоқларни ривожланишига туртки беради; аҳоли даромадларини оширади, ҳудуднинг табиати, қишлоқ хўжалиги, меҳнат, молия ва бошқа ресурсларни ишлаб чиқаришдан тортиб, мамлакатимизнинг иқтисодий потенциалини оширади.

Мамлакатимизда ва ҳудудларда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулоти ҳажмини ҳудудлараро ҳамда ҳудудларни мамлакатимиз кўрсаткичлари билан таққослаш орқали таҳлил қилиш, саноат маҳсулотини аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори динамикасини таҳлил этиш ва ҳудудлардаги устувор вазифаларни ва ўсиш нуқталарини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Саноат соҳалари ишлаб чиқаришни доимий равишда модернизация қилиш ва илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланишни тақозо этади. Шу боис саноат корхоналарига энг замонавий техника ва технологияларни жалб этиш бугунги кундаги устувор вазифаларидан бири сифатида долзарблигича қолмоқда.



Саноат корхоналари моливий-хўжалик фаолиятини тартибга солиш тизими шакллантириш ва босқичма-босқич такомиллаштириш натижасида соҳада бир қатор силжишларга эришилди. Таҳлил натижаларига кўра, 1-жадвалда ҳудудлар кесимида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари миқдори ва уларнинг 2014-2018 йилларда, номинал қиймати бўйича саноат маҳсулоти миқдорининг ўсиш динамикаси берилган. Жадвалдаги маълумотларга кўра, республикада ушбу кўрсаткич, қайд этилган йиллар давомида ўсиш тенденциясига эга. 2014 йилда республикада 84011,6 млрд сўмлик саноат маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2017 йилга келиб, у 235340,7 млрд сўмни ташкил этган, яъни у 3 баробарга ўсган. 2018 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш Тошкент шаҳрида (43274,1 млрд сўм), Тошкент вилоятида (37724,4 млрд сўм), Андижон (27454,7 млрд сўм), Навоий (22892,4 млрд сўм), Қашқадарё (14529,5 млрд сўм) ва Фарғона (13613,8 млрд сўм) вилоятларида, нисбатан, кўп бўлган. Паст даражада ишлаб чиқариш Сурхондарё (3234,7 млрд сўм), Жиззах (3581,8 млрд сўм), Сирдарё (5163,1 млрд сўм), Хоразм (6457,2 млрд сўм) вилоятларида кузатилади. Қолган вилоятларда бу кўрсаткичлар ўртача бўлиб, 8601,2-13488,1 млрд сўм оралиғида бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Ҳудудларда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни 2018 йил кўрсаткичларини 2014 йил кўрсаткичларига нисбатан ўсиш суръат кўрадиган бўлсак, энг юқори ўсиш Қорақалпоғистон Республикасида (123,5%), Хоразм вилоятида (121,8%), Жиззах (116,2%), Самарқанд (111,68%) вилоятларида содир бўлган. Ўсиш суръати юқори бўлишига қарамасдан Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Жиззах вилоятлари саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича охириги ўринларда қолмоқда.

Энг паст ўсиш Сурхондарё (107,9%), Қашқадарё (102,4%) ва Сирдарё (105,22%) вилоятларида содир бўлган. Қолган вилоятларда ўсиш ўртача даражада бўлиб, у 110,6-116,2% оралиғида бўлган [18]. 2018 йилга келиб қўшган улуши бўйича энг кўп улуш Тошкент шаҳрига (18,4%), Тошкент вилояти (16,0%), Андижон (11,7%), Навоий (9,7%), Қашқадарё (6,2%) вилоятларига тўғри келади. Энг паст улушга эга ҳудудларга Наманган вилояти (2,8%), Хоразм (2,7%), Сирдарё (2,2%), Жиззах (1,5%), Сурхондарё (1,4%) вилоятларини киритиш мумкин. Қолган ҳудудларни улуши ўртача даражада бўлиб, у 3,7% - 5,8% оралиғида бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Паст кўрсаткич Фарғона (1240,5 минг сўм), Қашқадарё (909,2 минг сўм), Жиззах (1360,6 минг сўм), Сурхондарё (479,1 минг сўм) вилоятларига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси (977,9 минг сўм) тўғри келади.

Бу вилоятларда саноат соҳаси бўйича, меҳнатга лаёқатли аҳоли малакасининг пастлиги, уларда саноат корхоналарини ривожлантиришдаги асосий тўсиқлардан бири ҳисобланади.

Саноати ўртача ривожланишга эга ҳудудлар: Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятлари паст ривожланишга эга бўлган ҳудудлар: Қорақалпоғистон Рес-

публикаси, Жиззах, Наманган, Сурхандарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари. Бундай ҳолат ҳудудлар ўртасидаги бир қатор тафовутларнинг келиб чиқишига олиб келиши мумкин. Ушбу ривожланиш тенденцияси сақланиб қоладиган бўлса, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ янада кескинлашиб боришига олиб келади.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши соҳа корхоналари маблағлари ва ресурслари кўпайганлигини англатади. Давлат томонидан солиқ юкини қисқартириш, бюджет-солиқ сиёсатини эркинлаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш борасида олиб борилаётган мақсадли ва узок муддатли барқарор ривожланишни таъминловчи сиёсат ЯИМнинг ошиши ва унда саноат маҳсулотлари улушининг ортишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон саноат мажмуида қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги улушини ошириш учун ишлаб чиқилган дастурлар самараси ҳамда жаҳон бозорида саноат маҳсулотларига, жумладан, озиқ-овқат, енгил ва машинасозлик саноатлари маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши пировард – натижада саноат ишлаб чиқаришининг қўшимча ўсишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Республикада амалга оширилган ва оширилаётган ислоҳотларнинг барчаси мамлакат макроиқтисодий барқарорлигининг ошиши билан бирга, аҳоли турмуш фаровонлигига ижобий таъсир этмоқда ва улارнинг давом эттирилишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи 25 январь 2020 й. <http://uza.uz>*
2. *Ғойибназаров Б.К. Саноат тармогининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва ўзига хос хусусиятлари. Статистика департаменти – 2018.*
3. *Ҳамидова Ф. А., Ядгаров А. А. Ҳудудлар иқтисодиётини комплекс ва мутаносиб ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №3, июнь, 2017 йил.*
4. *www.stat.uz.*



САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ЭРКИНЛИГИ ШАРОИТИДА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

М.М.Уразов,

“Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси, ТДИУ

Аннотация: Ушбу мақолада саноат корхоналарининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар кўрсатилган. Шунингдек, мақолада, корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги таъсир этувчи омиллар таҳлил этилган ҳамда, корхонанинг иқтисодий хавфсизлигига ўрганган олимларнинг илмий-назарий қарашлари ўрганилган. Рақамли иқтисодиёт ривожланиши шароитида, саноат корхоналарининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масаласини муҳим аҳамияти очиб берилган ва саноат корхоналарининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича таклифлар берилган.

Таянч иборалар: хавфсизлик, иқтисодий хавфсизлик, хавфсизликни таъминлаш, корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги, саноат корхоналари, муаммолар, хавф-хатарлар, таҳдидлар.

Аннотация: В статье освещены проблемы, связанные с обеспечением экономической безопасности промышленных предприятий. В статье также анализируются факторы, влияющие на экономическую безопасность предприятия, а также научно-теоретические взгляды ученых, изучавших экономическую безопасность предприятия. Кроме того, в контексте развития цифровой экономики была подчеркнута важность обеспечения экономической безопасности промышленных предприятий и даны рекомендации по обеспечению экономической безопасности промышленных предприятий. Ключевые слова: безопасность, экономическая безопасность, безопасность, экономическая безопасность предприятия, промышленные предприятия, проблемы, риски, угрозы.

Abstract: This article highlights the problems associated with ensuring the economic security of industrial enterprises. The article also analyzes the factors influencing the economic security of the enterprise, as well as the scientific and theoretical views of scientists who have studied the economic security of the enterprise. In addition, in the context of the development of the digital economy, the importance of ensuring the economic security of industrial enterprises was highlighted and recommendations were made to ensure the economic security of industrial enterprises.

Миллий иқтисодиётни мустаҳкамлаш, ҳаққимиз ҳаётини фаровонлаштириш йўлидаги кенг кўламли яратувчилик ишлари изчил давом эттирилиб, иқтисодиёт барқарор ривожланиш йўлига ўтмоқда ва мулкдорлар сафи борган сари кенгаймоқда. Бу ўзгаришларда иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида ишлаб чиқаришни ҳамда хизматлар кўрсатишни бир маромда ривожлантиришдек эзгу сазъ-ҳаракатлар мужассамлашган. Республика Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Ҳозирги вақтда давлат

иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти молиявий барқарор бўлмаганлиги учун давлатга оғир юк бўлиб қолмоқда. Шунинг учун жорий йилдан барча давлат корхоналарини ислоҳ қилиш дастури амалга оширилмоқда”⁴⁰.

Умумжаҳон тенденциясига мос ҳолда мамлакатимизда ҳам инновацион иқтисодиётга мос меҳнат бозорининг ривожланиш жараёни шаклланиб бормоқда. Лекин мазкур жараён алоҳида қисм ҳолатида, стихияли характер касб этмоқда, меҳнат бозори инновацион ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий, институционал асосларини такомиллаштириш ва рағбатлантиришнинг ўзига хос механизмини шакллантириш заруратини юзага келтирмоқда. Инновацион йўналишда меҳнат бозорининг ривожланиш стратегияси нафақат неоклассик йўналиш жараёнларини англашни ва замонавий ижтимоий-иқтисодий ходисаларни назарий-услубий жиҳатдан таҳлил этиш ҳамда бир тизимга солишни, балки иш билан бандликни тартибга солиш тизимидан, унинг анъанавий йўналишларининг сифат кўрсаткичларини ўзгартиришни назарда тутувчи янги талабларни белгилайди. Саноат корхоналари мамлакат ресурс - хомашё базасининг асосий харидори бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни натижасида уларни тайёр маҳсулот ҳолатига келтиради. Саноат корхоналарида ресурслардан фойдаланиш даражасини ўрганиш, олинган натижалар асосида улардан фойдаланиш энг мақбул вариантини ишлаб чиқиш, улардан фойдаланишда тежамкор йўللарни излаб топиш ва амалиётга тадбиқ этиш мақсади ҳар бир саноат корхонасининг олдида турган пировард мақсаддир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги № ПҚ-4477 сонли “2019-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг “Яшил иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги қарори жадаллашаётган саноатлаштириш ва аҳоли сонининг ортиши иқтисодиётнинг ресурсларга бўлган эҳтиёжини сезиларли даражада оширмоқда, шунингдек, атроф – муҳитга салбий антропоген таъсирни кучайтирмоқда ва зарарли газларни ортишига олиб келмоқда. Узоқ муддатли стратегиянинг мавжуд эмаслиги “яшил” технологияларни жорий этиш ва “яшил” иқтисодиётга ўтиш бўйича тизимли чоралар кўришни таъминлашга имкон бермаяпти. Ушбу қарорда белгиланган вазифалардан энг асосийлари сифатида технологик модернизациялаш ва молиявий механизмларни ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бошқалар кўрсатиб ўтилган. Бироқ ҳозирги кунда олдимизда турган энг устувор вазифа шуки, ресурслардан фойдаланишда ресурс тежамкор технологияларни қўллаш давомида маҳсулотнинг сифати тушмаслиги, унинг аввалги хусусиятлари йўқолмаслиги, ташқи кўриниши ёмонлашмаслиги лозим. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон маҳаллий саноат корхоналаринитизимини ислоҳ қилиш бу тизимнинг ташқилий-иқтисодий механизмини жамиятнинг ресурс имкониятлари билан замонавий талабларига мослаштиришни кўзда тутади.

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// Г. Халқ сўзи, 2020 йил, 30 декабрь.



Бугунги кунда ҳар бир корхона фаолиятида бозорга қандай товарлар олиб чиқиш ёки товарни қайси бозорда сотиш, сотиш жараёнларини такомиллаштириш ва савдо хизматлари маданиятини ошириш каби масалаларнинг оқилона ечимини топиш маркетинг-нинг асосий вазифалари ҳисобланади. Демак, республикаимиз корхона ва ташкилотлари экспорт салоҳиятини ошириши ҳамда жаҳон бозорида ўзларининг муносиб ўринларини эгаллашида товар сиёсатини самарали ташкил этиш, уни шакллантириш йўналишларини аниқлаш ва такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг сабаби шундаки, замонавий рақобат нафақат мақсадли бозорни топиш, балки потенциал харидорни аниқлаш, уларнинг ҳоҳиш ва талабларини қондириш, унинг шаклланиши ва кўламини орттириш борасидаги уринишлар билан ажралиб туради.

Инновацион жараёнларда муваффақиятли фаолият учун замонавий малака ва билимларни шакллантириш зарур. Бунинг учун:

- касбий тайёргарлик ва таълимнинг кўп кирралаи дастурларни кенгайтириш;
- барқарор ривожланаётган мамлакатларнинг инновацион сиёсатларини аниқлаш ва баҳолаш;
- мамлакатлараро инновацион сиёсат борасидаги илғор тажрибаларни алмашиш жараёнларини шакллантириш лозим.

Саноат корхонада инновацион ва интеграцион тадбиқ этиш бўйича чора-тадбирлар кенг қамровли бўлганлиги учун корхонанинг инновацион ва интрограцион ривожланишини бўйича стратегиясини ишлаб чиқиш корхонанинг фаолиятидаги асосий заруриятлардан бири деб ҳисоблаймиз. Иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг ҳозирги босқичида макроиқтисодий параметрларнинг ижобий ўзгариши билан бир қаторда, ишлаб чиқаришни саноат корхонасининг меҳнат унумдорлиги даражасининг пастлиги, ҳудудий меҳнат бозорларида ишчи кучига бўлган талаб ва унинг таклифи ўртасидаги номутаносибликлар каби меҳнат соҳасидаги жиддий жараён ҳисобланади.

2029 йилгача бўлган даврда саноатни минтақавий узоқ муддатли ривожлантириш нуқтаи назаридан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, илғор технологиялар, имтиёзли кредитлар, келгусида хорижий шериклар билан эришилган келишувлар асосида соҳани ривожлантириш истиқболларига тегишли тузатишлар киритиш кўзда тутилган.

Стратегик жиҳатдан корхона товар сиёсати товарнинг ҳаётийлик даври (ТХД) концепциясидан келиб чиқиши, яъни ҳар бир товар унинг маълум вақтда сотилиш ҳажми билан тавсифланадиган бозорда барқарорликнинг маълум даврига эга бўлишини ҳисобга олиши керак. ТХД нинг бир босқичидан бошқасига ўтиши силлиқ, кескин сакрашларсиз кечади, шунинг учун маркетинг хизмати босқичлар чегарасини ўз вақтида сезиш ҳамда корхона раҳбариятига маркетинг ресурслари ва ҳаракатларини қайта тақсим-лаш, товар сиёсатига ўзгартишлар киритиш бўйича тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида товар сотилиш ҳажмларидаги ўзгаришларни кузатиб бориши керак. Айниқса, тўйиниш ва па-

сайиш босқичини ўз вақтида пайқаб олиш муҳим чунки, бозорда “касал” товарни ушлаб туриш зарар келтиради ва обрўсизлантиради.

Бозор улушини сақлаб қолиш ёки уни оширишга йўналтирилган товар сиёсатини амалга оширишда янги стратегик ёндашув, мазкур корхона учун хос бўлган технологик жараёнларда сезиларли ўзгаришларсиз ўз ҳаётий циклини тугатган товарлар ўрнига янги товарларни яратиш ва бозорга чиқаришдан иборат. Бундай сиёсат бозорнинг маълум сегментига, фирманинг савдо белгисига ҳамда умуман фирмага ишонадиган харидорларнинг шаклланган даврасига мўлжалланган. Бунда бозор сегментининг сонли ва сифатли таърифларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим муаммоларини энг кам харажатлар билан ҳал қилишда қатнашиши учун қулай шароитларни яратиш, энергетика тизимида тартибга соладиган қувватларни яратиш, республикада ишлаб чиқаришни локализация қилиш билан замонавий технологиядан фойдаланиш муҳим рол ўйнайди.

Умуман олганда, бизнинг фикримизча, корхона товар сиёсатининг моҳияти куйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- маҳсулотнинг самарали товар ассортиментни, белгиси, қадоқланиши ва сервис хизматларини режалаштириш;
- корxonанинг товар сиёсатини бошқариш жараёнини ташкил қилиш;
- корxonанинг товар сиёсатини бошқариш соҳасида маркетинг хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш;
- маҳсулотнинг оптимал товар ассортиментини шакллантириш бўйича ишларнинг мотивацияси;
- корxonанинг товар сиёсатини шакллантириш соҳасида бошқарув қарорларини таҳлили ҳамда мунтазам назоратини олиб бориш.

Товар сиёсатини амалга оширишнинг муҳим элементи сифатида ФҚТни ўтказиш натижаси бўлиб фойдали самаранинг бирлигига харажатлар пасайиши ҳисобланади. Бунинг учун маҳсулотнинг истеъмол хусусиятларини ошириш билан бирга харажатларни камайтириш ва харажатлар даражаси сақланган ҳолда маҳсулот сифати оширилиши билан барча харажатлар камайиши қўлланилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// Г.Халқ сўзи, 2020 йил, 30 декабрь.

2. “Ўзбекгидроэнерго” АЖни ривожлантириш бўйича 2020-2024 йилларга мўлжалланган Концепцияси 15.02.2018

3. Бурханов А.У Саноат корхоналари молиявий барқарорлигини баҳолаш усули “Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2018 йил

4. uzgidro.uz



ҚОРАМОЛЧИЛИК ТАРМОҒИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Ў.Э.Худайбердиев

“Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси, ТДИУ

Аннотация: мақолада республикада қорамолчилик тармоғи ривожланишига таъсир этувчи омиллар гуруҳларга ажратилган ҳамда иқлим ўзгаришининг тармоққа кўрсатадиган таъсири, унинг таъсири камайтириш бўйича хулосалар берилган.

Таянч иборалар: қорамолчилик тармоғи, ташкилий омиллар, иқтисодий омиллар, маҳсулот ишлаб чиқариши, ветеринария хизмати, ихтисослаштириши, озуқа базаси.

Аннотация: В статье разбиты факторы, влияющие на развитие животноводческой отрасли страны, на группы и сделаны выводы о влиянии изменения климата на отрасль, снижении его воздействия.

Abstract: The article breaks down the factors influencing the development of the country's livestock industry into groups and draws conclusions about the impact of climate change on the industry, reducing its impact.

Корхона ёхуд тармоқ (унинг маҳсулот турларини) ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилиш, самарадорлигини шакллантириш ва ошириш ҳақида сўз юритиладиган бўлса, омиллар гуруҳи, биринчи навбатда, таркибан ишлаб чиқариш воситалари ва жонли меҳнатдан иборат бўлиб, улардан фойдаланишнинг якуний пировард натижаси самаранинг жами қўйилмаларга нисбатан ўзгариш даражаси, суръатини ифодалайди.


Қорамолчилик билан шуғулланадиган турли мулкчилик шаклидаги хўжаликларнинг кўп йиллик амалиёт тажрибаларини таҳлил қилиш натижаларининг кўрсатишича, қайси хўжалиқда мавжуд ташкилий-иқтисодий омиллар, чекланган табиий ресурслар ҳамда ички ва ташқи имкониятлардан унумли фойдаланиб, бозор қонуният ва талаблари асосида ихтисослашувга амал қилиб фаолият юритаётган бўлса чорвачилик тармоғи фойда кўрувчи соҳа сифатида ўз самарасини бермоқда. Жумладан, ривожлантириш нуқтаи назардан ўзига хос хусусият ва талаблар мажмуига эга қорамолчилик тармоғини оқилона ташкил қилиш, жойлаштириш ва ихтисослаштиришга таъсир этувчи омилларни макро ва микро даражага бўлиб ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунда макродаражада муайян ҳудуднинг чорвачилик тармоғига таъсир этувчи табиий-иқлим ва экологик шароитларини белгиловчи ва характерловчи омилларни ўрганиш, микродаражада эса чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлар фаолиятига таъсир этувчи омилларни (улар ўз навбатида ички ва ташқи омиллар бўлиши мумкин) ўрганиш зарурати вужудга келади.

Амалиётда иқтисодчи олимлар орасида ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи ва унинг самарадорлигига таъсир этувчи омилларни туркумлаштиришда турлича фикр ва ёндашишлар мавжуд. Масалан, Ш. Шодмонов иқти-

содиётнинг тизими ва шаклидан қатъий назар учта омил: ишчи кучи, меҳнат куруллари ва меҳнат предметлари бўлиши шартлигини эътиборга олган ҳолда уларнинг ўзаро боғлиқ қуйидаги таркибий классификациясини тавсия қилади⁴¹. Шунга асосан куйида келтирилган классификациядан фарқи равишда А. Ўлмасов, А.Вахобовлар ишлаб чиқариш омиллари туркумлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини куйидагича акс эттиришади⁴².

Қорамолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёни аниқ, бир-биридан сезиларли фарқланувчи, шунинг билан бирга ўзаро мустақкам боғлиқ босқичлардан иборат бўлиб, бу тармоқни самарали ривожлантириш учун кенг қамровли омиллар тизимини яратиш ва ўзаро мувофиқлаштиришни талаб этади. Мазкур соҳа ўзида илмий-техник тараққиётнинг техникавий, технологик, биологик, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий йўналишларини мужассамлаштирувчи, ишлаб чиқариш жараёнининг турли босқичларида қорамолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатининг ошишига хизмат қиладиган ўзаро боғлиқ ва тўлдирувчи муҳим омиллар таъсири ва улардан оқилана фойдаланиш натижасида ривожланиш тенденциясига эга бўлади.

Шу боисдан ҳам, юқорида асослаб берилган илмий-назарий хулосага кўра қорамолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи ва унга таъсир кўрсатувчи омилларни 1-расмдаги тартиб ва тизим кўринишида эътиборга олиш тавсия қилинади.



1-расм. Қорамолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларига таъсир этувчи омиллар⁴³

Юқоридаги талабларни ҳисобга олган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, бизнингча, чорвачилик хўжаликларида молларнинг зотдорлигини яхшилаб бориш, ҳар бир ҳудуд шароитига мос насли моллар гуруҳини шакллантириш ва кўпайтириш, ем-хашак таъминотини мустақкамлаш ва зооветеринария хизмати тизимини ривожлантиришни ўз ичига олган ташкилий омиллар; чорва маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимидаги мавжуд ўзаро ишлаб чиқариш-шартномавий-молиявий муносабатлардан иборат иқтисодий ва ҳуқуқий омиллар; ер-сув ресурслари шўрланиш даражасининг кучайиши натижасида озуқа экинларининг таркиби ва сифати ёмонлашгани оқибатида

⁴¹ Ш.Шодмонов. Иқтисодиёт назарияси дарсаниги. - Тошкент: ТДИУ, 2013 й. -579б.

⁴² А.Ўлмасов, А. Вахобов Иқтисодиёт назарияси. -Т.: "Иқтисод ва молия", 2014. – 424 б.

⁴³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


юзага келаётган экологик омиллар; ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва қўл меҳнатини камайтириш ҳисобига соҳани интенсив ривожлантиришни ўз ичига олган техник-технологик тадбирларнинг амалиётга етарли даражада қўлланилмаслиги; аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ, электр энергия ва бошқа йўналишлардаги истеъмол тизимини ўз ичига олган ижтимоий омиллардан тўлиқ фойдаланмаслик, чорва молларини табиий ем-хашак билан таъминлашнинг кескин ёмонлашиб бораётганлиги каби долзарб масалалар юзага чиқмоқда.

Бозор рақобатлари кучаяётган ҳозирги ва кейинги даврларда қорамолчилик тармоғини ривожлантириш ва самарали ташкил этишда технологик омилларга алоҳида эътибор қаратиш шарт. Қорамолчилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, моллар маҳсулдорлигини ошириш кўп жиҳатдан молларни парваришlash технологиясининг энг муҳим ва ҳал қилувчи элементи ҳисобланган омихта ем билан таъминлашга боғлиқ. Шунинг учун ҳам, бизнинг фикримизча, вилоятларда хорижий сармоядорлар иштирокида чорва молларини етарли, меъёр даражасида омихта емлар билан таъминлайдиган қувватга эга заводлар қуриш мақсадга мувофиқ. Маълумки, бозор муносабатлари шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг турлари ва ҳажми бозордаги талаб ва тақлифдан келиб чиққан ҳолда шаклланади. Шу нуқтаи назардан, маркетинг фаолиятини ривожлантириш қорамолчилик маҳсулотларини истеъмолчилар талабларига мос миқдор ва сифатда ишлаб чиқаришда муҳим ташкилий омиллардан бири сифатида қара-лиши ва амалга оширилиши лозим ҳисобланади. Қорамолчиликда маркетингни ташкил қилиш бозордаги нарх-наво, маҳсулот тури ва истеъмолчиларнинг мақсад ва истаклари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қайта ишлаш корхоналарининг хом-ашёга бўлган талабини ўрганиш, маҳсулот стратегиясини ишлаб чиқиш, яъни маҳсулот турларини кўпайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларига инновацияларни жорий қилиш, маҳсулот сотишни режалаштириш, башорат қилиш ва бошқа истеъмол бозори билан боғлиқ жараёнларни ўрганишга қаратилиши лозим.

Бугунги кунда сайёрамизда содир бўлаётган глобал иқлим ўзгариши, экспертлар хулосасига асосан, инсоният ривожланишининг барча соҳа ва йўналишларида сифат ва миқдор жиҳатдан янгича ёндашишни талаб қилмоқда. Зотан, иқлим ўзгаришининг қорамолчилик соҳаси ва унинг маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларига таъсир этиш йўналишларини 2-расмда келтирилган тизимда акс эттириш мақсадга мувофиқ.

Демак, иқлимнинг ўзгариши нафақат чорва молларининг маҳсулдорлиги, балки тармоқнинг озуқа базаси ва ем-хашаклар сифатиغا, улар таркибидаги турли микро ва биоэлементлар миқдорига ҳам таъсир кўрсатади. Иқлимнинг ўзгариши қорамолчилик тармоғининг ривожланиши ва маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, ҳавонинг исиб кетиши соғин сигирлар маҳсулдорлигининг камайишига, сутнинг эса ёғлилик даражасининг ошишига сабаб бўлади.

Иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини камайтиришда бир қатор тад-бирларни, жумладан, хўжаликларни ихтисослаштириш, касалликларга чи-дамли янги нав ва зотларни яратиш, табиий омиллар келтиридаган зарарлар ва шунга ўхшаш нохуш ҳолатларга барҳам бериш учун замонавий техника ва технологияларни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.



2-расм. Иқлим ўзгаришининг қорамолчилик тармоғи ва маҳсулотларига кўрсатадиган салбий таъсир йўналишлари⁴⁴

Қорамолчиликда иқлим ўзгаришининг таъсирини камайтириш мақсадида биринчи навбатда қорамолчилик соҳасига тегишли бўрдоқчилик ва сут-товар комплексларини ҳудудларнинг табиий-иқлим шароитидан келиб чиқиб ихтисослаштириш ва жойлаштириш ҳамда уларни ушбу ҳудудга мос келадиган қорамол зотлари билан таъминлаш зарур бўлади.

Кейинги навбатда қорамолларнинг иссиққа, касалликларга чидамли ва юқори маҳсулдор зотларини яратиш ҳамда табиий салбий таъсирларни енгиш мақсадида дунё олимлари томонидан яратилган инновацион техника ва технологиялардан фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуганиев А., Абдуганиев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодийёти/ Олий ўқув юртлари учун дарслик.-Тошкент, ТДИУ,2011 й.
2. Бычкова А.Н. Экономический механизм: определение, классификация и применение. Омский ГУ путей сообщения.- 2010 г.
3. Шодмонов Ш. Иқтисодийёт назарияси дарслиги Тошкент.: ТДИУ, 2013 й. -579 б
4. Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодийёт назарияси. Т.: "Иқтисод ва молия", 2014. – 424 бет

⁴⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

КОРХОНАЛАРДА РЕЙТИНГ ТУШУНЧАСИ ВА УНИ АНИҚЛАШДА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

К. А. Махкамбоев,
мустақил изланувчи, ТДИУ
О. Р. Бозорова,

“Молия ва бухгалтерия ҳисоби” кафедраси ўқитувчиси, ТДИУ

Аннотация: Мақолада корхоналар рейтингини бўйича олимларнинг қараишлари, унинг иқтисодий мазмуни, рейтинг тушунчаси бўйича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган. Шу билан бирга рейтинг баҳолашда қўлланиладиган усуллар кўриб чиқилган.

Таянч иборалар: рейтинг, корхоналар рейтингини, ҳудудлар рейтингини, рейтинг баҳолаш, кўрсаткичлар, усуллар, ўринларни қўйиши усули.

Аннотация: В статье подробно излагаются взгляды ученых на рейтинг предприятий, его экономическое содержание, авторское определение понятия рейтинга. В то же время были рассмотрены методы, использованные при рейтинговой оценке.

Abstract: The article describes in detail the views of scientists on the rating of enterprises, its economic content, the author's definition of the concept of rating. At the same time, the methods used in the rating assessment were considered.

Ҳозирги кунда янги Ўзбекистон шакланмоқда. Мамлакатимиз нуфузи жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи борган сари ортиб бормоқда. Албатта бунга ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, тармоқлар фаолиятида халқаро стандарт ва механизмларини кенг жорий қилиниши, шаффофлик принципларига амал қилиниши туртки бўлмоқда.

Бугунги ривожланиш жараёнида дунё миқёсида мамлакатимизнинг, ундаги ҳар бир ҳудуднинг, ҳудудларда эса ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг, ушбу субъектларда ҳар бир ходимнинг рейтингини аниқлаш муҳим масалалардан бирига айланди. Мазкур масалага ҳукуратимиз томонидан ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2019 йил 7 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида” ги, 2020 йил 2 июнида “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида” ги Фармонлари қабул қилинди. Фармонда “Халқаро майдонда мамлакатимиз мавқеини янада юксалтириш, хорижий рейтинг агентликлари билан ҳамкорликни тизимли равишда амалга ошириш, масъул давлат органлари раҳбарларига юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишида уларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш мақсадида: Устувор халқаро рейтинг ва

индексларни комплекс равишда кўриб чиқиш ва яхшилаш борасида ижро самардорлигини ошириш ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан олиб борилётган тегишли чора-тадбирларни тизимли мувофиқлаштириш лозимлигини инобатга олган ҳолда устувор халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашни мувофиқлаштириш бўйича комиссия⁴⁵ тузилди. Мазкур комиссияга бир қанча вазифалар юклатилган. Кўришиб турибдики, ҳар бир субъектнинг рейтингни аниқлаш бугунги кунда ўта долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Чунки, давлатларнинг умумий рейтинги, уларнинг алоҳида йўналишлари бўйича баҳо-си, корхоналар ва бошқа хўжалик юритувчи турли субъектлар рейтинглари ҳам аниқланмоқда. Буларни инобатга олиб, бугунги кунда иқтисодий таҳминнинг таркибига корхоналар рейтингини баҳолаш масаласини ҳам киритиш лозим бўлмоқда.

Тадқиқот методологияси

Илмий тадқиқотни амалга оширишда билиш назариясининг индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, миқдор ва сифат, сабаб ва оқибат категорияларидан, статистик ва иқтисодий таҳлил, мантиқий таҳлил каби усуллардан фойдаланилган. Адабиётларни таҳлил қилишда Ўзбекистон Республикасининг расмий статистик маълумотларидан фойдаланилган.

Таҳлиллар

Масаланинг моҳиятини тўлиқ англаш учун рейтинг сўзининг маъносига эътиборни қаратамиз. 7000 дан зиёд атамалар ва тушунчалар жамланган “Большая экономическая энциклопедия” да рейтинг атамасига қуйидагича изоҳ берилган: “Рейтинг – бирорта нарсанинг қайси категорияга, табақага, синфга киришини баҳолайди. Бозор муносабатларига асосланган мамлакатларда тижорат ташкилотларининг кредитга лаёқатлилик даражаси мунтазам равишда таҳлил қилиниб ва баҳолаб борилади. Мутахассислар корхоналар рейтингини аниқлашда бир қанча кўрсаткичлардан ва бошқа ахборотлардан фойдаланади...”⁴⁶, дейилган.

Қайд этиш жоизки, режали иқтисодиёт шароитида корхоналар фаолиятига баҳо беришда рейтинг атамасидан фойдаланилмаган. Унда социалистик мусобақа натижаларига кўра мусобақа голиблари аниқланган. Бунга далил 1980 йилда Москванинг “Советская энциклопедия” нашриётида 1600 бетдан иборат “Советский энциклопедический словарь”⁴⁷ нашр қилинган. Ушбу энциклопедик лугатда ушбу рейтинг атамаси ўз аксини топмаган. Шу сингари бошқа бир қанча лугатларда, хусусан “Русча-ўзбекча лугатда”⁴⁸ ҳам, ўзида 14 мингдан ортқ сўзни жамлаган “Ўзбек тилининг кирилл ва лотин алифболаридаги имло лугати” да⁴⁹ ҳам рейтинг атамаси киритилмаган. Булардан ҳам кўришиб турибдики, ушбу атама мамлақтимизнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида янги атама бўлиб ҳисобланади.

Беш жилдик “Ўзбек тилининг изоҳли лугати” га рейтинг атамаси киритил-

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартда “Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида” ги Фармони.

⁴⁶ Большая экономическая энциклопедия. – М.: Эксмо, 2007. – С. 540.

⁴⁷ Советский энциклопедический словарь. – М.: “Советская энциклопедия”, 1979. 1600 с.

⁴⁸ Русско-узбекский словарь. В 2-х томах. – Т.: “Главная редакция УзЭ”, 1983. (1-томида 808 бет. 34650 та сўз, 2-томида 800 бет. 32170 та сўз.).

⁴⁹ Ўзбек тилининг кирилл ва лотин алифболаридаги имло лугати. 14 мингдан ортқ сўз. – Т.: “Sharq”,

ган ва унга қуйидагича изоҳ берилган. Рейтинг инглизча “rating” сўздан келиб чиқиб, “баҳо, даража” маъноларини англатиши қайд этилган ва унга учта изоҳ берилган.¹⁾ Ўқитувчилар ва талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш усули ҳамда тизими. ²⁾ Спортнинг баъзи турларида (мас. шахматда) эришилган ютуқларнинг самарадорлиги ва нуфузини баҳолашда рақамлар билан ифодаланган шахсий кўрсаткич. ³⁾ Сиёсат, маданият ва бошқа соҳалардаги таниқли арбобларнинг жамоатчилик фикрини ўрганиш йўли билан аниқланадиган машхурлик даражаси. Худди шундай изоҳ “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” да ҳам келтирилган⁵⁰. Аммо ушбу лугат ва энциклопедияларда корхоналар рейтингини аниқлаш ҳақида ҳеч қандай изоҳ берилмаган.

Интернетнинг Википедия номи билан юритиладиган “Эркин энциклопедия” сида ҳам рейтинг сўзига изоҳ берилган. Бунда айтилишича ҳам мазкур сўз инглиз тилидаги “rating” дан олинган бўлиб, “маълум ҳодиса ёки объектнинг муҳимлигини ёки аҳамиятлигини сон билан ифодалайдиган кўрсаткичи ҳисобланади”. Ушбу атамани корхоналарда қўллаш учун айнан шу субъектлар нуқтан назаридан қараш лозим деб ўйлаймиз. Агар бунга амал қилинадиган бўлса, корхоналар рейтингини уларнинг илғорлик даражасига мос келади. Уларнинг рейтингини қанча юқори бўлса, ўша корхона шунча илғор бўлиб ҳисобланади. Шу жиҳатдан рейтингини баҳолашга, унинг таърифини ишлаб чиқишга ҳам бугунги кун нуқтан назаридан ёндошиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бу борада Х.М. Маматкулов ишлаб чиққан лугатда “Рейтинг – маълум ва машхурлик даражаси, фирманинг ўзини, товар ва хизматлар категорияси, сифатини баҳолаш”⁵¹ деган изоҳни берган. Уни аниқлаш борасида қуйидагиларни таъкидлайди: “Рейтинг махсус органлар ёки фирманинг ўзи томонидан жамоатчилик фикрини сўраш йўли билан белгиланади. Мақбул товар ёки аниқ фирма типини аниқлашга ёрдам беради”⁵². Ушбу муаллифнинг берган изоҳида асосий эътибор фирманинг “машхурлик даражаси” га қаратилган ва “сифатини баҳолаш” га урғу берилган. Аммо қандай баҳолаш, қандай ўлчамлардан фойдаланиш масалалари қараб чиқилмаган.

Ушбу атама бўйича Каландарова Н.Н. шундай фикрларни билдириб ўтади. “Рейтинг – хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига комплекс баҳо беришнинг индивидуал миқдорий кўрсаткичи, корхоналар бизнесининг нуфузи, ташкилотнинг имиджи ҳақида ахборот олишнинг, молиявий ишончлигини баҳолашнинг муҳим усулидир”⁵³.

Рейтинг атамасига Е.В.Голишева, Н.В.Иванина, И.С.Тухлиев ва А.П.Темирходжаевлар ҳам ўзларининг таърифларини берган. Ушбу олимларнинг фикрича

2012. 432 бет.

⁵⁰ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. Парчин – Солиқ. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давайт илмий нашри, 2004. – 298 бет.

⁵¹ Маматкулов Х.М. Хизмат кўрсатиш соҳасига оид атамалар ва иборалар изоҳли лугати. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2010. – 212 бет.

⁵² Маматкулов Х.М. Хизмат кўрсатиш соҳасига оид атамалар ва иборалар изоҳли лугати. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2010. – 212 бет.

⁵³ Каландарова Н.Н. Корхоналар молиявий ҳолатини рейтинг баҳолашда таҳлил методикасини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. –Т.: ТМИ, 2019. – 11 б.

“Рейтинг – маълум объект ёки жараёнларнинг муҳимлигини ифодалайдиган сон ёки тартибли кўрсаткич (таржима бизники – К.М.)”⁵⁴. Ушбу таърифда ҳам рейтингга хос барча жиҳатлар ўрин олган. Бу ерда фақат “объект ёки жараёнлар” олинган. Объект шунчаки бир birlik бўлиб ҳисобланади. У катта ёки кичик бўлиши мумкин. Бироқ рейтинг баҳолашда натижа олинади. Шу тўғрисида фақат “объект” ни қабул қилиш биров мунозарали. Жараёнлар бўйича ҳам худди шундай фикрларни айтиш мумкин. Чунки куруқ жараён ҳали ҳеч нарсага англаб беришмайди. У иқтисодий, табиий, ижтимоий каби жараёнлардан иборат бўлиши мумкин. Буларнинг қайси бирини қайси мезон асосида олиш мумкинлиги ушбу таърифда мавҳум бўлиб қолган.

Тадқиқот натижалари

Ўқоридаги олимлар томонидан илгари сурилган таърифларни инобатга олиб, корхоналар рейтингини тушунчасига қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Корхоналар рейтингини деганда, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти натижаларининг муҳимлиги ёки аҳамиятлигини сон билан ифодалайдиган кўрсаткичларнинг тизимлаштирилган ҳолати тушунилади. Ушбу таърифнинг назарий жиҳатдан асосланганлигини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Бу ерда гап корхоналар (фирма, компания, ташкилот, муассаса каби) рейтингини ҳақида кетганлиги учун умумий қилиб хўжалик юритувчи субъектлар олиниши белгилади.

2. Рейтинг учун фаолият натижаларининг олиниши ҳам масалага ойдинлик киритади. Чунки фаолият натижаси бўйича баҳоланадиган бўлса, ушбу фаолиятини жадаллаштириш ва самарадорлигини оширишга ҳаракат қилади.

3. Масаланинг муҳимлигини сон билан ифодалайдиган кўрсаткичлар тизимининг олиниши ҳам аҳамиятли. Чунки кўрсаткичлар бирорта натижани билдирса, унга берилган аниқ сонлар унинг даражасини белгилайди. Шу тўғрисида ушбу ҳолатлар ҳам таърифда инобатга олинган.

Ўқоридаги таърифдан ҳам кўриниб турибдики, корхоналар рейтингини битта кўрсаткич ёки йўналиш билан баҳолаб бўлмайди. Унинг бир қанча йўналишлари мавжуд. Ҳар қандай даражада рейтингни аниқлашда кўрсаткичлардан фойдаланилади. Кўрсаткичлар эса иқтисодий-ижтимоий жараён ва ҳодисаларнинг мазмунига қараб турли йўналишларда бўлиши мумкин. Масалан, ижтимоий соҳанинг ўзига хос кўрсаткичлари, иқтисодий соҳада – иқтисодий кўрсаткичлар, математикада – даражалар, сон билан ифодаланадиган турли модуллар, табиатда – иқлим ўзгаришлари, офатлар, об-ҳаво маълумотлари ва бошқалар. Булардан ҳам кўриниб турибдики, корхоналар рейтингини аниқлашда, бошқа соҳалар сингари аниқ рақамларда ифодаланган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланамиз. Буларнинг ўзaro боғлиқлиги бевосита уларнинг бир-бирини тўлдирishi билан ифодаланадиган шаклланиш жараёнида кўриш мумкин.

Рейтингни аниқлашда ўринларни кўшиш усули ҳам мавжуд. Бу ҳар бир корхонани ҳар бир кўрсаткич бўйича ўринларини аниқлаб, ўринларини қўшиш усули бўлиб ҳисобланади. Бу усул асосан кўрсаткичларнинг йўналиши

⁵⁴ Голишева Е.В., Иванина Н.В., Тухлиев И.С. ва Темирходжаев А.П. Словарь современных терминов в сфере туризма. – Самарқанд, ГП Издательство «Зарафшон», 2018. – 295 с.

бир хил бўлиб, ўлчами ҳар хил бўлганда қўлланилади. Ушбу усул орқали ҳар хил ўлчамга эга бўлган кўрсаткичларни ҳар бирининг ўринларини белгилаш орқали, бир хил ўлчамга келтириб олиш мумкин. Масалан, корхона активлари сони ўсиш суръати, харажатлар суммаси, маҳсулот умумий ҳажми каби кўрсаткичлар бир хил ўлчамга келтирилиши лозим. Аслида уларнинг ўлчамлари турлича бири сўмда ифодаланса, иккинчиси фоизда, учинчиси коэффициентда бўлиши ҳам мумкин. Агар улар турли ўлчамларда ифодаланганда уларни қўшиб ёки солиштириб бўлмайди. Бундай ҳолларда ҳар хил ўлчамдаги кўрсаткичлар миқдорини ўринларни қўшиш йўли билан бир хил ўлчамга келтириб олинади.

Шуни эътиборга олиш лозимки, рейтингни аниқлашда ўринларни қўшиш усулининг ҳам жуда кўп йўналишлари мавжуд. Масалан, кўрсаткичларнинг моҳиятига қараб табақаланган ўринларни қўшиш, ҳар бир кўрсаткичга маълум балларни бериш усулидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Рейтинг тизими баҳолаш амалиётида ўринларни қўшишда субъектив ёндашишлар бўлиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун ҳар бир кўрсаткичга балл беришда иш натижасининг реал ҳолатидан келиб чиқиб, ушбу балларни ҳамма корхоналарга бир хил даражада тасдиқлаб, улардан фойдаланиш бўйича тегишли низомлارни ишлаб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлар эди. Биз бунга эришиш учун унинг оддий йўлидан, яъни ҳар бир кўрсаткич бўйича корхоналар эгаллаган ўринларини аниқлашни тавсия этамиз. Шунга асосан рейтинг кўрсаткични аниқлашда ҳар бир корхонанинг, ҳар бир кўрсаткич бўйича ўринлар жамлаб чиқилди. Бу ҳолда қайси корхона энг кичик натижага эришган бўлса ўша корхона юқори ўрин эгаллаган бўлиб ҳисобланадиган бўлди. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$P_{\text{ўр}} = \sum_{i=1}^n K_{\text{ў}_i};$$

Бунда: $P_{\text{ўр}}$ – корхоналарнинг алоҳида кўрсаткичлари бўйича жамланган рейтинг миқдори;

Σ - барча кўрсаткичларнинг эгаллаган ўринларини қўшиш белгиси;

i – рейтинг тизимига киритилган i - кўрсаткичнинг тартиб рақами;

n – рейтинг тизимига киритилган кўрсаткичларнинг умумий сони;

$K_{\text{ў}_i}$ – рейтингни аниқлашда иштирок этадиган i – кўрсаткичнинг номи.

Мамакатимиз олимлари ва хорижий олимлар адабиётларида рейтинг кўрсаткичи бўйича эгаллаган ўринларни қўшиш усули ҳам алоҳида усул сифатида кўрсатилган. Аммо бу усулларнинг методологик асоси рейтинг балларини қўшишда бир хил бўлганлиги учун уларни умумлаштирган ҳолда ифодалаш ҳам мақсадга мувофиқдир. Юқорида таъкидланганидек, кўрсаткичлар қиёсланадиган ҳолатга келтириб, ўринларни қўшиш усулини қўлаб, моҳиятлилик коэффициентини ҳам инобатга олган ҳолда, рейтинг кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$K_{\text{к}_j} = \sum_{i=1}^n B_{ij} * K_{\text{м}_i}; \quad (3)$$

Бунда B_{ij} - i -кўрсаткичнинг j -объектдаги бали, яъни ҳар бир объектнинг ҳар бир кўрсаткич бўйича эгаллаган ўринлари.

K_m – i -кўрсаткичнинг моҳиятлилик коэффициенти.

Таҳлил натижасида шу кўрсаткични яхшилаш чора-тадбирлари ишлаб чиқиши керак бўлади. Рейтинг кўрсаткичларидан фойдаланиб қилинадиган таҳлил илғор тажрибани аниқлаш ва уни жорий қилиш учун ҳам тегишли хулоса чиқариш имконини беради.

Хулоса ва таклифлар

Корхоналар рейтинг даражаси шаклланиши учун албатта рейтингга киририлган субъектларда содир бўлган жараёнлар натижаси лозим бўлади ва ушбу жараёнлар аниқ рақамларда ифодаланган кўрсаткичларда ҳам ўз тасдиғини топиши лозим.

Рейтинг тизимида баҳолашнинг ўринларни кўшиш усули, кўриб ўтганимиздек, маълум қулайликларга эга. Чунки, ушбу ҳолатда ҳар бир кўрсаткич бўйича автотранспорт корхоналарининг эгаллаган ўринларини аниқлаш кифоя. Бу ҳеч қанақа кўшимча ҳисоб-китобларни талаб қилмайди. Бироқ шуни инобатга олиш лозимки, бу усулнинг айрим камчиликлари ҳам мавжуд. Хусусан, кўрсаткичларнинг ўринлар ўртасидаги миқдори ҳар хил даражада бўлиши мумкин. Рейтингни баҳолашнинг ушбу усули соддалиги, амалиётда қўллаш осонлиги ва аниқлиги билан фарқ қилади. Шу туфайли мазкур рейтинг кўрсаткичидан ҳам бемалол амалиётда фойдаланиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартида “Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида”ги Фармони.
2. Большая экономическая энциклопедия. – М.: Эксмо, 2007. – С. 540.
3. Советский энциклопедический словарь. – М.: “Советская энциклопедия”, 1979. 1600 с.
4. Русско-узбекский словарь. В 2-х томах. – Т.: “Главная редакция УЗЭ”, 1983. (1-томида 808 бет. 34650 та сўз, 2-томида 800 бет. 32170 та сўз.)
5. Ўзбек тилининг кирилл ва лотин алифболаридаги имло лугати. 14 мингдан ортиқ сўз. – Т.: “Sharq”, 2012. 432 бет.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. Парчин – Солиқ. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашри, 2004. – 298 бет.
7. Wikipedia® — зарегистрированный товарный знак некоммерческой организации Wikimedia Foundation, Inc.
8. Маматқулов Х.М. Хизмат кўрсатиши соҳасига оид атамалар ва иборалар изоҳли лугати. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2010. – 212 бет.
9. Каландарова Н.Н. Корхоналар молиявий ҳолатини рейтинг баҳолаида таҳлил методикасини такомиллаштириши. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. -Т.: ТМИ, 2019. – 11 б.
10. Голишева Е.В., Ивановна Н.В., Тухлиев И.С. ва Темирходжаев А.П. Словарь современных терминов в сфере туризма. – Самарканд, ГП Издательство «Зарафион», 2018. – 295 с.



АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ СТАТИСТИКА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ

Д.А.Ибрагимов,
“*Менежмент ва маркетинг*” кафедраси
катта ўқитувчиси, ТДИУ
Б.И.Хидирова,
“*Менежмент ва маркетинг*” кафедраси
катта ўқитувчиси, ТДИУ

Аннотация: Мақолада аҳоли турмуш даражаси ва сифатини намоён этувчи ижтимоий тавсифдаги кўрсаткичларнинг ўрни, аҳоли бандлиги ва у билан боғлиқ муносабатларнинг аҳамияти ўз аксини топган. Мамлакат иқтисодиётида бандликка таъсир этувчи омиллар, аҳоли бандлиги ҳолати таҳлил қилинган.

Таянч иборалар: аҳоли бандлиги, муносабатларнинг аҳамияти, бандликка таъсир этувчи омиллар, постиндустриал модел, меҳнат бозори.

Аннотация: В статье отражена роль показателей в социальном описании, указывающих на уровень и качество жизни населения, важность занятости и отношений с ней. Были проанализированы факторы, влияющие на занятость в климате страны, статус занятости.

Abstract: The article reflects the role of indicators in the social description, indicating the level and quality of life of the population, the importance of employment and relations with it. The factors affecting employment in the country's climate, employment status were analyzed.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг бутунги босқичида мамлакатлар тараққиёти даражасини баҳолашда нафақат узоқ давр устувор аҳамият касб этган иқтисодий кўрсаткичларнинг, балки устун равишда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини намоён этувчи ижтимоий тавсифдаги кўрсаткичларнинг ҳам ўрни ортиб бормоқда. Мазкур кўрсаткичларнинг асосий қисми аҳоли бандлиги билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлардан таркиб топганлиги, ривожланган мамлакатларда бугунги кунда иқтисодий ўсишнинг асосий омили сифатида “инсон капитали” га ургу берилётганлиги инобатга олинса, аҳоли бандлиги ва у билан боғлиқ муносабатларнинг аҳамияти янада яққолроқ намоён бўлади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг прогнозларига кўра, 2023 йилга бориб дунё аҳолисидан 3,7 млрд. киши меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолини, шундан иш билан банд аҳоли сони 3,5 млрд. кишини ва ишсизлар сони 0,2 млрд. кишини ташкил этади. Агар ушбу даврга келиб дунё бўйича банд аҳолининг 55 %га яқини норасмий бандларни ташкил этишини ҳисобга олинадиган бўлса, халқа-

ро меҳнат бозоридаги бандлик ҳолатини кўп омили таҳлил асосида тартибга солиш ҳамда бандлик даражасини оптималлаштиришда унинг замонавий хусусиятларини етарли даражада ҳисобга олиш лозим⁵⁵. Ушбу маълумотлар меҳнат бозоридаги бандлик ҳолатини ўрганиш ва таҳлил этиш асосида уни тартибга солиш ҳамда бошқариш жараёнларида бандликнинг замонавий хусусиятларини етарли даражада ҳисобга олиш лозимлигини кўрсатмоқда. Бутунги кунда мамлакатларнинг ривожланиш ҳолатини баҳоловчи халқаро баҳолаш тузилмаларининг кўрсаткичлари таркибида фақатгина иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзигагина таяниб қолмасдан, жамиятнинг ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари олдинги ўринларга чиқмоқда. Чунки ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари ҳам мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти натижасидаги сифат ўзгаришларини ўзида акс эттиради ва бу кўрсаткичлар орқали унинг умумий ривожланиш ҳолатига баҳо бериш мумкин бўлади.

Ана шундай кўрсаткичларнинг аксарияти аҳоли турмуш фаровонлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар бўлиб, уларнинг даражаси мамлакат фуқароларининг самарали бандлиги ҳамда бандлик натижаси ҳисобланган турмуш фаровонлиги даражаси билан тўғридан-тўғри боғлиқдир. Бандликнинг янги модели постиндустриал моделга ўхшаш бўлиб, унда ишлаб чиқариш анъанавий омилларининг роли ўзгаради, бунда ахборот ва билим алоҳида ўрин эгаллайди, асосий ривожланиш интеллектуал фаолиятга қаратилади (1-расм).

Ушбу моделда ишлаб чиқариш хизматлари учун янги, юқори малакали иш ўринларини ва аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ паст малакали иш ўринларини шакллантириш функциясини ўз ичига оладиган хизмат кўрсатиш соҳаси алоҳида ўрин тутади.

Шундай қилиб, бандликнинг замонавий модели қуйидаги ўзига хос асосий тенденциялар билан тавсифланади:

1. Ривожланган мамлакатларда иш билан бандликнинг асосий тенденцияси сифатида иқтисодий фаол аҳоли таркибининг моддий ишлаб чиқариш тармоқларидан хизмат кўрсатиш соҳасига ўтишини кўрсатиш мумкин⁵⁶.

2. Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланиши билан вақтинчалик ёлланувчи ишчиларни ишлатиш кенг тарқалмоқда. Шу муносабат билан, бандликнинг янги модели вақтинча меҳнатдан фойдаланишни кенгайтириш билан тавсифланади.

3. Меҳнат ресурслари умумий таркибидаги аёллар улушининг ортиши.

4. Бандлик моделида меҳнат интенсивлиги даражасига қараб, ишчилар икки гуруҳга ажратилади: меҳнат сиғими паст, аммо ишчиларнинг касбий тайёргарлиги (телекоммуникация, компьютер технологиялари, молиявий хизматлар ва бошқалар) юқори бўлган гуруҳ; меҳнат сиғими юқори ва касбий тайёргар-


⁵⁵ World Employment and Social Outlook: Trends 2019. International Labour Office. – Geneva: ILO, 2019. pp. 11–12, 84–85.

⁵⁶ Седаак М. Тенденции развития секторальной структуры экономики // Проблемы теории и практики управления. – 1998. №2. – С. 31–32.



лик даражасига талаблар паст (савдо, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш ва бошқалар) бўлган гуруҳ⁵⁷.

5. Меҳнат муносабатларининг қонунийлик ҳолатига кўра, янги бандлик моделида бандлик расмий ва норасмий, шунингдек, ўз-ўзини иш билан таъминлаш (ўз бизнесини йўлга қўйиш, ўзини-ўзи бошқариш) шакллари бўйича фарқланади.



1-расм. Бандлик моделлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Эркин бозор муносабатларини шакллантириш жараёни юз бераётган мамлакатимизда меҳнат бозорини такомиллаштиришда юқорида кўриб ўтилган бандлик моделлари моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ташкилий-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш миллий меҳнат бозорининг халқаро меҳнат бозорига интеграциясини тезлаштириш, бандликка таъсир этувчи омилларни бошқариш ҳамда аҳоли самарали бандлигини таъминлаш имконини кенгайтиради.

Меҳнат бозорида юзага келаётган ўзгаришларни баҳолашда уларнинг трендларини аниқлаш ва трендлар асосида баҳолаш муҳим ҳисобланади. Аҳоли бандлигидаги тенденциялар ўзгаришини таҳлил қилиш учун расмий статистик маълумотларни ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг меҳнат бозори бўйича 2011–2020 йиллардаги асосий кўрсаткичлари ўрганиб чиқилди (1-жадвал).

⁵⁷ Алексеев А.Н. Концептуальные подходы к исследованию модели занятости // Интернет-журнал «НАУКОВЕДЕНИЕ» Том 7, №3 (2015) <http://naukovedenie.ru/PDF/177EVN315.pdf>

Ўзбекистонда 2011–2020 йилларда меҳнат бозорида аҳоли бандлиги
кўрсаткичларининг ўзгариши⁵⁸

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | | | | | | 2020 йилда 2011 йилдагига нисбатан ўзгариш (+, -) |
|---|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|--|
| | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | |
| Доимий аҳоли сони (минг киши) | 2955,4 | 2999,5 | 3049,8 | 3102,5 | 3157,3 | 32120,5 | 32656,7 | 33255,5 | 33905,2 | 34558,9 | 5003,5 |
| Меҳнат ресурслари сони (минг киши) | 17286,4 | 17564,3 | 17814,1 | 18048,0 | 18276,1 | 18488,9 | 18666,3 | 18829,6 | 18949,0 | 19142,3 | 1855,9 |
| Иқтисодий фаол аҳоли сони (минг киши) | 12541,5 | 12850,1 | 13163,0 | 13505,4 | 13767,7 | 14022,4 | 14357,3 | 14641,7 | 14876,4 | 14797,9 | 2256,4 |
| Иқтисодиётда бандлар сони (минг киши) | 11919,1 | 12223,8 | 12523,3 | 12818,4 | 13058,3 | 13298,4 | 13520,3 | 13273,1 | 13541,1 | 13239,6 | 1320,5 |

Жадвалдан кўринадикки, мамлакатимизда доимий аҳоли сони 2011 йилда 2955,4 минг кишини ташкил этган бўлса, 2020 йилда 34558,9 минг нафарга етган ва ўтган 10 йил давомида 16,9 %га ортган (ўсиш – 5003,5 минг киши). Меҳнат ресурслари сони эса 2011 йилдаги 17286,4 минг кишидан 2020 йилда 19142,3 минг кишига етган ва ўтган даврда 10,7 %га ортган (ўсиш – 1855,9 минг киши).

Меҳнат ресурслари сонидagi иқтисодий фаол аҳоли сони 2011–2020 йиллар давомида 18,0 %га ортиб (ўсиш – 2256,4 минг киши), 12541,5 минг кишидан 14797,9 минг кишига етган. Иқтисодий фаол аҳоли таркибидagi иқтисодиётда банд аҳоли сони ҳам барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2011–2020 йилларда ушбу кўрсаткич 11919,1 минг кишидан 13239,6 минг кишига етган ва 11,1 %га ўсган (ўсиш – 1320,5 минг киши).

Меҳнат бозори кўрсаткичларининг таркибий ўзгариши бўйича статистик таҳлил кейинги 10 йил давомида алоҳида кўрсаткичлар бўйича ўзига хос ўзгаришлар юз берганлигини кўрсатади.

Жумладан, иқтисодий фаол аҳоли сонининг доимий аҳоли сонидagi (0,4 %) ва меҳнат ресурслари сонидagi (4,8 %) улуши, иқтисодиётда бандлар сонининг меҳнат ресурслари сонидagi улуши (0,2 %) барқарор ўсиб бориши билан бирга, меҳнат ресурслари сонининг доимий аҳоли сонидagi улуши (-3,1 %), иқтисо-

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

диётда бандлар сонининг доимий аҳоли сонига (-2,0 %) ва иқтисодий фаол аҳоли сонига улуши (-5,6 %) пасайганлигини кўрсатади.

Юқоридаги таҳлилларда кўрилган умумлашган кўрсаткичлар бандлик ҳолатида юзага келаётган муаммоларнинг илдинини етарли даражада очиб бера олмалигини эътиборга олган ҳолда аҳоли бандлиги ҳолатини мамлакат ҳудудлари ҳамда миллий иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари кесимида таҳлил қилишга ҳаракат қилинди. Умуман олганда, таҳлиллар шуни кўрсатадики, миллий меҳнат бозорида самарали бандликни таъминлаш, тармоқ ва ҳудудлар кесимида бандларни энг мақбул ҳолда тақсимлаш ҳамда бандлик жараёнларига таъсир этувчи омилларни самарали бошқаришда юқорида ажратиб кўрсатилган ўзгариш тенденцияларини ҳисобга олиш муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//“Халқ сўзи” газетаси, 30 декабр 2020 йил № 275–276 (7746–7747)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947 сонли Фармони” 2017 йил, 7 февраль. gov.uz
3. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2020 йил яқунлари бўйича статистик ахборотномаси маълумотлари
4. Седлак М. Тенденции развития секторальной структуры экономики // Проблемы теории и практики управления. – 1998. №2. –С. 31–32
5. Алексеев А.Н. Концептуальные подходы к исследованию модели занятости // Интернет-журнал «НАУКОВЕДЕНИЕ» Том 7, №3 (2015) <http://naukovedenie.ru/PDF/177EVN315.pdf>
6. *World Employment and Social Outlook: Trends 2019. International Labour Office.* – Geneva: ILO, 2019. pp. 11–12, 84–85.

КОРХОНАЛАР БРЕНДИНГ ФАОЛИЯТИДА РАҚАМЛИ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Д.Б.Мейлиева,

“Менежмент ва маркетинг” кафедраси ассистенти, ТДИУ

Д.Ю.Матризаева,

“Менежмент ва маркетинг” кафедраси доценти, ТДИУ

Аннотация: Рақамли медиа аънаввий ва оммавий ахборот воситаларига нисбатан аудитория билан сифат жиҳатидан янги коммуникацияни таъминлаб, глобал ва маҳаллий брендлар учун стратегик аҳамиятга эга бўлган воситага айланган. Биз рақамли муҳитда реклама коммуникацияларини стратегик режалаштиришнинг асосий босқичларини кўриб чиқдик, интернет реклама каналлари ва воситаларига алоҳида эътибор қаратдик. Рақамли муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари туфайли босқичларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Мақола илмий тадқиқотларга, шунингдек муаллифнинг реклама тажрибасига асосланган.

Таянч иборалар: рақамли медиа; янги оммавий ахборот воситалари; стратегик режалаштириш; коммуникация стратегияси; реклама; бренд коммуникацияси; интернет; интернет коммуникацияси; рақамли воситалар; рақамли коммуникация.

Аннотация: Цифровые медиа стали инструментом, имеющим стратегическое значение для мировых и локальных брендов, обеспечивая качественно новое общение с аудиторией по сравнению с традиционными и масс-медиа. Мы рассмотрели основные этапы стратегического планирования рекламных коммуникаций в цифровой среде, уделив особое внимание каналам и инструментам интернет-рекламы. Благодаря уникальным характеристикам цифровой среды каждый из этапов имеет свои особенности. Статья основана на научных исследованиях, а также на рекламном опыте автора.

Annotation: Digital media has become a tool of strategic importance for global and local brands, providing a qualitatively new communication with the audience compared to traditional and mass media. We have reviewed the main stages of strategic planning of advertising communications in the digital environment, paying special attention to Internet advertising channels and tools. Due to the unique characteristics of the digital environment, each of the stages has its own characteristics. The article is based on scientific research as well as the author's advertising experience.


Қириш. Дунё бўйлаб интернетдан фойдаланувчилар сони йил сайин ўсиб бормоқда ва интернет аудиториясининг ўсиши билан бир қаторда, глобал электрон тармоқда реклама бозори тезлашмоқда. Интернет рекламанинг янги шакллари пайдо бўлиши ва ривожланиши компанияларга сифат жиҳатидан янги босқичга ўтишга ҳамда кўшимча рақобатдош устунликларга эга бўлишга имкон беради. Шу билан бирга корхоналар фаолиятида маркетингда фойдаланишда турли стратегиялар ишлаб чиқиш, корхонанинг келгусидаги ривожига ҳисса қўшади. Ҳар бир корхона ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотини бозорга тақдим этиш, намоён қилишида албатта рекламага мурожат қилади. Бу эса корхона фаолиятини юқори чўққиларга олиб боришида бевосита хизмат қилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Корхоналар брендинг фаолиятида

рақамли маркетинг стратегияларидан фойдаланиш доирасидаги кенг қўламли илмий тадқиқотлар хорижлик иқтисодчи олимлар Lasswell Н, Моисеева А.П., Шарков Ф. И., Уразова С. А, Харитоновна В. Н [1] ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Мамлакатимиз корхоналарининг бозор фаолиятини тадқиқ этишда бозор иштирокчилари ва харидорлар билан боғлиқ муносабатлар, корхоналар брендинг фаолиятида рақамли маркетинг стратегиясини шакллантиришда ички ва ташқи маркетинг муҳитининг ўрни билан боғлиқ муносабатларнинг илмий-назарий асослари иқтисодчи олимлардан Ш.Эргашходжаева, М.Икрамов, А.Абдухалилова, Ш.Мустафакулов, З.Хакимов [2] ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда фойдаланувчиларнинг эътиборини жалб қилиш учун рақобат жуда юқори, шунинг учун компаниялар маҳсулот ёки хизматни илгари суриш учун муваффақиятли интеграциялашган алоқа стратегиясини ишлаб чиқиш учун махсус ҳаракатларни амалга оширишга мажбур. Коммуникация жараёни схематик равишда америкалик тадқиқотчи Г. Лассуэлл томонидан тақлиф қилинган ҳаракатларнинг универсал кетма-кетлиги шаклида ифодаланиши мумкин (1-расм).



Кодлаш Қайта кодлаш

1-расм. Гарольд Лассуэллнинг коммуникация модели

Ушбу модел коммуникацияни маълум бир алоқа воситалари ёрдамида қабул қилувчига етказадиган ва шу билан аниқ таъсирга эришадиган жараён сифатида тушунтиради. Реклама мулоқотида воқеликни ифодалашнинг турли шакллари восита сифатида ҳаракат қилади.

Таърифларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, “коммуникация” атамаси учта асосий талқинга эга:

- ахборот, билимларни бир шахсдан бошқасига ўтказиш жараёни, маълумот манбасидан қабул қилувчига бўладиган жараён;
- ушбу жараённинг таркибий асоси бўлган алоқалар ва муносабатлар тўплами (коммуникация таъсир қилиш воситаси сифатида қаралади);
- жамият ва унинг таркибий қисмларига таъсир ўтказиш мақсадида маълумотларни узатиш ва алмашиш.

Демак, коммуникация - бу турли хил маълумотларни яратиш, узатиш ва қабул қилиш имконини берадиган ўзаро таъсир жараёни ва алоқа усуллари ҳисобланади. Реклама нуқтани назардан коммуникация - ахборотни узатиш жараёни бўлиб, унинг мақсади жўнатувчи томонидан берилган жавоб бўлиб, хабарни қабул қилувчини хабар манбаи сифатида ишлайдиган реклама берувчига фойдали ҳаракатларни қилишга ундайди.

Реклама амалиётида коммуникация стратегиясининг асосий вазифаси брендни ривожлантириш учун ахборотни қўллаб-қувватлашдир. Коммуника-

ция стратегияси жойлашишни аниқлаш, ижодий стратегия ва медиа стратегиясига асосланган бўлиб, у мақсадли аудиторияга таъсир ўтказиш учун энг самарали воситалар тўплами ва ушбу воситалардан фойдаланишнинг аниқ дастуридир. Коммуникация стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадли аудиториянинг афзалликлари ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда бозорнинг ҳақиқий эҳтиёжлари асосида амалга оширилади. Коммуникация стратегиясини ишлаб чиқишнинг мақсади истеъмолчи ва бренд ўртасидаги ўзаро алоқаларни бошқариш, истеъмолчи ва бренд ўртасида самарали ҳамда башорат қилинадиган алоқани шакллантириш ва истеъмолчининг фикри, вақт ва бозор талабларига мувофиқ брендни такомиллаштиришидир. Коммуникация стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнида вазифалар таҳлиа қилинади, асосий хабар (key message) ва алоқа мақсади шаклланади, асосий элементлар аниқланади, уларнинг ёрдамида мақсадли аудитория вакилларига самарали хабар етказилади. Реклама нафақат ушбу асосий хабарни мақсадли аудиторияга етказиши, балки харидорни ушбу маҳсулот ноёб ва сотиб олишга арзийдиганлигига ишонтириши керак.

Демак, коммуникация стратегияси - бу бозорни таҳлил қилиш, жойлашишни аниқлаш, самарали воситалар ва реклама каналларини танлаш ва ниҳоят, ёрқин ижодий ечимларни ўз ичига олган брендни илгари суриш бўйича пухта ўйланган ва режалаштирилган ҳаракатлар режасидир. Ҳар қандай коммуникация стратегиясининг ўзгармас элементлари мавжуд - бу алоқа мақсадлар, мақсади аудитория, алоқа хабари, реклама воситалари ва манбалари.

Интернетда коммуникация стратегиясини режалаштиришнинг ўзига хос хусусияти интернетнинг коммуникатив муҳити билан белгиланади. Биз интернетни жойлаштириш учун қўшимча канал сифатида эмас, балки ноёб восита сифатида кўриб чиқамиз, шунинг учун интернетда стратегияни режалаштириш - бу онлайн майдонда имконият ва ресурсларни бирлаштиришидир. Шундай қилиб, биз интернетда коммуникация стратегиясини режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятларининг мавжудлиги ёки йўқлиги тўғрисида хулоса қилишимиз мумкин, бу нафақат режалаштириш жараёнининг босқичларидан ўтиш, балки ушбу стратегияни яратишга умумий ёндашиш ва параметрлар асосида мутахассис уни ишлаб чиқади.

Шунингдек, реклама компаниясининг натижаларини билвосита медиа кўрсаткичлари бўйича текшириш мумкин. Классик аналитикада оммавий ахборот воситалари билан алоқалар сони ва фойдаланувчининг ҳаракатлари (ёқтиришлар, изоҳлар, репостлар, қарашлар ва бошқалар) учун рақамлар келтирилган. Бу ерда ҳамма нарса оддий туюлиши мумкин, аммо фақат тажрибаи медиа жамоаси ушбу маълумотларнинг ҳажмини шарҳлай олади, чунки улар ўзлари ҳеч нарса бермайдилар. Қайси кўрсаткичлар билан таққослашни билмасангиз, видеоларни кўриш сони ҳеч нарсани аниқламайди. Масалан, биз 5 марта томоша қилинганда видео хабарни етказа бошлайди ва тўғри идрокни шакллантиради. Ушбу тахмин бизни алақачон кўриш сони маълумотларини изоҳлашга яқинлаштирмақда.

Муаммо фойдаланувчиларни рақамли ҳаракатларга ундаш бўлиши мумкин. Бундай ҳолда, уларнинг ҳаракатларини таҳлилий воситалар ёрдамида кузатиб бориш мумкин: сайтдаги ҳаракатлар (шу жумладан кўнғироқларни кузатиб бориш технологиялари ёрдамида кўнғироқлар), жамоатчилик, мобил дастур ва ҳатто баннер ичида. Бундай ҳолда сиз аналитик воситаларни олдиндан ўр-



натишингиз ва натижада олинган миқдорий қийматларни sanoat, mijoz va ўзингизнинг тажрибангиз маълумотлари асосида шарҳлашингиз керак. Самардорликни баҳолаш кўплаб заиф томонларга эга. Масалан, рақамли ва бошқа каналларнинг умумий натижага кўшган ҳиссасини қандай аниқлаш мумкин ёки турли хил рақамли воситаарнинг ҳиссасини қандай баҳолаш мумкин? Бунинг бир неча усуллари мавжуд:

- эконометрик моделлар;
- тадқиқот техникаси;
- билвосита кўрсаткичлар бўйича;
- эксперт-субъектив модел;
- аналитик кўрсаткичларда атрибут моделлари.

Рақамли рекламада алоқа стратегиясини қўллашнинг юқоридаги йўналишлари асосида сиз самарали реклама компаниясини ўтказишингиз мумкин:

- тўғридан-тўғри рақобатчилар орасида ҳам, умуман бутун тоифада ҳам маҳсулотни осон ва тезкор идентификациясини таъминлаш. Қоида тариқасида, ушбу босқичда товарнинг ташқи кўринишига, унинг қадоқлаш ва реклама материалларига катта эътибор қаратилади, уларнинг ёрдамида бренд ўз аудиториясига асосий хабарни етказишга интилади;

- рационал ёки ҳиссий мотивлар орқали истеъмолчига маълум бир маҳсулотга бўлган эҳтиёжни тез ва аниқ етказиш. Баъзи ҳолларда, бундай «аргументация» сўзма-сўз маънога эга бўлиши ва маҳсулотнинг ҳақиқий тасвири бўлиши мумкин (масалан, унинг энг катта ва энг жозибали қиёфаси); бошқа ҳолатларда истеъмолчи онгида мавжуд бўлган тасвирлар ва стереотиплар тили ишлатилади (масалан, премиум парфюмерия учун қадоқлаш дизайни);

- тўғри танлов туйғусини яратиш. Товар дунёсига кириб (қадоқлаш ёки реклама билан шуғулланиш) истеъмолчи ўзи учун танланганлиги тўғрилигига ишонтирадиган янги, кўшимча реклама далилларини топиши керак, бу маълум реклама элементлари (сифат белгилари, профессионал тавсиялар ва бошқалар) мавжудлигида ифодаланган;

- қарор қабул қилиш, маҳсулотни сотиб олиш ёки уни тузатиш босқичида истеъмолчини қўлаб-қувватлаш. Ҳар қандай самарали қабул қилинадиган ва яхши эсда сақланадиган ҳар қандай ахборот блоклари (масалан, кўшимча фойда ва имтиёзлар ҳақида хабар) бундай аргументал «қўлаб-қувватлаш» вазифасини ўташи мумкин.

Тадқиқот натижалари:

1. Ахборот технологияларининг ривожланиши умуман реклама коммуникациялари соҳасида қўллаш учун катта имкониятларга эга. Бу ҳар бир босқичда эҳтиёткорлик билан стратегик режалаштиришни талаб қилади.

2. Реклама соҳаси истеъмолчиларга самарали таъсир ўтказиш учун реклама алоқаларининг барча имкониятларидан фойдаланишга интилади. Бугунги кунда тижорат мақсадларида турли хил реклама воситаларидан фойдаланиш одатий ҳолга айланиб бормоқда, чунки бу тингловчилар билан алоқа ўрнатишда юқори натижаларга эришишга имкон беради.

3. Турли аудиторияларда рақамли реклама учун турли хил каналлар ва воситалар турли хил ишлайди, бу стратегик режалаштириш босқичида ҳисобга олиниши керак.

4. Воситалар тўпламини танлаш мақсадли аудитория параметрлари ва айрим интернет сайтларидаги фаолиятни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Ушбу хусусиятлар асосан рақамли муҳитнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлиб, уларни чуқур ўрганиш ва улардан фойдаланишда реклама мутахассиси учун зарурдир, чунки «рақамли технологияларни ўзлаштириш - бу ахборот жамиятининг белгисидир».

Хулоса қиламизки, коммуникация стратегиясини амалга ошириш асосан технологиялар ва медиа ташувчилар арсеналини ривожлантириш билан белгиланади. Мавжуд хилма-хиллик, шунингдек, янги реклама форматларининг пайдо бўлиши реклама материални янада кўринадиган, сифатли ва шу сабабли самаралироқ қилишга имкон беради. Замонавий технологиялар бир қатор ўзгача воситаларга эга, шунинг учун улар реклама алоқаларида қўлланилади. Шундай қилиб, бутунги технологиялар реклама расмларини журнал ва газеталарда босма реклама доирасидан ташқарига чиқиб, виртуал муҳитга ўтишга имкон берди ва шу билан таъсирнинг коммуникация муҳитини кенгайтди. Умуман ахборот технологиялари ва хусусан мултимедиа технологияларининг ривожланиши стратегик фаолиятда реклама коммуникацияларидан фойдаланиш учун катта имкониятларга эга. Замонавий реклама технологиялари ахборотни етказишнинг энг ифодали воситаларидан фойдаланган ҳолда маҳсулот қиёфасини очиб беришга имкон беради. Шундай қилиб, реклама соҳаси истеъмолчига самарали таъсир ўтказиш учун реклама алоқаларининг барча имкониятларидан фойдаланишга интилади. Қийёсий таҳлил шуни кўрсатадики, умуман интернетдаги умумий коммуникация стратегияси ва стратегиясини режалаштириш босқичлари бир-бирига тўғри келади.

Хулоса қилиш мумкинки, режалаштириш босқичларини амалга ошириш учун турли хил техника ва усуллардан фойдаланилганига қарамай, коммуникация стратегиясини қуриш умумий қонуниятларга эга, аммо медиа муҳитнинг ўзи туфайли бир қатор фарқлар мавжуд. Биринчидан, брендни игари суриш учун мақсад ва вазифаларни белгилашда рақамли муҳитнинг ноёб имкониятлари билан боғлиқ фарқлар мавжуд. Иккинчидан, рақамли муҳитдаги ноёб сотиш таклифи (НСТ) товар ёки маҳсулотнинг умумий НСТдан фарқ қилиши мумкин. Бу бутун дунё сайтида фойдаланувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг интернетда реклама қилишларига бўлган талаблари ва тахминлари билан боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Lasswell H. *The Structure and Function of Communication in Society // The Process and Effects of Mass Communication. Chicago, 1971. P. 40.*
2. Моисеева А. П. *Коммуникационный менеджмент : учеб. пособие / Ин-т культуры и глобализации Ольборгского ун-та, 2011.*
3. Шарков Ф. И. *Основы теории коммуникации. М., 2002.*
4. Харитонов В. Н. *Управление знаниями как инструмент обеспечения стратегической конкурентоспособности // Финансы и кредит. 2016. № 31. С. 43–44.*
5. Уразова С. А. *Реклама в цифровой среде // Техника кино и телевидения. 2004. С. 59.*
6. Ш.Эргашходжаева. *Инновацион маркетинг. Т-2014., М.Икрамов, Л.Абдухалимова маркетинг тадқиқотлари. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2017. -145 б.,*
7. Ш.Мустафоқулов, З.Хакимов. *Кичик бизнес учун маркетинг бўйича қўлланма. Т-2019. – 38 б.*



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ КЛАСТЕРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСИДА ИШ БИЛАН БАНДЛИКНИ ОШИРИШ

А.Х.Баев,
катта ўқитувчи, ТДИУ

Аннотация: Мақолада қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашда қишлоқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни ташкил этишни аҳамияти ёритилган, давлат-хусусий шерикчилиги асосида кадрларни тайёрлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда яратиладиган иш ўринлари йўналишлари таклиф этилган.

Таянч иборалар: кластер, агрокластер, самарадорлик, озиқ-овқат, иқтисодий, молиявий, замонавий, технология, инновация, интенсив, экспорт, импорт, маҳсулот.

Аннотация: В статье подчеркивается важность организации производства и переработки сельскохозяйственной продукции в обеспечении занятости сельского населения, предлагаются направления обучения на основе государственно-частного партнерства и рабочих мест, создаваемых в сфере производства и переработки сельскохозяйственной продукции.

Abstract: The article highlights the importance of organizing the production and processing of agricultural products in the employment of the rural population, offers areas for training on the basis of public-private partnership and jobs created in the production and processing of agricultural products.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш кластерлари, аввало шу тармоқ ичидаги рақобатга маҳаллий ва жаҳон бозорларида бардош беради. Шунинг учун иқтисодий инновацион тараққий этиришда, айниқса иқтисодий ривожланишнинг анъанавий усуллари етарли даражада фойда бера олмаётган ҳозирги даврда, кластер назариясини амалиётга тадбиқ этиш мақбул йўл ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш усулларида бири сифатида кластер усулидан кенг фойдаланилади. Кластер стратегияси Европа Иттифоқи томонидан кенг тарғиб қилинади. Еврокомиссия иттифоқ ҳудудида кластер ривожланишини янада қўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан пахта-тўқимачилик кластерларини ўрта муддатли истиқболда ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилган. 2018 йил 25 январда эса Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ республика ҳудудларида 16 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил қилиниб, уларга фермер хўжаликларининг қарийб 159 минг гектардан ортиқ экин майдони бириктирилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш кластерининг шаклланишида давлатнинг роли муҳим ўрин тутди. Агар дастлаб кластерлар фақат бозорнинг кўринмас кўли туфайли аввало, трансмилий компанияларни замонавийлаштиришда ташкил этилган бўлса, кейинги вақтда кўпгина мамлакатларнинг ҳукуматлари бу жараёнга сезиларли даражада таъсир этгани ҳолда уларга ёрдам бермоқда. Кластер стратегияси жозибадорлиги, йўналишларнинг турли-туманлиги боис инновацион кластерларни давлатнинг ўзи шакллантиришини тақозо этмоқда. Дунё бўйича пандемия оқибатида очарчиликдан қийналаётган аҳоли сони ҳозиргидан 2 баробарга ошиб, 1 миллиард 600 миллионга етади. FAO тадқиқотларига кўра, ер шарида 820 миллиондан ортиқ киши тўйиб овқатланмасликдан қийналади ва бу кўрсаткич 2050 йилга бориб 2 миллиардга етиши мумкин; дунё аҳолисининг ҳар учтадан биттаси тўлақонли рацион асосида овқатлана олмайди; дунё бўйича 5 ёшгача болалар ўлимининг 45 %и тўйиб овқатланмаслик натижасида юз беради ва ҳар йили 3,1 миллион бола шу сабабли оламдан ўтади⁵⁹.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш кластерларини шакллантириш масаласи мамлакат миқёсида эмас, балки минтақалардаги аниқ иқтисодий-ижтимоий шарт-шароитлар асосида, кластер назариясининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилаётган энг оқилона йўللاردан биридир.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш кластерининг яратилиши куйидаги мақсадларга қаратилаган:

- таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш ва давлатнинг қишлоқ хўжалигида иштирокини камайтириш;

- агросаноат комплексини инновацион усулда ривожлантиришнинг интеграциялашган кластер тизимини яратиш учун хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш;

- пахта хомашёсини етиштиришга самарали усулларни жорий этиш ва қишлоқ хўжалик хомашёсини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш асосида янги иш жойларини яратиш;

- аграр соҳада ишлаб чиқариш самарадорлигини ва меҳнатга ҳақ тўлашни ошириш асосида қишлоқ аҳолисининг меҳнат даромадларини ошириш.

Ушбу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш кластерининг пировард мақсади – юқори кўшимча қийматга эга, рақобатбардош ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ва шу асосида ҳудудлардаги кўпгина муаммолар – меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш, бюджетни тўлдириш, экспорт имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий масалаларни ҳал этишдан иборатдир.

⁵⁹ <http://www.fao.org/sustainable-development-goals>



Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш кластери нафақат енгил саноатни, балки ўз йўлида қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, фармацевтика, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби ўнлаб тармоқларни ҳам қамраб олади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг самарадор усуллари излаш зарурати яна шу билан изоҳланадики, Ўзбекистон шароитида ернинг маҳсулдорлиги имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаган.

Ўзбекистон ва ривожланган хорижий мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигидаги айрим кўрсаткичлар таққосланса, бу яна бир бор ўз тасдиғини топади. Масалан, 16 миллион киши истиқомат қилувчи ва 1,038 миллион гектар экин майдонлари бўлган Голландияда 131 миллиард долларлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилгани ҳолда, 35 миллионлик аҳолиси ва 4,4 миллион гектарлик экин майдонларига эга Ўзбекистонда эса, бу кўрсаткич бор-йўғи 13,2 миллиард долларни ташкил қилади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноатида вертикал интеграциялашган тизим самарали ва рақобатбардош бўла олади, бу тизим пахта хомашёсини етиштириш ва дастлабки ишлов беришдан бошлаб, то уни корхоналарда кейинги қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотга айлантиришгача бўлган жараёнларни ўз ичига олади. Мамлакатимизда етиштирилаётган сабзавот маҳсулотларининг бор-йўғи 3-4 фоизи, меванинг 11 фоизи экспорт қилинмоқда. Демак, бу борада ҳам ҳали ўрганилиши, жорий этилиши зарур бўлган жиҳатлар мавжуд. Мева маҳсулотлари экспорти бўйича юқори кўрчаткич АҚШ, Испания ва Мексика давлатларига тўғри келса, сабзавот маҳсулотлари бўйича Хитой, Голландия ва Испания давлатларига тўғри келмоқда. Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларининг ички истеъмол билан экспортга чиқарилиши орасидаги фарқни таҳлил қиладиган бўлсак, сўнгги йилларда ўртача 52,8% дуккакли маҳсулотлар экспортга, қолгани ички истеъмолга, узум 13,2%, мева 9,6%, сабзавот 4,6%, полиз 1,7% экспортга, мос равишда қолгани ички истеъмолга йўналтирилмоқда⁶⁰.

Иқтисодиётда янгича, замонавий ёндашувларни жорий этмасдан туриб, юқори қўшимча қийматга эга рақобатбардош маҳсулот яратишни тасаввур қилиб бўлмайди.

Миллий иқтисодиётимиз учун янги бўлган, саноатнинг илғор турли кластер схемасини яратиш ва жорий этиш асосида “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш – қайта ишлаш – тайёр маҳсулот” шаклидаги ёпиқ занжирдан иборат, юз фоиз чиқитсиз ишлаб чиқариш объектини ташкил этиш кўзда тутилган. Бу ерда сўз нафақат қишлоқ хўжалигида анъанавий тарзда хомашё етиштириш ҳақида, балки уни қайта ишловчи, ёғ-экстракция ва бошқа корхоналарда бирламчи хомашёни қайта ишлаб, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар яратиш ҳақида бормоқда. Бунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи

⁶⁰ Saidov M., Ochilov I., Khasanov N, Muratova M. Peculiarities of Organization of Modern Clusters In Field of Fruit and Vegetable Production // International Journal of Advanced Scientific and Technology, Volume 29 №8, 2020, Scopus. - PP 3244-3253.

ва ёг-экстракция корхоналарида ҳосил бўладиган иккиламчи маҳсулот кейинчалик чорвачилик комплексида ишлатилади, чорвачилик комплексининг чиқитлари эса – биогаз қурилмасида иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқаришга сарфланиб, кейинчалик сабзавот ва кўкатлар етиштиришга мўлжалланган замонавий иссиқхоналарга узатилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш кластерларини яратиш олим ва иқтисодчилар, қишлоқ хўжалиги, sanoat ходимлари, дизайнерлар салоҳияти, илғор тажрибасини ягона мақсад йўлида бирлаштиришни тақозо қилади. Шу боис янги лойиҳани ишлаб чиқишда нафақат Ўзбекистонлик, балки хорижлик етакчи олимлар, илмий-тадқиқот марказлари ходимлари, мутахассислари ҳамда тадбиркорлар билан маслаҳатлашиш зарур. Шу ернинг ўзиде илмий-техник кенгаш, илмий марказ ва кадрлар тайёрлаш бўйича кенгаш тузиш мақсадга мувофиқ.

2019-2021 йилларда кластерлар ва уларнинг ҳамкорлари (фермер хўжаликлари) томонидан 394,3 минг гектар майдонлар қайта фойдаланишга киритилди. 256 минг гектар ер майдонларида сув тежовчи технологиялар жорий этилди.

Хулоса ўрнида, Ўзбекистон иқтисодиётида аграр соҳа ва кластерлар фаолияти таҳдидлини такомиллаштириш учун қуйидагиларни тавсия этамиз:

кластерлар назариясини тадқиқ этиш асосида кластерлар фаолиятини таснифлаш ҳамда уни ташкил этиш ва илмий-услубий жиҳатдан такомиллаштириш;

кластерлар фаолиятининг ташкилий-иқтисодий ва молиявий механизмлари самарадорлигини баҳолаш тўғрисидаги қарашларларни таҳлил қилиш;

кластерлар фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш;

кластерлар фаолияти молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ҳамда уларни таҳлил қилиш услубиётини такомиллаштириш;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармогини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4549-сон Қарори.*

2. Saidov M., Ochilov I., Khasanov N, Muratova M. Peculiarities of Organization of Modern Clusters In Field of Fruit and Vegetable Production // *International Journal of Advanced Scientific and Technology, Volume 29 №8, 2020, Scopus.* - PP 3244-3253

3. Фролова О.А. Агрпромышленные кластеры: российская модель/ *Вестник НГИЭИ* <https://cyberleninka.ru/article/n/agropromyshlennye-klastery-rossiyskaya-model>.

4. Очилов И.С., Файзуллаев Ш. *Ўзбекистон иқтисодиётида давлат хусусий шериклик ва маркетинг масалалари. Biznes-Эксперт, №5.- Тошкент: 2019. –Б 23-29.*

5. Saidov M., Ochilov I., Yangibaev H. Cluster - An Innovative Structure Based on High Technologies in the Economy of Uzbekistan // *Solid State Technology Volume: 63, Issue: 4, Publication Year: 2020 Scopus.* - PP 205-212.



ҚўШИЛГАН ҚИЙМАТ ЯРАТИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР ВА УЛАРДАН ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ш.Ю.Азизов,
Ассистент, ТДАУ

Аннотация: Майда товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектлар у ёки бу мамлакатнинг миллий иқтисодиётида ўзига хос муҳим ўрин тутади. Бироқ, уларнинг таркиби, ташкилий-ҳуқуқий мақоми ва номланишининг бир-биридан фарқ қилишини эътиборга олган ҳолда мазкур хўжалик юритиши субъектларида қўшилган қиймат яратиши босқичлари, манбалари ва уни занжир иштирокчилари улушига мос равишда ҳисоблаш ва тақсимлаш усулларига оид хорижий тажрибаларни ўрганиши мақсадга мувофиқ.

Таянч иборалар: Деҳқон хўжаликлари, қўшилган қиймат, хорижий тажриба, бозор конъюктураси, рақобат, кооператив, кооперация, инфратузилма.

Аннотация: Мелкие товаропроизводители играют важную роль в национальной экономике страны. Однако, учитывая различия в их составе, организационно-правовом статусе и номенклатуре, целесообразно изучить зарубежный опыт этапов создания стоимости в этих бизнесах, источники и методы ее расчета и распределения в соответствии с долей цепочки. участников.

Abstract: Small commodity producers play an important role in the national economy of a country. However, taking into account the differences in their composition, organizational and legal status and nomenclature, it is advisable to study foreign experience in the stages of value creation in these entities, sources and methods of calculating and distributing it in proportion to the share of chain participants.

Кириш.

Маълумки, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш даставвал натурал хусусият касб этиб, уларни асл ҳолда бирламчи нарҳда харид қилиш қўшимча қиймат, яъни оддий қилиб айтганда ишлаб чиқариш харажатлари чегириб ташлангандан кейин қолган қиймат (фойда)ни вужудга келтиради. Қўшилган қиймат эса қўшимча қийматдан фарқи равишда асл (натурал) ҳолдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини фақат кейинги технологик босқичларда истеъмол товарлари сифатида истеъмолчи гуруҳларга етказиш занжирида қатнашувчи субъектлар ўртасида содир бўладиган муносабатлар жараёнида шаклланади. Шу жараёнга мос равишда қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳажми ва фаолият йўналиши бозор конъюктураси ҳамда истеъмолчилар талабларига мос равишда ўзгариш тенденциясига мойил бўлади. Яъни, бозор иқтисодиёти шароитида миқдор ва сифат жиҳатдан истеъмолчи (харидор)лар учун ҳаётий зарур бўлган товарлар ишлаб чиқариш қўшилган қиймат яратиладиган занжир ҳар бир иштирокчи субъекти олдидаги асосий мақсадга айланади.

Таъкидлаш жоизки, турли мамлакатларда ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатларининг ривожланиш даражасига мос равишда хўжалик юритиш шакллари танланган бўлиб, улар бозор иқтисодиёти ва рақобатлари шароитида маҳсулот (товар, хизмат) ишлаб чиқариш жараёнларидаги ўзаро муносабатлар занжирида биринчи навбатда ўз манфаатлари доирасида фаолият ташкил этишга асосий эътибор қаратади. Таҳлилларнинг кўрсатишича, ҳозирги даврда деярли барча давлатларда асосан майда товар ишлаб чиқарувчи субъектлар, яъни, фермер, деҳқон хўжаликлари (крестьянские хозяйства) ва бошқа уй хўжалиги субъектлари ҳамда уларнинг ихтиёрий равишда ўзаро келишган ҳолда ташкил этаётган турли шаклдаги кооперативлар фаолият юритмоқда.

Масалан, Украина давлатида сўнги йилларда бошқа хўжалик юритиш шакллари билан бир қаторда ҳажм жиҳатдан кичик, тарқоқ ва молиявий заиф деҳқон (крестьян) хўжаликларини ривожлантиришга доир қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тасарруф этиш бўйича уларга ҳам эркин ва мустақил фаолият юритишларига замин яратди. Жумладан, уларда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишдаги қийинчиликларни бартараф этишга қисман бўлсада эришилди. Лекин, шу билан бирга ишлаб чиқариш жараёнида уруғлик, техника, ўғит ва бошқа турдаги зарурий моддий-техника ресурслари билан таъминлаш тизимида иқтисодий алоқаларнинг номукаммаллиги ва ишлаб чиқарувчиларда бозор иқтисодиёти билан боғлиқ билим ва кўникмаларнинг етишмаслиги айрим муаммоларни келтириб чиқарди.

Буларни ҳал қилишда ҳукумат томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар билан бир қаторда, энг эътиборли томони шундаки, майда товар ишлаб чиқарувчилар шахсий ташаббуси ва оқилона ёндашишлари туфайли ўз иқтисодий ҳолатларини яхшилаш мақсадида ихтиёрийлик тамойилига асосланган ҳолда ҳамкорликда фаолиятни ташкил қилишга асосий эътибор қаратаётганликларини алоҳида эътироф этиш лозим. Украинанинг Полтава областидаги Глобино қишлоғи ҳудудида ўзаро яқин жойлашган крестьян хўжаликлари кооператив тузиш орқали мавжуд муаммоларни тезкор ва оқилона ҳал қилиш имкониятларини яратдилар. Мазкур ҳудудда фаолият юритаётган крестьян хўжаликлари асосан дон ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, бундаги асосий муаммолардан бири етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йиғиб олиш, сақлаш, қайта ишлаш ва мақбул нархларда сотиш орқали қўшилган қийматни кўпайтиришдир.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, олдинги жамоа хўжаликлари ўзларида етиштирган маҳсулотларни сақлаш учун ўз омборлари, бошқа инфратузилма объектлари ва шартнома асосида кафолатланган, ишончли, доимий сотиб олувчи харидорларига эга эди. Бироқ, крестьян хўжаликларида бундай шароитнинг йўқлиги сабабли улар жамоа хўжалиги омборларида ўзлари учун қийин шартларда сақлашга, ишончсиз қўлларга топширишга ёки бўлмаса маҳсулотни ҳосил йиғилган даврда номақбул нархларда сотишга мажбур эдилар. Шу боисдан, майда товар ишлаб чиқарувчилар тоифасига кирувчи крестьян хўжаликлари



ушбу муаммоларни кооперативлар ташкил этиш орқали ҳал эта бошладилар. Ушбу кооперативлар даставвал крестьян хўжаликларида етиштирилган ҳосилни сақлаш масаласини ҳал этиш мақсадида шу ҳудуддаги ишламаётган омукта ем ишлаб чиқарувчи заводни ижарага олиб, кооператив ишини йўлга қўйди. Кооперативнинг бошланғич устав жамғармаси ташкилий босқичда аъзолик бадаллари, яъни, ҳар бир таъсисчи аъзо томонидан киритилган 1000 гривен. миқдордаги бадаллар ҳисобига шакллантирилди ва фаолият бошлаш учун штат жадавали асосида мутахассис ва ишчи ходимлар жалб этилди. Шуниси диққатга сазоворки, масалан, илгари ҳосилни сақлаш имконияти йўқ крестьянлар ўрим-йигим пайтида бугдойнинг ҳар бир тоннаси 260 гривенга сотган бўлсалар, кооператив таркибида улар кейинги йилларда бир тонна бугдойни ўртача олганда ноябр ойида 500 гривендан, навбатдаги ишлаб чиқариш йилидан олдин, масалан, март ойида эса 900 гривендан, яъни, ноябр ойида кооперативдан олдинги нархларга нисбатан 240 ва март ойида эса 640 гривен юқори баҳоларда сотишган. Демак, ташкил этилган кооперативлар маҳсулотни бирга тайёрлаш, сақлаш, ташиш, сотиш, ҳаттоки экспорт қилиш ишларини комплекс тарзда ва яхлит технологик тизим доирасида амалга ошириш орқали маҳаллий бозорлардаги нарх ўзгаришига ҳам ўз таъсирини кўрсатган ва кооператив аъзоларига катта даромад олиш, демак, қўшилган қиймат яратиш имконини берган.

Бундан ташқари, чуқур таҳлилга ўрин ажратмаган ҳолда ушбу жараён ва кооперация ҳаракати, шунингдек, Львовдаги сутчилик соҳасига ҳам бевосита тааллуқли эканлигини таъкидлаш жоиздир. Зотан, Украинада ўтган асрнинг 90 йиллари охирларида сутнинг 65 фоиздан ортиқроғи крестьян хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган, сутни қайта ишловчи заводлар фақатгина 10 фоиз сутни қайта ишлаш қувватига эга бўлган. Марказдан узоқ масофада жойлашган хўжаликлар эса сутни сақлаш, қайта ишлаш ёки истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ қийинчиликларга учраган. Шунингдек, мазкур ҳудудда кадрлар етишмаслиги, уларда малака, билим ва кўникмаларнинг пастлиги, кооперация аҳамиятини чуқур билмаслиги, унинг ташкилий яхши йўлга қўйилмаганлиги каби муаммолар кооперативлар ташкил қилиш учун салбий таъсир кўрсатган.

Фақатгина Европа Иттифоқининг ТАСИС лойиҳаси ва бошқа маслаҳат-консалтинг марказлари ёрдамида Львов областида кооператив ҳаракатини ривожлантириш бўйича аҳоли орасида олиб борилган тарғибот-ташвиқот ва тўшунтириш ишлари натижасида Городок районидаги Блаженское қишлоқ аҳолисида сайланган вакиллар ташаббуси асосида 1999 йил 7-июлда 88 та крестьян хўжаликлари муассислигида сутчилик кооперативи ташкил этилган бўлса, 2015 йилга келиб ушбу кооперативга аъзо бўлган хўжаликлар сони 150 тадан ортган. Энг диққатга молик ва ҳар қандай мамлакат, жумладан Ўзбекистон шароитида ҳам амалиётга тадбиқ этиш мақсада мувофиқ бўлган жиҳати шундаки, ушбу кооператив таъсисчилари ўз маблағлари ҳисобига сутни қайта ишлаш цехлари ташкил этишган. Уларда ишлаб чиқарилган тайёр истеъмол сут маҳсулотлари ҳисобидан яратилган қўшилган қиймат, таҳлиллар кўрсатишича, кооператив аъ-

золари даромадининг 50 фоизидан ортигини ташкил этиб, сутни натурал ҳолда сотишдан олинган даромадга нисбатан икки баробар юқори бўлмоқда.

Маълумки, маҳсулот етиштиришдан тортиб то уларни истеъмол товар кўринишида истеъмолчи харидорларга етказиш занжири бўғинларида жорий операцион харажатларни камайтириш қўшилган қийматни оширишда муҳим ўрин тутаети. Зотан, масалан, деҳқон хўжаликлари ўзаро кооперация асосида зарурий ресурслар (уруғлик, кўчатлар, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари, кимёвий препаратлар ва бошқ.)ни биргаликда бевосита ишлаб чиқарувчидан харид қилган ҳолда харажатларни қисқартириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини камайтириш имкониятларига эгалигини эътироф этиш лозим. Бунда кўп миқдорда (катта партияде) ресурсларни харид қилиш орқали товар қийматининг 10-15 %и миқдорига тенг келадиган маблағларни тежаш мумкин. Чунки, ресурсларни катта ҳажмда харид қилишда бевосита ишлаб чиқарувчининг ўзидан улгуржи нархларда (шаҳобча ва дўконлардаги чакана нархларга нисбатан арзон) сотиб олинади. Шу боис, ушбу тизим бир қатор давлатларда кенг ва самарали йўлга қўйилган.

Жумладан, Япониянинг Хоккайдо префектурасидаги Хокурэн қишлоқ хўжалиги кооперативи ўзининг аъзолари бўлган фермер хўжаликларига (ер майдонлари ўртача ўлчами 1,5-2 га) талаб этиладиган минерал ўғитларни бевосита ишлаб чиқарувчи заводлардан арзон нархларда етказиб бериш механизми жорий этилган. Ушбу кооперативга ўз эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи уй хўжаликлари (Households) ҳам аъзо бўлган ва кооператив уларга ҳам зарурий ишлаб чиқариш ресурслари етказиб бериш хизматларини йўлга қўйган. Кооператив ўз аъзоси бўлган фермер хўжаликлари ва уй хўжаликларига сифатли уруғлик, минерал ўғит, мини- техникалар (қўл билан ишлатиладиган фрезер ва бошқ.), ўсимликларни касаллик ва зарақунандалардан ҳимоя қилиш, бегона ўтларга қарши ишлов бериш хизматларини 15-20 фоиз арзон нархларда амалга оширади ва, демак, қўшилган қиймат яратиш занжири субъектлари, айниқса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар учун қўшимча даромад (қўшилган қиймат)ни кўпайтириш имконини беради. Шунингдек, жаҳон тажрибасида якуний даромад ва қўшилган қийматни кўпайтиришда муайян турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўзлари ташкил қилган кооперативлар ёрдамида товар маҳсулотларини бир хил дизайнли қадоқларда турли гуруҳ истеъмолчиларининг тўлов имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мақбул миқдор ва оғирликда бренд мақомида биргаликда сотишни ташкил этиш орқали ҳам эришишлари исботлаб берилган. Бунга Канаданинг сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи алоҳида фермерлар гуруҳини мисол сифатида келтириш мумкин. Улар томонидан ташкил этилган кооперативлар ўзаро келишган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ҳамда ихтисослашган истеъмол бозорига асл ҳолдаги ва қайта ишланган сабзавот ҳамда гўшт маҳсулотларини ягона савдо белгиси (маркаси) орқали етказиб бериш хизматларини ҳар бир мавсум хусусият ва талаблари асосида комплекс равишда амалга оширишни ташкил этган.



Энг муҳими, кооперативнинг муайян ишлаб чиқариш йилидаги якуний молиявий натижалари, жумладан, қўшилган қиймат у яратилган занжирдаги технологик жараёнларда вужудга келадиган умумий миқдор (сумма) ҳар бир аъзонинг қўшган улушига мос тақсимланади. Қўшилган қийматни тақсимлаш тизимида қўлланиладиган бу механизм пировардида нафақат таъсисчи аъзолар йиллик даромадаларини оширибгина қолмай, балки бевосита ҳам уларнинг, ҳам умум кооператив фаолиятини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш талабларига мос ривожлантириш учун катта иқтисодий-молиявий салоҳият яратади.

Фикримизча, ушбу истиқболли тажрибани республикамизда фермер ва деҳқон хўжаликлари таъсисчилигида қўллаш йўли билан харидорларни ўзига жалб этувчи савдо белгиси туширилган идишларда маҳсулот (товар)лар сотиш орқали қўшилган қийматни кўпайтириш имкониятини яратиш лозим.

Умуман, тор бир таҳлил доирасида дунё мамлакатларида турли типдаги ва ихтисосликдаги кооперативлар ташкил этиш асосида қишлоқ хўжалиги корхоналари (фермер ва деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари ва ш.ў.) ва кейинги технологик босқич субъектлари ўртасидаги муносабатлар занжирида қўшилган қийматни яратиш, кўпайтириш, баҳолаш ва улушли тақсимлаш билан боғлиқ тажрибаларни тўлиқ қамраб олиш имконияти чекланган. Бироқ, таъкидлаш лозимки, индустриал ривожланган мамлакатлар, масалан, АҚШ, Германия, Исроил, Канада, Япония, Франция каби давлатлар қишлоқ хўжалигида юқоридаги ташкилий-иқтисодий муаммолар бевосита майда товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, яъни, фермер, деҳқон ва бошқа уй хўжалиги субъектларини мақбуллаштириш, ихтисослаштириш чора-тадбирлари билан бир қаторда уларнинг ўзаро ҳамкорлигида турли шакл ва йўналишдаги кооперативларни тузиш ҳамда ривожлантириш йўли билан ҳал этилмоқда. Масалан, Дания, Швеция, Нидерландия, Норвегия, Финландия, Франция, Япония сингари давлатларда фермер хўжаликларидан ташқари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи барча уй хўжалиги субъектлари ҳам тўлигича (100%) турли типдаги кооперативлар аъзоси эканлиги, шунингдек, Германия ва Францияда эса кооперативлар 80 % дан ортиқ қишлоқ хўжалик корхоналарини ўз ичига олганлиги бунга яққол далилдир⁶¹.

Умумий хулоса қилиб айтганда, хорижий давлатларда кичик ҳажмдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларни ривожлантириш ва қўшилган қиймат занжири бўғинларида уларнинг даромадаларини ошириш бўйича илғор тажрибаларни жорий қилиш республикамиз қишлоқ хўжалиги ва унинг хўжалик юритиш субъектлари фаолиятида қўшилган қийматни янада кўпайтиришга пухта замин яратади, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мировой опыт развития сельскохозяйственной кооперации. <http://www.kaicc.ru/node/1206>

⁶¹ Мировой опыт развития сельскохозяйственной кооперации. - <http://www.kaicc.ru/node/1206>

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ АМАЛИЁТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ

Ш.Т.Нуруллаева,

**ТДИУ Маркетинг ва менежмент
кафедраси катта ўқитувчиси**

С.А. Сайдуллаева,

**ТДИУ Маркетинг ва менежмент
кафедраси катта ўқитувчиси**

Аннотация: Мақола хизмат кўрсатиши соҳаси тармоқларини ҳамда уларнинг истиқболли ва юқори технологияларга асосланган механизмларини, комплекс моделлаштиришнинг илмий-методологик асосларини такомиллаштириши, хизмат кўрсатиши жараёнларини жадаллаштириши ва самарадорлигини ошириши, борасида илмий тадқиқотлар олиб бориши йўллари кўрсатилган.

Таянч иборалар: хизмат кўрсатиши соҳаси, хизмат кўрсатиши тармоқлари, ижтимоий-иқтисодий омиларнинг таъсири, энергетик, телекоммуникацион, логистик хизматлари

Аннотация: В статье показаны способы проведения исследований сферы услуг и их механизмов на основе перспективных и высоких технологий, совершенствования научно-методической базы комплексного моделирования, ускорения и повышения эффективности процессов обслуживания.

Abstract: The article shows the ways of conducting research in the service sector and their mechanisms based on promising and high technologies, improving the scientific and methodological base of complex modeling, accelerating and improving the efficiency of service processes.

Жаҳон амалиётида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини ҳамда уларнинг истиқболли ва юқори технологияларга асосланган механизмларини, комплекс моделлаштиришнинг илмий-методологик асосларини такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш жараёнларини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш, борасида илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда [1]. Мазкур ҳолатлар танланган тадқиқот мавзуси доирасида ҳал этилиши зарур бўлган мақсадли йўналишларни белгилаб беради.

Бозор иқтисодиёт шароитида Ўзбекистонда аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқлари сифатини оширишнинг янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга мос концепциясини яратишга зарурат туғилди. Мазкур концепцияни шакллантиришда сўнгги йилларда жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган «Турмуш сифати» концепциясининг айрим қоидаларидан фойдаланиш мумкин. «Турмуш сифати» концепцияси инсоннинг жисмоний, ақлий ва ижтимоий баркамоллигини белгиловчи шартларни шакллантиради.



Бу ўринда гап фақат турмуш сифатини (овқатланиш, уй-жой, иш билан бандлик, таълим даражаси) баҳоловчи объектив омиллар ҳақида эмас, балки инсон томонидан «ўз фаровонлиги», «бахт», «қониқиш», «роҳат» каби тушунчаларни субъектив ҳис қилиш тўғрисида ҳам бормоқда. Бу борада, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш учун коммуникация хизматларини такомиллаштириш, маиший хизматлар, коммунал хўжаликлар интеллектуал хизматларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Ривожланаётган мамлакатлар тажрибасида хизматлар соҳасини ривожлантириш аҳолининг турмуш даражасини оширишнинг самарали усулларида 13 ҳисобланади. Асосий масала нафақат хизматлар соҳасининг ЯИИМдаги улушини ошириш, балки унинг таркибини кенгайтириш, аҳоли бандлигини ошириш, хизмат кўрсатишнинг аҳоли эҳтиёжларини тўлароқ қондирадиган замонавий шакллари ва технологияларини ривожлантиришдан иборатдир.

Жаҳон иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли бандлигини таъминлашдаги роли ошиб бормоқда [3]. Иқтисодиёти ривожланган Ғарб мамлакатларида иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 70 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади⁶². Ривожланган давлатларда банд аҳолининг асосий қисми, жумладан, «АҚШда 80 фоизи, Японияда 70 фоиздан кўпроғи хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳиссасига тўғри келади»⁶³. Жаҳон илм-фанида ҳам эътироф этилаётганидек, бугунги кунда халқимизнинг ўсиб бораётган кундалик эҳтиёжларини қондиришда хизматлар соҳасининг ўрни юқорилиги бу соҳани янада ривожлантиришни талаб этади (1-жадвал).

1-жадвал

Республикамиз вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси жон бошига жами хизмат кўрсатиш ҳажми (минг сўм ҳисобида)

| | 2010 й. | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. |
|------------------------------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| Ўзбекистон Республикаси | 949,7 | 2509,0 | 3047,3 | 3668,3 | 4578,5 | 5768,2 | 6426,1 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 405,1 | 1435,1 | 1718,4 | 1973,5 | 2478,6 | 3010,4 | 3412,0 |
| Андижон | 506,3 | 1624,4 | 1963,5 | 2218,6 | 2636,0 | 3165,3 | 3614,1 |
| Бухоро | 650,8 | 2083,6 | 2599,8 | 2919,4 | 3522,8 | 4406,3 | 5085,5 |
| Жиззах | 384,8 | 1367,3 | 1672,7 | 1927,5 | 2452,6 | 3148,8 | 3598,6 |
| Қашқадарё | 425,8 | 1356,4 | 1680,5 | 1879,0 | 2220,9 | 2710,7 | 3128,7 |

⁶² Пастухов А.А. Ускорение развития сферы услуг как необходимое условие модернизации экономики // Экономика и экономические науки, 2012, №20. – С. 80–85.

⁶³ <http://www.statista.com/statistics/270072/distribution-of-the-workforce>.

| | | | | | | | |
|------------|--------|--------|---------|---------|---------|---------|---------|
| Навоий | 743,0 | 2245,8 | 2773,2 | 3228,5 | 4052,0 | 5115,9 | 5809,1 |
| Наманган | 418,3 | 1287,7 | 1677,4 | 1868,2 | 2225,7 | 2785,0 | 3144,9 |
| Самарқанд | 563,2 | 1643,4 | 1990,3 | 2263,5 | 2671,5 | 3331,5 | 3600,3 |
| Сурхондарё | 374,7 | 1286,3 | 1577,9 | 1802,6 | 2391,6 | 2685,8 | 3018,4 |
| Сирдарё | 481,5 | 1407,4 | 1701,4 | 1981,2 | 2 468,6 | 3253,6 | 3869,4 |
| Тошкент | 861,6 | 2321,8 | 2885,4 | 3285,3 | 3921,3 | 4988,8 | 5572,3 |
| Фаргона | 466,8 | 1512,5 | 1887,1 | 2116,1 | 2529,7 | 3142,9 | 3617,1 |
| Хоразм | 545,7 | 1472,2 | 1770,3 | 2035,7 | 2506,6 | 3113,5 | 3437,0 |
| Тошкент ш. | 3887,0 | 9700,5 | 12235,9 | 15815,0 | 20172,2 | 25881,1 | 30234,4 |

Жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистонда ҳам мустақиллик йилларида хизмат кўрсатиш соҳаси жадал суръатлар билан ривожланиб, унинг миллий иқтисодийётни юксалтиришдаги, янги иш ўринларини яратиш, мамлакат аҳолисини ҳаёт фаровонлигини ошириш ва бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг ҳаракатлантирувчи омили сифатидаги роли тобора ўсиб бормоқда [4].

Ўзбекистон Республикасида аҳолиси жон бошига жами хизмат кўрсатиш ҳажми 2010 йилда 949,7 минг сўмга тенг бўлган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 5 476,4 минг сўмга ошиб, 6426,1 минг сўмни ташкил этди. Худудлар кесими бўйича ушбу кўрсаткичга эътибор қаратадиган бўлсак энг юқори даражага Тошкент шаҳри (2020 йилда 30234,4 минг сўм)га, Тошкент вилояти (5572,3 минг сўм) ва Бухоро вилояти (5085,5 минг сўм)га тўғри келганини ҳамда энг паст қийматлар Сурхондарё (3018,4 минг сўм), Қашқадарё (3128,7 минг сўм) ва Наманган (3144,9 минг сўм) вилоятларига тўғри келди.

Таъкидлаб ўтиш керакки, хизмат кўрсатиш тармоқлар самарадорлиги ўсишига ижтимоий-иқтисодий омилларнинг таъсири ҳар доим ҳам бир хил бўлавермайди. Жамиятда у ёки бу омилларнинг таъсири камайиши ёки кучайиши мумкин. Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, худудларда табақаланиш даражаси мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда уни бартараф этиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш ва айниқса, паст кўрсаткичга эга бўлган вилоятларда ўзига хос инфратузилмалар фаолиятини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Таҳлиллар кўрсатишича, ўтган йилларда мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар натижалари иқтисодийёт тармоқлари ва соҳалари барқарор ривожланганидан, худудлар тараққиётида ижобий ўзгаришлар юз берганидан далолат беради. Мамлакатимизнинг ҳар бир минтақаси ўзига хос табиий-иқтисодий ва захира салоҳиятига эга. Бу, ўз навбатида, асосий иқтисодий устуворликларни аниқлашда иқтисодийётнинг оқилона худудий тузилмасини яратишга қодир бўлган махсус ва конкрет ёндашувни талаб этади.

Худудий ижтимоий-иқтисодий номутаносибликларнинг кўпинча объектив сабабларга боғлиқлигига қарамасдан уларни юмшатиш зарур. Марказлар ва чек-

ка жойлар, минтақалар аҳолисининг турмуш даражасидаги фарқлар ижтимоий адолат тамойилларининг бузилиши деб қабул қилинади. Буларнинг барчаси ижтимоий-иқтисодий қайта қуришда ягона минтақавий сиёсат олиб боришни сезиларли даражада мураккаблаштиради. Шу боис иқтисодиётда зарур ҳудудий ва тузилмавий мутоносибликларнинг қўллаб-қувватланиши, минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича керагидан ортиқ табақаланишига йўл қўймаслик, умуммамлакат бозорининг самарали фаолиятини таъминлаш иқтисодиётни модернизациялаш ва унинг барқарор ривожланишида муҳим қирралар ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда замонавий шароитларда ҳудудлар ривожланишини модернизациялашнинг асосий ички муаммолари қуйидагилар ҳисобланаши мумкин: иқтисодий ҳудудларнинг реал интеграциясини таъминловчи янги замонавий техник базада транспорт, энергетик, телекоммуникацион, логистик хизматларни ривожлантириш; мамлакат ҳудудлари орасида ресурсларнинг мутаносиб равишда тақсимланишини таъминлаш; ҳудудлар хўжалик тузилмаларининг бозор иқтисодиёти ва барқарор ривожланиш талабларига молашувчанлиги, хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги 55-сонли "2016-2020 йилларда хизмат кўрсатиши ва сервис соҳасини ривожлантириши дастури тўғрисида" ги қарори.
2. Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество: опыт социального прогнозирования / Пер. с англ; Под ред. В.А. Иноземцева. М.: Асадемия, 1993.
3. Казаков С.П. Тенденции развития сферы услуг в инновационной постиндустриальной экономике // Механизация строительства. 2012. № 6. с. 14-18.
4. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг расмий вебсайти <https://stat.uz/uploads/doklad/2018/yanvar-mart/uz/10.pdf>

ЛАЛМИ ЕРЛАРГА РЕСУРС ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРАЛИГИ

Д.Ғ.Янғибоев,

таянч докторант, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти

Аннотация: ақолада глобал иқлим ўзгаришининг лалми ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириши самарадорлигига ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигига салбий таъсири ҳақида фикр-мулоҳазалар келтирилган. Шунингдек, лалмикор ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришида ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиши орқали самарадорликка эришиши ҳақида таклифлар баён этилган.

Таянч иборалар: иқтисодий ресурс, иқлим ўзгариши, озиқ-овқат хавфсизлиги, ресурс тежамкор технологиялар, иқтисодий самарадорлик.

Аннотация: В статье рассматривается негативное влияние глобального изменения климата на эффективность сельскохозяйственного производства на засушливых землях и продовольственную безопасность страны. Также есть предложения по достижению эффективности за счет использования ресурсосберегающих технологий при выращивании сельхозпродукции на пашнях.

Abstract: The article examines the negative impact of global climate change on the efficiency of agricultural production in drylands and food security of the country. There are also proposals for achieving efficiency through the use of resource-saving technologies when growing agricultural products on arable land.

Қирриш. 2050 йилга бориб дунё аҳолиси 9 миллиарддан ошиши кутилиши ҳамда бугунги кунда 1 миллиардга яқин аҳоли тўйиб овқатланмаслик муаммосини бошидан кечирмоқда. Бу кўрсаткич Африка қитъасида 239 миллион ва Осиёда 578 миллион кишини ташкил этмоқда. 2050 йилга бориб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини икки баробарга кўпайтирган тақдирда ҳам ҳар йигирма кишидан биттаси (370 миллион киши) қорни тўйиб овқатланмаслик хавфи борлигидан далолат бермоқда. Уларнинг аксарияти Африка ва Осиё қитъаси ҳиссасига тўғри келиши тахмин қилинмоқда. Шунинг учун 2050 йилгача ҳар йили қўшимча 1 миллиард тонна дон ва 200 миллион тоннага яқин чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш талаб этилади [3]. Шу боисдан, лалмикор ерларга ресурстежамкор технологияларни қўллаш орқали маҳсулот етиштириши самарадорлигини ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида индукция ва дедукция, иқтисодий, статистик, қиёсий таҳлил усулларидадан фойдаланилди.



Тадқиқот натижалари. Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам лалми ерлардан фойдаланиш самарадорлиги пастлигини кўрсатмоқда. Жумладан, Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги мавжуд 700 минг гектардан ортиқ лалми ернинг бор-йўғи 300 минг гектарига галла ва мойли экинлар экилмоқда [2]. Кетирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда лалми ерлардан фойдаланиш самарадорлиги пастлигини кўрсатмоқда. Шу боисдан, мамлакатимизда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича давлатимиз нахбари томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, қарор ва фармонлар ишлаб чиқишмоқда ва амалиётга жорий этилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сонли “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди [1]. Ушбу Фармонда яйловлардан самарали фойдаланиш тартибини белгилаш, яйлов ва лалми ерлардан фойдаланишнинг илмий асосланган самарали технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш [1] масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар — сугориладиган ва сугорилмайдиган (лалмикор) ерлар, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали (мевасиз) дарахтзорлар, токзорлар ва бошқа экинлар билан банд ерлардан иборат. Шундан, лалми ерлар Республикаимизнинг 6 та вилоятида жойлашган бўлиб, нам билан таъминланганлик даражасига, денгиз сатҳидан баландликда жойлашганлигига ва бошқаларга кўра 4 та минтақага бўлинади. Улар, текислик (нам билан кам таъминланган), қир-адирлик (нам билан ярим таъминланган), тоғолди (нам билан таъминланган) ҳамда тоғли (нам билан тўлиқ таъминланган) минтақалардан иборат (1-жадвал).

1-жадвал.

Ўзбекистон лалмикор минтақалари майдонлари [5]

| Минтақалар | Денгиз сатҳидан баландлиги, (м) | Йиллик ёғин миқдори, (мм) | Ўртача ҳарорат, °С | Қорли кунлар, (кун) |
|---|---------------------------------|---------------------------|--------------------|---------------------|
| Текислик (нам билан кам таъминланган) | 200-350 | 200-300 | +13,4+14,2 | 21-26 |
| Қир-адирлик (нам билан ярим таъминланган) | 350-450 | 280-350 | 11,6+13,0 | 28-37 |
| Тоғолди (нам билан таъминланган) | 600-900 | 350-450 | +12,0+12,9 | 39-48 |
| Тоғли (нам билан тўлиқ таъминланган) | 900-2000 | 450 ва ундан кўп | +10,1+11,8 | 55-65 |

Биринчи минтақага кирувчи текислик (нам билан кам таъминланган) ерлар денгиз сатҳидан 200-350 метр баландликда жойлашган бўлиб, йиллик ёғин

280 мм.дан кам бўлган ерлар, ўртача ҳарорат $+13,4+14,2^{\circ}\text{C}$ ни, қорли кунлар эса 21-26 кунни ташкил этади. Таъминланмаган ерлар тупроқлари асосан, типик бўз тупроқлар бўлиб, бундай лалмикор худудга донли экинлар турларининг 65 фоиз жойлашган. Бу зона учун бугдойнинг қизил шарқ ва арпанинг унумли арпа навларини экиш яхши самара беради. Шунингдек, мойли экинларнинг махсар, ундов ва бошқа турларини экиш ҳам самаралидир.

Иккинчи минтақага кирувчи қир-адирлик (нам билан ярим таъминланган) худудлар денгиз сатҳидан 350-450 м. баландликда жойлашган бўлиб, ўртача ҳарорат $+12,0+12,9^{\circ}\text{C}$ ни, қорли кунлар эса 28-37 кунни ташкил этади. Тупроқлари - тўқ тусли бўз ва жигарранг тупроқлар бўлиб, чиринди миқдори – 4 фоиз иборат.

Бу худудларда 20-25 фоиз дон ва мойли экинлар жойлашган ҳамда бу ерлар яхши яйловлар ҳисобланади. Ярим таъминланган ерларга асосан бугдой, арпа, тарвуз, зигир ва кунжут каби экинлар етиштирилади.

Бу худудда 30-35 фоиз лалми ерларга бугдой экилади. Шунингдек, 80-85 фоиз майдониларга бевосита қишлоқ хўжалик техникалари билан ишлов бериш имконияти мавжуд. Қолган қисми рельефининг нотекислиги сабабли техника билан ишлов бериш ноқулайликларни келтириб чиқаради.

Учинчи минтақага кирувчи тоғолди минтақаси (нам билан таъминланган) худудлар денгиз сатҳидан 600-900 м. баландликда жойлашган бўлиб, ўртача ҳарорат $+12,0+12,9^{\circ}\text{C}$ ни, қорли кунлар эса 39-48 кунни ташкил этади. Тупроқлари - тўқ тусли жигарранг тупроқлардан иборат.

Бу худудларда асосан, юмшоқ бугдой, нўхат, мевали боғ ва тоқлар жойлашган ҳамда чорвачилик учун яйловлардан иборат.

Тўртинчи минтақада эса, яъни тоғ минтақаси (нам билан тўлиқ таъминланган) худудлар денгиз сатҳидан 900-2000 м. баландликда жойлашган бўлиб, ўртача ҳарорат $+10,1+11,8^{\circ}\text{C}$ ни, қорли кунлар эса 55-65 кунни ташкил этади. Тупроқлари – асосан тўқ тусли жигарранг тупроқлардан иборат.

Таҳлиллар. Кейинги йилларда иқлим ўзгариши оқибатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Ўзгидромед маълумотларига кўра (2020), сўнгги икки ўн йиллик давомида Ўзбекистон кескин гидрологик қурғоқчилик ҳодисасини тўрт мартаба бошдан кечирди (2000-2001, 2006, 2008 ва 2010-2011 йилларда). 2000-2001 йилларда юз берган, ҳар 100 йилда кузатиладиган энг ёмон қурғоқчиликлардан бири оқибатида энг кўп зарар кўрган худудларда ҳосилнинг 45-75 фоизи бой берилди (ФАО, 2017). Бу қурғоқчиликлар аҳолининг турмуш даражасига ва озиқ-овқат хавфсизлигига катта салбий таъсир кўрсатди. 2000-2001 йилларда юз берган қурғоқчилик даврида мамлакатда дон етиштириш ўртача 10 фоизга, пахта етиштириш 17 фоизга, гуруч етиштириш эса 60 фоизга камайгани, натижада 130 млн. АҚШ доллари миқдорида зарар кўрилгани маълум бўлди (Жаҳон банки, 2006) [6].



Маълумки, лалмикор ерлар шароитида ёгингарчилик миқдори ҳосил тақдирини белгилайди. Бу ҳудудларда ёгингарчилик миқдори бир меъёрда тақсимланмаган. Чўл минтақаларида, одатда, йилига 100 миллиметрдан 200 миллиметргача ёгин тушади. Тоғ олди ва тоғ минтақаларида эса йиллик ёгин 900 миллиметрга етади [7]. Иқлимнинг кескин ўзгариши қишлоқ хўжалигига, айниқса, лалми ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боисдан, лалми ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан, тупроқ намлигини сақлаш ва унумдорлигини ошириш, харажатлар миқдорини камайтиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Бунинг учун аввало, фермер хўжалигига фаолиятига замонавий, ресурстежамкор технологиялар ва инновацион усуллардан кенг фойдаланишни тақозо этмоқда. Жумладан, бутунги кунда лалми ерлар учун мос бўлган минимал ишлов бериш, “Нуль” (No till) ва томчилатиб сугориш технологияларини қўллаш кераклигини тақоза этмоқда.

Ресурстежамкор қишлоқ хўжалиги дунё бўйлаб деҳқончилик стратегияси сифатида ресурслардан иқтисодий ва экологик жиҳатдан барқарор фойдаланишни таъминлайди. Ҳозирда ресурстежамкор қишлоқ хўжалиги дунё бўйича 105 млн. гектар майдонда тадбиқ қилинган ва аксарияти лалми деҳқончилик қилинадиган майдонларда амалга оширилган [4].

Анъанавий технология асосида лалми ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда сарф харажатлар миқдори юқорилигини кўрсатмоқда. Минимал ишлов ва нолинчи (No Till) технологияларидан фойдаланишда эса харажатлар миқдори камайтириши билан биргаликда ва тупроқда намлик миқдорини сақлаш эвазига яхши самарадорликка эришиш имкониятини яратади.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагилар асосида қуйидаги таклифларни келтириш мумкин:

- лалми ерларга ресурстежамкор технологияларни жорий этиш;
- лалми ерларга ресурстежамкор технологияларни жорий этишни давлат-томонидан қўллаб-қувватлаш;
- лалми ерларда юқори самарадорликка эришган фермер хўжаликларига имтиёзлар бериш ва бошқалар.

Лалми ерлардан самарали фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш имконияти яратилади. Натижада мамлакат аҳолисини тиббий меъёрлар асосида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти яратилади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектларнинг молиявий имкониятлари яхшиланиши оқибатида замонавий техника ва технологиялар билан таъминланиш имконияти яратилади, лалмикор минтақаларда яшаётган аҳолини доимий иш билан бандлиги тахминланиб, уларнинг турмуш фаровонлиги яхшиланишига олиб келади. Бундан ташқари лалми ерлар тупроқларининг таназзулга учрашини олди олинадиган ва экологик мувозанат бузилишларини камайтиришга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 шондаги ПФ-5742-сонли “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. *Lex.uz*.
2. Ш.Мирзиёев. “Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир”. 2-жилд. Тошкент-“Ўзбекистон”-нашриёти-2018 йил. 51-бет.
3. Сайдалим Ғайбуллаев, Маматқул Жўраев. “Лалмикор ерларда юмишқ бугдой етиштириш бўйича тавсиялар”. “Тафаккур”-нашриёти. Тошкент-2020 йил. 5-7 бетлар.
4. Бирлашган Миллатлар Ташкилитининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти “Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида табиий офатлар хавфини камайтириш тизимининг батафсил таҳлили” мавзусидаги ҳисоботи. 7-бет. 2021 йил
5. https://www.zef.de/fileadmin/webfiles/downloads/projects/khorezm/downloads/Publications/ZUR/ZUR18_uzb.pdf
6. <http://www.fao.org/3/i1688e/i1688e01.pdf>



ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

И.Данабоев,
Давлат активларини бошқариш
агентлиги мутахассиси

Аннотация: мақолада давлат активларини хусусийлашнинг моҳияти, уни зарурияти ва хорижий мамлакатлар тажрибалари келтирилган. Шу билан бир қаторда давлат секторини хусусийлаштиришни муҳим bosқичлари, шакллари, уни мезонларини очиб берилган.

Таянч иборалар: давлат активлари, аукцион, очик ва чекланган тендер, сотиши, хусусийлаштириш шакллари.

Аннотация: в статье представлена склонность к приватизации государственных активов, ее необходимость и опыт зарубежных стран. Наряду с этим, важны этапы приватизации государственного сектора, в формах которых были выявлены критерии.

Abstract: the article presents the propensity for privatization of state assets, its necessity and experiences of foreign countries. Along with this, important stages of privatization of the public sector, the forms of which have been revealed criteria.

Мамлакатимизда сўнги йилларда хусусийлаштириш жараёнини жадаллашуви натижасида иқтисодийнинг хусусий секторлари ва тармоқларида жиддий ўсишга эришилди. Хусусан, 2020 йил 27 октябрда “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сон ҳамда 2021 йил 11 февралдаги ПФ-6167-сон “Давлат активларини хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш тўғрисида”ги Фармонларининг қабул қилиниши хусусийлаштириш жараёнларини сифат жиҳатдан янги bosқичга олиб чиққанлиги ҳеч биримизга сир эмас. Бунда, иқтисодийнинг соҳа ва тармоқларида амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёнларида корхона ва объектларнинг ҳақиқий эгасига яъни тадбиркорга етказилиши, ушбу объектларни бозор нархида сотиш тизимини шакллантирилиши ва объектларни сотувидан тушган пул маблағларини жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлари учун юқори самарадорликда фойдаланилишида ўз аксини топмоқда.

Мамлакатда хусусийлаштириш жараёнларини жадал ташкил этишда давлат ташкилотлари ва бошқа давлат иштирокидаги корхоналарнинг носоҳавий йўналишлари ҳамда объектларини хусусий секторга сотиш орқали давлат активларини қисқартириб бораётганлигимиз, нисбатан эскирган ишлаб чиқариш йўналишларини инвестиция мажбуриятлари орқали хусусий секторга сотиш орқали соҳа ва тармоқларни модернизациялашга интилаётганлигимиз бу борада хори-

жий тажрибаларни ўрганаётганлигимизни ҳамда уларнинг қиёсий таҳлилларини олиб бораётганлигимиздан далолат беради.

Бизга маълумки, хусусийлаштириш – бу давлат ва муниципал корхоналарни хусусий корхоналарга айлантиришга қаратилган мулккий муносабатларни ислоҳ қилиш, яъни ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик шаклининг ўзгариши муносабати билан юзага келадиган иқтисодий муносабатларнинг махсус тизимидир.

Хусусийлаштириш жараёни турли давлатларда турлича амалга оширилган бўлсада, бунинг асосий сабаблари деярли бир хил эди: корхоналарнинг самарасиз эканлиги, капиталнинг юқори интенсивлиги ҳамда меҳнат унумдорлигининг пастлиги.

Ғарб давлатларида давлат секторини ислоҳ қилиш ва бунда хусусийлаштиришни жадаллаштириш йирик молиявий ва саноат монополиялари мавжуд бўлган шароитда бошланди. Биргина Буюк Британияда корхоналарда оммавий хусусийлаштириш амалга оширилиб, юқори натижага эришилган. Аммо Буюк Британия тажрибаси иқтисодий жиҳатдан бир мунча хавфлидир. Ғарбий Европанинг бошқа давлатларини мисол қилиб оладиган бўлсак, ушбу давлатлар иқтисодиётида хусусий сектор энг катта улушга эга бўлсада, давлат сектори ҳам ўз позициясига эга эди. Бунда энг муҳим жиҳат, давлат сектори оптималлаштирилганлигидадир. Давлат секторини оптималлаштириш жараёнида хусусийлаштиришни муҳим учта босқичда амалга оширилганлигини кўришимиз мумкин:

Биринчи босқичда – корхоналарни акционерлик жамиятларига айлантириш орқали корпоратив шаклига ўтиш бошланди. Бу жараён корхоналар мулкига эгалликни акциядорлик жамиятининг ўзига бериш билан олиб борилди. Шунингдек, компанияларнинг зарарини қоплаш учун субсидиялар бериш бекор қилинди.

Иккинчи босқичда – йирик корхоналарни қайта қуриш амалга оширилди. Бунда, корхоналарнинг шўъба корхоналари ва филиаллари таркибидан ажратилди.

Учинчи босқичда – корхона акцияларининг бир қисмини хусусий шахсларга сотиш амалиёти бошланди.

Ушбу босқичларни амалга оширишда асосий меъзон сифатида:

хусусийлаштирилаётган корхоналарда адолат тамойили ва меҳнат жамоаси манфаатларининг устуворлиги;

хусусийлаштирилаётган корхона профилини ва унинг ишлаб чиқариш салоҳиятини сақлаб қолиниши;

корхонанинг рентабеллигини ошириб борилиши;

хусусийлаштирилаётган корхонага инвестицияларни жалб этиш шарти.

Хусусийлаштиришни амалга оширишда бир қатор қўшимча чора-тадбирлар олиб борилган. Хусусан, корхоналар ажратилган, реструктуризация қилинган, салоҳиятли инвестерлар қидирилган, қолаверса монополияга қарши қонунлар ўзгартирилган.



Ушбу жараённи амалга оширишда ва давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштириш бир нечта шаклларда амалга оширилган.

Очиқ ва чекланган тендер. Бунда потенциал инвесторларнинг кенг доирасига эришилган. Инвесторни танлашда эса нарх биринчи даражали аҳамиятга эга бўлмаган.

Аукцион. Бунда корхонани энг юқори нархда сотиш асосий мақсад бўлган бўлиб, инвесторларнинг ўзига хос хусусиятлари ёки профили ҳисобга олинмаган.

Тўғридан – тўғри сотиш. Бунда индивидуал инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб борилган, энг муҳим жиҳат сифатида эса корхонанинг ҳақиқий бозор қийматини аниқлаб олиш муҳим бўлган.

Management-Buy-Out. Бунда корхона ёки унинг бир қисми бошқарув гуруҳининг мулкига айланади.

Management-Buy-In. Бунда корхона учинчи томон раҳбарияти томонидан сотиб олинишини ифодалайди.

Давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштиришда дастлаб:

1. Сотувдан олинги таҳлил ва корхонани баҳолан жараёни бошланган. Бунда:

-корхона стратегик таҳлил қилинган ва баҳоланган;

-корхонани реструктуризация қилиш чоралари белгилаб олинган;

-корхонанинг инвестиция ва янги авлод технологияларига бўлган эҳтиёжи аниқлаб олинган;

- потенциал инвесторлар таҳлил қилинган;

-сотиш усуллари аниқлаб олинган;

-танлов ўтказиш мезонлари белгиланган;

-билдириладиган таклифларни баҳоловчи комиссия тузилган.

2. Корхонани сотувга тайёрлаш бошланган.

-потенциал инвестор қизиқишини уйғотиш учун мўлжалланган реклама компаниясини олиб бориш;

-миллий ёки халқаро даражада тендерлар ўтказиш;

- тендер комиссияси томонидан келган таклифларни баҳолаш;

-бир ёки бир нечта потенциал инвесторлар билан музокаралар олиб бориш;

-шартнома тузиш амалга оширилган.

Хулоса ўрнида шунини айтишимиз мумкинки, бугунги кунда хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнлари замонавий бозор иқтисодиётининг энг муҳим элементларидан бири бўлиб, ушбу жараённинг муваффақиятли амалга оширилиши орқали хусусий мулк ва хусусий сектор ривожланиши кафолатланади. Шу жиҳатдан эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатимизда ҳам иқтисодиётда давлат улушини қисқартириш чоралари кўрилмақда.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрда “Давлат шитирокидаги корхоналарни ислох қилишни жадаллаштириши ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришига оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сон Фармони. Lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 февралдаги ПФ-6167-сон “Давлат активларини хусусийлаштириши жараёнларини янада жадаллаштириши тўғрисида”ги Фармони. Lex.uz.
3. Ш.Мирзиёев. “Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир”. 2-жилд. Тошкент-“Ўзбекистон”-нашриёти-2018 йил. 51-бет.
4. Ortiqov A, Karabaeva G. SH. «Sanoat iqtisodiyoti» fani bo`yicha ta`lim texnologiyasi / «Iqtisodiy ta`limda o`qitish texnologiyasi» seriyasidan. -T.: TDIU, 2010 – 160 bet.
5. Ortiqov A, Karabaeva G. SH. «Sanoat iqtisodiyoti» fani bo`yicha o`quv-uslubiy majmua – T.: TDIU, 20100 – 160 bet.
6. Akromov E.A Korxonalarining moliyaviy xolati taxlili. – T.: Moliya, 2003, -223 b.
7. Maxmudov E.X. Korxonona iqtisodiyoti. O`quv qo`llanma. –T.: O`zbekiston yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2004, – 208 b.



RAQAMLI BOZOR

D.A.Sabirova,

“Menejment va marketing” kafedrası
katta o`qituvchisi, TDIU

O.M.Azizov,

“Buxgalteriya hisobi, audit va tahlil” kafedrası
katta o`qituvchisi,

TDAU

Annotatsiya: Internet texnologiyasining rivojlanishi bozor munosabatlarining yangi shakli-raqamli bozor munosabatlarining shakllanishiga sabab bo`ldi. Ushbu maqolada dunyoda raqamli bozorning rivojlanish tahlillari keltirilgan va raqamli bozorning o`ziga xos jihatlari yoritib berilgan.

Tayanch iboralar: raqamlashtirish, raqamli texnologiyalar, raqamli bozor, elektron tijorat.

Аннотация: Развитие интернет-технологий привело к формированию новой формы рыночных отношений - цифровых рыночных отношений. В данной статье представлен анализ развития цифрового рынка в мире и освещены особенности цифрового рынка.

Abstract: The development of Internet technologies has led to the formation of a new form of market relations - digital market relations. This article presents an analysis of the development of the digital market in the world and highlights the features of the digital market.

Zamonaviy dunyoda Internet orqali savdo aloqalari, ya'ni elektron tijorat asta-sekin kundalik hayotning atributiga aylanib bormoqda. Bugungi kunda ko'pchiligimiz o'zimizga kerak bo'lgan tovarlarni masofadan turib sotib olamiz, etkazib berish xizmatidan foydalanamiz. Tezligi va narxiga ko'ra, elektron tijorat an'anaviy usuldan ko'ra samaraliroq savdo vositasiga aylandi, chunki endi barcha operatsiyalar onlayn tarzda amalga oshirilishi mumkin.

Internetning tobora ommaviylashib borishi hamda korxonalarni boshqarishni avtomatlashtirish tizimlarining rivojlanishi tufayli iste'molchi, tovar va xizmatlar to'g'risida juda ko'p ma'lumotlarga ega bo'lish, ulardan eng afzalini tanlash imkoniyatiga ega bo'ldi. Iste'molchi bilan interaktiv aloqani ta'minlaydigan ishlab chiqaruvchilar, mijozlarning ehtiyojlariga muvofiq ishlab chiqarishni tezda qayta tuzishga muvaffaq bo'lishdi. Iste'molchilar va etkazib beruvchilarning Internetdagi o'zaro aloqasi interaktiv raqamli bozorning ishlashini belgilaydi.


Raqamli bozor bu Internetdagi raqobatbardosh muhit bo'lib, unda operatsiyalar tovarlarni, xizmatlarni va ma'lumotlarni sotib olish va sotish shaklida amalga

oshiriladi. Raqamli bozor bu axborot va telekommunikatsiya texnologiyalari va tizimlarining rivojlangan tuzilishi sharoitida ma'lum qonuniyatlar bilan tavsiflanadigan ishtirokchilari, mahsulotlari va ularning o'zaro ta'sir jarayonlari to'plamidir. Dunyoda chakana savdoning 14,1 foiz elektron tijorat hissasi ga to'g'ri keladi. Bu ko'rsatkich 2023-yilga borib 22 foiz bo'lishi taxmin qilinmoqda.⁶⁴

2020-yilda onlayn sotuvlar 4,280 trillion dollarni tashkil etdi. 2024-yilda sotuvlar 6,388 trillion dollariga o'shishi kutilmoqda.

I-diagramma

2014 yildan 2024 yilgacha butun dunyo bo'ylab chakana elektron tijorat savdosi (milliard AQSh dollarida)⁶⁵



Bozor ishtirokchilari - xaridorlar, sotuvchilar va vositachilar, shuningdek infratuzilma va bozor qoidalarini ta'minlovchi tashkilotlardir. Mahsulotlar – bu xaridorlar va sotuvchilarning bozorga kirishiga sabab bo'lgan omillar, ya'ni tovarlar va xizmatlardir.

Jarayonlar deganda bozor mahsulotlarini sotish va sotib olish, shuningdek yangi mahsulotlarni ishlab chiqarish, marketing tadqiqotlari, mahsulotlarni qidirish, buyurtma qilish, etkazib berish va iste'mol qilish bo'yicha to'g'ridan-to'g'ri harakatlarni o'z ichiga oladigan bozor ishtirokchilarining o'zaro aloqasi tushuniladi. Raqamli bozorning barcha elementlari real, jismoniy ko'rinishda ham, axborot va telekommunikatsiya texnologiyalari yaratgan muhit orqali ham mavjud.

⁶⁴ <https://xs.uz/uz/post/dunyo-raqamlashmoqda>

⁶⁵ <https://www.statista.com/topics/871/online-shopping/#dossier-chapter1>

Raqamli bozor an'anaviy bozorga qaraganda ancha takomillashgan raqobat muhitidir. Raqamli bozorda xaridorlar va sotuvchilar soni ancha ko'proq, yangi ishtirokchilarning bozorga kirishi uchun deyarli hech qanday to'siqlar deyarli mavjud emas, axborotdan erkin foydalanish imkoniyati mavjud.

Sotuvchilar turli xil korxonalar va tashkilotlar, ham katta, ham kichik va o'rta biznes vakillari bo'lishi mumkin. Sotuvchilar turli xil geografik joylarda joylashgan bo'lishi mumkin, axborot va telekommunikatsiya texnologiyalarini amalga oshirishning turli darajalarida bo'lishi mumkin. An'anaviy bozorda yirik korxonalar odatda afzalliklarga ega, ular ko'proq bozor ulushini egallashi mumkin. Raqamli bozorda kichik biznes yirik korxonalar bilan teng sharoitlarda raqobatlasha oladi. Zamonaviy bozorda ishlaydigan barcha korxonalarni raqamli bozorda qanday namoyish etilishiga qarab tasniflash mumkin:

- An'anaviy korxonalar an'anaviy bozorda amal qiladilar va faqat zarur bo'lgandagina raqamli bozorga murojaat qiladilar,
- Aralash korxonalari o'z bizneslarining bir qismini Internet orqali amalga oshiradilar;
- To'liq raqamli korxonalar faqat Internetda mavjud bo'ladilar.

Raqamli bozorda xaridorlar an'anaviy bozorlardagi xaridorlardan yuqoriroq daromad hamda axborot texnologiyalaridan foydalanish jihatidan ko'nikma bilan farq qiladilar. Bu xususiyat Internetga kirish uchun siz uskunalar sotib olishingiz va ma'lum bir bilim darajasiga ega bo'lishingiz bilan bog'liq.

Turli mamlakatlarda xaridorlarning hatti-harakatlarining o'ziga xos xususiyatlari ham mavjud. Bu shaxsiy kompyuterlarning ommaviylashgani darajasiga, tarmoqning tarqalishi va ishonchligiga, aloqa liniyalarining rivojlanish darajasiga, iste'molchilar xulq atvorining milliy xususiyatlariga va boshqa ko'plab omillarga bog'liq.

Tashkiliy jihatdan raqamli bozorlarni bir nechta turlarga bo'lish mumkin.

1. **Business-to-business** (B2B) - biznes biznes uchun. Ushbu turdagi raqamli bozorlarda tashkilotlar bir-birlariga raqamli vertikal bozorlar (ma'lum bir hududdagi o'ziga xos savdo jamoalari), turli etkazib beruvchilarning raqamli savdo maydonchalari, tarmoqlararo portallar, kim oshdi savdolari, raqamli birjalar yordamida sotadilar. B2B yo'nalishi bugungi kunda eng rivojlangan raqamli bozor turidir.

2. **Business-to-Consumer** (B2C) - biznes iste'molchi uchun. Tashkilotlar tovar va xizmatlarni alohida olingan iste'molchilarga vitrina saytlari, chakana savdo, virtual savdo markazlari, onlayn xizmatlar (transport, sug'urta, sayohat, bank, ta'lim va boshqalar) shuningdek raqamli kataloglar asosida sotadilar. Bu, oxirgi iste'molchiga yo'naltirilgan biznesdir.

3. **Business-to-Government** (B2G) - davlat uchun biznes. Biznes, hukumat va ma'muriy tuzilmalar o'rtasida davlat (munitsipal) xaridlari bo'yicha o'zaro munosabatlar amalga oshadi.

4. **Consumer-to-Consumer** (C2C) - iste'molchi iste'molchi uchun. Iste'molchilar tovar va xizmatlarni bir-birlariga alohida raqamli auksionlar orqali sotadilar.

5. **Government-to-Everybody** (G2E) - davlat hamma uchun. Davlat idoralari fuqarolarga kerakli xizmatlarni taqdim etadilar.

6. **Government-to-Consumer** (G2C) - hukumat iste'molchi uchun. Ushbu turdagi bozorlar aholining davlat organlari bilan o'zaro aloqasi uchun mo'ljallangan (masalan, raqamli hukumat).

Raqamli bozorga munosabat jihatidan xaridorlarni uch guruhga bo'lish mumkin.

1. An'anaviylar tovarlarga qo'llari bilan "tegishni", sotuvchi bilan shaxsan muloqot qilishni afzal ko'rishadi. Ammo ba'zi bir holatlar ularni raqamli bozorga "tashrif buyurishga" majbur qilishi mumkin: pulni tejash imkoniyati, "an'anaviy" do'konning ish vaqtining noqulayligi, do'konning hududiy uzoqligi, do'stlarning tavsiyalari va boshqa omillar.


2. Xaridlarning bir qismini Internet orqali amalga oshiradigan iste'molchilar. Ular Internetdan tovarlarning iste'mol sifatlari, narxlari, boshqa iste'molchilar fikri to'g'risida ma'lumot to'plash uchun foydalanishlari mumkin. Shu bilan birga, ular xaridlarning bir qismini Internet orqali, ba'zilari esa an'anaviy do'konlarda tarmoqqa olingan ma'lumotlar asosida amalga oshiradilar.

3. Barcha xaridlarini raqamli bozorda amalga oshiradigan iste'molchilar. Ular odatda professional ravishda axborot va telekommunikatsiya texnologiyalari bilan bog'liq.

Dunyo bo'ylab Internetga kirish va qabul qilish tez sur'atlar bilan o'sib borayotganligi sababli, raqamli xaridorlar soni har yili ortib bormoqda. 2020-yilda ikki milliarddan ortiq odam tovar yoki xizmatlarni onlayn xarid qildi.

2-diagramma

2014 yildan 2021 yilgacha butun dunyo bo'ylab raqamli xaridorlar soni (milliardlarda)⁶⁶



⁶⁶ <https://www.statista.com/statistics/251666/number-of-digital-buyers-worldwide/>

Bugungi kunda raqamli bozor ishtirokchilari o'rtasidagi o'zaro ta'sir modelarining yagona qabul qilingan umumiy tizimi mavjud emas.

Agar biz raqamli bozor ishtirokchilarini ularning ishbilarmonlik faoliyatining modeliga qarab tasniflasak, unda quyidagilarni ta'kidlashimiz mumkin:

- **Vositachilik operatsiyalari.** Brokerlar xaridorlar va etkazib beruvchilar o'rtasidagi vositachidir, ular o'zaro bitimlarning tashkilotchilari bo'lishi mumkin. Ular B2B, B2C, C2C operatsiyalari amalga oshiriladigan bozorlarni yaratadilar. Brokerlarning daromadi operatsiyalar bo'yicha ajratmalardan iborat;

- **Reklama.** Reklama agentligi bo'lgan sayt raqamli pochta, chatlar va forumlar shaklida xizmatlarni taqdim etadi. Asosiy daromad bannerlarni joylashtirishdanolinadi;

- **Axborot agentliklari** xaridorlar va sotuvchilar haqida ma'lumot beradi, xaridorlarga tovar va xizmatlarning sifati, ma'lum bir mahsulotni sotib olish tajribasi va boshqalar to'g'risida ma'lumot almashish imkoniyatini beradi;

- **Savdo modeli.** Tovarlar va xizmatlar ulgurji va chakana savdosining klassik modeli. Mahsulotga (auksion) talabga qarab narx belgilanishi yoki o'zgarishi mumkin;

- **Ishlab chiqarish modeli** ishlab chiqaruvchi va xaridorlar o'rtasida to'g'ridan-to'g'ri aloqani nazarda tutadi. Masalan, sut, gullar va boshqa tez buziladigan mahsulotlar bilan savdo qilishda moliyaviy va vaqt xarajatlarini kamaytirishga imkon beradi;

- **Virtual hamjamiyat modeli.** Virtual jamoalar jamiyat a'zolari o'rtasidagi aloqa muhimligiga asoslanadi. Daromad badallar va reklamalardan kelib chiqadi;

- **Obuna modeli.** Bunday saytlarda ba'zi ma'lumotlar barcha foydalanuvchilarga, ba'zilari esa faqat abonentlarga haq evaziga taqdim etiladi.

Tijorat operatsiyalarini o'tkazish uchun raqamli texnologiyalarni joriy qilish zamonaviy ish dunyosini tubdan o'zgartirdi.

Raqamli bozorlar Internetda tovarlar va xizmatlarning elektron tijorat savdosini osonlashtirmoqda. Faoliyat sohaslarining globallashuvi natijasida har bir bozor sub'yekti global miqyosda biznes va biznes uchun imkoniyatga ega bo'lib bormoqda. Raqamli bozorlarda tovarlarni tarqatish kanallarining qisqarishiga, raqobatning globallashuvi va tranzaktsiya xarajatlarining kamayishiga hamda har bir mijozga individual yondashish imkoniyatini yaratmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Digital economy: impacts, influences, and challenges / Harbhajan Kehal, editor, Varinder P. Singh, editor. Includes bibliographical references and index. ISBN 1-59140-363-4 (hardcover) -- ISBN 1-59140-364-2 (pbk.) -- ISBN 1-59140-365-0 (ebook).

2. Липидус Л.В. Цифровая экономика. Управление электронным бизнесом и электронной коммерцией. Учебник. М.: Инфра – М. 2021. - 479 стр.

3. Хусанишин И.А., Кудряшов А.А., Кузьмин Е.В., Крюкова А.А. Цифровая экономика. Учебник для высших учебных заведений. М.: Горячая линия-Телеком. 2021, - 288 стр.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРДАН Фойдаланишнинг Иқтисодий Таҳлили

И.И.Эркинхожиев
ТДИУ, ассистент

Аннотация: Мамлакатиз қишлоқ хўжалигида техника воситалари билан таъминлаш бугунги агросаноат мажмуасининг асосий вазифаларидан биридир.

Таянч иборалар. Агросаноат мажмуи, техника, иқтисод, таҳлил, қишлоқ хўжалиги, экономика.

Аннотация: Обеспечение сельхозтехникой страны одна из основных задач современного агропромышленного комплекса.

Abstract: Providing the country with agricultural machinery is one of the main tasks of the modern agro-industrial complex.

Жаҳон банки ҳам ўз ҳисоботида 2020 йил Европа ва Марказий Осиёда иқтисодий ўсишнинг асосий манбалари қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлишини қайд этиб, Ўзбекистоннинг бу соҳада катта имкониятлари мавжудлигига алоҳида эътибор қаратди – Ўзбекистон аҳолисининг ярми қишлоқ жойларида яшайди, ЯИМнинг учдан бири қишлоқ хўжалигидан ташкил топади.

Қишлоқ хўжалигида техника воситалардан фойдаланишнинг иқтисодий таҳлилардан келиб чиқан ҳолда қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминланганлик даражаси паст даражада сақланиб қолмоқда. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги саноатини 2020-2024 йиллар даврида янада ривожлантириш концепциясига асосан Республикада 200 мингга яқин қишлоқ хўжалиги техникаси мавжуд (шундан 2/3 қисми техник эскирган), қўшимча 200 мингдан ортиқ техникага эҳтиёж бор.

Бунинг асосий сабаби сифатида қишлоқ техникаси нархи, фермерлар молиявий имконияти ва техниканинг рентабеллиги орасидаги номутаносибликни кўрсатиш мумкин. Ишлаб чиқарилаётган техниканинг 70-75% импортга боғликлиги, ишлаб чиқариш харажатларининг юқорилиги, юқори малакали инженер ва бошқа мутахассислар етишмаслиги сабабли Белорус ва Хитой маҳсулотлари билан рақобатлашиш тобора қийинлашиб бормоқда.

Масалани ечими бутун дунёда бир хил – маҳсулот таннархини пасайтириш, локализация даражасини ошириш, техник хизмат тизимини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, инженер ва бошқа мутахассисларнинг сонига эмас сифатига эътибор бериш.

Бу йўналишда 21 август куни ҳудудларда саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштиришни кенгайтириш масаласи бўйича йиғилишда Президент томонидан қуйидаги ишлар қилиниши белгиланди:



- миллий “бренд” остида максимал даражада миллий эҳтиёт қисмлардан ясалган, арзон, кичикроқ, содда қишлоқ техникасини ишлаб чиқариш. Бунинг учун хорижий етакчи инжиниринг компаниялари, малакали конструкторлар ва олимларни жалб қилиш таклиф этилган.

- вилоятларда тўлиқ иш қуввати билан ишламаётган 5та техника заводида 120дан ортиқ турдаги импорт ўрнини босувчи эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйилиши лозим.

- ишлаб чиқаришга хусусий тадбиркорлик субъектлари жалб қилиниши керак, бунинг учун жойлардаги “Агросервис МТП” ларнинг моддий-техника базасидан унумли фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади.

- маҳаллийлаштириш даражасини ошириш мақсадида субсидия ва кредит фоизи ставкаларини қисман қоплаш тартибини сақлаб қолиш таъкидланди.

Қишлоқ хўжалигида унумдорликни ошириш ва қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминланганлик даражасини ошириш борасида қуйидагиларни таклиф этамиз:

- қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда иқтисодий самарадорлик бошқа барча мақсадлардан устун қўйилиши керак. Хусусан, ер майдонлари бўш қолса ҳам, унумдорлиги жуда паст, харажатларни қопламайдиган ҳолатлардан бутунлай воз кечиш; фермер ва кластерлар фаолиятларидаги эркинликни янада қўллаб қувватлаш;

- ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникаси ва ускуналар номенклатурасини содда, арзон ва кичик турдаги техника ҳисобига камида икки мартага кўпайтириш. Масалан, ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги техникасини ривожлантириш стратегияси ва йул хариталарида фақатгина 4-5 турдаги қишлоқ хўжалиги техникаси назарда тутилган. Лекин қишлоқ хўжалигида ўнлаб турдаги техникага талаб бор. Мисол тариқасида сут соғиш ускунаси, шоли экиш ва ўриш энгил ускуналари, энгил турдаги сомон пресслаш машиналари, инкубаторда фойдаланадиган ускуналар каби нисбатан содда ва нархи юқори бўлмаган қишлоқ хўжалиги техникаларига талаб катта. Буларнинг барчаси ҳозирги кунда импорт қилиниб келмоқда.

- қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминланганлик даражасини ошириш; арзон, содда, локализация даражаси 75 фоиздан юқори бўлган миллий бренддаги қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш, уларни лизинг ва кредит асосида қишлоқ хўжалиги субъектларига беришни таъминлаш таклиф этилади.

- лизинг шартлари банк ёки лизинг берувчи ташкилот учунгина қулай эмас, биринчи навбатда лизинг олувчи учун иқтисодий жиҳатдан «қизиқарли» ва имкониятларига мос ҳолда ишлаб чиқиши лозим. Хусусан, лизинг ёки кредит тўлов жадвалини қишлоқ хўжалигидаги мавсумийликни ва лизинг олувчини таклифини эътиборга олган ҳолда, мустақил танлаш ҳуқуқи берилиши лозим. Кредит еки лизинг тўловлари шартнома имзолангандан мuddатдан сўнг эмас,

балки техника ёки ускуна қабул гувоҳномасини имзолангандан сўнг ҳисобланиши лозим.

- аванс тўлови бир неча вариантларда таклиф этилиши ва лизинг еки кредит олувчи томонидан мустақил танланиши мақсадга мувофиқ. Лизинг ёки кредит берувчи ташкилот авансининг фақат энг кам миқдорини белгилайди, масалан 15-20 фоиз даражасида.

Шунингдек, техникадан фойдаланиш самарадорлигини режалаштириш ва аниқлашда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

- ✓ машина ва агрегатлардаги ишлар, механизациялашган ишларнинг ҳажми;
- ✓ иш вақти фонди, ундан фойдаланиш, меҳнат муддатлари;
- ✓ механизаторлар ва ёрдамчи ходимларнинг меҳнат харажатлари;
- ✓ операцион харажатлар;
- ✓ ёқилғи-мойлаш материалларига харажатлар.

Юқорида санаб ўтилган тадбирлар қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминланганлик даражасини ортиради, натижада соҳада унумдорлик, даромад ортиши кузатилади, бу эса яна қишлоқ хўжалиги техникасини янгилаш имкониятини яратиб, “ривожланиш занжирини” ишга тушириши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази расмий канали <https://review.uz/>.
2. Эркинхожиев.И.И “Пути решения проблем в сфере сельскохозяйственного машиностроения Республики Узбекистан” // Вестник аграрной науки Узбекистана.3(77) 2019. 171-174 ст.
3. Эркинхожиев.И.И “Инновацион иқтисодиёт шароитида қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланишининг иқтисодий асослари ” // Тошкент молия институти “Замонавий бизнесни бошқариш, иқтисодиёт, инновацион технологиялар ва ижтимоий фанларни ривожлантириш: назария ва амалиёт уйғунлиги” мавзусидаги олий ўқув юртлариаро халқаро конференция Ўзбекистон, Тошкент 2021 йил 24 май,274-276 б.
4. Анализ производства (локализации) сельскохозяйственной техники в Евразийском экономическом союзе по видам производства. Москва – 2017 г.



ВИДЫ СЕБЕСТОИМОСТИ ПРОДУКЦИИ АГРАРНОГО СЕКТОРА

Ф.Г.Аскарлов,
Ассистент, ТГЭУ

Аннотация. *Сегодняшний день сельское хозяйство является одной из наиболее значимых отраслей народного хозяйства, основной задачей которого является обеспечение продовольственной безопасности страны.*

Таянч иборалар: кластер, агрокластер, самарадорлик, озиқ-овқат, иқтисодий, молиявий, замонавий, технология, инновация, интенсив, экспорт, импорт, маҳсулот.

Аннотация. *Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги миллий иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, унинг асосий вазифаси мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдан иборат.*

Аннотация. *Today, agriculture is one of the most significant sectors of the national economy, the main task of which is to ensure the country's food security.*

В аграрном секторе производство продукции и ее реализация тесно взаимосвязаны, поэтому их необходимо анализировать совместно, так же для обеспечения высокой рентабельности и конкурентоспособности производимой продукции необходимо правильно учитывать ее себестоимость.

Себестоимость сельхоз продукции — это стоимостная оценка используемых в производстве продукции сельского хозяйства природных ресурсов, сырья, материалов, топлива, энергии, основных фондов, трудовых ресурсов и других затрат на её производство, а также сбыт.

В настоящее время в современной экономике выделяется несколько видов себестоимости:

- Полная себестоимость (средняя) — совокупность полных издержек (с включением коммерческих затрат);
- Предельная себестоимость — это себестоимость каждой последующей произведенной единицы продукции;

Себестоимость производимой продукции можно разделить на следующие виды:

- **Цеховая.** Подразумевает общий объем всех расходов фирмы, понесенных всеми ее производственными структурами, имеющими непосредственно влияние на создание продукта.
- **Производственная.** Учитываются расходы компании, произведенные всеми задействованными структурами фирмы, а также общие и целевые растраты.

▪ **Полная** себестоимость подразумевает, что помимо расходов предприятия на организацию всего производственного процесса выпуска продукта либо услуги, в строку растрат вписываются деньги, предназначенные для конечной реализации выпущенной продукции. Другими словами, к производственной себестоимости растрат плюсятся расходы, необходимые для построения логистики, доставки товара к конечному потребителю [1].

Основными задачами оценки производства продукции сельского хозяйства являются:

- оценка показателей динамики производства и продаж сельхоз продукции, так же их взаимосвязи;
- сравнение плановых показателей производства и реализации сельхоз продукции с фактическими;
- сравнение показателей производства и реализации сельхоз продукции со среднеотраслевыми, а также с показателями основных или ближайших конкурентов;
- выявление факторов, влияющих на производство и реализацию сельхоз продукции, а также оценка степени их влияния;
- расчет необходимых объемов производства и продаж сельхоз продукции, а также их обоснование;
- выявление имеющихся резервов повышения эффективности производства и реализации сельхоз продукции;
- выявление резервов производства и реализации продукции, включая ассортимент, качество и др [2].

В аграрном секторе для анализа производства и реализации продукции используются следующие основные показатели:

- натуральные, которые используются при анализе объемов производства и реализации продукции, — единицами измерения являются тонны, метры, штуки ит. п.;
- условно-натуральные, которые используются для обобщенных характеристик объемов производства продукции, особенно, когда приходится сравнивать однородную продукцию, выпускаемую в различной фасовке ит. п., - единицами измерения являются условные банки, погонные метры, условные ремонты ит. п.;
- трудоемкости, которые позволяют характеризовать объем производства и продаж, пользуясь показателями затрат труда или заработной платы;
- стоимостные, которые являются универсальными, поскольку оценивают показатели производства и реализации продукции в обобщенном виде и основаны на денежной оценке и такой экономической функции денег, как всеобщий эквивалент.

Производства продукции как в аграрном секторе, так и в других секторах народного хозяйства можно разделить на два вида:



Товарная продукция, в отличие от валовой, не включает остатки незавершенного производства и внутрихозяйственный оборот. Также как и валовая, она может быть оценена в плановых ценах, затратным способом или по ценам реализации (продажным ценам) [3].

Чистая продукция (валовый доход) — это валовая или товарная продукция за вычетом т.н. материальных затрат, т. е. затрат на предметы и средства труда, причем последние представлены амортизацией. Этот показатель полезно использовать для сравнения темпов роста производительности труда и расходов на оплату труда; уровня фондоотдачи.

Список использованной литературы:

1. Экономика сельского хозяйства: Учебник / под ред. Добрынина. -- М.: Агропромиздат, 1991 г. - 540 с.
2. Экономика сельского хозяйства. С основами аграрных рынков.: Курс лекции. - М.: ЭКМОС, 1998 г. - 448 с.
3. Рафикова Н. Об анализе себестоимости сельскохозяйственной продукции // Экономист. - 1996. - №5. - с. 92-94.

ДАВЛАТ, ЖАМИЯТ ВА БИЗНЕС ТАРАҚҚИЁТИДА GR-МЕНЕЖМЕНТ МЕХАНИЗМИ: МОҲИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Д.Джуроев,
“Менежмент ва маркетинг” кафедраси
мустақил тадқиқотчиси, ТДИУ

Аннотация: Ушбу мақолада давлат, жамият ва бизнес тараққиётида gr-менежмент механизми: моҳияти ва вазифалари билан боғлиқлик масалалари ўрганиб чиқилган. Ўйриқ хорижий ва миллий корпорациялар ва ноτιижорат ташкилотлари таркибида GR-департаментларининг фаол ривожланиши корхоналарнинг давлат ҳоқимияти билан ўзаро ҳаракатларини бошқаришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқишини, улар фаолиятини таҳлил қилиши ва тизимлаштириши масалалари баён қилинган.

Таянч иборалар: GR-менежмент, GR-департамент, самарали бошқариши, маъсулият мезонлари

Аннотация: В данной статье исследуется механизм GR-менеджмента в развитии государства, общества и бизнеса: сущность и задачи, вопросы взаимосвязи. Активное развитие GR-отделов в структуре крупных зарубежных и национальных корпораций и некоммерческих организаций характеризует развитие эффективного управления взаимодействием предприятий с государственной властью, анализ и систематизацию их деятельности.

Abstract: In this article, the mechanism of GR-management in the development of the state, society and business: the essence and objectives of the linkage issues are studied. The active development of GR departments in the structure of large foreign and national corporations and non-profit organizations describes the development of effective management of interaction of enterprises with the state power, the analysis and systematization of their activities.

Иқтисодий реалликнинг динамик ўзгариши, глобаллашув ва ахборотлашув жараёнлари аҳамиятининг ўсиб бориши бизнес ва ижтимоий секторнинг давлат билан ўзаро муносабатларининг трансформациялашувига олиб келди. Мазкур шароитда нафақат жамият, бизнес ва давлат ўртасидаги чегара, балки шу билан бирга уларнинг ўзаро ҳаракатларининг шартлари, манфаатдорлик ва маъсулият мезонлари ва шартлари ҳам ўзгармоқда. Ижтимоий ва иқтисодий муносабатларнинг оғирлашиши ва мураккаблашувига бизнес-тузиммалари ва ноτιижорат ташкилотларининг Ҳуқумат органлари билан ўзаро ҳаракатларини бошқаришнинг янги механизмлари ва технологияларини қидириб топиш ва яратишга олиб келмоқдаки, ушбу масала ҳозирги кунда илмий ҳамжамият томонидан етарлича ўрганилмаган.



Давлат муассасанинг барча стейкхолдер (ингл. stakeholder – манфаатдор томон, шунингдек, иштирокчи, иш иштирокчиси, лойиҳадаги роли – ҳуқуқларга эга шахс, ташкилот) ларидан энг муҳими ҳисобланади, яъни унинг фаолиятига кўпроқ қизиқувчи ва унинг натижасидан манфаатдор шахс ҳисобланади. Ҳар қандай муассаса ҳуқуқий макон доирасида ҳоқимият органлари билан давлат белгилаб берган икки томонлама ўзаро ҳаракатни амалга оширади ва унинг бошқарув таъсири синовидан ўтади. Бундан ташқари, ҳоқимият органлари кўпинча муассасаларнинг иқтисодий контрагентлари ҳисобланишади, тижорат компаниялари эса давлат ташкилотларига ўзининг товарлари етказиб берадилар ва хизматлар кўрсатадилар. Шундай қилиб, ташкилот фаолиятининг муваффақияти давлат билан ўзаро ҳаракат жараёнларини бошқариш самарадорлигига боғлиқ.

Тижорат ва нотижорат ташкилотларининг давлат билан ўзаро ҳаракатларини бошқариш муаммоларини ўрганишнинг зарурлиги менежмент назарияси ва амалиётидаги янги воқелик - GR-менежмент (инглизча Government relations management – «давлат ҳоқимияти органлари билан алоқаларни бошқариш») нинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш даражасининг ўсиб бориши шароитида корхонанинг давлат билан ўзаро ҳаракатларини бошқариш жараёнини назарий жиҳатдан қайта кўриб чиқишнинг аҳамияти ошади. Бундан ташқари, ҳозирги шароитда GR-менежментни ўрганишнинг долзарблиги шу билан боғлиқки, йирик хорижий ва миллий корпорациялар ва нотижорат ташкилотлари таркибида GR-департаментларининг фаол ривожланиши корхоналарнинг давлат ҳоқимияти билан ўзаро ҳаракатларини бошқаришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқишни, улар фаолиятини таҳлил қилиш ва тизимлаштиришга эҳтиёж сезаётир.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда корхонанинг давлат билан ўзаро ҳаракатларини бошқариш тизимининг шаклланиши ва самарали фаолиятини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, GR-менежмент механизми самарали усуллари, моделлари ва технологияларини қўллаш, корхонанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, эркинлиги ва давлат-хусусий шериклиги шароитида давлат билан ўзаро ҳаракатларни самарали ташкил этиш ва бошқариш, бу жараённинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасидаги муҳим масалалардан бирига айланди.

Умуман, Ўзбекистон Республикасида корхонанинг давлат билан ўзаро ҳаракатларини бошқариш қуроли сифатида GR-менежмент механизмнинг назарий, методологик ва амалий жиҳатлари махсус, мустақил тадқиқот объекти сифатида етарли даражада ўрганилмаганлиги мазкур илмий тезис мавзусининг долзарблигини ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини белгилаб беради. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт шароитида корхонанинг давлат билан ўзаро ҳаракатларини самарали бошқариш муаммолари тўла ҳолида ҳал қилин-

маган, айниқса, бу жараёнда GR-менежмент механизми комплекс равишда ўрганилмаган. Шу муносабат билан ушбу муаммони тадқиқ этишни такомиллаштириш ва умуман, корхонанинг давлат билан ўзаро ҳаракатларини бошқариш курали сифатида GR-менежмент механизмининг шаклланиши ва самарали фаолиятини таъминлаш бўйича таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш зарур ва муҳим масалалардан ҳисобланади.

GR-менежментининг мақсади - маъмурий муҳитни қулайлаштириш ва давлат органлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни таъминлаш, ташкилот фаолиятининг самарадорлиги ва иқтисодий рентабеллигини ошириш ва ҳукумат томонидан юзага келадиган хатарларни минималлаштириш.

Ушбу мақсадга эришиш учун GR-менежментининг қуйидаги вазифалари бажарилишини таъминлаш керак:

- ташкилот ва ҳокимият ўртасида ягона ахборот муҳитини яратиш;
- ҳокимият фаолияти тўғрисида ташкилот раҳбариятини ахборот билан таъминлаш;
- ҳокимият вакиллари билан бевосита алоқалар ва алоқа тизимларини ўрнатиш;
- жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш ва сиёсий бирлашмалар билан ўзаро муносабатлар;
- давлат-хусусий шериклик дастурларида иштирок этиш;
- ҳокимият органлари қарорларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- ташкилотнинг мавқеини яхшилашга қаратилган қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ва бошқалар;
- давлат томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш (шу жумладан субсидиялар, грантлар);
- ташкилот томонидан маълум бир фаолият турини амалга ошириш учун рұхсатномалар, лицензиялар олишда давлат ҳокимиятидан ёрдам олиш;
- давлат буюртмаларини олишни таъминлаш;
- тартибга солувчи хавфларни бошқариш.

Ташкилотда GR-менежменти ахборот, таҳлилий, коммуникатив функцияларни ва давлат органларида ташкилот манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш функциясини бажаради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. B.Xasanov, K.Nurmanov, R. Xasanova. Zamonaviy boshqaruv hisobi. T.: LESSON PRESS MCHJ nashriyoti, 2021. - 413 b. ISBN: 978-9943-7638-6
2. Karimov N.G', Hojimatov R.X., Investitsiya.: O'quv qo'llanma-2019.; TDIU-494 b.
3. Хўжамқулов Д.Ю., Исмаилов Д.А. Инвестиция лойиҳаларини бошқариш. Ўқув қўлланма. ТДИУ. 2019. – 268 б.
4. Собирова Л.Ш., Хўжамқулов Д.Ю. Инвестиция. Ўқув қўлланма. ТОШКЕНТ-МОЛИЯ. 2019. -254 б.



ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЁТГА ТАЪСИРИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ

Н.И.Исакова,

Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада миллий иқтисодиётни таянч бўғини ҳисобланган корхоналар фаолиятини самарали олиб боришда уларга жалб этиладиган инвестицияларнинг салмоғини ҳисоблаб бориш ҳамда уни самарадорлигини аниқлаш статистик жиҳатдан янги ёндашувларни талаб этади ва юқоридаги фикр - мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда капитал инвестицияларни бизнес фаолиятга давлат кафолати остида олиб киришда иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш масалалари баён қилинган.

Таянч иборалар: Инвестиция самарадорлиги, рақобатбардош экспорт, самарали бошқариш, маъсулият мезонлари

Аннотация: В данной статье утверждается, что расчет влияния инвестиций на эффективную деятельность предприятий, которые считаются основой национальной экономики, а также определение ее эффективности требуют статистически новых подходов и, исходя из приведенных выше замечаний, вопросов использования опыта развитых стран при внедрении капитальных вложений в экономику.

Abstract: In this article, it is stated that the calculation of the impact of investments on the effective performance of enterprises, which are considered the backbone of the national economy, as well as the determination of its effectiveness, requires statistically new approaches and, proceeding from the above comments, the issues of using the experience of developed countries in the introduction of capital investments into.

Бугунги кунда мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш уни қайта куриш ва янги техника-технологиялар билан таъминлаш учун инвестициялар зарур. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг Давлат ўз мулкани шахсий кўлларга бериб, мамлакат ичида моддий ва пул ресурсларини тарқатиш бўйича аввалги буйруқбозлик функцияларидан воз кечди. Иқтисодиётнинг реал секторидаги корхоналар захирасида ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга маблағ киритиш учун ўзининг етарли даражада сармоясининг йўқлиги миллий иқтисодиётни ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикасида иқтисодий бошқарувнинг бозор тизимига ўтиши инвестиция жараёнининг янги моделини шакллантириш билан боғлиқ бўлиб, қулай инвестиция муҳити турли давлат, хусусий ва хорижий

манбалардан фойдаланган ҳолда инвестициялар ўсишини рағбатлантиради. Глобаллашув шароитида инвестициялар ўсиши илмий ва технологик салоҳиятга боғлиқ бўлиб, у ҳар қандай мамлакат учун иқтисодий ўсишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Инвестиция жараёни бу жуда кўп қиррали жараён бўлиб, кўплаб омилар таъсирида бўлади ва уларни билиш катта илмий ҳамда амалий аҳамиятга эга. “Ушбу омиларни билиш, уларнинг инвестиция фаолияти ва инвестиция самарадорлигига таъсири механизми илмий асосланган инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда инвестиция жараёнини янада самарали бошқариш учун асосдир”⁶⁷.

Ҳозирги замонавий иқтисодиёт шароитида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти биринчи навбатда юқори технологиялар ва илм-фанни талаб қиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган ривожланиш моделига муҳтож. Бу миллий иқтисодиётни жаҳон иқтисодиётига тўлиқ интеграциялашувига, рақобатбардошлигини оширишга ва ривожланган мамлакатлар ўртасида тенг ҳуқуқли ҳамкорликни таъминлашга имкон беради (1-расм).

1-расмда келтирилган маълумотларга асосланган бўлса, 2010 йилда Ўзбекистон Республикасида инновацияларга қилинган ҳаражатлар ҳажми ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 0,36 %ини ташкил қилган бўлса, 2020 йилда дастлабки маълумотларга кўра, 1,5 %ни ташкил этиб 31010,2 млрд. сўмга етди. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулотда инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш улушининг 2010 йил (2,5 фоиз)га нисбатан 2020 йилдаги дастлабки маълумотлар бўйича 5,4 фоизга тенг бўлиб 31010,2 млрд. сўмни ташкил этди.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида инновацияларга қилинган ҳаражатлар ва ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар динамикаси

Иқтисодчиларнинг инвестиция масалаларига катта эътибор қаратишлари миллий иқтисодиётнинг инвестиция соҳасида юқори натижаларга эришишдаги қийин аҳволи билан боғлиқ бўлиб, бу бевосита мамлакатдаги умумий ижтимоий-иқтисодий вазият билан бирга келади ва унга қуйидаги омилар сабаб бўлади:

⁶⁷ Игонина, Л.А. Инвестиции / Л.А. Игонина.-М.: Юрист, 2002. - 478с.

корхоналарда молиявий ресурсларнинг етишмаслиги ва ноқулай ҳамда самарасиз солиққа тортиш тизими;

асосий воситаларнинг ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан сезиларли даражада эскириши ҳамда ишлаб чиқаришнинг мутлақ ҳажмининг пасайиши;

фонд бозорининг ривожланмаганлиги ва сиёсий беқарорлик ҳамда инфляциясион жараёнларнинг кучайиши.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни соzлашнинг энг муҳим йўналишларидан бири бу инвестиция фаолияти самарадорлигини ривожлантириш ва такомиллаштиришдан иборат бўлиб, бу, биринчи навбатда, мустақилликнинг дастлабки даври ва амалга оширилмайд қолган иқтисодий ислоҳотларга, миллий иқтисодиётнинг барқарор ҳолатига ҳамда унинг фаолияти самарадорлигининг ошишига олиб келмаганлиги билан боғлиқ. Бу эса ўз навбатида ҳар қандай ривожланиш ва ҳалқаро интеграциялашув кенг миқёсли инвестицияларсиз иқтисодий тикланиш мумкин эмаслигини тасдиқлади (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулот ҳажми ва асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар динамикаси

| Кўрсаткичлар | 2000 й. | 2005 й. | 2010 й. | 2015 й. | 2020 й. | 2020 йилнинг 2000 йилга нисбатан ўзгариши (+, -) |
|---|---------|---------|---------|----------|----------|--|
| ЯИМ, млрд. сўм | 3255,6 | 15923,4 | 78936,6 | 221350,9 | 602551,4 | 599295,8 |
| Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, млрд. сўм | 744,5 | 3165,2 | 16463,7 | 44810,4 | 210195,1 | 209450,6 |
| Аҳоли жон бошига умумий даромад, минг сўм | 96,4 | 371,8 | 2192,8 | 5410,6 | 12279,1 | 12182,7 |

Жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулот ҳажми 2020 йилда 2000 йилга нисбатан 599295,8 млрд. сўмга ошиб, 602551,4 млрд. сўмга тенг бўлган. Бу даврда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми мос равишда 209450,6 млрд. сўмга ўсиб, 210195,1 млрд. сўмга етган. Юқорида таъкидланганидек, мамлакат иқтисодиётига киритилган инвестиция ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишга олиб келади. Шундан келиб чиқадиган бўлса, аҳоли жон бошига умумий даромад 2020 йилда 2000 йилга нисбатан 12182,7 минг сўмга ошиб 12279,1 минг сўмга тенг бўлган.

Таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий таърифга кўра, инвестициялар - бу “саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларининг бошқа тармоқларига узок муддатли капитал қўйилмалар кўринишида амалга ошириладиган харажатлар мажмуи”-деб тавсифлаш мумкин. Давлат сармояларининг бир қисми умумий иқтисодий жараёни, экологик вазиятни, ижтимоий барқарорликни таъминлашга ёки иқтисодий самарадорлиги олдиндан номаълум бўлган техника ва технологиянинг тубдан янги соҳаларини яратишга қаратилган. Бироқ, кучли корхоналар ҳам, трансмилий корпорациялар ҳам технологик ютуқларнинг харажатларини қоплай оладилар. Кенг маънода, инвестиция мамлакат иқтисодиётининг ўсиши ва ривожланишини молиялаштириш учун зарур бўлган механизмни беради.

Ҳозирги кунда корхоналарда инвестицион фаолиятни самарали амалга ошириш, хусусан хорижий ва маҳаллий инвесторларни кенг жалб қилиш орқали йирик лойиҳаларни самарали ташкил этишга кенг аҳамият берилмоқда. Ушбу йўналишда, Ўзбекистон Республикасида “инвестиция дастурлари ва тармоқлар йўналиши доирасида инвестицияларнинг ўзлаштирилиши ва лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳолатини ўрганиш ҳамда вужудга келатган муаммоларни, шу жумладан жойида бартараф этиш чораларини кўриш”⁶⁸ бўйича тадбирлар, “рақобатбардош экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида маҳаллий ва хорижий тадбиркорларга Ўзбекистоннинг устувор соҳа, тармоқ ва ҳудудларига инвестиция киритиш учун қулай инвестиция иқлими ва рағбатларни яратиш, шунингдек, ҳар бир давлат органи томонидан инвестицияларни фаол жалб қилиш ва савдони ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши”⁶⁹ бўйича тизимли ишлар ва вазифалар белгилаб олинган.

Инвестицияларнинг корхона фаолиятига таъсирини статистик баҳолашда авваламбор, инвестициялар таркибини кўриб чиқишимиз лозимдир. Тижорат амалиётида инвестицияларнинг физик активларга қилинган инвестициялар, пул активларига қилинган инвестициялар ва номоддий активларга қилинган инвестициялар шакли ўзаро фарқланади.

Физик активлар деганда асосий ишлаб чиқариш воситалари, яъни ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари ҳамда хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган ҳар қандай машина ва ускуналар тушунилади. Пул активлари деганда бошқа жисмоний ва юридик шахслардан пул маблағларини олиш ҳуқуқи, масалан, банкдаги депозитлар, акциялар, облигациялар ва бошқалар англашилади.

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 августдаги ПФ-6042-сон “Республикада экспорт ва инвестиция салоҳиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.08.2020 й., 06/20/6042/1190-сон

⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги ПФ-5643-сон “Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2019 й., 06/19/5643/2545-сон; 11.10.2019 й., 06/19/5848/3901-сон

Номоддий активлар — ходимларни қайта тайёрлаш ёки малакасини ошириш дастурларини амалга ошириш, лицензиялар сотиб олиш, савдо белгиларини ишлаб чиқариш натижасида фирма эга бўладиган бойликлардир. Қимматбаҳо қоғозларга қилинадиган инвестициялар портфель инвестициялар, физик активларига қилинадиган инвестициялар эса реал инвестициялар, деб аталиб, реал активларга қилинаётган инвестицияларни тайёрлаш ва таҳлил қилиш асосан фирманинг мақсадларига, яъни инвестиция ёрдамида корхона нимага эришмоқчилигига боғлиқ бўлади.

Хулоса қилганда, миллий иқтисодийetni таянч бўгини ҳисобланган корхоналар фаолиятини самарали олиб боришда уларга жалб этиладиган инвестицияларнинг салмоғини ҳисоблаб бориш ҳамда уни самарадорлигини аниқлаш статистик жиҳатдан янги ёндашувларни талаб этади ва юқоридаги фикр - мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда капитал инвестицияларни бизнес фаолиятга давлат кафолати остида олиб киришда иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. А. У. Бурханов, Х. Х. Худойқулов. Молия бозори ва инвестициялар. Дарслик. Тошкент: Маънавият, 2021. - 528 б. ISBN 978-9943-04-405-0

2. Karimov N.G., Xojimatov R.X., Investitsiya.: O'quv qo'llanma-2019.; TDIU-494 b.

3. Хўжамқулов Д.Ю., Исмаилов Д.А. Инвестиция лойиҳаларини бошқариши. Ўқув қўлланма. ТДИУ. 2019. – 268 б.

4. Собирова А.Ш., Хўжамқулов Д.Ю. Инвестиция. Ўқув қўлланма. ТОШКЕНТ-МОЛИЯ. 2019. -254 б.

5. Тухлиев Б. К. Инвестициялар ва уларни молиялаштириши тизимини такомиллаштириши масалалари. Тошкент. Инновацион ривожланиш нацириёт-матбаа уйи. 2021 й. ISBN (ISSN): 978-9943-7136-7-3, 224 б.

6. Инвестиции и инвестиционная деятельность организаций : учебное пособие / Т. К. Руткаускас [и др.] ; под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. Т. К. Руткаускас. — Екатеринбург : Изд-во Урал. 2019. — 316 с.

КРІ ТИЗИМИ АСОСИДА МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Б.П.Қличев,

**“Молия ва бухгалтерия ҳисоби” кафедраси
катта ўқитувчиси, ТДИУ**

Аннотация: Ушбу мақолада КРІ тизими қисман тавсифланган, фирма ва компания ходимлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш асосида КРІ тизими орқали моддий рағбатлантириши, мотивация назариялари ва КРІ тизими ўртасидаги боғлиқлик масалалари ўрганиб чиқилган.

Таянч иборалар: КРІ тизими, мотивация назариялари, Management by Objectives тизими, самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари

Аннотация: В данной статье изучаются вопросы материальной мотивации через систему КРІ, теории мотивации и связи между системой КРІ на основе оценки эффективности деятельности фирмы и сотрудников компании, которые частично описываются системой КРІ.


Abstract: This article describes the issues of material motivation through the KPI system, the theory of motivation and the relationship between the KPI system based on assessing the performance of the firm and the company's employees, which are partially described by the KPI system.

Қирриш. Бугунги кунда кўпгина ривожланган ва ривожланаётган давлатларда фирма ва компанияларнинг фаолияти ва мазкур компаниялар ходимларининг иш фаолияти натижавийлигини баҳолаш самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (ингл. КРІ- Key Performance Indicators) тизими орқали амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда ҳам акционерлик жамиятлари ва бошқа иқтисодий субъектларнинг фаолият натижаларини эълон қилишда, ходимлар иш ҳақини тўлаш, моддий рағбатлантириш КРІ тизими асосида ташкил этилмоқда ҳамда бунинг ҳуқуқий асослари ҳам белгилаб қўйилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида” ги 207-сон ҳамда 09.12.2020 йилдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 775-сон қарорларига мувофиқ, устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятларига, масъулияти чекланган жамиятларга ва давлат корхоналарига ижро этувчи органининг самарадорлик муҳим кўрсаткичлари мажбурий тарзда жорий этилиши белгиланган.



Тадқиқот методологияси. Фирма ва компанияларнинг муҳим самарадорлик кўрсаткичларининг шаклланиши, уларнинг ижобий интервалларда динамик ўсишига эришиши мазкур компанияларда фаолият олиб бораётган ишчи ва ходимларнинг малакаси ва меҳнат унумдорлигига узвий боғлиқ ҳисобланади. Қўл остидаги ходимларнинг меҳнат унумдорлигининг ошиб бориши фирма ва компанияларнинг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари ўзгаришига ижобий таъсир этадиган асосий омил ҳисобланади. Ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ошириб боришда эса мотивация муҳим аҳамият касб этади. Мотивация бу самарадорликни оширишнинг инсон руҳий ҳолати билан боғлиқ омили бўлиб, иқтисодий таҳлилда мотивация ходимларни жонли меҳнат фаолиятига рағбатлантирувчи восита сифатида ўрганилади. Барча инсонлар каби ўзимизга маълумки, ҳеч бир восита моддий рағбатлантириб боришдек мотивациямизни оширолмайди. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва шунга мос равишда моддий рағбатлантириш, айнан КРІ тизимини қўллаб-қувватловчи асосий дастаклар ҳисобланади (1-расм).




1-расм. КРІ тизимини қўллаб-қувватловчи асосий дастаклар.

КРІ тизимининг тарихий шаклланиши АҚШнинг Гарвард бизнес мактаби профессорлари томонидан ўтган асрнинг 80-90-йилларида яратилган **Management by Objectives** тизимига боғланади. Management by Objectives – мақсадни бошқариш, яъни, “фаолиятнинг келгусидаги натижаларини олдиндан кўра билиш орқали ва уларга эришиш йўлларини белгилаб олиш методикаси” асосида ўз миссияси ва стратегик вазифаларини бажариш учун мақсадли кўрсаткичларни белгилаш ҳамда уларнинг бажарилиш ҳолати тўғрисидаги маълумотларни манфаатдор шахсларга ошкор қилиш бўйича “Мувозанатлашган кўрсаткичлар тизими” ишлаб чиқилган. КРІ тизими – ушбу тизимнинг замонавий кўриниши бўлиб, ривожланган давлатларда деярли 40 йилдан буён ҳамда Россия ва МДХ давлатларида 15 йилдан буён самарали фойдаланилиб келинмоқда⁷⁰.

⁷⁰ Кубатиева Ф.Б. КРІ – каждому по способностям // Кадровая служба и управление персоналом предприятия. 2019. № 10. ст 34-35

Тадқиқот натижалари ва таҳлил. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, КРІ тизимида фақатгина моддий рағбатлантириш орқали қўйилган мақсадларга, муваффақиятга эришиш мумкин, деган хулоса бериш нотўғри, албатта. Замонавий менежментнинг асосчиси Питер Фердинанд Дракер “Кучли лидерларнинг самарали бошқаруви ва муваффақияти асосини ходимларнинг самарали ишлашга бўлган мустақил истаги ташкил этади”, деб таъкидлаган⁷¹. Меҳнат жамоасида ўз касбидан мамнун ва раҳбар билан дўстона муносабатни сақлаб қолган ходимларнинг қолган ҳамкасбларига нисбатан меҳнат унумдорлигини юқори бўлиши ҳақиқатан ҳам IBM ва Жанубий Кореянинг “Lotte” корпорацияси мутахассислари томонидан ҳам исботланган бўлиб, улар ходимларнинг фаоллиги ва иш самарадорлиги ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни аниқладилар.



2-расм. КРІ тизими асосини ташкил қилувчи назариялар

Бу борада «Harvard Business Review» илмий-оммабоп журнали томонидан олиб борилган тадқиқот ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ташкилот томонидан 1996-2003 йиллар давомида мингдан ортиқ компания ходимлари ва раҳбарлари иштирокида уларни натижавийлигини аниқлаш ва рағбатлантиришни самарали услубларини ўрганиб чиқди ва 2004 йилда бу изланишларни эълон қилди. Унга мувофиқ компания ходимлари 5% доимо яхши ишлаши, 5-7% ҳар қачон ёмон ишлаши, қолган 88% самарали ишлаши учун доимо тўғри мақсадлар ўрнатиш, мақсадга эришиш йўлларини кўрсатиб бериш ва ходимларни унга йўналтириш ҳамда уларни бажарилиши бўйича назорат талабларини ўрнатиш лозимлиги уларни ишлатишга сабаб бўлар экан⁷².

⁷¹ Питер Дракер. Классические работы по менеджменту = Classic Drucker. — М.: «Альпина Бизнес Букс», 2008. — С. 220.

⁷² А. А. Мамажонов, П. Т. Бердимуратов, С. Х. Махмудова. КРІ асосида рағбатлантириш тизими. АСТА. ТПРУ. 3-2019. 51-58 б.

Демак, КРІ тизими ходимларни меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларига кўра моддий рағбатлантириш орқали мотивациясини оширишга асосланган бўлсада, меҳнат унумдорлигини оширувчи бошқа назариялар билан ҳам узвий боғлиқ ҳисобланади (2-расм).

Хулоса ва тақлифлар. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мотивация жараёни инсоннинг қандайдир этишмовчиликдан ёки қониқишнинг умуман йўқлигидан бўлган эҳтиёждан бошланади. Эҳтиёжнинг қондирилиш даражасига қараб мотивация тури, ходимнинг келажакдаги ҳаракати ва самарадорлиги таҳлил қилинади. Инсон эҳтиёжлари чексиз. Айнан мана шу омил мотивациянинг турли даражаларини ифодалайди. КРІ тизими бу иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатлар тизими бўлиб, бу ерда иш берувчи ходимларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун энг яхши шароитларни яратиши, ютуқ ва муваффақиятларни ўз вақтида моддий ва маънавий рағбатлантириши кераклиги, жавоб тариқасида эса ходимлар раҳбар эътиборини ва рағбатни ҳис қилиб, ўз ютуқларини компания фаолияти билан боғлаши ва унинг самарадорлигини оширадиган ташаббусларни қабул қилишга тайёр бўлиши талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. А.К. Клочков. КРІ и мотивация персонала. Полный сборник практических инструментов. Москва 2010.
2. Parmenter, David. Key performance indicators: developing, implementing, and using winning KPIs. USA 2007.
3. Н.И. Архипова, И.М. Поморцева, Н.А. Татарина. Алгоритм оценки качества персонала на базе показателей эффективности КРІ. Статья 2014.
4. Архипова Н.И., Поморцева И.М., Седова О.А. Кадровая политика как фактор стратегического развития университета // Вестник РГГУ. 2013. № 6 (107). С. 43.
5. Кубатиева Ф.Б. КРІ – каждому по способностям // Кадровая служба и управление персоналом предприятия. 2019. № 10.
6. Питер Друкер. Классические работы по менеджменту = Classic Drucker. - М.: «Альпина Бизнес Букс», 2008. — С. 220.
7. А. А. Мамажонов, П. Т. Бердимуратов, С. Х. Махмудова. КРІ асосида рағбатлантириш тизими. АСТА. ТПРУ. 3-2019. 51-58 б.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА СТРАТЕГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ш.О.Темиров,
ТДИУ докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада стратегиялар фақатгина бозорда катта мавқе ва ресурслар тўпламига эга, йирик корхоналар фаолиятининг бир қисми сифатида кўрилади. Ушбу мақолада стратегияларни тадбиркорлик фаолиятида ҳам энг катта қуроолардан бири бўлиши мумкинлигини кўрсатиб берамиз.

Таянч иборалар: Бизнес стратегия, тадбиркорлик чегаралари, кичик бизнес, самарадорлик кўрсаткичлари

Аннотация: В данной статье стратегии рассматриваются только как часть деятельности крупных предприятий, обладающих большим положением на рынке и набором ресурсов. В этой статье мы покажем вам, как стратегии также могут быть одним из величайших инструментов в предпринимательской деятельности.

Abstract: In this article, strategies are seen only as part of the activities of large enterprises, with a large position in the market and a set of resources. In this article, we will show you how strategies can be one of the greatest tools in entrepreneurial activity as well.

Кўп ҳолларда стратегияларни катта бизнес элементи деб тушунишади. Одатда стратегиялар фақатгина бозорда катта мавқе ва ресурслар тўпламига эга, йирик корхоналар фаолиятининг бир қисми сифатида кўрилади. Ушбу мақолада стратегияларни тадбиркорлик фаолиятида ҳам энг катта қуроолардан бири бўлиши мумкинлигини кўрсатиб берамиз.

Бугунги кунда, тадбиркорлик нималиги ва унинг чегараларини белгилаб берадиган таърифлар кўплаб учрайди. Айримлар ҳар қандай янги бизнес ташкил этишни тадбиркорлик деб таърифласа, бошқалар тадбиркорликни даромад топишнинг альтернатив йўли, яъни бошқаларга тобеъ бўлмаган ҳолда даромад топиш деб тушунади. Тадбиркорлик фаолиятига таъриф берилганда кўпчилик, инноватив, журъатли ва таваккалчи каби сифатларни қўллайди. Шу билан бир қаторда тадбиркорликка одатда кичик бизнес деб қарайдилар. Биз тадбиркорликни, алоҳида шахсларнинг қўл остидаги ресурслардан қатъий назар, талаб ва истакларни инновациялар (янги маҳсулот ёки хизмат) воситасида қондириш имкониятларини излаб қўлаш жараёни деб таърифлаймиз. Кичик бизнес ва тадбиркорлик ўртасида фарқ бор. Кичик бизнес раҳбарларининг барчасини тадбиркор деб билмаймиз, чунки аксарияти янги маҳсулот ёки хизматлар ишлаб чиқармайди. Кичик бизнеслар асосан бозорда мавжуд хизмат ва маҳсулотларни ишлаб чиқаради ёки савдогарлик фаолияти билан шугулланади.



Катта, ўзини ўнглаб олган ташкилотларда тадбиркорлик мавжуд бўлиши мумкин. Мисол учун, менежмент соҳасида таниқли бўлган Петер Дракер тадбиркор раҳбарни ўз қобилиятига ишонган, инновацион гоёларни татбиқ этишда имкониятни қўлдан бой бермайдиган, кутилмаган ўзгаришларга тайёр бўлибгина қолмай, улардан фойдалана оладиган деб тасвирлайди.

Бироқ бугунги кун амалиётидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий тадбиркор бошқарувчи деб ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилотга тадбиркорлик руҳияти, кайфиятини сингдира олган раҳбарга айтилади. Дракернинг тушунчаси қайсидир маънода тўғри, ammo унинг таърифи кўпроқ тадбиркор ишчи-ходимларга таълуқли. Бошқарувчи раҳбар сифатида ўзи тадбиркор бўлибгина қолмай, тадбиркорликни бутун ташкилот миқёсида сингдириши лозим.

Тадбиркор шахсиятини тушунишда шарқ ҳамда ғарб маданиятида тафовутлар мавжуд бўлиб, ғарбда тадбиркорни тасвирлашда асосан учта омил биринчи ўринда келади:

- тадбиркорнинг мақсадга эришишга бўлган эҳтиёжлари юқори бўлади;
- тадбиркор ўз тақдирини ўзининг қўлида эканлигига қаттиқ ишонади;
- тадбиркорлар таваккал қилишга эҳтиёт бўладилар.

Шарқ маданиятида тадбиркор фаолиятининг негизида жамиятга хизмат қилиш туради. Тадбиркорнинг барча фаолияти ана шу гоё атрофида қурилади. Бундан куйидаги хулосалар келиб чиқадики, тадбиркор ўз фаолиятдан кўзлаган мақсади молиявий мукофот эмас балки жамият фаровонлигидир, турли мақсадларга эга бўлган шарқ ва ғарбдаги тадбиркорларнинг интилувчанлиги ҳам турлича бўлади. Ғарб маданиятида ҳар ким ўз тақдирини ўз қўлида эканлигига ишонади ammo, шарқда тадбиркорлик муваффақиятининг асосий гарови ҳалоллик ҳисобланади. Ҳар иккала маданиятда ҳам таваккал қилинсада, Европа, Шимолий Америка тадбиркорлари муваффақиятга эришиш учун таваккал қилишга мажбур эканликларига ишонадилар. Бироқ шарқ маданиятида муҳитдаги барча кучларни бошқариб бўлмайди деган ишонч борлиги туфайли таваккал қилинади.

Ҳар иккала маданият тадбиркорлари ўртасида ўхшашликлар ҳам йўқ эмас. Тадбиркорлар ўз муаммоларини ўзлари ечишни, ўзлари қўйган мақсадга ўз меҳнатлари билан эришишни истаган мустақил шахс бўладилар. Биров томонидан назорат қилинишларини ёқтирмайдилар, қадриятларида ўзларининг озодликлари энг муҳим ўринни эгаллайди. Тадбиркор натижани назорат қилиб бўладиган даражада таваккал қилади. Тадбиркорлик фаолияти уни қўллаб-қувватлайдиган муҳитда ривожланади. Ота-оналар тадбиркор бўлган оилада фарзандларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиш эҳтимолиги катта бўлади. Одатда тадбиркорларнинг ўз ҳаракатларига жавоб беришга, мустақил бўлишга, ҳаётда бир нимага эришишга ундайдиган ота-оналари бўлади.

Тадбиркорларнинг анъанавий менежерлардан фарқли шахсиятлари бўлади. Тадбиркорларнинг ўзлари ишонган қаҳрамонлари бўлади. Бир кишининг

тадбиркорлик фаолияти билан муваффақиятга эришиши тадбиркорликни осон қилиб кўрсатади. Сўнги фактор аввалги тадбиркорлик фаолияти бўлади. Иккинчи, учинчи, тўртинчи марта тадбиркорлик фаолиятини бошлаш осонлашиб кетиши туфайли одатда тадбиркорлик қайта тақрорланадиган фаолият ҳисобланади.

Тадбиркорлар стратегияни оддий бюрократик менежердан ўзгача тушунади ва амалга оширади. Тадбиркор стратегиясининг асосида мавжуд ресурслар эмас, балки имкониятлар ётади. Тадбиркор муҳитни бирор бир имконият топиш учун яқиндан кузатади. Бунда ресурслар иккинчи даражали масала бўлиб қолади. Имконият топилган заҳоти ундан фойдаланиш йўллари кидиради. Тадбиркор муваффақиятга эришиш учун шахсий ҳаётдан воз кечиши кераклигини билади. Статистика 10 дан кам ишчилари бўлган ташкилотни бир йил яшашининг 75 фоиз эҳтимолиги бор, уларнинг атиги учдан бири тўрт йилгача яшаш мумкинлигин кўрсатишига қарамай, тадбиркорлар бундай статистикага эътибор бермайдилар. Имкониятни топган ўзига ишонган ва интилувчан тадбиркор бундай статистикани четлаб ўта олишига ишонади. Имконият ва уни амалга ошириш йўли топилгандан кейингина, тадбиркор ресурслар ҳақида ўйлай бошлайди. Биринчи бўлиб қандай ресурслар кераклиги аниқланиб, ундан кейин уларни қаердан топиш мумкинлиги тўғрисида бош қотирилади. Охир оқибатда, тадбиркор ресурслар муаммосини ечгандан сўнг ички таркиб, маркетинг дастур ва бошқа умумий стратегиянинг керакли элементларни шакллантиради.



ТУРИЗМ БОЗОРИДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

М.Ж.Тожиева,

**Ўз.Р. Давлат Статистика қўмитаси ҳузуридаги
Кадрлар малакасини ошириш ва статистик
тадқиқотлар институти таянч докторанти**

Аннотация: Ушбу мақолада Республикада туристик-рекреацион ресурслардан самарали фойдаланиш асосида миллий туристик хизматлар бозорининг ҳудудий структурасини янада такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган. Ўзбекистон минтақаларида туристик кластерларнинг шакллантирилиши туристик-рекреацион ресурслардан тўлиқ фойдаланиш замирида янги туристик фирмалар очилишига ва мавжудларининг ишини янада фаоллаштириш орқали янги турдаги туристик маҳсулотларнинг яратилиши очиб берилган.

Таянч иборалар: Туризм хизматлари, инновацион туризм, интензивлик коэффициенти, ягона туристик бренд

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы дальнейшего совершенствования территориальной структуры национального рынка туристических услуг на основе эффективного использования туристско-рекреационных ресурсов Республики. Формирование туристических кластеров в регионах Узбекистана в эпоху полного использования туристско-рекреационных ресурсов, создания новых видов туристских продуктов было открыто путем открытия новых туристических фирм и дальнейшей активизации работы существующих.

Abstract: In this article, the issues of further improvement of the territorial structure of the National Tourist Services Market on the basis of effective use of tourist-recreational resources in the Republic are considered. Formation of tourist clusters in the regions of Uzbekistan in the era of full use of tourist-recreational resources, the creation of new types of tourist products has been opened by opening new tourist firms and further activating the work of existing ones.

Туризм хизмат бозорининг моҳияти ва таркибини аниқлашда инновацион шароитдаги туристик хизматларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш мақсадга мувофиқ бўлди. Туристик хизматларнинг анъанавий моддий материал кўринишда бўлмаслиги, бевосита сезилмаслиги, истеъмолчининг бевосита сервис жараёнида иштирок этиши, ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш амалларининг ажралмаслиги каби белгилар бу турдаги хизматларни тўлалигича ифодалайди. Туристик хизматларнинг хусусиятларини тадқиқ қилишнинг янги инновацион имкониятларини излаш уларнинг жамиятга фойда келтириши кўламини белгилаш ва ташқи таъсири концепциясини қўллаш билан боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармонида кўрсатилганидек, республикамизда туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтиришга олиб келадиган ўрта муддатли истиқболда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясига асосан, шунингдек 2017-2021 йилларда концепцияни амалга оширишга доир аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш режаштирилган. Мазкур вазифаларни амалга оширилиши туризм соҳасининг иқтисодиётдаги улушининг ортishi, унинг тезкор ривожланиши ҳамда туристик хизматлар сифатининг ошишига олиб келади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида соҳада қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистонда туризм тармогини ривожлантириш, шу жумладан, имкон қадар қулайлик яратиш, тармоқнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш ва жаҳон бозорида миллий туристик маҳсулотни фаол танитиб бориш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Инновацион жараёнлар туризм бозорида глобаллашув тенденцияларини чуқурлаштириб, жаҳонда бизнеснинг янги фалсафасини – инновацион ривожланиш заруриятини келтириб чиқарди. Бугунги кунда туристик ташкилотларнинг инновацион фаолиятига давлатнинг таъсир кўрсатиш механизмлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: инновацион жиҳатдан фаол бўлган ташкилотларга солиқ имтиёзларини тақдим этиш; махсус илмий-техникавий, солиқ ва молия-кредит сиёсатини амалга ошириш; туризм соҳасига маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-

Туризм соҳасидаги инновацион фаолият туристик маҳсулотнинг янгисини яратиш ёки мавжуд маҳсулотни ўзгартиришга, транспорт, меҳмонхонага оид ва бошқа турдош хизматларни такомиллаштиришга, янги бозорларни ўзлаштиришга, илгор ахборот ва телекоммуникация технологияларини ҳамда ташкилий-бошқарув фаолиятининг замонавий шакллари амалиётга татбиқ этишга йўналтирилган бўлади. Туристик хизматлар бозори бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улардан тўғри фойдаланиши инновацион фаолият учун қулай имкониятларни тақдим этади. Туризмнинг мақсади ва қўринишларини эътиборга олиб таклиф қилинган модел тўртта асосий омилнинг алоҳида акс топишини тақоза қилади: туристнинг хордиқ чиқариши ва янги таассуротларга эга бўлиши, соғломлаштирувчи ва рекреацион, саёҳат пайтидаги ижтимоий мулоқотлар, малакавий-бизнес.

Соҳада инновацион фаолиятни ривожлантириш омилларининг таклиф этилган модели туристларнинг талаб ва эҳтиёжини қондириш манбаси сифати-



да туризм хизматлар бозорини ривожлантиришга замин тайёрлайди ва айнан шу омиллар туризм соҳасида инновацион фаолиятнинг янги турларини, гоё ва имкониятларнинг очилишини раҳбатлантиради. Республикада туристик-рекреацион ресурслардан самарали фойдаланиш асосида миллий туристик хизматлар бозорининг ҳудудий структурасини янада такомиллаштиришни талаб қилади. Ўзбекистон минтақаларида туристик кластерларнинг шакллантирилиши туристик-рекреацион ресурслардан тўлиқ фойдаланиш замирида янги туристик фирмалар очилишига ва мавжудларининг ишини янада фаоллаштиришга туртки беради ва янги турдаги туристик маҳсулотларнинг яратилишига асос бўлади. Инновацион жараён туристик маҳсулотнинг хизматлар бозоридаги ривожланиш фаолиятига таъсир этувчи зарурий омил ҳисобланиши ҳамда, бугунги кунда ҳар қандай туристик фирманинг асосий мақсади рақобат шароитида истеъмолчини ўз хизмат турларига жалб қилишдан иборат.

Ҳудудларнинг ўзига хос туристик имкониятларини эътиборга олган ҳолда туристик-рекреацион кластерни шакллантириш ва уни инновацион омиллар асосида мунтазам ривожлантиришга йўналтирилган муаллифлик моделини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмига эътиборни қаратиш лозим бўлади. Бу ҳудудлардаги бетақрор туристик ресурслардан самарали фойдаланиш имконини яратиб, туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантириш натижасида туристлар сонини изчил равишда ошириб, мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ривожига катта ҳисса қўшишини таъминлайди. Туристик хизматлар бозорини ривожлантиришдаги кейинги тенденция сифатида туризм индустриясига давлат томонидан қўмаклашиш даражасининг оширилишини қайд қилишимиз лозим. Кўпгина давлатларда минтақаларнинг ягона туристик бренди шакллантирилмоқда ва бу ўз мамлакатининг турмаҳсулотини бутунжаҳон туризм бозорига силжитишга қўмак бермоқда. Ўзбекистон туристик маҳсулотини халқаро бозорга силжитиш учун жозибадор номдаги «Ўзбекистон» ягона миллий брендини яратиш бўйича мутахассис ва олимлар билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш ва амалиётга жорий қилиш ҳаракатини зудлаштириш лозим.

Туристик хизматлар бозорининг инновацион ривожланишини аниқлашда қўлланилаётган усуллар қаторига «туризм интенсивлиги коэффиценти» кўрсаткичи асосида баҳолаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги исботланган. Ушбу коэффицент мамлакат аҳолисининг умумий сонидан бир йилда ҳеч бўлмаганда бир марта туристик саёҳатга чиқиши мумкин бўлган аҳолининг улушини белгилайди. **Ўзбекистон** ҳудудларида туризм тараққиётининг интенсивлик коэффицентини электрон ҳисоблаш учун компьютер дастури ҳам ишлаб чиқилди. Дастурдаги ҳисоб-китоблар бўйича, 2010-2014 йилларда Ўзбекистонда туризм интенсивлиги коэффицентининг ўсиш тенденцияси кузатилиб, бугунги кунда мамлакатимиз фуқароларининг камида ҳар ўнинчиси йил давомида саёҳатга чиққанлиги кузатиламоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги статистик маълумотларига кўра, мамлакатда 548 та меҳмонхона ва муқобил жойлаштирув воситалари фаолият кўрсатиб, улардаги хоналар сони 17 705 тани ва жойлар сони 29 324 тани ташкил қилган. Ўзбекистондаги меҳмонхоналар йилига 2 500 000 - 3 000 000 туристни қабул қилиш имкониятига эга. Ҳар мингта меҳмонга хизмат кўрсатишга 20-30 кишининг меҳнати тўғри келишини ҳисобга олсак, ҳозирги кунда қўшимча равишда яратилиши мумкин бўлган иш жойлар 61405 ўринни ташкил қилади. Республикада 60 мингдан ортиқ янги иш ўринларини ташкил этиш имконияти пайдо бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг туризм соҳасида фаолият кўрсатиб турган дастурий таъминот воситаларининг таҳлили уларнинг уч йўналишдан иборат эканлигини кўрсатмоқда, яъни улар умумий дастурлар, туризм фаолиятига йўналтирилган дастурлар ва қўшимча дастурлар кўринишига эга. Туристлик фирмалар фойдаланаётган дастурий таъминот воситалари таҳлилида туристик фирмалар сайтларини фақатгина тижорат воситаси сифатида қараб бўлмайди, зеро улар, энг аввало, бутунжаҳон интернет тармоғида минтақани намойиш этади ҳамда унинг мақбул имижни шаклланишига ҳар томонлама кўмаклашади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”*. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2. *Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги “Туризм тўғрисида”ги 549-сонли Қонуни.*

3. Макаров М.Ю. *Построение модели устойчивого развития туристских территорий (на примере Краснодарского края). Диссертация на соискание учёной степени кандидата экономических наук. Сочи 2016 – 33,34 стр.*

4. <http://www.stat.uz/>



YENGIL SANOAT KORXONALARIDA MAHSULOT TANNARXINI ANIQLASHNI TAKOMILLASHTIRISH

S.To'xtaboyev,

Toshkent moliya instituti magistranti

Annotasiya: Ushbu maqolada yengil sanoat korxonalarida buxgalteriya hisobini yuritilishi va mahsulot tannarxini aniqlashni takomillashtirish asoslari keltirib o'tilgan.

Tayanch iboralar: yengil sanoat korxonasi, tannarx, modernizatsiya, kalkulyatsiya.

Аннотация: В данной статье представлены основы совершенствования бухгалтерского учета и калькуляции затрат на предприятиях легкой промышленности.

Abstract: This article provides a framework for improving the accounting and costing of light industry enterprises.

Tannarx ko'rsatkichi korxonada faoliyatida muhim sifat ko'rsatkichlaridan biri hisoblanadi. U qancha past bo'lsa, ishlab chiqarish rentabelligi shuncha yuqori bo'ladi. Yuqorida ishlab chiqarish xarajatlariga berilgan tushunchadan ma'lumki, tannarxga korxonaning xamma xarajatlari qo'shilmaydi, ba'zi xarajatlari boshqa manbalar hisobidan qoplanadi. Mahsulot ishlab chiqarish xarajatlari xarajat kalkulyatsiya moddalariga bo'yicha ishlab chiqarish turlari (asosiy, qo'shimcha), xarajatning vujudga kelish joylari, mahsulot turlari bo'yicha buxgalteriya hisobida aks ettiriladi. Xarajatlarni ana shunday umumlashtirish va guruhlash uchun bir nechta sintetik buxgalteriya schyotlari qo'llaniladi.

Ishlab chiqarish xarajatlarini hisobga olish va ishlab chiqarilgan mahsulot tannarxini aniqlash sanoat korxonalaridagi buxgalteriya hisobining eng asosiy qismlaridan biridir. Bizning mamlakatimizda buxgalteriya hisobida «xarajatlar» tushunchasi o'rniga «tannarx» tushunchasi ishlatilib kelingan.

Mahsulot tannarxiga qo'shiladigan xarajatlar quyidagi moddalar bo'yicha hisobga olinadi:

1. Moddiy xarajatlar
2. Elektr energiya xarajatlari
3. Mehnatga haq to'lash xarajatlari
4. Ijtimoiy sug'urtaga ajratma
5. Asosiy vositalar va nomoddiy aktivlar amortizatsiyasi
6. 2310 «YOrdamchi ishlab chiqarish» xarajatlari
7. 2500» Umumiy xo'jalik xarajatlari»

Mahsulot ishlab chiqarish va sotish xarajatlari to'g'risidagi axborotni shakllantirishning yagona tamoyillarini ta'minlash uchun davlat tomonidan mahsulot tannarxiga kiritiladigan xarajatlarni belgilash, daromad va xarajatlarni guruhlarga ajratish, korxonalar faoliyati turli, mulkchilik shakli va idoraviy bo'sunishidan

qat'iy nazar ularni buxgalteriya hisobida aks ettirishning umumiy tartibi belgilangan.

Ana shu maqsadlarda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 1999 yil 5 fevraldagi 54-sonli qarori bilan tasdiqlangan «Mahsulot (ishlar, xizmatlar) ni ishlab chiqarish va sotish bo'yicha xarajatlar tarkibi hamda moliyaviy natijalarni shakllantirish tartibi xaqidagi Nizom» (keyingi o'zgartirishlar bilan) ishlab chiqildi. Mazkur Nizom xo'jalik yurituvchi sub'ektlar-yuridik shaxslarning, shuningdek, yuridik shaxs bo'lmagan holda tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanuvchi jismoniy shaxslarning mahsulot (ishlar, xizmatlar)ni ishlab chiqarish va sotish xarajatlarni aniqlashning yagona metodologik asoslarini belgilaydi.

Mamlakatda korxonalar ishlab chiqarish faoliyatini tubdan takomillashtirish, bozorlarda mavjud raqobat kurashida ustunlikga erishishlarida buxgalteriya hisobini samarali yo'lga qo'yish O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, O'zbekiston Respublikasi Davlat Soliq qo'mitasi hamda O'zbekiston Respublikasi buxgalterlari va auditorlari milliy assotsiatsiyasi tomonidan rivojlantirish maqsadida bir qator ishlar amalga oshirilmoqda. Buxgalteriya hisobini tartibga soluvchi qonunlar qabul qilinishi va boshqa me'yoriy hujjatlar yaratilishi, hisob milliy standartlarining xalqaro standartlariga moslashishi, vatanimizning jahon iqtisodiyotiga integrallashuvida muhim ahamiyat kasb etadi.

Xo'jalik yurituvchi subyektlarda tannarxni xar bir faoliyat va mahsulot turlari, sotish bozorlari, mintaqalar hamda haridorlar didlari bo'yicha kalkulyatsiya qilinishi bugungi kunning dolzarb masalalardan biri bo'lib hisoblanadi. Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida xo'jalik yurituvchi sub'ektlar ishlab chiqarish faoliyatining samaradorligini aks ettiradigan ko'rsatkichlarning umumiy tizimida mahsulot tannarxi ko'rsatkichi asosiy o'rinni egallaydi. Yengil sanoat korxonalarida buxgalteriyani hisobi va mahsulot tannarxni kalkulyatsiya xarajatlari xisobini to'g'ri tashkil qilish va mahsulot tannarxini kalkulyatsiyasi ilmiy asoslangani ularning nazariy jihatlari qay darajada ishlab chiqilganligiga bog'liq. O'zbekiston Respublikasining Prezidenti Sh. Mirziyoyev o'z ma'ruzalarida quyidagilarni ta'kidlagan: "Birinchisi – islohotlarning qay darajada samara berayotganini ko'rsatadigan maqsadli dasturlarni amalga oshirish natijadorligi. Bular qatorida sanoat va boshqa tarmoqlarni rivojlantirishning quyidagi iqtisodiy va moliyaviy ko'rsatkichlarini keltirish mumkin: ishlab chiqarish quvvatlarining ahvoli, xarajatlarni va tannarxni pasaytirish, mahalliyashtirish va rentabellik darajasini, mahsulot raqobatdoshligini so'zsiz oshirish"

Yengil sanoat korxonalarida ishlab chiqarish quvvatlaridan, asosiy fondlardan to'liq foydalanishda, mehnat samaradorligini oshirishda yo'l qo'yilayotgan kamchiliklar mahsulotlar tannarxining asossiz ravishda o'sib ketishiga olib kelmoqda.

O'zbekiston Respublikasida ishlab chiqilgan mahsulot, bajarilgan ishlar, ko'rsatilgan xizmatlar tannarxini hisoblashnin uslubiy asosi bo'lip 1995-yil 5-fevraldagi 54-sonli qarori bilan qayta ko'rip chiqilgan "mahsulot (ish, xizmatlar)



ni ishlab chiqarish va sotish xarajatlarining tarkibi hamda moliyaviy natijalarni shakllantirish tartibi to'g'risida”gi Nizom hisoblanadi

Bunga ko'ra mahsulot (ishlar, xizmatlar)ning ishlab chiqarish tannarxini xosil qiluvchi xarajatlar ularning iqtisodiy mazmuniga ko'ra quyidagi elementlar bilan guruhlariga ajratiladi:

- ishlab chiqarish moddiy xarajatlar (qaytariladigan chiqitqilar qiymati chiqarib tashlangan holda);

- ishlab chiqarish xususiyatiga ega bo'lgan mehnatga haq to'lash xarajatlari;

- ishlab chiqarishga tegishli bo'lgan ijtimoiy sug'urtaga ajratmalar;

- asosiy fondlar va ishlab chiqarish axamiyatiga ega bo'lgan nomodiy aktivlar amortizatsiyasi;

- ishlab chiqarish ahamiyatga ega bo'lgan boshqa xarajatlar.

Bu mavzuni yoritish jarayonida olingan bilim va ko'nikmalar asosida ishlab chiqarish xarajatlari hisobi va auditini takomillashtirishga doir quyidagilarni amalga oshirishni taklif etaman:

➤ Ishlab chiqarish xarajatlari hisobi va mahsulot tannarxini shakllantirishda kalkulyasiyaning ilg'or usullaridan samarali foydalanishni yo'lga qo'yish;

➤ Ishlab chiqarish xarajatlari hisobini yuritishda tegishli boshlang'ich xujjatlar va registrlar aylanishini o'rganish hamda ularni takomillashtirish yo'nalishlarini izlash;

Mahsulot tannarxini pasaytirish maqsadida iloji boricha mahalliy resurslardan tejamkorlik bilan foydalanish va ularning qat'iy hisobini yo'lga qo'yish;

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

- 1. Mahsulot (ishlar, xizmatlar)ni ishlab chiqarish va sotish xarajatlari tarkibi hamda moliyaviy natijalarni shakllantirish tartibi to'g'risidagi nizomni*
- 2. Boshqaruv hisobi: A.V Vahobov. A. Abdullayev*
- 3. Internetning <https://qalampir.uz/uz/> saytidan*

МОЛИЯ БОЗОРИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ ВА ЖАҲОН МОЛИЯ БОЗОРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

С.У.Холдоров,

*Молия ва бухгалтерия ҳисоби
кафедраси ассистенти, ТДИУ*

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон молия бозорининг иқтисодийдаги ўрни ва тизимдаги ислохатлар натижасида Ўзбекистонинг замонавий жаҳон молия бозоридаги нуфузини яхшилашга қаратилган ислохатлар ёритилган.

Таяч сўзлар: молия бозори, инвестиция, банк-молия тизими, қимматли қозғозлар, евробондлар, акциялар.

Аннотация: В данной статье описывается роль финансового рынка Узбекистана в экономике и реформы, направленные на улучшение имиджа Узбекистана на современном мировом финансовом рынке в результате системных реформ.

Abstract: This article describes the role of the financial market of Uzbekistan in the economy and reforms aimed at improving the image of Uzbekistan in the modern world financial market as a result of systemic reforms.

Жаҳондаги молиявий глобаллашув шароитида муҳтарам Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ривожланишнинг ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилаётган прогрессив макроиқтисодий ва фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, шунингдек Ўзбекистон молия бозорининг иқтисодийдаги ролини янада ошириш натижасида, жаҳон иқтисодиётида юз бераётган эпидемик инқироз ҳолатларига қарамасдан, мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблик таъминланмоқда.

Мустақил мамлакатимиз молия бозорида, шу жумладан банк-молия тизимида ўтказилаётган ислохотлар натижасида замонавий жаҳон андозаларига ва талабларига мос келадиган молия-банк тизими ҳамда бозор инфратузилмаси босқичма-босқич шакллантирилмоқда, молия-банк соҳасини янада эркинлаштиришга қаратилган қатор қонунчилик ташаббуслари ва улардан келиб чиқувчи муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Республикаимизда банк-молия тизими барқарорлигини таъминлашга катта эътибор берилаётганлиги туфайли мамлакатимизда барпо этилган банк-молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, унинг жаҳон молия бозоридаги нуфузи ортиб бориши, шунингдек мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамларимиз дунё жамоатчилиги, шунингдек, қатор нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда.



Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш учун катта ҳажмдаги инвестициялар зарур бўлади. Инвестицияларни эса молия бозори ва қимматли қоғозлар бозори орқали олиб келиш мумкин.

Молия бозори ҳамда замонавий молиявий инфратузилманинг ривожланиши инновацион ривожланиш йўлига ўтишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Фақат шундай шароитдагина инвестиция фаолиятини фаоллаштириш ва инвестиция оқимларини ишлаб чиқариш, сўнгра эса юқори технологиялар соҳасига қайта йўналтириш мумкин бўлади. Замонавий молия бозорларининг асосий унсурларини яратмасдан туриб, иқтисодий ўсиш асосий омилларидан бири ҳисобланган тўғридан-тўғри инвестицияларнинг киришига эришиб бўлмайди.

Молия бозори ёрдамида иқтисодиётда пул маблағлари ҳаракати таъминланади, шунингдек, молия ресурсларини бетўхтов шакллантириш, улардан самарали фойдаланиш ва сармоялаш амалга оширилади. У инвестицияга айланаётган пулнинг хўжаликнинг турли соҳалари ўртасида эркин кўчиб юриши, молия ресурсларидан эркин ва оқилона фойдаланишни таъминлайди. Ўз навбатида, пулнинг капитал сифатида ишлаб чиқаришга сафарбар этилиши иқтисодий салоҳиятни кучайтиради, инновациялар, фан-техника тараққиётини жадаллаштиради ва шу асосда халқ фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон молия тизимининг асосий кўрсаткичлари: 2018-2020 йилларда кредит ташкилотлари сони 55 тага эди, шу жумладан 4 тижорат банки (Пойтахт банк, Тенге банк, ТБС банк, Анор банк), 33 микрокредит ташкилоти ва 18 ломбард. 2021 йил 1 январ ҳолатига кўра, тижорат банклари активлари 366,1 триллион сўмни ташкил этди ва 2017 йилга нисбатан 120% га ошди. Бу даврда ўртача йиллик реал ўсиш (девалвацияни ҳисобга олмаганда) 24,1% ни ташкил этди.

2019 йил феврал ойида ҳукумат Ўзбекистон тарихида биринчи марта 1 млрд. АҚШ доллари қийматидаги суверен евробондлар муваффақиятли жойлаштирилгандан сўнг, бир неча тижорат банклари узоқ муддатли капитални жалб қилиш мақсадида халқаро капитал бозорига киришди. Хусусан, 2019 йил ноябр ойида “Ўзсаноатқурилишбанк” тижорат банклари орасида биринчи қадмни Лондон фонд биржасида 300 миллион евро облигатсияларни чиқариш орқали олди. 2020 йил октябр ойида Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки Лондон фонд биржасидан 300 млн. Ноябрь ойида Ипотека банки ҳам 300 миллион доллар евробондларни чиқарди ва евробондлар билан халқаро капитал бозорининг иштирокчисига айланди.

Бундан ташқари, кенг кўламли ишлар хорижий инвесторларнинг банк секторига бўлган қизиқишини оширишга ёрдам берди: 2018 йилда Швейтсариянинг ResponsAbility Investments компанияси томонидан бошқариладиган ва ривожланиш сармояларига ихтисослашган акциядорлик жамияти Ҳамкорбанкнинг 7,66% акцияларини сотиб олди.

2019 йилда Қозоғистон Халқ банки Тошкентда Тенге Банкнинг шўба корхонасини ташкил этди. Пайме-ни 2019 -йил апрелида сотиб олган ТБС Банк

(Грузия) бир йил ўтгач, Ўзбекистондаги биринчи рақамли банк сифатида Тошкентдаги филиалини очди. 2020 йилда Германия Молиявий Ривожланиш Институту (Deutsche Investitions- und Entwicklungsgesellschaft mbH, DEG) ва Triodos Investment Management Ипак Юли Банкнинг устав капиталига 25 миллион долларлик янги чиқарилган акцияларни сотиб олди.

Ўтган йилнинг бошида бошланган коронавирус пандемияси ҳозирги глобаллашув ҳақиқатини тасдиқлади - бу дунёдаги ҳеч бир мамлакат ташқарида ёлғиз қолмаслигидан далолатдир. Коронавирус инқирози банк-молия тизимида инновацион технологияларни жорий этишни тезлаштириш, банк бўлмаган молиялаштириш манбаларини кенгайтириш, аҳоли ўртасида молиявий саводхонликни ошириш, шунингдек, муҳтожларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг янада шаффоф механизмларини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон молия бозорини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш учун куйидаги ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- жаҳон амалиёти талабларига мувофиқ Ўзбекистон молия бозори фаолиятини тартибга солиш, назорат қилиш ва барқарор ривожланишини таъминлаш, шунингдек, молиявий хизматлар бозори иштирокчилари ва инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш;

- жаҳон стандартлари талабларига мувофиқ молия бозорини янада эркинлаштириш, унинг барқарорлиги ва капиталлашув даражасини ошириш;

- молия бозорига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, миллий иқтисодийга хорижий валюта тушумларини кўпайтириш мақсадида мамлакатнинг халқаро молия бозорлари билан интеграциясини таъминловчи самарали воситаларни ривожлантириш;

- тижорат банклари ва нобанк молия институтларининг инвестицион фаолигини янада кучайтириш ҳамда иқтисодийни модернизация қилиш ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтириш;

- молия бозорини янада ривожлантириш ҳамда маблағлардан самарали фойдаланиш мақсадида молия бозорида ҳисоб-китоб, клиринг тизими барқарорлигини ошириш ва унга замонавий халқаро тажрибаларни жорий этиш;

- миллий иқтисодийни модернизация қилишда мамлакатимизда шаклланиб бораётган қимматли қоғозлар бозори салоҳиятидан ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишнинг ишончли воситасига айлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада, куйидагиларни таклиф этамиз:

- тижорат банклари томонидан облигациялар ва депозит сертификатларни муомалага чиқариш билан боғлиқ бўлган жараёнларни янада соддалаштириш ва уларнинг эмитентлар ҳамда инвесторлар учун жозибadorлигини ошириш;

- чақириб олинмайдиган депозит сертификатлари муомаласини йўлга қўйишни ташкиллаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш;



– банк капитали таркибида барқарор элементлар, яъни оддий акциялар салмогини ортириш;

– қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини фаоллаштириш, субординар қарзнинг ҳажмларини кенгайтириш;

– прогрессив фонд дастакларини, шу жумладан коммунитив акциялар, конвертацияланадиган облигациялар, ипотека сертификатлари, ҳосилавий ва гаров қимматли қоғозларни эмиссия қилиш ва муомалага чиқариш кўламини кенгайтириш;

– банкларнинг узоқ муддатли ресурсларини кўпайтириш борасида банк депозитлари, депозит сертификатлари ва корпоратив облигацияларининг янги турларини жорий этиш ва амалдаги турларини уларнинг муддатлари, суммаси, валюта турлари ва тўлаш усуллари бўйича янада такомиллаштириш;

– гаров объекти ҳисобланган қимматли қоғозлар рўйхатини кенгайтириш ва бу рўйхатни мунтазам эълон қилиб бориш;

Бу соҳадаги ислохотларнинг ижобий таъсирини Жаҳон банкининг ҳисоб-китоблари ҳам тасдиқлайди, унга кўра инфляциянинг пасайиши Марказий банкга базавий ставкани 16% дан 14% гача пасайтиришга имкон берди. Иқтисодийга кредитларнинг ўсиши 2019 йилдаги 52% дан 2020 йилда 34% гача секинлашди. Капитал етарлилик коэффициентиларининг пасайиши ва муаммоли кредитларнинг кўпайишига қарамай, Ўзбекистон молия тизими потентсиал кредит шокларини бартараф этиш учун етарли капиталга эга.

Пул-кредит сиёсатининг 2021 йилги ва 2022-2023 йиллардаги асосий ёъна-лишларига мувофиқ, 2021 йилда инфляцияни 10% гача ва 2023 йилдан 5% гача доимий инфляцияни пасайтириш бўйича мақсадли вазифалар белгиланди. Ҳозирги “нисбатан қаттиқ” пул-кредит сиёсати шартлар 2021 йил охиригача сақланиб қолади. Консолидацияланган бюджет тақчиллиги 2022 йилда ЎИМнинг 2,5 фоизигача камайиши кутилмоқда. Структуравий ислохотлар давом этади ва 2022-2023 йилларда тартибга солинадиган нархлар эркинлаштирилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. А. У. Бурханов, Х. Х. Худойқулов. Молия бозори ва инвестициялар. Дарслик. Тошкент: Маънавият, 2021. - 528 б. ISBN 978-9943-04-405-0
2. Malikov T.S., Olimjonov O.O. Moliya: Darslik. Toshkent, "Iqtisod-moliya", 2019. - 969b.
3. Ахунова Е.А. Финансы: Учебник. Ташкент, Иқтисод-молия, 2019. - 322 стр.
4. Malikov T.S. Moliya: Darslik. Toshkent, "Iqtisod-moliya", 2018. - 268b.
5. С. К. Худойқулов. Молия ва солиқлар. Дарслик. Тошкент: Иқтисодиёт, 2020. - 554 б. ISBN: 978-9943-6363-5-4

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТИДА БАНКЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА УНДА ХОДИМЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ

А.А.Абдуллаев,
Андижон давлат университети, тадқиқотчи

Аннотация: Ушбу мақолада банкнинг ходимларга бўлган эҳтиёжини истиқболли ва жорий режалаштириши, кадрларни танлаш ва жамлаш, банк ходимлари фаолиятини баҳолаш, самарали меҳнатни мотивациялаш тизимини ишлаб чиқиши, ходимларни ривожлантиришининг турли шаклларини қўллаш ва уларнинг ижодий салоҳиятини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган.

Таянч иборалар: ходимларни бошқариш, банк талаблари, банк менежменти, меҳнат салоҳияти.

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы перспективного и текущего планирования кадровой потребности банка, отбора и найма, оценки сотрудников банка, разработки эффективной системы мотивации труда, использования различных форм развития персонала и повышения их творческого потенциала.

Abstract: This article discusses the issues of prospective and current planning of the bank's staff needs, selection and recruitment, evaluation of bank employees, development of an effective work motivation system, the use of various forms of staff development and improving their creative potential.

Миллий иқтисодий эркинлаштириш ва уни барқарор ривожлантиришда инновацияларнинг ўрни беқиёсдир. Инновацияларни жалб этиш орқали мамлакатимиз иқтисодий ривожлантириш ҳозирги даврдаги иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Инновацион ресурсларни жалб этишнинг бозор механизмлари ҳудудлар учун потенциал инвесторларни жалб қилишнинг турли хил йўллари таъминлаш имконини беради. Молия хизматлари соҳасида амал қилаётган Ўзбекистон Республикасидаги катта ёки кичик тижорат банклари учун инсонларни бошқариш муҳим аҳамиятга эгадир. Инсонларсиз банklar ҳам бўлмайди, керакли инсонларсиз ҳеч қайси банк ўз мақсадига эриша олмайди. Менежмент тижорат банklarининг барқарор ва самарали ишлаши учун асосий қурол бўлиб хизмат қилади. Бунда бозор ислохотлари шароитида банklarни бошқариш назарияси ва амалиётида кадрлар менежменти алоҳида ўрин эгаллайди.

Ходимларни бошқариш деганда, кадрлар таркибидан самарали фойдаланиш бўйича кадрлар сиёсатини ишлаб чиқишга йўналтирилган замонавий менежментнинг муҳим йўналиши тушунилади. Менежмент тизимининг асосий хусусиятларидан бири у ёки бу соҳада ходимларни бошқариш жараёнидир.

Банк соҳасида ходимларни бошқариш объекти бўлиб алоҳида ходимлар ёки банкнинг бутун ходимлари хизмат қилади. Ходимларни бошқариш субъекти эса кадрлар хизмати ходимлари, шунингдек, қўл остидагиларга нисбатан бошқарув функциясини бажарувчи, яъни кадрлар бўйича қарорлар қабул қилувчи барча бўғимдаги раҳбарлар тушунилади.

Ходимларни бошқариш ва уни такомиллаштириш бошқарув тушунчаси ва тамойиллари, бошқарув мақсади ва стратегияси, кадрлар сиёсати, банк хизмати фаолияти самарадорлигига баҳо бериш билан аниқланади. Банк ичидаги ўқитиш банкнинг ўқув дастурлари бўйича иш ўринларида, қисқа муддатли тематик семинарларда, хусусий ўқув марказларида олиб борилади. Ўқитишнинг бу шакли анча мослашувчан бўлиб, ходимларни ўқитишга оид баъзи бир жорий талабларни қондириш имконини беради, чекланган тусга эга ҳисобланади.

Ходимларни ривожлантиришнинг аниқ дастури банк томонидан қабул қилинган “Узлуксиз таълим концепцияси” асосида ишлаб чиқилади, унда банкнинг ходимлар таълим даражасини ошириш ва уларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш борасида ишлари, вазифалари ва мақсадлари белгиланади.

Банк ходимлари малакасини ошириш мунтазам тусга эга бўлгандагина самара беради. Хорижий тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, олий ва ўрта бўғин раҳбарлари учун малака ошириш даврийлиги уч йил, қуйи бўғин учун эса беш йилни, етакчи мутахассислар учун – икки йил, техник ижрочилар учун – олти-etti йилни ташкил қилади.

Ходимларни ўқитиш зарурати, авваламбор, банкнинг ўз талабларидан келиб чиқади. Чунки банк бозорда вазиятнинг доим ўзгариб туриши шароитида фаолиятини олиб боради, бу эса янги банк маҳсулотлари ва хизматларини, мижозларга хизмат кўрсатишнинг янги технологияларини, янги фаолият йўналишларини жорий этишни, янги таркибий бўлинмалар ва хизматларни яратишни тақозо этади. Банк ходимларини ўқитишнинг асосий шакллари банк ичида ўқитиш ҳамда ихтисослаштирилган ўқув муассасаларида ва ўқув марказларида ўқитишдир.

Ҳозирги замон банк менежменти ходимлар меҳнат салоҳиятини энг юқори даражада ишга солишни рағбатлантиришдангина эмас, балки уни ривожлантириш учун шарт-шароит яратишга ҳам қаратилган бўлиши лозим. Шу боис кадрлар хизматлари фаолиятининг муҳим йўналиши ходимларни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишни талаб этади. Банк ходимларини бошқариш ўз олдига қўйилган хизмат кўрсатиш вазифаларини муваффақиятли ҳал қила оладиган жипс жамоани шакллантиришга қаратилган ташкилий чора-тадбирлар тизимидан иборатдир. Ходимларни бошқариш тизими банк фаолиятининг стратегик ва тактик мақсадларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиш асосида амалга ошириш кераклигини билдиради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб банк ходимларини бошқариш жараёни қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим. Бу банкнинг ходимларга бўлган эҳтиё-

жини истиқболли ва жорий режалаштириш, кадрларни танлаш ва жамлаш, банк ходимлари фаолиятини баҳолаш, самарали меҳнатни мотивациялаш тизимини ишлаб чиқиш, ходимларни ривожлантиришнинг турли шакллари қўллаш ва уларнинг ижодий салоҳиятини такомиллаштиришдан иборат.

Тижорат банкларининг амалиёти моддий рағбатлантиришдаги кўп масалаларни яхши томонга ўзгартириш мумкинлигидан далолат бермоқда. Одатда моддий рағбатлар барқарор қисмга (базавий тўлов, ставка) ва ўзгарувчан қисмга эга. Ўзгарувчан қисмга бўлинма ишидаги юқори натижалар, муайян ходимнинг яхши ишлаши учун мукофотлар, касбий ўсиш, билимлар ва ишда хорижий тиллардан фойдаланганлик учун, компьютерда ишлаши учун устамалар, ташаббускор лойиҳаларни амалга оширганлик учун тақдирловлар, янги фаолият йўналишларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун қўшимча маош, ўриндошлик учун тўловлар кирди.

Банкда белгиланган иш ҳақи доирасида ҳар бир ходим учун маошни ҳақиқий қўлга киритилган натижаларга қараб ҳисоблаш ва уни уйғун ўзгартириб туриш амалиёти ўз самарадорлигини намойиш этди.

Бироқ меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини ходимларни бошқаришнинг бошқа воситаларидан алоҳида қўлаб бўлмайдди. Банк меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини ходимларни танлаш, уларнинг ривожланиш имкониятлари, уларни ўқитиш, раҳбарлик ва меҳнатни ташкил қилиш каби воситалар билан мувофиқлаштириш керак. Булардан меҳнатни ташкил қилиш ходимларни бошқаришдаги энг муҳим жиҳатдир.

Ходимлар ишининг раҳбарият томонидан адолатли баҳолаши уларни самарали ишлашга энг юқори даражада рағбатлантиради. Агар бундай рағбатлантириш анча кечиктирилса, агар барча ходимларнинг ишига маош стандартлар бўйича бир хил берилса, ҳар бир ходимнинг шахсий натижалари (унинг касбий ўсиши) ҳисобга олинмаса, муваффақиятни ҳам, ҳамма учун бир хил даражада маошнинг кўтарилишини ҳам кутиш бефойда. Ҳар бир банк ўз хусусиятларига, имкониятларига ва у ерда қарор топган анъаналарга мос ҳолда ходимларнинг ҳам, умуман банкнинг ҳам манфаатларини тўлиқ таъминлайдиган рағбатлар тизимини ишлаб чиқиши, жорий этиши ва доим такомиллаштириб туриши керак.

Кўпгина тижорат банкларида сўнги пайтларда менежмент соҳасида муайян ижобий силжишлар кузатилмоқда – банкларнинг фаолияти ташқи муҳит ўзгаришларига мослашиб бормоқда. Бозор конъюнктураси ўзгаришларига муносиб таъсир кўрсатилмоқда, бизнеснинг янги йўналишлари ва воситалари ўзлаштирилмоқда. Кўпчилик банкларда бошқарув усуллари ва услублари яхшиланмоқда, ходимлар билан ишлашнинг янада мукамал усуллари жорий этилмоқда, кадрларга оид сиёсат даражаси ошмоқда.

Республикамиз амалиётида, айни пайтда, ходимларни бошқаришнинг самарали тизимини қарор топтириш ва ушбу тизимни изчиллик билан умумий жаҳон интеграциясига жорий этиш бўйича қатъий қадамлар кузатилмоқда. Мамлакат



банк тизими ривожланиши ва миллий иқтисодиётда тутган ўрни ҳамда самарали фаолиятини ташкил этиш тижорат банкларида персонал менежментини такомиллаштиришни тақозо этади. Бунда бошқариш стратегияси, банк ходимларидан фойдаланиш мақсадлари ва етарли даражадаги шарт-шароитлар яратиш тизими, банкларда бошқаришнинг замонавий вазифаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш ишларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, тижорат банки ходимларини бошқариш концепциясининг асосини хизматчиларнинг шахс сифатида ролининг ортиб бориши, унинг мотивацион мақсадларини билиш, уларни банк олдида турган вазифаларга мос ҳолда шакллантириш ва йўналтириш ташкил этади.

Мамлакат банк тизими ривожланиши ва миллий иқтисодиётда тутган ўрни ҳамда самарали фаолиятини ташкил этиш тижорат банкларида персонал менежментини такомиллаштиришни тақозо этади. Бунда бошқариш стратегияси, банк ходимларидан фойдаланиш мақсадлари ва етарли даражадаги шарт-шароитлар яратиш тизими, банкларда бошқаришнинг замонавий вазифаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш ишларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Таймуҳамедов И. Банк иши. –Т.: ТДИУ, 2005.
2. Свиридов О.Ю. Деньги, кредит, банки. –М.: ИКЦ Март Ростов, 2004.
3. Омонов А.А., Қоралиев Т.М “Пул ва банклар” Дарслик. Т.: - “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2019 й
4. Кинг Бретт, Головяницина Е., Рузавин Р. Банк 4.0 Москва. Олимп-Бизнес. 2020 й. ISBN (ISSN): 978-5-9693-0398-0
5. Киреев В. А., Гаврилук Т. М., Гудкова А. А. Банковское дело. СПб. Лань. 2020 й. ISBN (ISSN): 978-5-8114-6369-5

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

Ҳ.Ҳ. Ашурова,

**Тошкент давлат транспорт университети
академик лицейи катта ўқитувчиси**

Аннотация: Ушбу мақолада озиқ-овқат саноати тармоғини янада ривожлантириш, корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва корхоналар экспорт қилиш салоҳиятини ошириш орқали халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш масалалари кўриб чиқилган.

Таянч иборалар: замонавий истеъмолчи, озиқ-овқат саноати, озиқ-овқат маҳсулотлари, меҳнат салоҳияти.

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы дальнейшего развития пищевой промышленности, повышения эффективности предприятий, развития производства и повышения благосостояния населения за счет увеличения экспортного потенциала предприятий.

Abstract: This article discusses the issues of further development of the food industry, improving the efficiency of enterprises, development of production and improving the welfare of the population through increasing the export potential of enterprises.

Бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири озиқ-овқат саноати тармоғини янада ривожлантириш, корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва корхоналар экспорт қилиш салоҳиятини оширишдир. Шу билан биргаликда мавжуд захиралардан тежамкорлик билан фойдаланиш асосида сифатли ва арзон озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариб, уларни исрофгарчиликсиз истеъмолчиларга етказиб бериш орқали халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шунини таъкидлаш жоизки, озиқ-овқат саноатининг тез суръатлар билан ривожланишини таъминламасдан барқарор иқтисодий ўсиш ва ижтимоий соҳа муаммоларини ҳал этиш мумкин эмас. Бу жараёнда маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш ва унинг талабларига амал қилиш ўта муҳим вазифалардан бири бўлиб, озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш гоят долзарбдир.

Дунё аҳолиси сонининг тўхтовсиз ортиб бориши, кескин рақобатчилик ва иқтисодиётнинг глобаллашуви, хусусан, «2050 йилга бориб жаҳон аҳолиси 10 миллиард кишига етиши натижасида аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги соҳасида интенсив тарзда хомашё етиштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тармоқларни ҳудудий таркибинини такомиллаштириш, янги ишлаб чиқариш шаклларида фойдаланишни тақозо



қилмоқда».⁷³ Бунга асосан, озиқ-овқат саноати тармоқларининг жойлаштириш ўрни ва усулини тўғри танлашни ҳамда рақобатбардош истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш, инновацион иқтисодий шакллантириш ва бошқаришда кластер тизимидан самарали фойдаланишни талаб этади. Шунингдек, бутун жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш ўртасидаги ўзаро оптимал нисбатини таъминлашда, ишлаб чиқариш тизимлари ва ишлаб чиқариш ресурсларини бошқаришда тармоқ кластерларини яратиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Замонавий истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи озиқ-овқат саноати тармоқларини ривожлантириш, тармоқ учун маҳаллий хомашё етиштириш, хомашёни технологик жиҳатдан чуқур қайта ишлаш, экспорт салоҳиятини оширишда тармоқ кластерлари, халқаро стандартлаштириш тизимини ва логистик марказларни ташкил қилиш ҳамда шакллантириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Республикамиз мустақилликка эришгач, аҳолини хавфсиз, экологик тоза ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда озиқ-овқат саноати тармоқларини ривожлантириш, унинг хомашё базасини янада мустаҳкамлаш, озиқ-овқат хавфсизлиги тизимларини сертификатлаштириш, қайта ишлаш соҳасини модернизация қилиш, озиқ-овқат маҳсулотларини диверсификациялаш, мамлакатимизнинг экспорт имкониятларини ошириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада маҳаллий хомашё асосида ички истеъмол талаблари таъминланиб, аҳоли эҳтиёжларидан ортган маҳсулотларнинг бир қисmini жаҳон бозорига экспорт қилиш орқали муҳим иқтисодий самарага эришилди. Шунини таъкидлаш керакки, аҳолининг сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда ички ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда тўлиқ даврли озиқ-овқат саноати тармоқлари технологик занжирини ҳудудий ташкил этишининг илмий таъминотиغا етарлича эътибор қаратилмаган.

2017 -2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини куриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатдан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилишга...»⁷⁴ қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу ўз навбатида хавфсиз ва сифатли озиқ-овқат маҳ-

⁷³ БМТ ФАО ташкилотининг барқарор озиқ-овқат ишлаб чиқаришни ошириш бўйича стратегик ишлари <http://www.fao.org>.

⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»-ги Фармони.

сулотларини ишлаб чиқариш, мазкур тармоқни ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлиги тизимларини сертификатлаштириш ва ҳудудий таркибини такомиллаштиришда кластер тизимидан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Охирги йилларда озиқ-овқат саноатига инвестиция жалб этган ҳолда, замонавий технологияларни мева - сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиниши, ишлаб чиқариш технологик базасининг янгилиниши эвазига ички бозорни сифатли маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти яратилиб, саноатда мазкур тармоқ улушининг тобора ошишига замин яратди.

Маълумки, Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўсиш суръати йилига ўртача 9-10 фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, маҳсулотнинг экспорт ҳажми ҳам йилдан-йилга ортмоқда. Озиқ-овқат саноати миқдори ортиши билан бир қаторда озиқ-овқат маҳсулотларининг импорт кўрсаткичлари ҳам ортиб бормоқда. Иқтисодий ислохотларнинг 2000 йилида Ўзбекистонга импорт қилинган озиқ-овқат маҳсулотларининг миқдори 361,1 млн. АҚШ долларни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб эса бу кўрсаткич 2581,6 млн. АҚШ долларга етган ва юқори суъатларда ўсишга эришилган.

Демак, озиқ-овқат саноатида кейинги йилларда ижобий ўзгаришлар рўй бериб, мазкур тармоқнинг жадал ривожланиши аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш йўлида хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 2020 йил 30 декабрь.*
2. *Фазилов Ф.М. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш. Номзодлик диссертацияси автореферати, 2008.*
3. *FAO, IFAD, UNICEF, WFP and WHO. 2020. The State of Food Security and Nutrition in the World 2020. Transforming food systems for affordable healthy diets. Rome, FAO. <https://doi.org/10.4060/ca9692en>*
4. *Туробжонов С.М ва бошқалар. "Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати: қисқача тарихи; ривожланиш истиқболлари; муаммолари" – Т.: "Фан ва технология", 2014, 410б.*



БАЛАНС ЛИКВИДЛИГИНИ ТАҲЛИЛИ

О.Бозорова,

“Молия ва бухгалтерия ҳисоби”
кафедраси ассистенти, ТДИУ

Аннотация: Мазкур мақолада саноат тармоқларини модернизациялашни изчил давом эттириши эвазига барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашдек долзарб вазифа қўйилган ва иқтисодиётни эркинлаштириши шароитида корхонанинг тўлов қобилияти энг муҳим кўрсаткич ҳисобланиши ҳамда у корхонанинг молиявий ҳолатининг барқарорлигини ифодалаши ҳақида фикр ва мулоҳазалар берилган.

Таянч иборалар: модернизация, диверсификация, ликвидлик, тўлов қобилияти, баланс ликвидлиги, активи ва пасиви, жорий мажбуриятлар, барқарор иқтисодий ўсиш, реал сектор, молиявий қўйилмалар, баҳолаш ва таҳлил.

Аннотация: В данной статье рассмотрены вопросы и задача обеспечения устойчивого экономического роста за счет постепенной модернизации отраслей промышленности, а также дается обратная связь о том, что платежеспособность предприятия является важнейшим показателем в условиях либерализации экономики и отражает финансовую устойчивость предприятия.

Abstract: This article discusses the issues and the task of ensuring sustainable economic growth through the gradual modernization of industries, and also provides feedback that the solvency of an enterprise is the most important indicator in the context of economic liberalization and reflects the financial stability of an enterprise.

Мамакатимизда саноат тармоқларини модернизациялашни изчил давом эттириш эвазига барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашдек долзарб вазифа қўйилган. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхонанинг тўлов қобилияти энг муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Зеро, у корхонанинг молиявий ҳолатининг барқарорлигини ифодалайди. Тўлов қобилияти корхонанинг ўз айланма маблағларининг сақланувчанлиги, тез пулга айланадиган (ликвид) айланма активларнинг ҳолатига ва улардан самарали фойдаланишга боғлиқ. Ликвидлик корхонанинг ўз жорий активлари ҳисобига ўзининг жорий мажбуриятларини бажаришга қодирлигини кўрсатади. Баланс активининг моддалари йўқ бўлиб кетмай балки бир шаклдан бошқа шаклга ўтади. Баланс пасивининг моддалари “узиладиган”, яъни улар қарздорлик узилиши туфайли “йўқ бўлиши” хусусиятига эга.

Баланс ликвидлигини аниқлаш долзарблиги корхоналарни банкротлик оқибатида тугатиш муаммоси юзага келадиган бозор шароитида алоҳида аҳамият касб этади. Баланснинг ликвидлик даражасини аниқлаш учун активнинг маълум муддатга реализация қилинадиган қисми пасивнинг шу

муддатга тўланиши лозим бўлган қисмига таққосланади. Агар актив моддалари реализацияси жорий мажбуриятларни тўлаш учун етарли суммани бериб, бу маънода баланс ликвид, яъни корхона тўловга лаёқатли бўлади. Молиявий бошқариш маҳорати ҳисоб – китоб ечимида минимал суммани сақлаган ҳолда қолган қисмини тез сотиладиган активларда сақлашда намоён бўлади.

Жорий мажбуриятларни тўлашда активларнинг ҳар хил турларидан фойдаланса бўлади, бу уларнинг айланувчанлиги, яъни уларни нақд пулга айланиш тезлигига боғлиқ. Ликвидлик, яъни нақд пулга айланиш тезлигига кўра корхона активлари тўрт гуруҳга ажралади:

1. Буларга пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қўйилмалар киради. (1-шакл. Бухгалтерия баланси, актив 2-бўлими, 320-сатр, 370-сатр)

2. Тез сотиладиган активлар. Улар ўз таркибига дебиторлик қарзларини ва бошқа активлар. (1-шакл. Актив 2-бўлим. 210-сатр. 211-сатр. 380-сатр)

3. Секин сотиладиган активлар. Бунда баланс активи 2-бўлимнинг моддалари: “Товар – моддий захиралари”, “Келгуси давр харажатлари”, “Кечиктирилган харажатлар”, “Узоқ муддатли инвестициялар моддаси”, (1-шакл. Актив 1-бўлими, 140 сатр + 190 сатр+200 сатр+030 сатр).

4. Қийин сотиладиган активлар. Асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қўйилмалар, ўрнатиладиган асбоб – ускуналар, муддати ўтган узоқ муддатли дебиторлик қарзлари, узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар 1-шакл, актив 1-бўлими, 012+022+090+100+110+120 сатрлар киритилади.

Қарздорлик тўлов даражасига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Тез муддатга тўланадиган мажбуриятлар (кредиторлик қарзлари), (1-шакл, пассивнинг 2-бўлими, 601-сатр - 602-сатр).

2. Қисқа муддатли пассивлар қисқа муддатли кредитлар ва қарз маблағлари айирув муддатида тўланмаганлари (1-шакл. Пассив 2-бўлими, 730-сатр+740сатр).

3. Узоқ муддатли пассивлар – узоқ муддатли мажбуриятлар (1-шакл, пассив 2-бўлими 490-сатр).

4. Доимий пассивлар – “ўз маблағлари манбалари” – баланс пассиви 1 – бўлими якуни 480 – сатр.

Корхона балансини ликвидлиги деганда, балансдаги ликвид бўлган маблағларнинг балансда кўрсатилган мажбуриятларни қоплаш даражаси тушунилади. Ушбу кўрсаткичлар корхоналарнинг банкротлик ҳолатига тушиш ва синиш хафидан сақланиш мақсадида қўлланилади.

Активларнинг ликвидлиги эса, баланс ликвидлигининг акси бўлиб, вақт бўйича активларнинг пул маблағларига айланиши тушунилади. Баланс ликвидлигини таҳлилин Шифиркон пахта тозалаш корхонасининг 2013 йилдаги молиявий ҳисоботи асосида кўриб чиқамиз (1-жадвал).



1 – жадал.

Корхона баланси ликвидлигини таҳмин.
(Шофиркон пахта тозалаш корхонаси мисолида)

| Гурӯҳлар | Актив | Йил бо-шига | Йил охи-рига | Гурӯҳлар | Пассив | Йил бо-шига | Йил охи-рига | Тўлов манбаларининг | |
|----------|--|-------------|--------------|----------|---|-------------|--------------|---------------------|--------------|
| | | | | | | | | Йил бо-шига | Йил охи-рига |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| A1 | Ўта тез пулга айланмаган активлар 2 ойгача 320 + 370 сатрлар | 40453 | 402288 | П1 | Зудлик билан тўланадиган мажбуриятлар 2 ойгача 601 сатр | 2658714 | 5722749 | -2618261 | -5320461 |
| A2 | Тез сотиладиган активлар 2 ойдан 6 ойгача 210 – 211 | 1892376 | 3588660 | П2 | | - | 1000000 | -1892376 | 2588660 |
| A3 | Секин сотиладиган активлар 6 ойдан 1 йилгача 030 + 140 + 190 + 200 + 380 | 16766817 | 19283013 | П3 | | 0 | 0 | 16766817 | 19283013 |
| A4 | Қийин сотиладиган активлар 2 йилдан 012+022+090+100+110+120. | 5213173 | 7031435 | П4 | | 21254105 | 23582647 | -16040932 | -16551212 |
| | Баланс | 23912819 | 30305396 | | Баланс | 23912819 | 30305396 | - | - |

Балансинг мутлоқ ликвидлигини таъминлаш учун бир йўла куйидаги холатга эришиш лозим:

$$A1 \geq П1 ; A2 \geq П2; A3 \geq П3 ; A4 \leq П4 .$$

1-жадвал маълумотларидан кўринишича, ўта тез айланадиган активлар ва тез сотиладиган активлар билан (A1; A2) зудлик билан тўланадиган ва қисқа муддатли мажбуриятлар (П1; П2) таққослаганда йил охирига келиб тўлов манбаларининг етишмаслиги 2731801 минг сўм (3990948 – 6722749) ташкил этди. Демак, Шофиркон пахта тозалаш корхонаси баланси жорий ликвидлигига эга эмас деган хулоса чиқариш мумкин. Бу эса, ўз рабватида, унинг тўлов қобилиятига эга эмаслигидан далолат беради. Хусусан, корхонанинг мутлоқ тўлов қобилияти коэффиценти фақат 0.06 ни ташкил этди. Меъёр буйича ушбу коэффицентни ахамияти 0.2 дан кичик бўлмаслиги ёки 20 % дан кам бўлмаслиги лозим.

Секин сотиладиган активлар (A3) билан узоқ муддатли пассивларни (П3) таққослаганда йил охирида тўлов манбаларининг ортиқчилиги 19283013 минг сўмни ташкил этди. Демак, корхона балансининг истиқболли ликвидлигига эга деган хулоса чиқариш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Shoalimov A.X. Tojiboyeva Sh.A. Iqtisodiy tahlil nazariyasi. Darslik. –Т.: Iqtisodiyot, 2019. -235 b.
2. V.Xasanov, K.Nurmanov, R. Xasanova. Zamonaviy boshqaruv hisobi. T.: LESSON PRESS MCHJ nashriyoti, 2021. - 413 b. ISBN: 978-9943-7638-6
3. Шоалимов А.Х., Илхамов Ш.И., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил ва аудит. Дарслик. – Т.: Сано-Стандарт наشريёти, 2017. – 347 б.
4. Ҳамдамов Б.К. Аудитнинг халқаро стандартлари. Дарслик. –Т.: ТМИ. 2020 йил. 281 бет.
5. V.Xasanov, M.Raximovlarning umumiy tahriri ostida. Moliyaviy tahlil. Darslik. –Т.: “Iqtisodiyot” 2019.-736 b.
6. Vahobov A.V., Ishonqulov N.F., Ibroximov A.T. “Moliyaviy va boshqaruv tahlili”. Darslik. T.; Iqtisod-Moliya, 2013. -600 b.



ИҚТИСОДИЁТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ф.Ғ.Бузруков,
Андижон, тадқиқотчи

Аннотация: Ушбу мақолада жаҳонда юз берган коронавирус пандемияси шароитида молиявий-иқтисодий инқироз таъсирини камайтириши, аҳолини қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига талабини тўлароқ қондириши ҳамда мулкдорларнинг манфаатдорлигини ошириши мақсадида хўжаликлар фаолиятини интенсив диверсификациялаш масалалари кўриб чиқилган.

Таянч иборалар: меҳнат ресурслари, интенсив диверсификациялаш, меҳнат мазмуни, қишлоқ хўжалиги.

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы интенсивной диверсификации хозяйств с целью снижения воздействия финансово-экономического кризиса в условиях глобальной пандемии коронавируса, полного удовлетворения спроса населения на сельскохозяйственные и продовольственные товары и повышения заинтересованности собственников.

Abstract: This article discusses the issues of intensive diversification of farms in order to reduce the impact of the financial and economic crisis in the context of the global coronavirus pandemic, to fully meet the demand of the population for agricultural and food products and increase the interest of owners.

Қишлоқларда жойлашган меҳнат ресурсларининг асосий қисми аграр соҳада банд ва табиийки уларнинг меҳнат фаолиятига ва унинг самарадорлигига қишлоқ хўжалиги ўз таъсирини кўрсатади. Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги, ўз навбатида, қишлоқ меҳнат бозорига ва ишчи кучига бўлган талабга, демак, аҳоли бандлиги ва даромадлари даражасига катта таъсир кўрсатади. Ерга ишлов бериш, маҳсулотни экиш ва ҳосилни йиғиштириб олиш пайтларида ишчи кучига талаб ниҳоятда ошиб кетади ёки қишқи мавсумда эса, аксинча, пасаяди. Ишчи кучининг меҳнат бозоридаги тақлифи деярли ўзгармас бўлиб турган пайтда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мавсумийлиги билан боғлиқ бўлган ишчи кучига талабнинг юқори ўзгарувчанлиги аграр секторда банд бўлганлар меҳнати мазмунига, уларнинг даромадларига салбий таъсир кўрсатади.

Жаҳонда юз берган коронавирус пандемияси шароитида молиявий-иқтисодий инқироз таъсирини камайтириш, аҳолини қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига талабини тўлароқ қондириш ҳамда мулкдорларнинг манфаатдорлигини ошириш мақсадида хўжаликлар фаолиятини интенсив диверсификациялаш мақсадга мувофиқ. Интенсив диверсификациялаш хўжаликларнинг бор имкониятларидан тўла, самарали фойдаланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ассортиментини кўпайтиришдир. Диверсификациялаш натижасида хўжаликларнинг самарадорлик кўрсаткичлари: асосий воситалардан фойдаланиш, иш билан бан-

длик, ҳосилдорлик, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига талабини қондириш даражаси оширилишига эришилади.

Мамлакат қишлоқ хўжалиги фермер хўжаликлари тараққиёти билан узвий боғлиқ экан, уларнинг ривожланишига имкон берадиган барча масалаларнинг илмий-методологик асосларини такомиллаштириш ва мавжуд муаммоларни амалий ҳал қилиш бугунги кунда долзарблик касб этади. Имконияти ва салоҳияти нисбатан паст бўлган фермер хўжаликлари ўз-ўзини зарур техника, айланма маблағлар билан таъминлаш, кредит қобилиятига эга бўлиш, энг асосийси, ўз харажатларини қоплаш ва фойда кўриб ишлаш, даромадни оширишнинг ишончли асосига айлана олмаслигини бутун уларнинг амалиёти кўрсатмоқда.

Мамлакат қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини модернизациялаш ва ислохотлар кўламини кенгайтириш ҳамда изчила амалга ошириш бўйича амалга оширилаётган ташкилий, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий ислохотлар қишлоқ ҳудудларини обод ва фаровон этиш, ўз ерига ва даромадига эга бўлган мулкдорлар қатламини шакллантириш ҳамда уларнинг сонини кўпайтириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш маданиятини юксалтиришга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик эркинлигига асосланган фермер хўжаликлари шаклланишда, уларнинг қишлоқ хўжалигида тутган ўрни тобора мустақамланиб бормоқда. Мамлакатимиз аҳолиси ҳаётининг фаровонлиги, қишлоқ хўжалигининг истиқболдаги тараққиёти фермер хўжаликларининг ҳар томонлама ривожланиши билан боғлиқ. Зеро, хўжалик юритишнинг бу шакли ривожланган мамлакатларнинг узоқ даврли тажрибасида ўз самарадорлиги, рақобатбардошлиги, бозор конъюктурасига тез мослаша олиши каби хусусиятларини намоён эта олди.

Мамлакат қишлоқ хўжалиги фермер хўжаликлари тараққиёти билан узвий боғлиқ экан, уларнинг ривожланиши учун тўсиқ бўлаётган барча муаммоларни амалий ҳал этиш бугунги кунда энг долзарб масала ҳисобланади. Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шугулланишида кооперация демократик асосда барча аъзоларининг ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ҳамда бошқаришдаги иштирокини таъминловчи ишлаб чиқаришнинг асосий ташкилий ва ҳуқуқий шакли ҳисобланади.

Кооперациялар доирасида фермер хўжаликлари учун сервис хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантириш, агросаноат ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш мажмуасининг индустриал-инновацион йўналишда ривожлантириш зарурати ҳам таъкидланмоқда. Кооперация жараёнини ривожлантиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизмини ривожлантириш, бунинг учун озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш тизимида кооперация ҳаракатини ривожлантириш амалиёти олиб борилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатлари соҳадаги сиёсий, ижтимоий ва демографик ўзгаришлар жараёнида ишлаб чиқаришни реал демократик асосларга ўтказишнинг муҳим омили ҳисобланади. Агросаноат мажмуи, унинг асосий таркибий қисми бўлган қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини таъминлашда истиқбол ривожланиши йўналишларини белгилашда хусусий ва жамоа манфаатлари уйғунлигига эришишида кўп тармоқли кооперацияни ривожлантириш муҳим аҳмиятга эга.

Қайта ишловчи корхоналарнинг агрофирма таъсисчилари бўлган фермер



хўжаликларидан сотиб олган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдорига мутаносиб равишда олинган фойданинг 10 %ини фермерларга қайтариш механизминини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бу, ўз навбатида, фермер хўжаликларининг моддий манфаатдорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Чунки ҳозирги кунда республикаимиз, шу жумладан, Тошкент вилоятида аксарият винобоп узум етиштирувчи фермер хўжаликлари нархларнинг жуда пастлиги ва виночилик заводлари ҳамон монопол имкониятларидан “самарали” фойдаланаётганлиги туфайли винобоп узум майдонларини қисқартиришга мажбур бўлмоқда.

Фермер хўжаликларида моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш аграр меҳнатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишни талаб қилади. Бу моддий рағбатлантириш амалиётида энг қийин ва оғир муаммолардан ҳисобланади.

Таъкид қилиш керакки, меҳнатга ҳақ тўлаш амалиётидаги энг катта муаммо – иш ҳақининг меҳнат натижалари билан боғлиқлигининг сустлигидир. Меҳнатга ҳақ тўлашдаги бу муаммонинг келиб чиқиш сабаби фермер хўжалиги фаолияти натижалари жамоа меҳнатининг натижалари сифатида шаклланиши, иш ҳақини эса индивидуал бўлиши ҳисобланади. Бу қарама-қаршиликни бартараф этиш учун қўйидаги йўللardan бирини танлаш керак: ёки меҳнат натижаларини индивидуаллаштириш лозим ёки меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини жамоалаштириш керак.

Биринчи йўлни қўлаш яхши самара бермайди, чунки натижаларни уларнинг жамоавий характерида ажратиш анча мушкул. Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатдики, жамоа манфаатларини кўлаб ҳусусий манфаатларга ажратишга уринган корхоналар барқарорликни йўқотдилар ва жамоавий рағбатлантиришнинг у ёки бу шаклини тиклашга мажбур бўлдилар. Шу сабабли бугунги кунда корхона ва хўжалик бошқарувчилари ўртасида келажакда меҳнатни рағбатлантиришнинг жамоа тизимларини ривожлантириш лозим деган фикр қарор топмоқда.

Этакчи мутахассисларнинг фикрига кўра, иш ҳақининг меҳнат натижалари билан боғлиқлигини кучайтириш учун даромадларни тақсимлашга асосланган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини жорий қилиш мос келади. Даромадларни тақсимлаш тизими мукофот тўловларини унумдорлик, сифат, материалларни тежаш каби кўрсаткичлардан боғлиқлигини назарда тутди. Натижада, ходим ўз меҳнатининг натижаси билан олинган ялпи даромад миқдори ўртасидаги чамбарчас боғлиқликни ҳис қила олади.

Бу тизим ишчиларни жалб қилиш ва кадрлар қўнимсизлигини камайтиришга ижобий таъсир кўрсатади ва меҳнат унумдорлигини ҳамда сифатининг ошишини таъминлайди, харажатларнинг камайишини рағбатлантиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // *Халқ сўзи*. 2020 йил 30 декабрь.
2. Фазилов Ф.М. *Жаҳон иқтисодийётининг глобаллашуви шароитида Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш. Номзодлик диссертацияси автореферати*, 2008.
3. Фармонов Т.Х. *Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари*. // *Янги аср авлоди*. – Т., 2004. - 143б.

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УСТУВОР ЖИҲАТЛАРИ

Ғ.Ғ.Ибрагимов,
ТДИУ таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада озиқ-овқат саноати корхоналари фаолияти иқтисодий самарадорлигини ошириши бир қатор ижтимоий, иқтисодий, тармоқ, техник ва меҳнат хусусиятлари билан боғлиқ бўлган муаммоларни ечиши масалалари кўриб чиқилган. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариши жараёнида тармоқ йўқотишларни камайтириши йўли орқали озиқ-овқат хавфсизлиги вазибалари бажарилишини ва кейинчалик унинг самарали фаолият юритишини таъминлаши асосланган.

Таянч иборалар: замонавий истеъмолчи, озиқ-овқат саноати, озиқ-овқат маҳсулотлари, меҳнат салоҳияти.

Аннотация: В статье рассматривается ряд социальных, экономических, отраслевых, технических и трудовых вопросов, связанных с повышением экономической эффективности предприятий пищевой промышленности.

Abstract: This article discusses a number of social, economic, sectoral, technical and labor issues related to improving the cost-effectiveness of food industry enterprises.

Инсон ҳаётининг ривожланиши, унинг саломатлиги, унумли меҳнат қилиш қобилияти аввало, истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларига, унинг тўйимлилиги ва турли хил минералларга бой эканига чамбарчас боғлиқ. Ушбу боғлиқлик мамлакатда доимий равишда озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти масаласининг бирламчи аҳамиятини назарда тутган ҳолда халқнинг кундан-кунга ошиб бораётган эҳтиёжларини мунтазам қондириб боришни тақозо қилади. Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида давлат иқтисодий тараққиёт шарт-шароитларидан келиб чиқиб ўзининг озиқ-овқат сиёсатини олиб боради.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон саломатлиги ва умрининг узоқлиги 70 фоизи унинг овқатланиш ва ҳаёт тарзига, 20 % и тиббий хизмат ҳолатига ва 10 % и унинг ҳаётий тугма кўрсаткичларига боғлиқ. Таъкидланган маълумотлар инсон умрини узайтиришда ва саломатлиги ҳолатини яхшилашда озиқ-овқат маҳсулотлари ва уни ишлаб чиқарувчи саноатнинг аҳамияти юқори эканлиги ҳақида аниқ тасаввур беради.

Хорижлик олимларининг башоратига кўра озиқ-овқат маҳсулотлари етишмаслиги муаммоси яқин келажакда дунёда биринчи навбатдаги долзарб масалага айланиши мумкин. Бирлашган миллатлар ташкилотининг прогнозида таъкидланишича, очликдан ташқари, тўхтовсиз ўсиб бораётган одамлар сони истеъмол қилаётган озиқ-овқат миқдори ва сифатини пасайтиришига олиб келмоқда. 2 миллиард киши ёки дунё аҳолисининг 25,9 фоизи очликни бошдан кечирдилар



ёки 2019 йилда тўйимли ва етарлича озиқ-овқат олиш имконига эга бўлмаганлар. Агар биз зудлик ва жасорат билан ҳаракат қилмасак, бу вазият ёмонлашиши мумкин ва бу эса истиқболда озиқ – овқат танқислигининг кучайишига олиб келади.⁷⁵

Аҳолини озиқ-овқат билан таъминланганлигининг энг умумлашган кўрсаткичи, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (ФАО) тавсияси бўйича ҳар бир киши суткалик овқатланиш рационининг калория миқдори ҳисобланади. Ҳозирги даврда озиқ-овқат маҳсулотларини ўртача суткалик истеъмол қилиш Европа Иттифоқи мамлакатларида 3390, АҚШда – 3650, Лотин Америкасида – 2790, ривожланаётган Осиёда – 2650 ккални ташкил этади. Суткалик овқатланиш рационини Ўзбекистонда ўртача 2700 – 2800 ккал. Суткалик овқатланиш калориялиги даражасини ошириш, биринчи навбатда, мамлакат иқтисодийетини ривожлантириш ва халқ фаровонлигини юксалтириш билан боғлиқ.⁷⁶

Жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар тажрибасидан шуни кўриш мумкинки, озиқ-овқат саноатини қишлоқ хўжалигисиз ривожлантириб бўлмайди. Бу икки тармоқ ўртасидаги алоқа вертикал интеграция ёки агросаноат интеграцияси жараёни бўлиб, борган сари чуқурлашиб бораверади. Гўшт, сут, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар истеъмолчи дастурхонига тушишдан олдин саноатда ишловдан ўтади. Бу объектив жараён.

Озиқ-овқат саноати миллий иқтисодийетнинг барча тармоқлари билан бирга ривожланади. Яъни, барча тармоқлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Озиқ-овқат саноати ривожланиш даражасининг ошиши қишлоқ хўжалиги ривожланиши учун имконият яратади, бошқа томондан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўпайиши бошқа тармоқлар сингари озиқ-овқат саноати учун ҳам қулай имкониятларни яратади ва аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Озиқ-овқат саноатининг аҳамияти кўпгина давлатларда унинг янги иш ўринлари яратилиши ва қўшимча даромад манбалари пайдо бўлиши бўйича катта салоҳиятга эгаллиги билан баҳоланади. Ўтиш даври иқтисодийетида бўлган кўпгина давлатларда иқтисодий фаол аҳолининг 60 фоизи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналарда фаолият юритади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналар ишлаб чиқариш ўсишини самарали таъминловчиси саналади, бундай корхоналар арзон ишчи кучидан (махсус квалификацияга эга бўлмаган) фойдаланиш имкониятига эга бўлади ҳамда бундай ишлаб чиқаришга катта миқдордаги молиявий ресурсларни жалб қилиш талаб этилмайди.

Озиқ-овқат саноати корхоналари фаолияти иқтисодий самарадорлигини ошириш бир қатор ижтимоий, иқтисодий, тармоқ, техник ва меҳнат хусусиятлари билан боғлиқ бўлган муаммоларни ечишда муҳим аҳамият касб этади.

⁷⁵ FAO, IFAD, UNICEF, WFP and WHO. 2020. The State of Food Security and Nutrition in the World 2020. Transforming food systems for affordable healthy diets. Rome, FAO. <https://doi.org/10.4060/ca9692en>

⁷⁶ Туробжонов С.М ва бошқалар. "Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати: қисқача тарихи; ривожланиш истиқболлари; муаммолари" – Т.: "Фан ва технология", 2014, 410б.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида тармоқ йўқотишларни камайтириш йўли орқали озиқ-овқат хавфсизлиги вазифалари бажарилишини ва кейинчалик унинг самарали фаолият юритишини таъминлаши мумкин.

Озиқ-овқат саноати тармоғи таркибида гўшт-сут, ёғ-мой, балиқ маҳсулотлари, ун-ёрма, нон, макарон, мева-сабзавот консервалари, қандолат, чой қадоқлаш, узум ва шампан виноси, спирт, ароқ, тамаки, пиво, чанқовбосар ичимликлар, совун ишлаб чиқарувчи ва бошқа саноат корхоналари бор. Мазкур корхоналарда ўнлаб тур хом ашёлар қайта ишланади ва тайёр маҳсулот ҳолига келтирилади. Озиқ-овқат саноати корхоналари таркибида ёғ-мой комбинатлари, ёғ-экстракция заводлари, ҳар бир вилоят ҳудудида донни қайта ишлаш корхоналари, нон заводлари, консерва заводлари, макарон ишлаб чиқариш корхоналари, қандолатчилик фабрикаси, сут комбинатлари, гўшт комбинатлари, ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Озиқ-овқат саноати корхоналари бир томондан инсонларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига ҳамда истеъмол буюмларига бўлган шахсий эҳтиёжларини қондирса, иккинчи томондан саноат тармоқларининг ва чорвачиликнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // *Халқ сўзи*. 2020 йил 30 декабрь.
2. Фазилов Ф.М. Жаҳон иқтисодийнинг глобаллашуви шароитида Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш. Номзодлик диссертацияси автореферати, 2008.
3. FAO, IFAD, UNICEF, WFP and WHO. 2020. *The State of Food Security and Nutrition in the World 2020. Transforming food systems for affordable healthy diets*. Rome, FAO. <https://doi.org/10.4060/ca9692en>
4. Туробжонов С.М ва бошқалар. “Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати: қисқача тарихи; ривожланиш истиқболлари; муаммолари” – Т.: “Фан ва технология”, 2014, 410б.



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАХСУЛОТЛАРИНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

А.Р.Ирматова,
Иқтисодиёт кафедраси, ТДИУ

Аннотация: Ушбу мақолада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш фаолияти турларини тўғри ташкиллаштириш билан боғлиқ масалалар ўрганиб чиқилган.

Таянч иборалар: маркетинг, экспорт, мева-сабзавот маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги, реклама.

Аннотация: В статье исследуются вопросы, связанные с правильной организацией видов экспортной сельскохозяйственной деятельности.

Abstract: This article examines issues related to the proper organization of the types of agricultural export activities.

Хозирги кунда асосий бартараф этилиши лозим бўлган куйидаги муаммолар, яъни қишлоқ хўжаликни ривожлантиришда озиқ-овқат маҳсулотларини хавфсизлигини таъминлаш бугунги куннинг муҳим ва долзарб масала бўлиб, унинг ечимида замонавий ёндашув, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги рентабеллиги кўтариш, экспорт салоҳиятини юксалтиришда маркетинг фаолиятини тўғри ташкиллаштириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда сотишда экспорт қилиш муаммоларини комплекс, тузилмавий ечиш услублари, жаҳон бозорида вужудга келадиган ўзгаришларга тезда мослашиш, рақобатбардош қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, конъюнктурани ўрганиш ва башорат қилиш ҳамда таъсирчан рекламани ривожлантириш масалаларини ўрганишдан, иборатдир.

Қишлоқ хўжалигида маркетинг тадқиқотларини тўғри ташкил этиб, уни ривожлантиришнинг аҳамияти, унинг экспорт сиёсатидаги роли масалалари ҳисобга олиш муҳимдир.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, тўғри ташкил қилиш бўйича ишлаб чиқилган илмий хулосалар, чора-тадбирларни тадқиқ этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Биз бу муаммоларни бартараф қилиш учун экспорт қилинадиган мева-сабзавот маҳсулотлари турларини доимий равишда кўпайтириб бориш, етиштириш технологияларини ҳамда селекция ва уруғчилиги тизимини такомиллаштириш, қайта ишлаш ҳажмларини мақбул даражага етказиш, сақлаш инфратузилмасини ривожлантириш муҳимдир. Ўзбекистон шароитида мавсумийликни текислаш, табиий омиллар таъсирини камайитиришда ва пировард натижада мева-сабза-

вот маҳсулотларининг барқарор экспорти ҳажмларини таъминлашда давлат томонидан имкониятларни кенгайтириб бериш лозим. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бир қатор мутахассислар мева-сабзавот маҳсулотларининг қайта ишлаш ҳажмларини максимал даражада ошириши мақсадга мувофиқдир.

Бир томондан, маҳсулотни қайта ишлаш унга қўшимча қиймат яратиш орқали фойдали бўлиши мумкин. Иккинчи томондан, бу ерда мева-сабзавот маҳсулотлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва жаҳон бозоридаги ушбу маҳсулотларга бўлган талаб, бозор конъюнктураси каби омилларни ҳисобга олиш керак. Яъни, бугунги кунда жаҳон бозорида қайта ишланган эмас, балки янги узилган ҳолдаги мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган талаб ошиб бормоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, келгусидаги устуворлик ва амалга ошириладиган чора-тадбирлар янги узилган ҳолдаги мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмларини кўпайтиришга қаратилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти Ўзбекистоннинг асосий экспорт позицияларидан бири бўлиб қолиши учун етарли даражада имконият ва салоҳият мавжуд бўлиб, келгусида ушбу салоҳиятдан оқилона фойдаланиш яқин ва узоқ истиқболда мамлакатнинг жаҳон мева-сабзавот маҳсулотлари бозорида мустаҳкам ўринга эга бўлишини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда қишлоқ хўжалигини ва озиқ-овқат мажмуаси таркибидаги маҳсулотни қайта ишлаш саноат тармоғини оптималлаштириш орқали, энг юқори самарага эришиш аграр иқтисодиёти ривожланган европа мамлакатлари тажрибасидан унумли фойланган ҳолда мева-сабзавот ва узумчилик маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш, тармоқнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш куйидаги йўналишлардаги тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади:

Экспорт жараёнининг ташкилий механизмларини такомиллаштириш йўналишида:

- тармоқнинг экспортга йўналтирилган ривожланиш йўналишларини белгилаш ва амалга оширишда мавжуд чиқариш технологиялари, тажрибаларга таянган ҳолда экспортбоп маҳсулотлар етиштириш агротехно-логияларини жорий этишни (мева-сабзавот ва узумнинг янги навларини яратиш, жойлаштириш; кўчат етказиб беришни ташкил қилиш; моддий-техник таъминот тизимини йўлга қўйиш кабилар) ташкил қилиш;

- ҳамкор давлатлар билан биржалараро савдо майдони доирасида узумчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сотиш ва харид қилиш юзасидан фьючерс шартномаларини имзолашнинг соддалаштирилган шакллари жорий этиш;

- экспорт операцияларини амалга оширишда турли давлатлардаги бозор иштирокчилари ўртасидаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш, электрон савдо тизимини жаҳон андозалари даражасида такомиллаштириб бориш;

- миллий экспортёрларни имтиёзли асосда экспорт кредитлари билан таъмин этиш тизимини шакллантириш.



Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш уни ташқи бозорда сотиш тизимини ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича йўқоридаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди.

Бугунги кунда мавжуд имкониятлардан самарали ва оқилона фойдаланиш натижасида республикамизнинг куч ва қудратини, иқтисодий салоҳиятини ошириш, халқаро меҳнат тақсимотида ўз ўрнини эгаллашида иқтисодиётнинг устувор йўналишларини ривожлантириш, импорт ўрнини босадиган ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ассортиментни, ҳажмини кенгайтириш бугунги куннинг асосий вазифасидир.

Ташқи бозорга ўз маҳсулотлари билан чиқаётган мамлакатлар экспорт қилиш орқали барқарор валюта захираларига эга бўладилар. Шу билан биргаликда, ишлаб чиқарувчилар ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида техника ва технологияларни харид қилиш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, ташқи бозорларни маркетинг мониторинг қилиш орқали ички ва ташқи бозорларда талабгор бўлган импорт ҳамда экспорт товарлари ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган янги корхоналарни куриш янги иш ўринларини шакллантириш имконини беради. Миллий иқтисодиётда технологик янгиланиш амалга ошади ва миллий sanoat ишлаб чиқаришига янги техника ва замонавий ускуналар олиб келинади ва натижада жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган миллий маҳсулотлар ҳажми кенгая боради. Бундан ташқари, мамлакат ўз халқаро маркетинг савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириши орқали миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви мустаҳкамланади.

Умуман олганда, мамлакат иқтисодиёти учун экспортнинг аҳамияти қуйидагиларда ифодаланади:

1. ЯИМнинг ошишига олиб келади ва ишлаб чиқариш субъектларида янги иш ўринларини яратиш имкониятини беради. Экспорт ҳажми ортиб бориши билан давлат бюджетига тушадиган тушумлар ҳажми ҳам ортиб боради. Бошқа томондан, бу янада кўп маҳсулот ишлаб чиқариш заруриятини келтириб чиқаради. Демак, экспорт нафақат иқтисодиётни ривожлантириш усули, балки ишсизликни олдини олишнинг энг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади.

2. Мамлакатга чет эл валютаси оқимининг ошишига ёрдам беради. Экспорт мамлакатга чет эл валютасини жалб этишнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Экспортнинг ўсиши, миллий валютани мустаҳкамлаш имконини беради ва давлатнинг мувозанатлашган савдо балансини ушлаб туришига ёрдам беради.

Ўзбекистон ўзининг географик жойлашуви, табиий-иқлим ва тупроқ шароити, қишлоқ хўжалиги тармоғида шакланган узоқ йиллик анъаналар ва бошқа омиллар туфайли кўпгина турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шу жумладан, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилиш бўйича бир қатор қийин афзалликларга эга. Ўзбекистонда етиштириладиган мева-сабзавотлар саломатлик учун фойдали микроэлементлар, озиқ-овқат рационидида ўрнини ал-

маштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги туфайли ноёбдир. Ўзбекистоннинг ноёб тупроқ-иқлим шароити, мамлакатимизда қуёшли кунлар бир йилда ўртача 320 кун бўлиши, тўрт фаслнинг изчил алмашинуви кенг турдаги юқори сифатли мева ва сабзавотларнинг асосий навларини етиштириш учун қулай имкониятлар яратади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда етиштириладиган мева ва сабзавотлар юқори нуфузга эга бўлган ҳақиқий брендга – товар белгисига айланиб, бу маҳсулотларни сотиб оладиган мамлакатларда улар юксак рақобатбардошлиги билан ажралиб туради.

Нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий мутахассисларнинг эътироф этишича, Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш орқали нафақат ўзининг балки дунёдаги бошқа мамлакатларнинг ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Бугунги кунда маркетингда барча турдаги маҳсулотлар бозорида кучли рақобат муҳити мавжуд бўлиб, бундай шароитда ушбу бозорларга кириш ва ўринга эга бўлиш ўта мураккаб вазифа ҳисобланади. Юқори технологик маҳсулотлар бозори ривожланган мамлакатлар томонидан деярли тўлиқ эгалланган бўлса, энергия ташувчи хомашёлар бозори бундай маҳсулотларнинг табиий захираларига бой бўлган мамлакатлар томонидан забт этилган. Бундай шароитда Ўзбекистон ва шу каби бошқа ривожланаётган мамлакатлар маълум бир маҳсулот позициялари бўйича жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлиш учун ҳаракат қиладилар.

Айнан шундай шароитда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилиш бўйича мавжуд салоҳият ҳамда қиёсий афзалликдан тўғри ва самарали фойдаланиш Ўзбекистоннинг жаҳон бозорида ўз сегментига эга бўлиши ҳамда мамлакатнинг умумий экспорт ҳажмини оширишда, барқарор валюта тушумини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бир вақтда дунёдаги бир қатор давлатлар ўзининг географик жойлашуви, ноқулай табиий-иқлим шароитлари туфайли ўз аҳолисини витамин ва бошқа ҳаётий зарур унсурларнинг табиий манбаи бўлган мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлай олмайдилар. Шу сабабли бундай мамлакатлар томонидан мева-сабзавот маҳсулотларига доимий талаб шакланган. Ўзбекистон худди шу доимий талабни қондириш учун қулай шарт-шароит ҳамда етарли салоҳиятга эга.

Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, карам ва бошқа кўплаб мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича дунёдаги ўнта етакчи давлат қаторида туради.

Шунингдек, Ўзбекистон гилос экспорти бўйича дунёда бешинчи ўринни эгаллайди. Бугунги кунда 180 турдан зиёд мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар АҚШ, Бразилия, Вьетнам, Индонезия, Кипр, Македония, Малайзия, Мўғулистон, Норвегия, Россия, Саудия Арабистони, Словакия, Таиланд, Хитой, Япония каби эллиқдан ортиқ мамлакатга экспорт



қилинмоқда. Сўнги ўн йил ичида Ўзбекистон куруқ мевалари ва ёнғоқлари экспортти ҳажми 5 марта ортган.

“Ўзбекизоқовқатхолдинг” ХК маълумотларига кўра Ўзбекистон етита турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича жаҳондаги етакчи 10 та давлат қаторига киради. Яъни, Ўзбекистон ушбу турдаги маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги регулятори ҳисобланади. Ўзбекистон 2016 йил якунларига кўра ўрик экспортти бўйича иккинчи ўринни, гилос, қорағат ва бош бўйича бешинчи ўринни, хурмо ва майиз экспортти бўйича учинчи ўринни, қуритилган ўрик экспортти бўйича эса тўртинчи ўринни эгаллаган.

Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари бўйича жаҳон бозоридаги ўз ўринини янада мустаҳкамлаш, маҳсулот турларини янада диверсификация қилиш бўйича етарли салоҳиятга эга бўлиб, ундан самарали фойдаланиш мамлакатга валюта тушумининг кўпайтириш орқали унинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

Экспорт қилинаётган мева-сабзавот маҳсулотлари турларининг чекланганлиги экспорт тушумларини мавсумий ҳамда табиий омилларга боғлиқлигини кучайтиради. Яъни, ҳар бир турдаги мева-сабзавот маҳсулотларининг пишиб-етилиш муддатларидан келиб чиққан ҳолда экспорт қилиниши, ушбу турдаги маҳсулотларнинг пишиш муддатидан бошқа даврларда экспорт имкониятларини чеклайди. Шу билан биргаликда, турли хил табиий омиллар (ноқулай об-ҳаво шароити, қурғоқчилик ва ҳ.к.) ҳам экспорт ҳажмининг чекланишига олиб келиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда мева-сабзаот маҳсулотларини экспорт қилишга таъсир кўрсатадиган мавсумий ҳамда табиий омилларни бошқаришнинг самарали усулларини топиш ва амалиётга жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМДА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Ж.К.Мусаева,
«**Менеджмент**» кафедраси катта ўқитувчиси,
Бухоро муҳандислик – технология институтини

Аннотация: Ушбу мақолада рақамли иқтисодиётда таълим соҳасидаги устувор йўналишлар, белгиланган ва амалга оширилган ишлар, 2021 йилда таълим тизимидаги янгилликлар, замонавий дастурлаш технологияларини йўналиши бўйича кадрларни тайёрлаш шарт-шароитлари, янги мутахассисликларга талабнинг ошиши, самарали макроиқтисодий сиёсатни юритиши, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартириши борасида мақбул давлат сиёсатини амалга ошириши тизимининг мазмун моҳияти, шунингдек амалда юзага келаятган муаммолар ва таклифлар ўз ифодасини топган.

Таянч иборалар: Рақамли иқтисодиёт, таълим, билим, интеллект, “Ақли” таълим, макроиқтисодий сиёсат, дастур, рақамли платформа, мультимедиа, медиамаданият, смартфон, планшет, лойиҳа, самарадорлик, Blended learning, бошқарув, тизим.

Аннотация: В статье рассматриваются приоритеты в области образования в условиях цифровой экономики, выявленные и реализованные работы, инновации в системе образования в 2021 году, условия обучения современным технологиям программирования, повышение спроса на новые специальности, эффективная макроэкономическая политика, устойчивый экономический рост, бизнес-среда. Суть системы реализации оптимальной государственной политики по сокращению бедности в стране за счет ее улучшения, а также проблемы и предложения, которые возникают на практике.

Abstract: This article discusses the priorities in the field of education in the digital economy, identified and implemented work, innovations in the education system in 2021, conditions for training in modern programming technologies, increasing demand for new specialties, effective macroeconomic policy, sustainable economic growth, business environment. The essence of the system of implementation of an optimal public policy to reduce poverty in the country through improvement, as well as the problems and proposals that arise in practice.

Рақамли Ўзбекистон келажаги ҳозирда ёшларимиз қўлидадир. Албатта, улар рақамли иқтисодиётни бошқара оладиган, тараққий эттирадиган даражада сифатли ва замонавий билимга эга бўлса, келажагимиз буюк бўлади, рақамли Ўзбекистон хавфсизлиги таъминланади. Бунда нафақат аниқ ва табиий фанлар, балки барча фанлар ҳамда улар учун “остона” саналадиган она тили таълимига ҳам эътибор кучайтиришни талаб қилади. Ваҳоланки, информатика тилидан ташқари, ҳам хорижий тиллардан, ҳам она тилидан саводхон дастурчилар тайёр-

лаш масаласи долзарблигича қолмоқда. Шунингдек, давлат бошқарувиغا, давлат ва жамиятнинг барча соҳаларига саводли, лаёқатли кадрлар тайёрлашдек муҳим вазифа тўла адо этилмаётганлиги сир эмас.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномасида иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқиш, шу асосда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини ҳаётга татбиқ этиш масаласи қўйилди. Мурожаатномани тинглар эканмиз, мазкур дастур бир қарашда иқтисодиёт соҳасига таалуқли эканлиги кундай равшан бўлиб турса ҳам, таълим соҳасида фаолият юритаётган биз – ўқитувчилар зиммасига ҳам улкан вазифалар юкланаётганлигини ҳис қиламиз. Чунки мамлакатнинг иқтисодий ҳаёти, барча соҳаларга рақамли технологияларни тадбиқ қилиш бўйича ислохотлар ва илғор технологиялар, табиийки, таълим соҳасига ҳам таалуқли. Аксинча рақамли иқтисодиёт асосини кадрлар ва таълим ташкил қилади.

Президентимиз илгари сурган Рақамли иқтисодиёт миллий концепцияси ўзбек халқи учун, кўп миллатли Ўзбекистон учун. Демак, унинг бунёд қилиниши, амалга оширилишида барча манфаатдор бўлгани каби барчанинг ҳиссаси кўшилиши керак. 2021 йилда таълим тизимида қандай янгиликлар кутиляпти?

Мактабгача таълим:

• 2021 йилда мактабгача таълим қамрови 65 фоизга, 2023 йил охирида эса 75 фоизга етказилади. 600 миллиард сўм субсидия берилиб, 2 мингта хусусий боғча очилади; хусусий сектор улуши 25 фоизга етади.

6 ёшли болаларни мактабга мажбурий тайёрлаш тизими йўлга қўйилади. 2021 йилда 6 ёшли болаларнинг 82 фоизи (560 минг нафар) мактабга бепул тайёрловга жалб этилади.

• Узоқ қишлоқларда мактабгача таълимни уйда бериш модели йўлга қўйилди. ЮНЕСКО ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда

Мактаблар:

• Боланинг таҳлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ўстиришга мўлжалланган янги дарсликлар тайёрлаш бошланади.

• Бошланғич синфларда ДТС ўрнига болага ортиқча юклама бермайдиган «Миллий ўқув дастури» жорий этилади.

• Бошқа тумандаги олис мактабга бориб, дарс берадиган ўқитувчилар ойлигига 50 фоиз, бошқа вилоятга бориб ишласа 100 фоиз устама тўланади.

• Худудларда хусусий мактаблар фаолиятини рағбатлантириш учун бюджетдан субсидиялар ажратилади.

• 10 та Президент мактаби, кимё-биология, математика ва АТга ихтисослашган 197 та мактаб очилади.

Олий таълим:

• ОТМларда давлат грантлари сони камида 25 фоизга оширилади.

• Хотин-қизлар учун грантлар сони 2 баробарга оширилиб, 2 мингтага ет-

казилади. Аъло ўқиётган эҳтиёжманд қизлар учун стипендиялар таъсис этилади.

- Давлат кадрлар тайёрлаш бўйича хусусий ОТМларга ҳам буюртма бера бошлайди.

- 30 та ОТМга ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, қабул квотаси ва молиявий масалаларни мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи берилади.

Олий таълимдан кейинги таълим:

- 2021 йилда «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали етакчи хорижий ОТМларга магистратура ва докторантурага ўқишга юбориладиган ёшлар сони 5 баробарга оширилади.

- 2021 йилда илм-фан соҳасида олийгоҳлар ва илмий ташкилотлардаги докторантлар сони 2017 йилга нисбатан 3 баробарга оширилади (4,5 минг нафарга етади).

- Илмий унвонлар ва даражалар бериш ваколати олийгоҳларнинг илмий кенгашларига ўтказилади.

- Физика ва чет тиллари кейинги йилга илм-фаннинг устувор йўналишлари этиб белгиланди.

Мамлакатимизда замонавий дастурлаш технологияларини ўзлаштирган кадрларни тайёрлаш мақсадида “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Мазкур лойиҳада асосий шарт рақамлаштириш иқтисодий тараққиётнинг мезони, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув, барча соҳаларни комплекс ривожлантиришдир. Бугун дунёда рақамлашув, мобиллашув, сунъий интеллектни жорий эта оладиган кадрлар - дастурчиларга талаб юқори. Рақамли иқтисодиётни йўлга қўйиш ва унинг самарали фаолиятини таъминловчи бир миллион дастурчини тайёрлашга қаратилган лойиҳа доирасидаги машғулотлар айна кунда uzbekcoders.uz ўқув портали орқали олиб борилмоқда. Видеодарслар ўзбек тилидаги субтитрлар билан тақдим этилади. Истаган инсон рўйхатдан ўтиб, онлайн сабоқларда қатнашиши мумкин. Машғулотлар масофавий тарзда бепул олиб борилади.

Лойиҳани ишга туширишнинг биринчи босқичида аҳолига лойиҳани танитиш ва рақамли кўникмаларни эгаллашга ёрдам берувчи дарсларни тарғиб қилиш мақсадида реклама кампанияси иш олиб борди. “Бир миллион дастурчи” лойиҳасининг дастлабки босқичида 62 мингдан зиёд ўқувчи қамраб олиниб, уларнинг 5 минг 400 нафарига малака сертификати берилди. Лойиҳа ZIYONET таълим портали, UZMOBILE мобиль алоқа оператори ва UZONLINE интернет-провайдерларининг бепул хизматларига киритилди. Рақамли технологиялар ўқув марказларида ушбу лойиҳа доирасида дастурлаш кўникмаларига ўқитиш жорий этилмоқда.

Лойиҳа доирасида тўртта йўналишда дастурчилар тайёрланади. Булар Android (Google билан ҳамкорликда), Frontend ва Full-stack дастурлаш ҳамда маълумотларни таҳлил қилишда. Уларнинг ҳар бири бошланғич 120 соатлик,



яъни 12 ҳафталик курсдан иборат. Дарсларни бошлаш учун махсус билим талаб этилмайди. Машгулотларда Udacity ахборот технологиялари ихтисосликларига йўналтирилган етакчи онлайн платформа ўқув материалларидан фойдаланилади. Мазкур платформа ўқув дастурлари ва курслар мазмуни Google, Facebook, Amazon, Autodesk ва бошқа шу каби етакчи компаниялар билан биргаликда ишлаб чиқилган. Барча курслар ҳаққоний маълумотлар тўплами асосидаги лойиҳалар билан ишлаш орқали амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган.

Рақамли иқтисодиётда: "Ақлли" таълим камайиб бораётган ресурсларимизни аҳолини (оилани) ўсишига пропорционал сифатли кўпайтиришга ўргатиши керак.

Инноватор дастурчиликка ўргатишда ҳар ишни бошлашдан олдин:

1. Камида 7 марта ўйлаш (7 ўлчашдан олдин).

2. Камида 7 та камчилик топиш ва уларни тузатиб инновациялар ёрдамида сифатини яхшилаш ва ресурсларни кўпайтириш.

3. Камчилик топиб тузатиш – келажак меваси!

4. Кўпчилик ишни ўйламасдан қилиб, кейин 7 марта афсусланади!

БМТнинг маълумотлари: сайёрамиз аҳолисининг 33% зиёди (2,5млрд) энг асосий микроэлемент (Са, J, Mg...) ва витаминлар етишмаслигидан (яширинч очликдан) интеллектни пастлигидан азият чекмоқда (160 млн. бола). Ўқигани эсида қолмайди, бизнес қила олмайди, инновация ярата олмайди. Бунда ақл-заковатни ўсиш омиллари (инновация яратиш қобилияти, IQ, EQ) ва рақамли иқтисодиёт хизмат қилади:

Инновацион илм-фан, ақлли соғломлаштирадиган таълим, ақлли тиббиёт (соғлиқни яхшилаш: фаол умрни узайтириш 7-10 йилга ва мия қобилиятини ривожлантириш ҳар йил 10% га), ақлли физкультура (200та), ақлли оила, ақлли маҳалла ва Дин обрўсидан фойдаланиш, ақлли бизнесда хомийлик самарадорлиги.

Самарали макроиқтисодий сиёсатни юритиш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартириш борасида мақбул давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини жорий этиш мақсадида:

ЎзР Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги ЎзР Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги қайта ташкил этилиб, унинг куйидаги асосий вазифалари белгиланди:

-ЎзР Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Маданият вазирлиги билан биргаликда инсон (ақлий) капиталини ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- Оила, маҳалла, таълим-тарбия ва ақлли Динни обрўсидан фойдаланиб камбағалликни қисқартириш:

1. Боқимандалик (камбағалчили к- мияни самарали ишлашмаслик) йўқотиш;

2. ота-боболардан қолган ақлий меъросни сифатли;
3. инновация ва техникага муҳаббат ўйғотиш;
4. рақамли технологиялар орқали эҳтиёжларни сифатли қондириш ва турмуш даражасини кўтариш;
5. тежамкорлик ва экологияни яхшилаш;
6. оиласини ақлий меҳнат билан боқиш;
7. 7 ўйлаб, 7 камчилик топиб, тузатиб сифатни яхшилаш ва ресурсларни кўпайтириш;
8. ақл-заковатни ўстириш ва фаол умрни узайтириш;
9. ўз оиласидан ташқари бошқаларни ҳам бегараз боқишга (илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, бизнесга хомийлик)
10. Юқсак маънавиятини ривожлантириш.

Рақамли иқтисодийётда Мия капитали роли қуйидагиларда намоён бўлади:

- «Билимлар иқтисодийёти» бу ақлий таълим, АКТ, нано ва биотехнологиялар, ақлли тиббиёт ва ақлли оила;
- Машиналар ва жихозлар, иншоотлар ва бинолар – буларнинг барчаси инсоннинг ақлий меҳнатисиз жонсиздир.

Дунёда Рақамли (билимлар) иқтисодийёти пирамидаси (АҚШ ва ЕИ модели) қуйидагича:

- Табiiй ресурслар капитали
- Моддий ресурслар капитали (бино, инфраструктура)
- Ишлаб чиқариш воситалари (технологиялар)
- Ахборот капитали (BIG DATA)
- Рақамли иқтисодийёт технологиялари
- Инсон-Интеллектуал (ақл-заковат) капитали

АҚШ, Европа Иттифоки, Япония, Хитой ва хаттоки Индонезия миядан самарали фойдаланишдан юкори даромад оладилар (дастур муҳандислари).

Клаус Шваб Давос, 4 саноат революцияси) «4 К тизимини таклиф этган.

- Критик (танкидий) фикрлаш (Critical Thinking);
- Креативлик-ижодкорлик (Creativity);
- Коммуникатив кўникма (Communication);
- Кооперативлик (ҳамкорлик) (Coordinating With Others).

Рақамли иқтисодийёт дастурини ишлаб чиқишда рақамли таълимни амалга оширишга урғу бериш мазкур дастур амалга оширилаётган кўпгина ривожланган давлатлар тажрибасида кузатилмоқда. Хусусан, Россия Федерациясида ҳам шу жиҳат алоҳида эътибордадир. Айниқса умумтаълим мактабларида таълимни рақамли технологиялар билан уйғунлаштириш келажақда ўз самарасини беришини, албатта, ҳисобга олиш тақозо қилинади.

Мутахассислар таъкидлаётганидек, нафақат информатика, балки умумтаълим мактаблари ўқув режасидаги барча фанларни ўқитишда рақамли технологияларни татбиқ қилишни жадаллаштириш узоқни кўзлаб амалга оширилаётган



режаларнинг рўёбга чиқиш суръатини оширади. Бироқ маърифатнинг, тараққиётнинг муҳолифлари бўлгани, ҳар қандай янгиликни жорий қилишда қаршиликлар, зиддиятларга дуч келингани каби рақамли технологияларни таълимга олиб киришда ҳам бир-бирини истисно қилаётган ҳолатлар кўзга ташланади. Жумладан, рақамли таълимни жорий қилишда бу яққол намоён бўлмоқда:

1. Рақамли технологияларни таълимнинг куйи бўғинларидан бошлаб татиқ қилишга таълим муассасалари, хусусан, мактабларнинг моддий таъминоти жавоб бера олмаслиги.

2. Фан ўқитувчиларининг рақамли технологияларни таълим жараёнига олиб киришдан кўра анъанавийликни қулай ва осон деб ҳисоблаши.

3. Умумтаълим фанларидан электрон адабиётларнинг етарли эмаслиги.

4. Компьютер ва турли гажетларнинг инсон саломатлиги, руҳиятига салбий таъсири, ўқувчиларнинг медиамаданияти, “телеавлод” тушунчаси кабилар.

Бугун мультимедиа воситалари билан мактабларни тўлиқ жиҳозлашни тўла якуналаш имконсиз чунки, компьютер технологиялари ва рақамли технологиялар кун сайин янгилашмоқда, такомиллашмоқда. Шунинг учун аксарият мамлакатларда қўлланилаётганлиги каби ўқувчиларнинг гажетларидан фойдаланиш тажрибасини қўллаш мумкин. Жумладан, ўқувчиларнинг қўл телефонларидан фойдаланиш таълим муассасаси ҳудудида, айниқса, дарс жараёнида ўқувчиларнинг мобиль телефонлари ва турли гажетлардан мақсадли фойдаланишига эришиш бўйича ишларни жонлантириш ва кўникмаларни шакллантириш зарур.

Бир пайтлар хорижий тилларни магнитофон ва кассеталар воситасида аудиоматериалларни тинглаш орқали ўрганиш урф бўлиб, компьютер технологиялари имкониятларининг кенгайиши сабабли уларнинг сиқиб чиқарилганлигини ҳисобга олсак, смартфонлар ва планшетларнинг шахсий компьютерлар ўрнини эгаллаб олаётганлигини назарда тутсак, таълим контентларини мобиль иловалар тарзида тайёрлаш масаласи кун тартибига чиқаётганлигини сезиш қийин эмас. Бинобарин, аксарият ҳолларда анъанавий методиканинг ўзи ноўрин фойдаланилганлиги, бу ҳолат эса деярли “занглаган” ўқитиш методикасини пайдо қилганлигини ҳам тан олиш керак.

Аввало, “занглаган” методикани “ярқиратиш, жилолантириш”, унинг афзалликларини қайта намоён қилиш, иккинчидан, педагогик ва рақамли технологияларга мурожаат қилиш, сўнгра анъанавий таълимнинг афзалликлари ва электрон таълимни биргалиқда фойдаланиш ҳамда аралаш таълимни (смешанное обучение, Blended learning) жорий қилишни жадаллаштириш зарурлигини ҳар бир ўқитувчи, ҳар бир раҳбар чуқур англаши зарур.

Рақамли Ўзбекистонни бунёд қилиш учун ҳар бир фан ўқитувчиси ўзининг бу ишга дахлдор эканлигини англаб етиши тақозо қилинмоқда. Ўзимиз ҳам, шогирдларимиз ҳам, ўқувчиларимиз ҳам рақамли технологиялар инқилоби даврида уйғонишимиз керак.

Узлуксиз таълим тизими таълимнинг сифат даражасини юқори кўтаришдек

машаққатли даврни бошидан кечирмоқда. Буни амалга оширишда анъанавий таълим ва рақамли технологияларни аралаш қўллаш ўз ҳаётини буйруқ ва кўрсатмалар асосида эмас, балки ўз тафаккури ва юрак амрига кўра кура оладиган ёшларга таълим-тарбия бериш воситасига айланиши муқаррар. Демак, рақамли таълим технологиялари билан рақамли иқтисодиёт пойдеворини бунёд қилишга биз – педагоглар масъулмиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Иқтисодиётни ривожлантириши ва камбағалликни қисқартиришига оид давлат сиёсатини тубдан янгилashi чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (ПФ-5975-сон) Тошкент ш., 2020 йил 26 март.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
3. Постановление Кабинета Министров «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию и внедрению цифровой экономики в Республике Узбекистан от 31 августа 2018 года.
4. ЎзР Президентининг Қарори «ЎзР рақамли иқтисодиётни ривожлантириши чора-тадбирлари тўғрисида», 03.07.2018 й. № ПҚ-3832.
5. ЎзР Президентининг Қарори “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиши чора-тадбирлари тўғрисида». 28.04. 2020 й ПҚ-4699.
6. Гулямов С.С. Рақамли иқтисодиётда ақли таълим ва ақли тиббиётни роли. ШИФО-инфо №26, 23-30 бет.
7. Гулямов С.С. va boshqalar. Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalari. T.: “Iqtisod Molia” nashriyoti, 2019. 396 bet.
8. Musayeva J. K. Raqamli iqtisodiyot kelajak ravnaqi garovi sifatida.
9. Рақамли иқтисодиёт: Янги Ўзбекистонни янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлар орқали ривожлантиришининг янги босқичи” мавзусидаги халқаро илмий амалий конференция материаллари- Тошкент: Тадқиқот, 2020.
10. 10.Мусаева Ж. К., Шарипова М. М. Информационная безопасность – важное условие цифровой экономики. ТЕНДЕНЦИИ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ В XXI ВЕКЕ Материалы III Международной научной конференции Минск, 1 марта 2021 г., 323-стр.
11. 11.Мусаева Ж. К. Роль цифровой трансформации в развитии экономики Узбекистана. ТЕНДЕНЦИИ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ В XXI ВЕКЕ Материалы III Международной научной конференции Минск, 1 марта 2021 г., 952-стр.



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ҶСИШНИ ТАЪМИНЛАШ ШАРТ ШАРОИТЛАРИ

С.Ю.Норова,

Бухоро муҳандислик – технология
институтини таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада қишлоқ хўжалигини ривожлантириши ва иқтисодий ўсишини таъминлаш муаммолари акс эттирилган. Бунда аҳоли даромадларини ва турмуш даражасини ошириши, озиқ овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳудудлардаги мавжуд салоҳиятдан келиб чиқиб, қишлоқ жойларида мева сабзавотчилик ва гўшт-сут кластерларини шакллантириши модели, дехқон ва фермер хўжаликларининг йирик савдо-воситачилик ҳамда қайта ишлаш корхоналари билан кооперацияси йўлга қўйиши шарт шароитлари кўрсатиб ўтилган.

Таянч иборалар: Қишлоқ хўжалиги, агросаноат комплекси, агросаноат кластерлари, иқтисодий ўсиши, озиқ-овқат хавфсизлиги.

Аннотация: В этой статье рассматриваются проблемы развития сельского хозяйства и экономического роста. В нем обозначены условия повышения доходов и уровня жизни населения, модель формирования плодовоовощных и мясомолочных кластеров в сельской местности, налаживание кооперации фермеров с крупными торгово-перерабатывающими предприятиями на основе имеющегося потенциала. для обеспечения продовольственной безопасности регионов.

Abstract: This article addresses the challenges of agricultural development and economic growth. It outlines the conditions for increasing the income and living standards of the population, the model of formation of fruit and vegetable and meat and dairy clusters in rural areas, the establishment of cooperation between farmers and large trade and processing enterprises, based on the existing potential for food security in the regions.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳар доим мамлакат иқтисодиёти олдида турган асосий вазифалардан бири бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки, қишлоқ хўжалиги мамлакатимизнинг иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, нафақат қишлоқ аҳолиси, балки мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражасини ошириш, камбағалликни камайтириш, озиқ-овқат импортини камайтиришда бениҳоя катта аҳамият касб этади.

Ҳеч кимга сир эмаски, ҳар қайси мамлакатнинг асосий мақсади иқтисодий ўсишни таъминлаш бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган ижтимоий иқтисодий сиёсат эса асосан аҳоли турмуш даражасини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни камайтиришга қаратилган. Лекин иқтисодий ўсишга реал секторга қўшимча инвестицион ресурслар-

ни жалб этмасдан, қўшилган қиймат ҳажмини оширмасдан эришиб бўлмайди. Ваҳоланки, бундай оғир шароитда инвесторларни жалб қилишнинг ўзи ҳам осон кечмайди, чунки инвестор хавф хатар даражаси юқори бўлган ноаниқлик шароитида ўз маблағларини сафарбар қилмайди. Демак, бундай шароитда ҳар бир минтақа ўзининг ички имкониятларидан, мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиши лозим, яъни бунда уй хўжалиқларининг иқтисодий ресурслари кўзда тутиляпти. Уй хўжалиқларининг жамғармалари ҳар бир минтақада мавжуд бўлган реал молиявий салоҳиятдир. Кўпгина ривожланган мамлакатларда уй хўжалиқлари активларини ривожланишнинг асосий салоҳияти, деб билишади. Жаҳон банкининг олиб борган тадқиқотлари “аҳоли жамғариш нормасининг ҳатто оз миқдорда кўпайиши хорижий инвестор маблағларининг бир неча марта ошишидан кўра иқтисодиётга кўпроқ самара бериши” ни кўрсатади⁷⁷.

Уй хўжалиқлари инвестицион жараёнларга маблағ йўналтиришлари учун аввало даромадларини ошириб, жамғармани шакллантиришлари лозим бўлади. Аммо ҳозирги кунда уларнинг аксарияти жамғармани шакллантириш, инфляция шароитида уни сақлаб қолиш ва қийматини ошириш тўғрисида етарли билимларга эга эмас. Шу билан бирга 1 январь 2021 йил ҳолатида Бухоро вилояти аҳолисининг 63 % қисми қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилишини инobatта олсак, уй хўжалиқларининг асосий даромад манбаи қишлоқ хўжалигига бевоcита боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бунда қишлоқ хўжалиги самарадорлиги ва унумдорлигини ошириш аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини ошириш ва камбағалликни камайтиришда муҳим омил эканлигини тушуниш мумкин. Биз бу билан қишлоқ хўжалигини иқтисодий ўсишнинг асосий омил деб эмас, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида камбағалликни камайтириш, озиқ овқат хавфсизлиги омил сифатида тавсифлаймиз. Чунки, қишлоқ хўжалигининг ўсиши озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошишини чеклаб, шаҳар аҳолисининг ҳам харид қобилиятини оширади. Давлат статистика қўмитасининг маълумотига асосан, 2021 йил 2-чорак якуни билан ялпи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг 101,8 фоизга ўсиши таъминланди. Жумладан: сабзавотлар – 104,4 фоиз, гўшт – 104,4 фоиз, сут – 104,5 фоиз ва тухум - 100,1 фоиз. Шу билан бирга, 2050 йилга бориб озиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг 60 %га ошиши кутилмоқда. Бу эса, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тизимларига чекланган табиий ресурслар шароитида катта масъулият юклайди. Ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги қайта ишланадиган хом-ашё, ресурсларнинг асосий манбаи эканлиги боис иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқларини ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Шу мақсадда мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йилнинг 11 августида «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирла-

⁷⁷ Глухов В.В. Сбережения домашних хозяйств как источник инвестиций // Азиатско-тихоокеанский регион: экономика, политика, право. – 2008. – № 2 (18). – с. 55–59.



ри тўғрисида» ги қарорни имзолади. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 659,3 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, 2020–2026 йилларга мўлжалланган. Мазкур маблағлар қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларининг ишлаб чиқариш билан интеграциялаш, рақамлаштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда «Даладан истеъмолгача» тамойили асосида сифат назоратини кучайтириш, агрологистика, йўл ва бошқа зарур инфратузилмани яратиш, экспортни рағбатлантириш, агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини диверсификациялаш, соҳада давлат иштирокини камайтириш, кооперация тизимини ривожлантириш, ер ва сув ресурслари, ўрмон фондидан оқилона фойдаланишга сарфланиши кўзда тутилган. Мазкур Президент қарори, минтақанинг мавжуд иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, ҳудудларда мева-сабзавотчилик ва гўшт–сут кластерларини ташкил этиш орқали уларни комплекс ижтимоий иқтисодий ривожлантириш, камбағалликни камайтириб иқтисодий ўсишни таъминлаш мумкин. Кластерларни яратиш бўйича мамлакатимизда тажриба мавжуд бўлиб, 2019 йилда пахта тўқимачилик кластерларида етиштирилган пахта ҳосилдорлиги кластер ташкил этмаган майдонлардан олинган ҳосилдорликка нисбатан гектарига 4,1 центнер ёки 20-30% юқори бўлди.⁷⁸ Пахта тўқимачилик кластерларида эришилган натижалар ушбу усулни гўшт-сут ва мева сабзавотчиликда ҳам қўллаб самарадорликка эришиш, экспорт ҳажмини ошириш мумкинлигидан далолат беради.

Минтақада агросаноат кластерларини ташкил қилиш ва ривожлантиришдаги асосий афзалликлар ва камчиликлар

| Афзалликлар | Камчиликлар |
|--|--|
| Нисбатан арзон ишчи кучи. | Ҳудудлар ижтимоий иқтисодий ривожланишидаги мутаносибликлар |
| Доимий ошиб борувчи аҳоли ва меҳнат салоҳиятининг мавжудлиги | Хўжаликлар моддий техник базасининг эскирганлиги ҳамда асосий фондлар эскириш даражасининг юқорилиги |
| Илмий салоҳият | Ишлаб чиқариш кучларининг ҳудуд бўйича асимметрик жойлаштирилганлиги |
| Табиий ресурс салоҳияти (минерал хом ашё ресурслар) | Даромадлар тақсимланишидаги тенгсизликлар ва камбағаллик даражаси |
| Қулай бўлган табиий иқлим шароити | Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақлаш ва қайта ишлаш қувватларининг етишмовчилиги |
| Ривожланган қишлоқ хўжалиги | Диверсификация, кооперациянинг мавжуд эмаслиги. |

*Муаллиф ишланмаси асосида тузилган.

⁷⁸ Б.Ҳамидов, М. Жуманиёзова, ЦЭИР, Экономическое обозрение №6 (246) 2020

2019 йилда Бухоро вилоятининг ЯХМ таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг улуши - 46 % ни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 104,3 % ни кўрсатди. Шунингдек, етиштирилган 19222,9 млрд. сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 47,5 фоизи деҳқончилик қолган 52,5 фоизи эса чорвачилик соҳасига тўғри келади. Маҳсулотлар умумий ҳажми ҳудудлар кесимида тақсимланиши таҳлил қилинганда Қоровулбозор, Бухоро, Пешкў туманларида асосан деҳқончилик соҳасининг анча ривожланганлигини кўрсатди. Ушбу туманларда жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг 61,4 – 51,8 фоизини деҳқончилик маҳсулотлари ташкил этади. Шунингдек, Когон, Ромитан, Ёиждувон, Шофиркон туманларида эса асосан чорвачилик соҳасининг анча ривожланганлигини кузатиш мумкин. Ушбу ҳудудларда жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг 69,0 – 55,2 фоизини чорвачилик маҳсулотлари ташкил этади.




1-расм. Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши, %

Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллари, умумий маҳсулот ҳажмининг 72,3 фоизи - деҳқон (уй) хўжаликлари, 26,1 фоизи - фермер хўжаликлари, 1,6 фоизи - қишлоқ хўжалигини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келганлиги уй хўжаликлари, фермер хўжаликлари ва йирик саноат корхоналари ўртасида интеграция алоқаларини ўрнатиш лозим. Бунда кооперацион алоқалар тизими яратилиб, фермер ва уй хўжаликлари ушбу алоқаларни бошқариш фаолиятини амалга оширувчи - кластер ядроси бўлган йирик компания атрофида шакллантирилади. Бунда уй хўжаликлари ва фермер хўжаликлари ҳимояга эга бўлишса, майда ишлаб чиқарувчилар маҳсулотини сотиб оладиган йирик компания эса марказий майдонга эга бўлади. Бухоро вилояти ҳудудларининг мавжуд салоҳиятини ўрганиб чиққан ҳолда иқтисодий ўсишни таъминлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжудлиги аниқланди:

1. Мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этиш.
2. Гўшт-сут кластерларини ташкил этиш.

Ҳудуд иқтисодий салоҳияти экстенсив усулда эмас, балки уй хўжаликлар, фермер хўжаликлари ҳамда ўрта ва йирик корхоналарни бирлаштириш орқали оширилади. Гўшт-сут кластерларини шакллантириш моделини 2 расмда келтирилган.



2 расм. Гўшт-сут кластерларини шакллантириш модели

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг жаҳон тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда деҳқон ва фермер хўжалиқларининг йирик савдо-воситачилик ҳамда қайта ишлаш корхоналари билан кооперацияси асосида қўшилган қиймати юқори ва экспортбop мева, сабзавотлар етиштиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш, қишлоқ ҳудудларини ихтисослашувини таъминлаш, унинг афзаллик ва хавф хатарларини ўрганиш қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ овқат хавфсизлигини таъминлаб минтақа (ҳудуд) иқтисодий ўсишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Суворова А.В. Государственное регулирование сельского хозяйства и управление его устойчивым развитием / А.В.Суворова, Н.С.Тимофеева// Сборник научных трудов по материалам Международной научно-практической конференции «Современные исследования в области предпринимательства, экономики и бизнеса».- 2020.- С. 57-60.
3. Эргашев Р.Х., Хамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодийети. Ўқув қўлланма, -Т.: Янги авлод, 2012 –332 бет.
4. Хамраева С.Н. Қишлоқ инфратузилмасини инновацион ривожлантириши. Монография - Тошкент: 2017 – 73 бет.
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

ПОЙАБЗАЛ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАЛҚАРО БОЗОРГА ЧИҚИШ СТРАТЕГИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Н.Н.Расулов, и.ф.ф.д.,
Фаргона политехника институти**

Аннотация: Ушбу мақолада пойабзал маҳсулотларини халқаро бозорга чиқиш стратегиясини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилган.

Таянч иборалар: пойабзал маҳсулотлари, лойиҳа, самарадорлик, бошқарув, тизим, маҳсулот нархи.

Аннотация: В данной статье обсуждается разработка стратегии выхода на международный рынок обувной продукции.

Abstract: This article discusses the development of a strategy for the international market of footwear products.

Корхоналарнинг халқаро бозорларга чиқиш стратегиясининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини ва амал қилишининг объектив асосларини чуқур англаб етиш, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида корхоналарнинг халқаро бозорларга чиқиш стратегиясини ривожлантириш шарт-шароитларини аниқлаш ва уларни таъминлаш йўлларини ўрганиш мазкур механизмдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, унинг ижобий таъсирлари самарасини ошириш имконини беради.

Мамлакат иқтисодиёти олдига экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли бандлигини ва даромадларини ошириш муаммоларини изчиллик билан ҳал қилиш вазифаларини кўяди. Ушбу муаммони ҳал этишда пойабзал саноатини ривожлантириш муҳим бир таркибий бўгин эканлигини жаҳон иқтисодиёти ривожланишида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон саноат соҳасида ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг 4,1 % пойабзал тармоғида фаолият кўрсатади, уни саноат ишлаб чиқаришдаги улуши 8 %дан ортиқ, истеъмол товарлари ҳажмидаги улуши эса, 18%ни ташкил этади.

Ўзбекистондаги барча пойабзал корхоналари замонавий кўринишда бўлиб, чармни қайта ишлашдан бошлаб, тайёр пойабзал тикишгача бўлган ёпиқ ишлаб чиқариш жараёнини ўзида мужассамлаштиради. Бунинг натижасида, ушбу соҳа агар хорижга 1995 йилда 3,5 млн. АҚШ долларга тенг маҳсулотларини экспорт қилган бўлса, 2018 йилда 382,9 млн. долларга маҳсулот экспорт қилинган. Бунинг учун 12,9 минг.тонна чармдан 3,2 млн дона эркаклар пойабзали, 7,8 млн. дона аёллар пойабзали ва 3,65 млн. дона болалар пойабзалини ишлаб чиқара оладиган қўшимча қувватли технология киритилган. Натижада Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган чармнинг ички истеъмолда, шу жумладан, “Ўзбекенгилсаноат” АК корхоналари томонидан фойдаланиш ҳажмлари ортиб борган.

Кейинги йилларда Ўзбекистон пойабзал саноатида сезиларли ижодий силжишлар содир бўлди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот навлари кўпайиши ва сифати яхшиланиши ҳисобига тайёр



маҳсулотларни ҳорижга экспорт қилиш ҳажми ошиб борган. Республикада фаолият юритаётган пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарининг салмоғи ва имконияти юқори бўлиб, уларнинг ривожланишига катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистондаги барча пойабзал корхоналари замонавий кўринишда бўлиб, чармни қайта ишлашдан бошлаб, тайёр пойабзал тикишгача бўлган тизимга асосланган ишлаб чиқариш жараёнини ўзида мужассамлаштирган. Бунинг натижасида, ушбу соҳанинг мамлакат sanoat соҳасида банд бўлганларнинг 4,1 фоизи, ишлаб чиқаришдаги улуши 8 фоизни ташкил қилади. 2019 йилнинг биринчи янван ҳолатига Ўзбекистонда пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти билан шугулланувчи корхоналар сони 870 тани ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан қарийб 5 мартага, ишлаб чиқарилаётган пойабзаллар эса 3,8 марта ўсган.

Ўзбекистон пойабзал sanoatида мустақилликдан кейинги йилларда ижодий силжишлар содир бўлган. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кўпайиши ва сифати яхшиланиши ҳисобига тайёр маҳсулотларни экспорти ривожланган. Ўзбекистонда 2017 йилда пойабзаллар экспорти (ТИФ ТН 64 код бўйича) 11,9 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, жаҳон экспортидаги хиссаси 0,009 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 3 марта ошиб, 35,6 минг АҚШ долларни ташкил этиб, экспорт хиссаси 0,024 фоизни ташкил этган.

Ўзбекистон пойабзаллар бозорини ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати корхоналарнинг бозор фаолитини ривожланишига ижобий таъсир этиб, ички бозорда маҳаллий маҳсулотлар улуши ошиб боришига эришилган. Ўзбекистонда энг йирик пойабзал ишлаб чиқарувчи корхона сифатида ўз маҳаллий брендига эга бўлган Фарғона вилоятидаги "UzSalaman" кўшма корхонаси ом ашёни қайта ишлашдан тортиб, тайёр пойабзал шаклида товар маҳсулотлари тайёрлаш ёпиқ циклини ўз амалиётларига жорий қилган йирик корхона ҳисобланади. Корхона 1998 йилдан бошлаб ички бозорни сифатли пойабзаллар билан таъминлашга қаратилган маркетинг стратегияси асосида фаолият юритиб келган. Корхонада жами 354 ишчи-хизматчи ходимлар, шу жумладан 25 маъмурий аппарат ходимлари иш билан банд. Корхона 2018 йилда "UzSalaman" масъулияти чекланган жамият кўринишидаги Ўзбек-Чехия хорижий корхонаси сифатида қайтадан фаолият бошлаган. Унинг асосий фаолияти тайёр пойабзал маҳсулотларини тикиш, ишлов бериш, пойабзал маҳсулотларига ранг беришдан иборат бўлиб, корхона чарм маҳсулотини қайта ишлаш ва ундан тайёр пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи мажмуа ҳисобланади.

Маҳсулот нархи нисбатан юқорилиги ва уни сотиш қийинлигини эътироф этиш маҳсулот рақобатбардошлиги сустигидан дарак беради. Бунинг олдини олиш истеъмолчилар талаб-истакларини чуқур ўрганиш, уларнинг талабини тўла қондирадиган маҳсулот таклиф этиш ва оқибатда доимий истеъмолчилар доирасига, яъни аниқ бозор сегментларига эга бўлиш учун буларнинг ҳаммаси корхона тез орада маҳсулот ишлаб чиқариш-сотиш фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг маркетинг концепциясига ўтиши, уни самарали қўллашни ўзлаштириб олиши ва ўзининг аниқ бозорини топиб, уни мустаҳкам эгаллаб олиши зарурлигини тақозо этади. Бу мураккаб вазифани бажаришда дастлабки жиддий қадам бозорни чуқурроқ ўрганиш ва сегментлаш ҳисобланади.

Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш талаб этилади:

- фаолиятни бозор муносабатлари асосида тубдан ўзгартириш;
- хўжалик юритиш маркетингини ташкил этиш ва сегментлаш асосида амалга ошириш;
- фаолиятни янги технология асосида уюштириш;
- хом ашё ва материаллар таъминоти базасини яратиш;
- бошқаришни бозор механизмларини қўллаш асосида тубдан янгилаш;
- фаолият ҳудудини кенгайтириб, янги бозорларни ўзлаштириш;
- маҳсулот экспортини амалга ошириш учун зарур чора-тадбирларни қўлаш;

- рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;

Корхона маркетинг фаолиятини изчиллик билан амалга оширилиши натижасида корхона фаолиятида муҳим аҳамиятга бўлган молиявий кўрсаткич, яъни рентабеллик даражаларида ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Мустақил товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда сотиш, умуман иқтисодиётда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашдан иборат бўлиб, улар керакли ишлаб чиқариш воситалари, хом ашё ва материалларни сотиб олиши, ишчи кучини ёллаш учун зарур маблағларни сарфлайди. Ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат охир-оқибатда, бозорда истеъмолчиларни ўзига жалб қилиш билан белгиланади.

Истеъмолчилар ўртасида рақобатни юз бериши ҳақида тўхталиб, шуни таъкидлашимизки, улар товарларни қулай ва арзон баҳоларда сотиб олишга ҳаракат қиладилар, яъни харидор ҳар бир сарфланган пул бирлиги эвазига кўпроқ нафлиликка эга бўлишга ҳаракат қилиб, арзон ва сифатли товарни тезроқ сотиб олиш учун интилади.

Чарм-пойабзал саноатини ривожлантириш йўналишлари тармоқни ресурс билан таъминлаш; корхоналарни техник қайта жиҳозлаш; кадрлар салоҳиятини яхшилаш; товарнинг ҳаёт циклига инновацион ёндашув; ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш мақсадида пойабзал тармоғининг маркетинг тадқиқотлари натижалари асосида мақсадли стратегик вазифаларни белгилашдир. Ушбу вазифаларни ҳал қилиш орқали пойабзал саноатининг рақобатбардошлигини оширишга ва маҳсулотлар рентабеллигини кўтаришга, айланма маблағларнинг ҳаракат тезлигини кучайтиришга, Ўзбекистонда пойабзал истеъмол бозори улушини оширишга эришиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Иватов И. *Савдо фаолиятида маркетинг. Монография.* –Т.:ДДИУ, 2004.;
2. Солиев А., Усманов А. *Маркетинг. Тадбирқорлик. Бизнес.Бозориноснолик. Ўқув қўлланма.* –Т.: Ўқитувчи, 1997.-167 б.
3. Аакер Д.А. *Стратегия управления портфелем брендов: [пер.с англ.]* - М.: Эксмо, 2018. - 318с.



ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТУРИЗМ ТАДБИРКОРЛИГИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ

С.Н.Тошмаматов,
Фаргона политехника институти
тадқиқотчиси

Аннотация: *Хизмат кўрсатиши соҳасини ривожлантиришида туризм тадбиркорлигидан фойдаланиши ва уни йўлга қўйиши масалалари кўриб чиқилган.*

Таянч иборалар: *туризм, кичик ва ўрта корхоналар, инфратузилма, туризм соҳаси, хизмат кўрсатиши.*

Аннотация: *Рассмотрены вопросы использования и создания туристического бизнеса в развитии сферы услуг.*

Abstract: *The issues of using and establishing tourism business in the development of the service sector were considered.*

Ўзбекистонда туризм ривожланган ҳудудлар ичида энг ажралиб тургани Тошкент шаҳри ҳисобланади. 2019 йилда Тошкент шаҳрига мамлакатга ташриф буюрган туристлардан тушадиган даромад 45 %ни ташкил этган ҳолда, Самарқандда бу кўрсаткич 26 %ни, Бухорада 18 %ни, Хоразмда 11 %ни ташкил этган. Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида туризмнинг ривожланиши бўйича жуда паст кўрсаткичларга эга. манбани кўрсатиш керак Хусусан, Фаргона водийси вилоятларида ички ва ташқи туристларни бу ерларга ташрифи деярли сезилмайди кўрсаткич бериши лозим.

Умуман олганда, ички туризм ривожланиши даражасининг етарли даражада эмаслиги сабаблари қуйидагилардан иборат: мавжуд моддий базанинг маънавий ва моддий жиҳатдан сезиларли эскириши; вилоятлар томонидан туризм соҳасига инвестициялар учун қулай шарт-шароитлар яратиш амалиётининг паст даражадалиги; чет элда мамлакат туризм имкониятлари давлат нотижорат рекламасининг деярли тўлиқ мавжуд эмаслиги; кадрлар тайёрлаш даражасининг пастлиги ва бозор иқтисодиёти шароитида ишлаш тажрибаси йўқлиги туфайли туризм саноатининг барча секторларида хизмат кўрсатиш сифатининг юқори эмаслиги билан изоҳланади. Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёни 1994 йилдан бошлансада, ҳали ҳам Фаргона водийсида туризм хусусий тармоқ сифатида катта салоҳиятга эга эмас. Водийга туристларни жалб қилиш жараёни секин кечмоқда. Халқаро амалиётда кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш усуллари жуда ҳам кўп бўлиб, бу жараёндан туризм тармоғи учун яхши фойдаланиш зарурияти туғилмоқда ва бунинг учун имкониятлар етарличадир.

Ҳақиқатдан ҳам бу ҳудудларга туристларни жалб қилиш учун ҳали жуда кат-

та ишларни амалга ошириш зарурдир. Агар алоҳида олинган шаҳарлар бўйича меҳмонхоналардаги бандлик даражасига эътиборни қаратадиган бўлсак уҳолда фақат Фарғона шаҳрида бандлик даражаси 0,5 коэффицентдан юқори бўлиб, бу ерга иш юзасидан, шахсий ташаббус билан келувчилар кўпчиликни ташкил этади манба. Меҳмонхоналарда мавжуд жойларни банд қилиш даражаси жуда ҳам паст. Бу шундан далолат берадики, айрим меҳмонхоналарда жойлар узоқ даврда туристлар билан банд бўлмайди. Айниқса, бу ҳолат мавсумий бўлиб, вақтида, хусусан, куз, киш ҳамда баҳор ойининг дастлабки ойларида кўпроқ кузатилган. Бундан ташқари, халқаро туризм учун мўлжалланган меҳмонхоналардан туристлар бўлмаган пайтда маҳаллий туристларни, фуқароларни арзон нарҳда жойлаштириш масалаларига умуман эътибор берилмаган. Бошқача айтганда, меҳмонхоналар, нарх-наво ва бошқа шарт-шароитларни тез мослаштириш механизми яратилмаган.

Туризм соҳасининг энг муҳим хусусиятларидан бири, бу юридик жиҳатдан мустақил бўлган корхоналар ўртасидаги фаолиятни жаҳон андозалари даражасига етказиш ҳисобланади. Бу шу нарсада намоён бўладики, транспорт, экскурсовод, меҳмонхона, ресторан ва шу каби бошқа инфратуризмлар ўртасида иш фаолиятлари бир-бири билан боғланиб, уйғунлашиб кетиши лозим.

Ҳозирги пайтда водий шаҳарларида туристларга хизмат кўрсатадиган меҳмонхона, турбаза, кемпинг, мотеллар сони 40 дан ошиб кетди ва уларда 1800дан кўп ўринлар мавжуд. Шундан фақат 10-15% халқаро стандартларга жавоб бера олади. Булардан ташқари ҳар шаҳарда, ҳатто йирик туман марказларида турли мулк шаклига эга бўлган меҳмонхоналар мавжуд бўлиб, улар асосан Ўзбекистон фуқаролари учун хизмат кўрсатади. Меҳмонхона хўжалигидан фойдаланиш самарадорлиги мавжуд хоналар фондини қанчалик даражада фойдаланилиши билан боғлиқдир. Бу кўрсаткич -гармоқ бўйича 1982 йилда 67,8 %, 1992 йилда 58 %, 1998 йилда 35 %, 1999 йилда 48 %, 2000 йилда 49 %, 2002 йилда 47 % ва 2010 йилда 48 %ни ташкил қилган манба кўрсатиш керак.

Фарғона ҳудудида туризмни ривожлантириб боришда тадбиркорликни йўлга қўйиш ва буни амалга ошириш натижасида:

- тизимнинг ислоҳ қилиниши туфайли ишсиз қоладиган ходимлар учун янги иш ўринларини яратиш;
- бозор муносабатлари ва бозор инфратузилмасининг жадал ривожланиши учун шароит яратиш;
- хизмат турлари, шу жумладан, банк, аудиторлик, консалтинг фаолияти билан боғлиқ хизмат ҳажмини ошириш;
- кўп маблағ талаб қилмайдиган хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш, кичик ва хусусий фирмаларни ишга тушириш кўзда тутилади.

Шу билан бир вақтда халқаро миқёсда қаул қилинган йўналишлар бўйича туризмни ривожлантириш ҳам муҳим масалаладир.

Фарғона вилояти туризмида бу фақат иқтисодий ходиса бўлиб қолмасдан, балки, бир вақтнинг ўзида ижтимоий, маданий, экологик ва сиёсий ҳодиса бў-



либ, унинг ривожланиши қуйидаги ижобий самараларни беради:

а) меҳмонхона, ресторан, чакана савдо корхоналари, транспорт ва бошқа соҳаларда янги иш ўринларини шакллантиради;

б) янги тармоқлар ва касбларни (маслаҳатчилар, ўқитувчилар, агентлар ва ҳақозалар) ривожланиши учун шароит яратади;

в) туризм харажатлари маҳаллий иқисодиётда ўзлаштирилиши туфайли мультипликаторли самара юз беради;

г) республика ва маҳаллий бюджетлар даромadini кўпайтиради;

д) маҳаллий товарлар ва хизматлар экспортини рағбатлантиради.

Ҳозирги кунда Фарғона, Наманган, Андижон, Қўқон, Марғилон ва бошқа туристик ҳудудларини кесиб ўтувчи йўналишлар «Буюк Ипак йўли» йўналишининг тармоқлари ҳисобланишини эътиборга олсак, Фарғона водийси бўйлаб йўналиш ёки Фарғона олтин ҳалқаси Қўқон - Фарғона - Андижон - Наманганни ўз ичига оладиган туристик маконни ташкил этиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОХОТЛАР ДАВРИДА САЙЁҲЛИК ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КОРОНОВИРУС ПАНДЕМИЯСИНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ

Н.Р.Халмиева,
БухМТИ докторанти

Аннотация: Туризм соҳасидаги ўзгаришлар миллий иқтисодиётни ривожлантиришининг стратегик йўналишларидан бири бўлиб, у ҳудудларнинг жадал ривожланишини таъминлай олади. Сайёҳлар сонининг кескин ўсиши натижасида юзага келган талабни қондириш мақсадида давлат томонидан жойлаштириш масканларини кўпайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Таъкидлаш лозимки, коронавирус пандемияси фонидида жорий этилган чекловлар ва уларнинг натижасида юзага келган глобал инқироз оқибатлари туфайли туризм соҳаси катта талофатларга юз тутди.

Таянч иборалар: туризм соҳаси, миллий иқтисодиёт, пандемия, инқироз, жаҳон стандартлари, туризм жамғармаси, визасиз режим

Аннотация: Изменения в туризме - одно из стратегических направлений развития национальной экономики, которое может обеспечить быстрое развитие регионов. Чтобы удовлетворить спрос, вызванный резким увеличением количества туристов, правительство приняло комплексные меры по увеличению количества мест для проживания. Следует отметить, что из-за ограничений, введенных на фоне пандемии коронавируса и последствий возникшего глобального кризиса, туристическая отрасль понесла огромные убытки.

Abstract: Changes in the field of tourism are one of the strategic directions of development of the national economy, which can ensure the rapid development of the regions. In order to meet the demand caused by the sharp increase in the number of tourists, the state has taken comprehensive measures to increase the number of accommodation. It should be noted that due to the restrictions imposed against the background of the coronavirus pandemic and the consequences of the resulting global crisis, the tourism industry has suffered huge losses.

2016 йилда Ўзбекистон туризм соҳасини тубдан ислоҳ қилиш жараёни бошланди. Туризм соҳасидаги ўзгаришлар миллий иқтисодиётни ривожлантиришининг стратегик йўналишларидан бири бўлиб, у ҳудудларнинг жадал ривожланишини таъминлай олади.

Таҳлиллар соҳага тегишли асосий кўрсаткичларнинг ижобий динамикасини кўрсатди. Хусусан, 2016-2019 йиллар оралиғида Ўзбекистонга ташриф буюрган халқаро сайёҳларнинг сонидида сезиларли ўсиш кузатилади. Солиштириш учун, 2016 йилда мамлакатга 2 миллион чет эллик сайёҳлар ташриф буюрган

бўлса, 2019 йилда уларнинг сони 3,3 баробарга кўпайиб, 6,7 миллионга етди. 2018 йилда чет эллик сайёҳлар сони 2017 йилга нисбатан 98%га, сайёҳлик фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар сони эса 131%га кўпайди манба кўрсатилиши керак.

Эътиборли жиҳати шундаки, сайёҳлар сонининг ошиши турли ҳудудларда турлича рўй бермоқда. Мисол учун, Марказий Осиё мамлакатларидан ташриф буюрганлар сони йиллик ўртача 22-25 фоиз атрофида кўпайган бўлса, узоқ хорижий мамлакатлар фуқаролари орасида йиллик ўсиш 50 фоизни ташкил этди. манба кўрсатилиши керак.

Шу билан бир қаторда ички туризм кўрсаткичларида ҳам ижобий натижалар қайд этилди. 2016 йил билан солиштирганда 2019 йилда маҳаллий сайёҳларнинг сони деярли 2 баробарга кўпайиб, 14,7 миллионга етди. манба кўрсатилиши керак. Пандемиянинг туризмга таъсири техник тўғриланиши манба кўрсатилиши керак. Жаҳон туризм ва сайёҳлик кенгаши маълумотларига кўра, 2019 йилда туризм ва сайёҳлик соҳасининг жаҳон ялпи ички маҳсулотига бевосита ва билвосита қўшган ҳиссаси 8,9 триллион (жаҳон ЯИМнинг 10,9 фоизи) долларга тенг бўлган. Дунё бўйлаб ҳар ўн киши туризмга алоқадор соҳаларда фаолият олиб борган.

Таъкидлаш лозимки, коронавирус пандемияси фониди жорий этилган чекловлар ва уларнинг натижасида юзага келган глобал инқироз оқибатлари туфайли туризм соҳаси катта талофатларга юз тутди. Хусусан, 2020 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрган чет эллик сайёҳларнинг сони 96% фоизга камайиб, 1,5 млн. нафарга тушиб кетди. Кўрсатилган сайёҳлик хизматларининг ҳажми эса 261 млн. долларни ташкил этди.

Хусусан, пандемиянинг бошланиш нуқтаси 2019 йилда кўрсатилган туристик хизматларнинг умумий ҳажми 1,5 млрд. доллардан ошган бўлса, экспорт кўрсаткичлари 1,3 миллиардга етиб, умумий хизматлар экспортининг 38,2 фоизини ташкил этди.

Туризм соҳасининг қайта тикланиши техник тўғриланиши керак. коронавирус пандемияси сабабли юзага келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда, «Ўзбекистон Сафе тревел» гуарантеед («Ўзбекистон. Хавфсиз сёҳат кафолатланган») лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа сайёҳларга мўлжалланган бўлиб, жаҳон стандартларига асосланган санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг янги тизими ҳисобланади. Туризм объектлари ва тегишли инфратузилмани, туристик хизматларни янги санитария-гигиена талаблари асосида сертификатлаш қуйидагилар учун мажбурий бўлди:

- барча давлат чегара пунктлари;
- ҳаво, темир йўл ва автобус бекатлари;
- моддий-маданий мерос объектлари, музейлар, театрлар ва бошқалар.

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.06.2020 йилдаги №4755-сонли Қарори билан Хавфсиз ту-

ризм жамғармаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармасининг 20 миллиард сўм миқдордаги дастлабки тўлови, шунингдек, «Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED» тизими доирасида жорий этилаётган ихтиёрий сертификатлаштиришдан ўтиш учун тўланадиган базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдоридаги тўлов ҳисобидан шакллантирилди.

Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун Ўзбекистон туризм соҳаси иштирокчилари бир қатор имтиёз ва имтиёزلарга эга бўлдилар. Шундай қилиб:

- туроператорлар, турагентлар ва жойлаштириш воситаларининг даромадларидан олинадиган белгиланган солиқ ставкаси 50%га камайтирилди;

- туроператорлар, турагентлар ва жойлаштириш воситалари юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва мол-мулк солиғини тўлашдан озод этилади;

- ижтимоий солиқ ставкаси 1% миқдорида белгиланди;

- туроператорлар, турагентлар, шунингдек, жойлаштириш воситалари учун туристик фаолият билан шугулланганлик йиғимини ҳисоблаш ва тўлаш вақтинчалик тўхтатилди;

- жойлаштириш воситаларини қуриш учун тижорат банкларидан илгари берилган кредитлар бўйича туристик ташкилотларнинг фойз харажатлари қисман қопланди;

- меҳмонхоналарни таснифлаш ёки модернизация қилиш учун моддий-техник базани янгилаш, реконструкция қилиш ва мустаҳкамлаш харажатлари қисман қопланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 майдаги “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида 2020 йил 1 июндан 2021 йил 1 мартга қадар жойлаштириш бўйича хизматлар (меҳмонхона хизматлари) нархининг 10 фоизи миқдорида жойлаштириш воситаларини субсидиялаш кўзда тутилган.

Умуман олганда, давлат раҳбарининг видеоселектор йиғилишида қайд этишига кўра, 1750 та субъектга мол-мулк солиғи, ер ва ижтимоий солиқлар бўйича қарийб 60 миллиард сўм миқдорида имтиёзлар берилди.

Туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатларига шарҳ техник тўғриланиши ва манбалар кўрсатилиши керак. куйидаги барча жумлаларда ҳам тегишли

Мазкур давр мобайнида маҳаллий ва хорижий ташриф буюрувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, туристик маҳсулотлар турини диверсификация қилиш ва энг муҳими соҳанинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш орқали унинг инвестицион жозибадорлигини ошириш йўлида қуйидаги йўналишларда 60 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш орқали аниқ натижаларга эришилди:

- Виза талабларини соддалаштириш



Мамлакатлар орасида виза режимини соддалаштириш фуқароларнинг мобиллигини таъминлаш билан бир қаторда расмийлаштириш харажатларни камайтиради ва чет эллик сайёҳлар оқимини кўпайтиради.

2018 йилда 9 та давлат фуқаролари учун Ўзбекистонда визасиз режим жорий қилинган бўлса, 2019 йилда 47 та, 2020 йилда 20 та ва 2021 йилда яна 5 та мамлакат фуқаролари учун виза талаблари турли муддат доирасида бекор қилинди. 2021 йилнинг 15 апрел ҳолатига кўра, фуқаролари учун Ўзбекистон Республикасида визасиз режим жорий қилинган мамлакатлар сони 90 тани ташкил қилади.

Бундан ташқари 80га яқин мамлакат фуқаролари соддалаштирилган тартибга кўра электрон виза расмийлаштириш имконияти эга бўлди. Хорижий давлат фуқароларининг алоҳида турлари учун «Ватандош», «Талаба», «Академик», «Тиббиёт» ва «Зиёрат» каби янги 5 хил виза турлари жорий қилинди. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва Спорт вазирлиги маълумотларига кўра виза режимини соддалаштириш ўзининг ижобий натижаларини кўрсатди. 2019 йилда чет эллик сайёҳлар сонининг ўсиши ўртача 26 фоизни ташкил қилган бўлса, визасиз режим жорий қилинган мамлакатлар ўртасида ўсиш кўрсаткичи 58 фоизга етган.

Сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш

Сайёҳлар сонининг кескин ўсиши натижасида юзага келган талабни қондириш мақсадида давлат томонидан жойлаштириш масканларини кўпайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Биринчидан, ҳамёнбоп жойлаштириш масканлари турига мансуб хостеллар фаолиятини тартибга солувчи 22 турдаги ортиқча талаблар бекор қилинди. Шу жумладан, хостеллар томонидан кўрсатиладиган меҳмонхона хизматларини мажбурий сертификациялаш тартиби бекор қилиниб, меҳмон уйлари ва хостеллар ягона реестридан рўйхатдан ўтган ҳолда фаолият олиб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

Иккинчидан, мамлакатда кичик турдаги меҳмонхоналар сонини кўпайтириш мақсадида Туркия ва Жанубий Корея тажрибасига асосланган 50 номергача бўлган кичик меҳмонхоналарнинг 8 турдаги намунавий лойиҳалари тадбиркорларга бепул тақдим этилди. Ҳисоб-китобларга кўра, тарқатилган лойиҳаларнинг умумий қиймати 60 млрд. сўмдан ошиқни ташкил этади.

Учинчидан, туризм соҳасига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида, давлат хусусий шерикчилик шартлари асосида меҳмонхоналар қуришга қатор имтиёзлар жорий қилинди. Унга кўра, қурилган 3 юлдузли меҳмонхоналарнинг ҳар бир хонаси учун давлат бюджети маблағлари ҳисобига 30 млн., 4 юлдузли меҳмонхоналар учун 40 млн. сўм компенсация ажратиш белгиланди. Шу билан бирга, жаҳонга машҳур меҳмонхона бренларини жалб қилган меҳмонхоналарнинг роялти харажатларини қисман компенсация қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Унга кўра, 3 юлдузли меҳмонхоналарнинг ҳар бир хонаси учун 200 АҚШ долл., 4 юлдузли меҳмонхоналар учун 400 долл ажратилади.

Натижада, жойлаштириш воситаларининг сони кескин кўпайди. Хусусан, 2016-2020 йиллар оралигида уларнинг сони 750 тадан 1308 тага, мавжуд ўринлар сони эса 34 мингдан 62 мингга ошди. Шунингдек, 2018-2020 йиллар давомида меҳмон уйлариининг сони 13 баробарга ошиб, 1386 тага етди.

Сайёҳлик хизматлари таркибини кенгайтириш

МИСЕ-туризм. Жаҳон Сайёҳлик Ташкилотининг ҳисоб-китобларига кўра, иш туфайли сафар қилаётган сайёҳ сафари давомида дам олиш мақсадидаги сайёҳга қараганда 3-4 баробар кўпроқ сарф харажат қилади. Бундан ташқари, дам олиш туризми мавсумий характерга эга бўлса, иш туризми йил давомида даромад келтириш имконияти мавжуд.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда туризм хизматлари таркибини диверсификация қилиш ва туризмнинг янги турларини ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар олиб борилди. Хусусан, МИСЕ туризм яъни, Ўзбекистонда турли учрашув, конференция ва кўرғазмаларни ташкил этиш орқали сайёҳлар оқимини кўпайтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Хоразмда анъанавий тарзда ўтказиладиган «Баҳодирлар ўйини» спорт турнири, Сурхондарёда «Бахшичилик санъати» фестивали, Қорақалпоғистонда «Муйнак-2019» авторалли мусобақалари ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистонда МИСЕ-туризмни ривожлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб тасдиқланди.

Кино туризм. Кино туризм мамлакатнинг имиджини шакллантириш учун муҳим восита ҳисобланади. Бундан ташқари, потенциал сайёҳлар орасида мамлакат ҳақида маълумот берувчи пассив реклама вазифасини ҳам ўтайди.

Мисол учун, Шерюрак (Бравеҳеарт) филмининг намоёйишидан бир йил ўтиб, кино суратга олинган Шотландиянинг Уоллесе монументига ташриф буюрувчилар сони 300 фоизга ошган. Шунга ўхшаш бошқа бир филмининг намоёйишидан сўнг филм тасвирга олинган меҳмонхона хоналари кейинги 3 йил учун банд қилинган.

Ўзбекистонда ҳам кино туризмни ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида кинотуризмни жадал ривожлантириш ва мамлакат кино жозибдорлигини кенг тарғиб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори қабул қилинди. Уларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аудиовизуал маҳсулотларни яратишда чет эл кинокомпанияларига харажатларининг бир қисмини қайтариш («rebate») тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш назарда тутилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар хорижий кино-компаниялар томонидан «Базил», «Khuda Naafiz», «Ал Сафар» каби аудиовизуал маҳсулотлар тайёрланди.

Зиёрат туризм. 2019 йилда чоп этилган Глобал мусулмон туризми индекси ҳисоботида кўра, 2018 йилда зиёрат мақсадларида сафар қилган мусулмонлар



нинг сони 140 миллион кишини ташкил қилган ва 2026 йилга келиб бу рақам 230 миллионга етиши кутилмоқда.

Ўткан давр мобайнида Ўзбекистонда туризмнинг Зиёрат турини ривожлантириш ва унинг туристик хизматлар экспортидаги улушини ошириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Бухорода 34 мамлакатдан ташриф буюрган 120 хорижий меҳмонлар иштирокида биринчи Зиёрат туризми Форуми ўтказилди. Зиёрат туризми билан ташриф буюрган сайёҳларга алоҳида қулайлик яратиш мақсадида меҳмонхоналарда янги талаблар жорий этилди, республика ҳудудидаги масжидларнинг харитаси ишлаб чиқилиб, мобил дастурга жойлаштирилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида, «Sressentrating» ташкилоти томонидан тузиладиган Глобал мусулмон туризми индексида Ўзбекистон 10 поғонага кўтарилиб 22-ўринни эгаллади.

Тиббий туризм. Техас университети профессори Ҳамид Белади томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, тиббий туризмдан олинган даромадларнинг 1%га ўсиши реал ЯИМнинг йиллик ўсиш суръатларини 0,0019%га оширади. Таиланд ва Малайзия мисолларида Наранонг, Клижж каби кўплаб бошқа тадқиқотчилар тиббий туризмнинг қабул қилувчи мамлакат иқтисодиётига бевосита ижобий таъсирини тасдиқлайди.

Шунингдек, Ўзбекистонда тиббий туризмни ривожлантириш ва тиббиёт масканларига кўпроқ сайёҳларни жалб қилиш бўйича турли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатнинг энг йирик давлат ва хусусий тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда конференциялар, ўқув семинарлари ўтказилмоқда. Бунда, сайёҳларга тиббий хизмат кўрсатишда хусусий тиббий клиникаларнинг ўрни катта.

Маълумотларга кўра, 2019 йилда Ўзбекистонга тиббий мақсадларда ташриф буюрган чет эллик фуқаролар сони 50 мингдан ошди. Аслида, бу рақам бир неча баробар кўпроқ бўлиши мумкин, чунки хусусий тиббиёт клиникаларига ташриф буюрадиган сайёҳлар сонини аниқлаш ҳали ҳануз мукамал вазифа сифатида қолмоқда. 10 дан ортиқ нуфузли хорижий нашрлар Ўзбекистонни энг жозибадор сайёҳлик йўналишларидан бири сифатида эътироф этди.

Ўзбекистонда туризмни иқтисодиётнинг стратегик соҳаларидан бирига айлантириш бўйича қилинган ишлар турли рейтинг ва номинацияларда ҳам ўз аксини топди.

Хусусан, сўнги йилларда Ўзбекистон «The Guardian» нашри томонидан дунёнинг энг яхши сайёҳлик йўналиши, «Wanderlust» наздида энг тез ривожланаётган давлат, «грандвояге» ҳисоб-китобига кўра энг яхши ривожланаётган сайёҳлик йўналиши деб топилди. Ундан ташқари БМТ ҳузуридаги энг тез ривожланаётган давлат, «грандвояге» ҳисоб-китобига кўра энг яхши ривожланаётган сайрўйхатида 4-ўрин билан баҳолади.

Аммо, соҳада ўз ечимини кутиб турган муаммолар ҳам кам эмас. Транспорт харажатларининг кўшни давлатлар билан солиштириганда каррасига юқори

эканлиги, авиайўналишларнинг диверсификация қилинмаганлиги шунингдек, йўл, санитар ва инфор­мация ин­фра­тузилма объек­тлари сифатининг пастлиги, гид ва экскурсовод хизматларининг талабга нисбатан кескин етишмовчилиги сайёҳлар наздида Ўзбекистоннинг туристик жозибадорлигига путр етказувчи омиллардан ҳисобланади. Мавжуд муаммоларни тез ва сифатли ҳал қилиш пандемиядан кейинги даврда Ўзбекистоннинг туризм имкониятларини «даволашда» катта аҳамият касб этади. Муаммолар кириш қисмида кўрсатилиши, охирида ечими бўйича хулоса берилиши керак. Мазмунан тўғри­лаш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasida Turizmni Jadallantirishga Oid Qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'rida"gi Farmoni 1-Ilovasi*
2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 майдаги "Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириши учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони*
3. *International Labour Office (2010), Developments and challenges in the hospitality and tourism sector, issues paper for discussion at the Global Dialogue Forum for the Hotels, Catering, Tourism Sector (23–24 November 2010), ILO, Geneva.*
4. *For information on measuring employment in tourism establishments of informal sector and informal employment in the tourism industries see: World Tourism Organization and United Nations (2014), chapter 7, section D.2.1.*



КОРХОНА МОЛИЯВИЙ СИЁСАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ НАЗАРИЯСИ ВА УСЛУБИЁТИ ХУСУСИДА

С.Хамдамов,

ТДИУ мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасида иқтисодий эркинлашуви ва модернизациясининг ҳозирги босқичида корхона молиявий сиёсатини шакллантириш назарияси ва услубиётини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларида корхона молиявий сиёсатини шакллантириш назарияси ва услубиётини такомиллаштириш устунликлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари илмий асослаб берилган.

Таянч иборалар: корхона молиявий сиёсати, Корхона молиявий барқарорлигини бошқаришга креатив ёндошув

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы совершенствования теории и методологии формирования финансовой политики предприятия на современном этапе экономической либерализации и модернизации в Республике Узбекистан. Научно обоснованы преимущества и особенности совершенствования теории и методологии формирования финансовой политики предприятия в перспективе социально-экономического развития страны.

Ключевые слова: финансовая политика предприятия, творческий подход к управлению финансовой устойчивостью предприятия

Abstract: The article examines the issues of improving the theory and methodology of formation of financial policy of the enterprise at the current stage of economic liberalization and modernization in the Republic of Uzbekistan. The advantages and peculiarities of improving the theory and methodology of formation of financial policy of the enterprise in the perspectives of socio-economic development of the country are scientifically substantiated.

Keywords: enterprise financial policy, a creative approach to managing the financial stability of the enterprise

Иқтисодий модернизацияси ва либераллашуви жараёни, фискал сиёсат ва корхоналар молиявий салоҳиятини ошириш муаммоларининг кескинлашуви ва корпоратив молиявий менежмент тараққиётининг самарали механизмларини қўллаш кўп жиҳатдан корхона молиявий сиёсатини самарали шакллантиришга ҳам бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб корхоналар молиясини самарали бошқаришга қаратилган молия-солиқ сиёсати олиб борилмоқда. Чуқур институционал ўзгаришлар амалга оширилди, корпоратив бошқарув тизимини комплекс ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди, мақсадли комплекс дастурлар амалга оширилмоқда. Бунда «корхона-

ларда корпоратив молиявий менежмент тизимини такомиллаштириш фойдаланилмаётган ресурслар ва молиявий имкониятлардан юқори даражада ва самарали фойдаланиш, корхоналар молиявий сиёсати соҳасида шаклланиб қолган тизимли муаммоларни бартараф этиш ҳамда ҳозирги кундаги энг муҳим масалалардан бири – корхоналар миқёсида молиявий менежмент самарадорлигини ошириш имконини беради»⁷⁹.

Ривожланган ва изчил тараққий этаётган давлатлар (Япония, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Хитой ва бошқалар) тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, корхона рақобатбардошлиги, барқарор ривожланиши корхона молиявий сиёсатини шакллантиришнинг самарали воситаларини қўллашга тўлалигича боғлиқдир. Бунда ташқи муҳитнинг таъсири ва рақобат корхоналарни ўзларининг молиявий салоҳиятидан янада самарали фойдаланишга ундамоқда.

Шу сабабли, корхона молиявий сиёсатини шакллантириш назарияси ва услубиётини такомиллаштириш йўналишларини ўрганиш ҳозирги замон молия фанининг янги ва мураккаб тадқиқ предмети сифатида намоеён бўлмоқда. Шу билан бирга корхона молиявий сиёсатини шакллантириш жараёнини тадқиқ қилишнинг назарий-методологик базаси ҳали етарли даражада тизимлаштирилмаган ва у асосан корпоратив молия, корпоратив бошқарув концепцияларига асосланиб қолмоқда.

Бу корхона молиявий сиёсатини шакллантириш бўйича стратегик қараш ва дастурий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш нуқтаи-назаридан ушбу масаланинг методологик ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилишнинг зарурлигини кўрсатмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида содир бўлаётган жараёнлар ҳамда мамлакатни иштиқболда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш борасида айтилганидек: «Жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб бораётган бутунги шароитда иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, корхоналарда корпоратив бошқарув афзалликлари асосида улар молиясини самарали бошқариш устувор аҳамият касб этади»⁸⁰. Бу соҳада «иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, энг аввало, импорт ўрнини босувчи ва экспорт салоҳиятини оширишни таъминловчи ишлаб чиқаришни ўстиришга эришиш, корхоналарда корпоратив бошқарув асосида жадал ривожлантириш ҳисобига улар молиявий салоҳиятини ошириш»⁸¹ бўйича устувор вазибалар белгиланган.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда корхона молиявий барқарорлигини бошқариш тизимининг шаклланиши ва самарали фаолиятини таъминлаш тизимида

⁷⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида” ги 29 июнь 2018 йилдаги ПФ-5468-сонли Фармони.

⁸⁰ Мирзиёев Ш.М. 2017-йил шиддатли ислохотлар йили. Т.: «Ўзбекистон», 2018, - 76 б.

⁸¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида” ги 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сонли Фармони



амалга ошириладиган ислохотлар, хусусан, корпоратив молиявий менежмент самарали усулларини қўллаш, корхона маблагларининг мақсадли сарфланиши устидан корпоратив назорат ўрнатиш ва уни кучайтириш, бу жараённинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасидаги муҳим масалалардан бирига айланди.

Шундан келиб чиқиб, ушбу масаланинг тадқиқ мақсади - корхона молиявий барқарорлигини бошқариш тизимининг шаклланиши ва самарали фаолиятини таъминлашнинг замонавий тенденцияларини ёритишга қаратилган илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат. Бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши зарур:

- молиявий барқарорлик юзасидан ҳозирги замон назарий қарашлар ва корхона молиявий барқарорлигини бошқаришга тизимли ёндашувни илмий асослаш;

- корхона молиявий барқарорлигига ва уни бошқариш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар тавсифини ёритиш;

- молиявий менежмент назарияси асосида корхона молиявий барқарорлигини бошқариш тизимини тадқиқ этиш;

- корхона молиявий барқарорлигини баҳолаш амалдаги услубиётларининг танқидий таҳлилини амалга ошириш;

- корхона молиявий барқарорлигини баҳолашнинг мукамал тизими услубиётини ишлаб чиқиш;

- корхона молиявий барқарорлигини бошқариш самарали тизимини шакллантириш;

- корхона молиявий барқарорлигини баҳолаш ва самарали бошқаришга оид замонавий қарашлар ижобий тавсияларидан фойдаланиш йўларини ёритиш;

- корхона молиявий барқарорлиги даражаси ва унинг кўрсаткичларини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш;

- корхона молиявий барқарорлигини оширишга қаратилган тавсиялар комплексини ишлаб чиқиш.

Корхона молиявий барқарорлигини бошқаришга креатив ёндашув шунда намён бўладики, унда Ўзбекистон Республикаси ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий модернизацияси ва либераллашуви шароитидаги янги молия сиёсати доирасида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг долзарб вазифаларини ҳисобга олган ҳолда корхона молиявий барқарорлигини бошқариш тизимининг шаклланиши ва самарали фаолиятини таъминлашнинг замонавий тенденцияларини тизимли тарзда тадқиқ этиш асосий масала қилиб қўйилиши ва унинг диққат марказида “корхона молиявий барқарорлиги”, “корпоратив молиявий менежмент самарали йўналишларида молиявий барқарорликни таъминлаш омиллари ва воситалари”, “иқтисодий очиқлиги ва бизнес муҳити” каби ҳаётий белгиловчи омиллар мутаносибликларини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш орқали унинг такомиллашган механизминини ишлаб чиқиш ётади.

Корхона молиявий барқарорлигини бошқаришга *креатив ёндошув вазифалари* сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

- тизимли ёндошув асосида “корхона молиявий барқарорлиги”, “корпоратив молиявий менежмент самарали йўналишларида молиявий барқарорликни таъминлаш омиллари ва воситалари” тушунчаларининг янгича талқини берилади ва унда корхона молиявий барқарорлигининг улар иқтисодий ўсишига таъсири самараларини баҳолаш ва таҳлил қилиш масалаларини ҳам қамраб олувчи такомиллашган терминологик аппарати ишлаб чиқилади;

- Ўзбекистон Республикасида корпоратив молияни ташкил этишнинг замонавий тенденцияларини ўрганишга янгича ёндошиш зарурлигини белгилувчи омиллар илмий таҳлил қилинади ва уларни самарали бошқариш тадбирлари асослаб берилади;

- корхона молиявий барқарорлигининг иқтисодий ўсишга ижобий таъсирини аниқлашнинг амалдаги услубиёти тахлили асосида корпоратив молия хизмати самарали фаолияти каби омиллар билан белгиланувчи имкониятлардан самарали фойдаланишни аниқлаш мақсадида корхона молиявий барқарорлигининг иқтисодий ўсишга ижобий таъсири самараларини рағбатлантиришда корпоратив молиянинг омилли ва натижавий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш услубиёти ишлаб чиқилади;

- корхоналар молияси ҳолати, солиқ, бюджет, иқтисодий ўсиш, модернизация ва диверсификация даражаси, ишбилармонлик муҳити, иқтисодиётнинг очиқлигини комплекс ҳисобга олувчи коэффициентлар билан айрим ҳолда баҳолаш ва омилларни тизимли тадқиқ қилиш орқали корхона молиявий барқарорлигини бошқариш тизимининг шаклланиши ва самарали фаолиятини таъминлаш бўйича услубий тавсиялар берилади;

- давлатнинг бюджет-солиқ, инвестицион салоҳиятлари ва инновацион ривожланиш қонуниятларидан келиб чиқиб, корхона молиявий барқарорлигини бошқариш тизимининг шаклланиши ва самарали фаолиятини таъминлашнинг замонавий тенденциялари ва устувор омилларини аниқлаш имконини берувчи корпоратив молиянинг ривожланиш истиқболлари ва корпоратив молиявий менежменти самарадорлигини баҳолаш услубиёти ишлаб чиқилади;

- корхона молиявий барқарорлигини бошқариш тизимининг шаклланиши ва самарали фаолиятини таъминлашнинг замонавий тенденциялари борасидаги илгор хорижий тажрибалардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш истиқболлари илмий асослаб берилади;

- турли омилларнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ этишнинг янги концептуал схемаси асосида корхона молиявий барқарорлигини бошқариш тизимининг шаклланиши ва самарали фаолиятини таъминлашнинг замонавий тенденцияларини такомиллаштиришнинг ўрта ва узоқ муддатли вазифаларини амалга оширишга қаратилган комплекс тадбирлари тизими ишлаб чиқилади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириши концепцияси тўғрисида” ги 29 июнь 2018 йилдаги ПФ-5468-сонли Фармони.
2. Мирзиёев Ш.М. 2017-йил шиддатли ислохотлар йили. Т.: «Ўзбекистон», 2018, - 76 б.
3. Гранберг А.Г. О программе фундаментальных исследований корпоративного налогового планирования. //Налоги и налогообложение, №2, 2016. с.166-178;
4. Гаджиев Ю.А. Зарубежные теории налогового менеджмента // Финансовый менеджмент, выпуск 2-й, 2016. с.45-62;
5. Лисоволик Я.Д. Налоги акционерных обществ: особенности и проблемы современного развития // Российский журнал, 2017, №1, с.52-56
6. Джамалов Х.Н. Кичик бизнес корхоналарида молиявий менежмент ташкилий асосларини такомиллаштириши хусусида// «Science and Education» Scientific Journal, March 2021 / Volume 2 Issue 3, pp.436-453.
7. Dzhamalov Kh.N. On the question of methods for assessing the financial stability of small businesses and its factors // International scientific journal “Scientist of the XXI century” No. 3-2 (62), March 2020, pp. 50-59

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ЁШЛАР ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ОМИЛЛАРИ

Н.Х.Ҳакимов, ф.ф.д., проф.,
«Умимий ва аниқ фанлар» кафедраси профессори, ТДИУ

Аннотация: Мамлакатимизнинг янги тараққиёт босқичида табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, атроф муҳит хавфсизлиги ва аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муҳим амалий аҳамият касб этмоқда. Шунингдек ер, сув ресурсларининг тежамли сарфланиши, уларни исроф қилмаслик ижтимоий-иқтисодий жараёнлардаги асосий вазифалар қаторига киради. Юқоридаги экологик масалалар ечими бевосита инсон омилига боғлиқ бўлиб, ушбу жараёнда фаол иштирок этаётган ёшларда экологик маданиятнинг шаклланганлиги муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам мақолада ёшлар экологик маданиятини юксалтиришининг инновацион омиллари тадқиқ қилинган.

Таянч иборалар. Янги тараққиёт, экология, маданият, ёшлар, ислохотлар, жамият, ер, сув, атмосфера.

Аннотация: На новом этапе развития нашей страны большое практическое значение приобретают рациональное использование природных ресурсов, экологическая безопасность и обеспечение населения качественными продуктами питания. Также экономное использование земельных и водных ресурсов, чтобы не трать их зря, является одной из основных задач в социально-экономических процессах. Решение вышеперечисленных экологических проблем напрямую зависит от человеческого фактора, и формирование экологической культуры у молодых людей, которые активно вовлечены в этот процесс, играет важную роль. Таким образом, в статье исследуются инновационные факторы повышения экологической культуры молодежи.

Abstract: At the new stage of development of our country, the rational use of natural resources, environmental safety and provision of the population with high-quality food are acquiring great practical importance. Also, the economical use of land and water resources, so as not to waste them, is one of the main tasks in socio-economic processes. The solution of the above environmental problems directly depends on the human factor, and the formation of an ecological culture among young people who are actively involved in this process plays an important role. Thus, the article examines the innovative factors of improving the ecological culture of young people.

Қирши. Ёшлар янги тараққиёт босқичида ислохотларни амалга оширувчи асосий ижтимоий қатлам ҳисобланади. Демократик ислохотларнинг жадаллашувни таъминлайдиган, интеллектуал кучдир. Ушбу сабабни ҳисобга олиб ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш учун мавжуд институционал

тизимнинг фаолиятини янада такомиллаштириш жараёни билан боғлиқдир. Бунинг учун институционал тизимда, ижтимоий, иқтисодий соҳада фаолият олиб борадиган ёш кадрларни рақобатбардош, малакали мутахассис сифатида тайёрлашни рақамли иқтисодиёт талабларига мослаштириш ва улар малакасини инновацион ривожланиш талаблари асосида ошириш зарур. Шунингдек жамиятда таълим тизимининг барча бўгинларида тарбияланаётган, ислохотларда иштирок этаётган ёшларни экологик маданиятини шакллантириш ва юксалтириш жараёнини янги тараққиёт даври талабларига мос равишда, илмий асосланган механизмларини такомиллаштириш лозим. Ушбу жараён илмий далиллар билан бойитилса ва амалиётда такомиллашган фойдаланиш методикаси, экологик маданият юксалтириш жараёнига оид инновацион хулосалар ва амалий тавсиялар таклиф қилиниши илмий амалий вазифадир.

Ёшлар экологик маданиятини шакллантириш ва юксалтириш жараёни ҳуқуқий асосларининг мунтазам, тизимли такомиллашувини ҳам талаб қилади. Ушбу тизимли жараён давомида фуқоралик жамияти институтлари томонидан ёшлар экологик маданиятни шакллантириш ва юксалтиришга доир қонунчиликни янгилашга оид илмий асосланган фикр ва мулоҳазалар, хулосалар таклиф қилинади.

Ёшлар экологик маданиятини шакллантириш ва юксалтириш комплекс ёндошувни талаб қилади ва ўз навбатида ижтимоий соҳа, таълим, соғлиқни сақлаш, нодавлат ташкилотларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг фаолиги, инсон экологиясидаги, ушбу жараённи бозор иқтисодиёти мунособатлари чуқурлашган, рақамли иқтисодиёт даври жараёнига, халқаро стандартларга мос бўлган механизмларини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Ёшлар экологик маданиятини юксалтиришнинг назарий методологик, яъни янги тараққиёт босқичи давридаги ижтимоий фалсафий жиҳатлари тадқиқ қилиниши зарурияти мавжуд. Ушбу жараённи такомиллаштиришнинг илмий асоси ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларидаги экологик маданиятга оид хулосаларга, методологик гоялар, фикрларга, Ўзбекистон Республикаси қонунарида ифодаланган концептуал қоидаларга таянилиб, унинг институционал жиҳатлари, давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолиятига оид янги, инновацион таклифлар яратилади. Бундай кенг қамровли фаолият давомида Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф муҳит муҳофазаси давлат қўмитаси ташкилотлари учун зарур бўлган, яъни давлат ташкилотларининг, ёшлар экологик маданиятини юксалтириш билан боғлиқ амалий таклифлар тайёрланишига асос бўлади.

Янги тараққиёт босқичида ёшлар экологик маданиятини юксалтиришнинг Ўзбекистон тажрибасини умумлаштириш, илмий асосланган хулосалар чиқариш ва жаҳондаги ва республикадаги нуфузли журналларда мақолалар чоп этиш орқали илмий жамоатчиликга тақдим қилиш лозим. Шу мунособат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлайдики, “Бутун дунёда бўлгани каби

мамлакатимизда ҳам экологик муаммоларни ҳал этишга жиддий эътибор берилмоқда. Қўшни давлатлар ва жаҳон жамоатчилиги билан биргаликда Орол денгизи ҳалокати оқибатида юзага келган экологик фожиалар таъсирини юмшатишга қаратилган ҳаракатларни қатъий давом эттиряпмиз. Денгизнинг қуриган тубида юз минглаб гектар ўрмон ва бутазорлар ташкил этилмоқда, Оролбўйи ҳудудларида улкан қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда тузилган Оролбўйи минтақасида инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўп томонлама Траст фонди фаолияти муҳим роль ўйнамоқда.⁸² Ёшлар экологик маданиятини юксалтиришнинг янгиланаётган жамиятда олиб борилаётган ислохотлар натижасига ижобий таъсирида нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқоралик жамияти институтлари фаолиятининг уйғунлиги, таълим жараёнидаги ислохотларнинг ёшлар ижтимоий манфаатига мослиги ва жаҳон мамлакатлари учун намуна сифатида тарғиботини амалга оширишга ҳисса қўшилади.

Тадқиқот методологияси. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини ривожлантириш даврида ва янги тараққиёт босқичида миллий қадриятлар, бой маданий меросга асосланган миллий маънавиятнинг юксалишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда таълим мазмунига ҳам миллий қадриятлар мазмунини сингдириш асосида ёш авлодни тарбиялаш таълим жараёнининг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу муаммолар орасида ёшларни глобаллашув даврининг энг муҳим масалаларидан бири – экологик хавфни бартараф этишда иштирок этишга имкон берувчи интегратив билимлар билан қуроллантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Узлуксиз педагогик таълим жараёнида ёшларда интеграциялашган экологик маданиятни шакллантиришда “Ўрта Осиё алломаларининг экологик ғояларидан фойдаланиш бўйича икки муҳим ҳолат юзага келади: 1) Улар экологик ғояларни ифода этувчи миллий қадриятлар намуналари билан танишадилар; 2) Талабалар атроф-муҳит экологик ҳолатини яхшилашга масъулиятли бўлиш, табиатни асраб-авайлаш тўғрисидаги билим ва кўникмаларни ўзлаштирадилар; 3) Бўлажак иқтисодчиларда ер, сув ресурсларидан рационал фойдаланиш тўғрисидаги фундаментал билимлар мажмуаси шаклланади.”⁸³

Ёшларда экологик онг ва маданиятни юксалтиришда хулқ-атвор сифатларининг шаклланиши ва мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутувчи имкониятларга, илмий манбаларга эътибор қаратиш лозим. Шу муносабат билан инсон экологиясининг моҳияти ва унинг аҳамиятини англашда Ўрта Осиё алломаларининг экологик қарашлари ижобий натижаларни беради. Ўрта Осиёлик буюк алломаларнинг экологик қарашларига асосланган назарий билимларни ҳосил қилиш

⁸² Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Саим Дониёровнинг саволарига жавоблари.16 август 20215518.<https://yuzuz/news/yangi-ozbekiston-demokratik-ozgarishlar-keng-imkoniyatlar-va-amaliy-ishlar-mamlakatiga-aylanmoqda>

⁸³ Ҳақимов Н.Ҳ. Инсон экологияси. Монография. Тошкент, Иқтисодиёт, 2021, 13 -бет.

уларда атроф-муҳитга, табиатга масъулиятли муносабатда бўлиш кўникмаларини тарбиялайди.

Ўрта Осиё алломаларининг экологияга оид фикрларини ёшлар онгига сингдириш орқали миллий гояннинг шаклланишига ҳам эришилади. Шунинг учун ҳам тадқиқотни олиб боришда эътибор танланган муаммонинг назарий жиҳатдан ишланганлик даражасини баҳолашга қаратилади. Ўрганиш натижаларининг кўрсатишича, ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб жаҳон миқёсида атроф-муҳит ва табиат ҳолати, ижтимоий-маиший тараққиётнинг экотизимга салбий таъсири, уларнинг олдини олиш ва юзага келган экологик хавфни бар-тараф этиш масаласи ўта долзарб муаммолардан бири сифатида кун тартибига қўйила бошланди. Шу боис бугунги кунга қадар бевосита инсон фаолияти, унинг ижтимоий, иқтисодий қирралари билан боғлиқ бўлган, жамиятда экологик барқарорликни таъминлаш, табиий ресурсларини асраш, атроф-муҳит мусаффолигини сақлаб қолиш йўлида фалсафа, биология, тиббиёт йўналишларида ижтимоий фанлар, хусусан, ижтимоий фалсафий йўналишдаги тадқиқотлар олиб борилди ва ижобий натижаларга эришилди.

Ёшларда инсон экологиясининг мазмуни ҳақида тушунчаларни шакллантиришда мутафаккир Абу Али ибн Сино асарларининг аҳамияти катта. Аллома томонидан яратилган асарларнинг 80 дан ортиги табиат ва инсон муносабатлари масаласига бағишланган. Улардаги асосий фикрлардан бири, инсон табиатнинг бир бўлаги, онгли мавжудот вакили сифатида, ундан фойдаланишга юксак масъулият, хурмат, оқилона ёндоашуви лозим.

Аллома ёшлар соғлигини сақлашнинг энг муҳим омиллари сифатида куйидагиларни эътироф этган:

- 1) Бадантарбия;
- 2) Тўғри овқатланиш ва дам олиш;
- 3) Етарли ва самарали бўлган уйқу.

У бадантарбияни кишининг ёшига, саломатлигига ва касаллигига қараб, турли усулларда ўтказиш кераклигини таъкидлайди. Айниқса, болалик, ўсмирлик, йигитлик ва қарилик даврида киши жисмоний машғулотларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши керак. Мутафаккир Абу Али ибн Сино: “Жисмоний машқ кишини кетма-кет чуқур нафас олишига мажбур қиладиган ихтиёрий ҳаракат” эканлигини қайд этган ҳолда, мунтазам равишда бадантарбия билан шуғулланган кишига дард яқин йўламаслиги, табибга ҳам, дори-дармонга ҳам муҳтожлик сезмаслигини таъкидлайди.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино жисмоний тарбиянинг турли кўринишлари ва улардан қандай фойдаланиш кераклигини ҳам илмий асослаган. Мутафаккир жисмоний машқларни куйидаги гуруҳларга бўлади: “Кичиги ва каттаси, жуда кучли ва кучсиз, тез ва суст ёки тез ва шиддатли ҳаракатлардан иборат ёхуд суст тури”. Аллома болаларнинг бадантарбия билан шуғулланишлари учун кулай бўлган вақтларни ҳам тавсифлаган. Чунончи, бадантарбия учун баҳор фаслида

тушга яқин вақт қулай бўлиб, машқ ўртача ҳароратли уйда бажарилиши, ёзда эрталаб, қишда эса кечкурун жисмоний машқлар билан шуғулланиш мақсадга мувофиқдир. Мутафаккирнинг фикрича, бадантарбия билан шуғулланишда яна қуйидаги шартларга ҳам риоя қилиш зарур: қишда уйни ўртача ҳароратда иситиш, машқларни овқат ҳазм бўлгач амалга ошириш тиббий жиҳатдан тўғри саналади.

Аллома болалар томонидан бадантарбия бажарилаётганда қуйидаги уч ҳолатга алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлайди:

1. Терининг рангига - агар у яхшилана борса, машқларни давом эттириш мумкин, агар тер чиқа бошласа, ҳаракатни тўхтатиш лозим.

2. Машқларнинг энгиллигига - жисмоний машгулот давомида киши танаси энгил бўлиб турса, машқни давом эттириш мумкин.

3. Аъзоларнинг ҳолатига – агар уларнинг кўпчиши давом этса, машқни давом эттириш мумкин, агар кўрсатилган белгилар йўқола борса, машқни дарҳол тўхтатиш керак.⁸⁴

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ёшлар экологик маданиятини юксалтиришга доир методологик аҳамият касб этувчи гоёлар Ўзбекистон Республикаси Президент асарлари, Қарорлари ва Фармонларида илмий асосланган.⁸⁵

Тадқиқот натижалари. Ўзбекистон Республикаси янги тараққиёти босқичида инсон манфаатлари, ҳар бир шахснинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, фаровон турмуш кечириши ўтказилаётган демократик ислохотларнинг бош мақсадидир. Шу муносабат билан инсон экологиясига алоҳида эътибор берилмоқда. Табиат, инсон ва жамият орасидаги ўзаро муносабатларни илмий, ижтимоий фалсафий жиҳатларининг фундаментал ва ижтимоий фанлар вакиллари томонидан тадқиқ қилиниши долзарб, назарий ва амалий аҳамият касб этадиган масалардан бирига айланди. Унинг долзарблиги жаҳонда кечаётган ижтимоий ва иқтисодий, муайян ҳолатларда сиёсий жараянларнинг экологик вазият, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, инсон манфаатларининг, унинг соғлиги, яшаш шароитининг такомиллашуви, узоқ умр кечириши, меҳнат шароити, хўжалигининг бутлиги, санитария талабларига жавоб бериши, озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари билан узвий боғлиқдир. Муаммонинг умум-планетар аҳамияти ва долзарблиги Ер юзининг турли бурчакларида вужудга келаётган экологик инқирозлар ва ҳалокатлар, табиий характерга эга бўлган катаклизмларнинг инсон фаолиятига боғлиқлиги ва таъсирида намоён бўлмоқда. Муаммонинг долзарблиги Марказий Осиё мамлакатларида ҳам сезилмоқда. Ушбу ҳудудда ер ва сув ресурсларидан самарали, рационал фойдаланиш,

⁸⁴ Сино Абу Али ибн. Тиб қонунлари. I жилдик сайланма /Тузувчилар: У.Каримов, Х.Хикматуллаев. - Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1996. – 542 б.

⁸⁵ .Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билане даом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Жилд 1. Тошкент, “Ўзбекистон НМИУ”, 2017.,592 бет.Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Жилд 2., Тошкент “Ўзбекистон”НМИУ, 2018.,508 бет.

Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажяги фаровон бўлади. Жилд 3., Тошкент “Ўзбекистон НМИУ”, 2019.,397 бет.



атроф-муҳитни ифлослантормаслик тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, юқори бонитетга эга бўлган ер ресурсларининг камайиши ҳолатлари, чўлланишга дахлдор бўлган ҳудудларнинг кенгайиб бораётганлиги, флора ва фауна вакиллари асраб-авайлаш, келажак авлодга етказиш зарурияти, экологик муаммолар ечимида ҳар бир инсоннинг маъсуллигини оширишни тақозо қилмоқда. Мамлакатимиз ҳудудида глобал, минтақавий, регионал, локал даражадаги экологик хатарларни учратиш мумкин. Бундай вазият инсон экологияси муаммоси тадқиқикининг долзарблиги, унинг бевосита демократик ислохотларга боғлиқлигини, шунингдек, алоҳида қўриқланадиган ҳудудлар майдонини кенгайтириш заруриятини ҳам вужудга келтирмоқда. Марказий Осиёда энг катта масштабдаги экологик бўҳрон марказиларидан бири Орол денгизидир. Инсон экологиясининг долзарблиги ҳар бир шахсда табиий ресурслардан фойдаланиш маданиятини, урбанизация шароитида сувдан, ердан, фойдаланишда тежамкорлик сифатларини, ҳавони ифлослантормаслик тушунчасини ҳар бир ватандошимимиз онгида ёшлик давридан шакллантиришнинг ижтимоий механизмларини янада такомиллаштириш заруриятини вужудга келтирди. Муаммонинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари, бевосита жамиятнинг янги ривожланиш босқичида ҳар бир инсон фаолияти учун шаффоф, хавфсиз экологик муҳит яратиш лозимлиги билан боғлиқдир. Бундай вазият унинг ҳуқуқий, институционал асосларини вужудга келтириш, мунтазам такомиллаштириш билан биргаликда, олий таълим тизимида тайёрланаётган кадрлар сифатини ошириш, шахс экологик маданиятини шакллантириш ва юксалтириш жараёнига эътиборни кучайтириш, ушбу соҳадаги халқаро ҳамкорликни тобора кенгайтириш вазифасини ҳам илгари суради. Шу билан бирга, экологик хавфсизлик инсоннинг демократик ислохотлардаги фаоллигини оширади, мамлакатимизда янги тараққиёт босқичида амалга оширилаётган яратувчанлик, илгарилаш, рақамлаштириш, ижтимоий, иқтисодий жараёнлар жадаллашувида иштирок этишга, инновацион гояларни илгари суришга ундайди. Муаммонинг амалий жиҳатларидан яна бири, инсон маънавий, ахлоқий камолотини, меҳнатсеварлигини таъминлайдиган омиллар қаторига киради. Инсон экологиясининг таъминланиши ҳар бир шахснинг она заминга, юртга муҳаббатини оширади, унинг ҳар бир қарич ерини қадрайди, ундан самарали фойдаланишнинг ижтимоий имкониятларини яратади. Янги тараққиёт босқичида, инсон экологиясига илмий, фалсафий муносабатнинг кучайиши амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлиги учун инсон фаолияти такомилли механизмининг муҳим қисми ҳисобланади.

Таҳсиллар. Янги тараққиёт босқичида ёшлар экологик маданиятини юксалтириш жараёнининг илмий методологик ва ҳуқуқий асослари яратилди. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида ҳар бир инсоннинг атроф-муҳитни сақлашга жавобгар эканлиги белгилаб қўйилган.⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелда-

⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон. 2018 йил, 50-модда.

ги “Экология ва атроф-муҳит соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Фармони мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини ташки этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига айлантирилди.⁸⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 3 октябрдаги қарори қабул қилинди⁸⁸. 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларга эришишни таъминлаш мақсадида: 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси тасдиқланди. Юқоридаги ҳужжатларда белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб ёшлар экологик маданиятини юксалтириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни яна бир поғонага кўтаришга асос бўлади.

Хулоса. Ўзбекистонда ўтказилаётган ислохотлар қўламида ёшлар экологик маданиятини юксалтириш масаласи бевосита жамиятда инсон омилини таъминлашдан иборат. Ёшлар экологик маданиятининг юксалиши ислохотларнинг жадаллашувини, атроф муҳит яхшиланиши, сув, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш маданиятини шакллантириш ва кўзлаган вазифаларни ҳал қилиш имкониятини вужудга келтиради. Шунинг учун ёшлар экологик маданиятини юксалтириш механизмларни тизимли такомиллаштириш зарурияти мавжуд. Шунингдек ушбу жараён мунтазам суратда, яъни жамиятдаги мунтазам ўзгаришларни, янгилашларни, ёшлар атроф муҳитга бўлган талабларининг ўсиб боришини ҳисобга олиб, унинг ижтимоий аҳамият касб этадиган инновацион методларини топишни, ҳуқуқий асослари, қоидаларини кенгайтириш заруриятини илгари суради. Ушбу мавзу ислохотлар қўлами концептуал аҳамият касб этишига эътибор қаратиб, муаммонинг илмий фалсафий, тарихий жиҳатларининг методологик асосларини тадқиқ қилиш зарур ва бундай ёндошув унинг амалиётдаги ечимига бевосита ёрдам берадиган омилдир.

Тақлифлар. Ёшлар экологик маданиятининг юксалиши табиий ресурслардан фойдаланиш жараёни, биринчи навбатда, ижтимоий воқелиқдир. Янги таққиёт босқичида бу аксиомани барча фанлар вакиллари тушунади. Шунинг учун ҳам экологик тадқиқотлар нафақат экотизимлар модели, шу билан биргаликда, инсон фаолиятининг табиий жараёнларига аралашуви ва унинг натижаларига баҳо бериши лозим. Натижада табиий жараёнларга таъсир қилишга мўлжалланган кўп вариантлик дастур сифатида шаклланади, табиат қонунлари

⁸⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг тарихи <http://www.uznature.uz/yz/site/page?numer=103>. <http://www.uznature.uz/yz/site/page?numer=103>

⁸⁸ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.10.2018 й., 07/18/3956/1994-сон; 21.03.2019 й., 07/19/4247/2801-сон; 22.07.2020 й., 06/20/6031/1088-сон.

ва инсон имкониятларини чуқур билишга ёрдам беради. Бундай дастурнинг амалиётга татбиқ қилиниши натижасида, биринчидан, инсон ва табиат тизими ҳолатини баҳолаш, иккинчидан, ушбу ҳаракатлар стратегияси келажагини белгилашга ёрдам беради. Шундай қилиб, ёшлар экологик маданиятини юксалтириш жараёни инсон экологияси фақат табиий тизим, инсон антропоген фаолияти билан чегараланмайди. Бу жараён ижтимоий, иқтисодий ривожланиш шароитида атроф-муҳитни асраш, табиий ресурсларни ривожлантириш бўйича инсон фаолияти тадқиқини тақазо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон. 2018 йил, 50-модда.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Жилд 1. Тошкент, "Ўзбекистон НМИУ", 2017.,592 бет.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Жилд 2., Тошкент "Ўзбекистон"НМИУ, 2018.,508 бет.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Жилд 3, Тошкент "Ўзбекистон НМИУ", 2019.,397 бет.
5. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Янги Ўзбекистон" газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари.16 август 20215518.<https://yuz.uz/news/yangi-ozbekiston-demokratik-ozgarishlar-keng-imkoniyatlar-va-amaliy-ishlar-mamlakatiga-aylanmoqda>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиши соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириши бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 3 октябрдаги Қарори.
7. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.10.2018 й., 07/18/3956/1994-сон; 21.03.2019 й., 07/19/4247/2801-сон; 22.07.2020 й., 06/20/6031/1088-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Давлат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиши қўмитасининг тарихи.<http://www.uznature.uz/yz/site/page?numer=103>. <http://www.uznature.uz/yz/site/page?numer=103>
9. Сино Абу Али ибн. Тиб қонунлари. I жилдик сайланма /Тузувчилар: У.Каримов, Х.Хикматуллаев. - Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1996. – 542 б.
10. Ҳакимов Н.Ҳ. Инсон экологияси. Монография. Тошкент, Иқтисодиёт, 2021, 13 -бет.

УЛКАН ОРЗУЛАР РЎЎБИ

Г.Х.Ибрагимова, п.ф.д.,
“Умумий ва аниқ фанлар” кафедраси
профессори, ТДИУ

Аннотация: Мазкур мақолада беш муҳим ташаббус асосида ёшларни касбга йўналтириши, ёшларга муносиб шарт-шароитларни яратиши, китобга бўлган эътиборни кучайтириши, беш ташаббус доирасида ёшларнинг мутолаа маданиятини ошириши, хотин-қизларнинг манфаатларини таъминлаши, ёшлар орзулари рўёби ва ўтказилган кўплаб илмий-тадқиқот ишларининг натижалари рақамларда акс эттирилган.

Таянч иборалар: Беш муҳим ташаббус, китобхонлик, истеъдод, касбга йўналтириши, маданият, санъат, адабиёт, улкан режалар, Ҳаракатлар стратегияси, театр, ибратхона.

Abstract: This article is based on five important initiatives: career guidance, creating favorable conditions for young people, increasing attention to books, improving the reading culture of young people, ensuring the interests of women, realizing the dreams of young people and the results of many research reflected.

Аннотация: Эта статья основана на пяти важных инициативах: профориентация, создание благоприятных условий для молодежи, повышение внимания к книгам, повышение культуры чтения молодежи, обеспечение интересов женщин, реализация мечтаний молодежи и результаты отражены многие исследования.

Кириш. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев дунёнинг энг улкан минбарларидан бири — БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик гоёси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир”, дея миллат давомчиларининг эртаси ёруғ бўлиши давлат сиёсати даражасидаги масала эканига алоҳида урғу берган эди.

Ёшлар бу — орзу. Бу — ишонч. Бу — жасоратга интилиш. Бу — келажакка тузилган улкан режалар. Бу — истиқболнинг бошланишидир. Дарҳақиқат, умрининг муҳим палласи бу — ёшлик. Шунинг баробарида жамият келажиги, миллатнинг давомчиси ҳам ёшлардир.

Шу боис Президентимиз юрт раҳбари сифатида фаолиятга киришиши биланок ёшларга муносиб шарт-шароитларни яратиш, уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш учун кенг кўламли ислохотларни амалга оширишга эътибор қаратди. 2016 йил 14 сентябрда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун имзоланди. Шундан сўнг, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республика-

сини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам бу масала алоҳида ўз аксини топди. Бир оилада ота-она фарзандини улғайтириб, катта ҳаётда ўзи мустақил оёққа туриб олишига қанчалик шароит яратилса, давлатимиз ҳам ёшларимизнинг ҳар бирига мана шундай эътибор кўрсатмоқда.

Ёшларни касбга йўналтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим ташаббусларга 2019 йилнинг 19 март куни тамал тоши қўйилди. Ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида олиб бориш мақсадида эртамик эгалари ҳаёти учун муҳим бўлган беш ташаббус илгари сурилиб, ёшларга эътиборни кучайтириш, навқирон авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалалари кун тартибига қўйилди. Бинобарин, мазкур ташаббуслар аҳолисининг ярмидан кўпроги ёшлардан иборат бўлган мамакатимизда келажак воришларини ҳар томонлама етук ва баркамол, интеллектуал салоҳиятли, ўз қатъий позициясига эга, амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдор, Ватан келажиги учун қайгурадиган авлод сифатида камолга етказишда айна муддао бўлмоқда. Ўтган йилнинг охири чорагида олинган ҳисоботга кўра, биринчи ташаббус йўналиши бўйича юртимизда 800 дан ортиқ маданият марказларида 4 минг 522 та тўғарак фаолияти йўлга қўйилиб, уларга 1 минг 762 та мусиқа жиҳози етказиб берилган. Умумтаълим мактабларида йўлга қўйилган 36 минг 503 та тўғаракка қарийб 1 миллион 100 минг нафар ўғил-қиз мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига кенг жалб қилиниб, истеъодлар кашф этилмоқда. Адабиёт ҳамда санъатнинг ёпиқ эшиклари очилмоқда. Бу гаплар шунчаки балан-парвоз жумлалар эмас.

Ёшларни мусиқанинг сирли оламига ошно тутиш, уларни ҳақиқий ижод маҳсулини англаш ва қадрлашга ўргатиш, ихтисослаштирилган мусиқа муассасаларида ёш истеъод соҳибларини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янгидан-янги болалар мусиқа ҳамда санъат мактаблари, бадий ижодиёт марказлари, маданият кошоналарининг бунёд этилаётгани, уларда ўғил-қизларнинг мусиқа билан эркин шуғулланиши, миллий ва жаҳон санъатининг дурдона намуналаридан баҳраманд бўлиши учун қулай шароитлар яратилаётгани, эртамик эгаларининг эстетик дидини ўстириш, қалбларида юксак фазилатларни камол топтиришга хизмат қилмоқда.

Мусиқанинг инсон руҳий оламини ривожлантиришдаги роли беқиёс. Улут аждодимиз Абу Али ибн Сино мусиқа инсон маънавий қиёфасини янада мукамаллаштиришини таъкидлагани бежиз эмас. Дарҳақиқат, наво жозибасини сўз билан ифодалаш қийин. Мумтоз мусиқаларимиз киши руҳияти, маънавиятига ижобий таъсир ўтказувчи қудратга эга. Улар инсонни эзгуликка даъват этади, тингловчини борлиқ, ҳаётнинг мазмун-моҳиятини англаб етишга, фалсафий му-

шоҳадага ундайди. Бу турли ахборот хуружлари ҳамда ғайриинсоний маданият унсурулари жамиятга хавф солаётган бугунги глобаллашув даврида жуда муҳим.

Техника-технологиянинг тараққий топиши ҳаётимизга, онгу шууримизга енгил-елпи куй-қўшиқлар, менталитетимизга мос бўлмаган ажнабий тароналарнинг суқилиб киришига имкон яратди. Санъатнинг ҳеч қандай талаб ва мезонларига жавоб бермайдиган “асарлар” ёш тингловчиларнинг эстетик диди ҳамда савияси ўтмаслашишига сабаб бўлаётган бир пайтда, ёшларни болалигидан мусиқага ошно қилиш уларнинг эстетик дидини оширади, ҳар қандай енгил-елпи нарсани ҳам ижод маҳсули сифатида қабул қилмасликка ўргатади. Улар миллий санъатимизнинг ноёб дурдоналарини қадрлай бошлайди, керак бўлса, бетакроп асарларни ўзлари яратишади, ўзбек мусиқа санъати ривожига ҳисса қўшишади.

Тасвирий санъат бўёқлар ёрдамида яратиладиган бадиий асар, воқеликни бадиий тасвирлаш ва талқин қилиш, томошабин фикри ҳамда туйғуларига таъсир этишининг забардаст воситаси, муҳим ижтимоий мазмун ва ранг-баранг го-явий вазибаларга эга. Рассом ранг воситасида борлиқ ёки хаёлий дунёни кўри-нарли шаклларда тасвирлайди. Маконнинг чексизлигини, ундаги нарсаларнинг ранг-баранглигини кўрсатиш билан бирга, инсон руҳиятидаги ўзгаришларни, мураккаб ҳиссий кечинмалар, ўй-хаёлларни акс эттиради.

Бугунги кунда таълим муассасаларида ўқувчилар, талабалар театрга кенг жалб қилинмоқда, шу билан бирга, айрим ёшларнинг ўзлари ҳам турли асарлар асосида сахна кўрунишларида роль ижро этишмоқда. Бу эса истеъдоди бор навқирон авлоднинг яна бир қиррасини юзага чиқаришга туртки бўлади. Бу билан йигит-қизларнинг келажакда актёр ва актриса бўлиши эмас, бу жараёнда ҳам билим олишлари, ҳам катта ҳаётда ўзларига хулоса чиқаришлари учун замин яратилади. Яъни театр ибрат ҳамда маънавият маскани, бошқа санъатларда бўлганидек, халқ ҳаёти, тарихи, дунёқараш акс этиб, жамият тараққиёти, маънавияти, маданияти билан боғлиқ ҳолда ўзгариб, такомиллашиб боради. Театр томошабинларнинг маънавий ва эстетик тарбиясида муҳим ўрин тутати. Унда драматургия, мусиқа, тасвирий санъат, рақс, меъморлик ажралмас бирликни ташкил этади.

Театрнинг муҳим воситаларидан бири сахна нутқидир. Актёр қахрамоннинг пьесадаги сўзларини ўзлаштириб олар экан, қахрамон қиёфасида, ҳолатларда туриб, унинг нутқий тавсифини яратади, бошқа персонажлар билан мулоқотга киришади. Мана шундай маҳорат дарсларини мактабданоқ ўзлаштириб, сахнада роль ижро этган йигит-қиз келажакда бошқа соҳани танласа-да, жамоада ўз фикрини билдириш, нотикдик санъатига ҳам эга бўлади. Зеро, санъат инсоннинг эзгуликка, ҳақиқатга, комилликка ғайриихтиёрий ҳамда азалий интилишининг энг гўзал, энг қатъий, энг қувончли ва эзгу тимсолига эриштиради. Маърифат-парвар Маҳмудхўжа Бехбудий айтганидек, “Театр, бу — ибратхонадир”. Бугун эса мана шундай юксак туйғу соҳиби бўлган шахслар сафи кўпайиб, истеъодлар юзага чиқмоқда.

Маълумки, иккинчи ташаббус спортга бағишланган бўлиб, бугунги кунда



ёшларни жисмоний чиниқтириш ва спорт соҳасидаги қобилиятларини намоён қилиш учун зарур шароитлар яратиб берилмоқда. Жумладан, умумтаълим мактабларида 7 минг 64 та спорт тўгараги ташкил этилган. Спорт, энг аввало, соғлиқ гарови. Спорт билан шугулланиш нафақат жисмоний ҳолатни яхшилайти, балки мия учун ҳам фойдали — тез қарорлар қабул қилиш қобилиятини оширади. Жисмоний тарбиядан фойда руҳий саломатликда намоён бўлади: зарарли одатларни тарк этишга ундайти, характерни чиниқтиради, уйқусизликдан, стресс ва ҳатто депрессиядан халос бўлишга ёрдам беради. Шунингдек, у руҳий кучни, чидамликни тоблайти. Биргина сувда сузиш спортини олайлик, у бир дақиқада стрессдан халос этади. Сувга тушган инсоннинг бўғимлари илк дақиқаданок равон ишлайти. Инсон ҳеч қандай ноқулайлик сезмайди. Бутун танасида энгилик ҳис этади. Танглик, тигизлик йўқолади. Бу эса танамизни қанчадан-қанча касалликдан фориғ қилади. Қисқача айтганда, “Соғлом танда соғлом ақл” — ҳаётий ҳикмат.

Учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ҳамда интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш билан боғлиқ бўлиб, бу борада Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан 52 та рақамли технологиялар ўқув маркази очилган. Умумтаълим мактабларидаги компьютер синфхоналари сони 14 минг 972 та бўлиб, тўгарақларга 510 минг 340 нафар ўқувчи қамраб олинган. Рақамли технологиялар ўқув марказларининг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун улар зарур технологик воситалар билан жиҳозланмоқда. Маърузалар заллари ва компьютерлаштирилган ўқув хоналарида телекоммуникация корхоналари ходимларининг малакаси ҳамда янги технологияларни жорий этиш бўйича кўникмаларини ошириш, ёшларга ахборот технологиялари ва электрон тижорат соҳасида инновацион тадбиркорлик асосларини ўргатиш, соҳада стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий ҳамда самарали механизмларини яратиш, компьютер технологиялари, дастурлаш, робототехника ва киберспорт асосларини ўргатиш учун барча шароит яратилиб берилмоқда. Мазкур марказларда ўқишларни самарали ташкил этиш мақсадида 14 — 30 ёшдагилар учун дастурлаш асослари, компьютер графикаси, робототехника, веб ҳамда мобиль иловалар яратишга оид жами 19 та фан дастури ишлаб чиқилди. Бутун юртимизнинг ҳар бир ҳудудида фаолияти йўлга қўйилаётган ИТ-паркларда мана шундай марказларда таълим олган мутахассислар фаолият олиб бориб, юртимиз равнақиға ўз ҳиссаларини қўшади.

Тўртинчи ташаббус бу ҳаммамиз учун сув ва ҳаводек зарур бўлгани китобхоналикни юксалтиришдир. Охириги 4 йил ичида китобга бўлган эътибор юқори даражада ўсди. Буни рақамларда ҳам кўришимиз мумкин. Беш ташаббус доирасида ҳам кўплаб ишлар амалга ошириломоқда. 2020 йилнинг сўнги ойидаги ҳолатга кўра, 201 та ахборот-кутубхона марказидаги жами китоблар сони 16 миллион 319 минг 587 тани ташкил этган. Ушбу кутубхоналар аъзоларининг сони 1

миллион 196 минг 233 нафардан иборат. Кутубхоналарга 150 минг 724 та китоб отказиб берилган.

Китобга бўлган эътиборни қанчалик кучайтирсак, шунчалик жамият ижобий маънода ўсиб боради. Китоб — руҳиятимиз озукаси, у билан дўстлашиш нафақат бизни маънан юксалтиради, балки жаҳонга танитади, эзгуликка етаклайди. Форс-тожик шоири, нақшбандийлик тариқатининг йирик вакили Абдурахмон Жомий айтганидек, “Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда”.

Хулоса. Китобдан яхши дўст, маслакдош йўқ. Китоб фикрлаш куроли, хазиналар калити, тафаккур манбаи бўлгани учун ҳам халқимиз уни нондай азиз, мўътабар ва муқаддас деб ҳисоблайди. Шунинг учун китобга муҳаббат, уни қадрлаш, ўқишга иштиёқ юртдошларимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Атоқли адибимиз Ойбек таърифича, “Китоб — тафаккурнинг толмас қанотларидир”. Шу маънода айтиш мумкинки, китоб — инсоннинг қалб гавҳари, тафаккур хазинасидир.

Беш ташаббус доирасида ёшларнинг мутолаа маданиятини оширишга қаратилган турли танловлар жорий қилинганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Улардан бири “Ёш китобхон” танлови. Жорий йил ҳам ушбу тафаккур беллашувида 300 минг нафарга яқин ёшлар иштирок этди. Ҳар бир худуддан 3 та ёш тоифаси бўйича бир нафардан, жами 42 нафар ғолиб республика финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Танловда ҳар бир ёш тоифаси бўйича 1-ўринга сазовор бўлган ёш китобхонга “Спарк” автомашинаси, 2-ўринга 30 миллион сўм, 3-ўрин учун эса 15 миллион сўмдан пул мукофоти топширилаётгани уларнинг ўқиш ва изланишлари муносиб рағбатлантирилаётганидан далолат.

Бешинчи ташаббус — хотин-қизларни иш билан таъминлаш доирасида ҳам эътиборга лойиқ чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлиб, бугунги кунда юртимизда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган хотин-қизлар сони 3 миллион 596 минг 406 нафарни ташкил этади.

Аёл нафақат она, келажак авлодни дунёга келтириб, тарбиялаб, вояга етказувчи инсон, балки жамият ҳаётида ҳам ўз ўрнига эга шахс сифатида қадрланган мамлакатнинг бахти ҳамиша кулган. Бугунги жамиятимизда юқоридаги фикрлар тўла ўз тасдиғини топиб, аёлларга бўлган эътибор тобора кучайиб бормоқда.

Кейинги тўрт йилда хотин-қизларнинг манфаатларини таъминлаш, жамият ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган 2 та қонун, Президентнинг 6 та Фармон ва қарори қабул қилинди. Эндиликда беш муҳим ташаббус доирасида мунтазам иш олиб борилмоқда. Ўтган йили 76 минг 198 нафар ёш хотин-қиз иш билан таъминланган, 15 минг 935 нафари касб-хунарга ўқитилган. Мазкур мақсадлар учун 76,2 миллиард сўм сарфланган. Яна 30 минг 451 нафар хотин-қиз касб-хунарга ўқитилиши белгиланган. Аёллар бандлигини таъминлаш, уларнинг турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг барчаси



келажакка берилаётган эътибордир.

...Апрель ойининг сўнги кунларида Жанубий Кореянинг энг таниқли нашрларидан бири — “The Korea Times” ахборот агентлиги Ўзбекистондаги ислохотларга бағишланган материал эълон қилди. Унда асосий ургу Президентимизнинг беш муҳим ташаббуси ҳаётга изчил жорий этилаётганига қаратилгани бежиз эмас. Зеро, ана шу ташаббуслар доирасида амалга оширилаётган ишларнинг ёшлар орзулари рўёби, аҳолимиз фаравонлиги учун қанчалик муҳимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Олиб борилаётган ишларнинг ҳаётбахш самаралари ҳақида эса ҳали кўплаб мақолалар, жилд-жилд китоблар ёзиш мумкин...

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2020 йил 24 январь Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. <http://president.uz>
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Жилд 2, Тошкент “Ўзбекистон” НМИУ, 2018, 508 бет.
3. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Жилд 3, Тошкент “Ўзбекистон НМИУ”, 2019, 397 бет.
4. И.А.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” Т; “Маънавият” нацириёти 2008 й. 39-бет
5. Тохир Малик “Одамийлик мулки” Т; “Маънавият” нацириёти 2011 й. 49-бет
6. Гулнора Ибрагимова “Янрок илдиждан қувват олади” 2018 й. Мақола. Симпозум Жиззах

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ТАРИХИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Н.Н.Қодиров, т.ф.н., доцент,
«Умимий ва аниқ фанлар» кафедраси мудири, ТДИУ**

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда демократик ислохотлар давомида ва янги тараққиёт босқичида ёшларда экологик маданиятни юксалтириши масаласининг ечими учун жамиятда вужудга келтирилган, такомиллашяётган институционал тизимдаги туб ўзгаришларнинг тарихий ва ҳуқуқий масалалари ўрганилган. Муаллиф мамлакатимизнинг экологик муаммолари ечимида муҳим аҳамият касб этадиган ёшлар экологик маданиятининг илмий методологик томонларини ёритган. Тадқиқотда жамиятда экологик муаммоларнинг вужудга келиши, шаклланиши, тўпланиши ва ёшлар ижтимоий, иқтисодий ҳаётига салбий таъсири жиҳатлари жараёни ва уларни бартараф қилиши учун олиб борилаётган самарали фаолият таҳлил қилинган.

Таянч иборалар. Янги Ўзбекистон, ёшлар, экология, маданият, тарих, ҳуқуқ, ресурс, жамият, фаолият, юксалиши.

Abstract: The article examines the historical and legal issues of radical changes in the improving institutional system, created in society to address the issue of raising environmental culture among young people during the democratic reforms and the new stage of development in our country. The author highlights the scientific and methodological aspects of the ecological culture of young people, which play an important role in solving environmental problems of our country. The study analyzes the process of emergence, formation, accumulation of environmental problems in society and the negative impact on the social and economic life of young people and the effective work being done to address them.

Аннотация: В статье исследуются историко-правовые вопросы кардинальных изменений в совершенствующейся институциональной системе, созданной в обществе для решения проблемы повышения экологической культуры молодежи в период демократических реформ и нового этапа развития нашей страны. Автор выделяет научно-методические аспекты экологической культуры молодежи, играющие важную роль в решении экологических проблем нашей страны. В исследовании анализируется процесс возникновения, формирования, накопления экологических проблем в обществе и их негативное влияние на социально-экономическую жизнь молодежи и эффективную работу, проводимую для их решения.

Қириш. Ўзбекистонда янги тараққиёт босқичи даврида, Ўзбекистоннинг янги тарихи ва ҳуқуқшунослик фанларида ёшлар экологик маданиятини юксалтириш масаласининг тадқиқ қилиниш трансформацияси ўрганилиши долзарб аҳамият касб этади. Шу мунособат билан таъкидлаш лозимки, муаммонинг ил-

мий тадқиқот марказлари мутахасислари томонидан, унинг муайян жиҳатларини таҳил қилинганлиги масаласи ўрганилиши ва ушбу тадқиқотларнинг ютуқлари, камчиликлари таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ. Ушбу жараёнда диссертацион тадқиқотлар, монографиялар ва хорижий журналларда эълон қилинган мақолалар шарҳига эътибор қаратилиши зарур. Мақола мавзусига мувофиқ жамиятда фуқаролик институлари фаолияти кенгайиб бораётганлигини эътиборга олиб, нодалат нотижорат ташкилотларнинг ёшлар ижтимоий ҳаётидаги ўрни социологик сўров натижалари асосида баҳолашни тадқиқот натижасини бойитади.

Мамлакатимизда янги тараққиёт босқичи даврида ёшлар экологик маданиятини юксалтиришнинг институтчионал, тарихий, ҳукукий, ижтимоий механизмларини такомиллаштириш жараёнини тарғиб қилиш ва оммалаштиришда книнг тарихий илдилари, асосларига эътибор қаратиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлайдики, “бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам экологик муаммоларни ҳал этишга жиддий эътибор берилмоқда”⁸⁹.

Юқорида билдирилган концептуал гояга асосланиб, мавзу доирасида хорижий мамлакатлар жамиятшунослари билан илмий алоқаларни кенгайтириш, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида ёшларнинг экологик маданиятини юксалтиришнинг инновацион механизлари мазмуни, моҳияти ва мақсадлари билан умумжаҳон ҳамжамиятини таништириш ва унга нисбатан қизиқиш уйғотиш зарур.

Ўзбекистондаги ижтимоий фанларга оид илмий мактабларининг фаолиятини жадаллаштириш, жаҳон жамиятшунос олимлари учун илмий базани бойитиш ва шу асосида илмий-тадқиқот ишлари доирасини кенгайтириш учун имкон яратиш бериш асосий вазифалардан биридир. Ёшлар экологик маданиятини юксалтиришнинг тарихий, ҳукукий, ижтимоий механизмларини такомиллаштириш муаммосига бағишланган Ўзбекистонлик олимлар жамиятшунос асарлари жойлаштирилган ягона электрон платформа ва мобиль илова яратиш, ушбу маълумотларни умумжаҳон интернет тизимига халқаро тилларда жойлаштириш орқали кенг оммага тақдим қилиш каби тадқиқотлар мақолада илгари сурилаётган концептуал гояларнинг янгиллигини далиллайди. Шу жиҳати билан ушбу тадқиқот Ўзбекистон миқёсда илк бор амалга оширилган.

Тадқиқот методологияси. Режадаги белгиланган вазифаларни амалга оширишнинг методологик ва назарий асосини қуйидагилар ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида ҳар бир инсоннинг атроф-муҳитни сақлашга жавобгар эканлиги белгилаб қўйилган.⁹⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 октябрдаги қарорига мувофиқ “1999 - 2005 йилларда йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар дастури” амалга оширилди.

⁸⁹ Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Саим Дониёровнинг саволига жавоблари. 16 август 2021 йил. <https://yuz.uz/news/yangi-ozbekiston-demokratik-ozgarishlar-keng-imkoniyatlar-va-amaliy-ishlar-mamlakatiga-aylanmoqda>

⁹⁰ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон. 2018 йил, 50-модда.

Шунинdek, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2013 йил 27 майда “2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури тўғрисида” қарорини қабул қилди.⁹¹ Янги тараққиёт босқичида экологик мувозонатни сақлашда Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларга мўлжалланган янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Экология ва атроф-муҳит соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Фармониға мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини ташқи этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига айлантирилди.⁹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 3 октябрдаги қарори қабул қилинди⁹³. 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларға эришишни таъминлаш мақсадида: 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси тасдиқланди.

Юқорида келтирилган ҳужжатларда белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб ёшлар экологик маданиятини юксалтириш соҳасида амалға оширилаётган ислоҳотларни яна бир поғонаға кўтаришға асос бўлади.

Тадқиқотда илгари сурилаётган асосий мақсалардан бири мавзунинг тарихий ва ҳуқуқий жиҳатлари ижтимоий фанлар вакиллари томонидан тадқиқ қилинмаганлигини ҳисобға олиб, ушбу мавзу тадқиқот объекти сифатида танланди. Ўзбекистонда ўтказилаётган ислоҳотлар қўламида ёшлар экологик маданиятини юксалтириш масаласи бевосита жамиятда инсон омилини таминлашдан иборат. Ёшлар экологик маданиятининг юксалиши ислоҳотларнинг жадаллашувини, атроф муҳит яхшиланиши, сув, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш маданиятини шакллантириш ва қўзлаган вазифаларни ҳал қилиш имкониятини вужудға келтиради. Шунинг учун ёшлар экологик маданиятини юксалтириш механизмларни тизимли такомиллаштириш зарурияти мавжуд. Шунингдек ушбу жараён мунтазам суратда, яъни жамиятдаги мунтазам ўзгаришларни, янгилинашларни, ёшлар атроф муҳитға бўлган талабларининг ўсиб боришини ҳисобға олиб, унинг ижтимоий аҳамият қасб этадиган инновацион методларини топишни, ҳуқуқий асослари, қоидаларини кенгайтириш заруриятини илгари су-

⁹¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2013 йил 27 майда “2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури тўғрисида” қарори. <http://news.mail.ru/28мая2013>

⁹² Ўзбекистон Республикаси Давлат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг тарихи. <http://www.uznature.uz/yz/site/page?number=103>. <http://www.uznature.uz/yz/site/page?number=103>

⁹³ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.10.2018 й., 07/18/3956/1994-сон; 21.03.2019 й., 07/19/4247/2801-сон; 22.07.2020 й., 06/20/6031/1088-сон.



ради. Ушбу мавзу ислохотлар кўлами концептуал аҳамият касб этишига эътибор қаратиб, муаммонинг илмий фалсафий, тарихий жиҳатларининг методологик асосларини тадқиқ қилиш зарур ва бундай ёндошув унинг амалиётдаги ечимига бевосита ёрдам берадиган омилдир.

Ўзбекистонда ёшлар экологик маданиятини оширишнинг тарихий, ҳуқуқий, ижтимоий механизмларига мансуб тадқиқотлар асосида электрон китоб рус ва инглиз тилларида интетнетга жойлаштирилиши, шунингдек, мунтазам ўтказиладиган онлайн конференциялар интерактив рункида эса мамлакатимизда ёшлар экологик маданиятини юксалтириш мавзусига бағишланган мақолалар онлайн тарзда мунтазам чоп этиб бориш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ушбу платформанинг мобиль иловаси яратилиб, унда кенгайтирилган фильтр орқали керакли маълумотлар тез ва осон топиш, маълумотларни юклаб олиш ёки онлайн ўқиш мумкин. Илованинг яна бир афзаллиги хush-хабар хизматининг имконияти ҳисобланади. Бу хизмат янги экологик маданиятга оид маълумотлар ва чоп этилган мақолалар тўғрисида автоматик равишда хабар бериб туради. Мобиль илова фойдаланувчиларнинг барча эҳтиёжларини инobatга олган ҳолда юритилади. Тадқиқот мавзусининг долзарблиги шундан иборатки, хорижлик ва Ўзбекистонлик ёшларга экологияга доир илмий назарий, методологик ва амалий жиҳатларига доир маълумотлар тақдим қилиш имконини беради.

Ундан ташқари, мазкур тадқиқот муаммонинг тарихий, фалсафий, ҳуқуқий жиҳатларини фанлараро мунособатлар асосида очиб беришга ёрдам беради. Шу мунособат билан давлат ва нодавлат ташкилотлар, жамиятда мунтазам ривожланиб сони ортиб бораётган, демократик ислохотлар кесимида, янги йўналишдаги тадқиқотлар ҳақида атрофлича илмий асосланган маълумотлар тўпланишига асос бўлади. Бу эса, ўз ўрнида, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида ёшлар экологик маданиятини юксалтиришга доир инновацион ёндашувларни ривожлантиради, ушбу жараён ҳақида объектив, илмий асосланган хулосалар чиқариш имконини яратади.

Тадқиқот ўз олдига ёшлар экологик маданиятини юксалтиришнинг институционал, тарихий, ҳуқуқий, ижтимоий механизмларини такомиллаштириш борасидаги илмий фактларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудларига кесимида йиғиш; ушбу маълумотларни таҳрир қилиш; ёшларнинг ислохотлардаги фаолигини тўпланган материалларни қиёсий таҳлил қилиш натижасида янги тараққиёт босқичида ёшларнинг экологик жараёнларга мунособати тенденцияларини аниқлаш, ушбу жараёнда давлат ва нодавлат ташкилотлар орасидаги ўзаро мунособатлар уйғунлигини таъкидловчи, моҳиятини очиб беришига ёрдам берадиган мустақил хулосаларга эришиш имкониятини яратади.

Тадқиқот натижалари. Бу илмий тадқиқот жараёни орқали кўлга киритиладиган илмий натижалар куйидагилардан иборат:

- ёшлар экологик маданиятини юксалтиришнинг институционал, ҳуқуқий, ижтимоий механизмларини в рус ва инглиз тиллари орқали жаҳон ҳамжамиятига кенг тарғиб қилиш зарур;

- ёшлар экологик маданиятини юксалтиришнинг ижтимоий механизмларини ва ушбу мавзудаги илмий ишлар мазмуни ва унинг назарий, амалий жиҳатлари жаҳон олимларига тақдим этилиши мақсадга мувофиқ;

- мақола мавзусини тадқиқ қилиш жараёнида дунёдаги ривожланган мамлакатларнинг, тарихчи, ҳуқуқшунос олимлари билан илмий ҳамкорлик ўрнатилиши ишнинг илмий аҳамиятини оширади;

- илмий диалог ва ҳамкорликлар орқали ўзбекистонлик жамиятшунос олимларнинг экологик маданиятга оид асарлари хорижлик олимлар томонидан илмий таҳлил қилиш имконияти яратилади ҳамда қиёсий тадқиқ қилинади;

- жаҳоннинг ва республикамизнинг нуфузли журналларида олиб борилган тадқиқотлар натижалари бўйича илмий мақолалар, тезислар мунтазам эълон қилиб бориш амалий аҳамият касб этади.

- мавзуга оид илмий муаммоларнинг муаллиф томонидан мунтазам суратда ижтимоий фанлар бўйича республика ва хорижий мамлакатлар университетлари ва илмий тадқиқот марказлари томонидан ўтказиладиган илмий назарий ва амалий анжуманларда докладлар билан қатнашади, мавзуга доир илмий мунозаралар, семинарлар, думолоқ стол атрофидаги фикр алмашувларда фаол иштирок этаиши зарур;

- жамиятда ёшлар экологик маданиятини юксалтириш натижасида ёшлар орасида ватанга муҳаббат, ахлоқий, маънавий маданият, атроф муҳитни асраш қирралари шаклланиш жараёни кучайди;

- Олий таълим муасасаларида талабалар томонидан Ўзбекистоннинг мустақиллик тарихи, фалсафа, ҳуқуқшунослик фанларини ўзлаштириш жараёнидаги экологияга оид муаммоларга маълум маънода барҳам берилади, лойиҳа натижасида яратилган монография, ўқув қўлланмаси талабаларга янги ривожланиш босқичида экологик сийosatнинг мазмуни, мақсади ва моҳиятини ўрганишига методик ёрдам кўрсатади.

Шу билан бир қаторда қўлга киритилиши назарда тутилган муҳим илмий натижалардан тарих ва ҳуқуқшунослик соҳасида тадқиқот олиб бораётган хорижлик олимлар билан илмий-ижодий ҳамкорликни йўлга қўйиш мумкинлиги, юқори малакали кадрлар тайёрлашда Ўзбекистон техникумлари, касб ҳунар коллежлари ва университетларининг жозибадорлигини ошириш ва бунда олий таълим муасасаларида яратилган илмий, салоҳият, моддий техникавий имконият, хорижий талабалар оқимини оширишда асос бўлиб хизмат қилиши, тадқиқотлар асосида мамлакатимиз янги тараққиёт босқичида таълим муасасаларида яратилган шароитни комплекс натижаларини китоб, рисола, электрон ресурслар шаклида тайёрлаш ва қизиқувчиларга тақдим этиш муҳим амалий аҳамият есаб этади.

Таҳсиллар. Демократик ислоҳотлар даврида Ўзбекистонда экологияга оид қатор янги қонунлар қабул қилинди. Жумладан, “Барқарор интеграллашган сув таъминоти концепцияси”, “Сугоришни ривожлантиришнинг 2000–2005 йилларга мўлжалланган миллий дастури”, “2010 йилгача мўлжалланган



электр ишлаб чиқариш дастури”, “Энергетика самарадорлиги дастури”, “2008–2012 йилларга мўлжалланган табиатни муҳофаза қилиш дастури”, “2000-2010 йилларга мўлжалланган қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш давлат дастури”, “Сугориш ва дренаж тизимини ривожлантириш стратегияси”, “2008-2010 йилларга мўлжалланган фаровонликни ошириш стратегияси” ва бошқалар⁹⁴.

“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги” 1992 йилда қабул қилинган қонунга, 10 та қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилдаги Табиий атроф-муҳитни ифлослантириш ва чиқиндиларни жойлаштириш учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги қароридан атроф-муҳитни ифлослаш ва чиқинди учун тўланадиган товон миқдори белгиланади. 1993 йилдаги Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида Қонун 2004 йилда, жумладан, қонунни Биохилмаҳилик, Рамсар1 ва Бонн 2 конвенцияларига мос келтирган “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонун” билан алмаштирилди. Унда муҳофаза қилинган табиий ҳудудларнинг етти тоифаси белгилаб берилган ва ҳар бирида рухсат этилган фаолият турлари батафсил таърифланади. Биринчидан, Сувда сузувчи қушларнинг яшаш муҳити сифатида халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ муҳитлари тўғрисидаги (Рамсар) конвенцияси. Иккинчидан, Ёввойи ҳайвонларнинг кўчманчи турларини сақлаш бўйича конвенция.

Ўзбекистон 2002 йилда 1994 йилдаги “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилди. Бу Қонунда атроф-муҳит учун муҳим қондалар талайгина. Масалан, қазиб олиш саноати атроф-муҳитни муҳофаза қилиши ва шикастланган ер ва бошқа табиий жойларни тиклаши зарур; фаолияти лицензияланган бўлиши ва экологик экспертизадан ўтиши шарт; чиқинди билан ишлаш ва чиқиндини чиқариб ташлаш жараёнларига амал қилиш шарт. Ушбу янги Қонунда биринчи марта чиқинди корхонага тегишли эканлиги ва корхона атроф-муҳитга кўрсатилган таъсир ва рекультивация учун тўла жавобгар эканлиги таъкидланади. 1997 йилдаги “Энергиядан оқилонга фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун охириги марта 2007 йил 26 сентябрь куни ўзгартирилди. Қонунда бир қатор чоралар, жумладан, стандарт ва кўрсаткичлар киритиш, энергия самарадорлиги назоратини олиб бориш, энергия жиҳатидан самарали жараёнларни ривожлантириш ва энергия жиҳатидан самарадор маҳсулот ишлаб чиқариш ва юқори самарали лойиҳаларни намойиш қилиш зоналарини барпо этиш орқали энергиядан оқилонга фойдаланишни жорий этишга ҳаракат қилинди. 2002 йилдаги “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонунда эмиссия ва ҳаво ва сув ифлосланишидан ташқари, чиқиндини чиқариш ва қайта ишлаш масалалари кўриб чиқилади, инспекция ўтказиш, мувофиқлаштириш, чиқиндини қайта ишлашга рухсат этиладиган жойларга нисбатан экологик экспертиза ўтказиш белгиланди.

Хулоса ва таклифлар. Янги тараққиёт босқичида ёшлар экологик маданиятини юксалтиришнинг тарихий, ҳукукий асосларини ёритиш ва ижтимоий

⁹⁴ Атроф-муҳит ҳолатининг шарҳи. БМТ. Женева, Нью Йорк, 2010, Бет. 24.

иктисодий механизмларини такомиллаштириш, Ўзбекистон тажрибасида ўтмишда мавжуд бўлган ёшлар экологик маданияти, моҳияти ва мақсадига мавзусига доир тадқиқотларнинг яхлит бир тизим сифатида янги тараққиёт босқичи нуқтаи-назаридан электрон платформасини яратиш лозим.

Биринчидан, тадқиқотнинг янгилigi шундаки, мамлакатимизда ёшлар экологик маданиятини юксалтиришнинг тарихий, ҳуқуқий, ижтимоий механизмларини методологик асослари тадқиқи ва ушбу йўналишда фуқаролик институтлари фаолиятини такомиллаштириш, унинг методологик асослари таҳлили муҳим амалий аҳамият касб этади.

Иккинчидан, мазкур шаклдаги комплекс тадқиқотлар мустақиллик тарихи, унинг суверен ривожланиш даври нуқтаи назаридан, миллий маънавиятнинг тиклаш, уни янги тараққиёт даражасига олиб чиқиш, фуқаролик жамияти ривожланиши ва ушбу жараёнда ёшлар экологик маданиятини юксалтириш лозимлиги ва ушбу жараён механизмларини такомиллаштириш заруриятининг муттасил ошиб бориши билан боғлиқлигига эътибор қаратиш лозим.

Учинчидан ўтказилаётган демократик ислохотлар тажрибаси ва унинг таҳлили кўрсатадики, ислохотларнинг провард натижаси, яъни Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичини инновацион, жадал, рақамли иқтисодий талаблари асосида ривожланишни таъминлашда инсон фактори, ёшларнинг экологик маданиятини юксалтиришнинг муҳим амалий аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам ушбу муаммонинг тарихий, ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ қилиш, яъни инсон факторининг мазмуни, моҳияти ва фаоллашувига таъсир қиладиган омилларни аниқлаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон. 2018 йил, 50-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари. 16 август 2021, №5518. <https://yuz.uz/news/yangi-ozbekiston-demokratik-ozgarishlar-keng-imkoniyatlar-va-amaliy-ishlartamlakatiga-aylanmoqda>
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2013 йил 27 майда “2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури тўғрисида” қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг тарихи. <http://www.uznature.uz/yz/site/page?numer=103>. <http://www.uznature.uz/yz/site/page?numer=103>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратadbirlar тўғрисида» 2018 йил 3 октябрдаги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.10.2018 й., 07/18/3956/1994-сон; 21.03.2019 й., 07/19/4247/2801-сон; 22.07.2020 й., 06/20/6031/1088-сон.
6. Атроф-муҳит ҳолатининг шарҳи. БМТ. Женева, Нью Йорк, 2010, Бет. 24.



GLOBALLASHUV SHAROITIDA DUNYOVIY VA DINIY MAFKURALARNING ASOSIY XUSUSIYATLARI

D.K.Bayaliyev, f.f.n.,

“Umumiy va aniq fanlar” kafedrası dotsenti, TDIU

Annotatsiya: Maqolada dunyoviylik va diniylik uyg'unligi turli tarixiy davrlar misolida o'zganilib, falsafiy tahlil etilgan. Jamiyat taraqqiyotining hozirgi davri bu jihatdan yanada murakkab bo'lib, o'zaro munosabat, sharoitlari, imkoniyatlari, shakl va vositalari, zaruriyat va oqibatlari oldingi davrlardagi holatdan tubdan farq qiladi. Postindustrial jamiyatning shakllanishi, butun dunyoda, barcha sohada tobora chuqurlashib borayotgan globallashuv jarayoni, mamlakatlarning ijtimoiy-iqtisodiy, ma'naviy hayotida shunday muammolarni keltirib chiqarmoqdaki, ular diniy va dunyoviy mafkuralar o'rtasidagi munosabatning, kurashning shakllariga, yo'nalishlariga hal qiluvchi ta'sir o'tkazmoqda, jamiyat istiqboli nuqtai nazardan ular o'rtasidagi munosabatning samarali yo'nalish va shakllarini tanlab olishni zaruriyatga aylanmoqda.

Tayanch iboralar: jamiyat, globallashuv, din, dunyoviylik, mafkura, dunyoqarash, diniy bilim, diniy mafkura, dunyoviy mafkura, g'oyaviy tarbiya, postindustrial jamiyat, diniylik va dunyoviylikning o'zaro munosabati.

Abstract: The article provides a philosophical analysis of the combination of secularism and religion in different historical periods. The current stage of development of society is more complex in this respect, and the relationship, conditions, possibilities, forms and means, necessities and consequences are radically different from the situation in previous periods. The formation of post-industrial society, the process of deepening globalization in the world, in all spheres, creates problems in the socio-economic and spiritual life of countries that have a decisive impact on the forms and directions of the struggle between religious and secular ideologies. makes it necessary to choose effective directions and forms of relations between them in terms of the future of society.

Keywords: society, globalization, religion, secularism, ideology, worldview, religious education, religious ideology, secular ideology, ideological upbringing, postindustrial society, the relationship between religion and secularism.

Аннотация: В статье дается философский анализ сочетания секуляризма и религии в разные исторические периоды. Нынешний этап развития общества в этом отношении более сложен, а отношения, условия, возможности, формы и средства, потребности и последствия радикально отличаются от ситуации в предыдущие периоды. Становление постиндустриального общества, процесс углубления глобализации в мире, во всех сферах, создает проблемы в социально-экономической и духовной жизни стран, которые решающим образом влияют на формы и направления борьбы между религиозным и светским. идеологии. заставляет выбирать эффективные направления и формы отношений между ними с точки зрения будущего общества.

Ключевые слова: общество, глобализация, религия, секуляризм, идеология, мировоззрение, религиозное образование, религиозная идеология, светская идеология, идеологическое воспитание, постиндустриальное общество, соотношение религии и секуляризма.

Kirish. XIX asrning oxiri XX asr boshlarida insoniyatning dunyoqarashi yangi mazmunga ega bo'lganligini diniy dunyoqarashning mohiyatida dunyoviy bilimlarning ahamiyati oshganligida ko'rishimiz mumkin. Bu davrda ayniqsa, fanning rivojlanishi, uning yutuqlarining keng tarqalishi, dunyo ilmiy manzarasining shubhasizligiga ishonchning ortib borishi, ishlab chiqarishning rivojlanishi, aholining iqtisodiy va ma'naviy hayotidagi ijobiy o'zgarishlar dunyoviy mafkuralarning jamiyat hayotida mavqei oshishiga, aksincha, din va diniy mafkuralarning yanada jadal chekinishlariga olib keldi. Bu holat dunyoviy va diniy dunyoqarash namoyondalarining qarashlarida ham o'z ifodasini topdi.

Materiallar va metodlar. Ushbu tadqiqotning maqsadi globallashuv sharoitida diniy va dunyoviy mafkuralarning o'zaro rivojlanish xususiyatlari asoslash. Ushbu tadqiqotda asosiy metodologiyani qiyosiy tahlil, tarixiylik va mantiqiylik, o'zaro uyg'unlik tahlili va rivojlanish xususiyatlari tahlili tashkil qiladi. Nazariy asos globallashuv sharoitida diniy va dunyoviy mafkuralarning o'zaro rivojlanish xususiyatlarini shakllantirish bo'yicha tadqiqot olib borgan S.M. Arifxanova, P.J. Abdullaxonov, B.M. Bobojanov, Z. Alimova, T. Karim, V.M. Mejeuev, Sh. Evkachev kabi mualliflarni ilmiy ishlariga murojaat qilingan. Xususan, Maxmud Xotamiy: "Shubhasiz, ilohiy xushxabar makon va zamon chegarasidan tashqaridadir, lekin biz makon va zamonda mavjudmiz. Demak, bizning tushunishimiz va tasavvurlarimiz makon va zamondan tashqariga chiqa olmaydi. Bizning ilohiy qonunlarni tushunishimiz yaratilish kitobi (книга творения) haqidagi tasavvurlarimiz makon va zamon bilan chegaralangan. Bilim quyidagicha o'zgaradi: kishilar, olimlar bir vaqt mobaynida bir tasavvurga egalar, boshqa vaqtda ularning tasavvurlari o'zgaradi va hatto ilgari ideallarini inkor qilib, yangilari keladi"⁹⁵ deb asoslaydi. Shu nuqtai nazardan ushbu maqolalarda globallashuv sharoitida dunyoviydik va diniylikning o'zaro ta'siri haqida tahlil etilgan.

Muhokama va natijalar. Din va diniy mafkura fan va dunyoviy mafkuralar bilan aloqadorlik jarayonida hech qachon bir joyda to'xtab qolgan emas. Fan taraqqiyoti inson ma'naviyatida keskin o'zgarishlarni hisobga olgan holda rivojlanib kelgan, jamiyat taraqqiyotiga moslashishga urinib kelgan. Ammo, bu o'zgarishlar sharoitga ko'ra fan va din aloqadorligi turlicha kechgan chunki din o'ta murakkab hodisa, u ijtimoiy hayotning bir qismi bo'lib, undan ajratish mumkin emas, u ijtimoiy munosabatlarning hujayrasiga mahkam o'rnatilgan. Dinning jamiyatda bajaradigan u yoki bu vazifasi saqlanib qolar ekan, uning batamom barham topishi to'g'risida aniq fikr aytish qiyin. Inson dunyoqarashi, ongi, psixologiyasining murakkabligi,

⁹⁵ Хотомий. М. 2001 с 242



dinning mazmunan ham o'zgarib borishi, hayot va uning kelajagi muammolarining abadiy mavjudligi din va diniy mafkuralar uchun o'rin qoldiradi. Din har doim inson hayotini ma'lum nuqtai nazardan anglatadi, unga mazmun beradi.

Globallashuv jarayonida ko'p jihatdan an'anaviy ijtimoiy institutlar, qadriyatlar va an'anaviy dunyoqarash bilan bog'liq bo'lgan dinlar hal qiluvchi ahamiyatga ega omillardan hisoblanadi. Ko'p asrlar davomida davlat eng ibtidoiy jamiyatdagi oqsoqollar boshqaruvidan, hozirgi zamon davlat organlarining turli sohalarini nazorat qilishini ta'minlaydigan institutlarga ega bo'lgan murakkab shakllarda boshqarildi. Masalan, Evropada Cherkovning ikki ming yillik tarixining asosiy qismini davlat bilan, ya'ni Rim imperatorlari, o'rta asr qirollari va yangi davr demokratik davlatlarining munosabatlari tashkil etadi. Shunday ekan makon va vaqt o'zgarishi dunyoviylik va diniylik o'rtasida uyg'unlikka ta'sir etadi.

Falsafiy bilimlar rivojida biz Sharq falsafasini butun bir yo'nalish sifatida tasniflashimiz mumkin. Bu yo'nalish Sharq falsafasidagi hali fan yetib bormagan sirlil, mistik tasavvurlarning mohiyatini, ularni inson psixologiyasi, inson aqlining cheksiz imkoniyatlaridan darak beruvchi hodisalar bilan bog'liqligini o'rganadi, Sharq falsafasining o'ziga xosligi, olamni tasavvur qilishning bir shakli ekanligi tahlil qilinadi.

Umuman Sharq dunyoqarashida diniylik va dunyoviylik keskin ajralib, o'zaro qarama-qarshi turmaydi. Ularning qarashlarida diniy, falsafiy qarashlar o'zaro bog'lanib ketgan. Masalan, buddizm va uning turli ko'rinishlari, qadimgi Hind falsafiy maktablariga borib taqaluvchi hozirgi zamon Sharq falsafasida ishlab chiqilayotgan falsafiy g'oyalar diniy mohiyatga ega bo'lsa-da, insonning falsafiy dunyoqarashini kengaytiradi. Jonning o'lmasligi, qayta tug'ilish, o'limdan keyingi hayot haqidagi diniy, mistik, falsafiy tasavvurlar hozirgi zamon odamini qiziqtirib qo'ydi. Bunday qiziqishning sabablari bizning fan doirasiga hozircha kirmagan qarashlar ekanligi, insonning xilma-xil, o'zi uchun yangi nuqtai nazarlarga intilishi, boshqa xalqlar dunyosini chuqurroq o'rganishga qiziqish javob izlashdir.

Dinning o'ta murakkab hodisa ekanligini taniqli dinshunos S.A.Tokarev shunday ifodalaydi: "Turli xalqlarning va davrlarning oldimizda kechgan din tarixi manzaralari nimaga o'rgatdi? Insoniyat o'tmishida uning o'rni qanday bo'lgan, kishilar hayotidagi uning roli hozir qanday? Birinchi va eng shubhasiz xulosa: din tarixi – inson aqli yanglishishlarining oddiy tarixi emas. Agar din faqat dunyo haqida xato tasavvurlarining yig'indisi bo'lganida edi, uning insoniyat tarixidagi roli sezilmasligi mumkin edi. Kishilar taraqqiyot sari o'z yo'llarida ko'pgina yolg'on qarashlarni bartaraf qilganlar. Bu yolg'on qarashlar, albatta olg'a harakatga xalaqit bergan, lekin ular insonning dunyoni bilishi bilan bog'langan. Dinning taqdiri esa boshqacha hayratlanarli darajada mustahkam va tajribaga asoslangan bilimlarga asoslangandir"⁹⁶.

Taniqli olim N.N.Moiseyev ham uni qo'llab – quvvatlab quyidagi fikrni bildirgan: "...Bu ehtiyoj, bu dunyoni sezish mazkur odamda bo'lish yoki bo'lmasligi

⁹⁶ Tokarev C.A. 1986: c.537

– boshqa masaladir. Lekin diniy hissiyot hech qanday bilim to'ldira olmaydigan insonning ma'naviy dunyosidagi ma'lum bo'shliqni to'ldiradi" [Моисеев. Н.Н. 1998: с.17]. Bunday fikrlarni yana ko'plab keltirish mumkin. Biz diniy va dunyoviy mafkuralarning hozirgi zamon jamiyatidagi o'rnini, rolini tushunib olish uchun postindustrial jamiyat va globallashuv jarayonining mohiyati va oqibatlaridan kelib chiqmog'imiz kerak.

Industrial jamiyatning davri o'tib borayotganligi, jamiyat yangi davrga qadam qo'yayotgani hammaga ma'lum. Yangi davrni Amerika sotsiologi Daniel Bell "Postindustrial jamiyat" deb atadi va uning bosh belgilarini xarakterlab berdi. Ular quyidagilar:

1) texnologik innovatsiyalarning asosi bo'ladigan nazariy bilimning markaziy roli;

2) iqtisodiy, texnologik va hatto ijtimoiy muammolarga eng samarali yondoshuvga imkon beradigan yangi integral texnologiyaning yaratilishi;

3) eng ko'p sonli ijtimoiy guruh sifatida, bilim tashuvchilar (texnik mutaxassislar va professionallar) sinfining o'sishi;

4) tovar ishlab chiqarishdan xizmat ko'rsatish sohasiga o'tish, avvalo gumanitar sohalarida (sog'liqni saqlash, ta'lim, ijtimoiy xizmat ko'rsatish), shuningdek tadqiqotlar o'tkazish, kompyuterlar bilan ishlash va shu kabi sohalarida xizmatlar;

5) mehnat xarakteridagi o'zgarishlar – mehnat kishilar o'rtasida o'zaro ta'sirga aylanadi, tabiat va sun'iy yaratilgan materiallar mehnat jarayonidan bartaraf etiladi;

6) ayollar iqtisodiy mustaqillik uchun ishonchli asosga ega bo'lib, roli o'zgaradi;

7) fan o'zining yetuk holatiga yetadi, fan va texnologiyalarning aloqasi postindustrial jamiyatning asosiy belgisini tashkil qiladi;

8) Situslar siyosiy birlik sifatida rivojlanadi. Situs deganda D.Bell vertikal joylashgan ijtimoiy birliklarni tushunib, unda to'rt funksional situsni (ilmiy, texnik, ma'muriy va madaniy) va besh institutsional situsni (iqtisodiy korxonalar, davlat tashkilotlari, universitetlar va ilmiy tadqiqot markazlari, ijtimoiy komplekslar, armiya) farqlaydi;

9) meritokratiya: o'z xarakteriga ko'ra asosan texnologik jamiyat bo'lgan postindustrial jamiyatda inson ta'lim va malaka natijasida istiqbolli holatni egallay oladi;

10) sharoit cheklanganligining, tovar va resurslar kamchiligidan tugashi (yangi kamchiliklar – axborot va vaqt etishmasligini tug'dirib);

11) axborotlarning iqtisodiy nazariyasi: "postindustrial jamiyat mehnatning qiymat nazariyasi bilan emas, bilimlarga asoslangan qiymat nazariyasi bilan xarakterlanadi"⁹⁷, - deb yozadi D.Bell. Postindustrial jamiyatning shakllanishi globallashuv jarayonining tezlashuvi bilan birga kechmoqda. Globallashuv ma'lum chegaralangan sohada (makonda) paydo bo'lgan qadriyatlarining "chegarasiz" dunyoga o'tishi, ularning butun yer yuzida masofa va vaqt to'siqlari bilan to'sib

⁹⁷ Кузнецов В. 2005: с.316-320



bo'lmashligidir. Globallashuv hozirgi davrning taraqqiyot usuli, jamiyat rivojining asosiy omiliga, sharoitiga aylanoqda. U ko'p darajali jarayon sifatida siyosiy, iqtisodiy, madaniy, sotsiologik va psixologik oqibatlariga ega.

Globallashuv sivilizatsiyalarning sotsiomadaniy qiyofasiga, fan va din, diniy va dunyoviy mafkuralariga qanday ta'sir ko'rsatmoqda? Avvalo global sotsiomadaniy makon shakllanmoqda, o'zaro ta'sir, o'zaro aralashuv, o'zaro bog'liqlik kuchaymoqda. Ammo boshqa tomondan, madaniyatlarining o'ziga xosligini, dinlarning qarama-qarshiligini ta'kidlovchi o'z-o'zini anglash jarayoni rivojlanmoqda. Sotsiomadaniy sohaning turli unsurlari uchun bu jarayonlar turlicha tezlikda kechmoqda⁹⁸.

Avvalo fanda sivilizatsiya va sotsiomadaniy tuzum almashadigan davrda kechadigan og'ir va uzoq krizis vujudga keldi. Eng ishonchli, barqaror hisoblangan, dunyoqarashimizning mustahkam asosini tashkil qilgan paradigmalar to'satdan yemirila boshladi, fan jamiyat va tabiat dinamikasidagi kutilmagan o'zgarishlar oldida ojiz bo'lib qoldi. Hatto olimlar va mutaxassislar o'rtasida ham kelajak oldida qo'rqish hodisasi paydo bo'ldi. Fan insonga yangi, eng kuchli ishlab chiqaruvchi mashinalar va samarali texnologiyalarni berdi, tabiat materiallarini sun'iyli bilan almashtirdi.

Umuman globallashuv sharoitida diniy ongda, mafkurada ham shakl, ham mazmun jihatidan qator o'zgarishlar kechdi. Jahon dinlari o'zlarining jamiyat tarixida yuzlab yillar davomida mustahkamlangan an'analarni saqlab qoldilar va globallashuv sharoitida jamiyat muammolarini hal qilish yo'lida o'z mafkuralarini takomillashtirishga urindilar. Ma'lumki, jahon dinlari (xristianlik, islom va buddizm) rivojlanishning uch modelini taqdim qilib kelganlar. Xristianlik shaxsning ijodiy layoqatlarini ro'yobga chiqarish orqali; islom – huquqiy, ijtimoiy, siyosiy va iqtisodiy munosabatlarni barqarorlashtirish orqali; buddizm – hayotiy makonni tashkil qilish va tartibga solishning turli tarkibiy modellari orqali kishilik jamiyatining istiqbolini tasavvur qildilar. Monoteistik dinlarda (xristianlik va islom) tarixiy mantiqiy tafakkur ustun bo'lsa, buddizm ratsional – obrazli (tafakkurning asosiy shakli – meditatsiya bo'lgan) tafakkur ustuvor hisoblanadi. Globallashuv sharoitida jahon dinlari o'zlarining ana shu o'ziga xos xususiyatlarini saqlab qoldilar va takomillashtirdilar.

Diniy e'tiqodga ega bo'lgan inson hayotining asosi bo'lgan iymon uning ijtimoiy va shaxsiy hayotining barcha jihatlarini belgilaydi. Natijada e'tiqodli insonlar siyosiy hayotda qanchalik faol bo'lsa, ularning diniy g'oyalari xalqaro munosabatlarga shunchalik ta'sir ko'rsatadi. Diniy g'oyalarning jahon siyosatiga ta'siriga oid yorqin misollardan biri din niqobidagi ekstremizm va terrorizmdir. Tadqiqotchi nasroniylik, islom va yahudiylikni radikal ruhda o'qitilishi antisemitizm va sionizmni keltirib chiqarayotganligini ta'kidlaydi.

Fransuz faylasufi, paleontolog katolik teolog Teyyar De Sharden XX asr odami uchun din dunyoni arxaiik tushunishdan ozod bo'lish, tinimsiz o'zgarish va yaratilish jarayonida bo'lgan hozirgi dunyoni jonli organik butunlik sifatida qarash lozim, deb ta'kidlaydi. Tayyar De Sharden cherkovning dunyoga yangicha munosabatini

⁹⁸ Яковец, Ю.В. 2001: с.11-295

yaratish zarur, uni mifologiyadan holi qilish va hozirgi zamonning ilmiy va ijtimoiy masalalari bilan bog'lash kerak, deb hisoblaydi.

Xulosa. Hozirgi davrning globallashuv jarayoni jamiyat hayotining barcha sohalariga, jumladan diniy va dunyoviy mafkuralarning rivojlanishiga ta'sir ko'rsatdi. Mafkuralar globallashuv asosi bo'lgan barcha texnik vositalardan foydalanib, o'z qarashlarini rivojlantirish imkoniyatiga ega bo'ldilar. Hozirgi davrda diniy va dunyoviy mafkuralarning mohiyati bir-biridan farq qiladi. Dinlararo, diniy va dunyoviy mafkuralararo bag'rikenglik, hamkorlik uchun zaruriyat ortib bormoqda. Sharqda diniy mafkuralarning jamiyat hayotidagi o'rni undagi iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy va ma'naviy muammolarni qanday yo'nalishda, qanday darajada hal qilinishi bilan bog'liqdir. Diniy va dunyoviy mafkuralar jamiyat, fan, ma'naviyat taraqqiyoti tahlili natijasida rivojlanib, o'zgarib, takomillashib bormoqda.

O'zbekistonda diniylik va dunyoviylik mafkuralarning uyg'unligi jamiyatning rivojiga xizmat qilmoqda. O'tmish ajdodlarimiz bo'lgan diniy olimlarning (Buxoriy, G'azzoliy, Moturudiy, Yassaviy va b.) asarlarini tarjima va nashr qilish, ularning to'g'ri talqini, diniy o'quv yurtlarida ta'lim jarayonlari diniy dunyoqarashning rivojlanishi uchun yaxshi imkon yaratdi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. ХОТОМИЙ. М. (2001). *Ислам, диалог и гражданское общество*. М.: Росс. ПЭН
2. С.А. ТОКАРЕВ. (1986) *Религия в истории народов мира*. М.: Политиздат, - С.-537.
3. МОИСЕЕВ. Н.Н. (1998). *Расставание с простотой*. М.: Мысл
4. В. КУЗНЕЦОВ. (2005). *Идеология. Социол. Очерк*. М.: "Книга и бизнес" - С.-316-320
5. ЯКОВЕЦ. Ю.В. (2001) *Глобализация и взаимодействие цивилизаций*. М.: Экономика, - С.-11- 181-295.



ТУРКИЯДА АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ВА МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛГАН АКАДЕМИК ИШЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

М.М.Адашова,
“Умумий ва аниқ фанлар” кафедраси
катта ўқитувчиси, ТДИУ

Аннотация: Мазкур мақолада ақида ва калом илмининг султони Имом Абу Мансур ал-Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳининг буюк шахсияти ва илмий меросини ўрганиши бўйича туркиялик олимлар томонидан олиб борилган илмий фаолият натижалари ва уларнинг таҳлили бўйича маълумотлар берилди.

Таянч иборалар: Янги тараққиёт, экология, маданият, ёшлар, ислохотлар, жамият, ер, сув, атмосфера, Имом Абу Мансур ал-Мотуридий (р.а.), калом илми, ақида илми, нубувват, мотуридия таълимоти, академик ишлар, хронологик таҳлил.

Аннотация: В статье представлена информация о результатах научной работы, проведенной турецкими учеными по изучению великой личности и научного наследия имама Абу Мансура аль-Мотуриди, султана Акиды и Калама, и их анализ.

Abstract: This article provides information on the results of scientific work carried out by Turkish scholars to study the great personality and scientific heritage of Imam Abu Mansur al-Moturidi, the Sultan of Aqeedah and Kalam, and their analysis.

Қирши. Юртимиз ҳудудларида жаҳон цивилизацияси тарихий тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб, ўзидан ўчмас из қолдирган олиму фузалолар, давлат ар-бобларию саркардалар етишиб чиққан. Шундай улуғ сиймолардан бири калом илмининг султони ҳамда ақоид илмининг буюк мутафаккири шайх Абу Мансур ал-Мотуридий ҳазратларидир. Биз улар билан ҳақли равишда ҳар қанча фахрлансақда арзийди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январ куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида буюк аждодларимизни хотирлаб шундай таъкидлаган эди: “...маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрини англаб етади.”⁹⁹

Дарҳақиқат, буюк бобокалонларимиз томонидан диний ва дунёвий илм мувозанатини барқарор тараққий этиш йўлида олиб борган фидокорона хизматла-

⁹⁹ <http://president.uz> 2020 йил 24 январ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси

ри биз авлодлар учун муносиб ўрناق вазифасини ўташи муқаррар. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, миллионлаб мусулмонлар қалбига муборак ислом динининг ҳаётбахш гоёларини сингдиришда буюк ватандошимиз имом Абу Мансур ал-Мотуридий ҳазратлари ва ул зот асос солган “Мотуридия мактаби”га мансуб алломаларнинг хизматлари бениҳоя каттадир. “Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Имом Бухорий вафот этган йили, яъни милодий 870 йили тарихимиздаги яна бир мумтоз сиймо-Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллуд топган экан. Бу воқеа замирида шахсан менга илоҳий бир боғлиқлик, Оллоҳнинг буюк бир марҳамати бордек, бамисоли Имом Бухорийнинг нурли қаламини Имом Абу Мансур ал-Мотуридий олиб, ул зотнинг хайрли ишларини давом эттиришга бел боғлагандек туюлади. Имом Абу Мансур ал-Мотуридий бобомизнинг ўрта асрлардаги гоёят ҳатарли ва таҳликали бир вазиятда ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, авлодларга ибрат бўладиган маънавий жасорат намунасини кўрсатиб, ислом оламида “Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи” деган юксак шарафга сазовор бўлгани бу нодир шахснинг улкан ақл-заковати ва матонатидан далолат беради”.¹⁰⁰ Имом Абу Мансур ал-Мотуридий ҳазратларининг илмий ижод намуналари бугунги кунда нафақат ўзбек балки бутун дунё исломшунос ҳамда мотуридийшунос олимлар томонидан катта қизиқиш ва иштиёқ билан тадқиқ этиб келинмоқда.

Тадқиқот ишнинг методологияси. Имом Абу Мансур ал-Мотуридий ва мотуридийлик таълимоти билан боғлиқ турк тилидаги академик ишлар ва уларнинг натижалари илмий жиҳатдан баҳоланар экан, ислом олами тарихида чуқур из қолдирган мотуридийлик таълимотининг Туркияга кириб келиши ҳамда туркларнинг мусулмон бўлишида катта туртки вазифасини ўтаганлиги алоҳида эътиборга молик ҳодисадир.

Мотуридийлик таълимотини турк халқи нафақат таълимот балки ундан-да юксак мақомга эга бўлган мазҳаб сифатида қадрлайдилар. Турк олимларининг фикрига кўра, Мотуридийлик таълимотининг асосчиси Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ҳаёти, асарлари, диний қарашлари ҳамда илмий гоёлари, ўзидан кейинги авлодларга қолдирган илмий мероси ҳамда уларнинг шахс маънавияти, имони ва эътиқодини шакллантиришга кўрсатадиган таъсири бутунги кунга қадар исломшунос олимлар томонидан етарли даражада ўрганилмаган. Шу боис, сўнгги пайтларда Туркия давлатида Абу Мансур ал-Мотуридий ва мотуридийлик таълимотининг ислом оламида тутган ўрни, ақида илми ва унинг ўзига хос хусусиятлари, Абу Мансур ал-Мотуридий томонидан тафсир қилинган сунний ақидалар ва уларнинг моҳиятини ўрганиш бўйича муҳим илмий изланишлар амалга оширилмоқда.

Туркия давлати ўз мустақиллигини қўлга киритган даврдан бошлаб, дин ва диний эътиқод каби тушунчаларга давлат сиёсати даражасида эркинлик яратиб бера бошлади. Хусусан, дин йўлида хизмат қилган буюк олиму уламоларнинг

¹⁰⁰ И.А.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” Т; “Маънавият” нашриёти 2008 й. 39-бег



хаёти ва илмий фаолиятларини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда амалиётга тўғри тадқиқ этиш мақсадида мустақил изланувчилар учун илмий тадқиқот институтларида кенг имкониятлар эшиги очиб берилди.

Абу Мансур ал-Мотуридий ва мотуридийлик таълимоти билан боғлиқ дастлабки тадқиқот иши Шерафеддин Яткая томонидан олиб борилган ва 1932 йилда Истанбулда «Дорул-Фунун» илоҳиёт факультетининг илмий журналида нашр этилган.¹⁰¹ Навбатдаги илмий тадқиқот иши эса, Юсуф Зия Ёрукан томонидан олиб борилди ва 1953 йилда Анқара университетининг илоҳиёт факультети тасарруфидаги илмий журналда нашр этилди.¹⁰² Учинчи тадқиқот иши Муҳаммад Танжи томонидан ўрганилиб, 1955 йилда Анқара университетининг илоҳиёт факультети тасарруфидаги илмий журналида чоп этилди.¹⁰³ Бу тадқиқотларнинг ҳар қайсиси ўзининг илмий салоҳияти бўйича ўз даври учун қимматли тадқиқот ишлар ҳисобланган.

1956 йилдан то 1970 йилгача Туркияда Абу Мансур ал-Мотуридий ва мотуридийлик таълимотини ўрганиш бўйича муҳим тадқиқотлар амалга оширилмаган. Кейинчалик, 1973 йилда Аҳмет Веҳби Эжернинг “Абу Мансур Ал-Мотуридий” номи мақоласи ва 1978 йилда эса Абу Мансур ал-Мотуридий ва мотуридийлик таълимотини ўрганишга бағишланган бир қанча асарлар, жумладан “Буюк Турк олими Мотуридий” номи китоб нашр этилди.¹⁰⁴ Мазкур тадқиқотлар натижасида Абу Мансур ал-Мотуридий ва мотуридийлик таълимоти номининг танилишига ва алломанинг қарашларини ўз асарлари орқали танишиб олиш имкониятининг вужудга келиши сабаб бўлди.

Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ислом оламида жуда нозик ҳисобланган “Китоб ат-Тавҳид” – асари 1970 йилда Фатхуллоҳ Хулайф томонидан Байрутда нашр этилган. Ҳозирда у Англиядаги қўлёзма фондларининг бирида сақланади.¹⁰⁵ Ушбу асарнинг 1979 йилда Истанбулда нашр этилиши Туркияда Абу Мансур ал-Мотуридий ва мотуридийлик таълимотини ўрганиш борасидаги илмий тадқиқот ишларининг кенг доирада силжишига туртки бўлди.

Кейинчалик, туркиялик олимлар томонидан “Таъвилот ул-Қуръон” асарининг ҳам ўрганилиши ва тематик тадқиқотлар устида изланишлар олиб борилиши бу соҳани тадқиқ этувчилар сонининг сезиларли даражада кўпайишига сабаб бўлди. «Таъвилоту аҳлис-Сунна» ёки «Таъвилот ул-Қуръон» асари саккиз

¹⁰¹ M. Şerafeddin Yaltkaya, “Ebu Mansûr Mâturidî”, Dâru'l-Fünun İlahiyat Fakültesi Mecmuası, İstanbul, 1932, c.5, sy. 23, s. 7-12.

¹⁰² Y. Ziya Yörükân, “İslam Akaid Sisteminde Gelişmeler İmam-Azam Ebû Hanife ve İmam Ebû Mansûr-i Mâturidî” AÜİFD (Ankara Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Dergisi), Ankara, 1953, c.2, sy. 2-3, s. 127-142.

¹⁰³ Muhammed b. Tavîr Tancı, “Abû Mansûr al-Mâturidî”, AÜİFD, Ankara, 1955, c.4, sy. 1-2, s. 1-12. 5

¹⁰⁴ A. Vehbi Ecer, “Ebû Mansûr el-Mâturidî”, İslam Medeniyeti Dergisi, 1973, sy. 29, s. 10-14; Türk Din Bilgini Mâturidî, Ankara 1978; A. Vehbi Ecer'in diğer çalışmaları için bkz., Kutlu, “Ebû Mansur el-Mâturidî ve Mâturidî Kültür Çevresiyle İlgili Bibliyografya”, İmam Mâturidî ve Maturidilik, Haz. Sönmez Kutlu, Otto Yayınları, 6. Baskı, Ankara 2016, s. 491, 492.

¹⁰⁵ Зиёдов Ш.Ал-Абу Мансур ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси, А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти Т; 2000 й. 13 6

муҷалладдан иборат бу асар Қуръони Каримнинг тафсири бўлиб, унда асосан, исломий ақидага нисбатан турли қарашлар баён этилиб, мотуридия ақидаси асосида уларга баҳо берилган. Тафсири Абу Мансур ал-Мотуридийнинг шоҳ асари деб аташ мумкин. Унинг қўлёзма нусхалари Миср, Макка, Дамашқ, Ҳиндистон, Туркия ва Тошкент кутубхоналарида сақланмоқда. Тошкент нусхалари тақрибан 700 йил бурун кўчирилган. Асарнинг биринчи жилди Мисрда нашр этилган. Тафсирга Алоуддин Абу Бақр Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Самарқандий шарҳ ёзган. Бу шарҳ қўлёзмаси ҳануз чоп этилмаган¹⁰⁶. Ф.Сезгин ўзининг “Араб қўлёзмалари тарихи” асарида “Таъвилот аҳл ас-сунна” асарининг дунё фондидаги нусхалари ҳақида қимматли маълумот беради. Бу эса ўз навбатида асарнинг қайси фондларда, нусхалари нечта жилддан иборат эканлигини аниқлаш имконини туғдиради¹⁰⁷.

1980 йилдан кейин асосан Анқара ва Истанбулдаги университетларнинг илоҳиёт факультетларида Абу Мансур ал-Мотуридий ва мотуридийлик таълимотининг мазмун-моҳиятини ўрганишга қаратилган муҳим академик изланишлар олиб борилди. 1986 йилда эса илк мартаба Туркиянинг жанубий ҳудудида жойлашган Кайсери шаҳрида Абу Мансур ал-Мотуридий ва мотуридийлик таълимоти билан боғлиқ Туркия бўйлаб илмий симпозиум ўтказилди. Мазкур симпозиумда тақдим этилган хабарлар ҳамда илмий тадқиқот натижалари кейинчалик 1990 йилда китоб шаклига келтирилиб нашр этилди.¹⁰⁸ Бу симпозиумда тақдим этилган маълумотлардан ташкил топган китоб Туркияда Абу Мансур ал-Мотуридий ва мотуридийлик таълимотини англашга йўналтирилган муҳим бир ташаббус бўлди ва бундан кейинги мавзуга алоқадор изланишлар устида иш олиб боришга замин яратди.

Тадқиқот натижалари. Туркия исломшунослик марказининг сўнгги маълумотларига қўра, турк олимларининг аксарияти сўнгги ўн йилликларда Абу Мансур ал-Мотуридий ва мотуридийлик таълимотини илмий асосларда ўрганиш бўйича 58 та тезис иши ва 29 та докторлик диссертациясини ҳимоя қилганлар.¹⁰⁹ Мазкур тадқиқот ишларида турк олимлари томонидан Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ҳаёти, асарлари, усули, сиёсий, эътиқодий ва фалсафий қарашлари, Абу Ҳанифа билан алоқаси, ҳадисни тушуниши, фикҳ усули ва ақида илми, Муътазилия мазҳаби, Шиа оқимиға нисбатан ўзига хос нуқтаи назари, Мотуридийлик олимларининг ҳаёти ва дунёқарашлари, Мотуридийлик ва Ашъарийлик орасидаги алоқалар, ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, Мотуридийликнинг шаклланиши ва тарқалиши каби мавзулар устида фаолият олиб борилди. Бундан ташқари, бу изланишлар натижасида мотуридийшунос олимларининг асарлари ўрганилиб, турли тадқиқотлар ўтказилди, ўтказилган тадқиқотларнинг илмий

¹⁰⁶ Абдулазиз Мансур “Ақоид матналари” Тошкент Ислам Университети нашриёти Т; 2006 й 5 б.

¹⁰⁷ Зиёдов Ш.Ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси, А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти Т; 2000 й. 15 б.

¹⁰⁸ Bkz.: Ebû Mansûr Semerkandî-Mâtürîdî Kongresi, Erciyes Üniversitesi Matbaası, Kayseri, 1990.

¹⁰⁹ Lisansüstü tezlerden bazıları şunlardır: Mürsel Erdoğan, “Mâtürîdilîğin Anadolu’ya Gelişi”, Ankara Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, Ankara 2006 (Yüksek Lisans);....

асослари текширилиб, тадқиқот натижалари миллий ва хорижий нашрларда чоп этилди. Ўрганилган янги маълумотлар бевосита турк тилига таржима қилиниб, мақола ва тезислар кўринишида йиғилиб, мавзуга алоқадор жамланмалар ва китоблар холига келтирилди. Шунингдек, Абу Мансур ал-Мотуридий ва мотуридийлик таълимотини кенг тарғиб этиш мақсадида халқаро миқёсда симпозиум ва конференциялар ташкил этилди. Туркияда шу пайтгача Имом Мотурудий ва мотурудийлик таълимоти мавзусида 1 марта миллий ва 3 марта халқаро, умумий 4 та симпозиум ўтказилган. Халқаро симпозиумларнинг биринчиси Мармара Университети Илоҳиёт факультети билан Исломшунослик тадқиқотлари фондининг ҳамкорлигида 2009 йилнинг 22-24 март кунлари Истанбулда “Катта турк олими Имом Мотурудий ва мотурудийлик халқаро илмий баҳс учрашуви” номли тадбир ташкил этилди ва бу ерда тақдим этилган ҳужжатлар 2012 йилда Истанбулда “Катта турк олими Имом Мотурудий ва Мотурудийлик халқаро илмий баҳс учрашуви” номи билан чоп этирилди.¹¹⁰ Иккинчи халқаро симпозиум эса 2014 йилнинг 28-30-апрелида Эскишаҳарда «Эскишаҳар Усмон Ғози Университети»да “Улуғ бир чинор Имом Мотурудий халқаро симпозиуми” ташкил этилди ва бу ерда 60 дан ортиқ ҳужжатлар киритилган. Бу ерга киритилган ҳужжатлар “Улуғ бир чинор Имом Мотурудий халқаро симпозиуми ҳужжатлар китоби” номи билан Истанбулда 2014 йилда чоп этилган.¹¹¹ Халқаро симпозиумларнинг учинчиси 2017 йилнинг 5-7 май кунлари “IV. Халқаро Шайх Шабани Вали Симпозиуми – Ҳанафийлик – Мотурудийлик – Симпозиуми” Кастамону Университети томонидан ташкил этилган ва бу ерга 150 га яқин ҳужжат киритилган, киритилган ҳужжатлар ўша йилнинг ўзида 3 та жилд шаклида чоп этилган.¹¹² 2009 йилда нашр этилган “Салжуқийлар даврида Мотурудийлик” номли тадқиқот ишида Мотурудийликнинг Салжуқийлар даврида кенг тарқалишининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-маданий шарт-шароитлари тўғрисида муҳим маълумотлар келтирилган. Асарнинг биринчи қисмида Салжуқийлар давридаги сиёсий, ижтимоий ва диний вазият ҳақида қисқа, лекин муҳим маълумотлар берилган.¹¹³ Иккинчи қисмда эса, Салжуқийлар даврида Хуросон ва Мовароуннаҳрда мотурудийликни тарқалишининг сиёсий ва ижтимоий-сиёсий омиллари таҳлил қилинган.¹¹⁴ Шунингдек, муаллиф Салжуқийлар давридаги Ҳанафий-Мотурудий олимларининг қўлёзмалари, Имом Мотурудийнинг калом илми ҳамда Ҳанафий фикҳига доир муҳим маълумотлар билан ҳам таништиради. Асарнинг сўнги қисмидан жой олган кўшимча маълумотларнинг биринчисида “Салжуқийлар даврида Ҳанафий-Мотурудий олимларининг рўяхати”, иккин-

¹¹⁰ Bkz.: Büyük Türk Din Bilgini İmâm Mâtürîdi ve Mâtürîdilik Milleterarası Tartışmalı İlmi Toplantı, M. Ü. İlahiyat Fakültesi Vakfı Yay., İstanbul, 2012.

¹¹¹ Bkz.: Uluğ Bir Çınar İmâm Mâtürîdi Uluslararası Sempozyum Tebliğler Kitabı, Ofis Yayın Matbaacılık, İstanbul, 2014.

¹¹² Bkz.: IV. Uluslararası Şeyh Şa'bân-ı Veli Sempozyumu -Hanefilik-Mâtürîdilik-, Edit: Cengiz Çuhadar, Mustafa Aykaç ve Yusuf Koçak, Kastamonu Üniversitesi Yayınları, Kastamonu, 2017.

¹¹³ Ahmet Ak, Selçuklular Döneminde Mâtürîdilik, Yayınevi Yay., Ankara, 2009, s. 29-67.

¹¹⁴ Ak, Selçuklular Döneminde Mâtürîdilik, s. 69-174.

чисида эса шу олимларнинг асарлари тўғрисидаги маълумотлар жой олган.¹¹⁵ 2010 йилда Меҳмет Сафдет Сарикая томонидан ёзилган “Мотурудийнинг дин тушунчасида бағрикенглик” номли мақоласида эса, Абу Мансур ал-Мотурудийнинг асарлари ва замонавий илмий тадқиқот натижалари асосида, алломанинг бошқа эътиқод ва мазҳабдагиларга нисбатан муносабати кенг доирада очиб берилган.¹¹⁶

Туркияда Имом Мотурудий ва Мотурудийлик мавзуси бўйича иккита академик журналнинг махсус сонлари нашр қилинди. Булардан биринчиси Ҳикмет Юрду Журнали 2/4 (Июль-Декабрь 2009); иккинчиси эса Милол ва Ниҳол Журнали 7/2 (Август 2010)дир. Ҳикмет Юрду Журналида “Мотурудийнинг тафаккур тизимининг аҳамияти”,¹¹⁷ “Мотурудийнинг имоннинг зиёда бўлишини ифодаловчи оятларга ёндашуви”¹¹⁸, “Мотурудийга кўра коинот ва инсоннинг яратилиш ҳикмати”¹¹⁹, “Мотурудийнинг турк маданиятидаги ўрни”¹²⁰, “Имом Мотурудийнинг ҳаёти, асарлари ва ислом тафаккуридаги ўрни”¹²¹ каби мавзуларга жой берилган. Туркияда чоп этилган журналлар орасида Мотурудий ва Мотурудийлик билан боғлиқ махсус сон бўлгани туфайли Мотурудий ва Мотурудийликнинг қисқа вақт ичида кенг оммани жалб қила олганида муҳим рол ўйнайди.

Хулоса. Ҳар бир инсоннинг ҳақиқат дунёсига олиб кетиши мумкин бўлган ягона бойлиги унинг имони соясида адо этилган солиҳ амаларидир. Солиҳ амаллар деганда, ўз биродарлари учун Аллоҳ йўлида энг мақбул бўлган ишларни амалга ошириш назарда тутилади. Бунга оддий кўчат экишдан то илму-маърифат чирогини ёқишгача бўлган масофадаги ҳайрли ишлар жамлангандир. Ҳазрат Имом Абу Мансур ал-Мотурудий бобомизнинг калом илми борасида қилган ишлари ана шу илму-маърифат чирогини бутун дунё мусулмонлари орасида муқаддас динимизнинг асл мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб берувчи восита бўлиб шаклланишига сабаб бўлди. Алломанинг мерос қилиб қолдирган “Китоб ат-Тавҳид” ҳамда “Таъвилотул-Қуръон” номли асарлари эса одамларни пок имонга, соф эътиқодга риоя қилишга, динимизнинг асл гоёвий иддиэларини англаб етишга, эзгу амалларни сидқидилдан бажаришга ундайди. Фикри ожизимизга кўра, буюк алломанинг нодир асарларини мукамал ўрганиб, илмий жиҳатдан таҳлил ва тадқиқ этишимиз ҳамда жаҳон олимлари эътироф этган асл мазмун-моҳиятини англаб етишимиз, барчамиз учун ҳар хил бемаъни гоё ва ақи-

¹¹⁵ Ak, Selçuklular Döneminde Mâtürîdîlik, s. 175-196.

¹¹⁶ Sarıkaya, M. Saffet, «Maturîdî'nin Din Anlayışında Hoşgörü». e-Makalat Mezhep Araştırmaları Dergisi, 2010, sy. 3, s. 146-164

¹¹⁷ Hanfî Özcan, “Mâtürîdî'nin Düşünce Sisteminin Önemi”, Hikmet Yurdu Dergisi, 2009, sy. 4, s. 13-15.

¹¹⁸ Abdurrahman Kasapoğlu, Mâtürîdî'nin İmanda Artmayı İfade Eden Âyetlere Yaklaşımı”, Hikmet Yurdu Dergisi, 2009, sy. 4, s. 47-69..

¹¹⁹ Hulusi Arslan, “Mâtürîdî'ye Göre Evren ve İnsanın Yaratılış Hikmeti”, Hikmet Yurdu Dergisi, 2009, sy. 4, s. 71-90.

¹²⁰ A. Vevbi Ecer, Mâtürîdî'nin Türk Kültüründeki Yeri”, Hikmet Yurdu Dergisi, 2009, sy. 4, s. 91-107..

¹²¹ Ali Duman, “İmam Mâtürîdî, Hayatı, Eserleri ve İslam Düşüncesindeki Yeri”, Hikmet Yurdu Dergisi, 2009, sy. 4, s. 109-126.

даларга эргашмасдан, тўғри йўл топиб кетишимизга, шунингдек, соф бегараз эътиқодларга эришишимизга асосий туртки бўлади десак муболага бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2020 йил 24 январ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. <http://president.uz>
2. И.А.Каримов "Юксак маънавият-енгилмас куч" Т; "Маънавият" наириёти 2008 ў. 39-бет
3. М. Шерафеддин Ялткайя, "Ebu Mansûr Mâturîdî", Dârü'l-Fünun İlahiyat Fakültesi Mecmuası, İstanbul, 1932, c.5, sy. 23, s. 7-12.
4. Y. Ziya Yörükân, "İslam Akaid Sisteminde Gelişmeler İmam-Azam Ebû Hanîfe ve İmam Ebû Mansûr-i Mâturîdî" AÜİFD (Ankara Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Dergisi), Ankara, 1953, c.2, sy. 2-3, s. 127-142.
5. Muhammed b. TavîT Tanci, "Abû Mansûr al-Mâturîdî", AÜİFD, Ankara, 1955, c.4, sy. 1-2, s. 1-12. 5
6. Vehbi Ecer, "Ebû Mansûr el-Mâturîdî", İslam Medeniyeti Dergisi, 1973, sy. 29, s. 10-14; Türk Din Bilgini Mâturîdî, Ankara 1978; A. Vehbi Ecer'in diğer çalışmaları için bkz., Kutlu, "Ebû Mansur el-Mâturîdî ve Mâturîdî Kültür Çevresiyle İlgili Bibliyografya", İmam Mâturîdî ve Maturidilik, Haz. Sönmez Kutlu, Otto Yayınları, 6. Baskı, Ankara 2016, s. 491, 492.
7. Зиёдов Ш.Ал-Абу Мансур ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси, А.Қодирий номидаги халқ мероси наириёти Т; 2000 ў. 13 б
8. Абдулазиз Мансур "Ақоид матнлари" Тошкент Ислон Университети наириёти Т; 2006 ў 5 б.
9. Зиёдов Ш.Ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси, А.Қодирий номидаги халқ мероси наириёти Т; 2000 ў. 15 б.
10. Bkz.: Ebû Mansûr Semerkandî-Mâturîdî Kongresi, Erciyes Üniversitesi Matbaası, Kayseri, 1990.
11. Lisansüstü tezlerden bazıları şunlardır: Mürsel Erdoğan, "Matürîdîliğin Anadolu'ya Gelişi", Ankara Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, Ankara 2006 (Yüksek Lisans);...

ТУРИСТИК РЕКЛАМАНИНГ ИФОДАВИЙ ВОСИТАЛАРИ ТАҲЛИЛИГА ДОИР

А.Х.Исмаилова,
“Умумий ва аниқ фанлар” кафедраси
ўқитувчиси, ТДИУ

Аннотация: Ushbu maqolada milliy turizmning stilistik xususiyatlari tasniflanadi reklama, shuningdek, uning turli funksiyalari. Ushbu maqolada turistik reklamalarni ommaga yetkazish usullari tahlil qilinadi va bir necha misollar bilan tushuntiriladi.

Tayanch iboralar: reklama, pragmatika, aniq ma'no, yashirin ma'no, turizm, stilistika, destinatsiya

Аннотация: В статье классифицируются стилистические особенности национального туризма, реклама, а также ее различные функции. В этой статье анализируются способы доставки туристической рекламы населению и объясняются эти способы на нескольких примерах.

Ключевые слова: реклама, прагматика, явный смысл, скрытый смысл, туризм, стилистика, дестинация.

Abstract: This article classifies the stylistic features of national tourism advertising, as well as its various functions. This article analyzes the ways in which tourist advertisements are delivered to the public and explains them with a few examples.

Key words: advertising, pragmatics, explicit meaning, implicit meaning, tourism, stylistics, destination

Кирриш. Рекламанинг таъкидланган усулларида фойдаланиб, истеъмолича маҳсулотга ёки туристик реклама мисолида бирор дестинацияга нисбатан боғланиб қолиш сайёҳ ёки истеъмолича таниш бўлган ҳиссиётларни уйғотиш орқали мақсадга эришилади. Эътибор берган бўлсангиз кўпга реклама эълонларида “оила”, “ота-она”, “бахтиёр болалик” билан боғлиқ матнлар қўлланилади. Мисол учун сут маҳсулотларида кўпинча “қишлоқ”, “бувижоним” каби сўзлар қўлланилганда, инсонларда бу маҳсулот соф, қўшимчаларсиз деган фикр уйғонади. Бунинг сабабини “бувижон” роли меҳр билан ҳамнафас бўлиб қолгани, ёки “қишлоқ” сўзи бу табиийликни англашиши билан боғлиқлигидир. Тадқиқотчилар рекламанинг маълумот берувчи ва ҳиссиёт уйғотувчи турларида турли ҳил воситалардан фойдаланиш кераклигини таъкидлайдилар. Ҳиссий таъсир кўрсатувчи рекламада кўпроқ инсон онгига бевосита таъсир ўтказиб, унинг танловини айнан ўша маҳсулотга тилнинг ифода воситаларидан унуми фойдаланиш орқали йўналтириш, маълумот рекламасида бу маҳсулот жой ҳақида тўғри маълумот беришда фойдаланиш мумкин. Туристтик рекламада асосан информатив эълонлар ўрин олса-да, сайёҳларни жалб қилиш учун ҳиссий ифода воситаларидан

хам қўлланилади. Рекламанинг прагматик хусусиятлари реклама берувчи, эълон қилинаётган маҳсулот, эълон мўлжалланган истеъмолчилар билан боғланади. Рекламанинг энг аҳамиятли ҳозирги кундаги ривожланган тури бу туристик рекламадир. 21-аср сайёҳларида ўзга мамлакатлар маданиятидан баҳра олиш, гастрономик имкониятларидан баҳраманд бўлиш ва кўплаб бошқа имкониятлар мавжуд.

Глобаллашувнинг яна бир яхши жиҳати бу туризм маҳсулотларини тез ва самарали равишда эълон қилиб оммага етказишдир. Рекламанинг бир томонлама йўналтирилган мураккаб жараён эканлиги ва тилнинг жонли воситаси бўлиб иштирокчилар ўртасидаги муносабатларни ифодалайди десак адшмаймиз. Бошқа реклама турлари каби туристик рекламада ҳам сайёҳларни онгига таъсир этиш хусусияти юқори ҳамда лингвокультурологик жиҳатдан ҳам бой. Туристик рекламада кўпинча яширин таъсир турлари қўлланилади. Шу сабабдан туристик рекламанинг прагматик жиҳатлари ўрганилганда, унинг “эксплицит” ва “имплицит” таъсир, мулоқотдаги таъсир қилиш, истеъмолчига “тузоқлар” кўйиш орқали сайёҳни очиқламаган ҳолда жалб қилиш усуллари ургу берилади.

Албатта сайёҳлик рекламасида сарлавҳа ва шиорнинг ўрни бекиёс. Слоган чақмоқдек эътиборни қаратиб, инсонлар учун ўша мамлакат ёки зиёратгоҳларга қизиқишни уйғотиб, прагматик воситалар билан онгсиз равишда яширин мулоқотга киргач ўз ўзидан туристик оқим ошиб боришига сабаб бўлиши шубҳасиздир. Рекламанинг прагматик таъсирида иштирок этувчи прагмалингвистик воситалардан бири манипуляция ҳақида сўз юритайлик. Манипуляция — “қўл” маъносини англатиб Европанинг кўплаб лугатларида бу қўл билан ниманидир абжирлик билан бошқариш деган маънога тўғри келади. Шу тарзда ушбу сўзнинг ҳозирги маъноси яъни инсонларни худди буюмни бошқаргандек абжирлик ила бошқариш маъноси келиб чиқади. Оксфорд инглиз тили лугатида бу сўзга инсонларга эътиборсиз тарзда абжирлик билан яширин тарзда бошқариш” дея изоҳ берилган. Манипуляция ҳақидаги илк китоблардан бири германиялик социолог Герберт Франкенинг “Манипуляция қилинадиган инсон” асарида атрофлича маълумот берилган. Унинг фикрича Манипуляция деганда кўп ҳолларда яширин равишда амалга оширилишига йўналтирилган, инсонга фойда келтирмайдиган таъсирга айтилади. Бунинг оддийгина мисоли бу рекламадир.¹²² Рекламанинг асл мақсади маҳсулотни сотиш бўлсада аслида у маҳсулотни эмас маҳсулот орқали эришиладиган ҳиссиётларни истеъмолчига етказиб беради. Сайёҳлар ҳам сайёҳати орқали яхши таъсуротлар олиб келиш ниятида отландилар.

Реклама матнида яширинган маъноларни ангалаш машаққат талаб қиласада, эксплицит маънога эга матнларда мақсад очиқ намён этилади. Унда реклама орқали англатилиши керак бўлган мурожат аниқ тақдим этилади. Бу каби рекламаларда позитив маъно ифодаловчи сўзлар иштирок этади. Рекламада экс-

¹²² . Картон, Г. Эффективная реклама / Г. Картон. - М.: Прогресс, 1991. - 186с.

плицит маъноли сўзлар одатда ижобий баҳо берувчи сўзлар билан ифодаланади. Уларга “янги” “энг зўр”, “ягона”, “самарали”, “арзон”, “текин”, “ишончли”, “табий” сўзлари киради. Эксплицит маънодан ташқари деярли ҳар бир мурожаатда имплицит (яширин) маъно мавжуд бўлиб унда мулоқот кўриниши юқори эмас шу сабабли ҳам адресатнинг онги орқали бошқарилади. Айнан шу маълумотни онгга таъсир ўтказишда қўлланилади. Рекламада имплицит информация маҳсулотнинг баҳосини ошириб бериш мақсадида қўлланилиши мумкин. Имплицит маълумотни аниқлаб уни мақсадли ишлатиш реклама соҳасида олдинга қўйилган мақсадларни амалга оширишда иштирок этади. Манипулятив мақсадда фойдаланилган имплицит маълумот адресатнинг ёлгон хулосага келишига туртки бўлади. Имплицит маълумотнинг реклама эълонларидаги жозибаси қуйидаги ҳолатлар билан боғлиқдир:

➤ Матндаги аниқ берилган маълумотдан фарқли равишда имплицит маълумот одатда адресат томонидан тушунилмайди. У аналитик фикрлар орқали тушунилгани сабабли адресат унга баҳо берган ҳолда салбий ёндашиб ёки шубҳалана олмайди.

➤ Адресат маълумотни шарҳлаш орқали ўзи англаб олади яъни тайёр ҳолда унга эга бўлмайди.

Шу тариқа маълумотни борича қабул қилади ва тасдиқ изламайди. Имплицит маълумотнинг таъсири унинг қийин тарзда ажратиб олишдадир. Адресант яъни реклама берувчини реклама матнларида яширин берилган маълумот учун жазога тортиш мушкул¹²³ Таъкидлаш лозимки, бадий матннинг ўзига хос хусусиятлари унинг яширин маъноларини ўрганишда самара бериши табиий ҳолдир. Уларни идрок этиш ва тушуниш учун лисоний қобилият билан бирга онгдаги умумий билимлар заҳираси ҳам ҳаракатга келади. Масалан, тадқиқотчи М.Ҳақимов импликация тушунчасини ифодалаш учун “*умумяширин*” атамасини қўллайди ва яширин маъноларнинг барчасини қамраб олишини, лекин ўзбек тилида бу борада умуман тадқиқодлар олиб борилмаган бўлса-да, мумтоз адабиётга оид назарий манбалар бу йўналишга оид фактик материалларга ниҳоятда бой эканлигини таъкидлайди. Н.А.Панина эса импликация масаласига биринчилардан бўлиб эътибор қаратади. У бу масалага қуйидагича баҳо беради: «имплицитлик гапнинг маъносини билвосита англаш ва ундан қўшимча ахборотларни олиш имкониятидан иборат». И.В.Арнольд импликацияда «микрореконтекста пайдо бўлган ва тил бирликлари билан бевосита кўрсатилмаган қўшимча маъно»лар юзага чиқишини эътироф этади. Бу Борада М. Ҳақимов “Ўзбек прагматлингвистикаси асослари” асарида тўхталиб ўтади. У яширин мазмун ифодалаш шакллари турлича кўринишлардан иборат булганлиги учун уларни дастлаб икки гуруҳга ажратиб тадқиқ этади: 1. Умумий яширин маънолар. 2. Хусусий яширин

¹²³ Юлия К Пирогова Имплицитная информация как средство коммуникативного воздействия и манипулирования (на материале рекламных и PR-сообщений) Проблемы прикладной лингвистики 2001 Moskva 209-227.

² М.С.Мадаминова утқда ифодаланадиган имплицитликнинг мураккаб семантик таркиби анду «Oriental Art and Culture» Scientific-Methodical Journal - (SI) II/2020

маънолар. Умумий яширин маънолар сўзловчи, тингловчи ва барча нутқ иштирокчилари англаб олиши мумкин булган яширин маънолардир. Уларга ибора, реплика, матаал, макол, топишмок ва шу кабилар киради. Бундай матнлар оркали ифодаланган тагмаънолар хар кандай нутқ иштирокчиси учун маълум бўлишлик белгиси билан характерланади. Яширин маънонинг хар кандай синтактик бирликлардаги новербал мазмуний имкониятлари куп холларда матннинг жанр хусусиятлари билан боғланади. Умумий яширин маъно куринишлари паремиологик жанрга хос матнларда кўзга яккол ташланади. Бундай матнлар тор вербал синтактик шакл сифатида сўзловчи назарда тутган яширин маънони ифодалаш учун кенг мазмуний имкониятга эгалиги билан ажралиб туради¹²⁴.

Рекаламнинг онга таъсир этиш функцияси Ю. К Пироговнинг ишларида намоён бўлиб унга кўра манипуляция тушунчаси онг орқали яширин тарзда мулоқотни амалга ошириб суҳбатдошнинг хулқ атвори ва муносабатига таъсир кўрсатишдир.¹²⁵ Эълонларнинг улкан таъсир кучи унинг прагматик вазифасини ўта муҳимлигини белгилаб беради. Аввал таъкидлаганимиздек, рекаламнинг энг асосий хусусияти бу унинг номоддийлигидир. Сайёҳ реклама таклифини яхши ёки ёмон эканлигини саёҳатга чиқиб ўз кўзи билан кўриб амин бўлмагунча баҳолай олмайди. Бу эса туристик рекаламнинг мукамал бўлишини талаб қилиб, реклама тилига кўпроқ маъсулият юклайди. Истеъмол товарларидан фарқли равишда сайёҳдик хизматлари ўзгарувчан бўлиши, эълонлар матнида прагматик жиҳатларнинг ривождантириб янгиланиб туришини талаб этади. Шу сабабдан ҳам реклама мўлжалланган сайёҳлар аудиториясида мувафақиятга эришиши учун эълон берувчи махсулотни шундай ифодалаш керакки, ундан воз кечиш жуда қийин бўлиши лозим. Туризм соҳасидаги реклама эълонларида прагматик хусусиятларни жамлаб сайёҳларга фойдали бўлган маълумотларни мужассам этган йўлхаритаси вазифасини ўтайди. Унинг мазмуни қаерга бориш нималарни томоша қилиш, нималар сотиб олиш кабиларни жамлайди. Матннинг прагматик жиҳатларини ошириш мақсадида атоқли отлар, ёрқин ҳиссиётларни тақдим этувчи турдош отлар қўлланилиб уларнинг мақсади сайёҳнинг реклама берувчи таклифига жавоб бериш истагини оширишдан иборатдир. Истеъмолчига таъсир кўрсатувчи атоқли отларга эстрада, кино ва театр юлдузларининг исмлари киради. Шу билан биргаликда сиёсат намоёндаларининг исмлари ҳам нуфузга эга. Қуйидаги мисоллар орқали ушбу ҳолатга назар солайлик:

Fantastic Holidays to Boston! The home of the Red Sox, numerous sites of historical significance and with beautiful architecture stretching back to the 16th century, and it's clear to see why Boston welcomes millions of visitors every year Why not learn more about Boston's fascinating history, and its role in the Revolutionary War, by taking a wander along the world-renowned, Freedom Trail?.¹²⁶ (Бостонда

¹²⁴ Хақимов, Муҳаммад Узбек прагматингвистикаси асослари / М.Хақимов; масъул му^аррир А.Нурмонов. - Тошкент: Akademyash, 2013. - 176 б.

¹²⁵ Пирогова Ю. К. Ложные умозаключения при интерпретации рекламы // Реклама. 2000. № 2. С. 15–18.

¹²⁶ <https://www.barrheadtravel.co.uk/worldwide/usa/boston>

фантастик дам олиш! “Ред Сокс” нинг ватани 16-асрга оид гўзал меъморчиликка эга бўлган кўплаб жойлар ва нима учун Бостон ҳар йили миллионлаб меҳмонларни кутиб олишини аниқ билиб олиш мумкин. Бостоннинг ажойиб тарихи ҳамда инқилоб урушидаги ўрни ҳақида дунёга машҳур “Озодлик йўли” бўйлаб саёҳат қилиб кўпроқ билиб олишга нима дейсиз?)

Ушбу реклама эълонида Бостон шаҳрининг таърифини келтириш мақсадида Бостоннинг машҳур профессионал бейсбол командаси “Ред Сокс” нинг номи қўлланилган. Кўплаб сайёҳлар Бостонда бўлмаган бўлса ҳам, ушбу спорт гуруҳининг номидан ҳабардор бўлиши мумкинлигидан сайёҳлик эълони тузувчилари унумли фаойдаланишган. Эълоннинг давомида эса риторик савол тақдим этилган. Бостоннинг тарихий аҳамиятли жойлари моҳирона илмоқли таъкидланганки, бунга ўз-ўзидан сайёҳ “йўқ” дея жавоб бериши мушкул. Бу реклама эълонидаги прагматик маъно “имплицит” тарзда яъни яширин ҳолатда тақдим этилмоқда. Эълонни ўқиган турист ушбу тасвирланган жойларни кўпроқ ислоҳ қилишга ўзида иштиёқни сезиб, онгли равишда “Ҳа” деб жавоб беришига ундаш учун сўроқ тарзидаги эълон яратилган. Оқибатда сайёҳ ўз ҳоҳиши билан кейинги жараён яъни фикрдан ҳаракатга келиши муҳимдир.

2. Experience cities, beaches and wildlife on this South Africa family holiday. Starting in the beachside city of Cape Town, you have a few days to explore. Take the cable car to the top of Table Mountain for unparalleled views or catch a boat over to Robben Island to learn about this nation’s history of struggle and in particular, the role played by Nelson Mandela.¹²⁷ (Ушбу Жанубий Африкадаги оилавий таътилда шаҳарларни, соҳиларни ва ёввойи табиатни кўринг. Кейптаун шаҳрининг қирғоғидан бошлаб, тадқиқот учун бир неча кунингиз бор. “Table” тоғининг чўққисига чиқиб, мисли кўрилмаган манзараларни кўринг ёки Роббен ороли бўйлаб қайиққа ўтириб, ушбу халқнинг кураш тарихи ва хусусан, Нелсон Мандела ўйнаган роли ҳақида билиб олинг.

Ушбу эълонда Жанубий Африкага саёҳат тури эълон қилиниб, унда эълоннинг самарасини оширишда Жанубий Африканинг озодлик куйчиси нобел мукофоти совриндори Нельсон Мандела номини қўллаш орқали сайёҳлар эътибори тортилган.

Affectionately known as God’s Country by locals, visit Yorkshire and you too will be converted by the stunning scenery, cities steeped in industrial heritage, and charming market towns to explore. Delightful places to visit in Yorkshire include Beverley, a thriving medieval market town, and historic York where you can admire gothic York Minster cathedral. Looking for a challenge? Fun things to do in Yorkshire include uphill climbs across the Yorkshire Dales, where you’ll be rewarded by jaw-dropping views, or try your hand at surfing in beach towns like Scarborough.¹²⁸ (-Маҳаллий аҳоли томонидан меҳр ила «Худонинг мамлақати» деб номланувчи

¹²⁷ <https://www.travelnation.co.uk/tours/tailor-made-holidays/south-africa-family-holiday-garden-route-safari>

¹²⁸ <https://www.visitengland.com/things-to-do/yorkshire>



Ёркширда ташриф буюринг ва сиз ҳам ажойиб манзара, саноат меросига бой шаҳарлар ва мафтункор бозор шаҳарлари билан танишасиз. Ёркширда зиёрат қилиш учун ёқимли жойларга Беверлей, ривожланган ўрта асрлар шаҳарчаси ва тарихий Ёрк киради, у эрда сиз готик Ёрк Минстер соборини томоша қилишингиз мумкин. Челлендж излаясизми? Ёркширда қилиш мумкин бўлган қизиқарли нарсалар орасида Ёркшир Дейл бўйлаб тепаликка ўрмалаб чиқишни ҳам киргизиш мумкин бу ерда сиз ҳайратланарли тасвир билан мукофотланишингиз ёки Скарборода серфинг учишда ўзингизни синаб кўришингиз мумкин.)

Learning from films is stimulating and enjoyable

All of us love movies, cartoons. We can make this love to serve us for improvement of the language. Teachers can choose a movie, cartoon or documentaries according to the students’ age and level. Students try to understand each word and by doing it, they develop their listening and speaking abilities. You can give the task — to write the meaning of the part they have watched. On the other hand, just discuss the happened situation. For many students, films are their initial contact with English-speaking culture. Films are a useful means for students to listen to authentic spoken communication and be exposed to various features of spoken communication, such as vocabulary, pronunciation, voice modulation, accent, speech pace, and tone. In addition, since there are many films based upon a vast number of topics, themes, and issues, the teachers could use them to initiate or stimulate discussions about a certain focus area, be it a historical event, a time or the culture of a foreign country. Films also offer English language teachers with a good opportunity to bring in local themes, natural discourse, and cultural information. They are an ideal way of engaging the



students and being advantageous in second language learning at the same time, and teachers could go back over particular clips of the film to give attention to specific phrases or expressions. Films are a fun way for students to relax/unwind and learn all at the same time. Not to mention, by bringing popular films into ESL lessons, English teachers could guide students how they can learn from and practice English when watching films in their own time. Motivation is amongst the most crucial factors in considering effective second-language acquisition. Films and are an inclusive piece of students' lives today so it makes perfect sense to integrate them into the language classroom. Film, as a motivator, additionally renders the language learning process a lot more enjoyable and entertaining.

To hold debate classes. Turnabout is fair play, or so they say. We can take a day to switch roles. Having a "hot conversation" on a topic that they want to talk about – music, movies, techno-bubble, etc. The interest in talking on a favorite topic will make the student to speak in spite of his/her mistake in speech.

Organize conversation clubs.

We can organize extra conversation clubs after classes. We may start from 2:00 p.m. to 2:30 p.m. or whatever time, day or duration can suit our students and us. The key is to give them the majority of control, or at least as much as possible. Teachers can use props, use realia, pictures, music or whatever teachers and their students may have on hand to start, stop and sustain the activities. We can use the students' imagination. We should just try something new for the starters. 5. Using music during the lesson. This activity provides students with challenging learning activities, which helps to improve students' listening skill.

Using this technique, the teacher plays a song and then the students should participate in one or more of the following activities: Close Procedure- Selected key words are removed from the text of the song and are placed in a word list that precedes the song lyrics. Students fill in the missing words as they listen to the song. Word Bingo- Students select words from the text of the song and place them in a bingo grid. Individually or in a small group, students then mark off the words as they hear them in the song. The first student or group to check off the words is the winner. Reordering- Particular phrases of the song are listed in an incorrect order. Students must number the phrases in the order that they appear in the song. An alternative activity is to write the song phrases on sentence strips. Students must then organize the strips in the proper order. Retelling- depending on the language capabilities of the student, retelling can begin with a simulation of the action within the song. Then, the students retell the story of the song in their own words, in a round, with each student contributing as much as he or she can in one sentence. As an extension of this activity, students could work in groups to illustrate scenes from the song. The groups could then retell the story using their illustrations. In many English classes, students read texts and demonstrate their understanding by responding to these texts in writing. While this practice is generally effective, students can be taught the same skills but in a more engaging and innovative way. By utilizing innovative

English teaching strategies, teachers can increase students' overall enjoyment of the subject and encourage them to become lifelong learners, continuing their education long after they leave the classroom.

Stimulate Debate & Discussion – Encourage your students to debate on a variety of subjects: fictional characters from a popular television show, “what if...” future scenarios, improvements they'd like to see in their community or environment, and whatever else gets them talking.

Bring up some sensational celebrity gossip every now and then, or taboo ideas that other teachers won't touch. Straying outside the established syllabus gives students more freedom to express themselves, and debating brings in an element of competition that's entirely language-based.

Try Immersive Reading Activities – Studying English literature is one of the most effective ways to develop fluency in reading, writing and to some extent, speaking the language. Instead of focusing on formal acquisition of literary concepts alone, though, engage your students with creative immersion activities.

Get them to compose music, re-enact or paint something about which they're currently reading. Let them work in groups and share ideas on certain projects, but include solo activities that encourage them to find their own unique meanings in poems, stories, and other literature as well.

Boost Writing Skills in Fun Ways

There's only one way to really gain written fluency in any language – practice, practice, practice. Unfortunately, most students today rely on smartphones or computers to correct anything they write, whether it's an instant message or a homework paper.

You need to make writing seem more interesting, especially when you're competing against popular slang and “SMS language” that seem to be killing the written word. Try collaborative projects with a modern twist. Set up a blog where students can regularly publish poetry, translations, short stories or even memes as a group.

Create a List of Grammar-Based Apps

Teaching students the concepts of grammar and composition is less about theory and more about practice. The number of hours they spend in your class is limited, but they're likely to have 24/7 access to a smartphone, tablet or laptop – use this to your advantage!

Leverage the power of web-based tools, by creating a list of the best apps and games that can be used for teaching English. Share these with your students to help them build their vocabulary, explore interactive platforms for learning, and improve their grammar through constant practice and exposure.

Maximize the Potential of Online Tools

Use smart classroom technology to monitor students' progress, encourage them to try out online learning tools and interact with English speakers on social media platforms etc. These unconventional methods of teaching resonate with young students who are completely at home on the web.



The Internet offers a practically endless array of reading material for students learning English, right from free e-books and stories to social media content, translation tools and blog posts. While speaking a language is important, reading allows students to grasp concepts autonomously and build their vocabulary faster.

Build an Inspirational Study Environment

Don't expect your students to get excited about learning if the classroom environment isn't designed to inspire them. There are a number of ways to boost the learning appeal of a certain space, so get creative and set up a zone that encourages and motivates students.

If you're an online English tutor, put in the time and effort to create a great website with well-written content and audio-visual aids. If you're teaching English in a physical space, include resources that will prompt students to learn. For instance, create reading areas with a variety of material from different authors and genres.

Use Self- and Peer-Assessment for Motivation

Everyone learns at their own pace, but no one can resist the chance to mark someone else's work or their own. This form of assessment allows students to grasp the values behind a certain concept, as well as understanding where they could improve.

Reviewing each other's work and their own helps boost confidence in their abilities as well as motivate them through healthy competition. Guide them through the process with a marking model, and encourage them to look for examples of grammatical concepts that they may need to practice more.

Whether you're an online tutor or teaching at a physical school, there's a lot to be gained from exploring new innovations in the field. After all, what seems like a radical technique today could reinvent the game tomorrow!

In conclusion, I can say that the methods and techniques given above not only motivate students, as well as due to them they can improve the main four skills such as reading, speaking, listening and writing which are very important in knowing a language.

Reference

1. Blacthfor, C. H. (1993). *Newspapers: Vehicles for teaching ESOL with a cultural focus*. *ELT Journal*, 7 (12), 145-151.
2. Bose, N. V. (2009). *Using authentic materials in ESL classrooms*. *The Journal of English Language Teaching*, 49 (3), 18-20.
3. Bose, N. V. (2010). *Using authentic materials in higher classes*. *The Journal of English Language Teaching*, 49 (2), 4-5.
4. Chih, S. (2008). *The value of English teaching story books*. *ELT Journal*, 67 (1), 39-48.
5. Foppoli, J. (2002). *Authentic vs graded materials in second languages*. Retrieved March 26, 2011, from <http://www.eslbase.com>.
6. Galarcep, M. F. (1968). *Puppets in teaching English*. *ELT Journal*, 25 (1), 165-170.
7. Homolova, E. (1992). *Creative approach to authentic materials in ESL*

ПЕДАГОГИК ЗИДДИЯТЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИДАГИ ШАРТ-ШАРОИТЛАРДА ШАХС ТОИФАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХИСЛАТЛАРИ

И.А.Имомов,

*Умумий ва аниқ фанлар кафедраси
катта ўқитувчиси, ТДИУ*

Аннотация: Мақолада педагогик зиддиятларнинг юзага келишидаги шарт-шароитлар, шахс тоифалари ва уларнинг хислатлари хусусида фикр-мулоҳазалар келтирилган.

Таянч иборалар: зиддият, жамоа, шахс, шарт-шароит, тоифа, хислат.

Аннотация: В статье представлены размышления об условиях возникновения педагогических конфликтов, о категориях личности и их качествах.

Ключевые слова: конфликт, коллектив, индивид, условие, категория, черта

Abstract: The article presents reflections on the conditions for the emergence of pedagogical conflicts, on the categories of personality and their qualities.

Keywords: conflict, collective, individual, condition, category, trait

Қириш. Зиддият (конфликт)лар инсон ҳаётининг ажралмас таркибий қисми бўлар экан, конфликтларни тан олмасликнинг, уларни инобатга олмасликнинг иложиси йўқ, фақат низоларни бошқариш, уларнинг ечимини топишга ўрганиш лозим. Зиддиятлар (конфликтлар) типологияси, яъни унинг ўзига хос тоифаларга, кўринишларга бўлиниши анча мураккаб ҳодиса ҳисобланади. Чунки ҳар бир реал зиддият (конфликт) фақат унинг ўзигагина хос бўлган хусусиятлардан иборат бўлади. Шу нуқтаи назардан, зиддиятларни ўхшаш гуруҳларга ажратиб ўрганиш бироз қийинчиликлар тугдирди. Аммо зиддиятларни бирор тўхтамга, бирор ижобий натижага келтириш усуллари жиҳатидан баъзи умумий қоидалар ва тамойилларни ажратиб кўрсатиш мумкин: низодан педагогик жараёнда моҳирона фойдаланиш учун албатта назарий билимларга эга бўлиш керак: унинг динамикасини ва унинг барча ташкил қилувчиларини яхши билиш керак. Зиддиятлар ҳозирги замоннинг энг долзарб ижтимоий муаммоларидан биридир.

Тадқиқот методологияси. Зиддияли вазиятларни ҳал этишда касбий компетентликни ривожлантириш мазмуни ва архитектуроникаси (мажмуавий тузилма)ни шакллантиришга нисбатан қуйидаги ёндашувлар мавжудлиги аниқланди: блок-даражали ёндашув, яъни касбий компетентлик мазмунини ўқув режасидаги фан блоклари доирасида ўзлаштириладиган ва фаолиятнинг асосий йўналишлари мазмунини ифодаловчи таянч, умумқасбий, махсус-пред-



метли компетенциялар тарзида типологиялаш; функционал ёндашув фаолият соҳаси ва лавозим доирасидаги касбий вазифаларни компетенциялар тизими асосида лойиҳалаштириш; мутахассиснинг аниқ меҳнат шароитларига тезкор ва зиддиятли вазиятларсиз мослашишига хизмат қилувчи компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган индивидуал-психологик ёндашув. Таълим муассасаларида зиддиятли вазиятларни ҳал этишда педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг андрагогик, акмеологик ва метакогнитив омиллари таснифланади.

Маълумки, метакогнитив омиллар бу мутахассиснинг касбий билим, кўникма ва компетенциялари асосида янги билимларни ўзлаштириш, ўз-ўзини касбий ривожлантириш учун асос бўлувчи омиллар мажмуи саналади.

Эмпирик таҳлиллар шуни кўрсатадики, педагог кадрларнинг низоли вазиятларни ҳал этишда касбий компетентлигини ривожлантириш мотивлари қуйидагиларда акс этади:

1. Умумий ижтимоий қизиқиш, ижтимоий норма ва кўрсатмалар мазмунини англашдан иборат бўлади. Масалан, касбий фаолият талабларига мос келиш учун, иш ўрнини сақлаб қолиш ва жамият ҳаётида иштирок этиш, узлуксиз таълим олиш зарурлигига ишониш фан-техника тараққиётида самарали қатнашишга интилиш ва бошқалар.

2. Илмий билиш мотивлари билишнинг мазмунига муносабатда ифодаланади. Масалан, фаннинг назарий муаммоларига қизиқиш, янги билиш жараёнига интилиш, илмий унвон ва даражаларга эга бўлиш ва бошқалар.

3. Касб мотивлари. Касбий компетентликни ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади. Масалан, касбнинг мазмуни, ижодий имкониятини баҳолаш ва бошқалар.

4. Ўз-ўзини тасдиқлаш мотивлари ўзининг қобилиятлари, лаёқати ва интилишини англашда намоён бўлади.

5. Шахсий мотивлар ва шахсий муваффақият мотивлари. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ўз-ўзини тасдиқлаш мотивлари ва илмий билиш мотивлари катта ёшлилар таълимидаги асосий ўқув мотивларидир.

Тадқиқот натижалари. Педагогик зиддиятларнинг юзага келишдаги шарт-шароитлар шахс тоифаларига ажратишда буларнинг бир неча сабаблари борлигини аниқладик. Демак, юқоридаги ҳолатлар кўп ҳолларда қуйидаги турлари мавжуд:

- 1) таъсирнинг йўналишига кўра: вертикал ва горизонтал;
- 2) низони ҳал қилиш усулига кўра: антогонистик ва келишувга олиб келадиган низолар - компромисс;
- 3) намоён бўлиш даражасига кўра: очиқ, яширин, потенциал, асосли;
- 4) иштирокчилар сонига кўра: ички шахсий, шахслараро, гуруҳлараро;
- 5) келиб чиқиш табиатига кўра: миллий, этник, миллатлараро, ишлаб чиқариш, хиссий-эмотсионал.

Хар бир зиддият алоҳида ҳодиса сифатида таҳлил қилинади, лекин уларнинг барчасига хос бўлган айрим қонуниятлар борки, уларга аввало унинг бошқичалари ёки фазалари киради:

I. Низо олди бошқич — конфронтатсия.

II. Низонинг ўзи - компромисс ёки жанжал.

III. Низодан чиқиш - мулоқот ёки диссонанс.

Демак, биринчи бошқичда конкрет масала юзасидан фикрлар ёки қарашларда тафовут ёки қарама-қаршилик учун шарт-шароит пайдо бўлади. Томонлар ўртасига совуқчилик тушади, улар ўзаро келишолмай қоладилар, агар бунда ташқаридан қараганда, кўзга ташланадиган низо бўлмаса-да, ўша шахсларнинг ўзи бир-бирларига нисбатан муносабатларида буни ҳис қила бошлайдилар. Агар раҳбар айнан шу бошқичда ҳодисага аралашиб, ўз вақтида оқилона қарорлар қабул қилолмаса, низо иккинчи бошқичга ўтади.

Иккинчи бошқичда ҳар иккала томон ўз қарашларини қарши томонниқидан афзал билиб, очиқчасига бир-бирларини айблаш бошлайдилар. Шу пайтда раҳбар уларни келиштиришга уринади, агар бу “уриниш” алоҳида - алоҳида тарзда томонларни кабинетга чақириб рўй берса, вазият янада таранглашиб, зиддият чуқурлашиши, томонлар ўз холича раҳбарни ҳам ўзининг тарафдори қилиб, у ҳам низонинг ишгирокчисига айланиб қолиши муқаррар бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай низони томонларни бирга чақирган ҳолда ҳал қилиш ва компромисс қарорлар чиқаришга тайёр туришни тавсия этади. Бунинг учун раҳбарда низонинг тахминий образи ва уни ҳал қилишга бир неча алтернатив ечимлар бўлиши керак.

Учинчи бошқич: низодан чиқиш - мулоқот ёки диссонанс (товушлар уйғунсизлиги, ҳамда оҳангликнинг, уйғунликнинг йўқлиги ёки бузилиши: акси консонанс (бир неча товушларнинг гармоник уйғунлиги; оҳангдорлиги).

Таҳлиллар. Зиддиятли ҳолатларда шахснинг қандай хулқ-атвор хусусиятларини намоён этишига қараб турли тоифаларини кузатилади. Булар:

1. Намойишкорона тоифадаги зиддиятли шахс.
2. Ригид тоифадаги зиддиятли шахс.
3. Бошқариб бўлмайдиган тоифадаги зиддиятли шахс.
4. Аниқликни талаб этадиган тоифадаги зиддиятли шахс.
5. Низосиз тоифадаги зиддиятли шахс.
6. Мақсадга йўналтирилган тоифадаги зиддиятли шахс.

Намойишкорона тоифадаги зиддиятли шахс хислатлари:

Диққат марказда бўлишни истайди; бошқалар кўз олдида яхши кўринишни хошлайди; унинг бошқаларга бўлган муносабати, одамларнинг унга муносабатидан келиб чиқади; осонгина юзаки зиддиятларга берила олади; турли вазиятларга осонгина мослашади; эмотсионал жиҳатдан фаол бўлиб, ақлан иш кўрмайди; вазиятга қараб ишини ташкил этади ва ҳар доим ҳам амал қилмайди; системали, огир ишлардан ўзини олиб қочади; зиддиятлардан чекинмайди, жанжалли вазиятларда ўзини ёмон ҳис этмайди; кўпинча зиддиятларга сабабчи бўлади, лекин



ўзини ундай ҳисобламайди.

Ригид тоифадаги зиддиятли шахс хислатлари:

Шубҳага берилувчан; ўзини баҳолаши ўта юқори; доимо шахсан тан олиншини талаб этади; вазият ўзгариши ва шароитларни инобатга олмайди; тўғри ва тушунмайдиган, яъни мослашмайдиган; қийинчилик билан атрофидагиларнинг фикрига киради, бошқаларнинг фикрига у қадар қўшилмайди; бошқалар томонидан унга эътибор кўрсатилишини мажбуриятдек кўради; бошқалар томонидан келишмаслик ёки қўшилмасликни хафагарчилик билан қабул қилади; ўз ҳаракатларига нисбатан танқидий қарамайди; ниҳоятда аразчи, ҳақиқий ёки арзимас ноҳақликларга ҳам таъсирчанликни намоён этади.

Бошқариб бўлмайдиган тоифадаги зиддиятли шахс хислатлари:

Ўзини етарли даражада назорат қилолмайди; хулқини аниқ айтиб бўлмайди; ўзини агрессив ва ниҳоятда зардалик билан кўрсатади; аксарият ҳолларда умумқабул этилган ижтимоий нормаларга риоя этмайди; юқори даражада ўзини баҳолаш хусусиятига эга; ўз шахсини таъкидданишини кутади; омадсизликлар ва хатоларда бошқаларни айблашга мойил; ўз фаолиятини режали ташкил эта олмайди ёки режаларини ҳаётга кетма-кетинлик билан жорий эта олмайди; ўз мақсади ва шароитларини мослаштира олиш қобилияти етарли ривожланмаган; ўтган тажрибадан келажак учун сабоқ чиқармайди.

Аниқликни талаб этадиган тоифадаги зиддиятли шахс хислатлари:

Ишга ниҳоятда жиддий ёндашади; ўзига ниҳоятда юқори талаб қўяди; атрофидагиларга юқори талаблар қўядики, бу уларга нисбатан гўёки таъкибдек туюлади; юқори даражада хавотирланиш хислатига эга; ҳамма нарсага ниҳоятда эътиборли; атрофидагиларнинг танқидий фикрига катта аҳамият беради; гоҳида дўстлари, танишлари билан муносабатларни узадикки, бу гўёки уни хафа қилганлари оқибатидек туюлади; гоҳида ўзи-ўзидан азият чекади, хатоларидан қайгуради, хатто гоҳида бу хатоларга нисбатан бош оғриқлари, уйқусизлик сифатида жавоб қайтаради; ташқи жиҳатдан хиссиётларини ошқора этмасликни маъқул билади; гуруҳдаги реал ўзаро муносабатларни яхши ҳис этмайди.

Низосиз тоифадаги зиддиятли шахс хислатлари:

Фикрлари ва қарашларида беқарор; енгил ишониш хислатига эга; ички қарама-қарши фикрларга эга; ҳаракатларида бир қадар уйғунлик йўқ; вазиятларда бир лаҳзалик ютуқларга таянади; келажакни, истиқболни етарли даражада кўра олмайди; лидерларнинг ва атрофидагиларнинг фикрига тобе; муросага келишга интилади; етарли даражада иродага эга эмас; ўз хатти-ҳаракатлари оқибатларини ва бошқаларнинг ҳаракатлари сабабларини чуқур ўйламайди.

Мақсадга йўналтирилган тоифадаги зиддиятли шахс хислатлари:

Низони ўз мақсадларига етишиш учун омил сифатида қарайди; низоларни ҳал этишда фаол томон сифатида ўзини намоён этади; ўзаро муносабатларда таъсир кўрсатишга мойил; низоларда мақсадли ҳаракат қилади, томонларнинг ҳолатини баҳолай олади, турли ҳолатларни ҳисоблайди; жанжалли вазиятларда

муомалани самарали таъсир усулларини қўллаш олади.

Юқоридаги шахс тоифаларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, зиддиятлар ва вазиятларда ўз-ўзини тутишнинг қуйидаги беш асосий услублари мавжуд:

- 1) мослашувчанлик, ён босиш;
- 2) ўзини четга олиш (чап бериш);
- 3) қарама-қаршилик (зиддият);
- 4) ҳамкорлик;
- 5) компромисс (муроса).

1. Мослашувчанлик, ён босиш – бир томоннинг ҳаракатлари иккинчи томон билан ижобий муносабатларини ўз манфаатлари ҳисобига сақлаб қолиш ёки тиклашга қаратилган. Бу ёндашув бир томоннинг улуши у қадар катта бўлмаган, ёки келишмовчилик сабаби иккинчи томон учун аҳамиятлироқ, бўлган ҳолатларда қўлланиши мумкин. Бундай ҳуққ вазият у қадар муҳим бўлмаган, ўз манфаатларини ҳимоя қилишдан кўра яхши муносабатларни сақлаб қолиш долзарб, ҳамда ғалабага бўлган имкониятлари, қўлидаги куч-имкони кам бўлган вазиятларда қўлланади.

2. Ўзини четга олиш (чап бериш, қочиб). Бунда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, қарорни ишлаб чиқиш учун ҳамкорлик қилишни истамаган, ўз позитсиясини билдиришдан бош тортган, баҳсдан бўйин товлаган ҳолларда танланади. Бу услуб қарорлар учун масъулиятдан қочиб низо (конфликт) яқини муҳим бўлмаган, ёки вазият ўта мураккаб ва низо (конфликт) нинг ҳал этилиши иштирокчилардан жуда кўп куч талаб этадиган, ё бўлмаса, конфликтни ўз фойдасига ҳал қилиш учун унинг кучи, ҳокимияти етмаган ҳолларда ишлатилиши мумкин.

3. Қарама-қаршилик, рақобат. Ўз манфаатлари йўлидаги фаол кураши, кўйилган мақсадларга эришиш учун имкони доирасидаги барча воситалар: ҳокимият, мажбур қилиш, босим кўрсатишнинг барча воситалари, бошқа иштирокчиларнинг ўзига боғлиқлигидан фойдаланиш кабиларни қўллаш билан тавсифланади. Вазият ўта муҳим, ғалаба қозониш ёки мағлубиятга учраш масаласи сифатида кўриб чиқилиб, қатъий позитсияни ва конфликтнинг қаршилик кўрсатган иштирокчиларига нисбатан муросасиз антагонизмни кўзда тутлади.

4. Ҳамкорлик. Ўзаро ҳаракатларга алоқадор барча иштирокчиларни қониқтирадиган ечимни излашда фаол қатнашишини, аммо бунда ўз манфаатларини ҳам унутмаслигини аниқлатади. Ошқора фикр алмашилиш, низода (конфликт) даги барча иштирокчиларнинг умумий ечим ишлаб чиқишдан манфаатдорлиги назарда тутилади. Бу шакл барча тарафларнинг ижобий ишини ҳамда иштирокчилар талаб этади. Бундай ёндашувда масала, ё юзага келган келишмовчиликлар ҳар томонлама мунозара қилиниши, ҳамда барча иштирокчилар манфаатларига риоя қилган ҳолда умумий ечим ишлаб чиқилиши эҳтимоли мавжуд.

5. Компромисс (муроса) ўзига хос оралиқ ҳолат эгаллаб, ҳам фаол, ҳам пасив таъсир қилиш шаклларини ўз ичига олади. У низо (конфликт) ли ўзаро ҳаракатларни қисман ҳал қилиб, чунки бу кўпгина ҳолда ўзаро ён босишлар амалга



ошганига қарамай, сабаблар буткул бартараф этилмаган бўлади. Бу каби ўзини тутиш услуби бир хил ҳокимиятга, кучга, ҳамда бир-бирини истисно этадиган манфаатларга эга бўлган, уларнинг бундан кўра афзалроқ, ечим излашга вақти чекланган бўлиб, уларни муайян вақтга қадар оралиқ, ечим ҳам қониқтирадиган пайт қўлланади. Баъзи ҳолларда конфронтатсия оқилона, назорат қилиш мумкин бўлган меъёрларда конфликтни ҳал қилиш нуқтани назаридан мослашиш, чап бериш, хатто компромисс (муроса)га нисбатан ҳам кўпроқ натижа бера олади. Бу ҳолда мағлубият янги низо (конфликт)ларни шакллантирадиган база ҳамда низо (конфликт)ли ҳаракатлар ҳудуди кенгайишига сабаб бўлмаслиги муҳим ўрин тутди.

Хулоса ва тақлифлар. Демак, зиддиятлар маълум вазият иштирокчилари бўлган шахсларнинг ижтимоий борлиқ, унда рўй бераётган ижтимоий-психологик ҳодисалар, уларга нисбатан шахс муносабатлари, баҳолари ўртасидаги зиддиятларни ифодалайди.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Анцупов А.Я. Профилактика конфликтов в школьном коллективе. – М.: Гуманитар. изд. центр Владос, 2004. – С. 38.
2. Каримова В.М. Психология / Ўқув қўланма. – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2002. – 205 б.
3. Кузина А.А. Воспитание конфликтологической компетентности старшеклассников. Автореферат дис. канд. пед. наук. – М., 2007. – 176 с.

BIOTEXNOLOGIK JARAYONLARDA ISSIQLIK UZATISHNI MODELLASHTIRISH

D.T.Salimov,

“Umumiy va aniq fanlar” kafedrası, TDIU

Annotasiya: Ushbu maqolada, biotexnologik jarayonlardagi issiqlik uzatish qonuniyatları, matematik model yordamida o'rganiladi. Buning uchun esa komp'yuter texnologiyasidan foydalanish zarurligi ko'rsatib o'tilgan. Bu matematik model shu kabi texnologik apparatlarda sodir bo'ladigan proseslar uchun ham o'rinaldir.

Tayanch iboralar: sintez, modellashtirish, eksperimental rivojlanish, modernizatsiya, biotexnologik jarayonlar, reagent, reaksiya, ozuqa suyuqligi, geterogen jarayon, erigan kislorod, izotermik.

Аннотация: В данной статье рассматриваются закономерности изменения теплообмена, на основе математических моделей. Для этого требуется использовать компьютерные технологии. Данный математический модель можно использовать и других аппаратов подобного типа.

Ключевые слова: синтез, моделирование, экспериментальная разработка, модернизация, биотехнологические процессы, реагент, реакция, исходная жидкость, гетерогенный процесс, растворенный кислород, изотермический.

Abstract: This article examines the patterns of changes in heat transfer, based on mathematical models. This requires the use of computer technology. This mathematical model can be used with other devices of this type.

Keywords: synthesis, modeling, experimental development, modernization, biotechnological processes, reagent, reaction, feed liquid, heterogeneous process, dissolved oxygen, isothermal.

Kirish. Iqtisodiy jarayonlarning asosiy yo'nalishi - bu biotexnologik jarayonlarni optimal boshqarish bo'lib, uning asosida jarayonning asosiy qonuniyatlarini aniqlashdan iborat. kerak. Biotexnologik ob'ektlarni tahlil qilish va sintez qilish muammolarini, zamonaviy echimining asosini modellashtirish tashkil etadi. Modellashtirishning mohiyati, uning strategiyasi bilan belgilanadi, u har qanday tizim muammosini hal qilishda qo'llaniladigan umumiy tamoyillarga asoslanadi.

Bunday holda, tizimni formallashtirish, tizimning chiqish o'zgaruvchilari, uning ichki parametrlari va kirish o'zgaruvchilari, shu jumladan boshqarish mumkin bo'lgan va tasodifiy ta'sirlar o'rtasidagi munosabatni aks ettiruvchi matematik model yordamida amalga oshiriladi. Matematik modellashtirish metodologiyasi – bu modellarni to'liq ishlashini nazarda tutadi. Amaliy biotexnologiyalarning, moslashuvchan avtomatlashtirilgan ishlab chiqarish tizimlari va qurilmalarning, boshqa yuqori texnologiyalarga asoslangan tez o'zgarayotgan tarmoqlarning



rivojlanishi, boshqariladigan texnik qurilmalar, biotexnologik jarayonlar, apparatlar va tizimlarning yanada takomillashishi va murakkablashishiga olib keladi. Ularning eksperimental rivojlanishi tobora ko'proq vaqt va moddiy resurslarni talab qila boshladi, hamda bir qator hollarda uni to'liq amalga oshirish maqbul echimga ega bo'lmagan muammoga aylantirdi. Bunday sharoitda, qurilmalar, texnologiyalar va tizimlarning xususiyatlarini nazariy va hisoblash tahlilining qiymati sezilarli darajada oshdi. Bunga, shuningdek, kompyuter texnikasi va sonli usullarni takomillashtirishdagi yutuq ham yordam berdi, bu esa katta hajmli xotiraga ega zamonaviy kompyuterlarning paydo bo'lishiga va arifmetik amallarni bajarish tezligiga olib keldi. Natijada biotexnologiyaning texnik qurilmalari, texnologik jarayonlari, apparatlari va tizimlarini modernizatsiya qilish uchun moddiy baza vujudga keldi.

Biotexnologik tizimlarni modellashtirish, noaniq bo'lgan axborot ko'rsatkichlarini hisobga olgan holda, matematik modellar metodologiyasiga asoslangan, biotexnologik tizimlar asosiy elementlarining ishlash dinamikasini kuzatish asosida, operatsion boshqaruv rejimida optimal qarorlar qabul qilish imkonini beradi.

Biotexnologik jarayonlar va tizimlar sohasidagi asosiy tushuncha, bu biotexnologiya tushunchasidir Biotexnologiya - bu xalq xo'jaligi va inson faoliyatining turli sohalari uchun qimmatli mahsulotlarni maqsadli ishlab chiqarish bo'lib, bu esa o'z navbatida mikroorganizmlarga asoslanadi,

Ushbu maqolada biotexnologik jarayonlarning issiqlik uzatishning statsionar bo'lmagan matematik modeli ko'rib chiqiladi.

Biotexnologik jarayonlarda temperatura taqsimotining tabiati unda sodir bo'ladigan jarayonlarni tahlil qilishda o'tamuhim ahamiyatga ega, chunki temperatura texnologik jarayonning asosiy parametrlaridan biridir. Birinchidan temperatura, biokimyoviy muvozanat holatiga va reagentlarning maksimal muvozanat darajasiga bog'liq. Ikkinchidan esa, biokimyoviy reaksiyalar tezligi temperaturaga bog'liq.

$$\mu(T) = k_0 \exp\left(-\frac{E}{R}\left(1 - \frac{T}{T^*}\right)^2\right),$$

bunda, k_0 - kinetik doimiy, ch^{-1} ; E - aktivizatsiya energiyasi, $\text{Дж}/(\text{K} \cdot \text{моль})$; T^* - maksimal o'sish tezligiga mos bo'lgan temperatura, K ; T - ozuqa suyuqligining temperaturasi, K .

Temperaturaning o'zgarishi, geterogen jarayonning kinetik sohadan diffuziya holatiga yoki aksincha o'tishiga olib keladi. Biotexnologik jarayonlarda temperaturaning bir xil taqsimlanishining buzilishi, kiruvchi zararli ta'sirlarga, jarayonning halokatli holatlariga olib keladi.

Biotexnologik apparatlardagi temperaturaning, yoki apparat ichida temperatura taqsimotining o'zgarishi, unda sodir bo'ladigan jarayonlar, ya'ni erigan kislorodni ushlab turish uchun zarur bo'lgan qurilmaga havo etkazib berish

natijasida, apparatning atrof-muhit bilan issiqlik almashinuvida, shuningdek, jarayon natijasida issiqlik ishlab chiqarish bilan sodir bo'ladi. Bu shuni anglatadiki, apparatdagi biotexnologik jarayonlar izotermik sharoitda sodir bo'ladi, shuning uchun tekshirilayotgan aerob jarayonlarda issiqlik chiqarilishini aniqlash uchun ikkilamchi bilvosita parametrlar yordamida hisoblash usuli qo'llaniladi.

$$\Delta H = 3,38 \cdot \alpha^{O_2},$$

bunda, α^{O_2} - erigan kislorodning stexiometrik koeffitsienti, кг/кг .

Apparatdagi gidrodinamik muhit ham temperatura taqsimotining xarakteriga katta ta'sir ko'rsatadi. Masalan, ideal aralashma apparatlarida, jarayonning barcha parametrlari, shu jumladan, temperatura, apparatning istalgan nuqtasida bir xil bo'ladi. Aksincha, baland apparatlarda esa, temperatura apparatning turli nuqtalarida har xil bo'ladi. Aralashtirishning intensivligi, apparatda issiqlik uzatish intensivligiga ham ta'sir qiladi.

Bu masalalarni hal qilish uchun masalaning matematik modelini tuzish talab etiladi, bunda mikroorganizmlarning ozuqa suyuqligiga bogliq ravishda ozgarishi, quyidagicha bo'ladi

$$c\rho \frac{dT}{dt} = -\frac{\alpha}{l}(T - T_b) - 2\frac{\alpha_{cm}}{r}(T - T_{oe}) + \Delta H \cdot \mu(O_2, T) \cdot X$$

$$\frac{dX}{dt} = \mu(O_2, T) \cdot X - DX$$

boshlang'ich shart

$$T(0) = T_0, \quad X(0) = X_0$$

bunda X – biomassa kontsentratsiyasi, кг/м^3 ; T_b - havo temperaturasi, K ; α , α_{cm} - oziqa suyuqligi bilan bioreaktor devorining tashqi muhit bilan issiqlik uzatish koeffitsientlari, $\text{Вт}/(\text{м}^2\text{K})$; c – ozuqa suyuqligining solishtirma issiqlik sig'imi, $\text{Dj}/(\text{кг K})$; ρ - ozuqa suyuqligining zichligi, кг/м^3 ; l, r - apparatning uzunligi va radiusi, м ;

Shunday qilib, tizim holatining chiziqli bo'lmagan matematik modeli, ta'sir etuvchi va chiqish parametrlari o'rtasidagi qonuniyatlarini aniqlash va uning natijalarini statsionar bo'lmagan sharoitlarda prognoz qilish asosida, biotexnologik jarayon to'g'risida muhim ma'lumotlarni olish imkonini beradi.

Texnologik apparatning issiqlik balansini tuzishda, barcha issiqlik hodisalari hisobga olinadi. Izotermik bo'lmagan apparatni hisoblashda moddiy va issiqlik balanslari tenglamalari tizimini birgalikda hal qilish kerak, chunki biotexnologik jarayon davomida ulardan birinchisi moddalar miqdorining o'zgarishini, ikkinchisi - issiqlik miqdorining o'zgarishini hisobga oladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Кафаров В.В. Основы массопередачи. –М.: Высшая школа, 1972. – 496
2. Мошинский А.И. Математическое моделирование химико – технологических и биотехнологических процессов. Санкт-Петербург. КноРус. 2021. -336 с.

СОҒЛОМ ФИКРЛАШ СОҒЛОМ ТУРМУШНИНГ АСОСИЙ СИФАТИДИР

Н.Х.Холиева,
“Спорт мажмуаси”, ТДИУ
М.Р.Махмудов,
“Спорт мажмуаси”, ТДИУ

Аннотация: Ушбу мақолада саломатлик бу табиатнинг берган энг катта ва бетакрор туҳфаси эканлиги ҳақидаги маълумотлар, шунингдек руҳий саломатлик орқали жисмоний саломатликни сақлаш ва бошқариш йўллари ифодаланган. Соғлом одам аввало ўз ҳаётини, турмуш тарзини тўғри баҳолай олади ва атрофидагиларни ҳам шунга даъват этади. Инсонни ўз орзу мақсадларига, интилишлари ва муваффақиятларга эришишида уни тўғри фикрлаши, ўз фаолиятини тўғри ташиқил эта билиши муҳимлиги, шахс томонидан саломатликни психологик нуқтаи назаридан бошқариш механизмлари кўрсатиб берилган.

Таянч иборалар: руҳий саломатлик, соғлом турмуш тарзи, суицидал ҳатти-ҳаракатлар, онг ости фаолашуви, девиянт ҳулқ, одам, организм, муайян ритм, кўникма, саломатлик, меъёрлар, туриш, чиниқиш, дам олиш.

Аннотация: В этой статье содержится информация о том, что здоровье является величайшим и самым уникальным даром, данным природой, а также о способах сохранения и управления физическим здоровьем с помощью психического здоровья. Во-первых, здоровый человек может правильно оценивать свою жизнь и образ жизни и поощрять других делать то же самое. Показана важность человека правильно мыслить, уметь организовать свою деятельность для достижения целей, стремлений и успехов своей мечты, показаны механизмы психологического управления здоровьем со стороны человека.

Ключевые слова: психическое здоровье, здоровый образ жизни, суицидальное поведение, активация подсознания, девиянтное поведение, человек, организм, специфический ритм, способности, здоровье, нормы, стояние, упражнения, отдых.

Abstract: This article provides information that health is the greatest and most unique gift given by nature, as well as ways to maintain and manage physical health through mental health. First, a healthy person can assess their life and lifestyle correctly and encourage others to do the same. The importance of a person to think correctly, to be able to organize their activities to achieve the goals, aspirations and success of their dreams is shown, the mechanisms of psychological management of health by a person are shown.

Keywords: mental health, healthy lifestyle, suicidal behavior, activation of the subconscious, deviant behavior, person, organism, specific rhythm, abilities, health, norms, standing, exercise, rest.

Кириш. Саломатлик бу табиатнинг берган энг катта ва бетакрор тухфасидир. Соғлом одам аввало ўз ҳаётини, турмуш тарзини тўғри баҳолай олади ва атрофидагиларни ҳам шунга даъват этади. Инсонни ўз орзу мақсадларига, интилишлари ва муваффақиятларга эришишида уни тўғри фикрлаши, ўз фаолиятини тўғри ташкил эта билиши муҳим. Бу инсондан катта иродавий зўр беришни, ўз устида ишлаш ва назоратни талаб этади. Соғлом турмуш тарзи ва руҳий саломатлик одамнинг табиий ва органик эҳтиёжига айланиши лозимки, у ушбуларга онгли, ихтиёрий тарзда бутун ҳаёти мобайнида риоя этмоғи лозим.

Руҳий саломатлик нафақат тан-вужуднинг гигиенасини, балки маънавий соҳани, ахлоқий нормаларга нисбатан соғлом фикрлаш билан боғлиқ психогигиенани, ўз-ўзини тарбиялашни назарда тутати. Шу боис ҳам болани илк ёшлардан соғлом турмуш тарзига ўргатиш лозим. Уларда энг аввало соғлом ва узоқ яшашга мослашишни шакллантириш керак. Инсон саломатлиги 50 фоиздан зиёд ҳолатларда унинг турмуш тарзига, 20 фоизи наслий омилларга, 20 фоизи экологияга, яъни атроф-муҳит таъсирларига, 10 фоизи – тиббий ёрдамнинг самарадорлигига боғлиқ экан. Турмуш тарзи деганда, одатда, одамларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, одатга айланган, барқарор хулқ-атвор ва муомала нормалари тушунилади. У ўз навбатида одам организмнинг муайян ритм ва кўникмаларга эга бўлиши орқали саломатлигини маълум меъёрларда ушлаб туриш, чиникиш, дам олиш ва хулқини оқилона ташкил этишга ўрганиб қолишини таъминлайди.

Инсон яшар экан, ҳаётининг маълум палласида тақлид қилиш, ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш эҳтиёжига дуч келади. Лекин мана шу тақлид жараёни ҳар доим ҳам ижобий мазмун-моҳиятни акс эттирган, ижобий хулқ кўникмаларини шакллантиришга йўналтирувчи кучга эга бўлмайди. Кўп ҳолларда салбий иллатларни, носоғлом турмуш тарзини оддийгина кўринган тақлид жараёни ҳосил қилади. Ана шундай кўринишларидан бири тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларга ружу қўйишдир.

Психологик шахс типларига мувофиқ, турли кўнгилахушлик учун спиртли ва наркотик моддалар истеъмолига мойил кишилар энг пассив тип вакиллари ва иродасиз, қатъиятсиз табиатли кишиларга тўғри келади.

Иродасиз йигит ва қизлар олдин шунчаки «вақтичоғлик» учун оз-оздан ичадилар кейинчалик бундай вақтихушликнинг қармоғига илиниб қолганларини ўзлари ҳам сезмайдилар. Кейинчалик бу маънавий жиҳатдан қарамликни юзага келтиради.

Психология фанида одамларни асосан икки тоифага бўлишади – “А” ва “Б” тоифалар.

Биринчи тоифалиларда масъулият ҳисси шу қадар кучлики, улардаги мақсад ва омадга, муваффақиятга интилиш ҳаётининг мазмунига айланган, улар ўзларини ҳурмат қилувчи кишилар. “А” тоифадагилар ўта ишчан, ҳамиша ўзларини нима биландир банд қила оладиганлар бўлиб, улар одатда дам олишни билмай-



дилар, яъни бўш вақтда саломатлигини тиклаш, асабларга тин бериш одатини тез-тез бузадилар.

Иккинчи – “Б” тоифалилар эса бошқача: улар босиқ, вазмин, ҳеч шошганини кўрмайсиз, ўзларига унчалик катта масъулият ҳам олмайди, кўшимча вазифаларни ҳам олмайди. Лекин дам олишга келганда, улар жуда уста, тиникиб ухлашни яхши кўради.

“Б” типлар атайлаб таътиллар олиб, унда пухта ишлаб чиқилган жадвал асосида дам олишни яхши кўришади, бу ишга оила аъзоларини ҳам жалб этади, шу хислати билан уларни ҳам авайлайди. Бирор ишни қилиш керак бўлса, шошмай, секин, вазминлик билан бошлайди, саросимага тушмай бажаради, қийинчилик ва ташвишларга чидамли, ҳаётдаги турли машмашаларни ҳам босиқлик билан қабул қилади.

Иккала тоифа вакилларида ҳам саломатлигини ўзи асраши учун имконият, захира мавжуд, умумийлиги шундаки, иккаласи ҳам ҳаётдаги йўлини аниқ тасаввур қилади, умумий талаб шуки, уларнинг маънавияти бой бўлиши керак. Чунки руҳан соғлом одам ҳамиша аниқ-равшан қарорлар қабул қилади, бу қарорлар одатда жамият нормаларига, кўпчилик эътироф этган ахлоқ қоидаларига зид бўлмайди. Умуман, бу ўринда яна бир бор шахс маънавияти ва ахлоқий қиёфасининг унинг саломатлигига бевосита боғлиқлигини таъкидлаш жоиз. Зеро, маънан пок инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати, меҳнати, тутумлари ҳеч кимнинг манфаатига зид бўлмайди

Рухий саломатлик орқали жисмоний саломатликни ҳам сақлаш ва бошқариш мумкинлиги гоёси янги бўлмай, у XX аср бошларидаёқ психолог ва психиатр мутахассислар диққатини ўзига тортган. Олимлар шунини таъкидлашганки, соғлом инсон бемордан фарқи равишда ўзидаги жами психик жараёнлар, ҳолатлар ва қобилиятларни бошқариши мумкин.

Шахс томонидан саломатликни психологик нуқтаи назаридан бошқариш ўз ичига қуйидаги босқичларни олади: мақсад-муддаони қўйиш, ўзидаги мавжуд маълумот ва ахборотларни таҳлил этиш, мустақил қарорлар қабул қилиш, ижросини таъминлаш ва назорат қилиш. Ҳар бир алоҳида босқичда шундай ўзига хос жараёнлар рўй берадики, улар охир-оқибат саломатликни таъминлайди. Масалан, одамнинг ўз олдига аниқ ҳаётий мўлжалларни қўя олиши, келгусида қандай касбкорга эга бўлишига оид аниқ тасаввурларнинг мавжудлиги, ҳаётда тасодифан қандайдир мавқега эга бўлиш эмас, балки ўз саъйи-ҳаракатлари, ҳаётий интилишлари туфайли ўрнини топишини англаши кабилар ўта муҳим бўлиб, инсоннинг саломатлиги, ўзини яхшилар орасида яхши ҳис қилишни таъминлайди.

Психологик саломатликка таҳдид солувчи омилларга энг аввало қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ҳаётий мўлжалларнинг нотўғри танланганлиги;
- турмуш тарзининг пала-партишлиги;
- интеллектуал салоҳиятнинг пастлиги;

муомала маданиятининг пастиги;
ёқтирган машғулот билан шуғуланмаслик.

Буларнинг барчаси асида келиб чиқиш нуқтаи назаридан организмиздаги физиологик, биологик жараёнлардан кўра, бевосита шахсимизга боғлиқ бўлган ижтимоий омиларнинг хусусиятларидан келиб чиқади.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилинишини аввало тўғри фикрлашдан бошлаш лозим. Бизни фикр юритишимиз, ўз ҳаётимизга тўғри муносабат билдиришимиз, эртанги кундаги келажагимиз учун қайғуришимиз мавжуд эмас экан, бу ҳол ўзгалар назоратидаги ҳатти-ҳаракатимиз билан тўғриланмайди. Доимий жисмоний фаолиқ инсонни куч-гайратга ундаш билан бирга, ўз-ўзига бўлган ишончини ҳам шакллантиради. Оила муҳитида ота-она ўзи ибрат тариқасида фарзандини соғлом турмуш тарзи ва соғлом фикрлаши билан тарбияласа, бу қадрият бола учун ҳаётининг ажралмас бир қисмига айланиб қолади. Бугунги кундаги соғлом ҳаёт кечиришга жисмонан ва руҳан тайёр бўлиш масаласи давлат сиёсати доирасида аҳамият берилаётган масалалардан биридир. Ўз имкониятларига холис баҳо бера оладиган ва ҳаётдаги турли қийинчиликларни ўз иродаси, жисмоний меҳнатлари ва тўғри хулоса қила олиши билан руҳан ўзини ўзи бошқариш орқали енга оладиган кишиларда турли хасталикларга нисбатан чидамлик юқори даражада бўлади. Инсондаги руҳий ҳолат мустаҳкам бўлса, жисмоний ҳолатини бошқариш, ундан самарали фойдалана олиш имконияти кенгайди.

Шу маънода эртанги кун ворисларини тарбиялаш баробарида уларда маънавий етукликни, турмуш тарзини тўғри режалаштира олиш маданиятини шакллантиришга ҳам эътибор беришимиз зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ғозиев Э. Ғ. "Ёш психологияси ва педагогик психология" дарслик 1-2 китоб.Т. 2014
2. Ziinet.uz.библиотека.book.Ёш психологияси ва педагогик психология



**QISHLOQ XO'JALIGINI RIVOJLANTIRISH ORQALI
OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASH, RAQOBATDOSH
SANOAT ZANJIRLARINI YARATISH VA INVESTITSİYALARNI
JALB ETISH CHORA-TADBIRLARI**

*Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya maqolalar to'plami
(2021-yil 25-noyabr)*

"IQTISODIYOT" – 2021

Mas'ul muharrir:
Sharipov K.A.

Muharrir:
Yaxshiyev H.T.

Musahhih:
Matxo'jayev A.O.

Sahifalovchi:
Adilova I.N.

Litsenziya raqami: №10-4286 14.02.2019. Bosishga 22.11.2021da ruxsat etildi.
Bichimi 70x100¹/₁₆. Raqamli bosma usuli. «Arno Pro» garniturası.
Shartli bosma tabog'i 23,5. Adadi 50 nusxa.

«ZARAFSHON FOTO» XK matbaa bo'limida chop etildi.
100066, Toshkent sh. Islom Karimov ko'chasi, 49-uy.

